

**ЎЗБЕКИСТОН
ЮРИДИК
ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ**

**Тошкент
“Адолат”
2009**

**67(5Ў)
Ў40**

Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул
Р.А. Мухитдинов ва бошқ.; масъул мухаррир Н. Тойчиев. – Т.:
Адолат, 2009. – 704 б.

ББК 67(5Ў)я2

Нашр учун масъуллар: **Р.А. Мухитдинов**, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири,
А.А. Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг
биринчи ўринбосари,
Н. Тойчиев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
бошқарма бошлиғи,
А. Жабборов, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
хузуридаги “Адолат” нашриёти директор ўринбосари.

Муаллифлар жамоаси: ю.ф.д. Г. Абдумажидов, ю.ф.д. К.Р. Абдурасулова, ю.ф.д.
Х.Т. Адилкариев, ю.ф.н. И. Анартоев, ю.ф.д. Б.Дж. Ахраров, ю.ф.д. Х. Бабаев, ю.ф.н.
М.Х. Баратов, ю.ф.д. С.Б. Бобоқулов, ю.ф.н. А.Б. Гафуров, ю.ф.н. А.Ж. Давлетов, С.И. Жабборов,
ю.ф.д. И.Б. Зокиров, ю.ф.н. Н.Ф. Имомов, ю.ф.д. З.Ф. Иноғомжонова, ю.ф.д. З.М. Исламов,
ю.ф.д. Б.И.Исмаилов, М.И. Ишбеков, ф.ф.н. Т. Курбанов, ю.ф.н. А. Латифов, ю.ф.н. А. Ли,
ю.ф.н. М.М. Мамасиддиков, ф.ф.н. К. Мамуров, Х.Х. Мелиев, М.М. Миракулов, ю.ф.н.
О.Б. Муродов, ю.ф.д. А.З. Мухамеджанов, Ф.Э. Мухамедов, ю.ф.н. Х.Н. Назаров, ю.ф.н.
М.К. Нажимов, ю.ф.н. А.Н. Норбоев, ю.ф.д. О. Окюлов, ю.ф.д. Х. Рахмонкулов, ю.ф.д.
Р.Ж. Рузиев, ю.ф.д. М.Х. Рустамбоев, ю.ф.н. Н. Сабуров, Т.А. Саидбобоев, ю.ф.н. Т.Р. Саитбаев,
Н.И. Содиков, Н.Д. Тойчиев, А.И. Тошпулатов, ю.ф.н. Г.З. Тулаганова, ю.ф.н. Ю. Турсунов,
ю.ф.н. У.А. Тухташева, ю.ф.д. М.Б. Усмонов, ю.ф.д. М.А. Усманова, У.Ч. Утаев, ю.ф.д. Ш.Х. Файзиев,
ю.ф.н. О.Т. Хазраткулов, ю.ф.н. У.Ш. Халикулов, ю.ф.н. М.А. Хамидова, У.У. Ханаев, ю.ф.н.
С.М. Хидиров, Ф.Б. Хидоят, ю.ф.н. С.А. Ходжаева, ю.ф.н. Э.Т. Хожиев, ю.ф.д. Ж.Т. Холмуминов,
ю.ф.д. Э. Эгамбердиев, ю.ф.н. В.Ё. Эргашев, ю.ф.н. З.Н. Эсанова, ю.ф.н. Ш.Р. Юлдашева.

Ў $\frac{1201000000-050}{(04)-2009}$ – 2009

ISBN 978-9943-332-68-3

© Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Адолат” нашриёти, 2009 йил.

МУҚАДДИМА

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош мақсад қилиб қўйилди. Ушбу мақсадга эришишнинг асосий воситаларидан бири қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланади. Қонун устуворлиги биринчи навбатда, қонун ҳужжатларининг дастлабки лойиҳа ҳолатидаёқ мазмунига эркинлик ва адолат нормаларини сингдириш орқали таъминланса, иккинчи навбатда эса амалдаги қонун ҳужжатлари мазмунини давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан нечоғли ўрганилиши, унга аниқ ва бир хилда риоя этилиши билан таъминланади. Бунинг учун давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамиятнинг барча аъзоларидан юксак ҳуқуқий билим, иқтидор, онг, қолаверса ҳуқуқий маданият талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим бўғинидир”. Қонунийликни таъминлашнинг, жамиятнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигига эришишнинг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг муҳим йўли қонунчилик тизими ўзагини ташкил этувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифат жиҳатдан юқори даражада бўлишидир. Қонунчилик мазмунидаги юксак сифатлилик, изчиллик ва мантиқийликка, албатта, ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизимининг ўзаро мутаносибликда барқарор ривожланиши натижасида эришилади.

Юртбошимиз Ислон Каримов томонидан истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданок, мустақиллик тушунчасининг маъно-мазмунини ҳуқуқ ташкил этишига оид улғуғ ғоя асослаб берилгандан кейин, шунингдек бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта принциpidан бири сифатида “қонун устуворлиги” белгилаб қўйилганидан сўнг ҳуқуқий тизимнинг ривожланиши йўлида самарали ишлар амалга оширилди. Наинки давлатимизда амалга оширилаётган улкан ислохотларнинг, балки ижтимоий муносабатларнинг ҳам ҳуқуқий пойдеворини ташкил этувчи мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Миллий қонунчилигимизда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини, эркинликларини муҳофаза этиш, унинг фаровон ҳаётини таъминлашга йўналтирилган адолатли нормалар акс этди.

Жамият иқтисодий жиҳатдан тараққий этгани, ижтимоий муносабатларнинг кўлами мунтазам кенгайгани сайин қонунчилик тизимини такомиллаштиришга, вужудга келган янги соҳаларни қонуний асослашга эҳтиёж сезилиб бораверади. Қонунчилик тизимида қонунчилик институтларининг қонунчилик соҳаларига, қонунчилик соҳаларининг алоҳида, мустақил қонунчилик тармоқларига айланиши аънанаси кузатилади. Шунингдек, ҳуқуқ тизими ва қонунчилик тизимига янги тушунчалар, категориялар ва атамаларнинг кириб келиши ҳам жамият иқтисодий-ижтимоий ривожланишини ҳуқуқий таъминлаш жараёнида вужудга келадиган объектив ҳолатдир. Шаклланаётган янги тушунчаларнинг таърифини, мазмун-моҳиятини, турларини ёритиш ҳуқуқшунос олимлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 13 мартдаги Ф-1924-сон “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш тузиш тўғрисида”ги Фармойишида ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши соҳасидаги камчиликларни аниқлаш, давлат ва жамият қурилишининг аниқ муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида такрорийлик, параллелликни истисно этувчи тизимлилик ва изчилликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш Кенгаш фаолиятининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Қонунчилик тизими ривожланишининг ушбу босқичида ҳуқуқшунослик илми ва қонун ижодкорлиги ўртасида узвий мутаносиблик, аниқроқ айтсак, қонунчилик назарияси ва амалиёти ўртасида уйғунлик кузатилиши зарур. Юридик атамаларнинг тизимли алифбосини яратиш, уни

Ўзбекона руҳда изоҳлаш албатта ҳуқуқшунос олимларнинг сермашаққат меҳнатини талаб этади. Бундай пухта ишланган юридик энциклопедиянинг мавжудлиги эса қонун ҳужжатлари мазмунида юридик атамаларни аниқ ва бир хилда, тўғри қўллашга эришилиши билан аҳамиятлидир. Қонун мазмунида ҳам, уни татбиқ этувчи ва унга риоя этувчи шахс онгида ҳам ҳар бир ҳуқуқий атаманинг айнан бир мазмун ҳамда маънода қўлланилишига эришиш қонунийликни таъминлаш гаровидир.

Юридик энциклопедияларни яратиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудида ҳозирги кунга қадар турли шаклдаги луғатларни нашр этишга муваффақ бўлинган ва бу борада ўзбек ҳуқуқшунослиги муайян тажрибага эга бўлган, деб эътироф этиш мумкин. Дастлабки интилиш Ғози Юнус (1926 йил) ва Ғотиҳ Бакиров (1959 йил) томонидан русча-ўзбекча юридик атамаларнинг луғатини тузиш билан бошланган. Бу йўналишда нашр қилинган янги асарлар орасида “Юридик атамалар ва иборалар луғати” (1993 йил), “Аҳоли учун юридик маълумотнома” (1993–1995 йиллар), “Юридик атамалар комусий луғати” (2003 йил), “Конституциявий ҳуқуқ” энциклопедик луғати (2006 йил) айниқса диққатга сазовор. Бирок, шу пайтгача юридик энциклопедия яратиш ишлари ниҳоясига етмаган эди. Юқорида келтирилган луғатларда айрим юридик атамалар тушириб қолдирилган ёки уларнинг изоҳи берилмаган.

Китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган “Ўзбекистон юридик энциклопедияси” Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича Кенгаш ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида тузилган ишчи гуруҳ томонидан Тошкент давлат юридик институти ва бошқа юридик таълим ҳамда илмий муассасалар олимларининг ҳаммуаллифлигида тайёрланди. Унда соф юридик атамалардан ташқари сиёсатшунослик, иқтисодиёт, маданиятшунослик ҳамда урф-одатларга тааллуқли баъзи атамаларнинг ҳуқуқий жиҳатларини изоҳлаш ҳам назарда тутилган.

Ушбу энциклопедия 3300 га яқин юридик атамани ўзида жамлаган бўлиб, амалий қўллаш сифатида, шунингдек кундалик ҳаётда ижтимоий, сиёсий, маънавий, маърифий воқеликларга ҳуқуқ нуқтаи назаридан баҳо беришда маълумотнома тарзида фойдаланиш учун ҳуқуқшунослар, давлат ҳокимияти органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мутахассис ходимлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

“Ўзбекистон юридик энциклопедияси”даги изоҳлар юридик фан ва амалиётда қабул қилинган таъриф ва фикрларга асосланган. Айрим изоҳларда амалдаги қонун ҳужжатларидан кўчирмалар келтирилган. Китобни шакллантиришда шу йўналишда ижод қилган муаллифларнинг асарларидан, шунингдек ўзбек ва хорижий адабиётлардан, юридик энциклопедия ва луғатлардан, дарсликлар, монографиялар, илмий мақолалардан унумли фойдаланилди.

Табиийки, мазкур энциклопедияни тайёрлаш ва таҳрир қилиш илк тажриба бўлганлиги сабаб айрим камчиликлардан холи бўлмаслиги мумкин. Шу муносабат билан китобхонларнинг мазкур юридик энциклопедия юзасидан билдирадиган фикр-мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қиламиз.

“ЎЗБЕКИСТОН ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ” ДАН ФЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

“Ўзбекистон юридик энциклопедияси” да мақолаларнинг номлари (сўзлар, атамалар) ни имкон қадар қисқа шаклда (кўпинча бир ёки икки сўз, айрим ҳоллардагина бир неча сўз билан) беришга ҳаракат қилинди. Улар алифбо тартибида жойлаштирилиб, янги сатрдан **катта қора ҳарфлар** билан терилди. Битта атаманинг ҳар хил маъноси мақоланинг матнида рақамлар билан ажратиб берилган.

Мақолаларнинг номи аксари бирликда, масалан, **“Адвокатлар”** ёки **“Байроқлар”** эмас, балки **“Адвокат”** ёки **“Байроқ”** шаклида берилди. Китобхон мақола номини бирлик шаклидан тополмаса, тегишли сўз (атама) ни кўплик шаклидан излаши керак. Чунки, баъзи атамалар қонунчилик атамашунослигига мувофиқ, кўплик сонда берилган: **“Меҳнат низолари”**, **“Сайлов комиссиялари”**, **“Солиқ агентлари”** ва ҳоказо.

Мақола номи бир неча сўздан таркиб топган бўлса, мақолаларни жойлаштиришда биринчи сўз асос қилиб олинди, масалан, **“Суд экспертизаси”** мақоласи **“Судья”** мақоласидан олдин туради. Номлар таркибида бир сўз айнан такрорланганда, ички алифбо тартиби кейинги сўз асосида олинди: **“Дипломатик бошпана”**, **“Дипломатик нота”**, **“Дипломатик ҳуқуқ”** каби.

Бошқа тилдан кирганлиги ўз-ўзидан маълум бўлиб турган сўз ва атамалардан иборат мақола номларига, имкони борича, этимологик маълумотлар берилди.

Катта қора ҳарфлар билан терилган мақола номидан кейин қавслар орасида яна катта қора ҳарфлар билан ёзилган сўзлар бўлса бу – асосий атама ёки ном билан бир қаторда унинг бошқа варианты ёки синоними борлигини кўрсатади. Масалан, **“Адабий ўғирлик (Плагиат)”**, **“Низоли ашёларни сақлаш (Секвестр)”**.

Китобда бир-бирига алоқадор мақолаларда баъзи маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши учун, шунингдек баъзи бир мақолаларни китобхоннинг қийналмай топишига ёрдам бериш мақсадида ҳавола тизимидан фойдаланилди. Ҳавола этилаётган мақола номи *қия ҳарфлар (курсив)* билан ёзилди.

Ўзгарувчан маълумотлар (аҳоли сони, халқ хўжалиги кўрсаткичлари ва бошқалар) қайси йилники бўлса, ўша йил билан (қавс ичида “йил” сўзисиз) кўрсатилган.

Мақолалар муаллифлари рўйхати энциклопедиянинг бошида берилади.

Китоб ҳажмини ихчамлаштириш мақсадида, одатда кўп такрорланадиган сўзлар қисқартириб ишлатилди (бу ҳақда қисқартмалар рўйхатига қаранг). Хусусан, мақола номини ташкил этган сўзлар матнда уларнинг биринчи ҳарфлари билан олинди (масалан, **“Айблов ҳулосаси”** – А.х.) ва лозим бўлса, бу ҳарфларга қўшимча қўшилаверади.

“Ўзбекистон юридик энциклопедияси” охирида мақолаларни ёзишда фойдаланилган адабиётлар (манбалар) рўйхати ва кўрсаткичлар илова этилди.

“ЎЗБЕКИСТОН ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ”ДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

- а.** – аср (рақам билан ёнма-ён келганда)
араб. – арабча (этимологик маълумотда)
б. – бет, бетлар
б-н – билан
БК – Божхона кодекси
БМТ – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
БП – Бош прокуратура
ва б. – ва бошка(лар)
ва ш.к. – ва шу каби(лар)
ва ҳ.к. – ва ҳоказо (лар)
вил. – вилоят(и)
ВМ – Вазирлар Маҳкамаси
голл. – голландча (этимологик маълумотда)
ЕК – Ер кодекси
ЖИК – Жиноят-ижроия кодекси
ЖК – Жиноят кодекси
ЖПК – Жиноят-процессуал кодекси
ИИВ – Ички ишлар вазирлиги
инг. – инглизча (этимологик маълумотда)
инс. – институт
исп. – испанча (этимологик маълумотда)
ит. – итальянча (этимологик маълумотда)
й. – йил, йили (рақам билан ёнма-ён келганда)
Конс. – Конституция
КС – Конституциявий суд
лот. – лотинча (этимологик маълумотда)
м. – модда (рақам билан ёнма-ён келганда)
мас. – масалан
мил. – милодий
мил. авв. – милоддан аввал (ги)
млн. – миллион
млрд. – миллиард
М. – Москва (адабиётлар (манбалар) рўйхатида)
МДХ – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
МЖК – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс
- МК** – Меҳнат кодекси
нем. – немисча (этимологик маълумотда)
ОК – Оила кодекси
ОС – Олий Суд
ОХС – Олий ҳўжалик суди
пол. – полякча (этимологик маълумотда)
рус. – русча (этимологик маълумотда)
РФ – Россия Федерацияси
санскрит. – санскритча (этимологик маълумотда)
СК – Солик кодекси
т. – том (адабиётлар (манбалар) рўйхатида)
Т. – Тошкент (адабиётлар (манбалар) рўйхатида)
тож. – тожикча (этимологик маълумотда)
тум. – туман(и)
турк.-мўғ. – туркча-мўғулча (этимологик маълумотда)
УЖК – Уй-жой кодекси
ФК – Фуқаролик кодекси
ФПК – Фуқаролик процессуал кодекси
форс. – форсча (этимологик маълумотда)
фр. – французча (этимологик маълумотда)
ХПК – Хўжалик процессуал кодекси
ШК – Шаҳарсозлик кодекси
ш. – шаҳар(и)
юн. – юнонча (этимологик маълумотда)
ўзб. – ўзбекча
ЎзР – Ўзбекистон Республикаси
қ. – қаранг
қад. – қадимги, қадимий
ҚП – Қонунчилик палатаси
ҚР – Қорақалпоғистон Республикаси
ҲК – Ҳаво кодекси
% – фоиз (рақам билан ёнма-ён келганда)



АБОЛИЦИЯ (лот. *abolitio* – бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ; инг. *abolition*) – қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш. “А.” атамаси у янада кенгрок маънода қўлланган рим ҳуқуқи давриданок маълум бўлган. Римликлар А.нинг уч хил кўринишини фарқлашган: а) муайян байрам муносабати б-н ёки ижтимоий офат вақтида маҳкумларни озод қилишдан иборат бўлган *abolitio generalis sive publica*; б) *abolitio ex lege*, яъни судья томонидан айблов ҳужжатида йўл қўйилган формал хато муносабати б-н берилган айбланувчининг илтимосномасига кўра айбловни бекор қилиш; в) *abolitio privata*, яъни хусусий айбловчи томонидан рад этишга имконият берилиши. Кейинчалик *abolitio specialis* (жиноят судининг ҳаракатини йўқ қилиш) ва амнистия маъносига *abolitio generalis* (оддий *abolitio*) фарқлана бошлаган.

АБОНЕМЕНТ (фр. *abonnement*; инг. *season-ticket*) – муайян хизматдан фойдаланишга ҳуқуқ берувчи ҳужжат, ушбу ҳуқуқнинг ўзи; абонент (истеъмолчи)га хизмат кўрсатиш шакли. Ҳуқуқда XIX а.да “А.” атамаси олдиндан буюртма қилиш ва ҳар бир хизмат учун оддий баҳода алоҳида-алоҳида ҳақ тўлаганга қараганда анча камрок қийматни тўлаш орқали муайян хизматлар кўрсатишни таъминловчи битимни ифодалаган. А. театрларнинг фаолиятида, мунтазам равишда концертлар, томошалар ташкил этишда, кутубхоначилик ишида ва б.да кенг тарқалди.

АБОНЕНТ (фр. *abonné* – ёзилмоқ, обуна бўлмоқ; инг. *subscriber*) – абонемент бўйича қандайдир хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс ёки фуқаро, айрим фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар (мас., энергия таъминоти шартномаси)нинг тарафларидан бири.

АБСЕНТЕИЗМ (лот. *absent /absentis/* – қатнашмаётган; инг. *absenteeism*) – сайловчиларнинг вакиллик органлари ёки мансабдор шахсларни сайлашда, йиғилишларда ва х.к.да қатнашишдан бош тортиши; аҳолининг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишга бефарқ қараши. А. сайлов тизимининг нодемократик кўринишига қарши аҳоли норозилигининг бир шакли, у эркин сайловлар ўтказилаётганда учрайди. Бунга қарши салбий (жарима санкцияларини белгилаш) ва ижобий (овоз беришда иштирок этганлиги учун давлат бюджетидан пул тўлаш ёки сайлов ўтказилган кунни меҳнат таътилига қўшиб бериш) тусдаги усуллар қўлланилади.

Қонда тарикасида, А. сайловлар ҳақиқий деб топилиши учун лозим бўлган сайловчилар сонининг камайишига олиб келади. Мас., “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 44-м.сига мувофиқ, агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 %идан камини иштирок этган бўлса, сайлов ўтмаган деб топилади.

АВАЛЧИ (инг. *avaler/guarantor/surety on a bill*) – пул мажбуриятлари бўйича кафил. А. вексель эгаси олди-

да пул мажбурияти ижроси учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. А. банк векселининг сарварағига ёхуд унга тикилган вараққа имзо шаклида пул мажбурияти ижроси бўйича кафолатчи бўлади.

АВАЛЬ (инг., фр. *aval*) – 1) тўлов кафолати. Чек бўйича тўлов кафолати А. воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин. А.ни тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин. А. чекнинг олд томонига ёки қўшимча вараққа “Аваль деб ҳисоблансин” деган ёзув б-н ва у ким томонидан ҳамда ким учун берилганини кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар А. ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, А. чек берувчи учун берилган ҳисобланади. А. авалчи томонидан имзоланиб, унинг яшаш жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади. Авалчи у А.ни ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади. Агар авалчи кафолатлаган мажбурият шаклига амал қилмасликдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади. Чек бўйича пул тўлаган авалчи у кафолат берган шахсга нисбатан ҳам, бу шахс олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан ҳам чекдан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади; 2) вексель кафолати, топшириғи. Ташкилотлар томонидан векселлар чиқарилишига уларга аниқ етказиб берилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-китоб қилишга уларда вақтинча етишмаётган пул маблағларини қоплаш учунгина хизмат кўрсатувчи банк томонидан вексель кафолати А. мажбурий тартибда расмийлаштирилган ҳолда йўл қўйилади.

АВАНС (БЎНАК) (инг. *advance*; фр. *avance*) – 1) ходимга келгусида тўланиши лозим бўлган иш ҳақи ҳисобидан амалга ошириладиган пул тўлови. А.(б.)нинг микдори корхона иш берувчиси томонидан ходимлар вакиллик органи б-н келишилган ҳолда белгиланади; 2) хизмат сафарига юборилаётган ходимга хизмат сафари харажатларини қоплаш учун олдиндан тўланадиган пул суммаси. Хизмат сафаридан қайтган ходим қилинган харажатлар ҳисоботини тақдим қилади ва ортиқча қилинган харажатлар тўлаб берилади, А.(б.)нинг сарфланмай қолган қисми эса корхонага қайтарилиши лозим бўлади; 3) хўжалик эҳтиёжлари (мас., бошқа жойдаги ишга юборилганда озик-овқат маҳсулотлари, инвентарлар сотиб олиш) учун берилган пул суммаси. Мазкур сумманинг сарфланмасдан қолган қисми корхонага қайтариб берилиши лозим; 4) шартномага мувофиқ, келгусида товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш учун олдиндан тўланадиган ҳақ.

АВАРИЯ ИШЛАРИ – ишлаб чиқаришдаги авария (жиддий бузилиш, ўприлиш, портлаш ва х.к.) ишлаб чиқариш зарурати дея баҳоланиши мумкин бўлган техноген ҳодиса. Корхонада авария юз берганида унинг оқибатларини бартараф қилиш, юз бериш хавфи туғилганда эса унинг олдини олиш мақсадида қатъий чоралар кўрилади. Ана шу мақсадда ходимлар уларнинг розилигисиз вақтинча бошқа ишларга қўчирилишлари ва бунда қасби, ихтисослиги эътиборга олинмаслиги мумкин. Лекин, иш берувчи ишлаб чиқариш зарурати туғилгани ҳолда ҳам ходимни ёшига, жинсига, саломатлигига тўғри келмайдиган ишларга қўчириши мумкин эмас. А.ни учун дам олиш ва байрам кунлари ишга жалб этишга йўл қўйилади.

АВГУСТИН АВРЕЛИЙ (354–430) – христиан черковининг кўзга кўринган вакили, Рим империясининг Шимолий Африкадаги Гиппон шаҳри епископи, христиан динининг ўша пайтдаги бош йўналиши сифатида католикликка асос солган. У, дастлаб Афлотун ва афлотунчилар фалсафаси ҳамда Цицерон асарлари б-н кизиккан. Христианликни қабул қилгач, “асл” диндан чекинган мажусий ва еретикларга қарши ғоявий курашда фаол иштирок этган. У христиан фалсафаси асосий қонунларини ишлаб чиққан муаллиф бўлиб, латин тилида жуда кўп асарлар яратди. Унинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари “Эркин ирода ҳақида” (“О свободной воле”), “Худо шахри ҳақида” (“О граде Божиим”) сингари асарларида ифодаланган.

АВЕСТО (парфнёнча *apastak* – матн; кўпинча “Занд-Авесто”, яъни “тафсир қилинган матн”) – зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. Кўпчилик тадқиқотчилар фикрига кўра, А. Ўрта Осиёда, хусусан Хоразмда мил. авв. 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. Ада келтирилган географик маълумотлар ҳам буни тасдиқлайди. Мас., худо яратган ўлкалар санаб ўтилган экан, бойлиги ва кўркамлиги жиҳатидан қад. Хоразм, Гава (Сўғд), Марғиёна (Марв), Бактрия (Балх) биринчи бўлиб тилга олинади, Орол денгизи (Ворукаша ёхуд Вурукаша) ва Амударё (Даити) тавсифланади. Адаги халқнинг дастлабки ватани Сирдарё, Амударё этаклари ва Зарафшон водийси бўлган. А. узоқ вақт мобайнида шаклланган. Унда келтирилган маълумотларнинг энг қад. қисмлари мил. авв. 2-минг йиллик охири – 1-минг йиллик бошига оид бўлиб, оғзаки тарзда авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинги асрларда А. таркибига турли диний урф-одатлар баёни, ахлоқий, ҳуқуқий қонун-қоидалар ва х.к. қўшилиб борган. А.ни Зардушт диний асар сифатида бир тизимга солган. Дастлабки ёзма нусхаси эса 12 минг мол терисига битилган деб ривоят қилинади. У Персополда сақланган. Александр (Македониялик Искандар) Эронни забт этганда, бу нусха қўйдириб юборилган. Аршакийлардан Вологес I даври(51–78)да қайта китоб қилинган, лекин у сақланмаган. Сосонийлар даври (III–VII а.)да яхлит китоб холига келтирилган.

А. 21 насқ (қисм)дан иборат бўлган. А. ҳажми катта китоб бўлганлиги сабабли диндорлар қундалик фаолиятида фойдаланиш учун унинг ихчамлаштирилган шакли – “Кичик А.” (Хурдак А.) яратилган. Араблар Эронни фатҳ этгач (VII а.) зардуштий рухонийларнинг бир қисми Хиндистонга кўчиб ўтган. Уларнинг авлодлари (парслар) Бомбай ш.да ўз жамоаларида хозиргача А.нинг асл нусхасини сақлаб келади. Француз тадқиқотчиси Анкетиль Дюперрон зардуштийлар жамоасида яшаб, А. тилини ва ёзувини ўрганиб, уни таржима қилиб нашр этган (1771 й.). А.нинг бу нусхаси 27 жилддан иборат бўлиб, асарнинг еттидан бир қисмидир. У Ясна, Висперед, Вендидад, Гатлар ва Яштлар номи б-н юритиладиган китобларни ўз ичига олади.

Ада баён этилган ғояларга кўра, олам икки асоснинг, икки ибтидонинг, яъни ёруғлик б-н зулматнинг, яхшилик б-н ёмонликнинг тўхтовсиз курашидан иборат. Яхшилик ва эзгулик худоси Ахурамазда ер, ўсимлик ва б. ҳамма табиий бойликларни яратган. Ёмонлик ва ёвузлик тимсоли Анхрамайну Ахурамаздага қарши тўхтовсиз курашади, аммо уни енгишга ожизлик қилади. Бу кураш абадий давом этади. Яхшиликни ифодаловчи кучлар осмонда, ёмонликни ифодаловчи кучлар ер остида жойлашган, ер сатҳи

эса кураш майдонидир. Ҳаётдаги турфа ўзгаришлар қайси кучнинг ғалаба қилишига боғлиқ. Инсон тана ва руҳнинг, ахлоқ эса яхши ва ёмон хулқнинг ўзаро курашидан иборат. Чексиз, абадий фазо ва вақт ҳам икки қарама-қарши қисмдан: яхшилик ва Ахурамазда ҳукмрон бўлган абадий ёруғлик б-н ёмонлик ва Анхрамайну ҳукмрон бўлган абадий зулматдан ташкил топади.

А. таълимотига кўра, биринчи инсон Гобамард (хўкизодам; форсча Каюмарс) бўлиб, ундан барча кишилар тарқалган. Биринчи шох Йима даври олтин давр ҳисобланган, чунки унда ўлим бўлмаган, Ахурамазда доимий баҳор яратган. Кишилар бекаму кўст, бахтиёр яшаган. 900 й. ўтгач шох Йима ғурурга берилиб, ман этилган сизир гўшти-ни ейди ва ёвузлик рамзи Анхрамайну ҳукмидаги кучлар бош кўтаради. Оламни музлик қоплайди. Йима Ахурамазда амри б-н одамлар ва хайвонларни совуқдан сақлаб қолиш учун кўрғон (вар) қуриб, унга ҳар бир жонотдан бир жуфттини жойлаштирган. Илсоният тарихининг илк олтин даври туғалгач, Хайр б-н Шарр (яхшилик ва ёмонлик) ўрта-сидаги кураш даври бўлган иккинчи давр бошланган. Учинчи даврда Ахурамазда ғалаба қилиб, эзгулик салтанати барқарор бўлади. ўлганлар тирилади. А.нинг ахлоқий-фалсафий моҳияти “эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амал” каби муқаддас учлик (ахлоқий триада)да ўз ифодасини топади. Зардуштийларнинг ибодат олдидан айтиладиган нияти, сўзлари шу 3 ибора б-н бошланади.

А. ўзбек, умуман Ўрта Осиё, Эрон, Озарбойжон халқларининг қад. даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятларини ўрганишда муҳим ва ягона манба. “Бу нодир китоб бундан 30 а. муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир” (И.А. Каримов, “Адолатли жамият сари”, Т., 1998, 39–40-б.).

Ўзбекистон ҳуқуматининг ташаббуси б-н ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессияси “Авесто” яратилганининг 2700 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди (1999 й. ноябрь). “Авесто”нинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрни, халқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ЎзР ВМ “Авесто” китоби яратилганлигининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида” 2000 й. 29 мартда 110-сон қарор қабул қилди. Бу сана 2001 й.да кенг нишонланди.

АВЕСТОШУНОСЛИК – “Авесто” ёзма ёдгорлигининг ёзуви, тили, тарихи, мазмуни, турли тарихий даврларда жаҳон халқларининг мазкур ёдгорликка бўлган турли муносабатлари, бошқа динлар ва маданиятларга таъсири, умуминсоний кадриятлар тизимидаги ўрни тўғрисидаги тадқиқотлар, ғоялар, қарашлар ва х.к.ларнинг мажмуаси. Уни шартли равишда учта тарихий даврга бўлишимиз мумкин: 1) Қадимги А.; 2) Ўрта асрлардаги Шарқ А.; 3) Авестонинг янги даври.

Қад. А. даври деганда, “Авесто” битикларини қадим юнонлар, римликлар, яҳудийлар, сурияликлар ва б. томонидан тадқиқ этилиши ва ўз даври тафаккури даражасидан туриб, “Авесто”даги энг қимматли билимлар, фикрлар, тажрибаларни ўзлаштириб олиниши тушунилади. Юнон фани фалсафасига ҳал қилувчи таъсир ўтказган буюқ таълимот сифатида эътироф этилади.

Ўрта асрлардаги Шарк А. асосан, араблар ҳукмронлигига қарши ўз миллий қадриятларини ҳимоя қилиш, уларни чуқурроқ ўрганиш, зардуштийликка интилишнинг кучайиши б-н боғлиқ ҳаракат. Бу ҳаракатнинг марказлари Бухоро, Хоразм, Хуросон бўлиб, ислом қобиғига ўралган тасавуфнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилди. Бу даврда Дажикий, Фирдавсий, Абу Райхон Берунийларни ўз даврининг йирик авестошунослари дейишимиз мумкин.

Янги давр А. Анкетиль Дюперрон номи б-н боғлиқ. Ҳозирда дунёнинг барча минтақаларида А. марказларида чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. 1777 й.да немис олими Кленкер томонидан “Занд Авесто” немис тилига ўғирлиб, Рига шаҳрида чоп этилди. А.да янги бир босқич данийлик тадқиқотчи Р.Раскнинг фаолияти б-н боғлиқ. У XIX а.нинг биринчи чорагида Анкетиль Дюперрон жасоратларини яна бир бор такрорлаб, “Авесто”дан немис тилига бир қатор таржималар қилди ва 1826 й. Копенгаген шаҳрида чоп эттирди. Шунингдек, Э.Бюрнуфнинг 1833 й.да “Авесто”нинг “Ясна” қисмига ёзган шарҳлари А.да муҳим кадам бўлди. А.нинг Россияда шаклланиш тарихи XIX а.нинг 2-ярмига тўғри келди. К.А.Коссович биринчилардан бўлиб, “Занд Авесто”дан 4 бобини 1861 й. таржима қилди. К.Г.Залеман қадим форс алабиёти ҳақидаги очерклариди (1881 й.) “Авесто” ҳақида маълумот беради. С.Каменский “Авесто” яшларидан етти тасини рус тилига таржима қилиб, 1900 й. изоҳли лугати б-н чоп эттирди. “Авесто”ни илмий ўрганишда Иброҳим Пури Довуд А.да чуқур из қолдирган йирик тадқиқотчи. У Ҳиндистондаги порс қавми орасида 1925–1936 й.ларда истикомат қилиб, “Авесто”нинг тилини муқаммал ўрганиди. Бу таълимотга доир бор материалларни жамлаб, тўққиз томдан иборат “Авесто” китобини чоп эттирди. У уч минг йиллар олдин йўқотилган “Авесто” саҳифаларини тиклаб, уни ҳозирги замон форс тилига ўғирди. Пури Довуд мактабига мансуб авестошунослардан Эҳсон Ёршатр, Баҳром Фраваший, Бейжон, Саид Нафисий, Пирниё Ҳасан ва б.ни алоҳида санаб ўтиш зарур.

Собиқ Иттифоқ даврида “Авесто”нинг илк ватани бўлмиш Ўзбекистонда А. тизимли равишда амалга оширилишига имкон бўлмади. Ўлкамиз тарихи б-н шуғулланган Фуломов Я.Ф., Толстов С.П. ва б. тадқиқотчиларнинг ишларида “Авесто” у ёки бу даражада таҳлил қилинган. Мустақиллик даврида А. б-н жиддий шуғулланиш имкони очилди. Ҳозирги тадқиқотчиларимиздан Н.Маллаев, М.Кодиров, М.Исҳоқов, А.Сағдуллаев, А.Қаюмов, А.Маҳкам, Ф.Сулаймонова ва б.нинг тадқиқотларида жиддий изланишлар кўзга ташланмоқда. Ўзбек тилида “Авесто” битикларининг бизгача етиб келган тўла матни (2001 й.) нашр этилди.

АВТАРКИЯ (юн. *autarkeia* – ўзига тўқлик, ўзини таъминлай олиш; инг. *autarchy*) – мамлакат ёки ҳудуд доирасида ёпиқ ҳўжаликни ташкил этишга олиб келувчи ҳўжалик сиёсати. барча ҳамкорлар б-н анъанавий иктисодий алоқаларни узиш. Ушбу сиёсатнинг асосий воситалари олиб қирилаётган товарларга юқори чекловчи божларни ўрнатиш, истеъмол товарларининг нархларини кўтариш, бошқа мамлакатлар б-н иктисодий ва савдо алоқаларини ривожлантиришга тўсиқлар яратиш. Бунда товар-бозор муносабатлари фақат ташқи дунёдан узиб қўйилган ҳўжаликнинг ичидагина сақланиб қолади. А. халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланишини тўхтатади, товарларнинг

етишмовчилигига, нархларнинг ошишига, аҳоли турмуш тарзининг ёмонлашувиغا олиб келади.

АВТОНОМ БОШҚАРУВ – алоҳида ваколатлар берилган ҳолда тузилган ёки тайинланган органга, мансабдор шахсга муайян ҳудудни мустақил бошқариш ҳуқуқини бериш. Шунингдек, ушбу ҳудудни бошқариш учун илгари ташкил этилган, тузилган ёки тайинланган органнинг, мансабдор шахснинг имкониятларини, юқори турувчи орган ваколатларини унга олиб бериш ҳисобига кенгайтириш.

АВТОНОМ ТУЗИЛМА – автоном республикалар, автоном вилоятлар, автоном округлар ва б. автоном бирликларга нисбатан қўлланиладиган умумлаштирувчи тушунча.

АВТОНОМИЯ (юн. *autonomia* – ўз-ўзини бошқариш, *сўзма-сўз* конуннинг ўзи, *autos* – ўзини + *nomos* – қонун сўзларидан) – ҳуқуқда кенг маънода маълум бир давлат ёки бошқа тузилмалар, юридик шахслар, ҳудудий, миллий ва б. уюшмаларнинг мавжуд бўлиши ва фаолият кўрсатишнинг ташкил этиш ва таъминлаш б-н боғлиқ муносабатларда ўзини ўзи бошқариши, мустақиллигидир. А. турли кўринишларда бўлиши мумкин: молиявий, давлат, маъмурий, иктисодий ва миллий. Айрим ҳолларда А.нинг кўрсатиб ўтилган кўринишлари аралашган бўлиши мумкин. Базан А.ни ўзини ўзи бошқарувчи ҳамжамият деб ҳам аташади.

АВТОРИТАР РЕЖИМ (лот. *autoritas* – ҳокимият, обрў, нуфуз ва эътибор; таъсир этиш) – давлат режимининг нодемократик турларидан бири бўлиб, бунда ҳокимият яқка шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг қўлида тўпланган бўлади. А.р.да, одатда, шахсий диктатура элементлари мавжуд бўлади.

А.р.да ҳақиқий ҳокимият тор элита доира қўлида бўлиб, шахсий манфаатлар давлат манфаатлари йўлида қурбон қилинади. Бундай режимда руҳсат этилганидан ташқари ҳамма нарсани ман этиш принципи амал қилади. Мазкур режимга хос давлатларга ҳокимият ва сиёсатнинг монополиялаштирилиши, реал сиёсий муҳолифат ва рақобатга йўл қўймаслик ҳосдир.

А.р. ҳуқуқий, ахлоқий асосларга эга бўлиши мумкин. Бирок, бундай давлат халқни бошқариш ишларига жалб этмайди. Вакиллик органларининг мавжудлиги аҳолини ўзгартиролмайди. Улар амалда давлат ҳаётида арзирли мавқега эга бўлмайди. Парламент дохий ёки бир гуруҳ шахслар (хунта, олигархия) бошчилигидаги ҳукмрон элита таклиф этган ҳар қандай қарорларни сўзсиз тасдиқлаб бераверади. Раҳбарликни амалга оширувчи элита, олий мансабдор шахслар учун қатта енгилликлар, имтиёзлар мавжуд бўлади. Давлатда раҳбарлик ҳарбий ёки давлат тўнтариши ёрдамида ҳокимиятни забт этганлар қўлига ўтар экан, А.р. тўда ёки хунта номини олади. Ҳукмрон тўда ичида бошлик ажралиб туради. Бошлик у ёки бу масалани муҳокама этишда ўз “командаси”га мурожаат қилиши, уларнинг маслаҳатларини тинглашига қарамай, унинг таъсир доираси чексиз-чегарасиздир. Яна қ.: *Давлат режими*.

АГЕНТЛИК (лот. *agens, agentis* – ҳаракатдаги сўздан; инг. *agency, agent's reward*) – бирон-бир давлат бошқаруви органи, халқаро ташкилот, шунингдек, айрим ахборот, воситачилик ва ш.к. муассасаларнинг номи. ЎзР Президентининг “Республика бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 й. 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонида биноан агентликлар – республика давлат бошқаруви органлари рўйхатида киритил-

ган. (мас., Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва ҳ.к.).

АГРЕМАН (фр. *agrement, agreeer* – маъқуллаш сўзидан; инг. *agrement*) – халқаро ҳуқуқда бир давлатнинг бошқа бир давлат томонидан доимий дипломатик вакил (элчи) сифатида таклиф қилинган шахсни қабул қилишга расмий ҳужжатлаштирилган розилиги. А. фақатгина дипломатик вакиллик бошлиғи учун сўралади (одатда, ташқи ишлар идораси орқали). А. сўровида вакил сифатида тайинланаётган шахснинг айрим биографик маълумотлари кўрсатилади. А. одатда ёзма шаклда сўралади ва берилади. А. бўйича ўзаро ёзишмалар ҳамда мумкин бўлган рад жавоблари эълон қилинмайди. Бир қатор давлатларнинг амалиётига мувофиқ А. сўрови оғзаки тарзда амалга оширилади ва сўровга нисбатан жавоб шундай маълум қилинади. А. олган номзод персона гратага айланади; рад жавоби ушбу шахс персона нон грата деб ҳисобланишини билдиради. Давлатнинг сўровга нисбатан рад жавоби мотивлари А.да кўрсатилмайди.

АГРЕССИЯ (лот. *agressio*, инг. *agression*) – умумэтироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 й. 14 декабрда қабул қилинган “Агрессия тушунчаси” тўғрисидаги резолюциясининг 3-м.сида қўйилганлар: 1) бир давлат қуроли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужум қилиши; 2) вақтидан қатъи назар, ҳарбий босқин оқибати сифатида ҳарбий куч ишлатиб бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужум қилиши; 3) бошқа давлат ҳудуди ёки унинг бир қисмини зўрлик б-н аннексия қилиш; 4) бир давлат қуроли кучлари томонидан бошқа давлат ҳудудига бомбалар ташланиши ёки бир давлат томонидан бошқа давлат ҳудудига нисбатан ҳар қандай қурол-яроғни ишлатиш; 5) бир давлат қуроли кучлари томонидан бошқа давлат портлари ёки қирғоқларини камал қилиш; 6) бир давлат қуроли кучлари томонидан бошқа давлатнинг қуруқликдаги, денгиз ёки ҳаво кучларига ёхуд денгиз ёки ҳаво флотига ҳужум қилиши; 7) бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудига у б-н тузилган битимга биноан турган қуроли кучларидан битимда назарда тутилган шартларни бузган ҳолда фойдаланиши ёки ушбу ҳудудда битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам қуроли кучларнинг жойлашининг давом этиши; 8) бир давлатнинг ўз ҳудудини бошқа давлат ихтиёрига ушбу ҳудуддан учинчи давлатга қарши А. содир этилишига имкон берувчи ҳаракатлари; 9) бир давлат томонидан ёки давлат номидан бошқа давлатга қарши, юқорида санаб ўтилганларга тенг кучда бўлган жиддий характерга эга қуроли кучларнинг қўлланишини амалга оширувчи қуроли тўдалар, гуруҳлар ва мунтазам кучлар ёки ёлланганларнинг юборилиши А. деб ҳисобланади. Бироқ, объектив жиҳатдан урушни режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш ёхуд А. тўғрисида қарорнинг 3-м.сида санаб ўтилган бирор характерни содир этиш учун фитнада қатнашининг ўзи тамомланган жиноят таркибини вужудга келтиради (бомба ташлашни режалаштириш, қўшинлар ҳаракати учун уруш жойлари харитасини тузиш, босқинчилик мақсадларида жойларни ўрганиш, биргаликда А. ҳаракатини амалга ошириш учун музокара олиб бориш кабилар).

ЎзР ЖКнинг 151-м.сида А., яъни босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш ҳамда босқинчилик урушини бошлаш ва уни олиб бориш учун жавобгарлик ўрнатилган.

АДАБИЙ ВА БАДИИЙ АСАРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ БЕРН КОНВЕНЦИЯСИ – муаллифлик ҳуқуқи бўйича маъқур илк халқаро ҳужжат 1886 й.да Швейцариянинг Берн ш.да қабул қилинган. Конвенция қабул қилинишида унга англо-саксон тизимидаги муаллифлик ҳуқуқи (*copyright* – нусха ҳуқуқи) концепциясидан фарқланувчи муаллиф ҳуқуқи (*right of the author*) ғояси асос бўлган. Муаллифлик ҳуқуқи концепциясидан фарқли равишда “нусха ҳуқуқи”да фақат иктисодий масалаларга урғу берилади. Муаллифлик ҳуқуқида эса биринчи навбатда юридик шахс (мас., нашриёт) эмас, балки инсон, яъни муаллиф, унга тегишли бўлган ҳуқуқлар ҳимоя остига олинган. ЎзР ушбу ҳужжатни 2004 й. 27 августда ратификация қилган (ЎзР Олий Мажлисининг 2004 й. 27 августдаги 681–II-сон қарори). Берн конвенциясига аъзо мамлакатлар Берн иттифоқини ташкил қиладилар. Ушбу иттифоқ маъмурий фаолиятини Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти амалга оширади.

Бугунги кунда Берн конвенцияси Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг ТРИПС битими таркибига киритилган ва ўз-ўзидан бутунжаҳон миқёсига амал қилади. Берн конвенцияси халқаро доирада муаллифлик ҳуқуқига доир стандартларни белгилаб берган. Ушбу конвенцияга асосан, аъзо мамлакатларнинг бирида чоп этилган асар бошқа аъзо мамлакатларда ҳам ҳуқуқий ҳимояни таъминлайди, бунда бирор-бир расмий шартларга амал қилиш талаб этилмайди. Яъни, муаллиф ўз асарини яратиши (бирор шаклда ёзиб ёки қайд этиб ифодаланиши, мустаҳкамланиши) биланок ҳуқуқий ҳимояга эга бўлади. Бунда патент тизимидан фарқли равишда, бирор расмий рўйхатдан ўтиш ёки давлат органига мурожаат этиш талаб этилмайди. Шунингдек, Берн конвенцияси чет эл муаллифларининг (шартномага қўшилган) мамлакат муаллифлари б-н тенг ҳуқуқий мақомга эга бўлишини таъминлайди.

АДАБИЙ ЎҒИРЛИК (ПЛАГИАТ) – бирорнинг асарини кўчириб, ўзиники қилиб олиш. Бундай ўғирлик муаллиф ижозатисиз илмий, адабий, мусиқий ёки бадий асарни ўз номидан тўла ёки қисман бостириб чиқаришдан, кашфиёт ёки ихтирочилик таклифларини ўзиники қилиб олишдан иборат. Айбдор ўз ҳаракатининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, фуқаролик ёки жиноий тартибда жавобгарликка тортилади, бинобарин, ҳақиқий муаллифнинг ҳуқуқи тикланади. Адабий ўғирлик плагиат (лот. *plagium, plagio* – ўғирлайман сўзидан; инг. *plagiarism*; фр. *plagiat*) деб ҳам аталади.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”-ги ЎзР Қонунининг 62-м.сида мувофиқ, ҳуқуқ эгаси ёки мулкчи ҳуқуқларни жамъавий асосда бошқарувчи ташкилот б-н шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш (ушбу Қонунга мувофиқ шундай фойдаланишга шартнома тузмасдан йўл қўйилмайдиган ҳоллар бундан мустасно) муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш ҳисобланади.

ЎзР ЖКнинг 149-м.сида тафаккур мулк объектга нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш учун жавобгарлик ўрнатилган.

АДВАЛОР СТАВКАЛАР – қ.: *Бож*.

АДВОКАТ (лот. advocatus – чакирилган, яратилган; инг. lawyer, barrister, solicitor, advocate; фр. avocat) – олий юридик маълумотга эга бўлган ва адвокатлик фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган ЎзРнинг фуқароси ЎзРда А. бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг адвокатлик фаолияти б-н шуғулланишига йўл қўйилмайди. А. илмий ва педагогик фаолиятдан, шунингдек, ЎзР Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият б-н шуғулланишга ҳақли эмас (“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Адвокатлик фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҚР Адлия вазирлиги, вил.лар, Тошкент ш. адлия бошқармалари томонидан тегишли малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади. Адвокатлик фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун А. мақомига эга бўлишга талабгор шахс юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида олти ой муддат стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт. Малака имтиҳонини топшира олмаган талабгор уни такроран топширишга камида бир йилдан кейин қўйилади. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичида мурожаат қилиши керак. Бу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳонини такроран топширгандан кейингина мурожаат қилиши мумкин. Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади. Белгиланган тартибда лицензия олган талабгор уч ой ичида А. қасамёдини қабул қилиши ва яқка тартибда ёки лицензияга эга бўлган бошқа шахслар б-н биргаликда адвокатлик тузилмасини тузиши ёхуд фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмаларидан бирига кириши шарт. Талабгорга адвокатлик гувоҳномаси адвокатлик тузилмаси рўйхатдан ўтказилган ёки талабгорнинг фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмасига кирганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар адлия органи томонидан олинган пайтдан эътиборан уч иш кунини ичида берилади. Талабгор адвокатлик гувоҳномаси берилган кундан эътиборан А. мақомини олади. Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси адлия органи томонидан бу ҳақда уч кунлик муддатда хабардор қилинади. Шундай хабарнома олинган пайтдан эътиборан А. Адвокатлар палатасининг аъзоси бўлади (“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3¹-м.си). Яна қ.: *Гувоҳнинг адвокати*.

АДВОКАТЛАР ҲАЙЪАТИ – аъзоликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокат-

лар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмаси.

А.х.нинг таъсис ҳужжатлари унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган устав ҳамда улар томонидан тузиладиган таъсис шартномасидир.

Таъсис шартномасида муассислар А.х.га ўз мол-мулкни ўтказиш шартларини, ушбу ҳайъат фаолиятида иштирок этиш тартибини, адвокатлар ҳайъатига янги аъзоларни қабул қилиш, муассисларнинг (аъзоларнинг) унинг таркибидан чиқиш тартиби ва шартларини, шунингдек А.х. муассисларининг (аъзоларининг) ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

А.х.лари таркибидаги аъзолар сони ўнтадан кам бўлмаслиги керак.

А.х.да юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар (шартномалар) адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) ўртасида тузилади ҳамда А.х.нинг ҳужжатларида рўйхатдан ўтказилади.

А.х. юридик ёрдам кўрсатиш учун ўзи турган ердан ташқарида жойлашган филиаллар тузишга ҳақли (“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4³-м.си).

АДВОКАТЛИК БЮРОСИ – адвокатлик фаолиятини яқка тартибда амалга ошириш учун адвокат томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмаси. А.б.нинг таъсис ҳужжати муассис томонидан тасдиқланадиган уставдир (“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4¹-м.си).

АДВОКАТЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТУРЛАРИ – “Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат: ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради; ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва б. ҳужжатларни тузади; фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади; жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда ҳимоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий давogar, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади; тadbиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади. Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги юридик ёрдам ҳам кўрсатиши мумкин.

АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ – шерикликка асосланган ва адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун адвокатлар томонидан таъсис этилган, нотижорат ташкилоти бўлган адвокатлик тузилмаси.

А.ф.нинг таъсис ҳужжати унинг муассислари томонидан тасдиқланадиган уставдир.

А.ф.ни таъсис этган адвокатлар оддий ёзма шаклда ўзаро шериклик шартномасини тузади. Шериклик шартномасига кўра адвокатлар – шериклар барча шериклар номидан юридик ёрдам кўрсатиш учун ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мажбуриятини олади.

Шериклик шартномасида унинг амал қилиш муддати, шериклар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, бошқарувчи шерикни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва б. муҳим шартлар кўрсатилади.

А.ф.нинг умумий ишларини юритиш, агар шериклик шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, бош-

карувчи шерик томонидан амалга оширилади. Ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) б-н юридик ёрдам кўрсатиш ҳақидаги битим (шартнома) бошқарувчи шерик ёки барча шериклар номидан улар берган ишончномалар асосида бошқа шерик томонидан тузилади. Ишончномаларда ишонч билдирувчи шахслар (химоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар б-н битимлар (шартномалар) ҳамда келишувлар тузаётган шерик ваколатларининг барча чекловлари кўрсатилади. Мазкур чекловлар ишонч билдирувчи шахслар (химоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар эътиборига етказилади.

Шериклик шартномаси қуйидаги ҳолларда тугатилди:
шериклик шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

шериклардан бири бўлган адвокатнинг макоми тугатилганда ёки тўхтатиб турилганда, агар шериклик шартномасида бошқа шериклар ўртасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса;

шериклардан бирининг талабига қўра шериклик шартномаси бекор қилинганда, агар шериклик шартномасида бошқа шериклар ўртасидаги муносабатларда ушбу шартноманинг кучда қолиши назарда тутилмаган бўлса.

Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан унинг иштирокчилари ишонч билдирувчи шахсларга (химоя остидаги шахсларга) ва учинчи шахсларга нисбатан ижро этилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар тартибда жавобгар бўладилар.

Шериклардан бири шериклик шартномасидан чиққанда у ўзи юридик ёрдам кўрсатган барча ишлар бўйича иш юритишни бошқарувчи шерикка топшириши шарт.

Шериклик шартномасидан чиққан адвокат шериклик шартномасида ўзи иштирок этган даврда юзага келган умумий мажбуриятлар бўйича ишонч билдирувчи шахслар (химоя остидаги шахслар) ва учинчи шахслар олдида жавобгар бўлади.

Шериклик шартномаси тугатилганидан кейин адвокатлар янги шериклик шартномасини тузишлари шарт. Агар янги шериклик шартномаси аввалги шериклик шартномасининг амал қилиши тугатилган кундан эътиборан бир ой ичида тузилмаса, А.ф. адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилиши ёки тугатилиши керак.

Шериклик шартномаси тугатилган пайтдан эътиборан ва А.ф. адвокатлик тузилмасининг бошқа шаклига ўзгартирилгунига қадар ёхуд янги шериклик шартномаси тузилгунига қадар адвокатлар юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида битимлар (шартномалар) тузишга ҳақли эмас ("Адвокатура тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 4²-м.си).

АДВОКАТНИНГ ЁРДАМЧИСИ – ЎзРнинг юридик маълумотга эга бўлган фуқароси А.ё. бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлиги бекор қилинмаган ёки олиб ташланмаган шахс А.ё. бўлиши мумкин эмас. А.ё. адвокат ҳуқуқларига эга бўлмайдиган ҳамда унинг суриштирув, дастлабки тергов органларида, судларда ва б. давлат органларида ишларни олиб боришига йўл қўйилмайди. А.ё. адвокат кўрсатмасига биноан адвокатнинг юритувидаги ишлар бўйича топшириқларни бажаради, адвокатнинг процессуал ваколатларига тааллуқли ишлар бундан мустасно. А.ё.нинг меҳнат шaroитлари конун ҳужжат-

ларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси б-н белгиланади. А.ё.нинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ЎзР Адлия вазирлиги томонидан ЎзР Адвокатлар палатаси б-н келишилган ҳолда белгиланади ("Адвокатура тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 8-м.си).

АДВОКАТНИНГ СТАЖЁРИ – камида уч йиллик иш стажига эга бўлган адвокат стажёрга эга бўлишга ҳақли. Олий юридик маълумотга эга бўлган шахс А.с. бўлиши мумкин. Белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган, шунингдек судланганлиги ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс А.с. бўлиши мумкин эмас. Стажировка адвокатлик тузилмасида ўталади. А.с. ўз фаолиятини адвокат раҳбарлигида, унинг алоҳида топшириқларини бажарган ҳолда амалга оширади. Стажёр адвокатлик фаолияти б-н мустақил равишда шуғулланишга ҳақли эмас. А.с.нинг меҳнат шaroитлари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиладиган меҳнат шартномаси б-н белгиланади. А.с.нинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ЎзР Адлия вазирлиги томонидан ЎзР Адвокатлар палатаси б-н келишилган ҳолда белгиланади ("Адвокатура тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 8¹-м.си).

АДВОКАТУРА (лот. *advoco* – тақлиф этаман; инг. *advocacy, bar*) – ҳуқуқий инс. бўлиб, у адвокатлик фаолияти б-н шуғулланувчи шахслар ҳамда ҳусусий адвокатлик амалиёти б-н шуғулланувчи айрим шахсларнинг мустақил, қўнғилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. ЎзР Конс.сига мувофиқ, А. ЎзР фуқаролари, ажлабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади ("Адвокатура тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 1-м.си).

А. ўз фаолиятини конун устуворлиги, мустақиллик ва б. демократик принциплар асосида амалга оширади. Белгиланган тартибда лицензия олган шахс адвокатлик фаолиятини ўз адвокатлик бюросини очиб, яққа тартибда амалга оширишга ёхуд бошқа адвокатлар (шериклар) б-н адвокатлик фирмасини ёки аъзоликка асосланган адвокатлар ҳайъатини тузишга ёхуд фаолият кўрсатаётган шундай адвокатлик тузилмаларидан бирига киришга ёки юридик маслаҳатхонада ишлаган ҳолда адвокатлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Адвокат ўз фаолиятини фақат битта адвокатлик тузилмасида амалга оширишга ҳақли ("Адвокатура тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

АДЕКВАТ ШАРҲЛАШ – к.: *Айнан (адекват) шарҳлаш*.

АДЖАСТЕР – А. суғурталовчининг (суғурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича қуйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта ходисаси юз берганидан кейин суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта ходисаси фактларини ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш;

суғурта объектининг шикастланиш сабабларини ва суғурта ходисаси мавжудлигини аниқлаш;

суғурта ходисаси мавжуд бўлган тақдирда суғурта ходисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш;

тўланиши керак бўлган суғурта товоши суммасини аниқлаш;

суғурталовчи учун суғурта ҳодисаси бўйича хулоса тузиш.

А. ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) б-н тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

А. суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга; суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга; суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

А. хизмати кўрсатиш натижалари ҳисобот тарзида расмиёлаштирилиб, ундан суғурталовчи зарарларининг ўрнини қоплаш ва низоларни ҳал қилиш чоғида фойдаланиши мумкин.

А.нинг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин (“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 9²-м.си).

АДЛИЯ (араб. адл – адолат, тўғрилик, ҳаққонийлик, одиллик, ҳолислик; лот. *justitia, jus* – ҳуқуқ сўзида; инг. *justice*) – миллий суд тизимини ташкил этувчи органлар мажмуини, уларнинг одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятини, шунингдек суд идорасини англатадиган тушунча. Суд иш юритишининг тури ва соҳасига қараб жиноят, фуқаролик, маъмурий, конституциявий, халқаро, ҳарбий, электорал, ювенал адлия ҳамда А.нинг бошқа турлари фарқланади. ЎзР А. органлари тизимига ЎзР Адлия вазирлиги раҳбарлик қилади.

“АДОЛАТ” НАШРИЁТИ – ЎзР Президентининг 1992 й. 8 январдаги ПФ–314-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва ВМнинг 1992 й. 12 ноябрдаги 523-сон қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузурида ихтисослаштирилган нашриёт сифатида ташкил этилган.

Аслида нашриёт вазирлик ҳузуридаги Ҳуқуқий марказ бўлими сифатида 1991 й.дан “Ўзбекистоннинг янги қонуналари”, “Новые законы Республики Узбекистан” тўпламларини чоп этиб, оммага тарқатиш б-н иш бошлаган.

“А.” н. томонидан 1992 й.дан то 2008 й.нинг 1 июлигача бўлган тарихий 16 й. давомида 548 номда, 5874,4 нашр табоғи, 7 млн. 279 минг нусхада китоблар чоп этилган.

1995–2008 й.лар давомида ЎзРнинг янги қабул қилинган ЖК, ЖПК, ЖИК, МЖК, МК, ФК, ФПК, УЖК, ХПК, ЕК, БК, СК, ОК, ХК, ШК ўзбек ва рус тилларида қайта-қайта, кўп минг нусхада қаттиқ муқовада чоп этилган.

“А.” н. томонидан “Ўзбекистоннинг янги қонуналари” туркумининг ўзбек ва рус тилларидаги 1–26-сонлари чиқарилган. Уларда 1992–2004 й.лар давомида қабул қилинган қонунлар жамланган.

“А.” н.да нашр этилаётган китоблар мазмун ва мавзусига қараб 6 бўлимга: ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп, маълумотнома, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда бадиий адабиётларга бўлинади.

Кейинги йиллар давомида бу туркумларга “Давлат ва миллат рамзлари”, “Ўзбек ҳуқуқшунослари” руқилари ҳам қўшилиб, мазмунан бойиб борди.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САВДОСИ – қ.: *Одам савдоси*.

АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ – вояга етмаган ва катта ёшдаги аёллар томонидан содир этилган жиноятларнинг йиғиндиси. А.ж.ни ўрганишда айнан аёл жинсига мансуб шахсларнинг жиноят содир этишига таъсир кўрсатувчи кримпнологик омиллар ва сабабларга эътибор берилмоғи зарур. А.ж. умумий жиноятчиликнинг тузилишида, ижтимоий шарт-шароитларга қараб ўзгариб борадиган, шу б-н бир вақтда умумий жиноятчилик (эркаклар жиноятчилиги)даги ўзгаришларни такрорламайди. Юқорида зикр этилган сабабларга кўра, А.ж. жиноятчиликнинг ўсиб боришга мойил бўлган мустақил қисмини ташкил этади. Амалиётда аёллар эркакларга қараганда анча кам жиноят содир этади. Ўзок вақт мобайнида аёллар ва эркаклар жиноятчилигининг нисбати тахминан 1/7, 1/6 ни ташкил этиб келган. 2005 й.га оид статистика маълумотларига кўра, А.ж. умумий жиноятчиликнинг 12,5% ташкил этади. Одатда, порахўрлик, ўзлаштириш, растрата ёки хизмат ваколатини суистеъмол қилиш йўли б-н талон-торож қилиш, савдо қондаларини бузиш каби жиноятлар бундан мустасно. Мазкур жиноят турларида аёллар, одатда аниқланган жами жиноятчиларнинг ярмини ташкил этган. Бу ҳолат хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий роли ва функциялари, улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маълум соҳалари: савдо, умумий оқватлиши, аҳолига маънавий хизмат кўрсатишда банд эканлиги б-н изоҳланади. Бу ерда собиқ иттифокда мазкур соҳаларда кўрсатиладиган хизмат даражасининг пастлиги, аҳолига зарур бўлган товар ва хизматларнинг сурункали тақчиллиги ҳам ўз таъсирини кўрсатганки, булар ҳар хил қонунбузарликлар, хизмат ваколатини суистеъмол қилишлар ва пировард натижада жиноятларга қулай замин яратган.

Статистика маълумотлари А.ж. тузилишида иқтисодиёт соҳасидаги, жумладан, ўғирлик, фирибгарлик, безорилик, гиёҳвандлик воситаларини тайёрлаш ва ўтказиш каби “умумий” жиноятларнинг салмоғи анча катталигидан далолат беради. Одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш каби жиноятларни аёллар кўпинча оилавий-маънавий можаролар негизда содир этадилар. Бунда кўпинча жабрланувчилар, асосан айбдорларнинг эр ёки жазманининг виқтим, провокацион хулқ-атвори сабаб бўлади. Ўзбекистонда ҳам бошқа чет эл давлатларидаги сингари онанинг ўз қақалоғини ўлдириши аёлларга ҳос жиноят бўлиб қолаётир. Безорилик хатти-ҳаракатларини содир этган шахслар орасида аёлларнинг салмоғи одатда 5–6 %ни, барча аёл жиноятчилар орасида эса – 3–4 %ни ташкил этади. Эркаклар сингари, аёллар ҳам безориликни одатда маст ҳолатда содир этади, бу сурункали равишда алкоғолли ичимликларни истеъмол қилиш, гайриижтимоий турмуш тарзининг, баъзан рухий хасталик б-н боғлиқ умумий маънавий таназзулнинг оқибати ҳисобланади.

АЁЛЛАР МЕҲНАТИ – А.м. қўшимча қафолат ва имтиёзлар б-н муҳофазаланган. Ушбу қафолат ва имтиёзлар аёлларни ишга қабул қилишда, уларнинг иш жойи ва иш вақтини белгилашда, таътилар беришда, улар б-н меҳнат шартномаларини бекор қилишда ва б. муносабатларда татбиқ этилади.

Мас., ЎзР МКнинг 224-м.сига мувофиқ, ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги сабабли аёлларни ишга қабул қилишнинг рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайитириш тақиқланади. Ҳомиладор аёлни ёки уч ёшга тўлмаган боласи бор

аёлни ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда иш берувчи рад этишнинг сабабларини уларга ёзма равишда маълум қилиши шарт. Мазкур шахсларни ишга қабул қилиши рад этганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

ЎзР МКнинг 225-м.сига асосан, меҳнат шароити ноқулай ишларда, шунингдек ер ости ишларида аёллар меҳнатининг қўлланиши тақиқланади, ер остидаги баъзи ишлар (жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари) бундан мустаснодир.

Аёлларнинг улар учун мумкин бўлган нормадан ортик юкни кўтаришлари ва ташишлари ман этилади.

ЎзР МКнинг 226-м.сига биноан, тиббий хулосага мувофиқ ҳомиладор аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Ҳомиладор аёлга енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омиллари таъсиридан холи бўлган иш бериш масаласи ҳал этилгунга қадар, у ана шу сабабдан ишга чиқмаган барча иш кунлари учун ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод этилиши лозим.

ЎзР МКнинг 227-м.сига кўра, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

АЖРИМ – қ.: *Суд ажрими.*

АЙБ – ҳуқуқда шахснинг ўз ғайриҳуқуқий хулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) ва унинг оқибатларига бўлган рухий муносабати. Шахснинг ўз хулқ-атвори ва у б-н боғлиқ натижалар ножоизлигини (ғайриҳуқуқийлигини) англаши (тушуниши)дан далолат беради. А. – юридик жавобгарликнинг зарур шarti. Ҳуқуқнинг тегишли тармоқларида А. шакллари ва уларнинг жавобгарлик чорасига таъсири назарда тутилган.

Жиноят ҳуқуқида А. – шахснинг ўзи содир этган жиноятга ва унинг оқибатларига бўлган, қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида ифодаланган рухий муносабати. Шахснинг ақли расолиги ва қонунда белгиланган жиний жавобгарлик ёшига тўлганлиги А.нинг зарур шартларни ҳисобланади. Бундай шахс қонунда белгиланган тартибда А.ни исботланган ва ЎзР ЖКда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) учунгина жавобгар бўлади, шунингдек, қилмишида жиноят талабининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт (ЎзР ЖКнинг 8–10, 14, 16–18-м.лари).

А. – шахснинг жиноят қонунини б-н белгиланган ўзининг ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатига нисбатан рухий ва интеллектуал муносабати. А. жиноят таркиби субъектив томонининг ядросини ташкил қилади, бироқ уни тўлалигича камраб олмайди. Шу б-н бирга айнан А. субъектив томоннинг зарурий белгисини ифодалаб беради. А. мавжуд бўлмаган тақдирда, жиноят таркиби тўлиқ мавжуд бўлмай, жиний жавобгарликни келтириб чиқаришга асос бермайди. Ўз навбатида А. икки элемент асосида юзага келади: интеллектуал ва иродавий. Уларнинг аҳамияти айнан шахснинг рухий соғлиқ ҳолатида ўзи амалга ошираётган объектив ҳаракатларини, хусусан, ўз ҳара-

кат ёки ҳаракатсизлигининг ижтимоий аҳамиятини, уларнинг оқибатларини (қилмиш натижасида юзага келган оқибат б-н ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ўртасидаги сабабий боғланишни), эҳтиёткор бўлиш, яъни, оқибат юзага келишидан олдин улар ҳақида маълум бир даражада таҳмин қила олиш, шунингдек, айрим ҳолатларда ўта юқори диққат-эътибор ва рухий куч талаб қилинаётган тажриба, билим даражага эга бўлиш (интеллектуал ҳолат), мақсадга эришиш, оқибат келиб чиқиши учун ҳаракат қилиш ёки унга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш, у ёки бу оқибатнинг келиб чиқишини истамаслик (иродавий ҳолат), ўз ҳиссиётларини ифода этиш, эмоционал ҳолатларни баҳолай олиш ва уни англашда ифодаланади. А. шахс интеллектуал жиҳатдан ўзи содир этаётган қилмишининг юридик аҳамиятини англайди ёки бундай имкониятга эга бўлади: тажовуз қилинаётган объект ва предметнинг хусусиятларини, ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг характери, зарарли оқибат даражаси ва хусусиятини тушунади. А. иродавий ижтимоий хавфли қилмиш, унинг қасдан жиноят содир этилиш шаклидаги ўрни олдиндан кўзлаб қўйилган мақсадга ёки натижага эришиш учун йўналтиришда ифодаланади, эҳтиётсизлик шаклида эса шахснинг ижтимоий хавфли оқибатни юзага келтиришига унинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги сабаб бўлади. Эҳтиётсизликдаги иродавий элементнинг асосий хусусияти шундаки, бунда шахс юзага келаётган ижтимоий хавфли оқибатни бартараф этиш учун рухий куч сарфлаб, унинг олдини олиш имкониятига эга бўлса-да, бундай қилмайди.

А. – жавобгарликка тортишнинг зарур шarti. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс қонуний тартибда иши судда ошкора кўриб чиқилиб, аниқланмаганига қадар айбли эмас, деб ҳисобланади (ЎзР Конс.нинг 26-м.си). Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим. Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (ЎзР ЖКнинг 8-м.си). Маълум ёшга тўлган, ақли расо шахс қонунда белгиланган тартибда А.ни исботланган ва ЖК б-н тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этишда айбли деб топилши мумкин. Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва иш ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади. Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш шахснинг жавобгарлигини ва уни айбли деб топилши истисно қилади. Жиноятни охирига етказишдан ихтиёрий қайтган шахс, агар тайёргарлик чоғидаги қилмиш бошқа жиноят таркибинини ташкил этса, ўша жиноят учун жавобгарликка тортилиши ва айбли деб топилши мумкин. ЎзР ЖПК 2-м.си талабига кўра айби бўлмаган ҳеч бир шахс жиний жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги шарт.

Фуқаролик ҳуқуқида А. – фуқаролик ҳуқуқбузарлиги, чунончи: шартнома ёки бошқа мажбуриятни бажармаган-

лик ёки лозим даражада бажармаганлик, покунуний битим тузганлик, мулккий зарар етказганлик ва б.лар учун жавобгарлик шарт. Фуқаролик ҳуқуқбузарлиги содир этган шахснинг А.и тахмин қилинади, жавобгарликдан озод қилиш учун ҳуқуқбузар ўзининг айбсизлигини исботлаши лозим. А. шакли, қонда тарикасида, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳажмига таъсир этмайди.

Халқаро оммавий ҳуқуқда А. деганда, субъектнинг халқаро аҳамиятга молик ғайриҳуқуқий қилмиш содир этиши тушунилади. Бу мазкур субъектнинг халқаро жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

АЙБ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК – ЎзР ЖКнинг 9-м.сида белгиланган принцип. Унга кўра, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади. А.у.ж. принципи, биринчидан, жиноят содир этганликда айбдор шахснинг шахсий (индивидуал) жавобгарлигини; иккинчидан, фақат қасд ва эҳтиётсизлик шаклидаги жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жинойи жавобгарликка тортилишини аниглади. Шахс айби бўлган жинояти учунгина жавоб беради, айби бўлмаган шахс жинойи жавобгарликка тортилмайди. А.у.ж. ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатига нисбатан шахсий айби аниқланмаган ҳеч бир шахс жинойи жавобгарликка тортилмайди, деган қондан мустаҳкамлайди. Бу қонда қад. Рим ҳуқуқида ҳам мавжуд бўлиб, қуйидагича ифодаланади: “Nullum crimen, nulla poena sine culpa” – “Айбсиз жиноят ҳам, жазо ҳам бўлмайди”, деган маънони билдиради. А.у.ж. принципи субъектив жиҳатдан шахснинг ўз ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатига нисбатан руҳий муносабатини аниқлаш, объектив жиҳатдан жиноят қонунда айби бўлмаган шахснинг жинойи жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб қўйилганлигида ифодаланади. А.у.ж. принципи – ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатига нисбатан айби исботланган шахсга жинойи жавобгарликка тортилишини билдиради.

АЙБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ – А.э.қ. дастлабки тергов босқичида муҳим ўрин тутати. У бир-бири б-н боғлиқ, кетма-кет келадиган жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш, айбловни ўзгартириш, тугатиш ва тўлдириш, тугатилган айбловни қайта тиклаш каби ҳаракатларни ўз ичига олади.

Шахсни жиноят ишида айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида терговчи ёки прокурор қарор чиқаради, унда:

1) айбланувчи тарикасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, ойи ва йили;

2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва б. муҳим ҳолатлар баёни;

3) ЖКнинг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши лозим.

ЖКнинг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айблаганда, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим.

Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамага келинганлиги ифодаланиши лозим (ЎзР ЖПКнинг 361-м.си).

Башарти, тергов ўтказиш чоғида дастлабки айбловни қайта кўриб чиқишни тақозо этадиган янги далиллар тупланган бўлса ёки дастлабки айбловнинг ноаниқлиги ёхуд юридик тавсифи нотўғрилиги маълум бўлиб қолса, дастлабки айблов ўзгартирилиши, қисман тугатилиши ёки тўлдирилиши лозим. Бу ҳақда терговчи қарор чиқаради ва унда айбловнинг янги мазмунини баён қилади.

ЖКнинг 83-м.сида ҳамда 84-м.сининг биринчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган айбланувчини реабилитация этиш учун асос бўладиган ёки ишни юритиш учун моҳият қиладиган ҳолатлар аниқланса, айблов тугатилади.

Айбловни тугатиш тўғрисида терговчи қарор чиқаради. Бир йўла шу қарор б-н терговчи айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси, мулкни хатлаш, лавозимдан четлаштириш чораларини бекор қилади ва шахсга айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга қонунсиз жалб қилинганлиги сабабли кўрган зиёнларини ундириб олиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиради. Қарорнинг нусхаси шу шахсга дарҳол тақдим қилиниши ёки юборилиши лозим (ЎзР ЖПКнинг 362-м.си).

Агарда қонун нормаларини қўлланишдаги ҳатолар натижасида иш тугатилган бўлса, шунингдек айбланувчининг айблилигини кўрсатувчи янги далиллар аниқланса, тугатилган айблов қайта тикланиши мумкин. Бундай ҳолатларда, шунингдек айбловни нотўғри тугатиш одил судловга қарши қаратилган жиноятнинг ёки айбланувчи томонидан ёхуд айбланувчининг илтимоси ёки розилиги б-н ҳаракат қилган ўзга шахс томонидан далилларни қалбақлаштириш, яшириш ёхуд йўқ қилиб юборишнинг оқибати бўлса, айблов қонунда белгиланган жинойи жавобгарликка тортиш муддати ичидан қайта тикланиши мумкин (ЎзР ЖПКнинг 363-м.си).

АЙБИНИ БЎЙНИГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ АРЗ – ариза берувчининг ўзи содир этган жиноятни тўғрисида у шу жиноятни содир этишда гумон қилинмасдан ва унга айблов эълон этилмасдан олдин берган хабаридир.

А.б.о.т.а. оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судья имзо чекади.

А.б.о.т.а. суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан ЎзР ЖКнинг 112-м.сида кўрсатилган қондаларга мувофиқ баҳоланади (ЎзР ЖПКнинг 113-м.си).

Гумон қилинувчининг у содир этган жиноят ҳақидаги кўрсатувлари ва айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши, бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи б-н тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос қилиб олинishi мумкин.

Гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари б-н аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқдор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари б-н боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳоланиши лозим.

АЙБЛАНУВЧИ – ЎзР ЖПКда белгиланган тартибда А. тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахс. А. судда судланувчи деб,

хукм чиқарилганидан кейин эса, маҳкум ёки оқланган деб аталади.

А. ўзининг нимада айбланаётганлигини билдириш; қамоққа олиниши ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғирок қилиш ёхуд хабар бериш; химоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у б-н холи учрашиш, ЎЗР ЖПК 230-м.сининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ўзига қўйилган айблов юзасидан ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари бўйича кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз оқиш тилидан ҳамда таржимон хизматида фойдаланиш; ўзининг химояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; далиллар тақдим этиш; суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати б-н тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари б-н танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; жиноят ишининг терговчи ёки прокурор томонидан тугатилганлигига қарши эътироз билдириш ҳамда суд муҳокамаси ўтказилишини талаб қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида, суднинг руҳсати б-н эса кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд мажлисининг баённомаси б-н танишиш ҳамда у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган протестлар, апелляция, кассация шикоятларидан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эга.

Судланувчи охириги сўз б-н чиқиш ҳуқуқига эгадир.

А. суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; дастлабки тергов ва суд муҳокамасида иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни қўндиришга уришиш ва б. қонунга хилоф ҳаракатлар б-н тўсқинлик қилмаслиги; ўзига нисбатан танланган эҳтиёт чорасидан келиб чиқадиган талабларни бажариши; гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари ва суднинг ажримлари ҳамда ЎЗР ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

А. зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас (ЎЗР ЖПКнинг 45 ва 46-м.лари).

АЙБЛОВ ХУЛОСАСИ — жиноят иши юзасидан дастлабки тергов жараёни тамомлангандан сўнг ҳамда айбланувчи ва унинг химоячисини жиноят ишидаги барча материаллар б-н таништириб бўлгач, терговчи, башарти ишни

судга юбориш учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги фикри ўзгармаган бўлса, А.х. тузади.

А.х. тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Тавсиф қисмида дастлабки терговда аниқланган ҳолатлар: жабрланувчи, шунингдек айбланувчи тўғрисидаги маълумотлар; айбланувчининг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, айбланувчининг ўзини химоя қилиш учун келтирган вазжалари ва уларни текшириш натижалари баён қилинади.

Хулоса қисмида айбланувчининг шахси тўғрисидаги маълумотлар келтирилади ҳамда эълон қилинган айбловнинг мазмунини ЖКнинг шу жиноятни назарда тутган моддаси ёки моддаларини ҳам кўрсатган ҳолда баён қилинади.

А.х. да баён қилинган ҳолатларни тасдиқловчи иш саҳифалари кўрсатилиши керак. **А.х.** қаерда ва қачон тузилганлиги кўрсатилиб, терговчи томонидан имзоланади.

А.х. га терговчининг фикрича суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхати, шунингдек қўлланилган эҳтиёт чоралари, гумон қилинувчи ва айбланувчи қанча вақт қамоққа сақланганлиги тўғрисидаги, ашёвий далиллар, фуқаровий даъвои таъминлаш чоралари, суд чиқимлари тўғрисидаги маълумотлар илова қилинади.

Суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатида терговчи уларнинг турган жойи ҳамда кўрсатувлари ёки хулосалари ишнинг қайси саҳифасида баён қилинганлигини кўрсатади.

Жабрланувчилар, гувоҳлар, ҳолислар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган шахслар рўйхатида уларнинг таҳаллуслари кўрсатилиши мумкин. Хавфсизлиги таъминланганига муҳтож бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар улар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари баённомаларининг кириш қисмлари б-н бирга муҳрланган ҳолда судга тақдим этилади. Улар б-н факат **А.х.** ни тасдиқловчи прокурор ва ишни кўриб чиқувчи судья танишишлари мумкин (ЎЗР ЖПКнинг 379 ва 380-м.лари).

АЙБНИНГ ШАКЛЛАРИ — ЎЗР ЖКда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилши мумкин. **А.ш.** — бу жиноят қонунчилигига асосан жиноят содир этган шахснинг у содир этган қилмишига нисбатан идора этиш ва мазкур ҳаракатларни англай олиш йиғиндиси ҳисобланади. Ўз навбатида қонунчиликка биноан айб икки шаклдан — қасд ва эҳтиётсизлик шаклларида иборат бўлиб, улар ҳам ўз навбатида бир неча турларга бўлиниб кетади. Қасднинг турларига тўғри қасд ва эгри қасд киради, эҳтиётсизлик ўз навбатида ўз-ўзига ишониш ва бепарволик каби турларга бўлинади. Айб юридик маънода факат қонун томонидан берилган шакл ва турларда мавжуд бўлиши мумкин. Ўз навбатида қонун жиноят содир этишда ҳам қасд, ҳам эҳтиётсизлик мавжуд бўлган мураккаб айб шаклини ҳам белгилаб беради. Бунда содир этилган ҳаракатга нисбатан қасд, юзага келган оқибатга нисбатан эҳтиётсизлик бўлиши мумкин. Айбдорнинг ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишнинг содир этилишидаги айби қасддан ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин. Айбнинг жиноят қонунчилигида шакллarga ажратилиши айбдор содир этган ижтимоий хавфли қилмишнинг чегарасини белгилаб беради.

АЙБСИЗ ХОЛДА ЗАРАР ЕТКАЗИШ – агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаган, англаши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган ёки унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етмаган ва ишнинг ҳолатларига кўра кўзи етиши мумкин ва лозим ҳам бўлмаган бўлса, бундай қилмиш айбсиз ҳолда содир этилган деб топилади (ЎЗР ЖКнинг 24-м.си).

Субъектив казус б-н боғлиқ бўлган А.х.з.е. мавжуд ҳолатнинг икки турини кўрсатиб ўтади: қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти англамаганлиги ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишининг олдини олиш имконияти йўқлиги.

АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг айби қонунда белгиланган тартибда исбот қилинмагунча, уни айбсиз деб фараз қилиш. Жиноят процессининг муҳим демократик белгиларидан бири, шахснинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайди, асоссиз айбланиш ва ҳукм этишнинг олдини олади. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Уларнинг айбини исботлаб бериш вазифаси айблов органлари зиммасига юкланади. А.п. принципига биноан, айбдорликка онд барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, айбланувчининг фойдасига ҳал қилинади. Бу эса қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам айбланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлигини англатади.

А.п. ЎЗР Конс.си 26-м.сининг биринчи қисмида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унга кўра жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Шундай қилиб, А.п. шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам қаролатидир. Зеро, ривожланган жамият ва давлатда тоталитар режимга, ўзбошимчаликка, одамлар устидан зўравонликка ўрин бўлмайди, унда ҳуқуқ, ахлоқ, инсонпарварлик ва адолатчилик принциплари ҳурмат қилинади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқий ҳимояси таъминланади.

А.п. одил судловнинг назария ва амалиётида, жиноятчиликка қарши қўрашда тўғри йўлни кўрсатувчи асосий, муҳим принциплардан биридир. Унга биноан, ҳар бир жиноят содир этишда айбланаётган шахс айби қонунда белгиланган тартибда ва қонуний кучга кирган суд ҳукми б-н исботланмагунга қадар айбсиз ҳисобланади. А.п. судья, прокурорнинг шахсий фикрини ақс эттирмайди.

Айбланувчининг айбини бўйнига олиши айблов ҳукмида фақат бошқа далиллар мажмуи б-н тасдиқланган бўлсагина, эътиборга олинади. Айбланувчининг айби суд муҳокамасида исботлангандан сўнг айбдор деб ҳисобланади. Барча гумон, шубҳалар айбланувчининг фойдасига ҳал қилинади. Содир этилган жиноятда айбланувчининг иштирокини исботловчи далилларнинг етарли бўлмаслиги ёки далилларни тўплашнинг имкони йўқлиги ишни тугатиш ёхуд оқлов ҳукми чиқарилишига асос бўлади.

Ҳеч ким суднинг қонуний кучга кирган ҳукмисиз жиноят содир этишда айбдор деб ҳисобланиши ва жазога тортилиши мумкин эмас.

АЙИРБОШЛАШ – айирбошлаш шартномасига мувофиқ юз берадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлиб,

унга кўра ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарли бошқа товарга алмаштириш йўли б-н мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади Яна қ.: *Айирбошлаш шартномаси*.

АЙИРБОШЛАШ ШАРТНОМАСИ – А.ш.га мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарли бошқа товарга алмаштириш йўли б-н мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади.

А.ш.га нисбатан тегишинча олди-сотди тўғрисидаги қондалар қўлланади, башарти бу ЎЗР ФК 30-боби қондаларига ва айирбошлаш моҳиятига зид келмаса. Бунда ҳар қайси тараф алмаштириш йўли б-н топшириш мажбуриятини олган товарни сотувчи ва қабул қилиш мажбуриятини олган товарни сотиб олувчи ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотототранспорт воситаларини А.ш. нотариал тасдиқланган бўлиши керак (ЎЗР ФК 497-м.си).

Агар А.ш.дан бошқача тартиб келиб чиқмаса, айирбошланадиган товарлар тенг қийматли деб тахмин қилинади, уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тараф амалга оширади.

А.ш.га мувофиқ айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинган тақдирда баҳоси айирбошлаганга тақдим қилинаётган товар баҳосидан паст бўлган товарни топшириши лозим бўлган тараф, агар шартномада ҳақ тўлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, товар ёки товарни тасаруф қилиш ҳужжатлари топширилгандан сўнг кечиктирмасдан баҳолардаги фарқни тўлаши лозим.

Агар айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас деб тан олинса, бироқ уларнинг баҳоларидаги фарқ А.ш.да назарда тутилган бўлмаса ва шартнома шартларига қараб белгиланиши мумкин бўлмаса, нархлардаги фарқ ЎЗР ФК 356-м.сининг тўртинчи қисмида назарда тутилган қондаларга мувофиқ аниқланади (ЎЗР ФК 498-моддаси).

А.ш.га мувофиқ айирбошланадиган товарларни топшириш муддатлари бир-бирига тўғри келмаган тақдирда, товарни топшириш мажбуриятини бошқа тараф товарни топшириганидан сўнг бажариши лозим бўлган тарафнинг товарни топшириш мажбуриятини бажаришига нисбатан мажбуриятни муқобил бажариш тўғрисидаги қондалар қўлланади (ЎЗР ФК 499-м.си).

АЙЛАНМА КАССА МАБЛАҒИ МЕЪЁРИ – молия йилида республика бюджети, ҚР бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳисобварақларида туриши мумкин бўлган пул маблағларининг қонун ҳужжатлари б-н белгиланадиган энг кам миқдори (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

АЙНАН (АДЕКВАТ) ШАРҲЛАШ – қ.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

АКВИНАТ (ФОМА АКВИНСКИЙ) – (1225–1274 й.лар) Ўрта аср диний схоластикасининг кўзга кўринган намоёндаси. Унинг асарлари Ўрта асрлардаги расмий черков мафқурасининг ўзига хос қомуси бўлиб хизмат қилди. Аквинат ўзининг асарларида бошқа муаммолар қаторида давлатчилик, қонун, ҳуқуқ масалаларини ҳам таҳлилдан ўтказди. Бу борада унинг “Ҳукмдорларнинг бошқаруви ҳақида” (1265–1266 й.лар), “Илоҳийт. мажмуаси” (1266–1274 й.лар) асарлари аҳамиятлидир.

У-700572

АККЛАМАЦИЯ (лот. *acclamatio* – хайкирик, нидо сўзларидан; инг. *acclamation*) – муайян мажлисда бирон-бир таклифни мажлис аъзоларининг ўзаро қарсақлари, олқишлари, овозлари, жавоблари ифодаланган муносабатлари орқали, ўзаро овоз бериш ва овозларни тақсимлаш жараёнисиз қабул қилиниши ёки рад этилиши. А. халқаро ташкилотлар, конференциялар амалиётида жой олган. Одатда тегишли мажлис томонидан киритилган бирон-бир таклифга нисбатан ушбу мажлис аъзолари томонидан эътироз бўлмаган ҳолларда А. ёрдамида масалани ҳал этиш таклиф қилинади. Агар мазкур таклифга нисбатан тарафлар томонидан ҳеч қандай эътироз бўлмаса, тегишли муҳокама А. орқали ҳал этилган деб ҳисобланади (*par acclamation*).

АККОРД ҲАҚ ТЎЛАШ – ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш ишбай тизимининг туридан бири. А.х.т.да меҳнат ҳақи миқдори алоҳида ходим ёки ишчилар гуруҳига комплекс ишлари бажарилгани учун тайинланади (мас., кўп қаватли уй қурилишида бир эъжани битказиш, уйни топшириш ва х.к.). А.х.т. тизими асосан қурилишда қўлланилади. Унинг мазмуни шундан иборатки, унда ходимларнинг иш ҳақлари ҳажми бутун иш ҳажмининг баҳоси ва амалдаги норма бўйича ўрнатилади. Бунда ишчиларга белгиланган муддатга бажарилган ишлари учун олдиндан меҳнат ҳақи миқдори эълон қилинади. Ушбу мақсадда иш бошлашдан олдин аккорд наряди расмийлаштирилади. Меҳнат ҳақи миқдори аккорд наряди бўйича барча бажарилган ишлар қабул қилингандан сўнг ўша вақтда амалда бўлган норма ва расценкалар қўлланилган ҳолларда белгиланади. Ўзоқ муддат давомида бажарилиши мўлжалланган вазифа учун А.х.т. тизимида меҳнат ҳақи тегишли ҳисоб даврнига тўғри келадиган амалда бажарилган ишлар учун тўланади. Муддатдан олдин бажарилган ишлар учун А.х.т. тизимида мукофотлаш жорий қилиниши мумкин.

АККРЕДИТАЦИЯ (лот. *accrere* – ишонч билдирмок; инг. *accreditation*) – 1) дипломатия ва б. халқаро муносабатларга татбиқан олганда А. шахснинг бошқа давлатда ёки халқаро ташкилотда муайян давлатнинг вакили этиб тайинланганини билдиради. Тайинлаш жараёни (аккредитация қилиш) бир неча босқични ўз ичига олади: давлатнинг ташқи сиёсий идораси томонидан дипломатик вакил номзодини танлаш; бу номзодни давлатнинг дипломатик вакилни тайинлашга ваколатли органи ёки мансабдор шахсига (ЎЗРда – ЎЗР Президентига) тавсия этиш (тақдим этиш); мазкур орган (мансабдор шахс) томонидан тавсия этилган номзодни парламентнинг тегишли кўмиталари, комиссиялари б-н келишиб олиш (ЎЗРда Президент ЎЗРнинг чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги дипломатик вакиллари ЎЗР Олий Мажлиси Сенатига тақдим этади); қабул қилувчи давлатнинг розилигини олиш; дипломатик вакилни тайинлаш тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжатни чиқариш; дипломатик вакил томонидан тегишли давлат бошлиғига ёки халқаро ташкилот раҳбарига ишонч ёрлиғини топшириш. Чет давлатларнинг дипломатик вакиллари ЎЗР Президенти ҳузурда аккредитация қилинади. Президент уларнинг ишонч ва чақириб олиш ҳақидаги ёрликларини қабул қилади;

2) журналистларни давлат органлари ва б. ташкилотларда А. қилиш. Журналистларни А. қилган давлат органлари ва б. ташкилотлар уларни мажлислар, кенгашлар ва

б. тадбирлар ҳақида олдиндан хабардор қилишлари, стенограммалар, баённомалар ва б. ҳужжатлар б-н таъминлашлари, ёзиб олишлари учун қўлай шарт-шароит яратишлари шарт. А. қилинган журналист ўзини А. қилган давлат органлари ва б. ташкилотлар ўтказадиган мажлислар, кенгашлар ва б. тадбирларда ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга, ёпик тадбир ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳоллардан бундан мустасно;

3) “А.” тушунчаси таълим соҳасида ҳам қўлланилади. Таълим муассасасининг давлат томонидан А. қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унинг давлат мақомини, амалга ошириладиган таълим дастурлари даражасини, битирувчиларни тайёрлаш мазмуни ва сифатининг давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқлигини, битирувчиларга таълимнинг тегишли даражаси ҳақида давлат намунасидаги ҳужжатлар бериш ҳуқуқини тасдиқлайди.

АККРЕДИТИВ (лот. *accreditivus* – ишончли; инг. *letter of credit, accreditive*; нем. *accreditiv, kreditbrief*; фр. *accreditif*) – миқознинг (тўловчининг) топшириги б-н ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва А.да назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини оладиган нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг бири тури.

АККРЕДИТИВ БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР – аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганида миқознинг (тўловчининг) топшириги б-н ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент) маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент уни очиб вақтида миқознинг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни банк эмитентнинг мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга ижрочи банк ихтиёрига ўтказиши шарт.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда банк-эмитент ижрочи банкка аккредитивнинг бутун суммасини банк-эмитентнинг ижрочи банкда юритилаётган ҳисоб-варағидан ўчириш ҳуқуқини беради (ЎЗР ФК 796-м.си).

Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи б-н олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Шартномада яна қуйидагилар бўлиши керак: банк-эмитентнинг номи; аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули; маблағларни олувчини аккредитив очилганлиги ҳақида хабардор қилиш усули; аккредитив бўйича маблағлар олиш учун олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи; товарлар жўнатилганидан (ҳизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар (ЎЗР ФК 797-м.си).

АКСИЛРЕКЛАМА – нотўғри (инсофсиз, била туриб ёлғон) реклама келтириб чиқарган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш мақсадида тарқатиладиган раддия (“Реклама тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.си).

Ваколатли давлат органлари реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, қонун-

бузар мазкур органларнинг қарорига биноан ва улар кўрсатган муддатда А. бериши шарт. А. бериш, шунингдек ихтиёрий равишда ёки суднинг қарорига биноан амалга оширилиши мумкин. А. беришни амалга ошириш б-н боғлиқ барча харажатлар қонунбузар томонидан қўпланadi.

Агар қонунбузар А.ни реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи орган белгиллаган муддатда бермаса, мазкур орган қонунбузарнинг рекламасини у А.ни бергунга қадар тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахс б-н шартнома тузган тарафларни бундан хабардор қилишга ҳақлидир.

А. раддия берилadётган реклама эълон қилинган айни ўша оммавий ахборот воситаларида, айни ўша муддат, макон, жой ва тартибдан фойдаланган ҳолда берилadi.

А.нинг мазмуни қонунбузарлик ҳолатини аниқлаган ва уни тузатиш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли давлат органи б-н келишдилади. Айрим ҳолларда бу органининг қарорига биноан А. берилadиган оммавий ахборот воситаси, муддати, жойи ва тартиби ўзгартирилишига йўл қўйилиши мумкин ("Реклама тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 28-м.си).

АКТУАРИЙ (инг. actuary) – А. қуйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахсдир:

суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимоллиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваққалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг тақрорийлигини ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;

суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка миқдори ўртасидаги боғлиқликни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга қўмақлашадиган тарзда аниқлаш;

суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилиш;

суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини суғурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узок муддатли ва қиска муддатли ҳусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар ҳисоб-китоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) даромадларини суғуртанинг (қайта суғурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

А. суғурталовчи б-н тузилган шартномага мувофиқ фақат актуар хизматлари кўрсатади.

А., агар у актуар ташкилот штатида турган бўлса ёки актуар ташкилот томонидан у б-н фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишга жалб этилиши мумкин.

А. сифатсиз актуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат ёки бошқа сирни ошқор қилганлик ва актуар ташки-

лот зарар кўришига олиб келган ўзга хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарар учун актуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Актуар хизматлари кўрсатиш учун А. махсус ваколатли давлат органи белгиллаган тартибда А. малака сертификатини олиши шарт.

Юридик шахс бўлган А. ўз штатида А. малака сертификатига эга бўлган камда битта А.га эга бўлиши керак.

А.: суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга; суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга; суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

А. фаолияти натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилади.

А. ҳисоботида кўрсатилган ҳулосалар муस्ताқил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши мумкин ("Суғурта фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 9¹-м.си).

АКЦЕПТ (лот. acceptus – қабул қилинган; инг. accept) – оферта юборилган шахснинг уни қабул қилганлиги ҳақидаги жавоб. А.ни қабул қилувчи акцептант дейилadi. А. тўлиқ ва писандасиз бўлиши керак. Агар қонундан, иш муомаласи одатидан ёки тарафларнинг иш бўйича аввалги муносабатларидан бошқача маъно келиб чиқмаса, сукут сақлаш А. бўлмайди. Офертани А.лаш учун белгиланган муддатда олган шахснинг унда кўрсатилган шартнома шартларини бажариш юзасидан қилган ҳаракатлари (товарларни жўнатиш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш, тегишли суммани тўлаш ва х.к.), агар қонун ҳужжатларида ёки офертада бошқача тартиб назарда тутилмаган ёки кўрсатилмаган бўлса, А. ҳисобланади. Агар А.ни қақриб олиш ҳақидаги билдириш оферта юборган шахсга А.дан олдинроқ ёки у б-н бир вақтда етиб келган бўлса, А. олинмаган ҳисобланади. Офертада А. муддати кўрсатилган бўлса, А. оферта йўллаган шахс томонидан унда кўрсатилган муддат мобайнида олinsa, шартнома тузилган ҳисобланади. Ёзма офертада А. муддати кўрсатилмаган А. оферта йўллаган шахс томонидан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатларда, агар бундай муддат белгилаб қўйилган бўлмаса бунинг учун нормал зарур бўлган вақт мобайнида олинса, шартнома тузилган ҳисобланади. Оферта А. учун муддат кўрсатмасдан оғзаки тарзда қилинганида бошқа тараф уни акцептлаганини дарҳол айтган бўлса, шартнома тузилган ҳисобланади. А. тўғрисида ўз вақтида йўлланган билдириш кечикиб олинган ҳолларда оферта йўллаган тараф бошқа тарафга А. кечикиб олинганини дарҳол билдириб қўймаса, А. кечиккан ҳисобланмайди. Агар оферта йўллаган тараф бошқа тарафга унинг кечикиб олинган А.ни қабул қилганини дарҳол маълум қилса, шартнома тузилган ҳисобланади. Офертада таклиф қилинганидан бошқача шартлар асосида шартнома тузишга розилик билдириш ҳақидаги жавоб А. ҳисобланмайди. Бундай жавоб А.дан бош тортиш ва айни вақтда янги оферта ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 370–375-м.лари).

АКЦЕПТ КРЕДИТИ – ташки савдоларни банклар томонидан кредитлаш тури. Банклар томонидан банклардаги экспорт қилувчи қўчирилиб оладиган ўтказилувчи векселлар акцепти шаклида берилadиган кредит. Банк ўз

маблағларини акцепт операцияларига киритмайди, балки, тўлаш муддати келганда харажатларни тўлашга мажбур бўлади (кредит расман экспорт қилувчи томонидан берилади).

АКЦЕССОР-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР – бирон-бир асосий мажбуриятга қўшимча мажбурият бўлиб, унга кўра асосий мажбуриятнинг бўлмаслиги акцессор-ҳуқуқий муносабатнинг ҳам бўлмаслигига олиб келади. Дейлик, гаров мажбурияти қарз мажбуриятининг акцессоридир.

АКЦИЗ СОЛИҒИ – қўшимча қиймат солиғини солиш базасида ва нархда ҳисобга олинандиган билвосита солиқ кўринишида бюджетга тўланадиган (ундириладиган) соф даромаднинг қисми.

А.с. тўловчи юридик ва жисмоний шахслар қуйидагилардир: ЎзР ҳудудда А.с. солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар; ЎзРнинг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар; оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериги (иштирокчиси).

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс ЎзР ВМнинг қарорига биноан А.с.ни тўловчи этиб белгилаши мумкин (ЎзР СК 229-м.си).

Қуйидаги операциялар А.с. солинадиган объектдир:

1) акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш, шу жумладан: товарни сотиш (жўнатиш); гаров б-н таъминланган мажбурият бажарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган акциз тўланадиган товарларни гаровга қўювчи томонидан топшириш; акциз тўланадиган товарларни бепул топшириш; акциз тўланадиган товарларни иш берувчи томонидан иш ҳақи ҳисобига ёлланган ходимга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда топшириш ёки ҳисобланган дивидендлар ҳисобига юридик шахснинг муассисига (иштирокчисига) топшириш; акциз тўланадиган товарларни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун топшириш;

2) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондида (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тарикасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;

3) акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чикиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати б-н топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкидаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;

4) акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хомашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хомашё ва материалларни қайта ишлаш махсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хомашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

рувчи томонидан қайта ишлашга берилган хомашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;

5) ишлаб чиқарилган ва (ёки) казиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

6) акциз тўланадиган товарларни ЎзРнинг божхона ҳудудига импорт қилиш (ЎзР СК 230-м.си).

АКЦИЯ (лот. actio – ҳаракат, фармойиш; инг. share / stock; нем. actie; фр. action; голл. actie) – ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғоз.

АКЦИЈАДОРЛАР РЕЕСТРИ – рўйхатга олинган акция эгаларининг уларга тегишли эгаси ёзилган қимматли қоғозларнинг сони, номинал қиймати ва тоифалари кўрсатилган, ҳар қандай белгиланган санадаги ҳолатга кўра тузилган ҳамда бу акция эгалари, уларга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва тоифалари айнан тўғрилигини аниқлаш имконини берадиган рўйхатидир. Ўзига нисбатан “олтин акция”ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилинган жамият А.р.га давлат вакили ҳам киритилади. Эмитентлар А.р.ни давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган белгилаган шаклда юритиши шарт. Акцияларни жойлаштирган жамият ёки ихтисослашган рўйхатчи жамият А.р.нинг сақловчиси бўлиши мумкин. Оддий (одатдаги) акция эгалари бўлмиш акциядорлари беш юз ва ундан ортиқ бўлган жамият реестр юритиш ҳамда сақлашни ихтисослашган рўйхатчига шартнома асосида топшириши шарт.

Ихтисослашган рўйхатчига реестр юритишни топширган жамият реестрини юритиш ва уни сақлаш учун жавобгарликдан озод этилмайди.

Акциядорлик жамиятининг акциядорлари бўлган ва қимматли қоғозлар бозорига ўзга бир фаолият учун лицензияси бўлган жисмоний ва юридик шахслар шу жамият А.р.нинг сақловчиси бўла олмайдилар. Қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини юритиш б-н шуғулланувчи рўйхатчи (эмитентнинг ўзи бундан мустасно) қимматли қоғозлар юзасидан битимлар тузишга ҳақли эмас.

Қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини юритиш:

қимматли қоғозлар реестрида рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари ва қимматли қоғозлар эгалари айнан тўғрилигини аниқлашни;

уларнинг ўз номларига рўйхатдан ўтказилган, ахборот олиш ва уни мазкур шахсларга йўллаш ҳамда қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини тузиш имконини берадиган қимматли қоғозларга нисбатан бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олишни;

қимматли қоғозлар эгалари реестрига ўзгартишлар киритишни зарур қилиб қўядиган барча фактлар ва ҳужжатлар тўғрисидаги ҳамда бундай ўзгартишларни киритиш борасида реестр сақловчининг барча ҳаракатлари ҳақидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тўплаш ва сақлашни таъминламоғи лозим.

Эгаси ёзилмаган қимматли қоғозлар учун қимматли қоғозлар эгалари реестрини юритиш тизими жорий этил-

майди. Реестрни юретиш учун шартнома фақат битта юридик шахс б-н тузилади.

Жамият А.р.да рўйхатга олинган ҳар бир шахс (акциядор ёки номинал акция сакловчи) рўйхатга олинган ҳар бир шахснинг номига ёзилган акцияларнинг сони ва турлари тўғрисидаги маълумотлар, конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Жамият А.р.ни юретиш ва саклашни жамият давлат рўйхатига олинган пайдан эътиборан узори б-н бир ой ичида таъминламоғи лозим.

Жамият А.р.да рўйхатга олинган шахс ўзига тегишли маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисида жамият акциядорлари реестрининг сакловчисини ўз вақтида хабардор этиши шарт. У ўзига тегишли маълумотлар ўзгарганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этмаган тақдирда, шу муносабат б-н акциядорга етказилган зарар учун жамият ва ихтисослашган рўйхатчи жавобгар бўлмайдилар (Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида) ги ЎзР Қонунининг 47-м.си).

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ – устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият. А.ж.нинг иштирокчилари (акциядорлар) унинг мажбуриятлари бўйича жавоб берадилар ва жамият фаолияти б-н боғлиқ зарар учун ўзларига қарашли акциялар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Акциялар ҳақини батамом тўламаган акциядорлар А.ж.нинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

А.ж.нинг фирма номида жамиятнинг номи ҳамда бу жамият А.ж. эканлиги ўз ифодасини топиши керак.

А.ж.нинг ҳуқуқий мавқеи ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ЎзР ФК, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида” ги Қонуни ва б. конунлар б-н белгиланади.

АЛДАШ ЁКИ ИШОНЧНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН МУЛКИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИШ

– талон-тороғ аломатлари бўлмагани холда алдаш ёки ишонччи суистеъмол қилиш йўли б-н мулкдорга анча миқдорда зарар етказиш. Айбдорга билдирилган ишонччи суистеъмол қилиш ёки алдаш ҳаракатлари б-н ҳали келиб тушмаган, лекин шартномавий ёки бошқа бирон-бир мажбуриятга мувофиқ мулк эгасига келиб тушиши лозим бўлган пул маблағлари ёки моддий бойликларни ўзи ёки бошқа шахслар фойдасига олиб, мулкдорга зарар етказди. Шундай қилиб, ушбу жиноятни содир этиш орқали келиб чиқадиган мулкций зарар мулкдорнинг тўғридан-тўғри зарар кўришида эмас, балки қўлдан бой берилган фойда ва олинмиши лозим бўлган даромадда ифодаланади. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 170-м.сида жавобгарлик ўрнатилган. Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда қамоқ тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

АЛИБИ (лот. alibi, alius + ibi – бошқа жойда; инг. alibi) – криминалистикада гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ушбу шахс айбсизлигининг далили сифатида жиноят содир этилиши пайтида бошқа жойда бўлганлиги.

Жиноят содир қилинган пайдан айбланувчини бошқа жойда кўрганлиги ўртасида тегишли вақт ўтган бўлса, жиноят қилишда бошқа йўл б-н ёки билвосита иштирок этган бўлса, бу хол айбловни рад этолмайди. А. – шахс-

нинг жиноят содир этмаганлигининг, айбдор эмаслигининг исботи, яъни жиноят содир этишда айбдор деб ҳисобланаётган шахснинг жиноят содир этилган пайтда бошқа ерда бўлганлиги сабабли унинг ўзи гумондор ҳисобланган қилмишни содир эта олмаслигидир.

АЛИМЕНТ (лот. alimentum – озиқ-овқат, нафақа, таъминот, боқиш учун маблағлар) – бир шахснинг иккинчи шахсга мажбуран тўлайдиган моддий маблағидир.

А. мажбуриятлари оила аъзолари ўртасида содир бўлади.

Қонунчиликда бир томонда давлат, иккинчи томонда жисмоний шахс иштирок этса ёки ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар содир бўлса, у холда “нафақа” сўзи ишлатилади. Агар оилавий ҳуқуқий муносабат бўлиб, унда оила аъзолари иштирок этсалар, у холда “алимент” сўзи ишлатилади.

ЎзР ОКга биноан, ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан А. ундирилади. Вояга етмаган болаларга А. тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаганда ёки А. ихтиёрий равишда тўланмаганда ва ота-онадан бирортаси ҳам А. ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза б-н мурожаат қилмаган холларда, васийлик ва хомийлик органлари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда А. ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлидир. Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун А. суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) б. даромадининг бир бола учун – тўртдан бир қисми, икки бола учун – учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун – ярмиси миқдорда ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳволини ва б. эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган холда суд томонидан қамайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин. Ҳар бир бола учун ундирилган А. миқдори қонун ҳужжатлари б-н белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Ота-она вояга етмаган болаларидан ташқари вояга етган фарзандларига ҳам А. тўлашлари шарт. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади.

АЛИМЕНТ МАЖБУРИЯТИ – ЎзР оила қонунчилигига кўра, ота-она вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига ҳамда вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига таъминот бериши шартдир. Вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига таъминот бериш ота-онанинг келишувига биноан амалга оширилади. Ота-она ўртасида бундай келишувга эришилмаган тақдирда низо суд тартибида ҳал қилинади.

А.м.лари оила аъзолари ўртасида содир бўлади. А.м.лари мулкций ҳуқуқий муносабатлар доирасига кириб, шу б-н бирга ўзининг баъзи бир махсус белгиларига ва хусусиятларига эга. А.м.нинг фуқаролик ҳуқуқидаги мажбуриятдан фарқ қиладиган томонлари мавжуд. А.м. бу шундай ҳуқуқий муносабатки, у қонунда белгиланган юридик фактлар содир бўлганида вужудга келади. Амалдаги қонун-

чилиқда А.м.ларида бир қатор янги қоидалар белги-ланган. ЎзР ОК алимент ундиришининг уч тартибини белги-лайди: 1) алимент тўлаш тўғрисидаги келишув тузиш; 2) алиментни ихтиёрий тўлаш; 3) алиментни суд тартибида ундириш.

АЛИМЕНТ ТЎЛАШ ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ – ЎзР ОКнинг 130-м.сига биноан, А.т.т.к. (алимент миқдори, шартлари ва тўлаш тартиби) алимент тўлаши шарт бўлган шахс б-н алимент олувчи ўртасида тузилади. Агар алимент олувчи муомалага лаёқатсиз бўлса, келишув унинг қонуний вакили б-н тузилади.

АЛИШЕР НАВОЙИ (09.02.1441 й. – 03.01.1501 й.) – тахаллуси Навоий, Фоний. Асл исми Низомиддин Мир Алишер. У Хиротда туғилиб, шу ерда умрининг асосий қисмини ўтказган. Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Баходир теурийлар хонадонига яқин бўлган. Шеър завқи ва истеъдоди эрта уйғонган. Болаликдаёқ Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарини ёд олган, Шарафиддин Али Яздий назарига тушган. Мавлоно Лutfий ҳамда Камол Турбатийлар эътирофини қозонган. Саййид Ҳасан Ардашер, Пахлавон Муҳаммад каби устозлардан таълим олган, Абдурахмон Жомий б-н ижодий ҳамкорликда бўлган. Навоий бир муддат теурийлар орасидаги ички низолар сабабли Хиротдан йироқроқда яшаган.

Хусайн Бойқаро Хуросон тахтига ўтиргач (1469), Навоий ҳаёти ва ижодида янги босқич бошланади, мухрдорлик мансабига (1469), вазирлик (1472) ва Астробод ҳокимлигига (1487) тайинланади. 1480 – 1500 йиллар мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан бир неча мадраса, 40 та работ (сафардаги йўловчилар тўхтаб ўтиш жойи), 17 та масжид, 9 та ҳаммом, 9 та кўприк, 20 та ҳовуз қурдиради. Хусайн Бойқаро Алишер Навоийга “муқарраби ҳазрати султоний” (“султон ҳазратларининг энг яқин кишиси”) деган унвонни беради. Унга кўра, Навоий давлатнинг барча ишларига аралаша оларди.

Навоий ижоди ихлосмандлари унинг шеърларини йиғиб, “Илк девон” (1464–1465) тузган эдилар, сўнгра “Бадойин ул-бидоя” (“Гўзалликнинг бошланиши”), “Наводир ун-нихоя” (“Надирликлар ниҳояси” 1470) номли девонлар тартибга келтирилганлар. Лирик мероси умумий ҳажми 50000 мисрадан ортиқ “Ҳазойин ул-маоний” номли тўрт девон (1491–1498) га жамланган. Навоий шеъринининг мавзулар доираси кенг, жанрлар кўлами (16 та) хилма-хил. Ғазаллари “ошиқона, орифона, риндона” (Шайхзода) сифатлари б-н ўрганилади. Уларда инсоний муҳаббат илоҳий ишқ б-н уйғун холда улуғланиб, “мажоз – ҳақиқат кўприги” ақида-сига амал қилинган. Алишер Навоий шеъринидаги зоҳирий маъно б-н ботиний сифатлар уйғун холда ўрганилгандагина уларни мукамал холда идрок этиш мумкин.

ЎзР ФА Шарқшунослик инс.да (З-фонд) Навоийга мансуб 24 та асарнинг 254 та қўлёзмаси сақланади, уларнинг кўпчилиги девонларнинг нусхаларидир. Навоий девонлари проф. Ҳ.Сулаймон томонидан йиғилиб, тасниф этилган. “Илк девон” Санкт-Петербургдаги Салтыков-Щедрин кутубхонасида (инв. 564) сақланади. “Наводир ун-нихоя”нинг ЎзР ФА Шарқшунослик инс.и (инв. 1995) даги нусхалари ниҳоятда надир бўлиб, улар Навоий даврида Хиротда Султон Али Машҳадий (1487), Абдуҷамил қотиб (1487–1488) томонидан кўчирилган.

Алишер Навоий ижодининг юксак чўққиси “Ҳамса” асари (1483–1485)дир, шоир биринчи бўлиб, туркий тилда тўлки “Ҳамса” яратди ва туркий тилда шундай кўламли асар яратиш мумкинлигини исботлади.

“Ҳамса” таркибига “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъбаи сайёр”, “Садди Искандарий” каби достонлар қиради.

“Муншаот” (1498–1499) Навоийнинг мактублари тўплами (жами 88 та хат) бўлиб, улар соғинч хатлари, наврўз табриклари, таъзияномалар, сиёсий ўғитлар, сулҳномалар ва б. йўналишлардадир. Улар Хусайн Бойқаро, Бадиуззамон ва б. тарихий шахсларга битилган.

“Тарихи мулуки Ажам” (“Ажам шоҳлари тарихи”, 1488) қисқа тарих бўлиб, Эрон шоҳлари хроникаси баён қилинган “Тарихи Табарий”, “Шоҳнома” асарларини мантиқий тўлдирди, улардаги фактларни изчил илмий тизимга солади. Афсонавий шоҳ Каюмарсдан сосонийларнинг сўнги вакили Язди Шаҳриёрғача бўлган шоҳлар тарихини, мифологик талқинини беради.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” (“Пайғамбарлар ва ҳакимлар тарихи”, 1485–1498) асарининг биринчи бўлимида “Қиссасул-анбиё” аъналарини давом эттириб, Одам алай-хиссаломдан Нух, Исо, Мусо, Яқуб, Сулаймон, Юсуф, Довуд каби пайғамбарлар тарихига оид қиссаларни келтиради. Навоий Лукмони ҳакимга ҳам анбиёлар қаторидан жой беради. Асарнинг “Ҳукамо зикрида” деб номланган иккинчи бўлимида инсоният тарихида чуқур из қолдирган донишманд ҳакимлар Пифағурс, Жомосп, Букрот, Сукрот, Афлотун, Арасту, Болинос, Жолинос, Батлимос, Бузург-меҳр ҳақида ибратли хикоялар келтиради, уларнинг донишмандлиги, илмий кашфиётлари сири қисқа сатрларда талқин қилинади.

“Вақфия” (1481) асарида вақф ерлари, мулклари, уларнинг миқдори, улардан фойдаланиш, вақф мулки ва маблағи эвазига қуриладиган бино ва иншоотлар, бу йўналишда мадраса ва хонақоҳларда ўрнатилган тартиблар ҳақида фикр юритади. Навоий ўз маблағлари ҳисобига қурдирган хайрия муассасалари, илмий-маданий бинолар ва боғларни санаб ўтади. Асар Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларини ўрганиш учун ҳам муҳим ҳужжатли манбадир.

Мустақил Ўзбекистонда Навоийни англаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикадаги энг йирик вилоятлардан бири ва унинг маркази, ЎзР ФА Тил ва адабиёт инс.и, опера ва балет академик театри, Ўзбекистон давлат кутубхонаси, Самарқанд давлат университети ва б. юзлаб маданий-маърифий муассасалар улуғ шоир номини б-н аталади.

АЛКОГОЛИЗМ (инг. alcoholism) – спиртли ичимликларга патологик хирс қўйиш (рухий ва жисмоний мойиллик) б-н, алкоголь истеъмол қилиш тўхтатилганда хумор синдроми пайдо бўлиши, кейинчалик соматоневрологик бузилишлар ва рухий шахс ўзгариши б-н кечадиган ҳасталик. Бу касаллик жамият учун ҳам, беморнинг ўзи учун ҳам ноқулай бўлган ижтимоий оқибатларга олиб келади. А. нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммо ҳамдир. А. ҳолати алкоголь ичишдан бошлаб, секин-аста ривожланади. А. спиртли ичимликларни узок вақт истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган тиббий оқибатлардан фарқ қилиб, кўпгина ижтимоий оқибатлари касалликнинг эрта босқичларида

шаклланиши мумкин. Бу, аввало, алкогольнинг мастлик чакириши ва психотроп таъсири б-н боғлиқ.

А.нинг ижтимоий оқибатлари турличадир. Хусусан, уларга йўл-транспорт ҳодисаларининг ошиб бориши киради. Бу муаммонинг ошиб боришига иктисоди ривожланган давлатларда транспорт воситаларининг ошиб боришигина эмас, балки ўз ишини пухта билмайдиган ҳайдовчиларнинг кўпайиши ҳам сабаб бўлмоқда. А. ижтимоий ва тиббий аспектга эга. Ижтимоий маънода А. деганда жамият фаровонлигига ва криминал ҳолатга, инсонларнинг соғлиғига, турмушига, меҳнатига путур етказувчи номезърий спиртли ичимликларни ичиш тушунилади. Тиббий маънода А. – бу организмнинг ички органларида ва тизимларидаги ўзгаришлар. аниқ рухий бузилишлар б-н кечадиган, спиртли ичимликларга қарамликнинг ривожланиши б-н ўтадиган. доимий алкоголь истеъмол қилиш натижасида юзага келувчи сурунқали касаллик ҳисобланади. Рухий бузилишлар алкогольга патологик мойиллик, тобелик, хумор (похмель) синдромининг пайдо бўлиши, мастликнинг ўзгарган ҳоллари, чидамликнинг ўзгаришлари (организмни этанолга чидамлилиги) ва шахснинг қилиқ ўзгаришларининг ривожланиши б-н намоён бўлади. А. юрак-кон томирлари, асаб тизими, бутун ички аъзолар ва бош миёна касалликларининг ривожланишига олиб келади.

АЛЛОКАТУРА – айрим мамлакатларда солиқ нозирини томонидан бериладиган солиқ базасини аниқлаштириш учун тугалланмаган битимлар б-н боғлиқ тўловлар мавжудлиги ҳақидаги ҳужжат. А. тушунчасини солиқ кредити б-н адаштирмаслик лозим. Солиқ кредитида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, асбоб-ускуналарни янгилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қўшимча сармояларни киритиш мақсадида солиқ тўлаш муддатини узайтиришда ифодаланган давлат органлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга ошириладиган актдир. ЎзРда А. назарда тутилмаган. Жумладан, жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқни тўловчи ўзининг жами йиллик даромадидан келиб чиққан ҳолда тўлайди.

АЛЛОНЖ (фр. allonge – устига қўйилган; инг. allonge) – қимматли қоғозлар ҳосилаларига илова қилинган қўшимча варақ. Унга қимматли қоғозлар ҳосилалари бўйича ҳуқуқларни ўтказиш ҳақидаги ёзувлар ва б. маълумотлар киритилади.

АЛОҚА ХОДИМЛАРИ – алоқа-коммуникация тизимлари ва тармоқлари корхоналарида банд бўлган ходимлар тоифаси.

А.х.га меҳнат қонунчилиги қондалари умумий асосларда татбиқ этилади. Айни пайтда меҳнатнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда (алоқа бўлимлари, телефон трансляция, вақтли матбуот нашрларини тарқалиши) махсус қондалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

А.х. меҳнат шартномалари ва меҳнатни тартибга солишнинг алоҳида хусусиятлари “Алоқа тўғрисида”ги ЎзР Қонунда ҳамда унинг асосида чиқарилган қонуности ҳужжатларида назарда тутилган.

АЛОҲИДА ДАМ ОЛИШ КУНИ – собиқ Совет Иттифоқи даврида жорий қилинган (1922 й.) ва кейинчалик бекор қилинган (1940 й.да) қўшимча дам олиш куни. Маҳаллий аҳолига диний байрамларни нишонлаш учун тегишли тум. меҳнат бўлимлари б-н келишилган ҳолда берилган.

АЛОҲИДА ТАРТИБДА ИШ ЮРИТИШ – фуқаролик ва ҳўжалик суд ишларини юритиш турларидан бири ҳисобланади. Алоҳида тартибда қўриладиган ишларда ҳуқуқ ҳақида низо бўлмайдн, шунга қўра у даъво ишларини юритишдан фарқ қилади. А.т.и.ю.дан мақсад фуқароларнинг бирон-бир ҳуқуқлари вужудга келганлиги, ўзгарганлиги ённки бекор бўлганлигини, яъни юридик фактларнинг мавжудлиги ёки уларнинг йўқлигини аниқлашдан иборат бўлади.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан алоҳида иш юритиш тартибида қўриладиган ишларга қуйидагилар киради: 1) юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар; 2) фуқарони бедарак йўқолган деб топиш ва фуқарони ўлган деб эълон қилиш тўғрисидаги ишлар; 3) фуқарони муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги ишлар; 4) мол-мулкни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ишлар; 5) тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқолган тақдирда, улар бўйича ҳуқуқларни тиклаш тўғрисидаги ишлар (чакириб иш юритиш) (ЎЗР ФПКнинг 279-м.си).

Ҳўжалик судлари томонидан алоҳида иш юритиш тартибида ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлик тўғрисидаги ишлар ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар қўриб чиқилади.

А.т.и.ю. б-н боғлиқ қондалар ЎзР ФПКнинг 4-кичик бўлимида ва ЎЗР ХПКнинг 20-бобида белгиланган.

АЛОҲИДА ФИКР (лот. votum separatum; инг. dissenting opinion) – суд томонидан қарор, ҳукм, ажрим чиқаришда ҳал қилиниши лозим бўлган масала юзасидан кўпчилик судьялар томонидан қабул қилинган қарор бўйича судьянинг фикри.

АЛЬЯНС (инг., фр. alliance) – кенг маънода, алоҳида шахслар, партиялар ёки давлатларнинг, қонда тариқасида, умумий мақсадларга эришиш учун шартнома асосида уюштириш, бирлашиши.

АМИН – 1) Бухоро амирлигида тум. ёки кишлок оқсоқоли; 2) бозорда сотувчилардан солиқ ундирувчи мансабдор; 3) Чоризм даврида Фарғона водийсида бир неча майда кишлокларни бошқариш учун сайлаб қўйиладиган қуйи маъмурий мансаб.

АМИР – мусулмон давлатларида давлат бошлиғи. Ўрта аср Ўрта Осиё давлатларида айрим маҳаллий-худудий бирликлар бошқарувчиси ва ҳарбий саркардалар бошлиғи ҳам А. номи б-н юритилган. Шу б-н бирга, А. давлат бошлиғи ва ҳукмдорларга нисбатан берилган фахрий унвон сифатида ҳам қўлланиб келинган. Ўзбек миллий давлатчилик тарихида А. унвони б-н Соҳибқирон Амир Темур, кейинчалик туркий-ўзбек уруғи вакилларидан манғитлар ўзларини А. ёки А. ул-муслимин унвони б-н давлатни бошқарганлар. Ҳозирги кунда айрим мусулмон давлатлари маҳаллий бошқарув раҳбарлари ҳам А. унвони б-н давлатни бошқаради. Мас., Бирлашган Араб Амирликлари бир нечта амирликдан ташкил топган бўлиб, бевосита А. томонидан бошқарилади.

АМИР ТЕМУР (09.04.1336 й., Шаҳрисабз яқинидаги Хўжайлғор қишлоғи – 18.02.1405 й., Ўтрор шаҳри) – соҳибқирон, йирик давлат арбоби, енгилмас саркарда, Ўрта асрларда энг катта давлатлардан бирининг бунёдкори, ташқи муносабатларда оқил йўлларни топа билган раҳбар, жанг санъати ва қонунларини ишлаб чиққан машхур

лашкарбоши. Асл исми – Кўрагон ибн Амир Тарағай Баходир. Отаси Амир Тарағай Баходир барлос қабиласи зодагонларидан бири, замонасининг кўзга кўринган киши-си ҳисобланган, онаси Тегина бегим эса бухоролик олим Убайдуллоҳ аш-Шарифанинг кизи бўлган.

А.Т.нинг ёшлигиданок иродали, яхши ташкилотчи, ўткир жангчи эканлиги намоён бўла бошлади. У ўз кучи, ғайрати ва иродасини чиниктириш мақсадида йнгирма беш ёшгача бир қанча ҳукмдорлар хизматида бўлди. Бу даврда Мовароуннаҳр бир қанча амирликларга бўлинган, тарқоклик кучайган, қабилалар ва элатлар ўртасидаги низолар авжга чиққан эди. Шундай мураккаб вазиятда А.Т. харбий ва дипломатик қобилияти туфайли Кеш (Шахрисабз) хокими даражасига кўтарила олди. 1370 йда А.Т. Кешдан Балхга юриш қилиб, Амир Ҳусайн қўшинларини енгди, рақиби қатл этилгач, унинг хотинларидан бири Сароймулкхоним (Бибиҳоним)га уйланди. Хон қизига уйланганлиги муносабати б-н А.Т. “кўрагон”, яъни “хоннинг кўеви” номини олди. Ўша 1370 й. кўчманчи зодагонлар, ўтрок феодаллар ва мусулмон уламолари А.Т.ни Мовароуннаҳр амираи деб эълон қилдилар.

А.Т. Самарқандни давлат пойтахтига айлантирди. 1381 й.да Хиротни, 1383 й.да Сейистонни эгаллади. 1386 й.дан “уч йиллик юриш”, 1392 й.дан “беш йиллик юриш” ва 1399 й.дан эса “етти йиллик юриш”ларни бошлаб, уларни изчиллик б-н амалга оширади. 1404 й.да Самарқандга қайтиб, Хитойга юришга тайёргарлик бошлайди ва 1405 й.да қўшинлари б-н йўлга чиқиб, Тошкентдан шимоли-шарқдаги Ўтрок ш.га қелганда қасалланиб вафот этади. А.Т. 27 дан ортик мамлакатни забт этди. Сохибқирон Олтин Ўрда хони Тўхтамишни енгиб, Русияни мўғуллар истибдодидан қутқарилишини осонлаштирди. Туркия султони Боязид Йилдиримни енгиб, Болкон яриморони халқларини маълум муддат мустабилдикдан сақланиб қолишига сабабчи бўлди.

А.Т.нинг саркардалик маҳорати дунё ахамиятига эгадир: жаҳон харбий академияларида қулдорлик даври харбий санъатининг энг ёрқин вакили сифатида Александр Македонский, Ўрта асрлардан А.Т., кейинги даврдан Наполеоннинг саркардалик маҳорати ўрганилади. А.Т. ўз даврининг билимдон кишиси бўлган. А.Т. давлатни мустахкамлашда савдогарларга, хунармандларга, шайхларга ва ислом динига таянди, ички ва ташқи савдонни йўлга қўйди, илм-фан, адабиёт, санъат тараққиёти учун қулай шароитлар яратди, забт этилган мамлакатлардан олиму фузалоларни, илоҳиётчиларни, санъат намояндаларини Самарқандга олиб келди. Натижада, меъморчилик, рассомчилик, наққошлик юксак чўққиларга кўтарилди. У Самарқандни жаҳоннинг энг гўзал ш.ларидан бирига айлантирди, атрофидаги кишлокларга Богдод, Қоҳира, Дамашк, Фориш (Париж) каби номларни бериш б-н пойтахтнинг макеини оширишга ҳаркат қилди, қатор хорижий мамлакатлар б-н, шу жумладан, Франция, Испания, Англия б-н алоқа ўрнатди.

Марказий Осиё Уйғониш даври А.Т. ва унинг авлодлари ҳукмронлиги йилларида мустахкам негизга эга бўлди. А.Т.нинг тарихдаги ўрнини тўғри баҳолаш, унинг даври ва меросини ҳолисона ўрганиш фақат истиқлол туфайли мумкин бўлди. А.Т. таваллудининг 660 йиллиги (1996й.да) кенг нишонланди.

АМИРЛИК – мусулмон давлатларида давлат бошқаруви шакли. Бирлашган Араб Амирликлари давлат бошқаруви шакли А. бошқаруви эга. Бухорода ҳокимият тепасига қелгандан сўнг хонлик унвонини, яъни мусулмон шаръий нормаларига таянган ҳолда амир деб эълон қилганлар. Шундан сўнг, 1753–1920 й.лар давлатчилиқ тарихида Бухоро амирлиги сифатида таъинланган.

АМНИСТИЯ (юн. *amnestia* – кечиртиш, гуноҳдан ўтиш) – олий давлат ҳокимияти органининг хусусий акти, айрим шахсларнинг жиноий жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қарори. А. жиноят ва б. ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни жазодан тўла ёки қисман озод этиш, тайинланган жазо турини енгилроғи б-н алмаштириш тўғрисидаги инсонпарварликни намоёниш қилувчи фармойишдир.

ЎзР Коис. 80-м.га кўра, ЎзР Президенти А. тўғрисидаги ҳужжатларни ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади. ЎзР судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Сенатнинг мутлақ ваколатига қиради. А. халқ ўртасида “умумий афв” деб ҳам юритилади. ЎзР мустақиллиги эълон қилингандан бери А. тўғрисидаги 18 та ҳужжат қабул қилинган (2007 й. 1 январгача). Улар халқаро ҳуқуқ нормаларида, ЎзР Коис. ва б. қонулиларида назарда тутилган инсонпарварлик принципларига изчиллик б-н амал қилишнинг юксак намунасидир. А.га асосан, жазодан озод қилинган шахслар тақроран жиноят қилишдан ўзларини тийишлари лозим. Тақроран содир қилган жинояти учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан одатда А. қўлланилмайди ва бу ҳолат ундай шахсни жазодан озод этишга монелик қилади.

Маҳкумини А. актига асосан асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёхуд жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки унга тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо б-н алмаштириш прокурорнинг илтимосномага биноан маҳкумининг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) судининг, округ, ҳудудий харбий суднинг судьяси томонидан амалга оширилади (ЎзР ЖПКнинг 536-м.си).

АМНИСТИЯ АКТИ АСОСИДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ – ЎзР ЖКнинг 68-м.га мувофиқ, жиноят содир этган шахсни А.а.а.ж.о.к. мумкин. Амнистиянинг афв этишдан фарқли хусусияти шундаки, амнистия кенг мазмунга эга бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан ҳам, жиноий жазодан ҳам озод қилади.

АМОТИЗАЦИЯ (лот. *amortificatio* – тўлаш, коплаш; инг. *amortication, depreciation*) – ишлаб чиқариш воситасидан фойдаланиш жараёнида унинг емирилиши, жисмоний ва маънавий эскириши. Ишлаб чиқариш воситаларининг эскириши даражаси олдиндан белгиланади ва эскириш қиймати ишлаб чиқариладиган маҳсулот (кўрсатиладиган хизмат) қийматига сингдириб борилади. А. муддатини ўтаб бўлган воситалар белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

Ишлаб чиқариш воситалари А. кўрсаткичларига кўра талабга жавоб бериши, ходимлар саломатлиги ва ҳаётига хавф солмаслиги керак. Иш берувчи жисмоний ва маънавий эскириб кетган ишлаб чиқариш қурол воситаларини янги сина алмаштиришга, шу йўл б-н ходимлар учун қулай иш шароитлари яратиб беришга мажбур.

АНАЛОГИЯ (ЎХШАШЛИК) (юн. *analogia* – мувофиқлик, ўхшашлик; инг. *analogy*) – ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солинишга мухтож бўлган, бироқ қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаган ижтимоий муносабатларга нисбатан ҳуқуқ тизимида ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ нормаларини қўллаш ҳисобланади. А. ҳуқуқдаги “бўшлиқлар”ни, яъни маълум бир масала юридик воситалар ёрдамида ҳал этилиши лозим бўлган, бироқ бундай ечим қонунчиликда мустаҳкамланмаган ҳолда, уни тўлдириш усули ҳисобланади.

Қонун аналогияси (ўхшашлиги) – ҳуқуқда қонун ёки қонуности ҳужжатлари б-н тўғридан-тўғри назарда тутилмаган, ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилувчи ижтимоий муносабатларга нисбатан ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни қўллашдир.

Ҳуқуқ аналогияси (ўхшашлиги) – ҳуқуқда муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлмаса (яъни, қонун А.сини қўллашнинг имкони бўлмаса), бу ҳолда ҳуқуқнинг тегишли ҳуқуқ тармоғи ва ҳуқуқ инс.ини ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий асослари ва умумий принципларига асосланиб кўриб чиқиш ва ҳал этишдир.

Ҳуқуқнинг айрим тармоқларида, жумладан, фуқаролик ҳуқуқида бирор хил даъво тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса, суд шунга ўхшаш муносабатларни назарда тутадиган бошқа қонунни қўллайдди. А. жинойат қонунда 1959 й.гача қўлланиб келинган. ЎзР ЖКнинг 4-м.сида кўрсатилинча, содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва б. ҳуқуқий оқибатлари фақат ЖК б-н белгиланади. ЎзР ЖКнинг 9-м.сига биноан, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий ҳафли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади.

АНАРХИЯ (юн. *anarchia* – мавжуд раҳбарсизлик, хокимиятсизлик; инг. *anarchy*) – жамиятнинг давлатсиз тузилиши. А. тушунчаси, шунингдек, муайян жамият ёки давлатнинг амалдаги қонунлар инкор қилинган, қонунийлик йўқолган, хокимиятнинг ҳар қандай қўринишлари рад этиладиган ҳолатини ҳам билдиради. Одатда А. инкилобдор натижаси ҳисобланади ва, қоидага қўра, у узок вақт яшамайди, чунки ҳар қандай сиёсий инс.ни ҳалокатга учратади. Қундалик ҳаётда А. атамаси одатда тарқоқликни, хокимиятсизликни, уюшмаганликни, тартибсизликни ва б.ларни билдиради.

АНИҚ МАҚСАДЛИ ҚАРЗ – агар қарз шартномаси қарз олувчининг маблағлардан аниқ мақсадда (аниқ мақсадли қарз) фойдаланиши шарт б-н тузилган бўлса, қарз олувчи қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Қарз олувчи қарз шартномасининг қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланиш ҳақидаги шартларини бажармаган тақдирда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи қарз олувчидан қарз суммасини муддатидан олдин қайтаришни ва тегишли фоизларни тўлашни талаб қилишга ҳақли (ЎзР ФК 739-м.си).

АНКЕТА (СЎРОВНОМА) (фр. *enquete* – тегров; инг. *questionnaire form blank, survey*) – ходимлар б-н меҳнат шартномаси тузиш чоғида унинг шахсий, касбий, оилавий ва б. фаолиятига оид маълумотларни ўзида акс эттирувчи ҳужжат. Одатда, ишга қабул қилишдан аввал, шунингдек,

иш жараёнида ходимни янги лавозимга тайинлаш зарурияти туғилганда А. тўлдирилади.

А.да ходимнинг шахсий ва оилавий ҳаётинга тааллуқли бўлган ахборотлар акс этиши туфайли иш берувчи бу ахборотларни тарқалиб кетишига йўл қўймаслиги ва эҳтиёт қилиб сақлаши лозим.

А.да акс этирилиши лозим бўлган маълумотлар доираси одатда, иш берувчи томонидан тайёрланадиган намунавий нусхада белгилаб қўйилади.

А.ни тўлдирган шахс ундаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳақиқатга мос келиши учун жавобгардир.

Иш берувчи ходимнинг шахсига тааллуқли маълумотларни, шу жумладан анкетасидаги бошқа маълумотларни унинг розилигисиз ошкор этганлиги туфайли етган маънавий зарар ўрнини қоплаш лозим бўлади.

АНКЛАВ (лот. *inclave* – қалит б-н қулфлаш сўзи; инг. *enclave*; фр. *anclave*) – бир давлатнинг барча тарафдан бошқа бир давлат (ёки бир неча давлатлар)нинг қуруқликдаги ҳудуди б-н қуршаб олинган ҳудуди (ҳудудининг қисми). А.га мас., ЖАР ҳудуди б-н хар тарафлама қуршаб олинган Лесото қироллиги, Францияда Шаркий Пиреней департаменти ичида жойлашган Испаниянинг Ливия ш. қиради. Агар бир давлатнинг қуруқликдаги ҳудуди денгизга чиқиш йўли мавжудлиги сабабли бошқа бир давлат ҳудуди б-н қисман ўраб олинган ҳолатда у ярим А. деб номланади (мас., Зоир провинцияси бўлган Киншаса томонидан Анголадан ажралиб турадиган Кабинда округи).

АННЕКСИЯ (лот. *annexio, annexus* – қўшиб олмақ) – бир давлат томонидан бошқа бир давлатнинг бутун ёки қисман ҳудудини зўрлик б-н бир томонлама қўшиб олиш хатти-ҳаракати. Халқаро ҳуқуққа биноан А. агрессия кўринишидан бири бўлиб, ҳозирги кунда халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради. БМТ Уставига биноан ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлигига ёки сиёсий мустақиллигига қарши ҳар қандай таҳдид ўтказиш ёки қуч ишлатиш ман этилади (1 боб, 1, 2 ва б. моддалар).

А.ни ўз мазмунидан ҳудудий юридик тобелигини келтириб чиқармайдиган оккупациядан фарқлаш лозим. Мас., Босния ва Герцеговина оккупация остида бўлган, Австро-Венгрия 1878 й.дан А. қилинган бўлиб, 1909 й.гача Усмонийлар империясининг расмий ҳудуди бўлиб ҳисобланган.

1783 й.да – Россия империяси Қрим хонлигини А. қилиб олган.

1918 й.да – Руминия бунгача Россия таркибига кирган Бессарабияни А. қилиб олган.

1919 й.да – Франция бунгача Германия таркибига кирган Эльзас ва Лотарингиянинг бир қисмини А. қилиб олган.

1938 й.да – Германия шу кунгача мустақил бўлган Чехословакияга тегишли Судет вилояти ва Австрияни А. қилган.

1945 й.да – собиқ СССР ва Польша шу кунгача Германия таркибидан бўлган Шаркий Пруссияни А. қилиб олган.

1967 й.да – Исроил бу давргача Йордания назоратида, 1981 й.да Голланд тепалиги назоратида бўлган Шаркий Қуддусни А. қилиб олган.

АНОНИМ (юн. *anonymos* – номсиз) – фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғри-

сидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки у ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо қўйилмаган ёзма муружаатлар. Бундай муружаатлар кўриб чиқилмайди ("Фуқароларнинг муружаатлари тўғрисида"ги ЎЗР Қонунининг 6-м.си).

АНТИДЕМПИНГ БОЖИ – демпинг нархларидаги товар импорти учун импорт божидан ташқари ундирилган бож ("Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги ЎЗР Қонунининг 10-м.си).

А.б. демпинг сиёсатида чек қўйишга қаратилган асосий чора сифатида қўлланивчи қўшимча бождир. Дастлаб, АҚШ ва Канадада киритилган. Канада қонунига кўра, импорт қилинаётган товарлар, ўз ички нархларидан паст нархларда экспорт қилаётган мамлакат учун мазкур нархлар фарқи кийматида қўшимча бож солинади, бироқ қўшимча А.б. товар нархининг 50%идан ошмаслиги керак. АҚШда қасдан демпинг методлари қўлланилаётганлиги аниқланганда, Президент бундай товарларни олиб киришни тақиқлаш ҳуқуқига эга. Европа Ҳамжамияти демпингга қарши қонунчилиги А.б.ини демпинг сиёсати етказган зарардан келиб чиққан ҳолда белгилайди.

"Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги ЎЗР Қонунининг 10-м.сига мувофиқ, агар демпинг нархларидаги товар импорти иқтисодиёт тармоғига жиддий зарар етказётганлиги ёки жиддий зарар етказилиши хавфини тудираётганлиги ваколатли органнинг текшируви натижалари асосида аниқланган бўлса, ЎЗР ВМнинг қарорига биноан А.б. қўлланилади. ЎЗРнинг божхона ҳудудига экспорт нархи ўзининг нормал кийматидан паст бўлган товар импорти демпинг нархларидаги товар импортидир. ЎЗРга экспорт қилиш учун сотилган товарга амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нарх товарнинг экспорт нархидир. Экспорт қилувчи мамлакатнинг ички бозорида истеъмол қилиш учун мўлжалланган ўхшаш товарнинг одатдаги савдо жараёнидаги нархи ёхуд ўхшаш товар экспорт қилувчи мамлакат бозорида сотилмаётган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра лозим даражада таққослашни ўтказиш имконияти бўлмаса, товар келиб чиққан мамлакатдаги ишлаб чиқариш харажатлари асосида оқилона чиқимларни ва фойдани қўшган ҳолда ёхуд ЎЗР б-н бир хил шароитдаги учинчи мамлакатга экспорт қилинадиган ўхшаш товарларнинг нархлари асосида одатдаги савдо жараёнида аниқланадиган нархи товарнинг нормал кийматидир. А.б. демпинг нархларидаги товар импорти оқибатида иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарни ёки жиддий зарар етказилиши хавфини бартараф этиш учун зарур бўлган миқдорда ва муддатда қўлланилади. А.б. ва муваққат А.б.нинг ставкалари демпинг маржаси миқдоридан ошмаслиги лозим. А.б. товар етказиб берувчиларнинг бирига ёки бир нечасига нисбатан қўлланилиши мумкин.

АПАРТЕИД (Африка бурлари тилидан apartheid – алоҳида яшаш) – давлат аҳолиснинг иркий белгилари бўйича ажратишга йўналтирилган иркий сиёсат. А. иркий камситишнинг кескин шаклларида бири бўлиб, иркига кўра давлат аҳолиси гуруҳининг ҳуқуқлари бошқа аҳоли гуруҳларига нисбатан камситилади, улар сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилинадилар. Бир иркийнинг иккинчи бир ирк устидан ҳукмрон-

лигини ўрнатиш ва ушлаб туриш ҳамда уларга доимий равишда зулм ўтказиш учун аҳоли махсус ажратилган жойлар (резервациялар)да сақланади. 1973 й. 30 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси резолюцияси б-н ратификация қилинган А. жиноятининг олдини олиш ва у учун жазолаш тўғрисидаги халқаро конвенцияга кўра, А. халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи, халқаро ҳуқуққа, инсониятга қарши қаратилган жиноят деб тан олинди. Бундай жиноят субъектлари бўлиб, каерда ва қандай сабабга кўра содир этилгандан қатъи назар, давлат вакиллари, ташкилотлар, ташкилот аъзолари ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Ижрочилардан ташқари, А. актларини амалга оширишда ҳамкорлик қилган ёки қўллаб қувватлаган ва бевосита ёрдам берган шахслар ҳамда ташкилотчилар ҳам жазога тортилади. Бундай жиноятларга нисбатан ҳам универсал юрисдикция ўрнатилган. Айбдорлар Конвенция иштирокчиси бўлган бирор-бир давлатнинг судига жалб этилади. Зарур ҳолда жиноятчи бирор-бир давлатга берилиши мумкин, чунки А. сиёсий жиноят ҳисобланмайди. Шунинг учун, жиноятчиларни бирор-бир давлатга ушлаб бериш – экстрадиция, ўша давлатнинг миллий қонунчилиги ёки халқаро шартномалар асосида амалга оширилади. Конвенция давлатлар розилик берган тақдирда халқаро жиноят трибунални ташкил этиш имконияти назарда тутилади.

АПАТРИД (юн. apatris – ватанидан жудо бўлган; а – инкор + patridos – ватан сўзларидан; инг. apartheid) – фуқаролиги бўлмаган шахс, яъни бирор давлат б-н доимий ва барқарор сиёсий ҳуқуқий алоқага эга бўлмаган шахс. А.нинг шундай ҳуқуқий ҳолати намоен бўладики, унда шахс ҳеч бир давлатнинг фуқароси бўлмайди. Турли ҳуқуқ тизимларида "фуқаролиги бўлмаган шахс" атамаси турлича талқин қилинади. Фуқаросизлик таърифи 1954 й. 28 сентябрда Нью-Йоркда қабул қилинган ва 1960 й.нинг 6 июнида қучга кирган Апатридлар мақоми тўғрисидаги Конвенциянинг 1-м.сида берилган. Унда: "Конвенцияда "апатрид" деганда бирор-бир давлатнинг қонунига кўра, ушбу давлатнинг фуқароси сифатида кўрилмайдиган шахс назарда тутилади", дейилади. Бу таърифда "фуқаро" атамаси давлат томонидан фуқаролик берилган шахсларга тегишлидир. 1961 й. 30 августда БМТ доирасида "Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисида"ги Конвенция қабул қилинди. Мазкур Конвенция 1975 й. 13 декабрда қучга кирди. У А.ларнинг давлат фуқаролиги, доимий яшаш жойи олишлари учун қулай шароит яратиш ва шахснинг экспатриация пайтида А. мақоми олиш имкониятини истисно қилишга қаратилган. Конвенциянинг мазмунига кўра, А.ларнинг болалари туғилган жойлари бўйича, яъни "тупроқ ҳуқуқи" бўйича фуқаролик олишлари зарур. Конвенция давлатларга ҳудудий ўзгаришлар чоғида шартномаларда фуқаросизлик пайдо бўлмаслиги учун кафолатларни назарда тутишни тавсия этади. Фуқаросизлик қуйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

а) бирор давлат шахснинг ўз фуқаролигидан маҳрум этса ва унга тезда бошқа давлат ўз фуқаролигини олиш имкониятини бермаса;

б) фуқароликни йўқотишда, агар шахс ўз хохиши б-н ўз давлати фуқаролигидан чиқса ва б. давлат фуқаролигини олмаса;

в) аёл киши никоҳга кириши сабабли фуқаролигини ўзгартирса ва фуқароси бўлган давлат қонунчилигида унинг чет эллик б-н никоҳдан ўтганда ўз-ўзидан аввалги фуқаролигини йўқотиши назарда тутилган бўлса;

г) ҳудудий ўзгаришлар оқибатидаги маълум ҳолларда.

Фуқаролиги йўқ шахсларга улар яшаб турган давлатнинг юрисдикцияси тўлиқ жорий қилинади. А.лар, аввало, сиёсий ҳуқуқларда чекланадилар. Бундан ташқари, улар бирор-бир давлатнинг дипломатик ҳимоясига даъво қила олмайдилар. Фуқароликдан маҳрум этиш давлатдаги олий мансабдор шахснинг (мас., президент), давлат ҳокимияти олий органининг (парламент) қарори ёки суд ҳукмига кўра содир бўлиши мумкин.

АПЕЛЛЯЦИЯ (лот. *appellatio* – музожаат) – суд ишларини юритишда фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судларида чиқарилган ва қонуний кучга кирмаган қарорлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва ҳукмларни юқори инстанция суди томонидан қайта кўриш б-н боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи инс.. Аpellация атамасидан халқ хўжалигида муайян қарорни қайта кўриб чиқишда ҳам фойдаланилади.

АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ – фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича суднинг қонуний кучга кирмаган қарорлар, ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва ҳукмлар устидан шикоят бериш ва протест билдириш муносабати б-н уларнинг қонунийлиги, асослиги ва адолатлигини текширувчи ҳамда ишларни қайта кўриб чиқувчи суд инстанцияси.

АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ ҚАРОРИ – фуқаролик, хўжалик ва жиноят ишлари бўйича аpellация инстанциясининг иш якунида чиқарилган қарори. А.и.к. аpellация инстанцияси судининг ажрими деб ҳам номланади. Аpellация ажрими коллегиял тартибда судьяларнинг кўпчилик овози б-н қабул қилинади. Ажрим ишни кўришда иштирок этган судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримига имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир.

Аpellация инстанцияси ажрими ёки қароридан ажрим ёки қарор чиқарилган вақт ва жой; ажрим ёки қарор чиқарган суднинг номи ва таркиби; тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг иштироки тўғрисидаги маълумотлар; иш қимнинг шикояти ёки протести бўйича кўриб чиқилганлиги; шикоят берилган ёки протест билдирилган суд қарори, ҳал қилув қарори, ажрими ёки ҳукмнинг қисқача мазмуни; шикоятда ёки протестда баён этилган важлар, тақдим этилган материалларнинг қисқача мазмуни, ишни кўришда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари ва прокурорнинг фикри; аpellация инстанцияси суди ҳулосалари ва уларнинг асосига қўйилган далиллар ҳамда суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари ва б. ишга алоқадор муҳим масалалар ҳусусида қарорлари (тўхтамлари) баён қилинади.

Аpellация инстанцияси ажрими устидан умумий қоидига кўра, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича назорат тартибида, хўжалик ишлари бўйича кассация ва назорат тартибида қонун ҳужжатларида кўрсатилган муддатлар ичида шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин. Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича аpellация инстан-

ция ажрими устидан қонунда истисно қилинган ҳолларда кассация тартибида ҳам шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин.

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ ВА АПЕЛЛЯЦИЯ ПРОТЕСТИ – аpellация тартибида ишларни юритишга сабаб бўладиган процессуал ҳужжатлар. Мазкур процессуал ҳужжатлар ёзма шаклда тузилади. Фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича аpellация шикояти тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан, жиноят ишлари бўйича аpellация шикояти эса, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили томонидан билдирилиши мумкин. Ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари шикоят беришга ҳақлидир. Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Аpellация протести келтиришга қонунларда белгиланган ҳолларда тегишли прокурорлар ваколатли ҳисобланади. Аpellация тартибида шикоят билдириш ва протест келтиришнинг муддатлари тегишинча ЎзРнинг ФПК, ХПК ва ЖПКлари б-н белгиланади.

АРАЛАШ САЙЛОВ ТИЗИМИ – бир қатор мамлакатларда (Германия, Литва) пропорционал ва мажоритар сайлов тизими уйғунлигини ўзида акс эттирган сайлов тизимининг бир кўриниши.

А.с.т. 1999 ва 2003 й.ги РФнинг Давлат Думаси депутатлари сайловида ҳам қўлланилган. Бунда Давлат Думасининг 450 депутатидан 225 таси бир мандатли сайлов округларидан мажоритар усулда сайланган бўлса, қолган 225 депутат пропорционал сайлов тизими асосида сайланган.

АРАЛАШ СТАВКАЛАР – қ. *Бож*.

АРАЛАШМАСЛИК – “Давлатларнинг ички ишлари-га аралашмаслик принципи” сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумий принципларидан бири бўлиб, умумий шаклда БМТ Устави 2-м.сининг 7-бандида шундай дейилади: “Ушбу Устав Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳар қандай давлатнинг аслида ички ваколатига қирадиган ишларига аралашуш учун асло ҳуқуқ бермайди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоларидан бундай ишларни ушбу Устав доирасида ҳал этишга киритишни талаб этмайди”.

Давлат ва халқаро ташкилотларга давлатлар ва халқларнинг ички ишларига ҳар қандай шаклдаги: қуролли, иктисодий, дипломатик йўл б-н аралашушни, бир давлат, бир неча давлат томонидан ёки халқаро ташкилот ҳимоясида жосуслар, диверсантларни очикчасига ёки эгри (яширин) равишда юборишни тақиқлашни назарда тутди. А. принципи давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитетини ҳурмат қилиш принциплари б-н узвий боғлиқ. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципининг тан олинishi б-н А. принципнинг фаолият доираси кенгайди: у нафақат суверен давлатларга, балки ўз тақдирини ўзи белгилаш учун кураш олиб бораётган миллатлар ва халқларга ҳам тарқалади ҳамда давлатларга бу б-н ўз давлат ёки жамият қурилишини ва мафқурасини боғлашмаслик мажбуриятини ўз ичига олади.

А. принципи Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги 1970 й.даги декларацияда; Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг 1975 й.ги Яқуний актида; Давлатларнинг ички ишларига аралашига йўл қўймаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини муҳофаза қилиш тўғрисидаги БМТнинг 1965 й.даги декларациясида акс эттирилган. БМТ Устави 2-м.сининг 7-бандига мувофиқ, Ташкилот "мазмунан ҳар қандай давлатнинг ички ваколатларига кирадиган ишларга аралашини" ҳуқуқига эга эмас. Кўрсатилган тақиб БМТнинг барча иштирокчилари ҳаракатларига жорий қилинади. Бу қоидада истисно ҳам мавжуд. БМТ Уставининг 7-бандига мувофиқ, тинчликка таҳдид туғилганда, тинчлик бузилганда ёки агрессия акти мавжуд бўлганда кўриладиган ҳаракатлар шулар жумласидандир. Агар БМТ Хавфсизлик Кенгаши бирор давлат ҳудудига содир бўлаётган ҳаракатлар халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солмоқда, деб эътироф этса, бундай воқеалар мазкур давлатнинг ички ишларига аралашини бўлмайди.

АРАСТУ – мил.авв. 384–322 й.ларда яшаган кад. юнонистонлик файласуф. Ёшлигида Афлотун академиясида ўқиган ва кейинчалик дарс ҳам берган. Мил. авв. 342–340 й.ларда, Македония шоҳи Филипп II тақлифига кўра, унинг ўғли Александр Македонскийни тарбиялаган.

Афинада ўзининг фалсафа мактаби – Ликей (лицей)ни очган ва қарийб, умрининг охиригача унга раҳбарлик қилган. Сиёсий-ҳуқуқий мавзулар унинг "Сиёсат", "Афина политияси" ва "Этика" сингари асарларида батафсил ёритилган.

АРБИТРАЖ (фр. arbitraje) – 1) низоларни ҳал қилиш усулларида бири бўлиб, бунда тарафлар суд органларига мурожаат қилмасдан, алоҳида шахсларга, яъни арбитрларга ёки ҳакамлик судьяларига мурожаат қилдилар. Яна қ.: *Ҳакамлик суди*; 2) давлатлар орасидаги низоларни тинч йўл б-н ҳал этувчи халқаро орган.

АРБИТРАЖ СУДИ – давлат суд тизимига мансуб бўлмаган, низолашаётган тadbиркорлик субъектлари томонидан улар ўртасида келиб чиққан фуқаролик ҳамда хўжалик низоларини ҳал этиш ваколати берилган ва ўзаро келишув асосида сайланган (тайинланган) ҳолис орган. А.с. доимий ёхуд вақтинчалик асосда фаолият юритиши, бир ёки бир неча арбитраж (третейлик) судьясидан ташкил топиши мумкин. А.с. қарорини тарафлар ихтиёрий равишда ижро этадилар, бироқ қарор ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, унинг ижроси ижро варақасига асосланган ҳолда мажбурий равишда амалга оширилади.

АРИЗА – "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, фуқаролар мурожаатларининг бир тури. А. фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

ЎзР Қонунининг 35-м.сига биноан ҳар бир шахс бевосита ўзи ва б. б-н биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига А., тақлиф ва шикоятлар б-н мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. А. фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади. Яна қ.: *Фуқароларнинг мурожаатлари*.

АРИЗАНИ КЎРМАСДАН ҚОЛДИРИШ АСОСЛАРИ – суд қуйидаги ҳолларда аризани кўрмасдан қолдира-

ди: ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; манфаатдор шахс номидан аризани иш юритишга ваколати бўлмаган шахс берган бўлса; суд айнаи бир тарафлар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса; ишни ўзларининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган тарафлар иккинчи чакирув бўйича ҳам узрли сабабларсиз судга келмасалар, суд эса ишга оид мавжуд материаллар асосида ишни ҳал қилиш мумкин эмас, деб ҳисобласа; ишни ўзининг иштирокисиз кўришни илтимос қилмаган даъвогар иккинчи чакирув бўйича судга келмаса, жавобгар эса ишни мазмунан кўришни талаб қилмаса. Ариза кўрмасдан қолдирилган ҳолларда иш юритиш суднинг ажримига биноан таъминланади. Аризани кўрмасдан қолдиришга асос бўлган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза б-н яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳақли (ЎзР ФКнинг 97–99-м.лари).

АРИЗАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ – суд фуқаролик ишини қуйидаги ҳолларда, ФПКнинг 152-м.сига кўра қабул қилишни рад қилади: ариза судда кўришга тегишли бўлмаса; суднинг айнан тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан қабул қилиниб, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини ёхуд даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрими мавжуд бўлса; суд айнан бир тарафлар ўртасида, айнан бир нарса тўғрисида ва айнан бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан иш юритаётган бўлса; тарафлар ўртасида ушбу низо юзасидан кўриш учун ҳакамлар судига топшириш тўғрисида шартнома тузилган бўлса; иш шу суднинг судловига тааллуқли бўлмаса; ариза муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; манфаатдор шахс номидан аризани иш юритиш ваколатига эга бўлмаган шахс берган бўлса. Судьянинг ушбу молданинг 5, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган асослар бўйича А.к.қ.р.э.и, башарти йўл қўйилган хатолар бартараф этилса, шу иш бўйича судга иккинчи марта ариза б-н мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди. Аризани рад қилиш тўғрисида суд ариза тушган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида асосланган ариза ажрим чиқаради.

АРМИЯ (лот. армо – қўшин) – қуруқликдаги қўшинлар ёхуд давлатнинг ҳарбий-денгиз флотидан бошқа барча қуроли кучлари мажмуи. Шунингдек, А. деганда, жанговар операциялар олиб боришга мўлжалланган бир неча қўшилма ва қуроли кучларнинг турли қисмлари оператив бирлашмаси тушунилади. Мамлакатимизда 1993 й. 29 декабрдаги 1018-ХП-сон ЎзР Қонуни б-н ЎзР Қуроли Кучларининг мамлакат мустақиллигини ҳамда ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ҳаётини ва мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидаги бунёдкорлик меҳнатини химоя қилишдаги, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятини, шунингдек Ўзбекистон ҳудудига жойлашган ҳарбий тузилмаларнинг 1992 й. 14 январдан республика юрисдикциясига ўтказилганлигини инобатга олиб, 14 январь – Ватан химоячилари кунини этиб белгиланган.

ЎзРда Қуроли Кучлар урушлар ва қуроли мижозларни қайтариш ҳамда олдини олиш, ЎзР миллий манфаатларини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳоли-

нинг тинч ҳаётини химоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмларни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади. Қуролли Кучлар ўз фаолиятини қонун устунлиги, марказлашган раҳбарлик ва яккабошчилик, жанговар ва сафарбарлик борасида доимий шайлик ҳамда ҳарбий интизомга риоя этиш асосида қуради ва амалга оширади. Ҳарбий объектлар, бинолар ва иншоотлар, қурол-яроғ, ҳарбий техниканинг барча турлари, бошқа ҳарбий мол-мулклар давлат мулки ҳисобланади ва Қуролли Кучлар тасарруфида бўлади.

Мудофаага ва Қуролли Кучларга раҳбарликни ЎзР Президенти – Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони амалга оширади. Уруш даврида ЎзР мудофаа вазири бир пайтнинг ўзида Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони ўринбосари ҳисобланади. Қуролли Кучларнинг қундалик фаолиятига раҳбарликни ўз бўйсунувида Қуролли Кучларнинг таркибига қирадиган ҳарбий тузилмалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари амалга оширадилар. Қуролли Кучлар олдига қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан уларга тезкор раҳбарликни Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг бошлиғи амалга оширади.

АСИЛЛИК ДАРАЖАСИ НАЗОРАТИ (ПРОБИР НАЗОРАТИ) – ЎзРда А.д.н.(П.н.) ЎзР Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси томонидан амалга оширилади. Асиллик даражасини белгилаш палатаси: ЎзРда тайёрланадиган ҳамда сотиш учун чет эллардан олиб кириладиган, қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражасини аниқлаш, текшириш ва уларга давлат асиллик даражаси тамгаларини босишни таъминлайди; давлат асиллик даражаси тамгаларининг, тайёрловчиларга тегишли шахсий тамгаларнинг изларини техник экспертизадан ўтказиш ва улар юзасидан ҳулосалар беради; қимматбаҳо металллар б-н ишлаш учун рўйхатдан ўтганлик гувоҳномаларини беради ва белгиланган тартибда улардан маҳрум қилади; қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг қонунда белгиланган асиллик даражасига мувофиқлиги юзасидан давлат назоратини амалга оширади; қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражалари қонунда белгиланган асиллик даражасига мос келса, уларга давлат асиллик даражаси тамгалари изларини туширади; қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади (“Қимматбаҳо металллардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамгаланиши тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7 ва 8-м.лари).

АСОРАТЛИ БИТИМ – қ.: *Кабал битим.*

АСОСИЙ ЖАЗОЛАР – жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо турлари. ЎзР ЖКнинг 43-м.сига мувофиқ, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қуйидаги А.ж. қўлланилиши мумкин: а) жарима; б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; в) ахлоқ тузатиш ишлари; г) хизмат бўйича чеклаш; д) қамок; е) интизомий қисмга жўнатиш; ж) озодликдан маҳрум қилиш; з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фа-

кат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

АСОСИЙ ҚОНУН – мазмун буйича “Конституция” тушунчасига мос келади. Маълумки, Конс. нормалари муайян давлатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этувчи бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлган ягона ҳужжат шаклида амал қилади. Бъзи бир давлатларда, жумладан Германияда Конс. А.к. деб юритилади. А.к. конституциявий тузумнинг принциплари, инс.лари, нормалари ва кадриятлари расман мустаҳкамлаб қўйиладиган ҳуқуқнинг энг олий шакли (манбаи) ҳисобланади. А.к. муайян мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тузumi асослари, давлат бошқарув шакли ва маъмурий-худудий тузилиши, марказий ва маҳаллий ҳокимият органларини ташкил этиш тартиби асослари, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатлари, шахснинг ҳуқуқий ҳолати, одил судлов ва сайлов тизимини ташкил қилиш ва асосий принциплари, давлат рамзлари белгилаб қўядиган ёзма ҳуқуқий ҳужжат. ЎзРда 1992 й. 8 декабрда қабул қилинган ЎзР Конс.си амал қилмоқда. ЎзРнинг Конс.си – давлатнинг А.к. бўлиб, олий юридик кучга эга, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида қўлланилади. У муқаддима, олтига бўлим, йигирма олтига боб ва 128 та моддадан иборат. А.к. (Конс.) – бирор давлатнинг ижтимоий ва давлат тузумини, ҳуқуқий идораларининг фаолияти, улар ўртасидаги муносабатларнинг тартиби, шахс, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари, ҳокимият органларининг мақомини белгилаб берувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Яна қ.: *Конституция.*

АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР – инсон ва фуқароларга яшаши, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондириши учун имконият берувчи ҳуқуқ ва эркинликлар йиғиндиси. А.х. ва э.га инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлар ва иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар қиради. А.х. ва э. ақсарият давлатлар (Ўзбекистон, Россия, Болгария, Италия ва х.к.) Конс.ларида ўз аксини топган. Яна қ.: *Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.*

АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШ – қонун ҳужжатлари ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахсга тегишли бўлган мол-мулкка эгаллик қилиш. Қонун ҳужжатларида ёки битимда белгиланган асосларсиз бошқа шахс (жабрланувчи)нинг ҳисобидан мол-мулкни эгаллаб олган ёки тежаб қолган шахс (қўлга киритувчи) асоссиз эгаллаб олинган ёки тежаб қолган мол-мулкни (асоссиз орттирилган бойликни) жабрланувчига қайтариб бериши шарт, ЎзР ФКнинг 1030-м.сига назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Асоссиз орттирилган мол-мулкни қайтариб бериш мажбурияти, шунингдек мол-мулкни эгаллаб олиш ёки тежаб қолиш асоси кейинчалик бекор бўлганда ҳам юзга келади. Мазкур қоидалар А.б.о. қўлга киритувчининг, жабрланувчининг ўзининг, учинчи шахсларнинг ҳулқ-атвори натижаси бўлганлигидан ёки уларнинг иродасидан ташқари содир бўлганлигидан қатъи назар қўлланилади (ЎзР ФКнинг 1023-м.си).

АССИСТАНС – А. суғурта қилдирувчиларга (суғурталанган шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида А. хизматлари.

техник, тиббий ва б. хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга молявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

А. ўз фаолиятини суғурталовчи б-н тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

А. хизматларига суғурта қилдирувчилар (суғурталанган шахслар) иштирокисиз фақат суғурталовчилар томонидан ҳақ тўланади.

А.: суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга; суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга; суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас ("Суғурта фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 9⁸-м.си).

АТМОСФЕРА ҲАВОСИ – ер шарини ўраб олган бир неча хил газлардан иборат ҳаво қатлами, тирик мавжудот ҳамда бошқа табиат бойликларининг мутаносиблигини таъминловчи манба. А.х. инсоният, қолаверса барча тирик мавжудотларга ҳаёт бахш этади. Шунинг учун ҳам у ўзининг хусусияти б-н бошқа табиат объектларидан ажралиб туради. А.х. таркибида бир қанча газлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосини азот (78.1 %), кислород (20.9%), аргон (0.9%), карбонат ангидрид (0.03%), неон, гелий, метан, криптон, водород ва б. газлар ташкил этади. А.х.ни ифлослантириш атмосферага ифлослантирувчи моддани чиқариб юбориш коидаларининг бузилиши, бунинг натижасида ҳавода захарли модданинг йўл қўйиладиган энг юқори миқдор концентрациясининг ошиб кетишидир. А.х.дан фойдаланиш бўйича муносабатлар "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н тартибга солинади.

А.х. – турар жой, ижтимоий ва ишлаб чиқариш биноси ҳамда ишлаб чиқариш ҳудудидан ташқарида бўлган, ернинг эволюцияси давомида шаклланган атмосфера ерга яқин қавати газларининг табиий аралашмаси. Уларнинг ифлосланиши меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизлик коидаларини бузиш каби жиноят таркибини келтириб чиқариши мумкин. А.х.ни табиий объектлар ҳолатига салбий таъсир этиши ва уларнинг сифатини ёмонлаштириши мумкин бўлгани учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н атроф табиий муҳитга кириши тақиқланган ёки уларни киритишга қатъий чеклашлар ўрнатилган зарарли моддаларни атроф табиий муҳитга ташлаш, оқизиш ёки бошқача тарзда қўшиш йўли б-н қасдан бузиш ёки ифлослантиришда ифодаланади. А.х.ни ҳуқуқий муҳофаза қилиш табиат ва инсон ўртасидаги ажралмас боғлиқлик ва мутаносибликни таъминлайдиган, А.х. сифатининг бузилишига, атроф табиий муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймайдиган, хозирги ва келажак авлодларга экологик жиҳатдан мусоффо ҳолдаги яшаш имкониятини беришга қаратилган экологик онгли ва маданиятли ҳуқуқий муносабат ва ҳуқуқий нормалар тизими ҳисобланади. "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига қўра, А.х.ни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: А.х.нинг табиий таркибини сақлаш; А.х.га зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва б. хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда камайтириш; давлат органлари, корхоналар, муас-

сасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг А.х.ни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТ ИФЛОСЛАНТИРИЛГАНЛИГИ УЧУН ТўЛОВЛАР – табиат захираларидан фойдаланганлик учун ва атроф-муҳитга салбий таъсир этганлик учун тўловлар. А.т.м.и.у.т. иктисодий стимуллardan ҳисобланиб, фаолияти табиатга таъсири бўлган корхона – табиатдан фойдаланувчилар қонунчилик талаблари б-н мутаносиб ҳолда атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришга ўзлари чора кўришларини назарда тутаяди. Бундай чоралар турли қўринишларда намоён бўлиши мумкин. Меъёрдан ортик ифлослантирувчи, қатта миқдордаги тўловларни хохламаган табиатдан фойдаланувчилар ишлаб чиқариш технологияларини мукаммаллаштиришлари, самарали тозалаш қурилмаларини қуришлари ёки фаолият кўрсатаётган иншоотларнинг юқори самарали ишнинг таъминлашлари лозим. Корхоналар атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтиришнинг салмоқли самарасига корхона томонидан ишчиларга талабларни қучайтириш ва меҳнат ҳамда технологик тартиб-қоидага риоя қилишни таъминлаш орқали эришиш мумкин. ЎзР ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби ЎзР ВМнинг 2003 й. 1 майдаги 199-сон қарори б-н тасдиқланган Низомда белгиланган.

АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТ МОНИТОРИНГИ – атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги атроф табиий муҳитнинг ифлосланиш даражасини аниқлаш, унинг ҳолатини баҳолаш, салбий жараёнларни прогноз қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида бошқа антропоген фаолият таъсири ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва б. зарарли таъсирларга (жараёнларга) учраши мунтазам кузатиладиган ва тасдиқланган дастур бўйича бажариладиган тизим ҳисобланади.

Атроф табиий муҳитнинг биотик ва абнотик қисмлари ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек табиий муҳитга таъсир кўрсатишнинг табиий, техноген ва табиий-техноген омиллари ва манбалари мониторинг объектлари ҳисобланади.

Қуйидагилар ЎзРда атроф табиий муҳитнинг давлат мониторингининг асосий вазифалари ҳисобланади:

атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши даражасини, шунингдек антропоген таъсирлар остида унда юз бераётган жараёнларни кузатишни ташкил этиш ва юритиш;

атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражасини баҳолаш ва прогноз қилиш;

унда юз бераётган салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш;

атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш, табиий ресурсларнинг давлат кадастрлари соҳасида давлат назоратини ахборот б-н таъминлаш.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги қуйидагилардан иборат бўлади: ифлосланиш манбалари мониторинги (эмиссия); атмосфера ифлосланиши мониторинги; ер усти ва ер ости сувлари ифлосланиши мониторинги; хавфли табиий-техноген жараёнлар мониторинги; ернинг

ва ер устидаги экотизимнинг ифлосланиши мониторинги; фон мониторинги.

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги қуйидаги даражалар бўйича амалга оширилади: республика мониторинги (ЎЗРнинг бутун ҳудудни камраб олади); минтақавий мониторинги (физик-географик, маъмурий ва б. чегаралар б-н чекланган ҳудудни камраб олади); маҳаллий (импакт) мониторинги (муайян табиий-техноген ва ландшафт-экологик комплекслар ҳудудини камраб олади).

Атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги табиий муҳитнинг ҳолати устидан махсус ташкил этилган тизимли кузатишларни (пунктларда кузатиш, суратга олиш, текшириш, қидириш ва масофадан туриб кузатиш), ўзгаришларни аниқлаш, баҳолаш ва прогноз қилишни ўз ичига олади.

А.т.м.м. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ЎЗР Қонуни ва ВМнинг 2002 й. 3 апрелдаги 111-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низом б-н тартибга солинади.

АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТ СИФАТ НОРМАТИВЛАРИ – умумий тарзда инсоннинг хўжалик, рекреацион ва ўзга антропоген фаолияти натижасида атроф табиий муҳитга кўрсатиладиган йўл қўйилган донрадаги таъсир кўрсатиш меъёрларидир. А.т.м.с.н. қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши шарт: аҳолининг экологик ҳавфсизлиги; инсоннинг, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг генетик фондиди сақлаб қолиш; барқарор иктисодий-ижтимоий ривожланишни таъминлаш; табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш; табиий объектларнинг қайта тикланишини таъминлаш.

АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИ ҲУҚУҚИЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ – табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга асосланган жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган давлат ва жамият томонидан олиб бориладиган тadbирлар тизими. Биотехник, технологик, ҳуқуқий, иктисодий ва б. табиатни муҳофаза қилиш чоралари қўлланилади. Атроф табиий муҳит унсурлари – ерда ҳаётнинг мавжудлигини таъминловчи ер, сув, ўрмон, ер ости сувлари, атмосфера хавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шунингдек, ер атрофидаги космик бўшлиқ ва атмосферанинг озон қатлами; табиий объект – табиий ландшафт ва унинг элементларидан иборат бўлган ҳамда ўзининг табиий тузилишини сақлаб қолган экологик тизим; табиий-антропоген объект – хўжалик ёки бошқа фаолият натижасида ўзгарган ва (ёки) инсон томонидан яратилган ва табиий объект таркибига эга бўлган ҳамда рекреацион ва ҳимояловчи аҳамиятга эга бўлган табиий объект; антропоген объект – инсон томонидан ўзининг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун яроқли табиий объект.

Айниқса, XX а.да А.т.м.м.к. йўналишига катта эътибор берилиб, ҳар бир давлатнинг турли дастур, режалар ва қонун ҳужжатлари қабул қилинган. А.т.м.м.к. б-н боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган қонун ҳужжатлари, қонда-талаблари муҳофаза аҳамиятидаги ижтимоий-экологик муносабатларни тартибга солади.

АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ – экологик ҳолатга салбий таъсир қиладиган модда-

ларнинг атроф-муҳитда мавжудлиги. А.т.м.и. табиий ресурсларнинг камайиб боришидан ташқари, экологик тизимларнинг бузилишига ва энергия алмашувининг табиий ҳолатда кечишига жиддий таъсир қилади. А.т.м.и. табиий моддалар тупроқ, сув, ер ости бойликлари, атмосфера хавоси таркибининг физик ва кимёвий ўзгаришига сабаб бўлади. Агарда бундай ўзгариш инсон ҳаётининг фаолияти б-н кечса – антропоген ифлосланиш, унинг иштирокисиз боғлиқ бўлса табиий ифлосланиш дейилади. Атроф табиий муҳитнинг антропоген ифлосланиши умумий ифлосланишнинг 90–97%ни ташкил этади. Табиий модданинг физик ва химик ўзгариши ш.ларда, асосан, транспорт ва саноат ҳисобига 80–85 % бўлса, аграр ҳудудларда кишлоқ хўжалигини химиялаштириш, механизациялаш, мелiorатив ва ирригацион иншоотлар қуриш, ҳаддан ташқари чорва моллари соғининг ошиб кетиши ҳисобига 70–85%ни ташкил қилади. Саноат ҳудудларида ифлосланиш металлургия ва энергетика тармоқларида жуда юқори даражададир.

АТТЕСТАЦИЯ (лот. attestatio – гувоҳнома; инг. certification, promotion, reference) – 1) ходимлар малакасини аниқлаш усулларида бири. Қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибларда иш берувчи томонидан тузилган комиссия (аттестация комиссияси) томонидан амалга оширилади. Давлат хизматчиларининг айрим тоифаларини А.дан ўтказиш ЎЗР Ҳуқуқати қарори асосида ҳам амалга оширилади ва бу давлат аппарати ихчамлаштириш ҳамда такомиллаштириш тadbирининг бир қисми бўлиб саналади. А. ходимлар малакаси, меҳнат самарадорлигини аниқлашга хизмат қилади, навбатдан ташқари ўтказилишига белгиланган тартибда йўл қўйилади. А. комиссиясининг ходим малакаси ва иш фаолияти самарадорлиги ҳақида берган салбий ҳулосаси иш берувчига бундай ходимни қонунда белгиланган асосга кўра (ЎЗР МК 100-м.си иккинчи қисмининг 2-банди) ишдан бўшатиш ҳуқуқини беради. Ходим А. натижалари устидан шикоят қилиши мумкин;

2) меҳнат шарт-шароитлари меҳнат муҳофазаси талаблари нуқтани назардан иш жойларини баҳолаш усули. Иш жойларини аттестациядан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган муддат ва тартибларида иш берувчи томонидан тузилган иш жойларини А. комиссияси томонидан амалга оширилади. Иш жойлари А.си натижасида қорхонада мавжуд бўлган зарарли ва ноқулай ишлар аниқланади ва уларнинг рўйхати жамоа шартномасига илова қилинади. Ушбу рўйхат ана шундай иш жойларида банд бўлган ходимларга имтиёзлар (иш вақти, таътил, муҳофаза чоралари ва х.к.) берилишига асос бўлади.

АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ – давлат органлари ва б. ташкилотларда ходимларни навбатдаги аттестациядан ўтказиш мақсадида иш берувчи буйруғига кўра ташкил этиладиган комиссия. А.к.нинг ваколатлари ва иш юритиш тартиби А.к. тўғрисидаги низом б-н белгиланади (бу низом ташкилотларнинг ўзлари томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади). Давлат хизматчиларининг айрим тоифаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низом ваколатли давлат органлари чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н тасдиқланади.

А.к. аъзосига юқори малакали ва обрў-эътиборли ходимлар жалб қилинади. У ерда ходим ҳақидаги қарор оддий кўпчилилик овоз б-н қабул қилинади.

А.к. иш фаолияти (унинг ноқонуний ёки ноҳолис иш кўргани) ҳақида белгиланган тартиб ва муддатларда шикоят қилиш ҳуқуқи қонун б-н қафолатланган.

АТТОРНЕЙ (инг. attorney) – англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатларда (АҚШ, Англия, Хиндистон) судларда жиноят ишлари бўйича айбловни қувватловчи ҳамда ҳукуматнинг юридик маслаҳатчиси вазифасини бажарувчи мансабдор шахс.

АУДИОВИЗУАЛ АСАР – муаллифлик ҳуқуқи объектларидан бири бўлиб, бир-бири б-н боғланган (овоз жўрлигида ёки овоз жўрлигисиз) тасвирларнинг ёзиб олинган туркумидан иборат бўлган, тегишли техника воситалари ёрдамида кўриб ва эшитиб (овоз жўрлигида бўлганида) идрок этиш учун мўлжалланган асар. Шу жумладан, дастлабки ёки кейинги қайд этиш усулидан қатъи назар, кинематография асарлари ва кинематографияниқига ўхшаш воситалар б-н ифодаланган барча асарлар (теле- ва видеофильмлар, диафильмлар, слайдфильмлар ҳамда бошқа асарлар). А.а.ни тайёрловчи шундай асарни тайёрлаш ташаббуси ва масъулиятини ўз зиммасига олган юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

А.а. яратиш ва ундан фойдаланиш учун муаллифлик шартномасини тузиш, агар шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бу асар муаллифлари томонидан А.а.ни тайёрловчига такрорлаш, тарқатиш, прокатга бериш, омма олдидан ижро этиш, эфирга узатиш, кабель орқали юбориш, барчанинг эътиборига такроран юбориш. А.а.ни барчанинг эътиборига етказиш, шунингдек А.а.га субтитр қилиш ва матнни дубляж қилиш бўйича мутлак ҳуқуқларнинг ўтказилишига олиб келади. Кўрсатилган ҳуқуқлар А.а.га бўлган муаллифлик ҳуқуқи амал қиладиган муддат мобайнида амалда бўлади. А.а. таркибига кирадиган асарлардан фойдаланиш муаллифлик шартномаси асосида ва қонунда назарда тутилган бошқа асосларда амалга оширилади. Асарни А.а. таркибига киритишга ўз розилигини берган ҳуқуқ эгаси, агар А.а.ни тайёрловчи б-н тузилган муаллифлик шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, А.а.дан фойдаланишни тақиқлашга ёки бирон-бир тарзда чеклашга ҳақли эмас. А.а.га таркибий қисм бўлиб кирган, ҳам илгари мавжуд бўлган, ҳам унинг устида ишлаш жараёнида яратилган асарларнинг муаллифлари, агар А.а.ни тайёрловчи б-н тузилган муаллифлик шартномасида бошқача қоида шартлашилган бўлмаса, ҳар бири ўз асарига нисбатан муаллифлик ҳуқуқидан фойдаланади. А.а. нусхаларини прокатга беришда муаллиф А.а.ни прокатга бериш ҳуқуқи фонограммани тайёрловчига ёки А.а.ни тайёрловчига ўтказилганлигига қарамай, А.а. нусхаларининг прокати учун ҳақ олиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдори, уни тўлаш шартлари ва тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади.

АУДИТ – қ.: *Аудиторлик фаолияти (Аудит)*.

АУДИТОР (лот. auditor – тингловчи, ўқувчи; инг. auditor) – малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахс. Агар А. аудиторлик ташкилотининг штатида турган бўлса ёки аудиторлик ташкилоти у б-н фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, у аудиторлик текшируви ўтказишга жалб этилиши мумкин. А. – аудиторлик текширувини сифатсиз ўтказганлиги, тижорат сирини ошкор этганлиги ҳамда бошқа хатти-харакатлари оқибатида ауди-

торлик ташкилотига зарар етказганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик ташкилоти олдидан жавобгар бўлади. А. малака сертификати жисмоний шахсга, ба-шарти у аудиторлик ташкилоти штатида бўлса ёки у б-н аудиторлик ташкилоти фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган бўлса, аудиторлик текширувини амалга ошириш ҳуқуқини беради. А. малака сертификати ЎзР Молия вазирлиги томонидан, агар даъвогар малака имтиҳонини муваффақиятли топширган бўлса, берилади. Малака имтиҳони аудиторлик ташкилоти номидан аудиторлик текширувларини амалга оширишга даъвогар бўлган шахслар билимларини текшириш воситаси ҳисобланади. Малака имтиҳонини топширишга унга қўйилган талабларига жавоб берадиган даъвогарлар қўйилади.

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ – аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга бўлган юридик шахс.

А.т.лари ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

А.т.лари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ҳамда бошқа давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари томонидан тузилиши мумкин эмас.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар аудиторлик ташкилотларининг муассислари бўла олмайдилар.

А.т.лари очик турдаги акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари, қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши ва ўз фаолиятини қўидаги мажбурий шартларга риоя этган ҳолда амалга ошириши мумкин:

А.т. устав капиталининг камида эллик бир фоизи мазкур А.т.нинг штатдаги бир ёки бир неча аудиторига тегишли бўлиши керак (А.т. – чет эл А.т.нинг филиали ёки шўъба корхонаси тузилган ҳоллар бундан мустасно). Аудитор (аудиторлар) фақат битта А.т.нинг муассиси (иштирокчиси, акциядори) бўлиши мумкин;

А.т.нинг штат бирлиги тегишли малакага эга бўлган штатдаги аудиторларнинг энг кам сонига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак;

А.т.нинг раҳбари фақат аудитор бўлиши керак;

А.т.нинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган устав капитали мавжуд бўлиши керак.

А.т.лари ЎзР Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Адлия вазирлиги А.т.ларининг давлат реестрини юритиши керак. А.т.ларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва А.т.ларининг давлат реестрини юритиш тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

А.т.лари аудиторлик фаолиятини ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда аудиторлик хизмати кўрсатиш тўғрисидаги тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

АУДИТОРЛИК ФАОЛИЯТИ (АУДИТ) (инг. audit activity /audit / – текшириш, ревизия) – аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текширувларини ўтказиш ва қонунда тутилган професонал хизматлар кўрсатиш борасидаги тадбиркорлик фаолияти. Унинг ички ва ташқи

турлари бор. Ички аудит бошқарувнинг ташкилот хўжалик фаолияти тўғрисида ахборот олиш, менежерлар ҳисоботининг ҳаққонийлигини тасдиқлаш мақсадларини кўзлайди. Ташқи аудит ўзаро мустақил томонлар (ташкilot ва аудиторлик фирмаси) ўртасида шартнома асосида амалга оширилади. Аудитда ташкilot молиявий ҳисоботининг тўғрилигига баҳо берилади, унинг қонунчиликка мос келиши тасдиқланади. Аудит йўналишига кўра умумий (ташкilotларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳамда мулкчилик турларидан қатъи назар), банк, суғурта ташкilotлари, инвестиция инс.лари аудити ва б.ларга бўлинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига А.ф.ни амалга ошириш таққиланади. А.ф. мустақиллик, ҳолислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва махфийлик принциплари асосида амалга оширилади.

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ – молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкilotининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очиқ бўлган ҳужжат. А.х. аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади. А.х. аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкilotининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкilotоти муҳри б-н тасдиқланган бўлиши керак. А.х.нинг шакли ва мазмунини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари б-н белгиланади (“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 19-м.си).

Аудиторлик ҳулосаларининг қуйидаги турлари мавжуд: ижобий А.х. ва салбий А.х.. Аудиторлик ташкilotоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттирган ва хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари қонун ҳужжатларининг талабларига мос келади деган фикрга келганда ижобий А.х. тузилади. Аудиторлик ташкilotоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи хўжалик юритувчи субъект бартараф қилмаган тақдирда молиявий ҳисоботдан фойдаланувчинини чалғитиши мумкин бўлган фарқларни ўз ичига олади деган фикрга келганда салбий А.х. тузилади. Хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молиявий ва хўжалик операциялари молиявий ҳисоботда ҳаққоний акс этган, лекин улар қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолларда ҳам салбий А.х. тузилади (70-сон ЎзР Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (АФМС) “Молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосаси” (рўйхат рақами 1016, 10.03.2001 й.).

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ – аудиторлик текширувнинг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қондабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек, аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат. А.х.да аниқланган четга чиқишлар ва қондабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар,

шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таққиллар мавжуд бўлиши керак.

Агар аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари (акциядорлари) ёки назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкilotоти томонидан ўтказилаётган бўлса, А.х. аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам таққим этилади.

А.х.даги ахборот махфий ҳисобланади ва ошқор қилиниши мумкин эмас. Ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошқор қилганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

А.х.нинг ҳар бир бети аудиторлик текширувини ўтказган аудитор (аудиторлар) томонидан имзоланган бўлиши керак.

А.х.нинг шакли ва мазмунини аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари б-н белгиланади (“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 18-м.си).

АУКЦИОН (лот. *auctio* – ўнш, қўпайиш; инг. *auction*; нем. *auktion*) – қимовди савдосининг бир шакли. Қимовди савдосининг шакли, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, сотиладиган ашёнинг мулкдори ёки сотиладиган мулкнинг ҳуқуқнинг ағаси томонидан белгиланади. Фақат битта иштирокчи қатнашган А. ўтказилмаган ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 379-м.си).

А. очиқ ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очиқ А.да хоҳлаган шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ А.да шу мақсад учун мақсус таққил этилган шахсларгина қатнашадилар.

Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташкilotчи А. савдоси ўтказилиши тўғрисида қандай ўттиз қун олдин хабар қилиши керак. Хабарда, ҳар қандай ҳолда ҳам, А. савдосининг вақти, жойи ва шакли, савдога нима қўйилаётгани ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан А. савдосида қатнашишни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек, бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Агар А. савдосига фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилаётган бўлса, бўлажак А. тўғрисидаги хабарда бунга бериладиган муддат кўрсатилиши керак. Агар қонунда ёки А. савдоси ўтказилиши ҳақидаги хабарда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хабар берган А. савдосининг ташкilotчиси А. ўтказишдан хоҳлаган вақтида, лекин у ўтказиладиган қундан қандай уч қун олдин бош тортишга ҳақли.

А. савдосининг ташкilotчиси уни ўтказишдан мақсуд муқддатларни бузиб бош тортган ҳолларда иштирокчиларнинг кўрган ҳақикий зарарларини тўлаши шарт.

Ёпиқ А. ташкilotчиси хабар юборилганидан кейин айнан қанча муддатда А. савдосидан бош тортганлигидан қатъи назар, ўзи таққил этган иштирокчиларнинг реал зарарини тўлаши шарт.

А. савдосининг қатнашчилари уни ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда зақалат пули тўлайдилар. Агар А. ўтказилмаса, зақалат қайтариб берилиши керак. Зақалат А.да қатнашган, лекин унда ғолиб чиқмаган шахсларга ҳам қайтариб берилади.

А.да ғолиб чиққан шахс б-н шартнома тузишда у тўлаган зақалат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади.

А.да ғолиб чикқан шахс ва А.нинг ташкилотчиси А. ўтказилган кунни А. савдосининг натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. А.да ғолиб чикқан шахс баённомани имзолашдан бош тортса, тўлаган зақалатидан маҳрум бўлади. Баённомани имзолашдан бош тортган А.нинг ташкилотчиси зақалатни икки хисса қилиб қайтариши, шунингдек А.да ғолиб чикқан шахсга А.да қатнашиш туфайли ўзинга етказилган зарарнинг зақалат пулидан ортиқ бўлган қисмини тўлаши шарт.

Агар А.га фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилган бўлса, бундай шартномани тарафлар А. савдоси тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан кейин кечи б-н йнгирма кунда ёки хабарда эълон қилинган бошқа муддатда имзолашлари керак. Улардан бири шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, иккинчи тараф судга мурожаат қилиб, шартнома тузишга мажбур этишни, шунингдек, уни тузишдан бош тортиш натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли (ЎзР ФКнинг 380-м.си).

Кунунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган А. манфаатдор шахс талаби б-н суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. А.ни ҳақиқий эмас деб топиш унда ғолиб чикқан шахс б-н тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади (ЎзР ФКнинг 381-м.си).

АУТЕНТИК (юн. *autentikos* – асл, ҳақиқий) – 1) зарур асослар мавжуд бўлган (маълум мезонларга мувофиқ) ҳолда расман асл манбага тўлиқ мос, ҳақиқий деб топилган муайян ҳужжат матни: “расмий ҳужжат” тушунчасининг синоними. Давлат ҳокимияти тегишли органларининг расмий манбаларида эълон қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг матнларига аутентик матнлар сифатида ёндашилиши мумкин; 2) расмий ҳужжатнинг халқаро шартнома матни ифодаланган нусхаси бўлиб, унга ахдлашаётган томонларнинг ўзаро келишилган ва айни шу шартномада ёки унга илова қилинган алоҳида дипломатик ҳужжат (қўшимча битим, баённома, ноталар алмашиниш)да қайд этилган қарорга асосан ҳақиқий, асосий ҳужжат юридик мақоми берилади.

АУТЕНТИК ШАРҲЛАШ – к.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

АФВ ЭТИШ – суд ҳукми б-н жазо тайинланган шахс (маҳкум)нинг илтимосномасига биноан унинг гуноҳидан кечиш. Ўзбекистонда афв этиш ЎзР Президенти томонидан амалга оширилади. ЎзР Президентининг 1992 й. 17 июлдаги ПФ-440-сон Фармони б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомнинг 1-бандига кўра, афв этиш ЎзР судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларга нисбатан уларнинг ўзлари томонидан афв сўраб берилган илтимосномага биноан хал қилинади. Маҳкумларни А.э.: ўлим жазосини озодликдан маҳрум қилиш б-н алмаштириш; асосий ёки қўшимча жазодан бутунлай ёки қисман озод қилиш; жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо б-н алмаштириш; судланганликни олиб ташлаш кўринишларида бўлиши мумкин. Фақат ҳукм қонуний кучга кирган кундан кейингина афв сўраб мурожаат қилиниши мумкин. А.э. масаласи кўрилаётганида содир этилган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси, маҳкумнинг шахси, унинг ҳулки, меҳнатга муносабати, жазони ўташ жойларидаги ташаббускор ташкилотлар

фаолиятида иштироки, қилмишига чин қўнғилдан пушаймон бўлиши, етказилган зарарни ўз ихтиёри б-н қоплаганлиги ва х.к. эътиборга олинади.

Ҳар қандай турдаги жиноий жазога ҳукм қилинган шахс афв сўраб мурожаат қилишга ҳақли. Аммо ўта хавфли рецидивистлар, муқаддам шартли равишда жазодан озод қилинган ёки жазонинг қолган қисми енгилроқ жазо тури б-н алмаштирилган шахслар, уларнинг судланганлик муддати ўтмасдан ёки судланганлиги олиб ташланмасдан қасдан жиноят содир этганлар, жазони ўташ вақтида тузалиш йўлига кирмаганлар, ўта оғир жиноят содир этган шахслар фақат алоҳида ҳоллардагина афв этилиши мумкин. Афв сўраб мурожаат қилинган ҳужжатларни дастлабки куриш учун ЎзР Президенти қошида комиссия тузилади. Унинг таркибига депутатлар, меҳнат ёки жамоат уюшмаларининг раҳбарлари, Адлия вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Республика қасаба уюшмалари федерацияси раиси, маъмурий ҳуқуқий масалалар ва мукофотлаш, фуқаролик ва афв этиш масалалари бўйича маслаҳатчилар кириши мумкин. Комиссия ишида ЎзР Бош прокурори, Олий суд раиси ва Ички ишлар вазири, улар иштирок этмаган тақдирда, ўринбосарлари қатнашадилар.

АФЛОТУН – мил. авв. 427–347 й.да яшаган қад. Юнонistonнинг машҳур файласуфи, бутун инсоният тарихидаги буюк мутафаккирлардан бири. А. ёшлигида Сукротнинг шоғирди бўлган. У мил. авв. 387 й.да Афинага қайтгач, Академ номи б-н аталувчи жойда машҳур Академияни ташкил этган.

А. – файласуф, санъаткор, шоир ва драматург. Аттика қироли сулоласига қарашли Кодра оиласида туғилган. Онаси Периктиона ҳам ўз даврининг таниқли одамлари – машҳур қонуншунос Салон ва ҳукмдор Критийлар сулоласидан. Маълумотларга кўра, Критий А.нинг Сукрот таълимотили олишига сабабчи бўлган. Устоиз Сукротнинг фожияли ўлимидан (399) сўнг А. Афинани тарк этади. Авваламбор, у Мисрнинг Гелиопол ш.да математика, жамиятшунослик, иктисодиёт ва б. фанларда эришилган ютуқлар б-н яқиндан танишади, сўнгра жанубий Италияга ва Сицилия оролига боради. 12 йиллик ушбу саёхат давомида илмий ва ҳаётий жиҳатдан фойдали маълумотлар тўплайди. Жанубий Италияда пифагорчилар таълимоти б-н яқиндан танишади, айниқса, машҳур Архит фаолияти тажрибасида давлат арбоби учун фаннинг (айниқса, математика) қандай катта аҳамиятга эга эканлигини кузатади. Сицилияда эса А. Италия ва Юнонда энг машҳур бўлган маданий марказ – Сиракуза шаҳрининг ҳукмдори Дионисийнинг кўп қиррали сиёсий бошқарув фаолиятини ўрганади ва унинг меросхўри Дион б-н яқиндан танишади. 367 й.да Дионисий I нинг ўрнига Дионисий II тахтга ўтиргандан сўнг ҳукмдор маслаҳатчиси Дион таклифига биноан А. яна Сицилияга келади. Чунки А. учун бўлажак подшо Дионни идеал давлат қуришга тайёрлаш асосий мақсад эди. Лекин А.нинг ушбу мақсади маълум сабабларга кўра рўёбга чиқмади, аммо энг муҳими – гоё яратилган эди.

А. суҳбат шаклида бадий-фалсафий асарлар ёзиб қолдирган. Унинг фалсафий қарашлари “Тимей”, “Катта Гиптий”, “Федон”, “Базм”, “Филеб”, “Федр”, мантийкий таълимоти – “Софист”, “Театет”, “Менон”, сиёсий қарашлари эса “Сиёсат”, “Қонушлар”, “Критий”, “Давлат” ва б. асарларида баён этилган.

А. таълимотида ижтимоий фалсафий, жамият ва давлат масалалари муҳим аҳамиятга эга. Унинг сиёсий, педагогик ва ахлоқий қарашлари ҳам “гоя” таълимоти б-н узвий боғлиқ. Унингча, давлат аристократия қўлида бўлиши ва халқни итоат этишга мажбур қилиши лозим. А. ўзининг “идеал давлат” назариясида жамиятни уч табақага: давлат арбоблари – файласуфлар; соқчилар (ҳарбийлар); деҳқонлар ва ҳунармандларга бўлади. Бундай давлатда донолик, жасорат, бардошли меъёр ва адолат каби тўрт тамойил устувордир. Давлатни бошқарувчи шахслар, авваламбор, ана шундай сифатларга эга бўлиши керак. Унинг ахлоқий қарашлари ҳам ушбу принципларни атрофлича исботлашга қаратилган.

А. Шарк ва Марказий Осиеда машҳур бўлган. Уни “Биринчи устоз” деб улуғлаганлар, унга тақлид қилганлар ва асарларини ўрганганлар.

АФФЕКТ (лот. affektus – рухий ҳаяжон, эҳтирос) – турли ташки ёки ички таъсирлар асосида тез пайдо бўлиб, қисқа муддатли, аксарий ҳолатларда “портлаш” тарзида бўладиган кучли ифодаланадиган ҳиссий ҳолат (қўрқинч, дахшат, ғазаб ва б.). А. тушқунлик, танг вазиятларда юзага келади. А. ҳолатида кишининг онг доираси тораяди, ҳулқни назорат қилиш қобилияти йўқолади. А. физиологик ва патологик бўлиши мумкин. Физиологик А.да киши ўз хатти-ҳаракатини идора эта олиши, кейинчалик барча воқеаларни хотирасида сақлаб қолиши мумкин. Патологик А. кўпроқ рухий касалликларда, баъзан эса рухий соғлом одамларда ҳам кузатилади. Патологик А.да барча хатти-ҳаракатлар киши хотирасида сақланмайди, шахснинг хатти-ҳаракатлари онгли равишда назорат қилинмайди. Тўсатдан пайдо бўладиган кучли рухий ҳаяжонланиш – физиологик А. (қарахлик) бўлиб, субъект онгида кескин ўзгарувчан бўлгани сабабли жавобгарликни тўла истисно этмайди. Шахснинг А. ҳолати қисқа муддатли тизим эмоционал (шуурий) ҳолатидир. Оннинг вақтинчалик неопатологик бузилиши, ўта кучли хис-туйғу таъсири остида унинг “торайиши”. Бу ҳол фаол интенсив ҳаракатлар ва эндокрин системасидаги функционал ўзгаришларда намоён бўлади. А. қийин ҳолатларда субъектнинг мураккаб, кескин вазиятдан чиқиш йўлини топа олмаган паллада вужудга келади. Аффектоген ҳолат индивиднинг бутун рухий фаолиятида ҳукмрон бўлади, у б-н боғлиқ барча ижобий жараёнларнинг йўлини тўсади ва ҳулқнинг “бузилиши” (агрессия, қочиш, ўзини йўқотиб қўйиш)га мажбур қилади. Юриспруденцияда А. (қаттиқ рухий ҳаяжонланиш), агар бундай ҳолат жабрланувчининг ноҳўя ҳаракатлари натижасида вужудга келган бўлса, жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб қаралади ва жиноятнинг квалификациясига ҳам таъсир кўрсатади.

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР (инг. affiliated persons, affiliate – кўшмоқ, боғламоқ сўзларидан) – ҳўжалик фаолияти б-н шугулланувчи жисмоний ва юридик шахслар фаолиятига юридик аҳамиятга эга ҳаракатлар воситасида ёхуд бирор-бир фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида таъсир ўтказа олиш имкониятига эга бўлган жисмоний ва юридик шахслар.

Шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ аффилиланган деб ҳисобланади. Жамиятнинг А.ш.и жамиятнинг ўзларига қарашли акциялари тўғрисида уларнинг сони ва турларини кўрсатган ҳолда акциялар сотиб олинган санадан эътиборан кечи б-н 10 кун ичида жамиятни ёзма равишда ха-

бардор қилишлари шарт. Агар аффилиланган шахснинг айби б-н маъмур ахборотнинг тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги натижасида жамиятга мулкий зарар етказилган бўлса, аффилиланган шахс жамият олдида ўзи етказган зарар миқдоридан жавобгар бўлади. Жамият ўзининг А.ш. ҳисобини юритиши ва улар тўғрисида қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ ҳисобот тақдим этиши шарт (Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 109-м.си).

АХБОРОТ РЕСУРСЛАРИ – “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ахборот тизими таркибидagi электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси.

ЎзРда А.р. оммавий ҳамда хусусий мулк бўлиши мумкин. А.р.га бўлган мулк ҳуқуқининг вужудга келишига қуйидагилар асос бўлади:

А.р.нинг давлат бюджети маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз маблағлари ёки қонун ҳужжатлари б-н тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилиши;

А.р.га бўлган мулк ҳуқуқининг ўзга шахсга ўтиши шартларини ўз ичига олган олдидан шартномаси ёки бошқа битим;

мерос олиш.

Қонунда А.р.га бўлган мулк ҳуқуқи вужудга келишининг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Давлат А.р қуйидагилардан шакллантирилади: давлат органларининг А.р.дан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан яратилган А.р.дан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат сирлари ҳамда махфий ахборотни ўз ичига олган А.р.дан;

юридик ва жисмоний шахсларнинг белгиланган тартибда тақдим этиладиган ҳужжатлаштирилган ахборотидан.

А.р.дан фойдаланувчилар А.р.дан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга, эркин фойдаланилиши чеклаб қўйилган А.р. бундан мустасно. А.р.дан фойдаланганлик учун белгиланган тартибда ҳақ олиниши мумкин. Ахборот б-н таъминлашга доир ахборот ва хизматлар рўйхатларини, А.р.дан эркин фойдаланиш тартиби ҳамда шартлари ҳақидаги маълумотларни А.р.нинг мулкдорлари ва эгалари фойдаланувчиларга бепул тақдим этади. Юридик ва жисмоний шахслар қонуний асосларда А.р.дан ўзлари олган ахборотдан ахборот манбаини албатта ҳавола этган ҳолда ҳосила ахборот яратиш учун фойдаланишлари мумкин. А.р.дан ахборот олиш тартибини А.р.нинг мулкдори ёки эгаси қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда аниқлайди.

АХБОРОТ ҲУҚУҚИ – ахборот (ахборот ресурслари)ни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг шаклланаётган тармоқлараро комплекс тизими. Қонунчилик мажмуидан А.х.нинг ажралиб чиқиши ҳозирги замон жамиятида ахборотлаштириш жараёнларининг кучайиши, ахборот муносабатларининг аҳамияти ортиб бораётганлиги, улар комплекс равишда махсус тартибга солиниши тақозо этаётганлиги б-н боғлиқ. “А.х.” тушунчаси “компьютер ҳуқуқи” тушунчасидан кенгрок. Чунки, А.х. нафақат электрон шакл-

даги ахборотни, балки ҳар қандай кўринишдаги ахборотни ҳам тартибга солади.

“Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунлари А.х.нинг махсус ҳужжатлари ҳисобланади. Тадқиқотчилар А.х. таркибига оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги, патент тўғрисидаги, тижорат сири тўғрисидаги, алоқа тўғрисидаги, архивлар тўғрисидаги, кутубхоначиллик иши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ҳам киритадилар. Умуман олганда, қонунчиликнинг деярли барча тармоқларида мўайян ахборот-ҳуқуқий нормалар мавжуд.

АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ – ЎзР Қонунининг 29-м.сига мувофиқ, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига асосан, ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

“Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига биноан, ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади.

“Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига кўра, ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошқоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир.

АХБОРОТЛАШТИРИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ – ахборотлаштириш деганда, юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни тушунилади.

ЎзР МҲКнинг 155-м.сига А.к.б. б-н боғлиқ қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган: ахборот тизимидан фойдаланиш мақсадида унга рухсатсиз кириб олишда фойдаланган ахборот ва ахборот тизимларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш; ахборот тизимларининг иштини бузишга олиб келган худди шундай ҳуқуқбузарлик, худди шунингдек, кириш чекланган ахборот тизимларини ахборот-ҳисоблаш тармоқларига улаш чоғида тегишли ҳимоя чораларини кўрмаганлик; юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборот тизимларини халқаро ахборот тармоқларига қонунга ҳилоф равишда улаш, бу тармоқларга тегишли ҳимоя чораларини кўрмасдан улаш, шунингдек, улардан маълумотларни қонунга ҳилоф равишда олиш; ўзганинг электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастури ёки маълумотлар базасини ўз номидан чиқариш ёхуд қонунга ҳилоф равишда ундан нусха олиш ёки бундай асарларни тарқатиш.

ЎзР ЖКнинг 278¹-м.сига қуйидаги жиноятлар учун жавобгарлик ўрнатилган: А.к.б., яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат б-н фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун б-н кўрикландирган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса; ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса.

АХБОРОТНИ ОШҚОР ҚИЛИШ – қимматли қоғозлар бозорига манфаатдор шахсларнинг ахборотни олиш мақсадида қатъи назар, ахборотдан унинг топилиши ва олинлигини кафолатлайдиган шаклларда фойдаланишини таъминлаш (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ – жинсий жазо тури. Маҳкумни ахлоқдан тузатиш – унда қонунга иттифоқ ҳуқуқатворни, инсон, жамият ва меҳнатга, турмуш қоидалари ҳамда анъаналарига ҳурматни шакллантиришдан иборат. А.т.и. иш ҳақининг 10%идан 30%игача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шахсни меҳнатга мажбуран жалб қилишдан иборат. А.т.и. фақат асосий жазо сифатида 6 ойдан 3 й.гача, жиноят содир этиш пайтида 18 ёшга тўлмаганларга нисбатан эса бир ойдан бир й.гача муддатга тайинланади. Бу жазо ижтимоий ҳаффи катта бўлмаган жиноят содир қилган шахсларга нисбатан, уларни жамиятдан ажратмасдан тарбиялаш мумкин бўлган тақдирда тайинланади, пенсия ёшига етган, меҳнатга қобилиятсиз шахсларга, ҳомилдор ёки ёш боласини боқиб учун таътилда бўлган аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди. Қонунда А.т.и.нинг икки тури назарда тутилган бўлиб, булар жазони маҳкумнинг ўз иш жойида ўташдан ёки жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойда ўташдан иборат. ЎзР ЖКда А.т.и.ни ижро этиш тартиби белгиланган. Маҳкум ишлайдиган корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятига ҳам ҳукмни ижро этиш борасида қонун б-н тегишли мажбуриятлар юклатилган. Жазоларни ижро этиш инспекцияси белгилайдиган жойларда жазони ўташ муддати мобайнида инспекция ёзма рухсатсиз, маҳкум ташаббуси б-н меҳнат шартномасини бекор қилиш тақиқланади. Жазо муддати узлуксиз бўлгани учун шу муддат давомида маҳкумга меҳнат таътили берилмайди, ишланган муддат умумий ва узлуксиз иш стажига қўшиб ҳисобланмайди.

АХЛОҚ ТУЗАТИШ ИШЛАРИ ТАРИҚАСИДАГИ ЖАЗО МУДДАТИНИ ҲИСОБЛАШ – ахлоқ тузатиш ишлари муддати маҳкум ишлаган ва унинг иш ҳақидан ушлаб қолинган давр мобайнидаги йиллар, ойлар ва кунлар б-н ҳисобланади. Маҳкум ишлаб берган кунлар миқдори суд томонидан белгиланган жазо муддатининг ҳар ойига тўғри келадиган иш кунлари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Агар маҳкум ана шу миқдордаги иш кунларини ишлаб бермаган бўлса ва ишланмаган кунларни жазо муддатига қўшиб ҳисоблаш учун ЎзР ЖКда белгилаб қўйилган асослар бўлмаса, ахлоқ тузатиш ишларини ўташ маҳкум белгиланган иш кунлари миқдорини тўлиқ ишлаб берганига қадар давом этади.

Иш вақти жамлаб ҳисобга олинадиган корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаётган маҳкумларнинг ҳазони ўташ муддати иш соатларининг нормал миқдорига амал қилинган ҳолда, ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақти муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади (ЎЗР ЖКнинг 30-м.си).

АШЁ – фуқаролик ҳуқуқининг объектларидан бири. А. муайян моддий қийматга эга бўлган ҳамда иктисодий муносабатнинг предмети бўла оладиган нарсалар. А.лар халқ фаровонлиги учун, республика фуқароларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Фуқаролик ҳуқуқида А.лар (жонли А.лар, ҳам, мас., уй хайвонлари, жонсиз А.лар, уй-жойлар, ишлаб чиқариш куроллари, асбоб-ускуналар, кийим-кечаклар ва б. нарсалар) инсонларнинг яшаши учун муҳим аҳамиятга эгадир. А.ларнинг жамиятдаги тайинланишларига қараб, уларнинг ҳар қайсиси учун турлича ҳуқуқий қоида, мас., ердан фойдаланиш қоидаси, корхоналардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш каби қоидалар белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқида А.лар ўзларининг иктисодий тайинланишларига, шунингдек, ҳуқуқ нормаларида акс эттирилган жисмий ва б. хусусиятларга қараб бир неча турга бўлинади. А.ларнинг муайян хусусиятлари юзасидан ҳам махсус қоидалар белгиланиши мумкин. Фуқаролик муомаласидан чиқарилган А.ларга нисбатан мулк ҳуқуқи ҳар доим давлатга тегишли бўлади.

АШЁ ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ – маъмурий ҳуқуқда маъмурий мажбуриятнинг алоҳида тури ҳисобланган олдини олиш чораси ҳисобланади. Ушбу чорани қўллаш тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланган. Жумладан, МЖКнинг 290-м.сига мувофиқ ҳуқуқбузарларни ушлаш, шахсий кўрикдан ўтказиш ёки ашёларини кўздан кечириш вақтида аниқланган ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлмиш ашё ва ҳужжатлар тегишли ваколатли органларнинг мансабдор шахслари томонидан олиб қўйилади. Олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар қўриб чиқилгунга қадар, шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш ҳуқуқи берилган органлар (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади, иш қўриб бўлинганидан кейин эса, уни қўриб чиқиш натижаларига қараб бу ашё ва ҳужжатлар белгиланган тартибда мусодара қилинади ёки эгасига қайтариб берилади ёхуд йўқ қилиб юборилади, ашёлар ҳақ тўлаб олиб қўйилган тақдирда эса, сотиб юборилади. Олиб қўйилган орден, медал, фахрий унвоннинг қўқракка тақиладиган нишони қонуний эгасига қайтариб берилади. башарти, эгаси номаълум бўлса, унда тегишли органга жўнатилади.

АШЁВИЙ ДАЛИЛЛАР – моддий дунёдаги ашёлардан олинувчи далиллар. А.даги ахборот объектив хусусиятга эга бўлади, табиий ҳолда ифодаланади ва кўргазмали ҳолда қабул қилинади.

Келиб чиқилини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ходисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек, иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади (ЎЗР ЖКнинг 203-м.си).

А.д. сифатида фойдаланиладиган нарсалар, ҳужжатлар ходиса содир бўлган жойни ёки бошқа жойларни, биноларни кўздан кечириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатувни ходиса юз берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш жараёнида олиниши мумкин ёхуд улар ЎЗР ЖКнинг 198–202-м.ларида назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиниши мумкин (ЎЗР ЖКнинг 205-м.си).

Бошқа шахслардан топилган, олиб қўйилган ёки қабул қилиб олинган нарсалар ЎЗР ЖКнинг 135–137, 139 ва 140-м.ларида кўрсатилган қоидаларга асосан дарҳол кўздан кечирилади. Кўздан кечиришда нарсанинг ишга тааллуқлилиги ҳақида ҳулоса чиқаришга асос бўладиган, шунингдек, уни бошқа нарсалардан фарқловчи белгилар аниқланиши лозим. Кўздан кечириш жараёни ва унинг натижалари нарса олинган пайтда ўтказилаётган тергов харакати баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади (ЎЗР ЖКнинг 206-м.си).

Нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва уни жиноят ишига қўшиб қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарор ёки ажримда ашёвий далилни ишда қолдириш ёки уни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам ҳал қилиниши лозим (ЎЗР ЖКнинг 207-м.си).

А.д.ни сақлаш, шунингдек уларни экспертиза ўтказиш учун юборишда ёки жиноят иши бошқа суриштирув, дастлабки тергов органига, прокурорга ёхуд судга ўтказилиши муносабати б-н юбориш чоғида А.д.нинг йўқотилиши, шикастланиши, бузилиши, бир-бирига қўшилиб ёки аралашиб кетишининг олдини олиш чоралари қўрилиши лозим. Ишни ўтказишда у б-н бирга йўлланадиган А.д. илова хатда ёки унга илова қилинадиган рўйхатда бирма-бир санаб ўтилади. Бундан ташқари, айблов ҳулосасига илова қилинган маълумотномада ишга доир барча А.д., ҳар бирининг қаерда эканлиги кўрсатилиб, бирма-бир санаб ўтилиши лозим. А.д. почта ёки чопар орқали етказиб берилганда суриштирувчи, терговчи ёки судья ҳолислар иштирокида, зарур бўлганда эса, эксперт ёхуд мутахассислар иштирокида олинган далилларни кўздан кечиради ва уларни илова хати ёки рўйхати б-н солиштиради. Кўздан кечириш жараёни ва натижаси ҳақида баённома тузилади. А.д., улар ҳақидаги масала суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими б-н ёхуд суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ишни тугатиш тўғрисидаги қарори б-н ҳал қилинмагунга қадар сақлаб турилади. ЎЗР ЖКнинг 210-м.сида назарда тутилган ҳолларда А.д.га оид қарор иш юритиш тамом бўлгунга қадар қабул қилиниши мумкин. Ашёвий далил сифатида ишга қўшиб қўйилган нарсага эгалик қилиш ҳуқуқи борасидаги низо фуқаровий суд ишларини юритиш тартибидида ҳал қилиниши лозим бўлганда, бу нарса фуқаровий иш бўйича суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунга қадар сақланиши лозим (ЎЗР ЖКнинг 208-м.си).

Ишга ашёвий далил сифатида қўшиб қўйилган пул, қимматли қоғозлар, валюта бойликлари, заргарлик буюмлари ва қимматбаҳо металллардан, қимматбаҳо тошлардан ясалган бошқа буюмлар, шунингдек, бундай буюмларнинг резигилари топилганда мутахассис иштирокида кўздан кечи-

рилиши ва белгиланган тартибда саклаш учун топширилиши лозим. Фуқаровий даъвои таъминлаш мақсадида ёхуд гаров тарикасида олиб қўйилган ёки қабул қилинган пуллар уч суткадан кечиктирмай суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисобига топширилиши шарт (ЎзР ЖПКнинг 209-м.си).

А.д.дан: тез бузиладиган нарсалар, кундалик рўзғорда зарур бўладиган нарсалар: уй хайвонлари, паррандалар ва боқиш лозим бўлган бошқа хайвонлар зарур тергов ҳаракатлари ўтказилгач, кечиктирмай эгаларига қайтариб берилиши лозим. Тез бузиладиган нарсалар ёки уй хайвонлари, паррандалар ва б. хайвонларнинг қонуний эгаси ёхуд мулкдори номаълум бўлган ёки бошқа сабабларга қўра уларни қайтариб бериш мумкин бўлмаган ҳолларда улар қараб туриш ёки белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун тегишли корхона, муассаса, ташкилотга топширилиши лозим (ЎзР ЖПКнинг 210-м.си).

Хукмада, шунингдек, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ажримда ёки қарорда А.д. масаласи қўйидаги қоидаларга риоя этилган ҳолда ҳал қилинади:

1) гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қарашли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши лозим. улар тегишли муассасага топширилади ёки йўқ қилиб юборилади;

2) муомаладан чиқарилган ашёлар тегишли муассасаларга берилиши лозим ёки йўқ қилиб юборилади;

3) ҳеч қандай қимматга эга бўлмаган ашёлар йўқ қилиб юборилади, манфаатдор шахслар ёки муассасалар илтимос қилган ҳолларда эса уларга берилиши мумкин;

4) жиноят ёки бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир қилиниши натижасида қонуний эгаси ва мулкдоридан маҳрум бўлиб қолган пуллар ёки бошқа бойликлар қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқ ворисларига, шунингдек, меросхўрларига қайтариб берилиши лозим;

5) жиноий йўл б-н орттирилган пуллар ва б. бойликлар суднинг ҳукмига биноан жиноят натижасида етказилган мулккий зарарни қоплашга ўтказилади, мулккий зарар қўрган шахс аниқланмаган тақдирда, давлат фойдасига ўтказилади;

6) ашёвий далил ҳисобланувчи ҳужжатлар уларни саклаш зарурати тугагунга қадар ишда асраб турилади ёки манфаатдор шахсларга ёхуд муассасаларга берилади (ЎзР ЖПКнинг 211-м.си).

Экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний ҳаракатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати суд чикимларига қўшилади. Айблов ҳукми чиқарилганда, агар бу ашё маҳкумга ёки фуқаровий жавобгарга тегишли бўлса, унинг қиймати тўланмайди; агар ашё бошқа бирор шахсга тегишли бўлса, унинг қиймати бу шахсга суд томонидан тўланиши ва айни вақтда бу сумма маҳкум ёки фуқаровий жавобгар ҳисобидан давлат фойдасига ундирилиши лозим. Оқлов ҳукми чиқарилганда ҳамда иш тугатилган ҳолларда экспертиза ўтказиш ёки бошқа қонуний ҳаракатлар натижасида шикастланган ёки йўқолган ашёнинг қиймати қонуний эгасига ёки мулкдорига, шунингдек, процессуал мавқайдан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқ ворислари ва меросхўрларига тўланади. А.д. шикастланган ёки йўқолган бошқа барча ҳолларда уларнинг қиймати зарар келтириш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларга доир фуқа-

ровий қонуи ҳужжатлари қондаларига мувофиқ тўлаттирилиши лозим (ЎзР ЖПКнинг 212-м.си).

АШЁВИЙ ҲУҚУҚ – А.х. объекти ашёга бўлган субъектив фуқаролик ҳуқуқидир. А.х.ка эга бўлган шахс уни мустакил равишда, ҳеч кимнинг маълум ҳаракатларига, ёрдамга мухтож бўлмаган ҳолда амалга ошириши мумкин. Объектив сабабларга қўра ёхуд мулкдорнинг вояга етмаганлиги мулкни шахсан ўзи бошқариш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга эмаслиги ва б. сабабли мол-мулк бошқа шахс ихтиёрига вақтинчаликка топширилиши мумкин. Ана шундай ҳолларда мулкдор бўлмаган шахс бошқаларнинг мулкига эгалик қилиши, фойдаланиши ва мулкдор руҳсат берган доирада тасарруф қилиши А.х.лар орқали амалга оширилади. Қўйидагилар А.х.лар бўлиб ҳисобланади: хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи; мерос қилиб қолдирилган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи; ер участкасига доимий эгалик қилиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи.

Сервитут ҳуқуқлар – чегараланган характер ва тартибга эга бўлиши, мулкый ҳуқуқлардан келиб чиқиб, унга боғлиқ бўлиши, мутлақ тартибда ҳимоя қилиниши хусусиятлари б-н характерланади.

АШЁЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ – 1) маъмурий ҳуқуқда маъмурий мажбурловнинг алоҳида тури ҳисобланган олдини олиш чораси. ЎзР МЖКнинг 289-м.сига асосан А.к.к. ички ишлар органларининг, харбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чегара қўшинларининг, солиқ органларининг, ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг, ЎзР қонуи ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда эса тегишли ваколати бўлган органларнинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади. Ашёларни, ов қилиш ва балиқ тутиш қуролларини, қўлга киритилган маҳсулотлар ва б. буюмларни кўздан кечириш, одатда, шу ашё ва буюмлар кимнинг мулки ёки эгалигида бўлса, ўша шахс иштирокида амалга оширилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, мазкур ашёлар, буюмлар эгаси йўқлигида иккита ҳолис гувоҳ иштирокида ҳам кўздан кечириб чиқилиши мумкин; 2) жиноят процессуал ҳуқуқда бу жиноят изларини бевосита аниқлаш, ўзлаштириш, жиноятни содир этиш ёки яшириш б-н алоқадор деб гумон қилинаётган моддий объектларнинг ҳолати, ўзига хос хусусиятларни, белгилари ва таркибини тадқиқ қилиш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлган тергов ҳаракати. Яна қ.: *Кўздан кечириш*.

АШЁЛАРНИНГ ЛОМБАРДДА ГАРОВГА ҚЎЙИЛИШИ – фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар – лицензияси бўлган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин. Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли б-н расмийлаштирилади. Гаровга қўйилаётган ашёлар ломбардга топширилади. Ломбард гаровга қабул қилинган ашёларни гаровга қабул қилиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нарҳларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз ҳисобидан гаровга қўювчи фойдасига сўғурталаши шарт. Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақли эмас. Ломбард ашёларнинг

йўқолиши ёки шикастланиши енгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади. Башарти, ломбардда ашёлар гарови б-н таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариуснинг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мўлкни сотиш учун белгилаб қўйилган тартибда (ЎзР ФК 281-м.сининг учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи, еттинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмлари) ушбу мол-мўлкни сотишга ҳақли. Шундан кейин хатто, гаровга қўйилган мол-мўлкни сотишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талабларни бекор бўлади. Ломбардлар томонидан фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартноманинг гаровга қўювчининг ҳуқуқларини ФК ёки бошқа қонулар б-н унга бериладиган ҳуқуқларга қараганда чеклаб қўядиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ЎзР ФКнинг 289-м.си).

АЭРОДРОМ – қуруқликдаги ёки сув сатҳидаги маҳсул жихозланган, ҳаво кемаларининг келиб қўниши, жўнаши ва шу сатҳ бўйлаб ҳаракатланиши учун тўлиқ ёки қисман мўлжалланган участка, унда жойлашган бинолар, иншоотлар ҳамда анжомлари б-н бирга А. деб аталади.

А.лар ўзининг вазифасига қараб базавий, муваққат ва захирадаги А.ларга бўлинади.

А.лар авиация турига мансублигига кўра фуқаро авиацияси А.лари, давлат авиацияси А.лари, экспериментал авиация А.лари ҳамда ҳамкорликда фойдаланиш (жойлашиш) А.ларига бўлинади (ЎзР ХКнинг 26-м.си).

АЭРОДРОМ ЭКСПЛУАТАНТИ – ЎзРнинг, шунингдек ЎзРнинг халқаро шартномаларига асосан ўзга давлатнинг муайян аэродромга мўлк ҳуқуқи асосида (аэродром эгаси), ижара шартномасига биноан ёки ЎзР қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра тегишли бўлган ҳамда аэродромнинг мувофиқлик сертификатига эга бўлган юридик шахси ёки фуқароси (ЎзР ХКнинг 29-м.си).

АЭРОПОРТ – ҳаво кемаларини қабул қилиш ва жўнатишга, ҳаво транспортида ташишга хизмат кўрсатишга мўлжалланган ва шу мақсадларда аэродром, аэровокзал,

бошқа иншоотлар, шунингдек, зарур қурилмаларга эга бўлган иншоотлар мажмуаси (ЎзР ХКнинг 26-м.си).

АҚЛИ НОРАСОЛИК – ижтимоий ҳавфли қилмишни содир қилиш вақтида шахснинг руҳий касаллиги туфайли ўз ҳаракатлари юзасидан ўзига ҳисоб бера олмайдиган ва ўз ҳаракатларини идора қила олмайдиган ҳолати. А.н. икки мезон: тиббий (биологик) ва юридик мезон орқали аниқланади. Тиббий мезон шахсда сурункали руҳий касалликни ёки руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилганлиги ёхуд ақли заифлик ёки бошқача тарздаги руҳий касалликнинг мавжудлигини билдиради. Юридик мезон шахснинг ўз ҳаракатлари юзасидан ўзига ҳисоб бера олмаслиги ва ҳаракатларини идора қила олмаслигидир. Шахсни руҳий касал деб ҳисоблаш учун тиббий ва юридик мезонларнинг зохирлиги талаб қилинади. Шахснинг руҳий касаллик ҳолатини аниқлаш учун суд-психиатрия экспертизаси тайинланади. Экспертиза шахсни ижтимоий ҳавфли қилмишни содир қилиш пайтида ақли норасо ҳолатда бўлган, деб ҳулоса берса, унинг қилмишини суд жиноят ҳисобламаслиги ва жавобгарликка тортмаслиги мумкин.

АҚЛИ РАСОЛИК – одамнинг руҳий жиҳатдан соғлом ҳолати; жиноят ҳуқуқида шахснинг содир қилган ижтимоий ҳавфли қилмишини жиноят деб ҳисоблаш ва жиний жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий шартларидан бири. Ақли расо шахс ҳар қандай жиноятни содир қилганда ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг жиноят эканлигини англайди ва ундан келиб чиқадиган оқибатни билади. Жиноят ҳуқуқида жиноят учун жавобгар бўла оладиган А.р.нинг икки мезони назарда тутилган бўлиб, булар киши жиноят содир қилиш пайтида ўз қилмишининг ижтимоий ҳавфли хусусиятини англагани; ўз ҳаракатларини бошқара олганлигидир. Жиноят содир қилган шахсни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилган вақтда унинг ақли расолиги текшириб кўрилади. Агар жиноят ишини тергов қилиш ёки судда кўриш пайтида унинг ақли расолигига шубҳа туғилса, суд-психиатрия экспертизаси тайинланади, у шахсни ақли расо деб ҳулоса берса, уни жиний жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилади.

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИНИНГ ЕРЛАРИ – қ.: *Ер фонди тоифалари.*

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ – қ.: *Иш билан таъминланиши.*



БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ – инсон аъзолари ёки организми тўқималари анатомик тўқислиги ёки улар физиологик функциясининг ташки таъсир оқибатида бузилиши.

Б.ш.е. деб – инсон танасининг бирон-бир аъзосига муайян даражада тан жароҳати етказишни тушунмок лозим. Яъни, етказилган тан жароҳати натижасида шахснинг соғлиги йўқолиши ёки аъзоларининг йўқолиши. Ёхуд аъзолари сақланиб қолса-да, уларнинг ўз фаолиятини йўқотиши ёки баданнинг анатомик бутунлиги бузилишига ёхуд меҳнат қобилиятини маълум даражада йўқотиши ҳоллари ёки хомиланинг тушишини тушуниш керак. Баданга етказилган шикастинг оғирлик даражаси суд медицина экспертизаси ёрдамида аниқланади.

Ҳозирги амалда бўлган ЎзР ЖКда баданга етказилган шикаст даражасига қараб уч турга бўлинади:

- а) қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-м.);
- б) қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш (105-м.);
- в) қасддан баданга енгил шикаст етказиш (109-м.).

БАДАРҒА – 1) XIX–XX-а. бошларнда чор Россиясида шахсни суд орқали ёки маъмурий тартибда бирор ш. ёхуд муайян губернядан узоқлаштириш. Бунда ўша шахсга мазкур жойдан ташқарида истикомат қилиш жойини танлаш ҳуқуқи берилган ёки бундай ҳуқуқ берилмаган. Б. қилинганлар полиция назоратида бўлган; 2) жазонинг бир тури. Маҳкумни унинг истикомат жойидан узоқлаштириб, муайян жойларда яшашини ман этиш. Ўзбекистонда 18 ёшга тўлган шахслар содир этган жиноят учун асосий ёки қўшимча жазо тарзида 1995 й. 1 апрелгача амалда бўлган қонунларда Б. кўзда тутилган ва 5 й.гача муддатга қўлланилган. Б. қилинган шахс руҳсатсиз тақиқланган вил., ш. ёки тум.га борган тақдирда маъмурий тартибда жазоланар, бундай қилмишни такрорласа, бир ярим й.гача озодликдан маҳрум этилар эди. Б. инсонпарварлик руҳига зид ва самарасизлиги сабабли бекор этилган.

БАЁННОМА – бирор масала юзасидан расмий ёзма баёнот, билдириш, тушунтириш. ЎзР МЖКга (281, 286, 289, 290-м.лар) асосан маъмурий процессуал ҳужжат ҳисобланади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги Б. ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Б.да: шу Б. тузилган сана ва жой, Б.ни тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни хал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти, ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам Б.да

кўрсатилади. Б. уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади: гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса Б. мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс Б.ни имзолашдан бош тортган тақдирда, Б.га бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс Б.нинг мазмуни юзасидан Б.га илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек, мазкур Б.га имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир. Б.ни тузиш вақтида ҳуқуқбузарга унинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилади ва бу ҳусусда Б.га ёзиб қўйилади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқида Б.лар жиноят процессида тергов ва суд ҳаракатларини олиб бориш тартиби ва уларнинг натижаларини қайд қиладиган процессуал ҳужжатлардан ҳисобланади. Улар қонунда кўрсатилган тартибда ҳар бир тергов ва суд ҳаракатининг моҳияти ва характерига қараб тузилади. Суриштирув тергов ва суд ҳаракатларида тузилган баённомалар муҳим процессуал ҳужжат ҳисобланади. Уларни тузишда қонун талабларига қатъий риоя қилиш шартдир, чунки жиноий иш юритувнинг сифати кўпинча тергов ҳаракатининг боришини ва натижаларини Б.да тўғри расмийлаштиришга боғлиқ бўлади.

Б. тергов ва суд ҳаракатларининг йўналишини ва натижаларини акс эттиради, уларни олиб боришга оид шарт ва тартиблар ҳақидаги маълумотларнинг асосий манба ҳисобланади.

Тергов ва суд органлари фаолиятида Б.ларнинг аҳамияти яна шундаки, қонунда кўрсатилган тартибда тузилган бу Б.лар иш учун аҳамиятга молик воқеа ва ҳолатни ҳамда ҳақиқий маълумотларни тасдиқлаб, жиноят ишини хал қилишда далил ҳисобланади.

Тергов ҳаракатлари Б.ларининг далилий аҳамияти шу тергов ҳаракатларининг олиб борилиши, уларнинг йўналиши ва натижаларини қайд қилинишининг объектив бўлишини талаб қилади. Шу мақсадда, қонун кўпчилики тергов ҳаракатларини олиб боришда ҳолислар иштирок этишини талаб қилади. Уларнинг бу тергов ҳаракатларида иштироки ва улар томонидан тегишли Б.ларнинг имзоланиши, ҳақиқатни аниқлаш, ишни тўғри хал қилиш қафолатларидан бири ҳисобланади.

Б. юритиш учун масъулият суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи зиммасига, суд мажлиси давоминда эса судья ва суд мажлиси котибига юклатилади.

Б.га: тергов ва суд ҳаракатларининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани, тергов ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, тартиби ва натижалари, унда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ва суд ҳаракати иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари ҳусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, раддиялар; тергов ҳаракатини олиб бориш жараёни қоидаларини бузиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш, шунингдек унинг олдини олиш учун кўрилган чора-тадбирлар акс эттирилиши лозим. Тергов ҳаракати жараёнида далилларни қайд

етишда ёрдамчи усуллар – овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш, нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланиладиган бўлса, уларни қўллашда мутахассислар жалб этилган бўлса, буларнинг барчаси Б.да ўз аксини топиши шарт.

Тергов ҳаракатининг бориши ва натижалари акс этирилган фотосуратлар, фонограммалар, видеоёзувлар, кинотасвирлар, қолиплар, нусхалар, режалар, схемалар ва б. Б.га илова қилинади. Ҳар қайси иловада тергов ҳаракатининг номи, ўтказилган жойи, санаси кўрсатилган изоҳловчи матн бўлиши лозим. Бу изоҳловчи матнни суриштирувчи ёки терговчи ва ҳолислар ўз имзолари б-н тасдиқлайдилар.

Суриштирувчи ва терговчи Б.ларни тузишда, суд мажлисида эса раислик этувчи ва суд мажлиси котиби Б.ни юритишда, ЎзР ЖККнинг талабларига тўла риоя қилишлари керак.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши биланок, шу ҳаракатни содир этувчига Б.ни ўқиб чиқишга имкон бериши ёхуд уларнинг илтимосларига кўра ўзлари ўқиб беришлари керак.

Оғзаки қўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар Б.га киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса Б.га илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган қўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар ҳусусида Б. охиридаги имзоларга олдиндан изоҳ берилади. Тергов ҳаракати Б.си б-н таништирилган шахслар Б.нинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

Башарти, процесс иштирокчиларидан бирортаси тергов ҳаракатлари Б.сига имзо чекишдан бош тортсалар суриштирувчи ёки терговчи суд мажлисида суд мажлиси котиби бу тўғрида Б.га ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси б-н (суд мажлисида судья ва суд мажлиси котиби) тасдиқлайди. Б.га имзо чекишдан бош тортган шахс бош тортиш сабабини тушунтирса, у Б.га киритилиши лозим.

Тергов ҳаракати ва суд мажлиси иштирокчиси ўзининг жисмоний нуксони туфайли Б.ни ўқиб, имзолай олмаса, Б.ни унинг розилиги б-н химоячи, унинг вакили ёки мазкур шахс ишонадиган бошқа фуқаро ўқиб беради ва имзо чекади. Бу ҳақда Б.га ёзиб қўйилиши керак.

БАЖАРУВЧИ – ЎзР ЖККнинг 28-м.га кўра, жиноятни бевосита, тўла ёки қисман содир этган ёхуд ЖКга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахс. Иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда Б. марказий фигурадир. Б. фақат у б-н бирга ўз функционал ролини амалга оширадиган бошқа шахслар – ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳаракат қилганда мавжуд бўлади. Б. деб жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган шахсга айтилади. Қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб жиноят содир этган шахс ҳам Б. ҳисобланади. Жиноятнинг Б.си муайян жиноят субъектини тавсифловчи белгиларга эга бўлган шахсгина бўлиши мумкин, акс ҳолда унинг қилмишида жиноят деб тан олинishi ва жинoий жавобгарликка тортилиши учун зарурий шарт сифатидаги жиноят таркиби мавжуд бўлмай-

ди. Бу, барча субъектларга хос умумий белгиларгагина эмас (муайян ёшга тўлганлик, ақли расолик), балки махсус субъектни тавсифловчи белгиларга ҳам тааллуқлидир. Агар махсус субъектни талаб этувчи жиноят таркибларидан бири бўйича жавобгарликка тортилаётган шахс уни шундай субъект сифатида тавсифловчи белгиларга эга бўлмаса (мас., мансабдор шахс, ҳарбий хизматчи, терговчи, судья ва х.к. бўлмаса), у ЖК Махсус қисми тегишли моддасида қайд этилган жиноят таркиби объектив томонига тааллуқли муайян ҳаракатларни содир этган тақдирда ҳам мазкур жиноятнинг Б.си бўла олмайди.

Қонунчиликда мустақамланган таърифда иштирокчиликнинг бир қанча белгилари ажратиб кўрсатилган. Биринчидан, жиноятни тўла ёки қисман содир этиш. Жиноятни тўла содир этиш – бу ЎзР ЖК Махсус қисми тегишли моддаси диспозициясида белгиланган қилмишнинг тўлиқ тарзда бажарилишидир. Бу ҳолда жиноят таркибининг объектив томони тўлиқ амалга оширилади. Жиноятни қисман содир этиш жиноят объектив томонини ташкил этувчи қилмишни содир этиш, бироқ жиноят Б.га боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ёки модданинг диспозициясида (жинoят моддий таркибларида) кўрсатилган жинoий оқибатларнинг келиб чиқмаганлигида ифодаланади. Иккинчидан, жиноятнинг бевосита содир этилиши. Бевосита содир этиш деганда шахс – жиноят Б.сининг жиноят объектив томонини бевосита ва амалда содир этиши тушунилади. Жиноятнинг объектив томони жинoий жавобгарлик ёшига етмаганлик ёки ақли норасолик аломатлари бўйича жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслар томонидан бажарилишига қаратилади. Мас., агар жиноят муайян қилмиш учун жинoий жавобгарлик ёшига етмаган – вояга етмаган шахс томонидан содир этилса, уни жиноят содир этишга ундаган шахс Б. бўлиб ҳисобланади, унинг вояга етмаган шахсга нисбатан ҳаракатлари эса вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш сифатида ЎзР ЖК 127-м.си учинчи қисми бўйича тавсиф қилинади.

Вояга етган шахсларнинг иштироки б-н содир этиладиган вояга етмаган шахсларнинг жиноятларини қўриб чиқишда вояга етган шахс ва вояга етмаган шахс ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг характерини синчиклаб ўрганиш лозим. Бу маълумотлар вояга етган шахснинг вояга етмаган шахсни жиноят ва жамиятга қарши бошқа қилмишларни содир этишга жалб этишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Шуни назарда тутиш лозимки, вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб қилиш учун жинoий жавобгарликка 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасдан содир этган шахслар тортилишлари мумкин. Шунингдек, вояга етган шахс ўз ҳаракатлари б-н вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб этаётганлигини англаганлиги ёки йўл қўйганлигини аниқлаш лозим. Агар вояга етган шахс жиноят содир этишга жалб қилаётган шахснинг вояга етмаганлиги ҳақида билмаган ёки билиши мумкин бўлмаган бўлса, у ЎзР ЖК 127-м.си бўйича жинoий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Бу ҳолда ақли норасо томонидан бошқа шахс далолатлари орқали жиноят содир этиш ҳолатлари каби охиригисининг хатти-ҳаракатлари Б.лик, бевосита жиноят содир этган шахснинг хатти-ҳаракатлари эса жиноят содир этиш воситаси сифатида тавсифланиши лозим.

БАЙРАМ КУНЛАРИ – ЎзРда расмий байрам деб эълон қилинган кунлар.

ЎзР МКнинг 131-м.сига мувофиқ, қуйидаги кунлар Б.к.дир:

- 1 январь – Янги йил;
- 8 март – Хотин-қизлар кун;
- 21 март – Наврўз байрами;
- 9 май – Хотира ва қадрлаш кун;
- 1 сентябрь – Мустақиллик кун;
- 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кун;
- 8 декабрь – Конституция кун;
- Рўза Хайит (Ийд ал-Фитр);
- Қурбон Хайит (Ийд ал-Адха).

Б.к. ходимларни ишга жалб этиш ман этилади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳоллардагина ЎзР МКнинг 130-м.сида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади. Бунда 18 ёшга тўлмаганларни жалб этиш мумкин эмас. Ёш болалари ва ногирон ходимлар ўз розиликлари б-н жалб этилишлари мумкин. Б.к.да ишлаганлик учун қаида икки баробар иш ҳақи тўланади.

БАЙРОҚ (инг. flag; голл. vlag) – ёрочга (ёки ипга) бириктирилган мато, бир хил рангдаги ёки ҳар хил рангдаги, аксарият ҳолларда давлат ёки бирон-бир ташкилотнинг рамзи б-н. Яна к.: *Давлат байроғи, Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи.*

БАЙРОҚ КОНУНИ (инг. lex flag) – халқаро ҳусусий ҳуқуқда кема қайси бир давлат байроғи остида сузаётган бўлса, ўша давлатнинг қонуни қўлланилишини аниқлатади. Б.к.га асосан денгиз савдосида пайдо бўладиган қоллизион масалаларни ҳал этиш мақсадида қўлланилади.

БАЛАНС (лот. bi-lance – *сўзма-сўз* иккита палла б-н; инг., фр. balance; ит. bilancia) – бирон-бир фаолиятнинг бир-бирини мувозанатлаши лозим бўлган томонлари ўртасидаги нисбатларнинг миқдорий ифодаси.

БАЛЛИСТИКА (юн. ballo – ташлайман; инг. ballistics) – снарядлар, ўқ-дорилар ва б. шу каби предметларнинг ҳаракатланиш қонунилари ҳақидаги фан. Б. криминалистика фанининг ўқотар қурол ва ўқ-дорилар, патронларни ишлаши, сақлаш, олиб юриш, тайёрлаш ва ўзлаштириш б-н боғлиқ жиноятларни тергов қилишда вужудга келадиган масалаларни ҳал қилувчи қисми.

Б.да ўқ (соцма ўқлар)нинг қурол ичидаги (ички Б.) ва ҳаводаги ҳаракати (ташки Б.) тадқиқ қилинади.

Б.нинг вазифаси ҳарбий техниканинг айрим таълимотларидан фойдаланиб, отиш қуролларининг тузилиши, турлари, отишдан ҳосил бўладиган ўзгаришлар, ўқ-дорилар, патронлар, отилган ўқ-гильзаларнинг қайси қуролдан отилганлигини аниқлаш масалалари қиради.

Жиноий мақсадда ишлатилган ўқ-отар қуроллар уларнинг узвий қисми бўлган патронлар, ўқ-гильзалар, отишдан ҳосил бўлган излар: ёрик-тешиқлар, тирналиш, яқиндан отилиш излари, қурум, металл, ёнмай қолган порох заррачалари, мил мойлаш қолдиклари баллистик текширув объектлари бўлиб ҳисобланади.

Б. текшируви жиноят қуроли сифатида ишлатилган предмет отиш қуролими, ўқ отишга яроқлими: унинг ўлчови (ствол диаметри бўлган калибри) бўйича қайси қурол гуруҳига мансуб; отилган ўқ, гильзалар қайси отиш қурол гуруҳига тегишли; отиш қуролларининг қайси биридан

отилган, отишдан ҳосил бўлган излар, ўзгаришлар қандай масофадан етказилган; отувчининг қаердан туриб ўқ узганлиги; ўқнинг йўналиши ва б. масалалар.

Отиш қуролининг умумий тузилиши бўйича қаерда ва қандай ишланганига (заводда, қўлда, ясама ёки алоҳида қисмлардан йиғилган ва ҳ.к.) онд масалалар ҳам ҳал этилади.

Суд Б.си – криминалистиканинг ўқ-отар қурол ва ўқ-дорилар қўллаш йўли б-н содир этилган жиноятларни тергов қилиш методикасини ўрганувчи бўлими. Суд Б.сида объектларни қайси гуруҳга муносиблиги, идентификация қилиш, шунингдек, отиш факти ва ҳолатини аниқлаш мақсадида уларни топиш, мустаҳкамлаш (фиксация), олиб қўйиш ва ўрганиш илмий-техникавий воситалари ва методлари тизимидан фойдаланилади.

Суд Б.си ўточар қуролнинг тури, қўриниши ва тизимини, унинг созлигини ва ўт очишга яроқлилигини аниқлайди, отилган ўқлар ва гильзаларга қараб, ишлатилган ўточар қуролнинг аниқ намунаси аниқлигини, жанговар ўқ-дориларни ҳамда улар қисмларининг тури ва тизимини, ўқ отилиш йўналиши ва масофасини аниқлайди.

БАЛЛОТИРОВКА – к.: *Сайланиш учун ўз номзодини қўйиш (Баллотировка).*

БАНГИЛИК – к.: *Гийҳандлик.*

БАНДИТИЗМ – к.: *Жиноий уюшма.*

БАНДЛИККА ҚўМАКЛАШИШ МАРКАЗЛАРИ – Ўзбекистонда вақтинча ишидан ва меҳнат даромадидан маҳрум бўлиб қолган фуқароларга ишга жойлаштириш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган қафолатларнинг таъминланишида қўмак кўрсатувчи орган.

ЎзР Президентининг 2007 й. 6 майдаги 616-сон “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра тум. (ш.) меҳнат бўлимлари негизида ташкил этилган бўлиб, улар зиммасига:

иш б-н банд бўлмаган аҳоли ҳисобини олиб бориш;
ишсизларни ишга жойлаштиришларида ёрдам кўрсатиш;
аҳоли бандлигининг самарали шакллари ривожлантириш;

ишсиз фуқароларни касбга ўқитиш, малакасини ошириш ва эгаллаган касб-хунарларига мос иш б-н таъминлаш;

иш берувчилар томонидан меҳнат қонунчилигига амал қилинишини назорат қилиш;

аҳоли ижтимоий ҳимоясида қатнашиш каби вазифалар юқлатилган.

Б.к.м. йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари базасида ташкил этилади ва улар ҳамкорлигида аҳолини иш б-н таъминлашга онд тадбирларни амалга оширади.

БАНК (лот. banca – алмаштириш жойи; инг. bank; фр. banque) – тижорат ташкилоти бўлиб, Б. фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш (“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.си).

Б.лар ўз фаолиятларида қуйидаги Б. операцияларни ҳам амалга оширадилар: жисмоний ва юридик шахсларнинг, шу жумладан, вакил Б.ларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китоб қилиш; омонатларни жалб этиш; кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти б-н ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан кредитлар бериш. Б. бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва сугурта фаолияти б-н шуғулланишга ҳақли эмас. Б., шу жумладан, чет эл Б.и, ЎзРда ўз фаолиятини ЎзРнинг Марказий банки томонидан берилган лицензия асосида амалга оширадди. Б., қоида тариқасида, мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар Б. муассислари бўлиши мумкин, башарти, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва жамоат фондлари бундан мустасно. Б. ўз уставлари асосида фаолият кўрсатади. Б.нинг устав капитали Б. муассислари ва акциядорлари тўлаган пул маблағларидан ташкил топади. Б. ЎзР Марказий банкида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Б.лар ЎзРда ўз филиалларини, чет эл Б.лари эса ўз ваколатхоналарини ЎзР Марказий банкининг руҳсати б-н очишлари мумкин. Б.лар, башарти, қонун ҳужжатларининг талабларига зид келмаса, ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, ўз аъзолари манфаатларини химоя қилиш ва биргалликдаги дастурларни амалга ошириш учун иттифоқлар, уюшмалар ва Б. бирлашмалари тузишлари мумкин. Б. қуйидаги ҳолларда ўз фаолиятини тўхтади: акциядорлар йиғилишининг қарорига кўра; ЎзР Марказий банки лицензияни чақириб олганида; банкрот деб эълон қилинганда.

Ўз фаолиятини тўхтатган банк ЎзР Марказий банки томонидан банкларни давлат рўйхатига олиш дафтаридан чиқарилади. Б.нинг фаолияти тўхтатилганлиги ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади. Б. фаолиятини тўхтатиш ва уни тугатиш тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

БАНК АУДИТИ – банклар фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган аудиторлар томонидан даврий текшириб турилиши. Б.а. – банк тизимига ишончли мустаҳкамлаш, банкларнинг аудиторлик текширишлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ҳолисона таҳлил этилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Аудит, хусусан, капиталнинг етарличилигини баҳолаш, ссудаларни таснифлаш, ссудалар бўйича зарарларни қоплаш, таваккалчиликни ва ликвидликни ўлчашни ўз ичига олади. Банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ ички аудиторлик дастурларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт.

БАНК БИЛЕТЛАРИ – к.: *Банкнотлар.*

БАНК ОМОНАТИ – Б.о. шартномаси бўйича вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга кўра бир тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммаси-

ни қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Яна к.: *Банк омонати шартномаси.*

БАНК ОМОНАТИ ШАРТНОМАСИ – Б.о.ш. бўйича биринчи тарафдан (омонатчидан) қабул қилиб олган ёки унинг номига келган пул суммасини (омонатни) қабул қилиб олган иккинчи тараф (банк) шартномада назарда тутилган шартлар асосида ва тартибда омонат суммасини қайтариш ва унга фоизлар тўлаш мажбуриятини олади. Б.о.ш. омонат суммаси банкка келиб тушган кундан бошлаб тузилган ҳисобланади. Фуқаро омонатчи бўлган Б.о.ш. оммавий шартнома деб ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 759-м.си).

Пул маблағларини омонатларга жалб қилиш ҳуқуқига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия берилган банклар эга бўладилар. Бундай ҳуқуққа эга бўлмаган шахс фуқародан омонат қабул қилган тақдирда, омонатчи дарҳол омонат суммасини қайтариб беришни, шунингдек бу суммага ЎзР ФКнинг 327-м.сида назарда тутилган фоизларни тўлашни ҳамда фоиз суммаларидан ташқари омонатчига етказилган ҳамма зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Агар бундай шахс Б.о.ш. шартлари асосида юридик шахснинг пул маблағларини қабул қилган бўлса, ФКнинг битимлар ҳақиқий бўлмаслигининг асослари ва оқибатларига доир тегишли қоидалари қўлланади. Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган оқибатлар, ким бўлишдан қатъи назар, фуқаролар ва юридик шахсларнинг пул маблағларини; омонат сақловчиларга омонатни талаб қилиши биланоқ олиш ва омонатчининг ушбу боб қоидаларида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини бермайдиган векселлар ёки бошқа қимматли қоғозлар бериш; уларга ғайриқонуний чиқарилган деб топилган акциялар ва б. қимматли қоғозларни сотиш йўли б-н омонатларга жалб қилиш ҳолларига нисбатан қўлланади (ЎзР ФКнинг 760-м.си).

Б.о.ш. ёзма шаклда тузилган бўлиши керак. Агар омонатнинг қўйилганлиги омонат дафтарчаси, жамғарма (депозит) сертификати ёки банк томонидан омонатчига берилган, қонунда, қонунга мувофиқ белгиланган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида бундай ҳужжатлар учун назарда тутилган талабларга жавоб берадиган бошқа ҳужжат б-н тасдиқланган бўлса, Б.о.ш.нинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади. Б.о.ш.нинг ёзма шаклига риоя қилмаслик бундай шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ЎзР ФКнинг 761-м.си).

Б.о.ш. омонатни талаб қилиниши биланоқ бериш (талаб қилингунча сақланадиган омонат) ёки омонатни шартномада белгиланган муддат тугаганидан кейин қайтариш (муддатли омонат) шарти б-н тузилади. Б.о.ш.да қайтариб беришнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлари асосида омонатлар қўйиш ҳам назарда тутилиши мумкин. Б.о.ш. бўйича, омонатнинг туридан қатъи назар, банк омонатчининг талаби б-н омонат суммасини ёки унинг бир қисмини бериши шарт, юридик шахслар томонидан қайтариб беришнинг шартномада назарда тутилган бошқа шартлари асосида қўйилган омонатлар бундан мустасно. Б.о.ш.нинг фуқаро омонатни талаб қилиши

биланоқ олиш ҳуқуқидан, муддатли ёки бошқа омонатни эса хабардор этишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати ўтганидан кейин олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги шартни ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Агар омонатчи муддатли ёки бошқа омонатни (талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно), муддат тугагунга қадар ёхуд Б.о.ш.да кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар қайтариб беришни талаб қилиш ниятида бўлса, у ўзининг бу ниятидан банкни омонатни олишни мўлжаллаётган санадан камидан бир ой олдин хабардор қилиши шарт. Муддатли ёки бошқа омонат, талаб қилиб олингунча сақланадиган омонат бундан мустасно, муддат тугагунга қадар ёхуд Б.о.ш.да кўрсатилган бошқа ҳолатлар юз бергунга қадар омонатчининг талаби б-н унга қайтарилган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат юзасидан фоизлар тўланмайди. Омонатчи муддатли омонат суммасини муддат тугаганидан кейин ёки қайтаришнинг бошқа шартлари б-н қўйилган омонат суммасини Б.о.ш.да назарда тутилган ҳолатлар вужудга келганидан кейин қайтариб беришни талаб қилмаган ҳолларда, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома омонатни талаб қилиб олгунча сақлаш шартлари асосида узайтирилган деб ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 762-м.си).

Банк омонатчига омонат суммаси учун Б.о.ш.да белгиланадиган миқдорда фоизлар тўлайди. Б.о.ш.да тўланадиган фоизлар миқдори ҳақида шарт бўлмаган тақдирда, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган миқдорда фоизлар тўлаши шарт. Агар Б.о.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатларга тўланадиган фоизлар миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга. Банк фоизлар миқдорини камайтирган тақдирда, фоизларнинг янги миқдори фоизлар камайтирилганлиги ҳақида омонатчиларга хабар берилганидан кейин қўйилган омонатларга нисбатан қўлланади. Агар Б.о.ш.да бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, ушбу хабарга қадар қўйилган омонатларга нисбатан камайтирилган фоизлар миқдори тегишли хабар берилган пайтдан бир ой ўтганидан кейин қўлланади. Омонатни муайян муддат ўтгач ёки шартномада назарда тутилган вазиятлар юз берганидан кейин қайтариш шартли б-н қўйилган омонат юзасидан Б.о.ш.да белгиланган фоизлар миқдори, агар шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банк томонидан бир томонлама камайрилиши мумкин эмас (ЎЗР ФКнинг 763-м.си).

Банк омонати суммасига фоизлар омонат банкка тушган куннинг эртасидан бошлаб, то у омонатчига қайтарилган ёки бошқа асосларга кўра омонатчининг ҳисобварағидан ўчирилган кундан олдинги кунгача ёзилди. Омонатчининг ҳисобварағи ҳатланганлиги оқибатида банк ушбу ҳисобварақдаги пул маблағларидан фойдалана олмаган давр учун фоизлар ёзилмайди. Агар Б.о.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк омонати суммасига фоизлар ҳар бир ой ўтганидан кейин унинг талаби б-н омонат суммасидан алоҳида тўланади, бу муддатда талаб қилиб олинмаган фоизлар эса фоизлар ёзиладиган омонат суммасига қўшилиб боради. Омонат қайтарилганида шу пайтгача ёзилган ҳамма фоизлар тўланади. Банк қабул қилиб олган омонатларнинг қайтарилишини таъминлаш учун фой-

даланиши шарт бўлган воситалар ва усуллар қонун б-н ва Б.о.ш. б-н белгиланади. Банк омонатчининг талабига мувофиқ омонатнинг қайтарилиши таъминланганлиги тўғрисида ахборот бериши шарт. Банк омонатнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича мажбуриятларини бажармаган, шунингдек таъминотни йўқотган ёки унинг шартларини ёмонлаштирган тақдирда, омонатчи банкдан омонат суммасини дарҳол қайтариб беришни, ЎЗР ФКнинг 327-м.сига мувофиқ унга фоизлар тўлашни ҳамда ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар Б.о.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонатга учинчи шахслардан омонатчининг ҳисобварағи тўғрисидаги зарур маълумотларни кўрсатган ҳолда тушган пул маблағлари киритиб қўйилади. Бунда омонатчи бундай шахсларга омонат бўйича ҳисобварақ тўғрисидаги зарур маълумотларни бериш б-н улардан пул маблағларини олишга рози бўлган деб ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 767-м.си).

Агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаро б-н Б.о.ш. тузиш ҳамда унинг ҳисобварағига омонат бўйича пул маблағларини киритиб қўйиш омонат дафтарчаси б-н тасдиқланади (ЎЗР ФКнинг 769-м.си).

БАНК СЕРТИФИКАТИ – эмитент банк томонидан унинг номига миқдорнинг пул маблағлари қўйилганлиги тўғрисида ёзма гувоҳнома. Б.с. ўз эгасига ёки унинг меросхўрига Б.с.да белгиланган муддат ўтгандан сўнг қўйилган пул суммасини ҳамда унинг фоизини олиш ҳуқуқини беради. Б.с. қисқа муддатли бўлиб (одатда, бир йилгача), инфляция унга деярли таъсир этмайди. Бундан ташқари, энг камидан қўйилган маблағни олиш имконини туевдиради. Чунки, инфляция унга таъсир қилган тақдирда ҳам оз фурсатга қўйилганлиги боис фоизлар б-н миқдор ютказмайди. Унинг 2 тури мавжуд: 1) депозит сертификати; 2) омонат сертификати. Яна қ.: *Омонат (депозит) сертификати.*

БАНК СИРИ – юридик ва jisмоний шахсларнинг тижорат сирини ҳимоя қилувчи фуқаролар ҳуқуқининг ўзига хос инс.и. "Банк сирини тўғрисида"ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, Б.с. банк томонидан муҳофаза қилинадиган қўйидаги маълумотлардан иборатдир; ўз миқдорларининг (вакилларининг) операциялари, ҳисобварақлари ва омонатларига доир маълумотлар; банк ўз миқдорига (вакилига) банк хизматлари кўрсатиши муносабати б-н мазкур миқдор (вакил) тўғрисида олган маълумотлар; миқдорнинг (вакилнинг) банк сейфлари ва биноларида сақлаб турилган мол-мулки, унинг хусусияти ва қиймати ҳақидаги маълумотлар; миқдор (вакил) топшириғига биноан ёки унинг фойдасини қўзлаб амалга оширилган банклараро операциялар ва битимлар тўғрисидаги маълумотлар; Б.с.ни ташкил этувчи маълумотларнинг банклар ўртасида муомалада бўлиши натижасида маълум бўлиб қолган, бошқа банкнинг миқдорига (вакилига) доир маълумотлар; жамғариб бориладиган пенсия тизимининг иштирокчилари, пенсия бадалларининг миқдори ва суммаларининг ҳаракати, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги пенсия жамғармалари тўғрисидаги маълумотлар.

Б.с.ни ташкил этувчи маълумотларнинг муҳофаза қилиниши банк томонидан кафолатланади. Б.с.ни таш-

кил этувчи маълумотлар миждознинг (вакилнинг) ўзига, у ваколат берган вакилларга, шунингдек, конунда белгиланган тартибда бошқа шахсларга тақдим этилади. ЎЗР Ҳисоб палатаси Б.с.ни ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар унинг зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир. ЎЗР Марказий банки ўз миждозлари ҳақидаги Б.с.ни ташкил этувчи маълумотларни конунда белгиланган тартибда тақдим этади. Б.с.ни ташкил этувчи маълумотлар прокуратура, тергов ва суриштирув органларига мазкур банк миждозига (вакилга) нисбатан кўзгатишга жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда, етказилган зарар ундириб олинишини ёки унинг мол-мулки хатланишини таъминлаш мақсадида терговчи ёхуд суриштирувчининг асослан-тирилган қарорига биноан прокурор санкцияси б-н тақдим этилади. Б.с.ни ташкил этувчи маълумотлар судга унинг ёзма сўрови асосида, мазкур банк миждозига (вакилга) нисбатан суднинг иш юритишидаги ишлар бўйича тақдим этилади. Б.с.ни ташкил этувчи маълумотлар суд ижрочисига унинг ёзма сўрови асосида, суднинг ундирувчи мазкур банк миждозининг (вакилнинг) мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ёки бу миждознинг (вакилнинг) мол-мулкини хатлаш ҳақидаги конуний қучга кирган қарори бўлган тақдирда тақдим этилади. Б.с.ни ташкил этувчи маълумотлар давлат солиқ хизмати органларига банк миждозига (вакилга) солиқ солиш масалаларига тааллуқли ҳолларда конун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилади.

БАНК ТИЗИМИ – у ёки бу давлатда муайян бир тарихий даврда мавжуд бўлган турли шаклдаги банклар ва банк ин-сларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуи. Б.т.ларининг ўзига хос хусусияти, банк концентрацияси б-н бирга, уларнинг марказий, тижорат, инвестиция, ипотека, жамғарма ва б. банк ташкилотлари шаклида кенг ихтисослашуви ҳисобланади. Бир томондан, омонатларни жалб этиш, фойдали ва ишончли миждозлар ҳамда юқори даромад олиш учун банклар ўртасида рақобат юзага келиши, иккинчи томондан, банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни қучайтиришга интилиш мана шундандир.

Жаҳон амалиётида Б.т.нинг икки асосий моделидан фойдаланилади. Бу, биринчидан, сегментланган ва иккинчидан, универсал Б.т.ларидир. Б.т.нинг сегментланган модели операция фаолияти б-н айрим турдаги молия ташкилотларининг функцияларини қонунчилик б-н катъий ажратилишига асосланади. Бундай модель, мас., АКШ ва Япония Б.т. учун ҳосидир. Универсал моделда банклар ва бошқа кредит ташкилотлари ҳар қандай турдаги банк операцияларини амалга ошириши ва миждозларга барча турдаги хизматларни кўрсатиши мумкин. Ушбу ҳолда конун операцияларнинг айрим турларини амалга оширишда қандайдир чеклашларни назарда тутмайди. Б.т.нинг бундай модели, мас., Буюк Британияга ҳосидир.

ЎЗРнинг банк тизими кўрсатилган иккала модель хусусиятларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бир томондан, мамлакатимиз банк қонунчилиги банк фаолияти соҳасини катъий белгилаб, банк операцияларининг аниқ турларини белгилаб беради ва уларнинг мажмуи банк фаолияти мазмуини ташкил этади. Иккинчи томондан, банкларга операцияларнинг бошқа турларини ҳам амалга ошириш учун руҳсат берилиб, уларнинг рўйхати “Банклар ва

банк фаолияти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунда белгилаб қўйилган.

БАНК ФИЛИАЛИ – уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир. Банклар ЎЗРда ўз филиалларини очишлари мумкин. Филиалларнинг раҳбарлари уларни ташкил этган банкнинг раҳбари томонидан ЎЗР Марказий банки б-н келишиб тайинланади. Тижорат банклари фақат ЎЗР ҳудудида филиаллар очишлари мумкин. Шунингдек, банклар ЎЗР Марказий банкнинг руҳсати б-н чет элларда ҳам ўз филиалларини очишлари мумкин. Б.ф. фаолиятига банк бошқаруви томонидан тайинланган бошқарувчи раҳбарлик қилади. Бошқарувчидан ташқари, банк бошқаруви бош ҳисобчиси ва бошқарувчининг ўринбосарини тайинлайди. Бошқарувчи ишончнома асосида иш кўради, филиал ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, уларга рағбатлантириш ва жазо чораларини қўлайди, филиал номидан ҳамма давлат органлари, ташкилот, муассаса ва корхоналар б-н алоқа ўрнатади, битимлар ва келишувларни имзолайди. Бошқарувчи йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосар амалга оширади. Б.ф. юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган банк томонидан мол-мулк б-н таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низом асосида иш олиб борадилар.

БАНК ЧЕКИ – қ.: *Чек*.

БАНК ҚОНУНЧИЛИГИ – ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган, банк тизими ва банк фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи. Б.қ. тизими ҳар хил турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига қамраб олади. Бу, авваламбор, конун ҳужжатлари бўлиб, уларда давлатнинг банк фаолияти соҳасидаги сиёсати оид энг муҳим масалалар мустаҳкамлаб берилган. Бундай ҳужжатларга “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Банк сири тўғрисида”ги, “Кредит уюшмалари тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунлари, ЎЗР ФК ва б.лар қиради. Банк тизимини ислох қилиш ва янада ривожлантириш, банк фаолиятини такомиллаштириш соҳасида, асосий, принципа, устувор қондаларни белгилаш юзасидан қабул қилинган қонунлар, ЎЗР Президентининг фармонлари ва қарорлари, ВМнинг қарорлари. Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Б.қ.ни ташкил этади.

БАНК ҲИСОБВАРАҒИ – Б.х. шартномасини тузиш орқали банк миждоз (ҳисобварақ эгаси) ҳисобварағига келиб тушган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, миждознинг ҳисобварағидаги тегишли маблағларни ўтказиш ва бериш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги фармойишларни бажариш вазифасини ўз зиммасига олиши натижасида банк б-н миждоз ўртасида вужудга келадиган муносабат. Яна қ.: *Банк ҳисобварағи шартномаси*.

БАНК ҲИСОБВАРАҒИ ШАРТНОМАСИ – Б.х.ш. бўйича бир тараф – банк ёки бошқа кредит муассасаси иккинчи тарафнинг – миждознинг (ҳисобварақ эгасининг) ҳисобварағига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, миждознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйи-

ча бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини бажариш мажбуриятини олади (ЎЗР ФКнинг 771-м.си).

Банк мижознинг банк ҳисобварағида мавжуд бўлган пул маблағларидан ҳисобвараққа талаблар қўйилган вақтда маблағларнинг мавжуд бўлишини ҳамда ҳисобварақ эгасининг ушбу маблағларни ҳисобварақда турган суммалар доирасида монеликсиз тасарруф этиш ҳуқуқини кафолатлаган ҳолда фойдаланиши мумкин (ЎЗР ФКнинг 772-м.си).

Мижоз банкдаги ҳисобварақда турган ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этади. Банк мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хошига қўра тасарруф этиш ҳуқуқларига қонунда ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас. Мижознинг банкдаги ҳисобварақда турган пул маблағлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда нақд пул шаклида олинishi мумкин (ЎЗР ФКнинг 773-м.си).

Б.х.ш. ёзма шаклда тузилиши керак. Б.х.ш.нинг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу шартноманинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўзидан ҳақиқий эмас (ЎЗР ФКнинг 774-м.си).

Б.х.ш. банк томонидан мижозга ёки у кўрсатган шахсга банкда тарафлар келишган шартларда ҳисобварақ очини йўли б-н тузилади. Юридик шахслар ва фуқаролар ўзларига ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатадиган банкларни мустақил танлайдилар (ЎЗР ФКнинг 775-м.си).

Агар Б.х.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк қонунда, қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган банк қоидаларида ва банк амалиётида қўлланидиган иш муомаласи одатларида ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган операцияларни амалга ошириш йўли б-н ҳисобвараққа келиб тушаётган пул маблағларини қабул қилиши ва киритиб қўйиши ҳамда мижознинг пул маблағларини қўлга бериш ҳақидаги топшириқларини бажариши шарт (ЎЗР ФКнинг 777-м.си).

Б.х.ш.га мувофиқ банк мижознинг ҳисобварағида пул маблағлари йўқлигига қарамай, мижознинг талабларига мувофиқ тўловларни амалга оширган ҳолларда банк мижозга тўлов амалга оширилган кундан бошлаб тегишли суммага кредит берган (ҳисобварақни кредитлаш) ҳисобланади. Тарафларнинг ҳисобварақни кредитлаш б-н боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, агар Б.х.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз ва кредит тўғрисидаги қоидалар б-н белгиланади (ЎЗР ФКнинг 779-м.си).

Агар Б.х.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, банк ҳисобварақда турган пул маблағларидан фойдаланганлиги учун мижозга фоизлар тўлайди, уларнинг суммаси ҳисобвараққа киритиб қўйилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фоизлар банк томонидан Б.х.ш.да белгиланадиган миқдорда, шартномада тегишли шартлар назарда тутилмаган тақдирда эса, одатда, банк талаб қилиб олинганча сақланадиган омонатлар юзасидан тўлайдиган миқдорда тўланади. Фоизлар суммаси Б.х.ш.да назарда тутилган муддатларда, бундай муддатлар Б.х.ш.да назарда тутилмаган ҳолларда эса йилнинг ҳар чорағи тамом бўлгач, ҳисобвараққа киритиб қўйилади (ЎЗР ФКнинг 781-м.си).

Банклар банк ҳисобварағи ва банк омонати, ҳисобварақ бўйича операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотлар сир сақланишини кафолатлайди. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат мижозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин. Давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига бундай маълумотлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилиши мумкин. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар банк томонидан ошкор қилинган тақдирда, ҳуқуқлари бузилган мижоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 786-м.си).

БАНКЛАРАРО ОПЕРАЦИЯЛАР – банк операцияларининг бир кўриниши бўлиб, унда банк хизматининг ижрочилари ва қабул қилиб олувчилари сифатида банк муассасалари қатнашади. Бунда тижорат банклари ўз мижозларига кўрсатадиган хизматларни бир-бирига ҳам қўлайди. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 32-м.сига мувофиқ, банклар шартнома асосида маблағларни депозитлар, кредитлар шаклида бир-бирларидан жалб этиши ва бир-бирига жойлаштириши, ташкил этиладиган ҳисоб-китоб маркаэлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириши ҳамда лицензияда назарда тутилган бошқа ўзаро операцияларни бажариши мумкин. Б.о.нинг иштирокчилари сифатида ЎЗР Марказий банки ва тижорат банклари қатнашади.

БАНКНОТЛАР (инг. banknotes) – марказий эмиссия банклари томонидан муомалага чиқарилган пул белгилари. Ҳозирги кунда қоғоз пулларининг асосий тури. Б. муомалага иқтисодий ривожланишнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда чиқарилади ва олтин, қимматбаҳо металллар, давлат (марказий) банкининг бошқа активлари, шунингдек давлатга тегишли ва барқарор нархлар бўйича сотиладиган товарлар массаси б-н таъминланиши шарт.

БАНКРОТЛИК (ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИК) (ит. bancarotta, banca – ўриндик + rotta – синган; инг. bankruptcy; нем. bankrott) – ҳўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

ЎЗР ФКнинг 26-м.сига мувофиқ, яқка тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши б-н боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилishi мумкин. Яқка тадбиркорни банкрот деб топши расм-русмларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш б-н боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари яқка тадбиркорни банкрот деб топши расм-русмларни тамом бўлганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Суд томонидан яқка тадбиркорни банкрот деб топилшининг ёки яқка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилишининг асослари ва тартиби қонун б-н белгиланади.

ЎЗР ФКнинг 57-м.сига қўра, тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат қорхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативни ёки ижтимоий фонд шаклида иш

олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин. Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади.

БАНКРОТЛИКНИ ЯШИРИШ – бу бир марталик ҳаракатларни содир этиш, шунингдек чоралар мажмуаси бўлиб, ваколатли давлат органига, реал ёки потенциал контрагентга узайтирилган қарздорлик мажбуриятларини амалга оширишнинг имконияти йўқлиги б-н боғлиқ маълумотларни ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш б-н боғлиқ фаолият. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, яшириш фақатгина фактик вужудга келган ҳолатлар бўйича юзага келган муносабатларга ҳосдир. Шунинг учун, ҳўжалик юритувчи субъектнинг келажакда бўлиши мумкин бўлган қарзларини тўлай олмаслиги б-н боғлиқ маълумотларни тақдим этмаслигига банкротликнинг яширилиши деб қаралиши мумкин эмас.

Бу ўринда шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, ҳўжалик юритувчи субъектни тўловга қобилиятсизлиги фактини белгилашда фақатгина узайтирилган қарздорлик мажбуриятлари инobatга олиниши лозим, чунки тўлаш муддати етиб келмаган мажбуриятлар бўйича ҳўжалик юритувчи субъект қарздор деб топилмайди. Шунингдек, тўловга қобилиятсизликни белгилашда алоҳида эътиборни ҳўжалик юритувчи субъектда мавжуд (балансида рўйхатда бўлган) мулкнинг тахлилига қаратмоқ лозим, чунки банкротлик нақд пул ёки нақд пулсиз шаклдаги юкори ликвидли активларгина эмас, балки фақатгина қарздорлик бўйича тўловга бутун мол-мулки етмаганда юзага келади.

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш, бухгалтерлик ҳисоботларини бузиб кўрсатиш йўли б-н иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодирлигининг йўқотганлигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда касдан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказишига сабаб бўлганлик учун ЎзР ЖКнинг 181-м.сида жавобгарлик ўрнатилган. Етказилган моддий зарар уч қарра миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди.

БАРМОҚ ИЗЛАРИ – одамнинг қўл, оёқ қафти терисининг ташқи тузилиши индивидуал, яъни ҳар бир инсоннинг ўзига хослик хусусиятига эга бўлиб, ҳодиса жойида топилган тери (қўл, бармоқ, оёқ қафти ва б. қисмлари)нинг излари асосида бир неча шахслар орасида битта айнан из қолдирган шахс аниқланади. Яна қ.: *Дактилоскопия*.

БАРТЕР БИТИМИ (ит. barattare – айирбошламоқ; инг. barter transaction) – айирбошлаш шартномаси, мавоза деб ҳам юритилади. Айирбошлаш шартномасига мувофиқ ҳар бир тараф бошқа тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли б-н мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади (ЎзР ФК нинг 497-м.си). Бошқача айтганда, бунда товарлар, ашёлар алмаштирилади (бошма-бош алмаштириш), мас., тикув машинасига музлатгич алмаштирилади. Айирбошлаш шартномаларига нисбатан ЎзР ФКнинг 497–501-м.лари қўлланилади. Тегишли ҳолларда ушбу муносабатларга нисбатан олди-сотди шартномаси нормаларини қўллаш мумкин. Айирбошлашга (бартер, мавоза) фуқаролар ўртасида, шунингдек тадбиркорлик б-н боғ-

лиқ бўлмаган соҳаларда йўл қўйилади. ЎзР Президентининг 1996 й. 9 августдаги ПФ–1504-сон “Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг 4-бандига қўра, 1996 й. 1 сентябрдан бошлаб ЎзР доирасида махсулот етказиб бериш тўғрисида мавоза (бартер) асосидаги шартномалар тузиш тақиқланган.

БАХТСИЗ ҲОДИСА ҲАҚИДА ДАЛОЛАТНОМА – ходим ўз хизмат вазифаларини бажараётгани чоғида юз берган фалокат оқибатида меҳнат қобилиятини бир кундан кўпроқ муддатга йўқотса (жароҳат олиши, майибланиши, контузия бўлиши ва б.) ёки бундай бахтсиз ҳодисадан вафот этганида тузилиши лозим бўлган расмий ҳужжат. Иш берувчи ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириш ҳисобига олиб бориши шарт. Жабрланувчининг (унинг қонуний вакиллари, меросхўрлари) талабига биноан текширув ўтказилган кундан эътиборан узогн б-н уч кун ичнда иш берувчи шу бахтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт (ЎзР МКнинг 222-м.си).

Б.х.х.д. тузиш тартиблари ва муддатлари далолатномада акс эттирилиши лозим бўлган ҳолатлар қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

Б.х.х.д. ходимга (унинг қонуний вакиллари ёки меросхўрларга) етказиладиган зарарни қоплаш ва товон пул ундириши учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради ҳамда ходимга зарар етказилганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжат бўлиб саналади.

Б.х.х.д. тузишдан бош тортилган ёки нотўғри тузилган ҳолларда манфаатдор ходимлар белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли бўлади.

БАҲО – шахс манфаатининг пулда ифодаланиши. ЎзР ФКнинг 356-м.сига мувофиқ, шартномани бажарганлик учун тарафларнинг келишуви б-н белгиланган Б.да ҳақ тўланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган Б.лар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва х.к.) қўлланилади. Шартнома тузилганидан кейин Б.ни ўзгартиришга қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда ва шартларда йўл қўйилади. Ҳақ тўлашни назарда тутадиган шартномада Б. назарда тутилмаган ва шартнома шартлари бўйича белги-ланиши мумкин бўлмаган ҳолларда шартномани бажарганлик учун ўхшаш вазиятларда одатда шундай товарлар, ишлар ёки хизматлар учун олинадиган Б. бўйича ҳақ тўланиши керак.

БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИ – баҳоловчининг (юридик ёки жисмоний шахснинг) баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолияти. Б.ф. лицензия асосида амалга оширилади. Б.ф.ни лицензиялаш тартиби ЎзР ВМнинг 2003 й. 8 майдаги 210-сон қарори б-н тасдиқланган Баҳолаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом б-н белгиланади. Б.ф. учун лицензия берган орган баҳоловчилар Б.ф. тўғрисидаги қонун ҳужжатларини талабларига риоя этишлари устидан назоратни амалга оширади (“Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3 ва 4-м.лари).

БЕВОСИТА ДЕМОКРАТИЯ – ЎзР халқининг ўз ҳокимиятини бевосита амалга ошириш шакллари ва во-

ситалари (инс.лари) мажмуини камраб олувчи тушунча. Б.д. негизини ЎзРнинг Конс.си ташкил этади. Конс.нинг 7-м.сига мувофиқ, ЎзРда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб Конс. ва у асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конс.нинг 9-м.сига биноан, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади.

Референдум ва сайловдан ташқари, Б.д. инс.ларига муҳим давлат қарорлари ва қонунлар муҳокамаси, петициялар, халқ ташаббуслари, фуқароларнинг яшаш ва иш жойларидаги йиғилишлари (йиғинлари) қиради.

Конституциявий ҳуқуқ фанида Б.д. инс.ларини икки гуруҳга: императив ва консултатив хусусиятга эга инс.ларга ажратиш қабул қилинган.

Б.д. императив шаклларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, халқ томонидан қабул қилинган қарор узил-кесил, мажбурий ҳисобланади, давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тасдиқлашни тақозо этмайди (улар фақат мазкур қарорни расман қабул қилинган деб эълон қилишлари мумкин). Б.д.нинг императив шаклларига императив референдум ҳамда депутатлар ва сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсларни халқ томонидан сайлаш қиради.

Б.д. консултатив шаклларининг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ёрдамида аниқланган халқ (аҳоли)нинг хоҳиш-иродаси тегишли давлат органи ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг қароридан ўз ифодасини топади (мазкур қарорга асос бўлиб хизмат қилади). Лекин орган ўз ҳужжатининг узил-кесил матнини ўзи мустақил таърифласа-да, у халқ (аҳоли)нинг хоҳиш-иродасини ўзгартира олмайди. Б.д.нинг консултатив шаклларига консултатив референдумлар (сўровлар), халқ муҳокамалари, ташаббуслари (шу жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги ташаббуслари), петициялар қиради.

Фуқаролар йиғинларининг қарорлари айрим ҳолларда (мас., фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини сайлашда, депутатликка номзодларни кўрсатишда) императив хусусиятга эга бўлса, бошқа ҳолларда (мас., аҳоли истикомат жойларида янги объект қурилиши юзасидан ўз фикрини билдиришда, маҳаллий тузилма бошлиғининг билдиришини муҳокама қилишда) консултатив хусусиятга эга бўлади.

“Тўғридан-тўғри демократия”, “бевосита халқ ҳокимиятчилиги” тушунчалари ҳам “бевосита демократия” тушунчаси б-н бир хил маънода қўлланади.

БЕЗОРИЛИК – жамиятда юриш-туриш қондаларини қасдан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш б-н боғлиқ ҳаракатлар. Б. анча миқдорда зарар етказиш б-н боғлиқ ҳолда содир этилса, ЎзР ЖКнинг 277-м.сига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бунда, қонунга кўра, айбланувчи ўз ҳаракатлари б-н жамоат тартибини бузганлигини англаган бўлиши керак.

БЕКОР ТУРИБ ҚОЛИШ – ходимнинг айби б-н ёки ишлаб чиқаришга оид объектив сабабларга кўра (энергия таъминотидаги узилиш, хомашё йўқлиги ва б.) ишнинг вақтинча тўхтаб қолиши.

Ходимнинг айби б-н Б.т.к. меҳнат интизомининг қўпол тарзда бузилиши деб баҳоланади.

Иш берувчининг айби б-н бекор туриб қолинганида агарда ходим бу ҳақида ўзи бевосита раҳбарига хабар берган бўлса унга ўртача иш ҳақи тўланади. Бекор туриб қолган ходимлар белгиланган тартибда бошқа ишга кўчирилишлари ёки жалб этилишлари мумкин.

БЕЛЛИ КАЗУСИ (лот. *casus belli* – *сўзма-сўз* урушга баҳона) – Рим ҳуқуқи давридан бошлаб шаклланган ва дипломатик амалиётда қўлланиладиган юридик термин: давлатлар ўртасида уруш эълон қилиш учун формал сабаб (тахмин. “уруш учун важ”. “харбий инцидент”). Стратегик иттифок тўғрисидаги шартнома шартларидан келиб чиқиб уруш олиб бораётган бир тараф томонидан харбий ҳаракатларни қайта бошлаб юбориши сифатида қараладиган Федерис қазусидан ҳозирги замон тарихий илм-фанида қарама-қарши равишда фойдаланишади. Мас., Биринчи Жаҳон урушининг бошланиши ёки 1846–1848 й.лардаги АҚШ ва Мексика ўртасидаги харбий низолар. Мексикада бу урушни Шимоллий Америка интервенцияси деб аташган, АҚШда эса Мексика уруши номи б-н машҳур.

Б.к.нинг классик мисоли сифатида, урушнинг бошланишига бошқа сабаб мавжуд бўлган бўлса ҳам, одатда 1914–1918 й.ларда Биринчи Жаҳон урушининг бошланиши учун сабаб деб (бахона) бўлган Австрия эрцгерцоги Фердинанднинг Сараевода ўлдирилишини келтиришади.

БЕМОРГА ЁРДАМ КЎРСАТМАСЛИК – қонун ёки махсус қондаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги. Б.ё.к. баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, шахс ЎзР ЖК 116-м.сига мувофиқ жавобгарликка тортилади. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга йўлда, кўчада, бошқа жамоат жойларида ва уйда биринчи тез тиббий ёрдамни кўрсатишга мажбур. Шифокорлар, акушерлар, тиббиёт ходимлари, шунингдек махсус қондалар б-н зиммаларига муайян шароитларда касалларга ёрдам кўрсатиш юклатилган шахслар – милиция, ёнғиндан муҳофаза қилиш, кутқарув хизмати ходимлари ҳам шу тоифага қиради.

БЕНЕФИЦИАР – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи усуллардан бири – қафолатда қатнашувчи тарафлардан бири.

ЎзР ФКнинг 299-м.сига мувофиқ, қафолатга биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суғурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради. ЎзР ФКнинг 300-м.сига асосан, қафолат принципалнинг Б. олдидаги ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди. ЎзР ФКнинг 303-м.сига кўра, қафолат бўйича Б.га тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи, агар қафолатда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас.

ЎзР ФКнинг 305-м.сига биноан, Б.нинг қафолат бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби қафолатда кўрса-

тилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда қафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада Б. принципалнинг таъминлаш учун қафолат берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак. Б.нинг талаби қафолатда белгиланган муддат тугагунча қафилга тақдим этилиши керак. Қафилнинг қафолат бўйича Б. олдидаги мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади: 1) қафолат берилган сумма Б.га тўланиши; 2) қафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши; 3) Б. қафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни қафилга қайтариб бериши оқибатида; 4) Б. қафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли б-н қафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

БЕПАРВОЛИК – жиноят содир этган шахснинг ўз ҳуқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига бефарқ қараш. Агар қўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят Б. орқасида содир этилган деб топилади. Айбнинг фақат Б. шаклида шахс ўзининг ҳуқ-атвори (қилмиши)нинг ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини олдиндан уларнинг реал ва ҳатто, мавҳум равишда бўлиши мумкинлигини англамайди. Эҳтиётсизлик шаклидаги айб турларининг характерли жиҳатлари, биринчидан, айбдор шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли оқибатларини олдиндан кўра олмайди, иккинчидан, шахс мазкур жиноятда ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан кўра билиш мажбурияти ва имкониятига эга бўлади. Б.да ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билмаслик оқибатга нисбатан ҳар қандай муносабат мавжуд бўлмайди, деган тасаввурга олиб келмайди. Бундай муносабат шахснинг қонун талабларига, ижтимоий ҳуқ-атвор қоидаларига, бошқа шахс манфаатларига бепарво муносабатда бўлишида ифодаланади. Шунинг учун Б.да интеллектуал ҳолат ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини англамасликда ифодаланади. Иродавий ҳолат шахснинг зарур иродавий таъсир, яъни содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг оқибатига бепарво муносабатда бўлишидан иборат. Жиноий Б.да шахс ўз қилмиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаш имкониятига эга бўлади. Лекин, бу оқибатнинг келиб чиқишини англаш учун қилиниши керак бўлган зарур иродавий ҳаракатларни амалга оширмайди, диққат-эътиборни ва эҳтиёткорликни намоён қилмайди.

БЕСОҚОЛБӨЗЛИК – эркакнинг эркак б-н зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондиришга қаратилган ҳаракатлари. Ушбу жиноят учун ЎЗР ЖКнинг 120-м.сида жавобгарлик белгиланган. Мазкур жиноят бир эркакнинг бошқаси б-н жинсий эҳтиёжларини ихтиёрли равишда қондиришга қаратилган ҳаракатларида ифодаланади.

БЕТАРАФЛИК – қ.: *Нейтралитет (Бетарафлик)*.

БЕШ КҮНЛИК ИШ ҲАФТАСИ – ходимлар учун белгиланган иш ҳафтаси турларидан бири. У беш кун иш ва узлуксиз икки кун дам олишга ажратилади.

Корхонада иш берувчи ва ходимлар вакиллик органи ўзаро келишуви б-н жорий этилади ва ички меҳнат тартиби қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилади.

Ходимларни ҳафталик дам олиш кунларида ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардан ташқари йўл қўйилмайди. Яна қ.: *Дам олиш ҳуқуқи*.

БЕШ ЮЗЛИК КЕНГАШ – филалар сонининг ўзгариши муносабати б-н Салоннинг тўрт юзлар кенгаши ўрнига юзлар (ҳар бир филадан 50 вакил ҳисобидан) кенгаши ташкил этилган. Клисфен ҳудудий ислохот ўтказар экан. Аттिकाда кўпдан бери яшаб келган ва лекин мамлакатнинг туб аҳолиси бўлмаган анча шахсларни фуқаролар каторига киритган. Бу вақтда архонтларнинг эски хайъати ўз аҳамиятини йўқотган эди. Гелизёга фуқаролар цензидан қатъи назар бир йилга сайлаб қўйилар эди. Клисфен тирания қайта тикланишининг олдини олиш учун “сополлаштириш”, юнонча “остракисм”ни (остракон – сопол) жорий этган. Клисфеннинг сўнгги тадбирларидан бири – мил. авв. 502 й.да ўн та стратег хайъатини таъсис этишдан иборат эди. Бу стратеглар халқ йиғинида қўл кўтариб (хейротония) очик овоз бериш б-н бир йил муддатга сайланганлар ва Афина халқ лашкарига галма-гал қўмондонлик қилганлар.

БЕХБҮДИЙ (19.01.1875 й., Самарқанд – 1919 й., Қарши) – маърифатпарвар, жадидчилик ҳаракати асосчиларидан бири. Такводор оилада таваллуд топган. Отаси Беҳбудхўжа Солиххўжа ўғли туркистонлик бўлиб, имомхатиблик б-н шугулланган. 1894 й.да ёш Маҳмудхўжа отасидан айрилади ва тоғаси, қози Муҳаммад Сиддиқ қарамғида вояга етади. Тоғаси Мулла Одилдан араб илмини ўрганади. 18 ёшида қозихонада мирзолик қила бошлайди. Ўз тиришқоклиги туфайли қози, кейинчалик, муфтий даражасигача кўтарилади.

1893 й.да дастлабки янги усул мактабини очишга муваффақ бўлди. 1899–1900 й.ларда Б. ҳаж сафарига бориб қайтди. Унинг ташаббус ва ғайрати б-н 1903 й.да Самарқанд атрофидаги Халвойи, Ражабамин қишлоқларида янги мактаблар ташкил топди. Адиб бу мактаблар учун “Рисолаи асбоби савод” (1904 й.), “Рисолаи жуғрофия Русий” (1905 й.), “Китобат ул-аторол” (1908 й.), “Амалиёти ислом” (1908 й.) каби дарсликлар ёзади.

Б. 1903–1904 й.ларда хизмат сафари б-н Москва ва Петербургда, 1907 й.да Қозон, Уфа, Нижний Новгородда бўлади. Хусусан, у Нижний Новгородда 1907 й.нинг 23 августида мусулмонларнинг турмуш ва маданияти муаммоларига бағишланган қурултойда туркистонликлар гуруҳини бошқарди ва катта нутқ сўзлади. Б. маориф борасида бетиним хизмат қилибгина қолмасдан, балки драматургия соҳасида ҳам ижод қиларди. “Падаркуш” (1913 й.) драмаси Б. истеводиннинг ёрқин намунаси. Муаллиф “Миллий фожиа” деб атаган 3 парда, 4 манзарали бу драма ҳажман ихчам, мазмунан ниҳоятда содда ва жўн эди. Бу асар ўқимаган боланинг бузук йўлларга кириб ўз отасини ўлдиргани, нодонлик ва жаҳолат йўлига киргани ҳақида хикоя қилади. Б.нинг театр труппаси бу спектаклни Тошкентда 1914 й.нинг 27 февралда намоиш қилди. Бош ролни А. Авлоний ижро этди.

1913 й.дан Б. матбуот ишлари б-н шуғулланишга киришди ва “Самарқанд” газетасини чиқара бошлади. Газета туркий ва форсий тилларда ҳафтада икки марта, дастлаб икки, сўнг тўрт саҳифада чоп этилган. Шу йилнинг 30 августида Б. “Ойина” журналинини чиқара бошлайди. 1914 й.нинг 29 майида Б. иккинчи бор араб мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилади. Саёҳат хотиралари ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлиб, “Ойина” журналининг 1914 й. сонларида чоп

этилади. "Ойина" журнали маърифат ва маданият тарқатишда жуда катта хизмат қилди. Унда миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқларига, тарихига, тил-адабиёт масалаларига, дунё ахволига доир қизиқарли мақолалар, бахслар бериб борилди. Б.нинг публицист сифатидаги фаолияти адиб истеъдодининг жуда ёрқин бир қиррасини ташкил этади. У ўз умри давомида юзлаб мақолалар ёзди. Ўзининг миллат ва Ватан, жамият ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини мақола ва чиқишларида теран ифода этди. Б.нинг ижтимоий-фалсафий қарашларида маърифатпарварлик ғоялари асосий ўрин тутди. Б. илму маърифат халқ оммаси томонидан ўзлаштириб олингандагина ижтимоий тараққиётда ҳал қилувчи қучга айланади, деб фикр юритади.

Б. одамлардан дунёвий фанларнинг ютуқларини ўзлаштириб олишни, ўз даври ижтимоий талаблари, асосан, шаклланган ахлоқ меъёрларига амал қилишни ҳамда инсонпарварлик ғояларини шакллантиришни ҳамда ислом дини таълимоти б-н таниш бўлишни талаб қилган. У миллат озодлигини маърифатпарварлик даражаси б-н боғлаб, маърифатни озодликка эришишнинг ягона омилли, деб ишонган.

Б. 1919 й.нинг баҳоринда Қаршида ўлдирилган. Собик иттифоқда Б. меросини ўрганиш тақикланган эди. Истиқлол бу борада ҳам кенг имкониятлар яратди.

БИЙЛАР СУДИ – XIX а.дан бошлаб Ўрта Осиёда одат ҳуқуқи б-н боғлиқ бўлган ишларни кўриб ҳал этувчи суд идораси. 1867 й.ги "Низом" лойиҳасида Туркистон ўлкасида суд ҳокимиятини амалга ошириш масаласи ҳам ўз аксини топган эди. Унда кўчманчи ва ўтроқ, рус аҳолиси учун алоҳида суд органларини ташкил қилиш керак эди. Лойиҳада кўчманчи аҳоли учун ҳар бир бўлишда 4–8 нафар бийлар сайлаш назарда тутилган бўлиб, бу лавозимга 25 ёшга тўлган, муқаддам судланмаган, тергов қилинмаган киши аҳоли томонидан уч йил муддатга сайланиши мумкин эди. "Низом" лойиҳасида бийлар уч турга бўлинди: 100 сўмгача (беш от ёки 50 қўй) қийматга эга бўлган ишларни кўрувчи, даъволашувчи томонлар томонидан танланадиган битта ёки бир нечта бийлар қиймати қанчалигидан катъи назар, барча ишларни кўрадиган, қиймати 1000 сўмгача даъволарни кўриб, узил-кесил ҳал қиладиган, вақти-вақти б-н чақириладиган волост бийлари қурултойи.

БИКАМЕРАЛИЗМ – к.: *Икки палатали парламент тизими (Бикамерализм).*

БИЛАТУРИБ ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ – к.: *Ёлғон гувоҳлик бериш.*

БИЛАТУРИБ ЁЛҒОН ХАБАР БЕРИШ – к.: *Ёлғон хабар бериш.*

БИЛВОСИТА ИШБАЙ ҲАҚ – ходим бажарадиган ишни миқдор ва сифат жиҳатидан баҳолаш қийин бўлган ҳолларда ёрдамчи касбларда ишловчи ходимларга (мас., корхонанинг электр устаси, чилангари ва х.к.) асосий ходимларга тўланадиган ишбай иш ҳақиға қараб ёки корхонанинг умумий иш натижаларига кўра тўланадиган иш ҳақи. Яна к.: *Меҳнат ҳақи.*

БИЛВОСИТА САЙЛОВ – к.: *Сайлов.*

БИЛИМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ – фуқароларнинг асосий ижтимоий ҳуқуқларидан бири. Б.о.х.ни амалга ошириш шахс, унинг маданияти ривожланишига, фаровонлигига шароит яратиш б-н бир вақтда, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётига бевосита таъсир қилади.

Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ҳар бир инсоннинг Б.о.х.ни мустаҳкамлаб, билим олиш инсон шахсининг тўла ривожланишига ва унинг кадр-қиммати идрок қилинишига йўналтирилган бўлиши ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига катта ҳурмат б-н қараш руҳини шакллантиришга таъсир қилиши лозим. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенциясига мувофиқ, ҳеч кимнинг билим олишга бўлган ҳуқуқи чекланиши мумкин эмас.

ЎзР Конс.сининг 41-м.сига кўра, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир. Республикада жинси, тили, ёши, irqий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий маъқеи, турар жойи, ЎЗР ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар қафолатланган.

"Таълим тўғрисида"ги ЎЗРнинг Қонуни 3-м.сига асосан таълим ЎЗР ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинган. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги;

таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;

умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги;

ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишини: академик лицейда ёки касб-хунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олишнинг ҳамма учун очиклиги;

таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш;

таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Мамлакатимизда билим олиш ҳуқуқи:

давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш;

ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда таълим олишни ташкил этиш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш давлат дастурлари асосида бепул ўқитиш, шунингдек таълим муассасаларида шартнома асосида тўлов эвазига касб-хунар ўргатиш;

барча турдаги таълим муассасаларининг битирувчилари кейинги босқичдаги ўқув юртлигига киришда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши;

онлада ёки ўзи мустақил равишда билим олган фуқароларга аккредитациядан ўтган таълим муассасаларида экстернат тартибидан аттестациядан ўтиш ҳуқуқини бериш орқали таъминланади.

Бошқа давлатларнинг фуқаролари ЎЗРда халқаро шартномаларга мувофиқ билим олиш ҳуқуқига эга.

Республикада истиқомат қилаётган фуқаролиги бўлмаган шахслар билим олишда ЎЗР фуқаролари б-н тенг ҳуқуқларга эга.

БИНО ЁКИ ИНШОТНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ – Б. ёки и.и.б.ш. бўйича ижарага бе-

рувчи ижарага олувчига бино ёки иншоотни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёхуд вақтинча фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини ўз энимасига олади. Агар ЎЗР ФКнинг қорхонани ижарага бериш тўғрисидаги қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ушбу параграфнинг қоидалари қорхоналар ижарасига татбиқ этилади.

Б. ёки и.и.б.ш. тарафлар имзолайдиган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади. Б. ёки и.и.б.ш.нинг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган Б. ёки и.и.б.ш. давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим ва рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ЎЗР ФК 573, 574-м.лари).

БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИК – тирик организмнинг мураккаблиги, ўз функцияларини ўзи сошлаш қобилияти ва улардан ҳар томонлама фойдаланиш имкониятини акс эттирувчи биологик объектларнинг фарқланадиган турлари ёки ҳодисалари сони ҳамда уларнинг фазо ва вақтнинг қайд этилган оралиғида учрашининг такрорийлиги. Б.х.-х. барча ҳайвонлар, ўсимликлар, замбуруғлар, микроорганизмлар ва экотизимлар ҳамда уларда кечаётган жараёнларни ўз ичига олади. Б.х.-х. уч даражага бўлинади: генетик хилма-хиллик, турлар хилма-хиллиги ҳамда экотизимлар хилма-хиллиги. Б.х.-х. конкрет ҳудудда тарқалган турларнинг сони ва учрашининг такрорийлигини акс эттиради. Экотизимлар туркумлар макроларининг ҳар хил турлари ва экологик жараёнларининг сонини акс эттиради. Б.х.-х. табиатнинг умумий хилма-хиллиги феноменининг хусусий ифодаларидан бириндир.

Б.х.-х. ранг-баранг деб ҳам аталади. Лекин, ер қурра-сининг биосфера қобилигида яшовчи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг турли шакллари, кўренишлари ва хиллари экотизимларда ранг-баранглигидан кўра, хилма-хиллиги б-н ажралиб туради. Чунки экологик тизимда организмлар пафакат ранг-баранглиги, балки катта-ю кичиклиги, маълум бир ишларни, функцияларни бажара олиши, муайян табиий жараёнларда қатнашиши б-н ҳам бир-бирдан фарқ қилади. Уларнинг ҳар бири, рангидан қатъи назар, биосферада маълум бир экологик функцияни бажаради. Тупроқда азотли бирикмаларни (нитратларни) парчаловчи микроорганизм – бактерияларнинг функциясини бошқа тупроқда яшовчи микроорганизмлар бажара олмайдилар. Шу сингари ўтхўр ҳайвонларнинг озуқа занжиридаги ўрнини йиртқич ҳайвонлар боса олмайдилар.

Ер қуррасида 500 мингдан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, инсонлар қўлдан ҳаётини фаолиятларида уларнинг 6000 туридан фойдаланадилар, ҳолос. Ўсимликларнинг 1500 тури доривор ўсимликлар туркумига қиради. Ўзбекистонда 4148 ўсимлик дунёси туридан 577 таси доривор, 103 таси бўёқдор ва 560 таси эфир мойлидир. Ўрмонлар республикамиз умумий майдонининг 5,1 фоизини ташкил этади, лекин уларнинг ер юзини қоплаганлик даражаси 0,3–0,4 %га тенгдир. Кейинги 20 й. ичида экологик вазиятнинг ёмонлашуви сабабли ЎЗР “Қизил Китоби”га ўсимлик дунёсининг 147 тури киритилди. Ер қуррасида ҳайвонот дунёсининг 2 млн.дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, улардан ҳар бирининг экотизимларда ўз ўрни ва фойдали экологик хусусиятлари бор. Ер юзида яшовчи ва ўсувчи

ноёб, йўқолиб кетаётган тирик организмларнинг бир тури қўлига мамлакатлар ёки дунё “Қизил Китоб”ларига киритилмоқда. Шунинг учун ҳам инсонлар уларнинг хилма-хиллигини сақлаб қолишлари зарур. 1992 й. Рио-де-Жанейро (Бразилия)да 156 мамлакат раҳбарлари томонидан имзоланган “Биологик хилма-хиллик тўғрисида”ги Конвенция ЎЗР Олий Мажлис томонидан 1995 й. ратификация қилинган. ЎЗР ВМнинг 1998 й. 1 апрелдаги 139-сонли қарори б-н “Биологик ранг-баранглик сақланишининг миллий стратегияси ва ҳаракатлар режаси” маъқулланган. Б.х.-х. тўғрисидаги халқаро Конвенциянинг мақсади: ер қуррасида биологик ресурсларнинг хилма-хиллигини сақлаш; халқ хўжалиги соҳалари (қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқ хўжалиги)да биологик ресурслардан фойдаланишда табиий ресурсларга ва халқ хўжалиги соҳаларига зарар етказмайдиган усулларни қўллаш; генетик ресурсларни ишла-тиш ва улардан фойда олишда адолатли ва тенг ҳуқуқли усулларнинг қўлланилишини рағбатлантириш.

БИОЦИД – ҳаётдан маҳрум этиш. Инсониятга қарши қаратилган халқаро жиноят. Б. экоциддан фарқли равишда, инсониятга ва б. тирик жонотларга қарши қаратилган, ҳарбий низода душман устидан галаба қозониш мақсадида қасдан оммавий қирғин қуролиларини ишлатишда намоён бўлади. Б. маънаи агрессив урушлардир. Б.нинг фарқли белгиси: нейтрон, бактериологик, биологик, захарли (токсинли) кимёвий қуролиларни душман шахсий таркибига ҳарбий техникаси, қуролиларини ва б. моддий қуролиларини ишдан чиқариш мақсадида қасдан душманлик йўлида ишлатилишидир.

БИПАТРИД – (лот. bipatris (bipatridos), bi – икки + юн. polis /polidos/ – давлат сўзларидан; инг. bipatride bipolide) икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган шахс. Халқаро ҳуқуқ томонидан маъқулланмайди. Бипатризм – шахснинг икки ёки ундан ортиқ давлатнинг қонунлари асосида ушбу давлатларнинг фуқароси эканлигидан далолат берувчи ҳуқуқий ҳолатидир. Кўпфуқаролик куйидаги ҳолларда пайдо бўлади:

- а) ҳудудий ўзгаришларда;
- б) аҳоли миграциясида;
- в) фуқароликни олиш тўғрисидаги қонунларни қўллашда зиддият(коллизия)лар мавжуд бўлган ҳолларда;
- г) аралаш никоҳ ва фарзандликка олиш натижасида;
- д) натурализация чоғида, агар бошқа давлат фуқаролигини олаётган шахс ўзининг ҳақиқий фуқаролигини йўқот-маса ва х.к.

Маълум ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва б. сабабларга кўра икки фуқаролик инс.и дунёнинг қатор давлатлари, мас., Арманистон, Бангладеш, Испания, Беларус, Германия, Исроил, Россия, Франция ва Лотин Америкасининг баъзи давлатларида тан олинади. Кўпфуқаролик, бир томондан, давлат учун маълум ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий афзалликлар яратса, иккинчи томондан, индивиднинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишнинг қулайлигини бузади ва жамиятдаги бошқа шахсларнинг Б.лар б-н муносабатларида салбий акс этиши мумкин. Б. ўзи фуқароликка эга бўлган давлатнинг қонунарига асосан ҳуқуқларидан фойдаланишга ҳақлидир. Бир вақтнинг ўзида у икки томонлама мажбуриятларга ҳам эга бўлади. Буидай ҳуқуқий ҳолатларда коллизиялар пайдо бўлиши мумкин.

Халқаро амалиётда кўпфуқароликка нисбатан қуйидаги ёндашувларни кўриш мумкин: икки фуқароликни таққиклаш; кўпфуқароликни тан олиш; икки фуқароликка рухсат бериш. Шунга кўра, халқаро амалиётда икки фуқароликка оид шартномаларнинг тури фарқланади. Кўпгина давлатларнинг қонунчилигида кўпфуқароликни тан олмаслик принципи мустақкамланган. ЎзРнинг қонунчилигида ҳам худди шундай ҳолат белгиланган.

БИР КИШИЛИК КАМЕРАЛАР – маҳкумга нисбатан бошқа таъсир чораларини қўллаш ижобий натижа бермаган ҳолларда, уни умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колонияларнинг қарцерларидаги Б.к.к.га ўтказиш. Б.к.к.да эркак маҳкумларни олти ойга қадар, аёл маҳкумларни уч ойгача сақлаш белгиланган. Б.к.к.да сақланаётган маҳкумларга учрашувлар, телефон сўзлашувлари, посылка ёки йўқлов, бандероллар олиш ҳамда жўнатиш, столда ўйналадиган ўйинлардан фойдаланиш тақиқланади. Махсус қамок ўйлари ва турмаларда ҳам алоҳида ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида Б.к.к.да сақлашга йўл қўйилади.

БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГИ – Б.м.с.о. (хукуки) деганда, ҳар бир сайлов округидан бир номзоднинг сайланишига айтилади. Ўзбекистонда ҳам айрим давлат ҳокимияти органларининг шакллантирилишида бевосита айнан шу принцип қўлланилади. Ушбу принципга асосан ЎзР Парламенти – Олий Мажлис ҚП, маҳаллий кенгашлар депутатларининг сайланишини кўришимиз мумкин. Унга кўра, ЎзР Конс.сининг 77-м.сида қуйидаги қоида ўрнатилган, яъни “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚП ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бир юз йигирма депутатдан иборат”. Сайлов қонунчилигида сайлов округлари қоида тарикасида, ЎзРнинг бутун ҳудудида сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормасини бевосита ваколатли сайлов комиссиялари белгилайди. Ҳозирги кунда жуда кўп хоржий мамлакатларда бир мандатли сайлов принципи қўлланилади. ЎзРда бир мандатли сайлов округини ташкил этишнинг ташкилий-хукукий асослари ЎзР Конс.сининг 117-м.си ҳамда сайловга оид бошқа норматив-хукукий ҳужжатларда мустақкамланиб қўйилган.

БИР НЕЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ – шахс ЎзР ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, суд ЎзР ЖКнинг 54-м.сида назарда тутилган қондаларга мувофиқ, ҳар қайси қилмиш учун жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи б-н қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли б-н жиноятлар мажмуи бўйича яқуний жазо тайинланиши тушунилади.

Жиноятлар мажмуига кўра, жазони белгилашдан олдин суд жазо тайинлашнинг умумий асосларига мувофиқ аввало, ҳар бир жиноят учун алоҳида асосий ва қўшимча жазоларни тайинлаш лозим. Мазкур қоида айбдорнинг ҳар бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида икки ёки ундан ортиқ жиноятларнинг белгилари мавжуд бўлган ҳолатларни ҳам ўз ичига олади.

БИР НЕЧА ХУКМ ЮЗАСИДАН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ – маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этганда, суд томонидан янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшиш йўли б-н яқуний жазо тайинлаш. Шахс томонидан жазо ўташ вақтида янги жиноят содир этилиши унинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқорилигини аналитади. Бундан ташқари, ушбу ҳолат аввалги давлат мажбурият чораси жиноий жазо мақсадларини бажаришга эришилмаганлигидан дарак беради. Ушбу шахсга бошқа таъсирчан чораларни кўриш тақозо этилади. Ҳукмлар жами бўйича жазо тайинлаш, фақат шахс томонидан янги жиноят, ҳукм чиқарилгандан то жазо тўла ўталгунга қадар содир этилган бўлса, қўлланилади. Ҳукмни чиқариш вақти унинг қонуний қучга кириши эмас, балки ҳукмнинг очик эълон қилинишидан бошланади. Б.н.х.ю.ж.т.да, суд узил-кесил жазо тури ва миқдорини, янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазога аввал тайинланган жазони тўла ёки қисман қўшиш йўли б-н аниқлайди. Янги содир этилган жиноят учун тайинланган жазо тўлиқ ҳисобга олиниши лозим. Аввал тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини қисман қўшишда, жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашда ишлатиладиган қисман қўшиш усулини қўллаш мумкин. Бир неча ҳукм юзасидан узил-кесил жазо тайинлашда, янги жиноят учун тайинланган жазога қўшиладиган ўталмаган жазони тўғри аниқлаш муҳимдир. Шунинг учун, судлар ҳукмининг кириш қисмида илгариги ҳукм юзасидан белгиланган жазонинг тури ва ўталмаган қисмини аниқ кўрсатмоғи лозим (ЎзР ЖК 60-м.си).

БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИ (МОНОКАМЕРАЛИЗМ) – парламент бир палатали ва икки палатали каби турларга бўлинади. Бир палатали парламент монокамерал, икки палатали парламент эса, бикамерал парламент деб аталади.

Илк бор Англияда ташкил этилган парламент 1343 й.гача бўлган даврда бир палатали парламент сифатида фаолият юритган.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатларининг айримларида бир палатали парламент бошқаруви сақланиб қолган.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам 2004 й.гача бўлган даврда бир палатали парламент фаолият кўрсатган.

Дунёдаги мамлакатлардан кўпчилиги (60%га яқини) парламенти бир палатали тизимга эга. Жумладан, Австралия, Белгия, Колумбия, Филиппин, Ямайка, Мальта, Янги Зеландия, Парагвай ва б. давлатлар.

БИР ТАРАФЛАМА БИТИМ – қ.: *Битимлар*.

БИР ТОМОНЛАМА АКТ – халқаро ҳуқуқ субъекти томонидан бир томонлама амалга ошириладиган ва халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳатти-ҳаракат. Юридик Б.т.а. фақатгина давлатларнинг шундай хоҳиш-истаклари ва ҳатти-ҳаракатлари ҳисобланадики, унга мувофиқ халқаро ҳуқуқ ҳуқуқий оқибатлари келиб чиқади, яъни халқаро ҳуқуққа кўра юридик акт юзага келади. Б.т.а. белгиланган аҳамиятга эга бўлиши учун: хоҳиш-истак ҳар доим халқаро-ҳуқуқий оқибатларнинг юзага келишига қаратилган бўлиши лозим, модомики, халқаро ҳуқуқ субъектининг ҳар қандай бир томонлама акти ҳам бундай оқибатни келтириб чиқаравермайди. Шунини таъкидлаб ўтиш лозим, халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжуд бўлиши зарур, улар

асосида ёки улар б-н боғлиқ равишда тегишли юридик акт юзага келади.

Б.т.а.га мисол тариқасида, ҳукумат ёки давлат томонидан нейтралитет ёки қўшилмаслик, шартномага бир томонлама қўшилиш, шартноманинг бекор қилиниши ёки ундан чиқиш ҳақида эълон қилиниши, бирон-бир ҳудуднинг белгиланиши, муайян ҳуқуқдан воз кечиш, дипломатик муносабатларнинг узилиши, ультиматум, уруш эълон қилиш ва амалда уруш очиш, уруш тугаганлиги, капитуляция, протест, бир томонлама мажбурият олиш ҳақида эълон қилиш ва б. Б.т.а.лар ҳуқуқий ва ҳуқуққа хилоф бўлиши мумкин. Шунга боғлиқ равишда ҳуқуқий оқибатлари ҳам турлича бўлиши мумкин. Мас., қонуний равишда икки томонлама шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши шартноманинг юридик кучини йўқотишини, қонунга хилоф тарзда икки томонлама шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши эса, халқаро шартномаларни виждонан бажариш принципини бузганлик учун жавобгарликни келтириб чиқаради. Б.т.а., асосан, ҳуқуқни қўллаш соҳасида ишлатилади ва халқаро ҳуқуқнинг манбаси сифатида аҳамиятга эга эмас, шунга қарамадан, уларнинг қонун ижодкорлигига таъсири сезиларли даражада деса ҳам бўлади. Бир томонлама мажбурият олинган вазиятда мажбурият олган томон бир томонлама акт муаллифи ҳисобланади. Ушбу мажбуриятларнинг бекор қилиниши ҳам бир томонлама амалга оширилади. Б.т.а.нинг энг кўп тарқалган шакли бўлиб бир томонлама декларация (баёнот) ва нота ҳисобланади. Б.т.а.нинг ҳақиқийлиги хоши-истакнинг шаклига боғлиқ эмас.

БИР ТОМОНЛАМА ВОЗ КЕЧИШ – икки томонлама ёки кўп томонлама фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг ўзига қонун ҳужжати ёки шартнома бўйича тегишли бўлган ҳуқуқни амалга ошириш ёки мажбуриятни бажаришдан воз кечиши. Б.т.в.к. қонун йўл қўйган ёки қонунга мувофиқ бўлиши лозим. Қуйидаги ҳолларда Б.т.в.к.га йўл қўйилади: а) мажбурият ижроси қарздор томонидан кечиктирилганлиги сабабли унинг кредитор учун аҳамияти қаралмаса (ЎЗР ФКнинг 337-м.си); б) кредитор томонидан қарздорлик мажбурияти ижросини талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиши, бироқ бу ҳол бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаслиги шарт (ЎЗР ФКнинг 348-м.си); в) агар икки тарафлама шартномада бир тараф ўзи жавобгар бўлган вазият туфайли уни бажариш мумкин бўлмай қолса, иккинчи тараф шартномадан воз кечишга ва шартноманинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарни ундириб олишга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 336-м.си). Б.т.в.к. қонун ва шартномаларда бевоқифа назарда тутилган ҳолларда талаб қилинмайди, Б.т.в.к. қонунларда ёки шартномаларда фуқаролик-ҳуқуқий ҳимоя усули, тарафлардан бир томонидан шартнома шартларига риоя қилинмаганда унга нисбатан қўлланиладиган жавобгарлик чораси сифатида назарда тутилади (мас., уй-жой ижарасида ижарачи томонидан ижара ҳақи тўланмаслиги ижарага берувчига шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқини беради ва х.к.). Қонун ҳужжатларида Б.т.в.к.га йўл қўймаслик ҳолатлари назарда тутилиши мумкин, мас., умумий қонда бўйича қарздор мажбуриятни асл ҳолда бажаришдан воз кечишга ҳақли эмас (ЎЗР ФКнинг 330-м.си).

БИР ҚАНЧА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ – шахс ЎЗР ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, улардан бирортаси учун ҳам судланмаганлиги тушунилади. Шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиши унинг ижтимоий ахлоқи бузуқлиги, беқарорлигини, ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини англатади.

Б.к.ж.с.э. тушунчаси умумлаштирувчи жиноий-ҳуқуқий атамадир. У бир шахснинг илгари содир этган қилмишлари учун судлангани ёки йўқми, жиноий жавобгарликка тортилгани ёки йўқми, булардан қатъи назар, бир неча жиноят содир этганлигини ақс эттирадиган ижтимоий ҳодисадир.

Б.к.ж.с.э. жиноий-ҳуқуқий тушунча сифатида уни тавсифлайдиган қатор ҳуқуқий белгиларга эга. Бундай белгилар қуйидагилардан иборатдир: 1) шахс томонидан икки ёки ундан кўпроқ жиноят содир этиш; 2) шахс томонидан турли вақтларда икки ёки ундан кўпроқ жиноят содир этиш; 3) ҳар бир содир этилган қилмишнинг жиноий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши.

Бир қанча жиноят содир этганлик ижтимоий ҳодиса сифатида турли шаклларда намоён бўлади. Жиноят қонунда бир қанча жиноят содир этганликнинг уч шакли мавжуд. Улар – такроран жиноят содир этиш (ЎЗР ЖК 32-м.си); жиноятлар мажмуи (ЎЗР ЖК 33-м.си); рецидив жиноят (ЎЗР ЖК 34-м.си)дир. Зикр этилган бир қанча жиноят мавжудлигининг шакллари жиноятларнинг турлича, бир хилдаги ёки айнан бириқувидан вужудга келади.

Бир қанча жиноят содир этганликнинг барча шакллари умумий ва ўзига хос жиноий ҳуқуқий оқибатларга эга.

Жиноят қонунда назарда тутилган умумий жиноий-ҳуқуқий оқибатлар қуйидаги: 1) жазони оғирлаштирадиган; 2) жиноятни баҳолашга таъсир этадиган; 3) жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод этиш имконини истисно қилиш ҳолатлари каби моҳиятга эга.

БИРГАЛИҚДА СУҒУРТА ҚИЛИШ – суғурта объекти битта шартнома бўйича бир неча суғурталовчи томонидан ўртада суғурталаниши мумкин (Б.с.к.). Агар бундай шартномага суғурталовчилардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмаган бўлса, улар мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта товонини ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича суғурта пулини тўлаш учун суғурта қилдирувчи (наф олувчи) олдида солидар жавобгар бўлади.

Йирик ва алоҳида йирик хавфларни ўртада суғурта қилиш учун биргалиқда суғурталовчилар биргалиқдаги фаолият тўғрисидаги шартнома асосида оддий ширкатлар (суғурта шерикчилиги) тузишлари мумкин.

Биргалиқда суғурталовчилар ўртасида тегишли келишув бўлган тақдирда, улардан бири суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг олдида фақат ўз улуши учун жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, у б-н ўзаро муносабатларда барча биргалиқдаги суғурталовчилар номидан вакил бўлиши мумкин.

БИРЖА (лот. bursa – ҳамён; инг. exchange market; нем. borse) – “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”-ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, юридик шахс бўлиб, олдиндан тайинланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоида-

лар асосида оммавий ва ошкора Б. савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали Б. товарлари савдоси учун шарт-шароит яратлади.

Б.: нарх белгилаш, ҳакамлик, листинг, назорат ва б. Б. комиссияларини тузишга; агар Б. битимларининг нархи кун давомида Б. томонидан белгиланган қийматдан ҳам ортиқроқ ўзгариб кетса, Б. савдосини тўхтатишга; Б. томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашга; Б. савдоси қондаларини бузганлик учун жарималар ҳамда пенялар белгилаш ва ундиришга; Б. ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама нашрларини чиқаришга ҳақлидир.

Қонун ҳужжатларига, Б. устави ва Б. савдоси қондаларига мувофиқ Б. бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Б.: Б. савдоси қондаларини белгилашга; Б. ахборотно-масига киритилган Б. товарлари савдосини ташкил этишга; Б. товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларнинг нархини чиқариб туришга; мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) оммавий ахборот воситаларида Б. товарлари нархини эълон қилишга, Б. аъзоларини ҳар бир Б. савдосининг яқунлари тўғрисида хабардор қилишга мажбур.

Қонун ҳужжатларига, Б. устави ва Б. савдоси қондаларига мувофиқ Б.нинг бошқа мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

Б.лар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилиши мумкин.

Б. устав фондининг миқдори Б. рўйхатга олинган санадаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатлари б-н белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн минг баравари миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

Б.нинг фирма номи "биржа" сўзини ўз ичига олган бўлиши керак.

БИРЖА БИТИМИ – "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 22-м.сига мувофиқ, биржа томонидан рўйхатга олинган биржа товари хусусида биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган олди-сотди шартномасидир. Биржада рўйхатга олинган битимлар нотариал тасдиқланмайди, қонунларда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Б.б.лари биржа номидан ва ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас.

"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 23-м.сига асосан, биржада биржа товарлари олди-сотди битимлари, шу жумладан: реал товарни ўзгага топшириш ёки етказиб бериш ёхуд товарга мулк ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни ўзгага топшириш б-н боғлиқ битимлар: форвард битимлар; реал товарни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолдаги олди-сотди битимлари; фьючерс битимлари; товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимлари (уларни келгусида ижро этиш мажбуриятини олган ҳолда); опцион битимлар; товарларни ёки товарлар етказиб бериш контрактларини белгиланган нарх бўйича келгусида сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқларига доир олди-сотди битимлари тузилиши мумкин. Биржа ушбу модда биринчи қисмининг учинчи-бешинчи хат-бошиларида назарда тутилган, тузилган битимларнинг ижросини кафолатлаши шарт. Б.б.нинг мазмуни (товар-

нинг номи, миқдори, нархи, битим тузилган сана ва вақт ҳамда уни тузган биржа аъзоларининг номи бундан мустасно) ошкор қилиниши мумкин эмас. Б.б.нинг мазмунига доир маълумот судларга, кўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда эса, суриштирув ва тергов органларига тақдим этилади.

"Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 24-м.сига кўра, биржа аъзолари Б.б.ларининг иштирокчилари ҳисобланадилар. Биржа аъзолари (брокерлар) миждозларнинг топшириғига биноан, шунингдек ўз номларидан ва ўз ҳисобларидан (дилерлар) битимлар тузишлари мумкин. Биржа аъзолари ўртасидаги Б.б.лари биржа савдоларининг натижаларига кўра тузилади.

БИРЖА КУРСИ (инг. exchange price, market rate) – фонд биржасида муомалада бўлган қимматбаҳо қозонинг сотилиш нархи. Б.к.га қимматбаҳо қозонга тўланадиган дивиденд ва ссуда фоизи таъсир кўрсатади. Дивиденд миқдори юқори бўлса, Б.к. қиммат, ссуда фоизи юқори бўлса, арзон бўлади. Акцияларнинг номинал қиймати Б.к.га таъсир кўрсатмайди, облигацияларнинг Б.к. эса номинал нархга бевосита боғлиқ бўлади, чунки қайтариб сотиб олиш муддати қанчалик яқин бўлса, уларнинг Б.к. шу қадар юқорироқ юради.

Пул бозорида акциянинг Б.к. дивиденд миқдорига тўғридан-тўғри ва ссуда фоизи даражасига тесқари боғлиқ бўлади. Акциянинг номинал нархи унинг курсига таъсир кўрсатмайди, чунки акция уни чиқарган корхона томонидан сотиб олинмайди.

Акциядан фарқли ўларок, облигациянинг номинал нархи унинг курсига таъсир қилади ва облигацияни сотиб олиш муддати яқинлашган сари, бу таъсир шунчалик кучаяди.

БИРЖА МИЖОЗИ – биржа аъзоси бўлмаган, лекин биржа кўмитасининг рухсати б-н биржа операцияларини амалга оширадиган шахс. Б.м.лари биржа савдоларига доимий, вақтинча ёки бир марталик битимларни тузиш учун қўйилиши мумкин. Бунда Б.м.лари томонидан тузиладиган барча битимлар маклер орқали амалга оширилади. Б.м. биржани бошқариш ва унинг органларини сайлашда иштирок этмайди, чунки бундай ҳуқуқ фақат биржа аъзоларига берилади. Б.м.лари биржа савдоларида иштирок этганлик ва биржа хизматларидан фойдаланганлик учун биржа савдоси қондаларида белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақ тўлайдилар. Бир марталик Б.м.лари фақат реал товарга нисбатан ўз номидан ва ўз ҳисобидан битим тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

БИРЖА ТОВАРИ – белгиланган тартибда биржа савдоларига чиқарилган муайян тур ва сифатдаги товар, шу жумладан, товарга доир стандарт контракт Б.т. ҳисобланади. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк Б.т. бўлиши мумкин эмас ("Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 8-м.си).

БИТИМЛАР – ЎзР ФКнинг 101-м.сига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар. Ҳар қандай битим шахсларнинг эрк-иродаси б-н боғлиқ бўлиб, муайян ҳуқуқий оқибат туғдириш-

га қаратилади. Б. тузиш оркали субъектларнинг у ёки бу эҳтиёжлари қондирилади. Битим шахсларнинг эрки б-н боғлиқ бўлган, уларнинг иродасидан келиб чиқадиган ҳаракат бўлганлиги туфайли битимда ифодаланган эрк изҳор қилиниши, яъни бошқа шахсларга билдирилиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқи фанида Б. ўзларининг белгилари бўйича қатор турларга бўлинади (классификация қилинади). Улардан бири – битим тузувчиларнинг эрклари ифода этилишига қараб Б. бир тарафлама, икки ёки кўп тарафлама Б. (бундай Б., одатда, шартнома деб ҳам юритилади)га бўлинади. Бир тарафлама битимда фақат бир томоннинггина эрки ифодаланadi, ҳуқуқ ва мажбурият фақат бир тарафнинг иродаси бўйичагина вужудга келади, ўзгаради ёки бекор бўлади. Мас., васият, меросдан воз кечиш, ишонч қоғози бериш, ваколат олмасдан вакиллик қилган шахснинг ҳаракатларини ваколат берувчи маъқуллашини кўрсатса бўлади.

Бир томонлама битим уни тузган шахс учун мажбуриятлар келтириб чиқаради. Бир тарафлама битимларга доир ҳуқуқ доктринасидан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар қандай шартнома битим ҳисобланса ҳам, ҳар қандай битим шартнома бўла олмайди. Аксарият Б. шартнома ҳисобланиши мумкин.

Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб хоши билдирган бўлиши керак.

ЎзР ФКнинг 103-м.сига кўра, бир тарафлама битим уни тузган шахс учун бурчлар келтириб чиқаради. У бошқа шахслар учун қонунларда ёки бу шахслар б-н келишувда белгиланган ҳоллардагина бурчлар келтириб чиқариши мумкин.

Бир тарафлама Б.га нисбатан, башарти қонун ҳужжатларига, битимнинг табиати ва моҳиятига зид бўлмаса, мажбуриятлар ва шартномалар тўғрисидаги умумий қоидалар тегишинча қўлланилади.

ЎзР ФКнинг 105-м.сига асосан, Б. оғзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади. Сукут сақлаш қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ҳолларда битим тузишга бўлган хоши-ироданинг ифодаси ҳисобланади.

БИТИМЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ – битим ЎзР ФКда белгилаб қўйилган асосларга кўра, суд ҳақиқий эмас деб топганлиги сабабли (низол битим) ёки бундай деб топилшидан қатъи назар, ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим). Низол битимни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги талабни ЎзР ФКда кўрсатилган шахслар қўйишлари мумкин. Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси б-н қўллашга ҳақли (ЎзР ФКнинг 113-м.си).

Ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги б-н боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарила-

ган иш ёки кўрсатилган хизмат б-н ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул б-н тўлаши шарт (ЎзР ФКнинг 114-м.си).

Ҳақиқий эмас деб топилган битим у тузилган пайтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Битимнинг мазмунидан унинг фақат келажак вақт учун бекор қилиниши мумкинлиги англашилса, ҳақиқий эмас деб топилган битим келажак вақт учун ҳаракатдан тўхтайди (ЎзР ФКнинг 127-м.си).

Битимнинг бир қисми ҳақиқий саналмаслиги битимга ҳақиқий саналмаган қисм қўшилмаса ҳам у тузилган бўлар эди, деб тахмин қилиш мумкин бўлса, унинг бошқа қисмлари ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлмайди (ЎзР ФКнинг 128-м.си).

БЛАНКЕТ ДИСПОЗИЦИЯ – муайян жиноят белгиларининг бошқа ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар ёки қонунности ҳужжатлар асосида аниқланиши. Мас., ЎзР ЖКнинг 200-м.сида ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш хайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотия) тарқалишига, уларнинг ялли қилиб кетиши ёки бошқача оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, жиний жавобгарликка тортилиши белгиланган. Ветеринария қоидалари ва зоотехника қоидалари ЎзР қонунлари ва ВМнинг қарорлари ёки тегишли вазирликларнинг йўриқномаларида белгилаб қўйилиши мумкин. Жиноятнинг объектив томонини аниқлашда ушбу қоидалар кўрсатилган ҳужжатларга мурожаат қилинади ва қайси қоидалар бузилганлиги аниқланади. Б.д. қонунларни ихчамлаштириш ва амалда қўлланишини осонлаштиришда катта аҳамиятга эга.

БЛАНКЕТ НОРМАЛАР – к: *Ҳаволаки (бланкет) нормалар.*

БМТ – “Бирлашган Миллатлар” атамаси Америка Қўшма Штатлари Президенти Франклин Д. Рузвельт томонидан тақлиф этилиб, 1942 й.нинг 1 я. ыаридаги “Бирлашган Миллатлар Декларацияси”да илк бор ишлатилди. Иккинчи жаҳон уруши кетаётган бу вақтда дунёнинг 26 мамлақати вакиллари ўзларининг ҳуқуқматлари номидан уруш оловини ёқувчи мамлакатларга қарши биргаликда курашиш мажбуриятларини олдилар.

БМТнинг Устави Сан-Франциско шаҳрида 1945 й.нинг 25 апрелидан 25 июнигача давом этган 50 мамлакат вакиллари иштирокидаги Халқаро ташкилот тузиш юзасидан ўтказилган конференцияда ишлаб чиқилди. Делегатлар Хитой, Совет Иттифоқи, Буюк Британия, Америка Қўшма Штатлари вакиллари томонидан Думбартон-Оксда 1944 й.нинг август-октябрь ойлари давомида ишлаб чиқилган тақлифларни конференция ишига асос қилиб олишди. Устав 1945 й. 26 июнь куни 50 мамлакат вакиллари томонидан имзоланди.

Юқорида тилга олинган конференцияда қатнашмаган бўлса-да, Польша давлати кейинчалик 51-мамлакат сифатида Уставни имзолади. БМТ расмий равишда 1945 й.нинг 24 октябридан фаолият кўрсатмоқда. Ушбу қонунга унинг Уставини Хитой, Франция, Совет Иттифоқи, Буюк Британия, АКШ ва б. кўпгина давлатлар ратификация қилишган эди. Шундан бери ҳар йили йигирма тўртинчи октябрь – БМТ ташкил этилган кун сифатида нишонланиб

келинмоқда. Ташкилот аъзолигига қабул этиш Устав мажбуриятларини қабул қилган барча тинчликсевар давлатлар учун очик, фақат улар Ташкилот даъватига кўра ушбу мажбуриятларни бажара олишлари ва буни ўзлари хоҳлашлари керак.

БМТ аъзолигига янги давлатлар Хавфсизлик Кенгашининг таклифига кўра Бош Ассамблея томонидан қабул қилинади. Уставда аъзо давлатлар ҳуқуқи ва уларга бериладиган имтиёзлар тўхтатилиши ёки Устав принципларини бузган давлат аъзолликдан чиқарилиши ҳам мумкинлиги эслатилган, лекин бундай қарор бугунга қадар БМТ томонидан қабул қилинган эмас.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ – суверен давлатларнинг ҳақиқий демократик вакиллик органи. Хар бир аъзо давлат ҳудудининг ҳажми, аҳолининг сони, иқтисодий ва харбий қудратидан қатъи назар, бир овозга эга. Бош Ассамблеянинг муҳим қарорлари овоз бериш жараёнида иштирок этаётган давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинади.

У Хавфсизлик Кенгашининг нодоимий аъзоларини сайлаш, Иқтисодий ва ижтимоий кенгашнинг аъзоларини сайлаш, БМТ янги аъзоларини қабул қилиш, БМТ Бош Котибини тайинлаш, ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатларини чеклаш, ташкилот аъзолигидан чиқариш, бюджет ва б. техник-маъмурий масалалар бўйича бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш каби муҳим ишларни бажаради. Халқаро хавфсизлик ва тинчликни қўллаб-қувватлашга қаратилган масалалар бўйича у тавсиявий характерга эга резолюция ва декларациялар қабул қилади.

Бош Ассамблея ишида БМТга аъзо бўлмаган БМТ қошида доимий кузатувчиларга эга бўлган (Ватикан, Швейцария) ва эга бўлмаган давлатлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Бундан ташқари, Фаластин Озодлик Харакати Ташкилоти, бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ва БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ҳам доимий кузатувчи макомига эгадирлар.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ҚЎМИТАЛАРИ – БМТ Бош Ассамблеясининг Бош қўмиталари; Сиёсий масалалар ва хавф-излик масалалари қўмитаси (қуролланишни тартибга солиш ҳам шунга қиради); Махсус сиёсий қўмита (бу ҳам сиёсий масалалар б-н шуғулланади), Иқтисодий ва молия масалалари қўмитаси, Ижтимоий ва гуманитар ҳамда маданият масалалари қўмитаси, Васийлик ва ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар масалалари қўмитаси, Маъмурий ва бюджет масалалари қўмитаси. Уставга биноан Бош Ассамблея доимий ёки муваққат ёрдамчи ва махсус органлар тузишга ҳақлидир. Улардан асосийлари: Инвестициялар қўмитаси; Ходимларнинг пенсия жамғармаси қўмитаси; Тафтиш комиссияси; Халқаро ҳуқуқ комиссияси; Коллектив тадбирлар қўмитаси; Атом электр станциясининг таъсири бўйича БМТ илмий қўмитаси; Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича маслаҳат (консультатив) қўмитаси; Космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси; Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияни амалга ошириш бўйича махсус қўмита (“24 лар қўмитаси”), Савдо-сотик ва тараққиёт бўйича БМТ Конференцияси ва б..

БМТ БОШ КОТИБИ – БМТ Уставига асосан (97-м.), ушбу ташкилот маъмуриятидаги бош мансабдор шахс. БМТ

Б.к. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ, қайта сайлавиш имконияти б-н 5 й.лик муддатга сайланади. БМТ Б.к. Бош Ассамблея томонидан ўтказиладиган барча кенгашларда иштирок этади, шунингдек ўзига юклатилган бошқа вазифаларни ҳам бажаради. Бош котибнинг вазифаси маъмурий-ижрочилик характерига эга. Бош котиб, шунингдек сиёсий характердаги ваколатларга ҳам эга, яъни у халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустахкамлашга хавф туғдириши мумкин бўлган хар қандай масалани Хавфсизлик Кенгаши эътиборига ҳавола қилиш ҳуқуқига эга (БМТ Уставининг 99-м.си). Бош котиб хар йили Бош Ассамблеяга ташкилотнинг иши тўғрисидаги маърузани тақдим этади.

БМТ КОТИБИЯТИ – барча органлар мажлиси иш-ни техник жиҳатдан таъминлаш, хисоботларни эълон қилиш ва тарқатиш, архивларни сақлаш, ташкилотнинг расмий ҳужжатлари ва ахборот ҳужжатлари чақиришни амалга оширади. БМТ К. БМТ аъзолари томонидан тузиладиган халқаро шартномаларни рўйхатдан ўтказиши. БМТ К. ходимлари уч туркум: олий маъмурий мансабдор шахслар: Бош котиб ва унинг ўринбосарлари; мутахассислар синфининг халқаро мансабдор шахслари; техник ходимлар (котиблар, курсерлар)га бўлинади. БМТда хозирги даврда 16 минг кишидан кўпроқ ходим бор. Хизматга олиш доимий ва муддатли шартнома тартибда амалга оширилади. БМТ К. – Бош котиб ва б. ходимлардан иборат. Бош котибни Хавфсизлик Кенгаши тавсиясига мувофиқ Бош Ассамблея беш йил муддатга тайинлайди. Бош котиб хар йили БМТ фаолияти ҳақида Бош Ассамблеяга ҳисобот бериб туради. Котибият ходимларини Бош котиб тайинлайди. Котибиятнинг вазифаси БМТ ва унинг органларининг нормал ишлашини таъминлаш, Бош Ассамблея ва БМТнинг бошқа органлари қарорларининг амалда бажарилишига ёрдам беришдир. Котибият департаментлар ва бошқармаларга бўлинади: Сиёсий масалалар ва Хавфсизлик Кенгаши ишлари департаменти, Иқтисодий ва ижтимоий масалалар департаменти, Васийлик ва ўз-ўзини бошқармайдиган ҳудудлар департаменти, Назорат бошқармаси, Кадрлар бошқармаси, Бош котибнинг Маъмурий идораси, Ижтимоий ахборот бошқармаси, БМТнинг Женева бўлими.

БМТ УСТАВИ – моҳиятига кўра замонавий халқаро ҳуқуқ ютуқларини ўзида мужассамлаштирган беназир ҳужжат. БМТ У. “Биз, Бирлашган Миллатлар халқлари, қатъият б-н...” сўзлари б-н бошланувчи муқаддима ва 111 м.дан иборат бўлиб, 19 бобни ўз ичига олади. БМТ У.нинг бирламчи лойиҳаси 1944 й.нинг август-октябрь ойларида Думбартон-Окс (АҚШ)да бўлиб ўтган конференцияда собиқ Совет Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия ва Хитой вакиллари томонидан ишлаб чиқилди. “Катта учлик” раҳбарлари иштирокидаги Қрим (Ялта) конференциясида (1945 й., февраль) тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тинчликсевар кучлар б-н ҳамкорликда универсал халқаро ташкилот яратиш масаласи ҳам қизгин муҳокама қилинган. Уч буюк давлат Совет Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия раҳбарлари 1945 й. 13 февралда эълон қилинган қўшма комюникеларида аввалги келишувларга мувофиқ ташкилот Уставини тайёрлаш учун 1945 й. 25 апрелда Сан-Франциско ш.да Бирлашган Миллатлар конференциясини ча-

кириш зарурлиги қайд этилди. Тинчликни таъминлашнинг туб масалаларида ушбу ташкилотнинг фаолияти буюк давлатларнинг ҳамфикрлиги принципи асосида бўлиши белгилаб қўйилди. Конференцияда БМТга Белорусия ССР ва Украина ССРни бирламчи аъзолар сифатида киритиш ҳақидаги Совет Иттифоқининг таклифи қўллаб-қувватланди. Бошқа иттифоқдош республикаларга бундай ҳуқуқ берилмади. Уставнинг якуний матни 1945 й. 25 апрелдан 26 июнга қадар Сан-Францискода (АҚШ) ўтказилган Бирлашган Миллатлар Конференциясида 50 давлат вакиллари томонидан қўриб чиқилди ва имзоланди. Кейинроқ Польша ҳам ушбу ҳужжатга имзо чекди. БМТ У. 24 октябрда кучга кирди. Шу муносабат б-н 1848 й.дан бошлаб, БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 й. 31 октябрда қабул қилинган 168 (II) Резолюциясига асосан 24 октябрь БМТ куни сифатида нишонланиб келинмоқда.

БМТНИНГ ВАСИЙЛИК КЕНГАШИ – БМТнинг Васийлик тизимига қўшилган ҳудудларнинг бошқарилишини назорат қиладиган, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиб, лекин васийликдаги ҳудудларни бошқармайдиган, васийликни амалга ошириш учун Бош Ассамблея томонидан уч йил муддатга сайланадиган давлатлардан ташкил топган ташкилот. Васийлик кенгаши 1946 й. декабрда БМТнинг биринчи сессиясида ташкил этилган. БМТ Уставининг 87-м.сига мувофиқ, Васийлик кенгаши васийликка олган ҳокимиятнинг йилда бир марта тақдим этидиган хисоботини ҳамда васийликдаги ҳудуд халқидан тушган илтимоснома ва талабларни қўриб чиқади, васийликка олинган ҳудудларга бориб, топшириқларнинг бажарилишини назорат қилади ва х.к. Васийлик кенгаши ўз фаолиятини Бош Ассамблея раҳбарлиги ва назоратида олиб боради. Васийлик кенгашида масала кўпчилиги овоз б-н хал қилинади. Ҳозир васийлик тизимида Янги Гвинея ва васийлик остидаги стратегик ҳудуд деб эълон қилинган Тинч океан ороллари (бошқарув ҳокимияти – АҚШ) қолган, холос.

БМТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ КЕНГАШИ – БМТнинг асосий органларидан бири. Иқтисодий, ижтимоий, маданият, маориф, соғлиқни сақлаш соҳаларида халқаро масалалар юзасидан тадқиқотлар ўтказди, маърузалар тузади, халқаро конференциялар чақиради, ўз ҳуқуқлари доирасидаги масалалар юзасидан конвенциялар лойиҳаларини тайёрлайди. БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш, барча иқтисодий ва ижтимоий масалалар юзасидан Бош Ассамблея тавсияларини амалга ошириш б-н шуғулланади. Кенгашнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Кенгаш ҳар йили икки марта навбатдаги сессияга тўпланади. Кенгашнинг доимий кўмиталари (Саноат тараққиёти кўмитаси, Ҳукуматдан ташқари ташкилотлар кўмитаси, Турар-жой масаласи, қурилиш ва режалаштириш кўмитаси ва б.) ҳамда функционал комиссиялари (Статистика комиссияси, Аҳоли комиссияси ва х.к.) бор. Кенгашнинг махсус органлари: Кенгайтирилган техника ёрдам дастури, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), БМТ Махсус жамғармаси ва б.. Бундан ташқари, Европа учун Иқтисодий комиссия, Осиё ва узоқ Шарқ учун Иқтисодий комиссия, Лотин Америкаси учун Иқтисодий комиссия, Африка учун Иқтисодий комиссия Кенгаш ишига ёрдам бериб туради.

БМТНИНГ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ – БМТнинг энг муҳим органи бўлиб, 15 аъзодан иборат. Ушбу аъзоларнинг бештаси (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) доимий, қолган ўнтаси нодоимий бўлиб, улар сайланадилар.

Хавфсизлик Кенгашининг қоидаларига тегишли масалалар бўйича қарорлар аъзоларнинг исталган тўққизтаси ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Қолган барча масалалар бўйича қарорлар Кенгашнинг барча доимий аъзолари овозларини қўшиб ҳисоблаганда тўққизта аъзо ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, доимий аъзолардан биттаси ёки бир нечтаси бирор-бир қарорга нисбатан қарши овоз берса, бу қарор қабул қилинмайди. Бундай ҳолат вето қўйлиши деб аталади.

БМТ Уставига қўра, Хавфсизлик Кенгаши урушнинг олдини олиш, давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилишлариغا шарт-шароитлар яратишда катта ваколатларга эга.

Хавфсизлик Кенгаши томонидан БМТ Уставига мувофиқ қабул қилинган баъзи қарорлар меъёр ўрнатувчи маъмунида бўлиши мумкин.

БМТ тизими Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бошқа орган томонидан қайта қўриб чиқилиши ёки даъво қилиниши имконини бекор қилади. Бу қарорлар муқаммал саналади ва текширилиши мумкин эмас.

БМТ Уставига мувофиқ Хавфсизлик Кенгаши доимий фаолият қўрсатиши, аъзо давлатлар номидан тез ва самарали иш қўрмоғи лозим. Шу мақсадда Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси БМТ қароргоҳида доим ўз вакилига эга бўлиши керак.

БОЖ – ЎЗРнинг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов. ЎЗРда импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, антидемпинг, компенсация) Б. қўлланилади. Алоҳида Б.ларнинг қўлланилиш тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (“Бож тарифи тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

ЎЗРда Б. ставкаларининг қуйидаги турлари қўлланилади:

Б. ундириладиган товарларнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланадиган адвалор ставкалар;

Б. ундириладиган товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланадиган хос ставкалар;

Б.нинг адвалор ҳамда хос турларини ўз ичига оладиган аралаш ставкалар (“Бож тарифи тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.си).

БОЖ ИМТИЁЗЛАРИ – божхона ҳуқуқида юридик ва жисмоний шахсларга бойлиқлар, шахсий буюмлар, бошқа предметларни олиб кириш, олиб чиқиш ёки ўтказишда бериладиган афзалликлар. Б.и. – умумий қўлланиладиган божхона режимида қулай истиснолар сифатида намоён бўлади. Улар қуйидаги шаклларда берилади: божлар ва йиғимлардан озод қилиш, божхона чегараларидан товарлар, шахсий буюмларни ўтказишнинг оsonлаштирилган тартибини қўллаш ёки бундай тартибни умуман қўлламаслик, умумий қоида бўйича тақиқланган бирор нарса мамлакатга олиб кириш ёки олиб чиқиш ҳуқуқини бериш. Юридик табиатига қўра, Б.и. халқаро шартномага асос-

ланган конвенциявий ҳамда давлат бир тарафлама ўрнатадиган бир томонлама Б.и.га бўлинади.

БОЖ ОЛИНМАЙДИГАН САВДО ДЎКОНИ (инг. Shop of trade duty) – божхона режимларининг бир тури ҳисобланади. ЎзР БКнинг 29-м.сига мувофиқ, Б.о.с.д. шундай режимки, бунда товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари ЎзР БКга мувофиқ белгилайдиган жойларида бож, солиқлар ва иктисодий снѐсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туради ҳамда реализация қилинади. Б.о.с.д. режимига божхона ҳудудига олиб кириш ҳамда ундан олиб чиқиш ва ЎзР ҳудудига реализация қилиш тақиқланган товарлар жойлаштирилиши мумкин эмас. ЎзР ҳудудига реализация қилиниши чекланган товарлар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Б.о.с.д. режимда реализация қилиниши мумкин. Б.о.с.д. режимига жойлаштирилган товарлар бож олинмайдиغان махсус савдо дўконларида реализация қилинади.

БОЖ ТАРИФИ – “Бож тарифи тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, божхона чегарасидан олиб ўтиладиган, ЎзР Ташқи иктисодий фаолиятининг товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда бир тизимга солинган товарларга нисбатан қўлланиладиган бож ставкаларининг тўплами. Товар номенклатураси ЎзР ВМ томонидан белгиланади. Агар ЎзРнинг халқаро шартномасида Б.т. тўғрисидаги конун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

БОЖ ТЎЛОВЛАРИ – ЎзР БКнинг 103-м.сига мувофиқ, товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда қуйидаги божхона тўловлари тўланади: бож; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; божхона ҳудудига қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш б-н боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар; божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар; божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими; товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими; товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун божхона йиғими; дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ.

Қонун ҳужжатларида бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

БОЖХОНА АНКЛАВИ – бир давлат ҳудудининг бошқа бир давлат божхона ҳудудига қисми.

БОЖХОНА БАҲОСИ – ЎзРнинг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар қийматини божхонада аниқлашнинг конун ҳужжатларига мувофиқ қўлланиладиган усуллари тизими.

ЎзРнинг божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиладиган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади (“Бож тарифи тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 16-м.си).

Олиб кириладиган товар юзасидан тузилган битимнинг қийматига қараб баҳолаш товарнинг Б.б.ни чиқаришнинг асосий усулидир.

Агар асосий усулдан фойдаланиб бўлмаса, Б.б.ни чиқаришнинг қуйидаги усуллари бирин-кетин қўлланилади:

айнан бир хил товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш; ўхшаш товар юзасидан тузилган битим қийматига қараб баҳолаш; қийматларни чегириб ташлаш асосида; қийматларни қўшиш асосида; резерв усул. Қийматларни чегириб ташлаш ва қийматларни қўшиш асосидаги усуллар исталган кетма-кетликда қўлланилиши мумкин (“Бож тарифи тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 17-м.си).

БОЖХОНА БРОКЕРИ – ўзини вакил қилган шахс ҳисобидан ва унинг топшириғига биноан божхона расмийлаштируви бўйича операцияларни ўз номидан ўтказувчи ҳамда божхона иши соҳасида бошқа воситачилик вазифаларини бажарувчи ЎзРнинг юридик шахси.

Б.б. б-н уни вакил қилган шахснинг ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади.

Б.б.нинг божхона органлари олдидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уни вакил қилган шахс б-н тузилган шартномада чеклаб қўйилиши мумкин эмас.

Юридик шахс Б.б. сифатида фаолият олиб бориш учун ходимлар штатида божхона расмийлаштируви бўйича мутахассисга эга бўлиши ҳамда ЎзР БК 100-м.си иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидан назарда тутилган ҳолларда фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузиши шарт.

Юридик шахсларнинг Б.б. сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

БОЖХОНА ГАРОВ ХАТИ – товар эгаси бож тўлагунча юқларнинг гаровга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

БОЖХОНА ДЕКЛАРАЦИЯСИ – ЎзР божхона чегарасидан олиб ўтиладиган ёки божхона режими ўзгартириладиган товарлар ва транспорт воситалари, шунингдек бошқа товарлар ва транспорт воситалари учун конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда божхона органига декларация топширилиши лозим.

Декларациялаш товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги, улар жойлаштириладиган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни, божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга оширилади. Декларациялашнинг шакли ва тартиби, шунингдек Б.д.да кўрсатилган маълумотларнинг рўйхати конун ҳужжатларида белгиланади.

Товарлар учун божхона расмийлаштирувидан ўтказиладиган божхона органига декларация топширилади. Товарлар ташийдиган транспорт воситалари товарлар б-н бир вақтда декларацияланади. Юксиз транспорт воситалари ва йўловчилар ташиётган транспорт воситалари ЎзРнинг божхона чегарасини кесиб ўтиш вақтида декларацияланади. Денгиз, дарё ва ҳаво кемалари ўзи етиб келган ЎзР божхона ҳудудига порт ёки аэропортда ёхуд ўзи жўнаб кетган ЎзР божхона ҳудудига порт ёки аэропортда декларацияланади.

Б.д. божхона органлари томонидан белгиланган муддатларда топширилади. Бу муддатлар товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаслиги лозим. Жисмоний шахслар томонидан нотижорат мақсадлардаги товарларни қўл юки ва бағаж ҳолида божхона чегарасидан олиб ўтишда Б.д. товарлар-

ни кўрсатиш б-н бир вақтда топширилади. Божхона ҳудудига кириб келаётган транспорт воситалари ЎзР божхона чегарасини кесиб ўтганидан кейин кўпи б-н уч соат, божхона ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситалари эса ЎзРнинг божхона чегарасини кесиб ўтишга кўпи б-н уч соат қолганида декларацияланади. Ушбу кўрсатилган муддатлар божхона органлари белгилайдиган тартибда ва шартларда узайтирилиши мумкин (ЎзР БКнинг 89–92-м.лари).

БОЖХОНА ИШИ – Б.и. ЎзРнинг божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, бож тўловларини ундириш, божхона расмийлаштируви, божхона назоратини амалга ошириш тартиби ва шартларидан ҳамда божхона сиёсатини амалга оширишнинг бошқа воситаларидан иборатдир.

Б.и. ЎзР божхона органлари томонидан амалга оширилади (ЎзР БКнинг 2-м.си).

БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИ – товарлар ва транспорт воситаларини, шу жумладан, кузатувчисиз бағажда, халқаро почта жўнатмалари ва юкларда олиб ўтилаётган нотижорат мақсадларидаги товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун; товарлар ва транспорт воситаларини белгиланган жойлардан ташқарида ва божхона органларининг белгиланган иш вақтидан ташқари вақтда божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун; товарлар ва транспорт воситаларини божхона органлари эгалигидаги божхона омборлари ва вақтинча сақлаш омборларида сақлаганлик учун; товарларни божхона кузатувига олганлик учун ундириладиган бож тўловлари (ЎзР БКнинг 105-м.си).

БОЖХОНА КОДЕКСИ – қ: *Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси*.

БОЖХОНА КРЕДИТИ – баъзи мамлакатларнинг божхона муассасалари томонидан кечиктирилган вақт учун бож миқдорига фозилар тўлашга қафолатлар берилганда божхона божи тўловларини кечиктириш.

БОЖХОНА КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ – товарлар ва транспорт воситаларини Б.к.ў. товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишнинг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож, солиқлар, йиғимлар олиш, шунингдек олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш таққиланган товарлар божхона чегараси орқали ўтишининг ҳамда божхона ҳудуди орқали транзит тартибда ўтишининг олдини олиш учун божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар товарлар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир, божхона органлари мансабдор шахсларининг талабига кўра эса текшириш пайтида ҳозир бўлишлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларига зарур ёрдам кўрсатишлари шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга шахс бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс деб ҳисобланади.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар йўқлигида божхона органлари қуйидаги ҳолларда товарлар ва транспорт воситаларини

кўздан кечиришга ҳақли: улар товарлар ва транспорт воситалари тақдим этилганидан сўнг ўн кун ўтганидан кейин келмаган бўлса; давлат хавфсизлиги, жамоат тартибига, инсон ҳаёти ва соғлиғига, хайвонот ва ўсимликлар, атроф табиий муҳитга, ЎзРнинг бадий, тарихий ва археологик бойликлари сақланишига хавф мавжуд бўлганда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда; товарлар халқаро почта жўнатмалари орқали юборилган бўлса; товарлар ва транспорт воситалари улар жойлаштирилган божхона режимини бузган ҳолда божхона ҳудудига қолдирилган бўлса (ЎзР БКнинг 44-м.си).

БОЖХОНА МУҲРИ – божхона таъминотини ҳамда божхона ҳужжатларини тасдиқлаш воситаси.

БОЖХОНА НАЗОРАТИ – қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида божхона органлари амалга оширадиган тадбирлар мажмуи.

Б.н. божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қуйидаги йўллар б-н ўтказилади:

божхона мақсадлари учун зарур бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш;

жисмоний ва мансабдор шахсларни оғзаки сўраб-суриштириш;

божхона кўригидан ўтказиш;

товарлар, транспорт воситалари, бинолар ва б. жойларни божхона томонидан қиёслаш;

товарлар ва транспорт воситаларини ҳисобга олиш;

ҳисобга олиш ва ҳисобот тизимини текшириш;

Б.н.дан ўтказишлиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситалари туриши мумкин бўлган ёхуд назорат қилиш божхона органлари зиммасига юклатилган фаолият амалга оширилаётган ҳудудлар, бинолар ва б. жойларни текшириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда.

Б.н. ўтказилаётганида инсон, хайвонот ва ўсимликлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз бўлган ҳамда товарлар ва транспорт воситаларига зиён етказмайдиган техникавий ва б. воситалар қўлланилиши мумкин.

Б.н.ни ўтказиш қондалари қонун ҳужжатларида белгиланади (ЎзР БКнинг 39-м.си).

БОЖХОНА НАЗОРАТИ ЗОНАЛАРИ – Б.н.з. божхона чегаралари бўйлаб, божхона расмийлаштируви жойларида, божхона органлари жойлашган ерларда ва божхона органлари томонидан белгиланадиган бошқа жойларда тузилади. Б.н.з.ни тузиш ва белгилаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади. Б.н.з.да ишлаб чиқариш, тижорат фаолиятини ва б. фаолиятни амалга оширишга, шунингдек уларнинг чегаралари орқали транспорт воситалари, товарлар ва шахсларни олиб ўтишга божхона органларининг руҳсати б-н ва назорати остида йўл қўйилади (ЎзР БКнинг 42-м.си).

БОЖХОНА ОМБОРИ – шундай божхона режимики, бунда олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланади, экспорт режимида олиб чиқишга мўлжалланган товарлар эса божхона назорати остида ЎзР БКнинг 26-м.сида назарда тутилган имтиёзлар берилган ҳолда сақланади.

ЎзРга олиб кириш, ЎзРдан олиб чиқиш, ЎзР худуди орқали транзит олиб ўтиш ман этилган товарлар ҳамда рўйхати қонун ҳужжатлари б-н белгиланадиган бошқа товарлар Б.о. режимида жойлаштирилиши мумкин эмас.

Товарлар Б.о. режимида уч йил мобайнида туриши мумкин. Ушбу муддат товарларнинг айрим тоифалари ва айрим шахслар учун қонун ҳужжатлари б-н чекланиши мумкин, лекин у бир йилдан кам бўлмаслиги керак.

Белгиланган муддат тугагунга қадар товарга нисбатан ваколатга эга бўлган шахс томонидан товарни бошқа божхона режимида жойлаштириш сўралиши керак. Бу талабларга риоя этилмаган тақдирда, товар божхона органига қарашли Б.о.га вақтинча сақлаш режимида жойлаштирилади.

Б.о. режимида жойлаштирилган товарлар б-н қилинадиган операциялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби ЎзР БКда белгиланади (ЎзР БКнинг 25-м.си).

БОЖХОНА ПОСТИ – божхонанинг муайян жойда ёки муайян ҳудудда божхона орқали расмийлаштирилиши ва божхона назоратини тўла ҳажмда амалга оширишга ваколатли бўлган бўлимаси. Юридик шахс ҳуқуқларига эга эмас. Б.п. одатда божхона маъмуриятдан узокда, унга бўйсунадиган божхона органи ваколатига (юрисдикциясига) кирувчи ҳудудда жойлашган бўлади. Б.п.нинг фаолияти одатда вил.нинг бир-икки тум.га, транспорт инфраструктурасининг объектларига (кичикроқ дарё портлари, аэропортлар, темирйўл станцияларига) дахлдор бўлади. Б.п. қоида бўйича давлат чегараси бўйлаб деярли ҳар бир ўтиш жойида ташкил этилади. Б.п. йирик саноат корхонасида ҳам тузилиши мумкин. Б.п. кўпроқ юкларни кўздан кечириш ва расмийлаштириш б-н шуғулланади. Б.п.нинг таркибий қисмига пост бошлиғи ва ҳудудий принцип бўйича ташкил этилган бўлимлар қиради. Бўлим штатига бўлим бошлиғи, божхона хизмати бош назоратчиси, катта назоратчилари ва назоратчилар қиради.

БОЖХОНА ПРОЦЕДУРАЛАРИ – товарларларни ўтказиш тартибининг бажарилишини назорат қилиш; нарса ва буюмларни кўздан кечириш; божхона ҳужжатларини расмийлаштириш; божхона таъминотини қўллаш; юк божхона декларациясини тўлдирининг тўғрилигини, тўланиши керак бўлган суммаларнинг ўтказилишини текшириш; ЎзРнинг тегишли давлат органларига статистик маълумотларни бериш ва божхона масалаларига доир қонун ҳужжатларини қўллашда ЎзР божхона органлари амалга оширадиган бошқа ҳаракатлар.

БОЖХОНА РАСМИЙЛАШТИРУВИ – товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона назоратини таъминлаш мақсадида божхона органларининг мансабдор шахслари амалга оширадиган операциялар мажмуи (ЎзР БКнинг 7-м.си).

Б.р. божхона органи фаолият кўрсатадиган зонадаги шу мақсад учун ажратилган, товарларни жўнатувчи ёки олувчи ёхуд уларнинг таркибий бўлинимаси жойлашган ерларда божхона органининг иш вақтида амалга оширилади.

Манфаатдор шахснинг ёзма илтимосномасига биноан унинг ҳисобидан ва божхона органининг розилиги б-н Б.р. бошқа жойларда ва божхона органининг иш вақтидан ташқари вақтда амалга оширилиши мумкин.

Божхона органлари жойлашган ерларда эмас, бевосита ўз ҳудудларида ёки биноларида Б.р.ни ўтказишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар бу органларга хизмат ва маиший биноларини, ускуналар ҳамда алоқа воситаларини бепул бериб қўядилар.

Божхона органи товарлар ва транспорт воситаларининг Б.р.ни божхона декларацияси қабул қилинган ҳамда барча зарур ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим этилган пайтдан бошлаб ўн кундан кечиктирмай, ЎзР БК 81-м.сининг биринчи қисмида тилга олинган товарларга нисбатан эса, уч кундан кечиктирмай амалга оширади. Мазкур муддатлар давлатнинг бошқа органлари товарлар ва транспорт воситаларини назорат қилиши учун зарур бўлган вақтни ўз ичига олмайди.

Б.р.дан ўтказилиши лозим бўлган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар Б.р. вақтида иштирок этишга ҳақлидир, божхона органи мансабдор шахсларининг талабига биноан эса, Б.р. вақтида ҳозир бўлишлари ва расмийлаштирилиши амалга оширишда уларга зарур ёрдам кўрсатишлари шарт (ЎзР БКнинг 75–77-м.лари).

БОЖХОНА РЕЖИМИ – ЎзР божхона чегараси орқали божхона мақсадларида олиб ўтиладиган товарлар ва транспорт воситаларининг мақомини белгиловчи қоидалар мажмуи (ЎзР БКнинг 7-м.си).

ЎзР БКнинг 16-м.сига мувофиқ, товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтиш уларнинг Б.р.ларига мувофиқ амалга оширилади.

Қуйидаги турдаги Б.р.лари белгиланади: эркин муомалага чиқариш (импорт); реимпорт; экспорт; реэкспорт; транзит; вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш); вақтинча сақлаш; божхона омбори; эркин божхона зонаси; эркин омбор; бож олинмайдиган савдо дўкони; божхона ҳудудида қайта ишлаш; божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш; йўқ қилиш; давлат фойдасига воз кечиш.

Шахс, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар ва транспорт воситаларининг хусусияти, миқдори, қайси мамлакатда ишлаб чиқарилгани ёки қайси мақсадга мўлжалланганлигидан қатъи назар, исталган режимни танлашга ёки уни бошқасига ўзгартиришга ҳақли.

Б.р.ларининг қўлланиш тартиби ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади.

БОЖХОНА СИЁСАТИ – божхона тизими орқали амалга ошириладиган ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги йўналишлар ва чоралар мажмуи. ЎзРда ЎзР ички ва ташқи сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланувчи ягона Б.с. амалга оширилади. Б.с.нинг асосий мақсадлари ЎзР божхона ҳудудида самарали божхона назоратини ҳамда товар айирбошлашни тартибга солишни таъминлашдан, иқтисодиётнинг ривожланишини рағбатлантиришдан, ички бозорни ҳимоялашдан иборат.

БОЖХОНА ТАШУВЧИСИ – товарлар ташишни божхона кузатувини қўлламаган ва божхона тўловлари тўланишини таъминловчи гаров суммаларини киритмаган ҳолда божхона назорати остида амалга оширувчи ЎзРнинг юридик шахси. Б.т. – божхона назоратида бўлган товарларни божхона кузатувисиз ва божхона тўловларининг (товарлар ва транспорт воситаларига гаров, бошқа

шахсларнинг кафолати, депозитга лозим сумманинг) тўланишини таъминламасдан туриб ташишга ҳақлидир. Б.т. ЎзР БК асосида ташувчига нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этиши, шунингдек: Б.т.ни рўйхатга олган божхона органининг фаолият зонасидаги божхона расмийлаштируви жойига жуда бўлмаганда битта транспорт воситаси 24 соат ичида етиб келишини таъминлай оладиган зарур миқдордаги махсус жихозланган транспорт воситаларига эга бўлиши; товарлар божхона органининг рухсатсиз бериб юборилган, йўқотилган ёки юк келиб тушадиган божхона органига элтиб берилмаган тақдирда, тегишли равишда эркин муомалага ёки экспортга чиқариш режимларида тўланиши лозим бўлган бож тўловларини тўлаётганда (товарлар ҳалокат ёки енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида йўқ бўлган ёхуд қайтариб бўлмайдиган тарзда қўлдан кетган, ёхуд камомат табиий эскириш ёки нормал ташиш ва сақлаш шароитида камайиш туфайли юзага келган ёхуд органлар ёки мансабдор шахсларнинг конунга хилоф хатти-ҳаракатлари натижасида эғаликдан чиқиб кетган ҳоллар бундан мустасно) фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузиши; божхона назорати остида ташишларнинг ҳисобини юритиши ва божхона органларига тегишли ҳисобот тақдим этиши шарт. Б.т.нинг товарларни жўнатувчи б-н ўзаро муносабатлари шартнома асосида йўлга қўйилади. Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланади (ЎзР БКнинг 64-м.си).

БОЖХОНА ТАЪМИНЛОВИ – божхона органлари пломбалар, муҳрлар босиш, рақамли, ҳарфли ва б. маркалар, киёслаш белгилари қўйиш, штамплар босиш йўли б-н амалга оширадиган товарлар ва транспорт воситаларини, бинолар ва б. жойларни киёслаш воситаси (ЎзР БКнинг 7-м.си).

БОЖХОНА ТИЗИМИ – 1) умумий ва йиғма тушунча бўлиб, у нафақат божхона сўғатини амалга оширишни таъминловчи давлат ва нодавлат тузилмаларини, балки улар фаолиятининг амалий шакллари, шунингдек божхона конун ҳужжатларини, шу жумладан, конуности ҳужжатларини ҳам назарда тутди; 2) кенг маънода божхона органларининг мажмуи, шунингдек божхона ишини амалга оширишда бевосита иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар, уларнинг бўғинлари ва тузилмалари, божхона органлари мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек божхона органларида давлат хизматида қабул қилишнинг тартиби ва ҳуқуқий шарт-шароити.

БОЖХОНА ТРАНЗИТИ – к: *Транзит*.

БОЖХОНА ТУШУМЛАРИ – божхона ҳаракатлари учун давлат бюджетининг тушумлар бўлимига тушадиган маблағ.

БОЖХОНА ТўЛОВЛАРИ – товарлар ва транспорт воситаларининг божхона чегарасидан ўтишида, шунингдек ЎзР БКда белгиланган бошқа ҳолатларда тўланадиган тўловлар. ЎзР БКга кўра, Б.т.га қўйиладиган қиради: бож; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш б-н боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар; божхона расмий-

лаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирилганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирилганлик учун йиғимлар; божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими; товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими; товарларни божхона кузатувига олганлик учун божхона йиғими; дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ. Конун ҳужжатларида бошқа Б.т. ҳам белгиланиши мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларининг конун ҳужжатларида белгиланадиган божхона қиймати божни, акциз солиғини ва тегишли бож йиғимларини ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлади. Б.т. декларант томонидан тўланади. Ҳар қандай манфаатдор шахс, агар конун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тўловчининг ўрнига Б.т.ни тўлашга ҳақли. Б.т. божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши б-н бир вақтда тўланади. Товарлар нотижорат мақсадлари учун олиб ўтилаётганда Б.т. божхона декларациясини қабул қилиш б-н бир вақтда тўланади. Б.т.ни тўлаш муддатининг ўтиши божхона декларациясини топшириш муддати тугаганидан кейинги кундан бошланади. Б.т. божхона органига, халқаро почта жўнатмаларида юборилаётган товарларга нисбатан эса, алоқа корхоналарига ЎзР ВМ белгилайдиган тартибда тўланади. Б.т.ни тўлаш товарлар ва транспорт воситаларини гаровга қўйиш, учинчи шахснинг кафолати ёхуд тегишли суммаларни божхона органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш йўли б-н таъминланади (ЎзР БКнинг 103, 106–111-м.лари).

БОЖХОНА ХИЗМАТИ – божхона органларида амалга ошириладиган давлат хизматининг таркибий қисми. Б.х. органлари ЎзРнинг ягона божхона сўғатини амалга ошириш ва иқтисодий манфаатларини химоя қилиш мақсадида тузилади. ЎзР Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг ҚР, ви.лар, Тошкент ш. бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари божхона органларидир. Божхона органлари ўз фаолиятида ЎзР Конс.га, ЎзРнинг конун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига амал қиладилар. Божхона органлари конун ҳужжатларига мувофиқ ўз фаолиятини давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан мустақил тарзда амалга оширадилар. Божхона органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар барча юридик ва jisмоний шахслар томонидан ижро этилиши шарт. Б.х.нинг алоҳида масалалари бўйича махсус ҳужжатлар қабул қилинган. Божхона органларининг мансабдор шахсларига божхона органларида штат лавозимини эгаллаб турган ёки божхона органлари кадрларида турган махсус унвон берилган шахслар қиради.

БОЖХОНА ЧЕГАРАСИ – муайян давлатнинг божхона ҳудудини чекловчи шартли чизиқ. Б.ч. – ЎзР божхона ҳудудининг чегараси, Б.ч. – ЎзР божхона конун ҳужжатлари амал қиладиган макон чегараси. Б.ч. қўшни мамлакатларнинг божхона ҳудудини ажратиб туради, Ўзбекистоннинг божхона суверенитети амал қиладиган ҳудудни белгилаб беради. ЎзР БКнинг 3-м.сига мувофиқ, божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек эркин божхона зоналари ва эркин омборларнинг тегралари ЎзРнинг Б.ч. ҳисобланади. Божхона ҳуқуқида ташқи ва ички Б.ч. тушунчалари фарқланади. Ташқи Б.ч. – қўшни давлатларнинг

божхона худудини ажратиб туради. Бу чегара одатда давлатнинг чегарасига мос келади (божхона анклавлари, эксклавлари ва б. бундан мустасно). Ташқи божхона чегарасида давлат чегараси тўғрисидаги қонуларда белгиланган маъмурий-ҳуқуқий режим амал қилади. Ташқи Б.ч.ни божхоначилар чегара кўшинлари б-н биргалликда муҳофаза қиладилар. Ҳуқуқий мақомига кўра, ички чегара ташқисига тенглаштирилган: эркин зона худуди чегара худуди сифатида қаралади, у ерга кириш қатъий рухсатномалар бўйича махсус назорат-ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади. Ички Б.ч. орқали юк ва қўл юклари давлат чегарасида қўлланиладиган божхона қоидалари бўйича ўтказилади. Белгиланган нормадан ортиқ товарлар олиб чиқилганда бож олинади. Чет эл товари эркин божхона худудига кириб келганда (бу худуд давлат чегараси худудига бўлмаганига), у ҳам ташқи, ҳам ички Б.ч.ни кесиб ўтади. Бундай ҳолда ташқи чегарада кўздан кечириш одатда божхона тўловсиз амалга оширилади ва аввало, Ўзбекистоннинг божхона худудига олиб кириш ва ундан олиб чиқиш тақиқланган товарни аниқлашдан иборат бўлади. Шундай қилиб, икки томонлама божхона назорати тизими шаклланади: ташқи чегарада божхона-полиция назорати, ички чегарада эса божхона-тариф назорати амалга оширилади. Ички Б.ч.ни кўриқлашни божхоначилар эркин божхона худудининг маъмурияти б-н ҳамкорликда таъминлайдилар.

БОЖХОНА ҚИЙМАТИ – қонунга мувофиқ белгиланган ва божхона тўловларини ҳисоблаб чиқариш мақсадида фойдаланиладиган товар қийматидир. Б.к. ўтказиладиган божхона расмийлаштируви вақтида божхона органига декларант томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда маълум қилинади (декларацияга киритилади). Б.к.ни аниқлаш тўғри ва ҳужжатлар б-н тасдиқланган маълумотларга асосланиши лозим.

БОЖХОНА ХУДУДИ – давлатнинг божхона ҳуқуқи тўлиқ амал қиладиган худуд. Одатда, давлатнинг Б.х. унинг қуруқликдаги худуди, худудий ва ички сувлари, улар устидаги ҳаво бўшлиғини ўз ичига олувчи миллий худудга мос тушади. Бирок, миллий худуднинг белгиланган қисмлари истисно қилиниши мумкин, мас., эркин божхона зоналари ёки қирғоқ чизиги б-н денгиздаги давлат чегараси орасидаги сувлар. Миллий худуднинг истисно қилинган қисмлари “божхона анклавлари” деб юритилади. Халқаро битимлар б-н давлатнинг Б.х. бошқа давлатнинг божхона энклавини ўз ичига олиши мумкин. ЎзР БКнинг 3-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг қуруқликдаги худуди, худудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи Б.х.ни ташкил этади. ЎзР худудига эркин божхона зоналари ва эркин омборлар бўлиши мумкин, уларнинг худудлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ЎзР Б.х.дан ташқарида жойлашган деб қаралади.

БОЖХОНА ХУДУДИДА ҚАЙТА ИШЛАШ – шундай божхона режимини, бунда товарлар ЎзР божхона худудига импорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда божхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб кирилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқилади ёки улар ўзга режим остида жойлаштирилади. Б.х.к.и. режими остида ҳар қандай товарлар жойлаштирилиши мумкин, ана шундай режими остида жойлаштирилиши қонун ҳужжатлари б-н

тақиқланган товарлар бундан мустасно. Чет эллик юридик ёки жисмоний шахс томонидан ЎзР худудига олинган Ўзбекистон товарлари Б.х.к.и. режими остида жойлаштирилиши мумкин. Мазкур товарлар ЎзР худудидан ташқарига амалда олиб чиқиб кетилмаган ҳолда экспорт режими остида жойлаштирилиб, кейинчалик Б.х.к.и. режимида декларацияланади. ЎзР божхона худудига олиб кирилган товарлар ва қайта ишлаш маҳсулотлари уларни олиб чиқиш пайтида экспорт божлари ва солиқлардан озод қилинади. Мазкур товарлар ва қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди. Қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқарилганда импорт божлари ва солиқлар қайта ишлаш учун фойдаланилган товарларнинг қиймати ҳамда уларга нисбатан қўлланилган тўловлар ставкаларига қараб тўланади. Қайта ишлаш маҳсулотларини Ўзбекистон товарлари б-н алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда йўл қўйилади (ЎзР БК 32-м.си).

БОЖХОНА ХУДУДИДАН ТАШҚАРИДА ҚАЙТА ИШЛАШ – шундай божхона режимини, бунда товарлар экспорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда қайта ишлаш учун олиб чиқилиб, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш режимида олиб кирилади. ЎзР божхона худудига эркин муомалада бўлган ҳар қандай товарлар Б.х.т.к.и. режими остида жойлаштирилиши мумкин, олиб кирилиши (олиб чиқилиши) қонун ҳужжатлари б-н тақиқланган товарлар бундан мустасно. Б.х.т.к.и. режимида куйидаги ҳолларда фойдаланиш мумкин эмас: агар товарларни олиб чиқиш импорт божлари ва солиқларнинг тўланган суммаларини қайтаришни, импорт божлари ва солиқлардан озод қилишни ёки олиб чиқиш чоғида тўловлар олишни талаб қилиш учун асос бўлса; импорт божлари ва солиқлардан озод этишининг амал қилиб турган вақти мобайнида, агар унинг амал қилиши товарларни эркин муомалага чиқаришда уларни қайта ишлаш учун олиб чиқилгунга қадар фойдаланилган бўлса; қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда. Қайта ишлаш маҳсулотларини чет эл товарлари б-н алмаштиришга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўл қўйилади.

Олиб кирилатган қайта ишлаш маҳсулотларини эркин муомалага чиқариш режимида божхона расмийлаштируви чоғида импорт божлари ва солиқлар қайта ишлаш қийматига ҳамда қайта ишлаш маҳсулотларига нисбатан қўлланиладиган божлар ва солиқлар ставкаларига қараб тўланади. Қайта ишлаш учун олиб чиқилган товарлар қайтариб олиб кирилганда импорт божлари ва солиқлар тўланмайди. Қайта ишлаш маҳсулотлари, агар қайта ишлашдан мақсад олиб чиқилган товарларни қонун ҳужжатлари ёки шартномага биноан бегараз таъмирлашдан иборат бўлганлигига божхона органи белгиланган тартибда ишонч ҳосил қилса, импорт божлари ва солиқлардан озод қилинади, товарларни эркин муомалага дастлабки чиқаришда нуқсонли мавжудлиги ҳисобга олинган ҳоллар бундан мустасно. Товарларни қайта ишлаш учун олиб чиққан ва товарларни қайтармаган ёки қайта ишлаш маҳсулотларини белгиланган муддатда олиб қирмаган шахс ЎзР БК 23-м.сининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда жавобгар бўлмайди (ЎзР БК 33-м.си).

БОЖХОНА ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ – бажарилиши ЎзР божхона органлари томонидан назорат қилинадиган, қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ЎзР божхона чегарасидан товар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш тартибига, божхона назоратида, божхонада расмийлаштирув, божхона тўловларини тўлаш, божхона имтиёзлари учун ҳақ бериш ва улардан фойдаланиш қоидаларига тажовуз қилиш ёки қонунбузарликка олиб келувчи ҳар қандай кўринишдаги хатти-ҳаракат. Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра Б.х. интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

БОЖХОНА ҲУҚУҚИ – божхона ҳуқуқий муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Б.х. деганда божхона иши соҳасидаги ижтимоий муносабатларини ўзига хос услублар б-н тартибга солувчи юридик тушунчалар ва нормалар йиғинидисидан иборат бўлган ЎзР ҳуқуқ соҳаларининг бири назарда тутилади.

Б.х. фан сифатида божхона ҳуқуқий муносабатлари, божхона режимларининг турли кўринишлари, божхона ҳуқуқий жавобгарлиги ва божхона ҳақидаги билимларнинг йиғиндисини ифодалайди.

БОЙ БЕРИЛГАН ФОЙДА – зарарнинг бир тури бўлиб, ҳуқуқи бузилган шахснинг ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари.

Зарарнинг тўла ҳажмда қопланиши жабрланувчи фойдасига у томонидан қилинган харажатларни, мулкнинг йўқотилиши ва зарарланиши б-н боғлиқ бўлган харажатларни қоплайдиган суммаларгина эмас, балки зарар етказиш харақати бўлмаганида жабрланувчи томонидан олиниши мумкин бўлган, аммо олинмай қолган даромадлар ҳам тушунилади. Олинмай қолган даромадлар, асосан, зарар етказилиши натижасида меҳнат қобилиятини йўқотган шахснинг ололмаган иш ҳақи тарзида кўрилади.

ЎзР ФКнинг 324-м.сига мувофиқ, Б.б.ф.ни аниқлашда кредитор томонидан уни олиш учун кўрилган чоралар ва шу мақсадда кўрилган тайёргарликлар ҳисобга олинади.

БОЛА (БОЛАЛАР) – “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар).

БОЛА ИККИ ЁШГА ТўЛГУНЧА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА – бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш-лаш учун ҳар ойлик нафақа туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлайётган шахсларга, яъни онага, отага, фарзандликка олган шахсга, васийга ёки бошқа қариндошларга тайинланади ва тўланади.

Ишлаётган (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийётган, хизматни ўтаётган) оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш бўйича нафақа иш (ўқиш, хизмат) жойидан тайинланади.

Нафақа тайинлаш учун ташкилот маъмуриятининг қарори асос бўлиб ҳисобланади.

Ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар) бир вақтнинг ўзиде бола парвариш-лаш учун нафақа б-н бирга тўлиқ бўлмаган иш вақти режимда ёки иш берувчи б-н келишиб уйда ишлаган давридаги иш ҳақини, ишлаб чи-

қаришдан ажралган ҳолда ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларида ҳамда олий ўқув юртидан кейинги таълим муассасаларида ўқийётганлар эса стипендияни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Икки ёшгача бўлган болани ҳақиқатда парваришлайётган ишламайдиган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (қоида тарикасида ота, фарзандликка олган шахс, васий ёки бошқа қариндошлар)га; олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида тўлов контракт асосида ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийётган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга; юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган, шунингдек юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган дехкон хўжалиги аъзолари бўлган оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга; бюджет соҳасида ишлайдиган оналарга нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади.

Болани парвариш қилиш учун тўланган нафақадан ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ундирилмайди (ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика “Маҳалла” жамғармаси, ЎзР Давлат тижорат халқ банкининг “Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1112, 14.03.2002 й.). ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг “Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1113, 14.03.2002 й.).

БОЛА ТУҒИЛГАНДА БЕРИЛАДИГАН НАФАҚА – давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа. Б.т.б.н. ЎзР ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориде берилади.

Иш ҳақига коэффициент қўлланиладиган тум.ларда нафақа ишбу коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ишлаётган аёлларга ҳамда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурада таҳсил олаётган аёлларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа тегишлича иш ёки ўқиш жойидан тўланади. Боланинг онаси ишламайдиган ва ўқимайдиган ҳолларда нафақа боланинг ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган отаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга тўланади.

Ишламайдиган ва ўқимайдиган ота-оналарга бола туғилганда нафақа ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан тайинланади ва тўланади.

Фарзандликка олинган болаларга бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа умумий асосларда берилади.

Агар аёл ҳомиладорлик бўйича таътил даврида ишдан бўшаб, шу давр мобайнида ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа олган бўлса, бир марталик нафақа умумий асосларда берилади. Бола ўлик туғилган ҳолларда нафақа тўланмайди (ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий

мухофаза қилиш вазирлигининг “Давлат ижтимоий сургуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами I 136, 01.04.2002 й.).

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ – инсон ҳуқуқларининг болага нисбатан қўлланилиши. Бу соҳадаги махсус нормаларнинг ишлаб чиқилиши, боланинг жамиятдаги алоҳида ҳолати, уларнинг онладаги ўрни, ёши б-н боғлиқ махсус ҳуқуқларнинг ҳамма давлат қонунчилигида белгиланмаганлиги вояга етганлар ҳуқуқларининг барчасига эга эмаслигидан келиб чиқади. Б.х. халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлашни муҳим аҳамият касб этади. Б.х. соҳасига тегишли халқаро ҳужжатларнинг кўпчилиги у ёки бу доирада ёш болаларга тегишлидир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ЎЗР қўшилган илк халқаро шартнома Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлса, кейинги халқаро шартнома эса Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ҳисобланади (ЎЗР Олий Кенгашининг 1992 й. 9 декабрдаги 757–XII-сон қарори). Бу б-н Ўзбекистон бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича бир қанча халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олди. Б.х.ни химоя қилиш соҳасида қабул қилинган халқаро мажбуриятларни бажариш учун Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Маълумки, Б.х. соҳасида миллий қонунчиликнинг асосини ЎЗР Конс.си ташкил этади. Унга мувофиқ вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат химоясидадир. Б.х.нинг қафолатлари соҳасидаги муносабатлар ЎЗР “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги Қонуни б-н тартибга солинган.

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ – 54 та моддadan иборат ушбу халқаро ҳужжат 1989 й. 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 44/25-сон резолюциясига мувофиқ қабул қилинган бўлиб, у 1990 й. 2 сентябрда кучга кирган.

Б.х.т.к. болалар ҳуқуқларини ҳамма жойда амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро шартнома ҳисобланади. У, қарийб бутун жаҳон ҳамжамиятлари томонидан ратификация қилинган. Конвенцияни ратификация қилган мамлакатлар кўнгилли тарзда зиммаларига Б.х.т.к. қоидаларини маъмурий, қонунчилик, суд ва б. чора-тадбирлар ёрдамида ҳаётга татбиқ этиш мажбуриятини оладилар. Ҳукуматлар ушбу конвенцияни ратификация қилганларида, актни амалга оширганларида, бу б-н ўз зиммаларига уни бажариш бўйича расмий ва ошқора юридик мажбурият оладилар, улар болалар ҳуқуқларини химоя этишга ва қўллашга, шунингдек, бу ишга конвенция моддаларига мувофиқ ёрдамлашишга киришадилар. Ун нафар мустақил, сайлаб қўйиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро экспертдан ташкил топган БМТнинг Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мазкур ҳуқуқларга амал қилинишини текшириб туриш ишларини амалга оширади.

Конвенция комплекс характерга эга, яъни болалар учун инсон ҳуқуқларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий сингари барча соҳаларини таъмин этадиган ягона конвенциядир. Бундан ташқари, мазкур конвенция универсал характерга эга, уни барча ҳолатлар-

да ва чинакамига барча халқаро ҳамжамиятларда, барча болалар учун татбиқ этиш мумкин. Шунингдек, конвенция катъий фаолият кўрсатади ва барча ҳукуматларни болалар ҳуқуқларини химоя этиш учун саъй-ҳаракатларни қабул этишга мажбур қилиб қўйибди. Конвенция яхлитдир, чунки унда таъкидланганидек барча ҳуқуқлар муҳим, муштарак, бир-бирига боғлиқ ва тенгдир.

Б.х.т.к.нинг асосий принципларига мувофиқ болалар “уларнинг ота-оналари ва боқувчиларининг ирқлари, терисининг ранглари, жинслари, тиллари, динлари, сиёсий ва б. этникодлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқишлари, моддий мавқелари, соғ-саломатликларини ва туғилганликларини ҳамда қандай бўлмасин, бошқа ҳолатлардан қатъи назар” камситишларга йўл қўйилмайди. (2-м.): болалар ўз ҳаётларининг барча жабҳаларида, жумладан, жисмоний, руҳий, ақлий, ижтимоий ва маданий соҳаларда яшаш ва ривожланиш ҳуқуқига эгадирлар (6–27-м.лар): ҳар бир кичкинтой ёки барча болаларга тегишли ҳамма қарорлар ёки ҳаракатларда болаларнинг манфаатлари ҳисобга олинмиши керак. Бу ҳукуматлар, маъмурий ва суд органлари, шунингдек оилалар томонидан қабул қилинган қарорларга тааллуқлидир (3-м.): болалар тинч йиғилишлар ўтказиш, ўзларининг ҳаётларига боғлиқ барча ишларда фаол иштирок этиш, фикр-мулоҳазаларини эркин ифода этиш ва ўз қарашларига жиддий муносабатда бўлиш ҳуқуқларига эгадирлар. ЎЗР ушбу ҳужжатга 1992 й. 9 декабрда қўшилган (ЎЗР Олий Кенгашининг 1992 й. 9 декабрдаги 757–XII-сон қарори).

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ – бола ҳуқуқлари амалга оширилишининг ЎЗР Конс.си ва б. қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган қафолатлари. ЎЗР қўшилган илк халқаро шартномалардан бири Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (ЎЗР Олий Кенгашининг 1992 й. 9 декабрдаги 757–XII-сон қарори) асосида “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни қабул қилинган бўлиб, унга кўра, бола ҳуқуқларининг асосий қафолатлари қуйидагилардан иборат: бола ҳуқуқларининг қонуний қафолатлари (7-м.); боланинг яшаш ҳуқуқи қафолатлари (8-м.); боланинг индивидуалликка ва уни сақлаб қолишга бўлган ҳуқуқи қафолатлари (9-м.); боланинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи қафолатлари (10-м.); боланинг химояга бўлган ҳуқуқи қафолатлари (11-м.); болаларни тарбиялаётган оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш (12-м.); боланинг оилавий муҳитга бўлган ҳуқуқи қафолатлари (13-м.); боланинг ғайриқонуний кўчирилишдан химояланиш ҳуқуқи қафолатлари (14-м.); боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи қафолатлари (15-м.); боланинг ахборот олиш ҳуқуқи қафолатлари (16-м.); боланинг фикрлаш, сўз, виждон ва этникод эркинлиги ҳуқуқи қафолатлари (17-м.); боланинг ҳусусий мулкка бўлган ҳуқуқи қафолатлари (18-м.); боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари қафолатлари (19-м.); боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи қафолатлари (20-м.); боланинг дам олиш ва бўш вақтга бўлган ҳуқуқи қафолатлари (21-м.); боланинг соғлигини сақлаш ҳуқуқи қафолатлари (22-м.); боланинг билим олиш ҳуқуқи қафолатлари (23-м.).

Шунингдек, мазкур Қонуннинг 3-бобида ижтимоий химояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча қафолатлари белгиланган.

БОЛАНИ АЛМАШТИРИБ ҚЎЙИШ – янги туғилган ёки эмизикли чакалоқни бошқаси б-н (мас., касал болани соғлом бола б-н, кизни ўғил б-н, бир миллат боласини бошқаси б-н ва х.к.) алмаштиришда ифодаланган ҳаракат. ЎзР ЖКнинг 124-м.сига кўра, тамағирлик ёки бошқа ниятларда қасддан Б.а.қ. жиноят деб топилади. Бу жиноят факат қасддан содир этилади. Жиноятнинг сабаби тамағирлик, бошқа паст ниятлар (ўч, ҳасад ва б.) бўлиши мумкин. Чакалоқни эҳтиётсизлик оқибатида алмаштириб қўйиш жиноят ҳисобланмайди.

БОЛАНИНГ МЕХНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ – “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 20-м.сига кўра, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлигининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги б-н ишга қабул қилиниши мумкин.

Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун улар ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги б-н ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Болалар меҳнатидаги имтиёзлар ЎзР МК, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонунида ва кўплаб қонуности ҳужжатларда белгиланган. Жумладан, ЎзР МКнинг 241-м.сига мувофиқ, 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан уларнинг соғлиғи ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган шароити ноқулай ишларда, шунингдек ерости ишларида ва б. ишларда фойдаланиш тақиқланган. Бу кўрсатилган ишлар рўйхати ва 18 ёшга тўлмаган шахслар кўтаришлари ва ташишлари мумкин бўлмаган оғирлик юк нормаларининг чегараси ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва иш берувчиларнинг вакиллари маслаҳатини олган ҳолда белгиланади. Ёшларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида вояга етмаган шахсларга ўриндошлик бўйича ишлаш тақиқланади. Шунингдек, болалар меҳнатидан тўлиқ моддий жавобгарлик б-н боғлиқ ишларда фойдаланиш ман этилади.

Давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим б-н қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали Б.м.к.х. таъминла-нишини кафолатлайди.

ЎзРнинг 2008 й. 4 апрелдаги ЎРҚ–140-сон Қонуни б-н ЎзР Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 й. 26 июнь), 2008 й. 8 апрелдаги ЎРҚ–144-сон Қонуни б-н эса Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 й. 17 июнь) ратификация қилган.

БОЛАНИНГ НАСЛ-НАСАБИНИ БЕЛГИЛАШ – ота-она ва болаларнинг бир-бирига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари боланинг насл-насабига қараб белгиланади.

Ота-она ва болалар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқишига асос бўлиб, боланинг отадан пайдо бўлганлиги ва онадан туғилганлик юридик факти қонун б-н белгиланган тартибда бўлиши лозим.

ЎзР ОҚнинг 60-м.сига биноан, боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органи томонидан, бола тиббий муассасанинг ҳужжатларига асосан, агар бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда бошқа далилларга асосан белги-ланади.

Агар бола тиббий муассасадан ташқари жойда туғилган бўлса, у ҳолда бу юридик факт гувоҳлар кўргазмалари ва б. далиллар б-н белгиланади.

Аёлнинг никоҳ тузилгандан кейин ёки эрининг вафоти, никоҳдан ажратилганлиги ёхуд никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганлиги туфайли никоҳ тугаганидан сўнг уч юз кун ичида туғилган боласи никоҳда туғилган бола ҳисобланади.

Бола б-н онаси ўртасида ҳуқуқий муносабат унинг қонуний никоҳда бўлган ёки бўлмастидан қатъи назар туғилиш фактига асосланади.

Боланинг отадан бунёд бўлганлигини белгилаш анчагина мураккаб.

Агар бола қайд этилган никоҳда туғилган бўлса, онаси б-н никоҳда бўлган шахс унинг отаси деган эҳтимолга асосланади. Бу шахснинг оталиги эҳтимолликка асосланиб, ушбу фактни исботлаш шарт эмас.

ФХДЁ органи томонидан берилган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома унда кўрсатилган ота-онадан боланинг пайдо бўлганлигини исботловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Агар никоҳ тугагандан кейин уч юз кун ичида туғилса ва бу даврда аёл янги никоҳга кирган бўлса, бола янги никоҳда туғилган бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолларда собиқ эр ёки унинг ота-онаси боланинг насл-насаби ҳусу-сида низолашиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқий отаси, оталикни ўз хохиши б-н тан олиши мумкин, агар у бунинкор этса, у ҳолда оталик суд тартибда белгиланади.

Оталикни тан олиш факти алоҳида суд тартибда белгиланади. Манфаатдор шахс оталикни тан олиш мақсадида ариза б-н судга мурожаат этиши мумкин. Манфаатдор шахслар боланинг онаси, унинг васийси (ҳомийси), вояга етгандан сўнг боланинг ўзи ҳамда прокурор ҳисобланади. Ариза бошқа манфаатдор шахслар томонидан ҳам берилиши мумкин.

Оталикни тан олиш фактини белгилаш тўғрисидаги ишда муайян фактни белгилаш унда қандай мақсадлар учун зарур эканлиги аризада кўрсатилиши лозим. Қоида бўйича оталикни тан олиш факти боқувчисини йўқотган вақтда унга пенсия тайинлаш, мерос олиш, яъни мулкый ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида белгиланади.

Суднинг оталикни тан олиш тўғрисидаги ажримига асосан боланинг туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзу-виги ота тўғрисидаги маълумот ёзилиб, болага туғилган-лик тўғрисида гувоҳнома берилади.

БОЛАНИНГ ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛАРИ – “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, хомийлар. Яна қ.: *Васийлик ва хомийлик*.

БОСҚИНЧИЛИК – ўзганинг мулкни талон-торож қилиш мақсадида ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд худди шундай зўрлик ишлатиш йўли б-н қўрқитиб содир этилган жиноят. ЎзР ЖКнинг 164-м.сида ушбу жиноят учун жавобгарлик ўрнатилган.

БОШ КОНСУЛ – қ.: *Консул; Консуллик мартабалаари*.

БОШ КОРТЕСЛАР – тарихда илк бор кортеслар, Европадаги турли табақа вакилларнинг йиғилиши бўлиб, Иберия ярим оролидаги Кастилияда 1137 й.да вужудга келган.

1978 й. 27 декабрда қабул қилинган Испания Конс.сининг III бўлимига мувофиқ парламентнинг номи. Б.к. испан халқи номидан сайланадиган Конгресс ҳамда Сенатдан иборат. Конгресс 300 ҳамда 400 оралиғида халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин тартибда овоз бериш йўли б-н сайланадиган депутатлардан иборат. Конгрессга номзодлар провинциялардан кўрсатилади. Конгресс депутатларининг ваколат муддати – 4 й.

Сенат ҳудудий вакиллар палатаси ҳисобланади. Ҳар бир провинциядан тўрттадан сенатор умумий, тенг, эркин, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади.

БОШ ПУДРАТЧИ – агар қонун ҳужжатларида ёки пудрат шартномасида пудратчининг шартномада кўрсатилган ишни шахсан ўзи бажариш мажбуриятлари келиб чиқмаса, пудратчи ўз мажбуриятларининг бир қисmini бажариш учун бошқа шахслар (ёрдамчи пудратчилар)ни жалб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчи Б.п. ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 634-м.си).

Б.п.нинг розилигини олган ҳолда буюртмачи айрим ишларни бажариш учун бошқа шахслар б-н шартнома тузишга ҳақли. Бу ҳолда мазкур шахслар ишни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун бевосита буюртмачи олдида жавобгар бўладилар.

БОШЛИҚҚА ҚАРШИЛИК КўРСАТИШ ЁКИ УНИ ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИНИ БУЗИШГА МАЖБУР ҚИЛИШ – ЎзР ЖКнинг 281-м.сида бошлиққа ёки бошқа ҳарбий хизматчиларга улар мажбуриятларини бажариш пайтида зўрлик ишлатиб ёхуд зўрлик ишлатиш б-н қўрқитиб, фаол қаршилик кўрсатиш учун жавобгарлик белгиланган. Бошлиқ қўл остидагиларга раҳбарлик қилади, ўқув машғулоти ўтказганида уларни нарядга киришишга тайёрлайди ва х.к. Айрим ҳолларда бошлиқ хизмат мажбуриятларини бажаришни тўсатдан бошлаши мумкин. Мас., бошлиқ ш.да ўзига бўйсунувчини жамоатчилик тартибини бузаётганида кўриб қолса, бу ноқонуний ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилади. Бошқа ҳарбий хизматчилар ҳарбий хизмат юзасидан ўзларига юклатилган мажбуриятларни бажарувчи деб махсус мажбуриятлар, мас., қоровул, патрул ёки ички наряд таркибида ёхуд бошлиқ буйруғи б-н ҳисобланиши мумкин. Мажбур қилиш деб ўзининг ёки бошқа шахснинг манфаатларини кўзлаб бошлиқ ёки бошқа шахснинг хизмат мажбуриятларини бузишга қаратилган фаол ва ташаббускорона хатти-ҳаракатлар тушунилади.

БОШПАНА – қ.: *Дипломатик бошпана, Сиёсий бошпана*.

БОШҚА ИШГА ЎТКАЗИШ – ходимнинг меҳнат вазифаси ўзгартирилиши, яъни унга бир қорхона доирасида бошқа мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш топширилиши. Ходим вақтинчалик ёки доимий асосда бошқа ишга ўтказилиши мумкин.

ЎзР МКнинг 92-м.сига мувофиқ, бошқа доимий ишга ўтказишга (ходимнинг меҳнат вазифаларини ўзгартиришга) – бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат ходимнинг розилиги б-н йўл қўйилиши мумкин.

Мазкур Кодекснинг 93-м.сига асосан, ходим б-н иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча Б.и.ў.га йўл қўйилади. Б.и.ў. муддати тугагач, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт.

Ушбу Кодекснинг 94-м.сига кўра, ходимнинг вақтинча Б.и.ў. ҳақидаги илтимоси, агар бу илтимос узрли сабаблар туфайли келиб чиққан ва бундай иш қорхонада мавжуд бўлса, иш берувчи томонидан қаноатлантирилиши керак.

Вақтинча Б.и.ў. учун узрли сабаблар рўйхати, шунингдек бошқа ишга ўтказилганда меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби жамоа шартномасида белгилаб қўйилиши мумкин, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи б-н келишиб белгиланади.

Кодекснинг 218-м.сига биноан, соғлиғи ҳолатига кўра енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказишга муҳтож ходимларни иш берувчи, уларнинг розилиги б-н, тиббий хулосага мувофиқ вақтинча ёки муддатини чекламай, ана шундай ишларга ўтказиши шарт.

Кодекснинг 226-м.сига мувофиқ, тиббий хулосага мувофиқ хомилалар аёлларнинг ишлаб чиқариш нормалари, хизмат кўрсатиш нормалари камайтирилади ёки улар аввалги ишларидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёхуд ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Кодекснинг 227-м.сига асосан, икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар аввалги ишини бажариши мумкин бўлмаган тақдирда, боласи икки ёшга тўлгунга қадар аввалги ишидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан холи бўлган ишга ўтказилади.

Кодекснинг 95-м.сига биноан, ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиниши муносабати б-н ходимни унинг розилигисиз вақтинча Б.и.ў.га йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланади.

Б.и.ў. муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари, шунингдек ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномасида кўрсатилади, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи б-н келишиб белгиланади.

БОШҚАРИШ – корхона, муассаса, ташкилот ва ш.к.ни идора қилиш, йўлга солиб туриш. Аксарият ижтимоий ва биологик тизимлар ўзини ўзи бошқаради. Буларнинг ҳар бирида икки ички тизимни: бошқарилувчи (бошқарув объекти) ва бошқарувчи (бошқарув субъекти)ни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ижтимоий бошқарув объекти сифатида турли хилдаги ходисалар ва жараёнлар, жумладан, инсон, жамоа, ижтимоий жамоатчилик, механизмлар, технологик жараёнлар ва б. намоён бўлиши мумкин. Бошқарув субъектининг объектга нисбатан таъсири бошқарув тизимида бевосита боғлиқдир. Бошқарув субъекти ижтимоий муносабатларга инсонларнинг иродаси ва онги орқали таъсир этади. Ижтимоий Б. – инсонларга раҳбарлик қилишни (мас., ҳарбий хизматга чақириш, ўқув юртлирига қабул қилиш) аниглади. Лекин айрим ҳолларда у нарсаларга таъсир этиш воситаси, ишлаб чиқариш жараёнида инсонларнинг белгиланган фаолият юритишини, моддий бойликларни тақсимлашни таъминловчи восита сифатида намоён бўлади.

БОШҚАРУВ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – бошқарув органларининг фаолиятига зарар етказадиган жиноятлар. ЎзР ЖК 205–229 м.сида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, мансабга совуқконлик б-н қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, мансаб сохтакорлиги, пора олиш. пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, хизматчини пора эвазига оғдириш, товламачилик йўли б-н ҳақ беришни талаб қилиш, давлат рамзларига ҳурматсизлик қилиш, жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш, ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш, диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар ҳужжатларини бузиш, йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш, тақиқланган иш ташлашга раҳбарлик қилиш ёки фавқулодда ҳолат шароитида корхона, муассаса ёхуд ташкилотлар ишига тўсқинлик қилиш, ҳокимият вақлига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар, жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қочиш, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки ЎзРга кириш, ЎзРда бўлиш қоидаларини бузиш, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш, маъмурий назорат қоидаларини бузиш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш, ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш, давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш, ўзбошимчалик, ер участкаларини ўзбошимчалик б-н эгаллаб олиш, диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш учун жавобгарлик белгиланган.

БОШҚАРУВ ШАКЛИ – конституциявий-ҳуқуқий инс., давлат ҳокимиятини ташкил этиш усуллари мажмуи. Олий ва маҳаллий давлат органларини тузиш тартибини ҳамда уларда аҳоли иштироки даражасини ўз ичига олади. Б.ш.лари ҳокимият бир шахс томонидан ёки сайлаб

қўйиладиган жамоавий орган томонидан амалга оширилишига қараб жиддий фарқ қилади. Биринчи ҳолатда бошқарувнинг монархия шакли, иккинчи ҳолатда эса республика шакли намоён бўлади.

Бошқарувнинг монархия шаклида, амалдаги қонунларга мувофиқ, монарх, республика Б.ш.да эса, сайлаб қўйиладиган давлат органи давлат ҳокимиятининг субъекти ҳисобланади. Монархиялар ва республикаларнинг хилма-хил турлари мавжуд. Улар давлатларнинг типларига, шунингдек уларнинг юзага келиши ва фаолият кўрсатиш шартшароитига кўп жиҳатдан боғлиқ. Жамият ва давлат тараккиётининг ҳозирги босқичида монархиянинг икки тури: дуалистик ва парламентар монархиялар фарқланади. Дуалистик монархиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда давлат ҳокимияти монарх б-н парламент ўртасида расмий-юрidik тарзда тақсимланади. Ижро этувчи ҳокимият бевосита монарх қўлида, қонун чиқарувчи ҳокимият эса парламент ихтиёрида бўлади. Аммо парламент амалда монархга бўйсунди. Парламентар монархия шу б-н фарқ қиладики, монархнинг мақоми давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг барча соҳаларида расман ва амалда чеклаб қўйилади. Қонун чиқарувчи ҳокимият тўла парламентга, ижро этувчи ҳокимият эса ҳукуматга тегишли бўлади. Ҳукумат ўз фаолияти учун парламент олдида жавобгар бўлади. Ҳукуматни шакллантиришда монархнинг иштироки рамзийдир. Англия, Голландия ва Швеция парламентар монархияга мисол бўла олади. Ҳозирда бошқарувнинг республика шакли икки тури: ҳукумат ва давлат бошлиғи ваколатлари президент қўлида жамланадиган президентлик республика ҳамда парламентар республика шакллари фарқланади. Парламентар республиканинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда президент ҳокимияти нисбатан кучсиз бўлади, бош вазир эса бир вақтнинг ўзида ҳам ҳукумат бошлиғи, ҳам ҳуқумрон партия ёки партиялар иттифоқининг раҳбари вазифаларини бажаради. Президентлик республикаларига Аргентина, Бразилия, Россия, АКШ ва б. давлатлар, парламентар республикаларга эса, Греция, Италия ва б. давлатлар қиради.

ЎзР Конс.сига мувофиқ, Президент давлат бошлиғи сифатида ЎзРнинг суверенитети, ҳавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради, мамлакат ичкарисида ва халққаро муносабатларда ЎзР номидан иш қўради, музокаралар олиб боради ҳамда ЎзРнинг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, ЎзР Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Бош вазир номзодини тақдим этади ва лавозимидан озод қилади, қонунларни имзолайди ва эълон қилади, фармонлар ва фармойишлар чиқаради ва х.к.

БОШҚАРУВНИНГ АЛОҲИДА ШАКЛИ – Ўзбекистон қонунчилигида махсус ва ёки фавқулодда ҳарактердаги вазифаларни бажариш учун махсус давлат органлари тузилиши талаб қилинадиган алоҳида вазиятларга нисбатан қўлланиладиган категория. Мас., фавқулодда

холат жорий этилган ҳудудда бошқарувнинг алоҳида шакллари жорий этилиши мумкин.

БОКУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНЛИК ПЕНСИЯСИ – турмуш кечиришнинг асосий манбаи саналувчи боқувчи шахс вафот этганлиги туфайли унинг қармоғида ва таъминотида бўлиб келган меҳнатга яроқсиз шахсларга тайинланадиган ва тўланадиган пенсия тури. Боқувчи шахс касб касаллиги ёки ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли вафот этганида марҳумнинг қармоғидаги шахсларга меҳнат стажидан катъи назар, пенсия тайинланавради. Турмушдаги (маиший) жароҳат ёки умумий касалликлардан вафот этган боқувчи қармоғида бўлиб келган оила аъзоларига марҳум боқувчиси қонунда белгиланган иш стажига (ёшга мутаносиб) эга бўлганида тўлиқ пенсия тайинланади. Бундай пенсия тўлиқсиз меҳнат стажи б-н ҳам тайинланиши мумкин. Б.й.п. тайинлаш асослари ва шартлари, пенсия олишга ҳақли бўлган меҳнатга яроқсиз шахслар доираси, имтиёзли шартларда пенсия тайинланиши масалалари қонунда ва б. қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

БРАКОНЬЕРЛИК (фр. *brasseur* – браконьер; дастлаб ит овин деган маънони билдирган) – хайвонлар муҳофазасини назарда тутувчи қонунларда белгиланган қоидаларни бузган ҳолда ёввойи хайвонларни, балиқларни овлашда ифодаланади. ЎзР МЖКнинг 90-м.сида ов қилиш, балиқ тутиш ёки балиқ захираларини муҳофаза этиш қоидаларини, шунингдек хайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузганлик, тегишли рухсати бўлмағи туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар б-н ов қилиш ва балиқ тутишга оид бошқа қоидаларни мунтазам равишда бузганлик учун, 94-м.сида эса, ЎзР Қизил китобига киритилган хайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган хайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг туҳум, увилдирик қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инларини, уяларини ва б. яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай хайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай хайвонларни овлаш рухсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

БРАХМАНИЗМ – қад. ҳинд дини. Номини ведалар таркибидаги илохий трактатлар – брахманлардан келиб чиққан. Веда дини асосида мил. авв. 1-минг йилликнинг 1-ярмида вужудга келган. Б. Брахман худосининг мавжудлиги, унга эътиқод тамойилларини эътироф этиш ва амал қилишни тарғиб этган диний оқим. Ҳиндларнинг қадим эпослари Махабхарата ва Рамаёналарда, муқаддас китоблар саналмиш Упанишадлар, Араньякиларда брахман ҳақида таълимотлар келтирилади. Брахман шахссиз, ноҷисмий, сифатсиз моҳият бўлиб, ҳамма нарсанинг асосида ётади, деб таъкидлашган. Б. давлати бу – Худонинг ердаги макони. Уни инсон кифёсидаги худолар бошқаради. Б.да жамият табақаларга бўлинади, деб кўрсатилади. Б.да қадим ведавийлик Худолари – Индра, Агни, Варуна, Сурья ўз аҳамиятини йўқотган. Унинг ўрнига биринчи ўринга Брахма, Шива ва Вишну худолари қўйилади. Б. Ҳиндистонда мил.авв. V–IV а.ларга қадар мавжуд бўлган, кейинчалик унинг ўрнига буддизм дини юзага келди.

БРИГАДА БЎЙИЧА МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК – ходимлар моддий жавобгарлиги турларидан бири. Бунда пул ёки товар моддий бойликлар биргаликда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган бригада (ходимлар жамоаси) аъзоларига топширилади ва топширилган бойликларга зиён етган тақдирда, бригада (жамоа) аъзолари биргаликда жавобгар бўлади.

Бригада моддий жавобгарлиги товар-моддий қимматликлар билан ишлайдиган ва моддий жавобгарликни индивидуаллаштириб бўлмайдиган иш жойларида бирга ишлашлари лозим бўлган ходимлар жамоаси б-н олдиндан тузилган ёзма шартнома асосида юклатилиши мумкин.

Бригада моддий жавобгарлиги ҳақида ёзма шартнома тузиш, шартноманинг намунавий шакли ва жамоа аъзоларининг моддий жавобгарлиги масалалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган.

БРОКЕР (инг. *broker*) – “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 21-м.сида мувофиқ, воситачилик ёки топширик шартномаси ёхуд миқознинг воситачилик ёки ишончли вакили сифатида қимматли қоғозлар доир битимларни тузиш учун берилган ишончнома асосида иш олиб борувчи юридик шахс Б.дир. Миқозларнинг битимлар тузиш учун Б.га берилган қимматли қоғозлари ва пул маблағлари, шунингдек Б. томонидан шартномалар асосида миқозлар б-н тузилган битимлар бўйича олинган қимматли қоғозлар ва пул маблағлари Б. тегишинча Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида ва банкда очадиган (очиладиган) алоҳида ҳисобварақда (ҳисобварақларда) туриши керак. Б. ўзига миқоз томонидан топширилган пул маблағларидан, миқозга унинг топшириқлари кўрсатиб ўтилган пул маблағлари ҳисобидан бажарилишини ёки улар миқознинг талабига биноан қайтарилишини кафолатлаган ҳолда ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланишга, агар бу миқоз б-н тузилган шартномада назарда тутилган бўлса, ҳақлидир. Б. пул маблағларидан ўз манфаатларини кўзлаб фойдаланиш ҳуқуқини берган миқозларнинг пул маблағлари Б.га бундай ҳуқуқни бермаган миқозларнинг пул маблағлари турган ҳисобварақдан (ҳисобварақлардан) алоҳида бўлган ҳисобварақда (ҳисобварақларда) туриши керак. Б. ўз пул маблағларини бу ҳисобвараққа (ҳисобварақларга) ўтказишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул маблағларини миқозларга қайтариш ва (ёки) миқозларга қарз бериш ҳоллари бундан мустасно. Б. ҳар бир миқознинг пул маблағлари ҳисобини юритиши, қимматли қоғозларга доир битимлар ва операцияларни фақат миқознинг топшириғига биноан ва у б-н тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириши, амалга оширилган битимлар ва операциялар тўғрисида унга ҳисобот бериб бориши шарт. Яна қ.: *Божхона брокери*.

БРОКЕРЛИК ФАОЛИЯТИ – қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс – брокернинг фаолиятидир. Яна қ.: *Брокер*.

БРУТТО (ит. *brutto* – дағал, ифлос сўзларидан; инг. *gross*) – 1) нетто оғирлиги, яъни соф оғирлик ҳамда тара оғирлиги ўзаро қўшилиши натижасида келиб чиқадиган маҳсулотнинг умумий оғирлиги; 2) харажатлар чиқариб ташланмаган ялпи даромад; Б. даромади нетто даромадига қарама-қарши бўлиб, соф даромадни аниқлаш учун ундан харажатлар ва б.ни чиқариб ташлаш керак бўлади.

БУЙРУҚ – маъмурий ҳуқуқда яккабошчиликка асосланган ҳуқуқий ҳужжат. Б. ҳуқуқ нормасида назарда тутилган шароитларда у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш, яъни бошқача эмас, балки айнан шундай ҳаракат қилиш учун тўғридан-тўғри юридик мажбуриятни зиммага юклаш. Муайян муассаса ёки бошқа ташкилот олдида турган асосий ва кундалик вазифаларни ҳал қилиш мақсадида қўлланилади. Б.нинг матни асословчи (кириш) ва фармойиш қисмларидан таркиб топади. Асословчи қисмида Б.дан мақсад, шарт-шароитлар, сабаблар кўрсатилади, номи, рақами, санаси ёзилади. Баъзан Б.ни асослашга ҳожат бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда улар тўғридан-тўғри фармойиш қисми б-н ҳам берилaveraди. Мас., Куролли Кучларда Б. бошлиқнинг ўз қўл остидагиларга ёзма ёки оғзаки равишда берган фармойиши; бу фармойиш буйсунувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

БУЙРУҚ ЁКИ БОШҚА ВАЗИФАНИ ИЖРО ЭТИШ – шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди. Буйруқ, фармойиш ёки мансаб вазифаларининг қонуний эканлигини кўрсатувчи биринчи шарт уларнинг расмий, тегишли суратда бўлишидир. Буйруқ – ижро этилиши даркор. У бошқарув ваколатлари берилган шахс томонидан бирор-бир ҳаракатларни амалга оширишни қонун ёки қонуности ҳужжати асосида талаб этишдан иборат. Илтимос, ишонтириш, мажбурлаш ва х.к. Буйруқлар б-н бирга фармойишлар, кўрсатмалар ва б. берилади. Улар орасидаги фарқ ҳал этилаётган масалаларнинг турлича характерга эга эканлигида ва уларни қабул этишга ҳақли шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатларида намоён бўлади. Буйруқ ёки бошқа фармойиш маълум шаклда ифода этилиши шарт эмас. Бошқарувни ташкил этиш амалиётида буйруқ ва б. фармойишлар ёзма, оғзаки ва кўрғазмавий (белги, байроқ ва х.к.) шаклда берилади, шунингдек улар алоқанинг техник воситалари ёрдамида ҳам берилиши мумкин. Бирок, баъзи ҳолларда, буйруқ ёки бошқа фармойишлар аниқ бир шаклга, одатда, ёзма шаклга эга бўлиши лозим. Бу талабга риоя этмаслик тегишли ҳужжатнинг қонунийлигини билдиради. Буйруқ ёки бошқа фармойишдан фарқли ўларок, мансаб вазифалари ходим ўзи эгаллаб турган мансабга боғлиқ равишда ундан амалга ошириши талаб этилган мажбуриятларнинг доирасини ифодалайди. Қонунга мувофиқ, мансаб вазифалари ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган шартномада ёзма равишда қайд этилиши лозим. Акс ҳолда, мансабга алоқадор мажбуриятлар шакли қонуний деб ҳисобланади. Бошқарув акти, шунингдек олдиндан қилишилган мансаб вазифалари мазмуни жиҳатдан ҳуқуқий талабларга зид келмаслиги лозимдир. Бунда, нафақат жиноят қонунига, балки қонунчиликнинг бошқа ҳужжатларига, жумладан, қонуности ҳужжатларига ҳам зиддият мавжуд бўлмаслиги лозимдир.

Жиноийлиги олдиндан аён бўлган буйруқ ёки бошқа фармойишни бажариб, жиноят содир этган шахс, умумий асосларда жавобгарликка тортилади.

Ғайриқонуний равишда берилган буйруқ ёки фармойишни ёхуд мансаб вазифасини бажармаган ёки бузган шахс жавобгарликка тортилмайди. Шахснинг амалда содир этган қилмишида бошқа бир жиноят таркибининг

барча аломатлари мавжуд бўлсагина, у жавобгарликка тортилади (ЎзР ЖКнинг 40-м.си).

БУЙРУҚ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ – фуқаролик ва ҳўжалик суд ишларини юритишнинг бир тури. Суд буйруғини чиқариш учун судга мурожаат этилган талаб низосиз бўлиши лозим. Судья бундай тартибда иш юртишда фуқаролик ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқида белгиланган иш кўриш б-н боғлиқ бўлган қоидалар татбиқ этилмайди, иш кўзғатилмайди, гувоҳларнинг кўрсатмаларидан фойдаланилмайди.

Суд буйруғига оид қоидаларда ундирувчининг пул маблағларини ундириш, шунингдек кўчар мол-мулкни қарздордан талаб қилиш тўғрисидаги талаблар кўрилади. Низосиз тартибда деган сўзни, алоҳида тартибда кўриладиган ишлардан фарқлай олиш лозим. Суд буйруғи тартибда кўриладиган талаблар қонунда белгиланган.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга қуйидаги ҳолларда суд буйруғини чиқариш ҳақидаги талаб б-н мурожаат қилиш мумкин: агар талаб нотариал тасдиқланган битимга асосланган бўлса; агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса; агар вояга етмаган болалар учун алиментлар ундириш ҳақидаги, оталикни белгилаш б-н ёки учинчи шахсларни жалб этиш зарурати б-н боғлиқ бўлмаган талаб арз қилинган бўлса; агар ҳисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса (ЎзР ФПКнинг 238²-м.си).

Ҳўжалик судларига қуйидаги ҳолларда суд буйруғини чиқариш ҳақидаги талаб б-н мурожаат қилиш мумкин: солиқлар ва б. мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкни қаратиш тўғрисида талаб қўйилса; ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса; талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса; лизинг берувчи томонидан лизинг олувчидан ўз мол-мулкни талаб қилиб олиш тўғрисида талаб қўйилса (ЎзР ХПКнинг 103-м.си).

БУТЎНЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ – халқаро савдони тартибга солувчи халқаро ташкилот бўлиб, Савдо ва Тарифлар бўйича Бош Келишувнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Мазкур ташкилот Савдо ва Тарифлар бўйича Бош Келишув доирасидаги кўп томонлама келишувларнинг Уругвай раунди (1995 й.) натижаларида қабул қилинган махсус Келишув асосида ташкил этилган. Б.с.т.нинг асосий органи бир йилда икки марта ўтказиладиган сессия ҳисобланади, шунингдек барча аъзо-мамлакатларнинг вакилларида иборат бўлган Кенгаш ва Котибият ҳам мавжуд. Б.с.т.нинг штаб-квартираси Швейцариянинг Женева ша.да жойлашган. Б.с.т.нинг ҳуқуқий асоси бўлиб Хизматлар Савдоси бўйича Бош келишув ва Интеллектуал мулк ҳуқуқларини савдо жиҳатлари бўйича Бош Келишув ҳисобланади. Бугунги кунда 130 дан ортиқ давлатлар Б.с.т.нинг аъзоси ҳисобланади.

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ (инг. accountancy, book-keeping) – корхоналар ва алоҳида тадбиркорларнинг узлуксиз, ҳужжатлар б-н асосланган ва ўзаро боғлиқ бўлган

мол-мулки, мажбуриятлари ва ҳўжалик операциялари, мазкур маблағларнинг манбалари, молия-кредит муносабатлари ҳамда ҳўжалик фаолиятининг натижалари ҳисоби.

Б.х.нинг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва б. бухгалтерия ахбороти б-н таъминлашдир.

Б.х.нинг вазибалари:

Б.х. ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

самарали бошқариш мақсадида Б.х. маълумотларини умумлаштириш;

молиявий, солиққа доир ва б. ҳисоботларни тузишдан иборатдир (“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си).

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ЎзРда рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг ЎзР ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва б. таркибий бўлинмалари Б.х. субъектларидир.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Б.х.ни юретида ва бухгалтерия (молия) ҳисоботини тақдим этади (“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва ҳаражатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати б-н боғлиқ ҳўжалик операциялари Б.х.нинг объектларидир. Б.х.нинг объектлари жамлама ҳисобварақларда акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби Б.х. субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади (“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

Б.х.нинг асосий қондалари қуйидагилардир: Б.х.ни икки ёқлама ёзув усулида юритиш; узлуксизлик; ҳўжалик операциялари, активлар ва пасивларни пулда баҳоланиши; аниқлик; ҳисоблаш; олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик); мазмуннинг шаклдан устуңлиги; кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги; молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; ҳисобот даври даромадлари ва ҳаражатларнинг мувофиқлиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши (“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.си).

БУХОРИЙ (21.07.810 й., Бухоро – 31.08.870 й., Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғи) – машҳур ҳадисшунос олим. Тўлиқ исми – Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Имом Б.нинг атоқли аллома бўлиб етишувида оила, мадраса тарбиясидан ташқари устозларининг ҳам буюк хизматлари бор. “Мен ҳадисларни 1080 муҳаддисдан ёзиб олдим”, – деб хотирлайди алломанинги ўзи. Б.нинг устозлари инсоний фазилатлари, адолатли инсонлиги, хотираси мустаҳкамлиги, ривоятининг тоза, тўғрилиги, ёлғон аралашмагани, иймон-этикодининг соғломлиги б-н ажралиб турар эди. Б.нинг турли мамлакатлардаги машҳур устозлари, Маккада: Абдуллох ибн Зубайр ал-Хўжандий, Аҳмад ибн Муҳаммад Азракий, Абдуллох Муқрий, Мадинада: Абдулазиз Увайсий, Мутриф ибн Абдуллох, Басрада: Абу Осам ан-Набил, Балҳда: Яҳё ибн Баср, Утайба ибн Саъид, Куфада: Абу Наъим ал-Фазл, Бағдодда: Сарих ибн ан-Нуъмон, Аҳмад ибн Танбал ва б.

Шомда: Муҳаммад ал-Форобий, Одам ибн Абу Илёс, Мисрда: Аҳмад ибн Шуайб, Аҳмад ибн Солих, Марвада: Аҳмад ибн ал-Ҳасан, Нишопурда: Исҳоқ ибн Иброҳим Роҳвайх ал-Ҳамзамий, Муҳаммад ибн Яҳё Зуҳалӣ, Яҳё ибн Яҳё Тамимий, Башр ибн ал-Ҳаким ва б. бўлган. Б. ўзининг буюк асари “Ал-жомеъ ас-Саҳих”ни 16 йил давомида 600.000 ҳадислар орасидан энг саҳиҳларини ажратиб, ёзиб тугатган.

Имом Б.га ҳадисдан сабоқ берган улўф устозлари ҳам сал ўтмай ўзларини унга шогирд даражасида эканлигини эътироф эта бошладилар. Устози Исҳоқ ибн Роҳвайх Имом Б.га болалик чоғида “Сиз (ҳадис) айтиб туринг, бошқалар ёзиб олсин”, дер эди. Устози Абдуллох ибн Мунир эса, “Мен ал-Бухорийнинг шогирдлариданман”, дер эди. Замондоши, муҳаддис Абдуллох ибн Абдурахмон Самарқандий “Икки ҳарамайнда (Макка ва Мадинада), Ҳижозда, Шомда ва Ироқда кўп олимларни кўрдим, лекин, Муҳаммад ибн Исмоилдек (кўп ва саҳиҳ) ҳадис жамлаганини кўрмадим. Ул киши биздан кўра билгувчирок, факхчирок ва талабчанроқдир” – деб баҳо берган. Имом Б.нинг шогирдлари ҳам сон-саноксиз бўлган. Атоқли муҳаддис Форобий “Биргина “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китобини ул зотдан эшитган кишилар саноғи тўксон минг киши бўлган”. – дер эди. Агар Б.нинг бошқа китобларини ҳам ул зотдан эшитганлар кўшилса, саноғига етиш қийин эди. “Ўн саккизга кирганимда (Маккаи муқаррамада) “Қазоё ас-саҳобати ва-тобеъийн” китобини ёздим”, – деб эслайди Б. шогирди Ибн Абу Хотим б-н суҳбагида. Кейин Мадинада Расул алай-ҳиссаломнинг қабри олдида “Ат-Тарих”ни битди. Шогирди Ибн Абу Хотимнинг гувоҳлик беришича, Б. ҳадисларни Басрада яшаганида китоб қила бошлаган.

Имом Б.нинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” асари суннийлар томонидан эътироф этилган “Сихохи сита” (олти саҳиҳ китоб)нинг биринчисидир. Б.нинг бошқа асарлари: “Ат-Тарих ал-қабир”, “Ат-Тарих ас-сағир”, “Аз-Зуафо ас-сағир” (“Заиф ҳадислар ҳақида кичик китоб”), “Ал-Куно” (“Ровийларнинг қуъьялари”), “Ал-адаб ал-муфрад” (“Адаб дурдоналари”), “Аз-зуафо ал-қабир” (“Заиф ҳадислар ҳақида катта китоб”), “Ат-Тафсир ал-қабир” (“Катта тафсир”), “Биррул – волидайн” (“Ота-онага яхшилик қилиш ҳақида”), “Ал-жомеъ ал-қабир”, “Ал-Муснад ал-қабир”, “Асоми ас-саҳоба” (“Саҳобаларнинг исмлари”), “Китоб ал-Ҳиаа” (Ҳолис совға китоби), “Китоб ал-Илал” (“Иллатли ҳадислар китоби”). “Китоб ал-фавойид” (“Фойдалар ҳақида”), “Сунан ал-фуқаҳо” (“Фақиҳларнинг ҳукмлари”), “Қазоё ас-саҳобати ва-тобеъийн” (“Саҳоба ва тобеъийларнинг қозилик ҳукмлари”), “Халқу афвалул-ибоди” (“Обидларнинг феъллари халқ қилингани”) ва б.

Б. умри давомида ёзиб олган ва ёд билган 600 минг ҳадисдан энг ишончли саҳиҳларидан 7275 тасини ажратиб, “Ал-жомеъ ас-Саҳиҳ” китобига киритган. Б.нинг ўзи гувоҳлик беришича, 100 000 ҳадисни ёд билган. Мазкур тўпламда Расулуллохнинг ҳадиси шарифлари “Иймон”, “Таҳорат”, “Намоз”, “Закоат”, “Ҳаж”, “Никоҳ”, “Талок”, “Савдо-сотик китоби”, “Ичимликлар”, “Ваколат китоби”, “Ҳадаялар”, “Гувоҳликлар китоби”, “Сулҳ китоби”, “Васият китоби”, “Дастлабки яратиш” (Оламнинг пайдо бўлиши), “Жиход”, “Малоикалар ҳақида” каби 100 бобга бўлинган. Ҳар бобда мавзуга доир ҳадиси шарифлар ишончли

ровийлар исноди (манбаи) б-н келтирилади. “Ал-жомеъ ас-Саҳих” шундай бир улкан маънавий хазинаки, унда келтирилган саҳих ҳадислар Қуръони карим оятларидан кейин ўз замонасида ва кейинчалик ҳам ислом шариаги, калом ва фикр илмларида шаръий ҳукмларга асос бўлиб хизмат қилган. “Ал-жомеъ ас-саҳих” тўпламидаги баъзи ҳадислар ҳозирги табиатшунослик илмларининг ҳам асосини ташкил этганини кўрамиз. Мас., “Сув ҳақидаги ҳикматлар” китобида барча ўсимликлар ва жонзотлар сувдан пайдо бўлгани ҳақида қудсий ҳадис келтирилган. Вақф мулклари, меросхўрларнинг ҳақлари, илм-маърифат ўрганиш барча мусулмон эркак ва аёлларга фарзлиги ҳақидаги ҳадиси шарифлар ҳамда муҳим ҳаётий муаммоларда шарият ҳукмлари ва қозиларнинг қарорларига манба бўлган.

“Ал-адаб ал-муфрад” асариди Б. инсон ахлоқи, одоби, маънавий камолотида доир ҳадисларни турли мавзулар бўйича тасниф қилган ва зарур изохларни берган. Бу асарда 1322 та ҳадис ва хабарлар 644 бобда жам қилинган. “Адаб дурдоналари” асарининг илк бобларида ота-она олдиди фарзандлик бурчлари, ота-онани рози қилиш, уларнинг ҳақини адо қилиш, ота-она амрига итоат қилиш, ота-она мушрик бўлса ҳам уларга яхшилик қилиш, уларнинг дилини оғритмаслик, ота-она дуоси, қариндош уруғларига меҳр-шафқат, раҳмдиллик, ёш болаларга, аёлларга меҳр-муруватли бўлиш, болалар ва катталар аразлашиб, урушиб қолганида яраштириб қўйиш, иморат қуришда ва б. ишларда қамтарлик б-н иш тутиш, такаббурилик ва сўкиннинг ёмонлиги, жабр-зулмнинг ёмонлиги, ростгўйлик ва ёлғончилик, ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ ишлар, молни тежаш ва кўпайтиришнинг яхшилиги каби инсон маънавий ҳаётига доир муҳим муаммолар ҳақида ҳадиси шарифлар асосида фикр юритилади. Имом Б. ҳаётида нодир асарлар ёзиш б-н бирга жуда кўп ажойиб шогирдлар етиштирди. Булар орасида Абу Исо ат-Термизий, Муслим ибн Ҳажжож каби буюк муҳаддис ва муфассир алломалар бор. У Нишопурда ат-Термизий б-н бир жойда яшаб, илм ва ижода ҳамкорлик қилди. Аллома кейинчалик Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғида қариндошлари ҳузурда яшайди. Шу ерда 62 ёшда вафот этади. Истиқлол Имом Б. меросини ўрганиш имконини очди. Президент И.А.Каримов раҳбарлигида бу соҳада ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

БЮРОТМА ҚҶРИҚХОНА – табиат мажмуалари ёки уларнинг айрим бўлақларини асраш, кўпайтириш ва тиклаш мақсадида ташкил қилинган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд. Б.қ.нинг оддий қўриқхонадан фарқи: алоҳида қимматга эга бўлган ландшафтларни тиклаш (яҳлит Б.қ.); қимматли, нодир ва йўқолиб бораётган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини асраш ва тиклаш (зоо–ботаник Б.қ.); қазилма бойлик ва уларнинг мажмуини асраб қолиш (палеонтологик Б.қ.); жонсиз қимматли объект ва мажмуаларни асраб қолиш (гидрологик Б.қ.); ноёб рельеф шакллари асраб қолиш (геоморфологик Б.қ.); нодир геологик ва минерологик ҳосилалар ва тузилмаларни асраб қолиш (геологик ва минерологик Б.қ.). Б.қ.ларда муддатсиз (муддат кўрсатилмаган) ва муддатли (5 й.гача – қиска, 5 й.дан кўп – узок) фаолият олиб бориш руҳсат этилади. Б.қ.лар давлат тасарруфида бўлиб уларга: Арнасой (663 км²), Қорақўл (100 км²), Сайғок (10000 км²), Судоний (500 км²), Сармиш

(25,2 км²), Қорақир (300 км²), Қарнобқўл (400 км²), Қўшработ (156 км²), Денгизқўл (86 км²) каби алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар қиради.

Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни асл ҳолатида сақлаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар мажмуа (ландшафт) Б.қ.лари ҳисобланади. Мажмуа (ландшафт) Б.қ.лари махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича ЎзР ВМнинг қарори б-н давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этилади. Мажмуа (ландшафт) Б.қ.лари бундай қўриқхоналар тўғрисидаги ЎзР ВМ томонидан тасдиқланган низом асосида фаолият кўрсатади. Мажмуа (ландшафт) Б.қ.лари ҳудудида ҳар қандай фаолият тақиқланади, илмий-тадқиқот, рекреация фаолияти, атроф табиий муҳит мониторингини юритиш, шунингдек пичан ўриш ва чорва молларни ўтлатиш, ёввойи ўсимликларни озик-овқат мақсадлари учун, мажмуа (ландшафт) Б.қ.лари ҳодимларининг ва мазкур қўриқхоналарнинг қўриқланма зоналарида яшовчи фуқароларнинг ўз эҳтиёжлари учун ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг доривор ва техник хомашёсини тайёрлаш (йиғиш) бундан мустасно.

ВМнинг 2004 й. 28 октябрдаги 508-сон қарори б-н тасдиқланган “Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни ЎзРга олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш ҳамда овчилик-балиқ овлаш хўжалигини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низомига мувофиқ, ов ва балиқ овлаш илмий, маданий-маърифий, хўжалик, шунингдек спорт-хаваскорлик мақсадлари учун ёввойи ҳайвонларни овлаш ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузурдаги Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан белгиланган тартибда бепул ёки қонуности ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ҳақ эвазига амалга оширилади.

БЮДЖЕТ (инг. budget – ҳамён, маблағ) – белгиланган муддат (йил, квартал) учун ишлаб чиқилган, меъёрлаштирилган ҳамда қонуний равишда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар йиғиндиси. Б. давлат даражасида, шунингдек вил., тум. хўжалик субъектлари, оила ёки шахс даражасида тузилиши мумкин. Қандай бўғинда ташкил топишдан қатъи назар, Б. уч хил маънода бўлади: иқтисодий маънода Б. жамғармаларни турли бўғинда ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган иқтисодий (пул) муносабатлари тизимини англатади; моддий маъно – давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ўз олдига қўйган вазифаларини таъминлаш мақсадида у ёки бу бўғинда ташкил қилинадиган марказлашган пул жамғармаларини англатади; ҳуқуқий маънода Б. тегишли давлат ҳокимиятининг вакиллик органи томонидан тасдиқланган, тегишли ҳудуднинг марказлашган пул жамғармасини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланишнинг молиявий режаси ҳисобланади. Умуман олганда, Б. бу – давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан тасдиқланган марказлашган пул жамғармаларининг ташкил топиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланилишининг асосий молиявий режаси бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг барча вазифалари ва функцияларини таъминлашга хизмат қилади. Яна қ.: *Давлат бюджети*.

БЮДЖЕТ ДОТАЦИЯСИ (лот. *dotatio* – ҳада, хайр-эхсон) – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари б-н даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шарти б-н ажратиладиган пул маблағлари (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Бюджетни тартибга солишнинг ушбу услуби бир қанча камчиликларга эга бўлиб, бунга бюджетларда назарда тутилган тадбирларни маблағ б-н узлуксиз таъминлаб туриш учун жойларда бюджетлардан қўшимча даромадларни йўналтиришда давлат ҳокимияти маҳаллий органлари манфаатдорлиги ва молия органлари жавобгарлиги пайсайишни киритиш мумкин. Бундан ташқари, дотация қуйи бюджетнинг ижросини юқори бюджетга даромадларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишига қарам қилиб қўяди, мана шу даромадлар ҳисобидан дотация суммалари ўтказилади. Шу боисдан, бюджетни тартибга солиш услуби сифатида дотация фақат шундагина қўлланиладики, унинг ҳудудида йўналтириладиган барча тартибга солувчи даромадлар қуйи бюджетга берилаётганида бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар умумий суммаси режалаштирилган барча харажатларни қопламаган, яъни бюджетни дефицитсиз мувозанатлаштиришнинг бошқа барча услублари тугаган бўлса.

БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИ – давлат бюджетини тузиш, қўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш, шунингдек Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинган жараёни (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Бу фаолият босқичма-босқич амалга оширилади ва ҳар йили такрорланиб туради. Б.ж. босқичларининг давомийлиги бюджет лойиҳасини тайёрлашдан бошлаб бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш жараёнига қадар бўлган муддат уч йилни ташкил этади. Б.ж.нинг мазмуни мамлакатнинг давлат ва бюджет тузилиши, давлат ҳокимияти органларининг бюджет ҳуқуқлари б-н белгиланади.

БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИ – барча ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган бюджетга пул ўтказиш ва бюджет маблағларини сарфлашнинг ўрнатилган тартиби.

БЮДЖЕТ ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ – бюджет талабларига риоя этмаслик натижасида бюджетда асоссиз тақчиллик пайдо бўлиши, талаб қилинган воситалар, маблағлар б-н муҳтож бўлган муассаса ва ташкилотларнинг таъминланмаслиги. Б.и.б. давлат маблағларини самарали, тўлиқ натижа б-н ва ўз ўрнида ишлатишга имкон бермайди. Бунинг натижасида аҳолининг алоҳида қатламлари орасида боқимандалик, норозилик муҳити шаклланади, ўтказилаётган ислохотларни жамият идрок қилишига салбий таъсир қилади, уларни обрўсизлантиради. Б.и.б. фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш, қамайтириб қўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашда ифодаланади.

Б.и.б., яъни бюджет маблағларини бюджетда ёки бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг

сметаларида назарда тутилмаган харажатларга йўллаш, шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича бюджетдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кетиши, штат-смета интизомини бузганлик учун ЎзР МЖКнинг 175²-м.сида, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилганлик учун эса ЎзР ЖКнинг 184¹-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

БЮДЖЕТ МУАССАСАСИ – ташкилий-ҳуқуқий шакли муассаса бўлган бюджет ташкилоти. Яна қ: *Бюджет ташкилоти; Муассаса*.

БЮДЖЕТ ПРОФИЦИТИ – муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

БЮДЖЕТ ССУДАСИ – юқори бюджетдан қуйи бюджетга ёхуд республика бюджетидан резидент-юрлик шахсга ёки чет эл давлатига қайтариш шарти б-н ажратиладиган маблағ (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Б.с. кечиктириб бўлмайдиган биринчи навбатдаги тадбирларни молиялаштиришни таъминлаш учун берилди. Улар: а) даромадлар тушумлари б-н харажатларни амалга ошириш ўртасидаги режали вақтинча узилишларини қоплаш учун; б) даромадлар тушумлари б-н харажатларни амалга ошириш ўртасидаги амалдаги вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун; в) ҚР бюджети ва маҳаллий бюджетлар режали харажатларини мақсадли молиялаштириш схемаларини амалга ошириш учун ажратилади. Ссудалар жойлардаги ҳокимият ижроия органлари раҳбарларининг ёзма мурожаати бўйича берилди. Улар ҚР Вазирлар Кенгаши, вил. ҳокимлари ва Тошкент ш. ҳокими томонидан ЎзР Молия вазирлигига жўнатилади, тум.лар ва ш. ҳокимлари эса юқори ҳокимият органларига юборди. Бюджетга даромадлар келиб тушмаган ёки бюджет харажатларини олдиндан молиялаштириш зарурати туғилган ҳолатлар ҳамда қабул қилинган чоралар тегишли бюджет даромадлари ва харажатлари мувозанатини таъминламаган шароитлар ссуда берилиши учун мурожаатга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

БЮДЖЕТ СТАТИСТИКАСИ – аҳоли турли ижтимоий гуруҳларининг турмуш даражасини ўрганувчи статистика. Бюджет текширувлари натижасида олинган статистик маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш б-н шуғулланади.

БЮДЖЕТ СУБВЕНЦИЯСИ (лот. *subvenire* – ёрдамга келмоқ; инг. *subvention*) – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти б-н юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шартида ажратиладиган пул маблағлари (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Б.с. муайян бир тадбирни молиялаштириш учун ажратилади ва ундан мақсадли фойдаланиш тартиби бузилган ҳолда, қайтарилиши лозим. Бир қанча мамлакатларда, мас., АКШ, Италия, Германия, Японияда Б.с. маҳаллий бошқарув органларига марказдан тасдиқланган, ўз ташаббуси бўйича амалга ошириладиган муайян дастурлар ёки лойиҳаларни молиялаштириш учун берилди.

Б.с. бюджет дотациясидан фарқли равишда қатъий мақсад йўлида ва белгиланган муддат ичида сарфланиши ке-

рак, акс холда, у Б.с. берган органга кайтарилиши лозим бўлади.

БЮДЖЕТ СЎРОВИ – бюджет таснифи бўйича тушумларни шакллантириш ва бюджетдан маблағ ажратиш тўғрисидаги сўров (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 25-м.сига мувофиқ, ЎзР Молия вазирлиги ҳар йили ЎзР ВМ томонидан белгиланган муддатларда келгуси молия йилига:

тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун – ҚР Вазирлар Кенгашига, вил.лар ва Тошкент ш. ҳокимларига, давлат мақсадли жамғармаларни тақсимловчи органларга;

бюджетдан ажратиладиган маблағларни олиш учун – республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга Б.с. юборади.

ҚР Вазирлар Кенгаши, вил.лар ва Тошкент ш. ҳокимлари Б.с. олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

ҚР Молия вазирлиги, вил.лар ва Тошкент ш. молия органлари ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида:

тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун – тум. ва ш. ҳокимларига;

ҚР бюджет ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун – ҚР бюджетидан, вил.лар ва Тошкент ш. бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга Б.с. юборади.

Вилоятга бўйсунадиган ш.ларнинг, ҚР ва вил.лар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда ш.лар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари Б.с. олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Тум. ва ш. ҳокимликларининг молия органлари ушбу модданинг тўртинчи қисмида кўрсатилган қарорлар қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тум.лар ва ш.ларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун шу тум. ва ш. бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга Б.с. юборади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби ЎзР Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

БЮДЖЕТ ТАСНИФИ – давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлаш. Б.т. Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижро этиш мақсадида бюджет маълумотларини тизимга солиш учун фойдаланилади ва у бюджет маълумотлари халқаро тасниф тизимларининг айнан шундай маълумотлари б-н қиёсланишини таъминлайди. Б.т.: Давлат бюджети даромадларининг таснифини; Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан,

ташкилий ва иқтисодий таснифини; Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини ўз ичига олади. Давлат бюджети даромадларининг таснифи қонун ҳужжатларига мувофиқ уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий вазифалар бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи бюджетдан ажратиладиган маблағлар уларни бевосита олувчилар ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбирлар турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан иборат бўлади. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади. Б.т. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ЎзР Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 10-м.си).

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ – зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш б-н боғлиқ бўлган ўз фаолиятини амалга ошириши учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш назарда тутилган ва бу маблағ молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланадиган вазирлик, давлат қўмитаси, идора, давлат ташкилоти. Яна қ.: *Ташкилот*.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИНИНГ СМЕТАСИ – ишлаб чиқариш б-н шуғулланмайдиган муассаса ва ташкилотларни давлат бюджетидан молиялаштиришда қўлланиладиган асосий режали ҳужжатдир.

Б.т.с. ушбу ташкилотнинг барча харажатларига йўналтириладиган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажми, мақсадли йўналтирилиши ва кварталларга тақсимланишини белгилайди.

Б.т.с. асосий режали ҳужжат бўлиб, ташкилотлар фаолияти ҳамда хўжалик ва маданий қурилиш бўйича марказлаштирилган тадбирларни амалга ошириш учун бюджет ҳисобидан бериладиган маблағлар ҳажмини, мақсадли йўналиши ва чораклар бўйича тақсимотини белгилаб беради.

БЮДЖЕТ ТАҚЧИЛЛИГИ – муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортик бўлган суммаси (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Қамомад режали равишда белгиланиши ҳам мумкин. Қўпинча Б.т. режалаштирилган бюджет б-н ижро этилган бюджетнинг номуноносиблиги натижасида содир бўлади ва харажатларнинг даромадлардан юқори бўлганлигини кўрсатади. Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқарган ва Давлат бюджетининг олдиндан белгиланган тақчиллиги қонун ҳужжатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, ЎзР ВМ Давлат бюджетининг харажатларини алоҳида модда бўйича қисқартириш тўғрисида қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ЎзР Олий Мажлисига тақлиф киритади. Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги

вакцинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили мобайнида уларга тегишли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бюджет ссудаларини беришнинг энг кеч муддати ва тартиби ЎзР Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вакцинчалик тафовутни молия йили мобайнида айланма касса маблағи меъёри ҳисобига уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тикланган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига қоплаш мумкин.

БЮДЖЕТ ТИЗИМИ – мамлакат ҳудудида амал қилувчи барча бюджетлар мажмуи.

Б.т. турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш ЎзРнинг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

Б.т.нинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги; бюджет тузилишининг ЎзР маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги; турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги; Давлат бюджети баланслилиги; давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш; Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш; барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.си).

БЮДЖЕТ ТРАНСФЕРТИ – бюджетдан юридик ёки жисмоний шахсга бевосита ёхуд ваколатли орган орқали ажратиладиган қайтарилмайдиган пул маблағлари (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

БЮДЖЕТ ТУЗИЛИШИ – бюджет тизимининг ташкил этилиши, уни тузиш принциплари ҳамда бу тизим айрим бўғинлари ўртасидаги ўзаро алоқа. Давлатнинг Б.т. бюджетларнинг турлари, уларнинг ҳар бири йўналиши (бюджет тизими), бюджетлар айрим турлари ўртасида даромадлар ва харажатлар тақсимланиши, улар функцияларининг принциплари, ваколатли ва ижроия ҳокимияти марказий ва маҳаллий органларининг ваколатларини белгилаб берадиган юридик нормаларга асосланади. Демак, ўз мазмунига кўра Б.т. тушунчаси бюджет тизими тушунчасига нисбатан анча кенг экан. Бизнинг Республикамиз бюджет қонунчилигида эса, ушбу тенг бўлмаган тушунчалар ўртасида тенглик белгиси қўйилган бўлиб, “Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сидаги таъриф бунга далил бўла олади. Унга мувофиқ, бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари

олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди. Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш ЎзРнинг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади. ЎзРнинг хозир шаклланиш босқичида турган бюджет қонунчилигини янада такомиллаштириш жараёнида кўрсатилган қарама-қаршиликни кўриб чиқилаётган икки нотенг тушунчаларни аниқ ажратиш олиш йўли б-н бартараф этиш зарур. Бу нафақат назарий, балки ниҳоятда муҳим бўлган амалий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки Б.т. тушунчаси давлат бюджет сис-темининг асосий элементларини кўп жihatдан белгилаб берувчи дастлабки нуқтадир.

БЮДЖЕТ ҲУҚУҚИ – давлат бюджет қурилиши ва бюджет тизими, бюджет тизими даромадлари ва харажатлари тузилмаси, уларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши, давлат ва унинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари ваколати, бюджет жараёни ва бюджет назоратини белгиловчи молиявий-ҳуқуқий нормалар мажмуидир.

БЮДЖЕТ ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРИ – бюджет ҳуқуқи нормалари б-н тартибга солинган ижтимоий муносабатлар. Улар молиявий-ҳуқуқий муносабатларнинг бир тури ҳисобланади ва шу сабабли уларга тегишли бўлган барча ўзига хос хусусиятларга эга. Б.х.м. ўзига хос хусусиятлари асосан бюджет ҳуқуқи предмети б-н белгиланади. Б.х.м. давлат молиявий фаолиятининг алоҳида соҳасида, хусусан, давлат бюджети маблағларини ташкил этиш ва тақсимлаш соҳасида юзага келади, ўзгаради ва бекор бўлади. Б.х.м. ушбу хусусияти маъмур муносабатларнинг бошқа махсус хусусиятларида, мас., субъект таркиби ва уларнинг вақт бўйича ҳаракатида ўз таъсирини кўрсатади.

БЮДЖЕТДАН АЖРАТИЛАДИГАН МАБЛАҒЛАРНИ ТАҚСИМЛОВЧИЛАР – тегишли бюджетлар ва харажатлар сметаларидан тасдиқланган параметрлар доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган бюджет ташкилотлари, корхоналар ва хўжалик ташкилотлари раҳбарлари ёки уларнинг вазифаларини бажарувчи шахслар. Уларга тегишли бюджетлар ва харажатлар сметаларида тасдиқланган параметрлар доирасида бюджетдан ажратиладиган маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган. Ўзларига берилган ваколат доирасига кўра Б.а.м.т.: бюджетдан ажратиладиган маблағларни бош тақсимловчилари ва қуйи тақсимловчиларига бўлинади.

ЎзР Молия вазирлигининг буйруғи (рўйхат рақами 1111, 14.03.2002 й.) б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қондаларига мувофиқ, давлат бюджетидан молиялаштирилмайдиган харажатларни амалга ошириш учун тегишли маблағлар бюджетдан маблағ олувчиларга – Б.а.м.т.га берилади.

Б.а.м.т.га улар учун тегишли бюджет параметрларида ва тасдиқланган сметаларда назарда тутилган харажатларни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган бюджет ташкилотлари, корхоналари ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари қиради.

Берилган ҳуқуқларга кўра Б.а.м.т. 2 га бўлинади: 1) бош Б.а.м.т.; 2) қуйи турувчи Б.а.м.т. – биринчи даражали, иккинчи даражали, учинчи даражали ва х.к. Б.а.м.т.

БЮДЖЕТДАН МОЛИЯЛАШ – қайтарилмасдан ва беғараз равишда бюджетдан маблағлар ажратиш. Б.м. Давлат бюджетидан давлат буюртмаларини амалга ошириш, давлат дастурларини бажариш, давлат ташкилотларини сақлаш б-н боғлиқ харажатларга пул маблағлари ажратиш. Б.м. давлат харажатларини амалга оширишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Давлатнинг асосий харажатлари давлат бюджети маблағлари ҳисобидан копланиб, улар давлат ижтимоий ва иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини молиялаштириш учун йўналтирилади. Бажарадиган хусусиятига кўра, одатда, ўз маблағларига эга бўла олмайдиган, аммо уларнинг фаолияти жамият ва давлат эҳтиёжларини қондиришнинг зарурий шарт бўлган ташкилотларнинг харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига тўлиқ копланди. Уларга ўз харажатларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан коплайдиган ва смета – бюджет йўли б-н молиялаштириш тартибда харажатларини амалга оширадиган ишлаб чиқариш соҳасига кирмайдиган ташкилотлар (ижтимоий-маданий муассасалар, давлат ҳокимияти органлари ва б.) киради.

БЮДЖЕТНИ РЕЖАЛАШТИРИШ – бюджетни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этишнинг режали жараёни. Б.р.нинг асосий вазифаси иқтисодни кўтариш учун зарур бўлган барча ресурсларни аниқлаш ва жамлаш ҳамда улардан давлатнинг иқтисодий қудратини, аҳолининг ижтимоий аҳолини мунтазам ошириб боришда фойдаланишдан иборат. Шунингдек, Б.р орқали давлатнинг айрим иқтисодий кўрсаткичлари, давлат бюджетининг даромад ва харажатлари қисми текширилади ҳамда иқтисодий баланс таъминланади. Б.р.нинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири – бюджет лойиҳасини тузиш ва тасдиқлаш б-н ўз яқунига етмай, балки давлат харажатларини қисқартириш, бюджет ресурсларини тежаш, давлат бюджети даромадларининг янги манбаларини топиш мақсадида бутун бюджет ижроси вақтида давом этади. Б.р. қуйидаги босқичларни босиб ўтади: бюджет лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама қилиш, бюджет лойиҳасини тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш.

БЮДЖЕТНИ ТАРТИБГА СОЛИШ – ҳар бир қуйи бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатга келтириш мақсадида Давлат бюджети маблағларини ҳар йили режали қайта тақсимлаш жараёни. Бюджет тизими даромадларини тақсимлашнинг асосий вазифаси ЎзР Давлат бюджети даромадларини алоҳида бюджетлар ўртасида

шундай қайта тақсимлашдан иборатки, улардан ҳар бири ўзига ажратилган барча харажатларни коплайдиган маблағлар б-н таъминланган бўлиши шарт. Б.т.с. турли услублар ёрдамида амалга оширилиб, улар орасида тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш услуби энг муҳим услуб ҳисобланади. Б.т.с. услубининг аҳамияти шу б-н белгиланадики, бириктирилган даромадлар етмаган тақдирда, айни мана шу услуб ёрдамида ҳар бир бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатга келтириш учун зарур бўлган маблағларнинг катта қисми берилади. Тартибга солувчи манбалардан маблағлар ажратиш йўли б-н қуйи бюджетларни мувозанатлаш имконияти бўлмаган ҳолда, Б.т.с.нинг бошқа услублари қўлланади: а) юқори бюджетлардан қуйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенцияларини бериш; б) бюджет ссудаларини ажратиш.

БЮРОКРАТИЯ – (инг. bureaucracy, фр. bureau – девонхона ва юн. cratos – ҳокимият). Ўз олдига қўйилган вазифаларни самарали услубда амалга ошириш учун бўйсунувга асосланган ҳолда ташкил этилган бошқарув тизимидир. “Бюрократия” деб кўп ҳолларда махсус ҳокимият аппаратининг бошқарув тизимигина эмас, балки ушбу аппаратнинг ўзини ҳам номлаш мумкин. Дастлаб, “бюрократия” тушунчаси 1745 й.да француз экономисти Винсент де Гурне томонидан киритилган. Б.нинг бошқарув тизими сифатидаги ижобий жиҳатларини немис социологи Макс Вебер намоён этди. Юқори даражадаги бюрократик ташкилотни кўрсатган ҳолда, М.Вебер унинг асосий жиҳатларини ажратиб берди: меҳнатни тақсимлаш ва ихтисослаштириш; вертикал иерархия; аниқ белгиланган қоидалар; ҳис-туйғуларга асосланмаган ўзаро муносабат. Б.нинг ижобий жиҳатлари б-н бирга салбий жиҳатлари ҳам олимлар томонидан кўрсатиб ўтилган: инсондан узоқлаштириш, расмиятчилик, инерция. Б., даставвал, бошқарув тизими йўлга қўйилган қад. давлатларда шакллана бошлаган. Бюрократик тизим қад. Миср ва Рим империяларини ажратиш турувчи белгиларидан бири бўлган. Ҳозирги замонда Б. “шарқий” ва “европа” типларига ажратилади. “Шарқий” типдаги Б. давлат бошқарувининг асосий, ажралмас қисми ҳисобланади. Б. ёрдамида ҳукумат жамият ҳаётини барча томонларини назорат қилиш имкониятини қўлга киритади. “Шарқий” типдаги Б.дан фарқли равишда “европа” типдаги Б. ҳукумат б-н боғлиқ бўлса ҳам унинг асосий мазмунини ташкил этмайди. “Европа” типдаги Б. сиёсий ҳукуматни қўлга киритишни кўзламоса ҳам унга қарши томонлар кўпчилиқни ташкил этади.

БЎНАК – к.: *Аванс (Бўнак)*.



ВАЗИР (араб. – юк кўтарувчи) – ҳукумат аъзоси ҳамда маълум бир вазирликни бошқарувчи юкори мансабдор шахс. Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида, шу жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси ёки кенгаши (девон) бошлиғи.

ЎЗРда В. ЎЗР ВМнинг аъзоси ҳисобланади. ЎЗР ВМнинг аъзолари Бош В.нинг тақдимиға биноан ЎЗР Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади (ЎЗР Конс.сининг 93-м.си).

ВАЗИРИ АЪЗАМ – улуг вазир, вазирлар бошлиғи. Ўрта асрларда ҳукуматнинг олий идораларини бошқарган юкори мансабдор шахс. Хозирги бош вазир лавозимиға тўғри келади.

ВАЗИРЛИК – кўпчилик давлатларда давлатнинг марказий ижро ҳокимияти органи, иктисодий, ижтимоий ва маданий фаолиятнинг айрим тармоқларида давлат бошқарувини амалға оширади. ЎЗР Президентининг “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 й. 9 декабрдаги ПФ – 3358-сон Фармониға мувофиқ. В.лар Республика давлат бошқаруви органлари рўйхатиға киритилган. ЎЗР Конс.сининг 93-м.сиға мувофиқ, янги В.ларни тузиш ва мавжудларини тугатиш ЎЗР Президентининг ваколатиға қиради. Бу ҳақдаги ЎЗР Президентининг Фармонлари ЎЗР Олий Мажлисининг палаталари томонидан тасдиқланади.

ВАКИЛ – ишончномаға, қонунға, суд қарорига ёки вакил қилинган давлат органининг ҳужжатиға асосан ваколатға эға бўлган шахс. У тузган битим ваколат берувчиға нисбатан фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларини бевосита вужудға келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади (ЎЗР ФКнинг 129-м.си).

В.нинг шахсан ўзи эса, битимлар юзасидан ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар олмайди. Кишининг шахси б-н боғлиқ бўлган, шунингдек қонунларда назарда тутилган битимларни В. орқали тузишға йўл қўйилмайди. Мас., никоҳ шартномасиға киришиш, алиментларни ундириш ёки тўлаш б-н боғлиқ мажбуриятлар. Муомалаға лаёқатли фуқаролариға В. бўлишлари, вакиллик қилишлари мумкин. Истисно сифатида айрим ҳолларда ўн олти ёшға тўлиб, паспорт олган фуқаро ҳам В. бўлиши мумкин. Фуқароларнинг фақат бир-бирлари учунгина эмас, баъзи ҳолларда ташкилотлар учун ҳам В. бўлишлариға қонун йўл қўяди. Мас., савдо ва таъминот бўлимларининг агентлари, махсулот тайёрловчи В. ва б. ходимлар ташкилотларнинг В.и сифатида иш бажардилар. Юридик шахс фақат ўз уставидан назарда тутилган ҳолларда ёки ўз фаолиятининг характериға мувофиқ бўлгандагина фуқароларнинг В. ёки бошқа юридик шахс В. сифатида ҳаракат қилиши мумкин. Судда: вояға етмаган шахслар, васийлик ва ҳомийлик остидаги шахслар фуқароларнинг В.лари сифатида қатнаша олмайдилар. Судьялар, терговчилар, прокурорлар қонуний В. сифатида (ота-оналар,

фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) шунингдек тегишли суд ёки прокуратуранинг В. сифатида қатнашиш ҳолларидан ташқари, судда В. бўла олмайдилар (ЎЗР ФПКнинг 51-м.си).

Топширик шартномаси бўйича бир тараф В. деб номланади. У иккинчи тараф (топширик берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. В. тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топширик берувчида вужудға келади. В. томонидан бир ёки бир неча муайян юридик ҳаракатларни содир этиш ҳақида ёки топширик берувчининг ишларини унинг кўрсатмалариға мувофиқ юритиш ҳақида берилиши мумкин. В. алоҳида ҳуқуқларға эға бўладиган топширик шартномаси бўйича бир тараф (топширик берувчи) иккинчи тарафға (алоҳида ҳуқуқларға эға бўлган В.ға) топширик берувчи номидан ва унинг ҳисобидан маълум соҳада ёки (ва) маълум ҳудудда топширик берувчи учун юридик аҳамиятға эға бўлган ҳамма ҳаракатларни содир этишни топширади. В. ўзига берилган топширикни топширик берувчининг кўрсатмалариға мувофиқ бажариши шарт. Агар ишнинг ҳолатлариға қўра топширик берувчининг манфаатлари учун унинг кўрсатмаларидан четга чиқиш зарур бўлса ҳамда В. топширик берувчидан бу ҳақда олдиндан сўрай олмаган ёхуд ўз сўровиға оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, у топширик берувчининг кўрсатмаларидан четга чиқишға ҳақли. Бундай ҳолларда В. хабар бериш имкони туғилиши биланок йўл қўйилган четга чиқишлар ҳақида топширик берувчиға хабар бериши шарт. Унинг шартнома бўйича ўзига берилган топширикни шахсан ўзи бажариши, топширик берувчининг талабиға мувофиқ унга топширик қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туриши, топширикни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма нарсани кечиктирмасдан топширик берувчиға топшириши, топширик бажариб бўлинганидан кейин амал қилиш муддати тамом бўлмаган ишончномани кечиктирмасдан топширик берувчиға қайтариб бериши ва агар шартнома шартлариға ёки топширикнинг хусусиятиға қўра зарур бўлса, ҳисобот тақдим этиб, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт.

ВАКИЛ ОТА – мусулмонларнинг никоҳ маросимларида келин тарафидан тайинланадиган вакил. В.о. қуёвға ва никоҳ қилувчи (ўқувчи) домлага қизнинг отаси ўрнида қафиллик берган. Никоҳда қуёв томоннинг келин маҳриға берадиган мол-мулки, қуёв ва келиннинг ўзаро мажбуриятлари В.о. ҳузурда эълон қилинган. Мабодо эр-хотин ажраладиган бўлсалар, маҳрни ажрим қилишда В.о. қози ҳузурда ягона гувоҳ бўла олган. В.о.ни тайинлаш ҳозир ҳам расм бўлиб келмоқда.

ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ – давлат бошқарувининг икки палатали парламент республикаларида парламентнинг қуйи палатаси. 1265 й. Англияда ташкил топган парламент, дастлаб бир палата лордлар палатасидан ташкил топган. 1343 й. ислохотлардан сўнг парламент икки палатали парламентға айлантирилиб, лордлар(вакиллар) палатаси ташкил этилган. Австралия, Белгия, Колумбия, АКШ, Филиппин, Ямайка, Японияда қуйи палата, Малта, Янги Зеландия ва Парагвай давлатларида бир палатали парламент номи.

ВАКИЛЛИК – манфаатдор шахснинг топшириғи бўйича ёки қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра процессуал ҳаракатларни амалга ошириш. Судда вакилликнинг қуйидаги турлари мавжуд: Қонуний В., шартнома бўйича (ихтиёрий) В., юридик шахснинг В.и, касаба уюшмаларининг В.и, уставли В. Фуқаролар ўз ишларини судда шахсан ўзлари ёки вакиллари орқали юритишлари мумкин. Аммо, баъзи сабабларга кўра, мас., ҳуқуқ нормаларидан етарли даражада хабардор бўлмаслик, муомала лаёқатига эга бўлмаслик, касаллиги, хизмат сафарига бўлиши ва б. сабаблар б-н даъвогар ва жавобгар шахслар суд ишини юритишни бошқа шахсга (вакилга) топширишлари мумкин. Вакил суд процессида ишончномада кўрсатилган барча процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланади.

ВАКИЛЛИК ДЕМОКРАТИЯСИ – қ.: *Демократия*.

ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ – халқ ёки унинг бир қисми ўзи сайлаган вакилларнинг махсус коллегиял муассасаси (парламент, муниципал кенгаш)даги бирлашмасига аниқ белгиланган муддатга берган ваколатлар мажмуи, шунингдек ҳокимият вакиллик органлари мажмуи. “Вакиллик ҳокимияти” тушунчаси ҳокимият функциясидан ҳам кўра кўпроқ унинг табиатини, уни амалга ошириш усулини тавсифлайди. В.х. қонун чиқарувчи ҳокимият б-н бир эмас, чунки ҳар қандай В.х. ҳам қонунчилик ваколатига эга бўлавермайди (мас., В.х.ни амалга оширувчи муниципал кенгашлар қонун чиқариш ҳуқуқига эга эмас) ва аксинча, ҳар қандай қонун чиқарувчи ҳокимият В.х. томонидан амалга оширилавермайди (бунга мутлақ монархнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти мисол бўла олади). Қолаверса, В.х. ҳуқуқ ижодкорлиги ваколатидан ташқари, назорат, айрим ҳолларда бошқарув ваколатларига ва б. ваколатларга ҳам эга бўлади. В.х.нинг хусусияти кўп жихатдан вакиллик тури (принципи) б-н белгиланади. Конституциявий ҳуқуқ фанида табақавий, миллий (халқ), корпоратив, конфессионал, минтақавий ва этник вакиллик фаркланади.

ВАКОЛАТЛАРИНИ СОҚИТ ҚИЛИШ (инг. *impeachment* – импичмент) – мансабдор шахс ёки маълум бир органнинг ўз ваколатларини тўхтатишини эълон қилиши. Бу мансабдор шахс ёки давлат органини истеъфога чиқишини англатади.

Давлат органи ёки мансабдор шахснинг ваколатини соқит қилишини эълон қилиш б-н ўз ваколатларини бажаришни тўхтатади. Баъзи ҳолатларда, мансабдор шахс ёки давлат органи ўзидан ваколатини соқит қилгандан сўнг ҳам, давлат органининг янги таркиби шакллангунча ёки лавозимга бошқа шахс тайинлангунга қадар, ўз ваколатларини бажариб турадилар. Ўзбошимчалик б-н ўзларидан В.с.к., қонуннинг бузилишига олиб келади.

Жумладан, қатор хорижий давлатларда давлатнинг юқори мансабдор шахслари масъулиятини амалга оширишнинг махсус тартиби. Иш импичмент тартибиде кўриб чиқилганда парламентнинг қуйи палатаси айбловни шакллантиради ва тегишли мансабдор шахсга айб қўяди. Ишни кўриб чиқиш, аслида, парламентнинг юқори палатасида амалга оширилади, у ўзини суд хайъатига айлантиради. Юқори палата чиқарадиган ҳукм депутатларнинг аниқловчи кўпчилик овози (мас., АҚШ сенатида овозларнинг $\frac{2}{3}$ қисми) б-н қабул қилинади. Жазо лавозимдан четлатилган наринага ўтмаслиги керак, аммо қоидага кўра импичмент тартибиде лавозимдан четлатилган шахс кейин-

чалик одатий судда суд қилиниши ва ўзи содир этган хатти-ҳаракатларга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги қайд қилиб ўтилади. Бошқарув республика шаклида бўлган айрим давлатларда импичмент асосан давлат бошлиғи – президент хусусида у давлатга хиёнат қилган ёки Конс.га таъвоуз қилганда назарда тутилади. АҚШда импичмент тартибиде расман барча фуқаро хизматчилар суд қилиниши мумкин.

ВАКОЛАТЛАРНИ БЕРИШ – В.б. муаммоси бир қатор хорижий мамлакатларда парламент томонидан кўпгина муҳим масалаларни ҳал этишда ҳуқуқатга ўз В.б.да кўзга ташланади. Ваколатлар доирасида ҳуқуқатлар чиқарган ҳужжатлар адабиётларда берилган ваколат доирасида чиқарилган қонунлар номини олган. Бундай ҳолат муҳолифат учун мақбул эмас, чунки ижроия ҳокимият, парламент ўз ваколатига доир масалаларни бошқаларга бериб давлатдаги ўз мавқеларини кучсизлантиради ва давлат маъмурияти ролини кучайтиради, бу ўз навбатида сиёсий ҳаётда демократиянинг ривожланишига тўсқинлик қилади.

ВАЛЮТА (ит. *valuta* – баҳо) – 1) давлатнинг пул тизими асосида ётган пул бирлиги (мас., Ўзбекистонда – сўм, Россия Федерациясида – рубль, АҚШда – доллар ва б.); 2) давлат пул тизимининг тури (олтин В., қоғоз В.); 3) халқаро ҳисоб-китобларда қўлланиладиган чет эл давлатларининг пул белгилари (банкнота, тангалар ва б.), кредит ва тўлов ҳужжатлари (вексел, чеклар ва б.).

ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИ – “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин В.б. ҳисобланади. Чет эл валютаси муомалада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, хазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақлар ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир. Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар ЎзР ёки хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир.

ВАЛЮТА ДЕМПИНГИ – миллий валюта курсининг мамлакат ичида камайган харид қобилиятига қараганда кўпроқ пасайиши оқибатида юзага келадиган демпинг.

ВАЛЮТА ЖИНОЯТЛАРИ – ЎзР ЖКнинг 177 ва 178-м.ларига асосан фуқароларнинг қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса ҳамда қорхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан ЎзРнинг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасдан яшириб қилиниши учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Мас., Ўзбекистон сўмига алмаштириш, товарлар б-н айирбошлаш, қарзга олиш, тўлов воситаси сифатида ҳар хил восита ва йўллар б-н олинган, шунингдек ўзидан ёки ўзидаги бошқа бировга тегишли бўлиб, тўлов восита-

си сифатида ва х.к. йўллар б-н бировнинг тасарруфига ўтказилган валюта бойликлари миқдорига қараб тегишли жазо чоралари белгиланган. ЎзРда валюта яқка ҳукмронлиги ўрнатилган бўлиб, унга кўра валюта бойликларини сотиб олиш, сотиш ва алмаштириш унинг ҳудудида ЎзР Марказий банки ва б. вакил қилинган банкларнинг фавкулда ваколатига тегишлидир.

ВАЛЮТА НАЗОРАТИ – валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига рўя этишни таъминлаш бўйича давлатнинг ваколатли органлари ва уларнинг агентлари томонидан амалга оширилган назорат. В.н. валюта операцияларини амалга оширишда валюта қонунчилигига рўя этилишини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими. В.н. молиявий назорат ва божхона назоратининг таркибий қисми ҳисобланади.

В.н.нинг асосий йўналишлари қуйидагиларни текширишдан иборат: амалга оширилаётган валюта операцияларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги ҳамда уларни амалга ошириш учун зарур бўлган лицензиялар ва рухсатномаларнинг мавжудлиги.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 20-м.сига мувофиқ, ЎзР Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси ЎзРда валютани назорат қилувчи органлардир. ЎзРда резидентлар ва норезидентлар томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини валютани назорат қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда назорат қиладилар.

ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ – миллий қонунчилик ёки халқаро шартномалар б-н тартибга солинган валюта бойликлари б-н боғлиқ бўлган битимлар.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига мувофиқ, валюта операцияларига қуйидагилар қиради: валюта бойликларига бўлган мулк ҳуқуқининг ва б. ҳуқуқларнинг ўзга шахсга ўтиши ҳамда валюта бойликларини тўлов воситаси сифатида ишлатиш б-н боғлиқ операциялар; валюта бойликларини ЎзРда олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек ЎзРдан олиб чиқиш ва жўнатиш; халқаро пул жўнатмаларини амалга ошириш; резидентлар ва норезидентлар ўртасида миллий валютадаги операциялар.

В.о. жорий халқаро операцияларга ҳамда капитал ҳаракати б-н боғлиқ В.о.га бўлинади.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.сига асосан, жорий халқаро операцияларга қуйидагилар қиради: ташқи савдо, бошқа жорий фаолият олиб борилиши, шу жумладан хизматлар кўрсатилиши муносабати б-н, шунингдек одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари ишлаши муносабати билан тўланиши зарур барча тўловлар; фоизлар ва б. даромадлар кўринишида, шу жумладан банк омонатлари, кредитлар ҳамда лизинг бўйича олинган фоизлар ва б. даромадлар шаклида, шунингдек бошқа инвестициялардан олинган соф даромад шаклида тўланиши зарур тўловлар; кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун мақбул суммаларни тўлаш; савдо б-н боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларининг мақбул суммалари.

Савдо б-н боғлиқ бўлмаган пул жўнатмаларига қуйидагилар қиради: иш ҳақи, стипендиялар, пенсиялар, али-

ментлар тўлаш; ходимларни ЎзРдан ташқарига хизмат сифатига юбориш б-н боғлиқ харажатларни тўлаш; таълим ва даволаниш учун ҳақ тўлаш; ЎзРнинг хорижий давлатлардаги дипломатия ва б. ваколатхоналари, шунингдек ЎзРнинг давлатлараро ёки ҳукуматлараро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари таъминоти учун ҳақ тўлаш; нотариал ва тергов ҳаракатлари б-н боғлиқ тўловлар, шунингдек бундай ҳаракатларни амалга ошириш ва ишларни судларда кўриш муносабати б-н давлат божни тўлаш; суднинг, арбитражнинг, шунингдек тергов ва б. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорлари асосида пул маблағлари тўлаш; халқаро конгресслар, симпозиумлар, конференцияларда, спорт ва маданий тадбирларда, шунингдек бошқа халқаро учрашувлар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этганлик учун тўловлар, инвестиция б-н боғлиқ ва моддий харажатлар бундан мустасно; дафн қилиш б-н боғлиқ тўловлар; муаллифлик ҳақини тўлаш, патент божларини тўлаш ва интеллектуал мулк соҳасидаги лицензия шартномаларининг мажбуриятлари бўйича ҳақ тўлаш; халқаро нотижорат ташкилотларига бадаллар; ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган бошқа операциялар.

Жорий халқаро операциялар ва чет эл валютасини улар б-н боғлиқ ҳолда сотиб олиш ёки сотиш чекловларсиз амалга оширилади.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.сига кўра, капитал ҳаракати б-н боғлиқ В.о.га жорий халқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар, шу жумладан: инвестиция фаолиятини амалга ошириш; кредитлар олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш; кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш; хорижий давлатлардан маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатларда маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш қиради. ЎзРга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларни репатриация қилиш, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш муносабати б-н олинган ҳуқуқлардан фойдаланиш чекловларсиз амалга оширилади. ЎзРнинг дипломатия ва б. ваколатхоналари эҳтиёжлари учун ЎзРдан ташқарида кўчмас мулк объектларини олиш ва уларни кўриш бўйича капитал ҳаракати б-н боғлиқ валюта операциялари ЎзР ВМ қарорига биноан амалга оширилади. ЎзР ҳудудида норезидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади. ЎзР ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи томонидан ЎзР Марказий банки б-н биргаликда белгиланади.

ВАЛЮТА ПАРИТЕТИ – қонун ва ҳукуматлараро келишув асосида валюта қийматларининг курси. Белгиланган тартибда ўрнатилган икки валюта ўртасидаги муносабат ёки нисбат бўлиб, валюта курсининг асоси ҳисобланади. 1976–1978 й.ларда В.п. тушунчаси олтин паритети тушунчаси б-н бир хил маънода ишлатилган.

ВАЛЮТА ҚИММАТЛИКЛАРИ – қ.: *Валюта бойликлари.*

ВАЛЮТА ҚИММАТЛИКЛАРИНИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА ОЛИШ ЁКИ ЎТКАЗИШ – ЎзР МЖКнинг 170-м.сида валюта бойликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган. Фуқароларнинг қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олиши ёки ўтказиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ЎзР ЖКнинг 177-м.сига асосан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

ВАЛЮТА ХИСОБИ – банкнинг актив ва пассив баланс ҳисоби. У чет эл валютасидаги қолдиқлар, тушумлар ҳамда тўловлар, шунингдек олинган ва тақдим этилган кредитлар бўйича юзага келган қарзлардан иборат.

ВАЛЮТАНИ ТАРТИБГА СОЛИШ – халқаро ҳисобкитоблар ва валюта бойликлари б-н боғлиқ битимларни амалга оширишни регламентация қилишга қаратилган давлатнинг фаолияти.

“Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 10-м.сига мувофиқ, ЎзР Марказий банки ЎзРда валютани тартибга солувчи давлат органидир. Валютани тартибга солувчи давлат органи ўз ваколатлари доирасида: ЎзРда чет эл валютасининг ҳамда чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатларининг муомаласи тартибини белгилайди; миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш механизмини белгилайди; ЎзР ҳудудидаги банкларда норезидентлар томонидан миллий валютада ҳамда резидентлар ва норезидентлар томонидан чет эл валютасида ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш тартибини белгилайди; резидент юридик шахслар томонидан ЎзРдан ташқаридаги банкларда ҳисобварақлар очиш тартибини белгилайди; резидентлар ва норезидентлар томонидан ЎзР ҳудудида миллий валютада чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш тартибини белгилайди; ЎзРда ва ундан ташқарида барча турдаги валюта операцияларини амалга оширади; чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун банкларга лицензиялар беришнинг умумий қондаларини белгилайди, бундай лицензияларни беради ва қақриб олади, шунингдек банклар фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб туради; жорий халқаро операцияларни амалга ошириш б-н боғлиқ бўлган одатдаги қисқа муддатли банк ва кредит механизмлари муддатининг чегарасини белгилайди; кредитларни, қарзларни узиш учун ёки тўғридан-тўғри инвестициялар амортизацияси учун тўловларнинг мақбул суммалари миқдорини белгилайди; чет эл валютаси б-н боғлиқ бўлган ҳосила молиявий воситалар билан операциялар ўтказиш тартибини белгилайди; капитал ҳаракати б-н боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди; ваколатли банклар реестрини юритади ва эълон қилади; ваколатли банклар учун очиқ валюта мавқеи лимитларини белгилайди; қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ валюта операциялари статистикасини тайёрлайди ва эълон қилади; чет эл валютасидаги тушумнинг бир қисмини резидентлар томонидан мажбурий тарада сотишнинг миқдори ва тартибини белгилайди; В.т.с. масалалари бўйича барча юридик ва жисмоний шахслар бажариши мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар қабул қилади, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ВАНДАЛИЗМ (инг. vandalism) – ижтимоий хавфсизликка қарши қаратилган жиноят, бинолар, иншоотлар ёки

бошқа қурилмаларни ишдан чиқариш, жамоат жойларидаги мулкка ёхуд жамоат транспортига зарар етказиш. РФ ЖКнинг 214-м.сига мувофиқ, бино ёки бошқа иншоотларни таҳқирлаш, жамоат транспорти ёки бошқа жамоат жойларидаги мулкни бузишдан иборат. ЎзР ЖКнинг 132-м.сида В.нинг қўринишлари сифатида тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш, яъни, давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, шунингдек қабрни таҳқирлаш, яъни, қабрни ёки мурдани шунингдек мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қабрни таҳқирлаш, жамиятда мавжуд бўлган ахлоқ-одоб асосларини, тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш ахлоқ-одоб асосларини ва давлатнинг тарихий ёдгорликлари ҳамда маданий кадриятларига тажовуз ҳисобланади.

ВАСИЙЛИК – 1) ЎзР ОКнинг 176-м.сига кўра, В. ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Яна қ.: *Васийлик ва ҳомийлик*;

2) БМТ Бош Ассамблеяси томонидан тасдиқланган битимга асосан В. тизмига киритилган, БМТнинг назоратида бўлган ҳудудларда ёки БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши томонидан стратегик аҳамиятга эга деб белгиланган ҳудудларда В. қўлланилади.

БМТ Уставида асосан В. тизмига қуйидагилар қиради: ҳудудлар мандат ҳисобида турган бўлса; ҳудудлар Иккинчи жаҳон уруши йилларида душман давлатлардан тортиб олинган бўлса; ҳудудлар давлатлар томонидан ихтиёр равишда В. тизмига киритилган бўлса, уларнинг бошқарувида жавобгардирлар.

БМТ Уставида қуйидаги В. тизимининг масалалари белгилаб қўйилган:

- а) халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш;
- б) В.ка олинган ҳудуддаги халқнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий прогрессив ривожланишига таъсир қилиш, билим олиш соҳасининг ривожланишига ва мустақиллик ёки ўзини ўзи бошқаришнинг ривожланиши;
- в) дини ва тили, жинси ва қайси ирқга мансублигидан қатъи назар, барча учун эркинлик ва инсон ҳуқуқига бўлган ҳурматни рағбатлантириш;
- г) БМТ аъзоларига ва уларнинг фуқароларига ижтимоий, иқтисодий ва савдо тармоқларидаги муносабатларини бир хил таъминлашдан иборат.

БМТнинг В. қилишдаги стратегик бўлмаган ҳудудларни назорат этиш функцияси БМТ Бош Ассамблеяси раҳбарлигидаги Васийлик бўйича кенгашга юқлатилган. 1946 й. октябрь ойида Бош Ассамблеяда Буюк Британия, Франция, Австралия, Бельгия ва Янги Зеландия ҳуқуматлари томонидан Миллатлар Лигасининг мандати бўйича бу давлатлар томонидан бошқарилиши, В.ка олинган ҳудудлар тўғрисида тузилган битим тасдиқланди. Бу битимга асосан В. қилаётган давлат томонидан худди ҳудудларининг бир қисми каби В.ка олинган ҳудудларда бошқариш, жумладан, улар чегарасида ҳарбий базалар ташкил этиш ҳуқуқи ҳам бор. Шунинг б-н бирга, бу ҳолат дунёда колониал тизимнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди. 1947 й. 2 апрелда БМТ Хавфсизлик

Кенгаши АКШнинг Тинч океанидаги ороллар устидан В. этиш тизимини ўрнатиш тўғрисидаги битимни тасдиқлади. Бу жойлар стратегик аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар ҳисобланади. 1947 й. 1 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия давлатлари томонидан Науру ороллари устидан ўзаро В. қилиш тўғрисидаги битимни тасдиқлади. 1950 й. Италияга Сомали устидан В. қилиш ҳуқуқи берилди. Хозирги вақтда барча В.ка олинган ҳудудлар мустақилликка эришди.

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК – ЎзР ФКнинг 32-м.сига мувофиқ, В. ва х. муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. Вояга етмаганларга В. ва х. уларни тарбиялаш мақсадида ҳам белгиланади. Васийлар ва ҳомийларнинг бунга тегишли ҳуқуқ ва бурчлари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар б-н муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколатсиз ҳимоя қиладилар. Вояга етмаганларга В. ва х. уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари бўлмаган, ота-онаси суд томонидан отоналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган тақдирда, шунингдек бундай фуқаролар бошқа сабабларга кўра ота-она ҳимоясидан маҳрум бўлиб қолган, хусусан, ота-она уларни тарбиялашдан ёхуд уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда белгиланади.

“Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига асосан, В. ва х. ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган, ҳомийлик эса ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларга нисбатан белгиланади;

ЎзР ОКнинг 173-м.сига мувофиқ, В. ва х. ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади. ЎзР ОКнинг 174-м.сига асосан, В. ва х. тум. ёки ш. ҳокимининг қарори б-н белгиланади. В. ва х. васий ёки ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади. ЎзР ОКнинг 175-м.сига биноан, васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан – халқ таълими бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан – ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклатилади. ЎзР ОКнинг 176-м.сига кўра, васийлик ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларга ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Ҳомийлик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муо-

малага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин.

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК ОРГАНЛАРИ – ЎзРнинг ОКга ҳамда 1999 й. 12 апрелда ВМнинг 171-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги низомига биноан, васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш: а) 18 ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан – халқ таълими бўлимларига; б) суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан – соғлиқни сақлаш бўлимларига; в) соғлиғи ёмонлиги сабабли ҳомий тайинлашга муҳтож бўлган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан – ижтимоий таъминот бўлимларига юкланади.

ЎзР ОК ва б. қонун ҳужжатларига биноан В. ва х.о. қуйидаги вазифаларни амалга оширадилар: а) ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлайдилар, уларни ҳисобга олади ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир ҳолатидан келиб чиқиб, б.ст.ларни жойлаштириш шакллари танлайдилар (149-м.); б) бола манфаатлари учун зарур ҳолларда унга васий ёки ҳомий тайинлайдилар (177, 179-м.); в) тум., ш. ҳокимига вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш юзасидан тавсияномалар тайёрлайдилар (151-модда); г) болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисида келишув тузадилар ва уни бекор қиладилар (195, 196-м.лар.); д) васийга: васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)лар тузишга; васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулкни тақсимлаш, уни бир йилдан ортиқ муддатга гаровга қўйиш ёки ижарага беришга; васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олишдан воз кечишга; васийликдаги шахсга қарашли турар жойни айирбошлашга; васийликдаги шахсга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечишга розилик берадилар; е) васийликдаги ва ҳомийликдаги шахснинг таъминоти учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолларда, унинг таъминоти учун нафақа тайинлайдилар (186-м.); ж) васий ёки ҳомийдан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни инсофсизлик ёки эътиборсизлик б-н бажариши натижасида васийликдаги шахсга етказилган мулкнинг зарари тўлашни талаб қиладилар (191-м.); з) ҳомийни ҳомийлик қилишдан озод қиладилар, васий ва ҳомийни ўз мажбуриятларини бажаришдан четлатадилар (187, 188-м.лар.); и) васий ёки ҳомийнинг хатти-ҳаракатлари устидан тушган шикоятларни кўриб чиқадилар (193-м.); к) фарзандликка олиш сирининг сақланишини таъминлайдилар, фарзандликка олган ва фарзандликка олишни истовчи шахсларнинг, фарзандликка олинганларнинг, шунингдек васийлик ва ҳомийликка эҳтиёжи бор вояга етмаганларнинг, васий ва ҳомий бўлишни ҳамда болаларни тарбияга олишни истовчи шахсларнинг, васийликка ва ҳомийликка ҳамда тарбияга олинган вояга етмаганларнинг, васийлар ва ҳомийларнинг ҳисобини юритадилар; л) белгиланган тартибда фарзандликка олишни бекор қилиш ёки (фарзандликка олишни ҳақиқий эмас деб топиш учун судга ҳужжатлар тайёрлайдилар; м) давлат муассасалари (интернатлар)га юборилган вояга етмаган болаларнинг ҳисобини олиб боради ва уларга оид ҳужжатлар тайёрлайди; н) ота-оналар ўртасида пайдо бўладиган боланинг исми ва (ёки) фамилиясига алоқадор келишмовчиликларни, шунингдек болаларнинг таълим ва тарбиясига тааллуқли

масалаларни ҳал қиладилар (69, 75-м.лар); о) васий ва ҳомий мажбуриятларининг бажарилиши ва ҳуқуқларининг амалга оширилиши устидан йилда камидан 2 марта назоратни амалга оширадилар, оилага тарбияга берилган болаларининг гурмуш шароитларини ва уларнинг тарбияланишини кузатиб борадилар ва бу ҳақда тегишли маълумотномалар тузадилар (182, 200-м.лар); п) суд қарорига асосан бедарак йўқолган деб топилган фуқаронинг мулкни ишончли бошқариб турувчи шахсни аниқлайдилар ва у б-н шартнома тузадилар (ЎЗР ФКнинг 34-м.си); р) ота-оналар ва болалар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган ҳолларда болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлайдилар (74-м.); с) белгиланган тартибда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этадилар, судларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ҳуқуқини чеклаш тўғрисида, шунингдек ота-оналик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқиладиганда иштирак этадилар (80, 82, 83-м.лар); т) вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қиладилар (эмансипация) (ЎЗР ФКнинг 28-м.си); у) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширадилар. В. ва х.о. васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга ошириш юзасидан қарорлар қабул қиладилар ва уларни манфаатдор муассасаларга, ташкилотларга ва шахсларга эълон қиладилар. В. ва х.о. ўз фаолиятларида ЎЗР ОКга, бошқа қонун ҳужжатларига, ЎЗРда васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги Низомга, шунингдек ҚР Вазирлар Кенгаши ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари қарорларига амал қиладилар. В. ва х.о. фаолиятига раҳбарликни ҚР Вазирлар Кенгаши ва жойлардаги давлат ҳокимият органлари амалга оширадилар.

ВАСИЯТ БЎЙИЧА ВОРИСЛИК – ЎЗР ФКнинг 1120-м.сига мувофиқ, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда, тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Васиятнома шахсан тузилиши лозим. Васиятноманинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек қирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу б-н бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан биттасини, бир нечасини ёки ҳаммасини изох бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Қонун бўйича меросхўрни меросдан маҳрум этиш, агар васиятномадан бошқа ҳол келиб чиқмаса, бу васият қилувчининг тақдим этиш ҳуқуқи бўйича ворислик қиладиган авлодларига нисбатан татбиқ этилмайди. Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Мерос қолдирувчи васият қиладиган пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга келиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади. Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ва ўзгартириш борасида эркин бўлиб, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас. Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган

шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли б-н ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклаганга ҳақли эмас.

Васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр ҳуқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли. Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган гайриқонуний шартлар ҳақиқий бўлмайди. Васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг ахволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилши мумкин (ЎЗР ФКнинг 1121-м.си).

Васиятнома ёзилган жойи ва вақти кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда тузилиши лозим. Қуйидаги васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади: нотариал тасдиқланган васиятномалар; нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар. Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли б-н имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли б-н имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли б-н имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Қуйидагилар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас: нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс; васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари, шунингдек васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари; тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар; саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар; ёлгон гувоҳлик берганлик учун мукаддам судланган шахслар (ЎЗР ФКнинг 1124-м.си).

ВАСИЯТ МАЖБУРИЯТИ – васият қилувчи васият бўйича меросхўрнинг зиммасига бир ёки бир неча шахс (васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчилар) фойдасига бирон-бир мажбуриятни (васият мажбуриятини) мерос ҳисобидан бажаришни юклаганга ҳақли бўлиб, В.м. юзасидан ҳуқуқ олувчилар В.м. бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини оладилар.

Қонун бўйича ворислар жумласига қирадиган, шунингдек қирмайдиган шахслар ҳам В.м. юзасидан ҳуқуқ олувчилар бўлишлари мумкин.

В.м. юзасидан ҳуқуқ олувчига мерос таркибига қирадиган ашёни мулк қилиб ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ қилиб бериш, мерос таркибига қирмайдиган мол-мулкни унинг учун сотиб олиш ва унга бериш, унинг учун муайян ишни бажариш, унга муайян хизматлар кўрсатиш ва х.к. В.м. нарасаси бўлиши мумкин.

Васият қилувчи томонидан зиммасига В.м.ни бажариш вазифаси юклатилган меросхўр бу вазифани ўзига ўтган мероснинг мерос қолдирувчи қарларининг ўзи тўлаши лозим бўлган қисмини чегириб ташлагандан кейин қоладиган ҳақиқий қиймати доирасидагина бажариши лозим.

Агар зиммасига В.м. юклатилган меросхўр меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлса, унинг В.м.ни бажара

риш вазифаси ўзига ўтган мерос қийматининг мажбурий улуш миқдоридан ортиқ бўлган қисми б-н чегараланади.

В.м. барча ёки бир печа меросхўр зиммасига юклатилган ҳолларда, агар васиятномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, уларнинг ҳар бири В.м.ни меросдаги ўз улушига мутаносиб равишда бажаради.

Васият қилувчи мерос сифатида уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни оладиган меросхўр зиммасига турар жойни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга умрбод фойдаланиш учун бериб қўйиш мажбуриятини юклагга ҳақли. Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтказилмайди, ўзгага берилмайди ва В.м. юзасидан ҳуқуқ олувчининг меросхўрларига ўтмайди.

В.м. юзасидан ҳуқуқ олувчига берилган турар жойдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи, агар васиятномада бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса, унинг онла аъзолари мазкур турар жойда яшаши учун асос ҳисобланмайди.

Зиммасига В.м. юклатилган меросхўр вафот этган ёки у меросни қабул қилиб олмаган тақдирда, В.м.ни бажариш унинг улушини олган бошқа меросхўрларга ёхуд, агар мол-мулк эгасиз бўлиб қолса, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ўтади.

В.м. юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос очилгунга қадар ёки мерос очилгандан кейин, аммо васиятнома бўйича меросхўр васият мажбуриятини қабул қилиб олишга улгурган пайтга қадар вафот этган тақдирда В.м. бажарилмайди.

В.м. юзасидан ҳуқуқ олувчи мерос қолдирувчининг қарзлари учун жавобгар бўлмайди (ЎзР ФКнинг 1132-м.си).

ВАСИЯТНОМА – к.: *Васият бўйича ворислик.*

ВАСИЯТНОМАНИНГ СИР САҚЛАНИШИ – васиятнома мерос очилгандан кейингина кучга киради. Унга қадар васиятноманинг бор-йўқлиги ва унинг мазмуни сирлигича сақланади. В.с.с.ни аксарият ҳолларда васиятнома тасдиқлаган нотариус ёхуд шундай ҳуқуққа эга бўлган мансабдор шахсдан, васият қилувчининг ўрнига васиятнома имзолаган фуқародан талаб қилинади. Улар васиятноманинг мазмуни, тузилиши, бекор қилиниши шунингдек ўзгартирилишига оид маълумотларни ошкор этмасликлари керак. В.с.с.нинг сабаби меросхўрлар ўртасидаги ўзаро муносабатларини ўзгартирмаслик, ноқулайликлар келтириб чиқармасликдир. Айрим ҳолларда нотариус ихтиёридаги маълумотлар суд, прокуратура ва тергов органларининг талабига мувофиқ улар ўрганаётган иш юзасидан тақдим этилади. Унда ҳам васиятнома васиятномани қолдирган шахснинг вафотидан кейин берилади. В.с.с.да нафақат бошқа шахслардан, балки васиятномани қолдирувчи шахс ҳам сир сақлаши зарур.

ЎзР ФКнинг 1128-м.сига мувофиқ, нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

ВАСИЯТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЎЗГАРТИРИШ – ЎзР ФКнинг 1127-м.сига мувофиқ, васият қилувчи исгалган вақтда ўз васиятномасини тўлалигича бекор қилишга ёхуд унда мавжуд бўлган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш орқали бекор қилишга, ўзгар-

тиришга ёки тўлдирishга ҳақли. Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли б-н бекор қилиниши мумкин. Янги васиятнома тузиш орқали олдин тузилган васиятнома тўлалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид бўлган қисми бекор қилинади. Агар васият қилувчи томонидан кейинги васиятнома ўз навбатида бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлса, янги васиятнома тузиш орқали тўлалигича ёки қисман бекор қилинган олдинги васиятнома қайта тикланмайди.

“Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 46-м.сига асосан, нотариуслар, васиятномани бекор қилиш тўғрисида ариза олинган тақдирда, шунингдек васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинган тақдирда васиятноманинг нотариусда сақланаётган нусхасига ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига бу ҳусусда белги қўяди. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзо нотариал шаҳодатлини лозим.

Шахснинг васиятнома тузиш ва уни бекор қилиш лаёқати, шунингдек васиятноманинг ва уни бекор қилиш ҳужжатининг шакли, агар мерос қолдирувчи васиятномада ўзи фуқароси бўлган мамлакатнинг ҳуқуқини танлаган бўлмаса, ҳужжат тузилаётган пайтда мерос қолдирувчи доимий турар жойга эга бўлган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича аниқланади. Бироқ васиятнома ёки унинг бекор қилиниши, агар шакл ҳужжат тузилган жойнинг ёки ЎзР ҳуқуқи талабларини қапоатлантирса, шаклга риоя этилмаганлиги натижасида ҳақиқий эмас деб топилмайди (ЎзР ФКнинг 1198-м.си).

ВАСИҚА – Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида (шу жумладан, 1917 й.гача Туркистонда) ер-мулк олди-сотдиси тўғрисида тузилган расмий шартнома. В. кўчмас мулкка (ер-сувга ва ҳўжалик биноларига) доимий ёки вақтинчалик эгаллик қилиш ҳуқуқини берган. Туркистон қозихоналарида В. фақат бир нусхада шариат қонунларига асосан тузилган. Бунда ҳар икки тараф (олувчи ва сотувчи) ҳамда гувоҳлар В.га имзо чеккач, уни қози имзолаб, муҳрлаган. Амирлар ер ва бошқа кўчмас мулкларини тортиқ қилганларида В.ни ўзлари берганлар. Шариат қонунлари амал қилган жойларда В.лар суди ва судьяси (Васонк маҳкамаси) мавжуд бўлиб, уларга В.ларнинг қолунийлигини кўриб чиқиш вақолати ҳам берилган. Ҳозирги кунда ҳам Афғонистонда, айрим араб мамлакатларида В. расмий ҳужжат вазифасини ўтайди.

ВАТАНГА ХОИНЛИК ҚИЛИШ – к.: *Давлатга хоинлик қилиш.*

ВАКТ НОРМАСИ – маълум меҳнат операциясини ёки маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун сарфланиши белгиланган календарь вақт (минут, соат, кун) ходим меҳнатини ўлчаш воситаси ва иш ҳақи тўлаш мезонларидан бири. В.п. тегишли норматив ҳужжатларда назарда тутилади.

ВАҚТИНЧА МЕХНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК – ходимнинг касал бўлиши, меҳнатда майиб бўлиши ёки бошқача тарзда шикастланиши, шу жумладан, турмушда жароҳатланиши, онланинг бетоб аъзосини парвариш қилиш, санаторий-курортда даволаниши ва ҳ.к.да назарда тутилган вазифаларини бажарилиши имкониятидан вақтинча маҳрум бўлиб қолишидир. Ходимнинг В.м.к.и давлат даволаш профилактика муассасаси томонидан бериладиган

меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва маълумотномалари б-н тасдиқланади.

ВАКТИНЧА МЕҲНАТГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК НАФАҚАСИ – давлат даволаш профилактика муассасалари томонидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик деб топилган ва вақтинча қобилиятсизлик варақаси берилган ходимларга давлат ижтимоий сугуртаси ҳисобидан тайинланадиган ва тўланадиган нафақа.

В.м.қ.н.ни тайинлаш учун фақат белгиланган тартибда берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (касаллик варақаси) асос бўлади.

В.м.қ.н. касал бўлганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан, турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади. В.м.қ.н. меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдоридан, бошқа ҳолларда эса, ходимнинг давлат ижтимоий сугуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамовидаги вояга етмаган болаларининг сонини ва б. ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олти миш фонидан юз фонизгача миқдорда тўланади. В.м.қ.н.нинг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим (ЎЗР МКҚнинг 285-м.си).

ВАКТИНЧА ОЛИБ КИРИШ (ОЛИБ ЧИҚИШ) – шундай божхона режимини, бунда божхона ҳудудига ёки ундан ташқарида товарлардан бождан, солиқлардан тўла ёки қисман озод этилган ҳолда ва товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан фойдаланишга йўл қўйилади. В.о.к.(о.ч.) режимига жойлаштириладиган товарлар ўзгартирмасдан қайтарилиши лозим, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно. В.о.к.(о.ч.) режимига жойлаштириладиган товарларни бож ва солиқлар тўлашдан тўла ёки қисман озод қилиш қонун ҳужжатларида белгиланади. Товарларни В.о.к.(о.ч.) режимига жойлаштиришга, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни қайта олиб чиқиш ёки қайта олиб кириш мажбурияти тақдим этилган, божхона тўловлари тўлалиши таъминланган, товарларнинг айнанлиги таъминланган тақдирда, божхона органининг руҳсати б-н йўл қўйилади. В.о.к.(о.ч.) режимига жойлаштирилмайдиган товарларнинг рўйхати қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (ЎЗР БК 22-м.).

ВАКТИНЧА САҚЛАШ – шундай божхона режимини, бунда олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб чиқаришга руҳсат берилгунга қадар танланган режимга мувофиқ божхона омборида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан вақтинча сақланади. ЎЗР БКга мувофиқ В.с. режимига бошқа товарлар ва транспорт воситалари ҳам жойлаштирилиши мумкин. Товарлар ва транспорт воситаларини В.с. режимига жойлаштиришда қисқа декларация қўлланилади. Товарларнинг В.с. режимда туриши муддати икки ойдан ошмаслиги лозим, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. В.с. режимига жойлаштирилган товарлар б-н қилиналган опера-

циялар рўйхати ва уларни амалга ошириш тартиби ЎЗР БКга белгиланади (ЎЗР БК 24-м.).

ВАКТИНЧАЛИК БОШҚА ВАЗИФАНИ БАЖАРИШ – ЎЗР МКҚнинг 160-м.сига мувофиқ, ўзининг асосий иши билан бир қаторда вақтинчалик иш жойида бўлмаган ходимнинг (меҳнатга қобилиятсизлиги, хизмат сафари ёки бошқа сабабларга кўра) меҳнат вазифаларини бажаришни вақтинчалик бошқа ходим зиммасига юклатилиши. Бу, албатта, ходимнинг функционал вазифалари ёки мансаб йўриқномасида белгиланган бўлиши зарур. Ўзининг асосий иши б-н бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун ходимларнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади.

ВАҚФ (араб. *сўзма-сўз* – ушлаб қолиш) – мусулмон мамлакатларида диний (мас., масжид, диний мактаблар) ёки хомийлик ташкилотларига ҳадя ёки васият бўйича берилган солиқ солинмайдиган ва бегоналаштирилмайдиган мол-мулк (асосан ер). В. одатда хусусий мулк объекти бўла олмайди. В. сўзининг синоними “вақуф”. В.ни бериш махсус ёрлик (вақфонома) б-н расмийлаштирилган. В.нинг икки тури ажратилган: асосий турида ҳадя қилувчи берилаётган В.га нисбатан ҳуқуқдан бутунлай маҳрум бўлган, оддий турида эса, В.дан келиб тушадиган даромаднинг келишилган бир қисми хайрия қилувчи ва унинг авлодларига ворислик ҳуқуқи асосида фойдаланишга қолдирилган. Мусулмон Шарқининг қатор давлатларида (мас., Яман, Саудия Арабистони) В. ҳозиргача сақланиб қолинган.

ВЕКСЕЛЬ (нем. – айирбошлаш) – “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, В. берувчининг ёки В.да кўрсатилган бошқа тўловчининг В.да назарда тутилган муддат келганда В. эгасига муайян суммани тўлашга доир шартсиз мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз.

В.ларни чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи 5-н келишилган ҳолда ЎЗР Молия вазирлиги ва ЎЗР Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 12-м.си).

ВЕКСЕЛЬ ЭГАСИ – вексель ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс.

ВЕРБАЛ НОТА – қ.: *Дипломатик нота*.

ВЕРДИКТ (лот. *vere dictum*, *сўзма-сўз* – тўғри айтилган; инг. *verdict*) – судда қасамёд қилган маслаҳатчиларнинг судланувчининг айбдорлиги масаласида оғзаки – айблов ҳужжатини тасдиқлаш ёки тан олмаслик шаклида (инглизча шакли) ёхуд ёзма – суд томонидан махсус қўйилган саволларга жавоблар кўринишида (континентал шакл) чиқарган қарори. В. асосида судьялар ҳукм чиқаради.

ВЕРСИЯ – қ.: *Криминалистик версия*.

ВЕТО (лот. – тақиқламоқ, инкор этмоқ) – юқори палата ёки давлат бошлиғининг тегишлича қуйи палата ёки парламент томонидан қабул қилинган қонунни (қонун лойиҳасини) маъқуллашни рад этиши. Аслини олганда, бу парламент юқори палатасининг қуйи палатага ёки давлат бошлиғи (монарх, президент)нинг парламентга қонун чиқариш жараёнида қўлланиладиган таъсир кўрсатиш воситасидир.

Давлат бошлиғига татбиқан олганда, конституциявий ҳуқуқ фанида мутлақ В. – бу давлат бошлиғининг қонуни (қонун лойиҳасини) маъқуллашни парламент томонидан бартараф этиб бўлмайдиган тарзда, яъни узим-кесил рад этишидир. Тадқиқотчиларнинг қайд этишича, президентнинг мутлақ В.си гарчи, мисол учун, Буюк Британия, Бельгия монархлари расман шундай ҳуқуққа эга бўлсалар ҳам, бугунги кунда амаада қўлланилаётгани йўқ. Нисбий (ёки кечиктирувчи) В. – бу давлат бошлиғининг унга имзолаш ва эълон қилиш учун парламент томонидан топширилган қонунни қайтарш ҳуқуқидир. Одатда, давлат бошлиғининг фикрича, қонуннинг Конс.га зидлиги, унинг ҳуқуқий ҳужжат сифатида тақомилига етказилмагани, бошқа қонунларга уйғунлаштирилмагани, тегишли муносабатларни қонун б-н тартибга солишнинг асоссизлиги, қонуннинг бажарилиши моддий ва ташкилий жиҳатдан таъминланмаганлиги, қонунни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг белгиланган тартиб-тақомилига парламент томонидан рноя этилмаганлиги В. сабаблари бўлади. Кўпгина парламентарийлар ва тадқиқотчиларнинг фикрича, қонуннинг давлат бошлиғи томонидан рад этилишига фақат унинг Конс.га зидлиги ёки қонунни қабул қилиш тартиби бузилганлиги асос бўлиши мумкин.

Парламент қабул қилган қонунни имзолаш ва эълон қилишнинг давлат бошлиғи томонидан рад қилиниши қонуннинг парламентда, унинг палаталарида қайта муҳокама қилиниши яқунлари бўйича ўтказиладиган овоз бериш орқали бартараф этилиши мумкин. Бунда баъзи мамлакатларда парламент (унинг палаталари) аъзолари умумий сонининг оддий (мас., Италия, Венгрия), бошқаларида асосий (мас., АҚШ, РФ) кўпчилигининг овозлари талаб қилиниши мумкин.

АҚШда Президентнинг “чўнтақдаги ветоси” деб атаган имконият бор: агар Конгресс сессиясининг танаффусигача қонун лойиҳасини имзолаш учун Президентга ажратиладиган 10 кундан кам вақт қолган, Президент уни имзоламай қолдирган бўлса, Конгресс бу қонун лойиҳасини кейинги сессияда қабул қилади.

Давлат бошқарувиининг монархия ҳамда президентлик бошқаруви мавжуд мамлакатларда монарх ёки президент томонидан ушбу ҳуқуқдан фойдаланилади. Дуалистик монархияда давлат ҳокимиятининг олий органини ташкил этиш икки томонлама характерга эга: монарх ижро ҳокимиятига бошчилик қилади, ўзи олдидан жавобгар бўлган ҳукуматни ташкил этади, қонунчилик ҳокимияти эса парламентга тегишли бўлади (шу б-н бирга, монарх парламент томонидан қабул қилинган қонунларга мутлақ В. қўйиш ҳуқуқига эга бўлади). Ҳозирги кунда дуалистик монархия шаклидаги бошқарув Марокаш, Йордания, Кувайт, Баҳрайн ва б. бир катор мамлакатларда мавжуд.

Баъзи мамлакатларда (мас., Франция, Қозғистон) Президентда танлама В. деб аталувчи ҳуқуқ бор. Бунда у қонун лойиҳасининг айрим моддалари ва қондаларига В. қўяди.

Юқори палатанинг қуйи палатада қабул қилинган қонун лойиҳасини маъқуллашни рад этиши ҳам нисбий В.нинг бир тури ҳисобланади: қонун (қонун лойиҳаси) қуйи палатада қайта кўриб чиқиши ва овозларнинг асосий кўпчилиги б-н қабул қилиниши мумкин – шу аснода юқори палатанинг қарори бартараф этилади.

ЎзР Конс.да В. атамаси бевосита қўлланилмаган бўлса-да, қонуннинг юридик куч эга бўлиши б-н боғлиқ жараён унинг 84-м.сида батафсил баён қилинган. Чунинчи, Қонун ҚП томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқуллашиб, ЎзР Президенти томонидан имзолагач ва белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

ЎзР Олий Мажлисининг ҚП томонидан қабул қилинган қонун қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

ЎзР Олий Мажлисининг Сенати маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун ЎзР Президентига ўн кун ичида юборилади.

ЎзР Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга қайтарилади.

Агар ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда ҚП депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози б-н қонунни яна маъқулласа, қонун ЎзР Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун ЎзР Президентига ҚП томонидан юборилади.

ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан ҚП ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ҚП депутатлари ва Сенати аъзолари орасидан тенглик асосида келишув комиссиясини тузиш мумкин. Палаталар келишув комиссияси таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқиши керак.

ЎзР Президенти қонунни ўз эътирозлари б-н ЎзР Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

Агар қонун аввалги қабул қилинган тахририда тегишинча ЎзР Олий Мажлисининг ҚП депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидан учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози б-н маъқулланса, қонун ЎзР Президенти томонидан ўн тўрт кун ичида имзоланиши ва эълон қилиниши керак.

Қонунларнинг ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ – инсонни хоҳлаган динига эътикод қилиш ёки қилмаслик ҳуқуқини таъкидловчи БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1981 й. 25 ноябрда қабул қилинган 36-55-сон Резолюциясида қайд қилинган инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири.

Мазкур ҳуқуқ ЎзР Конс.нинг 31-м.сида “эътикод эркинлиги” сифатида қайд қилинган бўлиб, унга кўра, ҳар ким эътикод эркинлиги ҳуқуқига эга. Эътикод эркинлиги, энг аввало, индивидуал ҳар қандай мафқуравий назоратдан эркинлигини, ҳар бир кишининг ўзи учун маънавий қадриятларни мустақил танлаш ҳуқуқини аниқлатади. Эътикод эркинлиги моҳиятига кўра дин эркинлигидан анчагина кенгрок, чунки, биринчидан, атеистик эътиқодларга рноя қилинишини ҳам ўз ичига олади, иккинчидан инсонни интеллектуал ва маънавий ҳаётининг барча томонларини камраб олади. Эътикод эркинлиги инсоннинг мут-

лак ҳуқуқи ҳисобланади ва у ҳар қандай ҳолатда ҳам чекланиши мумкин эмас.

Инсоннинг ушбу ҳуқуқи “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни б-н тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг 3-м.сига мувофиқ, В.э. фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига асосан, ЎзР фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

ВИЗА (лот. *visa, visus* – кўздан кечирилган, кўриб чиқилган сўзидан; инг., фр. *visa*) – 1) ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи, келишилганлигини билдирувчи ёки ҳужжатга куч берувчи мансабдор шахс томонидан белгиланган шаклда қўйилган имзо; 2) турли давлат фуқароларининг бошқа бирон-бир давлатга кириши, ундан чиқиши ёки ушбу давлат ҳудудидан ўтиши учун ваколатли давлат органлари томонидан фуқаро паспортига қўйиладиган махсус расмий рухсат белгиси.

ВИЗАНТИЯ ҲУҚУҚИ – минг йилдан ортиқ тарихга эга бўлган В.х. Ўрта аср Европаси учун ноёб ҳодиса эди. У нисбатан юқори даражада барқарорлиги, турғунлиги, мустақамлиги, ички яхлитлиги, шунингдек, ўзгариб боровчи ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шароитларга мослашувчанлиги б-н тавсифланади. Византия ҳуқуқий тизимининг шаклланишига шарқий провинцияларда кўпроқ сақланиб қолган ҳуқуқий одатлар ҳам маълум даражада ўз таъсирини ўтказди. Одат ҳуқуқи ўзига хос қадимийлиги ва эскирганлиги б-н рим ҳуқуқининг мантқан мукаммаллигига пуртур етказди, лекин шу б-н бирга янги ижтимоий муносабатлар жамоа ва феодал муносабатларининг ривожланишини акс эттирувчи ҳаётий муҳим оқимни келтириб чиқарди. В.х. тарихининг иккинчи босқичида қонунчилик нафақат рим ҳуқуқий аъёналари ва одат ҳуқуқи б-н, балки Византия юристларининг шахсий тажрибалари шарофати б-н ҳам анча мослашувчан ва ҳаётий мустақам бўлиб қолган.

ВИКТИМЛИК – инсоннинг айрим сифатлари (диний, жисмоний ва касбий) тўғрисида муайян объектив шарт-шароитларда жиноий тажовузнинг қурбони бўлиш хусусияти. Шахсий В. шахснинг ўзига хос бўлган хусусиятлари тўғрисида унинг жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли. Бундай хусусиятлар қуйидагича бўлиши мумкин: алоҳида қобилиятларига эга бўлиш; ақлий ёки жисмоний жиҳатдан устулик ёки унинг акси; психологик характер нуқтаи назаридан ўзига хослиги (холерик хулқ-атворнинг намоён бўлиши); маълум бир шахснинг алоҳидаликка, ёлғизликка интилиши, бунинг натижасида ёлғизланиб қолиб, ўзгаларни тушунмаслик ва б.

Шахсий В. хусусиятлари ўзгарувчан характерга эга. Шунинг учун ҳам унга шахс яшаётган муҳитдаги турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Мас., шахснинг касбий фаолияти, моддий таъминланганлиги, ҳуқуқий ёки бошқа

жиҳатдан ҳимояланганлик даражаси, шахс яшаётган макон ва замоннинг ўзига хос хусусиятлари.

ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКА – виктимоген факторларнинг вужудга келишига йўл қўймаслик, уларни бартараф қилиш ёки нейтраллаштириш чораларини қўллаш, жиноятнинг потенциал қурбонларини аниқлаш ва уларни ҳимоя қилиш имкониятларини ошириш йўли б-н айрим турдаги жиноятларнинг олдини олиш.

ВИКТИМОЛОГИЯ (лот. *victima* – қурбон ва юн. *logos* – таълим) – криминологиянинг жиноят қурбонининг хусусиятлари ва хулқ-атворини, унинг жиноят содир этилган вақтда ва у содир қилингандан кейин жиноятчи б-н бўлган муносабатлари, ўзаро алоқаларини ўрганадиган мустақил йўналиши. Шу сабабдан ҳам, жиноий хулқнинг сабаблари ўрганилаётганида унинг виктимологик жиҳатларига эътибор бериш керак. В.нинг вазифаси жабрланувчилар шахсини, жиноятдан жабр кўрганлар, жиноятчи ва жабрланувчининг жиноят содир этилганга қадар, у содир этилган вақтда ва содир этилгандан кейинги шахсий алоқалари, шунингдек ўзаро муносабатларини тадқиқ этишдан иборатдир.

В. жиноий хулқни жабрланувчининг жиноят қурбонига айланиши учун шарт-шароит яратган хусусиятларини ўрганиш асосида тадқиқ этади. Виктим хулқ эҳтиётсизлик, таваккалчиликнинг натижаси бўлиб, жабрланувчининг ўзига хавф туғдиради ва криминоген вазиятни вужудга келтириши мумкин, айрим ҳолларда эса жиноятнинг содир этилишига имкон яратади. Олиб борилаётган тадқиқотларнинг натижалари ва жиноятлар статистикаси ҳуқуққа ҳилоф қилмишларнинг жиноят қурбонининг хулқ атвори б-н бевосита алоқадорликда, хусусан, улар жабрланувчилар ахволининг хусусиятлари (маст ҳолдалиги), соғлиги даражаси (эшитиш, кўриш қобилиятининг пастлиги), рухий ҳолати, ўзининг шахси, шаъни, кадр-қимматининг хавфсизлиги ва мулкнинг сақланишига бепарволарча муносабатда бўлиш; ўзига нисбатан содир этилган жиноят ҳақида ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларини хабардор қилишни истамаслиги; қонунга ҳилоф бўлган битимлар тузиш ва х.к. б-н боғлиқликда содир этилишини кўрсатади. Виктимологик тадқиқот иккита асосий: жиноят (махсус) ва жиноятчилик (умумий)нинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш даражасида олиб борилади.

ВИЛОЯТ СУДИ – ҚР жиноят ишлари бўйича ОСи, жиноят ишлари бўйича вил., Тошкент ш. судлари раис, раис ўринбосари, судьялар, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади ва суд раёсати ҳамда судлов хайъатлари таркибида иш олиб боради.

ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСи, фуқаролик ишлари бўйича вил., Тошкент ш. судлари раис, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлади ва суд раёсати ҳамда судлов хайъатлари таркибида иш олиб боради.

ҚР ОСи, В.с., Тошкент ш. суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради;

тум.лараро, тум. (ш.) судларининг суд фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради; суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилни амалга оширади;

судларнинг кадрлари малакаси оширилишини ташкил қилади;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.
ҚР ОСи, вил. (ш.) судлари раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ҚР ОСи, В.с., Тошкент ш. судининг судлов хайъатлари:
ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда қўради;

апелляция ёки кассация тартибда шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хошига кўра, ишларни апелляция ёки кассация тартибда қўради. Апелляция тартибда қўрилган иш кассация тартибда қўрилмаслиги керак;

суд амалиётини умумлаштиради;

қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ВИНДИКАЦИОН ДАЪВО – мулкдорга қарашли мулк бирон-бир шахс (фуқаро ёки юридик шахс)нинг қонунсиз эгаллигида бўлса, мулкдор ўз мулкни асл ҳолатида қайтариш ҳақида судда бу шахсга нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли. ЎзР ФҚнинг 228-м.сида белгиланганидек, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация). Фуқаролик ҳуқуқи назариясида бундай даъволарга виндикацион (виндикация – латинча “vin dicare” деган сўздан олинган бўлиб, “қуч қўлланилишни эълон қилиш” деган маънони англатади) даъволар дейилади. В.д. деганда, қонуний эганинг қонуний эгадан мулкни натура ҳолида қайтариб бериш тўғрисидаги ношартномавий талаби тушунилади. Қонунда В.д. қўзғатилиши учун бир неча ҳолатлар бўлиши назарда тутилади: 1) мулк мулкдорнинг тасарруфидан чиқиб кетган ва у ўз мулкка фактик ҳужайинлик қилишдан маҳрум бўлиши лозим, акс ҳолда мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бошқа усуллар қўлланилади; 2) мулкдор маҳрум қилинган мол-мулк натура ҳолида сақланиши ва ўзганинг фактик эгаллигида бўлиши керак, акс ҳолда бу ерда ҳам мулк ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бошқа усуллар қўлланилади; 3) В.д. фақатгина индивидуал белгиланган ашёни қайтаришга қаратилади. Буида индивидуал (якка) белгиланган бир турдаги ашёни фарқлаш лозим. Агар бир турдаги ашёдан ҳақиқий эганинг ашёсини ажратиб олишнинг иложи бўлса, унда бу турдаги ашёни ҳам В.д. орқали ҳимояланади. Агар ажратиш имкони бўлмаса, В.д. эмас, асоссиз бойишдан келиб чиқадиган даъво қўлланилади; 4) В.д. ношартномавий характер касб этади ва мулк ҳуқуқини мутлақ субъектив ҳуқуқ сифатида ҳимоялайди. Маълумки, В.д. қилиш ҳуқуқига мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қўлдан чиқарган мулкдор эга бўлади. Лекин ФҚ, мулкдор бўлмаса-да қонун ёки шартномага мувофиқ мулкка эгалик қиладиган шахслар ҳам В.д. қилиш ҳуқуқига эга бўлишини назарда тутадди. Бундай шахсларга ижарачи, омонат сақловчи, воситачи мисол бўла олади ва улар мулкнинг титул эгаси деб номланади. В.д. мулкни инсофсиз эгалловчиларга ҳам қилиниши мумкин. Инсофсиз эгалловчи – мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл б-н ўтишини билган ёки билиши лозим бўлган эгалловчидир. ЎзР ФҚнинг 229-м.сида кўрсатилганидек, агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинган бўлса, олувчи бунни билмаган ва билиши мумкин бўлмаган (инсофли эгалловчи) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотилиб

қўйилган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғирланган, ё бўямаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл б-н уларнинг эгаллигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли. ЎзР ФҚнинг мазкур 229-м.сидаги умумий қоидада баъзи истиснолар ҳам назарда тутилган, чунинчи, агар мулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, мол-мулкни юқорида кўрсатилган асослар бўйича талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди; агар мол-мулк уни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўламасдан олинган бўлса, мулкдор мол-мулкни барча ҳолларда ҳам талаб қилиб олишга ҳақли. Пул, шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар инсофли эгалловчидан талаб қилиб олиниши мумкин эмас. Зеро, пул ва тақдим этувчига деб номланган (эгаси ёзилмаган) қимматли қоғоз эгасини аниқлаш имкони деярли мавжуд бўлмайди. Шу б-н бирга, инсофли эгалловчи пул ва тақдим этувчига деб номланган қимматли қоғозларни ўзганики бўлиши мумкинлигини, ўзига қонуний равишда ўтаётганлигини ҳамма вазиятда ҳам билиши мумкин бўлмайди.

В.д.ни бошқа турдаги даъволардан ажратиб турадиган асосий белгилари: даъволашувчи тарафлар, даъво асоси ва даъво нарсаи, шунингдек унинг мақсадидир. Ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган, лекин ашёси қўлида бўлмаган шахс В.д. бўйича даъвогар бўлади. В.д.ни қилишга айрим мулк эгасигина ҳақли бўлмай, улушлари бўлган мулкдорларнинг ҳар қайсиси ҳам даъво қилишга ҳақли. Бундан ташқари, мулкни қонун ва шартномага биноан эгаллаб (сақлаб) турган шахслар ҳам В.д. бўйича даъвогар бўладилар. Эгалик ҳуқуқи В.д. қилишга асос бўлади. Мулкдор мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли ашёга бўлган субъектив ҳуқуқи б-н бу мулкни эгаллаш (қўлида сақлаш), ундан фойдаланиш, уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлганда бу ҳуқуқларнинг ўзига қайтариллигини талаб қила олади. В.д.нинг мақсади бузилган мулквий ҳуқуқни тиклашдан, ашёни бевосита мулк эгаси ихтиёрига қайтаришдан иборатдир. В.д.нинг предмети мулкни қонуний эгадан қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқи ҳисобланади.

ВИЦЕ-КОНСУЛ – к.: *Консул; Консулик мартабалари.*

ВОРИСЛАР – к.: *Меросхўрлар.*

ВОРИСЛИК – фуқаролик ҳуқуқида вафот этган шахснинг мол-мулки, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бошқа шахсга ўтиши б-н боғлиқ муносабатлар. В. ўзига хос фуқаролик ҳуқуқий инс. сифатида В. ҳуқуқи деб ҳам юритилади. Умумий қоидага кўра, В. васиятнома ва қонун асосида вужудга келади. В.нинг вужудга келиши учун ўлим факти содир бўлиши ва вафот этган шахсдан мутайян мерос қолдирилиши лозим. Агар вафот этган шахс ўзига тегишли мол-мулкнинг юридик тақдирини белгиловчи васиятнома қолдирмаган бўлса ҳамда унинг қонуний меросхўрлари бўлмаса, В.нинг умумий қондасига кўра ворис давлат ҳисобланади. В. ҳуқуқи инс.и ўз ичига В. тўғрисидаги умумий қондалар, васиятнома бўйича В., қонун бўйича В. ва меросни эгаллаш каби алоҳида бўлимларни қамраб олади.

ВОРИСЛИК ҲУҚУҚИ – к.: *Ворислик.*

ВОСИТАЧИ – фуқаролик ҳуқуқида В.лик шартнома-сида бир тараф сифатида ишгирок этади, комитетнинг

топшириги бўйича ўз помидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини оладиган шахсдир. Яна қ.: *Воситачилик шартномаси*.

ВОСИТАЧИЛИК – 1) дипломатик воситалар ёрдамида давлатларнинг ўзаро муносабатларида вужудга келадиган низолар, ҳарбий тўқнашувлар ва х.к.ни ҳал этиш шаклидир. В. хизмати низо иштирокчилари учун мажбурий аҳамиятга эга эмас, балки фақат маслаҳат аҳамиятига эга. Низолашаётган томонларнинг бири ёки воситачининг ўзи В.нинг натижасиз эканлигига амин бўлганда, воситачининг мажбуриятлари тугаган ҳисобланади; 2) В. шартномаси орқали амалга ошириладиган фаоллият бўлиб, унга кўра бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириги бўйича ўз помидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. Яна қ.: *Воситачилик шартномаси*.

ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ – В.ш. бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириги бўйича ўз помидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади. В.ш. ёзма равишда тузилиши шарт. Воситачи томонида учинчи шахс б-н тузилган битим бўйича, гарчи битимда комитентнинг номи тилга олинган ёки у битимни бажариш бўйича учинчи шахс б-н бевосита муносабатларга киришган бўлса ҳам, воситачи ҳуқуқларга эга бўлади ва эътиборига мажбурият олади. В.ш. муайян муддатга ёки амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда, қайси ҳудудда бажарилиши кўрсатилган ёки кўрсатилмаган ҳолда, комитент воситачига топширган комитентнинг маифеатларини кўзлаб ва унинг ҳисобидан битим тузиш ҳуқуқини учинчи шахсларга бермаслик ҳақида мажбурият олган ҳолда ёки бундай мажбуриятни олмаган ҳолда, воситачилик нарсаси бўлган товарларнинг ассортименти хусусида шартлар қўйилган ёки қўйилмаган ҳолда тузилиши мумкин. Қонуни ҳужжатларида айрим турдаги В.ш.нинг хусусиятлари назарда тутилган бўлиши мумкин (ЎзР ФКнинг 832-м.си).

В.ш.: комитент шартномани бажаришдан бош торганлиги; воситачи шартномани бажаришдан бош торганлиги; воситачи вафот этганлиги, у муомалага лаёқатсиз, лаёқати чекланган, бедарак йўқолган ёки ночор деб топилганлиги оқибатида бекор қилинади (ЎзР ФКнинг 845-м.си).

ВОТУМ (лот. votum – хошиш, ирода) – сайлов ёки вакиллик муассасасида кўпчилик овоз б-н ифодаланган ёки қабул қилинган фикр ёки қарор. Мас., сайлов В.и – парламент, президент, муниципалитет сайлови бўйича сайлов кампанияси натижалари. Парламент амалиётида – ҳукумат ёки муайян бир вазирнинг сийёсий йўли, бирон-бир талбири ёки қонуни лойиҳасининг (одатда, қуйи палата томонидан) маъқулланиши (ишонч В.и) ёки номаъқул деб топиллиши (ишончсизлик В.и). Ишонч В.и тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббуси б-н ҳукуматнинг ўзи, парламент фракцияларни ёки депутатлар гуруҳлари чиқиши мумкин. Плурали вотум – айрим мамлакатларда сайловчиларнинг муайян тоифалари сайловда икки ёки ундан ортиқ овозга эга бўлишини такозо этадиган тартиб. Билвосита (эвентуал) В. – пропорционал сайлов тизимида овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиби. Бунда муайян номзод учун берилган ва сайлов квотасидан ортиб кетган овозлар айни шу партия рўйхатидаги бошқа номзодга ўтказилади. Мажбурий В. – айрим мамлакатларда муомалага лаёқатли барча фуқаро-

ларнинг давлат ҳокимияти органларига сайловда қатнашишни талаб қилувчи юридик мажбурият. Бунда мазкур талабни бажармаган фуқарога жарима солинади.

ВОЯГА ЕТГАНЛИК ЁШИ – қонунда белгиланган ёш бўлиб, фуқаро шу ёшга етгач, тўлалигича ҳуқуқ лаёқатига эга деб саналади. ЎзРда 18 ёш В.е.ё. деб белгиланган.

ВОЯГА ЕТМАГАН (лот. impubes, pupillus; инг. minor) – ЎзР ҳуқуқида 18 ёшга тўлмаган шахс. Ушбу тушунча ҳуқуқнинг турли соҳаларида 14 дан 18 ёшгача бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади.

ЎзР МКнинг 77-м.сига мувофиқ, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги б-н ишга қабул қилиниши мумкин. Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, хунар-техника билим юртлиари ва ўрта махсус ўқув юртлиарининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги б-н болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиён етказмайдиган ва таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади. Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш ЎзР МКнинг 241-м.сига назарда тутилган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади. Меҳнат қонунчилигида В.е.лар вояга етганларга нисбатан қонуни ҳужжатларида ўрнатилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Фуқаролик ҳуқуқи ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган В.е.ларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган В.е.ларни ажратади. Улар тўла муомала лаёқатига эга эмас. Эмансипация қилинган 16 ёшга тўлган В.е. шахс тўла муомалага лаёқатли ҳисобланади.

ЎзР ЖКнинг 17-м.сига асосан, жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (ЎзР ЖК 97-м.сининг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар. Жиноят содир этгунга қадар ўн тўрт ёшга тўлган шахслар ЎзР ЖК 97-м.сининг биринчи қисми, 98, 104–106, 118, 119, 137, 164–166, 169-м.лари, 173-м.сининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 220, 222, 247, 252, 263, 267, 271-м.лари, 277-м.сининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар учун жавобгарликка тортиладилар. ЎзР ЖКнинг 122, 123, 127, 144, 146, 193–195, 205–210, 225, 226, 230–232, 234, 235, 279–302-м.ларида назарда тутилган жиноятлар учун жиноят содир этгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар. Ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга мувофиқ ва ЎзР ЖКнинг Умумий қисми олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

ВОЯГА ЕТМАГАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИ СЎРОҚ ҚИЛИШ – вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади.

Сўроқ қилиш чоғида терговчининг руҳсати б-н вояга етмаганнинг қонуний вакили иштирок этиши мумкин.

Химоячи ва қонуний вакил гумон қилинувчи ва айбланувчи саволлар беришга ҳақли. Сўроқ охирида химоячи ва қонуний вакил баённома б-н танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидир.

В.е.г.к. ва а.с.к.га кетган умумий вақт, кун давомида дам олиш ва овқатланиш учун бир соатлик танаффусни ҳисобга олмаганда, олти соатдан ошмаслиги керак (ЎЗР ЖПКнинг 553-м.си).

ВОЯГА ЕТМАГАН ЁКИ МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТСИЗ ШАХСЛАРНИ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИЧ ТОВЛАШ – моддий ёрдамга муҳтож бўлган В.е. ёки м.л.ш.м.т.б.т., яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблагни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик ЎЗР ЖКнинг 122-м.сига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСНИ ҒАЙРИИЖТИМОЙ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАРГА ЖАЛБ ЭТИШ – вояга етмаган шахсни тиланчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп хисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ЎЗР ЖКнинг 127-м.сига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш сабаб бўлади. Тиланчиликка жалб қилиш деганда, вояга етмаган шахсни бегона шахслардан пул, озиқ-овқатлар, кийим-кечак ва б. буюмлар сўрашга ўргатиш ва далолат қилишни тушуниш зарур. Вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ва психотроп воситалар истеъмол қилишга ёхуд жиноят содир этишга жалб этиш айниқса оғир жиноят ҳисобланади.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ – 13 ёшдан 18 ёшга қадар бўлган шахслар томонидан содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг олдини олишга оид маълумотлар йнғиндиси. Вояга етмаганлар жиноятчилиги умулман жиноятчилиқни вужудга келтирувчи омиллар таъсирида ривожланади. Шу сабабдан ҳам вояга етмаганлар жиноятчилигини тадқиқ этишда криминологияга оид бўлган умумий тавсифлар, кўрсаткичлар ва усуллардан фойдаланилади. Шу б-н бирга, вояга етмаганлар жиноятчилигининг таҳлили айнан вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсир кўрсатувчи омиллар ва шарт-шароитларни аниқлашга қаратилиши лозим. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишни жиноят ҳуқуқий чоралар воситасида таъсир кўрсатиш б-н қўшиб олиб бориш ўсиб келаётган авлоднинг маънавий соғлигини муҳофаза қилишнинг зарур шарти ҳисобланади. Вояга етмаганлар жиноятчилиги республикамизда сўнгги йилларда умумий жиноятчилиқнинг 3,4%ни ташкил қилган. Ушбу кўрсаткич 2005 й.да 4,2%ни ташкил этди. Жиноятчиларнинг анчагина қисми латент бўлиб қолмоқда, чунки атрофдагилар кўпинча уларнинг жиноятларини ёши б-н боғлиқ бўлган шўхлик деб ҳисоблайдилар ва бу ҳақда ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларига хабар бермайдилар. Вояга етмаганлар жиноятчилиги қуйидаги хусусиятларга эгадир: а) вояга етмаганлар томонидан содир этилган зўрлик ишлатиш ва тамағирлик улар жиноятчилигининг 8%ни ташкил этади ва бу кўрсаткич анчагина барқарордир. б) вояга етмаганлар

томонидан кўпроқ ўғирлик, талончилик, безорилик содир этилади. в) вояга етмаганлар томонидан гуруҳ бўлиб содир этилаётган жиноятлар миқдори кўпаймоқда.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШЛАРИ БЎЙИЧА КОМИССИЯЛАР – ЎЗР ВМнинг 2001 й. 21 сентябрдаги 360-сон “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги қарорига мувофиқ В.е.и.б.к. ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи, вояга етмаганлар ўртасида назоратсиз қолишлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш органлари ҳисобланадилар. В.е.и.б.к.: вояга етмаганларнинг назоратсиз, қаровсиз қолишлари, ҳуқуқбузарликлари ва жамият учун зарарли хатти-ҳаракат қилишларининг олдини олиш, буларга имкон тугдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш; вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш; ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогика жиҳатдан реабилитация қилиш мақсадида тузилади.

В.е.и.б.к. тум.лар, ш.лар, вил.лар ҳокимликлари, ҚР Вазирлар Кенгаши, ЎЗР ВМ хузурида тузилади. Тум.лар, ш.лар, вил.лар хузуридаги В.е.и.б.к. тегишли ҳокимлар томонидан тузилади. ҚР Вазирлар Кенгаши хузуридаги В.е.и.б.к. ҚР Вазирлар Кенгаши томонидан тузилади. ЎЗР ВМ хузуридаги В.е.и.б.к. ЎЗР ВМ томонидан тузилади. В.е.и.б.к. ўз фаолиятида юқори турувчи комиссияларга, шунингдек, тегишли ҳокимликлар, ҚР Вазирлар Кенгаши, ЎЗР ВМга ҳисоб берадилар. Комиссиялар раис (тум., ш., вил ҳокими ўринбосари, ҚР Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари), раис ўринбосари, масъул котиб ва комиссиянинг 6-12 аъзоси таркибида тузилади. Комиссия аъзолари сони комиссиянинг иш ҳажмига қараб белгиланади. Комиссиянинг масъул котиби кундалик ишларни ва комиссия қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Тум.лар, ш.лар ва вил.лар ҳокимликлари, ҚР Вазирлар Кенгаши хузуридаги комиссияларда бошқа ишлардан озод масъул котиб лавозими, зарурият бўлганда эса вояга етмаганлар б-н ишлаш бўйича инспектор лавозими жорий этилади. Комиссия таркибига олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, ички ишлар, меҳнат органлари, хотин-қизлар қўмитаси, қасаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мудофаага кўмаклашиш жамияти, меҳнат жамоалари, маданий-маърифий ва б. муассасаларнинг вакиллари қирадилар. Комиссиялар таркибида: вояга етмаганлар ўртасида маданий-тарбиявий ишлар бўйича, умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежлари ва б. таълим муассасаларининг ўқувчилари б-н ишлаш бўйича, болалар ва ўсмирларни ишга жойлаштириш ва маиший турмушини яхшилаш масалалари бўйича, ихтисослаштирилган таълим-тарбия муассасаларидан чиқарилган ва тарбия колонияларидан озод қилинган ўсмирлар устидан назорат ўрнатиш бўйича секциялар ташкил этилиши мумкин.

Комиссияларнинг фаолияти кенг жамоатчилик иштирокида амалга оширилади. Комиссия ишига қасаба уюшмалари, мактаблар хузуридаги ота-оналар қўмиталари, “Меҳрибонлик” уйлари ва мактабларнинг васийлик кенгашлари, таълим-тарбия муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари жалб этилади. Комиссиялар

ишлашга жалб қилинган ўзларининг фаоллари орасидан вояга етмаганлар б-н ишловчи жамоатчи инспекторларни ва жамоатчи тарбиячиларни ажратиб оладилар. Комиссиялар ўз ваколатларига киритилган масалалар бўйича давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиладилар. Давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва мансабдор шахслар комиссия қарорларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида комиссияга ўн кун мобайнида хабар беришлари шартдир. Комиссияларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш б-н боғлиқ масалаларни ҳал этиш бўйича мажбурий тегишлича тум.лар, ш.лар, вил.лар ҳокимликларига, ҚР Вазирлар Кенгашига, ЎзР ВМга юкланади.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ЖАЗО ТАЙИНЛАШ – ЎзР ЖКнинг 86-м.сига мувофиқ, суд В.е.ж.т.да жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлигини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва б. ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тарикасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тарикасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча ҳукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд ЎзР ЖКнинг 72-м.сига назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ – 18 ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларнинг жавобгарлиги. ЎзР ЖКда вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва б. ҳолатлари эътиборга олиниб, алоҳида жазолар белгиланган. Булар: а) жарима; б) ахлоқ тузатиш ишлари; в) қамоқ; г) озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан иборат. Вояга етмаганларга нисбатан жазонинг бошқа турлари ва қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас. Вояга етмасдан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан тайинланадиган жазо миқдори ва муддатлари анча қисқартирилган. Вояга етмаганларга нисбатан белгиланадиган жарима, энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади. Ахлоқ тузатиш ишлари 1 ойдан 1 й.гача муддат доирасида белгиланади ва бу жазони ўташ учун маҳкумни ўзи яшаётган жойдан бошқа жойларга жўнатиш

мумкин эмас. Қамоқ жазоси 1 ойдан 3 ойгача муддат доирасида тайинланади. Озодликдан маҳрум қилиш муддати вояга етмаганлар ёши ва жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб: 16 ёшга тўлмаганларга – унча оғир бўлмаган жиноят учун – 3 й.гача; оғир жиноят учун – 6 й.гача; ўта оғир жиноят учун – 10 й.гача; 16 ёшдан 18 ёшгача бўлганларга – унча оғир бўлмаган жиноят учун – 4 й.гача; оғир жиноят учун – 7 й.гача; ўта оғир жиноят учун – 10 й.гача муддат доирасида тайинланади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган вояга етмаганлар жазони вояга етмаганлар тарбия колониясида ўтайди. Вояга етмаганларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг алоҳида қондалари татбиқ қилинади. Шунингдек, жинояти учун 3 й.дан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки ундан ҳам енгилроқ бошқа жазо олган вояга етмаганларни суд жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиб, жиний жазо ҳисобланмаган қўйидаги мажбурият чораларини қўллаши мумкин: а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш; б) 16 ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган зарарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати б-н тўлаш ёки зарарни бартараф қилиш мажбуриятини юклаш; в) вояга етмаганни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш. Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни юртиш тартиби умумий қондалар, шунингдек, ЎзР ЖПК 548–564-м.лари асосида белгиланади.

ВРАЧЛИК МАСЛАХАТ КОМИССИЯСИ – жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати б-н ижтимоий ёрдам ва химояга муҳтож бўлган болалар ногирон деб ҳисобланади.

Болаларнинг турмуш фаолияти чекланганлиги уларнинг ўз-ўзига хизмат қилиш, юриш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиш, шунингдек таълим олиш ва меҳнат фаолияти б-н шуғулланиш қobiliяти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигида ифодаланади.

Болаларни ногирон деб топиш уларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки вассийлари (ҳомийлари)нинг доимий яшаш жойидаги тум. (ш.) даволаш-профилактика муассасаларида фаолият кўрсатаётган В.м.к. томонидан ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қарори (рўйхат рақами 1695, 26.06.2007й.) б-н тасдиқланган 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

В.м.к.га тум. (ш.) даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори раислик қилади.

В.м.к. таркиби бош шифокор ўринбосари, бўлим бошлиги ва даволовчи шифокорлар (педиатр, терапевт, психиатр, фтизиатр ва б. мутахассислар)дан иборат таркибда тум. (ш.) даволаш-профилактика муассасаси бош шифокори томонидан тасдиқланади.

В.м.к. томонидан бериладиган болаларни ногирон деб топиш тўғрисида тиббий ҳулоса (кейинги ўринларда матнда тиббий ҳулоса) ногирон болаларга ижтимоий нафақа тайинлашга асос бўлиб ҳисобланади.



ГАЗЛИ ҚУРОЛЛАР – инсон ҳаёти ва саломатлигига қарши қаратилган жиноятларда қўлланидиган захарли-токсик моддалар таркибига кирувчи газлар б-н захарлаш учун ишлатиладиган мосламалар. Мазкур мосламаларнинг тузилиши асосан кеска стволли отиш қуроли бўлган газли пистолет ёки револьвер шаклида бўлиб, газли модда гильзада жойлаштирилган бўлади. Қуролнинг тепкиси босилганда газ оқими инсоннинг нафас йўллариغا кириб танага асаб-фалажлик келтириб чиқаради. Газ таркибидagi захарли модданинг ҳажмига кўра инсон кеска муддатга ҳушидан кетади ёки кучли таъсир қилса, оёқ-қўл ҳаракатсиз бўлиб, қаршилик кўрсатолмай қолади.

Г.к. баъзи ҳолларда турли буюм шаклида ҳам учраб туради. М: зонг, ёзиш-чиқиш қуроли қабилар. ЎзР миқёсида суд-тергов амалиётида газли қуроёлардан фойдаланиш камдан-кам учраган. Охириги 10–15 й.лар давомида статистикада қайд этилмаган.

ГАЙ – қад. Римда яшаб ижод этган Рим юристларидан бири. Г. зодагонларнинг сиёсий нуфузиди заифлаштирувчи қонунлар чиқартирган. Хусусан, халқ мажлисида магистратларни яширин овоз б-н сайлаш тўғрисида қонун жорий қилинган. Бундан ташқари, халқ мажлиси бирор кишини халқ трибуни вазифаси қаторига икки йил ва ундан кўпроққа қайта сайланиши мумкинлиги ҳақида қарор чиқарган. Г. ўз акасининг аграр ислохотларини амалга ошириш б-н бирга ерсиз фуқароларни ер б-н таъминлаш мақсадида мил. авв. 123–122 й.ларда провинцияларда Рим фуқароларининг колонияларини тузиш ва камбағалларга давлат оморларидан жуда арзон баҳо б-н дон сотиш тўғрисида қонунлар чиқартирган. Г. ҳарбий ислохотлар ҳам ўтказган. Рим фуқаролари учун мажбурий бўлган ҳарбий юришлар сони чекланган, 46 ёшга тўлган фуқаролар учун ҳарбий мажбурият бекор қилинган, аскарлар давлатдан маош ва қурол-яроғ оладиган бўлганлар, халқ мажлисида ўлимга маҳкум этиш ҳақидаги ҳукмдан шикоят қилишлари мумкин бўлган.

ГАНГСТЕР (инг. – тўда, босқинчи) – жиноий дўк-пўписа, товламачилик, одам ўғирлаш ва ўлдириш каби ишлар б-н шуғулланувчи босқинчилар тўдасининг ишти-рокчиси.

ГАНДИМИЁН ШАРТНОМАСИ – Россия қўшинлари 1873 й. баҳорда Хивани эгаллагандан сўнг, 1873 й. 12 августда Россия б-н Хива хонлиги ўртасида (Хива яқинидаги Гандимиён (Гандумқон) қишлоғидаги хоннинг ёзги боғида) тузилган шартнома. Шартномага кўра, хон рус подшосининг вассалига айланди ва мустақил ташки сиёсат юргизишдан маҳрум этилди. Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар Россияга ўтди ва у ерда Амударё бўлими ташкил этилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилди. Бўлим бошлиғига Хива ҳукуматининг фаолиятини кузатиб туриш топширилди. Г.ш.га бипоан рус савдо

кемаларининг Амударёда эркин ҳаракат қилиши учун имтиёзли ҳуқуқ берилди. Рус саноатчи ва савдогарлари бутун хонлик ҳудудида божсиз савдо қилиш, ер сотиб олиш, саноат корхоналарини қуриш ҳуқуқини олди. Рус фуқароларини маҳаллий судлар суд қила олмайдиغان бўлди. Бундан ташқари, хон Россия ҳукуматига 2 млн. 200 минг сўм тоvon тўлаш мажбуриятини олди. Шундай қилиб, Г.ш. Хива хонлигини Россиянинг мустамлакасига айлантириб қўйди.

ГАРОВ – бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун беришидир.

Г.га кўра қарздор Г. б-н таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда, кредитор (Г.га олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби Г.га қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (Г.га қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига қонунида белгилаб қўйилган чегирншлардан кейин ҳақли бўлади.

Г.га олувчи Г.га қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиёти етказганлик учун сугурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига сугурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли, башарти мол-мулкни йўқотиш ёки унга зиён етказиш Г.га олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса.

Г. шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади (ЎзР ФК 264-м.).

Г. зақалат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар Г.ни тарзида амал қилиши мумкин.

Г.га қўйилган мол Г.га қўювчи томонидан Г.га олувчига ўтказилганда Г. зақалат деб ҳисобланади.

Қўчмас мулкни Г.га қўйиш ипотека ҳисобланади (ЎзР ФК 265-м.).

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) Г. параси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси б-н узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилган қонун б-н маъ этилган бошқа талаблар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкни Г.га қўйиш қонун ҳужжатлари б-н маъ этилган ёки чекланиши мумкин (ЎзР ФК 267-м.).

ГАРОВ МАЖБУРИЯТИ – қарздор томонидан кредиторга берилган ҳужжат бўлиб, мазкур ҳужжат кредиторнинг қарздор гаров б-н таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда, бу мажбурият бўйича ўз талабини гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан имтиёзли суратда қаноатлантириш ҳуқуқига эгаллигини тасдиқлайди.

ГАРОВ ҲУҚУҚИ – бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор)га мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз мажбуриятларини таъминлаш учун берадиган муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Г.х. шундай муносабатки, унга кўра мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланади. Г.х., одатда, гаров шартномасидан ёки қонундан вужудга келади. Гаровга кўра қарздор гаров б-н таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда, кредитор (гаровга олувчи) бу

мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантирилишига, қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин ҳақли бўлади. Гаровга олувчи гаровга қўйилган мол-мулкни йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби юқоридаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли, башарти мол-мулкни йўқотиш ёки унга зиён етказиш гаровга олувчи жавобгар бўлган сабабларга кўра юз берган бўлмаса. Гаровнинг закатат (бунда гаровга қўйилган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилади), ипотека (бунда гаровнинг предмети кўчмас мулклар ҳисобланади), ҳуқуқлар гарови турлари мавжуд. Гаров нарчасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги б-н йўл қўйилади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки гаровнинг мохиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи гаров нарчасидан унинг вазифасига кўра фойдаланишга, шу жумладан ундан ҳосил ва даромадлар олишга ҳақли. Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ва гаровнинг мохиятидан англашилмаса, гаровга қўювчи фақат гаровга олувчининг розилиги б-н гаров нарчасини бошқа шахсга беришга, уни ижарага ёки бепул фойдаланиш учун бошқа шахсга топширишга ёхуд уни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли. Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади.

ГАРОВГА ОЛИШ – қ.: *Шахсни гаров сифатида тутқунликка олиш.*

ГАРОВГА ОЛУВЧИ – гаровга кўра қарздор гаров б-н таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда, бу мажбурият бўйича ўз талабини қонунда белгилаб қўйилган чегиришлардан кейин гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли суратда қаноатлантиришга ҳақли бўлган шахс.

ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ – қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам Г.қ. бўлиши мумкин. Ашёнинг мулкдори ашёни гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Гаровга қўйилган ҳуқуқнинг эгаси бўлган шахс ҳуқуқни гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдорнинг розилигисиз ашёвий ҳуқуқни гаровга қўйишга йўл қўйилмайди.

ГАСТРОЛЁР ЖИНОЯТЧИЛАР – криминологияда тактика нуқтаи назардан жиноятчиликни ўз турар жойларидан ташқарида содир этадиган, шу жумладан ўзларининг профессионал ҳаракатчанлиги туфайли узок жойга катновчи, турли жойларда жиноят содир этувчи жиноятчилар.

ГАУПТВАХТА (инг. guardhouse; нем. hauptwache) – оддий таркибдаги ҳарбий хизматчилар ҳуқуқбузарлик содир этиши ва қамок жазосига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар жазони ўташининг бир қўринишидир. ЎзР ЖКда ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамок жазоси қўлланилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиб, ушбу жазо чора-

сига ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар жазони гарнизон Г.сида ўтайдилар ҳамда ушбу жазо чорасининг ижро этилиши мазкур гарнизон Г.лари томонидан таъминланади. Қамок ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган мустақил жазо чораси ҳисобланади. ЎзР ЖКда қамок жазосини ижро этиш тартиби ва ҳуқуқий ҳолати каби масалалар унинг алоҳида 3-бўлимида атрофлича тартибга солинган. Зотан, мазкур жазо чораси ўзига хос хусусиятлари б-н бошқа жазолардан тубдан фарқ қилади. Қамок тарикасидаги жазони қўйидаги тоифалардаги ҳарбий хизматчилар ўтайдилар: аскарлар, матрослар, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапорщик, мичман ва ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчилар. Қамок тарикасидаги жазога ҳукм этилган ҳарбий хизматчиларга нисбатан муддатдан илгари шартли озод қилиш, амнистия ва афв этиш б-н боғлиқ умумий қоидалар татбиқ этилади. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан қамок тарикасидаги жазо махсус жиҳозланган муассасалар – Г.ларда ижро этилади. Г. камера типидagi алоҳида ажратилган муассасалар бўлиб, улар гарнизон ёки ҳарбий Г.лар қўринишида бўлиши мумкин.

ГЕГЕЛЬ (1770–1831) – фалсафий ва сиёсий қарашларнинг бутун бир тарихида ўзининг салмоқли ҳиссасини кўрсатган буюк мутафаккир. Тўлиқ исми Георг Вильгельм Фридрих Гегель. Г.нинг “Германия Конституцияси”, “Табиий ҳуқуқни тадқиқ этишнинг илмий усуллари, амалий фалсафада унинг ўрни ва позитив ҳуқуқ ҳақидаги фанга муносабати”, “Рух феноменологияси”, “Вюртемберг қироллигининг табақа йиғилиши ҳисоботи”, “Рух фалсафаси”, “Ҳуқуқ фалсафаси”, “Тарих фалсафаси” каби асарларида ёритилган. Г.нинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти асосан 1820 й.да ёзилган “Ҳуқуқ фалсафаси” китобида баён этилган бўлиб, бу китоб сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида муҳим манбалардан бири саналади.

ГЕНЕРАЛ (лот. generalis – умумий, бош) – қуроли кучлардаги ҳарбий унвон (даража). Дастлаб, XVI а.да Францияда жорий қилинган. Россияда XVII а.нинг 2-ярмидан маълум. ЎзР Қуроли кучларида Г.-майор, Г.-лейтенант, Г.-полковник, Армия Г.и каби Г.лик унвонлари белгиланган Қуроли кучлар турлари ва қўшин турларида Г.лик унвонига тегишли қўшин номи қўшиб аталади.

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР – 1) 1703–1917 й.ларда Россия маҳаллий маъмуриятидаги олий мансаб. Унинг қўлида фуқаролик ва ҳарбий ҳокимият бўлган. 1775 й.да Россияда бир ёхуд бир неча губерния ёки вил. (область)лардан ташкил топган маъмурий-худудий бирликлар тузилиб, уларни Г.-лар бошқарган. Мас., Россия Туркистонни босиб олгандан сўнг, Туркистон Г.-глиги ташкил қилинган (1867). Туркистоннинг биринчи Г.-ги этиб, К.П.фон Кауфман тайинланган; 2) Британия Ҳамдўстлиги мамлакатлари таркибида бўлиб, инглиз қироллини давлат раҳбари сифатида тан олувчи айрим давлатлар (одатда, собиқ доминионлар)да инглиз қиролли номидан иш юритувчи мансабдор шахс.

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИК – 1867 й. 14 июлда Россия императори Александр II нинг буйруғига асосан маркази Тошкент ш. бўлган Туркистон Г.-ги ташкил этилган. Шу б-н бир қаторда, Туркистонда бир қанча ҳарбий округлар юзага келган. Унинг таркибига Еттисув округи ҳам киритилган.

Ушбу Г.-г.нинг дастлабки генерал-губернатори генерал-адъютант К.П.фон Кауфман (1818-1882) кўмондон бўлган. Унинг охири генерал-губернатори генерал Куропаткин дир.

Генерал-губернатордан сўнг маъмурий бошқарувда девон, ҳарбий губернатор ҳамда вилоят генераллари ўрин олганлар.

Чор Россиясида энг йирик маъмурий-худудий бирлик. XX а. бошларида Россияда собиқ Польша подшолегининг 10 та губерниясидан ташкил топган Варшава Г.-г., шунингдек Виленск (3 та губерния) Киев (4 та губерния), Иркутск (2 та губерния ва битта вил.), Амурбўйи (3 та вил. ва Сахалин вил.), Дашт (3 та вил.) Г.г. мавжуд эди. Москва губерниясини махсус генерал-губернатор бошқарар эди. Г.-г. б-н бир қаторда губерниялар ва вилларга бўлинган бошқа маъмурий-худудий бирликлар: Финляндия Буюк Князлиги (8 та губерния) Кавказ ўлкаси (7 та губерния, 4 та вил. ва битта округ), Туркистон ўлкаси (4 та вил.) бор эди.

Г.-г. бошқарувнинг монархия шакли сақланиб қолган давлатларда монархнинг (мас., Британияда) юқори ваколатга эга бўлган вакили. Монархия тузуми бўлган давлатларда (Британия) қирол томонидан тайинланади ва давлат бошқаруви тизимини бошқаришда катта ваколатларга эга бўлади. Канада генерал-губернатори Жамоа палатаси ва Сенат б-н биргаликда қонунчилик ҳокимиятига эга. Айрим давлатларда эса генерал-губернатор юқори ва қуйи палата аъзоларини тайинлаш ҳуқуқи берилган.

ГЕНЕРАЛИССИМУС (лот. generalissimus – энг олий) – баъзи мамлакатлар қуролли қучларидаги олий ҳарбий унвон. Дастлаб, 1569 й. Францияда Карл IX Г. унвони б-н 18 ёшли укасини тақдирлаган. Кейинчалик Г. унвони қуйидаги шахсларга тақдим этилган: Францияда – герцог Г. де Гиз (1550-1588), шахзода Л.Конде (1621-1688), герцог Л.Виллар (1653-1734), герцог А.Решельё (1696-1788), Австрияда – князь Р.Монтекукколи (1609-1680), шахзода Евгений Савойский (1663-1736), граф Л.Даун (1705-1766), эрцгерцог Карл (1771-1847), князь К.Шварценберг (1771-1820), Германияда – граф А.Валленштейн (1583-1634); Россияда Г. унвон сифатида Петр I томонидан жорий этилган бўлиб, биринчи Г. унвони саркарда А.С.Шеннга 1696 й. 28 июнда берилган. Расман Г. унвони ҳарбий уставга 1716 й. 12 майда киритилган. 1727 й. 12 майда князь А.Д.Меншиковга (1673-1729), 1740 й. 11 ноябрда А.У.Брауншвейгскийга (1714-1774), 1799 й. 28 октябрда машҳур рус саркардаси А.В.Суворовга тақдим этилган. Собиқ Совет Иттифоқида Г. унвони 1940 й. таъсис этилган ва фақат И.В.Сталинга берилган. XX а.да Испанияда Ф.Франко, Хитойда Чан-Кайши, КХДРда Ким Ир Сен ва б.ларнинг Г. унвони бўлган.

ГЕНОЦИД (юн. genos – уруғ, қабила + лот. caedere – ўлдирмоқ, *сўзма-сўз* уруғ, қабилани йўқ қилмоқ; инг. genocide) – инсониятга қарши жиноят, миллат, элат, уруғ, қабилани тугатиш. Бирор-бир миллий, этник, иркий ёки диний гуруҳни қириб ташлаш, шу гуруҳ аъзоларини ўлдириш, уларга оғир тан жароҳати етказиш ёки рухий таъсир кўрсатиш, улар учун шу гуруҳ доирасида бола туғилишига йўл қўймасликка қаратилган турмуш шароитини атайлаб вужудга келтириш ва болаларни одамларнинг бир гуруҳидан бошқасига зўрлик б-н бериб юбориш йўли б-н тўла

ёки қисман йўқ қилиш ниятида амалга ошириладиган ҳаракатларни содир этишдан иборат. Санаб ўтилган қилмишларни бажариш тўғрисида буйруқ бериш ҳам Г. жумласига қиради.

Г., яъни миллий, этник, иркий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахсларнинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасдан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик б-н қамайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ берганлик учун ЎзР ЖКнинг 153-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ГЕРБ (инг. emblem – мерос) – рамз, узок тарихдан бери бўлиб келадиган давлат, ш., шажара ва х.к.нинг белгиси. Г. рамзий тасвир сифатида аниқ қондалар асосида ташкил этилади. Г.нинг тасвири тапгаларга, ҳужжатларга, муҳрларга, штампларга, байроқ ва х.к.га туширилади. Муҳрларга туширилган биринчи Г.лар XI а.га тааллуқлидир.

Г.лар ранги, шакллари, расмлари б-н ўзаро фарқланиб, махсус қондаларга биноан ишланади ва махсус атамалар б-н тавсифланади. Г. антик даврларда пайдо бўлган. Шумер давлатининг Г.ида шер бошли бургут, Қад. Рим давлати Г.ида бургут тасвирланган. Амир Темур давлатининг ҳам Г.и бўлган. Бу Г.да 3 халқа тасвирланган бўлиб, бу Амир Темурнинг 3 иқлимда, яъни Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳукмрон эканига ишоради. Ўрта асрларда кўпгина ш.лар ўз Г.ига эга бўлган. Венеция Г.ида қанотли шер тасвирланган. Ғарбий Европада Г.лар уруғ, меросхўрлик белгилари сифатида салб юришлари даври (XI-XII а.лар)да юзага келган. Кейинчалик байроқлар, қоғоз пуллар, муҳрлар, қоғозларга Г.ларнинг тасвири туширила бошланди. Г. ва унинг тарихи б-н геральдика фани шуғулланади. Яна к.: *Давлат герби, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби.*

ГИГИЕНА НОРМАТИВЛАРИ – к.: *Санитария нормалари ва қондалари.*

ГИЁХВАНДЛИК – эйфорик, тинчлантирувчи, оғрик қолдирувчи, ухлатадиган, бағи қилувчи ёки қўзғатувчи табиий ва синтетик моддаларга патологик мойил бўлиш. Г. воситасини оз-оздан истеъмол қилганда ҳақиқий ҳолатга мос келмайдиган ўзидан-ўзи хурсанд бўлавериш, кўпроқ истеъмол қилганда хушини йўқотишгача, Г. уйқуси даражасигача олиб келувчи, муттасил равишда истеъмол қилганда доимий дозасини ошириб боришни талаб қиладиган касаллик. Г. – гиёхванд воситаларини нотиббий равишда истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган касаллик. Г. турлари асосан қуйидагилар: опий Г.и – опийлар сунистеъмоли натижасида келиб чиқади (морфин, кодеин, тебаин, героин); наша истеъмол қилувчи бағилик (нашавандлик); эфедрон Г.и; кокаиномания – кокаин истеъмол қилувчи бағилик. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятига эга, аммо ҳамма турларининг умумий белгилари препаратга тез ўрганиш, жисмоний ва рухий мойиллик ҳамда абстинент ҳолати ривожланишидан иборат. Кўп гиёхвандларда паркотик препаратнинг биринчи истеъмолидан бошлаб 2–3 ҳафтада мойиллик пайдо бўлади, аммо ҳозир шундай синтетик наркотиклар борки, улар 2 инъекция олданидан сўнг мойилликка олиб келади. Ҳамма наркотиклар

паркоманининг рухий ҳолатини ўзгартириб юборади. Беморларда кайфиятнинг паршионлиги, кўзгалиш, ўзининг хулқ-атвorigа танқиди пасайиши: сабабсиз кулги, серганлик намoен бўлади. Вақт ва атроф-муҳитни, мувозаанатни қабул қилиши бузилади. Бир хил наркотиклар қарахтлик, кўриш галлюцинацияларини, баъзан товуш галлюцинациялари ва васваса гоъларини, агрессияга мойилликни чақиради. Бу агрессив ҳолати наркомани ижтимоий хавфли қилиб қўяди.

Баъзи гиёҳвандларда 3–7 кун давом этувчи ўткир психозлар ривожланади. Баъзи ҳолларда эса, аксинча, апатия, атрофга бепарволик аломатлари пайдо бўлади. Ҳамма наркоманлар учун оғир кечадиган абстинент ҳолати бир хилда бўлади. Бу ҳолат наркотикли истеъмол қилишни тўхтатгандан сўнг бир неча соат, баъзида 1–2 кундан кейин юзага келади. Абстинент ҳолатида хавотирланиш, безовталаниш, бутун баданда қучли, кескин оғриқлар сезиш, уйқусизлик, кўнгул айниш, қайт қилиш, қон босимининг кўтарилиши, томчи тортнишлар, иштаҳа йўқлиги каби белгилар намoен бўлади. Булар 8–10 кун давом этиб, сўнг сусая бошлайди. Ҳамма гиёҳвандларда янчи аъзолар хасталикларни ривожланади. Беморлар ёшига нисбатан катта кўринадилар, терилари қариган, ажишли, сарғимтир ёки қуранг тусга қиради. Сочлари ва тишлари тўкилади, томирга олган инфекцияларидан кўпгина чандиклар қолади. Беморлар ҳолдан тоядилар.

Наркотикларни узок вақт истеъмол қилганда шахс борган сари инкирозга учрайди, гиёҳвандлар тубан, атрофдагиларга ҳамда яқинларига бефарқ бўлиб қолади, акцидрокки пасаяди. Гиёҳвандлар жисмоний ва рухий ҳолдан тоядилар, уларнинг эмоциялари қўполлашади, яхши хулқ ва одатларини йўқотадилар. тез-тез антиижтимоий ҳаракатлар содир этадилар. Гиёҳвандлар асосан ҳаётдан эрта кўз юмадилар – наркотик модда дозасини юқори қилиб юборганидан, абстинент ҳолатида эса – юрак қон-томир етишмовчилигидан ўладилар. Улар ОИТС (одам иммунитетни танқислиги синдроми) инфекциясининг ташувчилари ва асосий тарқатувчилари бўлиб қоладилар ҳамда шу хасталиқдан ўлганларнинг кўпчилигини ташкил қиладилар. Г. воситалари инсон организмни, марказий нерв системасини, кайфиятнинг ва ҳаракатини, юриш-туришини ҳамда хатти-ҳаракатини ўзгартиради. Г. воситаларини истеъмол қилиш инсон ҳаёти ва унинг зурриёдига, келажак ҳаётига, фарзандларига катта салбий таъсир қиладди. ЎзР ЖК 270–276-м.снда мазкур ҳолат б-н боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган.

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ – алоҳида рўйхатга киритилган ва назоратга олинмадиган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий модда, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар. Г.в. – ўз таъсирига кўра ёки сунистеъмол қилинганда аҳолининг соғлиғи учун хавф тудирувчи “Гиёҳвандлик воситалари тўғрисида”ги БМТнинг 1961 й. ягона конвенциясининг 1 ва 2-рўйхатларига киритилган тиббий ёки сунъий тайёрланган ҳар қандай Г.в.. Энг кенг тарқалган Г.в.га қуйидагилар қиради: наша ва уйдан тайёрланган Г.в. (марихуана, наша ёки «плаг» ва ҳ.к.); кўкноридан тайёрланган Г.в. афюн, тарёк, морфий, героин, промедол, кодеин ва ҳ.к.; кокаин ва уйдан тайёрланган лизергин кислотаси – ЛСД; кимёвий синтез қилинган амфетомин,

триметилфентанил ва ҳ.к. Г.в. устидан назорат қилувчи асосий органлар қуйидагилардир: БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг наркотик воситалари бўйича комиссияси ва 1961 й. Ягона конвенция асосида ташкил этилган Г.в. устидан назорат қилиш қўмитаси.

Г.в. инсон организмни, марказий нерв системасини, кайфиятнинг ва организм ҳаракатини, юриш-туришини ҳамда хатти-ҳаракатини ўзгартирувчи моддалар ҳисобланади. Г.в.ли истеъмол қилиш инсон ҳаёти ва унинг зурриёти, келажак ҳаёти, фарзандларига катта салбий таъсир қиладди. Г.в.га кўкнори, наша, опиум, морфий, героин, кокаин, каннабис ўсимлиги ва б. қиради.

Г.в. ёки психотроп моддалар б-н қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар ЎзР ЖКнинг XIX бобида жамланган.

Г.в.нинг рўйхати ЎзР ВМнинг 2000 й. 31 июлдаги 293-сон “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кўриш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида”ги қарориди берилган.

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ, ПСИХОТРОП МОДДАЛАР ВА ПРЕКУРСОРЛАРНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШИ – “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализация қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш.

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ – аҳолининг гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишга берилиши жисмоний, рухий ва маънавий таназзулга учрашига; мамлакат иқтисоди, фуқаролар турмуши ва муодофаа қобилиятининг таянчи бўлиши керак бўлган одамларнинг шахсий деградациясига; аҳолининг насл қолдириш қобилиятига ва келгуси авлодларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатилишига; жиноятчиликнинг оммавий негизлари яратилишига; виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларнинг кўпайишига; қуроли кучларнинг жанговар қобилиятига путур етишига; гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга мойил шахсларни профилактика қилиш, даволаш, уларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш ва б. шунга ўхшаш тадбирларга давлат ва жамият томонидан катта маблағларнинг ажратилишига олиб келади. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ва экспертларнинг баҳолашларига қараганда, ЎзРда гиёҳвандлик воситаларини сурункали истеъмол қилувчи шахслар сони 200 минг кишини, гиёҳвандлик воситаларини синаб кўрган шахслар сони эса, ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Ваҳоланки, соғлиқни сақлаш органлари томонидан рўйхатга олинган гиёҳвандлар сони атиги 30 минг кишини, ташкил қиладди. Бу мазкур ходисанинг латентлик даражаси 6–7 барабар юқори эканлигидан далолат беради. Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи б-н боғлиқ бўлган рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий кўрсаткичи 1999

й.да 1998 й.дагига қараганда 11% га кўпайди ва 6630 та жиноятни, 2000 й.да 7100 та жиноятни ташкил этди. Гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи б-н боғлиқ жиноятчиликнинг тузилиши куйидаги кўрinishга эга (2001 й.гача бўлган ҳолатга кўра): гиёҳвандлик воситаларини талон-торож қилиш (ўғирлик, талончилик, босқинчиликлар) – 0,6%; ғайриқонуний равишда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатилш – 93%; бошқа шахсларни истеъмол қилишга жалб этиш – 0,7%; бағхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш – 1%; гиёҳвандлик воситаларини олиш мақсадида рецептларни қалбакилаштириш – 0,1%; қонунга ҳилоф равишда таркибда гиёҳванд модда бўлган ўсимликларни экиш ёки ўстириш – 1%; гиёҳвандлик воситаларининг қонуний муомаллада бўлиши қоидаларини бузиш – 2,5%.

ГИЛЬЗА – патроннинг барча қисмлари (порох, ўк, капсулни) бирлаштирувчи баллистик объект. Г. шаклига кўра, цилиндрсимон, бутилкасимон ва конуссимон бўлади. Цилиндрсимон ва конуссимон Г. порох газларининг босими унчалик катта бўлмаган патронларда, бутилкасимонни эса, босими катта бўлган патронларда ишлатилади. Г.ларда куйидаги асосий қисмлар мавжуд: Г.нинг олди очик томонидаги энг четки қисми; ўкни маҳкамлаш учун мўлжалланган, қия қисмига туташиб кетган жойи; қия қисми – Г.нинг оғзи ва сирти орасидаги конуссимон сирти; унинг туби, пистон капсул уяси, сандони – патрондан ўкни чиқариб олиш учун мўлжалланган айлана шаклдаги белбоғ. Пистоннинг портловчи таркиби баёк (тепки) урилганда бузиладиган туйнукча Г.нинг остки тўсиғида жойлашган бўлиб, пистон ёнганида унинг учқуни порохга ўтиши учун мўлжалланган. Ҳозирги вақтда Г.лар тайёрлаш учун том-пак (90% мис ва 10% руҳнинг аралашмаси) б-н қопланган жез ва пўлат ишлатилади.

Баллистик экспертиза ўтказишда отилган Г.даги отиш қуролининг айрим қисмлари, хусусан чиқариб ташлаш механизми, баёкдан қоладиган излар асосида айнан қайси қуролдан отилганини аниқлаш мумкин. Отилган ўк ва Г. аввал бир бутун патронни ташкил этганми, деган масала ҳам ҳал этилади.

Силлик стволли ов милтиқларини идентификация қилишда сочма ўк заррачаларни бўйича уларнинг гуруҳ мансублиги ва тайёрланган жойи (заводда, уй шароитида) ҳақидаги маълумот б-н чекланади. Милтиқнинг айнанлигини аниқлаш учун отилган Г.даги баёк изидан фойдаланилади.

Ҳодиса жойида топилган Г.нинг шакли, ўлчови (калибри) бўйича ўк отиш қуроли қайси гуруҳга мансублиги белгиланиб, ана шу гуруҳ ичидан изламоқ зарур бўлади.

ГИЛЬОТИНА (фр. guillotine) – ўлим жазосига ҳукм этилганларнинг бошини танасидан жудо этиш мосламаси. Бу мослама қадимда осиб ўлдириш б-н бир хилда кўп қўлланилган. Маҳкумнинг боши қилич, болта ёки махсус машина – Г. воситасида танасидан жудо қилинади. Ғарбий Европада бошни танадан жудо қилиш асосан дворянларга нисбатан қўлланган. Жазони болта ва қилич ёрдамида ижро этиш баъзан зарбанинг ноаниқлиги натижасида маҳкумларни жуда оғир қийноқларга дучор этган: маҳкумнинг боши танасидан ажралгунга қадар жаллод ўн ва ундан ортиқ зарба берган ҳоллар ҳам бўлган. Шу бонс, XVIII а.

охирда Францияда бошни танадан жудо этиш учун махсус машинадан фойдаланила бошланди. Бу машина уни таклиф қилган одам – доктор Гильотен номи б-н “Г.” деб аталди. Бу машина илгари Италия, Англия, Шотландия ва Голландияда ҳам, кам бўлса-да, қўлланилган эди. Г. Францияда инқилобий қатллар қуролига айланди. Франциядан кейин Г. Европанинг бошқа давлатлари, чунончи: Саксония, Гессен, Бавария, Веймар, Ганновер, Цюрих, Люцерн, Галлен ва Шафгаузенда ҳам қўлланила бошланди.

Ўлим жазосини ижро этишнинг аҳолига кўрқитувчи таъсири масаласига келсак, бу борада анча қизиқарли кузатишлар мавжуд. Мас., Англияда ўлим жазоси ижро этилган майдонга киссавурлар тўпланган ва ўғирлик учун маҳкуми осийлаётган пайтда оломон орасида ўғирлик содир этган. Англия қамоқхоналарининг айрим руҳонийлари берган гувоҳликларга қараганда, бобоси, отаси ва ўгли жаллод кўлида жон берган, бинобарин, ўлим жазоси ҳеч қандай кўрқитувчи таъсир кўрсатмаган оилалар бўлган. Боз устига, ўлим жазоси жамиятга, одамлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатган. Мас., Францияда Г. фаол ишлаган пайтларда ўлим жазосини ижро этишнинг мазкур воситаси ўйинчоқ тарзида ҳар бир оилада бўлган; болалар эрмакка кушлар, итлар, мушукларни Г.дан ўтказган. Буларнинг барчаси ўлим жазоси ундан қутилганидан батамом тескари таъсир этишини кўрсатади.

Шундай қилиб, яқиндан тадқиқ қилиш ўлим жазоси аҳолига кўрқитувчи таъсир этади, деган фикрнинг асосизлигини кўрсатади. Ўлим жазосини ижро этиш усулида рўй берган тўнтарилш ҳам шу б-н изоҳланади. Илгари ўлим жазоси оломон кўз ўнгиде – майдонга ўрнатилган балаид эшафотда ижро этилар эди. Ҳатто, халқ майдонга қатл маросимида иштирок этиш учун хайдаб келинардн. Бугунги кунда маърифатли давлатлар ўлим жазосини оммага кўрсатиб ижро этишдан воз кечган. Бу янги тартибга Шимолий Америка Иттифоқининг бир неча штатлари асос солди. Ўлим жазосини оммага кўрсатмасдан ижро этиш тартиби аста-секин Европа мамлакатларида ҳам жорий этилди: 1857 й.да бу тартибни Пруссия қабул қилди, унга бошқа герман давлатлари ҳам қўшилди; 1868 й.дан бу тартиб Англияда, 1881 й.дан эса, Россияда қўлланилади. Ўлим жазосини оммага кўрсатмай ижро этишга ўтилиши қонунчининг мазкур жазога муносабатида туб ўзгариш рўй берганини кўрсатади. Бу ўлим жазосининг кўрқитувчи таъсирига бўлган ишонч йўқолганини, у оммага зарарли таъсир кўрсатиши аниқлаб этилганини исботлайди.

Тўғри, ушбу жазо турини тадқиқ қилганларнинг кўпчилиги ўлим жазоси кўрқувни олиб келишини алоҳида таъкидлашади. Лекин, ўлимга ҳукм қилинган жиноятчининг кўрқувни энди жамият учун керак эмас. Сабаби, ўлим жазоси жиноятчининг тарбиялаш вазифасини кўзламайди. Бу жазо натижасида жамият уни ўз сафидан ўчиради.

Маҳкумнинг бошини танасидан жудо этиш ўлим жазоси бекор қилингунга қадар Францияда қўлланилар эди. Ҳозирда бу жазо Бельгия қонуничилигида назарда тутилган. У мазкур жазони 1950 й.дан бошлаб амалда қўлламаган, кейин эса уни бекор қилди. Мазкур усул ана б мамлакатда қўлланган бўлиб, уларда ўлим жазосини маҳкумнинг бошини танасидан жудо қилиш орқали ижро этиш бошқа усуллар б-н бир қаторда назарда тутилган. Фран-

цияда Г.дан фойдаланилган, араб мамлакатларида эса, махкумнинг боши қилич б-н танасидан жудо қилинган. Айрим маълумотларга қараганда, ҳозир ўлим жазосини ижро этишнинг ушбу усули амалда фақат Саудия Арабистонда қўлланилади. Бунда махкум бир лаҳзада ҳўшдан кетиши назарда тутилади, ammo бу жаллод зарбасининг аниқлиги ва кучлилигига боғлиқ бўлади.

ГРАММАТИК (ФИЛОЛОГИК) ШАРҲЛАШ – к.: *Хуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

ГРАНТ (инг. grant – ҳада, хайрия) – 1) давлатлар, давлатларнинг ҳукуматлари, халқаро ва чет эл ҳукумати-га қаршли ташкилотлар томонидан, шунингдек ЎзР Ҳукумати белгилайдиган рўйхатга киритилган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари томонидан ЎзРга, ЎзР Ҳукумати, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига, юридик ва жисмоний шахсларга бeғараз асосда бериладиган мол-мулк, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан ЎзРга ҳамда ЎзР Ҳукумати бeғараз асосда бериладиган мол-мулк (ЎзР СК 22-м.си); 2) талабалар ва ўқувчиларга давлат бюджетидан тўланадиган стипендия; 3) фуқаролар ва юридик шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари ва юридик шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар томонидан муайян илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун бериладиган пул ёки бошқа маблағлар.

ГРАФЛИК – 1) Буюк Британия, АҚШ, Ирландиядаги йирик маъмурий-худудий бирлик; 2) Ўрта асрларда граф бошқарган меросий феодал мулк.

ГРИФ (инг. stamp, signature; фр. griffe) – 1) имзо ёки бирон-бир бошқа матн нусхаси туширилган муҳр, штемпель, шунингдек ана шундай муҳр ёки штемпелнинг ҳужжатдаги изи (оттиски); 2) ҳужжат ёки нашр этилган нарсасидаги ундан фойдаланишнинг махсус тартибини белгиловчи ёзув. Мас., “хизматда фойдаланиш учун”, “махфий”, “ўта махфий”; 3) Нашр этишни тасдиқлайдиган ва фойдаланишга рухсат берадиган ёки ўқув, расмий ва б. нашр сифатида тавсия этиладиган маълумотлар.

ГУБЕРНАТОРЛИК (лот.gubernator – ҳоким) – 1) ҳозир бир неча давлатларда (РФ, АҚШ, Буюк Британия, Дания ва б.) штат, вил., графлик маъмуриятининг бошлиги; 2) Россияда 1917 й.га қадар губернада ҳукумат амалдори. Император томонидан тайинланган.

ГУВОҲ – муайян жиноят, фуқаролик, ҳўжалик ёки маъмурий иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга бўлган ва гувоҳлик бериш учун суд ёхуд тергов органларига чақирилган шахс. Г. қонунда белгиланган тартибда сўрок қилинади.

ЎзР ЖПКнинг 65-м.сига мувофиқ, жиноят иши бўйича аниқлашиши лозим бўлган бирор ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахс Г. сифатида кўрсатув бериш учун чақирилиши мумкин. Г. исботловчи аҳборотнинг манбаи сифатида тергов қилинаётган ҳодисанинг ҳолатлари ҳақида кўрсатув беради ва шунинг учун унинг жиноят процессининг иштирокчиси сифатидаги ўрнини ҳеч ким босолмайди. Унинг алмашилмаслиги Г.нинг мажбуриятларини процесс бошқа иштирокчиларининг мажбуриятлари б-н боғлашга йўл қўймайди.

Г.: адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; тергов ҳаракатларида адвокат б-н бирга иштирок этиш; сўрок

юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида кўрсатувлар бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; унинг сўрок қилинишида иштирок этувчи таржимонни рад қилиш; кўрсатувларини ўз қўли б-н ёзиб бериш; ўзига қарши кўрсатув бермаслик; сўрок баённомаси б-н танишиш, унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш; кўрсатувлар беришда ёзма белгилар ва ҳужжатлардан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш ҳуқуқига эга.

Г.: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; иш бўйича ўзига маълум ҳамма нарса ҳақида ҳаққоний сўзлаб бериши; берилган саволларга жавоб қайтариши; иш бўйича ўзига маълум бўлган ҳолатларни сўрок қилувчининг рухсатисиз ошқор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Г. узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда, ЎзР ЖПКнинг 261–264-м.ларида назарда тутилган тартибда мажбурий равишда олиб қилиниши мумкин.

Г. кўрсатув беришдан бош торганлик, шунингдек била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади (ЎзР ЖПКнинг 66-м.си).

ГУВОҲЛАНТИРИШ – Г. тергов ҳаракати: 1) одамнинг бадаидаги иш учун аҳамиятга молик хусусият ёки аломатларни, алоҳида белгиларни, унинг жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотларни, доғларни, тирналган, шилинган, қонталаш жойларни топиш зарурати туғилган ҳолларда, агар бунинг учун экспертиза ўтказиш лозим бўлмаса;

2) экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усулларни қўллаш йўли б-н шахснинг мастлик ва бошқа физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда ўтказилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчи гувоҳлантирилишлари мумкин. Гувоҳ унинг кўрсатувлари тўғрелигини текшириш учунгина гувоҳлантирилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг баданида жиноят излари, иш учун аҳамиятга молик бошқа белгилар ёки унинг ғайритабиий физиологик ҳолати тўғрисида етарли маълумотлар бўлса, гувоҳлантирилиши ўтказиш ҳақида суриштирувчи ёки терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Г. тўғрисидаги қарорда ёки ажримда:

Г.ни ким ва қандай мақсадда ўтказиши;

кимни гувоҳлантириш кераклиги;

гувоҳлантирилиши учун шахс кимнинг ҳузурига ва қачон етиб келиши кўрсатилган бўлиши лозим.

Суриштирувчининг, терговчининг Г. ўтказиш тўғрисидаги қарори ёки суднинг шу тўғрисидаги ажрими қайси шахс хусусида чиқарилган бўлса, ўша шахсга нисбатан мажбурийдир.

Г.дан бош тортаётган шахслар мажбурий келтирилиши ва гувоҳлантирилиши мумкин.

Г.ни ўтказиш ҳақидаги қарор ёки ажрим гувоҳлантирилувчига эълон қилинади. Г.нинг барча иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилиши лозим.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш, шунингдек унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш б-н боғлиқ бўлмаган Г. суриштирувчи ёки терговчи томонидан ҳолислар иштирокида, зарур ҳолларда эса, шифокор ёки бошқа мутахассис иштирокида ўтказилади. Ушбу турдаги Г. тарафлар иштирокида суд томонидан ҳам ўтказилиши мумкин.

Шахсни ечинтириб яланғочлаш ёки унинг баданидаги тирналган, шилинган, қонталаш жойларни аниқлаш б-н боғлиқ бўлган, шунингдек экспертиза ўтказишни талаб қилмайдиган усуллари қўллаш йўли б-н шахснинг мастлик ва б. физиологик ҳолатини аниқлаш зарурати туғилган ҳолларда Г. суриштирувчи, терговчи ёки суднинг топшириғига биноан шифокор ёхуд бошқа мутахассис тиббий ходим томонидан ўтказилади.

Г. ўтказилганлиги ҳақида суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса Г. жараёни ва натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади. Баённомада Г. ўтказган шахснинг ҳамма ҳаракатлари ва Г. давомида аниқланган барча излар, хусусиятлар ва белгилар қайд этилган бўлиши лозим.

Г. шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан ўтказилган бўлса, у баённома тузади ва имзолайди, гувоҳлантирилган шахс ва ҳолислар ҳам имзолаганидан сўнг, баённомани тегишинча суриштирувчи, терговчи ёки судга такдим этади (ЎЗР ЖПК 142–147-м.лари).

ГУВОҲНИНГ АДВОКАТИ – белгиланган тартибда гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш ҳамда унга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс.

Жиноят ишида тарафлар манфаатларини химоя қилаётган шахс мазкур иш бўйича Г.а. бўлиши мумкин эмас.

Г.а. ишда иштирок этишга у адвокатлик гувоҳномасини кўрсатганидан ва ордерни такдим этганидан сўнг, гувоҳ қақририлган пайтдан эътиборан қўйилади.

Г.а.: ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилаётган шахснинг қайси жиноят иши бўйича қақририлганлигини билдиш; гувоҳнинг сўроқ қилинишида, шунингдек у иштироки б-н ўтказилаётган бошқа тергов ҳаракатларида иштирок этиш; унга қисқа маслаҳатлар бериш; сўроқ қилаётган шахснинг руҳсати б-н гувоҳга саволлар бериш; гувоҳни сўроқ қилишда иштирок этаётган таржимонни рад қилиш ҳақида қонунда белгиланган тартибда арз қилиш; сўроқ тугаганидан сўнг гувоҳнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги, сўроқ баённомасига киритилиши лозим бўлган арзларини баён этиш ҳуқуқига эга.

Г.а. гувоҳга зарур юридик ёрдам кўрсатиши, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва б. қонунга хилоф ҳаракатлар орқали ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергов қилишда ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя қилиши шарт (ЎЗР ЖПКнинг 66¹-м.си). Яна қ.: *Адвокат*.

ГУВОҲНОМА – 1) юридик фактларни тасдиқлайдиган ҳужжат. Г. албатта, тасдиқланиши шарт бўлган юридик фактларни назарда тутаяди, бу шарт қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилади. Г. шакли ва белгилари тегишли ҳуқуқий ҳужжатда қайд этилиб, уларга риоя қилмаслик Г. ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўли-

ши, мазмун бўйича фақат суд орқали баҳасланиши мумкин. Г. махсус ном б-н аталади (мас., Туғилганлик ҳақида Г., Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида Г.); 2) муайян соҳада ишлаётган ёки таҳсил олаётган шахсларга бериладиган, эгаллаб турган давримлари юзасидан гувоҳлик берадиган ҳужжат; 3) маълум бир шахснинг хизмат ва б. ҳолатларини, шунингдек бирор ишга ваколатини тасдиқловчи ҳужжат. Шахсга муайян малака берилганлиги ҳақидаги Г. ва шу турдаги бошқа Г.ларда унинг муддати кўрсатилмайди, малака комиссияси раиси ва аъзолари имзоси бўлади. Бирор шахсга муайян имтиёз берганлиги ҳақидаги Г. матнида тегишли қонун ёки ҳуқуқат қарорига ҳавола ёзилади.

ГУДВИЛЛ (инг. good will – яхши ният) – компаниянинг актив сифатида баҳоланиши ва махсус ҳисоббараққа киритилиши мумкин бўлган унинг нуфузи (имидж), ишбилармонлик номи, алоқалари, миқозлари ва кадрлари; мустақил бозор қийматига эга эмас ва асосан бошқа фирма б-н қамраб олинганда ёки қўшилиб кетганда аҳамиятга эга бўлади.

ГУМАНИТАР ЁРДАМ – қ.: *Инсонпарварлик ёрдами*.

ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ – қуроли можаролар даврида қўлланиладиган, қуроли кураш олиб боришнинг маълум усуллари ва воситаларини қўллашни тақиқловчи ёки чекловчи, бундай курашлар давомида инсон ҳуқуқларини таъминловчи ва улар бузилганлиги учун халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи юридик нормалар ва принциплар тизимидир.

Халқаро Г.х.нинг тартибга солиш предмети қуйидаги давлатлараро муносабатлардир:

урушнинг бошланиши;

урушда қатнашмайдиган давлатларнинг бетарафлиги;

курашаётган тарафларнинг урушни олиб бориш усуллари чеклаш;

уруш қурбонларини химоя қилиш;

уруш даврида маданий ёдгорликларни химоя қилиш;

“харбий ҳаракатларнинг тугаши” харбий оккупация режими;

урушнинг тугатилиши;

ҳуқуқ бузилиши учун давлатларнинг жавобгарлиги;

қуроли можаролар ҳуқуқи нормаларининг бузганлиги учун жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ва б.дир.

Халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари халқаро қуроли зиддиятларга ҳам, халқаро мақомга эга бўлмаган қуроли зиддиятларга ҳам тааллуқлидир.

Халқаро қуроли зиддиятларга давлатлар ўртасидаги қуроли тўқнашувлар, мустамақачилик тузumi ва чет эл босқинчилари ҳамда иркий режимларга қарши ўз мустақилликлари учун олиб борадиган тўқнашувлар қиради. Ушбу ҳуқуқ БМТ Устави ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Халқаро Г.х. нормалари фақат тиқлик даврида эмас, балки уруш ва қуроли зиддиятлар даврида ҳам амал қилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 200 дан ортиқ қуроли тўқнашувлар ва зиддиятлар бўлиб ўтди. Улар ўзининг ижтимоий характери ва мақсадидан (давлатлараро, фуқаролик уруши), қонунийлиги (мудофаа, миллий-озодлик, БМТ Уставига асосан харбий санкциялар) ёки қонунийлиги (агрессив уруш-

лар, уруш агрессивси)дан катъи назар, ҳарбий зиддиятлар қаторига киради.

ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ – жиноят содир этгани тўғрисида маълумотлар бор бўлса-да, бу маълумотлар уни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун етарли бўлмаган шахс. Шахсни Г.к. тариқасида эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради (ЎзР ЖПК 47-м.си).


Қуйидагилар шахсни жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб туриш асослари ҳисобланади: а) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса; б) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар, уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар; в) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса; г) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса (ЎзР ЖПКнинг 221-м.си).

Г.к.: ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш; ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; у ушланган ёки Г.к. деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у б-н холи учрашиш, ЎзР ЖПКнинг 230-м.си иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; ушланганидан кейин йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилинишини

талаб қилиш; ўзига нисбатан қўйилган гумон ҳусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш; ўз она тилидан ҳамда таржимон хизматидан фойдаланиш; ўзининг ҳимояланиш ҳуқуқини шахсан ўзи амалга ошириш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ярашув тўғрисидаги, амнистия актини қўллаш ҳақидаги ишлар бўйича суд мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эга.

Г.к.: суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши, суриштирувда ва дастлабки терговда иштирок этишдан бош тортмаслиги; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар б-н тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гувоҳлантириш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги қарорлари ва ЎзР ЖПКда назарда тутилган бошқа процессуал қарорлар ижро этилишига тўсқинлик қилмаслиги; ишни тергов қилишда тартибга риоя этиши шарт.

Г.к. зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас (ЎзР ЖПК 48-м.си).



ДАВЛАТ – умуман олганда, жамият бирлиги ва яхлитлигини таъминловчи, Д. механизми воситасида жамият ишларини бошқарувчи, суверен оммавий ҳокимиятни амалга оширувчи, ҳуқуққа умуммажбурийлик мақомини берувчи. фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қафолатловчи жамиятнинг сиёсий ташкилоти. Шу б-н бирга, Д.ни мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма сифатида эътироф этиш одат тусига кирган. Айни пайтда Д. турли қўриқниш ва шаклларда ташкил топади ҳамда жамиятни ўз қонун-қоидаларига асосан идора қилади, бошқаради. Шу боис Д. ҳақидаги назария юриспруденциянинг муҳим соҳаси ҳисобланади.

Ўзбек юриспруденциясининг асосий вазифаларидан бири айнан умумбашарий ҳаммабоп Д. тушунчасини ишлаб чиқишдан иборат. Д. тушунчаси ойнадек равшан, қурраи заминда яшовчи барча инсонлар учун ягона, тушунарли бўлиши даркор. Гарчи Д.лар турлича бўлса-да, Д.нинг асосий ижтимоий вазифаси барча учун умуммиллий бўлиб қолаверади. Барча мамлакатлар учун ягона Д. тушунчаси ишлаб чиқилмаса, халқлар ўртасида алоқа тутиб туриш анча мураккаб бўлади. Бу қоида, одатда, Д. тушунчасининг ўзигагина тааллуқли эмас. Шунинг учун ҳам ижтимоий ҳаётни ташкил қилишнинг кўплаб муаммолари бўйича умуминсоний мулоқот тилини ўрганиш ғоят долзарб вазифалардан саналади.

Д. ҳақидаги фан тарихи мураккаб ва серқирра. Ушбу фан доирасида давлатчилик табиати, таркиби ва функциялари ҳақидаги, Д.нинг пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланиши тўғрисидаги билимлар тўпланади ва бойитиб борилади. Зеро, Д. ҳокимияти ва ҳуқуқий ҳаёт ҳодисалари ҳамма замонларда долзарб аҳамиятга эга бўлган. Шу боис Д. ҳақидаги дастлабки тушунча ва қарашлар мил. авв. тўртинчи-учинчи минг йилликларда Миср, Месопотамия, Хиндистон ва Хитойда пайдо бўлганлиги тарихий манбалардан яхши маълум. Албатта, улар диний-мифологик таълимотлар эди. Чунончи, зардуштийлик динининг муқаддас китоби – “Авесто” ғояларига кўра, ҳокимият ҳақиқат ва адолатликка таянади, яъни уларда эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалдек уч ахлоқий-ҳуқуқий асос устувор аҳамият касб этади. Ислоҳ дини таълимоти бўйича эса Аллоҳнинг ўзи олий қонун соҳиби ҳисобланади. Айни пайтда, мазкур таълимотлар б-н бирга, Д. тўғрисидаги дунёвий қарашлар ҳам ривожланиб борди. Унинг таракқиётига Афлотун, Арасту, Форобий, Беруний, Руссо, Гроций, Локк, Монтескье, Кант, Жефферсон ва б. қатта ҳисса қўшишди. Ҳозирги дунёвий Д.ларда уларнинг таълимотлари маълум даражада ўз ифодасини топган.

Умуман, Д. ҳуқуқ асосида уюшган, ягона ҳудуд устидан ҳукмронлик қилиш ва ягона ҳокимиятга бўйсунуш

оркали бирлашган одамлар иттифоқидир. Агар мазкур таърифни таркибий қисмларга ажратадиган бўлсак, давлат моҳиятини тўғри тушуниш учун зарур бўлган биринчи шарт – Д. одамлар бирлигидан, яъни кўпчилик одамлар бирлигидан иборатдир. Людовик XIV нинг “Д. – менман” деган машҳур иборасини айнан тушунмаслик керак. Чунки бу ўринда гап Д. ҳақида эмас, балки Д. ҳокимияти ҳақида кетдики, у ҳақиқатан ҳам бир кишига тегишли бўлиши мумкин.

Бирок одамларнинг ҳар қандай кўпчилиги ҳам Д.ни ташкил этавермайди. Алоҳида манфаатлар кўплиги эмас, умумий манфаатларга эга бўлган бирликкина Д.ни ташкил эта олади. Тарихнинг гувоҳлик беришича, адолатли ҳуқуқ-тартиботни ўрнатиш йўли б-н ягона ҳокимиятни такомиллаштириш шундай манфаатни ифодалайди. Гарчи бу ўзида Д. вазифалари ва мақсадини тўла акс эттирмасда, бироқ асосий манфаатдир.

Кенг маънода Д. олий ҳокимият органи томонидан намоен бўлувчи, ташкил этилувчи ва маълум бир ҳудудда яшовчи кишилар бирлиги сифатида тушунилади, у мамлакат ва сиёсий ташкил этилган халққа айнан ўхшаш бўлади; тор маънода – Д. маълум ҳудудда олий ҳокимиятга эга бўлган муассасалар тизими, ташкилот сифатида тушунилади, яъни Д. бошқа сиёсий ташкилотлар: партиялар, кассаба уюшмалари ва б. б-н бирга мавжуд бўлади.

Аслида Д.нинг бутун тузилиши ва ҳаёти мажбурий қоидалар – ҳуқуқ нормаларига бўйсундирилган бўлмоғи лозим. Шу маънода Д. оддий бирлик ёки иттифоқ эмас, балки ҳуқуқий нормалар бўйича ташкил этилган ва амал қиладиган ҳуқуқий иттифоқдир.

“Д.” атамаси, барча давлатшунослар томонидан уч хил маънода: биринчидан, Д. йўли б-н ташкил этилган ҳамжамиятни ифодалаш учун; иккинчидан, Д. ҳокимияти аппаратурини ифодалаш учун ва учинчидан, Д. органларини ифодалаш учун қўлланади. Айни пайтда юқоридаги ҳолатларда Д. ҳокимияти сифатида фақат оммавий-сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва унинг ишлаши ҳақидагина эмас, балки унинг турли хил жиҳатлари тўғрисида гап боради. Шу боис Д. тушунчаси, яъни Д. ҳодисаси моҳиятини тушунтириш – давлатчиликнинг барча уч жиҳатини ўз ичига олади. Шунингдек, Д. тушунчаси ҳамisha “оммавий-сиёсий ҳокимият” тушунчаси оркали изоҳланади. Турли концепцияларда оммавий сиёсий ҳокимият б-н Д. ўртасидаги нисбатлар турлича тушунтирилади.

Д. ижтимоий куч сифатида тасаввур этиладиган социологик концепцияда, шакли ва мазмунидан қатъи назар, ҳар қандай турдаги оммавий ҳокимият ташкилоти Д. деб аталиши, бу – концепцияни бошқаларидан ажратиб туривчи хусусиятдир. Д.нинг юридик табиатини инкор этиш ва унинг куч ишлатиш табиатини мутлақлаштириш, ҳукмронлик қилишнинг амалдаги муносабатларига Д.нинг асоси сифатида қараш давлат социологик концепциясининг барча қўриқлари учун умумий хусусиятдир. Бу – куч ишлатиш концепциясидир. Бунда Д. моҳиятига уюшган зўравонлик ҳамда ҳуқуқ б-н чеклаб бўлмайдиган ва фуқаролар эркинлиги мезонини ўзбошимчилик б-н белгилайдиган сиёсий куч сифатида қаралади. Социологик концепцияга кўра, Д.нинг умумий таърифи қуйидагича бўлиши мумкин: бу муайян ҳудуддаги аҳолининг энг таъсирчан (энг кучли, олий, суверен) ҳокимият ташкилотидир.

Легистик концепцияда Д. ходисаси оммавий-сиёсий ҳокимият ҳақидаги қонунлар мазмуни б-н тенглаштирилади. Д. тўғрисидаги легистик концепция сиёсий ҳокимиятнинг қонунлар б-н расмийлаштирилган аппаратини, унинг қонуний ташкил этилиши ва иш олиб боришини, ҳокимият органларининг қонуний ваколатларини кўзда тутлади. Д. конституциявий ва маъмурий қонунларни ишлаб чикиб жорий этади.

Либертар концепция нуктаи назаридан, шуни таъкидлаш жонзки, ушбу назария асосини ташкил этувчи Д.ни куч б-н ҳуқуқнинг қўшилиши сифатида ёки ҳокимиятнинг ҳуқуқий қонун б-н чекланиши тарзида юридик тушуниш узок тарихга ва кўплаб издошларига эга. Аслида Д. ҳақидаги социологик ва легистик концепциялар юридик фанда позитивизм ҳукмрон бўлган даврларда юзага келганди. Лекин XX а.нинг иккинчи ярмига келиб, Д.ни юридик тушунишда қачонлардир йўқотилган қарашлар қайта тикланди. Шунга кўра, Д.ни юридик тушуниш маъносиди, Д. – оммавий-сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва у ишлашининг ҳуқуқий шакли бўлса, давлатнинг умумий тушунчасига биноан, Д. – эркин индивидлар оммавий ҳокимиятининг ҳуқуқий (яъни, расман тенглик принципига асосланган) ташкилоти ҳисобланади. Бунда ҳар икки ўринда ҳам “ҳуқуқий” атамаси табиий равишда ҳуқуқ б-н Д.ни бир-биридан фарқлашни кўзда тутлади. Бироқ, бу – Д.ни ҳуқуқий қонунчилик нуктаи назаридан кўриб чиқиш мумкин эмас, деган маънони билдирмайди. Ҳозирги замон либертар концепцияси Д. ҳокимияти тўғрисидаги қонунларни фуқаролар эркинликларини таъминлашнинг зарур шакли сифатида тушунтиради ҳамда қонунларга Д. ҳокимиятининг асосий вазифаси бўлган эркинлик, хавфсизлик ва мулкчиликни таъминлаш ишини улар қандай бажаришига қараб баҳо беради. Шу маънода Д. либерал бўлиши, яъни ўзига итоат этувчи кишилар эркинлиги б-н энг юқори даражада чекланган ва улар ҳаётига энг кам даражада аралашувчи инс. бўлиши мумкин. Ҳуқуқий Д. тушунчаси ҳуқуқ томонидан ҳокимиятнинг максимал даражада чекланишини кўзда тутлади. Бошқача қилиб айтганда, ҳуқуқий Д. бу бугунги кун нуктаи назаридан қараганда, энг ривож топган эркинликнинг институционал шаклидир.

Шундай қилиб, ҳар бир Д. бетакрор ижтимоий ходиса. Чунки, у ҳар қайси халқнинг тарихий ва маънавий ҳаётининг ҳосиласидир. Чунончи, бугунги ЎзР мустақил, келажаги буюк, демократик, ҳуқуқий Д.дир, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган Д.дир.

ДАВЛАТ АВИАЦИЯСИ – ЎзР Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги. Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги, шунингдек ЎзР ВМ қарорига мувофиқ давлат бошқаруви бошқа органларининг тасарруфидаги авиация Д.а. ҳисобланади (ЎзР ХҚнинг 23-м.си).

Д.а. фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни ўз ваколатлари доирасида ЎзР Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек ЎзР ВМнинг қарорига мувофиқ давлат бошқарувининг бошқа органлари амалга оширадиган (ЎзР ХҚнинг 4-м.си).

ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИ – жиноят процессида давлат айбловини қўллаб-қувватловчи ваколатли мансабдор

шахс. Амалдаги қонунчиликда давлат айбловини прокурор олиб бориши белгиланган. Прокурор сўзи француз тилидан олинган бўлиб, “ғамхўрлик қиламан” деган маънони англатади. Процессда химоя тарафига қарши айблов позициясида туриб ўзаро тортишувчанлик принципини амалда таъминлайди.

ДАВЛАТ АППАРАТИ (инг. machinery of government) – турлари ва даражаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда давлатнинг барча органлари мажмуи. Д.а. – бир-бири б-н ўзаро боғлиқ бўлган, муайян тизимга бирлашган ва жамият олдида турган вазифаларни бажаришга сафарбар этилган давлат органлари мажмуидан иборат. Д.а. яхлит давлат механизмнинг таркибий қисми ҳисобланади. Д.а.нинг фаолияти мазмуни, унинг фаолиятини ташкил этишнинг принциплари, ходимлар таркиби, иш юритиш шакли ва услублари давлатнинг тегишли функцияларини маромида амалга ошириш эҳтиёжлари б-н белгиланади. Д.а. – конституциявий ҳуқуқ фанида давлат ҳокимияти ва давлат вазифаларини амалга оширадиган органлар тизими.

Д.а. қуйидаги белгилар б-н тавсифланади: а) у бошқарув б-н шуғулланувчи алоҳида одамлар гуруҳидир; б) давлат ҳокимиятини ташкил этишга ваколатли бўлган ва ўзаро бўйсунмиш (иерархия) асосида боғланган давлат органлари ва муассасалари тизимидир; в) ўз иродаси ва ваколатларини амалга ошириш учун унда зарур воситалар (маблағ) ва мажбурлаш қурол (механизм)лари мавжуд.

Д.а. давлат олдида турган вазифаларни (функцияларни) бажариш учун ташкил этилади. Ана шу вазифа ва функциялар давлат органларининг турлари ва табиатини белгилаб беради. Д.а. малакали, оқилона, камхарж ва самарали ишловчи бўлиб, жамият манфаатларига хизмат қилиши керак.

Д.а. (маъмурияти) – барча давлат органлари, яъни қонун чиқарувчи (вакиллик), ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари мажмуи. Д.а.ни кенг изоҳлаш ҳам мумкин. Бунда ана шу тушунчага фақат давлат органларининг ўзи эмас, балки давлат муассасаларининг маъмурияти ҳам қамраб олинади.

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ (инг. state flag) – ҳар хил шаклдаги (қоида тарихида, тўртбурчак) бир ёки кўп рангли ёнларининг аниқ кесишмалари б-н, бир ён томонидан ёғочга (ёки ипга) бириктирилган матода намоён бўладиган давлатнинг ёки давлат тузилмасининг расмий рамзларидан бири. Д.б.да одатда давлат герби (ёки унинг алоҳида элементлари), турли гералдик тимсоллар тасвири туширилади. Д.б.нинг тасвири қонун ҳужжатларида, кўпинча давлат Конс.сида ёзилади. Махсус ҳуқуқий ҳужжатлар Д.б.ни кўтариш ва тушириш тартибини белгилайди. У ёки бу ҳудуд устидан давлат ҳокимиятини эътироф этишининг белгиларидан бири ушбу ҳудудда Д.б.нинг кўтарилиши ҳисобланади.

Ўзга Д.б.ни уни кўтариш ҳуқуқисиз кўтариш айбдорларни жавобгарликка тортилишига олиб келади ва ҳеч қанака ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди. Д.б.ни йиртиб ташлаш ва х.к. ҳаракатларда намоён бўладиган Д.б.га ҳурматсизлик қилиш кўпчилик давлатларда жиноят деб эътироф этилган.

Д.б. фақатгина давлатнинг расмий рамзи ҳисобланмасдан, баъзи ҳолларда суверен давлат белгиларига эга бўлган давлат тузилмаларининг ҳам расмий белгиси ҳисоб-

ланади. Мас., РФнинг субъектлари Д.б. ва байроқларига эга бўлиш ҳуқуқига эга. Д.б.ларнинг тасвири Конс.ларда, конституциявий қонунларда ёки субъектларнинг қонунларида акс эттирилган бўлади. Яна қ.: *Байроқ, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи.*

ДАВЛАТ БАНКРОТЛИГИ – муайян мамлакатнинг ички ва ташқи қарзлари бўйича ўз мажбуриятларини бажара олмаслигининг ҳуқуқий оқибати. Юриспруденцияда давлатга нисбатан банкротлик ҳолати деярли қўлланилмайди. Чунки, давлат ҳуқуқнинг бошқа субъектларидан фарқли равишда оммавий-сиёсий ҳокимият субъекти сифатида иммунитет ҳуқуқига эга бўлади. Мамлакатимиз қонунчилигида давлатнинг банкрот бўлиши б-н боғлиқ қоидалар белгиланмаган. Аммо, жаҳон тарихида айрим давлатларнинг банкрот бўлиши кузатилган. 1923 й.да Венгрия Республикаси банкротлик ёқасига келиб қолиб, Миллатлар Лигасидан олинган қатта қарз эвазига ундан зўрга қутулиб қолади. 1958 й.да эса Туркия ўзини банкрот деб эълон қилган. 1998 й.да РФ ҳам тўлов қобилиятини йўқотиш ҳолатига тушиб қолган. Кўриниб турибдики, халқаро миқёсда алоҳида давлатнинг банкрот деб эълон қилиниши камдан-кам ҳолатларда учрайди. Бунда кўпинча қарздор давлат ўзини ўзи банкрот деб эълон қилади.

Давлатнинг иммунитет ҳуқуқи унинг мулкидан ўзининг розилигисиз ундирув ундиришининг мумкин эмаслигини англатиб, ЎзР ФПК ва ХПКга кўра чет давлатга нисбатан даъво тақдим этилишига, даъво таъминланишига ва ундирув чет давлатнинг ЎзРдаги мулкига қаратилишига фақат тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилиши мумкин.

ДАВЛАТ БЕЛГИЛАРИ – давлатнинг табиати (моҳияти) ва у асос қилиб олган кадриятлар ҳақида тасаввур берадиган узвий хусусиятлар. Давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) ўзига хос оммавий ҳокимият – давлат ҳокимиятининг мавжудлиги, яъни ҳокимият ва бошқарув аппаратынинг, мажбурув аппаратынинг борлиги;

2) аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги. Бу фуқароларнинг давлат чегаралари доирасида, муайян маъмурий-ҳудудий бирликларда яшашини билдиради;

3) суверенитет, яъни ички ва ташқи сиёсатни ўтказишда мустақил бўлиш;

4) ҳуқуқ ижодкорлиги, яъни давлат ҳудудида яшовчи барча кишилар риоя этадиган қонунларни чиқаришга қодирлик;

5) аҳолидан давлат аппаратыни сақлаш ҳамда аҳолининг кам таъминланган қисмига ёрдам беришга сарфланган солиқларни тўплаш;

6) умумий функцияларни (вазифаларни) бажариш, яъни ҳудудни кўриқлаш, жиноятчиликка қарши кураш, умумий фаровонлик мақсадларини амалга ошириш.

ДАВЛАТ БОЖИ – Д.б. юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинган мажбурий тўловдир. ЎзР консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширганлик учун давлат божи консуллик йиғими тариқасида ундирилади. Д.б.нинг ставкалари ЎзР ВМ томонидан белгиланади (ЎзР СКнинг 326-м.си).

Юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар Д.б.ни тўловчилардир (ЎзР СКнинг 327-м.си).

Д.б. қуйидагилардан ундирилади: 1) судларга берилган даъво аризаларидан, органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлардан, алоҳида тартибда юритиладиган ишларга доир аризалардан, судларнинг қарорлари устидан берилган апелляция, кассация шикоятларидан ва аризаларидан, назорат тартибда протест келтириш тўғрисидаги шикоятлар ва аризалардан, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун; 2) даъво аризаларидан, ташкилотларни ва фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалардан, низо предметига нисбатан мустақил талабларни билдирган учинчи шахс сифатида ишга киришиш тўғрисидаги аризалардан, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги аризалардан, ҳўжалик судининг қарорлари, иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажрими устидан берилган, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги, суд жарималарини солиш тўғрисидаги апелляция ва кассация шикоятларидан, ҳакамлик судининг қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан, ҳўжалик судининг ҳакамлик суди қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги ва ижро варақасини беришни рад этиш тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятларидан; 3) давлат нотариал идоралари, ЎзРнинг консуллари ва шаҳарчалар, кишлоқлар, овулларнинг фуқаролар йиғини раислари (оксоқоллари) томонидан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун; 4) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этганлик учун, шунингдек фуқароларга фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилганлиги тўғрисида такрорий гувоҳнома берганлик учун ҳамда фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзувига ўзгартишлар, қўшимчалар, тузатишлар киритилиши ва унинг қайта тикланиши муносабати б-н гувоҳнома берганлик учун; 5) чет элдан ЎзРга келиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, ЎзРга таклиф қилиш тўғрисида ҳужжатларни берганлик учун; яшаш гувоҳномасини берганлик ёки унинг муддатини узайтирганлик учун; республика ҳудудида келиш ва республика ҳудудидан чет элга чиқиш ҳуқуқини берадиган чет эл паспортига ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатга виза берганлик учун, шунингдек ЎзР фуқаролигига қабул қилиш ва ЎзР фуқаролигидан чиқиш тўғрисида берилган аризалардан; 6) ЎзРнинг фуқароси паспортини ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатларни, ЎзР фуқаролигига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжатлар берганлик учун; 7) ЎзР фуқароларини, чет давлатлар фуқароларини ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни турар жойга қайд этганлик ва рўйхатдан чиқарганлик учун; 8) юридик шахсларни ва

якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун; 9) фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишга лицензия берганлик учун; 10) ов қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида рухсатнома берганлик учун (ЎЗР СКнинг 328-м.си).

ДАВЛАТ БОЖИНИ ҚАЙТАРИШ – давлат божи куйидаги ҳолларда тўлиқ ёки қисман қайтарилиши керак: 1) давлат божи қонун ҳужжатларида талаб қилинганидан ортиқча миқдорда тўланганида; 2) суд аризани (шикоятни) қабул қилишни рад этганида, шунингдек давлат нотариал идоралари ёки шаҳарча, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оксоқоллари) нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этганда; 3) аризаси (шикоят) ҳаракатсиз қолдирилганлиги муносабати б-н даъвогарга қайтариб берилганда; 4) агар иш судга тааллуқли бўлмаса, ишни юритиш тугатилганда; 5) ариза кўрмасдан қолдирилганда, агар у муомалага лаёқатсиз шахс томонидан берилган бўлса; 6) ишда қатнашган шахс вафот этганида, агар низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса; 7) даъвогар низони судга қадар ҳал этиш (претензия билдириш) тартибига риоя этмаганида, агар бу ҳол қонунда ушбу тоифадаги низолар учун ёки тарафларнинг шартномасида назарда тутилган ҳамда бундай ҳал этиш имконияти бой берилган бўлса; 8) вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотиннинг никоҳи ўзаро розилик асосида бекор қилинганлигини қайд этиш учун давлат божи тўланганда, агар эр-хотиннинг ярашиши ёки улардан бирининг судга келмаганлиги туфайли никоҳни бекор қилиш амалга оширилмаган бўлса; 9) агар ишда қатнашаётган юридик шахс тугатилган бўлса; 10) суд буйруғи чиқариш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилганда; 11) ЎЗР фуқароларига чет элга чиқиш ҳуқуқи учун ҳужжат бериш рад этилганда.

Давлат божи ЎЗР ВМ томонидан белгиланадиган бошқа ҳолларда ҳам тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин. Давлат божи суммаларини қайтариш тўловчининг ёзма аризасига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорлари асосида амалга оширилади. Давлат божи суммасини қайтариш учун аризачи давлат божини ундирган тегишли давлат органига ёки ташкилотга мурожаат қилиши керак. Давлат божини ундирган давлат органи ёки ташкилотнинг раҳбари уни қайтариш қонунийлигини тасдиқлаган тақдирда, давлат органи ёки ташкилот ва давлат божининг бошқа олувчилари илгари ўз ҳисобварақларига ўтказилган давлат божи суммаларининг тегишли қисмларини қонун ҳужжатларига мувофиқ қайтардилар. Ўз навбатида, давлат органи ёки ташкилот қайтарилиши лозим бўлган, илгари давлат бюджетидан даромадига ўтказилган давлат божи суммасининг бир қисмини қайтариш тўғрисида давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда хабар юборади. Давлат божи суммасини қайтариш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (ЎЗР СКнинг 342-м.си).

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНИ – бу ҳокимият органлари тизимининг бир қисми бўлган, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган, бошқарув ҳаракатларининг махсус шакл ва услубларидан фойдаланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оши-

радиган, тегишли тузилишга, компетенцияга, давлат ҳокимият ваколатларига ва давлат хизматчилари штатларига эга бўлган ташкилотдир.

Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ иқтисодий ёки бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тузилмаларининг ҳокимият ваколатларини қисқартириш, давлат ва хўжалик бошқаруви вазибаларини аниқ чегаралаб қўйиш, шунингдек республика Д.б.о.лари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ЎЗР Президенти томонидан 2003 й. 9 декабрда ПФ–3358-сон “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган. Мазкур Фармонга биноан, республика Д.б.о.ларига вазириликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурда ва ЎЗР ВМ ҳузурда ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари қиради. Шунингдек, мазкур фармонга биноан республика давлат бошқаруви органларининг асосий вазибалари ва функциялари куйидагича белгиланди: ЎЗР қонунлари, ЎЗР Президентининг фармонлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини, уларнинг ижроси устидан таъминчилик назорат амалга оширилишини таъминлаш; ташқи ва ички сиёсатни амалга ошириш, давлатнинг ташқи ва ички ҳавфсизлигини таъминлаш; мамлакатни стратегик ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишни ташкил қилиш, иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқариш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш; инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, аҳолининг таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминотга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ва химоя қилиш, меҳнат бозорини тартибга солиш, ижтимоий соҳада умумдавлат бошқарув тизими фаолиятини бошқариш ва мувофиқлаштириш; тегишли ҳуқуқий муҳитни яратиш, лицензиялаш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш орқали хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш; солиқлар, божхона тўловларини йиғиш, давлат даромадларини тақсимлаш йўли б-н хазинага оид вазибаларни амалга ошириш.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ – бу ижтимоий бошқарувнинг бир тури бўлиб, жамиятни бошқаришдир. Айрим назарийётчилар Д.б.ни кенг маънода – давлатнинг тартибга солиш фаолияти, махсус субъектларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир этиши деб ҳисоблашади. Тор маънода эса, Д.б. – бу маъмурий, яъни давлат ҳокимияти ижро органларининг республика ва маъмурий-ҳудудий бўлинмалар доирасидаги ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти эканлиги қайд этилади.

Д.б. жамият аъзоларининг биргаликдаги ҳаракатларини бир-бирига мослигини ва интизомини ҳам таъминлайди. Д.б.ни давлат бошқарув органларининг амалий фаолияти сифатида тавсифлаш мумкин. Шунингдек, Д.б. ижроия ҳокимият идоралари томонидан давлат ҳаётининг муайян соҳаларига ва объектларига раҳбарликни амалга ошириш фаолиятидир.

Д.б. – ташкил этувчи фаолият. Турли даражадаги ижро этувчи ва бошқарувчи фаолият давомида хўжалик юритиш, ижтимоий-маданий ва маъмурий сиёсий қурилиш

соҳасидаги вазифаларни бажарувчи кишиларнинг биргаликдаги фаолияти ташкил этилади. Бу мақсадда давлат бошқарув органилари бошқариш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни амалга оширадиган, бошқариладиган тизимларнинг фаолият кўрсатиш б-н боғлиқ умумий масалаларни ҳал қиладилар, бошқариш муносабатлари қатнашчиларининг фаолиятларини бирлаштирадиган ва мувофиқлаштирадиган.

Д.б. жамият турмушининг қандайдир алоҳида элементини эмас, балки унинг барча соҳасини камраб олади. Д.б. марказлашган ёки оператив шаклда амалга оширилади.

Марказлашган раҳбарлик қилиш фаолиятни мувофиқлаштириш, унинг умумий йўналишини аниқлаш, умумий қондаларини белгилашдир.

Оператив бошқарув органи ва объект ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқа б-н ифодаланади.

Д.б. принциплари – бу шундай бошқарувни амалга оширувчи энг муҳим раҳбарий ғоядир.

Д.б. принциплари: демократизм, ҳокимиятлар тақсимланиши, қонун устунлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устувор таъминланиши, ижтимоий адолат ва қонунийлик, ошқоралик, коллегиаллик ва яккабошчиликнинг уйғунлиги ва б..

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИ – давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига эришиш, вазифаларини бажариш ва функцияларини амалга ошириш учун фойдаланиладиган ҳуқуқий воситалар. Бошқарув сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан бошқарув усулларини такомиллаштиришга боғлиқдир. Давлат ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамда вазифа ва функцияларни бажариш учун турли хил усуллардан фойдаланади. Кенг тарқалгани маъмурий усуллар ишонтириш ва мажбурлаш ҳисобланади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ҲУЖЖАТЛАРИ – бошқарув фаолиятининг асосий шаклларида бири. Улар ёрдамида бошқарув органилари ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаради ва кўпгина бошқарув масалаларини ҳал қиладди. Д.б.х. – бу қонунларда кўрсатиб ўтилган тартибда давлат органилари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан ваколат доирасида қабул қилинган ҳамда ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган қонуности расмий ҳужжат ҳисобланади. Д.б.х.да давлат органи ёки мансабдор шахснинг фармойиши баён қилиниб, унинг бажарилиши ташкилий ишлар ва ишонтириш йўли б-н, керак бўлган пайтларда эса мажбурлаш йўли б-н амалга оширилади. Д.б.х. қонуний равишда ўз ваколатлари доирасида ҳужжат тузиш талабларига риоя қилган ҳолда чиқарилиши лозим бўлади. Д.б.х.ни қабул қилиш ҳамма вақт юридик оқибатларга олиб келади. Д.б.х.нинг юридик кучи ҳар хил бўлишига қарамадан унинг ҳамма талаблари бажарилиши керак.

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ – давлатнинг ўз ваколатларини ворислик (монарх – қирол, подшоҳ, император, шох ва б.) ёки сайлов (президент, республика бошлиғи, республика раиси) тартибда оладиган олий мансабдор шахс. Кўпинча ижро этувчи ҳокимият бошлиғи. Бир қанча мамлакатларда Д.б. – бу ҳокимиятнинг барча тармоқлари устидан турувчи, уларнинг фаолиятини уюштирувчи ва мувофиқлаштирувчи шахс. Шунга қарамай, бундай Д.б. ҳар

ҳолда кўпроқ ижро этувчи ҳокимият б-н боғлиқ, у ҳуқуқматни тузади, бутун давлат аппарати (маъмурияти) фаолиятини йўналтириб боради. Д.б. мамлакат ичида ва ташқи алоқаларда давлат номидан иш қўради.

Монархияларда – Буюк Британия, Дания, Швеция, Испания, Японияда – Д.б. монарх (қирол, император) бўлиб, унинг ҳокимияти қоидага кўра ҳукмрон шажара вақилидан кейингисига қонунга биноан мерос тариқасида ўтказилади. Республикаларда (Италия, Франция, ГФР, АҚШ ва б.) Д.б. президент бўлиб, у ёки бевосита аҳоли томонидан (Мексика, Панама, Колумбия) ёки билвосита (АҚШ, Аргентина) ёхуд кўп босқичли сайловлар (Италия, ГФР, Ҳиндистон) натижасида сайланади. Кўпчилик давлатларда индивидуал давлат раҳбари мавжуд, президентлик республикаларида давлат раҳбари айна пайтда ҳуқуқмат раҳбари ҳам ҳисобланади. (АҚШ, Мексика, Аргентина).

Д.б.нинг анъанавий ваколатлари: ҳуқуқмат раисини, ҳуқуқматнинг бошқа аъзоларини тайинлаш; ижро этувчи ҳокимият органилари тизимини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш; бошқа бир қатор олий мансабдор шахсларни ва судьяларни тайинлаш ёки тайинлаш учун тақдим этиш; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш (ёки белгилаш); қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи, қонунларни имзолаш, вето ҳуқуқи, қонунларни эълон қилиш; парламент ёки унинг палатаси сайловини тайинлаш, муайян ҳолатларда уларни тарқатиб юбориш; референдум тайинлаш; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари кафили вазифаларини бажариш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, муқофотлаш, афв этиш ва х.к; мамлакат Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондони вазифаларини амалга ошириш, қуролли кучларнинг олий қўмондонларини тайинлаш ва алмаштириш; давлат хавфсизлиги масалаларини ҳал этиш ёки ҳал қилишда иштирок этиш, шу жумладан фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат эълон қилиш ва б..

Президентлик республикаларида бу ваколатлар Д.б.га жуда катта масъулият юқлайди. Парламент республикаларида ҳамда конституциявий монархияларда – кўпинча вазият бошқача бўлиб, Д.б. тайёрланган қарорларни расмий жиҳатдан тасдиқлашига тўғри келади. Шунга қарамай, зарур ҳолларда, у ҳал қилинаётган масаланинг моҳиятига таъсир кўрсатади.

Қоида тариқасида, Д.б. – яқка шахс. Шундай бўлса ҳам жаҳон амалиётида давлат тепасида бир неча шахсдан таркиб топган орган (директория, триумвират ва б.) турганлигига мисоллар ҳам бор. Социалистик давлатларда, шу жумладан собиқ СССР ва ЎзССРда матбуотда “давлатнинг коллектив раҳбари” сўз бирикмаси учраб турган. Бунда СССР, ЎзССР Олий Кенгаши Раёсати, бир қатор мамлакатларда эса Давлат кенгаши, Республика раёсати назарда тутилган ва х.к. Сўзни бундай ишлатишдан қўзланган мақсад бошқа мамлакатларда яқка бир шахс – Д.б. томонидан амалга оширилган ваколатлар бу ерда коллектив органга тегишлилигини кўрсатишдан иборат бўлган. Шунга айтиш керакки, на СССР Конс.сида, на ЎзССР Конс.сида Олий Кенгаш Раёсатига нисбатан уни Д.б. сифатида таърифлаш қўлланилмаган.

ЎзР Конс.сининг 89-м.сига кўра, ЎзР Президенти Д.б.дир ва давлат ҳокимияти органиларининг келишил-

ган холда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Д.б.: республика бюджетини, ҚР бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Д.б. таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади. ҚР бюджетини ҚРнинг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистон) бўйсунувчи тум.лар ва ш.лар бюджетларини ўз ичига олади. Вил.нинг бюджетини вил. бюджетини, вил.га бўйсунувчи тум.лар ва ш.лар бюджетларини ўз ичига олади. Тум.ларга бўлинадиган ш.нинг бюджетини ш. бюджетини ва ш. таркибига кирувчи тум.лар бюджетларини ўз ичига олади. Тум.га бўйсунадиган ш.лари бўлган тум.нинг бюджетини тум. бюджетини ва тум. бўйсунувидаги ш.лар бюджетларини ўз ичига олади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 9-м.си).

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ – Д.б.д.: 1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва б. мажбурий тўловлар; 2) давлатнинг молиявий ва б. активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар; 3) қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; 4) юридик ва jisмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; 5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар; 6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобига шакллантирилади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 11-м.си).

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ – Д.б.х. тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади: 1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида; 2) жорий бюджет трансфертлари шаклида; 3) капитал харажатлар шаклида: асосий фондлар ва воситаларни (улар б-н боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга; чет элда давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва б. номоддий активларни олишга; давлат захираларини вужудга келтиришга; 4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида; 5) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида; 6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида; 7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида; 8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 12-м.си).

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ИЖРО ЭТИШ – давлат бюджетининг даромад қисмида режалаштирилган тўлов-

ларнинг ҳар бир манба бўйича ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишини таъминлаш, шунингдек унинг харажат қисмида кўзда тутилган барча тадбирларни узлуксиз молиялаш. “Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 36-м.сига мувофиқ ЎзР Молия вазирлиги ва б. молия органлари Давлат бюджетини ва унинг тузилмасига кирувчи бюджетларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган кўрсаткичлар доирасида бажарилиши учун жавобгардир. Давлат бюджетини даромадлари ва харажатларини бошқариш ЎзР Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНА ИЖРОСИ – Д.б.ғ.и. Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан, шунингдек Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат (“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, Д.б.ғ.и. молия йили мобайнида ҳамда ЎзР ВМ томонидан белгиланган қўшимча вақт даврида амалга оширилади. Д.б.ғ.и.нинг асосий принциплари кас-санинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи-ни ташкил этишнинг ягоналигидан иборат.

Д.б.ғ.и. “Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 37-м.сида “Давлат бюджетининг касса ижроси” деб юритилган бўлиб, унга кўра Давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш, шунингдек унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш ЎзР Молия вазирлиги томонидан ЎзР Марказий банки б-н биргаликда амалга оширилади. ЎзР Молия вазирлиги ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг касса ижросини таъминлайди. Банклар ЎзР Марказий банкнинг топшириғига биноан Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини бажаради. Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг ЎзР Молия вазирлиги ғазначилигида ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобварақларидаги бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга оширилади.

ДАВЛАТ ВА МУНИЦИПАЛ МУЛКЛАРНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ –к.: *Хусусийлаштириш.*

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ КЕЛИБ ЧИҚИШИГА ОИД ПСИХОЛОГИК НАЗАРИЯ – бу назария XIX а.нинг охири ва XX а.нинг бошларида вужудга келган. Асосчиси – рус-поляк вакили Л.Петражицкий, вакиллари Г.Тард (Франция), Л.Кнапп, А.Бирлинг, Э.Ленинг (Германия), Р.Вест, П.А.Сорокинлар. Бу назарияга кўра давлат ва ҳуқуқ келиб чиқишининг асосий сабабларини иктисодий, ижтимоий муҳитда эмас, балки инсон руҳиятининг хусусиятларида, унинг “импульслар”и ва ҳис-туйғуларидан излаш керак. Л.Петражицкийнинг қарашларига кўра, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари инсоннинг жамиятга мослашувига хизмат қилибгина қолмай, балки давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишида ҳам катта роль ўйнаган. Инсоннинг қатор руҳий кечинмалари, жумладан, унинг жамоа таркибида яшашга, кундалик турмушда йўл-йўриғига риоя этса бўладиган салоҳиятли инсонни топиш ва унга бўйсунушга, буйруқ бериш ва бўйсунушга интилиш каби туйғулар инсонларда нафақат лозим ҳуқ-атворнинг шаклланишига, балки шу тариха давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишига олиб келган.

Назариянинг заиф жиҳати шундаки, кишилиқ жамиятининг, жумладан, давлат ва ҳуқуқнинг шаклланишида инсон руҳиятининг роли катта бўлган, бироқ ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмаган. Давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, у қатор ижтимоий, иқтисодий омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида кечган. Бу назария ҳам давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши жараёнида руҳий омилнинг маълум даражада роль ўйнаганлигини таъкидлаши б-н эътиборга сазовор.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ – давлат ва ҳуқуқнинг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишининг умумий қонуниятларини, шунингдек давлат ва ҳуқуқнинг алоҳида ижтимоий-иқтисодий тузумлар ва цивилизациялар доирасида фаолият кўрсатувчи хилма-хил типлари юзага келиши, шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос қонуниятларини ўрганувчи ижтимоий-сиёсий юридик фан ва таълим соҳаси.

Д. ва х.н.нинг предмети ташкил этувчи муайян масалалар доираси вазият тақозоси б-н мунтазам ўзгариб келган. Чунончи, Ўзбекистонда давлат мустақиллиги кўлга киритилганлиги бугун жамиятимизда рўй бераётган ўзгариш, янгиланиш ва ислохотлар бизни кўпдан-кўп тушунча ва атамаларни қайта идрок этиш, ҳатто кадрларимизни қайта баҳолашга мажбур этмоқда. Чунки, собиқ тоталитар тузум даврида Д. ва х.н. зиммасига маъмурий-буйруқбозлик тизимини ғоявий асослаб бериш ва уни оқлаш вазифаси юкланганди. Шунинг учун ҳам Д. ва х.н. курси доирасида “пролетариат диктатураси давлати”, “умумхалқ давлати ва ҳуқуқи”, “давлат – тунги қўриқчи” каби беўхшов ҳодиса ва тушунчаларга алоҳида эътибор берилганди. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда Д. ва х.н.нинг тадрижий ривожланиш ҳодисаси рўй бермоқда, унинг марксча-ленинча мазмун ва шаклидан бутунлай воз кечиш жараёни бормоқда, эскича қарашлар ва ғоялар ўрнига “ҳуқуқий давлат”, “ижтимоий давлат” концепциялари, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг табиий-ҳуқуқий назариялари илгари сурилмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларига расмий қарашларни акс эттирувчи ЎзР Конс.сида, яъни унинг муқаддимасида Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан бориши, унинг сиёсати фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари ва эркин ривожланишларини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга йўналтирилганлигига урғу берилиши бежиз эмас.

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ НАЗОРАТИ – “Ветеринария тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзР Давлат ветеринария хизмати бошқарув органлари ва б. ташкилотларининг ҳайвонлар касалликларининг, ветеринария қонунлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва тўхтатиш орқали ҳайвонот маҳсулотларининг ветеринар жиҳатдан хавфсизлигини таъминлашга хизмат қиладиган фаолияти. Ветеринария – ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, одамларнинг ҳайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишга доир давлат, жамоат, хўжалиқ ва махсус ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир.

ЎзРда давлат ветеринарияси, идоравий ва хусусий ветеринариялар амал қилади. Давлат ветеринария хизмати ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вил.лар ва Тошкент ш.нинг давлат ветеринария бошқармалари, тум.лар, вил. ва тум. бўйсунувидаги ш.ларнинг давлат ветеринария бўлимлари, уларнинг қарамоғидаги ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари (тум. ветеринария станциялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш отрядлари, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа ташкилот ва муассасалари амалга оширадilar. Жойлардаги давлат ва идоравий ветеринария бўлинмаларининг тузилиши ва миқдори чорвачилиқнинг ривожланиш хусусиятларини, қушхона ва чорвачилиқ маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарининг жойлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ҳамда бош давлат ветеринария нозирлари б-н келишилган ҳолда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан белгиланади. Давлат ва идоравий ветеринария хизмати муассасалари қошида қонунларга мувофиқ шартнома асосида ветеринария хизмати кўрсатадиган қўшма корхоналар, кооперативлар ва б. хўжалиқ ҳисобидаги бирлашмалар тузилиши мумкин.

ДАВЛАТ ГЕРБИ (инг. state insignia) – ташки тимсол, давлат ҳокимиятини, давлат кудратини, у ёки бу диний ёки ватанпарварлик мафқурасини ёхуд иккаласини ҳам намён қилувчи давлат рамзи. Д.г. давлатнинг муҳри, тангаси, бланки, расмий бинолари ва б.ларда тасвирланади. Яна қ.: *Герб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби.*

ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИ – давлат тасарруфига келиб тушадиган ҳамда у томонидан ўз ички ва ташқи функцияларини амалга ошириш мақсадида молиявий базани ташкил этиш учун фойдаланиладиган маблағларнинг турли шакллари. Д.д. ягона тизимдан иборат бўлиб, унинг элементлари пул маблағлари айрим турларининг муайян мажмуини ташкил этади. Д.д.нинг ягона тизими шу б-н изоҳланадики, амалдаги қонунчилик давлат томонидан ўзининг барча даромадларини шакллантириш учун фойдаланадиган пул маблағларининг айнан бир хил турларини белгилайди. Шаклланиш ва фойдаланиш тартибига қараб Д.д. марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган даромадларга бўлинади. Марказлаштирилган даромадлар деганда, пул маблағларининг ягона умумдавлат жамғармасига, яъни давлат бюджетига келиб тушадиган пул маблағлари тушунилади. Марказлаштирилмаган даромадларга давлат корхоналарининг даромадлари кириб, бу даромадлар корхоналарнинг ихтиёрига келиб тушади. Корхоналар солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаганларидан кейин ихтиёрларидаги даромадларини мустақил равишда тасарруф этишади.

ДАВЛАТ ДИНИ – бирор-бир давлатда расман эътироф этилган дин. Бундай давлатларга Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Баҳрайн, Қатар кабилар қиради.

ДАВЛАТ ЁНҒИН НАЗОРАТИ – ЎзРда Д.ё.н. ёнғин чиқиши мумкин бўлган нуқсонларни ўз вақтида аниқлаш ва ёнғинга қарши аҳволни яхшилаш бўйича асосли

тавсиялар бериш ҳамда республикада шаҳарлар, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин хавфсизлигини зарур даражада сақлаш мақсадида амалга оширилади.

ЎзРда Д.ё.н.ни амалга оширувчи органлар ЎзР ИИБ тизимига кирадилар ҳамда ЎзРнинг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қиладилар.

Куйидагилар ЎзРда Д.ё.н. органлари ҳисобланадилар: ЎзР ИИБнинг ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармаси; ҚР ИИБ, вил.лар ва Тошкент ш. ички ишлар бошқармаларининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармалари ва бўлимлари; ш.лар, тум.лар ва ш.лардаги тум.лар ички ишлар бўлимларининг Д.ё.н. бўлимлари, инспекциялари, инспекторлари, ЎзР ИИБ ахлоқ тузатиш ишлари бошқармаси, транспорт ички ишлар бошқармалари, бўлимлари, ички ишларнинг транспорт йўлида ишловчи бўлимлари; ИИБнинг ш.ларни, аҳоли пунктларини ва халқ хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш бўйича харбийлаштирилган ва профессионал ёнғиндан муҳофаза қилиш отрядлари ва қисмлари; ЎзР ИИБ ёнғиндан муҳофаза қилиш бошқармасига бевосита бўйсунувчи ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлимлари.

ЎзР Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати объектларида Д.ё.н. тегишлича Мудофаа вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан ЎзР ИИБ б-н биргаликда белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

Д.ё.н.нинг вазифалари куйидагилардан иборат:

ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда ш.лар, аҳоли пунктлари ва халқ хўжалиги объектларида ёнғин чиқиши хавфсизлигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш;

қайси идорага қарашлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, вазирликлар, идоралар, концернлар, уюшмалар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, қўшма корхоналар, хорижий фирмалар, объектлар ҳамда фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёнғинлар ва ёнғин хавфсизлиги қондалари бузилишига оид ишлар бўйича суриштирув ўтказиш;

аҳоли пунктлари ва объектларнинг ёнғин хавфсизлиги бўлинмаларининг жанговар тайёргарлигини назорат қилиш ҳамда уларнинг қайси идорага қарашлилигидан қатъи назар, ёнғинларни ўчиришга, авариялар, табиий офатлар оқибатларини тугатишга жалб этиш;

лойиҳалаш ва қурилиш ташкилотлари томонидан корхоналар, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуриш пайтида назарда тутилган андазалардаги ёнғинга қарши талабларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш. Ер майдонларини танлаш ва корхоналар, бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиб олиш комиссиялари ишида иштирок этиш;

ёнғин хавфсизлиги талабларини белгиловчи андазалар, меъёрлар ва қондаларни ҳамда ёнғин хавфсизлиги бўйича меъёрлар ва қондалар мавжуд бўлмаган объектлар қурилиши учун лойиҳа ечимларини келишиб олиш;

корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ишчилари, хизматчилари, муҳандис-техник ходимлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртли талабалари ва ўқувчиларининг ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича тайёргарлигини

ташқил этиш ва унинг сифати устидан назоратни амалга ошириш.

ЎзРда Давлат ёнғин назорати тўғрисида низом ЎзР ВМнинг 1993 й. 17 майдаги 227-сон қарори б-н тасдиқланган.

ДАВЛАТ ЗАЁМИ – қ.: *Давлат заёми шартномаси.*

ДАВЛАТ ЗАЁМИ ШАРТНОМАСИ – Д.з.ш. бўйича

давлат қарз олувчи, фуқаро ёки юридик шахс эса қарз берувчи бўлади. Давлат заёмлари ихтиёрийдир. Д.з.ш. қарз берувчининг қарз олувчидан унга қарзга берилган пул маблағларини ёки, заём шартларига боғлиқ ҳолда, бошқа мол-мулкни, белгиланган фоизлар ёки бошқа мулквий ҳуқуқларни заёмни муомалага чиқариш шартларида назарда тутилган муддатларда олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат облигациялари ёки бошқа давлат қимматли қоғозларини қарз берувчининг сотиб олиши йўли б-н тузилади. Муомалага чиқарилган заём шартларини ўзгартиришга (заёмни конверсиялаш), шу жумладан, ЎзР ФКнинг 383-м.сида назарда тутилган асосларга қўра, ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Д.з.ш. бўйича давлат ЎзР ФКнинг қоидаларига мувофиқ жавобгар бўлади (ЎзР ФКнинг 743-м.си).

ДАВЛАТ ЗАХИРАСИ – давлатнинг махсус моддий

қимматликларидан иборат захираси ҳисобланиб (хомашёнинг муҳим турлари, ёқилғи, технология, дон маҳсулотлари ва х.к.), у баъзи адабиётларда давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари ҳам деб номланади. Республиканинг сафарбарлик эҳтиёжлари, фавқулодда вазиятларда келиб чиқадиган оқибатларни бартараф қилиш мақсадида ишларни таъминлаш, халқ хўжалигининг турли хил тармоқларига, ташкилот, корхона ва муассасаларга, маъмурий ҳудудий тузилмаларга бериладиган давлатнинг бир моддий қўмаги сифатида ишлатилади.

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ СУҒУРТАСИ – барча хо-

димлар давлат йўли б-н ижтимоий суғурта қилинишлари лозим. Д.и.с. учун иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинган ходимларнинг ўзлари бадал тўлайдилар. Иш берувчиларнинг Д.и.с. учун бадал тўламаганликлари суғурта қилинган ходимни Д.и.с. маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса уларнинг оилалари ҳам Д.и.с. маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари, хомиладорлик ва туғиш нафақалари; бола турилганда бериладиган нафақалар; давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар б-н таъминланадилар.

Д.и.с. маблағларидан санаторий-курортларда даволашни, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш (пархез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, Д.и.с.га доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади (ЎзР МК 282–284-м.лари).

ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ – халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири бўлиб, давлат ва унинг органларини чет эл давлатининг юрисдикциясига бўйсунмаслигини англатади. Д.и. халқаро ҳуқуқдаги “*par in parum non*

habet imperium” (тенг тенглар устидан ҳукмронлик қилмайди) принципнинг амалий ифодаси ҳисобланади. Д.и.нинг иккита: мутлақ ва чекланган турлари мавжуд. ЎЗРда Д.и.нинг мутлақ тури қўлланилади. Чет эл давлатини юрисдикциясидан бўлган мутлақ иммунитет мазмунини қуйидагилар ташкил этади: 1) суд иммунитетини – чет эл давлати судларида суверенитет эгаси ҳисобланувчи давлатнинг розилигисиз унга нисбатан берилган даъволар қабул қилинмайди; 2) олдиндан даъвони таъминлашдан дахлсизлик – даъвони таъминлаш мақсадида у ёки бу давлатнинг мулкига нисбатан бошқа бирон-бир давлат мажбурий чора кўра олмайди; 3) суд қарорини мажбурий ижро этишдан дахлсизлик – давлатнинг розилигисиз унинг мулкига нисбатан мажбуран қўлланивчи чоралар кўрилиши мумкин эмас.

ДАВЛАТ ИНТИЗОМИ – бошқарув жараёнида иштирок этувчи барча субъектлар фаолиятини ташкил этиш ва уларнинг ҳамкорликда ҳаракат қилишини белгилаб берувчи асосий воситалардан бири. Давлат бошқаруви жараёнида қонунийликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар Д.и.ни мустақамлашга хизмат қилади. Давлат бошқарувида интизомни таъминлаш – бу, биринчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида қонунийлик талабидан четга чиқишга йўл қўймаслик; иккинчидан, қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш; учинчидан, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш; тўртинчидан, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни қайта тиклаш; бешинчидан, қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш; олтинчидан, қонун бузилишларига йўл қўймаслик мақсадида маълум бир чора-тадбирларни амалга оширишда ифодаланади.

ДАВЛАТ ИЧКИ ҚАРЗЛАРИ – давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган ЎЗР мажбуриятларининг йиғиндиси (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

Д.и.к. деганда, юридик ва жисмоний шахслар – резидентлардаги активларни жалб этиш тушунилиб, улар бўйича ЎЗРнинг қарздор сифатидаги мажбурияти юзага келади. ЎЗР қафолатлари фақат юридик шахслар – резидентлар мажбуриятлари бўйича ЎЗР ВМга ёки у ваколат берган давлат органи томонидан тақдим этилади. Д.и.к. бўйича қарз мажбуриятлари сифатида фойдаланиши мумкин бўлган давлат қимматли қоғозларига республика ички заёмлари, облигациялари ва ЎЗР хазина мажбуриятлари киради. Яна к.: *Давлат қарзи*.

ДАВЛАТ КАДАСТРИ – Д.к. Давлат кадастрлари ягона тизимнинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у Д.к. юритиладиган табиий, ҳўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгилашиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади. Д.к.ларининг ягона тизими ЎЗР ва унинг айрим ҳудудлари табиий-иқтисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисоб-китоби юритилишини, баҳоланишини таъминлашга мўлжалланган кўп мақсадли ахборот тизими тарзида яратилади. Д.к.лари ягона тизимга киритиладиган Д.к.лари ахборотини тақдим этиш тартиби Д.к.ларини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланади.

Д.к.лари ягона тизимга қуйидагилар киради: давлат ер кадастри; фойдали қазилма конлари, белгилари ва тех-

ноген ҳосилалар Д.к.; давлат сув кадастри; давлат ўрмон кадастри; ўсимликлар дунёси объектлари Д.к.; ҳайвонот дунёси Д.к.; алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар Д.к.; бинолар ва иншоотлар Д.к.; давлат шаҳарсозлик кадастри; гидротехника иншоотлари Д.к.; тарихий ва маданий ёдгорликлар Д.к.; автомобиль йўллари Д.к.; темир йўллар Д.к.; транспорт қувурлари Д.к.; алоқа объектлари Д.к.; энергетика объектлари Д.к.; чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари Д.к.; табиий хавфи юқори бўлган тегралар Д.к.; техноген хавфи юқори бўлган тегралар Д.к.; картография-геодезия Д.к.; ҳудудлар Д.к. Д.к.лари ягона тизимга қонун б-н белгиладиган бошқа Д.к.лари ҳам кириши мумкин (“Давлат кадастрлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3–5-м.лари).

ДАВЛАТ КЕНГАШИ – давлат органларининг турли мамлакатларда, шу жумладан Россияда қўлланиладиган номи. Хорижий мамлакатларда органларнинг асосан қуйидаги турлари Д.к. номи б-н аталади:

а) парламент (мас., Д.к. – РФ таркибидаги бир қатор республикалар – Адигея, Коми, Татаристон, Удмуртия, Чувашияда олий вакиллик органи);

б) парламент палаталаридан бири (юқори палата) вазифасини бажарадиган давлат органи (мас., 1905 й.да Россияда Давлат думаси таъсис этилгач, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси кўп йиллардан буён мавжуд бўлган Д.к. зиммасига ҳам юклатилган);

в) давлатнинг коллегиял раҳбари вазифасини бажарувчи. парламентдан кейинги – иккинчи органи (мас., Болгария, ГДР, Польша ва б. собиқ социалистик мамлакатларда “Госссовет” шундай орган эди);

г) давлатнинг коллектив раҳбари вазифасини бажарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимига бошчилик қилувчи давлат органи (мас., Доғистон Республикасининг Д.к.). Гарчи Конс.га кўра Д.к. раиси давлат бошлиғи ҳисоблансада, давлат бошлиғига хос бир қатор ваколатларни коллегиял равишда Д.к. амалга оширади;

д) давлат бошлиғи (олий мансабдор шахси) (мас., 1810–1905 й.ларда Россия империясининг Д.к., 1991 й.да РСФСР Президенти ҳузуридаги РСФСР Д.к.).

ДАВЛАТ КОРХОНАСИ – ЎЗР ВМнинг 2006 й. 16 октябрдаги 215-сон қарори б-н тасдиқланган Давлат корхоналари тўғрисидаги низомга мувофиқ, давлат мулкидаги, ўзига тезкорлик б-н бошқариш учун берилган мулк негизда ташкил этилган давлат унитар корхонаси шаклидаги тижорат ташкилотидир, у ўзига биркитилган мулкдан қонунда белгиланган доирада, ўз фаолияти мақсадларига, мулкдорнинг (ёки унинг топшириғига кўра у ваколат берган давлат органи – муассиснинг) топшириқларига ҳамда эгаллик қилиш ҳуқуқидаги мулкнинг мақсадига мувофиқ мулкдан фойдаланишни ва уни тасарруф этишни амалга оширади. Д.к.нинг муассиси (муассис) – давлат бошқарув органи, ушбу органлар мақомини белгилайдиган ҳужжатларга мувофиқ белгиланган уларнинг ваколати доирасида Д.к.ни таъсис этишга вакил қилинган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳисобланади.

Д.к. алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан валюта ҳисоб рақамларига, рамзи, штамплари ва бланкаларига, ЎЗР Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг фирма номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга бўлади. Д.к.нинг фирма номида “дав-

лат корхонаси” сўзлари бўлиши керак. Д.к. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Д.к. давлатнинг бошқа корхонаси муассиси бўлишга ҳақли эмас. Муассис томонидан тасдиқланган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатга олинган устав Д.к.нинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Д.к. уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: фирма номи, жойлашган жойи (почта манзили); фаолиятнинг предмети ва мақсади; Д.к. фаолиятини бошқариш тартиби; устав фонднинг миқдори, уни шакллантириш тартиби ва манбалари; устав фондидини кўпайтириш ва камайитириш тартиби; мулкни тасарруф этиш шартлари; даромад (фойда)ни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби; захира фондидини ва б. фондларни ташкил этиш тартиби; раҳбарнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги; йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби; Д.к.ни қайта ташкил этиши ва тугатиш тартиби.

Д.к.нинг мулкӣ: муассис томонидан Д.к.га тезкор бошқариш ҳуқуқи б-н биркитилган мулк; Д.к.нинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади. Д.к. раҳбари Д.к.нинг яққа ижро этувчи органи ҳисобланади ва корхона олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, корхона номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди, Д.к. номидан битишувларни белгиланган тартибда амалга оширади, ходимларни ишга қабул қилади, улар б-н меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтади, буйруқлар чиқаради, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради. Д.к. ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк б-н жавоб беради. Муассис корхона мулкӣ етарли бўлмаганда Д.к. мажбуриятлари бўйича субсидиар тартибда жавоб беради. Д.к. муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

ДАВЛАТ КРЕДИТИ – қарздор сифатида давлат ва кредитор сифатида жисмоний ёки юридик шахслар иштирок этадиган кредит. Д.к. асосан аҳолига сотиладиган давлат заёмлари, облигациялари орқали амалга оширилади.

Д.к. давлат томонидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим соҳалари ҳамда бюджет дефицитини қоплаш учун зарур бўлган қўшимча молиявий ресурсларни йўналтириш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш турган пул маблағларини қайтаришлик, муддатлилик, мақсадга мувофиқлик ва ихтиёрийлик принципларига асосан жалб этиш бўйича молия ҳуқуқи б-н тартибга солинадиган муносабатлар. Д.к. бўйича молиявий-ҳуқуқий муносабатларни амалга ошириш натижасида давлатнинг ички қарзи шакллантирилади.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ (инг. National Anthem) – давлат герби ва давлат байроғи каби ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланадиган давлатнинг расмий рамзаларидан бири, давлатнинг суверенитети, ўз тақдирини ўзи белгиллаши, анъаналарини намоён қиладиган Ватанни шарафловчи мусиқий ёки шеърий-мусиқий ватанпарварлик асари.

1944 й.гача собиқ СССРнинг Д.м. 1871 й.да Францияда ёзилган ва Париж коммунасининг мадҳияси бўлиб хизмат қилган “Интернационал” ҳисобланган (Пьер Дегайтер мусикаси, Эжен Потье сўзи). Кейин собиқ СССРнинг Д.м. матни С.Михалков ва Эль-Регистанлар томонидан ёзилган, мусикаси композитор А.Александров томонидан яратилган “Союз нерушимый республик свободных” бўлган.

Федерациялар таркибидаги республикалар ҳам ўзининг мустақил Д.м.га эга бўлиши мумкин. Мас., РФнинг таркибидаги республикалар уларнинг Конс.ларида мустахкамлаб қўйилган Д.м.лари мавжуд. Яна қ.: *Мадҳия, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси.*

ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ – давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек ушбу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 20-м.сига мувофиқ, Д.м.ж.га қуйидагилар қиради: ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси; ЎзР Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг махсус ҳисобварағи; Иш б-н таъминлашга қўмақлашувчи давлат жамғармаси; ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси. Д.м.ж.ни тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади.

Давлат бюджети таркибида Д.м.ж. тўпланиб, қонунчиликда уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан келиб тушадиган маблағлар нормалари ва шартлари ҳамда маблағлар ишлатилиши мумкин бўлган мақсадлар белгиланган.

ДАВЛАТ МЕХАНИЗМИ – давлат ҳокимиятини амалга оширувчи, давлат функцияларини бажарувчи, давлатнинг ўз олдига қўйган вазифа ва мақсадларига эришишни таъминловчи давлат органлари, давлат корхоналари ва муассасалари мажмуи. Улар воситасида давлат ҳокимияти амалга оширилади ва жамият устидан давлатнинг раҳбарлиги таъминланади.

Д.м. таркиби давлат аппарати, давлат корхоналари, давлат муассасаларидан иборат.

Давлат аппарати – бу Д.м.нинг бир қисми бўлиб, у давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун берилган ваколатларга эга бўлган давлат органлари мажмуидан иборатдир. Давлат аппаратини ташкил этиш ва фаолиятини амалга оширишга доир қуйидаги принциплар мавжуд: а) мамлакат барча аҳолисининг манфаатларини ҳимоя қилиш; б) қонунийлик; в) давлат аппаратини ташкил этишда халқчиллик (демократизм); г) профессионализм, шу жумладан, касб этикаси талабларига қатъий амал қилиш; д) ошқоралик, яъни давлат ҳуқуқий жараёнларида бўлаётган ҳодисалардан аҳолининг хабардорлиги; е) ҳокимият ваколатларининг тақсимланганлиги ва б.

ДАВЛАТ МУАССАСАСИ – давлат томонидан ташкил этиладиган ва ваколатлари белгилаб қўйиладиган муассаса.

Д.м.лари алоҳида турлари ҳуқуқий мақоми қонунда ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустахкамланган. Д.м.ла-

ри сирасига давлат бюджетидан молиялаштирилган таълим муассасалари, илмий муассасалар, тиббиёт муассасалари, маданият муассасаларини киритиш мумкин.

Таълим муассасаларининг ҳуқуқий мақоми “Таълим тўғрисида”ги, тиббиёт муассасаларининг ҳуқуқий мақоми эса “Соғлиқни сақлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунларида мустаҳкамланган. Яна қ.: *Муассаса*.

ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ – фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, фан-техника, санъат ва адабиёт ҳамда бошқа соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритганлиги, таракқиётга катта ҳисса қўшганлигини расман эътироф этилишини билдиради.

“Давлат мукофотлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, ЎзРнинг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиғи Д.м. хисобланади.

Д.м. Олий Мажлис томонидан таъсис этилади. Д.м.га доир низомлар ва уларнинг тавсифлари Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

Д.м. б-н ЎзРнинг Президенти тақдирлайди. ЎзР Президентини Д.м. б-н тақдирлаш Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Д.м. б-н фуқаролардан ташқари, айрим ҳолларда корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, ижодий жамоалар ва харбий бўлинмалар, шунингдек ЎзРнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳам мукофотлашни мумкин.

Д.м. (“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони, ЎзРнинг орденлари, медаллари ва Фахрий ёрлиғи) б-н тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлардан фойдаланадилар ҳамда бир марта бериладиган пул мукофоти ёки шу қийматдаги эсдалик совғасини оладилар. ЎзРнинг фахрий унвонлари б-н тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда ҳар ойда пул нафақалари оладилар.

ДАВЛАТ МУЛК ҲУҚУҚИ – Д.м.х. қонун ҳужжатлари асосида давлатга қарашли бўлган мол-мулкка давлат органларининг ва давлат томонидан тузилган юридик шахсларнинг аниқ йўналтирилган ва олдиндан белгилаб қўйилган мақсадни кўзлаб эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши ҳамда Д.м.х.ни ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. Давлат юридик шахсларига бириктирилган мол-мулк уларга ашёвий ҳуқуқ (хўжалик юрителиш ва оператив бошқариш) асосида берилади ва бу ҳол давлатнинг ўз мол-мулқига нисбатан мулкый ҳуқуқларни амалга оширишига тўсқинлик қилмайди. Давлатнинг мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши бу мол-мулк давлат юридик шахсларига бириктирилган ёки бириктирилмаганлигидан қатъи назар, мол-мулк натура – ашёвий шаклда (давлат бюджети бундан мустасно) ягона хисобланади. Бунда мулкдор битта субъект бўлиб, бу субъект “мавҳум” ҳамда унинг фаолияти органлар ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади. Бу эса, ашёвий ҳуқуқлардан мулк ҳуқуқи эмас, балки бошқалари бу муносабатда кенг қўлланилишини англатади. Гарчи давлат органлари, унинг таркибий қисмлари, давлат юридик шахслари унинг мол-мулки хисобланса-да, ҳуқуқий муносабатда улар мустақил субъект сифатида ҳаракат қиладилар. Шунинг учун ҳам давлат мулкдор сифатида ўз мол-

мулкни давлат органлари ва юридик шахсларига (давлат ташкил этган) оператив бошқариш ва хўжалик юрителиш ҳуқуқи асосида беради ҳамда бу ҳолат давлат мулкига нисбатан мулкый ҳуқуқлар (эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш)нинг ягона йўли хисобланади. Давлат мулкни бошқариш ва тасарруф этиш масалалари ҳам ўзига хос ҳолат бўлиб, бунда давлат мулкни бошқарадиган ва уни тасарруф этиши мумкин бўлган органлар давлат номидан бевосита мамлакат ички фуқаролик муомаласида иштирок этадилар. Умумий қоидага кўра, давлат мулкни бевосита асосий ижроия орган ЎзР ВМ ва унинг органлари (Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш қўмитаси каби) бошқаради ҳамда тасарруф этиш ваколатларини амалга оширади.

ДАВЛАТ МУЛКИ – республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат мулк.

ЎзР ФК 214-м.сига мувофиқ, ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва б. фондлари республика мулкидир, шунингдек корхоналар ва б. мулкый комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин. Республика мулки бўлган мол-мулкни ЎзР Олий Мажлиси, ЎзР Президенти, ЎзР Ҳукумати ёки улар махсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тасарруф қиладилар. Республика мулки бўлган мол-мулк давлат юридик шахсларига хўжалик юрителиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин. Республика мулки республика бюджетига тушадиган солиқлар, йиғимлар ва б. мажбурий тўловлардан, шунингдек қонунларда назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади. Республика мулки объектлари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

ЎзР ФК 215-м.сига асосан, давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва б. мулкый комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади. Муниципал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар. Муниципал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юрителиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин. Муниципал мулк маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва б. тўловлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади. Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ – давлат органлари чиқарадиган қонунлар ва б. ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши таъминлайдиган давлат ҳокимиятини амалга ошириш шаклларида бири. Д.н.ни турли органлар амалга оширади. Одатда, назорат вазифаси асосан парламентларда тўпланган, ammo кейинги ўн йилликда кўпгина мамлакатларда парламентдан ташқари, парламент номидан иш юритадиган назорат инстанциялари кенг тарқалди (мас., омбудсман, ҳисоб палатаси), маъмурий юстиция органларининг сони ва роли ўсди. Ҳозирги кунда ҳар бир мамлакатда ўз Д.н. тизими шаклланди. Мас., АКШда Д.н.ни Президент, ижро этувчи аппаратига кирувчи органлар, АКШ конгрессининг кўмити ва комиссиялари амалга оширади, конституциявий назорат АКШ ОСи зиммасига юкланган, молиявий назоратнинг махсус органи сифатида назоратчи раҳбарлигидаги Ҳисобот бош бошқармаси фаолият кўрсатади, махсус идоралараро назорат функцияси кўплаб тармок идораларига, жумладан, Марказий разведка бошқармаси, Федерал тергов бюроси, Мудофаа вазирлиги ва б. зиммасига юкланган.

ДАВЛАТ НОМИ – бирор-бир давлатнинг расмий номланиши. Д.н.лари қуйидаги омилларга боғлиқ: тарихий шарт-шароитларга асосан келиб чиққан номлар асосида номландиган давлатлар, Сурия, Ироқ; давлатларнинг жойлашган ҳудуди (континент, географик жойлашуви) номига асосан номланиши, Мас., Фарбий Саҳара, Жанубий Африка Республикаси, Марказий Африка Республикаси; миллат, элат ва уруғларнинг номидан келиб чиқиб номланиши (Франция, Польша, Болгария, Хорватия, Таиланд, Саудия Арабистони); тарихий шахслар номига қўйилган давлатлар (Колумбия, Боливия); жамиятдаги диннинг таъсир доираси давлат номига ҳам акс этади (Покистон Ислом Республикаси); давлатнинг бошқарув, тузилиш шакллари ва сиёсий режими ҳам Д.н.ларида кўрсатилиши мумкин (Корея Халқ Демократик Республикаси, Россия Федерацияси).

ДАВЛАТ ОРГАНИ – бу ижтимоий ҳаётнинг аниқ бир соҳасини бошқариш юзасидан давлат вазифаларини бажарадиган ва тегишли давлат-ҳокимий ваколатларга эга бўлган ташкилот ёки муассаса. Д.о.лари сирасига вазирликлар, давлат кўмиталари, инспекциялар, прокуратура органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва б. киради.

Д.о.лари қонунга биноан ташкил этилади ва унда Д.о.нинг ҳокимий ваколатлари ҳажми белгилаб қўйилади; ўз оператив бошқарувида давлат мулкига, молиявий маблағларга, банкда ўз ҳисоб рақамига ҳамда бюджетдан таъминланиш манбасига эга бўлади.

Д.о.лари турли мезонлар асосида, жумладан, ҳокимиятлар бўлинишига асосан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларига, фаолиятининг мазмунига кўра сиёсий, хўжалик, ижтимоий-маданий Д.о.ларига, фаолият олиб борадиган ҳудуди доирасига қараб марказий ва маҳаллий органларга таснифланади.

ДАВЛАТ ПАЙДО БЎЛИШИНING ШАРТНОМА НАЗАРИЯСИ – мазкур назариянинг илк элементлари қад. Юнонистон ва қад. Рим файласуфлари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, яхлит тугалланган назария сифатида XVII-XVIII а.ларда шаклланди. Назариянинг кўзга кўринган вакиллари: Г.Гроций, Дж.Локк, Д.Дидро, П.Голь-

бах, А.Радишев, Ж.Ж.Руссо. Бу назария вакилларининг фикрига кўра, давлат инсонларнинг биргаликда яшаш ҳақидаги ўзаро тузган шартномаси асосида вужудга келган. Уларнинг фикрича, бир пайтлар давлат ҳам, ҳуқуқ ҳам бўлмаган, инсонлар табиий ҳуқуқлари б-н табиий шароитларда яшашган. Инсонларнинг ҳуқуқларини, қадриқимматини муҳофаза этадиган ҳокимият бўлмаган. Шу боис, инсонлар ўзаро шартнома тузишиб, ўзларига туғилишлари б-н мансуб бўлган ҳуқуқларининг маълум қисмини уларнинг умумий манфаатларини ифода этадиган давлатга беришган, давлат эса ўз навбатида инсон ҳуқуқларини таъминлаш, жамиятда барқарорлик ва адолат ўрнатиш мажбуриятини зиммасига олган. Агарда, давлат шартнома шартларига амал қилмаса, халқ шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯЛАРИ – “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ЎзР Қонунига кўра, тайинланадиган пенсия тури. Булар жумласига ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари киради. Уларнинг тайинланиш шартлари ва тартиблари қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Д.п.нинг турли хилларини олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга уларнинг ўзлари танлаган битта пенсия тайинланади.

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга муносиб равишдаги миқдорда тайинланади.

Ногиронлик пенсиялари меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган қуйидаги ҳолларда тайинланади:

а) меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда – ЎзР ВМ томонидан тасдиқланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва Касб касалликлари рўйхати бўйича;

б) умумий касаллик (шу жумладан, иш б-н боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майблик, болаликдан ногиронлик) туфайли.

“Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”-ги ЎзР Қонунига асосан вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади.

ДАВЛАТ ПЕНСИЯ СУҒУРТАСИ – давлат ижтимоий суғуртасининг бир тури, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қорхона, ташкилотлар ягона ижтимоий тўлов тўлайди. Ушбу тўлов бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида тўланади ҳамда белгиланган тартибда пенсия ва нафақалар тўланиши мақсадида сарф-харажат қилинади.

ДАВЛАТ ПОЧТА ТЎЛОВИ БЕЛГИЛАРИ – почта жўнатмаларидаги почта алоқаси хизматлари ҳақи тўланганлигини тасдиқловчи почта маркаси ва франкирлаш машинасининг тамга изи. Почта алоқаси соҳасидаги давлат бошқаруви ЎзР ВМ томонидан белгиланган махсус ваколатли орган – Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан амалга оширилади. Ушбу орган Д.п.т.б.нинг намуналарини тасдиқлайди ва уларни нашр этиш, муомалага киритиш ва муомаладан чиқариш тартибини белгилайди. Почта алоқаси хизматлари учун тўлов, оператор ёки провайдер томонидан шартнома асосида белгилаб қўйиладиган тарифлар бўйича аниқланади, универсал хизматлар бундан мустасно. Универсал хизматлар учун тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда махсус

ваколатли орган томонидан тасдиқланувчи тариф асосида аниқланади. Ёзма хат-хабар жўнатганлик учун тўлов ёзма хат-хабарга почта тўловининг давлат белгисини тушириш орқали тасдиқланади.

ДАВЛАТ ПРЕЗИДЕНТИ – яқка тартибда фаолият юритувчи (яъни, бир шахс) давлат ҳокимияти органи. Шу б-н бирга давлатнинг олий мансабдор шахси, баъзи мамлакатларда қуролли кучларнинг олий бош қўмондони ҳисобланади.

Д.П. мамлакат аҳолиси томонидан бевосита ёки билвосита сайланади. Мас.: ЎзР Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камиди 10 й. Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ЎзР Президенти бўлиши мумкин эмас. ЎзР Президенти республика фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н 7 й. муддатга сайланади. Президентни сайлаш тартиби ЎзР қонуни б-н белгиланади. Лекин, айрим давлатларда, мас.: АҚШда Президент билвосита сайлаш йўли б-н, яъни, аҳоли сайлаган сайловчилар ҳайъати томонидан сайланади. Исроил, Греция давлатларида Президент давлатнинг парламенти томонидан сайланади. Президентлар учун нисбатан, юқори ёш цензи белгиланган. Мас.: АҚШ, Россияда 35 ёшга, Германияда – 40 ёшга, Италияда – 50 ёшга тўлгандагина Президент этиб сайланиш мумкин.

Президентларнинг ваколат муддатлари ҳам турли давлатларда турлича белгиланган. Одатда кўпроқ 4, 5, 6 ёки 7 йиллик муддатларга эътибор берилади.

ДАВЛАТ ПРОБА ТАМҒАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ – “Қимматбаҳо металлдан ясалган буюмларни пробалаш ва тамғалаш тўғрисида” ЎзР Қонуни қабул қилинди. Унинг мақсади қимматбаҳо металлдан ясалган буюмларни пробалаш ва тамғалаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир. Тамғалашнинг зарур бўлган қимматбаҳо металлдан ясалган буюмларга заргарлик буюмлари, олтин, кумуш, тиш техникаси учун мўлжалланган олтин дисклар кириди. Давлат проба тамғаси заргарлик буюмларида ва б. предметларда заргарлик буюмлари ишлаб чиқилган олтин, кумуш ва платинанинг миқдорини аниқловчи тамға ёки белги, Давлат проба тамғаси тасдиқлаш белгиси ва проба белгисидан ташкил топиб, улар бирга ёки алоҳида туширилиши мумкин. Ушбу белги заргарлик буюми ёки бошқа предметлар Қимматбаҳо металл агентлигининг Давлат асслик даражасини белгилаш палатаси органларида текширилган ва тамғада кўрсатилган пробадан кам бўлмаган пробага эгаллигини билдиради. Фаразгўйлик ёки бошқа шахсий манфаатларни кўзлаб давлат проба тамғасини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, ўтказиш ёки ундан фойдаланиш, шунингдек уни қалбакилаштириш ЎзР ЖКнинг 228¹-м.сига мувофиқ жиноий жазоландиган қилмиш ҳисобланади.

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ (МИЛЛИЙ РАМЗЛАР) (юн. symbolon – белги) – Конс. ёки махсус қонун б-н белгиланган қоидага кўра, аниқ бир давлатнинг миллий мустақиллигини, ўзига хослигини ифодаладиган, баъзан маълум мафқуравий мазмунга эга бўладиган, тарихий

шаклланган фарқловчи белгилари. Асосий Д.р.га одатда давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси, давлат ранги, давлат бошлиғи штандарти, давлат муҳри, давлат шиори киритилади. Баъзан Конс.лар қабул қилинган тантанали саналар ҳам Давлат рамзи қаторига киритилади (мас., 1991 йил 1 декабрь – Руминия Конс.си қабул қилинган кун – Миллий кун).

ДАВЛАТ РЕЖИМИ (инг. “political regime” – сиёсий режим) – ҳокимиятнинг функционал характерга эга бўлган хусусиятларидан бири бўлиб, жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг усул ва услублари, методлари, шакллари ҳамда воситалари тизими.

Мазкур тушунча илмий доираларда ХХ а.нинг 60-й.ларида пайдо бўлган бўлиб, унинг демократик ва демократияга зид шакллари ажратиб кўрсатилади.

Д.р.нинг қуйидаги турлари мавжуд: а) демократик; б) нодемократик (авторитар, тоталитар, фашистик, харбий хунта ва б.).

Демократик Д.р.га қуйидаги белгилар хос: 1) иқтисодий фаолият соҳасида шахснинг эркинлиги; 2) шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги; 3) давлат ҳокимияти характерига халқ томонидан тўғридан-тўғри таъсир қилишнинг самарали механизми мавжудлиги; 4) шахснинг қонунсизлик ва ҳокимиятнинг ҳар хил сунистеъмол қилишлардан ҳимояланганлиги; 5) жамият ҳаётига оид бўлган энг муҳим масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг кўпчилик томонидан озчиликнинг манфаатлари максимал даражада эътиборга олинган ҳолда қабул қилиниши; 6) сиёсий тизимнинг бошқа элементлари б-н бўлган муносабатларда кўпфирлиликка амал қилиш; 7) давлатнинг барча органлари фаолиятининг қонунийлик принципига бўйсунуши; 8) ҳокимият ваколатларининг тақсимланганлиги ва б.

Нодемократик Д.р.га қуйидаги белгилар хос: 1) ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари устидан давлатнинг тўла назорати ўрнатилганлиги; 2) жамоат ташкилотларининг давлат томонидан назорат қилиниши; 3) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалда татбиқ этилмаслиги; 4) оммавий ахборот воситалари устидан тўла назоратнинг ўрнатилиши, цензуранинг мавжудлиги; 5) ягона партия диктатурасининг ўрнатилганлиги; 6) расмий мафқурага мос келмайдиган диний, сиёсий ва б. қарашлар учун таъкиб остига олиниши; 7) давлат ҳокимиятини амалга оширишда қонунийлик принципига амал қилинмаслиги; 8) ҳокимиятнинг қатъий марказлашганлиги ҳамда давлат бошлиғи шахсининг илоҳийлаштирилиши ва б.

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ НАЗОРАТИ – санитария қонунлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган санитария-эпидемиология хизмати. “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзРнинг давлат санитария-эпидемиология хизмати қайси идорага бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида катъи назар, ЎзР ҳудудида жойлашган давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этишлари устидан Д.с.н.ни амалга оширади. ЎзР Мудофаа вазирлиги, ИИБ, Миллий хавфсизлик хизматининг темир йўлда ишлаётган ва қуриётган объектларида идоравий санитария назоратини

тегишли вазириликлар ва идораларнинг санитария-эпидемиология станциялари амалга оширадilar. Санитария милицияси ЎЗР ИИВнинг ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги б-н келишган ҳолда тасдиқлаган Низомга мувофиқ санитария текширувини амалга оширади. Давлат санитария-эпидемиология хизмати идоралари, муассасалари ва мансабдор шахслари, қайси идорага бўйсунганидан катъи назар, санитария-эпидемиология хизмати фаолиятига йўл-йўриқ кўрсатиб раҳбарлик қиладилар, уни уйғунлаштириб ва текшириб борадилар.

ДАВЛАТ СИРИ ЁКИ ҲАРБИЙ СИР ҲИСОБЛАНГАН ҲУЖЖАТЛАРНИ ЙЎҚОТИШ – ҳужжатларнинг, шунингдек ашё ёки моддаларнинг, агар улар ҳақидаги маълумот давлат сири ёки ҳарбий сирни ифодаласа, хизмат ёки касб фаолияти юзасидан ишониб топширилган шахс томонидан йўқотилиши, башарти, бу йўқотиш ана шу ҳужжатлар, ашё ёки моддалар б-н муомалада бўлиш қоидаларини бузиш натижасида рўй берган бўлса, ЎЗР ЖК 163-м.сига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради. Давлат ёки ҳарбий сирларни акс эттирувчи ҳужжатларни йўқотишнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, бунинг натижасида махфий маълумотларнинг нафақат ёт кишилар, балки чет эл давлати, ташкилотлари ва уларнинг агентураси томонидан қўлга киритилиши мумкин. Бу қилмиш оқибатида Ўзбекистон манфаатларига, жумладан суверенитет, ҳудудий дахлсизлик, мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги, ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг барқарорлиги га путур егиши мумкин. Давлат сири ҳисобланган маълумотларни ташкил этувчи ҳужжатлар, ашёлар ва моддалар б-н ишлашнинг қоидалари махфий ахборот б-н танишишга рухсат бериш ва муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги буйруқлар, йўриқномалар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

ДАВЛАТ СИРЛАРИ – к.: *Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари.*

ДАВЛАТ СИРЛАРИНИ ОШКОР ҚИЛИШ – Д.с.о.к. ёки ўзгага бериш, яъни давлат сири, ҳарбий сир ёки хизмат сири ҳисобланган маълумотларнинг, бу маълумотлар ишониб топширилган ёки хизмати ёхуд касб фаолияти юзасидан улардан хабардор бўлган шахс томонидан ошкор қилиниши, башарти, бу қилмишда давлатга хонлик аломатлари бўлмаса, ЎЗР ЖКнинг 162-м.сига мувофиқ жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Давлат сирларининг ошкор этилиши давлатимизга ёки умуман инсониятга қарши қаратилган бошқа ижтимоий хавфли қилмиш содир этилиши учун шарт-шароит яратди. Бундай қилмиш ижтимоий хавфли деб топилади ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Д.с.о.к. икки усулда – ошкор қилиш ва етказиш б-н содир этилиши мумкин. Ошкор қилиш – уларни тарқатиш бўлиб, бунинг натижасида улар б-н танишиш ҳуқуқига эга бўлмаган ноаниқ доирадаги шахслар махфий маълумотлардан воқиф бўлиши, етказиш эса – айбдор томонидан давлат сирларининг улар б-н танишиш ҳуқуқига эга бўлмаган муайян шахсларга тақдим этилишидан иборат.

ДАВЛАТ СОЛИҚЛАРИ – к.: *Солиқлар.*

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ – к.: *Суверенитет.*

ДАВЛАТ ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ – ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган, экологик, илмий, маданий ва

эстетик жиҳатдан қимматли табиий объектлари бор муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 26-м.сига мувофиқ, Д.т.ё. қуйидаги турларга бўлинади:

табиий сув объектларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган гидрологик (ботқоқ, қўл, дарё ва б.) ёдгорликлар; айрим ўсимликларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган ботаник ёдгорликлар;

табиат яратган рельеф шаклларини сақлаб қолиш учун мўлжалланган геоморфологик ёдгорликлар;

казилма объектларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган палеонтологик ёдгорликлар;

геологик ва минералогик ҳосилаларни сақлаб қолиш учун мўлжалланган геологик ва минералогик ёдгорликлар.

Табиий объектлар махсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси, шунингдек юридик ёки жисмоний шахсларнинг илтимосномаси бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари б-н Д.т.ё. деб эълон қилинади. Табиий объектларни улар жойлашган ер участкаларини олиб қўймаган ҳолда Д.т.ё. деб эълон қилишга йўл қўйилади. Д.т.ё. ҳудудда уларнинг асралишига хавф соладиган ҳар қандай фаолият тақиқланади. Д.т.ё. қайси юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларида жойлашган бўлса, шу юридик ва жисмоний шахслар зиммасига бундай ёдгорликларнинг режимини таъминлаш мажбуриятлари юклатилади. Диний мақсадларда фойдаланиладиган Д.т.ё. диний ташкилотларга ёки жисмоний шахсларга бундай ёдгорликларни ободонлаштириш ва асраш ишларини амалга ошириш шarti б-н фойдаланишга ёки ижарага берилиши мумкин. Мамлакатимиз ҳудудда 400 дан ортиқ табиат ёдгорлиги ҳисобга олинган.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ – давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, оммавий мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш (“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 1-м.си).

Д.т.ч.да давлатга тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар хусусий мулкдорлар томонидан сотиб олинади. Бунда юридик шахслар каби жисмоний шахслар ҳам, уларнинг бир гуруҳи ҳам давлат корхоналари ва ташкилотларининг мулкдорлари бўлиши мумкин. Давлат тасарруфидан чиқарилиши мумкин бўлмаган объектлар ҳуқуқат томонидан белгилаб қўйилади.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ – давлат томонидан хорижда маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган ЎЗР мажбуриятларининг йиғиндиси (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си). Яна к.: *Давлат қарзи.*

ДАВЛАТ ТИЛИ – давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг расман иш юритиш тили, муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимиятлари фаолиятида, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим бериш учун расмий белгиланган тил.

ЎЗР Конс.сининг 4-м.сига мувофиқ, ЎЗРнинг Д.т. ўзбек тилидир. Қорақалпоғистонда бундай мақом қорақалпоқ тилига ҳам берилган. 1989 й. 21 октябрда “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида”ги ЎЗР Қону-

ни қабул қилинган (1995 й. 22 декабрдаги тахрирда амал қилади). Конс.га мувофиқ, ЎзР ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади.

ЎзРнинг қонунлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг бошқа ҳужжатлари Д.т.да қабул қилинади ва эълон этилади. Бу ҳужжатларнинг таржималари бошқа тилларда ҳам эълон қилинади.

Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари Д.т.да қабул қилинади ва эълон этилади. Муайян миллат вакиллари зич яшайдиган жойларда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ҳужжатлари республика Д.т.да ҳамда мазкур миллат тилида қабул қилинади ва эълон қилинади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш Д.т.да юритилади ва заруриятга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши таъминланади. Ўзбекистонда ўтказиладиган халқаро анжуманларда Д.т., шунингдек катнашчиларнинг ўзлари танлаган тиллар анжуманнинг иш тили ҳисобланади.

Судлов ишларини юритиш Д.т.да ёки ўша жойдаги кўпчилик аҳоли тилида олиб борилади. Ишда иштирок этаётган, суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган шахсларга таржимон орқали ишга оид материаллар б-н танишиш, суд жараёнида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги ҳўжалик низоларини кўриб чиқиш ва хал қилишда Д.т. қўлланилади. Ҳўжалик низолари тарафларнинг розилиги б-н бошқа тилда ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахснинг ким эканлигини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар Д.т.да расмийлаштирилади, заруриятга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин.

ЎзРда нотариал ҳаракатлар Д.т.да амалга оширилади. Фуқароларнинг талабига кўра расмийлаштирилган ҳужжат матн давлат нотариуси ёки нотариал ҳаракатни бажараётган шахс томонидан рус тилида ёки имконият бўлган тақдирда бошқа мақбул тилда берилади.

ЎзР ҳудудда яшовчи шахсларга давлат ташкилотлари ва муассасаларига, жамоат бирлашмаларига аризалар, таклифлар, шикоятлар б-н Д.т.да ва б. тилларда муурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланади.

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ИЧКИ МАБЛАҒНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ – активларни ички манбалардан (резидент – юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида ЎзРнинг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ХОРИЖДАН МАБЛАҒ ЖАЛБ ҚИЛИШ – активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида ЎзРнинг қарз оловчи сифатидаги ёки қарз оловчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ ШАКЛИ – юриспруденция фанида давлатнинг ички тузилиши, унинг таркибий қисмларга – маъмурий-ҳудудий бирликларга, мухтор сиёсий тузилмалар ёки суверен давлатларга бўлиниши. У, шунингдек умуман давлатнинг ҳамда унинг алоҳида қисмларининг ўзаро нисбати хусусиятини ҳам акс эттиради. Д.т.ш.нинг икки асосий тури мавжуд: оддийси – унитар, мураккаби – федератив ва конфедератив давлатлардир. Унитар давлат – бу фақат маъмурий-ҳудудий қисмларга бўлинадиган ягона давлат тузилмаси. Унитар давлатда бутун мамлакат учун умумий бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органлари, ягона суд тизими фаолият кўрсатади, ягона Конс. амал қилади. Мас., Франция, Италия, Венгрия, Чехия унитар давлатлардир.

Федерация давлат тузилишининг анча мураккаб шакли ҳисобланади. Федератив давлат бир қанча бошқа давлатлардан ёки федерация аъзоси (субъекти) бўлган давлат тузилмалари (штатлар, кантонлар, иттифоқдош ёки автоном республикалар ва б.)дан таркиб топади. Уларнинг ҳар бири ўз маъмурий-ҳудудий бўлинишига эга. Бутун федерация учун умумий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари б-н бир қаторда, ҳар бир федерация субъектининг ҳудудидида ўз давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий ва маҳаллий органлари фаолият кўрсатади. Федерация аъзолари (субъектлари) ўз суд ва бошқарув органларига ҳам эга бўлади, ўз Конс.си ва қонунларини қабул қилади.

Конфедерация нисбатан кам учрайдиган Д.т.ш. шаклидир. Конфедерация давлатлар бирлашмаси ёки иттифоқи бўлиб, уни ташкил этувчи давлатлар ўз мустақиллигини тўла сақлаб қолади, ўз ҳокимият, бошқарув ва ақлия органларига эга бўлади. Ўз фаолиятини мувофиқлаштириш учун конфедерацияга аъзо давлатлар қўшма органлар тузади. Мазкур органлар катъий белгиланган соҳаларда фаолият кўрсатади ва катъий белгиланган (иктисодий, сиёсий, ҳарбий ва б.) мақсадларни кўзлайди.

Конфедерацияга баъзан давлатларнинг федерацияга бирлашиш сари тутган йўлидаги оралик бўғин деб ҳам қаралади. Чунки конфедерация шартнома ёки битим асосида тузилади ва муваққат хусусиятга эга бўлади. Ҳозирги вақтда расмий-юридик жиҳатдан Швейцария конфедерация ҳисобланади. Лекин, амалда у федерациядир. Конфедерациянинг айрим аломатлари Европа иттифоқида ҳам сезилади.

ДАВЛАТ ТУЗИЛМАСИ – бу давлатчилик хусусиятларига эга бўлган, бироқ том маънодаги давлат ҳисобланмайдиган сиёсий-ҳудудий бирлик. Одатда Д.т.лари бўлиб федератив давлат тузилиш шаклига эга бўлган давлатлардаги федерация субъектлари, мас., штатлар (АҚШ, Ҳиндистон), кантонлар (Швейцария), провинциялар (Аргентина), ерлар (Австрия, ГФР). Айни пайтда ҳудудий Д.т. б-н бир қаторда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш натижасида вужудга келган миллий-ҳудудий Д.т.лари ҳам мавжудким, уларга миллий-сиёсий автономиянинг турли шаклларини қиритиш мумкин, жумладан, Даниядаги Гренландия ва Финляндиядаги асосан шведлар истиқомат қиладиган Аланд ороллари миллий-сиёсий автономияга мисол бўлиши мумкин. Ўзбекистон таркибидаги Қорақалпоғистон суверен Республикаси ҳам миллий-сиёсий автономияга мисол бўла олади.

ДАВЛАТ ТУЗУМИ – конституциявий ҳуқуқ (давлат ҳуқуқи) нормалари б-н белгиладиган ва мустаҳкамлаб қўйиладиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими. Д.т. жамиятга давлатнинг таъсири Конс.га ва ҳуқуқнинг бошқа қонуний манбаларига зид бўлган ноҳуқуқий шаклда намоён бўлса, у конституциявий тузумдан фарқ қилиши мумкин.

Д.т. – қатор хорижий давлатлар ва РФ таркибидаги республикаларда нормаларни бирлаштирадиган, давлат ҳокимияти органлари тизимини, уларнинг ваколати, ўзаро муносабати, шаклланиш тартибини (Мўғулистон), кўпинча эса маъмурий-худудий тузилишни ҳам (Бошқирдистон) ўз ичига олувчи комплекс конституциявий-ҳуқуқий инс.-нинг номи. Қирғизистон ва Тивада Д.т. фақат давлат ҳокимиятини амалга ошириш норма-принципларини ўз ичига олади. Қондага кўра мувофиқ келувчи нормалар Конс.-ларнинг шу номдаги бўлимларида берилган. Бразилияда шундай инс. “давлатни ташкил этиш”, Ўзбекистонда “давлат ҳокимиятини ташкил этиш” деб юритилади. Д.т. ўзида қуйидагиларни асос эттиради: давлат, жамият ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар; давлат ҳокимияти ва халқ ҳокимиятчилигини амалга ошириш усуллари; давлат бошқарув шакли; давлат тузилиш шакли; давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий асослари; давлат фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқ ва қонуннинг роли.

ДАВЛАТ ТўНТАРИШИ – давлатда ҳокимиятти зўравонлик (қонс.га зид) йўли б-н эгаллаб олиш. Д.т. оқибатида демократик йўл б-н (сайловлар орқали) ҳокимиятни қўлга киритиш имкониятига эга бўлмаган бир ёки бир неча сиёсий партиялар раҳбарлигида амалга оширилиши ҳамда ҳокимиятнинг бир тармоғида (одатда ижро ҳокимияти) мамлакатдаги барча ҳокимият ваколатлари тўпланиши мумкин. Кейинги ҳолатда вакиллик ҳокимият органларининг фаолияти тўхтатилади ёки тугатилади. Кўп ҳолларда ҳарбий кучлар вакиллари томонидан қўшинларнинг чекланган қисми жалб этилиб, фитна уюштириш асосида Д.т. амалга оширилади ҳамда сиёсий ҳокимият тўлалигича улар қўлига ўтади.

ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ – қ.: *Уй-жой фонди*.

ДАВЛАТ ФойДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ – бу шундай божхона режимки, бунда шахс товарларга нисбатан бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда улардан давлат фойдасига воз кечади. Товарларни Д.ф.в.к. режимига жойлаштиришга қонуни ҳужжатларида назарда тутилган тартибда божхона органининг рухсати б-н йўл қўйилади. Товарлардан Д.ф.в.к. давлатнинг харажатлар қилишга сабаб бўлмайди (ЎЗР БК 38-м.си).

ДАВЛАТ ФУНКЦИЯЛАРИ – давлатнинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган давлат фаолиятининг асосий (бош) йўналишлари.

Д.ф.ни қуйидагича таснифлашимиз мумкин: 1) фаолият донрасига кўра: ички ва ташқи; 2) фаолият муддатига кўра: доимий ва вақтинчалик; 3) ижтимоий аҳамиятига кўра: асосий ва асосий бўлмаган; 4) амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклларига кўра: ҳуқуқни ижод қилиш, ҳуқуқни ижро қилиш ва суд.

Ҳозирги замон давлатларининг қуйидаги ички функциялари мавжуд:

а) иқтисодий, яъни давлат бюджетини шакллантириш ва унинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш; мамла-

кат иқтисодиёти ривожланишининг умумий дастурларини белгилаш; иқтисодиётнинг муҳим соҳаларини ривожланишни рағбатлантириш; тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва б.;

б) ижтимоий, яъни жамиятнинг ижтимоий муҳофазага муҳтож аъзоларига ёрдам бериш; соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой, йўл қурилиши, алоқа ва б. ижтимоий соҳаларни таъминлаш;

в) молиявий назорат, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг бир қисмини ижтимоий ва умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун давлат бюджетига юбориш; давлат бюджетининг ижросини назорат қилиш;

г) ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ижтимоий муносабатлар барча қатнашчиларининг қонунчилик кўрсатмаларини тўла ва аниқ бажаришларини таъминлаш;

д) экологик, табиий ҳаёт муҳити – ер, ер ости, сув, хайвонот олами, атмосфера хаволи ҳамда товар – моддий қимматликлар, ўрмонни кескидан олинган ёғоч, ер остидан олинган фойдали қазилмалар ва б.дан иборат табиатни муҳофаза қилиш; жамиятда экология соҳасида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни мавжуд ҳуқуқ нормалари асосида бўлишини таъминлаш; экологик бошқарув, экологик таълим-тарбияни шакллантириш.

Ҳозирги замон давлатларининг асосий ташқи функцияларини эса қуйидагича таснифлашимиз мумкин: а) бошқа давлатлар иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий техник, экологик, ҳарбий ва б. соҳалар юзасидан ҳамкорлик; б) мудофаа ва б..

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ – давлатнинг суверенитетини, конституциявий тузумини, аҳолининг тинч турмуш тарзини, чегараларнинг дахлсизлигини ҳамда худудий яхлитлигини таъминлашга қаратилган чоралар тизими. ЎЗР давлат хавфсизлиги соҳаси ЎЗР Президентининг 1991 й. 25 августдаги ва 26 сентябрдаги фармонлари асосида ташкил этилган ЎЗР Миллий хавфсизлик хизмати томонидан бошқарилади. ЎЗР Миллий хавфсизлик хизмати ва унинг жойлардаги органлари хорижий давлатлар ва хорижий ташкилотлар махсус хизматларининг Ўзбекистонга қарши разведка-кўпоровчилик фаолияти б-н кураш олиб борадилар, ЎЗРнинг мустақиллигини, конституциявий тузумини, худудий бутунлигини, иқтисодий, илмий-техникавий ва мудофаа қудратини ғайриқонуний тажовузулардан ҳимоя қилишни амалга оширади. ЎЗР Миллий хавфсизлик хизмати ЎЗР ҳокимият ва бошқарув органларининг ишлашини ноўсталик қайфиятидаги давлатлар ва Конс.га қарши ички тузилмалар махсус хизматларининг разведка-кўпоровчилик ва б. хил жиноий тажовузуларидан самарали ҳимоя қилиш учун жавобгардир ва ЎЗР Президенти ҳамда Олий Мажлиси Сенати олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб туради.

ДАВЛАТ ХАЗИНА МАЖБУРИЯТЛАРИ – давлат қимматли қоғозларининг аҳоли ва юридик шахслар орасида ихтиёрий асосда жойлаштириладиган, пул маблағларининг эгалари ушбу қимматбаҳо қоғозларни бюджетга қўшганлигини тасдиқловчи ва уларга эгалик қилиш вақти давомида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берувчи тури. Мақсад – бюджетни бажаришни оптималлаштириш ва инфляция суръатини пасайтиришдан иборат.

Д.х.м. ҳужжатсиз шаклда ваколатли банк ҳисобварақларидаги ёзувлар кўринишида чиқарилади ва муомалага кирилади. Уларни тўлаш муддати, фоиз ставкаси ва номинал киймати ҳар бир серияни чиқариш чоғида белгиланади.

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ – давлатнинг молиявий харажатлари бўлиб, давлатнинг ўз функцияларини бажариши б-н боғлиқ бўлган эҳтиёжларини кондириш учун марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини тақсимлаш ҳамда улардан узлуксиз равишда фойдаланиш бўйича ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинган иқтисодий муносабатлар. Д.х. давлат бюджетида, шунингдек вазирликлар, қўмиталар, корхона ва ташкилотларнинг молиявий режаларида ва сметаларида назарда тутилади. Бюджетларни тайёрлашда марказлашган ва марказлашмаган пул жамғармаларининг ўзаро нисбати белгиланади. Д.х.нинг ҳажми давлат даромадларидан, иқтисодий кўрсаткичлардан, биринчи навбатда миллий даромадни ташкил этишдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТИ – маъмурий ҳуқуқнинг марказий инс.ларидан бири, давлат органлари ваколатларининг бажарилишини таъминлаш бўйича касбий фаолият. Д.х. – бу давлат ташкилотлари (орган, муассаса) хизматчиларининг давлат функциялари ва вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнат фаолияти. Д.х.нинг мазмуни шахс эгаллаб турган мансаб (лавозим) орқали белгиланади. Д.х. ҳуқуқий инс.и (ҳуқуқий нормалар мажмуаси) комплекс ҳисобланиб, у маъмурий, меҳнат, молия, фуқаролик ва б. ҳуқуқ соҳаларининг нормаларини ўз ичига олади. Д.х. сиёсий маънода: давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият; давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча ишлаб чиқарилган сиёсий кучлар орқали эришиш; жамиятдаги мувозанатнинг асосий кўринишидир. Ҳуқуқий маънода эса, давлат-хизмат муносабатларини ҳуқуқий ўрнатиш; мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат органларининг компетенцияси бажарилишини таъминлашни англатади.

Д.х.ни ташкил этиш ва амалга ошириш, давлат хизматчисининг юридик статусини белгилаш Д.х. ва меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларига асосан белгиланади.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ – давлат хизмати лавозими мажбуриятларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланадиган пул мукофоти эвазига ЎзР қонунларида белгиланган тартибда бажарадиган фуқаро. Д.х. бошқалардан, яъни ишчилардан, деҳқонлардан, жамоат бирлашмалари ходимларидан фарқ қилади, жумладан, Д.х. маълум бир мансабни эгаллаб туради. Давлат Д.х.ларининг ҳуқуқий ҳолатини, яъни бажарадиган ишининг характерини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, Д.х.ларини рағбатлантириш ва жавобгарликка тортиш тартибини ва б. ҳолатларни белгилаб беради.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ – ушбу принцип Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг 1997 й.ги Яқунловчи ҳужжатига таърифлаб берилган: “Иштирокчи давлатлар бир-бирларига тегишли, шунингдек Европадаги барча давлатлар чегараларини бузилмас деб ҳисоблайдилар ва шунинг учун улар ҳозир ва келажакда ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовуз қилишдан ўзларини тиядилар”. Ушбу принципни тан олиш ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечишни ҳам

англади. Чегаралар дахлсизлиги ва бузилмаслиги принципининг асосий мазмунини қуйидаги уч элемент б-н ифодалаш мумкин:

биринчидан, мавжуд чегараларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда юридик белгиланган деб тан олиш;

иккинчидан, ҳозирда ва келажакда ҳар қандай ҳудудий талаблардан воз кечиш;

учинчидан, ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай бошқа тажовузлардан воз кечиш.

Ушбу принципга мувофиқ давлатлар умумий чегараларнинг, шунингдек бошқа давлатларга тегишли чегараларнинг бузилмаслигини тан оладилар. Улар ҳар қандай давлат ҳудудининг маълум бир қисми ёки унинг бутун ҳудудини босиб олишга қаратилган ҳар қандай талаб ва ҳаракатлардан ўзларини тийиш мажбуриятини оладилар.

ЎзР Конс.сининг 3-м.сига мувофиқ, Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ – давлатлар ҳудудини бир-бирдан ажратиб турувчи, ер ва сув устидан ўтувчи чизиқлар. Д.ч. муайян давлатнинг ҳудудлари низоҳатини аниқ белгилаб беради. Д.ч. дахлсиз ва уларнинг бузилиши давлат суверенитетининг бузилиши ҳисобланади. Ҳар бир давлат ўз чегаралари хавфсизлиги ва бузилмаслигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш ҳуқуқига эга.

ЎзР Конс.сининг 3-м.сига кўра, Ўзбекистоннинг Д.ч. ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ ЎзРнинг Д.ч. – ЎзР ҳудуди доирасини (куруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқдан ва бу чизиқ бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳдан иборат.

Д.ч.да қонун орқали давлат томонидан ўрнатиловчи ёки чегарадош давлат б-н келишган ҳолда ўрнатиловчи махсус чегара тартиби мавжуд. Қўшни давлатлар б-н чегаралар шартнома ва қонун асосида белгиланади. Д.ч.ни зўрлик б-н ўзгартириш халқаро ҳуқуқ томонидан тақиқланган. Ўтиш жойига кўра Д.ч. куруқлик, сув (денгиз, дарё, кўл), ҳаво, куруқлик ва сув ости чегараларига бўлинади. ЎзР Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон б-н куруқликда, Афғонистон б-н сувда (Амударё орқали) чегарадош. Д.ч. давлатнинг куруқликдаги ва сув ҳудудидаги, ҳаво кенгликларидagi ва ер остидаги суверенитети чегарасини белгилайди. Д.ч. куруқликдаги, дарё ва кўллардаги ҳамда денгиздаги чегараларга бўлинади. Куруқликдаги чегаралар деганда, жой рельефидаги ўзига хос нуқталар (мас., тоғ чўққилари) ёки жўғрофий координатларнинг муайян нуқталари орқали, шунингдек параллеллар ва меридианлар орқали ўтадиган чизиқлар тушунилади. Дарёдаги Д.ч. дарёлар бўйича ўтади, буида агар халқаро шартномаларда бошқача қонда белгиланмаган бўлса, кўпинча кема қатнайдиған дарёлардан асосий фарватернинг ўртасидан ёки дарёнинг тальвегасидан (энг чуқур жойлари чизиғидан), кемалар қатнамайдиган дарёлар (сойлар)да эса, уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ирмоғи ўртасидан ўтувчи чизиқ чегара ҳисобланади. Кўлларда ва б. сув ҳавзаларида Д.ч. кўл ёки бошқа сув хавзаси қирғоқларига чиқадиган жойларини туташтирувчи тўғри чизиқ орқали ўтади. Агарда кўл чўзиқ шаклга эга бўлиб, қарама-қарши қирғоқлари қўшни давлатларга тегишли бўлса, бу

чегара медиана бўйича ўтказилиши мумкин. Агар чегарадош давлатлар бошқача шартлашмаган бўлсалар, дарё (сой), кўл ёки бошқа сув хавзаси бўйича ўтадиган Д.ч. уларнинг қирғоқлари ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё (сой) ўзани у ёки бу томонга қўчганда ҳам ўзгармайди. Агар давлатнинг ҳудудий сув хавзаси бошқа давлатларнинг худди шундай сув хавзалари б-н туташмаган бўлса, ушбу давлатнинг денгиз чегараларини ҳар бир давлат ўз ҳудудий сув хавзаларининг ташқи чегараси бўйича мустақил равишда ўрнатади. Агар икки ёки ундан ортиқ давлатларнинг ҳудудий сув хавзалари туташ бўлса, улар ўртасидаги чегара чизиги битим асосида белгиланади.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ РЕЖИМИ – давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни асраш устидан назорат қилиш, давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши, чегара орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш, шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш, давлат чегарасида ёки унинг яқинида хўжалик фаолияти ва б. фаолият юритиш тартибини белгиловчи қоидалар мажмуи. Д.ч.р.: давлат чегарасини жиҳозлаш ва уни асраш устидан назорат қилиш; давлат чегарасининг шахслар ва транспорт воситалари томонидан кесиб ўтилиши; давлат чегараси орқали товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни олиб ўтиш; давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш; давлат чегарасида ёки унинг яқинида хўжалик фаолияти ва б. фаолият юритиш тартибини белгиловчи қоидалар. Д.ч.р. миллий қонун ҳужжатлари ҳамда ЎзРнинг халқаро шартномалари б-н белгиланади.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИНИ ҚЎРИҚЛАШ ОРГАНЛАРИ – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзРда давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ваколатига эга бўлган органларнинг тизими белгилашган. Мазкур Қонунга кўра, ЎзР ВМ, ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати, ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги, ЎзР Мудофаа вазирлиги, ЎзР ИИБ, ЎзР Давлат божхона кўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги ваколатларга эга бўлган органлар ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 29-м.сига кўра, ЎзР Миллий хавфсизлик хизмати давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди; давлат чегараси ҳимоя қилиниши ва қўриқланишини таъминлайди; чегара қўшинларини бошқаришни амалга оширади; давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб туради; давлат чегараси хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида белгилашган тартибда ахборот тақдим этади; разведка, қонтрразведка ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширади; белгиланган тартибда контрабандага қарши кураш чораларини ишлаб чиқади ва амалга оширади; давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасида бошқа давлатларнинг тегишли чегара идоралари, халқаро ташкилот-

лар б-н ҳамкорликни амалга оширади; давлат чегараси чизигини белгилашда иштирок этади; ЎзР давлат бюджетининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқлашга доир қисмини шакллантириш юзасидан тақлифларни ЎзР ВМ муҳокамасига киритади; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

ДАВЛАТ ШАКЛИ – конституциявий ҳуқуқ назариясида давлатнинг олий органларини ташкил этиш усули, давлат ҳокимиятининг ҳудудий тузилиши ва бу ҳокимиятни амалга ошириш усуллари. Д.ш. уч таркибий қисм: бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий идора усулидан иборат. Аниқроқ айтганда, бошқарув шакли, яъни давлат ҳокимияти ва бошқарувни тузиш ҳамда ташкил этишнинг муайян тартиби; давлат тузилиши шакли, яъни давлатнинг ҳудудий тузилиши, марказий, минтақавий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг ўзаро муносабатлари муайян тартиби; сиёсий (давлат) идора усули, яъни сиёсий давлат (ҳокимияти)ни амалга ошириш усул ва методларидир.

Д.ш. давлат моҳияти ва мазмунининг бевосита ифодачиси ва тарқатувчисидир. Давлатнинг моҳияти ва мазмуни (вазифалари) қандай бўлса, унинг шакли ҳам пировард натижада шундай бўлади. Давлатнинг моҳияти у қайси табақалар, гуруҳлар, синфларнинг хоҳиш-иродаси ва манфаатларини ҳимоя қилишида намоён бўлади. Давлатни мазмун нуқтаи назаридан кўриб чиқиш у қайси йўналишларда ва қандай фаолият кўрсатишини аниқлашни аниқлатади. Давлатни шакл нуқтаи назаридан ўрганиш, авваламбор, унинг тузилишини, асосий таркибий қисмларини, ички тузилмасини, давлат ҳокимиятини ўрнатиш ва уни амалга оширишнинг асосий усулларини ўрганиш демакдир.

Д.ш., унинг моҳияти ва мазмуни сингари, ҳеч қачон турғун бўлиб қолмаган, балки қўллаб-қўлловчи, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ва б. омиллар таъсирида ҳамшиша ўзгариб, ривожланиб борган. Улар ҳақидаги тасаввур ҳам муттасил ўзгариб турган. Буни Д.ш.нинг ривожланиши тарихи мобайнида мазкур масала юзасидан билиндирилган турли-туман фикрлар, қарашлар (мас., Афлотун, Арасту фикр-қарашлари) ҳам тасдиқлайди.

ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК НАЗОРАТИ – қ.: *Экологик назорат.*

ДАВЛАТ ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАСИ – ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси органлари томонидан амалга ошириладиган экологик экспертиза. Д.э.э.: прогноз қилинаётган, мўлжалланаётган ёки амалга ошириляётган хўжалик ва б. хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини; атроф муҳитнинг ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига зарар кўрсатиши мумкин бўлган ёки зарарли таъсир кўрсатиши мўлжалланаётган ва амалга ошириляётган хўжалик ҳамда бошқа хил фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутиляётган тадбирларнинг етарлиги ва асослигини аниқлаш учун ўтказилади. Яна қ.: *Экологик экспертиза.*

ДАВЛАТ ЭНЕРГЕТИКА НАЗОРАТИ – қ.: *Энергетика назорати.*

ДАВЛАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ТОВАРЛАР ЕТ-КАЗИБ БЕРИШ – Д.э.у.т.е.б. бўйича давлат контракт асосида, шунингдек унинг асосида тузиладиган Д.э.у.т.е.б.

шартномаларига мувофиқ амалга оширилади. Қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган, давлат бюджети ва молиялашнинг бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига таъминланадиган ЎзРнинг эҳтиёжлари давлат эҳтиёжлари дейилади. Д.э.у.т.е.б. борасидаги муносабатларга ЎзР ФК 437–456-м.ларининг қоидалари ҳам татбиқ этилади. ЎзР ФК б-н тартибга солинмаган муносабатларга нисбатан Д.э.у.т.е.б.ни тартибга соладиган бошқа қонуни ҳужжатлари татбиқ этилади. ЎзР ФКнинг 458-м.сига мувофиқ, Д.э.у.т.е.б. юзасидан давлат контракти бўйича махсулот етказиб берувчи (ижрочи) давлат буюртмачисига ёки унинг кўрсатмасига биноан махсулот етказиб бериш шартномаси асосида бошқа шахсга шартлашилган муддатда товарлар етказиб беришни, давлат буюртмачиси эса, етказиб берилган товарлар ҳақи белгиланган муддатда тўлашини таъминлашни ўз зиммасига олади.

ЎзР ФКнинг 459-м.сига асосан, Д.э.у.т.е.б. юзасидан давлат контракти давлат буюртмачисининг махсулот етказиб берувчи (ижрочи) қабул қилган Д.э.у.т.е.б. тўғрисидаги буюртмаси асосида тузилади. Берган буюртмаси махсулот етказиб берувчи (ижрочи) томонидан қабул қилинган давлат буюртмачиси учун Д.э.у.т.е.б. юзасидан давлат контракти тузиш шарт ҳисобланади. Д.э.у.т.е.б. шартномаси бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узук муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувидан назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин. Д.э.у.т.е.б. шартномасида унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади. Агар узук муддатли Д.э.у.т.е.б. лозим бўлган товарлар миқдори ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгиланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларини шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгиланиши лозим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома тегишинча бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади. Д.э.у.т.е.б. юзасидан давлат контрактини тузиш қонуни ҳужжатларида белгиланган ҳоллардагина ва давлат контрактини бажариш туфайли махсулот етказиб берувчи (ижрочи) кўриши мумкин бўлган барча зарарни давлат буюртмачиси қоплаган тақдирдагина махсулот етказиб берувчи (ижрочи) учун мажбурий ҳисобланади. Агар Д.э.у.т.е.б. тўғрисидаги буюртма танлов бўйича жойлаштирилса, танлов қолиби деб эълон қилинган махсулот етказиб берувчи (ижрочи) б-н давлат контрактини тузиш давлат буюртмачиси учун мажбурий ҳисобланади.

ЎзР ФКнинг 460-м.сига қўра, агар тарафлар келишувидан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат контракти лойиҳаси давлат буюртмачиси томонидан ишлаб чиқилади ва махсулот етказиб берувчи (ижрочи)га юборилади. Давлат контракти лойиҳасини олган тараф кечи б-н ўттиз кунлик муддатда уни имзолайди ва давлат контрактининг бир нусхасини бошқа тарафга қайтаради, давлат контракти шартлари юзасидан келишмовчиликлар мавжуд бўлса, худди шу муддатда келишмовчиликлар баённомасини тузади ва уни имзоланган давлат контракти б-н бошқа тарафга юборади ёки унга давлат контрактини тузишдан бош тортишини маълум қилади. Давлат контракти б-н келишмовчиликлар баённомасини олган тараф ўттиз

кун ичида келишмовчиликларни кўриб чиқиши, контракт шартларини бошқа тараф б-н мувофиқлаштириш чораларини кўриши ва унга давлат контрактини келишилган таҳрирда қабул қилиши ёки келишмовчиликлар баённомасини рад этиши ҳақида хабар бериши лозим. Бу муддат тугагач, манфаатдор тараф хал қилинмаган барча келишмовчиликларни ўттиз кунлик муддатда суд муҳокамасига топшириши мумкин. Давлат контракти Д.э.у.т.е.б. тўғрисидаги буюртмани жойлаштириш танлови натижалари бўйича тузиладиган ҳолларда давлат контракти танлов ўтказилган санадан бошлаб ўттиз кун ичида тузилиши лозим. Агар давлат контрактини тузиши мажбурий бўлган тараф уни тузишдан бош тортса, иккинчи тараф бошқа тарафни давлат контрактини тузишга мажбур қилиш тўғрисидаги талаб б-н судга мурожаат қилишга ҳақли.

ДАВЛАТ ЮРИСДИКЦИЯСИ – муайян давлат суд ва маъмурий органларининг ишларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва хал қилиш ҳуқуқлари. Халқаро ҳуқуқда ҳудудий ва шахсий (миллий) юрисдикция турлари мавжуд. Ҳудудий юрисдикцияда давлатлар юрисдикцияси белгиланган ҳудуд чегарасида амалга оширилиши тушунилади. Давлатлар ўз ҳудудида тўлиқ юрисдикцияни амалга оширишга ҳақли, агар бунда халқаро шартнома ва келишувларда бошқа ҳолатлар белгиланмаган бўлса. Чекланган мақсадли юрисдикция давлатлар томонидан унинг зоналарида амалга оширилади, мас., очик денгизда, Антарктидада ва х.к., миллий қонуларда назарда тутилган ҳолларда давлатлар юрисдикцияси шу давлатнинг чет элдаги фуқароларига ҳам қўлланилади, агар бошқа ҳолатлар халқаро келишув ва шартномада белгиланмаган бўлса. У ёки бу юрисдикцияни қўллаш ҳусусида рақобатли юрисдикциялар мавжуд ҳолатларда у ёки бу давлатнинг юрисдикциясини қўллаш тўғрисидаги масала халқаро шартнома ёки халқаро-ҳуқуқий одатларга қўра хал этилади.

Д.ю. давлат фуқароларига нисбатан улар хорижий давлат ҳудудида бўлганларида ҳам тегишли бўлиши мумкин. Аммо агар халқаро битимда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ушбу юрисдикция фақат ўз давлати ҳудудида амалга оширилиши мумкин. Рақобатчи юрисдикциялар мавжуд бўлган ҳолларда у ёки бу давлатнинг юрисдикциясини қўллаш ҳақидаги масала тегишли халқаро ҳужжатлар ёки халқаро ҳуқуқий одатлар асосида хал этилади.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ – давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган ЎзР мажбуриятларининг йиғиндиси (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.с.).

Д.к. – давлатнинг аҳоли, ташкилот, банклар, хорижий молия-кредит муассасалари олдидан қарз мажбуриятлари. Давлат ўз даромадлари б-н харажатларни қоплай олмай қолганда бюджет тақчиллиги пайдо бўлади ва у қарз кўтариш йўли б-н қопланади. Д.к.ни турли қимматли қоғозлар, облигациялар, заёмлар чиқариб сотиш, молия муассасасидан ссуда олиш ва б. усуллар б-н олади. Д.к.нинг тўлов даврига қўра қисқа муддатли ва узук муддатли, таркибига қўра ички қарз ва ташқи қарз каби турлари бор. Ички қарз ва унинг фонзлари миллий пулда, ташқи қарз ва унинг фонзлари эса эркин алмаштириладиган валютада тўланади. Д.к.нинг даражаси, яъни қарз юки қарз ва унинг фонз суммаси йиғиндисини давлат бюджети сум-

масига нисбати б-н ўлчагани, яъни тўлов мажбурияти бюджетнинг қанча қисмига тенг эканлиги б-н белгиланади. Д.к.нинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши иқтисодий-ни издан чиқаради, халқ турмуши даражасини пасайтиради, мамлакатдаги иқтисодий фаолликни сусайтиради. Ташқи қарзнинг кўпайиб кетиши миллий мустақилликка таҳдид солади, ундан қутилиши учун миллий иқтисодиётни юксалтиришга кетадиган инвестицияни қисқартириш ва ҳатто миллий бойликнинг бир қисмини хорижга сотишга ҳам тўғри келади. Вақтида тўланмаган ташқи қарзга кўшимча фойз тўланади, ундириладиган фойз қарзга кўшилиб, унинг миқдори янада ошади.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 40-м.си га мувофиқ, ЎзР Олий Мажлиси келгуси молия йили учун Давлат бюджетни қабул қилаётганда давлат ички ва ташқи қарзнинг энг юқори миқдорларини тасдиқлайди. Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишга ҳамда давлат қарзи кўпайишига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар ЎзР ВМ ёки у ваколат берган орган томонидан амалга оширилади. Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш: 1) иқтисодийetni ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шу жумладан давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш; 2) Давлат бюджети даромадлари б-н харажатлари ўртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички тафовутни тўғрилади; 3) мавжуд қарзни қайта молиялаштириш; 4) бюджет тақчиллигини молиялаштириш; 5) табиий офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш мақсадида амалга оширилиши мумкин. Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишда қарз мажбуриятларининг қуйидаги турларидан фойдаланиш мумкин: 1) қисқа муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга чиқариладиган) ва узоқ муддатли (беш йилдан ортиқ даврга чиқариладиган) давлат қимматли қоғозлари; 2) кредитлар (қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли); 3) ЎзРнинг кафолатлари; 4) бюджет даромадлари б-н харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар; 5) қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа турлар.

ЎзР Молия вазирлиги давлат томонидан амалга оширилган барча маблағ жалб қилишлар тўғрисида ЎзР Марказий банкка ахборот тақдим этади. Давлат томонидан маблағ жалб қилишда ЎзР ВМ ёки у ваколат берган орган Д.к.га хизмат кўрсатувчи ва давлат томонидан маблағ жалб қилиш бўйича ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўғри юритилиши устидан назоратни амалга оширувчи агент вазифасини бажаришлари юзасидан банклар, молия ташкилотлари б-н шартномалар тузиши мумкин.

ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ – ЎзРнинг газна мажбуриятлари ва ЎзР ВМ ваколат берган орган томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек ЎзР Марказий банкнинг облигациялари (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ДАВЛАТ ҚУРИЛИШИ – конституциявий ҳуқуқ нормалари б-н ўрнатиладиган ва мустақамланадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий муносабатлар тизими. Д.к. давлатни ташкил этишнинг принципларини, унинг

шакли, сиёсий режими ва б. элементларни ўз ичига олади. Ҳозирги замон Д.к.да умуминсоний қадриятлар ва принципларнинг тан олиниши, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги, ҳусусий мулк ва тадбиркорликнинг эркинлиги, бошқаруving демократик шакллари, ўзини ўзи бошқариш ва х.к. мустақамланади.

ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ – умумдавлат бошқарув вазифаларини бажарадиган соҳалараро давлат бошқаруви марказий органлари. Д.к. тегишли тармоқ муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Д.к. тегишли тармоқдаги ахвол учун масъул ҳисобланади.

ЎзР Президентининг 2003 й. 9 декабрдаги ПФ-3358-сон “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонига асосан давлат қўмитаси республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Мазкур Фармонга асосан республикамизда қуйидаги давлат қўмиталари мавжуд: ЎзР Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси; ЎзР Давлат статистика қўмитаси; ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси; ЎзР Давлат солиқ қўмитаси; ЎзР Давлат божхона қўмитаси; ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси; ЎзР Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси; ЎзР Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси; ЎзР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси.

ДАВЛАТ ҚЎРИҚҲОНАСИ – алоҳида илмий ёки маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган ноёб ва қимматбаҳо хайвонлар ҳамда ўсимликлар жойлашган ноёб табиий мажмуалар. Шу нуқтаи назардан қараганда Д.к.ларининг ер участкалари ўзида алоҳида режимдаги ердан фойдаланишни ифода этади. Д.к. ўз олдига оддий ва ноёб табиий мажмуалар, ўсимлик ва хайвонларнинг ирсий фондларини сақлаб қолиш ва ўрганиш, табиий жараёнлар ва ҳодисалар ўзгариши устидан мониторинг ўтказиш мақсадини амалга ошириш учун ажратилган ер участкасидаги табиатни муҳофаза этувчи илмий тадқиқот муассасасидир. Ўсимлик ва хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш ва кўпайтиришда Д.к.ларининг роли алоҳида аҳамиятга эга. Мамлакатимизда алоҳида қўриқланадиган ўн битта табиий-ҳудудий объект, шу жумладан, 9 та қўриқхона: Чотқол тоғ-ўрмон, Пайғамбар-орол, Қизилқум, Бодай тўқай, Нурота, Зарафшон, Ҳисор, Варганза, Кўхитантоғ, Китоб қўриқхоналаридир. Д.к. ерлари ҳуқуқий ҳолатидаги ўзига хос асосий хусусият ушбу ерларнинг тўлалигича ҳўжалик оборотидан олиб қўйилганлиги ҳисобланади. Д.к.нинг ўзи ҳам табиий ресурсларни ишлатиш, табиатнинг табиий ҳолатини бузувчи, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришдан бошқа ҳаракатларни содир қилиш ҳуқуқига эга эмас.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ (инг. state power) – давлат, унинг тузилмаларининг айрим индивидлар, кишилар гуруҳлари ёки бутун жамият ҳулқ-атворини давлатнинг умумий хоҳиш-иродасига қонуний воситалар ёрдамида бўйсундиришга қодир бўлган бунёдкор қуч. Д.х. салоҳиятчилигининг қўлланилиши давлат фаолияти объектларига давлатнинг таъсирини таъминловчи воситалар мажмуини ифодаловчи “давлат ҳокимияти манбалари” тушунчаси б-н тавсифланади. Д.х. ҳокимиятнинг бошқа турларидан давлат-

ни, давлат иродасини рўёбга чиқариш аппаратини бошқарувчи кишилар гуруҳининг мавжудлиги б-н ажралиб туради. Хукмронлик, раҳбарлик, бошқарув, ташкил этиш, назорат қилиш – Д.х.ни амалга ошириш шакллари дидир.

Д.х. – бу давлат-ҳокимий ваколатга эга бўлган давлат органлари ва инс.лари томонидан жамият ишларига ташкилий раҳбарликни амалга оширишга қаратилган, сиёсий-ижтимоий характерга эга бўлган ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури. Д.х.нинг моҳияти давлатнинг мажбурий кучга эга бўлган, давлатнинг авторитети, ташкилий чоралар, зарур ҳолларда мажбурлов чоралари б-н таъминланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишда ифодаланган.

Д.х.нинг асосий хусусиятлари:

Д.х. асосланадиган куч – бу давлатдир, бундай таъсир воситаси бошқа биронта ҳокимият турида йўқ;

хар қандай ҳокимият кенг маънода оммавий бўлса-да, Д.х.нинг оммавий тусга эгаллиги ўзига хос бўлиб, у оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг ташкилоти ҳисобланади;

Д.х. суверендир, яъни давлат ичида мустақил, ташқирисида – устувордир;

Д.х. универсалдир, у ўз ҳокимиятини мамлакатнинг бутун худудига ва барча аҳолисига тарқатади;

Д.х. барча учун умуммажбурий бўлган хатти-ҳаракат қодалари – юридик нормаларни ишлаб чиқиб мутлақ ҳуқуқига эга;

Д.х. вақт микёсида доимо ва узлуксиз ҳаракатда бўлади.

Д.х.нинг давлатгача бўлган уруф-жамоа тузумидан фарқлари:

1) ибтидоий жамиятдаги ижтимоий ҳокимият уруф, қабила ва фратриялар манфаатини ифодалаган бўлса, Д.х.да бутун жамият манфаатини, иродасини ифодалайди;

2) ибтидоий жамоа тузумида ижтимоий ҳокимият алоҳида махсус аппарат, махсус инсонлар гуруҳи томонидан амалга оширилмаган, у жамият б-н қўшилиб кетган, Д.х. эса махсус бошқарув ва мажбурлов аппарати томонидан амалга оширилади;

3) жамоатчилик фикри ва кучи б-н ижтимоий нормаларнинг ижроси таъминланган ибтидоий жамоа тузумидан фарқ қилган ҳолда Д.х.да ҳуқуқ нормалари давлатнинг мажбурлов кучи орқали таъминланади;

4) Д.х. оммавий-сиёсий ҳокимиятнинг амал қилишини таъминлаш мақсадида мажбурий солиқ ва йиғимларни жорий этади. Ибтидоий жамоа тузумида солиқ ва йиғимлар бўлмаган;

5) ибтидоий жамоа тузумида одамлар кон-қариндошликка асосланиб уруф, қабилаларга бирлашган, Д.х.да эса, аҳоли худудий белгига асосланган ҳолда давлатга бирлашади;

6) ибтидоий жамоа тузумида ижтимоий нормалар оғзаки шаклда амал қилган бўлса, Д.х. ёзма шаклдаги нормалар асосида фаолият олиб боради.

Д.х. сиёсий характерга эга ва жамиятдаги мавжуд барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг умумий иродасини ўзида ифода этади. Д.х.нинг бирдан-бир манбаи халқдир. Д.х. ҳокимиятлар бўлиниши назариясига кўра қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади.

ЎзР Конс.сининг 7-м.сига кўра халқ Д.х.нинг бирдан бир манбаидир. ЎзРда Д.х. халқ манфаатларини кўзлаб ва ЎзР Конс.си ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонун-

лар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конс.да назарда тутилмаган тартибда Д.х. ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конс.га хилоф ҳисобланади ва қонунга бигона жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Қонунийлик ва ягоналик каби хусусиятлар Д.х.нинг табиатини тавсифлайди. Д.х.нинг қонунийлиги фуқаролик жамиятининг асосий қисми ўз мамлакати ва жаҳон ҳам-жамияти томонидан ушбу ҳокимиятнинг қонунга мувофиқлиги ёки конституциявийлиги тан олинганлиги (расмий даражада тасдиқланганлиги, шундай идрок этилиши)ни англатади. Д.х.нинг ягоналиги – бу унинг бутун давлат худудига исбатан тўла татбиқ этилишидир. Хар қандай ҳокимият, айниқса, Д.х. амалга ошириш механизмларига эга бўлиши лозим. Д.х.нинг мустақил тармоқларга, яъни қонул чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниш принципи шундай механизмлардан биридир. Ҳокимиятнинг бундай тузилишида бир тармоқ иккинчисини нафақат ўзбошимчалик б-н иш кўришдан тийиб туради, балки уни ўз ваколатларини халқ манфаатлари йўлида самарали ва оқилона амалга оширишга ҳам рағбатлантиради. Қонун чиқарувчи ҳокимият халқ мандатида кўра бевосита иш кўриб, унинг манфаатлари йўлида қонунлар қабул қилади. Бу қонунлар ижросини таъминлаш ҳукуматнинг ва унга бўйсунувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи тармоғининг конституциявий бурчи ҳисобланади. Суд ҳокимияти барча ҳокимият тузилмалари ҳаракатларининг конституциявийлигини қафолатлайди.

Д.х.нинг ўзига хос хусусияти шундаки, у давлат сиёсатининг мақсад ва вазифаларига эришиш учун, агар бошқа воситалар бундай мақсадга эришиш имконини бермаса, мажбурлов чораларини қўллаши мумкин. Бунда Д.х. қонуний мажбурловни (ҳуқуққа мувофиқ мажбурловни) амалга ошириш монополиясига эга бўлади. Ҳокимиятни амалга ошириш фақат ҳуқуққагина асосланиши лозим. Д.х.нинг ҳуқуқ б-н боғланганлиги – бу ҳокимият намоён бўлишининг мумкин бўлган бирдан-бир шаклидир. Акс ҳолда ҳокимият ноқонституциявий ва нодавлат хусусият касб этади.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНИ – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширишга ваколат берилган орган.

Д.х.о.га давлат-ҳокимият ваколатлари берилади, у белгиланган тартибда тузилади ва фаолият кўрсатади, Д.х.о.ларининг ягона тизимида ўз ўрнини эгаллайди.

ЎзР Конс.сининг 78-м.сига асосан ЎзР қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш ЎзР Олий Мажлиси КП ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари сирасига қиради. ЎзР Конс.сининг 89-м.сига кўра ЎзРнинг Президенти давлат бошлиғидир ва Д.х.о.нинг қелишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БЎЛИНИШИ – демократик ҳуқуқий давлатнинг ҳокимиятни ташкил этиш негизида турувчи конституциявий принцип; сиёсий-ҳуқуқий назария. Ҳокимиятнинг барқарорлиги тегишли ташкилий принципни талаб қилади. Бундай ташкил этиш-

нинг муҳим воситаси илҳомият тарихий тараққиёти давомида ишлаб чиқилган. Давлат ҳокимиятини уч тармоққа – қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд тармоқларига аниқ тақсимланишида, шунингдек ҳокимият тармоқларидан бири қолганлари устидан давлат ҳокимиятини амалга оширмаслиги учун чеклаш ва мувозанатлаш тизими орқали тартибга солинганлигида ифодаланувчи Д.х.б. принципи шундай восита ҳисобланади.

ЎзР Конс.сининг 11-м.сига мувофиқ, ЎзР давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи асосланади.

Шу ўринда Д.х.б. назарияси негизини ташкил этувчи барқарор, универсал қоидалари орасида қуйидагиларни алоҳида ажратиш кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

1) ҳар қайси демократик мамлакатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ягона давлат механизми б-н нафақат ўзаро узвий боғлиқ, балки пуббатан мустақил ҳамдир;

2) қонунчилик, ижрочилик ва судлов вазифаларини бажарувчи олий давлат органлари ўртасида ҳокимиятнинг ўзига хос демократик баланси, яъни мувозанати мавжуд бўлади ҳамда чеклаш ва мувозанатлаш тизими амал қилади;

3) давлат ҳокимиятининг ҳар учала тармоғи, одатда, доимий ҳуқуқий асосда фаолият олиб боради.

Д.х.б. назариясининг умумий қоидалари орасида қонун чиқарувчи ҳокимият устунлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз. Бу устунлик доимо сақланиши лозим. Аммо бу ўринда жуда эҳтиёт бўлиш керак, яъни бутун давлат ҳокимияти қонун чиқарувчилар томонидан эгалланиши бошқарувнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан эгалланиши каби зўравошиққа олиб келиши мумкинлигини унутмаслик даркор.

Ҳозирги пайтда Д.х.б. назариясини субсидиарлик ғояси б-н боғлаш ҳодисаси кузатилаётганда. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши назарияси анъанавий президентлик республикаси шароитларида катъий амал қилинишини кўрсатса-да, лекин у ёки бу даражада демократик ҳисобланувчи барча давлатлар томонидан тан олинган. Бироқ, агар анъанавий президентлик республикалари унчалик кўп эмаслигини инобатга олса, мукамал тарздаги ҳокимият бўлиниши ҳодисаси ҳам унчалик кўп учрамайди.

Агар субсидиарлик принципни ўзаро тенг муносабатлар нуқтаи назаридан кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги ҳулосаларга келиш мумкин: 1) давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлган бошқа субъектлар фаолиятига аралашинишига йўл қўйилмайди; 2) "ўз" даражасидаги давлат ҳокимияти бошқа субъектларнинг фаолиятини назорат қилиши мумкин бўлмайди; 3) бир даражадаги субъектлар бир-бирларига ёрдам бериши ва қўллаб-қувватлаш лозим бўлади.

Таъкидлаш лозимки, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи тармоғи жамият ва давлатда инсон эркинлиги чегарасини белгиловчи ҳуқуқий нормалар, умумий қоидаларни расмий равишда белгилайди. Ижро этувчи ҳокимият давлатнинг мажбурлов қучини амалга оширади. Бу – зўравошлик ишлатишга қадар ташкилий мажбурловни қўллаш имконияти мавжуд бўлган органлар тизими. Бироқ бу ва-

колатлар ҳуқуққа хилоф бўлмаслиги керак, яъни эркинлик, ҳавфсизлик, мулкчиликни таъминлаш мақсадида қонун орқали мустаҳкамланиши лозим. Суд ҳокимияти ҳуқуқ бўйича пизоларни ҳал қилади, муайян субъектлар учун муайян ҳолатларда ҳуқуқ (ҳуқуқ ва мажбурият) белгилайди.

Д.х.б. ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари ўз ваколатлари доирасида мустақиллигини ва бир-бирининг ваколатига аралаша олмаслигини билдиради. Айни чоғда ушбу органлар ваколатлари бир-бирдан тўлиқ мустақил ҳолда ҳаракатлана олмайдиган тарзда белгиланганки, давлат ҳокимияти мустақил уч тармоқ ўзаро муносабати ва ҳамжихатлиги асосида амалга оширилади.

Шундай қилиб, қонун чиқарувчи фаолияти давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва суд тармоқларининг тегишли фаолиятисиз самарасиз бўлади, чунки давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларисиз одил судловни амалга ошириш мумкин эмас. Бундан ташқари, давлат ҳокимияти тармоқлари ўртасидаги муносабатларда уларнинг ваколат доирасидан чиқиб кетмаслигини таъминлашга қаратилган чеклаш ва мувозанатлаш тизими мавжуд бўлади.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ОЛИЙ ОРГАНЛАРИ – совет даври Конс.ларида, яъни СССР, ЎзССР, СССР таркибидаги бошқа иттифоқдош республикалар ва автоном республикаларнинг Конс.ларида қўлланилган тушунча. Ўша пайтда умумий қоидага кўра, давлат ҳокимияти органлари жумласига давлатнинг барча органларини эмас, балки фақат вакиллик органларини, яъни аҳоли томонидан сайланадиган органларни киритганлар. Ўз навбатида, давлат ҳокимияти органларини икки гуруҳга – Д.х.о.о. ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органларига ажратганлар. Конс.лар давлат ҳокимияти олий органлари жумласига СССР Олий Кенгашини, иттифоқдош республика Олий Кенгашини (ЎзССРда – ЎзССР Олий Кенгашини) киритган. Бошқа Кенгашлар (халқ депутатлари ўлка, вил. Кенгашлари, халқ депутатлари автоном вил.лар ва автоном округлар Кенгашлари, халқ депутатлари тум., ш., шаҳарчалардаги тум., посёлка ва қишлоқ Кенгашлари) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари жумласига киритилган.

Д.х.о.о. категориясининг маъноси шундан иборат эдики, бу органлар давлатда устунлик мавқеида туриши лозим бўлган ва улар энг муҳим ваколатларга эга эди. Бундан ташқари, улар тегишли давлатнинг тасарруфига киритилган ҳар қандай масалани ўзи кўриб чиқишга, яъни уни доимий амалга ошириш учун ваколат берилган орган тасарруфидан олиб қўйишга ҳақли эди.

ЎзРнинг амалдаги Конс.си Д.х.о.о. категориясини қўлламайди, негаки ҳокимиятлар бўлиниши концепцияси асосида тузилган бўлиб, давлатда қайсидир органларнинг устунлик мавқеини назарда тутмайди.

ДАВЛАТ ХУДУДИ – қонуний равишда муайян давлат суверенитети остида бўлган ер қуррасининг бир қисми. Д.х. таркибий қисмларига давлат чегараси доирасида жойлашган қуруқлик (материк ёки орол), сув, ер ости ва ҳаво кенгликлари қиради. Давлатнинг қуруқликдаги ерлари унинг чегараси доирасида давлатга тегишли бўлган ерлар (қуруқликлар)дир. Давлатнинг сувли ҳудуди (акваторияси) давлат чегараси доирасида жойлашган дарёлар, қўллар, сув омборлари, каналлар, шунингдек ички денгиз

сувлари (ички денгиз, кўлтиқлар, бўғозлар, бандаргоҳлар ҳамда ҳудудий сув, давлат чегараси қирғоқларини ювиб турган ёки унинг ички сувларидан бевосита ташқарида, улар ортида жойлашган кенгликдаги денгиз сувлари) хавзасидир. Давлат замини давлат чегаралари доирасида унинг куруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари юзасидан пастда жойлашган кенликдир. Ер ости кенлиги, техник жиҳатдан етиш мумкин бўлган чуқурликкача давлатга тегишли бўлади. Ҳаво кенлиги давлатнинг куруқликдаги ва сувдаги ҳудудлари устидаги ҳаводаги кенликдир. Денгиз, ҳаво, космик кемалар мазкур давлат белгиси ёки байроғи остида сузган ёки учган чоғида ҳамда халқаро ҳудудлар доирасида бораётганда бу жойлар шартли равишда давлат ҳудудига тенглаштирилади. Шунингдек, давлатга тегишли бўлган ва халқаро ҳудуд доирасида жойлашган қувур ва б. ҳар қандай иншоот ва ускуналар ҳам шартли равишда давлат ҳудудига тегишли ҳисобланади. Давлатнинг ўз ҳудуди устидан тўла ва истисносиз давлат суверенитети давлатнинг ҳудудий ҳукмронлигини ташкил этади. Ҳудуд ҳар қандай суверен давлат бўлмиш халқаро ҳуқуқ субъектининг энг муҳим элементларидан биридир.

Чегарадош давлатларнинг ҳудудий денгизи, сувлари улар ўртасидаги келишувларга кўра бир-бирдан ажратилади. Д.х.нинг ҳаво чегаралари унинг ҳаво кенлигидаги ён ва юқори сарҳадлардан иборатдир. Ҳаво кенлигининг ён чегараси давлат чегарасининг куруқликдаги ва сувдаги чизиклари бўйлаб ўтайдиган вертикал сатҳидан иборат бўлиб, ҳаво чегараси ҳам доим ушбу чизиклар бўйича ўтиши боис ҳаво ён чегаралари юзасидан ҳеч қандай битим тузилмайди. Ҳаво кенлигини коинот кенлигидан ажратиб турувчи ҳаво ҳудудининг юқори чегараси одатда тахминан 90 – 120 км. баландликни тап олади. Давлатлар ўртасида куруқлик ва сувдаги чегараларини ўрнатиш жараёнидан олдин икки босқич: делимитация ва демаркация амалга оширилади.

Ўз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун давлатлар конун ҳужжатларини чиқариш ва тегишли халқаро шартномалар тузиш йўли б-н маълум чегара режимини ўрнатадилар. Давлат чегараси режимини миллий қонунийлик ва халқаро шартномалар б-н ўрнатилиб, чегарани назорат қилиш, шахслар ва транспорт воситаларини чегарадан ўтгиши, шахслар ва товарларни чегарадан ўтиши, чегарада ҳўжалик ва б. фаолият юритиш, чегарага оид низоларни ҳал қилиш каби қоидаларни ўз ичига олади. Ўз чегараларини кўриқлашнинг зарур тартибининг таъминлаш мақсадида давлатлар чегараолди ҳудудларида чегара ҳудуди режимини ўрнатадилар.

ЎзР Конс.сининг 3-м.сига кўра, ЎзР ўзининг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи БМТ Устави қоидаларини бузган ҳолда ҳудудни куч ишлатиб эгаллаб олишни тақиқлайди.

ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ – қ.: *Конституциявий ҳуқуқ.*

ДАВЛАТГА ХОИНЛИК ҚИЛИШ – моҳиятига кўра сотқинлик ҳаракати. ЎзР фуқароси томонидан жосуслик, чет эл давлатига, чет эл ташкилотига ёки улар-

нинг вакилларига давлат сирларини етказиш ёхуд ЎзРга қарши душманлик фаолияти олиб боришда бошқача ёрдам кўрсатиш йўли б-н Д.х.к. яъни ЎзРнинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, иктисодийётига зарар етказган ҳолда қасддан содир этилган қилмиш учун ЎзР ЖКнинг 157-м.сида жиноий жавобгарлик ўрнатишган. Д.х.к. ЎзР фуқароси ва чет эл давлати ёки ташкилотнинг вакиллари б-н биргалликдаги ЎзРга қарши махсус иштирокчилигини ифода этади. Мазкур ҳолатда асосий хавф ташқаридан, яъни, чет эл давлати ёки чет эл ташкилоти томонидан келиб чиқади, ЎзР фуқароси эса республиканинг ташқи душманларига ёрдам бериб, бу б-н ўз давлатига хонилик қилади ва манфаатларига хиёнат қилади. Бунда чет эл давлати ёки чет эл ташкилоти бўлиб расмий (ҳукумат делегацияларининг аъзолари, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарнинг ходимлари, чет эл махсус хизматларининг ходимлари, чет эл ёки халқаро ноҳукумат делегацияларининг аъзолари ва б.) шахслар, шунингдек уларнинг топширигини бажарувчи бошқа шахслар бўлиши мумкин.

Чет эл давлат ёки ташкилоти томонидан ЎзРга қарши қаратилган давлатга зарар етказувчи фаолиятни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш учун жалб қилинган ЎзРнинг фуқароси ўзининг бундай ҳамкорлиги тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда арыз қилса, унинг фаолияти республика манфаатларига зарар етказмаган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади. Башарти, ЎзР фуқароси, ўз қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига ихтиёрий равишда хабар қилиб, жиноятни очишга фаол ёрдам берган ва бунинг натижасида давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

ДАВЛАТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – давлатнинг харбий ва иктисодий салоҳиятига ҳамда сиёсий манфаатларига зарар етказадиган жиноятлар. ЎзР ЖКда Д.х.ж. ЎзРга қарши жиноятлар қаторига киритилган ва улар қуйидагилардан иборат: давлатга хонилик қилиш (157-м.), ЎзР Президентига тажовуз қилиш (158-м.), ЎзРнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш (159-м.), жосуслик (160-м.), қўпоровчилик (161-м.), давлат сирларини ошкор қилиш (162-м.), давлат сирини ёки харбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш (163-м.).

ДАВЛАТЛАРНИНГ ИЧКИ ИШЛАРИГА АРАЛАШМАСЛИК – қ.: *Аралашмаслик.*

ДАВЛАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИГИ – Д.х.в. масаласини тартибга солувчи асосий халқаро ҳужжат 1983 й. 8 апрелда Венада қабул қилинган Давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясидир. Д.х.в. маълум ҳудуддаги халқаро муносабатлар учун жавобгарликни бир давлатдан иккинчи бирига ўтишига айтилади. Ушбу таъриф собиқ ва меросхўр давлат ўртасидаги муносабатларда юридик аҳамиятга эга бўлган алоқа мавжудлигини, яъни конвенцияларда Д.х.в. (юридик) оқибатлари сифатида тасвирланган ҳуқуқий ворисликни вужудга келтирадиган юридик фактнинг мавжудлигини кўрсатади.

ДАВЛАТНИНГ ЯХЛИТЛИГИ – мамлакат ҳудудининг яхлитлиги кўриқлашшини, унинг муайян бир қисми

(бу ҳам федератив, ҳам унитар давлатларга тааллуқли) бўлинишга ёки чиқиб кетишга (сецессия ҳукуқи) ҳақи йўқлигини аниқлаётган тушунча. Ушбу принцип давлатнинг муҳим хусусиятларида бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Ҳар қандай нормал амал қилиб турган давлат, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳукуқи ҳақида қанча гапирилмасини, барибир, ўзининг маълум бир қисмини ажралиб чиқишига қаршилик кўрсатади, чунки ушбу принцип орқали давлатчилик сақланиб туради. Ушбу принцип айрим мамлакатларнинг Конс.ларида “давлатнинг бирлиги” ёки “давлатнинг бўлинмаслиги” деб ҳам юритилади. Беларусь Республикаси Конс.сининг 9-м.сига мувофиқ, Беларусь ҳудуди ягонадир ва у тартиб олинмайди. Шунингдек, ЎзР Конс.сининг 3-м.сига мувофиқ, Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

ДАВЛАТСИМОН ТУЗИЛМАЛАР (КВАЗИДАВЛАТЛАР) – давлатнинг айрим белгиларига эга бўлган, лекин умумқабул қилинган маънода давлат деб ҳисобланмайдиган халқаро ҳуқуқ субъектларининг махсус тури. Уларга биринчи навбатда “эркин шаҳарлар” киради. Ушбу атама ўзи б-н умумлаштирилган тушунчапи акс эттиради, негаки у нафақат ш.ларга нисбатан, балки муайян ҳудудларга нисбатан ҳам қўлланилади. Айрим мамлакатларда бу турдаги тузилмаларни эркин ш.лар деб, бошқа мамлакатларда эса эркин ҳудуд ёки зона деб номлашган (мас., Эркин Данциг ш., Эркин Триест ҳудуди). Одатда эркин ш.лар давлатлар ўртасида бўлиб турадиган ҳудудий даъволарни бартараф этиш, олдини олиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда кескинликни юмшатиш усулларидан бири сифатида ташкил этилар эди. Эркин ш. халқаро шартнома ёки халқаро ташкилотнинг қарори асосида ташкил этилади ва чекланган ҳуқуқий лаёқатга эга бўлган ўзига хос давлат ўрнишини акс эттиради. У ўзининг Конс.си ёки шунга ўхшаш характердаги ҳужжатга, олий давлат органи, фуқаролигига эга бўлади.

Эркин ш., одатга кўра, димлитаризациялашган ва нейтраллашган бўлади. Унинг қуроли кучлари айнан мудофаа характерида бўлади ёки одатий тушунчага кўра қуроли кучлар сифатида қаралмасдан, фақат чегараларни ҳимоя қилиш ва тартибни сақлашга йўналтирилган кучлар ҳисобланади. Эркин ш.ларни таъсис этувчилар, одатда, унинг мақомини белгилашни назорат қилиш усулларини назарда тутадилар, мас., шу мақсадда ўз вакилларини ёки вакилини тайинлайдилар. Халқаро майдонда Эркин ш.лар манфаатларини манфаатдор давлатлар ёки халқаро ташкилотлар ҳимоя қиладилар. I ва II Жаҳон урушлари оралиғида мавжуд бўлган Эркин ш. – Данцигнинг мақоми Миллатлар лигаси томонидан қаролатилган ва ҳимоя қилинган, ташқи муносабатларда эса унинг манфаатларини Польша ҳимоя қилган. 1947 й.даги Италия б-н тузилган тинчлик шартномаси асосида ташкил этилган ва кейинчалик 1954 й.даги Италия ва Югославия ўртасидаги келишувга мувофиқ иккига ажратилган Эркин ҳудуд ҳисобланмиш Триест ш. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳимояси остида бўлган. Ш.-давлатлар – Ватикан ва Мальта ордени каби квазиҳудудлар ўзига хос хусусиятлари б-н ажралиб туради. Ташқи кўринишига кўра, Ватикан (Муқаддас тахт) давлатнинг деярли барча аломатлари, яъни кичкина ҳудудига, ҳокимият ва бошқа-

рув органларига эга. Бироқ, Ватикан аҳолиси ҳақида шартли равишда гапирмоқ лозим, сабаби улар католик черковининг вазифалари б-н шуғулланувчи ўзига тегишли мансабдор шахслар ҳисобланадилар.

Шунинг б-н бирга, Ватикан – ижтимоий мазмунига кўра муайян жамият томонидан ташкил этилган ва унинг вакили ҳисобланмиш бошқарув механизми сифатидаги давлат эмас десак ҳам бўлади. Аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, у кўпроқ католик черковининг маъмурий маркази сифатида намоён бўлади. Ватикан ҳуқуқий мақомининг муҳим аҳамияти шундан иборатки, уни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида расмий равишда тан олган бир қатор давлатлар б-н дипломатик муносабатлар ўрнатган. Мальта ордени 1889 й.да суверен тузилма сифатида тан олинган. Орден Римда жойлашган. Унинг асосий мақсади – хайр-саховат. У кўпгина давлатлар б-н дипломатик муносабатларга эга. Унинг на ҳудуди, на аҳолиси мавжуд. Унинг суверенитети ва ҳуқуқ лаёқати ҳуқуқий фикция ҳисобланади.

ДАВОМЛИ ЖИНОЯТ – ЎзР ЖКнинг 32-м.сига кўра, бир мақсадга эришиш учун бир-бирига ўхшаш бир печа ҳаракатдан иборат бўлган жиноят. Д.ж. умумий қасд б-н қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибининг ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир печа жиний қилмишлардан иборат. Бундай қилмишларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг доимий равишда эмас, балки мустакил жиноят характерида бўлмаган, битта жиний қилмишнинг амалга оширилиши, давом эттирилиши босқичини ифодалайдиган муайян вақт давомида қайта такрорланувчи ҳаракатлар бўлиб ҳисобланишидандир. Д.ж.нинг алоҳида кўриниши мустакил жиноят характерига эга бўлмаса, мустакил тавсиф этилмайди; унинг йиғиндиси бир марталик жиноят сифатида қаралади. Д.ж. айбдорнинг муайян жиний натижага эришишга қаратилган умумий, ягона мужассамлаштирилган бир турдаги ҳаракатларнинг амалга оширилиши б-н тавсифланади. Мас., шаън ва қадр-қимматни муттасил равишда камситиш йўли б-н ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-м.); муттасил равишда дўппослаш йўли б-н қийнаш (110-м.); мунтазам хўрлаш йўли б-н харбий хизматчилар ўртасидаги устав қондаларини бузиш (285-м.) ва б. Д.ж.да шахс жиний ҳаракатларининг алоҳида кўринишлари ўртасида шахс жиний хулқининг объектив ва субъектив белгиларга кўра, турли вақтда босқичма-босқич амалга ошириладиган бошланган жиноятнинг ўзига хос босқичи, давоми сифатида акс этишидан гувоҳлик берувчи яқин алоқа мавжуд бўлади. Д.ж. юридик нуқтаи назардан ягона жиноятдир.

Д.ж. биринчи жиний тажовузнинг амалга оширилиши пайтидан бошланади ва охиригис б-н тугалланади. Бир хил бўлса-да, бир қанча алоҳида ҳаракатларнинг амалга оширилишига қарамай, у ягона жиноят деб топилади. Мас., айбдор қорхонадан телевизорни ўмариш мақсадида ўтиш дарвозасидан ҳар доим битта қисмдан олиб чиқади. У детални навбатдаги олиб чиқиши пайтида қўлга олинса, қилмиш такроран талон-торож қилишни ташкил этмайди, чунки детал биттадан 50 марта олиб чиқилган тақдирда ҳам, ягона қасд – телевизорни ўғирлаш б-н қамраб олинган. Д.ж.да муайян жиний натижага йўналтирилиши сабабли, бу натижага эришилмаган тақдирда, суиқасд сифатида тавсифланади.

ДАКТИЛОСКОПИЯ (юн. *daktilos* – бармоқ ва *skopeo* – нусха) – қўл бармоқларининг охириги бўғинларидаги тери тузилиш изларига қараб шахсни аниқлаш усули. Бу излар ариқча ва дўнғалак шаклидаги нозик чизиклардан иборат бўлиб, ёйсимон, сиртмоқли ва гажакдор нақшлар хосил қилади. Анатомия фанининг тери тузилиши билимига биноан тери икки қатлам: дерма ва эпидермисдан иборат бўлиб, ўзига хос кашта микротузилиши б-н тавсифланади. Ташқи тери қатлами бўлмиш эпидермис бу чизикларни такрорлайди, булар папиляр чизиклар кўринишида турли кашта шаклини ташкил қилади.

Қўл бармоғининг охириги бўғинларидаги папиляр чизиклар индивидуал бўлиб, ҳар бир шахсни ўзига хос. Улар инсоннинг умри давомида ўзгармас, мустаҳкам шаклга эгадир.

Қўл-бармоқ изларидаги бу хусусият инсоннинг ҳомиладалик даврида шаклланиб, умри бўйи, ҳатто ўлгандан сўнг ҳам тери тўқималарида чириш аломати юз бергунга қадар ўзгармайди. Қўл изларининг далилий аҳамияти шундаки, тери каштасининг хусусиятини ифодаловчи аломатлар йиғиндиси иккинчи шахсда такрорланмайди ва бу излар асосида конкрет бир шахснинг айнанлиги аниқланади. Ддан бир ярим асрдан буён деярли барча мамлакатларда жиноятчиларни рўйхатга олиш ва қидириб топиш воситаси сифатида фойдаланилади.

ДАЛИЛЛАР – қонуни ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олинган маълумотлар иш бўйича Д. бўлиб, улар асосида ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатлар, шунингдек ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар бор ёки йўқлиги аниқланади. Бундай маълумотлар ёзма ва ашёвий Д., экспертларнинг хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари б-н аниқланади. Қонунни бузган ҳолда олинган Ддан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

ДАЛИЛЛАРГА БАҲО БЕРИШ – суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик б-н, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтан назардан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор, деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЎзР ЖПКнинг 92–94-м.ларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланади.

Исботланиши керак бўлган ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга онд барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

ДАЛИЛЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ – маълумотлар ва нарсалардан, улар тергов характери баённомаси ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилганидан кейингина далил сифатида фойдаланиш мумкин.

Баённомалар юритиш учун маъмулий суриштирув ва дастлабки тергов босқичида суриштирувчи ва терговчи, судда эса, раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби зиммасига юклатилади.

Баённомаларга: тергов ёки суд ҳаракатининг иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар, бу шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилгани; тергов ёки суд ҳаракатининг ўтказилиш жойи ва вақти, шарт-шароитлари, жараёни ва натижалари, бунда топилган моддий объектлар тавсифи ва уларнинг иш учун аҳамиятли бўлган белгилари; тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси иштирокчилари тасдиқлашни сўраган фактлар; уларнинг юз бераётган ҳодиса сабаблари хусусидаги кўрсатувлари, тушунтиришлари, мулоҳазалари; улар томонидан берилган илтимосномалар, шикоятлар, рад этишлар; тергов ҳаракатини олиб бориш ёки суд муҳокамаси жараёнидаги тартиббузарлик ҳоллари, шунингдек бу тартиббузарликларни бартараф этиш ва олдини олиш учун кўрилган чоратadbирлар киритилади (ЎзР ЖПК 90-м.си).

ДАЛИЛЛАРНИНГ АЛОҚАДОРЛИГИ, МАҚБУЛЛИГИ ВА ИШОНЧЛИЛИГИ – суд томонидан исботлашнинг тегишли хусусиятлари б-н тасдиқланган иш учун аҳамиятли далиллар ва ҳолатлар қабул қилинади дегани.

Д.а., м. ва и. қондаларининг бузилиши далилларнинг тўлиқ бўлмаслигига ёки ишга дахли бўлмаган далиллар тўпланишига олиб келади.

Қонунда бу умумий кўринишда ифода этилган. Муайян далиллар б-н аниқланадиган конкрет ҳолатлар фуқаролик ҳуқуқининг моддий нормалари б-н кўзда тутилган.

Далилларнинг алоқадорлиги – бу далилнинг ўз мазмуни б-н иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлаш воситаси сифатида хизмат қила олишидир, бошқача айтганда, алоқадорлик – далилларнинг мазмуни яроқчилигидир. Далилларнинг мақбуллиги эса далилларнинг шакл жиҳатидан яроқчилигидир. Далилларнинг ишончлилиги деганда, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган, ҳаққонийлиги шубҳа туғдирмайдиган далиллар тушунилади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ишдаги барча ҳолатларни синчковлик б-н, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишга асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб, ўзларининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берадилар. Ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтан назардан баҳоланиши лозим.

Далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Далиллар белгиланган тартибда тўпланган ва ЎзР ЖПКнинг 92-94-м.ларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади, яъни тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг, шунингдек суд муҳокамасидаги тарафларни қайд этиш тўғрелигини тасдиқлаш бўйича ҳаракатлар жараёни ва натижалари акс эттирилган баённома б-н танишиш, худди шунингдек баённомага қўшимча ва тузатишлар киритиш ҳуқуқлари таъминланиши керак.

ЎзР ОСи Пленумининг 2004 й. 24 сентябрдаги 12-сон “Далиллар мақбулликига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарориди тушунтирилганидек, далиллар мақбулликнинг шартлари қуйидагилар:

далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш б-н боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

фактга оид маълумотлар факат қонунда қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

далил уни олиш б-н боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт.

Далиллар мақбулликига тааллуқли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирортасига амал этилмаслиги далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлади.

Далиллар қуйидаги ҳолларда номақбул деб топилди, агар:

1) далил суриштирувчи томонидан суриштирув тамом бўлганидан сўнг, терговчи, прокурорнинг ёзма топширигисиз ўтказилган тергов ҳаракати давомида олинган бўлса, тергов ҳаракати белгиланган тартибда ишни ўз юритувига олмаган ёки тергов гуруҳи таркибига киритилмаган терговчи томонидан ўтказилган бўлса, тергов ҳаракати ЎзР ЖПК 76-м.сида белгиланган асосларга кўра рад этилиши шарт бўлган шахс томонидан ўтказилган бўлса;

2) маълумотлар тергов ва суд ҳаракати ўтказилмасдан ёки қонунда назарда тутилмаган манбадан, мас., жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган тезкор кидирув тадбирлари вақтида олинган бўлса;

3) далил қонунга ҳилоф усул б-н, яъни уни тўплаш юзасидан қонунда назарда тутилган қоидаларга амал қилинмаган ҳолда олинган бўлса, жумладан:

а) прокурорнинг санкцияси олинмиши шарт бўлган ҳолларда тергов ҳаракатининг санкция олинмасдан ўтказилиши (кечиктириб бўлмайдиган ҳоллар бундан мустасно);

б) тергов ҳаракатида ҳолис сифатида иш бўйича манфаатдор шахснинг, шу жумладан, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган ходимлари ёки уларга жамоатчилик асосида кўмаклашувчи бошқа шахсларнинг иштироки;

в) кўрсатувларнинг, шу жумладан, айбига иқдорлик тўғрисидаги кўрсатувларнинг кийноққа солиш, зўрлик ишлатиш ҳамда инсонга нисбатан бошқа шафқатсиз ёки унинг шаъни, кадр-қимматини камситувчи муносабатда бўлиш, шунингдек алдаш ва қонунга ҳилоф бошқа йўллар орқали олиниши;

г) эксперт ҳулосасининг экспертиза тайинлаш вақтида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳуқуқлари бузилган ҳолда, шунингдек эксперт рад этилиши шарт бўлган ҳолда олиниши;

д) ҳимоячининг, иштироки шарт бўлган ҳолларда унинг иштирокисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчидан кўрсатув олиниши;

е) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи яқин қариндошларининг қонун талабларига ҳилоф равишда ўз

розилигисиз гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига тегишли ҳолатлар юзасидан сўроқ қилиниши;

4) далилларни қайд этишнинг процессуал формаси бузилган бўлса:

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга оид маълумотлар йўқлиги;

тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этувчи шахсларга ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тушунтирилмаганлиги;

тергов ва суд бошланган ва тугалланган вақтнинг кўрсатилмаганлиги.

Суриштирувчи ёки терговчи тергов ҳаракатлари тамом бўлиши билан бу ҳаракат иштирокчиларига баённомани ўқиб чиқишга имкон беради ёхуд илтимосларига кўра уларга ўқиб беради. Шундай тартибда расмлик қилувчи ёки унинг топширигига биноан суд мажлиси қотиби суд залидан ташқарида бажарилган суд ҳаракати иштирокчиларини, шунингдек тарафларни суд мажлиси баённомасидаги ушбу суд ҳаракатига тааллуқли ёзувлар б-н таништиради. Оғзаки билдирилган кўшимчалар, тузатишлар, фикр-мулоҳазалар, эътирозлар, илтимослар ва шикоятлар баённомага киритилади, ёзма равишда ифода этилганлари эса баённомага илова қилинади. Ўчиришлар ёки киритилган кўшимча сўзлар ёхуд бошқа тузатишлар ҳусусида баённома охиридаги имзолар олдида изохот берилди. Тергов ҳаракати баённомаси б-н таништирилган шахслар баённоманинг ҳар бир саҳифаси остига ва унинг охирига имзо чекадилар.

Суриштирувчи ёки терговчи процесс иштирокчиларидан биронтасининг ёки бошқа шахсларнинг қонунда назарда тутилган ҳолларда тергов ҳаракатлари баённомасига имзо чекишдан бош тортганлиги тўғрисида баённомага ёзиб қўйиб, уни ўз имзоси б-н тасдиқлайди. Юқорида назарда тутилган ҳолларда суд мажлиси баённомасининг суд ҳаракатлари тўғрисидаги ёзувларини имзолашдан бош тортганлиги ҳақида шу баённомага ёзилади ҳамда уни расмлик қилувчи ва суд мажлиси қотиби ўз имзоси б-н тасдиқлайдилар. Баённомага имзо чекишдан бош тортган шахс бош тортиш сабабини тушунтиришга ҳақли. Бу тушунтириш баённомага киритилиши лозим.

Тергов ёки суд ҳаракати иштирокчиси ўзининг жисмоний нуқсонли туфайли баённомани ўқиб, имзолай олмаси, баённомани унинг розилиги б-н ҳимоячи, вакил ёки мазкур шахс ишонадиган бошқа фуқаро ўқиб беради ва имзо чекади. Бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

Иш бўйича қабул қилинадиган қарор синчковлик б-н, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларгагина асосланган бўлиши лозим. Текширув кўшимча далилларни тўплашдан иборат бўлиб, улар текширилаётган далилларни тасдиқлаши ёки рад этиши мумкин.

Исботланиши керак бўлган ва ҳар бир ҳолатнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи ишга оид барча ишончли далиллар тўпланган бўлса, уларнинг жами ишни ҳал қилиш учун етарли деб ҳисобланади.

ДАЛОЛАТЧИ – жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс ҳисобланиб, (ЎзР ЖК 28-м.сининг тўртинчи қисми), у ҳар қандай шаклда (мажбурлаш; ишонтириш орқали) далолат қилади.

Д. б-н бажарувчининг ўзаро ички алоқадорлиги шундаки, Д. ҳар доим ижрочида жиноят содир этиш мақсадини вужудга келтиради.

Мажбурлаш жисмоний ва рухий бўлиши мумкин. Руҳий мажбурлаш кўпинча Д. томонидан кўрkitиш орқали содир этилади (мас., моддий таъминлашни тўхтатиб қўйиш, инсонни тахқирловчи хабар ёки маълумотни ошкор қилиш б-н кўрkitиш ва х.к.).

Шахсга бир неча марта Д. турли хил хабарларни етказса, натижада шахс унга ишониб, жиноят содир этишга қарор қилса, бир неча марта хабар етказган шахсни Д. деб жавобгарликка тортиш мумкин. Лекин бир неча марта хабар етказган шахсда бажарувчининг жиноят содир этиши учун мойиллик туғдириш мақсади бўлиши керак.

Ишонтиришда Д. ташки томондан жиноятга ҳеч қандай алоқаси бўлмагандек кўринса-да, унинг манфаатлари жиноятни содир этган бажарувчининг манфаатларига маълум даражада мос келади.

Д.нинг жиноят содир этиш воситаси сифатида илтимос қилишдан ҳам фойдаланиши мумкин ва бу Д. манфаатининг асосини ташкил этади. Шубҳасиз, илтимос Д. томонидан фақат ўзининг табиқлари, дўстлари ва хизматдошларига қилиниши мумкин. Яқинларга илтимос (жиноят содир этишни) фақат кўндириш орқали амалга оширилади. Кўндириш илтимосдан шуниси б-н фарқ қиладики, Д. шахсни жиноят содир этишга рози қилиш учун ўзининг бор имкониятини ишга солади. Кўндириш бир неча марта илтимос қилиш шаклида бўлиши мумкин.

Жиноят содир этишга умумий ёки ноаниқ шахслар гуруҳини далолат қилиш далолатчилик ҳисобланмайди. Бундай ҳаракатлар муайян ҳолларда алоҳида жиноят таркибини ташкил қилиши мумкин. Мас., давлат тузумини Конс.га хилоф равишда ўзгартиришга қаратилган ЎзРнинг конституциявий тузумига тажовуз қилиш жинояти (ЎзР ЖК 159-м.си).

ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ – ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир (ЎзР МКнинг 126-м.си). Ишнинг тугаши б-н кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик Д.о.в.нинг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Барча ходимларга дам олиш кунлари (хар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади.

Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади. ЎзР МКга мувофиқ яқшанба – умумий дам олиш куни.

Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи б-н келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

Меҳнат қонунчилигига асосан ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи б-н келишиб белгиланади.

Байрам ёки дам олиш кунларидаги иш ходимнинг хохишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш б-н қоплангани мумкин. Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари иш учун белгиланган иш вақтидан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул берилиши ҳам мумкин. Байрам ёки дам олиш кунларида иш ёхуд иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

ДАМ ОЛИШ ҲУҚУҚИ – ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқларидаги бири. ЎзР Конс.сининг 38-м.сида фуқароларнинг Д.о.х. мустақкамланган. Унга кўра: “Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар Д.о.х.га эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун б-н белгиланади”.

Дам олиш б-н боғлиқ меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар ЎзР МК б-н тартибга солинади. ЎзР МКга мувофиқ, дам олиш вақти ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан холи бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақтдир. Ишнинг тугаши б-н кейинги куни (сменада) иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Барча ходимларга дам олиш кунлари (хар ҳафталик узлуксиз дам олиш) берилади. Беш кунлик иш ҳафтасида ходимларга ҳафтада икки дам олиш куни, олти кунлик иш ҳафтасида эса, бир дам олиш куни берилади. Умумий дам олиш куни яқшанбадир. Дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи б-н келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади. Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади. Ходимларга ўн беш иш кунидан кам бўлмаган муддат б-н йиллик асосий таътил берилади.

ДАРОМАД СОЛИҒИ – к.: *Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.*

ДАРОМАДЛАРНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ – декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга ЎзР резидентларнинг қуйидаги даромадлари қиради: мулкий даромад, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солилмаган бўлса; агар ЎзР СК 189-м.сининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, иккита ёки ундан кўп манбадан олинган даромадлар; ЎзР ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олина-

диган даромад солиғи белгиланган энг юкори ставка қўлланилган ҳолда унинг аризасига кўра ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди (ЎЗР СКнинг 189-м.си).

ДАСТЛАБКИ СИНОВ – ЎЗР МКнинг 84-м.сига асосан, ходимни ишга қабул қилиш чоғида унинг топширилаётган ишга лаёқатлигини текшириб кўриш, ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришининг максадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келишига имкон беришдир.

Д.с.ни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим Д.с.сиз ишга қабул қилинган деб ҳисобланади.

Ҳомиладор аёллар, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, корхона учун белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар ишга қабул қилинганда, шунингдек олти ойгача муддатга ишга қабул қилиш ҳақида ходимлар б-н меҳнат шартномаси тузилганда Д.с. белгиланмайди.

Ушбу Кодекснинг 85-м.сига мувофиқ, Д.с. муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар Д.с. муддатига киритилмайди.

Мазкур Кодекснинг 86-м.сига биноан, Д.с. даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва корхонада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ этилади. Д.с. даври меҳнат стажига киритилади.

Кодекснинг 87-м.сига кўра, Д.с. муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин. Агар Д.с. муддати тугагунга қадар тарафлардан бирортаси ҳам меҳнат шартномасини бекор қилишни талаб қилмаган бўлса, шартноманинг амал қилиши давом этади ва бундан кейин уни бекор қилишга умумий асосларда йўл қўйилади.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ – жиноят иши қўзғатилгандан кейин то уни судда кўриш учун тайинлашгача бўладиган жиноят процессининг босқичи. Д.т. терговчи ва прокурор томонидан ЎЗР ЖПКга қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириладиган, жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган фактик маълумотларни тўплаш, текшириш, қайд этиш ва баҳолаш фаолиятидир.

Терговчи жиноят ишнинг қўзғатиб, уни ўз иш юритувига олади ва бу ҳақда иш қўзғатилганлиги тўғрисидаги қарорга ёзиб қўяди. Башарти, терговчига олдин қўзғатилган иш берилган бўлса, у ишнинг ўз юритувига олганлиги тўғрисида қарор чиқаради, шундан сўнг Д.т.ни бошлайди.

Д.т. жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим. Иш айблов ҳулосаси б-н ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарор б-н прокурорга топширилган кунни ёхуд ишнинг тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган кунни Д.т. тамомланган ҳисобланади.

Д.т. муддатига қуйидагилар кирмайди:

1) айбланувчи, химоячи, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари б-н танишиб чиққан вақт;

2) Д.т. тўхтатиб турилган вақт;

3) қўшимча тергов ўтказиш учун қайтарилган иш терговчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт.

Қонунда белгиланган Д.т. муддати тегишинча ҚР прокурори ёки вил., Тошкент ш. прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик Д.т. муддати фақат ЎЗР Бош прокурорининг ўринбосари томонидан етти ойгача ва ЎЗР Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда, содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, Д.т. муддати ЎЗР Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. Суд ишнинг қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда, шунингдек тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юргизаётган прокурор томонидан, мазкур ишнинг терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш иш судга берилгунга, тўхтатиб турилгунга ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини ҳисобга олган ҳолда умумий асосларда амалга оширилади.

Тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка илгари прокурорга топширади. Прокурор ўз устхати б-н илтимосномани қаноатлантиради ёки Д.т.ни тамомлаб, ишнинг судга юбориш тўғрисида кўрсатма беради ёхуд жиноят ишнинг тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Д.т.да олиб қўйиш, тинтув ўтказиш, кўздан кечириш, гвоҳлантириш, эксперимент ўтказиш, таниб олиш учун кўрсатиш, кўрсатуви ҳодиса юз берган жойда текшириш, эксперт тадқиқотини ўтказиш учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш камида икки нафар ҳолис иштирокида амалга оширилади.

Башарти, бир тергов ҳаракатини бир неча терговчи ёки терговчи ва у раҳбарлик қилаётган суриштирувчилар бир пайтнинг ўзида турли хоналарда ёки бир-биридан анча узоқ жойларда ўтказиётган бўлсалар, ҳар бир терговчи ва суриштирувчи ҳузурда доимо камида икки нафар ҳолис иштирок этиши лозим.

Фуқаро терговчининг қонуний талабларини ва таклифларини бажаришдан бош тортаётганлигини ёки терговчига қаршилик кўрсатаётганлигини ёхуд Д.т. юритиш тартибига тўғри келмайдиган бошқа ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар қилаётганини тасдиқлаш учун ҳам ҳолислар таклиф қилинадилар. Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Терговчи жиноят ишидаги барча маълумотларни ёки унинг муайян қисмидаги маълумотларни ошкор қилинмайдиган деб эътироф этишга ҳақли. Ана шу асосда у тергов ҳаракатларида иштирок этаётган ёки тергов ҳаракатларини бажаришда ҳозир бўлган ёхуд тергов материаллари б-н танишаётган шахслардан уларнинг зиммасига ишда мавжуд бўлган маълумотларни унинг руҳсатисиз ошкор қилмаслик тўғрисида мажбурият юклатилгани ҳақида тилхат олиши мумкин. Тилхатда, шунингдек мазкур мажбуриятни бузганлик учун қонунга биноан жавобгарлик ҳақидаги огоҳлантириш ҳам акс этирилади.

Ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти гумон қилинувчи ва айбланувчи зиммасига юкланиши мумкин эмас.

Химоячининг ишдаги маълумотларни ошкор қилмаслик мажбурияти унинг гумон қилинувчи ёки айбланувчи б-н бўладиган суҳбатига тааллуқли эмас.

Жиноят иши кўп меҳнат талаб этса, жуда мураккаб ёки ўта долзарб бўлса, прокурор ёки тергов бўлинмасининг бошлиғи шу иш бўйича Д.т. юриштишни доимий ёки махсус тузилган тергов гуруҳига топшириши мумкин. Бундай топширик ҳақида қарор чиқарилиши лозим бўлиб, унда тергов гуруҳининг раҳбари ва аъзолари кўрсатилади. Башарти, Д.т.ни терговчилар гуруҳига топшириш тўғрисидаги қарор жиноят ишини кўзгагиш тўғрисидаги қарор б-н айна бир вақтда қабул қилинган бўлса, иккала масала бир қарорнинг ўзида баён этилади. Гуруҳ таркибиде ўзгартирилган бўлганда ва гуруҳ раҳбари ўзгартирилганда ҳам қарор чиқарилади.

Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи жиноят ишини ўз юриштишига қабул қилиб олади ва Д.т.нинг умумий йўналиши ва пировард натижаси учун, шунингдек жиноят процессининг шу босқичида бажариладиган ҳар бир ҳаракат ва қарорнинг қонуний ҳамда асосланган бўлиши учун тўла жавобгар бўлади.

Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи:

1) ишни ўзи раҳбарлик қилаётган терговчиларга тақсимлаб беради, уларнинг ҳар бири бажарадиган иш қисми ёки тергов йўналишини белгилайди, айрим тергов ҳаракатларини бажаришни топшириб, уларни ижро этиш муддатини белгилайди;

2) шахсан ўзи тергов ҳаракатларини бажаради ва раҳбарлиги остидаги терговчилар ўтказётган айрим тергов ҳаракатларида иштирок этади;

3) қарорлар чиқаради, шу жумладан шахсни ишда айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиш, қамоққа олиш, ишни тўла ёки унинг бирор қисмини тугатиш ёхуд тўхтатиш ҳақида қарорлар чиқаради;

4) прокурор кўрсатмаларининг ижро этилишини таъминлайди, қонунда назарда тутилган ҳолларда ишни ўз эътирозлари б-н бирга юқори турувчи прокурорга юборади;

5) суриштирув органига тергов ва қидирув ишларини олиб бориш тўғрисида топшириқлар ва кўрсатмалар беради, шунингдек ундан терговчилар бажарётган тергов ҳаракатларини ўтказишда ёрдам беришни талаб қилади, ўз топшириқлари, кўрсатмалари, талаблари бажарилиши устидан назорат қилиб боради;

6) жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш чоралари тўғрисида тақдимномалар юборади;

7) айблов ҳулосасини тузади ёки тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш учун ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради ва тасдиқлаш учун уларни иш б-н бирга прокурорга юборади.

Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи гуруҳ раҳбари бўлган терговчининг топширигини, кўрсатмасини қонунга ҳилоф ёки асоссиз деб ҳисобласа, бу ҳақда у гуруҳ раҳбарига ўз эътирозларини билдиради. Гуруҳ раҳбари бўлган терговчи бу эътирозларни кўриб чиқиб, топширикни ёки кўрсатмани бекор қилади ёки уни ижро этиш учун бошқа терговчига беради ёхуд ўзи тегишли тергов ҳаракатини бажаради. Гуруҳ аъзоси бўлган терговчи ўз эътирозлари бўйича терговчилар гуруҳининг раҳбари қабул қилган

қарорга рози бўлмаса, назорат олиб боровчи прокурорга ўз эътирозларини етказиши, прокурор узи-кесил қарор қабул қилади.

Муайян шароитларда ва мақсадларда кўздан кечириш, тинтув, эксперимент ёки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда унинг иштирокчилари айна бир вақтда турли биноларда бўлишлари ёки бир-бирларидан анча масофага узоқлашишлари, шунингдек башарти, тергов ҳаракатларини юриштишда бир қанча иштирокчиларни ёки хозир бўлган шахсларни кузатиш таъминлини лозим бўлиб қолса, тергов ҳаракатларини бир неча терговчи ёки терговчининг ўзи унга ёрдам бераётган суриштирувчилар б-н амалга ошириши мумкин. Бунда терговчилардан бири қолган терговчилар, суриштирувчилар ва б. тергов ҳаракати иштирокчилари фаолияти устидан раҳбарлик қилади.

Терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят тергов бўлинмаси бошлиғига ва ишни тергов қилишда қонуниларга риоя этилиши устидан назорат олиб бораётган прокурорга берилади.

Прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят юқори турувчи прокурорга берилади.

Терговчи жиноятларнинг олдини олиш ва уларни қош этиш учун жамоатчиликни жалб қилишга ҳақлидир. Шу мақсадда у жамоат бирлашмаларига, жамоаларга, аҳолига жиноят иши учун аҳамиятга молик маълумотлар ҳақида хабар қилишни, қидирилатган шахслар ёки нарсалар турган жойни кўрсатишни сўраб мурожаат қилади.

Жамоат бирлашмалари ва жамоалар терговчининг илтимосига кўра, айрим тергов ҳаракатларида иштирок этиш учун ўз ораларидан ҳолислар, таржимонлар, мутахассисларни тавсия қилишлари мумкин. Жамоатчилик вакиллари бўлмиш ҳолисларга, таржимонларга, мутахассисларга нисбатан қонуннинг тегишли процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва бурчлари тўғрисидаги қоидалари тўлиқ таътиқ этилади.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ – тергов жараёнида тўсқинлик қиладиган ва тергов ҳаракатларини олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар вужудга келиши муносабати б-н амалга оширилади. Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатларини олиб боришни тўхтатиш дастлабки тергов, суд муҳокамасига тайинлаш ва суд муҳокамаси даврида ҳам учраши мумкин. Тергов ҳаракатларини олиб боришни тўхтатиш тушунчаси дастлабки тергов мобайнида амалиётда кўпроқ қўлланилади. Чунки, тергов ҳаракатларини олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар айнан дастлабки тергов жараёнида кўп учрайди, бу ҳолатни бартараф этгандан кейингина дастлабки терговни олиб бориш мумкин бўлади. ЎзР ЖПКнинг 364-м.сига кўра, дастлабки тергов: иш бўйича айбланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган; айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган; айбланувчи ЎзР ҳудудидан чиқиб кетган, башарти унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаса; айбланувчи ишни юриштишда унинг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади. Д.т.т. тўғрисида терговчи қарор чиқаради ва унинг нусхасини прокурорга юборади.

ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ УЧУН БЕРИЛАДИГАН НАФАКА – бюджетдан ташкари Пенсия жамгармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғурта бўйича тўланадиган нафакаларнинг бир тури бўлиб, дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган қуйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади: а) турмуш ўртоғи; б) 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъи назар) болалари, ака-укалари ва опа-сингиллари; в) ота-онаси; г) бобоси ёки бувиси.

ЎЗР МКнинг 288-м.сига мувофиқ, суғурта қилинган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этганда конун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган миқдор ва тартибда дафн этиш маросими учун нафақа тўланади.

Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат ҳўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари ҳисобланувчи ва х.к.) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди. Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга берилади. Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ходимга берилади. Аёлнинг хомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди. Дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориде берилади. Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда, дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдориде, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдорда, ижтимоий таъминот бўлими томонидан тўланади. Иш ҳақиға туман коэффициенти белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш б-н боғлиқ бўлмаган тармоқлар учун берилладиган туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Муддатли ҳарбий хизматга чакирилган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этган тақдирда, агар унга сўнгги иш ҳақи тўланган кундан бир ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа берилади. Олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаларида, магистратурада, аспирантурада, клиник ординатурада, докторантурада таҳсил олаётган шахслар, шунингдек уларнинг оила аъзолари вафот этган тақдирда, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда тўланади. Мактаблар, курсларнинг (кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш ва тайёрлаш бўйича), шунингдек малака ошириш инс.лари ўқувчилари ва тингловчилари ёки уларнинг оила аъзолари вафот этганда, агар улар курсларга, мактабларга, инс.ларга корхона томонидан юборилган бўлсалар ва уларнинг ўқиш давридаги иш ҳақи тўла ёки қисман сақланиб қолган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда берилади.

Нафақалар фуқароларнинг фонисиз шахсий ҳисобрақамига нафақа суммасини ўтказиш йўли б-н банк орқали тўланади.

ДАЪВО – бузилган ёки чекланган ҳуқуқни ёки конун томонидан муҳофаза қилинадиган манфаатни суд (ҳўжалик суди) орқали ҳимоя қилиш воситаси. Д.нинг икки томони фарқланади: моддий-ҳуқуқий ва процессуал-ҳуқуқий. Биринчи ҳолатда сўз талабнинг мазмуни бўйича аниқланган фактлар ва фуқаролик, меҳнат, оила ҳуқуқининг

нормалари асосида қондириш имконияти ҳақида бормоқда. Иккинчисида эса, судга, суд қарорини олиш мақсадида мурожаат қилиш қонунийлиги тўғрисида бормоқда. Қонунда суд Д.ни қабул қилишни рад қилиши, ишни юривдан тўхтатиши ва Д.ни кўрмасдан қолдириши мотивлари аниқ кўрсатилган. Даъвогар томонидан жавобгарга қилинаётган Д. характерида Д.нинг тури аниқланади: у жавобгарга маълум бир ҳаракатни содир қилишни мажбур этишга ёки ноқонуний ҳаракатларни (мол-мулкни қайтариш, зиёни қоплаш, неустойка, алимент тўлаш, мол-мулкдан фойдаланишга ҳалақит бериш) содир қилишдан сақланиб туришга; томонлар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар бор ёки йўқлигини (шартномани тасдиқлаш ёки уни ҳақиқий эмас деб топиш) аниқлашга, ўзгартиришга (умумий мол-мулкдан ўз ҳиссасини ажратиб олиш) ёки ҳуқуқий муносабатларни тугатишга (умумий мол-мулкни бўлиш) йўналтирилган бўлиши мумкин. Даъвонинг уч элементи ишни ҳимоя қилиш ва уни ўрганиш характери билгиллаб беради: тақдим қилиш асослари, предмети ва мазмуни. Д.нинг мазмуни қонунда манфаатдор шахслар ўртасида ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишига асос бўлувчи ҳақиқий ҳолатлар. Д.нинг предмети – низоли ҳуқуқий муносабат. Д.нинг мазмуни – даъвогарнинг талаби.

ДАЪВО АСОСИ – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқлари ва конун б-н қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга ариза, даъво ариза ёки шикоят тартибда мурожаат қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда шахс ўзининг даъво предмети бўйича талабларини асословчи далилларни ариза, даъво ариза ёки шикоятда кўрсатиши даъвонинг асоси ҳисобланади. Демак, Д.а. деб даъво талабини тасдиқлайдиган далилларга айтилади. ЎЗР ФПК 149-м.сининг 4 ва 6-бандларида айтилганидек, даъвогар аризасида талаби қандай ҳолатларга асосланганигини ва бу ҳолатларнинг мавжудлигини тасдиқлайдиган далилларни кўрсатиши лозим.

ДАЪВО МУДДАТИ – фуқаролик ҳуқуқида Д.м. – шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли б-н ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат. Д.м.нинг икки тури фарқланади. Умумий Д.м. уч йилни ташкил этади. Шунингдек, айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий Д.м.га қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган махсус Д.м.лари белгиланиши мумкин. Мас., ЎЗР ҲКга кўра, мамлакат ичкарисидаги ташишларда талаб қўйиш муддатлари ташувчига олти ойлик муддат ичида, жарима тўланиши тўғрисидаги даъволар эса, 45 кун ичида тақдим этилиши мумкин. Халқаро ташишлардаги талаб қўйиш муддатлари эса қўл юки ёки юкка зарар етказилган тақдирда, уни олишга ҳуқуқи бўлган шахс зарар аниқлангани ҳақида зудлик б-н, аммо қўл юки олинган кундан кейинги 7 кун ҳамда юк олинган кундан кейинги 14 кундан кеч бўлмаган муддат ичида ташувчига талабнома тақдим этиши лозим. Етказиб бериш кечиктирилган тақдирда, қўл юки ёки юк олувчига берилган кундан бошлаб 21 кун ичида талаб қўйилиши лозим. Қўл юки (юк) йўқотилган тақдирда, ташувчига талаблар ҳаво кемасининг белгиланган манзилга қўнганидан ёки ташиш тўхтатилган кундан кейинги икки йил давомида қўйилиши лозим. Кўрсатилган муддатларда билдирилган ёзма талабнома бўлмаса, ташувчига нисбатан даъво қўзғатилиши мумкин эмас.

Д.м.лари ва уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви б-н ўзгартирилиши мумкин эмас. Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби Д.м.нинг ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Д.м. шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ўта бошлайди. Мажбуриятда шахсларнинг алмашилиши Д.м. ва уни ҳисоблаш тартибининг ўзгаришига олиб келмайди.

ДАЪВО ПРЕДМЕТИ – фуқаролик ишлари бўйича ҳар қандай даъвонинг икки элементи мавжуд бўлади. Улар Д.п. ва унинг асоси. Д.п. бу – судга мурожаат қилаётган шахснинг иккинчи тарафдан талаб қилаётган нарсаси ҳисобланади. Мас., мол-мулкни бўлиш ёки қарз ундириш тўғрисидаги ишларда Д.п. қарз ундириш ёки алимент ҳисобланади. Муаллифи кўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки гайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди.

ДАЪВОГАР – фуқаролик-процессуал ва ҳўжалик-процессуал қонунларга мувофиқ, процессда тарафлардан бири. ЎЗР ФПКнинг 39-м.сига биноан, Д. – ўзининг бузилган ёки низолашिलाётган ҳуқуқлари ёхуд қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган ёнгики манфаатини кўзлаб иш кўзга тилган шахс. ЎЗР ФПКнинг 36-м.сига кўра, ўзларининг ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво тақдим этаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво тақдим этилган ташкилотлар ва фуқаролар Д.дир.

Д. иш материаллари б-н танишиш, улардан кўчирмалар олиш, нусхалар кўчириш, рад этиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашаётган шахсларга саволлар бериш, арз қилиш, илтимосномалар тақдим этиш, судга оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, ишни судда кўриш давомида туғиладиган ҳамма масалалар бўйича ўзларининг важларини баён қилиш, бошқа шахсларнинг арзлари, илтимосномалари, важларига қарши эътирозлар билдириш, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруғи устидан шикоят қилиш, суд чиқарган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори ва буйруқнинг мажбурий ижросини талаб қилиш, суд ижросисининг ҳаракатлари вақтида ҳозир бўлиш ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Д.лар қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан ҳам фойдаланадилар. Ишда иштирок этувчи шахслар ўзларига берилган барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланишлари ва ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажаришлари шарт.

Д.лар процессуал ҳуқуқлардан тенг фойдаланадилар ва тенг мажбуриятларга эга бўладилар. Д. ўз арзида баён қилинган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёки камайтиришга, улардан бутунлай ёки қисман воз кечишга ҳақли. Д. ва жавобгар процесснинг исталган босқичида келишув битими тузиш орқали ишни якунлашга ҳақлидир. Агар Д.нинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши ва тарафларнинг келишув битими қонунга ҳилоф бўлса ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун

б-н кўриқланадиган манфаатларини бузса, суд даъводан воз кечиши, даъвони тан олиши қабул қилмайди ва келишув битимини тасдиқламайди.

ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ – фуқаролик суд ишлари бўйича суд томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори ижросининг қийинлашиши ёки кечиктирилишининг олдини олиш мақсадида суд (судья) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси б-н даъвони таъминлаш чораларини кўради. Д.т. тўғрисида ариза тушган кунгидан, суд ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилмаган ҳолда Д.т. чораларини кўриши керак. Суд томонидан қуйидаги Д.т. чоралари қўлланилиши мумкин: жавобгарга тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш; жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш; бошқа шахсларнинг жавобгарга мол-мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш; мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво кўзга тилган тақдирда, уни сотишни тўхтатиш; агар қарздор ижро ҳужжати юзасидан даъво тартибда низолашаётган бўлса ва бундай низолашишга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувни тўхтатиш. Даъволарнинг иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлаш йўли б-н таъминланишига йўл қўйилмайди, алимент ундириш тўғрисидаги, майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик, шунингдек боқувчининг ўлими оқибатида кўрилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги, ўзгалар мол-мулкни талон-торож қилганлик натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар бундан мустасно.

ДЕБЕТ (лот. debet – қарздор; инг. debit) – бухгалтерия термини бўлиб, икки томонлама (ўнг ва чап) жадал кўришидаги бухгалтерия ҳисобварақларининг бир (чап) томони. Корхонанинг пул воситалари ва моддий бойликлари захираси (активи) ҳолати ва ҳаракати қайд этиладиган ҳисобварақларнинг Д. томонида ой бошида бойликларнинг мавжудлиги (нақдлиги) ва ой давомида уларнинг тушуми кўрсатилади. Воситаларнинг манбалари (пассиви) ҳолати ва ҳаракати қайд этиладиган ҳисобварақларнинг Д. томонида манбаларнинг камайиши, мас., корхонадан қарздорларнинг қарзи камайганлиги ифода этилади.

ДЕБИТОР (лот. debitor – қарздор, мажбур; инг. debtor; нем. debitor) – мулк ёки пул қарзи бўлган жисмоний ёки юридик шахс, иктисодий субъект. Иктисодий ҳўжалик алоқаларида тижорат ташкилотлари ва б. Д. қарздорлар (бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролар) тўлаши лозим бўлган қарзлар миқдори дебиторлик қарзини ташкил қилади. Бундай қарзлар муддатида қайтариладиган ва тўлаш муддатидан ўтиб кетадиган қарзларга бўлинади. Ўз вақтида ундириб олинмаган қарзлар уни берган ташкилот зарарига қўшиб ёзилади. Дебиторлик қарзларининг ўз вақтида тўланиши бозор иктисодиётидаги молиявий интизомнинг муҳим талабидир.

ДЕБИТОР ҚАРЗДОРЛИК – юридик ёки жисмоний шахслар бошқа юридик ёки жисмоний шахслар б-н ўзаро ҳўжалик муносабатлари натижасида улардан олиши лозим бўлган қарз суммаси. Д.к. нормал ҳўжалик фаолияти жараёни б-н ёки молиявий, ҳисоб-китоб ёки тўлов интизомининг бузилиши б-н боғлиқ бўлиши мумкин. Муайян

ташкilot оборотидан маблагларни ажратиш ва улардан дебиторларнинг фойдаланишида намoён бўлади. Хўжалик фаолиятида нормал (конуний) ва муддати ўтказиб юборилган Д.к. турлари мавжуд. Нормал (конуний) Д.к. ходимларнинг уларга хизмат сафарлари учун ва жорий хўжалик харажатлари учун берилган маблаг натижасидир. Ўз вақтида ундирилмаган дебитор қарзлар учун мансабдор шахслар тегишли жавобгарликка тортилади.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ (лот. de – пасайтириш + фр. evaluation – баҳо сўзларидан; инг. devaluation) – миллий пул бирлиги курсининг чет эл валюталари (эркин алмаштирилмаган валюталар, халқаро ҳисоб бирликларига нисбатан пасайтирилиши. Д. давлат томонидан расмий равишда эълон қилинади ва қонунчилик асосида амалга оширилади. Д. мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойниши б-н боғлиқ ҳолда юз беради. Унинг очиқ Д. (Д. ҳукумат томонидан қонун йўли б-н расман эътироф этилади, эски қоғоз пулнинг бир қисми муомаладан чиқарилади ёки кадрсизланган пул алмаштирилади) ва яширин Д. (қоғоз пулнинг кадрсизланиши, олтин таъминотининг камайиши юз беради, лекин пулнинг бир қисми муомаладан олинмайди) кўринишлари бор. 1978 й.гача жаҳон мамлакатлари валюталарининг расмий қиймати уларнинг олтин таъминоти таққослаш орқали аниқланар эди. XX а. 70 й.ларининг охиридан (халқаро келишувга мувофиқ) барча кадр ба- ланд валюталардаги олтин нисбатлари бекор қилинди ва Д. у ёки бу чет эл валютаси (одатда, АКШ доллари, Германия маркаси, инглиз фунт стерлинги ва б.)га нисбатан пасайтириш йўли б-н амалга ошириладиган бўлди. Мас., 1990 й. 1 ноябрдан собиқ Иттифокда амалда бўлган рубль АКШ долларига нисбатан 1,8=1 доллар нисбатида Д. қилинди. Д. ҳодисаси ҳозирги ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банк-молия тизимида тез-тез учраб туради. 1998 й.да Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари, Япония, Россия ва б. мамлакатларда юз берган молиявий танглик оқибатида бу мамлакатларнинг миллий валюталари долларга нисбатан қисман Д. қилинди.

ДЕВОН – давлат бош идораси. 1) Сосонийлардан Хусрав I Ануширвон даврида шохга ҳисобот берувчи амалдорлар ва уларнинг идораси. 2) Арабларда халифа Умар (р.а.) даври(634–644)да давлат даромадларининг турли ҳукмрон доиралар ўртасидаги тақсмоти ва қўшинга маош тўлаш рўйхатлари, шунингдек ана шу рўйхатлар сақланадиган жой. Умавийлар ва аббосийлар даврида эса халифалик ҳамда Ўрта асрларга мансуб катор бошқа ислом мамлакатларида девон ал-хирож – солиқ-молиявий идора. “Д.” истилоҳи бўлак ҳукумат муассасаларига нисбатан ҳам қўлланилган. 3) Наршахий келтирган маълумотларга қўра, Сомонийлар давлати, асосан, ўнта Д. ёрдамида идора этилган; булар – вазир Д.и (Д.и вазир), молия ишлари Д.и (Д.и муставфий), давлат ҳужжатлари Д.и (Д.и расоил ёки Д.и иншо), соқчилар бошлиғи Д.и (Д.и соҳибшурат), хат-хабарлар мутасаддиси Д.и (Д.и соҳиббарид), сарой иш бошқарувчиси Д.и (Д.и мушриф), давлат хос мулклари Д.и (Д.и амийд ул-мулк), мухтасиб Д.и, вақфлар Д.и (Д.и вақф), адлия ишлари Д.и (Д.и қози). Булардан вазир Д.и бош бошқарув маҳкамаси бўлиб, давлатнинг маъмурий, сиёсий ва хўжалик тартиботи унинг бе-

восита назорати остида тутиб турилган, барча Д. бошлиқлари вазирга итоат этган. Салжуқийлар, хоразмшоҳлар ва мўғуллар даврида ҳам сомонийлар замонидаги давлат тузилиши, асосан, сақланиб қолган. Темурийлар даврида эса вазир Д.и – Д.и олий, молия ишлари Д.и – Д.и мол. соқчилар бошлиғи Д.и – Д.и тавочи, давлат хос мулклари Д.и – Д.и амлок, адлия ишлари Д.и – Д.и ёрғу деб аталган. Қолган Д.лар аслича қолган. Бу тартиб шайбонийлар даврида ҳам, деярли сақланган. Аштархонийлар ва манғитлар ҳукмронлик қилган йилларда эса давлат бошқаруви тартиботи бирмунча мураккаблашган. Молия ишлари – девонбеғийи қалонга, мушрифнинг вазифалари – кўкалдошга, мухтасибники – раисга топширилган. XVI-XVIII а.ларда ҳам кўпгина Д.лар давлат бошқаруви тизимида сақланиб қолган. Чунончи, Бухоро, Хива ва Қўқон хонлиқларида давлат Д.лар ёрдамида идора этилган. Россия Хива хонлиғи устидан протекторатлик ҳукмронлиғи (XIX а. 2-ярми)ни ўрнатгач, хонлик фаолиятини назорат қилиш мақсадида 7 кишидан иборат Д. таъсис этган, унинг аъзоларидан 3 киши чор маъмуриятининг, 3 киши (хон, девонбеғи ва меҳтар) хонлиқнинг вакили бўлган. Хон Д. раҳбари ҳисобланган; Ўзбекистон мустақилликка эришгач (1991), давлат бошқаруви номланшининг тарихий шакллари тиклана бошлади. ЎзР Қонс.сига мувофиқ, ЎзР Президенти ижро этувчи ҳокимият Д.ини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Президент Д.и мустақил давлат ҳокимияти идораси эмас, шу боис, у мажбур этувчи императив ваколатларга эга бўлмай, бевосита қундалик бошқарув б-н шуғулланмайди. Мазкур Д. Президент самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида таъсис қилинади. 4) Туркияда улғу вазир, муфти ва б. баъзи амалдорлардан иборат султон ҳузуридаги мажлис. 5) Молдова ва Валахия господарлари ҳузуридаги Давлат кенгаши (мазкур князликлар 1859 й. ўзаро бирлашгунга қадар). 6) Шарқдаги баъзи ҳозирги замон ислом мамлакатларида Д. – маъмурий ва адлия ишлари б-н шуғулланувчи ҳукумат муассасалари.

ДЕЗЕРТИРЛИК (лот. desertio – ёрдамсиз қолдириш, қочиш; инг. desertion) – ҳарбий хизматдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик б-н ташлаб кетиш, шунингдек шу мақсадда хизмат жойига етиб келмасликда намoён бўлади. Ҳарбий хизматчининг қисм ёки хизмат жойини ташлаб кетгандан ёки хизмат жойида ҳозир бўлмагандан кейинги ўтган муддатнинг узок давом этганлиги унинг ҳарбий хизматдан бўйин товлаш нияти борлигидан гувоҳлик бериши мумкин. Шунингдек, ҳарбий хизматни ўташдан бутунлай бўйин товлаш мақсадида айбдорнинг қалбаки ҳужжатлар топшириши, фуқаролар кийимида кийиниши, ҳарбий кийим-кечакни ёкиб юбориши, ишга киришга ёки яшашнинг бошқа манбаларига эга бўлишга ҳаракат қилиши ҳам Д. далолатидир. ЎзР ЖКнинг 288-м.сида Д. учун жавобгарлик ўрнатилган.

ДЕКЛАРАЦИЯ (лот. declaratio – баёнот, эълон) – 1) асосий принципларни эълон қилмоқ, тавсиявий кучга эга бўлган ҳуқуқий ҳужжат (масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси); 2) халқаро ҳуқуқда – томонлар томонидан келишиб олинган асосий принцип ва мақсадларни ифода этувчи муқаддас ҳужжат; 3) давлат чегарасидан товарлар олиб ўтилаётган вақтда божхона

ходимларига кўрсатиладиган ҳужжат (божхона Д.си); 4) солиқ тўлаш мажбуриятини олган шахс томонидан ўзининг даромади, мулкнинг ҳажми ҳақидаги баёноти (солиқ Д.си).

ДЕКРЕТ (лот. decretum – фармон, қарор) – умумий ёки хусусий норматив ҳужжатнинг номи. Қад. Римда сенат, сўнгра император ҳужжатлари Д. деб аталган. Буюк француз инқилоби (1789–1793)дан кейин Конвент ва б. қонунчилик органларининг, шунингдек Франция императори, Париж коммунаси, Франция ҳукумати ҳужжатлари Д. деб номланган. Д.лар Европанинг бошқа мамлакатларида ҳам маълум бўлган, чунончи уларни Италия қироли, Германияда Веймар Республикаси президенти ва х.к. эълон қилган.

Собиқ СССРда 1936 й.гача давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам Д. шаклида ҳужжатлар қабул қилган. Ҳозирда Францияда Д. президент ва бош вазир томонидан чиқарилади, бунда президент Д.лари бош вазир ёки тегишли вазир ўз имзоси б-н тасдиқлаганидан кейингина юридик қучга эга бўлади. Африканинг Франция конституциявий тизимини қабул қилган бир қатор давлатларнинг президенти ҳам Д. чиқарадилар. Англо-саксон ҳуқуқий тизими мамлакатларида суд қарорларининг баъзи турлари Д. деб аталади.

Д.лар, одатда, қонун қучига эга бўлади ва кўпинча унинг ўрнини босади. Беларусь Конс.сининг янги таҳририга асосан (1996) республика президентиға қонун қучига эга бўлган Д.лар эълон қилиш ҳуқуқи берилган.

ДЕЛИКВЕНТ (лот. delinqueus – айб содир этувчи) – ҳуқуқбузар, ҳуқуқда ижтимоий қондалардан оғувчи хулқли шахс (жиноятчи) ва б.ни ифодалаш учун ишлатиладиган атама. Жиноятчи шахси, аввало жиноят субъектининг шахсидир. Жиноят қонунчилигига биноан жиноят субъекти уни айнан субъект деб топиш учун зарур кўрсаткичларға эга бўлиши лозим. Бундай кўрсаткичлар учта: жисмоний шахс (жаҳоннинг баъзи бир мамлакатларида юридик шахсларни ҳам жиноят субъекти деб топиш имконияти назарда тутилганки, бунга қўшилиш қийин), шахснинг муайян ёшға тўлганлиги ва ақли расолик. Аммо жиноятчи шахсини тавсифлаш учун жиноят субъектининг фақат жиноят-ҳуқуқий белгилари етарли эмас. Муайян субъектнинг жиноят содир этиши фақат жиноят содир этган одам шахси мавжудлигини эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Жиноят субъектининг шахси одамнинг асосан жиний хулқ-атвор хусусиятлари б-н боғлиқ бўлган бошқа ҳар хил кўрсаткичларини ҳам камраб олади. Жиний хулқ-атвор, энг аввало, одамни қуршаган борлиқ, мухит б-н белгиланади. Лекин, айни вақтда, у шахснинг муайян майллари, интилишлари, хулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини ҳам акс эттиради. Табиийки, одам қандай салбий хусусиятларға эга бўлмасин, агар у жиноят содир этмаган бўлса, уни жиноятчи деб ҳисоблаш мумкин эмас. Жиноят содир этганлик ҳолати муайян одамни ғайриижтимоий шахс сифатида тавсифлайди, лекин унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунтириб бермайди. Жиноятчи шахсини тўлақонли тавсифлаш ва баҳолаш учун унинг ҳам ижобий, ҳам салбий хулқ-атворини белгиловчи барча ҳислатлари ва хусусиятларини, унга хос бўлган барча ҳислатлар тизимида ижтимоий салбий ҳоссалар улушини ҳисобға олиш

зарур. Ижтимоий борлиқ ҳодисаси сифатида, жиноятчилик ижтимоий муносабатларға таъовуз қилган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари б-н белгиланади. Ҳар бир муайян жиний ҳаракат ана шу хусусиятларни акс эттиради. Пировардида жиний қилмиш содир этган шахсда унинг ижтимоий муносабатлар – жиний таъовуз объектиға салбий муносабатини белгиловчи дунёқараши ҳам ўз аксини топади. Жиноят субъектининг шахси уч даражада: жиноятчи шахси умумий тушунчаси нуқтаи назаридан, ҳар хил тоифаға мансуб жиноятчиларнинг белгиларини аниқлаш нуқтаи назаридан ва муайян жиноят содир этган шахс (мас., ўғирлик, одам ўлдириш, номусға тегиш, автомобилни олиб қочиш ва х.к. жиноятлар содир этувчи шахслар) даражасида ўрганилиши лозим.

ДЕЛИКТ (лот. delictum – бузилиш, айб) – айнан айб (фуқаролик, маъмурий, интизомий ҳуқуқбузарлик). Д. атамасининг ўзи Ўзбекистон қонунчилигида қўлланилмайди, фуқаролик ҳуқуқида бир шахснинг фуқаролик ҳуқуқбузарлиги натижасида бошқа шахсға мулкий зарар етказиши туфайли Д. жавобгарлиги юзаға келади.

ЎЗР ФКнинг 985-м.сида ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсға етказилган зарар шахс томонидан тўлиқ қопланиши лозим. Қонунда зарарни тўлаш мажбурияти зарар етказувчи бўлмаган шахсға юклатилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида ёки шартномада жабрланувчиларға зарарни тўлашдан ташқари тоvon тўлаш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин. Зарар етказган шахс, агар зарар ўз айби б-н етказилмаганини исботласа, зарарни тўлашдан озод қилинади. Қонунда зарар етказган шахснинг айби бўлмаган тақдирда ҳам зарарни тўлаш назарда тутилиши мумкин. Қонуний ҳаракатлар туфайли етказилган зарар қонунда назарда тутилган ҳолларда тўланиши лозим. Агар зарар жабрланувчининг илтимоси ёки розилиги б-н етказилган бўлса, зарар етказган шахснинг ҳаракатлари эса жамиятнинг ахлоқий принципларини бузмаса, зарарни тўлаш рад этилиши мумкин.

ДЕЛИСТИНГ – қ.: *Листинг*.

ДЕЛЪКРЕДЕРЕ (ит. del credere – ишончдан, ишониб) – фуқаролик ҳуқуқида комиссия шартномасининг шarti бўлиб, унга кўра комиссионер алоҳида муқофот эъвазига учинчи шахснинг битимни бажариши учун масъулиятни (олувчи комитент олдида) зиммасига олади. Шундай қилиб, зиммасига Д. оловчи комиссионер нафақат товарлар сотади, балки харидор тўловға қобилиятсиз бўлганда ҳам уларнинг тўланишини қафолатлайди.

Агар воситачилик шартномаси комитентға боғлиқ сабаблар б-н бажарилмаган бўлса, воситачи воситачилик ҳақиға, шунингдек қилинган ҳаражатларнинг қопланишиға бўлган ҳуқуқини сақлаб қолади.

ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ – қ.: *Қуролсизланиш (Демилитаризация)*.

ДЕМОКРАТИЯ (юн. demokratia – халқ ҳокимияти, demos – халқ ва kratos – ҳокимият сўзларидан) – конституциявий тузумнинг халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий плюрализм, фуқаролар эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги каби асосларини эътироф этишға асосланган давлатнинг сиёсий режими. Ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига бўлиниши ҳамда улар

нинг ўзаро алоқаси, халқ вакиллиги ривожланган тизими-га эга республика бошқаруви Д.ни амалга ошириш шакли ҳисобланади. Д., давлат сиёсий режими шакли сифатида, давлат (қад. Афина) б-н бир вақтда вужудга келди. Ҳозирги замон жамиятида Д. кўпчилиқнинг ҳокимиятини, бунда камчилиқнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини, асосий давлат органлари сайлаб қўйилишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва сиёсий эркинликлари, уларнинг тенг ҳуқуқчилиги кафолатланишини, қонун устуворлиги, конституционализм, ҳокимиятнинг бўлинишини англатади. Бевосита Д. (асосий қарорлар барча фуқаролар томонидан референдумлар, йиғилишлар ва б.да қабул қилинади) ва вакиллик Д. (қарорлар сайлаб қўйиладиган муассасалар – парламентлар ва б. томонидан қабул қилинади) фарқланади. Д. инслари ҳуқуқий давлатда муқаммал ривожланиб боради.

ЎзР мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат куриш ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида катта қадам қўйди. Эндилликда мамлакатимизда демократик инсларни ҳаётга олиб кирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бўғинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини қарор топтирувчи қонунлар қабул қилиниб, амалда ишлай бошлади.

ДЕМПИНГ (инг. dumping; нем. dumping) – товарни ташки бозорда ички бозордагига қараганда пастроқ нархда сотиш. Д. товарлар адолатли рақобат қоидаларини бузганлиги ва маҳаллий қорхоналарга зарар келтирилганлиги туфайли Д. амалиёти халқаро савдода фаол иштирок этувчи мамлакатларда ҳар томонлама қораланган. Давлат адолатли нархларга қараганда паст баҳода сотилаётган ва импорт қилувчи мамлакат тармоғига моддий зарар етказётган товарлардан антидемпинг божи олишга ҳақлидир. Д.ни экспортчилар бозорда ҳукмрон мавқени эгаллаш учун ишга соладилар. Тариф ва савдо бўйича бош битимга кўра бир мамлакат маҳсулотини бошқа мамлакатга олиб чиқиб, унинг бозорларида товарларни импорт қилувчи мамлакат миллий иқтисодига зарар етказадиган нархларда тарқатиш, ички бозорда (импортчи) мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилган айнан шундай товарларнинг савдосини мураккаблаштиришга олиб келади.

ДЕМПИНГ МАРЖАСИ – экспорт нархи чегириб ташланган товар нормал қийматициг товарниг экспорт нархига фоизларда ифодаланган нисбати. Д.м. товарнинг ўртача олинган нормал қийматини барча таққосланган экспорт битимлари б-н солиштириш асосида ёки товарнинг нормал қийматини муайян битимлар бўйича экспорт нархлари б-н солиштириш орқали аниқланади. Агар товарлар ЎзРга товар келиб чиққан мамлакатдан бевосита импорт қилинмай, балки учинчи мамлакатдан экспорт қилинаётган бўлса, товар экспорт қилинаётган мамлакатдан ЎзРга сотилаётган товарлар нархи товар экспорти мамлакатидagi солиштирма нарх б-н таққосланади. Агар товарлар товар экспорт қилинаётган мамлакат орқали факат олиб ўтиладиган бўлса ёки бундай товарлар товар экспорт қилинаётган мамлакатда ишлаб чиқарилмаса ёхуд товар экспорт қилинаётган мамлакатда уларга солиштирма нарх бўлмаса, таққослаш товар келиб чиққан мамлакатдаги нархга қиёсан ўтказилиши мумкин. Товарнинг экспорт нархи бўлмаган ёки бундай нарх текширув ўтқа-

зётган ваколатли органда шубҳа уйғотган ҳолларда, етказиб бериладиган товарларнинг экспорт нархи етказиб берувчидан ёки сотувчидан мустақил харидорга биринчи марта қайта сотилаётган нарх асосида ёки ваколатли орган белгиладиган бошқа асосда ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Агар ваколатли орган томонидан текширув натижасида Д.м. экспорт нархининг икки фоиздан ортиқроғини ташкил этиши ёки демпинг нархларидаги товар импортида уни етказиб бериш ҳажми анча миқдорда эканлиги аниқланган бўлса, демпинг нархларидаги товар импортига нисбатан антидемпинг божи қўлланилади. Агар демпинг нархларидаги товар импортида етказиб бериш ҳажми барча ўхшаш товарларни ЎзРга етказиб бериш умумий ҳажмининг уч фоиздан ортиқроғини ташкил этса ёки демпинг нархларидаги товар импортида шундай товарни ЎзРга етказиб беришда ҳар бирининг улуши етказиб бериш умумий ҳажмининг камида уч фоизини ташкил этадиган мамлакатлардан демпинг нархларида импорт қилишда етказиб бериш ҳажми ўхшаш товарни ЎзРга етказиб беришнинг умумий ҳажмида жами етти фоиздан ортиқроғини ташкил этса, етказиб бериш ҳажми, товарни етказиб берувчи қайси мамлакат хусусида текшириш ўтказилаётган бўлса, шу мамлакатга нисбатан олганда анча миқдорда деб топилади ("Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 11-м.си).

ДЕМПИНГГА ҚАРШИ БОЖ – қ.: *Антидемпинг божи*.

ДЕНАТУРАЛИЗАЦИЯ (лот. de – олиб ташлаш, бекор қилиш + naturalis – асл, ҳақиқий, қонуний сўзларидан; инг. denaturalization; фр. denaturalisation) – шахс томонидан бирон-бир давлат фуқаролигини йўқотиши.

ДЕНАЦИОНАЛИЗАЦИЯ (инг. denationalization; фр. denationalisation) – национализацияга қарши жараён бўлиб, национализация натижасида пайдо бўлган давлатга тегишли объектларни хусусий мулк сифатида бериш. ЎзР ФКнинг 202-м.сига мувофиқ, национализация қилинган мол-мулк кейинчалик, Д. қилинган тақдирда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

ДЕНДРОЛОГИЯ БОҒИ (юн. dendro – дарахт + logos – таълимот сўзларидан) – дам олиш, рекреация ва маърифий, маданий мақсадларни тезкор амалга ошириш имконини берувчи алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд. Умумдавлат аҳамиятидаги Тошкент Д.б. кўп млн.лик ш. аҳолисининг кундалиқ ҳордиқ чиқариши учун яратилган дарахт ва буталар композициясидан иборат бўлган ҳудуддир. Миллий қонуничиликка мувофиқ Д.б. турли мулкчилик шаклида ташкил этилиши мумкин.

ДЕНОНСАЦИЯ (фр. denoncer – бекор қилмоқ) – халқаро шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши. Д. шартноманинг ўзига мувофиқ ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормаларига кўра амалга оширилади. Шунинг б-н бирга, Д. шартноманинг бузилиши ҳисобланмайди, аксинча, шартноманинг ҳуқуқий бекор қилиниши ҳисобланади. Аксарият шартномаларда Д.нинг алоҳида процедураси кўрсатилган.

Шундай шартномалар ҳам борки, Д.га йўл қўйилмайди. Аммо, ушбу нормаларнинг тўлиқ бажарилиши иштирокчиларнинг иродасига боғлиқ.

Давлат томонидан илгари имзоланган халқаро шартномадан бир томонлама расмий бекор қилиш ёки ундан чиқиш. Шартноманинг Д. қилиниш ҳолатлари одатда унинг ўзида қайд этилган бўлади. Д. ҳуқуқи, қондага кўра, мамлакат Конс.сида белгиланган бўлиб, у парламентга тегишли. Д. процедураси қонун б-н белгиланади.

ЎзР Конс.сига мувофиқ, ЎзРнинг халқаро шартномаларини ратификация ва Д. қилиш ЎзРнинг Парламенти – Олий Мажлис КП ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари доирасига киради. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунинда ҳам бу масалага кенгрок тўхталиб ўтилган. Ушбу қонуннинг 39-м.сида ЎзРнинг халқаро шартномаларини Олий Мажлис томонидан тўхтатиш, Д. қилиш ҳолатлари кўрсатиб ўтилган бўлиб, унга мувофиқ, ЎзР номидан тузилган ЎзР халқаро шартномаларини Д. қилиш ЎзР Президентининг тақдимномасига мувофиқ, ЎзР Ҳукумати тасарруфидаги масалалар бўйича ЎзР номидан тузилган шартномалар эса, ЎзР Ҳукуматининг тақдимномасига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

ЎзР Ҳукумати номидан тузилиб, ратификация қилинган ЎзР халқаро шартномаларини Д. қилиш ЎзР Ҳукуматининг тақдимномасига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

ЎзР халқаро шартномасининг Д. қилиниши, агар шартномада бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса ёки унинг ўзга иштирокчилари б-н бошқача келишилмаган бўлса, ЎзРни шартномани бажариш мажбуриятдан озод қилади ва шартноманинг амал қилиши давомида пайдо бўлган ЎзРнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этмайди.

ДЕПО ҲИСОБВАРАҒИ – депонентнинг қимматли қоғозларини сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар йиғиндиси (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ДЕПО ҲИСОБВАРАҒИДАН КЎЧИРМА – депонентнинг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларини тасдиқладиган, депозитарий томонидан бериладиган ҳужжат (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ДЕПОЗИТ (лот. depositum – сақлаш учун берилган буюм) – 1) банк ва жамғарма кассаларига қўйилган муддатли, талаб қилиб олинувчи, шартли омонатлар; 2) миқдорларнинг банк дафтарларидаги банкларга қиладиган муайян талабини тасдиқловчи ёзувлар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун бериладиган қимматли қоғозлар (акция ва облигациялар); 4) бошлар ва йиғимларнинг тўла-нишини таъминлаш учун божхона муассасаларига бериладиган бадаллар; 5) даъво, судга келишни таъминлаш учун суд ва маъмурий органларга бериладиган пул суммалари шаклидаги бадаллар. Яна қ.: *Омонат (Депозит)*.

ДЕПОЗИТ СЕРТИФИКАТИ – қ.: *Омонат (депозит) сертификати*.

ДЕПОЗИТАР ОПЕРАЦИЯЛАР – ҳисобга олиш регистрларида депозитарийлар томонидан Д.о. стандартларига мувофиқ бажариладиган операциялар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ДЕПОЗИТАР ШАРТНОМА – депозитарий ва депонент ўртасида тузиладиган ва депозитар фаолият жараё-

нида уларнинг муносабатини тартибга соладиган шартнома. Д.ш. ёзма шаклда тузилиши керак. Депозитарий тузилган Д.ш.нинг ажралмас таркибий қисми бўлган депозитар фаолиятни амалга ошириш шартларини тасдиқлашга мажбур. Д.ш.ни тузиш депонентнинг қимматбаҳо қоғозларига бўлган эгаллик ҳуқуқининг депозитарийга ўтишига олиб келмайди. Депозитарий депонентнинг қимматбаҳо қоғозларини тасарруф этиш, бошқариш ёки депонент номидан қимматбаҳо қоғозлар б-н ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Д.ш.да назарда тутилган ҳолларда депонентнинг топшириги бўйича ишлари бажариш бундан мустасно. Депозитарий депонент б-н Д.ш. тузишни унинг қимматбаҳо қоғозлар б-н мустақамланган локал битта ҳуқуқидан воз кечиши б-н боғлашга ҳаққи йўқ. Депозитарий мажбуриятлари бўйича тўловлар депонентнинг қимматбаҳо қоғозларига қартилиши мумкин эмас. Агар бир депозитарийнинг депоненти бошқа депозитарий бўлса, улар ўртасида тузилган Д.ш. қонунларда назарда тутилган ҳолларда депозитарий-депонентда, шунингдек унинг депозитарий-депонентларида ҳисобга олинадиган қимматбаҳо қоғозлар эгаларига доир ахборотни олиш йўлини белгилаши керак.

Д.ш. қуйидаги муҳим шартларни назарда тутиши керак: а) шартнома мавзунини аниқ белгилаш: қимматбаҳо қоғозлар сертификатларини сақлаш ва қимматбаҳо қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш; б) депонентнинг депозитарийда депонирланган қимматбаҳо қоғозларини тасарруф этишига доир ахборотни депозитарийга бериш тартиби; в) шартноманинг амал қилиш тартиби; г) депозитарийнинг шартномада белгиланган хизматлари учун бериладиган тўлов ҳажми ва тартиби; д) депозитарийнинг депонент олдида ҳисобот бериш шакли ва мунтазамлиги; е) депозитарийнинг бурчлари.

ДЕПОЗИТАРИЙ – 1) қимматли қоғозларни сақлаш, уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва тасдиқлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 25-м.си). Яна қ.: *Депозитарий фаолияти*; 2) халқаро ҳуқуқда кўп томонлама халқаро шартноманинг асл матнини ва унга тегишли барча ҳужжатлар (ариза, изоҳлар, денонсациялар ва х.к.)ни сақловчи шахс. Бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёки бундай ташкилотнинг бош ижроҳчиси бўлган мансабдор шахс депозитарий бўлиши мумкин. Мас., БМТ нинг Бош қотиби БМТ доирасида тузилган бир қатор кўп томонлама шартномалар учун Д. вазифасини бажаради. Д.ни шартномада катнашаётган давлатлар белгилайди. Одатда, ушбу шартномани тузган халқаро конференция ўтган ҳудуд қарашли бўлган давлат ёки агар шартнома халқаро ташкилот доирасида қабул қилинган бўлса, ана шу ташкилотнинг ваколатли органи Д. сифатида белгиланади. Универсал хусусиятга эга бўлган шартномаларда иложи борича кўпроқ давлатларнинг иштирок этишини таъминлаш мақсадида улар бир неча Д.ларни тайинлашлари мумкин.

ДЕПОЗИТАРИЙ ФАОЛИЯТИ – “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 25-м.сига мувофиқ, қимматли қоғозларни сақлаш, уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва тасдиқлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс депозитарийдир. ЎзР ҳудудидаги депозитарийлар тизими Қимматли қоғозлар марказий depo-

зитарийсини ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварақларини очган депозитарийларни ўз ичига олади. Депозитарийлар тизимида қимматли қоғозлар ҳаракати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган депозитар операциялар стандартларига мувофиқ амалга оширилади. Депозитарийлар: маънафатдор шахсларнинг қимматли қоғозларни депозитарийда сақлаш ва ҳисобга олиш қоидалари б-н танишиб чиқишлари имконияти б-н таъминлаши; сақлаш учун қабул қилиб олинган қимматли қоғозларнинг бут сақланишини таъминлаши; ҳар бир депонентга тегишли қимматли қоғозларнинг сони ва номинал қийматини ҳисобга олиб бориши; қимматли қоғозларга мажбуриятлар юклатилганлиги, шунингдек уларнинг тугатилганлиги фактлари ҳисобини юритиши; депо ҳисобварақлари ҳолатига ўзгартишлар киритишга асос бўлувчи бирламчи ҳужжатларни ва депозитар операциялар бўйича ҳужжатларни ўз архивида сақлаши; депо ҳисобварақлари бўйича операцияларни депонентларнинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг ёзма топшириқлари асосида амалга ошириши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; депонентнинг қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқларини депо ҳисобварақидан тегишли кўчирма бериш орқали тасдиқлаши; депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларнинг мавжудлиги ва ҳаракати, уларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотнинг махфийлигини таъминлаши, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депо ҳисобварақ бўйича операцияларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи, монополияга қарши давлат органи, шунингдек суднинг, суриштирув ва тергов органларининг қарорлари асосида тугатиши; ўз фаолиятига тааллуқли маълумотларни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг, давлат солиқ хизмати органининг, монополияга қарши давлат органининг, шунингдек суднинг, суриштирув ва тергов органларининг талабларига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган донрада ва тартибда тақдим этиши; ўзи етказган зарарларнинг ўрнини сугурта қилиш, махсус фондлар ташкил этиш орқали ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усул б-н қоплаш имкониятини назарда тутиши шарт.

Қимматли қоғозларни номинал сақловчи вазифасини бажараётганда депозитарий ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган мажбуриятлар б-н бир қаторда: қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг талабига биноан қимматли қоғозлар эгаларининг реестрини шакллантириш учун қимматли қоғозларнинг эгалари тўғрисидаги зарур маълумотларни тақдим этиши; ўзида ҳисобга олиб бориладиган қимматли қоғозлар ва улар эмитентларнинг рекузитларига Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган маълумотлар асосида ўзгартишлар киритиши шарт. Қонун ҳужжатларига мувофиқ депозитарийларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин. Депозитарийлар қуйидагиларга ҳақли эмас: ўзига сақлаш учун топширилган қимматли қоғозлардан фойдаланишга; ўзи эмиссия қилган қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритишга; ўз номидан ва ўз ҳисобидан қимматли қоғозларга доир битимлар

тузишга, бундан ўзи эмиссия қилган қимматли қоғозларга доир битимлар мустасно. Агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси, ушбу модданинг еттинчи қисмида кўрсатилган ҳоллардан ташқари, шунингдек қуйидагиларга ҳақли эмас: бошқа юридик ва жисмоний шахсларга молиявий ёрдам кўрсатиш; бошқа юридик шахсларнинг устав фондида иштирок этиш. Депозитарий сифатида фаолиятни тугатиш ёки депозитарийни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, оммавий ахборот воситаларида ўн кунлик муддат ичида тегишли ахборот эълон қилинади. Ўз фаолиятини тугатаётган ёки тугатилаётган депозитарийда сақланаётган қимматли қоғозлар ва ҳисобга олиш регистрлари депонентнинг қарорига биноан бир ҳафталик муддат ичида бошқа депозитарийга ўтказилади, бундай қарор мавжуд бўлмаган тақдирда эса, депонентлар танлаган депозитарийларга қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган муддатларда кейинчалик ўтказиш учун Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ўтказилади. Депозитарийни тугатиш Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ушбу модданинг тўккинчи қисмида кўрсатилган тартиб-таомил яқунланганлиги ҳақидаги ёзма тасдиқдан кейин амалга оширилади.

ДЕПОЗИТАРИЙНИНГ ҲИСОБГА ОЛИШ РЕГИСТРЛАРИ – депозитарийда қимматли қоғозларни сақлаш ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича депозитар операциялар стандартлари билан белгиланган ёзувлар тизими (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

ДЕПОНЕНТ (лот. *deponens /deponentis/* – олиб қўювчи; инг. *depositor*) – депозитарийда депо ҳисобварақига эга бўлган шахс (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си). Яна қ: *Депозитарий фаолияти, Депозитар шартнома.*

ДЕПУТАТ (лот. *deputatus* – вакил) – : онунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига сайланган шахс, аҳолини маълум қисми – ўз сайлов органи сайловчиларнинг ёки бутун миллатнинг вакили. Д. тегишли вакиллик органида профессионал асосда, яъни асосий фаолиятини тўхтатмай ишлайди. Қолаверса, Д.лар маҳаллий кенгашларда белгиланган вақт оралиғида, яъни ҳар йилда ўтказиладиган сессиялардагина фаолият олиб бориши белгилаб қўйилган. ЎЗРда ҚП ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайланганлар, Д.лар деб аталади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 1-м.сига кўра, ЎЗР Олий Мажлисининг ҚПга сайланган ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ ЎЗР Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ЎЗР фуқароси Д. ҳисобланади. “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари мақоми тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 1-м.сига кўра, тегишли халқ депутатлари вил., тум. ва ш. Кенгашига сайланган ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ тегишинча вил., тум. ва ш. сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ЎЗР фуқароси Д. ҳисобланади. ЎЗР Олий Мажлис ҚП ҳамда

халқ Д.лари маҳаллий Кенгашлар Д.ларининг ваколат муддатлари беш йил қилиб белгилабган.

ДЕПУТАТ МАҚОМИ – давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг ҳуқуқий ҳолати бўлиб, у депутатлик мандатининг сиёсий-ҳуқуқий табиати, унинг юзга келиши, тўхтатилиши, амалда бўлиш муддати, депутатлар ваколати, улар фаолиятининг кафолатланганлиги, шунингдек депутатларининг ҳисобдорлиги, назорат қилиниши ва жавобгарлиги б-н боғланган ижтимоий муносабатларни бошқарадиган ҳуқуқий нормалар мажмуи б-н аниқланади. Д.м.ни мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар Конс.ларда, махсус қонунлар, палаталар регламентларида берилади. 2004 й. 2 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида” ва “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунлари қабул қилинди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ – депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтан назарини баён қилиш талаби б-н Д.с. юборишга ҳақлидир. ЎЗРда халқ депутатлар вил., тум. ва ш. Кенгашлари депутатлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Д.с.га жавобни депутатга мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборадилар. Судларнинг раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган Д.с. уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларга тааллуқли бўлиши мумкин эмас. Д.с.лари бўйича ахборот тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ЎЗР Қонунларида кўра, Олий Мажлис палаталари аъзолари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтан назарини баён қилиш талаби б-н сўров йўллашга ҳақли.

ДЕПУТАТ ЭТИКАСИ (юн. ethika, ethos – одат, ҳулқ сўзидан) – депутатлар ички парламент мулоқоти ахлоқий ва маънавий нормалари йиғиндиси. Д.э.га риоя қилиш мажбурияти ҳар бир депутатнинг фақат ахлоқий эмас, балки юридик мажбурияти ҳам бўлиб, ҳам ижтимоий, ҳам ижтимоий таъсир воситалари б-н таъминланади. Бундай воситаларни қўллаш учун парламентларда одатда Д.э. бўйича комиссиялар тузилади. Д.э.ни бузганлик учун аниқ жавобгарлик қандайдир кўра парламент ёки унинг палатаси регламентида белгиланади.

ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ – парламент фаолияти б-н боғлиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, депутатлар бирлашмаларининг икки шакли – фракциялар ва Д.г.лари мажмуд. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 23-м.сига кўра, ҚП депутатлари сиёсий, профессионал ва б. асосда

фракциялар ва Д.г.лари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Д.г.ларини ҚП таркибига сайланган, сиёсий партиядан кўрсатилмаган депутатлар тузишга ҳақли. ҚП депутатининг фракцияга ёки Д.г.га кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади. ҚПнинг депутати фақат бир фракция ёки Д.г.нинг аъзоси бўлиши мумкин.

ДЕПУТАТЛАР ПАЛАТАСИ – Греция парламенти-нинг, шунингдек Боливия, Бразилия, Венесуэла, Доминикан Республикаси, Италия, Колумбия, Мексика, Никарагуа, Руминия, Чехия, Чили парламенти қуйи палатасининг номи. Бизда эса қуйи палатамиз ҚП деб номланади. Бу палатанинг асосий иш фаолияти бевосита қонунчилик жараёни б-н узвий боғлиқ бўлади.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ – депутатларнинг сайланадиган лавозимдан шахслар сифатида юридик жавобгарликларининг алоҳида тури, депутат парламент (палата, вакиллик ҳокимияти бошқа муассасаси) регламенти нормаларини ёки депутатлик этикаси нормаларини бузганлиги учун бошланадиган ва депутатга нисбатан рўйхати тегишли вакиллик муассасаси регламентини белгиланган интизомий таъсир чора-тадбирларини қўллашда ифодаланади. Замонавий демократия давлатларида вакиллик муассасалари депутатларига нисбатан одатда интизомий таъсирнинг қуйидаги чора-тадбирлари қўлланади: сўздан маҳрум қилиш тўғрисида огохлантириш, муҳокама қилинаётган масала бўйича сўздан маҳрум қилиш, йиғилиш залидан чиқариб юбориш, танбех бериш, ойлик депутатлик пулдан маълум суммани ушлаб қолиш.

ДЕПУТАТЛИК МАНДАТИ (лот. mandatium – топширик) – бирорта вакиллик муассасаси депутати ваколатларининг қонунийлигини, депутат ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек парламент ёки бошқа вакиллик ҳокимияти органи депутати зиммасига юклатиладиган оммавий вазифа, унинг мазмуни (мандат характери) Конс. ва б. конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н белгиланади. Ҳозирги демократия давлатларида мандатнинг ҳуқуқдорлиги депутатнинг дахлсизлиги (иммунитет) ва депутатлик фаолияти учун тақдирлов пули олиш (имдемнитет)ни ўз ичига олади. Мандат депутатнинг ўз сайловчилари б-н ўзаро муносабат шаклини ҳам белгилайди. Ҳозирги демократия давлатларида умуммиллий мандат деб аталмиш мандат бор, унга кўра депутат қандайдир аниқ бир сайлов округининг эмас, балки бутун миллат вакили ҳисобланади. Депутат ўз фаолиятида ҳеч қандай нақаз б-н боғланиб қолиши мумкин эмас (императив мандат б-н) ва ўз мандат муддати тугамагунча чақириб олиниши мумкин эмас. Кўпгина давлатлар (Италия, Франция ва б.) Конс.ларида императив мандатни бевосита тақиқловчи кўрсатма бор. Советлар типдаги Конс.лар императив мандатни, яъни депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини қарор топтиради, унга кўра сайловчилар ўз депутатларига нақазлар бериш ва уларни қонунда белгиланган тартибда чақириб олиш ҳуқуқига эга.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД – давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан, қола-

верса, тум. ва ш. халқ депутатлари Кенгашига ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. ЎзР Олий Мажлис ҚП депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва қирк беш кун қолганида тугайди. Олий Мажлис ҚП депутатлигига сиёсий партиянинг юқори органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи ЎзР депутатлигига бигтадан номзод кўрсатиши мумкин. Сиёсий партия депутатликка фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса ЎзР депутатлигига номзодни, башарти мазкур номзод у ёки бу сиёсий партияга мансуб бўлмаса, кўрсатишга ҳақлидир. Номзод фақат битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ўз номзоди овозга қўйилишига розилик бериши мумкин.

ДЕПУТАТНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ – “Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини ЎзР Олий Мажлисининг Қонулчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ депутатни, сенаторни чақириб олиш учун қуйидагилар асос бўлади:

депутатнинг, сенаторнинг ЎзР қонун ҳужжатларини жиний, фуқаровий, маъмурий ҳамда қонунда назарда тутилган бошқа турдаги жавобгарликка олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг ахлоқ, депутатлик одобининг умум эътироф этилган нормаларини кўпол равишда бузувчи ва депутат, сенатор номига доғ туширувчи ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар, пожўя ишлар содир этганлиги;

депутатнинг, сенаторнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўз вазифаларини мунтазам равишда, узрли сабабларсиз бажармаганлиги, шу жумладан тегишли халқ депутатлари Кенгашларининг, ЎзР Олий Мажлиси ҚПнинг, ЎзР Олий Мажлиси Сенатининг мажлисларида, уларнинг органлари ишида иштирок этмаганлиги, уларнинг топшириқларини бажармаганлиги.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Д.ч.о. у сайланган округ сайловчиларининг яширин овоз бериши йўли б-н амалга оширилади. Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органларининг Д.ч.о. масаласи бўйича овоз беришни ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги қарорини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичида қонунга мувофиқ халқ депутатлари вил., тум., ш. Кенгашининг депутатини, шунингдек ҚП депутатини чақириб олиш бўйича округ комиссияси тузилишини таъминлайди ҳамда овоз бериш вақти ва жойини тайинлайди. Марказий сайлов комиссияси бу ҳақда тегишинча халқ депутатлари вил., тум., ш. Кенгашини, ҚПни ёки Сенатни хабардор қилади.

ДЕСПОТИЯ (юн. despoteia – чексиз ҳокимият; инг. despotism) – мустабид давлат, ҳеч қандай қонун б-н ҳуқуқи чекланмаган мустабид подшо, деспот қўлидаги давлат; самодержавие ҳокимият шакли, чекланмаган монархия Д.нинг ўзига хос белгиси ҳокимиятнинг тамомила ўзбошимчилиги ва фуқароларнинг ҳуқуқсизлиги; деспот мамлакат ерларининг ягона эгаси, кўпинча олий суд ҳисобланган. Унинг иродаси – худонинг иродаси қонун деб ҳисобланган. Мустабид подшо илоҳийлаштирилган. Да давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалаларда қулдор

зодагонларнинг фикри эътиборга олинса ҳам, унинг ҳокимияти чекланмаган. Қад. Мисрда, Бобил (Вавилония)да, Оссурияда, Хитойда, Эронда ва Хиндистонда ҳуқуқи чекланмаган монарх-фиръави Д. давлатлари мавжуд бўлган. Илк феодал давлатлардан баъзиларида ҳам Д. (Шарқда Араб халифалиги, Фарбда абсолют монархия шаклида) назомён бўлган эди. Д. подшо, монарх ҳокимияти чекланмаган, шахсий ўзбошимчиликка асосланган давлат.

ДЕ-ФАКТО (лот. de facto – *сўзма-сўз* амалда, ҳақиқатда; инг. de facto) – халқаро ҳуқуқда янги вужудга келган давлат ёки ҳукуматнинг жохон ҳамжамияти ва давлатлар томонидан тан олинishi. Бу давлат ва ҳукумат эътиборнинг расмий, лекин тугалланмаган, тўлиқ бўлмаган тан олинishi. Бундай эътироф одатда вақтинчалик характерга эга бўлиб, де-юре тан олишга ўтиш босқичидир.

ДЕ-ЮРЕ (лот. de jure – *сўзма-сўз* ҳуқуқ бўйича; инг. de jure) – халқаро ҳуқуқда янги вужудга келган давлат ёки ҳукуматни тан олиш б-н бирга, шу давлат ёки ҳукумат б-н расмий жиҳатдан ва ҳуқуқий асосларда муносабатларни йўлга қўйиш. Мас., мустақилликнинг дастлабки қулла-риданок ЎзРни “де-юре” ёки “де-факто” тарзида тан олган давлатлар б-н имзоланган кўп томонлама шартномаларнинг парламент томонидан ратификация қилиниши ҳамда ташқи сиёсатга доир “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси консуллик уставини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонуларининг қабул қилиниши фикримизнинг исботидир.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгаллик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорка ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

Д.х.даги фаолият тадбиркорлик фаолиятни жумласига киради ҳамда Д.х. аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин.

Д.х. ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Д.х. ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда у давлат рўйхатига олинганидан ва унга белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади. Ер участкаси бериш тўғрисида ариза сўралаётган ер участкасининг жойлашган жойи, майдони, Д.х.нинг таркиби ҳамда ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланиш кўрсатилган ҳолда қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) бошқарувига ёхуд бошқа қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг маъмуриятига берилади.

Д.х. бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир. Д.х.ни давлат рўйхатига олиш Д.х.ни доимий яшаш жойидаги туман ҳокимлиги томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган зарур ҳужжатлар б-н биргаликда ариза берилган пайт-

дан эътиборан уч кун ичида амалга оширилади. Д.х.га ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Д.х. фаолияти “Дехкон хўжалиги тўғрисида”ги Қонун б-н тартибга солинади.

ДИАСПОРА (юн. diaspora – ёйилиш, тарқалиш) – ўзи келиб чиққан мамлакатидан ташқарида, янги жойлашган ҳудудларда яшаётган халқ(этноик жамоа)нинг бир қисми. Аввалига Д. деб мил. авв.VI а.да Фаластиндан ташқарида яҳудийлар тарқалган ҳудудларга нисбатан ишлатилган.

ДИГЕСТЛАР (лот. Digesta – йиғинди, йиғилган) – юридик матилар, қонунлар йиғиндиси деб таржима қилинади. Юстиниан даврида ҳуқуқий илмга бўлган талаб ва кизиккиш давлат даражасига кўтарилган. Норматив барқарорликка эришишга ҳаракат қилган император ва унинг идоралари классик меросга таянган ҳолда қонунларни кодификация қилган. Бу эса мавжуд эдикт тўпламлари, новеллар, император фармонлари ва юридик мавзуга доир шох асарларнинг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Юстиниан кодификациясининг асосини Д. ташкил этган. Д.нинг умумий ҳажми деярли 120 босма табоқ. Д. Рим классик юристларининг асосан хусусий ҳуқуққа оид асарларидан муайян тартиб асосида келтирилган кўчирмаларидан иборат. Д. 50 китобга, уларнинг ҳар бири, ўз навбатида, қисм (фрагмент)лардан иборат бўлган титулларга бўлинади. Хусусан, Д.да Ульпиан, Павел, Папиниан, Юлиан, Помпоний, Модестин ва б. машҳур бўлган юристлар асарларидан фойдаланилган ва парчалар келтирилган. Д.да гаров, оилавий-ҳуқуқий муносабатлар, мулкӣ ва ворислик (мерос) муносабатларига катта ўрин ажратилган.

ДИКТАТУРА (лот. dictature – чекланмаган ҳокимият; инг. dictatorship) – давлат ҳокимиятини нодемократик усуллар б-н амалга ошириш тизимини ифодаловчи тушунча, авторитар ёки тоталитар режим. Д.га асосланган сиёсий режимда ҳокимият бир шахс – диктатор ёки бир неча шахсларнинг қўлида марказлашади, сиёсатда зўравонлик ва террор кучаяди. Д. ўрнатилганлиги диктаторлик ҳокимиятининг чекланмаганлиги ва назоратсизлиги, Конс. эълон қилган демократик ҳуқуқлар ва эркиликлар топталиши, вакиллик органларининг ҳуқуқлари чекланиши б-н ажралиб туради. Ҳокимият тўғридан-тўғри зўравонликка таянади. Одатда, йирик ижтимоий гуруҳлар Д.ни ифода этувчи куч сифатида намоён бўлса ҳам, у бир шахс ёки бир гуруҳ шахсларда мужассамлашади (Қад. Римда харбий бошлиқлар Д.си ва триумвиратлар, мутлақ монархлар, ҳозирги авторитар тузумлар, хунталар ва х.к.). Тарихда бирон-бир давлатда Д. ўрнатилиши, одатда, ички ўзаро кураш ғоят кескин тус олган даврлар б-н боғлиқ бўлган (мас., Испанияда Франко Д.си, нацистлар Германиясида фашистлар Д.си, собиқ шўролар даврида Сталин Д.си ва б.). Яна қ.: *Авторитар режим, Тоталитар режим.*

ДИЛЕР (инг. dealer) – 1) кенг маънода, ўз ҳисобидан биржа ва савдо воситачиликни амалга оширувчи шахсдир. Д. товар сотишда мулкдор сифатида намоён бўлади, яъни товарни ўзи сотиб олади ва уни мустақил равишда сотади. Д. шу маънода олиб-сотар шисобланади. Д. ўз номидан ҳаракат қилади ҳамда брокерлар, бошқа Д.лар ва ўз мижозлари ўртасида воситачилик қилиши ҳам мумкин. Фойдалар ва

люта ва қимматли қоғозлар сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқлардан, шунингдек курсларнинг ўзгаришидан ҳосил бўлади; 2) қимматли қоғозларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш нархини ошқора эълон қилиш орқали ушбу қимматли қоғозларни ўзи эълон қилган нархларда сотиб олиш ва (ёки) сотиш мажбурияти б-н ўз номидан ҳамда ўз ҳисобидан қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари тузувчи юридик шахс. Д. қимматли қоғозлар нархидан ташқари уларга доир олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартларини: сотиб олинмаган ва (ёки) сотиладиган қимматли қоғозларнинг энг кам ва энг кўп миқдорини, шунингдек эълон қилинган нархларнинг амалда бўлиш муддатини ошқора эълон қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу эълонда қимматли қоғозларга доир олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилмаган тақдирда, Д. ўз мижози таклиф қилган муҳим шартлар асосида шартнома тузиши шарт. Д. қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасини тузишдан бўйин товланган тақдирда, унга нисбатан шундай шартнома тузишга мажбур қилиш ҳақида ва (ёки) мижозга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида даъво кўзгатилиши мумкин (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 21-м.си).

ДИЛЕРЛИК ФАОЛИЯТИ (инг. dealer's activities) – 1) кенг маънода, ўзининг таваккалчилиги, ўз номи ва ҳисобидан дилер б-н шартномавий муносабатларга эга бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектининг мулки б-н битимлар тузиш; 2) қимматли қоғозлар бозоридаги касбий фаолият турларидан бири. Д.ф. деб муайян қимматли қоғозларни уларнинг харид нархи ёки сотиш нархини оммавий эълон қилиш орқали ўз номидан ва ҳисобидан олди-сотди битимини амалга ошириши тушунилади. Қимматли қоғозларни бундай фаолиятни амалга ошираётган шахс эълон қилган нархларда харид қилиш ва (ёки) сотиш мажбурияти олинади. Қимматли қоғозлар бозорининг Д.ф. амалга ошираётган профессионал иштирокчиси дилер деб аталади. Фақат тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсгина дилер бўлиши мумкин (ЎЗР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи б-н тасдиқланган Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1108, 13.03.2002 й.).

ДИНАСТИЯ (юн. dynasteia – ҳукмронлик) – сулола; монархия давлатларининг конституциявий (давлат) ҳуқуқида подшолик қилувчи шахсларнинг битта аждоддан тарқалган ва давлат раҳбари лавозимида тахт ворислигининг белгиланган тартибига кўра, бир-бирини алмаштирадиган шахслар мажмуаси.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ – “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.сига мувофиқ, ЎзР фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргалликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синогогалар, монастырлар ва б.).

Д.т. ЎзРнинг ўн саккиз ёшга тўлган ва ЎзР ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси б-н тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли Д.т.ларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун улар-

нинг ЎЗР бўйича ягона марказий бошқарув органлари тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи ЎЗРнинг камида саккизта ҳудудий тузилмасида (виллар, Тошкент ш., ҚР) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган Д.т.лари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Д.т.лар ЎЗР Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегишли диний маълумотга эга бўлган ЎЗР фуқаролари Д.т.ларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Д.т.лар раҳбарлигига ЎЗРнинг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди ЎЗР ВМ ҳузуридаги Дни ишлари бўйича кўмита билан келишиб олинади.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 11-м.сига асосан, Д.т.нинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади. Рўйхатдан ўтмаган Д.т.лар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

ДИПЛОМ (лот. diploma – икки буклайман) – 1) шахснинг олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасини тугатганлиги ёхуд илмий даража, илмий унвонга эга эканлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат. Маълумот тўғрисидаги Д.лар расмий давлат ҳужжати ҳисобланади. Уларни тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш ва топшириш тартиби ЎЗР ВМнинг 2000 й. 25 июлдаги 283-сон “Расмий давлат ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида белгиланган. Д.лар 7 даражали ҳимояга эга: икки хил усулда чоп этишдан фойдаланиш: асосий қисми учун офсет босма усули, рақамларни чоп этиш учун юқори усул; машинада нусха қўчиришни қийинлаштирадиган нимта-тир бўёқлардан фойдаланиш; ҳар хил шаклдаги растр сеткаларидан фойдаланиш; ҳар хил шаклдаги растр сеткаларини тушириш натижасида янги ранг ҳосил қилиш; махсус қоғоз ишлатиш; Давлат гербини оч хаворанг бўёқда тасвирлаш; олти шаклли ўзгарадиган рақамдан фойдаланиш; 2) ташкилот ёки айрим шахсларга муайян ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат; 3) турли танлов, мусобака, кўргазмаларда юқори кўрсаткичларга эришганлик учун мукофотланганликни тасдиқловчи ҳужжат.

ДИПЛОМАТ (инг. diplomat; фр. diplomate) – ташқи алоқалар идораси (марказий ёки хорижий аппарат) ходими. Эгаллаб турган лавозимига кўра у ушбу идоранинг хорижий давлатлар б-н расмий муносабатлар доирасида амалга ошириши лозим бўлган вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этади. Кенг маънода Д. – доимийлик ёки вақтинчалик асосида у ёки бу ташқи сиёсий вазифаларни амалга ошириш расман юкланган шахс.

Д. сиёсий билимларни эгаллаш, интеллектуал изланиш, ўрганишга қизиқиш, илмга чанқоклик, сезгирлик, самимийлик, лидерлик, амалий ақл соҳиби бўлиш каби шахсий хусусиятлар ва қобилиятларга эга бўлмоғи лозим.

Д. музокаралар ва суҳбатлар олиб бориш, кузатиш, таҳлил қилиш ва маълумотномалар тайёрлаш, вакиллик

қоидаларини билиш, жамоани бошқара олиш, коммуника-тивлик ва оммавий дипломатия қоидалари, турли халқлар маданиятини қиёслаш, касбий тажриба ва малакаларга эга бўлмоғи даркор. Профессional Д. учун зарур бўлган юқорида санаб ўтилган билим ва сифатлар кам холларда бир инсонга хос бўлиши мумкин. Бу талаб, билим ва хусусиятлар Д.лар учун ниҳоятда муҳимки, уларга етишиш учун ўзларининг бутун фаолиятлари давомида интилишлари керак бўлади.

ДИПЛОМАТИК БОШПАНА (инг. diplomatic asylum) – бирон-бир шахсга, сиёсий сабабларга кўра таъқиб қилинганда, хорижий дипломатик ваколатхона ёки консуллик ваколатхонада яшириниш имконини бериш. Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, дипломатик ваколатхона ёки консуллик ваколатхона биноларининг дахлсизлиги, яшаб турган давлат томонидан содир этган қонунбузарликлари учун таъқиб қилинаётган шахсларга бошпана бериш ҳуқуқини бермайди. Дипломатик ваколатхонанинг расмий фаолиятига тўғри келмайдиган максалларда дипломатик ваколатхона биноларидан фойдаланишни ман қилувчи бу тартиб 1961 й. Дипломатик муносабатлар ҳақидаги Вена конвенциясида ўз аксини топган.

Д.б. бериш ўз характериға биноан давлатнинг ички ишларига аралашши маъносини билдиради. Ваколатхона раҳбарининг вазифаси ўз давлати манфаатларини ҳимоя қилишдир. Бошпана бериш, қанчалик инсоний ҳаракат бўлмасин, ўзи мезбон давлатнинг ички ишларига аралашмаслиги лозим.

ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНА (инг. diplomatic mission/representation) – ўзаро келишув асосида бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудида ёки халқаро ташкилот қошида доимий расмий алоқаларни давом эттириш мақсадида таъсис этилган ташқи алоқалар хорижий давлат органи бўлиб, сиёсий ва б. масалаларда таъсис этган давлатнинг номидан иш юритади. Д.в. доимий асосда фаолият кўрсатади. Турли давлатлар Д.в.ларининг таркиби турлича бўлади ва у асосан ўз давлати анъаналари ва икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари б-н белгиланади. Ўз фаолиятида улар 1961 й. қабул қилинган Дипломатик муносабатлар ҳақидаги Вена конвенциясини қўллайдилар, имтиёзлар ва иммунитетдан фойдаланадилар. Д.в.ни таъсис этиш тўғрисидаги розиликка эришгандан кейин ҳукумат давлатнинг ички қарорини қабул қилади. Ўзбекистон ҳукумати қарори асосида ЎЗРнинг бошқа давлатдаги ваколатхонаси таъсис этилади. Доимий органлар тоифасига Д.в.лар (элчихоналар ва миссиялар), халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналар ва консуллик муассасаларини киритиш мумкин. Давлатлар ўртасида дипломатик алоқаларнинг йўлга қўйилиши улар ўртасида дипломатик вакилликнинг йўлга қўйилиши б-н ҳам узвий боғлиқдир. Бу алоқалар зарур махсус ишончномалар б-н тасдиқланиши лозим. Халқаро ҳуқуқ ҳозирда дипломатик алоқаларнинг Д.в.лар ва уларнинг персонали учун имтиёзлар, иммунитетлар йўлга қўйилишининг уч тоифасини белгилайди. Ҳар бир тоифада Д.в.лар бошлиқлари махсус даражаси белгиланади. Энг юқори даража – бу элчихона бўлиб, унинг раҳбари қоида тартибда элчи мақомига эга бўлган шахс бўлади. Кейинги ўринларда миссиялар раҳбарлари сифатида жўнатилган элчилар ва улар-

дан кейин эса ишониб топширилган ишларни бошқарувчи шахслар ўрин эгаллайди. Д.в.нинг ички тузилиши, тегишли равишда ундаги мансабдор шахслар аккредитация қилаётган давлатнинг ички қонунчилиги асосида белгиланади. Аксарият давлатларда Д.в. вакилларига бериладиган дипломатик даражалар, яъни хизмат даражалари мавжуддир. Улар ҳам дипломатик мансаблар сингари давлатнинг ички қонунчилигига асосан белгиланади. Д.в. персоналини уч тоифага бўлиш мумкин: дипломатик; маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи. Д.в.лар ваколатларига қуйидагиларни киритиш мумкин: вакиллик функцияси (аккредитация қилаётган давлат номидан вакилликни амалга ошириш); аккредитация қилган давлат ва унинг фуқаролари манфаатларини муҳофаза қилиш; ташриф буюрган давлат билан музокаралар олиб бориш; давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш; консуллик функцияси ва б. ваколатлар.

ДИПЛОМАТИК ИММУНИТЕТ ВА ИМТИЁЗЛАР

(инг. diplomatic privileges and immunities) – халқаро ҳуқуқда чет эл дипломатик вакилликларга, махсус миссиялар, давлатларнинг халқаро ва ҳукуматлараро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналарига ҳамда уларнинг бошлик ва ходимларига бериладиган ҳуқуқ ва имтиёздир. Суверен давлатларнинг тенглиги принциpidан келиб чиқадиган Д.и. ва и. чет эл давлатларининг дипломатик ваколатхоналарига ёки халқаро ташкилотларнинг органларига улар жойлашган давлатнинг назоратидан холи равишда ўзларининг функцияларини унумли амалга ошириш имкониятини амалга ошириш учун бериледи.

Д.и. ва и.га оид масалалар 1815 й.даги Вена регламентига асосан тартибга солина бошланган (1818 й.даги Аахен конгрессида киритилган қўшимчалар б-н). II Жаҳон урушидан сўнг қуйидаги шартномалар тузилган: Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1961 й.), Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963 й.), Универсал характердаги давлатларнинг вакилиги ва уларнинг халқаро ташкилотлар б-н алоқалари тўғрисида Вена конвенцияси (1975 й.) ва б. Халқаро ташкилотларнинг уставларида, айрим кўп томонлама ва икки томонлама битимларда халқаро ташкилотларнинг имтиёзлари ва иммунитетлари белгиланади, икки томонлама консуллик шартномаларда эса консуллик имтиёзлари ҳамда иммунитетлари белгиланади. Д.и. ва и. кўпгина давлатларда миллий қонунчилик б-н ҳам тартибга солинади.

Дипломатик ваколатхона иммунитети ва имтиёзлари бино ҳамда архивларнинг дахлсизлиги, солиқлардан озод қилиниши, ўз давлати б-н эркин алоқада бўлиш, божхона имтиёзлари ва байроқ ҳамда гербнинг вакиллик бинони устига ўрнатилиши киради.

Шахсий иммунитет ва имтиёзлар дипломатнинг шахсий дахлсизлигини, унинг яшаб турган макони дахлсизлигини, шунингдек вакиллик жойлашган давлатнинг юрисдикциясидан холи бўлишлик иммунитетини (дипломат жипоний жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, айрим фуқаролик ва маъмурий жавобгарликлар бундан мустасно). 1961 ва 1975 й.даги Вена конвенциясида кўрсатилган айрим ҳоллардан ташқари дипломатнинг шахсий юки текширувдан озод қилинади.

Ваколатхона жойлашган давлатнинг фуқаролари бўлмаган маъмурий-техник персонал ва уларнинг оила аъзолари

ҳам дипломатик имтиёз ва иммунитетдан фойдаланадилар, ваколатхона жойлашган давлатнинг фуқаролик ва маъмурий юрисдикциясидан имтиёзлар уларнинг хизмат вазибаларидан ташқарида содир этган ҳаракатларига татбиқ этилмайди, уларнинг шахсий юки эса давлат божхона текширувидан ўтиши мумкин. Хизмат кўрсатадиган персонал ходимлари улар ўз хизмат вазибаларига бажарётган ҳоллардаги ҳаракатларга нисбатан ҳамда бир қатор солиқлар, йиғинлар ва б. имтиёзларга нисбатан фойдаланадилар.

Давлатлар Д.и. ва и.ни кенгайтирувчи ўзаро махсус келишувларни ҳам тузишлари мумкин.

Д.и. ва и. тўла ҳажмда давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири ва одатда бошқа юқори турувчи муассасалар бошлиқларига уларнинг чет элда бўлиши вақтида бериледи. Ушбу имтиёзларга эга бўлган шахслар ўша давлат қонунларини ҳурмат қилишлари шарт; агар аксинча ҳолат юз берадиган бўлса, унга нисбатан “персона нон грата” эълон қилиниши мумкин.

Дипломат ва унинг оила аъзолари учинчи давлат ҳудудидан ўтаётган ҳолларда, ушбу давлат уларга шахсий дахлсизлик ва иммунитетни таъминлаб бериши лозим.

БМТ Бош ассамблеяси томонидан Халқаро ҳимояга эга бўлган шахслар, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятлар олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция қабул қилинган. Дипломатик ваколатхоналар ходимларининг улар жойлашган давлат юрисдикциясидан озод этилиши уларни аккредитация қилинган давлат юрисдикциясидан озод этилганини билдирмайди. (Ю.Д. Ильин. Основные тенденции в развитии консульского права. – М., 1969; И.П. Блищенко. Дипломатическое право. – М., 1972).

ДИПЛОМАТИК МАРТАБАЛАР (инг. diplomatic ranks) – ташқи ишлар идораси ва чет элда жойлашган дипломатик ваколатхоналар дипломатик персоналига бериладиган хизмат мартабалари. Д. м. Талейран ташаббуси б-н 1815 й.даги Вена конгрессида ўрнатилган бўлиб, 1818 й. 21 ноябрда Аахен протоколи б-н қўшимчалар киритилган. Унда 4 та мартаба: фавқулодда ва мухтор элчи, фавқулодда вакил ва мухтор вазир, вазир-резидент, ишончли вакил ўрнатилган.

Элчиларга улар аккредитация қилинган давлат бошлиғининг шахсий қабулини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган вакили ўз давлати раҳбарининг вакили сифатида қаралган.

Ҳар бир давлатда ушбу давлатнинг ички қонунчилиги б-н белгиланадиган ўз Д.м. тизими мавжуд. Кўпчилик давлатларда атташе, 3-котиб, 2-котиб, 1-котиб, маслаҳатчи, вакил ва элчи назарда тутилади. шу б-н бирга, дипломатларнинг хизмат мартабалари, қонда тартиқсизда уларнинг ўхшаш тарзда номланадиган лавозимларига мос келади.

XXI а.да вазир-резидентлар қарийб тайинланмаяпти. Дипломатик персонални кўрсатилган мартабаларининг чегараланиши мавжуд. Юқоридаги Д.м.нинг тафовути мавжуд (мас.: 1 ва 2-мартабали маслаҳатчи). Элчи ва вакил (асосий мартаба сифатида) хизмат уювлари одатда давлат раҳбари томонидан, қолганлари эса ташқи ишлар идораси раҳбари томонидан белгиланади. Барча мартабадаги дипломатик вакиллар бир хил ҳуқуқлардан фой-

даланадилар, Д.м.нинг фарқлиниши фақатгина тантанали аҳамиятга эга.

ДИПЛОМАТИК МИССИЯ (инг. diplomatic mission) – халқаро ҳуқуқда элчи ёки ишончли вакил томонидан бошчилик қилинадиган дипломатик ваколатхона. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 й.даги Вена конвенциясига биноан Д.м. ва элчихоналар дипломатик имтиёзлар ва иммунитетлар борасида фарқлашмайди. “Д.м.” атамаси кўпроқ мамлакат томонидан алоҳида масалаларни ҳал этиш учун юбориладиган дипломатик делегация ёки вакилликларга нисбатан қўлланилади.

ДИПЛОМАТИК НОТА (инг. diplomatic note) – дипломатик ёзишма ҳужжати. Халқаро амалиётда бу ҳужжатнинг икки тури: шахсий ва вербал нота ишлатилади.

Замонавий амалиётда муҳим халқаро масалалар бўйича ҳукуматлараро бевосита нота ёзишмаси кундан-кунга кенгайиб бормоқда.

Норозилик нотаси – давлат раҳбарига йўлланган бўлади, ҳукумат ва жўнатувчи номидан тузилиб, бир ҳукумат бошқа ҳукуматга халқаро тусдаги можаро (низо) туфайли тақдим этадиган талаб баён қилинади. Бундай ноталар йўлловчи мамлакатнинг ер усти, сув ёки ҳаво чегараларининг бузилиши, “норозилик нотаси” юборилган мамлакатда яшовчи инсонларнинг ҳуқуқлари бузилиши сабабли тузилади. Нотада ифода этилган куч ишлатиш тўғрисидаги шамага (ишорага) қарамасдан унда албатта эҳтиромни англатувчи сўзлар ҳам бўлади.

Ноталар алмашуви – халқаро ташкилотлар ва давлатларнинг ташқи алоқалар органлари дипломатик ёзишмасининг одатий шаклидир. Ноталар б-н алмашиниш шаклида халқаро битимларни тузишда, алмашинаётган ҳужжатлар фақат нота тарзида эмас, балки меморандум, телеграмма кўринишларида ҳам бўлиши мумкин. Ноталар б-н алмашиниш шаклидаги битимлар дипломатик муносабатларни ўрнатиш жараёнига хосдир.

Шахсий нота ёки биринчи шахсга мансуб нота – дипломатик ёзишма тури. Муҳим ва принципиал аҳамиятга эга масалалар ёки қандайдир муҳим воқеа, мас., давлат номининг ўзгариши, мамлакатнинг янги ҳукумати шаклланиши, халқаро муаммолар, икки томонлама муносабатлар тўғрисида расмий хабар бериш тарзида юборилади.

Шахсий ноталар протокол характеридаги воқеалар: миллий байрам ҳамда элчи ёки дипломатик ходим яқиндан тапиш бўлган давлат раҳбари, ҳукумат раҳбари, ташқи ишлар вазири ва б. шахсларга алоқадор тантанали воқеалар муносабати б-н табриклар ёки мотам сабабли таъзия билдириб юборилади. Шахсий нота биринчи шахс номидан тузилиб, нота бланкида ёзилади, ўнгда юқори бурчакда нота ёзилган шахарнинг (пойтахтнинг) номи ва жўнатилиш санаси ёзилади. Олувчининг манзили биринчи варақнинг пастки чап тарафига битилади. Шахсий нота бир ҳукуматнинг бошқа ҳукуматга жуда муҳим масалалар бўйича расмий дипломатик ёзма мурожаатидир.

Вербал нота – дипломатик ёзишманинг кенг тарқалган ҳужжат тури бўлиб, унда вазирлик ёки чет эл дипломатик ваколатхонасининг фаолияти давомида пайдо бўладиган турли саволлар баён қилинади. Вербал нота матни учинчи шахс номидан тузилиб, нота бланкида ёзилади. У имзоланмайди, аммо баъзан матн тагида нота чиқарув-

чилар исм-шарифларининг бош ҳарфлари қўйилиши мумкин. Манзил биринчи варақнинг пастки чап бурчакда кўрсатилади. Нота матни тагида уни жўнатиш жойи ва санаси кўрсатилади. Вербал нотага ташқи ишлар вазирилик ёки дипломатик ваколатхонанинг муҳри қўйилади. Чиқув рақами бўлиши шарт.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқда циркуляр нота ҳам ажратилади. Циркуляр нота – бир давлатнинг бирданга бир неча давлатларга қилган расмий дипломатик ёзма мурожаатидир.

ДИПЛОМАТИК ПОЧТА (инг. diplomatic mail) – халқаро ҳуқуқда давлатлар ўртасидаги кўп тарқалган дипломатик ҳамда консуллик вакилликлари ўртасидаги алоқа турларидан бири (одатда, ташқи ишлар идоралари қошида). Мазкур алоқа турида хизмат учун фойдаланишга қаратилган ҳамда дипломатик вализга жойлашган махсус маълумотлар, ҳужжат ва предметлар юборилади. Ҳар бир вализ алоҳида шахслар ҳамроҳлигида ёки оддий етказиб бериш йўли б-н амалга оширилади. Д.п.ни ушлаб қолиш ва очиш тақиқланади; шу б-н бирга, улардан бож ва солиқ олишмайди. Д.п. соҳасидаги муносабатлар 1961 й.ги Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси томонидан тартибга солинади.

ДИПЛОМАТИК ҲУҚУҚ (инг. diplomatic law) – ташқи алоқалар давлат органлари мақоми ва вазифаларига тегишли халқаро-ҳуқуқий нормалар тизими (бошқача айтганда, давлатлараро муносабатларни ўрнатиш ва амалга оширишни мувофиқлаштирувчи тартиб). Д.х.қа дипломатик ваколатхоналар алмашуви ва уларнинг фаолиятлари натижасида пайдо бўладиган давлатлараро алоқаларни тартибга солувчи нормалар, бир давлатдан бошқа давлатга махсус миссиялар юборилиши, давлатлар ваколатхоналарининг халқаро ташкилотларда ва халқаро ташкилотларнинг у ёки бу давлатлар ҳудудларида фаолият кўрсатиши, шунингдек халқаро ташкилотлар, уларнинг мансабдор ходимлари ва хизматчиларининг иммунитетлари ва имтиёзларига тегишли нормаларни ҳисобга олиш қиради.

Айрим мамбалада элчилик ҳуқуқи жумласи ҳам ишлатилади. Элчилик ҳуқуқи – чет давлатлардаги доимий дипломатик ваколатхоналар ва уларнинг ходимлари фаолияти ва ҳақ-ҳуқуқларини мувофиқлаштирувчи халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари бирлиги. Элчилик ҳуқуқи Д.х.нинг бир қисмини ташкил қилади.

Дипломатик алоқалар учун зарур муайян юридик қонунлар йиғиндисини сифатида элчилик ҳуқуқи давлатлар ўзларининг халқаро муносабатлар қатнашчисини эканликлари ва улар ўртасида алоқалар ўрнатиш зарурлигини англаганларидан сўнг пайдо бўлган бўлиши мумкин. Унгача элчихоналар мавжуд бўлса ҳам, улар тўғрисида нормал ҳуқуқий инс. сифатида гапириш мумкин эмас эди. Элчилик ҳуқуқининг шаклланиш даври қадим ўтмишда бошланган бўлса-да, кўп асрлар мобайнида одат нормалари шаклида амалда бўлган (мас., “Элчига ўлим йўқ” каби).

Ҳозирги кунда элчилик ҳуқуқининг асосий манбаси бўлиб кўп томонлама халқаро шартнома ҳисобланади. Элчилик ҳуқуқининг расмий кодификациясига биринчи уринишлар деб Вена (1815) ва Аахен (1818) конгресслари қарорлари, дипломатик ваколатхона раҳбарларининг

синфларини белгиланиши ҳисобланади. Элчилик ҳуқуқининг айрим масалалари баъзи бир минтакавий битимларда, мас. 1928 й.даги дипломатик амалдорлар тўғрисидаги Гавана Конвенциясида тартибга солинган. Элчилик ҳуқуқи 1961 й.ги Дипломатик муносабатлар ҳақидаги Вена конвенциясида тўла равишда мустаҳкамланган. Вена конвенцияси муқаддима ва 53 м.дан иборат бўлиб, унда дипломатик алоқаларнинг иммунитет ва мавқелари асосида вакиллик фаолияти орқали иш юритиш эътироф этилган. Бу конвенцияда элчилар мартабалари, даражалари, элчиларни тайинлаш ва умуман элчихоналарни ташкил этиш, элчихона ходимларини тайинлаш тартиби ва шартлари каби ҳуқуқий нормалар баён этилган. Элчилик ҳуқуқининг шаклланишига давлатлар томонидан яратиладиган қонулар ҳам таъсир этади.

ДИПЛОМАТИЯ (инг. diplomacy; фр. diplomatie) – давлатнинг ташки сийосатини амалга ошириш йўлларида бири, ноҳарбий амалий тадбирлар мажмуаси. Д. давлат раҳбари, ҳуқуқат, ташки алоқалар давлат органлари ва бевосита дипломатлар томонидан давлат ва ташки сийосатнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ҳамда хорижда мамлакат ва унга мансуб айрим фуқароларнинг манфаатларини химоя қилишга қаратилган расмий фаолият шаклида амалга оширилади.

ДИРЕКТОР (лот. dirigere – тўғирламоқ, йўналтирмақ сўзидан) – корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбари лавозими номи. Д. корхона мулкдорининг биринчи ва бевосита вакили бўлиб, унинг номидан махсус ваколатнома-сиз иш юритади. Д. корхона фаолияти учун биринчи жавобгар шахс бўлиб, иш берувчи саналади, яъни ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ваколати унга тегишлидир.

Д. корхона мулкдорининг бевосита вакили сифатида унинг номидан ва у берган ваколат асосида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади, ваколатларга эга бўлади ва тегишли мажбуриятларни ба-жаради.

Д.нинг ваколат ва мажбуриятлари корхона уставида, корхона мулкдори б-н тузилган шартномада, давлат корхона ва ташкилотлари Д.ларининг ваколат ва мажбуриятлари эса тегишли қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Д. томонидан амалга ошириладиган бошқарув фаолияти одатда яқка бошчилик принципига асосланади. Айни пайтда муҳим қарорлар қабул қилинишида коллегиялик принципига риоя этилиши белгилаб қўйилиши мумкин.

ЎзР МКда иш берувчига берилган ҳуқуқлар (ЎзР МКнинг 17-м.си) ва юклатилган мажбуриятлар (ЎзР МКнинг 177-м.си) одатда корхона Д.и орқали амалга оширилади.

Айрим йнрик ишлаб чиқариш соҳаларида махсус ташкил қилинган Д.лар кенгаши фаолият юритиши ва Д.лар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши мумкин. Д.лар кенгашининг ваколатлари корхона низомида ёки улар ҳақида тасдиқланган махсус низомда белгиланади.

Д. корхона фаолияти, унинг қонунийлиги, ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги ва хавфсизлиги, корхона фаолиятининг қонунийлиги учун мулкдор олдида (давлат корхона ва ташкилотларининг Д.лари эса давлат олдида) жавобгар бўлади.

Д. ҳам ходим бўлгани туфайли ходимларга хос ҳуқуқлар ва мажбуриятлар унга ҳам тааллуқлидир. Айни пайтда

Д.нинг меҳнат ҳуқуқий статуси оддий ходимларникидан фарқ қилади ва бу фарқлар унинг мавқеи (алоҳида ваколат ва мажбуриятларга эга эканлиги) б-н белгиланади. Корхона Д.и б-н тузилган меҳнат шартномаси одатдагидан бошқача асослар б-н ҳам (мас., МК нинг 100-м.си, иккинчи қисми, 6-банди, мулкдор б-н тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилган махсус шартлар ва х.к.) бекор қилиниши мумкин. Д. меҳнат муносабатларининг махсус субъекти сифатида маъмурий ва жиной жавобгарликларга тортилиши мумкин.

Ўрта махсус, касб-хунар, умумий ўрта таълим муассасаларининг раҳбарлари ҳам Д. деб номланади ва унинг фаолияти таълим муассасасини маъмурий бошқаришдан ҳамда ходимлар жамоасига раҳбарлик қилишдан иборат бўлади. Таълим муассасаси Д.и ваколатлари таълим муассасасининг уставида ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилади.

ДИСКРИМИНАЦИЯ (лот. discriminatio – фарқлаш; инг. discrimination) – одатда, давлатнинг, юридик ёки жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари (бошқа давлатлар, юридик ёки жисмоний шахсларга нисбатан) камситилишини англатадиган умумҳуқуқий атама. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда Д.нинг барча шакллари, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқларини миллий, irqий, жинсий, диний сабабларга кўра амалда ёки юридик жиҳатдан камситишга йўл қўйиш тақиқланади. ЎзР Коис.сининг 18-м.сига мувофиқ, ЎзРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун б-н белгилаб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. ЎзР МКнинг 6-м.сига биноан, жинси, ёши, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий ҳолати ва мансаб мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади. Шу каби қондалар ЎзРнинг бир қатор қонунларида ўз аксини топган.

ДИСПОЗИТИВЛИК (лот. dispositio – фармойиш сўзидан; инг. disposition) – фуқаролик суд ишларини юритишнинг махсус принципларидан бири. Д. принципи – бу ўзининг ёки бошқа шахсларнинг бузилган ёки низолашиланган ҳуқуқлари ёхуд қону б-н қўриқланадиган манфаатларини химоя қилиш мақсадида фуқаролик процессини вужудга келтириш, ҳаракатлаштириш ва тугатиш б-н боғлиқ бўлган процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш эркинлигидир. Д. принципнинг мазмунини даъво кўзгатиш, даъводан воз кечиш, келишув битими тузиш, суд қарорлари устидан шикоят (протест келтириш) бериш, ижронини ундиришни талаб қилиш ташкил этади.

ДИСПОЗИЦИЯ (лог. dispositio – фармойиш сўзидан; инг. disposition) – ҳуқуқ нормасининг таркибий қисми бўлиб, унда гипотезада кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ҳуқуқ субъектлари рноя этишлари лозим бўлган ҳатти-ҳаракат қондаси (ҳуқуқ ва мажбуриятлари) нфодалан-

ган бўлади. Д.нинг қуйидаги турлари мавжуд: императив (аниқ кўрсатилган, буйруқ берувчи); нисбий белгиланган; бланкет (ҳавола этувчи); тавсифловчи (тўлиқ баён этилган) ва б.

Д. жинойт ҳуқуқида махсус қисм нормалари – ижтимоий ҳавфли қилмиш белгиларининг ифодаланувчи қисми. Д.да алоҳида жинойтлар ва шу жинойтларнинг таърифи берилади. Жинойт ҳуқуқий нормаларида Д.нинг қуйидаги тўрт тури: оддий, тасвирлов, бланкет ва ҳаволали турлари назарда тутилади. Оддий Д.да жинойт таркибининг белгилари ифодаланмасдан, жинойтнинг умумэътироф этилган номи кўрсатилади. Бундай Д.да жинойтнинг белгилари очиб кўрсатилмайди. Бундай Д.лар “номланувчи Д.” деб ҳам аталади. Тасвирловчи Д.да муайян жинойт турининг белгилари кўрсатилади. Мас., фирибгарлик жинойтини ифодаловчи ЎзР ЖК 168-м.да жинойтнинг номи кўрсатилмасдан, унинг асосий белгилари ҳам кўрсатиб берилган: фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли сунистеъмом қилиш йўли б-н ўзганинг мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни қўлга киритиш. Бланкет Д.да муайян жинойтнинг белгилари бошқа ҳуқуқ соҳасига оид қонун ҳужжатлари асосида аниқланади. Мас., ЎзР ЖК 200-м. Д.си, унда ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш ҳайвон ёки паррандалар эпидемияси (эпизоотияси) тарқалишига, уларнинг ялли қирилиб кетишига ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, ушбу модда б-н жавобгарликка тортишга асос бўлади, дейилган. Ветеринария қоидалари ва зоотехника қоидалари ЎзР қонунлари ва ВМнинг қарорлари ёки тегишли вазирликларнинг йўриқномаларида белгилаб қўйилиши мумкин. Жинойтнинг объектив томонини аниқлашда ушбу қоидалар кўрсатилган ҳужжатларга мурожаат қилинади ва қайси қоидалар бузилганлиги аниқланади. Бланкет Д. қонунлари ихчамлаштириш ва амалда қўлланишини осонлаштиришда катта аҳамиятга эга. Ҳаволали Д.да норманинг мазмунини аниқлаш учун кодекснинг бошқа бир нормасига мурожаат этилади. Мас., ЎзР ЖКнинг 100-м.сида зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш жинойти берилган. Зарурий мудофаа ҳолатини аниқлаш учун ЎзР ЖКнинг 37-м.сига мурожаат қилиш лозим.

ДИСТАНЦИОН НАЗОРАТ – тижорат банклари молиявий ахволини ҳар қуни мониторинг қилиш, улар томонидан ЎзР Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботларни таҳлил этишга асосланган банк назоратининг тури (усули). Д.н.нинг мақсади муаммоларни дастлабки босқичда аниқлашдан иборат. ЎзР Марказий банки ўзидан қуйи турувчи банклар устидан билвосита назоратни амалга оширади.

ДИФФАМАЦИЯ (лот. diffamare – ошкор қилиш, яхши номдан маҳрум қилиш, камситиш сўзидан; инг. defamation) – муайян фуқаро ёки юридик шахснинг шаънини ҳақоратлайдиган ҳақиқий ёки шубҳали маълумотларни (қоидага кўра, матбуотда) оммавий тарқатилиши. Д. “туҳмат” тушунчасидан шуниси б-н фарқланадики, мазкур маълумотлар ишончлилиги ҳолатида ҳам мавжуд бўлади, яъни “Д.” тушунчаси “туҳмат” тушунчасидан кенгрок ҳисобланади. Қатор давлатларда Д. учун жинойий жавобгарлик назарда тутилган.

ДОИМИЙ РЕНТА – қ.: *Рента шартномаси.*

ДОИМИЙ ФАОЛИЯТ КЎРСАТУВЧИ ҲАКАМЛИК СУДИ – Д.ф.к.х.с. юридик шахс томонидан ташкил этилиши мумкин ва унинг ҳузурида фаолият кўрсатади. Д.ф.к.х.с. юридик шахс Д.ф.к.х.с.ни ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилганида, Д.ф.к.х.с.нинг қоидаларини ва ҳакамлик судьялари рўйхатини тасдиқлаганида ташкил этилган деб ҳисобланади. Д.ф.к.х.с. ни ташкил этган юридик шахс унинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхаларини ҳакамлик суди жойлашган ердаги адлия органига юборади. Д.ф.к.х.с. ўз номи ёзилган бланка ва юмалоқ муҳрга, ЎзР ҳудудида ҳисоб-китоб варақлари, валюта ҳисобварақларига ҳамда бошқа банк ҳисобварақларига эга бўлиши мумкин. Д.ф.к.х.с. фаолиятини тугатиш тартиби Д.ф.к.х.с.нинг қоидалари б-н белгиланади (“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни).

ДОКТРИНАЛ ШАРҲЛАШ – қ.: *Илмий (доктринал) шарҳлаш.*

ДОМИНИОН (инг. dominion, лот. dominium – қарам ер, ўлка) – собиқ Британия империясининг ўзини ўзи бошқарадиган қисмларининг, 1931 й.дан кейин эса айрим мамлакатлар – мустақиллик олган, аммо ҳамкорликда аъзо бўлиб қолган ва давлат бошлиғи сифатида инглиз монархини тан оладиган, уни бу мамлакатларда Англия генерал-губернатори ифода этадиган, собиқ инглиз мустамлакаларининг номи. Ҳозирги кунда Д. атамаси деярли ишлатилмайди. Д. – Консерватив партия ичида бир неча сиёсий оқимлар мавжуд, аммо шунга қарамасдан партия яхлит ҳолда давлатнинг Д.лигини чеклаш, хусусий ташаббусни ривожлантириш, самарасиз ишлаб чиқаришни қисқартириш ҳисобига иктисодиётни қайта ташкил қилиш, давлат субсидияларини камайтириш, лейбористлар томонидан аввал национализация қилинган баъзи тармоқларни (мас., темир йўли) денационализация қилиш, давлат объеклари самарадорлигини ошириш мақсадида муқобил хусусий объектлар бўлишига йўл қўйиш учун кураш олиб боради. Мас., 1867 й. Канада Д. мақомига эга бўлгандан сўнг Канада ҳокимиятига мустақил қонуний актлар чиқариш тизими берилди. 1982 й. қабул қилинган конституцион қонун бўйича мамлакатнинг суверенитетлиги мустаҳкамланди. Шу вақтдан бошлаб Британия парламенти томонидан қабул қилинган ҳар қандай акт Канада ҳудудида қучга эга эмас эди. 1960 й.га қадар Парламент ва жойлардаги провинцияларнинг йиғилишлари ўртасида қонунчилик компетенцияси масаласида кўп зиддиятлар бўлган.

ДОТАЦИЯ (лот. dotatio – ҳадя, хайр-эҳсон сўзидан) – 1) фуқаролар ва ташкилотларга зарарни қоплаш учун ёки бошқа мақсадларда ажратиладиган давлат ёрдами; қўшимча тўлов; 2) махсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини олинган даромадлари қопламайдиган қорхонага ушбу харажатларни қоплаш, шунингдек аҳолига сотиладиган айрим товарларнинг чакана нархини нисбатан паст даражада ушлаб туриш учун давлат томонидан ажратиладиган пул маблағлари суммаси; 3) ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари б-н даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шarti б-н ажратиладиган пул маблағлари (бюджет дотацияси) (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си). Яна қ.: *Бюджет дотацияси.*

ДУАЙЕН (фр. *doyen* – оқсокол, хурматли кекса шахс) – дипломатик корпуснинг протокол жиҳатдан оқсоколи. Бу лавозимни, одатда, бошқа ҳамкасбларига нисбатан ўз ишонч ёрликларини биринчи топширган олий классга мансуб дипломатик ваколатхона раҳбари эгаллаши мумкин. Дипломатик корпус Д.нинг вазифалари, биринчи навбатда, протокол характерга эгадир. У ҳамкасбларига, айниқса янги келганларга маҳаллий протокол ва этикет буйича, шунингдек яшаб турилган давлатнинг ҳукумат органлари б-н ўзаро муносабатларида маслаҳатчи бўлади.

У ҳар хил маросимларда дипкорпус номидан сўзга чиқади, табрик сўзлари айтади ва таъзия билдиради. Бу маънода Д. ўта эҳтиёткор ва масъулиятли бўлиши керак. Д. турли қарашларга эга бўлган барча ҳамкасбларининг истак-хошишини одоб б-н ифода этиши лозим. Шу б-н бирга, у ўз ҳукуматининг вакили эканлигини ва унинг манфаатларини, ташқи сиёсат принципларини вакил сифатида ўз фаолиятида акс эттиришни унутмаслиги лозим. Д. бўлиш элчига мезбон давлатда дипломатик ваколатхона раҳбари мақомига қараганда юқори, фойдалироқ мавқега эга бўлиш имконини тўғдиради.

Дипломатик корпус номидан сўзга чиқиш унинг ҳукумат доирасида ҳам, жамоатчилик орасида ҳам обрўсини оширади. Яшаб турган мамлакат б-н кенгрок алоқалар ўрнатиш ва қўллаб туриш имкониятига эга бўлади.

Юридик нуқтаи назардан, Д.нинг мезбон давлат ҳукуматида дипломатик корпус номидан дипломатик имтиёзлар б-н боғлиқ барча масалаларни кўтариб чиқишга ҳақли, деган фикр асоссиздир, чунки дипломатик корпус юридик шахс ёки сиёсий уюшма ҳисобланмайди.

ДУАЛИСТИК МОНАРХИЯ – конституциявий монархиянинг икки туридан бири (парламентар монархия б-н бир каторда). Мутлақ монархиядан парламентар монархияга ўтишнинг тарихий шакли ҳисобланади. Д.м.да монарх ҳокимияти Конс. б-н чеклаб қўйилади, аммо монарх ҳам расман (Конс. нормаларига асосан), ҳам амалда (демократик инс.ларнинг заифлиги туфайли) кенг ҳокимият ваколатларини сақлаб қолади ва мазкур давлат сиёсий тизимининг марказида туради. Д.м. шароитида ҳукумат расман монарх ва парламент олдида жавобгар бўлади, лекин амалда, қоида тариқасида, фақат монархга бўйсунди. Ҳозирда Д.м.нинг замонавий, яъни ўзгарган шакли Марокаш, Иордания, Таиланд, Непал ва Малайзияда сақланган. Чунки ҳозирги вақтда бундай бошқарувнинг ўтмишдаги анъанавий шакли ўз умрини яшаб бўлган. Яна қ.: *Монархия*.

ДУАЛИСТИК РЕСПУБЛИКА – бундай давлат бошқаруви шаклида ҳукумат фақат президент олдида ўз фаолияти юзасидан ҳисоб бериб туради, парламент олди-

да масъул эмас. Бу шундан келиб чиқиб белгиланганки, парламент ҳукумат таркибини тузмайди ва унга ишончсизлик ҳуқуқига эга эмас. Чунки қонунчилик ва ижро этувчи ҳокимият президентлик республикасида ўз ваколатларини тўғридан-тўғри олади. Президент ижроия ҳокимият бошлиғи сифатида халқ томонидан сайланади ва бунинг натижасида давлат бошлиғи функциясини мустақил амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлади. Демак, Д.р. шаклидаги давлат бошқарувида президент давлат бошлиғи функциясини амалга ошира бориб, Бош вазир лавозимни ҳам эгаллайди. Ушбу давлат бошқаруви шаклининг асосий белгиси – ҳукуматнинг ўз сиёсий фаолияти тўғрисида парламент олдида жавобгарлигининг белгиланмаганлигидандир.

ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ – давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий тавсифи. Д.д. деганда, давлат б-н дин ўртасидаги нисбат, яъни давлатнинг динга муносабати, диндан холи мавжуд бўлиши ва ривожланиши тушунилади. Аниқроғи, Д.д. ҳеч бир динга давлат дини, расмий дин мақомини бермайди, диннинг сиёсийлашувига йўл қўймайди, таълим тизими ва давлат бошқарувини дин таъсиридан холи қилиб, ўз юрисдикциясида тутувчи давлат ҳисобланади. Шу маънода Д.д. учун истикболли муносабат шакли – давлатнинг диндан ажратилганлигидир. Бундай давлатлар сирасига АКШ, Франция, РФ, Болгария, ЎзР ва б. давлатлар қиради.

Шундай қилиб, ЎзР – демократик тараққиёт йўлидан бораётган дунёвий-маърифий давлат. Шу боис Ўзбекистон Конс.сининг 31-м.си фуқароларнинг виждон ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини кафолатлайди. Виждон ва эътиқод эркинлигини ўрнатовчи конституциявий норма қоидаларининг амал қилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда 1998 й. 1 майда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонун қабул қилинган. Қонун виждон эркинлигини фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи сифатида талқин этади.

Д.д.нинг акси теократик давлат бўлиб, унда ҳокимиятни черков иерархияси бошқаради. Бундай давлатга Ватикан мисол бўла олади. Бу давлатни Рим Папаси бошқаради.

ДЎПСОЛЛАШ – уч ёки ундан ортқ марта шахсга зарба бериш. Баданга шикаст етказмаган ҳолда муттасил равишда Д. орқали қийнаш шаклидаги жиноят. Шунингдек, Д. орқали баданга турли даражада шикаст ҳам етказилиши учрайди. Етказилган шикаст даражасига қараб ЎзР ЖКнинг тегишли моддасида назарда тутилган жиноятлар содир этилган деб ҳисоблаш мумкин (ЎзР ЖКнинг 110-м.си).



ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (ЕИ) (инг. European Union – EU) – тарихчиларнинг фикрига қараганда, ЕИ ҳақидаги илк фикрлар Ўрта аср бошларига бориб тақалади. Жумладан, XI а.ларга келиб бу борадаги маълумотларга асосли бўлган манбалар шаклланиб бўлган эди.

Европа мамлакатлари бирлашуви борасидаги фикрлар Ўрта асрларга келиб янада кучайди. Худудда ҳукмронликни қўлга киритиш борасидаги у ёки бу ҳукмронларнинг олиб борган тинимсиз урушлари Европада истикомат қилган кишилар учун катта талофатлар келтирди. Кўр-кўрона олиб борилаётган урушларнинг олдини олиш, Европа халқларининг бирлашуви борасида файласуфлар, сиёсатчилар ва ёзувчилар ўз фикр ва қарашлари б-н чиқа бошладилар. Улар орасида француз қироли Филипп Соҳибжамолнинг (XIV а.) легисти Пьер Дюба, чех қироли Йиржи Подебрада (XV а.), Англия қироли Генрих IV (XVI-XVII а.)нинг маслаҳатчиси герцог Сюлли ва француз аббати Сен-Пьерлар (XVIII а.) ҳам бор эди.

Бу фикрларнинг маълум бир қисми кишилар ўртасидаги бой маданий ва маънавий мерос шаклланишига таъсир кўрсатган Рим империясида кўринса, яна бир қисми ўз қанотлари доирасида илҳом борича кўплаб такводорларни бирлаштиришга ҳаракат қилган католик черковларида намоён бўлади. Лекин, барибир католик черковларининг тутган ўрни ва уларнинг мавқеи жуда ҳам катта кучга эга эди.

Европа давлатлари бирлашувига бўлган эҳтиёжнинг яна бир сабаби ушбу давлатларга ташқи хавфнинг таъсирида яққол кўзга ташланар эди. XV а.да турклар томонидан олиб борилган шафқатсиз урушлар Европа давлатларини ҳолдан тойдирган эди. Ўша давр файласуфи П.Дюба қироллардан иборат бўлган юқори орган – Кенгаш барпо этилиши керак деган фикрларни илгари сурди. Бироқ, уларнинг ҳеч қайсиси амалга ошмади, аксинча Европа давлатлари кун сайин заифлашиб, турли хил қироллик ва герцогликларга бўлиниб кетаётган эди.

XIV а. охирида Сюли герцоги Максимилиан де Бетюн ягона Европа армияси тузиш муҳимлигини таъкидлади. 1693 й.да Уильям Пенни ўзининг машҳур “Европа дунёсининг хозири ва келажиги” асарида Европа парламентини ташкил этиш лозимлиги ҳақида, XIX а.да эса, Пьер-Жозеф Прудон Умумевропа федерацияси ҳақида сўз очди.

Дюбанинг абсолютизм ҳақидаги фикрларини Руссо қоралади. Руссо ЕИ бирлашуви ғояларини қўллаб-қувватлаган бўлса-да, уларни монархиялар йиғиндиси сифатидаги бирлашуви натижалар бермаслигини таъкидлади. Руссонинг бу борадаги фикрларига қўшилган ҳолда Эммануил Кант 1795 й.да “Доимий тинчликка” деб номланувчи асарида федерализм ва ҳуқуқнинг устуворлиги ғояларини ўзида акс эттирувчи, осойишталикни таъминловчи восита

сифатидаги Европа давлатлари федерацияси ҳақидаги ўз фикрларини илгари сурди.

1919 й.нинг 11 ноябрида I Жаҳон уруши ўз интихосини топди. Бу даврга келиб Европанинг деярли кўпгина қисми аяпчи аҳволда эди. Уруш 10 млн.дан ортиқ аҳолини ўзи б-н бирга олиб кетишга мажбур этди.

Версаль шартномасининг имзоланиши уруш ҳаракатларининг тугалланишига олиб келди. Албатта, бу АҚШнинг Европа сиёсати саҳнасида ўйнаган энг муҳим роли эди. Бундан кейинги тугилиши мумкин бўлган зиддиятлар ва уруш ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида 1919 й.да Миллатлар Лигаси ташкил топди.

XX а.нинг бошларига келиб Европа бирлашуви ғоялари янада фаоллашди. 1923 й.да австриялик аристократ Рихард Куденов Калергиннинг “Pan-Europa” деб номланувчи асари чоп этилиши, китоб номи б-н аталувчи ҳаракат – “паневропизм ҳаракати”нинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

1926 й. Фарбий Европада очик савдо худудларини барпо этиш мақсадида таниқли француз иқтисодчиси Шарль Жидом бошчилигида Европа савдо ва бож иттифоқи ташкил этилди. 1929 й.да Франция ташқи ишлар вазири Аристид Бриан Миллатлар Лигасида пўтқ сўзлар экан, паневропизм лойиҳасини зудлик б-н ҳаётга татбиқ этиш лозимлигини таъкидлади.

Бироқ, 30 ва 40-й.лардаги Европадаги кескин сиёсий вазият бунга таъсир кўрсатди. Гитлер Германия, Муссолини Италия ва Франко Испания ҳокимиятларини эгаллаб турган бир пайтда бундай ғоялар барҳам топа бошлади. 1939–1940 й.ларда Британияда Франция б-н биргаликда умумий ҳарбий, ички сиёсий, иқтисодий ва молия тизимларига ҳамда ягона парламент ва фуқароликни ўзида мужассам этган иттифок тўғрисидаги фикрлар кенг тарқала бошлади. 1940 й.нинг 16 июнида Британия кабинети Франция ҳукуматини ушбу иттифок тўғрисидаги декларацияни имзолашга чорлади. Бироқ, ўша куннинг ўзидаёқ Франция Президенти Альбер Лебрен ижроия ҳокимиятга бошлик этиб, маршал Петэнни тайинлади ва амалий жиҳатдан Гитлер олдидаги капитуляцияни тан олди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг бирлашув ҳақидаги ғоялар яна ривожлана бошлади. Йирик державалар иқтисодиётларини анча йўлга қўйган ҳолда жаҳон ҳамжамиятидаги ўз ўринларини кидира бошлади. Бунга алоҳида эришиш анча мушкул эканлигини англаб етган Европа давлатлари ўзаро бирлашув йўлларини кидирад эдилар.

Мессинда бўлиб ўтган конференция коммуникесида қўйидаги сўзлар битилган эди: “олти мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарлари, уларнинг иқтисодий ҳамкорлик йўлидаги мақсадлари барча бож тўловлари ва б. чекловларни инкор этувчи – Умумевропа бозорини шакллантиришдан иборат бўлиб, ушбу бозорни ташкил этиш босқичма-босқич ривожланиши кераклиги ҳақида ўйлашади”.

01.II.1993 й.да кучга кирган Маастрихт (Нидерландия)да имзоланган 1992 й.даги ЕИ ҳақидаги шартномага асосан тузилган Европа ҳамжамиятлари (ЕХ)га аъзо давлатларнинг давлатлараро бирлашмаси, Европа иқтисодий ва сиёсий интеграциясининг энг юқори даражасидир. ЕИ аъзолари 15 та давлат: Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Ита-

лия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция ҳисобланади.

ЕИни ташкил этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, қуйидагиларни назарда тутувчи сиёсий ва иқтисодий иттифок таъсис этилган: умумий иқтисодий, сиёсий ва ташқи сиёсат, шунингдек хавфсизлик ва ижтимоий соҳада ҳамкорлик соҳасидаги умумий сиёсатни олиб боришни; ягона Европа фуқаролигини жорий этиш (миллий фуқароликка қўшимча тарзда); Европа парламентининг ролини ошириш; ЕИ органларининг ваколатларини кенгайтириш.

Қуйидагилар ЕИ органлари ҳисобланади: Европа кенгаши, Европа парламенти, ЕИ Кенгаши (Вазирлар Кенгаши), Европа комиссияси, Европа суди.

ЕИ таркибида, шунингдек Ҳисоб палатаси, Иқтисодий ва ижтимоий қўмита фаолият юритади. ЕИ таркибида қуйидаги ташкилот ва муассасалар мавжуд: Ички бозорни ривожлантириш бошқармаси (махсулот белгиси, намуналари, моделлар) (Испания); Европа валюта инс.и ва Европа марказий банки (Германия); Европа ветеринария ва фитосанитария инспекцияси бюроси (Ирландия); Европа наркотик моддаларни тарқатиш устидан назорат олиб бориш бошқармаси (Португалия); Наркотик моддаларга қарши курашиш тузилмасини ўз ичига олган Европол (Нидерландия); Европа соғлиқни сақлаш ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш агентлиги (Испания); Европа тиббий препаратларни экспертиза қилиш агентлиги (Буюк Британия); Европа табиатни муҳофаза қилиш агентлиги (Дания); Европа таълим фонди (Италия); Европа касбий таълимни ривожлантириш маркази (Греция); Европа жўнатмалар маркази, Европа патентлари апелляция суди (Бельгия).

Европа парламенти (Вазирлар Кенгаши б-н бирга) ва Европа комиссияси қарорлар, директивалар қабул қилади, тавсиялар беради ҳамда ҳулосалар чиқаради.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ СУДИ – Европа Кенгаши, Кенгаш, Комиссия ва Европарламент олдида Е.И.С. ҳақиқий профессионал юридик орган ҳисобланади. Агарда унинг институциявий органлар орасидаги вазифаси ҳақида қисқача гапирганимизда, ҳеч иккиланмасдан Е.И.С.ни ҳамжамиятлар ҳуқуқий тизимини бойитиб келаятган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Шартномаларга биноан, Е.И.С.нинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

сиёсий қизиқишлар ва аъзо мамлакатлар тарафидан вужудга келиши мумкин бўлган тазйиқлардан фарқли ўлароқ, ЕИнинг барча ҳудудларида ҳуқуқ қўлланилишини кафолатлаш;

аъзо давлатлар, ҳамжамият, унинг инс.лари ўртасидаги тортишувларни ҳал қилишда муҳим вазифани бажариш; ҳамжамият ҳуқуқини аъзо давлатларга бир хилда тарфибот қилишини ва қўлланилишини таъминлаш.

Суд таркиби 15 кишидан иборат бўлиб, улар ЕИга аъзо давлатларнинг умумий розилиги б-н тайинланади. Иттифок доирасида қабул қилинган шартномаларга биноан, судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар бетараф, ўз мамлакатлари суд тизимининг юқори лавозимларида кўп йиллар мобайнида ишлаган ёки ҳуқуқнинг юксак даражадаги талқини бўйича бир қанча илмий ва амалий ишларни адо этган шахслар бўлишлари керак.

Судьялар 6 й. муддатга тайинланиб, ҳар уч йилда тартиб б-н қисман ўзгартириб турилади. Ваколат муддати тугаган судья ўз лавозимига қайтадан сайланиш ҳуқуқига эга ва бу ҳол Иттифок судида тез-тез учраб туради. Судьяни бирон-бир аъзо давлат ўз лавозимидан четлаштира олмайди, лекин судья қолган барча судьялар ва Бош адвокатлар қарорига биноан лавозимидан четлаштирилиши мумкин. Бунга сабаб бўлиб “керакли талабларни бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришга инсбатан малакасизлик” хизмат қилиши мумкин. Бироқ ҳозирги қўнғач амалиётда бу ҳолат қўлланилган эмас. Яширин овоз бериш йўли б-н судьялар ўз таркибларидан уч йиллик муддатга суд раисини сайлашади. У суднинг ташкилий ва маъмурий ишларини ташкиллаштириш ва тўла таркибдаги йиғилишларини ўтказишни амалга оширади.

Ўз лавозимига тайинланар экан, судья бажарётган ишига инсбатан адолатли ва ҳалол бўлишга ҳамда суд мажлиси сирларини даққашга қасамёд қилади. Вазифасини амалга ошириш давомида судья бирон-бир сиёсий ёки маъмурий (ҳуқуқат) лавозимларда ишлаши ҳамда Европа Кенгашининг розилигисиз фойда олиш б-н боғлиқ ўзга ишлар б-н ҳам шуғулланиши мумкин эмас, академик фаолият олиб бориш бу қондан мустаснодир. Улар олий илм даргоҳларида маърузалар ўқишлари ва мақолалар чоп этиришлари мумкин.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ – минтақавий интеграция ташкилотларидан бири. 1957 й.да Рим шартномасига кўра тузилган, баъзида “Умумий бозор” деб ҳам аталган. Дастлаб, Европадаги 6 мамлакат (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург) ташкилот аъзоси бўлган, кейин Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 й.дан), Греция (1981 й.дан), Испания, Португалия (1986 й.дан) қўшилган. Е.И.С. қитъада иқтисодий тараққиёт даражасини кўтариш йўли б-н ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга хизмат қилди. 1993 й. ЕИга таркибий қисм бўлиб кирди.

ЕВРОПА КЕНГАШИ – Е.к.га бўлган эҳтиёж Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ва Евратомларнинг пайдо бўлиши жараёнида сезилмаган эди. Эҳтимол, Париж (1951 й.) ва Рим (1957 й.) шартномаларининг муаллифлари Кенгаш мустақил тарзда ҳамжамият ривожланишига оид барча муаммоларни ҳал этиши мумкин, деб фикр юритганлар. Бироқ вақт ўтиши б-н ҳамжамиятларнинг ички ҳаётига алоқадор бўлган ёки аъзо давлатларнинг сиёсий алоқаларига тааллуқли ўта муҳим ҳисобланган масалалар ечимини топишда аъзо давлатлар “биринчи шахслари” (ҳуқуқат ёки давлат раҳбарлари)нинг иштироки зарурати туғилди.

Л.М.Энтин Е.к.га таъриф берар экан, уни бир неча миллатлар ҳамкорлиги фикрларини ўзида мужассам этган Ҳамжамият ва Иттифокнинг инс.и сифатида кўради. Табиийки, ҳар бир аъзо давлатнинг бирон-бир масала юзасидан ёндашуви мамлакатдаги сиёсий муҳит ва давлат ёки ҳуқуқат раҳбарларининг нуқтан назарларидан ҳам келиб чиқади. Мас., Британия Умум Палатасидаги консерваторларнинг кўпчилик қисми лейбористларга жой бўшатуви Буюк Британиянинг ЕИ доирасидаги муаммоларни ечишдаги ёндашувларини ҳам ўзгартирди.

Шундай қилиб, 1974 й.да аъзо давлатларнинг давлат ёки ҳукумат раҳбарлари ҳамда Ташки ишлар вазирларининг юқори даражадаги учрашувларини доимий равишда ўтказиб туришлари тўғрисида қарор қабул қилинди. Бироз вақт ўтиб, бундай учрашувларга расмий статус берилиб, “Европа Кенгаши” деб юритиладиган бўлди. Е.к. 1986 й. Европа Иқтисодий Ҳамжамияти шартномасининг 2-м.си орқали ҳуқуқий мақомга эга бўлди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар Маастрихт шартномасининг 2-м.сига бириктирилган бўлиб, унга кўра Е.к. Иттифок ривожланиши йўлида барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириб, унинг умумий сиёсий йўналишларини аниқлайди. Е.к. бир йилда икки мартадан кам бўлмаган тартибда йиғилади. Е.к. доирасидаги бахслар Иттифок б-н бевосита боғлиқ бўлган ҳамда бошқа масалаларни (Иттифок компетенциясига тааллуқли бўлган) ўз ичига олади.

Амстердам шартномаси Маастрихт шартномаси орқали ўрнатилган тартибларни деярли ўзгартирмади. Фақатгина Е.к.нинг умумий ташки сиёсат ва ҳавфсизлик сиёсатига оид функцияларига тушунчалар бериб ўтилди. Бундан ташқари, Е.к.га Кенгашда раислик қилаётган давлат ёки ҳукумат раҳбари раислик қилиши борасидаги тартиб ҳам ўрнатилди.

Ҳозирда Европа парламенти б-н бўлган алоқалари етарли даражада ўрнатилган эмас. Илгари улар ўртасидаги алоқаларнинг ўзи мавжуд бўлмасдан, сиёсий партиялар ва бевосита Европарламент томонидан танқидга олинган эди, ҳозирда вазият бироз ўзгариб, ўзаро фикр алмашинув тартиби ўрнатилди. Е.к. Раис доимий равишда Европарламентга маълумот беради. Европарламент Президенти Е.к. йиғилишларида кўрилаётган масала юзасидан парламентнинг фикрини билдиради.

Е.к. ҳар бир сессиясининг натижалари, сессия кун тартибидаги масалалар ва бу борада қабул қилинган қарорлар коммюникеда нашр этилади. Ҳар бир йиғилиш ҳақидаги нутқлар ҳамда Е.к.нинг бир йиллик ҳисоботи Европа парламентига тақдим этилади.

ЕВРОПА КОМИССИЯСИ – Европа Иттифоқи асосий органларидан ҳисобланади; унинг таркиби 15 й.га умумий розилик асосида ҳукуматлар томонидан тайинланадиган ва Европа парламенти томонидан тасдиқланадиган 20 та аъзо ва раисдан иборат. Е.к. ижро органи ҳисобланади. Комиссиянинг ҳар бир аъзосига муайян фаолият соҳаси бириктирилган, у маъмурий аппарат (бош дирекция, махсус хизмат ва б.) томонидан қўллаб-қувватланадиган сиёсий маслаҳатчи ва консультантлар кичик гуруҳига таянади. Е.к. ЕИ Кенгаши қарорлари ёки ўзи томонидан белгиланган қондалар асосида ЕИ сиёсатини ҳаётга татбиқ этади. Е.к. аъзолари ўз ҳукуматлари кўрсатмаларидан мустақил иш олиб борадилар ва бу ҳолат Европа парламенти томонидан назорат қилиб борилади (ишончсизлик вотуми).

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ – Е.п. Европа Иттифоқининг бошқа инс.ларига нисбатан “ҳақиқий ваколатлар”га эга эмас. Шунинг учун кўпгина ўқув қўлланмалари ва маълумотнома нашрларида ҳам, аввал Кенгаш ва Комиссия, ундан сўнг Е.п. ҳақида сўз юритилади.

Бироқ, сўнгги йилларда вазият ижобий томонга бироз ўзгармоқда. Е.п. ваколатлари доираси унчалик муҳим

бўлмаса-да, кенгаймоқда. Энг асосийси, Маастрихт шартномасида Е.п. биринчи бўлиб тилга олинди.

Е.п. давлатлар ва миллатлараро сиёсий орган ҳисобланиб, ЕИнинг барча давлатлар депутатларидан иборат. Е.п. 5 й.да бир маротаба аъзо давлатлар аҳолисининг тўғридан-тўғри овоз бериш йўли б-н сайланади. ЕИ Шартномасининг 198-м.сига биноан Ҳамжамиятни ташкил этувчи давлатлар вакиллари Е.п.га тўғридан-тўғри умумхалқ овоз бериш йўли б-н сайланади. Е.п. сайловларида иштирок этиш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ЕИнинг фуқаролари ҳисобланади.

Е.п. ривожланган давлатлардаги парламентларга ҳос бўлган анъанавий ваколатларга эга. Булар: биринчидан, қонунчилик ваколатлари; иккинчидан, бюджетни қабул қилиш; учинчидан, бошқарув органлари устидан назорат; тўртинчидан, ташки сиёсий ваколатларини амалга ошириш.

Европа Ҳамжамияти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, дастлаб Парламентга фақатгина маълумотлар берилган ва деярли айрим ҳоллардагина норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши масалалари юзасидан унинг маслаҳат фикрларигина сўралган. Ҳозирда Маастрихт ҳамда унга аниқликлар киритувчи Амстердам шартномаларига биноан Парламентга биргаликда қарорлар қабул қилиш тартиби киритилди. Бундай ҳолларда Комиссия томонидан тайёрланган ва Кенгаш томонидан маъқулланган лойиҳа уч ўқишда кўриб чиқилади ҳамда Парламентнинг розилиги ва тасдиғи бўлган тақдирдагина норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинади.

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИ – Франция, Голландия, Люксембург, Буюк Британия, Бельгия (1948 й.) давлатлари Брюсселда биргаликда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳамкорлик юритиш юзасидан шартнома тўзишган. Шартномага асосан Париж битими (1954 й. имзоланган, 1955 й. кучга кирган, ратификация қилинган)га ўзгартириш киритган ҳолда Фарбий Европа уюшмаси ташкил этилди. Бу ўзгаришлар Брюссель пактига Германия ва Италия давлатлари ҳам қўшилишига олиб келди. Фарбий Европа уюшмасининг асосий мақсади: БМТ Уставига асосан Европада бирдамликни мустаҳкамлаш, халқаро тинчликни қўллаб-қувватлаш, ҳар қандай агрессияга қаршилик кўрсатиш, химоялаш, ҳарбий ва б. ўзаро ёрдамлар беришдан иборатдир. Аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, қонунни ҳурмат қилиш, конституциявий удумларни, шахсий ва сиёсий озодлиқни, демократия б-н таъминлаш ва мустаҳкамлашдир. Фарбий Е.х.га 10 давлат аъзодир: Белгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Греция, Испания, Италия, Люксембург, Португалия, Франция. Ассоциатив аъзолари: Норвегия, Туркия. Бундан ташқари, 9 давлат ассоциация шериклик мақомига эга. Булар: Болгария, Венгрия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Словакия, Чехия, Эстония давлатларидир. Фарбий Е.х. таркиби қуйидагича: 1) Фарбий Е.х. Кенгаши; 2) Доимий Кенгаш; Кенгашнинг ишчи гуруҳи; 3) штаб бошлиқлари; 4) режалаштириш штаби; 5) ишчи гуруҳлар. Махсус ишчи гуруҳ, мудофаа вазирликларининг гуруҳ вакиллари; 6) Фарбий Е.х. Ассамблеяси; 7) Котибият. Ҳозирги кунда ҳам давлатлар пойтахтларида бир йилда икки маротаба йиғиладиган Мудофаа ва

Ташки ишлар вазирлари ва уларга тенглаштирилган вазирлар раислигида ўтказиладиган Кенгаш. Кенгаш аъзо давлатларнинг хохишига асосан исталган пайтда чакирилиши мумкин. Йиғилишларда Бош котиб раислик қилади. Кенгашга ёрдамчи этиб ишчи гуруҳи тузилган: 1) ташки ишлар вазирликларидан иборат махсус ишчи гуруҳи (Европа хавфсизлиги ва сиёсий масалалар бўйича); 2) мудофаа вазирликларининг вакилларидан иборат гуруҳ (Европа хавфсизлиги бўйича ҳарбий масалалар); 3) "Очк осмон" шартномасига асосан, верификация, космик ҳуқуқ масалалари юзасидан ишчи кўмита. Ғарбий Е.х. Ассамблеяси 108 депутатдан иборат (ўринбосарлари б-н). Евродепутатлар йилда икки маротаба йиғилишиб, Ғарбий Е.х. фаолиятига гаалдукли бўлган барча масалаларни муҳокама этнади. Ассамблея раис ва саккиз ўринбосардан иборат таркибда бюро сайлайди. Бундан ташқари, доимий ҳаракатдаги кўмита, раислар кўмитаси (бюро аъзолари ва Ассамблеянинг собиқ раиси) ва олти доимий кўмита (мудофаа, сиёсат, техника ва космос, бюджет ва маъмуриятлар, жамоат ва миллий парламентлар ишига доир масалалар бўйича) фаолият кўрсатади. Котибият ишига Бош котиб раҳбарлик қилади. Ғарбий ЕХнинг иш юритадиган тили инглиз ва француз тилидир.

ЕНГИБ БЎЛМАС КУЧ – фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликни истисно этувчи ҳолат. Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган фавқулодда ҳодиса туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томондан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

ЕНГИЛ ТАН ЖАРОҲАТИ ЕТКАЗИШ – ЎзР МЖКнинг 52-м.сига биноан, эҳтиётсизлик орақсида Е.т.ж.е. ҳамда соғлиқнинг қисқа муддат ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятини унча кўп давом этмайдиган турғун тарзда йўқотишга олиб келмаган қасддан Е.т.ж.е. учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган. Эҳтиётсизлик орақсида Е.т.ж.е. қуйидаги ҳолларда содир бўлади: а) ҳаракат эҳтиётсизлик б-н содир этилганлиги ва жабрланувчининг соғлиғига зарар етказганлиги, буни ҳуқуқбузар ё олдиндан кўра билмаган, ҳолбуки у зарар етказилиши мумкинлигини олдиндан кўра билиши лозим ва мумкин бўлган бўлса ҳам енгилтаклик б-н уни бартараф этиш мумкинлигига ишонган бўлса; б) ҳуқуқбузар хатти-ҳаракатининг ўзи ва етказилган зарар эҳтиётсизлик орақсида содир этилган бўлса.

Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ЎзР ЖКнинг 109-м.сига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Қасддан Е.т.ж.е., башарти бу ҳаракатлар жамоат тартибини бузишга олиб келмаган ёки жамиятни ҳурмат қил-

масликни ифодаламаган бўлса, безорилик деб ҳисобланиши мумкин эмас.

ЕНГИЛРОҚ ИШГА ЎТКАЗИШ – меҳнат жароҳати олганлиги, хомилдорлиги, икки ёшга тўлмаган боласи борлиги туфайли Е.и.ў. тиббий даволаш муассасаси тавсиясига кўра, ногиронларни енгилроқ ишга ўтказиш эса Тиббий-меҳнат экспертиза маркази тавсиясига кўра амалга оширилади. Ушбу ҳолларда Е.и.ў. ва бу даврда иш ҳақи тўлаш қонуни ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Турмушда жароҳатланиш ёки касалликка чалиниш юз берганида ҳам бажарадиган вазифасига мос ҳақ тўлаш шарти б-н тиббий ҳулоса асосида енгилроқ ишга ўтказилиши мумкин. Е.и.ў. тегишли ҳужжатларга кўра иш берувчи буйруғи б-н амалга оширилади (ЎзР МКнинг 94, 218, 226, 227-м.лари).

ЕНГИЛРОҚ МАЪМУРИЙ ЖАЗО ЧОРАСИНИ ҚЎЛЛАШ – ЎзР МЖКнинг 33-м.сига биноан, орган (мансабдор шахс) маъмурий жазо чорасини қўллаётганда жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий ахволини инобатга олган ҳолда сабабини албатта кўрсатиб туриб, ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги модданинг жазо белгилаш қисмида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини қўллаши мумкин. Бу ҳуқуқни қўллашнинг зарур шарти жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг моддий ахволини ҳисобга олишдан иборат бўлиши лозим. Бунда қабул қилинган қарор, албатта асосланган бўлиши, маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорда ушбу модданинг санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам енгилроқ жазо чорасини татбиқ этишга асос бўлган сабабларни қайд этиши зарур.

ЕР КАДАСТРИ – қ.: *Давлат ер кадастри.*

ЕР КОДЕКСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси.*

ЕР МОНИТОРИНГИ – (лот. monitor – кузатиш, назоратлаш, бошқариш). Ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизими (ЎзР ЕКнинг 14-м.си). Е.м.ни олиб бориш Е.м.га оид меъёрий ҳужжатлар асосида ЎзР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси томонидан амалга оширилади. Е.м. ёрдамида ер ресурсларининг маълум бир даврдаги ҳолати ва унинг ўзгариши, ер назорати ва экспертизасини қаерларда тезкор равишда олиб бориш кераклиги ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Мониторинг – назорат-экспертиза тизими ер ҳуқуқбузарликларини тез аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш учун асос бўлади.

Е.м. объектларига махсус ваколатли давлат органларининг доимий кузатувида бўлган ер фонди ва унинг элементлари қиради. Ер фонди элементларига: кишлоқ хўжалик экинлари майдони; ер участкалари; ер унумдорлигининг ўзгаришига сабаб бўлувчи жараёнлар (эрозия, дефляция, шўрланиш, ботқоқланиш, захланиш, ифлосланиш, дегумификация ва б. табиий-техноген жараёнлар ва ходисалар); аҳоли яшаш жойлари, нефть ва газ конларининг объектлари, тозалогич иншоотлари, сув омборлари, ахлат

ташлайдиган жойлар, ёқилги-мойлаш омборлари, ўғит сакланадиган омборхоналар, автомобилларнинг турар жойлари, саноат ва радиоактив чиқтиларини кўмиш жойлари ва б. саноат объектларининг ерлари кирди.

Е.м. Е.м.ни олиб боришнинг вақти ва унинг кайтарилиш муддатига қараб қуйидаги турларга ажратилади: таянч – бошланғич мониторинг, муддат (давр)ли – таянч мониторингдан сўнг бир йил ёки маълум бир муддатларда мониторинглаш; тезкор (оператив) – маълум бир муддати бўлмаган ва шароитга қараб олиб бориладиган мониторинг.

ЕР НАЗОРАТИ – ерларни муҳофаза қилиш масаласи жамиятнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифасидир. Чунки, халқнинг моддий фаровонлиги табиатнинг бебаҳо бойлиги, барча жонотин боқувчиси ҳисобланган ерга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга боғлиқ бўлади. Шу сабабдан, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни назорат қилиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

ЎзР ЕКнинг 12-боби ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни тартибга солиб, уни амалга оширишнинг асосий вазифалари юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг конун ҳужжатлари талабларига риоя этишларини таъминлашдан иборатдир.

ЎзР ВМнинг 2005 й. 16 февралдаги 66-сон қарори б-н тасдиқланган “Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида”ги Низомга мувофиқ Е.н. – юридик ва жисмоний шахслар томонидан ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартибини, шунингдек ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати ЎзРнинг бутун ҳудудда амалга оширилиб, юридик ва жисмоний шахслар, давлат бошқарувчи органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ерга оид конун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича махсус ваколатли давлат органлари ҳудудий бўлинмаларининг ерга оид конун ҳужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботларини эшитадилар, ердан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни текшириш бўйича комиссиялар ташкил этадилар, ушбу масала бўйича бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

ЎзР Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси ҳамда ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан назорат бўйича махсус ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

“Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг ваколатига кирмайдиган

масалалар бўйича ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Давлат табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ва б. чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар, оқова сувлар б-н ифлосланиши, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация максалидаги ерлардан, сув фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси номидан “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси, ҚР, вилоят ва Тошкент ш. ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, тум.лар (ш.лар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

ЎзР ЕКнинг 84-м.сига мувофиқ, ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни посёлка, кишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар. Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар ва б. жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқаролар ерлардан фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш устидан назоратни амалга оширишда давлат органларига ва посёлка, кишлоқ, овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашадилар.

ЕР СЕРВИТУТИ – к.: *Сервитут*.

ЕР СОЛИҒИ – ер участкаларидан фойдаланганлик учун бюджетга тўловлар Е.с. ёки ер учун ижара ҳақи тариқасида амалга оширилади.

ЎзР ВМ, ҚР Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи Е.с.га тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган юридик шахсларга юридик шахслардан олинмаган Е.с. ставкалари, юридик шахслардан олинмаган Е.с.ни тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисобкитобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Юридик шахслар мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида фойдаланиладиган ер участкалари учун Е.с. тўлайдилар (ЎзР СКнинг 278-м.си).

Мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган юридик шахслар, шу жумладан ЎзРнинг норезидентлари Е.с.ни тўловчилардир.

Кўчмас мулк ижарага берилган тақдирда, ижарага берувчи Е.с.ни тўловчи бўлади.

Ер участкасидан бир нечта юридик шахс биргаликда фойдаланган тақдирда, ҳар бир юридик шахс ер участкасининг фойдаланилаётган майдонидаги ўз улуши учун Е.с.ни тўловчидир.

Қуйидагилар Е.с.ни тўловчилар бўлмайди:

нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган тақдирда, нотижорат ташкилотлар тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилган ер участкалари бўйича ЎзР СКнинг XII бўлимида назарда тутилган тартибда Е.с. тўловчилар бўлади;

ЎзР СКга мувофиқ, солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар, агар ушбу Кодекснинг XX бўлимида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса (ЎзР СКнинг 279-м.си).

Мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари Е.с.ни тўловчилардир.

ЎзР ВМ, ҚР Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ижарага берилган ер участкалари учун тўланадиган ижара ҳақи Е.с.га тенглаштирилади. Ер участкаларини ижарага олган жисмоний шахсларга Е.с.ни тўловчилар учун белгиланган имтиёзлар, солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби татбиқ этилади.

Уй-жой, яшаш учун мўлжалланмаган иморат ва иншоотлар мерос бўйича ўтиши б-н биргаликда мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи ва фойдаланиш ҳуқуқи ўтган ер участкалари учун Е.с. мерос қолдирувчининг солиқ мажбуриятлари ҳисобга олинган ҳолда меросхўрлардан ундирилади (ЎзР СКнинг 287-м.си).

ЕР ТУЗИШ – ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил этишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, Е.т.нинг ҳудудий ва ички хўжалик режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизими. Е.т.нинг асосий вазифаси халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этишдир. Унинг ёрдамида ерлардан фойдаланишнинг қулай шароитлари ташкил этилади, ҳудудий, тармоқ, индивидуал (ички хўжалик) хусусиятлари ҳисобга олинади. Е.т.нинг негизида ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш, ердан фойдаланиш ва эгаллик қилишнинг табиий кишлоқ хўжалик минтақаларига бўлинишини ҳисобга олиш ва барча шаклдаги ерга эгаллик қилувчилар, ердан фойдаланувчилар, ер ижарачилари, ер мулкдорлари мақомининг ҳамда ер участкалари сифати ва жойлашган жойи бўйича ҳар хил бўлган ерларда хўжалик юретишнинг бир хил ва тенг шароитларини таъминлаш масалалари ётади. ЎзР ЕКнинг 12-м.сида Е.т. ишларининг тўртта тури кўрсатилган: 1) истикболга мўлжалланган; 2) лойиҳалаш олдидан; 3) хўжаликлараро; 4) ички хўжалик Е.т.и..

Е.т.нинг ушбу турлари бир-биридан ер участкаларининг жойлашган ҳудуди (мамлакат, вилоят, тум., ш., хўжалик ва ҳ.к.), Е.т. ишларини амалга оширишга асос бўладиган юридик ҳужжат (давлат ҳокимияти органи қарори, юридик ёки жисмоний шахсларнинг талабномалари), амалга ошириш муддати (истикболли, лойиҳа олди, лойиҳадан сўнг ва ҳ.к.), хўжалик юритувчи субъектларга қаратилганлиги (хўжаликлараро ёки ички хўжалик) ёки қаратилмаганлиги (истикболли, лойиҳа олди) ва б. жиҳатлари б-н фарқ қилади.

ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИНГ БЕКОР ҚИЛИНИШИ – бутун ер участкасига ёки унинг бир қисмига эгаллик қилиш ҳуқуқи ёхуд ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи, шунингдек ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бе-

кор қилинади: 1) ер участкасидан ихтиёрний воз кечилганда; 2) ер участкаси берилган муддат тугаганда; 3) юридик шахс тугатилганда; 4) хизматда фойдаланиш учун чек ер бериб қўйишга асос бўлган меҳнатга оид муносабатлар бекор бўлганда, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳол назарда тутилган бўлмаса; 5) ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида; 6) ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига қўра) паст бўлишида фойдаланганда; 7) ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар б-н ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар б-н фойдаланилган тақдирда; 8) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда; 9) кишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва кишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида; 10) мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида, ер участкасига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда эса, гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида. Фойдаланилмаётган ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади; 12) ер участкаси ЎзР ЕКда назарда тутилган тартибда олиб қўйилганида.

Қонун ҳужжатларида ер участкаларига эгаллик қилиш ҳуқуқи, ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ва ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи белгиланган тартибда қуйидаги ҳолларда бекор қилинади: 1) савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва б. бинолар ёки биноларнинг бир қисми шу бинолар жойлашган ер участкалари б-н бирга сотилганда; 2) давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва б. бинолар ёки биноларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари б-н биргаликда қайта сотиб олинганда; 3) қонунда белгиланган ҳолларда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек уй-жой бинолари ва б. иморатлар ёки иморатларнинг бир қисми улар жойлашган ер участкалари б-н бирга мусодара этилганда.

Ер участкасининг эгаллик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечишдан яққол далолат берувчи хатт-ҳаракатлар (чет элга жўнаб кетганлик, ер участкасидан белгиланганидан кўпроқ муддат давомида фойдаланмаслик) содир этган тақдирда, бу ер участкаси қонун ҳужжатлари б-н белгиланган тартибда эгасиз мол-мулк тартибда ҳисобга олинади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқлардан воз кечиш мазкур ер участкасининг эгаллик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ҳамда мулкдори мажбуриятларининг, ер участкаси

бошқа шахсга берилгунга қадар, бироқ воз кечилган пайдан ёки эгасиз мол-мулк тарикасида давлат рўйхатига олинган кундан эътиборан узоғи б-н бир йил мобайнида, бекор қилинишига сабаб бўлмайди.

ЕР УЧАСТКАЛАРИГА НИСБАТАН АШЁВИЙ ХУҚУҚ – ер участкаларини давлат томонидан юридик ва жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи, мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи, ер участкасига доимий эғалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда сервитут ҳуқуқи б-н берилиши (ЎЗР ФКнинг 165-м.си). Ашёвий ҳуқуқ шартнома қондалари б-н эмас, балки қонун нормаларига биноан келиб чиқади ва ер участкаси тавсир доирасидаги шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади: ер участкаларини натурада (жойнинг ўзида) ажратиб бериш, ерга эғалик қилиш ва ердан фойдаланиш, ер участкасини ижарага олиш ҳамда ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни тайёрлаш.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ОЛДИ-СОТДИ ҚИЛИШ – ер участкасининг олди-сотди шартномасига мувофиқ бевосита тўғридан-тўғри ёки билвосита бошқа шаклга ўтиши. ЎЗР ер қонунчилигига мувофиқ қишлоқ хўжалик ерларини бевосита олди-сотди қилиш тақиқланади, лекин фуқаровий-ҳуқуқий табиатига эга бўлган ерларни билвосита битимлашга руҳсат берилди. Мулк объектлари ва б. кўчмас мулк ер участкалари б-н биргалликда таълоқ ёки қим ошди савдоси орқали олди-сотди қилиниши. “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 8-м.сига мувофиқ дехқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга томорка ер участкаси 0,06 гектар доирасида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи қим ошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

ЕР УЧАСТКАЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – ер участкаларини давлат мулкидан фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахсларга доимий (муддатсиз) фойдаланиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ёки ижарага олиш ҳуқуқи б-н олинishi. ЎЗРда ер умумийлик бойлик – давлат мулки бўлгани учун ҳам у “соф” равишда хусусийлаштирилиши мумкин эмас. ЎЗР ЕКнинг 18-м.сига мувофиқ, ер участкасига бўлган мулк ҳуқуқи: юридик ва жисмоний шахслар томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларининг жойлашган ер участкаси б-н биргалликда хусусийлаштирилганида, республикамизда аккредитация қилинган дипломагния ваколатхоналари, халқаро ташкилотларнинг иморат ёки иморат қисмлари, шу жумладан, ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари б-н бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун берилган ер участкалари реализация қилинганда, чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг уй-жой бинолари (жойлашган ер участкалари б-н бирга) реализация қилинганда ашёвий ҳуқуқ сифатида вужудга келади.

ЕР УЧАСТКАСИ – ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашши маълумлига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс этириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми.

Е.у.нинг чегараси планларда (чизмаларда) қайд этилади ва натурада (жойнинг ўзида) белгиланади. Е.у.нинг майдони натурада (жойнинг ўзида) чегара белгиланганидан кейин аниқланади.

Е.у. бўлинадиган ва бўлинмайдиган бўлиши мумкин.

Ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ва ёпғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳар-созлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қондаларни бузмаган ҳолда қисмларга бўлиш мумкин бўлган ва бу иш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил Е.у.ни ташкил этиши мумкин бўлган Е.у. бўлинадиган Е.у. ҳисобланади.

Фойдаланиш мақсадига кўра мустақил Е.у.ларига бўлиниши мумкин бўлмаган Е.у. бўлинмайдиган Е.у. ҳисобланади (ЎЗР ЕКнинг 10-м.си).

ЕР УЧАСТКАСИГА БЎЛГАН ХУҚУҚНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШ – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат реестрига киритилиши.

ЎЗР ЕКнинг 35-м.сига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари давлат рўйхатига олинishi керак. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ер участкалари жойлашган ерда амалга оширилади. Давлат реестрига қуйидагилар киритилади: 1) ер участкасига бўлган ҳуқуқни олган шахс тўғрисидаги маълумотлар; 2) ер участкасининг тавсифи (ерларнинг тоифаси, фойдаланиш мақсади, майдонининг тури, сатҳи, биргалликда эғалик қилиш ёки фойдаланиш улуши, чегаралари, кадастр тартиб рақами ва б. тавсифномалари); 3) ер участкаси бериш тўғрисидаги шартнома талабларига, ер участкасини саклаш вазибалари ва сервитутларга оид маълумотлар; 4) ваколатли органларнинг ер участкасини давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ажратиб олиш зонасига киритиш тўғрисидаги қарорлари; 5) қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа маълумотлар.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайдан эътиборан ўн кунлик муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда гувоҳнома берилди.

Е.у.б.х.д.р.о.ни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади: давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қимга тегишли эканлиги тўғрисида низо борлигидан далолат берувчи ҳужжатлар мавжудлиги;

давлат рўйхатига олиш органида мазкур ер участкаси қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжудлиги.

Е.у.б.х.д.р.о. тартиби ЎЗР ВМнинг 1998 й. 31 декабрдаги 543-сон қарори б-н тасдиқланган Давлат ер кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низо ва Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (рўйхат рақами 736, 27.05.1999 й.) б-н тартибга солинади.

ЕР УЧАСТКАСИГА МЕРОС ҚИЛИБ ҚОЛДИРИЛАДИГАН УМРБОД ЭҒАЛИК ҚИЛИШ ХУҚУҚИ – дехқон хўжалиги юритиш, яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш учун, жамоа боғдорчилиги ва узумчилиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи. Бу ер участкалари қону-

ний мерос ҳукуки асосида ворисларга ўтади. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳукуқи ЎЗР фуқароларига деҳқон хўжалиги юритиш, уй-жой қуриш, жамоа боғдорчилиги б-н шуғулланиш мақсадларида 0,04 гадан то 0,35 га.гача суғориладиган ерларда, 0,50 га. лалми ерларда, чўл зоналарида эса 1,0 га. гача берилади. ЎЗР ЕКнинг 19-м.сига кўра, фуқароларнинг ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳукуқи Е.у.м.қ.к.у.э.қ.х.ни берувчи давлат ҳужжати б-н тасдиқланади. Е.у.м.қ.к.у.э.қ.х.ни берувчи давлат ҳужжатининг шакли, уни рўйхатга олиш ва бундай ҳужжатни бериш тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ЕР УЧАСТКАСИГА НИСБАТАН МУЛК ҲУҚУҚИ – ер участкаларининг ашёвий ҳуқуқ сифатида ер муносабатлари субъектларининг мулкига айланиши. Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳукуқи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари улар жойлашган ер участкалари б-н бирга хусусийлаштирилганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вужудга келади.

Дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, ЎЗРда аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкаларига мулк ҳукуқи уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан, ваколатхона бошлигининг қароргоҳи улар жойлашган ер участкалари б-н бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади.

Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг – дипломатия корпуси ходимларининг, ЎЗРда аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкаларига бўлган мулк ҳукуқи уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари б-н бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинганда вужудга келади (ЎЗР ЕК 18-м.си).

ЕР УЧАСТКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ – хўжалик ва б. мақсадларда юридик ва жисмоний шахсларга ер участкасининг фойдаланиш учун берилиши. Ер участкасидан фойдаланиш доимий ёки муддатли (вактинча) бўлиши мумкин. Доимий ёки муддатли (вактинча) фойдаланиш учун ер участкалари: ЎЗРнинг фуқароларига; саноат, транспорт ҳамда бошқа ноқишлоқ хўжалик корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига; чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва ташкилотларга; чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга берилади. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ер участкалари фойдаланиш учун бошқа ташкилотлар ва шахсларга ҳам берилади. Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳукуқи Ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳукуқини берувчи давлат ҳужжати б-н тасдиқланади. Ер участкаларидан муддатли фойдаланиш қисқа муддатли – уч йилгача ва узок муддатли – уч йилдан ўн йилгача бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш зарурияти та-

қозо этганда бу муддатлар тегишинча қисқа муддатли ёки узок муддатли вақтинча фойдаланиш муддатларидан ортиқ бўлмаган даврга узайтирилиши мумкин. Ер участкаларидан вақтинча фойдаланиш муддатларини узайтириш шу участкаларни берган органлар томонидан амалга оширилади (ЎЗР ЕК 20-м.си).

ЕР УЧАСТКАСИНИ ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ЭХТИЁЖЛАРИ УЧУН ОЛИБ ҚЎЙИШ – ер участкаси ёки унинг бир қисми давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер эгасининг розилиги б-н ёки ердан фойдаланувчи ва ижарачи б-н келишилган ҳолда тегишинча тум., ш., вил. ҳокимининг қарорига ёхуд ЎЗР ВМнинг қарорига биноан олиб қўйилади.

Ер эгаси, ердан фойдаланувчи ва ижарачи ер участкасини олиб қўйиш ҳақидаги тегишинча тум., ш., вил. ҳокимининг қарорига ёки ЎЗР ВМнинг қарорига рози бўлмаган тақдирда, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиши мумкин.

Қорхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш учун ер участкаларини олиб қўйишдан манфаатдор бўлган қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар лойиҳалаш бошлангунга қадар ҳудудни комплекс ривожлантиришни таъминлашни инobatга олган ҳолда объект қуриладиган жойни, участканинг тахминий ўлчами ва уни ажратиш шартларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачилар, шунингдек тегишинча тум., ш., вил. ҳокими ёки ЎЗР ВМ б-н олдиндан келишиб олишлари шарт. Бундай тарзда, олдиндан келишиб олинмагунга қадар лойиҳа ишларини молиялашга йўл қўйилмайди.

Е.у.д. ва ж.э.у.о.қ. ҳамда объект қуриладиган жойни олдиндан келишиб олиш, шунингдек ер ажратиб беришни расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади (ЎЗР ЕКнинг 37-м.си).

ЕР ФОНДИ ТОИФАЛАРИ – мамлакатимизда ерлар фойдаланиш мақсадлари, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондиришини эътиборга олиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини жонлантириш ва ривожлантиришни кўзлаб, ишлаб чиқаришни ташкил этишни ҳисобга олиб тоифаларга бўлинади. Ерларни тоифаларга бўлишда биринчи навбатда улардан қайси мақсад учун фойдаланиш мумкин ёки мумкин эмаслиги эътиборга олинади. Мас., сув фонди ёки ўрмон фонди ерларидан пахта экиш ёхуд бошқа кишлок хўжалик экинлари етиштириш учун фойдаланиб бўлмайди. Бундан ташқари, ерларни тоифага бўлишда уларнинг табиий хусусиятларига ҳам аҳамият берилади. Чунonчи, кишлок хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида фойдаланилади.

ЎЗРнинг ЕКга кўра (8-м.), мамлакатимизда ер фонди ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига биноан қуйидаги тоифаларга бўлинади: 1) кишлок хўжалигига мўлжалланган ерлар; 2) аҳоли пунктларининг (ш.лар, посёлкалар ва кишлок аҳоли пунктларининг) ерлари; 3) саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва б. мақсадларга мўлжалланган ерлар; 4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар; 5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар; 6) ўрмон фонди ерлари; 7) сув фонди ерлари; 8) захира ерлар.

Санаб кўрсатилган ер тоифалари ягона давлат ер фондини ташкил этиб, улар бир тоифадан иккинчисига ўтиб туриши мумкин, яъни улар белгиланган тоифада қотиб

қолмайдилар. Мас., кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг баъзи қисмлари аҳоли пунктлари ерлари тоифасига киритилиши ёки заҳира ерлари фондидан саноат, транспорт, алоқа ерлари тоифасини ҳосил қилиш мумкин. Ерларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш ЎЗР ЕКнинг 9-м.сига кўра, ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади. Ерларни Е.ф.т.га бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерни эгаллик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир тоифадаги ер фонди фойдаланиш мақсади ва тартибига кўра ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Мамлакатимиз ер фонди таркибида кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мустақил тоифани ташкил этиб, муҳим ўринни эгаллайди. Кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида улар алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, асосий восита сифатида ҳаракат қилади. Қонунга кўра, кишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳисобланади (ЎЗР ЕКнинг 43-м.си).

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар жами ерга нисбатан 50.29 %ни ташкил қилади, у кишлоқ хўжалиги юритиш учун зарур бўлган кишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпик сув хавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга ажралади. Ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландик ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боғлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари, мевазорлар ва б.) эгаллаган ерлар кишлоқ хўжалиги ерлари жумласига қиради.

Кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар кишлоқ хўжалик кооперативларига, бошқа кишлоқ хўжалик корхона, муассаса ва ташкилотларига, тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот муассасаларига, ЎЗР фуқароларига (фермер хўжаликларини, дехкон хўжаликларини, яқка тартибда боғдорчилик, полизчилик ва чорвачиликни, жамоа боғдорчилиги, полизчилиги ва узумчилигини юритиш учун), кишлоқ хўжалиги б-н шуғулланмайдиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга кишлоқ хўжалик мақсадларида берилади.

Ер фонди таркибидаги иккинчи тоифа ерларни аҳоли пунктларининг ерлари ташкил этади. Бу ерлар ўз навбатида ш.лар, посёлкалар ва кишлоқ аҳоли пунктларининг ерларига бўлинади. Ушбу тоифа жами ер майдони 236,3 минг га. бўлиб, жами ерга нисбатан 0,53 %ни ташкил қилади.

Ш. ерларининг таркиби фойдаланиш мақсадларига қараб бир неча турларга бўлинади. Булардан биринчиси, ш. қурилиши ерларидир. Бу ерларга уй-жой, коммунал-маиший, маданий-маърифий, саноат, савдо, маъмурий ва б. бинолар ҳамда иншоотлар қурилган ва уларни қуриш мақсадида берилган ҳамма ерлар қиради. Ш. қурилиши ерлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга уй-жой, маданий-маиший, саноат объектлари қуриш ва капитал қурилишнинг бошқа турлари учун фойдаланишга, фуқароларга эса яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жой ободлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилишга берилади.

Ш.лар ер таркибининг иккинчи тури умумий фойдаланишдаги ерлардир. Бу турдаги ерларга майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, соҳил бўйлари, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш ва дам олиш учун фойдаланиладиган боғлар, хиёбонлар, боғчалар жойлашган ерлар қиради.

Учинчи турдаги ш. ерларига кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар қиради. Бундай ерлар тоифасига кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ва б. ерларга кишлоқ хўжалиги корхоналари эгалигидаги ҳайдаладиган ерлар, боғлар, узумзорлар, токзорлар, мевазорлар, полизорлар, питомниклар, яйловлар, пичанзорлар, суғориш, зах қочиреш ва йўл тармоғи, иморатлар, ховлилар, майдонлар эгаллаб турган ерлар қиради.

Дарахтзорлар эгаллаб турган ерлар ҳам ш. ерларининг алоҳида бир турини ташкил этади. Ш.лардаги дарахтзорлар эгаллаган ерлар аҳолининг дам олишини ташкил этишга, ш.даги микроклимни, атмосфера ҳавосининг ҳолатини ва санитария-гигиена шароитларини яхшилашга, аҳолининг маданий-эстетик эҳтиёжларини қондиришга, ш. ҳудудини сув ва шамол эрозиясидан муҳофаза қилишга мўлжалланган бўлади.

Ш. ерларининг навбатдаги турини саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерлар ташкил этади. Бундай ерларга корхона, муассаса, ташкилотлар зиммасига юклатилган махсус вазибаларни амалга ошириш учун бериб қўйилган ерлар қиради. Бу ерлардан аэропортлар, трамвай йўллари, поездлар катнайдиган йўллар, қурувлар қуриш ва шунга ўхшаш мақсадлар учун фойдаланилади.

Ш. ерлари таркибидаги муҳофаза этиладиган ҳудудларининг ерларига тарихий, маданий характердаги объектлар, табиат ёдгорликлари жойлашган ер майдонлари қиради. Улардан аҳолининг маданий, маънавий эҳтиёжлари мақсадларида фойдаланилади.

Кишлоқ аҳоли пунктлари ерларига ер тузиш тартибда белгилаб қўйилган чегаралар доирасидаги ҳамма ерлар қиради. Бундай ерлар жумласига, биринчидан, кишлоқ аҳоли пунктларининг кишлоқлар ва овуллар ҳудудидаги ерлари; иккинчидан, кишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари ҳудудидаги ерлар қиради.

Кишлоқ аҳоли пункти ерлари деганда ички хўжалик ер тузилиши режаларига мувофиқ равишда тасдиқланган ва белгиланган чегара доираларида жойлашган, аҳолининг турар-жой, бошқа маданий-маиший эҳтиёжларига керакли бинолар, шунингдек дехкон хўжалиги учун бериладиган ер участкалари тушунилади.

Кишлоқ аҳоли пункти ерлари, асосан кишлоқ хўжалик корхоналари эгаллаб турган ерларда жойлашган бўлиб, улар жамоат ерларидан натура тарзида ажратиб қўйилади. Лекин, бу иккала ер фонди ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара бўлмайди. Аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини эътиборга олиб аҳоли пункти ерларини тегишли органлар қарорига мувофиқ кенгайтириш мумкин.

Кишлоқ аҳоли пункти ерлари ўз таркибига кўра бир хил эмас. Улар кишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва кишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга бўлинади. Бундан ташқари, бу ерларни кимнинг эгалигидалигига қараб ҳам таснифлаш мумкин. Булар фуқаролар ўзини

ўзи бошқариш органлари ихтиёридаги ерлар ва қишлоқ хўжалик корхоналари ихтиёридаги ерлардир. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёридаги қишлоқ аҳоли пункти ерларидан майдонлар, кўчалар, соҳил бўйлари, боғлар, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, дарахтзорлар барпо қилиш, шунингдек маданий-маиший, уй-жой эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

Қишлоқ аҳоли пункти доирасида қишлоқ хўжалик корхоналари ўзларига берилган ер участкаларидан уй-жой бинолари, маданий-маиший бинолар, ишлаб чиқариш бинолари қуриш учун ҳамда деҳқон хўжалиги юритиш учун фойдаланадилар.

Ер фонди таркибидаги навбатдаги тоифани сапоат, транспорт, алоқа, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерлар ташкил қилади. Ер фонди ушбу тоифасининг жами майдони 1955,5 минг га бўлиб, жами ерга нисбатан 4,40 %ни ташкил қилади. Сапоат мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда сапоат корхоналарига, шу жумладан, кон сапоати, энергетика корхоналарига ишлаб чиқариш ва ёрдамчи бинолар ҳамда иншоотлар қуриш учун доимий фойдаланишга берилган ерлар тушунилади.

Транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар деб темир йўл, ички сув транспорти, автомобиль, хаво ва трубопровод транспорти корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига транспорт иншоотлари, қурилмалари ва б. объектларидан фойдаланиш, сақлаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш соҳасида улар зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун доимий фойдаланишга берилган ерларга айтилади.

Алоқа мақсадларига мўлжалланган ерлар жумласига алоқа линияларини ҳамда уларга тегишли иншоотларни жойлаштириш учун алоқа, радиоэшиттириш, телевидение ва ахборот корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига доимий фойдаланишга берилган ерлар қиради.

Қуроли кучлар, чегара, Ички ишлар ва темир йўл қўшинларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий ўқув юртлири, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жойлашуви ҳамда доимий фаолияти учун берилган ерлар муҳофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерлар деб эътироф этилади.

Сапоат, транспорт, алоқа, муҳофаа мақсадларига мўлжалланган ерлар ушбу ташкилотларнинг ўз олдига қўйган вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Муҳофаа этиладиган ҳудудларининг ерлари республика миқдорида ер фонди таркибида алоҳида, мустақил тоифани ташкил қилади. Бу тоифа ерларининг турлари, улардан фойдаланиш тартиби ЎЗР ЕКнинг 71–75-м.лари б-н тартибга солинди. Ушбу тоифа жами майдони 72,5 минг га бўлиб, жами ерга нисбатан 0,16 %ни ташкил қилади.

ЎЗР ЕКнинг 71-м.сида кўрсатилишича, муҳофаа этиладиган ҳудудларининг ерлари жумласига, биричидан, табиатни муҳофаа қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар; иккинчидан, соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар; учинчидан, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар; тўртинчидан, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар қиради.

Табиатни муҳофаа қилиш мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда, давлат кўриқхоналари, миллий ва ден-

дрология боғлари, ботаника боғлари, заказниклар, табиат ёдгорликларининг белгиланган тартибда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга махсус мақсадлар учун берилган ерлар тушунилади. Бу тоифа ерларда белгиланган мақсадга зид фаолият тақиқланиб, уларга зарарли таъсир этадиган фаолият тақиқлаб қўйилади.

Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлар деб табиий шифобахш омилларга эга бўлган, касалликларнинг олдини олиш ва даволашни ташкил этиш учун қулай, белгиланган тартибда тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ер участкаларига айтилади. Соғломлаштириш мақсадларига мўлжалланган ерлардан аҳолининг даволашни ва дам олишни таъминлаш учун фойдаланилади.

Муҳофаа этиладиган ҳудудларининг ерлари таркибида рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар муҳим ўринни эгаллайди. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар деганда аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлар тушунилади. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар дарё, кўл, денгизлар бўйида аҳолининг оммавий дам олиши учун мўлжалланган, шунингдек обидалар жойлашган ҳудудларда туризм учун мўлжалланган ободонлаштириш ва туризм ташкилотларига бериб қўйилган ерлар ҳисобланади. Бу ерлардан одамлар дам олиш, маданий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланилади.

Ер фонди таркибида тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар мустақил тоифадаги ерлар сифатида ўрин олиши белгиланган. Ер фонди ушбу тоифасининг жами майдони 0,3 минг га бўлиб, жами ерга нисбатан 0,001 %ни ташкил этади. ЎЗР ЕКнинг 75-м.сида кўра, тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар деганда, тарихий-маданий кўриқхоналар, мемориал боғлар, мазорлар, археология, тарих ва маданият ёдгорликларининг тегишли муассасалар ва ташкилотларга доимий фойдаланишга берилган ерлар тушунилади. Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларнинг архитектура аҳамиятига эгалари халқаро ташкилотлар ҳисобида туриб, улар давлат томонидан муҳофаа қилинади. Тарихий-маданий ерларда тарихий обидалар, архитектура ёдгорликлари, иншоотлар, қабристонлар ёки яққа тартибдаги мазорлар жойлашган бўлади. Бу тоифадаги ерлардан аҳолининг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадларида фойдаланилади.

Мамлакатимиз ер фонди таркибидаги муҳим тоифалардан бири ўрмон фонди ерларидир. Ушбу тоифа ерлар Ўзбекистон ер фонди таркибида мустақил фондини ташкил этади. ЎЗР ЕКнинг 76-м.сида кўрсатилишича, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар ўрмон фонди ерлари деб эътироф этилади. Ўрмон фонди ерлари икки қисмга: 1) ўрмон б-н қопланган ерлар 2) ўрмон б-н қопланмаган бўлса ҳам ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун бериб қўйилган ерларга бўлинади.

Ўрмонлар асосан экологик (сувни муҳофаа қилиш, кўриқлаш, санитария-гигиена, соғломлаштириш, рекреация), эстетик ва б. вазифаларни бажаради, чекланган даражадаги фойдаланиш аҳамиятига эга. Ушбу тоифа жами майдони 8562,3 минг га бўлиб, жами ерга нисбатан 19,28 %ни ташкил қилади. Бу ерда ер бош ишлаб

чиқариш воситаси сифатида бўлади. Шунинг учун ўрмон фонди ерларининг катта қисмини ўрмонлар б-н копланган ерлар ташкил этади.

Шу б-н бир қаторда ўрмон фонди ерларига ўрмон б-н копланмаган, лекин ўрмон хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳам қиради. Буларга мисол тариқасида бўш жойлар, ниҳоллар вайрон бўлган жойлар, ёнган участкалар ва б.ни айтиш мумкин.

Бундан ташқари, ўрмон фонди ерларига ўрмон б-н копланмаган ва дарахт ўстиришга ҳам мўлжалланмаган, лекин, ўрмон хўжалиги учун зарур бўлган ерлар ҳам қиради. Буларга ўрмондаги йўллар, арик-зовурлар, ботқоқликлар, кумликлар қиради.

Ўрмон фонди ерлари белгиланган тартибда эгалик қилиш, фойдаланиш учун, шу жумладан ижарага берилиши мумкин.

ЎЗР ЕКнинг 76-м.сида ўрмон фонди ерларини бошқа ер фонди ҳисобига кенгайтириш мумкинлиги белгиланган. Бунда қандай мақсадлар учун ўрмон фонди ерлари таркибига ер участкалари бериш мумкинлиги кўрсатилган. Бу ўрмонзорлар барпо этиш, жарликларнинг кенгайтириш тўхтатиш, ш.лар ва саноат марказлари теъарағида ихота ўрмонзорлар ва кўкаламзор майдонлар яратиш, шунингдек кам ўрмонли ва ўрмонсиз тум.ларнинг атрофини ўрмонлаштириш, дарё ва сув хавзалари қирғоқларини дарахтлаштириш, тупроқ эрозиясини бартараф этиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва б.га қаратилади.

Қоидага кўра, ўрмон фонди ерлари учун биринчи навбатда камҳосилли, ташландик ерлар, фойдаланилмаётган ерлар, захира ерлар, бутазор ерлардан берилади. Ўрмон фонди ерлари таркибига ер бериш тартибига келганда бу фақат белгиланган тартибда берилади. Шундай қилиб, бунда фақат ердан фойдаланишнинг асосий белгиланган мақсади ўзгаради, яъни бир тоифадаги ер участкалари иккинчисига айлантирилади.

Ўрмон фонди ерларидан қишлоқ хўжалиги мақсадларида ҳам фойдаланиши мумкин. Ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалиги учун ишлатилмаётган, лекин қишлоқ хўжалиги учун муҳим аҳамият касб этадиган ерлар бўлади. Булар, мас., пичанзорлар ва ўтлоқлардир.

Тум. ҳокимликлари ўрмон хўжалиги органлари б-н келишиб, бу ер участкаларини вақтинчалик фойдаланиш учун ёки ижарага қишлоқ хўжалик қорхоналарига беришга ҳақлиқлар. Бунда қишлоқ хўжалиги мақсадларига ишлатилаётган ўрмон фонди ерлари ўрмон хўжалигига зарар етказмаслиги керак. Қишлоқ хўжалик қорхоналарининг фаолияти шундай йўллар б-н амалга оширилиши лозимки, улар ўрмонлар ённи хавфсизлиги ва санитария ҳолатларига риоя қилишлари шарт.

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ЎЗРнинг махсус қонунлари б-н тартибга солинади. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи ўрмонлардан фойдаланиш ҳуқуқи б-н ҳамбарчас боғлиқдир, шунинг учун бу ерлардан фойдаланиш тартиби маълум даражада ўрмон ерлари қимга ва қандай мақсадлар учун бериб кўйилганлигига боғлиқ. Ўрмон фонди ерлари доимий эгалик қилишга бериб кўйилган ўрмон хўжалиги қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўрмондан доимий фойдаланувчилардир. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддат-

ли – уч йилгача ва узок муддатли – ўн йилгача бўлиши мумкин.

Сув фонди ерлари ҳам ер фонди таркибидаги мустақил тоифа ерлардан бириндир. Ер фондининг ушбу тоифа жами майдони 827,2 минг га бўлиб, жами ерга нисбатан 1,86 %ни ташкил этади. ЎЗРнинг ЕКнинг 77-м.сида кўра, сув хавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари), гидротехника ва б. сув хўжалиги иншоотлари эгаллаб турган, шунингдек сув хавзаларининг ва б. сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги сув хўжалиги эҳтиёжлари учун қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларга берилган ерлар сув фонди ерлари жумласига қиради.

Сув фонди ерларининг асосий қисмини сув б-н копланган ерлар ташкил этади. Сув б-н копланган ерлар деганда йил давомида доимо ёки йилнинг кўп қисмида сув тагида бўлган ерлар тушунилади. Қисқа вақт давомида – суғоришда, ёмғир вақтида, дарё тошган вақтда сув б-н копланган ерлар бу тоифага киритилмайди. Сув б-н копланмаган ерларга яна вақтинчалик суғориш каналлари, шўри ювладиган майдонлар, бассейнларни ҳам киритиш мумкин.

Сув хавзаларининг қирғоқлари бўйлаб ажратиб кўйилган минтақадаги ерлар асосий сув фонди ерларининг бошқа қисми ҳисобланади. Бунга қуйидагилар қиради: 20 метр кенликдаги қирғоқ минтақалари, кемалар учун ажратилган минтақалар ҳамда муҳофаза қилиш учун ажратилган зоналар.

Сув фонди ерларига юқоридагилардан ташқари, сув объектларига туташган ерлардаги гидротехника ва б. сув хўжалиги қурилмалари тегишли бўлади.

Давлат сув фонди ерларининг асосий хўжалик вазифаси сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш фаолиятига хизмат қилишдир. Шунинг учун, бу ерларнинг ҳуқуқий ҳолати сув объектларининг ҳуқуқий ҳолати хусусиятларини акс эттиради.

Ҳамма сувдан фойдаланувчиларга сув хавзалари қирғоқларини, бошқа сув объектлари ер майдонлари устки қисмини яхши сақлаш мажбурияти юклатилган.

Кўпчилик дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторлар, сув омборлари ва б. сув хавзаларининг, шунингдек ичимлик ва рўзгор сув таъминоти, аҳолининг даволаш ҳамда маданий соғломлаштириш эҳтиёжларига хизмат қиладиган манбалар махсус ҳимоя қилинади. Шу мақсадда қонун шундай сув хавзалари атрофида ҳимоя зоналари ташкил қилишни белгилайди. Хусусан, санитария зоналари ўрнатилади. Санитария зоналари 3 та минтақага бўлиниб, уларнинг ҳар бирига ердан фойдаланишнинг алоҳида ҳолатлари (режими) ўрнатилади. Мас., биринчи минтақада яшаш, қандайдир қурилиш иншоотлари қуриш ман этилади.

Сув таъминоти манбаларини муҳофаза қилиш зоналари ва уларни минтақаларга бўлишни белгилаш туман ҳокимликларининг қарорларига биноан амалга оширилади.

Сув хавзалари қирғоқ минтақаларида ер ҳайдаш, мол боқиш, захарли қимёвий воситаларни қўллаш, ишлаб чиқаришга хизмат қиладиган қурилишлар қуриш, дам олиш базалари қуриш ман қилинади.

Сув фонди ерларидан фойдаланиш тартиби ЎЗРнинг махсус қонунлари б-н белгиланади.

Ички сувлар қирғоқ минтақаларида қурилмалар ва иншоотлар қуриш фақат тегишли маҳаллий ҳокимият

органларининг розилиги б-н амалга оширилиши мумкин. Бу қурилма ва иншоотлар сув ҳўжалиги мақсадларига хизмат қилиши лозим.

Захира ерлар Ўзбекистон ер фонди таркибидаги сўнгги мустақил тоифани ташкил этиб, юқорида кўрсатилган ер фонди тоифаларига киритилмаган ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга эгаллик қилиш, фойдаланиш учун, ижарага ва мулк қилиб берилмаган (реализация қилинмаган) барча ерлар захира ерлардир. Ушбу ер тоифаси жами майдони 10417,9 минг га. бўлиб, жами ерга нисбатан 23,46 %ни ташкил қилади.

ЎЗР ЕКнинг 78-м.сида кўрсатилишича, юридик ва жисмоний шахслар эгаллигига ҳамда фойдаланишига, ижарага берилмаган, мулк этиб реализация қилинмаган барча ерлар захира ерлардир. Бундай ерлар жумласига эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи, ижарага олиш ҳуқуқи, мулк ҳуқуқи бекор қилинган ерлар ҳам қиради. Республика ер фонди майдонлари ўзгартиришсиз эмас. Давлатнинг ерга бўлган эгаллик ҳуқуқини амалга оширувчи республика ҳокимият органлари ер участкаларини корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасида тақсимлайдилар. Бир қисм ерлар эса бўлинмасдан қолади. Булар, асосан, ўзлаштирилмаган, яъни кейинчалик ҳўжалик оборотига киритилмаган резерв ёки экологик тенгликни таъминлаб турадиган ерлардир. Шундай қилиб, захира ерларни икки гурпуга бўлиш мумкин – ердан фойдаланишда резерв ролини ўйнайдиган, база бўлиб хизмат қиладиган ва фойдаланишга умуман нолойиқ бўлган ерлар.

Захира ерлар манбаларидан бири оборотда бўлган ерлар ҳисобланади. Улар қонунда кўрсатилган асосларга кўра захира ерлар фондига ўтади, кейинчалик эса бошқа ердан фойдаланувчиларга бериб юборилади. Бу қаторга рекултивация қилингандан сўнг қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришда маълум вақт ишлатиб бўлмайдиган ерларни ҳам киритиш мумкин.

Захира ерлар асосий фойдаланиш мақсадига кўра ҳар қандай бошқа ер фонди тоифасига ўтиб кетиши мумкин. Бундай ҳолатларда уларга ўша ер фондини ҳуқуқий ҳолати қўлланилади.

Давлат захира ерлари қисқа муддатли – 3 й.гача ва узок муддатли – 3 й.дан 10 й.гача муддатга берилиши мумкин.

Қоидага кўра, қисқа муддатга берилган ер участкалари захира ерлар составида ҳисобланади. Муддатнинг туғаши б-н эса у бошқа ердан фойдаланувчиларга берилиши ёки захира ерлар таркибида қолиши мумкин. Бошқа ҳамма ҳолатларда – узок муддатга фойдаланиш учун берилганда бу ерлар захира ерлар фонди тоифасидан чиқиб кетадилар.

Захира ерлар қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришни кўпайтириш, саноат, транспорт, бошқа ноқишлоқ ҳўжалик мақсадлари учун жамоа боғдорчилиги ва полизчиликни ривожлантиришда резерв бўлиб хизмат қилади.

Ҳеч қимга фойдаланиш учун берилмаган захира ерлар бирон-бир киши томонидан ўзбошимчалик б-н эгаллаб олинishi мумкин эмас. Захира ерлар тум. ҳокимликлари ихтиёрида бўлиб, юқорида санаб ўтилган мақсадлардан ташқари яна уй-жой қуриш, дачалар ва яққа тартибда уй-жой қуришга фуқароларга хизмат юзасидан чек ерлар учун

беришлари мумкин. Буида, албатта, бу ерларни қишлоқ ҳўжалиги мақсадларида ишлатиб бўлмаслик эътиборга олинishi лозим.

Захира ерлардан фойдаланиш устидан назоратни тум. (ш.) ҳокимликлари олиб борадилар. Тум. (ш.) ҳокимликларининг қарорига кўра, узок муддатга ёки доимий фойдаланишга берилган захира ерлар шу ер фондидан чиқарилиб, фойдаланиш учун берилган ер фонди таркибига киритилади.

ЕР ҲУҚУҚБУЗАРЛИГИ – ер ҳуқуқи нормаларига қарама-қарши бўлган айбли хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Ердан фойдаланиш ҳуқуқи қоидаларини бузувчилар, яъни ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлиб, қишлоқ ҳўжалик корхоналари, давлат ва кооператив ташкилотлари, фуқаролар бўлиши мумкин. Давлат органлари, саноат корхоналари, бошқа ташкилотлар ҳам бу ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлишлари мумкин. Ҳуқуқбузарликнинг объекти бўлиб, аввало давлатнинг ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи; қишлоқ ҳўжалик ва б. корхоналарнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқи; ердан қонуний фойдаланиш тартиби ҳисобланади. Ердан фойдаланиш ҳуқуқининг бузилиши, асосан шу санаб ўтилган ҳуқуқ ва манфаатларга қарши қаратилган бўлиб, шу ҳуқуқ ва манфаатларнинг амалга оширилишига тўсик бўлади. Е.х.нинг мазмунини ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга иқтисодий, моддий ва маънавий, экологик зарар етказишга қаратилган ҳуқуққа қарши айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ташкил этади.

ЕР ҲУҚУҚИ – ер ресурсларини эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш, уларни муҳофаза этиш ва оқилона фойдаланиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи комплекс ҳуқуқ тармоғи. Ерга оид ҳуқуқий муносабатлар мулккий, ишлаб чиқариш, экологик, иқтисодий, макон-базис ва шунга ўхшаш турли хил жиҳатлардан иборат бўлиши мумкин. Ер атрофида вужудга келган ва вужудга келиши мумкин бўлган муносабатларнинг аксарият қисмини ер ҳуқуқи тартибга солади. Е.х.нинг предмети – комплекс мулккий ва бошқарувга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган ерга оид муносабатлардир. Е.х.нинг мақсади – ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш учун ер муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш. Е.х. инс.лари – Е.х.нинг бирон-бир йўналиши ёки масаласининг ечимини топиш ва муайян бир турдаги ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси.

Е.х. инс.лари гуруҳланганда тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи инс.ларга, таркиби бўйича эса оддий ёки мураккабга бўлинади. Е.х. юридик фан тармоғи ва ўқув предмети сифатида умумий, алоҳида ва махсус қисмдан иборат бўлади. Махсус қисмда чет давлатлар Е.х. тўғрисида маълумот берилиши мумкин.

Е.х. принциплари кенг маънода ер бериш, ундан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишдаги қишлоқнинг йўллантирувчи ҳаракат қоидалари, тор маънода ер қонунчилиги нормаларини ишлаб чиқиш ва уларни амалий татбиқ қилиши таъминловчи ҳуқуқий қоида нормаларидир. Ўзбекистон Е.х.нинг қуйидаги принциплари мавжуд: а) ерлардан оқилона, самарали ва белгиланган мақсадда фойдаланиш; б) ер фондини асраш, тупроқ сифатини яхшилаш ҳамда унумдорлигини ошириш; в) қишлоқ ҳўжа-

лиги учун мўлжалланган ерларни (сугориладиган ерларни) алоҳида муҳофаза этиш ва қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш; г) ер ва б. табиий объектларга зарар етказилишининг олдини олиш; д) ерга бўлган ҳуқуқнинг хилма-хиллиги; е) ер муносабати иштирокчиларининг тенг ҳуқуқлилиги; ж) ҳақ тўлаш асосида ердан фойдаланиш; з) ерларнинг ҳолати ҳақида ахборотлардан эркин фойдаланиш; и) давлат мулк ҳуқуқи устуворлиги; к) ер ва унинг бойлиқларидан комплекс фойдаланиш; л) ерга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш; м) ер участкасини сақлаш ва сервитутларга амал қилиш.

ЕРЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – ерлардан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ҳамда ўрмон фонди ерларининг самарадорлигини тиклаш ва ошириш, қишлоқ хўжалик оборотидан ва муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари таркибидан ерлар асоссиз равишда олиб қўйилишининг олдини олиш, уларни зарарли антропоген таъсирдан ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, технологик ва б. тадбирларни олиб бориш каби комплекс чора-тадбир-

лар тизими. Е.м.к.нинг асоси – ерларга мураккаб табиий ҳосилалар (экотизимлар) тарикасида, уларнинг зона (тег-ра) ва минтака хусусиятларини эътиборга олган ҳолда атрофлича ёндашишни амалга ошириш.

Е.м.к.ни иқтисодий рағбатлантириш тадбирларига тупроқ унумдорлигини сақлаш ва унинг қайта ишлаб чиқариш қобилиятини тиклаш ҳамда ерларни салбий антропоген жараёнлардан сақлашга қаратилган ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларнинг ижобий фаолиятларини моддий-молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирлар комплекси қиради. Уларга: ер солиги ва ижара тўлови бўйича имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар бериш, давлат бюджети ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатиш, ерларни муҳофаза қилиш борасидаги капитал маблағ ва б. харажатларни қисман қоплаш ва қонун ҳужжатларида кўрсатилган бошқа тадбирлар қиради.

ЕТИМ БОЛА – “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, отаси ҳам, онаси ҳам вафот этган ёки улар суд қарорига биноан вафот этган деб эълон қилинган бола.



ЁЗМА БИТИМЛАР – оғзаки битимлар б-н бир қаторда битимларнинг бир шакли. Оддий ёки нотариал тасдиқланган шаклда тузилади.

ЎЗР ФҚКнинг 107-м.сига мувофиқ, ёзма шаклда тузилган битимни, агар иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса, тарафлар ёки уларнинг вакиллари имзолаши керак. Агар қонун ҳужжатларига ёки иштирокчилардан бирининг талабларига зид бўлмаса, битим тузиш чоғида имзодан факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланилишига йўл қўйилади. Икки тарафлама битимлар ҳар бирини бераётган тараф имзолайдиган ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш йўли б-н тузилиши мумкин. Хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродасининг мазмунини ифодалайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади.

Қонун ҳужжатларида ва тарафларнинг келишувида битим шакли мос келиши шарт бўлган қўшимча талаблар (муайян шаклдаги бланкада тузилиши, муҳр босиб тасдиқлалиши ва б.) белгилаб қўйилиши ва бу талабларга риоя этмаслик оқибатлари назарда тутилиши мумкин.

Агар фуқаро жисмоний камчилиги, касаллиги ёки сақоватсизлиги туфайли битимни шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан битимни бошқа фуқаро имзолаши мумкин. Бошқа фуқаронинг имзоси нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан гувоҳлантирилиб, битим тузувчи уни шахсан ўзи имзолай олмаслигининг сабаблари кўрсатилиши шарт.

Ёзма шаклда тузилган битимни бажарган тараф иккинчи тарафдан ижронини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилишга ҳақли. Оғзаки тадбиркорлик битимини бажарган тараф ҳам ана шундай ҳуқуққа эга, тузилган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битимлар бундан мустасно.

ЎЗР ФҚКнинг 108-м.сига биноан, нотариал тасдиқлалиши талаб этиладиган битимлардан ташқари, қуйидаги битимлар оддий ёзма шаклда тузилади:

1) юридик шахсларнинг ўзаро ва фуқаролар б-н битимлари;

2) фуқаролар ўргасидаги белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммадаги битимлар, қонунда белгиланган ҳолларда эса битим суммасидан қатъи назар, бошқа битимлар.

Оғзаки тузилиши мумкин бўлган битимлар учун оддий ёзма шаклга риоя этиш талаб қилинмайди.

ЎЗР ФҚКнинг 109-м.сига кўра, битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди, бироқ низо чиққан тақдирда тарафларни би-

тимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини гувоҳларнинг кўрсатувлари б-н тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Тарафлар битимнинг тузилганлигини, мазмунини ёки бажарилганлигини ёзма ёки бошқа далиллар б-н тасдиқлашга ҳақлидирлар.

Қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

ЁЗМА ДАЛИЛЛАР – жинойт, фуқаролик ишлари ва ҳўжалик ишлари бўйича далил сифатида ишлатилувчи ёзма манбалар, шахсий хусусиятдаги ёзишмалар, у ёки бу ҳолатларга тааллуқли маълумотлар қайд этилган ҳужжатлар. Ё.д. иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар баён этилган ҳужжатлар, хизматга дахлдор ва шахсий ёзишмалардан иборат бўлади (ЎЗР ФҚКнинг 73-м.си). Ё.д. бажарилишига кўра қўлда ёзилган, полиграфия маҳсулоти, компьютерларда бажарилган бўлиши мумкин. Шу б-н бирга, Ё.д.нинг асл нусхаси ёки кўчирмаси ҳам бўлади. Ё.д. турларига расмий ва хусусий ҳужжатлар, шакли бўйича оддий ва нотариал тасдиқланган ҳужжатлар қиради.

Жинойт-процессуал ҳуқуқда мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан сўз, рақам, чизма ёки бошқа шаклда ёзилган ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган ҳужжат ёки бошқа ёзувлар Ё.д. ҳисобланади. Тергов ҳаракатининг баённомаси, суд мажлисининг баённомаси ва уларнинг иловалари ҳам ёзма далил ҳисобланади. ЎЗР ЖПКнинг 203-м.сида кўрсатилган аломатлари, белгилари, нълари бўлган ҳужжатлар ва б. хатлар ҳам ашбвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ё.д. сифатида фойдаланиладиган нарсалар, ҳужжатлар ва б. ёзувлар ҳодиса содир бўлган жойни ёки бошқа жойларин, биноларни кўздан кечириш, таъиб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш, мурдани эгесумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, кўрсатуви ҳодиса юз берган жойда текшириш, олиб қўйиш, тинтув ёки эксперимент ўтказиш жараёнида олинishi мумкин ёхуд улар қонунда назарда тутилган тартибда суриштирувчи, терговчи ёки судга тақдим қилиниши мумкин.

Битим тузишда Ё.д.га риоя қилинмаганда, агарда баҳс келиб чиқса томонлар уни тасдиқлаш учун гувоҳлик далилларига асосланиши мумкин эмас. Томонлар бошқа Ё.д.ни келтиришга ҳақли.

Агарда битимлар нотариал тасдиқлашни талаб қилса, нотариал шакл бузилганда улар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Битимни тасдиқлаш учун томонлар шартнома ҳужжатида бошқа Ё.д.га асосланишлари мумкин эмас.

ЁЛЛАНИШ – тўқнашувчи (урушувчи) мамлакат фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси бўлмаган ёхуд тўқнашувчи тараф томонидан назорат қилинаётган ҳудудда донмий яшамайдиган ёки қуролли қучлар таркибида расмий мажбуриятларни бажариш учун ҳеч бир давлат томонидан вақолат берилмаган шахснинг чет давлат ҳудудида ёки тарафида қуролли тўқнашувда ёки ҳарбий ҳаракатларда қатнашиши. БМТ Бош Ассамблеяси Қоғибияти, БМТ Ҳавфсизлик Кенгаши қиёфасидаги жаҳон ҳамжамияти бир печа бор Ё. амаллётини қоралаб, айбдор шахсларни жавобгарликка тор-

тишни талаб қилган. 1961 й. 24 ноябрдаги БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясида БМТ назорати остида бўлмайдиган барча чет эллик ҳарбий ёки ярим ҳарбий шахсларни шунингдек, ёлланувчиларни дарҳол қамоққа олиш, ушлаб туриш ва жўпатиш учун таъсир чораларини қўллаш (куч ишлатиш ҳам мумкинлиги) тўғрисидаги қондалар мустаҳкамланди. 1968 й. БМТ Бош Ассамблеяси 2465 (XXIII) резолюциясида шунини қатъий белгилаб қўйдики, ёлланувчилардан фойдаланиш амалиёти жиноий ҳаракат ҳисобланади. Ёлланувчиларнинг ўзлари эса қонундан ташқаридаги жиноятчилар ҳисобланади. Бир вақтнинг ўзида барча давлатларда ўз ҳудудидаги ёлланувчиларни йиғиш, молиялаш ва ўқитишни эълон қиладиган ёлланувчи сифатида хизматга боришни таъқиқлаш, жавобгарликка тортиш ҳақида ҳужжат қабул қилиш зарурияти алоҳида таъкидланди.

Ё., яъни низолашаётган давлатнинг фуқароси ёки ҳарбий хизматчиси ҳисобланмаган ёхуд назорат қилиниб турган низолашаётган давлат ҳудудида доимий яшамайдиган ёки ҳеч қандай давлат томонидан қуролли кучлар таркибида расмий топшириқни бажариш ваколати берилмаган шахснинг моддий манфаатдорлик ёки бошқа бирор шахсий манфаатини қўзлаб, ўзга давлат ҳудудида ёки унинг тарафини олиб қуролли тўқнашувда ёхуд ҳарбий ҳаракатларда қатнашиш учун Ё. ҳамда ёлланма шахсни ёллаш, ўқитиш, молиялаштириш ёки унга бошқа моддий таъминот бериш, худди шунингдек ундан ҳарбий тўқнашув ёки ҳарбий ҳаракатларда фойдаланганлик учун ЎЗР ЖКнинг 154-м.сида жиноий жавобгарлик ўрнатилган.

ЁЛЛАНУВЧИ – қуролли тўқнашувда жанг қилиш учун ҳарбий ҳаракатлар жойида ёки чет элдан махсус ёлланган, мазкур тарафнинг қуролли кучлари шахсий таркибига кирувчи шундай даража ва вазифадаги қомбатант (ҳарбий ҳаракатларда бевосита қатнашувчилар)дан анча ортиқ ҳақ ваъда қилиниб шахсий наф олиш истагида бўлган шахс сифатида тўқнашувчи тарафларнинг фуқароси бўлмаган, тўқнашувчи тараф назорат қиладиган ҳудудда доимий яшамайдиган, тўқнашувчи тарафнинг қуролли кучлари шахсий таркибига кирмайдиган, давлат томонидан юборилмаган, унинг қуролли кучлари таркибига кирувчи шахс саналмайдиган шахс. 1976 й. 30 ноябрдаги 31/34-сон резолюциясида БМТ яна бир бор барча ҳукуматларни ўз ҳудудларидаги Ё.ларни жалб этиш, молиялаштириш, ўқитиш ва ўтказишни жиноят деб эълон қиладиган ва фуқароларнинг Ё. сифатида жалб қилинишини таъқиқлайдиган қонулар қабул қилишга чақирди. Бу қондалар 1977 й. 32/41-сон резолюциясида ҳам мустаҳкамланди. 1989 й. 4 декабрда Ё.ларни жалб қилиш, фойдаланиш, молиялаштириш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинган бўлиб, унда қайси жисмоний шахсларга Ё. сифатида қараш лозимлиги ҳақида бир неча мезонлар белгиланди. Ушбу конвенцияга мувофиқ, Ё. бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: биргалликда зўрлик ҳаракатларида иштирок этиш учун чет элда ёки ўз жойида махсус ёлланганлар (ҳарбий тўқнашувда ёки ҳукуматни авдаришга қаратилган ёхуд давлат конституциявий тузумини ағдариб ташлашда қатнашувчилар); бундай ҳаракатларда иштирок этишда асосан шахсий фойда кўриш нияти мавжуд ва буни рўёбга чиқаришда моддий муқофотлаш ваъда қилинади; ҳарбий ҳаракатлар қаратилган давлатнинг ёки ҳар-

бий тўқнашувларда иштирок этувчи давлатнинг доимий яшовчи аҳолиси бўлмаган ва фуқароси бўлмаган шахсларда давлат томонидан расмий мажбуриятларини бажаришга қаратилмаганлар; ҳаракатлар содир этилувчи ҳудудда ёки ҳарбий тўқнашувлар томонлари – давлатлар ҳарбий кучлари шахсий таркибига кирмайдиганлар.

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ – суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлғон кўрсатув бериши ёхуд экспертнинг била туриб нотўғри хулоса бериши, шунингдек бир тилдан иккинчи тилга била туриб нотўғри таржима қилиш.

Ё.г.б. сабаблари, мақсади аниқланиши ва жиноят сифатида ЎЗР ЖК 238-м.си б-н таъқиқ қилиниши лозим.

Қонунга биноан гувоҳ ёки жабрланувчининг шахси аниқлангандан ва унга процессуал ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тушунтирилгандан кейин у кўрсатув беришдан бош тортганлик ва билатуриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиб, бу ҳақда сўрок баённомаси ёки суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Одил судлов органларининг фаолиятини таъминловчи муносабатлар жиноятнинг объектини ташкил этади. Гувоҳ ёки жабрланувчи томонидан ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотлар ҳақида билатуриб ёлғон кўрсатувлар берилиши, экспертнинг жиноят иши ва б. иш материалларига асосланмасдан, ҳақиқий ҳолатни бузган ҳолда билатуриб ёлғон хулоса берилиши, таржимон томонидан билатуриб ёлғон таржима қилинганлиги, таржима ҳужжатнинг асл нусхасига тўғри келмаслиги жиноятнинг объектив томонини тавсифлайди.

Билатуриб ёлғон кўрсатув берилган вақтдан бошлаб жиноят тугаган ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томони тўғри қасд ҳисобланади.

Шахс суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамасида суднинг қарори чиқарилгунга қадар билатуриб берилган ёлғон кўрсатув ҳақида ўз ихтиёри б-н хабар берса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайдилар.

ЁЛҒОН ДЕТЕКТОРИ (ПОЛИГРАФ) – инсоннинг биологик, рухий ва жисмоний ҳолатини белгиловчи техникавий асбоб. Тиббиёт соҳасида инсоннинг юрак-томир фаолиятини текшириб ташхис қўйишда кенг қўлланидиган “электрокардиограф” асбоби тузилишига ўхшаш яратилган техник восита. Асбобнинг иш фаолияти тергов амалиётида жиноятда гумонланувчи, айбланувчини сўрок қилишда уларнинг кўрсатмаларини ҳақиқат ёки уйдирма эканлигини аниқлашга қаратилгандир.

Текширилувчи шахснинг юрак-томир ҳаракати, рухий ҳолати, қўрқув ёки агрессив ва б. эмоционал ҳолат белгилари махсус “биологик чин”, яъни микро чизма шаклида намоён бўлади. Асбобнинг берган маълумотларини баҳолаш масаласи кўп ҳолда субъектив хулосага олиб келади, эҳтимол шу сабабдан бу услуб криминалистик илмий техник воситалари қаторидан ва процессуал қонун нормасидан жой олмаган.

ЁЛҒОН ХАБАР БЕРИШ – ёзма ёки оғзаки равишда бевосита айбдор ёки бошқа шахс томонидан содир этилган, тамом бўлган жиноят ҳақидаги ёки жиноятга гайёргарлик кўрилатганлигини ёхуд тажовуз ҳақидаги ҳақиқатга тўғри келмайдиган хабар бериш. Ёлғон хабар берган шахс ўзи маълум қилган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини яхши билиши лозим. Айбдор хабар қилинган ахборотни баҳолашда ҳақиқатан ҳам адашган бўлса, уни жавобгарликка тортиб бўлмайди.

Жиноят содир этилгани тўғрисида била туриб ёлғон хабар беришнинг асосий объекти одил судлов идораларининг жиноят-процессуал нормаларини тўғри қўллашга асосланган фаолиятидир.

Ё.х.б. одил судловни тўғри юритишга путур етказиши, тергов органлари ёки суд фаолиятини потўғри йўлга солиб, ишнинг чигаллаштириб юборилишига сабаб бўлиши мумкин. Жиноят ҳақида била туриб Ё.х.б. тугалланган жиноят ҳисобланади ва бунда бирон-бир оқибатнинг келиб чиққанлиги ва чиқмаганлиги аҳамиятсиздир. ЎЗР ЖК 237-м.сига кўра, 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс шу жиноят субъекти бўлиши мумкин. Ё.х.б. сунъий айблов далилларини вужудга келтирган; ғаразгўйлик ниятларида қилинган; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган бўлса жазо кучайтирилади. Ё.х.б. оғир оқибатларга сабаб бўлса, айбдорга нисбатан янада оғирроқ жазо қўлланилади.

ЁНДОШ ЮРИСДИКЦИЯ (ПАРАЛЛЕЛ ЮРИСДИКЦИЯ) – халқаро жиноят ҳукуқи инс.и бўлиб, бунга кўра ҳарбий ва халқаро гуманитар ҳуқуққа қарши жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан миллий ва халқаро судлар томонидан судлов амалга ошириш ваколати тушунилади.

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНДАЛАРИНИ БУЗИШ – ёнғин хавфсизлиги қондалари – ёнғинларнинг олдини олишга қаратилган талаблар, меъёрлар ва стандартларга риоя қилиш тартибини белгиловчи муайян қондаларнинг мажмуидир.

ЎЗР МЖКнинг 211-м.сида корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, жамоат жойларида, омбухона биноларида, ётоқхоналар ва турар жойларда, шунингдек тегишли объектларни лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта қуриш чоғида ёнғин хавфсизлиги қондаларини бузиш ёки ёнғинга қарши инвентарлар, усқуналар, ёнғинни аниқлаш ва ўчиришнинг автомат воситаларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш қондаларини бузиш учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган.

Ёнғин хавфсизлиги қондаларининг шу қондалар бажарилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, ЎЗР ЖКнинг 259-м.сига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ – акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимлагандиган акциядорлар жамияти. Бундай жамият ўзи чиқарадиган акцияларга очик обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган донрадаги шахсларга бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас.

Ё.а.ж. иштирокчиларининг сони конун б-н белгилаб қўйилган миқдордан ошмаслиги керак. Бу сон белгиланган миқдордан ошиб кетган ҳолда у бир йил ичида очик

акциядорлар жамиятига айлантирилиши, ушбу муддат тамом бўлганида кейин эса, агар акциядорлар сони белгиланган даражагача камаймаса, суд тартибида тугатилиши лозим.

Конунда назарда тутилган ҳолларда Ё.а.ж. ЎЗР ФК 65-м.сининг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларни барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

ЁРДАМЧИ – жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари б-н. воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш б-н кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жинойий йўл б-н қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс (ЎЗР ЖКнинг 28-м.си). Қўлланиладиган восита ва усуллардан келиб чиқиб ёрдамчиликнинг икки турини ажратиш мумкин: жисмоний ва аклий ёрдамчилик. Аклий ёрдамчилик қуйидагилардан иборат: жиноят содир этилишига маслаҳатлар ва кўрсатмалар бериш б-н кўмаклашиш; жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жинойий йўл б-н қўлга киритилган нарсаларни яширишга олдиндан ваъда бериш; жинойий йўл б-н қўлга киритилган нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда бериш. Аклий ёрдамчилик бажарувчи оғи ва иродасига рухий таъсир этишдир.

Бу маънода аклий таъсир белгиларига эга ва улар б-н тавсифланадиган ҳаракатлар бажарувчининг оғли ва иродавий фаолиятига таъсир этади. Бу ҳаракатлар бажарувчи жинойий ниятининг қатъийлашувини мустаҳкамлаш ва ёрдамчининг муайян ишонтиришлари ёрдамида қасдининг янада аниқлашувига кўмаклашади. Жисмоний ёрдамчилик қуйидагиларда ифодаланади: жиноят содир этиш учун бажарувчига зарур воситаларни тақлиф этиш (мас., катта миқдордаги мол-мулкни ўғирлаш жиноятини амалга ошириш учун машина такдим этиш); бажарувчи содир этадиган жиноятга қўйилган тўсиқларни йўқ қилиш (мас., моддий қимматликлар ombорини кейинчалик уни талон-торож қилиш учун очик қолдириш).

ЁРЛИҚ – тарихда давлат бошлиғи томонидан муайян бир масалани у ёки бу томонга ҳал қилиш ҳақидаги фармон ёки фармойиш. Ё. мазмунан икки шаклда бўлган. Биринчидан, оммавий характерга эга бўлган маълум бир масалани ҳал этиш юзасидан қуйи мансабдор шахсларга топширик шаклида ҳамда иккинчидан, амалдорларни тегишли лавозимларга тайинлаш ҳақида бўлган. Унда ташқари, Ё.да давлат бошлиқларининг махсус ишончли шахсларга ёзма равишдаги топшириқлари ҳам баён этилган. Ё. ёзма ҳуқуқ манбаи сифатида бугунги кунда Марказий Давлат Архивида (Бухоро амрлиги қушбеги девонхонаси ҳужжатлари)да, ЎЗР Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик инс.и қўлёзмалар фондида учрайди. Мас., Марказий Давлат Архиви Бухоро амрлиги Қушбеги девонхонаси ҳужжатларида Бухоро амири Музаффар, Насруллоларнинг маҳаллий бошлиқлар, яъни кози, раис, мироб, мухтасиб каби лавозимларга тайинлаш ҳақидаги ёрлиғи, рус подшоси Александр II томонидан фон Кауфманга Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги берилган Ё. ва б..


ЁРЛИҚЛАР – 1) турк-мўғул хонлари эълон қилган ёзма ҳужжатлар. Дипломатик ноғалар ва давлатлараро битимлар матни ҳам хон Ё.и жумласига киритилган.

Бироқ, кўпинча бу Ё. Олтин Ўрда, Қозон ва Қрим хонлари томонидан ўзларига тобе турли амалдорларга берилган шахсий дахлсизлик ҳақидаги имтиёзли ҳужжат саналган. Ё. рус князларининг ўз ерларида ҳукмрон бўлишларини тасдиқлаган. Рус метрополитлари хонларни дуо қилганлари туфайли, бу Ё. бўйича рус черкови Ўрда маъмуриятига тобеликдан, ўзларига қарашли ерлардан олинадиган солиқлардан, турли мажбуриятларни ўташдан халос этилган. Ё. Олтин Ўрданинг бўлинишини, унга тобе ерлар, уларнинг маъмурий тузилиши, ер эгаллиги ва б.лар ҳақида муҳим тарихий манба ҳисобланади; 2) амир ва руҳонийларга бирор имтиёз берилиши ҳақида подшо, хон муҳри босилган расмий ҳужжат (мас., ишонч Ё.); 3) товарнинг устига қўйилган ва унинг хил, ўлчами, миқдори, баҳоси ва х.к.ни кўрсатадиган белги; 4) расмий ҳужжат (мас., фахрий Ё.).

ЁШ ЦЕНЗИ – ёш чегараси турли мамлакатларда турлича белгиланиши мумкин. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакатларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара ёш анча юқори қўйилган. Мас., Малайзия, Марокаш, Боливияда фуқаролар 21 ёшга тўлганидан кейингина сайлаш ҳуқуқига эга бўлишади. Россияда 2002 й. 20 декабрда қабул қилинган қонунга кўра, сайлов кунигача 18 ёшга тўлган Россия фуқароси сайлаш ҳуқуқига эга. Турли давлатларда турли давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш чегараси турлича бўлиши мумкин. Мас., Францияда Миллий Мажлис депутатлигига ва Европа Парламентига номзоди қўйилган шахс 23 ёшга тўлган бўлиши, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган

бўлиши шарт. РФда Давлат Думасига депутат бўлиб сайланиш учун номзод сайлов кунигача 21 ёшга тўлган бўлиши керак. Сайланиш ҳуқуқи ҳам баъзи мамлакатларда анча юқори бўлиши мумкин. Мас., Италияда сенатор бўлиш учун номзоднинг 40 ёшга тўлган бўлиши талаб қилинади.

Мазкур ценз вакиллик органларининг шакллантирилишида миллионлаб фуқаролар эркинлиги намоён қилинади. Фуқароларга фаол сайлов ҳуқуқининг берилиши бу уларни сайловларда иштирок этишларини мажбурлаш деб ҳисобланмайди (мажбурий вотум). Фуқаро сайловларда иштирок этишда эркиндир, бу б-н фуқаролар сайловларда иштирок этишларининг ихтиёрлиги таъминланади. Пассив ҳуқуқи(сайлаш ҳуқуқи)га келганда эса, у қонунларда белгиланган қўшимча шартларга асосланади. Мас., ЎзР Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача қамада ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга эса 25 ёшга тўлган ва сайловгача қамада беш йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган фуқаро сайланиши мумкин. ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига фақат маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши депутати бўлган фуқаролар сайланиши мумкин. Маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига 21 ёшга тўлган фуқаролар сайланадилар. Демократик давлатларда сайлов ҳуқуқига, жинсидан, ирқидан, миллатидан, ижтимоий маъқадан қатъи назар, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, шунингдек суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётганлар сайлов ҳуқуқидан фойдаланмайдилар.



ЖАБРАНУВЧИ – ЎзР ЖПКнинг 54–55-м.ларига мувофиқ, жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс Ж. деб эътироф этилади. Маънавий зарар фуқароларнинг шаъни, ор-номуси ва инсоний кадр-қиммати топашда, уни бошқа фуқаролар олдида камситишда, жамоатчилик олдида обрўйини туширишда ва бадном қилишда ифодаланади. Жисмоний зарар – фуқаронинг баданига шикаст ва соғлиғига путур етказиш, жисмоний азоб ва оғриқларга дучор қилиш. Мулкӣ зарар – шахсий мулкни гайриқонуний равишда олиш, унга шикаст етказиш ёки мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқини бузиш демақдир. Фуқарони Ж. деб топиш ҳақида суриштирувчи, терговчи ва прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ж. вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, ишда унинг қонуний вакили иштирок этади. Ж.нинг ўлими б-н тугаган жиноят ишларида Ж. ҳуқуқлари қонунга биноан яқин қариндошларига ўтади. Ж.га жиноят ишида фаол иштирок этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кенг ваколатлар берилган. Ж.: кўрсатув бериш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; ўз опа тилидан ва таржимон хизматидан фойдаланиш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; суриштирувчи ёки терговчининг руҳсати б-н тергов ҳаракатларида иштирок этиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари б-н танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; қонунда назарда тутилган ҳолларда ярашув тўғрисида аризалар бериш ҳамда ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар келтириш; шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш; суд мажлисининг баённомаси б-н танишиш ва у ҳақда ўз мулоҳазаларини билдириш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир. Ж. ўз манфаатларини шахсан ўзи ёки ўз вакили орқали ҳимоя қилиши мумкин. Ж. суд муҳокамасида қатнашаётиб, гувоҳларга, экспертга, судланувчига, бошқа Ж.ларга, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарга саволлар, суд терговининг исталган пайтида суд текшираётган иш ҳолатлари юзасидан кўрсатув бериш, арз қилинган фуқаровий даъвосини қувватлаш ҳуқуқига эга. Ж.: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қарорига биноан ҳозир бўлиши; ҳаққоний кўрсатувлар бериши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар б-н тўсқинлик қилмаслиги; суриштирувчи, терговчи,

прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиши; ишнинг тергов ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт. Ж. узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда ЎзР ЖПК 261–264-м.ларида назарда тутилган тартибда мажбурий олиб келиниши мумкин. Ж. кўрсатув беришдан бош торгганлик ва била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади. Ж.нинг ўлимига олиб келган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан марҳумнинг қонуний вакили деб эътироф этилган яқин қариндошлари ёки бошқа шахслар амалга оширадилар.

ЖАВОБГАР – фуқаролик-процессуал ва ҳўжалик-процессуал қонунларга мувофиқ, процессда тарафлардан бири. ЎзР ФПКнинг 39-м.сига биноан, жавобгар – суд томонидан даъвогарнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатлари юзасидан жавоб бериш учун жалб қилинган шахс. ЎзР ХПКнинг 36-м.сига кўра, Ж. ҳўжалик судлов ишларини юритишда тарафлардан бири бўлиб, даъво талаби қаратилган ташкилотлар ва фуқаролардир.

Ж. ҳам процессуал ҳуқуқлардан даъвогар каби тенг фойдаланади. Ж. иш материаллари б-н танишиш, улардан кўчирмалар олиш, пуسخа кўчириш, рад қилиш тўғрисида арз қилиш, далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз қилиш, ҳўжалик судига озаки ва ёзма тушултиришлар бериш, ишни кўриш давомида туғиладиган барча масалалар бўйича ўз важларини, ҳулосаларини тақдим қилиш, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимосномалари, важларига эътироз билдириш, суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ва б. процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Ж.нинг даъвогар б-н тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мақсадига қонун чиқарувчи унга ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан фарқли ўлароқ яна бир қўшимча ҳуқуқни – қарши даъво тақдим этиш имкониятини беради.

Ж. иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар дастлабки даъво б-н бирга кўриб чиқиш учун даъвогарга қарши даъво тақдим этишга ҳаққидир. Қарши даъво тақдим этиш даъво тақдим этишнинг умумий қоидалари бўйича амалга оширилади.

Ж. ўзига тегишли барча процессуал ҳуқуқлардан инсофли равишда фойдаланиши лозим.

ЖАЗО – ЎзР ЖКнинг 42-м.сига асосан, жиноят содир этишда айбали деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми б-н қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чораси. Ж. маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жипоний фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Қуйидагилар асосий Ж. турлари сифатида қўлланилади: а) жарима, б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, в) ахлоқ тузатиш ишлари, г) хизмат бўйича чеклаш, д) қамоқ, е) интизомий қисмга жўнатилш, ж) озодликдан маҳрум қилиш, з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш. Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатилш тарикасидаги Ж.лар фақат харбий хизматчиларга қўлла-

нилади. Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш фақат қўшимча Ж. сифатида, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш эса, ҳам асосий Ж. сифатида, ҳам қўшимча Ж. сифатида қўлланилиши мумкин.

Ж. чораси фақат суд томонидан тайинланиши мумкин. Ж. тайинлаш учун жиноий қилмишнинг содир этилганлиги асос бўлади ва б. ҳар қандай қилмиш жиноий жавобгарлик учун асос бўла олмайди. Ж. фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланади. Махсус ҳуқуқ ва эркинликдан маҳрум қилиш фақат жиноят қонунда кўрсатилган бўлса, қўлланилиши мумкин.

Ж. муайян сифат ва миқдор хусусиятига эга. Сифат тарзида жиноий Ж. чораси орқали таъсир этишнинг мазмуний жиҳати ва тури тушунилади. Миқдор хусусияти айбдорга у ёки бу усулда таъсир этишнинг чегарасида ифодаланади. Мас., жаримада унинг миқдори, озодликдан маҳрум этишда эса муддати. Ҳеч кимга жиноят қонунда белгиланган сифат ва миқдор хусусиятидан четга чиқиб Ж. тайинланиши мумкин эмас. Фақат суд белгиланган Ж. доирасида жиноят қонунига мувофиқ жазо муддати ва режими белгилаш орқали қандай миқдорда ва сифатда Ж. қўлланилишини белгилаши мумкин.

ЖАЗО ИЖРОСИНИ ТУГАТИШ – маҳкумнинг суд тайинлаган жазо муддатини ўтаб бўлиши, ЎзР ЖКИ 163-м.сида назарда тутилган ҳолларда маҳкумнинг жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиниши, суд ҳукми бекор бўлиши ва иш юритишнинг тугатилиши, ҳукмнинг назорат тартибда ўзгартирилиши ва жазонинг шартли ҳукм б-н алмаштирилиши, маҳкумнинг вафоти б-н тугайди. Ж.и.т. қонунда белгиланган муддатнинг охириг қунига тўғри келади. Агар жазо муддати дам олиш ёки байрам қуни тугайдиган бўлса, маҳкум ушбу дам олиш ёки байрам қунидан бир кун олдин озод қилинади. Муддат ойлар б-н ҳисобланган тақдирда бу муддат кейинги ойнинг тегишли қуни, агар мазкур ойда шундай кун бўлмаса шу ойнинг охириг қуни тугайди. Жазони ижро этиш муассасаси қамоққа ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар озод этилаётганда улар б-н тўла ҳисоб-китоб қилади, уларнинг шахсий ҳужжатлари, буюмлари ва б. қимматли нарсаларини, шунингдек шахсий ҳисобварақларида турган пулларини қайтариб беради ҳамда жазони ўтаб бўлганлик ёки жазодан озод қилинганлик тўғрисида белгиланган намунада маълумотнома беради.

Маҳкум вафот этган тақдирда жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти бу ҳақда зудлик б-н марҳумнинг яқин қариндошларидан бирига телеграф орқали хабар қилади. Марҳумнинг жасади қариндошларига қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда берилди. Маҳкумнинг қариндошларидан жасадини бериш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, муассаса маъмурияти марҳумни ЎзР ИИБ томонидан белгилаб қўйилган тартибда дафн этади.

ЖАЗО МУДДАТЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ – ЎзР ЖКнинг 63-м.сига мувофиқ, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларнинг муддатлари ойлар ва йиллар б-н ҳисобланади. Жазоларни алмаштириш, ҳисоблаш, қўшиш вақтида уларнинг муддатлари кунлар б-н ҳисобланиши мумкин.

ЖАЗО ТАЙИНЛАШ – ЎзР ЖКнинг 54-м.сига асосан, суд томонидан ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ Ж.т. Суд Ж.т.да жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

ЖАЗО ТИЗИМИ – енгилдан оғирга қараб жойлаштирилган жазо турлари йиғиндиси. ЖКда кўрсатилган Ж.т.нинг қуйидаги элементларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) давлат номидан қўлланилиши орқали судланувчини тарбиялашга, жиноий фаолиятининг олдини олишга, шунингдек умумий, махсус превенцияга эришиш мумкин бўлган Ж.т.ни ташкил қилувчи элементлар сифатида фақат алоҳида давлат мажбурлов чоралари кўрсатилади;

2) Ж.т. элементлари ўзаро боғлиқ ва бири-бирини тўлдирди. Ж.т.нинг бу белгиси жазо самарадорлигига эришиш учун ҳар томонлама ёндашишни билдиради, яъни белгиланган мақсадга эришиш бирон-бир жазо чорасини қўллашга эмас, балки, судланувчига комплекс таъсир чораларининг қўлланилиши б-н боғлиқдир. Бу белги ЎзР ЖК Махсус қисми тегишли моддаси нормаларида альтернатив жазо чораларининг белгиланиши ёки қўшимча жазо чорасининг қўлланилишида намоён бўлади;

3) жиноят қонунда белгиланган давлат мажбурлов чоралари қатъий бўлиб, унинг кенгайтирилишига йўл қўйилмайди. ЎзР ЖКда кўрсатилмаган жазо чораларининг айбдорга қўлланилиши мумкин эмас. ЎзР ЖКдаги жазо тизимига киритилмаган жазо чораси ЎзР ЖК Махсус қисми санкциясига ҳам киритилиши мумкин эмас;

4) Ж.т.га киритилган жазо турлари оғирлик даражасига қараб, яъни енгилдан оғирга қараб жойлаштирилган.

ЎзР ЖКнинг 43-м.сига мувофиқ, Ж.т. асосий ва қўшимча жазо турларига бўлинади.

Асосий жазоларга қуйидагилар қиради: жарима; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; ахлоқ тузатиш ишлари; хизмат бўйича чеклаш; қамок; интизомий қисмга жўнатиш; озодликдан маҳрум қилиш; умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Қўшимча жазога ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш қиради. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина эмас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўлланилиши мумкин.

ЖАЗОНИ АЛМАШТИРИШ – қ.: *Жазони енгилроғи билан алмаштириш.*

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР – содир этилган жиноят ёки айбдор шахсни тавсифловчи ҳолатлар ва жиҳатларни эътиборга олган ҳолда шундай ҳолатлар бўлмагандагига нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш. Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади. ЎзР ЖК 55-м.сига кўра, қуйидаги ҳолатлар Ж.е.х. деб топилади: а) айбни бўйнига олиш тўғрисида арз қилиш, чин

кўпгилдан пушаймон бўлиш ёки жиноятни очиб учун фаол ёрдам бериш; б) етказилган зарарни ихтиёрли равишда бартараф қилиш; в) оғир шахсий, оилавий шароитлар оқибатида ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят содир этиш; г) мажбурлаш ёки моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарамлик сабабли жиноят содир этиш; д) жабрланувчининг зўрлик, оғир ҳақорат ёки бошқача ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келган кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида жиноят содир этиш; е) зарурий мудофаанинг, охириги заруратининг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий ҳавфи қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки ҳўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш; ж) вояга етмаганининг жиноят содир этиши; з) хомилдор аёлнинг жиноят содир этиши; и) жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид ҳуққатвори таъсири остида жиноят содир этиш. Суд жазо тайинлашда юқорида келтирилган ҳолатлардан бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин. Мас., суд айбдорнинг маълум бир ишни олиб бориш учун унинг етарлича тажриба ва тайёргарлиги бўлмаганлигини, оилавий аҳолини, касаллиги ва ногиронлигини ҳам Ж.е.х. деб топиши мумкин.

ЖАЗОНИ ЕНГИЛРОҒИ БИЛАН АЛМАШТИРИШ

– ЎзР ЖКнинг 74-м.сига мувофиқ, озодликдан маҳрум этилган ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо б-н алмаштириши мумкин.

Ж.е.б.а. ўрнатилган тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Ж.е.б.а. маҳкум:

а) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини;

б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини;

в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони енгилроқ б-н алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган янги жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярминини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари б-н алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ б-н алмаштириш ЖК 73-м.си тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Жазоси енгилроқ жазо б-н алмаштирилган шахслар енгилроқ жазонинг тегишли қисмини ўтаб бўлганларидан кейин ушбу Кодекснинг 73-м.сида назарда тутилган қоидаларга биноан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинишлари мумкин.

Жазоси енгилроқ жазо б-н алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят

содир этса, суд унга ЖК 60-м.сида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

ЎзР ЖКнинг 90-м.сига асосан, ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо б-н алмаштирилиши мумкин.

Ж.е.б.а. тартиб-қоида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишга ҳалол муносабатда бўлиб келаётган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ б-н алмаштириш:

а) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмаган қисми ахлоқ тузатиш ишлари б-н алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади.

Жазоси енгилроқ б-н алмаштирилган шахсларга нисбатан енгилроқ жазонинг тегишли қисми ўтаб бўлинганидан кейин ЎзР ЖК 89-м.сида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш қўлланилиши мумкин.

Жазоси енгилроқ б-н алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этса, суд унга нисбатан ЎзР ЖК 60 ва 86-м.ларидан назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ – ЎзР ЖКга мувофиқ, Ж.и.э. тушунчаси жиноят учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этувчи давлат органлари ва муассасалари ҳамда суд томонидан муайян шахсга нисбатан чиқарилган индивидуал ҳукмининг ижросини таъминлашда у ёки бу даражада иштирок этувчи мансабдор шахсларга таллуқлидир. Мас., жарима тариқасидаги жазо ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек тегишли фаолият турлари б-н шуғулланишга берилган руҳсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо – ҳарбий хизматчи хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар) кўмондонлиги томонидан; қамоқ тариқасидаги жазо – гарнизон гауптвахталари томонидан; интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо – маҳсус ташкил этил-

ган харбий қисмлар томонидан ижро этилади. Харбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарикасидаги қўшимча жазо мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади. Шартли ҳукм қилинган шахсларнинг ҳуяк-атвори устидан назорат Ички ишлар органлари, харбий хизматчиларга нисбатан эса, улар хизматини ўтаётган жойдаги харбий қисмлар (муассасалар) қўмондонлигини томонидан амалга оширилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари: ижтимоий хавфли қилмиш содир этган рухий касалларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан; алкоголизм, гнѐхвандлик ёки захарвандликка йўлиққан маҳкумларга нисбатан – соғлиқни сақлаш органларининг тиббий муассасалари томонидан, улар озодликдан маҳрум этиш ёки қамокка ҳукм қилинган тақдирда эса – Ички ишлар органларининг тиббий муассасалари томонидан ижро этилади. Вояга етмаганларга нисбатан мажбурулов чоралари: жабрланувчидан узр сўраш, етказилган зарарини тўлаш ёки бартараф этиш мажбуриятини юклаш – суд томонидан; махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш – халқ таълими органлари томонидан ижро этилади.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ КОЛОНИЯЛАРИ – жазони ижро этиш муассасаларидан бири. Ж.и.э.к. ЎзР ЖККга мувофиқ, вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган. Улар манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинадн. Манзил-колониялар қуйидагиларга бўлинадн: ижтимоий хавфли қатта бўлмаган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган ушга оғир бўлмаган жиноятлар учун, шунингдек қасддан ушга оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақланадиган манзил-колониялар; умумий, қаттиқ тартибли колониялардан, шунингдек тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар сақланадиган манзил-колониялар. Умумий тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинадн: оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар; ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланадиган колониялар; оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланадиган колониялар. ЎзР ЖКК 48-м.сида кўрсатилган аёллар бундан мустасно. Қаттиқ тартибли колониялар қуйидагиларга бўлинадн: илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар; илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

Махсус тартибли колониялар озодликдан маҳрум қилиниб, ўта хавфли рецидивист деб топилган эркакларни, шунингдек умрбод озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган. Махсус тартибли колонияларда умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси афв этиш тартибидан озодликдан маҳрум қилиш б-н алмаштирилган эркаклар ҳам сақланадн.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИ – ЎзР ЖКК 45-м.сида мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо ижросини Ж.и.э.м. амалга оширади. Ж.и.э.м.га қуйидагилар қиради: жазони ижро этиш колониялари; тарбия колониялари; турмалар. Тергов хибсхопалари озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва хўжалик хизматида оид ишларни бажариш учун қолдирилган шахсларга нисбатан Ж.и.э.м. вазифасини бажаради. Жазони ижро этиш колониялари манзил-колонияларга, умумий, қаттиқ, махсус тартибли колонияларга бўлинадн ҳамда вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган. Тарбия колонияларни вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАЛАРИНИНГ КОМИССИЯЛАРИ – жазони ўташ жойларида маҳкумларни жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш, жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи б-н алмаштириш, жазони ўташни давом эттириш учун манзил-колониясига ўтказиш ва б. ш.к. масалаларни кўриб чиқиш мақсадида тузиладиган комиссиялар. Ж.и.э.м.к. ўз йиғилишини хар ойда қамда икки марта ўтказади. Комиссия таркибига муассаса бошлигининг ўринбосарлари, муассасанинг етакчи бўлим ва хизматлари раҳбарлари қиради. Муассасанинг махсус бўлим бошлиғи комиссия қотиби бўлиб, унга йиғилиш тайинланган қунга қамда уч қун қолганда туркум (отряд) бошлиқлари маҳкумларга оид зарур ҳужжатларни тақдим этади. Ж.и.э.м.к. йиғилишига тайёрланаётган ҳужжатларнинг сифати ва ўз вақтида тақдим этилиши устидан назорат қилиш муассаса бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари зиммасига юклатилади. Ж.и.э.м.к. йиғилишлари баённомалар б-н расмийлаштирилиб, улар асосида муассаса бошлиғи томонидан маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи б-н алмаштириш, жазони ўташни давом эттириш учун манзил колониясига ўтказишга тақдим қилиш ёхуд тақдим қилишга рад қилиш ҳақида қарор чиқарилади. Ушбу қарор асослангн қилган бўлиши лозим ва маҳкумга тилхат б-н эълон қилинади. Ж.и.э.м.к. маҳкумни жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи б-н алмаштириш, жазони ўташни давом эттириш учун манзил колониясига ўтказиш тўғрисидаги қарор ва барча зарур ҳужжатлар комиссия йиғилишидан сўнг бир ҳафталик муддат ичнда судга юборилади.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАСИ МАЪМУРИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ ТАЛАБЛАРИГА БЎЙСУН-МАСЛИК – озодликдан маҳрум қилиш жойида жазони ўтаётган шахснинг Ж.и.э.м.к.т.б.и ёхуд маъмуриятнинг ўз фаолиятини амалга оширишга бошқача йўсинда тўскинлик қилиши, башарти, маҳкумга нисбатан бир йил мобайнида жазони ўташ тартиби талабларини бузганлиги учун жазони ижро этиш колониясининг қарцерига ўтказиш тарикасидаги жазо қўлланилганидан ёки турмага ўтказилганидан кейин содир этилса, ЎзР ЖККнинг 221-м.сида мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУДДАТИ – агар жиноий жазо ўз вақтида ижро этилмаса, у аста-секин ўзининг тарбиялаш ва жиноятчилликнинг олдини олишдаги аҳамиятини йўқотиб боради. Бундай муддатни қонун чиқарув-

чи орган тайинланган жазо турн ва муддати б-н боғлаб белгиланган. Бу муддатлар ЎзР ЖК 69-м.сида белгиланган бўлиб, агар ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб: а) уч йилдан ортик бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган ёки озодликдан маҳрум қилиш б-н боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганда – уч йил; б) беш йилдан ортик бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – беш йил; в) ўн йилдан ортик бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн йил; г) ўн йилдан ортик муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганда – ўн беш йил ичида ижро этилмаган бўлса, маҳкум асосий ва қўшимча жазолардан озод қилинади. Агар маҳкум жазони ўташдан бўйин товласа, Ж.и.э.м. икки баравар кўпаяди ва жазони ўташдан бўйин товланган кундан бошлаб ҳисобланади. Барча ҳолларда Ж.и.э.м. йигирма беш йилдан ошмаслиги керак. Агар шахс ушбу моддада кўрсатилган муддатлар ўтмасдан қасддан янги жиноят содир этса, муддатларнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда муддатларнинг ўтишини ҳисоблаш янги жиноят содир этилган пайдан қайта бошланади. Агар жазо тайинланган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, бирор турдаги жазони ижро этиш мумкин эмас. Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилган шахсга нисбатан муддатлар ўтишини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд муддатлар ўтишини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси озодликдан маҳрум қилиш б-н алмаштирилади. Ж.и.э.м. тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШДА ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ – бу принцип, айниқса, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этишда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилиги, уларнинг илгари ҳам жиноят содир этиб жазо ўтаб чиққанлиги, рецидивлиги ҳамда содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги бу тамойил асосида тартибга солинади. Жазони дифференциациялаш индивидуаллаштиришдан фарқ қилади. Жазони дифференциациялашда маҳкумларнинг ижтимоий хавфлилигига кўра бир-биридан ажратилган ҳолда сақлаш ва уларга ўзларининг ижтимоий хавфлилигига кўра мажбурлов чораларини қўллаш назарда тутилади. Турли тоифадаги маҳкумлар бир-биридан ажратилган ҳолда сақланади. Жазони ижро этиш муассасаларида қўлланилган мажбурлов чоралари ҳам бир-биридан фарқ қилади, улар ЎзР ЖИК 17-23-бобларида баён этилган. Жазони дифференциациялаш асосида маҳкумларга қўлланиладиган тарбиявий чоралар ҳам турличадир.

ЖАЗОНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШ – маҳкумни ахлоқан тузатишга қаратилган, унинг ижтимоий хавфлилиги содир этган жиноятнинг хавфлилиги даражасига қараб ажратиш, отряд ва бригадага тақсимлаш асосида амалга ошириш. Ҳар бир маҳкумга нисбатан қандай чора қўллаш масалалари Ж.и. дейилади. Ж.и. орқали маҳкумни алоҳида назорат қилиш ва ҳисобга олиб бориш имкони яратилади. ЎзР ЖИК 97-м.си учинчи қисмида ҳам таъкидланганидек, тарбиявий иш яқка тартибда, гуруҳ б-н ва оммавий шаклда олиб борилади. Бу чораларнинг самардорлиги айнан маҳкумларни тўғри таснифлашга боғлиқ бўлади. ЎзР ЖИКнинг 58-м.си талабига биноан маҳкум,

энг аввало, жинсига қараб ажратилади. Эрақ жинсидagi маҳкумлар учун алоҳида жазони ижро этиш колониялари ва аёллар учун алоҳида жазони ижро этиш колониялари ташкил этилади. Маҳкумларни таснифлашнинг бу принципига доим риоя этилади, хатто маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатлари ўзгарган тақдирда ҳам риоя қилинади.

Маҳкумларнинг ажратилган ҳолда сақланиши ҳар тарафлама мақсадга мувофиқ бўлиб, уларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораларини, бериладиган имтиёзлар ва ҳуқуқларни тўғри амалга ошириш учун имконият яратди. Ўн саккиз ёшга етган маҳкумлар вояга етмаган маҳкумлардан ажратилган ҳолда сақланади. Вояга етмаганларга нисбатан алоҳида турдаги жазони ижро этиш колонияларининг ташкил этилиши уларга нисбатан тарбиявий чораларнинг алоҳида турларини жорий этиш имкониятларини яратди. ЎзР ЖК 85-м.си ва ЖИК 45-м.сига биноан, вояга етмаган ҳолда озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар тарбия колонияларида сақланадилар. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш жараёнида бу қоидага қатъий амал қилинади. Турли жинсдаги маҳкумларни бир-бирларидан ажратилган ҳолда сақлаш, турли хилдаги ахлоқий, гигиена ва б. ижтимоий қоидаларга риоя қилишни ҳам енгиллаштирилади. Маҳкумни ёшига нисбатан ажратилган ҳолда сақлаш вояга етмаганларни катталарнинг, жиноятчилик соҳасида тажрибали маҳкумларнинг салбий таъсирдан сақлаш имкониятларини яратди.

ЖАЗОНИ ОФИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР – ЎзР ЖК 56-м.си бўйича қуйидаги ҳолатларда жиноят содир этиш Ж.о.х. деб топилади: а) хомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан; б) ёш бола, қария ёки ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан; в) хизмат вазифаси ёки фуқаролик бурчини бажарганлиги муносабати б-н шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан; г) айбдорга моддий томондан, хизмат жиҳатидан ёки бошқа жиҳатдан қарам шахсга нисбатан; д) ўта шафқатсизлик б-н; е) қўпчилик учун хавфли бўлган усулда; ж) ёш бола ёки рухий касаллиги айбдорга аён бўлган шахсдан фойдаланган ҳолда; з) жиноят натижасида оғир оқибатларнинг келиб чиққанлиги; и) умумий офат шароитидан фойдаланган ҳолда ёки фавқулодда ҳолат вақтида ёхуд оммавий тартибсизликлар жараёнида; к) қаразли ёки бошқача паст ниятларда; л) ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида; м) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма томонидан; н) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг тақдоран ёки қасддан янги жиноят содир этиши; о) мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёхуд кишининг ақл-идроқига таъсир қилувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этиш.

ЖАЗОНИ ЎТАШДАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ШАРТЛИ ОЗОД ҚИЛИШ – ЎзР ЖКнинг 73-м.сига кўра жиноят қонунининг муҳим инсонпарварлик принципининг амалда қўлланилиши. Ж.ў.м.и.ш.о.к. маҳкумларни тезроқ ҳалол турмуш тарзига ўтиб олиши учун рағбатлантирувчи восита бўлиб, жазони ўташ вақтида жазони ўташ тартиби, қоида ва талабларини бажариш, иш ва ўқишга ҳалол муносабатда бўлиш кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ

тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан Ж.ў.м.и.ш.о.к. қўлланилиши мумкин. Шахс ижро этилмаган қўшимча жазодан ҳам озод қилиниши мумкин. Бошқа турдаги жазони ўтаётганларга нисбатан Ж.ў.м.и.ш.о.к. қўлланилмайди. Ж.ў.м.и.ш.о.к. кўрсатилган жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-қонда талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилади. Ж.ў.м.и.ш.о.к. маҳкум: а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унга оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини; б) оғир жинояти учун, шунингдек қасддан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини; в) ўта оғир жинояти учун, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган ёки жазоси енгилроғи б-н алмаштирилган шахс жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганилиги учун ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкин. Ж.ў.м.и.ш.о.к.: а) умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахсга; б) ўта хавfli рецидивистга; в) уюшган гуруҳ ёки жинoий уюшманинги ташкилотчи ва катнашувчиларига; г) жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган жабрланувчининг номусига тегиш ёки унга нисбатан зўрлик ишлатиб, жинсий эҳтиёжни гайритабиий усулда қондириш, ЎзРга, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этиш, ядровий, кимёвий, биологик ва б. хилдаги оммавий қирғин қуролиларини, шундай қуролиларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкинлиги аён бўлган материал ва ускуналарни контрабанда қилиш учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди. Ж.ў.м.и.ш.о.к., жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ЎзР ЖК 60-м.сида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди.

Маҳкум жазо муддатининг ЎзР ЖК 73, 74, 89 ва 90-м.ларида белгиланган қисмини ўтаб бўлганидан сўнг бир ойлик муддат ичида жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмурияти уни Ж.ў.м.и.ш.о.к. ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо б-н алмаштиришга тақдим этиш масаласини агар маҳкум ёки унинг адвокати тегишли илтимоснома б-н судга бевосита мурожаат этмаган бўлса, кўриб чиқиши ҳамда тақдим қилиш ёки рад этиш ҳақида қарор чиқариши шарт. Ушбу қарор ва барча зарур ҳужжатлар комиссия йиғилишидан сўнг бир ҳафталик муддат ичида судга юборилади. Агарда суд томонидан Ж.ў.м.и.ш.о.к. рад этилган тақдирда, бу ҳақда ажрим чиққан кундан бошлаб камида олти ой ўтганидан кейин тақдимнома такроран киритилиши ёки илтимоснома такроран берилиши мумкин.

ЖАЗОНИНГ ЕНГИЛЛАШТИРИЛИШИ – к.: *Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар; Жазони енгилроғи билан алмаштириш.*

ЖАМИЯТ (араб. – жамланмоқ, уюшмоқ) – тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули. У кишилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг маҳсули, улар ҳаётининг маълум бир таш-

килийлиги, моҳияти жиҳатидан кишилар ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги турли хил (иқтисодий, оилавий, маънавий, сипфий, диний ва б.) муносабатлар ва алоқалар йиғиндисидир.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ – корхонада иш берувчи б-н ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжат.

ЎзР МК 4-м.сига кўра, қонунлардагига нисбатан қўшимча меҳнат ҳуқуқлари ва қафолатлари бошқа норматив ҳужжатлар, шу жумладан, шартнома йўсинидаги ҳужжатлар (жамоа келишувлари, жамоа шартномалари, бошқа локал ҳужжатлар), шунингдек ходим ва иш берувчи ўртасида тузилган меҳнат шартномалари б-н белгиланиши мумкин.

Корхоналарда ходимлар учун қонунлардагидан афзалроқ меҳнат ҳуқуқлари ва қафолатларининг белгиланишида Ж.ш.лари етакчи ўринда туради, чунки ундаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид шартлар ходимларга тааллуқли бўлган барча масалаларни ўз ичига қамраб олади.

Меҳнатга оид муносабатлар деганда меҳнат шартларини белгилаш, ўзгартириш ва уларни бекор қилиш чоғида юз берувчи ижтимоий меҳнат алоқалари назарда тутилади. Меҳнатга оид муносабатлар ишга қабул қилиш, иш ва дам олиш вақтини белгилаш, қафолат ва компенсацияларини бериш б-н боғлиқ тарзда юз бериши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий муносабатлар бўлиб, ходимларга иш ҳақи тўлаш, моддий имтиёз ва қафолатлар бериш, уларни ва оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш б-н боғлиқ ҳолдаги муносабатлар саналади.

Касбга оид муносабатлар жумласига ходимларни янги касбга ўқитиш, малакасини ошириш, ишлаб чиқаришнинг бевосита ўзида касб-ҳунар ўрганишни ташкил қилиш б-н боғлиқ масалалар киритилиши мумкин.

Ж.ш. иш берувчи б-н ходимлар жамоаси ўртасида ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш, ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлган ҳамкорликни йўлга қўйиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ж.ш.ни тузиш принциплари ва унинг асосий мазмуни қонун ҳужжатлари б-н белгилаб қўйилгандир.

Ж.ш. тузиш таклифи б-н унинг тарафлари (иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органи) бир-бирларига мурожаат қилишлари мумкин, таклифни кўриб чиқиш муддати ва тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланган.

Ж.ш.га киритиладиган шартлар унинг тарафлари томонидан белгиланади, аммо унда меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид масалалар ўз аксини топиши лозим. Ж.ш. меҳнат жамоаси мажлиси (конференцияси)да кўриб, маъқулангач ва корхона раҳбари ҳамда ходимлар вакиллик органининг раҳбари имзолаганидан сўнг кучга қиради. Унга амал қилиш иш берувчининг ҳам, корхонадаги ҳар бир ходимнинг ҳам мажбуриятига айланади.

Ж.ш. унда назарда тутилган вазифалар ижросига қаратилган турли иловаларни ўз ичига олади.

Ж.ш.ни бажармаганлик учун қонун ҳужжатларига кўра, иш берувчи ва унинг мансабдор шахслари ҳуқуқий жавобгарлиги белгилаб қўйилган.

Корхона тугатилганида ёки қайта ташкил этилганида, шунингдек мулкдор алмашганида Ж.ш.нинг амал қили-

ши, ўзгартирилиши масалалари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ЖАМОАТ АЙБЛОВЧИСИ – ЎзР ЖПКнинг 42-м.сига мувофиқ, суд муҳокамасида иштирок этаётган жамоат бирлашмалари ва жамоаларнинг вакиллари.

ЎзР ЖПКнинг 43-м.сига асосан, суд муҳокамасида иштирок этаётган Ж.а.: иш материаллари б-н танишишга; далиллар тақдим этишга ва уларни текширишда иштирок этишга; илтимоснома беришга; тарафларнинг музокараларида сўзга чиқиб, айбловнинг исботлангани ҳақида судга фикр билдиришга ҳақлидир. Ж.а. айбловдан воз кечишга ҳақли.

Ж.а.: суд муҳокамасида иштирок этиши; жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг фикрini судда баён қилиши ва иш ҳолатларини аниқлашга қўмаклашиши шарт.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ – ЎзР ФК 74-м.сига кўра, маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

“Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига асосан, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда снёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоши-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма Ж.б.дир. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, қасаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва б. кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари Ж.б.лари деб эътироф этилади.

Ж.б. ЎзР ФК 40-м.сига кўра, тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланса-да, улар ўз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ж.б.лари фуқаролар, давлат ва жамиятнинг ижтимоий фойдали мақсадларига эришиш учун тузилади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл б-н ўзгартириш ёки ЎзР ва ҚР ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятнинг парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан, синфий, шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун б-н тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган Ж.б.ларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ҳарбийлаштирилган Ж.б.лари ва қуроли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва б. структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади.

Ж.б.лари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл б-н шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда қуч ишла-тиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал

қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси б-н тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга қонун б-н барҳам берилади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига таъжовуз қиладиган Ж.б.ларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъкиб қилинади.

ЖАМОАТ ИZZАСИ – собиқ Ўзбекистон ССРнинг 1959 й.даги ЖКда асосий жазо турларидан бири бўлган. Ушбу жазо тури 1959 й.даги ЖК 32-м.сида қуйидаги тахрирда баён этилган, яъни Ж.и. айбдорга суд томонидан халқ олдида изза бериш, зарур ҳолларда, бу ҳақда матбуот орқали ёки бошқа йўллар б-н жамоатчиликка билдиришдан иборат. Ж.и. суд қўлланаётган санкциясида кўзда тутилган ҳолда, шунингдек енгилроқ жазога ўтиш вақтида фақат асосий жазо сифатида тайинланиши мумкин. Бу жазо айбдорга суд ҳукмига бинноан давлат номидан ошқора Ж.и. беришдан иборат. Зарур ҳолларда бу ҳақда матбуот (маҳаллий газета, кўп тиражли газета, деворий газета ва ш.к.лар) орқали, коллектив умумий йиғилишида, радио орқали ва б. воситалар б-н жамоатчиликка билдирилади. Ж.и. берилган шахс ҳукм қонуний қучга кирган қўлдан бошлаб бир йил мобайнида судланган ҳисобланади. Шу сабабли жиноий жазо сифатида берилган Ж.и. ўртоқлик суди томонидан қўлланиладиган жамоат таъсири кўрсатиш чорасидан фарқ қилади. Мазкур жазо тури ЎзР ЖКда мавжуд эмас.

ЖАМОАТ ИШЛАРИ – ташкилотлар, хўжаликлар ва муассасаларда юқори малака талаб қилмайдиган ва мавсумий, вақтинчалик, ҳақ тўланадиган ишлар. Бозор иқтисодиёти мамлакатларида ишсизларни тезкор тарзда ҳақ тўланадиган иш б-н таъминлаш усулларидан бири. Ж.и. мавсумий, ҳудудий ёки аҳолининг алоҳида тоифаларини қамраб олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилади. Ж.и. аксарият ҳолларда вақт жиҳатидан қисқа давом этиб, алоҳида ихтисосликни талаб этмайди. Одатда, Ж.и. кўпроқ жисмоний меҳнат талаб қилувчи ишлар (қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, майда ирригация ишларини бажариш, арзон мактаб ва уй-жойлар қуриш, ўрмончилик, ш.лардаги ободончилик ишлари ва б.) ва ижтимоий тавсифга эга ишлар (мас., ногиронлар, беморлар, етим болаларга қараш ва б. хизматларга ажратилади.). Дастлаб Ж.и. махсус умуммиллий дастурлар асосида XX а.нинг 30-й.ларида АКШ-да ташкил қилинган. Ҳозирги жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларида Ж.и.га ёшларни жалб қилиш аъёнаси мавжуд (мас., Францияда 1984 й.дан 16-21 ёшдаги ўқиниш ташлаган ишсизларни Ж.и.га жалб қилиш дастури жорий қилинган, Англияда эса, ишсизлик даври узок чўзилган ишсизлар учун шундай дастур амал қилади). Ўзбекистонда Ж.и.ни ташкил қилиш “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни (1992 й.) қабул қилиниши б-н аҳолини иш б-н таъминлашнинг чора-тадбири сифатида амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари Ж.и.ни меҳнат органларининг тақлифи ва бевосита иштироки б-н ўз мулкдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳамда шартномалар асосида турли мулкчилик шаклидаги корхона, ташкилот ва му-

ассасаларда ташкил этади. Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф қилинган фуқаролар икки ойгача узайтириш ҳуқуқи б-н муддатли шартномалар асосида Ж.и.да иштирок этишлари мумкин. Уларга тўланадиган иш хақи бажарилаётган ишга қараб, лекин 15 % оширилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаслиги, иш даврининг меҳнат стажига кўшилиши, пенсия таъминоти ва вақтинча ишга лаёқатсизлик юзасидан нафақалар олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистонда Ж.и.га жалб қилинган фуқароларга тўланадиган иш ҳақининг камида 15 % и корхона, ташкилот ва муассасалар маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса маҳаллий бюджетлар ёки аҳолини иш б-н таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси ҳисобидан қопланади.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ – фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги, ташкилотларнинг нормал фаолият кўрсатиши, фуқароларнинг меҳнат қилиши ва дам олиши учун тўлиқ шароит яратишга, уларнинг шаъни, кадр-қимматини ҳамда умумхалокий кадриятларни ҳурмат қилишга йўналтирилган ҳуқуқий ва ижтимоий нормалар асосида жамоат жойларида юзага келадиган ва ривожланадиган ижтимоий муносабатлар тизими.

ЖАМОАТ ФОНДИ – фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар кўшиши асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат ноtijорат ташкилоти.

Ж.ф.га унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фондининг мулки қиради. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганда васиятномани ижро этувчи фондининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ж.ф.нинг мол-мулкидан фонд уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади. Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти б-н ўз уставда белгиланган мақсадларга тўғри келадиган доирада шуғулланиши мумкин. Фондининг тижорат ташкилотлари устав фондидаги (устав капиталидаги) иштироки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ж.ф. ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт.

Ж.ф.ни бошқариш тартиби ва унинг органларини шакллантириш тартиби унинг уставда белгиланади.

Ж.ф.нинг уставда ЎЗР ФК 43-м.сининг тўртинчи қисмида кўрсатилганидан ташқари куйидаги маълумотлар бўлиши керак: фонд органларининг тузилиши, ваколатлари ва шакллантирилиш тартиби; фонд органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш (сайлаш) ва лавозимидан озод қилиш тартиби; фондининг мол-мулкни шакллантириш манбалари; фондининг, унинг ваколатхоналари ҳамда филиалларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; фонд ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш тартиби; фондни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби; фонд тугатилган тақдирда унинг

мол-мулкидан фойдаланиш тартиби; фонд уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

Ж.ф.нинг уставда фондининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган рамзий белгиси тавсифи, шунингдек қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қодалар ҳам бўлиши мумкин (ЎЗР ФК 75-м.си).

Жамоат фондлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари “Жамоат фондлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни б-н белгиланади.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ – шахс, жамият ва давлатнинг жиноятчилик, бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари, ижтимоий низолар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, йирик ҳалокатлар, авариялар ва ёнгинлардан химояланганлик ҳолатини ифодаловчи тушунча.

ЖАМОАТ ҲАРАКАТИ – к.: *Оммавий ҳаракат.*

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – бу давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда нодавлат ташкилотлар фаолияти устидан фуқаролар, уларнинг бирлашмалари ва ўзини ўзи бошқариш, фуқаролик жамиятининг бошқа тузилмалари (инс.лари), шунингдек, давлат ва нодавлат органлари таркибида тузилган жамоатчилик органлари томонидан қонун доирасида олиб бориладиган назорат. Мазкур инс. инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари нафақат давлат томонидан кафолатланганлигини, балки давлат органлари фаолиятида уларнинг устувор аҳамиятга эгаллигини таъминлайди ва бунда Ж.н.нинг мавжудлиги сиёсий ҳокимият том маънода халқ кўлида бўлишининг кўрсаткичи ҳисобланади.

ЖАНДАРМЕРИЯ (фр. gendarm – полиция солдати; инг. gendarmerie) – Ж. биринчи марта Францияда 1791 й.да ички тартибни назорат қилиш учун ташкил этилган; давлат яширин полициясининг бир тури. Ж. ҳарбий ми-нистрликка, полиция вазифаси жиҳатидан ички ишлар ми-нистрлигига бўйсунган. Ички сиёсат соҳасида ҳам, ташқи сиёсат соҳасида ҳам, Ж. энг муҳим роль ўйнади. Унинг асосий вазифаси – демократия ҳаракатларни шафқатсизлик б-н бостириш; прогрессив кайфиятдаги кишиларни каттиққўллик б-н жазолашдир. Ж. жуда кўп тармоқли аппаратга эга бўлиб, деярли назорат қилинмайдиган ваколатга эга. Кўп сонли фашист тўдалари (АҚШда “Америка легиони”, “Куклуке-клан”, “Колумб рицарлари”, “Кумуш кўйлак” ва б.; Францияда “Оммавий ташкилот”, Англияда “Мосли”) ёрдами б-н тараккийпарвар арбобларни, иш ташлаган ишчиларни судсиз ваҳшиёна жазолаш, қалтақлаш ва қатл қилиш – Ж. иш усулларидандир. Чор Россиясида декабристлар кўзғолони бостирилгандан кейин крепостной ҳуқуқ ва подшо ҳокимиятига қарши инқилобий ҳаракатга, илғор жамоат арбобларига қарши курашиш мақсадида тузилган. Ж. корпуси император канцеляриясининг махсус “Учинчи бўлими”га бўйсундирилган. “Учинчи бўлим” бошлиғи Ж. полициясининг шефи (раҳбари) ҳисобланган. Ж. полициясининг биринчи шефи ашад-лий реакционер – арақчевчи, мамлакатда ҳар қандай озод-лик гояларини бўғувчи – Бенкендорф эди. Ж. ҳамма ва ҳар қандай қабих воситаларни ишга солиб, эзилган табақаларнинг эркинлик ва озодлик ҳаракатини бостириш, рус жамиятидаги прогрессив анъаналарни бўғиш б-н шуғулланган. 1878 й.да чиқарилган қонун Ж. полициясига иста-

ган вақтда заводлар, фабрикалар ва б. жойларда тинтув ўтказиш ва лозим кўрилган кишиларни камаш ҳуқуқини берган. 1830 й.да “Учинчи бўлим” тугатилиб, Ж. полициясининг вазифаси полиция департаментига юкланган. Ж.га шефлик қилиш вазифаси ички ишлар министрлиги ихтиёрига ўтган. Инкилобий ҳаракатга қарши курашда чор Ж. полицияси ифвогарлик, жосуслик, террор ва зўравонлик методлари б-н иш кўриб келган. 1815 й.да рус армиясида, 1827-1917 й.ларда Россияда сиёсий полиция вазифасини бажарувчи алоҳида жандарм корпуси мавжуд бўлган. Совет ҳокимияти бутун эски давлат аппарати б-н бирга Ж. полициясини ҳам тугатди.

ЖАРИМА (лот. multa, poena; инг. fine, penalty; нем. strafe) – 1) фуқаролик ҳуқуқида – мажбуриятни таъминлаш усулларидан бири бўлмиш неустойка атамасининг қўлланилиши б-н унинг синоними бўлмиш “жарима” ва “пеня” сўзлари ишлатилади. Ж. б-н пеня – бу пул суммаси бўлиб, мажбуриятлар лозим даражада ёки умуман бажарилмаганда ундирилади. Улар ўртасидаги фарқ неустойкани ҳисоблаш ва тўлаш усуллари б-н белгиланади. Ж. бир марта ундириладиган неустойка бўлиб, қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган қатъий пул суммаси ҳисобланади. Пеня эса қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз б-н ҳисобланадиган неустойкадир. Ж. мулкий жавобгарликнинг энг тезкор шаклидир. Зарарлар одатда мажбуриятлар бузилганидан сўнг бир оз вақт ўтгач юзага келади (ёки аниқланади). Ж. (штраф, пеня) шаклидаги жавобгарлик эса мажбуриятлар бузилганидан сўнг дарҳол вужудга келади. ЎЗР ФКнинг 261-м.сига кўра, қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва қоида тарикасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка Ж. ҳисобланади. Юзага келишининг юридик асосларига кўра Ж. қонуний, яъни қонунда назарда тутилган ва шартномавий, яъни шартномада белгиланган турларга бўлинади. Ж. (пеня) мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаб берувчи усуллардан бири;

2) жиноят ҳуқуқида – Ж. айбдордан давлат даромадига ушбу Кодексда белгиланган миқдорда пул ундиришдир. ЎЗР ЖКнинг 44-м.сига кўра, Ж. энг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача миқдорда белгиланади. Агар ҳукм қилинган шахс жазо тарикасида тайинланган Ж.ни мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа, ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида Ж.ни ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин Ж. тўланмаган ёки Ж.ни бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд Ж.нинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо б-н алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридagi Ж.га тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддат-

га, қамокнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридagi Ж.га тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади;

3) маъмурий ҳуқуқда Ж. маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришдир. ЎЗР МЖКнинг 25-м.сига кўра, Ж.нинг миқдори маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун эса, бу ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Фуқароларга солинадиган Ж.нинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак. Фуқароларга солинадиган Ж.нинг энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг беш бараваридан, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан ошмаслиги керак. Қонунларда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун фуқароларга энг кам иш ҳақининг юз бараваригача ва мансабдор шахсларга юз эллик бараваригача миқдорда Ж. солиниши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари б-н белгиланадиган Ж.нинг энг кўп миқдори ушбу Кодекснинг 6-м.сига биноан фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ошмаслиги керак.

ЖАҲОН КАСАБА ИТТИФОҚЛАРИ УЮШМАСИ

– халқаро касаба иттифоқлари ташкилоти. 1945 й. октябрда Парижда чақирилган Жаҳон касаба иттифоқларининг I-конгрессида тузилган ва Устави қабул қилинган. Жаҳон касаба уюшмалари иттифоқи барча халқаро ташкилотларда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ривожланаётган мамлакатларнинг ишчиларига касаба иттифоқлари ташкил этишда ёрдам бериш, урушга ва уруш чиқарувчи сабабларга қарши, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда кенг халқаро ҳамкорлик учун кураш ва б.и. ўзининг асосий мақсади деб ҳисоблайди. 1949 й. АКШ ишлаб чиқариш касаба иттифоқлари конгресси, Британия тред-юнионлари конгресси ва б. мамлакатлар касаба иттифоқларининг раҳбарлари бошчилигидаги миллий касаба иттифоқ марказлари Жаҳон касаба уюшмалари иттифоқидан чиқиб, Эркин касаба иттифоқлар халқаро конфедерациясини туздилар. Ж.к.и.у.нинг олий органи – Жаҳон касаба иттифоқлари конгресси бўлиб, 4 й.да 1 марта чақирилади. Конгресслар ўртасидаги даврда раҳбарлик органи – Бош кенгаш.

ЖЕНТЛЬМЕНЛИК БИТИМИ – халқаро шартномаларнинг шаклларида бири бўлиб, оғзаки шаклда тузилган шартнома. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида Ж.б. кўринишдаги шартнома жуда кам тузилади. Ж.б. кўпроқ Ўрта асрларда шаклланган шартнома шакли ҳисобланади. Ж.б. бажарилиши гарови фақат оғзаки “сўз бериш” ва “берилган сўзда туриб, сўзнинг бажарилиши” б-н қамолатланади.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати. ЎЗР ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноятнинг содир этилиши юридик факт бўлиб, одил судлов йўли б-н айбдор ва давлат орасида ўзига хос ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради. Моҳиятига кўра бу ҳуқуқий муносабатлар давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига жиноятни тергов қилиш ва муайян шахснинг айбдор эканлигига етарли далиллар бўлганида уни Ж.ж.ка тортиш ҳуқуқини беради. Жиноятни содир этган шахсда эса, бир томондан, жиний жавобгар бўлиш, иккинчи томондан эса, ушбу қилмиши учун қонунда белгиланган даражада жавобгар бўлиш мажбурияти мавжуд бўлади. Қонунда жиноятга тайёргарлик кўрганлик, жиноятга суиқасд ва жиноятда иштирокчилик учун ҳам Ж.ж. белгиланган. ЎЗР Қонсининг 18-м.сига кўра, ЎЗРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Жиноят ҳуқуқи соҳасида бир хил оғирликдаги жиноятларни содир этишда айбдор бўлганлар бир хил жазога тортиладилар. Ж.ж. (хусусий айблов мавжуд бўлган ишлардан ташқари) оммавий очик кўрилиш хусусиятига эга, яъни Ж.ж.ка тортишга ваколатли ягона субъект бўлган давлат органларидан бири суд ҳисобланади. Ж.ж. шахсий хусусиятга эга, яъни аниқ бир жиноятни содир қилган (ёки унинг содир этилишида иштирок этган) шахсгина жавобгарликка тортилади. Ж.ж. жамият учун жиддий хавфли қилмиш – жиноят содир этилганидан вужудга келади ва жиний жазони қўллаш б-н амалга оширилади.

Бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этган айбдорлар маъмурий ёки фуқаровий жавобгарликка тортилишлари мумкин. Қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари учун белгилаб қўйилган қоидаларнинг бузилиши интизомий жавобгарликни вужудга келтиради. Қонунда кўрсатилган ҳолатларда жиноят содир этган шахс Ж.ж.дан озод қилиниши ҳам мумкин. Мас., ишни тергов қилиш ёки судда кўриш вақтида шароит ўзгарганлиги туфайли содир этилган қилмиш ўзининг ижтимоий хавфлилигини йўқотган деб топилса, жиноят содир этган шахс Ж.ж.дан озод қилиниши мумкин (ЎЗР ЖК 65-м.). Ж.ж. маҳкум жазони ўтаб бўлиши б-н тугайди; судланганлик бекор қилиниши ёки олиб ташланиши б-н Ж.ж.нинг барча жиний ҳуқуқий оқибатлари тугаган ҳисобланади.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ – ваколатли давлат органининг судлов ёки айбловни бекор қилиш, шунингдек, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан давлат мажбурлов чорасини қўллашни бекор қилиш ҳақидаги акти. Жиноят содир этган шахсларни, уларга жиний таъсир кўрсатмасдан тўғри йўлга киришлари мумкин бўлган ҳолларда жиний жавобгарликдан озод этилишларида инсонпарварлик принциплари ўз аксини топган. Ж.ж.о.қ., шахсни оқлаш ёки қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатларни фарқлаш лозим. Шахснинг оқланishi жиноят таркиби йўқлиги ёки шахс содир этилган жиноятга алоқаси йўқлигидан далолат бериб, бу унга нисбатан оқловчи ҳукм чиқарилиши учун асос бўлади. Қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатлар шундан иборатки, уларда ЎЗР ЖКда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин улар ижтимоий хавфли, гайриқонуний ёки

айбли бўлмайди. Бу ҳолда муайян шарт-шароитга кўра, шахсни жиний жазога жалб этишнинг ҳуқуқий асослари мавжуд эмас. Жиний жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги, пушаймонлигини амалда исботлаш, айбдорнинг касаллиги, қилмиш ёки уни содир этган шахснинг жамоатчилик учун хавфлилик хусусиятини йўқотиши, шахснинг илк бор жиноятга қўл урганлиги уни Ж.ж.о.қ. учун асос бўлади.

ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ МУДДАТЛАРИ – ЎЗР ЖКнинг 64-м.сига асосан, агар жиноят содир этилган кундан бошлаб қуйидаги муддатлар:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – уч йил;

б) унча оғир бўлмаган жиноят содир этилган кундан бошлаб – беш йил;

в) оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб – ўн йил;

г) ўта оғир жиноят содир этилган кундан бошлаб (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган ҳол бундан мустасно) – ўн беш йил ўтиб кетган бўлса, шахс жавобгарликдан озод қилинади.

Жавобгарликка тортиш муддати жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳукм қонуний кучга кирган кунгача ҳисобланади.

Агар жиноят содир этган ва жиний жавобгарликка тортилган шахс тергов ёки суддан яширинса, муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Айбдор ушланган ёки айбини бўйнига олиб арз қилган кундан бошлаб муддатнинг ўтиши қайтадан тикланади.

Агар оғир ёки ўта оғир жиноят содир этган шахс ЎЗР ЖК 64-м.сига назарда тутилган муддатлар ўтмасдан қасдан янги жиноят содир этса, муддатнинг ўтиши узилади. Бундай ҳолда жавобгарликка тортиш муддатлари янги жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади. Қолган ҳолларда, агар шахс жавобгарликка тортиш муддатлари ўтмасдан янги жиноят содир этса, бу муддатлар ҳар бир жиноят учун алоҳида ҳисобланади.

Агар жиноят содир этилган кундан бошлаб йигирма беш йил ўтган бўлса, шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

ЎЗР ЖК Маҳсуқ қисмининг моддасида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан, жавобгарликка тортиш муддатларини қўллаш масаласи суд томонидан ҳал қилинади. Агар суд жавобгарликка тортиш муддатини қўллашни лозим топмаса, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига озодликдан маҳрум қилиш тайинланади.

Ушбу моддада назарда тутилган муддатлар тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

ЖИНОЙ ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ – жиноят содир қилишда айбдор деб топилган ва жазога маҳкум қилинган шахсга нисбатан жазони қўллаш ёхуд бошқа усул ва воситалар б-н жазо мақсадларига эришиш имконияти мавжуд бўлса-да, жазони ўташни давом эттиришдан давлатнинг воз кечиши. Ж.ж.о.қ. деганда, айбдорни айнан суд ҳукми б-н тайинланадиган жазодан озод қилиш тушунилади. Ж.ж.о.қ. жиний жавобгарликдан озод бўлишни билдирмайди. Ж.ж.о.қ. учун жиний жазо чораларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги асос бўла олади. Ҳукм чиқа-

риш вақтида ёки айбдор жазони қисман ўтаганидан сўнг шахсни жавобгар этиш поғонасида жазо ўз мақсадига етганлиги кўзга ташланади ва шахс меҳнатга, ўқишга бўлган муносабати ва яхши томонга ўзгарган маънавий принциплари б-н ўзининг тўғри ҳаёт бошлашга тайёр, қонуналарни ҳурмат қилувчи фуқаро эканлигини исботлайди. Баъзи ҳолларда, судланган шахс ахлоқи тузалмас-да, жазони оғир қасаллиги туфайли ўтай олмаслиги мумкин. Унга нисбатан ҳам Ж.ж.о.к. тартиби қўлланади. Ж.ж.о.к.нинг турлари ЎЗР ЖКнинг 69–76-м.ларида белгиланган.

ЖИНОЙ ЖАЗОНИНГ МАҚСАДИ – ЎЗР ЖК 42-м.сига кўра, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиний фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Тарбиялаш жиний жазонинг алоҳида мақсади сифатида жиноят содир этган шахсга жазо қўллаш орқали унда қонунга риоя этувчи ҳулқ-атвори инсонларга, жамиятга, турмуш нормалари ва анъаналарига ҳурмат б-н муносабатда бўлишни шакллантиришга хизмат қилади. Жиний фаолиятнинг давом этишига тўсқинлик қилиш жазонинг махсус мақсади сифатида шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мол-мулкни, табиатни, тинчликни, инсониятнинг хавфсизлигини жиний тажовузлардан ҳимоя этувчи қонун вазифаларининг қисман қўриниши ҳисобланади. Жазони қўллаш орқали жиний фаолиятни давом этишига тўсқинлик қилиш ушбу фаолиятни пафақат судланувчи, балки у б-н бирга жиний фаолиятни амалга оширган бошқа шахслар томонидан ҳам давом этишига чек қўяди.

ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН МУЛКНИ ОЛИШ ЁКИ ЎТКАЗИШ – ЎЗР ЖК 171-м.сига кўра, мулкнинг жиний йўл б-н топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказиш.

Жиний йўл б-н топилган мулк – ўғирлик, талончилик, босқинчилик ҳужуми орқали қўлга киритилган ёки ўзга талон-торожлик ёхуд бошқа жиний йўл б-н топилган, лекин қўлга киритилиш ишлаб чиқариш натижасида бўлмаган ашёлар.

Жиний йўл б-н топилган мулкни олиш – бундай мулкнинг ўз эгалигига ва тасарруфига ўтказишга қаратилган пул, қимматлик эвазига ёки бепул олинишидан иборат. Мулкни олган шахс унга эгалик қилади, бегоналаштиради ёки ундан шахсан фойдаланади. Лекин унга бирга олинган мулкка нисбатан юридик эгаликнинг ҳуқуқи ўтмайди. Мулкни вақтинчалик сақлаб туришга берилиши ҳам жиноятда белгиланган олиш ҳисобланмайди.

Жиний йўл б-н топилган мулкни ўтказиш дейилганда, мазкур мулкни бошқа шахсга ўтказишнинг барча усуллари (сотиш, ҳада қилиш, қиморда ўтказиш, айирбошлаш ва х.к.) тушунилмоғи лозим. Ўтказиш, ўз навбатида, пулли ёки пулсиз, мулкни ўзининг шахсий мулки сифатида тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритадиган учинчи шахсга ўтказишдан иборат бир марталик ёки кўп марталик ҳаракатдир. Ўғирланганлиги олдиндан маълум бўлган мулкни бирор мақсадда гаровга ёки вақтинча фойдаланишга бериш ҳам жиний мазмунга эга.

ЖИНОЙ ОҚИБАТ – Ж.о. жиноят қонуни б-н қўриқланадиган объектдаги ижтимоий зарарли ўзгаришлар

шаклида намоён бўлади. Тажовуз предметици йўқотиш (мулкнинг йўқ қилиниши, ҳаётдан маҳрум қилиш, давлат сирлари б-н боғлиқ ҳужжатларнинг йўқолиши), ташкилот, корхона, муассасаларнинг нормал фаолият олиб боришининг, фуқароларнинг ижтимоий, меҳнат, уй-жой, сайлов ва б. ҳуқуқларининг бузилиши ижтимоий хавфли оқибат ҳисобланади.

Ж.о. тажовуз объектларида ғайриижтимоий ўзгаришларни келтириб чиқарганлиги сабабли, уларнинг таркибий таснифи ҳам тўғридан-тўғри бу объектларнинг таркибига боғлиқдир.

Ж.о. деганда қилмишнинг содир этилиши натижасида жиноят ҳуқуқи б-н қўриқланаётган ижтимоий муносабатларда юз берган ўзгариш тушунилиши керак. Шунингдек, оқибат ижтимоий муносабатларга тўғридан-тўғри зарар етказиши ёки бевосита зарар етказиш хавфини туғдиради. Ж.о.лар ЎЗР ЖК томонидан қўриқланаётган ижтимоий муносабатларни маълум даражада ўзгартиради (мас., ўзгариш шахсий мулкка зарар етказиш, инсонни ҳаётдан маҳрум қилиш, шахснинг соғлиғига зарар етказилиши ва х.к.).

Келиб чиққан оқибат моддий бўлмаслиги ҳам мумкин (мас., фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ёзишмалар сирини, телефон сўзлашувлари, бошқа хабарларни эшитиши, фуқаролар б-н муносабатда бўлиш, виждон эркинлигини бузиш ва х.к.).

Моддий ва жисмоний зарарни аниқ ўлчаш имконияти мавжуд. Шунинг учун бундай зарарни жиноят таркибларида миқдорига кўра фарқлайдилар. Бунда оддий, оғирлаштирувчи ва махсус таркибларга бўлиш одат қилинган. Мас., мулкни талон-торож қилишда: талон-торож оддий, кўп ва жуда кўп миқдорда бўлади (шу асосда дифференциаллаштирилади).

ЎЗР ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлими “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”да кўп миқдордаги зарар, анча миқдордаги зарар, жуда кўп зарар, жуда кўп миқдор, кўп бўлмаган зарар, кўп миқдор, анча миқдорларнинг энг кам ойлик иш ҳақининг муайян баравари миқдорида ҳисобланишининг аниқ мезонлари белгилаб қўйилган.

Бироқ моддий зарарларнинг сиёсий, мафкуравий, ташкилий, рухий, ижтимоий ва б. томонларини ўлчаш анча мураккабдир. Бундай зарарларни ўлчаш бирлиги сифатида вақт, тажовуз объектида зарарли оқибатининг чўзилиши (давомийлиги), етказилган зарарнинг чуқурлиги, қайтариб бўлмаслиги қабиладан табиқлиги. Номоддий оқибатни аниқ ўлчашмай, аниқламай туриб қуйидаги саволларга жавоб топилмайди: қилмиш ижтимоий хавфлими ёки кам аҳамиятлими, жиноят содир этилганми ёки ҳуқуқбузарликми, шахсни жазога тортишда етказилган зарарнинг ижтимоий хавфлилиги ҳисобга олиниши керакми? Мас., маъмурий майда безорилик жиний безориликдан жамоат тартибини бузишдаги кўполик даражасининг белгиларига қараб фарқланади. Безориликдан келиб чиқадиган зарар мураккаб таркибли бўлиб, бир қатор ташкилий, жисмоний, мулквий, маънавий оқибатлардан иборат бўлади. Содиқ этилган қилмишда юқоридагиларнинг барчаси ёки айримлари мавжуд бўлиши мумкин. Агар безорилик моддий ва жисмоний бўлмаган зарарнинг ўзи б-н чекланган бўлса, бунда ташкилий ёки маънавий зарарни ўлчаш масаласини ҳал қилиш зарур бўлади. Бунда жиноятнинг давомийлиги, со-

дир этилган қилмишнинг жойи, вақти, шароити, иштирокчиларнинг хусусияти каби масалалар инобатга олинади. Ижтимоий хавфли қилмиш натижасида келиб чиқадиган оқибатларни моддий ва номоддий турларга бўлиш мумкин. Ўз навбатида моддий оқибатларни мулкӣй ва шахсий хусусиятдаги икки турга ажратиш мумкин.

Моддий хусусиятдаги оқибатлар маълум ўлчовга эга. Мас., соғлиққа қарши жиноятлар оқибатларга қараб енгил, ўртача оғир ва оғир таъ жароҳатларига ажратилади. Етказилган зарар объектини аниқлаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинланишида муҳим аҳамиятга эгадир.

ЖИНОЙ РАВИШДА ҲОМИЛА ТУШИРИШ (АБОРТ) (лот. abortus; инг. abortion – бола ташлаш) – аборт сунғий равишда ҳомилани тўхтатишидир. Ҳомила тушириш қонуний (ҳуқуқий) ва жиноий турларга бўлинади. Ҳомила туширишда тиббий нуқтан назардан мумкин бўлмаган аломатлар деб, ҳомилани тушириш ўткир ва яширин гонорея мавжудлиги; жинсий аъзоларнинг ўткир ва яширин ўткир яллиғланиши жараёнлари мавжудлиги; қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, йиринг ўчоқлари мавжудлиги; ўткир юқумли касалликларнинг мавжудлиги; 12 ҳафтадан ортиқ муддатдаги ҳомиланинг мавжудлиги ҳолатларида содир этилганлигига айтилади. Булардан ташқари, илгариги абортдан кейингиси орасидаги муддат 6 ойдан ошмаган бўлса, шунингдек, аборт йўриқномасида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам тиббий нуқтан назардан мумкин бўлмаганлик аломатларига тааллуқлидир. Даволаш муассасаларидан ташқарида аборт ушбу аломатларнинг мавжудлигидан қатъи назар, жиноятдир. Аборт сунғий равишда нормал кечаётган ҳомиладорлик тўхтатилган захотиёқ таъомланган жиноят деб топилади. Абортнинг шифокор акушер ёки гинеколог томонидан даволаш муассасаларидан ташқари жойларда ёхуд тиббиёт нуқтан назардан мумкин бўлмаган шароитларда, сунғий равишда аборт қилишга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан амалга оширилиши жиноий жазога лойиқ ҳисобланади. Ж.р.х.т.(а.) жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ж.р.х.т.(а.) учун ЎзР ЖКнинг 114-м.сида жиноий жавобгарлик белгиланган.

ЖИНОЙ УЮШМА – икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият б-н шуғулланиш учун олдиндан бириктирилиши. Ж.у. олдиндан тил бириктириш б-н бирга яна жиноят иштирокчиларининг уюшганлиги ва улар ўртасидаги субъектив боғланишнинг барқарорлиги даражаси каби белгилар б-н ажралиб туради. Мазкур талаб Ж.у.нинг ҳуқуқий баҳолалишига ҳам тўлиқ тарзда тегишлидир. ЎзР ЖК 30-м.сида асосан, уюшган гуруҳ ёки Ж.у. ташкил этган ёки унга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жиноий нияти б-н қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар. ЎзР ЖК 242-м.си Ж.у. ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият учун жавобгарликни назарда тутди.

ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ОШҚОРЛАШТИРИШ (ЛЕГАЛЛАШТИРИШ) – Ж.ф.о.д.о.(л.), яъни жиноий фаолият натижаси-

да топилган мулкни ўтказиш, мулкка айлантириш ёки алмаштириш, шунингдек, жиноий фаолият натижасида олинган мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини, тасарруф этиш, ташилиш усулини, мулкка нисбатан ҳақиқий эгаллик ҳуқуқининг ёки унинг қимга қарашлилигини яшириш ёки сир сақлаш. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда тарқалган халқаро тусдаги жиноят.

Мазкур жиноят учун ЎзР ЖКнинг 243-м.сида жавобгарлик ўрнатилган. Ушбу жиноятнинг объектив томонини жиноий йўл б-н топилган пулларни мамлакат чегарасидан ташқарига олиб чиқиш ва турли давлатларда тижорат банкларининг ҳисобварақларига жойлаштиришни ташкил этади. Бунда ушбу маблағларга расмий йўл б-н қорхоналар, банklar ва б. юридик шахслар сотиб олинади ёки ташкил этилади, хорижий валюта сотиб олинади, ташқи иқтисодий битимлар тузилади. Ж.ф.о.д.о.(л.)нинг иштирокчилари кўпинча омонатларнинг банқда сир сақланиши принциpidан фойдаланишдан банк ходимлари бўлади. Ж.ф.о.д.о.(л.) жиноий йўл б-н топилган қонуний маблағларни қидириб топиш, олиш ва мусодара қилиш тўғрисида Страсбург Конвенцияси томонидан оғир халқаро жиноятларга киритилган. 1990 й.да ушбу Конвенция иштирокчилари бўлган давлатлар бундай маблағларни “ҳалоллашни” ўз ҳудудларида жиноят деб эълон қилиш, қонуний маблағларни қидириб топиш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тартиби тўғрисида жиноятга доир бошқа қонунларни қабул қилиш, банк ходимлари томонидан ўз миқдорларининг омонатлари ҳақидаги маълумотларни ошқор этиш ёки улардан ноинсофларча фойдаланишга қўйилмаган барча чекловларни олиб ташлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу жиноятларни ўз вақтида очишга имкон берувчи банк операцияларини текширишлари учун рухсат бериш мажбуриятларини олдилар. Банк ходимларига ваколатли органларга шубҳали пул омонатлари ва уларнинг қўчиши тўғрисида хабар бериш мажбурияти юклатилади.

ЎзРда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги муносабатлар 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги ЎзР Қонун б-н тартибга солинган.

ЖИНОЙ ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНИШ – к.: *Ўз-ўзига ишониш*.

ЖИНОЯТ – ижтимоий хавфли қилмиш. ЎзР ЖК 14-м.сида кўра, ЖК б-н таъқиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди б-н Ж. деб топилади. ЎзР ЖК б-н қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Ж. деганда фақат шахснинг муайян объектив шаклда ифодаланган қилмиши, яъни ҳулқ-атвори тушунилади. Ижтимоий хавфли қилмишда ўз ифодасини топмаган фикрлар, ниятлар, хоҳиш-истаклар Ж. деб топилиши мумкин эмас. Қилмиш икки шаклда: ҳаракат (субъектнинг фаол ҳулқ-атвори) ёки ҳаракатсизлик (шахснинг содир этиши шарт бўлган ва содир этиши мумкин бўлган ҳаракатни содир этмаганлигидан иборат пассив ҳулқ-атвор)да намоён бўлиши мумкин. Ж.лар ўз хусусияти ва ижтимоий

хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир Ж.ларга бўлинади. Тажовуз объектига кўра, шахсга қарши Ж.лар, иктисодиёт соҳасидаги Ж.лар, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши Ж.лар, давлат ҳокимиятига қарши Ж.лар, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши Ж.лар, тинчлик ва хавфсизликка қарши Ж.лар фарқланади. Айбнинг шаклига кўра Ж.лар қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилади. ЎзР ЖКда қабул қилинган Ж. тушунчасининг расмий-моддий таърифи аксарият чет мамлакатларга хос эмас. Мас., Англия ва Франция Ж. ҳуқуқида жиноий қилмишга қонуний таъриф умуман берилмаган. Ж. тушунчаси ё суд қарорларида (Англия), Ж.ларнинг муайян турларига нисбатан ё Ж. ҳуқуқи бўйича адабиётларда (Англия ва Франция) берилади. Ж. тушунчасининг норматив таърифлари АКШнинг айрим штатларида ва ГФРда мавжуд, аммо улар ҳам моҳият эътибори б-н расмий хусусиятга эга.

ЖИНОЯТ ИШИ – ЎзР ЖПК б-н белгиланган тартибда юритиладиган, ЎзР ЖК асосида кўзғатиладиган, тергов ва суд иш юритувида асос бўлиб хизмат қиладиган ҳамда ЎзР ҳудудида ягона умуммажбурий бўлган тартиб. Ж.и. қуйидаги босқичлардан ташкил топган: судгача бўлган босқич ва суд босқичи. Судгача бўлган босқич Ж.и. кўзғатилиши б-н бошланади. Ж.и. суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлганда кўзғатилиши шарт. Ж.и.ни кўзғатиш учун шахсларнинг аризаси; корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; жиноят содир этганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва излани суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг бевосита ўзи аниқлаши; айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлиб хизмат қилади. Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар Ж.и.ни кўзғатиш учун асос бўлади. Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар Ж.и.ни кўзғатиш учун сабаб бўла олмайди. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади: 1) Ж.и.ни кўзғатиш ҳақида; 2) ишни кўзғатишни рад қилиш ҳақида; 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида. Етарли сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда Ж.и.ни кўзғатиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Мазкур қарор ёки ажримда: ишни кўзғатиш учун сабаб ва асослар; ЖКнинг Ж.и. кўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси; ишни ўз юритувида олувчи суд ёки мансабдор шахс кўрсатилади. Суриштирувчи, терговчи, суд ишни кўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг нухасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади. Иш кўзғатилгандан кейин узокқа чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамияти бўлиши эҳтимол тутилган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва қўриқлаш юзасидан дарҳол чоралар кўриш

лозим. Ж.и. юзасидан дастлабки тергов босқичи тамомлангач ишни судда кўриш босқичига ўтилади. Судья Ж.и.ни айблов ҳулосаси б-н ёки тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор б-н қабул қилиб олгач, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради: 1) ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида; 2) Ж.и. юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида; 3) Ж.и. юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида. Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи б-н уч суткагача узайтирилиши мумкин.

Судда Ж.и.ни муҳокама қилиш фақат айбланувчиларга нисбатан олиб борилади.

Тайинланган жазонинг енгиллиги ёки оғирроқ жиноят тўғрисидаги қонунни қўллаш зарурлиги туфайли ҳукм бекор қилинганидан кейин иш кўриб чиқилган тақдирда суд муҳокамаси судланувчининг умуман айбдор-айбдор эмаслиги масаласига даҳл қилмаган ҳолда жиноятни тавсифлаш ва жазо чораси хусусидагина боради. Жиноят иш юритувиининг сўнгги босқичида Ж.и. ҳал қилиниб, унинг юзасидан айблов ёки оқлов ҳукми чиқарилади.

ЖИНОЯТ ИШНИ СУДДА КЎРИШ УЧУН ТАЙИНЛАШ – Ж.и.с.к.у.т. тартиби ЎзР ЖПКнинг 49-бобида белгиланган бўлиб, унга кўра судья жиноят иш-ни айблов ҳулосаси б-н ёки тиббий йўсиндаги мажбурият чораларини қўллаш масаласини кўриб чиқиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор б-н қабул қилиб олгач, қуйидаги ҳал қилув қарорларидан бирини қабул қилиш тўғрисида қарор (ажрим) чиқаради:

- 1) ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида;
- 2) жиноят иши юзасидан иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида;
- 3) жиноят иши юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида.

Ишни судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги ёхуд бошқача қарор қабул қилиш ҳақидаги масала судья томонидан иш судга келиб тушган кундан бошлаб етти суткадан кечиктирмай ҳал қилиниши лозим. Ушбу муддат шу суднинг раиси томонидан кўпи б-н уч суткагача узайтирилиши мумкин.

Ж.и.с.к.у.т. масаласини ҳал қилиш чоғида судья ҳар бир айбланувчига нисбатан қуйидаги ҳолатларни аниқлаши лозим:

- 1) иш мазкур суднинг судловига тегишлими;
- 2) ишни тугатиш ёки тўхтатишга сабаб бўладиган ҳолатлар йўқми;
- 3) ишнинг суд мажлисида қўрилиши учун асослар етарлими;
- 4) суриштирув ва дастлабки тергов ўтказиш чоғида ушбу ЖПК талабларига риоя қилинганми;
- 5) айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси тўғри танланганми;
- 6) жиноят оқибатида етказилган мулкий зарар қопла-нишини таъминлаш чоралари кўрилганми;
- 7) айблов ҳулосаси ЖПК талабларига мувофиқ тузилганми.

Ж.и.с.к.у.т. тўғрисидаги қарорда:

- 1) қачон ва қаерда чиқарилгани;
- 2) судьянинг лавозими ва фамилияси;
- 3) судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми,

ЖКнинг унга нисбатан эълон қилинган айбга доир моддаси;

4) ишнинг суд мажлисида кўрилиши учун етарли асослар борлиги тўғрисидаги хулоса;

5) судланувчиларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси тўғрисидаги қарор;

6) суд муҳокамасида давлат айбловчисининг, шунингдек химоячининг иштироки;

7) суд муҳокамаси ўтказиладиган жой ва вақт кўрсатилиши лозим.

Судья дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулккий зарар қоплаишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклайди.

Ж.и.с.к.у.т. масаласини ҳал қилиш чоғида айбланувчининг яширинганлиги маълум бўлиб қолса, судья ушбу айбланувчига нисбатан ишни юритишни тўхтатиш ва унга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида ажрим чиқаради, ЖПК 410 ва 418-м.ларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Айни чоғда айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи ҳал этилади.

Айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги суд-тиббий экспертиза хулосаси б-н тасдиқланган тақдирда, судья айбланувчи соғайгунга қадар ишни юритишни тўхтатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

ЖПК 399-м.сининг биринчи қисмига мувофиқ юритишдан тўхтатилган жиноят иши айбланувчини қидириш чораларини кўриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга ўтказилади.

ЖПК 83-м.сида ҳамда 84-м.сининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлса, суд жиноят ишини тугатади. Шу б-н бирга суд қўлланилган эҳтиёт чораларини, фуқаровий даъвои таъминлаш чораларини бекор қилади ҳамда ашёвий далиллар масаласини ҳал этади. Суд ЖПК 84-м.сининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ишни тугатишга ҳақлидир. Ишнинг тугатилгани тўғрисида айбланувчи ва жабрланувчига хабар берилади.

Судья жиноят иши судда муҳокама қилиш учун тайинлангандан сўнг прокурор, химоячи, жамоат айбловчиси, жамоат химоячиси, шунингдек судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига, башарти улар дастлабки тергов даврида иш материаллари б-н таништирилмаган бўлсалар, ишдаги барча материаллар б-н танишиб чиқишлари ва ўзлари учун зарур бўлган маълумотларни кўчириб олишларига имкониёт яратиши шарт.

Судья ўз қароринда кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида фармойиш беради, уларга чақирув қозони топширилишини таъминлайди, шунингдек суд мажлисига тайёргарлик б-н боғлиқ бошқа чораларни кўради.

ЖИНОЯТ ИШНИ ҚЎЗГАТИШ – ЎзР ЖПКнинг 321-м.сига мувофиқ, сурштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини қўзғатиши шарт.

Ж.и.к. учун: 1) шахсларнинг аризалари; 2) қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, сурштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг бевосита ўзи аниқлаши; 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади.

Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди.

Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим.

Оғзаки ариза баённомада қайд этилади. Баённомада арз қилувчи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек шахсий ҳужжатлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши лозим. Башарти, арз қилувчи ҳужжат кўрсата олмаса, унинг шахси тўғрисидаги маълумотларни бошқа йўллар б-н текшириш чораси кўрилиши керак.

Арз қилувчи жиноят тўғрисида била туриб ёлгон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади ва бу ҳусусда баённомада қайд қилиниб, унинг имзоси б-н тасдиқланади. Сўнгра баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари ҳусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борича сўзма-сўз акс эттирилади. Баённомани арз қилувчи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс имзолайдилар.

Ж.и.к.га айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз сабаб бўлса, била туриб ёлгон хабар берганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилмаслигини мустасно этганда, унга шахсларнинг аризаларини қабул қилиш ва расмийлаштириш тўғрисидаги ушбу моддада назарда тутилган барча қоидалар тааллуқлидир.

Айбни оғирлаштирмайдиган ҳолатларда номусга текканлик ва жинсий эҳтиёжни зўрлик б-н ғайритабiiий усулда қондирганлик тўғрисидаги жиноят иши (Жиноят кодекси 118-м.сининг биринчи қисми ва 119-м.сининг биринчи қисми) айбдорни жавобгарликка тортишни сўраб жабрланувчи берган шикоят аризаси асосидагина қўзғатилади. Жабрланувчи ночор ахволда бўлганлиги туфайли, айбланувчига қарам бўлганлиги ёки бошқа сабабларга қўра ҳуқуқини ва қонуний манфаатларини шахсан ўзи химоя қила олмайдиган фавқулодда ҳолларда прокурор жабрланувчининг аризасисиз ҳам Ж.и.к.и шарт.

Қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар жиноят тўғрисида берган хабарлар хизмат хати ёки тасдиқланган телефонграмма, телеграмма ёхуд радиограмма шаклида бўлиши лозим. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиб юбориши мумкин.

Муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунингдек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар Ж.и.к.га сабаб бўлади.

Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига асосан ўз ихтиёрларида бўлган ҳужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт.

Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши куйидаги ҳолларда Ж.и.к.га сабаб бўлиши мумкин:

1) суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

2) терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

3) прокурор қонуларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

4) судья маъмурий ҳуқуқбузарликка доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

5) суд фуқаровий ишни ёки бошқа жиноятга доир ишни юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида.

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва б. маълумотлар рўйхатга олиниши ва дархол ёки уч суткадан кечиктирмасдан, Ж.и.к. учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёки суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда, ўн суткадан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши лозим. Ушбу муддатлар жиноятга оид хабар олинган пайтдан бошлаб то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади.

Кўрсатилган муддатлар ичида кўшимча ҳужжатлар, изоҳлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин. Иш қўзғатилгунга қадар бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) Ж.и.к. ҳақида;

2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;

3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Ж.и.к. учун етарли сабаб ва асослар мавжуд бўлган тақдирда Ж.и.к. тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Қарор ёки ажримда:

ишни қўзғатиш учун сабаб ва асослар;

жиноят кодексининг жиноят иши қўзғатилган жиноятни назарда тутувчи моддаси;

ишни ўз юритувига олувчи суд ёки мансабдор шахс кўрсатилади.

Суриштирувчи, терговчи, суд ишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор ёки ажримнинг нухасини ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади.

Иш қўзғатилгандан кейин узокка чўзилган жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятлар такрорланишига йўл қўймаслик, шунингдек иш учун аҳамияти бўлиши эҳтимол тутилган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва кўриклаш юзасидан дархол чоралар кўриш лозим.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТИЛАДИГАН ТИЛ – жиноят процессининг принципи бўлиб, жиноят ишлари юритилишида фуқароларнинг миллий тенглиги ва ҳаётнинг барча жабҳаларида миллий тиллардан эркин фойдаланиш кафолати.

ЎЗР ЖПКнинг 20-м.сига мувофиқ, жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Иш судда кўрилаётган тилни билмаслик тарафларнинг ишда иштирок этиши учун тўсқинлик қилолмайди.

Иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи биладиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва шикоятлар б-н мувожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Мазкур принципни амалга ошириш иш судда кўрилаётган тилни билмайдиган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини ва миллий манфаатларини кафолатлайди. Бу ҳуқуқлар процесс иштирокчиларига тушунтирилиши ва уларни қўллаш имконияти таъминланиши лозим.

Айбланувчига, судланувчига ёки процесда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

Ушбу принцип муайян бир ҳудуд доирасида тергов ва суд муҳокамаси бир тилда олиб борилишини талаб қилади. Шахс судда иш кўрилаётган тилни билмаса, бундай шахс иштирокида бажариладиган барча процессуал ҳаракатларда қатнашишга таржимон мажбурий тартибда жалб қилинади. Таржимон иштироки судда иш кўрилаётган тилни билмайдиган шахснинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини нафакат таъминлайди, балки далилларни мустаҳкамлашга қўмақлашади, терговчи ва судда сўрок қилинаётганлардан ҳамда ёзма ҳужжатларда бўлган тўлиқ ахборотни олишга имкон беради. Иш юритаётган шахслар таржимон вазифасини бажаришга ҳақли эмаслар.

Иш судда кўрилаётган тилни билмайдиган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг таржимон ёрдамида ҳам химояланиш ҳуқуқини амалга ошириши мураккаблигини инobatга олиб, қонуни дастлабки тергов босқичида ва ишни судда кўришда химоячининг қатнашиши шартлигини белгилайди. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, химоячининг ҳуқуқларини иш судда кўрилаётган тилни билмаслиги сабабли ҳар қандай чеклаш ҳамда процесснинг ҳар бир босқичида бу шахсларни она тилидан фойдаланиш имконияти б-н таъминламаслик ҳукм бекор қилинишига олиб келадиган жиддий бузилишдир. Жиноят ишлари юритиладиган тил принципи

жиноят судлов ишларини фуқаролар учун тушунарли қилади, суд процесси иштирокчиларининг, миллатидан қатъи назар, қонун ва суд олдиди тенглигини кафолатлайди, ишга доир ҳолатларни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текширилиши учун шарт-шароитлар яратади, ошқораликни ва процесснинг бошқа асослари татбиқ этилишини таъминлайди, маижаатдор шахсларга қонун томонидан берилган ўз ҳуқуқ ва маижаатларини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш имконини беради. Шу боисдан жиноят ишлари юритиладиган тил ҳақидаги қоидаларнинг бузилиши иш юзасидан чиқариладиган ҳукм ва б. процессуал қарорларнинг бекор қилиниши учун асос ҳисобланади.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ БИРЛАШТИРИШ ВА АЖРАТИШ – ЎЗР ЖКнинг 332-м.сига мувофиқ, битта тергов ёки суд иш юритувига фақат бир неча шахснинг бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этганликда айбланишига доир ишлар ёхуд бир шахснинг бир неча жиноятни содир этганликда айбланишига доир ишлар бирлаштирилиши мумкин. Бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирув, дастлабки тергов ва суд томонидан ишни қўриб чиқишнинг тўлиқ ва ҳолисона бўлишига таъсир қилмас, йўл қўйилади. Ишни бирлаштириш ва ажратиш суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими б-н амалга оширилади.

ЖИНОЯТ КВАЛИФИКАЦИЯСИ – айниқса жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси, криминология ҳамда криминалистикада фойдаланиладиган тушунча. Ушбу тушунча илмий таҳлилда жиноят ҳуқуқининг умумий қисмига оид Ж.к.нинг икки жиҳати бор: 1) алоҳида тоифадаги жиноятлар; 2) барча турдаги жиноятларнинг умумий моҳияти, қоида ва методлари тадқиқ қилинади. Ж.к. жараёни жиноят процессининг барча босқичларида амалга оширилади.

ЖИНОЯТ КОДЕКСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси*.

ЖИНОЯТ КОДЕКСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ДОИРАСИ – ЎЗР ЖКнинг ЎЗР ҳудудидида жиноят содир этган шахсларга, ЎЗР ҳудудидан ташқарида жиноят содир этган шахсларга нисбатан, шунингдек вақт бўйича амал қилиши.

Ўзбекистон ҳудудидида жиноят содир этган шахс ушбу кодекс бўйича жавобгарликка тортилади.

Қилмиш:

а) Ўзбекистон ҳудудидида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;

б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидида юз берган бўлса;

в) Ўзбекистон ҳудудидида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;

г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар б-н биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудидида юз берган бўлса, Ўзбекистон ҳудудидида содир этилган жиноят деб топилади.

Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кemasида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб, чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда жиноят содир этилса, бундай жиноят учун ЎЗР ЖК бўйича жавобгарликка тортилади.

Амалдаги қонунлар, халқаро шартномалар ёки битимларга мувофиқ чет эл фуқароларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ЎЗР судларига тегишли бўлмаса, улар ЎЗР ҳудудидида жиноят содир этган ҳолда, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳал қилинади.

ЎЗР фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахслар, башарти бошқа давлат ҳудудидида содир этган жиноят учун ўша давлат судининг ҳукми б-н жазоланган бўлмасалар, ЎЗР ЖК бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Ўзбекистон фуқароси чет эл давлати ҳудудидида содир этган жинояти учун, агар халқаро шартномалар ёки битимларда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, ушлаб берилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон ҳудудидида доимий яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина ЎЗР ЖК бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун б-н белгиланади. Агар ЎЗР ЖК моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий ҳавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ЎЗР ЖК моддасида жиноий оқибат юз бериши б-н жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади.

Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар хали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади.

Қилмишнинг жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас (ЎЗР ЖКнинг 11–13-м.лари).

ЖИНОЯТ МОТИВИ – жиноят субъектив томонининг факультатив белгиларидан бири. Ж.м. қилмишни тўғри квалификация қилишда, жиноятни бошқа жиноят таркибидан фарқлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. Ж.м. муайян мақсаднинг вужудга келишини, унинг йўналишини ифодалайди. Айрим ҳолларда Ж.м. жиноятнинг зарурий белгиси, бошқа ҳолларда жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ж.м. шахсда жиноят содир қилиш қарори ва хоҳишини уйғотувчи ички ҳиссиётдир. Ж.м. фақат қасддан содир этилган жиноятларга хос. Ж.м. рашк, ўч олиш, безорилик, миллатлараро, шахсий ғараз ва ҳ.к. заминидида шаклланади. Содир этилган бошқа жиноятни яшириш, мурданинг аъзоларини трансплантация қилиш учун олиш, шахвоний эҳтиёжни қондириш, халқаро алоқаларни ёмонлаштириш мақсадида урушни тарғиб қилиш, назорат қилинмайдиган фойда олиш қилар бўлиши мумкин.

ЖИНОЯТ ОБЪЕКТИ – жиноят қонуни б-н қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар, жиноятнинг нимага

қаратилганлиги, унинг зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган мўлжали. Ж.о.ни аниқлашни қонуни б-н қўриқладиган ижтимоий муносабатлардан бошламоқ лозим. Ушбу ижтимоий муносабатлар ЎзР ЖК 2-м.сида маълум қимматликлар тарикасида ва ЎзР ЖК Махсус қисми барча бўлими ва бобларининг помланишида ифодадангап жиноят қонунчилиги б-н қўриқладиган, жамиятда юзага келадиган қимматликлар мезони ва мохиятини очиб берувчи нисбатан юқори ва муҳим аҳамиятга эга бўлган, умумий ҳисобда соф ижтимоий категория бўлган ижтимоий муносабат бўлиб, унга нисбатан жиноятчи қасд қилади, уни бузади (ёки унга суиқасд қилади, уни бузишга ҳаракат қилади). Умумий объект – жиноят қонуни қўриқлайдиган ижтимоий муносабатлар йигиндиси. Махсус объект эса – бир турга хос ижтимоий муносабатлар гуруҳи бўлиб, ЎзР ЖК Махсус қисми бир бўлимидаги жиноятларни содир қилиш махсус объектга қасд қилишдир. Турдош объект – ижтимоий қимматликлар махсус белгиларига қараб, гуруҳларга йирилган ижтимоий муносабатлар бўлиб, у айни пайтда, махсус объектнинг бир элементи. Жиноятнинг бевосита объекти – жиноий қилмиш содир этилганида бевосита зарар кўрадиган ижтимоий муносабатдан иборат. Бевосита объект суд-тергов амалиётида жиноят таркибининг аниқланиши лозим бўлган қисмидир. Қўшимча объект – бу зарурий объект б-н бир вақтда бузиладиган Ж.о. Факультатив объект – зарурий ёки қўшимча объект б-н бир вақтда бузиладиган объект бўлиб, у объект сифатида муҳим ва қимматли аҳамият касб этади.

ЖИНОЯТ ПРЕДМЕТИ – жиноят қонуни б-н қўриқладиган объектнинг ижтимоий хавфли ҳаракат тўғридан-тўғри таъсир қиладиган элементи. Ж.п. моддий дунё неъматли бўлиб, жиноятчи жиноят содир этилаётганда бевосита унга таъсир этади, шунингдек у туфайли жиноятни содир этади. Агар Ж.п. шахс бўлса, жиноят ҳуқуқида у жабрланувчи ҳисобланади. Жабрланувчи инсон сифатида Ж.п.дан фарқланади, бунинг сабаби, у жиноят объекти бўлиши учун унинг фаолияти сабаб бўлади. Мас., ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш. Ж.п. жиноят объектнинг факультатив белгисидир, чунки у ижтимоий муносабатларнинг моддий ифодаси бўлганлиги сабабли айрим жиноят таркибларида, мас., ЎзР ЖК 139, 140-м.ларида мавжуд эмас.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ ИШТИРОКЧИЛАРИ – Ж.п.и. куйидаги гуруҳларга бўлинадилар:

1) жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар. Ушбу гуруҳга суд, судья, халқ маслаҳатчиси, суд мажлиси котиби, прокурор, терговчи, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гуруҳи бошлиғи ва унинг ўринбосари, суриштирув органлари, суриштирув органи бошлиғи ва суриштирувчи қиради;

2) жиноят ишини юритишда иштирок этувчи жамоат бирлашмалари, жамоалар ва уларнинг вакиллари. Ушбу гуруҳ вакиллари жамоат химоячилари ва жамоат айбловчиларидир;

3) жиноят процессида ўз манфаатларини химоя қиладиган шахслар, химоячилар ва вакиллар. Мазкур гуруҳ айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, уларнинг вакиллари ва химоячилардан иборат;

4) жиноят процессида иштирок этувчи бошқа шахслар. Ушбу гуруҳ аъзолари – гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон ва ҳолис.

Ж.п.и. ва уларнинг ваколатлари ЎзР ЖПКнинг иккинчи бўлимида белгиланган.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВО

– бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида етказилган мулкий зиёни қоплаш тўғрисидаги талаб. Бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиёни қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда сугурта тарикасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади.

Фуқаровий даъвонинг судловга тегишлилиги бу даъво кўзгатирилган жиноят ишининг қайси судловга тегишлилигига қараб аниқланади.

Жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ўзини мулкий зиён кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши кўзгатирилган пайтдан бошлаб то суд терговчи бошлангунга қадар фуқаровий даъво кўзгатишга ҳақлидир.

Жиноят содир этиш ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида мол-мулки йўқолган ёки шикастланган шахс вафот этган тақдирда унинг мерохўрлари жиноят процессида фуқаровий даъво кўзгатиш ва уни қувватлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам кўзгатилиши мумкин. Оғзаки даъво аризаси баёнмомага ёзиб кўйилади.

Ж.п.ф.д. кўзгатиш, уни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун давлат божни ундирилмайди.

Ж.п.ф.д. кўзгатилмаган шахс, шунингдек даъвоси кўрилмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибиде кўзгатишга ҳақлидир.

Фуқаровий даъво кўзгатирилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкий зиён етказилган деб ҳисобласа, уни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони кўзгатиш шахсга ёки унинг вакилига тақдим этилади. Бунда фуқаровий даъвогарга ЎзР ЖПКнинг 57-м.сида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, фуқаровий даъво деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Ариза берувчи фуқаровий даъво деб эътироф этилган ва айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилиши тўғрисидаги масала қўйилган шахснинг қилмишлари оқибатида етказилган зиён учун қонунга қўра бошқа шахслар мулкий жавобгар эканлиги аниқланган, тегишли фуқаровий ёки юридик шахсга ишда фуқаровий жавобгар тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор ёки ажрим фуқаровий жавобгарга ёки унинг вакилига эълон қилинади. Бунда уларга ЎзР ЖПК 59 ва 63-м.ларида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилади.

Прокурор фукаровий даъвони кўзгатиши ёки кўзгатилган фукаровий даъвони қувватлаши ёхуд башарти, давлат ёки жамият манфаатларини ёхуд фукароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тақозо этса, даъвога қарши эътироз билдириши шарт.

Суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фукаровий даъво бўйича иш юритиш қонунда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фукаровий даъво бўйича юзага келадиган процессуал муносабатлар қонун б-н тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процесси принципларига хилоф бўлмаган фукаровий-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади.

Фукаровий даъво бўйича иш юритишда зиёни ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули фукаровий, меҳнат ва б. соҳа қонун ҳужжатлари қоидаларига мувофиқ аниқланади.

Бошқа соҳа қонун ҳужжатларида белгиланган даъво муддати жиноят процессидаги фукаровий даъвога нисбатан қўлланилмайди.

Айбланувчи, судланувчи ёки фукаровий жавобгарнинг даъвони тан олганлиги, шунингдек фукаровий даъво, айбланувчи, судланувчи ёхуд фукаровий жавобгарнинг ўзаро келишганлик тўғрисидаги аризаси фукаровий даъво бўйича иш юритишнинг тугатилишига олиб келмайди ва суриштирувчини, терговчини фукаровий даъвога доир ҳолатларни синчковлик б-н, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш мажбуриятидан, судни эса фукаровий даъвони кўриш ва ҳал қилиш мажбуриятидан озод этмайди.

Даъводан воз кечишнинг қабул қилиниши даъво бўйича иш юритишни тугатишга асос бўлади ва жиноят процессида ҳам, фукаровий суд ишларини юритиш тартибда ҳам фукаровий даъвогарни ўша шахсга ҳудди шу асос б-н даъвони қайта кўзгатиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

Айблов ҳукмини чиқаришда, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки содир этган қилмишнинг хусусиятига ва ўзининг руҳий ҳолатига кўра шахс ижтимоий хавфли бўлмаган ҳолларда бундай чорани қўлламаслик ҳақида ажрим чиқаришда суд асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд уни қаноатлантиришни рад этади.

Суд оқлов ҳукмини чиқараётганда, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқараётганда фукаровий даъво қондиришни қуйидаги ҳолларда рад этади, башарти:

1) жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш ходисаси юз бермаган бўлса;

2) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг содир этилган жиноятга ёки ижтимоий хавфли қилмишга дахли йўқлиги аниқланган бўлса;

3) судланувчининг ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш масаласи ҳал этилаётган шахснинг мулкий зиён келтирган ҳаракати зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаган ҳолда содир этилган бўлса.

Судланувчи томонидан содир этилган қилмиш жиноят деб топилмаганлиги сабабли у оқланган тақдирда, шунингдек ушбу ЎзР ЖПК 283-м.сининг иккинчи қисмида кўрсатилган асослардан бошқа асосларга кўра тиббий

йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш бўйича иш юритиш тугатилганда суд даъвонинг исботланиш даражаси ва ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёки қаноатлантиришни рад этади.

Даъвонинг ҳажми жиноят тавсифига ва айбдорга жазо чораси тайинлашга таъсир этмаса, фукаровий даъвони қаноатлантиришда суд даъво талаби чегарасидан чиқишга ҳақлидир.

Жиноят процессида кўзгатилган фукаровий даъво қаноатлантирилмаган тақдирда даъвогар шу шахсга ва ҳудди шу асослар бўйича фукаровий суд ишларини юритиш тартибда даъво кўзгатиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Жиноят парасеси бўлган мол-мулк, башарти аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми б-н давлат эгалигига ўтказилади. Бу мол-мулк топилмаган бўлса, суд ҳукми б-н, жиноят иши тугатилган бўлса, суднинг фукаровий суд ишларини юритиш тартибда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра унинг қиймати давлат фойдасига ундирилади.

Айбланувчи томонидан жиноий йўл б-н орттирилган пуллар, буюмлар ва б. бойликлар суд ҳукми б-н етказилган мулкий зиёни қоплаш учун сарфланади, зиёни қоплашдан ортган сумма эса, давлат фойдасига ўтказилади.

Жиноят парасеси бўлмиш мол-мулк учинчи шахсларда топилиб, улардан тартиб олинган ва тегишлигига қараб, қайтарилган бўлса, судланувчи томонидан ушбу мол-мулкни сотиш йўли б-н орттирилган пуллар, буюмлар ва б. бойликлар суд ҳукми б-н давлат эгалигига ўтказилади. Мол-мулкни ҳалол йўл б-н топган пулига сотиб олган шахсга бу мол-мулк эгасига қайтарилиши натижасида етказилган зиёни ундириш ҳақида маҳкумга нисбатан фукаровий суд ишларини юритиш тартибда даъво кўзгатиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Ҳукмининг ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги ажримнинг фукаровий даъвони қаноатлантиришга, шунингдек бошқа мулкий ундиришларга оид қисми фукаровий-процессуал қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ижро этилади (ЎзР ЖПКнинг 275 – 286-м.лари).

ЖИНОЯТ СОДИР ҚИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ – жиноят ҳуқуқида қасдан жиноят содир этишнинг муайян босқичи бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятга суиқасд қилиш ва охирига етказилган жиноятларда ифодаланади. Ж.с.қ.б. тушунчасига жиноят ҳуқуқида жиноий фаолиятнинг ривожланиш босқичлари деб қаралади. Қонун охирига етказилмаган жиноятнинг қуйидаги босқичларини белгилайди: жиноятга тайёргарлик кўриш; жиноят содир этишга суиқасд қилиш. Жиноятга тайёргарлик кўриш фақат тўғри қасд б-н содир этилади. Шахс, жиноят содир этишга тайёргарлик кўрар экан, ўз тайёргарлик ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англайди, бундай ҳаракатлари б-н қўзланган жиноятни содир этиш учун шарт-шароит яратаётганини тушунади. Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноий фаолиятнинг дастлабки босқичи ҳисобланади ва б. босқичларга қараганда ижтимоий хавфлилик даражасининг камлиги б-н тавсифланади. Жиноят содир этишга суиқасд қилиш – бу қасдан содир этиладиган жиноят объектив томонининг таркибий қисми ҳисобланган тугалланмаган ёки айбдор истаган натижага олиб кел

маган ҳаракат (ҳаракатсизлик). Жиноят содир этишга суиқасд қилишга қонунда берилган таърифнинг мазмунига қараб жиний фаолиятнинг мазкур босқичини тавсифловчи аломатларни аниқлаш мумкин. Уларга қуйидагилар қиради: жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳаракат (ҳаракатсизлик); тамом бўлмаган жиноят; жиноят тугалланмай қолишига олиб келган ва жиноят содир этишга суиқасд қилган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар. Тамом бўлган жиноят бу жиноятчи шахс томонидан содир этилган жиноят қонуни б-н тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишни ҳеч бир тўсиқларсиз охирига етказа олганлигида ифодаланади.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ГИПОТЕЗАСИ – жиноят қандайдир муайян усулда амалга оширилган, деб тахмин қилиш. Бу ўринда гап жиний жазога тортиладиган қилмишни очиш чоғида қўлланиладиган криминалистик фикрлаш усули ҳақида бормоқда. Ушбу усул аввалги тергов натижалари жиний ҳолатни очиш учун етарли бўлмаганда киритилади. Ж.с.э.г. ишончли, аммо етарли бўлмаган маълумотларни ҳам исботланиши керак бўлган вақтинчалик экспериментал тахминлар б-н қўшилади.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ ЖОЙИ – жиноят бошланган ёхуд жиний оқибат рўй берган муайян ҳудуд ёки бино. Бу жиноят содир қилинган чегараланган ҳудуд, жой, географик нуқта бўлиб, унга мас., уй-жой, ўрмон, омбор ва ш.к. кириши мумкин. Ж.с.э.ж. жиноят қонуни амал қиладиган бутун ЎзР ЖК 11, 12-м.ларидаги қондаларга кўра белгиланган ҳудудда жиний жавобгарликни юзага келтиради. Бу ҳолатда Ж.с.э.ж. ҳудуд ва фуқаролик принципларига асосан белгиланади. Бу принциплар асосида ЎзР ҳудудида ва ундан ташқарида содир қилинган жиноятлар учун жиний жавобгарлик масаласи ҳал қилинади. ЎзР ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган ҳолларда Ж.с.э.ж. жиноятнинг зарурий белгиси бўлади, мас., ЎзР ЖК 202, 220, 222-м.лари. Агар модданинг диспозициясида Ж.с.э.ж. зарурий белги бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари жиноятнинг айнан ўша жойда содир бўлганлигини аниқлашлари лозим.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ МАҚСАДИ – жиноят субъектив томонининг факультатив белгиларидан бири. Ж.с.э.м. қилмишни тўғри квалификация қилишда, жиноятни бошқа жиноят таркибидан фарқлаш ва адолатли жазо тайинлашда муҳим аҳамиятга эга. Баъзи ҳолларда Ж.с.э.м. жиноятнинг зарурий белгиси, бошқа ҳолларда жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ж.с.э.м. жиноятнинг мотиви каби фақат қасддан содир этилган жиноятларга ҳосидир. Ж.с.э.м. жиноят ҳуқуқи нормаларида аниқ кўрсатиб ўтилади. Мас., тамағирлик ниятида одам ўлдириш (ЎзР ЖК 97-м.си иккинчи қисмининг “и” банди), ўлган одамнинг органлари ёки танасининг аъзоларини трансплантация қилиш мақсадида олиш (133-м.). Лекин бир қатор нормаларда мақсад аниқ кўрсатилмасдан фақат умумий тавсифи берилган, холос. Мас., мансабдор шахс томонидан тамағирлик ёки бошқа манфаатдорлик мақсадида била туриб расмий ҳужжатларга ёлғон ёзувлар ва маълумотлар киритиб қўйиш (209-м.) ва х.к. Жиноятни квалификация қилишда Ж.с.э.м. аҳамиятга эга. Мас., талон-торож қилишнинг мотиви фараз; қўшмачиликни эса тамағирлик ёки бошқа истаклар (131-м.), одамлардан фойдаланиш учун

уларни ёллашнинг муҳим белгиси – шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш (135-м.): урушни тарғиб қилишда – агрессияни келтириб чиқариш; терроризмда – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш ёки ЎзРда вазиятни ёмонлаштириш. Кўп ҳолларда Ж.с.э.м. жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Мас., фаразли мақсадларда одам ўлдириш, миллий ёки ирқий адоват замирида одам ўлдириш, киши аъзоларини кесиб олиш ва улардан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш (97-м.сининг иккинчи қисми), инсон тўқималари ёки аъзоларини фараз ёки бошқа ниятларда кесиб олиш ва трансплантация қилиш (133-м.сининг иккинчи қисми), одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, агар ЎзРда ташқарига олиб чиқиб кетиш мақсадида қилинса (135-м.сининг учинчи қисми) ва х.к. Айрим ҳолларда Ж.с.э.м. жазо тайинлашда эътиборга олиниши мумкин. Мас., қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида жиноятчини ушлаш вақтида унга шикаст етказилса, айбни енгиллаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади. Миллий, ирқий ёхуд диний адоват, фараз ёки паст ниятларда жиноят содир қилинса, айбни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШГА СУИҚАСД ҚИЛИШ – к.: Суиқасд.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТИШ – ЎзР ЖК 26-м.сига кўра, шахснинг жиноятга тайёргарлик кўриш ҳаракатларини ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатиши, шунингдек жиний оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда, шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олиши.

ЖИНОЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ – социологиянинг тармоғи. Жиноятни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганишда ҳамда ижтимоий боғлиқлик сабабларини аниқлашга ҳаракат қилади.

ЖИНОЯТ СУБЪЕКТИ – жиноят ҳуқуқи назариясида кўра, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонунда белгиланган ёшга етган ва ақли расо жисмоний шахслар тушунилади.

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ – ЎзР ЖК 16-м.си иккинчи қисмида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган бўлиб, унга биноан, фақат ушбу Кодексда назарда тутилган Ж.т.нинг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Ж.т. ҳақидаги таълимот жиноят ҳуқуқи фанининг марказий масалаларидан биридир. Ж.т.нинг тўғри аниқланиши жиноятни хатосиз квалификация қилиш учун асос ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида одил судловни амалга ошириш ва қонунчилиқни мустаҳкамлаш ҳамда пировард натижада айбланувчининг тақдирини ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Ж.т.нинг умумий қисмига оид масалаларни ҳал этиш Махсус қисмидаги ҳар бир Ж.т. тўғрисидаги таълимот б-н узвий боғлиқ равишда олиб борилиши зарур.

Ижтимоий хавфли қилмишнинг жинийлигини аниқлаш (криминализация қилиш) воситаси фақат Ж.т.дир.

Бирор қилмишнинг жинийлигини эътироф этиш унинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашни талаб этади.

Жиноятни квалификация қилишда ҳам Ж.т. аҳамиятга эга. Муайян жиноятларнинг алоҳида белгилари туфай-

лигина бир жиноятни бошқасидан фарқлаш мумкин. Мас., ўғирлик бировнинг мулкни яширин равишда талон-торож қилиш бўлиб, талончилик эса очикдан-очик талон-торож қилишдир.

Ж.т.нинг бир неча вазифаси мавжуд:

1) жамият учун хавфли қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш воситаси;

2) жиноий жавобгарлик учун асос бўлиши;

3) жиноятчилик даражасини аниқлашда қонунчилик андозаси бўлиши;

4) жиноятларни фарқловчи восита сифатида хизмат қилиши;

Ж.т.нинг турлари: жиноятлар моддий, формал ва кесик таркибларга ажратилади.

Моддий таркибли жиноятлар натижасида бирон-бир моддий оқибат келиб чиққани ёки келиб чиқиши мумкин бўлади. Мас., қасддан одам ўлдириш натижасида зарарли оқибат, яъни ўлим юз берган бўлиши керак. Айрим ҳолларда объектив ва субъектив сабабларга кўра ўлим юз бермаган бўлса, айбдор қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилади.

Формал таркибли жиноятда бирон-бир зарарли оқибатнинг келиб чиқиши шарт бўлмай, оқибат юз берганидан қатъи назар жиноят ҳисобланади. Ижтимоий хавфли ҳаракат содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун уни ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлигини аниқлаш кифоя. Мас., уйдирмалар тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этганлигини аниқлаш лозим. Бундай ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноят содир этилганлиги натижасида оқибатнинг вужудга келиши шарт эмас.

Кесик таркибли жиноят – унга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш боқичидаёқ охирига етказилган, тугалланган жиноят деб ҳисобланади. Мас., боқиччилик ёки товламачилик ёхуд жиноий уюшма ташкил этиш.

Ж.т. оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Оддий жиноятларда Ж.т.нинг ҳар бир элементи битта бўлади: 1та объект, 1та ҳаракат (ҳаракатсизлик), 1та оқибат, 1та айб шакли ва х.к. Мас., ЎзР ЖК 97-м.сининг биринчи қисми “Қасддан одам ўлдириш”.

Мураккаб жиноятларда Ж.т. элементларининг ҳар бири ёки бир нечаси иккита ва ундан кўп бўлади. Мас., икки объектли ёки кўп объектли жиноятлар, бир неча оқибат келтириб чиқарувчи жиноятлар ва х.к. Мас., боқиччилик мулкка ва шахснинг соғлиғига тажовуз қилишдан иборат.

ЖИНОЯТ ТАШКИЛОТЧИСИ – қ.: *Ташкилотчи*.

ЖИНОЯТ ФЕНОМЕНОЛОГИЯСИ – жиноятчиликнинг намоён бўлиши шакллари тўғрисидаги таълим, криминологиянинг алоҳида соҳаси. Ж.ф. муайян жиноятлар ва жиноят соҳаларини таҳлил қилишга бағишланган. Мас., ижтимоий хизмат кўрсатиш, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, табиатни муҳофаза қилиш, назорат-тафтиш, аудиторлик соҳалари. Ихтисослашмаган тузилмалар жиноятчиликнинг олдини олишда маълум даражада ўзига ҳос ўрин эгаллайди. Аммо уларнинг жиноятчиликка қарши изчил кураш олиб бориши тегишли органлар муурожаат қилганидан кейингина ёки ишловчилар мухитида ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизликни таъминлаш муносабати б-н вужудга келади. Қисман ихтисослашган профилактика

субъектлари эса ўз асосий вазифалари доирасида тизимли ажратилган профилактика функциясига эга бўладилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиноятчиликнинг олдини олишнинг ихтисослашган субъектлари ҳисобланади. Профилактика вазифалари ва функциялари уларнинг асосий, устувор вазифалари жумласига қиради. Булар суд, прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик, адлия органлари, божхона ва чегара хизматлари, ички кўшинлар, юридик йўналишдаги илмий ва таълим муассасаларидир. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимига айрим ихтисослашган жамоат бирлашмалари (тузилмалари), шунингдек адвокатура ва кўриқлаш хизматлари бирикади.

ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ ПОЛИЦИЯСИНИНГ ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ (ИНТЕРПОЛ) (инг. *Interpol*) – “International police” сўзини қискартирилишидан ташкил топган сўз бўлиб, Жиноят полициясининг халқаро ташкилотидир. Интерполни тузиш тўғрисидаги қарор 1914 й. Монако конгрессида қабул қилинган, лекин 1923 й. унинг биринчи устави қабул қилинган кундан бошлаб ҳаракат қила бошлаган ва 150 дан ортиқ аъзодан иборат. 1972 й.да Интерполнинг штаб-квартираси Франция (Лион шаҳри)га жойлаштирилган. ЎзР Интерполга 1994 й.да кирган. ЎзРнинг И. фаолиятида иштироки, ҳусусан, ЎзР ВМнинг 1994 й. 5 мартдаги 118-сон “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қидирув полициясининг халқаро ташкилоти (Интерпол)га кириши тўғрисида”ги қарори б-н тартибга солинади. Интерпол халқаро ҳуқуқ субъекти мақомига эга эмас. Аммо, БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши б-н тузилган иккала ташкилотнинг органлари ўртасида яқин ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга асосан халқаро ташкилот сифатида тан олинган. Интерполнинг аъзолари амалда тегишли ҳуқуқларнинг розилиги б-н унга қирадиган давлатларнинг полиция органлари ҳисобланади.

Интерпол доирасидаги ҳамкорлик миллий суверенитет ва миллий ҳуқуқнинг устуворлиғига риоя қилиш, ҳамкорликнинг универсал характери, шунингдек ҳамкорликнинг маълум ҳолатлар б-н чекланганлигига (сиёсий, ҳарбий, диний ёки ирқий характердаги ишлар истисно қилинади) асосланган.

Интерполнинг юқори органи мустақил орган – принциал масалаларни муҳокама қиладиган ва улар бўйича қарор қабул қиладиган аъзо – давлатларнинг расмий делегатларидан иборат Бош ассамблея ҳисобланади. Бош ассамблея қарорлар ижросини 13 кишидан иборат ижроия кўмитаси назорат қилади. Бош ассамблея ва ижроия кўмитаси мажлисларида раисликни 4 й. муддатга сайланадиган президент амалга оширади.

Интерполнинг доимий махсус органлари бош қотибият (Интерпол ишини таъминлайди, ўз номидан иш кўради ва ҳеч қайси ҳуқуқатга бўйсунмайди) ва миллий марказий бюролар (доимий марказий органлар ва Интерпол б-н алоқада бўлувчи органлар сифатида турли хил вазифаларни ҳал қилади; миллий чегаралар доирасида жиноий полициянинг жиноятчиликка қарши курашида барча масалаларга жавоб беради) ҳисобланади. Мас., ЎзРда тегишли органнинг фаолияти ЎзР ВМнинг 1994 й. 29 ноябрдаги 573-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Интерполнинг Миллий марказий бюроси тўғрисидаги низом б-н тартибга солинади.

Интерполнинг вазифалари қуйидагилардан иборат: а) тил б-н боғлиқ муаммоларни бартараф этган ҳолда Интерполнинг барча аъзолари б-н доимий маълумот алмашиши учун тезкор алоқани ўрнатиш; б) халқаро талабларга жавоб берувчи маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш хизматини ташкил этиш ва ривожлантириш; в) тез ва ишончли фаолият юритадиган қидирув хизматини ҳамда халқаро жиноятчиларни эълон қилишни таъминлаш; г) ўзаро техник ёрдам чораларини ўрнатиш; д) изланишлар, ўқитиш ва малака ошириш, малакали кадрлар ҳамда ёрдамчи воситалари б-н таъминлаш соҳаларидаги бевосита ёки билвосита фаолият йўли б-н халқаро ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш.

Интерпол ўзининг тез ва доимий (куну-тун) фаолият кўрсатувчи, шу жумладан бармоқ изларини ва фоторасмларни фототелеграф узатишни амалга оширувчи тезкор алоқа воситаларига эга. Маълумот хизмати криминалистик картотека ва маълумотларни қайта ишлаш тизими, халқаро жиноятчилар ҳақида маълумотлар банкига эга. Халқаро жиноятчиларни идентификациялаш, шу жумладан, шахсга ва иш категориясига тааллуқли ўзаро алоқа ва ўхшашликни аниқлаш учун маълумотларга баҳо бериш ва уларни қайта ишлаш маркази ташкил этилган.

Шахс ва (ёки) предметларнинг халқаро қидируви Интерпол Бош қотибияти томонидан миллий марказий бюроларнинг илтимоси ёки шахсий ташаббуси б-н эълон қилинади. Ушбу мақсадларда шахсларни қидириш тўғрисида эълонлар тарқатилади: ушлаш учун (“қизил бурчакли”); маълумотлар олиш учун (“қўқ бурчакли”); олдиндан қидирувни эълон қилиш (“яшил бурчакли”); шахси аниқланмаган мурдаларни идентификациялаш учун (“қора бурчак”ли) қидирув услублари эълон қилинади. Шунингдек, предметларнинг халқаро қидируви ҳам эълон қилиниши мумкин.

ЖИНОЯТ ҚОНУНИ – давлат ҳокимияти олий органининг жиноий жавобгарликнинг умумий асосларини белгиловчи, алоҳида турдаги жиноятлар ва уларни содир қилган шахсларга қўлланиладиган жазоларни назарда tutувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳуқуқий ҳужжат.

ЎзРнинг Ж.қ. – жиноят ҳуқуқининг принциплари ва умумий қондаларини, Ж.қ. вазифаларини, жиноят ва унинг белгиларини, жазонинг мақсади ва турларини, жазо тайинлаш ва жазодан озод қилиш асосларини белгилайди.

Ж.қ. мазмун жиҳатидан бирор ҳаракат (мас., фирибгарлик) қилишни ман этади ёки бирор ҳаракат қилишга (мас., хизмат вазифаларини бажаришга) мажбур қилади. Шу б-н бирга, қонун тегишли давлат ҳокимияти органи ва мансабдор шахсга Ж.қ. ман этган ижтимоий хавфли ҳаракатни содир қилган ёки қонун талабини бажармаган шахсни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш масаласини кўяди. Ж.қ. жамиятимизда мавжуд бўлган барча ижтимоий муносабатларни турли жиноий қилмишлардан химоя қилади.

ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ВАҚТ БЎЙИЧА АМАЛ ҚИЛИШИ – қ.: *Жиноят кодексининг амал қилиш доираси.*

ЖИНОЯТ ҚОНУНИНИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШ КУЧИ – қ.: *Жиноят кодексининг амал қилиш доираси.*

ЖИНОЯТ ҚУРОЛИ – шахс жиноятни содир этиш учун тайёрлаган ёки фойдаланган ҳар қандай предмет, мас., совуқ қурол, транспорт воситаси, асбоб-ускуна ва х.к. бўлиши мумкин. Ж.қ. жиноят таркиби белгиларига кўшилади, чунки у жиноят содир қилишни енгиллаштиради, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасини оширади. Ж.қ. жиноят содир қилиш воситаларининг бир қисmini ташкил этади. Ж.қ. ва воситасининг ўртасида фарқ бор. Жиноят содир қилиш учун айнан қандай предметнинг ишлатилиши, бу предмет ҳуқуқий норма б-н тақиқланган ёки тақиқланмаган эканини аниқлаш лозим. Физикавий, кимёвий ва биологик таъсирни таъминловчи, хужум қилиш ва химояланиш воситалари сифатида стандарт қуроллар б-н бир қаторда турлича қўлбола усулда тайёрланган ўқотар қуроллар ва портловчи мослама, қурилмалардан ҳам фойдаланилади. Ж.қ. сифатида ядровий, кимёвий, бактериологик, минали портловчи, ўқотар ва совуқ қуроллар ҳам учрайди. Ж.қ. жиноий ҳаракатни содир этишда ишлатиладиган буюм, предметдир. Ж.қ.ларини жиноятнинг айрим турларига кўра гуруҳлаш мумкин: ўғирликни содир этишда турли тўсиқларни бузишда қўлланиладиган буюмлар (уй-рўзғор ашёларини, теша, болта, пичоқ ва б.); слесарлик, дурадгорлик асбоблари (омбир, арра, эгов, ва б.); махсус тайёрланган, ясалган совуқ қуроллар (иччам лом, кафтга илдириб синдириш ва парчалаш ҳаракатига мўлжалланган темир. қўрғошин ва б. ясалган кафтга бойланадиган юмалоқ “наладонник”, кастет – тўрт бармоққа кийилиб зарба беришга мосланган, темир, пластик ёки ёғочдан ясалган мослама). Мас., босқинчилик ёки безорилик жиноятида ишлатиладиган ўқотар қурол, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш қондаларини бузиш жиноятида – портловчи моддалар ёки захарли-кимёвий моддалар тақиқланган.

Қотиллик жиноятларини содир этишда, шунингдек тан жароҳати етказишда юқорида келтирилган қуроллар қаторига ҳарбий бўлган отиш ва совуқ қуроллар қиради. Жиноят иши юзасидан юқорида келтирилган барча объектлар ашёвий далил сифатида таърифланади, зарурат бўлган ҳолларда экспертиза текширувидан ўтказилади. Ж.қ. суднинг ҳукмига асосан мусодара қилинади.

ЖИНОЯТ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАСЛИК ЁКИ УНИ ЯШИРИШ – Ж.х.х.б. ёки у.я. учун ЎЗР ЖК 241-м.сида жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноятнинг объекти суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ёки судларнинг нормал фаолияти ҳисобланади. Обьектив томондан мазкур жиноят тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермасликдан иборатдир. Хабар бермаслик, ўз фаолияти муносабати б-н ёхуд бошқа сабабларга кўра кимнингдир оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишга ҳозирлик кўраётганидан ёхуд тугалланган жиноятдан хабар топган шахснинг шу ҳақдаги ахборотни давлат ҳокимияти органларига, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга етказмаслигидан иборат. Тайёргарлик кўрилатган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида билган мансабдор шахс томонидан бу ҳақда хабар қилинмаган тақдирда, унинг қилмиши, ҳокимият ёки мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш сифатида ЎЗР ЖК 205-м.си бўйича квалификация қилиниши лозим. Оғир ёки

ўта оғир жиноят тушунчасининг таърифи ЎзР ЖК 15-м.сида берилган. Аниқ билгани ҳолда тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир Ж.х.х.б. ёки у.я. бошқа шахс ана шу воқеликни била туриб, маълум қилиш ҳаракатини кўрмаган пайтдан эътиборан тугалланган жиноят деб ҳисобланади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ҳар хил: жиноятни содир этган шахсни яшириб қолиш, гувоҳ сифатида иштирок этишни истамаслик ва ҳ.к. бўлиш тарзида ҳам учрайди. Мазкур жиноятнинг мотиви ва кўзланган мақсад қилмишни квалификация қилишда аҳамиятга эга эмас. ЎзР ЖК 241-м.си биринчи қисми бўйича тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаган шахс жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. ЎзР ЖК 241-м.си иккинчи қисми бўйича оғир ёки ўта оғир жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яширган шахслар жавобгар бўладилар. Жиноятни яшириш, жиноятчининг, жиноят изларининг, содир этилган жиноят қуроллари ва воситаларининг, жиний йўл б-н қўлга киритилган предметларнинг яширилишидан иборат. Яшириш жиноятчининг қиёфасини ўзгартириш учун кийим-кечак беришдан, шахсни биров-бир хужжат б-н таъминлашдан, қон изларини, бармоқ изларини йўқотишдан ва ҳ.к.дан иборат бўлиши ҳам мумкин. Олдиндан ваъда бериб жиноят ва уни содир этган шахсни яшириш содир этилаётган вақтда жиноятни содир этиш қуроллари ва воситалари б-н таъминлаш, жиноят изларини, жиний йўл б-н қўлга киритилган буюмларни яшириш муайян жиноятда иштирокчиликни ташкил этади. Оғир ёки ўта оғир жиноятни яширишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат содир этилган пайтдан эътиборан жиноят тугалланган деб ҳисобланади. Субъектив томондан ушбу жиноят қасдан содир этилади. Шахс оғир ёки ўта оғир жиноятни яшираётганини аниқ билиши исботланмоғи лозим. Жиноятнинг содир этилиш сабаблари ҳар хил – жиноятчидан кўркиш, қариндошлик ёки биродарлик алоқалари, сохта обрў ва ҳ.к. бўлиши жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Жиноятнинг субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ – ҳуқуқ соҳаси; қонунчилик соҳаси; ўқув фани. Ж.х. ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида ўз предмети ва вазифалари б-н бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқ қилади. Ж.х. қонунчилик соҳаси сифатида чиқарган қонун ва нормалар йиғиндисидан иборат жиний жавобгарлик асослари ва принциплари, айрим қилмишларнинг жинийлиги ва жазога лойиқлиги, жиний жавобгарликка тортиш ва жиний жазони ўташдан озод қилиш асослари, бошқа таъсир чораларини қўллашни белгилайди. Ж.х. фан соҳаси сифатида жиноят қонунлари ва фан соҳаларининг ривожланиш тарихи; жиноят ҳуқуқига оид нормаларни қўллаш самарадорлиги; хорийий давлатларнинг жиноят ҳуқуқи ва қонунлари; халқаро жиноят ҳуқуқи нормалари; жиноят қонунларини қўллашнинг назарий муаммолари, Ж.х. социологияси; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларига хавф тугдирувчи хулқ-атворнинг турли шакллари ва ш.к. муаммоларининг келиб чиқиш сабаблари ва ҳ.к.ни ўрганишга қаратилган ҳуқуқий қарашлар, тасаввурлар ва ғоялар йиғиндисидан иборат.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИ – давлат органи орқали таъминланадиган, унинг қоидалари бузилган

ҳолларда жиний жавобгарликка тортиш ва жазо чорасини қўллаш ҳолатини вужудга келтирувчи жиноят қонуни б-н белгиланган юриш-туриш қоидалари.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИНИНГ ДИСПОЗИЦИЯСИ – ижтимоий хавфли қилмишнинг белгилари ифодаланувчи алоҳида жиноятлар ва шу жиноятларнинг таърифи. Жиноят ҳуқуқи нормаларида диспозициянинг қуйидаги тўрт тури: оддий, тасвирлов, бланкет ва хаволаки диспозиция назарда тутилади.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИНИНГ САНКЦИЯСИ – ЎзР ЖК Маҳсус қисмида кўрсатилган жиноят учун белгиланган жазо чораси. Унда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жазонинг тури ва ҳажми белгиланади. Санкцияда қўшимча жазолар ҳам кўрсатилиши мумкин. ЎзР ЖКда санкциянинг икки турдан фойдаланилган: нисбий муайян санкция ва альтернатив санкция. Нисбий муайян санкцияда битта муайян жазо назарда тутилади ва унинг энг кам ва энг кўп чегараси кўрсатилади, (Мас., ЎзР ЖК 166-м.сининг иккинчи қисмида уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилган). Айрим моддаларда эса жазонинг энг кўп қисми кўрсатилиб, энг кам қисми кўрсатилмайди. Мас., ЎзР ЖК 98-м.си санкциясида беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш қўзда тутилган бўлиб, жазо муддатининг энг ками қанча бўлиши кўрсатилмаган. Альтернатив санкцияда асосий жазо сифатида тайинланиши мумкин бўлган икки ёки ундан кўп жазо турлари кўрсатилади. Альтернатив санкция судга муайян жиноят иши учун ҳукм чиқариш вақтида жиноятнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб жазо танлашга имкон беради. ЎзР ЖК Маҳсус қисмидаги кўпчилик моддаларнинг санкцияси альтернатив шаклда берилган. Фақат оғир ва ўта оғир жиноятларнинг санкцияларига нисбий муайян санкция шаклида берилган. ЎзР ЖКда мутлақ санкция назарда тутилмаган. Мутлақ санкцияда битта жазо тури ва катъий муддати кўрсатилади.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИДА ХАТО – шахсининг содир қилган жиний ҳолатларига бўлган нотўғри муносабати. Ж.х.х.нинг икки: юридик ва фактик тури мавжуддир.

Юридик хато деганда, жиноят ҳуқуқи назариясида қилмишни қилган шахсининг жиноят-ҳуқуқий мотив ҳақида нотўғри тасаввур тушунилади. Жиноят ҳуқуқи назариясида юридик хатонинг бир қанча турлари бор:

1) шахс қилмишини жиноят деб ҳисоблайди, лекин содир қилинган қилмишда жиноят белгилари бўлмайди. Бундай юридик хатода жиний жавобгарлик юзага келмаганлиги учун ўз-ўзидан жиноят деб ҳисобланмайди.

Агар шахс ўз ҳаракатларини жиноят деб ҳисобламаса, лекин ушбу ҳаракатда жиноят аломатлари бўлса, бундай ҳолда ушбу ҳаракатни содир қилганлиги учун жиний жавобгарлик белгиланади.

2) юридик хато шахс содир этаётган қилмишнинг юридик оқибатларини, жиноят учун белгиланган жазо тури ва миқдорини билмаслиги ёки нотўғри тасаввурга эга эканлигида ифодланади. Хатонинг турида шахсининг шундай қилмиш учун жавобгарлик белгиланганлигини билмаслиги уни жиний жавобгарликдан озод қилмайди. Юридик

хатонинг ахамияти шундаки, у на айбга, на жиноятнинг квалификациясига ва на жазо тайинлашга таъсир қилади.

Фактик хато дейилганда, жиноят ҳуқуқи назариясида шахснинг жиноят таркиби объектив томони белгилари тўғрисида нотўғри тушунчага эга эканлиги тушунилади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида фактик хатонинг ҳам бир неча кўриниши берилган: жиноят объектига, жиноят предметига нисбатан хато; жиноятнинг объектив белгиларига (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик келиб чиқиши мумкин булган оқибатларга) нисбатан, жабрланувчининг шахсига нисбатан; жиноят содир этиш услуби ва воситаларига нисбатан хато қилиш ва х.к. қиради.

Объектга нисбатан хато қилишда шахс жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа объектига зарар етказди. Мас., шахс омордаги буюмини портловчи модда деб ўғирлайди, аслида буюм умуман бошқа нарса бўлиб чиқади. Бу вазиятда шахс ўзганинг мулкни ўғирлаганлик учун деб жиний жавобгарликка тортилмасдан, балки унинг ҳаракати ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларига ғайриқонуний эгалик қилишга суиқасд деб ҳисобланади (ЎЗР ЖК 25-м., 248-м.). Жиноят содир қилган шахснинг ҳаракати айбдор қирининг йўналиши бўйича квалификация қилиниши керак. Бу вазиятда айбдорнинг фикри фақат портловчи моддага эгалик қилишга қаратилгани учун ва жиноят охирига етказилмаганлиги сабабли бу ҳаракат портловчи моддага ғайриқонуний эгалик қилишга суиқасд деб квалификация қилиниши керак.

Содир қилинаётган жиноятнинг хусусиятига қараб хатолар ҳар хил бўлиши мумкин. Мас., шахс ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлигига нисбатан адашиши мумкин. Бундай ҳолларда ғайриқонуний қилмиш айбнинг шаклига таъсир қилмайди, лекин жавобгарлик охирига етказилган жиноят учун эмас, балки жиноят қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши керак, яъни бу вазиятда айбдор ўз ниятини охирига етказа олмайди, ўз иродасидан ташқари ҳолатда ниятига ета олмайди. Мас., шахс ишонган ҳолда гиёҳвандлик воситасини олаётган, деб ўйлайди, бироқ у бошқа нарса олган бўлиб чиқади. Бундай ҳолатда ушбу шахснинг ҳаракати гиёҳвандлик воситасини ғайриқонуний равишда сотиб олишга суиқасд қилиш деб баҳоланмоғи лозим (ЎЗР ЖК 25-м., 273-м.).

Шундай хатолар бўлиши мумкинки, шахс ўз қилмишини қонуний деб ҳисоблайди, бироқ бу қилмиш ғайриқонуний бўлиб чиқади. Бунда қилмиш тугалланган жиноят сифатида квалификация қилинади.

Оқибатга нисбатан хато қилиш икки хил бўлади. Биринчидан, шахс содир этган қилмишнинг оқибатини билмайди. Бундай ҳолда шахснинг ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибат эҳтиётсизлик натижасида келиб чиққан деб ҳисобланади.

Содир қилинаётган қилмишнинг хусусиятига қараб хатолар ҳар хил бўлиши мумкин. Мас., жабрланувчининг баданига оғир шикаст етказилиши унинг ўлимига сабаб бўлса, қилмиш қандай квалификация қилиниши керак. Бундай ҳолда шахс қасддан одам ўлдиришда эмас, балки унинг ҳаракати қасддан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлган деб (ЎЗР ЖК 104-м.си учинчи қисмининг "д" банди) квалификация

қилинади. Бунда баданга шикаст етказиш қасддан, ўлим эса эҳтиётсизликдан юз беради.

Иккинчидан, айбдор бир оқибатнинг келиб чиқишини хоҳлаган, аммо бошқача оқибат келиб чиққан бўлса, айбдор қандай оқибатнинг келиб чиқишини хоҳлаган бўлса, ўша жиноятга суиқасд қилиш деб ҳисобланади. Мас., шахс жуда кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилишни мақсад қилиб, объектга тажовуз қилган, аммо кўзланган миқдордаги мулкни ололмаган. Бундай ҳолда айбдорнинг ҳаракати жуда кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилишга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши керак.

Сабабий боғланишга нисбатан хато – содир этилган ижтимоий ҳавфли қилмиш б-н келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни воқеаларнинг ривожланиши туфайли нотўғри тасаввур қилишдир. Агар айбдорнинг қасди (нияти) б-н камраб олинган оқибат келиб чиққан бўлса, бундай ҳолдаги хато субъект айбнинг шаклига таъсир қилмайди.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ КЛАССИК МАКТАБИ – XVIII–XIX а.ларда жиноят ҳуқуқи фанидаги етакчи йўналиш. Ж.х.к.м. вакиллари (Ч.Бекқария, А.Фейербах ва б.) ҳозирги вақтгача ўз ахамиятини сақлаб қолган (қонунда кўрсатилмаган жиноят йўқ, жазонинг мутаносиблиги, жазонинг ҳамма учун тенглиги, айбсизлик презумпцияси ва х.к.) жиноят ҳуқуқининг бир қатор илгор принципларини илгари сурдилар. Россияда З.А.Горюшкин, А.П.Кунинин, В.Д.Спасович ва б. ушбу мактабнинг намояндалари бўлишган.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ ПРИНЦИПЛАРИ – жиноят ҳуқуқининг тизимини, алоҳида инс.ларининг мазмунини белгилловчи, унга мувофиқ равишда ишлаб чиқилган жиноят ҳуқуқининг нормаларида мужассамлашган асосий раҳбарий-назарий ғоялар. Жиноят ҳуқуқи демократик давлатнинг жиноят ҳуқуқига оид сиёсатининг моҳияти, ҳозирги замон принципларини ифодалайди, шунингдек, жиноятлар учун жавобгарликнинг негизи, чегаралари ва шакллари ҳақидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган бош ғоя ва раҳбарий қондалардир. ЎЗР Ж.х.п. ЎЗР ЖК 3-м.сида кўрсатилган бўлиб, қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлигидан иборат.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИНИНГ СОЦИОЛОГИК МАКТАБИ – жиноят ҳуқуқидаги йўналиш. XIX а.нинг охири – XX а.нинг бошларида шаклланган. Мактаб вакиллари – Ф.Лист (Австрия), Э.Ферри (Италия), россиялик олимлар И.Я.Фойницкий, С.В.Познишев инсон жиний феъл-атворининг социал алоқадорлигини эътироф этиб, шу б-н бирга, унга биологик (шу жумладан, ирсий), физик (йил фасллари, иқлим, кун вақтлари ва х.к.) ва б. омиллар ҳам таъсир қилади, деб ҳисоблашган. Ж.х.с.м. ҳозирги тарафдорлари жиноятчиликнинг биологик ва социал (мас., урбанизация б-н боғлиқ) омилларининг кўпчилиги назариясини илгари суришди. Криминалист-социологлар жиноят ҳуқуқи фани тор маънодаги жиноят ҳуқуқини (жиний догматика), жиноятлар криминологияси ёки этиологиясини ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини бирлаштиради, деб ҳисоблашган; уларнинг айримлари жиноят ҳуқуқининг таркиби-

га, шунингдек пепология (жазонинг ижро этилиши хақидаги фан) ҳам киради, деб ҳисоблашади.

ЖИНОЯТГА ДАХЛДОРЛИК – ЎзР ЖК 31-м.сига кўра, жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки жиноят содир этилганлиги хақида аниқ била туриб, олдиндан ваъда бермаган ҳолда, ҳокимият органларига хабар қилмаслик ёхуд жиноятчини, жиноят содир қилиш қуроли ва воситаларини, жиноят изларини ёки жиний йўл б-н кўлга киритилган нарсаларни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик. Ж.д. – жиний жазога сазовор. Ж.д. иштирокчиликдан фарқланади. Ж.д. шахслар содир этилган жиноят б-н сабабий боғланишда бўлмайдиган ва жиний патижанинг келиб чиқишига қўмаклашмайди. Ж.д., агар мазкур ҳолатлар оғир ёки ўта оғир жиноятлар б-н боғлиқ бўлса, жазоланади. Олдиндан ваъда қилинмаган хабар бермасликнинг объектив томони ҳаракатсизликдан, яъни оғир ёки ўта оғир жиноятга тайёргарлик кўрилаётганлиги, жиноят содир этилаётганлиги ёки содир этилганлиги хақида аниқ била туриб хабар бермасликдан иборат пассив ҳулқ-атворда ифодаланади. Жиноят хақида хабар бериш ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлганлиги сабабли хабар қилмаслик ахлоққа зид қилишидир. Бироқ баъзи ҳолларда, айниқса, жиноят оғир ёки ўта оғир деб белгиланган ҳолларда ЎзР ЖК 241-м.сига кўра, жиний жазога сазовор қилмиш сифатида кўриб чиқиши лозим.

ЖИНОЯТГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ – ЎзР ЖК 25-м.сига кўра, шахснинг қасдан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиш ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилиши. У жиноятни содир этиш шароитларини яратиш, жиноят содир этиш режаларининг ишлаб чиқиши, иштирокчиларнинг қидириб топилушига қаратилган ҳаракатларда ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга бўлган бошқа ш.к. тайёргарлик ҳаракатларида ифодаланади. Бундан ташқари, Ж.т.к. зарур қуролга эга бўлиш, шарт-шароитларни ўрганиш, иштирокчиларни қидириш ва ҳ.к.да ифодаланиши мумкин.

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК – икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасдан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашишидир (ЎзР ЖКнинг 27-м.си). Муайян жиноят таркибини таснифлашда нафақат жиноят содир этишда биргалашиб иштирок этиш ҳолатига, балки Ж.и.нинг муайян аломатлари ва турларига ҳам эътибор бериш керак. Зеро, бу одиллик, қонунийлик принциплари амалга оширилишини кафолатлайди. Агар жиноят иштирокчиларининг ҳаракатларида ЎзР ЖК Махсус қисмининг моддасида тавсифланган муайян жиноят турининг аломатлари мавжуд бўлса, (мас., бир гуруҳ шахснинг, уюшган гуруҳнинг жиноят содир этиши), қилмиш Махсус қисмининг тегишли моддаси бўйича Ж.и.нинг у ёки бу турини тавсифловчи муайян аломатлардан келиб чиқиб таснифланиши керак. Ж.и. тушунчаси ЎзР ЖК Махсус қисмининг и.и.с.и сифатида анча кенг талқин қилинади. Ж.и.нинг қуйидаги аломатларини қайд этиш мумкин: айни бир жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши; улар жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши; жиноят қасдан содир этилиши. Биринчи аломат объектив, сўнгги аломат эса – субъектив хусусиятга эга. Жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиш ҳам субъектив, ҳам объектив аломатлар б-н

тавсифланади. Айни бир жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши Ж.и.нинг объектив аломатини ташкил этади. Ж.и.нинг таърифидан жиноятда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши унинг зарур шарт экани аниқлашади. Айни ҳолда, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан уларни ақли расолиги, ёши ҳамда субъектга тегишли бошқа аломатлари тўғрисидаги қоидалар ҳам амал қилади. Жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиш аломати ҳам объектив, ҳам субъектив аломатдир. Иштирокчилар жиноятни биргалашиб содир этиши шунда ифодаланадики, жиноят ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) б-н содир этилади.

ЖИНОЯТДА МАХСУС СУБЪЕКТ – жиноятнинг махсус хусусиятини ифода этувчи, жиноят-ҳуқуқий норманинг диспозициясида назарда тутилган, жиноят субъектининг умумий белгилари (ақли расолиги, қонунда белгиланган ёшга етганлиги)дан ташқари қўшимча махсус белгига эга бўлган шахс. Мас., мансабдорлик жиноятининг субъекти жиноят субъектининг умумий белгилари (ёш, ақли расолик)дан ташқари белгиланган тартиб бўйича мансабдор шахс ҳам бўлиши керак. Ҳарбий жиноятларда жиноятнинг субъекти фақат ҳарбий хизматчилар бўлади ва ҳ.к.

Кўп ҳолларда ушбу белгилар жиноят-ҳуқуқий нормалар диспозициясида кўрсатилади ёки уларни шарҳлаш орқали аниқланади. Жиноятнинг махсус субъекти белгилари турлича бўлиб, улар хизмат, касб, фуқаролик ёки ҳарбий мажбурият бўйича бўлиши мумкин. Мас., бошқарув тартибига қарши жиноятларнинг субъекти фақат мансабдор шахс бўла олади (ЎзР ЖК 205–211-м.лари), ҳарбий хизматга оид жиноятларда фақат ҳарбий хизматчилар субъект бўла оладилар (ЎзР ЖК 279–300-м.лари). Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган жиноятларда унинг субъекти фақат транспорт воситасини бошқараётган шахс бўла олади (ЎзР ЖК 260, 266-м.лари).

Таъмирлаш қоидаларини ёки транспортни эксплуатацияга чиқариш қоидаларини бузганлик жиноятида субъект фақат таъмирловчи ёки транспортнинг техник ҳолати учун жавобгар шахсгина бўла олади.

Давлат сирларини ошкор қилганлик учун давлат сирлари хизмат ёки касб юзасидан ишониб топширилган шахсгина жавобгарликка тортилади (ЎзР ЖК 162-м.си).

ЎзР ЖКнинг Махсус қисмини ўрганиш шунини кўрсатадики, жиноятнинг махсус субъекти белгиларини қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) фуқаролиги; 2) демографик белгилари (жисси, ёши); 3) мансаби; 4) ҳарбий хизматга алоқадорлиги; 5) бажараётган иши; 6) касбий мажбурияти; 7) шахсий мажбуриятлари; 8) субъектнинг асосий ҳолатлари (рецидивист, хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист).

Бу тасниф албатта тахминийдир. Ҳар бир ижтимоий хавфли ҳаракат содир этилганида суд-тергов ходимлари жиноятнинг махсус субъектининг алоҳида белгиларини аниқлаши лозимки, буларсиз ҳаракат содир этган шахс ушбу жиноятнинг субъекти деб топилмаслиги керак.

ЖИНОЯТ-ИЖРОЯ КОДЕКСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси*.

ЖИНОЯТ-ИЖРОЯ ҲУҚУҚИ – жазони ижро этиш ва қўллаш тартиби ва шарт-шароитларини тартиб-

га солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат бўлган ҳуқуқнинг мустақил гармоғи, алоҳида фан ва ўқув курси. ЎзР жиноят-ижроия қонунлари маҳкумларни тузатиш, маҳкумлар ва б. шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ж.и.х.нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) маҳкумларни тузатишнинг асосий воситаларини аниқлаш; 2) уларнинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш; 3) маҳкумларга ижтимоий адаптация (мослашуви)да ёрдам кўрсатиш. Ж.и.х.нинг асосий манбаи 1997 й. 25 апрелда қабул қилинган ва 1997 й. 1 октябрдан кучга кирган ЎзР ЖИК ҳисобланади. Жинорий жазони ижро этиш содир этилган жиноят учун фақат жазо беришдан иборат бўлмай, балки маҳкумларни тузатиш ва қайта тарбиялашга ҳам хизмат қилади. Жазони амалга оширишда жисмоний азоб бериш ёки инсоний кадр-қимматларини камситишга йўл қўйилмайди. Жазони ижро этиш учун суднинг қонуний кучга кирган ҳукми, ажрими ёки қарори асос бўлади.

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.*

ЖИНОЯТЛАР ИДЕАЛ МАЖМУИ – қ.: *Жиноятлар мажмуи.*

ЖИНОЯТЛАР МАЖМУИ – ЎзР ЖК 33-м.сига қўра, ЎзР ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган, жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жинорий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса. Ж.м.ни учта белги тавсифлайди: 1) шахс томонидан икки ёки ундан ортик жиноятнинг содир этилиши; 2) содир этилган қилмишлар жиноят қонунининг турли моддалари бўйича баҳоланиши, яъни юридик табиати бўйича турли хил жиноят ҳисобланиши; 3) бу жиноятларни шахс судлангунга қадар содир этиши, яъни жиноятларнинг бирортаси учун ҳам жазоланмаганлиги. Ж.м. учун, шунингдек жиноятлар кетмакетлиги, турли вақтларда содир этилиши ҳосдир. Кейинги жинорий қилмиш маъмурий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик эмас, балки айнан жиноят экани эътиборга олинади. Аммо, Ж.м. бир қилмиш б-н ЎзР ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жинорий қилмишни бир вақтнинг ўзида содир этиш ҳолларида ҳам вужудга келиши мумкин. Бу ҳолларда жиноятларнинг идеал мажмуи юз беради. Бунда шахс битта қилмиш содир этиб, икки ёки ундан ортик натижага эришади, икки ёки ундан ортик объектларга тажовуз қилади, ижтимоий хавфли оқибатларни вужудга келтиради. ЎзР ЖК Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки бир неча жинорий қилмишни турли вақтларда содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса жиноятларнинг реал мажмуи деб аталади.

Жиноятларнинг реал мажмуида мустақил квалификация қилинадиган бир қанча жиноятлар турли вақтда турли қилмишлар б-н содир этилади. Мас., аввал ўғирлик (169-м.), сўнг эса безорилик (277-м.). Жиноятларнинг идеал мажмуидан фарқли ўлароқ жиноятларнинг реал жамида ўзига хос хусусияти қилмишларнинг вақт оралиғида мос келмаслигидир. Жиноятларнинг реал жа-

мида жинорий қилмишларни содир этиш бир вақтда ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳол баъзи вазиятларгагина хос.

ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ – жиноятларни у ёки бу белгиларига қўра туркумларга ажратиш. Жиноятларни жиноят қонунинида таснифлаш биринчи марта 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган ЎзР ЖКда амалга оширилди. Ж.т. масаласи жиноят ҳуқуқида ҳар доим ҳам бўлган. Аммо, уларни таснифлаш жиноят қонунинида биринчи марта мустақил ЎзР ЖКда амалга оширилди.

Жиноят ҳуқуқида Ж.т.нинг асосан иккита туридан фойдаланилган бўлиб, булар: 1) жиноятларни объектига қараб таснифлаш; 2) жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш.

Жиноятларни объектига қараб таснифлаш усули ЎзР ЖК Махсус қисми бўлим ва бобларининг жамиятдаги аҳамиятига қараб муайян бўлимлар ва боблар тизимида жойлаштиришда фойдаланилган.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш мезонлари ЎзР ЖК 15-м.сида аниқ белгилаб қўйилган.

Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлашнинг асосий мезони сифатида ЎзР ЖК Махсус қисми моддаларидаги жазо тури ва муддати ҳисобга олинган.

Ж.т. ва гуруҳларга бўлишнинг асосий мезони жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобланади.

ЎзР ЖК 15-м.сидаги жиноятларнинг таснифи жиноятнинг моддий ва формал белгиларини бирлаштиради. Бу эса жиноятнинг ижтимоий таркиби ва у ёки бу гуруҳга киришини аниқ белгилайди. Санкциянинг хусусияти, жазо турлари ва уларнинг оғирлик даражаси жиноятнинг ижтимоий таркибини ташкил этади, шунингдек, жиноятчиликка қарши кураш йўналишлари ҳам жиноят ижтимоий таркибининг элементларидан бири ҳисобланади.

Жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қўра таснифи ЎзР ЖК 15-м.сида берилган бўлиб, унда ЎзР ЖК Умумий ва Махсус қисми нормалари тизимини эътиборга олган ҳолда жиноятлар ўзининг хавфлилик даражасига қўра энгилдан оғирга қараб таснифланган.

ЎзР ЖК 15-м.сига қўра, ЎзР ЖК Махсус қисмидаги барча жиноятлар ижтимоий хавфлиликка қўра тўртта туркумга бўлиниб, булар: ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар; унча оғир бўлмаган жиноятлар, оғир жиноятлар; ўта оғир жиноятлар.

ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – ЎзР ЖПК асосий вазифаларидан бири бўлиб, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига жиноятнинг сабабларини, унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва х.к.дан иборат.

Ж.о.о. чоралари умумий ва махсус чораларга бўлинади.

Умумий чоралар деганда, жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, шунингдек оила, мухит ва жамиятнинг ушбу жиноятга таъсир этишини таҳлил этиш тушунилади.

Махсус чоралар деганда эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг Ж.о.о бўйича чораларини ўрганиш англанади. Жиноятнинг мавжудлиги иккита омил б-н белгиланади: уни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари;

жиноят содир этилишига олиб келган вазиятлар. Судьялар, терговчилар, прокурорлар ва суриштирув органлари ушбу омилларни ўрганиши ва аниқлаши ҳамда улар у ёки бу жиноятнинг содир этилиши б-н қай даражада боғлиқлигини аниқлаши шарт.

Жиноят процессида жиноят содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда белгилаш бўйича бутун процессуал тизим, шунингдек уларнинг олдини олиш бўйича чоралар ишлаб чиқилган.

ЖИНОЯТЛАРНИНГ РЕАЛ МАЖМУИ – к.: *Жиноятлар мажмуи.*

ЖИНОЯТНИ СОДИР ЭТИШ УСУЛИ – ижтимоий хавфли қилмишнинг объектив томонига тааллуқли белгилардан бири. Ж.с.э.у. унинг қандай содир этилганлиги, жараёни, услубини кўрсатади. Ж.с.э.у. қонунда муайян жиноятнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиси сифатида кўрсатилиши мумкин. Бу жиноят содир қилинаётганда айбдор томонидан жиноятни содир қилишда ишлатиладиган аниқ услуб ва усуллар ёки уларнинг бир қанчаси учрайди. ЎзР ЖКда Ж.с.э.у. айнан Ж.с.э.у. бир-бирига яқин жиноятларни бир-бирдан фарқлаш мезонидир. Жиноят таркибининг умумий таърифи нуктаи назардан Ж.с.э.у. икки маънода келади: а) жиноят таркиби объектив томонининг зарурий ва альтернатив белгиси сифатида; б) объектив томонининг факультатив белгиси сифатида. Биринчи гуруҳда Ж.с.э.у. муайян тури аниқ бўлиши лозим. Иккинчи маънода эса Ж.с.э.у. аниқланмаса-да, жавобгарлик назарда тутилади. ЎзР ЖК 97-м.си иккинчи қисмининг “д” бандида бошқалар ҳаётига хавфли усулда одам ўлдириш жиноятида “хавфли усул” турли кўринишда бўлиши мумкин.

ЖИНОЯТНИ СОДИР ЭТИШ ШАРОИТЛАРИ – жиноятчиликни бевосита келтириб чиқармайдиган, аммо жиноят содир бўлишига имкон яратувчи ғайри ижтимоий ходисалар. Мас., мулкни қўриқлашдаги, ҳисобга олиш, мақсадга мувофиқ фойдаланишдаги камчиликлар талон-торож қилиш тарзидаги жиноятчиликнинг содир бўлишига шароит яратади, транспорт ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар: йўлларнинг бузук, ўнқир-чўнқир эканлиги, йўлнинг транспорт ҳаракатланадиган қисмига турли нарсалар тўкиб қўйилганлиги, йўл белгиларининг нотўғри жойга қўйилганлиги ҳам транспорт фалокатларининг содир бўлишига шароит яратиши мумкин. Жиноятчилик шароити б-н сабаблари ўртасида бевосита алоқадорлик бўлиб, булар криминоген детерминантлар ҳисобланади. Шароит ўз-ўзидан жиноят ва жиноятчиликни келтириб чиқара олмайди. Аммо, шароитсиз жиноят ва жиноятчиликнинг сабаблари кўнгилсиз оқибатларни юзага келтирмайди. Ж.с.э.ш. иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий ва х.к. мазмунга эга бўлади. Шароит сабабни, сабаб эса ўз оқибати сифатида жиноятчиликни келтириб чиқариши мумкин. Лекин, Ж.с.э.ш. ҳар сафар албатта жиноят юз беришини аниқламайди. Мас., оғир ҳолатда эшиги бирор сабабга кўра очик қолиб кетган ва мулкни талон-торож қилиш учун тўла шароит бўлганлигига қарамадан, мулк талон-торож қилинмаган бўлиши ҳам мумкин.

ЖИНОЯТНИ ЯШИРИШ – к.: *Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш.*

ЖИНОЯТНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ – муайян жиноят турини тасвирловчи маълумотларнинг

йиғиндиси, унинг тавсифи (муайян вақтда ва жойда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик ва ижтимоий тарқалганлик даражаси; жиноятга қарши курашнинг йўналишлари; жиноятнинг ижтимоий ташқи ва ички характери, келиб чиқиш омиллари ва барқарорлиги), келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, жиноятни содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақида маълумот ҳамда мазкур жиноят турининг олдини олиш чора-тадбирлари ва уларнинг қанчалик даражада самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткич.

ЖИНОЯТНИНГ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ – ижтимоий-хавфли қилмишнинг ташқи томони бўлиб, жиноятнинг қандай содир этилганлигини кўрсатади. Жиноят объектив томонининг белгилари икки асосий гуруҳга ажратилади. Биринчи гуруҳ белгилари ўзгармас ва ҳар бир жиноят таркиби учун хос бўлиб, усиз жиноят таркиби бўлиши мумкин эмас. Иккинчи гуруҳ белгилари эса факультатив характерга эга, улар жиноят таркибида бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Ҳар қандай Ж.о.т.нинг зарурий белгиси – ҳаракат ёки ҳаракатсизликда ифодаланувчи ижтимоий хавфли қилмишдир (ЎзР ЖК 14-м.). Объектив томоннинг бошқа белгилари факультативдир. Биринчи гуруҳга, шунингдек барча моддий таркибли жиноятлар учун хос белгиларга ижтимоий хавфли қилмишдан ташқари, ижтимоий хавфли оқибат ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш киради. Иккинчи гуруҳга эса жиноятни квалификация қилиш учун зарур белгилар: жиноят содир қилиш вақти, жойи, шароитлари, усули, қуроли, воситаси қабиладир киради.

ЖИНОЯТНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ – айбдор шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатларига бўлган руҳий муносабати. Жиноят содир этган шахснинг қасди ёки эҳтиётсизлиги исботланиши зарур. Айбсизлик жиноят таркибини истисно этади, унинг аниқланганлиги конкрет қилмишнинг тўғри квалификациясини ва айбдорнинг қонуний, асосланган ва адолатли жавобгарлигини таъминлайди. Ж.с.т.га айбдорнинг ўз қилмиши оқибатларига руҳий муносабати ҳам киради.

ЖИНОЯТЧИ КЎНИКМАЛАРИ – назарий жиҳатдан криминология ва криминалистика фанларида ўрганиладиган жиноят содир этишдаги шахснинг кўникмалари. Ҳар бир жиноятчи у ёки бу ҳаракатларни бажаришда ўзига хос усулларни қўллайди ва бу жиноятларни очишда катта аҳамиятга эга. Мас., қулф бузиш, ўғирлик қилиш, қурол ишлатиш, қалбаки ҳужжат тайёрлаш, фирибгарликда ишлатиладиган одатланган услублар.

ЖИНОЯТЧИ ШАХСИ – жиноят содир этган шахсга хос салбий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатлар, ташқи шарт-шароитлар б-н боғлиқ хулқи Ж.ш.нинг умумижтимоий ва жиноят ҳуқуқий мазмуни тушунчасида ўзаро алоқадорлик мавжуд. Ҳар қандай шахсда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатлар, табиат ва жамиятдаги шарт-шароитлар ўз аксини топган бўлади. Жиноят ҳуқуқи нуктаи назаридан фақат жиноятни содир этишда суд томонидан айбдор деб топилган шахсни жиноятчи деб ҳисоблаш мумкин. Ж.ш.нинг тузилиши: биофизиологик, ижтимоий-демографик, руҳий, маънавий мақоми, жиноят-ҳуқуқий ва криминологик белгилардан иборат. Шахснинг биофизиологик белгиларига унинг жинси, ёши, соғлиғининг даражаси, жис-

моний тузилишининг хусусиятлари, рухиятининг табиий сифатлари ва х.к. киради. Ижтимоий-демографик белгилар шахснинг жинси, ёши, маълумоти, ижтимоий келиб чиқиши ва мақоми, шуғулланаётган иши, миллати ва касби, оилавий аҳволи, моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси, шунингдек кишлоқ аҳолисинга мансублиги ва х.к.ни ўз ичига олади. Жиноятчиларнинг ёши б-н боғлиқ хусусиятларини ўрганиш турли ёшдаги шахсларнинг кримноген фаоллигининг даражаси ва жинсий хулқининг хусусиятларини аниқлаш имконини беради. Ж.ш.нинг маънавий ва интеллектуал даражаси эса жиноят хусусиятини белгилайди. Ижтимоий фойдали меҳнат б-н шуғулланмайдиган шахслар энг кримноген ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Улар барча жиноятчиларнинг 1/3 қисмини ташкил этади. Шунингдек, шахснинг оилавий аҳволи, моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси, турар жойи ва х.к. ҳам кримнологик аҳамиятга эгадир. Ж.ш.нинг маънавий ва рухий тавсифи унинг ички дунёсини, дунёкараши, маънавияти, кадрятларга бўлган муносабати, эътиқоди ва х.к. кўрсатади. Ж.ш.га тавсиф бериш учун унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва мавқеи муҳим аҳамият касб этади. Шахснинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, аниқ одамнинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни, муайян ижтимоий гуруҳга мансублиги, ижтимоий вазифалари, ҳаётдаги ўрни, бурчи ва ҳуқуқлари б-н боғлиқдир. Ҳар бир шахсда унинг ижтимоий мавқеи ҳам равишда маълум бир хулқ ва хатти-ҳаракат тарзи шаклланади. Шахснинг ижтимоий вазифаларини бажармаслиги шахс ва жамият ёки шахс ва унинг атрофидагилар б-н зиддиятларни вужудга келтириш мумкин. Ж.ш.ни баҳолашда унинг жиноят-ҳуқуқий ва кримнологик тавсифлари, ижтимоий деформациясини даражаси ҳам акс этади.

ЖИНОЯТЧИ ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ ДЕМОГРАФИК ТАВСИФИ – шахс шаклланган муҳит унинг ҳаётий фаолияти, эҳтиёжлари ва мотивацияси (хоши, инстақлари) б-н боғлиқ. Шу сабабдан ҳам ижтимоий демографик сифатларни ўрганиш жиноятчи шахснинг тушунишининг муҳим элементи ҳисобланади ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалда қўллашда муҳим аҳамият касб этади. Жиноятчилар ўртасида аёллар ва эркекларнинг нисбати ўртача 1:10 ни ташкил этади. Сўнгги йилларда аёллар жиноятчилигининг кўпаяётганлиги кузатилмоқда, 2005 й.да аёллар томонидан содир этилиб, рўйхатга олинган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 12,5%ини ташкил этди. 2001 й.да жавобгарликка тортилган аёлларнинг ҳиссаси савдо, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида анча кўп бўлгани ҳолда, безорилик, одам ўлдириш ва босқинчилик жиноятларини содир этганлар орасида жуда кам эди. Сўнгги йилларда гиёҳвандлик воситаларини қонунга ҳилоф муомаласи учун судланганлар орасида аёлларнинг ҳиссаси кўпайиб бормоқда.

Жиноятчиликда турли ёшдаги шахсларнинг нисбатини таҳлил қилиш шунинг кўрсатадики, энг кўп жиноятлар 25–29 ёшлилар, кейин эса 18–24; 14–17; 30–40 ёшлилар томонидан содир этилар экан. Жиноятчилардан 50 ёшлилар жуда камчилигини ташкил этади. Айтиш мумкинки, кўп жиноятлар ёш шахслар томонидан содир этилади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар ҳам кўпайиб бормоқда, 2005 й.даги маълумотларга кўра, вояга етмаганлар жиноятчилиги умумий жиноятчиликнинг 4,2

%и бўлган. Жиноят содир этган шахсларнинг маълумот даражаси ҳам кримнологик аҳамият касб этади, чунки уларнинг маълумоти шахснинг маданияти, ижтимоий аҳволи, муносабатлар, алоқалари доираси, ҳаётдаги режалари ва уларнинг амалга оширилиши б-н боғлиқдир. Жиноятчилар умумий маълумотининг даражаси қонунга риоя қилувчи фуқароларникидан пастроқ. Турли гуруҳга мансуб бўлган жиноятчиларнинг маълумот даражасида жуда катта фарқлар мавжуд. Зўрлик ишлатиб содир қилинадиган жиноятлар (қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга шикаст етказиш)нинг, қаразли мақсадларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар: талончилик, босқинчилик ва ўғирлик “муаллифлари”нинг маълумоти энг паст даражададир. Ўзлаштириш ва растрата, хизмат мавқеини сунистьёмол қилиш йўли б-н мулкни талон-торож қилиш, мансабдорлик ва иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни содир этган шахсларнинг маълумоти юқори даражададир. Оилавий аҳвол ва унинг ўзгариши ҳам жиноятларни содир этган шахсларнинг шахсий хусусиятлари шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади. Оиланинг муайян даражада жинсий хулқининг йўналиши ва барқарорлигига таъсири бўлади. Кримнологияда оилавий тарбиянинг вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг шаклланиши, оилавий келишмовчиликларнинг маиший жиноятчиликка таъсири кўпроқ ўрганилган. Умуман, оилали шахсларга нисбатан бўйдоқлар ва бир ўзи турадиганлар томонидан кўпроқ жиноят содир этилади. Кўп ҳолларда оила ижтимоий назорат функциясини бажаради. Жиноятчиларнинг ижтимоий аҳволи ва бажараётган ишига кўра тавсифлайдиган бўлсак, улар орасида ҳеч қандай иш б-н шуғулланмайдиганларнинг ҳиссаси кўпдир.

ЖИНОЯТЧИЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

– муайян мезонлар асосида жиноятчиларни гуруҳларга ажратиш. Жиноятчи шахси жиноятчи бўлмаган шахсдан ўзининг ижтимоий ҳавфлиги б-н фарқ қилади. Шахс ижтимоий ҳавфлигининг хусусияти жинсий хулқ мотивациясининг йўналишига боғлиқ бўлади. Ушбу йўналишнинг чуқурлиги ва турғунлигига қараб шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси ҳам ўзгариб туради. Шу сабабдан ҳам жиноятчи шахсларни иккита мезон: а) мотивациянинг мотивация ва мазмунига кўра; б) кримноген йўналишнинг чуқурлиги ва турғунлигига кўра классификациялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Мотивациянинг хусусияти ва мазмунига кўра, жиноят содир этган шахсларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) инсон шахси, унинг ҳаёти, соғлиғига салбий бепарволик муносабат (зўрлик ишлатувчи тип); 2) қараз йўналиш (қараз ниятли тип); 3) ўзининг фуқаровий ва меҳнат мажбуриятларига совуққонлик б-н қараш; 4) мавжуд талаблар ва ўзининг мажбуриятларига енгилтақлик, бепарволик б-н қараш. Шахснинг кримноген мотивация йўналишининг чуқурлиги ва турғунлигига кўра: а) тасодифан жиноят содир этган шахслар; (тасодифий жиноятчилар); б) салбий вазият таъсири остида биринчи марта жиноят содир этган шахслар (вазиятга боғлиқ жиноятчилар); в) биринчи марта жиноят содир этган, бироқ аввал ҳам ҳуқуқбузарликларни амалга оширган ва салбий тавсифланувчи шахслар (беқарор жиноятчилар); г) бир неча марта жиноят содир этган ва илгари судланган шахслар (ашаддий жиноятчилар); д) ўта ҳавфли рецидивнинг субъектлари (ўта ашаддий жиноятчилар)га бўлиш мумкин.

ЖИНОЯТЧИЛИК – маълум бир давлатда (минтакада) муайян давр мобайнида содир этилган барча жиноятларнинг йиғиндиси. Ж. тарихан ўзгарувчан ходисадир, чунки турли ижтимоий-иқтисодий тизимларда жиноятчилик ҳолати бир хил бўлмайди. Унинг даражаси ва тузилиши ҳам маълум бир тузум ривожининг турли босқичларида жиноятларнинг сабаблари ва имкон яратувчи шарт-шароитларга боғлиқ ҳолда, шунингдек давлат томонидан жиноят деб топилган қилмишлар доирасидан келиб чиқиб ўзгариб туради. Ж.нинг ўзгарувчанлигини жиноят қонунлари ривожининг тарихи ҳам кўрсатиб туради. Мас., ЎзССРнинг 1959 й.ги ЖКдаги бир қанча жиноятлар ЎзРнинг 1994 й.ги ЖКга киритилмади ва, аксинча, 1959 й.ги ЖКда мавжуд бўлмаган 60 га яқин жиноятлар учун 1994 й.ги ЖКда жавобгарлик белгиланди. Ж. – ижтимоий ходисадир. Чунки, унинг субъектлари бўлган шахслар жамиятнинг аъзолари ҳисобланади. Ж.нинг ижтимоий ходиса эканлиги унинг асосида ижтимоий-иқтисодий қонулар ётишига, ишлаб чиқариш муносабатлари ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг хусусиятига асосланишида намоён бўлади. Ж.ни ижтимоий хусусиятга эга бўлган сабаб ва шарт-шароитлар вужудга келтиради. Ж. бир қанча жиноятларнинг статистик йиғиндиси бўлмай, балки ижтимоий-ҳуқуқий ходиса ҳисобланади. Ҳар қандай ижтимоий ходиса сингари Ж. жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ғоявий, руҳий ҳолат, бошқарув, ҳуқуқ ва ҳ.к. б-н боғлиқ ва ўзаро алоқадор бўлган сабабият ва оқибат қонуниятларига бўйсунди. Ж.нинг изчиллиги ва хусусияти жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий жараёнлардаги қарама-қаршиликлар, криминоген, антикриминоген, аралаш хусусиятдаги ходисалар б-н бевосита боғлиқ бўлади.

Ж. тушунчасининг асосий элементи бўлган жиноятнинг таърифи жиноят ҳуқуқида берилган. Жиноят – жазо тайинлаш таҳдиди б-н, жиноят қонуни б-н тақиқланган ижтимоий хавфли ва қонунга хилоф қилмиш ҳисобланади. Ж. ва унинг турларининг соф криминалогик тушунчалари мавжуд эмас, уларнинг барчасига жиноят ҳуқуқида қатъий баҳо берилган. Ж. жиноятларнинг яхлит йиғиндиси, тизимидир. У маълум тизимга оид хусусиятлар, яъни яхлит Ж.ка кирувчи жиноятларнинг барқарор, ўзаро алоқадорлиги ва б. ташқи ижтимоий ходисалар б-н боғлиқдир. Унинг элементлари бўлган алоҳида турдаги жиноятлар ва уларнинг гуруҳлари бир-бири б-н муайян статистик ўлчамларда ўзаро алоқадор ва ўзаро ҳаракатда бўлади. Ж. муайян бир ҳудудда ва маълум бир вақтда содир этилган аниқ жиноятлардан ташкил топади.

ЖИНОЯТЧИЛИК ДАРАЖАСИ – содир қилинган жиноятлар миқдорининг аҳоли сонига нисбатан ўлчанадиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари. Жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги аризалар ва жабрланувчиларнинг муурожаатлари; рўйхатга олинган жиноятлар, жиноят содир этган шахслар; жиноят содир этишда айбдор деб топилди, уларга нисбатан суднинг ҳукми чиққан маҳкумлар сони бўйича аниқланади. Ж.д.ни баҳолашда эҳтимол тутилган жиноятчилик, яъни расмий статистик маълумотларда акс эттирилмаган латент жиноятчилик миқдори ҳам эътиборга олинади. Латент жиноятчилик яширин ёки яширилган жиноятчиликдан иборатдир. Биринчи хил жиноятлар ўзига хос хусусиятларига кўра ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органларига маълум бўлмайди. Иккинчи хилдаги латент жиноятчилик эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг қонунга зид хатти-ҳаракати натижасида расмий ҳисоботларда ўз аксини топмайди. Барча жиноятларнинг латентлик даражаси бир хилда эмас. Қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг латентлик даражаси жуда паст, порахўрлик каби жиноятларнинг латентлик даражаси юқоридир. Жиноятлар латентлигини вужудга келтирувчи омилларга: а) жабрланувчининг жиноятнинг ошқор бўлишини истамаслиги; б) жиноят туфайли етказилган зарар миқдорининг кам эканлиги; в) жабрланувчининг вақти йўқлиги; г) жабрланувчида жиноятчининг жазога тортилишига ишончининг йўқлиги; д) гувоҳларнинг жиноятчига мойил муносабатда бўлиши; е) жиноятчининг ўч олишидан кўрқиш; ж) жабрланувчининг жиноятчи б-н келишуви қиради.

ЖИНОЯТЧИЛИК ДИНАМИКАСИ – муайян вақт (қун, ой, йил) мобайнида жиноятчиликнинг даражаси ва тузилишидаги ўзгаришларни акс эттирувчи кўрсаткич. Ижтимоий-ҳуқуқий ходиса сифатида Ж.д.га 2 гуруҳдаги омиллар таъсир кўрсатади. Биринчиси, жиноятчиликка таъсир кўрсатувчи жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитлари, аҳолининг демографик тузилиши ва б. ижтимоий жараён ва ходисалар. Иккинчиси эса, жиноят ва жазолар турини кенгайтирадиган ёки торайтирадиган, жиноятлар классификациясини ўзгартирувчи жиноят қонуларининг ўзгариши. Ж.д.даги ўзгаришлар ва уни реал прогноزلаш учун Ж.д.га таъсир кўрсатувчи омиллар ижтимоий ва ҳуқуқий омилларга ажратилади. Жиноятчиликнинг камайиши ёки ўсиши унинг мавжуд ижтимоий шарт-шароитлар; қонундаги ўзгаришлар, уларнинг тўла рўйхатга олиниши ва ҳ.к. Ж.д.даги статистик маълумотлар содир қилинган жиноятларнинг ўз вақтида аниқланиши ва рўйхатга олиниши, уларнинг очилиши ва айбдорларнинг топиллиши, жазонинг муқаррарлиги қай даражада таъминланганлиги б-н ҳам боғлиқдир.

ЖИНОЯТЧИЛИК ОМИЛИ – қ.: *Жиноятчилик сабаблари; Жиноятни содир этиш шароитлари.*

ЖИНОЯТЧИЛИК САБАБЛАРИ – жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ҳолатлар, ходисалар, шарт-шароитлар ва оқибат б-н алоқадор, боғлиқ, лекин улар жиноят юз беришига сабаб деб тушунилмайди. Улар ижтимоий ва шахсий ҳаёт шароитларида ифодаланади. Криминалогик детерминация ижтимоий муносабатлардаги салбий ходисалар тизимидан жой олган жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар, ходисалар ва жараёнлар мажмуидан иборат. Жиноятчиликнинг асосий шарт-шароитлари уч гуруҳга бўлинади: а) вақт бўйича алоқадорлик – ходиса ёки жараённинг узлуксиз кетма-кетликда амал қилиши. Мас., жиноий хатти-ҳаракатни содир этишда аввал ниятнинг вужудга келиши, тажовуз объектини, жиноят қуролининг танланиши, иштирокчилар орасида ролларнинг тақсимланиши, жиноий хатти-ҳаракатни бошлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши каби бир қанча босқичларда ўтади. б) макондаги алоқадорлик – у ёки бу турдаги жиноятларнинг мамлакатнинг турли минтақалардаги ижтимоий, жўғрофий, этнографик ва б. фарқларга боғлиқ ҳолда тарқалганлигида намоён бўлади. в) функционал алоқадорлик эса турли хил ходисалар

нинг бир-бири б-н боғлиқлигини кўрсатади, биринчисидagi ўзгаришлар иккинчи ходисада ҳам муайян ўзгаришларни вужудга келтиради. Мас., ижтимоий-иқтисодий муносабатларда рўй берган ўзгаришлар жиноятчилик структурасида ҳам ўзгаришларни вужудга келтиради.

ЖИНОЯТЧИЛИК САБАБЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ГЕНЕТИК НАЗАРИЯ – шахсларнинг жиноят содир этишга мойиллиги гендан ўтиши ва туғма бўлиши ҳақидаги назария. Унинг асосчиси италиялик психиатр врач профессор Чезаре Ломброзо (1835–1909 й.лар) фикрича, жиноят худди инсоннинг туғилиши ва ўлиши каби табиий ва зарурий ходисадир, жиноятчиликнинг юз бериши биологик ҳолат. У ўзининг “Жиноятчи одам”, “Жиноят: унинг сабаблари ва даволаш воситалари” номли асарларида жиноятчиликнинг туғма эканлигини исботлашга уринади. Жиноят содир этишда мойиллик туғма хусусиятга эга эканлиги ҳақидаги фикрнинг тарафдорлари Рафаэль Гарофало, Энрико Ферри, О. Лангелар фикрича, кўпгина руҳий хусусиятлар авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бу ўз навбатида жиноят содир этишга мойилликка ҳам тегишлидир, деб таъкидлайдилар. Жиноятчилик ва унинг сабаблари тўғрисида бошқа оқимлар кейинроқ пайдо бўла бошлаган.

ЖИНОЯТЧИЛИК ҲАҚИДА АБСОЛЮТ (МУТ-ЛАҚ) МАЪЛУМОТЛАР – жиноятчилик статистикасининг турли тахлилий маълумотларни ўзида акс эттирадиган асосий кўрсаткичлар. Ж.х.а.м жиноятчиликка оид ходиса ва жараёнларнинг миқдори, рўйхатга олинган жиноятлар, моддий зарарнинг суммаси, жиноят содир этган шахслар, жабрланувчиларнинг сони ва х.к.нинг рақамда ифодаланишидир.

ЖИНОЯТЧИЛИК ҲАҚИДА НИСБИЙ МАЪЛУМОТЛАР – жиноятчиликнинг турли хилдаги қиёсий таҳлили натижасида олинган маълумотлар. Улар жиноятчилик б-н боғлиқ ижтимоий, демографик ва б. статистик маълумотларни бир-бирига қиёслаш, турли ҳудуддаги жиноятчиликни қиёслаш, жиноят турлари миқдорини жиноятчиликнинг умумий сонига қиёслаш, жиноят содир этган шахслар гуруҳининг таркибида жамият турли ижтимоий гуруҳлари вакилларининг миқдорини ўрганиш орқали амалга оширилади. Ж.х.н.м. жиноятчиликнинг статистик таҳлили, улар орқали жиноятчиликнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ҳолати ва ундаги ўзгаришлар нисбати берилади. Ж.х.н.м. орқали жиноятчиликнинг интенсивлигини, яъни жиноятчиликнинг ўсиши, аҳоли сони ўсишидан кўпроқ, тезроқ тарқалганлигини кўрсатиб беради. Ж.х.н.м. жиноятчиликнинг динамикаси, унинг олдинги йилдаги кўрсаткичларига нисбатан қанча кўпайган ёки камайганлигини ўзида ифода этади. Ж.х.н.м. жиноятчилик таркибини таҳлил этишда ҳам аҳамиятга эгадир. Такқослаш орқали умумий жиноятчилик таркибида алоҳида турдаги жиноятчиликнинг миқдори ҳамда жиноятчиларнинг умумий сони таркибида жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг миқдори аниқланади.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ – жиноятнинг содир этилишига имконият туғдирувчи факторларни бартараф қилиш (камайтириш), жиноятларнинг олдини олиш, уларни тўхтатиш, рўйхатга олиш, очиш, жиноятчиларни қидириш ва тергов қилиш, одил судловни амалга

ошириш, жиноят содир этган шахсни тузатиш, жазони ўтаб чиққанидан сўнг уларнинг ахлоқини назорат қилиш, шунингдек жиноятнинг салбий оқибатларини тугатишга қаратилган иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий, руҳий, ташкилий, техник хусусиятдаги чора-тадбирлар йиғиндиси.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СИЁСАТИ – давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги олиб борилаётган сиёсатининг бир қисми. Жиноятчиликнинг олдини олишга доир махсус тадбирларни қўллашга қаратилган фаолият ҳисобланиб, у жинорий, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия қонунчилиги асосида, шу б-н бирга тегишли фанлар, жумладан криминология фани қондалари асосида ташкил этилади.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК – барча долзарб муаммолар каби жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик. Мамлакатларнинг Ж.к.к.с.х.и масалалари б-н БМТ органларидан бири – Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш бевосита шуғулланади. 1950 й.да бу Кенгаш таркибида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат билдириш бўйича экспертлар қўмитаси таъсис этилди. 1971 й.да у Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитаси, 1993 й.да эса Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят адлияси бўйича комиссия деб қайта номланди. Мазкур нуфузли ташкилот жиноятчиликка қарши янада самарали кураш олиб бориш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлишга қаратилган тавсия ва таклифлар тақдим этади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мазкур орган зиммасига ҳар 5 йилда бир марта Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат бўйича БМТ конгрессларини тайёрлаш вазифаси юклатилган. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят адлиясига доир халқаро қондалар, стандартлар ва тавсиялар ишлаб чиқишда БМТ конгресслари асосий роль ўйнайди. Ҳозирги вақтгача 9 та конгресс ўтказилган. Ж.к.к.с.х. субъектлари орасида ноҳуқумат ташкилотлардан: Жиноят ҳуқуқи халқаро уюшмаси, Халқаро криминологик жамият, Ижтимоий ҳимоя халқаро жамияти ва Халқаро жиноят ва пенитенциар фонди фаолият кўрсатади. Жиноят ҳуқуқи халқаро уюшмаси 1924 й.да ташкил топган. У жиноятчиликни, унинг сабабларини ва унга қарши кураш воситаларини тадқиқ қилади, қиёсий таҳлиллар б-н шуғулланади, халқаро конгресслар ўтказилишини ташкил қилади, БМТ, ЮНЕСКО ва б. халқаро ташкилотларга маслаҳатлар беради. Халқаро криминологик жамият 1934 й.да ташкил этилган бўлиб, Ж.к.к.с.х.ни таъминлаш б-н бевосита шуғулланади. У криминология соҳасидаги миллий инс.лар ва мутахассисларни бирлаштиради. Халқаро криминологик жамият БМТ, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ва ЮНЕСКО маслаҳатчиси мақомига эга. Мазкур жамият халқаро миқёсда жиноятчиликнинг сабабларини ўрганади, криминологик конгресслар, семинарлар, коллоквиумлар ташкил қилади, уларнинг материалларини эълон қилади, миллий криминологик инс.ларга ёрдам кўрсатади, криминология фанини рағбатлантириш учун стипендия ва муқофотлар таъсис этади ва тайинлайди.

Ижтимоий ҳимоя халқаро жамияти ва Халқаро жиноят ва пенитенциар фонди ҳам ўз соҳасида шунга

ўхшаш ишларни амалга оширади. Халқаро ҳамкорликда Халқаро жиноят полицияси ташкилоти (Интерпол) алоҳида ўрин тутди. У 1923 й.да Венада дастлаб Халқаро жиноят полицияси комиссияси тарзида ташкил этилган. Интерпол ноҳукумат ташкилотдан ҳукуматлараро ташкилотга айланди. Ҳозирда у 170 дан ортиқ давлатни бирлаштиради. Интерполнинг олий органи Бош ассамблея ҳисобланади. Унинг сессиялари йилда бир марта ўтказилади. Ижро этувчи қўмита минтақаларнинг вакиллари-дан ташкил топади. Мунтазам ишловчи аппарати котибият ҳисобланади. Ҳужжатларни илмий тайёрлаш учун маслаҳатчилар инс.и фаолият кўрсатади. Бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўларок, Интерпол ҳар бир мамлакатда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўз миллий марказий бюросига эгадир. Интерпол ўз Уставига биноан мамлакатларда амал қилувчи қонунлар доирасида жиноят полицияси органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди ва ривожлантиради, жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам берадиган муассасаларни ташкил этади ва ривожлантиради. Унинг асосий иши – ахборотлар қабул қилиш, таҳлил қилиш ва бериш йўли б-н муайян жиноят ишлари бўйича ҳамкорликни ташкил этишдан иборат.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ – жиноятчиликнинг келажакдаги ҳолатини ифодаловчи энг умумий кўрсаткичларни аниқлаш; жиноятчилик ва унга қарши чораларнинг турли томонларини аниқлаш; жиноятчилик сабаблари ва шартларини керакли йўналишга томон ўзгартириш усулларини ишлаб чиқиш; жиноятчилик б-н кураш олиб боришни барқарорлаштириш усулларини ишлаб чиқиб, келгусида қандай ва қанча жиноят содир бўлишини башорат қилиш.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ – жиноятчиликнинг умумжаҳон, минтақавий, миллий ва б. ўзига хос хусусиятлари, унинг асосий сабаблари ва унга қарши кураш чораларини, шунингдек, жиноятчиликнинг келиб чиқиши, шарт-шароитлари ва уларнинг олдини олиш ҳақидаги асосий назарияларни қиёсий ўрганиш. Ж.к.т.қ. дастлаб 1901 й.да Италия, Франция, Испания, Австрия, Германия, Англия, Шотландия ва Ирландияда ўтказилган, 1911 й.да эса халқаро қиёсий тадқиқотлар учун ягона кўрсаткичлар тизими таклиф қилинди. Халқаро статистика инс.и ва Халқаро жиноят ҳуқуқий ва пенитенциар комиссия ўтган асрнинг 30-й.ларидан турли мамлакатлардаги жиноят статистикасини қиёсий ўрганиш учун Аралаш комиссия ташкил қилди. 1937 й.да бу комиссия турли мамлакатларнинг ҳукуматларига халқаро жиноят-статистика тадқиқотлари дастурини юборди. Иккинчи жаҳон уруши даврида бу фаолият вақтинча тўхтатилди. Уруш тамом бўлгандан сўнг мазкур вазифа б-н БМТ шуғуллана бошлади. 1950 й.да БМТ Бош Ассамблеяси ҳар беш йилда БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат бўйича халқаро конгрессларини қақириш зарурлиги ҳақида резолюция қабул қилди. Собик СССР БМТ конгрессларида 1960 й.дан иштирак эта бошлади.

БМТ Бош Ассамблеяси 1972 й. 18 декабрда махсус резолюция қабул қилиб, унда БМТга аъзо бўлган давлатларга ўз мамлакатларидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг аҳволи ҳақида Бош ко-

митбага ахборот бериб боришни таклиф қилди. 1970-1975 й.ларда рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сонини акс эттириш ҳамда уларни жиноятларнинг ўн тури (қасддан одам ўлдириш, шахснинг соғлиғи ёки шаънига қарши тажовуз, жинсий эркинликка қарши жиноятлар, одам ўғирлаш, талончилик, ўғирлик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситалари б-н қонунга хилоф равишда савдо қилиш ва х.к.) бўйича маълумотлар беришни сўради ва 64 та давлатнинг ҳукуматидан жавоблар олиб, улар асосида Жиноятчиликнинг биринчи якуний ҳужжати тузилди. Бош котибнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 32-сессиясидаги маърузасида баён этилди. Кейинчалик, БМТ 1975-1980 й.лардаги жиноятчиликнинг тенденциялари ҳақида 70 та мамлакатнинг ҳукумати ахборот берди. Кейинги беш йилликда 95 та мамлакатдан жавоблар олиниб, улар асосида учинчи якуний ҳужжат тузилади ва БМТнинг Саккизинчи конгрессида (1990 й., Гавана) баён этилди. Конгресс рўйхатга олинган жиноятчилик, жинсий жавобгарликка тортилган шахслар, маҳкумлар ҳақида маълумотлар олиш учун янги сўровнома ишлаб чиқди. Бу сўровномага полиция, прокуратура, суд, турмалар, жиноятчилик фаолиятига оид саволлар киритилган эди. 1986-1990 й.ларда содир этилган қасддан ва эҳтиётсизлик туфайли одам ўлдириш, зўравонлик, номусга тегиш, талончилик, ўғирлик, ўзганинг турар-жойига қонунга хилоф равишда кириш, фирибгарлик, порахўрлик ва б. жиноятлар бўйича статистик маълумотлар бериш таклиф қилинди. 100 та мамлакатдан жавоблар олинди. Собик СССР худудидан Арманистон, Беларусь, Латвия, Литва, Молдова, Россия, Тожикистон ва Эстония жавоб юборди. Тўртинчи якуний ҳужжат натижалари БМТнинг Тўққизинчи конгрессида (1995 й., Қохира) баён қилинди. 1999 й.дан бошлаб ЎЗР ҳам жиноятчилик ҳолати ҳақида БМТга маълумот бермоқда. БМТ ҳамда алоҳида давлатлар ташаббуси б-н ўтказилаётган қиёсий таҳлилларнинг зарурлиги таъкидланди. БМТда жаҳондаги жиноятчиликнинг тенденцияларини вақти-вақти б-н кузатиб бориш, алоҳида давлатларда эса ўз мамлакатларидаги кримнологик воқеликни бошқа мамлакатларнинг маълумотларига ва бутун жаҳон бўйича маълумотларга қиёслаб таҳлил қилиш, шунингдек, маҳаллий жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш учун бошқа давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ АБСОЛЮТ (МУТЛАҚ) ЎСИШИ (КАМАЙИШИ) – маълум бир давр мобайнида жиноятчилик ҳажмининг ўсиши (камайиши)ни тавсифловчи жиноятлар ҳолатининг кўрсаткичи, жиноятлар ёки уларни содир этган шахсларнинг мутлақ миқдори.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАРҚАРОРЛИГИ – рецидив ва бирламчи жиноятчиликнинг барқарор нисбати.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ БАҲОСИ – жиний тажовузардан келадиган бевосита ва билвосита иқтисодий ҳамда ижтимоий-психологик зарарнинг ҳажми ва хусусияти. Баъзи мамлакатларда ҳар бир жиноят давлатга ўртача қанча иқтисодий зиён келтиришига оид тадқиқотлар олиб борилади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ – к.: *Криминоген детерминант.*

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ – илмий тадқиқотнинг аниқ мақсадларини амалга оши-

риш, жумладан, жиноятчилик даражасини ифодалаш кўрсаткичи. Ж.к. жиноятчилик таркалганлигини кўрсатувчи асосий кўрсаткич. Ж.к. мутлак ифодаси рўйхатга олинган жиноятлар ва аниқланган жиноятчилар сонинин коэффициент ва индексларида: аҳоли муайян даражасига тўғри келадиган жиноятлар ва уларни содир этган шахсларнинг миқдори б-н ўлчанади. Ж.к. дифференциаллашган бўлиб, баъзи жиноятларнинг, алоҳида субъектларнинг ғайриижтимоий фаолиги ортиганлигини (интенсивлигини) аниқлаш ҳамда чуқур таҳлил қилишда қўлланилади. Жамиятдаги муайян жиний гуруҳлар содир этган жиноятларни, фаш этилган жиноятчилар миқдорини ҳудуддаги аҳоли сонига нисбати жиноятчиликнинг махсус коэффициенти ҳисобланади. Бу коэффициентлар жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг ғайриижтимоий фаолият даражаси ва уларнинг бир-бирига нисбатини кўрсатади. Жумладан, вояга етмаганлар жиноятчилигининг махсус коэффициенти аниқлаш учун вояга етмаган жиноятчиларнинг умумий сонини жамиятда мавжуд бўлган вояга етмаган шахсларнинг миқдорига тақсимлаймиз ва натижа ўзгармас катталиққа кўпайтирилади. Шунингдек, махсус субъектлар томонидан содир этиладиган жиноятларда Ж.к.ни аниқлашда махсус субъект, мас., ҳудудда ҳарбийлар содир этган жиноятларни шу ҳудуддаги барча ҳарбийларнинг сонига таққосланиши зарур. Ж.к.ни аниқлаш жамиятда мавжуд бўлган майда ижтимоий ва профессионал гуруҳларни ҳам ажратишни тақозо этади. Бу эса жиноятларнинг ижтимоий гуруҳлар орасида қанчалик таркалганлигини аниқлашга имкон яратади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ МАХСУС ОЛДИНИ ОЛИШ – жиноят содир бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизими. Ж.м.о.о. жиноятчиликнинг шароит ва сабабларини, жиноятчиликнинг детерминантларини аниқлаш, шунингдек жиноятга тайёргарлик кўрилайётган ёки бошланган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чоралар. Ж.м.о.о.нинг махсус кримнологик чоралари жиноятларнинг тури, жиний хулқнинг тури ва типи, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари, турли ижтимоий гуруҳдаги шахслар хўжалик фаолиятининг соҳаларига қараб ташкил қилинади. Чунки ана шуларнинг ҳар бирида жиноятчиликка таъсир қилувчи ўзига хос детерминантлар мавжуд. Ж.м.о.о. чоралари аниқ бир йўналишда вақт ва маконда татбиқ этиладиган, хўжалик фаолиятининг муайян йўналишини ҳисобга олиниб белгиланган чоралардир. Ж.м.о.о.га қаратилган умумижтимоий ва махсус чоралар бир-бири б-н боғлиқ бўлиб, умумижтимоий чоралар кенг доирада давлат ва жамият миқёсида амалга оширилса, махсус чоралар муайян ҳудуд, вақт, макон ёки фаолият доирасида муайян жиноятчилик турининг олдини олишга қаратилган бўлади. Бундан ташқари, Ж.м.о.о. чоралари умуман жиний фаолиятнинг бошланишидан олдин қўлланиладиган чоралар ҳамда рецидив жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чораларга бўлинади. Ж.м.о.о. чоралари кўпинча жазодан озод бўлган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатишда ифодаланади. Ж.м.о.о. чоралари маъмурий, жиний, фуқаровий, меҳнат, процессуал ва б. ҳуқуқ тармоқлари б-н тартибга солинади. Ж.м.о.о. кримноген омилларни бартараф қилиш ва камайтиришни назарда тутати ва асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ – жиноятчиликни келтириб чиқарувчи турли хил жараёнлар, ходисалар ҳамда омиллар; ҳуқуқ ҳамда ижтимоий ҳамкорлик нормаларига мос келиши керак бўлган фаолият; жиноятчининг шахси; мансабдор шахслар, юридик ва жисмоний шахсларга хос ҳислатлар. Жиноятчиликнинг олдини олиш тизимида профилактика шаклларида мос келувчи турли жиҳатлар мавжуд. Профилактиканинг умумижтимоий даражасига қарадиган давлат ва жамиятнинг фаолияти фақат иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги зиддиятларни ҳал қилиш; ахлоқий-маънавий соҳадаги зиддиятларни ҳал қилиш; ташкилий-бошқарув соҳасидаги зиддиятларни ҳал қилиш.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ – жиноятчилик ва айрим турдаги жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф қилиш, камайтириш ва нейтраллаштириш, шунингдек, ҳаёт тарзи ёки хулқи жиноят содир этиши мумкинлигидан далолат бериб турган шахсларни бундай йўлдан қайтаришга қаратилган давлат органлари ва жамоатчилик томонидан амалга ошириладиган чоралар тизими. Жиноятчилик профилактикаси қонунийлик, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва илмийлик принципларига мос равишда амалга оширилмоғи лозим. Жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятнинг қонунийлиги дейилганда, профилактиканинг вазифалари, усуллари ва шакллари, бу вазифаларни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва х.к.нинг қонун ва б. норматив ҳужжатлар б-н етарлича ҳуқуқий тартибга солинганлиги тушунилади. Жиноятчилик профилактикасининг демократизм принципи ушбу фаолиятнинг тегишли даражадаги вакиллик ҳокимияти органларининг назорати остида; жамоат ташкилотларининг бевосита иштирокида ва назорати остида; жамоатчилик фикрининг мониторингини доимий равишда ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни назарда тутати.

Профилактик фаолиятнинг инсонпарварлик ва одиллик принципи – ушбу фаолият олиб борилайётган шахсларга нисбатан ҳуқуқсиз объектлар эмас, балки профилактика органлари б-н бўладиган муносабатларнинг субъектлари сифатида қаралишини, шахс, жамият ва давлатга етказиладиган зарарни камайтириш учун кримноген жараёнларни эртароқ аниқлаш ва олдини олиш вазифасини тушуниришдан бошланиши лозимлигини назарда тутати. Профилактиканинг илмийлик принципи – жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек бевосита профилактика чораларини амалда қўллашнинг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг қонуниятларини, унинг ижтимоий тизимдаги ўрнини билишга асосланган илмий концепциянинг ишлаб чиқилишини талаб қилади. Профилактик фаолиятнинг барча даражалари, босқичлари, йўналишлари ва турлари илмий-услубий жиҳатдан таъминланиши лозим. Жиноятчилик қонуниятлари тўғрисидаги илмий билимларни амалда қўллашда илмий асосланган стратегик ва тактик чоралар кўзда тутилиши, жиноятчилик профилактикаси б-н боғлиқ бўлган қонунлар, бошқарув метёрларини кримнологик ва комплекс экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ СУБЪЕКТЛАРИ

– жиноятчилик, унинг алоҳида турлари, муайян жиноятларнинг мавжуд бўлиши ва тарқалишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш, кучсизлантириш ва нейтраллаштириш, шунингдек жиноятлар содир этишга (рецидивга) мойил шахсларни жиноят йўлига киришидан сақлаш ва уларни ресоциализация қилишни таъминлаш вазифалари ва функциялари қонунда зиммасига юклатилган органлар, ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар. Давлат органлари ва жамият тизимидаги ўрнига қараб олдини олиш субъектларини қуйидагича классификация қилиш мумкин: давлат органлари; нодавлат ташкилотлар, шу жумладан тижорат ва нотижорат тузилмалар ва ихтисослашган тузилмалар.

Жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг вазифалари, ваколатлари ва мазмунига қараб жиноятчиликнинг олдини олиш субъектлари қуйидагича классификацияланади: умумий ваколатли ҳокимият органлари ва б. ташкилотлар; ихтисослашмаган органлар; қисман ихтисослашган органлар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, таълим ва тарбиянинг умумий масалалари, соғлиқни сақлашни мувофиқлаштириш, оила ва болаликни химоя қилиш, ижтимоий химоя, қонунчиликнинг маъмурий, меҳнат, оила ва б. қатор соҳалари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, адвокатура ва нотариат фаолияти ҳам давлат томонидан таъминланади. ЎзР Олий Мажлиси жиноятчиликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонунлар чиқаради. ЎзР Президенти ва Республика ҳукумати ўз ваколатларига мувофиқ, Конс. ва қонуни ҳужжатларига асосланган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам ўз ваколатлари доирасида жиноятларнинг олдини олишга қаратилган маҳаллий аҳамиятга молик бўлган масалаларни, шу жумладан, жамоат тартибини сақлаш қабиларни ҳал қилади.

Жиноятчиликнинг олдини олишнинг ихтисослашмаган субъектлари – бу хўжалик юритувчи тузилмалар, маданият ва спорт муассасалари, оммавий ахборот воситалари; табиатдан фойдаланиш, миграция масалаларини тартибга солувчи, иш б-н таъминлашни амалга оширувчи, ижтимоий таъминот, уй-жой, коммунал хизмат кўрсатиш муассасалари; дам олиш хизматлари кўрсатувчи ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида иштирок этувчи бошқа муассасалар. Бу профилактика субъектларининг фаолияти қатор ҳолатларда жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам беради. Мазкур вазифа уларнинг фаолиятида алоҳида белгиланмаган бўлса-да, уларга ихтисослашган профилактика субъектлари томонидан муайян илтимос ёки топшириқлар б-н муурожаат қилинишини назарда тутати.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРИШ – жиноят қонуни нормаларининг бузилишига имкон бермайдиган ёки бундай хатти-ҳаракатларни зарарсизлантирадиган объектив ва субъектив шароитларни яратиш борасидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилган фаолият. Ж.о.о.р. мақсади жиноятчиликнинг пасайишига эришиш, жиноятчилик коэффициентини ижобий томонга ўзгартириш, ўси-

шиши тўхтатишдан иборат. Жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги умумижтимоий дастурларда жиноятчиликнинг аҳволига билвосита таъсир кўрсатадиган тадбирларни амалга ошириш; фуқароларнинг қонунга итоаткор бўлишига эришиш; назорат ишларини кучайтириш; салбий ижтимоий ҳодисаларнинг олдини олишга аҳолини сафарбар қилиш; хавфли ва ўта хавфли хатти-ҳаракатлар ва кенг тарқалган муайян турдаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар жамланади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ – жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиш, уни тубдан бартараф қилиш вазифасини қўйиш эмас. Қисман унинг олдини олиш, қамайтириш, ўсиш даражасини пасайтириш мумкин, холос. Бу вазифани имкон қадар самарали амалга ошириш учун унинг ташкилий асосларини таъминлаш лозим. Жиноятчиликка қарши курашда режалаштириш – жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи органлар фаолиятини, уларнинг жамоатчилик ва жамоалар б-н алоқадорлигини, ташкилий жиҳатдан бир вақтда тартибга солишни самарали ташкил этиш шаклидир. Режа – жиноятчиликка қарши кураш олиб бориш вазифасидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган, аниқ вазифаларни ҳал қилишга мўлжалланган дастурдир. Режада вазифалар ва уларни бажарувчилар ҳамда бажариш муддатлари, шунингдек, бажариш йўллари ва воситалари кўрсатилади.

Режалаштиришнинг яна бир тури – ижтимоий-иқтисодий, тарбиявий, ташкилий-ҳуқуқий ва криминологик вазифаларни ўзида мужассамлаштирган комплекс равишдаги режалаштиришдир. Бундай шаклдаги режалаштириш тадбирлари кенглиги ва хусусияти жиҳатидан кенг қамровли бўлиши б-н бирга режалаштириш субъектларини ҳам ўз ичига олади. Бу субъектларга ҳокимият органлари, турли жамоалар, ички ишлар, прокуратура, адлия органлари, суд ва жамоатчилик органлари қиради. Комплекс равишдаги режалар тум., вил., ш. миқёсларида тузилади. Юқорида айтилган режалаштиришлар криминологик профилактика ишларидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг давлатнинг бошқа органлари ва жамоатчилик б-н ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришларини таъминлайди. Режалаштириш вақтига қараб жорий ва перспектив бўлиши мумкин.

Жорий ва перспектив режалар бир-бири б-н боғлиқ бўлиб, жорий режалаштириш жиноятчиликка қарши курашнинг унча узоқ бўлмаган вақтгача бўлган муддати ичидан аниқ вазиятга қараб тузилади. Жиноятчиликнинг олдини олиш режаси уч босқични назарда тутати: а) муайян вақт мобайнида ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни белгилаб олиш; б) бу вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида режа ва тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш; в) белгиланган дастур ва алоҳида вазифаларни ўз вақтида бажариш учун кучларни тақсимлаш.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ РЕЦИДИВ ХАВФЛИЛИГИ – рецидив ва оддий жиноятчиликнинг бир-бирига нисбатини ифодаловчи кўрсаткич. Ж.р.х. уч даражада ўрганилади: 1) барча жиноятларнинг рецидив хавфлилиги; 2) алоҳида тоифадаги жиноятларнинг рецидив хавфлилиги; 3) бир турдаги муайян жиноятларнинг рецидив хавфлилиги. Жиноят ҳуқуқида Ж.р.х.ни ўрганиш шуни кўрсатадики, содир этилган жиноятнинг жиддий даражаси қанча

юқори бўлса ҳамда зўрлик аломатлари жиноятда қанча кўп бўлса, унинг рецидив хавфлилиги ҳам шу қадар юқори бўлади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ СИФАТ ВА МИҚДОР КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ – жиноятчиликка қарши курашувчи органлар ва жамоат бирлашмаларининг фаолияти қандай ташкил қилинганлигини, жиноятчиликка қарши кураш воситалари ва усулларини, жиноятчиликни камайтириш учун самарали чораларни, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишдаги ҳамкорликнинг натижаларини ўрганиш.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ – жиноятчиликнинг муайян ҳудудда ва муайян даврда миқдор ва сифат жиҳатдан ўрганиш орқали акс эттирилган статистик маълумотлар таҳлили. Ж.с.т. жиноятчилик умумий таҳлилининг таркибий қисми бўлиб, унда нафақат рўйхатга олинган жиноятчилик, балки бутун жиноятчиликнинг ҳолати ўз аксини топади. Ж.с.т. жиноятчиликнинг тўлиқ ҳолати, динамикаси, структураси ва интенсивлигини ўз ичига олади. Жиноятчиликнинг ички ҳамда ташқи характерига боғлиқ ҳолда амалга оширилади: а) ижтимоий хавфлилик даражасига кўра (оғир, ўртача оғир); б) ижтимоий йўналтирилганлик объектига кўра (жамоат манфаатлари, шахсий, мулкӣ, номулкий манфаатлар); в) мотивига кўра (ғараз, мажбурлаш); г) барқарорлик даражасига кўра (оддий, рецидив); д) ташкил этилганлигига кўра (гуруҳ, уюшма); е) жиноятни содир этишда моҳирлик жиҳатидан (юқори даражадаги криминал жиноий маҳорат). Ж.с.т.нинг юқоридаги турлари орқали жиноятчиликнинг ижтимоий-ҳудудий тарқалганлик даражаси, унинг ҳудудий жиҳатдан фарқлари, жиноятчиликнинг турли ҳудудларда умумий ва махсус хусусиятлари, жиноятчиликнинг ижтимоий-гуруҳий жамият аъзолари ва гуруҳларининг жиноятга жалб этилганлик даражаси ўрганилади.

Ж.с.т орқали жиноят содир этган, рўйхатга олинган шахслар хусусиятлари: маълумоти, жинси, ёши, миллати ва б. жиҳатидан таснифланиб таҳлил этилади. Ж.с.т.ни амалга оширишда жиноят қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар, хусусан, жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичларига таъсир кўрсатувчи муайян ижтимоий қилмишларнинг криминализацияси ҳамда декриминализацияси борасидаги маълумотлар эътиборга олинishi лозим. Шунингдек, таҳлилни амалга ошираётган пайтда олдин бошқача бўлган ва кейинчалик қонунчиликдаги ўзгариш туфайли ўзгартириш киритилган жиноятларнинг гуруҳини олиб, айнан ана шу жиноятларнинг ўзгаришдан олдинги ва кейинги даври таҳлил этилса, бу Ж.с.т. учун яхши таҳлилий база бўлиб хизмат қилади.

Ж.с.т.да жиноятларни тергов қилиш ва жиноят ҳамда уни содир этган шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўзида ифодаладиган дастлабки рўйхатга олиш карточкаларидан ҳам фойдаланилади. Ж.с.т. жиноятчиликнинг латентлик даражаси, уларни рўйхатдан яшириб қолиш ва б. фактларни ёритиб берадиган махсус тадқиқотлар б-н тўлдирилиши лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимларининг иши фақат жиноятчилик ҳолатининг статистик ҳисоботига қараб баҳоланмаслиги керак. Турли статистик ҳисоботлар статистик ҳисобдорликнинг турли босқичларини ўзида акс эттиради. Мас., формалар орқали амалга оши-

риладиган ҳисобот: ЎЗР ИИВда (№ 1 – фош қилинган ва қилинмаган рўйхатга олинган жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни ифодалайди; № 2 – жиноят содир этган шахслар тўғрисидаги маълумот). ЎЗР ОСда № 1 – судлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар; № 2 – жиноий жавобгарликка тортилганлар ва ҳукмга кўра қўлланилган жиноий жазо чоралари тўғрисидаги маълумотлар.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ СУБЪЕКТИВ САБАБЛАРИ – одамлар ва уларнинг турли гуруҳлари фаолияти б-н боғлиқ сабаблар. Мазкур сабаблар жамиятда содир бўладиган турли ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларнинг оқимини тезлаштирадиган ёки секинлатадиган омилдир. Ж.с.с. шахснинг маънавий, руҳий, биофизиологик, туғма ва ижтимоий хусусиятлари тарзида жиноятчиликнинг объектив сабаблари б-н бир қаторда ўрганилади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ТУЗИЛМАВИЙ ТАҲЛИЛИ – жиноятчилик тузилиши – жиноятчиликнинг кўп қиррали кўрсаткичи ҳисобланиб, у орқали жиноятчиликни ҳар томонлама ва тўлиқ тавсифлаш имконияти туғилади. Ж.т.т.ни турли йўналишларда амалга ошириш мумкин: оғирлик даражасига кўра (унчалик оғир бўлмаган, оғир, ўта оғир); айб шаклига кўра (қасд, эҳтиётсизлик); жиноятчилик турларига (гуруҳларига) кўра (соғлиққа, ҳаётга ёки иқтисодийликка қарши қаратилган жиноятлар); алоҳида жиноят турларига кўра (одам ўлдириш, безорилик, ўғирлик); жиноятнинг уюшганлик даражасига кўра (уюшган гуруҳ, жиноий уюшма); мотивнинг характерига кўра (ғараз, мажбурлаш); жиноятнинг барқарорлик даражасига кўра (оддий, рецидив); ижтимоий йўналтирилганлигига кўра (шахсий, мулкӣ ёки давлат ва жамоат манфаатларига қарши); жиноят субъектининг профессионал маҳоратига кўра; жиноят субъектининг жиноятни содир этаётган пайтдаги руҳий ҳолатига кўра (хушёр бўлмаган ҳолда содир этилган жиноятлар миқдори). Бу жиҳатлар ҳаётда хилма-хил. Ж.т.т. йўналишлари тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ. Жиноятнинг тавсифи уни содир этган шахснинг тавсифи б-н жуда боғлиқ. Шунга кўра, Ж.т.т. уни содир этган шахснинг тузилмавий таҳлили б-н тўлдирилади. Анъанавий равишда, кримнологияда жиноят содир этган шахсларнинг куйидаги жиҳатларига кўра негизли ўрганилади: жинси, ёши, ижтимоий ҳолати, ўтrockлиги, маълумоти, фуқаролиги, даромад манбаи, ўтмиши (муқаддам жиноий жавобгарлик ёки жазога тортилганми, йўқми) ва х.к..

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ УМУМИЙ ОЛДИНИ ОЛИШ – жамиятнинг позитив ривожланиши учун шароит яратиш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва б. инс.ларини ривожлантириш, жиноятчилик келтириб чиқарадиган зиддият ва помутаносибликни бартараф қилиш, жиноятчиликни вужудга келтирувчи шарт-шароитларнинг зарарли таъсирини камайтириб бориш. Умуман олганда, иқтисодий қайта қуриш ва уни ривожлантиришга жиноятчиликнинг олдини олиш вазифаси қўйилмайди, балки алча юқори бўлган жамиятни иқтисодий ривожлантириш ва шу орқали жамиятдаги барча ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, шу жумладан, муҳтожлик, ишсизлик, камбағаллик, болалар қаровсизлиги, оғир ҳаётий шароитни бартараф қилиш мақсади қўйилади. Жамият аъзоларини маънавий жиҳатдан барқарорлаштириш, уларнинг билим

ва маданий савиясини ошириш, шубҳасиз, уларнинг хулкига, ахлокига, дунёкарашига, қизиқишларига, ҳаракат қилиш мотивларига таъсир қилади. Натижада, одамлар яхшилик б-н ёмонликнинг ўртасига аниқ чегара қўя оладилар, яхши ҳаракат ва ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни ажрата оладилар. Ж.у.о.о. жамиятнинг ва унинг барча инсандарининг антикриминоген (умумижтимоий) потенциалини ривожлантириш орқали амалга оширилади. Ж.у.о.о. кенг доирадаги муносабатларни камраб олади ва узок муддатни талаб қилади. Жумладан, ҳуқуқий соҳада қонунларни ривожлантириш, турли-туман ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий (онла, меҳнат ва х.к. соҳалар) тартибга солишни янада ривожлантириш. Демак, Ж.у.о.о. ёрат кенг, кўп жиҳатли, комплекс равишда бўлиши керак. Сийсий соҳада Ўзбекистонда янги давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш, демократияни ривожлантириш, ҳокимиятнинг барча погоналарини мустахкамлаш, ҳозирги кўппартиявийлик шароитида ижтимоий салбий ҳодиса ва жараёнларга қарши тура олишни ҳам ўз ичига олади.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ – турли ҳудудлардаги жиноятчиликнинг сифат ва миқдор жиҳатдан ўзига хос хусусиятлари. Ж.х.х.ни ўрганиш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам муҳим. Муайян шароитларда жиноятчиликка қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш жараёнида Ж.х.х. ва унинг сабабларини ҳисобга олиш лозим.

ЖИНС ЦЕНЗИ – сайлаш ҳуқуқини жинс бўйича қонуний чеклаш, айнан аёлларга сайловда қатнашини рад этиш. XIX а. ва XX а.нинг бошларида бутун дунёда бор эди. Янги Зеландияда 1893 й., Финляндияда 1906 й., Буюк Британия ва Россияда 1918 й., АКШда 1920 й., Францияда 1944 й., Японияда 1945 й., Швейцарияда 1971 й., Лихтенштейнда 1976 й.да бекор қилинган. Ҳозир айрим давлатларда, мас., Кувайтда сақланиб қолган.

ЖИНСИЙ ДАХЛСИЗЛИК – жинсий ривожланишнинг инobatга олиб, жинсий муносабатларга киришининг тақиқланиши.

ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИК – бу аёл ва эркак кишининг ўзига нисбатан жинсий эҳтиёжни қондиришга руҳсат бериш ёки бермасликка бўлган ҳуқуқи. 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс Ж.э. ҳуқуқига эга. 16 ёшга тўлмаган шахслар эса жинсий дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлиб, уларнинг розилиги бор ёки йўқлигидан қатъи назар, жинсий муносабатга кириш мумкин эмас.

ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – ЎзР ЖКга кўра, номусга тегиш (118-м.), жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiий усулда қондириш (119-м.), бeсоқолбозлик (120-м.), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-м.), ўн олти ёшга тўлмаган шахс б-н жинсий алоқа қилиш (128-м.) жиноятлари. Жинсий жиноятнинг объекти 16 ёшга тўлган шахснинг жинсий эркинлиги, 16 ёшдан кичик шахсларнинг эса жинсий дахлсизлиги ҳисобланади. Бeсоқолбозлик жиноятида жиноят объекти жинсий муносабатларнинг жамиятда қарор топган тартибидир. Жинсий жиноят шартли тарзда икки гуруҳга бўлинади: жабрланувчи ихтиёрига зид равишда содир этиладиган жинсий жиноят – номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабiiий усулда қондириш, аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш; икки

томоннинг розилиги б-н содир этиладиган жинсий жиноятлар – бeсоқолбозлик, ўн олти ёшга тўлмаган шахс б-н жинсий алоқа қилиш. Мазкур жиноятлар формал таркибли бўлиб, субъектив томондан фақат тўғри қасдан содир этилади. Номусга тегиш, жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда қондириш жиноятларининг субъекти 14 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс, бeсоқолбозлик ва ўн олти ёшга тўлмаган шахс б-н жинсий алоқа қилиш жиноятлари субъекти 16 ёшга тўлган шахс бўлади.

ЖИНСИЙ ЭХТИЁЖНИ ҒАЙРИТАБИЙ УСУЛДА ҚОНДИРИШ – зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, Ж.э.ғ.у.к., ЎзР ЖКда Ж.э.ғ.у.к. учун жавобгарликнинг алоҳида турлари ҳам назарда тутилган: хизмат, моддий ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган аёлга нисбатан ва ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этиш.

ЖИСМОНИЙ ВА (ЁКИ) РУҲИЙ РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНЛАРИ БЎЛГАН БОЛА – “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ногиронликни белгилаш учун етарли бўлмаган жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) руҳий нуқсонлари бўлган бола.

ЖИСМОНИЙ ЁКИ РУҲИЙ МАЖБУРЛАШ – жисмоний мажбурлаш одам организмга унинг раъйига хилоф равишда ташқи омиллар б-н ғайриқонуний таъсир кўрсатиш. Жисмоний мажбурлаш жумласига баданга ҳар қандай даражадаги оғир, ўртача оғир ёки енгил шикаст етказиш қиради. Аммо, умуман олганда, зўрлик б-н қўрқитиш жисмоний дахлсизликка нисбатан бўладиган ҳар қандай зўравонлик таъовузини содир этиш ҳақида билдирилган ниятни ҳам камраб олади, чунончи, дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар б-н қийнаш, қўрқитиш б-н камраб олинади. Руҳий мажбурлаш ҳақиқатан мавжуд бўлиши керак, яъни, умуман олганда, яқин вақтда амалга оширилгани мумкин бўлиши лозим. Амалга оширилиши мумкин бўлмаган ёки рўёбга чиқарилиши фарз қилинган ҳолатлар юз бериши мумкин бўлган қўрқитишни ҳақиқий деб топиш мумкин эмас. Мас., одамни унинг бориш ниятида бўлмаган у ёки бу шаҳарда, қишлоқда пайдо бўлса, ўлдириш б-н қўрқитиш.

Шунингдек, хали умуман турмушга чиқиб ниятида бўлмаган аёлни бўлғуси эрини ўлдириш б-н қўрқитиш ҳам реал эмас. Қўрқитиш тайин бўлиши, яъни жабрланувчига муайян зарар етказиш ниятини ўз ичига олган бўлиши керак. “Овозингни ўчир, аке холда ёмон бўлади”, “Афсусланасан”, “Кўрадинганини кўрасан” сингари ноаниқ тусдаги қўрқитишлар жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин эмас, чунки улар аниқ бир зарар етказиш ниятини ўз ичига олмайди. Албатта, бу айбдор жабрланувчига қандай зарар етказмоқчи бўлганини, яъни кўзни ўйиб олиш, юзини жароҳатлаш, бичиб қўйиш каби шикаст етказмоқчилигини мутлақо аниқ айтиши кераклигини билдирмайди. Одатда, қўрқитиш унчалик аниқ бўлмаган маълумотларни ўз ичига олмайди. Аммо, нима бўлганда ҳам, агар сўз ўлдириш б-н қўрқитиш ҳақида бораётган бўлса, одамни ўлдиришга бўлган муайян нияти муайян сўзларда ифодаланган бўлиши керак. Мажбурлаш, яъни таҳдид қилиш усуллари ҳар хил бўлиши мумкин. Кўпинча у қимга қаратилган бўлса, бевосита

ўшанга оғзаки айтилади. Лекин у ёзма равишда (хат орқали), телефон, телеграф орқали, қуролли ёки унинг ўрнини босувчи нарсани кўрсатиш йўли б-н, рамзий белгилар орқали, бирон-бир нарсани унга ўқталиб, баданига пичок тираб билдирилиши ҳам мумкин.

ЖИСМОНИЙ ШАХС – к.: *Фуқаро.*

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ – ЎзР СКга мувофиқ солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар Ж.ш.о.д.с. тўловчилардир. Жисмоний шахсларнинг – ЎзР норезидентларининг даромадларига ЎзР СКнинг 169–181, 183–196-м.ларига мувофиқ солиқ солинади, бундан ЎзР СКнинг 182-м.сига мувофиқ солиқ солинадиган доимий муассаса б-н боғлиқ бўлмаган манбалардан олинган ЎзР норезидентларининг даромадлари мустасно.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари солиқ солиш объектлар: ЎзР резидентларининг ЎзРдаги ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари; ЎзР норезидентларининг ЎзРдаги манбалардан олинган даромадлари. Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган, ЎзР СКнинг 58-бобига мувофиқ қатъий белгиланган солиқ солинадиган даромадлар жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигининг солиқ солиш объекти бўлмайди.

Солиқ солинадиган база жами даромаддан келиб чиқиб, ЎзР СКнинг 179 ва 180-м.ларига мувофиқ солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади. Агар солиқ тўловчининг даромадидан унинг ихтиёрига кўра, суд ёки бошқа органларнинг қарорига биноан бирон-бир ушлаб қолишлар амалга оширилса, бундай ушлаб қолишлар солиқ солинадиган базани камайтирмайди. Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ БИРГАЛИКДАГИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ – жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини қуйидаги: эр-хотиннинг умумий мол-мулк негизда улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик; оддий ширкат; юридик шахс ташкил этмаган ҳолда дехкон хўжалиги шаклларида амалга оширишлари мумкин.

Эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизда оилавий тадбиркорлик амалга ошириладиганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги б-н улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш б-н боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга ошириладиганида, уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши онланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Жисмоний шахслар фақат якка тартибдаги тадбиркорлар тартибда давлат рўйхатидан ўтганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари бўлишлари мумкин.

Дехкон хўжалиги ва оддий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш б-н боғлиқ муносабатлар конун ҳужжатлари б-н тартибга солинади.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ ЖАМИ ДАРОМАДИ – Ж.ш.ж.д.га қуйидагилар қиради: 1) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар; 2) мулкий даромадлар; 3) моддий наф тарзидаги даромадлар; 4) бошқа даромадлар.

Юридик шахслар амалга оширадиган қуйидаги харажатлар жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди: 1) ходимларни конун ҳужжатларида белгиланган нормаларга мувофиқ сут ҳамда бошқа даволаш-профилактика озик-овқати, шахсий химоя ва гигиена воситалари б-н таъминлаш бўйича харажатлар; 2) касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан, аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган моддий ёрдам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва б. тўловлар мустасно; 3) ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш б-н боғлиқ хизмат транспортни сақлаш харажатлари; 4) диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказиш, вакиллик харажатлари, шунингдек юридик шахснинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш б-н боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлар; 5) ходимга ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган махсус кийим-бош, махсус пойабзал, формали кийим-бош бериш бўйича харажатлар; 6) ходим бошқа жойга ишга ўтказилганда ёхуд кўчиб борганда кўчиш, мол-мулкни кўчириб бориш, жой ижараси (йўл харажатлари учун бериладиган пул) б-н боғлиқ харажатларни тўлаш ёки бу харажатларнинг ўрнини қоплаш харажатлари; 7) хизмат сафарларидаги қуйидаги компенсация тўловлари: тасдиқловчи ҳужжатлар асосида хизмат сафари жойига бориш ва у ердан қайтиб келиш учун, шу жумладан, жой банд қилиш учун ҳақ тўлашни қўшган ҳолда ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар. Йўл ҳужжатлари бўлмаган тақдирда, темир йўл транспортидаги (агар темир йўл катнови бўлмаса, шаҳарларо автобусдаги) йўл ҳақи қиймати миқдоридан, бироқ авиачипта қийматининг 30 %идан ошмайдиган миқдорда; уй-жойни ижарага олиш бўйича ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар.

Яшаганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда конун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида; тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уй-жойни банд қилиш учун тўловлар; конун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида хизмат сафаридан бўлинган вақт учун тўланадиган кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар); конун ҳужжатларида белгиланган ва ҳужжатлар б-н тасдиқланган бошқа тўловлар; 8) конун ҳужжатларида назарда тутилган нормалар доирасида ходимга тўланадиган компенсация тўловлари (компенсациялар): доимий иши йўлда кечадиган ёки харажатланиш ва (ёки) қатнов тусига эга бўлган ходимга компенсация тўловлари (компенсациялар); хизмат ишлари учун шахсий автомобилдан фойдаланганлик учун компенсация тўловлари (компенсациялар), бундан хизмат сафарлари мустасно; дала таъминоти; амалдаги конун ҳужжатларида назарда ту-

тилган бошқа компенсация тўловлари (компенсациялар); 9) меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача шикаст етганлик б-н боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича куйидаги миқдордаги тўловлар: жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланган ҳар ойлик тўловлар (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади); махсус тиббий парваришга мухтож жабрланувчиларга қўшимча харажатлар учун ойига энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдоридagi тўловлар; жабрланувчининг маиший парвариши учун қўшимча харажатлар тариқасида ҳар ойда энг кам иш ҳақининг эллик фоизи миқдоридagi тўловлар; ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги муносабати б-н иш берувчи томонидан бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида жабрланувчининг йиллик ўртача иш ҳақи миқдоридagi тўловлар; 10) боқувчиси вафот этганлиги муносабати б-н куйидаги миқдордаги тўловлар: мархумнинг ўртача иш ҳақининг вафот этган боқувчининг қарамоғида бўлган ва унинг вафоти муносабати б-н зарарни ундиришга ҳақли бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга тўғри келадиган улуши миқдоридagi тўловлар; боқувчиси вафот этганлиги муносабати б-н зарарни ундиришга ҳақли бўлган шахсларга бир йўла тўланадиган нафақа тариқасида мархумнинг ўртача йиллик иш ҳақининг олти баравари миқдоридagi тўловлар; 11) талабаларнинг таълим олиши учун, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ЎзРнинг олий ўқув юрти б-н тўғридан-тўғри шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган тўловлар; 12) ЎзР Мудофаа вазирлиги ҳисобварағига муқобил хизмат шартномаси бўйича ўтказиладиган маблағлар; 13) мол-мулкни сугурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш бўйича сугурта мукофотлари. Мол-мулкни сугурталаш ва (ёки) ҳаётни узоқ муддатли сугурталаш шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда ва сугурталовчи сугурта қилинувчига сугурта мукофотининг бир қисмини ёки тўлиқ қайтарса, қайтарилган сугурта мукофоти миқдори жисмоний шахснинг солиқ солинадиган жами даромади таркибига киритилади; 14) ёш оилалар аъзоларининг уй-жой олиш учун юри-

дик шахсдан – иш берувчидан олган маблағлари. Уй-жой олинган (мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган) санадан эътиборан беш йил ичида сотилса, ушбу бандда кўрсатилган даромадларга белгиланган тартибда солиқ солинади (ЎзР СКнинг 171-м.си).

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ – қ.: *Мол-мулк солиғи*.

ЖОСУСЛИК – ЎзР ЖКнинг 160-м.сига мувофиқ, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлат сири ҳисобланган маълумотларни чет эл давлати, чет эл ташкилоти ёки уларнинг агентурасига етказиши, худди шунингдек етказиш мақсадида қўлга киритиши, йиғиши ёки сақлаши, шунингдек чет эл разведкасининг топшириғи бўйича ЎзРга зарар етказишда фойдаланиш учун бошқа маълумотларни етказиши ёки йиғиши. Давлат сири ҳисобланган маълумотлар ижтимоий, иқтисодий ёки ҳарбий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Ж. ўта оғир жиноят ҳисобланиб, жуда кўп мамлакатларда бундай жиноят учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси белгиланган. Бу қилмишни ЎзР фуқароси содир этса республика суверенитети, ҳуқуқий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти ёки иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасдан содир этилган қилмиш ҳисобланиб, у давлатга хонинлик қилиш деб баҳоланади. Бу ҳилдаги жиноят учун 10 й.дан 20 й.гача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Чет эл разведкаси б-н ҳамкорлик қилишга жалб қилинган шахс, башарти, ўзига юклатилган топшириқни бажариш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат содир этмасдан, бу ҳақда ўз ихтиёри б-н ҳокимият органларига хабар берса, жавобгарликдан озод қилинади. Ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва қилмиши тўғрисида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод қилинади.

ЖУЗЬЯ (ЖИЗЯ) – жон солиғи, дастлаб араблар томонидан ислом динини қабул қилмаганлардан олинган солиқ тури. Ўрта Осиё хонликларида мусулмон бўлмаган фуқароларнинг, асосан, ерли яхудийларнинг мулкидан маълум улуш миқдорида олинган.

ЖЮРИ (лот. *juris* – қасамд қиламан сўзидан; инг., фр. *jury*) – Франция, Буюк Британия, АҚШ ва айрим бошқа давлатларнинг жиноят процессида фуқаролик ҳамда жиноят ишларини кўриб чиқиш ва суд ҳукмини чиқариш учун тузилган суд маслаҳатчилар коллегияси.



ЗАКАЛАТ – шартнома тузаётган тарафлардан бири шартнома тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан берадиган пул суммаси.

3. тўғрисидаги келишув 3.нинг суммасидан катъи назар, ёзма равишда тузилиши керак.

Шартномадаги тараф амалга ошириши керак бўлган тўловлар ҳисобидан тўланган сумма 3. эканлигига, хусусан ЎЗР ФК 311-м.сининг иккинчи қисмида белгиланган қоидага риоя қилинмаслиги оқибатида, шубҳа тўғилган тақдирда, бу сумма, агар бошқа ҳол исботланган бўлмаса, бўнак сифатида тўланган деб ҳисобланади.

ЎЗР ФКнинг 312-м.сига мувофиқ, мажбурият уни бажаришдан олдин тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки бажаришнинг имкони йўқлиги оқибатида (ЎЗР ФКнинг 349-м.си) бекор қилинган тақдирда 3. пули қайтариб берилиши керак.

Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун 3. пули берган тараф жавобгар бўлса, 3. иккинчи тарафда қолади. Агар шартноманинг бажарилмаслиги учун 3. олган тараф жавобгар бўлса, у иккинчи тарафга 3.ни икки баравар қилиб қайтариши шарт.

Бундан ташқари, шартноманинг бажарилмаслиги учун жавобгар бўлган тараф, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, 3. суммасини ҳисобга олган ҳолда иккинчи тарафга зарарларни тўлаши шарт.

ЗАКОТ (араб. – тозалаш, садақа бериш) – мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Исломининг беш асосий талабларидан бири. Шариятга мувофиқ, муайян бойликка, ҳисобга эга бўлган мусулмонлар 3. беришадди. Унинг миқдори 85 гр. олтин миқдоридagi маблағ. Мазкур маблағ кишининг ўзи ва қарамоғидakilарнинг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Бу маблағга кишининг жамғармаси, дўқондаги сотиладиган моллари, сотаман деб олиб қўйган нарсалари, бировга берган қарзи қиради. У йилда бир марта берилиши шарт бўлган хайр-эҳсон (садақа) қаторига қиради ва айни вақтда ибодат ҳисобланади. Бериладиган 3. миқдори, маблағларнинг 1/40 улуши (2,5%)га тенг; Зотан 3.нинг асл хикмати фақир ва муҳтожларнинг ҳожатларини чиқармоқдир. 3.ни бера олмайдиган мусулмонлар олишга ҳақли, аввал 3. қариндошлар орасидаги муҳтожларга, ундай қариндошлар бўлмаса, сўнг бошқа камбағал, қарздор, мусофирларга берилди.

ЗАМАХШАРИЙ (1075, Замахшар – 1144, Бағдод) – Ўрта Осиёлик комусий олим. Асл исми Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад аз-Замахшарий. У дастлабки билимларни отасидан олди. Сўнг Урганч ва Бухоро мадрасаларида ўқиниши тақомилига етказди. Урганчга келиб, сарой хизматида бўлди. 3. ижоди серқирра ва сермахсул бўлиб, эликдан ортиқ йирик асарларнинг муаллифи сифатида бутун дунёга машҳурдир. Унинг каламига мансуб “Ал-Кашшоф”, “Ал-муфассал”, “Навобиғ ул-қалом”, “Атбюк

уз-заҳаб”, “Мақомот аз-Замахшарий”, “Муқаддимат ул-адаб”, “Ал-муҷмал-арабий ал-форсий”, “Асос ул-балоға” ва б. асарлари бутун мусулмон оламида кенг тарқалган. “Ал-Кашшоф” асари тўққиз асрдан буён машҳур ислом мадрасаларида Қуръони Каримни ўрганишда асосий қўлланма вазифасини бажариб келмоқда. 3. Хоразмшоҳ Отсизга бағишлаб ёзган “Муқаддимат ул-адаб” (“Адабиётга кириш”) ўзбек тили тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. 3. фалсафий дунёқарашини, асосан, икки парса белгилаб беради. Биринчидан, у мўътазадийликка мойиллиги б-н ажралиб турса, иккинчидан, билишда ақл орқали олинган билимларнинг ҳақиқатлигини табиқ олиб, рационализм тарафдори эканлигини кўрсатди. 3. қарашларида ақлий (мантаний) билиш ҳақиқат мезони сифатида берилди. “Дин беморлар учун яхши дори, фалсафа эса, соғлом кишилар (ақли расо) учун озикдир”, “ҳар қандай мушкул иш ақл эгалари тўғайли ислоҳ қилинур, чунончи, еру қўқ фақат ўз теграси кутбларни атрофида айланар”, шунинг учун ҳам, “эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, тафаккур ва идрок билан иш тут”, – дея таъкидлайди. 3. мероси халқимиз маънавиятини янада юксалтиришда муҳим манбадир. Шу сабабли 3. таваллуди 2000 й.да кенг нишонланди, унинг мероси атрофлича ўрганилмоқда.

ЗАРАР – 3. деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади (ЎЗР ФК 14-м.си).

Берилган таърифга кўра 3. таркиби қуйидагилар б-н белгиланади: ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари; шахснинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар); шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда).

3. етказиш фуқаролик ҳуқуқида мажбурият ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилади. Шу муносабат б-н ЎЗР ФКда алоҳида 3. етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар боби мавжуд. Фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бу тури “деликт мажбуриятлар” деб ҳам аталади.

ЗАРАР ЕТКАЗИЛГАН МАМЛАКАТ ҚОНУНИ – зарар қайси давлат ҳудудида етказилган бўлса, ушбу давлат ҳуқуқи қўлланиши лозимлигини белгиловчи коллизия боғланиш ҳисобланади. Мазкур коллизия боғланишда зарар етказиш патижасида вужудга келадиган мажбуриятларни (деликт мажбуриятларини) тартибга солувчи қонунчиликни танлаш мақсадида фойдаланилади. Халқаро туризм ва халқаро транспорт операцияларининг кўпайиши натижасида чет эл элементи б-н мураккаблашган деликт мажбуриятларининг ортиши ушбу коллизия боғланишининг қўлланиш доираси кенгайишига олиб келмоқда.

ЎЗР ФКнинг 1194-м.сига мувофиқ, зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича

хуқук ва мажбуриятлар зарарни ундирниши талаб қилиш учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат юз берган мамлакатнинг ҳуқуқи бўйича белгиланади.

Чет элда зарар етказилганлиги оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар бўйича ҳуқук ва бурчлар, агар фуқаролар ёки юридик шахслар айни битта давлатдан бўлсалар, шу давлат ҳуқуқи б-н белгиланади.

Агар зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаб учун асос бўлган ҳаракат ёки бошқа ҳолат ЎзРнинг қонун ҳужжатлари бўйича ғайриқонуний бўлмаса, чет эл ҳуқуқи қўлланмайди.

ЗАРАР ЕТКАЗИШДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР – З.е.к.ч.м. тушунчасига фуқаролик қонунчилигида таъриф берилмаган. Бирок, мазкур тушунча бевосита, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қоплашни лозимлиги ЎзР ФКнинг 985-м.сида ўз ифодасини топган. Мазкур нормада зарар етказган шахснинг етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбурияти ҳамда жабрланувчининг етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи мавжудлигини аниқлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида мажбуриятнинг аниқлаш тузилиши (қонструкцияси) – кредитор ва қарздор муносабатлари мавжудлигини билдиради. Мазкур ҳолатда зарар етказувчи – қарздор ҳисобланса, жабрланувчи (мулкига, ҳаёти ёки соғлиғига зарар етган шахс) – кредитор ҳисобланади. Шу б-н бирга, зарар етказилганда жабрланувчининг талаб қилиш ҳуқуқи зарар етказувчи учун мажбурият сифатида намоён бўлади. З.е.к.ч.м.га мувофиқ, шахс (жисмоний ёки юридик шахс)нинг ҳаёти ва соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказган шахс етказилган зарарни тўлиқ қоплаш мажбуриятини олади, жабрланувчи эса, ўзига етказилган зарарни қоплашни талаб қилиши ҳуқуқига эга бўлади. З.е.к.ч.м. фуқаролик ҳуқуқи назариясида деликт деб аталади.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ – ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қоплашнинг талаб қилиши мумкин. Зарар (ҳақиқий зарар) деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган ҳаражатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши, шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Суд З.к. ҳақидаги талабни қаноатлантирар экан, иш ҳолатларига мувофиқ равишда, етказилган зарар учун жавобгар шахсга зарарни аслича қоплаш (худди шундай турдаги ва сифатидаги ашёни тақдим этиш, шикастланган ва ҳ.к) ёки етказилган зарарни тўлаш мажбуриятини юклайди. Агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қоплашнинг талаб қилиши мумкин (ЎзР ФК 14-м.си).

ЗАРАРНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ – жиноятларни квалификация қилишга зарарнинг таъсир қилиш даражалари. Зарарнинг унча кўп бўлмаган, анча, кўп ва жуда кўп миқдорда бўлиши ЎзР ЖКнинг VIII бўлимида кўрсатилган.

ЗАРДУШТ (ЗАРДУСТ, ЗАРАТУШТРА, ЗОРОАСТР) – дунёда яккахудолик (монотеизм)ни тарғиб этган илк мутафаккирлардан бири. Унинг туғилган вақти тўғрисида бир-бирига зид фикрлар мавжуд. Абу Райхон Беруний З.ни Искандардан 258 й. олдин дунёга келган, деган фикрни айтади. Лекин, кейинги тадқиқотлар, айниқса, “Авесто”нинг Готлар қисмини, унинг тили ва келтирилган тарихий даврларини чуқур таҳлил қилиш орқали З. мил. авв. VIII а. яшаб ижод этган ва мил.авв. VIII а.нинг охири, VII а.нинг бошларида вафот этган, деган хулосага келинмоқда. З.нинг асл исми Магупта бўлиб, мил.авв. VIII а.нинг биринчи чорагида қуйи Амударё худудларида ташкил топган қабилалар иттифоқига қарашли Спитама уруғидан чиққан Пуришасп исмли кишининг ўғли бўлган. Онаси ана шу уруғга мансуб бўлган Фарохимнинг кизи Дугдова исмли аёл бўлган. Ёшлигида отаси уни ўз даврининг оқил одамларидан бири бўлган Барзин қуруш (чўпон)га шогирдликка берди. Барзин қуруш тарбиясида 7 ёшдан то 15 ёшгача бўлиб, қабилалар орасида кенг тарқалган, турли соҳа тангриларини мадҳ этувчи яштарни ёд олади.

Қабилалар орасидаги зиддиятларнинг асл сабабчиларидан бири кўпхудолик эканлигини аниқлаб етган 23 ёшли Магупта (З.) бутун оламнинг қудратли ҳукмдори ва дунёвий ақл (руҳ шаклида тасаввур этган) Ахура Маздагагина иттифоқ этиш лозим деган қарорга келади. Ўз ғоясини ўттиз ёшларида бошлаб, ўз уруғи ва қабилаларини орасида тарғиб қила бошлайди. Лекин, ҳар бир Худого алоҳида ибодат қилиб одатланган кишиларга якка Тангрига сажда қилиш кераклигини сингдириш ниҳоятда мушкул иш эди. З. ўз қабилаларини томонидан бадарға қилинади. Ўн йил чўлу биёбонлар, тоғу тошлар, турли шахару қишлоқларни кезиб, яна ўз юртига қайтади. З. ўз қабилаларини, лекин бошқа уруғдан чиққан қизга уйланиб, учта ўғил ва учта қиз қўради. Қизлари: Фрини, Трини, Пуричисто, ўғиллари: Иставатр, Уруватр, Хурчитра эканлиги тарихий манбалардан маълум. У уч марта уйланган деган маълумотлар бор. З. яшаган даврлар Арёшайона (тарихда “Катта Хоразм” давлати деб ҳам юртилади) давлатининг инкирози бошланган давр эди. Дастлаб Арёшайона давлатидан Шимолий Афғонистондаги Бахтар (“Авесто”да “Баҳди”) ўлкаси ажралиб чиқади ва ўзини мустақил давлат деб эълон қилади. Мустақил Бахтар давлатининг ҳукмдори Гуштасп (Виштасп) саройига бориб З. қароматларини кўрсатиб, уларга ўз эътиқодини қабул қилдиради. Гуштасп иродаси б-н З. томонидан ижод этилган Гота мадҳиялари кейинчалик шогирдлари томонидан тўпланиб, бир китоб шаклига келтирилди. З. етмиш етти ёшида ўзи томонидан тархи қизилган марказий ибодатхона (оташкада)нинг очилиш маросимида ҳукмдор Аржасп буйруғи б-н Братар Вахш томонидан ўлдирилди.

ЗАРДУШТИЙЛИК (ОТАШПАРАСТЛИК, ЗОРОАСТРИЗМ) – мил.авв. VIII-VII а. қуйи Амударё худудларида вужудга келган яккахудоликни тарғиб этадиган дин. З. Зардушт томонидан ислоҳ қилиниб, такомиллаштирилди. З. таълимоти мил. авв. VII а.да Арёшайона давлати (тарихда Катта Хоразм давлати деб юртилади)нинг инкирозга юз тутган даврида вужудга келди. Бу даврда турли худодларга сажда қилувчи қабилалар ўртасидаги зиддиятлар парчаланиб кетаётган жамият (давлат)нинг ички қарама-қаршилигини янада кучайтиришга олиб келган. Мам-

лакат инкирозининг олдини олиш учун қабилалар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериб, умумий манфаатлар муштараклигини тарғиб қилувчи муайян мақсадга қаратилган изчил ғоялар яратиш зарурияти вужудга келган.

Бундай таълимот, биринчидан, жамиятнинг ижтимоий барқарорлигини сақлаб қолиш учун хизмат қилиши, инкинчидан, уруғ ва қабилавий динлардан устун турувчи ҳамда барча уруғ ва қабилалар манфаатларига мос тушадиган эътиқод шаклини яратиши, учинчидан, ҳар қандай қонли урушлар ва хунрезликларга қарши халқларни осойишталикка чақириши, тўртинчидан, давлат чегараларидан ташқари кўчманчи қорвадор қабилалар ҳужумига қарши мамлакат ичкаридаги қучларни жиқслаштирувчи ғоялар тизимини шакллантириши зарур эди. Бундай ғоялар тизими эса, ўз даврининг сиёсий ташкилоти бўлган Аришайона давлатининг мафқурасидан бошқа нарса бўлиши лозим эди. Қабилалар ўртасида муштарак манфаатларни шакллантириш учун қабилаларнинг умумий эътиқодини вужудга келтириш зарур эди. Зардушт одамларни Ахура Маздага сажда қилишга чақириб, инсоният маънавияти тарихида янги босқични бошлаб берди. Биринчидан, у кўпхудоликка (политеизм) қарама-қарши яққа худолик (монотеизм)ка, яъни, диний эътиқоднинг юқори босқичига қадам қўйган эди. Икинчидан, илгари одамлар худолар қаҳридан, уларнинг дахшатли вайрон қилувчи қудратлари олдида ожиз, кўрқув дахшати остида сиғинишган бўлса, эндиликда З. қалби кишиларга меҳр-шафқат б-н тўлган, яхшилик томон ундовчи, уларни ўлимидан кейин мангу фаровон ҳаёт б-н таъминлай оладиган тангри Ахура Маздага ибодат қилишга чақирди. З. диний эътиқодда дуализм (икки худодлик)ни эмас, яққахудолик (монотеизм)ни тарғиб қилган. З. дунё – ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, ёлғончилик ва ростгўйлик, ваҳшийлик ва эзгулик, жоҳиллик ва шафқатлилик, аҳмоқлик ва ақллилик, паст ва баландлик, олов ва сув, иссиқлик ва совуқлик каби қарши қучлар ўртасида кечадиган аёвсиз кураш майдони сифатида тасаввур қилинади. Оламдаги барча яхшилик, эзгулик, ёруғлик қучларини Ахура Мазда яратади ва бошқаради. Ёмонлик, тубанлик, ёлғончилик ва ҳ.к. қучларнинг ижодқори ва унинг бошқарувчиси деб, Анҳра Манйу деб тушунилади. Ахура Мазда ўзининг олтига ёрдамчиси б-н барча ёруғ оламни бошқаради. Бу “Мангу яшашга моллик муқаддас руҳлар” Ахура Мазда раҳнамолигида мавжудликнинг турли соҳаларини ўзида мужассам этадилар. Ҳаёт деб аталувчи барча нарсалар: инсонлар, қорва, олов, ер, осмон, сув ва наботот (ўсимликлар) дунёсига хомийлик қиладилар. Муқаддас руҳлар (“Авесто” битикларида “Амеша Спента” деб айтилади) жами олтига бўлиб, улар Муқаддас рух Спента Манйу ёрдамида вужудга келтирилади. 1) Воху Ману – эзгу фикр; 2) Аша Вахишта – энг олий ҳақиқат; 3) Спента – муқаддас эътиқод, диннатга содиқлик (неймон); 4) Хишатра – Варйа – ҳукмронлик хоҳиши; 5) Ҳарватат – яхлитлик; 6) Амеретат – мангулик; Ахура Мазда б-н жами еттита;

Еттита ҳамфикрлар
Еттита ҳамризолар
Еттита ҳамкор ҳукмдор
Фикр ва сўз эгалари
Ҳаммасининг ташвиши бир
Ҳаммаси ҳам бир уруғдан

Ахура Мазда исмли
Яратувчи сарбондан

(Авесто. 19-яшт. Гимн Хварно. Душанбе, 1990, 129-б. Тохир Карим таржимаси). З. таълимотида Анҳра Манйу – барча ёмонлик, зулмат қучларнинг тимсоли сифатида у ҳам Жин, Шайтон, Иблис, Алвасти, Жодугар, Дев, Аждаҳо, Илон ва ҳ.к.ларни яратиб, улар ёрдамида одамлар қалбига кўрқув, дахшат уруғларини сочиб, ўзларига тобе қилишга уринадилар. Бушйаста – одамларда ялқовлик, дангасаликни қучайтирувчи, одамлар эрта б-н турмоқчи бўлганида ўзининг узун қўллари б-н бошини ёстиққа босиб, яна уйқуга элтувчи иблис қиёфасидаги дев. Гандарва – дарёлар, қўллар, денгиз сувларини бошқарувчи, сув тўфонлари, тошқинлари, кема ҳалокатларини, Амударёда дағишларни келтириб чиқарувчи қудратли, гавдали, кўрқинчли кўринишдаги кип-қизил кўзи б-н одамлар қалбига дахшат солувчи иблис қиёфали дев. Мозон девлари – узоқ шимол томонда, мангу қаҳратон совуқ ҳукмрон бўлган олис Урал тоғлари орқасида макон тутган, одамлар ҳаётига аралашиб турадиган, уларнинг тақдирларига таъсир кўрсатувчи девлар ва ҳ.к.

Одамлар бу икки қудрат ўртасидаги чегарада ҳаёт кечирадилар. Ахура Мазда ўз ёрдамчилари, маъбуд ва маъбудалари, хур фаришталари б-н етти қават осмонни ўзларига маскан тутадилар. Анҳра Манйу ўз салафлари б-н етти қават ер тагини ўзларига маскан тутадилар. Бу икки ҳукмдор салтанатларининг чегаралари ер юзасидан, одамлар қалбидан ўтказилади. Одамларга бу икки қудратдан бирици танлаш имконияти яратилади. Агар киши кўпроқ шу бугунги қуш ташвиши б-н, қорин ғамидан нарисини ўйлай олмайдиган, шахсий ғаразли манфаат йўлида ёлғончиликдан ҳазар қилмаса, ўлганидан кейин нариги дунёга ишонмаса, бундайлар, албатта, Анҳра Манйу таъсирига учраган одамлар ҳисобланган. Аксинча, бу дунё одамларга синов учун берилган, ҳақиқий ҳаёт ўлгандан кейин, чинвоот (қил кўприк)дан кейин бошланишига ишонса, нариги дунёда абадий фароғатда умр кечириладиган жаннатга интилса, унга бу дунёда Ахура Мазданинг йўлидан борини, унга амал қилиши, фақат эзгу фикр, эзгу Қалом (сўз) ва эзгу амалларга риоя қилиб яшаши орқалигина эришилади. Ахура Мазда одамларга тўғри йўлни кўрсатиш учун одамлар орасидан энг сарасини – Зардуштни ўзига элчи қилиб танлайди. Зардуштга эзгу фикр ва эзгу сўз тайёр ҳолда дунёвий қудратли ақл – Ахура Мазданан юборилади. Бу юборилган эзгу фикр ва эзгу сўзга сиққидилдан ёндашиб, уларга амал қилиш одамларга вазифа қилиб юклатилади. Анҳра Манйу эса Ахура Мазда йўлидан одамларни қайтариш учун инсонлар орасидан бирини танлаб, энг буюк қобилият ато этади. Бу танлаган одами Друзганд (“Авесто”да Друж) бўлиб, ёлғончиликда, бебурдликда, муболага, ваҳимали гапларни қиёмига етказиб, одамлар қалбига дахшат уруғини сочишда устаси фаранг бўлиб, З. таълимотига қарши ташвиқот ишларини олиб боради. З. таълимотида (“Авесто”нинг Готлар қисмида) қорвачиликка асосланган турмуш тарзига қараганда ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзини қарама-қарши қўйиб, кўчманчи қорвачиликка асосланган ҳаёт тарзи барча ёвузликларнинг манбаси деб қараб, ўз жамиятининг фуқароларини чўл халқлари яшаш тарзида кўпроқ Анҳра Манйу иродаси қонулаштирилганлиги

дан огоҳ бўлишга чақиради. 3-да оловга сиғиниш алоҳида ахамият касб этади. Олов улар учун муқаддас ҳисобланади, барча ёруғлик, тозаллик, эзгуликнинг манбаси сифатида қаралган. Ахура Мазданинг қалби қуёши нуридан чиқарилган (олинган) оловнигина улар муқаддас ҳисоблаганлар. Оловнинг манбаларини иккита – биринчиси Қуёш, иккинчиси эса, Ер ости (жаханнам) деб тушунганлар. Қуёш нуридан олинган оловга яратувчилик, гуноҳлардан тозаловчи, меҳр ёлқини манбаси сифатида қаралиб, ер қаъридан чиққан оловга вулкон, қора булутдан чиққан момақалдирик, йилдирим (яшин) кўринишида одамлар, ҳайвонлар ва наботот оламига қирғин келтирувчи сифатида қараганлар. Шунинг учун ҳам йилнинг ўзини ҳам Ормузд даври (яъни Наврўздан то Меҳржон байрамигача) ва Ахриман даврига Меҳржон байрамидан (21 сентябрдан) Наврўз айёми (21 март)гача вақтларга бўлиб тасаввур қилганлар. 3. таълимотида кишилиқ жамияти жами 12 минг йил умр кўриши белгилаб қўйилган. 3-да ер, сув, ҳаво, олов мавжудлигининг тўртта асоси сифатида улуғланади. 3-даги бу таълимот греклардаги содда материалликлар (Фалес, Анаксимен, Анаксимандр, Гераклит)нинг фалсафий таълимотларига чуқур таъсир қилганлигини кўрамиз.

Шунингдек, Ахура Мазда (дунёвий ақл) рух образида Сукрот ва Афлотун фалсафасига таъсирини, Арасту фалсафасидаги борлиқнинг тўртта асоси (ер, сув, ҳаво, олов) тўғрисидаги таълимотнинг шаклланишида ҳам 3. гоёларининг катта таъсирини сезиш мумкин. Монийлик, митраизм, маздакийлик таълимотлари 3.нинг гоёвий меросхўрлари ҳисобланади. Аршакийлар ва Сосонийлар подшоликлари даврида 3. яна давлат дини даражасига кўтарилди. Араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан сўнг энг фидойи зардуштийлар иккинчи марта (биринчиси Искандар Зулқарнайндан қочиб) Ҳиндистонда паноҳ топдилар. Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳри атрофида ва Гужарот штатида ҳозир ҳам 250–300 минг кишидан иборат парслар номи остида зардуштийлар қавми истикомат қиладилар. Эроннинг жанубий тоғлари орасидаги дараларда ҳам кўп минг кишилиқ зардуштийлар қавми бор. 3. таълимоти ўзидан кейинги янада ривожланган миллий-минтақавий, жаҳон динлари бўлган яҳудийлик, буддавийлик, христианлик ва ислом этикоднинг шаклланишида катта ахамият касб этди. Хусусан, ҳалол, ҳаром, гуноҳ, савоб, жаннат, дўзах, хур, фаришта, иблис, шайтон, дев, етти қават осмон, етти қат ер, етти иқлим, дунёвий ақл, дунёвий рух, киёмат, охир замон, қил кўприк, (чинвот), охирги ҳукм ва б. бир қатор тушунча ва образлар дастлаб 3.нинг китоби “Авесто”да ишлаб чиқилган эди.

ЗАРУРИЙ МУДОФАА – мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини уларга нисбатан ғайриҳуқуқий тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли б-н химоя қилиш. 3-м. ҳуқуқи фуқароларнинг давлат ва жамоат манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳар қандай тажовуз қилишлардан химоя қилишга онд конституциявий қондаларни рўёбга чиқаришнинг муҳим қафолатларидан бири ҳисобланади.

ЎзР ЖКнинг 37-м.сига мувофиқ, 3-м. ҳолатида содир этилган, яъни мудофааланувчи ёхуд бошқа кишининг шах-

си ёки ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга ҳилоф тажовузлардан тажовузчига зарар етказган ҳолда химоя қилиш чоғида қилинган ҳаракат, агар 3-м. чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш деб топилади.

Бошқа шахсларга ёки ҳокимият органларига ёрдам сўраб муурожаат қилиш ёхуд тажовуздан ўзга йўсинда қутулиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, 3-м. ҳуқуқи шахсга тегишлидир.

Зарар етказиш мақсадида қасддан ҳужум қилиш истажини кўзга тушириш 3-м. деб топилмайди.

ЎзР МЖКнинг 18-м.сига биноан, ушбу кодексда ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, лекин 3-м. ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли б-н химоя қилиш вақтида, башарти бунда 3-м. чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

3-м. деб ҳисоблаш учун тажовуз реал бўлмоғи лозим.

3-м. ҳолатида зарар етказганлик учун жавобгарлик асослари ЎзР ФКнинг 987-м.сида белгилаб қўйилган.

ЗАРУРИЙ МУДОФАА ЧЕГАРАСИДАН ЧЕТГА

ЧИҚИШ – тажовузнинг хусусияти ва хавфлилиги даражасига бутунлай мувофиқ келмайдиган мудофаа 3-м.ч.ч.ч. деб топилади (ЎзР ЖК 37-м.си). Химоя тажовуз характери ва хавфлилигига мувофиқ бўлиши шарт. Лекин, химояланаётган шахс, одатда, ҳар доим ҳам тажовузнинг характери ва хавфлилигини аниқ англай олмайди ва жиноятнинг олдини олиш учун керакли бўлган зарарни етказди. Шу сабабли зарурий мудофаа ҳолатида бўлган шахс етказган зарар кўрсатилган тажовузга нисбатан кам, тенг ёки кўп бўлиши мумкин. Бироқ, бу ҳолат нилмнши зарурий мудофаа деб топмаслиқни англамайди. Негаки, зарурий мудофаадаги муҳим ҳолат тажовуздан келиб чиқадиган зарарни қамайтириш эмас, балки ижтимоий манфаатларни химоялашдан иборат.

ЗАХИРА ЕРЛАР – к.: *Ер фонди тоифалари.*

ЗАҲАР – инсон организмга ташқи муҳитдан жуда кам миқдорда тушган, кимёвий, физик-кимёвий йўл б-н таъсир этиб, соғлиқ бузилишини ёки ўлимни келтириб чиқарувчи моддалар. Бундай моддалар келтириб чиқарган касаллик захарланиш дейилади. 3-нинг таъсир қилиш шароитлари организмга ташқаридан киритилган кимёвий модда захарлилик хусусиятини маълум бир шароитларда намоён қилишига, кимёвий модданинг дозасига, концентрациясига, 3. киритилган вақтда организм ҳолатининг хусусиятларига ва 3-нинг организмга тушиш йўлларига боғлиқ.

ЗҶРЛИК – бирор кишининг иккинчи бир кишига нисбатан зўрлик қилиши, зўравонлик, жисмоний куч ишлатиш йўли б-н хўрлаши, жабр-зулм қилиши. 3. инсоннинг дахлсизлигини бузиш, жисмоний ва маънавий азиятлаш шаклида ҳам бўлади.

3. жиноят содир этиш усулларидан бири. Жиноятларнинг катта қисми – қасддан одам ўлдириш, қасддан соғлиққа шикаст етказиш, қийнаш, номусга тегиш, талончилик,

босқинчилик ва безорилик 3. ишлатиш йўли б-н содир этилади. Жумладан, 3. ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ижтимоий хавфлилиги ва оқибатларнинг оғирлиги даражасига кўра бошқа жиноий қилмишларга нисбатан оғирроқ ҳисобланади. Бундай жиноятларни содир этувчи шахслар турмуш ва дам олиш микромуҳитида ҳам 3. ишлатади. Бундай жиноий қилмишлар умуминсоний ахлоқ нуқтаи назаридан жиддий қораланади. Бу жиноятлар айбдорнинг 3. қилиши, унинг ахлоққа зид шафқатсизлигидан далолат беради.

ЗҰРЛИК БИЛАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР – жиноят ҳуқуқида зўрлик ишлатиб шахснинг ҳаётига, соғлиғига, жинсий эркинлигига, мулкка, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига, бошқарув тартибига, жамоат хавфсизлигига, жамоат тартибига қарши содир этиладиган жиноятлар. Улар кўпинча қасддан одам ўлдириш; террористик акт; халқаро ҳимоя ҳуқуқи бор шахсга тажовуз қилиш; қасддан соғлиққа оғир, ўртача, енгил даражада зарар етказиш; баданга оғир шикаст етказиш; жисмоний азоб бериш, ноқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш; шахсни гаровга олиш; бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш қабиладан иборат.

ЗҰРЛИК ИШЛАТИБ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТУВЧИЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ – ижтимоий хулқ-атворининг хусусиятига қараб зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахслар уч асосий типга ажратилади. Биринчи типга ғайриижтимоий хулқ-атвори тажовузкорлик ва зўрлик ишлатишга қатъий мойил бўлган жиноятчилар қиради. Уларга инсоннинг шахсига нисбатан салбий-беписанд муносабат, мавжуд низоларни зўрлик ишлатиб ҳал қилиш мумкинлигига ишонч туйғуси хос. Бундай хулқ-атвор стереотипи – мазкур жиноятчилар шахсининг чуқур деформациялашуви натижаси, эгоцентрик турмуш тарзининг ўзига хос маҳсулидир. Содир этилган жиноятлар учун жазога ҳукм этилганлар орасида бундай шахслар 45–55%ни ташкил қилади. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахсларнинг иккинчи типига салбий деб тавсифланувчи, аввал ҳам ҳар хил ҳуқуқбузғушликлар содир этган, аммо шахсга қарши тажовуз қилишга қатъий мойил бўлмаган жиноятчилар қиради. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этиш улар учун ўта муҳим мақсадларга эришиш воситаси, маълум неъматларни қўлга киритиш усулига айланади. Кўриб чиқилаётган жиноятлар учун ҳукм этилганларнинг умумий сонидан бундай шахслар қарийб 20%ни ташкил қилади. Учинчи типга жиноятга қадар ижобий ёки нейтрал

тавсифланган, жиноий тажовузни эса салбий ташқи вазият таъсирида биринчи марта содир этган маҳкумларни киритиш лозим. Уларнинг хулқ-атворида олдинги икки тип вакилларига хос бўлган аломатлар мавжуд эмас. Улар вужудга келган вазиятга жавоб тариқасида зўрлик ишлатадилар. Маҳкумлар орасида бундай шахслар қарийб 30%ни ташкил қилади. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчилар ва безорилик хатти-ҳаракатларига йўл қўювчи шахсларнинг кўпчилиги эркаклардир (90–93%). Бу эркакларга хос ижтимоий роллар ҳамда жинсларнинг психофизик хусусиятлари б-н изоҳланади. Эркаклар кўпинча тасодифий компанияларга тушиб қолиш, спиртли ичимликларни суинстеъмом қилиш натижасида зўрлик ишлатиш ёки безорилик жиноятини содир этадилар.

Эркаклар ва хотин-қизлар томонидан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг сабабларида ҳам фарқлар мавжуд. Хотин-қизлар кўпинча рашиқ, ҳасад, ўч олиш, жабрланувчидан қутулиш ва б. шунга ўхшаш мақсадларга кўра жиноят содир этадилар. Хотин-қизлар томонидан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг аксариятига жабрланувчининг виктим хулқ-атвори сабаб бўлади. Сўнги йилларда безорилик оқибатида ёки тамағирлик ниятида одам ўлдириш жиноятларида хотин-қизларнинг салмоғи кўпайиб бораётгани, улар томонидан ўта шафқатсизлик б-н содир этилган жиноятлар сонни ортгани қайд этилмоқда. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи шахслар ва безориларнинг асосий кўпчилигини ёш ва ўрта ёшли (40 ёшгача) шахслар ташкил этади. Энг юқори жиноий фаоллик 25–29 ёшдаги шахслар гуруҳига ҳосдир. Жиноий фаолликнинг даражаси жихатидан кейинги ўринларни 18–24 ёшли, 30–39 ёшли ва 16–17 ёшли гуруҳлар эгаллайди. Одатда ўсмирлар ва ёшлар ҳаддан ташқари ишонувчан, бунинг устига уларнинг иродаси яхши ривожланмаган бўлади, шунинг учун ҳам улар ғайриижтимоий элементларнинг зарарли таъсирига жуда осон берилади. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этиш ва безориликда айбдор шахслар маълумоти даражасига қараб қуйидагича тақсимланади: умумий ўрта маълумотлилар – 70%; ўрта махсус маълумотлилар – 15%; олий маълумотлилар – 2%.

Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчиларнинг шахсларини аниқлаш, уларга бериладиган жазо меъёрини тўғри белгилаш, жазони ўташ жараёнида тарбиявий ишларнинг мезонини тўғри қўллаш, ниҳоят, улар жазони ўтаб бўлгандан сўнг яна зўрлик ишлатиб содир этиши эҳтимоли бўлган жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўришни осонлаштиради.

И

ИЖАРА – шартнома асосида ерга, бошқа табиий ресурсларга, шунингдек хўжалик фаолиятининг ва ўзга фаолиятини мустақил равишда амалга ошириш учун И.чига зарур бўлган мол-мулкка ҳақ эвазига муддатли эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишдан иборатдир. И. ЎЗР қонун ҳужжатларида маънига фаолиятнинг ҳамма соҳасида мулкчиликнинг барча шакл ва туридаги мол-мулкка нисбатан қўлланиши мумкин (“Ижара тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 1-м.си). Яна қ.: *Ижара шартномаси*.

ИЖАРА ШАРТНОМАСИ – ЎЗР ФКда “мулк ижараси шартномаси” тарзида номланган бўлиб, унга кўра ижарага берувчи ижарага олувчига ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

ЎЗР ФКнинг 536–557-м.ларига мувофиқ, агар қонун ёки мулк И.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида оладиган маҳсулот, мева ва б. даромадлар унинг мулки ҳисобланади. Ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва б. алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва б. мулккий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмом қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин. Мол-мулкни ижарага бериш ҳуқуқи шу мол-мулк эгасига тегишлидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин.

Мулк ижараси шартномаси бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланган бўлса, тарафлардан бирортаси юридик шахс бўлган ҳолларда эса, муддатдан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Кўчмас мулк И.ш. давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Мулк ҳуқуқининг келгусида ижарачига ўттишини назарда тутувчи мулк ижараси шартномаси бундай мулкнинг олди-сотди шартномаси учун назарда тутилган шаклда тузилади. Шартнома ўнда белгиланган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат белгиланмаган бўлса, шартнома номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафини бир ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, истаган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. Қонун ёки шартномада номуайян муддатга тузилган мулк ижараси шартномасини бекор қилиш ҳақида олдиндан огоҳлантиришнинг бошқа муддатлари ҳам белгилаб қўйилиши мумкин. Ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топшириши лозим. Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкнинг ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам, жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи ўз хоҳишига кўра: ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашга талаб қилишга; ижарага берувчининг олдиндан огоҳлантирилган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфлаган харажатлари суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга; шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли. Мол-мулкнинг ижарага топширилиши бу мол-мулкка нисбатан учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бекор бўлиши ёки ўзгариши учун асос бўлмайди. Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақини ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига мувофиқ, агар бундай шартлар шартномада белгиланган бўлмаса, мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ фойдаланиши лозим. Агар ижарага берувчининг ёзма огоҳлантиришига қарамай, ижарага олувчи мол-мулкдан шартнома шартларига ёки мол-мулкнинг вазифасига номувофиқ фойдаланса, ижарага берувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишни ва зарарнинг қоплаишини талаб қилишга ҳақли. Мулк ижараси шартномаси бекор бўлганидан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозим. Агарда мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи томонидан мол-мулкнинг ажратиб олма бўладиган тарзда яхшиланиши унинг мулки ҳисобланади.

ИЖАРА ҲАҚИ – ижарага олувчи томонидан ижарага олинган мол-мулкдан вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш эвазига тўлайдиган ҳақи. Ижарага олувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақини ўз вақтида тўлаб туриши шарт. Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби, шартлари ва муддатлари мулк ижараси шартномаси б-н белгиланади. Булар шартномада белгиланмаган ҳолларда одатда худди шундай мол-мулкни ўхшаш ҳолатларда ижарага беришда қўлланиладиган тартиб, шартлар ва муддатлар белгиланган деб ҳисобланади.

Мол-мулкдан фойдаланганлик учун ҳақ ижарага олинган барча мол-мулк учун яхлит ҳолда ёки унинг ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида-алоҳида ҳолда қуйидаги кўринишларда белгиланади: вақти-вақти б-н ёки бир йўла тўланадиган қатъий суммада белгиланган тўловлар тарикасида; ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот, мева ва б. даромадларнинг белгиланган улуши тарикасида; ижарага олувчи томонидан кўрсатиладиган маълум хизматлар тарикасида; ижарага олувчи томонидан ижарага берувчига шартномада келишилган ашёни мулк қилиб ёки ижарага топшириш тарикасида; ижарага олинган мол-мулкни яхшилаш бўйича шартномада келишилган харажатларни ижарага олувчи зимма-

сига юклаш тарикасида. Тарафлар мулк ижараси шартномасида мол-мулкдан фойдаланганлик учун кўрсатиб ўтилган ҳақ шаклларини аралаш амалга оширишни ёки ҳақ тўлашнинг бошқа шаклларини назарда тутишлари мумкин.

Агар мулк ижараси шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори шартномада белгиланган муддатларда, бироқ бир йилда кўпи б-н бир марта тарафларнинг келишуви б-н ўзгартирилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида мулк ижарасининг айрим турлари учун, шунингдек айрим мол-мулк турларининг ижараси учун ҳақ миқдорини қайта кўриб чиқишнинг бошқача энг кам муддатлари назарда тутилиши мумкин. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага олувчи ўзи жавобгар бўлмаган ҳолатларга кўра, шартномада назарда тутилган фойдаланиш шартлари ёки мол-мулкнинг ҳолати жиддий ёмонлашган бўлса, у мол-мулкдан фойдаланганлик учун И.х.ни тегишли равишда камайтиришни талаб қилишга ҳақли. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулкдан фойдаланганлик учун И.х.ни тўлаш муддатлари ижарага олувчи томонидан жиддий бузилган тақдирда, ижарага берувчи ундан И.х.ни муддатидан олдин, ижарага берувчи белгиланган муддатда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Бунда ижарага берувчи мол-мулкдан фойдаланганлик учун кўпи б-н икки муддатнинг ҳақини муддатидан олдин тўлашни талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 544-м.си).

ИЖАРАГА БЕРУВЧИ – ижара шартномасида иштирок этувчи бир тараф бўлиб, И.б. ўз мол-мулкни ижарага берувчи мол-мулк эгасидир. Қонун ёки мулкдор томонидан мол-мулкни ижарага бериш ваколати берилган бошқа шахслар ҳам ижарага берувчи бўлишлари мумкин (ЎЗР ФКнинг 538-м.си). Бу ҳолатда мулкдорнинг вакили И.б. ҳисобланади. И.б. бўлиб ҳар қандай шахс иштирок этиши мумкин.

ИЖАРАГА ОЛУВЧИ – ЎЗР ФКнинг 535-м.сига мувофиқ, И.о. ижара шартномаси бўйича ўз фаолиятида зарур бўлган мол-мулкни эҳтиёжни қондириш мақсадида ҳақ эвазига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёки фойдаланиш учун олаётган шахс. Айрим адабиётларда ижарачи деб ҳам номланади. И.о. юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар бўлиши мумкин.

ИЖМОЪ (араб. – иттифок, яқдиллик, ҳамфикрлик) – Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда мусулмонлар жамоасининг чиқарган ҳукмлари, яқдиллик б-н қабул қилган қарорлари.

И.нинг қуйидаги ўзига хос шартлари мавжуд:

И. пайгамбаримиз жаноби Муҳаммад с.а.в. вафотларидан сўнг бўлиши керак;

якка шахс томонидан чиқарилаган қарор И. ҳисобланмайди;

мухтаҳидлардан бўлиши керак, мужтаҳид бўлмаган олимларнинг иттифоқи И. эмас;

олимлар иттифоқи мусулмонлардан бўлиши керак.

И.нинг қуйидаги турлари мавжуд:

И. ал-муҳосил – алоҳида масалалар бўйича йирик фикрхуносларнинг биргаликдаги фикри;

И. ал-манқул – обрў-эътиборли кишиларнинг худди шундай ҳолларда қўллаган фикри ва гувоҳликлари;

И. ал-умма – мусулмон умматининг мажлиси, жамоа фикри;

И. ал-имма – давлат бошлиқлари б-н диний ташкилотларнинг раҳбарлари йиғинида қабул қилинган қарор.

ИЖОД ЭРКИНЛИГИ – фуқароларнинг ўзлари хоҳлаган соҳада, хоҳлаган мавзуда илмий-ижодий, ижодий-бадний фаолият б-н шуғулланиш ҳуқуқи. И.э. ЎЗР К.сининг 42-м.сида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ҳар кимнинг илмий ва техникавий И.э., маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланади. Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳам-хўрлик қилади.

И.э.дан умуминсоний кадриятларга қарши ва миллатлар ўртасида нифок чиқариш, конституциявий тузумга қарши фойдаланишга йўл қўйилмайди.

ИЖРО ВАРАҚАСИ – ижро ҳужжатининг тури. И.в. судлар томонидан ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида, ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан, чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида берилади. И.в. судья томонидан имзоланади ва муҳр б-н тасдиқланади.

ИЖРО ИШ ЮРИТУВИ – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бузилган ёки баҳсли субъектив моддий ҳуқуқларни ёхуд қонун б-н қўриқланадиган манфаатларнинг реал ҳимоясини таъминлаш мақсадида ваколатли органлар ҳуқуқий ҳужжатлари ижросининг мажбурий равишда амалга оширилиши.

И.и.ю. суд ҳужжатлари, шунингдек қонунда белгиланган ваколатларини амалга ошираётганларида жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва б. мол-мулкни ўзга шахсларга бериш ёхуд улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа органларнинг (мансабдор шахсларнинг) ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзга келадиган муносабатлар мажмуидир.

ИЖРО ЙИГИМИ – суд ижроси томонидан ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш бўйича ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун қарздордан ундириладиган йиғим. Суд ижросисининг И.й.ни ундириш тўғрисидаги қарори мазкур қарор қайси ижро иши юритиш юзасидан чиқарилган бўлса, ўша ижро ишига кўшиб қўйилади ва алоҳида ижро иши юритишни қўзғатмасдан ижро этилади (“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 77¹-м.си).

ЎЗР Президентининг 2007 й. 1 ноябрдаги ПК–722-сон қарори б-н тасдиқланган Ижро йиғимини ундириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, ижро ҳужжатини ихтиёрий равишда ижро этиш муддати тугаганидан кейинги кунда суд ижроси томонидан чиқарилган қарор И.й.ни ундириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Суд ижроси томонидан ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш чоралари қўлланилганда қарздордан қуйидаги миқдорларда И.й. ундирилади:

мулкий характерга эга бўлган ижро ҳужжатлари бўйича – жисмоний шахсдан ундирилаётган сумманинг 1 %и миқдорда, юридик шахсдан 2 %и миқдорда (мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида мол-мулк ундирувчига топширилган тақдирда – ушбу мол-мулкнинг кийматидан келиб чиққан ҳолда);

мулкый характерга эга бўлмаган ижро ҳужжатлари бўйича – жисмоний шахсдан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдориди, юридик шахсдан энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдориди.

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТ БОШЛИҒИ (инг. head of government) – ижро ҳокимиятининг бошлиғи қондага кўра, президентлик республикаларида президент (АҚШ Конс.сининг 2-м.си) ҳисобланади. Парламентар республикаларда ижро этувчи ҳокимиятнинг олий органи бўлган ҳукуматнинг бошлиғи Бош вазир ҳисобланади. Кўпчилик давлатлар Конс.ларига кўра ижро ҳокимиятининг бошлиғи давлат бошлиғи, яъни президент ёки монарх (мас., АҚШ-да) ҳисобланади. Ярим президентлик, ярим парламентар республикаларда ҳукумат бошлиғи – бош вазир, канцлер ҳисобланади. Парламентар республикаларда қондага кўра, Ижро ҳокимиятининг бошлиғи этиб давлат раҳбари томонидан парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган партиянинг сардори ёки коалицион ҳукумат таркибидagi партиялар сардорларидан бири тайинланади. И.э.х.б. турли мамлакатларда турлича аталиши мумкин: Президент (Мексика), бош вазир (Буюк Британия, Италия, Туркия), вазирлар кенгашининг раиси, вазир-раис, давлат вазири, федерал канцлер ва б..

ИЖРО ЭТУВЧИ ҲОКИМИЯТНИНГ ДУАЛИЗМИ – қондага кўра аралаш шаклдаги республикаларда мавжуд бўлиб, бунда халқ томонидан сайланган кучли президент ва парламент олдида жавобгар ҳукумат мавжуд бўлади. И.э.х.д. ижро ҳокимияти икки субъект – Президент ва ҳукумат томонидан амалга оширилиб (бикамерализм), бунда бир томондан президент ва унинг аппарати, иккинчи томондан Бош вазир ва ҳукумат ўртасида ҳокимият иккиланади. И.э.х.д. президент ва Бош вазир турли ўзаро муҳолифатдаги партияларга мансуб бўлган ҳолларда кучаяди. 1986–1988 й.ларда бундай ҳолат Францияда кузатилган.

ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ОРГАНИ – коллегиял ёки яккабошчилик асосида қонулар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси б-н боғлиқ бўлган давлат фаолиятининг алоҳида бир турини амалга оширадиган, давлат, хўжалик ва маданий қурилишнинг турли соҳалари ва тармоқларида бошқарувни ташкил этиш б-н шуғулланадиган ва шу мақсадда фармойиш бериш фаолиятини амалга оширадиган давлат органи.

И.х.о. ваколатларининг мазмунига кўра умумий компетенцияли ва махсус компетенцияли И.х.о.ларига бўлинади. Умумий компетенцияли ижро органлари ижро фаолиятининг барча ёки кўпгина умумий масалалари б-н шуғулланади, мас., ҳукумат, вил., тум. ва ш. ҳокимиятлари. Махсус компетенцияли И.х.о.лари алоҳида соҳа ва тармоқларида ижро фаолиятини амалга оширади, мас., вазирлик, давлат кўмиталари, агентликлар.

ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИ – ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бошқармалари суд ижрочиларининг тум. (ш.) бўлимлари суд ижрочилари И.х.нинг ижросини таъминлайдилар.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.сига муво-

фик, қуйидагилар И.х. ҳисобланади: 1) судлар ўзлари қабул қиладиган суд ҳужжатлари асосида берадиган ижро варақалари; 2) ҳакамлик судининг қарорларини мажбурий ижро этиш юзасидан судлар берадиган ижро варақалари; 3) чет эл судлари ва арбитражлари қарорлари асосида ЎзР судлари берадиган ижро варақалари; 4) суд буйруқлари; 5) алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувлар; 6) нотариусларнинг ижро хатлари; 7) меҳнат низолари комиссиялари ўз қарорлари асосида берадиган гувоҳномалар; 8) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга органлар (мансабдор шахслар) чиқарган қарорлар; 9) ўзбошимчилик б-н турар жойни эгаллаб олган ёки авария ҳолатида деб топилган уйларда яшаётган шахсларни маъмурий тартибда кўчириш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари; 10) суд ижрочиларининг қарорлари; 11) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа органларнинг ҳужжатлари.

И.х.нинг асл нусхаси йўқолган тақдирда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг дубликати ундирув учун асос бўлади.

“Суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.сига асосан, ижро ҳужжатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим: 1) ижро ҳужжати берган суд ёки бошқа органнинг номи; 2) ижро ҳужжати қайси иш бўйича берилганлиги ва унинг тартиб рақами; 3) ижро этилиши шарт бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қабул қилинган сана; 4) ундирувчи ва қарздорнинг номи, уларнинг манзиллари; жисмоний шахслар учун – қарздорнинг туғилган санаси ва жойи, иш жойи; 5) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати қарор қисми; 6) суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжати кучга кирган сана; 7) ижро ҳужжати берилган сана ва уни ижрога топшириш муддати.

Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати судья томонидан имзоланади ва суднинг гербли муҳри б-н тасдиқланади.

Бошқа органнинг ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжати мазкур ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатли мансабдор шахси томонидан имзоланади ва тегишли органнинг муҳри б-н тасдиқланади.

Суд буйруғининг ҳамда алиментлар тўлаш тўғрисидаги нотариал тарзда тасдиқланган келишувнинг, шунингдек нотариус ижро хатининг мазмуни қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ – ижтимоий ахлоқий тушунча. Инсоннинг теварак-атрофда юз бераётган ижтимоий ҳодисаларга муносабатини ўзида акс эттиради. И.а. гуманистик ғояларга асосланиб, масалага инсоф-диёнат б-н ёндашишни, ҳолисликни, демократик муносабатни ўзида ифодалайди. И.а. ахлоқий тушунча сифатида одамлар ўртасидаги муносабатларда адолатли бўлишга ундайди. Қонунийлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш И.а.нинг муҳим жиҳатларидан саналади. Мамлакатимизда амалга ошириляётган кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг муҳтож табақаларига аниқ йўналтирилган ижтимоий химоя чора-тадбирларининг бош принципларидан бири И.а.га амал қилишдир.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ – бу давлатнинг конституциявий ҳуқуқий макоми бўйича сифат тавсифи бўлиб, унда

инсон ва фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлатнинг тегишли мажбуриятлари конституциявий кафолатланганлигини тақозо этади. И.д. жамиятнинг умумий манфаатларига хизмат қилиб, ундаги ижтимоий фарқларни камайтиришга ёки истисно қилишга интилади. Давлатнинг ижтимоий характери кўп ҳолларда унинг Асосий қонунида мустақкамлаб қўйилади. 1949 й. биринчи бор ГФР Конс.сида, кейинги йилларда бошқа Европа давлатларида, МДХ давлатлари Конс.ларида ўзининг конституциявий ифодасини топган.

И.д. инсонларнинг меҳнати ва соғлигини муҳофаза этиш, иш ҳақининг минимал кафолатланган миқдорини белгилаш, оила, оналик, оталик ва болаликка, ногиронлар ва кекса кишиларга ёрдам беришни таъминлаш, давлат пенсиялари, нафақалари ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа турларини кафолатлаш мажбуриятига эга.

И.д.нинг моддий замини муҳтож қатламларнинг яшаш минимумини таъминлай оладиган иқтисодий ривожланишнинг юксак даражасидир.

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ – моддий жиҳатдан қийналган фуқаролар ва оилаларни давлат ёки жамият маблағлари ҳисобидан моддий-ижтимоий ҳимоялаш шаклларида бири. И.ё. пул, товар-моддий бойликлар ёки натурал хизматлар кўрinishида кўрсатилиши мумкин. И.ё. кўрсатиш б-н шуғулланиш асосий функцияси саналувчи давлат муассасалари (ижтимоий таъминот, даволаш-профилактика, ота-она таъминоти ва парварнишдан маҳрум бўлиб қолган болалар, ёлғиз қариялар ва ёлғиз ногиронлар уйлари ва б.) улар ҳақида белгиланган тартибда тасдиқланган низомларга ва б. қонун ҳужжатларига кўра фуқароларга турли натурал И.ё.лар кўрсатадилар. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кўрсатиладиган И.ё. салмоғи ва шакллари тобора кўпайиб бормоқда. Улар томонидан оилаларга И.ё. кўрсатиш тартиби ва мезонлари қонун ҳужжатлари б-н белгилаб қўйилган. И.ё. кўрсатилишида давлат маблағлари б-н бир қаторда нодавлат, хомийлик маблағлари ҳам тобора кўпроқ жалб этилмоқда.

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР – жамиятда кишилар ўртасида юзага келадиган энгли, мақсадга йўналтирилган алоқалар.

ИЖТИМОЙ НАФАҚА – меҳнат фаолияти б-н шуғулланмаганлиги туфайли давлат ижтимоий суғуртаси б-н суғурталанмаган ва тегишли меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга давлат томонидан бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган тўлов тури.

Муайян ёшга етган, аммо меҳнат стажига эга бўлмаган, қонунга кўра моддий таъминлашга мажбур яқин қариндоши бўлмаган фуқароларга ёшга доир нафақа, меҳнат стажига эга бўлмаган ногиронларга ногиронлик нафақаси, боқувчисини йўқотганлик нафақаси тайинланади. Шунингдек, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳам И.н.ларнинг бир туридир.

И.н.ларни тайинлаш ва тўлаш тартиблари тегишли қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Уларнинг миқдори катъий белгиланган бўлиб, ЎзР Президентининг фармонларига мувофиқ вақти-вақти б-н индексация қилиб борилади.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМАЛИ АХБОРОТ – соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, энергия ре-

сурсларини сақлаб қолиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, маънавият ва маърифат масалаларига доир ахборот, шунингдек нотижорат йўсиндаги бошқа ахборот.

Шахсларнинг И.р.ани текинга тайёрлаш ва тарқатишга доир фаолияти, ўз мол-мулкнинг (шу жумладан, пул маблағларини) И.р.а. тайёрлаш ва тарқатиш учун бошқа шахсларга бериши хайрия фаолияти дейилади. Бундай шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланадилар.

Реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 %идан кам бўлмаган ҳажмда И.р.ани жойлаштириши шарт. Бунда фаолияти ЎзР Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар И.р.ани бепул жойлаштиради ("Реклама тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 16-м.си).

ИЖТИМОЙ СУГУРТА – ходимлар қариганларида, меҳнат қобилиятларини қисман ёки тўлиқ йўқотганларида, боқувчисидан маҳрум бўлганларида, шунингдек уларнинг йўқотилган иш ҳақларини қоплаш ҳамда соғлиқларини муҳофаза қилиш мақсадларида моддий таъминот олишлари учун махсус жамғармаларга пул бадаллари тўлашдан иборат.

Барча ходимлар давлат йўли б-н И.с. қилинишлари лозим (ЎзР МКнинг 282-м.си).

Давлат И.с.си учун иш берувчилар, шунингдек суғурта қилинган ходимларнинг ўзлари бадал тўлайдилар.

Иш берувчиларнинг давлат И.с.си учун бадал тўламаганликлари суғурта қилинган ходимни давлат И.с.си маблағлари ҳисобидан таъминланиш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди.

Суғурта қилинган ходимлар, тегишли ҳолларда эса, уларнинг оилалари ҳам давлат И.с.си маблағлари ҳисобидан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, аёллар эса, бундан ташқари ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари; бола туғилганда бериладиган нафақалар; давлат томонидан бериладиган ёшга доир, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар б-н таъминланадилар.

Давлат И.с.си маблағларидан санаторий-курортларда даволаниш, дам олиш, суғурта қилинган ходимларнинг шифобахш(пархез) таомлари учун ҳақ тўлаш, болаларнинг соғломлаштириш лагерларини таъминлаб туриш, давлат И.с.сига доир бошқа тадбирлар учун ҳам белгиланган тартибда фойдаланилади.

ИЖТИМОЙ СУГУРТА БАДАЛЛАРИ – иш берувчилар томонидан ўз ходимлари учун иш ҳақи фондидан ҳар ойда тўлаб бориладиган муайян миқдордаги пул суммаси. Ҳозирги пайтда ЎзР Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банки бошқарувининг қарори (рўйхат рақами 1333, 2004 й. 6 апрель) б-н тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш, тақсимлаш тўғрисидаги низомга мувофиқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар томонидан давлат солиқлари ва мажбурий йиғимларга тенглаштирилган миқдорда тўлаб борилади. Айрим юридик

шахслар учун ушбу ягона ижтимоий тўловларни ажратиш бўйича имтиёзлар берилган. Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритувчи яқка тадбиркорлар Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жағармасига И.с.б.ни ўзлари хоҳлаган миқдорда тўлайдилар, аммо бу сумма ҳар ойда энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим. Дехқон хўжалиқларининг азбоси бўлган фуқаролар ўзлари хоҳласаларгина давлат И.с.б.ни тўлайдилар, аммо тўлаш истagini билдирсалар, тўланадиган сумма ҳар ойда энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим. И.с.б. ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш, фуқароларнинг пенсия, нафақа ва б. ижтимоий таъминот ҳамда ижтимоий ёрдамлардан фойдаланиш ҳуқуқларини таъминлаш мақсадларида ташкил этилган.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ – муайян ҳолатлар (юридик фактлар) юзага келганда аҳолининг барча қатламларига давлат бюджети ва бюджетдан ташқари махсус фондлардан бериладиган моддий ёрдамлар ёки натурал шаклда кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар.

И.т. турлари бўлиб пенсиялар (давлат пенсиялари: ёшга доир, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик пенсиялари ҳамда жамғариб бориладиган пенсия), нафақалар (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, хомиладорлик ва туғиш, бола туғилгани учун, кўшимча дам олиш куни учун, дафн этиш маросими учун бериладиган нафақалар, шунингдек кам таъминланган онлаларга тайинланадиган, болали онлаларга тайинланадиган, ишлаётган ва ишламаётган оналарга бола икки ёшга тўлгунига қадар тайинланадиган, болаликдан ногиронларга тайинланадиган, пенсия тайинлаш учун зарур меҳнат стажига эга бўлмаган фуқароларга кексалик, ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик нафақалари), И.т.нинг бошқа турлари, хусусан моддий шаклда бериладиган ва натурал ҳолда кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамлар (ёлғиз кексалар, ногиронлар ва етим болаларни давлат таъминотига олиш, уларни меҳрибонлик уйлари, мурувват уйлари ва саховат уйларига жойлаштириш, ёлғиз қариялар ва ногиронларга уларнинг яшаш жойида маиший ҳамда бошқа хизматлар кўрсатиш, ёлғиз қариялар ва ногиронларни белгиланган нормаларда бепул энг зарур озик-овқат маҳсулотлари б-н таъминлаш, муҳтож фуқароларни протез-ортопедия буюмлари, таянч-ҳаракатланиш воситалари, дори-дармонлар б-н таъминлаш, пенсионер ва ногиронларга санаторий ва курортларга бепул ёки имтиёзли нархларда йўлланмалар бериш ва б.) ҳисобланади.

И.т. олишга бўлган ҳуқуқ ЎзР Конс.сининг 39-м.сига мувофиқ кафолатланган.

ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ОЛИШ ҲУҚУҚИ – инсон (баъзида фақат фуқаро)нинг асосий конституциявий ижтимоий ҳуқуқларидан бири. Кўп мамлакатларда давлат томонидан кўрсатиладиган қариганда, вақтинча ёки доимий меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчисини йўқотганда, ишсизлик, камбағаллик бўйича пенсия ва нафақаларни тўлаш тарзидаги И.т.о.х. мустаҳкамланади. Бундай ҳолларда кўрсатиладиган ёрдам миқдори ва шарт-шароитлари қонун б-н белгиланади.

Ижтимоий таъминот олишга бўлган ҳуқуқ ЎзР Конс.сининг 39-м.сига мувофиқ кафолатланган. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини қисман ёки тўлиқ йўқотганда, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунида назарда тутил-

ган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

ИЖТИМОЙ ТУЗУМ – ижтимоий муносабатларнинг тарихан вужудга келган ва ривожланаётган муайян тизими ёки бошқача қилиб айтганда, жамиятнинг ишлаб чиқариш, маҳсулотларни тақсимлаш ва айирбошлашнинг муайян даражаси б-н, ижтимоий онгнинг ўзига хос хусусиятлари ва инсонларнинг турли соҳалардаги ўзаро муносабатларидаги анъаналари б-н боғлиқ бўлган, давлат ва ҳуқуқ б-н муҳофаза этиладиган муносабатлар мажмуи.

ИЖТИМОЙ ХАВФИ КАТТА БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР – ЎзР ЖКнинг 15-м.сига асосан, И.х.к.б.ж.га қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ – жиноят ҳуқуқида инсоннинг ижтимоий муносабатларга зарар етказувчи ташқи дунёдаги ғайриқонуний, онгли, фаол ёки пассив хулқ-атвори. Қилмиш ҳар қандай жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Ҳар қандай жиноий қилмиш ижтимоий хавфлидир, қилмишнинг бундай хавфлилиги унинг қонуи б-н муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатларга зарар етказишда намоён бўлади. И.х.к.нинг даражаси, энг аввало, етказилган зарарнинг ҳажми ва тажовуз қилинган объектнинг қиймати б-н белгиланади. Қилмиш – бу инсоннинг онгли хулқ-атворидир. Шунинг учун, жиноят ҳуқуқий маънода қилмиш дейилганда онгли, шунингдек ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишига сабаб бўлган тана ҳаракати тушунилади. Ҳар қандай жиноят ўзининг объектив белгиларига кўра ижтимоий хавфли ҳаракат ёки пассив хулқ (ҳаракатсизлик) йўли б-н содир этилади. Ижтимоий қилмишнинг кенг тарқалган тури бу ҳаракатдир. ЎзР ЖКнинг Махсус қисмида кўрсатилган жиноятларнинг учдан икки қисмига яқини ҳаракат орқали содир этилади. Ҳар бир ҳаракат негизида инсон томонидан маълум мақсадлар сари онгли йўналтирилган тана ҳаракати ётади. Жиноят ҳуқуқий маънодаги ҳаракат б-н тана ҳаракати ўзаро узвий боғлиқдир. Лекин улар бир хил эмас. Инстинктив, рефлекс ва импульсив тана ҳаракатлари онг б-н бошқарилмаганлиги ва инсон эрки б-н йўналтирилмаганлиги учун, жиноят ҳуқуқий маънодаги ҳаракатни келтириб чиқармайди. Ўз навбатида жиноят ҳуқуқий маънодаги ҳаракат биргина онгли ва иродавий тана ҳаракати б-н чекланмайди, балки у тана ҳаракатларининг ўзаро боғлиқ тизимини ўзида акс эттиради. Бу қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини вужудга келтиради. Ҳаракат шахснинг хулқ-атвори, унинг онгли равишда содир этиладиган хатти-ҳаракати бўлиб, имо-ишора, тил, қўл ва оёқ билангина эмас, балки бошқа нарсалар воситаси б-н ҳам қилиниши мумкин. Мас., одам ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш учун автомашинадан фойдаланиш, итга коптириш ва ҳ.к. Ҳаракатсизлик шахснинг ижтимоий хавфли, онгли ва пассив хулқ-атворидир. Ҳаракатсизлик шахснинг қилиши лозим ва мумкин бўлган ҳаракатни қилмаган-

лиги патижасида, жиноят қонуни б-н қўрикланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказилганлиги ёки зарар етказиш хавфи туғилганлигида ифодаланади.

ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҚИЛМИШ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИ УШЛАШ ВАҚТИДА ЗАРАР ЕТКАЗИШ – ЎзР ЖКнинг 39-м.сига кўра, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилади.

Ушлаш воситалари ва усулларига, қилмишнинг ҳамда уни содир этган шахснинг хавфлилик даражасига, шунингдек ушлаш шаронтига бутунлай мос келмайдиган, ушлаш зарурати такозо этмаган ҳолда ушланаётган шахсга қасддан зарар етказиш ушлаш чоралари чегарасидан четга чиқиб деб топилади.

Ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш вақтида унга етказилган зарарнинг қонунийлигини баҳолашда, қилмишни содир этган шахснинг ушланишдан қочиш мақсадида қилган ҳаракатлари, ушловчининг қучи ва имкониятлари, руҳий ҳолати ва ушлаш б-н боғлиқ бўлган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинади.

Махсус ваколатли шахслар б-н бир қаторда жабрланувчи ва б. фуқаролар ҳам ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлаш ҳуқуқига эгадирлар.

ИЖТИМОЙ ХАВФЛИ ҲАРАКАТ ВА ҲАРАКАТСИЗЛИК – ҳаракат бу шахснинг ижтимоий хавфли, онгли ва фаол хулқ-атвори бўлса, ҳаракатсизлик эса, шахснинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бажариши шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармасликда ифодаланадиган ижтимоий хавфли, онгли сует хулқ-атвори.

Жиний ҳаракатсизлик – хулқнинг шундай қўринишики, айбдор томонидан бажарилиши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатнинг онгли равишда бажармаслиги тушунилади. Жиний ҳаракатсизлик биргина ҳаракатнинг бажарилмаслигида ёки бир-бирига боғлиқ объектив жихатдан бажарилиши шарт ҳаракатлар тизимини бажармасликда намён бўлиши мумкин.

Ижтимоий хавфли ҳаракатсизлик худди ижтимоий ҳаракатдек ташқи дунёга таъсир ўтказиши ва маълум ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ҳаракатсизлик биргина ҳолатда муайян ҳаракатни амалга оширишдан ўзини тийиш б-н бирга жиний хулқ-атвор тизимини ҳам акс эттириши мумкин. Мас., мансабга совуққонлик б-н қараш жиноятида мансабдор шахс ўзига юклатилган вазифани доимий равишда бажармай келади. Ҳаракатсизлик фақатгина ижтимоий хавфли ва ғайриҳуқуқий бўлган тақдирдагина жиний жавобгарликни келтириб чиқаради. Маълум бир ҳаракатларни содир қилиш мажбурияти қонунлардан, иш ва хизмат ваколатларидан, шартномавий муносабатлардан ёхуд ўзининг ғайриқонуний хулқи б-н ўзганинг манфаатларига зарар етказилиши мумкин бўлган шароит яратиб қўйган ҳолатлардан келиб чиқади. Бошқача қилиб айтганда, ҳаракатсизликни ижтимоий хавфли, онгли ва пассив хулқ-атвор сифатида баҳолаш мумкин.

Шахс объектив жихатдан ҳаракатни содир қилиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолатларда унинг ҳаракатсизлиги жиноят деб топилиши мумкин эмас, шу сабабли бу

ҳолатни енгиб бўлмас қуч сифатида баҳоламоқ лозим. Шахснинг имкониятларини ҳисобга олишда унинг жиний ва руҳий сифатларини, қилмиш содир қилинаётганда шахснинг ҳолати, унинг билим ва малака даражаси ҳамда бошқа белгиларидан келиб чиқмоқ зарур.

Жиний ҳаракатсизлик учун шахсни жавобгарликка тортишда жиний хулқ-атворнинг хусусияти ва таркиби б-н бирга қуйидаги уч ҳолатдан келиб чиқиб ҳаракатсизлик чегарасини белгилаш лозим: шахснинг маълум бир ҳаракатни бажаришга мажбурийлиги; маълум бир шароитда бундай мажбуриятларни бажариш имкониятининг мавжудлиги ва бундай имкониятларнинг объектив реаллиги; шахс томонидан бажариллиши лозим бўлган ҳаракатларнинг бажарилмаслиги.

ИЖТИМОЙ ХАВФЛИЛИК – жиноятнинг объектив хусусиятларини акс эттирувчи белги. И.х. ҳуқуқий ҳимоя объектларига зарар етказувчи ёки зарар етказишга реал хавф туғдирувчи қилмишларни жиноят тонфасига киритиш кераклигидан иборатдир. Жиноят сифат ва миқдор ифодасига эга. И.х.нинг сифат жихатидан ўзига хослиги унинг тавсифида, миқдорий хусусияти эса И.х.нинг даражасида қўрилади. И.х. тавсифи маълум турдаги жиноятнинг ижтимоий хусусияти бўлиб, ўзи йўналган ижтимоий муносабатларнинг моҳияти, қимматлилик тизимида эгаллаган ўрни, объектга етказган зарарининг таркиби, айб шаклига боғлиқдир. И.х. даражаси деб, ижтимоий хавфлилик б-н бир хил тавсифга эга қилмишнинг хавфлиликка нисбатан қиёсий ифодасига айтилади. И.х.нинг даражаси жиний қилмишни содир этишда етказилган зиён ҳажми, қасд ва эҳтиётсизлик турлари, мақсад ва сабаблар мазмуни, жой, вақт, услуб, муҳит, қурол ва воситалар ҳамда бошқа ҳолатларга боғлиқ бўлади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР – ЎзР “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 3-м.сига мувофиқ, юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шаронтида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан: ногирон болалар; жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар; етим болалар; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар; ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар; муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар; кам таъминланган оилалардаги болалар; жиний жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар; зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болалар.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЧИЛИК – иш берувчи ва ходим учун энг қулай мувозанатни таъминлайдиган ижтимоий меҳнат муносабатларининг алоҳида тури. Меҳнат муносабатларида И.ш. ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатлар тизими бўлиб, унда манфаатлар қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш йўллари кўзда тутилган. И.ш. бошқа ижтимоий жараёнлар б-н ҳам боғлиқ.

И.ш. – бу ходимларнинг (уларнинг вакилларининг), иш берувчиларнинг (уларнинг вакилларининг), давлат ҳокимияти органларининг, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг иш берувчи ва ходим ўртасидаги манфаатларини тизимлаштиришдир.

И.ш. тушунчаси меҳнат ҳуқуқида янги усул бошқаруви, ходим ва иш берувчи ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш бўлиб, ушбу услуб ходимлар ва иш берувчилар муносабатларини ЎЗР МКда белгиланган шакл ва принципларга асосланган ҳолда яхшилашга қаратилган. Жамоа-шартномавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиниши совет даврида ҳам маълум эди. Лекин, совет меҳнат қонунлари келишув тузишда музокараларга, И.ш.ка катта эътибор бермаган. Биринчи бўлиб жамоа музокараларини ва И.ш. келишувларини ЎЗР МК тартибга солди. ЎЗР МК жамоа шартномасини янги тартибга солиб, ушбу масала бўйича асосий норматив қондаларни ўзида мужассамлаштирди. ЎЗР МКнинг аҳамияти шундаки, у Ўзбекистонда биринчи бўлиб меҳнат соҳасидаги ходимлар ва иш берувчилар ижтимоий шерикчилигини тан олди ва тартибга солди. ЎЗР МК жамоа шартномалари ва жамоа келишувларини тузиш, ушбу жараён юзасидан жамоа музокаралари олиб борилиши ҳамда унда амал қилиниши лозим бўлган принципларни ва ҳуқуқий асосларни ўрнатди, миллий қонунчиликда халқаро ҳужжатлар қондаларини мустаҳкамлади. Жамоа музокаралари ходимлар ва иш берувчиларга, ижтимоий шерикчилар сифатида ўз эҳтиёжларини намоён қилиш, келишиш ва унинг натижаси сифатида жамоа шартномасида мустаҳкамлаш имконини яратди.

Ўзбекистонда И.ш. ҳуқуқий асосини Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 98-сон “Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўллаш тўғрисида”ги Конвенция (Женева, 1949 й. 1 июль), ЎЗР МК, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ташкил этади.

ИЖТИМОЙ ҚОНУНЧИЛИК – миллий қонунчилик тизимидаги тармоқлардан бири бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини белгилаш, уларнинг амалга оширилиши ва кафолатлинишини, ҳимоялинишини таъминлашнинг назарда тутувчи қонунчиликни ўз ичига олади.

И.қ. фуқароларнинг таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, илм-фан б-н шуғулланиш, дам олиш, ўзи хоҳлаган фаолият тури б-н машғул бўлиш каби масалалардаги ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

И.қ. давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатининг рўёбга чиқарилишини, инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари олий кадрят, деган юксак ғояни амалга оширилиши учун юридик база бўлиб хизмат қилади.

И.қ. ЎЗР Конс.сидаги ижтимоий соҳага оид нормалар тизимидан, ана шу масалага тааллуқли қонунлар ва б. қонун ҳужжатларидан иборат.

ИЖТИМОЙ ҲОЛАТ – фуқаронинг унинг ижтимоий келиб чиқиши, жинси, мулки ва лавозими ҳолатига қараб, у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигини ифода этувчи тушунча. Мас., ЎЗР Конс.сининг 18-м.сига кўра, ЎЗРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун б-н белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт, деб белгиланган.

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ТИЗИМИ (БИКАМЕРАЛИЗМ) – парламент таркибида иккита бир-бир-

ридан мустақил вакиллик органи(палата)нинг фаолият юритиши (Германия, Италия, Франция, АҚШ, Япония, Россия, Ўзбекистон ва б.). Парламент бир палатали ва икки палатали каби турларга бўлинади. Бир палатали парламент монокамерал, икки палатали парламент эса, би-камерал парламент деб аталади.

Икки палатали тизимнинг классик мисоли Буюк Британия ҳисобланади. Буюк Британия парламенти икки палатадан: Лордлар (юқори) ва Умумпалата (қуйи)дан иборат. ЎЗР Конст.си 76-м.си иккинчи қисмига кўра, ЎЗР Олий Мажлиси икки палатадан – ҚП (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

ИККИ ПАРТИЯВИЙ ТИЗИМ – ҳокимият учун асосий сайловолди курашда иккита партия иштирок этадиган ва уларнинг ҳар иккиси давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятига эга бўлган тизим. Икки партиявийлик тизимининг классик мисоли АҚШдир. Иккала партия – Республика партияси ва Демократик партия ва уларнинг фракциялари орасидаги сайловолди кураш жуда кизгин кечади ва уларнинг ҳар иккиси давлат бошқарувида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

ИККИ ТОМОНЛАМА СОЛИҚҚА ТОРТИШ (инг. double taxation) – фуқаролар ва юридик шахсларнинг муайян мамлакат ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш натижасида олган даромадини ҳам улар фаолият юритган мамлакатда, ҳам улар тегишли бўлган мамлакатда солиққа тортилиши. Мазкур ҳолатни бартараф этиш мақсадида давлатлар ўртасида И.т.с.т.ни олдини олишга қаратилган шартномалар тузиш амалиёти шаклланган. ЎЗР ҳам чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш, миллий товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бир қатор мамлакатлар б-н шу турдаги шартномаларни тузган.

ИККИ ТОМОНЛАМА СУҒУРТА – ЎЗР ФКнинг 960-м.сига мувофиқ, фуқаролар ва юридик шахслар ўз мол-мулкларини ҳамда ушбу кодекс 915-м.сининг иккинчи қисмида кўрсатилган бошқа мулкый манфаатларини икки тарафлама асосда, бунинг учун И.т.с. қилиш жамиятларида зарур маблағларни бирлаштириш йўли б-н суғурта қилишлари мумкин.

И.т.с. қилиш жамиятлари ўз аъзоларининг мол-мулки ҳамда бошқа мулкый манфаатларини суғурта қилишни амалга оширади ва тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

И.т.с. қилиш ташкилотлари томонидан ўз аъзоларининг мол-мулки ва мулкый манфаатларини суғурта қилиш, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида бундай ҳолларда суғурта шартномалари тузиш назарда тутилмаган бўлса, бевосита аъзолик асосида амалга оширилади.

ЎЗР ФК 52-бобининг қондалари, агар қонунда, тегишли жамиятнинг таъсис ҳужжатларида ёки жамият белгиланган суғурта қилиш қондаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, И.т.с. қилиш жамияти б-н унинг аъзолари ўртасидаги суғуртага доир муносабатларга нисбатан қўлланилади.

И.т.с. қилиш йўли б-н мажбурий суғуртани амалга оширишга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

И.т.с. қилиш жамияти суғурталовчи сифатида, агар унинг таъсис ҳужжатларида суғурта фаолиятини амалга

ошириш назарда тутилган, жамиятнинг ўзи тижорат ташкилотли шаклида тузилган, тегишли турдаги сугуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлса ва қонунда белгиланган бошқа талабларга жавоб берса, жамиятнинг аъзолари бўлмаган шахсларнинг маънафатларини сугурта қилишни амалга ошириши мумкин.

И.т.с. қилиш жамиятининг аъзоси бўлмаган шахсларнинг маънафатларини сугурта қилиш жамият томонидан сугурта шартномалари асосида ЎЗР ФК 52-бобининг қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

И.т.с. қилиш жамиятлари ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари ва уларнинг фаолият юритиш шартлари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ИККИ ТОМОНЛАМА ХАЛҚАРО ШАРТНОМА – к.: *Халқаро шартнома.*

ИККИ ФУҚАРОЛИК – шахснинг мувофиқ келувчи ҳужжатлар б-н тасдиқланган, бир йўла икки ва ундан ортиқ давлатлар фуқаролигига тегишлилиги (бипатризм). Туғилиш бўйича ҳам, шахснинг бошқа давлат фуқаролигига қабул қилиниши натижасида ҳам, агар у айни шу вақтда олдинги фуқаролигини йўқотмаса, юзага келиши мумкин. Бундай тартиб асосан Лотин Америкаси мамлакатларида кузатилади. Мас., Колумбия, Боливия, Аргентина, Бразилия. Яна қ.: *Бипатрид.*

ИККИНИЧ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ – ҳарбий хизматчилар, партизанлар ҳамда фашизмга қарши ҳарбий жангларда (1939-1945 й.) қатнашган шахслар. Германия, Италия ва Япониянинг айби б-н бошланган жаҳон тарихидаги энг йирик уруш XX а. фожияси сифатида инсоният тарихига кирди. Ўзбекистонликлар фашизмга қарши жангга сафарбар этилиб, Ўрта Оснё ҳарбий округидан фронт учун 1941 й. июндан 1942 й. охиригача ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий қўшилма тузилиб, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош қўмондонлик қароргоҳи резервига 86 дивизия ва бригада жўнатилди. Шунингдек, 14 та миллий ҳарбий қўшилма, 9 та ўқчи бригада, 5 та отлик аскарлар дивизияси тузилиб, фронтга жўнатилди. Ўзбекистондан урушга яроқли одамларнинг 50–60 %, аниқроғи 1.433.230 киши урушга сафарбар этилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида 120 минг ўзбекистонлик жангчи Совет Иттифоқи ордени ва медаллари б-н мукофотланган, жумладан, 338 ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, 53 киши эса Шухрат орденининг учала даражасини олишга муваффақ бўлган.

ИЛМИЙ (ДОКТРИНАЛ) ШАРҲЛАШ – к.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ, ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ – илмий-текшириш ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (ижрочи) буюртмачи берган вазифада кўрсатилган илмий текширишларни амалга ошириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномаси бўйича эса янги буюм намунасини, унга тегишли конструкторлик ҳужжатларини, янги технологияни ишлаб чиқиш ёки намуна нусхасини тайёрлаш мажбуриятини олади. Бунда буюртмачи пудратчига (ижрочи-га) техникавий топширик бериш, ишни қабул қилиб олиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Пудратчи б-н тузилган шартнома тадқиқот олиб бориш, намуналар

ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг бутун жараёнини ҳам, уларнинг айрим босқичларини (элементларини) ҳам қамраб олиши мумкин. Пудратчи илмий текширишларни шахсан ўзи олиб бориши шарт. Агар илмий-текшириш ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, у буюртмачининг розилиғи б-н шартномани бажаришга учинчи шахсни жалб қилишга ҳақли.

Пудратчи тажриба-конструкторлик ва технология ишларини бажарган вақтида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уни бажаришга учинчи шахсни ёрдамчи пудратчи сифатида жалб қилишга ҳақли. Агар илмий-текшириш ишлари ёхуд тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрат шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тарафлар шартнома нарчасига, уни бажариш жараёни ва олинган натижаларга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлашларни шарт. Махфий деб ҳисобланадиган маълумотлар ҳажми шартномада белгилаб қўйилади. Пудратчи буюртмачининг ёзма розилиғи б-н мазкур шартномалар бўйича бажарилган ишларнинг натижаларини патентлашга ҳақли. И.т., т.к. ва т.и.п.ш.ларидаги тарафлар иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан шартномада назарда тутилган донрада ва шартларда фойдаланиш ҳуқуқига эга. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачи ўзига пудратчи томонидан берилган иш натижаларидан, шу жумладан ҳуқуқий муҳофазага лойиқ натижалардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, пудратчи эса, ўзи олган натижалардан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишга ҳақли. (ЎЗР ФКнинг 693–696-м.лари).

ИЛТИМОСНОМА – жиноят-процессуал ҳуқуқида суд процесси иштирокчилари томонидан ўз ваколатлари доирасига кирмаган ҳаракатни давлат органи ва мансабдор шахслардан амалга оширилишини сўраб қилган муносабатлари.

ИММИГРАНТ (лот. *immigrans* – кўчиб қирганлар) – бирор мамлакатга доимий ёки узоқ муддат яшаш учун кўчиб келган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс. Иллик ҳолати юзага келиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Мас., ижтимоий, иқтисодий, сиёсий вазиятлардан келиб чиққан ҳолда бир давлат фуқаросининг бошқа давлатга кўчиб келиши тушунилади. Мас., АҚШда Европа ва Осиё давлатларидан кўчиб келган И.лар жуда кўп.

ИМПЕРАТИВ МАНДАТ – бу қондага кўра ҳокимият вакиллик органининг депутати сайловчилар қаказлари б-н боғланган ва ўзининг бутун фаолиятида улар олдида жавобгар бўлиши б-н бирга сайловчилар ишончини оқламаган депутатни муддатидан олдин чақириб олиш мумкинлиги қонунчилик б-н мустаҳкамланган бўлади. И.м.дан социалистик деб аталмиш мамлакатларда ва қатор бошқа тоталитар давлатларда кенг фойдаланилади. И.м. демократик давлатларда қонунга кўра тақиқланган, чунки у миллий вакиллик принципига зиддир. Бундан ГФР парламенти палаталаридан бири – сайловчилар эмас, балки федерация ўлкалари ҳукуматлари томонидан шакллантириладиган, депутатлар ўз ҳукуматлари йўриқларини амалга оширишлари шарт бўлган бундесратда И.м.нинг мавжудлиги мустаснолардан биридир. ЎЗРда ҳам сайловларда қонунчиликка кўра И.м. қўлланилади.

ИМПЕРИЯ (лот. *imperiū* – давлат ҳокимияти) – 1) монархия давлатининг номи, унинг бошлиғи император бўлиб ҳисобланади. Император, аввало, кенг қўламда ўзининг таркибига (босиб олиш йўли б-н) бошқа давлат ва халқларнинг ҳудудларини киритган; айрим И.ларнинг таркибига бир нечта кироликлар бўлган. Рим давлати И. деб аталган (Август даврида – мил.авв. I а. охирида). Кейинчалик, И. Византия, Франко давлатида бўлган (800 й.да Карл томонидан император унвони қабул қилиниши б-н). Ўрта асрда “Мукаддас Рим империяси” мавжуд бўлган. Россия давлатида И. Петр I вақтидан (1721 й.) то монархия кулагунча (1917 й.) бўлган даврида мавжуд бўлган. Наполеон I даврида Франция И. деб номланган, Австрияда 1804 й. (1868 й. – Австро-Венгрияда) И. мавжуд бўлган. И. метрополия ва унинг мустамлакаларини ташкил этади.

ИМПИЧМЕНТ (инг. *impeachment*) – давлатнинг олий мансабдор шахслари (президентлар, вазирлар, судьялар)ни лавозимидан четлаштиришнинг махсус таомили; конституциявий-ҳуқуқий жавобгарликни амалга ошириш шакли.

И. инс.и Англияда вужудга келган бўлиб, бунда Жамоалар палатаси – айбловчи, Лордлар палатаси эса – судья сифатида иштирок этган. Ушбу таомил XVII–XVIII а.ларда ҳукуматнинг айрим аъзоларига нисбатан қўлланилган. XIX а.да жамоавий жавобгарлик принципи қарор топганидан сўнг вазирларнинг шахсий жавобгарлиги муомаладан чиқарилди. И. таомили у ерда охириги марта 1805 й.да қўлланилган.

И. инс.и кўпгина мамлакатларнинг конституциявий ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. XVIII а. охирида у АКШ Конс.сида мустаҳкамлаб қўйилди. Ҳозирги вақтда И. таомили кўпгина мамлакатларнинг Конс.ларида назарда тутилган.

И. таомилидаги фарқлар, аввало, давлат арбоблари доирасига тааллуқли. АКШ Конс.сида президент, вице-президент, судьялар ва ноҳарбий мансабдор шахслар (федерал давлат хизматчилари)ни И. тартибига айблаш имконияти назарда тутилган. Италия, Франция, Германия ва Россияда И. таомили фақат президентга нисбатан, Японияда судьяларга нисбатан амал қилади.

И. таомилининг ўзи ҳам турлича бўлади. 1787 й.ги АКШ Конс.сида назарда тутилган йўналиш кенг тарқалган бўлиб, унга кўра парламентнинг қуйи палатаси айбни таърифлайди ва қўяди, юқори палата эса суд тарихида уни кўриб чиқади ва қарор қабул қилади. Бошқа бир йўналишга кўра, айб қўйиш ҳуқуқига парламент эга бўлади, узил-кесил қарорни эса олий судлардан бири (Германия, Италия, Болгария, Хорватия, Словения, Словакия, Чехияда – КС, Португалия, Финляндия, Руминия, Анголада – ОС, Францияда – Адлия юқори палатаси) қабул қилади.

И. кўзғатилган ҳолларда, қанда тарихида, шу тартибда лавозимидан четлаштирилган мансабдор шахснинг иши оддий судда кўрилиши ва у судир этган қилмишига яраша жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги назарда тутилади.

Амалда И. таомили тарихда жуда кам қўлланилган. АКШда 200 й.дан кўпроқ давр мобайнида И. тартибига тўрт федерал судья лавозимидан четлаштирилган. 1868 й. АКШ президенти Э.Жонсонга нисбатан И. кўзғатиш учун

Сенатда атиги бир овоз етмаган. Иккинчи марта АКШ президентига нисбатан И. кўзғатиш таклифи 1999 й. кўрилган. Бу сафар мазкур таклиф Сенатда ҳатто оддий кўпчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланмаган. Бунга қадар 1974 й. АКШ президенти Р.Никсон И. кўзғатилиши муқаррар бўлган ҳолатда истеъфо берган.

Сўнги йилларда И. таомили анча кўп қўлланила (ёки кўзғатила) бошлади. Мас., ушбу таомил 1993 й. Бразилия ва Венесуэла президентларига нисбатан кўзғатилди. Таъкидлаш жоизки, И. расмий таомили ЎзР Конс.сида назарда тутилмаган, шу боис бизда Президент фақат бетоблиги сабабли лавозимидан четлатилиши мумкин.

ИМПЛЕМЕНТАЦИЯ (лот. *implere* – бажариш, ижро этиш; инг. *implementation*) – давлат томонидан халқаро ҳуқуқий нормаларни ўз ҳудудида амалга ошириш. И. халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка қўйиш (кўчириш, сингдириш) йўли б-н (мас.: ЎзР жинойт қонунчилиги тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларда мавжуд бўлган таърифлар асосида бир қатор жинойтлар таркибини ифода этади) ҳамда халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий ҳуқуқий тизимнинг бир қисми деб эълон қилиш ва давлатнинг бутун ҳуқуқий тизими ёки ҳуқуқий тартибга солишнинг муайян соҳаси доирасида халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий ҳуқуқ нормаларига нисбатан устуңлигини ўрнатиш йўли б-н (мас.: ЎзР Конс.сида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари устуңлиги тан олинади). Бу принцип ўз навбатида базавий қонунлар ва кодексларда ҳам ўз аксини топган) амалга оширилиши мумкин.

ИМПОРТ (лот. *importare* – олиб кирмоқ; инг. *import*) – шундай божхона режимики, бунда божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар уларни ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиш мажбуриятисиз бу ерда доимий қолади.

Режим И. божларини, солиқларни ва б. бож тўловларини таълашни, иқтисодий сиёсат чораларига ҳамда бошқа чора-тадбирларга риоя этишни назарда тутди (ЎзР БКнинг 17-м.си).

ИМПОРТ ВА ЭКСПОРТ БОЖИ – импорт божи халқаро шартномаларга мувофиқ белгиланади. ЎзР савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартибини қўллаётган мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар учун ундириладиган импорт божи ставкаларининг энг кам ёки энг кўп миқдори қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки баравар оширилади, “Бож тарифи тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзР томонидан тариф преференциялари бериладиган ҳоллар бундан мустасно. И. ва э.б.нинг ставкалари ЎзР ВМ белгилайдиган тартибда жорий этилади.

ИМТИЁЗЛИ АКЦИЯ – акция эгаларига дивидендларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 24-м.си). И.а.лар уларнинг эгаларига, акциядорлик жамияти фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

ИМТИЁЗЛИ СОТИБ ОЛИШ ҲУҚУҚИ – мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва б. теги шартларда И.с.о.х.га эгадирлар, киношди савдоси орқали сотиш ҳоллари бундан мустасно. Умумий мулкдаги улушни сотувчи ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти ҳақида бошқа мулкдорларга ёзма равишда маълум қилиб, улушнинг нарҳини ва уни сотишнинг бошқа шартларини кўрсатиши шарт. Агар қолган мулкдорлар И.с.о.х.ни амалга оширишдан воз кечсалар ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан кўчмас мулкка нисбатан бир ой давомида, бошқа мол-мулкка нисбатан эса ўн кун давомида амалга оширмасалар, сотувчи ўз улушини ҳар қандай шахсга сотишга ҳақли бўлади. Улуш И.с.о.х.ни бузган ҳолда сотилган тақдирда, бошқа мулкдорлар уч ой мобайнида сотиб олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзларига ўтказишни суд тартибида талаб қилишга ҳақлидирлар. Улушни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуқини бошқа шахсга беришга йўл қўйилмайди. Давлат органи ёки бошқа юридик шахс умумий мулк бўлган уй-жой (хонадон)даги ўз улушини сотган вақтида уйнинг (хонадоннинг) тегишли қисмида ижарага олувчилар сифатида яшаётган шахслар ушбу модда қоидалари асосида И.с.о.х.га эга бўладилар, улар бу ҳуқуқдан воз кечсалар ёки уни амалга оширмасалар, бошқа мулкдорлар бу ҳуқуқка эга бўладилар. Ушбу қоидалар айирбошлаш шартномаси бўйича улушни бошқа шахсга бериш чоғида ҳам қўлланилади (ЎзР ФКнинг 224-м.си).

ИНАУГУРАЦИЯ – давлат бошлиғининг ўз лавозимига расмий киришиши таптанали маросими. ЎзР Конс.сининг 92-м.сига кўра, ЎзР Президенти ЎзР Олий Мажлиси йиғилишида қасамёд қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади.

ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ (лот. inventarium – мол-мулкни хатлаш) – ташкилот балансида ҳисобда бўлган қимматликларни, уларнинг сақланиши ва сақланишнинг тўғрилигини, воситалар олишга бўлган мажбурият ва ҳуқуқни, шунингдек омбор хўжалигини юритиш ва ҳисобга олиш маълумотларининг тўғрилигини даврий текширишдир. У моддий қимматликларнинг сақланишини назорат қилишга, моддий жавобгар шахсларни ҳисобга олиш ва ишида бўлиши мумкин бўлган ҳатоликларни аниқлаш ва бартараф қилишга, етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш, моддий ва б. қимматликларнинг қолдиқлари тўғрисида ҳисоб маълумотларини аниқлашга имкон беради. Асосий фондлар (воситалар) товар-моддий қимматликлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги харажатлар, пул маблағлари, маҳсулот етказиб берувчилар, буюртмачилар б-н ҳисобкитоблар ва баланснинг бошқа қисмлари И. қилинади.

ИНВЕСТИТУРА (лот. investio – кийинмоқ) – 1) Ўрта асрларда ғарбий Европада вассалнинг феодалга қарашли бўлган ер мулкига эгаллик қилишини жорий қилиш бўйича юридик ҳужжат; 2) конституциявий ҳуқуқда шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга Конс.да назарда тутилган тартибда ҳокимият ваколатлари бериш. И. тушунчаси асосий ҳолда давлат бошлиғини – Президентни, шунингдек ҳукуматни сайлаш инс.ига нисбатан қўлланилади. Қўллаш юзасидан, мас., Президентга нисбатан Парламент ва халқ И.си фарқланади. Биринчидан, Президент И.ни уни сайлаган Парламентдан, иккинчидан уни сайлаган умумхалқ

сайловидан олади. Шунга мувофиқ ҳукумат И.ни Парламентдан (Парламент республикасида) ёки Президентдан (Президентлик республикасида) олиши мумкин.

ИНВЕСТИЦИЯ АКТИВЛАРИ – қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва қонун ҳужжатларига мувофиқ, И.а. деб эътироф этиладиган бошқа мол-мулк (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ИНВЕСТИЦИЯ ВОСИТАЧИСИ – биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорларида брокерлик ва дилерлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахс, яқка тартибдаги тадбиркор (ЎзР Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг буйруғи б-н тасдиқланган Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1108, 13.03.2002 й.).

Банк фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга тижорат банклари ва суғурта фаолиятини амалга ошириш лицензиясига эга суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида И.в. сифатида профессионал фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш учун тижорат банкларининг ва суғурталовчиларнинг алоҳида лицензия олиши талаб этилмайди. Яна қ.: *Брокер, Дилер*.

ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ – “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, И.ф. субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш б-н боғлиқ ҳаракатлари мажмуи.

ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИ – инвестор б-н инвестиция фаолияти иштирокчилари ўртасида тузилган инвестиция буюртмасини бажариш тўғрисидаги ўзаро келишувдир (“Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

ЎзР ВМнинг 2005 й. 2 августдаги 180-сон қарори б-н тасдиқланган Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ, И.ш. кўшимча қафолатлар ва химоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор б-н тузилади.

И.ш. инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

И.ш. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали ЎзР Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади.

И.ш. ЎзР Ҳукумати томонидан чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганларга кўшимча қафолатлар ва химоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда мажбурий тартибда тузилади.

Бундай қафолатлар ва химоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) ЎзР Ҳукумати қафолатлари беришни, маҳсус божхона, солиқ ва тўлов режими яратишни, лойиҳаларни амалга ошириш давлат мониторингини юритишни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашишни, инвестиция дастурига киритишни ёки ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

И.ш.да қуйидагилар кўрсатилиши керак:

инвестициялар объекти ва ҳажми;

И.ш.нинг амал қилиш муддати ва шартлари;

инвесторнинг, шу жумладан инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатадиган хизматлари ҳажми, ЎзР Хукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

ЎзР Хукуматининг, шу жумладан, қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва химоя чоралари бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш, қудрат ишларига шартномадан тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

томонларнинг И.ш. шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

ўзгартиришлар киритиш тартиби;

И.ш.нинг амал қилишини тўхтатиш тартиби;

И.ш.дан келиб чиқадиган пизоларни хал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР (лот. *investire*; инг. *investment*; нем. *geldanlagen, investitionen*) – “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, иқтисодий ва б. фаолият объектларига қиритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга донр ҳуқуқлар.

И. мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий И.га бўлинади.

Капитал И. жумласига асосий фондларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган И. қиради.

Инновация И.и жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган И. қиради.

Ижтимоий И. жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга қўшиладиган И. қиради.

ИНВЕТОР (инг. *investor*) – “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларни, мулкий бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти объектларига инвестициялашни амалга оширувчи инвестиция фаолияти субъекти.

Мулк шаклларида ва фаолият туридан қатъи назар, И.лар инвестиция фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Инвестицияланиши қонун ёки бошқа қонунлар б-н чекланган ёхуд тақиқланган объектлардан ташқари, ҳар қандай объектга инвестициялар киритиш И.нинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади ва қонун билан қўриқланади.

И. инвестициялаш мақсади, йўналиши, тури ва ҳажмини мустақил равишда белгилайди, буни амалга ошириш учун шартнома асосида, қоида тарикасида, танлов (тендер) савдосини ўтказиш йўли б-н юридик ва жисмоний шахсларни инвестиция фаолияти иштирокчилари сифатида жалб этади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ И. инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш, шунингдек реинвестиция қилиш ҳуқуқига эга.

Қонун ҳужжатларида белгиланган мулк ҳуқуқини қўлга киритишни келтириб чиқармайдиган объектларга инвестиция киритиш И.нинг кейинчалик бу объектларга эгаллик қилиш, уларни оператив бошқариш ёки улардан фойдаланишдан олинадиган фойда (даромадлар)да иштирок этиш ҳуқуқини истисно этмайди.

И.нинг қарорига биноан инвестиция объектларига ва уларнинг натижаларига эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга берилиши мумкин. Ҳуқуқларни бериш пайтида тарафларнинг ўзаро муносабатлари улар тузадиган шартномалар асосида тартибга солинади.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, И., ўзига зарур бўлган мол-мулкни юридик ва жисмоний шахслардан ўзаро келишув асосида белгиладиган нарх ва шартларда, ҳажми ва номенклатурасини чекламаган тарзда олишга ҳақли.

И. қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

И.: инвестиция лойиҳаларида санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шахарсозликка оид ва б. талабларга риоя этилганлиги хусусида экспертиза ҳулосасини олиши;

монополияга қарши қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этиши;

солиқлар, йиғимлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаши;

шартнома бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги туфайли инвестиция фаолияти иштирокчисига етказилган зарарни қоплаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва давлат бошқарув органларининг ўз ваколати доирасида қўйиладиган талабларини бажариши шарт.

И.нинг зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

ИНДЕКСАЦИЯ (инг. *indexation, indexing*) – инқироздан химоя қилиш воситаси сифатида контрактлар ва мажбуриятлар бўйича нархлар индекси б-н тўловлар мувофиқлиги. И. кредит ва тўлов битимларига, дивидендлар тўловини тартибга солувчи ҳужжатларга алоҳида қўшимча индекслар қўшишга асосланган. И.нинг мақсади – фуқароларнинг пул даромадлари ва жамғармаларнинг сотиб олиш қобилиятини мустаҳкамлаш. И. қўшилиши баъзи ҳолларда эса аҳолининг даромадларини давлат томони-

дан тартибга солишнинг бошқа усуллари б-н алмашиши мумкин. Фуқаролар даромадларининг сотиб олиш қобилиятини мустахкамлаш механизмига ўзгартиришлар давлат бюджетини тасдиқлаш вақтида кўриб чиқилади. И.га: ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган товарларга ва хизматларга ўзлари нарх белгиловчи корхоналар ходимларидан ташқари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, давлат пенсиялари, стипендиялар, бир марта бериладиган ижтимоий нафақалардан ташқари нафақалар, фуқароларнинг жамғарма банкларидаги ҳиссалари, давлат заёмлари ва б. қимматли қоғозлари, давлат суғурта ташкилотларига берилган бадаллар киради.

ИНДЕМНИТЕТ (лот. *indemnitas* – зарар кўрмайдиган; инг. *indemnity*) – “И.” атамаси иккита маънога эга (турли маъноларда улар турлича талқин қилинади, баъзида эса иккала маъно ҳам келтирилади). Депутатлик И.и дегаанда, депутатлик мандатининг муддати тугаганда жавобгарликдан холи бўлиши тушунилади. Бу ўринда И. ўз бурчини адо этиб бўлган ва б. вазифалар б-н шугулланаётган собиқ депутат ўзининг парламент аъзоси бўлиб турган пайтида сўзлаган нутқлари ва берган овозлари учун жавобгарликка тортилмаслиги ҳақида қонунда белгилаб қўйилган қафолатни билдиради. Бу депутат ўзининг эркин хоҳишини билдириши учун ҳуқуқий қафолатдир. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг макоми тўғрисида”ги Қонуннинг 13-м.сига кўра, депутат тегишли палатада овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши б-н боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Шунингдек, “И.” дегаанда, депутатнинг иш ҳақи ёки ўз фаолияти учун олган муқофотлари тушунилади. Айтиш жоизки, кўпчилик мамлакатларнинг қонунчилигида бу масала етарлича ёритиб берилган. ЎзР Қон.сининг 88-м.сига мувофиқ, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП депутатларига уларнинг депутатлик фаолияти б-н боғлиқ харажатлар белгиланган тартибда қопланади. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг макоми тўғрисида”ги Қонуннинг 18-м.сига кўра, депутатга депутатлик фаолияти б-н боғлиқ харажатлар учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи солинмайдиган маблағ тўланади.

ИНДЕНТ (инг. *indent*) – 1) кесиб олинган нусхаси бўлган ҳужжат; 2) бир мамлакатнинг импорт қилувчиси томонидан бошқа мамлакатнинг воситачисига аниқ бир товар партиясини сотиб олиш учун қилинган буюртма.

ИНДЕНТ-АГЕНТ – чегара ортида воситачилик асосида хорижий мол етказиб берувчидан келиб тушадиган товарларни сотиш бўйича операцияларни амалга оширувчи агент.

ИНДИВИДУАЛ-АНИҚ АШЁ – фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири бўлган ашёларнинг бир тури. Турга хос аломатларига эга бўлган ашёлар таркибига кирадиган муайян объектни алоҳида белги қўйиш йўли б-н ажратиш кўрсатилмайдиган ашёга айтилади. И.-а.а. фуқаролик

ҳуқуқида мулкдорнинг виндикацион даъво қилиш ҳуқуқини мустахкамлаш мақсадида ишлатилади.

ИНДОССАМЕНТ (лот. *in* – га + *dorsum* – орқа сўзларидан; инг. *endorsement/indorsement*; нем. *indossament*; фр. *endossement*; ит. *indossamento*) – вексель, чек, коноссмент ва б. баъзи қимматли қоғозларнинг орқа томонига ёзиладиган ва бу ҳужжатлар орқали бир шахсдан – индоссантдан бошқа шахсга (индоссатга) ҳуқуқларнинг ўтишини билдирувчи ёзув. И. номи ёзилган, ордерли (кимга ёки кимнинг тасарруфига ҳужжат берилаяпти, шу шахс кўрсатилади) ёки бланкада (кўрсатувчиси бўлган) – қайси шахсга ҳужжат берилаётганлиги кўрсатилмайдиган бўлиши мумкин. Вексель ёки чек бўйича И. индоссантга ушбу ҳужжат бўйича тўлов учун жавобгарлик юклайди.

ИНДОССАНТ (инг. *endorser, indorser*; нем. *indossant*) – вексель ёки ўзга қимматли қоғознинг орқа тарафида узатиш ёзувини (индоссаменти) ёзувчи шахс.

ИНДОССАТ (инг. *endorsee, indorsee*; нем. *indossat*) – узатиш ёзуви (индоссамент) бўйича вексель ёки ўзга қимматли қоғозни олувчи шахс.

ИНДОССАЦИЯЛАНГАН КОНОССАМЕНТ – эгалик ҳуқуқини бериш тўғрисидаги белги мавжуд бўлган коноссамент.

ИНКАССАТОР (ит. *incassare* – қутига солмоқ) – ташкилотлардан банкка топшириш учун пулларни қабул қилиб олувчи (ёки аксинча, уларни банкдан ташкилотлар учун олувчи) мансабдор шахс.

И.лар бригадаси бир йўналиш бўйича ҳаракатланган тақдирда, кечки кассанинг кассири нақд пул солинган ҳалта (қоп)ларни бригада бошлиғидан, шу бригадада ишловчи барча И.лар иштирокида қабул қилиб олади.

Агарда И.лар бригадаси бир нечта йўналиш бўйича ҳаракатланган ҳолларда, пул тушумини йиғишда қатнашган машинага ҳайдовчиси қимматликлар солинган ҳалталар кассир томонидан қабул қилиб бўлингунига қадар машинага ёнида бўлиши ва б. йўналишлардан йиғилган пул тушуми солинган ҳалталарни кўриқлаб туриши шарт.

ИНКАССО (ит. *incasso*; инг. *collection of payments*) – банк ўз мижозининг топшириғи бўйича бошқа юридик шахслардан ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида унга тегишли пул маблағларини олиш ва уларни белгиланган тартибда маблағ олувчининг ҳисобрақамига ўтказишда намоён бўладиган банк операцияси. Баъзи ҳолларда И.да чет эл валютаси, шунингдек акция ва облигациялар ҳам қабул қилинади. 1978 й.да Халқаро савдо палатаси томонидан И.нинг унификацияланган қоидалари ишлаб чиқилган. Яна қ.: *Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар*.

ИНКАССО БҲЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР – ЎзР ФКнинг 804-м.сига мувофиқ, инкассо бўйича ҳисоб-китоб қилинганда мижоз ўз банкига (банк-эмитентга) пул тўловчидан тўловни ва (ёки) тўлов акцептини мижоз ҳисобидан қабул олиш ҳақида топшириқнома юборади. Инкассо топшириғини олган банк-эмитент уни бажариш учун бошқа банкни (ижрочи банкни) жалб қилишга ҳақли. И.б.х.к.-ни амалга ошириш тартиби қонун ҳужжатлари б-н ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатлари б-н бошқарилади. Мижознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган тақдирда, банк-эмитент унинг олдида ЎзР ФКнинг 24-бобидан назарда тутилган

асосларга кўра ва миқдорда жавобгар бўлади. Агар ижрочи банк томонидан ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш қоидалари бузилганлиги муносабати б-н миждознинг топшириғи бажарилмаган ёки тегишли суратда бажарилмаган бўлса, миждоз олдидаги жавобгарлик ушбу банк зиммасига юклатилиши мумкин.

ЎзР ФКнинг 805-м.сига асосан, бирон-бир ҳужжат бўлмаган ёки ҳужжатлар ташқи аломатларига кўра инкассо топшириқномасига мос бўлмаган тақдирда, ижро этувчи банк бу ҳақда дарҳол инкассо топшириқномасини берган шахсга хабар қилиши шарт. Мазкур камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда, банк топшириқларни бажармасдан ҳужжатларни қайтариб юборишга ҳақли. Ҳужжатлар қандай шаклда олинган бўлса, уша шаклда тўловчига тақдим этилади, инкассо операциясини расмийлаштириш учун зарур бўлган банк белгилари ва ёзувлари бундан мустасно. Агар ҳужжатлар олинishi биланоқ улар бўйича пул тўланиши шарт бўлса, ижрочи банк инкассо топшириқномасини олган захоти тўловга тақдим этиши шарт. Агар ҳужжатлар бўйича пул бошқа муддатда тўланиши керак бўлса, ижрочи банк тўловчининг акцептини олиш учун ҳужжатларни инкассо топшириқномаси олинishi биланоқ, дарҳол акцептга тақдим этиши керак, тўлов талаби эса ҳужжатда кўрсатилган тўлов муддати бошланадиган кундан кечиктирмасдан қўйилиши керак. Қисман бажариладиган тўловлар банк қоидаларида белгилаб қўйилган ҳолларда ёки инкассо топшириқномасида махсус рухсат бўлса қабул қилиниши мумкин. Олинган (инкассоланган) суммалар ижрочи банк томонидан дарҳол банк-эмитент тасарруфига топширилиши, у эса бу суммаларни миждознинг ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт. Ижрочи банк инкассо қилинган суммадан ўзига тегишли ҳақни ва харажатларни қоплашга кетадиган пулни ушлаб қолишга ҳақли.

ИНКАССО ТОПШИРИҚНОМАСИ – маблағни олувчининг пул тўловчи ҳисобрақамидан маблағни сўзсиз чиқариш тўғрисидаги топшириғи. И.т.ни солиқ органлари, божхона органлари, суд ижрочилари ва ундирувчилар, молия органлари қўйишлари мумкин. И.т. б-н бирга банкка маблағларни ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларнинг асл нусхалари ёки уларнинг нусхалари тақдим қилинади. И.т. тўлиқ суммада, шунингдек маблағларнинг йиғилишига қараб тўловлар кетма-кетлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

ИНКВИЗИЦИЯ (лот. inquisitio – текшириш, тергов қилиш, қидириш) – католик черковининг асоратига қарши кишиларни таъқиб ва суд қилиш учун XIII–XIX а.ларда мавжуд бўлган суд-сиёсат ташкилоти; қийноқ, азоблаш. И. мураккаб жосуслик, қидирув, яширин суд, шафқатсиз қийноқ, ваҳшиёна азоб беришга асосланган. И. XIII а. бошларида Католик черкови томонидан феодал зулмига қарши чиқувчиларни, ҳукмрон динга черков ақидаларига хилоф бўлган диний таълимотни – Ересь (бидъатчи)ларни шафқатсиз таъқиб этган. Рим Папаси Иннокентий III (1198–1216 й.лар) И. ишларини бевосита Папага бўйсундирди. И. требун аъзолари – доминиканлар бевосита Папага итоат этар, ўз округларида еретик (бидъатчи)ларни кўплаб қириб ташлаш учун чекланмаган ваколатга эга эдилар. Ўрта асрларда И. томонидан фақат еретиклар эмас, балки юз мингларча бегуноҳ кишилар ҳам ҳалок этилган. И. суд маж-

лислари яширин бўлар, гуноҳига иқроқ бўлган еретиклар қатл этилмасдан, уларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, ўзалари умрбод турмага камаларди. Еретиклигига иқроқ бўлмаган киши ўлимга ҳукм қилинган, халқ олдидан гулханда ёндириш учун маъмурият қўлига топшириларди. Қамоққа олинган ёки қатл этилган кишиларнинг мусодара қилинган мол-мулкидан Папа хазинаси катта даромад оларди. Испанияда И. ўзининг жуда юқори босқичига қўтарилган. XV а.да бу ерда И. судининг бош ижрочиси Торквемада ўзининг 18 йиллик фаолияти давомида ўн мингдан ортиқ кишини ўтда қуйдириб юборган. И. XVIII а.да Фарбий Европанинг кўпгина давлатларида тугатилган, XIX а.да эса Португалияда (1820 й.да), Испанияда (1834 й.да) ва б. жойларда тугатилган.

ИНКОРПОРАЦИЯ (лот. incorporatio – ўз таркибига киритиш; инг. incorporation) – тизимлаштиришнинг бир тури бўлиб, бунда кодификациядан фарқли ўлароқ, амалдаги қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига бирон-бир ўзгартириш киритилмасдан, улар хронологик, алифбо, мавзу бўйича ёки ўзгача тартибда (мас., ҳуқуқ соҳалари бўйича) тизимга солиб нашр қилинади. Қонунларни И. қилиш орқали тизимлаштириш деярли барча давлатларда амалга оширилади. Улар кўп жылди қилиб нашр этилиб, қонунларнинг чиқарилган вақтига қараб (хронологик), алфавит тартибда ва б. сифат ҳамда белгиларига қараб жойлаштирилади. Ўзбекистонда Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб чиқарилган қонунлар “Ўзбекистон Республикасининг янги қонунлари” туркумида кўп жылди хронологик тўплам сифатида нашр этиб келинмоқда. И.нинг уч тури мавжуд: расмий, норасмий ва офицюз И.. Расмий И. деганда қонун ҳужжатларини уларни чиқарган органлар томонидан тўплам ва мажмуа шаклида тизимлаштириш тушунилади. Норасмий И.да тизимлаштирилган тўпламлар тузиш бунинг учун махсус ваколати бўлмаган орган ва ташкилотлар томонидан амалга оширилади (мас., юридик нашриётлар томонидан ёки илмий-тадқиқот муассасалари томонидан тизимлаштириш). Норасмий И. қонун ҳужжатларини ўрганиш ва улардан фойдаланишда қулайлик яратади. Бунда ҳуқуқий ҳужжатларнинг дастлабки матнига кейинги барча ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш, бекор қилинган нормаларни чиқариб ташлаш, номувофиқликларни ва қарама-қаршиликларни аниқлаб олиш имкониятини беради. Офицюз И. деганда эса қонун ҳужжатларининг уларни тизимлаштириш ваколатига эга бўлган идоралар томонидан умумлаштирилиши ва тўплам ёки мажмуа қилиб чиқарилиши (одатда, бундай тизимлаштириш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади) тушунилади.

И.нинг энг юқори кўриниши – қонунлар мажмуини тузиш, қонунлар ва б. муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўплаб, қатъий тартиб асосида мавзули (предметли) тизимлашдир. Бунда амалдаги барча қонун ҳужжатлари ёки қонун ҳужжатларининг маълум бир соҳаси, инс.ига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта ишланади ва муайян тартибда жойлаштириб чиқилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни жамлаш (консолидация қилиш) усули қонунчиликни тизимлаштиришга яқин туради. Қонунчиликни жамлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжат-

ларни тизимлаштиришдан олдинги дастлабки боскич сифатида майдонга чиқади. Буида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чуқурроқ қайта ишланади, яъни айнан бир хил масалага онд бўлган тарқоқ ҳолдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли конун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинадиган ягона ҳужжат ҳолида бирлаштирилади. Консолидация жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар уларнинг мазмунига бирон-бир ўзгартириш киритилмаган ҳолда, фақатгина таҳрир қилиш йўли б-н қайта ишлаш орқали муайян мантикий кетма-кетликда жойлаштириб чиқилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни консолидация ҳолида нашр қилиш Буюк Британия ва Францияда кенг тарқалган. Халқаро шартномалар таҳрирларида “И.” атамаси келишув асосида бир давлатнинг иккинчи давлат таркибига киришини кўрсатиш учун қўлланилади.

ИНКОТЕРМС (инг. – INCOTERMS, International Commercial Terms) – савдо атамаларини шарҳлашнинг халқаро қондалари. Мазкур қондалар 1919 й.да ташкил топган Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилди. И.да шарҳи берилаётган атамалар остида савдо шериклари ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг муайян бўлишига асосланган халқаро олди-сотди шартномаларининг баъзи турлари тушунилади. И.нинг бир печа таҳрири мавжуд бўлиб, биринчиси 1936 й.да ишлаб чиқилган бўлса, 1999 й. ноябрь ойида ишлаб чиқилган таҳрири 2000 й. 1 январдан бошлаб қўлланилмоқда. Ташқи иқтисодий шартномаларда И.га ҳавола этиш орқали шартномаи тузиш жараёни енгиллашади. Ҳар қандай И.нинг стандарт шартларини (FAS, FOB, CFR, CIF ва б.) шартномада кўрсатиш орқали тарафлар шартнома матнида унинг қондаларини кенг баён этиш заруриятдан халос бўлишади.

ИНСОН ВА ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ ДЕКЛАРАЦИЯСИ – Францияда 1789 й. 26 августда Тасис мажлиси АКШ “Мустақиллик декларацияси” асосида “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси”ни қабул қилди. Унда миллат олий ҳокимият манбаи деб эълон қилинди. Бу эса ўз навбатида мулак монархиянинг тугатилганлигини билдирар, аммо конституциявий монархиянинг сақланиб қолишига йўл кўяр эди. Бу декларация кириш қисми ва 17 та моддадан иборат бўлган. Унинг кириш қисмида “Франция халқининг вакиллари Миллий таъсис мажлисини ташкил қиладилар ва фақат инсон ҳуқуқларига нисбатан адолатсизлик ижтимоий офатларни, ҳукуматларнинг нотўғри ҳаракатларини келтириб чиқаради, деб ҳисоблаб, инсоннинг табиий ва муқаддас ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияни қабул қилишга қарор қилди”, дейилган эди. Унинг асосий қисмида инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқлари, халқ суверенитети ва халқ ҳокимиятининг тақсимланиши принциплари эълон қилинган эди.

Декларацияда “кишилар эркин ва ҳуқуқда тенг бўлиб тугиладилар ва кейин ҳам эркин, ҳуқуқда тенгликларича қоладилар. Ижтимоий фарқлар фақат умумнинг фойдасига асосланган бўлмоғи мумкин” (1-м.) дейилган эди. Унинг 2-м.сида “Ҳар бир давлатнинг мақсади инсонларнинг табиий ҳуқуқларини таъминлаш, яъни эркинлик, ҳафсизлик, мулкка эгаллик қилиш ва зулмга қаршилик кўрсатиш каби инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир”, деб кўрсатилди. Декларацияда “Халқ суверенитетининг асосий манбаи халқ ва ҳеч қандай корпорация ёки шахс халқдан мус-

тақил ҳокимиятга эга бўла олмайди” (3-м.); “Мустақиллик бошқаларга зарар келтирмайдиган ҳамма нарсани қилишдан ташкил тонади. Бу нарсалар қонун б-н белгиланади” (4-м.); “Қонун жамиятда зарарли бўлган ҳаракатларни тақиқлаш мумкин” (5-м.); “Қонун умум эркинлик ифодаси, ҳамма фуқаролар қонун ишлаб чиқишда ўзлари ёки вакиллари орқали иштирок этади” (6-м.); “Ҳеч ким қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари айбланиши, қамалиши ва ушланиши мумкин эмас, кимки қонуний ҳолда айбланса ва ушланса, сўзсиз бўйсунуши керак” (7-м.); “Қонун жазонинг қаттиқ ва муҳим турларини ўрнатиши мумкин. Ҳеч ким қонундан ташқари ҳолатда жазоланиши мумкин эмас” (8-м.); “Агар бирор кишининг айблилиги исботланмаган бўлса, унга қаттиқ қоралар қўлланса, қонун б-н қаттиқ жазоланади” (9-м.); “Ҳар ким ўз фикрини, ҳатто диний бўлса ҳам изҳор этиш ҳуқуқига эга” (10-м.); “Мустақил фикрини айтиш – инсон ҳуқуқларининг қимматлигидан бири, шунга биноан у ёзиши, нашр қилиши мумкин” (11-м.); “Қуролли қучлардан инсон ҳуқуқларини таъминлашда фойдаланилади” (12-м.); “Қуролли қучлар ва маъмурий ҳокимиятни ушлаб туриш учун умумий бадаллар йиғилади. У ҳамма фуқаролар ўртасида тенг тақсимланади” (13-м.); “Барча фуқаролар ўзлари ёки ўз вакиллари орқали давлат солиғи ўрнатиш заруриятини билдириш, уни олишга эркин хоҳиш билдириш, унинг харажат қилинишини кузатиб туриш ва унинг мажбурий миқдорини белгилаш, бундай солиқ олиш асосини, тартибин ва муддатини аниқлаш ҳуқуқига эгадирлар” (14-м.); “Жамият мансабдор шахсдан унга бириктирилган вазифа ҳақида ҳисобот талаб қилиш ҳуқуқига эга” (15-м.) деган нормалар белгилади. Унинг 16-м.сида эса, давлатни идора этишда ҳокимиятнинг тақсимланиши принципи ҳақида гапирилган. Декларация хусусий мулкни муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилди. 17-м.да: “Хусусий мулк дахлсиз ва муқаддас бўлгани учун унда қонунда белгиланган ҳолдан ташқари ҳеч ким маҳрум этилиши мумкин эмас. Хусусий мулк жамиятнинг қонунан тасдиқланган эҳтиёжи очикдан-очик талаб этган ва адолатли йўл б-н олди ҳақ тўланган тақдирда тортиб олинishi мумкин” деб белгиланган эди.

Декларация ўз замида абсолютizmга қарши демократия учун курашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Феодализмга қаршилик тузум ҳукм сурган даврда Декларация эълон қилган тенглик, эркинлик, дўстлик, халқ суверенитети принциплари ўша замон кишиларида жуда катта таассурот қолдирди. Бирок, шу б-н бирга Декларациянинг барча фуқаролар учун адолат ўрнатганлиги ҳақидаги қондалари анча мавҳум бўлиб қолган эди.

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ – инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари – бу инсонга бекаму қўст яшаш имкониятини берувчи, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақом. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш ЎзР конституциявий тузумининг асосидир. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлар ва эркинликларини белгиловчи ҳуқуқнинг умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормаларининг манбаларидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини, Бола ҳуқуқлари тўғрисида қон-

венцияни, яна бир қатор ЎзР қўшилган халқаро шартномаларни кўрсатиш мумкин. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга биноан ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар ва жавобгарликнинг бир қисмини ўз зиммасига олишга мажбур. ЎзРда инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлар ва эркинликларини амалга оширишга давлат қафолат беради.

ЎзР Конс.сига мувофиқ, ЎзРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонуи олдида тенгдирлар. Иштиёзлар фақат қонун б-и белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. ЎзР фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари б-и ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конс. ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

ЎзР Конс.сида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (VII боб), сиёсий ҳуқуқлар (VIII боб), иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар (IX боб), инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатлари (X боб), фуқароларнинг бурчлари (XI боб) мустаҳкамлаб қўйилган. Яна к.: *Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар, Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, Сиёсий ҳуқуқлар, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатлари, Фуқароларнинг бурчлари.*

ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЮРИДИК МЕХАНИЗМЛАРИ – инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қафолатлар, инс.лар, принциплар ва тартиботлар тизими ҳамда улар асосида фаолият юритувчи органлар фаолияти.

Юридик механизми, содда қилиб айтганда, юридик норма ва қонданнинг амалга оширилиши тартиби, йўли, усул ва услублари йиғиндиси дейиш мумкин.

Бир қатор давлатлар Конс.ларида (мас., РФ Конс.сида) инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бир қанча турлари белгилаб қўйилган. Уларга давлат (парламент, суд, маъмурий-ҳуқуқий), мустақил (профессионал юридик ёрдам, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар) ва давлатлараро турларни киритиш мумкин.

Мас., ЎзР Конс.сининг 64-м.сида давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради, деб белгилаб қўйилган. Мазкур нормани амалга олдирган таъминлашга қаратилган бир қатор қўшимча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ҳамда уларда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Яъни, конституциявий нормани амалга оширишнинг юридик механизми шакллантирилган. Мас., бу

нормани ҳаётда амалий ифодасини таъминлашга қаратилган ЎзР ВМнинг 2008 й. 22 майдаги 104-сон қарори б-н тасдиқланган Ота-онасининг қаровисиз қолган ва тўлиқ давлат таъминотида бўлган болалар учун Болалар шахарчалари тўғрисида низом, 2008 й. 26 майдаги 110-сон қарори б-н тасдиқланган Васийлик ва хомийлик органига ота-онасининг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низом сингари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

“ИНСОН ВА ҚОНУН” ГАЗЕТАСИ – ЎзР Адлия вазирлигининг ҳуқуқий нашри. ЎзР Президентининг 1992 й. 8 январдаги ПФ-314-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва ВМнинг 1992 й. 12 ноябрдаги 523-сон қарорига асосан “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали базасида 1995 й. 7 августда ташкил этилган (таъсис шартномаси имзоланган).

Газетанинг нишонна сони 1995 й. сентябрда чиқарилган. 1996 й. 30 январдан буён мунтазам чоп этиб келинмоқда.

Газетанинг мақсад ва вазифалари – Ўзбекистонда демократик ва фуқаролик жамияти қурилишига ҳисса қўшиш, суд-ҳуқуқ ислохотларининг бориши, натижалари ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, ҳуқуқий демократик давлат қурилишида унинг назарий-сиёсий-ҳуқуқий асосларини кенг тарғиб қилиш.

Газетанинг ихтисослашуви – республика Конс.си, қонулари, ҳуқуқий ва б. норматив ҳужжатларнинг моҳияти, мақсади, амалий-назарий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатларини тарғиб қилиш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга, юридик ахборот ва юридик фанни такомиллаштиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий газета.

Газета ҳафтада бир марта, ўзбек тилида нашр қилинади. Ҳажми – А-2, 2 босма табоқ, 4 саҳифадан иборат. Байрам сонлари 4+1 саҳифада, айрим пайтларда кўп саҳифали бўлиб чиқади.

2008 й.да ҳар бир сонининг адади ўртача 10500 нусхани ташкил этган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – инсоннинг давлатга муносабати бўйича ҳуқуқий мақоми, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва экологик соҳалардаги имконият ва даъволарини ифодаловчи тушунча. Инсон ҳуқуқи тушунчасининг пайдо бўлиши буржуа революциялари даврига бориб тақалади. И.х.нинг эркин ва самарали амалга оширилиши фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан биридир. И.х. умумэтироф этилган шахсий (халқаро ҳуқуқ терминологияси бўйича – фуқаролик), сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик ҳуқуқларга бўлинади.

Назарий жиҳатдан мутлақ ва нисбий И.х. мавжуд. Демократик давлатларда мутлақ инсон ҳуқуқини чеклашга ёки вақтинча тўхтатиб қўйишга ҳеч қандай шароитда ҳам йўл қўйилмайди. Яшаш ҳуқуқи, қийноққа солинмаслик, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзияга ёки жазога дучор этилмаслик ҳуқуқи, хусусий ҳаёт, шахсий ва оилавий сирининг дахлсизлиги, ўз шаъни ва обрўсини ҳимоялаш, эътиқод эркинлиги, шунингдек суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи одил

судлов ва уларга боғлиқ муҳим процессуал ҳуқуқлари каби фундаментал И.х. мутлақ ҳуқуқлар ҳисобланади. И.х.нинг қолган барчаси нисбий ҳисобланади ва улар фавқулодда тартиб ёки ҳарбий ҳолат жорий қилинганда чекланиши ёки маълум муддатга тўхтатиб қўйилиши мумкин.

И.х. бир қатор асосий халқаро ҳужжатларда мустақамлаб қўйилган (1948 й.даги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1966 й.даги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва х.к.). Ҳозирги даврда халқаро ҳуқуқда И.х.га бағишланган халқаро гуманитар ҳуқуқ соҳаси шаклланиб.

ЎЗР Конс.сининг муқаддимасида Ўзбекистон халқи ушбу Конс.ни, шу жумладан И.х.га содиқлигини таънавали равишда эълон қилган ҳолда қабул қилаётганлиги эътироф этилган. Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ЎЗР Конс.сининг иккинчи бўлимида мустақамлаб қўйилган.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛ (ОМБУДСМАН) (шведча ombudsman – кимнингдир манфатларини ифода этувчи вакил, инг. ombudsman) – қатор давлатларда инсон ҳуқуқларига турли давлат органлари томонидан рияз этилиши устидан назоратни амалга оширувчи, махсус тартибда сайланадиган (тайинланадиган) Парламентнинг мансабдор шахси. И.х.б.в.(О.) турли хил ном б-н аталади: Скандинавия мамлакатларида – Омбудсман; Испания ва Колумбияда – халқ ҳимоячиси; Францияда – воситачи (медиатор); Руминияда – халқ адвокати. Омбудсман сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Мас., Испанияда у парламент томонидан 5 й.га сайланади. Намибияда президент томонидан, Францияда Министрлар совети томонидан тайинланади. Аксарият кўпчилик мамлакатларда ҳар бир фуқаро Омбудсманга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. И.х.б.в.(О.) муайян соҳада инсон ҳуқуқлари бузилганлигини аниқласа, ушбу ҳолатнинг олдини олиш тўғрисида тегишли органга кўрсатма беради. Тегишли орган рад жавобини берадиган бўлса, у одил судлов органларига ёки парламентга мурожаат қилиши мумкин. И.х.б.в.(О.) нафақат фуқароларнинг шикоятлари бўйича, балки ўз ташаббуси б-н ҳам инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш юзасидан ҳаракат қилиши мумкин.

ЎЗР Омбудсман илсини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда ўзининг бой тажрибасига эга. 1995 й. 23 февралда биринчи чакирик ЎЗР Олий Мажлисининг биринчи сессиясида ЎЗР Президенти И.А.Каримов ташаббуси б-н Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлисининг вакили лавозими таъсис этилди. 1997 й.нинг 24 апрелида “Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни қабул қилинган. 2004 й.нинг 27 августида “Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги янги тахрирдаги ЎЗР Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ, ЎЗР Олий Мажлисининг И.х.б.в.(О.) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига рияз этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

ЎЗРнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили илсини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишининг мавжуд

шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради. Вакил ЎЗРнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий оғини оширишга кўмаклашади.

И.х.б.в.(О.) ўз фаолиятида ЎЗРнинг Конс.си, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, ЎЗРнинг халқаро шартномаларига, шунингдек халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига амал қилади.

Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва у ЎЗР Олий Мажлисига ҳисобдордир.

И.х.б.в.(О.) ЎЗР Олий Мажлисининг ҚП ва Сенати томонидан беш йил муддатга сайланади.

Вакил лавозимига номзод ЎЗР Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши учун ЎЗР Президенти томонидан киритилади.

ЎЗР Олий Мажлиси ҚПнинг ва Сенатининг И.х.б.в.(О.)ни сайлаш тўғрисидаги қарори палаталарнинг мажлисларида ЎЗР Олий Мажлисининг ҚП депутатлари ҳамда Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози б-н қабул қилинади.

Вакил номзоди ЎЗР Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида кўриб чиқилганидан кейин бу масала юзасидан қабул қилинган уziel-қесил қарор ЎЗР Президенти-га қонунда белгиланган тартибда юборилади.

Вакил ўзининг ваколатлари муддати тугагач, янги Вакил сайланганига қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туради.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ – ўз ичига ҳуқуқ нормасини, суд ҳимоясини, ташкилий, иқтисодий ва б. ҳаракатларни олувчи, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизимидир. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш йўлларида бири инсон ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларидир. Инсон ва фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилган тақдирда, улар процессуал қонуничлик қоидаларига кўра, уларга нисбатан қилинган вайриқонуний ҳаракатлар устидан маъмурий ёки суд тартибда шикоят келтиришлари мумкин.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ – инсон ва фуқароларнинг Конс. ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишни давлат томонидан таъминлашга ёрдам берадиган воситалар, усуллар ва шарт-шароитлар мажмуи. И.х. ва э.к.ни қуйидагича туркумлаш мумкин: юридик, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий.

Юридик кафолатлар деганда, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қонунлар асосида ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши тушунилади. Юридик кафолатларнинг қуйидаги шакллари мавжуд: конституциявий ҳуқуқий кафолатлар; судлар томонидан ҳуқуқлар ва эркинликларни кафолатлаш; омбудсман фаолияти; ҳуқуқат фаолияти.

Ижтимоий-сиёсий кафолатлар – бу давлатда амал қилиб турган сиёсий тизим. Ушбу тизим, мамлакатнинг олиб бораётган сиёсий майдондаги фаолияти орқали жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилиши-

дан химоя этиш учун хизмат қилади. Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сиёсий кафолатлаш қуйидагиларга боғлиқ: давлатнинг мамлакат миқёсида олиб бораётган сиёсатининг мақсадига; сиёсий плюрализмга; сиёсий мафкурага; инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ҳолатига; оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига.

Иқтисодий кафолатларга вужудга келган ишлаб чиқариш муносабатлари, иқтисодий тизим киради. Иқтисодий кафолатларга адолатли истеъмол саватини давлат томонидан расмий равишда мустахкамлаш; энг кам ойлик иш хақи миқдорини белгилаш; давлат томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламини, вояга етмаганлар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш; барча мулк шаклларининг тенглигини ҳамда фуқароларнинг мулк ҳуқуқларини таъминлаш киради.

ЎзР Конс.сига мувофиқ, давлат фуқароларнинг Конс. ва қонунларда мустахкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди (43-м.). Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали химоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-м.). Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат химоясидадир (45-м.). Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар (46-м.). Яна қ.: *Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари.*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ – ҳозирги замон демократик давлатларида Конс. б-н қарор топтирилган, инсоннинг асосий моддий ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилиш воситаси бўлиб хизмат қиладиган процессуал ҳуқуқлар, шунингдек Конс.да қайд этилган ҳуқуқни химоя қилиш муассасалари (инс.лари) улар фаолиятининг асосий принциплари б-н бирга ва низога, Конс. таркибидаги инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мумкин бўлган чеклашлар меъёри ва шарт-шароитларини белгиловчи алоҳида қондалар йиғиндисида. Биринчилар қаторига демократия давлатларида одатда ҳуқуқлар ва эркинликларни судда химоялаш ҳуқуқи (шу жумладан, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ноқонуний хатти-ҳаракат ва қарорлари устидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи), ўз ишини мазкур иш қонун бўйича қайси судда кўриб чиқиш тегишли бўлса, ўша суд ва судья томонидан кўриб чиқиши ҳуқуқи, химоя ҳуқуқи, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи (шу жумладан, ушланиш, ҳибсга олинмиш ёки айб қўйилиши захоти адвокат хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи, ўзига ва яқинларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи, айби судда ёки суднинг қонуний кучга кирган ҳукми б-н аниқланмай туриб айбдор ҳисобланмаслик ҳуқуқи, давлат ҳокимияти органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланиш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш бўйича ҳуқуқий химоянинг барча давлат ички воситалари тугаган бўлса, давлатлараро органларга мурожаат қилиш ҳуқуқи киритилади. Муассасавий (институционал) И.х. ва

э.к.к.га демократик давлатларида одатда мустақил ва бета-раф суд, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича парламент вакили тартиботи (инс.и) киритилади. И.х. ва э.к.к.нинг учинчи турини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мумкин бўлган чеклашлар асоси ҳамда меъёрларини белгиловчи қондалар ташкил қилади.

Бу қондаларга кўра жавобгарликни белгиловчи ёки оғирлаштирувчи қонун тескари кучга эга эмас, ҳеч ким содир этилган вақтда қонунбузарлик деб ҳисобланмаган хатти-ҳаракат учун жавобгар бўлиши мумкин эмас, Конс.да маълум ҳуқуқ ва эркинликларнинг санаб ўтилиши инсоннинг умумқабул қилинган ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этиш ёки камситиш тарзида талкин этилмаслиги керак, инсон (ва фуқаро)нинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун йўли б-н конституциявий тузумни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилишни, давлат мудофааси ва хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин. ЎзР Конс. 43-м.сида “Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустахкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди”, дейилган. Ушбу модда конституциявий принципларнинг асоси, ўзаги, характерини ифодалаган бўлиб, унда инсон манфаатларига хизмат қилиш, эркинлик кафолати, давлатнинг ижтимоий мақсади ва асл ғояси акс этган. Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда умуминсоний кадриятларни тиклаш ва демократик жамият қуриш йўлидан боришда инсон эркинлигига, жамият ва давлатнинг бирлигида инсоннинг тутган ўрнини юксак баҳолашга катта аҳамият берилди. Демократик давлатда жамият аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари доимий ҳаракатдаги механизм сингари бўлмоғи лозим. ЎзР Конс.сининг мазмунида давлат фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, жамият учун хизмат қилишга бутун кучини сафарбар этиши лозимлиги ҳақидаги ғоялар мавжуд. Конс.нинг 19-м.сида “Ҳеч ким суд қарорисиз фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳақли эмас”, дейилган. Бу эса агар жавобгар бўлса, хаттоки, давлат органларини ҳам суд ҳуқуқий жавобгарликка тортиш мумкинлигини билдиради. Кафолат тизимида иқтисодий омил катта аҳамиятга эгадир. Сабаби, иқтисодий ҳаёт қанчалик фаровон бўлса, ҳуқуқнинг амалдаги кафолат даражаси шунчалик юқори бўлади. Буларнинг барчаси давлатнинг асосий қонуни б-н белгиланади ва кафолатланади. Яна қ.: *Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари.*

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ – БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 10.12.1948 й. эълон қилинган. Декларация БМТ Уставининг инсон ҳуқуқлари б-н боғлиқ қондаларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва барча халқлар, давлатлар бажаришга ҳаракат қилиши лозим бўлган вазифаларни белгиловчи ҳужжат сифатида эълон қилинган. Декларация халқлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни тўла амалга ошириш, кишилар турмушини яхшилаш, ижтимоий тараққиётни ривожлантиришга кўмаклашиш каби шиорларга асосланган.

И.х.уд. кириш қисми ва 30 м.дан иборат. Ушбу декларацияга кўра, ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб тугилдилар (1-м.). Ҳар

бир инсон ирки, тана ранги, жиёси, тили, дини, снёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табакаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар, ушбу декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликларга эга бўлиши зарур (2-м.). Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларига эгадир (3-м.). Барча одамлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч бир тафовутсиз қонун б-н тенг ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эгадир (7-м.). Ҳеч ким асоссиз камалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас (9-м.). Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга (23-м.).

ЎзР И.х.уд.га 1991 й. 30 сентябрда қўшилган.

ИНСОНИАТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – бу уруш-гача ёки уруш даврида тинч аҳолини ўлдирish, йўқ қилиш, қул қилиш, сотиш, сургун қилиш ва б. қатъий қораларни қўллаш, снёсий, иркий, диний сабабларга кўра уларни таъқиб қилиш ёки қаерда амалга оширилганидан ёки улар давлатларнинг ички ҳуқуқини бузиш ёки бузмаслигидан қатъи назар, трибунал юрисдикциясига қирадиган жиноятлар.

1976 й. БМТнинг халқаро ҳуқуқ комиссияси давлатларнинг жавобгарлиги тўғрисида модда лойиҳасини маъқуллади, унга кўра эпоцит (уй, турар жойини йўқ қилиш), қулчилик ва колониал ҳукмронлик ҳам инсониятга қарши жиноятларга қиради. Шу сабабли, ҳуқуқнинг ривожланиши б-н кўриб чиқилган жиноятлар сони ўсиб боради. Бунга 1991 й. халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан қабул қилинган тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси лойиҳаси мисол бўла олади, бу кодекс лойиҳаси жиноятлар ва халқаро характердаги жиноятларни бир-биридан фарқламайди. Шунинг учун унда умумэтироф этилган қондаларга асосан халқаро жиноятлар деб қуйидагилар кўрсатилади: агрессия, агрессия таҳдиди, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашуш, колониал ҳукмронлик ва чет эл ҳукмронлигининг бошқа принциплари, геноцид, апартеид, инсон ҳуқуқларини доимий ва оммавий равишда бузиш, алоҳида жиддий харбий жиноятлар, атроф-муҳитга қасддан жиддий зарар етказиш.

Умумжаҳон тинчлиги ва халқаро хавфсизлик, давлатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи хал қилиш ҳуқуқи, уруш қонунлари ва одатлари, инсон ҳуқуқлари халқаро жиноятнинг объекти бўлиш мумкин. Бу жиноятларнинг жиний объекти инсоният учун катта миқдорда зарар етказиши б-н ажралиб туради. Халқаро жиноят субъектлари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва jisмоний шахслар бўлиши мумкин. Ушбу жиноятларни содир этганликда айбдор давлатлар ва б. субъектлар маънавий, мулкий ва снёсий жавобгарликка тортилдилар.

ИНСОННИНГ ЯШАШ ҲУҚУҚИ – инсоннинг халқаро ҳуқуқ ва аксарият кўпчилик демократия мамлакатлари Конс.лари б-н ҳимояланган асосий шахсий ҳуқуқларидан бири. Яшаш ҳуқуқининг мазмуни кўпқиррали ва турли давлатларда турлича талқин қилинади. Мас., жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинган мамлакатлар (Австралия, Австрия, ГФР, Франция ва б. 40 дан ортиқ мамлакат)да бирорта инсон содир этган жинояти қандай

бўлишидан қатъи назар, хатто давлат томонидан ҳам яшашдан маҳрум этилиши мумкин эмас. Қатор мамлакатлар Конс.ларида қонун йўли б-н ўлим жазоси белгила-ниши мумкин бўлган жиноятлар доираси, ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлмаган шахслар доираси (мас., аёллар ва вояга етмаганлар), ўлим жазосини қўллаш хавфи туғилганда қўшимча процессуал қафолатларни белги-лаш йўли б-н аниқлаштирилади.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг туғилиши б-н вужудга келади ҳамда бу ҳуқуқ унинг бутун ҳаёти давомидаги ажралмас ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади.

ЎзР Конс.сининг 24-м.сига кўра, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Фуқаролик ва снёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактнинг 6-м.си 1-бадида: “Ҳар бир инсоннинг яшаш ҳуқуқи унинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун б-н муҳофаза қилинади. Ҳеч ким ўзбошимча-лик б-н инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди”, деб бел-гиланган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принци-лари ва нормаларига асосланган ҳолда ҳамда Конс.миз-нинг инсоннинг яшашга бўлган ҳуқуқини белгилувчи қондалари талабидан келиб чиқиб, мамлакатимиз Прези-дентининг 2005 й. 1 августда қабул қилинган Фармонида кўра, 2008 й. 1 январдан эътиборан ЎзРда ўлим жазоси бекор қилинди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохот-ларининг шавбатдаги босқичидаги вазифалардан бири – инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, авва-ло, асоссиз жиний таъқиб ва шахсий ҳаётга аралашуш-дан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари ҳимоя этилишини таъ-минлашга қаратилган механизмларни янада такомиллаш-тиришдан иборат бўлди.

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ – табний офатлар, техноген ҳалокатлар ёки ижтимоий нобарқарорлик туфайли жабр кўрган ҳудудларнинг аҳолисига, шунингдек қашшоқ аҳолига халқаро ташкилотлар, миллий гуманитар инс.лар томонидан кўрсатиладиган моддий-молиявий ёрдам.

И.ё. кўрсатиш шакллари турли-туман бўлиб, улар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

ЎзРда 2007 й. “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қили-ниши ижтимоий ҳимоя тадбирлари кучайтиришининг ташкилий ҳуқуқий асосларини такомиллаштирилишига сабаб бўлади.

ИНСОФЛИ ЭГАЛЛОВЧИ – мол-мулкни бошқа шахс-нинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олиш (виндикацион даъво) тарафларидан бири. И.э. деганда, мулкни ўзига гайриқонуний йўл б-н ўтганини билмаган ва билиши мум-кин бўлмаган эгалловчи тушунилади.

ЎзР ФК 229-м.сига кўра, агар мол-мулк уни бошқа шахс-га бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олин-ган бўлса, олувчи бунин билмаган ва билиши мумкин бўлма-ган (И.э.) бўлса, мол-мулк мулкдор томонидан ёки эгалик қилиш учун мулкдор берган шахс томонидан йўқотиб қўйил-ган ёхуд мулкдордан ёки у мол-мулкни берган шахсдан ўғир-ланган, ё бўлмаса уларнинг ихтиёридан ташқари бошқача йўл б-н уларнинг эгаллигидан чиқиб кетган бўлса, мулкдор бу мол-мулкни олган шахсдан талаб қилиб олишга ҳақли.

Пул, шунингдек тақдим этувчига деб ёзилган қимматли қоғозлар И.э.дан талаб қилиб олиниши мумкин эмас.

И.э. – ўз эгаллигига ўтган мол-мулкнинг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим бўлган пайтдан бошлаб ёхуд мулкдорнинг мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъвоси бўйича талаб қилган пайтдан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим бўлган ҳамма даромадларни мулкдорнинг талабига кўра тўлаши шарт.

Ўз навбатида И.э. ҳам, мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад мулкдорга қайтарилши керак бўлса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларни тўлаши мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин бўлса, И.э. мазкур нарсаларни ўзида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин бўлмаса, И.э. ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, лекин бу харажатлар ашёга қўшилган қийматдан кўп бўлмаслиги керак.

ИНСОФСИЗ РАҚОБАТ – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устуңлиқни қўлга киритишга қаратилган, қонун ҳужжатларига ва иш муомаласи одатларига зид бўлган, улар ўртасида мусобақалашувни истисно этадиган ва амалга оширилиши натижасида ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли товар бозорида товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитларига таъсир кўрсатиш имконини берадиган ҳаракатларидир (“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

И.р.га, чунончи:

бошқа ҳўжалик юритувчи субъектга зарар келтирадиган ёки унинг тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган ёлгон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатишга;

юримдик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга теңлаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, махсусотни, хизматлар бажаришни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунсиз фойдаланиш товар сотишга;

товарнинг хусусияти, уни тайёрлаш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, сифати хусусида истеъмолчиларни чалғитишга;

ҳўжалик юритувчи субъектнинг, жумладан, унинг реклама фаолияти жараёнида ҳам, ўзи ишлаб чиқарадиган ёки сотадиган товарларни бошқа ҳўжалик юритувчи субъектларнинг товарлари б-н кўпол таққослашга;

илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ёки савдо ахборотини, шу жумладан тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этишга;

янги ҳўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозорига киришини тўсишга йўл қўйилмайдн (“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.си).

ИНСПЕКЦИЯ (лот. inspection – кўздан кечириш) – давлат томонидан ўрнатилган қондаларга (мас., ёнғин хавфсизлиги, йўл ҳаракати қондалари) риюя қилинишини назорат қилувчи орган. И.нинг вазифасига нафақат ижрон текшириш, балки жойида тартиб бузилишини бар-тараф қилиш чораларини кўриш қиради. ЎзР Президенти-

нинг 2003 й. 9 декабрдаги ПФ–3358-сон “Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида биноан ЎзРда қуйидаги И.лар мавжуд: ЎзР Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат И.си, ЎзР Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат И.си, ЎзР ВМ ҳузурдаги Катта ва алоҳида муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолатини ҳамда бехатар ишлашини назорат қилиш давлат И.си, ЎзР ВМ ҳузурдаги Ўзбекистон нефть махсусотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат И.си, ЎзР ВМ ҳузурдаги Давлат дон И.си, ЎзР Электр энергетикада назорат бўйича давлат И.си, ЎзР Саноятда ва қончилиқда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат И.си.

ИНСТАНЦИЯ (лот. instantia – бевосита яқинлик, қатъий илтимоснома; инг. instance) – маъмурий органлар ёки судлар томонидан ўз ваколатлари доирасида ишларни кўриш босқичлари. Бунда ҳар бир босқич бир-бирдан ўзига хос хусусиятларига кўра ажралиб туради. Хусусан, судлов И.лари ишларни кўришда қатъий тартиб ва ваколатларнинг тақсимланшига кўра фарқланади.

ЎзР фуқаролик процессуал, жиноят процессуал, ҳўжалик процессуал қонунчилигида биринчи И., апелляция, кассация ва назорат судлов И.ларига ажратилади.

ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ – ХХ а.даги давлатшунослик фанининг муҳим бир йўналиши. И. жамиятнинг сиёсий ташкил этилишини (ташкilotини) фуқароларнинг турли бирлашмалари, жамоалари, яъни “институтлари” мажмуаси сифатида тушунишга асосланади. Жамиятнинг ишлари сирасига оила, партия, қасаба уюшмалари ва маҳаллалар каби ижтимоий тузилмалар қиради.

ИНСТИТУЦИЯЛАР (лот. institutiones – насихатлар) – 1) амалдаги ҳуқуқ, асосан хусусий ҳуқуқнинг тизимли таҳлилини берувчи Рим ҳуқуқшуносларининг дарсликларини номи; 2) Рим ҳуқуқининг расмий дарсликларидан бири бўлиб, у қонун кучига эга ва Юстиниан кодексининг бир қисмини ташкил этади. Бизгача етиб келган энг қад. И. орасида Рим ҳуқуқшуноси Гай И.и алоҳида ўрин эгаллайди. Қадимги Римда Гай И.и б-н биргалиқда Марциал, Қаллистрат, Павел ва Ульпиан И.и ҳам кенг тарқалган. Гайнинг фикрича, ҳар қандай ҳуқуқ (шу жумладан мажбурият ҳам) шахсларга ёки нарсаларга ёхуд даъволарга тегишли бўлади. Маълумотларни бу тарзда баён қилиш тизими И. номини олди. Бундай тизим кўпгина давлатларда кенг тарқалган. Мас., айнан И.даги принциплар 1804 й. қабул қилинган Франция ФК (Наполеон кодекси)га асос қилиб олинди.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК (лот. intellect – ақл сўздан, intelligence property – интеллектуал мулк) – инсон ижодий фаолиятининг моддий ёки ғоявий кўринишдаги натижалари ва улардан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган мулк. И.м. объекти фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ўзига хос объекти бўлиб ҳисобланади.

И.м. объектлари жумласига қуйидагилар қиради:

1) интеллектуал фаолият натижалари: фан, адабиёт ва санъат асарлари; ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкilotларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари; электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базала-

ри; ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан ишлаб чиқариш сирлари (ноу-хау);

2) фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар, ишлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар: фирма номлари; товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари); товарлар чиқарилган жой номи;

3) ЎзР ФҚда ёки бошқа қонунларда назарда тутилган ҳолларда интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарлар ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситалар.

И.м. объектлари фуқаролик ҳуқуқининг бошқа объектлари – ашёлар, қимматбаҳо қоғозлардан куйидаги хусусиятлари бўйича фарқ қилади:

а) кўп ҳолларда И.м. объектлари моддий кўринишда эмас, балки, гоё, билим, ахборот шаклида намоён бўлади. Объектив шаклда ифодаланган гоё, билим моддий элтувчида, моддий ифодада, мас., чизма, макет, аппарат, қурилмада мужассамлашган бўлиши мумкин, бироқ, бунда гоё, билим бирламчи, унинг моддий мужассами ҳар доим иккиламчи бўлади;

б) гоё, билим шаклидаги И.м. объектига одатдаги моддий ашёга эгаллик қилгандай эгаллик қилиш мумкин эмас;

в) бундай объектлардан бир вақтнинг ўзиде чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиши мумкин;

г) И.м. ҳуқуқи объектларига мулк ҳуқуқининг муддатсизлиги ҳақидаги қонда (ЎзР ФҚ 164-м.си) қўлланилмайди. Бинобарин, кўпчилик ҳолларда (ноу-хауга нисбатан истиснони ҳисобга олмаганда) И.м. ҳуқуқига амал қилиш қонунларда белгиланган муддатлар б-н чегараланган бўлади;

д) қонунларда белгиланган муддатлар ўтиши б-н И.м. ҳуқуқи соҳибининг И.м.нинг муайян объектига нисбатан ҳуқуқлари бекор бўлади ва бу объектлар умуминсоний бойликка айланиб, ҳар ким ундан маълум шартлар асосида (муаллифининг шахсий ҳуқуқларига риоя қилган ҳолда) текин ва руҳсатсиз фойдаланишга ҳақли бўлади;

е) И.м. ҳуқуқи объектлари гоё кўринишида бўлган ҳолларда уларни ашёлар сингари эгаллаш мумкин эмаслиги, улардан бир вақтнинг ўзиде чексиз доирадаги шахслар фойдалана олиш имкониятлари мавжудлиги сабабли бундай объектларга нисбатан мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда виндикацион даъвои қўллаш (ЎзР ФҚ 228-м.си) имконияти амалда мавжуд эмас;

ё) И.м. объектларига нисбатан одатдаги мулк ҳуқуқи эмас, балки мутлақ ҳуқуқлар ҳақидаги қондалар қўлланилади;

ж) И.м. ҳуқуқининг амал қилиши, айна вақтда, маълум ҳудуд б-н ҳам чегараланган бўлади. Мас., ихтирога нисбатан ЎзР Патент идораси томонидан берилган патент ЎзР ҳудудида, шунингдек ЎзР б-н хорижий давлатлар ўртасида тузилган икки томонлама шартномалар асосида белгиланган ҳудудлардагина амал қилади;

з) кўпгина И.м. объектларига нисбатан уларнинг муаллифлари шахсий ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, бу объектлардан фойдаланувчилар ушбу шахсий ҳуқуқларга риоя қилишлари лозим бўлади.

Миллий ва халқаро уюшмалар, ташкилотлар ва И.м. соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида 1967 й.да Стокгольм ш.да бўлган анжуманда Жаҳон И.м. ташкилоти тузилганлиги ҳақида конвенция қабул қилинган. 1970 й. 26 апрелдан бошлаб бу конвенция кучга кирган. Жаҳон И.м. ташкилоти қошида турли ихтисослашган иттифоқлар фаол иш олиб боради.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ШАРТНОМА – муаллиф И.ф.и.я. ва у.ф.т.ш. бўйича келгусида асар, ихтиро ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин.

ЎзР ФҚ 1037-м.сининг биринчи қисмида назарда тутилган шартнома яратилиши лозим бўлган интеллектуал фаолият натижасининг хусусиятини, шунингдек ундан фойдаланиш мақсадлари ёхуд усулларини белгилаши лозим.

Муаллиф зиммасига ушбу муаллиф келгусида яратилган ҳар қандай интеллектуал фаолият натижаларидан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқларни бирорта шахсга бериш мажбуриятини юқлайдиган шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

И.ф.и.я. ва у.ф.т.ш.нинг муаллифнинг келгусида муайян турдаги ёхуд муайян соҳадаги интеллектуал фаолият натижаларини яратишини чеклайдиган шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

ИНТЕРВЕНЦИЯ (лот. *intervenio* – қираман, аралашман; инг. *intervention*) – босқинчилик; ўзга давлат ерига қурол, куч б-н бостириб кириш, унинг ички ишларига зўравонлик б-н аралашуш; халқаро ҳуқуқда бир давлатнинг бошқа давлат ички ишларига ёки унинг учинчи давлат б-н ўзаро муносабатларига аралашуви. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи И.ни тақиқлайди ва уни халқаро деликт сифатида қоралайди. Аралашмаслик принципи умумий шаклда БМТ Устави 2-м.сининг 7-бандида қайд этилган ва қуйидаги халқаро ҳужжатларда аниқлаштирилган: 1) Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги 1970 й.ги декларацияда; 2) Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг 1975 й.ги Якуний актида; 3) Давлатларнинг ички ишларига аралашушга йўл қўймаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини муҳофаза қилиш тўғрисидаги БМТнинг 1995 й. 21 декабрдаги декларациясида. БМТ Устави 2-м.сининг 7-бандига мувофиқ, Ташкилот “мазмунан ҳар қандай давлатнинг ички ваколатларига қирадиган ишларга аралашуш ҳуқуқига эга эмас”. Ушбу тақиқ БМТнинг барча иштирокчилари ҳаракатларига жорий қилинади. Бу қондада истисно ҳам мавжуд. БМТ Устави 7-бобига мувофиқ, тинчликка таҳдид туғилганда, тинчлик бузилганда ёки агрессия акти мавжуд бўлганда кўриладиган ҳаракатлар шулар жумласидандир. Шундай қилиб, агар БМТ Хавфсизлик Кенгаши бирор давлат ҳудудида содир бўлаётган ҳаракатлар халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солмоқда, деб эътироф этса, бундай воқеалар мазкур давлатнинг ички иши бўлмай қолади ва БМТнинг ушбу воқеаларга нисбатан ҳаракатлари мазкур давлатнинг ички ишларига аралашуш бўлмайди.

ИНТЕРДИКТЛАР (лот. *interdictum*) – кад. Рим хукукида преторлар томонидан чиқарилган ҳамда барча учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармонлар. Претор томонидан чиқарилган мазкур буйруқ ва фармонлар маълум бир фаолият олиб боришни тақиқлаган ёки ман этган. И.дан кўзланган асосий мақсад фуқароларнинг бузилган хуқуқларини мажбурий равишда суд орқали тиклаш бўлган. И. мулк эгаларининг мол-мулкларини ўзгалар қонунга хилоф равишда ўзлаштириб олишларига қарши қулай таъсирчан восита бўлган. Қад. Римда И. формуляр суд жараёнларида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Претор эдиктлари ўзида И. формулаларини ҳам жамлаган. Претор барчага қандайдир ҳаракатни тақиқловчи И. чиқариши, талаб қонуний бўлса, судда ишни кўрмасдан олдинроқ ҳам даъвогарга мол-мулкни топшириши мумкин. И. талаби одатда бир тарафдан қўйилган бўлиб, аммо баъзи ҳолларда икки тараф ҳам И. талаб қилиши мумкин бўлган. Шу боис И. оддий ёки икки томонлама турларга ажратилган. Мазмуни жиҳатидан улар тақиқловчи ёки қайта тикловчи деб аталган. Агар И. асоси судда тасдиқланса, унга қаршилиқ кўрсатган тараф жарима тўлаган, тасдиқланмаса И. талаб қилган томон розилиги б-н иш судсиз ҳал этилган.

ИНТЕРПЕЛЛЯЦИЯ (лот. *interpellatio* – пўтқни бўлиш, суд олдида шикоят қилиш, даъво, талаб) – қатор хоржий давлатларда депутатлар гуруҳининг ҳукуматга ёки алоҳида бир вазирга ўтказаетган ички ёки ташқи сиёсат ёки аниқ бир масала бўйича тушунтиришлар бериш талаби б-н муножаати, қондага кўра, бошқарувнинг парламент шаклидаги мамлакатларда (Италия, ГФР, Финляндия ва б.да) қўлланади. И. ҳам оғзаки, ҳам одатий ёзма сўровлардан уни киритиш таомили ва хуқуқий оқибатлари б-н фарқланади. Ҳукумат ёки вазирнинг И.га жавоби фақат қўшимча саволларни келтириб чиқарибгина қолмай, балки ҳукуматга ишонч тўғрисидаги умумий мунозараларга олиб келиши ҳам мумкин. И.ни киритиш амалиётидан парламентларнинг фақат қўйи палаталаригина фойдаланиб қолмайди, у муҳолифат томонидан ҳукумат фаолияти назорат қилинишининг амалий воситаси хизматини ҳам ўтайди. И. натижасида парламент айрим вазирларга, ҳатто бутун ҳукуматга ишончсизлик билдирган ҳолатлар ҳам бўлган.

ИНТЕРПОЛ – қ.: *Жиноят қидирув полициясининг халқаро ташкилоти (Интерпол)*.

ИНТЕРЦЕССИЯ (лот. *intercessio* – аралашув; инг. *intercession*)– фуқаролик хуқукида қарздор томонида туриб шартномага қўшилиш (мас., ўзига ўзга мулкни олиш, кафиллик ва х.к.).

ИНТИЗОМ ТЎҒРИСИДАГИ УСТАВ ВА НИЗОМЛАР – халқ ҳўжалигининг баъзи тармоқларида амал қиладиган норматив-хуқуқий ҳужжатлар бўлиб, меҳнат интизомини бузиш инсон ҳаёти, саломатлиги, давлат ва жамият манфаатлари учун жиддий хавф-хатар туғдирадиган ташкилотларда меҳнат интизомини таъминлашга қаратилган катъий қораларни назарда тутаяди.

И.т.у. ва н.да муайян касб, вазифа ва лавозимларда ишловчи ходимларнинг меҳнат интизомини таъминлаш б-н боғлиқ бўлган қўшимча бурчлари ва жавобгарликлари назарда тутилади. Бундай интизом тўғрисидаги устав ва низомилар темир йўл, ҳаво, дарё транспорти корхоналари-

да, фаолияти теварак-атрофдагилар учун хавф туғдирувчи бошқа ташкилотларда амал қилади.

И.т.у. ва н.да меҳнат интизомини таъминламаганлик учун одатдагидан қаттиқроқ жазо қоралари қўлланилиши назарда тутилади. Айни пайтда ЎЗР МК унда назарда тутилмаган интизомий жазони қўллашни таъқиқлайди (ЎЗР МКнинг 181-м.си).

Давлат хизматчиларининг айрим тоифалари (мас. судьялар, прокуратура органларининг оператив ходимлари, республика давлат бошқаруви органларининг раҳбар ходимлари ва б.) учун ҳам махсус интизомий ҳужжатларга кўра жавобгарлик келиб чиқади.

ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК (инг. *disciplinary responsibility*) юридик жавобгарликнинг тури; меҳнат хуқукида ходимлар томонидан интизомий ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этилганлиги учун жавобгарлик. И.ж. ходим меҳнат муносабатларида турган иш берувчи томонидан интизомий жазо турини қўллашни ўз ичига олади. И.ж. ноҳўя хатти-ҳаракатлар ички меҳнат тартиби қоидаларини, мансаб йўриқномалари, иш берувчининг буйруқлари, техник қоидалар ва б.ни бузишда содир этилганда қўлланилади.

ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО – ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги И.ж. қораларини қўллашга ҳақли: 1) ҳайфсан; 2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллиқ фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ЎЗР МКнинг 164-м.си талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади; 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-м. иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари). ЎЗР МКнинг 181-м.сида назарда тутилмаган И.ж. қораларининг қўлланилиши тақиқланади.

И.ж.лар ишга қабул қилиш хуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади (82-м.).

И.ж. қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

И.ж.ни қўллашда содир этилган ноҳўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир эканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта И.ж. қўлланиши мумкин.

И.ж. бевосита ноҳўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, узоғи б-н бир ой ичида қўлланилади.

Ноҳўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жинорий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

И.ж. берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

ИНТИЗОМИЙ ҚИСМ – суд томонидан белгиланган муддат мобайнида муддатли ҳарбий хизматчилар жазони ўташ учун жойлаштириладиган, тартиби анча каттик бўлган махсус ҳарбий қисм. И.к.да жазони ўтаётганлар муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этилади. И.к.га жўнатиш тартибидан махсус ҳарбий хизматчиларга тайинланади. И.к.га жўнатиш фақат ЎЗР ЖК Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган ҳолларда уч ойдан бир йилгача муддатга тайинланади. И.к.га жўнатиш ЎЗР ЖК Махсус қисмининг ҳарбий хизмати ўташ тартибига қарши содир қилинган жиноят учун тайинланади. Суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига шу муддатга И.к.га жўнатиш жазосини қўллаши мумкин.

ИНТИЗОМИЙ ҚИСМГА ЖЎНАТИШ – ЎЗР ЖКнинг 49-м.сига кўра муддатли ҳарбий хизматчиларни суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча каттик бўлган махсус ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишидир. И.к.ж. фақат қонунда махсус кўрсатилган доирасига, чунончи муддатли хизматнинг ҳарбий хизматчиларига қўлланиши учун жиноий жазонинг махсус тури ҳисобланади. Мазкур жазонинг бошқа шахсларга қўлланишига йўл қўйилмайди. Шу б-н бир вақтда жазонинг бу турини фақат ҳарбий жиноят содир этишдагина эмас, балки ҳарбий хизматчилар томонидан амалга оширилган ҳуқуққа зид бошқа тажовузларга ҳам қўллаш мумкин.

Айбдор шахс озодликдан маҳрум қилишга таянмай махсус ҳарбий қисм шароитида тузатиш мумкин бўлган ҳолларда давлат мажбуриятининг мазкур чорасини тайинлашни ишга солиши керак. Муддатли ҳарбий хизматнинг оддий ҳарбий аскар, сержант ва старшина таркибига қаққиланган шахслар муддатли хизматнинг ҳарбий хизматчилари деб тан олинади. Ҳарбий хизматнинг бошқа турларини ўтайдиган шахслар (контракт бўйича, ЎЗР Фавқулодда вазиятлар вазирлигида, офицер таркибидеги ва б.) бу тоифага кирмайди. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс муддатли хизматнинг ҳарбий хизматига мансуб эканлигини белгилашда судлар муддатли ҳарбий хизматда турмайдиган шахс томонидан содир этилган жиноят жазонинг ушбу тури тайинлашига тўғри келмаслигини эътиборга олиб, мазкур хизматда турган муддатнинг бошланиши ва тугаллини вақтига эътибор бериши лозим.

Муддатли ҳарбий хизматда бўлиш муддати “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ЎЗР Қонунида белгиланади ва у ҳарбий хизматга жўнатиш учун муодофаа ишлари органига келган кундан ҳарбий қисм командирининг ҳарбий хизматчини бўшатиш муносабати б-н ҳарбий хизматчини шахсий таркиб рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги буйруғи чиққан кунгача ҳисобланади. Шу б-н бирга шуни назарда тутиш керакки, И.к.ж. жазосини қўллаш бирон-бир бошқа ҳолатлар б-н боғлиқ эмас. Шунинг учун, бу жазони илгари судланган шахсларга ҳам, давлат мажбуриятининг мазкур чорасига илгари ҳукм қилинганларга ҳам қўллаш мумкин. И.к.ж. жазосининг асосий тури фақат мустақил қўлланиши мумкин ва уни бошқа асосий жазолар б-н бирга қўллашга йўл қўйилмайди.

ИПОТЕКА (юн. hypotheca – гаров, асос, закат; лот. hypotheca; инг. hypothec, hypothecation, mortgage) – маж-

буриятларнинг бажарилишини таъминловчи усуллардан бири бўлган гаровнинг тури бўлиб, унга кўра кўчмас мулкни гаровга қўйиш И. ипотека тўғрисидаги шартнома асосида (шартнома асосидаги И.) ёки қонун асосида (қонун асосидаги И.) вужудга келади. И. тўғрисидаги шартнома бўйича бир тараф – И. б-н таъминланган мажбурият бўйича кредитор бўлган гаровга олувчи (яъни, И.га олувчи) шу мажбурият бўйича ўзининг қарздорга нисбатан пул талаблари бошқа тарафнинг – гаровга қўювчининг (яъни, И.га қўювчи) гаровга қўйилган кўчмас мулкни қийматидан И.га қўювчининг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли қапоатлантирилиши ҳуқуқига эга бўлади. “Ипотека тўғрисида”ги ЎЗР Қонунида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Қонун асосидаги И.га нисбатан унда кўрсатилган ҳолатлар юзга келганда, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, И. тўғрисидаги шартнома асосида вужудга келадиган И. ҳақидаги қондалар қўлланилади. И. асосий мажбуриятдан ҳосила хусусиятига эга ва у асосий мажбурият тугагунига қадар ҳаққий бўлади. И. қўювчи И. б-н таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи ёки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий қафил) бўлиши мумкин. И. белгиланган мол-мулк, агар И. тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, И.га қўювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади. И. агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси, қарз шартномаси ёки бошқа шартнома бўйича мажбурият, шу жумладан олди-сотди, ижара, пудрат шартномаларига асосланган мажбурият, шунингдек зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин.

Кўчмас мулк, шу жумладан бинолар, иншоотлар, кўп квартиралар уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулк мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулк бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек турар жойлар улар жойлашган ер участкалари б-н бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк И. нарса бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк И. нарса бўлиши мумкин эмас.

ИРҚИЙ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИНИ ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯ – И.к.б.ш.т.х.к. имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун БМТ Бош Ассамблеясининг 1965 й. 21 декабрдаги 2106 А (XX) резолюцияси б-н қабул қилинган. ЎЗР ушбу ҳужжатга ЎЗР Олий Мажлиснинг 1995 й. 31 августдаги 129–I-сон “1965 йил 21 декабрдаги Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияга қўшилиш ҳақида”ги Қарорига мувофиқ қўшилган ва у 1995 й. 28 октябрдан кучга кирган. 1963 й.да Бош Ассамблея “Ирқий камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисида”ги декларацияни қабул қилди.

Декларация одамлар ўртасидаги тенгликнинг асосий принципларини кўрсатиб берди, инсоннинг ирки, терисининг ранги ёки этник келиб чиқиши сабабли камситиш Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида эълон қилин-

ган миллатлар ва халқлар ўртасида дўстона ва тинчликсеварлик алоқаларини ўрнатилга тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатлар инсон ҳуқуқларини бузиш эканлиги таъкидланган. Орадан икки йил ўтганидан сўнг бошқа битимлар б-н биргаликда Иркий камситишларни бартараф этишга қарши Кўмитага аъзо давлат ўзи учун унинг ваколатини тан олган шароитда турли алоҳида шахслардан тушган шикоятларни текшириш имконини берадиган Иркий камситишларнинг барча шаклларини бартараф этиш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилди. Конвенцияга мувофиқ, аъзо давлатлар иркий камситишлар ҳақида огоҳ этиш ва муайян шахсларни жазолаш бўйича қонуний, ҳуқуқий, маъмурий чора-тадбирларни кўришлари шарт деб белгиланган.

ИСБОТ ҚИЛИШ – жиноят-процессуал ҳуқуқида жиноят иши бўйича ҳақиқатни билиш жараёни бўлиб, у ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат.

И.қ.нинг умумий шартлари ЎЗР ЖПКнинг 9-бобида белгиланган.

И.қ.ни суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд амалга оширади. И.қ.да гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, химоячи, жамоат айбловчиси, жамоат химоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. И.қ.да иштирок этишга гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жалб этилади. Улар қонунда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш б-н боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадигар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар (ЎЗР ЖПКнинг 86-м.си).

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш жараёнида фуқароларнинг, шунингдек қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўриқлаш таъминланиши керак. И.қ. жараёни маълум бир муддатлар б-н чекланган. Жиноят иши юзасидан суриштирув ўн суткадан ошмаган муддатда, дастлабки тергов эса жиноят иши кўзгатирилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим (дастлабки тергов муддатлари қонунда белгиланган тартибда узайтирилиши мумкин). И.қ.да қуйидагилар тақиқланади: 1) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш; 2) зўрлик, пўписа қилиш, алдаш ва қонунга хилоф бошқа йўллар б-н кўрсатув, тушунтириш, ҳулосалар олишга, экспериментал ҳаракатларни бажаришга, ҳужжатлар ёки буюмлар тайёрланишига ва берилишига эришиш; 3) тунги вақтда, яъни кеч соат 22-00 дан эрта-лаб соат 6-00 гача тергов ҳаракатлари олиб бориш. Тайёрланаётган ёки содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш, жиноят изи йўқолишига ёки гумон қилинувчининг қочиб кетишига йўл қўймаслик, эксперимент жараёнида текширилаётган ҳодисанинг ҳолатини қайтадан тиклаш зарурати бўлган ҳоллар бундан мустасно. Тергов ёки суд ҳаракатлари б-н боғлиқ ишларни бажараётганда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва ишда мутахассис ёки эксперт сифатида иштирок этаётган шифокорлар-

дан бошқа шахсларнинг ўзга жинсдаги шахсни яланғоч қилиб ечинтириш чоғида ҳозир бўлишлари тақиқланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья тергов ва суд муҳокамаси жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва б.нинг шахсий ҳаётига доир аниқланган маълумотларни ошкор қилмаслик чора-тадбирларини кўриши шарт. Бунинг учун шундай маълумотлар аниқланиши мумкин бўлган тергов ёки суд ҳаракатлари олиб борилаётганда иштирок этадиган шахслар доираси чекланади, иштирокчилар эса уларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилади. Тергов ёки суд ҳаракатлари жараёнида олиб қўйиладиган нарсалар ва ҳужжатлар тегишли баённомаларда аниқ кўрсатилиши керак. Шу б-н бирга нарса ёки ҳужжат эгасига баённома нусхаси ёки унинг кўчирмаси топширилиб, тилхат олинади. Ишга алоқаси бўлмаган нарса ва ҳужжатлар қонуний эгасига дарҳол қайтарилиши керак. Фуқаролар сақлаши тақиқланган нарса ва ҳужжатлар йўқ қилиниши ёхуд уларни сақлашга ваколати бўлган ва уларни тасарруф этадиган муассасалар ёки ташкилотларга берилиши лозим (ЎЗР ЖПКнинг 88-м.си).

Давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ёки нарсаларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ва унга доир бошқа ҳаракатлар фақат суриштирувчи ёки терговчининг прокурор санкция берган қарорига биноан ёхуд суд ажримига кўра амалга оширилиши мумкин. Прокурор ёки суд мажлисида раислик қилувчи бундай ҳаракатларни ўтказиш вақти, жойи ва б. шартларини шу ҳужжатлар ёки нарсаларни сақлаш учун жавобгар бўлган қорхона, муассаса ёки ташкилот раҳбари б-н келишиб олади. Бундай ҳаракатларни юритишда эксперт, мутахассис, ҳолис сифатида фақат давлат сирлари бўлган ҳужжатлар ва нарсалар б-н танишишга рухсат берилган шахслар иштирок этадилар (ЎЗР ЖПКнинг 89-м.си).

ИСБОТЛАШ – фуқаролик-процессуал ҳуқуқида фуқаролик процесси субъектлари бўлган тарафлар, суд, прокурор ва б. шахсларнинг фуқаролик ишини ҳал қилиш учун зарурий далилларнинг мавжуд бўлиш-бўлмаглигини аниқлашга қаратилган фаолиятлари.

ИСБОТЛАШ ВОСИТАЛАРИ – тарафларнинг талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумот ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар фуқаролик иши бўйича далил ҳисобланади. Бу маълумотлар қуйидаги воситалар, яъни: тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг ҳулосаси б-н аниқланади. Муаллифи кўрсатилмаган хатлар ва манбаи номаълум бўлган ёки ғайриқонуний тарзда олинган бошқа маълумотлар далил бўла олмайди (ЎЗР ФПКнинг 56-м.си).

ИСМ – қ.: *Фуқаронинг исми.*

ИСМНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ – қ.: *Фуқаронинг исми.*

ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ – жисмоний шахсга (истеъмолчи) унинг истеъмол эҳтиёжларини қондириш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар) сотиб олиш учун бериладиган кредит (“Истеъмол кредити тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си). Жисмоний шахснинг истеъмол эҳтиёжлари учун мўлжалланган товарлар (ишлар, хизматлар)

И.к. объекти бўлиши мумкин. Кўчмас мулк, шунингдек қонунга мувофиқ, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк И.к. объекти бўлиши мумкин эмас (“Истеъмол кредити тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.си). И.к. бериш қоидаларига мувофиқ И.к. шартномаси (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) бўйича тўловлилик, муддатлилик ва таъминланганлик шартлари б-н берилди. И.к. ўз фаолияти патижасида олинган даромадларга, пенсия ва б. даромадларга эга бўлган жисмоний шахсларга берилди (“Истеъмол кредити тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЖАМИЯТИ – истеъмолчиларнинг ҳуқуқларидан бири бўлиб, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 30-м.сига мувофиқ истеъмолчилар ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрий равишда истеъмолчилар бирлашмаларини тузишлари мумкин. Истеъмолчиларнинг бирлашмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширувчи жамоат бирлашмаларидир. ЎзРда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмалари ташаббуси б-н 2002 й.да Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташкил этилган.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ – “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, истеъмолчилар қуйидаги асосий ҳуқуқларга эга:

товар (иш, хизмат) ҳақида, шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш;

товар (иш, хизмат)ни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

товар (иш, хизмат)нинг хавфсиз бўлиши;

ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун б-н муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат этиш;

истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш.

Истеъмолчиларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлар тоифасига киритилган айрим гуруҳлари учун қонун ҳужжатлари б-н савдо, маиший хизмат ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари бўйича имтиёзлар ва афзалликлар белгиланиши мумкин.

ИСТЕЪФО – 1) кенг маънода давлат хизматидан четланиш ёки давлат лавозимидан уни эгаллаб турган шахснинг кетиши; 2) офицерлар таркибига кирувчи шахслар, прапорщик ва мичманларнинг ёши, касаллиги ва х.к. туфайли ҳарбий хизматдан кетиши; 3) конституциявий ҳуқуқда ҳуқуқат, унинг бошлиғи ёки министрлар И.си, яъни ҳуқуқатга ишончсизлик вотуми киритилиши муносабати б-н, ҳуқуқат ичидаги келишмовчиликлар ва б. сабабли унинг ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши.

ИТТИФОҚ – 1) конституциявий ҳуқуқда бир неча бирлашган давлатлардан (мас., Югославия Иттифоқдош Республикаси) ёки собиқ мустамлакалардан (мас., Авст-

ралия И.и) таркиб топган, ягона олий (марказий) хокимиятли давлат тузилмаси. Бу маънода кўпинча “федерация” атамасидан синоним сифатида фойдаланилади; 2) жамоат бирлашмаси, ташкилот (бу маънода “уюшмалар эркинлиги” тушунчасидан фойдаланилади). Яна к.: *Уюшма (Иттифоқ)*.

ИХТИРОЧИЛИК ҲУҚУҚИ – янги, ихтиролик даражасидаги, саноатда қўллаш мумкин бўлган ва ҳуқуқий муҳофаза қилинадиган патент бериш орқали расмийлаштирилган объектга бўлган муаллиф (ихтирочи)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солидиган ва мустақкамлайдиган ҳуқуқ нормалари йиғиндиси. И.х. махсус ҳуқуқий инс., тизимлаштирилган юридик нормалар сифатида Ўзбекистонда ХХ а.нинг 20-й.лари бошларидан бошлаб намоён бўлган. Кўпгина адабиётларда патент ҳуқуқи деб ҳам номланади. И.х.ни адабиётларда ҳамда ҳуқуқ амалиётида фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос кичик тармоғи (подотрасль) ва ҳатто фуқаролик ҳуқуқи инс.и сифатида қараш концепциясида назарий жиҳатдан олганда мукамаллик йўқ, чунки у ихтирочилик муносабатлари ҳуқуқининг бошқа тармоқлари б-н ҳам тартибга солинади.

И.х.нинг субъектлари ихтирочи-муаллиф ва ҳаммуаллифлардир. Қурилмалар, усуллар, моддалар, микроорганизмларнинг штамлари, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари, илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штамларининг янги мақсадда қўлланилиши И.х.нинг объектлари ҳисобланади. Ихтирочининг ихтиро объектига бўлган ҳуқуқи ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш орқали намоён бўлади.

ИЧКИ ХЎЖАЛИК ЕР ТУЗИШ – қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизда белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилишни, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, тоқзорлар ва б.) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек суғориладиган ерларни тўла реконструкциялашни ўз ичига олади (ЎзР ЕКнинг 12-м.си). И.х.е.т. ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчиларнинг ташаббусига биноан ердан ишлаб чиқаришнинг юқори даражада фойдаланишга эришиш мақсадида ҳамда у б-н чамбарчас боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишдан иборат.

И.х.е.т.нинг замирида бир қанча масалаларни ҳал этиш ётади. Бу жараёнда табиий қишлоқ хўжалик минтақаларига бўлиш ҳужжатлари асосида ер турлари, фойдаланилмаётган ва унумсиз фойдаланилаётган ерлар аниқланади, улардан фойдаланишни яхшилаш бўйича таклифлар тайёрланади. Қишлоқларнинг жойлашиши, кенгайиши, шахсий томорқа хўжаликларини ривожланишини ҳисобга олган ҳолда хўжалик ичидаги тармоқларга ер тақсимлаш ҳам ички ер тузиш ҳужжатларига асосланади.

ИШ БЕРУВЧИ – меҳнат ҳуқуқининг субъектларидан бири. ЎзР МКнинг 15-м.сига мувофиқ, ходим б-н меҳнат муносабатларига киришган корхоналар, шу жумладан, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида; мулкдорнинг ўзи айна бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар; ўн саккиз ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда И.б. бўлиши мумкин. И.б. корхонани бошқариш

ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ яқка тартибдаги меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш; меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб қилиш; ўз манфаатларини ҳимоялаш учун бошқа иш берувчилар б-н бирга жамоат бирлашмалари тузиш ва бундай бирлашмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир (ЎзР МКнинг 17-м.си).

И.б. ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва б. норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиёж ва талабларига эътибор б-н қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ЎзР МКга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт.

И.б. ходимдан унинг меҳнат вазифалари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга ҳилоф ёки ходим ва б. шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас (ЎзР МКнинг 177-м.си).

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШ – фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш шаклларида бири. Аҳолини И.б.т. давлат бандлик сисёсати мазмунини ташкил қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бандлик сисёсати қуйидаги йўналишларда рўёбга чиқарилмоқда: а) кичик ва хусусий бизнесни рағбатлантириш йўли орқали ўзини ўзи И.б.т.и, кўшимча иш ўринлари яратиш; б) корхоналарда иш ўринлари кўпайтирилиши ва янги иш ўринлари очилишини қўллаб-қувватлаш; в) касаначиликни ривожлантириш орқали аҳолининг муҳтож табақаларини иш б-н таъминлаш; г) аҳолига мансий ва б. хизматлар кўрсатилишини кенгайтириш; д) ёшларнинг янги касбларни эгаллашларига кўмак бериш.

И.б.т. соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни ҳисобланади. Ушбу қонуннинг 2-м.сига мувофиқ, И.б.т. фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш б-н боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир.

Унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари б-н таққиланмаган ҳар қандай фаолият, шу жумладан ҳақ тўланадиган ишни бажаришга алоқаси бўлмаган фаолият б-н шуғулланишнинг мутлақ ҳуқуқи фуқароларга тегишлидир.

Мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш б-н таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Кишиларнинг ихтиёрий равишда иш б-н банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди.

Қуйидагилар иш б-н таъминланган деб ҳисобланади: ёлланиб ишлаётган, шу жумладан ишни тўлиқсиз иш вақтида ҳақ эвазига бажараётган, касаначилик б-н шуғулланаётган, шунингдек ҳақ тўланадиган бошқа ишга шу жумладан вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

бетоблиги, меҳнат таътилида, касбга қайта тайёрлашда, малака оширишда эканлиги, ишлаб чиқаришнинг тўхта-

тиб қўйилганлиги муносабати б-н, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинча иш жойида бўлмаганда ходимнинг иш жойи сакланиб турадиган бошқа ҳолларда вақтинча иш жойида бўлмаган фуқаролар;

ўзини иш б-н мустақил таъминлаётган фуқаролар, шу жумладан юридик шахс ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган фуқаролар, кооперативларнинг аъзолари, фермерлар ва уларнинг ишлаб чиқаришда қатнашаётган оила аъзолари;

Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни ўтаётган, шунингдек муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар;

таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган фуқаролар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларда ишлаётган фуқаролар.

ИШ ВАҚТИ – ЎзР МКнинг 114-м.сига асосан, ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақтдир.

Ходим учун И.в.нинг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнатнинг шартлари, меҳнат вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатлар, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни қамайтирмасдан, И.в.нинг қисқартирилган муддати белгиланади (ЎзР МКнинг 116-м.си). Тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси ходим б-н иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз белгилаб қўйилиши мумкин (ЎзР МКнинг 119-м.си).

Байрам (ишланмайдиган кунлар) арафасида қундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилиши ҳам назарда тутилган (ЎзР МКнинг 121-м.си).

ЎзР 1935 й. 22 июндаги “Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги 47-сон Конвенция (Женева, 1935 й. 21 июнь)-га ЎзР Олий Мажлисининг 1995 й. 6 майдаги 83–I-сон қарори б-н қўшилган. Ушбу Конвенция 1957 й. 23 июнда кучга кирган.

ИШ ВАҚТИНИНГ ҚИСҚАРТИРИЛГАН МУДДАТИ – ходимларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, ишни ўқиш б-н бирга қўшиб олиб бориш учун қулай шароитлар яратиб бериш, ёшлар ва меҳнат қобилияти пасайган шахсларни улар соғлиғига зарар етказмаган ҳолда меҳнатга жалб этиш мақсадида қонунийликда белгиланган нормал иш вақти (ҳафтасига 40 соат)га нисбатан иш вақтининг қисқартирилган муддатидаги давомийлиги. Қисқартирилган иш вақтининг асосий хусусияти иш вақти муддати давомийлиги қаймаган ҳолда унга нормал иш вақти муддати бўйича иш ҳақи тўланишидир.

ЎзР МКнинг 116-м.сига мувофиқ, айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнат

шароитлари, меҳнат вазибаларининг ўзига хос хусусиятлари ва ўзга ҳолатларни ипобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжат, шунингдек меҳнат шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, И.в.к.м. белгиланади.

И.в.к.м. куйидагилар учун белгиланади: ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимлар (242-м.), I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар (220-м.нинг учинчи қисми), ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар (117-м.), алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар (118-м.), уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар (228¹-м.) учун белгиланган.

И.в.к.м. ҳафтасига 36 соат (16 дан 18 ёшгача бўлган ходимлар, I ва II гуруҳ ногирони бўлган ходимлар, ноқулай меҳнат шароитларидаги ходимлар, алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимлар учун), 35 соат (уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёллар учун), 24 соат (15 ёшдан 16 ёшгача бўлган ходимларга), 18 соат (ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган 16 дан 18 ёшгача бўлган ўқувчилар учун), 12 соат (ўқишдан бўш вақтларида ишлаётган 14 дан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар учун)ни ташкил қилиши қонун ҳужжатларида белгиланган.

Жамоа келишуви ва жамоа шартномасида, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларга қўшимча равишда қорхонанинг бошқа ходимларига ҳам И.в.к.м. белгиланиши мумкин.

ИШ ЖОЙИНИ ЎЗГАРТИРИШ – ЎзР МКнинг 91-м.сига мувофиқ, меҳнат шартномасида шартлашиб олинмаган И.ж.ў. меҳнат шартларини ўзгартириш деб ҳисобланмайди ва бу ҳақда ходим б-н келишиш талаб қилинмайди. Иш берувчи ўз ходимлари меҳнатини тўғри ташкил этиш, улар меҳнатидан унумли фойдаланиш мақсадида қорхона ичида тегишли таркибий ўзгаришларни амалга ошириши мумкин бўлади ва бунда меҳнат шартномаси шартларини жиддий ўзгартирмагани ҳолда мавжуд меҳнат ресурслари қорхона доирасида қайта тақсимланишини амалга ошириш мумкин бўлади. Бунда ходимнинг касби (лавозими) ва меҳнат шартномасининг бошқа муҳим шартлари ўзгартирилмаган ҳолда унинг бошқа иш участкасига ўтказилиши бошқа ишга ўтказиш бўлиб ҳисобланмайди. И.ж.ў. учун ходимнинг розилиги ва махсус тарзда расмийлаштирилиши талаб қилинмайди. Қорхонанинг бошқа маъмурий ҳудуддаги таркибий қисми (филиали, бўлими, ваколатхонаси ва б.)га меҳнат шартномасининг муҳим шартлари ўзгартирилмасдан ўтказиш ҳам И.ж.ў. саналмайди ва бу фақат ходимнинг розилигига қўра амалга оширилиши мумкин бўлади.

ИШ МУОМАЛАСИ ОДАТЛАРИ – ЎзР ФКнинг 6-м.сига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан катъи назар, иш муомаласи одати деб ҳисобланади. Иш муомаласи одати муайян муносабатларни тартибга солувчи қонун нормаси мавжуд бўлмаса ва бу одат қонун

ҳужжатларига зид бўлмаса фуқаролик ҳуқуқининг маънаси ҳисобланади. Тегишли муносабат иштирокчилари учун мажбурий бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига ёки шартномага зид бўлган И.м.о. қўлланилмайди.

ИШ СТАЖИ – қ.: *Меҳнат стажи.*

ИШ СТАЖИ ТЎЛИК БЎЛМАГАН ЧОҒДАГИ ПЕНСИЯНИ ТАЙИНЛАШ – “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8 ва 29-м.ларига мувофиқ, тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган, яъни эркаклар 60 ёшга тўлган ва иш стажлари 25 й.дан кам бўлган тақдирда ва аёллар 55 ёшга тўлган ва иш стажлари 20 й.дан кам бўлган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда (29-м.) тайинланади.

Иш стаж тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар (8, 18 ва 22-м.лар) бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.

Иш стаж тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар: ёшга доир пенсиялар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 %идан;

I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 %идан;

II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 %идан;

III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 %идан;

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 %идан;

ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 %идан кам бўлмаслиги лозим.

ИШ ТАШЛАШ ҲУҚУҚИ – жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш мақсадида ходимларнинг ўз хоҳишига қўра меҳнат мажбуриятларини бажаришдан (тўла ёки қисман) вақтинча бош тортиши. Иш берувчи б-н юз берган низоли бошқа усулларда ҳал этиш имкони қолмагач, ундан фойдаланиш мумкин. Кўпгина ривожланган мамлакатлар Конс.си ва меҳнат қонунчилигида назарда тутилган (Мас.: РФ Конс.си 37-м.си, РФ МК 409–417-м.лари). Қондага қўра, ҳарбий хизматчиларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига ва баъзан давлат хизматчиларига И.т.х.дан фойдаланиш тақиқланган. Иш ташлашни қонунлар мураккаб жараён сифатида тартибга солади ва бу ҳуқуқдан охири зарурат сифатида фойдаланишни назарда тутди. ЎзР Конс.сининг 33-м.сига қўра, фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини ЎзР қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга. Ёллашиб ишловчи ходимларнинг жамоага доир меҳнат низолини ҳал этиш йўли сифатида халқаро ҳужжатларда (мас., Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт) эътироф қилинган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда кўрсатилмишча, типч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи давлат ёки жамоат хавфсизлигини, жамоат тартибини аҳолининг соғлигини ва маънавиятини ёки бошқа-бошқа шахслар

нинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш мақсадида қонун томонидан чегаралаб қўйилиши мумкин (21-м.).

ИШ ҲАҚИ – к.: *Меҳнат ҳақи.*

ИШ ҲАҚИ САҚЛАНМАГАН ҲОЛДА БЕРИЛАДИГАН ТАЪТИЛЛАР – ходимнинг аризасига биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда муддати ходим б-н иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра бериладиган таътиллار.

ЎЗР МКнинг 150-м.сига мувофиқ, қуйидаги ходимларга уларнинг хошишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

1941 – 1945 й.лардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тегиштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга (ЎЗР МКнинг 234-м.си);

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар (ЎЗР МКнинг 232-м.си);

меҳнат тўғрисидаги қонулар ва б. норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

ЎЗР МКнинг 254-м.сига асосан, кириш имтиҳонлари топширишга рухсат этилган ходимларга олий ўқув юр்தларига кириш учун камида ўн беш календарь кун, ўрта махсус ўқув юр்தларига кириш учун эса, камида ўн календарь кун муддат б-н иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилди, ўқув юр்தлари жойлашган ерга бориш ва қайтиб келиш вақти бу ҳисобга кирмайди.

ЎЗР МКнинг 256-м.сига кўра, олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг охириги курсларида ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун ўттиз календарь кун муддат б-н иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилди. Мазкур таътил даврида талабалар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

ИШ ҲАҚИ ТАРИФИ – иш ҳақининг тарифлари иш ҳақини асосий тартибга солувчи мезон бўлиб ҳисобланади. И.х.т. ўзида турли хил меҳнатнинг малакаси, оғирлиги ва ижтимоий аҳамиятига боғлиқ ҳолда унинг баҳосини ифодалайди. И.х.т. икки хил шаклда амал қилади:

а) ходимларга иш ҳақи тўлашнинг тариф тизими шакли;

б) мансаб маошлари тизими шакли.

ИШ ҲАҚИДАН УШЛАБ ҚОЛИШ – к.: *Меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш.*

ИШ ҲАҚИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ – к.: *Меҳнат ҳақининг энг кам миқдори.*

ИШГА ЖОЙЛАШИШ ҲУҚУҚИ – ЎЗР Конс.сининг 37-м.сига мувофиқ, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ҳуқуқига эгадир. ЎЗР МК 57-м.сига кўра, унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларини тасарруф этиш ва қонун ҳужжатлари б-н тақиқланмаган ҳар қандай фаолият б-н шуғулланиш ҳар кимнинг мутлақ ҳуқуқидир. Ихтиёрий равишда иш б-н банд бўлмаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлолмайди. Ҳар ким иш берувчига бевоқифа мурожаат қилиш ёки меҳнат органларининг бепул воситачилиги орқали иш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгадир.

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ДАСТЛАБКИ СИНОВ – к.: *Дастлабки синов.*

ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ҒАЙРИҚОНУНИЙ РАВИШДА РАД ЭТИШ – ЎЗР МКнинг 78-м.сига мувофиқ, И.к.к.ғ.р.р.э.га йўл қўйилмайди.

Қуйидагилар И.к.к.ғ.р.р.э. деб ҳисобланади: ЎЗР МК 6-м.сининг биринчи қисми талабларининг бузилиши; иш берувчи томонидан тақлиф қилинган шахсларни ишга қабул қилмаслик; иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиши шарт бўлган шахсларни (белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахсларни; ҳомиладор аёлларни ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларни – тегишинча уларнинг ҳомиладорлиги ёки боласи борлигини вақт қилиб) ишга қабул қилмаслик; қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар.

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, ходимнинг талаби б-н иш берувчи ишга қабул қилишни рад этишнинг сабабини асослаб, уч кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Асослантирилган жавоб бериш ҳақидаги талабларни қондиришни рад этиш ходимнинг ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан шикоят қилишига тўсиқ бўлмайди.

ИШДАН БЎШАТИШ – меҳнат қонунчилигига биноан меҳнат шартномасини бекор қилиш. Меҳнат шартномаларини бекор қилиш асоси ва тартиби, уни расмийлаштириш, меҳнат шартномасини бекор қилишда ходимлар ҳуқуқларини химоя қилиш масалалари ЎЗР МКнинг VI бобида (72-113-м.лар) ўз ифодасини топган. Жумладан, ЎЗР МКнинг 97-м.сига мувофиқ, меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин:

1) тарафларнинг келишувига кўра. Ушбу асосга биноан меҳнат шартномасининг барча турлари исталган вақтда бекор қилиниши мумкин;

2) тарафлардан бирининг ташаббуси б-н;

3) муддатнинг тугаши б-н;

4) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;

5) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

Меҳнатга оид муносабатларни бекор қилиш тўғрисидаги шарт меҳнат шартномасида бу шартнома иш берувчи томонидан корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер б-н, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим б-н тузилганда, шунингдек қонунда йўл қўйилмаган бошқа ҳолларда ҳам назарда тутилиши мумкин;

6) янги муддатга сайланмаганлиги (танлов бўйича ўтмаганлиги) ёхуд сайланишда (танловда) қатнашишни рад этганлиги муносабати б-н.

Меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси б-н (ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно), тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ушбу Кодекснинг 106-м.си I ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан ҳамда ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли (89-м.нинг тўртинчи қисми) бекор қилинган ҳолларда ишдан бўша-

тилаётган фуқароларга И.б. нафақаси тўланади. И.б. нафақасининг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

ИШДАН БЎШАТИШ НАФАҚАСИ – ходим б-н тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган муайян ҳолларда унга тўланган пул тўлови ходимнинг айбсиз объектив сабаблар б-н ишдан бўшатиш юз берган ҳолларда тўланади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинган кўйидаги ҳолларда И.б.н. тўланади:

иш берувчининг ташаббуси б-н, ходим ўзининг меҳнат вазифаларини бажармаганлиги сабабли шартноманинг бекор қилиниши бундан мустасно;

тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, ЎзР МКнинг 106-м.си 1 ва 2-бандларида назарда тутилган ҳолатларга биноан. Меҳнат шартномаси ЎзР МКнинг 106-м.си 4-бандига биноан бекор қилинганда И.б.н. тўланади, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган кондалар ходимнинг айби б-н бузилган ҳоллар (суднинг муайян лавозимини эгаллаш ёки муайян фаолият тури б-н шугулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукминини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва х.к.) бундан мустасно;

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишни давом эттиришни рад этганлиги сабабли (89-м.нинг тўртинчи қисми).

И.б.н. миқдори корхона жамоа шартномаси, ходим б-н тузилган меҳнат шартномасида назарда тутилади, аммо у ходимнинг бир ойлик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги лозим.

Муддатли меҳнат шартномаси муддати тугаганлиги сабабли бекор бўлганида, ўриндошлик бўйича ишлаётган ходим ҳар қандай асосга кўра ишдан бўшатирилганида И.б.н. тўланмайди.

ИШДАН ЧЕТЛАШТИРИШ – И.ч.да ишга қабул қилишда тузилган меҳнат шартномаси шартларининг амал қилиши тўхтатилмайди.

ЎзР МКнинг 113-м.сига мувофиқ, ходимни И.ч.га, қонунида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, йўл қўйилмайди. Алкоголлик ичимлик, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида ишга келган ходим шу кун (сменада) ишга қўйилмайди. Ходим мажбурий тиббий кўрикдан ўтишдан бўйин товлаган ёки ўтказилган текширишлар натижалари бўйича тиббий комиссия тавсияларини бажармаган тақдирда, иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақлидир. Ходим иш берувчининг айби б-н ғайриқонуний равишда ишдан четлаштирилганда ходимга етказилган зарарни ЎзР МКда назарда тутилган тартибда тўлаш мажбурияти иш берувчига юклатилади.

И.ч. ЎзР МКдан ташқари бошқа қонун ҳужжатларида ҳам назарда тутилиши мумкин.

Жумладан, ЎзР ЖПКнинг 255-м.сига асосан, башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттирадиган деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уни лавозимидан четлаштиришга ҳақлидир.

“Давлат санитария назорати тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 27-м.сига биноан, давлат санитария назоратини

амалга оширувчи мансабдор шахсларга ташкилотлар раҳбарларидаги ва алоҳида шахслардан санитария нормаларини, қондаларини, эпидемияга қарши тартиботни мунтазам сурагда бажармаётган ва ишлаб чиқаришнинг ҳамда бажарилаётган ишларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, юқумли, паразитар касалликларни тарқатиш хавфини тугдирадиган шахсларни И.ч.ни талаб қилиш ҳуқуқи берилган. Яна к.: *Лавозимдан четлаштириш*.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВИ – фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларининг (иштирокчиларининг) мулк б-н қўшилган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа ҳўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негиздаги ихтиёрий бирлашмаси. Қонунида ва И.ч.к.нинг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин. И.ч.к.нинг аъзолари кооперативнинг мажбуриятлари бўйича қонунида ва кооператив уставига назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар. Кооперативнинг фирма номи кооперативнинг номини, шунингдек “И.ч.к.” деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши лозим. И.ч.к.ларининг ҳуқуқий мавқеи ва улар аъзоларининг ҳуқуқ ҳамда бурчлари ЎзР ФК ва б. қонулар б-н белгиланади (ЎзР ФК 69-м.).

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ БАХТСИЗ ХОДИСА – суғурталанган шахснинг у меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ўз вазифаларини суғурта қилдирувчининг ҳудудида ёки ундан ташқарида бажараётганда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва суғурталанган шахсни бошқа ишга ўтказиш заруриятини келтириб чиқарган, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса (“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Иш берувчи И.ч.б.х.ларни ўз вақтида текшириши ва ҳисобга олиб бориши шарт. Жабрланувчининг талабига биноан текширув тугаган қундан эътиборан зоғи б-н уч кун ичида иш берувчи шу бахтсиз ҳодиса тўғрисида далолатнома бериши шарт (ЎзР МК 222-м.си).

ИШНИ СИРТДАН КЎРИШ – 1) жиноий суд ишларини юритишда суднинг ишни судланувчи иштирокисиз кўриши. ЎзР ЖПКнинг 410-м.сига мувофиқ, биринчи инстанция судининг мажлисида жиноят иши судланувчининг иштирокида муҳокама қилинади, судланувчининг судга келиши шарт. Судланувчи суд мажлисига келмаса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим, ЎзР ЖПК 410-м.сининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Судга келмаган судланувчини суд мажбурий келтиришга, шунингдек унга нисбатан эҳтиёт чорасини қўллашга ёки эҳтиёт чорасини ўзгартиришга ҳақлидир. Ишнинг судланувчи иштирокисиз муҳокама қилинишига судланувчи ЎзР ҳудудидан ташқарида бўлган ва судга келишдан бўйин товлаган, унинг йўқлиги иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмаган тақдирдагина ёхуд у ЎзР ЖПК 272-м.сида назарда тутилган тартибда суд мажлиси залидан чиқариб юборилган бўлса, йўл қўйилиши мумкин;

2) фуқаровий суд ишларини юритишда суднинг ишни даъвогар ёки жавобгар ёхуд унис ва бунисининг ҳам иштирокисиз кўриши. ЎЗР ФПКга мувофиқ, суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган жавобгар суд мажлисига келмаган тақдирда, даъвогар эътироз билдирмаса, иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилиши мумкин. Ишни бундай тартибда кўриш ҳақида суд ажрим чиқаради. Жавобгар тегишли тартибда хабардор қилинганлиги ҳақида ишда маълумот бўлиши лозим. Суд мажлисига барча жавобгарлар келмаган тақдирда, иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилиши мумкин (224-м.). Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибда кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга судда тақрор кўриладиган вақт ва жой ҳақида қайта хабар юборади (225-м.). Иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилганида суд ишда мавжуд далилларни текшириш б-н кифояланади, ишда иштирок этувчи шахсларнинг ваз ва илтимосларини эътиборга олиб, ҳал қилув қарори чиқаради, бу ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилган деб аталади. Иш сиртдан иш юритиш тартибда кўрилганида даъвонинг асоси ёки предмети ўзгартирилиши ёки даъво талабларининг миқдори кўпайтирилиши мумкин эмас (226-м.);

3) хўжалик суд ишларини юритишда суднинг ишни даъвогар ёки жавобгар ёхуд унис ва бунисининг ҳам иштирокисиз кўриши. ЎЗР ХПКнинг 130-м.сига асосан, ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган жавобгар хўжалик судининг мажлисига келмаса, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин. Ишни кўриш вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган даъвогар хўжалик судининг мажлисига келмаса, даъвогарнинг ишни унинг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги аризаси бўлган тақдирда, низо унинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин. ЎЗР ХПКнинг 131-м.сига кўра, хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда, шу жумладан ишда иштирок этувчи шахслар, гувоҳлар, экспертлар ва таржимонлардан бири келмаганлиги ёки қўшимча далиллар тақдим этиш зарурлиги сабабли ишни кўришни кейинга қолдиришга ҳақли. Ишни кўришни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилади. Хўжалик суди янги мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари топширилганлиги маълум қилинадиган хат б-н ажрим ёки бошқа ҳужжатни юбориш орқали хабардор қилинадилар. Ишни кўриш кейинга қолдирилгач, уни янгидан кўриш бошидан бошланади.

ИШНИ СУДДА КЎРИШГА ТАЙЁРЛАШ – судья аризани қабул қилиб, фуқаролик иши кўзғатганидан сўнг, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида уни судда кўришга тайёрлайди. И.с.к.т. муддати 10 кун, алоҳида ҳолларда яна 10 кунга узайтирилиши мумкин. И.с.к.т. вазифалари қуйидагилардан иборат: тарафларнинг ҳуқуқий муносабатларини ва ишни кўришда амал қилиниши лозим бўлган қонуни аниқлаш; тарафларнинг талаб ва эътирозларини асословчи фактларни, шунингдек низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга

эга бўлган бошқа фактларни аниқлаш; ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далиллар доирасини аниқлаш ва уларнинг ўз вақтида суд мажлисига тақдим этилишини таъминлаш; ишда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таркиби масаласини ҳал этиш.

Судья И.с.к.т. тартибда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади: 1) ишга учинчи шахсларнинг жалб этилиши ёки киришиши масаласини ҳал қилади ва ишда иштирок этишига йўл қўйилган учинчи шахсларни ЎЗР ФПКнинг 159-м.сига мувофиқ сўроқ қилади; 2) ишни кўришда вакилларнинг қатнашиши масаласини ҳал қилади; 3) ишда прокурорнинг иштирок этиши тўғрисидаги ва тегишли давлат бошқаруви органини суд процессида қатнашишга жалб этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади; 4) ишда иштирок этишга жалб қилинмаган ташкилот ёки фуқаронинг иш якунидан манфаатдорлигини аниқласа, уларга, шунингдек прокурорга юритилаётган ишни ва уни кўриш вақтини маълум қилади; 5) гувоҳларни суд мажлисига чақириш ёки уларни ЎЗР ФПКнинг 72-м.сига назарда тутилган тартибда сўроқ қилиш масаласини ҳал қилади; 6) ташкилотлар ёки фуқаролардан ёзма ва ашёвий далилларни талаб қилиб олади ёки бу далилларни олиб, судга тақдим этиш учун ишда иштирок этувчи шахсларга талабнома беради; 7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳисобга олиб, экспертиза тайинлаш ва мутахассис жалб қилиш масаласини ҳал қилади; 8) кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиб, ўша жойнинг ўзидан кўздан кечириш ўтказиши; 9) бошқа судларга суд топшириқлари юборади; 10) ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тунунтиради.

Судья ишда иштирок этувчи шахсларни чақирмасдан туриб, И.с.к.т. юзасидан қилган ҳаракатларини ажрим шаклида расмийлаштиради. Бу ажрим устидан апелляция шикоятидан алоҳида тарзда шикоят қилиниши мумкин эмас.

ИШОНЧ БИЛДИРУВЧИ – фуқаролик ҳуқуқида топшириқ, воситачилик, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномалари тарафларидан бири. Муайян юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни ўз номидан ва ҳисобидан (топшириқ шартномасида) бажаришни, бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузишни ўз номидан ва комитент ҳисобидан (воситачилик шартномасида) амалга оширишни, мол-мулкни муайян муддатда ишончли бошқариш учун (мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасида) бошқа шахс (ишончли вакил)га ишониб топширувчи жисмоний ва юридик шахслар ишонч билдирувчи шахслар бўлиши мумкин.

ИШОНЧ ЁРЛИГИ (инг. credential; фр. lettre de creance) – элчилар ва вакиллар классига мансуб дипломатик ваколатхона раҳбарига унинг шу лавозимга тайинланганини тасдиқловчи, хорижий давлатда аккредитация қилиниши учун бериладиган расмий дипломатик ҳужжат. И.ё.ни дипломатик вакилни тайинлаган давлат раҳбари имзолайди ва шу давлатнинг ташқи ишлар вазири ўз имзоси ҳамда муҳри б-н гувоҳлайди. Монарх бошлик давлатларда эса, мас., Япония императорининг имзоси б-н тасдиқланган И.ё.ни ҳукумат бошлиги ва ташқи ишлар вазири ўз имзолари ҳамда муҳрлари б-н гувоҳлайдилар.

1961 й.ги “Дипломатик муносабатлар тўғрисида”ги Вена конвенцияси дипломатик ваколатхона раҳбари тайинланган давлатдаги вазифасига киришиши ташриф давлатида мажбур амалиёти ёки И.ё.ларини топширилган вақтдан бошлаб ёки элчи ушбу давлатга келиб, мазкур давлат ташқи ишлар вазири тасдиқланган И.ё.ларини тақдим этгани хақидаги ахборот берилган вақтдан ҳисобланаши мумкин.

И.ё. матни қуйидагича бўлиши мумкин: давлат раҳбари ўзи юбораётган элчининг исми шарифини кўрсатиб, унинг шу лавозимда икки мамлакат муносабатларини ривожлантиришга хизмат қилишига ишонч билдиради ва давлат бошлиғидан янги элчига бу амалларни бажаришда ёрдам кўрсатишни сўрайди. И.ё. давлат бошлиғининг шахсий имзоси б-н тасдиқланади ва ташқи ишлар вазирининг имзоси б-н мустаҳкамланади.

Бошқа мамлакатга тайинланган элчи ўша давлатга бориши б-н уни расмий равишда кутиб олишда ва ташқи ишлар вазиридан И.ё.ни давлат бошлиғига топширишни сўрайди. И.ё.нинг нуسخаси ташқи ишлар вазирига топширилади. Давлат раҳбарига И.ё. топширилган кундан эътиборан элчи ўз вазифаларига киришиши мумкин.

И.ё. матнида, одатда, давлат раҳбари дипломатик вакил этиб кимни ва қайси статусда тайинлаганини қабул қилувчи давлат раҳбарига маълум қилади, дипломатик вакилнинг барча баёнларига ишонишни лутфан сўрайди.

ЎЗР протоколи амалиётига мувофиқ, янги тайинланган хорижий элчилардан И.ё.ларини ЎЗР Президенти ўзининг расмий қароргоҳи “Оқ сарой”да қабул қилиб олади. Маросимда ташқи ишлар вазири, давлат протоколи хизматининг бошлиғи ва лозим бўлса, таржимон қатнашади. Элчини дипломатик ваколатхонанинг бир дипломатик ходими кузатиб келади.

И.ё. топширилгандан сўнг, давлат раҳбари ва элчи ўртасида суҳбат бўлади. Маросим Президентнинг элчига эсдалик совғасини топшириши ва биргаликда суратга тушиши б-н якунланади.

ЎЗРнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби “Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни б-н белгиланади. Мазкур қонун 1961 й.ги “Дипломатик муносабатлар тўғрисида”ги Вена конвенциясига ва б. умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий нормалар ва қоидалардан келиб чиқади.

ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИ – мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасининг тарафларидан биридир. Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади, иккинчи тараф эса, ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб, бошқариш мажбуриятини олади (ЎЗР ФК 849-м.). Яна қ.: *Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси.*

ИШОНЧЛИ МУЛК – инглиз-америка ҳуқуқининг мураккаб инс.и, мулккий ҳуқуқнинг махсус шакли. И.м.да мохиятан бир шахс – ишонч билдирилган мулкдор ўзига бошқа шахс – таъсисчи томонидан берилган мулкни бошқаради. Бундай мулккий ҳуқуқдаги ваколатлар гўёки

“бўлинадди”. Ишонч билдирилган мулкдор сотиб олинган мулкдан таъсисчи кўрсатган мақсадлардагина фойдаланади. Бундан ташқари, у ўз ҳуқуқини ўзи учун эмас, балки бошқа кишилар – фойда олувчилар, бенифициарийлар учун ишлатади. Фойда олувчи таъсисчининг ўзи ҳам, у кўрсатган шахс ҳам бўлиши мумкин. Ишонч билдирилган мулкдор юридик шахслар, васийлар ва б. бўлиши мумкин.

Миллий ҳуқуқ тизимида И.м. деганда, бир шахс томонидан иккинчи шахсга ишончли бошқариш учун топширилган мол-мулк тушунилади. Бу асосан мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси асосида бошқарувнинг муассиси томонидан ишончли бошқарувчига муайян муддатга ишончли бошқариш учун топширилган мол-мулкдир.

ИШОНЧНОМА – ЎЗР ФКнинг 134-м.сига мувофиқ, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат. Ишончли вакил ўзига И. б-н берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Юридик шахс номидан, шунингдек юридик шахсга ҳам И. фақат юридик шахснинг уставида (низомида) кўрсатилган фаолият мақсадларига зид бўлмаган битимларни тузиш учунгина берилиши мумкин.

ЎЗР ФКнинг 135-м.сига асосан, И. оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади. Нотариал шакли талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган И. нотариал тасдиқланган бўлиши керак, ЎЗР ФКнинг 136, 137, 138-м.ларида назарда тутилган ҳоллар ва қопун ҳужжатлари б-н И.нинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

ЎЗР ФКнинг 139-м.сига кўра, И. кўпи б-н уч йил муддатга берилиши мумкин. Агар И.да муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган кун кўрсатилмаган И. ҳақиқий эмас. Нотариус томонидан тасдиқланиб, ЎЗРдан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган И. уни берган шахс томонидан бекор қилинганга ўхшашли сақлайди.

ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ – ишсизлик нафақаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ ишсиз деб эътироф этилган шахсларга тайинланади. Қарамовида учтагача киши бўлган, ўттиз беш ёшга тўлмаган ишсиз эркакларга И.н. улар ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ЎЗР ВМ томонидан белгиланадиган тартибда иштирок этган тақдирда тайинланади.

И.п. уларга маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ёзилади ва тўланади.

И.п. кўпи б-н:

ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узок (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида йигирма олти календарь ҳафта;

илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида ўн уч календарь ҳафта тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий меҳнат органида йўқламадан ўтиши керак.

Ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган шахслар учун ишсизлик нафақаси олдинги иш жойидаги охириги бир йилги ўртача иш ҳақиға фониз нисбатида белгиланади. Бошқа ҳолларда И.н. қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига фониз нисбатида белгиланади.

Қарамоғида ўн олти ёшга тўлмаган болалари ва б. кишилар бўлган ишсиз шахсларга нафақа миқдори ўн фонизга оширилади.

Иш ҳақиға коэффициентлар белгиланган жойларда яшовчи шахсларга тайинланадиган И.н. миқдорлари уларнинг шу жойларда яшаган даври учун мазкур жойда ноишлаб чиқариш тармоқларининг ходимларига белгиланган коэффициентни қўллаган ҳолда аниқланади. И.н. миқдорини ҳисоблаб чиқишда район коэффициентларини қўллаш тартиби ЎЗР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

ИШСИЗЛИҚДАН ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ – бу инсон ва фуқароларнинг асосий иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларидан бири бўлиб, миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида қафолатлаб қўйилган. И.х.х. ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия б-н таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр бўлган меҳнатга қобилиятли шахсларга асосан тааллуқли. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, давлат: иш б-н таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидаги ишни танлаш эркинлигини; ишга қабул қилишни қонунга ҳилоф равишда рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишдан ҳимояланишни; мақбул келадиган иш танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни; ҳар қимга касбга ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш б-н таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб боришда тенг имкониятлар яратишни; янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси б-н бошқа ўқув юрларида стипендия тўлаб малакасини оширишни; бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий харажатлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни; ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш учун муддатли меҳнат шартномалари тузиш имкониятини қафолатлайди.

Давлат: ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахсларга, шу жумладан ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналарга; таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга; ЎЗР Қуроли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатирилганларга; ногиронларга ва пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларга; жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори б-н тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларга қўшимча қафолатларни таъминлайди.

Кўшимча қафолатлар қўшимча иш жойлари, ихтисослаштирилган корхоналар, шу жумладан ногиронлар меҳнат қиладиган корхоналар барпо этиш, иш ўргатишнинг махсус дастурларини ташкил этиш, корхона, муассаса ва ташкилотларга мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар б-н таъминланади.

Мас., давлат органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугагандан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, аввалгисига тенг иш (лавозим) берилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари, жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида иш б-н таъминлаш соҳасида қўшимча имтиёзлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Иш б-н таъминлашнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шартлари ҳамда меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг қафолатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н белгилаб қўйилган. Фуқароларнинг И.х.х қуйидагиларни назарда тулади: ишга жойлашиш қафолатини, ишдан маҳрум бўлган, иш қидираётган шахсларга ишсизлик нафақаси тўлашни, қарамоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда моддий ёрдам бериш, касбга ўргатиш, малака ошириш ёки қайта тайёрлаш даврида стипендия тўланишини ҳамда шу даврни меҳнат стажига қўшишни, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкониятини яратишни.

ИШТИРОКЧИЛИК – қ.: *Жиноятда иштирокчилик*.
ИШТИРОКЧИЛИҚДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ – уюшган гуруҳ ёки жинойи уюшма ташкил этган ёки уларга раҳбарлик қилган шахслар шу гуруҳ ёки уюшма содир этган барча жиноятлар учун, башарти, бу жиноятлар уларнинг жинойи нияти б-н қамраб олинган бўлса, жавобгарликка тортиладилар. ЎЗР ЖК 30-м. биринчи қисмига мувофиқ, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортилади. Бирок, қоида қандайдир коллектив жавобгарликни аниқламайди. Жиноятнинг ҳар бир иштирокчиси жавобгарлик доирасини аниқлаш терговнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир иштирокчи жиноят содир этганлиги учун жинойи жавобгарликка тортилади. Унга жазо тайинланаётганда суд жинойи жазонинг жиноят оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклигини талаб этадиган жиноят қонунининг умумий принципларига асосланиши шарт. Агар содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик характери барча иштирокчилар учун бир хил бўлса (улар қилмишининг ЎЗР ЖК Махсус қисмининг моддаси бўйича квалификацияси ҳолатида), ҳар бир иштирокчининг ижтимоий хавфлилик даражаси турлича бўлиши мумкин. У бир қатор объектив ва субъектив ҳолатларга боғлиқ бўлади ва жиноят содир этишда шахснинг иштироки даражаси ва характерида акс этади. Иштирок характери биргалликда содир этиладиган жиноятда айбдорнинг функционал ролинини аниқлаштириб келади. Мас., ташкилотчи, да-

лолатчи ёки ёрдамчиларнинг роли улар қилмишининг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳам белгилайди. Шу б-н бирга, функционал вазифанинг бир хиллигида ҳар бир иштирокчи ҳаракатларининг такрорийлиги даражаси, ироданинг жиноятни ташкиллаштиришга йўналтирилганлиги, бажарувчини ижтимоий хавфли қилмиш содир этишга қизиқтириш ёки унга бунда ёрдам бериш турлича бўлиши мумкин.

Бажарувчининг қилмиши жиноят барча иштирокчиларининг ҳаракатлари натижаси бўлганлиги сабабли бу иштироклар муайян тарзда бажарувчининг қилмишлари б-н боғлангандир. Бу боғланиш ташкилотчи ёки далолатчи томонидан кўзда тутилган жиноят таркиби объектив томони улар жиноий қасдга ундаган шахс томонидан амалга оширилиши б-н тўлдирилади. Шу б-н бирга ташкилотчиси, далолатчиси б-н улар томонидан ташкил этилган бажарувчи фаолияти сабабий боғланиш жиноий-ҳуқуқий маънодаги оқибат бўлиб келувчи бу фаолиятнинг натижаси юзага келишигача давом этади. Шу сабабли, иштирокчи ҳаракатларидаги тугалланган жиноят таркиби бажарувчи томонидан муайян жиноят таркибининг объектив томони барча мажбурий белгиларининг амалга оширилишида бўлади. Бажарувчининг ихтиёрий қайтиши жиноят содир этишга тайёргарлик ёки суиқасд белгилари бўйича, бажарувчининг ўз жиноий ниятидан қайтган босқичига боғлиқ ҳолда, жиноий жавобгарликка тортиладиган жиноятнинг бошқа иштирокчиларини жавобгарликдан озод қилмайди.

ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ – фуқаролик ҳуқуқида шахсининг (фуқаро ёки ташкилотнинг) фақатгина касбий маҳоратига бўлган ижтимоий баҳо. Фуқароларнинг И.о. мазмуни юридик шахсларнинг И.о. мазмунидан бирмунча кенгрокдир. Чунки фуқаронинг И.о. мазмуни унинг бу соҳадаги мутахассис сифатидаги (мас., шифокор, адвокат) хусусиятларининг ўзига хос баҳоланишини ҳам камраб олади. И.о.ни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабга нисбатан даъво қўзғатиш муддати қўлланилмайди. Яна қ.: *Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўси, Шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш.*

ИҚТИСОДИЁТ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР – миллий иқтисод, унинг тармоқлари ёки соҳаларига зиён етказадиган ёки зиён етказиши мумкин бўлган ва жиноят қонунчилигида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Бундай жиноятлар содир этиш б-н давлатга, жамиятга, ташкилотларга ёки айрим фуқароларга моддий зиён етказилади, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилинади. Бу каби жиноятлар ўз хусусиятларига кўра, иқтисодиётнинг узвий ривожланишига тўсқинлик қилади.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР – Конс. ва б. қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларининг мажмуи. Ушбу ҳуқуқлар ЎзР Конс.сининг IX бобида ҳамда бир қатор қонунларда мустақамлаб қўйилган: ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун б-н кафолатланади (36-м.); ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми б-н тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонун-

да кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади (37-м.); ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун б-н белгиланади (38-м.); ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас (39-м.); ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга (40-м.); ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир (41-м.); ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ҳамхўрлик қилади (42-м.). Яна қ.: *Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.*

ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАР – қ.: *Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар.*

ИҚТИСОДИЙ ЖОСУСЛИК – сир тутиладиган фантехника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошқор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш. Бундай қилмиш учун ЎзР ЖКнинг 191-м.сида жавобгарлик белгиланган.

ИҚТИСОДИЙ НИЗОЛАР (инг. economic disputes) – тadbirkorлик ва б. иқтисодий соҳаларда юзага келадиган низолар. ЎзР ХПКнинг 24-м.сига мувофиқ, хўжалик судида кўриб чиқиладиган И.н.га жумладан, қуйидагилар қиради: тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиққан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар; шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар; мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар; мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар; мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар; мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгаси ҳуқуқлари эгаллик қилишдан маҳрум этиш б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар; етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар; шаън, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар; ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этилиши мумкин эмас деб топиш тўғрисидаги низолар; давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош торганлик устидан берилган шикоят ва х.к..

ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИК – қ.: *Банкротлик (Иқтисодий ноқорлик).*

ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК – иқтисодиётнинг давлатнинг ижтимоий, сиёсий ва мудофаа қобилиятини ҳамда прогрессив ривожланишини таъминловчи ҳолати, унинг эҳтимол тутилган ташқи ва ички тажовузлардан ҳимояланишини таъминлаб берувчи ҳолат. Миллий иқтисо-

диётнинг хавфсизлигини таъминловчи унинг барқарор тарздаги харакати ҳисобланади. Давлат И.х.ига қуйидагилар б-н эришилади: давлатнинг ижтимоий, сиёсий ва ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш шароитида ижтимоий эҳтиёжларининг самарали қондирилиши, давлатнинг ички ва ташқи таҳдидлар, таъсирлардан ҳолилиги ва технологик мустақиллиги, давлатнинг тактик мақсадлари ўзгаришидан қатъи назар ички ва ташқи бозорларда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳамда бу борада ички ва ташқи таъинларнинг олдини олиш б-н белгиланади. И.х. демократик фуқаролик жамиятининг иқтисодий асосларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари ва муассасаларининг моддий мустақиллигини таъминлаш, жамиятнинг иқтисодий тизими ҳамда мамлакатнинг илмий-техникавий салоҳиятини асраш ва ривожлантиришдир.

ИҚТИСОДИЙ ХУДУД – бирон-бир мамлакат территориял сувларига туташиб турган, қирғоқдан 200 мил кенгликда бўлган денгиз худуди бўлиб, ушбу худудда унга туташган давлат ўзининг белгиланган суверен ҳуқуқларини амалга оширади. 1982 й.даги БМТнинг Денгиз ҳуқуқи конвенциясига мувофиқ иқтисодий худудга туташ бўлган давлат, мазкур худудда жойлашган ер ости, ер усти, сув сарҳади, сув остидаги жонли ва жонсиз табиий ресурсларни ўрганиши, тадқиқот этиши ва муҳофаза этиш каби суверен ҳуқуққа эга. И.х. – қирғоқ бўйи давлати ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа давлатлар ҳуқуқларини ҳам назарда тутиши керак. Барча давлатлар Конвенцияга мувофиқ келишилган қондаларга риоя қилган тақдирда, И.х.да кемачилик ва учиш эркинлигидан фойдаланади, бунга ҳарбий кемалар қатнови, сув ости кабеллари ва трубопроводларни ётқизиш, шунингдек халқаро ҳуқуқ ва конвенциянинг уйғунлашадиган бошқа қондалари нуқтаи назаридан қонуний ҳисобланадиган айни эркинликка мансуб денгиздан фойдаланиш турлари (кемалар, учиш аппаратлари ва сув ости кабеллари, трубопроводлардан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлганлар) ҳам киритилади.

Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатлар ва ноқулай географик ҳолатга эга бўлган давлатлар иқтисодий худуд жонли ресурсларини руҳсат берилган овлашнинг тегишли қолдиқ қисмидан адолатли асосда фой-

даланишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этишнинг шартли ва тартибини манфаатдор давлатлар тегишли битимлар воситасида белгилайди. Конвенция, шунингдек балиқлар ва сут эмизувчиларнинг айрим турларини бошқариш ҳамда сақлашга оид қондаларни ҳам назарда тутати.

ИҚТИСОДИЙ, ИЖТМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ – И., и. ва м.х.т.х.п. имзоланган, ратификация қилиш ва қўшилиш учун БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 й. 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси б-н қабул қилинган ва 1976 й.нинг 3 январидан кучга кирган. Мазкур халқаро ҳужжат 5 та бўлим, 31 та м.дан иборат. XXI а.нинг бошларига келиб ушбу ҳужжатга 140 га яқин мамлакат қўшилган. ЎзР ушбу ҳужжатга ЎзР Олий Мажлисининг 1995 й. 31 августдаги 126–I-сон “1966 йил 16 декабрдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшилиш ҳақида”ги қарорига мувофиқ қўшилган ва у 1995 й. 28 декабрдан кучга кирган. Аъзо давлатлар Пакт шартларини қай даражада бажараётганликлари тўғрисида вақти-вақти б-н ҳисобот бериб турадилар. Пактга биноан рағбатлантирилган ва қўллаб-қувватланган инсон ҳуқуқлари уч турга бўлинади: адолатли ва қулай меҳнат шарт-шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи; ижтимоий муҳофаза, яхши турмуш шароити ва энг юксак савиядаги жисмоний ва ақлий тараққиётга эришиш ҳуқуқи; таълим олиш ҳамда маданият ва фан тараққиёти ютуқларидан етарли даражада фойдаланиш ҳуқуқи.

Мазкур масалалар юзасидан маърузаларни ўрганиш ва уларни манфаатдор ҳуқуқматларнинг вакиллари ўртасида муҳокама этиш б-н 18 экспертдан иборат орган – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита шуғулланади. Уларга тақдим этиладиган Пактга шарҳ – Пактга қўшилган мамлакатларга унинг қондаларини бажариш учун маърузанинг заиф томонларига ҳамда амалга оширилаётган тадбирларнинг камчиликларига эътиборни тортишга қўмақлашиш мақсадини назарда тутати. Шунингдек, Қўмита маъруза материалларига асосланган тавсиялар ишлаб чиқиши ва уларни БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашига йўллаши мумкин.



ЙИЛЛИК МЕХНАТ ТАЪТИЛИ – барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаётган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда бериладиган таътил. Бу даврда ходимнинг иш жойи (лавозими, вазифаси) ҳамда ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Й.м.т.нинг энг кам муддати ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги, энг кўп муддати қирк саккиз иш кунидан кўп бўлмаслиги лозим.

ЎзР МКда йиллик асосий таътил (134-м.), йиллик узайтирилган асосий таътиллари (135-м.), йиллик кўшимча таътиллари (136-м.), меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишлар учун бериладиган йиллик кўшимча таътил (137-м.), оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларидаги иш учун йиллик кўшимча таътил (138-м.)лар кўрсатилган.

Й.м.т.да бўлган ходимларни унинг розилигисиз ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, интизомий жазога тортиш мумкин эмас.

Й.м.т. биринчи иш йилида ходим камида 6 ой ишлагач, кейинги иш йилларида эса, меҳнат таътиллари муддатига мувофиқ равишда берилди.

Меҳнат таътилидан ходимнинг розилиги б-н қақриб олишга йўл қўйилади ва бунда таътилни қолган қисми томонлар келишуви б-н йил давомида бошқа даврда берилиши мумкин. Ходим ҳар йили камида 15 иш кунидан иборат меҳнат таътилидан амалда фойдаланиши шарт. Муддатнинг қолган қисми ходим розилиги б-н пуллик компенсацияга алмаштирилиши мумкин. Й.м.т.дан қисмларга бўлиб фойдаланишга йўл қўйилади. Бироқ унинг бир бўлаги 12 иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

Й.м.т.ни тўлиқ ҳолда кейинги йилга кўчириш қонунда назарда тутилмаган.

Й.м.т. муддатлари, берилиш тартиби ва кўшимча имтиёзлар беришнинг ўзига хос хусусиятлари корхона локал норматив ҳужжатларида, ходим б-н тузилган меҳнат шартномасида ходим ахволини қонундагидан ёмонлаштирмайдиган тарзда назарда тутилиши мумкин.

ЙИҒИЛИШЛАР ЭРКИНЛИГИ – фуқароларнинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири, ёпиқ биноларда тўпланишнинг чекланмаган имкониятларини ифодалайди, унга кириш аслида уни ташкил этганлар томонидан чекланиши мумкин. Қонунчилик йиғилишлар ўтказишнинг ошқор қилиш тартибини назарда тутиши мумкин, бунда ваколатли органлар бўлажак йиғилиш, унинг ўтказилиш вақти, жойи ва мавзуси тўғрисида олдиндан хабардор қилинади, аммо ҳеч қандай хабар бериш талаб этилмаслиги ҳам мумкин. Яна қ.: *Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш.*

ЙИҒИЛИШЛАР, МИТИНГЛАР, КўЧА ЮРИШЛАРИ ЁКИ НАМОЙИШЛАР УЮШТИРИШ, ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ БУЗИШ – Й., м., к.ю. ёки н.у., ў.т.б.,

шунингдек диний йиғилишлар, кўча юришлари ва б. диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузиш учун ЎзР МЖКнинг 201-м.сида маъмурий жавобгарлик ўрнатилган.

ЙИҒИМ – солиқ қонунчилигида ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва б. рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган тўлов. Мас., Республика йўл жамғармасига Й.лар, айрим турдаги товарлар б-н чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун Й.

ЙИҒМА ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ – битта қарздорга нисбатан қўзғатилган мулкый туста эга бўлган бир нечта ижро ҳужжати, шунингдек солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан бир ундирувчи фойдасига ундирув бўйича қўзғатилган ижро иши юритишлар Й.и.и.ю.га бирлаштирилади.

Суд департаментининг бир нечта ҳудудий бошқармаси бўлинмаларига келиб тушган бир қарздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро ҳужжатлари юзасидан Й.и.и.ю. Суд департаменти директори ёхуд унинг ўринбосари белгиладиган бўлинма томонидан қўзғатилади ва юритилади.

Суд департаменти битта ҳудудий бошқармасининг бир нечта бўлинмасига келиб тушган бир қарздорга ёки солидар жавобгар бўлган бир нечта қарздорга нисбатан ундирув бўйича ижро ҳужжатлари юзасидан Й.и.и.ю. Суд департаменти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ёхуд унинг ўринбосари белгиладиган ҳудудий бўлинма томонидан қўзғатилади ва юритилади.

Й.и.и.ю. қўзғатилганидан кейин келиб тушган ва йиғма ижро иши юритилаётган қарздорга нисбатан мулкый тустаги талаблар кўрсатилган ижро ҳужжатлари йиғма ижро ишини юритаётган суд ижрочисига топширилади. Бу ҳақда ундирувчи, қарздор, суд ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган хабардор қилинади (“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 25¹-м.си).

ЙЎЛ – транспорт воситалари қатнови учун қурилган ёки мослаштирилган ва худди шу мақсадда фойдаланиладиган ер минтақаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Й. ўз ичига автомобиль Й.ларини (умумий фойдаланишдаги ва идоравий автомобиль Й.ларини), ш.лар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг кўчалари ва йўлкаларини, шунингдек ш. электр транспорти Й.ларини олади (“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си). Й.ларни сақлаш ва таъмирлаш Й.ларни бошқарувчи органлар томонидан Й. ҳаракати хавфсизлигининг белгиланган стандартлари, қоидалари ва нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Й.ларни бошқарувчи органлар зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида, Й. шароитларига кўра содир бўлган Й.-транспорт ходисалари туфайли етказилган зарар мазкур органлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қолланмоғи керак (“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 11-м.си).

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ – йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ходисалари ва уларнинг

оқибатларидан химояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати (“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си). Й.х.х.ни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви ЎзР ВМ, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Й.х.х.ни таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига қуйидагилар кирди: Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компанияси, ЎзР Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚАТНАШЧИСИ – йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситаси ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тарикасида бевосита иштирок этаётган шахс (“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си). Й.х.қ.ларининг йўллардаги қатновнинг хавфсиз шароитларига бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан қафолатланади. Й.х.қ.ларининг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши йўл ҳаракати бошқа қатнашчиларининг ҳуқуқларини чекламаслиги ёки бузмаслиги керак. Й.х.қ.лари: йўл ҳаракати қоидаларига мувофиқ йўллар бўйлаб эркин ва монеликсиз ҳаракатланиш; қонун ҳужжатларида белгиланган ўз ҳуқуқларининг бузилиши ёки чекланиши сабаблари тўғрисида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг мансабдор шахсларидан тўшунтиришлар олиш; қатновнинг хавфсиз шароитлари тўғрисида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш б-н боғлиқ маҳсулот ва хизматлар сифати ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш; йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлганда бепул тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишлари ўтказиш ва б. ш. шилинч ёрдам кўрсатиш вазифаси қонун ҳужжатларига мувофиқ зиммасига юклатилган ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ана шундай ёрдамлар олиш, қутқарув ишлари кўрсатилишига эришиш; йўл-транспорт ҳодисаси натижасида уларнинг ўлими, тан жароҳати олиши, транспорт воситаси ва юклар шикастланиши рўй берган ҳолларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарарларнинг ўрни қопланишига эришиш, шунингдек маънавий зиён учун компенсация олиш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида фаолият олиб бораётган мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Й.х.қ.лари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ – йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқий, ташкилий-техникавий тадбирлар ва бошқарув ҳаракатлари мажмуи (“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си).

Й.х.т.э. қўлланиши стандартлар б-н тартибга солинадиган ҳамда йўл ҳаракатини ташкил этиш лойиҳалари ва схемаларида назарда тутилган бошқаришнинг техник воситаларидан ҳамда уларнинг конструкцияларидан комплекс фойдаланиш асосида амалга оширилади. ЎзРнинг бутун

худудда йўл ҳаракатининг ягона тартиби Йўл ҳаракати қоидалари б-н белгиланади. ЎзР йўлларида транспорт воситаларининг ўнг тарафлама қатнови белгиланади.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ – транспорт воситасининг йўлдаги қатновни жараёнида содир бўлиб, фуқароларнинг ўлими ёки уларнинг соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, нишоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ҳодиса (“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си).

ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ШАРТНОМАСИ – ЎзР ФКнинг 710-м.сига мувофиқ, Й.т.ш. бўйича ташувчи йўловчини, йўловчи багаж топширган бўлса, багажни ҳам белгиланган манзилга элтиб бериш ҳамда багажни олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Бунда йўловчи белгиланган йўл ҳақини, багаж топширган бўлса, багаж ташиш ҳақини ҳам тўлаш мажбуриятини олади.

Йўловчи ва багаж ташиш шартномаси тузилганлиги тегишли чипта ва багаж паттаси б-н тасдиқланади.

Йўловчи тегишли транспорт устави ёки кодексига назарда тутилган тартибда:

ўзи б-н болаларни бепул ёки бошқа имтиёзли шартларда олиб юриш;

белгиланган миқдор доирасида ўзи б-н бепул багаж олиб юриш;

белгиланган миқдор доирасида бепул, миқдордан ортиқчаси учун эса, тариф бўйича ҳақ тўлаб, ташиш учун багаж топшириш ҳуқуқига эга.

ЙЎРИҚНОМА – вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат. Й. бир неча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари б-н биргаликда ёки уларнинг биттаси томонидан бошқалари б-н келишилган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Й.лар тарзида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ ҳамда қарорлар б-н тасдиқланади (“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 12-м.си).

ЙЎҚ ҚИЛИШ – шундай божхона режимики, бунда чет эл товарлари бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда божхона назорати остида йўқ қилинади, шу жумладан улар фойдаланиш учун яроқсиз ҳолга келтирилади. Товарларни Й.қ.га божхона органининг руҳсати б-н йўл қўйилади. Руҳсатнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Товарларни Й.қ. манфаатдор шахс томонидан ўз ҳисобидан амалга оширилади. Товарларни Й.қ. натижасида ҳосил бўлган чиқиндилар божхона назорати остида турган чет эл товарлари сифатида тегишли режимга жойлаштирилади. Йўқ қилиб ташлаш учун руҳсатнома бериш рад этилган тақдирда, товарлар уларни олиб кирган шахс ҳисобидан ЎзРдан ташқарига олиб чиқиб кетилади (ЎзР БК 37-м.).



КАБАЛ БИТИМ – оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган битим.

ЎЗР ФКнинг 123-м.сига мувофиқ, К.б., яъни фуқаро оғир ҳолатлар юз бериши туфайли ўзи учун ўта ноқулай шартлар б-н тузишга мажбур бўлган, иккинчи тараф эса, бундан фойдаланиб қолган битим (асоратли битим) жабрланувчининг даъвоси бўйича суд томонидаги ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар битим юқорида кўрсатилган асосга кўра ҳақиқий эмас деб топилса, иккинчи тараф жабрланувчига унинг битим бўйича бажарган ҳамма нарсасини қайтариб бериши керак, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса унинг қийматини пул б-н тўлаши керак. Жабрланувчи битим бўйича иккинчи тарафдан олган мол-мулк, шунингдек иккинчи тарафга топширилган нарсаси эвазига ўзига тегишли бўлган мол-мулк давлат даромадига ўтказилади. Мол-мулкни асл ҳолида давлат даромадига ўтказиш мумкин бўлмаса, унинг қиймати пул б-н ундириб олинади. Бундан ташқари, жабрланувчига иккинчи тараф унинг қилган ҳаракатларини, унинг мол-мулки йўқотилиши ёки бузилиши натижасида етказилган зарарни тўлайди.

КАДАСТР (юн. *katastichon* – варақ, рўйхат, реестр; инг., фр. *cadastre*) – 1) табиий, ҳўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, миқдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгиланиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг тизимлаштирилган тўплами, рўйхати, реестри; 2) солиққа тортилиши лозим бўлган шахслар рўйхати. Шунингдек, “К.” атамаси асл мазмуни ўрта асрларда лот. *catastrum*, яъни *capitastrum* (*caput* – бош), яъни жон бошига ўлпон солиниши лозим бўлган одамлар рўйхатидан келиб чиққан.

КАЗИНО (фр. *casino*, ит. *casino* – уйча) – к.: *Қиморхона*.

КАЗУАЛ БИТИМ – тасодифий, фавқулодда тузилган битим.

КАЗУАЛ ШАРҲЛАШ – к.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

КАЗУС – ҳуқуқда: 1) шахснинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар, юз берадиган ва шу сабабли муайян шароитда назарда тутилиши мумкин бўлмаган воқеа; 2) сиртдан (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ҳаракатдан фарқли ўлароқ) ҳуқуқбузарлик аломатларига эга, аммо айб унсурдан холи бўлган ва бинобарин, юридик жавобгарликка сабаб бўлмайдиган тасодифий ҳаракат. К.дан енгиб бўлмас куч тушунчасини фарқлаш лозим. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) – фавқулодда ва олдинчи олиб бўлмайдиган шароитларда юзага келадиган ҳодисалар (мас., табиий офат).

КАЛОМ ИЛМИ (араб. – раво нутқ, жумла, гап, сўз) – ислом динининг илоҳиёт илми. VIII а.да араб халифа-

лигида пайдо бўлган. К.и. ислом дини ақидаларини асослайди. К.и. тарафдорлари мутақаллимлар дейилади. К.и. турли диний-сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар, муржиъийлар ва х.к.) пайдо бўлиши б-н боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди. Уламолар илми Каломнинг таърифида ҳам бир неча хил фикрлар айтганлар. Энг қад. таъриф Абу Наср Форобийга тегишли бўлиб, у “Калом синоати ила миллатнинг асосчиси айтган чегараланган гап ва ишларга нусрат берилур ва унга хилоф қилган барча сўзларни беҳудага чиқари-лур”, деган.

КАЛОНИЯ – қадим юнонларда сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум бўлган, забот этилган полисларнинг аталиши.

КАМ АҲАМИЯТЛИ ҚИЛМИШ – гарчи, ЎЗР ЖКда жиноят сифатида назарда тутилган қилмишнинг аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфли бўлмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноят деб топилмайди.

Ҳаётда шундай қилмишлар учрайдики, унда қонунда назарда тутилган аломатлари мавжуд бўлса-да, ўзининг кам аҳамиятлилиги туфайли ижтимоий хавфлилиги жуда кам бўлади, жабрланувчи учун етказилган зарарнинг миқдори деярли аҳамиятга эга бўлмайди. Шунинг эътиборга олиб, ЎЗР ЖКнинг 36-м.сига К.а.к.лар тушунчаси берилса, бундай ҳаракатлар қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига киритилган.

К.а.к.лар қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатлар туркумига киритилган бўлса-да, ҳуқуққа хилофлиги, айбнинг мавжудлиги кўра бошқа қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатлардан фарқ қилади, бошқа турларига бундай хусусиятлар хос эмас ва улар ижтимоий фойдала ҳуқуқий ҳаракатлардир.

К.а.к. содир этилганида ижтимоий хавфли оқибат юз бермайди ёки қонун б-н қўрикланадиган объектга жуда оз зарар етказилади. Қилмишни кам аҳамиятли деб ҳисоблашда объектив (қилмишни содир қилиш шароити, келиб чиққан оқибатнинг жабрланувчи учун аҳамиятга эга эмаслиги ёки оқибат келиб чиқмаганлиги) ва субъектив (айбнинг даражаси, жиноят қонуни б-н қўрикланадиган ижтимоий муносабатга нисбатан жиддий зарар етказиш мақсадининг йўқлиги, ҳаракатнинг айнан оз миқдорда зарар етказишга қаратилганлиги ва х.к.) ҳолатларнинг жами эътиборга олинади керак. Мас., воёга етмаган шахснинг бировнинг боғидан ўзи истеъмол қилиши учун оз миқдорда мева ўғирлаши, гулларни узиб олиши, зотли ҳисобланмаган каптар ўғирлаши, шўхлик, ўзини кўрсатиш каби ҳаракатлар шулар жумласидандир.

Қилмишни кам аҳамиятли деб топиш учун бундай қилмиш б-н боғлиқ барча ҳолатлар (айб шакли, жиноят содир этиш усули, мотив, вазиёт ва жиноят содир этиш босқичлари, жиний оқибат оғирлиги, жиноят иштирокчилари, уларнинг иштироки даражаси ва ҳаракати)ни таҳлил қилиб чиқиш керак.

Қилмишни кам аҳамиятли деб топишда асосан унинг ижтимоий хавфлилик даражасига эътибор бериш керак. Мас., шахс жабрланувчини ўлдиришга ҳаракат қилса-да, унга ҳеч қандай зарар етказмаса, шахснинг бундай қилмиши кам аҳамиятли деб топилмай, балки одам ўлдиришга суиқасд деб топилгани керак.

Қилмишнинг кам аҳамиятли эканлиги аниқланса, ЎЗР ЖПКга мувофиқ иш бекор қилинади.

КАМ СОНЛИЛАР ҲУКУМАТИ – парламентар давлатларда парламентда кўпчилик ўринга эга бўлмаган партия ёки партиялар коалицияси томонидан шакллантириладиган ҳукумат. Бунда партиялар (ёки етарли таъсирга эга бўлган битта партия) парламентда ушбу ҳукуматни овоз бериш орқали қўллаб-қувватлашга ваъда беради.

КАМЕРАЛ НАЗОРАТ – солиқ назоратини амалга оширишнинг шакли. ЎЗР СКнинг 70-м.сига мувофиқ, камерал назорат солиқ тўловчи томонидан белгиланган тартибда тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботини, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органидаги мавжуд бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида амалга ошириладиган назоратдир. К.н. солиқ тўловчининг ҳузурига бормасдан давлат солиқ хизмати органи жойлашган ерда амалга оширилади. Агар давлат солиқ хизмати органи томонидан К.н. жараёнида солиқ ҳисоботини тўлдиришда хатоликларга йўл қўйилганлиги ёки тақдим этилган солиқ ҳисоботидаги ва давлат солиқ хизмати органларидаги маълумотлар ўртасида зиддиятлар борлиги аниқланса, бу ҳақда солиқ тўловчига тегишли тузатишлар киритиш талаб қилинган ҳолда ёзма шаклда хабар қилинади. Солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш учун назарда тутилган тартибда тегишли солиқлар ва б. мажбурий тўловлар бўйича тузатилган солиқ ҳисоботини ёхуд аниқланган тафовутларнинг асосини талабнома олинган кундан эътиборан ўп кунлик муддатда тақдим этиши шарт.

КАНИБАЛИЗМ (ОДАМХЎРЛИК) – шахсни унинг розилиги б-н ёки унинг хоҳиш-иродасига қарши ҳолда, бошқа шахс томонидан онгли равишда турли хил мотивларга асосан ейиш мақсадида инсон танасининг турли қисмларини кесиб олиши ёки ўлдириб, тана қисмларини истеъмол қилиши ёхуд ўлган кишининг тана аъзоларини ейиши. К.(О.) ҳозирда юридик адабиётларда муайян аниқ бир илмий-ҳуқуқий таърифга эга эмас. ЎЗР ЖКда мазкур жиноят учун жавобгарлик назарда тутилмаган. Бироқ, Кодекснинг 97-м.си иккинчи қисми “н” банди “киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданнинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида” қасдан одам ўлдириш деб номланади. Ҳозирда РФда ҳам айнан К.(О.) б-н боғлиқ ҳолатларда жиноятчиларга нисбатан РФ ЖК 105-м.си иккинчи қисми “д” банди қўлланилиб келинмоқда. Мазкур модда К.(О.)ни тўлиқ камраб олмасанда, бироқ, РФ ЖКдаги айнан шу модданинг шарҳида К.(О.) содир этилганида мазкур модда б-н жинойий жавобгарликка тортилса мақсадга мувофиқ бўлади, деб тавсия этилган.

КАНОНИК ҲУҚУҚ – черков канонларида, яъни черков томонидан белгиланган ва черков тузилиши, черков муассасалари, черков б-н давлат ўртасидаги муносабатлар, шунингдек диндорлар ҳаётига тааллуқли бўлган қондаларда ўз ифодасини топган нормалар мажмуи. К.х., айниқса, Ўрта асрларда Ғарбий Европада ривожланди. Буржуа инқилоблари галабасидан сўнг К.х.нинг таъсири анча камайди, черков давлатдан қонуни йўли б-н ажратилган мамлакатларда эса ўзининг амалдаги ҳуқуқ сифатидаги аҳамиятини йўқотди. Папа Бенедикт XV томонидан қабул

қилинган 1917 й.даги “Каноник ҳуқуқ кодекси” б-н фақат черковнинг ички ишлари тартибга солинади.

КАНТ ИММАНУИЛ (1724–1804) – Кенигсберг университетининг фалсафа фанлари профессори; Германияда биринчиларда бўлиб либерализм асосини тизимлаштирган ва мамлакатда иктисодий-сиёсий эркинликнинг ўрнатилиши тарафдори бўлган. Кантнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги таълимоти ҳамда сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг “Космополитик нуктаи назаридан умумий тарих ғоялари”, “Мутлак дунё сари”, “Ҳуқуқ ҳақидаги таълимотнинг метафизик асоси” каби асарларида баён этилган.

КАНТОН (фр. canton) – 1) Швейцарияда ҳудудий бирлик (федерация субъекти); 2) Франция ва б. айрим мамлакатларда қуйи маъмурий-ҳудудий бирлик.

КАНЦЕЛЯРИЯ (лот. cancellarius – хат юритувчи) – 1) муассасанинг хизмат ёзишмаларини, жорий ҳужжатлаштиришни олиб борувчи тузилмаси; 2) XVIII а. боши–XX а.да Россияда баъзи бир давлат муассасаларининг номланиши (яширин К., император ҳазрати олийларининг К.си ва б.). Ҳар бир ташкилот ёки муассасанинг К.си ўзининг тасдиқлаган низомига асосан фаолият олиб боради. К.нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: иш олиб боришни ташкил этиш, иш юритиш интизоми талабларига риоя қилиш ва такомиллаштириш, ҳужжатлар б-н ишлаш жараёнида махфийликни таъминлаш; ташкилотлардан келган ҳужжатларни бажариш муддатларини ва сифатини назорат қилиш; ижро учун берилган ҳужжатларнинг ходимлар томонидан ўз вақтида ижро этилишини ва К.га қайтарилишини назорат қилиш; иш юритишдаги муҳр ва штамплардан фойдаланиши, уларнинг ҳисобга олиниши ва сақланишини таъминлаш; раҳбарият қарорларининг бажарилишини картотекали ҳисоб-китоб йўли б-н назорат қилиш; юқори турувчи орган қарорларининг бажарилиш муддатлари кечиктирилиши ва унинг сабаблари, қўрилган чоралар ҳақида раҳбариятга ахборот бериш; канцеляриядаги номенклатура, журналлар юритилишини назорат қилиш; сақлаш муддатлари тугаган ҳужжатларни ўз вақтида архивга топширишни ташкил этиш; хатлар ва ҳужжатларни қабул қилиш ва вақтида жўпатиш; ташкилотда ишловчи ходимлар ҳақидаги буйруқларни рўйхатга олиш ва нусхаларни тегишли бўлимларга тарқатиш. Ҳар бир К. ўз юмалок муҳрга эга. Ушбу муҳр К. мудрида сақланади.

КАНЦЛЕР (нем. kanzler) – 1) қатор давлатларда олий мансабдор шахслардан биридик (мас., Германия ва Австрияда федерал К. – ҳукумат бошлиғи; Буюк Британияда вазначилик К.и – молия вазири); 2) 1917 й.гача Россияда олий фуқаролик даражаси (1-тоифа). Ташқи сиёсат раҳбарлигига берилган (ташқи ишлар коллегияси президентлигига ва ташқи ишлар вазириликка).

КАПИТАН (лот. capitaneus – лашкарбоши) – кўпчилик давлатлар қуроли кучларида офицерлик унвони. Ўрта асрларда Францияда пайдо бўлган; Россияда XVI а.да. Собиқ СССРда 1935 й.да жорий қилинган эди. Ҳарбий денгиз флотига 1, 2, 3 ранг К.и ва К.-лейтенант қуруқликдаги кўшинларнинг полковник, подполковник, майор ва капитан унвонлигига мувофиқ келади. К. унвони ЎЗР Қуроли кучларида сақланиб қолган.

КАПИТОЛИЙ (инг. Capitol) – АҚШ Конгресси (парламенти)нинг Вашингтондаги ва алоҳида штатларнинг қонунчилик ассамблеялари биноси.

КАПИТУЛЯЦИЯ (лот. capitulatio, capitulare – маълум бандлар бўйича келишмоқ сўзидан; лот. capitulum – қонуннинг боби, моддаси; инг. capitulation) – бу халқаро ҳуқуққа биноан ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш усулларида биридир. Умумий яраш аҳдидан фарқли ўларок, таслим бўлишда мағлуб тараф ғолиб б-н ҳатто расмий тенгликни ҳам йўқотади (фахрий К. бундан мустасно). Таслим бўлиш (К.) фахрий, оддий, умумий ёки сўзсиз бўлиши мумкин.

Фахрий К. – урушаётган тарафлар келишувига биноан ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши, бунда таслим бўлган тараф ўз позициясини ёки қамал қилинган шаҳарни (қалъа ёки ҳудудни) байроқлари, техникаси ва қурол-аслаҳаси б-н тарқ этишга ва кейинчалик ўз қуролли кучларига, шу жумладан уруш ҳаракатларини давом эттириш учун қўшилишга ҳақлидир (мас., 1983 й. Байрутда фаластинликларнинг фахрий К.га имзо чекиши ва Исроил кўшини қамал қилган шаҳардан чиқиб кетиши).

Оддий К. – уруш ҳаракатлари майдонининг муайян бўлагига бу ҳаракатларнинг тўхтатилиши (қалъа, ш., ҳудуднинг топширилиши), таслим бўлганларни қуролсизлантириш ва асир олиш. Бундай таслим бўлиш уруш бутунлай тугатганини аңлатмайди, лекин урушаётган давлатларнинг ҳарбий-сиёсий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин (мас., 1904–1905 й.лардаги рус-япон урушида Порт Артурнинг таслим бўлиши).

Умумий К. – уруш ҳаракатлари майдонининг барча бўлақларида бу ҳаракатларнинг тўхтатилиши. Бунда таслим бўлган давлат урушда мағлуб бўлганини тан олади. Умумий К. натижасида мағлуб бўлган давлатнинг бутун қуролли кучлари қуролсизлантирилади, унинг ҳудуди босиб олинади, унга сиёсий ва моддий жавобгарлик юклатилиши мумкин. Мас., 1991 й. 27 февралда Ироқнинг умумий К. эълон қилиши. Бунда Ироқ ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашининг раиси номига ёзган хатда 660-сон резолюцияни ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қолган барча резолюцияларини бажаришга розилик билдирган.

Сўзсиз К. (умумий К.нинг алоҳида шакли) – уруш ҳаракатлари майдонининг барча бўлақларида бу ҳаракатлар тўлиқ тўхтатилиши, мағлуб этилган давлат қуролли кучларининг бирон-бир шартларсиз қуролсизлантирилиши ва таслим бўлиши. Ушбу концепция 1943 й.га қадар мавжуд бўлмаган. У АҚШ президенти Рузвельт томонидан Касабланка конференциясида айнан Германия ва Япония агар Иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраса, ҳеч қандай ҳуқуқларсиз қолдирилиши ва уларнинг аҳолиси, мулки тўлиқ равишда ғолиб давлатларнинг ихтиёрига ўтишини кўзлаб илгари сурилган. Агрессиячи давлат суверенитетидан маҳрум этилади (сиёсий жавобгарликнинг олий шакли), унинг ҳудуди босиб олинади, олий ҳокимият махсус тайинланган шахслар томонидан ғолиб давлатлар номида амалга оширилади.

Ғолиблар бўлажак сиёсий тартибга солишни белгилайдилар, агрессия учун муайян санкцияларни, агрессиячининг сиёсий ва моддий жавобгарлиги турлари ва шакллари ишлаб чиқадилар, асосий ҳарбий жиноятчиларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани ҳал қиладилар, бўлажак тинчлик шартномасининг асосларини ишлаб чиқадилар. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, агрессиячи таслим бўлиш пайтида ҳам, ундан кейин ҳам сўзсиз К.

шартларини рад этиш ёки бажармаслик ҳуқуқига эга бўлмайди. Бунга 1945 й. 8 майда Германиянинг ва 1945 й. 2 сентябрда Япониянинг сўзсиз К.си мисол бўлади.

КАРАНТИН ТЕКШИРУВИ – экинлар, кўчатлар, ўрмон касалликлари ҳудудлари ва тупроқни уларнинг карантин ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш.

КАРТОТЕКА (юн. kartis – папирус барги; theke – оғбор; кути; инг. card index) – 1) маълум бир нарсага, соҳага оид маълумотлар ёзилган ва тартибга солинган ҳамда алфавит бўйича рақамланган ёки алфавит-рақамли тартибда жойлаштирилган бир хил шаклдаги, тикилмаган карточкалар ёки варақлар тизими; карточкалар мажмуи. Маъмур карточкалар тегишли тартибда К. қутиларига жойлаштирилади. Мас., кутубхона К.си, луғат К.си; 2) шундай карточкалар сақланадиган қутилар, яшиқлар ва улар жойлашган хона, бўлим.

КАРЦЕР (лот. carcer – зиндон, камоқ; инг. punishment cell) – маҳкумларнинг ёмон ҳулқи, ички тартиб-қоидага бўйсунмаслиги натижасида қўлланилади. Маҳкумларга нисбатан оғохлантириш, хайфсан эълон қилиш, ўн суткагача, аёллар ва вояга етмаганларни эса етти суткагача К. хоналарига киритиб қўйиш, қулик сайрнинг рағбатлантириш тарикасидаги қўпайтирилган муддатини бекор қилиш каби интизомий чоралар қўлланилади. Интизомий чора қўлланилган маҳкумларга уларни муддатидан аввал жазодан озод қилишга рағбатлантирувчи воситаларни қўллашга тўсқинлик қилади ва кейинги интизомий чора қўлланишида ҳам таъсири бўлади. К. хоналарига киритиб қўйилган маҳкумларга овқат камайтирилган ҳолда берилади. Интизомий чоралар ҳам вақти б-н олиб ташланиши мумкин. Интизомий чора олиб ташланган маҳкумлар жазоланмаган деб ҳисобланади. Интизомий бўлинма камера типидagi хоналар мавжуд бўлган ҳудудга жойлаштирилади, унда хибсхона ва К.ларнинг камералари жиҳозланган бўлиб, К. камералари маҳкумларни яқка-ёлғиз сақлаш учун мўлжалланган. Бу бинолар яқинида сайр қилиш майдончалари жиҳозланади.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ – “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар б-н боғланган меҳнаткашларни бирлаштирувчи уюшма.

К.у. “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунига белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинади.

ЎзР ўз фаолиятида давлат бошқарув идораларидан, хўжалик идораларидан, сиёсий ва б. жамоат ташкилотларидан мустақилдирлар, улар олдида ҳисобдор эмаслар ва улар томонидан назорат қилинмайдилар, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. К.у.нинг ҳуқуқларини чеклайдиган ёки шу ҳуқуқларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қиладиган тарздаги ҳар қандай аралашув ман этилади.

К.у. мустақил равишда ўз уставларини ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар, уюшма тузилишини белгилайдилар, раҳбар идораларини сайлайдилар, ўз фаолиятларини

ташқил этадилар, йиғилишлар, конференциялар, пленумлар, курултойлар ўтказадилар.

К.у. ўз уставларида белгиланган мақсадларга ва вазифаларга мувофиқ равишда бошқа мамлакатларнинг К.у. б-н ҳамкорлик қилиш, ўз хошишига кўра халқаро ва б. К.у. бирлашмаларига ва ташкилотларига кириш ҳуқуқига эгадирлар. Яна к.: *Жамоат бирлашмаси*.

КАСАЛГА ЁРДАМ КЎРСАТМАСЛИК – ЎзР ЖКнинг 116-м.сига кўра, қонун ёки махсус қоидаларга мувофиқ касалга ёрдам кўрсатиши шарт бўлган шахснинг узрли сабабсиз шундай ёрдам кўрсатмаганлиги баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, жавобгарликка тортилади. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари фуқароларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт. Улар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишдан бўйин товлаганлик, шунингдек фуқароларнинг соғлиғига етказилган зарар учун қонунга мувофиқ жавобгар бўладилар.

КАСАЛЛИК ТУФАЙЛИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ – ЎзР ЖКнинг 67-м.сида белгиланишича, жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ўз ҳаракатларини бошқара олмайдиган даражада руҳий касалликка чалиниб қолган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Жиноят содир этган шахс жиноят содир этиш вақтида ақли расо бўлиб, ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалиниб, ақли норасо бўлиб қолган тақдирда, унинг жиноий жавобгарликдан озод қилиниши жиноят қонунининг инсонпарварлик принципларидан бири ҳисобланади.

ЎзР ЖКнинг 67-м.си фақат жиноят содир этиш пайтида ақли расо бўлиб, ушбу жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов олиб бориш ёки ишни судда кўриш вақтида ақли норасо бўлган шахсларга нисбатангина татбиқ этилади. Ижтимоий ҳавфли қилмишни содир қилиш вақтида ақли норасо бўлган шахснинг қилмиши жиноят ҳисобланмаганлиги туфайли уларга нисбатан ЎзР ЖК 67-м.сининг қоидаларини қўллаб жиноий жавобгарликдан озод қилиш қоидалари қўлланилмайди, балки ЎзР ЖК 18-м.сининг учинчи қисми қоидалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин.

Ҳукм қонуний кучга кирганидан кейин руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан ЎзР ЖКнинг 181-м.сида назарда тутилган қоидалари асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланади.

Демак, ЎзР ЖКнинг 67-м.си фақат жиноят содир қилиш пайтида ақли расо бўлиб, ушбу жиноят юзасидан суриштирув, дастлабки тергов ва ишни судда кўриш, яъни ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатангина қўлланади. Қонунда руҳий касалликлардан бошқа турдаги касалликка чалинган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилмаган.

Агарда жиноят содир қилган шахс руҳий касалликдан бошқа оғир касалликка чалиниб қолса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи қўлланилмайди. Бундай ҳолда ЎзР ЖКнинг 366-м.сида назарда тутилган айбланувчи ишни юритишда унинг иштирок этишини истисно этади-

ган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда мазкур иш юзасидан иш юритиш тўхтатилади. Даволанганидан кейингина унга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (агар бунга асослар мавжуд бўлса, ЎзР ЖК 65, 66, 66¹-м.лари асосида) ёки жиноий жазо тайинлаш масалалари қўйилиши мумкин.

Жиноят содир этган шахс ҳукм чиқарилгунга қадар руҳий касалликка чалиниб қолган тақдирда, унга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллади. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш асослари ва уларни тайинлаш ЎзР ЖКнинг еттинчи бўлимида берилган.

ЎзР ЖК 67-м.сининг мазмунига кўра, руҳий касалликка чалиниб қолган шахс жиноий жавобгарликдан озод қилиш вақтида бундай шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланиши мумкин. Агарда бундай шахслар ЎзР ЖК 64-м.сида назарда тутилган муддатлар ўтмасдан тузалса, жиноий жавобгарликка тортилади.

ЎзР ЖКнинг 64-м.сига кўра, жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошланади. Аммо ЎзР ЖК 67-м.си асосида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсга нисбатан жавобгарликка тортиш муддатлари суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган кундан ҳисобланади.

Агар шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўллаш тўғрисидаги қарорга чунинг руҳий касалликка чалинганлиги тўғрисидаги ҳулоса нотўғри деб топилган тақдирда, жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари жиноят содир этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

КАСАНАЧИЛИК – бу жисмоний шахс – касаначининг яшаш жойи бўйича ёки унга, унинг оила аъзоларига тегишли бўлган бошқа биопларда иш берувчининг буюртмалари бўйича товарлар ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича касаначи томонидан амалга оширилган иш ҳисобланади.

Йирик саноат корхоналари б-н касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджетидаромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш б-н банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначилар иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

Саноат корхоналарининг касаначиларга зарур хомашё ва материалларни етказиб бериш асосида оилавий пудратни ривожлантириш фуқароларга вақтдан унумли фойдаланиш, шу б-н бирга, паст рентабелли ва кўп меҳнат сарфи талаб қилинадиган маҳсулотларнинг айрим турларини уй шароитида ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имкониятини яратади, бу ўз навбатида, йирик корхоналар иш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

ЎзР ВМнинг 2006 й. 11 январдаги 4-сон қарори б-н тасдиқланган “Касаначилик тўғрисида”ги низомга мувофиқ, касаначи сифатида ишлашга фақат 16 ёш ва ундан катта ёшдаги жисмоний шахсларга йўл қўйилади. Башарти, К. хусусияти касаначи б-н тўлиқ яқка тартибдаги моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши зарурлигини такозо этса, 18 ёшга тўлган шахслар К.ни амалга оширишга қўйиладилар. К. технология жараёни ва б. шарт-

шароитлар уй шароитларида бутловчи буюмлар, ярим тайёр махсулотлар ва махсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш имконини берадиган саноат тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида корхоналар б-н корхоналарнинг буюртмалари бўйича уйда махсулотлар ишлаб чиқараётган ва хизматлар кўрсатаётган фуқаролар ўртасидаги кооперация асосида ташкил этилади. К. амалга ошириладиган турар жой биноларини потурар жой бинолар тиофасига ўтказиш талаб қилинмайди. Касаначилар ишининг аниқ турлари уларнинг касб малакаси, саломатлиги ҳисобга олинган ҳолда иш берувчи томонидан белгиланади (иш хусусияти, фойдаланиладиган асбоб-ускуналар ва жиҳозлар, хомашё, материалларнинг хоссалари, ногиронларга нисбатан тиббий-меҳнат экспертиза комиссияларининг тавсиялари эътиборга олинади).

К. меҳнати қишлоқ жойларда аёллар учун, шунингдек "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 7-м.сида кўрсатилган фуқаролар тоифалари учун устувор тартибда ташкил этилади. Касаначилар томонидан ишларни бажариш касаначи оиласининг аъзолари иштирокида (ёрдамида) иш берувчининг розилигисиз амалга оширилиши мумкин. Буида касаначи унга ёрдам берадиган оила аъзолари томонидан бажариладиган ишлар сифати учун иш берувчи олдида жавоб беради. Корхоналар б-н тузилган меҳнат шартномаларига эга бўлган касаначилар иш б-н банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва уларга меҳнат дафтарчаси берилади. Бажарилаётган ишнинг хусусияти ва уни бажариш шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда касаначи б-н муддатли меҳнат шартномалари тузилишига йўл қўйилади. Касаначини ишга қабул қилишда ва у б-н меҳнат шартномаси тузишда ундан талаб қилинадиган ҳужжатлар рўйхати ЎзР МКнинг 80-м.сига мувофиқ белгиланади. Касаначининг меҳнат дафтарчаси амал қилишининг бутун даврида унда сақланади. Илгари ишламаган ва меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган касаначи учун меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан очилади. Иш берувчи меҳнат дафтарчасига меҳнат шартномаси тузилиши ва тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотларни киритиши шарт. Касаначи б-н меҳнат шартномаси тўхтатилган тақдирда иш берувчи меҳнат дафтарчасини касаначига бериши шарт. Касаначи б-н меҳнат шартномаси ЎзР МКнинг 97–113-м.ларига мувофиқ ҳолатдан бошқача тарзда тўхтатилиши мумкин эмас.

Корхонанинг жамоа шартномаси шартлари касаначиларга татбиқ этилади, башарти ушбу корхонада жамоа шартномаси тузилган бўлса. Касаначилар ишига, қондага кўра, ишбай ҳақ тўланади. Ҳақ тўлаш амалда бажарилган ишлар учун ёки сифати бўйича белгиланган талабларга жавоб берадиган махсулот ишлаб чиқарилгани учун амалга оширилади. Касаначининг иш ҳақи, у томонидан меҳнат нормалари ва меҳнат мажбуриятлари бажарилган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас ва бирон-бир энг юқори миқдор б-н чекланмайди. Касаначи ишлаб чиқариш топшириғи ҳажмидан ҳамда меҳнат шартномасида белгиланган бошқа шартлардан келиб чиққан ҳолда ўзи учун иш вақти муддатини, иш жадвали ва тартибини мустақил равишда белгилайди. Таътиллар бериш ва навбати

касаначи б-н келишув бўйича иш берувчи томонидан тасдиқланган жадвалда белгиланади. Иш берувчининг буюртмаси юзасидан тузилган шартнома бўйича ишларни бажариш учун касаначига текин фойдаланиш учун корхона томонидан берилган асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва инвентарлар фойдаланиш даврида мулк солиғи тўловидан озод қилинади. Буида ташқари, касаначилар фаолиятини назорат қилувчи органлар томонидан текширишлар фақат қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириладиган буюртмачи-корхонани текшириш вақтида ўтказилиши мумкин, бошқа ҳолларда йўл қўйилмайди.

КАСБ ЁКИ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА БОҒЛИҚ

АСОСЛИ ТАВАККАЛЧИЛИК – ЎзР ЖКнинг 41-м.сига мувофиқ, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун К. ёки х.ф.б.а.т. қилиб, ҳуқуқлар ва қонуи б-н кўриқланадиган манфаатларга зарар етказиш жиноят деб топилмайди. Агар содир этилган ҳаракат замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мувофиқ келган, қўйилган мақсадга эса, таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаган ҳамда шахс ҳуқуқлар ва қонуи б-н кўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, буидай таваккалчилик асосли деб топилди. Давлатимиз жиноят қонунчилигига янги бўлган оқланган касбга ёки хўжаликка алоқадор хавфли ҳаракат содир этиш тушунчаси бўйича қондақларни босқичма-босқич намоён қилади. Буидай тартибнинг қонуиликда бўлиши жамиятнинг тез тараққий этишига кўмак беради ва маълум ҳолатларда синовчиларни жиний жавобгарликдан озод этиб, қарорлар қабул қилишда катта ташаббус кўрсатишга ёрдам беради.

Айни пайтда, қонуи асоссиз, масъулиятсиз ҳаракатларни содир этишнинг олдини олади ва хавфли ҳаракатларни содир этиш ёки этмасликнинг қонуичилигини белгилаб берувчи шартларни кўрсатади. Ушбу шартлар бузилган ҳолатда шахсни жиний жавобгарликка тортишга асос пайдо бўлади. Ҳимоя этиладиган ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етказишни жиний ҳаракатдан холи эканлигини белгиловчи шартлар ушбу зарар касби ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчиликда содир этилганини тан олади. Ушбу шартлар қилмишни жамият учун қанчалик манфаатли эканлиги нуқтаи назаридан, уни амалга ошириш учун қилинган ҳаракатларни эса, уларнинг нисбатан хавфсизлиги нуқтаи назаридан тавсифлайди. Содир этилган ҳаракат барча белгиланган шартларга мувофиқ келган ҳолдагина касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик жиноятдан холи деб тан олинади.

Юқоридаги таваккал қилиб содир этилган ҳаракатнинг қонуичилигини белгиловчи биринчи шарт унинг жамият учун манфаат келтиришга йўналтирилганлигидир. Бу шахс бутун давлатга, жамиятга ва кўп инсонларга манфаат келтирувчи муваффақиятга интилганини аниқлатади. Буида шунинг эътиборга олиш лозимки, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатлардан ҳосил бўлган ижобий натижа сезиларли суратда ушбу ҳаракатлар туфайли юзага келган салбий оқибатлардан устун бўлиши керак. Хусусан, таваккал қилиб содир этилган ҳаракатнинг ижтимоий фойдали мақсади, инсонлар ҳаёти ва соғлигини асраб қолиши, иш махсулдорлигини сезиларли суратда оширувчи янги техника ёки технологияни кашф этиш, ривожланиш суратларини кес-

кин тарзда оширувчи янги физика қонуларини ва кимёвий элементларни топиш ва х.к.ни қамраб олади. Шахсий мақсадларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлар қонуний деб тан олинмайди. Айни пайтда, шахсий мақсадларни шахсий сабаблардан фарқлаш даркордир. Ушбу талаб қўйилишига сабаб, бу шахсий сабаблар шахсий мақсадларга тенг эмаслигидир. Чунки, сабаб бу шахсни у ёки бу ҳаракатни содир этишга ундаги сабабларни ўз ичига олади, лекин ўша ҳаракатни амалга оширишни талаб этмайди. Шу сабаб, баъзи ҳолларда шахс ижтимоий фойдали ҳаракатларини шахсий сабабларига кўра, мас., шон-шўрат топиш учун инсонларни қутқариши каби ҳолатларда амалга ошириши мумкин. Шунинг назарда тутиш лозимки, ижтимоий фойдали мақсадни амалга ошириш қилмишни баҳолашга таъсир этмайди, лекин уни ҳуқуқий жиҳатдан баҳолашда, баъзи ҳолларда эса жазони белгилаш вақтида эътиборга олинади (агар субъект жавобгарликка тортилса). Хавфли ҳаракатни оқловчи кейинги шарт бу ижтимоий фойдали мақсадига ушбу турдаги ҳаракатларни содир этмасдан эришиш имкони йўқлигидир. Ушбу мақсадни оддий усуллар б-н амалга ошириш имкони борлиги аён бўлган ҳолатларда хавфли ҳаракатларнинг қонунийлиги ўз кучини йўқотади ва етказилган зарар учун жавобгарлик умумий асосда кучга қиради. Айни пайтда, суд ва тергов органлари ушбу масалани ҳал этишга алоҳида ёндашишлари лозимдир, чунки жамиятга манфаатли мақсадларни оддий усуллар б-н амалга ошириш имкони ҳар қайси ишнинг алоҳида ҳолатлари ва фактларига боғлиқдир. Шу сабаб, у мавҳум шаклда эмас, балки аниқ шаклда, яъни ишнинг мавҳум ҳолатларга нисбатан бўлиши лозимдир.

Ижтимоий фойдали мақсадни ҳеч қандай зарарсиз амалга ошириш имкони йўқлиги ўша зарарни етказмасликнинг иложи йўқлигини аниқламайди, яъни бунда ҳуқуқ ва эркинликларга зарар етиши эҳтимоли бор деб айтилади, лекин ушбу зарарни етказмаслик ноилж деб кўрсатилмайди. Акс ҳолда, яъни, субъект олдиндан қайтариб бўлмайдиган зарарли оқибатларни юзага келишини билган ҳолда, хавфли ҳаракатларни содир этса, улар шарҳланаётган модда қоидалари асосда баҳолашни мумкин бўлмайди. Чунки, ушбу ҳолатда лозим бўлган таваккал этиб ҳаракат қилиш элементи мавжуд бўлмайди. Хавфли ҳаракатлар зарарли оқибатларни юзага келишининг олдини олиш имкониятларини объектив тарзда кўрсатувчи замонавий илмий-техника билимларига ва тажрибаларига мувофиқ келган ҳолатда оқланади. Шундай қилиб, ўз ҳаракатларини амалга оширишда, шахс илм, техника, тиббиёт ва фаннинг бошқа соҳаларида эришилган натижалардан келиб чиқиши яқиндир. Бунда шунинг эътиборга олиш лозимки, қонун ушбу ҳаракатлар замонавий билим ва тажрибага мувофиқ бўлишини талаб этади, лекин техник норма ва қоидаларнинг талабларига эмас. Бундай билим тажрибаларга мувофиқ бўлишини аниқлатади. Хавфли ҳаракатларни амалга оширишнинг зарур бўлган шартларидан бири, уларни содир этаётган шахс ҳуқуқ ва қонун томонидан химояланаётган манфаатларга зарар етишининг олдини олиш бўйича керак чора-тадбирларнинг зарурлиги объектив ва субъектив мезонлар асосида белгиланади.

КАСБ КАСАЛЛИГИ – суғурталанган шахсга унга ишлаб чиқаришнинг зарарли ёки хавфли омили таъсири

натижасида унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллик (“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

К.к. ҳамиша касбига оид омилларнинг муайян зарарли таъсири б-н боғлиқ ишларга мансуб бўлган, шунингдек маъмур зарарли омиллар таъсири шароитида ишлаганда бошқа шароитлардагига нисбатан тез учрайдиган касалликдир. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ва ногиронлик пенсиялари тайинлашда ЎзР ВМнинг 1994 й. 11 майдаги 249-сон қарори б-н тасдиқланган К.к.лари рўйхатида кўрсатилган касалликлар К.к. ҳисобланади. К.к. аломатлари одатда ходимлар ноқулай ва зарарли шароитда ишлаганда пайдо бўлиши мумкин. Бундай омилларни ишга қирган вақтдан бошлаб қамида 6 ойдан кейин пайдо бўлса, ходим К.к.га учраган ҳисобланади.

КАССАЦИЯ (лот. quasso – синдириш, бекор қилиш, бузиш) – қонун ва суд ишларини юритиш қоидалари бузилганлиги сабабли юқори суд органи томонидан, қуйи суд органи чиқарган, кучга қирган суд қарори, ажрими, ҳукмининг шикоят ва протест асосида қайта кўриб чиқирилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши. Суднинг қонуний кучга қирган ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан К. тартибда шикоят ёки протест келтирилади. К. шикояти ёки протести К. инстанцияси судлов хайъати томонидан кўриб чиқилади.

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ – суднинг ҳукмларига, қарорларига кассация шикояти ёки протести ҳамда биринчи инстанция судининг судьяси қарорлари ва ажримларига хусусий шикоят (протест) бўйича ишни кўрувчи суд. Умумий қоидага кўра, ЎзРда ишни кассация тартибда кўриш ҚР фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Осларида, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент ш. судларида уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. Хўжалик процессида эса К.и. ЎзР ОХС ҳисобланади. К.и.ларида барча ишлар судлар томонидан хайъатда кўрилади.

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДИНИНГ АЖРИМИ – 1) жиноий суд ишларини юритишда кассация инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ажрим судьяларнинг кўпчилики овози б-н қабул қилинади. Ажрим барча судьялар томонидан имзоланади. Овоз беришда озчиликни ташкил этган судья ажримга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир. К.и.с.а. устидан назорат тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин;

2) кассация инстанцияси суди фуқаролик ишини суд процессида кўриб, тамомлагандан сўнг ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага қиради. К.и.с.а. дарҳол чиқарилади ва эълон қилинади, бу босқичдаги судда апелляция суди каби ажрим чиқаришни кечиктиришга йўл қўйилмайди. К.и.с.а. ЎзР ФПКнинг 14-м.сида белгиланган тартибда қабул қилинади. Ишни кассация тартибда кўрган суд биринчи инстанция судининг ҳал қилув қароридан белгиланмаган ёки унда рад этилган ҳолатларни белгилашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, бирор далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги тўғрисидаги, бир хил далилнинг

бошқа хил далиллардан устуңлиги тўғрисидаги, шунингдек моддий ҳуқуқнинг қандай ҳуқуқий меъёри татбиқ қилиниши ва ишни янгида қўрганда қандай хал қилув қарори чиқарилиши кераклиги тўғрисидаги масалаларни олдиндан белгилаб қўйишга ҳақли эмас. Фуқаролик иши кассация шикоятни ёки протести бўйича қайта кўрилиши натижасида кассация судининг қабул қиладиган қарори ажрим шаклида бўлади. Кассация судининг ажрими ҳам биринчи инстанция судининг хал қилув қарори, апелляция судининг ажрими сингари тўрт қисмдан иборат тартибда тузилади (ЎзР ФПКнинг 206, 315-м.лари). ЎзР ФПКнинг 318-м.сига мувофиқ, К.и.с.а. чиқарилиши биланок қонуний кучга қиради. К.и.с.а. устидан фақат ваколатли мансабдор шахсларгина назорат тартибиде шикоят қилишга ва протест келтиришга ҳақли бўлади;

3) кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича хўжалик судлари томонидан қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади (ЎзР ХПКнинг 189-м.си).

КАССАЦИЯ ШИКОЯТИ ВА КАССАЦИЯ ПРОТЕСТИ – кассация тартибиде ишларни юриштишга сабаб бўладиган процессуал ҳужжатлар ҳисобланади. Мазкур процессуал ҳужжатлар ёзма шаклда тузилади. Фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича кассация шикояти тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан, жиноят ишлари бўйича кассация шикояти эса, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек жабрланувчи, унинг вакили томонидан билдирилиши мумкин. Ҳукмнинг фуқаровий даъвога дахлдор қисми устидан фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари шикоят беришга ҳақлидир. Судда оқланган шахс, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили ҳукмнинг оқлаш сабаблари ва асосларига доир қисми устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Кассация протести келтиришга қонуларда белгиланган ҳолларда тегишли прокурорлар ваколатли ҳисобланади. Кассация тартибиде шикоят билдириш ва протест келтиришнинг мuddатлари тегишинча ЎзРнинг ФПК, ХПК ва ЖПКлари б-н белгиланади.

КАТОРГА (юн. *katargon* – галера) – к.: *Сургул*.

КАФ (нархи ва фрахт (қира ҳақи) – Инкотермс қоидаларининг бир тури бўлиб, сотувчи товарни шартномада кўрсатилган портгача етказиб бериш учун кемани қирага олади ва қира ҳақини ўзининг шахсий маблағи ҳисобидан тўлайди. Товарларни денгиз ва дарё транспорт воситаларида ташиш б-н боғлиқ олди-сотди шартномаларини тузиш ҳамда унинг ижросини таъминлашда урф-одатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, урф-одатларнинг мазмуни турли давлатларда ва ҳаттоки бир давлатнинг бир нечта портида бир-бирига тўғри келмаслиги мумкин. Ана шундай урф-одатлар асосида халқаро савдо амалиётида Инкотермс шартлари асосида шартномалар ишлаб чиқилган.

КАФИЛЛИК – жиноят процессида эҳтиёт чораларидан бири ҳисобланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан айбланувчига ва судланувчига нисбатан, улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яширилиши, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёки жиноий фаолият б-н шуғулланишининг олдини олиш учун қўлланади. К.ни муайян шахс, жамоат бирлашмаси ёки

жамоа беради. К.ка берилаётган шахс қандай жиноят қилганлиқда айбланаётгани ва қандай жазога тортилиши ҳақида К.ка олувчига тушунтирилади ва унда бу ҳақда тилхат олинади. К.ка олувчи К.дан воз кечишга ҳақли. К.ка олган шахс ўз мажбуриятини бажармаса, қонун бўйича жавобгарликка тортилади.

Шахсий кафиллик ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир.

Кафиллар сонини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Алоҳида ҳолларда юксак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг мохияти, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазо, олдини олиш мақсадида К. тарикасидаги эҳтиёт чораси кўрилган ҳаракат айбланувчи, судланувчи томонидан содир этилган тақдирда, кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилиши лозим. Бу маълумотлар К.ка бериш баённомасида қайд қилиниб, уни шу эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахс, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар имзолаши лозим ёки бу маълумотлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир К.ка олувчи К. тўғрисида тилхат беради.

Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар келиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олинган мажбуриятлардан воз кечишлари мумкин.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар, улар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Айбланувчи, судланувчи олди олиниши учун шахсий К. қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кафил қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тарикасида иштирок этишга жалб қилинган шахсини К.ка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафиллиги айбланувчининг, судланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканлиги тўғрисидаги ёзма мажбурият тарзида баён қилишидан иборат. Бу мажбурият суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга тақдим қилинади, улар жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг қарорига рози бўлсалар, шундай эҳтиёт чорасини танлаб, бу ҳақда қарор ёки ажрим чиқарадилар. Айни вақтда жамоат бирлашмаси ёки жамоа вакилига ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг мохияти, айбланувчига, судланувчига эса, башарти хулқ-атвори номуносиб бўлса, эҳтиёт чораси жиддийроғи б-н алмаштирилиши мумкинлиги тушунтирилгани тўғрисида баённома тузилади. Айбланувчи, судланувчи бошқа ишга ўтган ёхуд истикомат жойини ўзгартирган тақдирда, жамоат бирлашмаси ёки жамоа бу ҳақда эҳтиёт чорасини танлаган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга дархол хабар бериши шарт. Бундай ҳолларда жамоа К.и бекор қилинади ва б. эҳтиёт чораси билан алмаштирилиши мумкин.

Айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атвори номуносиб бўлган тақдирда, жамоат бирлашмаси ёки жамоа кафилликдан воз кечишга ҳақлидир.

КАФОЛАТ – мажбуриятлар бажариллигини таъминлаш усули. К.га биноан банк, бошқа кредит муассасаси ёки суурта ташкилоти (кафил) бошқа шахс (принципал)нинг илтимосига кўра кафил ўз зиммасига олаётган мажбурият шартларига мувофиқ принципалнинг кредитори (бенефициар) пул суммасини тўлаш ҳақида ёзма талабнома тақдим этса, пулни унга тўлаш ҳақида принципалга ёзма мажбурият беради (ЎзР ФКнинг 299-м.си).

ЎзР ФКга асосан, К. принципалнинг бенефициар олдидagi ўз мажбуриятини (асосий мажбуриятни) лозим даражада бажаришини таъминлайди. К. берилгани учун принципал кафилга ҳақ тўлайди (ЎзР ФКнинг 300-м.си).

Кафилнинг бенефициар олдидagi К.да назарда тутилган мажбурияти улар ўртасидаги муносабатларда бажарилишини таъминлаш учун шу К. берилган асосий мажбуриятга, гарчи К.да ушбу мажбуриятга хавола қилинган бўлса-да, боғлиқ эмас (ЎзР ФКнинг 301-м.си).

Агар К.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у кафил томонидан қақриб олиниши мумкин эмас (ЎзР ФКнинг 302-м.си).

К. бўйича бенефициарга тегишли бўлган кафилга талаб қўйиш ҳуқуқи, агар К.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бошқа шахсга ўтказилиши мумкин эмас (ЎзР ФКнинг 303-м.си).

Агар К.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у берилган кундан эътиборан кучга киради (ЎзР ФКнинг 304-м.си).

Бенефициарнинг К. бўйича пул суммасини тўлаш ҳақидаги талаби К.да кўрсатилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда кафилга ёзма равишда тақдим этилиши керак. Талабда ёки унга иловада бенефициар принципалнинг таъминлаш учун К. берилган асосий мажбуриятни бузиши нимадан иборатлигини кўрсатиши керак. Бенефициарнинг талаби К.да белгиланган муддат тугагунча кафилга тақдим этилиши керак (ЎзР ФКнинг 305-м.си).

Кафил бенефициарнинг талабини олганидан сўнг бу ҳақда дархол принципални хабардор қилиши ва унга талабнинг нусхасини барча тегишли ҳужжатлар б-н топшириши керак. Кафил бенефициарнинг талабини унга илова қилинган ҳужжатлар б-н бирга К.да кўрсатилган муддатда қўриб чиқиши, муддат кўрсатилмаганда эса, мутаносиб муддатда бу талаб ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар К. шартларига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаш учун оқилона жонқуярлик кўрсатиши керак (ЎзР ФКнинг 306-м.си).

Агар бенефициарнинг талаби ёки унга илова қилинган ҳужжатлар К. шартларига мос келмаса ёхуд кафилга К.да белгилаб қўйилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган бўлса, кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этади. Кафил бенефициарнинг талабини қондиришни рад этганлиги ҳақида уни дархол хабардор қилиши шарт. Агар бенефициарнинг талаби қондирилгунга қадар К. билан таъминланган асосий мажбурият батамом ёки унинг тегишли қисми бажарилганлиги ёхуд бошқа асосларга кўра бекор бўлганлиги ённки ҳақиқий эмас деб топилганлиги кафилга маълум бўлиб қолса, у бу ҳақда дархол бенефициарга ва принципалга хабар бериши шарт (ЎзР ФКнинг 307-м.си).

К.да назарда тутилган кафилнинг бенефициар олдидagi мажбурияти кафолат берилган суммани тўлаш б-н чек-

ланади. К. бўйича мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун кафилнинг бенефициар олдидagi жавобгарлиги, агар К.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, К. берилган сумма б-н чекланмайди (ЎзР ФКнинг 308-м.си).

Кафилнинг К. бўйича бенефициар олдидagi мажбурияти қуйидаги ҳолларда бекор бўлади: 1) К. берилган сумма бенефициарга тўланиши; 2) К.да белгиланган муддатнинг тамом бўлиши; 3) бенефициар К. бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида; 4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли б-н К. бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида. Кафил мажбуриятининг ЎзР ФКнинг 309-м.си биринчи қисмининг 1, 2 ва 4-бандларида кўрсатилган асослар бўйича бекор қилиниши унга К. қайтариб берилган ёки қайтариб берилмаганлигига боғлиқ бўлмайди. К. бекор бўлганлигидан хабар топган кафил дархол бу ҳақда принципални хабардор қилиши керак (ЎзР ФКнинг 309-м.си).

Кафилнинг принципалдан К. бўйича бенефициарга тўланган суммаларни регресс тартибда тўлашни талаб қилиш ҳуқуқи кафилнинг принципал б-н бажариш юзасидан К. берилган келишувда белгилаб қўйилади. Агар кафилнинг принципал б-н келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, кафил бенефициарга К. шартларига мувофиқ тарзда ёки кафилнинг бенефициар олдидagi мажбуриятни бузганлиги учун тўланган суммаларни қоплашни принципалдан талаб қилишга ҳақли эмас (ЎзР ФКнинг 310-м.си).

КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИ – давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича ЎзРнинг мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджети таркибида тузиладиган жамғарма. К.ж.ли ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 42-м.си).

КАФОЛАТ ХАТИ – 1) юридик шахснинг раҳбари томонидан бошқа юридик шахсга хизмат кўрсатиш ёки товар сотишни илтимос қилиб, тўлов кафолатлигини таъкидлаб юборган ёзма шаклдаги шартномага тенглаштирилмайдиган ҳужжат. Чунки, мазкур ҳужжатда шартнома мазмуни ифодаланмай ва фақат бир тарафнинг эркингина ифодаланadi. Шу б-н бирга бундай хатлар битим амалга оширилганлигининг исботи бўлиб хисобланади; 2) кафолат берган шахс чекка ҳақ тўлаш учун расмийлаштириладиган ҳужжат. Банк кафолати берилган кундан эътиборан, яъни К.х. имзоланган пайдан бошлаб кучга киради. Банк кафолатида унинг бенефициарнинг ёзма акцептини олиш пайтидан бошлаб ёки мас., кредит берилгандан сўнг, яъни асосий мажбурият вужудга келганидан кейин кучга кириши назарда тутилган бўлиши мумкин. К.х. банк кафолати шартномасининг тузилганлиги ва кафилни қарздорнинг кредитори олдидagi жавобгарлик бўйича барча шартларини тасдиқловчи гувоҳнома хисобланади.

КАФОЛАТЛИ САҚЛАШ МУДДАТИ – фуқаролик ҳуқуқидagi фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш муддатларининг турларидан бири. Юқ топшириш ва омонат сақлаш шартномаларида қўлланиладиган муддат. Бу муддат

тарафлар келишувига асосан ёки оқилона муддат давомида сакловчининг товарни бут ва яроқли сакланишига кафолат берган тақдирда, то мулкдор ёки унинг вакили товарни кайтариб олмагунча сакланади.

КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР – ходимнинг узрли сабабларга кўра ўз меҳнат мажбуриятларини амалда бажармаган даври учун қонуни ҳужжатлари б-н назарда тутилган тўловлар.

ЎЗР МКнинг 165-м.сига мувофиқ, ходим давлат ёки жамоат вазифаларини бажараётган вақтида (сайлов ҳуқуқини амалга ошириш, депутатлик вазифаларини бажариш, тиббий-меҳнат экспертиза комиссияси ишида иштирок этиш, ҳарбий бурчини бажариш, суриштирув органига, терговчи, прокурор ҳузурига ёки судга гувоҳ, жабрланувчи, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис тариқасида чақирилганда, худди шунингдек суд мажлисларида халқ маслаҳатчиси, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакили сифатида иштирок этганда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда) иш берувчи уни иш жойини (лавозимини) саклаган ҳолда ишдан озод қилиши шарт. Ана шу вазифаларни бажариш вақтида ходимнинг ўртача иш ҳақи сакланади.

Ушбу Кодекснинг 166-м.сига асосан, иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарига бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва б. ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек ана шу давр учун тўланадиган К.т. миқдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, лекин бу тўлов миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларга, уларнинг ишга яроқлилигини аниқлаш мақсадида стационар тиббий муассасаларда текширувдан ўтадиган даври учун ҳам кафолатлар бериллади.

Кодекснинг 167-м.сига биноан, ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (авариялар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини саклаб қолиш ва б. ҳолларда) ана шу даврда унинг иш жойини (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сакланади. Тиббий текширувдан ўтадиган кун ва куйиш учун қон топширадиган кунни ходимларга соғлиқни саклаш муассасаларига боришларига иш берувчи монеликсиз руҳсат бериши шарт. Донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар куйиш учун қон топширган куннинг албатта эртасига дам олиш учун бир кун бериллади. Ходимнинг хоҳишига кўра бу кун таътилга қўшиб бериллади. Текширувдан ўтадиган ва куйиш учун қон топширадиган кунни ишдан озод этилган давр учун, шунингдек дам олиш кунлари ходимнинг ўртача иш ҳақи сакланади.

КАФОЛАТЛИ ФЙДАЛАНИШ МУДДАТИ – фуқаролик ҳуқуқида ишлаб чиқарувчи белгиланган вақт мобайнида сотиб олувчи (харидор, истеъмолчи)нинг товардан тайинланиш мақсадига кўра, кафолатли фойдаланиш имкониятини таъминлаш вақти. Ҳар қандай товар ёки иш натижасидан К.ф.м. муайян мезонлар б-н белгилаб қўйилган.

КАШФИЁТ – 1) интеллектуал мулк объектларидан бири. Бирок, К.ларнинг фуқаролик ҳуқуқий режими бошқа объектларга нисбатан фарқ қилади. К. ҳам ижодий фао-

лият маҳсули бўлиб, моддий оламнинг илгари номаълум бўлган қонуниятлари ҳодисаларини очиш, аниқлаш ҳисобланади. 1963 й.да қабул қилинган Гражданлик кодексининг 546–566-м.ларида К.чилик ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган эди. Унга асосан К. давлат рўйхатида ўтказилиб, унинг муаллифи К. қилганлигини, унинг устуворлик санасининг гувоҳлантирувчи диплом бериш, мукофот бериш ҳамда бошқа мулкӣ ва шахсий характердаги имтиёзларга эга бўлиши назарда тутилган эди. Аммо, 1997 й. 1 мартда қўлга кирган ЎЗР ФКда К. маҳсус ҳуқуқий мақомга эга ижодий фаолият маҳсули сифатида белгиланмаган. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, К.га бўлган ҳуқуқ у ёки бу шахснинг ундан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқини назарда тутмайди, чунки у хусусияти бўйича у ёки бу субъектга монополь (мутлақ тегишли) объект бўла олмайди. Шу сабабли ҳам кўп мамлакатларда бевосита ҳуқуқий муҳофаза остига олинмаган. 1978 й.да БМТ доирасида К.ларни халқаро рўйхатга олиш ҳақида Женева конвенцияси тузилган. Лекин, ушбу Конвенцияда ҳам илмий К.ларнинг маҳсус муҳофаза шакли назарда тутилмаган; 2) илгари маълум бўлмаган, объектив равишда мавжуд моддий олам хусусиятлари, қонунийликларини ва ҳодисаларини аниқлашдир.

КВАЗИДАВЛАТЛАР – к.: *Давлатсимон тузилмалар (Квазидавлатлар)*.

КВАЗИКОНТРАКТЛАР (лот. quasi – гўёки; инг. quasi-contracts) – рим ҳуқуқида шартномага асосланмаган, бор-йўғи унга ўхшаш бўлган мажбуриятлар келиб чиқишининг асослари. Бундай мажбуриятлар тарафлар ўртасида келишувларсиз ҳам вужудга келиши мумкин. Лекин, ўз таснифи ва мазмунига кўра шартнома тузиш натижасида келиб чиқадиган мажбуриятларга ўхшайди. Рим юристлари томонидан тан олинган шартномага ўхшаш мажбуриятларда тарафлар масъулиятларининг шартлари ва чегаралари шартномаларда белгиланганидек ҳал этилади (quasi ex contractu).

КВАЛИФИКАЦИЯ (лот. qualificatio, qualis – қанақа сифатда + facio – бажармаган; инг. qualification skill) – малака, касб, ихтисос, маҳорат.

КВАЛИФИКАЦИЯЛАНГАН ЖИНОЯТ – ЎЗР ЖК Маҳсус қисми моддасининг иккинчи ва ундан кейинги қисмларида берилган, муайян белгисига кўра оғирлаштирувчи таркиб ҳисобланган жиноят.

КВИРИТЛАР (лот. quirites) – қадимги Рим давлатининг республика даврида рим фуқаролари К. деб аталган. Мил.авв. III а.нинг ўрталарига келиб дастлаб квирит (фуқаролик) ҳуқуқи яқка ҳукмрон ҳуқуқий тизим ҳисобланган. Квирит ҳуқуқи таснифига кўра, муқаддаслиги, анъанавийлиги ва одат ҳуқуқи нормаларига боғлиқлиги б-н ажралиб туради. Мазкур ҳуқуқ ўз ривожининг дастлабки босқичларида фақат рим фуқаролигига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилган ва рим фуқароларига барча имтиёзларни яратиб берган. Квирит ҳуқуқи рим фуқароларига республика сиёсий ҳаётида иштирок этиш, давлат фондидан ер участкаси ажратиб олиш каби имкониятларини берган. Квирит ҳуқуқи илк синфий жамиятнинг оддий ва натурал муносабатларини ўзида ифода этган. Арханк рим фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятини мулкӣ муносабатларни, биринчи навбатда хусусий мулк

хуқуқини аниқ тартибга солганлиги б-н изоҳлаш мумкин. Квирит ҳуқуқида суд одатларига ёки суд жараёнини ўтказиш тартибларига катъий амал қилиш катта аҳамият касб этган. Расмиятчилик илк синфий жамиятда ҳаётнинг патриархал тизими сақланиб қолиши ва қайтадан тикланиши учун ёрдам берадиган мустаҳкам ҳуқуқий тартиботни ушлаб туриш шароитларидан бири бўлган.

КВИТАНЦИЯ (лот. *procha*; нем. *quittung*; фр. *quittance*; ит. *quitanza*; инг. *receipt*) – белгиланган шаклдаги ҳужжат бўлиб, корхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан тўловчига бериладиган ва тўловчининг хизматлар, солиқ ва б. мажбурий тўловлар учун кассага пул тўланганлигини; аванслар ва б. пул маблағларининг қайтарилганлигини тасдиқлайди. К. бош бухгалтер ёки ваколатли бошқа шахс ва кассир томонидан имзолашиб, унга корхона, муассаса, ташкилот мухри қўйилади. К. нусхага ёки корешокка эга бўлиб, К. б-н бир вақтда тўлдирилади; корхона, муассаса, ташкилотда бошқа пул ҳужжатлари б-н бирга сақланади; касса операциялари текшириладиган вақтда ундан фойдаланилади. К. бланкаларидан К. китобчалари шакллантирилади, улар катъий ҳисобот ҳужжати сифатида ҳисобга олинади ва сақланади.

КВОРУМ (лот. *quorum*) – мажлис ва унда қабул қилинган қарор қонуний ҳисобланиши учун белгиланган мажлис иштирокчиларининг энг кам миқдори. Одатда, К. бирон-бир рақам ёки аъзоларнинг умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида ўрнатилади. Айрим ҳолларда оддий К. алоҳида ўта муҳим масалаларни ҳал этишда юқори бўлиши мумкин. Давлат ҳокимиятининг вакиллик органларида, мажлиснинг қонуний бўлиши, қабул қилган ҳужжатларни қонуний бўлиши учун белгиланган депутатлар миқдори. Мас., ЎзР Конс.сининг 81-м.сига мувофиқ, ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг мажлислари, агар улар ишида барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади. Конституциявий қонуларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт. Конс.нинг 82-м.сига асосан, ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг қарорлари ҚП депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози б-н қабул қилинади.

КЕЛИШУВ БИТИМИ – тарафларнинг суд низосини ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битими (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Қарздор ва кредиторлар хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида келишув битими тузишга ҳақли. К.б. тузиш тўғрисидаги қарорни кредиторлар номидан кредиторлар йиғилиши қабул қилади. Кредиторлар йиғилишининг К.б. тузиш тўғрисидаги қарори кредиторлар умумий сонининг кўпчилиги овози б-н қабул қилинади ва қарор, башарти қарздорнинг гаров б-н таъминланган мол-мулки мажбуриятлари бўйича барча кредиторлар уни ёқлаб овоз берган бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади.

К.б. тузиш тўғрисидаги қарор қарздор номидан тегишинча қарздор яққа тартибдаги тадбиркор ёки қарздорнинг раҳбари, ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчиси томонидан қабул қилинади.

К.б. қарздор, кредиторлар, шунингдек К.б.да иштирок этаётган учинчи шахслар учун хўжалик суди томонидан

тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради ва улар учун мажбурий ҳисобланади. Кучга кирган К.б.ни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 145-м.си).

Кузатув ва суд санацияси чоғида қарздорнинг К.б.ни тузиши тўғрисидаги қарорни унинг раҳбари, мазкур раҳбар вазифасини бажаришдан четлаштирилган тақдирда эса, суд бошқарувчиси қабул қилади (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 146-м.си).

К.б. ёзма шаклда тузилади.

Қарздор номидан К.б.ни тегишинча қарздор яққа тартибдаги тадбиркор, қарздорнинг раҳбари ёки суд бошқарувчиси имзолайди. Кредиторлар номидан К.б.ни кредиторлар йиғилиши томонидан ваколат берилган шахснинг ўзи имзолайди (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 147-м.си).

Кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш жараёнида хўжалик суди томонидан К.б.нинг тасдиқланиши банкротлик тўғрисидаги иш юришнинг тугатилишига асос бўлади (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 150-м.си).

КЕЛИШУВ КОМИССИЯСИ – давлатнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти палаталари ўртасида вужудга келган низоларни, келишмовчиликларни бартараф этиш учун палаталар орасидан тенглик асосида тузиладиган комиссия.

ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун юзасидан ҚП ва Сенат юзага келган келишмовчиликларни бартараф этиш учун ҚП депутатлари ва Сенат аъзолари орасидан тенглик асосида К.к.ни тузиши мумкин. Палаталар К.к. таклифларини қабул қилганда қонун одатдаги тартибда кўриб чиқиши керак (ЎзР Конс.-сининг 84-м.си).

КЕНГАЙТИРИЛГАН ШАРҲЛАШ – қ.: *Хуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

КЕСИК ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ – жиноятнинг охирига етган вақтини қонун олдинги босқичига кўчиради, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичига кўчиради. Мас., босқиччилик (164-м.) ёки товламачилик (165-м.) ёхуд жинойи уюшма ташкил этиш (242-м.).

КИЛЛЕР (инг. *killer*) – қотил (одатда, ёлланган қотилларга нисбатан ишлатилади).

КЛЕПТОМАНИЯ (юн. *klepto* – ўғирлайман + *mania* – қизиқиш, эҳтирос сўзларидан) – суд психиатриясида ўғирликка бўлган эҳтирос. Ҳазаблапиш-депрессия кайфиятида тўсатдан юзага келадиган нобарқарор психикага эга бўлган шахсларда кузатилади. К. бошқа тарафдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни жалб қилмайдиган шахслар учун хосдир. К. ҳолатида ўғирлик моддий эҳтиёждан келиб чиқмайди ҳамда жазо қўлланилиши таҳдиди уни амалга оширишни тўхтатмайди. К. психик касалликка айланиши мумкин. Кўпинча аёлларда учрайди; К.нинг сабаблари менструация, ҳомиладорлик ёки климакс ҳолатлари б-н боғланади. Буюмларга тегиш ёки уларни қўлга олиш имконияти жинсий майлни кўзғатишга олиб келиши мумкин. Ўғирлик кўпроқ кўпол равишда ҳамда уни яширишга унчалик уринмасдан амалга оширилади. К. фетишизмнинг бошланғич палласи ёки у б-н боғлиқ бўлиши мумкин.

КЛЕРИКАЛ ДАВЛАТ – церков-диний одатлар, расм-русумларга, анъаналарга ва диний ҳуқуққа камроқ тортилган давлатлар бўлиб, уларга Эронни киритиш мумкин, бироқ, 80-й.ларнинг бошида, “Ислоҳ инқилоби” ва М. Хумойнийнинг раҳбарлик даврида Эрон теократик давлат бўлган эди.

КЛИРИНГ (инг. clearing) – 1) иштирокчиларнинг ўзаро дебет ва кредит қарзларини кафолатланган ўзаро ҳисобга олиш тўғрисидаги махсус битим бўйича амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар таомили; 2) қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ, ўзаро мажбуриятларни (қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ахборотни тўплаш, солиштириш, тузатиш ва уларга доир бухгалтерия ҳужжатларини тайёрлаш) аниқлаш ҳамда қимматли қоғозларни етказиб бериш ва улар юзасидан ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича фаолият.

КЛИРИНГ ПАЛАТАСИ – к.: *Ҳисоб-китоб-клиринг палаталари*.

КЛИРИНГ ФАОЛИЯТИ – к.: *Клиринг*.

КНЕССЕТ (яхудийча йиғилиш) – Исроилнинг қонун чиқарувчи ҳокимият органи, унинг парламенти ҳисобланади. К. партиявий рўйхат асосида сайланадиган 120 та парламент аъзоларидан иборат. Унинг ваколат муддати 4 й. Исроил парламентар республика бўлганлиги боис, К. ҳокимиятнинг олий органи ҳисобланади.

КНЯЗЛИК – князь қўл остидаги вил. ёки мамлакат; князлик унвони.

КНЯЗЬ (қад. германча) – қад. Русьда аскар бошлиғи, вил. ҳокими; революциядан илгари мерос бўлиб ўтадиган ёки алоҳида хизматлари учун берилган фахрий унвон; Великий К. – Буюк К.; 1) қад. Русьда удел К.лари орасида энг катта К.; 2) революциядан олдинги Россияда император ўғли, ака-укаси ёки набирасининг унвони.

КОАЛИЦИОН ҲУКУМАТ – парламентар давлатларда парламентдаги депутатлар ўрни турли партиялар ўртасида бўлиниб кетган ва бирорта ҳам партия бир партияли ҳукумат тузолмаган ҳолларда бир неча партияларнинг ўзаро келишуви орқали шаклланган ҳукумат. К.х.лар кўпинча, сўнги пайтларда сўзсиз етакчилик қиладиган партиялар мавжуд бўлмаган Германия, Италия, Венгрия, Бельгия, Нидерландия, Украинада тузилган.

КОДЕКС (лот. codex, олдин – ўзак, кейинчалик – китоб, қонунлар тўплами; инг. code) – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи, устувор ҳуқуқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган ва тизимлаштирилган ҳуқуқий ҳужжат – қонун бўлиб, унда ҳуқуқ тармоғининг барча нормалари манتيқан мутаносиблаштирилади (мас., ФК, ОК, ЖК ва б.). У катта миқдордаги турли хил нормаларни қамраб олса ҳам, ички мувофиқликка эга бўлган ягона бир бутун ҳужжатдир. К.нинг таркибий қисмлари (боблар, бўлимлар, нормалар, инс.лар) ўзаро узвий алоқадор бўлиб, муайян тизим тарзида жойлаштирилади. Анъанага қўра, қонунчилик соҳаларида уйғунлаштирувчи ва бошқарувчи фаол марказ ролини тегишли К.лар ўйнайди. К. олдин қонундан ўзининг мукамаллиги, сайқал топганлиги, барқарорлиги б-н фарқ қиладди. Агар муайян қонунчилик соҳасида бир вақтнинг ўзида К. ва бир неча қонун ҳужжатлари мавжуд бўлса, улар ичида К. юридик кучи ҳамда тартибга солиш имконияти

жиҳатидан устуворлик қиладди. К.лар ички мантининг пишиқлиги, нормаларининг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги б-н ажралиб туради.

К.лаштирилган ҳужжатлар ўзининг ҳуқуқий тартибга солувчи таъсир кучини ва аҳамиятини узок муддат давомида сақлаб қолади. К.даги ҳуқуқий нормаларнинг жойлашиши тегишли ҳуқуқ тармоғи тизимининг акс эттирилиши тартибида ишлаб чиқилади. К.лар ижтимоий муносабатларнинг жамиятдаги барча ривожланиш босқичларида муҳим аҳамият касб этади. ЎзРда ҳозирги кунда фуқаролик, фуқаролик-процессуал, жиноят, жиноят-процессуал, маъмурий жавобгарлик, меҳнат, хўжалик-процессуал, оила, ер, уй-жой, солиқ, божхона ва ш.к. қатор К.лар амалда қўлланилиб келинмоқда.

КОДИФИКАЦИЯ (лот. codificatio, codex – қонунлар тўплами + facio – қиламан сўзларидан; инг. codification) – қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришнинг энг юқори шакли бўлиб, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш йўли б-н янги, мажмуий, тизимлаштирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат яратиш.

К. туфайли қонунчилик тармоғидан муҳим ҳуқуқий нормаларни манткий бирлаштирувчи мажмуий ҳужжат (К.) вужудга келтирилади. К. ҳар доим расмий тусга эга бўлади. К.да норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунчаки, олдинги тўплаб бирлаштирилмайди, балки ҳуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив материал ички мутаносиб бир бутун ва илмий тизимлаштирилган ягона ҳужжат кўринишида баён этилади. К. ҳуқуқий ҳужжатларнинг бошланғич тахририга барча кейинги расмий ўзгартишлар ва қўшимчаларни киритиш, бекор қилинган нормаларни чиқариб ташлаш, номувофиқлик ҳамда қарама-қаршиликни аниқлаш имконини беради. К. жараёнида амалдаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш асосида ҳуқуқий нормаларнинг эскирган қисми олиб ташланади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисмлари бобларга бўлинади ва мувофиқлаштирилади, кодификация қилинган ҳужжатларнинг ихтисослашган мазмуни структураси шакллантирилади. К. йўли б-н барқарор ижтимоий муносабатларнинг муайян муҳим аҳамиятли соҳаларини тартибга солувчи, узок муддатга мўлжалланган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни К.лаш қуйидаги белгилари б-н фарқланади:

биринчидан, К.лаш фаолияти билан фақат ваколатли ҳуқуқ ижодкорлиги органлари конституциявий ва б. қонуний ваколатлар асосида шуғулланади;

иккинчидан, К.лаш натижасида олдин амалда бўлганларидан жиддий фарқланувчи нормаларни ўз ичига олган янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат яратилади;

учинчидан, К.лаштирилган ҳужжат йнema ҳужжат ҳисобланади, чунки унда олдин турли ҳужжатларда акс этган, лекин ижтимоий муносабатларнинг маълум бир соҳасини тартибга солишга хизмат қилган нормалар бир жойга жамланади;

тўртинчидан, К.ланган ҳужжат ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида амал қилувчи ҳужжатлар орасида асосийси ҳисобланади (мас., ЕК);

бешинчидан, К.лаш натижасида яратиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий муносабатларни узоқ вақт давомида тартибга солишга мўлжалланган бўлиб, улар ижтимоий ҳаётдаги эҳтимол тутилган ўзгаришларни ҳисобга олиб, келажакда юзга келадиган янада такомиллашган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имкониятига эга бўлади.

КОЛЛЕГИАЛЛИК – бошқариш принципи, бунда раҳбарлик ваколатли шахслар гуруҳи томонидан амалга оширилади. Мазкур шахсларнинг ҳар бири муайян фаолият соҳаси учун шахсий жавобгар бўлади. К.нинг ҳал қилувчи ва маслаҳат берувчи шакллари бўлади. К.нинг ҳал қилувчи шакли айрим давлат ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлик фаолиятига ҳосдир. К.нинг маслаҳат берувчи шакли, асосан, яккабошчилик асосида иш олиб борадиган хўжалик бошқариш органларида учрайди. Уларда коллегияларнинг қарорлари раҳбар рози бўлгандагина кучга кирилади. Бунда раҳбар, одатда, коллегия раиси ҳисобланади. К. шаклидан қатъи назар, шахсий жавобгарлик унинг самарали ишлашининг ҳал қилувчи шартидир.

КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК – БМТ Устави б-н белгиланган ва ушбу Бутунжаҳон ташкилоти, минтақавий хавфсизлик ташкилотлари, коллектив ўзини ўзи ҳимоя қилиш бўйича ташкилотлар ва келишувлар чегарасида амалга ошириладиган давлатларнинг халқаро тинчликни қўллаб-қувватлаш ва агрессияга қарши ҳамкорликдаги ҳаракатлари тизими. “К.х.” атамаси халқаро муносабатлар амалиётига 1922 й.дан бошлаб Миллатлар Лигаси чегарасида кириб келди. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин К.х. принципи БМТ Уставида, бошқа халқаро шартномалар ва ҳужжатларда (1975 й.даги Хельсинкидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича келишувнинг якуний ҳужжатида ва б.да) юридик жиҳатдан мустаҳкамланди ва тан олинди.

КОЛЛИЗИОН НОРМА – чет эл элементи б-н мураккаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қайси мамлакатнинг ҳуқуқи қўлланилиши лозимлигини белгилайди. К.н. ўз ҳолича масалани охиригача ҳал қилмайди, у тегишли қонда назарда тутилган қонуннинг моддий нормаларига ҳавола қилади, яъни кўрсатиб беради. К.н. таркиби икки қисмдан иборат: К.н. ҳажми ва боғловчиси. К.н.нинг ҳажмида чет эл элементи б-н мураккаблашган ҳуқуқий муносабатлар доираси кўрсатилса, боғловчи қисмида эса, мазкур ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқи қўлланилиши лозимлиги белгиланади. Ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига ҳаракат қилиш эркинлигининг тақдим этилиши даражасига кўра альтернатив, диспозитив ва императив К.н.лар ажратилади.

КОЛЛИЗИОН ҲУҚУҚ – турли давлатлар (ёки федерация субъектлари) ўртасидаги коллизия (бир-бирига зиддик)ларни ҳал қилувчи нормалар мажмуи. Ҳар бир давлат коллизия нормаларининг мажмуи унинг К.х.ини ташкил этади. Шу маънода К.х. миллий хусусиятга эга бўлади. Мас., АҚШ, Германия, РФ ва б.нинг К.х. тўғрисида сўз юритилади. К.х. халқаро хусусий ҳуқуқнинг тарихий негизи ва ўзагини ташкил этади.

К.х. манбалари умуман ҳуқуққа хос бўлган турли хил шаклларда намён бўлиши мумкин. Аксарият ҳолларда К.х. манбалари “қонуний ҳуқуқ” ҳужжатлари – қонулар ва қонуности ҳужжатлари, шунингдек халқаро шартно-

малардан иборат бўлади. Шу б-н бирга, тегишли мамлакатларда К.х. бўйича тартибга солиш нормалари суднинг ҳал қилув қарорлари – прецедентларда, шунингдек одатларда ҳам ўз ифодасини топади.

Бир қанча мамлакатларда К.х. кодекслаштирилган. Айрим мамлакатлар (Германия, Австрия, Швейцария, Венгрия, Польша, Чехия, Словакия, Туркия ва б.)да халқаро хусусий ҳуқуқ доирасида кенг қамровли кодекслашлар амалга оширилган бўлса, бошқа мамлакатларда халқаро хусусий ҳуқуқнинг муайян кичик тармоқлари ёки инсларига мансуб нормалар қисман кодекслаштирилган. 1928 й.ги Бустаманте кодекси коллизия нормаларнинг жаҳондаги энг йирик кодекслаштирилиши ҳисобланади. Ушбу кодексда у тузилган пайтгача мавжуд бўлган халқаро хусусий ҳуқуқнинг деярли барча муҳим соҳаларидаги коллизия нормалар жамланган.

КОЛОНАТ (лот. *coloni* – ижарачи) – Рим ҳуқуқида ер эгаси ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларининг алоҳида шакли бўлиб, Рим империясида ерлардан ушлаб туриш ва фойдаланишнинг энг кенг тарқалган тизими. Колоплар – Рим давлатининг империя даврида вужудга келган шахслар ҳисобланиб, улар қулдорлик тузуми инқирозининг натижасида пайдо бўлган. Колонлар ўзгалар ерларини ижарага олишган, унда ўзлари ва ернинг хўжайинлари учун маҳсулотлар етиштиришган. Дастлаб К. қулдорлик муносабатларининг бир тури ҳисобланган. Рим давлатининг ўзи ҳам колонлардан ташадиган фойдадан кўпроқ манфаатдор бўла бошлаган, чунки улар солиқ тўловчилар армиясини ташкил қилганлар.

Мил. IV-V а.ларга келиб колонлар турли ижтимоий ва юридик табақалардаги қишлоқ аҳолисини ташкил этган. Қад. Римда империянинг ва ер эгаларининг манфаатларини кўзлаб, ажратилган ерларини ташлаб кетувчи колонларга қарши чоралар кўрила бошлаган. Жумладан, мил. авв. 322 й.даги Конс.да ҳам колонларни мажбурий қайтариш тўғрисидаги қондалар мавжуд бўлган. Колон озод шахс бўлишига қарамай, ўзининг ижтимоий ва юридик ҳолати бўйича қулга тенглаштирилган ҳамда у ижарага олган ерига умрбод боғланиб қолган. Колонларнинг фарзандлари ҳам колон ҳисобланган. Агар колон қулга ўхшаб озодликка чиқарилса, у ўзи фойдаланаётган ерларидан ҳам ажралиб қолган. Колонлар тўлик ҳуқуққа эга бўлмай, ер эгаларига қарам табақа сифатида шаклланиши император Анастасий (491-518 й.) даврида юз берган. Мазкур император томонидан қабул қилинган қонунга кўра, ўттиз йил давомида колон ўзига ажратилган ерда ишласа, ўша ерга нисбатан унга эгалик ҳуқуқи берилган.

КОМАНДИР – қуроли кучлардаги ҳарбий қисмларда, бўлинмаларда, роталарда, шунингдек ҳарбий денгиз кемаларда раҳбарликни амалга оширувчи ҳарбий мансабдор шахс.

КОМБАТАНТ (фр. *combattant* – аскар, жангари; инг. *combatants*) – қуроли кучлар таркибига кирувчи ва шахсан уруш ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир (1977 й.ги Қўшимча протоколнинг 43-м.си, 2-банди). Улар қўлга қурол олиб, душманга қарши уруш ҳаракатлари олиб борадилар ва фақат уларга нисбатан ҳарбий зўравонлик, йўқ қилишгача бўлган чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Улар душман қўлига тушиб қолсалар, ҳарбий асирларга айланадилар. Улар таркибига:

биринчидан, доимий қуроли кучларнинг шахсий таркиби;

иккинчидан, доимий бўлмаган кучлар – партизанлар, кўнгилчилар, лекин шу шарт биланки:

ушбу отрядларга бош-кош бўладиган жавобгар шахс бўлса;

узоқдан яққол кўзга ташланадиган белгилари бўлса,

ўз ҳаракатларида урушнинг қонуни ва урф-одатларига амал қилсалар;

ҳар бир қуроли тўқнашувларда очик ҳолда, хусусан уруш олдидан сафланганда душман кўз олдига (оптик асбоблар ёрдамида ҳам аниқланиши мумкин) очикдан-очик қурол олиб юрсалар;

учинчидан, денгиз савдо кемалари ва фуқаро самолётлари экипажлари, (агар улар ҳарбий кема ва самолётларга айлантирилган бўлса);

тўртинчидан, миллий озодлик урушида қатнашаётган жангчилар;

бешинчидан, босиб олинган ҳудудлар аҳолиси (агар улар душман бостириб келганда доимий қўшинга айланишга улгурмай қўлларига қурол олиб жанг қилсалар ва қурол олиб юриб, уруш қонуни ва урф-одатларига риоя этсалар) таркиби қиради.

Ёлланганлар К.лар сифатида тан олинмайди. Ушбу шахслар ҳақ тўлаш эвазига қонуний (мустамлакачилик, ирқчилик каби) режимларни ҳимоя қиладилар. Ёлланганлар халқаро гуманитар ҳуқуқ таъсири доирасида бўлмай, жиноятчилар сифатида жазоланади.

БМТда ёлланма аскарларни ёллаш, улардан фойдаланиш, ёрдам кўрсатиш ва уларни ўқитишга қарши қаратилган конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича махсус кўмита ташкил этилган. Ёлланма аскарларга ҳарбий инструкторлар ва маслаҳатчилар таркиби қирмайди. Ушбу шахслар икки томонлама шартномаларга асосан қуроли кучларни шакллантириш, ҳарбий кадрлар ва қўшинни жангларга тайёрлаш мақсадида жўнатилади. Лекин улар шахсан ҳарбий ҳаракатларда қатнашмайдилар.

Уруш даврида ҳарбий жосус ва ҳарбий разведкачи тушунчаларни ажрата олиш масаласи пайдо бўлади. Ҳарбий жосус ўз шахсиятини ва ўз фаолиятини берkitиб, душман қуроли кучлари тўғрисида хуфёна тарзда маълумот йиғади. Ҳарбий разведкачилар жосуслардан фарқли ўларок, душман ҳудудига ўз ҳарбий кийим-бошларида кириб оладилар ва душман қўлига тушиб қолгудек бўлсалар, ҳарбий асирлар сифатида тан олинадилар.

КОМИССАР (фр. commissaire, лот. comissarius – вакил) – 1) ижтимоий-сиёсий ёки маъмурий ваколатларга эга бўлган мансабдор шахс маъносини англатувчи атама; 2) баъзи мамлакатларда маъмурий ёки полиция ваколатларига эга бўлган амалдор шахс. Россияда К. атамаси XVII а.нинг ўрталарига-ча хоржий давлатларнинг мансабдор шахсларини англатувчи сўз сифатида ишлатиб келинган. XVIII а.нинг бошларига келиб ҳарбий ислохотлар ва маҳаллий бошқарувни қайта ташкил этиш натижасида К.лар маъмурият вакили сифатида иштирок этадилар: обер-комиссарлар (ғазнадаги пул маблағларини назорат қиладилар), полк К.лари, сенат К.лари ва б.. Собиқ Совет даврида эса, халқ К.и – халқ комиссариати раҳбари бўлган ҳуқуқат аъзоси сифатида майдонга келишди. Улар вазирликлар ташкил этилгунча

қадар амалда бўлган. Бундан ташқари, 1918–1942 й.ларда коммунистик партия томонидан ваколат берилган ҳарбий К.лар фаолият олиб борганлар.

КОМИССИОНЕР – к.: *Воситачи*.

КОМИССИЯ ШАРТНОМАСИ – 1963 й. 23 мартда қабул қилинган ва 1997 й.нинг 1 мартига қадар амалда бўлган Гражданлик кодексида назарда тутилган шартнома турларидан бири. Амалдаги ЎЗР ФКда мазкур шартнома воситачилик шартномаси деб номланган. Яна к.: *Воситачилик шартномаси*.

КОМИТЕТ (лот. committens/committentis/ – топширик берувчи; инг. principal) – воситачилик шартномасида иштирок этувчи тарафлардан бири. Унинг топшириғи ва ҳисобидан воситачи ҳаракат қилади ва бунинг эвазига воситачига ҳақ тўлайди. К. воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани воситачидан қабул қилиши, ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши ва ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши, воситачини воситачилик топшириғини бажариш юзасидан учинчи шахс олдига ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт.

ЎЗР ФКнинг 841-м.сига мувофиқ, К.: воситачилик шартномаси бўйича ижро этилган ҳамма нарсани воситачидан қабул қилиши; ўзи учун воситачи томонидан сотиб олинган мол-мулкни кўздан кечириши ва ушбу мол-мулкда аниқланган камчиликлар тўғрисида дарҳол воситачини хабардор қилиши; воситачини воситачилик топшириғини бажариш юзасидан учинчи шахс олдига ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилиши шарт.

ЎЗР ФКнинг 842-м.сига асосан, К. воситачилик ҳақини, тегишли ҳолларда эса делькредере учун қўшимча ҳақни ҳам тўлашдан ташқари, воситачилик топшириғини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни ҳам унга тўлаши шарт. Агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, воситачи ўз ихтиёрида бўлган К.нинг мол-мулкни саклаш юзасидан қилган харажатлари қопланишига ҳақли эмас.

ЎЗР ФКнинг 843-м.сига кўра, К. воситачига берган топшириғини истаган вақтида бекор қилиб, воситачилик шартномасини бажаришдан бош тортишга ҳақли. Бунда воситачининг топширик бекор қилиниши муносабати б-н кўрган зарари умумий асосларда қопланади. Воситачилик шартномаси амал қилиш муддати кўрсатилмаган ҳолда тузилган тақдирда, К. шартномани бекор қилиши ҳақида, агар шартномада хабар қилишнинг узоқроқ муддати назарда тутилган бўлмаса, камида ўттиз кун олдин воситачини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда К. воситачига у шартнома бекор қилингунча тузган битимлар учун ҳақ тўлаши, шунингдек воситачи шартнома бекор бўлгунча қилган харажатларни тўлаши шарт. Топширик бекор қилинган тақдирда, К. воситачи ихтиёридаги ўз мол-мулкни воситачилик шартномасида белгиланган муддатда, борди-ю, бундай муддат белгиланмаган бўлса, дарҳол тасарруф этиши шарт. Агар комитент бу мажбуриятни бажармаса, воситачи мол-мулкни К. ҳисобидан саклаб қўйишга топширишга ёки уни К. учун иложи борича фойдали баҳода сотишга ҳақли.

КОММАНДИТ ШИРКАТ – ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари б-н жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) б-н бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган хиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (хисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади. К.ш.да қатнашаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ушбу Кодекснинг қоидалари билан белгиланади. Шахс фақат битта К.ш.да тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкат иштирокчиси К.ш.да тўлиқ шерик бўла олмайди. К.ш.даги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида хисса қўшувчи ва б. тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас. К.ш.нинг фирма номи барча тўлиқ шерикларнинг номлари (номланиши)ни, шунингдек “К.ш.” деган сўзларни ёки камида битта тўлиқ шерикнинг “ва компания” деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек “К.ш.” деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Агар К.ш.нинг фирма номига хисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай хисса қўшувчи тўлиқ шерикка айланади. К.ш.га тўлиқ ширкат ҳақидаги қоидалар қўлланилади, агар бу ҳол ФКнинг қоидаларига зид бўлмаса (ЎЗР ФК 61-м.).

КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ – сутканинг белгиланган вақтида кўчаларда ва б. жамоат жойларида фуқаронинг шахсини тасдиқловчи рухсатнома ёки ҳужжатларсиз юришини тақиқлаш. К.с. қоидаларини бузган фуқаролар ҳуқуқни химоя қилиш органлари томонидан К.с. тугагунча, ўз ёнида шахсини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахслар эса, улар шахси аниқлангунга қадар ушлаб турилиши мумкин, бироқ бу муддат уч кундан ошмаслиги лозим. Ушланган шахслар ва уларнинг ёнидаги нарсалар текшириб кўрилиши мумкин.

КОММУНА (фр. commune, лот. communis – умумий) – 1) феодализм даврида узок кураш натижасида йирик феодал-сеньордан мустақилликни қўлга киритган шаҳар; 2) Париж К.си – 1871 й. 18 мартдан 28 майгача ҳокимиятни қўлда сақлаган биринчи пролетариат диктатураси; 3) умумий мулк ва меҳнат асосида биришган одамлар коллективи; коммунистик принципларга асосланган ижтимоий тузум; 4) қишлоқ хўжалик К.си – қишлоқ хўжалик кооперациясининг алоҳида шакли. Қишлоқ хўжалик К.сида ҳамма ва ҳар қандай ишлаб чиқариш воситалари умумлаштирилади.

Франция, Италия, Белгия, Жазоир, Сенегал ва б. айрим давлатларда энг қуйи маъмурий-худудий бирликни ташкил этадиган ш. ёки қишлоқ типигаги аҳоли пункти. К. бошқарувини кўпчилик мамлакатларда сайлаб қўйиладиган муниципал кенгаш амалга оширади. Ўз навбатида коммунал хизматлар (соғлиқни сақлаш, таълим, ш. транспорт, сув таъминоти ва б.) муниципал кенгашлар томонидан ташкил этилади. Муниципал кенгашнинг ижро этувчи органи мэр (ёки бургомистр) ҳисобланади ва у ҳуқуқат ёки муниципал кенгаш томонидан тайинланади. Мэр бир пайтнинг ўзида марказий ҳуқуқатнинг манфаатларини ифодалайдиган давлат амалдори ҳисобланади. Одат-

да, муниципал кенгаш ва мэрнинг фаолияти марказий ҳуқуқатнинг қаттиқ назорати остида бўлади.

КОММУНАЛ МУЛК – “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, маъмурий-худудий тузилма мулки.

Маҳаллий бюджет ҳисобидан вужудга келтирилган ҳамда сотиб олинган, шунингдек давлат мулкидан ўтказилган ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган мол-мулк вил., тум., ш. ёки бошқа маъмурий-худудий тузилма мулкнинг объектидир. Давлатнинг мутлақ мулкига тааллуқли объектлар коммунал мулк ҳисобланмайди (“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 22-м.си).

Тегишли маъмурий-худудий тузилманинг аҳолиси К.м.нинг субъектидир. Мулки ҳуқуқни рўёбга чиқаришни ЎЗРдаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари амалга оширадиган (“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 23-м.си).

КОММЮНИКЕ (лот. communicare – хабар бераман; инг., фр. communiquer) – халқаро музокаралар, келишувлар, мамлакат ҳаётининг муҳим ҳодисотлари натижаси ҳақида расмий равишда хабар бериш, мас., ҳарбий операцияларнинг олиб борилиши, кенгашлар, йиғилишлар, саммитлар ҳақида хабар бериш. Халқаро муносабатлар контекстида К. музокаралашаётган томонларнинг бири томонидан ҳам ёки ҳар икки томондан ҳам хабар тариқасида эълон қилиниши мумкин, бунда музокараларнинг ижобий ва зиддиятли, шунингдек алоҳида фикрлари ҳақида ҳам хабар берилади. Биргаликдаги К. халқаро шартнома мақомига эга бўла олмайди, аммо томонлар халқаро шартнома сифатида қарашлари мумкин бўлган нормаларни ўзида акс эттириши мумкин. Агар К.да келишув ҳақида маълумот мавжуд бўлса ва у бошқа бирон-бир расмий кўринишда баён қилинмаган бўлса, унга халқаро шартнома кўринишида қараш мумкин. Шартномавий мажбуриятлар акс эттирилган биргаликдаги К. социалистик давлатлар учун хос.

КОМПАРАТИВИСТИКА – к.: *Киёсий ҳуқуқшунослик*.

КОМПЕНСАЦИЯ ТўЛОВЛАРИ – ходимнинг ўз меҳнат вазибаларини бажариши б-н боғлиқ кўшимча харажатларини қоплаш учун қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, шунингдек меҳнат шартномаларида назарда тутилган тўловлар.

ЎЗР МКнинг 171-м.сига мувофиқ, хизмат сафариди ва кўчиб юриш б-н боғлиқ ишларда қуйидагилар тўланиши лозим:

йўлқира харажатлари;
доний турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси б-н боғлиқ харажатлар;
ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги б-н қилинган бошқа харажатлар.

ЎЗР МКнинг 172-м.сига асосан, бошқа жойдаги ишга кўчиб борганда қуйидагилар тўланиши лозим:

кўчиш ва мол-мулкни кўчириб бориш б-н боғлиқ харажатлар;

ялғи жойда ўрнашиб олиш б-н боғлиқ харажатлар;
ходим томонидан иш берувчи б-н келишиб қилинган бошқа харажатлар.

ЎЗР МКнинг 173-м.сига биноан, иш берувчининг розилиги б-н ва унинг манфаатлари йўлида ходим ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланганда транспорт воситаларининг амортизацияси ва улардан фойдаланганлик учун қилинган харажатлар, шунингдек асбобларнинг, техник воситаларнинг ёки ўзга мол-мулкнинг амортизацияси иш берувчи ҳисобидан тўланиши лозим. Ана шу харажатларни тўлашнинг миқдори ва тартиби жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, ходим б-н иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади.

КОМПЕТЕНЦИЯ (лот. *competo* сўзидан; *competentio* – эришаман, мос келаман, ярайман) – давлат механизми тизимида фаолият юргизиб турган муайян давлат органи ёки мансабдор шахснинг юридик жихатдан белгилаб, мустахкамлаб қўйилган ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисини англатади.

КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ (ФРАНШИЗИНГ) ШАРТНОМАСИ – К.т.л.(ф.)ш. бўйича бир тараф (комплекс лицензиар) иккинчи тарафга (комплекс лицензиатга) ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда кўрикланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқларга кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиролар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини олади. К.т.л.(ф.)ш. лицензия комплексидан, лицензиарнинг иш соҳасидаги обрўсидан ва тижорат соҳасидаги тажрибасидан муайян хажмда (хусусан, минимал ва ёки максимал хажмда фойдаланишни белгилаб қўйган ҳолда) муайян фаолият соҳасига (лицензиардан олинган ёки лицензиат ишлаб чиқарган товарларни сотиш, хизматларни кўрсатиш, ишлар бажариш, савдо фаолиятини амалга ошириш ва х.к.) қўллаган ҳолда, фойдаланиш ҳудудини кўрсатиб ёки кўрсатмасдан фойдаланишни назарда тутаяди. К.т.л.(ф.)ш. бўйича фақат тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларгина тарафлар бўлиши мумкин. К.т.л.(ф.)ш. муддат кўрсатилган, шунингдек кўрсатилмаган ҳолда (муддатсиз шартнома) тузилиши мумкин (ЎЗР ФКнинг 862-м.си).

К.т.л.(ф.)ш. ёзма равишда тузилиши керак ва у шартномага мувофиқ лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахсни ёки яққа тадбиркорни рўйхатга олган орган томонидан рўйхатга олиниши керак. Ушбу қоидага риоя қилмаслик шартноманинг ҳақиқий ҳисобланмаслигига сабаб бўлади (ЎЗР ФКнинг 863-м.си).

К.т.л.(ф.)ш.да лицензиатнинг ўзига берилган лицензия комплекси ёки унинг бир қисмидан бошқа шахсларнинг у лицензиар б-н келишган ёки К.т.л.(ф.)ш.да белгиланган шартларда фойдаланишига руҳсат бериш ҳуқуқи назарда тутилиши мумкин. Худди шунингдек, шартномада лицензиатнинг муайян вақт давомида фойдаланиш ҳудудини кўрсатган ёки кўрсатмаган ҳолда муайян миқдорда қўшимча лицензиялар бериш мажбурияти ҳам ёзиб қўйилиши мумкин. К.т.л.(ф.)ш.нинг бекор қилиниши комплекс тадбиркорлик бўйича қўшимча лицензияни ҳам бекор қилади (ЎЗР ФКнинг 864-м.си).

К.т.л.(ф.)ш.да чеклайдиган (эксклюзив) шартлар, хусусан:

лицензиарнинг лицензиатга бириктириб қўйилган ҳудудда фойдаланиш учун бошқа худди шундай комплекс тадбиркорлик лицензияларини бермаслик ёки ушбу ҳудудда бевосита мустақил фаолият олиб бормаслик мажбурияти;

лицензиатнинг комплекс тадбиркорлик лицензиясидан фойдаланиладиган ҳудудда лицензиар б-н рақобатлашмаслик мажбурияти;

лицензиатнинг лицензиарнинг рақобатчиларидан (бўлажак рақобатчиларидан) бошқа комплекс тадбиркорлик лицензияларини олишдан воз кечиши;

лицензиатнинг шартнома бўйича ўзига берилган алоҳида ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланиладиган тижорат бинолари жойлаштириладиган ерни, шунингдек уларнинг ташқи ва ички безакларини лицензиар б-н келишиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

Агар чеклайдиган шартлар тегишли бозорнинг ҳолатини ва тарафларнинг иқтисодий мавқеини ҳисобга олганда монополияга қарши қонун ҳужжатларига зид бўлса, бу шартлар монополияга қарши орган ёки бошқа манфаатдор шахснинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Агар К.т.л.(ф.)ш.нинг чеклайдиган шартларига кўра: лицензиар лицензиатнинг товарни сотиш баҳосини ёки лицензиат бажарадиган (кўрсатадиган) ишлар (хизматлар) нарҳини белгилашга, мазкур нарҳларнинг юқори ва пастки чегараларини белгилаб қўйишга ҳақли бўлса;

лицензиат товарларни фақат маълум тонфадаги сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) ёки шартномада белгилаб қўйилган ҳудудда жойлашган (яшайдиган) сотиб олувчиларга (буюртмачиларга)гина сотишга, ишларни бажаришга ёки хизматлар кўрсатишга ҳақли бўлса, бундай чекловчи шартлар ҳақиқий эмас (ЎЗР ФКнинг 868-м.си).

КОМПЬЮТЕР ЖИНОЯТЛАРИ – компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятларнинг қисқача номи.

КОМПЬЮТЕР ҲУҚУҚИ – ЎЗР қонунчилигининг янги тармоғи бўлиб, ЭҲМ, ЭҲМ тизими ёки уларнинг тармоғидан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар комплексини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуидан иборат.

Юридик адабиётларда “К.х.” атамаси б-н бир қаторда “информатика ҳуқуқи”, “ахборот ҳуқуқи”, “ахборот-компьютер ҳуқуқи” каби атама ва тушунчалар ҳам учрайди. “Ахборот ҳуқуқи” тушунчаси “К.х.” атамасига қараганда кенгрок тушунча ҳисобланади. Чунки, ахборот ҳуқуқи, ахборотга қандай техник воситалар б-н ишлов берилиши ва у қай шаклда ифодаланганидан қатъи назар, ахборот фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

КОНВЕНЦИЯ (лот. *conventio* – шартнома, битим; инг. *convention*) – кўп томонлама халқаро шартномаларнинг кенг тарқалган турларидан бири. К.ларнинг ўзга номдаги халқаро шартномалардан фарқи йўқ. Кўпгина К.лар иқтисодий, юридик ва гуманитар характердаги махсус масалалар бўйича тузилади. Яна к.: *Халқаро шартнома*.

КОНГРЕСС (инг. *congress* – съезд, лот. *congressus* – учрашув, йиғилиш) – турли орган ва тузилмаларнинг, анжуманларнинг номи. Баъзи мамлакатларда К. парламентнинг номи. АҚШ, Парагвай, Колумбия, Филиппинда икки

палатали парламент номи бўлса, Испанияда К. парламент куйи палатасининг номи.

Францияда К. Президент томонидан чакириладиган орган. У фақат бир вазифани бажаради. Франция Конс.сига биноан Конс.ни ўзгартириш ташаббуси Президентга, унинг топшириги б-н Бош вазирга, парламент аъзоларига тегишли ваколатдир. Конс.ни қайта кўриш ҳақидаги лойиҳа ёки таклиф парламентнинг ҳар икки палатаси томонидан кўриб чиқилиб, бир хил таҳрирда қабул қилиниши керак (ҳар икки палата томонидан). Кўриб чиқиш референдумда маъқуллангандан сўнггина ҳал қилинган ҳисобланади. Агар Президент лойиҳани кўриб чиқишни К. сифатида чакирилган Парламентга топширса, референдум ўтказилмайди. Бундай ҳолда лойиҳа берилган овозларнинг бешдан уч қисми овози б-н тасдиқланса, маъқулланган ҳисобланади. К. атамаси халқаро, илмий анжуманларга нисбатан ҳам қўлланилади. У – халқаро атама.

КОНДОМИНИМУМ (лот. *condominium*, *con* – биргаликда + *dominium* – эгаллик қилиш сўзларидан; инг. *condominium*) – 1) халқаро ҳуқуқда икки ёки ундан ортиқ давлатнинг маълум бир ҳудудга биргаликда эгаллик қилиб, ўз суверенитетини амалга ошириши. К.нинг ўзига хос томони шундан иборатки, мазкур ҳудуд бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ давлатга тегишли бўлади. Ўз ўрнида мазкур давлатларнинг ҳар бири К. доирасида ўз ҳокимиятини уларнинг ўртасида тузилган битимга асосан амалга оширади;

2) хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати ҳам К. деб юритилиши мумкин. Ушбу атама XVIII ва XX а. бошларида кенг қўлланилган. Кўп қаватли уйлардаги лифт, техник подвал, йўлаклар, том, турар жой олди майдонлари ва б. умумий фойдаланишдаги жойларга нисбатан турар жой мулкдорлар ширкатининг ҳуқуқлари тушунилади. АҚШнинг қонунчилигига биноан К. деганда турар жой мулкдорларининг ассоциацияси тушунилади. “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига мувофиқ, кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдоридир. Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштирокчисидир. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммасига олиши шарт. Яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорининг умумий харажатлардаги иштироки улуши уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли яшаш учун мўлжалланмаган жой майдонида мутаносиб равишда белгиланади. Ширкатнинг кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори б-н муносабатлари улар ўртасида мажбурий тартибда тузиладиган шартнома б-н тартибга солинади. Кўп квартирали уйдаги яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдори шартнома тузишдан бўйин товланган тақдирда, ширкат шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги талаб б-н судга мурожаат этишга ҳақли.

КОНОСАМЕНТ (фр. *connaissance*) – юкни денгиз йўли б-н ташиш шартномаси шартларини ўз ичига олувчи товар б-н бирга бўладиган ҳужжат ҳисобланади. К. нормалари 1924 й. 25 августда қабул қилинган “Қоносамент

ҳақидаги айрим қоидаларни унификация қилиш тўғрисида”ги халқаро конвенцияда ўз аксини топган. К. ўз эгасига юкни тасарруф қилиш ҳуқуқини берадиган қимматли қоғоз маъносига ҳам тушунилади. У халқаро савдода кенг қўлланилади. К. юк ташувчи томонидан жўнатувчига берилиб, юк қабул қилинганлигига далил ҳисобланади ва шартнома тузилганлиги фактини тасдиқлайди. К.да юк ташувчи ва юкни қабул қилиб олувчи ўртасида ҳуқуқий муносабатлар белгиланган бўлади. К.нинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, яъни “тақдим этувчига”, “олувчининг номига”, “ордерли”, “порт” ва “тоза”ларга бўлинади. Бунда, “тақдим этувчига” К.ида оддий тақдим этиш йўли б-н юк қабул қилиб олинади; “олувчининг номига” К.ида белгиланган тарзда индоссамент ёки бошқача тартибда юк қабул қилиб олинади; “ордерли” К.и юкни жўнатувчи ёки қабул қилиб олувчининг буйруғи б-н тузилган бўлиб, юк фақат жўнатувчи (қабул қилиб олувчи) ёки банкнинг буйруғига кўра берилади; “порт” К.и кемага ташиш учун қабул қилиб олинган, бироқ ҳали портга етиб келмаган юкка нисбатан юк ҳужжати ҳисобланади; “тоза” К.и юк ташувчининг юк миқдори ва сифатига доир изоҳини белгиламаган К. тушунилади.

КОНСЕНСУС (лот. *consensus* – розилик, келишув, умумий фикр; инг. *consensus*) – 1) рим ҳуқуқида: а) битим; ахдлашаётган томонларнинг ихтиёрий равишда келишилган иродаси; б) ҳуқуқдор шахс томонидан бошқалар ҳуқуқий ҳаракати амал қилишининг шартлари сифатида унинг бир тарафлама маъқулланиши;

2) халқаро ҳуқуқда халқаро ташкилотларда, халқаро конференциялар ва мажлисларда ҳар қандай иштирокчи томонидан қарор қабул қилинишига расмий эътирозлари бўлмаганда овоз бериш ўтказилмасдан уларнинг умумий розилиги асосида тегишли қарор қабул қилиш усули. К. мас., БМТ нинг қатор органлари ишида қўлланилади;

3) социологияда икки ёки ундан ортиқ индивидлар ўртасида уларга қандайдир соҳада ўзаро муносабатларни ва (ёки) ўзаро ёрдамни йўлга қўйиш имконини берувчи ўхшаш билишга оид ва амалий йўналишларнинг мавжудлиги; янада торроқ, махсус социологик маънода К. ҳар қандай жамият муҳим кўпчилигининг ушбу жамиятнинг мавжудлиги ва фаолият юритишини таъминловчи кишиларнинг келишилган ҳаракатларида ўз ифодасини топадиган ижтимоий тартибининг энг муҳим жиҳатларига нисбатан розилиги;

4) сўзнинг энг кенг маъносига – жиддий масалалар юзасидан эътирозлар бўлмаганда умумий розилик.

КОНСИГНАЦИЯ (лот. *consignatio* – ёзма далил, ҳужжат; инг. *consignment*) – коммиссион товар сотишнинг бир шакли. Бунда товар эгаси (консигнант) коммиссионер (консигнатор)га коммиссионернинг омборхоналаридан сотиш учун товарни беради. К.ни воситачиларнинг консигнациявий омборхоналардан товар сотишнинг шартли сифатида кўриш мумкин. Бу ҳолда воситачининг омборхоналарига келиб тушган товарга бўлган мулк ҳуқуқи товарнинг сотилиш пайтигача сотувчига тегишли бўлади. Товарнинг омборхонада сақланиши ва унинг сотишдан олдинги тайёрланиши сотувчи ҳисобидан амалга оширилади. Омборхонага товарни етказиб бериш сотиб олувчи билан шартнома тузилишдан олдин амалга оширилади. К.да кўрсатилган муддат ичида товар сотилмаса, у товар эгасига қайтарилади.

КОНСОРЦИУМ (лот. *consortium* – иштирокчилик, ҳамжамият; инг. *consortium*; нем. *konsortium*) – ўзаро йирик ҳажмли буюртмаларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш, кредит-молия ва маркетинг операцияларини ўтказиш, саноат қурилишида глобал лойиҳаларни (инвестиция, илмий-техникавий, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.) амалга ошириш, фойдали буюртмаларни қўлга киритиш ва уларни ўзаро ижро этиш учун бутун тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида мустақил тадбиркорлик тузилмаларининг ташкил этган вақтинчалик уюмси (битими). К.га турли мулкчиликдаги, фаолият ва ҳажмдаги корхона ҳамда ташкилотлар аъзо бўлиши мумкин. К. иштирокчилари тўла ҳўжалик мустақиллигини сақлаган ҳолда, бошқа ҳар қандай ихтиёрий ташкилотлар таркибига кириши мумкин. К. иштирокчилар бадаллари ҳисобига умумий молиявий ва моддий фондларни шакллантиради. К.ни ташкил этишдан асосий мақсад товарлар ва хизматлар бозорида бир ёки бир неча мамлакатнинг бирлашган фирма ва компаниялари рақобатбардошлик даражасини ошириш, йирик лойиҳалар бўйича молиявий хавфни камайтириш ва тақсимлаш ҳисобланади. К. консорциал битим орқали расмийлаштирилади ва фаолиятни мувофиқлаштириш бош компанияга юкланади. К. синдикатдан оддий ташкили б-н фаркланади.

КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ – 1) Конс. б-н чегараланган бошқарув, Конс.га ва бошқарувнинг конституциявий услубларига таянадиган сиёсий тизим; 2) Конституциявий тузум ўрнатилишининг заруриятини асослаб берувчи сиёсий-ҳуқуқий назария.

КОНСТИТУЦИЯ (лот. *constitutio* – ўрнатиш, тузилиш) – моддий маънода аввало инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликларини мустаҳкамловчи ва қафолатловчи, шунингдек ижтимоий тузум асосларини, бошқарув шакли ва давлат тузилиши асосларини, ҳокимият марказий ва маҳаллий органларини ташкил этиш асосларини, уларнинг ваколатлари ва ўзаро муносабатларини белгилайдиган қонун ҳужжати, ҳужжатлар ёки конституциявий одатлар мажмуи. Расмий маънода барча қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлган асосий қонун К. ўз шаклига кўра ҳозирги мамлакатларнинг аксариятида Парламент, махсус конституциявий ассамблея томонидан, умумхалқ референдумида қабул қилинадиган ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат, мамлакатнинг асосий қонуни ҳисобланади. К. мамлакат қонунчилигида биринчи ўринда туради ва миллий ҳуқуқ тизимининг асосларини белгилаб беради.

К. – энг олий ҳуқуқий шакл бўлиб, унда конституциявий тузум қадриятлари, инслари ва нормалари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий алоқалари ва муносабатларини давлат-ҳуқуқий тартибга солиш асослари мустаҳкамлаб қўйилади. К. ҳозирги замон давлатчилигининг муҳим белгиси ҳисобланади. Ҳозирги даврда Форс кўрфазидagi айрим мутлак монархиялар (Саудия Арабистони, Уммон)-гина К.га эга эмас.

Конституциявий ҳуқуқ фанида юридик ва ҳақиқий (фактик) К.лар фаркланади. Юридик К., моддий маънода ҳам, расмий маънода ҳам, юқорида кўрсатилган ижтимоий муносабатлар доирасини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимидир. Ҳақиқий К. эса шундай муносабатларнинг ўзи, яъни реал мавжуд муносабатлардир.

Баъзан К. бир неча қонун ҳужжатларидан ташкил топади (одатда, улардан бирида К.нинг асосий матни ифодаланади), яъни қисман кодификация қилинган ҳисобланади (мас., Австрия, Канада, Швеция, Чехия, Финляндияда). Швеция К.си уч қонун (1974 й. Бошқарув шакли, 1810 й. Тахтни мерос қолдириш тўғрисидаги ҳужжат, 1974 й. Матбуот эркинлиги тўғрисидаги ҳужжат)дан ташкил топган. Францияда 1958 й. К.нинг асосий матни б-н бир қаторда 1789 й. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси К. муқаддимаси деб эътироф этилган. Хориж амалиётида кодификация қилинмаган К.лар ҳам учрайди (мас., Буюк Британия, Янги Зеландия, Исроилда). Бундай К. нафақат бир неча қонун ҳужжатларидан, балки конституциявий одатлар, суд прецедентларидан ҳам ташкил топади. Сўнгги зикр этилган ҳолатда Буюк Британия, Янги Зеландия, Исроилда фақат моддий маънодаги К.нинг мавжудлиги тўғрисида сўз юритиш мумкин, чунки бу мамлакатлар расман К.га эга эмас.

Кодификация қилинган К.лар амалий жиҳатдан кодификация қилинмаган К.лардан шубҳасиз устун туради, чунки кодификация қилинмаган К.ларни қундалик ҳаётда қўллаш, оддий фуқароларни улар б-н таништириш жуда қийин. Амал қилиш вақтига қараб доимий ва муваққат К.лар фаркланади. Муваққат К.лар одатда ўтиш даврида қабул қилинади. Шу давр ичида мамлакатнинг конституциявий тузилиши узил-кесил ишлаб чиқилади (мас., 1994 й. ЖАР муваққат К.си 1996 й. доимий К. б-н алмаштирилди). Муваққат К.да кўпинча ҳокимиятнинг ташкил этишнинг асосий қоидаларигина ўз аксини топади (мас., 1992 й. Польша “Кичик К.си”, 1991 й. Албания Асосий конституциявий қондалари). Баъзан муваққат К. узок йиллар амал қилади. Доимий К.лар эса, аксинча, қисқа вақт амал қилиши мумкин: мас., бир ярим аср ичида йигирма бештадан ортиқ К. қабул қилган Венесуэлада уларнинг айримлари икки йилга ҳам бормасдан бекор қилинган. Ҳозирги даврда жаҳон амалиётида янги К.лар қабул қилишининг ҳар хил усуллари мавжуд. К. Парламент, таъсис мажлиси томонидан, референдумда ёки аралаш йўл б-н қабул қилиниши мумкин. Мас., Украина, Молдова, Грузия ва Ўзбекистоннинг амалдаги К.лари соф парламент усулида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Сўнгги йилларда Болгария, Руминия, Камбожа, Бразилия ва Колумбияда таъсис мажлиси томонидан ишлаб чиқилган К.лар қабул қилинди. Россия, Қозоғистон К.лари, шунингдек Беларусь Асосий қонунининг ҳозирги тахрири давлат бошлиғи раҳбарлигида ишлаб чиқилди ва референдумда қабул қилинди. Арманистон, Озарбойжон, Литва ва Тожикистон К.лари Парламент томонидан қабул қилинган, референдумда тасдиқланди. 1992 й. Эстония К.си таъсис мажлиси маъқуллаганидан сўнг референдумда тасдиқланди. Давлат бошлиғи ўз ҳокимияти б-н тасдиқлаган К. ҳам учрайди. Кодификация қилинган К.нинг муҳим юридик жиҳати шундан иборатки, у бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шу жумладан қонулар ва конституциявий қонунларга нисбатан олий юридик кучга эга бўлади. Уларнинг барчаси К.га мувофиқ бўлиши лозим. Ниҳоят, К.нинг яна бир юридик жиҳати – у қабул қилиш ва ўзгартиришнинг алоҳида тартибига эга бўлади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ушбу тартиб оддий қонуларни

кабул қилиш ва ўзгартириш тартибидан анча мураккабдир. Бундай ҳолларда қатъий К. тўғрисида сўз юритилади.

Баъзи К.ларда уларнинг айрим қондалари (мас., давлатнинг мустақиллиги, унинг дунёвий давлат экалтиги, республика бошқарув шакли тўғрисидаги қондалар) умуман, ҳатто референдум йўли б-н ҳам қайта қўрилмаслиги белгилаб қўйилади. Аксарият К.ларда янги асосий қонунни қабул қилиш учун таъсис мажлиси чақирилиши ёки референдум ўтказилиши лозимлиги назарда тутилади. Кўпинча К.га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш учун ҳам референдум ўтказиш талаб қилинади. К.га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарор Парламент томонидан қабул қилиниши ҳам мумкин. Бу ҳолда қарор оддий кўпчилилик овоз б-н қабул қилинади.

Федератив давлатларда федерал К.га киритилган тузатишлар юқорида кўрсатилган шартларга қўшимча тарзда федерация субъектларининг кўпчилиги томонидан ратификация қилиниши зарур. Ҳозирги К.лар конституциявий тартибга солиш предметининг ранг-баранглиги ва ўзига хос иерархиясини ақс эттирувчи муайян тузилиш (бўлимлар, боблар ва х.к.)га эга. Ҳозирги замон давлатлари аксариятининг конституциявий тартибга солиш предметлари ўхшаш эканлигига қарамай, асосий қонунлар тузилишининг бирон-бир ягона тузилиши мавжуд эмас. К.ларнинг тузилиши турли мамлакатларда уларнинг муайян конституциявий моделга мансублиги, тарихий анъаналари ва х.к.га қараб ҳар хилдир. МДХга аъзо мамлакатларнинг аксарияти қабул қилган К.лар қуйидаги тузилишга эга: а) муқаддима; б) умумий қондалар (конституциявий тузум асослари); в) инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари; г) қонун чиқарувчи ҳокимият; д) ижро этувчи ҳокимият; е) суд ҳокимияти; ж) маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш; з) К.га ўзгартириш киритиш тартиби; и) яқунловчи қондалар.

Айрим мамлакатларнинг К.ларида конституциявий тузум асосларини таърифловчи боблар ва бўлимлар б-н бир қаторда, мустақил боблар (бўлимлар), қунончи, фуқаролик жамияти инс.ларини мустақкамлайдиган “Жамият ва давлат” (1992 й. Литва К.си, 3-боб), “Жамият ва шахс” (1992 й. ЎзР К., III бўлим) боблари (бўлимлари) ҳам мавжуд. Ушбу боблар ва бўлимлар, қоида тарикасида, “мулкчилик ва талбиркорлик”, “оила”, “жамоат бирлашмалари”, “фан”, “таълим”, “оммавий ахборот воситалари” каби масалаларга бағишланади. Янги К.ларнинг мутлақ кўпчилигида иқтисодий ва (ёки) молияга бағишланган алоҳида бўлимлар мавжуд. Айрим К.ларда қонунчилик тўғрисидаги қондалар алоҳида бобга ажратилган бўлса, бошқа К.ларда сайлов ва референдум тўғрисида махсус бўлим мавжуд. “Америкача” моделга мансуб янги К.ларга (Бразилия, Колумбия, Филиппин ва б.) “Давлат хизмати” (ёки “Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги”) каби бўлимлар, аграр ислохот, қурулган кучлар, давлат ва демократик инс.лар химояси тўғрисидаги алоҳида бўлимлар (ёки боблар)нинг мавжудлигини кўриш мумкин.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИК – юридик жавобгарлиқнинг мустақил тури. Қонс.да ва конституциявий ҳуқуқнинг бошқа манбаларида К.ж. субъектлари учун салбий оқибатларнинг келиб чиқиши назарда тутилган экан, бунда, аввало, Қонс.ни химоя қилиш устувор аҳамият

касб этади. Бундай жавобгарлик санкциялари турлича бўлиши мумкин. Буларга муайян лавозимларни эгаллашни тақиқлаш, давлат муқофотлари ва фахрий унвонлардан маҳрум қилиш, лавозимдан четлаштириш, фаол ва пассив сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш, жамоат бирлашмаларини рўйхатга олишни рад қилиш, ҳуқуқларни бошқача тарзда чеклаш кабилар қиради.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ЖАРАЁН – кенг маънода, юқори давлат ҳокимияти органларининг конституциявий тузум доирасидаги фаолияти, шунингдек, жаҳонда ёки муайян жамиятда конституциявий ҳуқуқий инс.ларни ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёни. Тор маънода, конституциявий пизоларни ва конституциявий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича конституциявий процессуал нормалар б-н тартибга солинган Конституциявий суд ва б. суд органларининг фаолияти. Айрим ҳолларда “Конституциявий суд жараёни” атамаси ҳам қўлланилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КЕЛИШУВ – ҳуқуқий одатнинг бир кўриниши бўлиб, бир қатор давлатларда (Буюк Британия, Янги Зеландия ва б.) конституциявий ҳуқуқнинг манбаларидан бири ҳисобланади. К.к. сиёсий амалиёт қондаларини ифода этиб, у қимга тегишли бўлса, улар томонидан сўзсиз бажарилади ва мажбурий ҳисобланади. К.к. йўриқлари суд томонидан мажбурий бажартирилиши мумкин эмас.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КЕНГАШ – Конституциявий назоратни К.к.лар томонидан амалга ошириш айрим хориж мамлакатларида (Францияда) мавжуд амалиёт бўлиб, бунда Кенгаш чиқарган ҳужжат ҳулосавий характерга эга бўлади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ МОНАРХИЯ (ЧЕКЛАНГАН МОНАРХИЯ) – монархия бошқарув шаклининг алоҳида тури бўлиб, бунда монарх ҳокимияти Қонс. б-н чеклаб қўйилади, сайланадиган қонунчилик органи – Парламент ва мустақил судлар мавжуд бўлади. Бу эса Парламент тасдиқлайдиган Қонс.да мустақкамланади. Уни ўзгартиришга монархнинг ҳаққи йўқ.

К.м. давлат бошқарувининг шундай шаклики, бунда монархнинг ҳокимияти Қонс. бўйича вакиллик органи томонидан чегараланган бўлади. К.м. Ўрта асрларда Европада рўй берган буржуа инқилоблари натижасида юзага келган. К.м. биринчи марта XVII а. охирида Буюк Британияда буржуа инқилоби натижасида вужудга келган. Ҳозирги кунда Дания, Бельгия, Испания, Норвегия, Швеция, Япония каби мамлакатларда давлат бошқаруви К.м. шаклида ташкил этилган. Давлат бошқарувининг бундай шаклида демократик сиёсий режим мавжуд бўлиши мумкин. К.м.нинг дуалистик (аралаш) ва парламентар шаклидаги кўринишлари мавжуд. Дуалистик монархияда давлат ҳокимиятининг олий органи ташкил этиш икки томонлама характерга эга: монарх ижро ҳокимиятига бошчилик қилади, ўзи олдида жавобгар бўлган ҳуқуқматни ташкил этади, қонунчилик ҳокимияти эса Парламентга тегишли бўлади (шу б-н бирга монарх парламент томонидан қабул қилинган қонунларга мутлақ вето қўйиш ҳуқуқига эга бўлади). Ҳозирги кунда дуалистик монархия шаклидаги бошқарув Мароқаш, Иордания, Қувайт, Баҳрайн ва б. бир қатор мамлакатларда мавжуд. Парламентар монархиянинг қуйи-

даги белгилари мавжуд: а) монарх ҳокимияти давлат ҳокимиятининг барча соҳалари бўйича чегараланган бўлади; б) ижро ҳокимияти ҳукумат томонидан амалга оширилади, Ҳукумат ўз навбатида Конс.га кўра монарх олдидан эмас, балки Парламент олдидан жавобгар бўлади; в) Ҳукумат Парламентга бўлган сайловларда голиб чиққан партиясар вакиллари орасидан шакллантирилади; г) Ҳукумат бошлиғи лавозимига Парламентда кўпчилик депутатлик овозига эга бўлган партия раҳбари тайинланади; д) қонунларни Парламент қабул қилади, монархнинг қонунларни имзолаши формал характерга эга бўлади. К.м.нинг бундай кўриниши Европадаги монархия шаклидаги давлатларга хос. Яна к.: *Монархия*.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ НАЗОРАТ (инг. constitutional control) – давлат ҳокимият органлари, қорхоналари, ташкилотлари, муассасалари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятларини тегишли мамлакат Конс.сига мувофиқлигини текширишдан ва Конс.га зид ҳаракатлари юзасидан кўрсатмалар бериш б-н боғлиқ, шу ваколатга эга бўлган давлат органларининг ўзига хос назорат фаолияти тури. К.н.ни олиб борувчи орган назорат субъекти ҳужжатларини ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга эмас, аммо конституциявий текшириш натижасида бундай ваколатларни ишлатиши мумкин. Кенг маънодаги К.н.ни давлат ҳокимиятининг турли органлари, чунончи Парламент, давлат бошлиғи, прокуратура амалга ошириш мумкин. Аммо конституциявий ҳуқуқ фанида К.н.ни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятга бўйсунмайдиган суд ёки махсус назорат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг конституциявийлигини текшириш (ЎзРда – КС) сифатида тушуниш шаклланган. Аксарият давлатларда бу ваколатларни давлатнинг махсус органлари (ҳисоб палатаси, давлат назоратчилари, омбудсманлар) бажаради. К.н. объектларига энг аввало, ўз юридик қучига нисбатан Конс.дан кейин турадиган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар: конституциявий қонунлар, қонунлар, қонун ости ҳужжатлари қиради. Референдум орқали малакавий овоз бериш натижасида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар конституциявийлиги одатда текширилмайди, лекин оддий кўпчилик овоз бериш йўли б-н қабул қилинган қонунлар устидан бундай конституциявий текшириш ўтказилиши мумкин.

К.н. турли мамлакатларда ҳар хил органлар томонидан амалга оширилади. Шунга кўра, хорижий мамлакатларда К.н.ни амалга оширувчи органлар бир-биридан фарқ қилади. 1) К.н.нинг умумий юрисдикция судлари томонидан амалга оширилиши (Япония, Дания, Греция, Норвегия, Ҳиндистон); 2) К.н.нинг фақат ОСлар томонидан амалга оширилиши (Венесуэла, Ирландия, Колумбия); 3) Махсус КСлар томонидан (Германия, Австрия, Испания, Польша); 4) К.н.нинг носуд (Конституциявий Кенгаш) органлар томонидан амалга оширилиши (Франция). ЎзРда ҳам К.н. КС томонидан амалга оширилади.

К.н. моддий ва формал назорат шаклларида бўлинади. Формал назорат текшириладиган ҳужжатни қабул қилиш процедурасини ҳам қамраб олади. Моддий назоратда эса, текшириладиган ҳужжатнинг мазмуни инобатга олинади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ПРИНЦИПЛАР – бу муайян давлатлар Конс.ларида конституциявий-ҳуқуқий тар-

тибга солиш объекти ҳисобланган ижтимоий муносабатлар мазмунини белгилайдиган бош умумлашган асосларни ифодалайди. К.п. ҳам умуман давлатнинг конституциявий тузумига қаратилган (яъни, конституциявий тузум асослари ҳисобланади). К.п. Конс. ва уни ривожлантириш учун қабул қилинган маънавий ва юридик мазмуни ўз ичига олади. К.п.: республика бошқарув шакли (республиканизм), давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, ҳокимиятлар бўлиниши, сиёсий инс.лар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва б. дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият эканлиги, Конс. ва қонуннинг устуқлиги, ташки сиёсат, иқтисодий фаолият эркинлиги ва мулкчиликнинг турли шаклларининг амалда мавжудлиги ва б..

КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД (инг. Constitutional Court) – бир қатор давлатларда асосий вазифаси конституциявий назоратни амалга ошириш бўлган алоҳида орган. КСнинг Европача модели австриялик юрист, машҳур ҳуқуқ назарийчиси Ханс Кельзеннинг номи б-н боғлиқ. У 1920 й.даги Австрия феодал конституциявий қонунини ишлаб чиқиш иштирокчиси, кейинчалик эса мазкур давлат КСининг аъзоси бўлган. КС одатдаги олий судлардан фарқ қилиб, умумий юрисдикция судлари тизимига кирмайди.

Уларни шакллантириш махсус тартибда амалга оширилади. Мас., Испания КСи Конгресс, Сенат, Ҳукумат, суд ҳокимиятининг Бош кенгаши тақдимида мувофиқ Кирил томонидан тайинланади. Австрия КСи Федерал Ҳукумат, Миллий ва Федерал Кенгаш тақдимида кўра, Президент томонидан ташкил этилади. Бунда судьяларни тайинлаш учун етарли даражадаги юридик стаж талаб этилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки унинг алоҳида нормаси Конс.га мос эмаслиги тўғрисидаги КСнинг қарори ушбу қарор қабул қилинганидан ёки унда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин мазкур ҳужжат ёки унинг алоҳида нормаси бекор қилинишини аниқлатади.

Айрим мамлакатларда КСнинг функциясини алоҳида фаолият юритувчи ёки ОС таркибидаги конституциявий қафолатлар, конституциявий одил судлов ихтисослаштирилган палатаси бажаради.

Баъзи мамлакатларда (мас., РФ) КС алоҳида тонфадаги суд ҳисобланади ва шунга кўра суд тизимига қиради, бошқа мамлакатларда (ГФР, Италия, Руминия, Болгария, Монголия) – суд ҳокимиятига алоқаси йўқ алоҳида назорат органи ҳисобланади.

КС шакллантиришнинг ҳар хил моделлари мавжуд: а) КС аъзолари Парламент томонидан сайланади (ГФР, Хорватия, Латвия); б) КС аъзолари парламентлар ва б. ҳокимият, адлия органлари б-н маълум мутаносибликда тайинланади (сайланади). Мас., Италияда КС Президент, Парламент ва магистратура томонидан тенг улушда тайинланади, Украинада мамлакат Президенти, Олий Рада (Парламент) ва Украина судьялар съезди ҳар бири КСнинг олтидан судьясини тайинлайди; в) КС Парламент ва давлат бошлиғи томонидан тенг ёки деярли тенг нисбатда шакллантирилади. Мас., Арманистонда КСнинг беш аъзосини Миллий Мажлис, тўрт аъзосини – Республика Президенти тайинлайди; г) давлат Президенти сайлаш (тайинлаш) учун Парламентга КС аъзоллигига номзодларни тақдим этади (Тожикистон, Озарбойжон, Қирғизис-

топта); д) давлат бошлиғи КСнинг барча аъзоларини мустақил тайинлайди (Миср, Сурия).

КС аъзолари Парламент томонидан сайланади (ГФР, Хорватия) ёки давлат бошлиғи томонидан тайинланади (Кипр); баъзида КС аъзоларини Парламент ва ҳокимият ҳамда адлиянинг бошқа органлари тайинлайди (мас., Италия КСни тенг миқдорда президент, парламент ва магистратура тайинлайди). КС конституциявий назоратни амалга ошириш б-н бир қаторда турли мамлакатларда Конс.га шарҳ бериш ҳуқуқига эга, сиёсий партияларнинг фаолияти Конс.га мувофиқ келиш-келмаслиги масаласини ҳал қилади, ваколатлар б-н боғлиқ низоларни кўриб чиқади ва х.к. Яна к.: *Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди*.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТРИБУНАЛ – айрим хорижий мамлакатларда конституциявий назоратни амалга оширувчи орган. К.т. мас., Польшада мавжуд. Норматив ҳужжатнинг Конс.га мос эмаслиги ҳақидаги масала юзасидан тақлиф б-н Польша К.т.ига мурожаат этишга республика Президенти, Сейм (Парламент қўйи палатаси) ва Сенатнинг (Парламент юқори палатаси) Раислари, ҳукумат Раиси, республика юқори судлари раислари, назорат қилувчи юқори палата Раиси, Бош прокурор, 50 депутат ёки 30 сенатор, фуқаролик ҳуқуқлари бўйича вакил ҳақлидир.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ (инг. constitutional system) – маълум давлатнинг Конс.си ва б. конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлари б-н ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар тизими. К.т. доимо давлатда Конс. мавжуд бўлишини тақозо этади. Халқ суверенитети, ҳокимиятларнинг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари устунлиги ва б. К.т.нинг зарурий белгилари саналади.

К.т.нинг таркибий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади: жамият ва давлатнинг сиёсий тизими; иқтисодий тизими; ижтимоий тизими; маънавий-маданий тизими.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ – Конс.да мустаҳкамлаб қўйилган асосий сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимини ўз ичига олади. Конституциявий тузумнинг асосини ташкил этувчи Конс. ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н ҳимоя қилинади. ЎЗР Конс.сида К.т.а. ижтимоий муносабатларнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

Конституциявий тузумда бошқариш шакли, давлат қурилиши марказий ва маҳаллий давлат органларини тузиш тартиби, фаолияти ва ваколати принциплари, сайлов тизимини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, одил судловни ташкил этиш принциплари ва б. мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳар қандай конституциявий давлатга хос бўлган қуйидаги асослар мавжуд: халқ мустақиллигида намоён бўлувчи демократизм, ҳокимиятнинг бўлиниши, мафқуравий ва сиёсий турли-туманлик, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни эътироф этиш, кафолатлаш ва б.. Конституциявий давлатнинг асосини давлат томонидан инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини энг юксак қадрият деб тан олиш ҳам ташкил этади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН – қатор мамлакатларда конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаларидан бири. Романо-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатларда

К.к. – бу Конс.га ўзгартиш ва қўшимчалар киритувчи қонун, РФ, Ўзбекистон, Қозоғистон каби давлатларда эса К.к. Конс.да белгиланган масалалар бўйича қабул қилинади. Биринчи ҳолатда К.к.ни қабул қилиш тартиби Конс.га ўзгартиш киритиш тартибига мос келади, иккинчи ҳолатда К.к. Конс.ни ўзгартириш тартибидан фарқ қилиб, махсус мураккаблаштирилган тартибда, яъни қонун чиқарувчи идора аъзоларининг малакали кўпчилиги овози б-н қабул қилинади. Алоҳида олинган давлатларда К.к. деб, маъруз давлат Конс.сини ташкил этувчи қонунлар мажмуасига айтилади (мас., Швецияда).

К.к. турли хил талқинларга сабаб бўлувчи конституциявий ҳуқуқнинг мунозарали тушунчаларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади. Тартибга солиш предмети бўйича қуйидаги илмий ва амалий ёндашувлар мавжуд: 1) К.к. давлат Конс.сини ташкил қилувчи (расман ёки норасман) бир ёки бир неча қонунлар йиғиндиси сифатида. Мас., Австрия Конс.си расман Федерал К.к. деб номланади; 2) Конс. бобида назарда тутилган алоҳида ижтимоий муносабатларни Конс. б-н биргаликда тартибга солувчи ёки Конс.ни тўлдирувчи қонунлар К.к. сифатида. Бундай К.к. Конс. б-н биргаликда амал қилиб, унинг таркибий қисмига айланади. Мас., Чехословакия 1968 й.гача унитар давлат эди. Аммо 1968 й. Конс.нинг тегишли бобини ўзгартирувчи К.к. орқали Чехословакия федерал давлатга айланди. Ушбу ҳужжат Конс.нинг таркибий қисмига айланди; 3) Қатор мамлакатлар амалиёти ва айрим олимларнинг қарашлари бўйича Конс.га ўзгартириш ва қўшимчалар киритувчи қонунлар К.к.лар ҳисобланади.

Баъзи олимлар Конс.да қабул қилиниши назарда тутилган қонунларни ҳам К.к. деб ҳисоблайдилар. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Референдум қонуни хамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ЎЗР Қонунлари К.к.лар қаторига киради. К.к.лар ўз юридик кучи жиҳатидан оддий қонунлардан устун туради. К.к. – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида ўзининг юридик кучи ва ахамиятига кўра Конс.дан кейин турадиган Қонун. К.к.лар Конс.да кўрсатилган масалалар бўйича қабул қилинади. К.к.ларни қабул қилиш тартиби жорий Қонунларни қабул қилишга қараганда бирмунча фарқ қилади. Жумладан, бундай Қонунни қабул қилиш учун депутатларнинг мутлақ кўпчилик овози, яъни учдан икки қисм овоз берилиши талаб қилинади. К.к.ларнинг қабул қилиниши Конс.га ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўлиши мумкин. К.к.лар алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида Конс. б-н бирга ҳаракатда бўлиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда К.к. Конс.га зид келмаслиги лозим. К.к.лар бошқа Қонунлар б-н таққослаганда юқори юридик кучга эга эканлиги б-н тавсифланади. Бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нафақат Конс.га, балки К.к.ларга ҳам мувофиқ бўлиши керак.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ (инг. constitutional law) – ҳуқуқий тизимнинг асосий соҳаларидан бири. ЎЗР К.х.и шахс, жамият ва давлат ўртасида вужудга келадиган ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида

пайдо бўладиган, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган муносабатларни тартибга солувчи конституциявий ҳуқуқий нормалар тизими (йиғиндиси)дир. Бошқа бир қатор мамлакатларда ушбу ҳуқуқ соҳасини белгилаш учун “давлат ҳуқуқи” атамаси қўлланади. К.х. нормалари ёрдамида инсон, жамият ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган муносабатлар тартибга солинади. К.х. нормалари инсон, жамият ва давлат ўртасида ўзаро муносабатларни тартибга солиди ва таъминлайди, бундаги устувор йўналишларни ва олий кадриятларни аниқлайди ва конституциявий амалиётни белгилаб беради.

К.х. уч хил маънога эга бўлиб, биринчидан алоҳида ҳуқуқ тармоғи, иккинчидан ҳуқуқий фан, учинчидан ўқув курси сифатида тушунилади. Ҳуқуқ тармоғи сифатида К.х. Конс., конституциявий қонунлар, қонунлар ва б. ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган энг муҳим ижтимоий муносабатлар (энг аввало, давлат ва жамият тузилиши, шахс ҳуқуқий мақоми, сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи, муайян давлатнинг сиёсий тизими, тузилиш шакли, бошқарув шакли ва б.ларни)ни тартибга солувчи ўзаро ички боғлиқликка эга бўлган ҳуқуқий нормалар йиғинидан иборат. Ҳуқуқ тармоғи сифатида К.х. нормалари бошқа ҳуқуқ тармоқлари учун йўналтирувчи асос вазифасини ўтайди. Шу сабабли, К.х. ҳуқуқ тармоқлари орасида етакчи ўрин эгаллайди. Фан сифатида – китобларда, мақола-ларда, илмий маърузаларда баён қилинган К.х. масалаларига оид турли назариялар, таълимотлар, қарашлар, гипотезалар йиғиндиси. Ўқув курси сифатида – К.х. таълим тизимидаги мустақил ўқитиш предмети.

Энг асосий ижтимоий муносабатлар К.х. предметини ташкил этиб, улар давлатда ҳокимиятни амалга ошириш шакллари ва усуллари, давлатнинг конституциявий тузилиши, шахс ҳуқуқий мақоми асослари, давлатда давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими, улар фаолиятининг шаклланиш тартиби ва ташкил этилиш принциплари кабилардан иборат. К.х. ушбу ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлайди. К.х. предметини ташкил этувчи муносабатларни “конституциявий муносабатлар” ёки “конституциявий-сиёсий муносабатлар” деб аташ қабул қилинган. Бу муносабатлар жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

К.х.нинг икки асосий вазифаси мавжуд. Биринчидан, умумдавлат ва жамият қурилиши, давлатда ҳокимият характери, шахс ҳуқуқий мақоми асосларини мустаҳкамлаш; бу қондалар турли ҳуқуқ тармоқлари нормалари б-н, энг аввало, К.х. нормалари б-н ривожлантирилади ва тартибга солинади. Иккинчидан, давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишни катъий тартибга солиш. Шундай қилиб, К.х. предметини ташкил этувчи муносабатларнинг каттагина қисми давлат тузилиши, давлатда шахс ҳуқуқий мақоми, давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши б-н боғлиқ. Фақат кўпчилик ҳолларда ушбу ҳуқуқ соҳаси “давлат ҳуқуқи” деб, тегишли муносабатлар эса “давлат-ҳуқуқий муносабатлар” деб аталади. Ҳуқуқий адабиётларда бу борада турлича қарашлар мавжуд. Шундай бўлса-да, ҳар иккала тушунчани деярли бир хил деб қараш мумкин. К.х.нинг асосий манбаи кўпчилик мамлакатларда Конс. ҳисобланади.

К.х.нинг бошқа манбалари қаторига қонунлар (уларни конституциявий ва соҳа қонунларига бўлиш мумкин); парламентлар ва парламент палаталари регламентлари; давлат ёки ижроия ҳокимият бошлиғи ҳужжатлари қиради. Айрим асосан англо-саксон ҳуқуқи амал қилувчи мамлакатларда (хусусан, Буюк Британия) суд прецеденти, конституциявий одатлар ҳам К.х. манбалари қаторига қиради. Кўпчилик муслмон мамлакатларида Қуръон Конс. вазифасини бажариб, у асосий конституциявий қонун ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ – конституциявий-ҳуқуқий муносабат иштирокчилари. К.х.с. икки қатта гуруҳ: жисмоний шахслар ва ижтимоий тузилмаларга ажратилади. Биринчи тоифага махсус ҳуқуқий субъект шахслари ва уларнинг гуруҳлари сифатида фуқаролар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, сайловчилар ва депутатлар киритилади. К.х.с.нинг иккинчи гуруҳига давлат, унинг органлари, баъзида уларнинг алоҳида ажратилган қисмлари (мас., Парламентдаги палаталар, комиссиялар, партиялар фракциялари), ҳудудий бирликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек сиёсий партиялар ва б. ижтимоий бирлашмалар киритилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ТИЗИМИ – конституциявий ҳуқуқнинг ички тузилиши ҳамда уни ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидан ажратиб турувчи қисмлари ва элементлари мажмуи. К.х.т. конституциявий ҳуқуқнинг умумий принциплар (халқ суверенитети, халқ вакилиги, ҳокимиятларнинг тақсимланиши, инсон ҳуқуқларининг бегоналаштирилмаслиги, шунингдек конституциявий-ҳуқуқий тартиботлар (инс.лар) ва конституциявий-ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – Конс. нормаларининг давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши. К.х. учун ЎЗР ЖК, МЖК ва б. қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарлик белгиланган. ЎЗР Конс.сида бир қатор муҳим нормалар мустаҳкамланган бўлиб, уларнинг бузилиши тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жумладан, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. ЎЗРда давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва ЎЗР Конс.си ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конс.да назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конс.га хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. ЎЗР давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциpigа асосланади. ЎЗРда ижтимоий ҳаёт сиёсий инс.лар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафқураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Конс.нинг бирорта қондаси ЎЗР ҳуқуқ ва манфаатларига зарар

етказадиган тарзда талкин этилиши мумкин эмас. Бирорта ҳам конун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конс. нормалари ва коидаларига зид келиши мумкин эмас. ЎЗР фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари б-н ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конс. ва конунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким конунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi ёки камоқда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъзиякка дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас. Ҳеч ким конун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни қўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми б-н тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқилланади. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга. Пенсиялар, вафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларнинг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. Конституциявий тузумни зўрлик б-н ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига таъвоуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқилланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш таъқилланади. Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаоли-

ятига аралашishiга, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашishiга йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлади. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди. ҚР ўз Конс.сига эга. ҚР Конс.си ЎЗР Конс.сига зид бўлиши мумкин эмас. ЎЗР фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли б-н амалга оширилади. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини ЎЗР қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат ҳавфсизлик нуқтан назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки таъқиллаш ҳуқуқига эга. ЎЗР фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва б. жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва б. б-н биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таъқил ва шикоятлар б-н муурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таъқиллар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқилиши шарт.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ ОДАТ – узоқ вақт мобайнида қўлланиладиган ва давлат томонидан санкцияланган, конституциявий ҳуқуқнинг асосий субъектлари хатти-ҳаракатлари нормаси; давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қўлланиладиган, кўп мартаба тақрорланиши натижасида умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган қоида; конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида манбаси. К.х.о.лар парламент, сайлов амалиётида, маҳаллий давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қўлланилади. К.х.о.лар ҳуқуқнинг расмий манбаси ҳисобланган Буюк Британияда (конституциявий келишувлар) ҳамда англо-саксон ҳуқуқий тизимидаги бошқа айрим мамлакатларда кенг тарқалган.

КОНСТИТУЦИЯВИЙЛИК – жамият ва давлатнинг олий қонуни сифатида Конс.га риоя қилиш тартиби; қонунлар ва қонуности нормаларининг Конс. нормалари ва принципларига мувофиқлиги.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ – айрим мамлакатларда (мас., Германия) КСларда иш юриштири тартибга солувчи конституциявий ҳуқуқнинг алоҳида (тармоқости) нормалари йиғиндиси, конституциявий-процессуал муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг йиғиндисини ўзида акс эттирган ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси (мас., РФда). К.п.х. нормалари КС тўғрисидаги қонунларда ва унинг регламентларида ифодаланади.

КОНСУЛ (лот. consul, сўзма-сўз – маслаҳатчи) – 1996 й. 29 августдаги 261–I-сон ЎЗР Қонуни б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави 1-м.сига мувофиқ, К.лик муассасасининг раҳбари бўлмиш бош К., К., вице-К. ва К.лик агенти.

Ўзaro келишув асосида бир давлатнинг иккинчи давлатнинг муайян бир округига юборилган мансабдор шахси бўлиб, у ўз округи доирасида ўз давлати ва унинг юридик шахслари, фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш, икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, илмий, маданий ва б. соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашиш, ушбу округда мавжуд иқтисодий ҳолат ва юз бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни кузатиш, улардан ўз давлатини хабардор қилиш каби вазифаларни бажаради.

Умумий қоида бўйича К. ўз давлати фуқароларидан мезбон давлат муҳайё этган барча ҳуқуқларни максимал тўлиқ амалга оширишлари учун чоралар кўради, округда яшаб турган ўз давлати фуқароларини рўйхатга олади, уларга зарур бўлган юридик ёрдам кўрсатади, ўрнатилган қонун асосида фуқароларга ҳужжатлар (паспорт, гувоҳномалар ва б. ҳужжатлар) беради, уларнинг амал қилиш муҳлатини узайтиради ёки ўзгартишлар киритади, хорижий фуқароларга ўз давлатига кириш визаларини беради, бекор қилади, муддатини узайтиради, нотариал ҳаракатларни амалга оширади ҳамда ўз давлатида берилган ҳужжатларни легализациялаштиради.

К. ва унинг ходимлари мезбон давлатда жойлашган К.лик корпусига аъзо бўлиб қирадилар. Халқаро амалиётга кўра улар ҳам К.лик иммунитет ва имтиёзларига эга.

Дипломатик ваколатхоналарда (элчихоналарда) одатда К.лик вазифасини ваколатхоналарнинг дипломатик ходимларидан бири бажаради, кўпинча у ходим К. деб номланиб, К.лик бўлимини бошқаради.

КОНСУЛЛИК АГЕНТИ – қ.: *Консул; Консуллик мартабалари.*

КОНСУЛЛИК ИМТИЁЗЛАРИ ВА ИММУНИТЕТЛАРИ (инг. consular privileges and immunities) – халқаро ҳуқуқда консуллик муассасалари, консуллик мансабдор шахсларга (консул функцияларини бажарувчи), консуллик муассасалари ходимларига фаолият юритаётган давлатда улар томонидан ўзларининг мажбуриятларини ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши мақсадида бериладиган имтиёзлар ва афзалликлар. К.и. ва и. Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963), икки томонлама консуллик конвенциялари, бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланади.

Консуллик муассасаларининг имтиёзларига қуйидагилар қиради: консуллик биносида таништирилаётган давлат байроғи ҳамда консуллик қалқонини ўрнатиш ҳуқуқи; ўз ҳуқумати б-н, ўз мамлакатининг бошқа давлат ҳудудида ва учинчи мамлакатлар ҳудудидаги дипломатик ваколатхонаси ва консуллик муассасалари б-н одатдаги алоқа воситалари, шифрланган хабарлар, дипломатик почта ва консуллик курьерлари воситасида тўсиқсиз алоқа боғлаш ҳуқуқи (бошқа давлат розилиги б-н консуллик муассасаси радиоузатгич ўрнатиши ва ундан фойдаланиши мумкин); консуллик мансабдор шахсларнинг ва консуллик муассасалари ходимларининг ҳамма консуллик бино ва турар жойларини барча турдаги солиқлар, йиғимлар ва божлардан озод қилиш; консуллик йиғимларни барча солиқлар ва йиғимлардан озод қилиш.

Консуллик муассасалари иммунитетлари бу, энг аввало, фақатгина илтимос ёки консуллик муассасаси бошлиғининг ёхуд тақдим этилаётган давлат дипломатик ва-

колатхонаси бошлиғининг розилигига биноан кириш рухсат этиладиган консуллик биноларининг дахлсизлиги.

Ёнғин ёки бошқа офатлар бўлаётган пайтда ушбу розилик назарда тутилиши мумкинлигига Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963) йўл қўяди. Консуллик биноларининг дахлсизлиги ўзaro тенг амалга оширилиб, бу консуллик муассасасининг функцияларига тўғри келмайдиган мақсадларда улардан фойдаланиш ҳуқуқини бермайди. Консуллик бинолари, уларни жиҳозлаш предметлари ҳамда уларнинг ҳаракат воситалари барча реквизициялардан сақланиш иммунитетига эга. Консуллик архивлари ва ҳужжатлари ҳамма вақт ва ҳар ерда дахлсиздир. Консуллик биноларининг батафсил қоидалари мамлакатларнинг икки томонлама тузилган консуллик конвенциялари орқали белгиланади.

Консуллик мансабдор шахсларининг иммунитети уларнинг шахсий дахлсизлигини, қамокқа олиниши ёки эҳтиёт чоралари сифатида ушлаб турилиши мумкин эмаслигини қамраб олади, суд органларининг қарори асосида ушбу шахслар томонидан оғир жиноятлар содир этиш ҳолати бундан мустасно.

Консулликнинг мансабдор шахслари ҳамда улар ходимларининг хизматга боғлиқ фаолияти консуллик жойлашган давлатнинг юрисдикциясига тааллуқли эмас (айрим фуқаролик даъволари бундан мустасно). Судга кўрсатма бериш ёки гувоҳ сифатида чакирилган консуллик мансабдор шахси келишдан бош тортган тақдирда консуллик жойлашган давлат ҳеч қандай мажбурлов чоралари қўллаши мумкин эмас.

Консуллик жойлашган давлат томонидан консуллик мансабдор шахслар ва консуллик шахслар, шунингдек уларнинг онла аъзолари ҳар қандай солиқ, бож ва йиғимлардан, мажбуриятлардан ҳамда шахсий юқларнинг текшируви ва божхона тўловларидан озод қилинади. К.и. ва и.дан фойдаланаётган шахслар консуллик жойлашган давлатда амал қилаётган қонунлар, қарорлар ва тартибларни ҳурмат қилиши шарт.

КОНСУЛЛИК ЙИҒИМЛАРИ – консуллик ҳаракатлари учун К.й. ундирилади. Мазкур ҳаракатларни бажариш б-н боғлиқ ҳолда қилинган харажатлар ҳам қопланиши лозим (ЎзРнинг Консуллик устави 71-м.си).

К.й. ЎзР К.й. тарифига мувофиқ, яъни: чет элда – консуллик жойлашган давлатнинг валютасида ёки эркин айирбошланадиган валютада; ЎзРда – миллий валютада ёки эркин айирбошланадиган валютада ундирилади. К.й.нинг тарифлари ЎзР ВМ томонидан тасдиқланади (ЎзРнинг Консуллик устави 72-м.си). ЎзР К.й. тарифлари ЎзР ВМнинг 1993 й. 19 августдаги 423-сон қарори б-н тасдиқланган.

К.й. қуйидаги ҳолларда ундирилмайди: а) К.й.ни ундиришдан воз кечиш тўғрисида ЎзР ва консулхона жойлашган давлат иштирокчи бўлган халқаро шартнома мавжуд бўлса; б) ЎзР фуқароларини репатриация қилиш ишлари бўйича; в) чет эл дипломатия паспортларига баҳамлик асосида виза қўйганлик учун; г) меҳнат стажи, фуқароларнинг ижтимоий таъминоти тўғрисидаги, алиментлар ундириш тўғрисидаги ишларга доир ҳужжатлар сўраб олинганлиги ва қонулаштирилганлиги учун; д) ЎзРнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда (ЎзРнинг Консуллик устави 73-м.си).

КОНСУЛЛИК КОНВЕНЦИЯЛАРИ – консуллик муносабатлари бўйича давлатлар ўртасида тузилган битимлар. Улар консуллик муассасаларини очиш, муассасалар раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби, консуллик мансабдор шахслари ва консуллик ваколатхона ходимларининг вазифалари, имтиёзлари ва иммунитетларини белгилаб берувчи консуллик ҳуқуқи нормаларидан иборатдир. Умуман, К.к. тузилиши ва мазмунига кўра бир-бирига ўхшаш.

Ҳозирги кунда тўртта кўптомонлама К.к. мавжуд. Улардан учтаси минтакавий характерга эга: 1911 й.даги Консуллик функциялари тўғрисидаги Каракас конвенцияси, 1928 й.даги Консуллик мансабдор шахслари тўғрисида Гавана конвенцияси ва 1967 й.даги консуллик функциялари тўғрисидаги Европа конвенцияси. 1963 й.да қабул қилинган ва 1967 й. 19 мартда кучга кирган Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси универсал характерга эга. Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси консуллик муносабатларини тартибга солувчи ягона универсал характерга эга бўлган конвенция ҳисобланиб, у 1963 й. 24 апрелда БМТнинг Венадаги махсус конференциясида қабул қилинган бўлиб, 1967 й. 19 мартдан кучга кирган.

Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси халқаро ҳуқуқнинг консуллик масалалари бўйича ривожланган нормаларни ўзида акс эттирган кодификациялашган ҳужжатдир. Шунингдек, бу конвенция консуллик муносабатларининг барча асосий масалаларини, яъни консуллик муносабатларининг ўрнатилиши ва консуллик муассасаларининг таъсис этилиши, консуллик функциялари, консулхона ва унинг ходимлари имтиёз ва иммунитетлари ҳамда бир қатор бошқа масалаларни тартибга солади.

Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясининг характерли томони шундаки, бу Конвенцияга қўшилган давлатлар унда белгиланган нормаларни тасдиқлаб, тўлдириб ёки қўшимчалар қўшган ҳолда бошқа давлатлар билан консуллик муассасалари бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқини сақлаб қолган. Бу қонданинги ўрнатилиши ушбу Конвенцияга кучга кираётган даврдаги икки томонлама конвенцияларнинг аҳамиятини сақлаб қолишга ёрдам берган.

Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясининг тузилишига эътибор берадиган бўлсак, у преамбула, 5 та боб ва 79 та м.дан иборат.

Преамбулада Конвенцияда учрайдиган атамаларнинг бир хилда тушунилиши ва шарҳланиши учун уларнинг тушунчалари, шунингдек ушбу Конвенцияни қабул қилишдан асосий мақсад белгилаб қўйилган.

Конвенциянинг биринчи боби консуллик алоқаларининг умумий қондаларига бағишланган ва иккита бўлимдан ташкил топган. Унинг биринчи бўлимида консуллик алоқаларини ўрнатиш ва амалга ошириш тўғрисида сўз юритилса, иккинчи бўлимида консуллик функцияларининг тугатилиши масалалари ёритилган.

Конвенциянинг иккинчи боби ҳам икки бўлимдан иборат бўлиб, унинг биринчи бўлими бевосита консуллик муассасаларининг иммунитет ва имтиёзларга, иккинчи бўлими эса консуллик муассасалари ходимларининг шахсий иммунитет ва имтиёзларига бағишланган.

Конвенциянинг учинчи боби фахрий консуллик мансабдор шахслари ва улар томонидан бошқариладиган консуллик муассасаларининг режимини белгилайди.

Тўртинчи бобда консуллик агентларига бағишланган умумий қондалар; дипломатик вакиллар томонидан консуллик функцияларининг бажарилиши масалалари; консуллик функцияларининг ўша давлат фуқаролари ёки унда доимий истиқомат қилувчи учинчи давлат фуқаролари томонидан амалга оширилиши ва дискриминацияга йўл қўйилмаслик масалалари кўриб ўтилган.

Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясининг бешинчи боби якуний қондаларга, яъни Конвенциянинг имзоланиши ва ратификация қилиниши, кучга кириши ва унга қўшилиши масалаларига бағишланган.

Ўзбекистон Вена конвенциясига 1994 й. 6 майда қўшилган ва унинг қатнашчиси ҳисобланади.

Давлатлар ўртасидаги муносабатларда кўптомонлама ва иккитомонлама консуллик конвенцияси ва шартномалар катта роль ўйнайди. Ҳозирги пайтда уларнинг сони дунё миқёсида бир неча мингга етади. Ўзбекистон ва чет эл давлатлари ўртасида консуллик муносабатлари бўйича 21 та кўптомонлама ва иккитомонлама шартномалар амалда.

КОНСУЛЛИК МАРТАБАЛАРИ (инг. consular ranks) – қонда тарикасида халқаро ҳуқуқда, консуллик лавозимига мувофиқ келадиган, ўхшаш номланишга эга консулларнинг хизмат унвони. 1963 й.да қабул қилинган Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясида К.м. деб номланувчи 4 та гуруҳ ажратилган: бош консуллар, консуллар, вице-консуллар, консуллик агентлари.

Кўпинча икки томонлама консуллик конвенциялар асосида томонларнинг келишувига асосан консуллик муассасаси ва унинг раҳбари мартабаси белгиланади. Бошқа консуллик мансабдор шахсларга (яъни, консуллик функцияларини бажариш топширилган барча шахсларга) консуллик мартаба даражаларини бериш бўйича ягона классификация ишлаб чиқилмаган. К.м.ни бериш вакиллик қилинаётган давлат томонидан амалга оширилади ва бу унинг ички иши ҳисобланади.

Бош консуллик штат бирлигида фақат битта бош консул – консуллик муассасаси раҳбари ва б. К.м.даги турли хил консуллик мансабдор шахслари бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда консуллик жойлашган давлат ҳудудига тегишли ваколатларни амалга ошириш б-н боғлиқ бўлган ҳолларда, уларнинг мақоми формал тан олиниши лозим.

Консулни қабул қилган давлат консулликни ташкил этиш даврида шартнома б-н келишилган мартаба даражасидан юқори бўлган даражани тан олмаслиги мумкин.

Консуллик муассасасининг раҳбарияти консуллик жойлашган ташқи ишлар идорасига консуллик мансабдор шахсларининг бошчилик тартиби ҳақида хабардор қилади.

КОНСУЛЛИК МУАССАСАСИ – икки давлат ўртасидаги шартнома асосида маълум бир консуллик округида консуллик вазифаларини бажариш учун чет эл давлатида таъсис этиладиган ташқи муносабатлар доимий давлат муассасаси.

1996 й. 29 августдаги 261–I-сон ЎЗР Қонуни б-н тасдиқланган ЎЗРнинг Консуллик устави I-м.сига мувофиқ, К.м. ЎЗР дипломатия ваколатхонасининг консуллик бўлими, ЎЗРнинг хорижий давлатда таъсис этиладиган бош

консулхонаси, консулхонаси, вице-консулхонаси ва консуллик агентлигидир.

ЎзРнинг К.м.лари ўз фаолиятида ЎзР ҳамда консуллик жойлашган давлат иштирокчи бўлган икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга, халқаро таомилларга, ушбу Уставга, ЎзРнинг қонун ҳужжатларига амал қиладди (ЎзРнинг Консуллик устави 4-м.си).

К.м.лари ЎзР Ташки ишлар вазирлигига бўйсунди ва консулхона жойлашган давлатдаги ЎзР дипломатия ваколатхонаси бошлиғининг умумий раҳбарлигида иш қўради (ЎзРнинг Консуллик устави 5-м.си).

К.м.нинг қаерда жойлашиши, классификацияси ва консуллик округи мезбон давлат б-н келишув асосида белгиланади.

К.м. ўзи эгаллаб турган бинога ЎзРнинг Давлат герби туширилган ҳамда ЎзРнинг давлат тилида ва консулхона жойлашган давлат тилида консуллик муассасасининг номи ёзилган пешлаваха ўрнатиш ҳуқуқига эгадир (ЎзРнинг Консуллик устави 10-м.си).

К.м. ўзи жойлашган бино устида ЎзР Давлат байроғини кўтаришга ҳақлидир. Консул ўз қароргоҳида, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ўз транспорт воситаларида ЎзРнинг Давлат байроғини кўтаришга ҳақлидир. Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқларни амалга ошириш чоғида консулхона жойлашган давлатнинг қонунлари, қондалари ва таомиллари эътиборга олинмоғи лозим (ЎзРнинг Консуллик устави 11-м.си).

Элчихонанинг консуллик бўлими – элчихона қошида таъсис этилган бўлим. Мазкур бўлим мезбон давлат пойтахтида ёки алоҳида К.м. ташкил этилмаган айрим қисмларида консуллик вазифаларини амалга оширади.

Консуллик бўлими ишларини бажариш учун элчихонанинг дипломатик ва маъмурий-техник ходимлари ажратилади. Улар ҳам элчихонанинг ходимлари сифатида ўз статусларини сақлайдилар.

КОНСУЛЛИК МУНОСАБАТЛАРИ – халқаро ҳуқуқда, халқаро муносабатларда юзага келган амалиётга ва Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенцияси (1963 й.)га мувофиқ, давлатлар ўртасида ўзаро келишув асосида ўрнатиладиган давлатлараро муносабатларнинг тури. Конвенцияга мувофиқ, агар бошқача келишув бўлмаса, дипломатик муносабатларни ўрнатишга розилик К.м.ни ўрнатишга розиликни ҳам билдиради. Дипломатик муносабатларнинг узилиши ўз-ўзидан К.м.нинг узилишига олиб келмайди.

КОНСУЛЛИК ПАТЕНТИ – консул ўз вазифаларини бажаришга киришиш учун К.п. ва экзекватурани олиши лозим.

К.п. – бу ваколатли орган томонидан бериладиган ва тегишли шахсни мустақил консуллик муассасаси бошлиғи этиб тайинлаганлик фактини тасдиқловчи ҳужжатдир.

К.п.да тайинланаётган шахснинг тўлиқ исми ва фамилияси, фуқаролиги, даражаси, эгаллаб турган мансаби, консуллик округи ва консуллик жойлашган жой тўлиқ кўрсатилади. Бу ҳужжат консуллик муассасаси таъсис этилаётган давлатга қаратилган бўлади.

Баъзи давлатларда К.п. давлат раҳбари томонидан имзоланади ва ташки ишлар вазири томонидан мустаҳкамланади. Мас., АКШ, Германия, Францияда. Бир қатор давлатларда К.п. ташки ишлар вазири томонидан имзолана-

ди. Муайян давлат иккиичи бир давлатдан К.п. олгандан сўнг консул қилиб тайинланган шахсга экзекватура бериш масаласини кўриб чиқади.

КОНСУЛЛИК УСТАВИ – консуллик муассасалари ўз фаолиятини консул юбораётган мамлакат ҳамда консуллик жойлашган давлат иштирокчи бўлган икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга, халқаро принципларга, мамлакатнинг К.у.га ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади. ЎзР консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солувчи асосий, махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ЎзР К.у.дир.

ЎзР К.у. 1996 й. 29 августда қабул қилинган ва 13 та бўлим, 78 м.дан иборат бўлиб, у консуллик муассасалари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, консуллик функциялари ва уларни бажариш тартиби, нотариал ҳаракатлар, консулнинг харажатларини қонунийлаштириш, консуллик йиғимлари, консул функцияларининг тугатилиши масалаларини ўзида мужассамлаштирган ва консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенциясига норматив жиҳатдан тўлиқ жавоб беради.

ЎзР К.у.га мувофиқ, консулнинг функцияси қуйидаги ҳолатларда тугатилади: консул қақриб олинганда; экзекватура бекор қилинганда; консуллик патентининг муддати тугаганда; консуллик муассасаси ёпилганда; консуллик муносабатлари тўхтатилганда.

КОНСУЛЛИК ЭКЗЕКВАТУРАСИ – бу расмий ҳужжат бўлиб, у консуллик раҳбарининг ўша давлатда тан олинганлигини тасдиқлайди. К.э. консуллик округида консуллик функцияларини бажаришга киришишига руҳсат беради.

К.э.ни бериш тартиби ва шакли давлатнинг ички қонунчилиги б-н белгиланади. Бу ҳужжат алоҳида шаклда ёки консуллик патентида ифодаланган бўлиши мумкин. К.э. давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи ёки ташки ишлар вазири имзоси б-н мустаҳкамланади ва муҳрланади. К.э.нинг берилиши бироз чўзиладиган бўлса, консуллик муассасаси бошлиғи ўз функцияларини бажариши учун вақтинча рўхсатнома берилиши мумкин.

Консуллик муассасаси таъсис этилаётган давлат К.э. беришдан бош тортиши мумкин, бунинг мотиви ва сабаблари кўрсатилиши талаб қилинмайди. Хусусан, Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена конвенциясига кўра, экзекватура беришдан бош тортган давлат бунинг мотивини тушунтиришга мажбур эмас. Консуллик муассасаси таъсис этилаётган давлат консуллик муассасаси бошлиғининг ўз функцияларини бажаришга киришганлиги тўғрисида консуллик округ ҳукуматини дарҳол хабардор қилиши керак. Шунингдек, ушбу давлат консуллик муассасаси бошлиғининг ўз функцияларини бажариши ва тегишли имтиёزلардан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитни таъминлаб бериши лозим.

ЎзРда чет эл консули ЎзР Ташки ишлар вазирлиги томонидан К.э. берилгандан сўнг ўз вазифасини бажаришга киришиши мумкин.

КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚИ – давлатлар ўртасидаги консуллик алоқаларини тартибга солишга хизмат қилувчи халқаро ҳуқуқ инс.ларидан биридир. Унинг нормалари 1963 й.ги Вена конвенциясида кодификация қилинган. Давлатларнинг кенг тарқалган амалиётларидан бири халқаро

хуқуқнинг тегишли қоидаларини аниқлаштирувчи ёки уларга бошқача шакл берувчи икки томонлама консуллик конвенцияларининг тузилишидир. Мисол учун, консуллик органлари деб номланувчи консуллик муассасалари фаолияти доирасини белгиловчи консуллик ваколатхонаси жойлашган давлат ҳудуди чегараларини аниқлашга қаратилган конвенциялар.

К.х. давлатлар ўртасидаги консуллик алоқаларини тартибга солишга хизмат қилувчи халқаро ҳуқуқ соҳаси бўлиб, ҳозирда бу ҳуқуқ соҳаси ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Муайян давлат ташқи сиёсат юритаётганда ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бошқа давлатлар б-н у ёки бу муносабатларга киришади. Бу муносабатлар турли мураккаб жараёнлардан иборат бўлиб, халқаро ҳуқуқнинг турли соҳалари б-н тартибга солинади, шунинг учун ҳам бу борада аниқ бир механизм ишлаб чиқилиши талаб қилинади. Кенг маънода халқаро муносабатлар тизими сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва б. алоқаларни қамраб олувчи макротизим ҳисобланади.

Демак, К.х. консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солувчи, уларнинг ходимлари мақоми, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий принцип ва нормалар мажмуидир. Консуллик муносабатлари – бу давлатлар, ҳукуматлар ва махсус органлар ўртасидаги ташқи сиёсатни олиб бориш, чет элда давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган расмий алоқалардир. К.х. халқаро мустақил соҳа сифатида ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, консуллик муносабатлари ва барча консуллик фаолияти ҳозирда тўлиқ равишда К.х. б-н тартибга солинади. Консуллик муносабатлари дипломатик муносабатларга қараганда қадимийроқ бўлиб, тарихда давлат томонидан тайинланган консуллар чет давлат ҳудудида ўз давлати савдогарларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилган. Кейинчалик, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши б-н консулларнинг функция ва ваколатлари кенгайиб борган. Ҳозирги кунга келиб консуллик муассасалари нафақат иқтисодий масалаларни, балки илмий-техникавий, маданий, туристик ва б. муносабатлар б-н боғлиқ масалаларни ҳал қилмоқда.

КОНТИНЕНТАЛ ҲУҚУҚ – к.: *Роман-герман ҳуқуқий оиласи.*

КОНТИНУИТЕТ (лот. *continuitas* – узлуксизлик; инг. *continuity*) – халқаро ҳуқуқ назариясига мувофиқ давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида доимийлиги ва унинг олдида халқаро мажбуриятларининг муттасил мавжудлиги. Бунда бир давлат бошқасининг халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини оладиган “ҳуқуқни қабул қилиб олиш” тушунчасини фарқлаш лозим. К. принципи давлатда туб сиёсий ўзгаришлар содир бўлган ҳолатларда ишлаб кетади – инқилоб ва давлат тузумининг ўзгариши, давлатнинг парчаланиши. Россияга, хусусан, ҳозирги кунда давом эттирувчи давлат сифатида қаралади. У собиқ СССРнинг ўз даврида имзолаган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар асосидаги мажбуриятларини бажариб келмоқда. Россия Федерацияси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзосига айланган, собиқ СССРнинг барча оммавий киргин қуролига эга бўлди, собиқ СССРнинг мулкларига эга бўлди ва хорижий дав-

латлар олдидаги барча қарзларни ўз бўйига олди. Бундан ташқари, Россия РСФСРнинг ҳудудий ва мулкый ҳуқуқлари давомчиси ҳисобланади.

КОНТРАБАНДА (ит. *contrabando*, *contra* – қарши + *bando* – ҳукумат фармойиши сўзларидан; инг. *contraband*, *smuggling*) – мамлакатга олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган товарлар, қимматбаҳо буюмлар, валюта бойликлари ва б.ни давлат чегарасидан қонунга хилоф, яширинча усулларда ўтказиш, шунингдек тақиқланган товарларни олиб ўтиш учун ноқонуний ҳаракатлар қилиш. Божхона назоратидан ташқари яширинча, аниқлаш қийин бўлган воситалар орқали ўтказилган ёки ҳужжатлар (декларация)да кўрсатилмаган моллар ноқонуний олиб ўтилган ҳисобланади. Бундай ноқонуний ўтказиладиган мол-мулкнинг ўзи ҳам К. дейилади. К. учун ЎзР ЖКнинг 246-м.сида жавобгарлик ўрнатилган. Халқаро қонунларга кўра, К. товарлари мусодара қилинади. Айбдорлар жарима тўлайди ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

КОНТРАГЕНТ – (лот. *contrahens* – шартлашувчи; инг. *co-signatory*, *contractor*) – икки томонлама ёки кўп томонлама фуқаролик ҳуқуқий муносабатда шартнома тарафларидан бири.

КОНТРАКТ БЎЙИЧА ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – Қуролли Кучлар сафидаги ҳақиқий ҳарбий хизматга ихтиёрийлик асосида, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар орқали давлат б-н тузиладиган контрактга бинноан кирган фуқаролар бажарадиган ҳарбий хизмат туридир.

Ҳарбий хизматни касб тарихасида танлаган фуқаролар К.б.х.х.ни оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ўтайдилар.

Ҳарбий хизматни ўташ муддатлари ва асосий шартлари контрактда белгиланади. Айни пайтда дастлабки контракт хизматни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича уч йил, офицерлар таркиби лавозимларида ўташ бўйича беш йил муддатга тузилади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари б-н ўқиш даври учун келгусида уларнинг офицерлар таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни камида беш йил мажбурий ўташ шarti б-н контракт тузилади.

Ҳарбий хизматнинг контрактда назарда тутилган муддати тугаганидан кейин тарафларнинг келишуви б-н бу муддат янги контракт тузиш орқали узайтирилиши мумкин. К.б.х.х.ни ўташ тартиби ва муддатлари ЎзР фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низоми б-н белгиланади (“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАСИ – олди-сотди шартномасининг турларидан бири бўлиб, унга мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Агар ЎзР ФҚда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, К.ш.га нисбатан маҳсулот етказиб бериш шартномаси тўғрисидаги

коидалар, тегишли холларда эса давлат эхтиёжлари учун товарлар етказиб беришга доир давлат контракти тўғрисидаги коидалар қўлланади.

ЎзР ФКнинг 466-м.сига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига К.ш.да назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириш шарт.

Агар маҳсулот етиштирувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти К.ш.да назарда тутилган миқдор ва ассортиментда олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

ЎзР ФКнинг 467-м.сига биноан, агар К.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилиши (қабул қилиб туриши) ва олиб кетишни таъминлаши (таъминлаб туриши) шарт.

Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти тайёрловчи жойлашган ерда ёки у кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан К.ш.га мувофиқ ва шартлашилган муддатда келтирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Тайёрловчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаган тақдирда етиштирувчига қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг қийматини ва уни келтириш харажатларини тўлайди.

К.ш.га мувофиқ олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш чиқиндиларини тарафлар келишган нархда етиштирувчига қайтариши шарт.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш ва уларни бажаришда пайдо бўладиган муносабатлар, шунингдек уларни туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби ЎзР ВМнинг 2003 й. 4 сентябрдаги 383-сон қарори б-н тасдиқланган Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар б-н тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиш мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида низом б-н тартибга солинган.

КОНТРАСИГНАТУРА (лот. contra – қарши + signare – имзолаш сўзларидан; инг. countersign) – баъзи давлатларда давлат раҳбаридан чиқаётган ҳужжатларда ушбу ҳужжат учун вазирнинг тўлиқ юридик ва сиёсий жавобгарликни ўз бўйнига олишини аниқлаш учун имзоси. Парламентар республикада Президент ўз номидан бирор ҳужжат қабул қиладиган бўлса, бунда ушбу ҳужжатлар контрассигнациядан ўтиши, яъни ижро ҳокимияти раҳбарининг имзоси тасдиқланиши талаб этилади. Президент имзоси ёнида бош вазир ёки президент ҳужжати б-н тартибга солинадиган мазкур соҳага жавоб берадиган вазирнинг имзоси туриши керак. Вазирнинг имзосисиз президент буйруғи қонуний кучга эга эмас. Бундай ҳолатларни парламентар республика бошқарув шаклига эга бўлган

давлатлар тажрибасида кўришимиз мумкин. Мас., Италия, Германия, Словакия ва б. давлатларда.

К. инс.и айрим парламентар мамлакатлар Конс.ларида (мас., Италия Конс.сида) мустаҳкамлаб қўйилган. Францияда 1962 й.дан, яъни Президентни тўғридан-тўғри сайлаш жорий этилгандан сўнг, К. Президент декретлари бош вазирнинг К.сиз қўлланилиши мумкин эмаслигини аниқлатади. Франция Бош вазирининг муҳим декретлари ўз навбатида вазирларнинг мазкур декретга розилиklarининг ифодаси сифатида К.га эга бўлиши лозим.

КОНТРАСИГНАЦИЯ – қ.: *Контрасигнатура*.

КОНТРАФАКЦИЯ (лот. contrafactio – қалбаки, сохта) – 1) муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш; 2) инсофсиз рақобат ва харидорни товар ёки унинг тайёрловчиси ҳақида қалғитиш мақсадида алоҳида фирмалар томонидан ўзининг товар белгиларида бошқа фирмаларнинг машҳур товарларида жойлаштирилган белгиларни қўллаши.

КОНТРИБУЦИЯ (лот. contributio – бадал, тўлов; инг. contribution) – душман томонга тўланадиган солиқ; уруш вақтида босиб олинган ҳудуд аҳолиси тўласа, уруш тугаганидан сўнг мағлуб бўлган давлат ҳуқуқмати томонидан тўланади. Уруш вақтида олинган К.нинг вужудга келиши кучли рақиб ўзининг кучсиз рақибига ҳаётини ва мулкни ўз ихтиёрига тасарруф эта олиш вақтларига бориб тақалади. Душман қўшини томонидан забт этилган ш.лар ва б. ҳудудлар таҳдид солаётган хонавайронликлардан қутулиш учун ихтиёрий маълум бўлган солиқ (товон) (“К.”) тўлашади, шу б-н душманнинг харбий ўлжага бўлган ҳуқуқини сотиб олишади.

КОНФЕДЕРАЦИЯ (лот. confoederatio; инг. confederation – иттифок, бирлашма) – давлатлар иттифокининг шакли бўлиб, унга кирган давлатлар ўз суверенитетини тўла равишда сақлаб қолади. К. ўзида халқаро-ҳуқуқий ҳамда давлат ташкилоти белгиларини бирлаштиради. Ҳозирги даврда дунёда К. белгиларига эга бўлган факатгина битта бирлашма мавжуд – Европа иттифоқи. Тарихда турли даврларда К.лар мавжуд бўлган: Австрия-Венгрия – 1918 й.гача, Швеция ва Норвегия – 1905 й.гача, АҚШ – 1781 й.дан 1789 й.гача, Швейцария – 1815 й.дан 1848 й.гача, 1958 й.дан 1961 й.гача Миср ва Сурия К.ни ташкил этишди, 1982 й.дан 1989 й.гача Гамбия ва Сенегал. К.лар тарихи шундан далолат берадики, бу шакл ўткинчи ҳисобланади. Ё иттифок парчаланади, ё давлат тузилишининг федератив шаклига ўтилади.

Давлат тузилишининг К. шаклига қуйидаги белгилар ҳос:

К. тегишли шартнома б-н ташкил этилади;

К. субъектлари ундан мустақил чиқиш ҳуқуқига эга;

К. суверенитети унга қирувчи давлатларга тегишли ҳисобланади, иттифок ҳокимиятининг қарорлари К. субъектларининг розилигисиз ҳеч қандай кучга эга эмас;

К. фаолияти доирасига бир қанча масалалар қиради (одатда, уруш ва тинчлик, ташқи сиёсат, ягона армияни шакллантириш, коммуникация тизими ва б.);

К.да шартномада алоҳида белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган давлат органларига тузилади, хусусан суд органлари мавжуд эмас;

К. парламенти унинг субъектлари вакиллик органларидан тузилади ҳамда ўз делегацияларини уларга берил-

ган кўрсатма ва йўриқномаларга оғишмай амал қилишига мажбурият юклайди;

К.нинг донмий фаолият юритувчи давлат органлари ҳокимият ваколатига эга эмас;

К. субъектларига нулификация принципи ҳос, яъни иттифок ҳокимияти ҳужжатини тан олиш ёки қўллашдан рад этиш;

К. бюджети субъектларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан шакллантирилади;

К. субъектлари шахслар, товарлар, хизматлар ва сармоянинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилувчи божхона ва чекловларни ўрнатish ҳуқуқига эга;

қондага кўра К.да пул муомаласининг ягона тизими мавжуд эмас;

харбий тузилмалар К. субъектлари томонидан йиғилади ва кўпинча икки тарафлама бўйсунуш ҳам К. органларига, ҳам унинг субъектларига сакланиб қолади;

К.да иттифок фуқаролиги мавжуд эмас.

КОНФЕССИОНИЗМ (КОНФЕССИЯВИЙЛИК)

(лот. *confessio* – сифиниш сўзида) – конституциявий ҳуқуққа оид атама бўлиб, у жамиятнинг диний жамоаларга бўлинишига мос ҳолда давлат ҳокимиятининг ташкил этилишини англатади. К. у ёки бу диний эътиқод ёки черков томонидан ўрнатилган таълимот ва талабларга қатъий мос келадиган фикрлаш тарзидир. Ушбу атама кўпинча лютеран ортодоксал қарашларнинг қатъий издошларига нисбатан қўлланилиб, у Лютер катехизисларида. Аугсбург эътиқоидида ифодаланган. К. Кипрда 1960-1974 й.ларда амалда бўлган. К. бугунги кунда Ливанда сақланган бўлиб, 1943 й.да қабул қилинган қонунга кўра давлат раҳбари (президент) христиан-маринит, парламент раиси – мусулмон-шиявий, Бош вазир – мусулмон сунний бўлиши шарт. Парламентдаги жойлар ҳам жамиятнинг диний тузилишига мос ҳолда тақсимланади. К. диний эркинликка қарши тушунча ҳисобланиб, у кўпинча жамиятда бирликнинг су-сайишига, тарқокликка олиб келади.

Ўзбекистонда барча конфессиялар вакиллари учун виждон эркинлиги ва диний эътиқодларини амалга ошириш учун бир хил шарт-шароитлар яратилган.

КОНЦЕРН (инг. *concern*) – яқка бош корхона бошчилигида бир неча унга боғлиқ корхоналарнинг мавжудлигида намоён бўладиган, юридик шахсларнинг ҳамкорликдаги иқтисодий фаолият учун шартномавий бирлашиши.

Конгломератдан фарқли равишда, К. мулкчилик ва назоратнинг бирлиги, иштирокчи корхоналар ўртасида тех-пологик ва ишлаб чиқариш алоқаларининг мавжудлиги, диверсификациянинг камлиги б-н тавсифланади. Одатда К. аъзолари нафақат ўз иқтисодий потенциалини, балки бозор стратегиясини ҳам бирлаштиради. К. аъзолари хўжалик мустақиллигини сақлаб қолади, бироқ бунда К. иштирокчилари бошқа К.лар таркибига кириши мумкин эмас.

КОНЦЕССИЯ (лот. *concessio* – руҳсат бериш, ён бериш; инг. *concession*) – “Концессиялар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, чет эллик инвесторга хўжалик фаолиятининг муайян тури б-н шуғулланиш учун давлат номидан бериладиган руҳсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун давлат чет эллик инвесторга К. шартномаси тузиш асосида мол-мулк, ер ва ер ости участкаларини топширади.

КОНЦЕССИЯ ШАРТНОМАСИ – “Концессиялар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, К.ш. чет эллик инвестор б-н тегишли концессия органи ўртасида тузилади ва рўйхатдан ўтказилган пайдан бошлаб кучга киради.

К.ш. куйидагиларни ўз ичига олади:

шартнома нимага тегишлилиги, берилётган мол-мулкнинг таркиби ва қиймати;

ер ва ер ости участкаларининг мақон чегаралари;

К.ш.нинг амал қилиш ва ишларнинг бошланиш муддатлари;

томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

белгиланган солиқлар ва б. тўловларнинг миқдори, уларни тўлаш тартиби, муддатлари;

хар йилги инвестицияларнинг қатъий белгилаб қўйилган миқдори ҳамда уларни солиш муддатлари, шунингдек ишлаб чиқилган бизнес-режага мувофиқ чиқариладиган маҳсулот ҳажми;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ишларни бехатар олиб бориш талаблари;

концессиячилик фаолияти жараёнида олинадиган ахборот борасида томонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари;

ходимлар ёллаш, ўқитиш ва иш ўргатиш ҳамда уларни суғурталашнинг ЎЗР қонун ҳужжатларига зид келмайдиган шартлари;

мол-мулк, ер ва ер ости участкаларини босқичма-босқич қайтариб бериш тартиби ва шартлари;

фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳодисаларнинг юридик, иқтисодий ҳамда ташкилий оқибатлари;

низоларни ҳал қилиш тартиби, шартнома шартларини бузганлик учун томонларнинг жавобгарлиги;

томонларнинг молиявий қафолатлари, юридик манзиллари ҳамда банк реквизиитлари;

К.ш.ни ўзгартириш ва тўхтатиш шартлари.

К.ш.га амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

К.ш. ўн беш йилгача муддатга тузилади. Зарур ҳолларда, ВМнинг қарорига мувофиқ шартнома узайтирилиши мумкин.

К.ш. шартларини ўзгартиришга шартномада белгиланган тартибда ёки томонларнинг келишувига мувофиқ йўл қўйилади.

К.ш. томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки томонлардан бири шартнома шартларини бузган тақдирда суд қарорига мувофиқ, шунингдек концессиячи шартнома тузиш чоғида тақдим этган маълумотлар нотўғри эканлиги маълум бўлиб қолган тақдирда, концессия органи томонидан бекор қилиниши мумкин.

К.ш. Давлат реестридан чиқариб ташланган пайдан бошлаб тўхтатилади.

КООПЕРАЦИЯ (лот. *cooperatio* – ҳамкорлик; инг. *cooperation*) – “Кооперация тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборатдир.

ЎЗРда аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек фойда

(даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот кооперативлари амал қилади.

К., шунингдек ўз аъзоларининг уй-жой-майиши ва б. ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларни, (уй-жой-қуриш уй жой кооперативларини, гараж қуриш, чорбоғ қуриш ва ш.к. кооперативларни) ҳам ўз ичига олади.

КОРНЕР (инг. corner – бурчак) – тадбиркорларнинг бирор-бир товарни келгусида қайта сотиш мақсадида сотиб олиш учун бирлашининг энг оддий шакли. К. шунингдек фонд биржаларида акцияларни сотиб олиш, қайта сотиш ёки уларнинг бошқарув пакетларини қўлга кириштириш учун ташкил этилади.

КОРПОРАТИВ ДАВЛАТ – авторитар сиёсий режим шаклидаги давлатларни ифодалашда қўлланиладиган атамалардан бири. Бунда асосий коллегиял органлар ҳукумат томонидан катъий танлаб олинган касбий корпорация вакилларида шакллантирилади. Давлатнинг бундай шакли Италияда фашистик режим ҳукм сурган 1926-1943 й.ларда мавжуд бўлган. 1926 й.да эркин касаба уюшмалари ўрнига ҳукумат томонидан назорат қилиб туриладиган синдикатлар ташкил этилган. 1939 й.да Италия парламенти марказий корпоратив кенгаш, фашистик партия раҳбарияти ва вазирлардан ташкил топган “Фаши ва корпорация палатасига алмаштирилган”.

КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР – очик акциядорлик жамиятлари томонидан чиқариладиган облигациялар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ – 1) фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг ҳуқуқий мақомини, уларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти масалаларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи. Шу маънода К.х. тушунчаси акциядорлик ҳуқуқи тушунчасига нисбатан кенгрок. Чунки, унинг нормалари акциядорлик жамиятларидан ташқари, тижорат ташкилотларининг бошқа турларига ҳам тааллуқли; 2) корхона (тижорат ташкилоти) мулкдори ёки маъмурияти томонидан белгиланган ва фирма доирасидаги турли муносабатларни тартибга солувчи қоидалар (мас., меҳнат интизоми қоидалари, мукофотлаш тартиби тўғрисидаги қоидалар) тизимидир.

КОРПОРАЦИЯ (лот. corporatio – ҳамжамият; инг. corporation) – АҚШ ва б. бир катор давлатлар ҳуқуқий тилида, одатда, юридик шахс, ташкилот тушунчасини англатади. “К” ибораси ташкилотнинг мустақиллигини таъкидлаш учун, унинг фуқаровий муносабатларнинг бир бутун ягона иштирокчиси эканлигини ифодалаш учун қўлланилади. Барча К.лар, мас., АҚШда тўрт гуруҳга бўлинади: оммавий, ярим оммавий, тадбиркор ва нотадбиркор К.лар.

К. – алоҳида мустақил ҳуқуқ субъекти мақомига эга бўлган, умумий мақсадларга эришиш ҳамда қўшма фаолият олиб бориш мақсадларида ташкил этилган фуқаролар иттифоқи. Англо-саксон ҳуқуқ тизимида “К.” тушунчаси юридик шахс ёхуд ташкилот маъносини англатади. “К.” тушунчаси кўпинча ташкилотнинг яхлитлигини ва фуқаролик муносабатларида мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида иштирок эта олишини таъкидлаш учун ҳам қўлланилади.

КОРРЕСПОНДЕНТЛИК ШАРТНОМАСИ – мамлакат ичиди ёки ташқарисидаги банклар орасида тузилган битим бўлиб, унга кўра улардан бири бошқарининг тўлов ва ҳисоб-китоблар бўйича топширигини бажаради. Бунда банклар ўзаро ҳисоб-китоблар қайси ҳисобварақлар бўйича амалга оширилишини келишиб оладилар, бир-бирларига мансабдор шахслар имзоларининг намуналарини ва комиссия мукофот тарифларини берадилар.

КОРРУПЦИЯ (лот. corruptio – айниш, порага сотилиш) – сиёсат ёки давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий хавфли ҳодиса, давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва б. бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у б-н боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашга имкон бериши. Ҳозирги даврда К. муаммосига амалда жаҳондаги исталган мамлакатда дуч келиш мумкин. Бирок, бу К. ҳамма жойда бир хил дегани эмас. К.нинг юзага келиш сабаблари ҳамма жойда турлича бўлиб, тарихий давр ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

К. давлат аппарати ва парламент фаолиятида айниқса лавозимларга сайлов ўтказиш харажатларини кўтариш кўринишларида ҳам учрайди. Сайланган киши турли имтиёзлар, ёрдам, хизматлар кўрсатиб ўз “қарзини” қайтаради. Аксарият К. лоббизми монополияларнинг қонунчилик органлари ва амалдорларга тазйик ўтказиш б-н шуғулланадиган муассаса ва агентлари тизими б-н боғлиқ. Халқаро миқёсда 1970 й.ларда Японияга самолётлар сотишда компания томонидан олий давлат амалдорларини сотиб олиш бўйича “Локхид иши” энг йирик К. кўринишларига мисол бўлади. Порани хаспўшлаш учун йирик битишувларда кўпрок “хизмат хақи” тўлаш амалиётидан фойдаланилади.

ЎЗР ЖКнинг К.га қарши нормаларига, аввало, мансабдорлик жиноятлари тўғрисидаги нормалар, чунончи: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (205-м.), ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш (206-м.), мансаб сохтакорлиги (209-м.), пора олиш (210-м.) тўғрисидаги нормалар қиради.

Айрим давлатлар (Украина, Беларусь ва б.)да К.га қарши кураш бўйича махсус қонунлар қабул қилинган, ушбу соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар ҳам мавжуд.

ЎЗР БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 й. 31 октябрь) айрим билдиришлар, баёнотлар ва шартлар б-н 2008 й. 7 июлда қўшилган (“Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 й. 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2008 й. 7 июлдаги ЎРК-158-сон ЎЗР Қонуни).

КОРТЕСЛАР (исп. Las Cortes Generales, corte – қироллик ховлиси сўзидан) – 1) Ўрта асрларда Пиреней ярим ороли давлатларида табақа-вакиллик мажлиси (вақт нуктаи назаридан Фарбий Европада биринчи). К. номи биринчи марта 1137 й.да Кастилияда учрайди. XII-XIV а.ларда муҳим роль ўйнаган. Абсолютизм ўрнатилиши муносабати б-н унинг аҳамияти пасайган; 2) Испанияда парламентнинг номи.

КОРХОНА (инг. enterprise; нем. unternehmen) – 1) тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган фуқаролик ҳуқуқи объекти кўринишидаги мулкӣ комплекс. ЎзР ФКнинг 85-м.сига мувофиқ, бутун корхона мулкӣ комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш б-н боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин. Мулкӣ комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек К.ни, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини аке эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва б. мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қиради;

2) юридик шахс, тижорат ташкилоти, унинг асосий фаолияти товар (маҳсулот) ишлаб чиқаришга ёки алоҳида хизматлар кўрсатиш (қурилиш, транспорт, алоқа, таъминот ва х.к.)га асосланади.

КОРХОНА МЕҲНАТ ЖАМОАСИ – к.: *Меҳнат жамоаси*.

КОРХОНАНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ – К.и.б.ш. бўйича ижарага берувчи ижарага олувчига вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун мулкӣ комплекс сифатида бутун корхонани ёки унинг бир қисмини ҳақ эвазига бериш мажбуриятини олади, ижарага берувчи бошқа шахсларга ўтказиши мумкин бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно. Ижарага берувчи ўз қарзларини ижарага олувчининг зиммасига ўтказиши ҳақида кредиторларини ёзма равишда огоҳлантириши шарт, кредиторлар бунга рози бўлмасалар, огоҳлантиришни олган вақтдан бошлаб уч ой давомида ижарага берувчидан тегишли мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар шу муддатда мазкур талаблардан бирортаси билдирилмаса, кредитор тегишли қарзнинг ижарачига ўтказилишига розилик берган деб ҳисобланади. Ижарага берувчидан мажбуриятларни бекор қилишни ёки муддатидан олдин бажаришни ва зарарни қоплашни талаб қилган кредиторлар б-н ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейингина корхона ижарачига топширилиши мумкин.

Корхона мулкӣ комплекс сифатида ижарага берилганидан кейин ижарага берувчи б-н ижарага олувчи топширилган корхона таркибига киритилган ва ижарага олувчига кредиторнинг розилигисиз ўтказилган қарзлар бўйича солидар жавобгар бўладилар. Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ижарага берувчининг тегишли фаолият б-н шуғулланиш учун маҳсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари ижарага олувчига берилиши мумкин эмас. Ижарачи маҳсус рухсатнома (лицензия)си бўлмаганлиги сабабли бажара олмайдиган мажбуриятларни шартнома бўйича топшириладиган корхона таркибига киритиш ижарага берувчининг кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди (ЎзР ФК 579-м.).

К.и.б.ш. тарафлар имзолаган битта ҳужжат тарзида ёзма шаклда тузилади ва у нотариал гувоҳлантирилиши ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. К.и.б.ш. давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади. К.и.б.ш.нинг шаклига риоя этмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади (ЎзР ФК 580-м.).

КОРХОНАНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ – К.с.ш.га мувофиқ, сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкӣ мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади, сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбуриятлар бундан мустасно.

Фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчининг ҳамда унинг маҳсулотини, у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларни шахсийлаштирадиган бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар К.с.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотиб олувчига ўтади.

Сотувчининг тегишли фаолият б-н шуғулланиши учун берилган маҳсус рухсатнома (лицензия) асосида олган ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, корхонани сотиб олувчига берилмайди. Шартнома бўйича топшириладиган корхона таркибига маҳсус рухсатнома (лицензия)га эга бўлмагани туфайли сотиб олувчи бажара олмайдиган мажбуриятларни киритиш сотувчининг кредиторлар олдидаги тегишли мажбуриятлардан озод қилмайди. Бундай мажбуриятларни бажармаганлик учун сотувчи ва сотиб олувчи кредиторлар олдида солидар жавобгар бўладилар (ЎзР ФКнинг 489-м.си).

КОСМИК ҲУДУД – халқаро космик ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинадиган Ер қуррасининг ҳаво бўшлиғидан ташқарисидаги макон. К.х.нинг умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий таърифи ҳозирги кунда мавжуд эмас. К.х.нинг ҳуқуқий режими амалдаги халқаро келишувлар б-н белгилаб ўтилган. Уларга мувофиқ К.х. ҳеч қандай дискриминациясиз, тенглик асосида барча давлатлар учун тадқиқотлар ўтказиш ва фойдаланиш мақсади учун очик. У давлатлар томонидан на ўз суверенитети остига олиш, на оккупация қилиш ва б. йўллар б-н ўзлаштириб олиниши мумкин эмас. Халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, халқаро ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамни ривожлантириш мақсадида космик ҳудудда тадқиқот ишларини олиб бориш ва ундан фойдаланишга доир хатти-харакатлар халқаро ҳуқуқ нормалари ва БМТ Уставига мувофиқ амалга оширилиши лозим. К.х.да ядровий қурооллар синовларини ўтказиш, ядровий қуроолларни ва б. турдаги оммавий қирғин қуроолларини жойлаштириш тақиқланади. Тадқиқотлар ўтказиш ва ундан фойдаланишда давлатлар халқаро ҳуқуқ принципларига риоя этишлари лозим.

КОСМИК ҲУҚУҚ (юн. kosmos; инг. space law) – нормалари давлатлар ва халқаро ҳуқуқматлараро ташкилотларнинг космик ҳудудни ўзлаштиришдаги иштирокини тартибга солувчи, космик ҳудуд ва самовий жисмларни халқаро ҳуқуқий режимини белгиловчи халқаро ҳуқуқ институти. Давлатларнинг космосдаги фаолияти миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинади.

КРЕДИТ (лот. creditum, credit – ишонмоқ, ишонади, инг. credit) – К. шартномаси шартларида асосан пул, камдан-кам натура шаклида қайтариш шарти б-н бериладиган, К.дан фойдаланганлик учун кредитор ва қарз олувчи кели-

шуви бўйича аниқ фойз тўлападиган қарз. Хусусий Клар тизими антик Юнонистон, шуниингдек Миср ва империянинг бошланғич давридаги Римда кенг тарқалган.

КРЕДИТ ИНТИЗОМИ – пул ёки товарларни, одатда, маълум бир муддатда фойз тўлаб, қайтариб бериш жараёнида юзага келадиган муносабатларда белгиланган тартиб-қоидага риоя қилиши.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 34-м.сига мувофиқ, банклар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўчар ва кўчмас мулкни гаровга қўйиш, кафолат бериш, кафилликка олиш ва мажбуриятлар асосида кредит берадилар. Банклар таъминланмаган кредит (эътимодли кредит) бериш ҳақида қарор қабул қилишлари мумкин.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 35-м.сига асосан, банкдан олган кредитларни ўз вақтида тўлаш мажбуриятларини бажармаётган қарздорларни банк тўловга қобилиятсиз деб эълон қилиши ва бу ҳақда матбуотда хабар бериши мумкин. Банк бундай қарздорларни банкрот деб топишни сўраб, хўжалик судида даъво кўзғатиш ҳуқуқига эга.

К.и. хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бузилган ҳолларда банклар томонидан кредит санкциялари қўлланилиши мумкин. Кредит санкциясининг ҳар хил тури мавжуд: кредитлашни алоҳида режимга ўтказиш, берилган ссудани муддатидан олдин ундириш, муддати ўтказилган тўловларни мунозарасиз тартибда ундириш, кредитлашни вақтинча тўхтатиш.

КРЕДИТ КАРТОЧКАСИ (инг. credit card) – банк ёки савдо ташкилоти томонидан чиқарилган, эгасига чакана савдода товар ва хизматларни нақд пулсиз сотиб олиш ҳуқуқини берувчи номи ёзилган пул ҳужжати.

КРЕДИТ ТАШКИЛОТИ (инг. credit organization) – банк операцияларини махсус рухсатнома асосида ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида фойда олиш учун амалга оширувчи юридик шахсдир. К.т. банк операцияларининг барча спектрини амалга оширувчи банкка ва айрим банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга банк бўлмаган кредит ташкилотларига бўлинади. Банк бўлмаган К.т. учун банк операцияларини қўшиб олиб боришга йўл қўйилиши мумкинлиги қонун ҳужжатларида белгиланади. Яна қ.: *Банк, Кредит уюшмаси.*

КРЕДИТ ТИЗИМИ (инг. credit system) – 1) муайян мамлакатда қабул қилинган кредитлашнинг ҳуқуқий шакллари ва усуллари йиғиндиси; 2) мамлакатдаги кредит ташкилотларининг умумий номи. Бу маънода К.т. тушунчаси банк тизими тушунчасига мос келади.

КРЕДИТ УЮШМАСИ – кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилоти. К.у. ЎзР ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақлидир. К.у. ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда айни пайтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин. К.у.нинг фирма номида “К.у.” сўз бирикмаси ифодаланиши ва у бошқа К.у.ларининг фирма номига ўхшаш бўлмаслиги керак. К.у. ўз номи ёзилган

штампларга, бланкаларга ва ўз эмблемасига эга бўлишга ҳақлидир. К.у. ишлаб чиқариш, сўғурта, савдо-воситачилик ҳамда Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият б-и бевосита шуғулланишга ҳақли эмас (“Кредит уюшмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

“Кредит уюшмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, К.у.лари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқини оладилар. ЎзРда К.у. фаолияти лицензия асосида амалга оширилади. ЎзРда К.у.ларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш ЎзР Марказий банки томонидан амалга оширилади.

КРЕДИТ УЮШМАСИ АЪЗОЛАРИ – кредит уюшмасининг устав фондига пай бадалларини киритган юридик ва жисмоний шахслар. Шахсга кредит уюшмаси томонидан берилган сертификат унинг кредит уюшмасига аъзолигини тасдиқловчи ҳужжатдир. Сертификат шакли ва уни бериш тартиби ЎзР Марказий банки томонидан белгиланади. К.у.анинг сони элликтадан кам бўлиши мумкин эмас (“Кредит уюшмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

“Кредит уюшмалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.сига мувофиқ, К.у.а. қуйидаги ҳуқуқларга эга: кредит уюшмаси томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш; кредит уюшмасини бошқаришда иштирок этиш; кредит уюшмаси даромадининг (фойдасининг) бир қисmini белгиланган тартибда олиш; уставга мувофиқ кредит уюшмаси фаолияти тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш; Қонунда белгиланган тартибда кредит уюшмасидан чиқиш; кредит уюшмаси тугатилган тақдирда ўз пай бадалларига мутаносиб равишда мол-мулкнинг бир қисmini олиш. Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ К.у.а. бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Ушбу Қонуннинг 9-м.сига асосан, К.у.а.: уставга риоя этишга; К.у.анинг умумий йиғилиши, кредит уюшмаси кенгаши, кредит уюшмаси кредит қўмитаси ва кредит уюшмаси тафтиш комиссиясининг қарорларини бажаришга; олинган кредитларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда қайтаришга; кредит уюшмасининг обрўси ва кредит бериш қобилияти ошишига кўмаклашишга мажбурдирлар. Қонун ҳужжатларига ва уставга мувофиқ К.у.а. зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ (инг. credit contract) – ЎзР ФКнинг 744-м.сига мувофиқ, банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тарафга (қарз олувчига) шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш, қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фойзалар тўлаш мажбуриятини олишда ифодаланадиган фуқаролик-ҳуқуқий шартнома.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ кредит ташкилотлари бўлмаган тижорат ташкилотларининг кредитлашни амалга оширишига йўл қўйилган ҳолларда К.ш. тўғрисидаги қоидалар бундай тижорат ташкилотлари амалга оширадиган кредитлаш муносабатларига нисбатан қўлланади.

К.ш. ёзма шаклда тузилиши шарт. Ёзма шаклга риоя қилмаслик К.ш.нинг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди (ЎзР ФКнинг 745-м.си).

КРЕДИТНИ СУҒУРТАЛАШ – кредитни таъминлашнинг усулларидан бири бўлиб, қарз олувчи суғурталовчи

б-н кредит қайтарилмаганда кредитни сугурта пули ҳисобидан қоплаш тўғрисида сугурта шартномаси тузади. Бунда сугурта хавфи сифатида фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятнинг бажарилмаслиги ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳисобланади.

КРЕДИТОР (лот. *creditor* – ишонувчи сўзидан; инг. *creditor*) – 1) муайян бир ҳаракатнинг қилинишни ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишни талаб этишга ҳақли бўлган тараф, мажбурият ҳуқуқи субъектларидан бири. Мажбуриятда иштирок этувчи К.нинг ҳуқуқи нисбий ҳуқуқ бўлади, чунки К. фақат маълум шахс ёки шахсларга (бир қарздор ёки бир неча қарздорларга) нисбатан талаб қўйиш ҳуқуқига эга. Бир мажбурият муносабатидан бир неча К. иштирок этиши мумкин. У ҳолда ҳар бир К. мажбуриятни бошқалар б-н тенг улушларда бажаришни талаб қилишга ҳақли; 2) ЎзР ФКнинг 744–748-м.лари талабларига асосан кредит шартномаси тарафларидан бири. Кредит шартномаси бўйича К. банк ёки бошқа кредит ташкилоти бўлиши мумкин.

КРЕДИТОРЛАР ЙИГИЛИШИ – банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини қонунига мувофиқ ташкил этадиган ва химоя қиладиган кредиторлар йиғини ёки кредиторлар кўмитаси.

“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 10-м.сига мувофиқ, банкротлик таомили қўлланилаётганда барча кредиторларнинг манфаатларини қонунига мувофиқ ташкил этиладиган К.й. ёки кредиторлар кўмитаси химоя қилади. Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритиш учун қабул қилиб олган пайтдан эътиборан кредиторлар қарздорга ўз талабларини қондириш мақсадида яқка тартибда мурожаат этишга ҳақли эмас. Қарздорга нисбатан содир этиладиган ҳаракатларнинг ҳаммасини барча кредиторлар номидан К.й. ёки кредиторлар кўмитаси амалга оширади. Кредиторлар, мажбурий тўловларга доир талаблар қисми бўйича эса, давлат солиқ хизмати органлари ва б. ваколатли органлар К.й.нинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган иштирокчиларидир. К.й.да маслаҳат овози ҳуқуқи б-н қарздор ходимларининг вакили, суд бошқарувчиси, қарздор муассисларининг (иштирокчиларининг) ёки қарздор мол-мулки эгасининг вакили иштирок этади. Банкротлик тўғрисидаги ишда ягона кредитор иштирок этаётган бўлса, К.й.нинг мутлақ ваколатига тааллуқли қарорларни қабул қилишни шу кредиторнинг ўзи амалга оширади.

К.й.нинг мутлақ ваколатига қуйидаги қарорларни қабул қилиш қиради: келишув битими, тузиш, тўғрисидаги қарор; кредиторлар кўмитаси аъзоларини сайлаш, унинг микдорий тарқибини белгилаш ва бундай кўмита аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгарини тугатиш тўғрисидаги қарор; суд санациясини ёки ташқи бошқарувни жорий этиш ва уларнинг муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома б-н хўжалик судига мурожаат қилиш ҳақидаги қарор; қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимоснома б-н хўжалик судига мурожаат этиш ҳақидаги қарор; суд санацияси режасини тасдиқлаш ҳамда қарзларни узиш жадвалини маъқуллаш тўғрисидаги қарор; ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор.

К.й.ни ташкил этиш ва ўтказиш суд бошқарувчиси томонидан амалга оширилади. К.й., агар унда қарздорнинг

пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари умумий суммасининг камида учдан икки қисми микдоридан талаблар билдираётган, овоз бериш ҳуқуқи бор кредиторлар ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. К.й.да ўз вакиллари орқали иштирок этишлари ҳам мумкин. К.й.да кворум бўлмаса, ўн кунлик муддат ичда кредиторларнинг тақрорий йиғилиши чақирилади, йиғилиш, унинг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойи тўғрисида кредиторлар лозим даражада хабардор этилган бўлса, ҳозир бўлган кредиторлар сонидан қатъи назар, ваколатли ҳисобланади. Агар кредитор қарздорга нисбатан эътироф этилган талабларга эга бўлса, бундай кредитор К.й.да овоз бериш ҳуқуқига эга.

К.й.да баённома юритилади. К.й. баённомасига қуйидагилар илова қилиниши керак: К.й. ўтказилаётган санадаги ҳолатга кўра кредиторларнинг талаблари реестри; кредиторларнинг вакиллари ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар; К.й. иштирокчиларининг қайд варақалари; К.й. иштирокчиларига танишиб чиқиш ва (ёки) тасдиқлаш учун тақдим этилган материаллар; К.й. ўтказиладиган сана, вақт ва жой ҳақида кредиторлар ва ваколатли органлар тегишли равишда хабардор этилганлиги далиллари; овоз бериш бюллетенлари; суд бошқарувчисининг ихтиёрига кўра ёки К.й. қарорига биноан бошқа ҳужжатлар. К.й. баённомаси ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар К.й. ўтказилган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай хўжалик судига топширилиши керак.

КРЕПОСТНОЙ ҲУҚУҚ – феодал жамиятида помешчик ерига бириктирилган ва унга қарам бўлган деҳқонларга, уларнинг меҳнати ва мол-мулкига чексиз эгаллик қилиш ҳуқуқи; Россияда К.х. 1861 й.да бекор қилинган.

КРЕПОСТНОЎЛИК – крепостной муносабатларга ва деҳқонларни аёвсиз эксплуатация қилишга асосланган ижтимоий тузум.

КРИМИНАЛ МИЛИЦИЯ – бир қатор давлатларда жамоат хавфсизлигини таъминловчи милиция б-н тенг равишда фаолият кўрсатувчи орган. К.м.нинг вазифалари қуйидагилардан иборатдир: дастлабки тергов ўтказилиши шарт бўлган ишлар бўйича жиноятларнинг профилактикаси, жиноятларнинг олдини олиш ва очиш, шунингдек суриштирув ва суддан яшириниб юрган, бедарак йўқолган ва қонунда назарда тутилган бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил қилиш, амалга оширишдан иборатдир. К.м. тарқибига жамоат хавфсизлигини таъминловчи, милицияга ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган тезкор-қидирув вазифаларини бажарувчи, илмий-техник ва б. бўлинмалар қиради.

КРИМИНАЛИСТИК ВЕРСИЯ (инг. *criminalistic version*) – иш учун аҳамиятли ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган, фактларнинг келиб чиқиши, мазмуни ва ўзаро алоқасини тушунтиришга қаратилган ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга йўналтирилган асосланган тахмин. Баъзи манбаларда “тўсма” деб ҳам юритилади.

К.в. шакллаган субъектга биноан тергов, тезкор-қидирув ва қидирув, суд ҳамда эксперт версиялари ажратилади.

Йирик илмий-амалий изланишларда “гипотеза” деб атайдилар, бундай тадқиқотларда изланувчи ғоя-мавзу ҳақиқатга яқин бўлса-да, ўз тасдиғи-исботини топмагунча тахмин бўлиб қолаверади.

К.в. дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказишда, жумладан ҳодиса жойини кўздан кечириш жараёнида, жино-

ятнинг оқибатиға кўра ким содир қилганлиги мақсад-мотиви, содир қилиш усули, қўлланилган қурол тури ва б. ҳолатлар ҳақида тахминлар келиб чиқади.

Тергов версияси муайян моддий белги-аломатларга таянган ҳолда шаклланоғи лозим, йўқса бир ҳолат бўйича тахмин юзаки ва кўп сонли бўлиб қолади ва текширишда қийинчиликларга сабаб бўлади. Ҳар бир ҳолат юзасидан иккита-учта бир-бирига қарама-қарши версия юритилганда уларни текшириш натижасида биттаси тасдиқланади, қолганлари бекор бўлади. Мас.: жиноят қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир бўлган, деган икки версиядан бири текширувдан сўнг тасдиқланади, мурда танасидаги жароҳатлар қандай қуролдан етказилганлиги ҳақидаги версиялардан бири суд-тиббиёт экспертизасини ўтказиш б-н тасдиқланади.

К.в.ларнинг шаклланиш жараёни унга асос бўладиган белги хусусиятлари мантӣқ қондасига мувофиқ бўлмоқлики, фикр юритишда анализ-синтез, индукция, дедекция, аналогия усулларини қўллашни талаб этади.

К.в.лар умумий жиноятнинг элементи бўлган ҳолат, хусусий ҳолатнинг айрим қисми юзасидан процесс иштирокчилари бўйича терговчининг, адвокатнинг, жабрланувчининг ва б.нинг версиялари бўлиши мумкин.

К.в.лар тергов ҳаракатларини ўтказиш б-н текширилади ва тасдиқланган версия ҳақиқатга айланади, жиний иш учун далил бўлиб хизмат қилади.

Тергов версиялари терговчи фаолиятининг асоси бўлган “терговни режалаштириш” босқичида ўз ифодасини топади ва терговни тугатиб, айблов фикрини тузиш вақтига қадар режанинг асосий элементи бўлиб хизмат қилади.

КРИМИНАЛИСТИК ИДЕНТИФИКАЦИЯ – криминалистика фанининг методологиясига кирувчи умумназарий текширув услуги бўлиб, жиноят иши бўйича қидириладиган ва аниқланиши лозим бўлган муайян объектнинг (одам, буюм ва б.) айнан ўзи эканини билдиради.

Идентификация латинча “idem” айнан ўша деган маънони билдиради. Жиноят содир бўлган жойдан топилган бармоқ излари айбланувчи томонидан қолдирилганлигини аниқлаш айбланувчининг айнан ўзлигини белгилаш демакдир, қўлда ёзилган матн аниқ шахс томонидан ёзилган деган хулоса шу ҳужжатни ёзган шахсга нисбатан “шунинг ўзи” деган фактни билдиради.

Айнанлик изланувчи текширилувчи объектга нисбатан унинг ўзлигини, бошқа объектлардан, шу жумладан, ўзига ўхшаш объектлардан фарқ қилишини билдиради. Ўхшашлиги шундаки, турдош объектларнинг ўзаро умумий белги, аломатлари деярли бир хил бўлиб, бирини иккинчисидан ажратиш қийин бўлади, баъзида эса, мумкин бўлмайди. Мас., ходиса жойидан, одам танасидан топилган сочма ўкнинг доналари шакли, ўлчови, ранги ва б. хусусиятлари б-н бир-бирига ўхшаш бўлади, уларнинг идентификация текшируви натижасида гуруҳ мансублигини аниқлаш б-н кифояланилади (заводда ёки қўлда тайёрланганлиги).

Моддий дунёдаги барча объект-предметлар ўзига хос индивидуал хусусиятга эга бўлиб, ҳар бири ўзининг яқка айнанлигини билдиради, ўхшашлик эса икки ёки гуруҳ объектлар ҳақида маълумот беради.

К.и. услуги тергов ва экспертиза фаолиятида кенг қўлланилади; текширилувчи объектлар (одам, жиноят

қуроли ва б. ашёвий далиллар) жиноят ходисасидан жабрланган ёки гувоҳ бўлган шахсларга таниб олишга кўрсатиш орқали айнанлиги ёки бошқа турдош гуруҳга тегишли эканлиги тергов ҳаракати б-н ҳал этилади. Алоҳида текширув – тадқиқот талаб қилинган ҳолларда идентификация объектлари экспертизага юборилади, улар маҳсус шароитларда, илмий-амалий услублар, техник жиҳозлар ёрдамида текширилади.

Жиноятни тергов қилиш жараёнида идентификация услубининг қуйидаги турлари қўлланилади:

- 1) изланувчи – текширилувчи объектларнинг айнанлигини аниқлаш, тасдиқлаш ёки инкор этиш;
- 2) текширилувчи объектнинг айрим турдош гуруҳга мансублигини белгилаш;
- 3) айрим бўлақларнинг умумсифат белгилари, синиш, кесилиш, парчаланиш аломатлари асосида бир бутун объектни ташкил қилишини аниқлаш.

Идентификациявий текширув жараёни объектларнинг умумсифат ва хусусий индивидуал белгиларини таҳлил қилиш, киёслаш, таққослаш ва баҳолаш босқичларидан ташкил топган.

КРИМИНАЛИСТИК ТЕХНИКА – криминалистика фанининг тизимида мустақил бўлишни ташкил қилади ва жиноятни тергов қилиш жараёнида қўлланиладиган илмий-техник воситаларни қўллаш усулини ўргатади.

К.т. алоҳида соҳаларга бўлинади: криминалистик фотография, ҳужжатларнинг криминалистик тадқиқоти, изшунослик (трасология), суд баллистикаси, шахсни ташқи қиёфа белгилари бўйича аниқлаш (габитология), криминалистик рўйхатга олиш, криминалистик одорология, криминалистик фонография ва б. К.т.нинг илмий асосларини криминалистик идентификация ва криминалистик диагностика назариялари ҳамда излар ҳосил бўлиши механизми ҳақидаги таълимотлар ташкил қилади.

К.т.си айрим техник ва табиий қанлардан илмий методларини ўзининг вазифасига мослаган ҳолда қўллашни ўргатади. Жумладан, физика фанининг оптика, ёруғлик ва нурлар назарияси тергов процессида топилган излар, ашёвий далилларни текширишга, кўзга кўринмайдиган белгиларни кўринарли қилишга, фотография методи ёрдамида ўчирилган ва ўзгартирилган ёзувларни тиклаш каби масалаларга қаратилгандир. Шунингдек, математика, айрим кимё фанларининг назарий методлари, техник ва технологик ютуқлари ҳам тергов фаолиятида кенг ўрин олмақда. К.т.нинг ривожланиши ва мукамалланиши фан ва техника ўсиши, ютуқларига боғлиқдир. Ҳозирги кунда у ўзининг мустақил предмети ва тизимига эга бўлиб, криминалистика фанининг иккинчи бўлимини ташкил қилади.

КРИМИНАЛИСТИКА (лот. *crimīnalis* – жиноятга дахлдор; инг. *criminalistics*) – жиноят процессида қидириш-аниқлаш фаолиятининг воситалари ва механизмлари (технологияси) ҳақидаги фан. К. фани содир бўлган жиноятни текшириш, жиноят содир қилган шахснинг айбини исботлаш, далил топиш, жиноятнинг барча ҳолатларини аниқлаш бўйича восита ва усуллар ҳамда тактик таклифларни ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. К. фан сифатида ҳуқуқшунослик билимлар тизимида алоҳида, мустақил ўринни эгаллайди. К. ўзининг кодексига эга бўлмасда, ўргатадиган масалалар доираси жиҳатидан жиноят ва жи-

ноят процессуал ҳукуқи фанлари тармоғига киради ва улар б-н амалий ҳамда назарий жиҳатдан боғлиқдир.

К. фани жиноятни очиш, исботлаш мақсадида тергов қилиш б-н уларнинг олдини олиш чораларини ҳам кўриб чиқади ва уларни тавсия этади. К. тизимида техника, тактика ва алоҳида турдаги жиноятларни тергов қилиш бўлимлари бўлиб, уларда тергов қилиш жараёнидаги техник воситалар (оптик асбоблар, суратга олиш, видеоёзув ва б.), тактик усуллар ва алоҳида гуруҳдаги жиноятларни тергов услубиётининг илмий-назарий ва амалий масалалари кўриб чиқилади.

КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТ – жиноятчилик б-н боғлиқ бўлган воқеа, ҳодиса ва жараёнларнинг ҳамда уларнинг жамиятга таъсири аҳволи. К.в.ни баҳолаш куйидагиларни ҳисобга олишни тақозо этади: а) жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турлари аҳволи, тузилиши, динамикаси, даражаси ва географиясини; б) криминоген детерминантларнинг аҳволи ва таъсир даражасини; в) ижтимоий, иқтисодий, демографик ва б. жараёнларни; г) аксилкриминоген омиллар ва чораларни; г) жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи куч ва воситаларнинг аҳволини ва х.к..

КРИМИНОГЕН ДЕТЕРМИНАТ (лот. *crimen* – жиноят + *determinans* – тақозо этувчи, белгиловчи сўзларидан) – жамиятда жиноятчиликнинг мавжуд бўлиши ва ўсишини таъминловчи барча салбий воқеа, ҳодиса ва жараёнлардир. К.д.лар криминологияда жамият ижтимоий ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, ташкилий-бошқарув, ижтимоий-психологик каби гуруҳ омилларга ажратиб таҳлил қилинади. Қашшоқлик, очлик, ишсизлик, ичкиликбозлик, ғиёҳвандлик, аҳоли ижтимоий табақаланишининг чуқурлашиб бориши каби ижтимоий-иқтисодий, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, ахлоқсизлик, беҳаёлик каби маънавий, тўрачилик, коррупция каби бошқарув соҳасидаги омиллар жамиятда жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турлари ўсишини тақозо этувчи асосий К.д.лардир. Жиноятчилик, унинг алоҳида турлари ҳам, айниқса жиний олам қоидаларининг, одатларининг ва ҳаётининг тарғиб қилиниши К.д.лар ҳисобланади.

КРИМИНОГЕНЕЗ (лот. *crimen* – жиноят + *genesis* – келиб чиқиши сўзларидан) – жиний хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши, жиноятчиликнинг ҳодиса сифатида пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёни. Муайян жиноят К. б-н жиноятчилик К. бир-биридан фарқ қилади. Муайян жиноят шахсдаги шаклланган салбий маънавий-рухий хусусиятларнинг ва уларнинг жиний хатти-ҳаракатда намоён бўлишига ёрдамлашувчи ташқи объектив криминоген омиллар ўртасидаги алоқа жараённинг оқибатидир. Жиноятчиликнинг пайдо бўлиши давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши б-н чамбарчас боғлиқдир. Барча давлатларда улар қайси тузумда яшашларидан қатъи назар, жиноятчилик ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида объектив равишда мавжуд. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, бошқарув ва б. соҳалари аҳоли ҳамда ривожланиш даражаси жиноятчиликнинг қандай бўлишини белгилаб беради.

КРИМИНОГЕНЛИК – жинийлик, яъни жиноятга, жиний хатти-ҳаракатга, жиний фаолиятга, жиноятчиликка тааллуқлилиқ.

КРИМИНОЛОГИК БАШОРАТ ҚИЛИШ – жиноятчилик ва унинг детерминантлари келгуси аҳволи (қўлами, тузилиши, динамикаси), профилактика ва маълум даврда жиноятчиликка таъсир кўрсатишнинг бошқа воситалари, имкониятлари ҳақида билдирилган тахминий фикр-мулоҳазалар. К.б.к.да куйидагилардан фойдаланиш зарур: жиноятчиликка турғун ва жадал таъсир кўрсатувчи ижтимоий жараёнларнинг ҳолати ва тенденцияларини тавсифловчи олдинги 10 й.га тегишли бўлган статистик маълумотлар ва танлаб олинган тадқиқотларнинг натижаларидан; башорат қилинаётган даврда бу жараёнларнинг ҳолатида содир бўлиши тахмин қилинаётган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлардан; жиноятчиликнинг қўлами, тузилиши ва динамикасини, шунингдек жиноятчиларнинг турлари ва контингентлари, ҳудудий тақсимланиши, тажовуз объектилари, мотивация ва усулларини тавсифловчи олдинги 10 й.га тегишли бўлган статистик маълумотлар ва танлаб олинган тадқиқотларнинг натижаларидан; ўша даврда профилактика ва жиноят ҳуқуқий чораларни қўллаш амалиётининг ҳажмлари, тузилиши, тенденцияларини тавсифловчи статистик маълумотлар ва танлаб олинган тадқиқотларнинг натижаларидан; ўтган 10 й. мобайнида содир бўлган ва башорат даврида содир бўлиши тахмин қилинаётган жиноятчиликка қарши курашни ҳуқуқий тартибга солиш, ташкил этиш ва ресурслар б-н таъминлаш соҳасидаги ўзгаришлар, уларнинг жиноятчиликка таъсири ҳақидаги маълумотлардан; башорат тайёрланган пайтдаги жамоатчилик фикрининг ҳолати ва тенденциялари ҳақидаги (олдинги 1–3 й.га маълумотларга таққосланган) маълумотлардан; янги жиноят турлари, жиний қилмишларнинг янги шакллари ва усуллари ҳақидаги маълумотлардан; минтақаларо ва давлатларо хусусиятга эга бўлган жиноятлар ҳақидаги маълумотлардан; кўшни минтақалар ва давлатлардаги жиноятчилик, унга қарши курашнинг аҳволи ва башоратлари ҳақидаги ахборотлардан.

К.б.к.нинг мақсад ва вазифалари куйидагилардан иборат: жиноятчиликнинг истиқболдаги кўпайишини (ўзгаришини) тавсифловчи кўрсаткичларни аниқлаш, бунинг асосида номақбул тенденциялар ва қонуниятларни аниқлаш, уларни зарур йўналишда ўзгартириш усулларини топиш; истиқболли режаларни ишлаб чиқиш учун жиддий аҳамиятга эга бўлган барча ҳолатларни аниқлаш; асосий таркибий қисми ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақбул ривожланиш йўлини танлашдан иборат бўлган жиноятчиликка қарши курашнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш; жиноятчиликнинг аҳволи, қўлами, тузилиши ва динамикасида келгусида содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришларни аниқлаш; бу ўзгаришларнинг содир бўлишига ёрдам берувчи ҳолатларни аниқлаш.

К.б.к.нинг асосий воситалари: башорат қилишдан олдинги мўлжал олиш – мақсадлар, вазифалар, гипотезаларни аниқлаш ва х.к.; жиноятчиликнинг ривожланиши ва унга қарши курашни белгиловчи жараёнлар, ҳодисалар ҳақида маълумотлар тўплаш; қидирув башорати – ҳал қилиниши лозим бўлган истиқболли муаммоларни аниқлашга таъсир этувчи жараёнлар ва омилларни ҳисобга олган ҳолда келгусида жиноятчиликнинг кўпайиши ёки камайиши вариантларини танлаб олиш; норматив башорат – чоралар, кучлар ва ресурсларнинг хусусияти, ҳажми,

тузилишини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, аниқланган муаммоларни ҳал қилиш имконини берадиган воситаларни ташлаш; башоратларнинг асосланганлигини баҳолаш; жиноятчиликка қарши кураш ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитларни бартараф қилиш бўйича қулай тавсиялар ишлаб чиқиш.

К.б.к.нинг уч асосий тури мавжуд: криминология фанининг ривожланишини башорат қилиш, жиноятчиликни башорат қилиш ва индивидуал башорат. Криминология тадқиқотларни башорат қилиш ва криминология фани муайян йўналишларининг ривожланиш истиқболларини аниқлашни ўз ичига олади. Жиноятчиликни башорат қилиш жиноятчиликнинг қуйидаги турларини прогност қилишдан иборат: бирламчи ва такрорий жиноят; эркаклар ва аёллар жиноятчилиги; жиноятларнинг алоҳида турлари ва туркумлари; қишлоқ ва ш. жиноятчилиги; алоҳида минтақалар ва маъмурий-ҳудудий тузилмалардаги жиноятчилик; халқ хўжалигининг алоҳида объеклари ва тармоқларидаги жиноятчилик. Индивидуал жиноий хулқ-атворни башорат қилиш мураккаб башорат турини ташкил қилади. Индивидуал жиноий хулқ-атворни башорат қилиш деганда у ёки бу шахс томонидан келгусида жиноят содир этилиши эҳтимолини аниқлаш тушунилади.

КРИМИНОЛОГИК БАШОРАТ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ – жиноятчиликни башорат қилишда қўлланиладиган усуллар бўлиб, булар экстраполяция, моделлаштириш ва эксперт баҳолашдир.

Экстраполяция усулининг мазмуни башорат қилинаётган объектнинг тарихини ўрганиш ва унинг ўтмишдаги, ҳозирги кундаги ривожланиш қонуниятларини келажакка ўтказишдан иборатдир. Бунинг учун башорат қилинаётган даврдан олдинги маълум йиллар бўйича динамика қаторлар тузилади. Улар мазкур ўзгаришларнинг йўналиши, хусусияти ва суръатини ифода этади. Қаторлар абсолют рақамлар ва коэффициентлар асосида тузилади. Олинган даври қанча кам бўлса, экстраполяция қилинган башоратларнинг аниқлик даражаси шунча юқори бўлади. Шунингдек, маълум жиноят тури ўлчамларининг барқарорлиги даражаси ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда латентликдан келиб чиққан ҳолда жиноятчиликнинг статистик ва реал манзараси ҳам ҳисобга олинishi шарт. Мазкур методнинг камчилиги шундаки, у фақат яқин келажакка (1–3 й.) нисбатан қониқарли натижалар беради. Башорат қилинаётган давр ошиб боришига қараб баҳолашлардаги хатолар ҳам кўпайиб боради.

Моделлаштириш – бу жиноятчиликка жиддий таъсир кўрсатувчи омилларнинг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда жиноятчиликнинг динамикасини тавсифлайдиган математик формулалар тизимини ишлаб чиқиш демакдир. Моделлаштириш жиноятчиликни башорат қилиш усули сифатида объект ишининг замонда кузатилаётган қонуниятларини топишдан иборат бўлган модели-кибернетик эксперимент ўтказишни назарда тутаяди. Мазкур усулнинг афзаллиги шундаки, у башорат қилинаётган ҳодисанинг майда ва аҳамиятсиз хусусиятларини бир чеккага қўйиб, бутун эътиборни ўрганилаётган объектнинг энг муҳим жиҳатларига қаратиш имконини беради. Ижтимоий жараёнларни ўрганишда модель қўпинча манти-

қий шаклда ёки белгилар кўринишида ифода этилади. Математик моделлар, айниқса кенг тарқалган.

Эксперт баҳолаш иш стажини, малакасини, билим ва қизиқишлари доирасидан келиб чиқиб, махсус танлаб олинган илмий ва амалиёт ходимларининг жиноятчилик ёки унинг айрим турларининг бўлгуси параметрлари, шунингдек жиноятчиликнинг тенденцияларига жадал таъсир кўрсатувчи жараёнлар ва ҳодисалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини умумлаштиришни ўз ичига олади. Ушбу усулнинг киммати авваламбор шундаки, юқори малакали мутахассис башорат қилинаётган ҳодиса ёки ҳолат ҳақида ҳуқм чиқаришда фақат расмий маълумотлардан эмас, ўз тажрибаси ва интуициясидан ҳам келиб чиқади.

КРИМИНОЛОГИК ДАСТУРЛАШТИРИШ – криминологиянинг алоҳида соҳаси, жиноятчиликка, унинг айрим турлари ва кўринишларига қарши кураш бўйича дастур (режа)лар ишлаб чиқиш қонуниятларини ўрганади. Тарихий усул, криминология, шунингдек, криминологик тадқиқотларнинг объекти бўлган жиноятчилик жиноятчиларнинг шахси ва х.к.ни ўтмишни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш учун фойдаланиладиган усуллар, бажариладиган иш тартиби ва б. усуллар йиғиндиси.

КРИМИНОЛОГИК ДЕТЕРМИНАЦИЯ – бу криминоген детерминантларнинг жамиятда жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турларининг мавжуд бўлишини, ўсиб боришини ва муайян жиноятларнинг содир этилишини тақозо этиш, таъминлаш жараёни. К.д. ижтимоий детерминациянинг бир туридир. К.д.: а) сабабий б) функционал; в) статистик; г) корреляцион; д) алоқадорлик аҳволи каби турли шаклдаги боғлиқлик ўртасидаги мураккаб ўзаро бир-бирига таъсирлардир. Муайян жиноят детерминацияси шахс б-н ижтимоий муҳит ўртасидаги ўзаро мураккаб алоқалар жараёнидир.

КРИМИНОЛОГИК РЕЦИДИВ – олдин ҳам жиноят содир қилган шахслар томонидан янги жиноятларнинг содир этилиши. Криминологияда рецидив жиноятлар олдинги содир этилган жиноят учун қонунга мувофиқ қоралар кўрилгандан кейин содир этилганлиги б-н, такроран содир этилган ёки жиноятлар жамидан фарқ қилади. Рецидив жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлиги даражаси юқорилигига сабаб шуки, шахснинг олдинги содир қилган қилмишига қонунга асосан муайян қоралар кўрилганлигига қарамадан, ўзининг муаммоларини ҳал қилиш учун жамиятда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишни хоҳламай, криминоген вариантни танлаганлиги туфайли жиноят содир қилишга бўлган мойиллик тургун бўлиб қолади. Рецидив жиноятчиликнинг криминологик тушунчаси унинг жиноят-ҳуқуқий тушунчасига нисбатан анча кенгдир. Шахсга нисбатан кўрилган қораларнинг хусусиятларидан қатъи назар, жиноятнинг такрорланиши рецидив жиноятчиликнинг криминологик тушунчаси асоси қилиб олинган. Шунга мувофиқ равишда, судланганлик муддати ўтиб кетган ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган; судланганлик муддати ўтиб кетмаган ёки олиб ташланмаган; жазони ўтаётган шахслар; реабилитация асосларидан ташқари жавобгарликдан озод қилинган шахслар дастлабки жинояти юзасидан тергов олиб борилаётган ёки иши судда кўрилаётган шахслар томонидан янги жиноят содир этилган бўлса, қилмиш рецидив жиноятлар доирасига қиради.

КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФ – криминология мавзулари ва улар б-н боғлиқ бўлган воқеа, жараёнлар ҳақидаги криминологик билимлар мажмуи. Криминологик билимларга ва тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турларининг, жиноятчиликни такозо этувчи ва таъминловчи омилларнинг, жиноятчи шахсининг, тоифаларининг К.т.и берилади. К.т. элементларига қуйидаги маълумотлар киради: а) жиноятчиликнинг аҳоли, йўналиши, даражаси, тузилиши, географияси, оқибатлари, латентлик даражаси; б) жиноятчи шахсининг ўзига хос ижтимоий-демографик белгилари, аклий етуклик даражаси, маънавий хислатлари ва кадриятлари, рухий жараёни ва хислатлари, жинойий-ҳуқуқий белгилари, биофизиологик хусусиятлари; в) жиноят қурбонларининг ўзига хос маънавий-рухий хусусиятлари; г) криминоген омилларнинг аҳоли, даражаси, географияси ва таъсир қилиш механизми; д) антикриминоген омиллар аҳоли, даражаси, географияси ва таъсир қилиш механизми. К.т.га асосан жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турлари ва муайян жиноятларнинг олдини олиш чоралари ишлаб чиқилади.

КРИМИНОЛОГИК ТАДҚИҚОТ БОСҚИЧЛАРИ – фаразлар ишлаб чиқишдан то олинган натижаларни илмий ва амалий фаолиятга татбиқ этишгача бўлган жараён. Жиноятчилик, унинг сабаб ва шароитларини, жиноятчи шахсини ҳамда улар устидан ижтимоий назоратни амалга оширишни криминологик тадқиқ қилиш уч босқичдан иборат. Биринчи босқич тайёргарлик босқичи деб номланиб, унда муаммо шакллантирилади, илмий фаразлар қўйилади, тадқиқот дастури ишлаб чиқилади. Иккинчи босқич асосий иш амалга ошириладиган босқич бўлиб, унда тадқиқот инструментариyasi ишлаб чиқилади, синов тадқиқоти ўтказилади, ахборот йиғилади, ахборотлар таҳлил қилинади ва ишланади. Учинчи босқич яқунловчи босқич бўлиб, унда хулосалар, ҳисоботлар тайёрланади ва тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилади.

КРИМИНОЛОГИК ХИЗМАТ – 1) жиноятчиликни, унинг сабаб ва шароитларини, жиноятчи шахсини илмий ўрганиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш жараёнида амалга ошириладиган аклий меҳнат. Криминологик тадқиқот, экспертиза ўтказиш К.х.нинг турлари ҳисобланади. Яна қ.: *Криминологик экспертиза*; 2) Криминологик тадқиқотлар ва экспертизалар ўтказиш б-н шуғулланувчи амалий органлар, махсус илмий, таълим муассасалари ёки ташкилотлари. Тошкент давлат юридик инс.и, ЎзР ИИВ Академияси, ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ инс.и К.х.ни амалга оширувчи муассасалар ҳисобланади.

КРИМИНОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА – жиноятчиликка, унинг сабаблар мажмуасига, йўналишига, микдорсифат хусусиятларига, оқибатларига ҳамда бошқа криминологик аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларига иктисодий, ижтимоий, маданий-тарбиявий ва б. ҳодиса, воқеа, жараён ҳамда чора-тадбирларнинг бўлиши мумкин бўлган ёки мавжуд таъсирини аниқлаш мақсадида ўрганиш, таҳлил қилиш, баҳолашдир. К.э. кўпроқ қонун ижодкорлиги соҳасида қўлланилади. Бу соҳада К.э. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жиноятчиликка қарши курашнинг илмий асосланган талабларига қанчалик мувофиқлигини ўрга-

ниш ва баҳолаш, уларни қабул қилиш ёки ўзгартириш ёхуд амалга ошириш жиноятчиликка, шунингдек унга қарши кураш аҳолига қанчалик таъсир қилишини аниқлашдир. К.э.га қонун ҳужжатлари лойиҳалари б-н бир қаторда жиноятчиликка қарши кураш, ижтимоий-иктисодий, бошқарув тизими ва б. соҳалар бўйича давлат концепцияси ёки дастурлари лойиҳалари ҳам тақдим этилиши мумкин. К.э. ўтказишда криминологлардан ташқари иктисодчилар, сиёсатчилар, социологлар, демографлар, психологлар, педагоглар ва б. мутахассислар ҳам иштирок этиши мумкин. К.э. натижаси бўйича жиноятчиликнинг олдини олишга самарали хизмат қиладиган илмий асосланган криминологик тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилади. К.э. хулосасида жиноятларнинг олдини олишни кучайтириш мақсадида ўтказилиши режалаштирилган ёки ўтказилаётган тадбирларга уларни ривожлантириш, қўшимчалар киритиш, аниқлаштириш ёки аксинча жиноятлар ўсишини таъминловчи омилларнинг кўпайишига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш, олиб ташлаш бўйича тавсиялар, таклифлар берилади.

КРИМИНОЛОГИК ЮВЕНОЛОГИЯ (лот. crimen – жиноят + юн. loqos – таълимот ва juvenalis – ёш сўзларидан) – криминологиянинг вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳақидаги билимларни ўз ичига олган соҳаси. К.ю. вояга етмаганлар жиноятчилиги қонуниятларини, унинг ўзига хос сабаб ва шароитларини, вояга етмаган жиноятчи шахсини ва унинг ўзига хос криминологик хусусиятларини ҳамда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш муаммоларини ўрганади. К.ю.нинг мақсади вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларни, уларнинг сабаб ва шароитларини, жиноят содир этган вояга етмаганлар шахсини тадқиқ қилиш ҳамда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишдаги самарали усуллар, йўللار ва чора-тадбирларини ишлаб чиқишни таъминлашдир.

КРИМИНОЛОГИЯ (лот. crimen – жиноят + юн. loqos – таълимот сўзларидан; инг. criminology) – жиноятчилик, жиноятчи шахси, жиноятчилик сабаблари ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар, унинг олдини олиш усуллари ва воситаларини ўрганувчи фан. Бу тушунчадаги биргина жиноятчиликни олиб кўрадиган бўлсак, жиноятчилик жамиятдаги ижтимоий ва жинойий-ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, муайян давлатда, маълум бир давр мобайнида содир этилган барча жиноятларнинг йиғиндиси ҳисобланади. Жиноятчи шахс, яъни жиноят содир этган шахсининг антиижтимоий ҳодисалардаги ўрни ўрганилади. Жиноят субъектларининг шахсий хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларда жиноятларнинг сабаблари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлади. Жиноятчилик сабаблари ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар иктисодий демографик, рухий, сиёсий, ташкилий-бошқарув соҳасидаги салбий ҳодиса ва жараёнларни вужудга келтирувчи, уларнинг мавжудлигига шарт-шароит яратувчи ҳодисалар тизимидир. К.нинг мақсади келажакда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

КРИМИНОЛОГИЯ ГЕНЕЗИСИ (лот. crimen – жиноят + юн. loqos таълимот ва юн. genesis – пайдо бўлиши

сўзларидан) – криминологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги билимлар мажмуаси. Яна қ.: *Криминология*.

КРИМИНОЛОГИЯ ПРЕДМЕТИ – криминология фани ўрганадиган асосий ҳодисалар. Криминология мустақил фан сифатида ўрганадиган ўз мавзуларига эга. К.п.ни қуйидаги тўрт гуруҳга: а) жиноятчилик; б) жиноятчилик сабаб ва шароитлари; в) жиноятчи шахси; г) жиноятчиликнинг олдини олишга ажратиш мумкин. К. п.га жиноятчилик, унинг моҳияти ва қонуниятлари киради. У жиноятчиликни ижтимоий тақозо қилинган, тарихан ўзгарувчан ва ижтимоий хавфли, ўз қонуниятларига, қайд қилинадиган сои ва сифат кўрсаткичларига эга ҳодиса сифатида туган ўрни, мақоми, демографик, маънавий-рухий ва б. хусусиятларини ўрганади. К.п.га жиноятчиликнинг, унинг алоҳида турларининг ва муайян жиноят содир этилишининг олдини олиш б-н боғлиқ муаммолар киради. Жиноятчиликнинг олдини олиш жиноятчиликка қарши курашнинг устувор, мураккаб ва ривожланишдаги йўналиши ҳисобланиб, ижтимоий тартибга солиш, бошқариш ва назоратнинг махсус соҳасидир. Жиноятчиликнинг олдини олиш унинг сабаб ва шароитларини, бошқа детерминантларини аниқлаш, бартараф этиш, кучсизлантириш, тўсик ўрнатиш йўллари б-н амалга оширилади. К.п.ларини ўрганиш мақсадида криминология фани ўзининг тарихи, мавзуларини ўрганишнинг ташкил қилишнинг усуллари, криминологик башорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олишни режалаштириш қабиларни ўрганади.

КРИМИНОПЕНОЛОГИЯ (лот. *crimen* – жиноят + *roepa* – жазо + юн. *logos* – таълим) – жазо ўташ жараёнида содир этиладиган жиноятлар, унинг сабаб ва шароитлари, ушбу жиноятларни содир этган шахслар ва уларнинг олдини олиш ҳақидаги билимлар йиғиндиси. К. криминологиянинг алоҳида янги йўналишларидан биридир. К. жиноятга оид жазони ўташ жараёнида содир этиладиган жиноятларни қуйидаги гуруҳларга ажратади: 1) жазони ўташдан бўйин товлаш б-н боғлиқ жиноятлар; 2) зўравонлик жиноий қилмишлар; 3) ғаразли жиноий қилмишлар; 4) жазони ижро этиш муассасаси ва ходимлари фаолиятига жиноий қаршилик кўрсатиш; 5) оммавий жиноий қилмишлар; 6) маҳкумларнинг жинсий ҳиссиётининг кучайиши б-н боғлиқ жиноий қилмишлари; 7) гиёҳвандлик воситалари б-н боғлиқ жиноий қилмишлар; 8) жазони ижро этишни таъминловчи ходимларнинг жиноий қилмишлари. К. озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш жойларида содир этиладиган жиноятларнинг махсус сабаб ва шароитлари мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда уларнинг олдини олишнинг ўзига хос чораларини амалга ошириш ҳақидаги илмий хулосаларни, тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

КРИМИНОФАМИЛИСТИКА – криминологиянинг алоҳида соҳаси, жиноятчиликнинг онлада, турмушда мавжуд кўринишлари, унинг сабаблари, содир этиш шароитларини, жиноятчиликнинг шахсини, жиноятнинг оқибатларини, жиноятчиликка қарши кураш чораларининг ўзига хос тизимини ўрганади.

КРИПТОГРАФИЯ (юн. *kryptos* – махфий + *grapho* – ёзаман сўзларидан; инг. *cryptography*) – сирли хат, оддий хатнинг махсус ўзгартириш усули бўлиб, у матнни чек-

ланган, яъни фақатгина мажмур усулни тушунадиган шахсларга тушунарли бўлиши учун қўлланилади. К.нинг турли усуллари ҳарбий, дипломатик, молиявий, савдо-сотик, поконуний-сиёсий ва б. матнларни махфийлаштириш мақсадида қўлланилган. К. қад. даврлардаги қад. Шарқ, қад. Юнонистон ва Римда, шунингдек XII–XIII а.лардаги рус хайкалларида фойдаланилган. К.нинг қуйидаги асосий усуллари маълум: бошқа алифбодан фойдаланиш; шартли белгилар ва рақамлар; бир ҳарфнинг бошқа ҳарф б-н алфавит тартиби бўйича ўрни ва ўзаро сон жиҳатидан ўзгартирилиши; матнни фигура шаклида ёзиш, баъзан шу фигурани бошқа матннинг орасига жойлаштириш; сўзларни карама-қарши тартибда ёзиш. К. усулида қилинган ёзув ёки ҳужжат криптограмма деб номланади. К.нинг асосий вазифаси махфий маълумотларни муҳофаза қилишдан иборат.

КУЗАТУВ – хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулк бундан сакланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи тахлилини ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар қўлланиладиган банкротлик таомили (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

К. банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилган санадан эътиборан жорий этилади, “Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ банкротликнинг бошқа таомили қўлланилиши лозим бўлган ҳоллар бундан мустасно (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 62-м.си).

К. жорий этилган пайтдан эътиборан:

мулкий ундирувлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш тўхтатиб турилади, иш ҳақи бўйича, муаллифлик шартномалари бўйича ҳақларни, алиментларни тўлаш бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги, шунингдек ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиёни компенсация қилиш ҳақидаги, хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги ариза иш юритишга қабул қилинган пайтга қадар қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари асосида берилган ижро ҳужжатларини ижро этиш бундан мустасно;

қарздор юридик шахс муассисларининг (иштирокчиларининг) унинг таркибидан муассислари (иштирокчилари) чиқиб кетиши муносабати б-н қарздорнинг мол-мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларини қондириш тақиқланади;

эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва б. тўловларни тўлаш тақиқланади;

муқобил бир хилдаги талабни ҳисобга олиш йўли б-н қарздорнинг пул мажбуриятларини тугатишга, башарти бунда “Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 134 ва 169-м.ларида назарда тутилган кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бузилса, йўл қўйилмайди.

Хўжалик суди томонидан қарздор банкрот деб топилган ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ёки суд санацисы ёхуд ташки бошқарув жорий этилган ёки келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан кузатув тугатилади (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 75-м.си).

КУМУЛЯТИВ АКЦИЯЛАР – бу акциялар одатда тўланиши лозим бўлган, аммо эълон қилинган дивиденд-

лар тўланиб бораверишини, лекин оддий акциялар бўйича тўланадиган дивидендларни тўлаш ҳақида эълон чиққунча, бу тўланган (кумуляция қилинган) дивидендларнинг тўланиши лозим эканлигини назарда тутди.

КУМУЛЯТИВ ОВОЗ БЕРИШ – бу овоз бериш жараёнининг ўзига хослиги шундаки, кўп мандатли сайлов округларида ҳар бир сайловчи нечта номзод сайланиши лозим бўлса, шунча овоз бериш ҳуқуқини амалга оширадлар. Бу сайловчи ҳар бир номзод учун ўз овозларини алоҳида-алоҳида бериши ёки ўзи илгари сураётган номзодига барча овозларини бериши мумкин. Бу жараён бевосита АҚШнинг Иллинойс штатида 1870–1980 й.ларда амалда қўлланилган. Қолаверса, Германиянинг Бавария ўлкасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бўлиб ўтадиган сайловларда ҳар бир сайловчи учта овозга эга бўлади. Ҳар бир сайлов бюллетенига киритилган номзоднинг олдида учта бўш каттак чизилган бўлади.

КУЧ ИШЛАТИШ – жабрланувчига ҳар қандай даражада тан жароҳатлари етказиш, уриш, жисмоний куч ишлатиш, жабрланувчининг қариндошларини, яқинларини ўлдириш, номусига тегиш ва х.к.лар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, мулкни нобуд қилиш ёки шикаст етказиш, портлашлар уюштириш, ўт қўйиш, радиоактив, кимёвий биологик ядровий бомбалардан фойдаланиш, захарли, кучли таъсир этувчи токсик моддаларни қўллаш, транспорт воситалари ва б. объектларни яқсон қилиш ёки уларга шикаст етказиш, авария ёки техноген ҳалокатларни келтириб чиқарувчи ҳаракатларни содир этиш, исталган шакл ва исталган усулда таҳдидлар тарқатиш ҳам куч ишлатиш ҳисобланади.

КУЧ ИШЛАТИШ БИЛАН ҚЎРҚИТИШ – айбдорнинг соғлиғига зарар етказиш мақсадида жисмоний зўрлик ишлатишга онд ниятининг ошқора ифода этиши.

Қўрқитиш қилмишни квалификацияга таъсир этмайдиган ҳар хил усуллар б-н: оғзаки, ёзма, телефон орқали, имо-ишоралар, қурол ёки унинг ўрнини босадиган воситалар ва б.ларни қўрсатиш б-н амалга оширилиши мумкин. Қўрқитиш жабрланувчига бевосита айтилиши ёки учинчи шахслар орқали етказилиши мумкин. Қўрқитишнинг зарур шарт – унинг муайян шахсга қаратилганлигидир. Ўлдириш ёки жисмоний зўрлик ишлатиш б-н қўрқитиш шахснинг ўзига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этилиши мумкин.

Қўрқитишнинг ҳақиқийлигини аниқлашда жабрланувчи ва унинг атрофидаги одамлар қўрқитишни қандай қабул қилишлари муҳим аҳамиятга эга. Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш б-н қўрқитиш айбдорнинг қўрқитиши ҳақиқий эканлигидан далолат бериб, жабрланувчини бу қўрқитиш амалга оширидан хавфсизлашга мажбур қиладиган изҳор ва ҳаракатларида ифода этилиши зарур.

КУЧ ИШЛАТМАСЛИК ВА КУЧ БИЛАН ТАҲДИД ҚИЛМАСЛИК – халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид қилмаслик принципи томонларни бошқа давлатларга қарши бевосита ёки билвосита куч ишлатишни ифодаловчи ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туришини англатади. Бу масала илбор Иккинчи жаҳон уруши йилларида юзага келди ва халқларнинг урушдан кейин халқаро муносабатларни адолатли асосда ўрнатишга бўлган интилишлари ва умид-

ларини акс эттирди. Бу объектив қонуният биринчи марта халқаро ҳуқуқ принципига айланди ва БМТ Уставида мустаҳкамлаб қўйилди.

БМТ Уставининг IV бўлим 2-м.сига асосан халқаро ҳуқуқ субъектлари К.и. ва к. б-н т.к. принципи асосида фаоллият кўрсатишни ўз зиммасига оладилар. БМТ Уставидаги нормага асосан қабул қилинган 1970 й.ги Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация ва Хельсинки Кенгашининг яқунловчи ҳужжатлари бу принципни мазмунан бойнати.

Куч ишлатмаслик мажбурияти барча давлатларга тааллуқлидир, чунки халқаро хавфсизлик ва тинчликнинг сақланиши, нафақат БМТга аъзо бўлган давлатларга, балки аъзо бўлмаган барча давлатларга ҳам ушбу принципга амал қилишни шарт қилиб қўяди.

БМТ Уставига мувофиқ, нафақат қуролли кучларнинг, балки ҳар қандай кучнинг ҳақ-ҳуқуқларга қарши қўлланилиши, яъни қурол ишлатмасдан қилинадиган зулм-зўравонликлар ҳам тақиқланади. “Куч” атамасига алоҳида урғу берилиб, куч ишлатишнинг тинчликка ўта катта хавф-таҳдид солиши эътироф этилади. Уставнинг 2-м., 4-бандида, авваломбор, қуролли куч ишлатишнинг ман этилганлиги ҳақида сўз боради.

ЕХХКнинг яқунловчи ҳужжатида аъзо давлатларнинг “бошқа аъзо-давлатни мажбурлаш мақсадида куч ишлатишнинг барча қўринишларидан тийилиши”, “ҳар қандай иқтисодий мажбурлаш таъсиридан ўзини тийиб туриш” кераклиги тўғридан-тўғри кўрсатиб қўйилган. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи нормалари томонидан ҳар қандай қўринишдаги ноқонуний куч ишлатишни қатъиян ман этилаётганидан далолат беради. БМТ Уставининг 42–47 ва 51-м.ларида қуролли кучни қонуний равишда қўллаш ҳолатлари ҳақида, 41 ва 50-м.ларида эса қуролсиз кучларнинг қонун доирасида қўлланилиши ҳақида айтиб ўтилган. Бу моддаларда қуйидаги усуллар санаб ўтилади: “иқтисодий муносабатлар, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ва б. алоқа воситаларини тўла ёки қисман узиб қўйиш, дипломатик алоқаларни тўхтатиб қўйиш”.

Уставада қуролли кучларни давлатлар томонидан икки ҳолатдагина, яъни ўзини ўзи мудофаа қилиш (51-м.) ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорига асосан, дунё хавфсизлигига таҳдид, тинчлик, сулҳ бузилган ёки агрессия ҳолатларида (39 ва 42-м.лар) қонуний равишда қўллаш мумкинлиги таъкидланади.

Муайян давлатнинг ўзини ўзи мудофаа қилиши, шу давлатга қурол б-н бостириб қирилганидагина ҳуқуқий асосга эга бўлади. Бир давлат бошқасига қарши иқтисодий ёки сиёсий чора кўрганида, биринчи давлатга қарши қуролли куч ишлатиш 51-м.га биноан тақиқланган.

Бундай вазиятларда ёки ҳатто қурол б-н давлат ҳудудига бостириб кириш ҳолати намоён бўлганида, химояланувчи давлат унга нисбатан тенг ўлчов принципига амал қилган ҳолда жавоб тадбирини қўллаши мумкин.

БМТ Устави аниқ мажбурий чораларнинг тўла рўйхатини ўзида ифодаламаган. Шунга кўра, Хавфсизлик Кенгаши Уставада махсус санаб ўтилмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам кўриши мумкин.

Куч ишлатмаслик принципи, энг аввало агрессив урушларнинг тақиқланишини назарда тутди. Чунки маълум

бир давлат томонидан қуролли қуч ишлатилиши, аввало агрессив уруш деб тан олинади ва халқаро жинойт сифатида давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка тортилишига, шунингдек бунга айбдор шахсларнинг халқаро жинойт жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Агрессия ҳаракатлари Нюрнберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналларининг низомида халқаро жинойтлар, деб юридик жиҳатдан таснифланган. Урушдан кейинги йилларда ушбу принципнинг мазмунига давлатларнинг агрессив урушларни ташвиқ қилмаслик мажбурияти ҳам киритилган.

Қуч ишлатмаслик принципининг мазмунига қўра, халқаро ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши орқали бошқа давлат ҳудудларини босиб олиш, қуч ишлатиш б-н боғлиқ репрессалия ҳаракатлари ман этилади, шу жумладан, учинчи бир давлатга қарши агрессияни амалга оширмакчи бўлган иккинчи давлат ихтиёрига фойдаланиш учун ўз ҳудудларини бериш, бошқа бир давлатдаги фуқаролар уруши ёки террористик ҳаракатларда иштирок этиш ёки ёрдам кўрсатиш, гиж-гижлаш уюштириш, бир давлат ҳудудида бостириб кириш учун қуролли тўдалар, мунтазам қучлар, ёлланма жангари гуруҳларни ташкил этиш ёхуд бундай ҳаракатларни рағбатлантириш каби ҳаракатлар тақиқланади.

КУЧЛИ РУҲИЙ ХАЯЖОНЛАНИШ – қ.: Аффект. КЎЗБЎЯМАЧИЛИК УЧУН ТУЗИЛГАН БИТИМ

– бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган битим. Агар битим бошқа бир битимни яширмак учун тузилган бўлса, бу ҳолда тарафлар томонидан ҳақиқатда назарда тутилган битимга оид қондалар қўлланилади. К.у.т.б. барча ҳолларда ҳақиқий саналмайди. Бундай битим б-н яширилган битим конун талабларига жавоб бериш-бермаслигига қараб, ё ҳақиқий бўлади ёки ҳақиқий эмас деб топилади. Агар кўзбўямачилик учун тузилган битим конунга ҳилоф бўлса ҳам, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган бўлса, ҳар икки тарафнинг битим юзасидан олган нарсалари бир-бирига қайтарилади. Аммо битим жамият ва давлат манфаатларига ҳилоф мақсадларда тузилган бўлса, ҳар икки тарафнинг олган нарсаси давлат даромадида ўтказилади. ЎЗР ФКнинг 124-м.сига мувофиқ, агар битим бошқа битимни ниқоблаш мақсадида тузилган бўлса (кўзбўямачилик битими), тарафлар ҳақиқатда назарда тутган битимга доир қондалар қўлланилади.

КЎЗДАН КЕЧИРИШ – жинойт излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, хайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечирилади.

Шунингдек, К.к.нинг қуйидаги турлари мавжуд: одам баданини К.к., почта-телеграф жўнатмаларини К.к., нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатларни К.к.

Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида К.к. ҳолислар иштирокида ўтказилади. Жинойт иши кўрилатган вақтда К.к.га зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва К.к.ни тарафлар иштирокида ўтказилади.

Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд К.к. чоғида ўлчов ўтказилади, фотосуратга, кинотасвирга, видео-

ёзувга туширилади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун К.к.га мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

К.к. чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар ҳолисларга, тарафларга ва К.к.нинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим.

К.к.да иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўзларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар.

ЎЗР ЖПКнинг 90–92-м.ларида назарда тутилган қондаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи К.к. ўтказилганлиги тўғрисида баённома тузади, суд эса К.к. жараёнини ва унинг натижаларини суд мажлиси баённомасида қайд этади.

Баённомада К.к. давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, К.к. пайтида қандай ҳолатда қузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. К.к. чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади.

Бундан ташқари, баённомада: К.к. қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; К.к.да қўмаклашиш учун қимлар жалб қилинганлиги ва қўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда ва қандай муҳр б-н муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

КЎНГИЛЛИЛАР – “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ҳомийлик олувчининг ёхуд ҳомийлик ташкилотининг манфаатларини кўзлаб беҳул ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шаклидаги ҳомийликни амалга оширувчи жисмоний шахслар. Яна қ.: *Ҳомийлик*.

КЎП ПАРТИЯВИЙЛИК – ҳозирги демократик давлатларда сиёсий ҳаётни ташкил этишнинг асосий конституциявий принциплардан бири, сиёсий ва мафқуравий плюрализм(хилма-хиллик)нинг анча умумийроқ бўлган принципи ифодаси сифатида баҳоланади. К.п. принципи юридик жиҳатдан давлат фуқароларининг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқини, барча сиёсий партияларнинг конун олдида тенглигини, улар фаолияти эркинлигини тан олиши ва қафолатлашини англатади. К.п. принципи ваколатли давлат органларининг миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий муросасизликини, конуний давлат ҳокимият органларини қуч ишлатиб ағдаришни тарғиб қиладиган ёки бошқа йўсинда амалда бўлиб турган конунчиликни бузадиган сиёсий партияларни конунда белгиланган тартибда тақиқлаш ва тарқатиб юборишини мустасно қилмайди. Юридик (расмий) ҳақиқий К.п. аниқ бир давлатда ижтимоий ва сиёсий манфаатларнинг барча спектрини қамраб олган ривожланган ва самарали партиялар тизими мавжудлигида ифодаланади.

КЎП ТОМОНЛАМА ХАЛҚАРО ШАРТНОМА – қ.: *Халқаро шартнома*.

КЎП ХОТИНЛИ БЎЛИШ – умумий рўзгор юритиш асосида икки ёки ундан ортиқ хотин б-н эр-хотин бўлиб яшаш. Ушбу жиноят ЎзР ЖКнинг 126-м.сига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

КЎППОҒОНАЛИ САЙЛОВ – қ.: Сайлов.

КЎРСАТУВ БЕРИШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ – гувоҳ ва жабрланувчининг жиноят иши ҳолатлари юзасидан ўзига маълум бўлган маълумотларни давлат сири, касб сири ёки процесс иштирокчиларининг маффаатларига тегишлилигини ваъж қилиб, ушбу маълумотларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судьяга тақдим этишдан бош тортгани. Гувоҳ ва жабрланувчи кўрсатув беришдан бош тортганлик учун жиний жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг яқин қариндошлари бундан мустасно.

КЎРСАТУВЛАР – далиллар манбаларидан бўлиб, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят ходисаси ҳақида берган маълумотларидир.

Жиноят процессида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ва айбланувчидан сўроқ тергов ҳаракати орқали олинади. Сўроқ қилинувчи томонидан билдирилган маълумот ҳамда баъзи ҳолларда топширилган график, ашё ва хабарларнинг бошқача тасвирлари кўрсатув беришнинг шакли ҳисобланади.

К. қандай шаклда бўлиши ва қандай ҳаракатлар б-н ифодаланишидан қатъи назар, терговчи уни қизиқтирадиган фактлар ва уларнинг тавсифи борлиги ёки йўқлиги ҳақидаги ахборотга эга бўлиши керак. Акс ҳолда улар ишбодловчи аҳамиятдан маҳрум бўлади.

Гумон қилинувчининг К.и далиллар манбаларидан бири ҳисобланади. Гумон қилинувчини жиноят процессининг муҳим иштирокчиси сифатида расмийлаштириш унинг К.и жиноят ишини тергов қилиш учун аҳамиятли эканлиги, ушбу К.ининг далилларнинг махсус манбаларидан бири сифатида ажратилишини таъқозо этади.

Гумон қилинувчининг кейинчалик айбланувчи сифатида жиний жавобгарликка тортилиши унинг айбланувчи сифатида К. беришини истисно этмайди, аксинча, бундан таъқозо этади. Агар гумон тасдиқланмаса, гумон қилинувчи гувоҳга айланса, кейинчалик у гувоҳлик К.и беради. Бу ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд энди гумон қилинувчи, айбланувчи ва гувоҳнинг К.идан фарқ қиладиган бошқа далиллар манбаларига эга бўладилар. Гумон қилинувчининг аввал берилган К.и бундан ўзининг процессуал аҳамиятини йўқотмайди. Улар жиноят иши бўйича тўпланган бошқа барча далиллар б-н биргаликда тадқиқ этилади ва баҳоланади.

Айбланувчининг К.и далиллар манбаларидан бири ҳисобланади. Жамият учун хавфли бўлган ҳаракатнинг бор-йўқлиги ушбу ҳаракатларни содир этган шахснинг айбдорлиги тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлар ва иш тўғрисида хал қилиниши учун муҳим бўлган бошқа ҳолатлар айбланувчининг К.и орқали аниқланади.

Айбланувчининг К.и гувоҳлар ва б. шахсларнинг К.дан тўдан фарқ қиладди. Бу ҳол унинг жиноят процессидаги алоҳида процессуал ҳолати б-н изоҳланади.

Гувоҳ ва жабрланувчининг К.и умумий хусусиятга эга. Шунинг учун, улар сўроқ қилиниши юритишнинг процессуал қоидалари бирлигига асослангандир.

КЎРСАТУВЛАРНИ ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДА ТЕКШИРИШ – суриштирувчи, терговчи, суд гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчилар, гувоҳлар ҳамда жабрланувчиларнинг кўрсатувларини текшириладиган ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли б-н текшириб кўришга ҳақлидир.

К.х.с.б.ж.т.дан мақсад: кўрсатувлари текшириладиган шахсга маълум, суриштирувчи, терговчи ва судга эса номаълум бўлган нарсалар, ҳужжатлар, излар ва белгиларни топиш; шахснинг тергов ёки суд муҳокамаси давомида топилган нарсалар, ҳужжатлар, излар қаерда бўлганлигини кўрсатиб бериши; бир неча шахснинг айни бир ҳодиса тўғрисида берган кўрсатувларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқлаш учун ишда аҳамиятли бўлган жой ёки йўналишни шахс кўрсатиб бериши; ҳолатларни қайта тиклаш ва ҳодиса содир бўлган жойдаги шароит б-н қиёлаш орқали кўрсатувларнинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлашдан иборат.

Кўрсатувни текшириладиган шахс ҳодиса содир бўлган жойда бир вақтнинг ўзиде кўрсатиш, кўздан кечириш ёки баъзи нарсаларни, ҳужжатларни, изларни олиш ёхуд муайян ҳаракатларни намойиш қилиш орқали тушунтириш беради ёки ўзининг аввал берган кўрсатувларига аниқлик киритади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш натижалари, бу шахсларнинг муайян ҳодисалар ҳақида билганлари фақат уларнинг жиноят содир этишга дахлдорлигидан дарак берсагина, далил кучига эга бўлади.

К.х.с.б.ж.т.ни суриштирувчи ёки терговчи ҳолисалар иштирокида, суд эса тарафлар иштирокида ўтказилади. К.х.с.б.ж.т.га мутахассислар ва экспертлар жалб қилиниши мумкин.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафлар ва бу тергов ҳаракатининг бошқа қатнашчилари иштирокида текшириладиган кўрсатувларни эълон қиладди, кўрсатув берган шахсдан уларнинг тўғри ёки нотўғрилигини, қўшимча ва ўзгартиришлар киритишга эҳтиёж бор ёки йўқлигини сўрайди, текширишнинг мақсади ва тартибини тушунтиради. Башарти гувоҳ ёки жабрланувчининг кўрсатувлари текшириладиган бўлса, улар, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларни истисно қилганда, кўрсатув беришдан бош тортганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жиний жавобгарликка тортилиш ҳақида огоҳлантирилиши лозим.

Бир вақтнинг ўзиде бир неча шахснинг кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текширишга йўл қўйилмайди.

К.х.с.б.ж.т. қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: кўрсатув берган шахс текшириладиган ҳодисанинг шароит ва ҳолатини жойида тиклайди; иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларни, ҳужжатларни, изларни қидириб топади ва кўрсатади; айрим ҳаракатларни намойиш қиладди; текшириладиган ҳодисада у ёки бу нарсанинг қандай аҳамияти бўлганлигини кўрсатади; ҳодиса содир бўлган жойда шароитнинг ўзгарганлигига эътиборни қаратади; ўзининг аввалги кўрсатувларини аниқлаштиради ва уларга ойдинлик киритади. Бу ҳаракатлар вақтида четдан аралаштиришга, гап ўргатишга ва ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди.

Кўрсатуви текшириладиган шахс эркин сўзлаб берган ва ҳаракатларни эркин намойиш қилиб бўлган, унга саволлар берилиши мумкин. Кўрсатуви ҳодиса содир бўлган жойда текширишда қатнашаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатларини аниқлаштиришга ёрдам берадиган барча парсаларга қаратишга, баъзи ҳаракатларнинг такрорланишини талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатувлари ҳодиса содир бўлган жойда текшириладиган шахс ва тергов ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ўтказиладиган тергов ҳаракати юзасидан уларни кўшимча равишда сўроқ қилишни талаб этишга ҳақлидир.

Кўрсатувлар ҳодиса содир бўлган жойда текширилган ҳақида ЎзР ЖПКнинг 90 – 92-м.ларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи баённома тузади, суд эса текширувнинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасига киритади.

Бундан ташқари, баённомада: К.х.с.б.ж.т. каерда, қачон, қандай шароитда ўтказилганлиги; қандай жойлар ва парсалар кўздан кечирилганлиги; ҳодиса содир бўлган жойда берилган кўрсатувларнинг мазмуни қандайлиги; ҳодисанинг шароити ва ҳолатларини тиклаш нимада ўз аксини топганлиги; шахс ўзининг аввалги кўрсатувларига қандай аниқликлар киритганлиги кўрсатилиши лозим (ЎзР ЖПКнинг 132–134 м.лари).

КЎЧМАС МУЛКНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ – кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни (ЎзР ФКнинг 83-м.си) ўз зиммасига олади (ЎзР ФКнинг 479-м.си).

К.м.с.ш. тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади (ЎзР ФК 366-м.сининг тўртинчи қисми). К.м.с.ш.нинг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади (ЎзР ФКнинг 480-м.си).

К.м.с.ш.га биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатида қайд этилиши лозим. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатида қайд этилгунга қадар тарафларнинг К.м.с.ш.ни бажариши уларнинг учинчи шахслар б-н муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди. Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатига ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк

ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлаётган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги гуфайли кўрган зарарини қоплаши шарт (ЎзР ФКнинг 481-м.си).

К.м.с.ш.да шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан, кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт. Шартномада бундай маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса тузилмаган ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 484-м.си).

К.м.с.ш.да ана шу мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим. Шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади. Бунда ЎзР ФК 356-м.сининг тўртинчи қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қондаси қўлланмайди. Агар қонунда ёки К.м.с.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк б-н бирга топшириладиган ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади. К.м.с.ш.да кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлигига ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган умумий баҳоси сотувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдорига асосланган ҳолда белгиланади (ЎзР ФКнинг 485-м.си).

Сотувчи сотиб олганидан кейин қопунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шarti – бу шахсларнинг рўйхатини сотиладиган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир. Уйни, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқлангани ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим (ЎзР ФКнинг 488-м.си).

Л

ЛАВОЗИМДАН ЧЕТЛАШТИРИШ – жиноят процессидаги процессуал мажбурлов чораларидан бири.

ЎзР ЖПКнинг 255-м.сига мувофиқ, башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд уни лавозимидан четлаштиришга ҳақлидир.

Ушбу кодекснинг 256-м.сига асосан, айбланувчини, судланувчини Л.ч. тўғрисида тўхтама келгач, суриштирувчи, терговчи, прокурор бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Суриштирувчи ва терговчининг бу тўғридаги қарорига прокурор розлик бериши лозим. Қарорда ёки ажримда: лавозимидан четлаштирилмаган шахс; унинг иш жойи; Л.ч. асослари; айбланувчини, судланувчини Л.ч. тўғрисида қорхона, муассаса, ташкилотнинг ваколатли раҳбарига қаратилган талаб кўрсатилган бўлиши лозим. Айбланувчини, судланувчини Л.ч. тўғрисидаги қарор ёки ажрим қорхона, муассаса, ташкилот раҳбари учун мажбурий бўлиб, у қарор ёки ажримни олгач, уни зудлик б-н ижро этиши ва айбланувчини, судланувчини Л.ч. ҳақида қарор ёки ажрим чиқарган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд судга бу ҳақда хабар бериши шарт.

Мазкур кодекснинг 257-м.сига биноан, Л.ч. чорасига кейинчалик зарурат қолмаган тақдирда айбланувчини, судланувчини Л.ч. тўғрисидаги қарор ёки ажрим суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суд томонидан бекор қилинади. Суд оқлов ҳукмида ёки ишни тугатиш ҳақидаги ажримида судланувчини Л.ч.ни бекор қилади.

Кодекснинг 258-м.сига кўра, суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг қарори асосида лавозимидан четлаштирилган айбланувчи, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакили, шунингдек лавозимидан четлаштирилган шахс ишлаган қорхона, муассаса, ташкилот раҳбари юқори турувчи прокурорга ушбу қарор устидан шикоят қилишга ҳақлидир. Судланувчини Л.ч. тўғрисидаги суднинг ажрими устидан манфаатдор шахслар томонидан юқори судга хусусий шикоят берилиши мумкин.

Кодекснинг 259-м.сига мувофиқ, суриштирувчи, терговчи, прокурор, башарти улар ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб қилинган бўлсалар, лавозимдан четлаштирилган ҳисобланади.

Кодекснинг 260-м.сига кўра, шахснинг лавозимидан қонунга ҳилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ЖПКнинг 83-м.сига назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўла ҳажмда қопланади. Яна қ.: *Ишдан четлаштириш*.

ЛАТЕНТ ЖИНОЯТЧИЛИК (лот. latens – яширин, кўринмас, сезилмас) қонунга биноан, содир этилган жи-

ноятларни тергов қилиш ёки кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган органлардан яширилган, ушбу органлар аниқламаган ва жиноий жазога тортилиши керак бўлган қилмишлар рўйхатида акс этмаган, яъни қайд этилмаган жиноятлар. Расмий рўйхатга олинган ва олинмаган жиноятларнинг жами “ҳақиқий жиноятчилик” деб аталади. Содир этилган жиноятларнинг ҳақиқий сони одатда “қоронғи сон” деб, аниқланган жиноятлар сони эса “аниқ сон” деб аталади. Хориж криминологиясида “қоронғи сон” муаммоси анча вақтдан бери махсус тадқиқот мавзуини ташкил этади. Криминология бўйича янги адабиётда латент жиноятларнинг бир неча гуруҳи ажратилади: табиий латентлик, чегаравий вазиятлар ва сунъий латентлик. Биринчи гуруҳни ташкилотларнинг вакиллари ёки айрим шахслар учун номатълум бўлган жиноятлар ташкил этади. Иккинчи гуруҳга жиноят факти аниқланмаган, аммо турли сабабларга кўра уни аниқлаган шахс узоқ вақт давомида уни жиноят сифатида англамайдиган жиноятлар қиради. Учинчи гуруҳ латент жиноятларни мансабдор шахслар қопунни бузган ҳолда жиноят деб тан олмаган, шу боис қайд этилмаган ва яширилган жиноятлар ташкил этади. Қандайдир даражада мазкур жиноятларга мос келадиган бошқа гуруҳлар ҳам ажратилади, Мас., милиция (ҳуқуқни муҳофаза қилиш) органларига умуман маълум бўлмаган жиноятлар; жиноятнинг ўзи аниқланган, аммо уни содир этган жиноятчи аниқланмаган жиноятлар (очилмаган жиноятлар); аниқланган, лекин процессуал сабабларга кўра айблов акти ёхуд ҳукм чиқарилмаган жиноятлар; ҳукм чиқарилган ва қонуний қучга кирган, бироқ у ёки бу сабабларга кўра статистикада ҳисобга олинмаган жиноятлар. Латент жиноятлар турлича таснифланиши мумкин.

Латент (яширин) жиноятлар – жиноят ишларини олиб боровчи, тергов қилувчи давлат органларига жиноят тўғрисида хабар келмаслиги ва аниқланмай қолиши. Л. ж. криминология ва жиноят ҳуқуқида алоҳида бир ҳуқуқий тушунча сифатида ўрганилади.

ЛАТЕНТЛИК (лот. latens – яширин, кўринмас, сезилмас) – криминологияда Л. деганда содир этилган, аммо аниқланмаган ва давлат органларига хабар қилинмаган жиноятлар тушунилади.

ЛЕГАЛ ШАРҲЛАШ – қ.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

ЛЕГАЛЛАШТИРИШ – 1) муайян ташкилот фаолиятига руҳсат бериш, бироқ-бир ҳужжат, ҳаракатга юридик қуч бағишлаш; 2) ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш. Чет элда тузилган ёки чет давлатда амалда бўладиган ҳужжатлар легаллаштирилиши лозим. Бу жараён консулнинг ҳужжатлардаги устхатини гувоҳлантириш шаклида амалга оширилади.

ЛЕГИТИМЛИК (лот. legitimus – қонунга мувофиқ, қонуний) – давлатда фаолият олиб бораётган ҳокимият инсталларининг мамлакат аҳолиси, унинг қатта гуруҳлари, жамоатчилик (шу жумладан чет эл жамоатчилиги) томонидан ижобий баҳолалишини, уларнинг қонунийлиги тан олиншини англатадиган сиёсий-ҳуқуқий тушунча. Л. тўғрисидаги масала, одатда, инқилоб ёки тўнтариш натижасида ҳуқуқмат (сиёсий режим) алмашганида кўтарилади.

ЛЕСБИЯНЛИК (Эгей денгизидagi Лесбос юн. ороли номидан) – аёлнинг аёл б-н зўрлик ишлатмасдан жинсий эҳтиёжини қондириши.

ЛИБЕРАЛИЗМ – Европа давлатларида XVII–XVIII а.ларда вужудга келган фуқаролик, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлар эркинлигини эълон қилган ғоявий ижтимоий-сиёсий оқим. Инглиз файласуфи Дж.Локк, француз маърифатпарвари Ш.Монтескье, иқтисодчи А.Смитларнинг мутлақлик ва феодал тартибларига қарши қаратилган қарашларида ўзининг ибтидосини олган. Л. ғоялари дастлаб, АҚШнинг 1787 й.ги Конс.сида ҳамда 1789 й.ги Франция Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида ўзининг ифодасини топган. XIX а. ва XX а.нинг бошларида Л.нинг фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, демократик сиёсий инс.лар, хусусий тадбиркорлик эркинлиги, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари каби асосий ғоя ва принциплари узил-кесил шаклланган.

Ҳозирги замон Л.и эркин бозор механизми самарали иқтисодий фаолият юритиш, ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни тартибга солиш учун ижобий замин яратади. Айни пайтда бозор ва рақобат муносабатларининг бир маромда кечиши учун давлатнинг доимий равишда аралашуви такозо этилади деган фикрга асосланади. XX а.нинг охирида Л. ғояларининг консерватизм ва социал демократия ғоялари б-н яқинлашуви жараёни юз бермоқда.

ЛИЗИНГ (инг. leasing, lease – ижара, мулк ижарасидан) – молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (Л. берувчи) иккинчи тарафнинг (Л. олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) Л. шартномасида шартлашилган мол-мулкни (Л. объектини) мулк қилиб олади ва уни Л. олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради. Бунда Л. шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

Л. шартномасининг муддати тугагач, Л. объекти лизинг олувчининг мулки бўлиб ўтса;

Л. шартномасининг муддати Л. объекти хизмат муддатининг саксон фоизидан ортиқ бўлса ёки Л. объектининг Л. шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг йигирма фоизидан кам бўлса;

Л. шартномасининг муддати тугагач, Л. олувчи лизинг объектини унинг бозор қийматидан паст нархда эвазини тўлаб сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса, бунда ана шу ҳуқуқни амалга ошириш қунидаги Л. объекти қиймати асос бўлади;

Л. шартномаси даври учун Л. тўловларининг жорий дисконтланган (ҳисобга олинган) қиймати Л. объектининг Л.га топшириш пайтидаги жорий қийматининг тўқсон фоизидан ортиқ бўлса. Жорий дисконтланган (ҳисобга олинган) қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Л. уч тарафлама (сотувчи – Л. берувчи – Л. олувчи) ёки икки тарафлама (Л. берувчи – Л. олувчи) Л. шартномаси бўйича амалга оширилади.

Л. берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама Л. шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда Л. объектининг олди-сотди шартномаси тузилади (“Лизинг тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си).

ЛИЗИНГ ТЎЛОВЛАРИ – Л.т. лизинг берувчига лизинг объекти қийматининг лизинг олувчи томонидан қопланишидан, шунингдек лизинг берувчининг фоизли да-

ромадидан иборат бўлади. Л.т. шартноманинг бутун амал қилиш муддатига тақсимланади ва бўлиб-бўлиб тўланади. Л.т.нинг миқдорлари ва даврийлиги лизинг шартномаси б-н белгиланади (“Лизинг тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 22-м.си).

ЛИЗИНГ ФАОЛИЯТИ – лизинг берувчи томонидан ўз маблағлари ва (ёки) жалб этилган маблағлар ҳисобидан лизинг объектининг сотиб олинishi ва уни лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчига берилиши борасидаги инвестиция фаолияти туридир. Мазкур фаолият б-н асосан махсус лизинг компаниялар ва тижорат банклари шуғулланишади (“Лизинг тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.си).

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ – Л.ш. ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади. Л.ш.: шартнома тарафларидан бирининг талабига кўра; мол-мулк лизинг объекти ҳисобланиб, у ҳақда тузиладиган битимлар қонунга мувофиқ нотариал тасдиқланиши талаб қилинадиган ҳолларда нотариал тасдиқланиши лозим.

Қуйидагилар Л.ш.нинг муҳим шартлари ҳисобланади: лизинг объектининг тавсифланиши (лизинг объектининг миқдори, сифати, рўйхати, контракт қиймати ва б. кўрсаткичлари) ва шартнома умумий пул суммасининг кўрсатилиши; тарафларнинг лизинг объектини олиш ва бериш б-н боғлиқ мажбуриятлари; лизинг объектини бериш тартиби, шу жумладан лизинг объектини етказиб бериш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топшириш тартиби; лизинг тўловларини тўлаш шартлари, миқдорлари, муддатлари ва тартиби; лизинг объектидан фойдаланиш, унга қараш, уни сақлаб туриш ва таъмирлаш юзасидан тарафларнинг мажбуриятлари; шартноманинг амал қилиш муддати; сотувчи ва лизинг объектини танлаш учун масъул тарафнинг кўрсатилиши.

Тарафларнинг келишувига биноан Л.ш.га қуйидаги шартлар киритилиши мумкин: лизинг объектини сотиб олиш тартиби ва муддатлари; Л.ш.ни ўзгартириш ва бекор қилиш; лизинг объектини суғурта қилиш; форс-мажор ҳолатлар; лизинг берувчи қўшимча хизматлар кўрсатиши, бундай хизматларсиз лизинг объектидан фойдаланиб бўлмас; лизинг субъектлари томонидан Л.ш. шартларига риоя этилишини назорат қилиш тартиби. Л.ш.га қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Л.ш.ни ўзгартириш ва бекор қилиш, агар қонун ҳужжатларида ва шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмас, тарафлар келишувига биноан амалга оширилиши мумкин (“Лизинг тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 9, 10-м.лари).

ЛИКВИД ВОСИТАЛАР – Л.в. товар(махсулот)нинг товар бозорларидаги тез ва бир маромдаги муомаласини таъминловчи воситалар. Мас., товар(махсулотлар) биржа орқали реализация қилинганда ликвид восита сифатида биржалар муҳим роль ўйнайди. Аммо, Л.в. кенг қамровли тушунча бўлиб, ўз таркибига товар(махсулот)нинг тез ва бир маромдаги муомаласини таъминловчи барча воситалар қиради.

ЛИКВИДАЦИОН ДИВИДЕНД – акциядорлик жамияти тугатилаётган ёки банкрот деб топилган вақтда акция эгаларига бериладиган дивиденд, яъни фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта ин-

вестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлик жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми. "Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ЎзР Қонунига мувофиқ, Л.д. акциядорлик жамиятлари тугатилаётган ёки банкрот деб эълон қилинган даврда биринчи навбатда имтиёзли акция эгалари, кейинги навбатларда оддий акция эгаларига берилади. Мазкур Қонуннинг 24-м.сига мувофиқ, акция эгаларига дивидендларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялар ҳисобланади. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига, қорхона фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради. Умумий қондага кўра, акциядорлик жамияти акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт. Бунда акциядорлар жамиятининг умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари б-н тўланиши мумкин. Қонунга мувофиқ, акциядорлик жамиятларида дивидендлар йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштириладиган акциялар бўйича дивиденд тўланса, Л.д.лар навбатдан ташқари акциядорлик жамияти тугатилаётган ёки банкрот деб эълон қилинган вақтда тўланади.

ЛИКВИДЛИК (лот. liquidus – суюқ, оқувчи; инг. liquidity; фр. liquidite) – Л. иқтисодий атама сифатида товар(маҳсулот)га нисбатан ишлатилиб, товар(маҳсулот)нинг бозорда тез реализация қилиниши, унинг муомаласи қай даражада эканлигини белгилаб беради. Л. товар(маҳсулот)нинг ўзига хос иқтисодий хусусияти бўлиб, ўз мазмунига кўра бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, марказлаштирилган тақсимлаш тизимини тугатиш, мулкчилик шаклларида қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш, бозор нархлари шакллантирилишида муҳим аҳамиятга эга.

ЛИМИТ (лот. limes /limitis/ – чегара, оралик; инг. limit; фр. limite) – маҳсулот, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларига нисбатан қўйиладиган чеклов миқдори. ЎзР ВМнинг 2004 й. 5 февралдаги 57-сон "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишнинг давом эттириш тўғрисида"ги қарори б-н барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида Республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати, Маҳсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати, Моддий-техника ресурсларининг стратегик турларини сотишнинг маҳсус тартиби тўғрисидаги низом, шунингдек, Маҳсулотларни сотишнинг бозор механизмларини жорий этиш чоратадбирлари тасдиқланди. Мазкур қарорга мувофиқ, Республика истеъмолчилари ўртасида лимитларни тақсимлаш тугатиладиган маҳсулотлар турлари рўйхати, Маҳсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхати бўйича маҳсулотларни биржа ва кимошди савдоларига қўйиш белгилан-

ган тартибда тасдиқланадиган қорхоналар томонидан ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси б-н келишган ҳолда тасдиқланадиган жадвалларга мувофиқ тегишли моддий балансларда ушбу мақсадлар учун назарда тутилган хажмларга мувофиқ йил давомида тенг равишда амалга оширилади. Шунингдек, биржалар мазкур рўйхатларга мувофиқ сотилган маҳсулотларнинг ўртача биржа нархи котировкаларини, кимошди савдоларида шаклланган нархларни эса савдо яқунларига кўра ҳар ҳафтада очик матбуотда ва Интернет тармоқларидаги ўз саҳифаларида эълон қилишлари шарт.

ЛИСТИНГ (инг. listing – рўйхатга киритиш) – қимматли қоғозларни биржа савдоларида муомалада бўладиган қимматли қоғозлар рўйхатига киритиш. Мазкур рўйхатга киритилмаган қимматли қоғозлар биржа савдолари орқали сотилиши ва сотиб олиниши мумкин эмас. Улар фақат биржадан ташқари бозорларда сотилади ёки сотиб олинади. Қимматли қоғозлар олди-сотдиси б-н боғлиқ операциялар, улар Л.га киритилганда кейингина амалга оширилади. Қимматли қоғозларни биржа савдосида муомалада бўлишдан олиб ташлаш делистинг деб аталади. Л.нинг яна бир тури акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини расмий биржа бюллетенига киритиш орқали фонд биржасидаги савдоларга қўйиш жараёни. Қимматли қоғозлар Л.и эса қимматли қоғозларни эмитентнинг мустақам молиявий-хўжалик ҳолати, ликвидлиги, бозор фаоллигини тавсифловчи тоифага киритиш ҳисобланади.

ЛИЦЕНЗИАТ – фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш лицензияси бўлган юридик ёки жисмоний шахс ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ЛИЦЕНЗИЯ (лот. licentia – ҳаракатлар эркинлиги, ҳуқуқ; инг. licence) – лицензияловчи орган томонидан юридик ёки жисмоний шахсга берилган, Л. талаблари ва шартларига сўзсиз риоя этилгани ҳолда фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошириш учун рухсатнома(ҳуқуқ)дир. Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласига амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар б-н амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари қиради. Амалга оширилиши учун Л. талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар б-н белгиланади ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3 ва 7-м.лари).

Л.лар намунавий (оддий) ва яқка тартибдаги бўлиши мумкин. Намунавий (оддий) Л.лар жумласига чекланмаган доирадаги юридик ва жисмоний шахсларга бериладиган Л.лар қиради, агар ушбу шахслар тегишли фаолият турини амалга оширишга нисбатан қўйиладиган ягона шартлар ва талабларга жавоб берсалар. Яқка тартибдаги Л.лар жумласига юридик ва жисмоний шахсларга алоҳида талаблар ва шартлар асосида бериладиган, лицензияларга фаолиятнинг мазкур турини амалга оширишда мутлақ ҳуқуқлар берувчи, миқдорий чекланган Л.лар қиради. Яқка тартибдаги Л.лар амал қилиш ҳудуди, фаолият объекти ёки ЎзР ВМ белгиладиган бошқа асосларга кўра, миқ-

дорий чекланади. Якка тартибдаги Л.ларни бериш, конда тарикасида, танлов (тендер) асосида амалга оширилади. Якка тартибдаги Л.ларни бериш тартиби ва шартлари, шу жумладан, танловларни (тендерларни) ўтказиш шартлари ЎзР ВМ томонидан белгиланади ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 10-м.си).

Л. ҳар бир лицензияланадиган фаолият тури учун алоҳида берилди. Л. даъвогарининг аризасига мувофиқ Л. лицензияланаётган фаолият турининг бир қисмига (қисмларига) берилиши мумкин. Амалга оширилиши учун Л. олинган фаолият тури фақат Л.ни олган юридик ёки жисмоний шахс томонидан амалга оширилиши мумкин. Л.ларни ёки уларга доир ҳуқуқларни бошқа шахсларга бериш тақиқланади. Амалга оширилиши учун Л. берилган фаолият, агар Л. талаблари ва шартларида бошқача конда назарда тутилмаган бўлса, ЎзРнинг бутун ҳудудида амалга оширилиши мумкин ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 11-м.си).

Л.нинг амал қилиш муддати, конда тарикасида, чекланмайди. Л. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда Л. даъвогарининг аризасида кўрсатилган муддатга берилди. Қонун ҳужжатларида Л.нинг чекланган амал қилиш муддати белгиланиши мумкин, лекин бу муддат беш йилдан кам бўлмаслиги лозим. Л.нинг амал қилиш муддати тугагач, у лицензиатнинг аризасига бипоан узайтирилиши мумкин. Л.нинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза Л.ловчи органга Л.нинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ой олдин берилиши лозим. Л.нинг амал қилиш муддатини узайтириш Л.ни берувчи учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 12-м.си).

Лицензияланадиган фаолият турларининг рўйхати ЎзР Олий Мажлисининг 2001 й. 12 майдаги 222-П-сон "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги қарори б-н тасдиқланган.

ЛИЦЕНЗИЯ ДАЪВОГАРИ – лицензияловчи органга фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун лицензия бериш тўғрисидаги ариза б-н мурожат этган юридик ёки жисмоний шахс ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ – фаолиятнинг лицензияланаётган турини амалга ошираётганда лицензиат томонидан бажарилиши мажбурий бўлган, қонун ҳужжатларида белгиланган талаблар ва шартларнинг мажмуи ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТНОМАСИ – 1) "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 19-м.сига мувофиқ, Л. ш. лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжатдир. Л. ш. қуйидагиларни ўз ичига олган бўлиши лозим: шартномани имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими; тарафларнинг реквизитлари; амалга оширилиши учун лицензия берилаётган фаолият турининг номи; лицензиатга қўйила-

диган лицензия талаблари ва шартлари; чекланган амал қилиш муддатига бериладиган лицензиялар учун лицензиянинг амал қилиш муддати; Л.ш.нинг талаблари ва шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги; Л.ш.нинг талаблари ва шартлари лицензиат қандай бажарётганлигининг лицензияловчи орган томонидан назорат қилиниши тартиби; фаолиятнинг айрим турини лицензиялаш тўғрисидаги низомига мувофиқ бошқа маълумот. Л.ш. икки нусхада – лицензиат ҳамда лицензияловчи орган учун биттадан нусхада тузилади; 2) интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш учун олинган рухсатнома (лицензия) фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга ва шартнома б-н расмийлаштирилади.

ЎзР ФКнинг 1036-м.сига бипоан, Л.ш. бўйича интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган тараф (лицензиар) бошқа тарафга (лицензиатга) тегишли интеллектуал мулк объектдан фойдаланишга рухсатнома беради. Л.ш. бериладиган ҳуқуқларни, фойдаланиш чегаралари ва муддатларини аниқлаши лозим. Л.ш. пуллик ҳисобланади. Л.ш. лицензиатга қуйидагиларни беришни назарда тутиши мумкин: интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи ва б. шахсларга лицензия бериш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда (оддий номутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини; интеллектуал мулк объектдан, лицензиарнинг ундан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолган ҳолда, бироқ бошқа шахсларга лицензияни бериш ҳуқуқисиз (мутлақ лицензия) фойдаланиш ҳуқуқини; қонунда йўл қўйилмайдиган бошқа турдаги лицензияларни. Агар Л.ш.да бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензия оддий (номутлақ) деб ҳисобланади. Лицензияни олувчи томонидан интеллектуал мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартнома сублицензия шартномаси ҳисобланади. Лицензияни олувчи фақат Л.ш.да назарда тутилган ҳолларда сублицензия шартномаси тузишга ҳақли. Қўшимча лицензиатнинг ҳаракатлари учун, агар Л.ш.да бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лицензиар олдида лицензиат жавобгар бўлади.

ЛИЦЕНЗИЯЛАР РЕЕСТРИ – берилган, тўхтатиб турилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган лицензиялар, шунингдек амал қилиши тугатилган лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган лицензияловчи органларнинг маълумотлар базалари мажмуи ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонунининг 3-м.си).

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ – лицензия бериш тўғрисидаги аризани топшириш ва кўриб чиқиш, лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш жараёни б-н боғлиқ тадбирлар комплекси ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ЛИЦЕНЗИЯЛОВЧИ ОРГАНЛАР – қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ЛОББИ – қ.: *Лоббизм*.

ЛОББИЗМ (инг. lobby – дахлиз, йўлак, айвон, кулуар, коридор) – иктисодий қудратли тузилмалар вакиллари гу-

руҳининг давлат сиёсатига таъсир, тазйиқ ўтказиши. “Манфаатлар муштараклиги” ёхуд “тазйиқ ўтказувчилар гуруҳи” инсоният тарихининг барча даврларнда, яъни ҳокимият тизими шакллана бошлаган замонлардан бери мавжуд. Л. сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда асосий воқеа кечаётган хонадан ташқаридаги хонада расмий вакиллар б-н норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар қабул қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос тури. Бошқача айтганда, расмий муҳит ёки расмий даврадаги норасмий учрашув. Ушбу тушунча норасмий шахсларнинг, гуруҳларнинг парламент аъзолари б-н ўзаро сиёсий мулоқот тури бўлиб, қонунларни муайян шахс ёки гуруҳлар манфаатига мослаб қабул қилиш йўлидаги фаолият тури сифатида тушуниш устунлик мавқе касб этади.

Л. парламент депутатлари ёки юқори палата аъзоларига бирон-бир гуруҳ ва хусусий шахслар томонидан маълум бир қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ёки рад этилишига эришиш мақсадида шахсан ёки ёзма равишда ёхуд бошқача, жумладан, оммавий петициялар ташкил этиш, тегишли давлат тузилмаларига туркум хатлар жўнатилишини ва газета, журналларда махсус мақолалар чиқариш йўли б-н ташкил этишида ифодаланади. Лоббистик фаолият бир қанча давлатларда қонуний тартибга солинган, мас., АКШда. Ўзбекистонда қонун ижодкорлик жараёни Конс. ва қонунларга асосланган ҳамда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда амалга оширилади ва бу жараёнга ҳар қандай таъсир кўрсатиш қонун асосида ва қонунларга мувофиқ ва қонун доирасида амалга оширилиши мумкин.

Ҳозирги пайтда Л. кенг маънода ҳокимият вакилларига қаратилган ва улар қабул қилаётган қарорларига таъсир ўтказишга йўналтирилган гуруҳлар ўртасида алоқалар ўрнатилиши ва хабарлар етказилишини англатади. Л. мазмун-моҳияти жиҳатидан нейтрал тушунча бўлиб, ҳам ижобий, ҳам салбий маънога эга. Унинг ижобий моҳияти шундан иборатки, демократик жамият шароитида нормал, соғлом, ҳаётний зарур сиёсий жараён сифатида қонун ва қарорлар қабул қилиш жараёнида демократик инс.нинг таркибий қисми сифатида шахс ёки гуруҳлар ўз таклиф ва мулоҳазаларини парламент аъзолари ёки ҳокимият органлари вакиллари ўртасига ташлайди. Л. салбий моҳияти – агар у парламент аъзолари овозларини ва ҳокимият вакилларини “сотиб олиш”, уларга босим ўтказиш, таниш-билиш йўллари орқали қонунлар ва сиёсий қарорлар қабул қилишга таъсир этишга интилган тақдирда намоён бўлади.

Демократия шароитида Л.нинг ижобий жиҳатларига кенгроқ эътибор қаратиб, сиёсий инс. сифатидаги фаолиятининг таъминланиши учун қуйидаги жиҳатлари тарғиб этилиши лозим:

жамиятдаги ижтимоий дифференциялашувнинг кенгайиши, шунингдек турфа ижтимоий катламларнинг вузудга келиши муносабати туфайли манфаатларнинг турфа лигини ҳисобга олиш лозимлиги;

қонун ва қарорлар қабул қилиш жараёнида очиклик, демократик тамойилларга хос бўлган сиёсий плюрализм ва ошкораликнинг таъминланишига эришиш.

ҳокимият вакиллари, парламент аъзолари ва б. расмий шахслар б-н жамият аъзолари орасидаги ижобий алоқаларни ривожлантира бориш;

сиёсий таъсир жараёнида жамият аъзолари манфаатларидан келиб чиқиш.

ЛОЙИҲА ВА ҚИДИРУВ ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ – лойиҳа ва қидирув ишлари пудрат шартномаси бўйича пудратчи (лойиҳаловчи, қидирувчи) буюртмачининг топшириғи бўйича белгиланган муддатда лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва (ёки) қидирув ишларини бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса уни қабул қилиб олиш ва ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, лойиҳа ва қидирув ишлари шартномасини тасодифан бажариш мумкин бўлмаслиги ҳавфи буюртмачининг зиммасига тушади (ЎЗР ФК 686-м.си).

ЛОМБАРД (инг. pawnshop; фр. lombard) – “ломбард” сўзи Италиянинг Ломбардия қишлоғи номидан олинган бўлиб, шу ерда асос солинган. Л. мажбуриятларни таъминлаш усулларидан гаровнинг бир тури сифатида қўрилади. Бунда фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар лицензияси бўлган Л.лар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилади. Ихтисослаштирилган ташкилотлар Л.ларни давлат рўйхатидан ўтказиш функцияси адлия органларига юклатилган. Яна қ.: *Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши.*

ЛОМБАРД КРЕДИТИ – ломбардга топширилган мол-мулкни гаровга қўйиш эвазига қисқа муддатга нақд пул берилади. Гаровга қўйилган мол-мулк баҳолашиб, шу нархга асосланиб кредит берилади. Л.к. ломбард б-н тузиладиган шартномага мувофиқ белгиланади. Ломбард гаровга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга ҳақи эмас. Ломбард ашёларнинг йўқолиши ёки шикастланиши энгиз бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, гаровга қўйилган ашёларнинг йўқолганлиги ёки шикастланганлиги учун жавобгар бўлади.

Башарти ломбардда ашёлар гарови б-н таъминланган кредит суммаси белгиланган муддатда қайтариб берилмаган тақдирда, ломбард нотариусининг ижро ёзуви асосида имтиёзли бир ойлик муддат ўтганидан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилиш учун белгилаб қўйилган тартибда ушбу мол-мулкни сотишга ҳақи. Шундан кейин гаровга қўйилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма талабларни тўлиқ қаноатлантириш учун етарли бўлмаса ҳам, ломбарднинг гаровга қўювчига (қарздорга) талаблари бекор бўлади. Агар қарз ва б. харажатлар тўланганидан кейин тушум суммасининг қолдиғи бўлса, у гаровга қўювчига қайтарилади.

Ломбардлар томонидан фуқароларга уларнинг ашёларини гаровга олиб кредит бериш қоидалари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (“Гаров тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 35-м.си).

ЛОМБРОЗО ЧЕЗАРЕ (1835–1909) – италиялик психиатр врач, профессор бўлиб, жиноятчилик динамикасидаги ўзгаришлар ва уни реал прогнозлаш учун жиноятчилик динамикасига таъсир кўрсатувчи омиллар ижтимоий ва ҳуқуқий омилларга жиноят худди инсоннинг туғилиши, ўлиши каби табиий, зарурий ходиса ва жиноятчиликнинг юз бериши биологик ҳолат эканлигини таъкидлаган. У ўзининг “Жиноятчи одам”, “Жиноят: унинг

сабаблари ва даволаш воситалари” номли асарларида жиноятчиликнинг тугма эканлигини исботлаб берган.

ЛОРД (инг. lord) – 1) Ўрта асрларда Англияда дастлаб ер эгаларининг номи, кейинчалик инглиз олий дворянларининг умумлашма унвони. Британия парламентида Л.лар Палатасини ташкил этувчи қироллик пэр (Франция ва Англия олий зодагонлари вакилларининг номи) ларига берилган. XIX адан фан ва маданият арбоблари унвони; 2) Буюк Британиядаги баъзи мансабларнинг таркибий қисми (мас., Л.-канцлер – Л.лар палатасининг раиси, Л.-мэр – Лондон ҳамда бошқа йирик шаҳарларда махаллий ҳукумат идоралари бошлиғи).

ЛОРД-КАНЦЛЕР – лордлар палатасининг бошлиғи (Буюк Британия парламентиининг юқори палатаси), шунингдек, ОС раиси ва Буюк Британия ҳукуматининг олий юридик маслаҳатчиси.

ЛОРДЛАР ПАЛАТАСИ – Буюк Британия парламенти юқори палатасининг номи, унинг таркибига дунёвий ва диний лордлар (пэрлар) қиради.

Л.п. мерос асосида шакллантирилади ва таркиби ҳамда аъзолари сони ўзгариб туради (1999 й.да 1223 та эди).


Л.п. аъзоларининг 2/3 қисмига яқинини перлар (барондан кичик бўлмаган дворяннинг унвонини мерос қилиб олган эркаклар ва аёллар, аммо, улар палата мажлисларида 21 ёшга етганларидан кейингина иштирок этишлари мумкин бўлади), 1/3 қисмига яқини умрбод перлар (ушбу унвон бош вазир тавсиясига кўра улкан хизматлари учун берилди ва мерос қилиб қолдирилмайди). Булардан ташқари, палата таркибига рухоний лордлар (архиепископ ва епископлар) ҳам киритиладилар. “Суд лордлари” ёки “апелляция бўйича лордлар” (монарх томонидан бир умрга тайинланадиган судьялар), ўтган даврларда олий суд лавозимларида ишлаган шахслар Палатанинг суд комитети

таркибига киритиладилар. Апелляция бўйича бир неча лордлар 1998-1999 й.ларда суд хайъатини ташкил этган ҳолда Чилининг собиқ диктатори Пиночетни испан фуқаролари ўлимига сабаб бўлганлиги учун Испания судига топширилиши масаласини икки марта муҳокама қилди. Ҳозирги пайтда Л.п. молнявий доиралар, йирик фирмалар, ер эгалари, давлат хизматчилари вакилларидан иборат. Бироқ, кашшок лордлар ҳам учрайди. Улар орасида икки коммунист лорд ва битта қассоб ҳам бор. Ҳозирги пайтда баъзи камбағаллашиб қолган лордлар ўз титуллариини хорижликларга сотиб юбормоқда (хусусан, араб шайхларига), аммо, чет эл фуқароси лорд унвонини кўлга киритгани б-н Л.п. мажлисларида катнаша олмайди.

Л.п.да Бош вазир (формал-монарх) тайинлайдиган лорд-канцлер раислик қилади.

Буюк Британияда Жамоалар палатаси томонидан бир неча марта Л.п.ни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш масаласи кўтарилган ва муҳокама қилинган бўлса-да, аммо етарли муваффақият қозонмади.

ЛЮСТРАЦИЯ (лот. *lustratio* – тозалаш) – айрим Шарқий Европа давлатларида (Венгрия, Чехия, Эстония, Латвия, Руминия) масъул давлат лавозимларини эгаллаган, шунингдек бундай лавозимларга номзодларнинг ўтмишида коммунистик партия раҳбариятига, давлат хавфсизлиги хизматида мансублигини ёки ушбу хизматга алоқадорлигини текширишнинг махсус тартиби. Агар Л. жараёнида муайян шахснинг собиқ тоталитар режим б-н алоқадорлиги факти ўрнатиладиган бўлса, унга ихтиёрий равишда истеъфога чиқиш (аниқланган фактларнинг маъфийлигини таъминлаш шарти б-н) ва мажбурий истеъфога чиқариш (шахсни фoш этувчи маълумотларини оммавий эълон қилиш) ўртасида танлаш ҳуқуқи берилди.



МАВСУМИЙ БОЖЛАР – М.б. ЎзР ВМ томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. М.б. улар белгиланган вақтдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас (“Бож тарифи тўғрисида” ЎзР Қонунининг 7-м.си).

МАГИСТРАТ (лот. magistratus – арбоб) – 1) айрим мамлакатлар (Норвегия, Швеция, Дания ва б.)да ш. бошқаруви. М. ҳукумат томонидан тайинланган амалдорлардан ёки сайланган шахслардан ташкил топиши мумкин; 2) Италия, Франция ва айрим бошқа мамлакатларда суд ҳокимияти амалдори (судья, терговчи, прокурор).

МАГИСТРАТУРА (лот. magistratus; фр. magistrature; инг. magistracy) – 1) қад. Римдаги центуриат ёки трибут комицияларида оддий сайлов йўли б-н, қонда тарикасида бир йил муддатга эгалланадиган давлат бошқаруви лавозимлари. М. ординар ва экстраординарга бўлинган. М. тизими асосан қад. даврнинг республика босқичида шаклланди. Ушбу тизимда Рим ҳудудидан ташқаридаги одатда махсус функцияларни бажариш учун тайинланиш йўли б-н қўйиладиган лавозимлар ҳам бўлган. Бу мас., проконсуллар М., преторлар ва б.; 2) бевосита суднинг ёки прокурор назорати функцияларини амалга оширувчи амалдорлар (Италия, Франция); давлат, шу жумладан, суд тизимининг барча амалдорлари мажмуи (АҚШ); 3) магистрат, давлат амалдорининг вазифаларни бажариш муддати; 4) ЎзР, РФ, АҚШ ва айрим бошқа мамлакатларда магистрларни тайёрлаш тизими.

МАДАНИЙ МЕРОС (араб. маданият – маданиялик, шаҳарлик, таълим-тарбия кўрган; ерга ишлов бериш, парваришлас сўзларидан) – инсониятнинг табиат ва ўзаро муносабатлари асосида яратилган ижодий амалий тажрибаси, ахлоқий, илмий, тафаккурий, диний ва руҳий қарашларида халқ маданияти ва ижоди каби моддий ҳамда маънавий бойликлар мажмуи.

М.м. муайян давр б-н бевосита боғлиқ бўлиб, у ўша даврнинг маънавий ва моддий маданияти ҳамда тизимининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳолатини ифодалайди. Муайян давр ёхуд ижтимоий муҳит М.м.нинг яратувчиси ва ташувчиси. Ҳар бир давр ўзига хос М.м.ларни яратди. М.м.нинг аҳамиятига қараб давр ва авлодлар ҳақида ҳукм чиқарилади. М.м. даражаси қандай бўлса, давр ва авлодларнинг интеллектуал салоҳияти ҳам шундай бўлади.

М.м. ворисийлик характерига эга. У бир авлоддан кейингисига мерос қолдирилади. Мас., қад. япон маданияти ўша даврнинг фани, адабиёти ва санъати йўналишидаги нодир асарлари инсониятни ҳозиргача хайратга солиб келмоқда. Марказий Осиёда Ўрта асрларда уйғониш даври муносабати б-н дунёвий ва илоҳий илмлар ривожланди. Илму фан борасида аҳамиятли ишлар қилинди. Ном-

лари дунёга машҳур алломалар Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ҳаким ат-Термизий, Имом Бухорий, Замахшарий, Марғинович, Мотуридий, Улугбек, Навоий, Беҳзодлар табиий-илмий, ижтимоий-фалсафий ва диний қарашлари, бадий ижодлари б-н тарихда муҳим из қолдирдилар. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида М.м. осори-атиқалар, ёдгорликлар, масжиду мадрасалар, макбаралар кўплаб мавжуд. Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Термиз, Хива, Шаҳрисабз ш.ларида сақланаётган М.м. намуналари сиру синоати б-н кўплаб сайёҳлар, тадқиқотчиларни хайратга солмоқда. Фақат М.м.нинг мавжудлиги ва унга муносабат масаланинг бир томони, холос. Асосийси, М.м.дан ижтимоий тараққиёт йўлида тўғри фойдаланиш механизмининг яратишдир.

М.м. кенг қамровли ижтимоий ҳодиса бўлганлиги боис, унинг тараққиёти тадрижийлик қонуниятига мувофиқ содир бўлади. Бирор даврнинг М.м.и бутун бор ҳолича тақлидчилик асосида бошқа даврга кўчмайди, уни ҳар бир авлод ўз ҳаётий тажрибаси б-н ижодий ёндашиб бойитади ёки ўзгартиради. Бирок, бир ижтимоий тизимдан кейингисига М.м.нинг фақат ижобийлари ўтади, дейиш ҳам бир ёқламалikka олиб келади. Унинг кейинги даврга тўғри келмайдиган, ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи томонлари ҳам ўтиши мумкин. Бу ҳолатда эскилик б-н янгиллик ўртасида зиддият пайдо бўлади. Шу боис ўтмиш маданий бойликлари танқидий ўрганилиб, янги жамиятда яна ҳам ривожлантирилади.

МАДАНИЙ ҚАДРИЯТ – маданий соҳадаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсоният учун маданий йўналишдаги аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар М.к.лар сирасига киради.

М.к.лар ҳам қадриятларнинг бошқа турлари сингари инсоният тарихи давомида аста-секин шаклланиб боради. У бевосита муайян халқнинг тарихий тажрибаси, маданий соҳадаги ижодий-интеллектуал фаолияти б-н чамбарчас боғлиқ.

М.к.лар ижтимоий тизимда инсоннинг фаолиятини амалга ошириш мобайнида, инсон ва жамият эҳтиёжларини қондиришда муҳим объект саналади. Шунингдек, М.к.лар маданий ютуқларнинг кўзга кўринган турлари саналмиш санъат асарлари, фан-техника тараққиёти, ахлоқ нормаларининг мажмуи ҳам саналади.

М.к.лар инсонгагина хос хусусиятга эга бўлиб, у ижтимоий онг орқали идрок этилади. У умумбашарий қадриятларнинг муҳим таркибий қисми саналади. Айнан М.к.ларнинг сақланиши, даврга мос тарзда ўзлаштирилиши натижасида у умумбашарий қадриятларга айланади.

МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР – инсоннинг алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлари мажмуи, у инсоннинг маданий ва илмий ҳаёт соҳасидаги Конс. ёки қонунлар б-н қафолатланган имкоиятларини ифодалайди. М.х.га билим олиш ҳуқуқи, ўқитиш эркинлиги (академик эркинлик), ижод эркинлиги, маданий ҳаётда иштирок этиш ва маданий муассасалардан фойдаланиш ҳуқуқи, маданий қадриятлардан фойдаланиш ҳуқуқи. Шундай қилиб, М.х. ҳам ижти-

мой (билим олиш), ҳам шахсий (ижод эркинлиги) ҳуқуқ ва эркинликларни қамраб олади. М.х. 1966 й.даги Ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда ҳам эътироф этилган.

МАДИНА (араб. — шаҳар) — Саудия Арабистонининг шимоли-ғарбий қисмидаги ш. Тўлиқ арабча номи “Мадина-т Расулulloҳ” ёки “Мадина-т ан-набий” — пайғамбар шаҳри. Хижоз вилоятида жойлашган. Халқ уни Мадина мунаввара — Нурафшон ш. деб эъзозлайди. Маккадан 480 км. шимолда жойлашган. М.га асос солинган вақт номатълум. Қад. Ясриб (Ятриб) илк Ўрта асрлардан бошлаб М. деб аталган. 622 й. Муҳаммад (с.а.в.) Маккадан М.га кўчиб ўтганлар ва қолган умрлари шу ерда кечган. М.да мусулмонлар жамоаси (умма) тузилиб, ислом мустақил дин сифатида шаклланди; VII а.дан бошлаб М. мусулмонларнинг Маккадан кейинги энг катта зиёратгоҳи ҳисобланади. М. 632-656 й.ларда Араб халифалигининг пойтахти бўлган. М. марказида Расулulloҳнинг уйлари (Ҳарам шариф) ва мақбаралари бор. Мақбара ёнида катта масжид қурилган (656). III. аҳолиси, асосан, савдо, зиёратчиларга хизмат қилиш, ибодат қилиш учун зарур буюмлар (тасбех, жойнамоз, зиёратчилар учун махсус кийимлар) ишлаб чиқиш б-н машғул. Аҳолининг бир қисми хурмо ва сабзавот етиштиради. Бугунги М. ҳам кўҳна, ҳам навкирон ш.. Саудия Арабистонининг деярли барча қатнов йўллари М. ш. б-н боғлиқ. III. энг замонавий алоқа воситалари б-н жиҳозланган. 1961 й. Ислон университети очилди. Ш.нинг туб аҳолиси 0,5 млн. кишидан иборат.

МАДРАСА (араб. — дарс ўқитиладиган жой, дарсхона) — ислонда ўрта ва олий махсус диний таълим муассасаси. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида уламолар ва мактабдорлар, давлат идора ходимларини тайёрлаган. Ислон мамлакатларида М. ҳақидаги илк маълумотлар X а.га оид бўлиб, улар Хуросон ва Мовароуннаҳрда жойлашган. XI а.дан бошлаб етакчи таълим муассасасига айланган, бунгача таълим масжидларда ва хусусий уйларда, шунингдек меҳмонхоналар, кутубхоналар, касалхоналарда олиб борилган. М.лар вақф ҳисобига таъсис этилган. Ҳозир жаҳондаги кўп хоржий мусулмон мамлакатларнинг М.ларида диний таълим б-н бирга дунёвий билимлар ҳам ўқитилади.

МАДҲИЯ (юн. *μητρος* — тантанали кўшиқ; инг. *hymn, anthem*) — ватан, давлат, муҳим тарихий воқеалар, миллий қахрамонларни шарафловчи шеърӣ-музикӣ асар. Ички сиёсий ва халқаро характердаги расмӣ маросимларда ижро этиладиган давлат М.си, миллий, диний, ҳарбий М., муайян бир воқеа муносабати б-н ижро этиладиган М. ва б.лар фаркланади. Яна қ.: *Давлат мадҳияси, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси*.

МАЖБУРИЙ ИЖРО ЧОРАЛАРИ — суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш ЎзР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бошқармалари суд ижрочиларининг тум. (ш.) бўлимлари суд ижрочилари зиммасига юклатилган.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 44-м.сига мувофиқ, мажбурий ижро этиш чоралари тўғри расмийлаштирилган ижро ҳужжати қонунда белгиланган тартибда топширилганда ҳамда ижро иши юритишни кўзғатиш

тўғрисида суд ижрочиси томонидан қарор қабул қилинганда қўлланилади.

Ушбу Қонунининг 45-м.сига асосан, ихтиёрий равишда ижро этиш учун суд ижрочиси томонидан белгиланган муддатнинг ўтганлиги мажбурий ижро этиш чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Қонунининг 46-м.сига кўра, қуйидагилар мажбурий ижро этиш чоралари ҳисобланади: 1) мол-мулкни хатлаш ва уни реализация қилиш йўли б-н ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш; 2) ундирувни қарздорнинг бошқа шахсларда турган мол-мулкига ва пул маблағларига қаратиш; 3) ундирувни қарздорнинг иш хақи, стипендияси, пенсияси ва б. турдаги даромадларига қаратиш; 4) ижро ҳужжатида кўрсатилган муайян ашёларни қарздордан олиб қўйиш ва ундирувчига топшириш; 5) ижро ҳужжатининг ижро этилишини таъминловчи қонуиларга мувофиқ қўриладиган бошқа чоралар.

МАЖБУРИЙ КЕЛТИРИШ — жиноят ишнини юритиш муносабати б-н суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда қақрилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт.

Узрсиз сабабларга кўра келмаган тақдирда, улар мажбурий келтириладилар.

М.к. гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, жабрланувчининг, гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда, қўлланилади.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчинини олдиндан қақирувсиз М.к. улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин.

Судланувчининг судга келмаганлиги сабабини олдиндан аниқламасдан туриб, М.к.га алоҳида ҳолларда, ишни кўриш судланувчи бўлмаганлиги сабабли кейинга қолдирилаётган ва бунда унинг турган жойи тўғрисида маълумот бўлмаган тақдирда йўл қўйилади.

Гувоҳга ёки жабрланувчига нисбатан М.к.нинг қўлланилиши уларни кўрсатув беришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор М.к. тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Ушбу қарорда ёки ажримда: мажбурий келтирилиши керак бўлган шахсининг фамилияси, исми, отасининг исми; унинг процессуал мавқеи; яшаш ёки иш жойи; М.к. учун асослар; шахсни қаерга ва қачон олиб келиш кераклиги; М.к. кимга топширилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим (ЎзР ЖПКнинг 261-263-м.лари).

МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ — М.м., яъни бирон-бир жазони қўллаш б-н таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тарикасида) иш бажаришга мажбурлаш тақикланади.

Қуйидаги ишлар, яъни ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний қучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар М.м. деб ҳисобланмайди (ЎзР МКнинг 7-м.си).

МАЖБУРИЙ СУГУРТА — ЎзР ФК 914-м.сига кўра, қонунда кўрсатилган шахсларга сугурта қилувчилар си-

фатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкани ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидagi фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд маънафатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (М.с.) мажбурияти қонун б-н юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли б-н амалга оширилади. М.с.да суғурта қилдирувчи суғурталовчи б-н суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт. Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкани давлат бюджети маблағлари ҳисобидан М.с. қилиш ҳоллари (давлат М.с.си) назарда тутилиши мумкин.

ЎЗР ФК 922-м.сига асосан, қонунда куйидагиларни суғурта қилиш мажбурияти белгилаб қўйилиши мумкин:

қонунда кўрсатилган бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкани уларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулканига зарар етказилиши эҳтимолини назарда тутиб;

бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулканига зарар етказилиши ёхуд бошқа шахслар б-н тузилган шартномаларнинг бузилиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ўзининг фуқаровий жавобгарлиги хавфи.

Суғурта қилдирувчи бўлиш мажбурияти қонун б-н унда кўрсатилган шахслар зиммасига юкланади. Қонунда М.с.нинг бошқа турлари ҳам белгиланиши мумкин. Фуқарога ўз ҳаёти ёки соғлиғини суғурталаш мажбурияти қонун б-н юклатилиши мумкин эмас. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ёки унда белгиланган тартибда ҳўжалик юриетишида ёки оператив бошқарувида давлатга қаршли мол-мулкка эга бўлган юридик шахсларга бу мулкни суғурталаш мажбурияти юкланиши мумкин. Мол-мулкни суғурта қилиш мажбурияти қонундан келиб чиқмайдиган, балки мол-мулкнинг эгаси б-н тузилган шартномага ёки мол-мулкнинг мулкдори ҳисобланувчи юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига асосланган ҳолларда, бундай суғурта ушбу модданинг маъноси жиҳатидан мажбурий ҳисобланмайди ва ушбу Кодекснинг 924-м.сига назарда тутилган оқибатларни келтириб чиқармайди.

ЎЗР ФК 923-м.сига мувофиқ, М.с. бундай суғурта қилиш мажбурияти юкланган шахс (суғурта қилдирувчи) суғурталовчи б-н суғурта шартномаси тузиши воситасида амалга оширилади. М.с. суғурта қилдирувчи ҳисобидан амалга оширилади, йўловчиларни М.с.лаш бундан мустасно бўлиб, бу суғурта қонунда назарда тутилган ҳолларда уларнинг ўз ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. М.с.ланиши лозим бўлган объектлар, улар суғурталанишга сабаб бўладиган хавфлар ва суғурта пулининг энг кам миқдорлари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ЎЗР ФК 924-м.сига биноан, қонун бўйича фойдасига М.с. амалга оширилиши лозим бўлган шахс, агар суғурта амалга оширилмагани унга маълум бўлса, суғурта қилдирувчи сифатида зиммасига суғурталаш мажбурияти юкланган шахс уни амалга оширилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Агар суғурта қилдирувчи сифатида суғурталаш мажбурияти зиммасига юкланган шахс уни амалга оширмаган бўлса ёки суғурта шартномасини наф олувчининг аҳволини қонунда белгиланган шартларга нисбатан ёмонлаштирадиган шартларда тузган бўлса, у суғурта ходисаси юз берганида башарти, тегишлича суғурталанган тақдирда суғурта товони тўлашга асос бўлиши керак бўлган шартларда жавобгар бўлади.

МАЖБУРИЙ УЛУШ – ЎЗР ФК 1142-м.сига кўра, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (М.у.) мерос қилиб оладилар. М.у. олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади. Меросдан М.у. олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг М.у.дан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.

МАЖБУРИЯТ – ЎЗР ФК 234-м.сига асосан, фуқаролик ҳуқуқий муносабати бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, чунончи: мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва х.к. ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга мажбур бўлади, кредитор эса қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. М.лар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ФКда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

МАЖБУРИЯТ ҲУҚУҚИ – фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос йирик инсларидан (баъзан кичик соҳаси деб ҳисобланади) бири бўлиб, бир шахснинг иккинчи шахс фойдасига у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш ёки муайян ҳаракатдан тийилиб туриши б-н боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғинидис сифатида тушунилади. М.х. ўз навбатида шартнома ҳуқуқи ва шартномадан ташқари вужудга келадиган мажбуриятлар (зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, асоссиз бойлик орттиришдан келиб чиқадиган мажбуриятлар) инсларига бўлинади. М.х. фуқаролик ҳуқуқи объектлари муомаласини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш функциясини бажаради.

МАЖБУРИЯТДА ШАХСЛАРНИНГ КўПЧИЛИК БўЛИШИ – одатда, ҳар бир мажбуриятда икки тараф – кредитор ва қарздор қатнашади. Аммо, баъзи ҳолларда мажбуриятда кредитор ёки қарздор тарафида ёхуд ҳар икки тарафда ҳам бир неча шахслар иштирок этишлари мумкин. Бундай мажбуриятлар кўп шахсли мажбуриятлар ҳисобланади. Мас., бир мулк икки шахс томонидан сотиб олинганида сотувчи ҳузурда унинг суммасини тўлаш юзасидан қарздор томонидан икки шахс қатнашади. Мажбуриятда кўпчилик бўлиб қатнашувчи шахслар актив ва пасив иштирокчиларга ажратилиши мумкин. Мажбуриятда кўпчилик бўлиб кредитор тарафида қатнашувчи шахслар актив иштирокчилар деб, қарздор тарафида қатнашувчи шахслар эса пасив иштирокчилар деб аталади. Агар мажбуриятда қатнашувчи шахслар ҳар икки тарафда ҳам кўпчилик бўлиб иштирок этса, аралаш иштирокчилар деб аталади. Кўп шахслар иштирок этган мажбуриятлар улушли ва шерик мажбуриятларга бўлинади. Улушли мажбуриятларда қатнашувчи кредиторларнинг ҳар бири қарздордан

тегишли улушининг бажарилишини талаб килиш хукукига эга бўлса, улушли қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушни бажаришга мажбур бўлади.

ЎзР ФК 251-м.сига кўра, агар улушли мажбуриятда бир неча кредитор ёки бир неча қарздор иштирок этса, башарти қонундан ёки шартномадан бошқача тартиб белгиленмаса, у ҳолда ҳар бир кредитор мажбуриятни бошқалар билан тенг улушларда талаб қилишга ҳақли, ҳар бир қарздор эса бу талабни бажариши шарт.

Юридик шахслар ўртасида ҳам улушли мажбуриятлар вужудга келиши мумкин. Чунинчи, бир неча ташкилот биргаликда уй-жой қурганида ташкилотларнинг ҳар бири ўз улушига яраша уй-жойни бошқариш ва ундан фойдаланиш хукукига эга бўлади. Улушли мажбуриятларда фаол иштирокчи бўлган кредиторлардан ҳар бир қарздордан фақат ўзига тегишли улушининг талаб қилиш хукукига эга бўлса, қарздорлардан ҳар бири ўзига тегишли улушда мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади. Кредиторлардан биринчи мажбуриятнинг қарздорлардан бири томонидан ўз улушига яраша бажариши улушли мажбуриятни бутунлай бекор қилмайди. Бундан мажбурият то бошқа кредиторларнинг талаблари қондилрилгунча ёки бошқа қарздорлар ўз улушларига яраша мажбуриятларини бажаргунча қадар сақланиб қолади. Кредиторлар ва қарздорлар кўпчилик бўлган тақдирда кредиторлардан ҳар бири қарздордан қарзини бошқалар билан тенг улушда талаб қилишга ҳақли ва қарздорларнинг ҳар бири эса – бошқалар билан тенг улушда мажбуриятни бажаришга мажбур бўлади.

Шериклик мажбуриятларга асосан кредитор мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини шерик қарздорларнинг ҳар қайсисидан мажбуриятнинг бутунлай бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Шериклик мажбуриятларда қатнашувчилар сифатида қарздор битта-ю, кредиторлар бир неча бўлиши ёки бир неча кредитор ва бир неча қарздор бўлиши мумкин. Шериклик асосида мажбурият олганлар шерик қарздорлар бўлса, шериклик асосида талаб қилиш хукукига эга бўлганлар шерик кредиторлар деб аталади. Шериклик мажбуриятининг мазмунини шериклик мажбурияти ва шерикликка оид талаб қилиш хукукларини ташкил этади. Мас., бир неча шахс бир шахсга ёки ташкилотга зиён етказганида қонун бўйича шериклик мажбуриятни белгилайди. Бир неча томонларга қарата, улушли ва бўлинмаган уй-жой бир фуқаро томонидан солиб олинганда шерикликка асосланган талаб қилиш хукуки вужудга келади. Шериклик мажбуриятида кредиторларнинг талаблари ёки қарздорларнинг мажбуриятлари улушларга бўлинмайди. Аммо кредиторлардан бири ёки бир нечаси қарзининг қисман бажарилишини талаб қилиш хукукига эга бўлади. Шериклик (солидаритет) асосида белгиланган мажбуриятга кўра, қарздорлардан бири томонидан мажбурият бажарилмаганида, унинг учун бошқа шерик қарздорлар жавобгар бўлишда ва аксинча шерик қарздорлар бажармаган мажбуриятнинг бажарилишини бундай қарздорларнинг биридангина талаб қилиш ҳам мумкин. Қарздорларнинг шериклик мажбурияти белгиланганда кредитор мажбуриятнинг қарздорларнинг барчасидан биргаликда, шунингдек ҳар қайсисидан айрим-айрим ҳолда тўла ёки қисман бажарилишини талаб қилишга ҳақлидир. Шерик қарздорларнинг бирдан тўла қаноат ҳосил қилмаган кредитор

ололмаган парасини бошқа шерик қарздорлардан талаб қилишга ҳақли. Шерик қарздорлар то мажбурият тўла бажарилгунча қадар қарздор бўлиб қолаверади. Шерик қарздорларнинг ҳар бири кредиторнинг талабларига қарши эътирозларини билдира олади. Чунинчи, қарзининг илгари тўлқин ёки қисман тўланганлигини кўрсатишлари мумкин. Аммо шериклик мажбурият бўлгани ҳолда, қарздор кредиторнинг талабларига қарши бошқа қарздорларнинг кредиторга нисбатан бўлган, мазкур қарздор иштирок этмаган, муносабатларга асосланган эътирозларини кўя олмайди. Шериклик мажбуриятининг қарздорлардан бири томонидан тўла бажарилиши бошқа қарздорларни кредиторга нисбатан мажбуриятни бажаришдан озод қилади. Агар шериклик мажбуриятда кредиторлар бир неча бўлса, у ҳолда шерик талаблар вужудга келади ва шерик кредиторларнинг ҳар қайсиси қарздорга нисбатан тўла ҳажмда талаб қўйишга ҳақли бўлади. Бундай шериклик талабларга фаол шериклик дейилади.

Шериклик талабларига биноан, қонун ёки шартномада бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, қарздор кредиторларнинг биринчи мажбуриятни тўла ҳажмда бажариши мумкин, кредитор эса қабул қилиб олишга мажбур. Шерик кредиторлардан ҳар бири ҳам қарздордан мажбуриятнинг тўла ҳажмда бажарилишини талаб қилишга ҳақли. Бундай талаб қўйилганда қарздор ана шу кредиторлардан биринчи нисбатан бажаришдан озод қилади. Шериклик талаблар кўпинча биргаликдаги фаоллик (оддий ширкат шартномасидан, шерик муаллифликдан ва б. баъзи хукукий муносабатлардан) келиб чиқиши мумкин. Шерик кредиторлардан ҳар бири ҳаракати билан бошқа кредиторнинг манфаатига зиён етказмаслиги керак. Чунинчи, шерик кредиторлардан бирининг қилган ҳаракати қарздорлардан биринчи мажбуриятнинг муайян қисмини бажаришдан озод қилишга қаратилган бўлса ҳам, бу қарздор шерик кредиторлар ҳузурида мажбуриятни тўла бажаришдан озод бўлмайди.

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШINI ТАЪМИНЛАШ – ЎзР ФК 259-м.сига мувофиқ, мажбуриятнинг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкни ушлаб қолиш, кафилик, кафолат, зақалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминлашни мумкин. М.б.т. тўғрисидаги қонуннинг ҳақиқий эмаслиги ушбу мажбуриятнинг (асосий мажбуриятнинг) ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Асосий мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслиги унинг бажарилишини таъминлайдиган мажбуриятнинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ МУҚОБИЛ СУРАТДА БАЖАРИШ – ЎзР ФК 256-м.сига асосан, тарафлардан бири шартномага мувофиқ бошқа тарафнинг ўз мажбуриятларини бажаришга боғлиқ қилиб қўйилган мажбуриятни бажариши муқобил бажариш ҳисобланади. Бирчи тараф шартномада белгилаб қўйилган мажбуриятни бажармаган ёки мажбурият белгиланган муддатда бажаришмаслигини очик кўрсатиб турган вазият мавжуд бўлган тақдирда, муқобил ижрои ўз зиммасига олган тараф ўз мажбуриятини бажармай туришга ёки бу мажбуриятни бажаришдан бош тортишга ва қўрилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар шартномада кўрсатилган мажбурият тўла ҳажмда бажарилмаган бўлса, муқобил ижрои ўз зиммасига

олган тараф ўз мажбуриятининг иккинчи тарафининг тўла ҳажмда бажарилмаган мажбуриятига мос келадиган қисмини бажаришни тўхтатиб қўйишга ёки бажаришдан бош тортишга ҳақли. Агар бир тараф шартномада белгилаб қўйилган ўз мажбуриятини бажармаган бўлишига қарамай, иккинчи тараф мажбуриятнинг муқобил ижросини амалга оширган бўлса, биринчи тараф ўз мажбуриятини бажариши шарт. Мазкур қондалар шартнома ёки қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса қўлланилади.

МАЖОРИТАР САЙЛОВ ТИЗИМИ – ҳозирги даврда дунё мамлакатлари тажрибасида сайлов тизимининг учта шакли мавжуд бўлиб, мажоритар, пропорционал ва аралаш сайлов ўтказиш принципларига бўлинади, улар ҳам ўз навбатида турли шакллarga бўлинади. Жуда кенг тарқалган сайлов тизимларидан бири бу М.с.т. бўлиб, сайлов натижаларини аниқлашда кўпчилик овоз принципларига асосланади. М.с.т. ўз навбатида мутлак, малакали ва нисбатан кўпчилик овозга асосланган сайлов турларига бўлинади.

Мутлак кўпчилик сайлов тизими шундан иборатки, номзод сайланган деб ҳисобланиши учун у сайловчиларнинг ярмидан кўпининг қўллаб-қувватлашига эришиши, яъни 50%+1 сайловчилар овозини олиши лозим. Мас., сайлов мавзесида сайланиш учун 3 та номзод қўйилган (А,Б,В). Берилган 10.000 овоз қуйидагича тақсимланди: А- 3000, Б- 1990, В -5010. Бунда 5010 овоз олган В мутлак кўпчилик овозини олган ҳисобланиб, сайланади. Мутлак кўпчилик овозига асосланган мажоритар тизимнинг ўзига хослиги шундан иборатки, юқорида келтирилган мисолда мутлак кўпчилик (5010) овозини олган В номзод сайланди, қолган икки номзодга берилган (4990, салкам 50%) овоз эса “йўқолиб” кетади ва натижада А ва Б номзодларга овоз берган сайловчилар ўз вакилларини парламентга ўтказма олмайдилар.

Малакали кўпчилик сайлов тизими амалда бўлган мамлакатларда номзод ёки номзодлар муайян округдан малакали кўпчилик (2/3 қисм ёки 65 %) овоз тўплаганларида сайланган ҳисобланади. Бундай сайлов тизими жуда кам учрайди, чунки мазкур тизим ўз хусусиятига қўра, жуда кам натижа беради, яъни номзодлар доим ҳам белгиланган миқдордаги сайловчиларнинг овозларини тўплай олмайдилар, бунинг натижасида, сайлов кўплаб турларда ўтказилишига олиб келади. Ҳозирда, Чили Парламентининг куйи палатасига сайловларда мазкур тизимдан (2/3 қисм) фойдаланилади, шунигиндек, бир муддат олдин Италияда ҳам бир мандатли сайлов округларидан сайланувчи сенаторлар ҳам сайловчиларнинг 65 %ини қўллаб-қувватлашига эришиши талаб қилинар эди.

Нисбий кўпчилик сайлов тизими бошқа сайлов тизимларига нисбатан анча содда ҳисобланиб, бундай тизим амалда бўлган мамлакатларда, сайловда қатнашаётган номзодлардан қайси бири ракибларига нисбатан кўпроқ овоз олса, у сайланган ҳисобланади.

Мас., Италия Демократик Республикаси Консесининг иккинчи қисми 57-м.сида бўйича 315 сенатордан 3 қисми М.с.т. бўйича, бир мандатли сайлов округлари тузилади, j пропорционал сайлов тизимига асосан кўп мандатли сайлов ҳуқуқи бўйича ўтказилади, яъни бир сайлов округида бир мандатли ва кўп мандатли сайлов ҳуқуқи бўйича овоз

бериш ўтказилади. Сиёсий партия бир мандатли бўйича номзодини қўйган вакили сайловда овоз беришга келган аҳолининг ярмидан кўп овозини олган бўлса сайланган ҳисобланади. Агар сиёсий партия сайловда овоз берган аҳолининг 5% овозини олган бўлса, кўп мандатли сайлов ҳуқуқи бўйича унинг вакили сайланган ҳисобланади.

МАИШИЙ ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ – Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган пудратчи М.п.ш. бўйича буюртмачи-фуқаронинг топшириғи б-н унинг маиший ёхуд бошқа шахсий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маълум ишларни бажариш мажбуриятини, буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатлари ёхуд шартномада, шу жумладан буюртмачи қўшилган формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларнинг шартларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, пудратчи буюртмачига патта ёки буюртма қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатни берган пайтдан бошлаб М.п.ш. тузилган ҳисобланади. Мазкур ҳужжатларнинг буюртмачида бўлмаслиги, уни М.п.ш. тузилганлиги ёки унинг шартларини тасдиқловчи гувоҳлар кўрсатмаларини вақт қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилмайди. М.п.ш. оммавий шартномалар жумласига қиради (ЎЗР ФК 656-м.).

МАЙДА БЕЗОРИЛИК – жамоат жойларида уятли сўзлар б-н сўкинш, фуқароларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик. ЎЗР МЖКнинг 183-м.сида биноан М.б. учун маъмурий жавобгарлик ўрнатилган. Жамоат тартиби М.б.нинг қасд қилиш объекти ҳисобланади. Фуқаролар осойишталиги ва жамоат тартибини бузувчи хатти-ҳаракат ҳуқуқбузарликнинг объектив томонини тавсифлайди. М.б. объектив томонининг муҳим белгиси вазият, мақон, вақт ҳисобланади. М.б. субъектив томонидан қасдан ва кўпинча ошқора амалга оширилиши б-н тавсифланади. 16 ёшга тўлган шахс М.б. субъекти бўлиши мумкин. М.б. ЎЗР ЖКнинг 277-м.сида назарда тутилган безорилик хатти-ҳаракатидан фарқ қилади. М.б. ҳақидаги иш маъмурий ишлар бўйича судья томонидан ёки воёга етмаганлар иши бўйича комиссия ва ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқилади.

МАЙОР (лот. тајог – йирик, катта) – ЎЗР Қуролли Кучлари ва б. давлат армияларидаги катта зобитлик унвони. М. унвони Россияда 1689–1731 ва 1798 –1884 й.ларда, кейинчалик собиқ СССРда 1935 й.дан мавжуд бўлган. ЎЗР Қуролли Кучларида М. унвони 1992 й. 3 июлда жорий этилган.

МАКИАВЕЛЛИ НИККОЛО ДИ БЕРНАРДО (1469 – 1527) – италиялик сиёсий арбоб ва тарихчи. У антик адабиётнинг кучли билимдони бўлган. Шу билан бирга, Макиавелли Тит Ливий асарлари таъсири остида христианлик даврига қадар бўлган Рим империясини ёзувчи сифатида ўз асарларида мадҳ этган. Унинг йирик асарлари “Хуқмдор” (1513) ва “Флоренция тарихи” (1532) ҳисобланади. Бундан ташқари, “Тит Ливийнинг биринчи 10 та китобига доир мулоҳазалар” (1516–1517), “Мандрагора” (1518), “Харбий санъат тўғрисида” (1519–1520), “Андрия” (1519), “ Катруччо Кастракани хаёти” (1520), “Тил

ҳақида сўзлашув” каби асарлари мавжуд. 1559 йда Макиавеллининг барча асарлари илк “Тақиқланган китоблар рўйхати”га киритилган.

МАККА – мусулмонларнинг муқаддас шаҳри. Саудия Арабистонининг ғарбида, Қизил денгиз соҳилидан 80 км. узокликда тоғлар орасида жойлашган бу шаҳарли араблар Ум ул-Қурро, Ум ул-Мадоин, яъни шаҳарлар онаси деб юритадилар. Қуръонда “Бакка” номи б-н келган. У Хижознинг маъмурий ва савдо маркази. Мусулмонлар ҳаж қиладиган – мусулмончиликнинг бешинчи аҳкоми бажариладиган жой. Қуръони карим 114 сурасининг 86 таси М.да нозил бўлган. М.да Каъба б-н бош масжид – Ҳарам масжиди бор. М. – Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.)нинг ватанлари, арабларнинг қад. зиёратгоҳи. Мусулмон ривоятларига кўра, М.да Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳамда Шис, Иброҳим, Исмоил ва Ҳожар яшаганлар. М. ш.га қачон асос солингани маълум эмас. Илк бор Замзам булоғи теварагида аҳоли яшаш масканлари пайдо бўлгани ҳақида маълумот бор, Исломога қадар М. мажусий араб қабилаларининг диний ҳамда Шарқ б-н Ўрта денгиз бўйидаги давлатлар ўртасидаги муҳим савдо маркази бўлган. Ислому вужудга келишидан кўп асрлар илгари М.даги Каъба ибодатхонаси араб қабилаларининг зиёрат маркази бўлиб, унда қабила худоларининг санамлари сақланган. Ш. биринчи марта юнон тарихчиси Птолемей асарларида Мақораба номи б-н тилга олинган ва бу ерда мил. II а.да ибодатхона мавжудлиги айтиб ўтилган. М.да пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) таваллуд топган ва шу ерда ислом тарғиботини бошлаган. Муҳаммад (с.а.в.) 622 й. ўз саҳобалари б-н М.дан Ясриб (кейинчалик ал-Мадина деб аталадиган) шаҳрига ҳижрат қилган.

МАКЛЕР (инг. broker; нем. makler; фр. courtier; ит. sensale) – фонд ва товар бозорларида битим тузиш жараёнидаги воситачи ҳисобланади. М. мижоз топширигига кўра ва унинг ҳисобидан ҳаракат қилади. Юридик шахс ҳуқуқига эга ва муайян биржа операциялари турига ихтисослашади. М.лар воситачилик хизматларини кўрсатадиган ва бунинг учун биржа кўмитаси томонидан белгиланган комиссия ҳақлари оладиган М.лик конторалари ва фирмаларига бирлашадилар.

МАЛАКАЛИ (ПРОФЕССИОНАЛ) ШАРҲЛАШ – к.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

МАН ЭТИЛГАН УРУШ УСЛУБЛАРИ – уруш ҳуқуқининг расмий равишда уруш олиб бориш услубларига ўрнатган чеклашлари. М.э.у.у.га, энг аввало хиёнаткор килинган ҳаракат киради. Хиёнаткорона ҳаракат килиниши – бу қуролли можаро даврида қўлланиладиган халқаро ҳуқуқ нормаларига биноан, душманга у химоя ҳуқуқига эгаллигини ишонтириш ва ишонишга мажбур қилиш, ниҳоясида эса билдирилган ишончга хиёнат қилиш. Хиёнат қилишга, мас., сафдан чиққанлиги, ёрдам бермоқчи бўлганлиги никоби остида душманни қириб ташлаш мисол бўла олади. Ундан ташқари, эмблемалардан хиёнаткорона фойдаланиш алоҳида вазиятларда, ҳарбий жиноят сингари I-қўшимча протоколни қўпол бузиш ҳисобланади. Шунингдек, ҳар қандай шароитда “ҳеч ким тирик қолмасин” деган буйруқни бериш ёки “ҳеч кимга шафқат килинмасин” деган асосда ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш тақиқланади. Сафдан чиққанларга ҳужум

қилиш тақиқланади. Қуролли ташлаган аскарни ўлдириш қотиллик ҳисобланади. Ҳалокатга учраган самолётни парашютларда тарқ этаётган экипаж аъзоларига ҳужум уюштириш тақиқланади. Ҳарбий хизматчиларга, химоядаги шахсларга ёки асирларга ҳамда химоя остида бўлган объектларга (мас., касалхона, шифохонага ёки бошқа тиббиёт муассасаларига) ҳужум қилиш ман этилади.

МАНДАТ (лот. *mandatum* – топширик) – бирорта вакиллик муассасаси депутати ваколатларининг қонунчилигини, депутат ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек парламент ёки бошқа вакиллик ҳокимияти органи депутати зиммасига юклатиладиган оммавий вазифа, унинг мазмуни (М. характери) Конс. ва б. конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н белгиланади. Ҳозирги демократик давлатларда М.нинг ҳуқуқдорлиги депутатнинг дахлсизлиги (иммунитет) ва депутатлик фаолияти учун тақдирлов пули олиш (индемнитет)ни ўз ичига олади. М. депутатнинг ўз сайловчилари б-н ўзаро муносабат шаклини ҳам белгилайди. Ҳозирги демократик давлатларда умуммиллий М. деб аталмиш М. бор, унга кўра депутат қандайдир аниқ бир сайлов округининг эмас, балки бутун миллат вакили ҳисобланади. Депутат ўз фаолиятида ҳеч қандай наказ б-н боғланиб қолиши мумкин эмас (императив М. б-н) ва ўз М.и муддати тугамагунча чақириб олиниши мумкин эмас. Кўпгина давлатлар (Италия, РФ, Франция ва б.) Конс.ларида императив М.ни бевосита тақиқловчи кўрсатма бор. Советлар типидagi Конс.лар императив М.ни, яъни депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини қарор топтиради, унга кўра сайловчилар ўз депутатларига нақазлар бериш ва уларни қонунда белгиланган тартибда чақириб олиш ҳуқуқига эга. Яна к.: *Миллий вакиллик.*

МАНДАТ КОМИССИЯСИ – қатор мамлакатлар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органларида шу орган биринчи сессияси ишининг бошида депутатлардан сайланадиган доимий комиссиялардан бири. Депутатлар ваколатларини текширади ва вакиллик органига сайланган депутатлар ваколатларини тан олиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш учун киритади, сайловлар тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолларда эса – айрим депутатлар сайловларини қонуний қуч эга эмас деб тан олиш тўғрисида таклиф киритади. М.к. ўз мажбуриятини муддатидан олдин тўхтатган депутатга боғлиқ барча саволлар бўйича ҳам ғўлоса беради.

МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ – ходимнинг мансабга доир вазифалари аниқлаб берилган ҳужжат. Қоидага кўра М.й. локал ҳужжат ҳисобланиб, қорхонанинг ўзида ишлаб чиқилади. Қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари учун М.й. бўйсунушига қараб юқори турувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Йирик функционал меҳнат таксимотида, яъни айрим ходимларнинг вазифалари доираси кенгайтирилганда ва уларга асосий ишдан ташқари, уларнинг розилиги б-н бошқа лавозимда назарда тутилган ишни бажариш топширилганда М.й. бажараётган бир неча касби бўйича ходимга юкланган вазифани ҳисобга олиб ёки йириклаштирилган функционал меҳнат таксимотидаги иш турлари бўйича ишлаб чиқилади.

МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ – мансабдор шахснинг ғаразғўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб, расмий ҳуж-

жатларга била туриб, сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиши, хужжатларни қалбақлаштириши ёки била туриб, сохта хужжатлар тузиши ва тақдим этиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига жиддий зарар етказилишига сабаб бўлса, ЎзР ЖКнинг 209-м.сига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

МАНСАБГА СОВУҚҚОНЛИК БИЛАН ҚАРАШ

– мансабдор шахснинг ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЎзР ЖКнинг 207-м.сига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

МАНСАБДОР ШАХС – ЎзР МЖКнинг 15-м.сига би-

ноан, мулк шаклидан қатъи назар, корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган, раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати б-н боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган шахс. М.ш.лар маъмурий жавобгарликнинг махсус субъектлари ҳисобланади. Мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий мухитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига қирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик б-н боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим. Қонун ҳужжатларига мувофиқ, М.ш.ларга нисбатан маъмурий жазонинг фақат бир тури – жарима татбиқ этилиши мумкин.

М.ш. ҳуқуқнинг турли тармоқлари норматив ҳужжатларида қўлланиладиган ва айрим ҳолларда кўрсатилган ҳужжатлар контекстида ҳар хил талқин қилинадиган тушунча. Давлат органларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, давлат, муниципал муассасаларида, шунингдек Қуролли Кучларда, бошқа кўшинлар ва ҳарбий тузилмаларда ҳокимият вакили вазифаларини доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича амалга оширувчи ёхуд ташкилий-бошқарувчилик, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажарувчи шахслар М.ш. деб эътироф этилади.

Ҳокимият вакилларига давлат органлари ва муассасаларининг ўз ваколати доирасида фуқаролар ёки корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан, қайси идорага мансублиги ҳамда тобелигидан қатъи назар, ижро этилиши мажбурий ҳисобланган қарорлар қабул қилиш ва талаблар қўйишга ҳақли бўлган ходимлари, шу жумладан, вакиллик органлари депутатлари, судьялар, прокурорлар, терговчилар, арбитрлар, милиция ходимлари, давлат назирлари ва назоратчилар қиради. Бунинг акси ўлароқ, ҳар қандай ҳокимият идорасида ишловчи, аммо ҳокимият ваколатлари (маъмурий ваколатлар) берилмаган шахслар (техник ишларни бошқарувчилар) ҳокимият вакиллари деб эътироф этилмайди.

Ташкилий-бошқарувчилик вазифалари деганда, меҳнат жамоаси, иш жабҳаси, муайян ходимларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш функциялари (кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ишни ре-

жалаштириш, қўл остидаги ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, меҳнат интизомини сақлаш ва ш.к.) тушунилади. Маъмурий-хўжалик вазифалари деганда, мол-мулкни бошқариш ёки уни тасарруф этиш бўйича ваколатлар тушунилади.

ЎзР ЖКда М.ш. деганда, ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул М.ш. аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади.

МАНСАБДОРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ – давлатнинг ҳокимият фаолияти амалга оширилишига салбий таъсир қилувчи ва мансабдор шахслар ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этадиган жиноятлар. М.ж. ЎзР ЖКда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар сифатига киритилган. Жумладан, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш; мансабга совуққонлик б-н қараш; ҳокимият ҳаракатсизлиги; мансаб сохтакорлиги; пора олиш; пора бериш; пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби жиноятлар М.ж. ҳисобланади.

МАНТИҚИЙ ШАРҲЛАШ – к.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

МАНУ ҚОНУНЛАРИ – Қад. Ҳиндистонда тахминан мил. авв. II а. ва мил. II а.да вужудга келган. М.қ. қад. ҳинд қонунчилиги тарихида алоҳида ўрин тутди. Бу қонунлар брахманизм мактабларидан бири томонидан тузилган бўлиб, унга диний тус бериш мақсадида афсонавий подшо Ману номи б-н аталган. Бу кодекс ўз тузилишига кўра 12 та боб, 2685 та м.дан иборат. Ундаги меъёрлар, қоидалар икки мисрли шеърӣ йўл б-н баён қилинган. У ўз мазмунига кўра диний, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат. Унинг IV, VII, VIII ва X бобларида кўпроқ ҳуқуқий меъёрлар белгиланган. Бироқ, бу ерда ҳам ҳуқуқий меъёрлар диний ва ахлоқий меъёрлар б-н қўшилиб кетган. М.қ.да, энг аввало, Ҳиндистондаги мавжуд варна тузуми мустаҳкамланган. Унда варналарнинг диний таълимот асосида келиб чиққанлиги батафсил баён қилинган, варналарнинг мерос тарикасида авлоддан-авлодга ўтиб бориши кўрсатилган, ҳар бир варнанинг вазифаси белгиланган, юқори варналарнинг имтиёзлари мустаҳкамланган.

МАРЖА – 1) банкнинг кредитлардан олган фоизли даромади б-н жалб этилган маблағлар ҳисобига берилган кредитлар бўйича фоизли харажатлар ўртасидаги ижобий тафовут; 2) товар битимларида М. – очилган фьючерс контрактлари бўйича таваккалчиликни суғурталаш мақсадида брокер ёки ҳисоб палатасига киритилган пул суммаси ёки гаров ҳисобланса, бунинг яна бир кўриниши фонд валюта курсларини котировка қилиш усули ҳамда биржа бозорларида қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш мақсадида брокерлик кредитидан фойдаланилаётган вақтда сотиб олувчи томонидан тўланадиган суммадир; 3) денгизда юкларни ташиш шартномаларида кеманинг энг кўп юк кўтариш қуввати б-н фрахтловчи томонидан кемага юкландиган юк ўртасидаги фарқ; 4) банклар томонидан хорижий валюталарни олиш ва сотиш курслари ўртасидаги фарқ.

МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙ – к.: *Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси.*

МАРКЕТИНГ (инг. marketing, market – бозордан) – маълум ҳажмда рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш

учун корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш мақсадида бозордаги талаб ва таклифни таҳлил қилиш ва ўрганишга йўналтирилган фаолият. М. асосида истеъмолчининг эҳтиёж ва талабини қондириш гоёси ётади ва у корхонанинг узок муддатли, юкори даражали фойда олиш ниятида фақат истеъмолчига қаратилган мақсадли ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти ҳисобланади. Америка М. ассоциацияси М.га қуйидагича таъриф келтиради: М. товар ва хизматларга бўлган талабни башорат қилиш, бошқариш ва айирбошлаш асосида қондиришдир.

МАРОДЁРЛИК (фр. *marquand* – талончи сўздан) – халок бўлганларнинг ёки ярадорларнинг буюмларини жанговар вазиятда эгаллаб олиш учун ЎзР ЖКнинг 286-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

МАРШАЛ (фр. *marchal*) – 1) Ўрта асрларда Францияда сарой мулозимлари унвони; 2) бир қанча давлатлар армияларидаги олий ҳарбий унвон; Маршал унвони XIX а.да Испания, Туркия (мушир), Италия, Япония, XX а.да Буюк Британия, Ҳиндистон, Польша, Финляндия, Руминия, Хитой, Корея, Монголия, Болгария ва б. давлатларга киритилган. Буюк Британия, Пруссия, Австрия ва Россияда М. унвони генерал-фельдмаршал унвонига мувофиқ келади. Ҳозирда Россия армиясида олий ҳарбий унвон; 3) Польшада баъзи мансабдор фуқаро шахслар унвони.

МАРҒИНОНИЙ БУРҲОНИДДИН (23.09.1121 й., Риштон – 29.10.1197 й., Самарқанд) – фикҳ олими. Тўлик исми – Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абул Жалил ал-Фарғоний ар-Риштоний. “Бурҳониддин”, яъни “Ислом ва шариятнинг рад қилиб бўлмайдиган мутлақ исботи” фахрли унвон соҳиби.

М.Б. Риштон, Марғилон, Бухоро, Самарқанд ва б. ш.ларда ўз падари бузруквори, акалари қўлида, сўнгра мактабда ва Марғилондаги Фур Сиддик мадрасасида таҳсил олди. Қуръони карим, ҳадиси шариф, тафсир илмини чуқур эгаллади.

М.Б.нинг улугъ факих бўлиб етишишида шарият асосчилари ва назарийчи мужтахидлари Абу Ҳанифа Имом ул-Аъзам, Абу Юсуф ал-Хорижий, Имом Муҳаммад аш-Шайбоний, айниқса, Имом Абул Ҳасан ал-Қодирий (ва унинг “ал-Мухтасар” номи шариятда жуда мўтабар манба саналадиган китоби)ларнинг ҳуқуқий назариялари, гоё ва қарашлари асосий ўрин тутган.

М.Б. 1149 й. ҳаж сафариди бўлди. Қайтаётиб ўз билмларини теранлаштириш мақсадида Марв ш.да фарғоналик олим Тожиддин Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Банандинжийдан ҳадислар тинглайди. Балхга келиб, Абу Шужоъ Умар ибн Муҳаммад ал-Бистомийдан унинг ихтиёрида бўлган барча асарларга ижозат олади. Таҳсил йиллари тугаб, М.Б. етук факих даражасига етгач, Самарқанд Шайх ул-исломи мансабига тайинланади. Ўндан ортик асарлар яратади. Шулардан 6 таси бизгача етиб келган бўлиб, сақланганларнинг барчаси фикҳ (ислом ҳуқуқшунослиги) масалаларига бағишланган.

М.Б.нинг “Ал-Ҳидоя” асари машҳур. “Ал-Ҳидоя” ханафия фикҳининг тўрт асрлик ривожига яқун ясади. “Ал-Ҳидоя” 53 китоб(бўлим)дан иборат бўлиб, амалий фикҳнинг (фуруъ ал-фикҳ) ҳамма жабҳаларини қамраб олади. Асарда исломнинг асосий маросим талаблари, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалари, хусусан, таҳорат, намоз, закот, рўза,

ҳаж, қурбонлик, оила ва никоҳ масалалари б-н боғлиқ қоидалар батафсил ёзилган. Унда мулкий ва молиявий муносабатлар, жиноят ва жазо, фуқаролик ҳуқуқи, судлар ва процессуал масалалар, турмуш ва фаолиятдаги таққиллаш ва ижозатлар ҳақида ҳам фикр юритилади. Бу асардан исломдаги суннийлик оқимининг ханафийлар мазҳаби кенг тарқалган мамлакатларда амалий қўлланма сифатида кенг фойдаланилади.

XIV а.да “Ал-Ҳидоя” ханафий дунёсида мумтоз асар деб тан олинди. Шу даврдан эътиборан у мадраса тизимида олий фикҳшунослик маълумотини ўрганишда ёд олиниши лозим бўлган асосий ўқув қўлланма, деб ҳисоблана бошлади. М.Б.нинг бу шоҳ асари араб тилидан форс, инглиз, рус, ўзбек ва б. тилларига таржима қилинди.

Марғинонийлар сулоласи номи б-н боғлиқ мусулмон фикҳшунослар мактаби нафақат Туркистон худудида, балки бутун Ўрта аср араб-мусулмон дунёси ҳуқуқшунослик илмида асрлар бўйича етакчи бўлиб қолишида М.Б. халқилувчи роль ўйнаган. “Ал-Ҳидоя” Ўрта асрда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам нафақат шарият комуси, қонунлар чиқариш ибтидоси, балки, умуман, ҳар қандай ҳуқуқий маърифат, таълим ва таҳсилнинг бирламчи ибтидоси, шариятдаги ханафия ҳуқуқий мактабига эргашувчи, унга амал қилувчилар учун эмас, балки шариятдаги барча мазҳаблар учун ҳам андоза манбаидир. М.Б. имом, қонуншунос, ҳадисшунос уламо, Қуръонни ёддан билган ва тафсир қилган, ҳуқуқий билмларни тўплаб, уларни яхлит ва бир бутун фан ҳолатига келтирган тадқиқотчидир.

М.Б. тарихда чуқур из қолдирди. Унинг уч ўғли – Жалолиддин Муҳаммад, Низомиддин Умар, Имомуддин Абу Бакр оталаридан сўнг навбатма-навбат Самарқанд шайх ул-исломи бўлиб турдилар. Невараси Абдурахим ибн Бакр ал-Марғиноний (вафоти 1253 й.дан сўнг) ўзининг фикҳий асари “Ал-Фусул ал-Имодийа” б-н ислом дунёсида шухрат таратди. Эвараси Абдулаваал ибн ал-Марғиноний (вафоти 1411 й.дан сўнг) Туркияда машҳур олим ва устоз сифатида танилган. Амир Темур ва темурийлар (1405–1500) даврида М.Б. авлодлари Мовароуннаҳрда узок йиллар шайх ул-ислом лавозимини эгаллаб турдилар.

М.Б.нинг ҳуқуқий меросини ўрганиш хозирги мустақиллик даврида тарихий хотирани тиклаш, қонунни тўғри тушуниш, талқин этиш ва қўллашда, ҳуқуқий жамият қуриш ишига хизмат қилади. Шу сабабли юртимизда М.Б. меросига катта эътибор берилмоқда, унинг таваллуди кенг нишонланди.

МАСЛАҲАТ ОВОЗИ – ҳуқуқда сайлаб қўйиладиган органлар ёки халқаро ташкилотларнинг ишида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этиш.

МАСЛАҲАТХОНА – ишни кўраётган суд таркиби қонун талабларига мувофиқ қарор, ҳукм ёки ажрим чиқарадиган алоҳида хона. Қарор, ҳукм, ажримни М.га чиқариш судлар мустақиллиги принципининг ва судлар фақат қонунга бўйсунганининг муҳим гаровидир. Етарли асослар мавжуд бўлганда хусусий ажримлар ҳам М.да чиқарилади.

ЎзР ФПКнинг 201-м.сига мувофиқ, суд музокараларини эшитгач, суд халқилув қарори чиқариш учун алоҳида хонага (М.га) қиради, бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлисида хозир бўлганларга эълон қилади.

ЎзР ХПКнинг 135-м.сига асосан, ҳал қилув қарори суд мажлисида ишни кўриш тугагандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида хонада ишни кўраётган хўжалик суди таркибига кирувчи судьяларгина бўлиши мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 453-м.сига кўра, судланувчининг охириги сўзини эшитиб бўлганидан сўнг суд ҳукм чиқариш ёки ажрим чиқариш учун дарҳол алоҳида хонага (М.га) киради. Бу ҳақда раислик қилувчи суд мажлиси залида ҳозир бўлганларга эълон қилади.

ЎзР ЖПКнинг 457-м.сига биноан, суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада (М.да) қўйидаги масалаларни ҳал қилади: 1) судланувчи айбли деб топилган килмиш ҳақиқатан содир этилгани; 2) бу қилмиш жиноят деб ҳисобланадими ва у ЖКнинг қайси м.сида назарда тутилган; 3) бу қилмишни судланувчи содир этгани; 4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими ва башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда; 5) судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми; 6) судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми; 7) судланувчига қандай жазо тайинланиши лозим ва у шу жазони ўташи керакми; 8) судланувчини ЖКнинг 34-м.сига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топилганми; 9) озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми; 10) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво қимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво кўзга тилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулккий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибда жавобгарликка тортилишлари лозимми; 11) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак; 12) ашёвий далилларни нима қилиш керак; 13) процесс чикимларини қимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак; 14) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми; 15) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми.

МАСТЛИК ҲОЛАТИДА СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК – мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-иродасига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топилган учун асос бўлмайди (ЎзР ЖКнинг 19-м.си).

Интеллектуал – иродавий фаолиятга таъсир қилувчи алкаголли мастлик ёки наркотик моддалар, психотроп ва б. моддалар қабул қилганлик таъсири остида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилмаслиги мустаҳкамланганлиги назарда тутилган. Шу билан бирга, биринчи навбатда, қонун чиқарувчи киритган “алкаголли мастлик” тушунчасининг маъносини очиш мақсадга мувофиқ, чунки айнан шу ҳолатда шахслар турли ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишади. Физиологик (оддий) мастлик жиноят субъектини ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари келиб чиқадиган зарарли оқибатларини англамаганлигини тасдиқлаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Одатда, физиологик мастлик аста-секинлик б-н бошланади. Алкаголл ичимликлар ичаётган шахс эса ўзини шундан ҳолатга зўрликсиз солаётганлигини англайди ва тушунади. Шунинг учун, шахс мастлик ҳолатида жиноят содир этса, унинг ақли расолиги жиноий жавобгарлигининг объектив ва субъектив томони асосида истисно этилмайди, қайсики оддий мастликда ҳеч қандай шарт б-н олиб ташланмайди. Шу б-н бирга, жиноий жавобгарлик тўғрисидаги масалани ҳал қилишда интеллектуал-иродавий фаолиятга таъсир қилувчи алкаголли мастлик, шунингдек наркотик моддалар, психотроп ва б. моддаларнинг таъсири шахс иродасига қарши зўрлик, яъни, жисмоний мажбурулаш натижасида бўлса, унда баъзи ҳолларда ўша шахс ҳаракатида айб бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Физиологик мастлик ҳолатида объектив борлик ва атрофни бузиб қабул қилиш ҳолати бўлмайди, фақат, патологик мастликка тўғридан-тўғри зид бўлган рухий фаолиятнинг вақтинча бузилиши содир бўлади. Ўз-ўзидан физиологик мастликда организмда бўладиган тормозланиш жараёнларининг функцияси сусайса ва шахс ҳаракатларини бошқариш йўқолса ҳам, бироқ унинг ҳаракатлари ва қилмишлари нормал инсон ҳаракатлари каби мотивлашган хусусиятга эга бўлди.

Оддий алкаголли мастлик шартли равишда 3 даражага бўлинади: енгил, ўрта, оғир. Физиологик мастликда мастлик даражасидан қатъи назар, руҳиятида баъзи бузилишлар пайдо бўлса ҳам, бироқ улар жиноят содир этиш вақтида, юқорида айтилганидек, содир қилинаётган ҳаракатларини тушуниш ва бошқариш қобилиятининг йўқолишига олиб келмайди, қайсики, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Мастликнинг енгил даражасига атрофни қабул қилишнинг пасайиши, интеллектуал фаолият соҳасининг бузилиши, диққатнинг бузилиши, реакция ва фикрлаш жараёнининг секинлашуви, шунингдек қайфиятдаги мувоzanатнинг йўқолиши ва бузилишлар хос. Мастликнинг ўрта даражасидаги ҳолатда кўра, диққат тез бузилади, қабул қилишнинг аниқлиги йўқолади ва фикрлаш жараёни сустрелади. Бу даражадаги маст ҳолатда бўлган шахслар кўпинча ҳақдор ва агрессив бўладиларки, бу ҳол уруш, жанжал ва жиноят содир этишга олиб келади. Мастликнинг оғир даражасида бош миёна функциясининг жиддийроқ бузилиши кузатилади. Бундай ҳолатда шахснинг онгли ҳаракат қилиши ва фикрлаш қобилияти йўқолади, агрессив бузғунчи қилмишларга мойиллик пайдо бўлади. Мастликнинг оғир даражаси мастнинг ҳар хил жойларда чуқур уйқуга кетиши б-н боғлиқ клиник суратда кузатилади.

МАСЪУЛ МАНСАБДОР ШАХС – ЎзР ЖКда “М.м.ш.” атамасининг ҳуқуқий маъноси белгиланган бўлиб, унга кўра, қўйидагилар М.м.ш.га киради: 1) ҳокимият вакиллари; 2) давлат корхонаси, муассасаси ёки ташкилотларида сайлаш ёки тайинлаш бўйича доимий ёхуд вақтинча ташкилий бошқарув ёхуд маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш б-н боғлиқ лавозимларни эгаллаб турган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахслар; 3) мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, давлат бошқаруви юзасидан белгилан-

ган тартибда ҳокимият ваколати берилган жамоатчилик вакиллари; 4) иккинчи бандда назарда тутилган вазифаларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бажариш б-н боғлиқ мансабларни эгалловчи шахслар.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ – ЎЗР ФКнинг 62-м.сига мувофиқ, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари б-н белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият. М.ч.ж.нинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти б-н боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган хиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

М.ч.ж.нинг ўз хиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи хиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар.

М.ч.ж.нинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

М.ч.ж.нинг ҳуқуқий мавқеи, иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари ЎЗР ФК ҳамда бошқа қонунлар б-н белгиланади.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 5-м.сига асосан, М.ч.ж. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

М.ч.ж. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

М.ч.ж., агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

М.ч.ж. тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши керак. М.ч.ж.нинг муҳрида унинг фирма номи жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин.

М.ч.ж. ўзининг фирма номи ёзилган штамплари ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва б. ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

М.ч.ж. ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

М.ч.ж. қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

Рўйхати қонунларда белгиланмаган айрим фаолият турлари б-н М.ч.ж. фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

М.ч.ж. ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк б-н жавобгар бўлади.

М.ч.ж. ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

М.ч.ж.нинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахсининг айби туфайли вужудга келган бўлса, М.ч.ж.нинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига

унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин.

Давлат ва унинг органлари М.ч.ж.нинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек М.ч.ж. ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

МАТБУОТ ЭРКИНЛИГИ – энг биринчи конституциявий мустахкамланган инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларидан бири – фикр эркинлигининг таркибий қисми ҳисобланади. Илк бор французларнинг 1789 й.даги Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида эълон қилинган. М.э. босма оммавий ахборот воситалари (газета, журнал ва б.)ни эркин таъсис этишни, ҳар қандай босма махсулотни эркин тарқатишни, шунингдек цензуранинг тақиқланишини назарда тутди. Демократик давлатларда М.э.нинг сунистеъмол қилинишига йўл қўймаслик мақсадида қатор чекловлар қабул қилинган. Дунёда оммавий ахборот воситаларининг янги турлари (радио, телевидение ва б.) пайдо бўлиши муносабати билан энг янги Конс.ларда М.э. тушунчаси “оммавий ахборот воситалари эркинлиги” тушунчасига сингиб кетган.

МАТЛУБОТ КООПЕРАТИВИ – тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг бир тури.

ЎЗР ФК 73-м.сига мувофиқ, иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси М.к. ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан ўз мулк (пай) бадалларини қўшиш йўли б-н амалга оширилади. М.к.нинг уставида ЎЗР ФК 43-м.сининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: кооператив аъзолари қўшадиган пай бадалларининг миқдори тўғрисидаги; кооператив аъзолари пай бадалларининг таркиби ва уларни қўшиш тартиби ҳамда уларнинг бадални қўшиш мажбуриятини бузганлик учун жавобгарлиги тўғрисидаги; кооперативни бошқариш органларининг таркиби ҳамда ваколатлари ва улар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби, шу жумладан, қарорлар бир овоздан ёки овозларнинг малакали кўпчилиги б-н қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги; кооператив кўрган зарарларни кооператив аъзолари томонидан тўлаш тартиби тўғрисидаги. М.к.нинг номида унинг фаолиятининг асосий мақсади кўрсатилиши, шунингдек “кооперативи” сўзи ёки “матлубот уюшмаси” ёхуд “матлубот жамияти” деган сўзлар бўлиши керак. М.к.нинг аъзолари қўрилган зарарни йиллик баланс тасдиқланганидан кейин уч ой мобайнида қўшимча бадаллар тўлаш йўли б-н қоплашлари шарт. Ушбу бурч бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабларига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин. М.к.нинг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ҳар бир кооператив аъзоси тўлайдиган қўшимча бадалнинг тўланмаган қисми доирасида субсидиар жавобгар бўладилар. Бу ҳолда кооператив аъзолари солидар жавоб берадилар. М.к.нинг тижорат фаолиятига нисбатан ушбу Кодекснинг тижоратчи ташкилотлар тўғрисидаги қоидалари қўлланилади. М.к.ларининг ҳуқуқий мавқеи, шунингдек улар аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари ушбу Кодексга ва б. қонунларга мувофиқ белгиланади.

МАФИЯ (лот. mafia, ит. mafia) – зўрлик, қўрқитиш, террор, қотиллик, ифвогарлик усули б-н иктисодий ва сиё-

сий мақсадларга эришиш учун тузиладиган махфий уюшма; уюшган жиноятчилик ташкилоти. Бир-бири б-н ўзаро боғланган ва порага сотилган давлат амалдорлари, давлат органларидан ёрдам оладиган жиноятчи гуруҳлар. XVIII а. охири – XIX а. бошларида Италиянинг Сицилия оролида пайдо бўлган. XX а.ларда М. ташкилотлари фаолияти ш.ларда авж олган. М., одатда, қиморбозлик, бангилик, фохишабозлик каби пжтимой ахлоқсизликларни уюштириши ва ўз хомийлигига олади, сиёсий ҳаётга фаол аралашади. М. давлат органлари, суд ва полиция амалдорлари, муайян сиёсий доиралар б-н бириктирилади. Кейинчалик уюшган жиноятчиликнинг давлат ҳокимияти, суд, прокуратура ва б. органлар ходимлари б-н тил бириктириши ва ўзаро бир-бирини химоя қилиши М. деб аталади.

МАХСУС ИШ СТАЖИ – к.: *Меҳнат стажи.*

МАХСУС ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ЭТИШ – муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартибидаги маъмурий жазо чораси. ЎзР МЖКнинг 28-м.сига биноан, маъмурий жазо турларидан бири бўлиб, фуқарога берилган ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш, ов қилиш ва б. ҳуқуқлардан) фойдаланиш тартибидан кўпол равишда бузганлик учун қўлланлади. М.х.м.э. ҳақидаги қарорни тум. (ш.) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси уч йилгача бўлган муддатга чиқаради. Бундай ҳуқуқдан маҳрум этиш муддати 15 кундан кам бўлиши мумкин эмас. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси ушбу воситадан ногиронлиги туфайли фойдаланаётган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас. Аммо, транспорт воситасини алкогольдан, гиёҳвандлик воситаси таъсиридан маст бўлган ҳолда ва б. турдаги мастлик ҳолатида бошқариш, шунингдек йўл-транспорт ҳодисасига алоқадор бўла туриб, ҳодиса жойини ташлаб кетиш ҳоллари бундан мустасно. Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси овчилик ҳаётининг асосий манбаи бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

МАХСУС-ЮРИДИК ШАРҲЛАШ – к.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

МАХФИЙ КЕНГАШ (инг. privy council) – Буюк Британияда ва унинг қатор собиқ мустамлакалари (Австралия, Янги Зеландия, Канада)да давлатнинг расмий олий ижро этувчи органи. Буюк Британияда қирол бошчилик қилади, бошқа давлатларда генерал-губернатор уни идора этади. М.к. таркиби одатда мувофиқ давлат маҳкамасининг таркибига қирадиган шахслардан иборат бўлади. Аслини олганда, М.к. маҳкама қарорини расмийлаштиради, холос. Австралия ва Янги Зеландияда М.к.ни ифода этиш учун “ижро этувчи кенгаш” номидан ҳам фойдаланилади.

МАХФИЙЛИК ГРИФИ – маълумотлар манбаидаги ушбу маълумотларнинг махфийлик даражасини билдирувчи реkvизит бўлиб, манбанинг ўзига ва унга қўшиб бериладиган ҳужжатга қўйилади. “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқариш мазкур Қонунга ҳамда ЎзР ВМ тасдиқлайдиган Маълумотларнинг махфийлик даражасини аниқлаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низом ва ЎзРда махфийлаштирилиши

лозим бўлган маълумотлар рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

ЎзРнинг Президенти белгилаб қўядиган давлат сирларини сақлашни таъминловчи давлат органлари ЎзР юридик ва жисмоний шахсларининг мулки ҳисобланган ахборотларни махфийлаштириш ва махфийликдан чиқаришга ҳақлидир.

Давлат сирларига тааллуқли маълумотларга эга бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, айрим фуқаролар бундай маълумотлар махфийлаштирилиши зарурлиги тўғрисидаги масала ҳал этилиши учун давлат сирлари сақланишини таъминловчи органларга мурожаат этишлари лозим.

Махфийлаштирилиши фуқаронинг шахсий ҳафсизлигига таҳдид соладиган ахборот давлат сирларига мансуб деб топилиши мумкин эмас.

Ахборот эгалари ахборотларни махфийлаштириш ёки махфийликдан чиқаришга онд ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар устидан судга шикоят қилишга ҳақлидирлар.

Қонуinning 7-м.сига асосан, ахборотлар махфийлаштирилишининг қапчалик асосли эканлиги ЎзР ВМ белгилайдиган тартибда ҳар беш йилда қайта кўриб чиқилади.

МАЪЛУМОТ ЦЕНЗИ – сайлов қонунида назарда тутилган, яъни сайлов ҳуқуқи (фаол ёки пассив) фақат тегишли ҳужжатларда қайд этилган маълум бир талаб даражасига мансублик.

Инсоннинг табиат ва жамиятга нисбатан ҳуқуқий онги шакллани бошлаган пайтдан бошлаб, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида давлатнинг Конс. ва қонунларда белгиланган сайлов ҳуқуқидир.

МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ – объектив шаклда ифодаланган ва электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида топилш ҳамда ишлов бериш мумкин бўладиган тарзда бир тизимга солинган маълумотлар (мақолалар, ҳисоб-китоблар ва х.к.) мажмуи.

МАЪМУРИЙ АДЛИЯ – маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишнинг алоҳида тартиби бўлиб, унда суд ёки бошқа давлат органлари давлат бошқарув органлари хатти-ҳаракати устидан шикоятларни кўриб чиқади ва бу органлар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади. Айрим хорижий давлатларда М.а. вазифасини ёки умумий судлар (АҚШ, Буюк Британия ва б.), ёки махсус маъмурий судлар (Франция, ГФР, Швейцария ва б.) бажаради. Мас., Францияда маъмурий судлар тизими – маъмурий трибуналлар мавжуд, адлия вазири бошчилик қиладиган Франция Давлат кенгаши М.а.нинг олий органи ҳисобланади; маъмурий трибуналлар бошқарув органларининг ўз ваколатини ошириб юборганлиги, ўзлари учун белгиланган фаолият шаклини бузганлиги, мансабдор шахсларнинг ваколати доирасидан чиққанлиги тўғрисидаги ишларни, шунингдек мансабдорларнинг хизматда жойдан-жойга ўтказилиши, ишдан бўшатилишлари хусусидаги шикоятларни ва х.к.ни кўриб чиқади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда М.а.ни умумий юрисдикция судлари ҳам, ҳар хил турдаги маъмурий органлар ҳам амалга оширади.

МАЪМУРИЙ БУЙРУҚБОЗЛИК ТИЗИМИ – бошқарувнинг максимал қаттиқ бюрократик усулларига асосланган тоталитар режимидаги бошқарув шаклларида биридир. М.б.т. ўзининг принциплари асосида ташкил этилади

ва амалга оширилади ҳамда қуйидаги хусусиятлари б-н тавсифланади: 1) М.б.т. қаттиқ вертикаллик асосида, яъни қуйи турувчи бўғинларнинг юқори тизимга бевосита бўйсунуви асосида ташкил этилади; мазкур тизимнинг фаолияти хаддан ташқари марказлашган бўлиб, бошқарув объектига таъсир этишнинг қаттиқ усуллари орқали амалга оширилади; 2) М.б.т. фаолиятининг марказлашганлиги биринчи галда аниқ ва равшан ижрочиликни ҳамда қуйи турувчи бўғинларнинг бўйсунувини назарда тутати: иш фаолиятидаги ташаббускорлик, тадбиркорлик, ижодий ёндашув ҳеч қандай рағбатлантирилмайди; 3) М.б.т. учун инсон манфаатлари фақат қоғозда бўлиб, амалда эса ўзининг манфаатларини устун қўяди; 4) М.б.т. фақатгина буйруқ бериш, куч ишлатиш усуллари асосида ҳаракатда бўлади, бу усуллар барча соҳаларда: сиёсатда, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада, ҳаттоки маданият, ижодиёт, фан, педагогика соҳаларида қўлланилади; 5) М.б.т.нинг асосий яна бир муҳим жиҳатларидан бири унинг бюрократизм ва формализмга асосланишидир, бу ҳолат ҳар қандай бошқарув ҳаракатларини меъёрлашда намоён бўлади.

МАЪМУРИЙ ДЕЛИКТОЛОГИЯ – М.д. ЎЗР МЖКда назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни ўрганати. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар б-н жиноятларнинг ўзаро алоқадорлиги икки кўринишда мавжуд бўлади: 1) ушбу ҳуқуқбузарликлардан айримларини (мас., савдо қондаларини бузиш, майда безорилик, йўл қондаларини бузиш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш) жиноятчиликка ўсиб ўтади; 2) маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг криминогенлиги шундаки, улар жиноятнинг содир бўлиши ва жиноятчи шахсининг шаклланиши учун қулай шароитлар яратди.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК – юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, маъмурий ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинган, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий-процессуал тартибда маъмурий жазони қўллашдир.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКС – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси*.

МАЪМУРИЙ ЖАЗО – ЎЗР МЖК 22-м.сига мувофиқ, М.ж. жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиши ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарликнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

М.ж.: жарима; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти б-н олиб қўйиш; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш; маъмурий қамоққа олиш. Қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун ажрабий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ЎЗР ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш назарда тутилиши мумкин. М.ж.ни қўллашда орган (мансабдор шахс) қонунийлик ва жазонинг яқка тартибда бўлиши каби асосий принципларга амал қилиши лозим.

МАЪМУРИЙ ЖАРАЁН – маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган ҳамда маъмурий-ҳуқуқий актларни қабул қилиш ва ижро этиш орқали маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган ижро органларининг ҳокимият ваколати.

МАЪМУРИЙ ИШ ЮРИТИШ – маъмурий жараённинг бир қисми бўлиб, умумий ва махсус процессуал нормалар ёрдамида маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган маъмурий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади.

МАЪМУРИЙ ЙЎЛ БИЛАН УШЛАБ ТУРИШ – маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини юритишни таъминлашга қаратилган бўлиб, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чораси. ЎЗР МЖКнинг 286-м.сига мувофиқ, М.й.б.у.т. тўғрисида баённома тузилиб, унда: баённома тузилган саба ва жой, баённома тузган шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ушлаб турилган шахс ҳақидаги маълумотлар; уни ушлаб туриш вақти, жойи ва унинг асослари кўрсатилади. Баённома уни тузган мансабдор шахс ва ушлаб турилган шахс томонидан имзолашади. Ушлаб турилган шахс баённомани имзолашдан бош торган тақдирда, баённомага шу ҳақда ёзиб қўйилади. Ушлаб турилган шахсининг илтимосига қўра, у ушлаб турилган жой ҳақида унинг қариндош-уруғлари, адвокат, иш ёки ўқиш жойидаги маъмурият хабардор қилиб қўйилади. Вояга етмаган шахс ушлаб турилгани ҳақида унинг ота-онаси ёки улар ўрнини босувчи шахслар албатта хабардор қилинади. М.й.б.у.т. уч соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас. Айрим ҳолларда алоҳида зарурат муносабати б-н ЎЗР қонун ҳужжатларида М.й.б.у.т.нинг бошқача муддатлари белгиланиши мумкин. Чегара тартибининг ёки ЎЗР давлат чегараси орқали ўтиш пунктларидаги тартибни бузган шахслар баённома тузиш учун уч соатгача муддатга ушлаб турилиши мумкин, ҳуқуқбузарликнинг шахсини ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳолларда эса – ушлаб пайтидан бошлаб йигирма тўрт соат ичида прокурорга ёзма тарзда маълум қилиб, уч суткагача ёки ҳуқуқбузарда ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлмаса, прокурорнинг санкцияси б-н ўн суткагача муддатга ушлаб турилиши мумкин. М.й.б.у.т. муддати ҳуқуқбузарни баённома тузиш учун олиб қилиш пайтидан бошланади, маст ҳолдаги шахслар учун эса улар ҳушёр торган вақтдан бошланади.

МАЪМУРИЙ НАЗОРАТ – давлат органлари, мансабдор шахслар, давлат ва подавлат ташкилотлари, шунингдек фуқаролар томонидан умуммажбурий қондаларга қатъий риоя этилиши устидан олиб бориладиган давлат назорати.

МАЪМУРИЙ СУДЛАР – давлат бошқарув органлари, мансабдор шахслар б-н фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш учун ташкил этилган махсус судлар. XX а. бошларида маъмурий низоларни ҳал этишнинг икки тизими вужудга келди; биринчи тизимнинг моҳияти шундаки, оммавий ҳуқуққа оид барча масалаларни ҳал этиш умумий судлар ваколатига киритилган эди (умумий адлия тизими). Иккинчи тизимга қўра оммавий ҳуқуқ масалалари бошқарув органлари тизимида ташкил этилган махсус маъмурий-судлов хайъатлари (М.с.) томонидан ҳал этилади (махсус М.с. тизими). Ушбу икки тизим асосида кўп давлатларда маъмурий судлар

ташкил этилган. Мас., Буюк Британия, АКШ, Австралия, Янги Зеландия, Хиндистон, Канада, Швейцария, Дания, Норвегия, Бельгияда маъмурий судлов ишларини умумий судлар амалга оширса, Франция, Испания, Португалия, Германия, Италия, Австрия, Люксембург, Финляндия, Швеция, Греция, Болгария, Польша, Чехия каби давлатларда махсус М.с. ташкил этилган.

МАЪМУРИЙ ШАРТНОМА – бошқарув фаолиятини (харакатларини) амалга оширишнинг ҳуқуқий шакли. М.ш.: биринчидан, оммавий шартномаларнинг бир тури ҳисобланади; иккинчидан, унда ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат органлари ва турли субъектлар (мас., подавлат ташкилотлар, фуқаролар) иштирок этади; учинчидан, уни тузишда: а) жамият ва давлат (оммавий) манфаатларини қондириш; б) маълум бир бошқарув вазифалари ва функцияларни амалга оширишнинг маъмурий тартибинини ўрнатиш; в) бошқарув органлари томонидан назоратни амалга ошириш; г) мажбуриятларни ўз зиммасига олган иккинчи томоннинг ўз мажбуриятларини бажармагани ёки лозим даражада бажармаганида, давлат органи (мансабдор шахс)нинг шартномани бир томонлама тартибда беқор қилиш имкониятига эга бўлиши назарда тутилади.

МАЪМУРИЙ ЮРИСДИКЦИЯ – ижро ҳокимияти органларининг турли субъектлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш, шунингдек маъмурий-процессуал шаклда амалга ошириладиган маъмурий ва интизомий мажбурият чораларини қўллашга қаратилган фаолияти; ижро ҳокимияти органлари (мансабдор шахслари) томонидан юрисдикциявий ҳаракатларни амалга ошириш тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларининг бажарилиши.

МАЪМУРИЙ ҚАМОҚҚА ОЛИШ – маъмурий жазолардан бири бўлиб, қаттиқ маъмурий жазо чораси ҳисобланади. ЎЗР МЖКнинг 29-м.сига мувофиқ, маъмурий қамок маълум бир маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан 3 суткадан 15 суткагача, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун – 30 суткагача муддатга қўлланилади. М.к.о. тум. (ш.) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади. М.к.о. чораси ҳомиладор аёлларга, 14 ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахсларга, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, 1 ва 2-гурӯҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ (лот. administratio – бошқарув) – давлатни бошқаришга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси. М.х. нормалари бошқарув аппаратини ташкил қилиш тартиби ва унинг фаолиятини, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради. ЎЗРда М.х. давлат органларининг халқ хўжалик тармоқларини бошқаришга, ижтимоий тартибни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ва б. муносабатларга доир фаолиятини тартибга солади. Давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш – муносабатларнинг барча иштирокчилари учун мажбурий бўлган ҳуқ-атвор қоидаларини М.х. нормаларида мустаҳкамлаш йўли б-н амалга оширилади. М.х. нормалари давлат ҳуқуқи нормаларидан келиб чиққан

ҳолда, аввало давлат бошқаруви хос бўлган хусусиятларни ва унинг бошқа давлат фаолияти турлари б-н ўзаро муносабатини, шунингдек давлат бошқаруви принципларини мустаҳкамлайди. М.х. давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибинини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатларини ҳамда ҳуқуқий мақомининг бошқа томонларини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради. М.х. бошқарилувчи объектларнинг алоқаларини тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибинини, моддий ресурсларни тақсимлашни, иш ҳақини белгилашни ҳам мустаҳкамлайди.

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий мухитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик (ЎЗР МЖКнинг 10-м.си).

МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БАЁННОМА – ЎЗР МЖКнинг 279-м.сига биноан, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги тўғрисидаги баённома ваколатли мансабдор шахс томонидан тузилади. Бузилиши маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қондаларга рноя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати б-н зиммасига юклатилган тегишли органнинг ваколатли мансабдор шахси М.х.т.б.ни тузади. М.х.т.б.да: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади. Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ БИРЛИК – давлатнинг маъмурий-худудий тизими таркибий қисми бўлиб, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва маҳаллий бошқарувда фуқароларни жалб этиш мақсадида маълум бир худудий қисмларга ажратилган бўлади. М.х.б. деб давлатнинг маъмурий-худудий бўлиниш тизимида энг юқори бўғин бўлган, тузилма тушунилади.

ЎЗРнинг Конс.сининг тўртинчи бўлими “Маъмурий-худудий ва давлат тузилиши”га бағишланган. Унга кўра, ҚР, вилоятлар ва Тошкент ш. М.-х.б.ларни ташкил этиб, тум.лар, ш.лар, ш.чалар, қишлоқлар, овуллардан иборат бўлади.

Вил. бошқа маъмурий-худудий бўлақлардан иборат бўлиб, жойларни марказ б-н боғлаб туради ва давлат орган-

лари ўз вазифаларини, жойлардаги органлари орқали амалга оширадилар. Шу б-н бирга, вилоят ўз таркибига кирувчи қуйи давлат ҳокимияти органлари фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда уларни умумдавлат ва маҳаллий манфаатлардан келиб чиқиб бирлаштиради.

МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШ – давлат бошқарувининг умумий масалаларини амалга ошириш учун ташкилий жиҳатдан ажратилган давлат ҳудудининг қисмларга бўлинишидир.

Давлатни ҳудудий жиҳатдан ташкиллаштириш ўз мақсади ва вазифаларига кўра нафақат маъмурий-худудий, балки иқтисодий-худудий, ҳарбий-худудий, сиёсий-худудий ва экологик-худудий мақомларда бўлади.

Давлатнинг М.-х.т.и давлат б-н унинг таркибий қисмлари ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни ҳамда ушбу қисмлар ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолатига доир масалаларни қамраб олади. Ҳар бир суверен давлатнинг ер кенгликларини маъмурий-худудий жиҳатдан маълум бир қисмларга ажратиш олиш жуда катта сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳамда ҳуқуқий аҳамият касб этади.

Ҳар бир давлатнинг майдони, аҳолисининг сони, миллий-этник таркиби, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши каби омилларга кўра унинг ер кенгликлари маълум бир қисмларга ажратилади. Бундай маъмурий-худудий қисмларга ажратиш аксарият ҳолларда давлатнинг марказдан туриб ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш имкони бўлмаган тарзда амалга оширилади. Ажратилган қисмлар механик тарзда эмас, балки бирон-бир мақсадни кўзлаб ва маълум бир принципларга асосланган ҳолда бўлилади.

М.-х.т. икки бўғинли (АҚШ, Дания, Болгария, Франция, Италия, Канада, Хиндистон), тўрт бўғинли (ГФР, Колумбия, Камерун, Сенегал) бўлиши мумкин. Жуда кичик давлатлар (Науру, Гувалу, Мальта, Баҳрайн)да М.-х.т. умуман йўқ. Россия Федерациясида маъмурий-худудий тизимни РФ субъектлари мустақил белгилайди.

ЎзР Конс.сининг 68-м.сига кўра, ЎзР вил.лар, тум.лар, ш.лар, ш.чалар, кишлоқлар, овуллар, шунингдек ҚРдан иборат. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-худудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонун вил.лар, тум.лар, ш.лар, ш.чалар, кишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчириш ҳамда аҳоли пунктларини ш., ш.чалар туркумига ўтказиш, маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-географик, геологик ва б. объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

ЎзР Марказий Осиёнинг ўрта ва шимолий қисмида жойлашган бўлиб, шимоли-шарқда Қирғизистон, шимол ва шимоли-ғарбда Қозғистон республикалари, жануби-ғарбда Туркменистон, жануби-шарқда Тожикистон Республикаси б-н, жанубда қисман Афғонистон б-н чегарадош.

МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАЖБУРЛОВ – бу ҳуқуқий мажбурловнинг алоҳида тури бўлиб, ҳуқуққа хилоф қилмишга нисбатан оммавий ҳокимият субъектлари

томонидан маъмурий-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган мажбурлов чораларининг қўлланишидир. М.-х.м.ни ўрнатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда, уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: а) маъмурий оғохлантирув чоралари; б) маъмурий чеклов (эхтиёт) чоралари; в) маъмурий жазо чоралари.

МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР – маъмурий ҳуқуқ нормалари асосида вужудга келадиган муносабатлар. М.-х.м.: а) давлат бошқаруви жараёнида (ёки соҳасида) вужудга келади; б) бу муносабатларнинг мажбурий субъекти бўлиб давлат номидан оммавий-ҳуқуқий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қилувчи давлат бошқаруви (ижро ҳокимияти) органлари ҳисобланади; в) ҳокимият-бўйсунув ва томонларнинг юридик тенг эмаслиги б-н тавсифланади; г) оммавий ёки индивидуал манфаатларни қондириш мақсадида бошқарув вазифалари ва функцияларини амалга ошириш бўйича вужудга келади; д) ташкиллаштириш хусусиятига эга, яъни улар давлат бошқарувининг бошқарув объектига ташкилотчилик таъсири доирасида вужудга келади; е) қонунийликни таъминлашнинг алоҳида ҳуқуқий тартиби ва ўзининг ҳуқуқий ҳимояси б-н ажралиб туради.

МАЪМУРИЯТ (лот. administratio – бошқарув) – 1) бошқарув функцияларини амалга оширувчи давлат органлари йиғиндиси; 2) ташкилот бошқарувининг мансабдор шахслари, раҳбар ходимлари.

МАЪНАВИЙ ЗАРАР – 1) фуқаролик ҳуқуқида жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик характери (харакатсизлик) оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний (камситиш, жисмоний оғрик, зарар кўриш, ноқулайлик ва б.) азоблар тушувилади. М.з., жумладан яқин қариндошини йўқотиш (ўлими) сабабли маънавий қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, онлавий, тиббий сирларни ошқор қилиш, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли жисмоний оғрик, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлади.

М.з. уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томондан қопланади, ЎзР ФК 1021-м.си иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ЎзР ФК 1021-м.си иккинчи қисмига кўра, М.з. уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қуйидаги ҳолларда қопланади, агар:

зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига ортиқча ҳавф манбаи томонидан етказилган бўлса;

зарар фуқарога уни қонунга хилоф тарзда ҳукм қилиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб ҳулқатворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўлланиш, қонунга хилоф тарзда маъмурий жазо қўлланиш ва қонунга хилоф тарзда ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса;

зарар ор-номус, кадр-қиммат ва ишчанлик обрў-этиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса;

қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

М.з. пул б-н қопланади. М.з.ни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек айб товои тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олиниши лозим. Жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусияти маънавий зарар етказилган ҳақиқий ҳолатлар ва жабрланувчининг шахсий хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан баҳоланади. М.з. тўланиши лозим бўлган мулкий зарардан қатъи назар қопланади.

“Истеъмошчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 22-м.сига мувофиқ, истеъмошчиларнинг ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган М.з. учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. М.з. учун тўланадиган ҳақ миқдорини сўмда белгилайди. М.з. учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмошчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишидан қатъи назар, амалга оширилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 115-м.сига мувофиқ, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуларидан бири М.з. учун товои ундириш ҳисобланади.

2) меҳнат ҳуқуқида ўз меҳнат вазибаларини бажариши муносабати б-н ёки меҳнат қилиш имкониятидан фойдаланувчи равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш б-н боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, унинг оила аъзоларига (ЎзР МК 192-м.сининг биринчи қисми) етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, башарти ЎзР МКда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

М.з. (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазибаларини бажариш б-н боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. М.з.ни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади.

МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ – асосан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш бўлиб, у марказий ёки бошқа юқори турган давлат органлари томонидан тайинланадиган ва уларга ҳисобдор бўлган органлар ва мансабдор шахслар (Мас., Францияда Республика комиссарлари. Москва ш.да маъмурий округлар префектлари томонидан) ёки бевосита аҳоли томонидан сайланадиган ижро этувчи органлар (мэрлар, ижро этувчи кўмиталар, оқсоқоллар) томонидан амалга оширилади. Агар мэрни муниципал кенгаш (фуқаролар эмас) сайласа ва бевосита унинг назорати остида бўлса, у М.б.нинг эмас, балки маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг қисмига айланади.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ – давлат бюджетининг тегишли вил., тум., ш. пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағ-

лар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ – давлат ҳудудининг маълум бир қисмида бошқарувни ташкил этувчи давлат механизмнинг ташкилий бир қисми бўлиб, унинг олдига қўйилган вазибаларини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти ваколатлари берилади ва ўз компетенциясига эга бўлади.

ЎзР Конс.сининг XXI боби “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари”га бағишланган. 1992 й. 4 январда “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни асосида М.д.о.га бошчилик қилувчи ҳокимлик лавозими таъсис этилган.

1993 й. 2 сентябрдаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни асосида М.д.о.нинг тузилиши, ваколатлари ва вазибалари белгиланган.

МАҲАЛЛИЙ СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТўЛОВЛАР – ЎзР СК 23-м.сига мувофиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинандиган солиқ, айрим турдаги товарлар б-н чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим ва ягона ер солиғи М.с. ва б.м.т. жумласига қиради. ЎзР СК 30-м.сига кўра, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёزلарни бериш белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМИЯТ – давлат аппарати бошчилигида ташкил этиладиган жойлардаги сиёсий бошқарув. М.х. давлат бошқарувининг мақсад ва вазибаларини ифода этувчи сиёсий ташкилотдир.

М.х. давлат аппарати томонидан тайинланадиган ёки сайловлар йўли б-н ташкил қилинадиган давлат органлари орқали амалга оширилади. (ГФР, Буюк Британия ва б. хорижий давлатларда сайловлар йўли б-н, Ўзбекистон, Россия, Қозғоғистон ва б. давлатларда тайинланади) М.х. органларини ташкил этиш тартиби ва ваколатлари Конс., қонунларда белгиланади.

1993 й. 2 сентябрда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунда ЎзРда М.х. тузилиши мустаҳкамланган.

МАҲКУМ – қонун б-н тақиқланган муайян жиноятни содир этгани учун суд томонидан айбдор деб топилган шахс. Ўзбекистонда М.га нисбатан қуйидаги асосий жазолар қўлланилиши мумкин: жарима; муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; ахлоқ тузатиш ишлари; хизмат бўйича чеклаш; қамок; интизомий қисмга жўнатиш; озодликдан маҳрум қилиш; умрбод озодликдан маҳрум қилиш. М. жазони суднинг ҳукми кучга кирганидан сўнг ўтайди. Баъзан М. айбдор бўлса-да, унга жазо тайинланмаслиги мумкин (ЎзР ЖК, 69-76, 87-90-м.лари). Суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг моҳияти, ижтимоий хавфлилик даражаси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдорга жазо бермай ҳам ҳулқини назорат қилиш, тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, тайинланган жазо-

ни шартли ижро этмаслик тўғрисида қарор чиқаради. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят натижасида етказилган зарарни ўз ихтиёри б-н бартараф этиб, қилмишидан астойдил пушаймон бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин. М.барча фуқаровий ҳуқуқлардан фойдаланади. Унинг ҳуқуқий мақоми ЎзР ЖИКда берилган. М. фуқаровий, мулкӣ, ворислик, муаллифлик, кашфиётчилик, меҳнат, уй-жой ҳуқуқларига эга. М.га жазони ўташ тартиби ва шартлари тушунтирилади, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ахборот олиши, ўқув, бадний ва б. турдаги материаллардан фойдаланиши, соғлиғи бузилганда, амбулатория ва стационар шароитда даволаниш, адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган М. сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди (ЎзР Конс., 117-м.).

МАҲКУМЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ – маҳкумлар, ЎзР ЖИК ва б. қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инobatга олинган ҳолда, ЎзР фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнabий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек ЎзРнинг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади (ЎзР ЖИКнинг 8-м.си).

Маҳкумлар қуйидаги ҳуқуқларга эга: жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш; жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамoат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда тақлиф, ариза ва шикоятлар б-н мурожаат этиш; ўз тақлиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб ЎзРнинг давлат тилида берилади. Жавобни қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади; тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш; ўқув, бадний ва б. хил ахборот материалларидан фойдаланиш; соғлиғини сақлаш, шу жумладан, тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш; ижтимоий таъминот, шу жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия олиш.

Маҳкум ажнabий фуқаролар, шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари б-н, ЎзРда дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини химоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари б-н алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тартиби ЎзР ЖИК, бошқа қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (ЎзР ЖИКнинг 9-м.си).

Маҳкумлар: жазони ўташ тартиби ва шартларига риоя этишга; жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятининг қонунга асосланган талабларини бажаришга мажбурдилар.

Маҳкумларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажармаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади (ЎзР ЖИКнинг 13-м.си).

МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

– М.е.б.ш.га мувофиқ тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи – сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарилган ёхуд сотиб олинган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш мақсадларда фойдаланиш б-н боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

ЎзР ФКнинг 438-м.сига мувофиқ, М.е.б.ш. бир йилга, бир йилдан ортиқ муддатга (узoқ муддатли шартнома) ёки тарафлар келишувидан назарда тутилган бошқа муддатга тузилиши мумкин.

Агар М.е.б.ш.да унинг амал қилиш муддати белгиланмаган бўлса, шартнома бир йилга тузилган деб ҳисобланади.

Агар узoқ муддатли шартномада етказиб берилиши лoзим бўлган товарлар миқдoри ёки шартноманинг бошқа шартлари бир йилга ёки ундан ортиқ муддатга белгиланган бўлса, шартномада тарафларнинг бу шартларни шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кейинги даврлар учун келишиб олиш тартиби белгиланиши лoзим. Шартномада бундай тартиб бўлмаса, шартнома тегишинча бир йилга ёки шартнома шартлари келишилган муддатга тузилган ҳисобланади.

Узoқ муддатли шартнома тарафларидан бири етказиб берилиши лoзим бўлган товарлар миқдорини ёки шартноманинг бошқа шартларини кейинги даврлар учун шартномада белгиланган тартибда келишиб олишни рад қилган ёки ундан бош тортган тақдирда, бошқа тараф тегишли даврларда товарларни етказиб бериш шартларини белгилаш тўғрисидаги ёхуд шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб б-н судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

МДХ – ушбу минтақавий ташкилот собиқ СССРнинг айрим республикалари томонидан тузилган. Уни таъсис этувчи ҳужжатлар 1991 й. 8 декабрда Минскда Белорусия, Россия ва Украина томонидан имзоланган МДХни тузиш тўғрисидаги битим, 1991 й. 21 декабрда (Болтиқбўйи республикалари ва Грузиядан ташқари) 11 собиқ Иттифок республикалари томонидан Олма-Отада имзоланган Битимга Протокол ва 1991 й. 21 декабрда имзоланган Олма-Ота Декларациялари ҳисобланади. 1993 й. 22 январда Минскда бўлиб ўтган МДХ давлат бошлиқлари кенгашида (Арманистон, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон номидан) МДХ Устави қабул қилинди.

МДХнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат: биринчи, сиёсий, иқтисодий, экологик, инсонпарварлик, маданий ва б. соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш;

иккинчи, умумий иктисодий маконни яратиш;
учинчи, умуминсоний принциплар ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг нормаларидан келиб чикувчи инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

тўртинчи, аъзо давлатларнинг халқаро типчиликни ва хавфсизликни таъминлаш ва қуролсизланишга йўналтирилган ҳамкорликларни амалга ошириш;

бешинчи, аъзо давлатлар фуқароларининг Ҳамдўстлик ҳудудида эркин юришлари ва мулоқотларини таъминлаш;
олтинчи, ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа соҳаларида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;

еттинчи, низо ва тортишувларни тинч йўллар б-н ҳал этиш.

МДХ ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принциплари асосида ташкил этади. Шунингдек, давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги, ўзаро бир-бирлари ва умуман Ҳамдўстлик манфаатларидан келиб чиқиш, биргаликда ҳаракат қилиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир аъзо давлат халқи маънавиятининг бутунлигини сақлаш, маданий кадриятларни сақлаш ва маданий алмашиниш соҳаларида ҳамкорлик қилиш каби қўшимча принциплар ҳам ишлаб чиқилган.

Ҳамдўстлик давлат бўлмаганлиги учун миллий ваколатларга эга эмас. Бу халқаро ҳуқуқнинг тенг субъектлари томонидан миллий суверенитет асосида ташкил этилган давлатлар бирлашмасидир.

Уставда Ҳамдўстлик манфаатларининг мавжудлиги тан олинади ва 1991 й. 8 декабрда имзоланган битим асосида давлатларнинг ҳамкорлик соҳалари белгиланади. Улар жумласига:

инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;
ташки сиёсатни мувофиқлаштириш;

умум Европа ва Евроосиё бозорларининг умумий иктисодий ҳудудини яратиш ва ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;

божхона сиёсати;
транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;
соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;
ижтимоий ва миграциявий сиёсат масалалари;
уюшган жиноятчиликка қарши кураш;
чегараларни қўриқлаш ва мудофаа масалалари кабилар қиради.

Ҳамдўстликдаги давлатларнинг ўзаро манфаатлари, умумий мақсадлари, бирга фаолият олиб бориш соҳаларининг мавжудлиги уни ваколатлари ва ҳуқуқий субъектлиги шартномавий асосга эга халқаро ноҳуқуматлараро ташкилот деб аташга имкон беради.

Ҳамдўстлик Уставидан келиб чиққан ҳолда таъсис этувчи ва аъзо давлатлар ҳисобланади. Биринчи гуруҳга 1991 й. 8 декабрда имзоланган Ҳамдўстликни ташкил этиш тўғрисидаги битим ва унга қўшимча 1991 й. 21 декабрда имзоланган Протоколни Ҳамдўстлик Уставининг қабул қилиниши вақтига қадар қабул қилган ва ратификация қилган давлатлар, аниқроқи, Арманистон, Белорусия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Россия, Ўзбекистон ва Украина қиради.

Ҳамдўстликка қабул қилиниш аъзо давлатларнинг розилиги б-н унинг мақсад ва принципларини қабул қилув-

чи, Уставда кўрсатилган мажбуриятларни унга қўшилиш йўли б-н қабул қилувчи ҳар бир давлат учун очик ҳисобланади. Шунингдек баъзи давлатларнинг Ҳамдўстликнинг айрим фаолият соҳаларида қўшилувчи аъзо сифатида иш олиб боришлари имкони ҳам назарда тутилган.

Ҳамдўстликнинг олий органи Давлатлар бошлиқларининг кенгаши бўлиб, у аъзо давлатлар умумманфаатлари доирасида давлатлар фаолиятини муҳокама этиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга. Кенгаш йилда икки марта йиғилади ва аъзо давлатлардан бирининг ташаббуси б-н навбатдан ташқари йиғилишлар ҳам ўтказиши мумкин.

Ҳамдўстлик Ҳукуматлари раҳбарларининг кенгаши ижроия органларининг умумманфаатлар доирасида иктисодий, ижтимоий ва б. соҳаларни мувофиқлаштиради. Кенгаш йилда тўрт марта йиғилади ва аъзо давлатлардан бирининг ташаббуси б-н навбатдан ташқари йиғилишлар ҳам ўтказиши мумкин.

Иккала кенгашнинг ҳам қарорлари ўзаро розилик (консенсус) асосида қабул қилинади. Бирор-бир давлатнинг маълум соҳага кизиқиш билдирмаслиги қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Ташқи алоқаларни мувофиқлаштирувчи орган – ташқи ишлар вазирлари кенгаши, жамоа хавфсизлик ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик соҳасида мудофаа вазирлари кенгаши, бирлашган қуролли қучлар олий қўмондонлиги, чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши тузилган. Шунингдек, тармоқлар бўйича ҳамкорликни мувофиқлаштириш назарда тутилиб, темир йўл транспорти кенгаши, давлатлараро фазо кенгаши, давлатлараро экологик кенгаш ҳам мавжуд.

Ҳамдўстлик доирасида иктисодий мажбуриятларнинг бажарилиш жараёнида келиб чикувчи низолар, шартнома ва б. иктисодий ҳужжатларни таҳлил қилишдан келиб чиқадиган фарқларни ечиб берувчи иктисодий суд, Ҳамдўстлик аъзолари олган мажбуриятлардан келиб чикувчи инсон ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилувчи Инсон ҳуқуқлари комиссияси мавжуд.

Ҳамдўстлик доирасида доимий фаолият кўрсатувчи ижроия органи 1993 й. апрелда Минскда ўтган давлат бошлиқлари кенгашида жорий этилган координацион-консултатив қўмита ҳисобланади. У давлат бошлиқлари кенгаши тайинлайдиган қўмита координатори ва ҳар бир аъзо давлатнинг иккитадан доимий мухтор вакилидан иборат. Қўмита Ҳамдўстликнинг барча фаолият соҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва киритади, иктисодий ҳамкорликнинг аниқ соҳалари бўйича шартномаларнинг бажарилишига, Ҳамдўстликнинг барча органлари ишлашига имкон яратади. Унинг қошида Котибият ташкил этилган. Қўмита ва Котибият Минскда жойлашган.

МДХ ИКТИСОДИЙ СУДИ – МДХ Уставининг 32-м.сига кўра, иктисодий мажбуриятларни бажариш жараёнида вужудга келадиган низоларни ҳал этувчи минтакавий суд ҳисобланади. Ушбу суд ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро келишувига кўра унинг судловлигига киритилган бошқа низоларни ҳам кўриб чиқиши мумкин. Иктисодий судни ташкилий этиш тўғрисидаги қарор МДХ давлатлари раҳбарларининг “МДХга иштирокчи давлатларнинг хўжалик ташкилотларни ўртасидаги ҳисоб-китобларни яхшилашни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги келишувида қайд этилган. 1992 й. 6 июлда МДХ-

га аъзо бўлган 8 та мамлакат (Арманистон Республикаси, Беларуссия Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси) МДХ И.с. мақоми тўғрисидаги келишувни имзолашди ва МДХ И.с. тўғрисидаги низомни тасдиқлашди.

МДХ И.с. тўғрисидаги Низомга кўра, мазкур судни ташкил этишдан кўзланган мақсад МДХга иштирокчи давлатлар келишувларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, уларга асосланган иқтисодий мажбуриятлар ва шартномалар юзасидан вужудга келадиган низоларни ҳал этиш ҳисобланади. Иқтисодий суд томонидан низолар манфаатдор давлатларнинг ваколатли органлари, ҳамдўстлик инс.ларининг аризасига асосан кўриб чиқилади. Низони кўриб чиқиш натижаларига кўра, суд иштирокчи давлатлар томонидан битимлар, Ҳамдўстлик ва унинг инс.лари бошқа ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини аниқлайди ҳамда уларга амал қилмаслик ва унинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида тегишли давлатга зарур чоралар кўришни тавсия этади. Қайси давлатга нисбатан қарор чиқарилган бўлса, уни ижро этиш ушбу давлат томонидан таъминланади. Иқтисодий суд қарори устидан тарафлар ва учинчи шахслар Иқтисодий суд Пленумига шикоят бериши мумкин. Иқтисодий суд Ҳамдўстлик ва унинг инс.ларини келишувлари ва б. ҳужжатлари нормаларининг қўлланилишига тушунтириш беради.

МДХ И.с. мақоми тўғрисидаги келишувга кўра, иштирокчи давлатлардан Иқтисодий суд таркибига сайланган (тайинланган) судьялар сонига нисбатан икки кишидан иборат квота ўрнатилган. Иқтисодий суд судьялари иштирокчи давлатларда белгиланган тартибга кўра олий юридик маълумотга эга бўлган хўжалик, арбитраж суди судьялари ва иқтисодий муносабатлар соҳасида юқори малакага эга бўлган шахслар орасидан 10 й.га сайланади (тайинланади). Иқтисодий суд раиси судьялар томонидан ўз таркибидан кўпчилик овоз б-н сайланади ва 5 й. муддатга давлат раҳбарлари Кенгаши томонидан тасдиқланади. Иқтисодий суднинг олий коллегиал органи МДХ И.с. Пленуми ҳисобланади.

МЕДИАЦИЯ (инг. mediation – воситачилик) – низоларни муқобил (судгача) ҳал қилиш усули бўлиб, унда низолашувчи тарафларга бетараф медиатор ўзаро мақбул келишувга келишига ёрдам беради, лекин у низо бўйича қарор қабул қилишга ва тарафларнинг ҳеч бирига маслаҳат беришга ҳақли эмас. М. инс.и қадимги Грецияда эр-авв. II а.нинг бошида қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. М. халқаро муносабатларда низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш усули сифатида бир неча асрлардан бери фойдаланиб келинади. М. ҳозирги кўринишда АҚШ ва б. англо-саксон ҳуқуқ тизими амалда бўлган давлатларда ўтган асрнинг 70-й.ларидан пайдо бўлган ва ривожланган. 1990 й.ларнинг бошидан Европа давлатларида ҳам қўлланиб келинмоқда.

МЕМОРАНДУМ (лот. memorandum – ёдда сақлаш лозим бўлган нарса сўзидан) – маълум бир давлатнинг дипломатик ҳужжати бўлиб, унда халқаро масаланинг асл моҳияти батафсил баён қилинади, у ёки бу ҳолатлар таҳлил қилинади, давлатнинг тутган йўли асослаб берилади. М. икки хил бўлади: матнни қисқартирмаслик ёки унда-

ги масалага тўлиқ изох бериш мақсадида шахсий ёки вербал нотага илова қилинган ҳолда ёки курьер орқали топшириладиган мустақил ҳужжат сифатида.

МЕНЕЖМЕНТ (инг. management – бошқариш, ташкил этиш) – бошқариш тушунчаси М.га қараганда кенг-роқ тушунча бўлиб, автомобиль ёки усқунани ҳам бошқариш мумкин. М. эса фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ҳамда жорий ва истикболли режалаштириш, шунингдек товар ва хизматларни реализация қилиш. иқтисодий ресурслар ва ходимларни фойда олиш мақсадида самарали бошқариш тизимидир.

МЕРОС – мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асослардан бири. М. васият ва қонун бўйича амалга оширилади. ЎЗР ФКнинг 1113-м.сига мувофиқ, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига қиради. М. қолдирувчининг шахси б-н чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятлар: юридик шахс ҳисобланган тижорат ташкилотлари ва б. ташкилотларга аъзолик, уларда иштирок этиш ҳуқуқлари, агар қонун ёки шартномада бошқа ҳол белгиланган бўлмаса; ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарар учун тоvon ундириш ҳуқуқи; алимент мажбуриятлари туфайли юзга келган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар; меҳнат ва ижтимоий таъминот тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида пенсия, нафақа ва б. тўловлар олиш ҳуқуқи; мулкый ҳуқуқлар б-н боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий ҳуқуқлар мерос таркибига қирмайди. М. қолдирувчига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва б. номоддий бойликлар меросхўрлар томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

ЎЗР ФКга мувофиқ, М. фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. М. қолдирувчининг ўлган қуни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қароридан бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга қирадиган қун М. очилган вақт деб ҳисобланади. Агар бирдан кейин бошқаси М. олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган деб ҳисобланадилар, М. уларнинг ҳар бирдан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка қақирладилар.

М. қолдирувчининг охириги доимий яшаб турган жойи М.нинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар М. қолдирувчининг охириги яшаб турган жойи номаълум бўлса, М. қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой М. очилган жой деб ҳисобланади. М. очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек М. қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва М. очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. М. очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин.

МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИНING ҚАРЗЛАРИ БҮЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК – ЎЗР ФКнинг 1155-м.сига мувофиқ, мерос ворислар ўртасида тақсимланишидан

олдин мерос қолдирувчининг вафоти олдидан хасталиги туфайли қилинган зарур харажатлар, мерос қолдирувчини дафн этиш харажатлари, меросни эгаллаш, муҳофаза қилиш, бошқариш ва васиятномани ижро этиш, шунингдек васиятномани ижро этувчи ёки меросни бошқарувчига ҳақ тўлаш б-н боғлиқ харажатларни қоплаш тўғрисидаги талаблар мерос ҳисобидан қондирилиши лозим. Бу талаблар мерос қиймати ҳисобидан бошқа барча талаблардан, шу жумладан ипотека ёки бошқа гаров б-н таъминланган талаблардан олдин имтиёзли равишда қондирилиши лозим.

ЎзР ФКнинг 1156-м.сига кўра, мерос қолдирувчининг кредиторлари васиятномани ижро этувчига (меросни бошқарувчига) ёки меросхўрларга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақлидирлар. Бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар.

МЕРОСДАН ВОЗ КЕЧИШ – ЎзР ФКнинг 1147-м.сига мувофиқ, меросхўр ўзининг ворисликка қақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида М.в.к.га ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи б-н икки ойга узайтирилиши мумкин. М.в.к. меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончномада вакил орқали М.в.к. ваколати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин. М.в.к. кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Меросхўр М.в.к. учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, М.в.к. ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданок йўқотади.

ЎзР ФКнинг 1148-м.сига асосан, агар меросхўр васиятнома бўйича ҳам, қонун бўйича ҳам ворисликка қақирилса, у ана шу асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи бўйича ўзига тегишли бўлган М.в.к.га ҳақли. Меросхўр улушнинг ортиши ҳуқуқи бўйича ўзига тегишли бўлган меросдан, мероснинг қолган қисмига ворисликдан қатъи назар, воз кечишга ҳақли. Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлиши бошқа шахслар фойдасига воз кечаётганини кўрсатишга ҳақли. Ушбу моддада назарда тутилган ҳоллардан ташқари мероснинг муайян қисмидан воз кечилишига, меросдан изохотлар б-н ёки шартлар қўйиб воз кечилишига йўл қўйилмайди.

МЕРОСНИНГ ОЧИЛИШИ – ЎзР ФКнинг 1116-м.сига мувофиқ, мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши оқибатида очилади. Мерос қолдирувчининг ўлган куни (зарурат бўлганда пайти ҳам), у вафот этган деб эълон қилинганда эса, агар суднинг қарориди бошқа муддат кўрсатилган бўлмаса, вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирадиган кун мерос очилган вақт деб ҳисобланади. Агар биридан кейин бошқаси мерос олишга ҳақли бўлган шахслар бир календарь сутка (йигирма тўрт соат) ичида вафот этган бўлсалар, улар бир вақтда вафот этган

деб ҳисобланадилар, мерос уларнинг ҳар биридан кейин очилади ва улардан ҳар бирининг меросхўрлари ворисликка қақириладилар.

ЎзР ФКнинг 1117-м.сига асосан, мерос қолдирувчининг охири доимий яшаб турган жойи мероснинг очилиш жойи ҳисобланади. Агар мерос қолдирувчининг охири яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчмас мулк ёки унинг асосий қисми турган жой, кўчмас мулк бўлмаган тақдирда эса, кўчар мулкнинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

МЕРОСХЎРЛАР – ЎзР ФКнинг 1118-м.сига мувофиқ, мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, шунингдек мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила холида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. Мерос очилган пайтда тузилиб бўлган юридик шахслар, шунингдек давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам васият бўйича меросхўр бўлишлари мумкин. ЎзР ФКда қонун бўйича ворисларнинг бешта навбати кўрсатилган бўлиб, унга кўра, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига кирадилар (ЎзР ФКнинг 1135-м.си). Мерос қолдирувчининг туғилган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота, ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар (ЎзР ФКнинг 1136-м.си). Мерос қолдирувчининг туғилган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларда қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар (ЎзР ФКнинг 1137-м.си). Мерос қолдирувчининг олтинчи даражагача (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узокроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар. Ворисликка қақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар (ЎзР ФКнинг 1138-м.си). Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ЎзР ФКнинг 1141-м.си асосида мерос олмасалар, қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар (ЎзР ФКнинг 1139-м.си).

МЕРОСХЎРЛАР НАВБАТИ – қ.: *Меросхўрлар.*

МЕХНАТ ДАФТАРЧАСИ – ходимнинг меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат. Иш берувчи корхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга М.д.ни тутиши шарт, ўриндошлик асосида ишловчилар бундан мустасно.

М.д.лари юритилишининг ягона тартиби Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома (рўйхат рақами 402, 29.01.1998 й.)да белгиланган.

Иш берувчи М.д.га ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни ёзиши шарт. Ходимнинг илтимосига кўра М.д.га ўриндошлик асосида ишлаган ва

вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлар ҳақидаги ёзувлар киритилади. Меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари (сабаблари) М.д.га ёзилмайди.

М.д.лари ЎзР давлат тилида, ҚРда эса қорақалпоқ ёки ЎзР давлат тилларида иш берувчи томонидан ходимнинг иштирокида тўлдирилади.

М.д.га қуйидаги маълумотлар киритилади:

ходим тўғрисида: фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, маълумоти, касби, мутахассислиги;

иш тўғрисида: ишга қабул қилиш, бошқа доимий ишга ўтказиш (жамоа шартномасида кўрсатилган асосларда ишлаб чиқариш зарурияти б-н вақтинча бошқа ишга ўтказиш бундан мустасно), меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида.

Шунингдек, ходимнинг илтимосига кўра, М.д.га ўриндошлик асосида ишлаганилик ва вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврлари ҳақидаги ёзувлар ҳам киритилади. М.д.ларига интизомий жазолар тўғрисидаги маълумотлар ёзилмайди.

М.д.га ишга қабул қилиниши, бошқа доимий ишга ўтказилиши каби барча турдаги ёзувлар иш берувчи томонидан буйруқ берилгандан сўнг киритилади ва бу ёзув буйруқнинг мазмунига мос бўлиши шарт.

М.д.даги саналар араб рақамларида, ой ва кунлар икки хонали сонларда ёзилади. Жумладан: ходим ишга 1997 й. 5 январдан қабул қилинган бўлса, унда 1997, 05, 01 деб ёзилади.

М.д.га киритиладиган маълумотлар эҳтиёткорлик б-н қора, кўк ёки бинафша снѐх б-н ёзилади.

МЕҲНАТ ЁШИ – фуқароларни меҳнат шарномаси асосида ишга қабул қилишга йўл қўйиладиган ёш. ЎзР МКнинг 77-м.сига биноан, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг ёзма равишдаги розилиги б-н ишга қабул қилиниши мумкин.

Ёшларни меҳнатга тайёрлаш мақсадида умумтаълим мактаблари, хунар-техника билим юртлири ва ўрта махсус ўқув юртлирининг ўқувчиларини ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки улар ўрнини босувчи шахснинг розилиги б-н болаларнинг соғлиғига ва камол топишига зиѐн етказмайдиган ва таълим олиш жараѐнини бузмайдиган энгил ишларни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун ишга қабул қилишга йўл қўйилади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни ишга қабул қилиш чоғида қонун ҳужжатларига кўра улар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган ҳоллар мавжудлиги назарда тутилиши керак ва бунда МКнинг 241-м.сига назарда тутилган талабларга риоя этилиши лозим.

ЎзР 2008 й. 4 апрелдаги ЎРҚ–140-сон Қонун б-н ЎзР Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1973 й. 26 июнь), 2008 й. 8 апрелдаги ЎРҚ–144-сон Қонун б-н эса Болалар меҳнатининг огир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошлиниг чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 й. 17 июнь) ратификация қилган.

МЕҲНАТ ЖАМОАСИ – меҳнатга оид муносабатларнинг субъекти. М.ж. аъзоларининг биргаликдаги кундалик фаолиятлари, муштарак ишлаб чиқариш мақсади, умумий тартиб-қоидалар б-н ўзаро боғлангандирлар. М.ж.

яхлит орган сифатида иш юритиши ва жамоа аъзолари бўлган ходимлар номидан уларнинг вакили сифатида иш олиб бориши мумкин. ЎзР МКнинг 19-м.сига кўрсатилишича, ўз меҳнати б-н корхона фаолиятида меҳнат шартномаси асосида иштирок этаѐтган унинг барча ходимлари корхона М.ж.ни ташкил этадилар. М.ж.нинг ҳуқуқ ва бурчлари, унинг ваколатлари, уларни амалга ошириш тартиби ва шакллари қонунлар ва б. норматив ҳужжатлар б-н белгиланади.

М.ж. ходимларнинг вакиллик органи сифатида иш берувчи б-н, тегишли ҳолларда иш берувчи вакиллик органилари, маҳаллий давлат ҳокимият органилари б-н музокаралар олиб бориши, ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя этиш б-н шуғулланиши мумкин. М.ж.нинг иш фаолият шакли – муайян даврийликда ўтказиб туриладиган умумий мажлис ёки конференция саналади. Умумий мажлис (конференция) ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлар барча ходимлар учун мажбурий саналади. М.ж. ҳам ходимларнинг вакиллик органи сифатида иш берувчи б-н ижтимоий шерикчиликни амалга оширади.

МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ – корхона, ташкилот ва муассаса ходимлари учун мажбурий бўлган тартиб ва қоидалар йиғиндиси.

ЎзР МКнинг 174-м.сига мувофиқ, корхонада меҳнат тартиби иш берувчи қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи б-н қелишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари б-н белгиланади.

Ушбу кодекснинг 175-м.сига асосан, халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ходимларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қилади.

Мазкур кодекснинг 176-м.сига биноан, ходим ўз меҳнат вазибаларини ҳалол, виждонан бажариши, М.и.га риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармоишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкни авайлаб асраши шарт. Ходимнинг меҳнат вазибалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳ.к.да), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Кодекснинг 177-м.сига кўра, иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва б. норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг эҳтиѐж ва талабларига эътибор б-н қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши, ЎзР МКга мувофиқ жамоа шартномаларини тузиши шарт. Иш берувчи ходимдан унинг меҳнат вазибалари доирасига қирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга ҳилоф ёки ходим ва б. шахсларнинг ҳаѐти ва соғлиғи учун хавф тугдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини қамситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли эмас.

Кодекснинг 178-м.сига мувофиқ, ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазибалари доираси б-н олдиндан таништирилиши лозим.

Кодекснинг 179-м.сига асосан М.и. ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари б-н нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иктисодий шароитларни яратиб бериш, ноинсоф ходимларга нисбатан жазо чораларининг қўлланилиши орқали таъминланади.

МЕҲНАТ КОДЕКСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси.*

МЕҲНАТ НАФАҚАСИ – маиший (ҳалқ орасидаги) тилда фуқароларга тайинланадиган давлат ёшга доир пенсияси. Меҳнат қонунчилигига кўра, М. н. деганда ходимга иш б-н боғлиқ ҳолда тайинланадиган ва тўланадиган нафақалар назарда тутилади (мас.: ишсизлик нафақаси, ишдан бўшатиш нафақаси, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ва б.). Меҳнат б-н боғлиқ нафақаларнинг тайинланиш ва тўланиш шартлари тегишли қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ – бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларининг қўлланилиши юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар. Бундай ҳолларда низоининг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари натижасида мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатлари поймол этилишига сабаб бўлиши мумкин. М.н. тааллуқчилигига, келиб чиқиш сабаблари ва асосларига, субъектларига кўра бир неча турларга бўлинади. Жумладан, субъект таркибига кўра: якка М.н. ва жамоаларга доир М.н.

ЎЗР МКнинг 259-м.сига кўра, якка М.н. иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлардир. Бундай ҳолларда низоининг ходим манфаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органлари ҳам иштирок этиши мумкин. Мас., касаба уюшмаси ёки б. вакиллик органи.

ЎЗР МК тарафлар ўртасидаги меҳнат муносабатларига алоқадор бўлмаган ўзаро келишмовчиликларни ҳал қилиш тартиби ва мўддатларини белгиламайди, балки тарафлар ўртасидаги меҳнат-ҳуқуқий муносабатларда юзага келган ва ўзининг ечимини топмаган, улардан бирининг аризаси асосида қўзғатилган иш(низо)ни ҳал этишининг умумий асосларини тартибга солади. Бинобарин, ходим ва иш берувчи ўртасида юзага келган ҳар қандай келишмовчилик ҳам меҳнат низои деб тан олинмайди. Бунинг учун, низо муайян тартиб ва асосларга жавоб бериши лозим. Мас., меҳнат шартномаси шартларидан бирининг бузилиши ва мазкур ҳолатни бартараф этишни сўраб муайян тартиб асосида ходимнинг тегишли комиссия ёки ваколатли органга мурожаат қилиши низоли иш келиб чиқишига сабаб ва асос бўлади.

МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ КОМИССИЯЛАРИ – ходим ва иш берувчи ўртасида юз берадиган якка меҳнат низоларини бевосита қорхонанинг ўзида кўриб ҳал этиш ваколатига эга бўлган махсус ташкил этиладиган органлар.

Жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг

бошқа вакиллик органи ўртасидаги келишувда М.н.к.ни тузиш назарда тутилиши мумкин.

М.н.к. иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи томонидан тенглик асосида тузилади.

Комиссияга касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органидан ажратилган аъзолар тегишли органнинг қарори б-н, иш берувчининг вакили эса, унинг буйруғи б-н тасдиқланадилар.

М.н.к.нинг сон таркиби ва ваколат муддати жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг келишувига биноан белгиланади (ЎЗР МКнинг 262-м.си).

Башарти ходим келишмовчиликни мустақил равишда ёки касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи иштирокида иш берувчи б-н бевосита олиб борган музокараларида ҳал эта олмаган бўлса, меҳнат низои М.н.к.да кўриб чиқилади (ЎЗР МКнинг 263-м.си).

МЕҲНАТ СТАЖИ – фуқаронинг меҳнат шартномаси асосида, аъзолик асосида ёки мустақил ташаббус кўрсатиш асосида ижтимоий суғурталанган фаолият даври.

М.с.нинг куйидагича турлари мавжуд: умумий М.с. ҳамда махсус М.с..

Умумий М.с. фуқаронинг ижтимоий суғурта бадаллари тўлаб турилган ҳолдаги ҳар қандай фаолият давридан (меҳнат шартномаси асосида ишлаш, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш, бола парвариши б-н банд бўлиш) иборат бўлади.

Махсус М.с. деганда, зарарли, ноқулай шароитларда, муайян касб, лавозим ва жойларда, ишларда ишланган давр ва шу туфайли ижтимоий таъминот олиш соҳасида имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган даврлар тушунилади.

ЎЗР ВМнинг 1994 й. 11 майдаги 249-сон қарори б-н Пенсия тайинлаш учун Меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган. М.с.ни белгилаш ва тасдиқлаш масалалари мазкур Низом асосида амалга оширилади.

Талаб қилинадиган умумий ва махсус иш стажини бўлганда ёшидан қатъи назар, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар ва лавозимларнинг рўйхатлари ЎЗР ВМнинг 1994 й. 12 майдаги 250-сон қарори б-н тасдиқланган.

М.с. иш, хизмат, ўқиш жойидан ёки М.с.га кўшиб ҳисобланадиган бошқа фаолият амалга оширилган жойдан ёхуд архив муассасалари томонидан берилган ҳужжатлар асосида белгиланади.

М.с.ни тасдиқловчи асосий ҳужжат меҳнат дафтарчаси ҳисобланади. Ходимларнинг М.с.ни тасдиқловчи меҳнат дафтарчалари ЎЗР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1998 й. 7 январда 8/04-01-сон б-н тасдиқланган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома (рўйхат рақами 402, 1998 й. 29 январь) асосида белгиланган тартибда ҳисобга олиб борилади.

Шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси органлари томонидан берилган суғурта бадаллари тўлан-

ганлигини тасдиқловчи маълумотлар, тегишлича ҳарбий хизмат давралари тўғрисидаги гувоҳномалар, таълим муассасида ўқиганлиги тўғрисидаги дипломлар ҳам М.с.ни тасдиқлайдиган ҳужжатлардан саналади.

МЕҲНАТ ТАЪТИЛЛАРИ – қ.: *Таътиллار*.

МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – меҳнат муносабатларида иш берувчи зиммасига юклатилган мажбуриятлардан бири. Ушбу тушунча ўз ичига ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, қонунлар ва б. норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шaroитларини яратиб бериш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиш, ходимларнинг талаб ва эҳтиёжига эътибор бериш, уларнинг меҳнат ва турмуш шaroитларини яхшилаб бориш юзасидан мажбуриятларни олади.

Иш берувчининг меҳнат шaroитини таъминлаш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаслиги айбдор мансабдор шахсларга нисбатан ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилишига, бу туфайли ходимларга етказилган зарарни иш берувчи ҳисобдан қоплаб беришга сабаб бўлиши мумкин.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ – ходим б-н иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатлар б-н белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишув (ЎЗР МК 72-м.си). Шунингдек, М.ш. фуқароларни ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатишни тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқининг инс.и сифатида ҳам نامоён бўлади. Булардан ташқари М.ш. фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш шакли, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқарувчи ва муайян вақт давомида амал қилишини таъминловчи асос ҳамдир.

М.ш. – 1) ходим ҳамда иш берувчининг эрки ва мақсадини ифода этувчи келишувдир; 2) эришилган келишувга мувофиқ ходим муайян бир ишни бир марта бажариш мажбуриятини эмас, балки аниқ мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни шартномада кўрсатилган вақт мобайнида бажариш мажбуриятини олади; 3) келишувга мувофиқ ходим маълум меҳнат вазифасини муайян бир корхона, ташкилот, муассасада бажариш мажбуриятини олади; 4) ходимни меҳнат жамоасига, корхонанинг шахсий таркибига киритади ва ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунганини билдиради.

М.ш. тарафлари бўлиб ходим (16 ёшга тўлган фуқаролар, истисно тариқасида ота-онасидан бирининг ёзма розилиги б-н 14 ва 15 ёшга тўлган фуқаролар) ва иш берувчи (корхоналар, уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида, мулкдорнинг ўзи айни бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар, ўн саккиз ёшга тўлган шахслар) ҳисобланади.

М.ш. мазмунини тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил қилади. М.ш.нинг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатлар б-н белгиланади. М.ш. мазмуни асосий ва қўшимча шартлардан ташкил топади. М.ш.нинг асосий шартлари деганда, мазкур шартларнинг М.ш.да ўз аксини топмаганлиги унинг тузилганлигини ҳақиқий эмас деб то-

пишга олиб келадиган шартлар тушунилади. М.ш.нинг асосий шартларига иш жойи, меҳнат функцияси, ишнинг бошланиш куни, иш ҳақи ва муддат б-н боғлиқ шартлар киради. М.ш.нинг қўшимча шартлари ҳақида тарафлар келишига мажбур эмаслар. Қўшимча шартларга ходимга меҳнат шaroитлари белгиланган ҳолда ЯТММ ва ММда назарда тутилган қўшимча меҳнат мажбуриятларини юклаш, бир неча касбда ишлаш тартиби ва шартлари кўрсатилган ҳолда бир неча касбда ишлаш, синов муддати, иш вақти режими, тижорат сирларини ошқор қилмаслик, ижтимоий-маиший тусдаги бошқа шартлар киради.

М.ш. ёзма шаклда тузилади. М.ш.нинг шакли ЎЗР ВМнинг 1997 й. 11 мартдаги 133-сон “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори б-н тасдиқланган Ёзма ҳолдаги меҳнат шартномаси (контракт) тузиш юзасидан тавсияларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади. М.ш. бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва ҳар бир тарафга саклаш учун топширилади.

М.ш. номуайян муддатга, беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга, муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин. Агар М.ш.да унинг амал қилиш муддати кўрсатилмаган бўлса, М.ш. номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Номуайян муддатга тузилган М.ш. ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ – М.к.х. фуқароларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан бири. Бу ҳуқуқ инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар: БМТнинг инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари ва б. минтақавий, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда инсоннинг муҳим табиий ҳуқуқи сифатида назарда тутилган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 23-м.сида “Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шaroитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга” эканлиги белгилаб қўйилган. Ҳар бир давлат ўз фуқароларига эркин касб танлаш, иш жойи ва машғулот турини эркин танлаш ҳуқуқини таъминлаб бериши лозим. Декларацияга бинонан, ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир ишловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшашни таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишга, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари б-н тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон касаб-ба уюшмалари тузиш ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаб-ба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

М.к.х кенг маънода инсоннинг ўзи истаган соҳада эркин меҳнат қила олиш имконини аниқлади ва бундай меҳнат эркин-ижодий фаолият, тадбиркор меҳнати, ўзга иш берувчига ёллашишга асосланувчи меҳнат бўлиши мумкин. Меҳнатга ҳар қандай шаклда ва усулда мажбурлаш инсон табиатига хилоф бўлиб, халқаро ҳужжатларда мажбурий меҳнат қатъиян тақиқланган. ЎЗР Конс.си юқорида қайд

этилган халқаро талаб ва андозаларга тўла мос равишда фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларини эътироф қилади ва уларнинг амалга оширилишига қаратилган барча ҳуқуқий кафолатларни белгилайди. Жумладан, ЎзР Конс.сининг 37-м.сига кўра, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми б-н тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

МЕХНАТ ҚОБИЛИЯТИ – шахснинг муайян ишни бажара олишига доир жисмоний, касбий ва ақлий лаёқатини ифодаловчи кўрсаткич. Меҳнат шартномасига кўра ёлланиб ишловчи ходимнинг М.қ. дегадда, унинг муайян касбга доир ишларни ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш лаёқатига эга эканлиги назарда тутилади. Меҳнатга қобилиятсизлик объектив сабабларга кўра доимий (ногиронлик юз берганида) ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ходим ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод этиб қўйилади ва ушбу вақт учун унга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўланади. Ёлланиб ишловчи ходимлар М.қ.ни аниқлаш белгиланган тартибда ўтказиладиган экспертиза йўли б-н амалга оширилади. Яна к: *Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси.*

МЕХНАТ ҲАҚИ – меҳнат ҳуқуқида иш берувчи томонидан олдиндан меҳнат шартномаси ёки қонунчилик б-н белгилаб қўйилган нормалардан кам бўлмаган миқдорда ходимларнинг меҳнатига унинг миқдори ва сифатига мувофиқ иш берувчи (юрidik ёки жисмоний шахс) тўлашга мажбур бўлган ҳақ.

М.х.нинг миқдори иш берувчи б-н ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. М.х. қонун ҳужжатлари б-н белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

М.х. шакли ва тизимлари, мукофотлар, кўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамoa шартномаларида, шунингдек иш берувчи томонидан касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи б-н келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланади. Меҳнатга ҳақ, қоида тарикасида, пул шаклида тўланади. М.х.ни натура шаклида тўлаш тақиқланади, ЎзР Ҳуқумати томонидан белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек давлат корхоналарининг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларининг энг кам даражаси қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

Табийий иқлим ва турмуш шароитлари ноқулай бўлган жойларда М.х.га район коэффицентлари ва устамалар белгиланади.

Район коэффицентлари ва устамалар жорий қилинадиган жойларнинг рўйхати, шунингдек уларнинг қўлланиш тартиби ва миқдори ЎзР Ҳуқумати томонидан белгиланади (ЎзР МКнинг 153-м.си).

МЕХНАТ ҲАҚИДАН УШЛАБ ҚОЛИШ – меҳнат қонунчилигига кўра ходимга тегишли бўлган ойлик меҳнат ҳақидан қисман ушлаб қолган ҳолда иш ҳақини чекланган миқдорда тўлаш.

Умумий қоидага кўра, ходимнинг ёзма розилиги б-н, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, суднинг қарорига асосан меҳнат ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин.

Қуйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъи назар, меҳнат ҳақидан ушлаб қолинади:

1) ЎзРда белгиланган солиқлар ва б. мажбурий тўловларни ундириш учун;

2) суднинг қарорлари ва б. ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;

3) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати б-н берилган бўлиб, сарф қилинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб-китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун. Бундай ҳолларда иш берувчи авансни қайтариш ёки қарзни тўлаш учун белгиланган муддат тамом бўлган кундан ёхуд ҳақ тўлаш нотўғри ҳисоблаб чиқарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан аванс ёки қарзни ушлаб қолиш ҳақида фармойиш беришга ҳақлидир. Агар бу муддат ўтиб кетган бўлса ёки ходим хўжалик эҳтиёжларига, хизмат сафарларига ёхуд бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати б-н берилган аванснинг ушлаб қолинишини асоссиз ёки миқдорини нотўғри деб ҳисобласа, у ҳолда қарз суд тартибидан ундирилади;

4) ўз ҳисобидан ходим таътил олиб бўлган иш йили тугамасдан туриб меҳнат шартномаси бекор қилинганда, – таътилни ишланмаган даврга тегишли кунлари учун. Ана шу кунлар учун ҳақ меҳнат шартномаси ЎзР МК 89-м.сининг тўртинчи қисмида, 100-м.си иккинчи қисмининг 1 ва 2-бандлари, 106-м.сининг 1 ва 2-бандларида кўрсатилган асосларга кўра, шунингдек ўқишга кирганлиги ёки пенсияга чиққанлиги муносабати б-н бекор қилинганда ушлаб қолинмайди;

5) ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун, агар етказилган зарарнинг миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаса;

6) ЎзР МКнинг 181-м.си биринчи қисмининг 2-бандида назарда тутилган жаримани ундириш учун.

Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг элик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

Иш ҳақидан ушлаб қолиш тартиби иш берувчининг буйруғи асосида амалга оширилиб, ходим бу ҳақда хабардор қилиниши керак.

МЕХНАТ ҲАҚИНИНГ ЭНГ КАМ МИҚДОРИ – муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимга тўланилиши лозим бўлган ойлик меҳнат ҳақининг кафолатланган энг кам миқдори. Энг кам иш ҳақининг миқдори қонун ҳужжатлари б-н белгилаб қўйилади ва давлат томонидан кафолатланади. Лекин, ходим муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажармаган тақдирда, ойлик меҳнат ҳақи амалда бажарилган кунлар бўйича ҳисоблаб чиқарилади. Иш ҳақининг муайян вақт давомида амал қилиб турган энг кам миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасининг илк разрядига тенг бўлади. Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффицентига мувофиқ иш ҳақи миқдори ошириб

борилади. ЎзР МКнинг 155-м.сига биноан М.х.э.к.м.га корхонада ходимлар иш ҳақига бериладиган қўшимча тўловлар, устамалар, раббатлантириш тарзидаги тўловлар кирмайди. Бундан ташқари, ходим томонидан нормал иш вақтидан (хафтасига 40 соат) четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган миқдорда тўланадиган ҳақлар киритилмайди. Шунингдек, ЎзР ВМ томонидан белгиланадиган район коэффициентлари энг кам ойлик иш ҳақи таркибига қўшилмайди. Мамлакатимизда энг кам ойлик иш ҳақи миқдори мунтазам равишда ошириб борилади. Бунда энг кам ойлик иш ҳақини индексациялаш ЎзР Президентининг Фармони б-н амалга оширилади.

МЕХНАТ ҲУҚУҚИ – ёлланма меҳнат асосида (меҳнат шартномаси тузиш орқали) ишлаётган ходимлар меҳнатининг ишлаб чиқаришда қўлланилиши натижасида вужудга келадиган ижтимоий меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимидан ташкил топган ҳуқуқ соҳаси.

М.х. предметини ташкил қилувчи муносабатларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчиси, бевосита ишлаб чиқариш жараёнида шаклланадиган меҳнатга оид ижтимоий муносабатлар. Иккинчиси, меҳнатга оид муносабатларга муайян тарзда боғлиқ бўлган бошқа муносабатлар (меҳнат соҳасида ташкилий-бошқарувга оид, ишга жойлаштиришга доир, ишлаб чиқаришда кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга доир, меҳнат муҳофазаси ва меҳнат қонунларига риоя этишни назорат қилишга доир, меҳнат низоларини ҳал қилишга доир муносабатлар)дир.

М.х. ишлаб чиқариш ва химоя функцияларини бажаради. М.х. ишлаб чиқариш функцияси меҳнатнинг ишлаб чиқариш даражасига таъсир ўтказиши, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашда кўринади. М.х.нинг химоя функцияси моддий ва маданий ҳаёт даражасини кўтариш, меҳнат шароитларини мунтазам равишда яхшилаб бориш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини химоя қилишда кўринади.

М.х. тизими М.х. нормаларининг илмий жиҳатдан асосланган тарзда жойланиш тартиби ва классификациясидир. М.х. тизими умумий ва махсус қисмлардан ташкил топган. Умумий қисмда М.х. тушунчаси ва предмети, усуллари, вазифалари, манбалари ва тамойиллари, меҳнат ҳуқуқининг субъектлари, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар, жамоа шартномаси ва жамоа келишуви каби инсларга тааллуқли ҳуқуқий нормалар ўрганилади. Махсус қисмда меҳнатга оид муносабатларнинг алоҳида жиҳатларини бошқарувчи ёки улар б-н боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг айрим турларини тартибга солиш жараёнида пайдо бўлган инслар ва ўзига хос ҳуқуқий нормалар ўрганилади. Улар жумласига аҳолини ишга жойлаштириш, меҳнат шартномаси, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли ва компенсация тўловлари, меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги, меҳнат интизими, меҳнат муҳофазаси, айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар, меҳнат низолари инслари нормалари қиради.

МЕХНАТГА ҚОБИЛИЯТЛИЛИК – жисмоний ёки ақлий жиҳатдан инсоннинг меҳнат фаолиятини амалга ошира олиш қобилияти. Инсон муайян ишни бажара олиш қобилиятига кўра умумий, касбий ва махсус М.к. ажра-

тиб кўрсатилади. Умумий меҳнат қобилияти бирон-бир малака талаб қилмайдиган ишни оддий шароитларда бажара олишни билдиради. Касбий меҳнат қобилияти деганда муайян касб, малака, мутахассислик ва лавозимдаги ишни тегишли билим ва кўникмага эга бўлган тақдирда бажариш тушунилади. Махсус меҳнат қобилияти иш бажарадиган жойнинг алоҳида хусусияти б-н боғлиқ. Мас., атмосфера босими юқори ёки паст бўлган жойларда, ер ости ишларида ва х.к.

МЕХНАТДА МАЙИБ БЎЛИШ – ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида суғурталанган шахснинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши (“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – тегишли қонун ва б. норматив ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сўхат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланганини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизими (“Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си).

Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига қиради.

М.м.к. талаблари ЎзР МК, М.м.к. тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатлар, шунингдек техник стандартлар б-н белгиланади.

Иш берувчи М.м.к. талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ходимларнинг асосий меҳнат ҳуқуқларидан саналади. Иш берувчи ана шундай шароитни таъминлаш, ишлаб чиқариш травматизмининг олдини оладиган замонавий хавфсизлик техникаси воситаларини жорий этиш, ходимларда касб касалликларининг вужудга келишига йўл қўймайдиган санитария-гигиена шароитларини яратиб бериши керак. Меҳнат муҳофазасига доир талаблар корхонанинг ички меҳнат тартиби қоидаларида, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитариясига оид қоидаларда баён этилган. Бу талаблар ҳудудлардан ва ишлаб чиқариш биноларидан оқилона фойдаланиш, усқуналарни тўғри ишлатиш ва технологик жараёнларни ташкил этишни, ходимларни меҳнатнинг зарарли шароитлари таъсиридан химоя қилишни, ишлаб чиқариш бинолари ва иш жойларини санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда сақлашни, санитария-маиший бинолар ташкил этишни ўз ичига олади. Соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш соҳасидаги аниқ тадбирлар корхоналарда ишлаб чиқариладиган меҳнат шароитларини яхшилаш, М.м.к. ва санитария-соғломлаштириш тадбирлари туркум режаларида назарда тутилади ва жамоа шартномасининг тегишли бўлимларига киритилади. М.м.к. тадбирларини ўтказиш учун белгиланган тартибда маблағлар ва зарур материаллар ажратилади. Бу маблағ ва материалларни бошқа мақсадларга сарфлаш ман этилади.

МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ – техника хавфсизлиги, sanoat санита-

рияси ёки меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларини шу қоидаларга риоя этилиши учун масъул бўлган шахс томонидан бузилиши ўртача оғир ёки оғир тан жароҳати етказилишига сабаб бўлса, ЎзР ЖКнинг 257-м.си га мувофиқ жавобгарликка тортилади.

МИГРАЦИЯ (лот. migratio – кўчиб ўтиш) – инсонларнинг донмий ёки муайян муддатга у ёки бу ҳудуд чегараларидан кўчиб ўтиши. М.нинг қуйидаги турлари мавжуд: ички М., ташқи М., Ташқи М.: а) қайтиб келмаслик шарти б-н; б) вақтинчалик (узок муддатли, мавсумий, кўчиб юривчиларнинг ва туристларнинг М.си ва б.; в) мажбурий; г) транзит бўлиши мумкин.

М.вий ҳаракатлар қуйидагича таснифланади:

шаклига қараб: жамоавий ташкиллаштирилган таснифлаш; ташкиллаштирилмаган таснифлаш;

сабабларига кўра: иктисодий таснифлаш; ижтимоий таснифлаш; маданий таснифлаш; сиёсий таснифлаш; ҳарбий таснифлаш;

босқичларига кўра: қарор қабул қилиш; муайян ҳудудга кўчиб ўтиш; адаптация (мослашув).

М. жараёнини ўрганишда илмий ёндашувлар қуйидагиларни қамраб олади:

демографик ёндашув – инсоният ўсиши, унинг сони, жинс ва ёши масаласида ижобий ҳолатларни қайта тиклаш ва сақлаб қолиш. Бу соҳада юз бераётган жараёнлар ўз-ўзидан мамлакатдаги демографик ҳавфсизлик б-н боғлиқ.

иктисодий ёндашув – энг универсал ёндашувлардан бири ҳисобланади. Бундай М.га меҳнат бозорига соғлом рақобатни кучайтирувчи, меҳнатга лаёқатли аҳолининг сонини тартибга солувчи муҳим воситалардан бири сифатида қаралади. М.нинг кўпчилик турлари иктисодий заруриятга асосланган ва у ёки бу жиҳатдан меҳнат бозори б-н боғлиқ.

юридик ёндашув – турли категориядаги мигрантларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради. Мигрантларнинг асосий ҳуқуқларини тартибга солувчи ҳуқуқий норма ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишга қаратилган.

ижтимоий ёндашув – асосий эътибор мигрантларнинг янги яшаш шароитларига мослашуви б-н боғлиқ муаммоларга қаратилган.

тарихий ёндашув – у ёки бу минтақадаги М.вий ҳаракатларни тарихий-демографик тадқиқотни қўллаш асосида демографик жараёнларнинг тарихий эволюцияси контекстида М.ни изохлаб берувчи тадқиқотни англатади.

психологик ёндашув – бунда асосий урғу М.нинг асослаштирилган табиатига қаратилади. М.га бир қатор ижтимоий заруратларни қондириш усули сифатида қаралади, шунингдек ўз мавқени намоён этиш зарурати.

тарихий-биологик ёндашув – ушбу ёндашув асосан рус олими Л. Н. Гумилев томонидан ишлаб чиқилган. Бу ёндашувнинг асосий мазмуни индивиднинг мақсадга интилиши борасида пассионар хусусиятга эга бўлишида намоён бўлади.

Халқаро М.нинг ҳозирги замон тенденциялари қуйидагилардан иборат:

ноқонуний М.нинг ўсиши (меҳнат кучининг ўсиши характери б-н ёрқин ифодаланган, бунда давлат учун ҳақ фойдаси юқори: кўпинча солиқлар тўланади, аммо нефқа ва имтиёзлар ололмайдилар); мажбурий М.нинг

ўсиши (кўпинча Африкадан; қуролли зиддиятларнинг кўпайиши, миллатлараро низоларнинг кучайиши сабабли; 80% қочоқлар ривожланаётган давлатларга қочадилар; аёллар ва болалар қабул қилувчи давлат учун қўшимча иктисодий қийинчиликларни туғдиради); халқаро М.нинг демографик аҳамияти ўсиши; жаҳон миграцион оқимининг глобаллашуви (деярли барча давлатлар жалб этилган, иммиграцион (бошқа ҳудуддан кўчиб келиш) устунликка эга давлатлар ва эмиграцион устунликка эга давлатлар ҳам аниқлаб олинган); М. оқимида сифат борасидаги ўзгаришлар (юқори билимга эга бўлган, истеъдодли шахсларнинг кўчиб келиши, кўпчилик давлатларда ушбу шахсларнинг янада узокрок муддатга қолишлари учун махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда – АҚШ, Канада, Франция, Швеция ва б.); икки тарафламалик характердаги М.вий сиёсат.

МИКРОКРЕДИТ – қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлик, муддатлик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағлари. М. қарз олувчига пул маблағларини шартномага мувофиқ муайян мақсадлар учун ишлатиш шартлари асосида (мақсадли М.) берилиши мумкин (“Микромолиялаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ – микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва “Микромолиялаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс. М.т. ЎзР ҳудудида банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда очишга ҳақли. М.т. ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият б-н бевосита шуғулланишга ҳақли эмас. М.т.лари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин. М.т. таъсис ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади. М.т.нинг таъсис ҳужжатларида муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган маълумотларга қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва б. микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият тўғрисидаги; бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари тўғрисидаги; микрокредитлар, микроқарзлар, микролизинг бериш ва б. микромолиявий хизматлар кўрсатиш учун маблағларни шакллантириш манбалари тўғрисидаги; М.т.да аудит ўтказиш тартиби тўғрисидаги.

МИКРОЛИЗИНГ – микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига бинвоан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутилмаган хизмат. М. тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилди. “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунда қарз олувчиларга нисбатан белгиланган қоидалар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланув-

чи лизинг олувчиларга нисбатан қўлланилади (“Микромолиялаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.си).

МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР – банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва б. кредит ташкилотлари.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қуйидаги ҳуқуқларга эга: шартномага мувофиқ мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан бажарилишини таъминлаш шarti асосида ёки шундай шартсиз микромолиявий хизматлар кўрсатиш; буюртма берувчига микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш; микромолиявий хизмат кўрсатиш ва шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни буюртма берувчидан сўраб олиш; тўлов ўз вақтида амалга оширилмаган ёхуд мақсадли микрокредитдан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, мажбуриятларнинг қарз олувчи томонидан муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот: буюртма берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан, микромолиявий хизмат кўрсатиш б-н боғлиқ барча харажатлар ҳақида буюртма берувчига ишончли ҳамда тўлиқ ахборотни маълум қилиши; шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда микромолиявий хизматлар кўрсатиши; шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қарз олувчига қоплаши шарт.

Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин (“Микромолиялаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7 ва 17-м.лари).

МИКРОМОЛИЯЛАШ – микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир (“Микромолиялаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

МИКРОФИРМА – ишлаб чиқариш тармоқларидаги банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи б-н йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва б. ноишлаб чиқариш тармоқларидаги банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи б-н ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи б-н беш киши бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари.

М.ларнинг молия-ҳўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи б-н тўрт йилда бир марта амалга оширилади. Янги ташкил этилган М.ларнинг молия-ҳўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас. М. ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади (“Тадбиркор-

лик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.си).

МИКРОҚАРЗ – микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахс бўлган қарз олувчига энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида, шартномада назарда тутилган ҳолларда эса, тўловлилик шarti асосида ҳам бериладиган пул маблағлари (“Микромолиялаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.си).

МИЛЛАТ (исп. nacionalidad) – қатор роман давлатларида фуқаролик ёки талабалик муносабатлари (Испания) ёки шахснинг ўз мазмунига кўра фуқаролик муносабатлари б-н тўла уйғунлашмайдиган маълум миллий давлатга мансублик муносабатларини белгилаш мақсадида ишлатиладиган атама (мас., Мексикада мексикалик М.и га мансуб бўлган ва бундан ташқари балоғат ёшига етган ҳамда “муносиб турмуш” тарзида яшаётган шахс фуқаро сифатида тан олинади).

МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯ – Вьетнам, Куба, Лаос, Маврикия, Корея Республикаси, Намибия, Словения, Суринам ва б. айрим мамлакатларда парламент (қонун чиқарувчи орган)нинг номи.

МИЛЛИЙ ВАКИЛЛИК – конституциявий-ҳуқуқий принцип, унга кўра шахс умумдавлат қонун чиқарувчи (вакиллик) органига сайланган депутат аниқ бир сайлов округи ёки худуд сайловчиларини эмас, балки бутун миллат вакили ҳисобланади. М.в. депутатда эркин мандат бўлишини, яъни депутатда ўз сайловчиларининг наказ (ирода)ларини бажариш юридик мажбурияти бўлмаслигини назарда тутати. М.в. шунингдек, аниқ бир депутат сайланган худуднинг йўқотилиши уни депутатлик ваколатларининг ўз-ўзидан тўхтатилишига олиб келмаслигини ҳам англатади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТА (инг. national currency) – мамлакат пул ҳисоб-китобларига асосланган халқаро иқтисодий айирбошлаш ва б. халқаро ишбилармонлик алоқаларда фойдаланиладиган пул бирлиги. Яна қ.: *Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси*.

МИЛЛИЙ ДАВЛАТ – давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми таърифи бўлиб, мазкур давлат аниқ бир миллатнинг (сўзнинг этномаданий маъносида) ўз тақдирини ўзи белгилаш шакли ҳисобланишини англатади, энг аввало, айнан мана шу миллат иродасини ифодалайди. Давлатнинг миллий характери тўғрисидаги қоида мас., 1991 й. Руминия Конс.сининг 1-м.сида берилган.

МИЛЛИЙ ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ – ҳар бир давлатнинг тарихий давлатчилик тажрибаларига таянган ҳолда давлат бошқаруви шаклланади. М.д.т. давлат ҳокимиятининг бўлинишига қараб аниқланади ва мамлакатнинг таракқиёт даражаси, маданияти, таркиб топган тарихий анъаналар, урф-одатлар таъсирида шаклланиб боради. Мас., Англияда М.д.т. шакли Ўрта асрларда шаклланган бўлиб, улар хозирги кунга қадар ҳурмат қилинмоқда.

М.д.т.нинг уч таркибий қисми: давлат ва бошқарув шакли, сиёсий идора усули бирликда олинганда сиёсий ҳокимият ташкилоти тушунилади. Бу эса, ҳар бир давлатнинг ўзига хос М.д.т.га эга эканлигини кўрсатиб беради.

М.д.т.нинг вужудга келишида жуда кўп тарихий-сиёсий омиллар таъсир этади. Мас., АКШда территориал-

сиёсий давлат тузилишининг федерал формаси, тарихий анъаналарга кўра, Буюк Британияда монархия, жамиятда муҳим ўрин тутган диний анъаналар бўйича Эрон Ислом Республикаси ва х.к.

МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК – миллатнинг тўла ҳокимлиги унинг миллий эркинлигига, давлат-ҳуқуқий ташкилотига бошқа миллат ва элатлар б-н ўзаро муносабатига ва ўзига тааллуқли масалаларни мустақил ҳал қилишнинг реал имкониятларида намоён бўлади. Ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий-давлат ташкилотни масаласини ҳал этиш ҳуқуқига эга. У бирон-бир давлат таркибига кириш ва у ёки бу давлат шаклида бошқа миллатлар б-н бирлашиш, ушбу давлатдан чиқиш ва ўзининг миллий давлатини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир миллат ўзининг тилини, урф-одатлари, анъаналари, тегишли миллий муассасаларини сақлаб қолиши ва эркин ривожлантириши мумкин.

М.м. унинг яшаши объектив шароитларидан келиб чиқадиган миллий эҳтиёж манфаатлари ва мақсадларига эга. Булар миллат тараққиёти, унинг ўз озодлиги йўлидаги курашида муҳим омилдир. Умуммиллий манфаатлар мустақил жамият барпо этилгандан сўнггина вужудга келади.

М.м.ни демократик принцип маъносида тушунмоқ керак. Бунга кўра, ҳар бир миллат озод, эркин ва мустақил ривожланиш ҳуқуқига эга. Буни бошқа барча миллатлар ва давлатлар ҳурмат қилишлари лозим. Ўз тақдирини ўзи белгилаш, мустақиллик ҳамда ўз давлатини барпо этиш учун курашаётган миллатлар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари деб эътироф этилади. Суверен ва мустақил давлатни барпо этиш ёки мустақил давлатга ўз хохишича эркин қўшилиш ёки у б-н бирлашиш бошқа ҳар қандай сиёсий мақомни ўрнатиш ўз тақдирини ўзи эркин белгилаган халқнинг бу халқ томонидан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш усуллариандир. Шундай қилиб, М.м. тушунчасининг икки жиҳати: ички ва ташқи жиҳати бор. М.м.ка фақат миллат ва элатлар ўзининг ижтимоий ва миллий озодлиги учун кураши натижасида, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш натижасида эришиш мумкин.

МИЛЛИЙ РАМЗЛАР – қ.: *Давлат рамзлари (Миллий рамзлар)*.

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ – сайлов округларининг тури, уларнинг хусусияти шундаки, улар ҳудудий эмас, балки миллий принцип асосида ташкил этилади, яъни бундай округларда мамлакатнинг маълум миллатга мансуб барча аҳолиси сайловчилар ҳисобланади. М.с.о.нинг ташкил этилиши ҳозирги конституциявий амалиётда кам учрайдиган ҳодиса. Унинг мақсади шу давлатда мажбур бўлган, ҳатто нисбатан кам сонли бўлган миллий жамоаларга ҳам парламентда ўз вакилига эга бўлишни кафолатлашдан иборатдир.

МИЛЛИЙ СУВЕРЕНИТЕТ – қ.: *Суверенитет*.

МИЛЛИЙ ТАРТИБ – чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл юридик шахслари ҳуқуқ ва мажбуриятларини миллий юридик шахслар ва фуқароларники б-н тенглаштиришдир. ЎзРда тегишли чет эл давлатида чет элликлар шундай тартибдан фойдаланишдан қатъи назар, М.т. тақдим этилади. Агар чет эл давлатида

ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш фақат ЎзР фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан ўрнатилган бўлса, ЎзР ҳукумати томонидан жавоб тариқасидаги чекловлар (реторсиялар) белгиланиши мумкин. М.т. жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда, чет эл инвестицияларини ҳуқуқий тартибга солишда, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда кенг қўлланилади.

МИЛЛИЙ ТЕНГҲУҚУҚЛИЛИК – конституциявий принцип бўлиб, бир давлат фуқароларини уларнинг миллатидан қатъи назар, М.т.ни (Яна қ.: *Фуқаролар тенгҳуқуқчилиги*), шунингдек, миллатидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларининг тенглигини аниқлатади.

ЎзРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун б-н белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт (ЎзР Конс.нинг 18-м.си).

МИЛЛИЙ-ДАВЛАТ АВТОНОМИЯСИ – ҳудудий автономиянинг тури, кўп миллатли давлатда миллий масалани ҳал этиш усулларида бири. Унитар давлатнинг асосан миллий камчиликни ташкил қилувчи бирор миллат вакиллари истиқомат қиладиган айрим қисми (ёки қисмлари)га кенг даражада мустақиллик ва марказга боғлиқ бўлмаган тарзда шакллантириладиган ўз давлат органлари тизими, ўз конституциявий ҳужжатлари, марказ белгиланган ўз қонунчилик ваколати, ўз расмий тили, фуқаролиги, шунингдек ўз давлат рамзлари бўлиши (герб, байроқ, мадҳия ва б.) каби давлат атрибутлари берилишини аниқлатади. М.д.а. давлат тузилмаси ҳисобланади ва унинг ваколатлари ҳажми аслини айтганда федерация субъекти ваколатларидан камлик қилмайди.

МИЛЛИЙ-ҲУДУДИЙ АВТОНОМИЯ – ҳудудий автономиянинг тури, кўп миллатли давлатда миллий масалани ҳал қилиш усулларида бири, унитар давлатнинг асосан озчиликни ташкил қилувчи бирорта миллат вакиллари истиқомат қиладиган алоҳида қисми (қисмлари)га ички ҳаёт масалаларини ҳал қилишда маълум мустақиллик берилишини аниқлатади. М.х.а. субъектларининг мақоми, қоидага кўра, минтақавий автономия субъектлари мақомидан бирмунча юқори ва миллий-давлат автономия субъектлари мақомидан пастроқ бўлади. М.х.а. минтақавийдан фарқ қилиб, фақат маъмурий соҳагагина эмас, балки маданий-тил соҳасига ҳам татбиқ этилади. М.х.а. субъектлари ўзларининг мустақил ташкил этиладиган, аммо марказий ҳокимият органлари назорати остида ишлайдиган давлат органлари (ижро этувчи ва қонун чиқарувчи) органларига эга бўлади, марказ белгилаб берган масалалар доирасида ўз қонун ҳужжатларини чиқариши мумкин. М.х.а. ҳудудда умумдавлат расмий тили б-н бирга озчиликни ташкил этувчи миллат тилидан ҳам фойдаланилади. М.х.а.нинг чекланганлик характери куйидагиларда ифодаланади, яъни унинг статuti (мухтор органлар фаолиятининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжат) умумдавлат қонуни б-н белгиланади ёки жуда бўлмаганда тасдиқланади, автоном қонунлар, агар улар умумдавлат қонунларига зид бўлса, марказий органлар томонидан бекор қилиниши мумкин. М.х.а.га Италиянинг

Сицилия, Сардиния ороллари, Португалиянинг автономияси ҳисобланган Азор ва Мадейра ороллари, Испаниядаги Басклар ўлкаси, Каталония ва Галисия мақоми, Финляндиядаги Аланд ороллари, Даниядаги Гренландия ва Фарер ороллари мақоми мисол бўла олади.

МИНТАҚАВИЙ ВАКИЛЛИК – вакиллик ҳокимиятини ташкил этиш принципи, унга кўра вакиллик муассасалари депутат (аъзо)лари бутун миллатни эмас, балки давлатнинг бирорта ҳудудий қисмини (одатда федерация субъектини) ифода этади. Бунда М.в. органлари ёки уларга депутатларни бевосита мувофиқ келувчи ҳудуд аҳолисининг сайлаши (АҚШ, Бразилия, Венесуэла) ёки улар аъзоларини ҳудудлар давлат ҳокимият органлари тайинлаши йўли б-н шакллантирилади (ГФР, РФ). Федерацияларда қоидага кўра, парламентнинг юқори палатаси М.в. органи, қуйи палата эса миллий вакиллик органи ҳисобланади.

МИСДИМИНОР (инг. misdemeanor) – бошида (XIV а.дан) Англияда шахсларнинг манфаатларига дахлдор ва тож(қироллик)нинг манфаатларига дахл солмайдиган, содир этганлик учун ўлим жазоси ва мулкни мусодара қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлмаган жиноятлар. Замонавий англо-саксон ҳуқуқ тизимида (АҚШ, Буюк Британия) маъмурий ҳуқуқбузарлик б-н чегарадош кам аҳамиятли жиноятлар. Яна к.: *Фелония*.

МИТИНГ (инг. meeting) – бирор-бир муҳим воқеа, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ўтказиладиган йиғилиш. М. дейилганда, одатда байрамона кайфиятда ёки давлат ҳокимият органларидан норози бўлган маълум бир сиёсий гуруҳнинг ёки оммавий ҳаркат ёхуд ишлаб чиқариш ташкилотларининг шахар марказларига чиқиб, ўз фикр ва талабларини билдириши тушунилади.

М.ни ўтказиш маданияти ҳар бир халқнинг миллий, диний дунёқараши ва ижтимоий ривожланиш қонуниятлари б-н боғлиқ бўлиб, тарихий давлатчилик тажрибасини намён этади. Бунда миллатнинг, дини, урф-одатлари, сиёсий онги, давлатнинг ривожланиш босқичи муҳим ўрин тутди. Шарқ ва б. мусулмон мамлакатларида М.лар ўтказиш миллий-диний кадриятларга мос бўлган дунёқарашларга тамоман зид тадбирлар ҳисобланади.

Фуқароларнинг М. тарзидаги сиёсий ҳуқуқлари, аслида хорижий давлатлардан, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Испания ва б. давлатларнинг миллий анъаналарига хос тадбирлар ҳисобланади.

Мас., АҚШнинг Олий суди жамоат тартибни сақлаш мақсадида жамоатчилик жойларида намоёнлар ўтказиш жойи, вақти ва унинг шаклини белгилаш тартиби тўғрисида қарор қабул қилади. Австралия ва Бельгияда очик ҳавода (кўчалар, майдонлар ва истироҳат боғларида) йиғилишлар ўтказиш учун рухсат берувчи тартиб кўзда тутилган. Францияда қонун жамоат йўли б-н, яъни кўча ва майдонларда йиғилишлар ўтказишни умуман тақиқлайди. ГФР, Дания, Исландия, Испания ва Грецияда очик ҳавода ўтказиладиган йиғилишлар полиция томонидан “тартибсизликлар келтириб чиқаради” ёки “хавфсизликка таҳдид солади” деб “қонунда белгиланган тартибда тақиқлаб қўйилиши мумкин”.

МИҚДОР КЎРСАТКИЧЛИ ЭКСЦЕСС – М.к.э.да бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти б-н

камраб олинган жиноятни содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлагандан кўра оғирроқ бўлади. Мас., далолатчи ўз ўртоғини уларни сотганлигини айтиб, дўппослашни буюради, лекин бажарувчи унга оғир тан жароҳати етказди. Сифат кўрсаткичли эксцессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан умуман фарқ қилади. Мас., учта шахс шахсий мулкни ўғирлашга келишади ва бажарувчи ўзаро келишув асосида хонадонга қиради. Кутилмаганда хонадонга уй эгаси қайтиб келади, шунда бажарувчи ўқотар қуролдан ўқ отиб, уй эгасига оғир тан жароҳати етказди ҳамда ўғирлик моллар б-н яширинади. Бунда бажарувчининг ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан умуман фарқ қилади. Бу вазиятда жиноят бажарувчиси босқинчилик, қолган иштирокчилар эса ўғирлик учун (ташкilotчилик, ёрдамчилик ва далолатчилик) жиноий жавобгарликка тортиладилар.

МОВАРОУННАХР – араблар ўрта Осиёни босиб олишган, ушбу ҳудудни “Мовароуннахр”, яъни “дарёнинг орти”, “дарёнинг нариги томони” деб аташган. Марказий Осиё ерларига биринчи бўлиб, лашкар тортиб келган ҳукмдор Знёд ибн Абу Суфёндин. У 666 й.да (хижрий 46 й.да) Амударё бўйларигача келади, Марвни эгаллаб, катта бойлик ва ўлжалар б-н юртига қайтиб кетади. VIII а. ўрталарига келиб М. ҳудудига сиёсий бошқарув араб халифалиги сиёсий тизимига мослаштирилган эди. Сўғдиёнада бухорхудотлар ва б. ҳукмдорларнинг қўли остидаги маъмурий идора усули ўз шаклини сақлаб қолган бўлишига қарамай, ҳокимларнинг халифа номига итоат этишлари шарт эди. Махаллий давлат бошлиқларининг кўпчилиги ўз ҳуқуқлари ва имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида ислом динини қабул қилган эдилар. Исломни қабул қилмаган зодагонлар ўз ерларидан маҳрум этилар ёки тоvon тўлар эдилар.

Араблар М.ни истило қилганларидан сўнг, бу ҳудуднинг ер-мулклари халифага қарашли бўлиб қолди. Илгари ерлар Бухорода йирик зодагон – бухорхудотларнинг ҳусусий мулки саналса, эндиликда улар халифалик мулкларига айланди.

Халифа давлатни бошқаришда вазир ул вузаро (улуг вазир)га таянган. Ҳарбий ишлар, ҳарбий қўшинлар амир ул-умаро қўли остида эди. Халифа турли масалаларни девон ад-дар, яъни кенгашда кўриб чиқар эди. Девон ад-дар учта асосий девонга бўлинган, улар девон ал-машиқ, девон ал-мағриб ва девон ал-хараждан иборат бўлган. М.га тегишли масалалар девон ал-машиқда ҳал этилар эди.

МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК – 1) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик айрим ҳолларда М.ж. деб ҳам юритилади. Лекин, адабиётларда М.ж. эмас, мулкий жавобгарлик кўринишида учрайди. 2) меҳнат қонунчилигига мувофиқ меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати б-н бошқа тарафга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти. М.ж. ЎзР МКнинг 185–210-м.ларида ўз ифодасини топган. Меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати б-н бошқа тарафга етказган зарарини ЎзР МК ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қоидаларга мувофиқ қоплайди. Меҳнат шартно-

маси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг М.ж.и аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги ЎЗР МКда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак. Зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини М.ж.дан озод қилишга сабаб бўлмайди. Меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг гайрихуқуқий айбли хулқ-атвори (харакати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказган зарари учун, башарти ЎЗР МКда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, М.ж. бўлади. Тарафларнинг ҳар бири ўзига етказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

МОДДИЙ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТЛАР – М.т.ж. дейилганда жиноятнинг шундай таркиби тушуниладики, унда жиноят натижасида бирон-бир моддий оқибат келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлиги назарда тутилади.

МОДДИЙ ҲУҚУҚ – давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишини таъминловчи ҳуқуқий нормалар тизими. М.х. бундай ҳуқуқни амалга ошириш шакллари ва тартибини, ҳимоя қилиш шартларини мустаҳкамловчи процессуал ҳуқуқдан фарқ қилиб, ижтимоий муносабатларга уларни тўғридан-тўғри, бевосита ҳуқуқий тартибга солиш орқали таъсир кўрсатиш имконини беради. М.х. нормалари мулкчилик шакллари, мол-мулк ва шахсларнинг юридик ҳолатини, давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ташкил этиш тартиби ва уларнинг тузилмасини, ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик асослари ва уларнинг чегараларини белгилайди.

Ҳуқуқ тизимида ҳуқуқнинг моддий (фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи) ва процессуал (фуқаролик-процессуал ҳуқуқ, жиноят-процессуал ҳуқуқ) тармоқлари фарқланади. Бироқ аксарият ҳолларда ҳуқуқнинг айни бир тармоғи (кўпинча қонунчилик тармоғи) моддий-ҳуқуқий нормаларни ҳам, процессуал-ҳуқуқий нормаларни ҳам ўз ичига олади (мас., конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи). Моддий ва процессуал ҳуқуқ ўртасида аниқ чегара мавжуд эмас, кўпгина ҳуқуқий инс.лар аралаш ҳусусиятга эга. Мас., вакилик бир вақтнинг ўзида ҳам моддий, ҳам процессуал ҳуқуқ инс.и ҳисобланади, даъво қўзғатиш муддатининг ўтиши роман-герман ҳуқуқий тизимида М.х.қа, инглиз-америка ҳуқуқий тизимида эса процессуал ҳуқуққа киради.

МОДЕЛ ҚОНУНИ – умумий характерга эга бўлган қонун ҳужжати бўлиб, унда норматив кўрсатмалар б-н бирга, ҳуқуқий қарорларнинг турли хил намуналари келтирилади. М.х.ларини яратиш амалиёти асосан АҚШ (штатлар учун) ва МДҲнинг парламентларо ассамблеясига аъзо бўлган давлатларда қўлланилади.

МОДЕЛЛАШТИРИШ – қ.: *Криминологик башорат қилиш усуллари*.

МОКИ ҚОНУНИ – парламент палаталари ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этиш методи, унга кўра қонун лойиҳаси палаталардан бири иккинчисининг так-

лифига рози бўлмагунча ёки қонун лойиҳаси бутунлай рад этилмагунча бир палатадан иккинчисига юборилмаверади. Бу Аргентина, Венесуэла, Франция ва қатор бошқа мамлакатлар парламентида қўлланади. Келишувга палаталарнинг ўзлари, яъни мажлисда эришишди, бу палаталарни қўндалик ишларидан чалғитади ва қонун чиқариш жараёнини чўзиб юборади.

МОЛИКИЯ – сулҳийликдаги диний-ҳуқуқий маънаблардан бири. Молик ибн Анас асос солган. М. Мадинада пайдо бўлди, Арабистон ярим оролига, кейин Миср, Шимолий Африка ва Андалусияга тарқалди. Молик ибн Анаснинг “ал-Муваттаъ” (“оммавий, барчага тушунарли” маъносига) асари М. таълимнинг асосий манбаи ҳисобланади. М. тарафдорлари Муҳаммад (с.а.в.) ҳаётликлари вақтида илк исломда шаклланган фикх меъёрларини тан олади, фикхнинг асосий манбаи сифатида Қуръон ва суннага таянади, Мадинанинг саводли аҳолиси яқдиллик б-н маъқуллаган қоидаларининг ижмоъ деб ҳисоблайди. Шу б-н бирга мусулмонларнинг умумий манфаатларига жавоб берувчи шариат ҳукмларига мопелик қилмайди. Ҳозирги вақтда ҳам бу маънаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазаир ва Ливиядаги никоҳ-оила, мулкка оид ҳуқуқларга сезиларли таъсири бор. У Ливиянинг бир қатор жиноят қонунлари асосини ташкил этади.

МОЛИЯ – пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш жараёнидаги ижтимоий муносабатларни акс эттирувчи иқтисодий категория. Шунингдек, М. умумдават эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими.

МОЛИЯ БРОКЕРИ – қ.: *Брокер*.

МОЛИЯ ДИЛЕРИ – қ.: *Дилер*.

МОЛИЯ ИЖРАСИ ШАРТНОМАСИ – қ.: *Лизинг шартномаси*.

МОЛИЯ ИНТИЗОМИ – давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар пул жамғармаларини яратиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш вақтида белгиланган кўрсатмалар ва тартибга қатъий риоя этилиши. М.и талаблари юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат органлари учун амал қилади.

МОЛИЯ ЙИЛИ – биринчи январдан ўттиз биринчи декабрь қуни охиригача бўлган вақтни ўз ичига олувчи давр (“Бюджет тизими тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си). М.й. бюджет тўғрисидаги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган муддат давомида амал қилади, бу муддат тугаганидан сўнг кейинги муддат учун бюджет тўғрисидаги янги ҳужжат қабул қилинади. Яъни, бюджет тўғрисида чиқарилган ҳужжат амал қилган муддат бир йилни ташкил этади ва у М.й. деб аталади. Турли давлатларда парламент сессияларининг ҳар хил вақтда ўтказилиши натижасида фарқлар, тарихий анъаналар ва б. сабабларга кўра, М.й. бир хил бошланмайди. Мас., у Франция, Германия, Италия, Бельгияда – 1 январдан, Буюк Британия, Япония, Канадада – 1 апрелдан, Швеция, Норвегия, Покистонда – 1 июлдан, АҚШда – 1 октябрдан бошланади.

МОЛИЯ ТИЗИМИ – турли молиявий бўғинлар (инс.-лар) мажмуи. ЎЗР М.т. қуйидаги бўғинлардан ташкил топган: а) давлат бюджети, унинг тузилмасига кирувчи рес-

публика бюджети, ҚР бюджети ва маҳаллий бюджетлар; б) давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар; в) хўжалик юритувчи субъектлар ва иқтисодий соҳалари молияси; г) кредит (давлат кредити ва банк кредити); д) мулкӣй ва шахсий суғурта.

МОЛИЯ ХУҚУҚИ – давлат молиявий фаолияти соҳасида, яъни ривожланишнинг муайян босқичида давлатнинг вазифа ва функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган марказлаштирилган ва марказлашгирилмаган пул маблағларини режалар ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мажмуи.

МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ – сотиб олинган товарлар (хизматлар) ҳақини тўлаш учун пул маблағлари тарзида истеъмолчига бериладиган кредит. Банклар ёки бошқа кредит ташкилотлари М.и.к. берувчи ташкилотлардир ("Истеъмол кредити тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

М.и.к.дан фойдаланилганда:

шартнома истеъмолчи томонидан товарни (хизматни) сотиб олишга доир шартнома кучга киргунига қадар ёки кучга кирганидан кейин тузилиши мумкин;

истеъмолчи М.и.к. олиш тўғрисида истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхона ёки реализация қилувчи ташкилотни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

М.и.к. бериш ЎзРда ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини (хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхона ёки реализация қилувчи ташкилотнинг банкдаги ҳисобварағига банк ёхуд бошқа кредит ташкилоти томонидан пул маблағлари ўтказиш йўли б-н амалга оширилади. М.и.к.нинг нақд пулда берилишига йўл қўйилмайди ("Истеъмол кредити тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 15-м.си).

МОЛИЯВИЙ КОМПАНИЯ – алоҳида банк операцияларини бажарувчи кредит ташкилоти. М.к. қуйидаги мезонлар бўйича банк муассасаларига қўйиладиган талабларга жавоб бермайди: устав фондининг ҳажмига кўра (халқаро кондаларга кўра, банкнинг устав фонди камида 5 млн. Евро бўлиши керак); бажариладиган операциялар рўйхати бўйича; фаолиятининг давлат томонидан бошқарилиш даражаси бўйича. Халқаро амалиётда М.к. истеъмол кредитлари, ўрта ва кичик корхоналарга кредитлар бериш, жамғармаларни жалб этиш, чекларни расмийлаштиришга ихтисослашган, шунингдек факторинг, суғурта, кўчмас мулк савдоси б-н ҳам шуғулланади. М.к.га марказий банкларда ҳисобларни резервация қилишнинг давлат томонидан белгиланган тартиби, ликвидлик ва барқарорлик нормативларини сақлаш тартиби жорий этилмайди.

МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ – ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинган, давлат ва подавлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларини бошқаришнинг қонунийлиги ва самарадорлигини аниқлаш, молиявий интизомни таъминлаш ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилишга доир фаолият. ЎзР Президентининг 2005 й. 4 апрелдаги ПФ-3592-сон "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилиши такомиллаштириш тўғри-

сида"ги Фармонига мувофиқ, ЎзР Ҳисоб палатаси республикада олий молиявий назорат органи ҳисобланади.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ ХУЖЖАТЛАРИ – давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари молиявий фаолияти жараёнида қабул қилинган ҳужжатлар. Маълум бир муддатда молия соҳасида аниқ вазифаларни бажарувчи, сафарбарлик бўйича режалар ҳам бор. Молиявий ресурслардан фойдаланиш ва тарқатиш М.р.х. қуйидагиларга тааллуқлидир: а) давлатнинг асосий молиявий режаси – ЎзР бюджети, ЎзР вилоятларининг давлат бюджетлари ва маҳаллий бюджетлар; б) давлат мақсадли фондларининг молиявий режалари; в) банкларнинг молиявий кредит ва касса режалари; г) суғурта ташкилотларининг молиявий режалари; д) вазирликлар, идоралар ва б. давлат бошқарув органларининг молиявий режалари ва сметалари; е) корхона ва бирлашмаларнинг молиявий режалари (даромадлар ва харажатлар баланслари); ж) давлат ва маҳаллий бюджетда турадиган муассасалар ва ташкилотларнинг сметалари.

МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯ – ЎзР СК 112-м.сига кўра, молиявий санкциялар солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чораси бўлиб, пул ундириш (жарималар ва пеня) тарзида қўлланилади. Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларга – солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилади, солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш муддати ўтказиб юборилганлиги учун пеня ҳисоблаш, шунингдек солиқ тўловчи содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбини тан олган ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаган ҳоллар бундан мустасно. Солиқ тўловчи жисмоний шахсларга нисбатан М.с.лар фақат суд тартибида қўлланилади, пеня ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно. Солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня материаллар судга берилган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда тўланган тақдирда тадбиркорлик субъекти – солиқ тўловчи ўзига нисбатан солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўламаганлиги учун жарималар қўлланилишидан озод қилинади.

МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТ – марказлашган ва марказлашмаган пул маблағлари жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва фойдаланиш бўйича амалга ошириладиган фаолият.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ – "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 16-м.сига асосан, молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади. М.х. қуйидагиларни ўз ичига олади: бухгалтерия баланси; молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот; асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот; ҳусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот; изохлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар. Кичик ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларининг М.х.и соддалаштирилган шаклда тузилади. М.х.нинг таркиби ва мазмунини ЎзР Молия вазирлиги белгилайди.

МОЛИЯВИЙ-САНОАТ ГУРУҲИ – рақобатбардошликни ошириш, товарлар ва хизматлар бозорини кенгайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, янги иш ўринларини шакллантиришга қаратилган инвестициявий ва б. дастурларни амалга ошириш учун технологик ва иқтисодий жиҳатдан интеграциялашув мақсадида ҳамда молиявий-саноат гуруҳини ташкил этиш тўғриси-

даги шартнома асосида ўзининг моддий ва помоддий активларини тўлиқ ёки қисман қўшниш орқали бирлашган юридик шахслар мажмуи.

МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР – бу молия ҳуқуқи нормалари б-н тартибга солинган ижтимоий муносабатлар бўлиб, унинг иштирокчилари юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади ҳамда нормаларда кўрсатилган давлат пул жамғармаларини ва даромадларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларни бажаради.

МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР – давлат томонидан ўрнатилган ва давлатнинг мажбурлов чоралари б-н таъминланадиган, давлат ва маҳаллий пул жамғармаларини режали ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар бўлиб, унда иштирок этувчи томонларнинг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлайди.

МОЛИЯЛАШ ШАРТНОМАСИ – қ.: *Пул талабно-масидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси.*

МОЛИЯЛАШТИРИШ – қайтариб бермаслик шарт б-н бюджетдан бегараз пул маблағларини ажратиш.

МОЛ-МУЛК ЖОЙЛАШГАН МАМЛАКАТ ҚОНУНИ – фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти ҳисобланувчи мол-мулк қайси мамлакат ҳудудида жойлашган бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи қўлланишини аниқлашчи коллизия бегланиш. М.-м.ж.м.қ. бўйича жаҳондаги барча мамлакатларда кўчар ва кўчмас мол-мулкнинг ҳуқуқий ҳолати белгиланади. Хусусан, мазкур коллизия бегланиш орқали тегишли ашёни мулк ҳуқуқини объекти ҳисобланиши, ашёни юридик таснифи (кўчар ёки кўчмас, бўлинар ёки бўлинмас, асосий ёки мансуб, истеъмол қилинадиган ёки истеъмол қилинмайдиган ва б.) мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқларнинг вужудга келиши, ўзгартириши ва бекор бўлиши, мулк ҳуқуқининг мазмуни ва ҳимоя қилинишига доир масалалар тартибга солинади.

МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ – жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ тури. М.-м.с. тўғридан-тўғри солинадиган солиқ сифатида қадимги Европа давлатлари Греция, Рим ва шу б-н бирга Шарқ давлатларида ҳам кенг тарқалган солиқ тури бўлиб ҳисобланган.

ЎзРда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ЎзР ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар – ЎзРнинг резидентлари; агар ЎзРнинг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ЎзРда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) ЎзР ҳудудида ўз мулкка кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар – ЎзРнинг норезидентлари. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчидир (ЎзР СКнинг 265-м.си).

Мулкка солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл фуқаролари, агар ЎзРнинг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалик-

лари жисмоний шахсларнинг мол-мулкка солинадиган солиқ тўловчиларидир. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниқлаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, ўша шахс солиқ тўловчидир. ЎзР ҳудудида жойлашган уй жойлар, квартиралар, дала ховли иморатлари, гаражлар ва б. иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш объектидир. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация қиймати тўловчилар учун солиқ солинадиган базадир. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкни баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектнинг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қопун ҳужжатлари б-н белгиланадиган шартли қиймати солиқ солинадиган базадир. Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади (ЎзР СКнинг 272–274-м.лари).

МОЛ-МУЛК ЦЕНЗИ – сайлов қонуни талаби. Унга кўра сайлов ҳуқуқи (фаол ёки пассив) фақат маълум қийматдаги мулкка эга бўлган ёки маълум суммадан кам бўлмаган солиқ тўлаган фуқароларга берилади. XIX а.да бутун дунёга тарқалган бўлиб, ҳозирги кунда кам учрайди, чунки у фуқаролар тенг ҳуқуқлилигига зиддир. Мас., ҳозирги кунда Канадада сақланиб қолган, у ерда парламентнинг юқори палатаси (сенат)га фақат камида 4000 доллар қийматидаги кўчмас мулкка эга бўлган фуқаролар сайланиши мумкин.

МОЛ-МУЛКНИ ИШОНЧЛИ БОШҚАРИШ ШАРТНОМАСИ – М.-м.и.б.ш. бўйича бир тараф (бошқарувнинг муассиси) иккинчи тарафга (ишончли бошқарувчига) мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарув топширади, иккинчи тараф эса ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади. Мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди. Ишончли бошқарувчи мол-мулкни ишончли бошқарар экан, ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда ҳар қандай юридик ва амалий ҳаракатларни қилишга ҳақли. Қонунда ёки шартномада мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича айрим ҳаракатларга нисбатан чекловлар назарда тутилиши мумкин. Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади, бунда у ўзининг шундай бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганини кўрсатади. Агар ёзма тарзда расмийлаштиришни талаб қилмайдиган ҳаракатлар амалга оширилаётганида иккинчи тараф ишончли бошқарувчи бу ҳаракатларни ана шундай бошқарувчи сифатида амалга ошираётганлигидан хабардор қилинган бўлса, ёзма ҳужжатларда эса ишончли бошқарувчининг исми ёки номидан кейин тегишли белги қўйилган бўлса, мазкур шартга риоя қилинган ҳисобланади. Ишончли бошқарувчининг ана шундай бошқарувчи сифатида ҳаракат қилиши тўғрисида кўрсатма бўлмаса, у учинчи шахслар олдида шахсан мажбурият олади ва улар олдида фақат ўзига қарашли мол-мулк б-н жавоб беради (ЎзР ФКнинг 849-м.си).

МОЛ-МУЛКНИ СУГУРТА ҚИЛИШ – мол-мулкнинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (сугурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сақловчи, воситачи ва б.лар фойдасига сугурта шартномаси бўйича сугурталаниши мумкин. Сугурталанган мол-мулкнинг асралишидан сугурта қилдирувчида ва наф олувчида манфаат бўлмаган пайтда тузилган М.-м.с.к. шартномаси ҳақиқий эмас. Наф олувчи фойдасига М.-м.с.к. шартномаси наф олувчининг исми ёки фаолияти кўрсатилмасдан тузилиши мумкин. Бундай шартнома тузилганда сугурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган полис берилади. Бундай шартнома бўйича ҳуқуқларни амалга оширишда бу полисни сугурталовчига тақдим этиш зарур (ЎЗР ФК 917-м.си).

МОЛ-МУЛКНИ ХАТЛАШ – ЎЗР ЖПКнинг 290-м.сига мувофиқ, ҳукмнинг фуқаровий даъвога ва б. мулккий ундиришларга доир қисмининг ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг М.-м.х.и шарт.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва фуқаровий жавобгар оиласининг нормал турмушини таъминлаш учун зарур бўлган уй-жой, квартира, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.

Турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, мулк шаклидан қатъи назар, давлатга холиқлик қилиш, конституциявий тузумга, ЎЗР Президентига тажовуз қилиш, терроризм, кўпорувчилик жиноятлари содир этиш учун фойдаланилган ёхуд бу жиноятлар қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа оғир, ўта оғир жиноятлар б-н боғлиқ бўлган ҳолларда – бу жойлар хатланади.

Хатлаш мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасаруф қилиш, зарур ҳолларда эса, ундан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишдан ёхуд мол-мулкни тартиб олишдан ва уни сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишдан иборатдир.

Мулкни хатлаш суриштирувчи, терговчи қарори бўйича ёхуд бу тергов ҳаракатини бажаришни тергов органига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими бўйича амалга оширилади.

Хатлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда у ким томонидан, қачон ва қайси иш бўйича чиқарилгани, нима мақсадда ва кимнинг мол-мулки хатланиши лозимлиги, фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланаётганда эса, хатланаётган мол-мулк суммаси ҳам кўрсатилади.

Суриштирувчи ёки терговчи ҳукмнинг мулккий ундириш ёхуд мулккий йўсиндаги жазо қисмининг ижросини таъминловчи чораларни кўрмаган тақдирда, ишни юритаётган суд уларга бундай чораларни кўриш мажбуриятини юклайди.

Фуқаровий даъвони каноатлантириганда ёки бошқа мулккий ундиришларни қўллаётганда ҳукм қонуний кучга киргунига қадар, башарти олдин чора кўрилмаган бўлса, суд ҳукмнинг шу қисми ижросини таъминлайдиган чоралар кўриш ҳақида ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Дипломатия ваколатхоналари биполаридаги ва дипломатия вакилларига қарашли М.-м.х.да ЎЗР ЖПКнинг

165-м.снда назарда тутилган қондаларга рноя қилиниши лозим.

МОНАРХ (юн. monarchos – яққа ҳукмдор) – ҳокимиятнинг вакиллик тартибида эмас, балки ўз ҳуқуқига кўра амалга оширувчи давлатнинг яққа ҳукмдори. Одатда, ҳокимият унга мерос бўлиб ўтади. Барча монархия мамлакатларида М. қонун бўйича дахлсиз бўлиб, ҳар қандай жавобгарликдан озод ҳисобланади. Турли мамлакатларда М. турлича ном б-н юритилади, чунончи: Буюк Британия, Испания, Дания, Швеция, Бельгияда – қирол, Малайзия, Бруней, Уммонда – султон, Қувайтда – амир, Люксембургда – буюк герцог, Лихтенштейнда – князь деб аталади.

МОНАРХИЯ (юн. monarchia – яққа ҳокимлик) – давлат бошқаруви шакли. Бунда давлат бошлиғи монарх ҳисобланади. М.нинг икки тури мавжуд: мутлақ (абсолют) М., бунда монарх чекланмаган ҳокимиятга эга бўлади; конституциявий М., бунда монарх ҳокимияти Конс. б-н чекланган бўлади.

Мутлақ М. – М. бошқарув шаклининг алоҳида тури. Бунда монарх чекланмаган ҳокимиятга эга бўлади. Авваламбор, у қонулар ва барча учун мажбурий бўлган бошқа ҳукм-фармонлар (фармонлар, декретлар, фармойишлар шаклида) чиқаради. Давлатни бевосита бошқаради, муҳим давлат ишларини ҳал қилади. Мазкур макссадларда ҳуқуқат тузиши мумкин. Монарх ҳуқуқат таркибини шакллантиради, ҳуқуқатга ваколатлар беради ва унинг ҳужжатларини бекор қилади. Олий судья ҳисобланади, олий адлия, амнистия ва афв этиш б-н боғлиқ ишларни амалга оширади. Мутлақ М.да монарх ҳокимияти юридик жиҳатдан чекланмаган бўлади. Монарх ўз ваколатларини амалга оширишига мавжуд муҳит, унинг оиласи, давлат органлари, диний ташкилотлар, маҳаллий тузилмалар ва жамоаларнинг раҳбарияти таъсир кўрсатади. Ҳокимиятнинг амалга оширишда монархлар урф-одатлар, диний қоидаларга ҳам рноя эгадилар. Фуқаролар юридик жиҳатдан монархга тўла тобедирлар.

Тадқиқотчилар Уммон Султонлигини мутлақ М. соф кўринишда сақлаиб қолган давлат сифатида тилга олади. Бу ерда конс. мавжуд эмас, асосий қонун вазифини Куръон бажаради, парламент йўқ, мамлакатнинг олий судьяси ва олий диний раҳбари қирол ҳисобланади. Бундай М.ни мутлақ-теократик М. деб номлаш ҳам мумкин.

Айрим мамлакатлар (Баҳрайн, Қувайт, Бруней, Қатар, Саудия Арабистони) мутлақ М.га яқин бошқарув шаклига эга. Чунки, бу мамлакатларда мутлақ М.нинг асосий жиҳатлари сақланган. Мазкур мамлакатларда Конс. қабул қилинган, уларнинг айримларида парламент ҳам мавжуд. Шунга қарамай, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари бу ерда монарх кўлида. Олий диний ҳокимиятнинг ҳам монарх бошқаради.

Конституциявий ёки чекланган М. – М. бошқарув шаклининг алоҳида тури. Бунда монарх мутлақ ҳокимиятга эга бўлмайди; унинг ҳокимияти парламент муассасасининг мавжудлиги б-н чекланади. Конституциявий М.нинг икки шакли: дуалистик монархия ва парламентар М. фарқланади.

Дуалистик М.да давлат ҳокимиятини монарх ҳамда бутун аҳоли ёки унинг маълум қисми томонидан сайла-

нувчи парламент бошқаради. Парламент конун чиқарувчи ҳокимиятни, монарх эса – ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Лекин, монарх ижро этувчи ҳокимиятни парламентдан мустақил ҳолда амалга оширади. У фақат ўзи олдида жавобгар бўлган ҳукуматни тайинлайди. Парламент ҳукуматни тузиш, унинг таркиби ва фаолиятига таъсир кўрсата олмайди. Парламентнинг қонунчилик ваколатлари чекланган, монарх мутлақ вето ҳуқуқига эга бўлади (яъни, у тасдиқламаган қонун кучга кирмайди). Монарх қонун кучига, баъзан ундан ҳам катта кучга эга бўлган ўз ҳужжатлари (фармоплари)ни чиқариши мумкин. У парламентнинг юқори палатаси аъзоларини тайинлаши, парламентни тарқатиб юбориши (кўпинча номуайян муддатга тарқатиб юбориши) мумкин. Бунда монарх янги сайлов муддатини белгилайди ва тегишли даврда тўла ҳокимиятга эга бўлади. Дуалистик М. бошқарув шакллариغا Иордания, Марокаш каби мамлакатлар кирди.

Парламентар М. да давлатни бошқаришда парламент етакчи ўринни эгаллайди. У ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан устунликка эга бўлади. Ҳукумат расман ва амалда парламентга бўйсунди. У монарх олдида эмас, балки парламент олдида жавобгар бўлади. Парламент ҳукуматни назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади; агар парламент ҳукуматга ишончсизлик билдирса, ҳукумат истеъфо бериши керак.

Мазкур бошқарув шаклининг тадқиқотчилари монархга нисбатан тахтада ўтиради, аммо бошқармайди деган иборани қўллайдилар. Монарх қайси партия (ёки уларнинг иттифоқи) парламентда кўпчиликни ташкил этишига қараб ҳукуматни ёки ҳукумат бошлигини тайинлайди. Монарх ё вето ҳуқуқига эга бўлмайди, ё уни ҳукумат кўрсатмасига (“маслаҳатига”) биноан амалга оширади. У қонун кучига эга ҳужжатлар чиқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган. Монарх номидан чиқариладиган ҳужжатлар, одатда, ҳукумат томонидан тайёрланади; мазкур ҳужжатлар ҳукумат бошлиғи ёки тегишли вазирнинг имзоси билан мустаҳкамланган (контрассигнация қилинган) бўлиши лозим, акс ҳолда улар юридик кучга эга бўлмайди. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасида ихтилоф юз берган тақдирда фақат ҳукумат истеъфо бермайди. Ҳукуматнинг тақлифига кўра монарх парламентда янада барқарор кўпчилик юзага келиши учун парламентни (қуйи палатани) тарқатиб юбориши ва янги сайлов тайинлаши мумкин. Сайлов натижаларига кўра ҳукумат ё ўз мавқеини мустаҳкамлаб олади ё алмаштирилади.

Парламентар М. да монархга декоратив шахс ёки феодализм саркити деб қараш ярамайди. М.нинг мавжудлиги тегишли мамлакатларда давлат тизимини барқарорлаштириш омилларидан бири ҳисобланади. Монарх партиялар рақобатидан устун туради ва сиёсий бетарафликни намойиш этади. Ўзининг парламентга муурожаатларида монарх қонун йўли б-н ҳал қилиш ва жамиятни жипслаштиришни такозо этувчи давлат учун муҳим муаммоларга эътиборни қаратиши мумкин. Парламентар М.лар – Буюк Британия, Бельгия, Япония, Дания, Испания, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Нидерландия, Норвегия, Швеция, Таиланд, Непал ва б. мамлакатлардир.

Умуман олганда, М. диний илдиэларга асосланган бошқарув шакли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам айрим

мамлакатларда монарх олий диний раҳбар ёки черков бошлиғи ҳисобланади. Мас., аксарият араб М.ларида давлат бошлиғи айни вақтда олий диний раҳбар ҳам ҳисобланади. Буюк Британияда эса монарх англикан ва пресвитериан черковининг бошлиғи ҳамдир. Бундай ҳолларда “теократик М.” тушунчаси қўлланилади.

МОНИТОРИНГ (инг. monitoring) – муайян фаолият соҳасини кузатиш, баҳолаш ва истикболини белгилаш тизими.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан М. қилиш – қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш йўли б-н ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлиги ҳамда тизимлилигини таъминлаш бўйича жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндиси.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан М. қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

қонунчилик базасини таҳлил қилиш;
статистик ва б. маълумотларни таҳлил қилиш;
жамоатчилик фикрини ўрганиш (ижтимоий сўров).;
ҳуқуқни қўловчи органлар фаолиятини ўрганиш.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан М. қилиш қонун ижодкорлиги фаолиятининг таркибий қисмидир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан М. қилиш натижаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга ва юридик ҳаққонийлиги ҳамда софлигини таъминлашга, ундаги коллизияларни бартараф этишга ёрдам беради.

МОНИТОРИНГ МАРКАЗИ – ЎЗР Президентининг 2005 й. 15 декабрдаги ПҚ–237-сон Қарорига мувофиқ ташкил этилган мустақил ахборот-таҳлил муассасаси ҳисобланади. Тўлиқ номи – ЎЗР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази.

М.м. амалга ошириладиган ислохотларнинг ҳуқуқий таъминланиши соҳасидаги нуқсонларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимлилиги ҳамда тўлиқ ва яхлитлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш мақсадида ташкил этилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш – қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини кузатиш, назорат қилиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш йўли б-н ислохотларнинг ҳуқуқий ва қонунчилик базасини янгилаш ҳамда ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлиги ҳамда тизимлилигини таъминлаш бўйича жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган тадбирлар йиғиндиси.

М.м.нинг асосий вазифа ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

мамлакатнинг қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва ислох қилишни, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда

модернизациялашнинг устувор мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиш;

социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, гуманитар ҳамда бошқа фаолият соҳаларида демократик ўзгартиришларни амалга ошириш учун зарур бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш дастурларининг вазирликлар ва идоралар томонидан бажарилишини мониторинг қилиш, уларнинг амалга ошириладиган ислохотлар мақсад ва вазифаларига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича талабларга, халқаро нормалар ва стандартларга, ЎзР Конс.си ва қонунларига мувофиқлигини баҳолаш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли таҳлил қилиш, янгиланаётган ва янги қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шу жумладан прокуратура ва судловни юритиш органлари, Адлия вазирлиги бўлинмалари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида қай даражада амалга ошириладиганлиги устидан доимий назорат олиб бориш;

жамиятнинг демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялашнинг мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда ислохотларнинг ҳуқуқий, қонунчилик базасини янгилаш ва ривожлантириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлиги, тизимлилигини, қонунчилик нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш.

М.м.да қуйидаги бешта бўлим фаолият юритади:

Давлат ва жамият қурилиши соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш бўлими;

Иқтисодий ривожланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш бўлими;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, прокуратура ва судловни юритиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш бўлими;

Ижтимоий ва гуманитар ривожланиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш бўлими;

Умумий бўлим.

МОНОГАМИЯ (юн. monos – бир + gamos – никоҳ; инг. monogamy) – якка никоҳлилиқ; битта эркекнинг битта аёл б-н мунозама биргаликда яшашидан иборат бўлган никоҳ шакли.

1917 й. 18 декабрда собиқ совет ҳокимиятининг “Фуқаролик никоҳи, болалар ва фуқаролик ҳолатларини қайд этишни олиб бориш” тўғрисидаги декрети қабул қилинган бўлиб, унда: “Россия Республикаси бундан сўнг фақат фуқаролик никоҳи тан олади”, деб белгиланади. “Черков никоҳи фуқаролик мажбурий никоҳи б-н никоҳга ўтувчиларнинг хусусий иши бўлиб ҳисобланиши кўрсатилади”.

Ушбу Декрет никоҳни ҳам ҳар қандай чекланишлардан озод этган. Декретда никоҳланувчиларнинг никоҳдан ўтиши учун ота-онанинг ёки бошлиқнинг розилиги талаб этилмастлиги, улар қайси динга эътиқод қилишининг аҳамияти йўқлиги ҳам кўрсатилган. Декрет совет никоҳининг асоси – М.ни, яъни якка никоҳлилиқни эълон қилган эди.

МОНОКАМЕРАЛИЗМ – к.: *Бир палатили парла-мент тизими (Монокамерализм).*

МОНОПОЛ АРЗОН НАРХ – товар бозорида харидор сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг сотиб олаётган товарига қўшимча фойда олиш ёки қилинган асосиз харажатларни сотувчи ҳисобига қоплаш мақсадида белгиладиган нархи ёхуд товар бозорида сотувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг сотаётган товарига оғли равишда шу товарни сотишдан зарар кўрадиган даражада белгиладиган нархи бўлиб, уни белгилаш натижа-сида бозордан рақобатчиларни сиқиб чиқариш йўли б-н рақобат чекланади ёки чекланиши мумкин (“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

МОНОПОЛИСТИК ФАОЛИЯТ – хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг монополияга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймастлиққа, уни чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидир (“Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

МОНОПОЛИЯ (юн. monopole; monos – бир + poleo – сотилган сўзларидан; лот. monopolium; инг. monopoly) – бир кишига, кишиларнинг муайян гуруҳига ёки давлатга тегишли бўлган ишлаб чиқариш, савдо ва ш.к.га бўлган мутлак ҳуқуқ; кенг маънода қандайдир нарсага бўлган мутлак ҳуқуқ. М. деб, шунингдек, бир ёки бир нечта фаолият соҳаларида ҳал қилувчи ролга эга бўлган катта фирма ҳам аталади. Бозорнинг монопол тузилиши алоҳида тадбиркор ҳукмрон мавқени эгаллаганида ва мазкур маҳсулот ёки хизматлар бозорини назорат қилганида пайдо бўлади.

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШ – монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборот бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб тақдим қилиш ҳамда монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг қонун-қоидаларни бузишни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармаганлик. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖК 183-м.сида жавобгарлик белгиланган.

МОНТЕСКЬЕ ШАРЛЬ ЛУИ (1689–1755) – буюк француз файласуфи, ҳуқуқшуноси, XVIII а. маърифатпарварлик оқимининг вакили. Монтеस्कье Бордо ва Парижда ҳуқуқ масалалари б-н шуғулланган. 1714 й.дан Бордо парламентининг маслаҳатчиси, 1716 й.дан шу парламентнинг вице-президентларидан бири сифатида ишлаган. Унинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари “Римликларнинг шухрати ва инкирозининг сабаблари тўғрисида мулоҳазалар” асарларида ифода-лаб берилган. Бироқ, Монтеस्कье ижодининг чўкки-си 1748 й.да ёзиб тугалланган “Қонунларнинг руҳи тўғрисида” номли фундаментал асари ҳисобланади.

МОРАТОРИЙ (лот. moratorius, moratus – секинлаштирувчи, кейинга қолдирувчи; инг. moratorium) – муайян мажбуриятни ижро этиш муддатини ҳуқуқат томо-

нидан маълум бир муддатга суриш (мас., ядро қуроллари синови М.си). Бирор фавқулодда ҳолат (мас., уруш, табиий офат) муносабати б-н ҳам қилинади. “Банкротлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига кўра, М. – қарздор юридик шахс томонидан пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилишини тўхтатиб туриш.

МУАЙЯН ҲУҚУҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ – ЎЗР ЖКнинг 45-м.сига мувофиқ, шахсни М.х.м.к. суд тайинлаган муддат давомида айбдорнинг қорхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда у ёки бу мансабни эгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият б-н шуғулланишини тақиқлашдан иборатдир. М.х.м.к. давлат мажбурият чора сифатида огохлантирувчи характер ёрқин ифодаланиши б-н фарқланади. Мазкур жазони қўллаш шахсларда одатда мавжуд имкониятлар суинистёмоллик б-н жиноят улар томонидан рецидивнинг огохлантириш зарурлиги сабаб бўлади. Қоидага кўра, мазкур имкониятлар мансаб мавқеи ёки амалга ошираётган фаолияти б-н боғлиқдир. М.х.м.к. қонун чиқарувчининг фикри бўйича фақат у ёки бу мансаб ёхуд фаолият б-н шуғулланишни ман этишдан иборат. Муайян лавозимни эгаллашни ман этиш М.х.м.к. турларидан бири сифатида маҳкумни ана шу лавозимдан ҳукм чиқариш вақтида уни эгаллашда давом этиш шарти б-н озод қилиш мазкур лавозимни бошқа қорхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда эгаллаш ҳуқуқи тўла чеklangанишига ҳам тегишлидир.

Қонун мазмунига кўра маҳкум муайян лавозим (мас., ҳисобчи лавозими, омбор мудури ва б.) ёки бирорта вазифани амалга ошириш б-н боғлиқ муайян лавозимлар гуруҳини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этилиши. Мас., моддий жавобгарлик лавозимини эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин, лекин у ёки бу ҳолатда маҳкум ҳуқуқи маҳрум этиладиган лавозим суд ҳукмида аниқ белгиланиши керак. Муайян фаолиятни амалга оширишни ман этиш маҳкумни профессионал фаолият ҳисобланадиган, шунингдек, маҳкумнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги фаолияти, тадбиркорлик ва б. фаолиятлари сифатидаги бирон-бир доимий машғулотларни амалга оширишдаги ҳуқуқидан маҳрум этишдан иборат. Бунда шуни қайд этиш керакки, қонун мазмунига кўра, маҳкум фаолиятнинг битта турини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин. Шу б-н бир вақтда ман этиш фаолиятнинг қонуний турларига нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин. Суд ҳукмида шахс азалдан жиний фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмаганлиги учун маҳкумни уни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум эта олмайди ва жазонинг бундай чораси беҳуда ва бемаъни бўлади (мас., маҳкумни гиёҳванд моддаларни сотиш бўйича фаолиятни амалга оширишини ман этиш ножоиз). Жиноят содир этишда айбдор, деб топилган шахс у ёки бу лавозимни эгаллаш ҳуқуқидан, ё фаолиятнинг муайян турини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин. Шахснинг иккала ҳуқуқни амалга оширишидан ман этиш мумкин эмас. Ҳуқуқдан маҳрум қилиш – тезкор жазо ҳисобланади, чунки унинг моҳияти маҳкумни муайян вазифани бажаришдан четлаштиришдан иборатгина бўлмай, балки тегишли лавозим ёки муайян фаолиятни эгаллаб туриши б-н боғлиқ шунга ўхшаш жиноятни амалга ошириш имкониятидан маҳрум

этиш учун уни ҳукм б-н муайян муддат давомида у ёки бу лавозимни эгаллаш ёки у ёки бу фаолият б-н шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этишдан иборатдир. Шунингдек, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш кўринишидаги жазони қўллаш имконияти бу ҳуқуқ илгари маҳкум маъмурий жазо қўллаш тартибида маҳрум этилганлик ҳолатига таъсир қилмайди. Шу б-н бир вақтда М.х.м.к., агар маҳкум уни фақат жиноят содир этилган вақтда қилган ҳолатда йўл қўйилади. Агар ҳуқуқ жиноят содир этилгандан кейин орттирган бўлса (мас., транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи), суд уни маҳрум қилиши мумкин эмас.

М.х.м.к. айбдорнинг мансаби ёки иш фаолияти б-н лавозимга боғлиқ бўлган жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тартиқасида тайинланганда – бир йилдан беш йилгача муддатга, кўшимча жазо тартиқасида тайинланганда – бир йилдан уч йилгача муддатга белгиланади.

Агар М.х.м.к. айбдорга асосий жазо тартиқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо суд томонидан ЎЗР ЖК Маҳсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога кўшимча жазо тартиқасида тайинланиши мумкин.

М.х.м.к. жазоси озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш ёки қамоқ жазосига кўшимча жазо тартиқасида тайинланган бўлса, асосий жазонинг бутун муддатига, бундан ташқари суд ҳукми б-н тайинланган муддатга жорий этилади. Бу жазо бошқа асосий жазоларга кўшимча жазо тартиқасида тайинланганда ва маҳкум шартли ҳукм қилинганда унинг муддати ҳукм қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

МУАЛЛИФ – ижодий меҳнати б-н асар яратган жисмоний шахс. Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. М.лик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийликка рноя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида М. сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар М.и ҳисобланади (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3 ва 10-м.лари).

МУАЛЛИФЛИК ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар мазкур ҳуқуқ эгаси томонидан, ваколатли давлат органи томонидан, суд орқали ҳимоя қилинади.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”-ги ЎЗР Қонунининг 65-м.сига мувофиқ, муаллиф, турдош ҳуқуқлар эгаси ёки мутлақ ҳуқуқларнинг бошқа эгаси ҳуқуқбузардан қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

ҳуқуқларни тан олишини;

ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклашини ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини юзага келтирадиган ҳаракатларни тўхтатишини;

ҳуқуқ эгасининг ҳуқуқи бузилмаган тақдирда, у фуқаролик муомаласининг одатдаги шароитларида олиши мумкин бўлган, лекин ололмайд қолган даромади миқдориди зарарларнинг ўрнини қоплашини. Агар ҳуқуқбузар муаллифлик ҳуқуқи ёки турдош ҳуқуқларни бузиш оқибатида даромадлар олган бўлса, ҳуқуқ эгалари бошқа зарарлар б-н бир қаторда бой берилган фойдани бундай даромадлардан кам бўлмаган миқдорда қоплашини;

зарарлар етказилиши фактидан катъи назар, ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ҳуқуқбузарнинг айби даражасидан келиб чиқиб иш муомаласи одатларини ҳисобга олган ҳолда зарарнинг ўрнини қоплаш эъвазига тўлалиши лозим бўлган товонни тўлашини;

ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш б-н боғлиқ бўлган, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чоралар кўришини.

Муаллиф ва ижрочи ўз ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ҳуқуқбузардан маънавий зиён қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

Мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан фойдаланиши мумкин бўлиб, бу белги асарнинг ҳар бир нусхасида акс эттирилади ва қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади: айлана ичидаги лотинча “С” харфи; мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исм-шарифи (номи); асар биринчи марта чоп этилган йил.

Муаллифлик ҳуқуқининг муҳофаза белгисидан кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланган бўлмаса, мутлақ муаллифлик ҳуқуқлари эгаси ҳисобланади (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 11-м.си).

Фонограмма ва (ёки) бундай фонограмма ёзилган ижрога бўлган мутлақ ҳуқуқлар эгалари ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг муҳофаза белгисидан фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу белги фонограмманинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) у сақланадиган ғилофда акс эттирилади ҳамда қуйидаги уч унсурдан иборат бўлади: айлана ичидаги лотинча “Р” харфи; мутлақ турдош ҳуқуқлар эгасининг исм-шарифи (номи); фонограмма биринчи марта чоп этилган йил.

Номи ёки исм-шарифи ушбу фонограммада ва (ёки) у сақланадиган ғилофда одатий тарзда кўрсатилган юридик ёки жисмоний шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, фонограммани тайёрловчи деб эътироф этилади (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 46-м.си).

МУАЛЛИФЛИК ЁКИ ИХТИРОЧИЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ БУЗИШ – тафаккур мулки объектига нисбатан муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштириб олиш, ҳаммуаллифликка мажбурлаш, шунингдек, тафаккур мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар муаллифнинг розилигисиз ошкор қилиш. Ушбу жиноят ЎзР ЖКнинг 149-м.сига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради.

МУАЛЛИФЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ – фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмийчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исм-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар

бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳолда бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунга ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунга қадар амалда бўлади (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 10-м.си).

МУАЛЛИФЛИК ШАРТНОМАСИ – ЎзР ФК 1056-м.сининг учинчи қисмида назарда тутилган мулкый ҳуқуқлар фақат М.ш.ни тузиш йўли б-н ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин, ушбу Кодексда ва б. қонунларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Муаллифнинг мулкый ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги М.ш. асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги М.ш. асосида амалга оширилиши мумкин. Мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги М.ш. фақат ушбу ҳуқуқлар ўтказилаётган шахс асардан муайян усулда ва шартномада белгиланган доирада фойдаланишига рухсат беради. Мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги М.ш. фойдаланувчига асардан шундай ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказган мутлақ ҳуқуқлар эгаси ва (ёки) бу асардан айни шундай усулда фойдаланиш учун рухсат олган бошқа шахслар б-н тенг равишда фойдаланишга ижозат беради. М.ш. бўйича бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқлар, агар шартномада бевосита бошқача ҳолда назарда тутилган бўлмаса, мутлақ бўлмаган ҳуқуқлар ҳисобланади. Асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар акс эттирилган моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқи б-н боғлиқ эмас. Моддий объектга бўлган мулк ҳуқуқини ёки моддий объектга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш шу объектда акс эттирилган асарга бўлган бирон-бир муаллифлик ҳуқуқининг ўз-ўзидан бошқа шахсга ўтказилишига сабаб бўлмайди.

М.ш.да қуйидагилар назарда тутилиши керак: асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган аниқ ҳуқуқлар);

асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари.

М.ш. тарафлар зарур деб топган бошқа шартларни ҳам назарда тутиши мумкин.

М.ш.да асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунга қадар қандам олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин. М.ш.да асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши ЎзР ҳудуди б-н чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши М.ш.да тўғридан-тўғри назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади. Шартнома тузилган пайтда асардан фойдаланиш ҳақида хали маълум бўлмаган ҳуқуқлар М.ш. предмети бўлиши мумкин эмас. Тўланадиган ҳақ М.ш.да асардан фойдаланишнинг тегишли усули

учун олинанидан даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари б-н боғлиқ холда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади. Мазкур ҳақнинг энг кам миқдорлари ЎзР ВМ томонидан белгиланади. Агар асарни нашр этиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш ҳақидаги М.ш.да ҳақ тўлаш қатъий сумма тарзида белгиланса, шартномада асарнинг энг кўп адади белгилаб қўйилиши шарт. М.ш. бўйича ўтказилган ҳуқуқлар бундай шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган тақдирдагина бошқа шахсларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин. М.ш.нинг муаллифни келгусида мазкур мавзуда ёки мазкур соҳада асарлар яратишини чеклайдиган шарти ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. М.ш.нинг ЎзР ФК ёки бошқа қонунлар талабларига зид бўлган шартлари ҳақиқий эмас. М.ш. ёзма шаклда тузилиши лозим, қонунда назарда тутилган холлар бундан мустасно. М.ш. бўйича мажбуриятларни умуман ёки тегишли даражада бажармаган тараф бошқа тарафга етказилган зарарнинг ўрнини, шу жумладан бой берилган фойдани қоплаши шарт.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ – М.х. (интеллектуал фаолият натижасининг муаллифи деб эътироф этилиш ҳуқуқи) шахсий номулкий ҳуқуқ ҳисобланади ва ижодий меҳнати б-н интеллектуал фаолият натижасини яратган шахсгагина тегишли бўлади. М.х. бошқа шахсга ўтказилмайди ва берилмайди (ЎзР ФК 1033-м.си).

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАРГА ВОРИСЛИК – муаллифнинг мулкый ҳуқуқлари мерос бўйича ўтади. Муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуқлари муддат б-н чекланмайди. Муаллифнинг меросхўрлари бўлмаган тақдирда, унинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш махсус ваколатли давлат органи зиммасига юкланади. Агар асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи бир неча меросхўрга биргаликда тегишли бўлса, асардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги келишувда белгиланади. Бунда меросхўрлардан ҳеч бири бошқа меросхўрларнинг асардан фойдаланишини етарли асосларсиз тақиқлашга ҳақли эмас (“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 36-м.си).

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТўҒРИСИДАГИ БУТУНЖАҲОН ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ – муаллифлик ҳуқуқи бўйича бутунжаҳон конвенцияси аъзо мамлакатлар муаллифларининг адабиёт, фан ва санъат асарларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро шартнома ҳисобланади. Женева конвенцияси ўз аъзоларига конвенцияга аъзо бошқа мамлакатларда яратилган асарлар муаллифларига ўз ҳудудда ўз фуқаролари даражасида тенг ҳуқуқий муҳофазани таъминлаши шарт. Женева конвенцияси ЮНЕСКОнинг ташаббуси б-н 1952 й. 6 сентябрда Швейцариянинг Женева ш.да қабул қилинган. Женева конвенциясининг янги матни 1971 й.да тасдиқланган бўлиб, у 1974 й. 10 июлда қучга кирган. ЎзР Женева конвенциясига аъзо эмас, бироқ муаллифлик ҳуқуқи бўйича юқорирок ҳимоя даражасини таъминловчи Берн конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади. Жене-

ва конвенцияси Берн конвенцияси шартларига рози бўлмаган, бироқ қандайдир даражада муаллифлик ҳуқуқи муҳофазасини таъминлаш ниятида бўлган мамлакатлар учун, улар иштирокида ишлаб чиқилган.

МУАССАСА – бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот.

М.нинг ўзига бириктириб қўйилган ва ўзи сотиб олган мол-мулкка бўлган ҳуқуқлари ЎзР ФКнинг 178 ва 180-м.ларига мувофиқ белгиланади.

М. ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги пул маблағлари б-н жавоб беради. Бу маблағлар етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади.

Айрим турдаги давлат М.си ва б. М. ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

МУАССИС – к.: *Юридик шахс муассиси*.

МУВАҚҚАТ ҲАҚАМЛИК СУДИ – М.х.с. ҳақамлик битими тарафлари ўртасида келиб чиққан муайян низо хал этиш учун улар томонидан ташкил этилиб, низо кўриб чиқилганидан кейин М.х.с. ўз фаолиятини тугатади. Ҳақамлик судида раислик қилувчи (низо хайъатда кўриб чиқиладиганда) ёхуд ҳақамлик судьяси (низо яқка тартибда кўриб чиқиладиганда) ҳақамлик битими нусхасини ва М.х.с. ташкил этилганлиги тўғрисидаги хабарномани мазкур суд жойлашган ердаги адлия органига ҳақамлик муҳокамаси бошлангунига қадар юборади (“Ҳақамлик судлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

МУВОФИҚЛИК БЕЛГИСИ – муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган хизматга доир ҳужжатга қўйиладиган, белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги (“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.си).

МУВОФИҚЛИК СЕРТИФИКАТИ – сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қодаларига биноан берилган ҳужжат.

Маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлиги тасдиқланган тақдирда сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификатини беради, тайёрловчи ана шу сертификат асосида мувофиқлик белгисини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади. Сертификатлаштириш тизимида фойдаланиладиган М.с.ларининг шакллари ва ҳажмлари “Ўзстандарт” агентлиги томонидан тасдиқланади. М.с.лари “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланган тартибда Давлат реестридан ўтказилиши шарт. Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган М.с.лари ҳақиқий эмас. М.с.идан фойдаланиш ҳуқуқини аризачи бошқа юридик ёки jisмоний шахсга бериши ман этилади (“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1 ва 7-м.лари).

МУДАРРИС (араб. – дарс берувчи) – мадраса ўқитувчиси. М. муайян илоҳиёт фанидан дарс берган. Ҳозир мадрасалар ва диний университетларда фақат диний илмлардан эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам М. деб аталади.

МУДДАТЛАР – ҳуқуқ инс.ларидан бири. Фуқаролик ҳуқуқида **М.** – бу аниқ белгиланган, ўтишининг бошланиши ва тамом бўлиши муайян ҳуқуқий оқибатларни вужудга келтирадиган, фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва муҳофаза қилишга қаратилган пайтлар ва даврлардир. **М.** фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда ҳам алоҳида ўринга эга. Субъектив фуқаролик ҳуқуқи ўз ҳаракати даврида муддатсиз (мас., мулк ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи) ва муддатли (ижарага олинган мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқи ва б.) бўлади. Иккинчи ҳолда ҳуқуқ фақатгина ҳаракатланиши мумкин бўлган **М.** давомида амалга оширилиши лозим. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда **М.**нинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида татбиқ этилиши – бу муносабатларда қатнашувчиларнинг ҳуқуқларини қўриқлашда, қонунчиликни таъминлашда, ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда эса хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашда, корхоналарнинг нормал ишлашида, топшириқларни ўз вақтида бажаришда, муҳими, шартнома интизомига амал қилишда катта рол ўйнайди.

Фуқаролик ҳуқуқида учрайдиган жуда кўп **М.** бир неча асосларга кўра турларга бўлинади. **М.** унинг ким томонидан тайинланишига кўра, ҳуқуқий оқибатига кўра, аниқланиш тавсифига кўра ва б. бир қатор асосларга кўра турларга бўлинади. **М.** ким томонидан тайинланишига кўра қонуний, шартномали ва суд томонидан белгиланган **М.**га, ҳуқуқий оқибатига кўра ҳуқуқни вужудга келтирувчи, ҳуқуқни ўзгартирувчи ва ҳуқуқни бекор қилувчи **М.**га, аниқланиш тавсифига кўра императив ва диспозитив, мутлак аниқ, қисман аниқ ва ноаниқ, умумий ва махсус ҳамда бошқа **М.**га бўлинади. Шунингдек, **М.** фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш **М.**и, чекловчи (преклюдив) **М.**, эътироз (претензия) **М.**, қафолат **М.**и, яроқлилиқ **М.**и, мажбуриятларни бажариш **М.**ига ҳам ажратилади.

ЎзР ФКнинг 145-м.сига мувофиқ, **М.** аниқ календарь сана б-н, вақт даврлари: йиллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар б-н белгиланади. Шу б-н бирга, **М.** муқаррар юз бериши керак бўлган воқеани кўрсатиш б-н ҳам белгиланиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқида **М** – соат, кун, ой, йил б-н ҳисобланадиган вақтнинг қисми. Жиноят ҳуқуқида жазо **М.**и, жавобгарликка ва жазога тортиш **М.**и ва х.к.да қўлланилади.

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – чақирилиш ёшидаги фуқароларнинг оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида, шунингдек мукаддам ҳарбий хизматни ўтамаган офицерларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида Қуролли Кучлар сафидаги мажбурий хизматидир.

М.х.х. муддатлари календарь ҳисобида:

М.х.х.ни оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида ўтаётган ҳарбий хизматчилар учун – ўн икки ой (олий маълумотли шахслар учун – тўққиз ой);

М.х.х.ни чақирув бўйича офицерлар таркиби лавозимларида ўтаётган офицерлар учун – тўққиз ой қилиб белгиланади.

М.х.х.ни ўташ тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.си).

МУДОФАА – ЎзРнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва б. тадбирлари мажмуи (“Мудофаа тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си).

М. соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: бошқа давлатга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, тажовузнинг олдини олиш ва уни дафъ этиш, шунингдек ЎзР тегишли шартномалар б-н боғланган давлатларга ёрдам кўрсатиш ҳоллари бундан мустасно; халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда коллектив хавфсизлик тизимларида иштирок этиш; ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик; ҳарбий қурилишнинг замонавий урушлар ва қуролли можароларнинг хусусиятига монанд бўлиши; ядровий ва б. турдаги ялли қирғин қуролларини ишлаб чиқаришни, қайта ишлашни, олишни, сақлашни, тарқатишни ва жойлаштиришни рад этиш; Қуролли Кучларнинг, иқтисодиётнинг, аҳолининг, ҳудуднинг тажовузни дафъ этишга доим шай туриши; мудофаанинг етарли даражада бўлиши; ҳарбий хизмат шарафли эканлигини таъминлаш (“Мудофаа тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

МУДОФАА БУЮРТМАСИНИ БАЖАРУВЧИ – давлат буюртмачиси ёки бош ижрочи (ижрочи) б-н контракт асосида мудофаа буюртмасини бажаришда иштирок этувчи ташкилот. **М.б.б.** бўлиб тенг асосларда ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, мудофаа буюртмасини бажариш бўйича фаолиятнинг тегишли тури б-н шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар бўлишлари мумкин.

МУДОФАА БУЮРТМАСИНИНГ БОШ ИЖРОЧИ-СИ – давлат буюртмачиси б-н мудофаа буюртмаси бўйича махсулот етказиб бериш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун давлат контракти тузган ва мудофаа буюртмасини бажарувчилар б-н махсулот етказиб бериш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун шартномаларни тузаётган ташкилот. Мудофаа буюртмасини бажариш фаолиятининг тегишли тури б-н шуғулланиш учун лицензияга бўлган ташкилотлар уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, тенг асосларда бош ижрочи (ижрочи) бўлишлари мумкин.

МУДҲИШ СУД КИТОБИ (инг. Domesday Book) – Англия нормандлар томонидан истило қилингандан кейин 20 й. ўтгач, 1086 й.да Вильгельм I Истилочи ташаббуси б-н тож-тахтнинг моддий ресурсларини аниқлаш мақсадида амалга оширилган мамлакатдаги барча ерлар ва аҳолини рўйхатга олиш натижасида тузилган варақалар. Бу рўйхатга олиш халқ орасида “**М.с.к.**” деб аталган. Рўйхатга олиш давомида вотчинлар (манорлар)нинг микдорлари, ҳайдаладиган ерларнинг, манорлар чорва ва ивекорларнинг эгалари ва уни ушлаб турувчи деҳқонлар ўртасида тақсимланиши ҳақидаги рўйхатлар тўпланган эди. Рўйхатда янги норман-француз лордларининг инглиз қишлоғидаги крепостной аҳолини расмийлаштиришга интилиши равшан акс этган эди.

МУЖТАҲИД (аряб. – интилувчи, ғайрат қилувчи) – Ўрта асрларда исломда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича ҳулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс.

Сунинийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқ-шунослар М.лар деб аталади. Ислом уламолари иттифокига кўра, пайғамбар (с.а.в.)нинг кўп саҳобалари ҳам М. бўлганлар. Чунки, кейинги авлодлар улардан исломнинг аввалидаги фикхий илмларни олганлар. VIII а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб мазҳаб асосчилари ва уларнинг усулларини ишлаб чиққан издошлари М. деб атала бошланган. М.лар уч даражага ажратилган: 1) шариат даражасидаги М.(мухтаhid фи-ш-шар); у амалнётда қўллаган манбаларни ўзи аниқлаган, ўзи шархлаган, у ҳеч кимнинг эътирозини қабул қилмаслиги ҳам мумкин бўлган; 2) мазҳаб даражасидаги М (мухтаhid фи-л-мазҳаб); у ҳар қандай масалани фақат ўз мазҳаби асосчиси манбаларига суянган ҳолда ҳал этган; 3) айрим масалаларни ечиш даражасидаги М.(мухтаhid фи-т-таржих); у ўзидан аввалги М.лар ҳал этмаган масалаларни тадқиқ этиш ҳуқуқига эга бўлган. Агарда кўрилатган масала бўйича ҳукмлар бир неча бўлса, у ўзининг илмий салоҳиятига кўра, улардан бирини қувватлаши мумкин бўлган.

М. даражасига даъвогар фақиҳ фикхий билимларни муқаммал эгаллаган, бошқа М.лар б-н бўладиган мунозараларда ва оммавий чиқишларда ўз қарашларини ҳимоя қилиши лозим бўлган. Ундан ташқари М. араб тилини муқаммал эгаллаган, Қуръон ва унинг тафсириларини ёд олган, камида уч минг ҳадиси шархлари б-н билиши шарт бўлган. М. одоб-ахлоқи, турмуш тарзи намунали бўлиши лозим. М. – олий даражага эришган илм соҳиби, яъни ижтиҳодни тўлиқ эгаллаган шахс.

МУЛК ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ – к.: *Ижара шартномаси.*

МУЛК ТИТУЛИ – к.: *Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари (Мулк титули).*

МУЛК ШАКЛЛАРИ – ЎзРда мулк хусусий мулк ва оммавий М.ш.да бўлади (ЎзР ФКнинг 167-м.си).

Хусусий мулк ҳуқуқи шахсининг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди (ЎзР ФКнинг 207-м.си).

Республика мулки ва маъмурий-худудий тузилмалар мулкидан (муниципал мулк) иборат бўлган давлат мулки оммавий мулкдир. ҚРда мулкчилик муносабатлари, шу жумладан оммавий мулк муносабатлари ушбу Кодекс б-н, шунингдек ҚР қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади (ЎзР ФКнинг 213-м.си).

Ер, ерости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий бойликлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви республика органларининг мол-мулки, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва б. фондлари республика мулкдир, шунингдек корхоналар ва б. мулкый комплекслар, ўқув, илмий, илмий-тадқиқот мусассалари ва ташкилотлари, интеллектуал фаолият натижалари, башарти булар бюджет ёки давлатнинг ўзга маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган бўлса, бошқа мол-мулк республика мулки бўлиши мумкин (ЎзР ФКнинг 214-м.си).

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва б. мулкый комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш мусассалари, шунингдек бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади (ЎзР ФКнинг 215-м.си).

МУЛК ҲУҚУҚИ – шахсининг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши б-н ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг М.х.ни, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. М.х. муддатсиздир.

Мулк дахлсиздир ва қонун б-н кўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг М.х.ни бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдорнинг мол-мулкни олиб кўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. ЎзРда мулк хусусий мулк ва оммавий мулк шаклларида бўлади.

Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат М.х.нинг субъектларидир. Мол-мулк М.х. асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин. Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб М.х.ни, мол-мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари б-н белгилаб қўйилади. Ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хомашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва б. мол-мулк, шунингдек интеллектуал мулк объектлари мулк бўлиши мумкин (ЎзР ФК 164, 166–169-м.лари).

МУЛК ҲУҚУҚИДАН ВОЗ КЕЧИШ – фуқаролик ҳуқуқида мулкдорнинг ўз хоҳиш-иродаси б-н, қонун б-н мустаҳкамлаб қўйилган М.х.в.к.и. М.х.в.к. фақат мулкдорнинг мулкни тасарруф эта олиш ҳуқуқидан келиб чиқиши мумкин. М.х.в.к. аниқ кўрсатилган бошқа шахслар фойдасига ёки бундай шахслар кўрсатилмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин, лекин мулкдорнинг ўз мулк ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида бошқа шахсларга ўзга мулкдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

МУЛК ҲУҚУҚИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ АСОСЛАРИ (МУЛК ТИТУЛИ) – фуқаролик қонунчилигига кўра шахсларда муайян мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини вужудга келишига олиб келувчи турли хил ҳуқуқ яратувчи юридик фактлар. Мазкур юридик фактлар эса ўз навбатида М.х.в.к.а.(м.т.) ҳисобланади. Бундай тавсифдаги юридик фактларнинг рўйхати ЎзР ФКнинг 182-м.сида келтирилган бўлиб, унга кўра М.х.в.к.а.(м.т.) бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: меҳнат фаолияти, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва б. хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш; мерос олиш; давлат мол-мулкнинг хусусийлаштириш; эғалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат ва б. қонунга зид бўлмаган асослар. М.х.в.к.а. (м.т.) фуқаролик ҳуқуқининг тараққиёти давомида одатда икки хил усул, яъни дастлабки ва ҳосила усуллар орқали қўлга

киритилади. Ривожланган Рим хусусий мулк ҳуқуқи ҳамда минтақамизда бир неча аср ҳаракатда бўлган мусулмон ҳуқуқида ҳам мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усуллари худди шундай тарзда бўлган. Мазкур тарзда мулк ҳуқуқини қўлга киритиш усулларининг дастлабки ва ҳосилага ажратишнинг асосий моҳияти шундан иборатки, улар орқали мол-мулкни қўлга киритган шахс, яъни мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажми ва доираси белгиланади. Мол-мулкка дастлабки усулда мулк ҳуқуқини вужудга келишида мулк эгаси ҳуқуқ ва бурчларининг доираси конун б-н белгиланади, ҳосила усулда эса мулк ҳуқуқининг вужудга келиши аввалги мулк эгасининг эрки, хоҳиши, унинг ҳуқуқ ва бурчлари, тарафларнинг келишуви ва давлат бошқарув органларининг ҳужжатлари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

МУЛКҲИЙ ЗАРАР – бир томонлама ҳаракатлар ёки шартномани бажармасликдан келиб чиққан ҳолда жисмоний ёки юридик шахснинг мулкига етказиладиган зарар.

МУЛКҲИЙ ЗИЁННИ ҚОПЛАШ – ЎЗР ЖПК 304-м.сига қўра, реабилитация этилган шахсга ушбу Кодекснинг 302 ва 303-м.ларида кўрсатилган қонунга ҳилоф ҳаракатлар б-н етказилган мулкий зиён тўла ҳажмда қопланади.

Қуйидагилар қопланиши лозим бўлади:

1) реабилитация этилган шахс ўзига нисбатан содир этилган қонунга ҳилоф ҳаракатлар натижасида маҳрум бўлган иш ҳақи ва меҳнатдан топиладиган бошқа даромадлар;

2) пенсия ва нафақалар, башарти уларни тўлаш тўхта-тиб қўйилган бўлса;

3) пуллар, пул жамғармалари ва уларга тўланадиган фоизлар, давлат заёми облигациялари ва уларга чиққан ютуқлар, акциялар ва б. қимматли қоғозлар, шунингдек суднинг ҳукми, ажримига (қарорига) асосан мусодара қилинган ёхуд давлат фойдасига ўтказилган ашёлар ёхуд бошқа мол-мулкнинг қиймати;

4) суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олинган ва йўқотилган мол-мулк қиймати;

5) суд ҳукмини ижро қилиш чоғида ундирилган жарималар ва суд чикимлари;

6) юридик ёрдам кўрсатилиши учун шахс томонидан юридик маслаҳатхонага тўланган пул, шунингдек унга нисбатан содир этилган қонунга ҳилоф ҳаракатлар натижасида қилинган бошқа ҳаракатлар. Реабилитация этилган шахс вафот этган тақдирда зиённи ундириш ҳуқуқига унинг меросхўрлари, шунингдек, боқувчисини йўқотганлик пенсияси б-н таъминланиши лозим бўлганлар жумласига кирувчи онла аъзолари эга бўладилар.

МУЛКҲИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ – М.с.ш.га мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта муқофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкий манфаатлари б-н боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади. М.с.ш. бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин: муайян мол-мулкнинг йўқо-

тилиши (побуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиш хавфи; фуқаролик жавобгарлиги хавфи – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи; тадбиркорлик хавфи – тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга қўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан қутулган даромадларни ололмаслик хавфи (ЎЗР ФК 915-м.си).

МУНИЦИПАЛ КЕНГАШ – айрим мамлакатлар (Франция, Мексика, Руминия)да маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг коллегиял сайланадиган органининг номи. М.к.нинг ижро этувчи органи қондага қўра мэр ҳисобланади. Мэр М.к. томонидан сайланади. М.к. коммунал бошқариш юзасидан қарорлар қабул қилади. Хусусан, маъмурий ва социал хизмат кўрсатиш бўйича зарур муассасаларни (соғлиқни сақлаш, таълим, фуқаролик ҳолатларини рўйхатга олиш, қурилиш, йўлларни сақлаш ва х.к.) тузади.

МУНИЦИПАЛ МУЛК – давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблаглари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, қорхоналар ва б. мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек бошқа мол-мулк.

М.м. бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

М.м. бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юртиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

М.м. маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар, йиғимлар ва б. тўловлардан, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ташкил этилади.

М.м. объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин (ЎЗР ФКнинг 215-м.си).

МУНИЦИПАЛ ТУЗИЛМА – М.т. тушунчаси Ўрта асрларда Ғарбий Европа давлатларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда давлат ҳокимияти тизимида кенг қўлланилади. ЎЗРнинг ҳудудий тузилмаларига қиёсланса, М.т. атамасини ш., тум., шаҳар тум. каби маҳаллий ҳудудий тузилмаларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Гарчи ҳуқуқшунослик фанлари тизимида муниципал ҳуқуқ фани ўрганилиб, илмий жиҳатдан таҳлил этилса-да, лекин ЎЗРнинг қонунчилигида М.т. атамаси қўлланилмайди.

МУНИЦИПАЛ ҲУҚУҚ – қатор мамлакатларда конституциявий ҳуқуқнинг кичик тармоғи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариши ташкил қилиши бошқарувчи нормалар тизимини ўз ичига олади. Маҳаллий органлар ваколатлари аксарият хорижий мамлакатларда, одатда, махсус меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамланади. Қатор хорижий мамлакатлар Конс.ларида маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга бағишланган нормалар мавжуд. Мас., ГФР Асосий

Конунининг 28-м.сида ерлар, округлар, жамоаларда халқ умумий, эркин, тенг ва яширин овоз б-н сайланган ўз вакилларига эга бўлиши кераклиги, шунингдек жамоаларга конун доирасида маҳаллий ҳамжамиятнинг барча ишларини ўз жавобгарлиги остида тартибга солиш ҳуқуқи берилиши кераклиги қайд этилади.

МУНОСИБ ХУЛҚ-АТВОРДА БЎЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТИЛХАТ – эҳтиёт чораларидан бири ҳисобланиб, ЎЗР ЖПКнинг 250-м.сига биноан, айбланувчи ёки судланувчининг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, жиний фаолият б-н шугулланмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чакируви б-н етиб келиш ҳақида берган ёзма мажбуриятдан иборатдир. Тилхат берувчи шахс бундан ташқари ўз зиммасига суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ёки суднинг ижозатсиз ушбу аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик ва шу аҳоли пункти доирасида истикомат жойини ўзгартирса, бу ҳақда уларни хабардор қилиш мажбуриятини олади.

Айбланувчи ёки судланувчи ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин, бу ҳақда у тилхат олиш чоғида огоҳлантирилади.

МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ – қ.: *Фуқаронинг муомала лаёқати.*

МУОМАЛАДАГИ ТОВАРЛАР ГАРОВИ – товарларни гаровга қўйиб, уларни гаровга қўювчида қолдириш ва уларнинг умумий киймати гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилганидан камаймаслигини шарт қилиб қўйган ҳолда гаровга қўювчига гаровга қўйилган мол-мулкнинг таркиби ва асл шаклини (товар захиралари, хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр маҳсулот ва ш.к.) ўзгартриш ҳуқуқининг берилиши муомаладаги товарлар гарови ҳисобланади. Гаровга қўйилган муомаладаги товарлар кийматининг камайишига, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, гаров б-н таъминланган мажбуриятнинг бажарилган қисмига мос келадиган даражада йўл қўйилади. Гаровга қўювчи томонидан бошқа шахсларга берилган муомаладаги товарлар эгалловчининг мулкига, хўжалик юртишига ёки оператив бошқарувига ўтган пайтдан бошлаб гаров нарсаси бўлмай қолади, гаровга қўювчи томонидан олинган, гаров тўғрисидаги шартномада кўрсатилган товарлар эса – гаровга қўювчида уларга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан эътиборан гаров нарсасига айланади. Гаровга қўювчи муомаладаги товарлар гарови шартларини бузган тақдирда, гаровга олувчи гаровга қўйилган товарларга ўз белгилари ва муҳрларини босиб, тартибни бузиш бартираф қилинганга қадар улар б-н амалга ошириладиган операцияларни тўхтатиб туришга ҳақли (ЎЗР ФК 288-м.).

МУРАККАБ АЙБЛИ ЖИНОЯТЛАР – ЎЗР ЖКнинг 23-м.сига мувофиқ, агар шахснинг қасдан жиноят содир этиши натижасида эҳтиётсизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни конун каттиқроқ жавобгарлик б-н боғлаган бўлса, бундай жиноят қасдан содир этилган деб топилади.

ЎЗР ЖКда шундай нормалар мавжудки, уларда ижтимоий хавфли ҳаракат айбнинг қасд шаклида содир этил-

ган бўлиши, келиб чиққан оқибатлар эса эҳтиётсизлик орқасида юз берган бўлиши мумкин (мас., қасдан баданга оғир шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса (ЎЗР ЖК 104-м.си учинчи қисмининг “д” банди)). Бунда шахс қасдан баданга оғир шикаст етказди, ўлимга нисбатан эса эҳтиётсизликдан муносабатда бўлади, чуқки айбдор жабрланувчининг соғлиғига тажовуз қилганда уни ўлдириш нияти бўлмаган. Умуман, бу қилмиш қонунга кўра қасдан содир этилган деб ҳисобланади.

Бирок, шуни назарда тутиш лозимки, ЎЗР ЖК айбнинг фақат ички шаклини, яъни қасд ва эҳтиётсизликни назарда тутди.

Шу муносабат б-н М.а.ж. айбнинг учинчи шакли эмас, балки шахснинг жиний қилмишида қасд ва эҳтиётсизликнинг уйғунлашувидир, холос.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган ҳар бир муайян ҳолда шахснинг айбини юз берган оқибатга нисбатан белгилаш лозим. Шунинг учун, агар оқибат юз берса, унда шахснинг эҳтиётсизликдан келиб чиққан оқибатнинг юз беришида айби бўлмаса, уни юз берган оқибатлари учун жиний жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, М.а.ж.да эҳтиётсизлик фақат жазони оғирлаштирувчи оқибатларга нисбатан бўлиши мумкин, лекин М.а.ж. умуман қасдан қилинган жиноят ҳисобланади.

МУРАККАБ ИШТИРОКЧИЛИК – икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши. Олдиндан тил бириктириш деганда, жиноят иштирокчилари ўртасида жиноят содир этиш ёки жиний фаолият б-н шугулланиш тўғрисида бундай ҳаракатларни амалга оширишдан аввал келишиб олиш тушунилади. Иштирокчилик бу шаклининг асосий белгиси бўлиб, икки ёки ундан ортиқ шахснинг жиноят объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатларни содир этишдан олдин, яъни ЎЗР ЖК Махсус қисми моддасида кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаса бир шахс томонидан содир этилишидан олдин эришилган келишув ҳисобланади. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиши ЎЗР ЖК аниқ жиноят турларининг зарурий ва баҳоловчи белгиси, шунингдек жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилган. М.и. жиноят объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик) бевосита барча иштирокчилар томонидан эмас, балки улардан бири ёки баъзилари томонидан амалга оширилиши б-н тавсифланади. Бошқа шахслар жиноят объектив томонининг (хаттоки) муайян қисмини ҳам умуман содир этмайди ва унинг содир этилиш жараёнида бевосита қатнашмайди. М.и.да оддий иштирокчиликдан фарқли равишда вазибаларни тақсимлаш, яъни иштирокчилар ўртасидаги ўзаро алоканинг бошқа усуллари, бирлашувнинг бошқа характери бўлади, баъзилар жиноят бажарувчилари, бошқалари ташкилотчилар, учинчи бирлари эса бажарувчиларни жиноят содир этишга қизиқтирадиган ёки уларни жиноят содир этишига кўмаклашадилар. М.и.нинг муҳим белгиларидан бири – олдиндан тил бириктиришдир. Бунда агар жиноят иштирокчиларнинг минимал сони, яъни икки киши томонидан содир этилган бўлса, улардан бири жиноят бажарувчиси сифатида, бошқаси ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи сифатида ҳаракат қилади (ЎЗР ЖК 29-м.си).

МУРДАНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ – ЎзР ЖПКнинг 138-м.сига мувофиқ, суриштирувчи ёки терговчи мурданинг ташқи кўринишини у топилган жойда ҳолислар ва суд-тиббийёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечирилади. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда М.к.к. учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилинади.

Мурдани эксгумация қилиш куйидаги асослар мавжуд бўлганда, яъни М.к.к., уни таниб олиш учун кўрсатиш ёки ундан экспертиза текшируви учун намуналар олиш мақсадида амалга оширилиши мумкин.

Мурда топилган жойда уни таниб олиш учун кўрсатишдан аввал албатта таниб олаётган шахс сўроқ қилинган бўлиши керак. Таниб олинмаган мурдаларнинг бармоқ излари олинishi шарт. Шунингдек, мурдадан текшириш учун бошқа хил намуналар ҳам олинishi мумкин.

Таниб олинмаган мурда фақат прокурор руҳсати билангина кўмилади.

МУРДАНИ ЭКСГУМАЦИЯ ҚИЛИШ – “Эксгумация” сўзи латинча ex – дан ва humus – туپроқ, ер ҳамда немисча exhumation сўзларидан олинган бўлиб, дафн этилган мурдани, яъни жиноятга алоқаси бўлган шахснинг жасадини қайта текширувдан ўтказиш мақсадида кўмилган жойидан очиб олиш ҳаракатидир.

ЎзР ЖПКнинг 148-м.сига мувофиқ, кўздан кечириш, таниб олиш, текшириш ёки экспертизага намуналар олиш учун мурдани қабрдан чиқариб олиш зарур бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи бу ҳақда қарор чиқаради ва прокурорнинг санкциясини олади. Суд эксгумацияни суриштирув органига ёки терговчига топшириши мумкин бўлиб, бу ҳақда ажрим чиқаради.

ЎзР ЖПКнинг 149-м.сига асосан, суриштирувчи, терговчи ёки суд М.э.к.ни соғлиқни сақлаш органлари б-н келишган ҳолда ва мурда кўмилган жой вакили иштирокида амалга оширилади. Эксгумация суриштирув ёки дастлабки тергов вақтида амалга оширилаётган бўлса, ҳолисларнинг иштирок этиши шарт. Суд эксгумацияни тарафлар иштирокида амалга оширилади.

М.э.к.да суд тиббийёти соҳасидаги мутахассис шифокор, зарур бўлса, бошқа мутахассислар ҳам қатнашади. Агар экспертиза тайинланган бўлса, эксгумация ўтказишда суд тиббийёти экспертнинг иштирок этиши шарт.

Зарур ҳолларда, эксгумацияни ўтказишга гумон қилувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек мурдани таниб олиши мумкин бўлган шахслар жалб қилиниши мумкин.

Эксгумация тергов учун зарур бўлганда дафн этилган жабрланувчи, гувоҳ ва б. шахсларнинг яқин қариндошоила аъзоларининг рози-норозилигидан қатъи назар, ўтказиладиган тергов ҳаракатидир.

Баъзи ҳолларда бедарак йўқолган шахснинг “жиноят қурбони” деган версия асосида тергов қилиш жараёнида мазкур тергов ҳаракатини ўтказишга зарурат туғилади. Мурданинг дафн этилган муддатидан қатъи назар, унинг суяк қолдиқлари юзасидан криминалистик антропологиясининг махсус усуллари асосида шахси тикланиб аниқланиши мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 152-м.сига кўра, эксгумациядан ва б. процессуал ҳаракатлардан сўнг мурдани кўмиш М.э.к.

тўғрисида қарор ёки ажрим чиқарган шахс иштирокида амалга оширилади. Мурда кўмилганлиги тўғрисида баённома тузилади.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ – яқка шахс ёки жамоа томонидан давлат раҳбари ёхуд давлат ҳокимияти органига илтимоснома б-н чиқиш ҳуқуқи (парламентга нисбатан кўпроқ). М.к.х. нафақат муайян давлат фуқаросига балки, барча инсонларга тегишли бўлиб, бу ҳуқуқ яқка тартибда ёки биргаликда амалга оширилиши мумкин. Одатда, давлат ҳокимияти органларида фуқароларни қабул қилиш қулири белгиланган бўлиб, бу шароит фуқароларнинг М.к.х.ни амалга оширишга қаратилган. Давлат ҳокимияти органлари қарорларидан норози бўлган фуқаролар ушбу қарорлар устидан инсон ҳуқуқлари б-н бевосита шугулланувчи ташкилотлар (Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ)га мурожаат б-н чиқишлари мумкин. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш тартиби тегишли қонулар билан белгиланади.

МУРТАД (араб. – орқага қайтган, чекинган) – ислом тарихида диндан қайтган, ундан воз кечган, чекинган одам. Бундай одамлар энг қатта гуноҳ қилган ҳисобланади, ўлимга ҳукм қилинган.

МУСОДАРА (лот. confiscatio, confisco /fiscus/ – хазина фойдасига ўтказиш сўзларидан; инг. confiscation) – фуқаролик ҳуқуқида қонунида назарда тутилган ҳолларда мол-мулкнинг суднинг қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйилиши (ЎзР ФКнинг 204-м.си).

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати б-н ЎзР ЖКнинг жазо тизимидан мол-мулкни М. қилиш қўшимча жазоси чиқарилган. Айни вақтда, ЎзР ЖПКнинг 211-м.сига мувофиқ, жиноят қуролилари, қимга тегишлилигидан қатъи назар, М. қилиниши керак ва тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Шунингдек, жиноят нарсаи бўлган мол-мулк, башарти аввалги эгасига қайтариб берилиши лозим бўлмаса, суд ҳукми б-н давлат эгалигига ўтказилади. Бу мол-мулк топилмаган бўлса, суд ҳукми б-н, жиноят иши тугатилган бўлса, суднинг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибда чиқарган ҳал қилув қарорига кўра унинг қиймати давлат фойдасига ундирилади (ЎзР ЖПК 284-м.). Хусусий эгаликда бўлиши маъ қилинган мол-мулк иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, мулкдор тўғри ёки гайриҳуқуқий равишда қўлга киритганига қараб, у реквизиция қилинади ёки М. этилади, яъни мол-мулк ҳақини тўлаш ёки тўламаслик шарти б-н суд томонидан бундай мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга берилди (ЎзР ЖПК 289-м.).

ЎзР МЖКнинг 27-м.сига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни М. қилиш шу ашёни ҳақини тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора: тум. (ш.) суднинг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан; божхона органлари томонидан – акциз маркалари қўйилмаган тамаки махсулотлари ва алкогольни ичимликларни ЎзР худудига олиб кинрилганда, транспортировка (ҳалқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек экспорт

қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар ЎзР ташқарисига олиб чиқиб кетилаётган ҳолларда; солиқ органлари, ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютасага оид жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан – акциз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкооголли ичимликлар сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек яширин равишда ишлаб чиқарилганда. Ўқотар қурооллар ва ўқдориларни, бошқа ов қуроолларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

МУСТАМЛАКА ДАВЛАТ – метрополиялар, яъни хорижий давлатлар ҳукми остида бўлган, сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этилган, махсус тартиб ва усул асосида идора қилинадиган давлатлар ва ҳудудлар. Мустамлакачилик буюк географик кашфиётлар даврлари (XV а. ўрталари – XVII а. ўрталари) данок бошланган эди. 1492 й. Америка кашф этилгандан сўнг, испан босқинчилари Марказий Американи ва Жанубий Американинг каттагина қисмини қарам қилиб олдилар. Португалияликлар эса Ҳиндистонга денгиз орқали йўл очиб (1498), Африканинг ғарбий ва шарқий қирғоқларида таянч пунктларини ташкил қилдилар. Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқларида мустақкам ўрнашиб олдилар ва жануби-Шарқий Осиёдаги мамлакат ороларини, Ғарбий яримшарда Бразилияни забт этдилар. Мустамлакалардан олиб кетилган жуда катта бойлик ҳисобидан Европа ва Шимолий Америкада “капитализм” ривожини тезлашди. Мустамлакалар борган сари метрополияларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб, уларнинг sanoat маҳсулотлари сотиладиган бозорларига, sanoatнинг арзон хомашё манбаига айлана борди. Мас., Ҳиндистонга ип-газлама экспортни 1814 й.дан 1835 й.га қадар 65 марта кўпайган. Буюк Британия йирик мустамлакачи давлатга айланди. Ҳатто, у ўз рақибларига қарам бўлган ҳудудларга ҳам кўз олайтирди. Франция, Испания, Португалия ва Голландия ҳисобига ўз мустамлакалари сонини оширди. Буюк Британия Ҳиндистон ҳамда Сянган (Гонконг)ни босиб олди, Форс қўлтиги ва Аланда таянч пунктларини ташкил қилди. Бошқа давлатлар ҳам мустамлакачилик экспансиясини олиб борди. Франция Жазоир (1830–1848) ва Вьетнам (XIX а.нинг 50-80-й.лари)ни қарам қилиб олди, Камбоджа (1863) ва Лаос (1893) устидан ўз протекторатини ўрнатди. Рус чоризмининг мустамлакачилик экспансияси, асосан, жануби-шарқ томонга қаратилди. Ўрта Осиё ҳамда Кавказ Россия мустамлакасига айлантирилди. Россия қорхоналари учун юз минг тонналаб хомашё маҳсулотлари ташиб кетила бошланди. Улар товар ҳолатига келтирилиб, Ўрта Осиё, жумладан Туркистон аҳолисига 2-3 баробар ортик нарҳда сотиларди. Чоризм ўз мустамлака халқларини нафақат иқтисодий, балки маданий ҳамда маънавий қашшоқлаштириш усулини зўр бериб, узлуксиз амалга ошириб келди. Буюк давлатчилик сиёсатини жорий қилиш б-н маҳаллий халқларга тазийқ ўтказиб келди. XIX а.нинг I ярмида АҚШ ҳам мустамлакалар учун курашга киришади. 1876 й.га қадар босиб олиш авжга минди. Африка деярли мустамлакачилик қурбони бўлди. Хитой, Эрон, Туркия, Афғонистон, Сиам ва қатор Лотин Америкаси мамлакатлари ярим мустамлакага айлантирилди. 1914 й.да мустамлакалар ва қарам мам-

лакатлар Ер шарининг 68% ҳудудини ва 60% аҳолисини ташкил қилди. Мустамлакачиларга қарши шиддатли халқ ҳаракатлари тўхтовсиз давом этиб турган. Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда ўтган интеграциялашув ўн йилликлар мобайнида мустамлакачилик кескин ларзага юз тутди. Осиёда кўпгина давлатлар мустақилликни қўлга киритадилар. Мустамлакачилик таназзули Африка қитъасидан бошланиб, Ғарбий ярим шарга ўтди. 1956 – 1965 й.ларда Африканинг 33 мамлакати озодликка эришди. Мустамлакачилик тузуми таназзули натижасида Буюк Британия, Франция, Голландия, Бельгия мустамлакачилик империялари емирилди. Осиё ва Африканинг қатор мамлакатлари миллий мустақиллик ва эркин тараққиёт йўлидан бормоқдалар.

МУТАВАЛЛИ (араб. – ишбоши, бошқарувчи) – ислом тарихида вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор. Вақф ерларини ижарага бериш, вақф мулкига ҳўжалик ишларини юритишни ҳам М. бажарган. Хорижий Шарқ мамлакатларида М.лар хозир ҳам бор, улар вақфларни бошқаради. Айрим мусулмон мамлакатларида М. йирик зиёратгоҳлар (мақбара, мазор ва б.)ни, улардан келадиган даромадларни ҳам бошқаради. Ўзбекистонда масжиднинг ҳўжалик ва молия ишларини бошқарувчилар М. дейилади.

МУТАКАЛЛИМ – мусулмон илоҳиёт олимлари. Улар ислом диний-ақидавий таълимоти – каломни асослаб берган. Ҳозирги ислом руҳонийлари ва уламоларига нисбатан М. атамаси қўлланилмайди, у тарихий тушунчага айланган.

МУТЛАҚ ВАКОЛАТ – маълум давлат органи ёки мансабдор шахснинг давлат органлари тизимида тутган ўрнини белгилаб берувчи юридик ваколатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси. М.в. дейилганда, бирор-бир давлат органининг бошқа давлат органларига нисбатан муайян масалаларда истисно тарикасидаги ҳуқуқларга эга бўлиш тушунилади. Бу ҳуқуқ бошқа орган ҳуқуқларидан тамоман юқори даражада бўлган. Тарихда мутлақ ҳуқуқларга одатда монарх (қирол, султон, император, подшоҳ, амир, хон)лар эга бўлган. Айнан монархнинг ўзи мамлакат микёсида ҳар қандай масалани яққа ўзи ўз хоҳиш-иродаси асосида ҳал қилиш ваколатига эга бўлган.

МУТЛАҚ ҲУҚУҚ – интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан мулк ҳуқуқлар эгасининг ана шу интеллектуал мулк объектдан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқ эгасига М.х. асосида тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан бошқа шахсларнинг фойдаланишига фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги б-н йўл қўйилади.

Интеллектуал мулк объектга нисбатан М.х. эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказишга, интеллектуал мулк объектдан бошқа шахс фойдаланишига руҳсат беришга ҳақли ва агар бу ЎзР ФК ва б. қонунларнинг қоидаларига зид бўлмаса, уларни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли.

М.х.ларни чеклашга, шу жумладан интеллектуал мулк объектдан бошқа шахслар фойдаланишига имконият бериш йўли б-н чеклашга, бу ҳуқуқларни ҳақиқий эмас деб топишга ва уларни тугатишга (бекор қилишга) ЎзР ФКда

ва б. қонунларда белгиланган ҳолларда, донраларда ва тартибда йўл қўйилади.

М.х.ларни чеклаш бундай чеклаш интеллектуал мулк объектдан нормал фойдаланилишига ўринсиз зиён етказмаган ва ҳуқуқ эгаларининг қонуний манфаатларини асоссиз камситмаган тақдирдагина татбиқ этилади.

Интеллектуал мулк объектга нисбатан М.х.лар эгасига тегишли мулк ҳуқуқлар, агар ЎзР ФКда ёки бошқа қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси томонидан шартнома бўйича бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши мумкин, шунингдек бу мутлақ ҳуқуқлар мерос бўлиб ва юридик шахс – ҳуқуқ эгаси қайта ташкил этилганда ҳуқуқий ворислик тартибда ўтади.

Мулк ҳуқуқларининг шартнома бўйича ўтказилиши ёхуд уларнинг универсал ҳуқуқий ворислик тартибда ўтиши муаллифлик ҳуқуқининг ва б. бегоналаштирилмайдиган ҳамда ўзгага ўтказилмайдиган М.х.ларнинг ўтказилишига ёки чекланишига сабаб бўлмайди. Бундай ҳуқуқларнинг ўтказилиши ёки чекланиши тўғрисидаги шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Шартнома бўйича ўтказиладиган мутлақ ҳуқуқлар унда аниқлаб қўйилиши лозим. Шартномада бошқа шахсга ўтказиладиган ҳуқуқ сифатида кўрсатилмаган ҳуқуқлар, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, ўтказилмаган деб ҳисобланади.

М.х.ни унинг амал қилиш даврида чекланган вақтга бошқа шахсга беришни назарда тутувчи шартномага нисбатан лицензия шартномаси тўғрисидаги қондалар қўлланилади.

Интеллектуал фаолият натижасига ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи воситага нисбатан М.х. бундай натижа ёки хусусий аломатларни акс эттирувчи восита ифодаланган моддий объектга нисбатан мулк ҳуқуқидан қатъи назар, мавжуд бўлади.

МУТЪА – мусулмон ҳуқуқи никоҳ турларидан бири бўлиб, вақтинчалик никоҳ маъносини аниқлатади. Бурхониддин ал-Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” асарига кўра, М. бирорта аёлга “Мен сендан фалон муддатга фалонча пул эвазига (жинсий) фойдаланаман” дейишдир. Имом Молик фикрига кўра, “М. никоҳи жоиздир, чунки у қадимда мубоҳ бўлган, уни бекор қилувчи далил келмагунича мубоҳ бўлиб қолаверади”, – дейдилар. Биз эса: “М. никоҳининг бекор бўлгани саҳобаларнинг ижмоълари б-н собитдир. Чунки, Ибн Аббос ҳам ўз сўзларини ташлаб, саҳобаларнинг сўзларига қайтганлар. Шундай экан, бу масала хусусида ижмоъ собит бўлганлиги аниқ”, деб айта оламиз.

МУФАТИХ – вақф ишларини амалга оширувчи шахс.

МУФТИЙ (араб. – фатво берувчи, диний масалаларда қарор чиқарувчи) – шарият билимдони. М. диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиб бериш, шариятни татбиқ этиш борасида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга. Одатда, унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади. Илк бор М.лар ҳокимлар ва қозилар ҳузурдаги махсус маслаҳатчилар сифатида ҳалифа Умар II (717 – 720) томонидан Мисрда тайинланган, ҳар бир мусулмон мамлакатда бош М. бўлиб, у катта обрўга эгадир. М. давлат муаммоларига оид (диний жиҳатдан) ҳам, соф диний масалалар бўйича (мас., диний байрамлар ва рўзанинг бошланғич вақти ҳақида) ҳам қарорлар чиқаради.

Сўнги пайтларда аксар мусулмон мамлакатларида дунёвий ҳокимият ва аҳоли кенг оммасининг турмушдаги, иқтисодиёт ҳамда сиёсатдаги кўп янгиликларга муносабати М. қандай фатво чиқаришига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Мусулмон мамлакатларида М.лик ҳуқуқмат тайинлайдиган расмий лавозим ҳисобланади. Ўзбекистон мусулмонлари идорасига ҳам М. бошчилик қилади. У Уламолар кенгаши йиғилишида 5 й. муддатга сайланади.

МУХОЛИФАТ – турли сабабларга кўра, сиёсий ёки ижтимоий арбобларга (одатда, кўпчиликни ташкил қилувчи) нисбатан мухалиф шахслар гуруҳи. М.нинг мақсади – ўз принциплари ва қондаларини амалга ошириш ҳамда ҳокимиятга қўлга олиш. М. барча ижтимоий ва сиёсий тизимларда мавжуд. лекин улар ташкилий расмийлаштирилган ва расмийлаштирилмаган бўлишлари мумкин. Биринчи ҳолда улар мустакил гуруҳ ва партиялар тусида мавжуд, иккинчи ҳолда эса, расмий тус олишни хоҳламаган ёки ололмаган ва мавжуд сиёсатга қарши бўлмаган бошқа бирлашмалар ҳимояси остида “яширин мухалифат” шаклида мавжуд бўлади.

ЎзР Конс.си М.нинг ҳуқуқларини сиёсий плюрализмни амалга ошириш туридан бири, сўз ва уюшмалар тузиш эркинлиги ифодаси сифатида таъкидлайди. ЎзР Конс.сининг 34-м.сига мувофиқ, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи М.чи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч қим камситиш мумкин эмас.

МУШРИК (араб. – шерик келтирувчи) – Аллоҳга шерик келтирувчи, кўпхудолик тарафдори, бут, санамларга топилувчи.

МУҚОБИЛ ТЕКШИРИШ – операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини М.т.лар жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида ёхуд назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини М.т.лар хўжалик юритувчи субъектларга бормасдан туриб амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини М.т.ларга уларнинг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект б-н ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади, улардан М.т. предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 14¹-м.си).

МУҚОБИЛ ХИЗМАТ – фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятни бажаришининг қачқилув бўйича ҳарбий хизмат ўрнига иқтисодиёт, ижтимоий соҳанинг турли тармоқларида кам малака талаб этиладиган (ёрдамчи) ишларни, шунингдек фалокатлар, халокатлар, табиий офатлар ва б. фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш

ишларини бажариш б-н боғлиқ бўлган давлат хизматининг алоҳида тури. Ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, ҳарбий рўйхатда турувчи ва хизматга чақирилиши лозим бўлган фуқаролар, агар улар диний таълимоти қурола-яроқдан фойдаланиши ва Қуролли Кучларда хизмат қилишга йўл қўймайдиган, рўйхатга олинган диний ташкилотлар ҳисобида турсалар, М.х. ҳуқуқига эга. М.х.нинг муддати йигирма тўрт ойни, олий маълумотли фуқаролар учун эса ўн саккиз ойни ташкил этади ("Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 37-м.си).

МУҲАДДИС (араб. — ҳадис ривоят қилувчи) — ҳадисларни тўплаш, саралаш ва шарҳлаш б-н шуғулланган олим. Мухаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин ҳадисларни тўплаш кенг анъанага айлани бошлаши натижасида олимларнинг бир қисми бу соҳада ихтисослашган ва улар М.лар деб ном олган. Ҳадис тўпламлари ислом анъанасида эътибор қозониб, М.лар (мас., Мухаммад ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Ибн Можа ва б.) ислом тарихида машҳур бўлиб кетган. Исломда ҳадис Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланади.

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАР — ернинг ва (ёки) сув кенгликларининг (акваторияларининг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вақтинча фойдаланишдан тўлиқ ёки қисман чиқарилган участкалари.

Табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, тақрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида М.э.т.х.да муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими ўрнатилди.

М.э.т.х. биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

М.э.т.х. белгиланган мақсади ва режимига қараб қуйидаги топфаларга бўлинади: давлат қўриқхоналари; мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари; табиат боғлари; давлат табиат ёдгўрликлари; айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, тақрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар; муҳофаза этиладиган

ландшафтлар; айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар ("Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 4 ва 5-м.лари).

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ ЕРЛАРИ — қ.: *Ер фонди топфалари*.

МУҲР — ваколатли шахс томонидан унинг иродаси ёки бошқа маълумотлар ҳақиқийлигини қўшимча расмий тасдиқлаш учун фойдаланиладиган, тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланишнинг алоҳида тартиби ўрнатилган восита (ЎзР Ички ишлар вазирининг "Мухрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 2001 й. 15 септябрдаги 255-сон буйруғи (рўйхат рақами 1077-сон, 2001 й. 27 октябрь).

МУҲТАСИБ (араб. — назорат қилувчи) — Ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шарият қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриш-туриши устидан назорат қилувчи амалдор. Шарият тизимига хос мансабдор шахслар тоифасига кирган. Ўрта Осиёда бундай амалдорлар раис деб аталган. М.лар бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш, урф-одатларининг бажарилишини кузатиш, диний вазифаларни бажармаган кишилар (мас., рамазон ойида рўза тутмаганлар)ни жазолашга ҳукм чиқариш ва ўша ернинг ўзида ҳукми ижро эттириш қабилар б-н шуғулланган. М.ни одатда давлат бошлиғи тайинлаган ва у қози б-н баробар иш кўрган. Аммо, М. маъмурий жиҳатдан қозидан пастроқ лавозим ҳисобланган ва ундан анча кам маош олган. М. ш.ни *пон* б-н таъминлаш, такчил пайтларда унинг баҳосини маълум чегарадан оширмаслик, шунингдек кемалар ва ҳатто ҳаммом юк ташувчи хайвонларга қанча юк ортиганини ҳам текшириб туриш ва х.к. б-н шуғулланган. М. лавозими айрим христіан давлатлари (Қуддус қироллиги, Арманистон)да ҳам бўлган. Яқин-яқин вақтларгача (1920 й.га қадар) Бухорода М. турли вазифаларни бажариб келарди. Ўзбекистон мусулмонлари идорасида масжидларнинг моддий ва маънавий фаолиятини назорат қилиб турувчи М.лик бўлгани мавжуд.



НАЗОРАТ – ЎзРда турли давлат органларининг қонунчиликни таъминлашга оид фаолияти шаклларида бири. Н. – прокурор Н.и, суд Н.и ва маъмурий Н.га бўлинади. Прокурор Н.и барча вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокуратура амалга оширадиган Н.дир. Суд Н.и судларнинг процессуал фаолияти бўлиб, судларнинг ҳукмлари, қарорлари ва ажримлари қонунийлиги ва асослигини текширишдан иборат. Маъмурий Н. давлат бошқарув органларининг айрим бошқарув соҳаларида давлат томонидан белгиланган қоидаларга ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар риоя этишини Н. қилишдан иборат фаолиятидир.

НАЗОРАТ ИНСТАНЦИЯСИ – биринчи инстанция, апелляция ва кассация инстанцияси судининг қонуний кучга кирган қарорлари ва ажримларининг келтирган протестлар бўйича назорат тартибидан қонуний, асосли ва адолатли эканлигини қайта кўрадиган суд.

ЎзР ФПКнинг 349-м.сига мувофиқ, ЎзР барча судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари қуйидагилар келтирган протестлар бўйича назорат тартибидан қайта кўрилиши мумкин:

ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСи раиси, фуқаролик ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судлари, ЎзР Ҳарбий суди раислари ҳамда тегишинча ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСининг, фуқаролик ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судларининг, ЎзР Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСи, фуқаролик ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судлари, ЎзР Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан апелляция, кассация ажримлари бундан мустасно;

ҚР прокурори, ви.лар ва Тошкент ш. прокурорлари, ЎзР Ҳарбий прокурори – тегишли фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, тум. (ш.) судларининг, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳал қилув қарорлари ва ажримлари устидан ҳамда тегишинча ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСининг, фуқаролик ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судларининг, ЎзР Ҳарбий судининг судлов ҳайъатлари апелляция, кассация ажримлари устидан келтирган протестлар бўйича, ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСи, фуқаролик ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судлари, ЎзР Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўриб чиқилган ишлар юзасидан апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

ЎзР ОСи раисининг ўринбосарлари – ЎзР ОСи Пленумининг қарорларидан ташқари, ЎзР судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича;

ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари – ЎзР ОСи Пленумининг қарорларидан ташқари, ЎзР судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича;

ЎзР ОСи раиси – ЎзР барча судларининг ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан келтирган протестлар бўйича.

ЎзР ХПКнинг 193-м.сига асосан, ЎзР ОХСнинг Раиси ва унинг ўринбосарлари, ЎзР Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари ЎзР ҳар қандай ҳўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли, ЎзР ОХС Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

ЎзР ЖПКнинг 551-м.сига кўра, чиқарилган ҳукмлар ва ажримлар (қарорлар) б-н бирга, ишларни назорат тартибидан кўриб чиқишга улар фақат апелляция ёки кассация тартибидан кўриб чиқилганидан кейин қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки уларнинг ўринбосарлари протест билдирилгандагина йўл қўйилади. Қуйидагилар протест билдиришга ҳақли:

ЎзР ОСининг раиси – барча инстанция судларининг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан, ЎзР ОСи раисининг ўринбосарлари, ЎзР Бош прокурори, унинг ўринбосарлари – ЎзР ОСи Пленуми қарорларидан ташқари, ҳар қандай суднинг ҳукмлари ва ажримлари (қарорлари) устидан;

ҚР жиноят ишлари бўйича ОСининг раиси, жиноят ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судларининг раислари, ҚР прокурори, ви.лар ва Тошкент ш. прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар – жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) судларининг ҳукмлари ва ажримлари устидан; ишни апелляция ёки кассация тартибидан кўрган тегишинча ҚР жиноят ишлари бўйича ОСи, жиноят ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судлари судлов ҳайъатларининг ажримлари устидан, ҚР жиноят ишлари бўйича ОСи, жиноят ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судлари томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно;

ЎзР Ҳарбий судининг раиси, ЎзР Ҳарбий прокурори – округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг ҳукмлари ва ажримлари устидан, ишни апелляция ёки кассация тартибидан кўрган ЎзР Ҳарбий судининг ажримлари устидан, ЎзР Ҳарбий суди томонидан биринчи инстанция бўйича кўрилган ишлар бўйича апелляция ва кассация ажримлари бундан мустасно.

НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ТЕКШИРИШ – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қондабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текшириш.

Н.т.т. назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган ёки унинг ҳудудий бўлинмалари б-н келишилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади (“Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3 ва 15-м.лари).

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР – ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари б-н ваколат берилган вазир-

ликлар ва идоралар. Н.к.о. фаолиятини мувофиқлаштириш махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилади ва у чиқарган қарорларнинг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишга доир қисми Н.к.о. учун мажбурий ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш Н.к.о.нинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Н.к.о.нинг мансабдор шахслари конун ҳужжатларида белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилишлари лозим. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қўйидаги йўллар б-н амалга оширилади: текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш; статистика ахборотларини ва б. ахборотларни таҳлил қилиш; идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш ("Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3–7-м.лари).

НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ҲОКИМИЯТ – конституциявий ҳуқуқ фанидаги назариялардан бирига кўра, ҳокимият тармоқларидан бири. Ҳокимият бўлиниши тизимида ҳокимиятнинг конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари б-н бир қаторда алоҳида ўрин тутди. Аксарият давлатларда Н.к.х. функцияларини давлатнинг махсус олий органлари (ҳисоб палатаси, давлат назоратчилари, омбудсманлар) бажаради. Айрим мамлакатлар (ГФР, Италия, Руминия, Болгария, Монголия, Беларусь ва б. мамлакатлар)да назорат органларига конституциявий судлар ҳам қиради. Бир қанча мамлакатлар (Латвия, Эстония, Беларусь ва б.)нинг Конс.ларида назорат органлари тўғрисидаги қондалар алоҳида қондалар (бўлимлар)га ажратилган. Жумладан, ЎзР Конс.сининг 108 ва 109-м.ларида ЎзР КСининг ҳуқуқий ҳолати мустақамлаб қўйилган.

Махкамавий, маъмурий назоратдан фарқли ўларок, Н.к.х. инс.лари мустақил фаолият олиб боради. Шунинг учун ҳам, улар ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан ажратиб қўйилган. Н.к.х. органлари фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар умумий ҳулқ-атвор қондаларини белгиламайди, ташкилотчилик фаолияти б-н шуғулланмайди, муайян жинойят ишлари, фуқаролик, меҳнат ва б. низоларни кўриб чиқмайди, балки ишларнинг ҳолатини тафтиш қилиш, текшириш ва ўрганиш б-н шуғулланади. Н.к.х. органлари ташкилотларнинг оператив фаолиятига аралашуш ҳуқуқига эга эмас. Одатда, улар текширувларнинг натижалари тўғрисида давлатнинг бошқа органларига ахборот беради. Давлатнинг ушбу органлари қондаларга нисбатан тегишли қоралар кўради.

Ҳокимият мустақил тармоғи сифатидаги Н.к.х.ни ҳокимиятнинг конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари назорат қилиш ваколатларидан фарқлаш лозим бўлади.

НАМОЙИШ – фуқаролар гуруҳларининг плакатлар, транспарант (рамкага тортилган расм, шиор ва ш.к. ёзилган мато)лар ва б. кўргазмалар ташвиқот воситаларидан фойдаланган ҳолда жамоавий кайфиятини ташкилий-оммавий билдириш. Оммавий тадбирларнинг бир кўриниши ҳисобланади. Н.лар эркинлиги фуқароларнинг асосий конституциявий сиёсий эркинликларидан биридир. Фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва Н.лар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи ЎзР Конс.си 33-м.сида қаролатилган.

Демократик мамлакатларда Н.ларга, оддий пикетлардан ташқари, одатда билдириш тартиби қўлланилади, бундай ҳокимият Н.ларни ш. транспортнинг нормал ишлаши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жойларида ўтказилишини тақиқлаш ва уларни ўтказиш учун бошқа жойларни таклиф қилиши мумкин.

НАМУНАВИЙ (ОДИЙ) ЛИЦЕНЗИЯ – қ.: *Лицензия*.

НАРКОБИЗНЕС (инг. narcotic business) – наркотик моддаларни олиш ва сотиш б-н шуғулланган жиноий уюшма фаолияти.

НАРКОМАНИЯ (юн. narke; инг. narcomania) – наркотик ва психотроп моддаларни доимий истеъмол қилиш. Н. оқибатида шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолати бузилади.

НАРКОМАФИЯ (юн. parkotikos ва ит. mafia; инг. pagcomafia) – наркотик моддаларни сотиш ва олиш б-н шуғулланган жиноий уюшма. ЎзР ЖК Махсус қисмининг XIX боби "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар" деб номланиб, унда қўйидаги жинойят турларини содир этганлик учун жазо кўрсатилган: тақиқланган экинларни етиштириш – 270-м.; гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллаш – 271-м.; гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва б. ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш – 273-м.; Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш – 274-м.; Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ёки улардан фойдаланиш қондаларини бузиш – 275-м.; Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва б. ҳаракатлар – 276-м..

НАРКОТИК ВОСИТАЛАР – қ.: *Гиёҳвандлик воситалари*.

НАРСА ВА ҲУЖЖАТЛАРНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ – суриштирувчи, терговчи ва суд нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар. Кўздан кечириш техник воситалардан фойдаланилган ҳолда, башарти нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, ўтказилиши мумкин (ЎзР ЖККнинг 140-м.си). Яна қ.: *Кўздан кечириш*.

НАРХЛАРНИНГ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИНИШИ – давлатнинг бозорда нарх шаклланишига аралашуви. Н.д.т.т.с. бевосита ва билвосита усуллар б-н амалга оширилади. Бевосита усулларга нархларни лимитлаштириш ва уларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаш қиради. Н.д.т.т.с.нинг билвосита усуллари солиқ сиёсати воситаларидан фойдаланиш, илмий-тадқиқот ишларини молиялаштириш, дифференциациялашган кредит сиёсатини, давлатнинг хусусий тижорат ташкилотларига буюртмаси ва б.ни ўз ичига олади.

НАТО – қ.: *Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти (НАТО)*.

НАТУРАЛЛАШИШ – туғилгандан кейин (шахснинг илтимосига кўра, никоҳ ёки болани асраб олиш ҳолатларида) бирон-бир давлатнинг фуқаролиги қабул қилинишини билдиради. Шахснинг илтимосига кўра Н. (фуқаролиги бўлган ёки чет эл фуқароси бўлган ҳолатлар) энг кўп тарқалган. Аризаларни кўриб чиқиш тартиби ва фуқароликка қабул қилиш шартлари давлат қонунлари б-н белгиланади. Кўпчилик мамлакатлар тажрибасига кўра мазкур давлатда муайян вақт мобайнида (Англияда 70 й.), АҚШ ва Францияда 54 й., Ўзбекистонда 5 й. ва б.) яшаб туриш зарурияти, мазкур мамлакат тилини билиш, “яхши хулқ ва яхши ахлоқ”, муайян ёшга етиш, мазкур давлатда муқим яшаш учун жойлашиш истаги ва б. шартлар ҳосилдир. Бу талабларда ривожланган мамлакатлар фуқаролигини қабул қилишга сиёсий, ижтимоий, миллий ва б. сабабларга кўра кераксиз топилган шахсларнинг натураллашувига рад жавоби бериш учун асос ва сабаблар вужудга келтиришга интилиш ўз ифодасини топган. Никоҳ ҳолатида Н. ҳам асосан давлатларнинг ички қонунчилиги б-н тартибга солинади. Натижада, кўпчилик ҳолатларда турмушга чиққан аёл фуқароликдан маҳрум бўлган шахс ёки фуқароликка эга бўлган шахс ҳолатига тушиб қолиши мумкин.

НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ (лот. *natio* – халқ сўзидан; инг., фр. *nationalisation*) – фуқароларга ҳамда юридик шахсларга қарашли Н. қилинаётган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини ҳақ тўлаш асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат ихтиёрига ўтказишдан иборат.

Мазкур мол-мулк кейинчалик денационализация қилинган тақдирда, агар қонунларда ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, собиқ мулкдорлар ушбу мол-мулкнинг қайтариб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар (ЎЗР ФК 202-м.).

НАШРИЁТ ШАРТНОМАСИ – мазкур шартномага кўра бир томон – қонун ҳужжатларига мувофиқ ноширлик фаолияти б-н шуғулланувчи тижоратчи ташкилот иккинчи томон – муаллиф ёки буюртмачининг талабига кўра муайян нашр этишга мўлжалланган ижодий фаолият натижасини нашр этиш, муаллиф ёки буюртмачи эса нашриёт томонидан бажарилган ишнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Н.ш. иш бажаришга қаратилган шартнома турларидан биридир. Ушбу шартноманинг тарафлари сифатида бир томондан нашр этиш б-н боғлиқ ишни бажаришга ихтисослашган нашриёт, иккинчи томондан эса, ижодий фаолият б-н шуғулланувчи шахс муаллиф ёки унинг номидан буюртмачи иштирок этиши мумкин.

Н.ш. объектини нашр этишга тақдим қилинаётган муайян ижодий фаолият натижалари (дарслик, ўқув қўлланма, рисола, мақола, роман, қисса, шеър) ташкил этади.

Н.ш. ҳақ бараварига тузиладиган шартнома турларига мансуб.

НАҚД ПУЛЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР – фуқароларнинг турли гуруҳлари ўртасида ёки фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида амалга ошириладиган, банкотлар ва металл тангаларда ифодаланган ҳисоб-китоб. ЎЗР ФК 790-м.сига мувофиқ, фуқароларнинг тadbиркорлик фаолиятини амалга оширишлари б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда улар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ва фуқаролар иштироки-

даги ҳисоб-китоблар нақд пуллар б-н ёки нақд пулсиз суммаси чекланмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБЛАР – банк ҳисоб-варақларида тегишли суммаларни ёзиб бориш воситасида, яъни тўловчининг ҳисобварағидан олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказиш ёки ўзаро талабларни қарз суртишиш йўли б-н амалга ошириладиган тўловлар мажмуидир. ЎЗР ФК 790-м.сига кўра, юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, шунингдек фуқароларнинг тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириши б-н боғлиқ ҳолда улар иштирокидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз тартибда амалга оширилади. Агар қонунда бошқача тартиб келиб чиқмаса ва бундай тартибни фойдаланилаётган ҳисоб-китоблар шакли тақозо этмаса, Н.п.х.-к. уларда қатнашаётган шахсларнинг ҳисобварақлари очилган банклар, бошқа кредит ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Н.п.х.-к.да тегишли муносабатлар субъектлари ўртасида тўлов воситаси сифатида реал пул бирликлари (банкнотлар ва металл тангалар) иштирок этмайди. Бундай муносабатларда асосан ўзига хос символлар, яъни пул массаси муомаласи тўғрисидаги рақамли ёзувлардан фойдаланилади. Н.п.х.-к. корхоналар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро муносабатлар (реализация қилинган товарлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш), молия тизими б-н муносабатлар (солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш), кредит тизими б-н муносабатлар (банк кредитларини олиш ва қайтариш), юқори бошқарув органлари б-н муносабатлар (маблағларни идора ичида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш)ни юзага келтирувчи воситачидир.

Н.п.х.-к. қисман аҳоли даромадларини яратиш ва улардан фойдаланишга хизмат кўрсатади (даромадларнинг бир қисmini омонатларга ўтказиш, товарларга тўлов учун чеклардан фойдаланиш ва ҳ.к.). Н.п.х.-к.нинг тўғри ташкил этилиши корхона, ташкилот ва аҳоли пул даромадлари бир қисмининг бюджетга келиб тушиши ҳамда бюджет ҳисобидан узлуксиз молиялаш учун ёрдам беради. Н.п.х.-к.нинг банклар орқали амалга оширилиши мажбурийлиги банкларда кредит ресурслари ҳосил бўлишини таъминлайди, пул оборотини тезлаштиради, нақд пул оборотига ижобий таъсир кўрсатади. Н.п.х.-к.ни ташкил этиш умумий қабул қилинган айрим талабларга, яъни барча тўловларнинг ўз вақтида таъминланиши, маблағларни олувчилар б-н тўловчиларнинг шартнома ва ҳисоб-китоблар илтизомига рўя этишларини ўзаро назорат қилишлари, шунингдек ҳисоб-китоб муносабатлари устидан банк назорати учун зарур бўлган шарт-шароитларни ташкил этиш, ҳисоб-китоблардан ортиқча бўғинларни чиқариш, тўловларни амалга оширишнинг электрон усулларини жорий этиш йўли б-н ҳисоб-китоб операцияларини осонлаштириш, аҳоли нақд пулсиз ҳисоб-китобларини кенгайтириш ва ҳ.к.га жавоб бериши керак. Н.п.х.-к. иқтисодий мазмунига кўра, товар ва нотовар операциялари бўйича ҳисоб-китобларга бўлинади. Товар операцияларига реализация қилинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар учун корхоналар, ташкилотлар ўртасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар киради. Нотовар операциялар молиявий мажбуриятлар бўйича ҳисоб-китоблар (бюджетга тўловлар, банк есудаларини

тўлаш, сугурта тўловлари ва б.)дир. Н.п.х.-к. етказиб берувчи б-н харидор, етказиб берувчи б-н банк, харидор б-н банк ўртасида юзага келадиган иктисодий муносабатларни акс эттиради. Шу муносабат б-н Н.п.х.-к.га муайян хусусиятлар хос бўлиб, улар икки омил б-н боғлиқдир. Биринчидан, ҳар бир ҳисоб-китоб операцияси учун айни бир вақтда уч катнашчи мавжуд бўлиши шарт: банк, тўловчи ва олувчи. Уларнинг ҳисоб-китоб муносабатлари соҳасидаги ўзаро алоқалари кўп ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари б-н тартибга солинади. Иккинчидан, ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш тартиби ЎзР Марказий банки томонидан белгиланиб, ушбу муносабатларда у ўзига тегишли ҳуқуқролик ваколатлари берилган давлат органи сифатида катнашади. Шу сабабли ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш вақтида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи ва молия ҳуқуқи нормалари б-н тартибга солинади. Н.п.х.-к. белгиланган шаклдаги ҳисоб-китоб ҳужжатларига асосан ва тегишли ҳужжат муомаласига риоя этилган ҳолда олиб борилади. ЎзР банклари Н.п.х.-к.ни ЎзР ФК 791-м.сида назарда тутилган шаклларда ташкил этади ва амалга оширади. Банкларда ҳисоб-китоб ҳужжатларининг хусусияти ва ҳужжат айланишини ташкил этиш хусусиятига қараб Н.п.х.-к. қуйидаги шаклларда олиб борилиши мумкин: тўлов топшириқномалари б-н ҳисоб-китоблар; аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар; инкассо бўйича ҳисоб-китоблар; чеклар б-н ҳисоб-китоблар. ЎзР ФК юқорида айтиб ўтилган шакллардан ташқари қонунда назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам, шунингдек унга мувофиқ чиқариладиган банк қондалари ва банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатлари б-н ҳам амалга оширишга йўл қўяди. Н.п.х.-к. пластик карточкадан фойдаланилган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин.

НЕГАТОР ДАЪВО (лот. *negatoria in rem actio; negatory action*) – мулкдор ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузилиш эғалик қилишдан маҳрум этиш б-н боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (ЎзР ФКнинг 231-м.си). Бундай даъволар амалиётда кам учраса-да, мулкдор ҳуқуқларини ҳимоя қилишда катта аҳамиятга эга. Айниқас, ер участкаси мулкдорининг ер участкасидан фойдаланиши б-н боғлиқ ҳуқуқлари бузилганда, мазкур даъволар қўлланилиши мумкин. Шу б-н бирга, қўшничлик ҳуқуқларида ҳам ушбу даъволар татбиқ этилади.

НЕЙТРАЛ ХУДУД (инг. *neutral zone/territory*) – халқаро ҳуқуқда бирон-бир ҳудуддан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни, шунингдек муайян ҳудудда ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш ва ушбу ҳаракатларни олиб бориш учун база сифатида фойдаланишни тақиқлаш. Бунда “ҳудуд” жумласи остида ҳар доим ҳам бирон-бир давлат суверенитети остида бўлган мақом тушунилавермайди. Н.х.лар манфаатдор давлатлар ўртасидаги халқаро битим асосида ташкил этилади. Амалда, халқаро муносабатларда вақтинчалик демаркация (чегара) чизиклари бўйлаб, халқаро бўғозлар ва каналлар, орол ва б. ҳудудлар Н.х.лар деб белгиланар эди. 1881 й. 23 июлдаги Аргентина ва Чили ўртасидаги келишувга биноан Магеллан бўғози “абдий нейтралзация” қилинган эди. 1888 йилдаги Константинопол (Истанбул) конвенциясига мувофиқ Суэц канали

Н.х. деб эълон қилинган. 1977 й. 7 сентябрдаги АҚШ ва Панама ўртасидаги шартномага кўра, Панама канали “донимий нейтрал” ҳудуд деб эълон қилинган. 1920 й. 9 февралдаги Париж шартномасига биноан Шпицберген архипелагидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб ўтилган, бу эса, ушбу архипелагнинг нейтраллигини англатар эди. Антарктиканинг Н.х. деб тан олинishi 1959 й. 1 декабрдаги Антарктика тўғрисидаги шартноманинг мазмуни ва руҳидан келиб чиқади, негаки, мазкур шартномага мувофиқ Антарктика фақатгина тинчлик мақсадларида фойдаланилади ва унинг ҳудудида ҳарбий характердаги ҳар қандай тадбирларнинг амалга оширилиши тақиқланади. Ядродан холи зоналарни ҳам қисман нейтраллашган деб ҳисоблаш мумкин, сабаби, ядро қуролидан фойдаланишдан чиқарилган ҳудудлар сифатида тан олинади. Н.х.лар кўпинча ҳудудни демилитаризация қилиш б-н бирга татбиқ этилади.

НЕЙТРАЛИТЕТ (БЕТАРАФЛИК) (лот. *neuter* – у ҳам, бу ҳам эмас; инг. *neutrality*; нем. *neutralitet*) – халқаро ҳуқуққа биноан урушда иштирок этмаслик, тинчлик даврида эса, ҳеч қандай ҳарбий блокларнинг аъзоси бўлмаслик.

Бошқа давлатлар ўртасида уруш жараёни кетаётган даврда халқаро ҳуқуққа биноан нейтрал (бетараф) мамлакатлар хатти-ҳаракатларига уч хил чекловлар қўйилади:

урушаётган томонларга ўзларининг қуролини кучларидан фойдаланишга имконият бермаслик;

уруш олиб бораётган давлатларга ўзларининг ҳудудларидан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга шароит яратиб бермаслик (база, транзит, учиб ўтиш ва б.);

қурол-аслаҳа ва ҳарбий мақсадларга мўлжалланган товарларни етказиб беришда ҳеч бир томонни камситмаслик.

Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлган давлатлар орсиди доимий нейтрал (бетараф) давлатлар алоҳида ажралиб туради. Доимий Н. (бетарафлик) давлатнинг махсус халқаро ҳуқуқий мавқеи бўлиб, унга мувофиқ давлат ҳеч қандай давлат тарафида урушга киришмаслиги ҳамда уруш олиб бораётган тарафларга ҳеч қандай ҳарбий ёрдам кўрсатмаслиги зарур. Доимий Н. (бетарафлик) мақоми мазкур давлатга тинчлик вақтида ҳам маълум мажбуриятларни юқлайди. Ҳозирда Швейцария, Австрия, Лаос, Мальта, Туркменистон доимий нейтрал (бетараф) мақомига эга.

НЕТТО (ит. *netto*, сўзма-сўз – тоза; инг. *net, net weight*) – 1) товарнинг ўрамсиз соф оғирлиги; 2) ўрнатилган чегирмалар чиқариб ташланган ҳолдаги товарнинг соф нархи ёки чегирмаларсиз нарх; 3) барча харажатлар чиқариб ташланган соф фойда.

НЕУСТОЙКА – қонун ҳужжатлари ёки шартнома б-н белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси (ЎзР ФКнинг 260-м.си).

Н. тўлаш ҳақидаги талаб бўйича кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Н. б-н фақат ҳақиқий талаб таъминланади. Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор Н. тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Н. жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган ва қоида тарикасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган Н. жарима ҳисобланади.

Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз б-н ҳисобланадиган Н. пеня ҳисобланади.

Н. тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши керак.

Н. тўлаш тарафларнинг келишувидан назарда тутилган ёки тутилмаганидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган Н. (қонуний Н.)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Қонуний Н.нинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви б-н кўпайтирилиши мумкин.

НИЗОЛАРНИ ТИНЧ ЙЎЛ БИЛАН ХАЛ ЭТИШ – халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири, унга мувофиқ давлат орасидаги низолар халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остига қўймаслик учун тинч йўллар б-н хал қилиниши лозим. Биринчи бўлиб мазкур принцип 1928 й.ги Париж пактида мустаҳкамланган эди (урушдан миллий сиёсат қуроли сифатида воз кечиш тўғрисида шартнома). Унда давлатлар орасидаги барча низо ва келишмовчиликларни фақат тинч йўл б-н хал этиш лозимлиги эълон қилинган. Мазкур принципга риоя қилиниши бир қатор муҳим халқаро ҳужжатлар б-н кафолатланади: БМТ Устави, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг 1975 й.ги якуний ҳужжати ва б.. БМТнинг 1982 й.ги Низоларни тинч йўл б-н хал этиш тўғрисидаги декларациясида низоларни тинч йўл б-н хал қилишнинг қуйидаги воситалари кўрсатилган: воситачилик, халқаро арбитраж, суд орқали хал қилиш, минтақавий органлар ва кенгашларга мурожаат қилиш, шунингдек томонларнинг танловларига кўра бошқа воситалар. Н.т.й.б.х.э. принципи ЎЗР ташқи сиёсатининг Конс.да мустаҳкамланган принципларидан биридир (17-м.).

НИЗОЛИ АШЁЛАРНИ САҚЛАШ (СЕКВЕСТР) – секвестр тўғрисидаги шартнома бўйича ашёга эгалик қилиш хусусида ораларида низо чиққан икки ёки бир неча шахс низоли ашёни учинчи шахсга берадилар. Учинчи шахс низо хал бўлгач, ашёни суд қарори б-н ёки низолашаётган ҳамма шахсларнинг келишувига мувофиқ кимга тегишли бўлса, ўша шахсга қайтариб бериш мажбуриятини олади (шартнома секвестри). Низоли ашё суднинг қарорига кўра секвестр тартибида сақлаш учун топширилиши мумкин (суд секвестри). Суд томонидан тайинланган шахс ҳам, шунингдек бахслашаётган тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланадиган шахс ҳам суд секвестри бўйича омонат сақловчи бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, омонат сақловчининг розилиги талаб қилинади. Секвестр тартибида сақлашга кўчар мулклар ҳам, шунингдек кўчмас мулклар ҳам топширилиши мумкин (ЎЗР ФКнинг 900-м.си).

НИЗОЛИ БИТИМ – фуқаролик қонунчилигида белгиланган асосларга кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топган битимлар. Н.б.ларнинг содир бўлмаслиги учун: биринчидан, битимни тузувчи шахс ўз томонидан ту-

зилаётган битимнинг характерини ва ҳуқуқий оқибатларини аниқ, равшан билиши; иккинчидан, битим тузувчи шахснинг эрки ўзи томонидан, бошқа бировларнинг таъсиридан ташқари ҳолда ифодаланиши; учинчидан, битим тузувчи шахснинг эрки етарли даражада етук, мукаммал бўлиши керак. Юқорида кўрсатилган талабларга риоя қилмаслик тузилган битим тузилиши пайтида ҳақиқий саналса ҳам, кейинчалик бундай битимлар тўғрисида низо кўзгатилиши мумкин. Бундай битимлар тузилганидан сўнг тарафларга нисбатан муайян ҳуқуқ ва мажбуриятлар даъво кўзгатилгани ҳолда у ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин. Низоли битимлар жумласига, муомала лаёқати чекланган фуқаро томонидан тузилган (ЎЗР ФКнинг 120-м.си), ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро томонидан тузилган (ЎЗР ФКнинг 121-м.си), янглишиш таъсирида тузилган (ЎЗР ФКнинг 122-м.си), алдаш, зўрлик, қўрқитиш бир тараф вакилининг иккинчи тараф б-н ёмон ниятда келишуви ёки оғир ҳолатлар юз бериши таъсирида тузилган (ЎЗР ФКнинг 123-м.си), юридик шахс ҳуқуқий лаёқатидан ташқарига чиқадиغان битимлар (ЎЗР ФКнинг 125-м.си) қиради. Бундай Н.б.лар тўғрисида даъволи жабрланган шахснинг ўзи, прокурор ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ва б. ташкилотлар ҳамда айрим фуқаролар кўзгата оладилар.

НИЗОМ – муайян бир соҳадаги ижтимоий муносабатларни комплекс тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат. ЎЗР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, ЎЗР Президентининг фармонлари ва қарорлари, ЎЗР ВМнинг қарорлари ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг буйруқлари ва қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари б-н тасдиқланади ва уларнинг таркибий қисми ҳисобланади.

НИЗОМ-УЛ-МУЛК – бу унвон бўлиб, дастлаб Абу Али Ҳасан ибн Али Тусийга берилган ва у шу ном б-н машҳур бўлган. Абу Али Ҳасан ибн Али Тусий – 1018 й.и Туснинг Родкон вилоятидаги Навгон қишлоғида дунёга келган. Бошланғич таълимни айнан ўзи туғилиб, ўсган жойда олади, кейинчалик Нишопур ва Марвда ўқишни давом эттирган. Н.-у.-м. салжуқийлар шоҳи Алпарслон (1063–1072 й.ларда) саройида вазирлик мансабида ишлаб, барча давлат ишларини одилона бошқаргани учун ана шу даврда “Н.-у.-м.”, яъни мулкнинг низоми, тартиби номи б-н шуҳрат қозongan. Алпарслондан кейин Н.-у.-м. унинг ўғли Маликшоҳ (1072 – 1092 й.лар) саройида вазирлик вазифасини бажарган. Давлатнинг сиёсий ҳаётидаги бекиёс хизматлари учун Маликшоҳ уни ўз хомийси – Отабек деб атаган.

Вазирлиги даврида у олимларга, машҳур кишиларга хомийлик қилиб, ёрдам кўрсатган. Улуғ олим ва шоир Умар Ҳайём ҳам Н.-у.-м.нинг оқилона сиёсатидан баҳраманд бўлган.

Кейинчалик, бу ном давлат бошлиқлари томонидан вазирларга бериладиган унвон ҳисобланган.

НИХОХ (араб. – қўшилиш) – Н. ёшига етган, бир-бирини севадиган ва қонунга мувофиқ оила қуришни истаган эркак б-н аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқчилигига асосланган, қонуний расмийлаштирилган,

Ўзаро шахсий ва мулкӣй ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оилавий турмушда тугилган болаларни миллий истиқлол мафқураси ҳоллари асосида муносиб тарбиялашга хизмат қиладиган, умуминсоний кадрлар ва шарқона анъаналарга асосланган мустаҳкам, бир умрга тузилган эркин иттифок.

Н. оилани вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис, у фақат ахлоқ нормалари б-н эмас, балки маҳсус қонун ҳужатлари б-н ҳам тартибга солинади.

Н. тўғрисидаги қоидалар ЎзР ОКда атрофлича ифодаланган. Н. тушунчаси амалдаги оила қонунчилигида эмас, фақат ҳуқуқий адабиётларда берилган.

Ёшларнинг Н.га маънавий тайёргарлик даражаси оила мустақиллигининг муҳим гаровидир. Ёнгит ва қизларнинг Н.гача бир-бирини яхши билиши оила мустақиллигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

ЎзР ОКнинг 13-м.сига мувофиқ, Н. фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган Н. ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Н. тузиш Н.ланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади. Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар Н. тузишга руҳсат бериши мумкин. Алоҳида ҳоллар (ҳомилдорлик, бола тугилиши, бир тарафнинг касаллиги ва б.)да Н. ариза берилган куни тузилиши мумкин.

Н. тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи Н.ни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят б-н бевоқиф судга ёки бўйсунушига кўра юқори турувчи органга муурожаат қилиниши мумкин.

НИКОҲ ЁШИ – ЎзР ОКнинг 15-м.сига биноан, Н.ё. эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш қилиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳга қиришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги тум., ш. ҳокими Н.ё.ни кўпи б-н бир йилга камайтириши мумкин.

НИКОҲ ШАРТНОМАСИ – никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкӣй ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишуви.

ЎзР ОКга эр-хотинларнинг қонуний мулки б-н бирга, унинг II-бўлими 6-бобининг 29–36-м.ларида белгиланган “Эр ва хотин мол-мулкнинг шартномавий тартиби” ҳам киритилди. Бу қонданнинг қонунчилиққа киритилишининг сабаби бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, тadbиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулкчиликнинг мавжудлиги б-н боғлиқдир.

Эр-хотиннинг биргалиқдаги умумий мол-мулкига шартномавий муносабатлар татбиқ этилиши умумий тартибда ЎзР ФК 216-м.сининг биринчи қисмида белгиланган. Оила ҳуқуқининг нормалари эса, уларни ҳар тарафлама кенгайтириб берган. Булар Н.ш.нинг ҳуқуқий табиати, уни тузиш шакли, мазмуни, уни ўзгартириш, тасарруф этиш, ҳақиқий эмас, деб топиш асосларидан иборатдир.

ЎзР ФК 353-м.сининг биринчи қисмига асосан, икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви шартнома дейилади. Умумий кўринишда буздай таъриф Н.ш.га ҳам тегишли. Аммо, бу шартноманинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд.

Н.ш.нинг шаклига тегишли ҳисобланган ўзаро боғланган икки тараф ҳам ўз ҳуқуқини ўз хоҳиши бўйича эркин тасарруф этиш ҳуқуқи; эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулкӣй ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш, меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотиннинг мулкӣй ҳуқуқи бузилишини бартараф этиш, эр-хотиннинг мулкӣй ҳуқуқини таъминлаб, маълум барқарорликни сақлаб қолиш, нафақат жисмоний шахсинг, хатто давлатнинг ҳам мулкӣй манфаати қафолатланишига риоя қилишга имкон беради.

Н.ш.нинг ўзига хос хусусияти нафақат унинг шаклида, балки ички мазмунида ҳам ифодаланганидир. Улар ЎзР ОКнинг 31-м.сида келтирилган умумий қоидалар б-н белгиланиб, эр-хотинларнинг биргалиқдаги мулк тартибини ўзгартириб, унинг ўрнига эр-хотин Н.ш. асосида ўз мулкӣй ҳуқуқлари тартибини белгилаш ҳуқуқига эгадирлар.

Н.ш. ЎзР ОК 31-м.сининг бешинчи қисмига биноан, эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини, уларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга муурожаат қилиш ҳуқуқларини чеклашни, эр-хотин ўртасидаги шахсий номулки муносабатларни, эр-хотиннинг болаларга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солишни, меҳнатга лаёқатсиз таъминот олишга муҳтож эр ёки хотиннинг ҳуқуқини чекловчи қоидаларни, эр ва хотиндан бирини ўта поқулай аҳволга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тута олмайди. Акс ҳолда, биринчидан, эр-хотиндан биттасининг ҳуқуқини чеклашга, иккинчидан, ЎзР ОК 1-м.си талаблари бузилишига йўл қўйилади.

Н.ш.ни тузиш ёки тузмаслик эр-хотиннинг ўзларига тегишлидир. Агар улар Н.ш.ни тузмасалар, у ҳолда мулкӣй ҳуқуқий муносабатлари қонуний тартибда белгиланган ҳуқуқий нормалар б-н тартибга солинади.

Шартноманинг етакчилик роли ва мулкӣй муносабатларнинг янги принциплари ҳуқуқий жиҳатдан ЎзР ФКда белгилаб қўйилган.

Н.ш. фуқаролик шартномасининг алоҳида тури сифатида кўрилиши лозим, чунки ушбу ҳужжат эр-хотиннинг мол-мулки табиатини белгилаш ва ўзгартиришни назарда тутади.

НИКОҲДАН АЖРАТИШ – жамиятимизда никоҳ бир умрга тузилган аҳднома ҳисобланади. Муайян ҳолатларда, агар оила амалда бузилган, уни тиклаш учун асос йўқ деб топилса, у ажралиш асосида тугатилади. Никоҳдан ажралиш эр-хотин ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни келажак вақт учун тугатишга асос бўлади.

Н.а. суд тартибида, ЎзР ОКнинг 42 ва 43-м.ларида назарда тутилган ҳолларда эса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида амалга оширилади.

Хотиннинг ҳомилдорлик вақтида ва бола тугилганидан кейин бир йил мобайлида эр хотиннинг розилигисиз Н.а. тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас.

Н.а. тўғрисидаги ишлар суд томонидан ЎЗР ФПҚда даъво ишларини ҳал қилиш учун белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлашга ҳақли.

Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва онлани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади. ЎЗР ОКда никоҳдан ажралиш учун аниқ асослар кўрсатилган эмас. Бунинг боиси шундаки, эр ёки хотин келтирган бир асос айрим ҳолларда Н.а. учун етарли асос бўлмаслиги ҳам мумкин.

Суд амалиётидан маълумки, Н.а. учун эр-хотинлар кўпинча қуйидаги асосларни келтирадилар:

эр-хотиндан биттасини доимий равишда спиртли ичимлик ичиб, оилада жанжал чиқариши;

эр-хотинлик муносабатига хиёнат қилиш;

оилада бола туғилмаслиги;

онлавий ишларга қариндошларнинг аралашиб, жанжал чиқариши (айлиқса, қайнона-келини можаролари) ва б..

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин Н.а.га ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида ажратилади.

Эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотинга моддий таъминот бериш тўғрисида ёки уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо бўлган тақдирда эр-хотин ёки улардан бири Н.а. тўғрисидаги ариза б-н судга мурожаат этишга ҳақли.

Агар эр-хотиндан бири:

суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки акли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Агар болалар ҳақида, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкни бўлиш ҳақида ёки ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз эр (хотин)га таъминот бериш учун маблағ тўлаш ҳақида низо мавжуд бўлса, улар никоҳдан суд тартибида ажратилади.

Никоҳдан суд тартибида ажратилаётганда эр ва хотин вояга етмаган болалари ким б-н яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир қелишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

ЎЗР ОК 44-м.сининг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида қелишув бўлмаган тақдирда, шунингдек ушбу қелишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфаатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири б-н яшашини аниқлаши;

вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдорда алимент ундирилишини аниқлаши;

эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши; эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра ана шу таъминот миқдорини белгилаши шарт.

Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

Н.а. тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйини ўтказишга кетган сарф-харажатларни упдириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

НИКОҲНИНГ ТУГАТИЛИШИ – маълум юридик фактлар туфайли эр-хотин ўртасида вужудга келган никоҳ ҳуқуқий муносабатларининг тугаллашиши.

Никоҳ ҳуқуқий муносабатларига қандай юридик фактлар таъсир этишига кўра никоҳ:

а) эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган деб эълон қилиши оқибатида;

б) эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш йўли б-н, шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин (ЎЗР ОКнинг 37-м.си).

Вафот этиш юридик факт бўлиб, эр-хотин ўртасидаги никоҳ муносабатини тугаллайди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан эр-хотиндан бирини вафот этган деб эълон қилиниши ўз ҳуқуқий оқибати бўйича ўлимга тенглаштирилади. Шунинг учун вафот этган деб эълон қилинган шахс б-н унинг эри ёки хотини ўртасидаги никоҳ ҳам тугатилади.

Эр-хотиндан бири вафот этган ёки суд тартибида вафот этган деб эълон қилинган ҳолларда улар ўртасидаги никоҳнинг ҳуқуқий муносабати тугатилади. Бундай ҳолда ҳаёт бўлган томон янги никоҳга ўтиш ҳуқуқига эга. Фуқаролик қонунида белгиланган тартибда вафот этган деб эълон қилиш уни вафот этган деган эҳтимолга асосланади. Баъзи ҳолларда бу фуқаро тирик бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

ЎЗР ФКнинг 37-м.сига биноан, вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади. Шундай ҳолат ҳисобга олиниб, қонунчиликда бўлган камчилик муайян даражада бартараф этилди ва у янги ОКнинг 48-м.сида қуйидагича ифодаланади. “Суд томонидан вафот этган деб эълон қилинган ёки бедарак йўқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари бекор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкин. Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган бўлса, никоҳни тиклаш мумкин эмас”.

НИКОҲНИНГ ҲАҚИҚИЙ ЭМАСЛИГИ – никоҳни қайд этишга ҳуқуқи бўлган ҳар бир давлат органида қайд этилган никоҳ қонуний тузилган никоҳ ҳисобланади.

Оила кодексига никоҳ тузиш учун белгиланган тартиб ва шартларнинг бузилиши суд томонидан ушбу никоҳни ҳақиқий эмас, деб топилган учун асос бўлиши мумкин. ЎЗР ОКнинг 49-м.сига кўра, кодекснинг 14–16-м.ла-

рида белгиланган шартлар бузилганда (яъни, никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги, белгиланган никоҳ ёши бузилганда, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар рўй берганда), сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда, никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини иккинчисидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб б-н мурожаат этса никоҳни ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлади. ОҚда никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ҳақида мукамал тушунча берилган. Булар қуйидагилар: а) никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги бузилиши; б) никоҳ ёшига қўйилган шартга риоя қилмаслик; в) яққа никоҳлилиқ принципининг бузилиши; г) никоҳ насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида тузилган бўлса; д) муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс б-н тузилган никоҳ; е) никоҳга ўтиш вақтида оила қуриш мақсадининг сохталлиги; ж) фарзандликка олган б-н фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган никоҳ.

Келтирилган асосларга кўра ҳақиқий саналмаган ҳар бир никоҳда аниқ ҳолат бу тўғрида даъво қилувчи шахслар доираси белгиланади.

Никоҳ тузиш тўғрисида ўзаро розилиқ шартларининг бузилиши натижасида мажбур этилган аёлнинг шахсий манфаати бузилади. Шунинг учун мажбурлаш кимга нисбатан қўлланилган бўлса, бу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин. Аммо ушбу ҳолатда жамоат манфаати бузилганлиги учун даъво прокурор томонидан ҳал қилиниши мумкин. Никоҳ тузган аёл никоҳ ёшига етган бўлса, унинг ўзи, ота-онаси ёки васий (ҳомий) ва прокурор никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида даъво қилиши мумкин.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича кўриладиган иш тартиби б-н никоҳдан ажралишдаги ишнинг кўрилиш тартиби фарқ қилади.

Юқорида айтилганидек, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида эр-хотинларнинг ўзлари (ёки улардан бирортаси), шунингдек бундан манфаатдор бўлган шахслар бир қатор асосларга кўра (биринчи никоҳдан эр-хотиндан биттаси ёки унинг номидан прокурор ва васийлик органи) даъво қилиши мумкин.

Бу белги б-н никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш никоҳдан ажралишдан фарқ қилади. Чунки никоҳдан ажралиш ҳақида иш фақат эр-хотинларнинг ёки улардан бирининг ташаббуси б-н қўзғатилади. Бундан ташқари, никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш эр-хотиннинг тириклик вақтида ҳамда (никоҳдан ажралишдан фарқ қилиб) уларнинг ўлимидан сўнг (айниқса, агар даъвонинг мақсади мерос ёки пенсия олиш бўлса) йўл қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати даволатномаларини ёзиш органига юборилади.

Никоҳни тузишдаги амалдаги оила қонунчилигида белгиланган шартлар бузилган ва монелик қиладиган ҳолатларга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ажралиш йўли б-н тугатилган никоҳ оқибатларидан бир қагор масалаларда

фарқ қилади. Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда унинг кучи тугалланади, деб айтиш бўлмайди.

ЎзР ОҚнинг 55-м.сига биноан, суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган никоҳ тузилган вақтидан бошлаб ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш оқибати шахсий ва мулкий ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, вужудга келган баъзи бир мулкий муносабатлар эр ёки хотиндан бири инсофли бўлганда, у тўла бекор қилинмай, фақат ўзининг икки тарафлама мажбур этувчи характерини йўқотади. Улар инсофли эр ёки хотиннинг ҳуқуқига айланади, айбдорга эса мажбурият бўлиб қолади.

ЎзР ОҚга мувофиқ, ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ эр-хотин учун кодексда белгиланган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Никоҳи ҳақиқий эмас деб топилган шахсларнинг мулкий ҳуқуқий муносабатлари ЎзР ФК б-н тартибга солинади. Никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши шундай никоҳдан туғилган ёки никоҳ ҳақиқий эмас деб топилган кундан кейин уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига таъсир этмайди. Суд никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришда шундай никоҳ тузилиши б-н ҳуқуқи бузилган эр (хотин)ни (инсофли эр (хотин)ни) ЎзР ОҚнинг 118 ва 119-м.ларига мувофиқ хотин ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқига эга деб топишга ҳақлидир, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш вақтига қадар биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлишга нисбатан эса, ЎзР ОҚнинг 23, 27 ва 28-м.ларида белгиланган қоидаларни татбиқ этишга, шунингдек никоҳ шартномасини тўла ёки қисман ҳақиқий деб топишга ҳақлидир.

Инсофли эр (хотин) ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни коплашни фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидалар бўйича талаб қилишга ҳақли. Инсофли эр (хотин) никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, никоҳ тузиш давлат рўйхатига олинган вақтда таъналанган фамилиясини сақлаб қолишга ҳақлидир.

Ҳақиқий бўлмаган никоҳнинг вужудга келмаган никоҳдан фарқини билмок лозим.

Никоҳ тузиш учун белгиланган тартиб бузилиб, никоҳ қайд этилса, бундай никоҳ вужудга келмаган никоҳ ҳисобланади ҳамда унинг вужудга келмаганлиги ва ҳақиқий эмаслиги суд томонидан белгиланади. Ариза берилгандан сўнг бир ойлик муддатга риоя қилмаслик, никоҳни расмийлаштириш ва б. У тузилган вақтидан никоҳ тузувчиларда ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирмайди. Мас., никоҳ тузувчи эр-хотиндан биттасининг иштирокисиз никоҳни қайд этиш. Ариза бергандан сўнг бир ойлик муддатга риоя қилмаслик, никоҳни расмийлаштиришга ҳуқуқи бўлмаган шахс томонидан никоҳни қайд этиш ва б.лар шулар жумласига қиради.

ЎзР ОҚнинг 50-м.сига асосан, никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш фақат суд тартибиде амалга оширилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қароридан нусха берилётганда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга тегишли белги қўйилади.

Никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида суд чиқарган ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ўн кун ичида

ундан кўчирма никоҳ тузилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборилади.

НИКОҲСИЗ ТУФИЛГАН БОЛА – боланинг шу онадан туғилганлиги (оналик) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органи томонидан тиббий муассасанинг ҳужжатларига кўра, бола тиббий муассасада туғилмаган ҳолда эса, бошқа далилларга асосан белгиланади.

ЎЗР ОКнинг 64-м.сига биноан, ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари оталик белгиланганда болалар ота-онаси ва уларнинг қариндошларига нисбатан ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болалар б-н тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

НИСБИЙ ҲУҚУҚЛАР – эгаларига мажбуриятли шахсларнинг муайян миқдори нисбати б-н боғлиқ субъектив ҳуқуқлар. Нисбий ҳуқуқ муайян шахс ёки шахсларнинг бирон-бир хатти-харакатни содир этиш мажбурияти (мас., сотувчининг харидорга буюмни топшириш мажбурияти) б-н боғлиқ. Шунинг учун ҳам Н.х.га мажбурият ҳуқуқлари қиради.

НОВАЦИЯ (лот. novatio – янгиланиш, ўзгариш; инг. novation/innovation) – 1) фуқаролик ҳуқуқида битим томонларининг улар томонидан тузилган битта мажбуриятни бошқаси б-н алмаштириш тўғрисидаги келишуви. Тарафлар ўз ўрталаридаги дастлабки мажбуриятни бошқа нарсани ёки бошқача ижро этиш усулини назарда тутувчи янги мажбурият б-н алмаштириш (мажбуриятни янгилаш) ҳақида келишиб олсалар, мажбурият бекор бўлади. Ҳаёт ёки соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ва алиментларга нисбатан мажбуриятлар ҳусусида янгиланиш амалга оширишга йўл қўйилмайди. Агар тарафларнинг келишувига мувофиқ бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мажбуриятни янгилаш дастлабки мажбурият б-н боғлиқ бўлган қўшимча мажбуриятларни бекор қилади; 2) қандайдир янги нарса, янгиллик.

НОВЕЛЛА (лот. novellae leges – янги қонунлар; инг. novell; ит. novella) – 1) ҳуқуқда янги қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжат амалдаги қонунчиликка киритаётган ўзгартириш; 2) Рим юриспруденциясида 438 й.да Феодосий II кодексдан кейин қабул қилинган янги Конс.лар (қарорлар). Кейинчалик, Юстиниан кодекси тўртинчи қисмининг номи. Ушбу кодекс яратилган 534 й.дан кейинги қиритилган янги қонунларнинг номи. Ушбу Н.ларнинг кўпчилиги черков ҳуқуқига тегишли бўлиб, деярли фуқаролик ҳуқуқи инсларига оид масалаларни қамраб олмаган.

НОГИРОН – жисмоний, ақлий, рухий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати б-н қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Н. деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва химояга муҳтож шахс (“Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 3-м.си).

Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги унинг ўз-ўзига хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-харакатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти б-н шуғулланиш қобилияти ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлигида ифодаланади.

Шахсни, шу жумладан ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни Н. деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан, ўн олти ёшгача бўлган болаларни Н. деб топиш эса, тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан амалга оширилади.

НОГИРОН БОЛА – “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ва (ёки) рухий нуқсонлари бўлганлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати б-н ижтимоий ёрдамга, химояга муҳтож ҳамда қонунда белгиланган тартибда ногирон деб топилган бола.

НОГИРОНЛИК – ЎЗР ВМнинг 1992 й. 17 июлдаги 328-сон қарори б-н тасдиқланган Ногиرونликни аниқлаш маълумотлари рўйхатига мувофиқ ҳаёт фаолиятининг бузилиши даражасига қараб биринчи, иккинчи, учинчи Н. гуруҳи белгиланади. Н. ёшдан қатъи назар белгиланади.

Н.ни белгилаш тўғрисидаги масала диагностика, даволаш ва соғлиқни сақлаш тадбирлари ўтказилгандан кейин кўриб чиқилади.

Н. тўғрисидаги қарор клиник, психологик, ижтимоий маънавий ва касб омиллари мажмуини баҳолашга асосланади. Бунда касалланишнинг характери, функциянинг бузилиш даражаси, даволашнинг, соғлиқни тиклаш тадбирларининг самарадорлиги, нормал ҳолатдан оғишларни компенсациялаб турувчи механизмларнинг ҳолати, клиник ва меҳнат прогнози, ижтимоий мослашув имконияти, турли ижтимоий ёрдам турларига муҳтожлик, шахсият аниқланишлари, меҳнатнинг аниқ шароитлари ва унинг мазмуни, касб тайёргарлиги, ёш ва х.к. ҳисобга олинади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиясида, касалликнинг характеридан ёки нуқсонидан қатъи назар, ҳар бир ҳолда бемор организмнинг барча тизимлари ялпи текширувдан ўтказилади. Саломатликнинг аҳолини ҳамда ижтимоий мослашув даражасини объектив баҳолаш мақсадида текширувнинг функционал ва лаборатория усуллари маълумотларидан фойдаланилади, бемор б-н сўров ўтказилади, зарур ҳужжатлар таҳлил қилинади. Беморнинг касб меҳнат фаолияти иноватга олинади. Беморнинг шахсий ҳусусиятларига, ижтимоий мослашув имкониятларига эътибор берилади. Касалликни аниқлаш тиббиёт этикаси ва деонтологиясига асосланади.

Н. ҳақида қарор чиқарилаётганда илгари ўтказилган тиббий ижтимоий тадбирларнинг давомийлигини назарда тутувчи яқка тартибдаги соғлиқни тиклаш дастури тузилади.

Н., қайта тикланадиган морфологик ўзгаришлар ҳамда организм органлари ва тизимларининг функциялари бузилганда даволашнинг, соғлиқни тиклаш тадбирларининг самарадорлигини, саломатликнинг аҳолини ва ижтимоий мослашув даражасини кузатиш мақсадида Н. белгиланган вақтдан бошлаб 6 ойдан 2 й.гача бўлган муддатда ногиронлар такрорий текширувдан ўтказилади.

Барқарор, қайта тикланмайдиган морфологик ўзгаришларда ва организм органлари ва тизимларининг функциялари бузилган, касалликнинг кечишини яхшилаш ва ижтимоий мослашувни қайта тиклаш мумкин бўлмаган, ўтказилган қайта тиклаш тадбирлари самара бермаган ҳолларда Н. ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан манфаатдор ташкилотлар б-н биргаликда тасдиқланган касал-

ликлар ва анатомик нуқсонлар рўйхатига мувофиқ такрорий текширувдан ўтказиш муддати кўрсатилмаган ҳолда белгиланади. Байналмилалчи жангчилар ва Чернобыль АЭСдаги авария вақтида зарар кўрган шахсларнинг Н.и Хукуматнинг махсус қарорлари б-н тартибга солинган.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ – “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Н.и.т. жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва б. номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Н.и.т. юридик шахс бўлади. Н.и.т., агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

Н.и.т. қуйидаги ҳуқуқларга эга: ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш; ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар б-н чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш; давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш; ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш; оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш; уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш; ўз раъзий белгиларини таъсис этиш; ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш. Н.и.т. қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

Н.и.т.: қонун ҳужжатларига риоя этиши; ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот б-н танишиш эркинлигини таъминлаши; Н.и.т.ни рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаетган тадбирларга эркин кириш имконини бериши; рўйхатдан ўтказувчи солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиши шарт. Н.и.т. қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Н.и.т.лари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Н.и.т.лари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

НОМЕНКЛАТУРА (лот. nomenclatura – рўйхат, поппен – исм + calare – чақириш сўзларидан; инг. nomenclature) – 1) ҳар бир предметнинг номига шартли равишда рақамли, ҳарфли ёки ҳарфли-рақамли белги, яъни Н. рақамли кўйилган ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материал,

конструкция ва деталлар ёки товарларнинг тизимлаштирилган рўйхати. Мас., Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси; 2) юқори турувчи орган томонидан ёки алоҳида тартибда тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахслар, лавозимлар рўйхати.

НОМОДДИЙ НЕЪМАТЛАР – фуқаролик ҳуқуқи объектлари умумий тарзда иккига: моддий ва Н.н.га бўлинади. Н.н. деганда кўз б-н кўриш, қўл б-н ушлаш мумкин бўлмаган, фақатгина инсон сезгилари орқали ҳис қилиниши мумкин бўлган нарсалар тушунилади. Н.н.га, интеллектуал фаолият натижалари, хизмат ва тижорат сирлари, шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўси қиради.

НОМУСГА ТЕГИШ – зўрлик ишлатиб, кўркитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 118-м.сида жавобгарлик белгиланган.

НОРАСМИЙ ИНКОРПОРАЦИЯ – қ.: *Инкорпорация*.

НОРМАТИВ ШАРҲЛАШ – қ.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

НОРЕЗИДЕНТ – ЎзР СК 19-м.си ва “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ резидентлар жумласига кирмайдиган шахслар. Н.ларни солиққа тортиш ва қонунчилик б-н тартибга солиш режими резидентлар учун ўрнатилган режимдан фарқ қилиши мумкин ва аксарият ҳолларда давлатлараро шартномалар б-н тартибга солинади. Яна қ.: *Резидент*.

НОРМАЛ ИШ ВАҚТИ – қ.: *Иш вақти*.

НОРМАТИВ ШАРТНОМА (инг. normative contract) – бир неча ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этган келишуви. Н.ш. тарафлар манфаатлари ўзаро ҳисобга олинishi ва келишувига асосланган икки ёки undan ортик ҳуқуқ субъектларининг хоши-иродалари ифодаланиши натижасидир. Н.ш. шу б-н тавсифланадики, иштирокчилар унга ихтиёрий равишда қўшилади ва шартнома мазмунидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Н.ш. ҳуқуқнинг алоҳида манбаи (шакли) ҳисобланади. У норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўхшаса ҳам, лекин ташкил топиш хусусиятларига қараб, undan фарқ қилади. Н.ш.лар, айниқса халқаро ҳуқуқда катта аҳамиятга эга. Н.ш.ларга кирувчи халқаро шартномалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Конституциявий ҳуқуқнинг манбаси сифатида Н.ш. бир қатор миллий ҳуқуқ тизимларига, шу жумладан Россия миллий ҳуқуқ тизимига ҳам ҳосдир. Н.ш.га муҳим ижтимоий-сиёсий ва халқаро аҳамиятга эга бўлган РСФСР ва қатор бошқа давлатлар томонидан 1922 й. 30 декабрда тузилган ССР Иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома, 1992 й. 31 мартда Москвада тузилган Федератив шартномалар мисол бўла олади.

НОРАСМИЙ ШАРҲЛАШ – қ.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ – қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат.

Н.-х.х. умуммажбурий ҳулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади ҳамда ўзининг қуйидаги хусусиятлари б-н ижти-

моний нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: а) давлат номидан қонунда белгиланган тартибда қабул қилинади; б) ваколатли субъектларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг махсули ҳисобланади; в) барча учун умуммажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қилади; г) махсус процессуал тартибда амалга оширилади; д) муайян ҳужжатлаштирилган шаклга эга (қонун, фармон, қарор ва б.); е) муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган; ж) Н.-х.х.ларда ҳуқуқий қоидаларнинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари баён этилади; з) Н.-х.х.ларда мустақкамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, қуйидагилар Н.-х.х.лар ҳисобланади: а) ЎЗР Конс.си; б) ЎЗРнинг қонунлари; в) ЎЗР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; г) ЎЗР Президентининг фармонлари; д) ЎЗР ВМнинг қарорлари; е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари; ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 6-м.сига асосан, Н.-х.х.лар қуйидаги реқвизитларга эга бўлади: ҳужжатнинг тури ва номи; ҳужжат қабул қилинган жой, сана ва ҳужжат рақами; тегишли Н.-х.х.ларни имзо қўйиб тасдиқлашга расман ваколати бўлган шахсларнинг фамилияси, лавозими ва имзолари.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАСИНИНГ ЭКСПЕРТИЗАСИ – норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашнинг бир босқичи.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 18-м.сига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши шарт.

Ҳуқуқий экспертиза давомида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси ЎЗРнинг Кон.си ва қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларининг юридик экспертизаси вил.лар ва Тошкент ш. адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Кiritилган лойиҳанинг сифатига баҳо бериш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органнинг қарорига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси бошқа хил (иктисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар сифатида тегишли лойиҳани тайёрлашда илгари бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва шахслар жалб этилади. Экспертиза ўтказиш учун бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин. Экспертлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳасига баҳо беришда мус-

тақилдир ҳамда экспертиза ўтказишни топширган органнинг нуқтан назари б-н боғлиқ эмаслар.

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ЎЗР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 23-м.сига мувофиқ, қонун лойиҳаси устидаги иш тугалланганидан сўнг унинг сифатига баҳо бериш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг қарорига биноан лойиҳа ҳуқуқий ва б. хил (иктисодий, молиявий, илмий-техникавий, экология ва ўзга) экспертизадан ҳам ўтказилиши мумкин. Экспертлар қонун лойиҳасининг экспертизаси натижалари бўйича тегишли хулоса тақдим этадилар.

Экспертлар сифатида қонун лойиҳасини тайёрлашда бевосита иштирок этмаган ташкилотлар ва (ёки) шахслар жалб қилинади. Экспертиза ўтказиш учун олимлар ва мутахассислар, шу жумладан бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан олимлар ва мутахассислар таклиф этилиши мумкин.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида билдирилган ёки экспертларнинг хулосаларида баён этилган таклифлар ва мулоҳазалар тавсия хусусиятига эгадир.

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 24-м.сига асосан, қонун лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим. Ҳуқуқий экспертиза ўтказилаётганда қонун лойиҳаси нормаларининг ЎЗРнинг Конс.сига, ЎЗР қонун ҳужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади.

Ҳуқуқий экспертиза қонун лойиҳасини тайёрлаган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг юридик хизмати, шунингдек ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан ўтказилиши мумкин.

ЎЗР ВМнинг 2005 й. 14 февралдаги 62-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари улар белгиланган тартибда келишилгандан кейин ВМга киритилгунга қадар уларни қабул қилиш зарурлиги асослари (шу жумладан қонун лойиҳаси концепцияси, тегишли киёсий жадваллар) ва келишмовчиликлар (улар мавжуд бўлган тақдирда) бўйича ёзма мулоҳазалар илова қилинган ҳолда ЎЗР Адлия вазирлигига хулоса бериш учун юборилади, Адлия вазирлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига унинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги, тегишли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ички қарама-қаршиликлар ва нуқсонлар йўқлиги, шунингдек қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги юзасидан баҳо беради.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УСТИДАН МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ – қ.: *Мониторинг*.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ УСТИДАН МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МАРКАЗИ – қ.: *Мониторинг маркази*.

НОРОЗИЛИК НОТАСИ – қ.: *Дипломатик нота*.

НОСТРИФИКАЦИЯЛАШ – хорижий давлатларда таълим олганлик ҳамда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлигини қайд этиш. У ЎЗР ВМнинг 25.07.2000 й.даги 283-сон “Расмий давлат ҳуж-

жатларини тайёрлаш, ҳисобга олиш, саклаш, топшириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори б-н тасдиқланган Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низом ҳамда Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тартиби тўғрисидаги низом б-н амалга оширилади. Н. – ваколатли давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатлар эгалари тайёргарлиги даражаси мувофиқлигини белгилаш ва уларга ЎзРнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларига эга бўлган шахсларга берилгани каби академик ва (ёки) касбий ҳуқуқлар берилиши тушунилади.

Хорижий давлатларда ўрта махсус ва олий таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш ва Н. (эквивалентлигини қайд этиш) ҳамда тегишли гувоҳнома бериш бевосита ЎзР ВМ ҳузуридаги Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан амалга оширилади. Хорижий давлатларнинг умумий ўрта таълим ва унинг қуйи босқичлари ҳужжатларини тан олиш ҚР Халқ таълими вазирлиги, вил.лар ва Тошкент ш. халқ таълими бошқармалари томонидан ташкил этиладиган комиссиялар томонидан ариза ва маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, унинг нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси асосида мурожаат қилинган кундан бошлаб энг кўпи б-н икки ҳафта муддатда амалга оширилади. Комиссия хулосаси Бошқармага юборилади ва уч кун муддат ичида тегишли қарор қабул қилишга асос бўлади. Комиссиялар бутун ўқув йили давомида фаолият кўрсатади ва ўз иши ҳақида Бошқармага ҳисобот беради.

Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни Н.да ушбу давлатларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатлари тан олингандан кейин уларнинг ЎзР давлат таълим стандартларига мослиги аниқланади. Эквивалентликини қайд этиш жараёни махсус экспертиза орқали ўтказилади. Махсус экспертиза қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: ўқув режалари ва дастурларининг мазмуни ҳамда мувофиқлиги; кириш синовларининг мавжудлиги; имтиҳонлар ва синовлар тизими; таълим олувчининг ўқиш давридаги баҳолари (эришган натижалари, рейтинги, ўзлаштириши); ўзлаштирилган фанлар ҳажми (фанларнинг номи ва соатлар миқдори); амалиётнинг мавжудлиги ва унинг давомийлиги; якуний малака аттестациясининг мавжудлиги ва даражаси; битирув малака ишининг мавжудлиги; қўшимча таълимнинг мавжудлиги.

Олинган билимлар ва тажриба якуний тайёргарлик нуқтаи назаридан ўқув режалари ва таълим услубиятида бўлиши мумкин бўлган фарқларни эътироф этган ҳолда баҳоланади. Эквивалентлик тўғрисидаги хулоса қуйидагилар асосида қабул қилинади: таълим тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш тўғрисидаги ижобий хулоса; ЎзР ва таълим тўғрисидаги ҳужжат берилган мамлакатдаги таълим тузилмасига қўйилган умумий талабларнинг мослиги; таълим мазмунининг мослиги тўғрисидаги экспертизанинг ижобий хулосаси.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг эквивалентлиги ҳақидаги ЎзР томонидан имзоланган халқро ва давлатлараро битимлар ва шартномалар мавжуд ҳолларда эквивалентлик тўғрисидаги хулоса мазкур халқро битимлар ва шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

Хорижий давлатлар аттестация органлари томонидан 1992 й. 1 январдан кейин ЎзР фуқаролари ҳамда ЎзРда доимий яшаб ва ишлаб турган чет эл фуқароларига берилган илмий даража ҳақидаги ҳужжатлар ЎзР Олий аттестация комиссияси томонидан нострификацияланади (қайта аттестациядан ўтказиш асосида тенглаштирилади).

Илмий даража ҳақидаги дипломлари ЎзР Олий аттестация комиссиясида нострификацияланган фуқаролар ЎзРда олий малака ҳақидаги ҳужжат эгалари учун амалда қўлланилаётган ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланишга ҳақлидирлар. Нострификацияланмаган олий малака ҳужжатлари ЎзР ҳудудда ҳақиқий ҳисобланмайди.

ЎзР Олий аттестация комиссияси Раёсатининг олий малака ҳақидаги ҳужжатларни Н. тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ҳудудда кучга қиради. Ҳужжат эгаларига Олий аттестация комиссияси Раёсатининг қарори асосида ЎзРнинг илмий даражалар дипломлари берилди.

НОТА – қ.: *Дипломатик нота.*

НОТАРИАЛ АЛМАШУВИ – қ.: *Дипломатик нота.*

НОТАРИАЛ ОКРУГ – қ.: *Нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (Нотариал округ).*

НОТАРИАЛ ТАСДИҚЛАНГАН БИТИМЛАР – ЎзР ФКнинг 105-м.сига мувофиқ, битимлар овзаки ёки ёзма (оддий ёки нотариал тасдиқланган) шаклда тузилади.

“Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 34-м.сига мувофиқ, нотариал тасдиқланган битимлар нотариус иштирокида имзоланади. Агар фуқаро жисмоний нуксон, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битимни ўз қўли б-н имзолай олмаса, битимни унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаронинг ҳужжатни ўз қўли б-н имзолай олмаганлиги сабаблари ёзиб қўйилиши лозим. Башарти, нотариал идоранинг йиғма-жилдларида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг ваколатлари текширилганлиги ҳақида маълумотлар, имзоларнинг шахсан мурожаат қилинган вақтда олинган намунаси бўлса ва уларнинг имзолари ҳақиқийлигига шубҳа туғилмайдиган бўлса, нотариус бу мансабдор шахсларнинг ўзлари келишини талаб қилмаслиги мумкин.

Битимларни нотариал тасдиқлаш ЎзР ФКнинг 107-м.си талабларига мос келадиган ҳужжатда нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли б-н амалга оширилади.

Қўйидаги ҳолларда битимларни нотариал тасдиқлаш шарт:

- 1) қонунда кўрсатилган ҳолларда;
- 2) тарафлардан бирининг талаби бўйича.

НОТАРИАТ (инг. system of notary public offices) – битимларни тасдиқлаш, мерос ҳуқуқини расмийлаштириш, ҳужжатларни гувоҳлантириш, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, ижро

хатларини ёзиш, ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаходатлаш ва шу каби қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи орган.

“Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, ЎзРда Н.нинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли б-н химоя қилишни таъминлашдан иборатдир. ЎзРда нотариал ҳаракатларни ушбу Қонунга мувофиқ давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади. Давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариуслар идораларининг реестрини ЎзР Адлия вазирлиги юритади.

НОТАРИУС (лот. notarius – котиб, ёзиб боровчи; инг. notary) – “Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, ЎзРда Н. лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идорасида ёки хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи Н. ҳузурида камида бир йиллик муддатли стажировкани ўтаб, малака имтиҳонини топширган, нотариал фаолият б-н шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ЎзР фуқароси тайинланади. Н.нинг олий юридик маълумотли стажёри ва ёрдамчиси бўлиши мумкин. Тегишли давлат нотариал идорасига стажёр ва ёрдамчини ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида ҚР Адлия вазирлиги, вил.лар ва Тошкент ш. адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади. Хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи Н. меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасидан стажёрни, шунингдек ёрдамчини мустақил тарзда ишга қабул қилишга ҳақлидир. Юридик мутахассислик бўйича камида уч йиллик иш стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати тегишинча ҚР Адлия вазирлиги, вил.лар ва Тошкент ш. адлия бошқармаларининг қарори б-н қамайтирилиши мумкин. Бундай ҳолларда стажировка муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак. Стажировкадан ўтиш тартиби ЎзР Адлия вазирлиги томонидан белгиланади. Н.лар давлат нотариал идорасида ишлашдан ёки хусусий амалиёт б-н шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадир. Н.лар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга.

НОТАРИУСНИНГ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ ХУДУДИ (НОТАРИАЛ ОКРУГ) – “Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 16-м.сига мувофиқ, нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (нотариал округ) ЎзРнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Тум.ларга бўлинган ш.ларда тегишли ш.нинг бутун ҳудуди нотариал хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳисобланади. ҚР Адлия вазирлиги ёки тегишли адлия бошқармаси содир этилиш жойи қонун ҳужжатларида белгиланган нотариал ҳаракатларни бажариш юзасидан нотариус ўз вазифаларини амалга оширишга ҳақли бўлган ҳудудни белгилаб беради. ҚР Адлия вазирлиги, вил.лар ва Тошкент ш. адлия бошқармалари аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, нотариуснинг ва-

колатларни амал қиладиган ҳудудни ўзгартириши мумкин. Кўрсатилган ҳудуд доирасида нотариуснинг ўз иш жойи бўлиши шарт. Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақлидир. “Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 37, 44, 51, 52, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93-м.ларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлмайди. Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда васиятно-мани тасдиқлаш учун нотариус ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақлидир.


НОТИФИКАЦИЯ (лот. notificare – хабардор қилмоқ; инг. notification) – халқаро ҳуқуқда Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик (консуллик) ваколатхонаси, халқаро ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан давлатнинг маълум бир масала юзасидан нуқтан назари ёки сиёсий ва ҳуқуқий фактлар баён қилинган расмий билдиришидир. Н. халқаро ва дипломатик амалиётда кенг тарқалган. Баъзи ҳолларда у халқаро ҳуқуқий оқибатни келтириб чиқаради ва халқаро ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вужудга келиши ёки тугатилишига сабаб бўлади. Айрим ҳолларда Н.даги ҳолатлар Н. шартномасида назарда тутилган бўлади ва халқаро шартномани қабул қилиш, ратификация ва унга қўшилиш ёки рад этиш ва ҳ.к.даги зарурий ҳолатлардан бири бўлиб ҳисобланади.

НОТЎҒРИ РЕКЛАМА – ишониклиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида, рекламани тарқатиш вақти, жойи ва усулига нисбатан қўйилган талабларни ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талабларни бузиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни қалғитувчи ёки қалғитиши мумкин бўлган шахсларга, шунингдек давлатга зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган реклама нотўғри (нисофсизлик, била туриб ёлгон ишлатиш) реклама ҳисобланади. Н.р. тақиқланади. Рекламани нотўғри деб топиш тўғрисидаги қарорни ЎзР Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари қабул қиладди (“Реклама тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 15-м.си).

НОТЎҒРИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ – қ.: *Ёлгон гувоҳлик бериш.*

НОУ-ХАУ (инг. know-how – қандай бажаришни билиш) – технологияни, тизимни, ишлаб чиқариш линиясини ва ҳ.к.ни ишлаб чиқариш ёки ўзлаштириш вазифаларини хал этиш учун зарур бўлган махсус (техник, технологик ва б.) билимлар, тажриба, ишлаб чиқариш сирларини умумлаштирувчи техник ижоднинг қўпчиликка маълум бўлмаган махсули.

НУЛЛИФИКАЦИЯ (лот. nullificatio – йўқ қилиш; инг. nullification) – 1) давлат томонидан ўз қимматини йўқотган қозғол пулларни ҳақиқий эмас деб эълон қилиш; 2) қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш, бекор қилиш.



ОБЛИГАЦИЯ (лот. obligatio – мажбурият; инг. finance bond, obligation) – О.ни сакловчининг О.нинг номинал кийматини ёки бошқа мулккий эквивалентини О.ни чиқарган шахдан О.да назарда тутилган муддатда олишга, О.нинг номинал кийматидан кайд этилган фоизни олишга бўлган ҳуқуқини ёхуд бошқа мулккий ҳуқуқларини тасдиқловчи эмиссиявий қимматли қоғоздир (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ОБЛИГО (ит. obbligo – қарз, мажбурият) – 1) векселлар бўйича умумий қарзнинг миқдори; 2) шахслар томонидан банкка ҳисобга олиннадиган векселлар бўйича қарздорлик ёзиб бориладиган ёки банк операциялари бўйича миқдорнинг барча қарзлари кўрсатилган банк китоблари.

ОБРОГАЦИЯ (лот. obrogatio) – амалдаги қонунга алоҳида ўзгартиришлар киритиш.

ОБСТРУКЦИЯ (лот. obstructio – тўсик, халал; инг. filibuster, obstruction) – 1) шовқин кўтариш, ишга тааллуқли бўлмаган узундан-узук нутқ сўзлаш орқали йиғилиш, мажлис ва х.к.ларни бузишга қаратилган, кўпроқ парламентча эътироз тури, қураш услуби; 2) бирор нарсани оқичдан-оқик бузишга қаратилган ҳаракатлар.

ОБЪЕКТИВ ТОМОН – қ.: *Жиноятнинг объектив томони.*

ОВОЗ БЕРИШ – қ.: *Сайловда овоз бериш.*

ОГОХЛАНТИРИШ – тарбиялаш мақсадида амалга ошириладиган таъсир чораси. О. ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар келгусида жамиятга зид хатти-ҳаракатни содир этмаслиги ҳақида оғзаки ёки ёзма (расмий) равишда кўрсатиб ўтилишидир, бунда шахсни содир этиши мумкин бўлган ҳаракати учун қайси турдаги жавобгарликка тортилиши ҳам тушунирилади.

ЎзР МЖКнинг 21-м.сида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, шу ишни кўриб чиқишга ваколати бўлган орган (мансабдор шахс) ҳуқуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни О. б-н қифояланиши мумкинлиги назарда тутилган.

“Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 37 ва 42-м.ларида прокурор назорати ҳужжатлари сифагида “огохлантирув” кўрсатиб ўтилган. Прокурор фуқароларнинг қонун б-н кўриқланадиган манфаатларига, ҳуқуқ ва эркинликларига, жамият ҳамда давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тайёрланаётганлиги ҳусусида ишончли маълумотлар мавжуд бўлганда ҳуқуқбузарлиқнинг олдини олиш мақсадида мансабдор шахслар ва фуқароларни қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида ёзма равишда огохлантиради ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни тушутиради.

Огохлантирув тўғрисида прокурор юқори турувчи органга (мансабдор шахсга), шунингдек огохлантирув эълон қилинган шахснинг иш, ўқиш жойи бўйича иш бе-

рувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилишга ҳақли.

“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 15-м.сида мувофиқ, ушбу Қонун талабларини ва адвокатлик фаолиятини тартибга солиб турувчи бошқа қонун ҳужжатларини бузганлик учун адвокатга нисбатан малака комиссиясининг қарорига биноан О. тарзидаги интизомий чора қўлланилиши мумкин.

ОДАМ САВДОСИ – куч б-н таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, куллик ёки кулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

ЎзРнинг 2008 й. 17 апрелдаги ЎРҚ–154-сон “Одам савдосига қарши қурашиш тўғрисида”ги Қонунда О.с.га қарши қурашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Унга асосан О.с.га қарши қурашиш – О.с.нинг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, О.с.дан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият эканлиги белгилаб қўйилган.

О.с. б-н шуғулланувчи шахс – мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида О.с. б-н боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари б-н О.с.га қўмақлашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши қурашиши шарт бўлса ҳам О.с.га тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши қурашмайдиган мансабдор шахс.

О.с. учун ЎзР ЖКнинг 135-м.сида жавобгарлик белги-ланган.

О.с. халқаро ҳусусиятга эга жиноят бўлиб, унга қарши қураш зарурати халқаро ҳамкорликни талаб этади. ХХ а.нинг биринчи ярмида ушбу масала бўйича бир қатор битимлар тузилган. Кейинчалик, улар “Одамлар савдоси ва фоҳишабозликдан ўзгаларнинг фойдаланишига қарши қураш тўғрисида”ги Конвенция (Нью-Йорк 1949 й. 2 декабрь) б-н алмаштирилди. Конвенция БМТ Бош Ассамблеясининг 317/IV-сон резолюцияси б-н маъқулланган. ЎзР ушбу Конвенцияга ЎзР Олий Мажлиснинг 2003 й. 12 декабрдаги 576-II-сон қарори б-н қўшилган. Конвенциянинг 1 ва 2-м.сида унинг иштирокчилари зиммасига айбдор шахсларни жазога тортиш мажбурияти юқлатилган ҳаракатлар санаб ўтилган.

Бундан ташқари, ЎзРнинг 2008 й. 8 июлдаги ЎРҚ–160-сон Қонуни б-н Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиловчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 й. 15 ноябрь) тўлдирувчи О.с.нинг айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол ратификация қилинган.

ОДАМ ТЕРИ ҚАТЛАМИНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ

– О.т.к.э.га флексор чизиклар, фалангалараро қатламлар, ингичка қатлам-ажинлар, поралар, папилляр чизиклар ва бу чизикларни ўзаро ажратувчи чуқурликлар қиради.

ОДАМ ҲАҚИДА – ҳуқуққа ҳилоф равишда қасддан ёки эҳтиётсизликдан бошқа кишини ҳаётдан маҳрум қилишдир. Ёш, соғлиғи, яшаш қобилиятидан қатъи назар, ҳар қандай кишининг ҳаёти жиноят қонуни б-н қўриқланади. О.ўнинг объекти ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланади. Объектив томондан О.ў. ҳаракат ёки ҳаракатсизликда амалга оширилади. О.ў. қасддан ёки эҳтиётсизликдан амалга оширилиши мумкин. Агар шахс ўзгани ҳаётдан маҳрум қилишда ўз қилмишининг ижтимоий ҳавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий ҳавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган ёки уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса қасддан одам ҲАҚИДА деб топилади. Ўз-ўзига ишопиш ёки бепарволик орақсида ўзгани ҳаётдан маҳрум қилиш эҳтиётсизлик орақсида О.ў. деб топилади.

ОДАМ ҲАҚИДА – яширин, ошқора, алдов йўли б-н ёки ишонччи суниетёмол қилиб ёхуд бошқа усулда уни шахсий эркинлигидан маҳрум этиш (мас., бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, муайян бир жойда зўрлик б-н сақлаш ва х.к.) тушунилади. ҲАҚИДА усуллари жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди. Объектив томондан жиноят ЎЗР ЖК 245-м.сида назарда тутилган аломатлар мавжуд бўлмаган ҳолда О.ў.да ифодаланади. Одамни унинг шахсий эркинлигидан маҳрум қилиш вақтидан бошлаб жиноят тугалланган ҳисобланади. Гаровга олиш мақсадида, одамни қўлга киритиш О.ў. йўли б-н содир этилганда, айбдорнинг ҳаракатларини бошқа муқаррар белгилар мавжудлиги ҳолатларида фақат ЎЗР ЖК 245-м.си бўйича квалификация қилиш зарур.

ОДАМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ УЧУН УЛАРНИ ҲАҚИДА – қ.: *Одам савдоси.*

ОДАМҲАҚИДА – қ.: *Каннибализм (Одамҳақида).*

ОДАТ – 1) давлат пайдо бўлишидан аввалги уруғ-қабилла муносабатлари шаронтида ахлоқни бошқаришнинг асосий шакли; 2) узоқ муддат давомида фактик қўлланилиши натижасида вужудга келган меъёрлар ва анъаналар мажмуаси (араб. – анъана). Ислоом динини қабул қилган халқларда О. шарият қонунлари б-н бир қаторда жамият ҳаётини тартибга солишда муҳим роль ўйнаган. О. кўпинча иқтисодий ва ахлоқий ҳаётнинг турли томонларига, оила ва турмуш тарзига тааллуқли бўлади. Ислоомга қадам мавжуд анъаналардан келиб чиққанлиги сабабли у ислом оламининг турли жойларида турлича қўрилишларга эга. Халқимизнинг О.лари (урф-О.лар) ичида соф халқчил, фуқаролик, инсонийлик хусусиятига эга бўлганлари ҳам, шунингдек, ислом диний элементлари аралашиб кетганлари ҳам бор; 3) давлатларнинг халқаро микросоцида умумий амалиёти бўлиб, у ҳуқуқий томондан риоя қилиниши зарур деб тан олинмайди. Бу б-н О. халқаро-ҳуқуқий нормалардан ажралиб туради. Жумладан, О.га давлат ва ҳуқумат раҳбарлари учрашувининг элчилик маросими ва халқаро ахлоқ нормаларини мисол қилиш мумкин. О. халқаро-ҳуқуқий русумлар ёки ҳуқуқнинг шартнома нормасига айлантирилганидан кейингина халқаро-ҳуқуқ нормаси, яъни халқаро музо-

караларнинг барча қатнашчилари учун зарур бўлган ахлоқ қоидалари деб тан олинishi мумкин;

ОДАТ ҲАҚИДА – маълум давлат, жой ёки этник ва ижтимоий гуруҳда узоқ муддат давомида такрорий қўлланилиши натижасида юзага келган ижтимоий муносабатларни бошқарувчи ёзилмаган ахлоқ қоидалари мажмуи. О.х. давлатлар пайдо бўлишидан аввалги жамиятдаги урф-одатлар натижасида шаклланган.

ОДИЙ (ОДАТДАГИ) АКЦИЯЛАР – эгасига дивиденд олиш, жамиятнинг умумий йиғилишларида ва жамиятнинг бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини берувчи, овоз берувчи акция.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 28-м.сига мувофиқ, жамиятнинг ҳар бир оддий (одатдаги) акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради. О.(о.)а.нинг эгалари бўлмиш акциядорлар Қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига қараб барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи б-н иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса жамият мол-мулкнинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эгадир.

Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади (“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 56-м.си).

ОДИЙ ДИСПОЗИЦИЯ – жиноят таркибининг белгилари ифодаланмасдан, жиноятнинг умумэтироф этилган номи кўрсатилади. Мас., қамқондан ёки қўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиш жинояти (ЎЗР ЖК 222-м.сининг биринчи қисми). Бундай диспозицияда жиноятнинг белгилари очиб кўрсатилмайди. Баъзан бундай диспозициялар “номланувчи диспозиция” деб ҳам аталади.

ОДИЙ ИШТИРОКЧИЛИК – ЎЗР ЖКнинг 29-м.сига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши. Бу шаклни бошқалардан ажратиб турувчи муҳим белгилардан бири – олдиндан тил бириктиришнинг йўқлигидир. Жиноят олдиндан тил бириктирмай содир этилган деб топишда оддий иштирокчилик иштирокчилари ўртасида вазифаларнинг тақсимланган бўлишига қарамай ҳар доим биргаликдаги бажарувчилик (О.и.) эканлигига асосланиш лозим. О.и.да қасд пайдо бўлиши б-н у амалга оширилади. Иштирокчиликнинг мазкур шакли учун жиноят содир этишдан олдин тил бириктиришнинг имкони йўқлиги б-н боғлиқ сабабларга кўра ҳамжихатликнинг минимал даражаси ҳосилдир. Иштирокчиликнинг бу шакли муайян шахслар томонидан амалга ошириладиган тажовузга бошқа шахсларнинг қўшилиши мумкинлигини назарда тутати.

ОДИЙ РЕЦИДИВ – жиноят ҳуқуқида умумий қоидаларга кўра, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиш.

ОДИЙ ШАРҲЛАШ – қ.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

ОДИЙ ШИРКАТ – О.ш. шартномасига мувофиқ вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат. Яна қ.: *Оддий ширкат шартномаси.*

ОДДИЙ ШИРКАТ ШАРТНОМАСИ – О.ш.ш. (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортик шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз хиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар. Фақат якка тадбиркорлар ва (ёки) тижорат ташкилотлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган О.ш.ш.нинг тарафлари бўлишлари мумкин. О.ш.ш. ёзма шаклда тузилиши лозим (ЎЗР ФКнинг 962-м.си).

Шериклар томонидан уларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида олинган фойда, агар О.ш.ш.да ёки шерикларнинг бошқа келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шерикларнинг умумий ишга қўшган хиссалари қийматига мутаносиб равишда тақсимланади. Шериклардан бирортасини фойдада иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги келишув ўз-ўзидан ҳақиқий эмас (ЎЗР ФКнинг 968-м.си).

О.ш.ш. куйидагилар оқибатида бекор бўлади: шериклардан бирортаси муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб эълон қилинганда, агар О.ш.ш.да ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақланиб қолиши назарда тутилмаган бўлса; шериклардан бирортаси ночор (банкрот) деб эълон қилинганда, ЎЗР ФК 970-м.сининг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно; шерик вафот этганда ёки оддий ширкат шартномасида иштирок этаётган юридик шахс тугатилганда ёхуд қайта ташкил этилганда, агар шартномада ёки кейинги келишувда қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда шартноманинг сақланиб қолиши ёхуд вафот этган шерикнинг (тугатилган ёки қайта ташкил этилган юридик шахснинг) унинг меросхўрлари (ҳуқуқий ворислари) б-н алмаштирилиши назарда тутилмаган бўлса; шериклардан бирортаси оддий ширкатнинг муддатсиз шартномасида бундан буён иштирок этишдан воз кечганда, ЎЗР ФК 970-м.сининг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно; муддат кўрсатилган ҳолда тузилган оддий ширкат шартномаси шериклардан бирининг талаби б-н ўзи ва қолган шериклар ўртасидаги муносабатларда бекор қилинганда, ЎЗР ФК 970-м.сининг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно; оддий ширкат шартномасининг муддати ўтганда; шерикнинг улуши унинг кредитори талаби б-н ажратилганда, ЎЗР ФК 970-м.сининг иккинчи хатбошисида кўрсатилгани бундан мустасно; ЎЗР ФКда ёки шартномада назарда тутилган бошқа асосларда (ЎЗР ФКнинг 970-м.си).

О.ш.ш. бекор бўлганда шерикларнинг умумий эгаллиги ва (ёки) фойдаланишига бериб қўйилган ашёлар, тарафларнинг келишуви б-н бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, уларни бериб қўйган шерикларга ҳақ тўламасдан қайтарилади. О.ш.ш. бекор бўлган пайтдан бошлаб унинг иштирокчилари учинчи шахсларга нисбатан бажарилмаган умумий мажбуриятлар бўйича солидар жавобгар бўладилар. Шерикларнинг умумий улуши мулкда турган мол-мулкни ва уларда юзага келган умумий талаб қилиш ҳуқуқларини тақсимлаш ЎЗР ФКнинг 223-м.сида белгиланган тартибда амалга оширилади. Умумий улуш-

ли мулкка хусусий аломатлари б-н белгиланган ашёни қўшган шерик оддий ширкат шартномаси бекор бўлганда, қолган шериклар ва кредиторларнинг манфаатларига риоя этилиши шарт б-н, бу ашёни ўзига қайтаришни талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 971-м.си).

ОДИЛ СУДЛОВ – давлат бошқарувини ташкил этишнинг бир шакли. О.с. давлатда содир этилган жиноятлар ва вужудга келган фуқаролик ишларига оид масалаларни одилона, қонун асосида кўриб чиқиб ҳал этишдир. О.с. жиноят-процессуал ва фуқаролик процессуал қонунлар талаблари асосида амалга оширилади. ЎЗР Конс.сининг XXII бобида суд ҳокимиятининг амалга оширилиши баён этилган бўлиб, 106-м.да жумладан шундай дейилади: “ЎЗРда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмалардан мустақил ҳолда иш юритади”. ЎЗР суд тизими ўзига хос тарзда шакллантирилган. ЎЗР суд тизими беш йил муддатга сайланадиган ЎЗР КСи, ЎЗР ОСи, ЎЗР ОХС, ҚР фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, ҚР хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вил. ва Тошкент ш. судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, ш. судлари, харбий ва хўжалик судларидан иборат.

Бу судларнинг асосий фаолият йўналиши қонун асосида О.с.ни амалга оширишга қаратилгандир. Яъни, суд жараёнининг фақат қонун асосида олиб борилиши; суд муҳокамасининг (қонунда белгиланган ҳолатлардан ташқари) очиқ олиб борилиши; томонларнинг иштирокисиз суд олиб борилмаслиги; суд иштирокчиларининг барчасига тегишли ҳуқуқ берилиши ва мажбуриятлар юклатилиши одил судловни амалга оширишга яратилган асослар бўлиб ҳисобланади.

О.с. – ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг асосий йўналиши. Уни фақат суд алоҳида процессуал тартибда, ҳуқуқбузарларга нисбатан давлат мажбуриятини, жумладан, жиноий жазони қўллаш орқали амалга оширади.

О.с. фақатгина муҳим масалалар бўйича умуммажбурий қарорларни қабул қилиш б-н тугалланадиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолият (функцияси)нинг маъсул йўналиши бўлибгина қолмай, балки унга бир қатор ўзига хос белгилар ҳам тааллуқлидир. Ушбу жараён у ёки бу идоралар ёхуд мансабдор шахснинг хоҳишига кўра иш кўриш эмас, балки аниқ усуллар б-н амалга ошириладиган фаолиятдир. “Судлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 65-м.сида мувофиқ судьялар мансабдор шахслар ва фуқаролардан О.с.ни амалга ошириш б-н боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш, мансабдор ва б. шахслардан О.с.ни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни олиш ҳуқуқига эга.

О.с.нинг ўзига хос белгиси бўлиб, давлат фаолиятининг мазкур тури қонунда назарда тутилган ўта муҳим тартибга риоя қилиш б-н амалга оширилади. О.с.нинг муҳим жиҳатларидан яна бири унинг фақатгина суд органлари (судьялар) томонидан амалга оширилишиндир. Бошқа ҳеч қайси орган ёки мансабдор шахс ушбу фаолиятни бажариш ҳуқуқига эга эмас. Шунини инобатга олиш керакки, “суд” сўзи б-н номланадиган ҳар қандай муассаса О.с.ни амалга

ошира олмайди. Чунончи, учлик судлари, шариат судлари, халқаро тижорат арбитраж суди, ахборот низолари бўйича суд палатаси ва б. О.с. органи ҳисобланмайди.

ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва одил судлов органларининг нормал фаолият кўрсатишига қарши қаратилган жиноятлар йиғиндиси бўлиб, ЎЗР ЖК Махсус қисмининг XVI бобида белгиланган. О.с.к.ж.ларга айбсиз кишини жавобгарликка тортиш (230-м.), адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқариш (231-м.), суд қарорини бажармаслик (232-м.), банд солинган мулкни қонунга ҳилоф равишда тасарруф этиш (233-м.), қонунга ҳилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш (234-м.), қийноққа солиш ва б. шафқатсиз, ғайрининсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш (235-м.), тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралаштириш (236-м.), ёлғон хабар бериш (237-м.), ёлғон гувоҳлик бериш (238-м.), суриштирув ёки дастлабки тергов маълумотларини ошқор қилиш (239-м.), жиноят процессини юритиш қатнашчиларининг ўз зиммасидаги вазифани бажаришдан бўйин товлаши (240-м.) ва жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш (241-м.)лар қиради.

ОДИЛЛИК – ҳуқуқнинг энг асосий принципларидан бири. Жамиятда ўрнатилган ҳуқуқ одил бўлиши лозим, шундагина шахслар ушбу ҳуқуқга риоя қилишлари мумкин. Ҳуқуқ одил бўлгандагина жамиятнинг барча аъзолари учун мақбул бўлади.

О. принципи – бу жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одиллона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиги даражасига мувофиқ келишидир. “Одиллик” фалсафий-ахлоқий тушунчаси ижтимоий ҳодисаларга ёки кишиларнинг хатти-ҳаракатларига жамият, давлат ёки айрим шахсларнинг муносабатларини ифодалайди. Шунга кўра, жиноят ҳуқуқида одиллик жиноятчиликка ва айрим кишилар содир этадиган муайян жиноятларга ижтимоий-салбий ҳодиса сифатида муносабатда бўлади.

Содир этилган жиноятга белгиланадиган ҳуқуқий таъсир чорасининг одиллона эканлиги қуйидаги мезонларга кўра аниқланади: 1) жиноятнинг оғирлиги; 2) айбнинг даражаси; 3) шахснинг ижтимоий хавфлилиги.

Жиноятнинг оғирлиги қонун чиқарувчининг жиноят ҳуқуқи нормаларининг санкцияларида ифодаланган муайян жиноят турининг моҳияти ва ижтимоий хавфлилигини баҳолашидир. Қонун чиқарувчи орган у ёки бу жиноят турини оғирлигига кўра гуруҳларга бўлишда, зарар келтирадиган ёки зарар келтиришга чинакам хавф тугдирадиган ижтимоий муносабатларнинг аҳамиятлигига қараб, унинг ижтимоий хавфлилигини аниқлайди. Айни пайтда, у жиноят оқибатларининг оғирлиги, айбнинг шакли, жиноят субъектига тааллуқли шахслар тоифаси, шунингдек жиноят таркибининг объектив ва субъектив белгиларига кўра ҳам жиноят турини аниқлайди. Жиноятнинг ижтимоий мазмунини акс эттирадиган ижтимоий хавфнинг хусусияти ва даражаси муайян модданинг санкцияларида ёки ЖК Махсус қисмидаги моддаларнинг қисмларида ифодаланган бўлиб, улар ЖКнинг 15-м.сида кўрсатилган жиноятни таснифлаш негизига киритилган.

Юқоридагилардан кўринадики, содир этилган қилмишнинг оғирлиги тўғри баҳоланган ҳоллардагина унга мувофиқ одил жазо чораси белгиланади. Бу эса кўзда тутилган тегишли ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи ҳар бир жиноят тоифасини аниқлашга ёрдам беради.

Айб даражаси деганда, муайян жиноятнинг барча руҳий мазмунлари йиғиндисини баҳолашни тушунмоқ лозим. Руҳий мазмунни акс эттирадиган субъектив жиҳатларга айбнинг шакли, турлари, мотивлари, мақсадлари, ҳиссий ҳолатлари қиради. Мазкур тавсифларнинг йиғиндисини иноватга олиш содир этилган қилмишга ҳолис баҳо бериш ва энг одил жавобгарлик чорасини таълаш имконини беради.

Айбдорнинг ижтимоий хавфлилиги, жавобгарлик одиллигининг мезонларидан бири сифатида, шахснинг ҳам салбий, ҳам ижобий хусусиятларини биргаликда ҳисобга олиб, баҳолашни тақозо этади.

ОДОРОЛОГИЯ (лот. odor – ҳид + юн. logos – сўз, таълим сўзларидан) – шахсни аниқлашга қаратилган ҳидлар ҳақидаги таълимот. Криминалистикада, асосан изкувар (ҳид сезувчи) итларнинг ҳид билиш қобилияти ёрдамида жиноят содир этиш жойида бўлган ва ўзининг ҳиди ҳақида ахборот қолдирган шахслар, шунингдек, буюмлар, излар, нарсалар аниқланади. Кейинги йилларда ҳидларни инструментал усулда текширишга қаратилган изланишлар олиб борилмоқда.

О.нинг предметини ҳиднинг табиати, келиб чиқиши, уни сақлаш ва текшириш қонуниятларини ўрганиш ташкил қилади. Ҳид изларини билиш тармоғи ва унинг жиноятни очишда ишлатилиши суд О.си деб аталади. О. одорологик экспертизанинг илмий асоси ҳисобланади. Криминалистикада О.ни қўллаш баҳсли масалалар. Уни тезкор-қидирув фаолияти учун аҳамияти инкор қилинмасда, далилий моҳияти шубҳа остига қўйилади.

ОЖИЗ АҲВОЛДАЛИК – ўзига нисбатан содир этилаётган тажовузни англаса-да, жисмоний нуқсонлар туфайли қайтара олмаслик ёки руҳий нуқсонлар туфайли уни англамаганлиги натижасида қайтара олмаслик.

ОЗ МИҚДОРДА ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ – мулкчилик шаклидан қатъи назар қорхона, муассаса, ташкилотларнинг мол-мулкни ўғирлаш, ўзлаштириш, растрата қилиш, мансаб лавозимини суистеъмол қилиш ёки фирибгарлик йўли б-н О.м.т.-т.к.. Башарти, талон-торож қилинган мулкнинг қиймати энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ошмаса, бундай талон-торож О.м.т.-т.к. деб ҳисобланади. Бунинг учун МЖКнинг 61-м.сида маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ – маҳкумни жамиятдан ажратиб жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборат жиноий жазо тури.

О.м.к. олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, ЎЗР ЖК 50-м.сининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли О.м.к. йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-м.нинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-м.нинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга О.м.к. жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

О.м.к. ушбу ЎЗР ЖКнинг 60-м.сида назарда тутилган бир неча жазоларни қўйиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

О.м.к.га ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ЎЗР ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган О.м.к. энг кўп муддатининг тўртдан уч қисмидан ортик бўлиши мумкин эмас.

О.м.к.га ҳукм қилинаётган эркакларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жинояти, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жинояти учун ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун О.м.к.га ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) қасддан оғир жиноят содир этганлик ва ўта оғир жинояти учун биринчи марта О.м.к.га ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари қасддан содир этган жинояти учун О.м.к. тарикасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда;

г) ўта хавфли рецидивистларга нисбатан жазони махсус тартибли колонияларда ўташ тайинланади. Умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилганлар, шунингдек афв этиш тартибида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси О.м.к. б-н алмаштирилган шахслар ҳам жазони махсус тартибли колонияларда ўтайдилар.

О.м.к.га ҳукм қилинаётган аёлларга нисбатан:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганларга ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан жазони манзил-колонияларда;

б) оғир ва ўта оғир жиноят учун жазони умумий тартибли колонияларда;

в) илгари О.м.к. тарикасидаги жазони ўтаб чиқиб, янги содир этган ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинаётганларга, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади.

Турмага камаш тарикасидаги О.м.к., жазонинг муайян қисмига, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга:

а) ўта хавфли рецидивистларга;

б) оғир ёки ўта оғир жинояти учун беш йилдан ортик муддатга О.м.к.га ҳукм қилинган шахсларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганлик, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этганлик ва қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлик учун О.м.к. тарикасидаги жазо ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга нисбатан, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Суд томонидан жазони манзил-колонияда ўташи тайинланган маҳкум сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган тақдирда, суд уни жазонинг ўталмаган қисми муддатига умумий тартибли колонияга ўтказди.

О.м.к.да қамокдан фарқли равишда жамиятдан ажратиб гуриб озодликдан маҳрум қилиш давомий характери

эга бўлиб, маҳкумнинг илгариги ижтимоий алоқаларининг йўқоғилишига, одатдаги ҳаёт тарзига чуқур таъсир кўрсатади. О.м.к. асосий жазо бўлиб ҳисобланади, яъни у бир вақтнинг ўзиде у ёки бу бошқа асосий жазо б-н бирга татиқ қилина олмайди, бундан сўнггисининг оғирлик даражаси аҳамиятга эга эмас. О.м.к. тегишли моддаларнинг санкцияларида кўрсатилмаган ҳолларда қўлланиши мумкин эмас. Шунингдек, ахлоқ тузатиш ишларини ўташдан бўйин товлаганлик учун жазони О.м.к.га алмаштириш мумкин. О.м.к. ўзиде маҳкумнинг жамиятдаги чеklangан ҳуқуқий ҳолатини акс эттириб, давлатнинг бошқа барча мажбурият чораларидан, шунингдек қамокдан ҳам фарқланади. Маҳкумнинг О.м.к.даги ҳуқуқий ҳолатининг чекланиши комплекс характерга эга бўлиб, ўзиде жамиятдан ажратишнинг жисмоний ва маънавий элементларини, шунингдек белгиланган жамиятдан ажратишни кузатиш мақсадида маҳкумга берилган бошқа чекланган ҳуқуқ ва эркинликларни намоён қилади. Шунинг б-н бирга, белгиланган маҳрумлиқлар меҳнат фаолиятини танлашнинг чекланишида, дам олиш ва иш вақтини белгилашни чегаралашда, ҳаракатланиш эркинлиги даражасини, учрашувларни, қилкаларни олиш ва юборишни чегаралаш қабиларда намоён бўлади. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилинганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ва профилактик таъсир чораси қабилар ҳам қўлланилади. О.м.к.нинг марказий омилларидан бири унинг муддати ҳисобланиб, бу муддат давомида маҳкумнинг ҳуқуқий ҳолатига чекловлар ўрнатилади. ЎЗР ЖКнинг 50-м.си бу муддатнинг максимал ва минимал чегараларини аниқлайди. О.м.к. ҳолларида судлар муддат белгилашнинг мажбурийлигига эътибор қаратиб, ҳукмда маҳкумнинг озодликдан маҳрум этилиши муддатининг бўлмаслиги жиноят қонунчилигининг жиддий бузилиши деб ҳисобланиб, ҳукмнинг бекор қилинишига олиб келиши мумкинлигини ҳам назарда тутишлари керак.

ОИЛА – “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”, – дейилади ЎЗР Конс.сида. О. жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайрасини ташкил этади. Жамият катта-кичик О.лардан иборат. Бу О.лар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

О. – бу эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар, фарзандликка олинган шахсларнинг ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ҳамжиҳатлик асосида жамоа бўлиб яшовчи шахслар иттифоқидир.

“Оила, – дейди ЎЗР Президенти И.Каримов, – ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу б-н бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи”.

ЎЗР Президенти И.Каримов ўзбек О.сининг ўзига хос хусусиятларини эътироф этиб шундай дейди: “Оила – жамиятнинг негизи. Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушунишимиз мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик б-н меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. О. турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, ўзининг кўп эрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негиз-

ларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва кадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнилари омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий кадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”.

ОИЛА АЪЗОЛАРИ – оилавий муносабатларга асосланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахслар. О.а. эр-хотинлик муносабатига асосланади ва бир-бирлари б-н қон-қариндошлик муносабати б-н боғлиқ кишиларнинг ихтиёрий бирлашган гуруҳидан иборат бўлади. Оила никоҳга қараганда кўпроқ кишиларни бирлаштиради, яъни никоҳ икки кишини боғлаган бўлса, оила ўз ичига бир неча, баъзан ўнлаб кишиларни бирлаштиради. Оила муносабатлари қариндошлик алоқаларининг кенг кўламида намоён бўлади: эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука, опа-сингил, ака-сингил, опа-ука, қайнота-қайнона, куёв ва келин, шунингдек, қайнсингил, қайноға, қайнини, қайнэгачи ва б.. Никоҳдан фарқли ўларок, оила қатъий равишда тузилиш ва тугатилиш санасига эга эмас. Янги аъзо қўшилиши ёки О.адан бирортасининг кетишидан қатъи назар, оила ўз ҳаёт фаолиятини давом эттиради, фақат тузилиши, таркиби бир оз ўзгарган бўлади.

ОИЛА КОДЕКСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси*.

ОИЛА ҲУҚУҚИ – ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, у оила аъзолари, яъни эр-хотинлар, ота-оналар, болалар, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, васийлар ва ҳомийлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартиби, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги оилавий муносабатларни тартибга солади.

О.х.нинг предмети бўлиб, оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатлар ҳисобланади.

Шахсий муносабатларга, эр-хотиннинг фамилияси, болалар тарбияси, оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, машғулот тури, касб ва турар-жой танлаш ҳуқуқлари кирди. Мулкӣ муносабатларга эса, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган умумий мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулкӣ ҳисобланади.

Ота-она ҳамда болаларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ва б. шахсларнинг алимент мажбуриятлари кирди.

О.х. никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқӣ эмаслиги, оилада эр ва хотин ўртасида, ота-она б-н болалар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келиб чиқадиган шахсий ва мулкӣ муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оилага тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатларни, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқӣ нормалар йиғиндисидан иборат.

ОИЛАДА ҲУҚМРОНЛИК – оилада ҳуқуқ ва мажбуриятларни, тарбия тизимини тақсимлаш шакли. Оила-

даги ҳуқмронликни куйидагиларга ажратиш мумкин: эгалитар оила, бунда эр-хотин муҳим оила муаммоларини катта ёшдаги болалари б-н биргаликда ҳал этади. Бундай оилада мажбуриятлар адолатли тақсимланади, ўзаро ҳурмат ва тарбиянинг демократик усуллари ҳуқмронлик қилади. Авторитар оилада оила бошлиғи, асосан отага сўзсиз итоат мавжуд бўлади, аёлга нисбатан пастроқ муносабатда бўлинади, унга фақат аёлларга хос ишларгина, яъни уй-рўзғор ташвишигина қолдирилади, бундай оилада “ҳарбийлашган” тарбия усули тан олинади, ҳолос.

ОИЛАДАГИ ЗУРАВОНЛИК – оила-турмуш доирасида оила аъзоларидан бирининг турмуш ўртоғига, ота-онасига, ака-укаларига ёки бошқа қариндошларига зуғум ўтказиши. Баъзи ҳолларда О.з. натижасида қотиллик, оғир ва б. турдаги тан жароҳати етказиш ҳуқуқбузарликлари содир этилади.

ОКУПАЦИЯ (лот. occupatio; инг. occupation) – ҳарбий ҳаракатлар даврида халқаро низолашаётган томонлардан бирининг бошқа томон ҳудудини вақтинчалик эгаллаши. 1907 й.даги Куруқликда уруш олиб бориш қонун ва одатлари тўғрисидаги IV Гаага конвенцияси, 1949 й.даги Уруш даврида фуқаро аҳолини химоя қилиш тўғрисидаги IV Женева конвенцияси, шунингдек, 1949 й.даги Женева конвенцияларига Халқаро қуроли можаролар қурбонларини химоя қилишга доир 1977 й.даги Қўшимча протоколда ҳарбий О.нинг белгиланган даврида мавжуд ҳокимият ўз моҳиятига кўра амалдаги ва маъмурий ҳокимият ҳисобланиб, эгаллаб олинган ҳудудда иложи борица агар бунинг учун энгил бўлмас тўсиқлар мавжуд бўлмаса мамлакатдаги амалдаги қонуларни ҳурмат қилган ҳолда ижтимоий ҳаёт ва тартибни қайта тиклаш ва таъминлаш ҳуқуқи ва мажбуриятига эга. О. маъмурлари қўли остидаги аҳолини ўзининг мамлакатига нисбатан душманлик ҳаракатларини олиб боришга мажбур қилиш ҳуқуқига эга эмаслар ва бу фуқароларнинг шаъни, оилавий ва мулкӣ ҳуқуқларини, диний эътиқодларини ҳурмат қилишлари лозим. Фуқароларнинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлигига таҳдид солиш, асир олиш, аҳолининг ҳаёт кечириш манбаларидан маҳрум этиш ва б. шу турдаги хатти-ҳаракатлар тақиқланади. 1949 й.даги Женева конвенцияларига Халқаро қуроли можаролар қурбонларини химоя қилишга доир 1977 й.даги Қўшимча протокол қоидалари О. қилинган ҳудуддаги барча аҳолига нисбатан ирки, миллати, диний, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, ҳеч қандай камситишларсиз бир хилда татбиқ этилиши лозим. Ҳарбий О. аннексия ҳисобланмайди ва халқаро ҳуқуққа кўра бунинг учун ҳуқуқӣ асос ҳисобланмайди. 1949 й.даги Женева конвенцияларига 1977 й.даги Қўшимча протоколдаги ҳарбий О.га тааллуқли асосий нормалар халқаро ҳарактерда бўлмаган қуроли можаролар даврида О. қилинган ҳудудлардаги аҳолига нисбатан ҳам қўлланилади.

ОКРУГ – конституциявий ҳуқуқда хар хил маънода қўлланидиган тушунча. Мас.: 1) автоном О. – РФдаги миллий-давлат тузилмаси (миллий-худудий тузилма), РФ субъекти. 1977 й.гача – миллий О.; 2) бир қанча давлатлар (мас., Исландия, Португалия, Россия)да маъмурий-худудий бирлик; 3) ҳарбий маъмурий-худудий бирлик – ҳарбий О.; 4) айрим соҳаларда бошқарув ёки назорат ҳудуди: мактаб (ўқув) О., тоғ О. ва б.; 5) одил судловни амал-

га ошириш ҳудуди – суд О.; 6) сайлов бирлиги. Мисол учун, ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга сайлов ўтказиш учун мамлакатда бир юз йигирмата ҳудудий сайлов О.и тузилади. Яна қ.: *Сайлов округи*.

ОЛДИ-СОТДИ – фуқаролик ҳуқуқидаги энг кўп тарқалган муносабатлардан бири бўлиб, у О.-с. шартномаси шартлари асосида вужудга келади. Яна қ.: *Олди-сотди шартномаси*.

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ – О.-с.ш. бўйича бир тараф (сотувчи) товарни бошқа тараф (сотиб олувчи) га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, сотиб олувчи эса бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган пул суммаси (баҳоси)ни тўлаш мажбуриятини олади (ЎзР ФКнинг 986-м.си). Шартнома, агар қонунда бошқача ҳол белгиланган бўлмаса ёки у товарнинг хусусиятидан келиб чиқмаса, шартномани тузиш пайтида сотувчида мавжуд бўлган товарни, шунингдек келажакда сотувчи яратадиган ёки оладиган товарни олиш-сотиш ҳақида тузилиши мумкин (ЎзР ФКнинг 386-м.си). Агар шартнома товарнинг номи ва миқдорини аниқлаш имконини берса, товар тўғрисидаги О.-с.ш.нинг шarti келишилган ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 387-м.си). О.-с.ш.нинг алоҳида турларига махсулот етказиб бериш шартномаси, давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, контрактация, энергия б-н таъминлаш шартномаси, кўчмас мулкни сотиш шартномаси, корхонани сотиш шартномаси киради. О.-с.ш.да шартноманинг предмети, миқдори, сифати, асортименти, баҳоси ҳақидаги келишувлар муҳим аҳамиятга эгадир. Одатдаги фуқаролик муомаласи шароитларида О.-с.ш.нинг предмети эркин муомаладаги объектлар бўлиши лозим. Сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган товарнинг миқдори О.-с.ш.да тегишли ўлчов бирликларида ёки пулда назарда тутилади. Товарнинг миқдори тўғрисидаги шарт шартномада уни аниқлаш тартибини белгилаш йўли б-н келишилиши мумкин. Агар О.-с.ш.га кўра товарлар муайян асортимент (тур, модель, ўлчам, ранг ва б. белгилари) бўйича муайян нисбатда топширилиши лозим бўлса, сотувчи товарларни сотиб олувчига тарафлар келишган асортиментда топшириши шарт. Сотувчи сотиб олувчига сифати О.-с.ш.га мос келадиган товарни топшириши шарт. Сотиб олувчи товар учун тарафларнинг келишуви б-н белгиланган баҳода ҳақ тўлайди. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тегишли ваколатга эга бўлган давлат органлари белгилайдиган ёки тартибга соладиган баҳолар (тарифлар, расценкалар, ставкалар ва х.к.) қўлланилади.

ОЛИБ ҚЎЙИШ – қ.: *Олиб қўйиш ва тинтув*.

ОЛИБ ҚЎЙИШ ВА ТИНТУВ – тергов ҳаракатлари. ЎзР ЖПКнинг 157-м.сига мувофиқ, жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, суриштирувчи, терговчи ва суд уларни олиб қўйишга ҳақлидир.

ЎзР ЖПКнинг 158-м.сига асосан, суриштирувчи ва терговчи бирор турар жой, хизмат, ишлаб чиқариш биносидан ёки ўзга жойда ёхуд бирор шахсда иш учун аҳамиятли бўлган нарса ёки ҳужжатлар бор деб ўйлаш учун етарли маълумотга эга бўлган тақдирда тинтув ўтказишга ҳақлидир.

Тинтув қидириладиган шахсни, шунингдек мурдани топиш учун ҳам ўтказилиши мумкин.

Олиб қўйиш ёки тинтув суриштирувчи ёки терговчининг қарори ёхуд суднинг ажримига кўра ўтказилади, бунда улар олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишни суриштирув органига ёки терговчига топширишга ҳақлидирлар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда бу ҳаракатлар қаерда ва кимникида ўтказилиши зарурлиги, қайси нарса ёки ҳужжатларнинг қидириб топилиши ва олиб қўйилиши лозимлиги кўрсатилган бўлиши керак.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда ҳолислар, зарурат бўлган тақдирда мутахассис ва таржимон ҳам иштирок этадилар.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш жараёнида бу ҳаракатлар уйда ўтказилаётган шахснинг ўзи ёки ҳеч бўлмаганда унинг вояга етган оила аъзоларидан бирининг иштирок этиши таъминланиши лозим. Башарти, уларнинг иштирок этишини таъминлашга имкон бўлмаса, тегишли ҳокимлик ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг вакили таклиф қилинади.

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмлар жойлашган биноларда олиб қўйиш ёки тинтув уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

Тинтув қилинаётганларга, ҳолисларга, мутахассисларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳарбий қисмларнинг вакилларига тинтув ёки олиб қўйиш ўтказилишидан аввал уларнинг суриштирувчи ёки терговчининг барча ҳаракатлари чоғида ҳозир бўлиш ҳамда ана шу ҳаракатлар хусусида арз қилиш ҳуқуқлари тушунтирилиши керак. Бундай арз баённомага киритилиши шарт.

Тинтув суриштирувчи ёки терговчининг асослангандиган қарорига биноан, прокурорнинг санкцияси б-н ўтказилади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда тинтув прокурорнинг санкциясиз ўтказилиши мумкин, лекин бундай ҳолда кейинчалик шу ўтказилган тинтув ҳақида йигирма тўрт соат ичида прокурорга хабар қилинади. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар суриштирувчи ёки терговчининг прокурорга юборган хабарномасида асослангандиганлиги лозим. Хабарноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Суриштирувчи ёки терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга асосан иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни қидириб топиш мақсадида турар жойга ёки бошқа бинога киришга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишга киришидан олдин олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган шахсни қарор ёки ажрим б-н таништириб имзо қўйдириши шарт.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки ўзга жойда турган шахсларнинг олиб қўйиш ёки тинтув тамом бўлгунга қадар шу бино ёки жойдан чиқиб кетишини, шунингдек уларнинг бир-бирлари б-н ёки бошқа шахслар б-н гаплашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суриштирувчи, терговчи олиб қўйиш чоғида қарор ёки ажрим б-н таништирганидан сўнг олинishi лозим бўлган нарса ва ҳужжатларни ихтиёрий равишда беришни таклиф қилади, таклиф рад этилган тақдирда мажбурий равишда олади. Башарти бу нарса ва ҳужжатлар олиб қўйиш амалга ошириш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган жойдан топилмаса, у ҳолда тинтув ўтказилади.

Суриштирувчи, терговчи тинтув ўтказишга киришаётганида қарор ёки ажрим тақдим этганидан сўнг, олиб қўйилиши керак бўлган нарса ва ҳужжатларни беришни тақлиф қилади. Башарти улар ихтиёрий равишда берилса, олиб қўйиш баённомаси тузилади. Агар қидирлаётган нарса ёки ҳужжатлар берилмаса ёхуд тўлиқ ҳолда топширилмаган бўлса, тинтув ўтказилади. Тинтув чоғида бу хусусдаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган нарса ёки ҳужжатлар қидирилади ва олинади. Иш учун аҳамиятга молик бошқа нарса ёки ҳужжатлар, шунингдек сақланиши тақиқланган ашёлар топилган тақдирда, улар ҳам олиб қўйилиши лозим. Суриштирувчини, терговчини бу нарса ёки ҳужжатларни олиб қўйишга ундаган асослар тинтув ўтказилганлиги ҳақидаги баённомада акс эттирилади.

Олинаётган нарса ва ҳужжатларнинг ҳаммаси ҳолисларга, олиб қўйиш ёки тинтув ўтказишда иштирок этган бошқа шахсларга кўрсатилади, баённомада тўлиқ акс этирилади, зарурат бўлган тақдирда ўралиб, муҳрланади. Ўралган ва муҳрланган нарса ва ҳужжатларни кейинги тергов давомида очишга фақат ҳолислар иштирокида йўл қўйилади.

Олиб қўйиш ёки тинтув ўтказиш вақтида ёпиқ биноларни ёки буюмлар сақланадиган жойни унинг эгаси ўз ихтиёри б-н очиб беришдан бош тортса, суриштирувчининг, терговчининг ўзи уларни очишга ҳақлидир. Бунда зарурат бўлмаганда қулфлар, эшиклар ва б. нарсаларнинг шикастлантирилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда уйдаги саранжомлик бузилмаслиги лозим.

ОЛИГАРХИЯ (юн. oligos – кичик, озгина, аҳамиятсиз, arche – бошланиш, бошқариш, ҳукмронлик; *сўзма-сўз* озчилик ҳокимияти) – бошқарув шакли бўлиб, сиёсий ҳокимият тор доирадаги шахсларга тегишли бўлади: моливий, сиёсий, ҳарбий О..

ОЛИЙ БОШ ҚҰМОНДОН – мамлакат қуроли кучларининг олий раҳбари. Тинчлик даврида ҳам, уруш пайтида ҳам қуроли кучлар раҳбари ҳисобланади. ЎЗР Конс.сининг 93-м.си 20-бандига мувофиқ, ЎЗР Президенти ЎЗР Қуроли Кучларининг О.б.к. ҳисобланади, Қуроли Кучларининг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради.

ОЛИЙ СУД – бир қатор мамлакатларда ёки федератив давлатларни ташкил этувчи тузилмаларда олий судлов инстанциясининг энг кўп қўлланиладиган номи.

Лекин, бундай ном яқка-ягона эмас. Мас., Францияда Кассация суди шундай инстанция ҳисобланади, АКШнинг айрим штатларида шу хилдаги судлар Юқори суд деб аталади ва ҳ.к..

ЎЗР Конс.сининг 110-м.сига биноан, ЎЗР ОСи фуқаролик, жинорий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Яна к.: *Ўзбекистон Республикаси Олий суди.*

ОМБОРДА ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ – О.о.с.ш. бўйича товар омбори (сақловчи) товар эгаси (юк топширувчи) томонидан ўзига топширилган товарларни ҳақ эвазига сақлаш ва уларни тўлиқ ҳолича қайтариб бериш мажбуриятини олади. О.о.с.ш. ёзма равишда тузилади. Агар омборда сақлаш шартномасини тузиш ва товарни омборга қабул қилиб олиш омбор ҳужжати б-н

тасдиқланган бўлса, О.о.с.ш.нинг ёзма шаклига рноя қилинган ҳисобланади (ЎЗР ФК 903-м.си).

ОМБУДСМАН – к.: *Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман).*

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ – жамоатчилик онгини шакллантирувчи, демократик ривожланишнинг асосий принципларини, маданий ва ахборот бериш вазибаларини амалга оширувчи тизим. Жамиятнинг ахборот б-н таъминланиши ошиб бориши туфайли оммавий ахборот воситалари мустақил кучга, “тўртинчи ҳокимият”га (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлардан кейин) айланмоқда.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва б.) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео, кино-хроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб сайтлар) олти ойда камда бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситасидир.

О.а.в.нинг фаолияти инсоннинг асосий қонунда белгилаб қўйилган эркинликка – сўз эркинлигига асосланган ва қатор давлатларда қонун томонидан муҳофаза қилинади. ЎЗР Конс.сининг 67-м.сига асосан, оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

О.а.в.нинг ҳуқуқлари ва эркинликлари қафолатлари б-н бир қаторда улар томонидан тарқатилган ахборот учун жавобгарлик ҳам белгиланган. ЎЗР Конс.сининг 67-м.сига биноан, О.а.в. ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар.

ЎЗРда О.а.в. соҳасида “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги, “Ахборотлаштириш тўғрисида” ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинган.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ – ЎЗР Конс.сининг 29-м.сига мувофиқ, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун б-н белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

О.а.в.э. ЎЗРнинг ФК б-н ҳам тартибга солинади. Хусусан, ЎЗР ФКнинг 97-м.сига мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг розилиги билангина фойдаланишлари мумкин дейилади. ЎЗР ФКнинг 98-м.сига биноан, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат кимматига эга бўлган, қонун йўли б-н уйдан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга қўйиб чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя қилинади.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, ҳар ким, агар қонунида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошқора баён этиш ҳуқуқига эгадир.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига биноан ахборотни излаш, олиш, тарқатиш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончлилиги учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАСИ ТАҲРИРИЯТИНИНГ УСТАВИ – Оммавий ахборот воситасининг таъсис ҳужжати.

“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 11-м.сига мувофиқ, оммавий ахборот воситаси таҳририяти қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинган ва муассис томонидан тасдиқланган устав (низом) асосида фаолият кўрсатади.

Таҳририят уставига (низомида) куйидагилар белгилади: оммавий ахборот воситасининг тури, номи, тили, мақсади, ихтисослашуви, даврийлиги ва ҳажми; таҳририятнинг жойлашган ери (почта манзили); муассис ва таҳририятнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари; таҳририятни молиялаштириш манбалари; таҳририятнинг бошқарув органларини шакллантириш тартиби; фойдани тақсимлаш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш тартиби; оммавий ахборот воситаси чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асослари ва тартиби; таҳририятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби; уставни (низомни) қабул қилиш ва унга ўзгартишлар киритиш тартиби; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа қондалар.

ОММАВИЙ ТАДБИР – кўнгилочар, театр-томоша, концерт, спорт, реклама дастурлари ва б. дам олиш дастурларини, шунингдек камида 100 киши иштирокида умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан очик ва ёпик иншоотларда, майдонларда, биноларда ва б. жойларда ташкил этиладиган кишиларни тўплаш.

О.т. тушунчасига фақат давлат ҳокимияти органлари томонидан рухсат этилган тадбирларни киритиш мумкин. Қонун ҳужжатларида О.т.лар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ўзида ифода этиб, тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан рухсат этилган ҳолдагина амалга оширилиши белгиланган. Рухсат этилмаган О.т.ларни ўтказиш ёки режалаштириш қонунчиликда назарда тутилган муайян жавобгарликни келтириб чиқаради. ЎзРда О.т.ларни ўтказиш пайтида жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва тартибни муҳофаза қилишга қаратилган ҳамда О.т.лар ўтказиш тартибини ва улар катнашчилари муносабатлари ЎзР ВМнинг 2003 й. 13 январдаги 15-сон қарори б-н тасдиқланган Оммавий тадбирларни ўтказиш қондалари б-н тартибга солинади.

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИКЛАР – ЎзР ЖКнинг 244-м.сида қурол ёки қурол сифатида фойдаланиладиган бошқа нарсаларни ишлатиб ёхуд ишлатиш б-н қўрқитиб шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, қирғин солиш, ўт қўйиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш орқали содир этилган О.т. ташкил қилиш, шунингдек, О.т.да фаол катнашиш учун жинойий жавобгарлик ўрнатилган.

Кўпинча О.т. байрамларда ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар томонидан содир этилади.

О.т. – уюлмаган бир гуруҳ шахсларнинг қонунда белгиланган ва давлат ҳокимияти томонидан қўриқланадиган ижтимоий тартибни бузишларидир. О.т. шахс устидан зўравонлик, портлатишлар, ўт қўйишлар ҳокимиятга қурол б-н қаршилик кўрсатишлар б-н боғланиб кетиши мумкин. Мазкур ҳаракатлар алоҳида хавфлидир, чунки у тасодифан йиғилган ва бошқариб бўлмас оломон томонидан содир этилади.

ОММАВИЙ ТАРҒИБОТ ВА ТАШВИҚОТ – кенг жамоатчиликка йўналтирилган тушунтириш ишлари, кўпинча оммавий ахборот воситалари ҳамда кўрғазмали қуроллардан (плакат, витрина, шиор ва х.к.) фойдаланилган ҳолда ёки маърузалар, суҳбатлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

ОММАВИЙ ШАРТНОМА – ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларини (чакана савдо, умумий фойдаланишдаги транспортда йўловчи ташиш, алоқа хизмати, энергия б-н таъминлаш, тиббий хизмат, меҳмонхона хизмати ва ш.к.) белгилаб қўядиган шартнома. Бундай ташкилот О.ш. тузишда бир шахсни бошқа шахсга нисбатан афзал кўришга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар, ишлар ва хизматларнинг баҳоси, шунингдек оммавий шартноманинг бошқа шартлари ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади, қонун ҳужжатларида истеъмолчиларнинг айрим тоифалари учун имтиёзлар берилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Ташкилотнинг истеъмолчига тегишли товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб О.ш. тузишдан бош тортишига йўл қўйилмайди.

Ташкилот О.ш. тузишдан асоссиз бош тортганида ЎзР ФК 377-м.сининг олтинчи ва еттинчи қисмларида назарда тутилган қондалар қўлланилади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда ЎзР Ҳукумати О.ш.ларни тузиш ва бажаришда тарафлар учун мажбурий бўлган қондалар (намунавий шартномалар, қондалар ва х.к.) чиқариши мумкин.

О.ш.нинг ЎзР ФКнинг 358-м.си иккинчи ва бешинчи қисмлари б-н белгилаб қўйилган талабларга мос келмайдиган шартлари ҳақиқий эмас.

ОММАВИЙ ҲАРАКАТ – унинг аъзоларидан ва аъзо бўлмаганлардан иборат бўлган ижтимоий бирлашув ҳисобланиб, у асосан ижтимоий-сиёсий ва жамоат манфаатларини кўзлаб ҳаракатни амалга оширади ва ушбу ҳаракат катнашчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ни мақсад қилади. О.х.нинг олий раҳбарлик органи – съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш ҳисобланади. О.х.нинг амалдаги бирлашма органи давлат рўйхатидан ўтувчи юридик шахс ҳисобланиб, устав бўйича оммавий ҳаракатнинг номидан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади. Яна қ.: *Жамоат бирлашмаси*.

ОММАВИЙ ҲОКИМИЯТ – бошқарув ва мажбурлов аппаратининг йиғиндиси. Бошқарув аппарати – қонун

чиқарувчи, ижро этувчи, суд ва бошқарув фаолияти б-н шуғулланувчи органлар тизими. Мажбурлов аппарати – давлатнинг иродасини ифода этувчи, куч ва воситаларга эга бўлган махсус органлар йиғиндиси. О.х. куйидаги хусусиятларга эга: О.х. жамиятдан ажратилган бўлади; О.х. ҳокимият ваколатига эга бўлган, махсус тайёрланган, бошқарув фаолиятини амалга оширувчи бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилади; О.х. расмий қонун нормаларига таянади; О.х. давлатнинг мажбурлов кучи б-н таъминланади.

ОММАВИЙ ҲУҚУҚ – хусусий манфаатни химоя қилишга қаратилган ҳуқуқ тармоқлари (чунинчи, хусусий ҳуқуқ)дан фарқли ўлароқ, умум (жамоат) манфаатини таъминловчи муносабатларни тартибга солидиган ҳуқуқ тармоқлари мажмуи. Бундай ҳуқуқ тармоқларга: халқаро оммавий ҳуқуқ, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва б. қиради. О.х. тегишли муносабатларни императив (қатъий белгиланган) нормалар ёрдамида тартибга солиди. Бу нормалар ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари томонидан ўзгартирилиши мумкин эмас. О.х. ҳокимият ва б. бўйсунуш муносабатларини назарда тутди, тобе субъект хохиш-иродасининг эркинлигини ва шахсий ташаббус кўрсатиш имкониятини истисно этади. Ҳуқуқни оммавий ва хусусийга ажратиш роман-герман ҳуқуқий тизимида хос хусусият бўлиб, у бошқа ҳуқуқий тизимларга деярли ёт ҳисобланади.

ОМОНАТ (ДЕПОЗИТ) – “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, талаб қилиниши биланок ёки тўловни амалга оширувчи шахс б-н тўловни олувчи шахс ёхуд уларнинг қонуний вакиллари ўртасида келишилган муддатда фоизлар ёки устама ҳақ тўлаган ҳолда ёхуд бундай тўловларсиз ҳаммасини қайтариб бериш шарти б-н топшириладиган пул суммаси. Яна қ.: *Банк омонати шартномаси.*

ОМОНАТ (ДЕПОЗИТ) СЕРТИФИКАТИ – қимматли қоғоз бўлиб, банкка қўйилган омонат суммасини ҳам, омонатчининг (сертификат сақловчининг) белгиланган муддат тамом бўлганидан кейин сертификатни берган банкда ёки ушбу банкнинг исталган филиалида омонат суммасини ва сертификатда кўрсатиб қўйилган фоизларни олиш ҳуқуқини ҳам тасдиқлайди.

О.(д.)с.лари тақдим этувчига пул тўланадиган ёки эгасининг номи ёзилган бўлиши мумкин.

О.(д.)с. пул тўлаш учун муддатидан олдин тақдим этилган тақдирда банк, агар сертификатнинг шартларида фоизларнинг бошқача миқдори белгилаб қўйилган бўлмаса, омонат суммасини ва талаб қилиб олингунча сақланадиган омонатлар бўйича тўланадиган фоизларни тўлайди.

О.(д.)с.ларини чиқариш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи б-н келишилган ҳолда ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 12-м.си).

ОМОНАТ ДАФТАРЧАСИ – агар тарафларнинг келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаро б-н банк омонати шартномаси тузиш ҳамда унинг ҳисобварағига омонат бўйича пул маблағларини киритиб қўйиш О.д. б-н тасдиқланади. О.д.да банкнинг ёки унинг

тегишли филиалининг номи, унинг жойлашган манзили ҳамда омонат бўйича ҳисобварақ номери, шунингдек ҳисобвараққа киритилган ҳамма пул маблағлари суммаси, ҳисобварақдан ўчирилган ҳамма пул маблағлари суммаси ва О.д. банкка тақдим этилган пайтда ҳисобварақдаги пул маблағларининг қолдиги кўрсатилган ва тасдиқланган бўлиши шарт. Агар омонатнинг бошқа ҳолати ишбот қилинган бўлмаса, омонат тўғрисида О.д.да кўрсатилган маълумотлар банк б-н омонатчи ўртасида омонат бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос бўлади. Банк омонати шартномасида омонатчининг номи ёзилган О.д. ёки тақдим этувчига пул тўланадиган О.д. бериш назарда тутилиши мумкин. Тақдим этувчига пул тўланадиган О.д. қимматли қоғоз ҳисобланади. Банк О.д. тақдим этилганида омонатни беради, унга фоизлар тўлайди ҳамда омонатчининг омонат бўйича ҳисобварақдаги пул маблағларини бошқа шахсларга ўтказиш ҳақидаги топширигини бажаради. Агар эгасининг номи ёзилган О.д. йўқотилган бўлса ёки тақдим этиш учун яроқсиз ҳолга келтирилган бўлса, банк омонатчининг аризасига мувофиқ унга янги О.д. беради. Кўрсатувчига пул тўланадиган О.д. йўқотилганида, у бўйича ҳуқуқларини тиклаш кўрсатувчига пул тўланадиган қимматли қоғозлар учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади (ЎзР ФКнинг 769-м.си).

ОМОНАТ САҚЛАШ – фуқаролар мулкий муносабатларининг бир тури бўлиб, О.с. шартномаси бўйича вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардир. Яна қ.: *Омонат сақлаш шартномаси.*

ОМОНАТ САҚЛАШ ШАРТНОМАСИ – О.с.ш. бўйича бир тараф (омонат сақловчи) унга иккинчи тараф (юк топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолида қайтариш мажбуриятини олади. Омонат сақлашни ўз касб фаолиятининг максадларидан бири сифатида амалга оширадиган ташкилот (профессионал омонат сақловчи) О.с.ш.да сақловчининг юк топширувчидан ашёни шартномада назарда тутилган муддатда сақлашга қабул қилиш мажбурияти кўзда тутилиши мумкин (ЎзР ФКнинг 875-м.си).

О.с.ш. ёзма равишда тузилиши керак бўлган ҳолларда (ЎзР ФКнинг 108-м.си) агар ашёнинг сақлашга қабул қилинганлиги омонат сақловчи томонидан юк топширувчига сақлаш тилхати, паттаси, гувоҳномасини, омонат сақловчи имзолаган бошқа ҳужжатни бериш йўли б-н тасдиқланган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига рия қилинган ҳисобланади. Агар ашё сақлаш учун фавқулодда ҳолатларда (ёнгин, табиий офат, тўсатдан касал бўлиш, ҳужум хавфи ва б.) топширилган бўлса, шартноманинг ёзма шаклига рия қилиш талаб этилмайди. О.с.ш. омонат сақловчи томонидан юк топширувчига, агар бунга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса ёки у сақлашнинг ушбу тури учун одатдаги ҳол бўлса, ашёлар сақлаш учун қабул қилинганлигини тасдиқлайдиган номерли жетон (номер) ёки бошқа белги бериш йўли б-н тузилиши мумкин. О.с.ш.нинг оддий ёзма шаклига рия қилмаслик сақлашга қабул қилинган ашё б-н омонат сақловчи қайтарган ашёнинг айнан ўзилиги хусусида низо чиққан тақдирда, тарафларни гувоҳларнинг кўрсатмаларини важ қилиб келтириш ҳуқуқидан маҳрум этмайди (ЎзР ФКнинг 877-м.си).

ОНА ТИЛИДАН ФЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ – ЎзР Конс.сининг 4-м.сида мустаҳкамлаб қўйилган фуқаролар-

нинг ҳуқуқларидан бири. Давлат аҳолиснинг кўпчилиги ёки асосий қисмининг ушбу давлатда Конс.си асосида давлат тили сифатида белгиланган тил давлат тили ҳисобланади. Давлат тили расмий тил ҳисобланади.

ЎзР Конс.сининг 4-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг давлат тили ўзбек тилидир. ЎзР ўз ҳудудда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

Давлат тилидан фойдаланиш ва уни қўллаш тартиби “Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили тўғрисида”ги ЎзР Қонуни б-н тартибга солинади.

ОНАНИНГ ЎЗ ЧАКАЛОҒИНИ ҚАСДДАН ЎЛДИРИШИ – ЎзР ЖКнинг 99-м.сида онанинг ўз чакалоғини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасддан ўлдириши учун жавобгарлик белгиланган.

ОНКОЛЬ (лот. *on call* – талабга кўра) – банклар томонидан бериладиган кредит шакли, талабгача ёрдам қарзи: қарз олувчи маълум муддатга берилган кредитни секин-аста тўлаш ҳуқуқини олади, бунда у кредиторнинг биринчи талаби бўйича қарзни дарҳол тўлаши шарт. О. одатда, товарлар, векселлар ва қимматбаҳо қоғозлар б-н таъминланади. Одий қарздан О. кредити, қарз ва таъминланиш миқдорининг доимий равишда ўсиб туриши ва О.нинг ҳар қандай тарафининг талаби б-н хоҳлаган вақтда тўхтатилиши б-н фарқланади. О. кредити бўйича қарздор О. ҳисоби бўйича олинган фактик миқдорини тўлайди. Ташки савдода О. битими – бу товарнинг кейинчалик нархини тайинлаш орқали битим тузишдир. Бундай битимда харидорнинг танлаган кунларида тегишли биржанинг котировкаси асосида нарх тайинланади.

ОПЕРАТИВ БОШҚАРИШ ҲУҚУҚИ – ўзгалар мол-мулкидан фойдаланиш бўйича ашёвий ҳуқуқлар тури ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 165-м.). О.б.х.нинг мазмуни ЎзР ФКнинг 178-м.сида белгилаб қўйилган. Унга кўра, давлат корхонаси, шунингдек муассасаси ўзларига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан қонунида белгилаб қўйилган доирада, ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорнинг топшириқларига ҳамда мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларини амалга оширадилар.

Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

ЎзР ФКнинг 181-м.сида О.б.х.ни вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари кўрсатилган. Унга кўра, мулкдорнинг қарори б-н унитар корхонага ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни О.б.х. ушбу корхона ёки муассасада унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади, башарти қонун ҳужжатларида ёки мулкдорнинг қарори б-н бошқача тартиб белгиланган бўлмаса.

Оператив бошқаришида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам ЎзР ФКда, бошқа қонун ҳужжатларида мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун белгилаб қўйилган тартибда корхона ёки муассасанинг оператив бошқаришига ўтади.

Мол-мулкни О.б.х. мулкдорнинг қарори б-н ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда бекор қилинади.

ОППОЗИЦИЯ (лот. *oppositio* – қаршисига қўйиш, таққослаб кўриш) – нимагадир ёки кимгадир қарши ҳаракат. Сиёсатда: 1) ўз сиёсатини бошқа, одатда, расмий сиёсатга қарши қўйиш; 2) қонун чиқарувчи, мафкуравий ёки бошқа тизимлардаги ҳукмрон ёки кўпчилик тан олган фикрга қарши чиқиш. О.ларнинг қуйидаги турлари мавжуд: мўътадил, радикал, лоял (келишувга ва ҳокимиятни қўллаб-қувватлашга тайёр), конструктив (сермазмун, ишбилармон тактифларни ифодаловчи), деструктив (кўпуровчи).

ОПАНТ (лот. *optans* – хоҳловчи) – оптация, яъни фуқароликни танлаш ҳуқуқига эга шахс. Яна қ.: *Оптация*.

ОПТАЦИЯ (лот. *optatio* – хоҳиш, танлов) – бир давлатдан бошқа давлатга ўтувчи ҳудуд аҳолисига берилган фуқароликни танлаш ҳуқуқи. О. конституциявий ва халқаро ҳуқуқда ҳудудий ўзгаришлар б-н боғлиқ тарзда фуқароликни олиш ёки тугатиш усулларида бири.

О. – давлатга мансублигини ўзгартирган ҳудудда яшайдиган шахслар учун фуқароликни танлаш ҳуқуқи. Агар ҳудуд бирор мамлакат таркибига киритилса, унда яшайдиган шахслар умумий қоидага биноан давлат ваколатли органларига илтимоснома б-н мурожаат этмасдан фуқароликни оладилар. Давлат фуқаролигини олиш фуқаролик паспортини бериш орқали расмийлаштирилади. Юқорида зикр этилган илтимоснома б-н фақат тегишли давлат фуқаролигини олмасликка қарор қилган шахслар белгиланган муддатда мурожаат этадилар.

Мас., агар ҳудуд федерация таркибидан чиқарилса, унда яшайдиган шахслар федерация фуқаролигидан чиқарилади. Мазкур масала юзасидан ҳам давлат органларига мурожаат этиш талаб қилинмайди. Аммо, федератив давлат фуқаролигида қолишни истаган шахслар бу ҳақда белгиланган муддатда ариза беришлари лозим.

Ҳудудий ўзгаришлар чоғида фуқароликни танлашнинг муайян тартиби ва муддати давлатнинг халқаро шартномаси б-н белгиланади. Шартномада белгиланган муддат ўтганидан кейин О. орқали фуқароликни ўзгартiriш имконияти йўқолади.

ОПЦИОН (лот. *optio* – танлов, хоҳиш, ихтиёрдан; инг. *option*; нем. *option*) – 1) муаллифлик ҳуқуқида нашриётнинг чет эл муаллифи б-н текин келишуви бўлиб, унга мувофиқ, нашриёт ўрганиб чиқиш ва нашр қилиш имконияти масаласини ҳал қилиш учун белгиланган муддатда узил-кесил жавоб бериш мажбуриятини олган ҳолда асарни қабул қилади, бу муддат тугагунига қадар муаллиф бошқа нашриёт б-н ушбу асарни шу тилда нашр қилиш тўғрисида шартнома тузишга ҳақли эмас; 2) шартномада айтиб ўтиладиган ва белгиланган муддатда ёки муайян вазиятлар юзага келганда битимнинг тегишли тарафига тақдим қилинадиган контрактнинг валюта шартлари муқобилини танлаш ҳуқуқидир; 3) акциядорларнинг имтиёзли шартлар асосида тегишли жамият акцияларининг муайян миқдорини қўлга киритиш ҳуқуқи, мас., жамият дивиденди қўшимча акциялар ёки пул мукофотлари шаклида тақсимлаши мумкин; 4) “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, эмитентнинг муайян миқдордаги қимматли қоғозларини О.да

кўрсатилган муддатда қатъий белгиланган нархда сотиб олиш ҳуқуқини тасдиқловчи эмиссиявий кимматли қоғоз (Эмитентнинг О.и); 5) халқаро ҳуқуқда халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолатларда ҳудудий ўзгаришлар юз берганда, янги давлатлар ташкил топганда ёки икки фуқароликни бартараф қилиш мақсадида шахснинг фуқароликни танлаши. Яна қ.: *Оптация*.

ОРГАН (юн. *organon* – асбоб, қурол) – 1) ташкилий бирлик. Ўз ваколати ва махсус вазифаларига эга давлат ёки жамоат тузилмаси (конун чиқарувчи, ижро этувчи, суд О.лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш О.). Чунончи, конституциявий ҳуқуқда давлат О.и деб, давлат-ҳокимият вазифалари ва топшириқларини бажариш ваколатига эга ва белгиланган тартибда фаолият кўрсатувчи фуқаролар жамоаси ёки фуқаро (мас., ЎзР Президенти) тушунилади; 2) хусусий, одатда бошқарув ваколатига эга юридик шахснинг тузилмавий бўлинмаси ёки ташкилотда донмий равишда устав ва конун бўйича бошқарувга оид вазифаларни бажарувчи жисмоний шахс.

ОРГАНИК ҚОНУН – Конс.нинг тўғридан-тўғри кўрсатмасига биноан қабул қилинадиган қонулар. Бир қатор мамлакатларда бундай қонунни белгилаш учун кўшимча атамаси ишлатилади (Франция, Бразилия). ЎзРда бундай қонун конституциявий қонун деб аталади. О.к. – конституциявий ҳуқуқ фанига, айрим мамлакатларда эса – қонунчиликка оид тушунча. О.к. деганда, кўпинча, давлат органлари мақоми, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш асосларини белгилайдиган ёки муҳим давлат тадбирлари, мас., референдумларни тартибга солинадиган қонун тушунилади. Айрим муаллифлар қабул қилиш давлат Конс.сида бевосита ёки билвосита назарда тутилган ҳужжатни О.к. деб ҳисоблайдилар.

ОРДАЛИЯ (лот. *ordalium*) – Ўрта асрлар суд жараёнида тарафларнинг ҳақлигини ёки айбини “илохий суд” (ўт, сув ва б.лар б-н синаш) орқали аниқлаш усули.

ОРДЕР (лот. *ordo* – қатор сўзидан; инг. *order*, *warrant*, *voucher*; фр. *ordre*; нем. *order*) – ёзма расмий буйруқ, фармойиш, кўрсатма; бирор-бир нарсани бериш, олиш учун ҳужжат; ҳуқуқ ўрнатувчи ҳужжат. Мас., адвокатнинг ишда иштирок этишга ва адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи О.ни тақдим этганидан кейин йўл қўйилади.

ОРТТИРИЛГАН ИММУНИТЕТ ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ (ОИТС) – одам организмнинг орттирилган иммунитет танқислиги вируси б-н захарланиши, энг оғир, ҳозиргача давоси топилмаган касаллик. ОИТС 1982 й. аниқланган, ҳамма давлатлардан рўйхатдан ўтказилди. Касалликни юктириш манбаи – вирус ташувчидир. Касалликни юктириш асосан жинсий муносабатлар орқали (асосан, гомосексуал –эркакларнинг ўзаро жинсий алоқаларга киришуви; боланинг она қорнидаги даврида ҳомиладордан захарланиши; онанинг болани эмизиш вақтида боладан захарланиши; кон алмаштириш, муносабатларга киришиш ва ҳ.к. натижасида) юктирилади.

Била туриб, бошқа шахсни ОИТС касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИТС касаллигини юктириш ЎзР ЖКнинг 113-м.сига асосан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНИ – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга маъсул бўлган ваколатли давлат органи ходимлари ёки жамоатчилик тузилмалари (махалла посбони) вакиллари.

ОТАЛИКНИ БЕЛГИЛАШ – ЎзР ОКнинг 62-м.сига мувофиқ, ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онадан бола туғилган тақдирда, ота-онанинг биргаликдаги аризаси ёки бола отасининг аризаси бўлмаса, ЎзР ОКнинг 61-м.сида кўрсатилган ҳолларда оталик суд тартибида белгиланиши мумкин. Оталикни суд тартибида белгилаш ота-онадан бирининг ёки боланинг васийси (ҳомийси)нинг ёхуд бола кимнинг қарамоғида бўлса, шу шахснинг аризасига, шунингдек бола вояга етганидан кейин унинг ўзи берган аризага мувофиқ амалга оширилади. Оталикни белгилаётганда суд боланинг онаси бола туғилишига қадар жавобгар б-н бирга яшаганлиги ва умумий рўзғор юритганлиги ёки улар болани биргаликда тарбиялаганликлари ёхуд таъминлаб турганликларини ёки жавобгарнинг оталикни тан олганлигини аниқ тасдиқловчи бошқа далилларни эътиборга олади. Боланинг онаси б-н никоҳда бўлмаган, лекин ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс вафот этган тақдирда унинг оталик факти суд томонидан белгиланиши мумкин. О.б. тўғрисидаги суднинг хал қилув қарори қонуний қучга киргандан кейин суд шу қарор нусхасини бола туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

ЎзР ОКнинг 61-м.сига мувофиқ, боланинг онаси б-н никоҳда бўлмаган шахснинг оталиги ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс ва онанинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд қилиш органига биргаликда топширган аризасига биноан белгиланади. Она вафот этганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда, онанинг қаердалигини аниқлаш имконияти бўлмаганда ёки у оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, оталик васийлик ва ҳомийлик органи б-н келишилган ҳолда ўзини боланинг отаси деб тан олаётган шахснинг аризасига биноан белгиланади. Боланинг отаси суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, оталикни белгилаш тўғрисидаги аризани унинг номидан васийлик ва ҳомийлик органининг рухсати б-н унинг ҳомийси бериши мумкин. О.б. тўғрисидаги ариза боланинг туғилганлигини қайд этиш вақтида, шунингдек бола туғилганлиги қайд этилгандан кейин ҳам берилиши мумкин. Агар О.б. тўғрисида бола туғилгандан сўнг эр-хотин биргаликда ариза беришининг имкони бўлмай қолиши ёки мушкул бўлишини кўрсатувчи асослар мавжуд бўлса, туғилажак боланинг ўзаро никоҳда бўлмаган ота-онаси шундай аризани она ҳомилдорлик вақтида фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига беришга ҳақли. О.б. рад этилганда, ўзини боланинг отаси деб тан олган шахс суд тартибида шикоят қилиши мумкин.

ЎзР ОКнинг 208-м.сига кўра, агар ота-она боланинг туғилишини қайд этиш б-н бир вақтда О.б. ҳақида биргаликда ариза берсалар, ота ҳақидаги маълумотлар берилган ариза асосида ёзилди, болага фамилия ота-онанинг келишувига биноан берилди.

ОТАЛИКНИНГ СУД ТАРТИБИДА БЕЛГИЛАНИШИ – қ.: *Оталикни белгилаш*.

ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАХРУМ БЎЛГАН БОЛА – “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”-ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАХРУМ ЭТИШ – ЎзР ОКнинг 79-м.сига мувофиқ, ота-она (улардан бири) куйидаги ҳолларда: ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа; узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса; ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан жисмоний қуч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса; муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса; ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасдан жиноят содир қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш суд тартибида амалга оширилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар ота (она)нинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг), прокурорнинг, шунингдек вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган орган ёки муассасаларнинг (васийлик ва ҳомийлик органи, вояга етмаганлар ишлари б-н шуғулланувчи комиссиялар, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг) даъвосига биноан кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўриб чиқилади.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда боланинг таъминоти учун ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онадан (уларнинг биридан) алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

Агар суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги ишларни кўришда ота-она (улардан бири)нинг ҳаракатида жиноят аломатлари мавжудлигини аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар бериши шарт.

Суд ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори қонуний қучга киргандан кейин уч кун ичида ушбу қарорнинг қўчирмасини боланинг турилганлиги давлат томонидан рўйхатга олинган фуқаролик ҳолати дололатномаларини қайд этиш органига юбориши шарт.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан ундан таъминот олиш, шунингдек болани фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-онанинг (улардан бирининг) бундан кейин бола б-н биргаликда

яшаш-яшамаслик масаласи суд томонидан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ота-онаси (улардан бири) ўзига нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бола, агар у фарзандликка олинган бўлмаса, турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади, шунингдек ота (она)си ва б. қон-қариндошлари б-н туғишганлик фактига асосланган барча мулкӣ ҳуқуқларини, жумладан мерос олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Болани ота ёки онасига беришнинг имконияти бўлмаган ёки ота-онанинг ҳар иккаласи ҳам ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамоғига олиб бериледи.

Ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда болани фарзандликка олишга ота-она (улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги тўғрисидаги суднинг ҳал қилув қарори чиқарилган кундан кейин қамада олти ой ўтгач йўл қўйилади.

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИНИНГ ЧЕКЛАНИШИ – ЎзР ОКнинг 83-м.сига мувофиқ, суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши (ота-оналик ҳуқуқини чеклаши) мумкин.

Болани ота-она (улардан бири) б-н қолдириш ота-онага (улардан бирига) боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (руҳиятнинг бузилиши ёки бошқа сурункали касаллик, оғир ҳолатларни бошдан кечириш ва б.лар) бола учун хавфли бўлса, ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади.

Агар болани ота-она (улардан бири) б-н қолдириш оқибатида ота-онанинг хулқ-атвори бола учун хавф туғдирса, ота-онани (улардан бирини) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун эса етарли асослар аниқланмаган тақдирда ҳам ота-оналик ҳуқуқини чеклашга йўл қўйилади. Агар ота-она (улардан бири) ўз хулқ-атворини ўзгартирмаса, васийлик ва ҳомийлик органи суд томонидан ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгандан кейин олти ой ўтгач, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида даъво тақдим этиши шарт. Васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларини эътиборга олиб ота-онани (улардан бирини) бу муддат ўтмасдан туриб, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақида даъво тақдим этишга ҳақли.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги даъво боланинг яқин қариндошлари, вояга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти қонун б-н зиммасига юклатилган органлар ва муассасалар, мактабга-ча таълим муассасалари, умумтаълим муассасалари ва б. муассасалар, шунингдек прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишлар прокурор ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи иштирокида кўрилади.

Ота-оналик ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги ишларни кўришда суд ота-онадан (уларнинг биридан) боланинг таъминоти учун алимент ундириш масаласини ҳал қилади.

ОТА-ОНАНИ МОДДИЙ ТАЪМИНЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ – вояга етган шахсларнинг меҳнат-

га лаёқатсиз ва моддий ёрдамга мухтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортик муддат мобайнида тўламаслигидан иборат жиноят. Ушбу жиноятни содир этишда айбдор деб топилган шахслар ЎЗР ЖКнинг 123-м.сига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ОТА-ОНАНИНГ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ШАХСЛАР

– “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, қонунда белгиланган тартибда болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга оширувчи ва ота-оналик мажбуриятларини бажарувчи, лекин боланинг ота-онаси бўлмаган шахслар (фарзандликка олувчилар, васийлар ва хомийлар).

ОФЕРТА (лот. offertus – тавсия қилинган) – бир ёки бир неча муайян шахсга юборилган, етарли даражада аниқ бўлган ва таклифни киритган шахснинг ўзини таклиф йўлланган ва уни қабул қиладиган шахс б-н шартнома тузган деб ҳисоблаш ниятини ифода этадиган таклиф О. ҳисобланади. О.да шартноманинг муҳим шартлари ифода қилинган бўлиши керак. О. уни йўллаган шахсини О. йўлланган шахс б-н у О.ни олган пайдан бошлаб боғлайди. Агар О.ни қақриб олиш тўғрисидаги билдириш О.нинг ўзидан олдин ёки у б-н бир вақтда келган бўлса, О. олинмаган ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 367-м.си).

Қабул қилувчи тараф олган О. уни акцептлаш учун белгилаб қўйилган муддат мобайнида қақриб олинishi мумкин эмас, башарти бошқача тартиб О.нинг ўзида шарт қилиб қўйилган бўлмаса ёки таклифнинг моҳиятидан ёхуд у йўлланган пайтдаги вазиятдан англашилмаса (ЎЗР ФКнинг 368-м.си).

Номуайян шахслар доирасига йўлланган реклама ва б. таклифлар, агар таклифда бошқача ҳол тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлмаса, О.га таклиф этиш деб қаралади. Шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, таклиф киритаётган шахснинг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс б-н таклифда кўрсатилган шартлар асосида шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси биллиб турган таклиф О. (оммавий О.) ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 369-м.си).

ОФИЦИОЗ ИНКОРПОРАЦИЯ – қ.: *Инкорпорация.*

ОФФ-ШОР (инг. off shore – мамлакат ҳудудидан ташқарида, қирғоқдан узоқликда жойлашган) – солиққа тортишнинг имтиёзли режими мавжуд бўлган дунёнинг молия марказларини тавсифлаш учун қўлланиладиган атама. О.-ш.да ташкил этилган чет эл компаниялари операцияларни фақат чет эл юридик шахслари ва фуқаролари б-н амалга оширадilar. Чет эл О.-ш. ташкилотларини ташкил этиш руҳсат этилган мамлакатларда О.-ш. компанияларнинг норезидентлар б-н операцияларига солиқлар ё мавжуд эмас (Жерси ороли, Панама, Мальта ва б.), ё кам миқдорда (Кипр ороли, Швейцария, Нидерландия, Люксембург ва б.).

ОХИРГИ ЗАРУРАТ – ЎЗР ЖКнинг 38-м.сига мувофиқ, О.з. ҳолатида, яъни шахснинг ёки бошқа фуқароларнинг шахсига ёхуд ҳуқуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид солувчи хавфни қайтариш учун қонун б-н қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларга зарар етказ-

ган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни ўша ҳолатда бошқа чоралар б-н қайтаришнинг илжи бўлмаса ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди. О.з. зарурий мудофаа б-н бир қаторда қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатларидан биридир. Бирок, зарурий мудофаадан фарқли равишда, О.з. ҳуқуққа ҳилоф тажовузнинг олдини олишга эмас, балки ҳуқуқий ҳимояланган манфаатлар тўқнашувида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилишга қаратилган ҳуқуқий механизмни шакллантиришга хизмат қиладди.

Шахс О.з. ҳолатида қуйидагилардан бирини танлаши лозим: хавф солаётган хавфнинг содир бўлишига йўл қўйиш ёки қонуний манфаатларга зарар етказиш орқали хатарнинг олдини олиш. Сўнги ҳолатда шахс ҳаракатлари расмий жиҳатдан жиноятдан фарқ қилмаслиги мумкин, бирок маълум шартлар асосида мазкур ҳолат ижтимоий фойдали ҳамда ҳуқуққа мос деб тан олинади. О.з.нинг ҳуқуқийлигини белгиловчи шартлар 2 гуруҳга бўлинади: Таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлар. Хавфнинг олдини олишга нисбатан ҳуқуқий шартлар. О.з.нинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳуқуқий шартлари шундай ҳолатларга характеристика берадики, бунда таҳдид солаётган хавф қонун б-н қўриқланаётган манфаатларга қаратилган бўлади. Агар мазкур ҳолатлар барча шартларга жавоб берсагина, шахс О.здан фойдалана олади, акс ҳолда унинг ҳаракатлари умумий асосларга кўра мустақил жиноят сифатида квалификация қилинади. Мазкур шартлар санаб ўтилган ҳолатларни ижтимоий хавфлилик, мавжудлик ҳамда ҳақиқийлик позициясидан туриб тавсифлайди. Ижтимоий хавфлилик шундай ҳолатки, бунда бу ҳолат ўзининг хусусиятига кўра жиноят қонуни б-н ҳимоя қилинган ижтимоий аҳамиятли объектларга зарар етказиш имкониятига эга бўлади. Бундай объектлар сирасига ЎЗР ЖКда белгиланган О.з. ҳолатида турган шахснинг ҳуқуқи бошқа фуқаролар, жамият ҳамда давлатнинг манфаатлари киради. Ижтимоий хавфли О.з.ни келтириб чиқарувчи ҳолатлар сифатида атроф-муҳитга, мулкка, бошқарув тартибига таҳдид солаётган хавф тан олинади. О.зда ҳолатлар фақат ижтимоий хавфли бўлмағи даркор, зарурий мудофаадан фарқли равишда ҳуқуққа ҳилоф белгиларнинг мавжуд бўлиши шарт эмас, яъни хавф манбаи бўлиб, нафақат бошқа шахсларга тажовуз қилиш, балки табиат кучлари таъсири (табиий офатлар, об-хаво шароитлари); одам организмнинг физиологик ва патологик ўзгаришлари (огрик, зўриқиш); юқори хавф манбаи; ҳайвонлар ҳаракати; машина ҳамда механизмларнинг носозлиги ва б. тушунилади. Бундан ташқари, хавф манбаи сифатида айбсиз ҳаракат ҳам тан олинади. Ўз ҳаракатлари натижасида О.з.ни қўллаётган шахс қилмиши хавф манбаи деб инобатга олинади. Бундай ҳолатларда тергов органлари ҳамда суд ижтимоий хавфли оқибатларни келтириб чиқарган қилмишларнинг субъектив томонига эътибор беришлари зарур. Агар шахс қасдан ўзига ёки бошқа шахсларга ёхуд жамият манфаатларига нисбатан хавфли ҳолатни келтириб чиқариб, сўнг буни О.з. ҳолатига ёйиб, қандайдир жиний қилмиш содир этса, унинг ҳаракатларини, умумий асосларга кўра жиноят деб квалификация қилиш керак.

Бундай ҳаракатлар О.з.ни қасддан келтириб чиқариш ҳисобланади. Бунда шуни инобатга олиш керакки, қасд нафақат биринчи қилмишда балки охириги заруратни қўллаган ҳолда амалга оширмакчи бўлган бошқа мақсадларда ҳам бўлиши зарур. Шу сабабдан, шахс қасддан бир жинойят содир этса-ю, унинг иккинчи қилмишини О.з. ҳолатида содир этилган деб таънини. Мас., шахс бир одамга қасддан оғир таън жароҳати етказди, сўнг эса унинг ҳаётини сақлаш мақсадида автомобил ўғирласа, иккинчи қилмиши О.з. сифатида баҳоланади. Агарда шахс томонидан биринчи қилмиш эҳтиётсизлик ёки умуман қасдсиз содир этилса, биринчи қилмиш оқибатида келиб чиққан юқори зарарни кам зарар орқали олди олишса, бундай ҳолат ҳар доим О.з. деб баҳоланади. Биринчи қилмишга эса мустақил ҳуқуқий баҳо берилмоғи лозим. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, О.з.нинг хавф манбаи бўлиб, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг белгиланган ҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳам таънини. Булар қаторига қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар (зарурий мудофаа, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш) кирди. Бундай ҳолатларда О.з. ҳолати қўлланилиши мумкин.

ОХЛОКРАТИЯ (юн. ochlos – омма, халойик, kratos – ҳокимият; омма, халойик ҳокимияти) – 1) омма бошчилиги қилмаган галаён, ур-йикит, кўча тартиббузарликлар; 2) содда популистик тартибга қайтишни илгари сурувчи жамоат-сиёсий гуруҳларининг ҳокимияти.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ – иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф этиши мумкин бўлган акциядорлар жамияти. Бундай акциядорлик жамияти ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилмаган шартлар асосида очик, обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли О.а.ж.нинг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайдиган. Ўзбекистонда О.а.ж. фаолияти ЎзР ФК ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунини б-н тартибга солинади.

ЎзР ФКнинг 65-м.сига мувофиқ, иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган акциядорлар жамияти очик акциядорлар жамияти ҳисобланади. Бундай акциядорлар жамияти ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилмаган шартлар асосида очик обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли. Очик акциядорлар жамияти ҳар йили йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағини барчанинг танишиб чиқиши учун эълон қилиши шарт.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига асосан, қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларни ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очик акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. О.а.ж. ўзи чиқараётган акцияларга очик обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир. О.а.ж. ўзи чиқараётган акцияларга ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, жамият уставига ва

қонун ҳужжатларида ёпиқ обуна ўтказиш имконияти чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

ОЧИҚ ОВОЗ БЕРИШ – депутатларни ва сайлаб қўйилмаган мансабдор шахсларни аҳоли томонидан сайлашда ва коллегиял органлар, шу жумладан давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қарорлар қабул қилишда овоз бериш усули. О.о.б.нинг яширин овоз беришдан фарқи шуки, овоз берувчининг хоҳиши бошқа шахслар кўз ўнгида ифода этилади ва уларга қўриқиб туради. О.о.б. турли усулларда, мас., қўл кўтариш, ўриндан туриш, мажлис залидан турли эшикларга (“тарафдорлар” бир эшикдан ва “қаршилар” бошқа эшикдан) чиқиши, мажлис залига турли эшиклардан кириш орқали ва б. усулларда ўтказилади. О.о.б. парламентларда кўпинча электрон овоз бериш тизими ёрдамида ўтказилади. Бунда, биринчидан, ёнидагилар мазкур депутатнинг қайси тугмачани босганини қўриб туради, иккинчидан, машина умумий маълумотларининг эътибори эмас, шу б-н бирга ҳар бир овоз берувчига доир маълумотни ҳам қайд этади.

Ҳозирги вақтда депутатлар, президентлар ва б. мансабдор шахслар сайлови аҳоли томонидан яширин овоз бериш асосида ўтказилади. Ваколатли органларнинг мажлисларида мансабдор шахсларни сайлаш турлича (ҳам очик, ҳам яширин овоз бериш йўли б-н) ўтказилади. Бу масала ёки ваколатли органнинг иш тартибида, ёки муайян мансабдор шахсни сайлаш пайтида ҳал қилинади. Қонунлар О.о.б. орқали қабул қилинади. Одатда, парламентлар ва уларнинг палаталари бошқа қарорларни қабул қилишда ҳам О.о.б.дан фойдаланади. Айрим пайтларда яширин овоз бериш ҳам ўтказилади.

ОШИҚЧА ХАВФ МАНБАИ – ЎзР ФКнинг 999-м.сига мувофиқ, О.х.м. тушунчаси фаолияти теварак-атрофдагиларга ошиқча хавф туғдирадиган юридик шахслар ва фуқаролар (транспорт ташкилотлари, саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт воситаларининг эгалари ва б.)нинг хатти-ҳаракатидан келиб чиқади. Унга кўра, О.х.м. етказган зарарни, агар зарар бартараф қилиб бўлмайдиган куч ёки жабрланувчининг қасддан қилган ҳаракати оқибатида юзага келганини исботлай олмасалар, ушбу манба мулкдори томонидан тўланиши шарт. Зарарни тўлаш мажбурияти О.х.м.га мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқарув ҳуқуқи ёхуд бошқа ҳар қандай қонуний асосда (мулк ижара шартномаси, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган ишончнома, тегишли органнинг унга ортиқча хавф манбаини топшириш тўғрисидаги фармойишига кўра ва х.к.) эгаллик қилувчи юридик шахс ёки фуқарога юкланади. О.х.м.ларининг эгалари бу манбаларнинг бир-бирига таъсири (транспорт воситаларининг тўқнашуви ва х.к.) натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар учун юқоридаги тартибда ва асосларда солидар (шериклик асосида) жавобгар бўлади. О.х.м.ларининг ўзаро таъсири натижасида уларнинг эгаларига етказилган зарар умумий асосларда қопланади.

Бунда бир тарафнинг айби б-н етказилган зарар шу тараф томонидан тўлиқ қажмда қопланади, иккала ёки бир нечта тарафларнинг айби б-н етказилган зарар эса улардан ҳар бирининг айби даражасига мутаносиб равишда қопланади. Тарафлардан ҳар бирининг айби даражасини аниқлаш имконияти бўлмаганда жавобгарлик улар ўрта-

сида тенг баравар таксимланади. Зарарнинг етказилишида тарафларнинг айби бўлмаганда улардан ҳеч бири зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундай ҳолда тарафларнинг ҳар бири ўзи кўрган зарар хавфини зиммасига олади. О.х.м.нинг эгаси шу манба етказган зарар учун, агар манба эгасининг тасарруфидан бошқа шахсларнинг ғайриҳуқуқий ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида чиқиб кетганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди. Бундай ҳолларда О.х.м. томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик манбани ғайриҳуқуқий эгаллаб олган шахснинг зиммасида бўлади. Бу манбани эгасининг тасарруфидан ғайриҳуқуқий тортиб олишда эгасининг айби бўлган тақдирда, жавобгарлик унинг эгасига ҳам, О.х.м.ни эгаллаб олган шахсларга ҳам юкланиши мумкин. Зарар фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига О.х.м. томонидан етказилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланади.

ОШКОРАЛИК – давлат ҳокимияти органларини ташкил қилиш ва фаолият юритишининг муҳим принципларидан бири бўлиб, қуйидагиларни билдиради: парламент, суд ва б. органларнинг йиғилишлари очик ҳолда ўтказилади; уларнинг фаолияти ОАВ орқали кенг ёритади; давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятлари ҳақидаги ахборотларни тақдим этади; мансабдор шахслар тўғрисидаги ахборотлар (таржимаи ҳол, даромадлар) жамоатчилик учун очикдир. Алоҳида ҳолатларда давлат органларининг фаолиятлари жамоатчиликка ошкор этилмайди. Конституциявий талаб сифатида О. конституциявий-ҳуқуқий тартиб-таомилларнинг энг кўп даражада очиклигини ва улар ҳақида аҳолининг кенг хабардор қилинишни аниқлатади. Бунда конституциявий-ҳуқуқий тартиб-таомиллар деганда парламентлар ва президентлар, ҳукуматлар, конституциявий судлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти, тегишли органларни сайлаш ёки шакллантириш, қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш тартиби ва б. шу сингарилар тушунилади. О. суд иш юритуви соҳасида ҳам муҳим принциплардан бири ҳисобланади. Барча судларда ишлар ошқора кўрилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳаётига таалуқли маълумотлар ошқора бўлишига йўл қўймаслик, шунингдек, жинсий жиноятлар, вояга етмаганларнинг ишлари, фарзандликка олиш сири ва ёзишмалар сири сақланишини таъминлаш мақсадида суднинг асослантирилган ажримига биноан, иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилишига йўл қўйилади. Иш суднинг ёпиқ мажлисида кўрилганида ишда иштирок этаётган шахслар, зарур ҳолларда эса, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар ва таржимонлар ҳам қатнашадилар. Иш суднинг ёпиқ мажлисида судлов ишлари юришнинг барча қоидаларига риоя қилинган ҳолда кўрилади. Суднинг ажрими, ҳал қилув қарори барча ҳолларда ошқора эълон қилинади.

ОЯТ (араб. – илоҳий белги, мўъжиза) – Қуръон сураларининг бандлари. Олар Аллоҳнинг ўз элчиси Мухаммад с.а.в.га вахий қилиб, бандаларига қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси. Қуръоннинг VII а.га оид илк нусхаларидаёқ суралар Оларга бўлинган ва ҳар

сура доирасида тартиб б-н рақамланган. Олар қад. араб тилида, бир қисми сажъ б-н ёзилган. Айримлари қисқа иборалардан, баъзилари бир неча жумлалардан ташкил топган. Олар баъзида мазмунан бир-бирини такрорлайди. Сураларда Оларнинг сони турлича (мас., энг қисқа суралар бўлмиш 103, 108, 110-суралар фақат 3 О.дан, энг узун сура 286 О.дан иборат). Сураларни матнга ҳеч қандай ўзгартриш киритмаган ҳолда Оларга таксимлаш ва рақамлаш XX а. бошларигача давом этган. Шунинг учун, Қуръоннинг ҳар бир давр ва муҳитдаги нашрларида 6204 дан 6232 тагача О. бор деб кўрсатилган.

ОЯТУЛЛОҲ (араб. – Аллоҳ мўъжизаси) – шиалиқда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган руҳоний (мухтаид)ларнинг унвони. Олар диндорлар орасида кенг обрўга, шиалик тарқалган давлатларда (Эрон, Ироқ) снёсий таъсирга ҳам эга. Бу унвон юзлаб уламоларда бор. Уларнинг баъзилари “Оятиллоҳи узмо” (“Буюк О.”) деган номга эга. Энг юқсак обрўга эга бўлган биттаси эса “Маржаи тақлид” (“Тақлид қилинадиган илсон”) деб аталади ва у барча шиаларнинг олий раҳнамоси деб таъналади. О. Ҳумайний “Маржаи тақлид” б-н бир қаторда “Имом” деб ҳам аталган. Лекин, бу охиратда келади деб тасаввур қилинадиган 12 та, “яширинган имом” (Маҳдий)ми, деган саволга аниқ жавоб берилмаганлиги сабабли шиаларнинг имомат ақидасида ҳозир жиддий ноаниқлик вужудга келган.

ОҚЛОВ ҲУҚМИ – ЎзР ЖПКнинг 462-м.сига мувофиқ, ҳукмнинг бир тури ҳисобланади. ЎзР ЖПКнинг 464-м.сига мувофиқ, О.х. қуйидаги ҳолларда чиқарилади, башарти: 1) жинорий ҳодиса юз бермаган бўлса; 2) судланувчи содир этган қилмишда жиноят таркиби бўлмаса; 3) жиноят содир этилишига судланувчи дахлдор бўлмаса. Жиноят бошқа шахс томонидан содир этилганлиги аниқланса, шунингдек судланувчига қўйилган айблов иш ҳолатлари батафсил текширилгандан кейин ишонарли тарзда ўз тасдиғини топмаса, суд ушбу модда биринчи қисмининг 3-бандида назарда тутилган асосга кўра судланувчини оқлайди. Башарти ўша асос бўйича О.х. чиқарилганда жиноятни содир этган шахс аниқланмай қолган бўлса, суд бу шахснинг аниқлаш ва уни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш чораларини кўриш учун ишни ҳукм кучга киргандан сўнг прокурорга юборади.

ЎР ЖПКнинг 470-м.сига асосан, О.х.нинг қарор қисмида: 1) судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси; 2) судланувчини жиноят содир этилишида айбсиз деб эътироф этиш ва уни оқлаш тўғрисидаги қарор; 3) судланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини бекор қилиш тўғрисидаги қарор; башарти эҳтиёт чораси сифатида у қамоқда сақланаётган бўлса, оқланган шахснинг дарҳол, суд мажлиси залининг ўзида озод қилиш тўғрисидаги қарор; 4) қўзғатилган фуқаровий даъвои қаноатлантириш рад этилган бўлса, даъвои таъминлаш учун кўрилган чораларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор; 6) оқланган шахснинг унга етказилган мулкий зиёни қоплаш ҳамда маънавий ва б. зиён оқибатларини ЎзР ЖПКнинг 304 – 313-м.ларида назарда тутилган тартибда бартараф қилиш ҳуқуқини эътироф этиш.

ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ – 1) Франциянинг 1795 й.ги III Конс.сига кўра ташкил этилган. Конунчилик корпусининг икки палатасидан бири. Цензли ва икки босқичли

сайлов ҳуқуқи асосида 40 ёшгача бўлган шахслар ичидан сайланадиган 250 кишилик таркибдан иборат бўлган. О.к. беш юзлик кенгаш киритадиган қонун лойиҳасини маъқуллаши ёки рад қилиши мумкин бўлган, унинг ўзи қонун чиқарувчилик ташаббусидан маҳрум эди. Беш юзлик кенгаш киритадиган тақлифлар О.к. томонидан уч ўқишда муҳокама қилинган, бундай ўқишлар ўртасида камида беш кун вақт ўтган. О.к. олдинга Манежда, кейинчалик Бурбонлар саройида мажлис қилган. У 1795 й.нинг 25 октябридан 1799 й.нинг 10 ноябригача амал қилган ва Наполеон амалга оширган 18 брюмер тўнтаришидан кейин тарқатиб юборилган;

2) О.к. – ЎзР Олий Мажлиси ҚП Спикерини ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи б-н 15 кишидан иборат сайланган гуруҳ бўлиб, мазкур кенгаш ваколатлари ҚП Спикери ва унинг ўринбосарлари сайлангач тугайди. О.к. томонидан ҚП Спикери ўринбосарлари лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш ҚП Спикерини сайлаш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади. ҚП Спикери ўринбосарларининг сони О.к.нинг тавсияси бўйича ҚП томонидан белгиланади.

ОҒЗАКИ БИТИМЛАР – майда манший битимлар, шунингдек энг кам иш ҳақининг ўн баробаридан ортиқ бўлмаган миқдордаги битимлар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, оғзаки шаклда тузилишга рухсат этилади.

ЎзР ФКнинг 106-м.сига мувофиқ, қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувиде ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг хатти-харакатидан унинг битим тузишга бўлган хоши-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади. Жетон, патта ёки одатда қабул қилинган бошқа белги бериш йўли б-н тасдиқланган битим, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади. Ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ оғзаки тузилиши мумкин.


ЎзР ФКнинг 257-м.сига асосан, оғзаки битимлар юридик шахслар б-н фуқаролар ўртасида бажарилганида тарафлар ёки хизматлар ҳақини тўлаган юридик шахс бошқа тарафдан пул тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатни ва тўлов асосини олиши керак.

ОҒЗАКИ ПОРТРЕТ – одам ташқи қиёфа белгиларини қайд этишнинг махсус услуги.

ОҒЗАКИ СУДЛОВ – судда кўриб чиқилиши лозим бўлган барча масалаларнинг текширилиши, муҳокама қилиниши, суднинг жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича барча қарорларининг эълон қилиш оғзаки, бевосита суд мажлисида амалга оширилишини билдирувчи демократик принцип.

ЎзР ЖПКнинг 26-м.сида мазкур принцип далилларни бевосита ва оғзаки усулда текшириш шаклида намоён бўлиб, жиноят ишини юритишни амалга оширишда суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд далилларни бевосита текширишларини талаб қилади. Бу демакки, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларни сўроқ қилишлари, эксперт хулосаларини эшитишлари, ашёвий далилларни кўздан кечиришлари, баённома ва б. ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари шарт. ЎзР ЖПКда назарда тутилган алоҳида ҳоллардагина бу қондалардан четга чиқишга йўл қўйилиши мумкин. Суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши лозим.

ОҒИР ЖИНОЯТЛАР – ЎзР ЖКнинг 15-м.си тўртинчи қисмига мувофиқ, қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар. Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-м.нинг иккинчи қисми), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-м.нинг иккинчи қисми), қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (116-м.нинг тўртинчи қисми), номусга тегиш (118-м.нинг биринчи ва иккинчи қисмлари), босқинчилик (164-м.нинг биринчи ва иккинчи қисмлари) тақиқланган экинларни етиштириш (270-м.нинг учинчи қисми) ва б. оғир жиноятларга қиради.



ПАЙ – фуқаролик қонунчилигида кооперативларда иштирокчилар (аъзолар)нинг қўшадиган бадаллари.

Ишлаб чиқариш кооперативда ихтиёрий қўшилладиган П. б-н бирга фуқароларнинг шахсий иштирок этиши ҳам талаб этилади ҳамда биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш мумкин бўлади.

Иштирокчиларнинг моддий (мулкӣ) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси бўлган матлубот кооперативда унинг аъзолари томонидан ўз П. бадалларини қўшиши талаб этилади. Матлубот кооперативининг уставида кооператив аъзолари қўшадиган П. бадалларининг миқдори тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиги кооперативида П. жамғармаси қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолари ўртасида мулкӣ пайларга тақсимланади. Мулкӣ П. қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзосининг кооператив (ширкат) П. жамғармаси қийматидаги улушини белгилайди ва кооператив (ширкат) аъзосига кооперативнинг (ширкатнинг) якуний даромадидан (фойдасидан) дивидендлар тариқасида тегишли улушни олиш ҳуқуқини беради. Мулкӣ П. миқдорини аниқлаш, П.лар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби, шартлари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ҳар бир аъзоси мулкӣ П.нинг аниқ миқдори кооперативнинг (ширкатнинг) аъзосига мол-мулкнинг муайян улушига ҳамда хўжалик оладиган умумий даромаднинг (фойданинг) тегишли қисмига бўлган унинг ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўювчи, номи ёзилган гувоҳнома берилган ҳолда кооперативнинг (ширкатнинг) юқори бошқарув органи қарори б-н белгиланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) даромаднинг (фойдасининг) П.лар бўйича дивидендлар тўлаш учун мўлжалланган қисми йил якунларига қўра тақсимланади ва мулкӣ П.нинг миқдорига мутаносиб равишда тўланади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзолигидан чиқиш фермер хўжалиги ёки янги қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ҳолларда мулкӣ П.лар қонун ҳужжатларига мувофиқ ажратиб берилади. Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) аъзосининг мулкӣ П.ни мерос қилиб олиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат унинг қийматидаги ифодасида амалга оширилади.

ПАКТ (лот. pactum – шартнома, келишув) – халқаро шартномаларнинг бир кўриниши.

ПАЛАТА (лот. palatium – сарой; инг. chamber) – конституциявий ҳуқуқ асосларига қўра, давлат вакиллик органларининг ёки уларнинг айрим бўғинлари номи (мас., бир П.ли, кўп П.ли ташкилий тизим).

ПАЛАТАЛАРНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСЛАРИ – икки палатали тузилмага эга парламентлар ишининг шакл-

ларидан бири. Айрим мамлакатларда парламент П.қ.м. парламент ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни: уруш ҳолатини ёки сафарбарликни эълон қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, республика президентини сайлаш ва ш.к.ни ҳал этиш, бошқа мамлакатларда эса – фақат давлат раҳбарининг баёнотини тинглаш ва б. таптанали вазиятлар учун назарда тутилган.

ПАНАШИРЛАШ – (фр. panachage – биттасини бошқаси б-н аралаштириш) – мутаносиб тизим бўйича вакиллик сайловларида сайловчига турли партия рўйхатларидаги номзодларга бир йўла овоз беришига қонунда белгиланган руҳсат. П. мажоритар тизимда ҳам қўлланилиши мумкин, агарда сайлов округлари кўпмандатли бўлса. Швейцария, Швеция, Норвегияда қўлланади.

ПАНДЕКТ ҲУҚУҚИ (нем. pandektenrecht) – Германияда XVI–XIX а.ларда амалда бўлган хусусий ҳуқуқ йўналиши. Бу ҳуқуқ йўналиши Германияда 1900 й.да фуқаролик тузуқлари ишлаб чиқилгунча амалда бўлган. П.х. ҳозирда ҳам, баъзи ҳолларда (фуқаролик ҳуқуқи фанининг ифодаси сифатида) қўлланилади.

ПАПА БОШҚАРУВИ – католик черкови бошқарувини ташкил этувчи ва папа томонидан бошқарилувчи руҳонийлар маркази.

ПАПИЯР НАҚШЛАР – қўл ва оёқ бармоқлари юзасидаги бўртмалардан ҳосил бўлган нақшлар. Улар такрорланмайди ва индивидуал хусусиятларга эга. Дактилоскопияда ушбу тушунча орқали теридаги чизикли бўртмалар ифодаланади. Бу излар ариқча ва дўнғалак шаклидаги позик чизиклардан иборат бўлиб, ёйсимон, сиртмоқли ва гажакдор нақшлар ҳосил қилади.

Анатомия фанининг тери тузилиши билимига биноан тери икки қатлам: дерма ва эпидермисдан иборат бўлиб, ўзига хос кашта микротузилиши б-н тавсифланади. Ташки тери қатлами бўлмиш эпидермис бу чизикларни такрорлайди, булар папиляр чизик кўринишида турли кашта шаклин ташкил қилади.

Қўл бармоғининг охириги бўғинларидаги папиляр чизиклар индивидуал бўлиб, ҳар бир шахснинг ўзига хос. Улар инсоннинг умри давомида ўзгармас, мустаҳкам шаклга эгадир.

Қўл-бармоқ изларидаги бу хусусият инсоннинг ҳомиладан даврида шаклланиб, умри бўйи, ҳатто ўлгандан сўнг ҳам тери тўқималарида чириш аломати юз бергунга қадар ўзгармайди. Қўл изларининг далилий аҳамияти шундаки, тери каштасининг хусусиятини ифодаловчи аломатлар йиғиндиси иккинчи шахсда такрорланмайди ва бу излар асосида конкрет бир шахснинг айнанлиги аниқланади. П.ндан бир ярим асрда буён деярли барча мамлакатларда жиноятчиларни рўйхатга олиш ва кидириб топиш воситаси сифатида фойдаланилади.

ПАРАЛЛЕЛ ЮРИСДИКЦИЯ – қ.: *Ёндош юрисдикция (Параллел юрисдикция)*.

ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИГА ТАХДИД СОЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ФАОЛИЯТ – электр узатиш объектлари ва линияларини қуриш; самовий ҳудудда электромагнит, ёруғлик, акустик, корпускуляр ва б. турдаги нурланишлар пайдо бўлишига олиб келадиган ишлар; қушларнинг ва ёввойи хайвонларнинг (кемирувчиларнинг) кўплаб тўпланишига ҳамда орнитологик вазиятнинг, парвоз пайтида кўришининг ва аэродромлардаги учиш майдон-

лари ҳолатининг ёмонлашувига сабаб бўлувчи объектларни жойлаштириш; ҳаво кемалари парвоз қилиш ва кўнниш зоналарига баланд ўсадиган дарахтларнинг кўчатларини ўтказиш; шўнингдек самода моддий объектлар ҳаракати б-н бевосита алоқаси бўлмаган, аммо ҳаво кемаларининг, бошқа учувчи аппаратларнинг парвозига, асбоб-ускуналари ва улардаги одамлар ҳавфсизлигига таъсир этувчи ҳар қандай бошқа фаолият (ЎЗР ХҚнинг 17-м.си).

ПАРИТЕТ ПРИНЦИПИ (лот. *paritas* – тенглик) – томонлар вакиллигининг тенглик принципи. Арбитраж орқали меҳнат низоларини ҳал этишда қўлланилади. П.п. (миллий раислик) – бирор-бир давлат фуқаролари ёки ҳуқуқий шахслари эга бўлган ҳуқуқий мавқега бошқа давлат фуқаролари ёки ҳуқуқий шахсларнинг ҳам амал қилишларини таъминловчи режим (талаб).

ПАРИТЕТ СУДЛАРИ – қатор мамлакатларда давлатнинг маслаҳатлашув органлари ҳисобланиб, меҳнат низолари ва шунга ўхшаш масалаларни ҳал этиш учун таъсис этилган.

ПАРЛАМЕНТ (инг. *parliament*; фр. *parlement* – сўзлаш) – демократик давлатлардаги вакиллик органлари бўлиб, қонун чиқариш фаолияти б-н шуғулланади. Бу орган ҳар бир давлатда ҳар хил аталади; конгресс, олий мажлис, федерация кенгаши ва х.к..

П. давлатнинг давлат ҳокимияти органларидан биридир. П. – вакиллик муассасаси бўлиб, унинг депутатлари халқ томонидан сайланади ва П.да унинг манфаатлари ҳимоя қилинади. П. қонунчилик ҳокимиятини амалга оширади, яъни давлатнинг қонуларини қабул қилишда мутлақ ҳуқуққа эга бўлади. П. давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда қатнашади, давлат бюджетини тасдиқлайди, давлатнинг солиқ асосларини ва умумдавлат солиқлари ҳамда йиғимлари турларини белгилаб беради. П. бошқа давлат органларини шақллантиришда, давлатнинг олий мансабдор шахсларини тайинлашда қатнашади – бу ишларни ё ўзи бажаради, ёки тегишли номзодлар б-н келишиб олинади. П. давлат қонулари ижроси устидан ва ижроия ҳокимияти органларининг фаолияти устидан П. назоратини амалга оширади.

П. аҳоли турли қатламлари ва гуруҳларини, давлат минтақаларини жиңслаштирувчи орган бўлиб хизмат қилади.

П. бир палатали ёки икки палатали бўлади (камдан кам ҳолларда палаталар кўпроқ бўлиши мумкин). Икки палатали П.да палаталарнинг бири умумхалқ вакиллиги принципида бўлади. Унинг депутатлари ҳудудий сайлов округлари бўйича сайланади. Давлатнинг ҳудуди шундай округларга тақсимланади (мажоритар сайлов тизми) ёки пропорционал (мутаносиб) сайлов тизими бўйича, яъни сиёсий партиялар ва ҳаракатлар таклиф этган рўйхатлар бўйича ёхуд аралаш тизим бўйича сайлаш ўтказилади.

Палаталарнинг иккинчиси давлатнинг қисмларидан вакиллик принципида бўлади. Мазкур палата аъзолари тегишли ҳудуд аҳолиси томонидан, минтақаларнинг қонун чиқарувчи мажлислари томонидан сайланади ёхуд минтақалардаги қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳокимиятнинг бошлиқлари лавозимларини эгаллаб турганлари туфайли палата аъзоси бўлади, ё бўлмаса, минтақалар ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадилар.

Икки палатали П.да палатанинг тенглиги ва айни бир вақтда ишлаши принциpidан камдан-кам фойдаланилади,

кўпинча мустақил ишлайдиган юқори ва қуйи палаталар деб аталган принцип амал қилади, қонунчилик жараёни қуйи палатада бошланади ва у қабул қилган қонун кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун юқори палатага узатилади.

П.лар сессия тарзида ишлайди. Сессиялар П.нинг ялпи мажлисларидан ёки қасаба мажлисларидан, депутатлик қўмиталари, комиссиялари, фракциялари ва гуруҳларнинг ишидан, П.даги тингловларидан ва б. тадбирларидан иборат бўлади. Айрим П.ларнинг депутатлари фақат сессияларда ишлайдилар, бошқалари депутатлик мандати тан олинган, аввалги лавозимидан бўшаб доимий ишлаш учун П.га ўтадилар. П.лар давлатнинг қонуларини қабул қилишдан ташқари қарорлар, баёнотлар, декларациялар, мурожаатномалар, резолюциялар ва б. ҳужжатларни ҳам қабул қиладилар.

П.нинг регламенти (П.ларнинг регламентлари) П.ни ташкил этишни тартибга солувчи асосий ҳужжатдир. Бундан ташқари, П. тўғрисидаги, П. депутатлари (аъзолари)нинг мақоми ҳақидаги, унинг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа ҳужжатлар ҳам бўлиши мумкин.

ПАРЛАМЕНТ БАҲСЛАРИ – парламент фаолиятини амалга оширишнинг бир шакли. П.б.да у ёки бу қонун лойиҳалари бўйича чиқишлар бўлиб, унда депутатлар ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирадилар.

ПАРЛАМЕНТ ГУРУҲИ – парламент депутатлари тузадиган бирлашмаларнинг умумлашма номи.

ПАРЛАМЕНТ ДАҲЛСИЗЛИГИ ҲУҚУҚИ – парламент депутатлари даҳлсизлиги, баъзида эса бошқа ҳокимият вакиллик органларининг ҳам даҳлсизлиги; депутатни барча ҳаракатлари учун, шу жумладан, уларни парламент мажбуриятларини бажармагандаги ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш ёки қамоққа олишнинг ман этилиши. Депутатнинг даҳлсизлигидан фақат депутатлик мандати амалда бўлган вақтда фойдаланилади. Депутат даҳлсизлик ҳуқуқидан у аъзо бўлган палата томонидан маҳрум қилиниши мумкин. Даҳлсизлик депутатни жиноят жойида ушлаган ҳолларда автоматик тарзда бекор қилинади (бундай ҳолларда, палата фақат таъқиб қилишни тўхтатишни талаб қилиши мумкин).

Даҳлсизликдан маҳрум қилинган ҳолларда парламент аъзоси содир қилган жиноятнинг квалификацияси даҳлсизликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги палата қароридан кўрсатилмаган далилларга асосланиши мумкин эмас. Бўлғуси депутат парламент мандатини тугатиши б-н у олдин қилган жинояти учун ва ўзининг даҳлсизлигига мувофиқ таъқиб қилинмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлади.

ПАРЛАМЕНТ ИММУНИТЕТИ – парламент депутатларининг даҳлсизлиги ва жавобгарликка тортилмаслиги.

Депутатнинг жавобгарликка тортилмаслиги унинг сўз эркинлиги ва овоз бериш эркинлигида ифодаланиб, маъноси шундаки, парламент аъзоси олий вакиллик органи мажлисларида билдирган фикри ва берган овози учун жавобгарликка тортилмайди. Жавобгарликка тортилмаслик депутат учун имтиёз эмас, балки халқ манфаатини ифода этишдаги масъулиятдир.

ЎЗР Конс.си депутатлик иммунитетини назарда тутувчи қондан мустаҳкамлайди.

ПАРЛАМЕНТ ИНДЕМНИТЕТИ (инг. indemnity, лот. indemnitas – безарар) – 1) парламент депутатларининг имтиёзи, уларнинг жавобгарлиги йўқлигида ифодаланади. Депутатларнинг жавобгарлиги йўқлиги депутатни депутатлик мажбуриятини бажариш вақтида содир қилган ҳаракатлари (парламентда нутқ сўзлаш, овоз бериш, комиссияларда қатнашиш ва х.к.) учун таъқиб қилишни тақиқлашни билдиради. Ҳеч ким, шунингдек парламентнинг ўзи ҳам депутатни бу ҳаракатлари учун ҳатто, бу шахс парламент аъзоси бўлмай қолган бўлса ҳам жавобгарликка торта олмайди; 2) яшаш жойи, ёзишмалари, сафар харажатларини қоплашни ўз ичига олган ҳолда (депутатларни) парламентдаги фаолияти учун тақдирлаш.

ПАРЛАМЕНТ КАНИКУЛЛАРИ – парламент сессиялари орасидаги вақт; депутатлар томонидан дам олиш ва ўз округларида сайловчилар б-н ишлаш учун фойдаланилади.

ПАРЛАМЕНТ КОАЛИЦИЯСИ – одатда, парламентда бошқа партия, ҳаракатларга қараганда кўпроқ депутатлик ўрнини олган (аммо барча депутатлар сонининг ярмидан кўпи бўлмаган қисмини олган, шу сабабли бир партия ҳукумат туза олмайдиган) партиянинг коалицион ҳукумат тузиш ва парламентнинг қўллаб-қуватлашни таъминлаш мақсадида бошқа бирор-бир партия, ҳаракат б-н бирлашуви.

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯЛАРИ – парламент томонидан тузиладиган ёрдамчи органлар. П.к. ичида қонунчилик комиссиялари муҳим ўрин тутуди, чунки аксарият қонун лойиҳалари, резолюциялар лойиҳалари ва парламент томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар уларнинг қўлидан ўтади. Ваколат муддати ва ваколат ҳажмига боғлиқ равишда П.к. доимий (парламентнинг бутун ваколати муддатига тузиладиган), вақтинчалик ҳамда махсус турларга бўлилади. Кўпгина давлатларда (АҚШ, Франция, Италия, ГФР, Финляндия ва б.ларда) парламентлар доимий қонунчилик комиссияларини тузади. Одатда бундай комиссиялар иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, ҳарбий ва х.к. соҳаларга ихтисослаштирилади. Вақтинчалик комиссиялар (асосан ихтисослаштирилмаган) бирор-бир аниқ масалани кўриб чиқиш учун тузилади. Буюк Британия Жамоалар палатаси ихтисослаштирилмаган бир катор доимий комиссияларни тузади (мас., А, В, С, D ва б. комитетлар). АҚШ, Италия каби давлатларда тақдим этилаётган қонун лойиҳалари бўйича кенг ваколатларга эга бўлган П.к.ни тузиш амалиёти қўлланади. П.к. одатда регламентга асосан сайлаш орқали тузилади ва ўз таркибида парламентдаги сиёсий партиялар муносабатини сақлаб қолади. Шунингдек, ҳукумат, жамоат ташкилотлари, корхоналар ва х.к. фаолиятини текшириш мақсадида П.к. тузиш амалиёти ҳам кенг тарқалган. Баъзи мамлакатларда парламент тартибини энгиллаштириш мақсадида палаталарнинг умумий комитетлари тузилади (мас., Буюк Британия Жамоалар палатасининг Йўллар ва воситалар комитети). Мазкур комитетлар палатанинг барча депутатларини ўзида бириктиради, бироқ улар палата раиси эмас балки, тегишли комитет раиси раҳбарлиги остида ишлайдилар.

ПАРЛАМЕНТ КЎПЧИЛИГИ – сиёсий партия ёки бошқа парламент депутатларига номзодлар кўрсатиш

ҳукуки бор ташкилотларнинг парламентда кўпчилик ўрнини олиши. П.к. агар партия ва б. депутатнинг номзодини кўрсатган ташкилотлар депутатлик мандатларининг 50 %идан ортиғига эга бўлса, мутлак, агар партия ёки бошқа ташкилотлар гарчи мандатларнинг ярмидан камроғи бўлса-да, ўзга партия ва б. ташкилотларга қараганда, алоҳида олганда, кўпроқ мандатга эга бўлса, нисбий бўлиши мумкин.

ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИ – парламентар республикада депутатлар ёки депутатлик бирлашмаларининг йиғиндиси бўлиб, у парламентда (парламент палатасида) кўпчиликни ташкил этмайдиган ва шу сабабли ҳукуматни тузишга бевосита таъсир қила оладиган парламент аъзоларини ўз ичига олади, ҳукумат таркибининг кўпчилигига эга бўлган партия (партиялар), ҳаракат (ҳаракатлар) белгилайди.

П.м. аслида озчилик тарзида фаолият юритади ёки бунга қўшимча равишда ўзини “парламент мухалифати” деб эълон қилади.

Президентлик республикасида П.м. – парламент (парламент палатаси) депутатларининг йиғиндиси бўлиб, улар ўз фаолияти туфайли ёки бунга қўшимча равишда расмий тарзда ўзини “президентлик давлати сиёсатининг мухалифи” деб эълон қилади.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ – давлат назоратининг бир кўриниши. Асосан, сиёсий мақсадни қўзлаб амалга оширилади. Моҳиятига кўра, фаолият кўрсатаётган ҳукумат ва унинг органлари устидан назорат олиб боради. П.н. парламент терговини олиб боради, ҳукуматга ишончсизлик билдириши мумкин, шу б-н бирга молиявий фаолият бўйича ҳам назорат олиб боради ва ўз хулосаларини ишлаб чиқади.

Парламентар ва президентлик республикаларида ҳукумат фаолияти устидан П.н. алоҳида аҳамият касб этади. Бундай назоратнинг асосий мақсади ва шакли ишонч ҳосил қилиш тўғрисидаги масала, танбех резолюцияси, интерпелляция, ҳукуматга оғзаки ва ёзма саволлар (парламент саволи) парламент текширишидир, у истисно ҳоллардагина импичмент (ишончсизлик – истеъфога чиқишни талаб қилиш) принципини қўллашга олиб келиши мумкин. Кейинги ўн йилликда инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан П.н. инсон ҳуқуқлари бўйича парламент вакили инс.н (тартиботи) жорий этилади.

Парламентнинг махсус органлари: омбудсман, ҳисоб палатаси, ҳисоб судлари ва б.лар орқали амалга ошириладиган молиявий ва молиявий-иқтисодий назорат П.н.нинг алоҳида тури ҳисобланади. П.н.нинг бу тури энди сиёсий эмас, балки маъмурий тусга эга бўлди. ЎЗРда П.н. ЎЗР Олий Мажлисининг ҚП ва Сенати томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунларига мувофиқ амалга оширилади. Бу назорат парламент сўрови ва ҳар йилги Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг, ЎЗР Ҳисоб палатасининг, ЎЗР Бош прокурори, ЎЗР Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси раисининг, ЎЗР Марказий банки Бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш орқали амалга оширилади.

ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАСИ – парламентнинг таркибий бўлинмаси. Палаталар (одатда, улар иккита бўлади) ўртасидаги муносабатлар тенг ҳуқуқлилиқ ва депутатлар (аъзолар) сонининг тенглиги принципи асосида ёки юқори ва қуйи палаталар принципи асосида қурилади. Юқори ва қуйи палаталар принципи қабул этилганида, қонун лойиҳасини биринчи бўлиб кўриб чиқадиган палата қуйи палата деб, иккинчи бўлиб кўриб чиқадиган палата юқори палата деб аталади. Палаталар бир-бирига бўйсунмайди. Юқори палата қонун лойиҳасини рад қилиши мумкин, аммо қуйи палата ўз аъзолари овозларининг малакали кўпчилиги 2/3 қисми б-н уни узил-кесил қабул қилишга ҳақли.

Палаталар тенг бўлган тақдирда улар парламент ваколатини биргалликда амалга оширади. Юқори ва қуйи палаталар принципи шароитида уларнинг ҳар бири қонунчилик жараёнида ўз ўрнини олишдан ташқари, давлат ҳаётининг у ёки бу масалаларини хал этишда бошқа мустақил ҳуқуқларга ҳам эга бўлади. Одатда, юқори ва қуйи палаталар аъзоларининг сони ҳам турлича бўлади. Бирмунча кенг халқ вакиллиги асосида шаклландиган қуйи палата аъзоларининг сони кўпроқ бўлади. Одатда, сон жиҳатдан камроқ бўлган юқори палата кўпинча давлатнинг қисмлари, бўлақлари (федерация субъектлари) вакилларидан ташкил топади, бу вакиллар ё аҳоли томонидан сайланади ёки минтақаларнинг ваколатли ёхуд ижрочи органлари томонидан таъминланади, ё бўлмаса минтақадаги ваколатли ва ижрочи органларининг раҳбарлари лавозимини эгаллаб турганлиги туфайли юқори палата аъзоси бўлади.

ЎзР парламенти – Олий Мажлиси Сенат ва ҚПдан иборат бўлиши ЎзРнинг 1992 й.ги Конс.сига 2003 й.да ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги тегишли қонун ва 2002 й. 12 декабрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунларга асосан мустаҳкамланган.

ПАРЛАМЕНТ РЕСПУБЛИКАСИ – қ.: *Парламентар республика*.

ПАРЛАМЕНТ СЕССИЯСИ (лот. sessio – мажлис) – парламент ва унинг ҳайъатини пленар мажлислари бўлиб ўтадиган вақт. Бир йил ичида П.с.лари неча марта бўлиши кераклиги қонун ёки одат ҳуқуқи б-н белгиланади. Бундан ташқари, навбатдан ташқари, фавқулодда П.с.лари бўлиши мумкин.

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ – парламентар давлатларда ҳуқумат фаолияти устидан парламент назоратининг шаклларида бири. П.с. саволларини депутатлар оғзаки ва ёзма беришлари мумкин. Парламент регламентида парламент мажлисларида саволлар берилиши мумкин бўлган қондаларни киритиш тартибини, шунингдек саволларга ҳуқумат ёки алоҳида вазир жавоби тақдим этиши лозим бўлган муддатларни белгилайди. Умумий қоидага кўра, парламент саволлари қандай шаклларда (оғзаки ёки ёзма) берилган бўлса, шундай шаклда қайтарилади. П.с.га оид нормалар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ЎзР Конституциявий қонунининг 11-м.си ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонун-

чилик палатаси тўғрисида”ги ЎзР Конституциявий қонунининг 12-м.сида баён этилган.

ПАРЛАМЕНТ ТЕРГОВИ – парламентнинг назорат фаолиятини амалга оширишнинг бир кўриниши. П.т. давлат ижроия ва бошқарув органларининг сиёсий хатолиғига баҳо бериш мақсадида фаолият кўрсатади. П.т.ни парламент комиссиялари олиб борадилар ва улар белгиланган муҳлатларда фаолият кўрсатадилар.

ПАРЛАМЕНТ ФРАКЦИЯСИ – парламентдаги депутатлар бирлашмаларининг турларидан бири (бошқа бир тури – депутатлар гуруҳи). П.ф. – бир партия, ҳаракатга мансуб депутатлар бирлашмаси. Улар пропорционал сайлов тизимига асосан партия (ҳаракат) рўйхатига кўра сайланган ёки ҳудудий сайлов округлари бўйича партия (ҳаракат) томонидан киритилган ва мажоритар сайлов тизимига асосан сайланган бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ЎзР Конституциявий қонунига мувофиқ, ҚП депутатлари сиёсий, профессионал ва б. асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмаларини тузиши мумкин. Фракция сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини ҚПда ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир. ҚП депутатининг фракцияга ёки депутатлар гуруҳига кириши тўғрисидаги қарор уларнинг мажлисларида қабул қилинади. ҚПнинг депутати фақат бир фракция ёки депутатлар гуруҳининг аъзоси бўлиши мумкин.

ҚПнинг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак.

Фракция ва депутатлар гуруҳи: ҚП мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади; ҚП мажлисида муҳокама қилинаётган ҳар бир масала юзасидан музокараларда фракция, депутатлар гуруҳи вакилига кафолатланган тарзда сўз берилиши ҳуқуқидан фойдаланади; қелишув комиссияси ва б. комиссиялар тузиш тўғрисида масала кўяди; ҚП мажлисида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг тасарруфига қирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтани назарини баён қилиш талаби б-н мурожаат этади; ҚП мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фикрини Қонунчилик палатаси депутатлари ўртасида таркатади; палатанинг Кенгаши, кўмиталари ва комиссиялари ишида иштирок этади; ҚПда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари ва б. қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади; ҳуқумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш тўғрисида масала кўяди; фракциянинг, депутатлар гуруҳининг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ПАРЛАМЕНТ ЧАҚИРИҒИ – ҳокимиятнинг муайян вакиллик органининг (номинал ёки амалдаги) ваколатлари муддати. Кўпгина мамлакатларда П.ч.нинг номи-

нали тегишли вакиллик органи таъсис этилган вақтдан бошлаб юритилади.

ПАРЛАМЕНТ ЭТИКАСИ – қ.: *Депутат этикаси*.

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТИШЛАРИ – парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, экспертларни маълум бир қонун лойиҳалари бўйича эшитиш фаолиятидир. Парламент ёки парламент палаталари (кўпинча, алоҳида-алоҳида) ўтказадиган бирон-бир давлатнинг жамоат муаммосининг ошқора муҳокамаси, парламент, палатага тегишли қонун лойиҳаси тақдим этилганида ёки у кўриб чиқиш жараёнида шу шаклга киради.

Кўпинча парламент (палата) кўмиталари, комиссиялари баъзан қонун лойиҳасини ёки масалани тайёрловчи, парламент (палата) кун тартибига киритувчи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар парламент эшитишлари ташаббускори бўлади. П.э.ни ўтказиш тўғрисидаги қарорни парламент (палата) раҳбарияти қабул қилади. П.э.га парламент (палата)нинг тегишли кўмиталари, комиссияларининг аппарати тайёргарлик кўради. П.э соҳа кўмиталарига, комиссияларга кирувчи депутатлар, бошқа депутатлар, шунингдек, манфаатдор ташкилот, жамоатчилик вакиллари, олимлар, экспертлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф этилади.

П.э. соҳа кўмитаси, комиссияси вакилининг кириш ахбороти б-н бошланади. Сўнг депутатлар, П.э.нинг бошқа қатнашчилари гапирдилад. Одатда, муҳокама охирида П.э.нинг тавсиялари қабул қилинади, масалани парламент (палата) муҳокамасига тайёрлашда, қонун лойиҳаси устида ишлашда шу тавсиялар эътиборга олинади.

ПАРЛАМЕНТ ҲАҚИШЛАРИ – қ.: *Қонун лойиҳасини ҳақиш*.

ПАРЛАМЕНТ ҚАРОРЛАРИ – ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар юзасидан олий қонун чиқарувчи органлар – парламентлар чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. ЎзР Олий Мажлисининг палаталари ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

ПАРЛАМЕНТ ҲУҚУҚИ – парламент регламенти ва б. парламент аъзоларининг фаолиятини белгиловчи нормалар йиғиндиси.

ПАРЛАМЕНТАР МОНАРХИЯ – конституциявий монархиянинг икки туридан бири (дуалистик б-н бирга). Монарх фақат давлат ёки миллат рамзи сифатида ўз вазифаларини бажариши б-н ифодаланади. Конс.да унга қатта ваколатлар берилган тақдирда ҳам (Нидерландия, Даниядаги каби) конституциявий-ҳуқуқий одат туфайли у бу ваколатлардан мустақил фойдалана олмайди. Монарх чиқарадиган барча ҳужжатлар вазирлар томонидан расмий маъқулланиши керак (контрассигнатура деб аталмиш). П.м. тузумидаги давлатларнинг (Япония, Швеция) Конс.ларида монархга расман бирорта ҳам аҳамиятли ваколат берилмаган. П.м.да ҳукумат расман парламент олдида ҳисобдордир, давлат органлари тизимида расмий устуворлик парламентга тегишлидир.

ПАРЛАМЕНТАР РЕСПУБЛИКА – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган давлат тури.

Кўпинча парламентар ва президентлик республикалари хусусиятлари бирга қўшилган аралаш шакллар мавжуд бўлади.

П.р.нинг ўзига хос хусусияти шуки, парламент давлатда етакчи ролни ўйнайди, у қонунларни қабул қилишдан ташқари ҳукуматга ва давлат бошқарувининг бошқа органларига қучли таъсир ўтказиши мумкин. Ҳукуматнинг таркибини ё депутатлик ўринларининг ярмидан кўпига эга бўлган бир партиядан иборат парламент кўпчилиги ёки партиялар коалицияси белгилайди. Агар давлатда монарх (президент) бўлмаса, парламент ё ҳукумат раисини ва унинг тақдимига биноан бутун ҳукумат таркибини ёки фақат ҳукумат раисини тасдиқлайди, сўнгра раис ҳукуматни ўзи тузади. Агар давлатда монарх (президент) бўлса, у ҳукумат раисини фақат расман тасдиқлайди, чунки ҳукумат раиси номзодини парламент кўпчилиги кўрсатади.

Парламент ўз ҳужжатлари ва ҳаракатлари б-н давлатнинг ички ва ташқи сиёсати асосларини белгилайди.

П.р.да ҳукумат парламент олдида масъул бўлади, парламент ҳукуматнинг фаолиятини муҳокама қилади ва иш дастурини маъқуллашди. Кўпинча П.р.да парламент ҳукуматнинг йиллик ҳисоботини тинглаш ёки ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим масалалари юзасидан ҳукуматнинг навбатдан ташқари ҳисоботи ёки маърузасини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Парламент ҳукуматга ишончсизлик билдиришга ҳақлидир, бу ҳолда ҳукумат кўпинча истеъфога чиқади. Парламент ҳукумат раисига ёки унинг аъзосига ишончсизлик билдирганда ҳам улар истеъфога чиқади (одатда ҳукумат раиси б-н бирга унинг таркиби истеъфога чиқади).

П.р.да парламентнинг мутлақ ҳокимияти йўқ, албатта. Қонуний тарзда тузилган ҳукумат давлат Конс.си ва қонунларида назарда тутилган ўз вазифаларини бажаришда мустақил бўлади. Аммо муайян вазиятларда парламент тарқатиб юборилиши мумкин. Мас., агар парламент кўпчилиги ҳукуматни тузиш имконияти берадиган коалиция вужудга келмаса, ёки ҳукуматга ёхуд унинг раисига ишончсизлик билдириш тўғрисидаги таклиф учун зарур миқдордаги овоз берилмаса, шунингдек парламент депутатлари ва фракциялар ўртасида ички низолар оқибатида ўз сессиясига тўплана олмай, унинг фаолиятини тўхта-тиб қолса, парламент тарқатиб юборилади.

Адабиётларда “П.р.” атамаси б-н бир қаторда “парламент республикаси” ҳам ишлатилади, принцип жиҳатида ҳар иккала атама бир маънони билдиради.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ – давлат фаолиятини ташкил этиш хусусиятларидан бири бўлиб, аҳоли томонидан сайланадиган ва доимий ишлайдиган парламентнинг мавжудлигини, унинг обрў-эътибори ва давлат ишларига, жамиятнинг сиёсий турмушига таъсирини, шунингдек ўзига хос иш шакллари ҳамда парламент аъзолари б-н сайловчиларнинг муносабатларини характерлайди.

П.нинг биринчи белгиси – ваколатли муассасанинг мавжудлигидан иборат, бу муассаса доимий равишда ишлайди, ёки вақтнинг кўп қисмини ялпи мажлислар, кўмита ва комиссияларнинг мажлисларида ўтказиши мумкин. П.нинг навбатдаги белгиси парламентга хос ваколатларнинг мавжудлиги: қонунлар қабул қилиш; давлат бюджетларини, солиқларини ҳар томонлама муҳокама қилиш ва тасдиқлаш; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш ва амалга оширишда, давлатнинг бир қатор органларини тузишда ва олий мансабдор шахсларни тайинлашда қатнашиш; парламент назорати вазифасини бажаришдир.

П. парламент ишининг ўзига хос шакллари ва усулларида: ялпи мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан кенг мунозаралар ўтказиш, парламент эшитишлари, депутатларнинг сўровлари, ҳукумат вакилларининг парламентдаги саволларига жавоб бериш соати, парламент кўмити ва комиссиялари, фракциялари ва депутатлик гуруҳларининг иши каби усуллардан фойдаланади. Бундан ташқари П. депутатлар ва сайловчиларнинг алоҳида муносабатларини йўлга қўяди. Одатда депутатлар эркин мандатга эга бўлади, яъни сайловчиларнинг нақазларига боғлиқ бўлмайди, сайловчилар олдида ҳисоб бермайди ва муддатидан аввал чақириб олиниши мумкин эмас (сайловчиларнинг ишончини оқламаган ёки ножўя иш қилган депутатлар сайловчилар томонидан чақириб олиниши мумкин). Шу б-н бирга депутатлар сайловчилар б-н доимий алоқада бўладилар, ўз ишлари ҳақида уларга ахборот берадилар, уларнинг шахсий муаммоларини ҳал этишда кўмаклашадилар.

ПАРЛАМЕНТАРИЙ – парламент аъзоси.

ПАРЛАМЕНТГАЧА РЕФЕРЕНДУМ – парламент ҳали тасдиқламаган ҳужжатларнинг сайловчилар умумхалқ овоз беришига қўйилиши.

ПАРЛАМЕНТДА ОВОЗ БЕРИШ – давлатнинг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органида муҳокама қилинадиган ва ҳал қилинадиган масалалар юзасидан депутатлар хоҳиш-иродасини аниқлаш усули.

Очик овоз беришда (қўл кўтарганда, ўрнидан турганда, номма-ном овоз беришда ва х.к.) ҳар бир депутатнинг қандай тўхтамга келганини атрафдагилар кўриб-билиб туради. Замонавий парламентлар очик овоз беришда ҳар бир депутат қандай овоз бераётганини – “ёқлаши”, “қаршилиги” ёки “бетарафлиги”ни таблода кўрсатадиган электрон овоз ҳисоблаш тизимидан фойдаланилади. Агар парламентнинг Регламентида назарда тутилган бўлса, сўраган депутатга тегишли маълумотлар берилиши мумкин.

Яширин овоз бериш кўпинча махсус бюллетенлар воситасида амалга оширилади. Уларни депутат шахсан (қоида тарикасида, махсус ҳола ёки бўлмада) тўлдирди ва овоз бериш қутисига ташлайди. Шу туфайли депутат қандай тўхтамга келгани атрафдагиларга номаълум бўлиб қолади.

Электрон тизимдан фойдаланган ҳолда яширин овоз беришни ўтказиш мумкин, лекин буида депутатларнинг номма-ном овоз бериши тўғрисидаги маълумотлар электрон тизимнинг хотирасига киритилмайди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ҚПнинг қарорлари унинг мажлисларида очик ёки яширин овоз бериш орқали қабул қилинади. Очик овоз бериш номма-ном бўлиши мумкин.

ҚП мажлисларида овоз бериш овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланган ҳолда ёки яширин овоз бериш бюллетенларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

ҚП мажлисида овозларни ҳисоблашнинг электрон тизимидан фойдаланилиши устидан назоратни ҚП депутатлари жумласидан бўлган гуруҳ амалга оширади.

Овоз бериш шакли ва усули тўғрисидаги қарор ҚП томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади, у ёки

бу масала юзасидан овоз бериш шакли ва усули ЎзР Конс.сида ҳамда конституциявий қонуларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

ҚПнинг депутати ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

ЎзР Конс.сининг 82-м.сига биноан, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП ва Сенатининг қарорлари ҚП депутатлари ёки Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози б-н қабул қилинади, ушбу Конс.да назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Конституциявий қонуларни қабул қилишда барча депутатлар, сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этиши шарт (ЎзР Конс.сининг 81-м.си).

Агар ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонунни қайта кўриб чиқишда ҚП депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози б-н қонуни яна маъқулласа, қонун ЎзР Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган ҳисобланади ҳамда имзоланиши ва эълон қилиниши учун ЎзР Президентига ҚП томонидан юборилади (ЎзР Конс.сининг 84-м.си).

ПАРЛАМЕНТДАГИ КЎПЧИЛИК – мамлакат парламентида сайловлар натижасида сиёсий партия ёки сиёсий партиялар келишуви натижасида шакллантирилган гуруҳ бўлиб, у миқдор жиҳатдан нисбатан кўпчиликни ташкил этади.

Айрим давлатларда парламент сайловлари натижасида кўпчилик жойини (маандатни) эгаллаган партия ёки бирлашма П.к.ка таяниб ҳукуматни тузиши ёки Президентни сайлаши мумкин.

Ҳукумат ёки Президент П.к.ка таяниб, ўзларининг ички ва ташқи сиёсатларини амалга оширадилар. Ўзбекистон қонучилигида П.к. масаласи ўз ифодасини топган.

ЎзР Олий Мажлисининг ҚП Спикерини ва унинг ўринбосарларига номзодларни кўрсатиш, ҚП қўмиталарини тузишда П.к.нинг фикри илобатга олинади. Унга кўра, ҚП Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун тузилган Оксоқоллар кенгаши, Спикер ва унинг ўринбосарларига номзодларни, қоида тарикасида, энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Бундан ташқари, ҚП қўмитаси раиси, унинг ўринбосари ва қўмита аъзолари лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублигини ҳамда сайловда сайловчиларнинг қанча овозини олганлигини илобатга олган ҳолда яхлит (умумий) қарори б-н белгиланади (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

ПАРЛАМЕНТНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИШ – парламентар давлатларда, шунингдек аралаш турдаги республикаларда давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг конституциявий механизмининг асосий ҳолатларидан бири. П.т.ю. (ваколат муддатининг тугашидан олдин парламентга сайловларни эълон қилиш) ҳуқуқи давлат бошлиғига тегишли бўлади. Парламентар бошқарувдаги давлатларда (ГФР, Италия, Венгрия, Чехия, Латвия, Эстония) президент ҳукумат “илтимосига” биноан П.т.ю.и мумкин. ЎзРда Олий Мажлисни тарқатиб юбориш тартиби Конс.нинг 95-м.сида белгиланган бўлиб, ҚП ёки Сенат таркибида улар

нинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта ЎзРнинг Конс.сига зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек КП б-н Сенат ўртасида ЎзР Олий Мажлисининг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ЎзР Президентининг ЎзР КСи б-н бамаънаҳат қабул қилган қарори асосида ЎзР Олий Мажлисининг КП, Сепати тарқатиб юборилиши мумкин.

ПАРЛАМЕНТСИЗ РЕФЕРЕНДУМ – сайловчиларнинг бирор масала ёки қонун лойиҳаси бўйича парламент тадбирлари ўрнига, уни четлаб овоз бериши. П.р.га қарор ёки қонун парламентда олдиндан кўриб чиқилмай кўйилади ва референдумда қўллаб-қувватланса, парламент тасдиғига қиртилмасдан қучга қиради.

ПАРТИЯ ТИЗИМИ – жамиятнинг сиёсий тузилиши ва жамият аъзоларининг давлат ва жамият ҳаётида иштирок этишининг қабул қилинган ҳамда эътироф этилган қоида-си. П.т. маълум бир жамият ёки давлатлар томонидан қабул қилинмаган. (Мас., Бутан, Уммон, Кувайт, Саудия Арабистони қабилар). Шу б-н бирга, бир партияли ёки кўп партияли тизимлар ҳам мавжуд.

П.т. – жамиятнинг сиёсий тузилишини тавсифловчи муҳим сиёсий инс. П.т. бир томондан, партия ва давлат орасидаги муносабатлар б-н, иккинчи томондан эса партияларнинг сиёсий тизими бошқа ижтимоий элементлари ҳамда фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлари б-н тавсифланади. П.т. асосан: бир партиявийлик, икки партиявийлик ва кўп партиявийлик тизимларга бўлинади. Бир партияли тизим тоталитар (социалистик, фашистлар деб аталмиш) мамлакатлар ва энг авторитар режимлар учун ҳосилдир. Бунда кўпинча ягона партиянинг “етақчилик роли” Конс.да мустаҳкамланади. Ҳозирги кунда бир партияли тизим КХДР, Вьетнам, Лаос, Кубада мавжуд. ХХРда сохта кўп партиявий тизим мавжуд: мутлақ ҳукм сурувчи коммунистик партия б-н бир қаторда уни сўзсиз қўллаб-қувватловчи бир неча “митти” партиялар ҳам бор. Икки партиявийлик тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, партиялар сони кўп бўлганда ва ҳаммаси ҳокимиятга даъво қилганда, улардан фақат иккитаси навбатма-навбат ҳукумат тузади. Бир партия ҳукмронлик қилади, иккинчиси эса муҳолифатда туриб, уни танқид қилади, шундан кейин сайловлар натижасида улар вақти-вақти б-н ўрин алмашадилар. Бундай тизим учинчи бир муқобил сиёсий қучнинг юзага келиш имкониятини қийинлаштиради. Икки партиявийлик тизимининг классик мисоли АКШдир. ЎзРда сиёсий тизим демократик принциплардан бири бўлмиш кўп партиявийлик асосида амал қилади.

ПАРТИЯ ЦЕНЗИ – бир қатор давлатларда мавжуд қоида бўлиб, бунда партия пассив сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши учун албатта раҳбар партиялар таркибида бўлиши лозим.

ПАРТИЯСИЗ ҲУКУМАТ – турли вазиятларда ташкил этиладиган ҳукуматларнинг умумий номи. Биринчидан, мамлакатда умуман сиёсий партиялар йўқ бўлган ёки улар тақиқланган ва яширин ҳолатда бўлганда (Саудия Арабистони, Кувайт, Уммон ва б. абсолют монархиялар). Иккинчидан, бу партия етакчилари томонидан эмас, балки юқори мансабли амалдорлар томонидан ташкил этиладиган амалий амалдорлар, ёрдамчи деб аталмиш ҳуку-

мат бўлиб, қоидага кўра қисқа муддатли тусда бўлади: унинг вазифаси одатда ҳукумат тузишда парламентдаги чорасизликни бартараф қилиш, парламентнинг янги таркиби сайловларини тайёрлаш учун тузилади (бундай ҳукуматлар, мас. Финляндия, Голландия, Португалияда тузилган). Учинчидан, махсус турдаги П.х.ни харбий режимлар тузади. Харбийлар сиёсий ҳокимиятни ва бошқаруving асосий омилларини ўз қўлларида сақлаб, мутахассислардан ҳукумат тузишда ва ўзлари ишлаб чиққан сиёсатни амалга ошириши унинг зиммасига юклайди. Аргентина, Бразилия, Нигерия ва бир қатор бошқа мамлакатларда харбий режим вақтида технократ П.х. бўлган.

ПАСПОРТ (инг. passport; фр. passeport) – шахснинг қайси давлат фуқароси эканлигини қайд этувчи ҳужжат.

ПАСПОРТ ТИЗИМИ – ЎзР Президентининг 1999 й. 26 февралдаги ПФ – 2240-сон Фармони б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом б-н белгиланади. ЎзР П.т.ни паспорт бериш за унда фойдаланиш, қайд этиш, рўйхатдан чиқариш тартибини, шунингдек П.т қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгиловчи нормалар йиғиндиси ташкил этади. П.т. аҳолини ҳисобга олишда, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, шунингдек жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишда катта роль ўйнайди.

ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – фуқароларнинг ваколатли орган депутатлигига ёки сайлаб қўйиладиган давлат лавозимига, ёхуд маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимидаги лавозимга сайланиш ҳуқуқи. П.с.х. конституциявий ҳуқуқ фаинининг тушунчаси бўлибгина қолмай, балки қонунчилик тушунчаси ҳамдир.

Сайланишни хоҳловчи фуқаро, ЎзР қонунчилигига бинноап, шахсан фаолаик кўрсатиш – ўзи учун ташвиқот қилиши, бошқача айтганда, асло сайлов компаниясининг пассив қапишчиси бўлмаслиги керак. Шу сабабли “П.с.х.” тушунчаси номзоднинг шахсий феъл-атвори б-н эмас, балки пировард натижа б-н бошқа шахсларнинг, яъни сайловчиларнинг овози орқали сайланиш б-н боғлиқдир. Сайлов қуни эса номзод бу натижани “пассив” тарзда кутиб туради, шу қуни у бунинг устига ўзининг сайланиши учун ташвиқот қилишга ҳақли эмас (қонунчиликда овоз бериш қуни ҳар қандай ташвиқот тақиқланади).

ЎзР сайлов қонунчилигига асосан депутатлар номзодлари ва мансабдор шахсга маълум талаблар қўйилган. Олий Мажлис депутатлигига 25 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари, республика Президентлигига 35 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқароси, маҳаллий халқ депутатлари Кенгаши депутатлигига 21 ёшга тўлган ЎзР фуқаролари сайланиши мумкин. ЎзР Конс.сининг 90-м.си республика Президенти номзодига қуйидаги талабларни қўяди: Президентликка номзод ЎзР ҳудудида қаида 10 й. муқим яшаётган бўлиши, давлат тилини яхши билиши керак. Бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ЎзР Президентлигига сайланиши мумкин эмас.

ПАТЕНТ (лот. patens – очик, тушунарли) – 1) давлатнинг маъсул органлари томонидан бериладиган ва қуйидагиларни белгиловчи ҳужжат: кашфиёт ҳамда янгиликлар учун, муаллифлик ҳуқуқини бериш учун; 2) баъзи давлатларда айрим турдаги фаолият б-н шуғулланиш учун рухсат берувчи ҳуқуқий ҳужжат.

ПАТЕНТ ҲУҚУҚИ – қ.: *Ихтирочилик ҳуқуқи.*

ПАТРИЦИЙ (лот. pater) – қад. Римда маҳаллий аҳоли, яъни Рим халқи.

ПАТРОНАТ (лот. patronatus, patronus – хомий) – ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етмаган болалар, шу жумладан тарбия ва даволаш муассасаларида, шунингдек аҳолини ижтимоий химоялаш муассасаларидаги болалар оилага тарбияга бериледи.

Болаларни оилага тарбияга олишни истаган шахс васийлик ва хомийлик органлари б-н келишилган ҳолда болаларни олдиндан танлаб олади.

Болаларни оилага тарбияга бериш уларнинг хошишини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Ўн ёшга тўлган болаларни уларнинг розилиги б-н оилага тарбияга бериш мумкин.

Болаларни оилага тарбияга бериш тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

Қуйидаги болалар оилага тарбияга бериледи:

етим болалар;

ота-онаси номаълум бўлган ёки ташлаб кетилган болалар;

ота-онаси ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган, суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган, бедарак йўқолган деб эълон қилинган;

соғлиғига кўра фарзандларининг тарбияси ва таъминоти б-н шахсан шуғуллана олмайдиган ота-опаларнинг болалари;

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, тарбия ва даволаш муассасаларидаги, шунингдек аҳолини ижтимоий химоялаш ва шунга ўхшаш муассасалардаги болалар.

Оилага тарбияга бериладиган болалар васийлик ва хомийлик органлари томонидан аниқланади ва ҳисобга олинади.

Болаларни оилага тарбияга бериш ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг бошқа шаклларида фарқ қилади. Болани оилага тарбияга бериш фарзандликка олишдан ўзининг шартномавий ва вақтинчалик эканлиги ҳамда ўзаро таъминот бериш мажбурияти вужудга келмаслиги б-н, васийлик ва хомийликдан эса муносабатларини расмийлаштириш усули б-н фарқ қилади.

Болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) б-н боғлиқ муносабатлар ЎзР ОК, ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сон қарори б-н тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низом б-н тартибга солинади.

ПЕНИТЕНЦИАР (лот. penitentia – тавба қилиш) – ҳозирги кунда кўпгина хорижий давлатларда жазони ижро этиш тизими П. тизим деб юритилади.

ПЕНИТЕНЦИАР РЕЦИДИВ – озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб чиққан шахс томонидан янги жиноятнинг содир этилишини ўз ичига олади. Рецидив жиноятчиликнинг кўлами, тузилиши ва динамикаси рецидив жиноятларнинг сони, жиноятчилик таркибидаги ва унинг алоҳида турларидаги рецидив жиноятларнинг ҳиссаси ҳамда жиноятчилар орасида рецидивистларнинг ҳиссаси б-н тавсифланади. Бу кўрсаткичларни таққослаш рецидивнинг динамикасини аниқлаш имконини беради. Мукаддам

содир этилган жиноятларнинг миқдорига кўра: оддий (бир марталик) рецидив; мураккаб (кўп марталик) рецидив фарқланади. Бир марталик ва кўп марталик рецидивнинг нисбати турғун боғлиқлик б-н тавсифланади: иккинчи марта жазога ҳукм этилганларнинг салмоғи учинчи марта ҳукм этилганларнинг салмоғидан 2,5-3 баравар кўп, учинчи марта ҳукм этилганларнинг сони эса тўртинчи марта ҳукм этилганларнинг сонидан шунча баравар кўп ва х.к.

ПЕНОЛОГИЯ (лот. роено – жазо + logos – таълимот сўзларидан; penology) – жазони ижро қилиш тўғрисида таълимот, хусусий интизом кримпнологияси асосида жазо тайинлашнинг самарали усулларини танлаш.

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ – пенсия таъминоти тизимидаги бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар, ажратмалар ва тўловларнинг тўлиқ йиғилишини таъминлаш, аҳолини давлат томонидан қафолатланган ижтимоий химоя қилиш чора-тадбирларини ўз вақтида маблаг б-н таъминлаш мақсадида ташкил этилган бюджетдан ташқари жамғарма, юридик шахс.

ВМнинг 2004 й. 21 октябрдаги 490-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисида низомга мувофиқ, ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари П.ж. ижтимоий таъминот тизимида давлат қафолатларини амалга оширишга йўналтириладиган мақсадли молиявий ресурсларни жамлайди. Жамғарма маблағлари ЎзР Марказий банкидаги ягона йиғма ҳисоб рақамида жамланади. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма маблағларининг тасарруфисини ҳисобланади. Мажбурий ажратмалар, бадаллар ва б. тўловларнинг йиғилишини таъминлаш, шунингдек ушбу маблағларнинг Жамғармага тўлиқ тушишини назорат қилиш ЎзР Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари маблағларни шакллантириш ва сарфлашнинг мақсадли йўналтирилганлиги сақлаб қолинган ҳолда ЎзРнинг йиғма бюджети таркибига киритилади ва Жамғарма балансида акс эттирилади. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, ЎзР Марказий банкида мустақил балансга, ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига, ЎзР Давлат герби тасвири туширилган гербли муҳрга эга бўлади.

ПЕНСИЯ ТУРИНИ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ – ЎзР МКнинг 292-м.сига мувофиқ, турли хилдаги давлат пенсияларини олиш ҳуқуқига эга бўлган суғурта қилинган ходимларга (боқувчисини йўқотган ҳолларда эса – уларнинг оила аъзоларига) уларнинг ўзлари танлаган пенсиянинг битта тури тайинланади. Ушбу ҳуқуқ “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сида ҳам мустаҳкамланган.

ПЕНЯ (лот. роена – жазо, жарима; инг. fine) – неустойканинг бир шакли бўлиб, қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз б-н ҳисобланадиган неустойка П. ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 261-м.си).

ЎзР ФКга кўра, П. тўғрисидаги қилишув ёзма шаклда тузилиши керак. П. тўлаш тарафларнинг қилишувида на-

зарда тутилган ёки тутилмаганлигидан катъи назар, кредитор қонунда белгиланган неустойка (қонуний неустойка)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Қонуний неустойканинг миқдори, агар қонун таъкидламаса, тарафларнинг келишувчи б-н кўпайтирилиши мумкин.

ПЕРЛЮСТРАЦИЯ (лот. perlustrate – кўриб чиқмоқ) – давлат органлари ёки бошқа органлар томонидан почта орқали ўтаётган хабарномаларни цензура ёки назорат қилиш мақсадида ўтказиладиган текширув ва кўриб чиқиш.

ПЕРСОНА НОН ГРАТА (лот. persona non grata) – элчилик фаолиятида қўлланувчи сўз, яъни тўғри келмайдиган одам. П.н.г. деб эълон қилинган шахс ва унинг оила аъзолари имкони борича элчилик ишларига қўйилмаслиги лозимдир. Элчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида давлатлар томонидан шундай қарорга келиш тегишли давлат томонидан ўз элчисини чақириб олишнинг ҳуқуқий асоси бўлади ва мурожаатда кўрсатилган муддатда ёки муддат кўрсатилмаган бўлса, тезда бажариш чораси кўриломоғи зарур. Агар талаб қилинган иш бажарилмаса, ўша давлат ҳокимияти бошқа чораларни кўриши мумкин.

ПЕТИЦИЯ (лот. petitio; инг. petition) – конституциявий ҳуқуқда фуқароларнинг маълум бир қисми томонидан ёзма шаклда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётга оид бўлган масалалар бўйича давлатнинг олий органларига берадиган сўрови.

ПЕТИЦИЯ ҲУҚУҚИ – фуқароларнинг давлат бошқаруви ёки идораларга ёзма равишда у ёки бу ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар юзасидан қиладиган мурожаатларининг конституциявий қафолати. Жумладан, ЎзР Конс.сининг 35-м.сига асосан, ҳар бир шахс бевосита ўзи ва б. б-н биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар б-н мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилиши шарт. П.х. бир қатор давлатларда ўзига хос равишда талқин қилинади. Мас., Венгрияда мурожаат қилиш ҳуқуқи нафақат фуқароларга, балки ҳар бир одамга берилган. Испания Конс.си бўйича П.х.дан айрим тоифадаги фуқаролар (харбийлар) фақат шахсан ўзи ва ўзи номидан мурожаат қилиши белгиланган.

ПЕТИЦИЯВИЙ РЕФЕРЕНДУМ – ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётга оид қонун қабул қилиш учун муайян давлатнинг бир гуруҳ ёки бир қисм аҳолиси томонидан петицияни ёқлаб бирор қонун қабул қилишни талаб қилиши. П.р. АҚШнинг бѳъзи штатларида, Италияда эса маҳаллий ҳокимият органлари ташаббуси б-н амалга оширилади. П.р.ни қонун лойиҳаларини фуқароларнинг маълум қисми томонидан маҳаллий вакиллик ёки маъмурий органларига тақдим этадиган қонун лойиҳаси сифатидаги халқ ташаббусидан фарқлаш лозим.

ПИКЕТЛАШ – конституциявий ҳуқуқ нуқтан назардан ЎзР Конс.сининг 33-м.сида мустаҳкамланган митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ўтказиш ҳуқуқини амалга ошириш усулларидан бири. ЎзР Конс.сининг 33-м.сида ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтан назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилган. П. тушунчасида ҳозирча тўла аниқлик йўқ. Мас., агар гуруҳ эмас, балки

бир киши плакат кўтариб бино ёнида турса; агар одамлар бино эшиги ёнида ёки бирор-бир ҳудудга кираверишда эмас, балки, айниқса бу ерга яқинлашишнинг имкони бўлмаган тақдирда, унга яқин бўлган жойда турса, бу П. деб ҳисобланадими, агар очлик эълон қилган кишилар бино эшигига яқин жойда жойлашиб олса, буни очлик эълон қилиш деб ҳисоблаш мумкинми ва х. Булар йиғилиш ва намойишлар ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қонун ҳужжатларида батафсил баён этилиши керак.

ПИРОМАНИЯ (юн. πυρ – олов + mania – ишқибозлик сўзларидан) – одамнинг руҳиятидаги ўт кўйишга мойиллик б-н боғлиқ бўлган носоглом ҳолат. Бундай ҳолатда шахс ўт кўйиш орқали маълум бир қонунга эришади.

ПЛАГИАТ – к.: *Адабий җеирлик (Плагиат)*.

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР – П.к. банк томонидан чиқариладиган персоналаштирилган тўлов воситаси бўлиб, карточка эгасининг тегишли банкдаги ҳисоб рақамида маблағ борлигига гувоҳлик берувчи ва нақд пул тўламасдан товарлар, иш ва хизматларни сотиб олиш ҳуқуқини ўзида аке эттиради. Пластик карточкада бир хил маънода тенглаштирувчи эмитентнинг номи ва босма усулда терилган босма бўғинли белгилари кўрсатилиши керак. П.к. жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар бир томондан, маҳсулотни реализация қилувчи, ишни бажарувчи ёки хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар ёки яқка тартибдаги тадбиркорлар иккинчи томонда туриб ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китобларда, шунингдек нақд пул берадиган шохобчалардан ва банкоматлардан нақд пул маблағларини олишда қўлланилади.

ПЛЕБИСЦИТ (лот. plebiscitum, plebs – оддий халқ + scitum – қарор сўзларидан) – референдумнинг ўзига хос шакли бўлиб, у аҳолининг ўзи яшайдиган ҳудуддаги сиёсий тақдирини белгилайди. Айрим давлатлардаги П. референдумга қараганда кенгрок тушунчага эга бўлади. АҚШда эса референдум ва П. бир-бирдан фарқ қилмайди. (Ўзбекистон қонунчилигида фақат референдум тушунчаси мавжуд). Конституциявий ҳуқуқ референдумларни қўлланилишига қараб ҳар хил турларга бўлинади. Мас., ўтказиладиган ҳудудга қараб умуммиллий, республика миқёсидаги ва маҳаллий миқёсидаги референдумлар. Алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликда ўтказиладиган референдумлар конституциявий ва қонун фаолиятига боғлиқ. Конс.нинг лойиҳаси конституциявий референдумнинг предмети, қонун референдуми эса қонун лойиҳасининг муҳокамаси ёки қонунни қабул қилиш предмети ҳисобланади.

Ҳуқуқий аҳамиятига кўра консультив референдум сайлов корпусининг мақсадини аниқлаш ва б. давлат органларининг олиб бораётган иш юзасидан референдумлари бўлиши мумкин.

П. муҳим масала юзасидан халқнинг овоз берниши йўли б-н давлат қарорини қабул қилиш. Кўпинча бу тушунчанинг ўрнига референдум атамаси ишлатилади, чунки ўтказилиш тартиби қондаси, қарорлар қабул қилиш шакли ва юридик мажбуриликка кўра улар бир-бирдан фарқ қилмайди.

Қандай масалалар кўриш доирасига келганда, конституциявий ва халқаро ҳуқуқ фанидаги баъзи муаллифлар ички сиёсий масалалар юзасидан ўтказиладиган овоз беришни референдум деб, ташки сиёсий характердаги

масалалар юзасидан овоз беришни (мас.: бироп-бир худуднинг давлатдан чиқиши мустақил давлат сифатида яшаш ёки бошқа давлат тартибига кириш тўғрисида овоз беришни; худуд ёки мустақил давлатнинг бирон-бир давлат таркибига унинг таркибий қисми сифатида кириши тўғрисида овоз беришни; давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотга кириши тўғрисида, давлатлар конфедерацияси, иттифоқи ёки бошқа уюшмасини тузиш тўғрисида, халқаро ташкилотлардан, давлатларнинг конфедерацияси, иттифоқи, бошқа бирлашмасидан чиқиш тўғрисида овоз беришни) П. деб ҳисоблашни таклиф қиладилар. Ўзбекистонда референдум иборасини ишлатиш одат бўлиб қолган.

ПЛЕБИСЦИТ ДЕМОКРАТИЯСИ – сиёсатшунослар, социологлар, конституциявий ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар фойдаланадиган тушунча бўлиб, жамият ва давлатда, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари аввал муҳокамадан ўтказилиб, сўнгра халқ овозига қўйилиб ҳал этиладиган тарздаги демократияни билдиради.

ПЛЕНУМ (лот. *plenum* – тўлиқ; инг., фр. *plenum*) – сайлаб қўйиладиган давлат, жамият ёки бошқа ташкилот барча аъзоларининг тўлиқ таркибда йиғилиши, мас., ЎзР ОС П.и, ЎзР ОХС П.и.

ПЛЮРАЛ ВОТУМ (инг. *plural vote*) – конституциявий ҳуқуқда битта сайловчига бир неча марта овоз бериш ҳуқуқининг берилиши. П.в. XIX а.да кўп қўлланилган. Буюк Британия, Германия ва Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида фуқаро турар жой бўйича сайлов рўйхатига киритилиши б-н бирга унинг кўчмас мулки ёки у олий маълумот тўғрисида диплом олган университет жойлашган округ рўйхатига ҳам киритилган. П.в. XX а.да ўз ахамиятини йўқотган. П.в. Австралиянинг айрим штатларида ва Янги Зеландияда сақланган, бу ерда йирик мулкдорлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда бир неча овозга эга бўлади.

ПЛЮРАЛИЗМ (лот. *pluralis* – кўпчиликка хос; инг. *pluralism*) – фикрлар хилма-хиллиги. МДХга аъзо бўлган баъзи мамлакатларнинг Конс.ларида яқин пайтдан бери ишлатила бошлаган тушунча бўлиб, бирон-бир ижтимоий муҳим масала юзасидан фикрлар хилма-хиллиги ва фуқароларнинг турли ижтимоий бирлашмалари тузилиши имкониятини билдиради. Яна қ.: *Сиёсий плюрализм*.

ПОДПОЛКОВНИК – офицерлик унвони, бир қатор давлатларда ҳарбий ва шу б-н бирга махсус унвон сифатида берилади. ЎзР Қуролли Кучларида П. ҳарбий офицерлик унвони бўлса, ЎзР Ички ишлар вазирлиги тизимида эса махсус унвон сифатида берилган эди (мас., милиция П.и, ички хизмат П.и). Ҳозирги пайтда “милиция” ва “ички хизмат” атамалари бу унвонлардан олиб ташланган.

ПОЗИТИВ ҲУҚУҚ – тарихан инсон табиатига хос равишда барча халқлар учун бирдек ҳуқуқий ҳолатни ечиб берувчи кундалик ҳуқуқ мактаби асосида шакланган тушунчадир. Шунга кўра, маълум бир давлатдаги ва тегишли қонун чиқарувчи шахс ёки орган томонидан чиқарилган қонун ҳаёт тақозоси б-н, жамиятдаги ўзгаришлар асосида амалга оширилган ва кундалик ҳуқуққа қарама-қаршилик хусусиятига эга бўлган ва кундалик ҳуқуқий абадийлик ва ўзгармаслик жиҳатларини рад этувчи концеп-

ция шаклида намоён бўлган. Ҳуқуқий фанларда П.х. амалдаги ҳуқуқий нормаларни таърифлаш б-н бирга рад этилган ва ўз кучини йўқотган қонунлар, шу б-н бирга қабул қилинмаган, аммо қабул қилиниши лозим бўлган нормалар тўғрисидаги тасаввурлар, қарашларни (лойиха, таклиф, воялар) ўзида ақс эттирувчи тушунча сифатида эътироф этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда П.х. *de laque lata* (амалдаги қонун асосида) агар маълум бир ҳолат амалдаги қонун асосида ечилмаган бўлса ва уни ечиш зарурияти мавжуддир ҳамда *de laque ferenda* – яъни кейинги қонун ҳужжатларида ечиш лозим деган маъноларни ўз ичига олади.

ПОЙТАХТ – давлатнинг бош марказий шаҳри, мамлакатнинг маъмурий-сиёсий маркази. П.да одатда, марказий (умуммиллий) ҳуқуқмат, парламент ва суд органларининг қароргоҳи жойлашган бўлади. Давлатнинг Конс.сида назарда тутилади, аммо шу б-н бирга баъзан П. тўғрисида махсус қонун қабул қилинади. Жумладан, ЎзР Конс.сининг 6-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг П.и – Тошкент ш.и.

П. одатда, алоҳида бошқарув тартибига эга бўлган мустақил маъмурий бирликка ажратилади. Кўпчилик федератив давлатларда П. федерациянинг бирор-бир субъекти таркибига қирмаган ва одатда федерациянинг мустақил субъекти ҳисобланмаган махсус федерал округ худудида жойлашган бўлади. Кўпчилик мамлакатларнинг П.лари қарор топган жой бевосита Конс. матнида кўрсатилган бўлади.

ПОЛИГРАФ – қ.: *Ёлгон детектори (Полиграф)*.

ПОЛИС (юн. *polis*, лот. *civitas*) – ш.-давлат, қад. Греция, Римда давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузилишининг бир шакли. П.ни тўла ҳуқуқли (жамоа аъзолари) фуқаролар ташкил этганлар ва ўз ҳуқуқлари доирасида ерга хусусий мулк эгаллиги ҳуқуқидан фойдаланганлар. Шу б-н бирга П.га қирувчиларнинг аксариятини ҳуқуқсиз шахслар ташкил этганлар ва фуқаро бўлиб ҳисобланмаганлар (булар: метеклар, переэкилар, эркинликка чиқарилган қуллар, қуллар). П.да давлат бошқаруви шакли олигархия, демократия каби шаклларда бўлган. Марказий Осиё минтақаларида ҳам ш.-давлатлар шакли мавжуд бўлган ва уларнинг П.лар б-н умумийлиги кўп жиҳатдан мос келади. Мас.: Парфия, Сўғдиёна, Бактрия давлатлари.

ПОЛИЦИЯ (юн. *politeia* – давлат ишларини бошқариш, бошқариш; нем. *polizei*; инг. *police*) – жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш олиб борувчи давлатнинг махсус органлари тизими. Ҳозирги кунда кўпгина давлатларда П. органлари ихтисослашган ва давлатнинг маъмурий-худудий тузилишига мувофиқ ҳолда иш олиб боради.

ПОЛИЦИЯ ҲУҚУҚИ – айрим давлатларда XIX а. охири ва XX а. бошларида мавжуд бўлган ва ҳозирда маъмурий ҳуқуқ тармоғига маъно жиҳатидан ёндош бўлган ҳуқуқ тармоғи. П.х. асосан Чор Россияси даврида амалда бўлган, аммо илмий жиҳатдан тўлиқ таърифга эга бўлмаган.

ПОЛКОВНИК – бир қатор давлатларда ҳарбий хизматчининг унвони (баъзи давлат органларида, мас., ИИВда махсус унвон сифатида тушунилади – милиция П.и, ички хизмат П.и). Ҳозирги пайтда ЎзР ИИВда милиция П.и деган унвон йўқ, П. унвони ишлатилади.

ПОРА БЕРИШ – мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига унга бевосита ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш. Ушбу жинойт учун ЎзР ЖКнинг 211-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ПОРА ОЛИШ – мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий наф қўриши. Ушбу жинойт учун ЎзР ЖКнинг 210-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ПОРА ОЛИШ-БЕРИШДА ВОСИТАЧИЛИК ҚИЛИШ – пора олиш ёки бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият, шунингдек манфаатдор шахсларнинг топшириги б-н порани бевосита бериш. Ушбу жинойт учун ЎзР ЖКнинг 212-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ПОРАХЎРЛИК – пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш тушунчаларини қамраб оладиган тушунча.

ПОРНОГРАФИК НАРСАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЁКИ ТАРҚАТИШ – намоиш қилиш ёки тарқатиш мақсадида порнографик нарсаларни тайёрлаш, шунингдек уларни йигирма бир ёшга тўлмаган шахслар ўртасида намоиш қилиш ёки тарқатиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ЎзР ЖКнинг 189-м.сида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

ПОРНОГРАФИЯ (юн. porne – бузук ва qrapho – чизаман сўзларидан) – уятсиз мазмундаги асарлар, полиграфия маҳсулотлари, ашёларнинг тасвири ва шакллари, компьютер дастурлари, кинофильмлар, видеофильмлар, фонограммалар, теле- ва радио узатишлар орқали жинсий алоқа пайтини айнан кўрсатиш ёки тасвирлаш (оғзаки) б-н ва шу б-н бирга бадний ёки илмий аҳамияти бўлмаган ҳолда тайёрлаш. ЎзРда П. маҳсулотларини тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш 1923 й. 12 октябрда Женева конференциясида тасдиқланган “Порнографик маҳсулотларни тарқатиш ва улар б-н савдо қилишга қарши кураш тўғрисида”ги қарорга асосланган ҳолда ҳам маъмурий, ҳам жинойт томондан жазоланади. П. учун ЎзР ЖК ва МЖҚда тегишли жавобгарликлар белгиланган.

Шу б-н бирга, ишқий муносабатларни намоиш этиш, уларнинг тасвири, яланғоч тананинг кўрсатилиши, башарти улар қўпол, безбетлик, натуралистик хусусиятга эга бўлмаса, П. деб эътироф этилиши мумкин эмас.

ПОРТРЕТЛИ ЭКСПЕРТИЗА – криминалистик экспертизанинг тури, портретлардаги одамнинг ташқи қиёфасининг белгиларини таққослаш асосида унинг айнанлигини аниқлашга қаратилган тадқиқот. Тадқиқотнинг объектлари фотопортретлар, кино- ва видеотасвирлар, ҳажмли моделлар, рентгенограммалар, суяк қолдиқлари, тақдим этилган бошқа портретлар ҳисобланади.

ПОРТФЕЛСИЗ ВАЗИР – ҳукумат таркибига кирувчи ва муайян масалалар юзасидан масъул бўлган вазир (министр)нинг расмий (рамзий) номи. П.в.(министр)лар алоҳида тармок, министрлик(вазирлик)ка раҳбарлик қилмай, ҳукумат томонидан қўриладиган айрим масалаларни хал қилишда ёки унинг ижро этилишида масъул бўладилар.

ПОСТ-ПАТРУЛЬ ХИЗМАТИ – ЎзР ИИБ тизимидаги хизматлардан бири бўлиб, унинг фаолияти жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда уларни қўриқлашни ташкил этишдан иборат.

ПОЧТА АЛОҚАСИ – почта жўнатмаларини, шунингдек пул маблағларининг почта ўтказмаларини жўнатиш (қабул қилиш, ишлов бериш, ташиш, ўтказиш)ни ва етказиб бериш (топшириш)ни таъминловчи техник ва транспорт воситаларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоқа тури (“Почта алоқаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ПРАЙВЕСИ (инг. privacy – сир, таххолик, шахсий ҳаёт) – англо-саксон ҳуқуқининг ўзига хос категорияси бўлиб, шахснинг шахсий сирини, яъни унинг шахсий-ҳиссий ҳаёти дахлсизлиги тушунилади.

ПРАЙМЕРИЗ (инг. primary/у/, primary election) – АҚШда 1842 й.дан бери депутатликка номзодларни кўрсатиш, бошқа сайлаб қўйиладиган мансабларга номзодлар, партия конвертлари, демократлар ва республикачилар партияси комитетлари аъзоларининг дастлабки (бошланғич) сайлов бўғини ҳисобланади.

П. – АҚШда дастлабки сайловларни ўтказиш орқали депутатликка номзодни кўрсатиш. Тегишли партияни қўллаб-қувватловчи сайловчилар сайлов ўтказиш йўли б-н ўзлари қўллаб-қувватлаган номзодни депутатликка номзод сифатида тавсия этишни хал этадилар.

Очик П.да сайловчи ўзининг бирор-бир партияга мансублигини исботлаши шарт эмас. Сайловчи қайси партиянинг номзодига овоз бермоқчи бўлса, сайлов бўйича масъул бўлган шахсдан ўша партиянинг сайлов бюллетенини олади.

Яширин П.да эса сайловчи ўзининг муайян партияга мансублигини исботлаши керак: қасамёд келтириш ёки келажакдаги сайловларда айнан шу партияга овоз бериш учун баёнот бериш зарурдир.

ПРЕАМБУЛА (фр. preambule – сўз боши, муқаддима) – қонун, ҳуқуқий ҳужжатлар, декларация ёки халқаро шартномаларни тайёрлашда сўзбоши сифатида асосий мақсадни исботлаш ёки белгилаш қисми. П. ўз ичига “мақсад-норма”ларини ва “принциплар-норма”ларини олади. Шу б-н бирга П. ҳужжатлари ҳуқуқий қучга эга бўлмайди. Шундай бўлса-да, унинг асосий мазмуни бошқа ҳуқуқий ҳужжатларни шарҳлаш жараёнида олинган асосий тушунча сифатида кўрсатилиши мумкин.

ПРЕВЕНТИВ ЧОРАЛАР – тинчликка хавф туғилганда ёки бошқа давлатларга бостириб кириш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида БМТ Уставига асосан давлатлар ҳамкорлигида қўлланиладиган чора.

ПРЕЗИДЕНТ (лот. praesident – олднда ўтирувчи) – республика бошқарув шакли амалда бўлган давлатларда давлат ва ижро этувчи ҳокимият ёки фақат давлат бошлиғи. БМТга аъзо бўлиб кирган 190 мамлакатнинг 140

дан ортигида президентлик ишига амал қилинган. П. лавозими ҳозирги кўринишда илк бор 1787 й.да АҚШда вужудга келган. Ўзбекистон тарихида биринчи П.лик лавозими 1990 й. 24 мартда таъсис этилди. 1991 й. 24 декабрда эса муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида И.А.Каримов ЎЗРнинг П.и этиб сайланди.

П.нинг конституциявий мақоми ва ваколатлари республика турига қараб фарқланади. П.лик республикасида президент нафақат давлат бошлиғи, балки ижро этувчи ҳокимият бошлиғи, яъни маъмурият (АҚШда, Лотин Америкаси мамлакатларида) ёки ҳукумат (Замбия, Беларусь, Қозғистон) бошлиғи ҳамдир. П. халқ томонидан (тўғридан-тўғри ёки билвосита) сайланади. Парламентар республика (ГФР, Италия)да П. фақат давлат бошлиғи ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимиятнинг амалда бош вазир бошчилигидаги ҳукумат бошқаради. П. парламент томонидан ёки унинг иштирокида сайланади. Аралаш ёки ярим П.лик республикалари (Франция, Португалия, Польша)да ҳам П. фақат давлат бошлиғи ҳисобланади. Аммо у парламент олдида жавобгар бўлган ҳукуматга амалда раҳбарлик қилиш имконини берувчи ҳокимият ваколатларига эга бўлади. Ушбу тизимда П., қоида тариқасида, умумхалқ сайловида сайланади. П.лик моделдан қатъи назар, П., одатда, Конс.га кўра қуйидаги ваколатларга эга бўлади: халқаро муносабатларда мамлакат манфаатларини ифода этади, халқаро шартномалар тузади, ҳукумат (маъмурият) аъзолари ва судьяларни тайинлашда иштирок этади, қонуларни имзолайди ва эълон қилинишини таъминлайди, фармонлар чиқаради, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ва вето ҳуқуқига эга бўлади, орден ва медаллар б.и мукофотлайди, олий харбий унвоилар беради, афв этиш ҳуқуқини амалга оширади, фуқаролик масалаларини хал қилади, дипломатик миссияларнинг раҳбарларини тайинлайди ва чақириб олади. Парламентар республикада ва аралаш республикада П. муайян ҳолатларда парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан илгари сайлов тайинлаш ҳуқуқига эга бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ ВЕТОСИ – қ.: *Veto*.

ПРЕЗИДЕНТЛИК КОМИССИЯЛАРИ – АҚШда федерал маъмурият қошида тузиладиган ёрдамчи муассасалар. Улар конгресс ҳужжатлари б.и тузиладиган агентликлар ва б. бир қатор органлардан фарқли ўларок, президент томонидан унга берилган конституциявий ваколатлар доирасида барпо этилади. П.к. раҳбарлари президент томонидан сенат маслаҳати ва розилиги асосида тайинланади. Президент томонидан тавсия этилган номзод сенатда 2/3 кўпчилик овоз б.и тасдиқланади. Ихтиёрий пул тўланмайдиган агентликларни тузиш амалиёти Америкада кенг тарқалган. Улар федерал бюджетдан ҳеч қандай маблағ олмайдилар ва манфаатдор шахслар ҳисобига фаолият юриладилар. Ҳуқуқий жиҳатдан П.к.га президентга тегишли маълум ваколатлар тақдим қилинади. Текширув олиб бориш, ярим суд ваколатларига эга бўлган П.к. мавжуд.

ПРЕЗИДЕНТЛИК РЕСПУБЛИКАСИ – республика бошқарув шаклидаги давлат кўриниши. Бошқаруви республика шаклининг иккинчиси: парламент республикаси ҳисобланади. Парламентар ва П.лари элементларини ўз ичига олган аралашган кўринишлар нисбатан кўпроқ учраб туради. П.рда давлат бошқарувида парла-

ментга қараганда халқ томонидан сайланадиган Президентнинг ўрни кучлироқдир. Биринчидан, ҳокимиятнинг бўлиниши принципига кўра президентга давлат бошқарувида кўплаб муҳим функция ва ваколатлар тегишли бўлади. Республика Конс.си ва қонулари асосида у давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини амалда баъзан олдиндан белгилайди. Иккинчидан, одатда ҳукумат таркибинини ўзи тузади. Учунчидан, ҳукумат Президент олдида жавобгар бўлиб, унга ҳисобот бериб туради. Президент ҳукумат фаолиятининг дастурини олдиндан белгилайди, амалда расман унинг фаолиятини бошқаради, амалий тадбирларни белгилайди, ҳукумат йиғилишларида раислик қилади ёки раислик қилиши мумкин, бутун ҳукумат ёки унинг алоҳида аъзоларининг хоҳишидан қатъи назар, истеъфога чиқаради ва х.к..

П.рда Президент, қоидага кўра, давлат ижроия ҳокимиятнинг барча тизимида унинг марказий бўғинида бўлган сингарни ҳудудий бўғинларида ҳам асосий шахсдир.

Бундан ташқари, расман, баъзида амалда Президент давлатнинг муҳофаа, мамлакат хавфсизлиги соҳаларида Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони, Хавфсизлик Кенгаши, Муҳофаа Кенгаши ва б. ташкилий тузилмалар раиси сифатида барча масалаларни олдиндан белгилайди.

Парламент б.и муносабатда Президент қонун лойиҳаларини тайёрлашда қонун ижодкорлиги, унинг муҳокамасида қағнашини, имзолаш, халқ муҳокамасидан ўтказишда иштирок этиш, парламент томонидан қабул қилинадиган қонуларга нисбатан вето ҳуқуқларига эга. П.рда Президентни лавозимидан озод қилиш, агар у мумкин бўлганда ҳам, қийин масала. Бунинг учун, Президент томонидан давлатга қарши ёки бошқа турдаги оғир жиноятнинг содир этилиши асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Баъзида Президентнинг лавозимидан озод этилиши учун Конс., қонулар ёки қасамднинг қасдан ва кўпол бузилиши асосий сабаб бўлиши мумкин. Президентнинг лавозимидан озод этилиши парламент томонидан кўпчиликнинг овози б.и амалга оширилади.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ – давлат бошлиғи сифатида П.д.х.; давлат президенти ўз мансабининг эгаллаб турган вақтида суд жавобгарлигига тортилми, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши мумкин эмаслигини билдиради. П.д.х. фақат Конс.да назарда тутилган алоҳида қондалар тартибидан мансабдан четлаштирилиши б.и бирга бекор қилинади (дахлсизлик ҳуқуқи, мансабидан четлатиш ва б.). Шундан кейин президент олдин тартибда суд таъкибига олиниши мумкин (АҚШ, Бразилия, Венесуэла) ёхуд уни бутунлай таъкиб қилиш тўхта-тилади (Чехия). Францияда ва б. айрим мамлакатларда президент фақат давлатга ҳоинлик қилган ҳолларда парламент қарори б.и махсус судга берилиши мумкин.

ПРЕЗИДЕНТУРА – ваколат муддатида ва ўз вази-фаларини бажариш жараёнида президент мансабидан хизмат қилиш даври

ПРЕЗИДЕНЦИОНАЛИЗМ – 1) президентлик иш.и.га асосланган конституциявий тузум; 2) президентлик ҳокимиятнинг конституциявий ҳуқуқий иш.и.

ПРЕЗУМПЦИЯ (лот. praesumptio) – фараз қилиш, олдиндан ҳақиқатга яқин деб билиш (шунга қарама-қарши ҳақиқат аниқланмаса). Мас., ЎЗР ЖПКнинг 23-м.сида айб-

сизлик П.си кўйидаги қоида б-н ифодаланган, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми б-н аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади.

ПРЕКУРСОРЛАР – БМТнинг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар б-н қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида”ги 1988 й.ги Конвенциясига илованинг I ва II жадвалларига киритилган ҳар қандай модда. ЎЗР “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуннинг 3-м.сига мувофиқ, П. рўйхатига киритилган ва ЎЗРда назоратга олинган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар. П. рўйхати ЎЗР ВМнинг 2000 й. 31 июлдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни ЎЗР ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида”ги 293-сон қарорида берилган.

ПРЕМЬЕР-МИНИСТР – Австралия, Беларусь, Буюк Британия, Италия, Канада, Қирғизистон, Латвия, Литва, Намибия, Португалия, Руминия, Словакия, Словения, Финляндия, Франция, Эстония, Япония каби давлатларда ижроия ҳокимияти (ҳукумат) бошлиғининг номи.

ПРЕРОГАТИВА (лот. praerogativus – биринчи навбатда сўралган, биринчи бўлиб овоз берувчи; инг. prerogative) – давлат органи ёки мансабдор шахсгагина тааллуқли бўлган ҳуқуқ.

ПРЕТОРЛИК ҲУҚУҚИ (лот. jus praetorium) – қад. Римда преторларнинг қарор (эдикт)ларидан ташкил топган ҳуқуқий тизим. Преторлар қонунларни ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин бўлмаганлиги туфайли уларнинг қарорлари моддий эмас, балки доим процессуал хусусиятга эга бўлган. Яъни, П.х. даъво масалаларини тартибга солган. Дигесталарда кўрсатилишича, преторлар “цивил ҳуқуқини (қонунга асосланган асл рим ҳуқуқи) мустақамлаши, унга қўшимча қилиши ёки уни қўллаб-қувватлаши” мумкин бўлган. Ўзининг формализмдан келиб чиққан ҳолда, цивил (фуқаролик) ҳуқуқи кулдорлик жамиятининг жадаллик б-н ривожланиб келаётган ҳўжалик муносабатларига тезда мослаша олмаган. П.х. республикачилик даврининг охирига келиб, амалда мустақил ҳуқуқий тизимга айланган. Мансабга киришадиганда ҳар бир янги претор, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини янада қулайроқ ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида махсус эдикт (edictum tralatitium) қабул қилган. Ушбу эдикт амалда эскирган нормаларнинг ҳаракатини тугатиб, янги даъволар ва б. процессуал воситалар киритилишини назарда тутган. Претор эдикти I й. давомида амалда бўлган, бироқ ҳар бир претор эдиктларни тузганда ўзидан олдин тузилган эдиктларнинг энг ижобий хусусиятларини инобатга олган.

Преторларнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти мил.авв. II а.нинг ўрталаридан кучайган. Бунга Эбуций қонунининг қабул қилиниши сабаб бўлган, унга кўра преторга суд процесси давомида судьялар учун мажбурий бўлган юридик инструкциялар (формулярли процесс) қабул қилиш ҳуқуқи берилган. П.х. эгаллик, шартнома, ворислик каби хусусий ҳуқуқнинг муҳим инс.ларини ислоҳ қилган. П.х. асосида мулкчиликнинг янги тур (бонитар мулкчилик),

алоҳида кўринишидаги “преторлик ворислиги” ва б. тушунчалар вужудга келди. Республиканинг қулаши натижасида преторларнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти императорларнинг ўсиб келаётган мулк ҳокимлиги б-н зид келди. Эрамининг иккинчи асрида император Адрианнинг кўрсатмасига кўра римлик юрист Сальвий преторлик эдиктининг якуний матнини (edictum perpetuum hadriani) тузган. Мазкур эдикт П.х.нинг ўзига хос кодификацияси бўлиб, ундан сўнг П.х.нинг ривожланиши тўхтаган. IV – VI а.ларда П.х. ва цивил ҳуқуқининг яқинлашуви содир бўлиб, охир-оқибатда улар бириктириб кетган.

ПРЕФЕКТ (лот. praefectus – бошлиқ) – айрим давлатларда (Руминия) марказий ҳукуматни ифодаловчи инс., баъзи давлатлар (РФ)да регионал ҳукумат вакили бўлиб жойларда ҳукумат сиёсатини амалга оширади. П. инс.и дастлаб 1802 й.да Францияда вужудга келди ва 1982 й.гача, яъни тугатилгунча ҳукумат вакили ҳисобланган. Ҳозирда бу идора Францияда “Республика комиссарлари” деб юрнтилади.

ПРЕФЕКТУРА (лот. praefectus – бошлиқ) – 1) мансаб, ушбу ва бошқарув ҳудуди тушунилади; 2) Японияда маъмурий-ҳудудий бўлиниш номи.

ПРЕФЕРЕНЦИАЛ ОВОЗ БЕРИШ – можаритар сайлов тизимида кўп сонли овоз бериш усули воситасида сайловларнинг натижасини яхшилаш орқали келгуси тур сайловларини ўтказмасликни таъминлаш. Бунда сайловчи сайлов бюллетенида ўзининг преференциясини (кимга овоз беришини) белгилаб кўяди. Бунда у 1, 2, 3, 4 ва х.к. сонлар орқали кимни биринчи, кимни иккинчи галда ва х.к. сайлаш лозим эканлигини бир йўла белгилайди. Бу сайлов тизими Австралия, Ҳиндистон, Ирландия каби мамлакатларда жорий этилган.

ПРЕФЕРЕНЦИЯ (лот. praeferre – афзал кўрмоқ сўздан олинган) – ўзаро ҳамкорлик асосида бир давлат томонидан иккинчи давлатга алоҳида имтиёзларнинг берилиши. Кўпгина ҳолларда П. давлат ҳудудига олиб кириладиган барча ёки айрим товарларга нисбатан божхона божлари бўйича имтиёзлар бериш тартиқида намоён бўлади. П.лар транспорт тарифларидаги четгирмалар, ташки савдо операцияларини имтиёзли кредитлаш ва суғурталаш, алоҳида валюта режими ва имтиёзли валюта курси, товарларни олиб кириш учун имтиёзли лицензия (руҳсат) бериш ва б. шаклларда намоён бўлиши мумкин.

ПРЕЦЕДЕНТ (precedents – бўлиб ўтган) – муайян ишни суд органлари томонидан кўриб чиқишда бошқа судлар томонидан айнан шунга ўхшаш иш бўйича илгари чиқарилган қарорнинг қўлланилиши. П.нинг икки тури фаркланади: суд П.и (жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича) ва маъмурий П. (маъмурий ишлар бўйича маъмурий судьялар томонидан қўлланилади). Буларнинг ичида нисбатан кўпроқ тарқалган тури суд П.и ҳисобланади. П. ҳуқуқ манбаи сифатида қадимдан маълум бўлиб, қад. Римда қўлланилган П. сифатида оғзаки аризалар (эдиктлар) ва алоҳида масалалар бўйича преторлар ва магистрлар томонидан қарорлар чиқарилган. Шунингдек, ҳуқуқ манбаи сифатида Ўрта асрларда ҳам П.дан кенг фойдаланилган. Бугунги кунда эса асосий ҳуқуқ манбаларидан бири сифатида Австралия, Буюк Британия, Канада ва АҚШда кенг қўлланилмоқда.

ПРЕЦЕДЕНТ ҲУҚУҚИ – суд прецедентига асосланган давлатларда ҳуқуқ манбаи сифатида қўлланилади. Яъни, маълум бир иш бўйича чиқарилган қарорни айнан шу каби ишларни кўришда бошқа инстанция судлари томонидан мажбурий тарзда бир хил қарор чиқарилиб, ҳал этишга асосланган ҳуқуқ тизими. Шу б-н бирга П.х. ҳуқуқ нормаларини шарҳлашда катта аҳамиятга эга.

ПРЕЮДИЦИЯ (лот. *prejudicialis* – илгариги суд қарорига тегишли) – 1) қонуний кучга кирган ҳукм, шунингдек жиноят иши бўйича давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролар учун қонуний кучга кирган суднинг бошқа қарорлари ўрнатилган ҳолатлар ва уларнинг ҳуқуқий баҳо берилиши юзасидан мажбурий ҳисобланади. Бу вазият назорат тартибиде, янги очилган ҳолатлар бўйича суднинг ҳукмини ва б. қарорларини текширишга, бекор қилишга ва ўзгартиришга тўсқинлик қилмайди. 2) фуқаролик судининг қонуний кучга кирган қарори жиноят процессини олиб борувчи органга мажбурий ҳисобланади, бунда жиноят ишида “ҳодиса ёки ҳаракат бу ишда ўринга эгами” деган саволга жавоб бериши ва айблилик ёки айбсизлик тўғрисидаги хулосаларни олдиндан ҳал этмаслиги керак. 3) суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, даъвони қаноатлантирувчи ҳуқуқни тан олувчи, фуқаролик ишини кўришда шу қисми мажбурий ҳисобланади. Жиноятни таъқиб қилувчи органларнинг қарорлари суд учун мажбурий кучга эга эмас.

ПРИСЯЖНИЙЛАР СУДИ – к.: *Қасамёд қилганлар суди (Присяжнийлар суди)*.

ПРИТОН – баъзи шахслар ёки маълум бир шахсларнинг ўзи томонидан белгиланган вақтда ёки доимий равишда ахлоқсиз ёки қонунга хилоф қилмишларини амалга ошириш учун махсус хоналар очиш ва уларнинг фаолият кўрсатишини таъминлашдан иборат жинорий хатти-ҳаракатлари. Фохишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (ЎзР ЖК 131-м.си), гнёхванд ва психотроп воситаларни истеъмол қилиш ёки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш (ЎзР ЖК 273-м.сининг тўртинчи қисми) ва кимор, таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга хилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан, ана шундай ўйинлар учун киморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш (ЎзР ЖК 278-м.си) учун жинорий жавобгарлик белгиланган.

ПРОБИР НАЗОРАТИ – к.: *Асиллик даражаси назорати (Пробир назорати)*.

ПРОКАТ ШАРТНОМАСИ – П.ш. бўйича доимий тадбиркорлик фаолияти сифатида мол-мулкни ижарага берувчи ҳақ эвазига ижарага олувчига вақтинчалик эгалик қилиш ва фойдаланиш учун кўчар мол-мулкни топшириш мажбуриятини олади. П.ш. бўйича топширилган мол-мулкдан, агар шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ёки у мажбурият моҳиятидан келиб чиқмаса, истеъмол максадларида фойдаланилади. П.ш. ёзма шаклда тузилади. П.ш. оммавийдир (ЎзР ФЖнинг 558-м.си).

П.ш. бир йилгача муддатга тузилади. Мулк ижараси шартномасини номуайян муддатга қайтадан тузиш ва ижарага олувчининг мулк ижараси шартномасини қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалар П.ш.га нисбатан қўлланмайди. Ижарага олувчи П.ш.ни

бажаришни истаган вақтда рад этишга ҳақли (ЎзР ФЖнинг 559-м.си).

ПРОКЛАМАЦИЯ (лот. *proclamatio* – эълон қилиш) – чакирув ва мурожаатлар баён этилган ёзма varaқлар.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ – ЎзР прокуратураси ЎзР Бош прокурори раҳбарлик қиладиган П.о.нинг ягона марказлаштирилган тизимидир. ЎзР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар ЎзР худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар. ЎзР П.о.нинг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун б-н кўрикланадиган манфаатларини, ЎзР конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

П.о. ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва б. мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш; судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш; ушлаб турилганларни, қамокка олинганларни сақлаш жойларида, жинорий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш ҳовида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

П.о. фаолиятини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари бирлик, марказлашганлик, қонунийлик, мустақиллик ва ошкоралиқдир.

П.о. тизими қуйидагилардан иборат: ЎзР Бош прокуратураси; ҚР прокуратураси; вил.лар ва Тошкент ш. прокуратуралари; тум.лар ва ш.лар прокуратуралари; вил. прокуратураларига тенглаштирилган ЎзР Ҳарбий прокуратураси, ЎзР Транспорт прокуратураси; тум. прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, худудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар.

П.о.ни ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари ЎзР Конс.си, “Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонуни ва б. қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ПРОКУРАЦИЯ – маълум шахс томонидан судда битим амалга оширилиши бўйича берилган ишончноманинг нотариал тасдиқланиши.

ПРОКУРОР (лот. procurare – ғамхўрлик қилмоқ; инг. public procurator, public prosecutor; фр. procureur) – прокуратура органларининг маъсул мансабдор шахси. П. қонун асосида П. назоратини амалга оширади. П. ўз назоратини амалга оширишда Конс., процессуал қонун ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонуни талабларини бажариши лозим.

ПРОКУРОР НАЗОРАТИ – “Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига асосан, прокуратура органлари ўз фаолиятини (П.н.ни) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва б. мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

ЎзР Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низолатларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солик интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иктисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

ПРОКУРОР ТАҚДИМНОМАСИ – прокурор назорати ҳужжатларидан бири. “Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонуни 40-м.сига асосан, прокурор қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритади.

Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чоратадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим.

Тақдимнома коллегиял орган томонидан кўриб чиқилган ҳолларда мажлис қуни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир.

ПРОКУРОР ҚАРОРИ – прокурор назорати ҳужжатларидан бири. “Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 39-м.сига асосан, прокурор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тутиш ҳақида қарор чиқаради.

Прокурор қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам қарор чиқаради.

Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни кўзга тутиш ҳақидаги П.к. келиб тушган қундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади.

ПРОЛОНГАЦИЯ (лот. prolongation, prolongo – узайтираман; инг.; фр. prolongation) – 1) фуқаролик ҳуқуқида шартномани тузишда назарда тутилган амал қилиш муддатини узайтириш; шартномани П. қилиш имконияти ва уни расмийлаштириш тартиби шартнома матнида бўлиши мумкин; 2) халқаро ҳуқуқда халқаро шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш. П. халқаро шартнома иштирокчиларининг баённома, ноталар алмашинуви ёки бошқа шаклда расмийлаштирилган келишуви асосида ёки бошқа усулда ёхуд агар шартномада кўрсатилган муддатда тарафларнинг бири шартномадан воз кечиш истагини билдирмаса, шартноманинг амал қилиш муддати узайтирилишини назарда тутувчи қоида шартномада мавжуд бўлганда, ўз-ўзидан муайян ёки номуайян муддатларда амалга оширилади.

ПРОМЕССА (фр. promesse – ваъда, аҳд; инг. promise, conditional promise) – айрим давлатларда мавжуд бўлган ҳужжат бўлиб, унга кўра, ютуққа эга бўлган облигация ёки лотерея билети эгаси, ушбу облигация ёки билетга ютуқ чиқадиган бўлса, маълум тўлов эвазига ютуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш мажбуриятини олади. Агар энг яқин ўйинда кўрсатилган билетга ютуқ чиқмаса, П.ни олган шахснинг барча ҳуқуқлари тугатилади. Сериялар б-н ўйналадиган ютуқли заёмларда облигация сотувчиси облигация тиражга чиққан тақдирда уни худди шу ёки ҳали тўлаш тиражига чиқмаган шунга ўхшаш ютуқли заёмга алмаштириш мажбуриятини олиши мумкин.

ПРОМУЛЬГАЦИЯ (лот. promulgatio – эълон қилиш) – бир қатор хорижий давлатларнинг конституциявий ҳуқуқига кўра, ваколатли орган томонидан қабул қилинган ва тасдиқланган қонуннинг давлат бошлиғи томонидан Конс.да ёки қонунда белгиланган муддатда расмий босма нашр орқали эълон қилиниши. П. деганда қонунни расмий эълон қилиш ҳақидаги фармойишни ўзида акс эттирган махсус актининг эълон қилинишини тушуниш мумкин. Одатда, П. давлат бошлиғининг фармони, фармойиши, буйруғи ёки шунга ўхшаш ҳуқуқий акти б-н амалга оширилади, бунда давлат бошлиғининг бундай ҳуқуқий акти оммавий нашрларда П. қилинаётган қонун акти б-н бирга эълон қилинади. Қонун П.дан кейингина мажбурий қучга эга бўлади.

ЎзР Конс.сининг 84-м.сига кўра, қонун ҚП томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, ЎзР Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилингач, юридик қучга эга бўлади.

Қонуларнинг ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг матбуотда эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шартидир.

ПРОПОРЦИОНАЛ САЙЛОВ ТИЗИМИ – кўп мамлакатларда қўлланиладиган сайлов тизимининг бир тури. Мажоритар сайлов тизими эса унинг бошқа тури ҳисобланади. П.с.т. ҳар хил турга эга. Умумий тарзда унинг мазмуни қуйидагилардан иборат.

Давлат ёки вакиллик органлари худди ягона сайлов округлари деб эълон қилинади. Сийсий партиялар ва ҳаракатлар, уларнинг иттифоқлари (сайлов уюшмалари, блоклари) ўз номзодлари рўйхатини илгари суришади. Сайловчи сийсий партия, ҳаракатлар уларнинг раҳбар ва аъзоларига бўлинган муносабатидан келиб чиққан ҳолда, шундай рўйхатлардан бирига овоз беради. Бундай ҳолатда ғалаба қозониш сайлов уюшмаларининг тақдим этган рўйхати учун берилган овоз сонига қараб пропорционал бўлади, аммо овозларни ҳисоблаш 5 % кўп овоз йиққан рўйхат бўйича олиб борилади. (Мас., Россияда 5 %, Швецияда 4 %, Аргентинада 3 %, Данияда 2 %, Исроилда 1 %ни ташкил қилади). Сайловларда иштирок этган сайловчилар овозининг умумий сони пропорционал сайлов тизими бўйича депутатлар мандатининг умумий сонига бўлинади ва бунинг натижасида хусусий сайлов деган маъно ҳосил бўлади. Сўнг, ҳар бир номзод учун берилган овозлар сони хусусий сайловга бўлинади. Шундай қилиб, партиялар, ҳаракатлар вакиллик органида қанча ўрин олганликларини билиб оладилар. Рўйхат ичидаги ўринларни (мандатни) номзодлар биринчисидан бошлаб павбатга кўра оладилар. Агарда рўйхат марказий қисм ва минтақавий гуруҳларга тақсимланган бўлса, унда биринчи бўлиб парламентга марказий қисм номзодлари ўтишади.

Минтақавий гуруҳлардан номзодлар тегишли минтақада мазкур рўйхат учун сайловчилар берган овозларга пропорционал бўлган ҳолатда ўринларни (мандатни) олишади.

П.с.т.нинг ижобий томони шундаки, сайловчиларнинг овозлари йўқолмайди, пропорционал ҳолатда партия ва ҳаракатлар (фақат 5 %ли ёки бошқа ўрнатилган чегарадан ўта олмаганлардан ташқари) вакиллик органида мандатга эга бўладилар. П.с.т.нинг салбий томони шундаки, сайловчи абстракт шахсларни сайлайди, яъни у фақат партия, ҳаракатларнинг лидерлари ва бир неча фаолларини билиши мумкин, қолганлари эса унга ноаниқ, шу сабабли ҳам сайловчи кимга овоз бераётганлигини аниқ билмайди. Бундан ташқари, сайланган депутатларнинг уларни сайлаган конкрет округнинг сайловчилари б-н тўғридан-тўғри алоқаси йўқ, бу ҳолатнинг аксини мажоритар сайлов тизимида қўришимиз мумкин.

Бир қатор мамлакатлар умумий номзодлар рўйхатига овоз бериш тизимидан воз кечиб, эркин номзодлар рўйхатини сайлашга ўтганлар. Ушбу тизимда сайловчилар партиялар, ҳаракатлар рўйхатидан ўзлари хоҳлаган номзодни сайлаш ҳуқуқига ва ҳаттоки рўйхатни тўлдириш ҳуқуқига эга бўладилар.

ПРОТЕКТОРАТ (лот. protector – ҳимоя қилувчи) – 1) Англияда 1653 – 1659 й.ларда амалда бўлган ҳарбий диктатурага асосланган режим бўлиб, бу режим ҳокимиятга бутунлай эгалликда намоён бўлган; 2) мустамлакачилик шароитида қарам бўлган давлатлар номланиши.

ПРОТЕКЦИОНИЗМ (лот. protectio – ҳимоя қилиш) – давлатнинг иқтисодий, ҳуқуқий сиёсати бўлиб, асосий мақсади давлатни иқтисодий жиҳатдан ихота қилиш. Тарихда капиталистик муносабатлар вужудга келишининг бошланғич даврига тўғри келади. Бунда ўзаро рақобат асосида чет капиталнинг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида ички бозорга кенг қулайликлар яратилган.

ПРОТЕСТ (лот. protestari – тантанали маълум қилмоқ, гувоҳлик бермоқ) – янгиланиш, янгитдан вужудга келиш, амринома, қонунчилик бузилишининг олдини олишни таъминловчи фаолият. Бунда прокурор суд ва ижроия ҳокимияти томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларига назорат тарикасида П. келтиради. “Прокуратура тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 38-м.сига асосан, қонунга зид бўлган ҳужжатга нисбатан П.ни прокурор ана шу ҳужжатни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтиради. Мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига нисбатан ҳам худди шундай тартибда П. келтирилади. П. келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт. Қонунбузарликни дарҳол бартараф этиш талаб қилинган алоҳида ҳолларда прокурор П.ни кўриб чиқишнинг қисқартирилган муддатини белгилашга ҳақли. П.ни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади. П. коллегиял орган томонидан кўриб чиқиладиган ҳолларда мажлис куни ҳақида прокурорга маълум қилинади ва у мажлисда иштирок этишга ҳақлидир. П. шу ҳужжатни қабул қилган орган (мансабдор шахс) ёки юқори турувчи орган (мансабдор шахс) томонидан рад этилганда, шунингдек П. қонунда белгиланган муддат ичида кўриб чиқилмаган тақдирда, прокурор ана шу ҳужжатни ғайриқонуний деб эътироф этиш тўғрисидаги ариза б-н судга мурожаат этишга ҳақли. Судга ариза П. рад этилганлиги тўғрисидаги хабар олинган пайтдан бошлаб ёки П.ни кўриб чиқиш учун қонунда белгиланган муддат ўтганидан кейин бир ойлик муддат ичида берилиши мумкин. Прокурор томонидан судга ариза берилиши П. келтирилган ҳужжатнинг амал қилишини ариза судда кўриб чиқилгунга қадар тўхтатиб қўяди, деб қайд этилган.

ПРОФЕССИОНАЛ КАСБГА АЙЛАНГАН ЖИНОЯТЛАР – 1) қуйидаги белгиларга эга бўлган жиноятчилик: а) қатъийлик асосида жинойи фаолиятни (мутахассислигини) белгилаш; б) жиноятчининг билими ва маҳорати шаклланганлиги; в) жиноят орқали таъминот олиши; г) ғайриижтимоий шахслар орасида қатъий алоқада бўлиш; 2) профессионал жиноятчиларнинг мавжудлиги.

ПРОФЕССИОНАЛ ШАРҲЛАШ – қ.: Малакали (профессионал) шарҳлаш.

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР – ички ишлар органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида қонун доирасида режалаштирилган, турли ҳуқуқбузарликлар ва унинг сабаб-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган субъектлар фаолияти йўналтирилган чоралар.

ПРОФИЛАКТИК УСУЛЛАР – ички ишлар органлари томонидан умумий ва яқка тартибда жиноятларнинг олдини олишда қўлланиладиган чора-тадбирларнинг йиғиндиси. П.у. шахснинг ёши, жиноятларнинг хусусияти ва самарадорлигини ҳисобга олиб қўлланилади. Умумий профилактикада: маърузалар, суҳбатлар, тарғибот-ташви

кот каби усуллардан фойдаланилади; якка профилактикада: ишонтириш, рағбатлантириш ва мажбурлаш усуллари қўлланилади.

ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТ – ваколатли субъектлар томонидан жамиятда бирор-бир салбий ижтимоий ҳолат, воқеа, ҳодиса, жараёни аниқлаш, тўхтатиш ва баргараф этишга қаратилган ҳаракатлар.

ПРОФИЛАКТИК ШАКЛЛАР – ички ишлар органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида қўлланиладиган профилактиканинг усуллари амалга оширилишининг кўринишлари ҳисобланиб, ёзма, оғзаки ва кўрғазмали турларига бўлинади.

ПРОФИЛАКТИКА – олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи. П. тушунчасини икки хил маънода тушуниш мумкин: 1) П. тиббий маънода касалликларни олдини олишга қаратилган тадбирлар мажмуи. 2) ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ – ЎЗР ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш концепцияси тўғрисида”ги қарори б-н Тошкент ш.ида, ЎЗР ВМнинг 2001 й. 6 июндаги “Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ИИБ профилактика хизмати родини кучайтириш тўғрисидаги”ги қарори б-н республика миқёсида участка нозирлари ўрнига жорий этилган лавозим бўлиб, улар ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудудда аҳоли орасида жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг асосий субъекти сифатида хизмат қилади.

ПРОФИЛАКТИКА ОБЪЕКТИ – жиноятларнинг олдини олиш субъектларининг фаолияти қаратилган, жиноятчиликка олиб келувчи сабаб ва шароитлар, жиноятга мойил шахслар, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий муаммолар, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар.

ПРОФИЛАКТИКА СУБЪЕКТИ – жиноятларнинг олдини олишда бевосита ва билвосита иштирок этувчи юридик ва жисмоний шахслар. П.с. умумий ва махсус турларга бўлинади. Умумий П.с. жиноятларнинг олдини олишда махсус ваколат берилмаган, лекин ушбу фаолиятда маълум бир ҳаракатлари б-н иштирок этувчилардир (Олий Мажлис, Президент, ВМ ва х.); махсус П.с. бирор-бир турдаги жиноятларнинг олдини олишда давлат томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилган субъектлардир (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимиятлар қошидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, маҳалла посбонлари ва х.к.).

ПРОФИЛАКТИКА ТУРЛАРИ – ваколатли субъектлар томонидан жамиятда бирор-бир салбий-ижтимоий ҳолат, воқеа, ҳодиса, жараёни аниқлаш, тўхтатиш ва баргараф этишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишда қўлланиладиган чора-тадбирлар, бундай тадбирларга ички ишлар органлари томонидан амалга оширилган умумий ва якка тартибдаги профилактик тадбирларни киритиш мумкин.

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТЛАРИ – ички ишлар органларида жиноятларнинг олдини олишда алоҳида ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилган тузилмалар. Ички ишлар органи тизимидаги П.х. тизимида ЎЗР ВМнинг 2001 й. 6 июндаги “Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ИИБ профилактика хизмати родини кучайтириш тўғрисида”ги

қарори асосида ислохотлар амалга оширилди. Ушбу тузилмалар ЎЗР ИИБнинг Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси таркибига киради, бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги, ёнғин хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик, пост-патрул ва жамоат тартибини сақлаш хизматлари ҳам профилактик йўналишларда фаолият олиб борадилар.

ПРОЦЕССУАЛ КАФОЛАТЛАР – судловни лозим даражада амалга ошириш, жиноят, фуқаролик ва хўжалик процессида нисон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича судлов вазифаларини амалга ошириш учун қонуندا белгиланган ҳуқуқий воситалар тизими. Энг муҳим П.к.: ҳимояланиш ҳуқуқи, бепул юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқи, суд муҳокамасининг очиқ ва ошқоралиги, суднинг ҳайъатда бамаълаҳат иш кўриши, суд қарори (ҳукми) юзасидан арз қилиш ҳуқуқи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори ҳусусида шикоят қилиш ҳуқуқи, ҳеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибсга олинishi ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, қўлланилган эҳтиёт чорасига нисбатан шикоят қилиш ҳуқуқи ва х.к..

П.к.нинг ҳаракатчанлиги ва таъсирчанлиги моддий ҳуқуқда мавжуд бўлган жавобгарлик чоралари б-н барқарор бўлади. Кафолатлаш жараёнида мансабдор шахсда ўз мажбуриятларини бажариш мақсадига интилиш намоён бўлса, кафолатланадиган шахсда эса ўз ҳуқуқлари доирасида қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ёки уларни тиклаш ёхуд ишни адолатли ҳал этишга йўналтирилган бўлади. Охириги мақсадга етишиш кафолатланадиган шахснинг ҳуқуқий эҳтиёжлари қондирилганлиги тўғрисида далолат бўлади.

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТ – жиноний, фуқаролик ва хўжалик ишларини судда кўриш ва ҳал қилиш учун қонун б-н белгиланган ёки суд томонидан тайинланган муддатга айтилади. П.м.лар соатлар, суткалар, ойлар ва йиллар б-н ҳисобланади. П.м.ларнинг икки тури мавжуд бўлиб, улар: қонун б-н белгиланган ва суд томонидан тайинланадиган муддатлардир.

ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАРНИ ҲИСОБЛАШ – ЎЗР ЖПКда белгиланган муддатлар, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими б-н тайинланган муддатлар соатлар, суткалар ва ойлар б-н ҳисобланади. Муддатларни ҳисоблашда муддатнинг ўтиши бошланган соат, сутка ҳисобга олинмайди, аммо бу қоида ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатларини ҳисоблашга тааллуқли эмас. Муддатни ҳисоблашда ишдан холи вақт ҳам эътиборга олинади. Муддатлар суткалар б-н ҳисобланганда муддат охириги суткада соат 24-00 да тугайди. Тегишли ҳаракат судда, прокуратурада ёки бошқа давлат муассасасида бажарилиши лозим бўлса, муддат ушбу муассасаларда иш вақти тамом бўлиши б-н тугайди. Ойлар б-н ҳисобланадиган муддат охириги ойнинг муддат бошланган кунига тўғри келган санасида тугайди, муддатнинг тугаши тегишли санаси бўлмаган ойда тўғри келса, муддат шу ойнинг сўнгги суткасида тамом бўлади. Муддатнинг тугаши ишдан холи кунга (дам олиш, байрам кунига) тўғри келса, муддат шундан кейин-

ги биринчи иш қунида тугайди, ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасада бўлиш муддатини ҳисоблаш ҳоллари бундан мустасно (ЎЗР ЖПКнинг 314-м.си).

Шахсни ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва тиббий муассасага жойлаштиришда муддат ушбу чоралар амалда қўлланилган пайтдан бошлаб ҳисобланади. ЎЗР ЖПКнинг 226, 245 ва 268-м.ларида кўрсатилган муддат ўтгач, шахс дарҳол озод қилиниши лозим. Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар уни қабул қилишга ваколатли шахсга топширилган ёхуд хабар қилинган бўлса, муддатга риоя этилган деб ҳисобланади. Шикоят, илтимоснома ёки бошқа ҳужжат муддат тугагунга қадар почтага топширилган бўлса, қамоқда сақланаётган ёхуд тиббий муассасадаги шахслар учун эса, дастлабки қамоқ ёки тиббий муассаса маъмуриятига топширилган бўлса, муддат ўтган деб ҳисобланмайди (ЎЗР ЖПКнинг 315-м.си).

ЎЗР ЖПКда белгиланган муддатлар унда назарда тутилган ҳоллардагина узайтирилиши мумкин. Қонунида назарда тутилган ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими б-н муайян ҳаракатни бажариш учун белгиланган муддат процесснинг манфаатдор иштирокчиси қилган илтимосга биноан муддатни белгиланган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими б-н узайтирилиши мумкин (ЎЗР ЖПКнинг 316-м.си).

Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат иш юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими б-н тикланиши лозим. Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги илтимосномани қаноатлантириш ёки рад этиш хусусида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Муддатни тиклашнинг рад этилиши устидан умумий тартибда шикоят қилиниши ва протест билдирилиши мумкин. Белгиланган муддат ўтказиб юборилгандан сўнг шикоят қилинганда ажрим ёки қарорнинг ижроси манфаатдор процесс иштирокчисининг илтимосига биноан, ўтказиб юборилган муддатни тиклаш ҳақидаги масала ҳал қилингунига қадар тўхтатиб турилиши мумкин (ЎЗР ЖПКнинг 317-м.си).

Фуқаролик процессида П.м.х. ЎЗР ФПКнинг 126–131-м.ларида, хўжалик процессида эса – ЎЗР ХПКнинг 96–99-м.ларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАР – жиноят, фуқаролик ва хўжалик суд ишларини юритишда юзага келадиган сарф-харажатлар.

ЎЗР ЖПКнинг 318-м.сига мувофиқ, П.ч.: 1) жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, ҳолисларга уларнинг процессуал ҳаракатлар ўтказиладиган жойга келиб-кейтиш, турар жойни ижарага олиш харажатларини қоплаш учун, шунингдек суткалик харажат пули тариқасида бериладиган суммадан; 2) доимий иш ҳақи олмайдиган жабрланувчиларга ва уларнинг вакилларига, гувоҳларга, ҳолисларга уларни одатдаги машғулотида чалғитганлик учун тўланадиган суммадан; 3) экспертларга, таржимонларга, мутахассисларга улар суриштирув, дастлабки тергов ёки судда ўз вазибаларини бажарганлиги учун тўланадиган ҳақдан, ана шу вазибалар хизмат топшириги тартибда бажарилган ҳоллар бундан мустасно; 4) ушбу Кодекснинг 50-м.сига мувофиқ судланувчи тўловдан озод

қилинган тақдирда юридик ёрдам кўрсатганлик учун ҳимоячига тўланадиган ҳақдан; 5) ашёвий далилларни сақлаш ва жўнатиш б-н боғлиқ харажатлар суммасидан; 6) экспертиза муассасаларида экспертиза ўтказиш учун сарфланган суммалардан; 7) шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш учун қилинган харажатлардан; 8) жиноят ишини юритишда қилинган бошқа харажатлардан иборат бўлади. Ушбу модданинг 1, 2, 3 ва 4-бандларида кўрсатилган суммалар суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан тўланади.

ЎЗР ЖПКнинг 319-м.сига кўра, гувоҳ тариқасида, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис, жамоат айбловчиси ва жамоат ҳимоячиси тариқасида чақириладиган шахснинг суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга чақирилганлиги б-н боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қоллинади.

Жиноятнинг тергов қилиниши ва суд муҳокамаси мобайнида барча П.ч., шу жумладан дастлабки тергов ва суд муайян жиноят иши бўйича қилган сарф-харажатлар ушбу иш материалларида акс эттирилиши, яъни зарур ҳужжатлар б-н тасдиқланиши керак. Тергов тугаши б-н терговчи маҳкумдан ундирилиши лозим бўлган П.ч акс эттирилган маълумотномани тузад. Маълумотномада сарф-харажатларни тасдиқлайдиган ҳужжатлар жойлашган иш варақлари кўрсатилади. Маълумотнома айблов ҳулосасига доир илованинг қисми ҳисобланади.

П.ч. экспертизанинг экспертиза муассасаларида ўтказилишига сарфланган суммалар, шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш ва қидириш харажатлари, шунингдек жиноят иши юритилишида қилинган бошқа харажатлар суммаларни бўлган ҳоллардан ташқари маҳкумлардан ундирилади.

Суд П.ч.ни, таржимонга тўланган суммадан ташқари, маҳкумдан ундиришга ҳақли. П.ч. жазодан озод қилинган маҳкум, шунингдек жазо тайинланмаган маҳкум зиммасига юклатилиши мумкин. Суд бир неча судланувчини айбли деб топган тақдирда, уларнинг ҳар биридан қанча миқдорда П.ч.ни ундириш лозимлигини белгилайди. Бу ҳолда суд айбнинг оғир ёки енгиллигини, жиноят учун жавобгарлик даражаси ва маҳкумларнинг мулкӣ аҳолини инобатга олади.

Судланувчи оқланган ёки реабилитация асосларига кўра иш тугатилган тақдирда П.ч. давлат ҳисобига ўтказилади. Судланувчи бир айблов бўйича оқланган, бошқа айблов бўйича айбли деб топилган бўлса, суд у айбли деб топилган айблов б-н боғлиқ П.ч.ни тўлашни унинг зиммасига юклайди.

П.ч. ундирилиши лозим бўлган шахснинг тўловга моддий имконияти бўлмаган тақдирда чиқимлар давлат ҳисобига ўтказилади. Маҳкумнинг П.ч.ни тўлаши унинг қармоғида бўлганларнинг моддий аҳолига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, суд маҳкумни П.ч.нинг ҳаммасини ёхуд бир қисмини тўлашдан озод этишга ҳақлидир. Маҳкум ҳуқуқий ёрдам учун тўловдан озод этилган тақдирда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш б-н боғлиқ П.ч., шунингдек таржимонга бериладиган пуллар давлат ҳисобидан тўланади.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга қонунда белгиланган тартибда чақирилган процесс иштирокчисининг узрсиз сабабларга кўра келмаслиги оқибатида ишнинг судда кўрилишини ёхуд тергов харакатлари ўтказишни кечиктириши б-н боғлиқ П.ч. ана шу келмаган шахсдан ундирилади.

Моддий жавобгарлик: адвокат узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги учун тегишли адвокатлар бюросига, хайъатига ёки фирмасига, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узрсиз сабабларга кўра келмагани учун тегишли жамоат бирлашмаси ёхуд жамоага юклатилиши мумкин.

Суд вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар юзасидан П.ч. тўлашни вояга етмаганнинг хулқ-атвори устидан тегишли назорат йўқлигида айби бўлган тақдирда вояга етмаган маҳкумнинг ота-онасига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга юклаши мумкин.

Жабрланувчининг шикоятни бўйича кўзгатирилган иш юзасидан судланувчи оқланган тақдирда суд П.ч.ни иш юритилишига сабаб бўлган шикоятни берган шахсдан тўлиқ ёки қисман ундиришга ҳақлидир (ЎЗР ЖПКнинг 320-м.си).

ПРОЦЕССУАЛ ХАРАКАТЛАР ВА ҚАРОРЛАР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ – жиноят процессининг асосий принципларидан бири. Бу принципга кўра, процесс иштирокчилари ва б. шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қонунда кўрсатилган тартибда ва муддатда суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья ва суднинг процессуал харакати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир. Процесснинг исталган босқичида илтимоснома билдириш ва шикоят бериш мумкин (ЎЗР ЖПК 27-м.си). “Фукароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 5-м.сида шикоят фукароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир, деб эътироф этилади. Мазкур Қонуннинг 26-м.сида эса фукаронинг тухмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади, деб қайд этилади.

ЎЗР ЖПК 241-м.сига асосан, эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан терговни назорат қилаётган, уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга ҳақли бўлган прокурорга шикоят берилиши мумкин. Прокурор шикоятни олган пайтдан эътиборан уч сутка ичида уни кўриб чиқиши ҳамда шикоят берган шахсни ўз қароридан хабардор этиши шарт.

Дастлабки тергов босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала бўйича суднинг ажрими устидан мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан етмиш икки соат ичида апелляция тартибида шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин. Шикоят, протест ажрим чиқарган суд орқали берилади, мазкур суд уларни йигирма тўрт соат ичида материаллар б-н бирга апелляция инстанцияси судига юбориши шарт. Апелляция инстанцияси суди кўрсатилган материалларни шикоят ёки протест б-н бирга улар келиб тушган пайтдан эътиборан етмиш икки соатдан кечиктирмасдан кўриб чиқиши керак.

Шикоят ёки протест берилиши эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги масала бўйича қарор ижросини тўхтатиб қўймайди.

ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ – ҳуқуқий тизим нормаларининг бир қисми. У жиноятларни тергов қилиш, жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишларини, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ва КС иш юритуви тартибида кўриладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади. П.ч. моддий ҳуқуқ б-н чамбарчас боғлиқ, чуқки уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун зарур процессуал шакллари мустаҳкамлайди.

П.ч. ЎЗР Қон.сида белгиланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар заруратсиз ва асоссиз чекланмаслигига ҳизмат қилади. Мамлакатимизда П.ҳ.лар демократик ҳусусиятга эга бўлиб, даъво ва низоларни, ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, жиноят ишларини тез ва тўғри текшириш, уларни асосли, қонуний ва оқилона ҳал қилишни кафолатлайди ҳамда мазкур ҳуқуқ юридик шахсларга ҳам ўз манфаатларини ҳимоялаш воситаси сифатида берилади.

ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК – низоли ёки суднинг ҳал қилув қарори б-н аниқланган ҳуқуқий муносабатдан тарафлардан бири, учинчи шахс ёки уларнинг қонуний вакили чиқиб кетган тақдирда (фукаронинг ўлими, юридик шахснинг қайта ташкил этилиши, бошқа шахс фойдасига талабдан воз кечиш, қарзнинг бошқа шахсга ўтказилиши ва х.к.) суд бу шахслар уларнинг ҳуқуқий ворислик б-н алмаштирилишига йўл қўяди. Ҳуқуқий ворислик процесснинг ҳар қандай босқичида амалга оширилиши мумкин. Ҳуқуқий вориснинг процессга киришганлиги ҳақида суд ажрим чиқаради.

Ҳуқуқий ворис процессга киришгунига қадар амалга оширилган барча харакатлар ҳуқуқий ворисга ўрнини бўшатиб берган шахсга қай даражада мажбурий бўлган бўлса, ҳуқуқий ворисга ҳам шу даражада мажбурийдир. П.ч.в. амалга оширилганида ўз ҳуқуқини топширган шахс суд процессининг қайси босқичидан чиқиб кетган бўлса, ишни кўриб чиқиш шу босқичдан давом эттирилади, лекин ҳуқуқий ворис ишга доир ҳамма материаллар б-н ташишига ҳақли (ЎЗР ФПКнинг 43-м.си).

ПСИХОТРОП МОДДАЛАР (юн. *psyche* – рухият, *trōpos* – йўналиш) – одам рухиятига мувофиқлаштирувчи ёки уйғотувчи таъсир кўрсатиш ҳусусиятига эга табиий ҳамда синтетик воситалар. Бу моддалар асосан асаб тизимига таъсир қилиши б-н ажралиб туради. Шунинг учун бу каби моддаларни қўллашни тақиқловчи рўйхат 1971 й. Венада қабул қилинган. П.м. тўғрисидаги конвенция ва БМТнинг 1988 й.да чиқарилган Гиёҳвандлик моддаларини ғайриқонуний тарзда ўтказиш тўғрисидаги конвенцияда кўрсатиб ўтилган. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, П.м. рўйхатига киритилган ва ЎЗРда назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар.

П.м. рўйхати ЎЗР ВМнинг 2000 й. 31 июлдаги 293-сон “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириши, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида”ги қароридан берилган.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ – П.ш. бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топширигига биноан маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи тавakkал қилади. П.ш.нинг айрим турлари (маиший пудрат, қурилиш пудрати, лойиҳалаш ёки қидирув ишлари пудрати, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати)га, агар ЎзР ФКнинг бундай турдаги шартномалар тўғрисидаги қондаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ЎзР ФКнинг П.ш.га оид параграфида назарда тутилган қондалар қўлланади (ЎзР ФКнинг 631-м.си).

П.ш. ашёни тайёрлаш ёки уни қайта ишлаш (ишлов бериш) ёхуд бошқа ишни бажариб, натижасини буюртмачига бериш ёки бошқача тарзда топшириш ҳақида тузилади. Агар П.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, иш пудратчининг материаллари, унинг кучи ва маблағлари ҳисобидан бажарилади. Агар П.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, буюртмачининг топширигини бажариш усулларини пудратчи мустақил белгилайди. Пудратчи ўзи берган материаллар ва ускуналарнинг сифати тегишли даражада бўлмаганлиги учун, шунингдек учинчи шахслар ҳуқуқлари бўлган материаллар ва ускуналарни берганлиги учун жавобгар бўлади.

ПУЛ (инг. money) – фуқаролик ҳуқуқида алмаштириладиган нарсаларнинг бир кўриниши, фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири. П.лар умумий эквивалент, олди-сотдида қиймат бирлиги, тўловлар воситаси ва йиғиш предмети ҳисобланувчи металл ва қоғоз белгиларидир. ЎзРнинг П. бирлиги сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат. Сўм ЎзРда ягона, чеklangан ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади (“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 32-м.си). Тўловлар ЎзРда нақд ва нақд П.сиз ҳисоб-китоблар йўли б-н амалга оширилади. ЎзР ҳудудида чет эл валютасидан фойдаланиш тартибни ва шартли қонунчилик б-н ёки унда ўрнатилган тартиб б-н белгиланади. Яна қ.: *Валюта, Пул тизими, Пул мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик, Пул белгиси, Пул бирлиги, Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси.*

ПУЛ БЕЛГИСИ (инг. currency notes; нем. geldzeichen) – муомалада маълум қийматга эга қимматбахо металллар (олтин, платина, кумуш) ўрнида ишлатилувчи қиймат белгиси. Ўз қийматига эга бўлмай туриб, П.б. муомалада факатгина олтин ва кумуш пуллар номидан чиқади. Бошқа металллардан (мис, никель ва б.) ишланган тангалар, шунингдек қоғоз пуллар ёки банк билетлари П.б. шаклида намоён бўлади.

ПУЛ БИРЛИГИ – миллий қонунчилик томонидан белгиланадиган товарлар (иш, хизмат) қиймат ўлчови, товар (иш, хизмат) нархини акс эттирувчи бирлик. П.б., шунингдек ҳисоб-китоб ўлчови сифатида ҳам юритилади. ЎзР Президентининг 1994 й. 16 июндаги ПФ-870-сон “Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармони б-н ЎзРнинг миллий

валютаси – “сўм” муомалага киритилган. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 32-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг П.б. сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат.

ПУЛ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК – бошқа шахсларнинг пул маблағларини қайриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиғ тўланиши керак.

Фоиғлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганида эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоиғининг ҳисоб ставкаси б-н белгиланади. Қарз суд тартибда ундириб олинганида суд кредиторнинг талабини даъво кўзгатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоиғининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қондалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиғ миқдори белгиланган бўлмаса қўлланилади.

Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар ЎзР ФК 327-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан унга тегиши керак бўлган фоиғлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмининг тўлашни талаб қилишга ҳақли.

ПУЛ МУОМАЛАСИ (инг. money circulation) – товар ва нотовар тўловларга ҳамда ҳисоб-китобларга хизмат кўрсатувчи муомала ва тўлов воситаси сифатидаги пул ҳаракати. П.м.нинг икки тури мавжуд. Биринчидан, нақд пулларнинг, яъни пул бирликлари (банкнотлар ва тангалар)нинг муомаласи. Бундай ҳолда бир субъект бошқасига товарлар, иш ва хизматлар учун ёки қонунда белгиланган бошқа ҳолларда берадиган (мас., жарималар) реал пул бирликлари тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, нақд бўлмаган П.м.. У ҳисоб-китобни муайян пул суммасини бир субъектнинг банк муассасасидаги ҳисобварағидан ўчириб, уни бошқа субъектнинг худди шу ёки бошқа банк муассасасидаги ҳисобварағига ўтказиш шаклида ёхуд нақд пул белгилари тўлов воситаси сифатида мавжуд бўлмайдиган бошқа шаклда амалга оширишдан иборат.

ПУЛ ТАЛАБНОМАСИДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ ЭВАЗИГА МОЛИЯЛАШ ШАРТНОМАСИ (ФАКТОРИНГ) – фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг бир тури бўлиб, унга кўра бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товарлар беришидан, унинг ишларини бажаришидан ёки унга хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади. Мижоз ўзининг молия агенти олдидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида ҳам қарздорга нисбатан пул талабномасидан молия агенти фойдасига воз кечиши мумкин. Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича молия аген-

тининг мажбуриятлари мижоз учун бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек мижозга бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномалари б-н боғлиқ бошқа молиявий хизматлар кўрсатишни ҳам ўз ичига олиши мумкин (ЎзР ФКнинг 749-м.си).

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаларини молия агенти сифатида банклар ва б. кредит ташкилотлари, шунингдек бундай турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномаси (лицензияси) бўлган бошқа тижорат ташкилотлари ҳам тузиши мумкин (ЎзР ФКнинг 750-м.си).

Тўлов муддати келган пул талабномаси ҳам (мавжуд талабнома), шунингдек келажакда вужудга келадиган пул маблағларини олиш ҳуқуқи (бўлажак талабнома) ҳам молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечилдиган нарса бўлиши мумкин. Молиялаш эвазига бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул талабномаси мижознинг молия агенти б-н тузадиган шартномасида шундай белгиланган бўлиши керакки, мавжуд талабнома шартнома тузиш пайтига монанд бўлсин, бўлажак талаб-

нома эса – кечи б-н талаб вужудга келган пайтга монанд бўлсин. Бўлажак пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганида, у шартномада назарда тутилган талабномадан бошқа шахс фойдасига воз кечиш нарсаси бўлган пул маблағларини қарздордан олиш ҳуқуқи вужудга келганидан кейин молия агентига ўтган ҳисобланади. Агар пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш маълум воқеага боғлиқ бўлса, бошқа шахс фойдасига воз кечиш ушбу воқеа юз берганидан кейин кучга кирилади. Бундай ҳолларда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечишни қўшимча расмийлаштириш талаб қилинмайди (ЎзР ФКнинг 751-м.си).

ПУЛ ТИЗИМИ – мамлакатдаги пул муомаласини ташкил этиш шакли. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 32-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг П.т. ЎзРнинг пул бирлигини, пул муомаласи ташкил этилишини ва уни тартибга солишни ўз ичига олади. ЎзРнинг пул бирлиги сўмдир. Бир сўм юз тийиндан иборат. Сўм ЎзРда ягона, чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.



РАД ЭТУВЧИ РЕФЕРЕНДУМ – сайловчилар томонидан кучга кирган қонунни амалдан олиб ташлаш учун ўтказиладиган референдум.

РАЁСАТ (лот. praesidare – олдинда ўтириш, раислик қилишдан; инг. presidium) – 1) конференция, съезд, йиғилишга раҳбарлик қилнш учун сайланган шахслар гуруҳи; 2) суд, ташкилот, муассасанинг раҳбар органи; 3) ҳукуматнинг доимий фаолият кўрсатувчи органи (мас., Ҳукумат Р.нинг фаолият кўрсатиши ҳақида “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 18-м.сида ёзилган).

РАМБУРС КРЕДИТИ – савдо операцияларини банк томонидан қисқа муддатли кредитлаш; сотувчи томонидан кўрсатилган банкка сотувчи ўтказилувчи векселни кўчириб қўйиши ва уни сотувчининг банкка акцепт қилингунича ҳисобга қўйилиши ёрдамида амалга оширилади. Вексел кўчириб ўтказилган банк уни акцепт қилади ва сотувчи векселда кўрсатилган суммани тўлаш бўйича мажбуриятларига қарши ҳолда сотиб олувчи берадиган товарни кузатувчи ҳужжатларни олади.

РАМКА ҚОНУНИ – Францияда ва бир қатор Франциянинг собиқ мустамлақаси бўлган давлатларда у ёки бу соҳаларни тартибга солишда умумий принципларнигина ўрнатувчи, Парламент томонидан қабул қилинадиган қонун ҳужжатларининг алоҳида шакли. Бевосита аниқ тартибга солиш маҳаллий ҳокимият томонидан амалга оширилади. Англо-саксон мамлакатларида бу хилдаги ҳужжатлар скелетнинг қонунлар деб аталади.

РАСМИЙ ИНКОРПОРАЦИЯ – қ.: *Инкорпорация*.

РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ – қ.: *Огоҳлантириш*.

РАСМИЙ ШАРҲЛАШ – қ.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

РАСТРАТА – қ.: *Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тароғ қилиш*.

РАТИФИКАЦИЯ (лот. ratificatio, ratus – тасдиқланган + facio – бажарамаи; инг. ratification) – тасдиқлаш, бирор-бир мамлакатнинг олий давлат органи томонидан тасдиқланган халқаро шартнома. Р. давлатнинг олий ҳокимият органи томонидан ваколатли давлат органлари томонидан тузилган халқаро шартномаларни тасдиқлаш шакли, яъни давлат номидан иш олиб борувчи президент ёки ҳукумат тузган шартномасининг парламент томонидан тасдиқланиши, шартнома Р. қилинганлигини билдиради.

ЎЗР Конс.сининг 78-м.сига мувофиқ, халқаро шартномаларни Р. ва денонсация қилиш ЎЗР Олий Мажлиси КП ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига қиради.

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига асосан қуйидагилар: ЎЗРнинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари: давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар; ЎЗРнинг мудофаа қобилиятига

дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш б-и таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; ЎЗРнинг бошқа давлатлар б-и худудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; ЎЗРнинг давлатлараро иттифокларда, халқаро ташкилотларда ва б. бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар; ижроси амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилишини такозо этадиган, шунингдек ЎЗРнинг қонунларида пазарда тутилганидан бошқача қондаларни белгилайдиган халқаро шартномалар Р. қилинади. Тузиш вақтида қонунлар келгусида уни Р. қилиш тўғрисида келишиб олган ЎЗРнинг халқаро шартномалари ҳам худди шундай Р. қилинади. Олий Мажлис ЎЗРнинг бошқа халқаро шартномаларини ҳам Р. қилиши мумкин. ЎЗР Ҳукумати томонидан ёки у ваколат берган органлар томонидан халқаро молия инс.лари б-и тузилган ЎЗРнинг халқаро заём ва кафолатли шартномалари Р. қилинмайди ва ЎЗР учун имзоланган пайтдан эътиборан кучга қиради (“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 14-м.си).

ЎЗР Президентининг қарорига мувофиқ имзоланган халқаро шартномаларни Р. қилиш тўғрисидаги таклифлар Олий Мажлисга ЎЗР Президенти томонидан киритилади. ЎЗР Ҳукуматининг қарорига мувофиқ имзоланган ЎЗРнинг халқаро шартномаларини Р. қилиш тўғрисидаги таклифлар Олий Мажлисга ЎЗР Ҳукумати томонидан киритилади, бу ҳақда тегишли қарор қабул қилинади. ЎЗРнинг халқаро шартномаларини Р. қилишга киритиш тўғрисидаги таклифлар Ташқи ишлар вазирлиги томонидан мустақил равишда ёки агар шартнома бошқа вазирликлар ва идораларнинг ваколатларига қирадиган масалаларга дахлдор бўлса, улар билан келишилган ҳолда ЎЗР Президенти ёки ЎЗР Ҳукуматига киритилади (“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 15-м.си).

Халқаро шартномалар Р. қилингандан сўнг қонунлар Р. ёрлигини чиқарадилар.

Р. ёрлиги – Олий Мажлис халқаро шартномани кўриб чиққанлигидан гувоҳлик берувчи ва халқаро шартнома ЎЗР учун мажбурийлигига рози эканлигини ифодаловчи маҳсул ҳужжат. Р. ёрлигининг шакли Ташқи ишлар вазирлигининг такдимномасига биноан ЎЗР Президенти томонидан белгиланади (“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 17-м.си).

Р. ёрлиги Олий Мажлисининг халқаро шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги қарорига асосан ЎЗР Президенти томонидан имзоланади, унинг муҳри ва Ташқи ишлар вазирлигининг имзоси б-н тасдиқланади (“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 18-м.си).

Р. ёрлиқларини алмашиш, ЎЗР халқаро шартномаларни Р. қилганлиги тўғрисидаги ёрлиқларни сақлаш учун депозитарийларга топшириш Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ёхуд унинг топшириғига биноан ЎЗР дипломатик ваколатхонаси ёки ЎЗРнинг халқаро ташкилот ҳузурдаги ваколатхонаси томонидан амалга оширилади (“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 19-м.си).

РАҚОБАТ – ҳўжалик юритувчи субъектларнинг му-собакалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил харакат-лари хар бир субъект томонидан тегишли товар бозори-даги товарлар муомаласининг умумий шарт-шароитлари-га таъсир кўрсатиш имкониятини чеклайди.

Р. бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатиши ва жўшқин ривожланишининг мухим шарти ҳисобланади, истеъ-молчига танлаш имкониятини беради ва унинг ҳуқуқла-ри камситилишининг олдини олади. Шу сабабли Р.ни кўллаб-қувватлаш конун б-н қафолатланади. Р.ни вақтда ЎЗР конунчилиги инсофсиз Р.ни тақиқлайди. Р.ни химоя қилиш монополияга қарши конунчилик бўйича ҳуқуқий нор-маларнинг махсус тизими б-н таъминланади.

Монополияга қарши конунчилик амалга оширилар экан, рақобат муҳитини вужудга келтириш учун давлат монопо-лияларга қарши сиёсат олиб боради, иқтисодиётни моно-полиядан чиқариш бўйича чора-тадбирлар кўради. Давлат-нинг Р.га нисбатан сиёсати унинг маърифатли, маданий кўринишлари ва коидаларини таъминлашга йўналтирилади. Бундай сиёсат ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, махсулотларни самарали тақсимлашга, техника ва иқти-содий тараккиётга ёрдам беради, истеъмолчиларнинг ман-фаатларини химоя қилишга хизмат қилади (“Товар бо-зорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎЗР Конуни). Яна қ.: *Инсофсиз рақобат*.

РАҚОБАТЧИНИ ОБРЎСИЗЛАНТИРИШ – босма ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнларда ёки омма-вий ахборот воситалари орқали ҳўжалик юритувчи субъект-нинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида би-ла туриб ёлфон, поаник ёки бузиб кўрсатилган маълум-отларни тарқатиш. Ушбу жиноят учун ЎЗР ЖКнинг 192-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

РЕАБИЛИТАЦИЯ (лот. *rehabilitatio*, *re* – яна, + *habilitas/habilitatis* – яроқлилиқ, лаёқатлилиқ сўзлари-дан; инг. *rehabilitation*) – фуқаронинг ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларини суд ёки маъмурий тартибда тик-лаш, давлат томонидан унга нисбатан ноҳақ кўлланилган мажбурлов чоралари ёки унинг ҳуқуқи ва эркинликлари-ни бошқача тарзда чеклашнинг оқибатларини бартараф қилиш.

Конунга мувофиқ Р. қилинган шахснинг ижтимоий-сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари тикланиб, унга махсус ва харбий унвонлари қайтариб бериледи, давлат мукофот-лари ва имтиёзлари тикланиб, конунга мувофиқ, тегиш-ли тартибда компенсация тўланади.

Оқлов ҳукми, шунингдек ЎЗР ЖКнинг 83-м.сида на-зарда тутилган ҳолатлар, яъни иш кўзга тилган ва тергов харакатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса; унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса; унинг содир этилган жиноят-га дахли бўлмаса, шахсни Р. этишга асос бўлади. Р. этил-ган шахс конунга хилоф равишда ушлаб турилгани, эхти-ёт чораси сифатида конунга хилоф равишда қамоқда сақ-лангани, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан конунга хилоф равишда четлаштирилгани ёхуд тиббий муассасага конунга хилоф равишда жойлаштирилгани натижасида унга етказилган мулкий зарарни ундириш ҳамда маъна-вий зиён оқибатлари бартараф этилишини талаб қилиш

ҳуқуқига эга. Бундай ҳолларда Р. этилган шахснинг ЎЗР ЖКнинг 310-м.сида назарда тутилган меҳнат қилиш, нафақа олиш, уй-жойдан фойдаланиш ва бошқа ҳуқуқла-ри ҳам тикланиши лозим.

Р. икки турга бўлинади: тўлиқ Р. ва қисман Р.

ЎЗР ЖКнинг 303-м.сида асосан шахснинг қисман Р. этилишига қуйидагилар асос бўлади: шахс қамоқда сақ-лаб турилганига қараганда қамоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ёки озодликдан маҳрум қилиш б-н боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинганлиги; ҳукмдан айблов қис-ман чиқариб ташланиши ва бунинг натижасида конунга кўра қамоқда сақлаш ёки озодликдан маҳрум қилиш мум-кин эмаслиги; озодликдан маҳрум қилиш муддатининг юқори суд томонидан ҳақиқатан ўталган муддатга қара-ганда қамайтирилганлиги ёхуд бошқа енгилроқ жазо тури б-н алмаштирилганлиги; жиноий жазо тайинламай ҳукм чиқарилган ҳолларда ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, тиб-бий муассасага жойлаштиришнинг асоссизлиги. Қисман Р. этни айбланувчига ёки маҳкумга етказилган мулкий зиённинг асоссиз қисми қопланишига ва маънавий зиён оқибатларининг асоссиз қисми бартараф қилинишига са-баб бўлади.

Кейинги йилларда сиёсий сабабларга кўра репрессия-га учраган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тик-лаш тартиби шаклланди. Мазкур шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун асос бўлиб, уларнинг миллий, диний, сиёсий нуқтан назардан озодликдан маҳрум қилин-ганлиги, мамлакатдан ташқарига чиқариб юборилганли-ги ва фуқароликдан маҳрум қилинганлиги, сурғун ва ба-дарга қилинганлиги ҳисобланади.

Сиёсий репрессия қурбонлари бўлиб, кейинчалик Р. қилинган шахслар доирасига уларнинг оиласи, қариндош уруғлари ҳам қиради.

Р. қилинган шахсларга моддий ва маънавий зарарни қоплаш б-н бирга бир қатор имтиёзлар ҳам бериледи. Улар қуйидагилардир: санатория ва курортларда дам олиш да-воланиши учун навбатдан ташқари йўлланмалар бериш, навбатдан ташқари тиббий ёрдам кўрсатиш ва х.к..

РЕГЛАМЕНТ (лот. *regula* – норма, қоида, *regere* – ҳукмронлик қилиш, бошқариш; инг. *time-limit*; пол. *reglament*; фр. *reglement*) – муайян давлат органи ёки бўлинмасининг ички ташкилий ҳамда фаолият тартибини белгилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат (парламент, унинг палаталари, ҳукумат ва ш.к.); йиғилиш, сессия ва вакил-лик органлари съездларини ўтказиш тартиби; депутатнинг ҳуқуқий ҳолатини ички ташкилий, палаталар ҳамда бир палатали фаолият шакллари асосида тартибга солувчи коидалар йиғиндиси.

Р. конституциявий ҳуқуқда давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фао-лиятининг тартибга солиниши ва ваколатларини амалга ошириш тартибини белгилувчи норматив ҳужжатдир. Ҳозирги пайтда хар бир давлат ҳокимияти органи ёки ўзини ўзи бошқариш органи ўз фаолиятини амалга оши-ришга киришар экан, биринчи навбатда ўз фаолиятини тартибга солувчи Р.ни қабул қилади. Мас., ЎЗРда икки палатали парламент шаклланиши муносабати б-н “Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палата-сининг Регламенти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ЎзР Қонунлари қабул қилинди.

Р. – одатда, комплекс норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

“Р.” атамаси қундалиқ турмушда мажлис ёки йиғинлар ўтказишда, мажлисда маъруза қилувчиларга, кўшимча маъруза қилувчиларга, сўзга чиқувчиларга берилган вақт ва танафус учун ажратилган вақт ва ш.к.га нисбатан ҳам ишлатилади. Вакиллик органларининг ўз мажлисларини ўтказиш учун белгиланган тартиб-қоидалари уларнинг Р.ида, албатта, кўрсатилади. Аммо, юқоридаги матндан кўриниб турибдики, улар Р. мазмунининг бир қисмини ташкил этади.

РЕГРЕСС – қ.: *Регресс талаб*.

РЕГРЕСС ДАЪВО – қ.: *Регресс талаб*.

РЕГРЕСС ТАЛАБ (лот. *regressus* – орқага ҳаракат; инг. *reverse demand*) фуқаролик ҳуқуқида кредиторга тўловни амалга оширган шахснинг (регрессантнинг) тўлов амалга оширилишига айбдор бўлган учинчи шахсга (регрессантга) кредиторга тўланган сумманинг регрессантга қайтарилиши тўғрисида қўядиган талаби. Р.т., шунингдек регресс ёки қарши талаб деб ҳам юритилади.

Регресс мажбуриятлар бўйича даъво муддати асосий мажбурият бажарилган пайтдан ўта бошлайди (ЎзР ФКнинг 154-м.).

Мисол учун, Р.т. қўйиш ҳуқуқи солидар мажбуриятлар учун ҳосил. Агар қонунларда ёки шартномаларда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, солидар мажбуриятни бажарган қарздор ўз улушини чегириб ташлаб, бошқа қарздорларга тенг улушларда Р.т.и қўйиш ҳуқуқига эга бўлади. Солидар мажбуриятни бажарган қарздорга тўланмаган ҳақ бу ва б. қарздорлар зиммасига тенг улушларда тушади (ЎзР ФКнинг 254-м.).

Шунингдек, ЎзР ФКнинг 296-м.сига мувофиқ, кафилик б-н таъминланган мажбуриятни бажарган қарздор бу ҳақда кафилини дарҳол хабардор қилиши шарт. Акс ҳолда ўз навбатида мажбуриятни бажарган кафил асоссиз олинганни кредитордан ундириб олишга ёки қарздорга Р.т. қўйишга ҳақли. Р.т. қўйилган тақдирда, қарздор асоссиз олинганнигина кредитордан ундириб олишга ҳақли.

Регресс моддий ҳуқуқнинг амалга оширишнинг процессуал вазитаси бўлиб судга мурожаат этган даъвогарнинг Р.т.га бўлган ҳуқуқини суд томонидан тан олиш тўғрисидаги ва жавобгарни бу талабни қондиришга мажбурлаш тўғрисидаги талаб кўринишидаги регресс даъво ҳисобланади.

РЕГРЕССАНТ (лот. *regressus* – қайтиш, орқага ҳаракат сўзидан; инг. *regressant*) – фуқаролик ҳуқуқида ўзи томонидан бошқа шахснинг айби б-н қилинган ҳаражатларнинг қопланиши тўғрисида ўша шахсга нисбатан регресс талабини қўювчи шахс.

РЕГРЕССАТ (инг. *regressat*) – фуқаролик ҳуқуқида регрессантнинг қарши даъвоси қаратилган шахс.

РЕГРЕССИВ СОЛИҚҚА ТОРТИШ (инг. *regressive taxation*) – бир қатор мамлакатларда солиқ базасининг кўпайиши б-н солиқ ставкаларининг камайишида намоён бўладиган даромадларни солиққа солишнинг тизими.

РЕЗЕРВАЦИЯ (лот. *reservatus* – сақлаб қолинган; инг. *reservation*) – 1) захирага қолдириш; 2) бирор-бир

масалала яна қайтиш учун ўз ҳуқуқини сақлаб қолиш; 3) айрим давлатларда мамлакатнинг туб жой аҳолисини (мас., АКШда индеецларни, Австралияда эса аборигенларни) мажбурий кўчириш учун фойдаланиладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд. Айрим ҳолларда “резерват” термини б-н белгиланади. Яна қ.: *Апартеид*.

РЕЗИДЕНТ (лот. *residens, residentis* – ўтроқ, бир жойда қолувчи) – 1) муайян давлатда рўйхатдан ўтган ва ўша давлат миллий қонунчилиги тўлиқ татбиқ этиладиган юридик ёки жисмоний шахс. ЎзР СКнинг 19-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг Р.и деб қуйидагилар эътироф этилади: ЎзРда давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс; ЎзРда доимий яшаб турган ёки жорий солиқ даврида яқунланмаётган ҳар қандай кетма-кетликдаги ўн икки ойлик давр ичида жами бир юз саксон уч кун ва ундан ортиқ муддат ЎзРда турган жисмоний шахс. Чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидагилар сифатида турган даври унинг ЎзР ҳудудида ҳақиқатда турган вақтига киритилмайди: дипломатик ёки консуллик мақомига эга бўлган шахс сифатида; ЎзРнинг халқаро шартнома-сига кўра тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида; ушбу қисмининг 1-бандида кўрсатилган шахсларнинг оила аъзоси сифатида, бундай жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятини амалга оширмаган тақдирда; фақат бир чет давлатдан бошқа чет давлатга ЎзР ҳудуди орқали ўтиш (транзит ўтиш) учун; агар бу жисмоний шахс ЎзРда фақат турист сифатида, даволашни ёки дам олиш мақсадлари билан турган бўлса. “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига асосан, ЎзРнинг Р.лари қуйидагилардир: ЎзРнинг фуқаролари; ЎзРда доимий яшаш жойи бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; ЎзРнинг ҳудудида рўйхатдан ўтган юридик шахслар; ЎзРнинг иммунитет ва дипломатик имтиёزلардан фойдаланадиган хориждаги дипломатия ҳамда бошқа ваколатхоналари, шунингдек ЎзР ташкилотларининг чет элдаги, хўжалик ёки бошқа тижорат фаолияти б-н шуғулланмайдиган ваколатхоналари; 2) протекторатдаги колониал давлатнинг вакили; 3) разведкага доир атама, ўзга давлатнинг айқоқчилик тармоғини бошқариб турувчи разведка вакили; 4) ўрта асрларда муайян давлатда доимий чет эл вакили, даражаси бўйича элчидан кейин турувчи дипломатик вакил; тўлиқ номланиши – министр-Р.

РЕЗИДЕНЦИЯ – қароргоҳ. Давлат раҳбарлари, давлат маслаҳатчилари ва хорижий давлат элчиларининг иш жойлари.

РЕИМПОРТ (лот. *re* – яна, қайта + *importare* – олиб кириш; инг. *reimport*) – божхона режимларидан бири бўлиб, унга кўра, экспорт режимда божхона ҳудудидан олиб чиқилган Ўзбекистон товарлари импорт божларини, солиқларни тўламасдан, шунингдек уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда ушбу модданинг иккинчи қисмида белгиланган муддатларда қайта олиб кирилади.

Олиб чиқилган пайтдан бошлаб ўн йил ичида божхона ҳудудига қайтариб олиб кирилган, табиий эскириш ёхуд нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар ҳамда қонун ҳужжатларида белгиландиган бошқа ҳолларни истисно этганда, олиб чиқилган

пайтда қандай бўлса, шундай ҳолатда турган товарлар Р. режимига жойлаштирилади.

Товарларни экспорт режимда олиб чиқилаётганда тўланган экспорт божи ва солиқлар суммаси, бу товарлар олиб чиқилган пайдан бошлаб уч йил ичида Р. режимда қайтариб олиб қирилган тақдирда, божхона органининг тақдимномаси бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади.

Товарлар Р. қилинганда товарларни олиб ўтаётган шахс товарларни олиб чиқиш чоғида тўлов тарзида ёки бошқа имтиёзлар туфайли олган суммаларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтаради (ЎЗР БКнинг 18-м.си).

РЕИНВЕСТИЦИЯЛАР – “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муомалага киритиш.

РЕЙХСТАГ (нем. Reichstag, Reich – давлат, империя + Tag – йилнинг сўзларидан) – 1) “Муқаддас Рим империяси”да Ўрта асрларда Германия императори қошидаги император Сейми томонидан тайинланган табақавий вакиллик органи; 2) Германия империяси таъсис қилинган йили кейинчалик “Шимолий Германия” қуйи палатаси (1867–1878 й.ларда). Қонунчиликда қатнашувчи сайлов органи, бюджет ва ижроия ҳокимиятининг таъсис этилишида иштирок этувчи орган. Юқори вакиллик органи Бундестрат ҳисобланган. Бунда Германия депутатлари вакил қилинган; 3) Веймар республикасида (1919–1933 й.) парламентнинг қуйи палатаси; Р. ҳуқуқлари аҳоли томонидан тўғридан-тўғри сайланган ҳукумат ва президент ваколатлари б-н чекланган, чунки улар Р.ни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлган. 1945 й.да Р. расман тугатилган.

РЕКВИЗИЦИЯ (лот. requisitio – талабнома) – табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ, мулкдордан унга мол-мулкнинг қийматици тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилишидир.

Р. ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин Р. қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФК 203-м.).

РЕКЕТ (инг. racket – шовқин) – дўк-пўписа қилиш, зўрлик ишлатиш ва кўрқитиш орқали амалга ошириладиган ижтимоий хавфли қилмиш.

РЕКЛАМА (лот. reclamare – жар солмоқ) – бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, махсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот.

Қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш Р.га доир асосий талаблардир.

Р.да қуйидагилар тақиқланади:

ишлаб чиқарилиши ёки реализация қилиниши қонун ҳужжатлари б-н тақиқланган махсулот тўғрисида ахборот тарқатиш;

жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахси ва ижтимоий мавқеига қараб, бошқа ҳолатларга кўра қамситиш ёки ўзга шахсларнинг махсулотини бадном эттиш;

қонун ҳужжатларининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг соғлиғи ёки ҳаётига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек хавфсизлик воситаларига эътиборсизлик туйғусини уйғотувчи ҳаракатларга даъват қилиш;

мажбурий сертификатлаштирилиши зарур бўлган ёки ишлаб чиқарилиши ёхуд реализация қилиниши учун махсус рұхсатнома (лицензия) бўлиши талаб этиладиган махсулотни тегишли сертификати, лицензияси бўлмағи туриб реклама қилиш;

агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бошқа махсулот рекламасида қўлланиладиган умумий ечим, матн, тасвир, мусикали ёки овозли оҳанглари айнан такрорлаш (таклид ёки ўхшашма қилиш); жисмоний шахснинг номи ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;

порнографияни тарқатиш.

ЎЗР ҳудудда Р. тайёрлаш ва тарқатиш б-н боғлиқ муносабатлар “Реклама тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни б-н тартибда солинади.

РЕМИТЕНТ (лот. remittens (remittentis) – юборувчи; инг. remitent) – биринчи вексел олувчи бўлиб, юбориладиган вексел (тратта) унинг фойдасига ёзилади. Р. векселда кўрсатилган суммани тўловчи (трассат)дан талаб қилишга ҳақли, лекин трассат акцепт бериши керак. Агар трассат акцепт бермаган бўлса, Р. нотариал протест бериши лозим. Акс ҳолда, Р. кейинчалик тўловни талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиши мумкин.

РЕНТА ШАРТНОМАСИ – Р.ш.га мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) беради, рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти б-н белгиланган пул суммаси ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Р.ш.га мувофиқ рентаи муддатсиз (доимий рента) ёки рента олувчи ҳаёт бўлган муддат мобайнида тўлаш (умрбод рента) мажбуриятини белгилашга йўл қўйилади. Умрбод рента фуқарони ўз қармоғига олган ҳолда умрбод таъминлаш шарти б-н белгиланиши мумкин.

Р.ш. нотариал тасдиқланиши, кўчмас мол-мулкни рента тўлаш шарти б-н бошқа шахсга бериши назарда тутилган шартнома эса бундан ташқари давлат рўйхатидан ҳам ўтказилиши лозим.

Рента тўлаш шарти б-н бошқа шахсга бериладиган мол-мулк рента олувчи томонидан рента тўловчига ҳақ эвазига ёки текинга мулк қилиб берилиши мумкин.

Р.ш.да мол-мулкни ҳақ эвазига топшириш назарда тутилган тақдирда тарафларнинг мол-мулкни топшириш ва унинг ҳақини тўлаш бўйича муносабатларига нисбатан

олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидалар, бундай мол-мулк текинга берилган ҳолларда эса ҳада шартномаси тўғрисидаги қоидалар қўлланилади, башарти, ушбу бобнинг қоидаларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва бу ҳол Р.ш.нинг моҳиятига зид келмаса (ЎЗР ФК 512–514 м.лари).

РЕНТИНГ (инг. renting) – машина ва б. асбоб-ускуналарни қисқа муддатга ижарага бериш. Р.нинг лизингдан фарқи шундаки, ижарага берувчининг ижара муддати тугаганидан кейин машинага ёки бошқа асбоб-ускунага эгаллик қилиш ҳуқуқи бўлмайди.

РЕПАРАЦИЯ (лот. reparatio – тиклаш; инг. reparatio) – халқаро ҳуқуқда урушда енгилган мамлакатнинг голиб давлатга ҳарбий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қисман қоплаб бериши. Р. реституция, пул ёки бошқа моддий компенсация ёхуд реституция ва зарарларни қоплаш кўринишида бўлиши мумкин.

РЕПАТРИАЦИЯ (лот. repatriatio, re – яна, қайта + patria – ватан сўзларидан; инг. repatriation) – турли ҳоллар оқибатида бошқа давлатга бориб қолган шахсларнинг, фуқароларнинг ўз давлатига қайтарилиши. Р. халқаро келишувлар усулида амалга оширилади. Р. фуқароликнинг ўзгариши (ўзлаштирилиши) б-н боғлиқ. Р.га типик мисоллар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: 1) асирга тушган шахсларни давлат ҳокимиятининг қарорига мувофиқ ва уларни қабул қилувчи томоннинг ҳарбий асирларни қабул қилиш босқичлари ва муддатини кўрсатган ҳолда уруш тамом бўлгандан сўнг ҳарбий асирларнинг ўз ватанига қайтиб келиши. Ҳарбий асирларга эга давлатлар Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1949 й.ги Женева конвенциясига мувофиқ асирларнинг ўз ватанларига қайтишига тўсқинлик қилмасликлари керак; 2) қочоқларнинг ўз ватанига қайтиши. Қочоқлар мавжуд бўлган давлат уларнинг ўз ватанларига қайтишига тўсқинлик қилмаслиги керак, аммо қочоқ мақомига эга шахсларни, агар улар ўзлари турган давлатнинг қонунларига зид ҳаракатларни амалга оширган бўлсалар ўз ватанига зўравонлик б-н қайтариб юборишлари ҳам мумкин эмас; 3) аждодлари, қариндошлари, ота-онаси ёки ўзлари яшаб ўтган шахсларнинг ўзларининг тарихий ватанига қайтиб келиши. Мас., 1944 й. ўз ватанларидан зўравонлик б-н Ўзбекистонга кўчириб келтирилган меҳсети турклари, қрим татарларининг ўз ватанларига қайтиб кетиши. Шахсларнинг яққа тартибда ўз ватанларига қайтишдан фарқи равишда, Р. шахсларни оммавий равишда ўз ватанларига қайтишини билдиради.

РЕПРЕССАЛИЯ (лот. repressaliae, reprehendere – ушлаб турмоқ, тўхтатмоқ сўзларидан) – давлатга бошқа бир давлат томонидан халқаро ҳуқуқ нормаларини бузиш натижасида етказилган моддий ёки маънавий зарарга жавобан қўлланиладиган мажбурлов чорасидир. Р. ҳуқуқни бузган давлатнинг ноқонуний ҳаракатларини тўхтатиш, етказилган зарарни ундириш ва келгусида содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланади. Куч ишлатиш б-н таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш Р. бўлиши мумкин эмас, Р. халқаро ҳуқуқ нуқтан назаридан доимо ҳуқуққа хилоф бўлмаган ҳаракатдир.

РЕПРЕССИЯ (лот. repressio – эзиш; инг. repression) – давлат органлари томонидан айрим фуқаролар, аҳоли, миллат, халқ ва этник гуруҳларга нисбатан қўлланилади-

ган мажбурлов, қийпоққа солиш, жазолаш тадбирлари, қатағон, зулм.

РЕСПУБЛИКА (лот. res publica – жамоат иши, res – иш + publicus – жамоат, умумхалқ сўзларидан; инг. republic) – бошқарув шакли бўлиб, унда давлат ҳокимиятининг барча олий органлари ё сайланади, ё умуммиллий вакиллик муассасалари томонидан шакллантирилади. Р. тарихда антик даврда Европада монархияга қарама-қарши равишда пайдо бўлди. Р. бошқарув шакли капитализмнинг ривожланиши б-н кенг тарқалди.

Р. 2 та асосий турга ажратилади: президентлик ва парламентар. Президентлик Р.нинг асосий хусусияти бу – президентнинг қўлида давлат раҳбари ва ҳукумат раҳбари (АҚШ, Бразилия, Аргентина, Мексика ва б.) ваколатларининг бирлаштирилишидир.

Давлат ҳокимиятининг олий органлари ваколатлари ўртасидаги қатъий чегараланиш ва уларнинг ташкилий жиҳатдан ажралиши президентлик Р.нинг бошқа ўзига хос қирраларини ҳам келтириб чиқарди: президентни сайлаш усули (тўғри ёки эгри сайловлар йўли б-н) ва ҳукуматни парламентдан ташқари шакллантириш усули, ҳукуматнинг парламент жавобгарлиги инс.ининг мавжуд эмаслиги ва президентда парламентни муддатидан олдин тарқатиб юбориш ҳуқуқининг мавжуд эмаслиги. Президентлик Р.сида ҳукумат барқарорроқ бўлади, парламент эса ижро ҳокимиятидан бошқарувнинг парламент шакли мавжуд бўлган мамлакатлардагига қараганда кўпроқ мустақил бўлади.

Парламентар Р.да давлат ҳокимиятининг олий органлари тизимининг асосига расман парламентнинг устуворлиги принципи қўйилган бўлиб, унинг олдида ҳукумат ўз фаолияти учун коллектив масъул бўлади. Президентлик Р.сидан фарқли ўлароқ, парламентар Р.да ҳукумат парламентнинг (икки палатали парламентларда – қуйи палатанинг) кўпчилиги қисми қўллаб-қувватлашига эга экан, ҳокимиятда қолади. Уни йўқотгач, ҳукумат ё истеъфога чиқади, ё парламентни тарқатади ва навбатдаги парламент сайловини тайинлайди. Парламентар Р.да ҳукумат фақат парламент йўли б-н бошқарувчи партия ёки партия коалициясига тегишли бўлган депутатлар орасидан шакллантирилади. Президентлик Р.сида ҳукумат аъзолари депутат бўла олмайдилар. Парламентар Р.нинг расмий белгиси бу – айни вақтда ҳукумат ва бошқарувчи партия ёки партия коалициясининг (Италия, Германия, Португалия, Греция, Ирландия, Ҳиндистон ва б.) раҳбари бўлган бош вазир лавозимининг мавжудлигидир.

Президентлик Р.ларида президент ижро ҳокимияти бошлиғи сифатида ўз қўлига бир қанча ваколатларни бирлаштиради, парламентар Р.да президент бирламчи функцияларнигина амалга оширади. Парламент парламентар Р.да президентлик Р.сига қараганда кучлироқ назорат остига олинган.

РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗА МАРКАЗИ – ЎЗР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги Р.с.э.м. ЎЗР Адлия вазирлиги тизимида кирди ва Ўзбекистонда суд экспертизаси масалалари бўйича илмий-услубий ва мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади. Р.с.э.м.га 1965 й.да Ўзбекистонда суд экспертизани ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган биринчи ўзбек аёли академик-ҳуқуқшунос Хадича Сулаймонованинг номи берилди.

ЎзР Адлия вазирлиги хузурида дастлаб, Тошкент илмий-тадқиқот криминалистика лабораторияси ташкил топган (1951). Унинг негизда Хадича Сулаймонова номидаги Тошкент суд экспертизаси илмий-тадқиқот инс.н ташкил қилинган (1958). Сўнг Республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига (1995), кейин эса, Р.с.э.м.га айлантирилган (2003).

Р.с.э.м.нинг фаолияти суриштирув, дастлабки тергов ва судлар топшириқларига асосан суд экспертизаларини ўтказиш, криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига илмий-услубий ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган йўналишлар бўйича олиб борилади. Бу ерда 53 та экспертлик мутахассислиги бўйича 39 та турдаги суд экспертизалари бажарилади (2008). Улар қаторида хатшунослик, ҳужжатларни техник криминалистик, суд баллистика, изшунослик (трасологик), материаллар, ашёлар ва буюмларнинг криминалистик, суд муҳандислик, суд биологик, суд фонографик, одам ДНКсининг суд биологик экспертизаси, суд иктисодий, суд ёнғин техникавий, суд товаршунослик ва б..

Р.с.э.м.нинг Тошкент ш.да ҳужжатларнинг криминалистика экспертизаси, суд баллистика ва изшунослик, суд-автотехника, материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистика экспертизаси, одам ДНКсининг суд биологик экспертизаси, суд-иктисодий экспертизаси, суд қурилиш-техникавий ва суд фонография экспертизаси лабораториялари ва бўлимлари, Андижон, Гулистон, Бухоро, Навоий, Нукус, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Урганч, Қарши ш.ларида бўлинмалари бор.

Р.с.э.м. ходимларининг суд экспертизасининг назарияси, ўзбек тилидаги дастхатларни, ўқотар қуроллар б-н етказилган жароҳатларни, наркотик моддалар ва дори-дармонларни, нефть маҳсулотларини, одам ДНКсини, ҳужжатларнинг криминалистик тадқиқоти соҳаларидаги илмий ишлари натижалари экспертиза амалиётида кенг қўлланади.

Р.с.э.м. олий юридик таълим муассасалари талабаларини ўқитиш ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини оширишда фаол иштирок этади. Р.с.э.м.нинг илмий кутубхонасида суд экспертизасининг барча йўналишлари бўйича 17 мингдан ортиқ махсус адабиётлар бор. Илмий ишлар, қўлланмалар, эксперт тадқиқоти усулларига оид китобларни нашр этади.

Р.с.э.м. ходимларини юқори малакали қўп йиллик тажрибага эга турли соҳа мутахассислари, шу жумладан 7 та фан номзоди, ташкил қилади (2008). ЎзР Адлия вазирлиги тизимида эксперт кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш Р.с.э.м.да ташкил қилинган.

Р.с.э.м. халқаро шартномаларга асосан чет эл суд экспертиза муассасалари б-н криминалистика ва суд экспертиза соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

РЕСПУБЛИКА ЮРИСТЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ МАРКАЗИ – ЎзР Адлия вазирлиги хузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази ЎзР Президентининг 1997 й. 25 июндаги ПФ–1791-сон “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёр-

лаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида”ги Фармони б-н ташкил этилган.

Мазкур Фармонга мувофиқ, Р.ю.м.о.м.нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) ҳуқуқшунос кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; 2) ҳуқуқ соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш, ҳуқуқшунослар орасида кадрлар сиёсатини такомиллаштириш борасида тавсияларни ишлаб чиқиш ва тақдим қилиш; 3) ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар б-н алоқаларни амалга ошириш. Р.ю.м.о.м. фаолиятини молиявий таъминлаш республика бюджетининг давлат ҳокимияти ва бошқарувига ажратилаётган маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Марказга ўқув ва тадқиқот ишларини амалга ошириш учун республика ва чет эл илмий марказларининг кўзга кўринган олимларини, тажрибали амалиётчиларни ўриндошлик ёки алоҳида шартномалар тузиш йўли б-н жалб этиш ҳуқуқи берилган.

Р.ю.м.о.м.да 5 та кафедра: Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанлари, Давлат-ҳуқуқий фанлари, Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари фанлари, Жиноий-ҳуқуқий фанлари, Фуқаролик ҳуқуқий фанлари кафедралари, шунингдек 4 та бўлим: кадрлар, ўқув-услубий, компьютер-ахборот, нашрий хамда маъмурий-ҳўжалик бўлимлари мавжуд.

РЕСТИТУЦИЯ (лот. restitutio – аввалги ҳолатга қайтиш, инг. restitution). – 1) фуқаролик ҳуқуқида томонлар ўртасида тузилган келишув ҳақиқий эмас, деб топилган тақдирда, келишув асосида томонларга берилган барча нарсаларнинг ўз эгаларига қайтарилиши. Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан, олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат б-н инфодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунида назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул б-н тўлаши шарт (ЎзР ФК 114-м.). Олинган мулкнинг иккала томонга қайтарилиши икки томонлама Р. деб номланади;

2) халқаро ҳуқуқда Р. бир томоннинг иккинчи томонга ноқонуний хатти-ҳаракати (мас., агрессия) туфайли келтирган зарарини, ушбу ноқонуний хатти-ҳаракатгача бўлган ҳолатни қайтаришга йўналтирилган, моддий шаклдаги тўловни назарда тутати. Мас., иккинчи жаҳон уруши давомида ҳамда ундан сўнг фашистик Германия ва унинг иттифоқчилари томонидан бошқа давлатларни босиб олиши туфайли қўлга киритган бойликларни Р. қоидалари асосида ўз эгаларига қайтариш халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда инфодаланган. Р.нинг яна бир шакли бир давлатнинг иккинчи давлатни босиб олиши оқибатида олиб қўйган мулкларини натура тарикасида қайтаришидир. Агарда айнан олиб қўйилган мулкни қайтаришнинг имкони бўлмаса, у ҳолда томонларнинг келишуви асосида шунга ўхшаш мулк қайтарилиши мумкин.

РЕСТРИКЦИЯ (лот. restrictio – чеклаш; инг. restriction) – 1) тадбиркорлик амалиётида товарлар нархини қўтариш мақсадида ишлаб чиқаришни, сотишни ва экспортни чеклаш; 2) мамлакатнинг Марказий банки то-

монидан тижорат банкларига берилаётган кредитларни чеклаш. Бу сапоат ва савдо корхоналарига кредитларнинг умумий қисқаришига, ишлаб чиқариш хажмининг камайишига ёки ўсишининг пасайишига олиб келади.

РЕТОРСИЯ (лот. *retorsio*) – ЎзР Ҳукумати ЎзР фукарolari ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатларнинг фукарolari ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар (Р.лар) белгилаши мумкин (ЎзР ФКнинг 1167-м.си).

РЕФЕРЕНДУМ (лот. *referendum* – хабар қилиниши лозим бўлган; инг. *referendum*) – бевосита демократиянинг шакли, давлатнинг бутун ҳудудидаги аҳолисининг муҳим масалалар бўйича овоз бериши. Р. алоҳида жамият ва давлат аҳамиятига молик масалани ҳал қилиш учун умум-халқ овозига, сўровига қўйишдир. Р. бевосита демократиянинг муҳим инс.и бўлиб, давлат ва жамият аҳамиятига боғлиқ масалаларни овоз бериш йўли б-н амалга оширишни ўзида акс эттиради. Р. сайловлардан фарқ қилади, яъни у мансабдор шахсларни белгиланган мансабга сайлашни эмас, балки давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлган ишларни Конс., қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалаларини ҳамда ички ва ташқи сиёсий муаммоларни ҳал қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Юридик кучи ва оқибатига кўра Р. императив ва консультатив турларига бўлинади.

Р. натижалари мажбурий кучга эга бўлганда императив Р. бўлади. Императив Р.лар натижаси овоз бериб бўлинган сўнг қонуний кучга қиради ва у фақат бошқа Р. ўтказилиб бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Консультатив Р. натижалари давлатнинг ваколатли органлари томонидан расмийлаштирилади ва Р.га киритилган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилишда инobatга олинади. Консультатив Р. халқнинг, аҳолининг сўрови деб ҳам юритилади.

ЎзР Конс.сининг 9-м.сига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (Р.га) қўйилади.

Ўзбекистонда Р. ўтказиш тартиби “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги ЎзР Қонуни б-н белгиланади. Яна қ.: *Ўзбекистон Республикасининг референдуми*.

РЕЦЕПСИЯ (лот. *receptio* – қабул қилиш; инг. *reception*) – ҳуқуқ назариясида ҳамкорлик қилиш ёки биргаликда ишлаб чиқиш. Ҳуқуқ тарихида Р. атамаси ҳамкорликда деган сўз ўрнида ишлатилган бўлиб, давлатнинг ички ҳуқуқ тизими принциплари, инс.лари ва ички ҳуқуқий тизимнинг асосий элементларини ташкил этади. Айнан Рим ҳуқуқида Р. ҳуқуқи ҳақида фикр юритилган, халқаро ҳуқуқда деярли доимий ишлатилади ва кўпинча давлатнинг халқаро ҳуқуқда кўрсатилган вазифаларини бажаришда намоён бўлади.

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ – ЎзР ЖКнинг 34-м.сига мувофиқ, шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши.

Илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган. ЎзР ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари б-н ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли Р.ж. деб топилади.

Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли Р.ж. деб топилади.

Суднинг ҳукми б-н шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг бошқа давлатлар судларининг ҳукмлари бўйича судланганлиги ҳам ҳисобга олинishi мумкин.

Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инobatга олинмайди.

ЎзР ЖК Махсус қисмининг ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилловчи моддалари шахс ушбу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда ўта хавфли рецидивист деб топилган бўлсагина қўлланилади.

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ – илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиб судланган шахслар орасида жиноятларнинг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан турли шакл ва усулларда амалга ошириладиган профилактик чора-тадбирлар мажмуи. Ички ишлар органлари томонидан Р.ж.о.да шахснинг мукаддам судланганлигини, тарбиялаш ва ахлоқан тузатиш мураккаблиги инobatга олинган ҳолда амалга оширилади.

РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ – рецидив жиноятчилик рецидивистлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг йиғиндиси. “Рецидив” атамаси ҳар хил: жиноят ҳуқуқий, криминалогик, пенитенциар маъноларда тушунилади. Жиноят ҳуқуқий рецидив судланганлик ҳолати қонунда белгиланган тартибда тугатилмаган, олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган шахс томонидан қасддан янги жиноятлар содир этиши ҳолатларини қамраб олади. Криминалогик рецидив жиноий қилмишнинг тақроран содир этилишига асосланади ва: судланганлик ҳолати тугатилмаган ёки олиб ташланмаган; мукаддам судланган; жиноят учун жазони ўтаётган; мукаддам содир этилган жиноят учун ҳар хил сабабларга кўра жавобгарлик қўлланмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятларни қамраб олади. Жиноятларнинг ўхшашлигига кўра умумий ва махсус рецидив фарқланади. Умумий рецидив ҳар хил жиноятларнинг тақроран содир этилишидир. Махсус рецидив

айнан бир хил ёки ўхшаш бўлган жиноятларнинг такроран содир этилиши б-н тавсифланади.

Жиноятларнинг турларига кўра рецидивнинг тузилишида ўғирликлар, тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар ва безорилик кўпчиликни ташкил этади. Улар рецидив жиноятчиликнинг қарийб учдан икки қисмини ташкил этади. Такроран жиноят содир этилишининг вақтига қараб яқин рецидив, бунда жиноят жазодан озод этилганидан сўнг 3 й. ўтганидан кейин содир этилган бўлса, узоқ рецидив фаркланади. Рецидив жиноятчиликда бир гуруҳ шахслар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг ҳиссаси умумий жиноятчиликдагига нисбатан камроқдир. (тегишли равишда 20% ва 30%). Ижтимоий хавфлилик даражасига қараб хавфли ва ўта хавфли рецидив фаркланади. ЎзР ЖК 34-м.сига мувофиқ, илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари б-н ҳам жазога ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади. Беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни: илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши; илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади. Рецидив жиноятчиликнинг динамикаси унинг ўсиб бораётганини кўрсатади. Рецидив жиноятчилик умумий жиноятчиликнинг 10%ини ташкил қилади. Рецидив жиноятчилик ҳолатининг ёмонлашиши кўп жиҳатдан жиноят-ижроия тизимидаги ўта салбий тенденциялар б-н изоҳланади.

РЕЭКСПОРТ (лот. ге – яна, қайта + exportare – олиб чиқиш) – божхона режимларидан бири бўлиб, унга кўра чет эл товарлари божхона ҳудудидан олиб чиқилади.

Агар товарлар божхона органига кейинчалик Р. режимида олиб чиқиб кетишга мўлжалланган товар сифатидагина маълум қилинган бўлса, улар божхона ҳудудига олиб кириляётганда импорт божлари, солиқлар ҳамда иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди. Бундай товарларни амалда олиб чиқиш божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай амалга оширилади. Амалда олиб чиқиб кетилмаган тақдирда импорт божлари, солиқлар, шунингдек улар юзасидан фоизлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Товарлар Р. режимида олиб чиқилаётганда экспорт божлари, солиқлар ундирилмайди, олиб чиқиш чоғида амал қилиб турган иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Товарлар Р. режимида олиб чиқилаётганда тўланган импорт божлари ва солиқлар қайтарилиши, айти бир пайтда қуйидаги талабларга риоя этилиши лозим:

Р. қилинаётган товарлар олиб кирилган пайтда қандай бўлса, шундай ҳолатда бўлса, табиий эскириш ёки

нормал ташиш ва сақлаш шароитларида камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно;

Р. режимида товарларни олиб чиқиш улар олиб кирилган пайтдан бошлаб икки йил ичида амалга ошириляётган бўлса;

Р. қилинаётган товарлардан даромад олиш мақсадида фойдаланилмаган бўлса (ЎЗР БКнинг 20-м.си).

РИМ ФУҚАРОЛИГИ – Р.ф. қонуний никоҳдан туғилиш, куллиқдан озод қилиш ёки хорижлик фуқарога Р.ф.ни ҳадя этиш натижасида эришилаётган ҳуқуқий ҳолат. Республика даврида Р.ф. Италиянинг бутун аҳолисига нисбатан, принципат даврида эса, қолган ҳудудларидаги яшовчиларга нисбатан қўлланилган. Дастлабки даврда Р.ф. қуйидаги икки усул билан қўлга киритилган: бирипчидан, давлатнинг у ёки бу ҳудудига, у ёки бу алоҳида жамоаларга фуқаролик ҳуқуқини ҳадя қилиш йўли б-н; иккинчидан, у ёки бу жамоаларга, уларнинг олдинги ҳуқуқий ҳолатини бериш йўли б-н.

РИМ ҲУҚУҚИ – ҳуқуқнинг қад. соҳаларидан бири бўлиб, ўзининг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти б-н ижтимоий муносабатларни тартибга солишчи Р.х. нормалари йиғиндиси. Классик даврдаги Р.х. Фарбий Европанинг кўпгина феодал давлатлари томонидан кенг қўлланилган ва бугунги кунда дунёнинг аксарият давлатларида амалда бўлган Роман-герман ҳуқуқ тизими айнан Р.х. негизда пайдо бўлган. Р.х. асосида кўпгина Европа мамлакатларининг, ҳатто бугунги кунда ҳам амалда бўлган қонунлари қабул қилинган. Сўнгги республика ва принципат даврларида Римда махсус олди-сотди муносабатларининг ривожланиши Р.х.нинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Чунки, бу жараёнда Р.х. учун янги бўлган қатор муносабатлар вужудга келди ва уларни тартибга солиш зарурати туғилди. Р.х.нинг ривожланишида Гай, Ульпиан, Павел, Лабейон, Цельс каби қад. Рим ҳуқуқшуносларининг ҳиссаси катта бўлди. Улар томонидан мил. авв. V а.нинг ўрталарида биринчи Рим кодификациясига асос солинди. Тарихда бу кодификация “XII жадвал қонунлари” номини олди. Узоқ йиллар давомида бу қонунлар Римда хусусий ва оммавий ҳуқуқнинг манбаи бўлиб келди.

РОМАН-ГЕРМАН ҲУҚУҚИЙ ОИЛАСИ – Континентал Европанинг барча давлатлари ҳуқуқ тизимини ўзида бирлаштирган ва англо-саксон ҳуқуқ тизимига қарама-қарши қўйилган ҳуқуқий оила. Р.-г.х.о. ўзининг ибтидосини ва генетик асосларини Қад. Римдан, Рим ҳуқуқидан бошлайди. Ҳозирги кунда Р.-г.х.о. бутун дунё бўйича тарқалиб кетган. У собиқ Рим империяси ҳудудлари доирасидан четга чиқиб, Латин Америкаси, Африканинг катта қисми, Яқин Шарқ мамлакатлари, Япония, Индонезияга ёйилган. Бунинг сабаби қисман мустамлакачилик натижасида, қисман XIX а.да роман ҳуқуқий тизими томонидан қабул қилинган, шаклланган кодификациялаштириш, Рим юридик техникасининг қайта тикланиши берган имкониятлар б-н характерланади.

Р.-г.х.о.нинг асосий манбаи – норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Унга кўра ҳуқуқнинг нормалари аниқ соҳаларга бўлиб ўрганилади, барча соҳалар эса, иккита тизимга бўлинган: хусусий ҳуқуқ ва оммавий ҳуқуқ. Оммавий ҳуқуққа маъмурий, жиноят, конституцион, халқаро оммавий ҳуқуқ

тааллуқли бўлса, хусусийга фуқаролик, оила, меҳнат ва халқаро хусусий ҳуқуқ мансуб.

Бу ҳуқуқий оилани ҳозирда тўла маънода континентал ҳуқуқ деб номласа бўлади. Чунки, у Англия ва Ирландиядан ташқари бутун Европа китъаси мамлакатларини бирлаштирган. Роман-герман ҳуқуқий тизими ҳатто Англо-саксон ҳуқуқий оиласига кирувчи мамлакатларда ҳам қисман мавжуд (АҚШнинг Луизиана штати, Канаданинг Квебек провинцияси). Р.-ғ.х.о.нинг бошқа ҳуқуқий оилалардан фарқлаб турувчи ва уни характерловчи қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин: биринчидан, Рим ҳуқуқи б-н органик боғлиқлиги ҳамда юзага келиши ва ривожланиши Рим ҳуқуқига таянганлиги; иккинчидан, Р.-ғ.х.о.нинг ривожланишида доктриналар аҳамиятининг юқорилиги; учинчидан, ҳуқуқ манбалари тизимида қонуinning алоҳида ўринга эга эканлиги; тўртинчидан, ҳуқуқ тизимининг оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуққа бўлганиши; бешинчидан, мазкур ҳуқуқий оилада норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришга, яъни кодификациялаштиришга алоҳида ўрин берилганиши; олтинчидан, фуқаролик ва тижорат ҳуқуқининг алоҳида мустикал ҳуқуқ соҳалари сифатида ривожланганлиги; еттинчидан, бошқа ҳуқуқий оилалардан фарқли ўлароқ, унда маҳсус ҳуқуқ соҳаси сифатида савдо ҳуқуқининг алоҳида ўринга эгаллиги.

Р.-ғ.х.о. қуйидагиларга бўлинади:

рим ҳуқуқий гуруҳи (Франция, Италия, Бельгия, Испания, Руминия ҳуқуқ тизимлари, Лотин Америка давлатлари ҳуқуқи);

герман ҳуқуқий гуруҳи (Германия, Австрия, Венгрия, Швейцария, Греция, Португалия, Туркия, Япония ҳуқуқий тизимлари);


скандинав ҳуқуқий гуруҳи (Дания, Норвегия, Швеция ҳуқуқ тизими).

Р.-ғ.х.о. ҳам англо-саксон, мусулмон ҳуқуқи сингари ҳозирги замоннинг асосий ҳуқуқий оилалардан бири ҳисобланади. Р.-ғ.х.о. аввало шартномавий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи тизимини ташкил этувчи ёзма қонунлар мажмуидир. Ҳуқуқнинг бошқа манбалари (маъмурий ҳужжатлар, одатлар ва б.) унча аҳамиятли рол ўйнамайди, суд амалиёти эса умуман ҳуқуқ манбаи сифатида тан олинмайди. Континентал ҳуқуқ ва умумий ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро нисбат ва фарқлар тарихий ривожланиш жараёнида ўзгариб борди. Россия ва собиқ Иттифок давлатларининг ҳуқуқи ҳам Р.-ғ.х.о.га тааллуқли.

РОЯЛТИ (инг. royalty) – қуйидагилар учун ҳар қандай турдаги тўловлар Р. деб ҳисобланади:

фан, адабиёт ва санъат асарларидан, шу жумладан электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурлар, аудио-визуал асарлардан ҳамда турдош ҳуқуқлар объектларидан, жумладан ижролар ва фонограммалардан фойдаланганлик ёхуд улардан фойдаланиш ҳуқуқини берганлик учун;

саноат мулки объектига, савдо маркасига, дизайн ёки моделга, режага, мафий формула ёки жараёнга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи патентдан (гувоҳномадан) ёхуд саноат, тижорат ёки илмий тажрибага тааллуқли ахборотдан (ноу-хаудан) фойдаланганлик учун (ЎЗР СКнинг 22-м.си).



САБАБИЙ БОҒЛАНИШ – ҳуқуқда вужудга келган оқибат б-н сабабнинг узвий боғлиқлиги. Ҳар бир жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарликларга хос хусусият. Чунки, сабаб ва оқибат бир-бири б-н ёнма-ён бўлади. С.б. деганда, ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) б-н ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги узвий боғлиқлик, алоқадорлик тушунилади. С.б. жиноят ва б. ҳуқуқбузарлик таркибининг объектив белгиларига тегишлидир.

САБОТАЖ (фр. sabotage, saboter – оёқ кийимлари б-н тақиллатиш; инг. sabotage) – 1) XX а.нинг 60-й.ларигача собиқ СССР республикаларининг жиноят ҳуқуқида ҳокимиятни ва давлат аппарати фаолиятини кучсизлантириш мақсадида маълум мажбуриятларни (асосан меҳнат) касдан бажармасликда ёки тўлиқ бажармасликда намоён бўладиган жиноят (мас., РСФСР ЖКнинг 58¹⁴-м.си). С.га аксиллик илобий жиноят сифатида қаралган бўлиб, унинг субъектлари “халқ душманлари” саналган. Жиноят қонунчилигининг асослари ва республикаларнинг янги ЖКлари қабул қилингандан кейин (1959–1961-й.лар) С.га мустақил жиноят сифатида қаралмаган; 2) кенг маънода, бирон-бир фаолиятни амалга оширишга яширин тўсқинлик.

САДИЗМ (инг. sadism) – француз ёзувчиси Маркиз де Сад (Сад Донасьен Альфонс-Франсуа, 1740–1814 й.лар) номи б-н боғлиқ бўлиб, ўз жинсий эҳтиёжини қондириш учун шеригига азоб бериш орқали жинсий қониқиш, жинсий бузуқлик қилиши англатади. С. – жинсий жиноят содир этишнинг мотивларидан бири. Мурда б-н жинсий алоқа қилишда намоён бўлиши мумкин бўлган С.нинг “ўлдиришдан завқ олиш” шакли кам учрайдиган ва хавфлиси ҳисобланади. Битта шахсда С. мазохизм б-н аралашган бўлиши мумкин.

САЗОЙИ – Қад. Шарқда жазо турларидан бири ҳисобланган. Айбдорнинг юзига қорақуя суртилиб, эшакка тескари миндирилган ва кўчаларни айлантирилган.

САЙЛАБ ҚЎЙИЛАДИГАН ОРҒАН – аҳоли ёки бирор орган томонидан сайлов йўли б-н ташкил этиладиган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоатчилик органи.

САЙЛАБ ҚЎЙИШ – давлат органи ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органини тузиш ҳамда таркибини белгилашнинг (ички ўзини ўзи ташкил этишнинг) аҳоли томонидан депутатларни ва аҳоли ёки вакиллик органи томонидан тегишли мансабдор шахсларни сайлашдан иборат усулларидан бири. Мас., ЎЗР ҚПнинг депутатлари аҳоли томонидан, ҚП Спикери ва унинг ўринбосарлари шу палата депутатлари томонидан сайланади.

Бошқа усулларга шакллантириш ва тайинлашни мисол қилиб келтириш мумкин. Мас., ЎЗР Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш тартиби қуйидагича: Сенат аъзолари ҚР, вил.лар ва Тошкент ш.дан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов ҚР Жўқорғи

Кенгеси, вил.лар, тум.лар ва ш.лар давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси эса фау, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎЗР Президенти томонидан тайинланади.

С.к. кўпинча давлат муассасаларининг раҳбарларига нисбатан қўлланилади.

С.к., шунингдек жамоат бирлашмалари ички ўзини ўзи ташкил этишнинг ўзига хос усули: уларнинг раҳбарлик қилувчи органи ва шахслари курултойлар, конференциялар, пленумлар ва б. жамоавий тадбирларда сайланадилар.

Акциядорлик жамиятларида унинг раҳбар органини сайлаб қўйиш ҳам, бошқарувчиларини ва б. раҳбарларини тайинлаш ҳам қўлланилади.

С.к., шунингдек меҳнат жамоалари кенгашларини, маҳалла оксоколларини сайлашда қўлланилади.

Маълумки, илгари тум. ва ш. судларининг судьялари аҳоли томонидан, сўнгра тегишли ёки юқори халқ депутатлари Кенгашлари, яъни ўша даврдаги давлат ҳокимияти вакиллик органи томонидан сайлаб қўйилар эди. Бирок кейин судьялар тайинланадиган бўлди.

САЙЛАНАДИГАН ҲОКИМИЯТ – Лотин Америкаси қатор мамлакатлари расмий конституциявий доктринасига мувофиқ (Колумбия, Никарагуа ва б.) давлатда (қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти б-н бир қаторда) мустақил ва қарам бўлмаган оммавий ҳокимиятлардан бири. Сайлов корпусини ташкил этувчи ва сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар томонидан амалга оширилади. Бу ҳокимият сайлов трибуналлари ташкил этишда ўзининг ташкилий ифодасини топади (электорал адлия), у сайловлар тўғрисидаги тортншувларни кўриб ҳал қилади.

САЙЛАНИШ УЧУН ЎЗ НОМЗОДИНИ ҚЎЙИШ (БАЛЛОТИРОВКА) – сайловларда депутатликка ёки сайлаб қўйиладиган бошқа лавозимга номзод сифатида иштирок этиш.

САЙЛАШГА ВАКИЛ ҚИЛИНГАН КИШИ – давлатнинг ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органининг мансабдор шахсларини сайлаш учун аҳоли томонидан сайланадиган фуқаро. Хусусан, АҚШда сайловчилар сайлашга вакил қилинганларни, улар эса АҚШ Президентини сайлайдилар.

САЙЛОВ – ўз мазмунига кўра бирон-бир органи овоз бериш йўли б-н шакллантириш, мансабдор шахсни сайлаш демакдир. Бинобарин, С. учун бир неча объектлар бўлиши мумкин. Унда сайлов муқобиллик тарзида амалга оширилади ёки ҳеч бўлмаганда, муқобилликсиз сайловларда ундан воз кечиш учун қафолат бериш имкоиятини яратиш лозим. С. давлат органилари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органилари, жамоат бирлашмалари ва б.ларни ташкил этишнинг уларни аҳоли ёки бошқа орган томонидан сайлашдан иборат усули. Кўпроқ С. тушунчаси давлат органилари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органиларининг депутатлари, мансабдор шахсларини сайлашга нисбатан қўлланилади.

Куйидаги турдаги С.лар бўлиши мумкин:

тўғридан-тўғри С. – бунда депутатлар ёки сайланадиган мансабдор шахслар бевосита С.чилар томонидан сайланади, С.чи ва номзод ўртасида ҳеч қандай воситачиликка йўл қўйилмайди. Тўғридан-тўғри С., тўғридан-тўғри бўлмаган С.дан шуниси б-н фарқ қиладики, биринчи ҳолда номзод С.чилар томонидан бевосита хохиш-иродаларини эркин ифода этиш йўли б-н сайланади. Мас., ЎзР Президенти С.и, Олий Мажлис ҚПга ҳамда ҚР Жўқорги Кенгесига, вил.лар, тум.лар, ш.лар давлат ҳокимияти вакиллик органларига С. тўғридан-тўғри С. ҳисобланади;

билвосита С. – бунда аҳоли сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, улар эса тегишли шахсларни сайлайди. Мас., АҚШда С.чилар сайлашга вакил қилинганларни сайлайди, булар эса АҚШ Президентини сайлайди. Ҳиндистон парламенти Штатлар Кенгаши – юқори палатаси аъзоларининг аксарияти штатлар ва иттифокдош ҳудудлар қонунчилиги мажлисларининг аъзолари томонидан сайланади;

кўп поғонали С. – бунда аҳоли фақат куйи вакиллик органларининг депутатларини сайлайди, булар эса кейинги даражадаги вакиллик органларининг депутатларини (делегатларни) сайлайди. Кўп поғонали С. баъзи чет мамлакатларда қўлланилади. Мас., Хитойда юқори халқ вакиллари мажлислари, шу жумладан Бутунхитой Халқ вакиллари мажлиси куйи халқ вакиллари мажлислари томонидан сайланади.

САЙЛОВ БИРЛАШМАЛАРИ – хорижий мамлакатларда сайлов жараёнида номзодларни илгари сурадиган сиёсий партияларнинг блокларини. ЎзРда С.б. дейилганда умумдавлат миқёсида фаолият юритадиган сиёсий жамоат бирлашмаларини тушуниш мумкин.

САЙЛОВ БЛОКИ – айрим мамлакатларда депутатликка номзодлар ёки сайлаб қўйиладиган давлат ёхуд муниципал лавозимларига номзодлар кўрсатиш орқали сайловларда иштирок этиш ҳамда уларнинг сайланиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган усуллар б-н курашиш мақсадида икки ва ундан ортиқ сайлов бирлашмасининг бирлашуви.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ – белгиланган шаклда тасдиқланган, яширин овоз бериш учун мўлжалланган сайлов ҳужжати. С.б.лари расмий (давлат томонидан чиқарилган) ва норасмийлиги б-н фарқланади (Францияда С.б. ўз номзодини қўядиган партиялар, номзодлар томонидан чиқарилади; Норвегияда сайловчи оддий оқ қоғоздан фойдаланиши мумкин).

С.б. овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. С.б.ни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. С.б.ни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хохишига кўра, сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслардан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирор кишини кабинга ёки хонага тақлиф қилишга ҳақли.

С.б.га депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилиб, унинг туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи кўрсатила-

ди. С.б.да уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак. С.б.лари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан, сайлов округининг кўпчилиги аҳолиси сўзлашадиган тилларда нашр этилади (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 35-м.си).

САЙЛОВ ГАРОВИ – депутатликка номзодларни рўйхатга олишда қатор хорижий мамлакатлар қонунини бўйича номзод давлатга пул суммаси топшириши лозим ва у округ бўйича белгиланган сондан кам овоз тўпласа, унга бу пуллар қайтарилмайди.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ – сайлов тизимининг асосий элементларидан бири. У: 1) сайловлар тайинлашни (қоида тарикасида бу алоҳида ҳуқуқ давлат бошлиғи ёки қонунчилик органига тегишли); 2) қонун б-н белгиланган тартибда сайловчиларни рўйхатга олишни; 3) туманлар ва б. жойларда сайлов округлари ташкил этишни, (вакиллик принципига мувофиқ ҳудудийлик, миллийлик, ишлаб чиқариш ва б. хусусиятларни шакллантиради (овоз бериш учун сайлов участкалари ва пунктлари ҳам ташкил этилади); 4) номзод кўрсатишни (сиёсий партиялар томонидан, сайлов блокларини томонидан, ташаббускор гуруҳлар томонидан); 5) овоз бериш ўтказишни (бир ёки икки турда); 6) овоз бериш натижаларини аниқлашни (берилган овозларни ҳисоблашни) ва маҳаллий ҳамда марказий сайлов органлари томонидан амалга оширилувчи депутатлар мандати бўлишини ўз ичига олади.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ – бўлажак сайловларда ўзига кўпроқ сайловчиларни жалб этиш, уларнинг қўллаб-қувватлашини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар ва мустақил номзодлар томонидан олиб бориладиган тарғибот тадбирлари тизими. С.к.да жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари, турли қўллаб-қувватлаш гуруҳлари ва б. катнашади. С.к. даврида тарғиботнинг асосий шакллари (усуллари): сайловолди чиқишлари ва митинглар ўтказиш, рўзномаларда памфлетлар ва мақолалар чиқариш; сайловолди афишалари, плакатлар ёпиштириш, радио ва телевидение орқали чиқишлар шаклида амалга оширилади. Ҳозирги замон сайлов қонунлари одатда С.к. олиб боришни муфассал тартибга солади. Биринчидан, С.к. олиб бериш муддати (айрим ҳолларда эса ҳудуди) аниқ белгиланади. С.к., одатда, сайловни тайинлаш тўғрисида эълон қилинган қундан ёхуд номзодни (партия рўйхатини) рўйхатга олишдан бошланади ва овоз бериш бошланишига 1–2 кун қолганда тўхтатилади. Иккинчидан, давлат томонидан оммавий ахборот воситаларини сайловолди тарғиботи учун партияларга ва номзодларга бериш тартиби ишлаб чиқилади. Учунчидан, С.к.ни маблағ б-н таъминлаш тартиби ва шартлари белгиланади. Мас., қатор мамлакатлар (АҚШ, Япония, Буюк Британия) қонунини С.к.ни ўтказишга йўл қўйилиши мумкин бўлган харажатлар энг кўп миқдорини белгилайди. Қонун кўпчилиги мамлакатларда партиялар ва номзодлар фойдасига хусусий шахслардан хайрия маблағлари тушишининг максимал миқдорини, С.к.ни давлат томонидан субсидиялаш имконияти миқдори ва шартини белгилайди. С.к.ни номаълум ва чет эл манбаларидан молиялаш қатъиян тақиқланади.

САЙЛОВ КВОТАСИ – битта депутатни сайлаш учун зарур бўлган энг кам овоз сони. С.к. ҳар бир сайлов округ-

ги учун алоҳида ҳамда мамлакат учун бутунлай аниқла- ниши мумкин.

САЙЛОВ КОДЕКСИ – қатор давлатларда (Франция, Жазоир ва Францияга илгарини мустамлака бўлган бошқа давлатларда) сайлов ҳуқуқининг барча асосий нормала- рини тизимлаштирган ҳолда мужассамлаштирувчи мах- сус қонун ҳужжати.

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ – фуқаролар томони- дан давлат органлари таркибидан бевосита сайловларни ўтказиш учун ташкил этилган махсус коллегиялар органлар. С.к. ваколати ва ташкил этиш тартиби, тизими ЎзРнинг сайлов тўғрисидаги қонунлари б-н белгиланади. ЎзРда С.к. тизимига қуйидагилар қиради: Марказий сайлов комис- сияси, округ сайлов комиссияси ва участка С.к..

С.к. фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, С.к.нинг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайлов- чиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати б-н таништирадилар, депутатлик- ка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сай- лов якунларидан хабардор қиладилар.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 9–18-м.ларида С.к. б-н боғ- лик қондалар белгиланган.

САЙЛОВ КОРПУСИ – қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар (актив овоз бериш ҳуқуқи б-н) йиғини, яъни юридик С.к. ёхуд аниқ овоз берувчи фуқаролар йиғиндиси (аниқ сайлов корпуси).

САЙЛОВ ОКРУГИ – давлат органларига номзодлар сайланган ҳудудий бирлик. Ҳар бир сайлов округидан канча депутатлар сайланишига қараб, бир мандатли ва кўп мандатли С.о.лари ташкил этилади. С.о., шунингдек умум- давлат (пропорционал сайлов тизимида, давлат бошлиғи- ни сайлашда) ва регионал (асосан, мажоритар ва гоҳида пропорционал сайлов тизимида) бўлиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.сига мувофиқ, ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга сайлов ўтказиш учун бир юз ўттиз бешта ҳудудий С.о. тузилади. Ҳар бир С.о.дан битта депу- тат сайланади.

ҚПга депутатлар сайловини ўтказувчи С.о.лари ҚР Жўқорғи Кенгесининг, вил.лар ва Тошкент ш. ҳокимлик- ларининг тақдирномасига биноан Марказий сайлов ко- миссияси томонидан тузилади. С.о.ларининг чегаралари ҚР, вил.лар ва Тошкент ш.нинг маъмурий-худудий тузи- лишини инобатга олган ҳолда белгиланади.

С.о.лари, қонда тарикасида, ЎзРнинг бутун ҳудудда сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. Ҳар бир сайлов учун С.о.га тўғри келадиган сайловчилар нормаси Марка- зий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Марказий сайлов комиссияси С.о.лари рўйхатини улар- нинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловга қанда етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашла- рига сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.сига асо- сан депутатлар сайловини ўтказиш учун халқ депутатла- ри вил. ва Тошкент ш. Кенгашларига депутатлар сайлаш- да – олтиштадан кўп бўлмаган, халқ депутатлари тум. ва ш. Кенгашларига депутатлар сайлашда ўттиздан кўп бўлмаган ҳудудий С.о. тузилади.

Ҳар бир С.о.дан тегишли халқ депутатлари Кенгашига битта депутат сайланади.

Халқ депутатлари вил., тум. ва ш. Кенгашларига сай- лов ўтказувчи С.о.лари сони аҳолининг, сайловчиларнинг сонини, ҳудудни ва б. маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда ушбу Қонунда белгиланган нормалар доира- сида тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан бел- гиланади.

С.о.лари тегишли вил., тум., ш. сайлов комиссиялари томонидан, қонда тарикасида, сайловчилар сони тенг ҳолда тузилади. С.о.ларининг чегаралари вил.лар, тум.лар ва ш.ларнинг маъмурий-худудий тузилишини инобатга ол- ган ҳолда белгиланади.

Тегишли вил., тум., ш. сайлов комиссияси С.о.лари рўйхатини уларнинг чегаралари ва сайловчилар сонини кўрсатган ҳолда сайловдан қанда етмиш беш кун олдин эълон қилади.

САЙЛОВ ОРГАНЛАРИ – конституциявий ҳуқуқда сайловларни тайёрлаш ва ўтказишни амалий таъминлов- чи органлар. С.о. турли давлатларда махсус сайлов ко- миссияси сифатида ёки мавжуд давлат органлари – му- ниципалитетлар, судлар, ички ишлар органлари сифати- да бўлиши мумкин. Ўзбекистонда сайлов округлари тизи- мини ЎзРнинг Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ташкил этади.

САЙЛОВ ТИЗИМИ – 1) давлат сайлов органлари- ни (аввало, вакиллик органини) шакллантириш тартиби. С.т. – давлат сиёсий тизимининг муҳим элементи, у ҳуқуқий нормалар б-н тартибга солинади, уларнинг йи- гиндиси сайлов ҳуқуқини ташкил этади. С.т. қуйидаги- ларни ўз ичига олади: а) сайловчи органларни шакллан- тиришда қатнашиш шарт ва принциплари; б) сайлов- ларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби; в) Ўзбекистон ва баъзи мамлакатларда сайланган шахсларни чақириб олиш. Қуйидагилар С.т.нинг конституциявий принципи ҳисобланади: яширин овоз бериш асосида умумий, тўғри ва тенг сайлаш ҳуқуқи; сайловдан ташвиқоти эркинли- ги, сайлов кампаниясини ўтказишда номзодлар тенг ҳуқуқлилиги. 2) овоз бериш натижалари белгилангандан кейин сайлов органларида жойларни тақсимлаш тизи- ми. Икки асосий С.т. маълум: мажоритар ва пропорцио- нал, шунингдек аралаш С.т. маълум. Яна қ.: *Фаол сай- лов ҳуқуқи, Пассив сайлов ҳуқуқи.*

САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ – овозлар бериш ва овоз- ларни ҳисоблаб чиқиш учун ташкил этилувчи ҳудудий бирлик.

С.у. тум.лар, ш.лар, ш.лардаги тум.ларнинг чегарала- рини инобатга олган ҳолда, сайловчиларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. С.у. ҳарбий қисмларда ҳам тузилади ва қисм жойлашган ердаги сай- лов округига қиради. С.у.нинг чегаралари тегишли сай- лов округи доирасидан чиқиб кетмаслиги керак.

ЎзРнинг хоринжий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузу- рида, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва б. стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда С.у. тузилиши мумкин. Бу С.у. ўзлари жойлашган ердаги сай- лов округларига қиради. Ўзбекистондан ташқарида тузи- ладиган С.у.ни қайси сайлов округига бирктириш тўғриси-

даги масала Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳал этилади.

С.у. тум., ш. ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда С.у. қисмлар ёки ҳарбий кўшиқмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. ЎзРнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида С.у. ЎзР Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

С.у. сайловга камида олти кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, ЎзРнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам С.у. ана шу муддатда, алоҳида ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

С.у., қонда тариқасида, камида йигирма нафар ва кўпи б-н уч минг нафар сайловчидан иборат этиб тузилади. Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига тум., ш. ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади (“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.си).

САЙЛОВ ЦЕНЗИ – сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ёки олиш қонс. ёки сайлов қонунлари б-н белгиланадиган шарт. Турли мамлакатларнинг конституциявий амалиётида қуйидаги С.ц. маълум: ёши, фуқаролиги, маълумоти, ўтроқлиги, мулкдорлиги, жинси, ирқи, хизмат мавқеи, тили. Мулкдорлик, жинсий, ирқчилик С.ц. доимо камситиш характерида ва демократик сайлов принципларига зиддир. Қолган С.ц.лари камситишни назарда тутмайди, бироқ баъзан ундан шу мақсадда фойдаланилиши мумкин.

САЙЛОВ ҲАРАКАТИ – фуқароларнинг сиёсий ҳаракатдаги вақтинчалик бирлашиши бўлиб, уларнинг асосий вазифаси вакиллик муассасасига сайловларда ўз номзодларини галаба б-н таъминлашдан иборат. Сайловларда партия блоклари ва б. жамоат бирлашмалари муайян платформада иштирок этиб, ўзига хос С.х.ни вужудга келтиради.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – сайланадиган давлат органлари шаклланишини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими. С.х.нинг манбаларига Қонс., давлат олий ва маҳаллий вакиллик идораларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар қиради; фуқароларнинг сайланадиган идоралар ташкил этилишида иштирок этиш ҳуқуқлари, яъни уларнинг таркибини сайлашлари (фаол С.х.) ва сайланишлари (пассив С.х.) маъносида ҳам “сайлов ҳуқуқлари” атамаси ишлатилади.

С.х. – Қонс. б-н тартибга солинадиган ҳуқуқ, яъни Қонс. қимга фаол ва пассив С.х.лари берилишини белгилайди. Сайловлар жамият сиёсий тизимининг вакиллик идораларининг шаклланиши б-н боғлиқ бўлган муҳим қисмидир. “Сайлов” атамаси қандайдир органнинг (давлат, жамоат, халқаро) овоз бериш йўли б-н шакллантирилишини англатади. Шу боисдан сайлаш учун бир неча му-

қобил объект мавжуд бўлади ёки, ҳеч бўлмаганда, муқобил объектсиз сайловда сайлашдан воз кечиш имконияти қафолатланиши лозим.

Демократик сайловлар уч шароит бўлгандагина мумкин: биринчидан, муқобиллик, иккинчидан, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, учинчидан эса, сайловчилар хоҳиш ва иродаларининг эркин ифодаланиши.

Сайлов замонавий демократиянинг муҳим инс.ларидан биридир, халқ иродасининг ифодаланиши, сиёсий жараёнда иштирок этишининг асосий шаклларида бири, шу б-н бирга, вакиллик органлари (парламент, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) ташкил топиши ва бир неча олий мансабларни (мас., президент) банд этиш усулидир.

Ўзбекистонда сайлов орқали давлат бошлиғи – ЎзР Президенти сайланади (ЎзР Қонс.сининг 90-м.си), ЎзР Олий Мажлиси (77-м.), Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари (99-м.), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (105-м.) шаклланади.

ЎзРда фаол С.х.га, жинсидан қатъи назар, 18 ёшга тўлган барча фуқаролар эга. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар, шунингдек, суд ҳукми бўйича озодликдан маҳрум қилинган жойларда сақланувчилар С.х.дан фойдаланмайдилар. ЎзР Қонс.си томонидан белгиланадиган республика давлат органларига сайловлар ва маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар тўғрисидаги қонунлар пассив С.х.ни эгаллаш учун қўшимча шартлар мавжуд бўлишини талаб қилади.

Ўзбекистонда сайловларни ўтказишнинг конституциявий принциплари умумжаҳон демократик андозаларига тўла мос келади. Бу сайловлар умумий, яъни уларда мамлакат (вил., тум., ш.) барча аҳолиси иштирок этади, сайловчиларнинг имкон қадар кўп миқдори қатнашади. Сайловлар тенг С.х. асосида ўтказилади, ҳар бир сайловчи бир овозга эга ва ҳамма сайловчилар сайловларда тенг асосларда қатнашадилар. Бунда сайлов округлари аҳоли сонига кўра тенг бўлиши лозим. Сайловлар тўғридан-тўғри амалга оширилади, яъни сайловчи кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли б-н бевосита номзод учун овоз беради. Яширин овоз бериш сайловчининг ўз иродасини ифодалаши устидан ҳеч бир назорат йўқлигини назарда туттади.

Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилиги принциплари Қонс.га асосланади ва унда дунё тажрибаси ҳамда миллий тажриба ҳисобга олинган. Улар қуйидагилардир: сайлов қонунчилигининг Қонс.га тўла мос келиши принципи; давлатчилик ва давлат ҳокимиятининг ҳуқуқ асосида ўзгартирилиши принципи; сайлов тизимининг барча вазифалари ва механизмлари қонунийлиги ва ҳуқуқий муҳофаза қилинганлиги принципи; сайлов тизими демократизми, фуқаролар, сиёсий партиялар тенг ҳуқуқчилиги принципи; сайлов тизими фуқаровийлиги, инсон ҳуқуқларини, барқарорликни, тараққиётни, қонунийликни, ҳуқуқий тартибни таъминлашга қаратилганлиги принципи; сайлов тизими халқчиллиги, яъни ҳар бир фуқаро учун тушунарлилиги ва мумкинлиги принципи; сайлов тизими қонуний бошқарилиши, яъни, ташкиллаштирилганлиги, конституциявийлиги ва суд назорати остидалиги принципи; сайлов тизимининг камхаржлилиги принципи; овоз бериш ва

сайлаш натижаларини тўлиқлигича олиш кафолатланганлиги принципи.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ – алоҳида мамлакатларда қонунчилик б-н белгиланган конституциявий ҳуқуқий жавобгарлик чорасининг тури. С.х.м.қ. – ҳам сайлаш, ҳам сайланиш ҳуқуқига татбиқ қилиниши мумкин. С.х.м.қ. – бу Конс. ёки сайлов қонунчилиги б-н назарда тутилган махсус таъсир чорасидир. Маъмур чора сайловда қатнашиши мумкин бўлган шахслар доирасини белгиловчи сайлов комиссияси ёки қўшимча жинсий жавобгарлик тарикасида суд томонидан қўлланилиши мумкин.

С.х.м.қ. икки хил асосда амалга оширилиши мумкин: ҳуқуқий ва ноҳуқуқий.

Ҳуқуқий асосларда С.х.м.қ. сайлов цензлари асосида – ёш, жинс, муомала лаёқати, фуқаролик ва б. мезонлар асосида амалга оширилади.

Ноҳуқуқий С.х.м.қ.ни “адолатсиз” деб ҳам аташ мумкин. Тарихдан маълумки, 30-й.ларда бир қанча фуқаролар (қулоқлар, руҳонийлар, ёлланма ишчилар, ўз меҳнати б-н пул топмайдиган шахслар – судхўрлар, корхона эгалари, қолхозчилар ва б.) синфий-сиёсий мотивлар асосида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар.

САЙЛОВДА ОВОЗ БЕРИШ – сайлов жараёнининг босқичларидан бири. Бир ёки икки турда ўтади. Бюллетень бериш ёки махсус овоз бериш машинасида фойдаланиш орқали амалга оширилади. Баъзи мамлакатларнинг қонунларида почта орқали (Дания, ГФР, Ирландия, Буюк Британияда), шунингдек ишончнома бўйича (Бельгия, ГФР, Франция, Япония, Нидерландияда) овоз бериш имконияти назарда тутилган.

ЎзР Конс.сининг 117-м.сига мувофиқ, ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун б-н кафолатланади. Овоз бериш тури – сайловнинг сайловчилар овоз бериши ва овоз бериш натижаларини аниқлаш жараёнини қамраб оладиган босқичи. Қонунда сайловчиларнинг биринчи овоз бериши номзоднинг сайланиши учун зарур натижалар бермаган тақдирда бир қанча овоз бериш тури бўлиши назарда тутилиши мумкин.

С.о.б. – сайловчининг бирин-кетин амалга оширадиган ҳаракатлари мажмуи: овоз бериш биносида участка сайлов комиссияси аъзосидан сайлов бюллетенини олиш; сайлов бюллетенини тўлдириш; сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлаш.

Расмий жиҳатдан олганда, овоз бериш ҳодисаси сайлов бюллетени сайлов қутисига ташланганидагина содир бўлади. Бирок қонун ҳужжатлари, баъзан, овоз бериш ҳодисасини участка сайлов комиссиясида сайлов бюллетенини олиниши б-н ҳам боғлайди.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонуни парламентнинг қуйи палатаси сайловида овоз беришнинг қуйидагича тартибини белгилайди.

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилиб, бу биноларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар тайёрланган бўлиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жой ажратилган ва сайлов қутилари қўйилган бўлиши лозим. Сайлов қутилари уларнинг

ёнига овоз берувчилар, албатта, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналаридан ўтиб борадиган қилиб жойлаштирилади. Овоз бериш биносида бошқа ҳеч қандай сиёсий тадбир ўтказилишига руҳсат этилмайди. Бинони жиҳозлаш ва унда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссияси зиммасида бўлади.

Овоз бериш сайлов куни соат 6 дан соат 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловга қамда ўн кун қолганида сайловчиларни хабардор қилади. ЎзРнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурда, ҳарбий қисмларда, санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва б. стационар даволаш муассасаларида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда тузилган сайлов участкаларида, агар рўйхатга киритилган барча сайловчилар овоз бериб бўлган бўлса, участка сайлов комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугаганлигини эълон қилиши мумкин.

Сайлов куни овоз бериш биноси участка сайлов комиссияси аъзоларининг қамда учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина очилади. Сайлов комиссиясининг раиси комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини муҳрлайди, сайлов бюллетенлари ва сайловчиларнинг рўйхатларини комиссия аъзолари ўртасида тақсимлайди ҳамда сайлов бошланганлигини эълон қилади. Сайлов бюллетенларининг умумий сони алоҳида ҳужжат б-н расмийлаштирилади.

Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра, сайлов комиссияси таркибига қирадиган шахслардан, қузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакилларида бошқа бирор кишини қамда ёки хонага тақлиф қилишга ҳақли.

Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги крестик қўяди.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгиси б-н алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши ва алоҳида сақланиши лозим.

Сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини талаб қилиб олиши, бир қарорга келгач, тўлдирилган сайлов варақасини конвертга солиб, уни ёпиқ ҳолда участка комиссиясида қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Сайлов варақасининг шакли, сайлов варақаларини тайёрлаш тартиби, уларни сайлов участкаларига етказиб бериш муддатлари Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, уларнинг илтимосига биноан, участка сайлов комиссияси комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 37-41-м.лари).

САЙЛОВЛАР КАССАЦИЯСИ – бўлиб ўтган сайловларни сайлов кампанияси даврида овоз бериш ва унинг натижаларини аниқлаш тартибини бузилганлиги учун ҳақиқий эмас деб топиш.

САЙЛОВНИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИШ – тегишли сайлов комиссияси томонидан сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган кўп сонли қондабузарликлар туфайли С.х.э.д.т. тўғрисида қарор қабул қилиш. Сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда қонунда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин такрорий сайлов ўтказилиши, депутатликка ёки сайлаб қўйиладиган лавозимга номзодлар ялғидан қўйилиши лозим. Сайлов комиссиялари таркиби тўла ёки қисман қайта тузилиши мумкин.

Мас., ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга депутатлар сайловида сайлов чоғида йўл қўйилиб, оқибат натижада овоз бериш яқунларига таъсир қилган қондабузарлик туфайли сайлов умуман ёки айрим сайлов округлари ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. С.х.э.д.т.га доир қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан сайлов яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида ЎзР ОСга шикоят қилиниши мумкин. Айрим сайлов участкаларида сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу участкалар бўйича овоз бериш натижаларисиз ҳам умуман сайлов ҳақиқий деб топилши мумкин эканлиги инобатга олинган ҳолда бу натижалар Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 44-м.си).

Сенат аъзолари сайловида эса, агар сайлов давомида, овозларни санаб чиқишда, яширин овоз бериш натижаларини аниқлашда қонун талаблари сайлов натижаларига таъсир қилган тарзда бузилишига йўл қўйилган бўлса, Марказий сайлов комиссияси Сенат аъзоларининг сайловини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 58-м.си).

Ҳар бир ҳолатда такрорий сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади. ҚП депутатининг такрорий сайлови асосий сайловдан кейин кўпи б-н бир ойлик муддат ичида ўтказилади. Сенат аъзоларининг такрорий сайлови эса Сенатга ўтказилган асосий сайловдан кейин кўпи б-н ўн беш кунлик муддат ичида ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси юқорида зикр этилган асосларга кўра ЎзР Президенти сайловини ҳам ҳақиқий эмас деб топишга ҳақли. Бу ҳолда Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Такрорий сайлов асосий сайловдан кейин кўпи б-н қирк кунлик муддат ичида ўтказилади.

САЙЛОВЧИ ОВОЗИ – сайловчининг сайловда овоз бериш йўли б-н у ёки бу депутатликка ёки сайлаб қўйиладиган лавозимга номзодга ёхуд сайлов рўйхатига афзаллик бериш ҳуқуқини англатувчи тушунча. Ўз овозини бериш – сайлов участкасига келиш, сайлов бюллетенини тўлдириш, яъни сайловчи ўзи бошқалардан афзал деб ҳисоблаган номзоднинг фамилияси ёки сайлов рўйхати рўпарасига бирор-бир белги қўйиш ва бюллетенни сайлов қутисига ташлаш демакдир.

САЙЛОВЧИЛАР КЛУБИ – айрим мамлакатлар тажрибасида учрайдиган норасмий ёки рўйхатга олинадиган сайловчилар бирлашмаси (уюшмаси). Унинг мақсади сайловларнинг демократик ўтишини таъминлаш, сайлов тадбирлари ҳақида кенг оммани хабардор қилиб бориш ёки алоҳида номзодларни, сиёсий партия ва ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ – сайлов иштирокчилари – сайлов ҳуқуқига эга вояга етган фуқаролар рўйхати.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов куни ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари С.р.га киритилди. Ҳар бир сайловчи фақат битта С.р.га киритилиши мумкин. С.р. ҳар бир сайлов участкаси бўйича участка сайлов комиссияси томонидан тузилади ва уни комиссия раиси б-н котиби имзолайди. Участка сайлов комиссияси С.р.ни тузиш ишида қатнашишга жамоатчилик вакиллари жалб этиши мумкин. Тум.лар ва ш.ларнинг ҳокимликлари сайловчилар ҳисобга олиншини таъминлайдилар ҳамда участка сайлов комиссияларига тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи сайловчилар тўғрисида С.р.ни тузиш учун зарур маълумотларни берадилар. Сайловчиларнинг фамилиялари С.р.да овоз беришни ташкил этиш учун қўлай бўлган тартибда кўрсатилади. Рўйхатда ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили кўрсатилади ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 32-м.си).

Участка сайлов комиссияси рўйхат б-н танишиш жойи ва вақти тўғрисида сайловчиларни хабардор этади. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида С.р. б-н танишиш имконияти таъминланади ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 33-м.си).

Ҳар бир фуқаро С.р.даги хато ёки ноаниқлик тўғрисида участка сайлов комиссиясига арз қилиши мумкин. Участка сайлов комиссияси 24 соат ичида бундай аризани кўриб чиқиши ва хатони ёки ноаниқликни бартараф этиши ёхуд аризачига унинг аризаси рад этилганлиги тўғрисида асосланган жавоб бериши шарт. Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракати ва қарори устидан қонунда белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 34-м.си).

Сайлов комиссиясининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят суд томонидан шикоят берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай кўриб чиқиши, агар сайловга олти кундан кам вақт қолган бўлса, дарҳол кўриб чиқиши лозим (ЎзР ФПКнинг 272-м.си).

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЙИҒМА (АРАЛАШ) РҶЙХАТИ – пропорционал сайлов тизимида сайловчиларга бир вақтнинг ўзидики бир неча партия рўйхатларида кўрсатилган номзодларга овоз беришга рухсат берилиши. Бу қонун Швейцария, Швеция ва Норвегия каби давлатларда амал қилади.

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ТОПШИРИҚЛАРИ – депутат императив маандатининг жиҳатларидан бири. Унинг моҳияти шундаки, депутат ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродаси ва топшириқлари б-н боғлиқ бўлади, мазкур топшириқларнинг бажарилиши учун улар олдида жавоб беради. Депутат ўз иши тўғрисида сайловчиларга ҳисобот беришга мажбур. Агар сайловчилар депутат уларнинг ишончини оқламайпти деб топсалар, уни чақириб олишлари мумкин.

С.т. сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ифода этади. Бу сайловчиларнинг ижтимоий муҳим хусусиятга эга топшириқлари бўлиб, тегишли вакиллик органи (Кенгаш) уларни ўз фаолиятига асос қилиб олиши лозим. 1977 й.ги собиқ СССР Конс.си, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конс.лари, сайловчиларнинг топшириқлари б-н ишлаш тартиби тўғрисидаги фармонлар ва низомлар, депутатларнинг мақоми тўғрисидаги қонунларнинг қоидалари С.т. учун ҳуқуқий негиз бўлиб хизмат қилган.

С.т., қонда тарикасида, сайлов кампанияси даврида, депутатликка номзодларнинг сайловчилар б-н учрашувларида берилар эди. Депутатлар сайловчилар олдида ҳисобот бераётганида ҳам С.т. бериш тартибини жорий этишга ҳаракатлар бўлган, аммо мазкур вариант тарқалмаган.

С.т. депутатликка номзодлар б-н учрашув-ийишлишларда сайловчилар ўртасида очик овозга қўйиш орқали қабул қилинар эди. Номзодлар узок йиллар мобайнида топшириқларни рад этиш ҳуқуқига эга эмас эдилар. Аммо С.т. амал қилган даврнинг сўнгги босқичи (90-й.ларнинг охири)да депутатликка номзодларга ўзинга маъқул келмаган С.т.ни қабул қилишдан бош тортиш ҳуқуқи берилди.

Қабул қилинган С.т. номзод томонидан маҳаллий Кенгашнинг ижроия қўмитасига ёки Олий Кенгаш Президиумига топширилар эди. Мазкур органлар С.т.ни умумлаштириб, такрорланувчи топшириқларни бирлаштирар ва С.т.ни амалга ошириш тадбирлари режасини тайёрларди. С.т.ни узил-кесил қабул қилиш ёки рад этиш ҳуқуқига тегишли халқ депутатлари Кенгаши эга эди. Юқорида зикр этилган тадбирлар режасини ҳам шу орган тасдиқларди. Хуллас, С.т.нинг императивлиги нисбий эди: номақбул С.т.ни Кенгаш рад этиши мумкин эди.

Жамоат ташкилотларидан халқ депутатларини сайлаш жорий этилганида (1988 й.) ҳам депутатларга уларнинг топшириқларини бериш назарда тутилди.

С.т., айниқса, маҳаллий миқёсда маълум ижобий роль ўйнаб келди, депутатларга сайлов округи бутун Кенгаш ҳудудидаги муаммоларни ўз фаолияти б-н тўларок қамраб олишга қўмақлашди. Бундан ташқари, депутатлар сайловчилар олдида ўз масъулиятини янада кучлироқ ҳис қилар эдилар.

САМАРАДОРЛИК ПРИНЦИПИ – янги ҳуқуқатнинг ўз давлати ҳудудида ҳокимиятни амалга ошириши самарадорлигига оид қонда. Ушбу қонда ҳуқуқатнинг ташқи кучлардан мустақиллигини, аҳоли томонидан

қўллаб-қувватланишини ҳам такозо этади. С.п. ҳуқуқатни тан олиш ҳақидаги масалани халқ этиш чоғида қўлланиладиган қондалардан биридир. Давлатни тан олиш вақтида қўлланилмайди.

САМАРАЛИ ФУҚАРОЛИК ПРИНЦИПИ – икки фуқаролик ҳуқуқига эга бўлган шахснинг қайси фуқаролиги афзаллигини аниқлаш имконини берувчи қонда. Ушбу масала кўпинча икки фуқароликка эга бўлган шахс учинчи давлатнинг ҳудудида бўлганда, айниқса, ушбу шахс фуқароси бўлган давлатлар унга дипломатик химоя ёрдамини кўрсатишга ҳаракат қилган ҳолларда юзага келади. Фуқаролик самарадорлиги одатда ушбу шахснинг доимий турар жойи орқали, унда муайян давлатнинг ҳужжати борлиги, тегишли тилини билиши ва б. б-н белгиланади. С.ф.п. кўпинча бир қатор хорижий давлатлар амалиётида халқаро арбитраж томонидан қўлланилган. Ушбу принцип бир қатор халқаро шартномаларда ҳам ўз аксини топган.

САМОВИЙ ҲУДУД СУВЕРЕНИТЕТИ – республиканинг қуруқликдаги ерлари ва сув хавзалари устидаги самовий ҳудудига ЎЗР тўла ва тапхо эгаллик қилади. ЎЗРнинг самовий ҳудуди Ўзбекистон давлати ҳудудининг ажралмас қисмидир (ЎЗР ХҚнинг 1-м.си).

САМОВИЙ ҲУДУДНИНГ ТАРКИБИ – самовий ҳудуддан фойдаланиш б-н боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун самовий ҳудудда ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатадиган районлар, аэродромлар ва аэроузелларнинг районлари, ҳаво йўллари, ҳаво кемалари парвозининг йўналишлари ва махсус минтақалари, назорат қилинмайдиган парвозларнинг районлари, таққиланган ва чекланган минтақалар, синов районлари, портлатиш ишлари районлари ва б. махсус элементлар белгиланиб, уларнинг мажмуаси ЎЗР С.х.т.ни ташкил этади.

Самовий ҳудуддан фойдаланишни ташкил этиш атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг умумэтироф этган меъёрларига риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим (ЎЗР ХҚнинг 8-м.си).

САНАЦИЯ (лот. sanatio – даволаниш, қарздор ташкилотларни соғломлаштириш) – қарздор ташкилотларга давлат ёки бошқа ташкилотлар томонидан молиявий ёрдам берилиши; қарздор ташкилотларнинг жамоалари қарз берувчилар ва қарздор ташкилотлар С.да катнашиш ҳуқуқига эга.

“Банкротлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига қўра, С.нинг судгача С. қилиш ва суд С.си фарқланади. Судгача С. қилиш – қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулкки эгалари, кредиторлар ва б. шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлардир. Суд С.си эса ҳўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ва қолатларини С. қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили ҳисобланади.

С. қилишнинг асосий чора-тадбирлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш;

ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;

четдан юкори малакали мутахассисларни жалб этиш; ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш; қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;

қарздорнинг фаолиятини давом эттириши учун қарздор б-н кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида ахдлашувга эришишга қаратилган битим;

мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача С. қилиш муддатига кечиктириш;

қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

С. қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш ЎзР ВМ томонидан ваколат берилган органнинг қарори асосида амалга оширилади.

С. қилиш қарздорга давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказилаётганда қарздорга унинг хизмат кўрсатиб келаётган банкдаги ишлаб турган ҳисобварақлари тўхтатиб қўйилиб, сўмларда ва (ёки) валютада иш юритадиган С. ҳисобварағи очилади. С. ҳисобварағини ишлатиш тартиби конун ҳужжатлари б-н белгиланади.

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда С. қилиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади. Яна қ.: *Суд санақияси*.

САНИТАРИЯ НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ – инсон учун унинг яшаш муҳити омилларининг хавфсиз ва зарарсиз эканлигини белгиловчи мезон ҳамда унинг учун қулай бўлган шароитларни таъминлашга қаратилган талаб ҳисобланган норматив ҳужжатдир. Ушбу нормалар ва қоидалар барча давлат органлари ва б. ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун бажарилиши мажбурийдир.

Гигиена нормативлари – атроф-муҳитнинг алоҳида физикавий, биологик, кимёвий омилларнинг ўзига хос хусусиятини кўрсатувчи минимал ёки энг сўнгги миқдор кўрсаткичлари ҳисобланади.

Конун ҳужжатларига мувофиқ, бундай тонфадаги норма ва қоидаларга зарарли моддалар ва биологик организмларнинг йўл қўйиладиган доирадаги тўпланиш миқдорлари (ПДК), радиация, шовқин, тебраниш, магнит майдонлари таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган даражаларини (ПДУ) ва озик-овқат маҳсулотларидан зарарли моддаларни йўл қўйиладиган даражадаги колдик миқдорларини (ДОК) киритсак бўлади.

Зарарли моддаларни ва биологик организмларни атмосфера хавосидаги, сувлардаги ва тупроқдаги йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш миқдорлари инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генетик фондиди сақлаш мақсадида атроф табиий муҳитнинг ҳолатини баҳолаш учун белгиланади. Йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш миқдорлари, энг аввало, санитар-гигиеник нормадир, чунки унинг асосий кўрсаткичлари инсон саломатлигига тааллуқлидир.

С.н. ва қ. аҳолини турли хил зарарли физикавий таъсирлардан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган асосий талабларни ўз ичига олади, мас., инсонларнинг электр

узатгич линиялари томонидан яратилган электр майдонлари – 330 кВ ва ундан юкори кучланишли ток таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича талаблар.

Санитар-гигиеник нормалаш аҳолининг санитар-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашни ҳамда инсон саломатлигига унинг яшаш муҳит омилларини ва фаолият юритиш шарт-шароитларининг хавфсизлигини ва зарарсизлигининг илмий асосланган даражаларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Мамлакатимизда ичимлик суввидаги зарарли моддаларни дастлабки йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш нормалари 1939 й.да белгиланган эди. Бугунги кунда хўжалик, ичимлик ва маданий-маиший мақсадларда фойдаланиладиган сув объектлари бўйича 2000 га яқин зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш нормалари белгиланган. Атмосфера хавоси бўйича эса 1951 й.да 10 та зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш миқдорлари белгиланган эди, ҳозирда бу рақам 500 га яқин ташкил этади. Тупроқдаги зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган даражадаги тўпланиш миқдорлари 1980 й.да жорий қилиниб, бугунги кунда 100 дан ортиқ моддалар учун белгиланган. Шу б-н бирга, зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган даражада тўпланиш миқдорлари айрим ҳудудлар учун бошқача даражада белгиланиши ҳам мумкин. Мас., балиқчилик хўжалиги сув хавзалари, ўрмон ўсимликлари учун атмосфера хавосининг тозаллиги, кишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер усти сувлари учун алоҳида шундай нормалар белгиланган.

“Давлат санитария назорати тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари илмий-тадқиқот ва б. муассасалар томонидан ишлаб чиқилади, ЎзРнинг Бош давлат санитария врачлари томонидан тасдиқланади ва шундан сўнг уч ой муддат ичида матбуотда босиб чиқарилиши керак.

САНКЦИЯ (лот. *sanctio* – қатъий қарор; инг. *sanction*) –

1) кенг маънода ҳуқуқ нормаларини ижро қилишга давлатнинг мажбурлов чораси, ҳуқуқбузарлик содир этиш фактига нисбатан давлат ҳокимиятининг муносабати (реакция), ноҳуқуқий ахлоққа нисбатан давлатнинг салбий баҳоси;

2) ҳуқуқий норманинг таркибий қисми (гипотеза ва диспозиция сингари). С. тегишли ҳуқуқ нормасининг диспозициясини бузган шахс учун ноҳуқуқий ахлоқнинг мулкӣ, психологик ва б. оқибатларини назарда тутди. Ҳуқуқда С. тўрт асосий турга: 1) жиноий-ҳуқуқий, 2) маъмурий-ҳуқуқий, 3) ижтимоий-ҳуқуқий, 4) мулкӣ С.ларга бўлинади.

ЎзР Президентининг 2005 й. 8 августдаги ПФ-3644-сон “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони ва ушбу Фармон асосида қабул қилинган “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим конун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга С. бериш ҳуқуқи 2008 й. 1 январдан эътиборан прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказилди.

САНОАТ, ТРАНСПОРТ, АЛОҚА, МУДОФАА ВА БОШҚА МАҚСАДЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР – к.: *Ер фонди тоифалари.*

САТИСФАКЦИЯ (лот. *satisfactio* – қониқиш) – халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик шаклларидан бири бўлиб, ҳуқуқбузар давлат жабрланган давлатга кўрилган зарарни қоплашга сўз беради. С. турлари: таъзия билдириш, ошқора кечирим сўраш, айбдорларни жазолаш, зарар кўрган давлатга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва х.к.. Буларнинг қўлланиши муайян сиёсий вазиятларга боғлиқ бўлади.

САҚЛАШ РЕЖИМИНИ АШАДДИЙ БУЗУВЧИ – ЎзР ЖКнинг 112-м.сига мувофиқ, жазони ўташ тартибини камида икки марта қўпол тарзда бузган ва бунинг учун интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазога тортилган маҳкум, агар ҳар бир интизомий жазо белгиланган тартибда олиб ташланмаган ёки бекор бўлмаган бўлса, С.р.а.б. деб ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ёки маъмурият йўлланмаси б-н бўлиши керак бўлган бошқа жойни ўзбошимчалик б-н йиғирма тўрт соатдан кўпроқ муҳлат мобайнида ташлаб кетган маҳкум ҳам маңзил-колонияда С.р.а.б. деб топилди. Режими ашаддий бузувчи енгиллаштирилган сақлаш шароитига, маңзил-колонияга ўтказилмайди, шунингдек жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳамда жазони енгилроғи б-н алмаштиришга тақдим этилмайди.

САҲИҲИ БУХОРИЙ – ҳадис тўпламларидан бири. Асл номи “Ал-Жомий ас-саҳих” – “Ишончли тўплам”. Бухоролик муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий томонидан тузилган. Исломдаги энг мукаммал манбалардан ҳисобланади. Тўпламга Муҳаммад с.а.в. ва унинг саҳобалари ҳақидаги ҳадислардан ташқари ислом ҳуқуқшунослиғи (фиқҳ), маросимчилик ҳамда ўша давр тарихи ва этнографиясига оид ҳадислар ҳам киритилган. Маълумотларга кўра, ал-Бухорий 600 миңга яқин ҳадисларни тўплаб, улардан фақат 7250 тасини ишончли деб топиб, китобига киритган. “Саҳихи Бухорий” ислом дунёсида катта обрў қозонган ва мусулмон мамлакатларида кўплаб нашр этилган.

САҲОБАЛАР (араб. – ҳамроҳ, дўст) – Муҳаммад с.а.в.нинг яқин ёрдамчилари, сафдошлари. Илк ислом даврида Мадинадаги мусулмонлар жамоасида муҳожирлар ва ансорлардан бир гуруҳи Муҳаммад с.а.в.га яқин турган, унинг маслаҳатчилари сифатида хизмат қилган. Улар саҳоба (баъзан асҳоб) деб ном олган ва ислом тарихида обрўли шахслар сифатида танилган.

СЕГРЕГАЦИЯ (лот. *segregatio* – бўлиш, ажратиш сўзидан; инг. *segregation*) – иркий ёки миллий камситиш кўрипишларидан бири; давлатнинг ок танлиларни қора танлилардан ажратиш сиёсати – ок танлилар фойдаланадиган умумий транспортлардан фойдаланиш, улар истикомат қиладиган умумий уйларда ёки ш.нинг маълум қисмларида бирга яшаш, театрлар, ресторанларга боришни тақиқлаши. АКШда қора танлиларга нисбатан бўлган С. сиёсати “джимкроуизм” номини олган. Айрим штатларда бу сиёсат ҳиндулар, хитойликлар, филиппинликлар ва б.ларга нисбатан ҳам қўлланилган. 1950 – 1960 й.ларда С. сиёсатини чеклаш юзасидан бир қатор қонунлар ва АКШ Олий суди қарорлари қабул қилинган, бошқа давлатлар ҳам, мас., Австралия иттифоқи қонунчилиги ма-

халлий аҳоли (аборигенлар)ни фақатгина резерватларда (захира ерлари) яшашга буюрган. Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)да қора танлилар оммаси ҳокимиятга келгач, улар томонидан маҳаллий аҳолига нисбатан С. сиёсати қўлланила бошлади.

СЕКВЕСТР – к.: *Низоли ашёларни сақлаш (Секвестр).*

СЕНАТ (лот. *senatus, senex* – қария, оқсоқоллар кенгаши сўзларидан) – бир қатор мамлакатларнинг (АКШ, Франция, Италия, Ўзбекистон, Қозоғистон ва б.) парламентлари юқори палаталарининг номи.

ЎзРда 2002 й. 12 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни қабул қилиниб, унда ЎзР С.нинг мақоми, С. фаолиятини ташкил этиш, КП ҳамда бошқа давлат органлари б-н ўзаро ҳамкорликка доғр муносабатларни тартибга солиш белгилаб қўйилди.

ЎзР Конс.сининг 77-м.сига мувофиқ, ЎзР Олий Мажлисининг С.и ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, С. аъзолари (сенаторлардан)дан иборат.

ЎзР Олий Мажлисининг С. аъзолари ҚР Жўқорғи Кенгеси, вил.лар, тум.лар ва ш.лар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар органидан яшрин овоз бериш йўли б-н, ҚР, вил.лар ва Тошкент ш.дан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. ЎзР Олий Мажлиси С.ининг ўн олти нафар аъзоси фақ, сағъат, адабнёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан тандаб олиниб, ЎзР Президенти томонидан тайинланади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ЎзРнинг Қонунига биноан, С. фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари, С. фаолияти масалаларни биргаликда ва эркин муҳокама қилишга, ошқораликка, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга асосланади. С. иши вақти-вақти б-н ялпи мажлисларга ва С. қўмиталарининг (комиссияларининг) мажлисларига чакириладиган сенаторларнинг фаолиятига асосланади.

С. фаолиятининг ташкилий шакли унинг заруратига қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказиладиган мажлисларидир.

СЕПАРАТИЗМ (лот. *separatus* – алоҳида; инг. *separatism*) – ажратиш, алоҳидалашшга интилиш; давлатнинг бир қисмини ажратишга ва янги давлатни ташкил этишга ёки давлат ҳудудининг бир қисми учун автономияга ҳаракат.

СЕРВИТУТ (лот. *servitus*; инг. *servitude, easement*) – рим ҳуқуқи давридан маълум бўлган ўзганинг кўчмас мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи.

Ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (С.) – қўшни бўлган бир ёки бир неча ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқидир.

С. қуйидаги максалларда белгиланиши мумкин: ўзганинг ер участкаси орқали пиёда ёки транспортда ўтиш; ўзганинг ер участкасида дренаж ишлари ўтказиш; ўзганинг ер участкасидан электр узатиш, алоқа линиялари ва трубопроводлар, ирригация, муҳандислик ва б. линиялар ҳамда тармоқлар ўтказиш ва улардан фойдаланиш; ўзга-

нинг ер участкасидан экинзор ва молларни суғориш учун сув олиш; молларни ўзганинг ер участкаси орқали хайдаб ўтиш; ўзганинг ер участкасидан кидирув, тадқиқот ва б. ишларни бажариш учун вақтинча фойдаланиш; ўзганинг ер участкасида ихота дарахтлари экиш ва табиатни муҳофаза қилишга тааллуқли бошқа объектлар барпо этиш. С. бошқа мақсадларда ҳам белгиланиши мумкин.

С., уни белгилашни талаб қилган шахслар б-н ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ, келишувга эришилмаган тақдирда эса, суднинг ҳал қилув қарорига биноан белгиланади.

С. тўғрисидаги келишув давлат рўйхатиغا олиниши лозим ва у ер участкаси бошқа шахсга ўтган вақтда сакланиб қолади. С. тўғрисидаги келишув уни белгилашга сабаб бўлган асослар барҳам топса, бекор қилиниши мумкин (ЎзР ЕКнинг 30-м.си).

СЕРЖАНТ – қуролли кучлар ва ички ишлар органидаги унвон.

СЕРТИФИКАТ (лот. certifico – тасдиқлайман; инг. certificate; фр. certificat) – ҳуқуқда муайян бир фактни тасдиқловчи ҳужжат, ёзма гувоҳнома. Яна қ.: *Мувофиқлик сертификати; Омонат (депозит) сертификати; Сифат сертификати; Банк сертификати; Экологик сертификати.*

СЕССИЯ (лот. sessio – мажлис сўзидан; инг. session) – айрим давлатларда парламент (ёки унинг палаталари) ишининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади.

“ЎзР Олий Мажлисининг Қонуничилик палатаси тўғрисида”ги ЎзР Конституциявий қонунининг 10-м.сига мувофиқ, ҚП фаолиятининг ташкилий шакли унинг ҚП сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидир. Навбатдаги сессиялар, қонда тарикасида, сентябрнинг биринчи иш кунидан бошлаб келгуси йилнинг июнь ойи охиригача иш кунига қадар ўтказилади.

СЕССИЯГА ЧАҚИРИҚ – вакиллик органининг раиси, кенгаши ёки президиум томонидан навбатдаги ёхуд навбатдан ташқари сессиясини ўтказиш ва депутатларга хабар бериш учун қабул қилинадиган қарор.

СЕЦЕССИЯ (лот. secessio) – давлат таркибидан маълум бир қисмининг ажралиб чиқиши. Ҳозирги пайтда ҳеч бир мамлакат Конс.сида бунга йўл қўйилмайди.

С. бирор-бир давлатнинг маълум бир ҳудудда яшовчи аҳолининг ёки давлат ҳокимияти органи чиқарган қарорига кўра ўша аҳоли яшовчи ҳудуднинг давлатдан ажралиб чиқиши; давлатнинг бирор-бир маъмурий-ҳудудий бирлиги алоҳида ажралиб чиқиши, федератив давлатларда унинг субъекти ўша субъектда яшовчи аҳолининг референдум орқали ёки мазкур субъектнинг ҳокимият органи қарори б-н давлат таркибидан чиқиши.

СИЁСИЙ БОШПАНА – тегишли шахсга давлат ҳудудида чекланмаган вақт мобайнида бўлиш (яшаш), мазкур шахснинг ҳам, оила аъзоларининг ҳам шу давлат ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини бериш. Бундай халқаро ҳуқуқий нормалар ва маълум бир давлатлар томонидан тегишли ҳуқуқий нормалар асосида ўз давлатида бошқа бир давлат фуқаросига яшаш ва жойлашиш ҳуқуқини бериш имкониятининг берилиши умумэтироф халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилади.

1948 й. 10 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг учинчи сессиясида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг 14-м.сига мувофиқ, ҳар бир инсон таъқиб туфайли бошқа давлатлардан бошпана излаш ва ушбу бошпанадан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган жиноят ёки БМТнинг мақсад ва принципларига зид келувчи хатти-ҳаракатларни содир этиш сабабли таъқиб қилинаётган ҳолатларда ушбу ҳуқуқдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

С.б. сўралиши ва берилиши учун шахснинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва эътиқоди асос бўлади.

ЎзР Президенти томонидан хорижий шахсга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга С.б. берилиши шуни англатадики, бу одам Ўзбекистонга келиши мумкин ва жиноятчи сифатида бошқа давлатга берилмайди. Одатда, С.б., сиёсий фаолияти, илмий ва маданий важлар учун, миллий ва диний важлар туфайли таъқиб қилинаётган шахсларга берилади. С.б. олиш учун зарур бўлган шартларни белгилаш – бошпана бераётган давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Бошпана узоқ муддатга ва белгиланмаган вақтга берилади. С.б. олиш ҳуқуқи – шахсларга нисбатан белгиланган ўзига хос ҳуқуқ. Бу ҳуқуқ демократик давлатлар томонидан эътироф этилади ва конституциявий тарзда қайд қилинади. С.б. олиш ҳуқуқидан чет давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фойдаланадилар. С.б. олиш фуқароликни олишни билдирмайди. ЎзРда сиёсий бошпана бериш масаласини ЎзР Конс.си 93-м.сининг 22-бандига асосан ЎзР Президенти ҳал этади.

СИЁСИЙ ЖАРАЁН – кейинги йилларда фанда ишлатила бошланган тушунча бўлиб, у халқ ҳокимиятини амалга ошириш, жамият ва давлат ишларини бошқариш соҳасидаги барча ҳаракатларни ўз ичига олади. Бу ҳаракатлар ҳам ҳуқуқ, аввало конституциявий ҳуқуқ б-н (шунинг учун ҳам “конституциявий жараён” тушунчаси келиб чиқади) расмийлаштирилади. Шунингдек, бошқа ижтимоий нормалар – сиёсий анъаналар, одатлар, сиёсий партияларнинг уставлари ва ш.к.лар негизида содир бўлади.

С.ж.лар ҳар бир мамлакатнинг ички сиёсий ҳаётида ҳамда халқаро майдонда рўй берадиган ўзгаришларни акс эттиради. Ҳозирги даврда дунёнинг турли мамлакатларида мавжуд бўлган сиёсий тузумлар ва уларда фаолият кўрсатаётган сиёсий кучларнинг ҳар хиллиги С.ж.ларнинг ҳар бир мамлакатда ўзига хос хусусиятлар асосида давом этаётганлигини кўрсатади. Дунёнинг ҳамма мамлакатларида ҳам С.ж.ларнинг бош манбаи ва етакчи кучи халқ оммасининг онгли фаолиятидир.

СИЁСИЙ ЛАЁҚАТСИЗЛИК – маълум бир давлат фуқароси мустақил тарзда ўз сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши Конс. ёки тегишли қонунлар б-н кафолатланганлиги. Сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар фақат алоҳида (руҳий касаллиги туфайли) чекланиши мумкин.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ – жамият аъзоларининг сиёсий хулқ-атворини, жамият ҳаётининг барқарорлиги ва ривожланишини таъминлашга қаратилган сиёсий кадритлар, тасаввурлар ва тушунчалар мажмуидир. С.м. сиёсий онгнинг алоҳида кўриниши, унинг таркибий қисмидир. Шунга кўра С.м.нинг шаклланиши сиёсий онгнинг шаклланиши б-н бир вақтда кечади. С.м. сиёсий билим,

ахлоқий баҳолаш ва сиёсий хулқ-атвор каби таркибий элементлардан иборат. С.м.нинг турли типлари мавжуд: патриархал, мансубий ва иштироқий типлар.

С.м.нинг патриархал типи маҳаллий кадриятларга йўналтирилган бўлиб (уруғ, қабила, табақа), маҳаллий ватанпарварлик, қариндош-уруғчилик ва коррупция шаклида намоён бўлади. Бундай тип асосан эндигина мустақилликка эришган, ўтти даврини бошидан кечираётган ёш давлатларда учрайди.

С.м.нинг мансубий типи индивиднинг сиёсий тизимга пассив, кузатувчан муносабати орқали намоён бўлади. Бундай типда шахс гарчи онгли бўлса-да, асосан анъаналарга таянади, ҳокимиятга бўйсунар экан, ундан факат муайян имтиёзлар кутади, ундан ҳадиксирайди.

С.м.нинг иштироқий типи сиёсий фаоллиги, сиёсий жараёнларда кенг иштироки б-н характерланади. Мазкур тип намоёндалари сиёсатга фаол таъсир кўрсатишга, уни қонуний воситалар (сайловлар, намойишлар ва б.) б-н муайян мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қиладилар.

СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР – жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва унинг сиёсий жараёнларида узлуксиз ҳаракатда бўлган сиёсат субъектлари ва уларнинг объектга қиладиган таъсирини ифода қилувчи ҳаракатларнинг умумий ифодаси ёки уларнинг бирлиги. С.м. фуқароларнинг Конс. ва қонунларда мустақамлаб қўйилган сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг амалга ошиши натижасида юзага келадиган муносабатлар, шунингдек жамият ва давлатни бошқариш, халқ ҳокимиятини амалга ошириш соҳасидаги муносабатлар йиғиндиси.

С.м. қисман давлат ҳуқуқий (конституциявий ҳуқуқий) муносабатларидан, қисман ноҳуқуқий ижтимоий муносабатлардан иборат бўлади. Муносабатларнинг иккала гуруҳи кўпинча бир-бири б-н қўшилиб кетади. Мас., парламентга сайлов тайинланиши, унда сиёсий партия ва ҳаракатларнинг иштироки, уларнинг ўз номзодлари рўйхатларини тақдим этиши, сайловолди ташвиқот ўтказишнинг асосий қоидалари – ана шуларнинг ҳаммаси қонунийликда мустақамлаб қўйилган сиёсий муносабатлардир. Партиялар, ҳаракатлар кураш олиб бориши учун бир-бирлари б-н блок тузишлари, қайси номзодларни кўрсатишни афзал кўришлари, ташвиқот ўтказишнинг қандай аниқ усулларини танлаб олишлари – булар ҳам сиёсий муносабатлар бўлса-да, аммо ноҳуқуқий, яъни ҳуқуқ орқали тартибга солинмайдиган муносабатлардир.

СИЁСИЙ ОДАТ – сиёсий муносабатларнинг у ёки бу катнашчилари фойдаланадиган сиёсий ҳаёт қоидаси. Айрим сиёсий одатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилмагунча шу тарзда қўлланилаверади. Улар норматив-ҳуқуқий ҳужжатда акс эттирилган вақтдан бошлаб ҳуқуқий нормаларга айланади. Бошқа С.о.лар уларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришнинг иложи йўқлиги, баъзан мақсадга мувофиқ эмаслиги ёки бунга зарурат йўқлиги сабабли шундай тарзда қолаверади. Мас., бир қанча мамлакатларда президентлар сиёсий партияларга қирмайди, сайланганидан кейин партия аъзолигини тўхтади шу тариха улар ўз фаолиятини аниқ сиёсий қучларнинг манфаатлари йўлида эмас, балки бутун халқ манфаати йўлида амалга оширишларини намойиш этадилар.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ – фуқароларнинг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда катнашувчи қўнғилли бирлашмасидир (“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.си). С.п. замонвий жамият сиёсий тизимининг муҳим қисмидир. Улар давлатнинг сиёсий йўналишини белгилашда иштирок этади, ҳукуматнинг вакиллик ва ижро этувчи муассасаларини шакллантиради. С.п. белгилапган тарзда тасдиқланган дастури, устави ва доимий аъзолиги б-н замонвий демократик инс.лар шаклланиши даврида (XVIII–XIX а.лар) пайдо бўлган. Лекин, С.п.га ўхшаш инс.лар Фарб ва Шарқда қадимдан мавжуд бўлган. Афина гетерийлари, Рим оптимат ва популарлари антик даврда С.п. вазибаларини бажаришган. Санотлаштириш даврига қадар С.п.ларнинг универсал шакли қлаплар ва махфий ташкилотлар эди. Қлаплар асосан қариндошлик алоқалари б-н боғланган кишилардан иборат эди (Йорклар ва Ланкастерлар – Ўрта асрлар Англиясида; алавийлар (“Али партияси”) – Ўрта асрларда Арабистонда); Осиё давлатларида ҳозирги кунда ҳам қариндошлик ва юртдошлик принципларининг С.п.нинг шаклланиши ва фаолият кўрсатишида аҳамияти катта. Агар партия муҳолифат хусусиятига эга бўлса, демократик муассасалар ривожланмаган шароитда махфий ташкилот хусусиятларига эга бўлиб қолади (мас., Европада массоплар ташкилотлари, ислом дунёсида исмолийлар ташкилотлари). Айрим вақтларда бу С.п. махфий ташкилот хусусиятларига ҳам эга бўлади.

ЎзР Конс.сининг бир қанча моддалари партиялар фаолияти учун конституциявий асос бўлиб хизмат қилади. С.п. ташкил этиш ҳуқуқи Конс.нинг 34-м.сида мустақамланган. Конс.да ЎзР фуқароларининг С.п.га уюштиш ҳуқуқи, С.п.ларда озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч қим қамситиши мумкин эмаслиги тўғрисида сўз юритилган. Конс.нинг “Жамоат бирлашмалари” бобида (XIII-боб) сиёсий партиялар рўйхатдан ўтказилиши зарурлиги қайд этилади. Конс.да, шунингдек С.п.нинг Конс.га қарши хатти-ҳаракатлари тақиқланади (57-м.) С.п.га нисбатан давлатнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (58-м.), демократик фаолият ва молиявий таъминланиш манбалари (60-м.), уларнинг фаолиятини тўхтатиш ёки чеклашда умумий судларнинг ваколатлари (62-м.) хусусида ҳам сўз юритилади. Конс.да ЎзР Олий Мажлиси ҚП депутатлари кўппартиялик асосида сайланишлари таъкидланади (77-м.).

С.п.лар ўз фаолиятларини амалга оширишда партия аъзоларининг сиёсий хоҳиш ва иродаларини ифодалайдилар, давлат ҳокимияти органларини тузишда иштирок этадилар.

Ўзбекистонда С.п.лар ўз фаолиятларини ЎзР Конституциясига, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек ўз уставлари асосида амалга оширадилар.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛЛАШУВИ – сиёсий партияларнинг фуқароларнинг одатдаги уюшмаларидан тўлиқ конституциявий ҳуқуқий инс.га айланиши жараёни. С.п.и. иккита ўзаро боғлиқ

жараёнларда: конституциялашувида, яъни сиёсий партиялар мақомининг асосий принципларини Конс.га киритишда ва қонунийлик институционаллашувида, яъни партиялар ҳуқуқий мақоми бундан кейин ҳам қонуни тартибга солинишига эришишда намоён бўлади.

СИЁСИЙ ПЛЮРАЛИЗМ – муайян давлатда турли мафкуравий оқимларнинг ва уларнинг фикрини ифодаловчи жамоат бирлашмалари, шу жумладан сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг мавжуд бўлиш имконияти.

ЎзР Конс.сининг 12-м.си сиёсий плюрализм асосини ташкил этади. Мазкур моддада ЎзРда ижтимоий ҳаёт, сиёсий инс.лар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас, дейилган. Жамоат бирлашмалари қонуни олдига тенгдир. Конституциявий тузум асосларини зўравонлик б-н ўзгартириш мақсадини кўзлайдиган ва шу йўлда ҳаракат қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши таъқиқланади.

СИЁСИЙ РЕЖИМ – давлат ва ҳуқуқ назариясига кўра, давлат бошқарувини ташкил этишнинг бир шакли. Аммо ҳозирда илмий-назарий жиҳатдан С.р. тўғрисида умумэтироф этилган фикр йўқ. Шу б-н бирга, С.р. том маънода сиёсий ҳокимиятни ташкил этишнинг ўзига хос усули, услуги ҳамда шакли сифатида тушунилади. С.р. – мамлакатдаги сиёсий ва аввало, давлат ҳокимиятининг ҳақиқий характери ва ташкил этилиши, у ёки бу давлат инс.лари (президент, парламент, парламент муҳолифати, судлар, конституциявий суд, давлат аппарати, армия ва ш.к.)нинг роли; фуқароларнинг демократик ҳуқуқлари ва эркинликлари, сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг ҳақиқий ҳолати, ижтимоий онг, миллий, диний ва б. гуруҳларнинг роли, уларнинг давлат ҳокимиятига, жамоат ишларига таъсири, маънавийлик, одатлар; қонунийликнинг ҳолати, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий тартиботни таъминлаш усуллари тушунилади.

СИЁСИЙ ТИЗИМ – жамият ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шаклланишининг ўзига хос тузилиши. Жамиятда мавжуд давлат органлари, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва б. нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклланишининг конституциявий ҳуқуқий асосдаги ташкилий тизими. Тор маънода давлат ва унинг органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг қонуни асосида ташкил этилган ўзаро муносабатлари орқали давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши тушунилади.

С.т. орқали ижтимоий манфаатларнинг асосий жиҳатлари, ижтимоий устунликлари аниқланади, сўнгра эса улар сиёсатда мустаҳкамланади. С.т.нинг барча муассалари узлуксиз равишда ишлайди. Уларнинг бирортаси С.т.нинг умумий ҳаракат йўналишига қарши турса, жамиятнинг С.т. механизми издан чиқиши ва сиёсий таъгилик ҳолатлари юзага келиши мумкин.

СИЁСИЙ ТУЗУМ – тегишли жамият ва давлатдаги ҳокимиятнинг ташкил этилиш характери, унинг тартибот тизими, оммавий ишларни бошқаришда давлат ва жамоат негизларининг нисбати, шахснинг ҳолати, реал амалдаги сиёсий режим.

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТ – сиёсий тизим фаолиятини таъминлашга, жамиятда сиёсий ҳокимиятни амалга оши-

риш механизмларини муҳофаза қилишга ва ўзгартиришга қаратилган кишилар фаолиятининг кўриниши.

С.ф. турлари:

1) **пассив фаолият** – сиёсий муносабатлар субъекти ўзининг манфаатларини амалга оширмайди, аксинча, у бошқа сиёсий гуруҳ таъсирида бўлади, сиёсий мустақилликдан узоқлашади;

2) **актив фаолият** – сиёсий субъект томонидан сиёсий ҳокимиятга таъсир этиш орқали ўз манфаатларини амалга оширишга қаратилган фаолият.

СИЁСИЙ ЭЛИТА – “элита” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, сайланган, сараланган деган маъноларни англатади. У ўз қўлида давлат ҳокимиятини ушлаб турувчи, ҳокимият лавозимларини эгалловчи, уни бошқарувчи жамиятнинг муайян гуруҳлари ёки табақасидир. С.э. ҳукмронлик қилиш ваколатларига эга бўлган олий даражадаги профессионал сиёсатчилар гуруҳи, табақасидир.

Жаҳонда С.э.ни шакллантиришнинг икки асосий кўриниши мавжуд:

1) **нодемократик сиёсий тартиблар б-н боғлиқ бўлиб**, бунда С.э. таркибига жамиятнинг фақат муайян қатламлари, гуруҳлари ва табақаларни вакиллари жалб этилади;

2) **демократик сиёсий тартибда эса давлат ва жамият бошқарувига кенг халқ оммаси вакиллари сиёсий ма- лака ва сиёсий ўқув мезони асосида жалб этилади.**

С.э. гуруҳларининг шаклланиши узоқ тарихий даврга эга. Қулчилик тузумига ўтиш давридаёқ жамиятда кишиларнинг юкори ва пастки, мартабали ва мартабасиз, аристократ ва оддий кишиларга ажралиши рўй берган.

С.э.дан ташқари жамиятда иқтисодий, ғоявий ёки информацион, ҳарбий, маданий ва илмий элита мавжуд. Жамият элитаси мамлакат тараққиётини, истикболини белгилайдиган кучдир.

Г. Моски биринчи бўлиб сиёсий элитанинг шаклланиши ва уларга хос бўлган хусусиятларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилган.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР – фуқароларга маълум бир давлат Конс.си ва қонуни асосида бериладиган ҳуқуқлар. С.х. жамиятда мавжуд шахсий (фуқаро сифатида), ижтимоий, иқтисодий ва ш.к. ҳуқуқий йўналишда ўзига хос ўрин эгаллаб, фуқароларга давлат ҳокимиятини амалга оширишда маълум қафолатлар яратишнинг шакли хисобланади. ЎзР Конс.си VIII бобида фуқароларнинг асосий С.х.и баён этилган.

Жумладан, ЎзРнинг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли б-н амалга оширилади (32-м.); фуқаролар ўз ижтимоий фаоликларини ЎзР қонунига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тadbирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки таъқиқлаш ҳуқуқига эга (33-м.); ЎзР фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва б. жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳоки-

миятининг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қиммати ҳеч ким камситиши мумкин эмас (34-м.); ҳар бир шахс бевосита ўзи ва б. б-н биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар б-н мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт (35-м.).

Мазкур ҳуқуқлар ЎзРнинг қуйидаги қонуниларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилган: “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”, “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” каби бошқа бир қанча қонунлар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар. Яна қ.: *Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.*

СИНОВ МУДДАТИ – 1) ишга қабул қилишда белгиланади. Мехнат шартномаси (контракт) тузишда томонлар келишуви б-н ишчининг унга топширилган ишга мувофиқ келиш-келмаслигини синаш келишилган бўлиши мумкин. ЎзР МКнинг 85-м.сига кўра, С.м. уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Вақтинча мехнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки С.м.га кирмайди. Яна қ.: *Дастлабки синов;*

2) суд томонидан шартли ҳукм қилишда тайинланади, бунда шартли ҳукм қилинган ўзининг хулқи б-н тузалаётганлигини исбот қилиши керак. ЎзР ЖКнинг 72-м.сига мувофиқ, С.м. бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Башарти, шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қарор юқори суд томонидан чиқарилган тақдирда ҳам, С.м.ни ҳисоблаш шу кундан бошланади. Агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли ҳукм қўллаши мумкин ва С.м. бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. С.м. – бу вақт мобайнида шартли ҳукм этилган шахс ўз хулқи б-н ўзгарганлигини исботлаши зарур бўлган аниқ даврдир. Унинг давомийлиги тайинланган жазо миқдори ва тури б-н белгиланади. С.м., бегумон, маҳкумнинг тузалиши учун тазйиқ ўтказишни ташкил қилиш ва шартли ҳукм қилишни қўллаш асосли эканлигини текшириш учун кўзда тутилган. С.м.нинг давомийлигига шартли ҳукмни қузатиб борувчи мажбурлаш ҳажми ҳам боғлиқ (муайян мажбуриятлар, судланганлик ҳолати, ҳуқуқбузарлик содир этилганда шартли ҳукм реал жазога алмаштирилиши мумкин, шартли ҳукм муддати, содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш эса ЎзР ЖК 60-м.сига асосан шартли тайинланган жазо қисман ёки тўла қўшиш билан суд томонидан амалга оширилиши керак).

СИРТМОҚСИМОН НАҚШЛАР – ички расмини ҳосил қилувчи папиляр чизиклар, сиртмоқ кўринишида

бўлган нақшлар. Ҳар бир сиртмоқда унинг элементини ҳосил қилувчи юқори-ярим юмалок букнилиш, юқоридан келаётган чизиклар томонлари ва асоснинг устки қисми ажратилади. Нақшнинг ички сурати бир-бирига устма-уст туширилган бир неча сиртмоқлардан иборат бўлади.

СИФАТ СЕРТИФИКАТИ – шартнома асосида етказиб бериладиган товар сифатини тасдиқлаб, кўрсатиб турувчи ёзма ҳужжат. С.с. маълум давлат ташкилотлари томонидан, яъни савдо палатаси ёки махсус лабораториялар орқали берилади.

СКОНТО – товарга тўлов муддати келгунча ҳақ тўланса, ундан олиб ташланадиган товар нархи.

СОБИЙ (араб. – юлдузга сифинувчи) – ахли китоб ва ахли зимма тоифасидаги мўминлар б-н мушриклар эътиқодининг ораллигида турувчи, шунинг учун мусулмонлар химоясида бўлган одам.

СОВУҚ ҚУРОЛ – ҳужумда ва химояда жароҳат етказиш учун махсус тайёрланган ёки мослаштирилган (қайта ишланган) ҳамда порох ва портлаш моддалари б-н боғлиқ бўлмаган предметлар. Е.И.Тихонов берган таъриф бўйича “бевосита бадапга шикаст етказиш мақсадида махсус тайёрланган, бевосита ишлаб чиқариш ёки хўжалик турмушига ва ҳужум ёки фаол химояга мўлжалланган, конструкцияси, ўлчами ва материали бўйича ушбу мақсадларга мос тушадиган, ҳаракатдаги принципига кўра эса, чопувчи, санчувчи, кесувчи, санчувчи-чопувчи, урувчи-бўлакловчи ёки шуларнинг барчасини ўзида бириктирувчи қуроллардир”.

С.қ.лар тузилиши, ўлчовлари, ишлатилган материали бўйича хўжаликда рўзгорда ишлатиладиган асбоб-ускуналардан фарқ қилади. С.қ.лар ишлатилиши кўзланган мақсадига кўра жанговар (ҳарбий ва фуқаролик) ва ов қуролларига бўлинади. Ҳарбий С.қ. асосан инсонга тана жароҳатини етказиш учун кўзланган, буларга қиличнинг барча турлари, штиклар, десантчилар ва ҳарбийларнинг пичоклари (ханжар, фикка) қиради.

Ишланиш, тайёрланиши нуктаи назаридан С.қ.лар уч гуруҳни ташкил қилади: заводда, хунармандлар томонидан ва қўлда ясаладиган қуроллар.

Совуқ қуролларни ясаш, олиб юриш ва сотиш учун амалдаги жиноят қонунида жиноий жавобгарлик кўрсатилмаган, лекин улар ёрдамида жиноят содир қилинса, уни таснифлашда аҳамиятли бўлиб тегишли экспертиза тайинлашга зарурат туғилади.

Совуқ қуролларнинг экспертиза текшируви асосан уларни қайси тур ва гуруҳга мансублигини аниқлашдан иборатдир. Ҳал қилинадиган масалалар доираси текширилувчи қуролнинг техник ҳолати, гуруҳ-турдош мансублиги, қандай материалдан тайёрланганлиги ва б.лардан иборатдир.

СОЛИДАР ЖАВОБГАРЛИК – фуқаролик ҳуқуқига кўра бир неча қарздор мажбуриятига оид фуқаролик жавобгарлигининг бир тури. Мас., мажбурият предмети бўлинмайдиган бўлганда, биргаликда зарар етказилганда вужудга келади. Шунингдек, шартномада бошқача қонда белгиланмаган ҳолларда назарда тутилади (мас., кафилик шартномаси бўйича қарздор ва кафил кредитор олдидан агар бошқача қонда айтиб ўтилмаган бўлса, солидар қарздор сифатида жавоб беради). С.ж. ҳолатида кредитор

қарздорларнинг ҳаммасидан биргаликда ижро этишни ва ҳар қайси шахсдан алоҳида тарзда ва қарзни тўлиқ ёки қисман ижро қилишни талаб этишга ҳақлидир. Агар қарздорлардан бири кредитор талабини тўлиқ бажарган бўлса, бошқалари унинг олдида тенг жавобгар бўлади.

СОЛИСИТОР (инг. solicitor) – Буюк Британияда адвокатлик касбларидан бирининг вакили; графликлар судларида ишларни юритадиган ва барристерлар учун материалларни тайёрлайдиган адвокат. Шунингдек, юрист-малахатчи функцияларини бажаради.

СОЛИҚ АГЕНТЛАРИ – ЎзР СКга мувофиқ, зиммасига солиқлар ва б. мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, солиқ тўловчидан ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш мажбурияти юклатилган шахслар (ЎзР СКнинг 13-м.си).

Қондага биноан, иш берувчилар, банклар, хорижий жисмоний ва юридик шахсларга тўловларни амалга оширувчи ЎзР ташкилотлари С.а. ҳисобланадилар. С.а. нис.и давлат томонидан солиқ тўловчиларнинг фаолияти устидан жорий молиявий назоратни амалга оширишни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. С.а. солиқ тўловчиларга тўланадиган маблағлардан солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказиш; солиқ тўловчиларга тўланган даромадларнинг, ушлаб қолинган ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилган солиқлар ва б. мажбурий тўловларнинг ҳисобини юритиш, шу жумладан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш каби мажбуриятларни амалга оширадилар.

СОЛИҚ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ – ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. ЎзР МЖКнинг 174-м.сида солиқ олинадиган фойдани (даромад) ёки бошқа объектларни қасдан яшириш (камайтириб кўрсатиш) ёхуд солиқлар, йиғимлар ва б. мажбурий тўловлар тўлашдан қасдан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик ўрнатилган. ЎзР ЖКнинг 184-м.сига асосан, фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасдан яширишни, камайтириб кўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлашни анча миқдорда содир этганлик учун, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, жавобгарлик ўрнатилган.

СОЛИҚ ДАВРИ – солиқ ва б. мажбурий тўловларнинг элементларидан бири.

ЎзР СКнинг 29-м.сига мувофиқ, С.д. у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир. С.д. бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якунлари бўйича ҳисобкитобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва б. мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади. Жорий тўловларни тўлаш бўйича мажбурият юзага келган давр ҳисобот даври бўлмайди.

ЎзР СКнинг 162-м.сига кўра календарь йил С.д.дир.

СОЛИҚ ДЕКЛАРАЦИЯСИ – фуқароларнинг солиқ тўлаш, ўз даромадлари ва мол-мулки б-н боғлиқ бўлган солиқ ҳисоботида тақдим этиладиган ҳужжат.

ЎзР СКнинг 45-м.сига мувофиқ, жисмоний шахслар С.д.ни яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этадилар.

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга ЎзР резидентларининг қуйидаги даромадларни қиради:

мулкий даромад, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тарикасида олинган даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса;

агар ЎзР СКнинг 189-м.сининг иккинчи қисмида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, иккита ёки ундан кўп манбадан олинган даромадлар;

ЎзР ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда унинг аризасига кўра ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди.

СОЛИҚ ДУАЛИЗМИ – давлатнинг молиявий даромадларини жамғарилиш жараёнида, жорий этилган солиқ сиёсати асосида, белгиланган мажбурий тўловлар тушумининг бажарилишини таъминлашда солиқ тўловчилар ва давлат ўртасида молиявий манфаатдорлик нуқтани назардан юзага келадиган ҳуқуқий, услубий ва функциявий, шунингдек айрим ҳолларда ғайриқонуний содир бўладиган муносабатларнинг шаклланиши.

СОЛИҚ ЖАВОБГАРЛИГИ – ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ қонунчилигида назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаслик натижасида давлат бюджети даромадларига молиявий зарар келтириш оқибатида вужудга келадиган жавобгарлик. Шунингдек, С.ж. – бу давлат солиқ хизмати органилари томонидан солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликка қарши маҳсус чораларнинг ҳуқуқнинг турли соҳалари қонунчилик ҳужжатларининг меъёрий ҳужжатлари б-н белгиланган асосда ва тартибда қўлланиши ҳамда амалга оширилишидан иборат бўлган комплекс ҳуқуқий жавобгарликдир. С.ж. давлат томонидан мажбур қилишнинг таркибий қисми бўлган ҳолда, унинг барча белгиларини ўзида мужассамлаштирган ва бир вақтнинг ўзида ўзининг алоҳида хусусиятларига эга, булар қуйидагиларда намоён бўлади: 1) унга солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик асос бўлади; 2) у айбдорга (юридик ва жисмоний шахсга) нисбатан маъмурий ва жиловий жазолар б-н бир қаторда молиявий жазоларнинг ҳам қўлланилишидан иборат; 3) жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби белгиланган.

Жисмоний шахсларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар содир этганлик учун жавобгарлиги ўн олти ёшдан бошлаб вужудга келади. Ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун ЎзР СКда назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарликда ЎзР ЖКда назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, бу ҳуқуқбузарлик учун ЎзР СКда назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади. Юридик шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жа-

вобгарликка тортилни тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва б. жавобгарликдан озод этмайди. Солиқ тўловчининг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши уни солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятидан озод этмайди. Шахснинг айби конунда белгиланган тартибда исботланмагунига қадар у солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этишда айбдор ҳисобланмайди. Жавобгарликка тортилаётган шахс ўзининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганликда айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмас.

СОЛИҚ КОДЕКСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси*.

СОЛИҚ КРЕДИТЛАРИ – солиқ ставкаси ва оклад суммасини камайтиришга йўналтирилган имтиёзлар тушунилади. Оклад суммаси ёки солиқ оклади – бу солиқ базасига қирадиган солиқ солиш бирликлари миқдорини солиқ ставкасига кўпайтиришнинг натижасидир, яъни бу бюджетга киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси. “Кредит” тушунчаси шартли равишда қўлланилади ва у солиқ кредитининг барча турлари ҳам қайтариладиган бўлишини аниқламайди, балки тўловчи С.к.дан фойдаланишни билдиради, бу мас. банк кредитига хос. Муддатлилиқ, қайтарилиш, тўловлилиқ каби белгилар солиқ кредити турларидан бирига, “тицион С.к.”, деб номланадиган турига тааллуқли. Шартли қайтарилиш, аммо бепул С.к. мавжуд. Ишлаб чиқаришнинг маълум тармоқларида муайян тадбиркорлик субъектларига улар томонидан муайян давр мобайнида фаолиятнинг рағбатлантириладиган тури сақланиб қолган ҳолларда солиқни тўлашдан озод бўлиш ҳуқуқи берилди. Қўйилган шартлар бузилган ҳолатларда солиқ суммаси улар фаолиятининг бутун даври учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади. С.к. имтиёзларнинг берилиши шаклларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: солиқ ставкасини пасайтириш; оклад суммасини қисқартириш; солиқ тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш; илгари тўланган солиқни (солиқнинг бир қисмини) қайтариш; аввал тўланган солиқни ҳисобга олиш; инвестицион С.к..

СОЛИҚ МАЖБУРИЯТИ – солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти. С.м.ни бажариш учун солиқ тўловчи: СКда белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши; солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш б-н боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши; молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши; солиқлар ва б. мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

С.м. бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан солиқ қонунчилигида назарда тутилган тартибда унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади. С.м.ни бажариш муддатлари календарь сана ёки вақт даври (йил, йил чораги, ой, ўн кунлик ва кун) ўтиши б-н белгиланади. Муддатнинг ўтиши календарь санадан ёки муддатнинг бошланиши белгилаб қўйилган воқеа юз берганидан кейинги кундан бошланади. С.м. бу мажбуриятни бажариш муддатининг сўнгги куни соат йигирма тўртга қадар бажарилиши керак.

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ – солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида С.м. бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолияти. С.м. конун устуворлиги, мустақиллик ва мафийлик принципларига асосланади (“Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ – малака сертификати билан олган жисмоний шахс. С.м., агар у солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки С.м.лари ташкилоти у б-н фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартнома тузган бўлса, С.м.га жалб этилиши мумкин. С.м. ваколатли давлат органи белгиланган тартибда ўз малакасини ошириши шарт (“Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4 ва 14-м.лари).

СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР – С.м.б.х. миқозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, йиғимлар ва б. мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари бўйича маслаҳат бериши; солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда миқозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатиши; судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича миқоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилишни ўз ичига олади (“Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.си).

СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ТАШКИЛОТИ – солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилотидир. С.м.т. акциядорлик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. С.м.т.нинг раҳбари солиқ маслаҳатчиси бўлиши керак. С.м.т. “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сида назарда тутилган солиқ маслаҳати бўйича хизматлар б-н бир қаторда, бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш ва юритиш; молиявий ҳисобот тузиш; бухгалтерия ҳисоби, менежмент ва молия-ҳўжалиқ фаолиятининг бошқа масалалари бўйича консалтинг хизматлари ҳам кўрсатиши мумкин. С.м.т.ни давлат рўйхатидан ўтказиш ЎзР Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиналари томонидан амалга оширилади. С.м.т.: миқоздан (ишонч билдирувчидан) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни ва б. маълумотларни олиш; солиқ маслаҳати бериш жараёнида юзага келган масалалар бўйича миқоздан (ишонч билдирувчидан) оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар олиш; солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, маълумотномалар, ҳужжатлар ва б. материалларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда муассасалар ҳамда ташкилотлардан сўраб олиш; солиқ солиш масалалари бўйича давлат органларига конун ҳужжатларида белгиланган тартибда мурожаат қилиш (илтимос қилиш, таклифлар киритиш, сўровлар, аризалар, шикоятлар бериш ва ш.к.) ҳамда улардан жавоблар олиш; солиқ маслаҳатида иштирок этишга бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш; миқоз (ишонч билдирувчи) солиқ маслаҳатини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва б. маълумотларни тақдим этишга тақдирда, солиқ маслаҳати беришни рад қилиш ҳуқуқларига эгадир. С.м.т.: миқознинг (ишонч билдирувчининг) ҳуқуқлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг конун ҳужжатларида назарда тутилган усулла-

ри ҳамда воситаларидан фойдаланиши; солиқ маслаҳати амалга ошираётганда олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши; солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилаётганда мижознинг (ишонч билдирувчининг) талабига биноан малака сертификатини кўрсатиши; мижозга (ишонч билдирувчига) унинг мансабдор шахслари ва б. ходимлари томонидан зарар етказилганлиги ҳақида далолат берувчи фактлар, шунингдек қонун ҳужжатларининг бузилганлиги аниқланган тақдирда, бу ҳақда мижозга (ишонч билдирувчига) маълум қилиши шарт ("Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 9–12-м.лари).

СОЛИҚ МЕНЕЖМЕНТИ – давлат С.м.нинг стратегик мақсадларидан бири бу – давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган ва прогнозлаштирилган солиқ тушумларининг белгиланган муддатда ва миқдорда бажарилишини таъминловчи тадбирларни режалаштиришдир. Солиқ тўловчининг солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет олдига мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар б-н танишиш ҳуқуқи ЎзР СКда қонун сифатида белгилаб қўйилганлиги айнан Давлат бюджети тақчиллигининг олдини олишга қаратилган бошқарув самарадорлигини оширишда жуда муҳим ўрин тутатади. Шунинг учун солиқ тўловчилар томонидан бу ҳуқуқдан ҳеч қандай муаммосиз фойдалана олиш муҳитини яратиш катта аҳамиятга эга.

С.м. – пул маблағларини солиқлар ва мажбурий тўловлар сифатида солиқ тўловчи хўжалик субъектларидан давлат бюджети даромадларига айланиш жараёнини бошқарув тизими. С.м. режалаштириш, башорат қилиш, тартибга солиш ва назорат қилиш каби комплексларни ўз ичига олади.

СОЛИҚ НАЗОРАТИ – С.н. қуйидаги шаклларда амалга оширилади: солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш; солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш б-н боғлиқ объектларни ҳисобга олиш; бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш; камерал назорат; нақд пул тушумлари келиб тушишининг хронометражи; солиқ текширувлари; фискал хотирани назорат-касса машиналарини қўллаш; акциз тўланадиган айрим турдаги товарларни марказлаш, шунингдек айрим корхоналарда молия инспектори лавозимини жорий этиш; давлат даромадига қаратилган мол-мулкни реализация қилишдан тушадиган пул маблағлари давлат даромадига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш; бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назорат қилиш.

Божхона органлари товарларни ЎзРнинг божхона чегарасидан олиб ўтилиши муносабати б-н тўланиши лозим бўлган солиқлар ва б. мажбурий тўловларни ундириш бўйича С.н.ни ўз ваколатлари доирасида ЎзР СКга ва божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

С.н. амалга оширилаётганда ЎзР СК ва б. қонун ҳужжатларининг қоидаларини бузган ҳолда солиқ тўловчи тўғрисида ахборот тўплаш, сақлаш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга, шунингдек солиқ сирини ошкор қилишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларининг талабларини бузган ҳолда олинган солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳужжатлар ёки бошқа ахборот солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди (ЎзР СКнинг 6 – 7-м.лари).

СОЛИҚ СИЁСАТИ – давлатнинг С.с. илмий асосга, иқтисодий ўсиш мақсадига асосланган, ҳукумат ва бошқарув органларининг ишлаб чиқаришни таъминлаш ва жамият бойлигини оширишга қаратилган тактик ва стратегик ҳуқуқий ҳаракатидир. С.с.ни юритишдан мақсад факат солиқ тўловчилардан солиқ тўловларини тўғри тартибда ундириш бўлибгина қолмай, балки солиққа тортиш натижасида улардаги ҳар томонлама хўжалик-иқтисодий муносабатларни баҳолаш ҳамдир. Демак, С.с. бу қонунни автоматик равишда бажаришга бўлиб қолмасдан, балки уни ривожлантириш ҳамдир.

С.с. мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий ҳамда жамиятни демократлаштириш ва аҳолининг эркин, фаровон турмуш тарзини таъминлаш эҳтиёжлари учун лозим бўлган давлат маблағларини жамғариш мақсадида солиқларни режалаштириш, тартибга солиш ва назорат қилиш б-н боғлиқ ҳуқуқий, услубий ва функциявий принциплар асосида амалга ошириладиган давлат тартиблари. С.с.нинг ягоналиги тамойили республика иқтисодиёти ягоналигига асосланади ва у солиқ тизими ягоналигидан келиб чиқади. Давлат солиқ тизимининг ягоналиги унинг барча ҳудудда солиқларнинг айнан бир хил турлари амал қилишини англатади. Ушбу принципга қўра ягона иқтисодиёт доирасида товарлар, хизматлар, молиявий маблағларнинг эркин кўчишини (бевосита ва билвосита) чеклаши мумкин бўлган маҳаллий солиқларнинг киритилишига ёхуд бир ҳудуднинг бюджетини бошқа ҳудудларнинг солиқ даромадлари ҳисобига шакллантиришга имкон берадиган маҳаллий солиқларнинг киритилишига ёки солиқларнинг тўланишини бошқа ҳудудларнинг солиқ тўловчиларига кўчирилишига йўл қўйилмайди.

СОЛИҚ СИРИ – давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчи тўғрисида олинган ҳар қандай маълумот. Қуйидаги маълумотлар бундан мустасно:

- 1) солиқ тўловчининг ўзи ошкор этган ёки унинг ёзма розилиги билан ошкор этилган маълумотлар;
- 2) солиқ тўловчининг номи ва идентификация рақами тўғрисидаги маълумотлар;
- 3) юридик шахснинг устав фонди (устав капитали) тўғрисидаги маълумотлар;
- 4) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ва бу қонунбузарлик учун қўлланилган жавобгарлик чоралари тўғрисидаги маълумотлар;
- 5) ЎзРнинг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг солиқ ёки тегишли бошқа органларига тақдим этиладиган маълумотлар (ушбу органларга тақдим этилган маълумотларга доир қисми).

С.с. ошкор этилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

С.с.ни ошкор этишга, хусусан, солиқ тўловчининг давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсига, жалб этилган экспертга ёки таржимонга улар ўз вазифаларини бажараётганда маълум бўлиб қолган ишлаб чиқариш ёки тижорат сиридан фойдаланиш ёхуд уни бошқа шахсга бериш қиради.

Давлат солиқ хизмати органларига келиб тушган, С.с.ни ташкил этувчи маълумотларни сақлаш ва фойдаланишнинг махсус режимига эга бўлади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ЎзР Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхатдаги мансабдор шахслари С.с.ни ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

С.с.ни ташкил этувчи маълумотлари бўлган ҳужжатларнинг йўқотилганлиги ёки бундай маълумотларнинг ошкор этилганлиги қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади (ЎзР СКнинг 76-м.си).

СОЛИҚ СОЛИНАДИГАН БАЗА – солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардан қиммат, миқдор, физик ва б. тавсифлари (ЎзР СКнинг 26-м.си)

СОЛИҚ СОЛИШ ОБЪЕКТИ – С.с.о. солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, ҳаракат, ҳаракат натижасидир.

С.с.о. мавжуд бўлгандагина солиқ мажбурияти юзага келади. “С.с.о.” тушунчасига “солиқ солиш предмети” атамаси мазмунан яқин бўлиб, у б-н юридик хусусият эмас, балки фактик белгилар белгиланади. Мас., ер солиги объекти – ерга эгалик ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади, бевосита ернинг ўзи эмас (мазкур ҳолда ер солиқ солиш предметиدير).

С. с. о. субъектининг солиқ тўлаш мажбуриятини шартловчи юридик далиллардир (ҳаракатлар, воқеалар, ҳолатлар). Шунингдек, бу солиқ тўловчининг даромади ёки мулк бўлиб, ундан солиқ суммаси ҳисоблаб ёзилади ва солиқ солиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Уларга солиқ турига қараб товар (иш, хизмат)ни сотиш бўйича оборот қилиш, Ўзбекистон ҳудудига товар киритиш, мол-мулкка эгалик қилиш, даромад олиш ва ҳ.к. қиради. С.Д. Ципкин таъкидлаганидек, “Қонунда ҳар бир солиқ тўғрисида мажбурий равишда қандай вазиятларда уни тўлаш мажбурияти юзага келиши ҳақида ганирилади. Солиқни ундиришнинг бундай асоси бўлиб муайян даромад, фойда олиш, қурилишга эгалик қилиш ва ҳ.к., яъни С.с.о.нинг мавжудлиги хизмат қилади”.

С.с.о.ларини ва солиқ солиш б-н боғлиқ объектларни ҳисобга олиш давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳар бир солиқ тўловчи бўйича ҳамда у тўлаётган барча солиқлар ва б. мажбурий тўловлар бўйича, С.с.о.лари ҳамда солиқ солиш б-н боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, шу жумладан электрон шаклда шакллантириш ва юритиш орқали амалга оширилади.

СОЛИҚ СТАВКАСИ – С.с. солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фонизлардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди. Солиқлар ва б. мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар ЎзР СКда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ЎзР Президентининг қарори б-н белгиланади (ЎзР СКнинг 27-м.си).

С.с. солиқлар ва б. мажбурий тўловларнинг элементларидан биридир.

Белгилаш услубига кўра қатъий ва фонизли (квоталар) ставкалар мавжуд. Ҳар бир солиқ солиш бирлигига нисбатан қатъий ставкалар услубининг қўлланиши солиқнинг белгиланган миқдорини аниқлашни англатади. Фонизли

ставкалар эса, даромад (фойда)га солиқ солишда қўлланилади ва солиқ солиш бирлигига нисбатан фониз ҳисобида белгиланади. Мазмунига қараб, шунингдек маргинал, амалий ва иқтисодий ставкалар ажратилади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда бевосита кўрсатилган ставкалар маргинал ставкалар деб номланади. Амалий ставка тўланган солиқнинг солиқ базасига нисбати сифатида белгиланади. Иқтисодий ставка тўланган солиқнинг олинган барча даромадга нисбати сифатида белгиланади.

СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ – давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текширишдир. С.т. солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш б-н боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операциялари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

Солиқ текширувлари режали С.т., режадан ташқари С.т., муқобил текширув каби турларга бўлинади.

С.т.ни ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан ошмаслиги керак. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг қарори б-н узайтирилиши мумкин.

ЎзР СКнинг 89-м.сига кўра С.т. муддатларини узайтириш давлат солиқ хизмати органининг қўшимча буйруғи б-н расмийлаштирилиб, унда олдинги буйруқнинг рўйхатдан ўтказиш рақами ҳамда санаси, текширув ўтказишга илгари жалб қилинган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади. Қисқа муддатли текширув ўтказиш муддати бир иш кундан ошмаслиги керак ва ўтказиш муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

СОЛИҚ ТИЗИМИ – ЎзР Конс.сининг 123-м.сига асосан ЎзР ҳудудига ягона С.т. амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат ЎзРнинг Олий Мажлиси ҳақли. ЎзР СКнинг 9-м.сида С.т. ЎзРнинг бутун ҳудудига барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягонадир. ЎзРнинг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молнявий маблағларнинг эркин муомаллада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва б. мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Муайян бир давлатда айни дамда мавжуд бўлган солиқ солишнинг муҳим шарт-шароитлари мажмуи. С.т.га хусусан, солиқлар ёки уларга тенглаштирилган тўловлар тизими сифатида қараш мумкин эмас. Солиқ солишнинг муҳим шарт-шароитларига қўйидагилар қиради: солиқларни белгилаш ва амалга киритиш тартиби, солиқларнинг турлари, уларни бюджет даражалари ўртасида тақсимлаш тартиби, солиқ назоратини амалга ошириш шакллари ва услублари, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари, мажбурият-

лари, улар манфаатларини химоя қилиш усуллари, солиқ муносабатлари иштирокчиларининг жавобгарлиги.

СОЛИҚ ТЎЛАШ – ЎзР Конс.сининг 51-м.сига асосан фуқаролар қонун б-н белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Ҳисобот даври мобайнида солиқ тўловчилар юридик шахслардан олиннадиган фойда солигини жорий тўловларни киритиш орқали тўлайдилар.

Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи бўйича жорий тўловларнинг суммасини аниқлаш учун солиқ тўловчилар жорий ҳисобот даври биринчи ойнинг 10-кунига давлат солиқ хизмати органига жорий ҳисобот даври учун тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан ва юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг белгиланган ставкасидан келиб чиқиб ҳисобланган юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг суммаси ҳақида маълумотнома тақдим этадилар.

Ҳисобот даврида тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойда энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кам миқдорни ташкил этадиган солиқ тўловчилар жорий тўловларни тўламайди.

Тахмин қилинаётган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи суммаси ҳисобот даври учун бюджетга тўланиши лозим бўлган юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи суммасига нисбатан 10 %дан кўпроқ камайтирилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи жорий тўловларни юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғининг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб пеня ҳисоблаган ҳолда қайта ҳисоблашга ҳақли.

Юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғини тўлаш ҳисоб-китобларни топшириш муддатларидан кечиктирмай амалга оширилади.

ЎзР норезидентининг доимий муассасаси юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғини, шунингдек соф фойдадан олиннадиган солиқни жорий тўловларни тўлашдан йилига бир марта, ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кейин бир ой ичида тўлайди.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР – ЎзР СКга мувофиқ зиммасига солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир.

ЎзР солиқ қонунчилигига биноан жисмоний шахслар деб ЎзР фуқаролари, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар эътироф этилади.

Юридик шахс сифатида эса қуйидагилар эътироф этилади:

ЎзРнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юртишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк б-н жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятлари бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот;

чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ҳамда ЎзРда фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган хорижий ва (ёки) халқаро ташкилот.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигидаги принциплардан бири солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принциpidир. Бу солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бар-тараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинишини билдиради.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ВАКИЛЛАРИ – қонунга ёки таъсис ҳужжатига мувофиқ солиқ тўловчининг вакили бўлишга ваколатли шахслардир. С.т.в. сифатида жисмоний шахслар ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик шахслар бўлиши мумкин. Хусусан, ЎзР ФКга биноан жисмоний шахсларга нисбатан вакилликни амалга ошириши мумкин бўлган шахслар солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг вакиллари сифатида ҳаракат қилишлари мумкин. Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг вакиллари сифатида эса уларнинг таъсис ҳужжатлари асосида ташкил қилинган органи фаолият олиб бориши мумкин. Шунингдек, тузилган шартнома асосида бошқа юридик шахс ҳам солиқ тўловчи юридик шахс номидан вакилликни амалга ошириши мумкин.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ РАҚАМИ – муайян солиқ тўловчи ҳисобга қўйилганда унга бериладиган рақамдир. С.т.и.р. муайян солиқ тўловчига бир марта берилди. С.т.и.р. ўзгармайди ва бекор қилинганидан кейин бошқа солиқ тўловчига берилмайди.

ЎзР СК 35-м.сининг иккинчи қисмида кўрсатилган юридик шахснинг алоҳида бўлинмаларига мазкур алоҳида бўлинмани ташкил этган юридик шахснинг – С.т.и.р. назорат белгилари қўшилган ҳолда берилди.

С.т.и.р. қуйидагиларда албатта ёзиб қўйилиши керак: юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада, рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистикаси органларида уларни ҳисобга қўйиш б-н бир вақтда амалга оширилади;

фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланишга доир лицензиясида;

чеклардан ташқари, пул б-н ҳисоб-китоб қилинадиган тўлов ҳужжатларида, шунингдек уларнинг электрон шаклида;

давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган молиявий ва солиқ ҳисоботи ҳужжатларида;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан тузиладиган хўжалик, фуқаролик-ҳуқуқий ҳамда меҳнат шартномаларида;

юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар битимлар тузганлигини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда, шу жумладан, ҳисобварақ-фактуралар ҳамда транспорт ҳужжатларида;

юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларда қиймат ифодасига эга бўлган молиявий, мулккий ҳамда бошқа мажбуриятлар юзага келганлигини, шунингдек уларнинг бажарилишини белгиловчи ёки тасдиқловчи ҳужжатларда (ЎзР СКнинг 78-м.си).

Солиқ тўловчиларнинг рўйхат рақамини бериш ва қўллаш тизими солиқ тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, солиқлар ва махсус фондларга тўловларнинг тўлиқ тўланишини таъминловчи солиқ тўловчиларни кодлашнинг ягона тизимини шакллантириш мақсадида 1997 й. 1 апрелдан бошлаб жорий этилган.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ТЕКШИРУВИ (ТАФТИШИ) – солиқ

текширувининг шакли бўлиб, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви (тафтиши) – текширувларни амалга оширишнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган мувофиқлаштириш режаси асосида ўтказиладиган текширувдир.

Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режадан ташқари солиқ текшируви (тафтиши) қуйидаги ҳолларда ўтказиладиган текширувдир:

юридик шахс тугатилаётганда;

ЎзР Президентининг ёки ЎзР Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарур бўлганда;

давлат солиқ хизмати органига солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўловчи томонидан бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар тушганда (ЎзР СКнинг 85–86-м.лари).

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИ – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг йиғиндисиди бўлиб, у ЎзР СК ва б. солиқ тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборатдир. Бошқача айтганда, СК солиқ ва б. мажбурий тўловларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши ва тугаллиниши б-н боғлиқ равишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажмуаси.

ЎзР СКнинг 2-м.сига кўра солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар СК қондаларига мувофиқ бўлиши керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар СКнинг қондаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, СК қондалари қўлланилади.

Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжат қуйидаги ҳолларда ЎзР СКга мувофиқ эмас деб топилади, агар ҳужжат:

1) ЎзР СКга мувофиқ бундай ҳужжатни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган орган томонидан қабул қилинган бўлса ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган тартиби бузилган ҳолда қабул қилинган бўлса;

2) солиқ муносабатлари субъектларининг ҳуқуқларини бекор қилса ёки чекласа, солиқ муносабатлари субъектларининг СКда белгиланган мажбуриятларининг мазмунини, улар ҳаракатларининг асослари, шартлари, кетма-кетлиги ёки тартибини ўзгартирса;

3) СК б-н тақиқланган ҳаракатларга рухсат берса ёки йўл қўйса;

4) СКда белгиланган тушунчалар мазмунини ўзгартирган ёки бу тушунчалар СКда қўлланилганидан бошқача маънода қўлланилган бўлса.

СКга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган орган ёки унинг юқори турувчи органлари мазкур ҳужжатни бекор қилишга ёки унга зарур ўзгаришлар киритишга ҳақли. Бу органлар СКга мувофиқ бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишни ёки унга зарур ўзгаришлар киритишни рад этган тақдирда,

бу ҳужжат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Шунингдек, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари – бу муайян, илмий асосланган тизимга гуруҳланган бир-бирига ўзаро боғлиқ ва бир-биридан келиб чиқадиган ҳужжатлар мажмуидир. Солиқ муносабатларининг ривожланиши янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш заруратини келтириб чиқаради. Бу солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларининг такомиллашувини англатади, чунки солиқ муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишидаги камчиликлар йўқолади.

СОЛИҚ ҚАРЗИ – ЎзР СКнинг 22-м.сига мувофиқ, солиқлар ва б. мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан, ЎзР СКда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар.

С.к. давлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантириш б-н боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар нормал фаолиятининг бузилишига олиб келади. С.к. солиқ тўловчи томонидан солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажармаслик оқибатида юзага келади. Солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти солиқ тўловчининг ҳисобварағида етарлича пул маблағлари бўлган тақдирда, тегишли солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш учун банкка тўлов топшириқнома-си тақдим этилган пайтдан эътиборан, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов нақд пул маблағлари б-н тўланганда эса пул суммаси банкка ёки ваколатли орган кассасига топширилган пайтдан эътиборан бажарилган деб ҳисобланади. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммасини ўтказиш учун тўлов топшириқномаси солиқ тўловчи томонидан чақириб олинган ёки банк томонидан солиқ тўловчига қайтарилган тақдирда, шунингдек агар солиқ тўловчи банкка тўлов топшириқномасини тақдим этган пайтда бу солиқ тўловчининг ҳисобварағига қўйилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда бажарилиши лозим бўлган, бажарилмаган талаблар мавжуд бўлса ҳамда солиқ тўловчи барча талабларни қаноатлантириш учун ҳисобварақда етарлича пул маблағларига эга бўлмаса, солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов тўланган деб ҳисобланмайди. Солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти ЎзР СКда белгиланган тартибда ҳисобга олиш орқали ҳам бажарилиши мумкин.

СОЛИҚ ҲИСОБОТИ – солиқ тўловчининг солиқ ва б. мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича ёки тўланган даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳамда солиқ декларацияларини, шунингдек ҳисоб-китобларга ва солиқ декларацияларига доир иловаларни ўз ичига оладиган ҳужжат бўлиб, у ЎзР Давлат солиқ қўмитаси ва ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

ЎзР СКнинг 44-м.сига С.х. қоғозда ва (ёки) электрон ҳужжатга доир талабларга риоя этилган ҳолда электрон ҳужжат тарзида тузилади.

С.х. солиқ тўловчи томонидан имзоланиши керак, шунингдек агар у юридик шахс бўлса, унинг муҳри б-н тасдиқланади. Электрон ҳужжат тарзида тақдим этилган С.х. солиқ тўловчининг электрон рақамли имзоси б-н тасдиқланади.

Юридик шахс – солиқ тўловчи қайта ташкил этилаётганда ёки тугатилаётганда ҳар бир қайта ташкил этила-

ётган ёки тугатилаётган солиқ тўловчига солиқ даври бошланганидан эътиборан қайта ташкил этиш ёки тугатиш тугалланган кунга қадар бўлган давр юзасидан тегишинча топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёхуд оралик тугатиш баланси асосида алоҳида-алоҳида С.х. тузилади. Мазкур ҳисобот топшириш далолатномаси, тақсимлаш баланси ёки оралик тугатиш баланси тасдиқланган кундан эътиборан уч иш куни ичида тақдим этилади. Тугатилаётган юридик шахслар солиқ ҳисоботи билан бир вақтда режадан ташқари солиқ текшируви ўтказилиши ҳақида ариза тақдим этади. Ушбу қисмнинг қондалари ўзгартириш, шунингдек бошқа юридик шахсни қўшиб олиш орқали қайта ташкил этилаётган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

С.х.да кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик солиқ тўловчининг зиммасига юклатилади.

СОЛИҚ ҲУҚУҚИ – бу солиқларни ўрнатиш, киритиш ва ундириш натижасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборат бўлган молиявий инс. ҳисобланади. Бундан ташқари, С.х. меъёрлари солиқ қонун ҳужжатларини бузганлик учун қўлланиладиган молиявий жазо чораларини ҳам тартибга солади. С.х. томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларни қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин: солиқлар ва б. мажбурий тўловларни ўрнатиш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар; солиқлар ва б. мажбурий тўловларни киритиш бўйича бўладиган ижтимоий; солиқлар ва б. мажбурий тўловларни ундириш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар; солиқ назоратини амалга ошириш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар; солиқ ҳуқуқбузарликлари учун молиявий санкцияларни қўллаш бўйича бўладиган ижтимоий муносабатлар. Солиқ ҳуқуқий муносабатлари С.х. меъёрлари б-н тартибга солинган ижтимоий молиявий муносабатлар бўлиб, бу муносабатлар солиқларни жорий этиш, юридик ва жисмоний шахслардан, солиқ тўловчиларнинг бошқа тоифаларидан солиқларни ундириш жараёнида юзага келади.

С.х. солиқ тўловчининг фаолиятида содир этилган ҳуқуқбузарликларни унинг бўйнига қўйиш ёки уларнинг умуман мавжуд эмаслигини асослаб бериш захмати зиммасига юкланган ягона соҳа эмас. Солиқ муносабатларидаги ҳуқуқлар ҳимояси суд жараёнида фуқаролик-процессуал тамойилларига риоя қилган ҳолда мунозара усулида ҳақиқатни юзага чиқариш, томонларнинг талаблари ва эътирозларини асословчи ҳолатларнинг мукамаллиги таъминланишига боғлиқ. Шу боис, солиқ тўловчининг процессуал ҳуқуқини унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи бирдан-бир муҳофаза усули дейилса муболаға бўлмайди.

СОЛИҚДАН БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР – ЎзР СҚда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва б. рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи. Кўрсатилган тўловлар ва солиқлар

тор маънода ҳам умумий, ҳам ўзига хос белгиларга эга. Йиғимлар ва божларнинг ўзига хос хусусиятларига шу қирадики, улар солиқлардан фарқли равишда, қисман бошқа хусусиятга эга бўлиб, қонуний белгиланган хизматларни кўрсатиш ёки муайян ҳуқуқларни бериш учун ундириб олинади (мас., савдо ҳуқуқини олиш учун йиғим). Бундай тўловлар, одатда, бир марталик хусусиятга эга, уларни тўлаш мажбурияти тўловчи томонидан назарда тутилган фаолиятни эркин танлаш ёки бу ҳаракатларни қилишдан ўзини тийиб туриш натижасида юзага келади (мас., божхона божи). Солиқларга эса, улардан фарқли равишда, солиқ солиш объекти мавжуд бўлган ҳолда қонунийликда белгиланган муддатларда мунтазам равишда тўлаиш хусусияти ҳосил.

Солиқларни кўриб чиқилаётган тўловлар турлари б-н бирлаштирувчи умумий белгилар қонунийлик ҳужжатларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган ҳолда уларни тўлаш мажбурийлиги ҳисобланади. Бундай белгиларга яна ушбу барча тўловларнинг бюджет тизмига киритилиши, солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлаш устидан назоратнинг давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилиши (мас., тўловларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига киритиш) қабилар қиради. Яна бир умумий белгилардан бири субъектларнинг солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлашдаги асосий мажбуриятлари (тўловларни ўз вақтида тўлаш, тўлиқ тўлаш ва х.к.)да фарқнинг йўқлиги ҳисобланади.

ЎзР СҚнинг 23-м.сига кўра бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар қиради:

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
 - ягона ижтимоий тўлов;
 - фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари;
 - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;
 - 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар; Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамғармасига йиғимлар;
 - 3) давлат божи;
 - 4) божхона тўловлари;
 - 5) айрим турдаги товарлар б-н чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.
- СОЛИҚЛАР** – ЎзР СҚда белгиланган, муайян микдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари.

ЎзР СҚга мувофиқ С.га юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер қазьридан фойдаланувчилар учун С. ва махсус тўловлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олиннадиган С. қиради.

С.нинг элементларига солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, ставка, ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби ва тўлаш тартиби қиради (ЎзР СҚнинг 12, 23 ва 24-м.лари).

СОЛИҚЛАР ВА БОШҚА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР – солиқ қонунчилигида назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) б. мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни қамроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва б. мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар деб эътироф этилади.

ЎзР СКнинг 8-м.сига асосан С. ва б.м.т.б.и.ни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва б. мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни бериш белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

С. ва б.м.т.б.и.дан тегишли ҳуқуқий асослар вужудга келган пайтдан эътиборан улар амал қиладиган бутун давр мобайнида фойдаланишга ҳақли.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ С. ва б.м.т.б.и. бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шарт б-н берилиши мумкин. Бундай маблағлардан белгиланмаган мақсадда фойдаланилган тақдирда, белгиланмаган мақсадда фойдаланилган сумма ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга ундириб олинади.

ЎзР Марказий банки, унинг ҚР, ви.лар ва Тошкент ш.даги бош бошқармалари, шунингдек ЎзР Марказий банкнинг муассасалари ушбу Кодексда назарда тутилган солиқлар ва б. мажбурий тўловларни тўлашдан озод қилинади, ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ – солиқ соҳасидаги ваколатли органлар, механизмлар ва усулларнинг тизими.

Давлат бюджети эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда режалаштирилган маблағни йиғишда қандай солиқ турлари ва б. мажбурий тўловларни амалга киритиш, уларнинг ставкаларини белгилаш, солиқ тўловчилар таркибини шакллантириш, солиқ объектлари, тўлаш тартиблари, муддатлари ва унинг давлат назоратини ташкил қилиш тадбирларини ўз ичига олган С.т.т. ва унинг фаолият механизми яратилган.

ЎзР СКнинг 14-м.сига кўра ваколатли органлар қуйидагилардир:

1) давлат солиқ хизмати органлари – ЎзР Давлат солиқ қўмитаси, ҚР, ви.лар ва Тошкент ш. давлат солиқ бошқармалари, шунингдек тум.лар, ш.лар ва ш.даги тум.лар давлат солиқ инспекциялари;

2) божхона органлари – ЎзР Давлат божхона қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг ҚР, ви.лар, Тошкент ш. бўйича бошқармалари, божхона комплекслари ва божхона постлари;

3) молия органлари – ЎзР Молия вазирлиги, ҚР Молия вазирлиги, ви.лар ва Тошкент ш. ҳокимликларининг молия бошқармалари, тум. ва ш. ҳокимликларининг молия бўлимлари;

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари.

Солиқ тизимининг фаолияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н тартибга солинади. Шу тариқа давлатнинг солиқ олиш субъектив ҳуқуқи ва солиқ тўловчиларнинг солиқ тўловлари бўйича юридик мажбуриятлари вужудга келади ва солиққа тортиш муносабатлари доирасида амал қилади.

СОТУВЧИ ЖОЙЛАШГАН МАМЛАКАТ ҚОНУНИ – сотувчи яшайдиган давлат ҳуқуқини қўллашни билдиради. Бу нисбатан янги (XX а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб норматив расмийлаштирилди), аммо шартнома мажбуриятларини тартибга солиш учун фойдаланиладиган анча кенг тарқалган бириктириш формуласи. Халқаро товарлар сотишда қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисидаги 1955 й.ги Гаага конвенцияси асосида вужудга келган.

С.ж.м.к. – умумлаштирилган формула, унда шартномада иштирок этувчи мамлакатларнинг қонунни тушунилади, олди-сотди шартномасида қимнинг мажбурияти унинг асосий қисмини ташкил этиши (мулк ижара шартномасида – ижара берувчининг, ташиш шартномасида – ташувчининг ва х.к.) ифодаланган.

СОХТА БАНКРОТЛИК – ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишида ифодаланган жиноят (ЎзР ЖК 180-м.си).

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, у содир этилиши б-н бозор иқтисодиётининг асосий қонунлари бузилади, халқ ҳўжалигининг нормал фаолият кўрсатиши издан чиқади, бозор иқтисодиётига ўтиш сиёсатини амалга ошириш қийинлашади, чунки бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизимнинг ўзи молиявий маблағдан маҳрум бўлади. Бундан ташқари, ушбу ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш тадбиркорларнинг, фуқароларнинг ҳўжалик субъектлари ёки контрагентлар фаолияти барқарорлигига ишончини сусайтиради ва ижтимоий низолар келиб чиқши хавфни тугдиради.

С.о.нинг ўзига хос жиҳати банкротлик тўғрисида тарқалаётган маълумотларнинг ҳақиқатга тўғри келмаслигини билиш ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳўжалик юритувчи субъект ҳақиқатда кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлгани ҳолда, уларни бажаришдан атайлаб бўйин товлаб, ўзини банкрот деб эълон бериши, била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон беришидир.

С.б. аломатлари аниқланган тақдирда, прокурор ҳўжалик судига қорхонанинг ночорлиги (қасодга учрагани) ҳақидаги ишни кўзга тиш тўғрисида ариза б-н мурожаат этишга ҳақли бўлади.

СОХТА ТАДБИРКОРЛИК – устав фаолиятини амалга оширишни мўлжалламаган ҳолда ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқдан озод қилиш (солиқни қайтариш) ёки бошқа мулкий фойдани олиш мақсадида қорхоналарни ва б. тадбиркорлик ташкилотларини ташкил этиш. С.т. иқтисодиёт соҳасидаги жиноят деб тан олинади ва уларни содир этган шахсларнинг ЎзР ЖК 179-м.си қоидаларига кўра жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, С.т. нафақат иқтисодиёт асосларига, тадбиркорлик фаолияти

гоясининг ўзига ҳам тажовуз қилади, одамларнинг бозорга ва унинг бошқача ҳўжалик юритиш усулларидан афзаллигига бўлган ишончига путур етказди.

СОХТАЛАШТИРИШ – ашёвий далил бўлган ҳужжатларни тўла ёки қисман С. усуллари мавжуддир. Тергов-суд амалиётида учраб турадиган сохта ҳужжатнинг типографик-стандарт бланкалари тайёрланади ва уларга жинойи мақсадда керакли ёзувлар-матнлар киритилади. Булар шахсий ҳужжатлар (паспорт, гувоҳномалар) молявий ва моддий қийматга эга қоғозлар (чек, вексель ва б.) шу жумладан пул-валюта банкнотлари ҳам стандарт бланкалар, махсус мосламаларда, ясама қурилмалар ва станокларда тайёрланади. Қисман сохталаштиришда ҳужжатнинг асл нусхасидаги айрим ёзувларни йўқотиб (ўчириб) ўрнига керакли қалбаки сўз, ракам ва б. маълумотларни киритадилар. Сохталаштирилган ҳужжатлар кримтехниканинг услубларини қўллаб текширилади. Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун ЎЗР ЖКнинг 228-м.сида жинойи жавобгарлик белгилабган.

СОЦИАЛ ДАВЛАТ – қ.: *Ижтимоий давлат.*

СОЦИАЛИСТИК ҲУҚУҚ – тоталитар тузум ҳуқуқий тизими. 1917 й.ги Октябрь тўнтаришидан сўнг Россия (СССР)да ривожланган ва Иккинчи жаҳон урушидан кейин социалистик тараққиёт йўлини танлаган бошқа мамлакатлар томонидан қабул қилинган мустиқил ҳуқуқий тизим ҳисобланади. С.х. роман-герман ҳуқуқий тизимининг кўплаб белгиларига эгаллиги, хусусан, процессуал асослари ва ҳуқуқий методологияси ўхшаш эканлигига қарамай, у бошқа ҳуқуқий тизимлардан ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан давлат мулкининг ўрнатилганлиги, ўзига хос сиёсий тузилиши, ҳуқуқнинг оммавий ва хусусийга бўлинишини инкор этиши, шунингдек, ҳуқуқ коммунистик жамият қуришга имконият яратувчи куч деган концепцияни илгари сурши б-н фарқ қилади.

Эндиликда Ер юзида тоталитар тузум хусусиятлари аста-секин барҳам топиб бораётган, ҳуқуқий тизимлар ўзаро уйғулашиб, ўхшаш жиҳатлари етарлича салмоқ қасб этиб бораётган бир шароитда тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб олиш гоят муҳим ҳисобланади. Авваломбор, фуқаролик жамияти шароитида суд фаолияти ва прецедент амалиёти ролининг ортиб боришини умумий қонуният ёки замонавий ҳуқуқий ривожланишнинг устун йўналиши сифатида эътироф этиш даркор. Айниқса, шу ўринда ҳозирги вақтда собиқ шўро тоталитар тузumi ҳуқуқий оиласига мансуб бўлган мустиқил давлатлар ҳуқуқий тизимида салмоқли ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунинг ҳуқуқий давлат барпо этаётган ЎЗР мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу давлатнинг асосида ижтимоий адолат гоёлари устувор аҳамият қасб этади, бошқача айтганда, умумэтироф этилган демократик қоидалари ҳамда тадбирларни халқнинг туб ахлоқий қоидалари б-н уйғун тарзда қовуштири оладиган давлатни бунёд этишга интилиш ётади.

СПИКЕР (инг. speaker – нотик) – англо-саксон мамлакатларида, шунингдек, англо-саксон давлат-ҳуқуқ тизимини у ёки бошқа даражада қабул қилган мамлакатларда (Ҳиндистон, Нигерия, Вануату ва б.) парламент

қуий палатасининг раиси. С. расман палата томонидан (амалда кўпчилик партиялар томонидан) сайланади. С. палата мажлисларига раҳбарлик қилади, палата ўзини палата кўмитаси қилиб ташкил этадиган ҳоллар бундан мустиқно. Палата С. орқали давлат раҳбари б-н алоқани амалга оширади.

ЎЗР парламентининг қуий – ҚПга ҳам раисликни С. амалга оширади. ЎЗР Конс.сининг 85-м.си, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ЎЗР Конституциявий қонунининг 13–14-м.лари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3–5-м.лари ҚП С.ининг сайланиши тартибини, унинг ҳуқуқий мақомини белгилайди.

С. ҚП депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози б-н ҚПнинг ваколати муддатига сайланади.

С.ни сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи б-н ўн беш кишидан иборат Оксоқоллар кенгаши тузилади. Оксоқоллар Кенгаши С. лавозимига номзодларни, қоида тариқасида, энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

ҚП С.и яширин овоз бериш орқали ҚП депутатлари умумий сонининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози б-н қабул қилинган ҚП қарорига биноан муддатидан илгари лавозимидан озод қилиниши мумкин.

С.нинг ваколатлари қуйидагилардан иборат: ҚП ва унинг Кенгаши мажлисларини чақиради, уларда раислик қилади; ҚП муҳокамасига киритиладиган масалаларни тайёрлашга умумий раҳбарлик қилади; ҚП томонидан қабул қилинган қонунларни маъқуллаш учун Сенатга юборади; ҚП кўмиталари ва комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради; ЎЗР қонунларининг ва ҚП ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни ташкил этади; ўз ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди; парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига ҳамда халқаро парламент ташкилотлари иши б-н боғлиқ ҚП гуруҳларининг фаолиятига раҳбарлик қилади; ҚП матбуот органларининг уставларини ва тахрир хайъатлари таркибини ҳамда уларнинг ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди; Кенгаш б-н қелишилган ҳолда ҚП матбуот органларининг бош муҳаррирларини тайинлайди ва уларни лавозимдан озод қилади; ҚП матбуот органларининг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади; Сенат, бошқа давлат органлари, чет давлатлар, халқаро ва б. ташкилотлар б-н ўзаро муносабатларда ҚП номидан иш кўради; ҚП ва унинг Кенгаши қарорларини имзолайди; ҚП девонни фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, депутатлар ва ҚП девонни ишлаши учун зарур харажатлар сметаларини тасдиқлайди; ЎЗР Конс.си ва қонунларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

С. ўз ваколатига қирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР – углеводородларининг тўйинган углевод атомларида бир ёки бир нечта гидрооксид гуруҳ (-ОН) тутган ҳосиллари. Қадимда крахмалли ва қандли моддаларни биёғитиб С.и олинган. Ҳозирги пайтда гидролизлаш ва турли кимёвий усулларда синтезлаш

йўли б-н олинадн. С.и. озик-овкат саноатида, тиббиёт, радиоэлектроника, парфюмерия ва техника ишларида қўлланади. С.и. метил, этил, атил ва х.к. турларига бўлинади.

С.и. кишини маст қилувчи ичимликлар ҳисобланади. Кўпинча С.и. (таркибида этил спирти бўлган ароқ, вино, коньяк, шампан виноси, шнапс, виски ва х.к.)нинг рўйхати давлат томонидан кўрсатиб ўтилади.

ССУДА ШАРТНОМАСИ – қ.: *Текин фойдаланиш шартномаси.*

СТАНДАРТ (инг. standard – норма, намуна, ўлчов) – 1) шу каби бошқа объектларни таққослаш, солиштириш учун бирламчи, бошланғич сифатида қабул қилинадиган намуна, эталон, андоза; 2) стандартлаштириш объектига нисбатан норма, қонда, талаблар мажмуасини ўрнатувчи ва ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган норматив-техник ҳужжат; 3) кенг маънода давлат С.и ва товарнинг сифатига нисбатан бошқа норматив талаблар.

СТАТУС (лот. status – ҳолат, мавқе; инг. status) – ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, имтиёзлари мажмуини ифода этувчи, ҳуқуқ нормалари б-н белгиланган ҳолат.

СТАТУС-КВО (лот., инг. status quo) – халқаро ҳуқуқда қандайдир муайян вақтда мавжуд бўладиган ёки бўлган юридик ёки фактик ҳолат. С.-қ.ни тиклаш – маълум бир ҳолатни унинг ўзгаришигача бўлган ҳолатга қайтиши дмак. Status quo ante bellum (лот.) – урушгача, яъни у туфайли юзага келадиган ўзгаришларгача бўлган ҳолат. Status quo post bellum (лот.) – урушдан кейин юзага келган ҳолат.

СТАТУТ (лот. statutum, statuo – қарор қиламан, ҳал қиламан сўзларидан; инг. statute, ordinance) – ижтимоий гуруҳларни ёхуд давлат органлари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини комплекс тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг умумлаштирилган номи. Бугунги кунда мазкур тушунча нисбатан кам ва фақат илмий нуқтан назардан қўлланилади.

Буюк Британия, АҚШ Конгресси ва б. бир қатор англо-саксон ҳуқуқий тизимига мансуб мамлакатлар парламенти қонуи ҳужжатларининг номланиши ҳам С. деб аталади. С.да ифода этилган нормалар С. ҳуқуқини ташкил этиб, англо-саксон ҳуқуқий тизимидаги мамлакатларда умумий ҳуқуқ б-н бир қаторда фаолият кўрсатади. Халқаро ҳуқуқда кўпинча у ёки бу халқаро орган фаолияти ҳақидаги қоида бўлиб, кўп томонлама халқаро битимлар шаклида намоён бўлади. Халқаро орган С. мазкур ташкилотнинг мақсади, тузилиши ва функцияларини белгилайди (мас., БМТ Халқаро суди С.).

СТАТУТ ҲУҚУҚИ (инг. statut law) – Англияда XIII а.дан олий давлат ҳокимияти органларининг (статутларнинг) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мавжуд бўлган ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи. С.х. инглиз ҳуқуқий тизимининг умумий ҳуқуққа қараганда устувор асосий қисми ҳисобланади.

СТИГМАЛАР (юн. stigma – тамга, доғ, наштар сўздан) – қадимда қуллар ёки жинойтчиларнинг танасига қўйиладиган белги ёки тамга.

СУБВЕНЦИЯ – қ.: *Бюджет субвенцияси.*

СУБСИДИАР ЖАВОБГАРЛИК – фуқаролик жавобгарлигининг турларидан бири; қонунда ёки шартно-

мада назарда тутилган ҳолларда мажбуриятни лозим даражада бажарганлик учун кредитор олдида қарздор б-н бир қаторда жавоб берадиган шахсларнинг қўшимча жавобгарлиги.

ЎзР ФКнинг 329-м.сига асосан, қонун ҳужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишда жавобгар бўлган (С.ж.) шахсга талаблар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак.

Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош торгса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин.

Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондиришни субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан пизосиз ундириб олиш йўли б-н қондирилиши мумкин бўлса.

Субсидиар жавобгар шахс ўзига кредитор томонидан қўйилган талабни қондиришдан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огоҳлантириши, борди-ю бундай шахсга нисбатан даъво қўзғатилган бўлса асосий қарздорни ишда қатнашишга жалб қилиши керак. Акс ҳолда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътирозларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш ҳуқуқига эга.

ЎзР ФКга бироан, тўлиқ ширкат аъзолари – ширкатнинг мажбуриятлари бўйича, масъулияти чекланган жамият иштирокчилари – жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида, муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси – унинг мажбуриятлари бўйича кўрсатилган мол-мулк етарли бўлмаган ҳолда субсидиар жавобгар бўлади. Асосий жамият (ширкат) айби б-н шўъба хўжалик жамияти ноҳор (банкрот) аҳволга тушиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Фуқаролик қонунчилигида бошқа С.ж. ҳолатлари ҳам назарда тутилган.

СУБСИДИЯ (лот. subsidium – ёрдам; инг. subsidy) – бюджет б-н тартибга солиш воситаларидан бири, муайян тадбирларни молиялаш учун ажратиладиган ва ушбу ҳудудда, агар ЎзР қатнашаётган давлатлараро битимда ўзгача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, хорижий сугурта ташкилотлари сугурта шартномалари тузишга (сугуртага) доир ишбилармонлик фаолиятини амалга оширишга йўл қўйилмайди.

СУБСТИТУЦИЯ (лот. substitutio, substituo – ўрнига қўяман, алмаштирамандан; инг. substitution) – 1) мерос ҳуқуқида мерос қолдирувчининг васиятномасида у очилгунча асосий меросхўрнинг вафот этиб қолиши ёки уни қабул қилмаслиги эҳтимолини ҳисобга олиб, қўшимча меросхўрни кўрсатиш. Асосий меросхўр қонунда назарда тутилган сабабларга кўра меросдан маҳрум этилган ҳолатларда ҳам ворисликка субститут қакирилади. Субститут сифатида, қонун бўйича меросхўрлар қаторига кириш-кирмаслигидан қатъи назар, ҳар қандай шахс тайинланиши мумкин; 2) халқаро ҳуқуқда давлатларнинг моддий жавобгарлиги шаклларида бири, реституциянинг бир кўри-

ниши; конунга хилоф равишда йўқ қилинган ёки зарар етказилган мулкни, шу жумладан, бинолар, транспорт воситалари, санъат бойликлари, хусусий мулкни тенг қийматли бошқа мулкка алмаштиришдан иборат.

СУБЪЕКТИВ ТОМОН – к.: *Жиноятнинг субъектив томони.*

СУБЪЕКТИВ ҲУҚУҚ – шахснинг ўз қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш борасидаги мумкин бўлган (жоиз) ҳуқ-атворининг қонунида назарда тутилган ва давлат томонидан таъминланадиган мезони. Юридик нормалар мажмуидан ташкил топадиган объектив ҳуқуқдан фарқли ўларок, С.х. муайян субъектга қарашли бўлган ва фақат шу шахснинг ихтиёрига қўра амалга ошириладиган ҳуқуқ сифатида амал қилади. Ҳуқуқ лаёқати, яъни ҳуқуққа эга бўлиш умумий (абстракт) лаёқати субъектив ҳуқуқнинг шарти ҳисобланади. С.х. амал қилиши учун (мас., роман-герман ҳуқуқий тизимида) уни қонун ижодкори тан олган бўлиши лозим. Шахснинг энг муҳим С.х.лари инсон ҳуқуқларни тўғрисидаги халқаро шартномаларда (конвенция ҳуқуқлар) ва давлатларнинг Конс.ларида (конституциявий ҳуқуқлар) мустаҳкамлаб кўйилади. Шу б-н бирга, ҳуқуқ назариясида ва ҳуқуқий амалиётда баъзан инсоннинг айрим С.х.лари “табiiй” ва “узвий” деб эътироф этилади. Бу ҳуқуқлар қонунида белгиланган ёки белгиланмаганлигидан қатъи назар, мавжуд бўлади, қонун ижодкори уларни фақат юридик шаклга солади.

Ҳар қандай С.х. уни амалга оширишнинг қонун б-н белгилаб кўйилган муайян шартларига эга бўлади. Бу шартлар ҳуқуқнинг сунистеъмол қилиниши, яъни ундан бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларига зид равишда фойдаланилишининг олдини олишга қаратилган. Конс. (қонун) муайян ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлар экан, айни вақтда уларни амалга ошириш чегараларини ҳам белгилайди, фуқаролар ушбу ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланишда “бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт” эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, Конс. (қонун)да “конституциявий тузум асослари, маънавият, бошқа шахсларнинг соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, мамлакат мудофааси ва давлат хавфсизлигини химоя қилиш мақсадида” С.х.лар чеклаб кўйилиши мумкинлиги ҳам кўрсатилади.

СУВ МОНИТОРИНГИ – С. м., шу жумладан ер ости сувлари мониторинги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун сувларнинг ҳолати устидан олиб бориладиган кузатув тизимидан иборатдир. С. м.нинг тузилиши, мазмуни ва уни амалга ошириш тартиби ЎЗР ВМ томонидан белгиланади.

ВМнинг 2002 й. 3 апрелдаги 111-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида низомга асосан асосий сув оқимларидаги коллектор-дренаж сувлари сифати (минераллашиши) мониторинги – ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан; ер ости сувлари ва ҳавфли геологик жараёнлар мониторинги – ЎЗР Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан олиб борилади.

Атроф табиий муҳитнинг идоровий мониторинги фаолияти атроф табиий муҳит ҳолатининг ёмонлашишига олиб келаётган ёки олиб келиши мумкин бўлган вазирликлар, идоралар ҳамда хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

Вазирликлар, идоралар ва хўжалик бошқаруви органларининг атроф табиий муҳит давлат мониторинги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ЎЗР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан амалга оширилади.

СУВ ОБЪЕКТИ – ЎЗРнинг ягона давлат сув фонди: дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув хавзалари ва сув манбалари, канал ва ховузларнинг сувларидан; ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир. Ўзбекистон давлатининг сув фондлари айнан С.о.ни ташкил этади. Давлатлараро дарёлар – Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва б. сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади. Республикада сувга оид муносабатларни тартибга солиш мақсадида 1993 й. 6 майда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни қабул қилинган.

С.о.ларига таъсир кўрсатиш нормативлари ер усти ва ер ости сувларини экологик талабларга мослигини таъминлашда белгиланиши ва уларга риоя қилиниши б-н таъминланади. С.о.ларига таъсир кўрсатиш нормалари қуйидагиларга бўлинади: 1) сувларда зарарли моддаларнинг йўл кўйиладиган доирадаги миқдорлари; 2) оқова сувлардаги зарарли моддаларнинг йўл кўйиладиган доирадаги миқдорлари; 3) сувдан фойдаланиш лимитлари; 4) саноат, коммунал ва б. объектларда сувдан фойдаланиш нормалари; 5) қишлоқ хўжалик экинларини сугориш нормалари. Сувларнинг сифатини ва улардан фойдаланишни меъёрлаш сувларни муҳофаза қилишнинг асосий шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Сувларнинг сифатини ва улардан фойдаланишни нормалаш сувларни муҳофаза қилиш бўйича бошқа ташкилий-ҳуқуқий чоралар ичида марказий ўринни эгаллайди. Чунки сувларни муҳофаза қилиш бўйича барча чоратадбирлар сувлар сифати ва улардан фойдаланиш нормаларига асосланган ҳолда ташкил этилади.

СУВ ФОНДИ ЕРЛАРИ – к.: *Ер фонди тоифалари.*

СУВ ҲУҚУҚИ – сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш б-н боғлиқ ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишни ўргатувчи фандир. Ўз навбатида С.х. республика ҳуқуқ тизимида ўз ўрни, салоҳияти, мустақил йўналиш ва ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади. С.х. сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиши б-н боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солади; сувлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш б-н боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сувларнинг экологик ҳолати, сифат кўрсаткичлари б-н боғлиқ хусусиятлари асосида қабул қилинади ва тартибга солишда иштираётган; сувга оид махсус ҳуқуқий принцип ва усулларга эга.

Сув ҳуқуқий муносабатлар ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳамда корхона, ташкилот, муассаса ва фуқаролар ўртасида сувларни муҳофаза қилиш ва сувлардан оқилона фойдаланиш жараёнида пайдо бўладиган ҳуқуқ, мажбурият ва ҳуқуқий оқибатлар йиғиндиси. Бошқа ҳуқуқий муносабатлар сингари сувга доир

юрдик ва жисмоний шахслар ўртасида пайдо бўладиган субъектив ҳуқуқ, мажбуриятлар давлат томонидан химоя қилинади.

Сувга доир ижтимоий муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бошқа турдаги муносабатлардан қуйдаги табиий ва ҳуқуқий жиҳатлари б-н ажралиб туради: 1) сув табиатнинг ажралмас таркибий қисми сифатида табиий қонуниятлар асосида вужудга келади; 2) сув ресурсларининг ҳолати табиий фактлар ва антропоген (одамлар томонидан) таъсирлар натижасида сифат ва сон жиҳатдан ўзгаради; 3) сувларнинг табиий ҳолатига қараб қонун ҳужжатларининг талаблари мослашади ва ўзгариб туради; 4) сувга нисбатан фақат давлатнинг эгалик қилиш ҳуқуқи жорий этилади; 5) сув ресурсларидан фойдаланишда умумий ва махсус, биргаликда ва танҳо, бирламчи ва иккиламчи фойдаланиш каби мураккаб тур ва шакллари жорий этилади; 6) сув ресурсларидан фойдаланишда бошқаришда маъмурий-ҳуқуқий эмас, балки хавза тамойилга амал қилинади; 7) давлатлараро сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда давлатлараро, минтақавий ва халқаро принципларга амал қилинади ва б.

СУВДАН ФЙДАЛАНИШ ЛИМИТЛАРИ – “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 30-м.си ва ЎзР ВМнинг 1993 й. 3 августдаги 385-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида лимитланган сувдан фойдаланишнинг вақтинчалик тартибига асосан белгиланади. Сувдан фойдаланувчилар лимитларнинг миқдори давлатлараро сув манбаларидан (Амударё, Сирдарё ва уларга қўшиладиган, бир неча давлат ҳудудидан ўтадиган дарёлар) республикалараро келишувининг шартларини, Ўзбекистон ҳудудидаги сув манбаларидан сувнинг ҳақиқий ҳажмини, ер ости сувлардан фойдаланиш имкониятларини ва қайтарилган сувларнинг такроран ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Лимитланган сувдан фойдаланиш барча сувдан фойдаланувчилар бўйича белгиланади ва улар белгиланмасдан, сувни олиш нукталари рўйхатга олинмасдан сувдан фойдаланиш тақиқланади.

Лимитлар қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан қишлоқ хўжалиги сувдан фойдаланувчилар учун йилда икки мартада, бошқа сувдан фойдаланувчилар учун йилда бир мартаба белгиланади. С.ф.л. максимал ҳисобланиб, сув танқис даврида камайтирилиши мумкин. С.ф.л. сув манбалари, бассейн ирригация тизимлар, магистрал каналлар (тизимлар), ирригация тизимлар, бирламчи сувдан фойдаланувчилар, ҳудудлар бўйича белгиланади. Сувдан фойдаланувчилар лимитлари улар ишлаб чиққан сувдан фойдаланиш режалари асосида белгиланади. Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланган лимитлар ва уларни чеклаш тўғрисидаги қарорлар мулкчилик шаклидан ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар, барча сувдан фойдаланувчилар учун мажбурий ҳисобланади. Лимитларга риоя этиш, сув ҳажмини ҳисобга олиш рўйхатга олинган сув олиш нукталарида (хўжалик тақсимлаш бош ишоот, канал, скважина, насос станцияси ва б. сув олиш ишоотларида) лимитланган сувдан фойдаланиш шартномасига асосан амалга оширилади. Рўйхатга олинмаган сув олиш нукталаридан сув олиш белгиланган тартиби бузилган ҳисобланиб, қонуний ва ўзбошимчалик б-н фойдаланиш сифатида бузиб ташланиши лозим. Сув-

ни фойдаланишга қабул қилиб олиш ҳар бир сув олиш нукталарида ҳар куни сувдан фойдаланувчи ва сув хўжалиги органларининг маъсул шахс томонидан имзоландиган далолатнома ва махсус журналида қайд этилиши орқали амалга оширилади. Белгиланган лимит бўйича сув олиш ҳажми, сувдан фойдаланиш мақсади, сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси, сув олиш нуктасининг рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотлар, сувни бериш ва унинг ҳисобга олиш тартиби, тарафларнинг жавобгарлиги лимитланган шартномада кўрсатилади. Лимитлардан ортиқ ҳажмда ёки лимити белгиланмасдан сувдан фойдаланиш иктисодий жарималар қўлланилишига асос бўлади. Бу жарима ҳар бир ортиқча олинган сувнинг кубометрига маълум бир миқдор пул маблағини ундиришдан иборат бўлади.

СУВДАН ФЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ – сув ҳуқуқининг асосий ин.и бўлиб, турли соҳалардаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ҳуқуқий нормалар, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндиси; сувдан фойдаланувчиларнинг субъектив ҳуқуқ ваколатни амалга ошириш механизми, уларни амалиётда қўллаш жараёнини ўзида мужасамлаштирувчи ҳуқуқий муносабатдир. С.ф.х.ни кенг ва тор маъноларда тушуниш мумкин. С.ф.х.ни кенг маънода унинг табиий ҳуқуқлар тоифасига тегишли эканлиги, яъни бу ҳуқуқ инсон пайдо бўлгандан бошлаб у б-н бирга вужудга келишини эътироф этиш мумкин. Шу б-н бирга, С.ф.х. кишиларга ваколатли давлат органларининг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳам берилиши мумкинлигини таъкидласа бўлади. Бунда у тақдим этилган ҳуқуқ аҳамиятини ўзида мужасам этади. С.ф.х.ни тор маънода юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун нормаларида белгиланган тартибда сувларни фойдаланиш учун бериш орқали вужудга келган ҳуқуқ ва мажбуриятлар йиғиндиси тарзида тушуниш мумкин.

СУВДАН ФЙДАЛАНУВЧИЛАР – мулкчиликнинг барча шаклидаги ташкилотлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ва ЎзР фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар С.ф. бўлишлари мумкин. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар ва шахслар ҳам сувдан фойдаланувчи бўлишлари мумкин (“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 18-м.си).

СУВЕРЕН ҲУҚУҚЛАР – олий давлат ҳокимияти эгасининг ҳуқуқлари. С.х. – конституциявий ҳуқуқда асосан давлат, федератив тузилиши соҳаларига нисбатан давлат, федерация субъектининг ўзи, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, шунингдек мамлакатдаги ташкилотлардан мустақил амалга оширувчи ваколатларини ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча.

СУВЕРЕНИТЕТ (фр. *souverainete* – олий ҳокимият; инг. *sovereignty*; нем. *souveranitat*) – давлатнинг бошқа давлатдан, унинг ички ва ташқи ишлари ҳамда ташқи муносабатларида тўла мустақиллиги. Конституциявий ҳуқуқ фанида С.нинг бир неча турлари мавжуд.

Давлат С.и – давлат ҳокимиятининг давлат ичидаги устуниги ва уни ташқи муҳитда, яъни хорижий ҳокимиятни истисно қилувчи давлат ҳокимиятлари – қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг ҳудудда тўла

амал қилиши ҳамда халқаро алоқаларда давлатнинг хорижий давлат ҳокимиятларидан мустақиллиги (давлат томонидан С.ни чеклашга ўз хоҳиши б-н розиллик берилган ҳоллар бундан мустасно). С. давлат ҳокимиятининг муҳим белгисини акс эттиради.

Давлат ҳокимиятининг устуңлиги шундан иборатки, ижтимоий муносабатлар тизимини Конс. ва б. норматив ҳужжатларда акс эттириш (мустаҳкамлаш), ҳуқуқий тартиботли, жисмоний ва юридик шахсларнинг ваколатларини, уларни амалга ошириш тартиби (тартиб-таомиллари)ни, юридик жавобгарлик чораларини белгилаш ҳуқуқига фақат давлат ҳокимиятигина эга бўлади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги шундан иборатки, мазкур ҳокимиятни амалга оширишнинг барча даражаларинда у бир хил мазмунга, фаолият шакллари ва усулларига эга бўлади. Бунда давлат ҳокимиятининг барча органлари ўртасида алоқа ўрнатилган, уларнинг ваколатлари тақсимланган (ҳокимиятни тақсимлаш), давлат органларининг бир-бирга қарама-қарши қўйилишини истисно этувчи интизом, субординация ва ўзаро алоқадорлик ўрнатилган бўлиши лозим.

Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги шунда намоён бўладиги, жамият ва давлат ишларини бошқариш вазифаларининг тақсимланишига қараб, давлат ҳокимияти органлари мазкур мамлакатдаги бошқа ҳокимият шаклларида (мас., сиёсий партиялар, ҳаракатлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва б.дан) ҳамда чет давлатлар ва халқаро ташкилотлардан мустақил фаолият кўрсатадилар.

Шундай қилиб, давлат С. унинг барча ички ва ташқи ишларига нисбатан, мақон нуқтан назардан эса унинг бутун ҳудудида амал қилади. ЎзР Конс.сининг I боби "Давлат суверенитети" деб номланади. Унга мувофиқ, Ўзбекистон – суверен демократик республика. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдилар. ЎзР ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлимасдир.

Миллий С. – миллатнинг тўла ҳокимлиги, унинг сиёсий эркинлиги, ўз миллий ҳаётини белгилашнинг реал имкониятлари ва биринчи галда мустақил давлатнинг ажралиб чиқиши ва шаклланишини сиёсий жиҳатдан ўзи белгилашга лаёқатлилиги. Миллий С. миллатнинг ўз турмуш тарзини ўзи белгилаш, ички масалалари (тили, ёзуви, урф-одатлари, анъаналари, маданияти ва х.к.)ни ҳамда бошқа миллатлар, халқлар б-н муносабатлари (янги давлат тузилмаси ёки миллий-давлат бирлиги (мухторияти)ни ташкил этиш, муайян давлат таркибига кириш ва х.к.)ни хал қилиш ҳуқуқига намоён бўлади;

Халқ С. – халқнинг тўла ҳокимлиги, яъни халқ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий воситаларга жамият ва давлат ишларига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиши. Халқ С. барча демократик давлатлардаги конституциявий тизим принципларидан биридир. Халқ С. концепциясининг моҳияти шундан иборатки, халқ жамият ва давлатда ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади, бутун ҳокимият унга тегишли бўлади.

Халқ ҳокимиятчилиги уч шаклда – давлат ҳокимияти, ижтимоий ҳокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти шаклларида амалга оширилади. Давлат ҳокимиятнинг халқ бевосита (мас., референдум ёки давлат органларини сайлаш орқали) ёхуд давлат органлари амалга оширади. Давлат ҳокимиятининг қарорлари ва ҳаракатлари барча учун мажбурий ҳисобланади, улар иқтидорий тарзда ижро этилади, аммо зарур ҳолда давлатнинг ташкилий таъсири ва мажбуриятчи кучи б-н таъминланади. Ижтимоий ҳокимиятнинг фуқароларнинг бирлашмалари ва гуруҳлари амалга оширади, у фақат мазкур бирлашмалар ва гуруҳларнинг аъзолари учун мажбурий бўлади ҳамда ижтимоий таъсир кўрсатиш чоралари б-н таъминланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти маҳаллий тузилмалар ҳудудида фуқаролар томонидан ёки фуқаролар тузган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади. Маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни хал қилишда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимияти ижтимоий ҳокимиятга яқин туради, давлат органларининг берилган ваколатларини амалга оширишда у давлат номидан иш кўради. Шундай қилиб, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳокимиятида ижтимоий ва давлат асослари ўзаро бирикиб, уйғунашиб кетади.

ЎЗРда халқ С. асослари ЎЗР Конс.сида мустаҳкамланган. Унга мувофиқ, Ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир. Республикада давлат ҳокимияти халқ манфаатларини қўлаб ва ЎЗР Конс.си ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конс.да назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхта-тиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конс.га хилоф ҳисобланади ва қонунга бипоан жавобгарликка тортишга асос бўлади (7-м.).

С.нинг учала шакли ҳам ўзаро алоқадор ва шу б-н бир вақтда мустақилдир. Умуман олганда, халқ С.ни, бутун ҳокимиятнинг халқ томонидан амалга ошириш шакли сифатида, давлат С.нинг ҳам, миллий С.нинг ҳам шартли деб ҳисоблаш мумкин. Аммо халқ С.ни давлат ҳокимияти шаклида давлатни ёки давлат тузилмасини тузиш орқалигина амалга ошириш мумкин. Зотан, фақат шу ҳолда халқнинг хоҳиш-иродаси давлат мажбуриятчи кучига эга бўлади.

Шундай қилиб, давлат С.и бир томондан, халқ С.и б-н ўзаро таъсирга киришса (бунда давлат ҳудудида яшайдиган барча фуқаролар, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, халқ ҳисобланади), иккинчи томондан – миллий С. б-н боғланади.

1991 й. 31 августда Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги ЎЗР Конституциявий қонуни қабул қилинди. Унга кўра, ЎЗР ўз таркибидаги ҚР б-н бирга мустақил, демократик давлатдир.

ЎЗРнинг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, у ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади.

ЎзР тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

ЎзРнинг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлимас бўлиб, унинг халқи ўз хохиш-иродасини эркин билдирмасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас, деб белгиланди.

СУВЕРЕНЛИК – конституциявий ҳуқуқ фанида, баъзан қонун ҳужжатларида ҳам қўлланиладиган тушунча. С.ни тушунишда олимлар орасида яқдиллик йўқ. Айрим олимлар уни суверенитет тушунчасининг синоними деб ҳисоблайдилар, бошқа олимларнинг фикрига кўра, суверенитет – тўла шакланган ҳодиса, С. эса – суверенитетнинг қуртаги, унинг айрим нишонаси. С. суверен ҳуқуқларга эга бўлишни назарда тутати (аммо барча суверен ҳуқуқларга ва суверенитетдаги сингари тўла ҳажмда эмас).

Моҳият-эътибори б-н, конституциявий ҳуқуқ фанининг мутахассиси бўлмаган одамлар учун юқорида зикр этилган баҳс аҳамиятсиз ва унга С. ва суверенитетни умуман олганда маънодош тушунчалар деб ҳисоблашни тавсия этиш мумкин.

СУВНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ЗОНАЛАРИ – дарёларнинг, қўлларнинг, сув омборларининг, капалларнинг, коллекторлар ҳамда б. сув объектларининг ўзлашларига туташ муҳоғаза этиладиган табиий ҳудудлар С.м.қ.з. ҳисобланади. Бу зоналар ифлосланиш, булғаниш, саёзланишнинг ҳамда сув объектлари тупроқ эрозияси маҳсуллари бўлмиш лойқа б-н тўлиб қолишининг олдини олиш мақсадида, шунингдек энг мақбул сув режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади.

Қаттиқ режимга асосланган С.м.қ.з. доирасидаги муҳоғаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳил бўйи минтақалари ҳисобланади.

Ичимлик, манший ва даволаш-соғломлаштириш эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган сув объектларига туташ, қаттиқ режим асосидаги муҳоғаза этиладиган табиий ҳудудлар сув объектларининг санитария муҳоғазаси зоналари ҳисобланади.

Дарёларнинг уваларида, ёйилма қонусларда, тоғ ёнбағирларининг этакларида ташкил қилинадиган, муҳоғаза этиладиган табиий ҳудудлар ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари ҳисобланади.

С.м.қ.з., соҳил бўйи минтақалари, сув объектларининг санитария муҳоғазаси зоналари ҳамда ер усти ва ер ости сувларининг ҳосил бўлиш зоналари тегишинча табиатни муҳоғаза қилиш, қишлоқ ва сув хўжалиги, санитария назорати органларининг, геология ташкилотларининг тақдирномасига биноан ЎзР ВМ ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари б-н ташкил этилади (“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 40-м.си).

С.м.қ.з. доирасида чекланган хўжалик фаолияти юришга йўл қўйилади (“Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 41-м.си).

СУД – муайян давлат қонуни б-н мустаҳкамланган процессуал тартибда жинорий, фуқаролик, маъмурий ва б. тифадаги ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этишни амалга оширувчи давлат органи. С. одатий ва фавқулодда турларга бўлинади. Одатий С. умумий ваколатли ва ихтисослашган

турларга бўлинади. С.ларнинг алоҳида тури конституциявий ва маъмурий С.лардир. Айрим мамлакатларда диний С.лар ҳам мавжуд. Баъзи федератив давлатларда С. федерал ва федерация субъекти С.ларига бўлинади.

ЎзР Конс.си, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги Қонунларига мувофиқ, ЎзРда ЎзР КСи, ЎзР ОС, ЎзР ОХС, ҚР фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий С.лари, ҚР хўжалик С.и, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вил. ва Тошкент ш. С.лари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, тум., ш. С.лари, ҳарбий ва хўжалик С.лари фаолият кўрсатади.

ЎзРда ишларнинг тоифаларига қараб С.ларнинг ихтисослашуви амалга оширилиши мумкин. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

С.ларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби қонун б-н белгиланади.

СУД АЖРИМИ – суд томонидан қабул қилинадиган қарорлардан бири.

Суд муҳокамаси вақтида ҳал қилинадиган барча масалалар юзасидан суд ажрим чиқаради. С.а. ҳукм ёки қарордан фарқли равишда ишни буткул ва якуний ҳал қилиш эмас, балки маълум бир юридик фактни белгилаш ёхуд ишдаги маълум вазият бўйича қабул қилинади.

Жиноят ишини қўшимча терговга ўтказиш учун прокурорга юбориш, янги айблов бўйича ёхуд янги шахсга нисбатан иш кўзгатиш, ишни тугатиш ёки тўхтатиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, рад этиш тўғрисида ажримлар, шунингдек хусусий ажримлар суд томонидан алоҳида ҳонада (маслаҳатхонада) чиқарилади. Бу ажримлар алоҳида ҳужжатлар тарзида расмийлаштирилади ва суд томонидан имзоланади.

Бошқа барча ажримлар суднинг хохиши б-н ёки юқорида кўрсатилган тартибда ёки ўз жойида чиқарилиб, бу ажрим суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

Суд муҳокамаси вақтида суд чиқарган ҳар бир ажрим дархол эълон қилиниши лозим.

Биринчи инстанция судининг ажрими шу ажрим устидан кассация тартибда хусусий шикоят бериш ва хусусий протест билдириш муддати ўтиши б-н ёхуд шикоят ёки протест билдирилган тақдирда иш юқори судда кўрилиб бўлгандан кейин қонуний кучга қиради ва ижро этилади.

Суднинг шикоят берилиши, протест билдирилиши мумкин бўлмаган ажрими шу ажрим чиқарилиши биланок дархол кучга қиради ва ижро этилади.

Жиноят ишини тугатиш ҳақидаги С.а.нинг айбланувчини ёки судланувчини қамқондан озод қилишга оид қисми дархол ижро этилиши лозим.

Кассация инстанцияси судининг ажрими у эълон қилинган пайтдан қонуний кучга қиради.

Юқори инстанция С.а., қонунда назарда тутилган қоидаларга риоя қилиб ижро этирилади. Ажримни ижро этириш уларни қабул қилган суд зиммасига юқлатилади.

Иш апелляция, кассация ёки назорат тартибда кўрилганда ҳукм ўзгартирилган бўлса, ҳукм нусхасига апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими нусхаси илова қилинади.

Жиноят ишнн кўриш жараёнида жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар аниқланганидан кейин суд хусусий ажрим чиқариб, унда тегишли давлат органларидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, жамоат бирлашмаларидан, жамоалардан ёки мансабдор шахслардан ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўришни талаб қилади.

Жиноят сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисидаги хусусий ажрим юборилган давлат органи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, жамоат бирлашмаси, жамоа ёки мансабдор шахс зарур чораларни кўриши ва кўрилган чораларнинг натижалари тўғрисида кечи б-н бир ойлик муддат ичида тегишинча судни хабардор қилиши шарт.

Хусусий ажрим бажарилмаган ёки виждопан бажарилмаган тақдирда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг айбдор раҳбари қонунга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

С.а. – биринчи инстанция судининг ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарорларига айтилади. Ажримлар суд томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ЎзР ФПКнинг 14 ва 204-м.ларида белгиланган тартибда чиқарилади ва ишга кўшиб қўйилади. Мураккаб бўлмаган масалалар ҳал этилганида суд ўз жойида ажрим чиқариши мумкин. Бундай ажрим суд мажлисининг баённомасига киритилади. Ажримлар чиқарилиши б-н дарҳол эълон қилинади. С.а.да қуйидагилар кўрсатилади: ажримнинг чиқарилган вақти ва жойи; суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби; ишда иштирок этувчи шахслар; низо предмети ва ажрим б-н ҳал қилинаётган масаланинг моҳияти; суднинг ҳулосасига олиб келган асослар ва суд қўллаган қонунлар; суднинг ҳал этилаётган масала юзасидан ҳулосаси; ажрим устидан шикоят бериш (протест келтириш) тартиби ва муддати.

СУД БАЛЛИСТИКА ЭКСПЕРТИЗАСИ – ўқотар қуролларни қўллаш б-н боғлиқ фактларни аниқлашга қаратилган криминалистик экспертиза тури. С.б.э. ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни туркумлаш, идентификация қилиш, ўқ отилиш вазиятларини белгилаш, қуролларнинг ҳолатларини аниқлаш б-н боғлиқ масалаларни ҳал қилишга қаратилган.

СУД БАЛЛИСТИКАСИ – қ.: *Баллистика*.

СУД БОШҚАРУВЧИСИ – банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида хўжалик суди томонидан тайинланадиган шахс (муваққат бошқарувчи, санация қилувчи бошқарувчи, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси) (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Олий маълумотга ҳамда камида икки йиллик иш стажига эга бўлган, шунингдек банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органида аттестациядан ўтган шахслар С.б.лари этиб тайинланиши мумкин.

С.б.лари этиб қуйидагилар тайинланиши мумкин эмас: қарздор ёки кредиторларга нисбатан манфаатдор шахслар;

судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;

якка тартибдаги тадбиркорлар, агар уларга нисбатан банкротлик таомили жорий этилган бўлса;

илгари суд бошқарувчиси вазифасини бажараётган

пайтда қарздорга, кредиторларга зарар етказган ва бу зарарнинг ўрнини қопламаган шахслар;

бошқа шахсларнинг ишларини ва (ёки) мол-мулкни бошқариш б-н боғлиқ фаолиятни амалга оширишига чеклов белгиланган шахслар (бундай фаолият б-н шуғулланишдан маҳрум этилган ёки бундай фаолиятга нолайик деб топилган шахслар) (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 18-м.си).

С.б. қуйидагиларни амалга оширишга ҳақли:

кредиторлар йиғилишини чақириш;

“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунда назарда тутилган ҳолларда кредиторлар қўмитасини чақирилишини талаб қилиш;

олдиндан давлат божи тўламай туриб, даъво аризалари ва б. аризалар б-н хўжалик судига мурожаат этиш;

“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 22-м.сига мувофиқ ҳақ олиш;

ўз ваколатларини амалга оширишни таъминлаш учун бошқа шахсларни шартнома асосида улар фаолиятига қарздорнинг маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда, агар кредиторлар б-н тузилган битимда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, жалб этиш;

ўз вазифасини бажаришни муддатидан илгари тугатиш тўғрисида хўжалик судига ариза бериш.

С.б. қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

С.б. қарздорнинг мол-мулки бут сақланиши юзасидан чоралар кўриши;

кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши;

қарздорнинг молиявий аҳволини таҳлил этиши;

хўжалик суди томонидан белгиланган вазифаларни бажариши;

зиммасига юклатилган вазифаларни бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда қарздорга, кредиторларга ва учинчи шахсларга зарар етказилган бўлса, уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

С.б.нинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

С.б. банкротлик таомилларини ўтказаятганда қарздор ва кредиторларнинг манфаатларини кўзлаб инсоф б-н ва оқилона иш олиб бориши шарт (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 19-м.си).

СУД ДЕПАРТАМЕНТИ – қ.: *Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти*.

СУД ИЖРОЧИСИ – ЎзР Адлия вазирлигининг тизимига кирувчи Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг мансабдор шахси.

С.и.нинг асосий вазифаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунда назарда тутилган суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш.

“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунга мувофиқ, ўрта махсус (юридик) ёки олий (юридик) маълумотга эга бўлган ЎзРнинг фуқароси С.и. бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, олий юридик маълумотга эга бўлган ЎзР фуқароси катта С.и. бўлиши мумкин.

С.и. лавозимига тайинлаш учун кадрларни танлаб олиш танлов асосида амалга оширилади. Катта С.и.лари ва С.и.ларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш Суд департаментининг директори б-н келишилган ҳолда Суд департаментининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи томонидан амалга оширилади.

С.и. хокимият вакили ҳисобланади ва у хизмат вазифаларини бажараётганда ЎЗР Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган намунадаги формали кийим-бош кияди.

С.и.ларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари ходимларининг мансаб даражалари берилди.

Суд департаментининг директори лавозимига кўра ЎЗРнинг Бош С.и., ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари тегишлича ҚР, вилоят ва Тошкент ш.нинг бош С.и.дир. Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси бошлиғи ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари бошлиқлари лавозимига кўра тегишлича бош суд ижрочиларининг ўринбосарларидир.

Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси ва ҳудудий бошқармаларнинг суд қарорларини ижро этиш бўлимлари ходимлари С.и.лари мақомига эга бўлади.

С.и. ижро ҳаракатларини амалга оширишда:

давлат органларидан ва б. органлардан, ташкилотлардан ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотлар олиш;

давлат органларига ва б. органларга, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

ишлаётган қарздорларга нисбатан қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларда суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларининг ижро этилишини ҳамда молнийвий ҳужжатларнинг юритилишини ижро иши юритишга мувофиқ текширувдан ўтказиш;

ижро иши юритишда иштирок этаётган жисмоний ва юридик шахсларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш масалалари юзасидан топириқлар бериш;

қарздорлар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган, қарздорга қарашли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлганда эса бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойларга ва шу жумладан турар жойларга ва оморларга кириш, зарур бўлган ҳолларда жойлар ҳамда оморларни мажбуран очиш ва ҳолислар иштирокида кўздан кечириш, ўзга шахсларда қарздорга тегишли бўлган мол-мулк борлигини тасдиқловчи ҳужжатли маълумотлар мавжуд бўлмаганда эса бундай ҳаракатларни бошқа шахслар эгаллаб турган ёки уларга қарашли бўлган жойлар ва оморларда суд ажрими асосида амалга ошириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ

мол-мулкни хатлаш, хатланган мол-мулкни олиб қўйиш, сақлашга топшириш ва реализация қилиш;

қарздорнинг банклардаги ва б. кредит ташкилотларидаги ҳисобварақларида, омонатларида турган ёки сақлаш учун қўйилган пул маблағлари ҳамда ўзга қимматликларини хатлаш;

қарздор ва унинг дебиторларининг ҳисобварақларига ижро ҳужжатлари бўйича қарз суммаларни ундириш ҳақида инкассо топиширикномаларини қўйиш;

олиб қўйилган мол-мулкни вақтинча сақлаш учун давлат мулкдаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан, мулкдорнинг розилиги б-н эса, бошқа мулкдаги жойлардан фойдаланиш, бундай мол-мулкни сақлаш мажбуриятини тегишли шахслар зиммасига юклаш, ундирувчининг ёки қарздорнинг транспорт воситасидан мол-мулкни ташиниш учун сарф-харажатларни қарздорнинг ҳисобига кiritган ҳолда фойдаланиш;

ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда асос бўлган ижро ҳужжатидаги талабларда ноаниқлик бўлган тақдирда, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органдан уни ижро этиш тартибини тушутириб беришни сўраб мурожаат этиш;

ижро иши юритишда иштирок этувчи шахсларни чақириниш;

ижро йиғимларини, С.и. томонидан солинган жарималарни ва ижро ҳаражатларини ундириш;

қарздор жисмоний шахсга, унинг мол-мулкига ёки олиб қўйилиши лозим бўлган болага нисбатан қидирув эълон қилиш;

ижро ҳаракатларини амалга оширишда юзага келган масалалар бўйича, шу жумладан ижро усули ва тартибини ўзгартириш масаласида судга ёки бошқа органга ариза б-н мурожаат қилиш;

ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида, зарур ҳолларда, ички ишлар органларининг ходимларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш;

ижро ҳужжатлари талабларини узрсиз сабабларга кўра ихтиёрый равишда бажармаган, суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган қарздорларга нисбатан маъмурий жазо қўллаш, шунингдек суд ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаган ёки суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш чораларини кўриш;

қонунда белгиланган тартибда мол-мулкни баҳолаш; мол-мулкни баҳолаш учун мутахассисларни жалб этиш; қарздор жисмоний шахснинг ЎЗРдан чиқиб кетишига вақтинча чеклаш белгилаш ҳуқуқига эга.

С.и. ижро ҳужжатларини амалга оширишда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

С.и. ўзига берилган ҳуқуқлардан қонунга мувофиқ фойдаланиши ҳамда ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари камситилишига йўл қўймаслиги шарт.

С.и.:

ижро иши юритишда иштирок этаётган шахсларга уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушутириши;

ижро ҳужжатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ижро этилиши чораларини кўриши;

ижро иши юритиш тарафларига ёки уларнинг вакиллариغا ижро иши юритиш материаллари б-н танишиш, улардан кўчирмалар, нусхалар олиш имкониятини бериши;

тарафларнинг ижро иши юритиш борасидаги аризаларини ва илтимосномаларини кўриб чиқиши, шикоят қилиш муддатлари ва тартибини тушутирган ҳолда тегишли қарорлар чиқариши;

агар ўзи ижро иши юритиш жараёнидан манфаатдор бўлса ёки унинг бегаразлигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини ўзи рад этиши шарт.

С.и.нинг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

СУД ИНСТАНЦИЯСИ – белгиланган ваколатга эга суд ёки унинг таркибий қисми.

ЎЗР ЖПК биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанциялари мавжудлигини кўрсатган (жиноят ишлари бўйича). Худди шунингдек фуқаролик ва ҳўжалик ишлари ҳам бир неча инстанцияда кўрилади.

ЎЗР ФПК 11-м.сига кўра биринчи инстанция суди фуқаролик ишнинг кўраётганида ишга оид далилларни бевоқиф текшириши: ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришларини, гувоҳларнинг кўрсатмаларини, экспертлар ва мутахассислар хулосаларини эшитиши, ёзма далиллар б-н танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши шарт. Ишнинг кўриш оғзаки равишда ўтади. Ишнинг кўриш жараёнида судья алмаштирилган тақдирда, иш бошидан қайта кўрилиши керак.

ЎЗР ФПКнинг 13-м.сига мувофиқ барча биринчи инстанция судларида ишлар судьянинг яққа ўзи томонидан кўрилади. Ишнинг судьянинг яққа ўзи кўрганида, у суд номидан иш юритади.

Ишнинг апелляция ва кассация тартибда кўриш ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСда, фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва Тошкент ш. судларида уч нафар судьядан иборат таркибда, назорат тартибда кўриш эса Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда амалга оширилади.

ЎЗР ОСнинг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ишлар апелляция, кассация тартибда ва назорат тартибда уч нафар судьядан иборат таркибда, ЎЗР ОСнинг Раёсатида – Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда, ЎЗР ОСнинг Пленумида – Пленум таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади.

ЎЗР ЖПКнинг 389-м.сига тум. (ш.) судлари, ҚР ОС, вилоят ва Тошкент ш. судлари, ЎЗР ОС биринчи инстанцияда қандай ишларни кўришга белгиланган. Бундан кўрииб турибдики, ўрта ва юқори бўғиндаги судлар ҳам кассация, апелляция ва назорат инстанциясидан ташқари биринчи инстанцияда иш кўришлари мумкин.

ЎЗР ЖПК 28-м.сига асосан биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқига эга. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний қучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний қучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоят ва протестлар бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаради. Назорат инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган протестлар бўйича ишларни улар апелляция ёки кассация тартибда кўриб чиқилганидан кейин кўриб, қарор (ажрим) чиқаради.

ЎЗР ЖПК 497-м.сига суднинг қонуний қучга кирмаган ҳукмлари устидан апелляция тартибда шикоят бериш ёки протест билдириш мумкинлигини белгилайди. Биринчи

инстанция судининг суд муҳокамаси вақтида чиқарилган ажрим устидан апелляция тартибда шикоят бериш ва протест билдириш ҳукм устидан шундай ҳаракатларни содир этиш б-н бир пайтнинг ўзида амалга оширилиши мумкин.

Судларнинг қучга кирган ҳукми у апелляция тартибда кўрилмаган бўлса кассация тартибда кўрилади. Кассация ва апелляция тартибда кўрилган ишлар бўйича чиқарилган ҳукм ва ажрим қонун (ЎЗР ЖПК 498-м.сига)да кўрсатилган шахсларнинг шикояти асосида кўрилади.

Ҳукм ва ажрим назорат тартибда кўрилиши учун шикоят асосида қонунда белгиланган шахслар протест киритиши шарт.

ЎЗР ХПКнинг 15-м.сига асосан ҳўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг яққа ўзи томонидан, ЎЗР ОХСда эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Суд раисининг қарори б-н ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин. Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар ҳўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади. Иш ҳайъатда кўрилаётганда суднинг таркиби уч ёки ундан ортиқ тоқ нафар судьядан иборат бўлиши керак.

СУД ИШЛАРИ ЮРИТИЛАДИГАН ТИЛ – ЎЗРда суд ишлари ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

ЎЗР ФПК 9-м.сига асосан С.и.ю.т.ни билмайдиган шахсларга ишга тааллуқли материаллар б-н ўз тилида тўлиқ танишиб чиқиш, она тилида кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, судда сўзлаш, арз б-н мурожаат этиш ва илтимосномалар тақдим этиш, шунингдек қонунда белгиланган тартибда таржимоннинг хизматидан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланади. Суд ҳужжатлари ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг она тилларига ёки улар билладиган бошқа тилга таржима қилиб топширилади.

ЎЗР ЖПК 20-м.сига мувофиқ айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар билладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

ЎЗР ХПКнинг 10-м.сига турли давлатларнинг қорхона, муассаса ва ташкилотлари ўртасидаги ҳўжалик низолари суднинг ажримига биноан тарафлар учун мақбул тилда олиб борилади деб белгиланган.

СУД МАЖЛИСИ – ишнинг судда кўриш учун очилдиган мажлис. Судья (судьялар) мажлис залига кириб келганида ва ундан чиқиб кетаётганида С.м. залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси ўрнидан туради. Мажлисда иштирок этувчилар судга мурожаат қилишда, ўзларининг кўрсатув ва тушунтиришларини баён қилишда тик туриб гапирадилар. Бу қонундан узрли сабабга кўра четга чиқишга фақат раислик қилувчининг рухсати билангина йўл қўйилиши мумкин. С.м. залида ҳозир бўлган ҳамма фуқаролар С.м.да белгиланган тартибга риоя қилишлари ва раислик қилувчининг фармойишларига сўзсиз итоат этишлари шарт.

Суднинг алоҳида хонада (маслаҳатхонада) чиқарган қарорларини С.м. залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси тик туриб эшитади.

ЎзР ФПКнинг 162-м.сига мувофиқ, фуқаролик иши ишда иштирок этувчи шахсларни албатта хабардор қилган ҳолда суднинг очиқ мажлисида кўрилади. Ёпиқ С.м. қонунда назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этувчи шахсларнинг талаби б-н ёки суднинг ташаббуси б-н ўтказилади. Ушбу Кодекснинг 163-м.сига асосан, ишни кўриш учун тайинланган вақтда судья (судьялар) мажлис залига қиради, С.м.ни очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилади.

ЎзР ХПКнинг 126-м.сига кўра, иш хўжалик судининг мажлисида кўрилади.

ЎзР ЖПКга мувофиқ, С.м. С.м.нинг тайёрлов қисми (51-боб), суд тергови (52-боб), тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзи (53-боб). ҳукм (54-боб)дан иборат.

СУД МАЖЛИСИ БАЁННОМАСИ – суднинг бориши ва процессуал ҳаракатларнинг натижалари ёзиб бориладиган ёзма ҳужжат. С.м.б.ни юритиш тартиби ЎзР ФПК, ЎзР ХПК, ЎзР ЖПКда ўрнатилган.

ЎзР ФПКга мувофиқ, суднинг ҳар бир суд мажлиси тўғрисида, шунингдек суд мажлисидан ташқари қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисида баённома тузилади (20-м.).

С.м.б.да ишни кўришнинг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатлари акс эттирилиши лозим. С.м.б.да, хусусан, қуйидагилар кўрсатилади: 1) суд мажлиси бўлиб ўтган йил, ой, кун ва жой; 2) суд мажлиси бошланган ва тамомланган вақт; 3) ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби ва суд мажлисининг котиби; 4) ишнинг номи; 5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва одил судловга кўмаклашаётган шахсларнинг келган-келмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар; 6) суднинг тарафлар ва процесснинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтирганлиги; 7) ЎзР ФПК 21-моддасининг 5-бандида кўрсатилган шахсларга чақирув қовози топширилганлиги тўғрисидаги ва улар суд мажлисига келмаганлигининг сабаблари ҳақидаги маълумотлар; 8) раислик қилувчининг барча фармойишлари ва суднинг алоҳида хонага (маслаҳатхонага) чиқмасдан чиқарган ажримлари; 9) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари; 10) судга тақдим этилган ҳамма ёзма ва ашёвий далиллар, экспертларнинг ёзма хулосалари тўғрисидаги маълумотлар; 11) ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари, мутахассисларнинг фикрлари, ашёвий ва ёзма далилларни кўздан кечиришга тааллуқли маълумотлар; 12) суд музокараларининг мазмуни ва прокурорнинг фикри; 13) суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори ўқиб эшиттирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар (2-м.).

Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганида мажлисдан ташқарида тузилади. Ишда иштирок этувчи шахслар ўзлари иш учун аҳамиятли деб ҳисоблаган ҳолатларни баённомага киритиш тўғрисида илтимосномалар тақдим этишга ҳақлидирлар. Тарафларнинг, учинчи шахсларнинг ўзлари қўйган талаблардан бутунлай ёки қисман воз кечганлиги, қўйилган талабларга иқдорлиги, ишни келишув битими б-н тамомлаш тўғрисидаги аризалари баённомага киритилиб, тегишли бўлишига қараб,

тарафларнинг бири ёки иккаласи томонидан имзоланади. Баённома суд мажлиси тамом бўлганидан ёки алоҳида процессуал ҳаракат амалга оширилганидан кейин кечи б-н уч кунда раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланиши керак. Киритилган барча ўзгаришлар, тузатишлар, қўшимчалар ҳақида баённомада изох берилиши лозим (22-м.).

ЎзР ХПКнинг 134-м.сига асосан, суд мажлисида, шунингдек суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади. С.м.б.да қуйидагилар кўрсатилади: 1) суд мажлиси ўтказилган йил, ой, кун ва жой; 2) ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби; 3) ишнинг номи; 4) ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари келганлиги тўғрисидаги маълумотлар; 5) ишда иштирок этувчи шахсларга ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар; 6) суд томонидан мажлис залидан чиқиб кетмасдан чиқарилган ажримлар; 7) ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки арзлари ва илтимосномалари; 8) гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари; 9) айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда олинган маълумотлар. Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат бажарилган вақтда мажлисдан ташқарида тузилади. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан мажлисининг эртаси кундан кечиктирмай ёки бевосита шу ҳаракат бажарилганидан кейин имзоланиши керак. Хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари баённома имзоланганидан кейин уч кунлик муддатда суд мажлисининг ёки процессуал ҳаракатнинг баённомаси билан танишиш ҳамда унинг тўла-тўқислиги ва тўғри тузилганлиги хусусида ўз фикрларини бериш ҳуқуқига эга. Судья баённома хусусида фикрлар қабул қилинганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

ЎзР ЖПКнинг 426-м.сига биноан, суд муҳокамаси вақтида суд мажлисининг котиби ЎзР ЖПКнинг 90–92-м.ларида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юртади. С.м.б.да қуйидагилар кўрсатилади: суд мажлиси бошланган ва тамом бўлган вақт кўрсатилган ҳолда мажлис бўлган жой ва сана; суднинг номи ва таркиби; суд мажлисининг котиби, таржимон, айбловчи, химоячи, судланувчи, жабрланувчи ва унинг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, шунингдек суд чақирган бошқа шахслар; кўрилаётган иш; судланувчининг шахсига доир маълумотлар; ҳозир бўлган ва ҳозир бўлмаган гувоҳлар ҳамда уларнинг келмаганлик сабаблари. Баённомада: раислик қилувчининг барча фармойишлари кўрсатилади ва суднинг ҳаракатлари қандай тартибда ўтган бўлса, шу тартибда ёзилади; ишда иштирок этувчи шахсларнинг ариза ва илтимослари; судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатувларининг батафсил мазмуни; берилган саволларга экспертнинг жавоблари; суд музокараларининг тартиби, суд музокараларида иштирок этган шахсларнинг хулосалари ҳамда судланувчи охириги сўзининг мазмуни; башарти процесс иштирокчилари илтимос қилсалар, ишни кўриш пайтида юз берган ҳолатлар тўғри-

сидаги мулохазалар акс эттирилади. Суд зарур деб топган ҳолларда гувоҳлар ва жабрланувчилар ўзлари берган кўрсатувларини С.м.б.да имзолайдилар. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби томонидан имзоланади. Баённоманинг мазмуни бўйича раислик қилувчи б-н суд мажлисининг котиби ўртасида келишмовчилик бўлган тақдирда котиб ўз мулохазаларини баённомага илова қилиши шарт, бу мулохазалар суд таркиби томонидан кўрилади. Мазкур масала юзасидан ажрим чиқарилиб, баённомага илова қилинади. Баённома тўлиқ бўлишини таъминлаш учун стенограмма юритилиши мумкин. Стенографик ёзув ишга илова қилинмайди. Суд муҳокамаси чоғидаги сўроқ қилишлар овоз ёзиш, видеоёзув ёки кириотасвирга олиш воситаларида акс эттирилиши мумкин. Бундай ҳолда фонограмма, видеокассета ва кинотасма С.м.б.га илова қилиниб, баённомада ушбу воситалар қўллангани қайд этилади. С.м.б. ҳукм чиқарилган кунининг эртасидан, мураккаб ишлар бўйича эса уч суткадан кечиктирмай имзоланиши лозим.

СУД МАЖЛИСИДА РАИСЛИК ҚИЛУВЧИ – ЎзР ФПКнинг 164-м.сига мувофиқ, суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади. Раислик қилувчи суд мажлисини бошқариб, ишнинг барча ҳолатлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўлиқ, ҳар тарафлама ва ҳолисона аниқланишини, суд процессининг тарбиявий таъсирини таъминлайди, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳамма нарсани суд муҳокамасидан четлатади. Ишда иштирок этувчи шахслар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, гувоҳлардан бирортаси раислик қилувчининг хатти-харакатига эътироз билдирса, бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига киритилади ва масала суд томонидан ҳал қилинади. Раислик қилувчи суд мажлисида тегишли тартибни таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўради.

ЎзР ХПКнинг 126-м.сига кўра, мажлисга раислик қилувчи судья: 1) хўжалик судининг мажлисини очади ва қандай иш кўрилишини эълон қилади; 2) ишда иштирок этувчи шахслар, хўжалик судлов ишларини юртишнинг бошқа иштирокчилари мажлисга келганлигини, уларнинг ваколатларини, мажлисга келмаган шахслар тегишли равишда хабардор қилинганликларини ҳамда улар келмаганлигининг сабаблари тўғрисида қандай маълумотлар борлигини текширади; 3) суд таркибини эълон қилади, прокурор, эксперт, суд мажлиси котиби, таржимон сифатида кимлар иштирок этаётганлигини маълум қилади ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга уларнинг рад қилиш ҳуқуқини тушунтиради; 4) келган гувоҳларни сўроқ қилиш бошлангунча уларни мажлис залидан чиқариб юборади; 5) ишда иштирок этувчи шахсларга ҳамда хўжалик судлов ишларини юртишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради; 6) таржимонни била туриб нотўғри таржима қилганлик учун, экспертни била туриб нотўғри хулоса берганлик ёки хулоса беришдан бош тортганлик учун, гувоҳларни била туриб ёлғон кўрсатув берганлик ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки бўйин товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради; 7) мажлисни олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилайди; 8) мажлисга раҳбарлик қилиб, иш учун аҳамиятли ҳолат-

лар аниқланишини таъминлайди; 9) мажлисда тегишли тартибни таъминлаш чораларини кўради.

Мажлис залида ҳозир бўлганлар ёзма қайдномалар қилиш, стенограмма олиб бориш ва овоз ёзиб олиш ҳуқуқига эга. Суд мажлисини кинога ва фотосуратга олиш, видеоасвирга олиш, шунингдек радио ва телевидение орқали кўрсатишга ишни кўраётган суднинг руҳсати б-н йўл қўйилади.

ЎзР ЖПКнинг 408-м.сига асосан, суд мажлисида шу суднинг раиси, унинг ўринбосари ёки судья раислик қилади. Раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилади, ишнинг барча ҳолатларини синчковлик б-н, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириш ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун ЎзР ЖПКда назарда тутилган ҳамма чораларни кўради, кўрилаётган ишга алоқаси бўлмаган ҳолатларни суд муҳокамасига киритмайди. Раислик қилувчи суд мажлиси залида тартибга риоя қилинишини таъминлайди. Унинг фармойишлари тарафлар ва барча ҳозир бўлганлар учун мажбурийдир. Тарафлардан ёки бошқа шахслардан бирортаси раислик қилувчининг ҳаракатларига эътироз билдирган тақдирда, бу эътирозлар суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади.

СУД МУЗОКАРАСИ – фуқаролик процессуал қонунчилиқда С.м.лари ишда иштирок этувчи шахсларнинг нутқларидан иборат бўлади. С.м.да қатнашувчилар ўз нутқларида суд аниқламаган ҳолатларни, шунингдек суд мажлисида текширилмаган далилларни ва жабрланувчи ҳақли эмаслар. Дастлаб даъвогар ва унинг вакили, кейин жавобгар ва унинг вакили сўзлайди. Бошланган процесда низо предметига нисбатан мустақил талаби борлигини арг қилган учинчи шахс ва унинг вакили тарафлардан кейин сўзлайди. Низо предметига нисбатан мустақил талаби борлигини арг қилмаган учинчи шахс ва унинг вакили шу учинчи шахс ишда қайси даъвогар ёки жавобгар томонида иштирок этувчи бўлса, ана шу даъвогар ёки жавобгардан кейин сўзлайди. Бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат этган прокурор, шунингдек давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар С.м.ларида биринчи бўлиб сўзлайдилар. Суд томонидан процесда иштирок қилишга жалб этилган ёки процесга ўз ташаббуси б-н киришган давлат бошқаруви органларининг вакиллари С.м.ларида тарафлар ва учинчи шахслардан кейин сўзлайдилар. Музокара иштирокчилари бир-бирларига лўқма ташлашлари мумкин. Охириги лўқма ҳуқуқига доимо жавобгар ва унинг вакили эга бўлади.

ЎзР ЖПКнинг 449-м.сига кўра суд тергови тамомланганидан сўнг суд тарафларнинг музокарасини эшитишга ўтади. Музокара давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг нутқлари б-н бошланади. Сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Давлат айбловчиси ва жамоат айбловчисининг, шунингдек ҳимоячи ва жамоат ҳимоячисининг сўзга чиқиш навбатини суд уларнинг таклифларини инobatга олган ҳолда белгилайди.

Тарафлар ўзларининг нутқларида суд терговда кўриб чиқилмаган далилларни келтиришга ҳақли эмас. Текши-

риш учун судга янги далилларни тақдим этиш лозим бўлса, тарафлар суд терговини янгидан бошлаш тўғрисида илтимос қилишлари мумкин.

Давлат айбловчиси суд терговининг якунларини инобатга олиб, ўз нутқида судланувчининг айблилиги ёки айбли эмаслиги тўғрисидаги хулосасини асослантириши лозим. Давлат айбловчиси судланувчи айбли деган хулосага келганда, унга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган жазо тури ва меъёри ҳақида судга ўз фикрини баён қилади.

Тарафлар нутқ сўзлаб бўлганларидан кейин, улардан ҳар бири бошқа тарафнинг нутқларида айтилган масалалар юзасидан эътирозлар ёки мулоҳазалар б-н яна бир мартадан сўзга чиқишлари мумкин. Сўнги эътироз билдириш ҳуқуқи хамиша ҳимоячи ва судланувчига берилади.

Суд тарафларнинг музокарасини муайян муддат б-н чеклаб қўйиши мумкин эмас, лекин раислик қилувчи музокарада иштирок этаётган шахсларнинг нутқларини, башарти улар кўрилатган ишга дахли йўқ ҳолатларга тааллуқли бўлса, тўхтатиб қўйишга ҳақлидир.

С.м.лари тамом бўлганидан кейин раислик қилувчи судланувчига, агар у иштирок этаётган бўлса, охириги сўз беради, шундан кейин суд қарор чиқариш учун маслаҳатхонага қиради.

СУД МУҲОКАМАСИ – жиноят процессуал ҳуқуқи бўйича суд жараёнининг бир босқичи ҳисобланади. С.м.нинг умумий тартиблари ЎзР ЖПКнинг 50-бобида баён этилган. С.м. бешта асосий қисмлардан ташкил топади: суд мажлисининг тайёрлов қисми (ЎзР ЖПКнинг 428–438 м.лари); суд тергови (ЎзР ЖПКнинг 439–448 м.лари); тарафларнинг музокараси (ЎзР ЖПКнинг 449–450 м.лари); судланувчининг охириги сўзи (ЎзР ЖПКнинг 451-м.си); суднинг қарор қабул қилиш учун алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кириши ва у ерда ҳукмини чиқариб, суд залида уни эълон қилиши (ЎзР ЖПКнинг 453, 454-м.лари).

СУД МАЖЛИСИНING ТАЙЁРЛОВ ҚИСМИ – раислик қилувчи тайинланган вақтда суд мажлисини очади ва қандай жиноят иши кўрилишини эълон қилади (ЎзР ЖПКнинг 428-м.си).

Суд мажлисининг котиби давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, судланувчи, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёки уларнинг вакиллари судга келган-келмаганлиги тўғрисида ахборот беради. Шундан кейин судга таржимон, гувоҳлар, экспертлар ва мутахассислар келган-келмаганлиги текширилади. Котиб ҳозир бўлмаганларнинг ғима сабабдан келмаганлигини маълум қилади. Ишда иштирок этаётган шахсларнинг кимлиги паспорт ёки уларнинг шахсини гувоҳлантирувчи бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланади (ЎзР ЖПКнинг 429-м.си).

Раислик қилувчи таржимонга ЎзР ЖПКнинг 72-м.сида назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек жавобгарлигини тушунтиради.

Раислик қилувчи суд таркибини эълон қилади, кимлар давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси эканлигини, кимлар жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва кимлар уларнинг вакиллари эканлигини, кимлар суд мажлисининг котиби, эксперт, мутахассис, таржимон эканлигини маълум қилади. Шундан кейин судланувчига ва б. тарафларга уларнинг судьяни, суд таркибини ёки судьялардан би-

рортасини, шунингдек тарафлардан бирортасини рад қилиш ҳуқуқларини тушунтиради. Суд мажлисида захирадаги халқ маслаҳатчиси иштирок этаётган бўлса, раислик қилувчи бу ҳақда эълон қилади ва унинг фамилиясини айтади. Захирадаги халқ маслаҳатчиси ҳам рад қилиниши мумкин. Рад қилишлар ЎзР ЖПКнинг 80-м.сида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилинади.

Раислик қилувчи гувоҳларнинг суд мажлиси залидан алоҳида хонага чиқиб туришлари тўғрисида фармойиш беради. Кейинчалик у сўроқ қилинмаган гувоҳларнинг сўроқ қилинган гувоҳлар б-н, шунингдек суд мажлиси залидаги бошқа шахслар б-н мулоқотда бўлмаслиги чораларини кўради (ЎзР ЖПКнинг 432-м.си).

Судга чақирилган процесс иштирокчиларидан бирортаси келмаган тақдирда суд жиноят ишини муҳокама қилиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида тарафларнинг фикрини эшитади ва муҳокамани давом эттириш ёки уни кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқаради. Муҳокамани кейинга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилган тақдирда, суд ҳозир бўлган гувоҳлар ва экспертни сўроқ қилиши мумкин. Башарти кейинчалик иш суднинг яна ўша таркибда ёки ўша судья томонидан кўриладиган бўлса, процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлисига иккинчи марта фақат зарурат туғилган ҳолларда чақирилиши мумкин (ЎзР ЖПКнинг 433-м.си).

Раислик қилувчи судланувчининг шахсини аниқлайди. Сўнгра раислик қилувчи судланувчидан айблов хулосасининг нусхаси, шунингдек ЎзР ЖПК 388-м.сининг иккинчи қисмида санаб ўтилган процессуал ҳужжатларнинг нусхалари унга топширилган-топширилмаганлигини ва айнан қачон топширилганлигини сўрайди. Бу ҳужжатларнинг нусхалари топширилмаган ёки суд мажлиси бошланишига уч суткадан кам муддат қолганда топширилган бўлса, ишни муҳокама қилиш кейинга қолдирилиши лозим.

Раислик қилувчи судланувчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга ЎзР ЖПКнинг 46-м.сида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқларини тушунтиради. Сўнгра судланувчидан ана шу ҳуқуқларнинг ҳар бирини тушунган ёки тушунмаганлигини сўрайди. Башарти судланувчи салбий жавоб берса, раислик қилувчи унинг ёшини, умумий заковат даражасини, руҳий ва жисмоний ҳолатини эътиборга олиб, унга ҳуқуқларини қайтадан тушунтиради.

Раислик қилувчи жамоат айбловчисига, жамоат ҳимоячисига, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларига ЎзР ЖПКнинг тегишлича 43, 44, 55, 57, 59, 61 ва 63-м.ларида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

Раислик қилувчи экспертга ва мутахассисга уларнинг ЎзР ЖПКнинг тегишлича 68 ва 70-м.ларида назарда тутилган суд муҳокамасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтиради.

ЎзР ЖПКнинг 438-м.сига мувофиқ, С.м.т.к. илтимослар бор-йўқлигини аниқлаш билан якунланади. Раислик қилувчи тарафлардан янги гувоҳлар, экспертлар ёки мутахассислар чақириш, ашёвий далиллар ва ҳужжатлар талаб қилиб олиш тўғрисида уларнинг илтимослари бор-йўқлигини сўрайди. Илтимос қилувчи тараф қўшимча да-

лиллар айнан қайси ҳолатларни аниқлаш учун зарурлигини кўрсатиши шарт.

СУД НАЗОРАТИ – ЎзР Конс.сидан (106 ва 107-м.лари) келиб чиқадиган ва процессуал қонун ҳужжатлари б-н белгиланган шаклларда амалга ошириладиган юқори судларнинг қуйи судлар томонидан ўз ваколатларини лозим даражада амалга оширилишини таъминлаш соҳасидаги фаолияти.

Умумий юрисдикция судларида С.н. коида тарикасида, ЎзРнинг ФПК, ЖПК ва МЖКнинг тегишли қондалари б-н белгиланган доирага солинган. Мазкур кодекслар (маълум тоифа ишлар бўйича иш юритуви жараёнида юзага келадиган бошқа масалалар б-н бир қаторда) қуйи судларнинг ҳукмлари ва б. қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини текшириш қондаларини тартибга солади. Фуқаролик ва жиноят ишларига нисбатан мазкур текширувни амалга ошириш учун номлари зикр этилган қонунларда махсус тартиб-қоидалар белгиланган. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш якуналари бўйича чиқарилган суд қарорларининг қонунийлиги ва асосланганлигини текширишнинг ўз тартиби мавжуд бўлиб, у ЎзРнинг МЖКда белгиланган.

ЎзР Конс.си 110-м.сида ЎзР ОС ҚР Ослари, вил.лар, ш.лар, тум.лараро, тум. судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга, деб белгиланганлиги, 1994 й. 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 й. 1 апрелдан қучга кирган ЎзР ЖПКга илгари амалда бўлган Жиноят-процессуал кодексларида батафсил назарда тутилмаган ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ва унинг умумий шартларини белгиловчи ўн биринчи бўлим киритилганлиги, шунингдек ЖПКга 2000 й. 14 декабрдаги ЎзР Қонуни б-н “Апелляция тартибида иш юриши” тўғрисидаги 551-бобнинг киритилиши ҳамда кассация инстанциясида иш юриши тартибининг такомиллаштирилиши б-н С.н.га бўлган эътибор янада қучайди. ЎзР Президентининг 2005 й. 8 августдаги “Қамокка олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги Фармони эълон қилиниши б-н С.н. янада кенгайиб, унинг 2008 й. 1 январдан дастлабки терговга ҳам жорий қилиниши белгиланди. Шу тарика жиноят процессининг дастлабки тергов, жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш; ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш босқичларида С.н.ни бир тизимга солиш имконияти яратилди.

С.н.ни мустақил фаолият йўналиши деб эътироф этишга барча асослар мавжуд. Чунки, юқорида таъкидланганидек, биринчидан, жиноят процессининг деярли барча босқичларида амал қилади. Иккинчидан, ўзининг мустақил мақсад ва вазифасига, иштирокчиларига ҳамда процессуал ҳужжатларига эга. Жиноят процессида С.н. суд ҳокимиятининг мустақил конституциявий фаолият йўналиши бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳамда гайриқонуний, асоссиз, адолатсиз бузилган ҳуқуқларни тиклаш б-н боғлиқ ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Ҳўжалик процессида С.н. ЎзР ХПКда назарда тутилган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Ўз номига кўра мазкур тартиб-қоидалар умумий юрисдикция судларида қўлланиладиган тартиб-қоидалар б-н бир хил, лекин мазмунан улар жиддий фарқ қилади.

СУД ПРЕЦЕДЕНТИ (лот. praecedens – бўлиб ўтган) – бир суд томонидан чиқарилган қарорнинг бошқа судлар (инстанция) томонидан айнан бир иш бўйича бир хилда қарор чиқаришини таъминлаш. С.п. Рим адлия соҳасида катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳозирда С.п. ҳуқуқ манбан сифатида АҚШ, Англия, Канада, Австралия давлатларида қўлланилади. С.п. – муайян иш бўйича чиқарилган, келажакда шунга ўхшаш ҳолатлар муносабати б-н юзага келган бошқа ишлар бўйича қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган суд қарори. Бизнинг ҳуқуқ тизимимизда С.п.дан хатто унинг “муаллифи” юқори суд бўлган ҳолларда ҳам қарорлар қабул қилиш учун юридик асос сифатида фойдаланиш мумкин эмас. Муайян ҳуқуқ нормаларини талқин қилишда одатда С.п.га ҳавола қилинади.

СУД ПРИСТАВЛАРИ – айрим хорижий мамлакатлардаги махсус ҳокимият вакиллари. Жумладан, РФ ва Қозоғистон Республикасида шундай ҳокимият вакиллари мавжуд. Қозоғистон Республикасининг 1997 й. 7 июлда қабул қилинган “Суд приставлари тўғрисида”ги Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, суд приставлари суднинг белгиланган тартибдаги фаолиятини таъминлашдан ташқари, қонунда назарда тутилган ҳолларда суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларини ижро этиш бўйича суд ижрочилари билан биргаликда ўзаро ҳаракат қиладилар. РФнинг “Суд приставлари тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, суд приставлари зиммасига РФ КС, РФ ОС, РФ Олий Арбитраж суди, умумий юрисдикция ва арбитраж судларининг белгиланган тартибдаги фаолиятини таъминлаш ҳамда суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларини ижро этиш бўйича “Ижро иш юритуви тўғрисида”ги Федерал Қонунда белгиланган тегишли вазифаларни амалга ошириш юклатилади.

СУД ПСИХИАТРИЯСИ – тиббиёт фани бўлиб, умумий тиббиёт ва умумий психиатрия ютуқларига таянган ҳолда суд, тергов органлари иш фаолиятида инсон руҳий ҳолатидаги бузилишлар тўғрисида юзага келган саволларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу фан ўзининг махсус вазифаларига эга бўлиб, бу вазифалар икки асосий масалага қаратилган, яъни жиноят ишларида ақли расолик ва ақли норасолик ҳамда фуқаролик ишларида муомалага лаёқатлилик ва муомалага лаёқатсизликни аниқлаш. С.п. жиноий ва фуқаролик жараёнларида суд психиатрия экспертизасини амалга ошириш ҳамда экспертиза амалиёти талаби асосида юзага келган назарий муаммоларни ишлаб чиқиш масалаларини ҳал қилади.

СУД ПСИХИАТРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ – суд экспертизасининг бир тури бўлиб, асосий вазифаси айбланувчи ва гумон қилинувчиларнинг, гувоҳлар, жабрланувчи, даъвогар ва жавобгарларнинг руҳий ҳолатини аниқлашдир. “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги ЎзР Қонуни 5-м.сига асосан барча турдаги психиатрия экспертизаси давлат томонидан қафолатланади.

СУД ПСИХОЛОГИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ – суд экспертизасининг бир тури бўлиб, дастлабки тергов ва одил судловни амалга ошириш ҳамда жиноят содир этган шахсларни қайта тарбиялаш вазифаларини тўғри ҳал этишга ёрдам беради. Психологик билимлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида турлича қўлланилади, биринчи навбатда, дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан бе-

восита шахсни тўғри диагностика қилиш, одамга индивидуал ёндашиш, вазиятга энг кўп даражада мос келувчи тактик усул ва ечимларни танлаш ва қўллашни таъминлайди. С.п.э.ни ўтказишга эҳтиёж асосан ҳаётга, соғлиққа, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа, шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига, жамоат ҳавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятларни тергов қилишда юзага келади.

СУД ПСИХОЛОГИЯСИ – психология соҳаси; ҳуқуқбузарлар (криминал психология) ва гувоҳлар (гувоҳлар психологияси)га тааллуқли масалалар доирасини ўрганади. Адолатли ҳукм чиқаришга ёрдам бериш мақсадида бирон-бир қилмиш ёки жиноятнинг психологик шарт-шароитлари ва (умумий ёки хусусий) сабабларини тадқиқ қилади. Судья, терговчи, адвокат ва б. ҳуқуқ-тартибот соҳаси ходимларининг психологиясини, бу тизимдаги шахсларни ихтисосликка саралаш ва ўқитиш услубларини ўрганиш С.п.нинг вазифасидир. Жазо муддатини ўташ мобайнида жиноятчиларни қайта тарбиялаш, уларда жиноятчилик туйғуларини бартараф этишда ҳам С.п.нинг аҳамияти катта.

СУД РАИСИ – ЎзРда мавжуд судларнинг (КС, ОС, ОХС, вил., тум., ш. судлари) раиси; ваколатли мансабдор шахс; давлат хизматчиси.

СУД САНАЦИЯСИ – ҳўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Ҳўжалик судининг С.с.ни жорий этиш тўғрисидаги ажримда С.с.нинг муддати кўрсатилиши, унда ҳўжалик суди томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ҳақидаги, бундай таъминотнинг миқдори ва шакллари, санация қилувчи бошқарувчинини тайинлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори ҳақидаги маълумотлар бўлиши керак.

С.с. кўпи б-н йигирма тўрт ойлик муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотиини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириши учун ҳўжалик суди томонидан кўпи б-н олти ойга узайтирилиши мумкин (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 78-м.си).

С.с. жорий этилган пайтда:

кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади;

қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;

С.с. пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва б. иқтисодий (молиявий) санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 79-м.си).

СУД ТАРКИБИ – судда маълум бир ишни кўриб чиқиш жараёнида йиғиладиган судьялар (судья ва уларнинг

маслаҳатчилари) сони. С.т. кўриладиган ишлар бўйича ўзгариб туради.

ЎзР ЖПКнинг 13-м.сига мувофиқ, жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, ЖК 15-м.сининг иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан яқка тартибда кўрилади. Иш биринчи инстанция суди томонидан ҳайъатда кўрилганда С.т.га судья ва икки нафар халқ маслаҳатчиси қиради. ЎзР ОСи ишларни уч нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқади. Тегишли суд ҳайъатларида апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни кўриш, уч нафар судьядан иборат таркибда амалга оширилади. ЎзР ОСининг ҳукмларига апелляция ва кассация шикоятлари (протестлари) ЎзР ОСининг тегишли судлов ҳайъатларида беш нафар судьядан иборат таркибда кўриб чиқилади. Суд раёсати ишларни раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлгандагина кўриб чиқади. ЎзР ОС Пленуми ўз таркибдаги аъзоларнинг камида учдан икки қисми ҳозир бўлгандагина ишларни кўриб чиқади.

ЎзР ФПКнинг 13-м.сига мувофиқ, барча биринчи инстанция судларида ишлар судьянинг яқка ўзи томонидан кўрилади. Ишни судьянинг яқка ўзи кўрганида, у суд номидан иш юритади. Ишни апелляция ва кассация тартибида кўриш ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОСида, фуқаролик ишлари бўйича вил. ва Тошкент ш. судларида уч нафар судьядан иборат таркибда, назорат тартибида кўриш эса, Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда, амалга оширилади. ЎзР ОСининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида ишлар апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида уч нафар судьядан иборат таркибда, ЎзР ОСининг Раёсатида – Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда, ЎзР ОСининг Пленумида – Пленум таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда кўрилади.

ЎзР ХПКнинг 15-м.сига мувофиқ, ҳўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг яқка ўзи томонидан, ЎзР ОХСда эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Суд раисининг қарори б-н ҳар қандай иш ҳайъатда кўрилиши мумкин. Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар ҳўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади. Иш ҳайъатда кўриладиганда суднинг таркиби уч ёки undan ортик ток нафар судьядан иборат бўлиши керак. Ишни кўриш чоғида ҳамма судьялар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Ушбу Кодексга мувофиқ судьяга ишни ва айрим масалаларни яқка тартибда хал қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, у ҳўжалик суди номидан ҳаракат қилади.

СУД ТЕРГОВИ – суд муҳокамасининг асосий қисми.

Раислик қилувчи С.т. бошланиши тўғрисида эълон қилади. С.т. айблов ҳулосасини ўқиб эшиттиришдан бошланади. Раислик қилувчи судланувчилардан улар ўз айби-га иқрорлиги ёки иқрор эмаслигини сўрайди (ЎзР ЖПКнинг 439-м.си).

Судланувчилардан ўз айбларига иқрорликлари ёки иқрор эмасликлари тўғрисида сўраб бўлгач, суд далилларни текшириш навбати тўғрисида тарафларнинг таклифларини эшитади. Бундай навбатни суд ажримда акс эттиради.

Башарти, далилларни текшириш судланувчиларни сўроқ қилиш б-н бошланган бўлса, улардан кейин суд

жабрланувчиларни сўроқ қилади. Судланувчилар кўрсатув беришдан бош тортган ёки бошқа далилларнинг текширилишидан олдин кўрсатув беришга рози бўлмаган тақдирда жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшитириш, экспертиза ўтказиш ва б. суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисидаги масалани суд ишнинг муайян ҳолатларини ва тарафларнинг таклифларини инобатга олган ҳолда ҳал қилади (ЎЗР ЖПКнинг 440-м.си).

Гувоҳни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради. Сўнгра раислик қилувчи гувоҳга барчанинг олдида ошқора равишда қуйидаги мазмунда қасамёд қилишни таклиф этади: "Иш юзасидан ўзимга маълум бўлган ҳамма нарсани судга айтиб беришга қасамёд қиламан. Фақат ҳақиқатни, барча ҳақиқатни гапириб бераман, ҳақиқатдан ўзга нарсани гапирмайман". Қасамёд матни гувоҳга унинг мажбурияти ва жавобгарлиги тушунтирилгани ҳақидаги гувоҳнинг тилхати б-н биргаликда суд мажлисининг баённомасига илова қилинади.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳга ҳам ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ошқора қасамёд қилиш таклиф қилинади, лекин кўрсатув беришдан бош тортгани ёки била туриб ёлгон кўрсатув бергани учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди ва ундан тилхат олинмайди (ЎЗР ЖПКнинг 441-м.си).

Судда сўроқ қилиш ЎЗР ЖПКнинг 96–108-м.ларида назарда тутилган талабларга, шунингдек қуйида белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Ҳар бир гувоҳ ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар йўқлигида сўроқ қилинади. Сўроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва С.т. тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати б-н чиқиб кетишлари мумкин.

Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрими б-н судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. Судланувчи суд мажлиси залига қайтиб киргандан кейин гувоҳнинг берган кўрсатувлари унга маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга саволлар беришга имконият яратилиши лозим.

Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлган, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим.

Жабрланувчи, шунингдек эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача суд мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

Судланувчини сўроқ қилиш ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи б-н бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, химоячи, жамоат химоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қиладилар. Сўнгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг химоячилари саволлар бериши мумкин.

Жабрланувчиларни, шунингдек айблов ҳулосасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисига чақирилган ёки айбловчи томоннинг илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳлар ва экспертларни сўроқ қилиш ҳам қонунда назарда тутилган тартибда ўтказилади. Башарти, гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисига химоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг химоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг химоячилари, жамоат химоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари сўроқ қиладилар.

Раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар беришга ҳақлидир.

Суд мажлисида кўрсатув бериб бўлган шахсларга берган кўрсатувларини тўлдирish ва аниқликлар киритиш учун суднинг ижозати б-н саволлар берилиши мумкин (ЎЗР ЖПКнинг 442-м.си).

Тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки суд мажлисининг котиби суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшиб қўйилган, иш учун аҳамиятли бўлиши эҳтимол тутилган ёзма далилларни, экспертларнинг ҳулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттиради.

Суднинг талабига кўра ёки бошқа шахсларнинг ташаббуслари б-н тақдим қилинган ҳужжатларни суд ўқиб эшиттиради ва тарафларга тақдим қилади, улар эса шу ҳужжатларнинг ишга аҳамияти бор-йўқлиги тўғрисида ўз фикрларини баён қиладилар. Сўнгра суд ҳужжатларни ишга қўшиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради (ЎЗР ЖПКнинг 443-м.си).

Барча далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи тарафлардан улар С.т.ни тўлдирмоқчиларми ва тўлдирмоқчи бўлсалар, нима б-н тўлдирмоқчи эканликларини сўрайди. Башарти бу ҳақда илтимос қилинса, суд уни муҳокама қилади ва ҳал этади.

Илтимосларни каноатлантириш учун зарур бўлган қўшимча ҳаракатлар бажарилганидан сўнг раислик қилувчи С.т.ни тамом бўлган деб эълон қилади (ЎЗР ЖПКнинг 448-м.си).

СУД ТИЗИМИ — судларнинг ваколатларига ҳамда улар олдида қўйилган вазифалар ва максadларга қараб тузилган судлар мажмуи.

ЎЗР Конс.сининг 107-м.сига асосан ЎЗРда С.т. беш й. муддатга сайланадиган ЎЗР КС, ЎЗР ОС, ЎЗР ОХС, ҚР фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ОСлари, ҚР хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вил. ва Тошкент ш. судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, тум., ш. судлари, харбий ва хўжалик судларидан иборат.

Судларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби ЎЗРнинг "Судлар тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунлари ва б. бир қатор қонунлар, жумладан, кодекслар б-н белгиланган.

СУД ТОПШИРИҒИ — ишни кўраётган суд бошқа ш. ёки минтақада далиллар йиғиш эҳтиёжи туғилганда те-

гишли судларга маълум процессуал фаолиятни амалга оширишни топширади. С.т. куйидаги ҳолларда берилиши мумкин: 1) ишни кўриб чиқаётган суднинг бошқа судга (шу б-н бирга, чет эл судига ҳам) ўз ҳудудда муайян процессуал ҳаракатларни олиб бориш ҳақида (ҳужжатларни топшириш, гувоҳни сўрок қилиш, жиноят жойини кўздан кечириш ва б. каби) топшириқ бериш; 2) фуқаролик процессида далилларни йиғиш фаолиятида суднинг ҳамкорлик қилиш усули. С.т.ларига аниқлик киритиш мақсадида кўрилатган ишнинг моҳияти қисқача баён этилади, аниқланиши лозим бўлган далиллар кўрсатиб ўтилади. Ушбу фаолиятни топшириқни бажарувчи суд амалга оширади. Бу кўрсатмалар номига йўлланган судлар томонидан ўн беш кунгача муддат давомида ижро этилиши лозим. Топшириқни бажариш жараёнида тўпланган барча материаллар ишни муҳокама қилаётган судга зудлик б-н юборилиши зарур. Ишда катнашувчилар ёки топшириқни бажарётган, судга тушунтириш ёки кўрсатув берган гувоҳлар ишни кўраётган суд ҳузурига келадилар ва умумий тартибда кўрсатув берадилар (ЎЗР ФПКнинг 65, 66-м.лари).

С.т. – ишни кўраётган суд томонидан бошқа вил., ш., тум.да жойлашган далилларни олиш мақсадида тегишли судга маълум процессуал ҳаракатларни бажариш ҳақидаги топшириқлардир.

С.т. тўғрисида суд ажрим чиқаради ва унда куйидагилар кўрсатилади:

- а) кўрилатган ишнинг мазмуни;
- б) томонлар ҳақида маълумотлар, уларнинг яшаш ёки турар жойи;
- в) аниқланиши керак бўлган ҳолатлар;
- г) топшириқ берилган суд олиши керак бўлган далиллар кўрсатилади.

С.т. тўғрисидаги суднинг ажрими у юборилган суд учун мажбурий ва бир ой муддатда бажарилиши лозим.

Ажримнинг бажарилишига қадар иш тўхтатиб қўйилиши мумкин.

Судья дастлабки тергов юритилганда жиноят оқибатида келтирилган мулкий зарар қопланишини таъминлаш чоралари кўрилмаганлигини ва бундай чоралар бевосита суд томонидан кўрилиши мумкин эмаслигини аниқласа, терговчининг зиммасига зарур чоралар кўриш вазифасини юклайди.

СУД ХАБАРНОМАСИ ВА ЧАҚИРУВИ – судья томонидан жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисида чиқарилган қарорда кўрсатилган, ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш, суд мажлисига чақиришдан иборат. Судья ўз қароридан кўрсатилган шахсларни суд мажлисига чақириш тўғрисида суд қотибияти томонидан ижро этиладиган фармойиш беради, уларга чакирув қоғози топширилишини таъминлайди, шунингдек суд мажлисига тайёргарлик б-н боғлиқ бошқа чораларни кўради.

Судга чакирув топширилгани ҳақида қайд этилган топшириқ чакирув хати, суд чакирув хати, телефон ёки телеграмма орқали, факс ёки бошқа алоқа воситалари орқали амалга оширилиши мумкин. Ишда иштирок этувчилар суднинг чакирув хати б-н суд мажлисининг қаерда ва қачон бўлиши ҳақида хабардор қилинади. Суднинг чакирув хати б-н гувоҳлар, экспертлар чақирилади. Суд хабарномалари шахснинг яшаш ёки иш жойига юборилади ва унда суд-

нинг номи ва манзили, юборилаётганининг манзили ва унинг ким сифатида чақирилатгани ҳамда ишнинг номланиши кўрсатилади. С.х. ва ч. почта орқали ёки бунга масъул бўлган шахс томонидан юборилади. Унинг топширилган вақти ҳужжатда қайд этилади. Чакирув хати чақирилувчига шахсан топширилади. Чакирув хатининг топширилгани ҳақидаги қисми судга қайтарилади. Чақирилганнинг вақтинча жойида бўлмаганлиги ёки унинг иш жойи ўзгарганлиги ҳақида белги қўйилади. Жавобгарнинг яшаш жойи номаълум бўлганида суд жавобгарга нисбатан қидирув эълон қилиш ҳақида ажрим чиқаради.

СУД ЭКСПЕРТИ – қ.: *Эксперт*.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ – жиноий, фуқаролик, ҳўжалик ёки маъмурий ишларнинг материаллари бўйича фактик маълумотлар ва ҳолатларни белгилаш учун эксперт томонидан процессуал қонунда назарда тутилган тартибда ўтказиладиган тадқиқот. С.э. ўтказиш учун суд экспертизаси тайинлаш ҳақидаги терговчи, прокурорнинг қарори ва суднинг ажрими асос бўлади. С.э. предмети терговчи ёки суд томонидан қўйилган саволлар б-н белгиланади. С.э. объекти ашёвий далиллар, мурданинг қисмлари, жиноят содир бўлган жойдаги шароит, қиёсий намуналар ва бўлимлар бўлиши мумкин. Ҳар турдаги суд ҳолатлари учун махсус услубиятлар ишлаб чиқилган. Суд терговчи амалиётида ўтказиладиган экспертизалар унинг предмети, объекти, тадқиқот методикаси бўйича тасниф қилинади. Криминалистик, тиббий, руҳий, биологик, молявий-иктисодий, транспорт-инженерлик, инженер-техник экспертизалар бир-биридан фарқ қилади.

С.э.нинг процессуал турлари ажратилади: бирламчи, қўшимча, қайта, комиссия, комплекс экспертизалар. Ушбу экспертизаларни тайинлаш, ташкил қилиш ва ўтказиш ўзига хос хусусиятларга эга.

ЎЗР ЖПКнинг 180-м.сига асосан, экспертиза тайинлаш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Унда: экспертиза тайинлаш учун асос бўлган сабаблар; экспертизага юборилаётган ашёвий далиллар ва б. объектлар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги; иш материаллари бўйича экспертиза ўтказишда эса эксперт ҳулосаси асосланиши лозим бўлган маълумотлар; эксперт олдига қўйилган саволлар; экспертиза муассасасининг номи ёки экспертиза ўтказиш топширилган шахснинг фамилияси кўрсатилиши лозим. Экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим унга тааллуқли шахслар учун мажбурийдир.

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ – ЎЗР ВМнинг 2001 й. 22 сентябрдаги 383-сон қарорига асосан ЎЗР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техника жиҳатидан ва молявий таъминлаш департаментини қайта ташкил этиш натижасида ташкил этилган ЎЗР Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган.

ЎЗР Президентининг 2006 й. 31 августдаги ПК-458-сон қарори б-н ЎЗР Адлия вазирлиги ҳузуридаги С.к.и.э., с.ф.м.-т.ж. ва м.т.д.нинг расмий қисқача номи “Суд департаменти” деб номланади, жойлардаги ҳудудий бўлимлари эса, ҳудудий бошқармаларга айлантирилди.

Ушбу қарор б-н тасдиқланган ЎЗР Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти тўғрисидаги Низомга мувофиқ, Суд департаментининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш;

судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

суд ижрочилари кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш;

суд ижрочиларининг самарали фаолият кўрсатишини ташкил этиш;

судлар биволарни қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган капитал маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш чоратадбирларини кўриш;

судьялар ва судлар аппарати ходимларининг меҳнат шарт-шароитлари, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни тегишли органларга киритиш;

судьялар ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш.

СУД ҚОНУНИ – низо қаерда кўриладиган бўлса, ўша давлат ҳуқуқи қўлланилишини билдиради (судда ёки бошқа органда). Бу бириктириш формуласига мувофиқ ушбу ҳуқуқий муносабат таркибидан чет эл элементи мавжудлигига қарамай суд ёки ҳуқуқни қўлловчи бошқа органлар ўз мамлакатлари қонучилигига таяниши лозим. Бу принципни қўллашнинг умум тан олган соҳаси халқаро фуқаролик процесси ҳисобланади: суд, чет эл элементи иштироки б-н ишни кўраётиб, ҳар доим ўзининг процессуал ҳуқуқидан фойдаланади. Агар бу халқаро шартномада ёки қонунда махсус кўрсатилган бўлса, истисно тариқасида суд чет эл процессуал ҳуқуқи нормаларини қўллаши мумкин. Шу б-н бирга, халқаро фуқаролик процесси соҳасида ҳуқуқни танлаш муаммоси йўқ, шунинг учун ҳам С.к. принципи бу ерда бириктириш формуласи бўлиб ҳисобланмайди. С.к. бириктириш формуласи сифатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларининг ҳар қандай турлари соҳасида ўз ифодасини топади, бунда ҳам барча юқорида кўрилган коллизия бeғлиқликни алмаштириши мумкин. С.к. ифодалар моҳиятига кўра бир тарафлама коллизия нормалардир.

СУД ҲИМОЯСИ – фуқаролар ҳуқуқини, шунингдек, айбланувчининг (судланувчининг) жавобгарлигини енгиллаштириш ёки айбдорлигини рад этишга, мулкни ва шахсий озодлигини, соғлиғи ва ҳаётини, эрки ва кадр-қимматини жиноятқорона тажовуздан ҳимоя қилишга қаратилган процессуал ҳаракатлар йиғиндиси. Бу ҳуқуқ жиноят ёки фуқаролик иши бўйича суд ишида ҳимоячи (адвокат) қатнашиши б-н таъминланади.

Ҳар бир фуқаро давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари (қарорлари) б-н ўз ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган деб ҳисобласа, шикоят б-н судга мурожаат қилиш ҳуқуқига

эга. Агар ЎЗРнинг халқаро шартномалари ва битимларида ўзгача қондалар назарда тутилмаган бўлса, чет эллик фуқаролар қонунда белгиланган тартибда судга шикоят б-н мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунга мувофиқ судга шикоят б-н мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар (“Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 1-м.си).

Фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли б-н самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида суд муҳофазасининг барча бeғлиқларида ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги масалалар судлар томонидан кўриладиганда прокурор иштирок этиши мумкин.

СУД ҲОКИМИЯТИ – давлат ҳокимиятининг бир бўғинидир. С.х.нинг муҳим хусусияти шундан иборатки, у фақат ЎЗР Конс.сида ва “Судлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган суд тизими таркибига кирувчи давлат судлари томонидан амалга оширилиши мумкин. ЎЗР Конс.сининг 11-м.си давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва С.х.га бўлиниш принципини жорий этди. Давлатнинг Асосий Қонуни С.х.нинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишини эълон қилди. Фақат мустақил С.х. ҳар бир фуқаронинг ваколатли ва ҳолис судда ишни ошқора кўриш орқали ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинлигига қанолат бўлиб хизмат қилади. Мустақил ва ҳолис судни талаб қилиш ҳар бир инсоннинг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 10-м.сида ва ЎЗР кўшилган бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

С.х. – бу судларнинг ЎЗР Конс.си ва қонунлари устуворлиги принциpigа сўзсиз риоя қилиш асосида жиноий, фуқаролик, хўжалик ишларини ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича ваколатидир. ЎЗР Конс.сининг 114-м.сига мувофиқ суд ҳокимияти ҳужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. С.х. ҳужжатларини бажармаслик ёки тегишлича бажармаслик ЎЗР қонунлари ва мувофиқ жавобгарликни юзага келтиради.

СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИК – С.т. деганда, бундай ишларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун б-н судга юклатилганлиги тушунилади. Ҳар бир орган ёки ташкилот ўзига юклатилган вазифаларинингга кўриб чиқади ва ҳал қилади.

ЎЗР ФПКнинг 31-м.сига мувофиқ, фуқаролик судларига қуйидаги ишлар тааллуқли: 1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно; 2) ушбу Кодекснинг 279-м.сида санаб ўтилган алоҳида тартибда кўриладиган ишлар; 3) қонун б-н судларнинг ваколатига берилган бошқа ишлар. Мазкур Кодекснинг 32-м.сига асосан, бир-бири б-н боғлиқ бўлиб, баъзилари судга, баъзилари эса, хўжалик судларига тааллуқли бўлган бир қанча

талаблар бирлаштирилганида, бу талабларнинг ҳаммаси судда кўрилиши керак.

ЎзР ХПК 23-м.сига кўра, хўжалик судига қуйидаги ишлар тааллуқлидир: 1) иктисодиёт соҳасида юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва б. ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар; 2) иктисодиёт соҳасида ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишлар; 3) ташкилотлар ва фуқароларнинг банкротлиги тўғрисидаги ишлар. Қонун б-н хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Хўжалик суди ўзига тааллуқли ишларни, агар ЎзРнинг халқаро шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ЎзР ташкилотлари ва фуқаролари, шунингдек чет эл ташкилотлари, чет эл инвестициялари иштирокидаги ташкилотлар, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради. Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий юрисдикция судига тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда, ҳамма талаблар умумий юрисдикция судида кўрилиши керак.

ЎзР Конс.сига мувофиқ жиноят ишлари бўйича одил судловни фақат суд амалга оширади (ЎзР ЖПК 12-м.).

СУДГАЧА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган хўжалик юритувчи субъект мазкур ҳуқуқ ва манфаатларни бузган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан талабнома билдиришга ҳақлидир. Ўзига талабнома билдирилган хўжалик юритувчи субъект талабномани олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт. Талабномага жавоб хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади ва муҳр б-н тасдиқланади. Талабномага жавоб буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек талабнома жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади. Талабнома тўлиқ ёки қисман тан олинган тақдирда хўжалик юритувчи субъект арз қилувчига ўзи тан олган суммани ихтиёрий равишда ўтказиши мумкин. Агар талабномани тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган сумма ўтказилиши ҳақида маълумот бўлмаса, талабнома билдирган тараф жавоб олингандан сўнг йигирма кун муддат ўтгач, банк муассасасига қарздор тан олган суммани сўзсиз тартибда ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тақдим этишга ҳақли. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади (“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 17, 18-м.лари).

СУДДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИНГ ОШКОРА КЎРИЛИШИ – жиноят процессининг асосий принципларидан бири. Суд муҳокамасининг ошқора тартиби ҳар бир кишининг ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-м.сида, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги пактнинг 14-м.сида ҳамда ЎзР

кўшилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб кўрилган.

С.ж.и.о.к. деганда шундай суд процесси назарда тутилдики, унда ишлар қонунда белгиланган ёшда бўлган ва суд залига келишни истаган фуқаролар иштирокида кўрилади, процесснинг бориши ва натижалари матбуотда эркин эълон қилиниши, радиода эшиттирилиши ёки бошқа воситалар ёрдамида кенг оммага етказилиши мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 19-м.сига мувофиқ, барча судларда, давлат сирларини кўриклаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошқора кўрилади.

Бундан ташқари, ўн саккиз-ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошқор қилмаслик мақсадида жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳавфсизлигини таъминлаш такозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги б-н ошқор қилиниши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Ишни ёпиқ мажлисида кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида бир қисмига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисида йиғилганларга тааллуқли бўлиб, процесс иштирокчиларига дахли йўқ.

Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни мазкур мажлисида текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг ёпиқ мажлисида иштирок этишларига рухсат беришга ҳақлидир.

Суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда суд айрим шахсларнинг суднинг очик мажлисида қатнашишларини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга, кинога олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати б-н йўл қўйилади.

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошқора эълон қилинади.

Судлов фаолиятида ошқораликни кенгайтириш учун зарур ҳолларда судлар оммавий ахборот воситалари ходимларига, тегишли жамоат бирлашмалари ва жамоаларга бўладиган процесслар тўғрисида хабар бериши, шунингдек процессларни бевоқифа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ўтказиши мумкин.

СУДЛАНГАНЛИК – ЎзРнинг жиноят ҳуқуқида жиноят учун ҳукм этишнинг юридик оқибати жинсий жавобгарлик элементларидан бири ҳисобланади. Маҳкумлар ҳуқуқи маълум чекланишларга эга бўлиб, улар жазо тар-

кибига кирмайдн (мас., маълум мансабларни эгаллаш ёки маълум фаолиятлар б-н шуғулланиш). ЎзР ЖКнинг 77-м.сига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланган шахс суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб бекор қилинган ёки судланганликни олиб ташлаш вақтигача судланган ҳисобланади. Судланганлик ЎзР ЖКга мувофиқ жиноят такроран содир этилганда жазо белгилаётганда ҳисобга олинади. Жазодан озод қилинган шахс судланмаган ҳисобланади.

Шахснинг С. ҳолати қуйидаги пайтларда тугалланади: а) шартли ҳукм қилинганларга нисбатан – сипов муддати тугаган кундан бошлаб; б) хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тарзидаги жазоларини ўтаб чиққач; в) жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, шунингдек муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ўталганидан кейин бир йил ўтгач; г) қамоқ жазоси ўталганидан кейин – икки йил ўтгач; д) беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – тўрт йил ўтгач; е) беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – етти йил ўтгач; ж) ўн йилдан ортиқ, лекин ўн беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўталганидан кейин – ўн йил ўтгач.

Агар ҳукм этилган шахс қонунда белгиланган тартибда жазони ўташдан муддатидан илгари озод этилган бўлса ёки жазонинг ўталмаган қисми анча енгил жазо тури б-н алмаштирилган бўлса, С. бекор қилиниши жазонинг ҳақиқий ўталган муддатидан келиб чиқиб асосий ва қўшимча жазо турларини ўтаб бўлган вақтидан бошлаб ҳисобланади. Агар ҳукм этилган шахс жазони ўтаб бўлгандан сўнг нуқсонсиз фаолият кўрсатса, унинг илтимосномасига биноан суд ундан судланганликни муддати тугагунга қадар олиб ташлаши мумкин. С.нинг бекор қилиниши ёки олиб ташланиши С. б-н боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатларни бартараф этади. Ярашув ишларига нисбатан С. мақоми тарқалмайди.

С. шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигида келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. С. шахс ҳуқуқий мақомининг тавсифи бўлиб, судланмаган шахс б-н таққослаганда судланган шахсга ҳуқуқларни чеклаш б-н бирга унга мажбурият ҳам юклайди. Бошқа ҳуқуқий бўлмаган оқибатларни келтириб чиқармайди. С.ни қонун фақат шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлиги б-н боғлашни назарда тутиш зарур. Ҳукм этилган шахс деганда, жиноят таркибининг ҳамма аломатлари мавжуд бўлган, ЎзР ЖК Маҳсус қисмининг алоҳида моддасида назарда тутилган аниқ бир ижтимоий қилмишни содир этганликда айбланган, шунингдек аниқ бир жазо тайинланган шахсни тушуниш керак. Шахсни судланган деб топишда жазонинг ҳажми, кўриниши ва унда С.нинг мавжудлиги маъно касб этмайди, лекин ушбу хусусиятлар ўз навбатида судланганликни олиб ташлаш ёки тугатилишига таъсир этади. Шахс жиноят содир этганликда айбланган, лекин унга жазо тайинланган, яъни жазодан озод этилган бўлса шахс судланган деб топилмайди. С.да шахс умумҳуқуқий ва жиноят-ҳуқуқий маъноларга эга бўлади. Жиноят содир этганликда ҳукм қилинган шахс ҳуқуқий ҳолатининг умумҳуқуқий маъноси шу б-н характерланадики, у Ўзбекистон жи-

ноят қонунчилигини ташкил этмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ва улар жиноят-ҳуқуқий маънода аҳамиятга эга эмас. Хусусан, С.нинг умумҳуқуқий маъноси шахснинг расмий органларда сўровда тугатилмаган ёки олиб ташланмаган С. мавжудлиги тўғрисида маълум қилиш мажбуриятида, маълум бир мансабни эгаллаш ёки айрим фаолият б-н шуғулланишдаги чекловларда намоён бўлади.

С.нинг жиноят-ҳуқуқий аҳамияти қуйидагилардан иборат: шахсда С. ҳолатининг мавжудлиги рецидивист, хавфли рецидивист ёки ўта хавфли рецидивист деб топиллишига таъсир этади (34-м.); шахснинг судланганлиги унинг жиноий жавобгарликдан озод этилишига таъсир этади. Судланган шахс ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати б-н (66-м.), ярашув (66'-м.) ёки вояга етмаган шахслар томонидан жиноят содир этилганда, мажбурлов чораларини қўллаш муносабати б-н жазодан озод қилинади (87-м.), шунингдек ушбу ҳолатларнинг ҳар бирини шахс биринчи марта жиноят содир этганлиги талаб этилади; С. қилмишини квалификация қилишга таъсир этади (140-м.) илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (56-м.); шахсда С. ҳолатининг мавжудлиги унинг жазодан озод этилишига таъсир этади. Хусусан, С.ка эга бўлган шахсни чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати б-н жазодан озод қилиш (71-м.сининг биринчи қисми), шартли ҳукми қўллаш учун қаттиқроқ талаблар қўйилган (72-м.сининг еттинчи қисми), жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш (73-м.), жазони енгилроғи б-н алмаштириш (74-м.) қўлланилмайди. Шунингдек, ушбу чекловлар вояга етмаган шахсларга ҳам тегишли; шахсда С. ҳолатининг мавжудлиги озодликдан маҳрум этиш тарикасидаги жазо тайинлашда колония танлашга ҳам таъсир этади (50-м.).

СУДЛАНУВЧИ – жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахс. С. суд жараёни бошлангунга қадар тергов ҳужжатларига асосланган ҳолда айбланувчи тарикасида тан олинади. ЎзР ЖПКнинг тегишли моддаларида С.нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган. Кодекснинг 46-м.сига кўра С. ўзи нимада айбланаётганини билдириш, қўйилган айблови юзасидан кўрсатув ва тушунтиришлар бериш, ўз она тилидан ва таржима хизматидан фойдаланиш, химоячига эга бўлиш ва у б-н ҳам учрашиш, ўз ҳуқуқларини химоя қилишни шахсан ўзи амалга ошириш, илтимосномалар бериш ва рад этиш, далиллар тақдим этиш, суд муҳокамаси жараёнида ўз ҳуқуқини химоя этиш, суд ҳукми устидан шикоят бериш каби ҳуқуқларга ва ЖПКнинг тегишли моддалари асосида маълум бир мажбуриятларга эгадир. Ҳукм эълон қилингандан сўнг С. маҳкумга айланади ва у қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга: судга ҳукмининг ижросини кечиктириш ҳақида, касаллиги ёки ногиронлиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш ҳақида, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо б-н алмаштириш ва муддатидан олдин шартли озод қилиш ҳақида, жазони ижро этиш жойларида сақлаш шароитларини ўзгартириш ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича аризалар беришга; суд мажлисида иштирок этишга ва кўрсатувлар беришга, далиллар тақдим қилишга, илтимослар қилишга ва рад этиш-

га; ишдаги барча материаллар б-н таъминлашга, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар беришга ҳақли.

СУДЛАР ВА АДЛИЯ ОРГАНЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ – ЎзР ВМнинг 2003 й. 18 мартдаги 147-сон “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, ЎзР Судлари ва адлия муассасаларини ривожлантириш, ЎзР Хўжалик судларини ривожлантириш, Ижро ишлари ривожлантириш жамғармалари негизида ташкил этилган ягона жамғарма.

Қуйидагилар С. ва а.о.р.ж. даромадларини шакллантириш маъбалари ҳисобланади:

умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича жарималар ва давлат божлари тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 20 %и миқдоридagi ажратмалар;

хўжалик судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар бўйича давлат божлари ва жарима санкцияларини тўлашдан давлат бюджетига тушаётган суммаларнинг 15 %и миқдоридagi ажратмалар;

адлия органлари, шу жумладан ФХДЁ органлари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан 20%, давлат нотариуслари томонидан ундириладиган давлат божи суммаларидан эса 15% миқдоридagi ажратмалар;

адлия органлари томонидан нодавлат потижорат ташкилотларни, адвокатлик бюроларини, фирмаларни, хайъатларни, хусусий нотариал идораларни рўйхатдан ўтказганлик, нотариал ва адвокатлик фаолиятини лицензияланганлик, юридик кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағлар, шунингдек адлия органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ундириладиган жарималар;

ижро иши бўйича бюджетга ундирилган суммадан 30% миқдоридagi ажратмалар, солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича муддатда тўланмаган қарзлар ундирилишидан ташқари;

ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушадиган маблағларнинг 10 %и, шунингдек солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича муддатда тўланмаган қарзларни ундириш бўйича;

суд ижрочилари томонидан ундириладиган ижро йиғимлари маблағлари;

ЎзР Президентининг 2006 й. 31 августдаги ПҚ-458-сон қарори б-н тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва б. органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида автоматотранспорт воситалари ва кўчмас мулкни сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандида назарда тутилган ҳолларда суд ижрочилари тум. (ш.) бўлимларининг депозит ҳисобида ўтказиладиган очик аукционда иштирок этиш учун кiritилган закатлар;

мол-мулкни сотиш ёки баҳолаш бўйича ўзининг шартномавий мажбуриятларини бажармаган (лозим даражада бажармаган) биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари, бошқа шахслардан ундириладиган жарималар ва пенялар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Умумий юрисдикция судлари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларни зарур ағжомлар, компьютерлар ва б. замонавий ташкилий-техника воситалари б-н таъминлаш Жамғарманинг биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади.

Жамғарма маблағлари:

а) судлар ва адлия органлари бинолари ва хоналарини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлашга, уларни зарур ағжомлар, компьютерлар ва б. замонавий ташкилий-техника воситалари б-н таъминлашга;

б) судлар ва адлия органлари техника воситаларига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашга;

в) судьяларга (ЎзР ОС судьяларидан ташқари) малака класслари ҳамда муайян йил ишлаганлиги учун устама-лар ва кўшимча ҳақ тўлашга;

г) адлия органлари ходимларига даража класслари ҳамда муайян йил ишлаганлиги учун устамалар ва кўшимча ҳақ тўлашга;

д) судлар ва адлия органлари ходимларини моддий рағбатлантиришга ва ижтимоий муҳофаза қилишга (уй-жой қуриш, сапатория-курорт ва тиббий хизмат кўрсатиш, маошларга устамалар ва кўшимча ҳақ белгилаш, моддий ёрдам кўрсатиш);

е) кадрлар малакасини оширишга, уларни ўқитишга, тегишли адабиётлар ва матбаа нашрлари б-н таъминлашга;

ж) судларнинг (судьялардан ташқари) ва адлия органларининг кўшимча ходимлари таъминотиغا;

з) судьяларни ва адлия органлари ходимларини формали кийим-бошлар б-н таъминлаш харажатларини молиялаштиришга;

и) Жамғарма захирасини яратишга;

к) судлар ва адлия органлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирларга йўналтирилади.

Жамғармага келиб тушган ижро йиғимлари, суд ижрочилари томонидан ундирилган жарима суммалари, шунингдек биржалар, баҳоловчилар, савдо ташкилотлари ва ўзга шахслар томонидан мол-мулкни баҳолаш ёки сотишда зиммасига олинган шартнома мажбуриятларини бажармаганлик (лозим даражада бажармаганлик) учун жарима ва пенялар Суд департаментининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш, шунингдек суд ижрочилари фаолиятини ва мажбурий ижро этиш тизимини такомиллаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга ошириш учун ишлатилади.

Жамғарма фаолиятини бошқариш Жамғарманинг Қузатувчи кенгаши томонидан амалга оширилади, унга ЎзР Адлия вазири раҳбарлик қилади, у Жамғарма Қузатувчи кенгашининг раиси ҳисобланади.

Жамғарма маблағлари тўпланиши ва сарфланишини тезкор бошқариш Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Жамғарма ташкил этилгандан бошлаб ўтган давр мобайнида судлар ва адлия органлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш бўйича барқарор фаолият кўрсатиб келмоқда.

СУДЛАР МАҚОМИ – судьяларнинг Конс. ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуи.

“Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир.

ЎзРда барча судьялар бир хил макомга эга.

Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир.

Судьялар мансабдор шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш б-н боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш; мансабдор ва б. шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот олиш; уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқига эга.

Судьялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судьяларнинг одил судловни амалга ошириш б-н боғлиқ бўлган талаб ва фармойишларини сўзсиз бажаришлари шарт. Одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва уларнинг нусхалари судьяларнинг талабига мувофиқ бепул берилди. Судьяларнинг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунда, шунингдек, судьялар учун алоҳида мажбуриятлар ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра, судьялар фуқаролик, ҳўжалик ва жиноят ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш чоғида ЎзР Конс.сига ва б. қонунларига сўзсиз риоя қилишлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва молмулки, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун б-н кўрикланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашлари, бегараз ва адолатли бўлишлари шарт.

Судьялар судьялик шаънини қатъий сақлашлари, одил судловнинг обрўсини, судьялик кадр-қимматини тушириши ёки судьянинг ҳолислигига шубҳа тугдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийишлари шарт.

Судьялар судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпиқ суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутаты бўлиши мумкин эмас. Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирор-бир турдаги фаолият б-н шуғулланиши мумкин эмас.

СУДЛОВ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШНИНГ ОШКОРАЛИГИ – ЎзР Конс.си ва бир қатор бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган судлов ишларини юритиш принципларидан бири.

ЎзР Конс.си 113-м.сига кўра ҳамма судларда ишлар очик кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Ушбу принципнинг моҳияти у ёки бу суд иши бўйича процесс иштирокчиси бўлмаган барча фуқароларга унинг муҳокамасида ҳозир бўлиш имконияти таъминланишидан иборат. Бу одил судловнинг демократизмини таъминлашга кўмаклашади. Фуқароларга фуқаролик ёки жиноят иши муҳокамаси ўтказилаётган жойда ҳозир бўлиш имкониятининг берилиши одил судлов устидан жамоатчилик назоратининг бир шакли ҳисобланади, судни интизомга солади, юзага келадиган масалаларни ҳам шаклан, ҳам мо-

ҳиятан ҳал қилишга масъулиятлироқ муносабатда бўлишга ундайди.

Шу б-н бирга, бу умумий қоидада истисноларга йўл қўйилади. Мас., жиноят иши бўйича очик суд мажлиси бўлиб ўтаётган залга педагогик мулохазалардан келиб чиқиб, 16 ёшга тўлмаган шахслар киритилмайди. Шунингдек, суд залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда раислик қилувчи айрим шахсларнинг суднинг очик мажлисида қатнашишини тақиқлаб қўйишга ҳақлидир.

Қонунлар суднинг ёпиқ мажлисларини ўтказиш қоидаларини ҳам белгилаб қўяди. Бундай мажлислар давлат сирларини кўриқлаш манфаатларини кўзлаб ҳамда жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўриладиган ҳолларда ўтказилади.

Бундан ташқари, 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ишда иштирок этувчи шахсларнинг, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этган ҳолларда бошқа ишларни ҳам суд томонидан ажрим чиқариб, ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очик суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги б-н ошкор қилиниши мумкин. Акс ҳолда, улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ мажлисда кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда ўтказилади. Қабул қилинган суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошқорга эълон қилинади.

СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ – 1) муайян ишни кўриб чиқувчи суд таркиби; 2) ЎзР ОС ва ОХСнинг таркибий қисми бўлиб, ушбу судлардаги ҳайъатлар муайян тоифадаги ишларни кўриб чиқади.

СУДЛОВГА ТААЛУҚЛИЛИК (ТЕГИШЛИЛИК) – судларга тааллуқли бўлган ҳамма ишларнинг суд тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши.

ЎзР ФПКга мувофиқ, судларга тааллуқли фуқаролик ишлари фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, тум. (ш.) судларида кўрилади, қонунда бундай ишларни кўриш бошқа судлар ваколатига берилган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР ФПКнинг 141-м.си). ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОС, фуқаролик ишлари бўйича ви.лар ва Тошкент ш. судлари қонунда ўз ваколатларига берилган фуқаролик ишларини, шунингдек алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб ҳар қандай фуқаролик ишини ҚР, ви.лар, Тошкент ш. ҳудудидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, тум. (ш.) судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли (ЎзР ФПКнинг 142-м.си). ЎзР ОС қонунда ўз ваколатига берилган фуқаролик ишларини кўриб чиқади, шунингдек алоҳида ҳолатларни ҳисобга олиб, ҳар қандай фуқаролик ишини ЎзРнинг исталган судидан олиб, биринчи инстанция суди сифатида ўзининг иш юритишига қабул қилиб олишга ёки бир суддан бошқа тегишли судга ўтказишга ҳақли (ЎзР ФПКнинг 144-м.си). Аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий маш-

ғул бўлган жойдаги судга берилади. Ташкилотларга нисбатан ариза уларнинг органлари жойлашган ҳудуддаги судга берилади (ЎЗР ФПКнинг 145-м.си). Суд судловга тааллуқлилик коидаларига риоя қилган ҳолда ўзининг юритишига қабул қилиб олган ишни, гарчи кейинчалик бу иш бошқа суднинг судловига тааллуқли бўлиб қолса ҳам, мазмунан ҳал қилиши лозим. Суд куйидаги ҳолларда ишни кўриш учун бошқа судга ўтказади: 1) муайян иш бошқа судда, хусусан далилларнинг кўпчилиги қисми жойлашган ердаги судда ўз вақтида ва ҳар томонлама кўриб чиқиладиган деб ҳисобласа; 2) илгари турар жойи номаълум бўлган жавобгар ишни ўзи яшаб турган жойдаги судга ўтказишни илтимос қилса; 3) бир ёки бир неча судья рад қилинган, бу судда уларни алмаштириш мумкин бўлмай қолса; 4) иш муайян судда кўрилаётганида бу иш судловга тааллуқлилик коидалари бузилган ҳолда юритишга қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолса (ЎЗР ФПКнинг 146-м.си). Иш бир суддан бошқасига суднинг ажримига асосан, бу ажрим устидан шикоят бериш ёки унга нисбатан протест келтириш муддати ўтганидан кейин, шикоят берилган ёки протест келтирилган тақдирда эса, шикоятни ёки протестни қаноатлантирмай қолдириш ҳақида ажрим чиқарилганидан кейин ўтказилади. Бир суддан бошқа судга юборилган иш ана шу кейинги суд томонидан кўриш учун қабул қилиниши керак. Судловга тааллуқлилик тўғрисида низоларга йўл қўйилмайди (ЎЗР ФПКнинг 147-м.си).

ЎЗР ХПК 26-м.сига асосан, хўжалик судига тааллуқли ишлар ҚР, вил.лар, Тошкент ш. хўжалик судлари томонидан кўрилади. ЎЗР ОХС судловига тегишли ишлар бундан мустасно. ОХС куйидагиларни кўради: республика бошқарув органлари б-н вакиллик ва ижроия ҳокимияти маҳаллий органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар; ҳокимият олий органларининг норматив характерга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутуллай-ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар. ОХС алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни инсталган хўжалик судидан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўзининг иш юритишига қабул қилишга, ишни бир хўжалик судидан бошқасига ўтказишга ҳақли. Бино, иншоот, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги, бино, иншоот, ер участкасини бошқа шахснинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олиш, мулкдор ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг ҳуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилишини бартараф этиш тўғрисидаги даъволар бино, иншоот, ер участкаси жойлашган жойда тақдим этилади (ЎЗР ХПКнинг 31-м.си). Йўловчи, багаж ва юк ташиш шартномасидан келиб чиқадиган йўловчи, багаж ва юк ташувчига нисбатан даъволар, шу жумладан йўловчи, багаж ва юк ташувчи жавобгарлардан бири бўлган ҳолларда ҳам, транспорт ташкилотининг органи жойлашган жойда тақдим этилади. ЎЗР ХПКнинг 27 ва 28-м.ларида белгиланган судловга тегишлилик тарафларнинг розилиги б-н ўзгартирилиши мумкин (ЎЗР ХПКнинг 32-м.си).

ЎЗР ЖПКнинг 389-м.сига кўра, жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) судининг судловига юқори судларнинг ва ҳарбий судларнинг судловига тегишли бўлган ишлардан ташқари ҳамма жиноят ишлари тегишлидир. ҚР жиноят ишлари бўйича ОСнинг, жиноят ишлари бўйича вил.лар

ва Тошкент ш. судларининг судловига ЎЗР ЖК 97-м.сининг иккинчи қисми, 118-м.сининг тўртинчи қисми, 150, 153, 155, 157, 158-м.лари, 159-м.сининг учинчи ва тўртинчи қисмлари, 160, 161-м.лари, 210-м.сининг учинчи қисми, 230, 231, 242, 244-м.ларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар тегишлидир. Ҳарбий судлар судловига тегишли ишлар қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. ЎЗР ОСнинг судловига ўта мураккаб ва аҳамиятли ишлар тегишлидир. ЎЗР ОСнинг раиси, ҚР жиноят ишлари бўйича ОСнинг раиси, жиноят ишлари бўйича вил.лар ва Тошкент ш. судларининг раислари, ЎЗР Ҳарбий судининг раиси ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноят тўғрисидаги ишни, агар у мазмунан мураккаб бўлмаса, жиноят ишлари бўйича тегишли туман (шаҳар) судига, шунингдек округ ёки худудий ҳарбий судга кўриш учун топширишга ҳақли. Юқори суд куйи суд судловига тегишли ҳар қандай жиноят ишини биринчи инстанция суди тариқасида ўзи кўриш учун олишга ҳақлидир (ЎЗР ЖПКнинг 390-м.си). Жиноят иши жиноят содир этилган жойдаги судда кўрилади. Жиноят содир этилган жойни аниқлаш имконияти бўлмаса, иш дастлабки тергов тамом бўлган ҳудуддаги суд томонидан кўрилади. Узоққа чўзилган ёки давомли жиноятларга доир ишлар жиноят қайси ҳудудда тамомланган ёки тўхтатилган бўлса, шу ҳудуддаги суднинг судловига тегишли бўлади (ЎЗР ЖПКнинг 391-м.си). Бир неча шахсни турли ҳудудларда содир этган жиноятлари учун айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари, шунингдек бир шахсни бир неча жиноятни содир этишда айблаш тўғрисидаги жиноят ишлари бирлаштирилганда, агар бу ишлар бир хил даражадаги икки ёки бир неча суднинг судловига тегишли бўлса, иш дастлабки тергов қайси ҳудудда тамомланган бўлса, шу ҳудуддаги суд томонидан кўрилади. Бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар турли даражадаги судларнинг судловига тегишли бир неча жиноятни содир этишда айбланган бўлса, бундай ишлар юқори суд томонидан кўрилади. Башарти, иш бўйича бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айблансалар ва бу шахслардан лоақал бири ёки жиноятлардан бири ҳақидаги иш ҳарбий суднинг судловига тегишли бўлса, барча жиноятлар ва барча шахсларга доир иш ҳарбий суд томонидан кўрилади (ЎЗР ЖПКнинг 392-м.си). Судловга тегишлилик хусусида судлар ўртасида баҳс бўлишига йўл қўйилмайди. ЎЗР ЖПКда назарда тутилган тартибда бир суддан бошқа судга юборилган жиноят иши албатта кўриб чиқиш учун қабул қилиниши лозим (ЎЗР ЖПКнинг 394-м.си).

СУДЛОВЛИЛИК – қ.: *Судловга тааллуқлилик (Тегишлилик)*.

СУДНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ – фуқаролик иши ва хўжалик судлари иш ва низони мазмунан ҳал қилишда қабул қиладиган ҳужжат. Ҳал қилув қарори тўрт қисмдан иборат: кириш, баён, асослантирувчи ва хулоса. Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида ҳал қилув қарори чиқарилган вақт ва жой, ҳал қилув қарори чиқарган суднинг номи, судьянинг фамилияси (суд таркиби), суд мажлисининг котиби, тарафлар, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар кўрсатилади. Ҳал қилув қарорининг баён қисмида даъвогарнинг талаби, жавобгарнинг эътирозлари ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари кўрсатилиши ке-

рак. Ҳал қилув қарорининг асослантурувчи қисмида ишнинг суд томонидан аниқланган ҳолатлари, ишнинг ҳолатлари тўғрисидаги суд ҳулосаларига асос бўлган далиллар, суд у ёки бу далилни рад қилишда асосланган ҳулосалар, суд амал қилган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари кўрсатилмоғи лозим. Агар жавобгар арз қилинган талабни тан олса, асослантурувчи қисмида фақат арз қилинган талабнинг тан олинганлиги ва унинг суд томонидан қабул қилинганлиги кўрсатилиши мумкин. Ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантурувчи ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги ҳулосаси, суд харажатларининг тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилиши лозим.

“Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунига асосан ҳакамлик суди ҳам иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилади.

СУДЬЯ – суд ҳокимиятини амалга оширувчи мансабдор шахс. С.га қонун б-н одил судловни амалга ошириш ваколатлари берилган бўлиб, у ўз вазифаларини профессионал асосда амалга оширади.

ЎзРда барча С.лар бир хил мақомга эга. Судларнинг раислари, раис ўринбосарлари айна вақтда С.лардир.

Қонунда белгиланган С.лик ваколатларини бериш тартиби С. лавозими зарур профессионал тайёргарлик, тажриба ва маънавий ғазилатларга эга бўлмаган шахс томонидан эғалланишини мумкин қадар чеклайди.

Номзодларнинг ёши ва юридик касб бўйича иш тажрибасига қўйиладиган талабларга келсак, улар турли даража ва бўғинлар (кичик тизимлар) судлари учун ҳар хил белгиланган.

“Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 61-м.сига асосан йиғирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камида уч йиллик меҳнат стажига эга бўлган ҳамда малака имтиҳонини топширган ЎзР фуқароси туманлараро, тум. (ш.) суди, хўжалик суди С.си бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида беш йиллик, шу жумладан, қонда тарикасида, С. бўлиб камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган ЎзР фуқароси, ҚР ОСи, вил. суди, Тошкент ш. суди, ЎзР Ҳарбий суди С.си бўлиши мумкин.

Олий юридик маълумотга ҳамда юридик ихтисос бўйича камида етти йиллик, шу жумладан, қонда тарикасида, судья бўлиб камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган ва малака имтиҳонини топширган ЎзР фуқароси ЎзР ОС, ОХС С.си бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий унвонга эга бўлган ва юқоридаги талабларга жавоб берадиган ЎзР фуқароси ҳарбий суд С.си бўлиши мумкин.

ЎзР Конс.си (112-м.си)га мувофиқ, С.лар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. С.ларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирор-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмайди ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. С.ларнинг дахлсизлиги қонун б-н қаноатланади. С.лар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутаты бўли-

ши мумкин эмас. С.лар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирор-бир фаолият турлари б-н шуғулланиши мумкин эмас. С. ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

СУДЬЯЛАР МАСЛАҲАТЛАШУВИНИНГ СИР ТУТИЛИШИ – судья ҳукми алоҳида ҳонада, суд эса маслаҳатхонада чиқаради. Бундай пайтда маъзур ҳонада фақат судьянинг ўзи ёки ушбу иш бўйича суд таркибига кирган судьялар ҳозир бўлишлари мумкин. Бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишларига йўл қўйилмайди.

Кеч кириши б-н, зарурат бўлган тақдирда эса, қон давомида ҳам суд маслаҳатни тўхтатишга ҳақлидир. Маслаҳатлашув дам олиш қони ва байрам қонидида ҳам тўхтатилади. Судьялар маслаҳатлашув вақтида айтилган мулоҳазаларни ошқор қилишга ҳақли эмас (ЎзР ЖПКнинг 456-м.си).

СУДЬЯЛАРНИНГ АЛМАШМАСЛИГИ – аксарият демократик мамлакатларда суд тизимининг асосий конституциявий принципларидан бири. Унга қўра, тайинланган (баъзи ҳолларда – сайлаб қўйилган) судья ўз лавозимини умрбод ёки маълум ёшга эғаллаб туради. ЎзР Конс.сининг 112-м.сига мувофиқ, судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

Шундай қилиб, судьянинг ваколат муддатини бу муддат тугагунга қадар тўхтатишга ва тугатишга фақат қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳамда тартибда йўл қўйилади. Судьяга нисбатан жиноят иши қўзғатишга фақат ЎзР Бош прокурори ҳақли. Судьяни ЎзР ОС Пленуми ва ОХС Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортиш ва хибса олиш мумкин эмас.

СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ФАҚАТ ҚОНУНГА БЎЙСУНИШИ – жиноят, фуқаролик ва хўжалик процессларининг принципи. Қонуннинг ушбу принципи айна вақтда конституциявий принцип ҳисобланади. ЎзР Конс.сининг 106-м.сига мувофиқ, ЎзРда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. ЎзР Конс.сининг 112-м.си, ЖПКнинг 14-м.си, ФПКнинг 7-м.си, ХПКнинг 5-м.сида судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунушлари, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятида бирор-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашуш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу принцип шунингдек “Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сида ҳам белгиланган.

Ушбу принцип моҳиятидан одил судловга эришиш учун шарт-шароит яратиш, яъни суд процессуал қарорини фақат ички ишончига асосланиб ташқи аралашувларсиз қабул қилиш тушунилади. Иш ҳолатларини ўрганишда судья фақат қонунга, ҳуқуқий онгига ва ички ишончига асосланиши лозим, шунингдек, иш яқунлари бўйича ҳулосалари ҳеч қандай таъйиқсиз қабул қилиниши керак.

“Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 67-м.сига мувофиқ, судьяларнинг мустақиллиги қуйидагилар орқали

таъминланади: уларни қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш; уларни дахлсизлиги; одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил; қарор чиқариш чоғида судьялар маслахатлашувининг сир тутилиши ва уни ошқор қилишни талаб этишни таъқиқлаш; судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашмаганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик; судьяга давлат ҳисобидан унинг юқсак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

СУДЬЯНИНГ АЛОҲИДА ФИКРИ – ишга тикилиши керак бўлган ёзма ҳужжат. С.а.ф. суд залнда овоз беришда камчиликда қолган судья томонидан тузилади. ЎзР ЖПКнинг 472-м.сига асосан ҳукм судья томонидан чиқарилган бўлса, уни судьянинг яққа ўзи, суд таркиби томонидан чиқарилган бўлса, судьяларнинг ҳаммаси имзолайди. Овоз бериш вақтида озчиликни ташкил қилган судья ҳукмга имзо қўйиб, ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда баён қилишга ҳақлидир. Бу фикрни у бевосита маслахатхонада ёзиши лозим. Алоҳида фикр ишга илова қилинади, лекин суд мажлисининг залида эълон қилиниши мумкин эмас.

Алоҳида фикр мавжуд бўлган иш кассация тартибда қўрилмаган бўлса, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин иш юқори суд раисига юборилиши лозим, у эса иш б-н тапишиб чиқиб, ҳукм устидан назорат тартибда протест бериш-бермаслик масаласини ҳал қилиши керак.

СУДЬЯНИНГ ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ – суд ҳокимияти ифодачиси сифатида судьяларнинг дахлсизлиги; судья тегишли органлар розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, қамоқда сақланиши, мажбурий олиб келиниши мумкин эмас (РФда судьялар малака хайъатининг, Италияда магистратуралар Олий Кенгашининг, ГФРда федерал КСнинг розилигисиз). АҚШда ва қатор мамлакатларда судья фақат импичмент (ишончсизлик) тартибда дахлсизликдан маҳрум қилиниши мумкин.

ЎзР Конс.си ва “Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунига биноан, судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятга аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиниш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларнинг дахлсизлиги қонун б-н қафолатланади. Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, фойдаланадиган транспорт ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга тааллуқлидир.

Судьяларнинг шахсий ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга тегишинча ЎзР ОС раиси, ОХС раиси, адлия вазири томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ўқотар қурол берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуролли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат ЎзР Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин. Судья тегишинча ЎзР ОС Пленумининг ёки ЎзР ОХС Пленумининг розилигисиз жиний жавобгарликка тортилиши, ҳибсага олиниши мумкин эмас. Судья судьялар тегишли малака хайъатининг розилигисиз маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортга кириш, уларни қўздан кечириниш, уларда тинтув ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан қўздан кечириниш ва уни шахсий тинтув қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни қўздан кечириниш, олиб қўйиш ёки олишга фақат ҚР прокурорининг, вил., Тошкент ш. прокурорининг, ЎзР Ҳарбий прокурорининг рухсати ёки суднинг қарори б-н йўл қўйилади.

Туманлараро, тум. (ш.) суди, округ ва ҳудудий ҳарбий суд судьясига нисбатан жиноят иши юқори турувчи суд судловига, бошқа судлар судьяларига нисбатан эса ЎзР ОС судловига тегишлидир.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслахатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча қафолатлари татбиқ этилади.

СУИЦИД (лот. sui + caedere – ўзини-ўзи ўлдириш) – шахснинг ўзини ўзи ўлдиришга қаратилган онгли ҳаракати, яъни ўзини ўзи ўлдириши. Бу шахснинг оғувчи хулқ-атворидан биридир. Қўп ҳолларда рухий касалларга ҳосил. “С.” тушунчасини биринчи бўлиб XVII а.да файласуф ва врач Томас Браун қўллай бошлаган. С. қуйидагича таснифланади: 1) қатъий С. – шахс яшаши хохламайди, ўлишни истайди; 2) шахс бошқаларни ўзига жалб қилишни истаб, уни бошқалар кутқаришига ишониб, ўзини ўзи ўлдиришга ҳаракат қилади. С.нинг бу тури ёшлар ўртасида кенг тарқалган; 3) С., муаммолардан қутулишнинг бир усули сифатида қаралади. Ўзини ўзи ўлдириш шахснинг ўлимига сабаб бўлган онгли ҳаракати, шунингдек шахснинг ўзини ўзи ўлдиришга қаратилган ҳаракати содир этилган, лекин ташки омиллар туфайли унинг ўлими келиб чиқмайди. Шунинг учун, тамом бўлган ва тамом бўлмаган С.лар ҳам ажратилади.

СУИҚАСД – кенг маънода жиноят содир қилиш бошқиларидан бири, қасддан содир этиладиган жиноят бошқилиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаганлиги. Қасддан содир этиладиган жиноят объект томонининг таркибий қисми ҳисобланган тугалланмаган ёки айбдор истаган натижага олиб келмаган ҳаракат (ҳаракатсизлик). Жиноят содир этишга бевосита йўналтирилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)нинг охирига етказилмай қолиши, жиноят тугалланмай қолишига олиб келган ва жиноят содир этишга С. қилган шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар. Айбдор ўз мақсадни қанчалик амалга оширганлигига қараб С. тугалланган ва тугалланмаган С.га бўлинади. Жиноят содир этишга С. қилганлик учун жиний жавобгарлик ЎзР ЖКнинг 25-м.сига ҳавола этилиб, ушбу кодекснинг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгиловчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади. Тор маънода – бирор кимсани йўқ қилиш, ўлдириш учун қилинган ҳаракат тушунилади (мас., подшоҳга С. қилиш). Шунингдек, ўз жонига С. қилиш маъносидан ҳам келади. С. исломда қаттиқ қораланади. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисга кўра, икки мусулмон бир-бирига қилич кўтарса, ўлган ҳам, ўлдирилган ҳам қаттиқ гуноҳкор бўлиши, ўлдирилган одам С. қилгани туфайли гуноҳда қотил б-н баробар бўлиши таъкидланган.

СУННА (араб. – одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) – исломда мусулмонлар учун намуна ҳисобланган Му-

хаммад с.а.в.нинг сўзлари, амаллари, муомаласи ва хатти-харакатлари. С. ҳақидаги ривоятлар пайгамбаримизнинг саҳобалари, сафдошлари тилидан ёзиб олинган бир неча минг ҳадисларга жамланган. С. исломда Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланган ва ҳуқуқий ҳаётнинг Қуръонда кўрсатилмаган у ёки бу ҳолати бўйича низоларни ҳал этишда қўлланилган, уни тўлдирувчи манба, ислом илоҳиёти ва шарнатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган. С. VII а. ўрталарида йиғила бошланган. Бир ярим-икки аср давомида ҳадислар жуда кўпайиб кетган. IX а.га келиб булар бир тизимга солинган ва дип, ахлоқ, фикҳнинг муқаддас манбаига айланган. Булардан Бухорий (810–870) ва Муслим (817–875) тўпламлари энг обрўли ҳисобланган. С.да ривоятлар мавжудлиги б-н бирга, араб халифалигининг дастлабки икки асрида ислом дини тараққиёти ва турли ижтимоий қатламлар аҳолини кўрсатадиган тарихий маълумотлар ҳам ўз ифодасини топган.

СУННИЙЛИК – ислом динидаги икки асосий йўналиш (иккинчиси шиалик)дан бири ва энг кенг тарқалгани. Мутахассислар ҳисоблари бўйича, жаҳондаги барча мусулмонларнинг қарийб 90 %и С.ка (колган 10 %и шиаликка) мансуб. С. тарафдорлари асосан Осиё ва Африкада (Покистон, Бангладеш, Хиндистон, Индонезия, Малайзия, Хитой, Афғонистон, Туркия, Арабистон яриморли ва Форс кўрфазидидаги араб давлатларида, Сурия, Ливан, Иордания, Эрон, Шимоли-шарқий ва ғарбий Африка мамлакатларида), шунингдек, Марказий Осиёда (Тожикистоннинг тоғли ҳудудларидан ташқари), Болгария, Югославия, Албания, Кипр ва АҚШда яшайдилар. Бу йўналиш VII а.нинг иккинчи ярмида Арабистонда вужудга келган. VIII–XII а.ларда араб халифалигидаги диний-сиёсий курашлар жараёнида исломдаги энг йирик йўналиш сифатида шаклланган. Суннийлар Қуръон б-н бирга суннага эътиқод қилдилар. Унда Муҳаммад с.а.в. ва халифа Али б-н бир каторда, шиалик тарафдорлари рад этадиган дастлабки халифалар (Абу Бакр, Умар, Усмон) ҳам эътироф этилади. Суннада 4 та ҳуқуқ мазҳаби мавжуд, улардан ханафия б-н шофиъия Марказий Осиё ва Россияда яшайдиган мусулмонлар орасида ҳам тарқалган. Сунна исломдаги диний йўналиш сифатида ягона марказга эга эмас. VIII а. охири ва IX а. бошларида С. доирасида тасаввуф, XVIII–XIX а.ларда илк даврдаги соф исломга қайтиш тарафдори бўлган диний-сиёсий оқим – ваҳхобийлик, XIX–XX а.ларда эса ислом динини ислоҳ қилиш ва замонага мослаштириш ҳаракати, яъни диний ислоҳчилик ва модернизм вужудга келган. Саудия Арабистонидаги Макка ва Мадина ш.лари С. тарафдорларининг ҳар йили зиёрат (ҳаж)га борадиган муқаддас ш.лари ҳисобланади, (ҳажга қисман шиалар ҳам боради). С. исломда ортодоксал эътиқод йўли деб эътироф этиб келинган. Суннийлик б-н исломдаги иккинчи асосий йўналиш – шиалик ўртасидаги ҳокимият масаласида (С. халифалик ҳокимияти, шиалик эса имомат тарафдорлари), айрим диний маросим ва анъаналарда (мас., азон, мутъа, шахсей-вахсей, маҳдийлик ва ҳ.к.) бирмунча тафовутлар бор.

СУРА (араб. – тизма, катор) – фақат Қуръонга хос атама, унинг бўлимлари С.лар дейилади, уни шартли равишда боб б-н таққослаш мумкин. Қуръонда жами 114 та С. бор. Улар узун ва қисқалиги б-н фарқ қилади. Энг узун С. 286 оятдан, энг қисқаси 3 оятдан иборат.

СУРГУН – жиной жазо тури; маҳкумни муайян бошқа бир жойда яшаш учун мажбурий равишда кўчириш. Собик шўролар даврида С. қилиш инсон ҳуқуқларини поймол этишнинг ўзига хос усулларидан бири бўлган. С. асосий жазо сифатида ҳам, қўшимча жазо сифатида ҳам 2 й.дан 5 й.гача бўлган муддатга тайинланиши мумкин эди. Меҳнатга лаёқатли маҳкум С. муддатини, албатта меҳнат қилиш б-н бирга ўтаган. Қатағонлар даврида қанчадан-қанча бегуноҳ одамлар, сиёсат, фан, маданият арбоблари совуқ юртларга “халқ душмани” деган тамга б-н С. қилинган. Репрессияга учраб С. қилинган минглаб юртдошларимиз Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши шарофати б-н, Президентнинг саъй-харакатлари туфайли оқланди.

1994 й. 22 сентябрда тасдиқланган ва 1995 й. 1 апрелдан амалга киритилган ЎзР ЖКдаги жазо тизимида С. шахснинг шаъни, кадр-қиммати топталишига олиб келадиган жазо тури бўлганлиги учун ўз ифодасини топмаган.

СУРИШТИРУВ – ЎзРда жиноятларни дастлабки тергов қилишнинг (дастлабки тергов б-н бир катордаги) икки шаклидан бири. С. дастлабки терговдан уларни амалга оширувчи органлар ҳамда ушбу органлар бажарадиган процессуал фаолият ҳажми ва муддатлари б-н фарқланади. С. органларининг фаолияти улар дастлабки терговни амалга ошириши шарт бўлган ишлар бўйича ҳаракат қияптиларми ёки дастлабки тергов шарт бўлмаган ишлар бўйича ҳаракат қияптиларми – ана шунга қараб фарқланади. Дастлабки тергов ўтказиш шарт бўлган жиноятларнинг белгилари бўлганда С. органи жиноят иши кўзгатади ва жиноят-процессуал қонун қоидаларига асосланиб, жиноят изларини аниқлаш ва мустахкамлаш бўйича кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини, яъни кўздан кечириш, тинтув, олиб кўйиш, гувоҳлантириш, ушлаб туриш ва гумон қилинувчиларни, жабрланувчиларни ва гувоҳларни сўроқ қилиш ишларини амалга оширади. Аниқланган жиноят ва бошланган С. ҳақида С. органи дархол прокуратурага хабар қилади. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари бажарилгач, С. органи ишни терговчига ошириши шарт. Дастлабки тергов ўтказиш шарт бўлмаган ишлар бўйича С. органи иш кўзгатади ва жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун жиноят-процессуал қонунда назарда тутилган барча чораларни кўради.

ЎзР ЖПКнинг 339-м.сига асосан С. органларининг вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймастик; 2) далилларни тўплаш ва сақлаш; 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш; 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш.

С. органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилади. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати ва ЎзР БПси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинойит фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши

курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари органлари бу мақсадда тезкор-қидирув чораларини ҳам кўришга ҳақлидир.

СУРИШТИРУВ ОРГАНЛАРИ – ЎзР ЖКнинг 38-м.сига мувофиқ, қуйидагилар С.о. ҳисобланади: 1) милиция; 2) ҳарбий қисмлар, кўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртлирининг бошлиқлари – уларга бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича; ЎзР Қуроли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш б-н боғлиқ жиноятлари ёки қисм, кўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этган жиноятларига доир ишлар бўйича; 3) миллий хавфсизлик хизмати органлари – қонунга кўра уларнинг юритишига берилган ишлар бўйича; 4) ЎзР ИИБ жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, камок тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари – шу муассасалар ходимлари хизматини ўташининг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятларга доир ишлар, худди шунингдек мазкур муассасалар худудинда содир этилган бошқа жиноятларга доир ишлар бўйича; 5) давлат ёнгиндан назорат қилиш органлари – ёнгинларга доир ва ёнгинга қарши қондаларни бузганликка доир ишлар бўйича; 6) чегарани кўриқлаш органлари давлат чегарасини бузганликка доир ишлар бўйича; 7) олис сарфарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари; 8) давлат божхона хизмати органлари, ЎзР БПСи ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга ва жиноий йўл б-н топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари – тегишинча божхона, солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар бўйича.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР – қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи б-н боғланган доимий ёки муваққат суғориш тармоғига эга бўлган ерлар (ЎзР ЕКнинг 44-м.си).

Қишлоқ ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ери бўлган ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларини суғориш ишлари учун манбаларнинг серсувлигини ҳисобга олган ҳолда жорий этилган лимитлар бўйича сув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари б-н белгиланадиган тартибда сув б-н таъминлашлари шарт.

С.е. махсус муҳофаза қилиниши лозим. Бундай ерларни суғорилмайдиган ерлар сирасига ўтказиш алоҳида ҳолларда, тупрок-мелиоратив ва иктисодий шароитларни ҳамда ерларнинг сув б-н таъминланганлигини, улардаги мавжуд сув ресурсларини ва бу сувларга белгиланган лимитларни инобатга олиб, ЎзР ВМ б-н келишилган ҳолда вилоят ҳокими қоронига биноан амалга оширилади.

ЎзР ЕКнинг 45-м.сига кўра кадастр баҳоланишига кўра ўртача тум. бонитет балидан 20 %дан кўп бўлган суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар жумласига кириди.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган ерлар махсус муҳофаза қилиниши ва уларнинг суғорил-

майдиган ерлар жумласига ўтказилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Алоҳида қимматга эга бўлган унумдор суғориладиган қишлоқ хўжалик ерларини қорхоналар, бинолар ва ишотлар қурилиши учун беришга алоҳида ҳолларда ЎзР ВМнинг қарорига биноан йўл қўйилади.

СУҒУРТА – юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган С. мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (С. ҳодисаси) юз берганда ушбу шахсларга С. шартномасига мувофиқ С. товонини (С. пулини) тўлаш йўли б-н уларнинг манфаатларини химоя қилиш (“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

С. фуқаро ёки юридик шахс (С. қилдирувчи) С. ташхилоти (С.ловчи) б-н тузадиган мулккий ёки шахсий С. шартномалари асосида амалга оширилади. Шахсий С. шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади. Мажбурий С.да С. қилдирувчи суғурталовчи б-н С.нинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт. Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий С. қилиш ҳоллари (давлат мажбурий С.си) назарда тутилиши мумкин (ЎзР ФКнинг 914-м.си).

СУҒУРТА АГЕНТИ – суғурталовчи номидан, унинг топшириғига биноан суғурта шартномасининг тузилиши ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс С.а. ҳисобланади.

“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ суғурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари С.а. бўла олмайдилар. Суғурталовчилар ўзлари ваколат берган С.а.ларининг реестрларини юритишлари лозим.

С.а. – жисмоний шахс ўз номига, тўловлар нақд пуллар б-н амалга оширилганда эса яқин қариндошлари (отаси, опаси, хотини, эри, ўғли, қизи, опа-сипиллари ва ака-укалари) номига суғурта шартномалари бўйича ҳужжатлар ёзишга, шунингдек ўз фойдасига суғурта шартномалари тузишга ва бунда мазкур суғурта шартномаси бўйича С.а. сифатида иш кўришга ҳақли эмас.

СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ – суғурталовчилар, суғурта воситачилари, аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанс. Суғурта брокери, қайта суғурта брокери ва суғурта агенти суғурта воситачилари ҳисобланадилар (“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.си).

СУҒУРТА БРОКЕРИ – суғурта қилдирувчи номидан ва топшириғига биноан суғурта шартномаси тузилиши ҳамда ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс. С.б.нинг фаолияти суғурта соҳасидаги бошқа фаолият турлари б-н кўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта С.б.нинг фаолияти бундан мустаснодир. С.б. суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас. С.б. ўзи б-н суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади (“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си). Яна қ.: *Қайта суғурта брокери*.

СУҒУРТА МУКОФОТИ – суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта шартномасида белгиланган тар-

тибда ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи.

Суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўлашни лозим бўлган С.м. миқдорини белгилашда суғурта объекти ва суғурта хавфи хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундириладиган мукофотни аниқлайдиган суғурта тарифларини қўллашга ҳақли.

Конунда назарда тутилган ҳолларда С.м.нинг миқдори давлат суғурта назорати органлари томонидан жорий этилган ёки тартибга солинадиган суғурта тарифларига мувофиқ белгиланади (ЎзР ФКнинг 942-м.си).

СУГУРТА ПОЛИСИ – суғурта шартномасини тасдиқловчи, суғурталовчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжат. С.п. шартноманинг ҳамма муҳим шартларини ўзида мужассам этиши шарт. Суғурталовчи томонидан имзоланиб, суғурталовчининг, суғурта қилдирувчининг, наф олувчининг, суғурталанган шахснинг номи ва манзили, суғурта объекти, суғурта хавфи, суғурта пулининг миқдори ҳамда шартнома муддати кўрсатилиши керак. Суғурта шартномаси битта ҳужжатни тузиш ёки суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки озаки аризасига мувофиқ суғурталовчи имзолаган, суғурта шартномасининг шартларини ўз ичига олган С.п. (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли б-н тузилиши мумкин. С.п. бир галлик ва бош полис бўлиши мумкин. Бир галлик С.п.да одатда битта предмет бўйича суғурта шартномаси расмийлаштирилади. Бош полис бўйича суғурталаш деганда бир турдаги мол-мулк турли туркумларини муайян муддат давомида бир хилдаги шартларда мунтазам суғурталаш тушунилади (ЎзР ФКнинг 928-м.си 1-қисми). Бош полис б-н суғурталаш фақатгина мол-мулкни суғурта қилишда қўлланилиши мумкин. Шахсий ва мулкий суғуртада бир галлик С.п. қўлланилади. Агар шартномада кўрсатилган бўлса, шахсий ва мулкий суғуртада қўлланилиши мумкин. Суғурта қилдирувчи бош полисининг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг ҳар бир туркуми тўғрисида суғурталовчига бундай полисда шартлашилган маълумотларни унда назарда тутилган муддатда, агар муддат назарда тутилмаган бўлса, улар олингандан кейин дарҳол хабар қилиши шарт. Агар бундай маълумотларни олиш пайтигача суғурталовчи тўлаши лозим бўлган зарар кўриш эҳтимоли ўтиб кетган бўлса ҳам, суғурта қилдирувчи бу мажбуриятдан озод бўлмайди. Бош полис бўйича суғурталашда доимо мулкларнинг ўзгариши рўй бериб, мол-мулкнинг бир қисми шартномадан чиқиб кетса, ўрнига бошқалари келади. Шунинг учун вақти-вақти б-н суғурта бадаллари тўлаб борилиши керак. Суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи бош полисининг таъсир доирасида бўладиган мол-мулкнинг алоҳида туркумлари бўйича суғурта полисларини бериши шарт (ЎзР ФКнинг 928-м.си 2 ва 3-қисмлари). Суғурта шартномасининг шартлари нафақат шартномада ёки С.п.да белгиланиши, балки суғурта қондалари б-н ҳам белгиланиши мумкин.

СУГУРТА ПУЛИ – ЎзР ФКнинг 934-м.сига мувофиқ мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи суғурта товонини тўлаш мажбуриятини оладиган ёки шахсий суғурта шартномаси бўйича тўлаш мажбуриятини оладиган сумма (С.п.) суғурта қилдирувчининг суғурта-

ловчи б-н келишувига кўра ушбу модда қондаларига мувофиқ белгиланади.

Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, С.п. уларнинг ҳақиқий кийматидан (суғурта кийматидан) ошмаслиги лозим, қуйидагилар шулар жумласига қиради:

мол-мулк учун – унинг суғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий киймати;

тадбиркорлик хавфи – суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи тадбиркорлик фаолиятдан кўриши мумкин бўлган зарар.

Шахсий суғурта шартномаларида ва фуқаровий жавобгарликни суғурталаш шартномаларида С.п.ни тарафлар ўз ихтиёрларига кўра аниқлайдилар.

СУГУРТА СИРИ – суғурта қилдирувчилар, суғурталанган шахслар ва наф олувчилар, суғурта қилдирувчиларнинг ва суғурталанган шахсларнинг соғлиғи, суғурталанган мол-мулк, суғурта пули, банк ҳисобварақлари мавжудлиги, ушбу ҳисобварақлардаги пул қолдиқлари ва пул ҳаракати ҳақидаги маълумотлар ошқор қилиниши мумкин эмас. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, суғурта тарифлари, суғурта турлари ҳамда муддатлари очик ахборот бўлиб, С.с. предмети бўлиши мумкин эмас (“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 26-м.си).

С.с.ни бузганлик учун суғуртачи бузилган ҳуқуқ тури ва унинг бузилиш хусусиятига қараб ЎзР ФКнинг 985, 1021 ва 1022-м.лари қондаларига мувофиқ жавобгар бўлади (ЎзР ФКнинг 933-м.си).

СУГУРТА СЮРВЕЙЕРИ – суғурта сюрвейери қуйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билिम ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта шартномаси тузилгунига қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта шартномаси тузилгунига қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

текширилаётган суғурта объекти бўйича ҳулоса тузиш. Суғурта экспертизасини ўтказишга ваколатли мутахассисларнинг (экспертларнинг) иш тартиби С.с. томонидан белгиланади.

С.с. ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) б-н тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

С.с.:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

С.с. ишининг натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилади, суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) бу ҳисоботдан суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузиш чоғида фойдаланиши мумкин.

С.с.нинг ҳисоботида кўрсатилган ҳулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқилиши

мумкин ("Суғурта фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни-нинг 9^б-м.си).

СУГУРТА ТАВАККАЛЧИЛИГИ – тахмин қилинган воқеа ва ҳодисалар бўлиб, ана шу воқеа юз беришидан эҳтиёт шарт суғурта қилиш амалга оширилади.

С.т.лари ёки улар гуруҳларининг ва улар б-н боғлиқ мажбуриятларнинг умумий хусусиятларига мувофиқ суғурта соҳалари суғурта турларига (классларига) бўлинади. Суғурта турлари (класслари) ЎзР ВМ томонидан белгиланади ("Суғурта фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни-нинг 4-м.си).

СУГУРТА ТАРИФЛАРИ – суғурта суммаси ёки суғурта объекти бирлигидан олинган суғурта бадалли ставкасини ақс эттиради. Суғуртанинг мажбурий турлари бўйича суғурта тарифи мажбурий суғурта ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади, ихтиёрий шаклдаги шахсий суғурта, мулкни суғурта қилиш ва жавобгарлик суғуртаси бўйича суғурта қилиш суғурта қилувчилар томонидан мустақил равишда ҳисоблаб чиқиши мумкин. Суғурта тарифининг аниқ миқдори тарафларнинг келишуви бўйича суғурта шартномаларида белгиланади.

ЎзР ФКнинг 942-м.сига кўра суғурталовчи суғурта шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган суғурта мукофоти миқдорини белгилашда суғурта объекти ва суғурта хавфи хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ўзи томонидан ишлаб чиқилган, суғурта пули бирлигидан ундирилган мукофотни аниқлайдиган С.т.ни қўллашга ҳақли. Қонунда назарда тутилган ҳолларда суғурта мукофотининг миқдори давлат суғурта назорати органлари томонидан жорий этилган ёки тартибга солинадиган С.т.га мувофиқ белгиланади.

СУГУРТА ТЎЛОВИ – суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурталовчининг суғурталанувчига, суғурта қилинган шахсга ёки бошқа учинчи шахсларга тўлайдиган суғурта ҳақи бўлиб, мол-мулкка дахлдор суғурта ҳодисаси юз берганда С.т. суғурта товони сифатида, суғурталанувчининг ёки учинчи шахснинг шахсига дахлдор суғурта ҳодисаси юз берганида эса – суғурта таъминоти сифатида амалга оширилади.

СУГУРТА ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ – к.: *Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари.*

СУГУРТА ҲОДИСАСИ – суғурта шартномаси ёки қонунда назарда тутилган, пировардида рўй берган ҳодиса бўлиб, унинг рўй бериши б-н суғурталовчининг олдида суғурталанувчи ёки наф олувчи учинчи бир шахсга суғурта тўловини тўлаш мажбурияти пайдо бўлади. Мулкни С.х.да суғурталанувчи шахс ёки учинчи шахсга доир С.х. таъминот шаклида амалга оширилади.

СУГУРТА ШАРТНОМАСИ – суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) б-н тузадиган мулккий ёки шахсий С.ш.лари асосида амалга оширилади. Шахсий С.ш. оммавий шартнома ҳисобланади.

ЎзР ФКнинг 927-м.сига асосан суғурта ёзма шаклда амалга оширилади. Бу талабга риоя этмаслик шартноманинг ҳақиқий эмас деб тан олиншига олиб келади. С.ш. битта ҳужжатни тузиш ёки суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчига унинг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган, С.ш.нинг шартларини ўз

ичига олган суғурта полиси (шаҳодатномаси, сертификати, квитанцияси)ни топшириш йўли б-н тузилиши мумкин. Бу ҳолда суғурта қилдирувчининг суғурталовчи таклиф этилган шартларда шартнома тузишга рози эканлиги суғурталовчидан кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилиб олиш ва суғурта мукофоти тўлаш ёхуд суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб тўланганда биринчи бадални тўлаш орқали тасдиқланади. С.ш. тузиш чоғида суғуртанинг алоҳида турлари бўйича С.ш. (суғурта полиси)нинг ўзи ишлаб чиққан стандарт шаклларини қўллашга ҳақли. С.ш.нинг амал қилиши ЎзР ФКнинг тегишли моддалари асосида белгилаб қўйилган.

СУГУРТАЛАНУВЧИЛАР – қонунга мувофиқ суғурта шартномалари тузган юридик шахслар ва муомалага лаёқатли жисмоний шахслар. С. суғурталовчилар б-н учинчи шахсни суғурта қилиш ҳақида шартномалар тузиш ҳуқуқига эгадирлар. С. суғурта шартномаларини тузиш пайтида суғурта тўловларини олиш учун жисмоний ёки юридик шахсларни шартномага кўра белгилашлари ва уларни ўз хоҳишига кўра суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар ўзгартиришлари мумкин.

СУГУРТАЛОВЧИ – тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс.

С.лар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланишлари мумкин эмас. "Суғурта тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 6^б-м.сида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно ("Суғурта тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 6-м.си).

С. қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномалари тузиш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта суғурта қилиш, шу жумладан ЎзРдан ташқарида қайта суғурта қилиш;

махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

қимматли қозғалар бозоринда инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятини амалга ошириш. Бунда мазкур фаолият турини амалга ошириш учун суғурталовчининг лицензия олиши талаб қилинмайди;

суғурта (қайта суғурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш б-н боғлиқ фаолиятни, шунингдек суғурта агенти сифатида суғурта воситачилигини амалга ошириш;

суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва оғохлантириш чора-тадбирларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;

С. томонидан амалга ошириладиган суғурта турларига доир қондаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;

суғурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

суғурта агентлари, суғурта ва қайта суғурта брокерлари, суғурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари б-н тегишли шартномалар тузиш;

суғурта товони тўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

суғурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текширишни, суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

ЎзРнинг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

С. қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

С.:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши;

ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиши;

суғурта ходисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши;

фирманинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақдаги ахборотни суғурта қилдирувчиларга "Суғурта тўғрисида"ги ЎзР Қонунида белгиланган тартибда етказиши;

суғурта захираларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда бир йилда камида бир марта актуарийни (актуар ташкилотни) актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

махсус ваколатли давлат органи белгилаган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва б. ҳисоботларни тузиши шарт.

С.нинг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин ("Суғурта тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 6¹-м.си).


СЎРОВНОМА – қ.: Анкета (Сўровнома).

СЎРОҚ ҚИЛИШ – жиноят процессида шахсдан ишнинг юридик аҳамиятга эга бўлган фактик ҳолатлари бўйича маълумотларни сўрашдан иборат тергов ҳаракати. Гумон қилинувчи (айбланувчи)ни, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни С.қ. фарқланади.

Сўроқ – бу жиноят-процессуал қонун томонидан қайд этилган (ЎзР ЖПКнинг 96–108, 109–112, 114–120, 186-м.лари) билиш ва тасдиқловчи операциялар бўлиб, терговчи томонидан унинг юритувида бўлган жиноят иши бўйича амалга оширилади ва унинг мақсади сифатида иш бўйича аҳамиятга эга бўлган ҳоллар тўғрисидаги кўрсатувларни олиш ва мустаҳкамлашдан иборат бўлади.

Суриштирувчи ёки терговчи гувоҳни, жабрланувчини, гумон қилинувчини ва айбланувчини суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда, суд эса суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилади.

Сўроқ жараёни ва натижалари суриштирув ва дастлабки тергов босқичида сўроқ баённомасида, суд муҳокамасида эса суд мажлиси баённомасида қайд қилинади. Сўроқ жараёнида баённома юритиш б-н бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин.



ТАБАРИЙ (839–923) – араб тарихчиси, фақиҳ, муфассир, тилшунос олим. Асл исми Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир. Асли табаристонлик, умрининг кўпини Бағдодда ўтказган. Т. араб халифалигига тобе бўлган кўпгина мамлакатларни кезиб чиққан. У Ўрта аср фақининг биринчи муфассирини, хусусан, фикҳ ҳамда тарихни мукамал эгаллаган, Қуръон ва ҳадис бўйича йирик асарлар яратган. Асарларида ислом ва араб халифалиги тарихи кенг ёритилган. “Тарихи Табарий” номли асари муҳим тарихий манба ҳисобланади. Шунингдек, у Қуръоннинг 30-жилдик йирик тафсири муаллифи.

ТАБИАТ БОҒЛАРИ – алоҳида экологик, маданий ва эстетик қимматга эга бўлган табиий объектлар ва мажмуаларни табиатни муҳофаза қилиш йўналишидаги, рекреация, илмий ва маданий мақсадларда сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланиш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар. “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 23-м.си га мувофиқ, Т.б. махсус ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан тегишинча ЎзР ВМ ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари б-н давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этиладиган миллий Т.б. ва маҳаллий аҳамиятга молик Т.б.га бўлинади. Т.б. бундай боғлар тўғрисидаги, улар қайси давлат органларининг тасарруфида бўлса, шу давлат органлари томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида фаолият кўрсатади. Т.б.нинг ҳудуди Т.б.га фойдаланишга бериб қўйиладиган ер участкаларида, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг Т.б. чегаралари доирасидаги ер участкаларида жойлашади. Т.б. ҳудудида зоналарга бўлинишга мувофиқ табақалаштирилган режим ўрнатилади. ЎзРда давлат тасарруфидаги Зомин (241,1 км²) ва Угом-Чотқол (5745,9 км²) Т.б. мавжуд.

ТАБИЙ МОНОПОЛИЯ – товар бозорининг ҳолати бўлиб, унда технологик хусусиятлар туфайли муайян товарлар (ишлар, хизматлар) турларига бўлган талабни қондиришнинг рақобатли шароитларини яратиш мумкин эмас ёки иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас (“Табиий монополиялар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Товар бозорининг ушбу бозордаги талабни қондириш, ишлаб чиқаришнинг технологик хусусияти туфайли (ишлаб чиқариш ҳажми ошган сари товар бирлигига сарфланадиган ишлаб чиқариш харажатлари кескин пасайиши б-н боғлиқ равишда) рақобат бўлмаган шароитда самаралироқ бўладиган, Т.м. субъектлари ишлаб чиқарадиган товарларни эса истеъмолда бошқа товарларга алмаштириб бўлмайдиган, шу боис ушбу товар бозорида табиий монополия субъектлари ишлаб чиқарадиган товарларга бўлган талаб мазкур товарнинг нархи ўзгаришига бошқа товарларга бўлган талабларга қараганда энг кам даражада боғлиқ бўладиган ҳолати.

ТАБИЙ МОНОПОЛИЯ СУБЪЕКТИ – табиий монополия шароитида товарлар ишлаб чиқариш (реализация қилиш) б-н банд бўлган хўжалик юритувчи субъект (юридик шахс) (“Табиий монополиялар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ТАБИЙ ҲУҚУҚ – давлат ва ҳуқуқ назариясида инсоннинг табиатидан келиб чиқадиган ва шу туфайли муайян давлатда уларнинг қонуний тан олинishi ёки олинмаслигига боғлиқ бўлмайдиган принциплар, қоидалар, ҳуқуқ ва қадриятлар йиғиндисини англатувчи тушунча. Таъкидлаш жоизки, Т.х. ҳуқуқий нормалар манбаини қонун чиқарувчининг иродасида (юридик позитивизм вакиллари каби) эмас, балки табиатнинг (нарсалар, инсон, жамият табиатининг) ўзида кўрадиган энг қад. ва энг кенг тарқалган ҳуқуқий доктриналардан бириндир. шу сабабли ҳуқуқ ва қонун нафақат мос келмаслиги, балки бир-бирига зид бўлиши ҳам мумкин. Ушбу ёндашув доирасида Т.х. назариясининг вариантлари тарихнинг турли давларида ва турли мутафаккирларда мутлақо хилма-хил мазмун ва фовий йўналиш касб этган.

Т.х. назариясининг айрим қоидалари мил.авв. V–IV а.лардаёқ Қад. Юнонистон софистлари томонидан ривожлантирилган эди. Кейинчалик Т.х. тўғрисидаги таълимотни Қад. Рим ҳуқуқшунослари ва файласуфлари ривожлантирдилар. Улар Т.х. деганда, гоҳ илмий маънодаги қонунларни; гоҳ ҳар бир халқ ҳуқуқида учрайдиган позитив ҳуқуқ ўзагини тушунганлар; гоҳ Т.х.ни умумэтироф этилган ижобий ҳуқуққа қарама-қарши қўйганлар (бунга айрим римлик муаллифларнинг ҳамма жойда қонунлар б-н мустақамлаб қўйилганлигига қарамай, табиатга зид бўлган қуллик тўғрисидаги масалада билдирган фикрлари мисол бўла олади). Қад. юнонларда бўлганидек, бу ерда ҳам ижобий ҳуқуқ ҳаракатчан, ўзгарувчан, одамлар томонидан яратиладиган соҳага киритилган, Т.х. эса, табиатнинг ўзи яратадиган ва одамлар ўргасида юзага келувчи муносабатларга асосланадиган абадий ҳуқуқ соҳасига мансуб топилган.

Ўрта а.ларда Т.х. назарияси катта тадрижий ривожланиш жараёнини бошдан кечирди. Ўзининг асосий қоидаларини, хусусан, инсон табиатининг абадийлиги ва ўзгармаслиги ҳақидаги қоидаларни сақлаб қолган ҳолда, Т.х. (айниқса, XIV–XVI а.ларда) табиий эмас, балки кўпроқ илохий манбаларга боғлаб ўрганилди. Т.х. амалдаги, мажбурий ва б. ҳар қандай ижобий ва анъанавий ҳуқуқдан устун дея эътироф этилди. Жумладан, ўзбек халқининг Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Амир Темур, Алишер Навоий каби аждодлари ҳам ҳуқуқни табиат ёхуд Аллох томонидан инсонларга берилган имкониятлар мажмуи сифатида тушунганлар.

Т.х. назарияси илмий юридик ва фалсафий адабиётларда кенг ва фаол тадқиқ қилинган давр XVII–XVIII а.ларга тўғри келади. Шу даврда Т.х. назарияси кўплаб буюк мутафаккирлар ва маърифатчилар, чунончи: Голландияда – Гуго Гроций ва Спиноза, Англияда – Томас Гоббс ва Жон Локк, Францияда – Жан-Жак Руссо, Поль Гольбах, Россияда – Александр Радищев ва б.лар томонидан фаол қўллаб-қувватланди ва қўлланилди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари б-н табиий ҳуқуқ мактаби вужудга келди. Бу мактаб ҳам миллий, ҳам халқаро ҳуқуқнинг келгуси ривожланиш жараёнига жуда катта таъсир кўрсатди.

Т.х. шу даврда сиёсий ва юридик идеал ролини ўйнади. Унга намуна олиш зарур бўлган андоза деб қаралди. Барча жиҳатлардан номукамал бўлган мавжуд ҳуқуқни Т.х. б-н алмаштириш зарур, деган фикр илгари сурилди. Шу кўринишда табиий ҳуқуқ назарияси эски, феодал тузумга қарши қаратилган инқилобларни асословчи ғоя шаклини касб этди. Хусусан, Т.х. тўғрисидаги таълимот "инсоннинг туғма ҳуқуқлари учун қирол тузумига қарши бош кўтарган" француз инқилобининг шиорига айланди ва уни оқлаш учун асос бўлиб хизмат қилди.

XIX а. бошида Т.х.нинг ривожланишида инқироз рўй берди. Т.х. назарияси Германияда янги илмий оқим – ҳуқуқ тарихий мактаби б-н тўқнаш келди. Англияда Т.х.ка утилитар мактаб ҳам қарши турди. Мазкур мактаб асосий ғоясининг замирида инсон ва жамият табиати эмас, балки манфаат инсон маънавиятининг мезони ва унинг барча қилмишларини ҳаракатлантирувчи куч сифатида ётар эди. Т.х. мактабининг XVIII а. инқилобий йўналишлари б-н яқин алоқаси унинг турли реакцион кучлар томонидан қораланиши ва қуввин қилинишига сабаб бўлди. Аммо табиий ҳуқуқ ғоясига энг кучли зарбани XIX а.нинг илмий руҳи, унинг тарихий, ижтимоий ва эволюцион ёндашуви берди.

XIX а. охиридан то ҳозирги вақтгача бу назария ўзининг уйғониш даврини бошдан кечирмоқда. Янги назариянинг эски табиий ҳуқуқдан фарқи шундаки, у барча замонлар ва халқлар учун боқий, ўзгармас бўлган ҳуқуқдан воз кечди. У жаҳонда фақат тарихан ўзгарувчи мазмунга эга бўлган табиий ҳуқуқ мавжуддир, деган ғоядан келиб чиқади.

Ҳозирги шароитда Т.х. назарияси кенг сиёсий ва ғоявий йўналиш касб этди. Унинг турли қондалари ёрдамида 1930–1940 й.ларда айрим мамлакатлар (Германия, Италия, Португалия ва б.)да фашизм ва тоталитаризм аввал оқланди, фашизм устидан галаба қозонилганидан кейин эса ялпи қораланди. Собик иттифок ҳудудидаги барча давлатларнинг конс.лари Т.х. доктринасига асосланади. Уларда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ажралмас деб эълон қилинган. ЎзРнинг қонунлари ҳам инсоннинг табиий ҳуқуқларини, адолат, ҳақиқат, озодлик, мустақиллик нуқтан назаридан келиб чиққан ҳолда белгиламоқда. Чунончи, ЎзР Конс.нинг 24-м.си хар бир инсоннинг узвий, яъни ажралмас ҳуқуқи сифатида яшаш ҳуқуқини мустақкамлади.

Маърифий ва маданий жамиятда табиий ва позитив ҳуқуқни қарама-қарши қўйиш учун асослар йўқ. Чунки Т.х. ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ягона умуминсоний тизимини ташкил этувчи инсон Т.х.лари ни мустақкамлайди ва ҳимоя қилади.

ТАДБИРКОР – к: *Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (Тадбиркорлик субъектлари).*

ТАДБИРКОРЛИК – к: *Тадбиркорлик фаолияти (Тадбиркорлик).*

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ – к: *Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (Тадбиркорлик субъектлари).*

ТАДБИРКОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИГИ – к: *Тадбиркорлик хавфи (Тадбиркорлик таваккалчилиги).*

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) – Т.ф. субъектлари томонидан қонун ҳужжатлари га мувофиқ амалга оширилаётган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қара-

тилган ташаббускор фаолият ("Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Т.ф. субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда Т.ф.ни амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек Т.ф. б-н шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар Т.ф.нинг субъектлари бўлиши мумкин эмас ("Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИ (ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ) – белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар Т.ф.с. бўлиши мумкин эмас ("Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИГИ – давлат иктисодий фаолият, тадбиркорлик эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқчилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаш-ни ифода этади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир.

Мулкдор мулкига ўз хохишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади ("Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 18-м.си).

ТАДБИРКОРЛИК ХАВФИ (ТАДБИРКОРЛИК ТАВАККАЛЧИЛИГИ) (инг. business risk) – ЎзР ФКнинг 915-м.сига мувофиқ, тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятидан қутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

ТАКЛИФ – "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, фуқаролар мурожаатларининг бир тури бўлиб, фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаати.

Т. давлатда ёки унинг муайян ҳудудида иш тартибини яхшиласа ёхуд қорхона, муассаса, ташкилот, давлат органи фаолиятини яхшилашга қаратилган бўлса, тўғри деб ҳисобланади.

ЎзР Конс.сининг 35-м.сига биноан хар бир шахс бево-сита ўзи ва блар б-н биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, Т. ва шикоятлар б-н мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Т. фуқаро-

ларнинг муружат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади. Яна к: *Фуқароларнинг муружаатлари*.

ТАКРОРАН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ – ЎЗР ЖК Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам Т.ж.с.э. деб топиллади.

Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди. Умумий қасд б-н қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибинини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиний қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди. Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибинини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Юқоридаги таърифдан келиб чиқиб, Т.ж.с.э.нинг бир қанча белгиларини ажратиш кўрсатиш мумкин: шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятнинг содир этилиши; жиноятнинг турли вақтларда содир этилиши; айнан бир моддада, қисмда, баъзи ҳолларда эса, турли моддаларда назарда тутилган янги жиноятни содир этиш; шахснинг содир этилган жиний қилмишларидан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаслиги.

Т.ж.с.э. деганда, илгари муайян жиноят содир этган шахс томонидан, агар илгариги қилмишининг ҳуқуқий оқибатлари олиб ташланмаган бўлса, янги жиноят содир этиш ҳоллари тушунилади. Жиноят қонунни маъносиде такроран жиноят содир этиш (умуман, бир қанча жиноят содир этиш сингари) бир шахс томонидан ҳар бири жиний жазога сазовор, жиноят бўлмиш ижтимоий хавфли ҳаракатларни камида икки марта содир этишини назарда тутди. Шу сабабдан, айбдорнинг бири ЎЗР ЖК 14-м.сига мувофиқ, жиноят деб ҳисобланмайдиган ва маъмурий ёки интизомий ҳуқуқбузарлик сифатида ёхуд ахлоққа хилоф ҳаракат сифатида квалификация қилинадиган, иккинчиси эса жиноят бўлиб ҳисобланадиган қилмишлари Т.ж.с.э.ни ташкил этмайди. Мас., майда безорилик (ЎЗР МЖК 183-м.сида назарда тутилган) ва қўпол безорилик (ЎЗР ЖК 277-м.си) Т.ж.с.э. (шу жумладан, бир қанча жиноят содир этиш)ни ташкил этмайди.

ЎЗР ЖК қатор диспозицияларида маъмурий преюдиция назарда тутилган ҳолларига қарамай ҳаракатларидан бири ўзида маъмурий ҳуқуқбузарлик, бошқаси жиний қилмиш белгиларини акс эттирувчи шахс қилмиши Т.ж.с.э. белгилари бўйича квалификация қилиниши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Мас., ЎЗР ЖК 183-м.си бўйича жиний жавобгарликка маъмурий тартибда тортиладиган кейин бир йил мобайнида монополияга қарши қонунларни такроран бузган шахслар тортилиши лозим. Бирок, маъмурий преюдициянинг мавжудлиги жиний жазога сазовор жиноятларнинг ҳам маъмурий преюди-

циясида такроран содир этишни тан олиш имкони ва зарурати сифатида қабул қилиниши мумкин эмас. Шарҳланаётган модданинг мазмуни қонун чиқарувчи Т.ж.с.э. деганда айбдор томонидан ҳам биринчи, ҳам кейинги ҳолларда жиноят қонунни нуқтаи назаридан жиноят деб топиладиган ҳаракатларни содир этишини назарда тутгани шубҳасиздир.

Жиноятни такроран содир этишнинг зарурий белгиси бўлиб шахс томонидан икки ёки ундан ортиқ жиноятларни кетма-кет содир этиши ҳисобланади. Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши (кетма-кет содир этилиши) уларнинг бир-биридан вақт бўйича ажратилиши, яъни уларнинг ҳар бири кейингисидан кичик бўлса-да, муайян вақт оралиғи б-н ажратилишини тақозо этади. Вақтдаги узилиш давомли бўлмаслиги мумкин, бироқ у ҳар доим бир жиноятни бошқасидан ажратиш имконини бериши лозим. Бирок, бундай вақт оралиғи содир этилган жиноятлар ўртасидаги айбдорнинг ҳуқуққа хилоф хулқи жиноятга қарши йўналтирилганлигининг барқарорлик даражаси ва хавфлилигини акс эттирувчи ўзаро ички алоқаси ва боғлиқлигининг йўқотилишига олиб келган ҳолатда давомли бўлши мумкин эмас.

Шахс томонидан содир этилган биринчи (илгариги) ва янги (кейинги) жиноят ўртасида ўзаро алоқа ва боғлиқлик мазкур шахс жамиятга қарши (жиний) хулқининг давом этиши сифатида қараш имконини берувчи такроран жиноят содир этишда мавжуд бўлади. Мазкур алоқа қайд этилишининг жиний-ҳуқуқий усули бўлиб, илгари содир этилган жиноят учун жиний жавобгарликка тортиш муддатлари ҳисобланади. Оқибатда, илгариги ва кейинги жиноят ўртасида олдинги жиноятнинг жиний-ҳуқуқий оқибатларини бекор қилмайдиган муддатларгина ўтиши мумкин. Илгариги ва кейинги жиноят ўртасида биринчи қилмишнинг жиний-ҳуқуқий аҳамиятини бекор қилувчи қатта вақт даври ўтган бўлса, жиноятларнинг бундай бирикуви такроран жиноят содир этиш ҳақида сўз юритиш имконини бермайди.

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ – “ЎЗР Президенти сайлови тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 37-м.сига мувофиқ, Т.о.б. кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Т.о.б.ни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади. Т.о.б. да унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Т.о.б.да сайловчиларнинг иштирок этиш фоизи ҳисобга олинмайди.

“ЎЗР Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 43-м.сига асосан, башарти сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда Т.о.б.ни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Т.о.б. ушбу Қонунининг талабларига риоя этган ҳолда икки ҳафта ичида ўтказилади. Т.о.б.да иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган Олий Мажлис де-

путатлигига номзод, башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 42-м.сига мувофиқ, агар сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод қўйилган бўлса-ю, улардан бирортаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда Т.о.б. ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу хусусда тегишли вил., тум., ш. сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор қилади. Т.о.б. икки ҳафта ичида ушбу Қонуннинг талабларига риоя этган ҳолда ўтказилади. Т.о.б.да иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади.

ТАКРОРИЙ САЙЛОВ – “ЎзР Президенти сайлови тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 38-м.сига мувофиқ, ЎзР Президенти сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек агар ЎзР Президенти сайловида битта номзод иштирок этган бўлса ва у зарур миқдорда овоз тўплай олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси Т.с. тайинлайди. ЎзР Президентлигига такрорий сайлов ушбу Қонунда асосий сайловни ўтказиш учун белгиланган тартибда ҳамда ундаги шартларга риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади. Т.с. асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

Агар сайлов округида сайлов ўтмаган ёхуд ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, такрорий овоз бериш Олий Мажлисига ёки Халқ депутатлари вил., тум., ш. кенгашларига депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаган бўлса, сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига ёки Халқ депутатлари вил., тум., ш. кенгашлари депутатлигига кўпи б-н икки номзод овозга қўйилган ва улардан бирортаси ҳам сайланмаган бўлса Т.с. ўтказилади. Т.с. Марказий сайлов комиссиясининг топширигига биноан округ сайлов комиссияси томонидан ёки тегишли вил., тум., ш. сайлов комиссиясининг топширигига биноан округ сайлов комиссияси Т.с. янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Депутатнинг Т.с. асосий сайловдан кейин кўпи б-н бир ойлик муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва б. талбирлар белгиланган тартибда ўтказилади.

ТАКРОРИЙ ЭКСПЕРТИЗА – бирламчи экспертиза олдига қўйилган саволлар қисман ечилганда ёки умуман ечилмаганда, бирламчи экспертизада шубҳали ёки илмий асосланмаган ҳулоса берилганда такроран ўтказиладиган экспертиза.

ТАКСА (лот. taxare – баҳолаш; инг. gate; нем. taxе) – товарга белгиланган аниқ нарх ёки иш ва хизматларга тўланадиган ҳақнинг белгиланган ўлчами.

ТАЛАБДАН БОШҚА ШАХС ФОЙДАСИГА ВОЗ КЕЧИШ (ЦЕССИЯ) – мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) унинг томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши. Кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтиши учун, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздорнинг розилиги талаб қилинмайди. Агар қарздор кредиторнинг ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтганлиги ҳақида ёзма равишда хабардор қилинган бўлмаса, янги кредитор шу туфайли келиб чиққан ўзи учун ноқулай оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Мазкур ҳолда мажбуриятнинг дастлабки кредиторга нисбатан бажарилиши тегишли кредиторга нисбатан бажариш деб ҳисобланади. Кредитор ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтиши ҳақидаги қондалар регресс талабларга нисбатан қўлланилмайди (ЎзР ФКнинг 313-м.си).

Кредиторнинг ўз талабидан бошқа шахс фойдасига воз кечишига, башарти у қонунларга ёки шартномага зид бўлмаса, йўл қўйилади. Кредиторнинг шахси қарздор учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мажбурият бўйича талабдан қарздорнинг розилигисиз бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди (ЎзР ФКнинг 319-м.си).

Кредиторнинг шахси б-н чамбарчас боғланган ҳуқуқларнинг, хусусан алиментлар тўғрисидаги ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди (ЎзР ФКнинг 314-м.си).

Агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, дастлабки кредиторнинг ҳуқуқи янги кредиторга ҳуқуқ ўтиш пайтида мавжуд бўлган ҳажмда ва шартлар асосида ўтади. Хусусан, янги кредиторга мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳуқуқлар, шунингдек талаб б-н боғлиқ бошқа ҳуқуқлар, шу жумладан тўланмаган фонсларга ҳуқуқ ҳам ўтади (ЎзР ФКнинг 315-м.си).

Оддий ёзма ёки нотариал шаклда тузилган битимга асосланган Т.б.ш.ф.в.к. ўша шаклда амалга оширилиши керак. Давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинадиган битим бўйича Т.б.ш.ф.в.к. ушбу битимни рўйхатга олиш учун белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олиниши керак. Ордерли қимматли қоғоз бўйича Т.б.ш.ф.в.к. ушбу қимматли қоғозга индоссамент (талаб қилиш ҳуқуқини ўтказиш ёзуви) йўли б-н амалга оширилади (ЎзР ФКнинг 320-м.си).

Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечган дастлабки кредитор янги кредитор олдида унга ўтказилган талабнинг ҳақиқий эмаслиги учун жавоб беради, бироқ қарздор бу талабни бажармаганлиги учун жавоб бермайди, дастлабки кредитор янги кредитор олдида қарздор учун ўз зиммасига қафолатни олган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР ФКнинг 321-м.си).

ТАЛАБНОМА – ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳўжалик юритувчи субъектнинг мазкур ҳуқуқ ва манфаатлари бузган ҳўжалик юритувчи субъектга нисбатан Т.си. Т. ёзма шаклда билдирилади. Тда қўйидагилар кўрсатилади: Т. билдирган ҳўжалик юритувчи субъектнинг ва Т. билдириладиган ҳўжалик юритувчи

субъектнинг номи; Т. билдирилган сана ва унинг рақами; Т. билдириш учун асос бўлган ҳолатлар; Т.да баён этилган ҳолатларни тасдиқловчи далиллар; арз қилувчининг талаблари; Т. суммаси ва унинг ҳисоб-китоби, арз қилувчининг тўлов ва почта реквизитлари; Т.га илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати. Т. ҳужжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки раҳбарнинг ўринбосари томонидан имзоланади. Т. буюртма ёки қимматли хат тарзида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек Т. жўнатилганлигини қайд этадиган, қабул қилиб олувчини огоҳлантирадиган бошқа алоқа воситаларидан фойдаланилган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади ("Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 17-м.си). Ўзига Т. билдирилган ҳужжалик юритувчи субъект Т.ни олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт ("Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 18-м.си).

ТАЛИОН (лот. talio/talionis – кучи бўйича жиноятга тенг бўлган, қасос) – илк синфий жамиятда жазонинг етказилган зарарга аниқ мос келишига асосланган жинойий жавобгарлик принципи ("кўз ўйганининг кўзини ўйиш, тиш синдирганининг тишини синдириш").

ТАЛОН-ТОРОЖ – бировнинг мулкни ўзининг ёки бошқа шахсларнинг фойдаси учун, мулкдорга ёки ушбу мулкнинг бошқа эгасига зарар келтириб, қонунга зид ва ҳақ тўламай ундириш.

Т.-т. – бу кўп маъноли тушунча бўлиб, мулкка қарши жиноятларнинг маълум бир гуруҳини, яъни босқинчилик, талончилик, ўғирлик, ўзлаштириш ёки растрата йўли б-н Т.-т. қилиш, фирибгарлик ва б.ларни ўз ичига олади.

ЎзР ЖКда Т.-т. қилишнинг қуйидаги шакллари кўзда тутилган: босқинчилик (164-м.); товламачилик (165-м.); талончилик (166-м.); ўзлаштириш ёки растрата йўли б-н Т.-т. қилиш (167-м.); фирибгарлик (168-м.); ўғирлик (169-м.).

ТАЛОНЧИЛИК – ўзганинг мулкни очикдан-очик талон-торож қилиш. Т.нинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, бунда мулкка тажовуз очик ва жиноятчининг ўта сурбетлиги, шу б-н бирга ўрнатилган тартибни, ҳуқуқий ва ахлоқий қоидаларни ва жамият қадриятларини менсимаслик б-н амалга оширилади. Шу б-н айбдорнинг бундай ҳаракатлари у жазосиз қолишига ишонишдан далолат беради. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 166-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ТАЛОҚ (араб. – озод бўлмоқ, ажралмоқ) – шариатда эр томонидан эълон этилиб, никоҳнинг бекор қилиниши. Исломда Т. қилиш ҳуқуқи эркакларга берилган. Шу б-н бирга, аёллар ҳам Т. талаб қилиш ҳуқуқига эга. Шариатда иккинчи Т.дан кейин ҳам эр-хотинни қайтадан яраштиришга рухсат этилган, учинчи Т.дан кейин эса бунга йўл қўйилмайди.

ТАМОМ БЎЛГАН ЖИНОЯТ – ЎзР ЖКнинг Махсус қисми саккизинчи бўлимига мувофиқ муайян жиноят таркибининг барча зарур аломатларини ўз ичига оладиган ижтимоий хавfli қилмиш. Муайян жиноятнинг тамом бўлиш муддати қонунда белгиланган ва жиноят таркибининг қонунчилик тизимига боғлиқ. Қонунчилик ти-

зимига кўра, ҳамма жиноят таркиблари икки турга бўлинади: 1) формал, яъни жинойий оқибат келиб чиқишидан катъи назар, ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилиши вақтидан бошлаб тамомланган деб тан олинган жиноятлар; 2) моддий, яъни ижтимоий хавfli жиноят б-н сабабий боғланишга эга жинойий оқибатларнинг содир этилиши вақтидан бошлаб тамомланган деб тан олинган жиноятлар.

ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТ – ЎзР ЖКнинг Махсус қисми саккизинчи бўлимига мувофиқ шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ёки жиноят қилишдан ихтиёрли равишда қайтиш туфайли охирига етказилмай қолган жиноят.

Суд Т.б.ж. учун жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилган ҳолда жиноятнинг оғиренгиллигини, жинойий ният амалга оширилиши даражасини ва жиноятни охирига етказа олмаганлик сабабларини ҳам ҳисобга олади.

Т.б.ж. содир этишга қасд қилишда субъект жиноятнинг тамом бўлиши учун зарур бўлган ҳаракатларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказа олмайди. Т.б.ж. содир этишга қасд қилишда жиноят содир этишга қасд мавжуд бўлади, аммо жиноят патнжасига эришиш учун зарур ҳаракатлар тўла ҳажмда бажарилмайди. Мас., ўғри оғирхонага ғайриқонуний равишда кириб, зарур бойликларни олиб чиқиб кетишга тайёрлайди, лекин шу ерда ушланади ва уларни ўғирлай олмайди.

ТАМФА (турк.-мўғ.) – дастлаб мўғулларда молларга эғалик ҳуқуқини белгилайдиган махсус белги (клеймо, тавро); кейинчалик муҳр (шунингдек, муҳрнинг изи), хон муҳри қўйилган ҳужжат ёки ёрлик. Т. термини XIII а.да мўғуллар истило қилган барча мамлакатларда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда, Кавказорти мамлакатларининг айримларида, Яқин ва Ўрта Шарқда мўғуллар жорий этган ва савдо, ҳунармандчилик, турли хил қасб эгаларидан олинган пул солиғи ҳам тамға атамаси б-н ифодаланган. Т. XVI а.нинг 70-йилларига қадар мавжуд бўлган (Эронда 1565 й.да бекор қилинган).

ТАН ЖАРОҲАТИ – шахснинг анатомик бутунлиги ёки физиологик функцияларининг бузилиши.

ТАНИБ ОЛИШ УЧУН КЎРСАТИШ – жиноят процессида гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисидаги кўрсатувини текшириб кўриш учун амалга оширилувчи ҳаракат. ЎзР ЖПКнинг 125-м.сига мувофиқ Т.о.у.к. қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: 1) кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини аниқлаш зарур бўлганда; 2) суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиш зарур бўлганда. Таниб олувчи таниб олиш лозим бўлган шахс ёки нарсанинг белгилари, аломатлари, хусусиятлари тўғрисида олдиндан сўроқ қилиниши лозим. (ЎзР ЖПКнинг 126-м.си.)

Т.о.у.к. асослари, Т.о.у.к.дан олдин сўроқ қилиш, шахсни Т.о.у.к. тартиби, кўчар нарсаларни Т.о.у.к. тартиби, кўчмас объектни Т.о.у.к. тартиби, Т.о.у.к. чоғида таниб олувчининг кўрсатуви, Т.о.у.к. ҳолатини мустаҳкамлаш ЎзР ЖПК б-н тартибга солинади.

ТАНЛОВ – фуқаролик ҳуқуқида шартномалар тузишнинг усулларидан бири бўлган кимошди савдосини ўтказиш шаклларида бири. Шартнома кимошди савдосида, шу жумладан, Т. ўтказиш йўли б-н тузилиши мумкин. Шартнома Т.да ғолиб чиққан шахс б-н тузилади. Ашёнинг мулкдори ёки мулкый ҳуқуқ эгаси ёхуд ихтисослашган ташкилот кимошди савдосининг ташкилотчиси бўлиши мумкин. Ихтисослашган ташкилот ашёнинг мулкдори ёки мулкый ҳуқуқ эгаси б-н шартнома тузиш асосида иш олиб боради ва улар номидан ёки ўз номидан ҳаракат қилади. Фақат битта иштирокчи қатнашган танлов ўтказилмаган ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 379-м.си).

ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ – танловлар очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. Очик танловда хоҳлаган шахс қатнашиши мумкин. Ёпиқ танловда шу мақсад учун махсус таклиф этилган шахсларгина қатнашадилар. Агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ташкилотчи танлов ўтказилиши тўғрисида камида ўттиз кун олдин хабар қилиши керак. Хабарда, ҳар қандай ҳолда ҳам, танловнинг вақти, жойи, кимошди савдосига нима қўйилаётгани ва уни ўтказиш тартиби, шу жумладан, танловда қатнашишни расмийлаштириш тўғрисидаги, шунингдек бошланғич нарх тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Агар танловга фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилаётган бўлса, бўлажак танлов тўғрисидаги хабарда бунга бериладиган муддат кўрсатилиши керак. Агар қонунда ёки танлов ўтказилиши ҳақидаги хабарда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хабар берган танловнинг ташкилотчиси танлов ўтказишдан – танлов ўтказиладиган кундан камида ўттиз кун олдин бош тортишга ҳақли. Танловнинг ташкилотчиси уни ўтказишдан мазкур муддатларни бузиб бош тортиган ҳолларда иштирокчиларнинг кўрган ҳақиқий зарарларини тўлаши шарт.

Ёпиқ танлов ташкилотчиси хабар юборилганидан кейин айнан қанча муддатда танловдан бош тортишдан қатъи назар, ўзи таклиф этган иштирокчиларнинг реал зарарини тўлаши шарт. Танловнинг қатнашчилари танлов ўтказилиши тўғрисидаги хабарда кўрсатилган миқдорда, муддатларда ва тартибда закат пули тўлайдилар. Агар танлов ўтказилмаса, закат қайтариб берилиши керак. Закат танловда қатнашган, лекин унда ғолиб чиқмаган шахсларга ҳам қайтариб берилади. Танловда ғолиб чиққан шахс б-н шартнома тузишда у тўлаган закат суммаси тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришда ҳисобга олинади. Танловда ғолиб чиққан шахс ва танловнинг ташкилотчиси танлов ўтказилган куни танловнинг натижалари тўғрисида баённома имзолайдилар, бу баённома шартнома кучига эга бўлади. Танловда ғолиб чиққан шахс баённомани имзолашдан бош тортса, тўлаган закатидан маҳрум бўлади. Баённомани имзолашдан бош тортиган танлов ташкилотчиси закатни икки ҳисса қилиб қайтариши, шунингдек танловда ғолиб чиққан шахсга танловда қатнашиш туфайли ўзига етказилган зарарнинг закат пулидан ортик бўлган қисmini тўлаши шарт. Агар танловга фақат шартнома тузиш ҳуқуқи қўйилган бўлса, бундай шартномани тарафлар танлов тамом бўлганидан ҳамда баённома расмийлаштирилганидан кейин кечи б-н йигирма кунда ёки хабарда эълон

қилинган бошқа муддатда имзолашлари керак. Улардан бири шартнома тузишдан бош тортиган тақдирда, иккинчи тараф судга муурожаат қилиб, шартнома тузишга мажбур этилиши, шунингдек уни тузишдан бош тортиш натижасида етказилган зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли (ЎзР ФКнинг 380-м.си).

Қонунда белгиланган қоидалар бузиб ўтказилган танлов манфаатдор шахс талаби б-н суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилши мумкин. Танловни ҳақиқий эмас деб топилган танловда ғолиб чиққан шахс б-н тузилган шартноманинг ҳақиқий эмаслигига сабабчи бўлади (ЎзР ФКнинг 381-м.си).

ТАНОСИЛ ЁКИ ОИТС КАСАЛЛИГИНИ ТАРКАТИШ – била туриб бошқа шахсни таносил касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш, ўзида таносил касаллиги борлигини била туриб, бу касални бошқа шахсга юктириш, била туриб бошқа шахсни ОИТС касаллигини юктириш хавфи остида қолдириш ёки унга ОИТС касаллигини юктиришда ифодаланадиган жиноят. Таносил касалликлари – захм, сўзак, перелой, триппер, юмшоқ шанкр, мойялар (жинсий) лимфогранулезматози кабилардир. Таносил касаллигининг хусусияти, уни даволаш мумкинлиги ёки касаллик туфайли юз берган оқибатлар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 113-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ТАРБИЯ КОЛОНИЯСИ – ЎзР ЖКнинг 50-м.сида мувофиқ, вояга етмаган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган жазони ижро этиш муассасаси. “Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонунига биноан прокурор жазони ижро этувчи муассаса бошлигининг ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни Т.к.да қолдириш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашга ҳақли.

ТАРЖИМОН – жиноят судлов ишларини юритиш вазифаларини амалга оширишда ёрдамчи, яъни ташкилий-техник функцияни бажарувчи шахслардан бири. Т. қуйидаги ҳолларда чақирилади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ёхуд уларнинг вакиллари, гувоҳ, эксперт, мутахассис иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарли даражада билмаса ёнпки қар ёки соқов бўлса;

2) бирор матни бошқа тилдан таржима қилишга зарурат бўлса.

Т.га тегишли қоидалар иш юритишда иштирок этиш учун таклиф қилинган, қар ёки соқовнинг имо-ишораларини тушунадиган шахсга нисбатан ҳам қўлланилади (ЎзР ЖКнинг 71-м.си).

Т.: таржимани аниқлаштириш мақсадида процесс иштирокчиларига саволлар бериш; ўзи қатнашган тергов ҳаракатлари баённомаси, шунингдек суд мажлиси баённомаси б-н танишиш ҳамда баённомага киритилиши лозим бўлган мулоҳазалар билдириш; башарти таржима қилиш учун зарур билим ва малакага эга бўлмаса, иш юритишда иштирок этишдан воз кечиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Т.: суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; ўзига топширил-

ган таржимани аниқ ва тўлиқ бажариши; таржиманинг тўғрилигини ўзининг иштирокида ўтказилган тергов ҳаракати баённомаси ва суд мажлисининг баённомасига, шунингдек процесс иштирокчиларига уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб топшириладиган процессуал ҳужжатларга имзо чекиш б-н тасдиқлаши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Т. била туриб нотўғри таржима қилган тақдирда қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади (ЎЗР ЖПКнинг 72-м.си).

ТАРИФ СЕТКАСИ – турли хил тариф разрядига мансуб ходимлар тариф ставкалари (0 разряд ставкасига нисбатан) муносабатини тариф коэффициентлари шаклида белгиловчи шкала. Т.с. иш ҳақи тўлашда турли хил малакадаги ишларни бажариш бўйича ўзаро муносабатни белгилайдиган шкалани ўзида ифодалайди. Т.с. маълум сондаги разрядлар сони ва унга мувофиқ келувчи тариф коэффициентларидан ташкил топган. Т.с. биринчидан, ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ўртасидаги тафовутни камайтириш; иккинчидан, ягона усул бўйича меҳнат ҳақи миқдорини белгилаш; учинчидан, меҳнат ҳақи миқдорини дифференциал тартибда белгилаш каби вазифаларни бажаради.

ТАРИФ ТИЗИМИ – ходимларнинг иш ҳақи даражасини уларнинг малакаси, меҳнатининг унумдорлиги, хусусияти ва шароитга, улар бажарадиган ишнинг масъулиятлилигига, ишлаб чиқариш тармоғи, корхоналарнинг ҳудудий жойлашиши, қўлланиладиган иш ҳақининг шаклларига кўра табақалаштириш ва тартибга солишга асос бўладиган нормативлар мажмуасидир. Т.т. ёрдамида давлат меҳнатга ҳақ тўлашнинг дифференциясини амалга оширади.

Корхона иш ҳақи асосида ётувчи Т.т. ўзига қуйидаги элементларни бириктиради:

тариф-малака маълумотномаси (хизматчилар лавозимлари малака маълумотномаси);

тариф сеткаси;

тариф ставкаси (маош);

тариф коэффициентлари;

ноқулай меҳнат шароитларидаги ишлар учун устама ва турли қўшимча тўловлар (район коэффициентлари).

ТАРИФЛАР ВА САВДО БЎЙИЧА БОШ БИТИМ – сўнгги йилларда халқаро ташкилот белгиларига эга бўлган механизм қарор топиши учун асос бўлган йирик савдо шартномаси (1994 й.да Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти – БЖСТ номига эга бўлди).

ТАРИХИЙ-МАДАНИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЕРЛАР – к: *Ер фонди тоифалари.*

ТАРИХИЙ-СИЁСИЙ ШАРҲЛАШ – к: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

ТАСАРРУФ – 1) конституциявий ҳуқуқда кенг қўлланиладиган, бирор давлат, орган, мансабдор шахс шуғулланадиган масалаларни, соҳаларни, жабҳаларни англатадиган атама. Мас., ЎЗР Конс.сида “Т.” атамаси бевосита қўлланилмаган бўлса ҳам, лекин унинг 78-м.сида ЎЗР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг биргаликдаги Т.ига қиради-

ган ваколатлар санаб ўтилади. Шунингдек, Т. атамаси, айниқса, давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатларини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, конституциявий-ҳуқуқий илмий ва ўқув адабиётларида “Т.ига киритилган”, “Т.и доирасида”, “Т.и соҳаси” тарзида қўлланилади; 2) фуқаролик ҳуқуқига асосан мулкдор ўз мол-мулкни нисбатан Т. этиш ҳуқуқига эгадир, яъни мулкни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш каби ҳаракатлари тушунилади. Мулкни Т. этиш деганда кўп ҳолларда мулкнинг юридик тақдирини белгилаш тушунилади.

ТАТУИРОВКА (фр. tatouer – татуировка қилиш, инг. tattoo) – терига бўёқларни синдириш йўли б-н ҳосил қилинадиган инсон танасидаги тасвир. Криминалистикада Т. энг аввало шахсни тасвирлашда идентификация қиладиган белги сифатида муҳим аҳамият касб этади; кўп ҳолларда у Т.си бор шахснинг ижтимоий доираси ҳақида ҳулоса чиқариш имконини беради. Т.лар оқ танли ибтидоий халқлар, хусусан Жанубий-Шарқий Осиё халқлари ўртасида кенг тарқалган. Европага ушбу одатни денгизчилар олиб келган. Ҳозирда Т. бутун дунёда тарқалган. Т.лар денгизчилар, аскарлар, маҳкумлар, ноформал гуруҳларнинг аъзоларида учрайди. Т. қиладиган махсус жойлар (салонлар) мавжуд. Т.нинг яхши кўриладиган расмлари жумласига денгиз мотивлари, байроқлар, гуллар, ҳайвонлар бошлари, шахвоний расмлар қиради. Т.ни йўқ қилиш учун қириб ташлаш, таг-туби б-н йўқ қилиш, кичик Т.лар учун тери қисмини олиб ташлаш қўлланилади. Т.ни йўқ қилишга қаратилган барча ҳаракатлар (операциялар) шахсни идентификация қилиш имконини берувчи белгилар каторига қирадиган из қолдиради.

ТАФТИШ – аниқ бир даврда ташкилот ва мансабдор шахснинг молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш. Ушбу текширувнинг максади қонунийликни, мақсадга мувофиқликни таъминлашдан иборатдир. Т.ни молиявий ва б. тегишли давлат органлари олиб боради. Т. ушбу тегишли давлат органининг режаси асосида, бошқа ваколатли органлар ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кўрсатмасига биноан ўтказилиши мумкин. Ташкилий белгилар бўйича Т.: режали, режасиз ҳамда комплекс тарзда ўтказилиши мумкин.

ТАХТ ВОРИСИ – монархия бошқаруви шаклидаги давлатларда ҳокимиятга мерос тариқасида эгаллик қилувчи шахс.

ТАШКИЛИЙ МУНОСАБАТЛАР – давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда конституциявий ҳуқуқ фанларида баъзан давлат органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини конституцияга мувофиқ ҳолатга келтириш (шакллантириш ва ичдан ташкил этиш) ҳамда мазкур фаолият тартиби (жараёни, тартиб-қоидалари) б-н боғлиқ ижтимоий муносабатларни тавсифлаш учун қўлланиладиган тушунча.

ТАШКИЛОТ – 1) кенг маънода, инсонлар, гуруҳларнинг меҳнат ва мажбуриятлар тақсимоти ҳамда бошқарув тузилмаси мавжудлиги асосида, у ёки бу вазифани ҳал қилиш учун бирлашиши; 2) фуқаролик қонунларига биноан, юридик шахслар (ЎЗР ФКнинг 39-м.си), Т.ларнинг тижорат ва нотижорат шакллари мавжуд (ЎЗР ФКнинг 40-м.си); 3) у ёки бу соҳада ички тартиб-инти-

зомга асосланган мувофиқлаштирилган фаолиятни таъминлаш (мас., йўл ҳаракатини ташкил этиш).

ТАШКИЛОТЧИ – ЎзР ЖКнинг 28-м.сига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс. Жиноят Т.сининг мазкур таърифидан келиб чиқиб Т.лик фаолиятининг икки турини ажратиш мумкин: жиноятга тайёргарлик кўрилишига раҳбарлик қилиш; жиноят содир этилишига раҳбарлик қилиш. Ҳар иккала ҳолда ҳам сўз “Т.” атамасидан келиб чиқадиган жиноятни ташкил этиш ҳақида бормокда. Жиноятни ташкил этиш – жуда ҳам кенг қамровли тушунча бўлиб, жиноят Т.си фаолиятининг жиноят содир этилишига тайёрлаш ва раҳбарлик қилиш қабиларни ўз ичига олувчи қатор хусусиятларни қамраб олади.

Т. ҳар доим жиноят содир этиш ташаббускори бўлади. Унга муайян жиноят содир этиш “ғоя”си тегишли бўлади ва ундан сўнг амалга ошириладиган ҳаракатлар жиноят содир этиш фикрини ҳаётга татбиқ этишга қаратилади (иштирокчиларни излаб топади ва уларни бирлаштиради, жиноят содир этиш режасини ишлаб чиқади ва иштирокчиларнинг ҳаракатларини шу режани амалга оширишга қаратади, заруратдан келиб чиқиб уларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиради). Бу ерда шуни эсда тутиш лозимки, жиноят содир этиш ташаббуси фақатгина Т.га тегишли бўлмайди. Муайян шароитларда, жамиятга қарши қайфиятдаги шахслар гуруҳи мавжуд бўлганда, жиноят содир этиш ташаббуси (жиноят содир этиш фикрини ўртага ташлаш б-н чекланган) иштирокчилардан бирига тегишли бўлиши мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўришга раҳбарлик қилиш жиний фаолиятга тайёрланишдан иборат, яъни, жиноят содир этиш ташаббуси б-н чиқиш, иштирокчиларни жалб этиш, уларни жиноят содир этиш кураолари ва воситалари б-н таъминлаш, жиний режаларни ишлаб чиқиш, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлаш. Мазкур босқич жиноят содир этишга олдиндан тил бириктириш б-н қамраб олинади, чунки бусиз жиноят содир этишнинг тайёрлов қисмига раҳбарлик қилиб бўлмайди. Бирок, бу иштирокчиликда жиноят Т.си амалда уюшган гуруҳнинг Т.си ва раҳбарига айланади, дегани эмас. Уюшган гуруҳга жиний фаолиятни амалга ошириш учун барқарор ва аниқ ифодаланган йўналтирилганлик ҳосидир.

Бу ҳолда иштирокчиликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир этиш шакли мавжуд бўлади (ЎзР ЖК 135-м.си иккинчи қисмининг “б” банди; 137-м.си биринчи қисмининг “в” банди; 164-м.си иккинчи қисмининг “б” банди ва б.лар). Жиноятни ташкил этишнинг иккинчи шакли шундан иборатки, бунда Т., жиний қилмиш содир этиш ташаббуси б-н чиқмасдан, жиний ниятнинг амалга оширилишини таъминлаб, иштирокчиларнинг бутун жиний фаолиятига раҳбарлик қилади. Жиноят содир этишга раҳбарлик қилиш – бу иштирокчиларнинг жиноятни бевосита содир этаётган пайтдаги тартибга солинган фаолиятидир.

Раҳбарлик жиноят содир этиш жойида амалга оширилади ва бажарувчиларнинг (биргаликдаги бажарувчиларнинг) ҳаракатларини бошқаришдан иборат бўлади. Бирок, жиноят содир этишга раҳбарликни тажовуз жойида бўлма-

ган, зарур кўрсатмаларни бажарувчига коммуникация тармоқлари (телефон, рация ва ҳ.к.) орқали берувчи шахслар ҳам амалга ошириши мумкин. Иштирокчиликда муайян жиноят содир этилишида Т. кўп ҳолларда жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар б-н бир қаторда бевосита бажарувчи сифатида қатнашади ҳамда шу пайтнинг ўзида, жиноят таркибининг жисмонан амалга оширилишида қатнашадими ёки жиноятни амалда бажарувчилар ўз фаолиятининг самарали бўлишига олиб келувчи ҳаракатларининг амалга оширадими – бундан қатъи назар, жиний фаолиятда Т., бошлиқ, кўрсатма берувчи шахс сифатида жиноят содир этилишига бевосита раҳбарлик қилади. Жиноят Т.си ҳар доим тўғри қасд б-н ҳаракат қилади. У иштирокчилар томонидан содир этилиши лозим бўлган ҳаракатлар характерини англайди, ўз фаолияти натижасида жиноят содир этилиши мумкинлигини кўра билади ва хоҳлайди. Т. ўз ҳаракатларининг ва бошқа иштирокчилар ҳаракатларининг ижтимоий ҳавфлиги хусусиятини англайди, баъзи ҳолларда гуруҳ таркиби ҳақида тасаввурга эга бўлади (жиноят содир этишга тайёргарликка раҳбарлик қилаётган пайтда), бутун гуруҳ фаолияти натижаси сифатидаги ижтимоий ҳавфли оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги ва муқаррарлигига кўзи етади ҳамда шуни хоҳлайди.

ТАШҚИ БОШҚАРУВ – хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини Т.б.чига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Агар қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имконияти аниқланган бўлса, Т.б. кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида хўжалик суди томонидан жорий этилади. Хўжалик судининг Т.б.ни жорий этиш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак ва бу ажрим устидан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин. Т.б., агар қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади. Суд санақияси ва Т.б.нинг жами муддати ўттиз олти ойдан ошмаслиги лозим. Т.б. учун белгиланган муддат кредиторлар йиғилишининг илтимосномасига, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг қарорига ёки Т.б.чининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан “Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 91-м.си учинчи қисмида белгиланган муддатлар доирасида қисқартирилиши ёки узайтирилиши мумкин (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 91-м.си).

Т.б. жорий этилган пайтдан эътиборан: қарздорнинг раҳбари ўз вазифасини бажаришда четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш Т.б.чи зиммасига юклатилади. Т.б.чи қарздорнинг раҳбари б-н тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниши ёки мазкур раҳбарни бошқа ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариши шарт; қарздорнинг бошқарув органи ваколатлари тугатилади. Қарздорнинг раҳбари ва қарздорнинг бошқа бошқарув органи ваколатлари Т.б.чига ўтади, Қонунга мувофиқ бошқа шахслар-

га (органларга) ўтадиган ваколатлар бундан мустасно. Қарздорнинг бошқарув органлари Т.б.чи тайинланган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида қарздорнинг бухгалтерия ҳужжатлари ва б. ҳужжатлари, муҳрлари ва штамплари, моддий ва б. қимматликлари Т.б.чига топширилишини таъминлашни шарт; кредиторлар талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади; қарздорнинг мол-мулкни хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомли доирасида қўлланилиши мумкин; қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлари юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий этилади. “Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 93-м.сида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Т.б. тугаганидан кейин пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича кредиторларга қарздор тўлаши шарт бўлган неустойка (жарима, пеня), шунингдек етказилган зарар суммалари Т.б.ни жорий этиш пайтидаги мавжуд миқдорларда тўлаш учун тақдим этилиши мумкин (“Банкротлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 92-м.си).

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ БИТИМ – тарафлардан бири чет эл фуқароси ёки чет эл юридик шахси бўлган, мақсади чет элдан маҳсулот олиб кириш (импорт) ёки чет элга маҳсулот олиб чиқиш (экспорт) бўлган, тўлов воситаси сифатида қўлланилган пул бирлиги иккала тараф учун ҳам ёки бир тараф учун чет эл валютаси бўлган битимлардир. Т.и.б.ларга товарлар олди-сотдиси, воситачилик, пудрат, лизинг, франшизинг ва б. турдаги шартномалар қиради. Энг кўп тарқалган Т.и.б.лардан бири бу ташқи олди-сотди савдоси б-н боғлиқ бўлган шартномалар ҳисобланади. 1980 й.да қабул қилинган “Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги Вена Конвенцияси бундай шартномаларни тартибга солишчи ҳуқуқий ҳужжатлардан ҳисобланади. Мазкур конвенцияга асосан тижорат ташкилотларининг турли давлатларда жойлашган шахслар тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича тузган шартномалари Т.и.б.лар деб эътироф этилади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ – ЎзР юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатлар юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар б-н ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятидир. ЎзРда рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, ЎзР ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият б-н шуғулланишга ҳақлидир. ЎзРнинг давлат органлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қонда белгиланмаган бўлса, Т.и.ф.ни амалга оширишлари мумкин (“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ ТОВАР НОМЕНКЛАТУРАСИ – товарларнинг бож солиш мақсадида қўлланиладиган номлари, тавсифи ва кодлари рўйхати. 1983 й. 14 июнь Брюссель шахрида Умумжаҳон божхона ташкилоти томонидан Товарларни таснифлаш ва кодлашнинг уйғунлашган тизими тузилган.

1988 й. Европа Ҳамкорлиги давлатларида қўлланиладиган Товарларни таснифлаш ва кодлашнинг уйғунлашган тизими б-н тўлиқ мувофиқлаштирилган Т.и.ф.т.и.нинг биринчи, 1992 й. иккинчи, 1996 й. учинчи ва 2007 й. тўртинчи нашрлари амалга киритилган.

ТАШҚИ РЕКЛАМА – Т.р.га алоҳида махсус конструкторияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёриткичларининг таянчлари ва х.к.ларда жойлаштириладиган реклама. Т.р.ни жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади. Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томонида, бинога кириш жойида шу шахс тўғрисида жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг махсулоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлавҳа) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рўхсатини олиш талаб этилмайди. Т.р.ни кўча ёриткичларининг таянчларида ҳамда кўча ва йўллар қатнов қисми узра жойлаштириш хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган ҳолда ва йўл белгилари, светофорлар, чорраҳалар, пиёдаларнинг ўтиш жойлари, умумфойдаланишдаги транспорт воситалари бекатларини тўсиб қўймаган ҳолда, шунингдек бундай реклама йўл белгилари тасвирини такрорламаган (ёки айнан тақлид қилмаган) тақдирда амалга оширилади. Табиатни муҳофаза қилиш объектлари доирасида Т.р.ни жойлаштиришга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ёки тегишли давлат бошқарув органларининг ваколат доирасида улар б-н келишилган ҳолда рўхсат берилади. Т.р.ни маданий мерос объектларида, йўл белгиларида ва светофорларда, уларнинг тиргакларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек дов-дарахларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли б-н жойлаштириш тақиқланади (“Реклама тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 20-м.си).

ТАШҚИ СИЁСАТ – давлатнинг бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар б-н муносабатларининг бутун мажмуи, шунингдек давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий тутган йўли. “Т.с.” атамаси давлатларнинг Конс.ларида ҳам, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қўлланилади. Баъзан Конс.га Т.с. тўғрисида махсус боб киритилади. Чунончи, ЎзР Конс.сининг IV боби Т.с.га бағишланган бўлиб, унда шундай дейилади: “ЎзР халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг Т.с.и давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва б. давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин”.

Конс.нинг 78-м.сига биноан, ЎзР ички ва Т.с.ининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари жумласига қиради.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ – давлат таълим дастурларига мувофиқ таълим жараёнини амалга оширувчи муассаса. “Таълим тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига мувофиқ, Т.м.ни аккредитациялаш ваколатли давлат органи томонидан аттестацияга асосан амалга оширилади. Т.м. юридик шахс бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барпо этилади. Нодавлат таълим муассасаси ЎзР ВМ белгиланган тартибда давлат аккредитациясидан ўтган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқлари ва таълим фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Т.м. қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади. Т.м. аттестация натижаларига биноан давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин. Т.м.лари ўқув-тарбия мажмуиларига ҳамда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва уюшмаларига бирлашишга ҳақли. Т.м.лари уставда белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари б-н шуғулланишга ҳақли.

ЎзРда Т.м. давлат ва нодавлат бўлиб, Т.м. куйидаги таълим турларини таъминлайди: мактабгача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий ўқув юртидан кейинги таълим; кадрлар малякасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш; мактабдан ташқари таълим.

ЎзРда нодавлат Т.м.ларининг фаолияти лицензияланади. Нодавлат Т.м.лари фаолиятини лицензиялаш тартиби ЎзР ВМнинг 2004 й. 1 мартдаги 100-сон қарори б-н тасдиқланган. Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомда белгиланган.

ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИНГ УСТАВИ – “Таълим тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига мувофиқ, таълим муассасаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган устав асосида фаолият кўрсатади.

Таълим муассасасининг уставини ишлаб чиқиш тартиби ЎзР ВМнинг 1998 й. 5 январдаги 5-сон қарори б-н тасдиқланган.

ТАМАГИРЛИК – бажарилиши лозим бўлган ҳаракатларни бажармаслиги ёки бажариши эвазига мулк ёки мулкрий наф талаб қилиши.

ТАЪСИС ҲУЖЖАТИ (инг. found/constituent documents) – фуқаролик ҳуқуқида юридик шахснинг ҳуқуқ субъекти, фуқаролик-ҳуқуқий, меҳнат, солиқ ва б. ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси сифатида ҳуқуқий мақомини, шунингдек юридик шахснинг муассисларининг (иштирокчиларининг) бир-бири б-н ўзаро ва тегишли юридик шахс б-н муносабатини белгилайдиган ҳужжат.

ЎзР ФКнинг 43-м.сига мувофиқ, юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис шартномаси унинг муассислари томонидан тузилади, уставни эса тасдиқланади.

Ушбу Кодексга мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Юридик шахснинг устав ва б. таъсис ҳужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар корхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам Т.х.ларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

Таъсис шартномасида тарафлар (муассислар) юридик шахс ташкил этиш мажбуриятини оладилар, уни ташкил этиш соҳасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартибини, унга ўз мол-мулкларини бериш ҳамда унинг фаолиятида иштирок этиш шартларини белгилайдилар. Шартномада фойда ва зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш, юридик шахс фаолиятини бошқариш, муассисларнинг унинг таркибидан чиқиш шартлари ва тартиби ҳам белгилаб қўйилади. Таъсис шартномасига муассисларнинг келишувига мувофиқ бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин.

Т.х.ларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади. Юридик шахслар ва уларнинг муассислари маъмур ўзгартишларни ҳисобга олиб иш юритган учинчи шахслар б-н муносабатларда ана шундай ўзгартишлар рўйхатга олинмаганлигини ваз қилиб кўрсатишга ҳақли эмаслар.

ТАЪСИСЧИ – қ: *Юридик шахс муассиси.*

ТАЪТИЛЛАР – ҳар бир ёлланиб ишлаётган фуқароларга дам олиш ҳуқуқи кафолати сифатида дам олиш ва иш қобилятини тиклаш учун берилади. Ходимлар йиллик меҳнат таътилидан ташқари қуйидаги ижтимоий Т. олиш ҳуқуқидан фойдаланадилар:

ҳамиладорлик ва туғиш Т.и;
болаларни парваришlash Т.и;
ўқинш б-н боғлиқ Т.;
ижодий Т.

Шунингдек, ЎзР МКнинг 150-м.сига мувофиқ, ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин, унинг муддати ходим б-н иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгиланади.

Қуйидаги ходимларга уларнинг хоҳишига кўра, иш ҳақи сақланмаган ҳолда муқаррар тартибда таътил берилади:

1941 – 1945 й.лардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатидан уларга тенглаштирилган шахсларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

ишлаётган I ва II гуруҳ ногиронларига – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;

ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ болани тарбиялаётган аёлларга – ҳар йили ўн тўрт календарь кунга қадар;

меҳнат тўғрисидаги қонулар ва б. норматив ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

ЎзР МКнинг 151-м.сига асосан, меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча Т. учун пуллик компенсация тўланади.

Ходимларга иш даврида, уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътилни белгиланган энг оз муддатидан (ўн беш иш кунидан) ортқича қисми учун пуллик компенсация тўланиши мумкин.

Ижтимоий Т.нинг барча турларида, шунингдек қўшимча Т.дан асли ҳолида фойдаланилади ва уларни пуллик компенсация б-н алмаштиришга йўл қўйилмайди.

ЎзР МКга мувофиқ, жамоа шартномасида ёки ходим б-н иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда (шу жумладан, унинг муддати тугаши муносабати б-н ҳам) ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча Т.ни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилган мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Меҳнат шартномаси унинг муддати тугаши муносабати б-н бекор қилинганда, кейинчалик меҳнатга онд муносабатларни бекор қилиш шарти б-н, гарчи ҳақиқатда ишланган вақт ҳамда таътил вақтининг умумий йиғиндиси меҳнат шартномаси муддати чегарасидан чиқиб кетса ҳам таътил берилши мумкин. Бу ҳолда меҳнат шартномасининг амал қилиши таътил тугагунга қадар узайтирилади.

Меҳнат шартномаси ходимнинг айбли ҳаракатлари тўғрисида бекор қилинганда йиллик асосий ва қўшимча меҳнат таътилидан асли ҳолида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

ТЕГИШЛИЛИК – масаласини у ёки бу давлат органи, ўз-ўзини бошқариш органилари ваколатига тегишлилиги.

ТЕЗКОР-КИДИРУВ ФАОЛИЯТИ – махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлишлари томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш орқали ошқора ва ноошқора амалга ошириладиган, инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, мулкни ҳимоя қилишга, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини жинорий таъвоулардан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган фаолият тури.

ТЕКИН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТНОМАСИ – текин фойдаланиш (ссуда) шартномаси бўйича бир тараф (ссуда берувчи) иккинчи тарафга (ссуда олувчига) ашёни вақтинча текин фойдаланиш учун бериш мажбуриятини олади ёки беради, иккинчи тараф эса бу ашёни қандай олган бўлса, нормал амортизациясини ҳисобга олиб худди шундай ҳолатда ёки шартномада назарда тутилган ҳолатда қайтариб бериш мажбуриятини олади. Ушбу шартнома қондалари ЎзР ФКнинг 617–630-м.ларида назарда тутилган. Ссуда берувчи ашёни ундан текин ҳамда вазифасига мувофиқ фойдаланиш шартларига жавоб берадиган ҳолатда топшириши шарт. Агар шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, ашё ундан текин фойдаланиш учун барча мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари (фойдаланиш бўйича йўриқномалар, техник паспорти ва ш.к.) б-н бирга берилди. Агар бундай ашёлар ва ҳужжатлар берилмаган бўлиб, уларсиз ашёдан вазифасига мувофиқ фойдаланиб бўлмаса ёки ундан фойдаланиш ссуда олувчи учун ўз аҳамиятини анча йўқотса, ссуда олувчи бун-

дай ашёлар ва ҳужжатлар берилишини ёки шартнома бекор қилиниб, ўзи қўрган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли. Агар ссуда берувчи ашёни ссуда олувчига бермаса, ссуда олувчи шартномани бекор қилиш ва етказилган ҳақиқий зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Ссуда берувчи Т.ф.ш.ни тузиш пайтида қасддан ёки қўпол эҳтиётсизлик б-н ашёнинг камчиликларини айтиб қўймаган бўлса, бу камчиликлар учун жавоб беради. Бундай камчиликларни аниқлаганида ссуда олувчи ўз хоҳишига қараб, ссуда берувчидан ашёдаги камчиликларни текин бартараф этишни ёки ашёнинг камчиликларини бартараф этишга қилинган харажатларни қоплашни ёхуд Т.ф.ш.ни муддатидан олдин бекор қилиб, ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли. Ссуда олувчининг талабларидан ёки унинг ашёдаги камчиликларни ссуда берувчининг ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилинган ссуда берувчи бузук ашёни кечиктирмасдан тегишли ҳолатдаги худди шундай ашё б-н алмаштириши мумкин. Ашёнинг Т.ф.ш.ни тузиш вақтида кўрсатиб ўтилган ёки ссуда олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд у ашёни кўздан кечириш ёки шартнома тузиш ёхуд ашёни топшириш вақтида унинг соғлиғини текшириш чоғида аниқлаши лозим бўлган камчиликлари учун ссуда берувчи жавобгар бўлмайди. Ашёнинг текин фойдаланишга топширилиши бу ашёга учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди. Ссуда олувчи текин фойдаланиш учун олинган ашёни соз ҳолатда сақлаши шарт. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи ашёни жорий ва капитал таъмирлаши ва уни сақлаш б-н боғлиқ ҳамма харажатларни тўлаши шарт.

Агар ссуда олувчи ашёдан шартномага ёки унинг вазифасига помувофиқ ҳолда фойдаланиши ёхуд уни ссуда берувчининг розилигисиз учинчи шахсга бериши тўғрисида ашё нобуд бўлса ёки бузилса, текин фойдаланиш учун олинган ашёнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиши хавфи ссуда олувчининг зиммасида бўлади. Ссуда олувчи ўз ашёсидан воз кечиб, ссудага берилган ашёнинг нобуд бўлиши ёки бузилишини бартараф қилиш имкониятига эга бўлган бўлса ҳам, ашёнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан бузилиш хавфи унинг зиммасида бўлади. Агар ашёдан текин фойдаланиш муддати шартномада белгилаб қўйилган бўлмаса ва шартномада хабар қилишнинг бошқа муддати назарда тутилмаган бўлса, ҳар қайси тараф иккинчи тарафни бир ой олдин хабардор қилиб, шартномадан хоҳлаган пайтда воз кечишга ҳақли. Агар Т.ф.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи муддати кўрсатиб тузилган шартномадан ЎзР ФКда белгиланган тартибда ҳар қачон воз кечишга ҳақли. Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ссуда олувчи фуқаро вафот этган ёки ссуда олувчи юридик шахс тугатилган ҳолларда Т.ф.ш. бекор бўлади.

ТЕКШИРИШ – ҳужалик юритувчи субъектлар томонидан ўз фаолиятини тартибга солиш учун қонунлар ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши.

“Тадбиркорлик фаолияти эркинигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 39-м.сига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини Т.лар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи б-н йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва ушбу модданинг иккинчи–бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя қилувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини Т.лар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи б-н икки йилда бир марта амалга оширилади, ушбу моддада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Хусусий корхоналар фаолиятини Т.лар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи б-н икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолиятини режали Т.лар кўпи б-н тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалиқ фаолиятини режали Т.лар кўпи б-н уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда бу муддат назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан узайтирилиши мумкин.

Ўтказилаётган Т.лар тадбиркорлик субъектларининг фаолият қўрсатишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

ЎзР Савдо-саноат палатасига аъзо тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини Т.лар мазкур Палата вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг фаолиятини текширувлардан ўтказиш учун қўзғатилган жиноят ишининг мавжудлиги асос бўлади. Бунда тадбиркорлик фаолияти субъектининг қўзғатилган жиноят иши б-н боғлиқ фаолиятигина текширув б-н камраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширув тайинланганлиги тўғрисидаги қарорда қўрсатилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалиқ фаолиятини Т.лар белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, мазкур органлар Т.лар давомида солиқ ва валютага оид жиноятлар аломатларини аниқлаганида эса ЎзР БП ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатига қирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини ба-

жармаслик ҳамда Т. предметига тааллуқли бўлмаган материаллар б-н уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга.

Т.лар натижалари далолатнома (маълумотнома) б-н расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси текшириладиган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолади.

ТЕКШИРИШЛАР ДАВРИЙЛИГИ – “Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 10-м.сига мувофиқ, хўжалиқ юритувчи субъектларининг фаолиятини текширишлар махсус ваколатли органнинг қарорига биноан режали тартибда кўпи б-н йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, хусусий корхоналар ва б.лар (Қонуннинг 10¹-м.си) бундан мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи хўжалиқ юритувчи субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи б-н икки йилда бир марта амалга оширилади (Қонуннинг 10¹-м.сида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи б-н икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

“Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 10¹-м.сига асосан, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолиятини режали текширишлар кўпи б-н тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалиқ фаолиятини режали текширишлар кўпи б-н уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжалиқ фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан икки йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилиши мумкин эмас.

ТЕКШИРУВЛАР МУДДАТЛАРИ – “Хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 11-м.сига мувофиқ, хўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятини Т.м. ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

ТЕМИР ЙЎЛ УСТАВИ – қонун ҳужжатларига мувофиқ темир йўлнинг, темир йўл транспорти хизматларидан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан, улар номидан иш қўрувчи экспедиторлик ва б. ташкилотларнинг) ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган норматив ҳужжат (“Темир йўл транспорти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.си).

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ – Амир Темурга нисбат бериладиган тарихий-сиёсий рисола. Ушбу рисола XIV–XV а.лар тарихига оид қимматли манба бўлиб, унда Амир Темурнинг Мовароуннахрни мўғуллардан халос қилиши, ҳокимиятни қўлга киритиши, мустақил ва марказлашган давлат тузиши, ўзга мамлакатларга юриш қилиши ҳамда Мовароуннахр ва Хуросонда олиб борган ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолияти ҳақида сўз юритилади.

У дастлаб турк тилида ёзилган, кейинчалик бошқа тилларга, хусусан, форс тилига ўтирилган, ва яна француз, инглиз, урду, рус ва эски ўзбек тилларига ҳам таржима қилинган. Т.т.нинг нусхалари жаҳоннинг кўпгина кутубхоналарида сақланади. Уни мустақиллик даврида юртимизда ҳам чоп этиш имкони яратилди. “Темур тузуқлари” 2 қисмдан иборат.

Биринчи қисмда Амир Темурнинг Мовароуннахрда салтанатни қўлга киритиш учун олиб борган курашлари ва бу борада ўз яқинлари б-н ўтказган кенгашлари, амирлар б-н олиб борган музокаралари акс этган. “Т.т.”да буюк Соҳибқироннинг кучли марказлашган давлат тузиш ва қўшни мамлакатларни ўз тасарруфига ўтказиш борасидаги фаолияти ҳақида муфассал сўз юритилади. Хусусан, унда ўша даврда фақат Мовароуннахрга эмас, балки Русияга ҳам катта хавф солиб турган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга Амир Темур томонидан қаттиқ зарба берилиши, унинг томонидан Ҳиндистон, Ироқу Шом, Туркия, Эрон ва Афғонистонни забт этилиши ҳақида маълумотлар келтирилади.

Иккинчи қисмда Амир Темурнинг давлатни бошқариш, мамлакатни идора қилиш услуби ҳақидаги тузуқлари, яъни йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари, панд-насихатлари ўрин олган. Амир Темур салтанатни бошқаришда 12 та қоидага асосланади. Давлатни бошқаришда у ислом дини ва шариятга, адолат, инсоф ва ҳақиқатга таянади, турли табақа ва тоифага мансуб кишиларни тенг кўриб, қилган хизматига қараб, уларнинг ҳурматини жойига қўяди. “Т.т.”да келтирилишича, Соҳибқирон мамлакатни бошқаришда, энг аввало, олиму фузало, саййидлар, шайхлар ва фозилларга таянади, уларни ўзининг энг яқин маслаҳатгўйи, деб билади. Булардан ташқари, “Т.т.”да сиёсат, ахлоқ ва ҳуқуққа оид қимматли фикрлар баён қилинган. Унда дўстлик, вафодорлик, инсоф, адолат, иймон ва эътиқод, илм-маърифат, касб-хунар ва б. инсоний фазилатларга риоя қилиш тўғрисида фикр юритилади. Рисолада, айниқса, фуқароларнинг шариятга ва қонун-қоидаларга сўзсиз бўйсунishi лозимлиги масаласига катта эътибор берилади.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида ҳар бир вилда қозилар қонунларнинг тўла амал қилиниши, тишчилик ва осойишталик ҳукм суришини қаттиқ назорат қилиб турганлар, тартиббузарларни жазолаганлар. “Т.т.”да юқоридагилардан ташқари, сипоҳийлар ва аскарларни сақлаш ва уларга озик-овқат, маош тўлаш қоидаси, вазирлар ва уларнинг вазифалари, амирлар, сипоҳлар ва б.ни тақдирлаш тартиблари, уларнинг бир-бирига муомаласи ва б. ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий масалалар бўйича муфассал маълумот берилади.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ – Амир Темур (1336–1405) асос солган марказлашган давлат. Т.д. деганда, буюк давлат арбоби ва буюк саркарда Амир Темур сулоласи ҳукмронлик қилган тарихий даврни ва унинг тасарруфида бўлган минтақаларни тасаввур этамиз. Т.д. замон ва макон чегараларини белгилаб олиш муҳим методологик аҳамиятга моликдир. Умуман олганда, Т.д. салкам 500 й. Амир Темур ва унинг ворислари томонидан бошқарилиб, асосан, икки тарихий босқични ўз ичига олади. Унинг биринчи босқичи Амир Темур Мовароуннахр худудини бирлаштириб, Самарқанд тахтига ўтирган 1370 й.дан бош-

ланиб, 1507 й.да Шайбонийхон томонидан Ҳиротнинг эгаланишини қамраб олади. Иккинчи босқичи эса, Амир Темурнинг учинчи ўгли Мироншоҳнинг чевараси Захриддин Мухаммад Бобур 1508 й. Афғонистонда мустақил давлат тузиб, у ердан 1526 й.да Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар империясига асос солгандан бошлаб, Баҳодиршоҳ II нинг 1858 й.да инглиз мустамаккачилари томонидан қатл этилишига қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Темур давлатининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий энг ривожланган даври биринчи босқичда – Амир Темур ҳукмронлиги йилларига, иккинчи босқичда эса Бобурнинг чевараси Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврига тўғри келади.

Амир Темур тузган улкан давлат қудратини, унинг иқтисодий ва маънавий салоҳиятини ўша давр Европа мамлакатлари орасида энг қудратли ва обрўли ҳисобланган Испания ва Франция ҳукмдорлари тан олиб, элчилар юборганлар, яқин иқтисодий, савдо ва маданий алоқалар ўрнатишга тайёр экаликларини билдирганлар. Т.д. халқимизнинг мўғул босқинидан тўла озод бўлган, мустақил давлатчилигини тиклаган, ижтимоий, иқтисодий, маданий жиҳатдан тараққий этган давридир. Бу даврда мамлакатимизда, айниқса, Самарқанд, Бухоро, Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз)да улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Амир Темур ва унинг набираси Улуғбек замонида бу борадаги фаолият ўзининг юксак чўққисига кўтарилди. Шаҳар ва кишлоқлар қайта қурилди, йўللар, кўприклар, бог-роғлар барпо қилинди, кишлоқ хўжалиги, хунармандчилик ривожланди. Ватанимиз фани, маданияти, адабиёт ва санъати янада юксалди, атоқли олимлар, шоирлар етишиб чиқдилар. Улуғбек ва Навоий, Жомий ва Бобур, Хондамир ва Бехзод каби юзлаб атоқли кишилар ана шу даврнинг мевасидирлар. Собик иттифоқда бу давр нотўғри талкин қилинди, унинг тарихимиздаги ўрни, халқимиз ўтмиши, маънавий юксалиши учун аҳамияти тўғри акс эттирилмади. Темур вафотидан кейин улкан давлат уюшмаси парчаланиб кета бошлади. Иккинчи босқичда Т.д. (Акбаршоҳ даврида) Шимолий Ҳиндистонда деярли бутун ярим орол худудига эгаллик қила бошлади. Салкам 50 йил подшоҳлик қилган Акбаршоҳ давлат тизimini мустаҳкамлади, иқтисодий ва сиёсий барқарорлик ўрнатишга муваффақ бўлди, “келгинди” ҳукмдорлар б-н хинд зодагонлари ўрталарида мурося келишув ўрнатилди, энг обрўли хинд маликаларидан бирига уйланган Акбаршоҳ истиқбол мақсадларини кўзлаб маҳаллий аҳоли мақсад-манфаатларини ҳам баробар инобатга олиб рўёбга чиқариш сиёсатини кенг қўллади. Натижада, Ҳиндистон феодализм тарқоқлик балосидан асосан қутулиб, Акбаршоҳ тузган марказлашган давлат доирасида равиқ топма бошлади. Буюк хинд давлат ва жамоат арбоблари (М. Ганди, Ж. Неру) Бобурийлар давлати, хусусан Акбаршоҳ фаолиятига жуда юқори ижобий баҳо берганлар. Акбаршоҳ давридаёқ Ҳиндистон иқтисодиётига кириб ўрнаша бошлаган инглизлар унинг вафотидан кейин аста-секин сиёсий ҳукмронликни ҳам ўз қўлларига ола бошладилар ва ҳарбий куч-қудратларини ишга солиб, жамият парокандалигидан фойдаланиб, 1858 й.да шаклан амал қилаётган Баҳодиршоҳ II ҳокимиятини ағдариб, тўла ҳукмдорликни ўрнатдилар

ва Хиндистон расман Буюк Британния мустамлакасига айлантирилди.

ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга; сайловда ҳамма тенг асосларда қатнашади; аёллар ва эркеклар тенг сайлов ҳуқуқларига эга; ҳарбий хизматчилар барча бошқа фуқаролар б-н тенг равишда сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар; ҳеч ким сайловда бошқа шахсларга нисбатан бирон-бир афзалликка эга эмас. Буларнинг ҳаммаси Т.с.х.нинг амалга оширилишини таъминлайди.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги ҳар бир сайловчининг овоз бериш учун фақат битта рўйхатга киритилиши ҳамда шахсан овоз бериши б-н таъминланади. Сайлов бюллетенларни шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилгандан кейингина бериллади.

Сайловда барча сайловчиларнинг тенг асосда қатнашувлари сайлов округларининг уларда яшовчи фуқаролар сонига тенг қилиб ташкил этилиши б-н ҳам таъминланади. Чунки, ҳар бир округдан битта депутат сайланади. Бу б-н амалда бир округдаги сайловчи овози бошқа округдаги сайловчи овозига амалда тенг бўлишига эришилади. Бундан ташқари, тенг сайлов принципи бутун Ўзбекистон фуқаролари сайлов ҳуқуқининг қонун томонидан тенг муҳофаза этилишини ҳам ифодалайди.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК – инсон ва фуқаролик маконининг конституциявий принципларидан бири.

ЎзР Конс.сининг 18-м.сига мувофиқ, ЎзРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Фуқаролар ҳуқуқларини ижтимоий, иркий, миллий, тил ва диний мансублик бўйича чеклашнинг ҳар қандай шакллари тақиқланади. Бундан ташқари, Конс. эркек ва аёл тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгаллигини ҳамда уларни амалга оширишда тенг имкониятларга эга эканлигини белгилайди.

Конс.дан келиб чиқиб, Т.х.нинг бир неча жиҳатларини фарқлаш мумкин: инсоннинг инсон б-н; аёлнинг ва эркекнинг (жинслар тенг ҳуқуқлилиги); миллий Т.х. Шунингдек, бу принцип давлатга мансублигидан қатъи назар (Ўзбекистонлик фуқаролар, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар) кўпгина ҳуқуқ ва эркинликларни ҳар қандай шахс учун кафолатлайди (бу “барча қонун ва суд олдида тенгдир” қондасида, шунингдек, “ҳар ким ҳуқуққа эга”, “ҳар кимга кафолатланади” деб номланган айрим конституциявий нормаларда акс эттирилади).

Т.х. ва фактик тенгликни чалкаштириш тўғри бўлмайди. Инсонларнинг ижтимоий ҳаётдаги фактик тенглиги ва тенгсизлиги уларнинг моддий аҳоли, машғулоти тури, онги, психологияси ва х.к. ларга боғлиқ бўлади.

Бундан ташқари, кўплаб конституциявий нормалар инсонларнинг эҳтимолий фактик тенгсизлигини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки унинг вужудга келишини инкор этмайди. Мас., барча учун хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқининг, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг мустақамланиши инсонларнинг шахсий бойлигининг ҳар хил миқдори, жамиятнинг ижтимоий табақаланишига тўла йўл қўйиши мумкин. Лекин, гап айнан шундан иборатки, Конс.

ҳар бир инсонга айтиб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишнинг тенг имкониятларини беради, улардан ким қандай қилиб фойдаланади – бу муайян индивиднинг ўзига боғлиқдир. Лекин, муайян моддий фаровонликка эришиб, инсон ундан бошқаларнинг зарарига фойдалана олмайди. Мана шунинг учун ҳам Конс. фуқаролар ҳуқуқларини чеклашнинг ҳар қандай шакллари (хусусан, ижтимоий мансублик бўйича) тақиқлайди.

Т.х. фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларга бир хил ҳажмда эга бўлишида намоён бўлади; агарда чеклашлар жорий қилинса, улар барчага баробардир: ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларни бажариш кафолатлари ҳам бир хил. Қонунчиликнинг алоҳида тоифадаги шахсларга: болалар, ногиронлар, фахрийларга нисбатан юқори даражадаги эътибори Т.х. принципнинг бузилиши бўлмай, балки Ўзбекистон давлати ижтимоий табиатининг намоён бўлиши ҳисобланади.

ТЕНГЛИК – бир неча юз йиллар давомида аниқ бир тўхтамга келинмаган, музокаралар ва курашлар олиб борилаётган, кенг тарқалган ижтимоий-сиёсий категория.

Т.нинг предмети бўлиб инсоннинг инсон б-н тенглиги ҳисобланади.

Т. икки асосий хусусиятга эга: расмий тенглик ва юридик тенглик.

Кўпчилик ижтимоий-сиёсий таълимотларнинг асосида одамларнинг расмий тенглигига эришиш ғояси ётади, яъни улар бойлик, ақл, маълумот, табиий ҳолатлари ва неъматларга эга бўлишларидан қатъи назар, тенгдирлар. Тарих шу б-н биргалликда одамларнинг расмий тенглигига эришишнинг утопистик ҳаракатлари тўғрисида ҳам хабар беради.

Қонунчиликда барча кишиларнинг қонун олдида тенглиги белгилаб қўйилган. Ушбу маънодаги Т. ҳар кимга тенг ҳажмдаги ҳуқуқ ва эркинликлар бериш б-н уларга бир хил ҳажмдаги юридик мажбуриятларнинг юклатилишини ҳам аниқлатади. Шахс Конс. ва қонунлар б-н берилган имкониятлардан фойдаланиб жамият ва давлатда ўзининг ҳаётини ташкил этиб, у ёки бу мавқега эга бўлишга ҳаракат қилади.

ТЕНДЕР (инг. tender) – 1) ёзма таклиф, талабнома, оферта; 2) қимматбаҳо қоғозларга обуна бўлиш тўғрисидаги талабнома, савдо-сотик; 3) муддатли контракт бўйича товарни етказиб бериш мўлжали тўғрисидаги хабарнома; 4) бозорда облигация ёки хазина векселларини таклиф қилиш воситаси; 5) етказиб берувчиларга белгиланган талабларга жавоб берувчи товар ёки асбоб-ускуналарни таклиф этишни тавсия қилиш; буюртмани асбоб-ускуналарни бозордан сотиб олиш ёки пудратчиларни комплекс объектларни барпо қилиш ва б. ишларни бажаришга жалб қилишга жойлаштиришнинг танлов шакли (шартлари аввалдан эълон қилинади); 6) корхона ўз харажатлари ёки товарга бўлган талаб даражасидан эмас, балки рақобатчилар белгилаши мумкин бўлган нархлардан келиб чиқиб таклиф этган баҳо; 7) кемаларни таъмирловчи ташкилотларга юбориладиган кемани таъмирлаш имкониятлари ва шартлари ҳақидаги сўров хат; 8) халқаро савдо-сотик.

ТЕОКРАТИЯ (юн. theos – худо + kratos – ҳокимият сўзларидан) – ҳокимият руҳонийлар ёки черков бошлиғи қўлида тўпланадиган давлат бошқарув шакли. Теократик

давлатлар қадимда бўлганлиги маълум. Мас., Иудеяда мил.авв. V–I а.ларда бош рухоний, яъни олий кохин давлат ҳокимиятининг тўлиқ эгаси бўлган. Ўрта асрлардаги Уммавийлар ва Аббосийлар халифалиги теократик давлатлар бўлган. Иезуитлар XVII а.да Парагвайда ташкил этган теократик давлат ҳам маълум; Доғистонда ва унинг атрофидаги рус подшоҳи қўшинлари XIX а.да Кавказни истило қилаётган пайтда уларга узок вақт қаршилик кўрсатган ҳудудларда ҳукмронлик қилган имом Шомил бошқаруви ҳам теократик хусусиятга эга бўлган. 1870 й.да Италия бирлашишдан аввал Папа вил. ҳам теократик давлат бўлган; Тибет 1951 й.да ХХРга қўшилишдан аввал Далай-лама (лама рухонийларининг бошлиғи) Тибетдаги дунёвий ҳокимиятга ҳам раҳбарлик қилган. Папа – Рим католик черковининг олий раҳбари айни пайтда Ватикан давлатининг ҳам бошлиғидир. Бугунги кунда Т. тарихий анахронизм бўлса ҳам, Эронда 70-й.лар охирида бўлган “ислом инқилоби” давлатдаги ҳақиқий ҳокимиятнинг Оятуллоҳ Хумайний бошчилигидаги шиа рухонийлари раҳбарларига ўтганлигини кўрсатди. Теократик принциплар фуқаролар ижтимоий ва шахсий ҳаёти барча томонлари дин томонидан белгилаб қўйилиши (диний байрамлар ва маросимларга давлат мақоми берилиши, судлов ишлари диний қонунлар бўйича юритилиши тикланиши, бошқа дин вакиллари қувғинга учраши ва х.к.) кучайиши б-н кечади. Теократик давлатни клерикал давлатдан фарқлаш керак.

ТЕРГОВ ҲАРАКАТИ – бу дастлабки терговда далилларни аниқлаш, тўплаш ва текширишнинг асосий воситаси. Т.х. – бу терговчи томонидан жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ равишда амалга ошириладиган процессуал ҳаракатлар бўлиб, қидириш, билиш, ўзлаштириш ва тасдиқлашни камраб олувчи ҳамда жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган факт ва маълумотларни аниқлаш ҳамда мустаҳкамлашга йўналтирилган фаолиятни ифодалайди.

Т.х. табиатига хос бўлган билиш ва тасдиқлаш каби жиҳатлар, уни терговчи томонидан амалга ошириладиган бошқа процессуал ҳаракатлардан фарқлайди. Ҳар бир аниқ Т.х. маълум бир билиш усулларида фойдаланишни тақозо этади: сўроқ қилиш, таққослаш, ўлчаш, моделлаштириш, тавсифлаш ва б..

Далилларни аниқлаш, тўплаш ва мустаҳкамлаш жараёнида терговчи ЎЗР ЖПКда назарда тутилган ҳар қандай Т.х.ни амалга оширишга ҳақли.

Терговчи фойдаланиши мумкин бўлган Т.х. доираси ЎЗР ЖПКда қатъий мустаҳкамланган. Чунинчи: 1) гумон қилинувчини ва айбланувчини, гувоҳ ва жабрланувчини сўроқ қилиш (109–121-м.лар); 2) юзлаштириш (122–124-м.лар); 3) таниб олиш учун кўрсатиш (125–131-м.лар); 4) кўрсатувларни ходиса содир этилган жойда текшириш (132–134-м.лар); 5) кўздан кечириш (135–141-м.лар); 6) гувоҳлантириш (142–147-м.лар); 7) мурдани эксгумация қилиш (148–152-м.лар); 8) эксперимент (153–156-м.лар); 9) олиб қўйиш ва тинтув (157–168-м.лар); 10) телефон ва б. сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (169–171-м.лар); 11) экспертиза (172–187-м.лар); 12) экспертиза текшируви учун намуналар олиш (188–197-м.лар); 13) нарсалар ва ҳужжатларни тақдим этиш (198–202-м.лар);

14) нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш (203–212-м.лар).

Аксарият Т.х. (ушлаб туриш, тинтув, олиб қўйиш) ўзида бевосита процессуал мажбурув чораларини ҳам камраб оладик, бунда Т.х.ни амалга оширувчи фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва маффаатларини бузмаслиги лозим. Ҳар қандай Т.х.га қўйиладиган асосий талаб унинг етарли асослар мавжуд бўлгандагина ўтказилиши лозимлигидир. Т.х.нинг асосланганлиги унинг аниқ вазиятдан келиб чиққан ҳолда, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки мажбурув чораларини қўллаш заруриятдан келиб чиқиши лозим. Т.х.га қўйилган навбатдаги муҳим талаб – уларнинг қонуний бўлишидир. Т.х. бўйича учинчи талаб – уларнинг ахлоқ ва маънавий мезонлар доирасидан чиқмаслиги зарурлиги. Жиноят процессуал қонунчилигидаги қатор нормалар юқоридаги талабларга асосланган. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Т.х.ни амалга ошириш қўйидаги икки шарт мавжуд бўлишини тақозо этади: 1) жиноят иши қўзғатилган бўлиши зарурлиги; 2) айнан маълум бир Т.х.ни амалга ошириш учун махсус асоснинг мавжудлиги. Т.х. ишни ўз юритувига олган шахс ёхуд унинг топшириғига асосан амалга оширилади.

ТЕРГОВГА ТЕГИШЛИЛИК – жиноят ишининг у ёки бу органга тегишли бўлиши.

ЎЗР ЖПКнинг 35-м.сига мувофиқ, жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органларининг ва миллий хавфсизлик хизматининг терговчилари олиб борадилар. ЎЗР ЖПКнинг 345-м.сига мувофиқ, дастлабки терговни прокурорлар ҳам олиб боришлари мумкин. Барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт.

Қонунда назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади. Қонунда назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари томонидан олиб борилади.

Қонунда назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади.

Қонунда назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ички ишлар органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Қонунда назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ишни қўзғатган орган томонидан олиб борилади. Қонунда назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича дастлабки тергов ушбу иш қўзғатилишига сабаб бўлган жиноят қайси органнинг терговига тегишли бўлса, ўша орган томонидан олиб борилади.

Терговни олиб боришда бошқа дастлабки тергов органи терговига тегишли янги жиноят аниқланса, ишни юритаётган дастлабки тергов органи фақат тегишли прокурорнинг розилиги б-н терговни тўлиқ ҳажмда тамомлаши мумкин.

Қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади.

Жиноят каерда содир этилган бўлса, жиноят иши ўша тум. (ш.) терговчисининг терговига тегишли бўлади.

Дастлабки тергов, башарти иш ҳолатларини анча тез, пухта, тўла, холисона, ҳар томонлама текширишга ёрдам берса, иш қўзғатилган жойда ёки гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ёки гувоҳларнинг кўпчилиги турган ерда ўтказилиши ҳам мумкин.

Юқори турувчи прокурор ёки юқори тергов бўлинмаси бошлиғининг фармойишига асосан дастлабки тергов ҳудудий жиҳатдан Т.т. коидаларига риоя қилинмаган ҳолда олиб борилиши ҳам мумкин.

Ҳар бир терговчи ўз юритишда бўлган жиноят иши бўйича ЎзРнинг ҳудудида исталган жойда бирор тергов ҳаракатини шахсан ўзи бажаришга ёхуд уни ўтказишни бошқа терговчига ёки суриштирувчига топширишга ҳақлидир.

Терговчининг топшириғида ижро этувчи учун мажбурий бўлган ижро муддати кўрсатилади. Терговчининг топшириғини бу муддат ичида ижро этишнинг иложи бўлмаса, топширик олган шахс топширик берган терговчига топширик қачон бажарилиши мумкинлиги тўғрисида ёзма равишда, телеграмма ёки телефонограмма орқали хабар қилади ва унинг кўрсатмаларига биноан топширикни бажаришни давом эттиради.

Жиноят ишини бир тергов бўлинмаси доирасида бир терговчидан бошқа терговчига ўтказиш шу тергов бўлинмасининг раҳбари томонидан амалга оширилади.

Ишни бир тергов бўлинмасидан бошқасига ўтказиш юқори тергов бўлинмасининг бошлиғи томонидан прокурор розилиги б-н амалга оширилади.

Ишни бир дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказишга прокурорнинг қарорига биноан йўл қўйилади.

ТЕРГОВЧИ – жиноят ишини юритишга маъсул бўлган мансабдор шахслар тоифасига кирувчи жиноят процесси иштирокчиси. ЎзР ЖПКга мувофиқ жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати Т.лари олиб борадилар.

Т. – дастлабки тергов босқичида қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг жазосиз қолмаслиги ва биророрта айбсиз шахснинг жиной жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмаслиги учун қонунни тўғри қўллашга маъсул бўлган жиноят процессининг иштирокчисидир.

Олий юридик ёки бошқа махсус маълумотга эга бўлган, зарур касбий ва ахлоқий сифатларни ўзида муассамлаштирган, соғлиғига қўра ўзига юклатилган мажбуриятларни бажара оладиган ЎзР фуқаролари Т. бўлишлари мумкин.

Жиноят ишининг хусусияти ва мазмуни, босқичи ва мураккаблик даражаси, малакаланиши ва Т.нинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Т.лар турли мансабда бўлишлари ва улар Т., катта Т., ўта муҳим ишлар бўйича Т. ва ўта муҳим ишлар бўйича катта Т. деб аталишлари мумкин. Дастлабки терговни амалга оширишига қўра ходимлар лавозимининг бундай номланиши тергов бўлими мавжуд бўлган барча идораларда мавжуд.

Т.нинг вазифалари ЎзР ЖПКнинг 36-м.сида кўрсатилган бўлиб, унга қўра: жиноят ишини қўзғатишга ва тугатишга, ишни қўзғатишни рад этишга; жиноятни содир этиш-

да гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилишга; ЎзР ЖПКда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш тўғрисида ва унга нисбатан эҳтиёт чорасини таплаш ҳақида қарор қабул қилишга, қамокка олиш бундан мустасно; ўз юритишга қабул қилган ишлар бўйича суриштирув органларига қидирув ва тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисида ёзма топшириклар беришга; суриштирув органларидан айрим тергов ҳаракатларини юритишда қўмаклашишни талаб қилишга; қамокка олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ЎзР ЖПКнинг 240-м.сига мувофиқ бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳақлидир.

Т. терговнинг йўналиши ва тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни, прокурор руҳсатини олиш қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, мустақил равишда қабул қилади.

Т. прокурорнинг шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги, жиноятни тавсиф қилиш ва айблов ҳажми ҳақидаги, қамокка олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги, ишни судга юбориш ёки ишни тугатиш ҳақидаги, тугалланган ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақидаги кўрсатмаларига рози бўлмаса, ўз эътирозларини ёзма равишда баён қилган ҳолда ишни юқори турувчи прокурорга тақдим этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда қуйи турувчи прокурорнинг кўрсатмасини юқори турувчи прокурор ўз қарори б-н ё, бекор қилади ёки иш бўйича тергов юритишни бошқа Т.га топширади.

Т.нинг ўз юритишдаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириклари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

ТЕРИ НАҚШЛАРИ – қўл бармоқ изларидаги папилляр чизиклар ва уларни ажратиш турувчи чуқурчалар бирлашишдан вужудга келган, турли шакл ва мураккабликка эга бўлган суратлар. Т.нинг бармоқ нақшлари (бармоқларнинг асосий, ўрта ва тирноқ фалангаларидаги нақшлар), қўл қафти нақшлари ва оёқ қафти нақшлари каби турлари мавжуд. Т.н. тузилишига қўра юқори оқим, қуйи оқим, марказий сурат (қисм ва нақшнинг делтаси) каби қисмларга бўлинади.

ТЕРМИЗИЙ (824–Термиз–892) – буюк муҳаддис ва мутафаккир. Имом Бухорийнинг шогирдларидан бири. Абу Исо Муҳаммад Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини алоҳида қизиқиш б-н эгаллаган. У узок йиллар Ироқда, Исфажон, Хуросон, Макка ва Мадинада илм олган. Кўп йиллик сафарлари чоғида қироат, баён, фикҳ, тарих, ҳадис каби илмлар бўйича ўз даврининг йirik олимларидан таълим олди.

Т.нинг “Ал-Жомий” (“Жамловчи”), “Аш-Шамойил ан набавия” (“Пайгамбарнинг алоҳида фазилатлари”), “Алиил фил-ҳадис” (“Ҳадислардаги оғишлар”), “Рисола фил-хилоф ва-л-жадал” (“Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола”), “Ат-тарих” (“Тарих”), “Китоб ул-асмо ва-л-куно” (“Исмлар ва лақабликлар ҳақида китоб”) каби асарлари бизгача етиб келган. Машхур асари “Ал-жомий” пай-

гамбар алайҳиссаломга бағишланган 6 та ишончли хадислар тўпламидан иборатдир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда “Ал-жомий ал-кабир” (“Катта тўплам”), “Ал-жомий ус-сахих” (“Ишончли тўплам”), “Жомий ат-Термизий” (“Термизий тўплами”), “Сунан ат-Термизий” (“Термизий суннатлари”) номи б-н ҳам аталиб, пайгамбар алайҳиссалом ҳаёти ва фаолиятига доир муҳим манба ҳисобланади. Т.нинг машҳур таълифларидан бири, “Аш-шамойил ан-набийя” (“Пайгамбарнинг алоҳида фазилатлари”) бўлиб, Расулulloҳнинг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилатлари, одатларига оид 408 хадиси шарифни ўз ичига олган манбадир.

Т.нинг мазкур асарларида илм-фанни эгаллаш, ота-она ва фарзандларнинг бир-бирини ҳурмат қилиш, ҳақ-ҳуқуқлари, таълим-тарбия, хулқ-одоб қондалари, ҳалоллик, поклик, саҳийлик, адолат, инсоф ва б. инсоний қадриятлар баён қилинади. Айни вақтда тубан иллатлардан бўлмиш ёлғон гапириш, тухмат, адоват, зулм, хиёнат, фитна-фасод, тамагарлик ва б. сифатлар қораланади. Т.нинг ахлоқ-одоба оид ибратомуз фикрлари ҳозирги вақтда ҳам ўз таъсир кучини йўқотгани йўқ. Улар ёшларни тарбиялашда, маънавиятимиз ривожига муҳим ўрнини эгаллайди.

ТЕРРОР – лотинча сўздан олинган бўлиб, даҳшат, кўрқув маъноларини англатади.

ТЕРРОРИЗМ – халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуроли моjarолар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштириш, аҳолини кўрkitиш мақсадида давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир фаолиятни амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш учун зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф тугдирувчи бошқа қилмишлар ёхуд уларни амалга ошириш таҳдиди, шунингдек террорчилик ташкилотининг мавжуд бўлишини, ишлаб туришини, молиялаштирилишини таъминлашга, террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш ва содир этишга, террорчилик ташкилотларига ёхуд террорчилик фаолиятига кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятида иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситалар ва ресурслар бериш ёки йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият, шунингдек вазиятни бекарорлаштириш ёки давлат органлари томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ёхуд сиёсий ёки бошқа ижтимоий фаолиятга тўсқинлик қилиш мақсадида давлат ёки жамоат арбоби ёхуд ҳокимият вакилининг давлат ёки жамоатчилик фаолияти муносабати б-н унинг ҳаётига суиқасд қилиш ёки унинг баданига шикаст етказиш.

Т. давлат органлари ёки халқаро ташкилотлар томонидан қарор қабул қилинишига таъсир кўрсатиш мақсадида, халқаро муносабатларни, ҳудудий бирликни бузиш, давлат хавфсизлигига таҳдид солиш, қуроли моjarоларни келтириб чиқариш, аҳолини кўрkitиш, жамиятдаги сиёсий вазиятни бекарорлаштириш мақсадида содир этилган ҳаракатларда намоён бўлади. Т.: портлатиш ёки ўт қўйиш; ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш; мол-мулкни босиб олиш ёхуд қўлда тутиб туриш ёки шахсни гаров си-

фатида ушлаб туриш; халқаро химоя остида бўлган чет эл давлатлари ваколатхоналари ёки халқаро ташкилотларнинг хизмат, уй-жой биноларига ҳужум қилиш каби ҳаракатларни содир этишдан иборат бўлиши мумкин. ЎЗР ЖКнинг 155-м.сида жинойт жавобгарлик ўрнатилган.

ТЕРРОРЧИ – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс (“Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 2-м.си).

ТЕРРОРЧИЛИК ГУРУҲИ – “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, олдидан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи.

ТЕРРОРЧИЛИК ФАОЛИЯТИ – “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, террорчилик ҳаракатини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга оширишдан, террорчилик ҳаракатига улдашдан, террорчилик ташкилотини тузишдан, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва қуроллантиришдан, уларни молиялаштириш ва моддий-техника жиҳатидан таъминлашдан иборат бўлган фаолият.

ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТИ – “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, гаровда ушлаб туриш учун шахсларни қўлга олиш ёки ушлаб туриш, давлат ёки жамоат арбобининг, аҳолининг миллий, этник, диний, бошқа гуруҳлари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар вакилларининг ҳаётига тажовуз қилиш, давлат ёки жамоат аҳамиятига молик объектларни босиб олиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, портлатишлар, ўт қўйишлар, портлатиш қурилмаларини, радиоактив, биологик, портловчи, кимёвий, бошқа захарловчи моддаларни ишлатиш ёки ишлатиш б-н кўрkitиш, ер усти, сув ва ҳаво транспорти воситаларини қўлга олиш, олиб қочиш, шикастлантириш, йўқ қилиш, аҳоли гавжум жойларда ва оммавий тадбирлар ўтказилаётганда ваҳима кўтариш ва тартибсизликлар келтириб чиқариш, аҳоли ҳаётига, соғлиғига, жисмоний ёки юридик шахслар мол-мулкига авариялар, техноген хусусиятли ҳалокатлар содир этиш йўли б-н зарар етказиш ёки хавф тугдириш, таҳдидни ҳар қандай воситалар ва усуллар б-н ёйиш тарзида террорчилик тусидаги жинойтларни, ЎЗР қонуни ҳужжатларида ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларида белгиланган террорчилик тусидаги бошқа ҳаракатларни содир этиш.

ТЕХНИК-КРИМИНАЛИСТИК ВОСИТАЛАР – криминалистикада асбоб-ускуналар, мосламалар, елим-ли массалар ва б. материаллар, шунингдек ахборот манбаларини аниқлаш, қайд қилиш ва тадқиқ этиш, ушбу ахборотни жинойт процессида олиш ва ундан фойдаланиш чоғида қўлланиладиган усул ва услублар. Қўлланиш мақсадларига кўра, Т.-к.в.нинг излаш, объектларни қайд қилиш, олиб қўйиш, тадқиқ этиш ва из ҳосил қилувчи турлари фарқланади.

ТИББИЙ ЙЎСИНДАГИ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ – ижтимоий хавфли қилмишни содир этган ва суд томонидан ақли норасо деб топилган шахсга нисбатан қўлланиладиган чора. Т.й.м.ч. суд томонидан қўлланилади.

ЎЗР ЖКнинг 91-м.сига мувофиқ, Т.й.м.ч. руҳий касаллик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс-

ларга нисбатан уларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий хавфли ҳаракатлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкин.

Суд жазолаш б-н бир қаторда алкоголизм, гиёҳвандлик ёки захарвандлик касаллигига йўлиққан шахсларга нисбатан – даволаш учун ва жазолаш мақсадида эришишга кўмаклашувчи шароит яратиш учун Т.й.м.ч.ни тайинлаши мумкин.

ЎзР ЖКнинг 92-м.сига биноан, ижтимоий хавфли қилмишни ақли норасолик ҳолатида ёки ҳукм чиқарилгунга қадар ёхуд жазони ўташ вақтида руҳий касалликка чалинганлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англамаслик ва ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолатида содир этган шахсга нисбатан, агар у руҳий ҳолати ва содир этган қилмишининг хусусиятига кўра жамият учун хавфли деб топилса, суд Т.й.м.ч. тайинлаши мумкин.

ЎзР ЖКнинг 93-м.сига асосан, Т.й.м.ч.га қуйидагилар қиради:

а) мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш;

б) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш;

в) умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаниш;

г) кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимида мажбурий даволаниш.

ЎзР ЖКнинг 94-м.сига мувофиқ, мажбурий амбулатория кузатуви ва руҳий касаллик мутахассисида даволаниш руҳий касаллиги зўрайиб кетаётганлигини кўрсатувчи аломатлар бўлмаган, шунингдек руҳий ҳолати вақтинча бузилган руҳий касалларга нисбатан, бундай касалликнинг қайтарилмаслиги ва янги ижтимоий хавфли қилмиш содир этилмаслиги учун тайинланиши мумкин.

Умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасида мажбурий даволаниш ижтимоий хавфлилиги руҳий ҳолати б-н боғлиқ бўлган, умумий асосларда даволаш талаб этиладиган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфлилиги кўпроқ саломатликни тикловчи чораларни кўришни талаб қиладиган, уларни эса ихтиёрий тартибда ўтказиш мумкин бўлмаган руҳий касалларга нисбатан умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонасининг соғлиқни тиклаш махсус бўлимида мажбурий даволаш тайинланиши мумкин.

Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимида мажбурий даволаш ўта ижтимоий хавфли бўлган ёки ўз хулқида кўра умумий тартибли руҳий касалликлар шифохонаси шароитида даволанишининг имкони бўлмаган руҳий касалларга нисбатан тайинланиши мумкин. Кузатув кучайтирилган руҳий касалликлар шифохонасида ёки бўлимида руҳий касаллар батамом ажратилган ҳолда сақланади ва кўриқланади.

ТИББИЙ ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ – инсоннинг асосий конституциявий ижтимоий ҳуқуқларидан бири, асосий мазмунини давлат ва нодавлат тиббий муассасаларда малакали тиббий ёрдам олиш имконияти ташкил қиладди. Бу ҳуқуққа давлатнинг аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, барча тур-

даги соғлиқни сақлаш ва тиббий суғурта тизимини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли учун қулай экологик ва санитария-эпидемиология шароитларини яратишида ёрдам бериш мажбурияти ҳам киритилади.

ЎзР Конс.сининг 40-м.сида мустаҳкамлаб қўйилган фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларидан бири. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан баҳраманд бўла олиши фуқаролар соғлиғини сақлашни асосий принципларидан биридир.

ЎзР фуқароларининг ушбу ҳуқуқдан фойдаланиши учун маълум шароитлар яратилган. Етарли малакали тиббий мутахассислар, замонавий тиббий ускуналари, самарали дори-дармонлар, касалликларга қарши кураш ва касалликларнинг олдини олиш миллий дастурлари ишлаб чиқилган ҳамда бу дастур давлат сийосати даражасига кўтарилган. Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури шифохоналарда ва кундузги стационарларда беморларга малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлашга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширишни кўзда тутди.

Тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистонда тобора тақомиллашиб бормоқда, сифати яхшиланмоқда, фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш тизими ривож топиб бормоқда.

Касалликларга қарши кураш ва уларнинг олдини олиш миллий дастури суғуртали тиббий хизматга ўтиш, рақобатлашишга қодир бўлган хусусий клиникалар ва дорихоналар ташкил этиш орқали тиббиёт хизматини янада тақомиллаштириш мақсадини кўзлайди.

ТИББИЙ-МЕХНАТ ЭКСПЕРТ КОМИССИЯСИ – “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, шахсни, шу жумладан, ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш Т-м.э.к. томонидан амалга оширилади.

Тиббий-мехнат эксперт комиссиялари тўғрисидаги Низом ЎзР ВМсининг 2008 й. 8 августдаги 175-сон қарори б-н тасдиқланган. Ушбу Низомга мувофиқ, Т-м.э.к.лари ЎзР Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тиббий-мехнат экспертиза хизмати тизимидаги мустақил таркибий бўлиналар ҳисобланади.

Тиббий-мехнат экспертиза хизмати:

ЎзР Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш Республика инспекцияси;

ҚР, вил.лар ва Тошкент ш. бош Т-м.э.к.лари;

тум., туманлараро, ш. ва ихтисослаштирилган Т-м.э.к.лари қиради.

Шахсни ногирон деб эътироф этиш Т-м.э.к. томонидан амалга оширилади.

Т-м.э.к.лари фаолияти ҳудудий принцип бўйича амалга оширилади.

Т-м.э.к.ларининг хулосалари коллегиял, Т-м.э.к. аъзоларининг мутлақ кўпчилик овоз бериши асосида қабул қилинади ҳамда унинг тавсиялари иш берувчилар, даволаш-профилактика, тиббий-ижтимоий, спорт муассасалари ва б. ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Т-м.э.к.ларнинг моддий-техника таъминоти ажратилган маблағлар доирасида республика бюджети, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маъналар ҳисобига амалга оширилади.

Бош Т-м.э.к. раислари ва уларнинг ўринбосарлари меҳнатига ҳақ тўлаш соғлиқни сақлаш муассасалари III тип раҳбар ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари ва тариф коэффициентлари бўйича амалга оширилади.

Бош Т-м.э.к.лари юридик шахс ҳисобланади ҳамда мустақил балансга, банк ҳисоб рақамларига, ЎзР Давлат герби тасвири туширилган муҳрга ва ўз номи ёзилган штампага эга бўлади.

Тум., туманлараро, ш. ва ихтисослаштирилган Т-м.э.к.лари юридик шахс ҳисобланмайди, ўз номи ёзилган муҳрга ва штампга эга бўлади.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ – “Т.б.” ибораси банк иши ривожланишининг илк босқичида, яъни банклар асосан савдо, маҳсулот айирбошлаш ва тўлов операцияларини амалга ошириш учун хизмат қилган пайтларда вужудга келган. Банкларнинг асосий мижозлари савдогарлар бўлган. Улар маҳсулот айирбошлаш, сақлаш, етказиб бериш кабилар б-н боғлиқ операцияларни маблағ б-н таъминлаган (кредитлар берган). Сапоат ишлаб чиқариши ривожланиб бориши б-н ишлаб чиқариш жараёни учун қисқа муддатли кредитлар бериш жорий этила бошлаган: муомалада бўлган маблағини (капитални) тўлдирини, хомашё ва тайёр маҳсулотлар захираларини яратиш, иш ҳақини тўлаш ва б. учун қарзлар бериш. Кредитлар муддати секин-аста узайтирила борилди. Банк ресурсларининг бир қисми асосий капитал ва қимматли қоғозлар учун сарф қилишда ишлатила бошланди. Бошқача айтганда, “Т.б.” ибораси ўзининг дастлабки мазмунини йўқотди. Энди у, фаолиятдан қатъи назар, барча хўжалик субъектларига хизмат кўрсатишга йўналтирилди. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш.

ТИЖОРАТ ИЖАРАСИ – Т.и. бўйича бир тараф тадбиркорлик субъекти бўлган ижарага берувчи иккинчи тараф тадбиркорлик субъекти бўлган ижарага олувчига фойда олиш мақсадини кўзлаб ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш ёхуд фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади.

Т.и. ижара муносабатларини бошқа турларидан ажратиб турувчи ўзига хос белгиларга эга. Улар қуйидагилардан иборат: 1) Т.и.да ижара ҳақи юқори миқдорда белгиланади; 2) Т.и.да иштирок этаётган тарафлар тадбиркорлик субъекти бўлиши керак; 3) ижарага олувчи ижарага олинган ашёдан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиши лозим; 4) ижарага берувчи муайян мол-мулкни Т.и.га бериш орқали олаётган даромадидан солиқ тўловларини амалга оширади; 5) Т.и.га бериладиган мол-мулк, албатта, тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун яроқли бўлиши зарур.

ТИЖОРАТ КРЕДИТИ – ЎзР ФКда кредит шартномаларининг бир тури. ЎзР ФКнинг 748-м.сига мувофиқ, бажарилиши учун пул суммаларини ёки турга хос аломатлари б-н белгиладиган бошқа ашёларни иккинчи тарафга мулк қилиб топшириш талаб қилинадиган шартномаларда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол белгилаб қўйилган бўлмаса, кредит бериш, шу жумладан, бўнак, олдиндан ҳақ тўлаш, товарларга, ишлар ёки хизматларга ҳақ тўлашни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида кредит бериш (Т.к.) назарда тутилми мумкин. Тегишли мажбурият баён қилинган шартнома тўғрисидаги қондаларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ва у мазкур мажбуриятнинг мохиятига зид келмаса, Т.к.га нисбатан тегишли суратда ЎзР ФК 41-бобининг қондалари қўлланади.

ТИЖОРАТ СИРИ – ҳимоя қилинишининг алоҳида тартиби белгиланган фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири. Ахборот қуйидаги ҳолларда Т.с. деб саналиши мумкин: агар ахборот учинчи шахсларга маълум эмаслиги, қонуний асосларда мазкур ахборот б-н танишишга рухсат берилмаганлиги ҳамда ахборот эгаси уни сир тутиш учун чора-тадбирлар кўраётганлиги боис ахборот ҳақиқий ёки яширин тижорат қимматига эга бўлса. Т.с.ни ташкил этувчи ахборот ЎзР ФК ва б. қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тарзда ҳимоя қилинади. Т.с.ни ташкил этувчи маълумотларга ноқонуний йўллар б-н эга бўлган шахслар етказилган зарарни тўлашлари лозим. Шунингдек, меҳнат шартномасига зид равишда Т.с.ни ошқора қилган ходимга ҳам худди шундай жавобгарлик юкланади.

ЎзР ФКнинг 98-м.сига мувофиқ, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сир бўлган ахборотни, башарти, бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли б-н ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этади.

ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ – ЎзР ФКнинг 40-м.сига асосан, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс туридир. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонуларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

ТИЗИМЛИ ШАРҲЛАШ – к: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

ТИЛ СУВЕРЕНИТЕТИ – “Давлат тили ҳақида”ги ЎзРнинг Қонунига мувофиқ, ЎзРнинг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди.

ЎзР Қонунининг 4-м.сига биноан, ЎзР ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратди.

Халқлар ва шахсларнинг Т.с. қонун б-н муҳофаза қилинади. ЎзР қонуларига назарда тутилган ҳоллардан ташқари ҳеч қим инсонни унинг ихтиёрига зид равишда у ёки бу тилдан фойдаланишга мажбур қилишга ҳақли эмас.

ТИЛ ЦЕНЗИ – сайлаш ҳуқуқига эга бўлиш учун муайян давлатнинг расмий (давлат) тилини (ёхуд расмий тиллардан бирини ёхуд барча расмий тилларини) билишларини талаб этувчи қоида. Бир қатор кўп миллатли давлатларда (баъзан саводлилик цензи шаклида) тарқалган. Баъзан умумий Т.ц.дан ташқари квалификация қилинган Т.ц. белгиланади: мас., Қозоғистоннинг 1993 й.ги Конс.сига биноан, республика президенти этиб Қозоғистоннинг давлат тилини мукамал билладиган фуқароси сайланиши мумкин, айни пайтда вице-президентлик лавозимига номзоддан эса давлат тилини шунчаки билиш талаб этилади.

ТИЛХАТ – имзо қўйиш б-н бирор нарсани олиш ёки келишиш. Ҳуқуқда ёзма исботнинг бир тури. Алоҳида ҳолларда шартнома тузилганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

ТИНТУВ – к: *Олиб қўйиш ва тинтув.*

ТИНЧЛИК ВА ИНСОНИЯТНИНГ ХАВФСИЗЛИГИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – тинч аҳолига оқлаб бўлмас зарар етказиш, қурбон қилиш, кишиларнинг ҳаёт таъминоти, халқ хўжалиги объектларини батамом издан чиқариш, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, пизоларни тинч йўл б-н хал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қондалари ва нормаларини бузишда ифодаланадиган жиноятлар йнғиндиси бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: урушни тарғиб қилиш (ЎЗР ЖК 150-м.си), агрессия (151-м.), урушнинг қонун ва удумларини бузиш (152-м.), геноцид (153-м.), ёллаганиш (154-м.), чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириш, ёллаганиш (154¹-м.), терроризм (155-м.), миллий, irqий, этник ёки диний адоват кўзғатиш (156-м.).

ТИНЧЛИК ШАРТНОМАСИ – халқаро келишув, шартнома. Т.ш.га асосан, урушни тугатиш, тинчликни мустахкамлаш, давлатлараро чегаралар ўрнатиш ва ўзгартириш масалалари, ташқи сиёсий ва иқтисодий масалалар ўзаро келишиб олинади.

ТИНЧЛИККА ТАҲДИД – ҳар бир муайян ҳолатда БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан дискрецион шаклда белгиладиган ва ушбу органнинг БМТ Устави VII бобига асосан, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун қандай чоралар кўрилиши кераклиги ҳақида тавсиялар ёки қарорлар қабул қилиши учун асос бўладиган вазият. Таҳминий рўйхати 1974 й.ги “тажовуз” таърифида берилган тажовуз ҳаракатларидан фарқли ўларок, ҳозирги қунгача Т.т. вазиятини аниқлаштирувчи халқаро ҳужжат йўқ.

ТИНЧЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – халқаро жиноятларнинг оғир тури. Халқаро ҳарбий трибунал уставига асосан бу жиноятлар агрессив урушни ташкил этиш, режалаштириш, келтириб чиқариш ёки амалга ошириш қабиларни ўз ичига олади. Бу каби жиноятлар халқаро келишув ва шартномаларда белгиладиган тартибларни бузишда ифодаланади. 1947 й. 3 ноябрда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясига асосан урушни тарғиб қилиш ҳам тинчликка қарши жиноятлар бўлиб

ҳисобланади. Т.к.ж.ни содир этган шахслар жиноий жавобгарликка тортиладилар.

ТОБАРА ДОКТРИНАСИ – 1907 й.да сиёсатчи Экватор К.Тобара илгари сурган ҳамда давлат тўнтаришидан сўнг ҳокимият тепасига келган ҳукуматни ўз аҳолиси томонидан тан олинмагунича эътироф этмаслик ҳақидаги халқаро ҳуқуқий доктрина. Т.д. 1907 ва 1923 й.ларда Марказий Американинг 5 давлати: Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа ва Сальвадор б-н тузилган 2 шартномада ифодаланган. Шартнома тузишнинг буидан кейинги амалиётда, жумладан, Америка давлатлари ташкилотининг уставига ҳам Т.д. изоҳига ҳавола қилинмаган. Т.д.га қарама-қарши равишда Эстрада доктринаси кенг оммалашган ва шартномаларда ҳуқуқий жиҳатдан мустахкамлаб қўйилган.

ТОВАР БЕЛГИСИ – бир юридик ва жисмоний шахслар товарларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг шу турдаги товарларидан фарқлаш учун хизмат қиладиган, белгиладиган тартибда рўйхатдан ўтказилган белгидир. Т.б. яқка тартибдаги ва жамоавий бўлиши мумкин. Алоҳида юридик ёки жисмоний шахсга тегишли товар белгиси яқка тартибдаги белги ҳисобланади. Юридик ва (ёки) жисмоний шахслар бирлашмасининг улар томонидан ишлаб чиқариладиган ва (ёки) реализация қилинадиган, бир хил сифатга ёки бошқа умумий тавсифларга эга бўлган товарларини белгилаш учун мўлжалланган Т.б. жамоавий белги ҳисобланади. Тасвирлар, сўзлар, муайян шакл тарзидаги белгилар ва б. белгилар ёки уларнинг исталган бир рангдаги ёки турли рангдаги жамлама ифодаси товар белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилиши мумкин (“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

Т.б. ҳуқуқий жиҳатдан уш Қонунда белгиладиган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек ЎЗРнинг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади. Т.б. тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин (“Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.си).

ЎЗР ФКнинг 1031-м.сига мувофиқ Т.б. интеллектуал мулк объектлари жумласига қиради. Т.б. ҳуқуқий жиҳатдан қонунда белгиладиган тартибда рўйхатдан ўтказиш асосида, шунингдек ЎЗРнинг халқаро шартномаларига мувофиқ равишда муҳофаза қилинади. Т.б. тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

ТОВАР БОЗОРИ – “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, товарнинг ЎЗР ҳудудидagi ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин.

ТОВАР ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ – “Истеъмол кредити тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, солиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар ҳақида бўлиб-бўлиб тўлаш тарзида истеъмолчига бериладиган кредитдир. Истеъмол товарларини

(ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки реализация қилувчи ташкилотлар Т.и.к. берувчи ташкилотлардир.

ТОВАР КРЕДИТИ – фуқаролик ҳуқуқида кредит шартномасининг тури. ЎзР ФК 747-м.сига мувофиқ, тарафлар бир тарафининг кредит шартномаси шартлари асосида турга хос аломатлари б-н белгиланган ашёларни иккинчи тарафга бериш мажбуриятини назарда тутувчи шартнома ни тузишлари мумкин. Ашёларни кредитга бериш тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартноманинг берилаётган ашёлар миқдори, ассортимент, тўлиқлиги, сифати, идиши ва (ёки) ўралиши ҳақидаги шартлари товарларнинг олди-сотди шартномаси тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ ба-жарилиши шарт.

ТОВАРНИНГ БАҲОСИ – сотиб олувчи товар ҳақини ЎзР ФКнинг 356-м.сига мувофиқ белгиланадиган баҳода тўлаши, шунингдек қонун ҳужжатлари, олди-сотди шартномаси ёки одатда қўйиладиган талабларга мувофиқ тўловни амалга ошириш учун зарур бўлган хара-катларни ўз ҳисобидан бажариши лозим. Т.б. унинг оғир-лигига қараб белгиланадиган бўлса, агар олди-сотди шар-тномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, у соф оғирлиги бўйича аниқланади. Агар олди-сотди шар-тномасида товарнинг баҳоси уни белгилайдиган кўрсат-кичлар (таннарх, харажатлар ва ҳ.з.)га қараб ўзгартири-лиши лозимлиги назарда тутилган бўлса, аммо шу б-н бирга, баҳони қайта кўриб чиқиш усули белгиланган бўлмаса, баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шартнома тузил-ган пайтдаги ва товарни топшириш пайтдаги ўзаро нисбатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Сотувчи товарни топшириш мажбуриятини бажаришни кечик-тириб юборганида баҳо ушбу кўрсаткичларнинг шарт-нома тузилган пайтдаги ва шартномада назарда тутил-ган товар топшириладиган пайтдаги, агар шартномада товарни топшириш пайти назарда тутилган бўлмаса, ЎзР ФКнинг 242-м.сига мувофиқ аниқланган пайтдаги нис-батидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Агар қонун ҳужжатларида ёки олди-сотди шартномасида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса ва у мажбуриятнинг мо-хиятидан келиб чиқмаса, ЎзР ФК 418-м.сининг учинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланади (ЎзР ФКнинг 418-м.си).

ТОВАЛАМАЧИЛИК – жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш б-н қўрқитиб ўзгача мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқини топширишни, мулк-нинг манфаатлар беришни ёхуд мулкнинг йўсиндаги хара-катлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчининг ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш. Т. учун ЎзР ЖКнинг 165-м.сида жавобгарлик белгиланган.

ТОВОН ТЎЛОВЛАРИ – меҳнат ҳуқуқида ишчига меҳнат мажбуриятларини бажариши (мас., хизмат са-фарларида – суткалик, квартира ҳақи), ёки бошқа жойга ишга ўтказилиши (мас., бир вақтда тўланадиган нафақа) б-н боғлиқ қўшимча харажатларни қоплашга ишлатиладиган сумма.

ТОЛЛИНГ – корхонанинг импорт хомашёда ишла-ши. Унинг механизми куйидагилардан иборат. Воситачи-лик фирмаси завод б-н Т. шартномасини тузади. Шунга кўра, бу фирма хомашёни импорт қилиш ва уни қайта ишлаш учун маблағ ажратади, заводнинг иши учун ҳақ тўлайди ва ушбу хомашёдан тайёрланган махсулотнинг мулкдори ҳисобланади.

Т. ЎзР ҳудудда товарларни қайта ишлаш операцияси-дир. ЎзР ҳудудда қайта ишлаш бўйича операциялар деган-да ЎзР хўжалик юртувчи субъектларининг хорижий шахс-лар б-н: товарларни қайта ишлаш ва уларга ишлов бериш-га; товарларни таъмирлашга, шу жумладан, уларни тиклаш ва тартибга келтиришга; товар тайёрлашга, шу жумладан, монтаж қилиш, йиғиш ва б. товарларга мослаштиришга; қайта ишлашга ёки уни оsonлаштиришга ёрдам берадиган бошқа товарлардан тўлиқ ёки қисман фойдаланишга доир операцияларни амалга оширишга йўналтирилган фаолияти тушунилган. ЎзР ҳудудда Т. бўйича операциялар Ўзбекистон Республикаси ҳудудда қайта ишлаш (толлинг) бўй-ича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Ниё-зм(рўйхат рақами 987, 29.11.2000 й.)да белгиланган тартиб-да амалга оширилади.

ТОПИЛМА – йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ўзга маълум шахслардан би-ронтасини дарҳол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транс-порт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Т. топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг ҳуқуқларини қўлга киритади ва унинг мажбуриятларини ўз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарили-шини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номаълум бўлса ёки унинг манзили маълум бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли дав-лат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига маълум қилиши шарт. Ашёни топиб олган шахс уни ўзида сақлаб туришга ёки сақлаш учун милиция, те-гишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқ-ариш органига ёхуд улар кўрсатган шахсга топширишга ҳақлидир (ЎзР ФКнинг 192-м.си).

Башарти, Т. тўғрисида милицияга ёки тегишли давлат органига хабар қилинган пайтдан эътиборан олти ой мо-байнида йўқолган ашёни олишга ҳақли бўлган шахс аниқ-ланмаса ҳамда ашёни топган шахсга ёхуд милиция, тегиш-ли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ана шу ашёга бўлган ўз ҳуқуқи тўғрисида арз қилмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгаллик ҳуқуқини олади. Башарти, ашёни топиб олган шахс топилган ашё-ни мулк қилиб олишдан бош тортса, ашё давлат мулкига ўтади (ЎзР ФКнинг 193-м.си).

ТОПШИРИЛАДИГАН ОВОЗ – овоз бериш вақола-тини бошқа шахсга топшириш сайлов тизими б-н боғлиқ бўлган тушунча. Т.о. – пропорционал (мутаносиб) сайлов тизимининг бир тури бўлиб, унда сайловчи сайлов рўйха-тида, биринчидан, ўзи афзал кўрган номзодни белгилайди, иккинчидан, биринчи номзод сайланмай қолган тақдирда, ўз овозини бермоқчи бўлган номзод (номзодлар)ни белги-лайди (мас., Ирландия, Австралия).

ТОПШИРИҚ ШАРТНОМАСИ – фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг турларидан бири бўлиб, унга кўра, бир тараф (вакил) иккинчи тараф (топширик берувчи)нинг номидан ва унинг ҳисобидан муайян юридик ҳаракатларни содир этиш мажбуриятини олади. Вакил тузган битим бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар бевосита топширик берувчида вужудга келади. Топширик вакил томонидан бир ёки бир неча муайян юридик ҳаракатларни содир этиш ҳақида ёки топширик берувчининг ишларини унинг кўрсатмаларига мувофиқ юритиш ҳақида берилиши мумкин. Вакил алоҳида ҳуқуқларга эга бўладиган топширик шартномаси бўйича бир тараф (топширик берувчи) иккинчи тарафга (алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган вакилга) топширик берувчи номидан ва унинг ҳисобидан маълум соҳада ёки маълум ҳудудда топширик берувчи учун юридик аҳамиятга эга бўлган ҳамма ҳаракатларни содир этишини топширади. Т.ш. ёзма шаклда тузилади. Т.ш. вакил топширик берувчининг номидан иш олиб боришга ҳақли бўладиган муддатни кўрсатган ёки бундай муддатни кўрсатмаган ҳолда тузилиши мумкин (ЎЗР ФКнинг 817-м.си).

Агар қонун ҳужжатларида ёки Т.ш.да назарда тутилган бўлса, топширик берувчи ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт. Агар Т.ш. иккала тараф ёки улардан бирининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши б-н боғлиқ бўлса, топширик берувчи, агар шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, ишончли вакилга ҳақ тўлаши шарт. Ҳақ тўлаш назарда тутилган Т.ш.да тўланадиган ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш ҳақидаги шартлар бўлмаса, ҳақ ЎЗР ФК 356-м.сининг тўртинчи қисмига мувофиқ шунга ўхшаш хизматлар учун одатда қабул қилинган нархлар бўйича белгиланади ва топширик бажарилганидан кейин тўланади. Вакил талаб қилинган ҳамма ҳаракатларни тегишли даражада амалга оширган, бироқ топширик у айбдор бўлмаган ҳолда бажарилмай қолган тақдирда ҳам ҳақ тўланиши керак. Тижорат вакили сифатида иш олиб борувчи ишончли вакил ЎЗР ФКнинг 290-м.сига мувофиқ, топширик берувчига топширилиши керак бўлган ўз қўлидаги ашёларни Т.ш. бўйича ўз талабларини таъминлаш учун ушлаб туришга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 818-м.си).

ТОРТИШУВЧАНЛИК – судлов юритишнинг демократик принципи, унга кўра, ишнинг кўриб чиқилиши суд мажлисида томонларнинг баҳслашуви шаклида бўлиб ўтади. Процесснинг барча қатнашчилари тенг процессуал ҳуқуқларга эга: суд иш ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолис тадқиқ этиш, қонуний ва асосли қарор (ҳукм) чиқариш учун ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қонунида назарда тутилган барча чора-тадбирларни қабул қилиши шарт.

ТОТАЛИЗАТОР – Т.га кўра, иштирокчи ўйин, спорт ёки бошқа ижтимоий аҳамиятли вазиятнинг имкониятдаги вариантга гаров боғлаб башорат қилади, ютуқ эса башоратнинг юзага келган ва ҳужжатлар б-н тасдиқланган фактларга қисман ёки тўла мос келишига боғлиқ.

ВМнинг 2007 й. 16 августдаги 176-сон “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори б-н 2007 й. 1 сентябрдан бошлаб: ЎЗР ҳудудига қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларини (шу жумладан тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (тиражли,

бир лахзали ва рақамли лотереялардан ташқари); қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш; ЎЗР ҳудудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқланган.

ЎЗР ЖКнинг 278-м.сида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан, ала шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Унга асосан қонунга ҳилоф равишда Т. автоматларидан фойдаланиш ҳам жавобгарликни келтириб чиқаради. Ушбу тушунча қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин мазмуни б-н камраб олинади. Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйин деганда, ўйин ташкилотчиси (ўйин муассасаси) томонидан бир ёки ундан ортик иштирокчилар б-н тасодифга (воқеага) ва (ёки) ўйин иштирокчисининг қобилияти, элчиллиги ва б. сифатларига боғлиқ ютуқ тўғрисида тузилган, таваккалчиликка асосланган битимга мувофиқ ўйин ташкилотчилари ва иштирокчиларининг хатти-ҳаракатлари мажмуини назарда тутувчи ўйин, шу жумладан, Т.лар, казино, шунингдек, ўйин автоматларидан фойдаланиладиган ўйин тушунилади.

ТОТАЛИТАР РЕЖИМ – сиёсий режим турларидан бири бўлиб, давлатнинг барча ҳаётий соҳалари устидан тўла (тотал) назорати, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг амалда йўқ қилиниши, оппозиция ва ўзгача фикрловчиларга нисбатан катағонлар бўлиши б-н ажралиб туради (мас., XX а. 20-й.ларининг охиридан бошлаб – фашистлар Италиясидаги, нацистлар Германиясидаги Т.р.нинг турли шакллари, собиқ СССРдаги коммунистик режим, Испаниядаги франкизм ва б.).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ – халқ ҳўжалигининг барча соҳалари учун ҳуқуқшунослар тайёрловчи олий таълим муассасаси. ЎЗР ВМсининг 1991 й. 15 августдаги 221-сон қарорига мувофиқ, 1991 й. 10 августдан эътиборан Ўзбекистон ССЖ Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг В.И.Ленин номидаги ТошДУ ҳузурдаги юридик инс.и негизда, ЎзССЖ Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказган ҳолда, Т.д.ю.и. ташкил этилган. Т.д.ю.и. Тошкент ш., Юнусобод тум., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уйда жойлашган. Т.д.ю.и. ЎЗР Адлия вазирлиги тизимида қиради.

Т.д.ю.и. 5380100 “Юриспруденция” йўналиши бўйича бакалавр ҳамда 10 та мутахассислик бўйича магистрларни тайёрлайди. Т.д.ю.и. таркибида 5 факультет, 20 кафедра фаолият кўрсатади. Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш клиникалари ташкил этилган, улар аҳолига бепул хизмат қилади. Т.д.ю.и.да 2 та кутубхона, 2 та электрон кутубхона талабалар хизматида бўлиб, уларда 219800 дан ортик китоблар мавжуд.

Бугунги кунда инс.да 286 та профессор-ўқитувчи ишлаб келмоқда. 1 та академик, 31 та фан доктори, 111 та фан номзоди инс.нинг илмий-педагогик салоҳиятини ташкил этади. Илмий даражага эга бўлган 142 нафар профессор-ўқитувчиларнинг 14 таси профессор, 62 таси доцент илмий унвонига эга.

Талабалар контингенти 3166 кишини ташкил этади (шу жумладан, кизлар – 489 (15,4%)), шундан 2774 таси кундузги бўлимда, 577 таси эса 2-мутахассислик факультетида тахсил олади: бакалавриятда – 2768, магистратурада – 398.

Т.д.ю.и.да устоз ва шогирд узвийлиги таъминланган. Т.д.ю.и. ташкил этилгандан буён уни ўн мингдан ортик бакалавр ва магистрлар битириб чиққанлар. Улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлатимизнинг бошқа турли масъул лавозимларида хизмат қиладилар.

Т.д.ю.и. ТДЮИ Ахборотномаси (1999 й.дан), Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили (2004 й.дан) илмий нашрларига эга. Бундан ташқари, инс.да “Фан ва ёшлар” аспирантлар тўплами (2007 й.дан) ҳамда “Магистрлар илмий мақола-лар тўплами” (2007 й.дан) тўртта йўналишда нашр этилади. Т.д.ю.и. ўз босмаҳонаси ва нашриётига эга.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ – лицей ижтимоий-гуманитар йўналишга ихтисослашган ва унда иш юритувчи кичик мутахассислар тайёрланади. Лицей ЎзР Адлия вазирлиги тизимига қиради.

ЎзР ВМнинг 1994 й. 13 июндаги 296-сон “Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг Комплекс дастури тўғрисида”ги қарорининг 3-бандига асосан, ЎзР Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик инс.ида 1994/95 ўқув йилидан бошлаб ҳуқуқшунослик асосларини чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган ҳуқуқшунослик лицейини ташкил этиш белгиланган.

Юқорида қайд этилган қарорнинг 3-бандини ижро қилиш юзасидан 1996 й. 6 августда ЎзР Адлия вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг Тошкент ш. Юнусобод тум. 258-ўрта мактаб базасида Тошкент давлат юридик институти қошида ҳуқуқшуносликка ихтисослаштирилган лицей ташкил қилиш ҳақида қўшма буйруғи қабул қилинган.

Тошкент ш. ҳокимининг 1998 й. 25 декабрдаги 534-сон “Тошкент шаҳар Ўрта ва махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига академик лицейлар қуриш учун қўшимча ер майдонлари ажратиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш ҳақида”ги қарорига асосан, Юнусобод тум. М-5 мавзесидаги 428-болалар боғчаси лицейга ихтисослаштирилиб, қайта таъмирланиб, мавжуд 2,0 гектар ерга қўшимча 0,17 гектар, умумий майдони 2,17 гектарли ер майдони ажратилган.

Тошкент ш. ҳокимлиги корхоналарини рўйхатга олиш бошқармаси томонидан 1999 й. 30 августда рўйхат рақами 10-013769 бўлган гувоҳнома берилган. Ушбу гувоҳномага асосан лицейга “Т.д.ю.и.к.а.л.” фирмални номи берилган.

Лицейда фаолият кўрсатаётган 71 нафар ўқитувчиларнинг 7 нафари фан номзодлари ва уларнинг 3 нафари доцентлардир.

Лицей Жанубий Корея кредити ҳисобига замонавий ўқув жиҳозларига эга бўлган 2 та физика, 2 та химия-биология лабораторияларига, 4 та Украина Республикаси ва 1 та Жанубий Корея (IL-1 фирмаси) жиҳозлари б-н таъминланган лингафон хоналарига, 30 ўрнили кутубхонага эга. Шунингдек, 2 та информатика хонаси мавжуд.

ТОШКЕНТ ЮРИДИК КОЛЛЕЖИ – давлат органлари ва б. ташкилотлар учун кичик мутахассис (ҳуқуқшунос) тайёрлайдиган ЎзР Адлия вазирлиги тизимидаги таълим муассасасидир.

Коллеж, 1977 й. 1 июлда Ўзбекистон Ҳукуматининг 560-р-сон фармойиши асосида юридик техникум мақомида ва 1977 й. 8 сентябрда халқ хўжалигини ўрта махсус юридик маълумотли мутахассислар б-н таъминлаш мақсадида Тошкентда очилган ўрта махсус билим берувчи таълим муассасаси негизида ташкил топган.

Тошкент юридик техникуми ЎзР ВМнинг 1992 й. 14 мартдаги 130-сон “Юридик таълимни қайта қуришнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Т.ю.к.га айлантирилган.

ВМнинг 2003 й. 27 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 370-сон қарорига мувофиқ, ЎзР Адлия вазирлиги тизимига киритилган.

Коллеж таркибида 4 та йўналиш, 10 та кафедра ва Ахборот технологиялари маркази фаолият олиб боради.

Коллежнинг илмий-педагогик салоҳиятини 175 та профессор-ўқитувчи (шундан асосий штатдагилар – 134 та), шу жумладан, 11 та фан помзоди, шундан 3 та доцент, 1 та катта илмий ходим, 14 та олий тонфали, 11 та биринчи тонфали ва 9 та иккинчи тонфали ўқитувчилар ташкил этади. Улардан 89 нафари умумтаълим фанлари ўқитувчилари, 84 нафари махсус фанлар ўқитувчиларидир.

ТОҒ ҲУҚУҚИ – қонлардан фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи.

ТРАЙБАЛИЗМ – конституциявий ҳуқуқ фанида тропик Африка, Океания мамлакатларида ҳамда дунёнинг баъзи бир бошқа минтақаларида қабилаларнинг тарқоқлигини ифодалаш учун ишлатиладиган термин. Т. амалиёти давлат аппаратига кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда бир этник гуруҳ аъзоларига имтиёзлар бериш ва бинобарин, бошқа барча этник гуруҳлар вакилларини камситишда намоён бўлади. Т. амалда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги принципини йўққа чиқариб, фуқаролик урушларини келтириб чиқаради (мас., Руанда, Сомали, Либерия ва б.).

ТРАНЗИТ (лот. *transitus* – ўтиш, ўтиб кетиш) – божхона режимларидан бири бўлиб, унга кўра, товарлар ЎзРнинг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан чет давлат ҳудуди орқали, бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек, товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлламадан божхона назорати остида олиб ўтилади.

Товарларни Т. режимда ЎзР ҳудуди орқали олиб ўтиш божхона органининг руҳсати б-н исталган йўллар ва йўналишлар бўйича амалга оширилади, ЎзР қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР БКнинг 21-м.си).

ТРАНЗИТ ҲУҚУҚИ – бир давлат шахслари, транспорт воситалари ва юқларининг бошқа давлат (қуруқлик, сув, ҳаво) ҳудуди орқали ўтиш ҳуқуқи. Т.х., қонда тарихида, ўзаро келишув асосида, манфаатдор давлатларнинг ўртасида тузиладиган икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар асосида тақдим этилади. Ушбу шартномаларда транзит шартлари ва муайян тартиби белгилаб қўйилади. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида транзит эркинли-

ги ҳақида ҳеч бир шарт кўрсатилмаган норма йўқ. Давлат юкларни ўз суверенитети остида бўлган ҳудуд орқали олиб ўтишга рухсатни миллий қонунлар, қоидалар ва қарорларга асосланган ҳолда беради. Давлат ўз ҳудуди орқали транзит қилишни ҳеч бир окловчи сабабни кўрсатмаган ҳолда рад этишга ҳақлидир. Лекин қитъа давлатлари ичида денгиз атрофида жойлашган қўшни давлатлар ҳудуди орқали эркин транзит қилиш мумкин. Бундай норма илгари одат шаклида мавжуд бўлган ва кейинчалик қонун, жумладан Қитъа ичидаги мамлакатларнинг транзит савдоси тўғрисидаги 1965 й. конвенциясида ва БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича 1982 й. конвенциясида белгилаб қўйилди. Ушбу нормага кўра, денгиз қирғоғидаги давлат қўшни қитъа ичидаги мамлакатга денгиз қирғоғига ва ундан нарига эркин транзит қилишига тўсқинлик қилмаслиги керак. Т.х., шунингдек, бошқа давлатлар ҳудудидан ўтган ҳаво макони, халқаро бўғозлар орқали ўтиш, ҳудудий сув ҳавзалари орқали тинч ўтиш ҳуқуқларни амалга оширишда, шунингдек, денгиз йўлакларни орқали архипелагга ўтишида амалга оширилади.

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ (инг. transplantation – кўчириб ўтказиш) – органлар ва (ёки) тўқималарни ўша организм танасининг бошқа қисмига ёки бошқа организмга кўчириб ўтказиш. Бошқа тиббий воситалар бемор (реципиент) ҳаётининг сақланиб қолишини ёхуд соғлиғининг тикланишини кафолатлай олмаган тақдирдагина Т.га йўл қўйилади. Мутахассис врачлар консилиумининг ҳулосасига кўра, тирик донорнинг соғлиғига сезиларли зиён етказилмаган тақдирдагина унинг органлари ва (ёки) тўқималарини ажратиб олишга йўл қўйилади. Органлар ва (ёки) тўқималар Т.сига фақат тирик донор ва қонда тарикасида, реципиентнинг розилиги б-н йўл қўйилади.

Инсон органлари ва (ёки) тўқималари олди-сотди объекти бўла олмайди. Инсон органлари ва (ёки) тўқималари олди-сотдиси б-н шугулланиш, шунингдек, ушбу ҳаракатларни реклама қилиш ЎЗР қонунларига биноан жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Қуйидагилардан Т. учун орган ва (ёки) тўқималарни ажратиб олишга йўл қўйилмайди: 1) 18 ёшга тўлмаган тирик донордан (орқа мияни кўчириб ўтказиш ҳоллари бундан мустасно) ёхуд белгиланган тартибда муомала лаёқатига эга эмас, деб таъинланганлардан; 2) реципиент ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли касаллик б-н оғриган шахсдан; 3) реципиентга хизмат юзасидан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахслардан. Қонун ҳужжатларининг амал қилиши инсонни кўпайтириш жараёнига тааллуқли органлар, уларнинг қисмлари ва тўқималарга, жумладан, репродуктив тўқималар (тухум ҳужайра, сперма, тухумдонлар ёки эмбрионлар) ҳамда қон ва унинг таркибий қисмларига тааллуқли эмас.

Шахс тириклигида унинг розилигини олмасдан туриб ёки ўлганидан кейин яқин қариндошларининг розилигисиз Т. қилиш мақсадида мурданинги органлари ёки тўқималарини ажратиб олиш ЎЗР ЖКнинг 133-м.си бўйича жавобгарликка сабаб бўлади. Киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш мақсадида одам (трансплантат) ўлдирган шахс ЎЗР ЖКнинг 97-м. 2-қисмининг “н” банди бўйича жавобгарликка тортилади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСINI ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ – транспорт воситасини экипажи б-н

ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ҳақ эвазига ижарага олувчига беради ва ўз кучи б-н уни бошқариш ҳамда техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатади. Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномаси бўйича ижарага берувчи транспорт воситасини бошқариш ва техник фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатмаган ҳолда вақтинча эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ижарага олувчига ҳақ эвазига беради. ЎЗР ФК иккинчи қисми 34-бобининг ижара шартномасини номуайян муддатга қайта тузиш ва ижарага олувчининг ижара шартномасини янги муддатга қайтадан тузишга имтиёзли ҳуқуқи ҳақидаги қоидалари Т.в.и.б.ш.га нисбатан қўлланмайди.

Т.в.и.б.ш., унинг муддатидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ижарага бериш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак (ЎЗР ФК 564, 565-м.лари).

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСINI ОЛИБ ҚОЧИШ – шахснинг ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочиш. Ушбу жиноят учун ЎЗР ЖКнинг 267-м.сида жавобгарлик белгиланган.

Жиноятнинг объектив томони транспорт воситаларини олиб қочишдан иборат. Олиб қочиш деганда, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини ўзлаштириш мақсадисиз уни турган жойидан бошқа жойга олиб қочишни тушуниш керак. Олиб қочиш транспорт воситаларини қонунга ҳилоф равишда, эгаларига билдирмай эгаллаб олиш ва б. жойга етказишдан иборат бўлади. Олиб қочиш субъект ҳаракатларининг ўзбошимчалиги, қонунга ҳилофлигини назарда тутати. Қонунга ҳилофлик шахснинг транспорт воситасидан фойдаланиш, унга эгаллик қилиш ва тасарруф этишга оид ҳеч қандай ваколати йўқлигидан далолат беради. Олиб қочишга транспорт воситасига қонунга ҳилоф равишда эга бўлиб олиш хос ҳисобланиб, бунда ундан масъул бўлмаган субъектларнинг фойдаланиш имконияти туғилади. Эгаллаб олиш ҳам яширин, ҳам очикдан-очик бўлиши мумкин. Жиноятни квалификация қилишда эгаллаб олиш усули аҳамиятга эга эмас. Олиб қочиш тушунчаси нафақат транспортни эгаллаб олиш, балки унда, уни жилдириш таърифи ҳамда энергетик манбаидан қатъи назар, уни жойдан жойга кўчиришни ҳам қамраб олади. Т.в.о.қ. транспорт воситасининг жойи ўзгара бошлаган вақтдан, бундай ўзгартириш усулидан қатъи назар, тугалланган жиноят деб ҳисобланади. Бунда жилдириш учун сарфланган вақт ҳамда айбдор транспорт воситасини кўчириб улгурган масофа аҳамиятга эга бўлмайди.

Шахс томонидан транспорт воситаси ўзининг шахсий мулкига айлантириш мақсадини кўзлаган ҳолда олиб қочилганда унинг ҳаракатлари ўзганинги мулкни ўғирлаганлик учун жавобгарликни белгиловчи ЎЗР ЖКнинг тегишли моддалари б-н тавсифланади. Бу ҳаракатларни ЎЗР ЖКнинг 267-м.си б-н қўшимча тавсифлаш талаб қилинмайди, чунки бу ҳолатларда транспортни олиб қочиш ўғирлашнинг усули (воситаси) ҳисобланади.

Транспорт воситаларига автомобиллар, тракторларнинг барча турлари, ўзювар машиналар, трамвай, троллейбуслар, шунингдек, мотоцикллар ва б. механик транспорт воситалари, ички ёнар двигателининг ишчи ҳажми 50 см³ ва undan ортиқ бўлган транспорт воситалари кирди. Ўзювар транспорт воситалари – бу йўл қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва б. ишлар учун мўлжалланган махсус машиналар (экскаваторлар, грейдерлар, автокранлар, скреперлар, автопогрузчиклар) ҳисобланади.

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ЭКИПАЖИ БИЛАН ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ – к. *Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси.*

ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИНИ ЭКИПАЖСИЗ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ – к. *Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси.*

ТРАНСПОРТ ЭСКПЕДИЦИЯСИ ШАРТНОМАСИ – фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларнинг бир тури бўлиб, унга кўра экспедитор ҳақ эвазига ва миқоз (юк жўпатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш б-н боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади. Т.э.ш.да экспедиторнинг экспедитор ёки миқоз таплаган транспортда ва йўналишда юк ташишни ташкил этиш мажбурияти, миқоз ёки ўзининг номидан юк ташиш шартномаси (шартномалари)ни тузиш, юкнинг жўпятилишини ва олиншини таъминлаш мажбурияти, шунингдек, ташиш б-н боғлиқ бошқа мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин. Кўшимча хизматлар сифатида Т.э.ш.да экспорт ёки импорт учун талаб қилинадиган ҳужжатларни олиш, божхона расмийчиликлари ёки ўзга расмийчиликларни бажариш, юкнинг миқдорини ва ҳолатини текшириш, уни ортиш ва тушириш, миқоз зиммасига юклатиладиган божлар, йиғимлар ва б. харажатларни тўлаш, юкни сақлаш, уни белгиланган манзилда олиш каби юкни етказиб бериш учун зарур бўлган харажатларни амалга ошириш, шунингдек шартномада белгиланган бошқа операциялар ва хизматларни бажариш назарда тутилган бўлиши мумкин. Т.э.ш.ни бажариш шартлари, агар транспорт-экспедиция фаолияти тўғрисидаги қонуни ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тарафларнинг келишуви б-н аниқланади (ЎзР ФКнинг 726-м.си).

Т.э.ш. ёзма шаклда тузилади. Агар экспедиторнинг ўз мажбуриятларини бажариши учун ишончнома зарур бўлса, миқоз уни бериши шарт (ЎзР ФКнинг 727-м.си).

ТРАНСФЕРТ (лот. *transfere* – олиб ўтаман, олиб кўяман; инг. *transfer*; фр. *transfert*) – 1) хорижий валютани ёки олтинни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга ўтказиш; 2) номли қимматбаҳо қоғозлар (акция, вексел, облигация, чеклар)га бўлган эгаллик ҳуқуқини бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш; 3) халқаро шартнома асосида давлатлар ўртасида аҳоли алмашиш, фуқароликни автомат равишда ўзгартириш. ЎзРда бюджет соҳасига нисбатан “Т.” тушунчаси маблағларни минтақаларни молиявий қўллаб-қувватлаш фондидан қуйи даражадаги ҳудудларнинг бюджетларига ўтказиш сифатида ишлатилади. Молиявий ёрдамга муҳтож бўлган ҳар бир ҳудуднинг ушбу жамғармадаги улуши ҳисоб-китоб йўли б-н белгиланади. Фонднинг ўзи юқори турувчи бюджет таркибида норматив асосда ташкил этилади. Фонд маблағлари амалда ке-

либ тушяётган бюджет даромадларидан олиннадиган фонд ажратмаларидан шаклланади. Республиканинг молиявий қўллаб-қувватлаш фонди, хусусан, ЎзРнинг тегишли йилдаги бюджети тўғрисидаги қонуни б-н мустаҳкамланади.

ТРАНСФЕРТ БИТИМЛАР – ташқи савдо операцияларининг иштирокчилари томонидан шартнома асосида (валюталарнинг муайян курси, нархлар бўйича) товарлар ёки валютани алмаштириш, олиш-сотишни назарда тутадиган тижорат битимларининг бир тури.

ТРАСОЛОГИЯ (фр. *trace* – из + юн. *logos* – сўз, таълимот сўзларидан; излар ҳақидаги таълимот) – криминалистиканинг изларни ўрганувчи ҳамда уларни аниқлаш, фиксация қилиш, олиш ва текшириш усуллари, йўллари ва илмий-техникавий воситаларни ишлаб чиқувчи бўлими. Инсон, жиноят қуроли, асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш механизмлари, транспорт воситалари кабиларнинг излари фарқланади. Объектни трасологик жиҳатдан идентификация қилиш, унинг умумий ва хусусий белгиларини изда ҳосил бўлган белгилари б-н қиёслаш орқали амалга оширилади. Агар бевосита қиёслашнинг имкони бўлмаса, экспериментал излар ясалади. Т.да моделлаштириш, яъни объектни ва изин уларнинг моделлари (табiiй, оптик ва х.к.) бўйича таққослашдан фойдаланилади. Трасологик экспертиза инсонни – қўл, оёқ, тиш излари бўйича; пойафзални – унинг излари бўйича; жиноят воситалари ва қуролларни – бузиш, кесиш, чопиш ва б. излари бўйича; ишлаб чиқариш механизмларини – оммавий равишда ишлаб чиқариладиган тайёр маҳсулотлардаги излар бўйича; транспорт воситасини – юриш қисми, туртиб турган қисмлардан қолган излари бўйича идентификация қилишга имкон беради.

Трасологик идентификация тадқиқотининг турларидан бири бутунини унинг қисмлари бўйича аниқлашдир. Мас., йўл транспорти ҳалокати бўлган жойда топилган фара қисми текшириладиган транспорт воситаси фарасидан топилган шиша қисмлари (парчаларни) б-н қиёсланади. Идентификация тадқиқотларидан фарқли равишда трасологик диагностика тадқиқотлари изларнинг пайдо бўлиш механизмни (шаронтларни) аниқлаш учун амалга оширилади. Бу тадқиқотлар текшириладиган объектининг ҳолатини (мас., воқеа жойидан топилган қулфнинг ишлаш-ишламаслигини аниқлашда); ҳаракат ва кузатиладиган натижа тўғрисидаги сабабий боғлиқликни аниқлашга (мас., транспорт воситасида изларнинг пайдо бўлиш сабабини аниқлаш; тўқнашув, афдарилиш, йўловчинини уриб кетиш ва х. к.); жиноят содир этилган шароитни (мас., омбор қай тарзда бузилган, жиноятчи изларига кўра, қандай кетма-кетликда ҳаракат қилганлигини) аниқлашга имкон беради.

ТРАССАТ (инг. *drawee, trassat*; нем. *trassat*; ит. *trassare* – вексел бўйича ўтказиш) – вексел муносабатларида юбориладиган вексел бўйича тўловни амалга ошириши белгиланган шахс. Траттада Т.нинг номи кўрсатилиши мажбурий реkvизит ҳисобланади. Т. векселни акцепт қилгандан кейин жавобгарликни ўз бўйига олади, бу эса белгиланган муддатда Т.га тўловни амалга ошириш мажбуриятини юклайди.

ТРАСТ-КОМПАНИЯ – Т.к.нинг икки тури мавжуд бўлиб, биринчи турида жисмоний ва юридик шахсларнинг

мол-мулки, кимматли қоғозларининг бошқаруви ёхуд уларнинг манфаати йўлида у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга ошириш функциялари ишониб топширилган ташкилот; иккинчи турида эса мол-мулк, кимматли қоғозларни ишончли бошқариш жараёни тушунилади.

ТРАТТА (инг. bill of exchange, draft; ит. tratta) – ўтказма вексель, яъни кредиторнинг қарз олувчи ёки банкка вексель суммасини тўлаш тўғрисидаги ўрнатилган шаклдаги бланкка ёзилган ёзма буйруғи.

ТРИБУНАЛ (лот. tribunal – судлов; инг. tribunal) – 1992 й.гача харбий судлар Т. деб аталар эди. Ҳозирги вақтда судлар мазкур ном б-н аталмайди.

1) судлов ҳайъати; Италияда катор гарб мамлакатларидаги округ судларига ўхшаш функцияларни бажарувчи умумий юрисдикция судлари; 2) фавқулодда ёки ихтисослаштирилган суд органи. Мас., харбий Т., инқилобий Т..

ТУЗИЛМА – конституциявий ҳуқуқда давлат, орган, муассаса, бирлашма ва шаклни инфодалаш ҳамда давлат (давлат тузилмаси) ёки худудий (худудий тузилма) белгиларига эга муайян бирликни тавсифлаш учун қўлланадиган атама.

ТУЗУК – илгариги вақтда (мас., Амир Темури ва теурийдлар даврида) барча амалдаги қонунлар тўплами.

ТУМАН – ўзининг тегишли семантик аҳамияти б-н ҳуқуқда, шу жумладан конституциявий ҳуқуқда турли жиҳатлар бўйича фойдаланиладиган тушунча.

Т. ЎзРда маъмурий-худудий бирлик номи. Мўғуллар босиб олинган Хоразмшоҳлар давлатининг аҳолисини ўнлик, юзлик, мингликларга бўлганлар. Ана шу тартибда 10000 аҳолидан иборат маъмурий бирликдан Т.лар жорий қилинган.

ЎзР худуди ўзининг таркибида вил.лар, Т.лар ва ш.ларга эга. Мана шу хусусда Т. – қишлоқ жойлардаги маъмурий-худудий бирликдир (қишлоқ Т.). Қишлоқ жойларда Т. етарлича ривожланган ижтимоий-иқтисодий инфраструктурага эгадир. Қишлоқ жойларида Т. қишлоқ аҳоли пунктларининг ҳуқуқларини қамраб оладиган қишлоқ кенгашлари, посёлкаларга бўлинади. Йирик ш.лар, қоида сифатида Т.га (ш. Т.) бўлинади.

Табиийки, Т. атамаси қўлланилганда номуайян маъмурий-худудий бирликлар эмас, балки ўзига хос хусусиятларга эга бўлган худудлар назарда тутилмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қандай муайян маъмурий-худудий бирликлар айтиб ўтилган характеристикаларга мос тушиши белгилаб қўйилади, яъни бу аҳолини таъминлашда ҳаёт фаолиятининг шароитларини яратиш, ижтимоий имтиёзлар ва ш.к.лар учун жуда ҳам зарурдир.

ТУМАНЛАРАРО, ТУМАН (ШАҲАР) СУДИ – умумий юрисдикция судлари тизимидаги асосий бўғин бўлиб, ишларни биринчи инстанция тартибида кўради.

Фуқаролик ишлари бўйича Т.т.(ш.) с. раис ва судьялардан иборат бўлади. Жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) суди раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади. Жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) суди таркибда маъмурий ишлар бўйича судьялар бўлади (“Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 36-м.си).

Фуқаролик ишлари бўйича Т.т.(ш.) с. қонун б-н ўз ваколатлари доирасига берилган фуқаролик ишларини кўради. Жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) суди қонун б-

н унинг ваколатлари доирасига берилган жиноят ишларини ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни, шунингдек қамокка олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқади (“Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 37-м.си).

ТУРАР ЖОЙ ДАХЛСИЗЛИГИ – бу инсоннинг асосий конституциявий шахсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, ЎзР Конс.сининг 27-м.сига асосан, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузулардан, шахсий ҳаётига аралашшдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас. Ҳеч кимнинг одамлар доимий ёки вақтинча яшаши учун мўлжалланган уйга, уларнинг хоҳишига қарши, башарти бунга қонуний асоси бўлмаса, киришга ҳуқуқи йўқ. Бу ҳуқуқ мулк шаклидан қатъи назар, ҳамма турар жойларга тегишлидир. Бу ҳуқуққа алоҳида уй-жойда, тегишли ётоқхоналарда, меҳмонхоналарда яшовчилар, бўлак уйларни, хонадонларни ижарага олиб яшаб турган фуқаролар ҳам эгадирлар. Шунингдек, ЎзР ЖКнинг 142-м.сида турар жойга унда яшовчиларнинг эркинига ҳилоф равишда зўрлик ишлатиб ғайриқонуний бостириб қирганлик учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган.

ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР – муаллифлик ҳуқуқларидан келиб чиқадиган, аммо улар б-н тўла мос келмайдиган мутлақ ҳуқуқларнинг турларидан бири. Т.х. ҳақидаги нормалар “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-бобида жамланган. Т.х.ли ҳуқуқий муҳофаза қилиш зарурияти шу б-н белгиланадики, фантехника тараққиётининг ривожланиши нафақат муаллифлар ва муаллифлик ҳуқуқининг бошқа соҳибларига, балки фаолияти муаллифлик ҳуқуқи б-н кўрикланадиган асарлардан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган кишилар, чунинчи: ижрочи (уларнинг ижросига нисбатан), фонограммани тайёрловчи (уларнинг овозли дастурларига нисбатан), эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилот (улар кўрсатган ёки эшиттирган дастурларга нисбатан) ҳам дахлдордир. Уларга берилган ҳуқуқлар Т.х.лар деб аталади. Ушбу атама мазкур ҳуқуқларнинг табиатини инфоа этади.

“Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ ижрочиға нисбатан назарда тутилган ҳуқуқлар ижро биринчи марта ижро этилгандан кейин эллик йил мобайнида амал қилади. Ижрочининг исм-шарифга бўлган ҳамда ижронин ижрочининг шаъни ва кадр-қимматиға зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз этилишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқлари муддатсиз муҳофаза қилинади. Фонограммани тайёрловчиға нисбатан “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлар фонограмма биринчи марта чоп этилгандан кейин эллик йил мобайнида ёхуд, агар фонограмма унинг биринчи ёзувидан кейин эллик йил ичида чоп этилмаган бўлса, шу муддат мобайнида амал қилади. Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи

ташкилотнинг ўз кўрсатуви ёки эшиттиришига нисбатан “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлари бундай кўрсатув ёки эшиттириш биринчи марта эфирга узатилганидан ёки биринчи марта кабель орқали юборилганидан кейин эллик йил мобайнида амал қилади.

ТУРМА – ЎзР ЖИК 45-м.сига мувофиқ, жазони ижро этиш муассасасининг бир тури ҳисобланади. Ушбу кодекснинг 52-м.сига асосан, Т.лар Т. қамоғига ҳукм қилинган шахсларни, шунингдек, умумий ва каттик тартибли колониялардан жазони ўташ тартибни ашаддий бузганлиги учун ўтказилган шахсларни сақлаш учун мўлжалланган.

Маъмур кодекснинг 123-м.сига мувофиқ, Т.ларда маҳкумлар умумий камераларда сақланадилар. Алоҳида ҳолларда маҳкумнинг батамом ажратиб қўйилишини таъминлаш мақсадида муассаса бошлиғининг прокурор томонидан тасдиқланган қарори асосида уни бир кишилик камерада сақлашга йўл қўйилади.

Т.да маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг етмиш беш фондизгача бўлган суммага озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Т.ларда маҳкумлар ҳар куни муддати бир соатлик сайр қилиш ва йил мобайнида икки марта қисқа муддатли ва бир марта узок муддатли учрашув, икки марта телефон орқали сўзлашув, иккита посылка ёки йўқлов ва иккита бандерол олиш ҳуқуқига эга.

Т.ларда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилган маҳкумларга рағбатлантириш тарзида ҳар кунлик сайр муддати бир соатга узайтирилиши мумкин.

ТУГИЛГАНЛИК ҲАҚИДА ГУВОҲНОМА – боланинг туғилганлигини, унинг ота-онаси ким эканлигини тасдиқловчи ягона ҳужжат.

Болаларнинг туғилишини қайд этиш мажбурий бўлиб, болалар туғилган жойдаги ёки ота-онадан бирининг доимий яшаш жойидаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида бир ой муддат ичида амалга оширилиши лозим. Боланинг ўлик туғилганлиги, тиббий муассасанинг хабарига биноан 24 соат давомида шу муассаса жойлашган ердаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан қайд этилади (ЎзР ОКнинг 205-м.си).

ЎзР ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сон қарори б-н тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидаларига асосан, бола туғилганлиги тўғрисидаги ариза ота-онаси ёки улардан бири, алоҳида ҳолларда эса қариндошлари, қўшнилари, тиббиёт муассасалари маъмурияти, ички ишлар ёки васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан берилиши мумкин. Белгиланган муддатнинг ўтиб кетганлиги туғилганликнинг қайд этилишига тўсқинлик қила олмайди. Агар туғилганликни қайд этиш тўғрисидаги ариза белгиланган муддатдан ўтказилиб берилган бўлса, туғилиш, туғилганлик тўғрисидаги далолатномаларни қайд этиш жорий рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади, бола тўғрисидаги маълумотлар: фамилияси, исми, далолатнома ёзуви тартиб рақами, санаси боланинг ҳақиқий туғилган йилидаги ҳамда шу йилги юритилган Алфавит дафтарларга ёзиб қўйилади. Бундай ҳолларда

заруратга қараб, ФХДЁ органи туғилиш ҳақидаги ҳужжатга қўшимча равишда бошқа ҳужжатлар талаб қилиши мумкин. 16 ёшдан ошган, туғилиши қайд этилмаган шахсларнинг туғилганлигини қайд этиш йўқолган далолатнома ёзувларини тиклаш тартиби ва қоидаларига кўра амалга оширилади.

ЎзР ОКга асосан, боланинг туғилиши унинг туғилганлиги ҳақидаги тиббий маълумотнома, ота-онанинг оилавий ҳолати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қайд этилади. Ўзаро никоҳда бўлган ота ва онадан бирининг аризасига кўра туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида улар боланинг ота-онаси деб ёзилади. Агар ота-она ўзаро никоҳда бўлмасалар, боланинг онаси тўғрисидаги ёзув онанинг аризасига кўра, отаси тўғрисидаги ёзув эса, боланинг отаси ва онасининг биргаликдаги аризаси бўйича ёхуд суднинг ҳал қилув қарорига асосан ёзилади. Она вафот этган ёки у муомалага лаёқатсиз деб топилган ёхуд оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганда, шунингдек, онанинг қаерда эканлигини аниқлаш мумкин бўлмаганда ота тўғрисидаги ёзув отанинг аризасига кўра васийлик ва ҳомийлик органининг розилиги б-н ёзилади. Никоҳда бўлмаган онадан бола туғилганда ота-онанинг биргаликдаги аризаси ва оталикни белгилаш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори бўлмаса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида отанинг фамилияси онанинг фамилияси бўйича, отага тегишли исм, отасининг исми ва миллати – она кўрсатмаси бўйича ёзилади. Агар ота-онанинг иккаласи ҳам номаълум бўлса, ота ва она ҳақидаги ёзувлар васийлик ва ҳомийлик органи кўрсатмасига асосан ёзилади. Никоҳда бўлган ва сунъий ҳомила ҳосил қилиш ёки эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахсларда шу усулларни қўллаши натижасида бола туғилса, туғилиш тўғрисидаги ёзувлар дафтарида улар шу боланинг ота-онаси деб ёзилади. Ўзаро никоҳда бўлган ва б. аёлга ҳомилани ривожлантириш мақсадида эмбрионни кўчиришга ёзма розилик берган шахслар болани туккан аёлнинг (қондош онанинг) розилиги асосида боланинг ота-онаси деб ёзилиши мумкин.

ТУҲМАТ – Т. қилиш, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш учун ЎзР МЖКнинг 40-м.сида маъмурий жавобгарлик белгиланган. Шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ЎзР ЖК 139-м.сига асосан жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали Т. қилиш учун оғирроқ жазо назарда тутилган.

ТУҒРИ СОЛИҚЛАР – солиқ тўловчининг даромади ёки мулкидан бевосита ундириб олинadиган солиқлар бўлиб, бу солиқ солишнинг бошланғич шаклларида ҳисобланади. Солиққа тортиш жараёни солиқ тўловчининг фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир қилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда Т.с.га юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, jisмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, юридик шахсларга ҳам, jisмоний шахсларга ҳам солинадиган ер солиғи ва мол-мулк солиғи қиради. Ўз навбатида, Т.с. шахсий солиқлар ва аниқ (реал) солиқларга бўлинад. Бу солиқлар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, биринчи ҳолда амалда олин-

ган даромад ёки мулк, иккинчи ҳолда эса муайян иқтисодий, баъзан эса, табиий шароитларга қараб тахминий ўртача даромад солиққа тортилади. Жаҳон амалиётида шахсий солиқларга даромад солиғи корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ, пул капиталларидан тушган даромаддан олинадиган солиқ, мерос ва ҳадялардан олинадиган солиқ ва ҳ.к. киритилган. Республикамизда юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадлари (уларга берилган имтиёзлар ҳисобга олинган ҳолда) тўғри солиқ объекти ҳисобланади. Аниқ (реал) солиқларга мол-мулк солиғи ва ер солиғи кирилади. Мас., аниқ (реал) солиқ белгилари ер участкаларига солиқ солишда яққол намоён бўлади. Ер солиғи ставкалари солиқ солишнинг объекти (1 га ер)дан олинадиган тахминий ўртача даромад ҳисобланиб, тупроқнинг синфи ва табиий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ПРЕЗИДЕНТЛИК БОШҚАРУВИ – давлат ҳудудининг у ёки бу қисмини президентнинг бевосита бошқарувиغا ўтказиш. Т.-т.п.б. киритилишининг асоси бўлиб, давлатнинг маълум ҳудудда нотинчлик ҳолати ва мазкур ҳудуднинг маҳаллий ҳокимият органлари фуқароларнинг ҳаёти ва тартибни таъминлашга ноқобиллиги ҳисобланади.

Т.-т.п.б.нинг киритилиши маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органларининг фаолиятини чегаралашни, ҳаттоки ушбу органларнинг фаолиятини вақтинча умуман тўхтатишни, тинчлик ҳолати ўрнатилгандан сўнг эса янги органларни шакллантиришни англатади.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ САЙЛОВ – қ.: *Сайлов*.

ТЎЛИҚ ШИРКАТ – тижорат ишларини ташкил этишнинг бир шакли. ЎзР ФКнинг 60-м.сига асосан, иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти б-н шугулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қаршли бутун мол-мулк б-н жавоб берадиган ширкат Т.ш. ҳисобланади. Шахс фақат битта Т.ш.нинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Т.ш.нинг фирма номи унинг барча иштирокчиларининг номлари (номланиши)ни, шунингдек, “Т.ш.” деган сўзларни, ёхуд бир ёки бир неча иштирокчининг “ва компания” деган сўзлар қўшилган номи (номланиши)ни, шунингдек, “Т.ш.” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

ТЎЛИҚСИЗ ИШ ВАҚТИ – ЎзР МКнинг 119-м.сига мувофиқ, ходим б-н иш берувчи ўртасидаги келишувга

биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.


Иш берувчи ЎзР МКда (229-м.), шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра Т.и.-в.ни белгилаб қўйиши шарт.

Т.и.в. шарты б-н ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга муносабат равишда ҳақ тўланади.

ТЎЛОВ ТОПШИРИҚНОМАСИ – Т.т. б-н ҳисоб-китоб қилинганда банк миқдорнинг топшириғига мувофиқ унинг ҳисобварағидаги маблағлар ҳисобидан маълум миқдор пул суммасини миқдор кўрсатган шахснинг шу ёки бошқа банкдаги ҳисобварағига қонун ҳужжатларида назарда тутилган муддатларда, агар банк ҳисобварағи шартномасида қисқарок муддат назарда тутилган бўлмаса ёки у банк амалиётида қўлланиладиган иш муомаласи одатларида белгиланган бўлмаса, ўтказиш мажбуриятини олади. Т.т.да маблағларни олувчи сифатида кўрсатилган шахс банкдан тўловни амалга оширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди, бундай ҳуқуқ қонунда ёки миқдорнинг банк б-н тузган шартномасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР ФКнинг 792-м.си).

Т.т.нинг ҳамда у б-н бирга тақдим этиладиган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг мазмуни ва шакли банк қоидаларида белгилаб қўйилган талабларга мос келиши керак. Миқдорнинг топшириғи унинг ҳисобварағида маблағлар бўлган тақдирдагина, агар миқдор б-н банк ўртасидаги шартномада бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, банк томонидан ижрога қабул қилинади (ЎзР ФКнинг 793-м.си).

Миқдорнинг Т.т.ни қабул қилган банк тегишли пул суммасини топшириқномада кўрсатилган шахснинг ҳисобварағига ўтказиш учун уни маблағ олувчининг банкига ЎзР ФКнинг 792-м.си биринчи қисмида белгилаб қўйилган муддатларда ўтказиши шарт. Банк миқдорнинг топшириқномасида кўрсатилган ҳисобвараққа пул маблағларини ўтказиш операцияларини бажариш учун бошқа банкларни жалб қилишга ҳақли. Банк миқдорнинг талабига кўра, агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, топшириқнинг бажарилганлиги ҳақида унга дарҳол хабар бериши шарт (ЎзР ФКнинг 794-м.си).



УЗАНС (лот. usus – одат; инг. usage; фр. usance) – тижорат соҳасидаги “савдо одати”, яъни урф-одатлар ёки савдо муносабатларида одат тусига кирган қондаларни ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча. Ушбу тушунчадан томонларнинг шартномада бевосита акс эттирилмаган иродасини таърифлаш учун фойдаланилади. У. томонлар унинг мавжудлигини билганлиги ва шартнома тузиш жараёнида уни назарда тутганлиги сабабли инобатга олинади. “У.” тушунчасининг синоними “Узанция” ҳисобланади.

УЗОҚҚА ЧЎЗИЛГАН ЖИНОЯТЛАР – ЎЗР ЖКнинг 32-м.сига мувофиқ, вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноят. Узоққа чўзилган жиноят деганда қонун б-н жинойи жазо қўллаш таҳдиди б-н айбдорга юклатилган вазифаларнинг узоқ вақт мобайнида бажарилмаслигидан иборат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Ҳаракатсизлик б-н бу жиноят шахснинг ҳуқуқий мажбуриятларини бажармаслиги орқали, ҳаракат б-н эса, қонун б-н тақиқланган воситаларни сақлаш орқали содир этилади. Узоққа чўзилган жиноятнинг ўзига хос белгиси унинг вақтдаги танаффуслар б-н содир этиладиган давомли жиноятлардан фарқли равишда мунтазам давом этишидир. Узоққа чўзилган жиноят таркибини бошқа барча жиноят таркиблари турларидан ажратувчи иккинчи хусусият – бу муайян ҳаракатни амалга ошириш мажбуриятининг мавжудлигидир.

Давомли жиноятдан фарқли ўлароқ узоққа чўзилган жиноят вазифаларни бажармасликнинг ниҳоясига етиши пайтидан тугалланган деб ҳисобланади, чунки узоққа чўзилган таркибли жиноятларнинг объектнинг томони қасднинг ягоналиги ва жинойи қилмишнинг бошланғич босқичи ва айбдорнинг кейинги ҳаракатлари ўртасидаги ички боғлиқлик б-н қамраб олинмаган бутун давр мобайнида амалга оширилади. Муайян вақтда давом этувчи ягона жиноятни ташкил қиладиган вазифаларни узоқ вақт бажармаслик ҳам битта умумий қасдга йўналтирилган бўлади. Узоққа чўзилган жиноятнинг ўзига хос хусусияти айбдор қилмишни содир этишни тўхтатмагунча ва жавобгарликка тортилмагунча ўзига юклатилган вазифаларни мунтазам равишда бажармасликдан иборат. Узоққа чўзилган жиноят, қанча вақт мобайнида амалга оширилишидан қатъи назар, битта жиноят сифатида, тақроран содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик актларини эса узоққа чўзилган жиноятни содир этиш бўйича битта қилмишнинг қатори сифатида қўрилиши керак. Муайян ҳаракатни бажариш ва иш орқали жинойи ҳулқни тугатиш мажбурияти турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиши мумкин. Мас., ЎЗР ЖКнинг 122-м.си – вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш; ЎЗР ЖКнинг 123-м.си – ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, ЎЗР Конс.си қоидаларидан тўғридан-тўғри келиб чиқади.

УЗУРПАТОР (лот. usurpator; инг. usurper) – ўз қўлига ҳокимиятни ноқонуний тартиб олган ёки бирор нарсага бўлган ўзганинг ҳуқуқини ўзлаштирган шахс.

УЗУРПАЦИЯ (лот. usurpatio; инг. usurpation) – ҳокимиятни ноқонуний тартиб олиш ёки бирор нарсага бўлган ўзганинг ҳуқуқини ўзлаштириш.

УЗУФРУКТ (лот. ususfructus, usus – фойдаланиш + fructus – ҳосил, фойда; инг. usufruct) – Рим ҳуқуқида шахсий сервитутнинг шакли бўлиб, ашёнинг хўжалик мақсадида фойдаланиш моҳиятини бузмаган ҳолда, ашё ва унинг ҳосилдан умрбод фойдаланиш ҳуқуқи. У.га эга бўлган шахс (узифруктарий) нарсанинг ўзидан ҳам фойдаланган, ҳам ундан ҳосил олган, аммо бунда у нарсадан фойдаланишнинг барча қоидаларига риоя қилиб, уни ўзгартирмаган ва бузмаган. У. амал қилиш давомида нарсанинг мулкдори ундан келадиган фойдага ҳақли бўлмаган. У.нинг предмети фақатгина уларни истеъмол ёки йўқ қилмасдан фойдаланиш мумкин бўлган нарсалар ҳисобланади. Бунда сервитут белгиланган ашё бошқа шахсга ўтганида ҳам ушбу ҳуқуқ сақланиб қолади.

УЗУФРУКТАРИЙ – шахсий сервитут эгаси, яъни биронинг мулкдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

УЙҒОНИШ ДАВРИ – XVIII а. маърифатпарвар файласуфлари томонидан илмий муомалага киритилган тушунча. Ўрта аср феодал-клерикал кишиларидан инсон тафаккурини, ижодий куч-қудратини, яратувчанлик имкониятларини кишилар бахт-саодати, эркин ва фаровон ҳаёт кечирishi, жамиятнинг гуллаб-яшнаши томон интилиш йўлидаги маънавий-ижтимоий ҳаракат. Фарб У.д. XIII а.да Италияда (Данте, Жотте) бошланган бўлиб, XIV–XVI а.ларда Фарбий ва Марказий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Бу даврда фан-техника, адабиёт-санъат, таълим-тарбия соҳаларида инсоният истикбол таракқиётига улкан таъсир ўтказган ва унинг маънавий ҳаётида ўчмас из қолдирган буюк ижодкорлар Рафаель, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Коперник, Эрозм, Роттердамский, Галилей, Бруно, Рабле, Тициан, Веронезе, Петрарка, Боккаччо, Сервантес, Шекспир, Ариосто, Тассо, Дюрар, Ян ван Эйк, Фуке ва б. Европа У.д.нинг атоқли намоёндалари сифатида умуминсоний маънавият тарихида фахрли ўрин эгаллашга муваффақ бўлдилар.

Шарқда эса, У.д. VIII а.дан бошланган бўлиб, мўғул истилоси ва ҳукмронлиги туфайли XIII–XIV а.ларда тўхта-тилган ва Амир Темур салтанатида XIV–XV а.ларда янги раванқ босқичида давом этган эди. Амир Темур давлати парокандаликка учраганлиги сабабли у ҳам XVI а.дан бошлаб инкирозга юз тутди бошлади. Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Ҳақим ат-Термизий, Баҳоуддин Накшбанд, Абдуҳолик Гнждувоний, Саъдий, Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳрирддин Муҳаммад Бобур каби Шарқ У.д.нинг буюк сиймолари жаҳон цивилизациясига беназир улуш қўшиб, умуминсоний кадрятлар тарихида мустаҳкам ва абадий ном қолдирганлар ва улар Фарб У.д.га замин бўлиб хизмат қилган.

УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ – қ. *Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси*.

УЙ-ЖОЙ СЕРТИФИКАТИ – номинал қийматли, индексация қилинадиган облигациянинг махсус тури бўлиб,

у қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шароитлар асосида У.-ж.с. сотиб олган мулкдоргагина квартира (квартиралар)ни сотиб олишга мулк ҳуқуқини беради, шунингдек, У.-ж.с.нинг индексация қилинадиган номинал кийматини эмитентдан биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқини тасдиқлайди. У.-ж.с. турар жойнинг муайян умумий майдонини қуришга мулкдор (сертификатни сотиб олаётган юридик ёки жисмоний шахс) томонидан биринчи бўлиб маблағ тўланганини тасдиқлайди.

УЙ-ЖОЙ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ – уй-жойга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларидан иборат. Улар жумласига, ЎзР УЖК, ФК, “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги, “Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонунлари ва б. қонун ҳужжатлари қиради.

Агар уй-жой муносабатлари У.-ж.т.к.х. б-н тартибга солинмаган бўлса, ерга оид қонун ҳужжатлари ҳамда архитектура ва шаҳарсозлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ана шу муносабатларни тартибга солишга тааллуқли қисми қўлланилади.

Агар ЎзР халқаро шартномасида ЎзР У.-ж.т.к.х.дагида бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

УЙ-ЖОЙ ФОНДИ (инг. available housing) – ЎзР УЖКнинг 7-м.сига мувофиқ, инсон яшаш учун яроқли бўлган турар жойдан, шу жумладан уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлاردан (ётоқхоналар, вақтинчалик У.-ж.ф. уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек, меҳрибонлик уйлари ва б. махсус мақсадли уйлاردан) иборат бўлган фонд.

Уйларда жойлашган савдо, маиший ва носаноат йўналишидаги ўзга эҳтиёжларга мўлжалланган, яшаш учун мўлжалланмаган жойлар У.-ж.ф.га қирмайди.

ЎзР УЖКнинг 8-м.сига асосан, У.-ж.ф. хусусий ва давлат уй-жой фондларидан иборатдир.

Хусусий У.-ж.ф.га қуйидагилар қиради:

фуқаролар мулки бўлган У.-ж.ф. (якка тартибда қурилган уйлар, хусусийлаштирилган, қурилган ҳамда олинган квартиралар ва уйлар, уй-жой қуриш ҳамда уй-жой кооперативларига қарашли уйларидаги пай бадаллари тўлиқ тўланган квартиралар, фуқаролар томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда мулк қилиб олинган квартиралар ва уйлар);

хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, жамоат фондлари ҳамда бошқа нодавлат юридик шахсларнинг мулки бўлган ва уларнинг маблағлари ҳисобидан қурилган ёки аукционда ёхуд қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда олинган У.-ж.ф.

Давлат У.-ж.ф.га қуйидагилар қиради:

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджетга тушган солиқлар, йиғимлар ва б. тўловлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича бошқа тушумлар ҳисобидан барпо этилган муниципал У.-ж.ф.;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг тўла хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида бўлган идоравий У.-ж.ф.;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ихтиёрида бўлган, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан барпо

этилган, шунингдек, хусусий, муниципал, идоравий У.-ж.ф.дан олиб уларнинг балансига берилган, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан химояланмаган, кам таъминланган тоифалари учун хусусийлаштириш ҳуқуқисиз ижара шартлари асосида фойдаланиш учун берилган аниқ мақсадли коммунал У.-ж.ф..

УЙ-ЖОЙ ҲУҚУҚИ – турар жой фондидан фойдаланишга оид муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. У.-ж.х. мустақил ҳуқуқ тармоғи эмас ва ўз мазмуни бўйича “Уй-жой қонунчилиги” тушунчасига тўғри келади. У.-ж.х.нинг асосини фуқаролар ҳуқуқи нормалари (турар жойларни ижарага бериш, ижара мулкчи муносабатлари) ташкил этади. Шу б-н бирга, У.-ж.х.да маъмурий-ҳуқуқий нормалар (турар жой фондиди қўриқлаш ва б.лар), оила ҳуқуқи нормалари (уй-жой эгаси оила аъзоларининг ҳуқуқлари) катта роль ўйнайди. ЎзРда У.-ж.х.нинг асосий манбаи – ЎзР Кош.си ва УЖК. У.-ж.х.нинг бошқа манбалари: “Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунлари ва б. қонун ҳужжатлари ҳисобланади.

УЙ-ЖОЙНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ – У.-ж.и.б.ш.га биноан бир тараф – уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) – бошқа тараф (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.

Уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида эгаллик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топширилиши мумкин. Юридик шахс уй-жойдан фақат фуқароларнинг яшаш учун фойдаланиши мумкин (ЎзР ФКнинг 600-м.си).

УЛАМО (араб. олим сўзининг кўплиги бўлиб, билимдон деган маънони ҳам англатади) – ислом илоҳиётчилари ва ҳуқуқшунос (факх)лари, шунингдек, диний муассасаларга, суд (қозилик) маҳкамаларига, таълим муассасаларига мутасадди бўлган барча мусулмон руҳонийлари. У. сўзи фақат дин соҳасида билимдон кишиларга нисбатан ишлатилади, дунёвий фанлардан билимдонларга нисбатан эса олим, аллома атамалари қўлланилади.

УЛУШЛИ МУЛК – мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (У.м.) ҳолда умумий мулк бўлиши мумкин. Умумий мулк бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргаликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (ЎзР ФКнинг 216-м.си).

Агар У.м. иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви б-н белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисобланади. У.м. барча иштирокчиларнинг келишуви б-н иштирокчилардан ҳар бирининг улушини уларнинг умумий мол-мулкни вужудга келтириш ва қўпайтиришга қўшган ҳиссасига қараб аниқлаш ва ўзгартириш тартиби белгиланиши мумкин. Умумий мол-мулкдан фойдаланишнинг белгилаб қўйилган тартибига амал қилган ҳолда ушбу мол-мулкни ўз ҳисобидан ажратиб олиш мумкин бўлмайдиган тарзда яхшилаган У.м. иштирокчиси умумий мулк ҳуқуқидаги ўз улушининг тегишли даражада қўпай-

тирилишига ҳақли бўлади. Умумий мол-мулкдаги ажратиб олиш мумкин бўладиган яхшилашлар, агар У.м. иштирокчиларининг келишуви б-н бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу яхшилашларни амалга оширган иштирокчининг мулкига қўшилади (ЎЗР ФКнинг 217-м.си).

У.м.даги мол-мулк унинг барча иштирокчилари келишуви б-н тасарруф этилади. У.м. иштирокчиси ўз хоҳишига қараб ўз улушини сотишга, совға қилишга, васият қилиб қолдиришга, гаровга беришга ёки бошқача тарзда тасарруф этишга улушни ҳақ эвазига бошқа шахсга бериш чоғида ЎЗР ФКнинг 224-м.сида назарда тутилган қондаларга амал қилган ҳолда ҳақли бўлади (ЎЗР ФКнинг 218-м.си).

У.м.даги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш унинг барча иштирокчилари келишувига мувофиқ амалга оширилади. Бундай келишувга эришилмаган тақдирда, У.м.даги умумий мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш суд томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади. У.м. иштирокчиси умумий мол-мулкнинг иштирокчи улушига тенг бўлган қисми ўзининг эгаллигига ва фойдаланишига бериллишига, бунинг иложи бўлмаган тақдирда эса ўз улуши бўлган мол-мулкка эгалик қилаётган ва ундан фойдаланаётган бошқа иштирокчилардан тегишли ҳақ талаб қилиш ҳуқуқига эга (ЎЗР ФКнинг 219-м.си).

У.м.даги мол-мулкдан фойдаланиш натижасида келадиган хосил, махсулот ва даромадлар умумий мол-мулк таркибига қўшилади ва У.м. иштирокчилари ўртасидаги келишувда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улар ўртасида улушларига мутаносиб равишда тақсимланади (ЎЗР ФКнинг 220-м.си).

Ҳар бир мулкдор умумий мол-мулк бўйича солиқлар, йиғимлар ва б. тўловларни тўлашда, шунингдек, мол-мулкни сақлаш ва асраш чикимларида, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, улушига қараб қатнашиши шарт. Зарур бўлмаган ҳамда мулкдорлардан бири томонидан қолганларнинг розилигисиз қилинган харажатлар унинг ўз зиммасига тушади. Бунда қилиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал қилиниши керак (ЎЗР ФКнинг 221-м.си).

УЛЬТИМАТУМ (лот. ultimum, ultimus – энг охириги сўздан; инг. ultimatum) – бир мамлакат ҳукуматининг бошқа мамлакат ҳукуматига қўядиган қатъий ва ҳеч қандай баҳс ва эътирозларга йўл қўймайдиган талаби бўлиб, бунда У. қўйган ҳукумат ушбу талаб муайян вақтгача бажарилмаган тақдирда муайян чораларни кўриш б-н пўписа қилади.

УМРБОД ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ – ЎЗР ЖКнинг 43-м.сига мувофиқ, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланиладиган асосий жазолардан бири.

ЎЗР ЖКнинг 51-м.сига асосан, У.о.м.қ. фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни махсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатдир.

У.о.м.қ. жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЎЗР ЖК 97-м.сининг иккинчи қисми) ва терроризм (ЎЗР ЖК 155-м.сининг учинчи қисми) учун белгиланади.

У.о.м.қ. жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олти ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

УМРБОД РЕНТА – қ. Рента шартномаси.

УМРБОД ТАЪМИНЛАШ ШАРТИ БИЛАН УЙ-ЖОЙ (КВАРТИРА)НИ БОШҚА ШАХСГА БЕРИШ ШАРТНОМАСИ – умрбод таъминлаш шarti б-н уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, бир тараф (олувчи) ёши ёки соғлиғи туфайли меҳнатга лаёқатсиз бўлган бошқа тараф (бошқа шахсга берувчи)ни натура холида (уй-жой бериш, овқатлаштириш, парваришlash ва зарур ёрдам кўрсатиш тарзида) умрбод моддий таъминлаш мажбуриятини олади, бошқа шахсга берувчи эса олувчига уй-жой (уйнинг бир қисми)ни, квартирани мулк қилиб бериш мажбуриятини олади (ЎЗР ФКнинг 530-м.си).

У.т.ш.б.у.-ж.(к).б.ш.б.ш.да бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул б-н ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим. Бериладиган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира ва моддий таъминот қиймати тарафлар келишуви б-н белгиланади. Умрбод таъминлаш шarti б-н уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси ЎЗР ФК 110-м.сининг қондаларига риоя этган ҳолда ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим (ЎЗР ФКнинг 531-м.си).

Умрбод таъминлаш шarti б-н уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасига мувофиқ, олувчи шартнома амал қилиб турган даврда бу уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сотиш, ҳада қилиш, гаровга қўйишга ва уй (уйнинг бир қисми), квартирага мулк ҳуқуқини оғирлаштирадиган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас. Бу уй (уйнинг бир қисми), квартирага олувчининг қарзлари бўйича ундириш қаратилмайди. У.т.ш.б.у.-ж.(к).б.ш.б.ш. бўйича бошқа шахсга берувчидан олинган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг тасодифан ноуд бўлиши олувчини шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятлардан озод қилмайди (ЎЗР ФКнинг 532-м.си).

Агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи У.т.ш.б.у.-ж.(к).б.ш.б.ш. бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки тегишли даражада бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти б-н ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин. Агар олувчининг моддий аҳволи ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бошқа шахсга берувчига шартлашилган таъминотни бера олмайдиган даражада ўзгарса ёки бошқа шахсга берувчи меҳнат қобилиятини тикласа, У.т.ш.б.у.-ж.(к).б.ш.б.ш. олувчининг талабига кўра бекор қилиниши мумкин. У.т.ш.б.у.-ж.(к).б.ш.б.ш. ЎЗР ФК 533-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган тақдирда уй (уйнинг бир қисми), квартира бошқа шахсга берувчига қайтарилиши лозим. У.т.ш.б.у.-ж.(к).б.ш.б.ш. бошқа шахсга берувчининг талабига кўра бекор қилинган тақдирда олувчи шартнома амалда бўлган вақтда бошқа шахсга берувчини таъминлаш ва уйни (уйнинг бир қисмини), квартирани сақлаб туришга қилган харажатларини қоплашни талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 533-м.си).

Олувчи вафот этган тақдирда умрбод таъминлаш шarti б-н уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисла-

рига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганда ёки улар умрбод таъминлаш шартли б-н уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганларида олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади (ЎЗР ФКнинг 534-м.си).

УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ПРИНЦИПЛАР – замонавий халқаро ҳуқуқнинг мазмунини ифодаловчи ва унинг вазифаларини амалга ошириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий умумий ва мажбурий нормалар. У.э.э.х.п. – жаҳон ҳамжамияти томонидан тап олинган ва тегишли халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган принциплардир. Улар тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик, халқлар озодлиги ва мустақиллигини таъминлаш, яхши муносабатлар ўрнатиш, улар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамдўстлик ва ишончли мустаҳкамлаш асосидир.

ЎЗР ўзга давлатлар б-н муносабатларда давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қондалари ва нормаларига асосланади.

Мазкур принципларнинг Қонсда таъкидланиши улар Ўзбекистон ҳудудда давлатнинг ички қонуни сифатида эътироф этилиши ва уларнинг конституциявий принциплар даражасига кўтарилиши ички қонунларнинг У.э.э.х.п.га мослаштирилишини ва барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан риоя қилинишини билдиради. Халқаро ҳуқуқ қуйидаги муносабатларни тартибга солади: биринчидан, давлатлараро икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни, хусусан, халқаро ҳамжамиятни тўла қамраб олувчи муносабатларни; иккинчидан, давлатлараро ва ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар, энг аввало, давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлишига боғлиқ муносабатларни; учинчидан, ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни; тўртинчидан, давлат ва мустақил халқаро мақомга эга бўлган давлатга ўхшаш ташкилотларга оид муносабатларни (мас., Рим-католик черковининг маркази сифатида махсус халқаро мақомга эга бўлган Ватикан).

УМУМЙ ИШ СТАЖИ – қ: *Меҳнат стажи*.

УМУМЙ МУЛК – икки ёки ундан ортиқ шахснинг эгаллигида бўлган мол-мулк уларга У.м. ҳуқуқи асосида тегишли бўлади. Мол-мулк мулкдорлардан ҳар бирининг мулк ҳуқуқидаги улуши аниқлаб қўйилган (улуши мулк) ёки бутай улушлар аниқлаб қўйилмаган (биргалликдаги мулк) ҳолда У.м. бўлиши мумкин. У.м. бўлган мол-мулк улушларга бўлинади, қонунда бу мол-мулкнинг биргалликдаги мулкни ташкил этиши назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Умумий биргалликдаги мулк ўз вазифасини ўзгартирмаган ҳолда тақсимланиши мумкин бўлмаган (бўлинмайдиган ашёлар) ёки қонунга кўра тақсимланиши мумкин бўлмаган мол-мулк икки ёки ундан ортиқ шахс мулкига ўтган пайтда вужудга келади. Тақсимланмайдиган мол-мулкнинг умумий биргалликдаги мулклиги қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда вужудга келади. Биргалликдаги мулк иштирокчиларнинг

қилишувига мувофиқ, қилишувга эришилмаган тақдирда эса суднинг қарорига мувофиқ умумий мол-мулк бу шахсларнинг улушли мулки қилиб белгилаб қўйилиши мумкин (ЎЗР ФКнинг 216-м.си).

УМУМЙ СМЕТА – бюджет ҳуқуқида муассасалар ва ташкилотларнинг сақлаб турилиши учун назарда тутилган маблағлар ҳажми. Мақсадли йўналиши ва йил чоракларига тақсимланишини белгилайдиган молиявий-режалли ҳужжат муассасаларни маблағ б-н таъминлаш ва бюджет маблағларини сарфлаш режаси ҳисобланади. У.с.нинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, у бюджет муассасаси раҳбарининг тегишли бюджетидан ажратиладиган маблағлардан аниқ мақсад йўлида фойдаланишига доир ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, молия органларининг ана шу маблағларни бериш мажбуриятларини ҳамда бюджет ресурсларидан аниқ мақсадли фойдаланиш устидан назоратни амалга ошириш юзасидан ҳуқуқларини белгилайди.

Тегишли тартибда тасдиқланган смета асосида бюджетларнинг харажатларга доир қисми ижро этилиши бўйича ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари – бир томондан, бюджет муассасалари раҳбарларида ва, иккинчи томондан, давлат манфаатлари вакили бўлган молия органларида ҳуқуқлар ва мажбуриятлар вужудга келади. У.с. қамраб оладиган муассасалар ва тадбирлари доирасига кўра: янқа тартибдаги У.с., марказлаштирилган тартибдаги У.с. ва йўзма У.с.га бўлинади.

УМУМЙ СУҒУРТА – шахсий, мулкий суғурта, жавобгарликни суғурта қилиш ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасига тааллуқли бўлмаган бошқа суғурта турлари (“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-моддаси). У.с. қуйидаги классларга бўлинади: 1-класс – “Бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш”; 2-класс – “Касалликдан эҳтиёт шарт суғурта қилиш”; 3-класс – “Ер усти транспорт воситаларини суғурта қилиш”; 4-класс – “Харакатланадиган темир йўл таркибинин суғурта қилиш”; 5-класс – “Авиация суғуртаси”; 6-класс – “Денгиз суғуртаси”; 7-класс – “Йўлдаги мол-мулкни суғурта қилиш”; 8-класс – “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш”; 9-класс – “Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш”; 10-класс – “Автофуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш”; 11-класс – “Авиация суғуртаси доирасидаги жавобгарликни суғурта қилиш”; 12-класс – “Денгиз суғуртаси доирасида жавобгарликни суғурта қилиш”; 13-класс – “Умумий фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш”; 14-класс – “Кредитларни суғурта қилиш”; 15-класс – “Кафилликни (кафолатларни) суғурта қилиш”; 16-класс – “Бошқа молиявий таваққалчиликлардан суғурта қилиш”; 17-класс – “Ҳуқуқий ҳимоя қилиш б-н боғлиқ харажатларни суғурта қилиш” (ЎЗР ВМнинг 2002 й. 27 ноябрдаги 413-сон қарори б-н тасдиқланган Суғурталовчилар ва суғурта брокерларининг суғурта фаолиятини лицензиялаш тўғрисида низом).

УМУМЙ ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАР – вояга етган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган жазони ижро этиш колонияларининг бир тури. У.т.к.да маҳкумларнинг сақлаш шароитлари қаттиқ ва махсус тартибли колониядан ҳамда турмадан кўра энгилроқ ҳисобланади.

ЎЗР ЖКнинг 47-м.сига мувофиқ, У.т.к қуйидагиларга бўлинади:

оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан махрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланган колониялар;

ўта оғир жиноят содир этганлик учун биринчи марта озодликдан махрум этишга ҳукм қилинган эркаклар сақланган колониялар;

оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан махрум этишга ҳукм қилинган аёллар сақланган колониялар, ЎзР ЖИКнинг 48-м.сида кўрсатилган аёллар бундан мустасно.

ЎзР ЖИКнинг 116-м.сига асосан, У.т.к.да жазони:

мазкур муассасага суд ҳукмига биноан келган маҳкумлар;

ЎзР ЖИКнинг 129-м.сида назарда тутилган ҳолларда тарбия колонияларидан ўтказилган маҳкумлар;

суд томонидан манзил-колониялардан интизомий жазо тарзида ўтказилган маҳкумлар;

озодликдан махрум қилиш б-н боғлиқ бўлмаган жазо суд томонидан озодликдан махрум қилиш жазоси б-н алмаштирилган маҳкумлар ўтайдилар.

Ижобий тавсифга эга маҳкумлар ЎзР ЖИКнинг 104-м.сида назарда тутилган тартибда енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказилади.

Умумий тартибли бир колониядан иккинчисига ўтказилган маҳкумлар жазони бу ерга ўтказилгунга қадар белгиланган сақлаш шароитида ўтайдилар.

Тарбия колониясидан ўтказилган маҳкумлар жазони енгиллаштирилган сақлаш шароитида ўтайдилар.

ЎзР ЖИКнинг 117-м.сига кўра, У.т.к.да маҳкумлар умумий турар жойларда яшайдилар.

Маҳкумлар белгиланган энг кам иш ҳақи микдорининг икки бараваригача бўлган суммага озик-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсалар сотиб олишлари мумкин.

Маҳкумлар йил мобайнида: тўрт марта қисқа муддатли ва тўрт марта узок муддатли учрашув; олти марта телефон орқали сўзлашув; олти марта посылка ёки йўқлов; олти бандерол олиш ҳуқуқига эга.

УМУМИЙ ЮРИСДИКЦИЯ СУДЛАРИ – ЎзРнинг у.ю.с.да фуқаролик, жиноят ва маъмурий ишлар кўрилади. “Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунда У.ю.с. тизими аниқ белгилаб кўйилган. Унга кўра, У.ю.с.лар тизимига ЎзР ОС, ҚР жиноят ишлари бўйича ОС, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент ш. судлари, ҚР фуқаролик ишлари бўйича ОС, фуқаролик ишлари бўйича вил., Тошкент ш. судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, тум. (ш.) судлари, жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) судлари, ҳарбий судлар қиради.

У.ю.с.да ҳўжалик ишлари кўрилмади. Ҳўжалик ишлари ЎзР ҳўжалик судларида кўрилади.

УМУМИЙ ҲАРБИЙ МАЖБУРИЯТ – “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, У.х.м. фуқароларнинг ЎзРни химоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда ЎзР Қуролли Кучлари сафини тўлдирishни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

У.х.м. фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни (киришни), чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя

этишни, фавқулодда вазиятларда ёки ЎзРга қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади.

Қонунга мувофиқ ЎзРнинг қуйидаги фуқаролари, хусусан:

ҳарбий хизматга чақирилган ва тум. (ш.) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар – чақирилувчилар;

ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар – ҳарбий хизматчилар;

ЎзР Қуролли Кучларининг резерви ёки захирасидаги шахслар – ҳарбий хизматга мажбурлар;

турли сабабларга кўра ҳарбий рўйхатга олинмаган ёки ҳарбий рўйхатдан чиқарилган, шу жумладан истеъфодаги шахслар – ҳарбий хизматга мажбур бўлмаган шахслар деб аталади.

Ҳақиқий ҳарбий хизмат чақирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида ЎзР Қуролли Кучлари сафидаги ҳарбий хизматдир.

У.х.м. ЎзР ҳудудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди.

Ҳарбий хизматга биринчи марта чақирилган ёки ихтиёрий равишда (контракт бўйича) кирган фуқаролар ЎзР халқи ва Президентига содиқлик тўғрисида Ҳарбий қасам ёки қабул қиладилар.

Муқаддам Ҳарбий қасам ёки қабул қилмаган ҳарбий хизматга мажбурлар ҳарбий йиғинларга жалб этилганларида ёки сафарбарлик бўйича чақирилганларида Ҳарбий қасам ёки қабул қиладилар.

ЎзР фуқароларига чет давлатларнинг ҳарбий хизматида, ҳавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шу каби бошқа органларга хизматга кириш тақиқланади.

ЎзР Қонунининг 52-м.сига асосан, ЎзРни химоя қилиш – ЎзР ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

УМУМИЙ ҲУҚУҚ – XIII–XIV а.ларда Англияда шакланган ҳуқуқий тизим. У.х.нинг асосий манбаи деб суд прецеденти эътироф этилади. Қонунлар айрим соҳадаги муносабатларни тартибга солади, лекин ягона тизимга келтирилмаган. Қонун б-н тартибга солилмаган барча нарсалар, шунингдек, қонунларни изоҳлаш, уларни қўллаш У.х. б-н белгиланади. У.х. Рим ҳуқуқининг таъсиридан холи. У.х. келиб чиқиши ва манбаларига кўра, ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида судлар келтириб чиқарадиган прецедент ҳуқуқига асосланади. У.х. Буюк Британия (Шотландиядан ташқари), АҚШ (Луизианадан ташқари), Канада, Австралия, Янги Зеландияда ва аввал инглиз мустамлакаси бўлган, инглиз ҳуқуқий тизимини ўзига қабул қилган бошқа баъзи давлатларда ҳам амал қилади. У.х. шакллари, инс.лар, ва юридик тил архаизм б-н ажралиб туради.

УНВОН – ҳарбий ва фуқаро хизматидаги ходимларнинг муайян ҳуқуқ берадиган ва мажбуриятлар юклайдиган хизмат даражаси.

УНИДРУА – Римдаги хусусий ҳуқуқни унификация қилиш б-н шуғулланувчи халқаро инс.. Инс. – ҳуқуқатлараро ташкилот бўлиб, 1926 йилда ташкил этилган. Унинг аъзолари 52 та мамлакатдан иборат. Ҳар йилги ахборот-

номасини пашрдан чиқаради. У. бир қатор масалаларга (товарларнинг халқаро олди-сотдиси, вакиллик, юк ва йўловчиларни ташиш ҳамда бошқа масалаларга) доир конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаган.

УНИТАР ДАВЛАТ (лот. unitas – бирлик; инг. unitarian/unitary; фр. unitaire) – давлат тузилишининг шаклларида бири (бошқа бир шакли – федерализм ёки федерал давлат). У.д., одатда, оддий давлат деб аталади, у маъмурий-худудий бирликларга бўлинади. У.д.да бутун давлат ҳаётига, шу жумладан кўплаб ҳўжалик, ижтимоий ва б. жараёнларга марказлашган тартибда раҳбарлик қилиш ҳамда уларни тартибга солиш даражаси анча юқори бўлади. Аммо, давлат маъмурий-худудий бирликларнинг органлари маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилишда етарли даражада мустақил бўлиши ҳам мумкин. Марказ маҳаллий органларнинг вазифаларини уларнинг ўрнига бажармасликка ва уларнинг қонунга асосланган фаолиятига аралашмасликка ҳаракат қилади. Шунга қарамай, У.д.да марказ айрим ҳудудларнинг ҳаётига аралашishi, шу жумладан маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ҳужжатларини бекор қилиши мумкин. Бунинг устига, маъмурий-худудий бирликларнинг органлари марказий давлат органларига мувожаат этиш имкониятига эга эканлигига қарамай, масалаларни марказда ҳал қилишга уларнинг таъсири федератив давлатдагига қараганда анча кам бўлади ва қонда тариқасида, марказий органлар учун доим ҳам юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланмаган илтимослар ва илтимосномаларда ифодаланади. Айни пайтда У.д. таркибида давлат белгилари мавжуд миллий-худудий тузилмалар ҳам бўлиши мумкин, чунончи, автоном вил., автоном республика. ЎзР – У.д.. Унинг таркибида давлат тузилишига хос белгилари мавжуд бўлган ҚР бор.

УНИТАР КОРХОНА – ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот. У.к.нинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас. У.к.нинг уставда ЎзР ФК 43-м.сининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари корхона устав фондининг миқдори тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва жанбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. У.к.нинг мол-мулки унга ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир. У.к.нинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси кўрсатилган бўлиши керак. У.к.ни бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради. У.к. ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк б-н жавоб беради. У.к. ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. У.к.ларнинг ҳуқуқий мавқеи ЎзР ФК ҳамда бошқа қонунлар б-н белгиланади. У.к. мол-мулкининг эгаси корхона мажбуриятлари бўйича жавоб беради, ЎзР ФК 48-м.сининг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Бу қонда шўъба корхона таъсис этган У.к.нинг шўъба корхона мажбуриятлари бўйича жавобгарлигига нисбатан ҳам қўлланилади (ЎзР ФКнинг 70-м.си).

УНИТАРИЗМ (инг. unitarism; фр. unitarisme) – 1) давлат тузилишининг принципи. У. принципига унитар давлатлар асосланади; 2) иктисодиётда, сиёсатда, маданиятда марказийлашишга мойиллик (тенденция).

УНИЯ (лот. бирлик, бирлашув) – мураккаб давлатнинг тури. Икки ёки бир неча давлатнинг битта давлат бошлиғи қўл остида бирлашиши шахсий У. дейилади. Халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб У. эмас, балки унинг таркибига кирган давлатларнинг ҳар бири майдонга чиқади. Реал У. давлатларнинг нафақат бир давлат бошлиғи қўл остида бўлиши, балки ҳокимият ва бошқарув органларининг умумийлиги б-н ҳам ажралиб туради. Халқаро ҳуқуқ, субъекти бутун реал У. эмас, балки унинг таркибига кирадиган алоҳида давлат тузилмаларидир. Шахсий У.нинг тарихдаги мисоллари сифатида Польша-Литва (1386–1669 йй.), Англия-Ганновер (1714–1838 йй.), Нидерландия-Люксембург (1815–1890 йй.)ни келтириш мумкин. Швеция-Норвегия (1814–1905 йй.), Австро-Венгрия (1867–1918 йй.), Дания-Исландия (1918–1944 йй.) реал У.нинг мисоллари бўла олади.

УНЧА ОҒИР БЎЛМАГАН ЖИНОЯТЛАР – ЎзР ЖКнинг 15-м.сига мувофиқ, У.о.б.ж.га қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар қиради.

Жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади.

У.о.б.ж. туркумига санкция қисмида беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар тааллуқлидир. Шунинг ҳам айтиб ўтиш лозимки, тайинланган жазо ўз навбатида бошқа енгил турдаги жазо б-н муқобил равишда мос қилиши керак.

УПАНИШАДЛАР (санскрит. – сирли билимлар) – ведаларнинг фалсафий қисми. У. маълум бир китоб ёки фалсафий рисолалар шаклида бўлмай, балки турли мавзуларда, турли даврларда асосан номаълум муаллифлар томонидан яратилган матнлар тўплами. Ҳар бир матн у ёки бу муаллифнинг фалсафий мушоадаларининг қисқача баёнидан иборат. Матнлар мавзуга кўра, бир хил эмас, дунёқараш шаклидаги рисола бўлиб, икки йўналиш – материалистик ёки идеалистик шаклда ифодаланган. Фалсафий масалалар асосан У.да баён этилган. У.да оламдаги инсоннинг ўрни ва роли, ташқи олам ва инсоннинг табиати, унинг характери, рухий кечинмалари, оламни билиш имконияти, ахлоқий нормалари ҳақида фикрлар юритилади. Бу масалалар асосан диний-мифологик дунёқараш асосида талқин этилади. У.да, шунингдек, материалистик муаммоларни ҳал этадиган мазмундаги маълумотлар берилган. Инсоннинг табиати ва оламни билиш қобилияти тўғрисидаги қатор масалалар ичида У.да дастлабки сабаб борлиқнинг асоси каби масалалар ётади. Уларга таяниб, табиатда содир бўладиган ҳодисалар ва шунингдек, инсоннинг нималарга қодирлиги баён этилган.

УРУШ ҚУРБОНЛАРИ – кема ҳалокатидан жабрланганлар ва ҳарбий можаролар вақтида ҳалок бўлган тинч аҳоли, ҳарбий асирлар, жароҳатланганлар, қасаллар. Улар-

нинг ҳуқуқий ҳолати 1949 й.ги У.к.ни химоя қилиш тўғрисидаги 4 та Женева Конвенцияси: I Конвенция – ҳаракатдаги қўшинларда касаллар ва ярадор бўлганлар аҳолини яхшилаш ҳақида; II Конвенция – денгиз қуроли кучлари таркибда кема ҳалокатидан жабрланган шахсларни, касаллар ва ярадор бўлганлар аҳолини яхшилаш ҳақида; III Конвенция – ҳарбий асирлар б-н муомала қилиш ҳақида; IV Конвенция – уруш даврида аҳолини химоя қилиш тўғрисидаги Конвенциялар б-н тартибга солинади. 1977 й.да бу конвенцияларга қўшимча I ва II баённомалар қабул қилинган, улар халқаро ҳамда халқаро аҳамиятга эга бўлмаган ҳарбий можаролар даврида У.к.ни химоя қилади.

УРУШ ҲОЛАТИ – давлатлар ўртасида уруш эълон қилган вақтдан бошлаб ёки амалда ҳарбий ҳаракатлар бошлангандан кейин уруш тугагунча бўлган муносабатлар.

ЎзР Конс.сининг 93-м.си 18-бандига мувофиқ, ЎзРнинг Президенти ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бири-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда У.х. эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг тасдиғига киритади.

Конс.нинг 78-м.си 18-бандига кўра, ЎзР Президентининг ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бири-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда У.х. эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ҳисобланади.

“Мудофаа тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.сига биноан, ЎзР Президенти – Қуроли Кучлар Олий бош қўмондони ЎзР Конс.да белгиланган тартибда: ЎзРга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бири-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда У.х., умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилади ҳамда ЎзР бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади.

У.х. эълон қилинган ёки амалда ҳарбий ҳаракатлар бошланган вақтдан бошлаб “ҳарбий вақт” бошланади, у ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилгани ҳақида эълон қилинган вақтдан бошлаб, лекин амалда шундай ҳаракатлар тўхтаган вақтдан бошлаб тугайди.

УРУШНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ – тинчлик ва ҳавфсизликка қарши қаратилган жиноят. ЎзР ЖКнинг 150-м.сига мувофиқ, У.т.к., яъни бир мамлакатни иккинчи мамлакатга нисбатан кўзғатиш учун турли шаклдаги қарашлар, ғоялар ёки чақириқлар тарқатиш учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. У.т.к. БМТ Бош Ассамблеясининг 1947 й.да қабул қилинган резолюциясига асосан ҳам жинойт деб топилган.

У.т.к. – агрессия учун муҳим шароит яратиб берувчи ва ундан олдин юз берувчи жиноят ҳисобланади. Шу сабабли, тинчликни химоя қилувчи халқаро конгресслар У.т.к.ни қатъий тақиқлашни кўп маротаба талаб қилмоқда.

1927 й.да Афинада ўтказилган тинчлик конгрессида У.т.к.нинг ҳар қандай кўриниши халқаро жиноят эканлиги тўғрисидаги резолюция қабул қилинган. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи У.т.к.ни тақиқлаб, уни инсониятга қарши оғир жиноят деб ҳисоблайди. 1947 й. 3 ноябрда “Урушни тарғиб қилишни тақиқлаш тўғрисида”ги БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси қабул қилин-

ган. Унда ҳар қандай мамлакатда тинчликка турли ҳавф туғдирувчи ёки мазкур ҳавфни кучайтирувчи, умуман, тинчликка таҳдид солувчи тажовузкорлик ҳаракатлари қораланади. Мазкур резолюцияга асосан, қатор мамлакатларда У.т.к. жиноий жазоланадиган қилмиш сифатида баҳоланади ва бу ҳақда махсус қонунлар қабул қилинган. Уларда, У.т.к. қайси шаклда олиб борилганлигидан қатъи назар, уруш бошлаш ҳавфини туғдиради, тинчликка путур етказди ва шунга кўра, у оғир жиноят, деб таъкидланади. У.т.к.да айбдор деб топилган шахслар оғир жиноят содир этган жиноятчилар сифатида суд қилиниши лозим.

У.т.к.ни тақиқлаш принципи 1970 й.даги БМТ Устави-га мувофиқ, халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларациянинг давлатлар ўртасида дўстона муносабатларга ва ҳамкорликка тааллуқли қисмида ўз аксини топган. Декларацияда барча давлатларнинг босқинчилик урушларини тарғиб қилмасликлари зарурлиги таъкидланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 38-сессиясида қабул қилинган, ядро урушини қораловчи Декларацияда ядро қуролини биринчи бўлиб қўллаш, ядро урушини бошлашни тарғиб қилишнинг олдини олишга оид муҳим қоида мавжуд.

ЎзР Конс.да халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари устунлиги таъкидланиб, 17-м.да бу ҳол аниқлаштирилиб, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати “давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидаларига ва нормаларига асосланади”, – деб белгиланган. Мазкур қоидалар Конс.нинг 57-м.сида янада ривожлантирилиб, урушни тарғиб қилувчи сиёсий партиялар ва б. жамоат бирлашмаларининг тузилиши тақиқланиши қайд этилган. Мазкур конституциявий қоида ижроси таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати У.т.к. учун ЎзР ЖК 150-м.сида назарда тутилган жиноий жавобгарликнинг белгиланиши ҳисобланади.

УРУШНИНГ ҚОНУН ВА УДУМЛАРИ – урушларни олиб бориш б-н боғлиқ масалалар бўйича давлатлараро муносабатни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий нормалар ва принциплар йиғиндиси. Қуроли кураш усуллари ва воситаларини танлашни чеклаб, улардан энг дахшатлиларини қўллашни ман этиб, ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ўрнатиб, У.к.в.у. урушларни инсонпарварлаштиришга, ҳарбий можаролар қўламини чеклашга объектив таъсир кўрсатади. У.к.в.у. анча илгаридан таркиб топган. Урушни олиб бориш қоидалари тўғрисидаги халқаро ҳужжатлар XIX а.да қабул қилинган. 1899 ва 1907 й.ларда У.к.в.у. тўғрисидаги қоидалар умумий ҳолда Гаага конвенциясида мужассамлашган. Бўғувчи, захарли ёки бошқа шунга ўхшаш газларни ва бактериологик воситаларни урушда қўллашнинг ман этилиши тўғрисидаги 1925 й.ги Женева баённомаси, 1949 й.ги Уруш қурбонлари тўғрисидаги Женева конвенцияси, 1954 й.даги Ҳарбий можаролар бўлган ҳолларда мададий қимматликларни химоя қилиш тўғрисидаги Гаага конвенцияси, 1980 й.ги Ўта оғир ёки ялпи таъсир этиш хусусиятига эга бўлган оддий қуроолларнинг айрим турларини чеклаш ёки ман этиш тўғрисидаги конвенция, Токио ва Нюрнберг халқаро ҳарбий трибуналлари Низоми ва умумэтироф этган энг муҳим У.к.в.у. ҳисобланади.

УРУШНИНГ ҚОНУН ВА УДУМЛАРИНИ БУЗИШ

– У.к. ва у.б. қуйидаги ҳаракатларни содир этишда: 1) ҳарбий бўлмаган аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийноққа солишда, жисмонан кириб ташлашда; 2) ҳарбий бўлмаган аҳолида мажбурий ишларда фойдаланиш ёки уни бошқа мақсадлар учун зўрлаб олиб кетишда; 3) халқаро ҳуқук нормалари б-н тақиқланган уруш воситаларининг қўлланишида; 4) ш.лар ва аҳоли пунктларини беҳуда вайрон қилишда; 5) мулкни талон-торож қилишда; 6) юқорида қайд этиб ўтилган ҳаракатларни содир этиш тўғрисида буйруқ беришда намоён бўлади.

Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан кириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқаро ҳуқук б-н тақиқланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, ш.лар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек, бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузганлик учун ЎзР ЖКнинг 152-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

УСТАВ (инг. statute, charter) – давлат (давлатлар), муайян мол-мулк эгаси ёки ташкилот томонидан назарда тутилган асосий қондалар тўплами. У. орқали: а) давлат тузилмаси (вил., ўлка ва б.лар) ёки муниципал тузилма (тум., ш., муниципал округ)нинг ҳуқуқий ҳолати (муниципал тузилма устави); б) халқаро ташкилотнинг ҳуқуқий ҳолати (мас., БМТ У.и, МДХ У.и) (айни ҳовда устав халқаро шартнома шакли ёки унинг таркибий қисми ҳисобланади); в) муайян юридик шахслар (унитар корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, қасаба уюшмалари ва х.к.)нинг ҳуқуқий ҳолати (бу ҳолда У таъсис ҳужжати вазифасини бажаради); г) Қуролли Кучлар ва б. давлат ҳарбий тузилмалари фаолиятининг муайян соҳаси (мас., ҳарбий У.лар, транспорт қурилишида тоғ қутқарувчилари ҳарбийлаштирилган бўлинмаларининг интизом У.и) тартибга солинади. Консуллар касбий фаолияти ЎзРнинг 1996 й. 29 августдаги 261-1-сон Қонуни б-н тасдиқланган Консуллик У.и б-н тартибга солинади.

Юридик адабиётларда У. тушунчасининг чет тилидаги синоними – “статут” кенг қўлланилади (бунга Испаниядаги автоном вилоятларнинг статутлари ёки БМТ Халқаро Судиининг статуту мисол бўла олади).

УСТАВ КАПИТАЛИ – қ: *Устав фонди (Устав капитал)*.

УСТАВ ФОНДИ (УСТАВ КАПИТАЛИ) – тижорат ташкилотлари устав фонди (устав капитал) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади. У.ф. (У.к.) қонунчиликда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги тижорат ташкилотлари учун турли хил микдорларда белгиланган. Мас., масъулияти чекланган жамият, очик турдаги акциядорлик жамияти ва х.к. У.ф. (У.к.) юридик шахсни ташкил этишда ташкилотнинг тadbиркорлик фаолиятини бошлаши учун минимал моддий шароит яратиш мақсадида, хусусан унинг кредиторларининг ҳуқуқларини таъминлашнинг гарови сифатида шакллантирилади.

У.ф. (У.к.) юридик аҳамияти унинг ташкилот мажбуриятлари бўйича мулкний жавобгарликнинг минимал микдорларини ўрнатишидандир.

УСТУН МАВҚЕ – “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ўрнини босувчиси бўлмаган товар бозорида ёки бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг (бир гуруҳ шахсларнинг) ўзига (ўзларига) рақобатни чеклашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга кириш эркинлигини қийинлаштириш ёки уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳукмрон мавқе. Бозордаги улуши олтимиш беш ва ундан ортиқ %ни ташкил этадиган хўжалик юритувчи субъектнинг (бир гуруҳ шахсларнинг) мавқеи У.м. деб эътироф этилади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши ўттиз беш %дан олтимиш беш фоизгача бўлиб, бу ҳол монополияга қарши давлат органи томонидан:

хўжалик юритувчи субъектнинг бозордаги улуши барқарорлигига;

бозордаги рақобатчиларга тегишли улушларнинг нисбий миқдорига;

ушбу бозорга янги рақобатчиларнинг кириши мумкинлигига;

муайян товар бозорини тавсифловчи бошқа мезонларга қараб аниқланган бўлса, унинг бозордаги мавқеи У.м. деб ҳисобланади;

УСУЛИЙ – имомийлар ҳуқуқ тизимидаги оқимлардан бири. Унда шарият масалаларида киёс ва ижмоъ асосида обрўли илоҳиётчиларнинг берган фикрларига асосланиш кенг ўрин олган. Шунинг учун, У. имомийлар орасида ахборийлардан кўра кенгрок тарқалган.

УЧИНЧИ ДАВЛАТЛАР – халқаро ҳуқуқда муайян халқаро шартноманинг иштирокчилари бўлмаган давлатлар. Давлат шартнома иштирокчиси бўлган заҳоти учинчи давлат бўлмай қолади, чунки шартномани ўзи учун мажбурий бўлишига розилик берган ва ушбу шартнома унинг учун амал қила бошлаган давлатга халқаро шартноманинг иштирокчиси бўла олади. У.д. сифатида шартнома матнини ишлаб чиқишда иштирок этган, аммо охири-оқибатда бу шартномага рози бўлмаган ҳамда рози бўлса-да, шартнома унинг учун қучга қирмаган ёки қучини йўқотган давлат ҳам У.д. бўлади. Умумий қондага кўра, шартнома У.д. учун унинг розилигисиз мажбурият ёки ҳуқуқ бера олмайди. Бу қонда 1969 й.ги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси У.д.га нисбатан шартномаларнинг амал қилишига бағишланган 34–38-м.ларида ўз аксини топган. Ушбу Конвенцияда У.д. учун мажбуриятларни назарда тутувчи шартномалар (35-м.) ҳамда У.д. учун ҳуқуқларни назарда тутувчи шартномалар (36-м.) фарқланади. У.д. ҳуқуқлари ва манфаатлари халқаро шартноманинг объектлари бўла олмайди. Уларнинг ҳуқуқларини поймол этувчи шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланиши лозим. Шартномадаги қонда У.д. учун у тан оладиган халқаро ҳуқуқнинг оддий нормаси сифатида мажбурий бўлиши мумкин. Шунга қарамай, халқаро амалиётда уларда иштирок этмайдиган давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритувчи шартномалар ҳам учраб туради. Мас., Антрактика ҳақидаги 1959 й. шартномаси.

УЧИНЧИ ШАХС ФОЙДАСИГА ТУЗИЛГАН ШАРТНОМА – тарафлар қарздор ижрони кредиторга

эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Қарздор кредиторга қарши қўйиши мумкин бўлган эътирозларини шартномада учинчи шахснинг талабларига қарши қўйишга ҳақли.

Учинчи шахс шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, башарти қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, кредитор бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин (ЎЗР ФКнинг 362-м.си).

УЧИНЧИ ШАХСЛАР – фуқаролик процессида бошқа шахслар (томонлар) даъвоси бўйича кўзга тилган фуқаролик ишида ўз ҳуқуқлари ва қонун б-н муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилувчи шахслар. У.ш.нинг турлари фарқланади: баҳс мавзун бўйича мустақил талабларни қўювчи ва бундай талабларни қўймайдиган шахслар. Баҳс мавзун бўйича талабларни қўювчи У.ш. иккала томонга ёки улардан бирига умумий асосларда даъво қилиб, бошланиб кетган процессга киришадилар. Бундай турдаги У.ш. даъвогарнинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва барча мажбуриятларига эга бўладилар. Баҳслар мавзун бўйича мустақил талаблар қўймайдиган У.ш., агар иш бўйича қабул қилинган қарорларнинг томонлардан бирига нисбатан ҳуқуқ ёки мажбуриятларига таъсир эта олса, ишга даъвогар ёки жавобгар томонида туриб киришадилар (ўз ташаббуслари бўйича, томонларнинг ёки прокурорнинг илтимоси бўйича жалб этиладилар). Одатда, улар ишга ўзларига нисбатан кейинчалик регрессив даъволар қўйилишининг олдини олиш мақсадида киришадилар. Бундай У.ш. томонларнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўладилар. Фақат даъво асоси ва мавзунини ўзгартириш, даъво талабларининг ҳажмини қўпайтириш ёки камайитириш ҳуқуқлари, шунингдек, даъводан воз кечиш, даъвои эътироф этиш ёки тинчлик битими тузиш ва суд ҳукмини мажбурий равишда бажартириш талаби бундан мустасно. Томонлардан бирининг У.ш.га нисбатан дастлабки даъвоси ва талабини биргаликда кўриб чиқишга йўл қўйилмайди (ишдан нотўғри бўшатирилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимларни ишга ёки лавозимга тиклаш ҳақидаги масалалар бундан мустасно).

УШЛАБ ТУРИЛГАНЛАРНИ САҚЛАШ ЖОЙЛАРИ – озодликдан маҳрум этиш тариқасида жазо бериш назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга нисбатан қўлланиладиган ушлаб туриш тариқасидаги процессуал мажбурлов чораси бўйича уларни судга қадар ушлаб туриш учун мўлжалланган махсус жойлар.

ЎЗР ЖПКнинг 228-м.сига мувофиқ, ушланган шахс милиция муассасаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилганидан сўнг у озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида сақланади ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасига, ушлаб турилган ҳарбий хизматчи эса авахтага жойлаштирилади. Ушлаб ту-

рилганларни айрим жойларда истисно тарзида махсус мослаштирилган биноларда, кемаларда эса, махсус ажратилган қаюталарда сақлашга йўл қўйилади. Жазони ижро этиш колонияларида ушлаб турилганларни сақлаш учун махсус камералар жиҳозланади. Ушлаб турилганларни қарцер ва жарима ўташ ҳибсхоналарида сақлаш мумкин эмас. Ушлаб турилганлар эҳтиёт чораси сифатида қамқоқда сақланаётганлардан ёки ҳукм бўйича жазони ўтаётганлардан алоҳида сақланиши лозим. Жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар ушлаб турилганларга мўлжалланган камераларда қуйидаги яқкалалаш талабларига риоя қилган ҳолда жойлаштирилади: эркаклар аёллардан алоҳида сақланади; вояга етмаганлар катталардан алоҳида сақланади; айрим ҳолларда вояга етмаганлар сақланаётган камераларда прокурорнинг руҳсати б-н катталарни сақлаб туришга йўл қўйилади; ўта хавфли рецидивистлар бошқа шахслардан алоҳида сақланади. Айни битта жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахслар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан айрим-айрим сақланадилар. Ушлаб турилганлар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ёзма кўрсатмасига биноан бошқа сабабларга кўра ҳам айрим-айрим сақланишлари мумкин.

У.т.с.ж. озодликдан маҳрум этиш жойи ҳисобланмаган хизмат биноларида ёки вақтинча сақлаш ҳибсхонаси камерасида сақланади. Жазони ижро этиш колонияларида ушлаб турилганларни сақлаш учун алоҳида хоналар жиҳозланади. Бу шахслар жазони ўтаётган шахслар б-н биргаликда сақланмаслиги керак.

УШЛАБ ТУРИШ – ЎЗР ЖПКнинг 220-м.сига мувофиқ, У.т. жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият б-н шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетишининг, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.

У.т. жиноят иш кўзга тилгунга қадар ҳам, иш кўзга тилганидан кейин ҳам амалга оширилиши мумкин. Иш кўзга тилганидан кейин У.т.га фақат терговчи, суриштирувчи, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига мувофиқ йўл қўйилади.

ЎЗР ЖПКнинг 221-м.сига асосан, жиноятни содир этишда гумон қилинган шахс қуйидаги асослар мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.

Мазкур кодекснинг 222-м.сига кўра, милиция ёки бошқа суриштирув органининг ходими, шунингдек муомалага лаёқатли ҳар қандай шахс ЎЗР ЖПКнинг 221-м.сига кўрсатилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш ва яқин орадаги

милиция муассасасига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келишга ҳақлидир.

Кодекснинг 223-м.сига биноан, депутатлар, судьялар ва прокурорлар ушлаб турилиши ҳамда милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниши мумкин эмас. Мазкур таққ. ЎзР ЖПК 221-м.сининг 1-бандида назарда тутилган У.т. ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

У.т. муддати ушланган милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб кўпи б-н етмиш икки соатни ташкил этади. Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда У.т. суднинг қарори б-н қўшимча равишда қирк саккиз соатга узайтирилиши мумкин.

У.т. муддати тугагунга қадар ва асослар мавжуд бўлганда шахс айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши, унга айб эълон қилиниши, ЎзР ЖПКнинг 109–112-м.ларидаги қоидалар бўйича сўрок қилиниши ва ЎзР ЖПКнинг 236–240-м.лари қоидаларига амал қилган ҳолда эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги масала ҳал қилиниши зарур.

Алоҳида ҳолларда ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Акс ҳолда эҳтиёт чораси бекор қилиниб, шахс қамоқдан озод қилинади. Жиноят иши кўзгатилаганидан кейин ва У.т.нинг бутун муддати мобайнида ишни юритиш тааллуқли бўлган суриштирувчи ва терговчи жиноятни содир этиш ҳолатларини аниқлаш, У.т.нинг асосли эканини текшириш учун ўз ваколатлари доирасида тергов ҳаракатлари ўтказишлари мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 235-м.сига мувофиқ, шахсга қонунсиз ушлаб туриш туфайли етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса ёки ЎзР ЖПКнинг 83-м.сида назарда тутилган асосларга кўра иш тугатилган бўлса, тўлиқ ҳажмда қопланади.

УШЛАБ ҚОЛИШ – мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан бири. ЎзР ФКнинг 290-м.сига мувофиқ, қарздорга ёки қарздор кўрсатган шахсга топширилиши лозим бўлган ашёни сақлаётган кредитор ушбу ашё ҳақини ёки у б-н боғлиқ чикимлар ва б. зарарни кредиторга тўлаш мажбуриятлари қарздор томонидан муддатида бажарилмаган тақдирда уни тегишли мажбурият бажарилгунга қадар У.к.га ҳақли.

Гарчи ашёнинг ҳақини тўлаш ёки унинг чикимларини ва б. зарарни тўлаш б-н боғлиқ бўлмаса-да, бироқ тарафлари тадбиркорлар сифатида иш кўраётган мажбуриятдан келиб чиққан талаблар ҳам ашёни У.к. б-н таъминланиши мумкин.

Ашё кредитор эғалигига ўтганидан кейин унга бўлган ҳуқуқлар учинчи шахс томонидан олинганлигига қарамасдан, кредитор ўз қўлидаги бу ашёни У.к.и мумкин.

ЎзР ФКнинг 291-м.сига асосан, ашёни ушлаб қолган кредиторнинг талаблари унинг қийматидан гаров б-н таъминланган талабларни қондириш учун назарда тутилган ҳажмда ва тартибда қондирилади.

УШР (араб. – ўндан бир қисм) – мусулмон мамлакатларидаги натурал (баъзан пул шаклидаги) солиқ. Ҳар йили зироатчилик, чорвачилик, балиқчилик, хунармандчилик маҳсулотларидан олинган. Турли даврларда У. турлари ўзгартирилган ва Усмон империясида – икто, димос, онда,

ондалиқ, саларийе, Эронда эса даҳяк каби номларга эга бўлган. Бир қатор ҳолларда унинг миқдори деҳқонлар даромадининг 10%дан яримгача етган. Даромад солиғи принципи амал қила бошлаши б-н деярли ҳамма жойларда бекор қилинган (Жазоирда 1918 й., Туркияда 1925 й., Тунисда 1935 й.). Бирок, баъзи мусулмон мамлакатларида (Саудия Арабистони, Яман Араб Республикаси ва б.) ҳозиргача мавжуд. Ушр олинган ер-сув “мулки ушрия” деб аталган. Айрим мусулмон давлатларида ҳозир ҳам У. мавжуд. Ўрта Осиёда XX а. бошигача У. сақланиб қолган.

УЮШГАН ГУРУХ – жиноятда иштирокчиликнинг, оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, жиний уюшма каби шаклларида бири. ЎзР ЖКнинг 29-м.сига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиний фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши У.г. деб топилади. У.г. оддий ва мураккаб иштирокчиликка нисбатан хавфлироқ иштирокчилик шаклидир.

У.г. олдиндан тил бириктириш, барқарорлик, вазифаларнинг тақсимланиши, бир қанча жиноят содир этиш мақсадида тузилганлиги каби қатор ўзига хос белгилар б-н тавсифланади.

ЎзР ОС Пленуми қарорларида уюшган гуруҳни тавсифловчи белгиларни аниқлаш юзасидан тушунтиришлар берилган. Хусусан, қайд этиладики, “У.г. деганда транспорт воситаларини олиб қочиш ёки бошқа жиноятларни содир этиш мақсадида икки ёки кўп шахсларнинг барқарор бирлашмаси тушунилиши керак”.

Мазкур қоида У.г. белгилари бўйича содир этилган бошқа жиноятларни квалификация қилишга ҳам бирдай тегишлидир. Бундай гуруҳ жиний фаолият б-н шуғулланиш учун олдиндан бирлашган шахсларнинг юқори уюшганлик даражаси, фаолият олиб бориш вақтининг давомийлиги, иштирокчиларнинг ҳар бири унга юкланган вазифага мувофиқ ҳаракатларининг юқори даражада ташкиллаштирилганлиги, жиноятга тайёргарлик ва уни содир этиш жараёнида улар ўртасидаги алоқанинг барқарорлиги, жиноят изларини яшириш, гуруҳдаги интизом ва ташкилотчининг бир неча бор жиноят содир этишга йўналтирилган кўрсатмаларига бўйсиниши ва ш.к.лар б-н тавсифланади. У.г. томонидан жиноятлар кўпинча иктисодий соҳада содир этилади. Мазкур белгиларни аниқлашда ЎзР ОС Пленуми тушунтиришларига эътибор қаратиш лозим бўлади.

У.г.ни хусусиятловчи белгилардан бири – бу унинг барқарор эканлигидир. Бунда ташкилотчи жиний режани тузади, иштирокчилар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, улар фаолиятини йўналтиради ва гуруҳдаги тартибни мустаҳкамлайди, шунингдек гуруҳ интизомини назорат қилади ва х.к..

У.г. иштирокчилари ҳаракатини квалификация қилиш олдиндан тил бириктириб, жиноят содир этишдан фарқ қилади. Агар жиноят олдиндан тил бириктирилган ҳолда бир неча бажарувчилар томонидан содир этилган бўлса, у фақат Махсус қисмдаги тегишли модданинг ўзи б-н 28-м.ни қўлламаган ҳолда квалификация қилинади. У.г. томонидан жиноят содир этилганда иштирокчиларнинг жиноят содир этишдаги вазифаси қандай бўлганлигидан қатъи назар, (ташкилотчи, бажарувчи, далолатчи, ёрдамчи, иштирокчи), ЎзР ЖКнинг 28-м.ни қўллаган ҳолда жавобгарлик белгиланади. “У.г. таркибида транспорт воситасини

олиб кочишда катнашган шахсларнинг ҳаракатлари, уларнинг ҳар бири ролдан катъи назар, иштирокчилик деб танилиши лозим”.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК – бу фаолият назорат остига олинган маълум ҳудуд ёки маълум соҳадаги жинсий бизнесдан максимал фойда олишга йўналтирилган, бевосита ёки билвосита мувофиқлаштирилмаган ва ўзаро мустақамлашадиган турғун, иерархиялашган, режали ҳаракат қилувчи жинсий тузилмалар (гуруҳлар, уюшмалар)нинг иштирокчилари томонидан содир этиладиган жиноятларнинг тизимли боғланган мажмуидир. У.ж.нинг куйидаги аломатларини ажратиш мумкин: барқарорлик; тизимlilik; кўламlilik; мақсадларга эришишни ва шахсий ҳавфсизликни таъминлаш. Турғунлик аломати жинсий фаолиятнинг доний вазифалари ва давомий хусусиятини, уни режалаштириш ва тайёрлаш; иштирокчиларнинг катъий иерархияси ва раҳбар ўзақнинг мавжудлиги; катъий интизом сизгари тавсифларидан иборатдир.

Тизимlilik аломати турғунлик б-и боғлиқ бўлиб, У.ж.нинг минтака, иктисодиёт тармоғи, жинсий бизнес тури микёсидаги тузилмаларининг бевосита ёки билвосита алоқалари ва иктисослашишини ўз ичига олади (ўзаро таъсир, иерархик алоқа, фаолият соҳаларининг мувофиқлаштирилган тақсимоти, рақобат ва қарама-қаршиликнинг алоқаси ва ҳ.к.). Бунда тизимнинг кўп погонlilikи куйидаги схема бўйича ажратилади: уюшган жинсий гуруҳ – жинсий уюшма – минтақада, қатор минтақаларда, бутун мамлакатда ва қатор мамлакатларда фаолият кўрсатувчи ёки ўзаро алоқа қилувчи жинсий уюшмалар мажмуи. Кўламlilik – У.ж.нинг минтақавий, минтақалараро, мамлакат доирасидаги ёки халқаро фаолиятини билдирувчи аломатларидан бири. Уюшган жинсий тузилмаларининг мақсадлари жинсий йўл б-и фойда олиш, кўп миқдорда ва жуда кўп миқдорда бойнига қаратилади. Уюшган жинсий тузилмаларининг иштирокчилари томонидан жиноят содир этиш усуллари ўзининг профессионализми б-и ажралиб туради.

Техник жиҳатдан пухта тайёргарлик қурилиши; режалаштириш ва ролларининг тақсимланиши; қулай шарт-шароитларнинг яратилиши; ҳар хил, бироқ ўзаро боғлиқ вазифаларни бажарувчи шахслар ва гуруҳлар ҳамкорлигининг уюштирилиши; ҳаракатларнинг катъий ва шафқатсизлиги У.ж.ка хосдир. Иштирокчиларининг ҳавфсизлигини уларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишини таъминлаш уюшган жинсий тузилмаларнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Бу тузилмаларда конспирацияга алоҳида эътибор берилди, уларда контрразведка ва кўриқлаш вазифаларини бажарадиган иштирокчилар мавжуд бўлиб, жинсий гуруҳлар (уюшмалар) раҳбарларининг жавобгарликдан қутулиб қолишларини таъминлаш мақсадида қурол-яроғ сақлаганлик учун жавобгарликни ўз бўйига оладиган оддий иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатларининг сценарийлари ишлаб чиқилади ва ҳ.к. Уюшганлик даражасига қараб жинсий тузилмалар куйидагича классификация қилилади: уюшган жи-

ноий гуруҳ; уюшган жинсий уюшма. Фаолиятнинг худудий кўламига қараб уюшган жинсий тузилмалар: минтақавий; минтақалараро; мамлакат микёсида ҳаракат қилувчи; транснационал (халқаро)га бўлинади.

Фаолият йўналишларига қараб уюшган жинсий тузилмаларни куйидаги соҳаларда ҳаракат қилувчи жинсий тузилмаларга ажратиш мумкин: жинсий бизнес соҳаси – гнёҳвиллик воситалари ва психотроп моддалар, қурол-яроғ, тарих ва маданият предметларининг қонунга хилоф муомаласи; стратегик материаллар ва зарарли чиқиндиларни контрабанда қилиш; ишон аъзолари ва тўқималарининг ганриқонуний муомаласи; автомобилларни ўғирлаш; киморхоналар ташкил қилиш ва ҳ.к.; порасмий иктисод – фойданинг бир қисмини назорат қилиш ва ўзлаштириш, таъсир соҳаларини тақсимлаш, порасмий қорхоналар ташкил қилиш ва ҳ.к.; расмий иктисод – жинсий йўл б-и олинган маблағларни ошқорлаштириш; уларни қатъи фойда келтирадиган қорхоналарга жойлаштириш ва ҳ.к.

УЮШМА (ИТТИФОҚ) (лот. associatio – бирлашиш; инг. association) – умумий хўжалик, илмий ёки бирор-бир бошқа мақсадга эришиш учун юридик шахсларнинг ўзаро ихтиёрий бирлашиши.


ЎзР ФҚнинг 77-м.сига мувофиқ, гижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкни манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилиш мақсадида потижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин. Агар иштирокчиларининг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти б-и шугулланиш вазифаси юклатилса, бундай У.(и.) ва ўзга бирлашма ЎзР ФҚда назарда тутилган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Потижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

У.(и.) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланади. У.(и.) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. У.(и.) ва ўзга бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. У.(и.) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари уларнинг мажбуриятлари бўйича У.(и.) ва ўзга бирлашмаларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидар жавобгар бўладилар.

У.(и.) ва ўзга бирлашмаларининг ном уларнинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга “уюшмаси”, “иттифоқи” сўзлари ёки бирлашма турини кўрсатадиган бошқа сўз қириқилган бўлиши керак.

Қонун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари ҳуқуқий мавқенининг хусусиятлари белгиланиши мумкин.



ФАВКУЛОДДА СУД – муайян фавкулодда ҳолатлар юзага келганлигини асос қилиб тузиладиган судлов органи.

ЎзР Конс.сининг 107-м.сида Ф.с.лар тузилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Ф.с. тузилишига йўл қўйилмаслиги хусусидаги конституциявий нормалар мамлакатимиз тарихининг муайян даврларида Ф.с.лар тузилиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаб бўлмас даражада бузилишига олиб келганлиги боис киритилган. Жумладан, ХХ а.нинг 30–50 й.ларида турли хил фавкулодда судлов органлари бўлмиш “иккилик” (двойка) ва “учлик” (тройка)ларнинг тузилиши ҳамда уларнинг фаолияти натижасида миллионлаб инсонларнинг асоссиз катагон этилганлиги маълум. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда кўпчилик ривожланган демократик давлатларнинг Конс.ларида ҳам Ф.с.лар тузилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган. Мас., Япония Конс.сининг 76-м.сида, ГФР Конс.сининг 101-м.сида Ф.с.лар тузилишига йўл қўйилмаслиги белгиланган.

ФАВКУЛОДДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТЛАР ЗОНАСИ – Ф.э.х.э.да табиий муҳитга салбий таъсир қиладиган фаолият тўхтатилади. Атроф табиий муҳитга ва унинг генетик захиралари, инсон саломатлигига ёмон таъсир қилувчи ускуналар, агрегатлар, цехлар, ташкилотлар, муассасалар, корхоналар иши бир тўхтатиб қўйилади. Табиатдан фойдаланишнинг айрим турлари чегараланади; табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш ва тиклаш бўйича оператив чора-тадбирлар ўтказилади.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.сида мувофиқ, ҳудудларни фавкулодда экологик вазият, экологик офат ва экологик ҳалокат зоналари деб эълон қилиш, бундай зоналарнинг ҳуқуқий режимини ва жабрланганларнинг мақомини белгилаш ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг биргаликдаги ваколатига қиради.

ЎзР ШКнинг 41-м.сида асосан, фавкулодда экологик ҳолатлар ва экологик офат зоналарида ҳудудлардан шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланишда чеклашлар белгиланади.

ФАВКУЛОДДА ҚОНУН – парламент томонидан оддий қонунлар қатори қабул қилинадиган (баъзан малакали кўп овоз зарур бўлади), лекин бошқа қонунлар, ҳатто Конс.дан ҳам кўпроқ юридик кучга эга бўлган қонунлар. Ф.к.да ҳар қандай қонун нормаларига, жумладан, Конс.га ҳам зид бўлган, уларни бекор қиладиган ёки тўхтатиб қўядиган нормалар бўлади. Ф.к. қабул қилиш вакиллик органларининг ваколатига қиради.

ФАВКУЛОДДА ҲОЛАТ – конституциявий ҳуқуқнинг энг муҳим тартибларидан бири, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятининг махсус қонун б-н белгиланадиган фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ва юридик шахслар ҳуқуқларининг чекланишига, шунингдек улар зиммасига қўшимча мажбуриятлар юқланишига йўл қўядиган алоҳида тартиб.

Ф.х. одатда муваққат чора ҳисобланади ва, энг аввало, ижтимоий ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадларида жорий этилади. Ф.х. атамаси кенг (асл) ва тор (махсус) маънода ишлатилиши мумкин. Кенг маънода Ф.х. тушунчаси том маънодаги фавкулодда (РФ, АҚШ, Бразилия, Испания ва б.лар), харбий (АҚШ, Буюк Британия, Ҳиндистон), камал (Аргентина, Бельгия, Греция, Франция) ҳолатларини, уруш ҳолатини (Бельгия, Италия), таҳдидни (Испания), тайёргарликни (Габон), мудофаани (ГФР, Финляндия, Коста Рика) ва б.ларни англатади.

Бу тартиблар ўртасидаги фарқ кўпинча жиддий аҳамиятга эга бўлмайди. Ф.х.нинг у ёки бу шаклини киритиш учун асослар, қоидага кўра, қуйидагилар ҳисобланади: 1) ташқи таҳдид (уруш, ташқаридан бостириб кириш, халқаро можаро ва б.лар); 2) тинчлик, оммавий тартиб ва ҳавфсизлиكنинг бузилиши; 3) конституциявий тузумга ҳавф; 4) фуқаро уруши, ғалаён; 5) ҳалокат, эпидемия, табиий офат; 6) иш ташлашлар, иқтисодий таназзул ва ш.к.лар оқибатида мамлакат иқтисодий ҳаётига жиддий таҳдид; 7) баргараф этиб бўлмайдиган конституциявий таназзулнинг пайдо бўлиши (айрим ҳокимиятлар, марказ б-н федерация субъектлари ўртасидаги ихтилофлар). Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида Ф.х. жорий этиш ваколати давлат бошлиғи зиммасида бўлиб, унинг бу қарорини парламент тасдиқлаши (қоидага кўра 14-30 кун мобайнида) шарт қилиб қўйилади. Айрим мамлакатларда Ф.х.ни эълон қилиш ҳуқуқи ҳукуматга тегишли (Франция, Испания, Кипр, Ирландия). Озчилик мамлакатларда (ГФР, Исроил, Болгарияни қўшган ҳолда ўнтача) Ф.х.ни парламентнинг ўзи эълон қилиши мумкин. Дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг конституциявий қонунчилигида Ф.х. тўғрисидаги прокламациялар амалда бўлган вақтда вакиллик ҳокимияти олий органининг тарқатиб юборилишини таъқиқловчи нормалар бор. Аксинча, у парламент ишининг одатий муддатини узайтиришга назарда тутди. Кўпгина ҳолатларда Ф.х.ни узайтириш тўғрисидаги қарорни ҳам парламент қабул қилади.

ЎзР Конс.нинг 93-м.си 19-бандига мувофиқ, ЎзР Президенти фавкулодда вазиятлар (реал ташқи ҳавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, ЎзРнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида Ф.х. жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида ЎзР Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Ф.х. жорий этиш шартлари ва тартиби қонун б-н белгиланади.

ЎзР Конс.сининг 78-м.си 19-бандига асосан, ЎзР Президентининг Ф.х. жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг биргаликдаги ваколати ҳисобланади.

ФАКТОРИНГ – к: *Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси (Факторинг).*

ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ – халқаро ҳуқуқда кўп томонлама халқаро шартноманинг турларидан бири бўлиб, одатда, асосий ҳужжат тузилиши муносабати б-н ва унга илова сифатида (аммо, унинг ажралмас қисми эмас) муштакил ҳужжат тариқасида имзоланади. Агар шартномада факультатив қондалар ёки изоҳлар, мас., асосий шарт-

номани изоҳлаш ва қўллаш муносабати б-н юзага келади-ган келишмовчиликларни тинч йўл б-н ҳал этишнинг муайян йўлларида фойдаланиш тўғрисида изоҳлар бериш мумкинлигини назарда тутишга имкон бўлмаса, Ф.п.да бундай шартноманинг бир қатор иштирокчилари асосий шартноманинг барча томонлари юзасидан умумий тўхтама-га келмаган масалалар бўйича келишуви мустаҳкамлана-ди. Кўп томонлама шартномаларнинг айримлари факультатив хусусиятга эга бўлган ўндан ортиқ иловаларга эга бўлиши мумкин. Ф.п. асосий шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаши керак бўлган учинчи давлатларнинг иштирок этиши учун очик бўлиши мумкин. Асосий шартноманинг томонлари Ф.п.да иштирок этиши шарт эмас (яъни, у факультативдир).

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ – Ф. ва ҳ.и. 1958 й.да Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми қошидаги фалсафа ва ҳуқуқ бўлими базасида ташкил этилган (Ўзбекистон КП МК ва ЎзССР Министрлар Советининг 1958 йил 14 февралдаги 107-сон “ЎзССР ФА тизими-да Фалсафа ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтини ташкил қилиш ҳақида”ги қарори). 1974 й.да инс.га академик И.М.Мўминов номи берилган.

Фалсафа ва ҳуқуқ фанлари соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларнинг натижалари, ютуқларини тарғиб қилиш, мустақил Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий таракқиёти ҳамда ҳуқуқий давлатчилик асосларини шакллантириш муаммоларини ўрганиш ҳамда юқори малакали ходимлар тайёрлаш инс.нинг асосий вазифасидир. Инс.да фалсафа ва ҳуқуқ бўйича 8 та бўлим бўлиб, уларда 2 та академик, 28 та фан доктори, 20 дан ортиқ фан номзоди, ўнлаб илмий ходимлар меҳнат қиладилар. Инс. қошида фалсафа бўйича докторлик (номзодлик) диссертациялар ҳимояси учун ташкил этилган ихтисослашган кенгаш, фалсафа ва ҳуқуқ соҳасида аспирантура ва докторантура мавжуд. Республика ва б. давлатларнинг юзлаб олимлари бу ерда ўз диссертацияларини ёқлаганлар. Инс. олимлари томонидан кўплаб монографиялар, китоблар, рисола ва мақолалар чоп этилган, халқаро ва республика илмий анжуманлари ташкил этилган.

ФАМИЛИЯ (лот. familia – оила; инг. surname, family) – 1) ЎзР фуқаролик ҳуқуқида фуқаро исмининг таркибий қисми (ЎзР ФКнинг 19-м.си); инсоннинг у ёки бу оила ёки уруғга тегишлилигини белгилловчи авлоддан авлодга ўтадиган ёки никоҳ натижасида эга бўлинадиган номи; 2) оила; битта аجدоддан тарқалган уруф, авлод; 3) Қад. Римда тор маънодаги оила(қондош қариндошлар)дан ташқари куллар ва миждошларни ўз ичига олган оилавий хўжалик-юримдик бирлик.

ФАОЛ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – фуқаронинг депутатлар ва мансабдор шахслар сайловида, референдумда овоз беришда иштирок этишга бўлган икки имкониятдан иборат ҳуқуқи. Сайлаш ҳуқуқи Ф.с.х. деб, сайланиш ҳуқуқи эса пассив сайлов ҳуқуқи деб аталади. Ф.с.х. 18 ёшга тўлганда юзага келади.

Тушунчанинг маъноси шундаки, ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқини фақат ўзи фаол ҳаракатлар: бюллетень олиш, уни тўлдириш ва сайлов қутисига ташлаш орқали амалга ошириши керак.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, ЎзРнинг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, ЎзР Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

ЎзР фуқароларининг Конс. ва б. қонуларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

ЎзР фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир фуқаро-сайловчи бир овозга эга.

ЎзРнинг 35 ёшдан кичик бўлмаган фуқаролари ЎзРнинг Президенти этиб сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг сайлов қунигача 25 ёшга тўлган фуқаролари ЎзР Олий Мажлисига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

ЎзРнинг сайлов қунигача 21 ёшга тўлган фуқаролари ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайловчиларга ўз ижтимоий фаолликларини ЎзРнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи кафолатланади.

Сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар.

Саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос б-н мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шарт.

ЎзРнинг ҳар бир фуқаросига унинг сайлов ҳуқуқлари суд йўли б-н ҳимоя этилиши, сайлов комиссияларининг, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятлари кафолатланади.

Куч ишлатиш, алдаш, қўрқитиш орқали ёки бошқа йўллар б-н фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш, референдумда иштирок этиш, сайловолди ташвиқотини олиб боришдан иборат ҳуқуқларидан фойдаланишларига тўсқинлик қилиш, шунингдек ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни атайин потўғри санаш, референдум тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонуларни ўзгача тарзда бузиш ЎзРнинг қонуларига мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми б-н озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди (ЎзР Конс.нинг 117-м.си).

ФАОЛИЯТНИНГ ЛИЦЕНЗИЯЛАНАЁТГАН ТУРИ – ЎзР ҳудудида амалга оширилиши учун лицензия олиш талаб қилинадиган фаолият тури (“Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си). Фаолиятнинг лицензияланадиган турлари жумласи-

га амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартибга солиб турилиши лицензиялашдан ташқари усуллар б-н амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турлари қиради. Амалга оширилиши учун лицензия талаб қилинадиган фаолият турлари қонунлар б-н белгиланади ("Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

ФАРЗ (араб. – белгиланган, вожиб қилинган иш) – шариатда ҳамма мусулмонлар бажариши шарт бўлиб, қатъий далиллар, яъни оят ва ҳадислар б-н исботланган диний ҳукмлар. Мас., намоз, рўза, ҳаж, закот. Ҳанафий мазҳабига биноан фарзни бажармаганлар исломдан чиққан деб ҳисобланмайди. Ф. икки қисмга бўлинади: Ф.и айн – бажарилиши истисносиз барча мусулмонлар учун лозим бўлган Ф.; Ф.и кифоя – бир гуруҳ мусулмонлар бажариши б-н бошқалардан соқит бўлувчи Ф., мас, жаноза намозини ўқиш.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ – ЎзР ОКнинг 151-м.сига мувофиқ, Ф.о.га фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади. Ф.о. болани Ф.о.ни истаган шахсларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва хомийлик органи тасвясига кўра тум., ш. хокими қарори б-н амалга оширилади.

ЎзР ОКнинг 152-м.сига асосан, вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар, фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно: ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар; қонун б-н белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар; асаб касалликлари ёки нарколепти муассасаларида рўйхатда турувчилар; ЎзР ОК 169-м.сининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар; қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар. Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота ва ўғай она томонидан Ф.о. ҳоллари бундан мустаснодир.

ЎзР ОКнинг 154-м.сига кўра, Ф.о.да қуйидагилар ус-тулик ҳуқуқига эга бўладилар: турар жойидан қатъи назар фарзандликка олинувчининг қариндошлари; фарзандликка олинувчи бола оиласида яшаётган шахс; ака-ука, опа-сингилларни улар ўртасидаги қариндошлик алоқаларини бузмасдан фарзандликка олаётган шахслар; ўғай ота ва ўғай она; ЎзР фуқаролари; касаллик, бахтсиз ҳодиса оқибатида фарзандларидан ажралган шахслар.

Ўн ёшга тўлган болани Ф.о. учун унинг розилиги талаб қилинади. Ф.о. учун боланинг розилиги васийлик ва хомийлик органи томонидан аниқланади. Агар бола фарзандликка олувчиларнинг оиласида тарбияланаётган бўлса ва уларни ўз ота-онаси деб эътироф этса, Ф.о. фарзандликка олинаётган боланинг розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Агар бола эр-хотиннинг ҳар иккаласи томонидан фарзандликка олинмаётган бўлса, бунга хотин (эр)нинг розилиги талаб этилади. Агар эр-хотин оилавий муносабатларни тугатган, бир йилдан ортиқ бирга яшамаётган бўлсалар ва эр (хотин)нинг турар жойи номаълум бўлса, Ф.о.да унинг розилиги талаб қилинмайди.

ЎзР ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сонли қарори б-н тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд

этиш қондаларида белгиланишича, ФХДЁ органи қабул қилинган ҳужжатлар асосида туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувига тегишли ўзгартишларни киритади ва туғилганлик ҳақида янги гувоҳнома беради. Фарзандликка олувчилар боланинг туғилиши қайд этилган дафтарга унинг ота-онаси деб ёзилиши керак. Боланинг манфаатларидан келиб чиқиб, зарур ҳолларда боланинг фамилияси, исми, отасининг исмигина эмас, балки туғилган санаси ҳам бир йилдан ортиқ бўлмаган фарқ б-н ўзгартирилиши мумкин. Агар бола ўн ёшдан ошмаган бўлса, туғилган жойи ҳам ЎзР доирасида ўзгартирилиши мумкин.

Болани Ф.о. учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги ҳам талаб этилади. Аммо қуйидаги ҳолларда ота-онанинг розилигисиз Ф.о.га йўл қўйилади: ота-онанинг қимлиги номаълум бўлса; ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса; ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса; ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Фарзандликка олинган болалар барча шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларда фарзандликка олувчининг ўз болаларига тенглаштирилади. Айни вақтда фарзандликка олинганлар ва уларнинг ота-онаси (шунингдек, қариндошлари) бир-бирларига нисбатан шахсий ва мулкӣ ҳуқуқларни йўқотадилар ҳамда ўзаро мажбуриятлардан озод бўладилар.

Фарзандликка олувчилар ўз зиммаларидаги мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлайётган ёки уларни лозим даражада бажармаётган бўлсалар, ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилаётган бўлсалар, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсизлик б-н муомалада бўлсалар, муттасил ичкиликбозликка ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлсалар, фарзандликка олиш бекор қилинади.

Ф.о. фуқароларнинг мутлақ эрки ҳисобланиб, фарзандликка олувчига мажбур қилинмайди. Шунингдек, Ф.о. сирини ошкор қилиш тегишли равишда жиноят қонунчилиги б-н таъқиб қилинади.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ СИРИНИ ОШКОР ҚИЛИШ – ЎзР ЖКнинг 125-м.сига мувофиқ, фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва хомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она раҳмхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун б-н қўриқланадиган сирини ошкор қилишда ифодаланади.

Жинорий жавобгарликни вужудга келтирадиган Ф.о.-с.о.к., фарзандликка олган шахсларни ҳақиқий ота-онаси эмаслигини (оғзаки, ёзма тарзда ёхуд матбуот ва б. усуллар орқали) ошкор этиш, маъзур ахборот фарзандликка олган шахснинг эркига қарши ошкор қилинганда ёки улар мавжуд бўлмаганида хомийлик ва васийлик идораларининг руҳсатисиз ошкор қилинган ҳолатларда ўз ифодасини топади.

Фарзандликка олиш сирини расмий хабардор бўлиши мумкин бўлмаган ҳар қандай шахсга ошкор этилиши мумкин.

Фарзандликка олинганликнинг ҳақиқий эмас деб топилшини ёки бекор қилинишини талаб қилиш б-н боғлиқ ҳолда сирини ошкор қилиш, агар тегишли расмий органларга (судга, хомийлик идорасига ва ҳ.к.га) шу ҳақда ариза б-н мурожаат қилинган бўлса, маъзур жиноят таркиби мавжуд бўлмайди.

Жиноят фарзандликка олиш сирини ошкор этиш вақтидан бошлаб, расмий равишда хабар топиши мумкин бўлмаган шахсга этиб борган-бормаганлигидан катъи назар, тугалланган деб топилади.

ФАРМОН – к: *Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони*.

ФАС – халқаро савдо термини, тижорат операцияларида товар етказиб беришнинг франк шартларидан бири (1990 йилги “Инкотермс” нашрида ўзгармай қолган). Лугавий маъноси – “кема борти бўйлаб эркин”. Ушбу шартга кўра, сотувчи товарни причалдаги кема борти бўйлаб ёки лихтерларда жойлаштирилганда ўз мажбуриятларини бажарган ҳисобланади. Шу вақтдан бошлаб товар бўйича барча харажатлар ва унинг нобуд бўлиш ёки шикастланиш хавфи сотувчига ўтади. Харидор франко-завод шартида белгиланганидек ва ушбу операция сотувчига юклатилган ФОб шартларидан фарқли равишда, товарни экспорт божлари ва божхона расмийликларидан халос қилишни амалга оширади. ФАС шартни фақат юкни деңиз ёки дарё транспорт б-н ташиш учунгина қўлланилади.

ФАТВО (араб. – ҳукм) – исломда муфтий ёки уламо-лар кенгаши томонидан диний, ҳуқуқий, сиёсий ҳамда ижтимоий масалаларда чиқариладиган ҳукм. Ҳуқуқий масалаларда бериладиган Ф. асосида суд қарор чиқаради ёки ислом жамоаси учун бир муаммонинг шарият бўйича ҳукми белгилаб берилади. Ф. Қуръон, ҳадислар ва шариятга ёки илгариги берилган Ф.ларга асосланиб чиқарилган.

ФАУНА ҲУҚУҚИ – ҳуқуқ соҳасининг алоҳида инсларидан бири бўлиб, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ўрғанади. Бу борада ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий муҳофаза қилиш деганда, Конс., қонулар ва қонуности ҳужжатларда ўз аксини топган давлатнинг ваколатли органи томонидан санкцияланган, яъни бажарилиши умуммажбурий аҳамиятга эга бўлган нормаларда ўз аксини топган қондалар ва бу қондалар асосида ҳайвонот дунёсини ҳуқуқий нуктаи назардан химоя этиш тушунилади.

ФАҲРИЙ УНВОНЛАР – “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.сига кўра, Ф.у. давлат мукофоти ҳисобланади.

Ушбу Қонуннинг 7-м.сига мувофиқ, Ф.у. такроран берилмайди.

Мазкур Қонуннинг 13-м.сига асосан, ЎзРнинг Ф.у.лари берилган шахсларга белгиланган намунадаги кўкрак шишони ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат топширилади.

Қонуннинг 16-м.сига биноан, ЎзРнинг Ф.у.и б-н тақдирланган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда ва тартибда ҳар ойда пул нафақалари оладилар.

Қонуннинг 21-м.сига мувофиқ, Ф.у.га доир кўкрак шишонини ноқонуний равишда тақиб юриш, сотиб олиш, сотиш, алмашиш ёки ўзга тарзда ҳақ эвазига бировга бериш қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

ЎзР Конс.сининг 93-м.си 21-бандига биноан, ЎзРнинг Президенти ЎзРнинг Ф.у.ларини беради.

ЎзРда таъсис этилган Ф.у.и “Ўзбекистон Республикасининг Ф.у.ини таъсис этиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуниде кўрсатилган.

ФАҲРИЙ ФУҚАРОЛАР – айрим давлатларда фуқаролик масалалари ҳал этилишининг ўзига хос шакли. Жум-

ладан, Чор Россиясида 1832 й.да жорий этилган ва “ш.да яшовчилар” табакасига тааллуқли ҳуқуқ. Бундай ҳуқуқдан авлодлар (дворянлар фарзандлари, рухонийлар фарзандлари, агар улар академия ёки семинарияларни тугатган бўлсалар, илмий унвонлари бўлганлар), шахсий Ф.ф. (оддий рухоний, университет ва б. олий таълим муассасаларини тугатганлар, 14-10 тоифадаги амалдорлар) ҳам фойдаланганлар. Ф.ф. маълум бир жазо ва мажбуриятлардан озод қилинганлар. Мас., тан жазоси шу тоифадаги кишиларга қўлланилмаган.

ФАШИЗМ (лот. fascio – боғ, боғлам, бирлашма; инг. fascism; ит. fascismo; нем. faschismus) – ўнг тоталитар типдаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, мафқуралар ва давлат тузумлари. Ф.нинг аниқ маъноси – XX а.нинг 20–40-й.ларида Италияда ҳукм сурган сиёсий ҳаётнинг феномени. 30-й.лардан бошлаб Ф. тушунчаси бошқа тузумларга – Муссолини тузуми б-н муайян умумий жиҳатларга эга бўлган Германиядаги национал-социалистик тузумга, Испаниядаги ҳарбий-фаланга тузумига, Португалиядаги ҳарбий-полиция тузумига нисбатан ҳам ишлатилади. Ф. ўзининг ҳар қандай шаклида демократия инслари ва кадриятларига “янги тартиб” ва уни ўрнатишнинг ўта қаттиқ воситаларини қарши қўяди. Ф. оммавий тоталитар сиёсий партияга (ҳокимият тепасига келгач, у давлат монополиясига эга бўлган ташкилотга айланади), давлатлашган қасаба уюшмалари ва “дохий”, “дуче”, “каудильо”нинг чексиз шак-шубҳасиз обрўйига, шунингдек оммавий мафқуравий ва жисмоний террорга таянади. Кенг тарқалган фикрга қарамай, тажовузкаро миллатчилик ва экспансионизм Ф. учун қондага қараганда кўпроқ истиснодир. Ф. ходисаси умуман олганда салбий хусусиятга эга бўлса-да, у жаҳонда тарқалган қонунчилик амалиётига мувофиқ ўз-ўзича жиноят деб тан олинishi мумкин эмас: унинг террорчилик ҳаракатлари, ноқонуний қуролли отрядларни ташкил этиши каби муайян қўриқиларигагина жиноийдир.

1945 й.даги иккинчи жаҳон уруши АҚШ, Англия, Собик СССР, Франция таркибидеги коалициянинг фашизм устидан ғалабаси б-н яқунланди.

ФАКИҲ – мусулмон ҳуқуқшуноси.

ФЕДЕРАЛ ИНТЕРВЕНЦИЯ – федерал тузилишга эга бўлган бир қатор давлатларда (АҚШ, Бразилия, Венесуэла, Ҳиндистон, ГФР) федерация субъекти федерал Конс. ёки федерал қонунларни бузган, федерал ҳуқуқнинг қонуний талабларига бўйсунмаган, инсон ҳуқуқларини поймол этган, жиддий тартибсизликлар юз берган, федератив давлатнинг яхлитлигига таҳдид юзага келган, солиқ ва бошқа тўловларни кечиктирган тақдирда федерал ҳуқуқнинг (федерал Конс. ёки қонунда белгиланган тартибда) унинг ишларига аралашishi. Ф.и. одатда, федератив давлат бошлиғининг махсус декрети билан эълон қилинади ҳамда федерал Конс. ва қонунларнинг бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни мажбурий равишда лавозимидан бўшатишда, уларнинг ўрнига марказий ҳуқуқат вакиллари тайинлашда, федерация субъекти вакилик органларининг вақтинчалик тарқатилишида, унинг худудига федерал қўшинларни киритишда ва бошқа жазо чораларини қўллашда намоён бўлиши мумкин. Ҳиндистонда Ф.и. инс.и “президентлик бошқаруви”, ГФРда – “федерал мажбурият” деб номланади.

ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕР – ГФР ва Австрияда федерал ҳукумат бошлиғининг номи.

ФЕДЕРАЛИЗМ (лот. foedus – иттифок; инг. federalism; фр. federalisme) – 1) давлат ҳудудий тузилишининг икки шаклидан бири бўлиб, унинг мураккаб иттифок хусусияти ифода этади; 2) давлатнинг федератив тузилишига эришишга қаратилган сиёсий ҳаракат. **Ф.**га асосланган давлатлар (АҚШ, Германия, РФ ва б.)да федерация субъектлари федерал (марказий) ҳокимият бир томонлама тартибда ўзгартири олмайдиган ваколатларга эга бўладилар. **Ф.** ваколатига кирувчи предметлар ва унинг субъектлари Конс. б-н чеклаб қўйилади. Яна к: *Унитаризм; Унитар давлат; Федерация.*

ФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТ – к: *Федерация.*

ФЕДЕРАЦИЯ (лот. foederatio – иттифок, бирлашма; инг. federation; фр. fédération) – ҳуқуқ назариясида давлат тузилиши шаклларида бири. Бунда давлат **Ф.** субъектларидан – давлатлар, автоном миллий – давлат (миллий – ҳудудий) бирликлардан ва ҳудудий (худудий – давлат) тузилмаларидан таркиб топади. Ташкил топиш усулига кўра **Ф.** ўз таркибидаги субъектлар (давлатлар) ўртасида шартнома б-н расмийлаштирилган иттифок тузиш орқали ёки унитар давлатни федерацияга айлантириш орқали вужудга келиши мумкин. **Ф.** бу – давлатлар иттифоқи бўлиб, унинг таркибига иттифок ҳуқуқлари б-н расмий чекланган, юридик мустақилликка эга бўлган давлат тузилмалари кирази. Давлатлар конфедерация тузишлари, кейинчалик у федератив давлатга айланиши ҳам мумкин. Аммо бу шартнома ёки янги давлатнинг Конс.си б-н расмийлаштирилиши лозим. Тегишича, давлат назарияси фанида ташкил топиш усулига қараб шартномавий ва конституциявий **Ф.** фаркланади. Шартномавий **Ф.** шартнома тузиш орқали (Швейцария, Танзания Бирлашган Республикаси, Бирлашган Араб Амириклари), конституциявий **Ф.** эса, янги давлатнинг Конс.сини қабул қилиш орқали (АҚШ, Канада, Бразилия) ташкил топган. Аммо, мазкур фарқлаш шартлидир. Зотан, **Ф.**да юқорида зикр этилган иккала асос ҳам кўпинча ўзаро чатишади, яъни, аввал шартнома тузилади ёки **Ф.** тузилганлиги бошқача тарзда эълон қилинади, шундан сўнг бу Конс. б-н расмийлаштирилади.

Бунда шартнома Конс.нинг таркибий қисмига айланиши (ўзгаришсиз ёки қайта ишланган кўринишда) ёхуд унда шунчаки кўрсатиб ўтилиши мумкин (Россия **Ф.**си). Субъектларининг таркибига кўра **Ф.**нинг қуйидаги турлари фаркланади: 1) давлатлардан иборат **Ф.** Мас.: иттифокдош республикалар – давлатлар СССР субъектлари бўлган; штатлар (сўзма-сўз таржимада – давлатлар) АҚШ субъектлари ҳисобланади; ерлар (ландлар – яъни мамлакатлар, давлатлар) ГФР субъектларидир; 2) автоном бирликлардан иборат **Ф.** Мас.: 1918 й. РСФСРни ташкил этиш чоғида у автоном вил.лар иттифоқидан иборат деб эълон қилинган, кейинчалик улар автоном республикалар, автоном вил.лар ва автоном округларга айланган); 3) ҳудудий бирликлардан иборат **Ф.** **Ф.**нинг мазкур тури унинг юқорида зикр этилган биринчи тури б-н муштаракдир. Зотан, бу ерда ҳудудий бирликлар **Ф.**га бирлашгунга қадар мустақил ҳудудлар (давлатлар) ҳисобланган бир миллатли давлатлар ҳақида сўз юритилади. Кейинчалик **Ф.**га бошқа

бирликлар ҳам миллий белгисига кўра эмас, балки ҳудудий тузилмалар сифатида кўшилади (мас., АҚШ); 4) хар хил субъектлардан иборат **Ф.** Бунга Россия **Ф.**си мисол бўлади.

Федератив давлатнинг миллий (мас., Ҳиндистон), ҳудудий (Канада) ва аралаш (Россия) шакллари мавжуд.

Федератив давлатнинг умумий белгилари:

Ф. ҳудуди унинг алоҳида субъектларидан – штатлар, кантонлар, республикалар, ўлкалар ва б. ҳудудлардан иборат бўлади;

Ф. ва унинг субъектлари ваколатлари доираси иттифок шартномасида ёки Конс.сида ўзаро ваколатларни чегаралаш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда белгилаб қўйилган бўлади;

Ф. субъектлари ўзларининг Конс.лари ва қонунчилик тизимига, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари тизимига эга бўлади;

федератив давлатда иттифок фуқаролиги б-н бир қаторда, субъектларнинг ҳам фуқаролиги мавжуд бўлиши мумкин;

федератив давлат Парламенти асосан икки палатали бўлиб, юқори палата федерация субъектларининг манфатларини ҳимоя қилади;

федератив давлатнинг ташки сиёсатини, қуроли кучларга ягона қўмондонлигини, мудофаа, молия ва солиқ тизимларига раҳбарликни асосан федерал давлат органлари амалга оширади.

ФЕДЕРИС КАЗУСИ (лот. Casus Foederis) – халқаро ҳуқуқда пайдо бўлиши б-н халқаро шартномаларда томонларга аниқ бир ҳаракатларни амалга оширишга киришишга ёки амалга оширишга ёхуд улардан сақланиб туришга асос бўладиган шарт ёки юридик ҳужжат. Мас., **Ф.**к. уруш олиб бориш қоидалари тўғрисида халқаро конвенциялар ва б. ҳужжатларда қуроли мижорда қатнашувчи давлатларнинг ўзларида ўрилатилган инсонпарварлик ҳуқуқи нормаларини кўллаш ва уларга риоя қилишга мажбур бўлган вақтни белгилаш бўлиб хизмат қилади. Давлатлар ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда **Ф.**к. ушбу шартномада қатнашувчи томонлардан бирига четдан қайсидир бир давлат қуроли ҳужум қилган ҳолатда бошқа томон қуроли кучлари б-н биргаликда барча воситалар орқали ёрдам кўрсатиши лозим.

ФЕЛОНИЯ (инг. felony) – АҚШ ва Буюк Британия жиноят ҳуқуқида хавфлилик даражасига кўра давлатга хиёнат ва мисдиминор ўртасида турадиган оғир жиноят тоифаси.

ФЕМИДА (юн. Themis/Themidos) – юнон мифологиясида одил судлов худоси. Кўзлари боғлиқ ҳолда (беғаразлик белгиси), ҳосилдорлик шоҳи ва тарози ушлаган ҳолда ифодаланган. Кўчма маънода: “**Ф.** Тарозиси” – одил судлов, “**Ф.** Коҳини” – қонун хизматчиси.

ФЕОДАЛИЗМ (лот. feodum – феодал сўзидан) – қуйидаги жиҳатлари б-н ажралиб турадиган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими: 1) ерга бўлган мулкчилик ҳуқуқи; 2) ҳокимиятнинг (суверен ёки жуда бўлмаганда маъмурий-полиция) ер эгалари ва помешчикларга тегишли эканлиги; 3) феодал иерархия, юридик жиҳатдан тенг бўлмаган ва ижтимоий биқик табақа-

ларнинг мавжудлиги. Тарих фанида Ф.нинг барча тан олган таърифи йўқ. Бунинг сабаби, Ғарбий Европанинг “классик” намунасида цивилизациявий-тарихий фарқи катталигида бўлиб, бу фарқ нафақат Осиё мамлакатларида, балки Шарқий Европада ҳам кузатилади.

ФЕОДОСИЙ КОДЕКСИ (лот. Codex Theodosianus) – IV а. бошларидан Рим императорлари фармойишларининг биринчи расмий тўплами, 435 й.да Шарқий Рим императори Феодосий II тайинлаган 16 та ҳуқуқшунослардан иборат комиссия томонидан тузилган (438 й. 15 февралда эълон қилинган). Ф.к. нашридан олдин расмий маънога эга бўлмаган хусусий кодификациялар мавжуд эди, булар: Грегориан кодекси (императорнинг 196–295 й.лардаги Конс. фармойишларини ўз ичига олган) ва Гермогениан кодекси (анча кейинги Конс.ларни ўз ичига олган). Иккала кодекс ҳам фақат парчаларда сақланиб қолган. Ф.к. 16 та китобдан иборат бўлиб, бобларга бўлинган, 313–437 й.лардаги амалда бўлган барча Конс.ларни ўз ичига олган. Феодосийнинг фикрича, ушбу кодекс расмий санкцияланган Грегориан ва Гермогениан кодекслари б-н ягона бутунликни ташкил қилиши керак эди. Ф.к. Ғарбий Рим императори Валентиниан III б-н биргаликда қабул қилиниб, Ғарбий Рим империясида мажбурий кучга эга бўлган. Ф.к. Рим империясининг давлат ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ – “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши б-н шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Ф.х.нинг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси – фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин.

Бошқа юридик ва jisмоний шахслар б-н муносабатларда Ф.х. номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

Ф.х. аксарият ҳолларда ортикча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва ҳудудларда ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган Ф.х. камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Ф.х.га ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вил.ларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вил.лар ва ҚРдаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Дехқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва б. экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустақамлаб кўйилади.

Ф.х. шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишлича алоҳида мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди.

Ф.х. ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

Ф.х. белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Ф.х. ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи ва б. хил ҳисобварақлар очишга, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли.

Ф.х. устав асосида фаолият кўрсатади. Фермер хўжалигининг Намунавий устави ЎзР ВМнинг 2003 й. 30 октябрдаги 476-сон қарори б-н тасдиқланган.

ФИДЕЙКОММИСС (лот. fideicommissum – ишончга асосланган топширик) – Рим ҳуқуқига асосан, мулкни васият мажбурияти бўйича бошқариш бўлиб, унга кўра шахс мулк ёки унинг бир қисмини бошқа кишига бериши мумкин бўлади. Ф.га вафот этаётган шахснинг васиятномада кўрсатмаган озакки ёки ёзма шаклдаги илтимоси деб қарашган. Легатдан фарқли равишда Ф. нафақат васиятнома бўйича ворисга, балки қонун бўйича ворис ҳисобланган шахсларга ҳам тайинланиши мумкин бўлган. У васиятномадан олдин ёки ундан кейин васиятномага қўшимча сифатида ҳам тайинланган. Дастлаб, Ф.ларнинг бирор шакли ўрнатилмасдан, улар ҳатто оддий бош чайқаш (putu) б-н ҳам ўрнатилган. Одатда, Ф.лар меросхўр номига ёзилган хат (codicillus) шаклида қолдирилган.

ФИДУЦИАР ҲИСОБ – банк ёки траст фирмаси тилхат бўйича бошқарадиган ҳисоб. Ҳисоб банк балансида бўлади, барча хавф-хатар мижоз зиммасида бўлади, банк эса комиссиян улуш олади. Бундай ҳисоблар Швейцария банкларининг ихтисослиги ҳисобланади.

ФИЛИАЛ (лот. filialis – ўғилга оид; инг. branch, filial, subsidiary) – ЎзР ФКнинг 47-м.сига мувофиқ, юридик шахснинг у турган ердан ташқарида жойлашган ҳамда унинг барча вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини бажарадиган алоҳида бўлинмасидир.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Ф.лар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар ўзларини ташкил этган юридик шахс томонидан мол-мулк б-н таъминланадилар ҳамда у тасдиқлаган низомлар асосида иш олиб борадилар. Ф.ларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ҳамда унинг ишончномаси асосида иш олиб боради.

ФИЛИАЦИЯ (лот. filialis; инг. filiation; фр. filiation) – конституциявий ҳуқуқда туғма фуқароликни олиш. Ф. тартибда фуқароликка “қон ҳуқуқи” ёки “замин ҳуқуқи” принциплари асосида олинади. Биринчи ҳолатда бола ота-она фуқаролигини туғилган жойидан қатъи назар олади, иккинчи ҳолатда бола ота-онасининг фуқаролигидан қатъи назар, ўзи туғилган ҳудуддаги давлат фуқаролигини олади. “Қон ҳуқуқи” ҳозирги замон давлатларининг кўпчилигида бевосита қўлланилади. Хусусан: Франция, Австралия, Норвегия, Италия, Украина ва б. давлатларда. “Замин ҳуқуқи” принципи эса, асосан Латин Америкаси мамлакатларида қўлланади (Бразилия, Аргентина, Боливия). Кўпинча ҳар иккала принцип у ёки бу даражада бириктирилади (мас., РФдаги каби).

ФИЛОЛОГИК ШАРҲЛАШ – қ: *Грамматик (филологик) шарҳлаш.*

ФИРИБГАРЛИК – алдаш ёки ишончни суиистеъ-мол қилиш йўли б-н ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш. Ушбу жиноят учун ЎЗР ЖКнинг 168-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

Ф. мулкка қарши қаратилган жиноятлар ичида энг кўп тарқалганларидан бири бўлиб, алдаш ёки ишончни суиистеъ-мол қилиш йўли б-н ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкый ҳуқуқни қўлга киритишдан иборат бўлади. Ф.нинг ўзига хос хусусиятлари нафақат унинг содир этилиши усули, балки қонунда махсус белгиланган тажовуз қилиш предмети ҳам ҳисобланади.

ФИРМА (лот. *firmus* – кучли, ишончли; инг. *firm*; ит. *firma*) – 1) фуқаролик ҳуқуқида юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган ташкилот ёки яқка тадбиркорнинг Ф. номи; 2) “тижорат ташкилоти” тушунчасининг синоними.

ФИРМА НОМИ (инг. *registered name, trade name*) – фуқаролик ҳуқуқида тижорат ташкилот ҳисобланган юридик шахснинг номи.

“Фирма номлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, Ф.н. юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

Юридик шахс тўлиқ Ф.н. б-н бирга қисқартирилган Ф.н.га ҳам эга бўлиши мумкин. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилиши керак. Қонунда назарда тутилган ҳолларда Ф.н.да юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

“Фирма номлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.сига асосан, Ф.н.да: 1) давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳуқуқматлараро ёки нодавлат потижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи; 2) тарихий ёки ЎЗРда машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган рухсатсиз; 3) Ф.н.нинг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар; 4) жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принцип-ларига зид бўлган белгилар кўрсатилмаслиги керак.

Ф.н.да:

илгари ЎЗРда бошқа юридик шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, илгарироқ устуворликка эга бўлган фирма номлари;

илгари ЎЗРда бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказишни сўраб талабнома берилган, шунингдек ЎЗРнинг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари б-н муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари б-н, шундай номдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс номига рўйхатдан ўтказиш ҳоллари бундан мустасно, адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар ҳам кўрсатилмаслиги керак.

ФИСКАЛ СИЁСАТ – давлатнинг ҳукумат сарф-харажатлари ва даромадларини тартибга солиш бўйича мо-

лиявий тадбирлари мажмуи, иктисодий бошқарувда давлатнинг асосий дастакларидан бири.

ФИТНА – муайян мақсадларни амалга ошириш мақсадида икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг тил бириктириши ва фаолият кўрсатиши.

ФИТОСАНИТАР НАЗОРАТИ – зарарли организмлар ва улар табиий кушандаларининг тарқалиши, шунингдек уларнинг ривожланиш суръати ва зарарлилик даражасини кузатиб бориш ҳамда аниқлаш (Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зарарқунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида низом (рўйхат рақами 1764, 31.01.2008 й.).

Уруғликлар, ҳўл мевалар, тирик ўсимликлар ва уларнинг қисмлари, ўсимликлар толаси, қуруқ мевалар ва б. ўсимлик маҳсулотлари, шунингдек зарарқунандалар, ўсимликлар касаллиги, ёввойи ўтлар ташувчиси бўлиши мумкин бўлган карантиндаги товарлар жойланадиган қоғоз қоп, яшик ва ш.к. Ф.н.дан ўтказилади. Ф.н. мамлакат ҳудудига кириб келаётган транспорт воситаларини карантин текширувларидан ўтказиш ва экспорт қилаётган давлат товарларининг тегишли сертификатларини текшириш орқали амалга оширилади. ЎЗРда четдан товар келтириш ва мамлакат ҳудуди орқали юк ташишга ЎЗР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг карантин органлари рухсат беради.

ФИТОСАНИТАР СЕРТИФИКАТИ – карантин назоратидаги материал карантин объектлари б-н зарарланмаганлигини тасдиқлайдиган ҳамда материалнинг йўналиши, ташиш шартлари ва ушбу материалдан фойдаланиш шартлари, материалнинг идиши ва ўрамларини белгилайдиган ҳужжат (Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зарарқунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қоидалари тўғрисида низом (рўйхат рақами 1764, 31.01.2008 й.).

ФИҚҲ (араб. – билим, тушуниш) – ислом ҳуқуқшунослиги, шарият қонун-қоидаларини ўрганиш б-н шуғулланувчи ислом таълимотининг бир соҳаси. “Ф.” сўзини атама сифатида биринчи бўлиб имом Абу Ҳанифа киритган. Қуръон, сунна, ижмоъ, қиёс – шарият манбалари сифатида қабул қилинган. Исломининг суннийлик йўналиши ҳуқуқшунослигида 4 та мустақил ҳуқуқ мазҳаблари – ханафий, моликий, шофийя ва ханбалия мазҳаблари бор. Ф. б-н шуғулланувчи, уни ўрганувчи киши фақиҳ (ҳуқуқшунос) деб аталган. Мовароуннаҳрда Бурхониддин Марғинович, Абу-л-Лайс Самарқандий, Абу Кабийр ал-Бухорий каби алломалар, машҳур фақиҳлар ўтган.

Ф. илми икки асосий қисмга бўлинади. Биринчиси – “Усул-ул-фиқх”, иккинчиси – “Фуруъ-ул-фиқх”. “Усул-ул-фиқх” Ф. илми умумий қоидаларини белгилаб олишни ўрганган. Фуруъ-ул-фиқх эса ушбу умумий қоидаларнинг ҳосили, натижаси бўлиб юзага келган жузъий ҳукмларни ёрити беради. Ислом ҳуқуқшунослигиндан иборат бўлган Ф. илми (илм-ул-фиқх) шарият ҳукмларини ўрганувчи фандир. Бу фаннинг асосий мақсади шарият ҳукмларини амалга ошириш иқтидори ва малакасига эга бўлишдир. Ф. илми ҳукмларни Қуръони карим ва суннадан ижтиҳод орқали чиқаришга таянади. Ижтиҳод б-н шуғулланган ҳуқуқшунослар ўртасида ихтилофларнинг юзага келиши табиийдир.

Илм-ул-фиқх – ислом ҳуқуқининг турли соҳаларини ўрганади. Бу фанга оид кўпдан-кўп асарлар ёзилган. Ф. бўйича

энг аввал пайдо бўлган китоблар орасида имом Молик ибн Анаснинг “Ал-Муваддоъ”, Зайд ибн ал-Хасаннинг “Мажмуъ ал-фикх” каби асарларини кўрсатиш мумкин. Ф. илми Х а.га келиб мустақил фан сифатида шаклланган. Ф. соҳаларига бағишланган энг машҳур асарлардан бири ватандошимиз Бурҳониддин Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил ал-Фарғоний ал-Марғиноний ар-Риштоний (вафоти 1197 й.) томонидан ёзилган “ал-Хидоя фи-л-фуруъ” (“Фикх соҳалари ҳақида хидоя”) китобидир. “Хидоя” асари ҳанафий мазҳабида катта шухрат қозонган амалий кўлланмадир. “Хидоя” китобига кўплаб шарҳлар ёзилган.

Ҳозирги вақтда ислом мамлакатларида дунёвий ҳуқуқ тизими амалга киритилмоқда, бу эса Ф. таъсир доирасининг муайян даражада торайишига олиб келмоқда. Ф. – мусулмон қонуншунослиги, Шарқ халқлари ва ислом маданияти эришган буюк қадриятлардандир. У нафақат диний муаммоларни, балки мўмин-мусулмонларнинг бутун турмуш тарзини ҳам ўз ичига қамраб олган. Ф. Мовароуннаҳр халқлари, юнон, рум, форс ва ҳинд маданияти намуналаридан таъсирланган ҳолда умуминсоний, диний ахлоқий ва ҳуқуқий қадриятларни ўзида мужассам этган.

ФЛОРА ҲУҚУҚИ – ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Ўсимлик дунёси атроф табиий муҳит мувозанатини сақлаб туриб, ундаги тирик мавжудотнинг яшаши учун муҳим бўлган кислородни етказиб беради. Шунингдек, ўсимлик дунёси ерни сув ва шамол эрозиясидан, қуёш нуридан сақлашда, сувни муҳофаза этишда муҳим роль ўйнайди.

Ўсимлик дунёси экологик вазифадан ташқари хўжалик эҳтиёжларини қондиришда ҳам муҳим хомашё манбаи сифатида хизмат қилади. Ундан саноат, қишлоқ хўжалиги, табоат, соғломлаштириш, илм-фан мақсадларида қенг фойдаланилади. Ўсимлик дунёси ёғоч, мева, дорин-дармон, пичан тайёрлашда муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

Ўсимлик дунёси объектларининг ана шу экологик ҳамда хўжалик эҳтиёжлари вазифасининг бажариши йўналишларидан келиб чиқиб, уларга нисбатан ҳуқуқий ҳолат ўрнатилади. Мас., ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича муносабатлари белгиланган ҳуқуқий ҳолатга нисбатан, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларидан фойдаланиш тартибига белгиланган ҳуқуқий ҳолат фарқ қилиши мумкин. Ёки илмий мақсадларда фойдаланиладиган ўсимлик дунёси объектларининг ҳуқуқий ҳолати ёввойи организмлардан таркиб топган табиий ўсимликлар жамоаларига белгиланган ҳуқуқий ҳолатидан бошқача бўлиши мумкин. Бу муносабатлар Ф.х. б-н тартибга солинади.

Ф.х. нормалари ўрин олган қонунлар тизими республикамизда қабул қилинган. Булар жумласига ЎзР Конс.си, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда ЖК, ФК, МЖКларни киритиш мумкин.

Чунончи, ЎзР Конс.сида ўсимлик дунёсига нисбатан мулкчиликнинг ҳуқуқий ҳолати ўрнатилган бўлиб, унга кўра ўсимлик дунёси давлат мулки – умуммиллий бойлик бўлиб, ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат муҳофазасидадир (55-м.). Ўсимлик дунёси объектлари

мулкчилигига нисбатан худди шундай ҳуқуқий ҳолат “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (4-м.), “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (3-модда), “Ўрмон тўғрисида”ги (3-м.) Қонунларда ҳам белгиланган.

Ф.х.нинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари табиий шароитда ўсадиган ўсимлик дунёси, шунингдек такрор кўпайтириш ва генетик фондини сақлаш учун экиб ўстираётган ёввойи ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси флоранинг тур таркибини ва генетик фондини табиий шароитларда сақлаб қолиш, табиий ўсимликлар жамоаларининг ва ёввойи ўсимликлар ўсадиган муҳитнинг бир бутунлигини сақлаш, ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш ва уни такрор кўпайтириш таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятларини ҳуқуқий тартибга солиш, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш қоидалари бузилганда айбдорларга тегишлича мулк, маъмурий, жиноий жавобгарлик қораларини қўллашдан иборат бўлади.

Ф.х. деганда чорвачилик, овчилик, техник хомашё тайёрлаш, дориворларни йиғиш, дарахт ва буталарни кесиш, илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, соғломлаштириш, рекреация, табиатни муҳофаза қилиш мақсадларида фойдаланиладиган ёввойи организмлар, дарахт, бута ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар моҳсимонлар, сув ўтлари, лишайниклар, замбуруғлар, табиий ўсимликлар мажмуидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий нормалар йиғиндиси тушунилади. Ф.х. ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фойдаланиш учун бериш, тўхтатиш, бекор қилиш тартибларини, давлат бошқаруви, ўсимлик дунёси муҳофазаси б-н боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлади.

Флора объектлари бўлиб “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига кўра, ўсимлик дунёси объектларини, биринчидан, ёввойи организмлар, яъни дарахт, бута ва ўтсимон уруғлайдиган ўсимликлар, қирққулоқсимонлар, моҳсимонлар, сув ўтлари, лишайниклар ва замбуруғлар ўзининг бутун хилма-хил турлари б-н; иккинчидан, ёввойи организмлардан ташкил топадиган табиий ўсимликлар жамоалари ёки уларнинг ҳар қандай мажмуи; учинчидан, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турлари; тўртинчидан, ёввойи ўсимликларнинг мевалари, уруғлари ва б. қисмлари ёки улар ҳаёт фаолиятининг маҳсуллари ташкил этади.

ФОБ (ФРАНКО-БОРТ) – халқаро савдо атамаси, халқаро савдода товарлар ташилишининг шартларидан бири (“Ишкотермс-1990” бўйича “F” гуруҳи). Том маънода “Бортда эркинлик” мазмунини англатади. Бу шартга кўра, сотувчи юк ортиш портида келишилган товарни харидор ижарага олган кема бортига ўз ҳисобидан етказиб бериши, шунингдек ФАС шартидан фарқли ўларок, товарни экспорт божидан озод қилиши шарт. Харидор ўз ҳисобидан кемани ёллаши, айти пайтда сотувчини юк ортиш

муддати, шарт, манзилнинг номланиши ва кеманинг келиш вақтидан хабардор этиши шарт. Юк ортиш келишилган портда товар боргга ҳақиқатан (кема тутқичлари орқали) ўтган пайтдан эътиборан товарнинг побуд бўлиш ва бузилиш хавфи сотувчидан харидорга ўтади. Рус тилида ёзилган бир қанча маълумотларда мазкур шарт товарнинг бождан озод этилишини талаб қилмайди, деб таъкидланади. “Инкотермс-1990”да ҳам таъкидланганидек, “Франко-борт” сотувчига шундай мажбуриятни юклайди. ФАС-да бўлгани каби, FOB шартлари ҳам фақатгина сув (денгиз ёки дарё) транспортлари орқали юк ташишга нисбатангина қўлланилади.

ФОЙДА СОЛИГИ – к: *Юридик шахслардан олинган фойда солиғи.*

ФОЙДАЛИ МОДЕЛЬ – саноат мулкига бўлган ҳуқуқнинг бир объекти, интеллектуал фаолият натижаси. ЎзР қонунлари муҳофазасида ҳисобланади. Агар яратилган кашфиёт янги бўлса ва ишлаб чиқаришда фойда берадиган бўлса, Ф.м.га ҳуқуқий химоя берилади. ЎзР ФК 1083-м.сига асосан Ф.м. фойдаланиш ҳуқуқи баён этилган ва патент эгасидан бошқа шахслар унинг рухсатсиз фойдали моделдан фойдаланиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

ФОНД БИРЖАСИ – очик ва ошқора биржа савдоларини олдиндан белгиланган вақтда ва белгиланган жойда ўрнатилган қондалар асосида ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали фақат қимматли қоғозлар савдоси учун шароитлар яратувчи юридик шахс (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ФОНОГРАММА ИЖОДКОРЛАРИ – фуқаролик муносабатларида муаллифлик ҳуқуқининг субъекти. ЎзР ФКнинг 1078-м.сига асосан, ижро ёзувини ёзиб олган шахс Ф.и. сифатида маълум бир ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

ФОНОГРАММА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР МАНФААТЛАРИНИ УЛАРНИНГ ФОНОГРАММАЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ КўПАЙТИРИШДАН МУХОФАЗА ҚИЛИШ Тўғрисидаги ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯСИ – 1971 й. 29 октябрда Швейцариянинг Женева ш.да қабул қилинган бўлиб, мазкур конвенция бўйича ҳар бир аъзо давлатга бошқа аъзо давлат фонограмма ишлаб чиқарувчиси бўлган фуқаронинг манфаатларини муҳофаза қилиш мажбурияти юкланган. Конвенция нормалари ишлаб чиқарувчининг розилигисиз фонограммаларни кўпайтириш, дубликатларини мамлакатга олиб кириш ҳамда жамоатчиликка тарқатишни чеклайди. Женева конвенциясида маданий қароқчиликка оид нормалар ҳам ифодаланган. Ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилари ва радио-телевидение ташкилотлари манфаатларини муҳофаза қилувчи Рим Конвенциясидан фарқли ўлароқ, Женева конвенцияси фақат фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини химоя қилиш билан чекланган. Шу б-н бирга, Женева конвенцияси фонограммалар соҳасидаги ихтисослашган халқаро ҳужжат ҳисобланади.

ФОНОСКОПИЯ – криминалистикада товуш изларини ўрганадиган махсус тадқиқотларнинг тури. Инсон овозининг Ф.си сўзлаётган шахснинг ижтимоий хусусиятлари (маълумоти, касби, маданият даражаси), эмоционал ҳолати (хотиржам, безовта, тушқун кайфиятда), оғзаки нутқ

шаклланган минтақани (шева, акцент), жисмоний (биологик) хислатлари (жинси, ёши, бўйи), психофизиологик хусусиятлари (турли касалликлар туфайли нормадан огишлар) ва нутқ ифода қилиш усулларини (ўқиш, декламация, вазмин нутқ), шунингдек сўзлашувчининг тахминий қўри-нишини аниқлаш имконини беради. Фоноскопик тадқиқотлар инсоннинг шахсини аниқлашда ёрдам беради.

ФОРВАРД БИТИМЛАР – ўзига хос келишувлар бўлиб, уларга биноан битим тузилиши пайтида белгиланган нарх бўйича келгусида белгиланган кунда бирор-бир товарни етказиб бериш амалга оширилади. Ф.б. ўзига хос шартларга эга эканлиги туфайли, улар биржадан ташқари бозорда муомалада бўлади. Ф.б. асосий активни етказиб бериш, тўлов муддати кечиктирилган ҳолда стандарт олди-сотди шартномалари ҳисобланади. Товар олди-сотдисига доир битимларнинг катта қисми форварднинг классик тушунчасига тўғри келади. Шу б-н бирга, қонунчилик ушбу битимларни алоҳида ажратиб кўрсатмайди. Шу нуқтаи назардан асосий активни етказиб бериш б-н тугамайдиган ҳисоб-китоб форвард битимлари, шунингдек ташкиллаштирилган бозорда тузилган битимлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Биржа битимларининг бир тури сифатида Ф.б. тушунчаси “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 23-м.сида келтирилган бўлиб, унга кўра Ф.б. реал товарни етказиб бериш муддати кечиктирилган ҳолдаги олди-сотди битимларидир.

ФОРМАЛ ТАРКИБЛИ ЖИНОЯТ – бирор-бир зарарли оқибатнинг келиб чиқиши шарт бўлмағи, бирор-бир оқибат келиб чиққан тақдирда ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайдиган жиноятлар.

ФОРМУЛЯР (лот. formula – шакл, қонда; инг. form, card; нем. formular) – савдо муомаласида йирик ташкилотлар томонидан олдиндан ишлаб чиқиладиган ва имзолаш учун контрагентга тақдим этиладиган шартнома. Контрагент таклиф қилинган шартларни ўзгартириш, хатто муҳокама этиш имкониятига эга эмас. Ф.ни қўллаш режаларига оид қондалар, халқаро ташкилотлар ва савдо марказлари томонидан ишлаб чиқилади.

ФОРОБИЙ (873, Фороб – 950, Дамашк) – ўрта асрлар мусулмон Шарқининг машҳур мутафаккири, қад. юнон фалсафасининг энг йирик давомчиси ва тарғиботчиси. Тўлиқ исми – Абу Наср ибн Мухаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий. Қад. юнон илм-фанининг билимдони сифатида Арастунинг “Метафизика”, “Физика”, “Метеорология” ва мантик соҳасига оид китобларига, Птолемей, Александр Афродезийский ва б.нинг ахлоқ-одоб, психология, табиий фанлар бўйича яратган илмий рисолаларига шарҳлар ёзган. (“Икки файласуф – Арасту ва Галенининг барча фикрлари тўғрисида китоб”, “Арасту ва Гален ўртасида воситачилик” ва б.). Айниқса, унинг Арасту фалсафасини талқин этишдаги ва мантик соҳасидаги ишлари шуҳрат қозониб, Ф. “Ал-муаллими соний” (“Иккинчи муаллим”) ва “Шарк Арастуси” каби номларга сазовор бўлди.

Шунингдек, Ф. илм-фаннинг турли соҳаларига тааллуқли оригинал асарлар муаллифи. Биринчилардан бўлиб ўз даври илмларининг таснифини берди. Унинг мусиқа соҳасига атаб ёзган асарлари мусиқа хазинасини бойитди, Шарқда кенг тарқалган най, ногора, чапғ, рубоб каби мусиқа асбобларини таърифлаб, уларнинг кишиларнинг

маънавий ҳаётидаги ўрнини кўрсатиб берди. Ф. математика, тиббиёт, араб тили грамматикаси, алхимия, мантик илмларига онд кимматли асарлар ҳам яратди. Борлик муаммосини хал этишда “вужуди вожиб” ва “вужуди мумкин” ўзаро нисбатига мурожаат қилиш анъанаси Ф. даҳосига тааллуқдир. У ўзининг қатор асарларида бу масалага тўхталиб, “вужуди вожиб” барча мавжуд ёки пайдо бўлиши мумкин бўлган нарсаларнинг биринчи сабаби эканлигини уқтиради.

Биринчи сабаб сифатида у ўзга сабаб ёки турткига муҳтож эмас. Унинг зотиға нуқсон ва қусурлар, зиддият, номутаносиблик, беқарорлик, билмасликдан билишга қараб йўналиш каби жараён йўқ. У мутлақ борлик ва допишмандлик ифодасидир. У яратади, лекин бошқа нарсалар томонидан яратилмайди. “Вужуди мумкин” салтанати эса, аксинча, доимо ўзгаришда, зиддиятли муносабатларда, унда барча нарсалар оддийликдан мураккабликка, тартибсизликдан тартиблиликка, норасоликдан камолотга қараб юз тади. “Вужуди вожиб” яратган нарсалардан дастлабкиси биринчи ақлди. Биринчи ақл фаол ақл сифатида ҳар бир сайёрага хос ақллари вужудга келтиради. Энг сўнги самовий ақл натижасида Ердаги ақл-руҳ ва барча моддий жисмларнинг асоси бўлмиш тўрт унсур – тупрок, сув, ҳаво ва олов пайдо бўлади. Юқорида зикр этилган тўрт унсур негизда ўсимликлар, ҳайвонот олами, инсон зоти ва нотирик табиат юзага келади. Органик оламга ўсимлик руҳи, ҳайвоний руҳ ва инсоний руҳ ҳосидир. Жисм ва ҳаракат узвий алоқада бўлади. Ҳаракат ва суқунатнинг ибтидоси сиртки бирор-бир нарсага ёки иродага бориб тақалмаса, уни табиат деб аташади. Ҳаракат, ўз навбатида, вақт б-н узвий тарзда боғланган. Ҳаракат ибтидо ва интиҳо б-н чегараланмаган. Ф. билиш муаммоларига алоҳида эътибор б-н қарайди. У воқеликни билиш мумкин эканлигига асло шубҳаланмайди. Инсон ўзининг барча билимларини ташки олам туфайли олади. У қўнгина восита ва усуллар б-н таъминланганки, улар (идрок, сезги, хотира, тасаввур, мантикий тафаккур, ақл, нутқ) орқали воқеликни ўзлаштира боради. Айнан шу воситалар туфайли инсон илм-фанни яратади. Билиш жараёни чексиз бўлиб, у инсоннинг жонли мушоҳадаси ва тафаккурнинг билмасликдан ноаниқ нарсани билишгача бўлган ўта мураккаб йўлини қамраб олади. Бу йўналиш ҳодисалар оқибатини билишдан унинг сабабини билишни, акциденциядан субстанцияга етиб боришни мақсад қилиб қўяди. Лекин, бу йўналиш сабабдан оқибатга, моҳиятдан ҳодисага, ақлдан жонли мушоҳадага томон қаратилганда айни муддао бўлар эди. Амалда эса бор имкониятдан фойдаланиш лозим. Ақлий билиш Ф. талқинида икки жиҳатга эга. Биринчидан, у аниқликдан узоқлашиш ва унда умумий томонларни ажратиб олишни, иккинчидан эса, ушбу умумийлик кўмагида аниқ жиҳатнинг моҳиятига чуқурлашишни тақозо қилади. Пировардида ақл замин сирларидан воқиф бўлиб, самовий жисмларни билишга киришади. Ақлий билиш коинот ақли кўмагида барқамол илмга айланади. Гарчи инсон ақлини коинот ақлига тиқиштиравериш билиш назариясига мистиканинг кириб боришига йўл очиб берган бўлса-да, у ижобий аҳамиятга эга эди, чунки у билишнинг рационал методини асослаб беришга азму қарор қилганди. Бундан ташқари, Ф. билиш таълимотининг бошқа кўпгина жиҳатларига

ҳам диққат-эътиборини қаратиб келган. Айниқса, илмий тадқиқотда қузатув, баҳс-мунозара, билиш методлари, ҳиссий мушоҳаданинг чекланганлиги борасида қизиқарли ғояларни илгари сурган. Ф. туфайли мусулмон Шарқи фалсафий тафаккурда мантик илми чуқур илдиз отди. У билишда мантикка мурожаат қилмаган кимсани қоронғуда ўтин ёрган одамга ўхшатади. Ф.нинг ижтимоий-ахлоқий, сиёсий қарашлари беҳад даражада эътиборлидир. Инсонни бахт-саодатга элтувчи жамоа фазилатли, етук, ҳосиятли жамоа, чунки инсоннинг ўзи дунё таракқиётининг энг муқаммал ва етук яқунидир.

Инсон бахт-саодатга эришишда олам асослари ҳақидаги илми, табиий жисмларнинг тузилишини, осмон, жонли табиат – ўсимлик ва ҳайвонот олами тўғрисидаги барча билимларни ўзлаштириб олиши лозим. Шундан сўнг, у инсонни ўрганишга киришиши ва унинг камолотга эришуви сабаблари бўлмиш хайр-эхсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларга диққатни жалб этиши зарур. Ф.нинг адолатли, фазилатли жамият, давлатни демократия талаб ва тамойилларидан келиб чиққан ҳолда бошқарш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг орзусидаги адолатли жамиятда кишиларнинг самарали меҳнатига, илм соҳибларига, уларнинг ақл-заковатига, фазилатли ахлоқ-одобига, ҳаётий тажрибасига юксак баҳо берилади. Диний адолат, ўзга динларга эътиқод қилувчиларга нафрат каби сифатлар қораланади. Унинг учун энг муҳими, кишиларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиши эмас, балки маърифатнинг тантанаси, илм-фаннинг иқболи, инсон камолоти, бахт-саодат, эзгуликнинг қарор топиши, инсонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигидир. Бундай жамиятда касб-хунар, илми эгаллашга кенг йўл очиб берилади. Жамиятда тенгҳуқуқлик ва эркинлик салтанати ҳукмронлик қилади, яққа ҳокимликка барҳам берилади. Давлат бошлиқларини фуқароларнинг ўзлари сайлайдилар. Сайланган бошлиқлар халқ манфаатларига зид ҳаракат қилсалар, улар ўз амал-мансабларидан четлаштирилади. Орзудаги давлат арбоблари ўз фаолиятларида адолат, тенгҳуқуқлик, фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб иш тутдилар. Ф.нинг ундан кейинги авлод зиёлилари, машхур олим ва мутафаккирлари дунёқарашининг шаклланиши ва ривожига таъсири самарали бўлган. Бундан ташқари, бутун Европа Ф. ва б. орқали антик олам маданияти, жумладан, табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий ғояларидан хабардор ва баҳраманд бўлди. Асосий асарлари: “Субстанция ҳақида сўз” (“Калом фил-жавҳар”), “Қонунлар ҳақида китоб” (“Китоб фи-н-навомис”), “Масалалар манбан” (“Уюн-ул-масоил”), “Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи” (“Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-таъриф”), “Мантикка кириш китоби” (“Китоб ал-мадҳал илал мантик”), “Фалсафа” тушунчасининг маъноси ҳақида сўз” (“Калом фи маъони исм ал-фалсафа”), “Фазилатли хулқлар” (“Ас-сифат ал-фазила”) ва б..

ФОРС-МАЖОР (инг. force-majore; фр. force-majeure) – енгиб бўлмайдиган кучни ифодалашда ишлатиладиган тушунча. Фуқаролик ҳуқуқида шартнома талабларининг бажарилмаслигига олиб келадиган фавқуллода ва муқаррар ҳолларнинг вужудга келиши. Ф.-м. натижасида, шартномани имзолаган томонлардан бири ўзи истамаган ва билмаган ҳолда иккинчи томонга зарар етказди. Умуман олганда, Ф.-м.ни келтирилган, юридик Ф.-м. ҳамда бартараф этиб бўлмайдиган кучларга ажратиш мумкин.

Унинг умумий принципларияда, бартараф этиш мумкин бўлмайдиган кучларни аниқлаш жараёни ҳолатларнинг объектив мутлак хусусиятига боғланади. Мажбуриятларнинг бажарилишига тўққинлик қилаётган омиллар ҳаракати, объектив ва мутлак бўлиши, улар фақатгина зарар сабабчиси эмас, балки айни зарар таъсир доирасида қолган бошқаларнинг ҳам эътиборида бўлмоғи лозим.

Қонунчиликда ва шартнома тажрибасида олдини олиб бўлмайдиган кучлар – табиий офатлар (зилзила, сув тошқини) ёки инсофиятнинг замонавий билими ҳам олдиндан сезиш ва олдини олишда ожизлик қилган (олдиндан билиш мумкину, лекин олдини олишнинг имкони бўлмаган) бошқа турдаги ҳолатларда ўз ифодасини топади. Фуқаролик ҳуқуқи тизимининг ҳаммасида бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар жараёни, жавобгарликдан озод қилувчи ҳоллар ҳисобланади. Юридик жиҳатдан Ф.-м.га давлат олий органларининг қарорлари (импорт ёки экспортни чеклаш, валюта чекловлари ва б.), порозилик намоёнликлари, урушлар, инқилоблар ва ш.к. ҳодисалар қиради. Савдо таваккалчилиги, мас., бозорнинг ноқулай конъюнктураси, нарх-наво ўзгаришлари б-н боғлиқ қийинчиликлар Ф.-м. ҳолатлар сифатида тан олинмайди. Юридик “Ф.-м.” тушунчаси битта юридик таърифга эга эмас. Одатда, контрагентлар олдиндан қутилмаган ҳолатлар ва уларнинг ҳуқуқий оқибатларини шартнома тартибиде белгилаб қўядилар.

ФОРУМ (лот., инг. forum) – қад. Римда суд, трибунал, юрисдикция, одил суд, жўнатадиган жой.

ФОРФЕЙТИНГ (фр. – бутунлай, тамоман, умумий суммада) – кредитга сотиш чоғидаги операция. Банк (форфейтор) товар савдосидан сўнг дарҳол импортер векселларини сотиб олади ва бу б-н экспортерга товар қийматининг, экспорт ва Ф. кредитлари ўртасидаги фарқларни чиқариб ташлаб, дарҳол тўланишини таъминлайди. Форфейтор комиссияси одатда, 1–1,5%ни ташкил этади. Форфейтор импортердан банк кафолатини талаб этади ёки ўзи қўшимча тўлов эвазига таваккалчиликка қўл уради. Ф. операцияси экспортерни валюта б-н боғлиқ деярли барча хавфлардан сақлашни кафолатлайди.

ФОҲИШАХОНА САҚЛАШ ЁКИ ҚЎШМАЧИЛИК ҚИЛИШ – фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, шунингдек тамағирлик ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилишдан иборат бўлиб, ушбу жиноят учун ЎЗР ЖКнинг 131-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

Фоҳишахона – бу миждозларнинг жинсий алоқа қилишлари ёки уларнинг ғайритабиий усулда ўз жинсий эҳтиёжларини қондиришлари учун шароит яратишга мўлжалланган махсус жиҳозланган ҳар қандай жой (уй, дала ҳовли, хонадон, ҳаммом, сауна, меҳмонхона ва б.). Ўз миждозларининг шахвоний эҳтиёжларини муттасил равишда қондириш учун фойдаланиладиган ҳар қандай жойни фоҳишахона деб топиш мумкин.

Фоҳишахонанинг зарурий белгиси – ўзининг жинсий эҳтиёжларини маълум бир ҳақ эвазига қондириш мақсадида одамларнинг мунтазам равишда бориб туришидир. Алоҳида хонадон (квартира), уй, дала ҳовли, чўмилиш хонаси (сауна)даги муайян жой, ёрдамчидан ва б. фоҳишахона хизматини ўташи мумкин.

Фоҳишахона ташкил қилиш ва сақлаш деганда, уйни қидириб топиш, уйни жиҳозлаш (мебеллар танлаш, идиш-

товоқлар олиш ва х.к.), унинг ишлаши учун керакли шароит яратиш, фоҳишахонанинг узок муддат ишлаши учун ёрдам бериш, хизмат кўрсатувчилар, кўриқчилар, хайдовчилар ёллаш ва х.к.ни тушуниш лозим.

Қўшмачилик – тамағирлик ёки бошқа паст ниятларни кўзлаб, маълум шахсларнинг ўзаро жинсий алоқа қилиши ёхуд жинсий эҳтиёжларини ғайритабиий усулда қондиришига хизмат кўрсатишдан иборат.

ФРАНКО (ит. franco – эркин) – товарни кўзланган манзилга етказиб бериш шартларини ифодаловчи халқаро атама. Мазкур ҳолда, харидор Ф. сўзи б-н белгиланган манзилга товарларни етказиб бериш хавфи унга кетадиган бутун харажатлар мазкур товарлар қийматига киргайлиги боис улардан озод бўлади. Белгиланган манзилгача бутун харажатлар товарни жўнатаётган томон зиммасида бўлади. “Ф.” атамаси товарларни етказиб беришнинг бир қатор шартларида ўзак бўлади: ФАС (free alongside ship), ФОБ (free on board), ФКА (free carrier), Ф.-фабрика, Ф.- завод, Ф.-омбор (ex-factory, ex-mill, ex-warehouse), Ф.-қирғоқ (free on quay, ex-quay), Ф.-причал (ex-quay), Ф.-кема (ex-ship), Ф.-вагон (free on rail, free on car), Ф.-етказиш (free delivered), Ф.-бункер (free bunker), Ф.-юк машинаси (free on truck).

Халқаро савдо фаолиятларида умум томонидан қабул қилинган атамалар мажмуаси – “Инкотермс – 90”да, юк ташиш технологиясининг ўзгариши, хусусан, юкларни контейнерларга орттириш ҳолларининг афзал кўрилатгани, темир йўл вагонлари ва авто юк ортувчилар ёрдами б-н кемаларда юк ташиш фаолиятининг кенгайиши туфайли, ФКА атамаси, транспорт воситаларининг юк ташишга мўлжалланган ҳамма турларида қўлланадиган бўлди. Бунинг оқибати ўлароқ эса, аввало, “Инкотермс” нашрларида юк ташишнинг “Ф.” атамаси б-н боғлиқ баъзи турлари (яъни, ФОР, ФОТ – аэропорт, Ф.-вагон, Ф.-юк ташиувчи, Ф.-аэропорт) истеъмолдан чиқарилди. “Ф” атамаси остида юк ташиш шартлари “Инкотермс – 90”нинг асосий тўрт категорияшдан иккитасида қўлланади. Булар “Е” ва “F” тоифаларидир.

“Е” гуруҳи, Ф.-омбор хизматларини ўз ичига олади. Унга кўра, харидор сотувчи омборидан (заводидан) жўнатишга тайёр товарни олади.

“F” гуруҳи ФКА, ФАС, ФОБ шартларини ўзида жамлаган бўлиб, унга биноан, сотувчи товарни харидор томонидан белгиланган транспорт воситасигача элтиб бериш мажбуриятига амал қилади. Халқаро савдода, шунингдек Ф. – нарх атамаси ҳам ишлатилади. Бу атама буюртмачига (харидорга) махсулотни етказиш бўйича транспорт харажатларини қоплаш тартиби хусусида битим иштирокчилари жорий этган улгуржи нарх ифодасидир. Ташки савдо битимларида Ф. нарх, уларнинг транспорт ва суғурта харажатларидан, шунингдек товарларни боғхона текширувидан ўтказиш харажатларидан (агар жўнатилаётган махсулот чегарани кесиб ўтаётган бўлса) ташкил топади.

ФРАНШИЗА (фр. – имтиёз, энгиллик) – 1) тижорат концессияси тартибиде товарларни сотиш ва хизмат кўрсатиш, тижорат фирмасини куриш ҳуқуқи; 2) суғурта шартларидан бири – суғурта қилдирувчини етказилган зарарнинг белгиланган ҳажмидан ошмайдиган миқдорига тоvon тўлашдан озод этиш. У суғурта суммасига нисбатан гоҳ фоизли, гоҳ мутлак ўлчамда жорий этилади. Ф. икки

кўринишга эга: шартли ва шартсиз. Биринчи ҳодисада сугуртачи Ф.нинг белгиланган суммасидан ошиб кетмайдиган зарар учун жавобгарликдан озод этилади, лекин агар зарар ҳажми мазкур суммадан ошиб кетса, у ҳолда сугуртачи етказилган зарарни тамомила қоплаши шарт. Шартсиз Ф.да етказилган зарар барча ҳодисаларда жорий этилган суммадан чегириб қолиш эвазига тўлдирилади. Белгиланган ўлчовларда сугурталанган мол-мулкни сугурта б-н таъминлаш даражасининг туширилиши б-н, Ф. сугурта фондининг сарфланишига тўсик бўлаётган майда тўловлар сонини кескин қисқартириш имконини беради.

ФРАНШИЗИНГ (инг. franchising, franchise – устулик сўзидан) – ЎзРда комплекс тадбиркорлик лицензияси (Ф.) шартномаси шартларига мувофиқ амалга ошириладиган тадбиркорлик фойлияти. Яна қ: *Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси*.

ФРАХТ (инг. freight; голл. vracht; нем. fracht) – йўловчи ёки юкларни асосан денгиз транспортида ташишда шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда юк ортиш, тушириш ва жойлаштиришда транспорт воситалари эгаларининг кўрсатган хизматлари учун уларга бериладиган тўловлар. Ф. одатда юк ташиб бўлингандан кейин тўланади.

ФРАХТЛАШ ШАРТНОМАСИ – қ: *Чартер (фрахтлаш) шартномаси*.

ФРИГОЛЬДЕРЛАР (инг. freeholder, free – эркин + holder – ушлаб турувчи сўзларидан) – Ўрта асрларда феодал Англияда умрбод ёки мерос қилиб қолдириладиган ерларнинг эгалари; Феодаллар, ш.ликлар, дехқонлар Ф. бўлиши мумкин эди. Фригольдер дехқонлар шахсий эркинликка эга бўлгани ҳолда минор (поместье) лордига қатъий белгиланган рента тўлаб туришар эди ва ўзларининг ерларини эркин васият қилиш, бўлиш, тасарруф этиш, шунингдек, қироллик судларида ҳимояланиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

ФУНДИРЛАШТИРИЛГАН ЗАЁМЛАР (лот. fundare – асос солмоқ) – қиска ва ўрта муддатли давлат заёмларининг консолидацияси натижасида вужудга келган узок муддатли ёки муддати бўлмаган давлат заёмлари.

ФУНКЦИОНАЛ ШАРҲЛАШ – қ: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш*.

ФУҚАРО (юн. polites; лот. civis; инг. citizen; фр. citoyen) – 1) фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ўзи томонидан тартибга солинадиган мулкӣ ва шахсий номулкӣ муносабатларнинг иштирокчиси, фуқаролик ҳуқуқига эга бўлиш ва мажбуриятларни бажара олиш қобилиятига эга, ўз ҳаракатлари б-н (мустақил) фуқаролик ҳуқуқларига эга бўладиган ва уларни амалга оширадиган, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтирадиган ва уларни бажарадиган шахс. Фуқаролик ҳуқуқига Ф. жисмоний шахс сифатида намоён бўлади. Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида Ф.нинг ҳуқуқий мақоми ЎзР ФҚда батафсил тартибга солинган. ЎзР ФҚнинг 2-м.сига мувофиқ, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, фуқаролик қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қондалар чет эллик Ф.лар, Ф.лиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эллик юридик шахслар иштирокидаги муносабатларга қўлланилади. ЎзР ФҚнинг 16-м.сига асосан, фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда ЎзРнинг фуқаролари, бошқа давлатларнинг Ф.лари, шунингдек Ф.лиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ФҚнинг қондаларни барча фуқароларга нисбатан қўлланилади;

2) оммавий ҳуқуқда у ёки бу давлатнинг халқига тегишли ушбу давлатда ўрнатилган барча ҳуқуқлардан фойдаланадиган ва бурчларни бажарадиган шахс. Ф. тушунчаси антик даврда вужудга келган бўлиб, қонунларга мувофиқ сиёсий ва б. ҳуқуқлар, мажбуриятлар мажмуаси берилган шахс тушунилан. Демократик давлатда оммавий-ҳуқуқий фаолиятнинг субъекти сифатида Ф. бир вақтнинг ўзида ҳокимият таъсирининг объекти ҳамда уни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш субъекти ҳамдир. Ф.нинг конституциявий мақоми унга жамият ҳаётида ишгирок этиш ва ўзининг фуқаролик муносабатини билдириш имконини беради. ЎзР Конс.сига Ф.ларнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи (29-м.), жамият ва давлат ишларини бошқаришда беvosита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи (32-м.), ўз ижтимоий фаолликларини ЎзР қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқи (33-м.), қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи (34-м.), ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар б-н мурожаат қилиш ҳуқуқи (35-м.) белгилаб қўйилган. Оммавий ҳуқуқ Ф., жамият ва оммавий муассасаларнинг ўзаро асосий ҳуқуқий муносабатларини ташкил эттиради ва уларни мустаҳкамлайди.

ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ – ЎзР ХҚнинг 23-м.сига мувофиқ, Ф.а. экспериментал ва давлат авиацияси каби ЎзР авиацияси таркиби кирувчи авиация.

ЎзР ХҚнинг 24-м.сига кўра, Ф.а.дан: а) йўловчилар, уларнинг қўл юклари, юклар ва почта (ҳаво транспортида ташиладиган) ташиш; б) авиация ишларини бажариш; в) ўқув, спорт, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш, техникавий ижодкорликни ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг шахсий эҳтиёжларини қондириш; г) фавқулодда вазиятлар юз берган ҳудудларга авария-қутқарув ишларини амалга ошириш учун қучлар ва асбоб-ускуналарни, шунингдек зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиш учун юкларни етказиб бериш мақсадларида фойдаланилади. Қайд этиб ўтилган мақсадларда пулли ва қира қилиш тарзида фойдаланиладиган Ф.а. тижорат авиацияси деб эътироф этилади. Қайд этиб ўтилган мақсадларда бепул ҳамда ёлланмай фойдаланиладиган Ф.а. умумий аҳамиятдаги авиация деб эътироф этилади.

ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ – “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ЎзР аҳолисини, ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими.

“Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.сига асосан, Ф.м. вазифалари қуйидагилардан иборат: аҳолини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимояланиш усулларига ўргатиш; объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш; бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимла-

рини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш; халқ хўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш; аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфсиз жойларга эвакуация қилиш; Ф.м. ҳарбий тузилмаларининг шайлигини таъминлаш; аҳолини умумий ва яқка муҳофазаланиш воситалари б-н таъминлаш тадбирларини ўтказиш; аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтидаги ёки шу ҳаракатлар оқибатидаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш; радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш; кутқарув ва б. кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш; ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибининг йўлга қўйиш ва сақлаб туриш; аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОГАР – ЎзР ЖПКнинг 56-м.сига мувофиқ, жиноят, ҳудди шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавфли қилмиши шахсга, қорхонага, муассасага ёки ташкилотга мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлса, улар Ф.д. деб эътироф этилади. Ф.д. деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

Вояга етмаганларнинг, шунингдек муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 57-м.сига асосан, Ф.д.: фуқаровий даъво қўзғатиш ва уни қувватлаш; далиллар тақдим қилиш; қўзғатилган даъво бўйича тушунтиришлар бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; суриштирувчидан, терговчидан, прокурордан ёки суддан даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақида илтимос қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари б-н танишиш ва ундан зарур маълумотлар ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ҳамда қарорлари устидан шикоятлар бериш; суд ҳукми ва ажримнинг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоят қилиш; иш бўйича келтирилган шикоятлар, протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Ф.д.: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим этиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар б-н тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Ф.д. деб эътироф этилган шахс айни вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланади ва унинг мажбуриятларини бажаради.

ЎзР ЖПКнинг 277-м.сига биноан, фуқаровий даъво қўзғатилган ҳолларда содир этилган қилмиш оқибатида шахсга мулкый зиён етказилган деб ҳисобласа, уни Ф.д. деб эътироф этиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарорнинг ёки ажримнинг нусхаси даъвони қўзғатган шахсга ёки унинг ваки-

лига тақдим этилади. Буида Ф.д.га ЎзР ЖПКнинг 57-м.сига назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, Ф.д. деб эътироф этиш рад қилинган шахсга эса, қарор устидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

ФУҚАРОВИЙ ЖАВОБГАР – ЎзР ЖПКнинг 58-м.сига мувофиқ, айбланувчи томонидан ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ақли норасо шахс томонидан етказилган зарар учун қонунга кўра мулкый жавобгар шахс, қорхона, муассаса ёки ташкилот ишда Ф.ж. сифатида иштирок этиш учун жалб қилиниши мумкин. Ф.ж. сифатида жалб қилиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради.

ЎзР ЖПКнинг 59-м.сига асосан, Ф.ж.: айблов ва фуқаровий даъвонинг мазмунини билдириш; даъвога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг иш материаллари б-н танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримнинг фуқаровий даъвога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Ф.ж.: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даъвога тегишли бўлган далиллар тақдим қилиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар б-н тўсқинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

ЎзР ЖПКнинг 278-м.сига биноан, ариза берувчи фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган ва айбланувчининг, судланувчининг ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилиши тўғрисидаги масала қўйилган шахснинг қилмишларини оқибатида етказилган зиён учун қонунга кўра бошқа шахслар мулкый жавобгар эканлиги аниқланган, тегишли фуқарони ёки юридик шахсни ишда Ф.ж. тарикасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Қарор ёки ажрим Ф.ж.га ёки унинг вакилига эълон қилинади. Буида уларга ЎзР ЖПКнинг 59 ва 63-м.ларига назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилади.

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИ – “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.сига мувофиқ, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек ш.лар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.сига асосан, Ф.й. аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ф.й. органлари қуйидагилардан иборат: Ф.й. кенгаши; Ф.й. фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар; Ф.й. тафтиш комиссияси; тум. марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қиш-

лоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия.

Ф.й. фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, Ф.й. тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссияни сайлаш фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган ҳолда яширин ёки очик овоз бериш йўли б-н амалга оширилади.

Комиссия таркибига кўрсатилган шахс, агар Ф.й.да (вакиллар йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади.

Ф.й. ўзи тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади.

Ф.й.нинг раиси (оксоколи) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Ф.й. раиси (оксоколи) тегишли тум., ш. хокими б-н келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса Ф.й. раисининг (оксоколининг) тақдимига биноан сайланади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БИРЛАШИШ ҲУҚУҚИ – фуқароларнинг Конс.да мустақкамланган энг муҳим ҳуқуқларидан ҳисобланади. ЎзР Конс.нинг 34-м.сига мувофиқ, ЎзР фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва б. жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолияти кафолатланади. Бунда ҳеч қим бирон-бир ташкилотга аъзо бўлиш ёки унинг фаолиятида иштирок этишга мажбур этилмайди. Бирлашиш ҳуқуқи ўз ичига ихтиёрий асосда умумий манфаатни ҳимоя қилиш ва умумий мақсадга эришиш учун жамоат бирлашмаси ташкил этиш, мавжуд жамоат бирлашмасига аъзо бўлиш ёки аъзо бўлишдан тийилш, шунингдек жамоат бирлашмасидан тўскинликсиз чиқиш ҳуқуқларини олади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ – фуқаро ўз бурчларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ва ҳуқуқнинг мажбуриятли субъекти сифатида бажаради.

Фуқароларнинг асосий бурчлари ЎзР Конс.сининг XI бобида белгилаб қўйилган: барча фуқаролар Конс.да белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар (47-м.); фуқаролар Конс. ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар (48-м.); фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир (49-м.); фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар (50-м.); фуқаролар қонун б-н белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар (51-м.); ЎзРни ҳимоя қилиш – ЎзР ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар (52-м.). Яна қ.: *Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.*

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ – фуқароларнинг давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар б-н мурожаат этиши.

“Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, Ф.м. ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин. Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир. Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фа-

олиятини такомиллаштиришга доир тавсияларини ўз ичига олган мурожаатидир. Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир.

Фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак. Ф.м. оғзаки ёки ёзма шаклда киритилади. Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари бир хил аҳамиятга эга. Ф.м. яқка тартибда ёки жамоа томонидан берилиши мумкин.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ – конституционализм ва демократиянинг фуқароларнинг давлат, қонун, суд олдида тенглигини, яъни жинси, irqи, миллати, тили, келиб чиқиши, мулкдорлиги ва мансаби, турар жойи, динга муносабати, эътиқоди, ижтимоий бирлашмаларга мансублиги ва б. ҳолатлардан қатъи назар, бир давлат фуқаролари ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларининг тенглигини расмий тан олинишини аниқлатадиган асосий принцип ҳамда элементларидан бири. Ф.т.х. принципи буржуа революцияси даврида ўртага ташланиб, феодал жамиятдаги табақавий муносабат ўрнини эгаллаган. Замонавий давлатлар конституциявий доктринасида ҳар қалай фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида табиий характердаги айрим фарқлар бўлиши мумкинлигини тан олади. Мас., дупенинг кўпгина мамлакатларида ҳарбий хизматни ўташ эркак жинсидаги фуқаролар зиммасига юкланади, кейинги ўн йилликларда погиронлар, болалар, озчиликни ташкил қилувчи туб халқлар ва ш.к.нинг алоҳида конституциявий ҳуқуқлари мустақкамлана бошланди.

Ушбу принцип ЎзР Конс.сининг 18-м.сида мустақкамлаб қўйилган бўлиб, унга қўра ЎзРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун б-н белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИНИ БУЗИШ – уларга ўз ҳуқуқларини амалга ошириш имконини бермаслик ёхуд уларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишларига тўскинлик қилиш (мас.: жинси, irqи, миллати ва х.к.дан келиб чиқиб, ишдан бўшатиш, истиқомат жойида рўйхатдан ўтишига, ишга қабул қилинишига, ўқишга киришига йўл қўймаслик)дан иборат бўлиши мумкин.

Жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар берганлик учун ЎзР ЖКнинг 141-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТУРАР ЖОЙИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ БУЗИШ – турар жойга унда яшовчиларнинг эркига хилоф равишда зўрлик ишлатиб гайриқонуний босиб киришдан иборат бўлиб, бундай жиноятни содир этган шахслар ЎзР ЖКнинг 142-м.сига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ – ЎзР Конс.сининг 105-м.си ва “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги

Конунига мувофиқ, шахарчалар, кишлоқлар ва овуллар, шунингдек ш.лар, шахарчалар, кишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари. Яна к.: *Фуқаролар йиғини*.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШИ

– фуқароларнинг ЎЗР Конс.си ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий кадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир (“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 1-м.си).

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҚОНУН ОЛДИДА ТЕНГЛИГИ

– асосий конституциявий принципларидан бири ҳисоблашиб, ЎЗР Конс.сининг 18-м.сига мувофиқ, ЎЗРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун б-н белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт. Конституциявий доктринага кўра фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларида айрим фарқлар ва чеклашлар бўлиши мумкин. Мас., аёлларга нисбатан айрим жазо турларининг қўлланилмаслиги, ҳарбий хизматни асосан эркаклар томонидан ўталиши, ногиронларга айрим қўшимча ҳуқуқларнинг берилиши кабилар. Ушбу конституциявий принцип ЎЗРнинг бир қатор кодекслари ва б. қонунларида ўз ифодасини топган.

ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХС

– одатда ападрид (ватани йўқ шахс) ёки аполидлар деб аталади. Ф.б.ш. муайян ҳуқуқларгагина эга бўлиб, қайсидир мамлакатга бироқ-бир масала юзасидан боғлиқ бўлмайди. Одатда, Ф.б.ш. ўзи яшаб турган давлатнинг бироқ-бир давлат лавозимига тайинлана олмайди. Шунингдек, сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига ҳам эга эмас.

ФУҚАРОЛИК (лот. civitas; инг. citizenship)

– шахсининг аниқ давлат б-н, уларнинг ўзаро ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарлигида намоён бўладиган, инсоннинг кадр-киммати, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳурмат қилишга асосланган, барқарор ҳуқуқий алоқаси. Мазкур алоқа давлат ва унинг фуқароси б-н алоқада намоён бўлади: давлат фуқарога унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашни кафолатлайди, давлат ташқарисида ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилади ва уларга ҳимойлик кўрсатади, фуқаро эса давлат қонунчилигига риоя этишга, хусусан давлат томонидан ўрнатилган бурчларни бажаришга мажбур. Ф.нинг мавжудлиги, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан фаркланадиган фуқаронинг оммавий-ҳуқуқий макomini белгилайди.

“Ф.” тушунчаси асосан республика бошқарув шаклидаги давлатларда ишлатилади, монархияларда эса “Ф.” тушунчасининг синоними сифатида “тааба (подданный)” тушунчаси кўпроқ ишлатилади. Ҳозирги даврда кўпчилик монархияларда ҳам “Ф.” тушунчаси ишлатилади.

Ф. ҳуқуқий категория сифатида антик даврдан бери маълум. Кўпчилик грек полисларида Ф. олиш учун асос хусусий ерга эгалик ва аниқ бир онладан, шажарадан ке-

либ чиқишлик саналган. Афинада кимнинг ота-онаси тўла ҳуқуқли фуқаро бўлса, ўша фуқаро ҳисобланган.

ЎЗРда Ф. муносабатлари Конс. ва “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги Қонун б-н тартибга солинади.

ЎЗР Конс.сининг 21-м.сига мувофиқ, ЎЗРнинг бутун ҳудудида ягона Ф. ўрнатилади. ЎЗРнинг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. ҚРнинг фуқароси айни вақтда ЎЗРнинг фуқароси ҳисобланади.

ЎЗР Конс.сининг 22-м.сига асосан, ЎЗР ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳимойлик кўрсатишни кафолатлайди.

Ф.ка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни б-н белгиланади.

Ушбу Қонуннинг 1-м.сига биноан, ЎЗРнинг фуқаролиги шахс б-н давлатнинг доимий снёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади. ЎЗРда ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким Ф.дан ёки Ф.ни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. ЎЗР ўз идоралари ва мансабдор шахслари орқали ЎЗР фуқаролари олдида масъулдир, ЎЗРнинг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Мазкур Қонуннинг 5-м.сига мувофиқ, ЎЗР фуқаросининг паспорти, паспорт олингунга қадар эса, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки шахснинг фуқаролигига доир маълумотлар бўлган ўзга ҳужжат – ЎЗРнинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар деб ҳисобланади.

Қонуннинг 12-м.сига кўра, ЎЗР фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади: 1) туғилганда; 2) ЎЗР фуқаролигига қабул қилиниши натижасида; 3) ЎЗРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича; 4) Қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича.

Қонуннинг 17-м.сига биноан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосномаларига кўра Қонунга биноан келиб чиқишидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, снёсий ва б. эътиқодларидан қатъи назар ЎЗР фуқаролигига қабул қилиниши мумкин.

ЎЗРнинг фуқаролигига қабул қилиш шартлари қуйидагилардан иборат: 1) чет эл фуқаролигидан воз кечиш; 2) сўнги беш йил давомида ЎЗР ҳудудида доимий яшаганлик. Ушбу қоида ЎЗРнинг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахсларга, башарти, улар шу ерда туғилган ва ҳеч бўлмаса ота-онасидан бири, бобоси ёки бувиси ЎЗР ҳудудида туғилганлигини ва б. давлатларнинг фуқароси эмаслигини исботласа, тааллуқли бўлмайди; 3) қонуний тиркичилик манбаларининг мавжудлиги; 4) ЎЗРнинг Конс.сини тан олиш ва бажариш.

Агар шахс: ЎЗРнинг конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқаётган бўлса; фаолияти ЎЗРнинг конституциявий принципларига зид бўлган партиялар ва ўзга ташкилотларга аъзо бўлса; ЎЗРнинг қонунарига мувофиқ жазоланадиган хатти-ҳаракатлар учун озодликдан маҳрум этилган ва жазони ўтаётган бўлса, уни ЎЗРнинг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномаси рад этилади.

ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ – юридик жавобгарлик турларидан бири бўлиб, шахснинг фуқаролик ҳуқуқида назарда тутилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигининг фуқаролик ҳуқуқи нормалари б-н белгиланган юридик оқибатларидир. Ф.ж. мулкий хусусиятга эга чора-тадбирлар тизими бўлиб, фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бузган шахсларга нисбатан бузилган ҳолатни тиклаш мақсадида қўлланилади.

Фуқаролик ҳуқуқининг умумий асосларига мувофиқ Ф.ж. мулкий характерга эгадир. Ф.ж. ҳуқуқбузарининг шахсига бевосита таъсир қилиб эмас, балки унинг мулкига нисбатан ундирув қаратиш орқали таъсир этиб, жабрланувчи тарафнинг бузилган мулкий ҳолатини асл ҳолатда тиклаш, агар бунинг иложи бўлмаса, мулкий зарарни қоплаш орқали мулкий талофотларни бартараф этиш мақсадида эга бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқбузардан ундирилган мол-мулк умумий қонда тариқасида, жабрланувчи тарафга топширилади. Ф.ж. қарздорнинг хатти-ҳаракати га таъсир кўрсатишнинг зарур воситаси сифатида хизмат қилади, уни шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажариш учун барча зарур ташкилий чораларни кўришга мажбур этади. Ф.ж.нинг асосий шакллари: мажбуриятларни бузиш туфайли етказилган зарарларни қоплаш, неустойка (жарима ва пеня) тўлаш ҳисобланади.

Ф.ж. турлари вазиятга қараб турлича бўлиши мумкин. Мас., бузилган мажбуриятнинг вужудга келиш асоси ва характерига қараб шартномавий жавобгарлик ва шартномадан ташқари (деликт) жавобгарлик фарқланади. Шартномадан ташқари жавобгарлик деганда, зарар етказганлик ва асоссиз бойлик орттириш учун жавобгарлик тушунилади. Мажбуриятда иштирок этувчи шахсларнинг кўпчилик бўлишига, ҳуқуқ бузилишига қай даражада дахлдорлиги ва улар ўртасида жавобгарлиқнинг тақсимланишига қараб ҳиссали, солидар ва субсидиар жавобгарлик ўзаро фарқланади.

Шартнома бўйича ва шартномадан ташқари жавобгарликнинг жавобгарлик асосларининг бирлигини, чунончи: а) қилмишнинг ғайриҳуқуқийлиги; б) зарар етказилганлиги; в) қилмиш ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш; г) қилмишнинг айбонлиги (айбонлик презумпцияси б-н) каби жиҳатлар таъминлайди. Фуқаролик ҳуқуқининг умуммажбурий (императив) нормаларини бузувчи ёки фуқаролик қонунчилигининг умумий асослари ва маъносига зид бўлган, учинчи шахснинг ҳуқуқлари ва қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини бузувчи қилмиш ғайриҳуқуқий деб топилади. Содир этилган қилмиш б-н етказилган зарар ўртасидаги алоқа сабабий боғланиш ҳисобланади. Бунда қилмиш бевосита зарар кўрилишига олиб келади. Умумий қондага кўра, Ф.ж. айб мавжуд бўлган ҳолатда юзага келади. Ушбу қондадан четлашишга фақат қонунда белгиланган ҳолатлардагина йўл қўйилади.

Аммо, Ф.ж.нинг бу икки тури ўртасида сезиларли фарқ ҳам мавжуд. Булар: шартнома бўйича жавобгарлик илгари бузилган ҳуқуқий муносабат ўрнини босадиган (аммо уни янгиламайдиган) аксессуар (кўшимча) мажбурияти бўлса, шартномадан ташқари мажбурият биринчи марта содир бўлган ва ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган мажбуриятдир; Ф.ж.нинг иккала тури учун айбонсиз жавобгарлиқнинг

хилма-хил шартлари амал қилади. Мас., тадбиркорлар учун шартнома бўйича жавобгарлик айбонсиз, шартномадан ташқари жавобгарлик эса умумий асосларда юзага келади; шартнома мажбуриятларида кредиторнинг ҳар қандай айби фақат жавобгарлик миқдорини камайтириш имконини беради, аммо қарздорни ундан тўлиқ озод қилмайди, жабрланувчининг кўпол эҳтиётсизлиги ёки қасддан содир этган хатти-ҳаракати эса ҳуқуқбузарни жавобгарликдан тўлиқ озод қилиш учун асос бўлиши мумкин ва ҳ.к.

ФУҚАРОЛИК ЖАВОБГАРЛИГИ ХАВФИ – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи (ЎЗР ФК 915-м.си).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ҳуқуқ назариясида демократик жамият доирасида иқтисодиёт, сиёсат, маданият соҳаларидаги муносабатлар мажмуи бўлиб, ҳуқуқнинг олий даражада ривожланганлигини таъқоз этади.

“Ф.ж.” атамасининг ўзи фуқаролик ва фуқаро ҳақидаги тушунчалар таркиб топганидан кейингина пайдо бўлган ва шу тариқа фуқаролар мажмуи сифатида “жамият” тушунчаси юзага келган. Бу ҳолат қад. Юнонистон ва Римда аллақачонлар рўй берган. Бироқ у вақтларда ҳали Ф.ж. б-н давлат ўртасидаги фарқланиш эътироф этилмаган. Чунончи, Арастунинг фикрича, “давлат фуқаролар мажмуидан, Ф.ж.дан бошқа нарса эмас” эди, яъни “Ф.ж.” ва “давлат” атамаларини бир тушунча сифатида қўллангиларди. Шундай ёндашув қарийб XVIII а.гача, яъни Ф.ж. асл маънодаги ҳозирги замон тушунчасига монанд хусусиятлар асосида шакллана бошлагунча яшаб келди.

Ф.ж. мулк шакллариининг хилма-хиллиги ва тенглиги, меҳнат қилиш ва тадбиркорлик эркинлиги, сиёсий-мафкуравий фикрлар хилма-хиллиги ва ахборот эркинлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, ривожланган ўзини ўзи бошқариш органларининг, маърифатли ҳуқуқий ҳокимиятининг, жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлиги таъминланишининг мавжудлиги каби асосий белгиларни ўз ичига олади. Шу б-н бирга, Ф.ж.нинг асосий хусусиятлари ҳаётнинг ажралмас мустаҳкам замини – иқтисодий, сиёсий ва маънавий бирлигида ўз ифодасини топади. Булар: иқтисодий соҳада – подавлат ташкилотлар, ширкатлар, ижара жамоалари, акциядорлик жамиятлари, уюшмалар, корпорацияларнинг мавжудлигидир; ижтимоий соҳада – оилалар, партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, иш ва яшаш жойларидаги ўзини ўзи бошқариш органлари, подавлат оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик фикрини ўрганиш, шакллантириш ва ифода этишнинг маданийлашган инс.лари, ижтимоий ихтилофларни куч ишлатмасдан, тазйиқсиз, қонунлар доирасида ҳал қилиш амалиётининг мавжудлигидир; маънавий соҳада – сўз, виждон ва фикрлар эркинлиги, ўз фикрини очик билдира олишнинг реал имкониятлари, ижодий, илмий ва б. уюшмалар мустақиллигининг ҳам қонуний, ҳам амалий жиҳатлардан таъминланганлигидир.

Аслида хусусий мулкчиликка асосланган ижтимоий тузилма сифатида майдонга чиқарқан, Ф.ж., энг аввало, бозор муносабатлари тизимини ифода этади. Бунда у ра-

қобат ҳамда маъмурий ҳокимият томонидан бошқарилмайдиган жараёнларни бартараф этиб, ўзига йўл очиши керак бўлади. Бинобарин, инсон фаолиятида ижодкорлик куртакларининг намоён бўлиши ҳақиқатга, шахс эркинлиги ҳақидаги орзулар чинакам воқеликка айлангандагина Ф.ж. мавжуд бўлиши мумкин.

Сўнгги йилларда бир қанча мамлакатларда Ф.ж. асосларини комплекс конституциявий-ҳуқуқий инс. сифатида мустаҳкамлаш жараёнлари кузатилмоқда. Жумладан, ЎзРда ҳам Ф.ж.нинг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш қатъий ва ўзгармас бош стратегик мақсад сифатида белгилаб қўйилган. Ана шундай марралар сари изчил интиланганидагина асосий мақсадга – ривожланган, маданий-маърифий, ҳуқуқий демократик давлатларда мавжуд бўлган ҳаёт даражасига эришиш, юртимиз тинчлиги, Ватани равнаки, халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, Ф.ж., албатта, ҳуқуқнинг олий даражада ривожланганлиги б-н белгиланади. Ўз навбатида, бундан, ҳозирги замон Ф.ж. ҳуқуқий жамият бўлиши керак, деган хулоса келиб чиқади. Бугунги кунда, мамлакатимиздаги улкан ҳуқуқий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислохотлардаги ютуқларни қайд этган ҳолда, ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг кейинги истикболларини белгилаш ҳамда унинг устувор йўналишларини аниқлаш гоёта муҳим масалалардан саналади. Ана шундагина Ф.ж. ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули сифатида намоён бўлади.

ФУҚАРОЛИК ИШИ (инг. civil case) – фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонун б-н ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли субъектив фуқаролик ҳуқуқлари ҳақидаги низони ҳал қилишга қаратилган, суд томонидан фуқаролик суди тартибида қўриладиган ва ҳал этиладиган иш.

Ф.и.га қуйидагилар қиради: буйруқ тартибидаги ишлар, даъво тартибидаги ишлар, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишлар ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишлар.

ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ – қ: *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси*.

ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАСИ – иктисодий муомаланинг фуқаролик ҳуқуқий ифодаси. Мажбурият ҳуқуқининг шартномавий ва шартномасиз инс.лари воситасида амалга оширилади. Ф.м. иштирокчилари – жисмоний шахслар ва юридик шахслар, бир қатор ҳолларда эса давлат, унинг органлари ва давлат юридик шахсларидир. Ф.м. мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқлар, интелектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлар, шартнома мажбуриятлари ва шартномадан ташқари мажбуриятлар, шунингдек бошқа мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ муносабатларни амалга оширишга қаратилади.

ФУҚАРОЛИК НИКОҲИ (инг. civil matrimony) – 1) инқилобгача Россияда черков иштирокисиз, лекин дунёвий давлат ҳокимияти органларининг ҳамкорлигидаги эр ва хотин иттифоқини тузиш шакли; шу маънода ҳозирги “никоҳ” тушунчасига тўғри келади; 2) амалда мавжуд бўлган, лекин никоҳ муносабатлари давлат органларида қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилмаган ва диний никоҳ маросими ўтказилмаган эркак ва аёлнинг никоҳ иттифоқи.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИ – қонун б-н белгиланган фуқаролик ишларини қўриш, ҳал қилиш ва суд қарорларини ижро этиш б-н боғлиқ фаолият.

Ф.п. суд, ишда иштирок этувчи шахслар ва процесснинг бошқа иштирокчилари, шунингдек ижро органларининг (суд ижрозчиларининг) қонун б-н тартибга солинган фаолиятидир.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ – ЎзР ФПКнинг 5-бобига мувофиқ, ишда иштирок этувчи шахслар, одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахслар, тарафлар, мустақил талаблар б-н арз қилувчи учинчи шахслар, мустақил талаблар б-н арз қилмайдиган учинчи шахслар.

Ф.п.и. ўз юридик мақомига қўра уч гуруҳга бўлинади: а) биринчи, кассация ва назорат инстанциясидаги судлар ва суд ижрозчилари. Судлар фуқаролик процессида асосий вазифани – одил судловни амалга ошириш функциясини бажардилар; б) ишда қатнашадиган шахслар: суд тортишувининг томонлари, учинчи шахслар, прокурор; давлат бошқаруви органлари, қасаба уюшмалари ҳамда бировларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун иш қўзғатиш ёки иш бўйича хулосалар бериш ҳуқуқига эга бўлган турли ташкилотлар ва фуқаролар. Одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахслар: гувоҳлар, экспертлар, суд қарорларини ижро этиш чоғида мулкни сақловчилар ва б., Ф.п.и.нинг ҳар бирига қонун томонидан тегишли функцияларни бажариши учун етарли ёки зарур ваколатлар берилган.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ – қ: *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси*.

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ – Ф.п.х. деб, фуқаролик ишларини қўришда суднинг одил судловни амалга ошириш б-н боғлиқ ижтимоий муносабатларини ифодалайдиган фуқаролик процесси иштирокчиларининг харақатларини қонун асосида тартибга соладиган, шунингдек суд қарорларининг ижро этилиши тартибини белгилайдиган ҳуқуқ нормаларининг мажмуғига айтилади.

ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ – бу фуқаролик ишларини фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган нормаларга асосан суд томонидан фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. ЎзР ФПКнинг 2-м.сига мувофиқ, Ф.с.и.ю.нинг қуйидаги, яъни буйруқ тартибидаги ишларни, даъво тартибидаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни қўриб чиқиш ва ҳал этиш тури мавжуд.

ЎзР ФПКнинг 4-м.сига асосан, Ф.с.и.ю. вазифалари фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иктисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида қўриб чиқиш ва ҳал этишдан иборатдир.

Ф.с.и.ю. қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар

ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга кўмаклашиши лозим.

ФУҚАРОЛИК ЦЕНЗИ – Конс. ёки сайлов қонуни белгилайдиган талаб, унга кўра сайловчи ёки сайланадиган давлат лавозимига номзод шу давлат фуқаролигига эга бўлиши керак. Ф.ц. энг кенг тарқалган сайлов цензларидан ҳисобланади ва деярли бутун дунёда қўлланилади. Фақат айрим ғарбий Европа давлатларида шу давлат фуқароси ҳисобланмайдиган шахсларга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда иштирок этишларига йўл қўйилади. Қатор мамлакатларда оширилган ценз мавжуд: сайлов ҳуқуқига эга бўлиш учун маълум муддат мобайнида шу давлат фуқароси бўлиш ёки ҳатто туғилиши бўйича шу давлат фуқароси бўлиш талаб этилади. Мас., АКШ Конс.сига кўра АКШ Конгресси вакиллик палатаси депутатлари лавозимига номзодлар камида 7 й., сенатор лавозимига номзодлар камида 9 й. АКШ фуқароси бўлишлари керак. АКШ, Эстония, Филиппин ва қатор бошқа мамлакатларда президент лавозимига номзодлар туғилганлик бўйича фуқаро бўлишлари керак.

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИ – фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажрალიш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланиши.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа ва фактлар фуқаролик ҳолатлари далолатномаларига тегишли ўзгартиришлар киритишда ифодаланади.

Ф.х.д.ни ёзиш давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади (ЎзР ОКнинг 201-м.си).

Ф.х.д. ёзувлари асосида қатъий ҳисобда турадиган, маълум серияси, тартиб рақами бўлган, Ф.х.д.ни ёзиш органнинг муҳри ва мансабдор шахснинг имзоси қўйилган, давлат герби тасвирланган гувоҳномалар берилди.

Гербли гувоҳнома беришда Ф.х.д.ни ёзиш органлари ЎзР ВМ томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи ҳамда герб йиғими ундиради.

Давлат герби тасвирланган гувоҳномани қалбакилаштириш қонунга биноан таъкиб этилади (ЎзР ОКнинг 202-м.си).

ЎзР Адлия вазирлиги ФХДЁ органларини ҳамда ЎзРнинг хорижий давлатлардаги консуллик муассасаларини ЎзР ВМ томонидан тасдиқланган, қатъий ҳисобда турувчи гербли гувоҳномаларнинг давлат бланкалари б-н таъминлайди.

ФХДЁ органлари ва консуллик муассасалари фуқаролик ҳолати далолатномаларининг ёзув бланкалари б-н тегишли равишда ҚР Адлия вазирлиги, вил.лар ва Тошкент ш. адлия бошқармалари, шунингдек ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги томонидан таъминланади (ЎзР ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сон қарори б-н тасдиқланган Ф.х.д.ни қайд этиш қоидалари).

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТЛАРИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ – Ф.х.д.ё. органлари қуйидаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этади: а) туғилганлик; б) никоҳ тузиш; в) никоҳдан ажрალიш; г) ўлим.

Ф.х.д.ё. давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар бўлиб, икки нусхада тузилади ва ФХДЁ органларида қайд этилган вақтдан бошлаб 75 й. мобайнида сақланади.

Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш, жинсни ўзгартириш каби воқеа

ва фактлар юқорида санаб ўтилган фуқаролик ҳолатлари далолатномаларида уларга тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали ақс эттирилади (ЎзР ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сон қарори б-н тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари).

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТЛАРИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТУВЧИ ОРГАНЛАР – фуқаролик ҳолати далолатномалари тум. ва ш.ларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларида қайд этилади, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда эса, туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, никоҳдан ажрალიш, оталикни белгилаш – фуқаролар йиғини раислари (оксоқоллари) томонидан ҳам қайд этилиши мумкин.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатга олиш борасидаги ҳаракатлари ўзлари жойлашган ҳудудлардаги тегишли фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимларининг назорати остида бўлади.

ЎзРнинг чет элда доимий ёки вақтинча яшовчи фуқароларининг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қонсул томонидан ЎзР қонун ҳужжатларига мувофиқ (ЎзР ОКнинг 203-м.си) амалга оширилади (ЎзР ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сон қарори б-н тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари).

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ – юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқ нормалар йиғиндиси. Ф.х. – фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларини, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у б-н боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади. Ф.х.га асосан муайян эквивалент баробарига белгиланадиган, қиймат, баҳо б-н ифодаланадиган ва иштирокчилари тенг даражада кўриладиган мулкий муносабатларни тартибга солади. Ф.х. томонидан тартибга солинадиган мулкий муносабатлар доираси кенг. Булар жумласига олиш, сотиш, ташкилотларнинг бир-бирига махсулотлар етказиб бериш, қурилиш ишларини амалга ошириш, қонун ва васият бўйича мерос олиш, ҳар қандай шаклдаги мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш б-н боғлиқ бўлган муносабатлардан иборатдир. Ф.х. томонидан тартибга солинадиган мулкий ҳарактерда бўлмаган шахсий ҳуқуқий муносабатлар икки турга: мулкий муносабатлар б-н боғлиқ бўлган шахсий муносабатларга ва мулкий муносабатлар б-н боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга бўлинади. Ф.х.нинг тамойиллари мавжуд бўлиб, улар жумласига: фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги; барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий томондан барабар муҳофаза қилиниши; мулкий муносабатларнинг мафқуравий муносабатлардан ажратилганлиги; қонунда ниманики тақиқланмаган бўлса, рухсат берилиши; фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширилиши; фуқаролик ҳуқуқларининг тўсқинликсиз амалга оширилиши; фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари ишти-

рокчилари ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоясини таъминлаш; шартномалар эркинлиги; товарлар, хизматлар ва моливий маблағлар ЎзРнинг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлиши киради. Ф.х. маълум тартибда муайян гуруҳларга ҳуқуқий инс.ларга бўлинган фуқаролик-ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборатдир. ЎзР Ф.х.нинг асосий манбаини ЎзР Конс.си ва ФК ташкил этади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК – қ.: *Фуқаролик жавобгарлиги.*

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ ОБЪЕКТЛАРИНИНГ МУОМАЛАДА БЎЛИШИ – фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибда ёхуд бошқа усул б-н, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. Муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак. Муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома б-н йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг (муомалада бўлиши чекланган объектларнинг) турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгиланади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – фуқаролар ва юридик шахслар ўзларига тегишли бўлган фуқаролик ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Фуқаролик ҳуқуқлари процессуал қонунлар ёки шартномада белгилаб қўйилганидек, ишлар қайси судга тааллуқли бўлишига қараб, суд, хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан ҳимоя қилинади. Қонунда назарда тутилган ҳоллардагина фуқаролик ҳуқуқлари маъмурий тартибда ҳимоя қилинади. Маъмурий тартибда қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин (ЎзР ФКнинг 10-м.си).

Фуқаролик ҳуқуқлари қуйидаги йўллар б-н ҳимоя қилинади: ҳуқуқни тан олиш; ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатни тиклаш ва ҳуқуқни бузадиган ёки унинг бузилиши хавфини туғдирадиган ҳаракатларнинг олдини олиш; битимни ҳақиқий эмас деб топиш ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллаш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш; шахснинг ўз ҳуқуқини ўзи ҳимоя қилиши; бурчни аслича (натура) бажаришга мажбур қилиш; зарарни тўлаш; неустойка ундириш; маънавий зиённи қоплаш; ҳуқуқий муносабатни бекор қилиш ёки ўзгартириш; давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонунга зид ҳужжатини суднинг қўлламаслиги. Фуқаролик ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган бошқача усуллар б-н ҳам ҳимоя қилиниши мумкин (ЎзР ФКнинг 11-м.си).

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ОБЪЕКТЛАРИ – ЎзР ФКнинг 81-м.сига мувофиқ, Ф.х.о.га ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол-мулк, шу жумладан мулкий ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, ихтиролар, саноат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари

ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкий ҳуқуқлар ва б. моддий ҳамда номоддий бойликлар киради. Ф.х.о.нинг ҳар бир тури ҳуқуқий мақоми қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ – жисмоний шахслар (фуқаролар), юридик шахслар ва давлат Ф.х.с. ҳисобланадилар. Улар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашадилар. Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда ЎзР фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади (ЎзР ФКнинг 16-м.си). Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк б-н жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади (ЎзР ФКнинг 39-м.си). Юридик шахсларнинг тижорат ва нотижорат турлари бўлиб, улар Ф.х.с. сифатида иштирок этади. Давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари б-н баравар асосларда иштирок этади. Фуқаролик қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар (ЎзР ФКнинг 79-м.си).

ФУҚАРОЛИКНИ ОЛИШ ҲУҚУҚИ – шахснинг у ёки бу давлат фуқаролигини олиш ҳуқуқи. Фуқароликни олишнинг асосий икки усули мавжуд – келиб чиқишига кўра (“қон ҳуқуқи” бўйича – ота-оналарнинг қайсидир миллатга мансублиги бўйича ёки “замин ҳуқуқи” бўйича – туғилган жойи бўйича) ва натураллашиш йўли б-н. Булар давлатларнинг миллий қонунчилигида батафсил белгилаб қўйилади.

Мас., “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 12-м.сига мувофиқ, ЎзР фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади: 1) туғилганда; 2) ЎзР фуқаролигига қабул қилиниши натижасида; 3) ЎзРнинг халқаро шартномаларида назарда тутилган асослар бўйича; 4) қонунда назарда тутилган бошқа асослар бўйича. Ушбу Қонуннинг 13-м.сига асосан, туғилган пайтида ота-онаси ЎзР фуқароси бўлган бола, ЎзР ҳудудида ёхуд ЎзРдан ташқарида туғилган бўлишидан қатъи назар, ЎзР фуқароси ҳисобланади. Қонуннинг 14-м.сига кўра, ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтида ЎзР фуқароси бўлган қуйидаги ҳолларда бола ЎзРнинг фуқароси ҳисобланади: 1) агар у ЎзР ҳудудида туғилган бўлса; 2) агар у ЎзР ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса-ю, ота-онаси ёки уларнинг бири шу вақтда ЎзРда доимий истикомат жойига эга бўлса. Ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан бири бола туғилган пайтда ЎзРнинг фуқароси бўлган бўлса, агар бу вақтда ота-она Ўзбекистондан ташқарида доимий истикомат жойига эга бўлган бўлсалар, ЎзРдан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма тарзда ифодаланган келишуви б-н белгиланади. Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда ЎзР фуқароси бўлган, бошқаси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёхуд номаълум бўлган тақдирда, бола қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, у ЎзР фуқароси

хисобланади. Онасининг фуқаролиги бўлмаган боланинг отаси белгиланиб, у ЎзР фуқароси бўлса, 14 ёшга етмаган бола, қаерда туғилган бўлишидан қатъи назар, ЎзРнинг фуқароси хисобланади. Қонуннинг 15-м.сига биноан, фуқаролиги бўлмаган, ЎзРда доимий истиқомат жойига эга бўлган шахсларнинг ЎзР ҳудудига туғилган боласи ЎзР фуқароси хисобланади. Қонуннинг 16-м.сига асосан ота-онаси номаълум бўлган ва Ўзбекистон ҳудудига яшаётган бола ЎзР фуқароси хисобланади.

ФУҚАРОНИ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН ДЕБ ХИСОБЛАШ – агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин. Йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин бўлмаса, бедарак йўқолган деб хисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдаги кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади (ЎзР ФКнинг 33-м.си).

ФУҚАРОНИ ВАФОТ ЭТГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ – ЎзР ФКнинг 36-м.сига мувофиқ, агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилишни мумкин.

Харбий ҳаракатлар муносабати б-н бедарак йўқолган харбий хизматчи ёки бошқа фуқаро харбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан қаида икки йил ўтгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

Суднинг Ф.в.э.д.э.к. ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ўлган кунини деб хисобланади. Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг ўлган кунини деб топиши мумкин.

Ф.в.э.д.э.к. бундай фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари борасида унинг ўлими олиб келиши мумкин бўлган оқибатларни вужудга келтиради.

ЎзР ФКнинг 37-м.сига асосан, вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келган ёки унинг қаерда турганлиги маълум бўлган тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади.

Ф.в.э.д.э.к. ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин у ҳар қандай шахсдан бу шахсга бепул ўтиб қолган мавжуд мол-мулкни ўзига қайтариб беришни уч йил мобайнида суд орқали талаб қилишга ҳақли, ушбу Кодекснинг 229-м.си иккинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни унинг ворислари томонидан учинчи шахсларга сотилган бўлиб, бу шахслар харид нархини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом тўламаган бўлсалар, бу ҳолда

тўланмаган суммани талаб қилиш ҳуқуқи қайтиб келган фуқарога ўтади.

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни ҳақ тўлашни назарда тутадиган битимлар асосида олган шахслар мол-мулкни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг тирикчилигини била туриб сотиб олганликлари исботланса, улар фуқарога бу мол-мулкни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мулкни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони бўлмаса, унинг қиймати тўланади.

Агар вафот этган деб эълон қилинган шахснинг мол-мулкни мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган ва сотиб юборилган бўлса, Ф.в.э.д.э.к. ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин унга мол-мулкни сотишдан тушган пул қайтариб берилади.

ФУҚАРОНИ МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ДЕБ ТОПИШ – ЎзР ФКнинг 30-м.сига мувофиқ, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро номидан битимларни унинг васийси амалга оширади.

Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

ФУҚАРОНИНГ ИСМИ – шахснинг ижтимоий ҳаётида ва фуқаролик муомаласида индивидуаллашуви воситаси. Исм ҳуқуқи фуқаронинг 1966 й.даги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ ажралмас ҳуқуқи хисобланади. ЎзР ФКнинг 19-м.сига мувофиқ, агар қонундан ёки миллий одатдан бошқача тартиб келиб чиқмаса, фуқаро ўз фамилияси ва помидан, шунингдек отасининг исми б-н ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладиган ҳамда уларни амалга оширади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда фуқаро тахаллусдан (туқилган исмдан) фойдаланиши мумкин. Фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исмини ўзгартиришга ҳақли. Фуқаронинг ўз исмини ўзгартириши аввалги исми б-н олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди. Фуқаро ўз исмини ўзгартирганлиги ҳақида қарздорлари ва кредиторларига хабар бериш учун зарур чораларни кўриши шарт ва у мазкур шахсларда Ф.и. ўзгарганлиги ҳақида маълумот йўқлиги туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар хавфини ўз зиммасига олади. Исмини ўзгартирган фуқаро ўзининг аввалги исмига расмийлаштирилган ҳужжатларга ўз ҳисобидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини талаб қилишга ҳақли. Фуқаро туғилган вақтида олган исмини, шунингдек ўзгартирилган исмини фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши керак. Бошқа шахс исмидан фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлишга йўл қўйилмайди.

ЎзР ФКнинг 20-м.сига асосан, ўз исми б-н яшаш ҳуқуқига эътироз билдириладиган ёки исмидан қонунсиз фойдаланиладиганлиги муносабати б-н манфаатлари бузиладиган шахс манфаатларини бузувчидан бундай ҳаракатларга чек қўйишни ва раддия беришни талаб қилиши мумкин. Агар манфаатлар қасдан бузиладиган бўлса, жабрланган шахс

қўшимча суратда зарарни қоплашни талаб қилиши мумкин. Зарарни қоплаш учун манфаатни бузган шахснинг даромадини бериш талаб қилиниши мумкин. Манфаат касддан бузилганида жабрланувчи маънавий зиённинг қопланишини ҳам талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Исм ёки шахсий шаън эгаси бўлмаган, лекин оилавий давлатга кўра бундан манфаатдор бўлган шахс ҳам ЎЗР ФК 20-м.сининг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларга чек қўйиш ёки раддия бериш ҳақидаги талабларни қўйиши мумкин. Бу шахс бошқа шахснинг ўлимидан кейин ҳам унинг исмини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган талабларнинг бажарилишига ҳаракат қилиши мумкин. Исмни ва шаънни бузиш туфайли келтирилган зарарни қоплаш талаби ўлимдан кейин тан олинмайди.

ФУҚАРОНИНГ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ – Ф.м.л. уларни тўла фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларга ўз хатти-ҳаракатлари орқали эришишлари учун асос бўлади. ЎЗР ФКнинг 22-м.сига мувофиқ, фуқаронинг ўз ҳаракатлари б-н фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади.

Тўла муомала лаёқати ўз хатти-ҳаракатлари орқали муайян ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиш лаёқати экан, 18 ёшга тўлмасдан ҳам бу лаёқатга эга бўлиш мумкинми? – деган саволни келтириб чиқаради. ЎЗР ФК мумкин бўлган икки ҳолатни кўрсатиб ўтади: 1) меҳнат ҳуқуқий муносабатга кириш б-н боғлиқ; 2) никоҳ ҳуқуқий муносабатга кириш б-н боғлиқ.

Белгиланган ёшга етмаган, лекин оилавий-ижтимоий ахвол зарурати б-н меҳнат шартномасини тузиш, расман тадбиркор сифатида ҳаракат қилиш истагидаги шахслар ҳам эмансипация ҳолати қўлланган ҳолда муомала лаёқатига эга бўлиши мумкин.

ЎЗР ФКнинг 28-м.сига асосан ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги б-н васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори б-н амалга оширилади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгиланган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Муомала лаёқатини учга бўлиш мумкин: 1) муомалага лаёқатсизлик даври (14 ёшгача); 2) қисман муомалага лаёқатлилиқ даври (14-18 ёш); 3) тўла муомала лаёқати (18 ёш ва ундан юқори).

ФУҚАРОНИНГ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИНИ ЧЕКЛАШ – фуқаронинг ўз ҳаракатлари б-н фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатини чеклаш.

ЎЗР ФКнинг 23-м.сига асосан, қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас.

Фуқароларнинг муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгилаб қўйилган шартлари ва тартибига риоя қилмаслик давлат органининг тегишли чеклашни белгиладиган ҳужжати ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши ва ҳуқуқ лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир, бундай битимларга қонун томонидан йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно.

ЎЗР ФКнинг 31-м.сига мувофиқ, спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суинстеъмол қилиш натижасида ўз онласини оғир моддий ахволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва б. даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ, бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади.

Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.

ФУҚАРОНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (инг. business activities of citizen) – ақли расо фуқаро томонидан ўзининг меҳнати б-н ушбу мақсадда ташкилот ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти. ЎЗР қонун ҳужжатларида ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, ЎЗР ФКнинг 24-м.сига мувофиқ, фуқаро яқка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланишга ҳақлидир.

Фуқароларнинг юридик шахс ташкил этмасдан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятига нисбатан, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб аниқлашмаса, ЎЗР ФКнинг қоидалари қўлланилади.

Юридик шахс ташкил этмасдан ушбу модданинг биринчи қисми талабларини бузган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фуқаро тузган битимлар хусусида ўзининг тадбиркор эмаслигини ваз қилиб кўрсатишига ҳақли эмас. Суд бундай битимларга ушбу Кодекснинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш б-н боғлиқ мажбуриятлар тўғрисидаги қоидаларини қўллаши мумкин. Яна к.: *Яқка тартибдаги тадбиркор (Яқка тадбиркор)*.

ФУҚАРОНИНГ ЯШАШ ЖОЙИ – ЎЗР ФКнинг 21-м.сига мувофиқ, фуқаронинг доимий ёки асосан яшаб турган жойи унинг яшаш жойи.

Ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари – ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яшаш жойи ҳисобланади.

ФУҚАРОНИНГ ХУҚУҚ ЛАЁКАТИ – ЎзР ФКнинг 17-м.сига мувофиқ, барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Ф.х.л., у тувилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши б-н тугайди.


ЎзР ФКнинг 18-м.сига асосан, фуқаролар: мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги б-н ҳамда қонунда тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият б-н шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахслар ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари; етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машгулот туриши ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун б-н қўриқлана-

диган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин. Фуқаролар бошқа мулкӣй ва шахсий номулкӣй ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

ФЬЮЧЕРС БИТИМЛАРИ (инг. futures deal) – товар ёки фонд биржасида тузиладиган битим тури бўлиб, товарлар (жумладан қимматли қоғозлар) сотиш мажбурияти ва унинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини зиммасига олган томонлар ўртасида тузиладиган стандартлаштирилган муддатли битимлардир. Бундай битимларнинг хусусияти уларнинг муайян вақтдан сўнг амалга оширилишида кўринади.

“Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 23-м.сига асосан, Ф.б. товарларга доир стандарт контрактларнинг олди-сотди битимлари (уларни келгусида ижро этиш мажбуриятини олган ҳолда);

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, қимматли қоғозларга доир фьючерс – ўзида назарда тутилган муддатда муайян миқдордаги қимматли қоғозларни қатъий белгиланган нарҳда сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини тасдиқловчи эмиссионий қимматли қоғоз.



ХАБЕАС ДАТА (лот. Habeas Date) – бир қатор мамлакатларнинг конституциявий ҳуқуқида фуқароларнинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини химоя қилишнинг энг янги юридик воситаларидан бири. Илк бор 1988 й.да Бразилия Конс.сида жорий этилган. У ҳар қандай шахснинг (ёки фақаггина фуқарога) мамлакат миллий хавфсизлик хизмати архивларидан тортиб, бошқа архивларда ва идораларда ҳам сақланаётган ва ўзини қизиқтираётган маълумотлар б-н танишишни суд тартибда талаб қилиш ҳуқуқини ўзида ифода этади. Англиядаги Habeas корпус инс.ига монанд аталган.

ХАБЕАС КОРПУС (лот. Habeas Corpus) – инглиз процессуал ҳуқуқ инс.и, айрим ҳолатларда манфаатдор шахсларга озодликдан маҳрум этиш асосларини текшириш мақсадида ушлаб қолинган ёки қамалганни судга олиб келиш талаб қилиш ҳуқуқини ифодалайди. Х.к. ўз номини судьяни озодликдан маҳрум этилган шахсни судга олиб келиш тўғрисидаги буйруғининг биринчи сўзларидан олган: “Habeas corpus ad subjiciendum” (“сен шахсни судга олиб келишга мажбурсан”). Бу тартибот (инс.) XV а.даёқ пайдо бўлган ва 1679 й.да пировард расмийлаштирилган. Ҳозирги кунда у дунёнинг ҳамма қисмларида (энг аввало, англо-саксон ҳуқуқ тизимини мамлакатларида ва Лотин Америкасида) эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг энг ишончли конституциявий қафолати сифатида кенг тарқалган.

ХАВФ ОСТИДА ҚОЛДИРИШ – ҳаёти ёки соғлиғи хавф остида қолган ва ўзини ўзи химоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, башарти, айбдор бундай аҳволдаги шахсга ёрдам бериши шарт ва бундай имкониятга эга бўлса ёхуд айбдорнинг ўзи жабрланувчинини хавфли аҳволга солиб қўйган ва бу ҳол баданга ўрточа оғир ёки оғир шикаст етказилишига олиб келса. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 117-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ХАВФЛИ РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ – илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ЎзР ЖКда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмининг бошқа моддалари б-н ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши (ЎзР ЖКнинг 34-м.си.) Х.р.ж.нинг белгилари шундан иборатки, шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун ҳукм қилинганидан сўнг қасддан шунга ўхшаш янги жиноят содир этади. Шахс хавфли рецидивист деб унинг тергов органлари томонидан айбланиши жараёнида топилуши лозим. Чунки, хавфли рецидивист томонидан жиноят содир этилиши бир қатор жиноятларнинг тавсифлаш белгиси ҳисобланади ва жиддийроқ жазо чоралари қўлланишига олиб келади. Х.р.ж.га нисбатан ҳам судланганлик олиб ташланиши ҳамда шахс илгари қасддан содир этган жинояти учун жавобгарлик ёки жазодан озод қилиниши каби бошқа қоидалари қўлланилади.

ХАЗИНА – ЎзР ФКнинг 196-м.сида мувофиқ, эгаси аниқланиши мумкин бўлмаган ёки қонунга биноан

ҳуқуқларини йўқотган Х., яъни ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёхуд кимматбаҳо буюмлар ҳазина яшириб қўйилган мол-мулк (ер участкаси, иморат ва ш.к.) мулкдори бўлган шахс ва ҳазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, тенг улушларда ўтади. Х. у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгасининг розилигисиз қазпша ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу Х. у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши керак. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига қирадиган ашёлардан иборат Х. топилган тақдирда, улар давлат мулкига топширилиши керак. Бунда Х. яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулкнинг эгаси ва Х.ни топган шахс биргаликда Х. қийматининг эътибори микдоридан мукофот олиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар улар ўртасидаги келишувда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, мукофот бу шахслар ўртасида тенг улушларда тақсимланади. Бундай Х.ни у яшириб қўйилган мол-мулк эгасининг розилигисиз қазпша ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс топиб олса, бу шахсга мукофот тўланмайди ва Х. батамом мулкдорнинг ихтиёрига ўтади. Х. топиш учун қазпша ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига қирадиган шахсларга нисбатан шу модданинг қоидалари қўлланилмайди.

ХАЙР-ЭҲСОН – умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя. Х.-э. фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий химоя муассасаларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия, илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва б. маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек давлатга ва б. фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин. Х.-э.ни қабул қилишга бирор кимсанинг руҳсати ёки розилиги талаб қилинмайди. Х.-э. қилувчи мол-мулкни фуқарога Х.-э. қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга Х.-э. қилганда эса, бу шартни қўйиши мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога Х.-э. қилиш оддий ҳадя деб ҳисобланади, қолган ҳолларда эса Х.-э. қилинган мол-мулкдан ҳадя олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади. Алиқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган Х.-э.ни қабул қилиб олаётган юридик шахс Х.-э. қилинган мулкдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим. Агар Х.-э. қилинган мулкдан Х.-э. қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулкдан бошқа мақсадда фақат Х.-э. қилувчининг розилиги б-н, мол-мулкни Х.-э. қилган фуқаро вафот этган бўлса ёки мулкни Х.-э. қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса, суд қарорига мувофиқ фойдаланиш мумкин. Х.-э. қилинган мулкдан Х.-э. қилувчи кўрсатган мақсадга зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни ЎзР ФК 511-м. олтинчи қисмининг қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш Х.-э. қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига Х.-э.ни бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради (ЎзР ФКнинг 511-м.си).

ХАКЕР – ахборот технологиялари соҳасида қонунга хилоф ҳаракатларни содир этган шахс. Ушбу соҳадаги маъ-

мурий ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳамда улар учун жавобгарлик ЎзР ЖК ва МЖКда белгиланган.

ХАЛҚ – конституциявий ҳуқуқ фанида, одатда, муайян давлатнинг ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий бирлигини ташкил этадиган барча аҳолисини назарда тутовчи тушунча (айрим мамлакатларнинг конституциявий таълимотида “кўп миллатли халқ” ибораси қўлланилади). Шу маънода ҳозирги Конс.ларда Х. “давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи” сифатида тавсифланади (бунга ЎзР Конс.сининг 7-м.си мисол бўла олади). “Х.” тушунчаси бошқалардан ажратилган, муайян давлатнинг ҳудуди-га боғланмаган миллий-маданий бирликни ҳам англатади (айни чоғда “Х.” тушунчаси баъзан “миллат” тушунчасининг синоними бўлиб ҳам келади).

Х.қа халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида ҳам ёндашилади (аввало, ўз тақдирини ўзи хал этиш ҳуқуқи тўғрисида сўз юритилган ҳолларда шундай ёндашилади). Халқаро ҳуқуқда халқларнинг жуда кўп ҳуқуқлари турли конвенцияларда ва декларатив ҳужжатларда мустахкамлаб қўйилган. Аммо, умумий қабул қилинган “Х.” тушунчаси хали мавжуд эмас.

ХАЛҚ МАСЛАҲАТЧИСИ – иш биринчи инстанция суди томонидан хайъатда қўрилганда суд таркибига судья ва икки нафар Х.м. киради. Одил судловни амалга оширишда халқ маслаҳатчилари судьянинг барча ҳуқуқларидан фойдаланадилар. Улар суд мажлисида ишни кўриш жараёнида келиб чиқадиган ҳамма масалаларни хал қилишда ва ҳукм чиқаришда раислик қилувчи б-н тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Башарти, ишни муҳокама қилиш узоқ вақт талаб қиладиган бўлса, ишда захирадаги халқ маслаҳатчиси қатнашиши мумкин бўлиб, у ишни муҳокама қилиш бошланган пайтдан эътиборан суд мажлиси залида ҳозир бўлади ва судьянинг ҳуқуқларидан фойдаланади, суд маслаҳатлашувларида ва иш бўйича қарор чиқариш вақтида қатнашиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Халқ маслаҳатчиси суд таркибидан чиқиб кетган тақдирда захирадаги халқ маслаҳатчиси унинг ўрнини эгаллайди ва ишни муҳокама қилиш давом этади (ЎзР ЖПКнинг 407-м.си).

ХАЛҚ СУВЕРЕНИТЕТИ – қ.: *Суверенитет*.

ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ – демократиянинг муҳим элементларидан бири. Бу мазмун ЎзР Конс.сининг аксарият моддаларида, аввало, 7-м.сида ифодаланган. Унга мувофиқ, ЎзРда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбандир.

ЎзРда халқ ҳокимияти – халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилади; у бутун жамият ва унинг ҳар бир аъзоси манфаатларини кўзлайди; унинг муайян функциялари ва шакллари амалга оширишда ҳар ким иштирок этишга ҳақли ҳисобланади. Ҳокимият бутун халқ, унинг маълум ҳудудда яшайдиган қисми, халқ томонидан сайланган вакиллар, халқ томонидан таркиб топтирилган ва халқ вакилларини ўз ичига олган органлар томонидан амалга оширилади. Ҳокимият аҳолини ишонтириш, тарбиялаш, рағбатлантириш, уюштириш, зарур ҳолда эса, мажбурлаш усулларини қўллайди; у ошқора (очик) амалга оширилади.

Ҳокимиятни амалга ошириш жамият, давлат, айрим ҳудудлар, фуқароларнинг бирлашмалари ишларини бошқа

риш, маълум мақсадларни кўзлаб фаолият кўрсатиш ва кўзланган мақсадга (натижага) эришиш демакдир.

Халқ ҳокимияти ЎзРда қуйидаги асосий шаклда амалга оширилади:

1) давлат ҳокимияти – унинг мазмуни давлат томонидан мажбурий кучга эга ҳужжатларни қабул қилиш (фаолият кўрсатиш), уларнинг ижро этилишини ўз нуфузи, ташкилий тадбирлар, зарур ҳолда эса, мажбурлов йўли б-н таъминлашдан иборат. Ижтимоий ҳокимиятдан фарқли ўларок, у барча фуқароларга нисбатан амал қилади. Давлат ҳокимияти бевосита халқ ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Референдум ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимият органлари (ЎзРнинг Олий Мажлиси), сайлаб қўйиладиган давлат мансабдор шахслари (ЎзР Президенти) сайлови давлат ҳокимиятини халқ томонидан бевосита (тўғридан-тўғри) амалга оширишнинг олий ифодасидир.

Халқ ҳокимиятини амалга оширувчи давлат ҳокимияти органларининг уч тури – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари, даражасига кўра эса – республика органлари ва маҳаллий органлар фарқланади.

ЎзРда давлат ҳокимиятини ЎзР Президенти, Олий Мажлиси – парламенти (икки палата: КП ва Сенатдан ташкил топган), ЎзР Ҳукумати, ЎзР судлари амалга оширади (ЎзРнинг ягона суд тизими мавжуд бўлиб, унинг олий бўғинларини ЎзР КСи, ОС ва ОХС ташкил этади). ЎзРнинг виллари, тум.лари ва ш.ларида давлат ҳокимияти вакилик органлари (халқ депутатлари Кенгашлари), ижро этувчи ҳокимият органлари (ҳокимлар), судлар фаолият кўрсатади;

2) ижтимоий ҳокимият – сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари ва ҳаракатлар, диний ташкилотлар, оила, меҳнат жамоалари ичида, оммавий тадбирлар (митинг, йиғилиш, намойиш ва б.) ўтказиш вақтида фуқаролар алоҳида гуруҳларининг (баъзан оммавий) бирлашмаси. Жамоат бирлашмаларининг аъзолари ва оммавий тадбирларнинг иштирокчилари жамоавий тартибда белгиланган қоидаларга ихтиёрий равишда бўйсунадилар, ижтимоий таъсир кўрсатиш усулларига таянадилар. Айни чоғда мажбурлов усуллари ҳам қўлланиши мумкин. Аммо мажбур усуллар давлат ва унинг органлари томонидан қўлланмайди. Мажбурлаш ташкилий чоралар кўриш (бирлашма таркибидан чиқариш, жамоатчилик танбеҳи ва б.)ни назарда тутати.

ХАЛҚАРО АРБИТРАЖ СУДИ – халқаро савдо палатаси органи бўлиб, 1923 й.да Парижда асос солинган, халқаро низоларни кўриш ва хал этиш бўйича ноёб тажрибага эга. Х.а.с. ўз навбатида Халқаро савдо палатаси Кенгаши томонидан сайланадиган раис, раис ўринбосарларидан, шунингдек адвокатлардан иборат бўлади. Суд аъзолари Миллий қўмитанинг тавсиясига кўра, Кенгаш томонидан тайинланади. Раис, унинг ўринбосарлари ва судьялар Халқаро савдо палатасининг аъзоси ҳисобланадилар. Уларнинг меҳнатлари рағбатлантирилмайди, фақатгина суд сессиялари даврида уларга ҳақ тўланади.

Суд Бош котиб ва Бош маслаҳатчидан иборат бўлган доимий фаолият кўрсатувчи котибиятга эга бўлади. Ўз навбатида Бош маслаҳатчи Бош котиб ўринбосари, адвокатлик хайъати аъзоси вазифасини ҳам бажаради. У судда иш юритишга жавоб беради, адвокатларга ҳамда бошқа

хукукшуносларга ёрдам беради, шунингдек суд ходимлари ишнинг ташкил қилиш ва таъминлаш бўйича қўшимча маълумрий ишларни бажаради. Суд котибиятининг дунёнинг ўрта давлатида турли тилларда сўзлашувчи вакиллари мавжуд. Уларнинг касбий маҳорати ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни масъулият б-н бажаришларига имкон беради. Халқаро савдо палатаси арбитражи Х.а.с. Котибиятига даъво аризаси (мурожаат) келиб тушгандан эътиборан бошланган деб ҳисобланади (The Secretariat of the ICC International Court of Arbitration, 38, Cours Albert I-er, 75008 Paris (France)). Мазкур даъво аризалари (мурожаатлар)да арбитраж жараёнини бошлаш ҳақидаги талабда ташқари бошқа бирор талабнинг бўлиши мумкин эмас. Одатда, ариза арбитраж иши юритиладиган тилда ёзилади, агар тарафлар ишнинг қайси тилда юритилиши юзасидан келишувга эришмаган бўлсалар, шартнома тузилган тилда иш юритилиши мумкин.

Аризада қуйидагилар бўлиши талаб этилади: а) тарафларнинг номи ва манзили, улар фаолиятининг қисқача мазмуни, шунингдек (иложи борича) телекс, факс ва телефон рақамлари; б) иш ҳолатлари ва фактлар ҳақидаги маълумотлар; в) низоининг характери (шартномаги бекор қилиш, ҳисоб-китоб бўйича норозилик сабаблари ва б.). Котибият аризанинг қабул қилинганини тасдиқлайди, жавобгар (жавобгарлар)га аризанинг нусхасини юборди. Ўз навбатида жавобгар (жавобгарлар) аризанинг нусхасини олган кундан эътиборан 30 кун ичида ишнинг қўрайдиган арбитраж сонини кўрсатиб, жавоб хати юборишлари керак. Чунки, Халқаро савдо палатаси қошидаги Х.а.с. суд таркибини аввалдан аниқлаштириб олишлари лозим бўлади. Х.а.с. низо бўйича қарор қабул қилмайди. Ушбу мажбурий тарафларнинг талаб ва эътирозларини эшитган, ишнинг мазмунан кўрган бир ёки уч судьядан иборат бўлган таркибдаги судьялар номидан чиқарилади. Арбитрлар ҳукукшунос бўлмасликлари ҳам мумкин, лекин албатта тарафлардан мустақил бўлишлари талаб этилади. Тарафлар, шунингдек арбитраж жараёнини қаерда ўтказилишини, унинг ўтказилиш тартиб-принципни белгилаш, унинг қайси тилда олиб борилишини танлаш ҳуқуқига эга бўладилар (арбитраж жараёни ўтказиладиган жойдаги ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш шарт б-н). Агар тарафлар келишувга эришадиган бўлсалар, Х.а.с. арбитрларнинг сони ва шахси ҳамда арбитраж жараёнининг қаерда ўтказилишини белгилаш ҳуқуқига эга бўлади.

ХАЛҚАРО ДЕЛИКТ – халқаро ҳуқуқ субъекти содир этадиган халқаро-ҳуқуқий нормалар ва принципларнинг ёки шартномавий мажбуриятларнинг бузишдан иборат бўлган ва ушбу субъектнинг халқаро жавобгарлигига сабаб бўладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик). Х.д. содир этган халқаро ҳуқуқ субъекти делинквент деб аталади. Х.д. ҳар доим ҳам қасддан содир этиладиган қилмишми, деган масала халқаро ҳуқуқ назариясида баҳсли ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ – денгиз кенгликлари ҳолатини белгиловчи ва халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида океанларда амалга ошириладиган фаолият муносабати б-н улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормаларни ифодаловчи халқаро ҳуқуқнинг муайян қисмидир. 1960 й.и БМТда денгиз ҳуқуқи бўйича II Женева конференцияси бўлиб ўтди. Унда ҳудудий денгиз

ва балик овлаш зоналари кенглиги тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Х.д.х. халқаро ҳуқуқнинг энг қад. тармоқларида бири. Унинг илдишлари қад. даврдаёқ шакллана бошлаган эди. Чунинчи, Рим б-н Карфаген ўртасидаги шартномалар бўйича Карфаген ва Лациума қўлтиқларида, Испания, Ливия, Сардиния қирғоқларида чегаралар ва сузиш ҳолати белгиланган эди.

БМТ Бош Ассамблеяси бир қанча муҳим масалаларни ҳал қилиш учун 1970 й. 17 декабрда 2750 (XXV)-сон қарорни қабул қилди. Унга биноан, БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича II конференцияси чақирилди. 1973 й.дан 1985 й. гача ўн битта сессия бўлиб ўтди. Натижада, денгиз ҳуқуқи бўйича янги конвенция тайёрланиб, 1982 й. қабул қилинди. Х.д.х. ўзининг ривожланишида халқаро ҳамжамият манфаатларига тўла жавоб берувчи янги, муҳим босқичга кўтарилди.

ХАЛҚАРО ЖИНОЯТЧИЛИК – халқаро шартномаларда назарда тутилган, давлатлараро тинчлик муносабатларининг турли соҳаларига таъвоуз қилувчи ижтимоий ҳавфли қилмиш бўлиб, халқаро жиноятлардан асосий фарқи бу каби жиноятлар субъектлари давлатлар эмас, балки жисмоний шахслар ҳисобланади. Жавобгарлик халқаро шартномалар асосида вужудга келиб тегишли давлат ҳуқуқлари орқали амалга оширилади.

Ўз хусусиятларига таъвоуз объекти ва халқаро миқёсдаги ҳавфлигига қўра қуйидаги қўринишлардаги халқаро жиноятчиликни кўрсатиш мумкин: халқаро муносабатлардаги ўзаро тинчликни бузишга қаратилган жиноятлар (халқаро террор, гаровга олиш, ҳаво транспортдаги жиноятлар, ядро моделларини ўғирлаш, гнѐхвандлик моддаларини ғайриқонуний равишда ўтказиш, контрабанда, яширин иммиграция, урушни тарғиб қилиш). Улар иқтисодий, ижтимоий, маданият соҳаларида зарар, таъвоуз қилиш ҳисобланади: шахсий ҳуқуқларни поймол қилиш, қўлдорлик, қўл савдосини амалга ошириш, аёллар ва болаларни сотиш, қийнаш, инсонларнинг ҳуқуқларини доимий равишда бузиш, очик денгизда жиноятлар содир этиш, қароқчилик қилиш, денгизда ёрдам бермаслик, денгиз ҳавзасини ифлослантириш, денгиз ости кабелларини бузиш ёки сув остида қувурларга зарар етказиш, халқаро миқёсдаги ҳарбий жиноятларни қўллаш, марадёрлик, тинч аҳолига қўч ишлатиш ва х.к. Х.ж. миллий ҳуқуқий тартибдаги таъвоуз қилиш б-н бирга халқаро ҳамжамиятнинг муҳим манфаатларига зарар келтиради. Бу жиноятчилик (конвенциявий) давлатларнинг жиноятларини муайян турга қарши кураш кўп томонлама халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

Халқаро жиноятлар рўйхати дастлаб II жаҳон урушида инсониятга қарши жиноятлари учун немис миллатчилари ва фашистларини жавобгарликка тортиш мақсадида Нюрнбергда 1945 й.да ташкил этилган Халқаро ҳарбий трибунал (Нюрнберг трибунали) ҳамда япон милитаристларини халқаро жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида 1946 й.да Узоқ Шарқ бўйича ташкил этилган Трибунал (Токио трибунали)нинг Уставларида келтирилган. Ушбу Уставлар ва турли халқаро универсал шартномалардан келиб чиқиб, халқаро жиноятлар уч гуруҳга бўлинади. Тинчликка қарши жиноятлар – бу агрессив урушларни режалаштириш, тайёрлаш, келтириб чиқариш, очиш ва

олиб бориш ёки халқаро битимларда, шартномаларда, келишувларда ўрнатилган тартибни бузган ҳолда уруш олиб бориш ва б. Инсониятга қарши жиноятлар – бу урушгача ёки уруш даврида тинч аҳолини ўлдириш, йўқ қилиш, қул қилиб сотиш, сургун қилиш ва б. қатъий чораларни қўллаш ёхуд сиёсий, ирқий, диний сабабларга қўра, уларни таъқиб қилиш ённки қаерда амалга оширилганидан ёки улар давлатларнинг ички ҳуқуқини бузиш ёки бузмаслигидан қатъи назар, халқаро трибунал юрисдикциясига қирадиган жиноятларни амалга оширишдир. Бундай жиноятлар гуруҳига геноцид, апартеид, экоцид, биоцид, расизм, колониализм ва б. қиради.

Харбий жиноятлар – уруш олиб бориш қонун-қоидалари ва удувларини бузиш, харбий асирларни, гаровга олинганларни, парламентарларни ўлдириш, типч аҳолини қулликка олиб кетиш, ш.ларни, қишлоқларни, аҳоли пунктларини ва б.ни бузиш, ер юзидан йўқ қилиб ташлаш ва х.к. Халқаро жиноятлар ЎЗР жиноят қонучилигида ҳам акс этган бўлиб, ундан келиб чиқиб ЎЗРда халқаро жиноятлар қўйидаги икки гуруҳга ажралади: тинчликка қарши жиноятлар – урушни тарғиб қилиш (150-м.), агрессия (151-м.), урушнинг қонун ва удувларини бузиш (152-м.), ёлланиш (154-м., 154¹-м.); инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар – геноцид (153-м.), терроризм (155-м.), миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш (156-м.). 1976 й. БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссияси Давлатларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги моддалар лойиҳасини маъқулади, унга қўра эноцид (уй, турар жойни йўқ қилиш), қулчилик ва колониал ҳукмронлик ҳам инсониятга қарши жиноятлар қаторига киритилди.

Шу сабабли, айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши б-н қўриб чиқилган жиноятлар сони ўсиб боради. Бунга 1991 й. Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан қабул қилинган Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноятлар кодекси лойиҳаси мисол бўла олади. Бу Кодекс лойиҳасида “жиноятлар ва халқаро характердаги жиноятлар бир-бирдан фарқланмайди. Шунинг учун, унда умумэтироф этилган қоидаларга асосан халқаро жиноятлар деб қўйидагилар кўрсатиб ўтилади: агрессия таҳдиди, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашш, колониал ҳукмронлиги ва чет эл ҳукмронлигининг бошқа шакллари, геноцид, апартеид, инсон ҳуқуқларини доимий ва оммавий равишда бузиш, алоҳида жиддий харбий жиноятлар, атроф-муҳитга қасддан ва жиддий зарар етказиш” Умумжаҳон тинчлиги ва халқаро хавфсизлик, давлатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи хал қилиш ҳуқуқи, уруш қонунлари ва удувлари, инсон ҳуқуқлари халқаро жиноятнинг объекти бўлиши мумкин. Бу жиноятларнинг жиний оқибати инсоният учун катта миқдорда зарар етказиши б-н ажралиб туради. Халқаро жиноят субъектлари давлатлар, халқаро ташкилотлар ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Ушбу жиноятчиларни содир этганликда айбдор давлатлар ва б. субъектлар маънавий, мулкӣй ва сиёсий жавобгарликка тортиладилар.

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ – халқаро оммавий ҳуқуқнинг умумий тармоғи, халқаро иқтисодий муносабатлар б-н халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар йнғиндисидан

иборат. Х.и.х. муносабатлари мураккаб тизимга эга. Улар турли мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасидаги муносабатлар каби давлатлар ўртасидаги муносабатларни ҳам қамраб олади.

Давлатлараро иқтисодий муносабатлар гоаят хилма-хил. Улар савдо, денгиз ва транспорт турлари, молия ва кредит, фан-техника ва б. саноат ҳамкорлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муносабати б-н юзага келади.

Х.и.х. маибалари халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқий одатлардан таркиб топади. Х.и.х. нормаларининг шаклланишида БМТнинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференцияси (ЮНКТАД)нинг 1964 й.да бўлиб ўтган I-сессиясида қабул қилинган принциплари, 1974 й.да БМТ Бош Ассамблеясининг VI махсус сессиясида қабул қилинган Халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш бўйича декларация ва ҳаракат дастурлари, 1974 й.да БМТ Бош Ассамблеясининг XXIX сессиясида қабул қилинган Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари хартияси ва б. катта аҳамиятга эга. Х.и.х.нинг асосий мақсади тинчликни таъминлашдан иборат. Х.и.х.нинг бошқа бир мақсади камрок ривожланган мамлакатларга ёрдам бериш, халқаро ҳуқуқий воситалар б-н халқаро иқтисодий муносабатларни, давлат суверенитетини хурматлаш ва б.дан иборат. Халқаро демократик ҳамкорлик гоаяси БМТ Уставиининг асосини ташкил қилади. Давлатлар ўз ташки савдосини бож тарифи ёрдамида тартибга солади. Бундай тартибнинг асосини ташкил этувчи бож тўловлари импорт товарлари, экспорт товарлари учун алоҳида солиқдан иборат.

ХАЛҚАРО КОНГРЕСС – дипломатик амалиётда давлат бошлиқлари, Ташки ишлар вазирлари ва дипломатик вакилларнинг муҳим сиёсий ва у б-н боғлиқ бошқа масалаларни хал этиш учун чақириладиган съезди номига нисбатан ишлатиладиган ибора. Мазкур ибора XVII–XVIII а.ларда давлат бошлиқлари (монархлар) ва дипломатлар урушдан кейинги тинчликни тиклаш ва худудий муаммоларни хал этиш учун чақирилган съездларини номлаш учун кенг қўлланган. Мас., Вена (1815 й.), Париж (1856 й.), Берлин (1878 й.) конгресслари.

XIX а.нинг охири ва XX а.нинг бошларида мазкур атам “конференция” атамаси б-н сикиб чиқарила бошланди (1899 ва 1907 й.лардаги Гаага конференциялари, 1922–1923 й.лардаги Лозанна конференцияси ва б.лар). Ҳозирги вақтда Х.к. атамаси кўпроқ илмий ёки ижтимоий характердаги ноҳукумат халқаро форумларга нисбатан қўлланмоқда (мас., тинчлик тарафдорлари конгресси, халқаро ҳуқуқшунослар конгресси, врачлар конгресси ва х.к.). Яна қ.: *Халқаро конференциялар*.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯЛАР – Х.к. ҳукуматлараро ва ноҳукумат тарзида ўтказилади. Ноҳукумат ташкилотлар вакиллари ёки турли мамлакатларнинг алоҳида шахслари томонидан уюштирилган кенгашлар ноҳукумат конференциялар ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ давлатлар расмий вакилларининг ана шу давлатлар манфатларига тааллуқли у ёки бу масалаларни муҳокама қилиш учун ўтказган йиғилишлари ҳукуматлараро конференциялар ҳисобланади. Х.к.дан халқаро ташкилотларнинг органларини фарқлай билиш лозим. Ҳолбуки, бу ташкилотларнинг бош органлари кўпинча конференциялар деб юрити-

лади (чунончи, ЮНЕСКО Бош конференцияси, Халқаро меҳнат ташкилоти Бош конференцияси).

Х.к. у ёки бу халқаро шартномани тайёрлаш ва қабул қилиш ёки тегишли халқаро муаммоларни муҳокама қилиб, биргаликдаги баённомаларни ишлаб чиқиш ёхуд бу муаммолар бўйича фикрлар алмашиш мақсадида чақирилади. Ҳозирги замон Х.к.да одатда қуйидаги қўмиталар тузилади: 1) конференция ишини ташкил этишнинг умумий масалалари б-н шуғулланувчи бош қўмита; 2) делегация ваколатларининг ҳақиқийлигини текширувчи ва бу масала юзасидан конференциянинг ялпи мажлисига тегишли маъруза тақдим этувчи ваколатлар бўйича қўмита; 3) конференцияларни муҳокама қилиш учун ишчи қўмиталари; 4) моддалар матни ва умуман конвенция матнини конференцияларда муҳокама қилингандан кейин тайёрловчи тахририй қўмита.

Айрим ўта муҳим ёки ўта мураккаб Х.к. нинг иш тартиби гоҳо юқорида кўрсатилганидан фарқ қилади. Чунончи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши уч босқичда ўтказилди. Улар турли даражада олиб борилди. Дастлабки икки босқич натижасида яқунловчи акт матни тўла келишиб олинди. Учинчи босқич – давлат ва ҳукумат бошлиқлари даражасида ўтган босқичда ана шу акт 1975 й. 1 августда имзоланди.

Х.к. қарорларининг юридик аҳамияти ҳам хилма-хилдир. Конференция томонидан шартнома матнининг қабул қилиниши давлатлар розилигини келиштириш жараёнининг биринчи босқичи яқунланганлигини билдиради. Конференция томонидан қабул қилинган қарорлар давлатлар ёки халқаро ташкилотларга бериладиган тавсия хусусиятига эга. Яна қ: *Халқаро конгресс*.

ХАЛҚАРО КОСМИК ҲУҚУҚ – халқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи. Х.к.х. орқали унинг субъектлари ўртасида космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш фаолияти б-н боғлиқ муносабатлар тартибга солинади. Х.к.х.нинг юзага келиши ва шаклланиши 1954 й.нинг 4 октябрида собиқ Совет Иттифоқида Ернинг биринчи сунғий йўлдоши учирлиши б-н боғлиқ. 1967 й.да Космос тўғрисидаги дастлабки махсус шартнома ишлаб чиқилгунга қадар Х.к.х.нинг бир қатор ҳуқуқий принциплари ва нормалари таркиб топди. БМТ, хусусан, 1959 й.ги Бош Ассамблеянинг Махсус органи сифатида ташкил этилган Космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш қўмитаси Х.к.х.нинг янги нормаларини амалда ишлаб чиқиш маркази ҳисобланади.

Космик фаолиятга тааллуқли айрим одатдаги ҳуқуқий принцип ва нормалар бир овоздан қабул қилингани БМТ Бош Ассамблеяси қарорларида ўз ифодасини топди. Ривожланган ва б. давлатлар БМТда бир қатор халқаро шартномаларни тузиш ташаббуси б-н чиқиб, Х.к.х.ни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар Х.к.х. давлатларнинг самовий жисмларини қўшиб ҳисоблаганда, космик фазонинг ўзидаги фаолиятигагина таъсир кўрсатмайди. У давлатларнинг ер ва ернинг ҳаво кенглигидаги космосни ўрганиш ва уни ўзлаштириш б-н боғлиқ фаолиятларига ҳам таъсир кўрсатади. Давлатларнинг фаол иштироки ва халқларнинг тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик учун кураши шароитида ривожланиб бораётган Х.к.х. фазони барча давлатлар учун тинчлик ва ҳамкорлик зонасига айлантиришни мақсад қилиб қўяди. Х.к.х. космонавтларнинг

хаёти ва соғлигини сақлашга қаратилган бир қатор тadbирларни назарда тутди. Давлатлар ўзларининг космосдаги фаолиятларини Х. к. х.нинг принциплари ҳамда нормаларига қатъий амал қилган ҳолда олиб борганлиги учун халқаро жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар.

ХАЛҚАРО МУЗОКАРАЛАР – халқаро ҳаётда у ёки бу иктисодий, сиёсий масалалар бўйича келишувга олиб борадиган тadbир. Бу музокаралар тегишли ҳуқуқий нормалар асосида амалга оширилади.

ХАЛҚАРО НИЗО – халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида фактлар ёки ҳуқуқий масала бўйича вужудга келадиган расман эътироф этилган келишмовчилик. Икки томонлама ёки кўп томонлама бўлиши мумкин. Давлатларнинг у ёки бу халқаро шартномани талқин этиш ёки қўлланишга доир фаолиятининг турли соҳаларида, муайян давлат жавобгарлигида юз бериши мумкин. Х.н.нинг ҳар бир соҳасида ўзига хос хусусиятлар мавжуд. У бирданига эмас, анча кўпроқ муддат давомида ташкил топиши мумкин. Давлатлар ўртасида ҳар қандай низоининг пайдо бўлиши хали Х.н.нинг бўлишини билдирмайди. Х.н. мавжудлиги фактини эътироф этиш бундай баҳсни ҳал қилиш вазифасини келтириб чиқаради. Халқаро амалиётда (шу жумладан, ЎзРда ҳам) бир томон Х.н. мавжуд деб, бошқа томон эса, уни йўқ деб қайд этадиган ҳоллар кўп учрайди. Бу, одатда, мамлакатларнинг ўз мавқеини заифлаштирмаслик учун қилинади. Х.н. халқаро низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш принципи асосида тинчлик воситалари билан ҳал қилиниши керак.

ХАЛҚАРО ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОИМИЙ ПАЛАТАСИ – 1921–1940 й.лар мобайнида Гаага шаҳрида фаолият кўрсатган халқаро суд органи. Бу суд Миллатлар Лигаси қошида бўлиб, кўнгилли равишда ёки давлатлараро келишувлар, конвенциялар асосида халқаро тортишувларни ҳал этиш масалалари б-н шуғулланган.

ХАЛҚАРО ОММАВИЙ ҲУҚУҚ – қ: *Халқаро ҳуқуқ*.
ХАЛҚАРО ПАРВОЗЛАРДА ТИЖОРAT ҲУҚУҚЛАРИ

– давлатлар томонидан ҳаво кемалари белгиланган тартибда бирор мамлакатда рўйхатга олинган хорижий корхоналарга ўзининг ҳудудига йўловчилар, багаж, юк ва почтани тижорат мақсадларида (тўлов асосида) ташин ҳуқуқининг берилиши. Бундай ҳуқуқлар ўзаро дўстлик шартларида амалга оширилади ҳамда давлатлар ўртасида 1944 й.даги Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Чикаго конвенциясининг мунтазам халқаро ҳаво алоқаларидаги тижорат ҳуқуқларини алмашиш тўғрисидаги якуний ҳужжатига илова қилинган расмий ҳужжат бўйича икки томонлама тузилган тегишли келишув (шартнома)ларда батафсил белгиланади. Бундай ҳуқуқлар (“ҳаво эркинлиги”)нинг рўйхати қуйидагиларни ўз ичига олади: а) ушбу ҳуқуқни берувчи давлат ҳудуди орқали транзит тартибда (қўнмай) учиб ўтиш ҳуқуқи; б) ушбу давлат ҳудудига техник-эксплуатация (ёнилғи қуйиш, техник хизмат) мақсадларида, йўловчилар, багаж, юк ва почтани тушириш-ортиш ишлари амалга оширилмаган ҳолда қўниш мумкинлиги шarti б-н бу ҳудуд орқали транзит тартибда учиб ўтиш ҳуқуқи; в) ҳаво кемаси рўйхатга олинган давлатда кема саҳнига қабул қилинган йўловчилар, багаж, юк ва почтани хорижий давлат ҳудудига етказиш ва тушириш ҳуқуқи; г) йўловчилар, багаж, юк ва почтани ҳаво кемаси рўйхатга олинган давлатга ташиш учун кема

сахнига қабул қилиш ҳуқуқи; д) хорижий давлат ҳудуди-га йўловчилар, багаж, юк ва почтани тушириш, шунингдек буларнинг барчасини бошқа ҳар қандай учинчи давлатдан учинчи давлатга ҳаво кемаси сахнига қабул қилиш ҳуқуқи; е) учинчи давлатлар ўртасида ўзининг (ҳаво кемаси рўйхатга олинган давлат) ҳудуди орқали ҳар қандай объектларни ҳаво транспортида ташиш ҳуқуқи; ж) ҳаво кемаси рўйхатга олинган давлат ҳудудини айланиб ўтган ҳолда хорижий давлатлар ўртасида барча турдаги ҳаво транспортида ташиш ҳуқуқи.

ХАЛҚАРО САВДО ПАЛАТАСИ – 1919 й. ташкил этилган, ҳозирги кунда 140 та давлатнинг мингдан ортиқ ташкилот, муассаса ҳамда компанияларини ўзида мужассам этган мустақил иттиҳорат халқаро ташкилотдир. Палатанинг асосий мақсади эса тadbиркорлик фаолиятига оид долзарб муаммоларни ҳал этишдан иборатдир. Х.с.п. ўз фаолияти давомида БМТ, Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Бутунжаҳон Банки каби кўлаб ташкилотлар б-н кенг ҳамкорлик олиб боради ҳамда улар учун жамоавий маслаҳат органи бўлиб ҳисобланади.

Х.с.п.нинг асосий мақсади халқаро тижорат иши юритиш этикасининг юқори стандартларини белгилашдан иборатдир. Мазкур ташкилотнинг фаолияти халқаро тижорат ишларини юритиш стандартларини ишлаб чиқиш, унификация қилинган умумий қоидаларни белгилашга йўналтирилган.

Х.с.п.нинг сиёсий мурожаатлари ва тижорат юритишнинг умумэтироф этилган қоида, кодекс, стандартлари ва б. механизмларини тайёрлаш фаолияти б-н тижоратнинг барча соҳалари бўйича ташкил этилган; мунтазам иш юритувчи комиссия ва маслаҳат гуруҳларининг 16 аъзоси томонидан амалга оширилади.

Х.с.п. томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қаторида “Инкотермс” (Унификация қилинган тижорат атамалари), “Халқаро тижорат юритишнинг умумий қоида ва одатлари” (UCP 500), “Бутунжаҳон савдо ташкилотининг Ҳакамлик регламенти”, халқаро шартномаларнинг намунавий шакли ва б. кўлаб мунтазам комиссиялар томонидан тузатишлар киритиб бориладиган ҳужжатлардан иборатдир.

Х.с.п. икки йилда бир мартаба, дунё тижорати соҳасида муҳим аҳамият касб этувчи, халқаро тижорат соҳасида мавжуд бўлган муаммоларни ҳал этиш масалалари ва стратегиясига бағишланган умумжаҳон конгресслар ўтказиб боради. Конгресслар Х.с.п.нинг миллий кўмиталари иштирокида дунёнинг турли мамлакатларида ўтказиб борилади.

ХАЛҚАРО САВДО ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА БМТ КОМИССИЯСИ (ЮНИСТРАЛ) – БМТ Бош Ассамблеясининг ёрдамчи органи бўлиб, халқаро конвенциялар ва б. ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш орқали халқаро савдо ҳуқуқини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида тузилган (1966 й.). ЮНИСТРАЛ доирасида тайёрланган ҳужжатлар қаторига 1974 й.да қабул қилинган Махсулотларнинг халқаро олди-сотди савдосида даъво муддати тўғрисидаги конвенция ва ушбу Конвенцияга киритилган ўзгартиришлар тўғрисидаги Протокол (1980 й.). Юқларни денгиз орқали ташиш тўғрисидаги конвенция (1978 й.), Махсулотларни халқаро олди-сотди савдоси шартномалари тўғрисидаги конвенция (1980 й.) ва б. қиради.

ХАЛҚАРО САНКЦИЯ – амалиётда куйидаги аҳамиятга эга бўлган тушунча: 1) халқаро ҳуқуқ нормаларининг элементларидан бири ҳисобланиб, ҳуқуқни бузган давлат учун яхши оқибатларга олиб келмайди; 2) халқаро ташкилотлар томонидан, мас., БМТ томонидан амалга оширилган мажбурлов чоралари; 3) халқаро ҳамжамият томонидан қўллашладиган халқаро ҳуқуқий жавобгарликнинг ўта сиёсий шакли; 4) халқаро ҳуқуқбузарликка қарши яқка тартибдаги ёки жамоа мажбурлов чоралари; 5) халқаро ҳуқуқбузарлик содир этилган давлатларга нисбатан давлат ёки халқаро ташкилотлар томонидан қўллашладиган мажбурлов чоралари. Сўнгги йилларда Гаити, Ироқ, Ливия ва Югославияга нисбатан халқаро санкциялар қўлланилган.

ХАЛҚАРО СУД – 1946 й.да таъсис этилган, БМТнинг олти асосий органларидан бири бўлиб, тинчлик ва барқарорликка таҳдид солишга сабаб бўлувчи халқаро низо ва вазиятларни халқаро ҳуқуқ ва адолатлилик принципи асосида тинч йўллар б-н ҳал этилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Мазкур суд БМТ Уставининг бир қисми ҳисобланган Статут ҳужжати ҳамда ўз регламентига асосан фаолият юритади.

Х.с. таркиби 15 нафар мустақил судьялардан иборат бўлиб, улар қайси давлат фуқаролигига мансуб эканликларидан қатъи назар, юқори ахлоқий хусусиятларга эга бўлган, ўз мамлакатларида судья бўла олиш талабларини тўлиқ қаноатлантира олган, халқаро ҳуқуқ соҳасида обрў-этиборга эга эканликлари тап олинган юристлар қаторидан таълаб олинади.

Судьялар БМТнинг Хафсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяси аъзолари томонидан қайта сайланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда тўққиз йил муддатга сайланадилар.

Мазкур органлар овоз бериш жараёни бир-бирларидан мустақил равишда бир вақтда ўтказилади. Мазкур сайловда юқори чиккиш учун номзод ҳар иккала органининг кўпчилик овозига эга бўлиши зарур. Суд таркибида ҳуқуқий ворисликни таъминлаш мақсадида 15 нафар судьянинг ваколат муддати бир вақтда тугатилмайди. Ҳар уч йилда суд аъзоларининг бирдан уч қисми ўртасида сайловлар ўтказилади.

Суд таркибини мужассамлаштиришнинг асосий принципларидан бири – бу умумжаҳон ҳуқуқий тизими ва цивилизациясини эътироф этган ҳолдаги вакиллик принциpidир.

Суд таркиби шу аснода тузилганки, унда дунёнинг барча минтақаларидан вакиллар, жумладан: Африка қитъасидан уч, Латин Америкасидан икки, Осиёдан уч, Ғарбий Европа, шунингдек Канада, АҚШ, Австралия ва Янги Зеландиядан беш ва Шарқий Европада (Россия давлати б-н) икки нафардан аъзолари мавжуд.

Суд томонидан кўриб чиқилаётган ишларнинг ярмидан кўпи ҳудудий ва чегаравий низолар б-н боғлиқ. Аксарияти эса денгиз ҳуқуқига оид низо ва масалаларга тааллуқлидир.

Суд амалиётида учраган муҳим низолар – бу куч ишлатишни ноқонуний деб эътироф этиш ишлари саналади.

Бундан ташқари, мазкур судга тижорат соҳасига оид низоларни ҳал этиш б-н боғлиқ ҳамда муайян шахс ҳуқуқига оид масалалар юзасидан ҳам мурожаат этилади.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР – муайян мақсадларни амалга ошириш учун халқаро шартнома асосида ту-

зилган, тегишли органларга эга бўлган, аъзо давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган ҳамда халқаро ҳуқуққа биноан таъсис этилган давлатларнинг уюшмасидир. Х.т.ни туркумлаш ташкилотларнинг ҳуқуқий табиати; ташкилот фаолиятининг кўлами; ташкилот фаолиятининг мавзуи; ташкилот аъзолари бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти сингари белгилар бўйича ўтказилади.

Х.т. халқаро тизимнинг таркибий қисмидир. Табиийки, халқаро тизимнинг ривожланиши хал қилувчи таъсир кўрсатаётган ижтимоий тараққиёт қонунлари умумий тарзда уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиатини ҳам белгилаб беради. Х.т. давлатлар томонидан аниқ мақсадлар ва вазифаларни бажариш учун тузилади. Бунинг учун муайян ҳуқуқ доирасига эга бўлади, бу ҳуқуқ доиралари низомда кайд этилади. Х.т.нинг мақсад ва вазифалари тушунчаларини аниқлаб олиш лозимдир. Х.т.нинг мақсадлари хилма-хил. БМТ халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун тузилган. ИКАО халқаро авиация муаммоларини ўрганиш, фуқаро авиацияси учун халқаро нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш ҳамда халқаро ҳаво йўлларида учининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида таъсис этилган. Мазкур ҳаракатларнинг йиғиндиси Х.т.нинг вазифасини ташкил этади. Булар ахборот, норматив, назорат ва амалий вазифалардир. Х.т.нинг бюджети аъзо бўлган давлатлар бадаллари ҳисобига тўлдириб берилади. Ҳар бир ташкилот бадаллари бюджетга ажратиш тартибини ўзи белгилайди.

БМТ бадаллари бўйича қўмита учта мезонни белгилаб беради: 1) аҳоли жон бошига тушадиган маблағ; 2) иккинчи жаҳон уруши тўғрисида мамлакат иқтисодиётининг аҳоли; 3) у ёки бу мамлакат томонидан чет эл валютасини сотиб олиш имконияти.

ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲУҚУҚИ – халқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи. Халқаро миқёсда фаолият кўрсатадиган ташкилотларнинг ташкилий асослари, норматив манбалари, уларни ташкил этиш тартиби, ваколатлари ва фаолиятларини мувофиқлаштирувчи ҳуқуқий йўналишларини белгилайди. Бу тармоқ таркибига халқаро миқёсда тузиладиган ташкилотлар вужудга келишининг умумий принциплари қиради. Шу б-н бирга, Х.т.х. айрим йўналишлар бўйича фаолият кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзинга хос фаолиятларини мувофиқлаштириш асосларини ҳам ўз ичига олади. Х.т.х.да ташқи ва ички ҳуқуқлар мужассамланган. Ташқи ҳуқуқ халқаро ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини, ички ҳуқуқ шу ташкилотларнинг ички тизими, ташкилий тузилиши, мулкӣ, номулкӣ муносабатларини тартибга солади. Х.т.х.нинг ҳуқуқий манбаси БМТ Устави бўлиб ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ТЕРРОРИЗМ – одамларнинг беҳуда ҳалок бўлишига олиб келувчи, давлатлар ва улар вакилларининг нормал дипломатик фаолиятини бузувчи ҳамда халқаро алоқалар ва учрашувларни, шунингдек давлатлар ўртасидаги транспорт алоқаларини амалга оширишни қийинлаштирувчи халқаро миқёсдаги ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси. ЎЗР кўллаб халқаро битимларнинг, чунончи, Х.т. қўриқиларига қарши курашга қаратилган битимларнинг, жумладан, Ҳаво кемаларини қонунга ҳилоф равишда эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги 1970 й.ги конвенциянинг, Фуқаро авиация-

сининг хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга ҳилоф ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги 1971 й.ги конвенциянинг, Халқаро химоядан фойдаланувчи шахслар, жумладан, дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги 1973 й.ги конвенциянинг иштирокчиси.

ХАЛҚАРО ТРИБУНАЛЛАР – халқаро жиноятларни содир этишда айбдор бўлган жиноятчилар ва давлатларни суд қилиш учун тузиладиган халқаро органлар. Турли даврларда қуйидаги Х.т. тузилган; 1) 1945 й.ги Халқаро ҳарбий трибунал Устави асосида ишлаган Нюренбергдаги Халқаро ҳарбий трибунал; 2) 1946 й.да Японияда иттифокчи бош қўмондонлар тасдиқлаган устав асосида амал қилган Узоқ Шарқ учун Халқаро ҳарбий трибунал; 3) Собиқ Югославия ҳудудида 1991 й.дан бошлаб содир этилган халқаро гуманитар ҳуқуқнинг жиддий бузилиши учун жавобгар шахсларни суд таъқибига олиш учун тузилган Гаагадаги Халқаро трибунал – 1993 й.да БМТ Хавфсизлик Кенгаши қабул қилган Устав асосида; 4) Руанда ҳудудида содир этилган геноцид ва б. халқаро гуманитар ҳуқуқни жиддий бузиш ҳоллари учун жавобгар шахсларни 1994 й. 1 январдан 1994 й. 31 декабргача қўшни давлатлар ҳудудида содир этилган Руанданинг геноцид ва б. шу каби қонунбузарликлари учун жавобгар фуқароларни БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан 1995 й.да қабул қилинган Устав асосида суд таъқибига олиш учун тузилган Халқаро жиноят трибунали.

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ – чет эл элементи б-н мураккаблашган фуқаролик, оила, меҳнат ва процессуал-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш нормалар йиғиндиси. Фуқаролик, оилавий, меҳнат ва процессуал-ҳуқуқий муносабатларда чет эл элементини мураккаблашуви қуйидаги ҳолларда содир бўлади: 1) ҳуқуқий муносабат субъектларидан бири чет эллик жисмоний ёки юридик шахс бўлса; 2) ҳуқуқий муносабат объекти чет элда жойлашган бўлса; 3) ҳуқуқий муносабат вужудга келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши б-н боғлиқ юридик факт чет элда содир бўлса.

Х.х.х. соҳаси муайян ҳуқуқ нормалари таркибидан ташкил топган бўлиб, бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқ қилади. Агар бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари б-н ички давлат аҳамиятига эга муносабатлар тартибга солинса, Х.х.х. эса алоҳида соҳа сифатида ва аҳамияти жиҳатдан бирон-бир давлат ҳудуди доираси б-н чекланмайди, бинобарин у турли давлатлар фуқаролари, ташкилотлари, давлатлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар йиғиндиси ёки мажмуасидан ташкил топади. Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқни ҳам бир-бирдан фарқлаш керак. Халқаро оммавий ҳуқуқ давлатлар, ҳокимият органлари ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, яъни оммавий-ҳуқуқий манфаатлар б-н боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар мажмуидан иборат. Х.х.х. фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалардан ташкил топган бўлиб, ушбу муносабатларнинг доираси, таркибий қисмлари бирон-бир мамлакат чегараси б-н чекланиб қолмайди, халқаро ҳаёт кўламида табиий ҳодиса сифатида ривож топади. Х.х.х.нинг халқаро ҳуқуқ (оммавий ҳуқуқ)дан фарқи яна шундан иборатки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўйи-

ча вужудга келиши мумкин бўлган низолар оммавий ҳуқук коидаларига ўхшаб дипломатик йўл б-н эмас, балки фукаролик даъво кўзгатиш йўли б-н суд ёки арбитраж органларида кўрилади.

Ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган қоидалар, улар воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятларига қараб Х.х.х. фани умумий ва махсус қисмларга бўлинади. Х.х.х. фанининг умумий қисми чет эл ҳуқуқи нормаларини фукаролик-ҳуқуқий муносабатларга қўлланishi лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш, хусусий ҳуқук тушунчаларига суд ёки бошқа давлат органлари томонидан ҳуқуқий баҳо бериш, чет эл ҳуқуқи нормалари мазмунини аниқлаш, учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш, ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш, хусусий ҳуқук нормаларининг турлари, халқаро шартномалар, коллизия (тўқнашувчи) нормалар тушунчаси, коллизия нормаларни изохлаш ва татбиқ қилиш, ҳуқуқни қўллашда ўзаролик муносабати ва реторсиялар қўлланиши ҳақидаги умумий қоидалардан ташкил топади. Х.х.х.нинг махсус қисми таркиби жиҳатдан ички давлат фукаролик ҳуқуқи фанининг бўлимлари таркибий қисмига деярли мос келади. Мазкур қисмининг мазмуни шахслар, шахсий номулк ҳуқуқлар, интеллектуал мулк, битимлар, вакиллик, даъво муддати, ашёвий ҳуқуқлар, шартнома мажбуриятлари, шартномадан ташқари мажбуриятлар, ворислик ҳуқуқи ва б. ҳуқуқ инсларидан ташкил топади.

Х.х.х.нинг асосий манбалари икки ёки кўп томонлама тузилган халқаро шартномалар ва б. ҳужжатлардир (Сафоат мулкни муҳофаза қилиш бўйича Париж конвенцияси, Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги бутунжаҳон Женева конвенцияси, Фукаролик процессуал масалаларига бағишланган Гаага конвенцияси ва б.лар).

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА (инг. treaty) – халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларидан бири бўлиб, икки ёки бир неча субъектларнинг аниқ соҳада ўзаро муносабатларига тегишли ҳуқук ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш йўли б-н аниқлаштирадиган ёки кўрсатилган субъектларнинг аниқ халқаро муносабат аспектига нисбатан муносабатларини белгилаб кўядиган ихтиёрий келишув ҳисобланади.

Х.ш.нинг мазмунини ташкил этувчи келишув бир ёки бир неча ўзаро боғлиқ халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этиши мумкин. Х.ш.лар турлича номланиши мумкин: келишув, пакт, декларация, протокол, трактат, конвенция, регламент ва б.. Х.ш.ни туздиган органлар турига қараб давлатлараро, ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар фаркланади.

Х.ш.ларни тузиш, ижро қилиш ва денонсация қилишнинг асосий қоидалари халқаро одатларда ўрнатилган. Уларнинг аксарияти 1969 й.даги Х.ш.ларнинг ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясида, 1978 й.даги Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясида, 1986 й.даги Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясида мустаҳкамланган. Муайян давлатларнинг Х.ш.лари б-н боғлиқ муносабатлар, шунингдек миллий қонунчилик б-н ҳам тартибга солинади. Мас., ЎзРда тегишли нормалар ЎзР Конс.сида, “Ўзбекистон Республикасининг Хал-

қаро шартномалари тўғрисида”ги Қонунида, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда акс этган.

1969 й.даги Х.ш.ларнинг ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси қоидаларига кўра, Х.ш. – давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида бир, икки ёки бири б-н боғлиқ бўлган бир неча ҳужжатларда мужассамланганлигидан ҳамда унинг аниқ номидан катъи назар, ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқук б-н тартибга солинадиган битим ҳисобланади.

Х.ш. – оғзаки тарзда тузилган бошқа битимлардан, яъни жентльменлик битимлари (маълум матндан иборат, бироқ Х.ш.нинг бошқа атрибутларини, хусусан унга юридик куч берувчи, кучга кириш шарт-шароитларини ва ҳаракат муддатини белгилловчи қоидаларни ўзида ифодаламаган оғзаки битим)дан фарқли ўларок давлатлар ўртасида тузиладиган ёзма битимдир.

Х.ш.лар унда иштирок этувчи субъектларнинг сонига қараб икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар бўлади. Х.ш.лар мазмунига қараб иктисодий, сиёсий, ҳуқуқий шартномалар бўлиши, шунингдек бошқа масалалар бўйича тузилиши мумкин. Х.ш.лар очик ёки ёпиқ бўлиши мумкин. Очик Х.ш.лар деб, ҳар қандай давлат иштирок эта олиши мумкин бўлган шартномаларга айтилади. Ёпиқ Х.ш.лар уларда иштирок этиш учун мазкур шартнома иштирокчилари розилиги талаб қилинадиган шартномалардир.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМА ҲУҚУҚИ – халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномаларни тузиш, амалга ошириш ва тўхтатиш шартини белгилаб берувчи тармоғи. Ҳозирги вақтда БМТ доирасида 1969 й.ги Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенцияси амал қилмоқда. ЎзРнинг Конс.сида халқаро шартномаларни тузиш, тасдиқлаш, ратификациялаш ва денонсация қилиш тўғрисида алоҳида моддалар бор. Шунингдек, 1995 й.нинг 22 декабрида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни ҳам қабул қилинди. Шартномаларда давлатлар асосий томонлар ҳисобланади. Давлатлараро шартномалар халқаро муносабатларни тартибга солишда асосий ўрин тутаяди ва шу тарихда халқаро ҳуқук нормаларини яратаяди. Ҳар бир давлат шартномада қатнашиш учун тенг ҳуқуққа эга.

Халқаро шартномаларни тузиш икки босқичдан иборат: а) биричи босқич – давлатлар ёки халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари хатти-ҳаракат қоидаларига нисбатан, яъни шартнома матнига нисбатан иродани келиштириб олиш; б) иккинчи босқич – шартнома нормаларининг мажбурийлигини тан олишга нисбатан иродаларни келишиб олиш – давлатларнинг яқка тартибдаги ҳаракатларидан иборат бўлади.

Халқаро шартномаларнинг икки асосий шакли мавжуд. Бу – ёзма ва оғзаки шакллардир. Ёзма шаклларнинг афзаллиги халқаро тажрибада етакчи ўрин эгаллаганлиги б-н белгиланади. Кўпдан-кўп қарорларни ўз ичига олган кўпгина шартномалар фақат ёзма равишда тузилади. Бироқ ҳозирги кунда ҳам гоҳо оғзаки шаклдаги битимлар тузиш принциpidан фойдаланилади. Агар битим бирон-бир ҳужжатда қайд этилмаган бўлса, уни “жентльменлик битими” деб аташ қабул қилинган.

Шартномаларнинг амал қилиш доираси ё унда тўғридан-тўғри кўрсатилади ёки мана шу шартноманинг қарор-

ларидан келиб чиқади. Тўла ҳуқуқли мазмунга, унда қатнашиш ҳуқуқига эга томонлар ўртасида тузилган, қонуний тартибда қучга кирган ва халқаро ҳуқуққа биноан тўхтатилмаган (туғатилмаган) шартнома ҳуқуқий ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ДЕПОЗИТАРИЙСИ – халқаро ҳуқуқда шартномага киришаётган томонларнинг ўзаро келишувига биноан имзоланаётган кўп томонлама халқаро шартноманинг асли ва унга тегишли барча ҳужжатларни сақлаш вазифасини ўз зиммасига олувчи давлат ёхуд халқаро ташкилот. Агар халқаро шартнома талабларига мувофиқ шундай вазифа ЎзРга юқлатилган бўлса, Х.ш.д. вазифаларини ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги бажаради. Одатда фаолият доираси тузилаётган халқаро шартнома предмети б-н боғлиқ бўлган халқаро ташкилотлар ана шу шартнома депозитарийси этиб тайинланади.

ХАЛҚАРО ЮРИСДИКЦИЯ – қ: *Юрисдикция*.

ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ – халқаро оммавий ҳуқуқнинг тармоғи. Х.х.х. халқаро қатновни амалга оширишда, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳаво кенглигидан фойдаланиш сабабли давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар тартибини ўз ичига олади. Х.х.х. халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган барча принциплари (мас., суверенитет, давлат ҳудудининг дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик, ҳамкорлик), умуман, халқаро ҳаво алоқаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг бузилмас асосини ташкил этади.

Х.х.х.да шу нарса кенг эътироф этилганки, ҳар бир ҳаво кемаси бироқ-бир бошқа давлат ҳудуди устидан учиб ўтаётган ёки шу ҳудуд доирасида бўлган вақтда, шу давлатдаги халқаро ҳаво транспортига доир амалдаги қонун ва қондаларга жиддий риоя қилиши шарт.

Чет эл ҳаво кемаси аэропортга етиб келиши б-н ҳар бир давлатнинг тегишли органлари уни кўздан кечириб чиқиши ва ҳужжатларни (самолётнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, унинг учишга яроқли эканлиги тўғрисидаги ҳужжат, экипаж аъзоларининг малакаси тўғрисидаги гувоҳнома, йўловчилар рўйхати ва б.)ни текшириш ҳуқуқига эга. Давлатлар томонидан 1944 й.даги Чикаго конвенциясининг ишлаб чиқилиши ва тузилиши ҳамда ИКАО ташкил этилишининг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, улар “Халқаро фуқаро авиацияси хавфсиз ва тартибга солинган тарзда ривожлана олиши” учун хизмат қилмоғи керак. 70-й.ларда ИКАО ташаббуси б-н унинг доирасида фуқаро ҳаво кемаси фаолиятида ноқонуний аралашувларга қарши курашда давлатларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш ва ривожлантиришга қаратилган халқаро конвенциялар ишлаб чиқилди. Булар 1970 й.ги Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллаб олишга қарши кураш олиб бориш тўғрисидаги Гаага конвенцияси ва фуқаро ҳаво кемаси хавфсизлигига қарши қаратилган 1971 й.ги Ноқонуний ҳаракатлар б-н курашиш тўғрисидаги Монреал конвенциясидир.

ХАЛҚАРО ҲАҚАМЛАР СУДИНИНГ ДОИМИЙ ПАЛАТАСИ – 1899 й. халқаро тўқнашувларни тинчлик йўли б-н ҳал этиш мақсадида Гаага конвенцияси асосида Гаага ш.да ташкил этилган доимий ҳақамлик суди.

ХАЛҚАРО ҲАРАКАТДАГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ – а) одатда ушбу давлатдан ташқарида доимий

яшайдиган жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган; б) ушбу давлатда рўйхатга олинмаган; в) ушбу давлатга вақтинча олиб кирилган автотототранспорт воситаси.

ХАЛҚАРО ҲУДУД – давлат ҳудудидан ташқарида жойлашган ва алоҳида бир қандайдир давлатгагина тегишли бўлмаган, балки бутун инсониятнинг, барча давлатлар фойдаланаётган ҳамда ҳуқуқий мақоми ва режими халқаро ҳуқуқ б-н белгиланадиган географик макон. Унга очик денгиз, унинг устидаги ҳаво кенгликлари, континентал шельфдан ташқаридаги денгиз туби, Антарктида, космик фазо, Ой ва б. осмон жисмлари қиради.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ – “Х.х.” тушунчаси халқаро оммавий ҳуқуқни билдиради. Халқаро оммавий ҳуқуқ – халқаро муносабатларда қатнашадиган ва иштирок этадиган давлатлар (субъектлар)нинг юридик муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солади. Халқаро оммавий ҳуқуқ – давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатларнинг базавий халқаро принципларини белгилаб беради. Халқаро оммавий ҳуқуқ давлатлараро миллий муносабатларни, давлатлар б-н халқаро ташкилотлар, халқаро миқёсда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини, халқаро ҳуқуқ доирасида халқаро низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш б-н боғлиқ ҳамда бошқа муносабатларни ўзида ифодалайди.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – халқаро ҳуқуқий нормаларни бузишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Бундай ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари давлатлар ва б. халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Шу б-н бирга, бу ҳуқуқбузарликнинг яна бир ўзига хос хусусияти кўпроқ ўз халқаро мажбуриятларини бузишда намоён бўлади. Х.х.нинг ўзига хос шакли – халқаро жиноятларни содир этиш б-н таърифланади. Х.х. объектлари халқаро ҳуқуқий муносабатларда эътироф этилган ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади. Булар: умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ принципларини бузиш; халқаро келишувлар ва шартномалар талабларини бузиш; давлатларнинг ҳуқуқий эркинлигини, кадр-қимматини камситиш ва уларнинг мулкий ҳуқуқларига таъжовуз қилиш; халқаро ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келишга қаратилган ҳаракатларни содир этиш; чет эллик кишиларнинг ҳуқуқларини бузиш; дипломатик ваколатхоналар дахлсизлигини бузиш қабилар. Х.х. орқали томонларга моддий, маънавий зарар етказилади. Ҳуқуқлари бузилган томонлар: давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳуқуқбузар давлатлар томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК – халқаро ҳуқуқ субъекти учун халқаро ҳуқуқий мажбуриятларни бузган тақдирда келиб чиқадиган юридик оқибатлар. Халқаро ҳуқуқ субъектлари жавобгарлиги халқаро қонунчилиқни оғишмай бажариш, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш, халқаро ҳамкорликни таъминлаш билан боғлиқ. Халқаро ҳуқуқда давлатларнинг жавобгарлигига тааллуқли нормалар халқаро ҳуқуқий инс.нинг ўзига хос кўринишидир. Бу инс. халқаро ҳуқуқ тарихи жараёнида жиддий ўзгарди. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ агрессия учун жавобгарлик, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик беришдан воз кечиш учун жавобгарлик снгари муҳим инс.ларни ўз ичига олади.

Давлатларнинг жавобгарлигини йўлга қўювчи халқаро ҳуқуқ нормалари орасида ҳозирги пайтда одат тарзида

келиб чиққан нормалар кўп. Уларни кодификациялаш долзарб вазифа. Давлатлар Х.х.ж.нинг умумий асоси халқаро ҳуқуқий жиқоятнинг содир қилинишидир. Халқаро ҳуқуқий жиқоят давлатнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлигидан иборат бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбуриятларга зид ҳаракатларнинг оқибатидир.

Халқаро ҳуқуқ нормалари бузилганда етказилган зарарни икки асосий туркумга бўлиш мумкин. Булар: моддий зарар (турли мулкрий зарарлар); оддий зарар (давлат суверенитетини чеқлашнинг хилма-хил шаклларида бошлаб, давлат шарафи ва нуфузига етказиладиган зараргача). Халқаро муносабатларда жавобгарликнинг икки тури мавжуд. Улар сиёсий (номоддий) ва моддий жавобгарликдир. Бу турларни фарқлаш, албатта, етказилган зарар хусусиятига тааллуқли бўлади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР – халқаро ҳуқуқ нормалари асосида амалга ошириладиган ҳуқуқий муносабатлар. Бундай халқаро муносабатларнинг субъектлари давлатлар, халқлар, миллатлар, халқаро ташкилотлар бўлиб ҳисобланади.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ТАҢ ОЛИШ – халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан янги ташкил бўлган давлат ёки ҳуқуқматнинг давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан таң олиниши. Бунда: расман таң олиш, яъни де-факто ва де-юре асосида ўзаро муносабатларда бўлиш. Норасмий таң олиш – расмий таң олилмаган давлатлар б-н ўзаро муносабатда бўлиш.

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ – маълум тарихий босқичда халқаро ҳаётнинг энг асосий масалалари бўйича халқаро муносабатлар субъектларининг умум қабул қилган ва мужассамлаштирилган ахлоқ нормалари. Х.х.а.п. БМТнинг Уставида мавжуд. Уларга қуйидагилар киради: БМТ аъзоларининг суверен тенглиги; Устав бўйича мажбуриятларнинг виждонаш бажарилиши; БМТ аъзоларининг ўз баҳсларини халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатга хавф солмаган ҳолда ҳал қилиш; ҳудудий даҳлсизлик ва сиёсий мустақилликка қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиб таҳдид қилиш ҳамда БМТ қондаларига ҳилоф хатти-ҳаракатлардан тийилиш ва блар.

ХАЛҚЛАР ҲУҚУҚИ (лот. jus gentium) – халқаро ҳуқуқ муносабатларида халқларнинг (давлатларнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятлари нормалашган тизим. Бунда халқлар (давлатлар) шу ҳуқуқий тизимнинг субъекти ҳисобланади. Ҳуқуқ тармоғи сифатида унинг асослари ХХ а.нинг 60–70 й.ларида шакллана бошланган. Чунки, айнан шу даврларда жаҳон миқёсида колониал тизим парчаланиб, халқларнинг ўзлигини англаш жараёни авж олди. Х.х. тўғрисидаги норматив асослар мажмун ҳозирги пайтгача (2000 й.) ишлаб чиқилмаган. Аммо, шу б-н бирга, жаҳон миқёсида ушбу муаммоларнинг қисман бўлса-да, мувофиқлашувига таъсир қилувчи давлатлараро, минтақавий келишувлар мавжуд. Булар 1988 й.и Осиё–Тинч Океани хавзаси минтақаси бўйича қабул қилинган Инсонлар ва халқлар ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация; 1983 й.ги АСЕАН таркибига кирувчи давлатларнинг халқлари ва ҳуқуқматлари ҳуқуқлари тўғрисидаги декларация; 1988 й.ги Инсонлар ва халқлар тўғрисидаги Тунис декларацияси; БМТнинг 1986 й.ги Ривожлантириш тўғрисидаги декларацияси; Инсон ва Х.х. тўғрисидаги 1981 й. Африка хартияси (бу

хартиянинг асосий талаблари геноцид, иркний камситишларга йўл қўймасликдан иборат). Санаб ўтилган ҳужжатлар расман норматив бўлмаса-да, аммо инсон, халқлар ҳуқуқларини поймол қилишга ўзига хос тўсик бўлиб хизмат қилмоқда.

ХАЛҚЛАРНИНГ ЎЗ ТАҚДИРИНИ ЎЗЛАРИ БЕЛГИЛАШИ – халқаро ҳуқуқнинг ҳозирги замон асосий императив принципларидан бири. У тўлиқ равишда “Халқларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда тақдирини ўзлари ҳал қилиш принципи” (БМТ Устави 1-м.сининг 2-банди) деб аталади. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 й.даги пактнинг 1-м.сида қуйидагича ёзилган: “Ҳамма халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга. Шу орқали улар ўзларининг сиёсий мақомини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини ўзлари белгилайдилар”. Бу принципнинг келиб чиқиши XVIII а.даги Франция ва Америкада бўлиб ўтган инқилобларнинг ил-дизига бориб тақалади, чунки бу инқилобларда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқ (миллат) суверенитети деб эълон қилинган эди.

ХАММУРАПИ ҚОНУНЛАРИ – мил. авв. 1792–1750 й.ларда Вавилонни бошқарган ҳукмдор номи б-н аталган қулдорлик давлати қонунларининг мажмуаси. Қад. Шарқ қонунларининг қимматли ёдгорлиги. Х.к. ҳаммаси бўлиб 282 банддан иборат бўлган. Тўпламга кўхна одат ҳуқуқи, шумер суд ҳуқуқи, янги қонунчилик асос бўлган. Бу қонунлар уларнинг тўлалиги нуқтаи назаридан мукамал эмас, уларда ҳаётнинг турли кўринишлари назарда тутилмаган. Матнлар асосан казуистик шаклда тузилган. Қонунларда муайян даражада мантик мавжуд бўлса-да, умумий принциплар баён этилишида изчиллик, тартиб йўқ. Х.к. Шарқдаги бошқа қонунлардан ўзининг диний ва ахлоқий унсурлардан холи эканлиги б-н ажралиб туради.

ХАРТИЯ (лот. carta, charta – қоғоз, фахрий ёрлик; юн. chartion; фр. charte) – 1) Ўрта асрлар ва янги даврда, оммавий-ҳуқуқий ва сиёсий хусусиятга эга бўлган ҳужжат (ш.лар хартияси, коммунал Х., конституциявий Х.лар, Буюк Британия 1838 й.ги Халқ хартияси ва х.к.); 2) халқаро ҳуқуқда декларация сўзининг синоними бўлиб, халқаро ҳужжатнинг умумий мақсади ва принципларини ифодалайди ва мажбурий кучга эга эмас (мас., Янги Европа учун Париж Хартияси).

ХАТШУНОСЛИК – дастхат ва уни текшириш қонуниятларини ўрганишга қаратилган криминалистик техниканинг алоҳида соҳаси. Х. вазифалари хатшунослик экспертизасининг илмий асосларини (умумий назария ва таълимотларини) шакллаш, унинг усул ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

ХИЗМАТ – фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи муомаласида эркин суратда қатнашади. Воситачилик, тиббий ва б. хизматларда ўз аксини топган. Х. моддий кўринишга эга бўлмай, балки натижага эришиш жараёнида ҳаракат мисолида кўриш мумкин.

ХИЗМАТ АСАРИГА БЎЛГАН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ – “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 34-м.сида қўра, хизмат вазифаларини ёки хизмат топширигини бажариш тартибиде яратилган асарга (хизмат асарига) бўлган муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқлари асар муаллифида сақланиб қолади. Хиз-

мат асаридан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқлар, агар муаллиф б-н иш берувчи ўртасидаги шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, иш берувчига тегишлидир. Хизмат асаридан фойдаланишнинг ҳар бир тури учун муаллифлик ҳақи миқдори ва уни тўлаш тартиби муаллиф б-н иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади. Иш берувчи б-н тузилган шартномадан катъи назар, муаллиф асар ошкор қилинган вақтдан эътиборан ўн йил ўтганидан кейин, иш берувчининг розилиги б-н эса ундан ҳам олдинроқ асардан фойдаланиш ва муаллифлик ҳақини олиш ҳуқуқини тўлиқ ҳажмда қўлга киритади. Муаллифнинг хизмат асаридан топшириқ мақсади тақозо этмайдиган усулда фойдаланиш ҳуқуқи чекланмайди. Иш берувчи хизмат асаридан ҳар қандай тарзда фойдаланишда ўз номини кўрсатишга ёхуд уни кўрсатишни талаб қилишга ҳақлидир. Хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг хизмат топшириқларини бажариш йўсинида ушбу Қонун 17-м.сининг учинчи қисмида назарда тутилган энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, даврий ва давомли илмий ишлар тўпламлари, газеталар, журналлар ҳамда бошқа даврий нашрларнинг яратилишига ушбу модданинг қоидалари татбиқ этилмайди.

ХИЗМАТ БЎЙИЧА ЧЕКЛАШ – офицерлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчи, прапорщик, мичман ва ҳарбий хизматчи контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳуқуқ ва имтнёнларда маҳрум қилиб, пул таъминотининг 10 %идан 30 %гача бўлган миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолиш.

Ушбу жиноий жазо тури ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилиб, меҳнат шартномаси (контракт) асосида ташкилотларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ходимларга нисбатан татбиқ қилинмайди.

Х.б.ч. жазо чораси ЎзР ЖК Махсус қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга қўлланилади. Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумининг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, қамок ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга Х.б.ч. жазосини қўллаши мумкин.

Х.б.ч. тарикасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумининг мансабини, ҳарбий ёки махсус унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вақт эса, унинг кўп йил ишлаганлик, навбатдаги ҳарбий ёки махсус унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди (ЎзР ЖКнинг 47-м.си).

ХИЗМАТ ВА ТИЖОРАТ СИРИ – химоя қилинишининг алоҳида тартиби белгиланган фуқаролик ҳуқуқи объектларидан бири. ЎзР ФКнинг 98-м.сига мувофиқ, фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сир бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли б-н ундан эркин баҳраманд бўлиш мумкин бўлмаган ҳамда ахборот эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда химоя этади.

Ахборот куйидаги ҳолларда Х. ва т.с. деб саналиши мумкин: агар ахборот учинчи шахсларга маълум эмаслиги, қонуний асосларда мазкур ахборот б-н танишишга рухсат берил-

маганлиги ҳамда ахборот эгаси уни сир тутиш учун чоратadbирлар кўраётганлиги боис ахборот ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлса, Х. ва т.с.ни ташкил қилмайдиган маълумотлар қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланади. Хизмат ва тижорат сирини ташкил этувчи ахборот ЎзР ФК ва б. қонун ҳужжатларида белгиланган тарзда химоя қилинади. Х. ва т.с.ни ташкил этувчи маълумотларга поқонуний йўллар б-н эга бўлган шахслар етказилган зарарни тўлашлари лозим. Шунингдек, меҳнат шартномасига зид равишда Х. ва т.с.ни ошқора қилган ходимга ҳам худди шундай жавобгарлик юкланади.

ХИЗМАТ САФАРИ – меҳнат ҳуқуқида ишчининг корхона раҳбари фармойишига мувофиқ хизмат топширигини бажариш мақсадида донмий иш жойидан ўзга жойга юборилиши. Х.с.нинг бутун даври мобайнида ишчининг иш жойи (лавозими), ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади.

ЎзР МКнинг 171-м.сига асосан, Х.с.да ва кўчиб юриш б-н боғлиқ ишларда куйидагилар тўланиши лозим: йўлкира харажатлари; донмий турар жойидан бошқа жойда яшаш, шу жумладан уй-жой ижараси б-н боғлиқ харажатлар; ходим томонидан иш берувчининг рухсати ёки розилиги б-н қилинган бошқа харажатлар.

ХИЗМАТ ТУРАР ЖОЙЛАРИ – ЎзР УЖКнинг 75-м.сига мувофиқ, хусусий, муниципал, идоравий уй-жой фонди ёки аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларида жойлашган, ўз меҳнат муносабатлари хусусиятига кўра иш жойига бевосита яқин ерда яшаши керак бўлган фуқаролар кўчиб киришига мўлжалланган турар жойлар Х.т.ж. деб ҳисобланади. Сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаб турган, меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган шахсларга, ҳарбий хизматчиларнинг айрим тоифаларига, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган рўйхатдаги бошқа шахсларга бериладиган турар жойлар ҳам Х.т.ж.га киритилиши мумкин. Белгиланган тартибда оилавий меҳрибонлик уйи ташкил этилганда тарбиясига олинган болалар б-н биргаликда яшаши учун тарбиячи – ота-она этиб тайинланган фуқароларга хизмат уйи ёки хизмат квартираси берилади. Х.т.ж.дан ўз мақсадида фойдаланилади. Х.т.ж. меҳнат шартномасининг амал қилиш муддатига ёки хизмат даврига, сайлаб қўйиладиган лавозим муддати тугагунга қадар берилади. Х.т.ж.ни бериш тартиби, шунингдек уларни олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар тоифалари рўйхати ЎзР ВМ томонидан белгиланади.

ХИРОЖ (араб.) – Ўрта ва Янги асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида йиғилган давлат ер солиғи. Илк бор Сосонийлар салтанати томонидан жорий этилган. Араб халифалигида ер солиғи дастлаб бўйсундирилган, мусулмон бўлмаган аҳолидан ундирилган, кейинчалик мусулмонларга нисбатан ҳам жорий этилган. XVIII а. охирида Усмонийлар империясида у жузъяга қўшилиб кетган.

ХОДИМ – ЎзР МКнинг 14-м.сига мувофиқ, белгиланган ёшга етган (77-м.) ҳамда иш берувчи б-н меҳнат шартномаси тузган ЎзР фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари бўлиши мумкин.

ЎзРнинг Конс.сига мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин иш танлаш, ҳаққоний меҳнат шартлари асосида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда ишсизликдан химояланиш ҳуқуқига эгадир.

Хар бир Х.:

Ўз меҳнати учун конун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;

муддатлари чегараси белгиланган иш вақтини ўрнатиш, бир қатор касблар ва ишлар учун иш кунини қисқартириш, ҳар ҳафталик дам олиш кунлари, байрам кунлари, шунингдек ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار бериш орқали таъминланадиган дам олиш;

хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шартларда меҳнат қилиш;

касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

иш б-н боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш;

касаба уюшмаларига ҳамда Х.лар ва меҳнат жамоаларининг маффаатларини ифода этувчи бошқа ташкилотларга бирлашиш;

қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, боқувчидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш;

Ўзининг меҳнат ҳуқуқларини химоя қилиш, шу жумладан суд орқали химоя қилиш ва малакали юридик ёрдам олиш;

жамоаларга доир меҳнат низолаарида ўз маффаатларини қувватлаш ҳуқуқига эгадир.

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯ – активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялари назорат пакетлари кирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади. Акциялар (пайлар, улушлар)нинг назорат пакети ўзида корхона сармоясига қатнашишнинг исталган шаклини ифода қилади. Ушбу шакл холдинг қатнашчилари умумий йиғилишида ва унинг бошқарув органлари томонидан муайян қарорлар қабул қилиниши ёки рад этилишининг сўзсиз ҳуқуқини таъминлайди. Акцияларнинг назорат пакети мавжудлиги тўғрисидаги қарор таъсис ҳужжатларининг ҳусуниятлари ва корхона сармоеси тузилмаси ҳисобга олинган ҳолда монополияга қарши орган томонидан қабул қилинади. Акцияларининг назорат пакетлари холдинг активларига қирувчи корхона шўъба корхона ҳисобланади. Шўъба корхоналар мустақил юридик шахс ҳисобланади. Холдинг ЎзР қонун ҳужжатлари б-н тақиқланмаган исталган фаолият б-н шуғулланишга ҳақлидир. Холдинг бошқа холдингнинг шўъба корхонаси бўлиши мумкин. Холдинг активлари: а) қимматли қоғозлар; б) муассислар томонидан шартнома асосида берилган, шунингдек холдинг маблағлари ҳисобига сотиб олинган ёки ҳосил қилинган мулклар; в) пул маблағлари ва б. ҳисобидан ташкил топади. Холдинг хорижий сармоя иштирокида ёки тўлиқ унинг асосида, шу жумладан хорижий корхоналар акциялари назорат пакетларини сотиб олиш йўли б-н ташкил этилиши мумкин. Холдинг активлари таркибига, шўъба корхоналар акциялари назорат пакетлари б-н бир қаторда, акцияларнинг паритет пакетлари (қатнашчи иккита бўлган тақдирда 50 %) ва б. хўжалик жамиятлари сармоясига қатнашиш пакетлари (акцияларнинг назорат пакетлари эмас) қириши мумкин. Холдинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция фаолиятини амалга оширишга, шу жумладан исталган қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотишга ҳақли бўлади (ЎзР ВМнинг 1995 й. 12 октябрдаги 398-сон қарори б-н тасдиқланган Холдинглар тўғрисидаги низом).

ХОЛИС – жипоят процессининг ишнинг оқибатида маффаатдор бўлмаган, вояга етган иштирокчиси.

ЎзР ЖПКнинг 73-м.сига мувофиқ, Х. суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда қақрилади.

Тергов ҳаракатларини юриштида иштирок этиш учун ишнинг оқибатидан маффаатдор бўлмаган, камида икки нафар вояга етган фуқаро қақрилиши лозим. Тергов ҳаракатини бошлашдан олдин суриштирувчи, терговчи ёки прокурор Х.ларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини туншунтиради.

ЎзР ЖПКнинг 74-м.сига асосан, Х.: а) тергов ҳаракатида иштирок этиш; б) тергов ҳаракати бўйича баённомага киритилиши лозим бўлган арз ва мулоҳазалар бериш; в) ўзи иштирок этган тергов ҳаракатининг баённомаси б-н танишиш; г) суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят келтириш ҳуқуқига эгадир.

Х.: а) суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қақриувига биноан ҳозир бўлиши; б) тергов ҳаракатини юриштида иштирок этиши; в) тергов ҳаракати ўтказилгани, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тергов ҳаракати баённомасида имзо чекиб тасдиқлаши; г) суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг руҳсатсиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошқор қилмаслиги шарт.

Х. уэрсиз сабабга қўра ўз вазифасини бажаришдан бош тортганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликка тортилади.

Х. ўзи иштирок этган тергов ҳаракатини юришти б-н боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин. У бундай ҳолларда ЎзР ЖПКнинг 66-м.сига назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради.

Х. сифатида қақрилган шахснинг иш жойидаги ўртача ойлик маоши унинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига қақрилиши муносабати б-н кетган ҳамма вақт учун сақланади. Ишламайдиган шахсларга улар қундалик машғулоти б-н шуғуллана олмаганликлари учун ҳақ тўланади. Бундан ташқари, кўрсатилган ҳамма шахслар қақрилиши муносабати б-н қилган сарф-харажатларини ундириш ҳуқуқига эга. Сарф-харажатлар қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда тўланади.

ХОС СТАВКАЛАР – қ. *Бож*.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР ТЕНГ ҲУҚУҚ-ЛИЛИГИ – Х.-қ.в.э.т.х. уларнинг тенг ҳуқуқ ва мажбуриятлар соҳиби эканлигини аңглатади. Хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги – демократиянинг муҳим элементиدير. Бу тенглик фуқароларнинг давлат, қонун ва суд олдида расмий тан олинадиган ҳуқуқий тенглиги бўлиб, у хар бир фуқаронинг қайси жинсга мансублигидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликка эга эканлигини аңглатади. Ушбу қоида ЎзР Конс.сининг 46-м.сига мустаҳкамланган.

ЎзРда хотин-қизларга бериладиган эътибор миллий қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ЎзР Қонунда сиёсий партиялар томонидан депутатликка қўйиладиган номзодларнинг 30 %и хотин-қизлардан бўлиши мустаҳкамланди.

Ишловчи аёлларнинг юкори малакали меҳнатини рабатлантириш, уларнинг даромадларини ошириш ҳамда оилада, давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролин кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида 1999 й. 17 мартда ПФ–2246-сон ЎзР Президентининг “Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, аёллар ёшга доир пенсияга чиққандан кейин ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернат уйларида, “Меҳрибонлик” уйларидаги тарбиячилар, шунингдек кутубхоначилар сифатида ишлашнинг давом эттираётган ва пенсияга чиқиб олдиан мазкур мутахассисликлар бўйича камида ўн йил стажга эга бўлган ҳолларда уларнинг пенсияни тўлиқ миқдорда олиш ҳуқуқи сақланиб қолинадиган бўлди.

Шунингдек, республика Хотин-қизлар қўмитасининг, хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида 2004 й. 25 майда ПФ–3434-сон ЎзР Президентининг “Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда мазкур қўмита ва унинг жойлардаги бўлинмаларининг энг муҳим вазифалари ва йўналишлари замон талабларига жавоб берадиган тарзда белгиланди.

ЎзР МКга қўшимча 228¹-м. киритилиб, уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланди ҳамда камида йигирма йиллик иш стажига бўлган аёллар эллик тўрт ёшга тўлганда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

ХОТИН-ҚИЗЛАР МЕҲНАТИ – қ: *Аёллар меҳнати.*

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ КАМСИТИШНИНГ БАРЧА ШАКЛЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯ – Х.-қ.к.б.ш.б.б.т.к. имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 й. 18 декабрдаги 34/180-сон резолюцияси б-н қабул қилинган ва унинг 7-м.сига мувофиқ, 1981 й.нинг 3 сентябридан кучга кирган. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат 170 га яқин давлат томонидан ратификация қилинган. ЎзР ушбу ҳужжатга ЎзР Олий Мажлисининг 1995 й. 6 майдаги 87–I-сон “Ўзбекистон Республикасининг 1979 й. 18 декабрда Нью-Йоркда қабул қилинган Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши ҳақида”ги Қарорига мувофиқ қўшилган ва у 1995 й. 18 августдан кучга кирган. Инсон ҳуқуқлари бўйича мавжуд халқаро шартномаларга асосланган ушбу Конвенция хотин-қизлар ҳуқуқлари б-н шуғулланадиган алоҳида ҳужжатдир. Унда камситишларнинг салбий оқибатлари изоҳлаб берилган ва эркак б-н аёлнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва оилавий соҳа-

лардаги ахволдан қатъи назар, аёллар б-н эркаклар ўртасидаги тўлиқ тенгликни барқарор таъминлашга йўналтирилган. Хотин-қизларга нисбатан камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилган ҳар қандай давлат аёллар ҳуқуқларини таъминловчи хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича қонунлар қабул қилиш, махсус комиссиялар тузиш каби чора-тадбирларни амалга ошириши зарур. Бу каби ишларни БМТнинг Хотин-қизларга нисбатан камситишларни бартараф этиш бўйича Қўмитаси назорат қилиб боради. Мазкур халқаро ҳужжат 6 та бўлим, 30 та м.дан иборат. БМТ аёллар ахволини яхшилаш учун халқаро стандартлар ва қонунчиликни ишлаб чиқишга ёрдам берди, 1979 й.да қабул қилинган Х.-қ.к.б.ш.б.б.т.к. бу борадаги кўзга кўринган халқаро ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Комиссия ушбу конвенцияга қўшимча равишда мазкур конвенция нормаларига амал қилинишини назорат қиладиган аёлларга нисбатан барча турдаги камситишларни бартараф этиш бўйича қўмита алоҳида шахсларнинг шикоят б-н мурожаат қилишлари учун имконият берувчи махсус протоколни ишлаб чиққан.

ХУНТА (исп. junta – *сўзма-сўз* йиғин, бирлашма) – испанзабон мамлакатларда давлат ҳокимиятининг (революцион Х., диктаторлик Х.си), шунингдек ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва бирлашмаларнинг олий коллегиял органи.

ХУРАЛ – Мўғулистонда, шунингдек РФ таркибидаги бир қатор республикалар – Тува, Бурятиядаги ҳокимият вакиллик органларининг анъанавий номи.

ХУСУСИЙ АЖРИМ – ЎзР процессуал ҳуқуқида (ФПК, ЖПК ва МЖК) суд қарорининг алоҳида тури. У суд жараёнида вужудга келган ва қўриб чиқиладиган ишга алоқаси бўлмаган қонунбузарликларга суднинг акс таъсирини кўрсатади. Х.а. тегишли орган ва ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга жўнатилади, улар эса қўрилган чоралар ҳақида Х.а. нусхасини олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида судга хабар беришлари шарт. Агар фуқаролик иши ёки шикоятни кўриб чиқиш пайтида суд мансабдор шахс ёки бошқа шахснинг ҳаракатида фуқароларнинг ҳуқуқини бузувчи ноқонуний ҳолатларни аниқласа, бу ҳақда прокурорга хабар қилади ёки жиноят иши кўзгатади. Суднинг жиноий иш кўзғатиш ҳақидаги Х.а. юзасидан хусусий шикоят берилиши мумкин.

ХУСУСИЙ БАНК – устав капиталида муассис – жисмоний шахсларнинг улуши камида 50 %ни ташкил этадиган банк, устав капиталининг қолган қисми подаётлик юридик шахсларга тегишли бўлади (Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 630, 11.02.1999 й.).

ХУСУСИЙ ДЕТЕКТИВ – қонунда белгиланган тартибда хусусий изкуварлик фаолияти б-н шуғулланиш учун лицензия олган шахс. ЎзР Конс.си 121-м.сига мувофиқ, Ўзбекистонда бундай фаолият ман этилган. Х.д. бор мамлакатларда (Европа, АҚШ, Россия ва б.) у қуйидаги вазифаларни бажаради: 1) процесс иштирокчилари б-н гузилган шартнома асосида фуқаролик ишлари бўйича маълумотлар тўплаш; 2) бозорни ўрганиш, тадбиркорлик битимлари учун ахборот тўплаш; тўлов қувватига эга бўлмаган ёки ишончсиз ҳамкорликларни аниқлаш; 3) фирма белгилари ва номларини ноқонуний қўллашни, ноҳалол рақобатни ҳамда тижорат сири бўлган маълумотларни ошкор

этишни аниқлаш; 4) баъзи фуқаролар б-н меҳнат ёки бошқа шартномалар тузиши пайтида (уларнинг ёзма розилиги б-н) улар ҳақидаги биографик ва б. шахсий маълумотларни аниқлаш; 5) бедарак йўқолган фуқароларни излаш; 6) фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар йўқотган мулкларни излаб топиш; 7) процесс иштирокчилари б-н келишган ҳолда жиноят ишлари бўйича маълумотларни тўплаш. Изкуварлик фаолияти Х.д. машғулотининг асосий тури бўлиши керак. Уни давлат хизмати ёки жамоат бирлашмаларидаги сайлаб қўйиладиган иш хақи тўланадиган мансаб вазифаси б-н қўшиб олиб бориш ман этилади. Хусусий изкуварлик фаолияти давомида фуқаролар ва мансабдор шахсларни сўроқ қилиш (уларнинг розилиги б-н), маълумот олиш, предметлар ва ҳужжатларни (эгаларининг ёзма розилиги б-н) ўрганиш, бинолар, уйлар ва объектларни ташқи кўздан кечириш (юқорида кўрсатилган хизмат) учун ахборот олишга рухсат этилади. Ҳаёт учун хавфли бўлган ҳолларда хизмат кўрсатиш зарур бўлганда, Х.д.га маҳсус воситалардан фойдаланишга рухсат берилади. Бу воситаларнинг тури, уларни олиш, ҳисобга олиш, саклаш ва олиб юриш тартиби ҳукумат томонидан белгиланади.

ХУСУСИЙ КОРХОНА – корхонанинг тарихан энг кад. шакли. Сон жиҳатдан у ҳозирги кунда ҳам кенг тарқалган (мас., АҚШда 10 млн.дан ортик Х.к.бор). Европанинг энг ривожланган (Германия, Франция, Буюк Британия, Италия) мамлакатларининг ҳар бирида бундай фирмалар 1-2 млн.ни ташкил қилади. Х.к.нинг битта хўжайини бўлади. Оилавий корхона ҳам шунинг бир кўриниши. Чунки, унда ҳам битта хўжайин бўлади. Х.к. якка ва якка-оилавий фирмаларни ўз ичига олади.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си-га мувофиқ, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади. Х.к. тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир. Х.к. ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Х.к. ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк б-н жавоб беради. Х.к. мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Х.к.нинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк б-н қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидияр жавобгар бўлади.

“Хусусий корхона тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си-га асосан, Х.к. тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Х.к.нинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номи ва “xususiy korxonа” деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Х.к.нинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номи ва “xususiy korxonа” деган сўзларни ёки “ХК” аббревиатурасини ўз ичига олиши керак. Х.к. давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Х.к.нинг устав фонди бўлинмасдир ва уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

ХУСУСИЙ МУЛК – ЎзР қонунларида тан олинган икки мулк шаклидан бири. ЎзР Конс.сининг 53-м.сида: “Х.м. бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тар-

тибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин”, дейилган. ЎзР ФК 167-м.сида ҳам “ЎзРда мулк Х.м. ва оммавий мулк шаклларида бўлади”, деб белгиланган. Мулкчилик муносабатларининг субъекти фуқаролар, юридик шахслар ва давлат бўлиши мумкин. 1990 й. 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг қабул қилиниши б-н миллий қонунчиликда узок муддатли танаффусдан сўнг, хусусий мулкчилик инс.и қайта тикланди. Х.м. бу хусусий шахсларга тегишли мулк бўлиб, мулкдор ўз мулкига хусусий тарзда эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Фуқароларга, юридик шахсларга тегишли Х.м. фақат уларнинг манфаати учун хизмат қилади. Х.м. бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Фуқаролар, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, кооперативлар, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар ва давлатга қарашли бўлмаган бошқа юридик шахслар Х.м. ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланадилар. Қонун б-н ман этилган айрим ашёлардан ташқари, ҳар қандай мол-мулк Х.м. бўлиши мумкин.

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛКДОРЛАРИНИНГ ШИРКАТИ – кўп квартирали битта ёки яқин, зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси б-н қамраб олинган бир нечта уйдаги хусусий турар жойлар мулкдорларининг бирлашмаси. Ширкат хусусий турар жойлар мулкдорларининг ташаббуси б-н ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсатади. Ширкат ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли барча мол-мулк б-н жавоб беради ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Ширкат аъзоси ширкатнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди (“Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Х.у.-ж.м.ш. уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва уни саклаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкдан фойдаланилишини таъминлаш учун ташкил этилади. Х.у.-ж.м.ш. фаолияти қуйидаги принципларга асосланади: ихтиёрийлик; ташкилий ва молиявий жиҳатдан мустақиллик; ўзини ўзи бошқариш; очкилик ва ошқоралик; ўз ишини бозор механизмларига мувофиқ шартнома асосида ташкил этиш; коммунал хизматлар ва таъмирлаш хизматлари бозоридаги рақобат; уй-жой мулкдорлари олдидан мунтазам ҳисобот бериш (“Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ – к: *Уй-жой фонди*.

ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ – умумий манфаатларни тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи оммавий ҳуқуқдан фарқли ўларок, хусусий манфаатларни ифодаловчи муносабатларни ҳамда якка мулкдорлар ва бирлашмалар (корпорациялар)ни уларнинг мулкий фаолиятидаги ва шахсий муносабатларидаги мустақиллиги ва ташаббусига асосланган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тармоқларини билдирувчи йиғма тушунча. Х.х.нинг асосини мулкий ва шахсий номулкий муносабатларни тартибга солувчи фуқаролик ҳуқуқи ҳамда турли кўринишлардаги (савдо ҳуқуқи мавжуд давлатларда) савдо ҳуқуқи ташкил қилади.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – жисмоний шахсларнинг ва оммавий тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг ом-

мавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларнинг акцияларини давлатдан сотиб олишидир ("Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 1-м.си). Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан фарқли равишда Х.да хусусийлаштирилмаётган мол-мулк объекти шакли оқибатда ўзгаради – оммавий мулкдан хусусий мулкка ўтади. Х.ни амалга ошириш тартиби "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилган. Хусусийлаштирилган мол-мулк объектларидан фойдаланиш, тасарруф этиш ЎзР ФКнинг хусусий мулкка бағишланган 16-боби нормалари асосида амалга оширилади.

ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ – к: *Иқтисодий низолар.*

ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ – к: *Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси.*

ХЎЖАЛИК СУДИ – Х.с.лари иқтисодий доирада ва уларни бошқариш жараёнида келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқади. ЎзР Конс.си ва "Судлар тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ЎзР хўжалик судлари тизими: ЎзР ОХС, ҚР, вил.лар ва Тошкент ш. хўжалик судларидан иборат. ЎзР ОХС, хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир. ЎзР ОХС ҚР хўжалик судининг, вил.лар ва Тошкент ш. хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга. ЎзР ОХС ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибиде ва назорат тартибиде кўради. ЎзР ОХС ЎзР ОХС Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қўйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

ХЎЖАЛИК ТАШАБУСКОРЛИГИ ЭРКИНЛИГИ

– тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатлари б-н тақиқланмаган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилмаган ҳар қандай фаолият тури б-н қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шуғулланишга бўлган ҳуқуқлари мажмуи.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ – "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 21-м.сига мувофиқ, хўжалик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектларнинг юридик хизмати ёки жалб этилган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни уларнинг имзоларисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматиининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади: хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари б-н тартибга солиниши;

хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИ – "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига асосан, юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАСИГА БЕРИЛАДИГАН

ЁЗМА ХУЛОСА – "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 21-м.сига мувофиқ, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги хўжалик шартномалари хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизматиининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада, қоида тариқасида қуйидагилар кўрсатилади: хўжалик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари б-н тартибга солиниши;

хўжалик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;

тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ ВА ЖАМИЯТЛАРИ –

ЎзР ФКнинг 58-м.сига мувофиқ, улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар. Муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалар ёки улар сотиб олган акциялар ҳисобига вужудга келтирилган, шунингдек хўжалик ширкати ёки жамияти ўз фаолияти жараёнида ишлаб чиқарган ва сотиб олган мол-мулк ҳуқуқи асосида унга тегишлидир.

Х.ш.ва ж. тўлиқ ширкат, коммандит ширкат, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлар жамияти шаклида тузилиши мумкин.

Якка тадбиркорлар ва (ёки) тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин.

Фуқаролар ва юридик шахслар хўжалик жамиятларида иштирокчилар ва коммандит ширкатларда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, давлат ҳокимияти органлари хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишга ҳақли эмаслар.

Мулкдорлар томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассасалар, қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, мулкдорнинг розилиги б-н хўжалик жамиятларининг иштирокчилари ва коммандит ширкатларга ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Конун айрим тоифадаги фукараларнинг хўжалик ширкатларида ва жамиятларида иштирок этишини тақиқлаб ёки чеклаб қўйиши мумкин, очик акциядорлар жамиятлари бундан мустасно.

Х.ш.ва ж. бошқа Х.ш.ва ж.нинг муассислари (иштирокчилари) бўлишлари мумкин, ЎЗР ФКда ва б. конуниларда назарда тутилган холлар бундан мустасно.

Хўжалик ширкати ёки жамиятининг мол-мулкига пул, қимматли коғозлар, пул б-н баҳоланадиган бошқа буюмлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар ҳисса сифатида қўшилиши мумкин.


Хўжалик жамияти иштирокчисининг қўшган ҳиссасини пул б-н баҳолаш жамиятининг муассислари (иштирокчилари) ўртасидаги келишувга мувофиқ амалга оширилади, конунда назарда тутилган холларда эса, мустақил эксперт текширувидан ўтказилиши керак.

Х.ш.ва ж. (акциядорлар жамиятидан ташқари) акциялар чиқаришга ҳақи эмас.

ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ҲУҚУҚИ – ЎЗР ФКнинг 176-м.сида баён этилгандек, Х.ю.х асосида ихтиёрида мол-мулк бўлган унитар корхона бу мол-мулкка ЎЗР ФКда белгиланадиган доирада эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. ЎЗР ФКнинг 177-м.сига мувофиқ, хўжалик юртишида бўлган мол-мулкнинг эгаси

конунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолният соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директори (раҳбарини) тайинлайди, корхонага қаршли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қилади. Мулкдор корхонанинг хўжалик юртишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга. Унитар корхона Х.ю.х асосида ўзига қаршли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас. Корхонага қаршли бошқа мол-мулкни у мустақил тасарруф этади.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР – ЎЗР “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, товарлар ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва хизматлар кўрсатиш фаолияти б-н шуғулланувчи барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахслар, шу жумладан хорижий юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган холда тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган jisмоний шахслар.



ЦЕНЗОР (лот., инг. *sensor*) – 1) ҳар 5 йда консулярлар (собиқ консуллар) ичидан 18 ойга сайланадиган Рим магистрати. Цнинг асосий вазифаси ценз ўтказиш ва отликлар ҳамда сенаторларнинг аввалги рўйхатини тафтиш қилишдан иборат бўлган. Ц рўйхатдан номларни ўчириш ва уларга янгиларини киритиш ҳуқуқига эга бўлган. Шу тариқа Ц фуқароларнинг ахлоқини тарбиялаш вазифасини ўз бўйнига олган. Бундан ташқари, Цнинг вазифасига давлат бюджети (солиқлар йиғими) ва давлат мулкни бошқариш ҳамда давлат қурилишлари – кўчалар, ибодатхоналар, ш.лар деворларини назорат қилиш ҳам кирган. Императорлар даврида Ц вазифасини императорларнинг ўзлари бажарганлар; 2) Цензурани амалга оширувчи давлат органи, нодавлат нотижорат ташкилотининг органи ёки мансабдор шахс.

ЦЕНЗУРА (лот. *censura* – баҳолайман, фикр билдираман; лот. *censura*; инг. *sensorship*) – 1) ҳокимият томонидан зарарли деб топилган гоёлар ва маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ёки чеклаб қўйиш мақсадида босма маҳсулотлар, сахна асарлари ва ҳ.к. мазмун-мунодарижаси устидан назорат ўрнатиш. Ўз вазифасига кўра, Ц бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Билвосита Ц жаҳоннинг барча давлатларида мавжуд. У ахборот яратувчиларга турли (энг аввало, иқтисодий воситалар орқали) таъсир кўрсатишда ўз ифодасини топади. Билвосита Цнинг турларидан бири ўз-ўзини цензура қилишдир, яъни ахборот яратувчининг ўзи цензор бўлади. Бевосита Ц ахборот яратиш ва тарқатиш жараёнига махсус давлат органининг очикдан-очик аралашувини билдиради. Бундай органларнинг ваколати давлат сирини ошқор қилмасликни назорат қилиш б-н асослантирилади, урушни тарғиб қилиш, порнография тарқатиш кабиларни тақиқлайди ёки ҳукмрон тар-

тибни танқид қилишга йўл қўймаслик учун барча мавжуд ахборотни қамраб олади. Айни шундай Ц замонавий давлатларнинг кўпчилигида Конс. томонидан тақиқланади. Амалга ошириш усулига кўра Ц дастлабки ва навбатдаги Цга бўлинади. Дастлабки Ц китоблар чиқариш, сахна асарлари қўйиш ва ш.к.да рухсат олиш заруратини назарда тутди. Навбатдаги Ц эса эълон қилинган нашрларни баҳолашдан иборат бўлиб, ушбу талабларни бузган шахсларга нисбатан ман этувчи ва чекловчи чораларни назарда тутди. ЎзР Конс.сининг 67-м.сига кўра, Ўзбекистонда Цга йўл қўйилмайди; 2) қад. Римда Цензор лавозимининг номи.


ЦЕНТРАЛИЗМ – куйи турувчи ва маҳаллий органларнинг марказий ҳокимиятга бўйсунувчи бошқарув тизими.

ЦЕССИЯ – 1) халқаро ҳуқуқда бир давлатнинг ҳудудини бошқа давлатга ўзаро келишув асосида бериши. Ц тегишли компенсацияни назарда тутди. У турли шаклларда бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тегишли давлатлар ўртасида Ц тузишни халқаро шартнома назарда тутди. Бу шартнома халқаро ҳуқуқнинг барча талабларига жавоб бериши лозим; 2) фуқаролик ҳуқуқида мажбурият асосида кредиторга тегишли бўлган ҳуқуқ (талаб) у томонидан битим бўйича бошқа шахсга ўтказилиши. Яна қ.: *Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (Цессия).*

ЦИРКУЛЯР (лот. *circular* – айланма; инг. *circular, circulation letter*; нем. *zirkular*) – 1) қонуности ҳужжати (асосан идоравий ҳуқуқий ҳужжат)да бўйсунувчи орган ва ташкилотларга қаратилган директив кўрсатма; 2) тадбиркорлик амалиётида савдо ташкилотлари жўнатадиган хабарнома; 3) шартнома иштирокчиларидан бирининг бошқасига қарзи ҳисобидан бериладиган пул маблағи.

ЦИРКУЛЯР НОТА – қ.: *Дипломатик нота.*

ЦИЦЕРОН МАРК ТУЛҲИЙ (мил. авв. 106–43 й.лар) – машҳур римлик нотик, ҳуқуқшунос, давлат арбоби ва мутафаккир. Унинг ижодида давлат ва ҳуқуқ муаммоларига кенг ўрин берилган. Бу масалалар унинг “Давлат тўғрисида” ва “Қонунлар тўғрисида” асарларида ёритилган. Бир қатор сиёсий-ҳуқуқий масалалар Цицероннинг бошқа асарларида ҳам (мас., “Мажбуриятлар ҳақида” асарида) сиёсатга ва судга оид нутқларида кўриб чиқилган.



ЧАКАНА ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ – Ч.о.-с.ш. мувофик тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган сотувчи сотиб олувчига шахсий мақсадларда, рўзгорда ёки тадбиркорлик фаолияти б-н боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарни топшириш мажбуриятини олади. Ч.о.-с.ш. оммавий ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 425-м.си).

ЧАРТЕР (ФРАХТЛАШ) ШАРТНОМАСИ – халқаро савдо денгизчилиги ва ҳаво алоқасида юк, йўловчилар, багажларни ташиш шартномасининг тури, фрахт шартномасининг синоними.

ЎЗР ФКнинг 712-м.сига мувофик, Ч.(ф.)ш. бўйича бир тараф (фрахтчи) иккинчи тарафга (фрахтловчига) ҳақ эвазига бир ёки бир неча транспорт воситаси сифмининг ҳаммасини ёки бир қисмини йўловчи, багаж ва юк ташиш учун бир марта ёки бир неча марта қатнашга бериш мажбуриятини олади. Ч.(ф.)ш.ни тузиш тартиби, унинг шакли ва турлари транспорт уставлари ва кодексларида белгилаб қўйилади.

Ч.(ф.)ш.да томонлар номи, денгиз (ҳаво) кемасининг тури, фрахт мақсади, ташиладиган йўловчилар, багаж, юклар, почтанинг энг кўп миқдори, фрахт учун тўлов ҳажми, жўнаш жойи ва вақти, ҳаво кемасининг бориш жойи кўрсатилган бўлиши керак. Ч.(ф.)ш.га бошқа шартлар ҳам киритилиши мумкин. Чартер ҳақидаги қондалар ЎЗР ФКда ҳамда ЎЗР ХКда бор.

ЎЗР ХКнинг 99-м.сига кўра, чартер (ҳаво кемасини қира қилиш) шартномаси бўйича бир томон (қирага берувчи) иккинчи томон (қирага олувчи)га ҳақ эвазига бир ёки бир неча ҳаво кемасини йўловчилар, қўл юки, юк ва почта ташиш ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланишга бир ёки бир неча парвоз учун тўлик бериб туриш мажбуриятини олади.

ЧАҚИРИБ ИШ ЮРИТИШ – алоҳида тартибда кўриладиган ишларнинг бир тури бўлиб, яъни тақдим этувчига деб берилган ҳужжатлар йўқотилганида йўқотилган ҳужжатлар юзасидан бўлган ҳуқуқларини тиклаш. Бундай тартиб ҳужжат эгаларининг шахсий ва мулкый манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларида ўрнатилган.

ЎЗР ФПКнинг 301-м.сига мувофик, шахс пул маблағлари қўйилганлиги ҳақида ёки қимматли нарсалар ёхуд давлат заёми облигациялари сақлаш учун топширилганлиги тўғрисида банк томонидан тақдим этувчига берилган қийматли ҳужжатни йўқотган тақдирда, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суддан йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ва йўқолган ҳужжат бўйича ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида илтимос қилиши мумкин.

Иш тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассаса жойлашган ҳудуддаги судда кўрилади.

Аризада ҳужжат қандай вазиятда йўқолганлиги, тақдим этувчига деб ҳужжат берган муассасанинг, ҳужжат-

нинг номи кўрсатилиши, ҳужжатнинг алоҳида белгилари ва йўқолган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги илтимос баён қилиниши керак.

ЧАҚИРИБ ОЛИНАДИГАН АККРЕДИТИВ – банк-эмитент томонидан маблағ олувчини олдиндан хабардор қилмаган ҳолда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин бўлган аккредитив. Аккредитивни чақириб олиш банк-эмитент зиммасига маблағларни олувчи олдида бирон-бир мажбурият юкламайди. Агар ижро этувчи банк операцияларини бажариш пайтигача аккредитивнинг шартлари ўзгартирилганлиги ёки у бекор қилинганлиги ҳақида билдириш олмаган бўлса, у Ч.о.а. бўйича тўловни ёки бошқа операцияларни амалга ошириши шарт. Агар аккредитивнинг матида бошқа нарса назарда тутилган бўлмаса, у Ч.о.а. бўлади (ЎЗР ФКнинг 798-м.си).

ЧАҚИРИБ ОЛИНИШИ ТАСДИҚЛАНГАН АККРЕДИТИВ – банк эмитентнинг илтимосига кўра аккредитив бўйича операцияни ўтказишда иштирок этаётган ижрочи банкнинг чақириб олинмайдиган аккредитивини тасдиқлаши. Бунда ижрочи банк ўзига банк-эмитентнинг аккредитивнинг шартларига мувофик тўловни амалга ошириш бўйича мажбуриятларига қўшимча мажбуриятларни қабул қилади. Тасдиқланган аккредитив ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

ЧАҚИРИБ ОЛИНМАЙДИГАН АККРЕДИТИВ – маблағ олувчининг розилигисиз бекор қилиниши мумкин бўлмаган аккредитив. Банк-эмитентнинг илтимосига биноан аккредитив бўйича операцияни ўтказишда иштирок этаётган ижрочи банк Ч.о.а.ни тасдиқлаши мумкин (тасдиқланган аккредитив). Бундай тасдиқлаш ижрочи банк банк-эмитентнинг мажбуриятига қўшимча суратда аккредитив шартларига мувофик тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олганлигини билдиради. Ижрочи банк томонидан тасдиқланган Ч.о.а. ижрочи банкнинг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас (ЎЗР ФКнинг 799-м.си).

ЧАҚИРИБ ОЛИНМАЙДИГАН КРЕДИТ – барча манфаатдор томонларнинг розилигисиз шартлар ўзгартирилиши мумкин бўлмаган кредит.

ЧАҚИРИЛУВЧИЛАР – ҳарбий хизматга чақириладиган ва тум. (ш.) чақирув участкаларида қайд этилган шахслар. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 12-м.сига мувофик, Ч.ни ҳарбий хизматга тайёрлаш ЎЗР ВМнинг умумий раҳбарлиги остида ўтказилади. ҚР Вазирлар Кенгаши, вил.лар, тум.лар, ш.лар ҳокимликлари Ч.ни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари молиялаштирилиши ҳамда моддий-техника жиҳатидан таъминланишини амалга оширадиган, ўқув-моддий базасини барпо этадилар, бундай тайёргарликнинг ташкил этилиши учун жавобгар бўладилар. Ч.ни ҳарбий хизматга тайёрлаш ташкил этилишини, амалга оширилишини ва натижаларини назорат қилиб бориш, чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни услубий жиҳатдан таъминлаш ЎЗР Мудофаа вазирлиги, шунингдек таълим муассасалари бўлган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан амалга оширилади.

ЧЕГАРА ОЛДИ ЗОНАСИ – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 19-м.сига мувофик, чегара олди зонаси давлат чегарасига

туташ худуднинг бир қисми бўлиб, унинг доирасида чегара олди режими жорий этилади. Ч.о.з. давлат чегараси режимини таъминлаш учун белгиланади. Ч.о.з. давлат чегарасига туташ тум., ш., шаҳарча, қишлоқ, овул худуди доирасида белгиланади. Ч.о.з. таркибига бундай минтака белгиланган жойдаги ЎзРнинг ички сувлари, чегара бўйи дарёлари, кўллари ва б. сув хавзалари сув қисми ҳамда шу сувларда жойлашган ЎзР ороллари ҳам киритилади. Ч.о.з.ни белгилаш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади. Ч.о.з.да чегара олди режимига рноя этилиши устидан назорат қилиш чегара кўшинлари ва ички ишлар органлари зиммасига уларнинг ваколат доирасида юкланади.

ЧЕГАРА ОЛДИ МИНТАҚАСИ – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 19-м.сига мувофиқ, чегара олди зонасининг давлат чегараси чизигига бевосита туташ қисмидир. Ч.о.м. Давлат чегараси режимини таъминлаш учун белгиланади. Ч.о.м. бевосита давлат чегараси бўйлаб, унинг қуруқлик участкаларида ёки чегара бўйи дарёлари, кўллари ва б. сув хавзалари қирғоғи бўйлаб ўтказилади. Ч.о.м.да чегара кўшинлари томонидан кириш ва чиқиш (ўтиш), бўлиш (яшаш), шахслар ва транспорт воситалари ҳаракатланишига оид кўшимча режим қоидалари белгиланади. Ч.о.м.ни белгилаш тартиби ЎзР ВМ томонидан белгиланади.

ЧЕГАРА ОЛДИ РЕЖИМИ – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 18-м.сига мувофиқ, чегара олди зонасига кириш (ундан ўтиш), у ерда бўлиш (яшаш), ҳаракатланиш ҳамда ишлар бажариш тартибини белгилловчи қоидалар мажмуини ўз ичига олади ва ЎзР ВМ томонидан белгиланади.

Чегара олди зонасида Ч.о.р.га рноя этилиши устидан назорат қилиш чегара кўшинлари ва ички ишлар органлари зиммасига уларнинг ваколат доирасида юкланади.

ЧЕГАРА ХИЗМАТИНИ ЎТАШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ – ЎзР ЖКнинг 294-м.сига мувофиқ, чегарачилар наряди таркибидан бўлган шахснинг Ч.х.ў.қ.б.и чегаранинг дахлсизлигига зарар etkазиши мумкин бўлса, жавобгарликка тортилиши белгиланган.

ЧЕГАРАЛАРНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ – ҳар бир давлатнинг худудий яхлитлигини ҳурмат қилишни билдиради. Мазкур принципга асосан давлатлар умумий чегараларни ҳамда бошқа давлатлар чегараларини дахлсиз деб билишади. Улар бошқа давлатлар худудини ёки унинг бир қисмини босиб олиш ёки қонунга хилоф тартиб олишдан ўзларини сақлашни ўз зиммаларига оладилар. Бу айрим давлатлар орасида худудларга тегишли даъволар бўлмайди деган маънони англатмайди, балки чегара масалалари халқаро ҳуқуққа мувофиқ тинч музокаралар йўли б-н ҳал қилиниши лозим, деганидир. Ч.д. принципи умумбашарий хусусиятга эга ва барча қитъаларда қўлланилиши лозим. Бу эса ўз навбатида халқлар орасида тинчликни мустаҳкамлайди.

ЧЕГАРАНИ ДЕЛИМИТЛАШ (лот. delimitatio – чегарани белгилаш; инг., фр. delimitation) – давлат чегараси чизигини хариталар, одатда йирик масштабда хариталар бўйича, уларда рельефни, гидрографияни, аҳоли яшайдиган объектларни батафсил акс эттириш йўли б-н амалга ошириладиган шартнома орқали белгилаш. Делимитлаш чоғида шартлашаётган томонлар харитадаги чегара чизигини муфассал изоҳлар б-н таъминлайдилар.

Давлат чегараси чизиги белгиланган харита одатда имзоланади ёки парафирланади, шартлашувчи томонларнинг гербли муҳри б-н тасдиқланади ва Ч.д. ҳақидаги шартноманинг таркибий қисми бўлади. Чегара ҳақидаги қоидалар чегара тўғрисидаги шартноманинг моддаларидан бирида ёки ушбу шартноманинг иловасида баён этилади. Ч.д. ҳақидаги шартнома ратификация қилиниши лозим ва ратификация ёрлиқлари алмаштирилганидан сўнг кучга киради. Ч.д. ҳақидаги шартномада томонларнинг чегара демаркациясига, яъни уни жойининг ўзида белгилашга доир мажбуриятлари ифодаланади, бунинг учун томонлар оқилона вақт мобайнида аралаш комиссиялар тузиш мажбуриятини оладилар.

ЧЕГАРАНИ ДЕМАРКАЦИЯЛАШ (лот. demarcatio – ажратиш; инг. demarcation of boundaries) – чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги шартномалар ва унга кўшимча сифатида тақдим этиладиган харита ёки тасвирларга мувофиқ жойлардаги давлатнинг чегара чизикларини аниқлаш ва белгилаш (чегара белгилари б-н). Ч.д. иши тарафлар томонидан тузиладиган махсус аралаш комиссия томонидан амалга оширилади. Давлат чегара чизигининг ўтиши ва чегара белгилари батафсил кўрсатилган демаркацияга оид барча хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги баённома тузилади. Давлат чегаралари асосан рельефнинг энг ажралиб турадиган нуқталари ва чизиклари бўйлаб белгиланади: дарёлар, тоғ тизмалари ва б.. Чегара олди дарёларда чегаралар кемалар сузмайдиган дарёлар ёки кемалар сузадиган дарёлар фарватеридан ўтади, агар тегишли давлатларнинг келишувларида бошқача тартиб кўрсатилган бўлмаса. Бирок, шундай чегаралар ҳам учраб турадики, улар параллел ёки меридиан тартибда белгиланади (мас., АҚШ ва Канада ўртасидаги чегара). Ўз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида давлатлар муайян қонун ҳужжатларини қабул қилиб ёки тегишли халқаро шартномаларни имзолаган ҳолда муайян чегара режимини белгилаб оладилар.

Давлат чегараларининг режими миллий қонунчилик ва халқаро шартномаларга кўра белгиланади ва қуйидаги қоидаларни ўзида ифода этади: чегаранинг тузилиши; шахслар ва транспорт воситаларининг давлат чегарасини кесиб ўтиши; шахслар ва товарларнинг давлат чегарасидан ўтказилиши; чегарада ҳўжалик ёки бошқа турдаги фаолиятни олиб бориш; чегарадаги можароларни ҳал этиш.

Давлатлар ўзларининг чегараларида зарурий ҳимоя тартибини таъминлаш мақсадида чегара худудларида асосан чегара олди давлатлари қонунлари б-н тартибга солинадиган махсус чегара режимини ишлаб чиқадилар.

ЧЕК – Ч. берувчининг Ч.да кўрсатилган суммани чек сақловчига тўлаш ҳақида банкка ҳеч қандай шарт қўйилмаган топшириғи мавжуд бўлган қимматли қоғоз. Ч. б-н ҳисоб-китоб қилинганда фақат Ч. берувчининг чек бериш йўли б-н тасарруф этишга ҳақли бўлган маблағлари сақланаётган банккина чек бўйича пул тўловчи қилиб кўрсатилиши мумкин. Ч.ни тақдим этиш муддати ўтмагунча уни чақириб олишга йўл қўйилмайди. Ч.нинг берилиши бажариш учун Ч. берилган пул мажбуриятини бекор қилмайди. Тўлов муомаласида Ч.лардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ЎзР ФК ва б. қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади (ЎзР ФКнинг 807-м.си).

Ч.да қуйидагилар бўлиши шарт: ҳужжат матнига киритилган “Ч.” деган ном; муайян пул суммасини тўлаш ҳақида тўловчига топширик; тўловчининг номи ва тўлов кайси ҳисобварақдан амалга оширилиши кераклиги; тўлов валютаси; Ч. тузилган сана ва жой; Ч.ни ёзиб берган шахснинг – Ч. берувчининг имзоси. Ҳужжатда мазкур реквизитлардан бирортасининг бўлмаслиги Ч.ни кучдан маҳрум қилади. Тузилган жойи кўрсатилмаган Ч. Ч. берувчи турган жойда имзоланган деб ҳисобланади. Ч.нинг шакли ва уни тўлдириш тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (ЎЗР ФКнинг 808-м.си).

Ч. бўйича пул Ч. берувчининг маблағлари ҳисобидан тўланади. Ч. қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган муддатда тўловга тақдим этилган тақдирдагина у бўйича пул тўланади. Ч. бўйича пул тўлаган шахс Ч.нинг тўлов олинганлиги ҳақидаги тилхат б-н бирга ўзига берилишини талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФКнинг 809-м.си).

Ч. бўйича ҳуқуқлар ушбу моддада назарда тутилган қоидаларга риоя қилган ҳолда бошқа шахсга берилади. Эгасининг номи ёзилган Ч. бошқа шахсга берилиши мумкин эмас. Ўтказма Ч.да пул тўловчига қилинган индоссамент тўловни олганлик учун тилхат кучига эга бўлади. Тўловчи томонидан қилинган индоссамент ҳақиқий эмас. Агар индоссамент бўйича олинган ўтказма Ч.ка эга бўлган шахс ўзининг ҳуқуқини узлуксиз (бир-бирини тақозо этувчи) индоссаментлар қатори б-н асослаб берса, у ўтказма Ч.нинг қонуний эгаси деб ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 810-м.си).

Ч. бўйича тўлов кафолат (аваль) воситасида тўла ёки қисман кафолатланиши мумкин. Авални тўловчидан бошқа ҳар қандай шахс бериши мумкин. Аваль Ч.нинг олд томонига ёки қўшимча вараққа “аваль деб ҳисоблансин” деган ёзув б-н ва у ким томонидан ҳамда ким учун берилганини кўрсатган ҳолда қўйилади. Агар аваль ким учун берилганлиги кўрсатилмаган бўлса, аваль Ч. берувчи учун берилган ҳисобланади. Аваль авалчи томонидан имзолашиб, унинг яшаш жойи (турган ери) ва устхат ёзилган сана кўрсатилади. Авалчи у авални ким учун берган бўлса, ўша шахс сингари жавобгар бўлади. Агар авалчи кафолатлаган мажбурият шаклга амал қилмаслиқдан бошқа ҳар қандай асосларга кўра ҳақиқий бўлмаган тақдирда ҳам, авалчининг мажбурияти ҳақиқий бўлаверади. Ч. бўйича пул тўлаган авалчи у кафолат берган шахсга нисбатан ҳам, бу шахс олдида мажбурияти бўлган шахсларга нисбатан ҳам Ч.дан келиб чиқадиган ҳуқуқларни қўлга киритади (ЎЗР ФКнинг 811-м.си).

Ч. сақловчига хизмат қиладиган банкка тўловни олиш учун Ч.ни инкассога тақдим этиш тўловга тақдим этиш деб ҳисобланади. Ч. бўйича ЎЗР ФКнинг 805-м.сида белгилаб қўйилган тартибда пул тўланади. Инкассоланган Ч. бўйича маблағларни Ч. сақловчининг ҳисобварағига киритиш, агар Ч. сақловчи б-н банк ўртасидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўловчидан тўлов олинганидан кейин амалга оширилади (ЎЗР ФКнинг 812-м.си).

Тўловчи Ч. бўйича пул тўлашдан бош тортган ва бу ҳол ЎЗР ФКнинг 814-м.сига мувофиқ тасдиқланганида Ч. сақловчи ўз хоҳишига кўра Ч. бўйича мажбуриятли бўлган битта, бир неча ёки барча шахсларга (Ч. берувчи, авалчилар, индоссантларга) нисбатан даъво қўзғатишга ҳақли бўлиб, улар Ч. сақловчи олдида солидар жавобгар бўлади. Ч. сақловчи мазкур шахслардан Ч. суммасини, Ч. бўйича

пул олишга қилган ўз чиқимларини, шунингдек фоизларни ЎЗР ФК 327-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда тўлашни талаб қилишга ҳақли. Худди шундай ҳуқуққа Ч. бўйича пул тўлаши шарт бўлган шахс ҳам Ч. бўйича пул тўлаганидан кейин эга бўлади. Ч. сақловчининг ЎЗР ФК 816-м.сининг биринчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан даъвои Ч.ни ҳақ тўлашга тақдим этиш муддати тамом бўлган кундан эътиборан олти ой мобайнида қўзғатилиши мумкин. Мажбуриятли шахсларнинг бир-бирларига нисбатан даъволари бўйича регресс талаблари тегишли мажбуриятли шахс талабни қондирган кундан ёки унга даъво қўзғатилган кундан бошлаб олти ой ўтгач қопланади (ЎЗР ФКнинг 816-м.си).

Ч.лар тижорат банклари буюртмасига кўра уларнинг фаолияти учун етарли бўлган миқдорда “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш корхонаси томонидан тайёрланади. Бунда, Ч.нинг рақами ва серияси, банк эмитентнинг номи ва фирма белгиси босмаҳона усулида чоп этилади. Ч.лар товарлар, ишлар ва хизматлар учун жисмоний шахслар ва юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги факат нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланилади. Чекнинг максимал қиймати ЎЗР Марказий банки томонидан, минимал қиймати эса, тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади. Банк Ч. берганда жисмоний шахснинг аризасига биноан Ч.нинг қийматига “Жисмоний шахсларнинг талаб қилинганга қадар депозитлари” баланс ҳисоб рақамида алоҳида иккиламчи шахсий ҳисоб рақамни очади ва тўловларни факат шу ҳисоб рақамдан амалга оширади. Ч. омонат қўювчи жисмоний шахснинг депозит ҳисоб рақамида сақланаётган маблағлар ҳисобига ёки топширилган нақд пул қийматига берилади. Ч. икки қисмдан иборат, яъни чекнинг ўзи ва унинг милки (корешоги). Милкда чекдаги кўрсатилган қийматни тасдиқловчи назорат рақамлари кўрсатилади. Ч.нинг амал қилиш муддати тижорат банклари томонидан мустақил равишда белгиланади. Агар Ч. амал қилиш муддатида банкка тақдим қилинмаган бўлса, у ҳолда Ч. қиймати “Ҳарақатсиз депозитлар” баланс ҳисоб рақамида ҳисобга олинди. Ч. эгаси амал қилиш муддати тугаган Ч. б-н банкка мурожаат қилган тақдирда, банк қаршиликсиз Ч. эгасининг паспорти (ёки унга тенглаштирилган бошқа ҳужжат) асосида Ч.ни қабул қилиши ва тўлаб бериши лозим.

ЧЕКЛАНГАН МОНАРХИЯ – к.: *Конституциявий монархия (Чекланган монархия).*

ЧЕКЛАНГАН ШАРҲЛАШ – к.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

ЧЕРКОВ НИКОҲИ – черковда диний аъёналар бўйича тузилган никоҳ.

ЧЕРКОВ ҲУҚУҚИ – черков б-н бошқариладиган ҳуқуқ. Турли даврларда бу ҳуқуқ ҳажми турлича бўлган. Феодализм даврида ғарбий Европа черков (теократия) давлатларида Ч.х.га факат черков ўз ички ҳаётини тартибга солган ҳуқуқий нормаларгина эмас, балки, шунингдек, диндан узок бўлган (мас., қариндошлар, эр-хотинларнинг мерос ҳақидаги баҳслари, болаларнинг ота-онасига муносабати, никоҳ, феодал жамиятдаги тартибга, шахсга қарши жиноятларга донр) масалалар, бир қатор давлат, фуқаролик ва жиний ҳуқуқий нормалар ҳам кирган. Айниқса, инквизиция ҳатто

христиан бўлмаган аҳолига ҳам дахл қилувчи кенг юрисдикцияга эга бўлган. Византияда Юстиниан императорлиги давридаги қонунлардаёқ епископлар ва черков судлари ваколатига давлат-маъмурий, суд, фуқаролик, ҳуқуқий ва молиявий хусусиятга эга бир қатор масалалар бериб қўйилган. Буржуа инқилобларидан кейинги даврда Ч.х.нинг хажми кескин қискарди ва фақат черков ички ҳаётини тартибга солувчи нормаларгина қолди.

ЧЕТ ДАВЛАТ ҲУҚУҚИНИ ҚЎЛЛАШ – ЎзР ХПКнинг 13-м.сига мувофиқ, чет давлат ҳуқуқи қўлланган тақдирда, хўжалик суди бу ҳуқуқ нормаларининг мавжудлиги ва мазмунини уларнинг тегишли давлатдаги шарҳланишига ва амалда қўлланишига мувофиқ ҳолда аниқлайди. Чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлигини ва уларнинг мазмунини аниқлаш мақсадида хўжалик суди ёрдам беришни ёки тушунтириб беришни сўраб, ЎзРнинг ҳамда хорижий давлатнинг ваколатли органлари ва ташкилотларига муурожаат қилиши ёхуд мутахассисларни жалб этиши мумкин. Агар қўрилган чораларга қарамай чет давлатнинг ҳуқуқ нормалари мавжудлиги ёки уларнинг мазмуни аниқланмаса, хўжалик суди ЎзРнинг тегишли ҳуқуқ нормаларини қўллайди.

ЎзР ФПКнинг 12-м.сига асосан, суд қонунга ва ЎзРнинг халқаро шартномасига мувофиқ чет давлатнинг ҳуқуқ нормаларини ҳам қўллайди.

ЧЕТ ДАВЛАТЛАРГА ДАЪВОЛАР – ЎзР ФПКнинг 389-м.сига мувофиқ, чет давлатга нисбатан даъво тақдим этилишига, даъво таъминланишига ва ундирув чет давлатнинг ЎзРдаги мулкига қаратилишига фақат тегишли давлатнинг ваколатли органлари розилиги билангина йўл қўйилиши мумкин.

Чет давлатларнинг ЎзРда аккредитация қилинган дипломатия вакиллари ва уларга тенглаштирилган халқаро ташкилотлар ҳамда уларнинг филиаллари фуқаролик ишлари бўйича ЎзРнинг халқаро шартномалари ёки халқаро ҳуқуқ нормалари б-н белгиладиган доиралардаги ва ЎзР судининг юрисдикциясида бўладилар.

ЧЕТ ЭЛ БАНКИ – “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, Ч.э.б.нинг ўз фаолиятини ЎзР ҳудудида амалга оширадиган шўъба банки бўлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси Ч.э.б. томонидан тўланади. Ушбу қонуннинг 5-м.сига асосан, Ч.э.б., ЎзРда ўз фаолиятини ЎзРнинг Марказий банки томонидан берилдиган лицензия асосида амалга оширади. Лицензияда банк бажарадиган операциялар рўйхати кўрсатилади. Лицензиясиз амалга ошириладиган банк фаолияти фэйриконуний деб ҳисобланади ва бундай фаолият натижасида олинган даромад давлат бюджетига олиб қўйилиши лозим.

ЧЕТ ЭЛ БАНКИ ВАКОЛАТХОНАСИ – “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 16-м.сига мувофиқ, банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинма.

ЧЕТ ЭЛ БАНКИ ВАКОЛАТХОНАСИНИ АККРЕДИТАЦИЯЛАШ – ЎзР ҳудудида хорижий банк ваколатхонасини очиб ҳамда унинг фаолият олиб бориши учун руҳсат олиш, шунингдек ваколатхона бошлигини тайинлаш.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИ – “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, муома-

лада бўлган ҳамда хорижий давлатда қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнотлар, ҳазина билетлари ва тангалар кўринишидаги чет эл пул белгилари, муомаладан чиқарилган ёки чиқарилаётган ҳамда худди шу хорижий давлатнинг пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чет эл пул белгилари, шунингдек ҳисобварақларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ҳамда халқаро пул ёки ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлардир.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига асосан, қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар жумласига киритилган, қиймати чет эл валютасида ифодаланган пул ҳужжатларидир.

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИНИ ЯШИРИШ – ЎзР ЖКнинг 178-м.сига қорхоналар, муассасалар ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи ходимлар томонидан ЎзРнинг ваколат берилган банклари ҳисобига ўтказилиши лозим бўлган чет эл валютасининг қасддан яшириб қолиниши учун жавобгарлик ўрнатилган.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ – “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар, уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек Ч.э.и.дан олинган ҳар қандай даромад ЎзР ҳудудида Ч.э.и. деб эътироф этилади.

Ушбу қонуннинг 9-м.сига мувофиқ, давлат ЎзР ҳудудида чет эллик инвесторлар инвестиция фаолиятини амалга оширишлари чоғида уларнинг барча ҳуқуқларини кафолатлайди ва ҳимоя қилади.

ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ БАНК – чет эллик инвесторларнинг иштироки устав капитали умумий суммасининг камида 30 %ини ташкил этадиган банк. Бунда чет эллик инвесторлардан бири юридик шахс бўлиши лозим. Бундай банкнинг устав капиталини шакллантиришда резидентлар ва норезидентлар, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидент банклар иштирок этиши мумкин.

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ – мазкур давлатнинг фуқароси бўлмаган ва б. давлатнинг фуқароси эканлиги тўғрисида тегишли далиллари бўлган шахслар. Ч.э.ф.нинг ҳуқуқий ҳолати ўз давлатининг миллий қонунчилиги ва тузилган халқаро шартномалар ҳамда келишувлар б-н белгилади. Миллий қонунчилик Ч.э.ф.нинг бир неча тоифаларини (давлатнинг ҳудудида доимий яшовчи, давлатда вақтинча бўлувчи, дипломатик дахлсизликка эга бўлган, қочок бўлган Ч.э.ф.) ажратади, уларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолати ўз хусусиятларига эгадир.

ЧЕТ ЭЛ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЛЕГАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТАЛАБИНИ БЕКОР ҚИЛУВЧИ ГААГА КОНВЕНЦИЯСИ – халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича Гаага конференциясининг 12-сон конвенцияси. Конвенция 1961 й. 5 октябрда имзоланган бўлиб, аъзо мамлакатлардан бирида чиқарилган ҳужжат бошқа иштирокчи давлатларда ҳам юридик қучга эга бўлишини белгилайди. Бунда муассаса ва ташкилотлар томонидан нотижорат мазмундаги (мас., савдо ёки божхона ҳужжатлари бўлмаган) расмий ҳужжатлар-

га “апостиль” деб номланувчи махсус штамп қўйилади. Апостиль имзонинг ҳақиқийлигини, ҳужжатни имзолаган шахснинг мақомини, алоҳида ҳолларда эса ҳужжатдаги штамп ёки муҳрнинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди. Конвенциянинг ҳаракати, хусусан, нотариус томонидан имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқламасдан, апостиль қўйиш йўли б-н имзоси тасдиқланиши мумкин. Нотариус, маъмурий ва суд органлари ҳужжатларига: фуқаролик ҳолати ҳужжатлари қайд этилганлиги ҳақидаги далолатномалар, давлатнинг юрисдикциясига бўйсинувчи орган ёки мансабдор шахснинг чиқарган ҳужжатларига амал қилади. Апостиль қўйилган ҳужжат қўшимча тасдиқланиши ёки легализация қилиниши талаб этилмайди ва конвенцияга аъзо барча мамлакатларнинг расмий органлари томонидан тан олинади. ЎзР мазкур конвенция иштирокчиси ҳисобланмайди. Конвенцияни имзоламаган мамлакатлар чет эл юридик ҳужжатларидан фойдаланиш учун уларни қандай тарзда тасдиқлаш лозимлигини белгилашлари лозим.

ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТОРЛАР – “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, ЎзРда Ч.э.и. қуйидагилар бўлиши мумкин:

чет эл давлатлари, чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

чет эл давлати фуқаролари бўлган жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган ЎзР фуқаролари.

ЧИН КЎНГИЛДАН ПУШАЙМОН БЎЛИШ – ЎзР ЖКнинг 67-м.сига мувофиқ, ижтимоий хавфи катта бўлган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир этилгандан кейин жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Ушбу Кодекснинг 71-м.сига асосан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят содир этганидан кейин етказилган зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри б-н айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин. Бошқа шахслар б-н биргаликда жиноят содир этишда иштирок қилган ёки уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма аъзоси бўлган шахс, башарти, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этишда бевосита иштирок этмаган бўлса, шахсан ўзи ёки унинг вакили ҳокимият органига ўз ихтиёри б-н келиб, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган бўлса ва жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш ёки унинг ташкилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини қош қилишга ёрдам берган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Жавобгарликдан озод этиш, яъни қилмишидан пушаймонлигини амалда исботлаш деганда, етказилган зарар ўрнини қоплаб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга уни

содир этган шахсларни қош қилишда ёрдам берган шахснинг жиноятдан кейинги ихтиёрий, фаол иштироки аниқланади. Унинг пушаймонлигини амалда исботлаганига боғлиқ равишда шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун шахснинг ижобий ҳаракатлари б-н пушаймонлигини тасдиқлагани ва бу б-н жамият учун хавfli бўлмай қолганлиги, шу туфайли уни жиноий жавобгарликка жалб этиш мақсадга мувофиқ эмаслиги асос бўлиб келади. Қилмишидан пушаймонлиги амалда исботлаганининг шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун асос сифатидаги зарур белгилари қаторига киритади: жиноятни илк марта содир этиш; катта ижтимоий хавф туғдирмайдиган ёки нисбатан оғир бўлмаган жиноят содир этиш; етказилган зарар ўрнини қоплаш; айбига иқроор бўлиб келиш; чин юракдан пушаймон бўлиш; жиноятни қош этишга фаол қўмаклашиш. Бу белгиларнинг мавжудлиги айбдор шахснинг ҳақиқатда ҳам пушаймонлиги ва у айбига иқроорлигидан далолат бериб, бу уни жиноий жавобгарликдан озод этиш учун етарли бўлиб кўринади. Мазкур белгилардан бирортаси бўлмаслиги жиноий жавобгарликни бекор қилишга тўсқинлик қилиши мумкин ва бу ҳол жазони енгиллаштиради, холос.

ЧИКИНДИЛАР – ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хомашё, материаллар, хомакни маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиқлари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар) (“Чикиндилаар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.си).

“Чикиндилаар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, чикинди қайси хомашё, материаллар, хомакни маҳсулотлар, бошқа буюм ёки маҳсулотлардан, шунингдек товарлардан (маҳсулотлардан) фойдаланиш натижасида ҳосил бўлса, Ч.га бўлган мулк ҳуқуқи шуларнинг эгасига тегишли бўлади. Ч.га бўлган мулк ҳуқуқини бошқа шахс олди-сотди, айирбошлаш, ҳада қилиш шартномаси ёки Ч.ни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги қонун б-н таққиқлаб қўйилмаган ўзга битимлар асосида олиши мумкин. Ч.нинг мулкдорлари қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида Ч.га эгалик қиладилар, улардан фойдаланадилар ҳамда уларни тасарруф этадилар. Ч. жойлашган ер участкасининг мулкдори ўзгарган тақдирда Ч.га бўлган мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳамда зарарли оқибатлар учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

“Чикиндилаар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 20-м.сига асосан, хавfli Ч.ни ташиш Ч.нинг экологик сертификати ҳамда уларни ташиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда, махсус жиҳозланган транспорт воситаларида амалга оширилади. Хавfli Ч.ни бехатар ташиш учун жавобгарлик транспорт ташкилоти зиммасида бўлади.

Ушбу Қонуннинг 22-м.сига кўра, Ч.ни сақлаш санитария нормалари ва қондаларига, экологик хавфсизлик талабларига мувофиқ ҳамда Ч.дан оқилона фойдаланилишини ёки уларнинг бошқа шахсларга берилишини таъминловчи усулларда амалга оширилади. Ч. кўмиб ташланмайдиган жой (хавfli Ч. бундан мустасно) маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади. ЎзРда утилизация қилиш

учун тегишли технологиялар мавжуд бўлган Ч.нинг кўмиб ташланишига йўл қўйилмайди. Ч.ни аҳоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, сувни муҳофаза қилиш зоналари ва сув объектларининг санитария муҳофазаси зоналари атрофида, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳамда объектларга таҳдид келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва кўмиб ташлаш тақиқланади. Алоҳида ҳоллар

да, махсус тадқиқотлар натижаларига кўра фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит хавфсизлигини, табиий ресурслар сақланишини таъминлаш талабларига риоя этган ҳолда Ч.ни ер остига кўмиб ташлашга йўл қўйилади.

Қонуннинг 23-м.сига биноан, Ч.ни махсус ажратилган ва жихозланган жойларга жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари ундирилади. Компенсация тўловлари миқдори белгиланган тартибда Ч.ни жойлаштириш лимитлари асосида, Ч.нинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи ҳамда атроф-муҳит учун хавфлилик даражасига қараб белгиланади.



ШАЙХ (араб. – кекса, оксокол, қабила бошлиғи) – ислом дини тарқалган мамлакатларда аввал билимдон кишилар, олимлар, сўнгра рухонийлар, уламолар, фақиҳлар, кейинчалик тасаввуф тариқатидаги пирлар, эшонлар, муқаддас жойларнинг мутасаддилари ҳам Ш. деб юритилган. Арабларда исломдан илгари уруғ, қабила бошлиқлари, катта оила оксоқоллари Ш. деб аталган. Ҳозирги кунда мусулмон араб мамлакатларида Ш. олий диний мактабларнинг мударрислари ва йнрик уламоларнинг унвони сифатида ҳам қўлланилади.

ШАЙХУЛ-ИСЛОМ – баъзи мамлакатларда ислом ташкилотлари ёки мусулмонлар жамоасининг бошлиғи, олий рухоний унвони. Бухоро амирлиги, Туркия (XVI а.дан 1924 й.гача) ва б. давлатларда Ш.-и. – энг олий диний лавозим бўлган. Бундай лавозим ва унвон хорижий Шарқ мамлакатларининг баъзиларида учрайди. Кавказорти шиа мусулмонлари диний бошқармасининг раҳбари Ш.-и. унвонига эга. Ш.-и. – энг юкори поғонада турувчи ҳуқуқшунос шахс.

ШАМСИЯ – Ўрта асрларда мусулмон Шарқи давлатларида қабул маросими, саёхат ва сафар чоғида ҳукмдорнинг бош устида тутилган соябон. Ш. туфайли исталган бир шахс ҳукмдорнинг борлигини ва турган ерини узокдан туриб ҳам билиб олган.

ШАНТАЖ (инг. blackmail; фр. shantage) – Ш. қилинаётган шахсга бирор хатти-харакатни қилдириш мақсадида кўпинча ўйлаб топилган маълумотларни ошқор қилиш, шарманда қилувчи маълумотларни фош этиш б-н қўрқитиш. ЎЗР жиноят ҳуқуқига кўра, Ш. алоҳида жиноят эмас, балки бошқа жиноятларни амалга ошириш воситасидир.

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИГИ ТАШКИЛОТИ – минтакавий хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти. Хитойнинг Шанхай ш.да 6 мамлакат – Қозғоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат раҳбарлари учрашувида тузилган (2001 й. 15 июнь). ШХТ-нинг вужудга келиш тарихи “Шанхай бешлиги” деб аталган уюшма фаолияти б-н боғлиқдир. Дастлаб Қозғоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон давлатлари раҳбарлари (“Шанхай бешлиги”) учрашуви бўлиб ўтган. Унда чегарадош мамлакатлар ўртасидаги ишончни мустақкамлаш (1996 й.) ҳамда қўшма чегарада қуролли қучлар ва қурол-ярроқларни қисқартириш (1997 й.) тўғрисида 2 та битим имзоланган эди. 1998 й.дан “бешлик” мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги собиқ Совет Иттифоқи – Хитой чегараси бўйлаб ҳарбий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалаларидан минтакавий хавфсизлик ва кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликни таъминлаш чораларига ўтишга қаратилди. Ш.х.т.нинг Душанбе (2000 й.) саммитида ЎЗР биринчи марта кузатувчи сифатида қатнашди. Ана шу саммитда “бешлик” негизида кўп тармоқли ташкилот тузиш тўғрисида таклиф илгари сурилди. Ш.х.т. таъсисчиларидан бири сифатида иштирок этиш ҳақидаги қарорни Ўзбе-

кистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазиятни ҳисобга олган ҳолда қабул қилди. Шанхай саммитида (2001 й. июнь) янги ташкилотнинг мақсад ва принципларини эълон қилган декларация, шунингдек Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди. Ташкилотнинг Санкт-Петербургда бўлган иккинчи саммитида (2002 й. июнь) Устав – Ш.х.т. хартиясига имзо чекилди. Ш.х.т.нинг олий органи Давлат бошлиқлари кенгашидир. Ташкилот тузилмаси Ҳукумат бошлиқлари (бош вазирлар) кенгаши, Ташки ишлар вазирлари кенгаши, Тармоқ вазирлиқлари ва идоралари раҳбарлари кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгаши ва доимий ишловчи Котибиёт (Пекин ш.да жойлашган) ҳамда Минтакавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ; Тошкент ш.да жойлашган)дан иборат.

Минтакавий аксилтеррор тузилмаси 2004 й. 1 январдан фаолият кўрсатади. Мазкур тузилма зиммасига ахборот алмашиш, чегара ва божхона кўмиталарининг, махсус хизматларнинг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, шу орқали террорчиликнинг олдини олиш вазифаси юкланган. Шу мақсадда тузилма таркибида кенгаши ва ижроқўм фаолияти йўлга қўйилган. Кенгашга 6 та давлат махсус хизматлари раҳбарларининг вакиллари киритилган. Ижроқўмда эса, ўзаро тасдиқланган лавозим ўринларига мувофиқ Ш.х.т.га аъзо давлатлардан вакиллар ишлайди. Ш.х.т.га аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 й. 17 июнда Тошкентда бўлган мажлисида Ташкилотнинг шаклланиш даври яқунланганлиги қайд этилди. Мажлис яқунлари бўйича Тошкент декларацияси, Ш.х.т.нинг ваколатлари ва имунитетлари тўғрисидаги конвенция, Наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битим, ташкилот ва унинг органлари фаолиятига доир ҳужжатлар имзоланди. ЎЗРнинг Ташкилотга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг тегишли миллий маҳкамаларининг янги таҳдид ва хуружларга қарши туришдаги ҳамкорлигини мустақкамлаш мақсадида қаратилган доимий учрашувларини ўтказиб туриш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Ш.х.т. аъзо мамлакатларни хавфсизлик орқали ҳамкорлик сари бошлайдиган ташкилотдир. Иқтисодий ҳамкорлик борасида олдинда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, табиий, минерал хомашё захираларини ўзлаштириш, сув энергетика захираларидан унумли фойдаланиш, экологияга оид ва б. масалалар бор.

ШАРИАТ (араб. – тўғри йўл) – ислом ҳуқуқ тизими. Унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий қондалар ва амалий диний талабларга ҳам қонун туси берилган. Илк Исломда жамиятнинг ҳуқуқий бошқариш Қуръон асосида олиб борилган. Кейинроқ мусулмонларнинг барча ижтимоий-иқтисодий, диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилган. Ислом ҳуқуқшунослари бир неча аср мобайнида Ш. қондаларини ишлаб чиққанлар. Ш.га Қуръон, сунна, ижмоъ ва қиёс асос қилиб олинган. Улар Ш. манбалари деб эътироф этилган. Ш. ҳуқуқий тизим сифатида XI–XII а.ларда тугал шаклланган. Исломда суннийлик ва шиаликдаги Ш. тизимлари ўртасида маълум тафовутлар бор. Суннийликда ханафия, моликия, шофиъия ва ханбалия

мазхабларининг, шиаликда эса жаъфария мазхабининг ўзига хос ҳуқуқий тизими мавжуд. Ш.да давлат (халифалик) ҳуқуқи қоидалари, мажбурият, мерос, жиноят, жазо ва оила-никоҳ ҳуқуқи, шунингдек, суд юритиш, вассийлик кўрсатмалари ва барча ахлоқ-одоб нормалари берилган. Ш. хусусий мулкни худо томонидан белгиланган, доимий ва ўзгармас деб ҳисоблайди. Ш.да барча хатти-ҳаракатлар дастлаб икки тур – ҳаром ва ҳалолга ажратилган. Кейинчалик, беш тонфа вужудга келган, Ш. муомалага лаёқатли мусулмоннинг хатти-ҳаракатларини беш мезон асосида баҳолайди: биричидан, бажарилиши ғоятда муҳим ва қатъий мажбурий ҳисобланган хатти-ҳаракатлар (фарз ё вожиб). Мас., намоз ўқиш, закот бериш.

Бу ҳаракатлар фарз бўлгани сабабли алоҳида қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни талаб қилмайди; иккинчидан, бажарилиши яхши ҳисобланиб тавсия қилинадиган хатти-ҳаракатлар (суннат ё мустаҳаб). Бундай хатти-ҳаракатларнинг бажарилиши қатъий мажбурий бўлмаса-да, уларни бажариш маъқул ҳисобланади, рағбатлантирилади. Мас., уйланиш, садақа бериш; учинчидан, рағбатлантирилмайдиган ва уни бажармаслик гуноҳ ҳисобланмайдиган ихтиёрий хатти-ҳаракатлар (мувоҳ ё жоиз). Мас., битим, савдо шартномалари тузиш, сафар қилиш, емоқ, ичмоқ ва б.; тўртинчидан, жазога тортилмайдиган, аммо номаъқул ҳисобланмайдиган хатти-ҳаракатлар (макруҳ). Мас., сўзлашув жараёнида сўкиниш, нуроний, ёши улур кишиларнинг ҳурматини ўрнига қўймастик, сувларни ифлослаш, ҳайвонларга ҳаддан ортиқ юк ортиш; бешинчидан, қатъий равишда тақиқланган хатти-ҳаракатлар (ҳаром). Бундай хатти-ҳаракатлар учун гуноҳкорлар жуда қаттиқ жазоланадилар. Бунга ҳаром лукма, мас., чўчка гўштиги истеъмол қилиш, ароқ ичиш, одам ўлдириш сингари ҳаракатлар мисол бўлади.

Ш. жиноят учун қатъий, шафқатсиз чораларни назарда тутадн. Мас., Қуръонда (5-сура, 42-оят) ўғирлик қилгани учун ўғирларнинг қўли кесилиши лозимлиги айтилади. Шунингдек, гуноҳкорларни аниқ белгиланган миқдорда дарра б-н уриш чоралари ҳам тилга олинади. Диндан қайтиш, талончилик, қасддан одам ўлдириш сингари жиноятлар учун Ш. ўлим жазосини назарда тутадн.

Ш. – ҳозирги замон дунёсининг энг йирик ҳуқуқ тизимларидан бири бўлиб қолмоқда ҳамда у оила, жамият, давлат миқёсидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қоидаларни ўз ичига олган. Ш. мусулмон киши учун дунёга келишидан то ўлишигача юриш-туришини белгиловчи қоидалар тўпламидир.

Ш. асосан маънавий-ахлоқий ҳуқуқ. Ш. кўпдан-кўп ёзма ва оғзаки диний, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий, маҳаллий урф-одат ва анъаналар таъсири остида шаклланган. Ш. ҳуқуқий тизим сифатида тахминан XI а.да ўзининг ҳозирги такомил даражасига етиб борган.

Ш. илмлари. Ш. тўққизта фанни ўз ичига олади: 1) илм ат-Тафсир – Қуръони каримни ўрганувчи фан; 2) илм ул-Ҳадис – Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. ҳадисларини тўпловчи ва ўрганувчи ҳадисшунослик фани; 3) илм ул-Калом ёки усул ад-Дин – диннинг ғоявий-назарий асосларини ўрганувчи фан; 4) илм усулул-Фикҳ – фикҳ манбалари ва асосларини ўрганувчи фан; 5) илм ул-Фикҳ – фикҳ тармоқлари, амалий фикҳ ҳақидаги фан; 6) илм ул-Фароиз

– марҳум мулкларининг унинг меросхўрлари ўртасидаги тақсимоти ҳақидаги фан; 7) илм ул-Тажвйд – Қуръондаги оятларни тўғри ўқиш қоидаларини ўрганувчи фан; 8) илм ул-Қироат – Қуръон оятлари қайси қорилар орқали қандай ривоят қилиб ва қандай ўқилиб келгани ҳақидаги фан; 9) араб тили ва адабиёти ҳам Ш. илмларига киритилган. Чунки, уларсиз Қуръонни ўрганиш мумкин эмас.

Ш. илмлари нимадан иборат деганда, исломнинг буюк мутафаккири Абдурахмон ибн Халдун (1332–1406 й.лар)нинг машҳур асари бўлмиш “Ал-Муқаддима”да келтирилган фикрлар диққатга сазовордир. У башарий илмларни икки қисмга бўлган: биринчиси, инсон тафаккури йўли орқали эришиладиган табиий илмлар ва иккинчиси, нақл (ривоят қилиш) орқали эришиладиган илмлардан иборат бўлиб, инсонлар уни асосчидан, Яратганнинг ўзидан оладилар. Биринчи қисм ҳикмат ва фалсафага мансуб илмлар номи б-н аталиб, инсонлар уларни турли мавзулар ва мисолларга доир далиллар орқали қўлга киритадилар. Иккинчи қисм нақлий ва вазъий илмлар номи б-н аталиб, хабарлар (ҳадислар) орқали Ш. асосчиларидан нақл ва ривоят этилади. Бу илмлар (асосий қоидалари) ҳақида ақлни ишга солиб, фикр юритиш мумкин эмас. Фақатгина уларга боғлиқ бўлган фаръий (жузъий) масалаларни қиёс орқали белгилаб олиш мумкин. Бу эса шаръий (Ш.га мансуб) илмлар ва уларни ўзлаштириш учун бизга ёрдам берадиган илмлардан иборатдир. Мазкур фанлар “ақлий” ва “нақлий”, “маъқул” ва “манқул” илмлар деб ҳам юритилган.

Ш. илмлари ислом дини ва унга боғлиқ бўлган масалаларни қамраб олган. Мазкур илмлар қироат илми, тафсир илми, ҳадис илми, фикҳ илми ва унинг фаръий (жузъий) қисмлари ҳамда қалом илмидан иборатдир.

Ш. илмлари ва уларнинг турлари ислом дини бўйича ҳам ақидавий (ғоявий), ҳам ҳуқуқий мазхабларнинг асосий негизи ҳисобланган.

ШАРИАТ СУДИ – мусулмон давлатидаги судлов органи. Унинг ташкил этилиши, юрисдикцияси, шунингдек процессуал қоидалари фикҳнинг қозилар мақоми, далиллар, гувохлар кўрсатмалари ва суд ишларини ёзишга оид инслари б-н тартибга солинади. Асрлар давомида мусулмон ҳуқуқида Ш.с. асосий инс. бўлиб келган. XIX а.га қадар улар ислом давлатларининг суд тизимида марказий ўрин тутган. Ҳозирги вақтда бундай давлатларнинг бир нечтасида (мас., Миср, Тунис, Ливия) Ш.с. тугатилган ва уларнинг функциялари умумфуқаролик судларига ўтказилган. Лекин кўпчилик давлатларда мустақил Ш.с. сақланиб қолган ёки қайта тузилмоқда.

ШАРТЛАР (лот. reservatio; инг. reservation, clause, proviso) – халқаро ҳуқуқда таъриф берилишича, Ш. бирор давлат ёки халқаро ташкилотнинг ҳар қандай номда имзолаш, ратификация, расмий тасдиқ ҳужжати қабул қилиш, тасдиқлаш ёки қўшилиш пайтида қилинган бир томонлама баёноти бўлиб, унинг воситасида зикр этилган субъектлар шартноманинг маълум қоидалари юридик кучини ўзларига нисбатан ўзгартирадилар ёки истисно қиладилар. Бирок, халқаро шартномалар Ш. қўйиш ҳуқуқини чеклайди. Мисол учун, давлат, агар бундай ҳолат шартноманинг ўзи б-н тақиқлаган бўлса, шартноманинг объект ва мақсадларига мос келмаса ёки шартнома томонидан рухсат этиладиганлар қаторига кирмаса, Ш. қўйиш ҳуқуқи эга бўлмайди.

Агар у ёки бу моддага нисбатан Ш. қўйиш мумкинлиги назарда тутилган бўлса, у келишилаётган томонларидан бирор-бир махсус қабул қилишни талаб этмайди. Бошқа ҳолатлар учун халқаро шартномалар Ш. қўйишга қарши порозилик билдиришининг ўн икки ойлик муддатини белгилайди. Агар бундай порозилик билдирилмаса, Ш. қабул қилинган ҳисобланади.

ШАРТЛИ БИТИМЛАР – фуқаролик ҳуқуқига кўра, юридик натижалари келажакда юз бериши ҳам, бермаслиги ҳам мумкин бўлган бирор-бир ҳолатга (воқеа ёки учинчи шахснинг ҳаракатига) боғлиқ қилиб қўйиладиган битим. Мазкур ҳолат битим тузиладиган пайтга келиб юз берган ёки унинг юз бериши маълум бўлган тақдирда ушбу битим шартли деб ҳисобланиши мумкин эмас.

ЎЗР ФК 104-м.сига кўра, битим кечиктириш ёки бекор бўлиш шarti б-н тузилиши мумкин. Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг келиб чиқишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум бўлган ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, битим кечиктириш шarti б-н тузилган ҳисобланади. Агар тарафлар ҳуқуқ ва бурчларнинг бекор бўлишини юз бериши ёки бермаслиги номаълум ҳолатга боғлиқ қилиб қўйсалар, бундай битим бекор бўлиш шarti б-н тузилган битим ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришига унинг юз беришидан манфаатдор бўлмаган тараф инсофсизлик билан қаршилиқ кўрсатган бўлса, бу шарт юз берган деб ҳисобланади. Агар шартнинг юз беришига ушбу шартнинг юз беришидан манфаатдор бўлган тараф инсофсизлик б-н ёрдамлашган бўлса, бу шарт содир бўлмаган ҳисобланади.

ШАРТЛИ ДЕПОЗИТ – тадбиркорлик ҳуқуқида муайян муддат келганда ва муайян шароитларда тўлов учун фойдаланиладиган депозит.

ШАРТЛИ ОМОНАТЛАР – омонатчи номига бошқа шахс омонат суммасини ҳисобварақ очиш чоғида белгиланган ҳолатлар юзага келганда тасарруф этиш шarti б-н топширган депозитлар. Ушбу шартлар юзага келгунича омонатчи депозит маблағларидан фақат омонатни қўйган шахснинг ёзма руҳсати билангина фойдаланиши мумкин. Шартлар қонун доирасида бўлмоғи лозим. Омонатчи шартларнинг бажарилаётганлиги тўғрисида далолат берувчи ҳужжатларни тақдим этмаса, шунингдек омонатчининг шартлар бажарилмасидан аввал вафот этган ҳолда маблағ қўювчи шахс шартларни ўзгартириши мумкин.

ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИНГАНЛАР УСТИДАН НАЗОРАТ – Ш.х.к.у.н тум., ш. ички ишлар бўлими жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан амалга оширилади. Инспекция шартли ҳукм қилинган шахсларни рўйхатга олади ва суд белгиланган синов муддати мобайнида уларнинг зиммасига юкланган мажбуриятлар бажарилишини текшириб боради.

ШАРТЛИ ҲУҚМ ҚИЛИШ – ЎЗР жиноят ҳуқуқида назарда тутилган жиноят-ҳуқуқий чоралардан бири. ЎЗР ЖКнинг 72-м.сига кўра, агар суд озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни эътиборга олиб, айбдор тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин, деган қатъий фикрга келса, шартли

ҳукм қўллаши мумкин ва синов муддати бир йилдан уч йилгача белгиланиб, ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисобланади. Ш.х.к.нинг маъноси шундаки, айблов ҳукмини чиқараётиб маҳкумга муайян жазо турини тайинлайди ва унинг ҳажмини белгилайди, аммо тайинланган жазони шартли деб ҳисоблашга қарор қилади. Яъни, маҳкум томонидан маълум талабларни ижро этиш шarti б-н жазо ижро этилмайди. Бундан келиб чиқадиги, шартли ҳукмнинг юридик моҳиятини маҳкумга тайинланган жазони реал ўташдан шартли озод бўлиш ташкил этади. Ш.х.к.да суд маҳкумини жамиятдан четлаштирмасдан ёки ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилиб, унга нисбатан зўрлаб таъсир ўтказишни қўллабди. Ш.х.к. жазони шартли ўташга ҳукм этилганга нисбатан ижтимоий таъсир ўтказиш б-н бирга давлат таъсирини ўз ичига қамраб олган. Озодликдан маҳрум қилиш, интизомий қисмга жўнатиш, хизмат бўйича чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлари каби жазо турлари тайинлашда шартли ҳукм қўлланилиши мумкин.

ШАРТЛИ ҲУҚМНИ БЕКОР ҚИЛИШ – агар шартли ҳукм қилинган шахс синов муддати давомида суд унга юклаган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан шартли ҳукмни бекор қилади.

ШАРТНОМА – икки ёки ундан ортиқ шахслар ўртасидаги турли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадидаги ўзаро келишув. Ҳуқуқ соҳаларидан халқаро ҳуқуқ, оила ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи ва б.да муносабатларни тартибга солишга Ш.лардан фойдаланилади. Мас., оила ҳуқуқида никоҳланувчи шахслар ўртасида тузиладиган никоҳ Ш.си, меҳнат ҳуқуқида иш берувчи б-н ходим ўртасида тузиладиган меҳнат Ш.си ва х.к. Шартномавий муносабатлардан кўпроқ фуқаролик ҳуқуқида ва халқаро ҳуқуқда кенг қўлланилади.

ЎЗР ФКнинг 353-м.сида Ш.га қуйидагича таъриф берилган: икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишуви Ш. дейилади.

Фуқаролик ҳуқуқий Ш.лар тузишда фуқаролар ва юридик шахслар эркиндирлар. Мазкур қоида фуқаролик ҳуқуқининг муҳим принципларидан биридир. Ш. тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Фуқаролик ҳуқуқида ўрганиладиган Ш.лар унда иштирок этаётган тарафлар ўртасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзаро тақсимланишига қараб бир тарафлама, икки тарафлама ва кўп тарафлама турларга, Ш.да муқобил ижронинг бўлиш ёки бўлмаслигига кўра ҳақ бараварига ёки текинга тузиладиган, тузиш пайтига ва мазмунига қараб консенсуал ҳамда реал Ш.га бўлинади.

Халқаро ҳуқуқда Ш.лар давлатлар ўртасидаги турли савдо, иқтисодий, маданий ва сиёсий масалаларни тартибга солиш ҳамда хал этиш учун тузилади ва Ш. иштирокчилари бўлган давлатларга турли ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар юклайди.

ШАРТНОМА БАЖАРИЛГАН ЖОЙ ҚОНУНИ (лот. lex loci solutonis) – шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилиши лозим бўлган мамлакат қонунчилигининг қўлланишини аниқлашчи коллизия боғлиғи. Мазкур коллизия боғлиғидан халқаро хусусий ҳуқуқда

чет эл элементи б-н мураккаблашган шартномавий муносабатларда тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда фойдаланилади. Аксарият ҳолларда товарларни топшириш ва тўлов тартиби, шунингдек тегишли тўлов ҳужжатларининг шакли ва мазмуни б-н боғлиқ бўлган масалаларни тартибга солиш учун Ш.б.ж.к. тор маънода, яъни товар амалда топширилган ёки тўлов амалга оширилган жой қонуни сифатида қўлланилади.

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИ – шартномаларда белгиланган мажбуриятларни ўз вақтида ва лозим даражада бажаришдир. Ш.и.нинг бузилиши мулкӣ жазо – неустойкалар, зарарларни ундириш чоралари қўлланилишига олиб келади. Ш.и.ни бузиш, яъни шартнома мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида хўжалик юритувчи субъектларга мулкӣ зарар етказганлик учун ЎзР МЖКнинг 176¹-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ШАРТНОМА ТУЗИЛГАН ЖОЙ ҚОНУНИ – коллизия ҳуқуқда тарихий аънамага айланган бирдан-бир боғловчи восита: қаерда шартнома тузилган бўлса, ўша давлат ҳуқуқи қўлланилишини билдиради. Ушбу боғланишдан олди-сотди, пудрат, бартер ва б. шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни тартибга солиш учун фойдаланилади. Шу б-н бирга айтилган формула камдан-кам қўлланилади, чунки ёзишмалар йўли б-н шартномалар тузиш амалиётида кенгайиши б-н (почта, телеграф, факс ва б.) шартнома қайси бир давлат ҳудуди б-н боғлиқлигини деярли йўқотди. Шартнома тузилган жой ҳар хил давлатларнинг ҳуқуқида турлича шарҳланиши оқибатида амалий категориядан юридик категорияга айланади.

ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ – бу шартноманинг мазмунини ташкил этиб, унда ифодаланган бандларнинг йиғиндисини англатади. Ушбу шартларсиз шартнома мазмун ва моҳиятини йўқотади. Шартлар муҳим ва қўшимча бўлиши мумкин. Муҳим шартларга тузилаётган шартнома бўйича қонунда белгиланган ва бу қондага амал қилмаслик шартноманинг ҳақиқий эмаслик оқибатларига олиб келувчи шартлар сифатида тушунилади. Мас., олди-сотди шартномасида топширилиши лозим бўлган товар миқдорини аниқлаш имкони бўлмаса, шартнома тузилмаган ҳисобланади. Тузилаётган шартнома юзасидан қонунда муҳим шарт қилиб белгиланган шартлар мавжудки, уларга риоя этиш керак. Акс ҳолда шартнома тузилмаган деб топилади. Муҳим шартлардан ташқари қўшимча шартлар ҳам мавжуд. Бу шартлар муҳим шартларга нисбатан ёрдамчи сифатида қўлланилади. Мас., низоларни ҳал этиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари шартларини киритиш.

Шартномада унинг айрим шартлари тегишли турдаги шартномалар учун ишлаб чиқилган намунавий шартлар б-н белгиланиши ҳам назарда тутилиши мумкин. Шартномада намунавий шартларга ҳавола қилинмаган ҳолларда бундай намунавий шартлар тарафларнинг муносабатларига иш муомаласи одатлари сифатида қўлланилади. Намунавий шартлар намунавий шартнома ёки ушбу шартларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжат шаклида ифодаланиши мумкин (ЎзР ФКнинг 359-м.си).

ШАРТНОМАДАН ТАШҚАРИ ЮЗАГА КЕЛАДИГАН МАЖБУРИЯТЛАР – фуқаролик ҳуқуқида Ш.т.ю.-к.м.га оид ҳуқуқий инсларни асосан қуйидагилар, яъни

зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар, асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятлар ташкил этади. Ш.т.ю.-к.м. деликт мажбуриятлар деб ҳам юритилади. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш ёхуд мол-мулкига зарар етказиш, асоссиз равишда ўзганинг мол-мулкни ўзлаштиришда шартномадан ташқари мажбурият юзага келиб, ушбу зарар айбдор шахс томонидан қопланиши керак.

ШАРТНОМАНИ ШАРҲЛАШ – шартномадан келиб чиқувчи мажбуриятлар мазмунини аниқлаш. ЎзР ФКнинг 363-м.сида мувофиқ, суд шартнома шартларини шарҳлашда ундаги сўз ва ибораларнинг асл маъносини эътиборга олади. Шартноманинг шартин аниқ бўлмаса, унинг асл маъноси уни бошқа шартларга ва бутун шартноманинг маъносига таққослаш йўли б-н аниқланади.

Агар мазкур қондалар шартноманинг мазмунини аниқлаш имконини бермаса, тарафларнинг ҳақиқий умумий хоҳиш-иродаси шартноманинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак. Бунда барча тегишли ҳолатлар, шу жумладан шартнома тузиш олдида олиб борилган музокаралар ва ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро муносабатларида қарор топган амалиёт, иш муомаласи одатлари, тарафларнинг кейинчалик ўзларини қандай тутганлиги эътиборга олинади.

ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ – фуқаролик ҳуқуқига асосан шартнома шартларининг ўзгартирилиши ва бекор бўлишига олиб келувчи ҳолатлар. ЎзР ФКнинг 382-м.сида мувофиқ, агар ЎзР ФКда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби б-н шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин: 1) иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса; 2) ЎзР ФК, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда. Тарафлардан бирининг шартномани бузиши иккинчи тарафга у шартнома тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши шартномани жиддий бузиш ҳисобланади.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувига бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

ЎзР ФКнинг 384-м.сида асосан, шартнома қандай шаклда тузилган бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишув ҳам шундай шаклда тузилади, башарти қонун ҳужжатларидан, шартнома ёки иш муомаласи одатларидан бошқача тартиб келиб чиқмаса. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёники шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

ЎзР ФКнинг 385-м.сида қўра, шартнома ўзгартирилганида тарафларнинг мажбуриятлари ўзгартирилган ҳолда

сақланиб қолади. Шартнома бекор қилинганда тарафларнинг мажбуриятлари бекор бўлади.

ШАРҚ РЕНЕССАНСИ – шарқда маънавий-маърифий, маданий ҳаётдаги Уйғониш, яъни Шарқ халқлари ривожининг юксалиш даврлари. Ш.р.ни икки даврга бўлиш мумкин.

Биринчи Ренессанс – Марказий Осиёда мўғуллар истилосигача бўлган давр. У ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби комусий олимлар, астроном ал-Фарғоний, Бухоро тарихчиси Наршахий, мутафаккирлар Маҳмуд Кошгарий, Юсуф Хос Ҳожиб ва б.ларнинг номлари ҳамда ижодлари б-н боғлиқ. Бу даврда яшаган мутафаккирларнинг деярли барчаларига қуйидаги хусусиятлар хос: маданиятнинг ўтмишда эришган ютуқларини, хусусан қад. Юнон, Ҳинд, Хитой меросини чуқур ўрганиш ва уни ижодий ривожлантириш; табиатни ўрганишга қизиқишнинг ортиши ва табиий фанлар тараққиёти (астрономия, география, математика, риёзиёт, тиббиёт ва х.к.); рационализм, яъни ақлни ҳақиқатнинг мезони сифатида тан олиш ва бунинг натижасида мантиқни ривожлантириш; ақидапарастликни рад этиш ва хурфикрликнинг ривожланиши; инсонпарварликни улуғлаш, инсоннинг ахлоқий-маънавий гўзаллиги, камолоти, Аллоҳнинг юксак инъоми сифатида талқин этилиши; сўз санъатига муҳаббат; илмий асарнинг бадий шаклига алоҳида эътибор берилиши; комусий билимларга эга бўлиш. Бу даврда яшаган мутафаккирлар фан ва санъатнинг кўп соҳаларини чуқур билган алломалар бўлган. Бу даврда Яқин Шарқда Ал-Маъмун халифалик қилган даврда (813–833 й.) давлат илм-маърифатнинг ўсишига ёрдам берди. Бағдодда, сўнгра Дамашқда астрономик расадхоналар қурилди. Бағдодда “Байт ул-хикма” (“Донишмадлик уйи”) ташкил этилди. Бу илм даргоҳларида Ўрта Осиёлик олимлар фаол иштирок этдилар. XI а.нинг бошларида Хоразмда машхур “Маъмун академияси” ташкил қилинди. Бу ерда Беруний атрофида ўша замоннинг бир гуруҳ олимлари, жумладан Абу Али ибн Сино, Абу Наср бин Ироқ, шунингдек файласуф Абу Саҳл Масихий, табиб Абул Хайр Ҳаммор ва б. олимлар кўплаб илмий изланишлар олиб бордилар. Бу даврда табииёт илми, пантеистик фалсафа б-н бирга ислом илоҳиёти ҳам кенг ривожланди. Мухаддис сифатида бутун муслмон оламида машхур Имом Бухорий, Имом Исо ат-Термизий, калом таълимотининг асосчилари: Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин ал-Марғиноний ва Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Газзолийлар ислом дини ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Иккинчи Ренессанс – Соҳибқирон Амир Темураулилар сулоласи ҳукмронлик қилган даврга тўғри келади. Бу даврда яшаб ижод этган олим ва мутафаккирлар: Саъдиддин Тафтазоний, Мир Саййид Шариф Журжоний, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший, Алоуддин Али ибн Муҳаммад Кушчи, Абдурахмон Жомий, Низомиддин Мир Алишер Навоий, Камолиддин Ҳусайн Воиз Кошифий, машхур тарихчилар Мирхонд ва Хондамир, рассомлар Камолиддин Бехзод ва Шох Музаффарларнинг номлари дунёга машхур бўлган. Бу даврда давлатни бошқаришда дин ва тасаввуф қондаларига алоҳида эътибор берилди. Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Накшбанд таълимотлари маънавият ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Илм-фан ривожлантирилди, меъморчилик санъати юксак даражага кўтарилди. Амир Темураулилар масжиди, Шохизинда,

Бибиҳоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шаҳрисабз) Оксарой барпо этилди. Мирзо Улуғбек даврида Регистонда, кейинчалик Бухоро ва Гиждувонда мадрасалар, Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир макбараси, Улуғбекнинг фалакиёт расадхонаси қурилди. Илм-фан, хусусан фалсафа, мантиқ илми ривожига катта эътибор берилди. Бунинг натижасида XIV–XV а.дан бошлаб ислом мадрасаларида мантиқ илмини ўқитиш ҳуқуқ ва тилшунослик фанлари б-н боғлиқ ҳолда олиб борилди. Буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва б. соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Унинг энг машхур асари – “Зиҷи жадиди Кўрагоний”да 1118 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган. Улуғбек Қуёш ва Ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиш вақтларини тўғри ҳисоблаб чиққан. У атрофида иктидорли ёшларни тўплаб, ўзининг илмий мактабини яратди. Ш.р. иккинчи даврида яратилган фалсафий, бадий тафаккур ривожининг ёрқин намунаси Алишер Навоий ижодида ўз ифодасини топган.

Мустақиллигимиз туфайлигина миллатимиз ва жаҳон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Шарқ Уйғониш даврини илмий, холис ўрганиш, баҳолаш имкони очилди.

ШАҲС – 1) жисмоний Ш. – барча инсонлар; 2) юридик Ш.; 3) мансабдор Ш.; 4) фуқаролиги бўлмаган Ш.. Бундан ташқари, мазкур тушунча “инсон” ва “фуқаро” тушунчалари б-н ҳам ҳамоҳангдир.

ШАҲС ЭРКИНЛИГИ – к. *Эркинлик*.

ШАҲС ҲАЁТИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ – шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш мақсадида содир этиладиган ғайриқонуний қилиш. ЎЗР Конс.сининг 24-м.сида шахсининг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида инсоннинг яшаш ҳуқуқи қайд этилган, яъни ҳар бир инсон учун ажралмас ҳуқуқ – яшаш ҳуқуқи бўлиб, унга тажовуз қилиш энг оғир жиноят, деб таърифланади.

Бошқа кишининг ҳаётига суиқасд қилиш, агар унинг ўлимини келтириб чиқарса, ўлимга сабаб бўлиш ёки қотиллик жиноятини ташкил қилади.

Қасдан одам ўлдириш ҳуқуққа хилоф равишда, қасдан бошқа кишини ҳаётдан маҳрум этишдир.

Ўлдириш бу ҳуқуққа хилоф равишда эҳтиётсизлик б-н бошқа кишини ҳаётдан маҳрум қилишдир.

ШАҲСГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР – ўз хусусиятларига кўра ҳамда давлат сиёсати мазмунидан келиб чиқилган ҳолда қаралса, бу турдаги жиноятлар оғир жиноят сифатида эътироф этилади. Ш.к.ж. жиноят сифатида ЎЗР ЖК Махсус қисмининг I бобида баён этилган умумий қондалар асосида таърифланади, яъни шахснинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳимояга олинган. Шунга кўра, бошқа шахснинг ҳаётига суиқасд қилиш, агар унинг ўлимини келтириб чиқарса, ўлимга сабаб бўлиш ёки қотиллик жиноятини ташкил этади. Бундан ташқари, Ш.к.ж.га соғлиққа қарши, шахснинг озодлиги, шаъни, қадр-қимматига қарши жиноятлар ҳам қиради.

ШАҲСИЙ ВИКТИМЛИК – фақатгина шахсга хос бўлган хусусиятлар туфайли унинг жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли. Мас., бундай хусусиятлар қуйидагича бўлиши мумкин: алоҳида қобилиятларга эга бўлиш; ақлий ёки жисмоний жиҳатдан устунлик ёхуд унинг акси; психологик характер нуктаи назаридан ўзига хослиги (холерик хулқ-атворнинг

намоён бўлиши); маълум бир шахсларнинг алоҳидаликка, яққалика интилиши, бунинг натижасида яққаллашиб қолиб ўзгаларни тушунмаслик ва б. Ш.в. хусусиятлари ўзгарувчан характерга эга. Шунинг учун ҳам унга шахс яшаётган муҳитдаги турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Мас., шахснинг касбий фаолияти, моддий таъминланганлиги, ҳуқуқий ёки бошқа жиҳатдан химояланганлик даражаси, шахс яшаётган макон ва замоннинг ўзига хос хусусиятлари.

ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК – инсоннинг асосий ва бегоналаштирилмайдиган шахсий ҳуқуқларидан бири. Ш.д. инс.и жазо чораларини қўллашда зўравонликка йўл қўйиш мумкин эмаслигини назарда тутлади. Ш.д.нинг конституциявий кафолатлари қоидага кўра қўйидагилардан иборат бўлади: жиноят таркиби олдин қонун б-н аниқланиши керак; ушлаб туриш устидан судга шикоят аризаси б-н мурожаат қилиш мумкин ва суд қарорисиз ушлаб қолишнинг энг катта муддати белгиланади; қамоққа олиш фақат суд қарорига асосан амалга оширилиши керак; озодликдан маҳрум қилиш инсонга унинг айби маълум процессуал кафолатларга риоя қилиб ўтказилмайдиган тергов ва суд жараёнида аниқлангандан сўнг берилмайдиган жазо бўлиши керак. ЎзР Конс.сининг 25-м.сига кўра, ҳар ким эркинлик ва Ш.д. ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибса олиниши ёки қамоққа сақланиши мумкин эмас.

ШАХСИЙ КАФИЛЛИК – ЎзР ЖПКнинг 251-м.сига асосан ишончга сазовор бўлган шахсларнинг айбланувчи, судланувчи муносиб хулқ-атворда бўлишига кафил эканликлари ҳақида ёзма мажбурият олишидан иборатдир.

Кафиллар соини суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд белгилайди. Алоҳида ҳолларда юсак ишончга сазовор бўлган битта шахс ҳам кафил бўлиши мумкин.

Кафиллар ушбу эҳтиёт чораси қўлланилишига сабаб бўлган айбловнинг моҳияти, айбланувчига қўлланилиши мумкин бўлган жазо, олдин олиш мақсадида кафиллик тартиқасидаги эҳтиёт чораси кўрилган ҳаракат айбланувчи, судланувчи томонидан содир этилган тақдирда кафилларнинг жавобгарлиги ҳақида оғохлантирилиши лозим. Бу маълумотлар кафилликка бериш баённомасида қайд этилиб, уни шу эҳтиёт чорасини қўллаётган мансабдор шахс, айбланувчи, судланувчи ва кафиллар имзолаши лозим ёки бу маълумотлар суд мажлиси баённомасида акс эттирилади. Бундан ташқари, ҳар бир кафилликка олувчи кафиллик тўғрисида тилхат беради.

Кафиллар уларни жавобгарликка тортиш учун сабаб бўладиган асослар қелиб чиққунга қадар ўз зиммаларига олинган мажбуриятлардан воз кечишлари мумкин.

Кафиллар айбланувчининг, судланувчининг хулқ-атворини кузатишга имкони бўлмаганлигини баҳона қилишга ҳақли эмаслар, улар бартараф этиб бўлмайдиган вазиятнинг таъсирини исботлаб берадиган ҳоллар бундан мустасно.

Айбланувчи, судланувчи олди олиниши учун Ш.к. қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, кафил қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси ёки жамоа ишда айбланувчи, судланувчи тартиқасида иштирок этишга жалб қилинган шахснинг кафилликка олиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

ШАХСИЙ НОМУЛКҲИЙ ҲУҚУҚЛАР – шахснинг ўзи б-н бевосита боғлиқ бўлган, ўз соҳибидан бегоналаш-

тирилши ва бировга ўтказилиши мумкин бўлмаган шахсий ҳуқуқларидан иборат.

ЎзР ФКнинг 99-м.сига мувофиқ, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва кадр-қиммати, шахсий дахлсизлиги, ишчанлик обрўси, шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, хусусий ва онлавий сири, номга бўлган ҳуқуқи, тасвирга бўлган ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, бошқа Ш.п.х. ҳамда туғилганидан бошлаб ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тортиб олинмайди ва ўзга усул б-н бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва б. номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахслар, шу жумладан ҳуқуқ эгасининг ворислари томонидан амалга оширилиши ва химоя этилиши мумкин.

Ш.п.х.га писбатан ҳуқуқлар бузилган тақдирда кўп ҳолларда ҳуқуқ соҳибига моддий эмас, балки маънавий зарар етади. Маънавий зарар ҳуқуқи бузилган шахснинг жисмоний ёки руҳий изтироблари, қайғу-алами, ғам-ташвиши сингари кўрипишларда намоён бўлади. Қонунга асосан агар фуқарога тегишли Ш.п.х.га тажовуз қилувчи ҳаракатлар орқали маънавий зарар етказилса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда, суд ҳуқуқбузар зиммасига кўрсатилган зарарни пул орқали (моддий қўринишда) товоп тўлаш б-н қоплаши юклаши мумкин. Маънавий зарарни қоплаш харажатларини белгилашда суд ҳуқуқбузарнинг айби даражасини ва б. эътиборга молик ҳолатларни ҳисобга олади. Суд, шунингдек зарар етказилган шахснинг индивидуал хусусиятлари б-н боғлиқ жисмоний ва ахлоқий қийноқлари (изтироблари, руҳий азоблари) даражасини ҳам ҳисобга олиши шарт.

ШАХСИЙ НОТА – к: *Дипломатик нота*.

ШАХСИЙ СУҒУРТА – Ш.с. шартномаси бўйича вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат. к: *Шахсий суғурта шартномаси*.

ШАХСИЙ СУҒУРТА ШАРТНОМАСИ – фуқаролик-ҳуқуқий шартноманинг бир тури бўлиб, унга кўра, бир тараф (суғурталовчи) бошқа тараф (суғурта қилдирувчи) тўлайдиган, шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига суғурта қилдирувчи ўзининг ёхуд шартномада кўрсатилган бошқа фуқаро (суғурталанган шахс)нинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар етказилган, у муайян ёшга тўлган ёки унинг ҳаётида шартномада назарда тутилган бошқа воқеа (суғурта ҳодисаси) юз берган ҳолларда шартномада шартлашилган пулни (суғурта пулини) бир йўла ёки вақти-вақти б-н тўлаб туриш мажбуриятини олади. Ш.с.ш. кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахс суғурта пулини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Агар шартномада наф олувчи сифатида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, Ш.с.ш. суғурталанган шахс фойдасига тузилган ҳисобланади. Бошқа наф олувчи кўрсатилмаган шартнома бўйича суғурталанган шахс вафот этган тақдирда, суғурталанган шахснинг меросхўрлари наф олувчилар деб тан олинади. Суғурталанган деб ҳисобланмайдиган шахс фойдасига, шу жумладан суғурталанган шахс ҳисобланмайдиган суғурта қилдирувчи фойдасига шахсий суғурта шартномаси фақат суғурталанган шахснинг ёзма розилиги билангина тузилиши мумкин. Бундай розилик бўлмаган тақдирда, шартнома суғурталанган шахснинг даъвоси бўйича, бу шахс вафот этган тақдирда эса,

унинг меросхўрлари даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилши мумкин (ЎзР ФКнинг 921-м.си).

ШАХСИЙ ТИНТУВ ВА ОЛИБ ҚЎЙИШ – тегишли асослар мавжуд бўлганда, суриштирувчи ёки терговчи шахснинг кийимлари, унинг ёнидаги буюмлари ичидан ёки баданидан топилган, иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиши мумкин.

Ш.т.в.о.к. ЎзР ЖПКнинг 157 – 161-м.ларида кўрсатилган қоидалар асосида ўтказилади. Аммо Ш.т. ва о.к. қўйидаги ҳолларда алоҳида қарор ёки ажрим чиқарилмасдан ўтказилиши мумкин:

1) жамоат тартибини сақлашга доир бурчини бажараётган милиция ходими томонидан гумон қилинувчини ушлаш чоғида ушланувчининг ёнида қурол борлигига ёхуд жиноят содир этганлигини фош қиладиган далиллардан қутулмоқчи эканлигига етарли асослар бўлганда (ЎзР ЖПКнинг 224-м.си);

2) гумон қилинувчи милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга олиб келиниб, уни ушлаш ҳақида ЎзР ЖПКнинг 225-м.сига асосан баённома тузилганда;

3) айбланувчига инсбатан қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилаётганида, башарти, унинг ёнида қурол, шунингдек сақланиши ман этилган буюмлар ёхуд иш учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатлар бўлиши мумкин деб ўйлашга етарли асослар бўлганида;

4) олиб қўйиш ёки тинтув ўтказилаётган бинода ёки бошқа жойда турган шахс олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга кўра олиниши зарур бўлган нарса ёки ҳужжатларни ўз ёнида яширинча сақламоқда деб ўйлаш учун етарли асослар бўлганида.

Шахсий тинтув ҳамда нарса ва ҳужжатларни олиб қўйиш тинтилаётган шахс б-н бир жинсдаги суриштирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис ҳамда ҳолислар иштирокида ўтказилиши мумкин.

ШАХСИЙ ҚОНУН (лот. *lex personalis*) – жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашга доир турли мамлакатларнинг қонуничилиги ўртасидаги коллизияни ҳал этиш учун қўлланиладиган кенг тарқалган коллизияон боғланиш ҳисобланади. Ш.қ.ни белгилашда асосан икки усулдан фойдаланилади: фуқароси бўлган мамлакат қонуни (*lex patriae*) – фуқаролик-ҳуқуқий муносабат қайси мамлакат фуқароси ҳисобланса, шу мамлакатнинг қонуни унинг Ш.қ.и ҳисобланади; донимий яшаш жойи ҳисобланган мамлакат қонуни (*lex domicilii*) – фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси яшаётган мамлакат қонуни қўлланишини англатади. Ш.қ. – жисмоний шахсларнинг қонуни ҳисобланади ва шу билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиси ҳисобланувчи жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда қўлланилади. Мазкур коллизияон боғланиш ворислик ва оилавий-ҳуқуқий муносабатларда кенг қўлланилади.

ШАХСИЙ ҲАЁТ ДАХЛСИЗЛИГИ – инсоннинг асосий конституциявий ҳуқуқларидан бири. Шахсий ва оилавий ҳаётнинг қонун б-н қўриқланишини англатади. Энг янги Конс.лар Ш.х.д. қафолатлари сифатида шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаёти тўғрисида ахборот тўплаш, сақлаш, фойдаланиш ва тарқатишни тақиқлайди. Баъзида шахснинг ўзи тўғрисидаги рўйхатга олинган маълумотлар б-н танишиб чиқиш, улардан фойдаланиш, ноаниқликлари

бўлса, тузатишлар киритиш тарзидаги қўшимча қафолатларни белгилайди. Ёзишмалар ва б. ахборот алмашиш сири ҳам алоҳида конституциявий ҳуқуқни ташкил қилиб, Ш.х.д. қафолатларидан бири ҳисобланади.

ЎзР Конс.сининг 27-м.сига кўра, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

ШАХСИЙ ҲИСОВВАРАҚ – жисмоний шахснинг банкдаги ҳисовварағи. Яна қ.: *Банк ҳисовварағи*.

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР – ижтимоий ва ҳуқуқий мақомидан қатъи назар, инсонга туғилгандан мансуб бўлган асосий ҳуқуқлар ва эркинликлар. Ш.х. ва э. қонуничилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари б-н ҳам тартибга солинади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-м.сига асосан, ҳеч ким инсоннинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик б-н аралашиди, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига, унинг хатларидаги сирларига ёки орномуси ва шаънига ўзбошимчалик б-н тажовуз қилиши мумкин эмас. Ҳар бир инсон ана шундай аралашиди ёки тажовуздан қонуни йўли б-н ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Ш.х. ва э.га қўйидагилар қиради: яшаш ҳуқуқи, эрк ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, ор-номусини ва шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи, суд ҳимояси ва одил судлов ҳуқуқи, фикрлаш, сўз ва виждон эркинлиги, ўз миллий мансублигини эркин белгилаш ва она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи, қийноққа ва б. шафқатсиз, ғайринсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомалага дучор бўлмаслик ҳуқуқи, эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, ахборот эркинлиги каби ҳуқуқлар. Ш.х. ва э. ЎзР Конс.сининг VII бобида ҳамда бир қатор қонулар б-н қафолатланган: яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир (24-м.); ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас (25-м.); жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди.

Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги таъйиққа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч қимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас (26-м.); ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас (27-м.); ЎзР фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, ЎзРга келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир (28-м.); ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборот-

ни излаш, олиш ва уни таркатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун б-н белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва б. сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун б-н чекланиши мумкин (29-м.); ЎЗРнинг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва б. материаллар б-н танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим. (30-м.); ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Хар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиринишга йўл қўйилмайди (31-м.). Яна к.: *Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари.*

ШАХСНИ ГАРОВ СИФАТИДА ТУТҚУНЛИККА ОЛИШ – Ш.г.с.т.о. икки хил кўринишда: 1) терроризм ёки товламачилик аломатлари бўлмагани ҳолда шахсни гаров сифатида тутқунликка олишда; 2) гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти б-н давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликда ушлаб туришда ифодаланади. 1907 й.даги Уруш қонунлари ва удумлари тўғрисидаги Гаага Конвенциясида уруш вақтида шахсни гаров сифатида ушлаб туриш халқаро ҳуқуққа хилоф экаплиги белгиланган. Одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция (Нью-Йорк, 1979 й. 17 декабрь)га ЎЗР 1997 й. 26 декабрда қўшилган (ЎЗР Олий Мажлисининг 26.12.1997 й. 554-I-сон қарори).

Гаров сифатида тутқунликка олинган шахсни озод қилиш шарти б-н давлат, халқаро ташкилот, жисмоний ёки юридик шахсдан бирон-бир ҳаракат содир этиш ёки бирон-бир ҳаракат содир этишдан ўзини тийиб туришни талаб қилиш мақсадида шахсни гаров тариқасида тутқунликка олиш ёки тутқунликда ушлаб туриш, ЎЗР ЖКнинг 155 (терроризм), 165 (товламачилик)-м.ларида назарда тутилган аломатлар бўлмаса, учун ЎЗР ЖКнинг 245-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

Ш.г.с.т.о. ЎЗР ЖК бўйича жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлардан ҳисобланади. Айбдор шахсни тутқунликка олиб, ўз талабларини қўяр экан, энг аввало, тутқунликка олинган шахсни, шунингдек бошқа шахсларнинг соғлиғи ва ҳаётини хавф остида қолдиради. Жиноят субъекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

ШАХСНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШ – божхона назоратининг алоҳида шакли бўлиб, ЎЗР БКнинг 45-м.сига мувофиқ, божхона чегараси орқали ўтаётган ёхуд божхона назорати зонасида ёки халқаро алоқа учун очик аэропортнинг транзит зонасида турган жисмоний шахс қонун ҳужжатларини бузиш объектлари ҳисобланувчи товарларни ўз ёнида яширган ва кўрсатмаган деб ҳисоблашга асосланган бўлган тақдирда, божхона органи мансабдор шахсининг қарорига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилади.

Ушбу қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш вазифаси ЎЗР божхона органларига юклатилган.

Ш.к.к. бошланишидан аввал божхона органининг мансабдор шахси фуқарога Ш.к.к. ўтказилишини эълон қилиши, уни бундай кўрик вақтидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари б-н таништириши ҳамда яширилаётган товарларни ихтиёрий равишда беришини тақлиф этиши шарт.

ЎЗР БКга мувофиқ, Ш.к.к.ни божхона органининг кўриқдан ўтказилаётган шахс б-н бир жинсда бўлган мансабдор шахси шу жинсдаги икки нафар ҳолислар иштирокида санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган алоҳида ажратилган хонада ўтказилади. Ушбу хонага бошқа шахсларнинг кириши ва Ш.к.к.ни кузатиш имконияти бўлмаслиги керак. Кўриқдан ўтказилаётган шахснинг баданини тиббиёт ходимигина текшириши керак. Ш.к.к. ўтказилганлиги тўғрисида ЎЗР Давлат божхона қўмитаси белгиланган шаклда баённома тузилади. Ушбу баённомани Ш.к.к. ўтказган мансабдор шахс, Ш.к.к.дан ўтказилган шахс, ҳолислар, кўриқдан ўтказилаётган шахснинг бадани текширилганда эса тиббиёт ходими имзолайди. Ш.к.к.дан ўтказилган шахс баённомада ариза ёзиши мумкин.

ШАХСНИ КЎЧИРИШ – мажбурий тарзда шахсни бир мамлакатдан иккинчисига кўчириш ва у ерда унинг меҳнатидан фойдаланиш. Бу асосан харбий ҳолатларда бўлган давлатларда, Иккинчи жаҳон урушида рўй берган.

ШАХСНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ (инг. legal status of personality) – фуқаронинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва б. фуқаролик ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек бурчлари мажмуи. ЎЗРда Ш.х.м. асослари ЎЗР Конс.нинг иккинчи бўлимида белгиланган ҳамда 18-м.га мувофиқ, ЎЗРда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун б-н белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

Ш.х.м. бир тарафдан дунё тараққиётида эътироф этилган умуминсоний ҳуқуқ ва асосий эркинликлар мажмуи (инсон ҳуқуқлари) сифатида, бошқа тарафдан эса аниқ давлатнинг фуқаролигига (ёки подданство) мансублик б-н боғлиқ бўлган ҳуқуқ ва эркинликлар мажмуи (фуқаро ҳуқуқлари) сифатида характерланади.

Шахснинг ҳуқуқ ва асосий эркинликлари доираси, уларнинг характери, ҳажми ва ҳақиқий мазмуни давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилишига, ҳаётнинг аниқ шароитларига ва мазкур жамиятнинг ривожланиши хусусиятига боғлиқ. Фуқароларнинг Конс. ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас (ЎЗР Конс.сининг 19-м.си).

Шахснинг умумэътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликлари Ш.х.м. асосини ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилиш принципи БМТ Уставида, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида (1948 й.), Мустамакла мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги декларацияда (1960 й.), Иркий камситишнинг барча шакллари бекор қилиш тўғрисидаги халқаро декларацияда (1966 й.), Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги пактларда (1966 й.), Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича йиғилишининг якуний актида ва б. халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланди ва ривож топди.

Инсон ҳуқуқларини бевосита ҳуқуқий тартибга солиш ва химоя қилиш давлатнинг ташқаридан аралашига йўл қўйилмайдиган ички ишлари ҳисобланади.

ЎЗРнинг Конс.сида асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг санаб ўтилишини инсон ёки фуқароларнинг бошқа умумэтироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларини инкор этиш деб қаралмаслиги лозим.

Ш.х.м. нафақат ҳуқуқ ва эркинликларнинг муайян мажмуи б-н балки асосан аниқ давлат-ташкилий жамиятга таллуқлилик б-н боғлиқ бурчлар б-н ҳам характерланади.

Умумий конституциявий мажбуриятлардан бири – бу фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмаслиги шартидир (ЎЗР Конс.сининг 20-м.). ЎЗР Конс.си Ш.х.м.ни ташкил қилувчи асосий мажбуриятларни белгилаб беради, мас., атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга (50-м.), қонун б-н белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш (51-м.); ЎЗРни химоя қилиш, белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташ (52-м.).

Аниқ ҳуқуқий муносабатлар ва аниқ субъектларга нисбатан қўлланилишига қараб конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятлар субъектларнинг меҳнат фаолияти, улар иштирок этаётган ҳуқуқий муносабатларнинг характери ва б. ҳолатлардан келиб чиқиб, доимий пайдо бўладиган ва тугайдиган кўп сонли субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда кундалик қонунчиликда ривож ва аниқлаштириш топади.

Шу муносабат б-н, адабиётларда умумий, махсус ва индивидуал Ш.х.м. фарқланади (Мас., к: Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Маърузалар курси. – Саратов, 1995). Умумий ҳуқуқий мақом – бу шахснинг давлат фуқароси, жамият аъзоси сифатидаги мақоми. У, давтаввал Конс. б-н белгиланади ва кундалик турли ҳолатларга боғлиқ эмас (хизмат жойининг ўзгариши, оилавий аҳвол, мансаб, бажарадиган вазифа). У ягона барча учун бир хил ва яқка ҳисобланади, нисбатан умумийлиги б-н характерланади.

Мазкур мақомнинг мазмуни асосан ЎЗР Конс.си б-н ҳаммага ва ҳар бир кишига берилган кафолатланган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан таркиб топади.

Махсус Ш.х.м. фуқаролар айрим тоифаларининг ўзига хос ҳолатларини акс эттиради (Мас.: пенсионерлар, студентлар, ҳарбий хизматчилар, ўқитувчилар, ишчилар, диндорлар, ногиронлар, уруш қатнашчилари ва б.). Мазкур тоифадаги фуқаролар умумий конституциявий Ш.х.м.га эга бўлатуриб, кундалик қонунчилик б-н назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар, қўшимча ҳуқуқлари, мажбуриятлар, имтиёзларига эга бўлиши мумкин.

Индивидуал Ш.х.м. аниқ бир шахсга аниқлик киритади (жинс, ёш, оилавий аҳволи, бажараётган иши ва б.). У ўзида аниқ фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуини намоён этади. Индивидуал Ш.х.м. ҳаракатчан, динамик, инсон ҳаётида рўй берадиган ўзгаришлар б-н бирга ўзгариб туради.

Ш.х.м.нинг ушбу уч шакли бир-бири б-н умумий, алоҳида ва бирлик каби ўзаро муносабатда. Улар ўзаро чамбарчас алоқада ва ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирди, амалиётда ажралмасдир. Ҳар бир индивид бир вақтнинг ўзида қуйида кўрсатилган ҳар бир сифатларда намоён бўлади –

ўз давлатининг фуқароси (умумий мақом), у аниқ қатлам (гурӯх)га тааллуқли бўлади ва ўз навбатида махсус мақомга эга бўлади ва унинг ўзи алоҳида такрорланмас шахсни намоён этади, яъни индивидуал мақомга эга бўлади.

ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИ – ЎЗР ФКнинг 99-м.сига мувофиқ, булар шахс б-н бевосита боғлиқ бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳисобланади. Шаън – шахсга тегишли бўлган ижтимоий ва маънавий сифатлари бўйича бошқаларнинг баҳосидир. Қадр-қиммат эса, мана шу сифатлар бўйича шахснинг ўзига-ўзи берган баҳосидир. Ишчанлик обрўси фақатгина касбий маҳоратига бўлган ижтимоий баҳо.

ШАЪН, ҚАДР-ҚИММАТ ВА ИШЧАНЛИК ОБРЎСИНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ – номоддий фаровонликни таъминлаш усули.

ЎЗР ФКнинг 100-м.сига биноан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти, бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд йўли б-н раддия талаб қилишга ҳақли. Манфаатдор шахсларнинг талабига кўра фуқаронинг шаъни ва қадр-қиммати унинг вафотидан кейин ҳам химоя қилишга йўл қўйилади. Башарти, фуқаронинг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айни шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Башарти, бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак.

Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади. Фуқаро оммавий ахборот воситаларида унинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини камситувчи маълумотлар эълон қилинганда у айни ўша оммавий ахборот воситалари орқали чиқиб, ўзини химоя қилиш ҳуқуқига эга. Башарти, суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаса, суд қоидабузарга қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда ва тартибда ундириладиган жарима солишга ҳақлидир. Жаримани тўлаш қоидабузарни суднинг ҳал қилув қароридан назарда тутилган ҳаракатларни бажарим вазифасидан озод этмайди. Ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган фуқаро бундай маълумотлар рад этилиши б-н бир қаторда уларни тарқатиш оқибатида етказилган зарарлар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплашни талаб қилишга ҳақлидир. Ушбу моддадаги фуқаронинг ишчанлик обрўсини химоя қилиш тўғрисидаги қоида юридик шахснинг ишчанлик обрўсини химоя этишга нисбатан ҳам тегишли йўсинда татбиқ этилади.

ШАҲАР – аҳолиси асосан саноат, савдо, шунингдек хизмат кўрсатиш, бошқарув, фан ва маданият соҳаларида банд бўлган йирик аҳоли манзилгоҳи. Ш. – бевосита қишлоқ хўжалиги б-н банд бўлмаган аҳоли тўпланган марказ. Ш. – атрофидаги тум.лар учун маъмурий ва маданий марказгина бўлиб қолмай, балки уларнинг жойлашиши ва ўсишига ҳам катта таъсир кўрсатувчи омил ҳамдир. Аҳоли пунктларига Ш. мақоми берилиши учун аҳоли сони, бажарадиган функцияси: саноат ишлаб чиқариш, ташкилий-хўжалик, маданий-сиёсий, маъмурий ва ҳ.к. бош мезон бўлиб ҳисобланади. Аҳоли пунктларини Ш. мақомига ўтказиш

маълум қонуний тартибда амалга оширилади ва чегараси белгиланади. Турли мамлакатларда Ш. мақомини олиш мезони турлича, мас., Дания ва Испанияда аҳоли сони 250 киши, Грузия ва Туркменистонда 5 минг, Тожикистон ва Қирғизистонда 10 минг, Россияда 5-12 минг, Японияда 25 минг киши бўлиши керак. Ўзбекистонда аҳоли сони 7 мингдан юқори бўлиши талаб этилади. Аҳоли сонига кўра Ш.лар кичик (50 минггача), ўрта (50-100 минг) ва катта (100 мингдан ортиқ) бўлади. Ўзбекистонда 120 та Ш, 113 та шаҳарча бор. Шундан 17 таси катта Ш.лар (Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон, Бухоро, Қўқон, Фарғона, Нукус, Қарши, Урганч, Олмалик, Ангрен, Чирчиқ, Навоий, Марғилон, Термиз, Жиззах), 16 таси ўрта ва қолганлари кичик Ш.лар. Ш.лар бажарадиган вазифаларига кўра – пойтахт, саноат, транспорт, туризм, рекреация, дин, фан ва маданият марказларига бўлинади. Шунингдек, республикага бўйсунувчи, мухтор республика, вилоят, туманларга бўйсунувчи Ш.ларга ажратилади.

Ш. аҳолиси бутун жаҳон аҳолисининг 47.5 %идан ортигини ташкил этади. БМТда қабул қилинган терминологияга мувофиқ 8 млн. ва ундан ортиқ аҳолиси бўлган Ш.лар мегашаҳар деб юритилади. Бундай Ш.лар ер юзиде 1950 й.да 2 та, 1995 й.да 22 та, ҳозирги кунда 25 дан ортиқ. Бир ёки икки Ш. атрофида Ш. ва Ш.чаларнинг зич жойлашиши Ш.лар агломерацияси дейилади. Энг йирик Ш. агломерациялари: Токио, Нью-Йорк, Мумбай, Шанхай, Мехико, Сан-Пауло ва б. Ўзбекистонда Тошкент, Фарғона-Марғилон, Самарқанд, Андижон, Наманган ва б. Ш. агломерациялари шаклланмоқда. Бир неча Ш. агломерациялари қўшилиб, мегаполис ёки мегаполисларни ташкил этади. Баъзан йирик Ш.лар ёнида йўлдош Ш.лар вужудга келади.

ЎЗР ШК 9-м.сига кўра, аҳоли сонига қараб Ш. аҳоли пунктлари қуйидагиларга бўлинади:

энг йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони бир млн.дан ортиқ кишидан иборат;

йирик аҳоли пункти – аҳолисининг сони икки юз эллик мингдан бир млн.гача кишидан иборат;

катта аҳоли пункти – аҳолисининг сони юз мингдан икки юз эллик минггача кишидан иборат;

ўртача аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик мингдан юз минггача кишидан иборат;

кичик аҳоли пункти – аҳолисининг сони эллик минггача кишидан иборат.

Давлат-ҳуқуқ нуқтаи назаридан республика, вил., тум. бўйсунувидаги ш.лар фарқланади.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги ЎЗРнинг Қонуни аҳоли пунктларини Ш. туркумига ўтказиш қоидаларини белгилайди.

Ушбу қонунга мувофиқ, республика (ҚРда), вил. бўйсунувидаги Ш.лар туркумига, қоида тариқасида, қаидада ўттиз минг аҳолиси бўлган, муҳим маъмурий аҳамият касб этадиган, истиқболли иқтисодий ва маданий марказлар деб ҳисобланган Ш.лар киритилиши мумкин.

Ш.ларни вил. бўйсунувидаги Ш.лар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вил. ҳокимларининг илтимосномасига асосан ЎЗР ВМнинг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Ш.ларни республика (ҚРда) бўйсунувидаги Ш.лар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш ҚР ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

Тум. бўйсунувидаги Ш.лар туркумига, қоида тариқасида, қаидада етти минг аҳолиси бўлган, саноат корхоналари ва ривожланган инфраструктураси мавжуд шаҳарчалар, аҳоли пунктлари киритилиши мумкин.

Шаҳарчаларни, аҳоли пунктларини туман бўйсунувидаги Ш.лар туркумига киритиш, уларни қайта тузиш тегишли вил. ҳокимларининг илтимосномасига асосан ЎЗР ВМнинг таклифига мувофиқ Олий Мажлис томонидан, ҚРда эса, тегишли тум. ҳокимларининг илтимосномасига асосан ҚР ҳукуматининг таклифига мувофиқ Жўқорғи Кенгес томонидан амалга оширилади.

ШАҲАРСОЗЛИК – меъморчиликнинг йирик соҳаси, аҳоли пунктларини, аҳоли пунктлариаро ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуришнинг ижтимоий-иқтисодий, қурилиш-техника, архитектура-бадий ва санитария-гигиенага оид ечимларининг йиғиндисини таъминловчи назарияси ва амалиёти (ЎЗР ШК 2-м.си).

ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ – к.: *Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси.*

ШАҲАРСОЗЛИК РЕГЛАМЕНТИ – шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда аҳоли пунктлари ва аҳоли пунктлариаро ҳудудларнинг ер участкалари ва ўзга кўчмас мулк объектларидан фойдаланишнинг аҳоли пунктлари ва ҳудудларни қуриш қоидалари б-н белгиланган кўрсаткичлари ва турлари йиғиндиси (ЎЗР ШК 2-м.си).

ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИ – давлат органлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, бинокорлик материаллари ва буюмларини ишлаб чиқариш, бинолар, иншоотлар ҳамда бошқа объектларнинг фуқаролар манфаатлари, жамият ва давлат манфаатлари, шунингдек мазкур ҳудудлар ҳамда аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятлари инобатга олинган ҳолда лойиҳалаштирилиши, қурилиши ва реконструкцияси соҳасидаги фаолияти (ЎЗР ШК 2-м.си).

ШАҲАРЧА – маъмурий-ҳудудий бирлик, ш. аҳолиси манзилгоҳлари типларидан бири. Ш.лар дупёнинг барча мамлакатларида ҳам мавжуд эмас. Ўзбекистонда яқин вақтларгача мазкур аҳоли манзилгоҳлари ш. типдаги посёлкалар дейилган. Манзилгоҳларга Ш. мақоми берилиши учун саноат корхоналари, темир йўл станциялари ва б. муҳим иқтисодий объектлар ёнида жойлашган ҳамда аҳолиси қаидада 2 минг киши бўлиши, уларнинг 2/3 қисмини ишчи, хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ташкил этиши лозим. Шунингдек, аҳолиси 500 кишидан иборат бўлган, бироқ истиқболда ёки узоқ туманларда жойлашган муҳим аҳоли манзилгоҳлари ҳамда аҳоли 2 минг кишидан кам бўлмаган дам олиш ва даволаниш масканлари бўлган (рекреация аҳамиятли) турар жойлар ҳам Ш.ларга киритилади. Ўзбекистонда Ш.лар сонининг вил.лар бўйича тақсимланиши бир хил эмас: Тошкент вил.да – 18 та, ҚРда – 16 та, Самарқанд вил.да – 12 та, Наманган вил.да – 11 та, Фарғона вил.да – 10 та, Жиззах вил.да – 8 та, Навоий, Сурхондарё

ва Хоразм вил.ларида – 7 тадан, Сирдарё ва Андижон вил.ларида – 5 тадан, Қашқадарё вил.да – 4 та, Бухоро вил.да – 2 та, шунингдек Тошкент ш. кенгашига қарашли 1 та ш. (Улугбек) бор. Ш. аҳолиси ш. аҳолисининг 11.6 %и (1087 минг) ни ташкил этади (2003 й.).

ШЕРИКЛИК ШАРТНОМАСИ – қ.: *Адвокатлик фирмаси*.

ШЕРИФ (инг. sheriff) – конун ҳужжатларида белги-ланган маъмурий, кўриқлаш ва айрим суд функцияларини бажариш учун тегишли округда тайинланадиган (Буюк Британияда) ёки сайланадиган (АҚШда) мансабдор шахс.

ШЕФФЕНЛАР СУДИ – Европанинг қатор давлатла-рида халқ вакиллари иштирокидаги суд бўлиб, улар проф-фессионал судьялар б-н ягона хайъатни ташкил этади. Ш.с.нинг ўрни ҳамда уларни ташкил этиш тартиби ўзгариб келган. VIII–XVI а.ларда Европада (Германия, Италия ва б.) одат нормалари асосида сайланган “тартиб сақловчи-лар” (шеффен, скабин, рахимбург)нинг бу суди профессио-нал судья б-н биргаликда инквизиция жараёни шаклида суд муҳокамасини амалга оширишган. XIX а. ўрталаридан бош-лаб Германияда асосий судья ҳамда икки маслаҳатчи (шеф-фен)дан иборат Ш.с. кам аҳамиятли жиноятларга оид иш-ларни кўриб чиққан. Мураккаб жиноятларга оид ишлар ҳакамлик судларига тааллуқли бўлган, лекин улар 1924 й.да уч судья ва олти шеффендан иборат таркибдаги йирик Ш.с. б-н алмаштирилган. Фашистик Италияда ҳам Ш.с. (судья ва бешта шеффен) ҳакамлик судларининг ўрнига жорий этилган (1931 й.). Шеффенлар ишончли амалдор-лар орасидан танланиб, адлия вазири томонидан тасдиқ-ланган ва қирол фармони б-н тайинланган. 1950 й.дан бош-лаб ГФР да Ш.с. катта жиноятларга оид ишларни кўриб чиққан. Суд таркибига ҳудудий судья (раис), тегишли суд ҳудудига тааллуқли жойда яшовчи фуқаролар орасидан сайланган иккита маслаҳатчи (шеффен) кирган.

ШИАЛИК (араб.) – исломдаги икки йўналишдан бири. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳа-тидан суннийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 10 %и Ш.ка мансуб. Ш. VII а. ўрталарида халифа Али ҳокимияти тарафдор-ларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида вужудга келган. VII а. охирларига келиб, Ироқ ва Хуросонда кенг тарқал-ган, исломдаги мустақил диний йўналишга айланган. Ш. диний-ақидавий таълимотда, маросим ва урф-одатларда суннийликдан маълум даражада фарқ қилади.

Диний-сиёсий ҳаракат сифатида Уммавий ва Аббосий халифалар ҳокимиятига қарши кураш олиб борган гуруҳ-ларнинг мафқураси сифатида майдонга чиққан. Ш. аслида муайян гуруҳлар ўртасидаги ҳокимият учун кураш оқиба-тида вужудга келган бўлса-да, бу ихтилофлар кўпинча ди-ний таълимотдаги тафовут шаклида намоён бўлган. Ш. та-рафдорлари (шиалар) суннийлар каби Қуръонни Аллоҳнинг каломи деб эътироф этадилар, исмоилий шиалари Қуръон-нинг мазмунини мажозий талқин қилиш йўли б-н ўз таъ-лимотларини асослайдилар. Шиалар суннада эса фақат Ҳаз-рат Али ва унинг тарафдорлари томонидан ривоят қилин-ган ҳадисларни тан оладилар ҳамда шундай ҳадислардан иборат мустақил тўплам тузганлар. Бу тўпламлар ахбор деб аталган. Суннийликдаги эътироф этилган диний ақида-лардан фарқ қилиб, Ш.да тавҳид, адл, нубувват, имомат,

киёматдан иборат бешта асосга эътиқод қилинади. Булар-дан тўрт ақида – тавҳид (Аллоҳнинг ягоналигини эъти-роф этиш), адл (адолат, Аллоҳнинг одиллиги, яъни тақдир ақидаси), нубувват (пайғамбарлик), киёмат ёки маод (охи-рат кунининг келиши ва ўлганларнинг тирилиши) асосан суннийлик таълимоти б-н мос тушади. Бешинчи ақида имомат (имомлар ҳокимиятини тан олиш) эса суннийлик-ка ва сунний халифалар ҳокимиятига зидлиги б-н фарқ қилади. Ш. Ҳазрат Али ва унинг авлодларидан иборат ўн икки имом ҳокимиятини тан олади. Шу муносабат б-н бар-ча халифаларни, хусусан дастлабки халифалардан Абу Бакр, Умар ва Усмонни ҳокимиятни зўравонлик б-н эгаллаб ол-ган шахслар сифатида қоралайди.

874–978 й.лар орасида 7–9 ёшида бедарак йўқолган (та-рихий нуқтаи назардан ўлдирилган бўлиши мумкин) 12-имом Муҳаммад ал-Маҳдийни улар “яширинган” ҳисоблайдилар, замона охир бўлганда унинг қайтиб келишини ва адолат ўрнатишини кутадилар (имоми Маҳдий, имоми охир замон). Бу тасаввур маълум даражада суннийликда ҳам тарқалган. Баъзи урф-одат ва маросимларда, шариат қондаларида ҳам Ш. б-н суннийлик ўртасида маълум тафовутлар бор. Ши-алар суннийлар каби Макка ва Мадинани “муқаддас” ҳисоб-лаш б-н бирга, Қарбало, Нажаф ш.ларида жойлашган Ш. имомлари қабрларини ҳам зиёрат қиладилар. Ш. шариати-да жаъфария мазхаби ҳукмрон роль ўйнайди. Улар имом Ҳусайнга мотам тутадилар, “шахсей-вахсей” деб ном ол-ган мотам юришлари ўтказадилар ва ҳ.к. Ўрта асрларда Ш. ичида ҳам ихтилофлар юз берган, натижада кўп оқимлар вужудга келган. Булардан исмоилийлар, зайдийлар, ибод-дийлар ва б. ҳозир ҳам мавжуд. Ш. ҳозирги вақтда Эронда ҳукмрон эътиқод ҳисобланади. Ироқ, Ливан, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон ва Озарбайжонда ҳам шиалар бор. Ш. Тожикистонда (Помирда исмоилийлар) айрим киши-лар орасида сақланиб қолган.

ШИЗОФРЕНИЯ (юн. shizo – бўламан, майдалайман + phren – юракни, қалбни, ақлни сўзларидан) – руҳий касаллик; асосий белгилари: шахснинг ўзгариши (фаол-ликнинг пасайиши; ҳиссий бўшлиқ, аутизм ва б.); патоло-гик фаолликнинг турли кўринишлари (алахсираш, галлю-цинация, аффектив бузилишлар, кататония ва б.). асосан сурункали (тутиб-тутиб ёки узлуксиз) кечади. Ш. кўпин-ча ёшликда келиб чиқади.

ШИКАСТЛАНИШ – оғир тан жароҳатининг тури. ЎзР меҳнат ҳуқуқига биноан, меҳнатда Ш. – ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариш чоғида, ишга кетиш ёки ишдан келиш, ўз давлат ёки ижтимоий мажбуриятларини (топшириқларини), ўз фуқаролик бурчини бажариш вақти-да рўй берган бахтсиз ҳодиса натижасида унинг соғлиғи-га зарар етиши. Меҳнатда Ш. туфайли белгиланадиган пен-сиялар ва давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар имтиёзли шартлар б-н ва оширилган миқдорда тайинлана-ди. Ишга ёлловчилар ходимга меҳнатда Ш. натижасида етказилган зарар учун моддий жавобгар бўладилар.

ШИКОЯТ – “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғриси-да”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатла-рини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаа-тидир. Ш. фуқароларнинг ўз (ўзгалар) субъектив ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бузилган ҳуқуқларини тик-

лаш ҳамда давлат органлари, мансабдор шахслар фаолиятидаги айрим қонун бузилишларини, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқ-тартибот соҳаларидаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида бериллади. Ш.ларда фуқароларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, таклиф моҳияти баён этилган бўлиши лозим. Ушбу маълумотлар кўрсатилмаган Ш.лар аноним хат ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди. Ш.лар уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса, ташкилот ёки мансабдор шахсга, шунингдек барча даражадаги депутатларга йўлланади. Ш.лар уларда кўйилган масалаларни ҳал этиш ваколатига кирмайдиган давлат органига, жамоат бирлашмасига, корхона, муассаса ёки ташкилотга юборилган бўлса, 5 кун муддатдан кечиктирмай тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга жўнатилди ва бу ҳақда фуқарога маълум қилинади.

ЎзР Конс.сининг 35-м.сига биноан ҳар бир шахс бевосита ўзи ва б. б-н биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар б-н мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ш. фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади. Яна қ.: *Фуқароларнинг мурожаатлари.*

ШИМОЛИЙ АТЛАНТИКА ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (НАТО) (инг. North Atlantic Treaty Organization) – халқаро давлатлараро ҳарбий-сиёсий ташкилот. 1949 й. 4 апрелда Вашингтонда 12 давлат: АКШ, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Канада, Италия, Португалия, Норвегия, Дания, Исландия вакиллари томонидан Шимолий Атлантика шартномаси имзоланган. Ташкилотга 1952 й. Греция ва Туркия; 1955 й. ГФР, 1982 й. Испания, 1999 й. Венгрия, Польша ва Чехия, 2004 й. Латвия, Литва, Эстония, Словакия, Словения, Болгария ва Руминия қабул қилинди; 1966 й. Франция НАТОнинг ҳарбий тузилмаларидан чиққан.

Шартнома дастлаб Совет Иттифоқи томонидан агрессия хавфига қарши биргаликда ҳимояланиш ва жамоавий хавфсизлиكنи назарда тутган. Бу иккинчи жаҳон урушидан кейин АКШ томонидан тузилган биринчи уюшма бўлиб, у Ғарб мамлакатларининг иттифоқини англатарди. Бундай шартнома тузилишига “совук уруш”нинг тобора кенг тус олгани сабаб бўлган. Ғарбий Европа мамлакатлари Совет Иттифокидан яқка тартибда ҳимояланишда ўзларини ожиз ҳис этганликлари учун 1947 й. Ҳамкорликда ҳимоя тизимини ярата бошладилар. 1948 й. 17 мартда 5 мамлакат – Бельгия, Франция, Люксембург, Нидерландия ва Буюк Британия “Брюссель шартномаси”ни имзолаган эдилар. Бу шартнома НАТОга асос бўлди. НАТОнинг асосий принципи шартноманинг “Томонлар Европа ёки Шимолий Америкада бир ёки ундан ортиқ мамлакатга қилинадиган қуролини ҳужумни барчага қарши ҳужум сифатида қарайди” деган моддасида ифодаланган. Шартнома БМТ Уставининг 51-м.сига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, бу моддада мустақил давлатлар яқка тартибда ёки жамоа бўлиб, ўз мудофасини ташкил этиш ҳуқуқига эгаллиги кўрсатилган. Шартнома НАТОга кирувчи мамлакатларга Ғарбий Европа ва Шимолий Атлантикани ҳимоя қилиш вазифасини юклаган. Шартнома, шунингдек аъзолар ўртасида сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқалар

ни чуқурлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. НАТО қуролини кучлари 1950 й. июнда бошланган Корея урушига жавобан шу йил ташкил қилинган.

НАТО ҳарбий иттифоқ ҳисобланади. Унинг ичида ягона, марказлашган орган мавжуд эмас. Ҳуқуқий жиҳатдан ҳеч бир давлат ўзининг кўрсатмаларига қўшилишга бошқа давлатларни мажбур этишга ҳақли эмас. НАТО тузилмасини сиёсий (фуқаровий) ва ҳарбий қисмга бўлиш мумкин. Шимолий Атлантика Кенгаши НАТОнинг олий сиёсий органи ҳисобланади. У иттифоққа аъзо мамлакатлар ҳукуматлари ўртасида маслаҳатлашиб олинандиган ва ишларни мувофиқлаштирувчи асосий форумдир. Кенгаш мажлислари: ҳафтасига бир марта – НАТОга аъзо мамлакатлар доимий вакиллари (элчилари) даражасида; йилига 2 марта – ташқи ишлар вазирлари даражасида; келишув бўйича. алоҳида ҳолларда – давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқлари даражасида ўтади. Кенгаш кун тартибига амалда ҳар қандай масала қўйилади, иттифоққа аъзо мамлакатлар ўз ичидаги вазиятларга баҳо бериш бундан мустасно. Қарорлар консенсус асосида қабул қилинади ва барча аъзолар учун бир хил кучга эга бўлади. Ҳарбий масалалар Мудофаани режалаштириш комитети (МРК) мажлисларида муҳокама қилинади. Ядровий режалаштириш гуруҳи мажлисларида НАТО сиёсатида ядро қуролининг аҳамияти б-н боғлиқ масалалар бўйича маслаҳатлашув бўлади. НАТО Бош қотиби юқоридаги ҳар учала органининг раиси ҳисобланади. Халқаро қотибият ҳам унинг тасарруфида бўлади. Ҳарбий қўмита НАТОнинг олий ҳарбий органи ҳисобланади. У барча катнашчи мамлакатлар Бош штаблари бошлиқларидан ташкил топади. Қўмита йилига 2 марта штаб бошлиқлари даражасида мажлис қилади, жорий масалалар НАТОга аъзо мамлакатлар ҳарбий миссиялари вакиллариининг ҳар ҳафталик учрашувларида муҳокама қилинади. Халқаро ҳарбий штаб Ҳарбий қўмитанинг ижроия органидир. НАТО Прага саммити (2002 й. ноябрь)нинг қарорларига мувофиқ Европа ва Атлантикада Бош ҳарбий қўмондонликлар ўрнига НАТО Бирлашган қўмондонликлари тузилди. Булар – Европада НАТО бирлашган кучлари Бош қўмондонлиги ўрнига операциялар устидан Бирлашган қўмондонлик; Атлантикада НАТО бирлашган кучлари Бош қўмондонлиги ўрнига қайта тузиш бўйича Бирлашган қўмондонлик.

“Совук уруш” тугайдан сўнг НАТОни дунёда юзага келган янги вазиятга мослаштириш бошланди. 1991 й.да Шимолий Атлантика ҳамкорлик кенгаши тузилди. У Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига айлантирилди (1997 й.). 1994 й.дан НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастури амалга оширила бошланди. Бу дастур Евроатлантика ҳудуди хавфсизлигининг асосий таркибий қисмига айланди ва НАТОда марказий ўринни эгаллаб келмоқда. ЕАҲКга 46 мамлакат аъзо.

Ўзбекистон томонидан НАТОнинг “Тинчлик йўлида ҳамкорлик” дастурига қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат 1994 й.да имзоланган. 1995 й. 26 августда Ўзбекистон НАТО б-н хавфсизлик тўғрисидаги битимни имзолади.

Ўзбекистоннинг НАТО б-н ўзаро алоқалари ҳар йили иккала томондан тасдиқланадиган Индивидуал ҳамкорлик дастури орқали амалга оширилади.

ШИРКАТ – ўз мулкий воситаларини бирлаштирган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг ўзаро шартномасига

асосланган ҳамда, одатда, биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти ёки умумий мулкдан биргаликда фойдаланиш натижасида фойда олишга ёрдам берадиган уюшмаси. Ш. – тадбиркорликнинг қадимий шаклларида бири. Рим империясидаёқ Ш. алоҳида тармоқларда, мас., ижарадаги қонлардаги Ш.лар, қулоллар Ш.лари, шахсларнинг биргаликда хўжалик юритиш ва кейинчалик фойдани бўлишиш учун тузилган Ш.лар. Ш.лар Рим атрофидаги вилларда ҳам маълум бўлган. Ш. нотижорат ташкилоти, мас., турар жой мулкдорларининг Ш.и бўлиши ҳам мумкин. Яна қ.: *Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари, Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати.*

ШОВИНИЗМ (фр. chauvinisme, Наполеон I босқинчилик сиёсатининг мухлиси француз аскарари Н. Шовен номидан олинган) – миллатчиликнинг ўта агрессив шакли. Ўзга миллатларни камситиш, таҳқирлаш, ўз миллатини бошқа миллатдан устун қўйиш, миллий калондимоғлик, миллий худбинлик иллатларини ўзида мужассам этади. Шовинистлар ғоявий, назарий жиҳатдан миллий манфаат ва устуворликка хизмат қилиб, ўз ғояларини тазйик ва зўравонлик орқали амалга оширади. Ш. термини XIX а.нинг 30-й.ларида Францияда пайдо бўлди. Кейинчалик бу сўз миллий экстремизмнинг турли кўринишларини ифодалашда қўлланила бошлади. Ш. бирор бошқа миллатнинг тарихий тараққиёт ютуқлари, инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси, жаҳон тарихидаги ўрни, миллий, маънавий ва маданий қадриятларини поймол қилишга ҳаракат қилиб, айрим жиҳатлари б-н нацизм ва фашизмга ҳам ўхшаб кетади. Ш. кўп миллатли давлатда кўпинча бир миллатнинг устуворлигига, чексиз имтиёзларга эга бўлишига олиб келади. Баъзан эса муайян давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини миллий манфаатлар нисбатида остида намоеён этиб, ўзга давлатга тазйик ўтказиши ҳам мумкин. Бу ҳол буюк давлатчилик Ш.и сифатида таърифланади. Ш. XX а.да дунёнинг турли давлатлари ва минтақаларида ўзининг мудхиш мақсадларини амалга оширди.

ШОФИЪЯ – суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Шофиъий асос солган. Сурия ва Мисрда шаклланган. Ўрта асрларга келиб Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Кейинчалик, бу мазҳабнинг таъсир доираси торайиб борган. Ҳозирда Миср, Индонезия мусулмонлари орасида, Шарқий Африка мамлакатларининг баъзиларида, қисман Сурияда ва Жанубий Араб Амирликларида Ш. мазҳаби ҳуқуқ тизимига амал қилувчилар бор.

ШОҲ (форс.) – Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи мамлакатларда ва Деҳли султонлигида монархнинг унвони. Илк бор Сосонийлар давлатида қўлланган. Охириги Ш. 1979 й.да Эрон тахтидан ағдарилган.

ШТАМП (ит. stampa – муҳр, инг. stamp; нем. stampe) – тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланишига алоҳида тартиб ўрнатилган маълумотларни тасдиқлаш ёки ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш воситаси. Ш.лар бурчакли, рўйхат (ҳисоб)га олиш, маълумот, шунингдек шахсий Ш.ларга бўлинади.

Бурчакли Ш. – юридик шахс, яқка тадбиркор, юридик шахс ташкил этмасдан тузилган деҳқон хўжалиги номидан чиқадиغان ҳужжатларга қўйиладиган Ш.

Рўйхат(ҳисоб)га олиш Ш.и – ҳужжатларни рўйхатга ва ҳисобга олиш учун фойдаланиладиган, шунингдек расмий Ш.

Маълумот Ш.лари – юридик шахс, яқка тадбиркор, юридик шахс ташкил этмасдан тузилган деҳқон хўжалиги, шунингдек божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг бурчакли ва рўйхатга олиш Ш.и ҳисобланмайдиган маълумот характеридаги бошқа Ш.лари.

Шахсий Ш. – бу жисмоний шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган номли ёки номсиз Ш.

ЎзР МЖКда матбаа ускуналари, харфлар, матрицалар, муҳрлар ва Ш.ларни қўлга киритиш, сотиш, фойдаланиш, ҳисобга олиш ва сақлаш қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг бу қоидаларни бузиши учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. ЎзР ЖКнинг 228-м.сида ҳужжатлар, Ш.лар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган.

ШТАНДАРТ (нем. standarte) – айрим мамлакатларда (Бразилия, Италия, Германия, Россия, Қозоғистон, Украина, Белоруссия, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбойжон ва б.) Президент ҳокимиятининг бош тимсоли. Шунингдек, баъзи мамлакатларда (Россия, Украина) Қуролли Кучлар Бош штаби бошлиғи, мудофаа вазирининг, айрим федератив давлатларда (мас. РФ, ГФР) фед. субъектларининг Ш.и жорий этилган. Ш.нинг тасвири РФ Президентининг 1994 й. 15 февралдаги “Россия Федерацияси Президентининг штандарти (байроғи) тўғрисида”ги Фармонида белгиланган. Унга кўра, РФ Президентининг Ш. юқори қисми – оқ, ўрта қисми – кўк, қуйи қисми – қизил ранглардан иборат (РФ байроғи ранглари) учта бир хилдаги горизонтал чизиқ б-н ажратилган тўртбурчак матодир. Унинг марказида РФ давлат тамғаси тилларангга ифодаланган. Мато тилларанг попуқ б-н хошияланган. Унинг қумушранг туткичада РФ Президентининг исм-шарифи ва отасининг исми ҳамда бу лавозимда бўлиш муддатлари ўйиб ёзилган. Ш. туткичининг юқори қисми найза шаклида узайтирилган.

ШТАТ (лот. status – ҳолат; инг. staff, state; нем. staat) – 1) баъзи мамлакатларда (АҚШ, Бразилия, Венесуэла, Мексика, Нигерия, Хиндистон ва б.) федерация субъектларининг номи. Ш.нинг ҳуқуқий ҳолати, унинг ҳокимият органларининг ваколатлари ҳажми, марказий ҳукумат органлари б-н муносабатлари федерал Конс. б-н белгиланади. Баъзи мамлакатларда (АҚШ, Мексика) Ш. ўз Конс.сига эга бўлади. Ш. тепасида сайланадиган ёки тайинланадиган губернатор туради. Унинг ваколатлари баъзи жиҳатдан давлат бошлиғининг ваколатларига ўхшаш бўлади. Ш.ларнинг қонун чиқарувчи органлари, одатда, икки палатали бўлади. Ш. ўз суд тизимига, жиноят ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади. Ш. – мустақил давлат эмас;

2) ташкилот ходимларининг доимий таркиби. Ш.даги ходимларга тегишли ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаётган шахслар ҳам қиради.

ШТАТ БИРЛИГИ – ташкилот штат жадвалидаги йш ўринларига мувофиқ келадиган лавозимлар рўйхатидаги бирлик.

ШТАТ ЖАДВАЛИ – ташкилот, мулк эгаси, юқори турувчи раҳбар ёки орган томонидан тасдиқланадиган доимий хизматчилар лавозимларининг рўйхати. Бир номдаги лавозимлар (вакансиялар) ва маошларнинг ҳажмини кўрсатган ҳолда тузилади. Ш.ж.да, шунингдек тегишли ташкилотнинг тузилиши акс этади.

ШТРЕЙКБРЕХЕР (нем. streikbrecher, streik – иш ташлаш + brechen – синдириш, узиш сўзларидан) – иш ташлашда катнашишдан бош тортган ёки иш ташлаган ишчиларнинг ўрнига маъмурият томонидан ёлланган одам.

ШУЛЕР (инг. cardsharp, cheat; пол. szuler) – карта ўйинида фирибгарлик қилувчи мохир картабоз; фирибгар.

ШҶРО (араб. – кенгаш, маслахат) – ислом ҳуқуқининг суннийлар шархлаган концепциясига кўра, ислом давлатини ташкил этиш ва фаолият юритишида маслахатлашув принципи. Уни амалга оширишда диний арбоблар асосий ўрин тугади. Қатор араб давлатларида (Қатар, БАА, Уммон) давлат бошлиғи ҳузурда маслахат органи мавжуд. Маслахат кенгаши амир томонидан тайинланади, давлат бошлиғи фақат Ш. б-н маслахатлашган ҳолда қонунлар қабул қилиши мумкин.

ШҶРОИ УЛАМО (араб. – уламолар кенгаши) – Туркистон уламолари жамияти. 1917 й. июнда “ШҶрои исломия”дан ажралиб чиққан ва 1918 й. 13 майгача иш олиб борган. Жамият дастури ва низомига кўра, ички сиёсий тузилмада шариат қонунларига қатъий риоя қилиш, миллий-диний кадриятларни юксалтиришга даъват этилган ва мадрасаларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш айтилган. Бирок, дастурда маиший турмуш ва аёллар масаласида консерватив қарашлар устулик қилган. Жамиятнинг Тошкент, Қўқон, Самарқанд ш.ларидаги шўъбаси фаол иш олиб борган. Тошкент шўъбасига Шерали Лапин раҳбарлик қилган. Жамиятнинг энг йирик Қўқон шўъбасига эса Мулла Мухиддинхон Мулла Улуғхон Тўраев раис бўлган. Ш.у. “ал-Изоҳ” (муҳаррир Абдумалик Ҳожи Абдунабиев; 1917 й. июнь – 1918 й. май), “ал-Ислох” (муҳаррир Абдурахмон Сайёх, 1917-1918 й.лар) журналларини нашр этди. Уларда даврнинг долзарб муаммолари: диний, ахлоқий, илмий, иқтисодий, ижтимоий масалалар ёритиб борилди. Ш.у. ташаббуси б-н Тошкентда Туркистон ва Қозғонистон мусулмонлари қурултойи ўтказилди (1917 й. сентябрь). Унда уламолар ва шҶрои исломчилар ўзаро бирлашиб, “Иттифоқи муслимин” сиёсий партиясини туздилар. Жадидлар ва уламолар ўртасидаги зиддият ва

ғоявий кураш кучайган. Уламолар орасида ҳам ҳокимият масаласида турли қарашлар мавжуд бўлган. Тошкентлик уламолардан фарқли равишда Қўқондаги Ш.у. аъзолари большевикларга қарши чиққан ва Туркистон мухторияти ҳуқуқини қўллаб-қувватлаган. 1918 й. март ойида Қўқон яқинидаги Бачқир қишлоғида Ш.у. ва ШҶрои исломия фаолларининг ташаббуси б-н Фарғона водийсидаги кўрбошиларнинг илк қурултойи ўтказилиб, Туркистонда совет режимига қарши қуроли ҳаракатининг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган. Совет даврида Ш.у.чилар ва шҶрои исломчилар фаолияти сохталаштирилиб, улар “халқ душмани” ва “миллатчи” сифатида кўрсатилган.

ШҶЪБА КОРХОНА – ЎзР ФКнинг 71-м.сига мувофиқ, хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган бир унитар корхона белгиланган тартибда ўз мол-мулкнинг бир қисmini бериш йўли б-н юридик шахс сифатида ташкил этган бошқа унитар корхона. Муассис Ш.к.нинг уставини тасдиқлайди ва унинг раҳбарини тайинлайди.

ШҶЪБА ХҶЖАЛИК ЖАМИЯТИ – ЎзР ФКнинг 67-м.сига мувофиқ, агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устулик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади. Ш.х.ж. юридик шахс ҳисобланади.

Ш.х.ж. ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди. Асосий жамият (ширкат) айби б-н Ш.х.ж. ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Ш.х.ж. иштирокчилари (акциядорлари) асосий жамиятдан (ширкатдан) унинг айби б-н шўъба жамиятга етказилган зарарни тўлашни, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.



ЭВЕНТУАЛ ҚАСД (инг. eventual intention) – жиноят ҳукукида эгри қасд. Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасдан содир этилган деб топилади.

ЭВИКЦИЯ (лот. evictio, evinco – ютяпман, эришяпман сўзидан; инг. eviction) – фукаролик ҳукукида харидор олган мулкни у харид қилгунгача бўлган мотивлар асосида ўзгага бериш (мас., учинчи шахс мулк ҳукуки сотувчига эмас, балки унга тегишли эканлигида туриб олади). ЎзР қонунларига кўра, Э.дан келадиган зарар учун сотувчи жавоб беради. Фақат харидор сотувчини ишда қатнашишга жалб қилмаган ва агар сотувчи ишда қатнашганида Э.нинг олдини олган бўлиши мумкинлигини исбот қилиб берган ҳоллар бундан мустасно.

ЭВТАНАЗИЯ (юн. euhanasia, eu – яхши + thanatos – ўлим сўзларидан; инг. euthanasia) – беморнинг илтимосига мувофиқ жисмоний таъсир кўрсатиш йўллари ва воситалар орқали унинг яқинлашиб келаётган муқаррар ўлим жараёни тезлаштириш; жумладан, ҳаётни таъминлаб турувчи ҳаёт воситаларини (сунъий қон алмаштирувчи, сунъий буйрак ва ҳ.к.) тўхтатиш. ЎзР қонунчилиги бўйича тиббиёт ходимларига Э.ни қўллашга рухсат этилмаган. Европа мамлакатларида Э.га рухсат бериш масаласи мунозарали масала ҳисобланади.

Кейинги вақтларда юридик адабиётларда Э., яъни шахснинг ўзининг розилиги б-н ҳаётдан маҳрум этганлик учун жавобгарлик масаласи бўйича мунозаралар авж олган.

Э.ни маъқулловчи ва уни қораловчилар бўлишига қарамасдан, уни қонунийлаштиришдан қочмоқ зарур, чунки инсонга ҳаёт Худо томонидан ато этилади, уни қайтиб олишга фақат унинг ўзи ҳақлидир, деган фикрлар мавжуддир.

Бундан ташқари, доришунослик ютуқларидан фойдаланиб, аста-секин инсон ҳаётига чек қўядиган воситалар яратилишидан ҳам умид қилинмоқда.

Жиноят-ҳуқуқий маънода Э. бу – иложсиз қолган беморни оғриқ ва азоблардан халос этиш мақсадида тиббиёт ходимининг шахсан аралашуви ёки унинг кўмаги б-н қасдан ҳаётдан маҳрум этишдир.

Э.нинг ижро этиш усулига кўра икки тури фаркланади: актив (фаол) ёки позитив Э., бунда беморнинг ўлимини тезлаштириш учун маълум хатти-харакатлар амалга оширилади;

пассив (суст) ёки негатив Э.да бемор ҳаётини узайтириш мақсадидаги чоралардан воз кечилади.

Актив Э. куйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин: “раҳмдиллик юзасидан ўлдириш” – бунда шифокор томонидан оғир азобларга дучор бўлган беморнинг аҳволини “енгиллаштириш” учун унинг ўз хоҳиши б-н кучли таъ-

сир қилувчи воситалар, захарли моддалар, газлар таъсирида уни ҳаётдан маҳрум қилади;

“шифокор ёрдамида ўзини ўзи ўлдириш” – бунда шифокор беморга ўзини ўзи ўлдиришига кўмаклашади, унга ҳаётдан маҳрум этувчи турли усулларни, воситаларни тавсия қилади.

“шахсий актив эвтаназия” – бунда шифокор томонидан ҳеч қандай хатти-харакатлар қўлланилмайди, ҳаётдан маҳрум этувчи барча воситалар беморнинг ўзи томонидан амалга оширилади.

ЭГАЛИК ҲУҚУҚИ – қад. Рим ҳуқуқи бўйича ашёга амалда хўжайинлик ёки ҳукмронлик қилиш, қўлда сақлаб туришга эгалик – possessio дейилган.

Шахс Э.х. бошқа киши орқали ҳам қўлга киритилиши мумкин бўлган, бунинг учун: а) унинг вакилида шу нарсани олиш учун берилган тўлиқ ваколат бўлиши керак бўлган. Бу ваколат қонунан, яъни васийликдан ёки ворисликдан ёхуд алоҳида шартномадан келиб чиқиши мумкин; б) вакилда ашёни ўзи учун эмас, бошқа биров учун олиш истаги бўлиши лозим бўлган. Ушбу икки ҳолатнинг бўлиши вакил орқали эгалик ҳуқуқини олишга имкон берган.

ЎзР ФК 164-м.сига кўра мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши б-н ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир.

ЎзРда мулкка нисбатан Э.х.ни вужудга келтирувчи ҳосила усули қўлланилади. Бу усул муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлади. Бу усулда мулк ҳуқуқининг маълум ашёга нисбатан пайдо бўлиши ёки бу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши б-н боғлиқдир. Шу маънода мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк ҳуқуқи вужудга келганда, мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқни бир шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши тўғрисида сўз боради. Мас., олди-сотди шартномаси тузилиши йўли б-н ашёга нисбатан эгалик ҳуқуқи бир шахсда, яъни сотиб олувчида пайдо бўлади.

Мулк ҳуқуқининг ҳосила усули вужудга келишига олди-сотди, ҳаёда, айирбошлаш, қарз шартномалари; шунингдек қонун ва васият бўйича мерос олиш, давлат мулкни хусусийлаштириш орқали олиниши мисол бўла олади.

Мулкка нисбатан Э.х.нинг ўтиш пайти қонунда муқаррар белгиланиши бировга ўтказилаётган ашёларнинг тасодифан нобуд бўлиши ёки бузилиши хавф-хатари, яъни бунинг натижасида етказилган зарар кимнинг зиммасида бўлишлигини белгилаш ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Ашёларга нисбатан Э.х. баъзи ҳолларда мулк эгасининг эркидан ташқари ҳам бекор бўлиши мумкин. Мас., ашёлар табиий офатлар, ёнғин, сув тошқини, зилзила натижасида тасодифан нобуд бўлишида мулк ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлади. Баъзи ҳолларда, чунончи, қарзни қоплаш учун ижро варақаси бўйича ҳақ ундирлишида ёки мол-мулкнинг мусодара қилинишида эгалик ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлиши мумкин.

ЎзР ФКнинг 165-м.сига кўра, мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши, агар қонун ҳужжатла-

рида ўзга тартиб назарда тутилган бўлмаса, бу мол-мулкка нисбатан ўзга ашёвий ҳуқуқларнинг бекор бўлиши учун асос бўлмайди.

ЭГАСИЗ АШЁ – ЎзР ФКнинг 191-м.сига биноан, эгаси бўлмаган ёки эгаси номатълум бўлган ашё Э.а. ҳисобланади.

Агар бу ҳол топилма тўғрисидаги, қаровсиз хайвонлар ва ҳазина тўғрисидаги қондаларда рад этилмаган бўлса, эгасиз кўчар ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Эгасиз кўчмас ашёлар тегишли давлат органининг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи орган томонидан ҳисобга олинади.

Эгасиз кўчмас ашё ҳисобга олинганидан кейин уч йил муддат ўтгач, давлат мол-мулкни бошқаришга ваколати бўлган орган ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бу ашёни давлат мулкига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига кирган деб ҳисоблаш тўғрисидаги талаб б-н судга муурожаат этиши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарорига биноан давлат мулкига ўтмаган деб ҳисобланган эгасиз кўчмас ашё уни ташлаб кетган мулкдорнинг эгаллигига, фойдаланишига ва тасарруфига яна қабул қилиниши ёки эгалик қилиш ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин.

Э.а.ларни аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби ЎзР Ҳуқуқмати томонидан белгиланади.

ЭГАСИЗ МЕТАЛЛ ҲИСОБЛАР – кредит ташкилоти томонидан нодир металлларни ҳисобга олиш учун алоҳида белгилари ҳамда жалб этиш ва жойлаштириш бўйича операцияларни амалга оширишни кўрсатмаган ҳолда очиладиган ҳисоб рақамлар.

ЭГАСИЗ МОЛ-МУЛК – агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлар бўлмаса ёхуд меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб ҳисобланади. Мерос мол-мулк мерос очилган жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг аризаси бўйича мерос очилган қундан эътиборан бир йил ўтганидан кейин суднинг қарори асосида эгасиз деб топилди. Мерос мол-мулк, агар уни кўриқлаш ва бошқариш б-н боғлиқ харажатлар унинг қийматидан ошиб кетса, кўрсатилган муддат ўтишидан олдин эгасиз деб топилдиши мумкин. Э.м.-м. у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ўтади, бу орган мол-мулкдан воз кечган тақдирда, давлат мулкига ўтади. Э.м.-м.ни кўриқлаш ва бошқариш ЎзР ФКнинг 1144-м.сига мувофиқ амалга оширилади (ЎзР ФКнинг 1157-м.си).

ЭГАСИНИНГ НОМИ ЁЗИЛГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – мулкый ҳуқуқларнинг реализация қилиниши ўз эгасининг рўйхатдан ўтказилишини талаб этадиган қимматли қоғозлар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунининг 3-м.си). Эгасининг номи ёзилган, шунингдек юридик шахс иштирокда тузиладиган тақдим этувчига тегишли қимматли қоғозларга доир битимлар ёзма шаклда амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 15-м.си).

ЭГРИ САЙЛОВЛАР – одатда кўп босқичли бўлиб, бунда сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаронинг хоши-иродаси махсус шахслар – “сайловчилар” ёки махсус органлар воситасида ифодаланади. Э.с.да фуқаролар номзодга эмас, балки махсус шахслар ёки органларга овоз берадилар, улар эса ўз навбатида муайян лавозимга қўйилган номзодни сайлайдилар. Бу сайлов усули қатор мамлакатлар парламентиининг юқори палатаси (одатда, сенат)га бўлган сайловларда қўлланилади (Франция, Ҳиндистон, Малайзия ва б.). Э.с. АКШ ва Аргентина президентлигига бўладиган сайловларда ҳам қўлланилиб, президентлик сайловида бу усул қўлланилишининг характери жиҳати шундаки, сайловчи ва номзод ўртасидаги оралик инстанция – махсус шахсларнинг шахсий сифатлари эмас, балки партиявий мансублиги жуда катта аҳамиятга эга.

ЎзРда Олий Мажлиснинг юқори палатаси – Сенат аъзоллигига номзодлар ўз лавозимларига Э.с. орқали эришадилар, яъни Сенат аъзолари ҚР, вил.лар ва Тошкент ш.дан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов ҚР Жўқорғи Кенгеси, вил., тум. ва ш.лар давлат ҳокимияти вакиллик органилари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли б-н ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎзР Президенти томонидан тайинланади.

ЭГРИ СОЛИҚЛАР – товарлар, ишлар ва хизматларга нарх ёки тарифга қўшимча шаклида белгиланган солиқлардир. Улар тўғри солиқлардан шуниси б-н фарқланадики, солиқ тўловчининг даромади ёки мулк б-н бевосита боғланмаган. Эгри солиқ солиниши керак бўлган товарлар ишлаб чиқарувчи, иш бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар солиқ суммасини сотиладиган товарлар, кўрсатиладиган ишлар, хизматлар қийматига киритади, яъни ўз моҳияти б-н улар солиқ йиғувчилар бўлади. Сўнгги солиқ тўловчи ёки солиқ эгаси бўлиб товарларни ёки хизматларни у ёки бу турдаги эгри солиқни ўз ичига олган, оширилган нархлар ёки тарифлар бўйича олувчи истеъмолчи катнашади. Кўпгина давлатларнинг ҳозирги замоч солиқ тизимларида Э. с.нинг акцизлар, қўшилган қиймат солиғи, божхона божи каби турлари қўлланади. Э.с.нинг айнан шундай турлари ЎзР СКда мустаҳкамланган. 2002 й. 1 январдан бошлаб республикада эгри солиқнинг жисмоний шахслардан транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газни ишлайтиш учун олинадиган солиқ тури амал қилмоқда, бу солиқ жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ ўрнига киритилган.

ЭГРИ ҚАСД – Э.к. қуйидаги белгилари б-н таърифланади: 1) шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаш б-н; 2) ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етиши (аклий белги) б-н; 3) ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиши (иродавий белги) б-н; 4) айбдорнинг мумкин бўлган оқибатларга бефарқ муносабатда бўлиши б-н.

Э.к.нинг иродавий белгиси мазмуни қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англашдан иборат бўлиб, унинг

тўғри қасддаги таърифи б-н мос келади. Э.к.даги ақлий белгининг таркиби бўлган илгаридан кўзи етиши бошланадиган ижтимоий хавфли оқибатларнинг реал имконияти б-н изоҳланади. Айни оқибатларга илгаридан кўзи етиши табиати тўғри ва Э.к. турлари ақлий белгиларининг мазмуни орасидаги тафовутнинг кўрсаткичидир.

Э.к.нинг иродавий белгиси ижтимоий хавфли оқибатлар келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйишдир. Онгли равишда йўл қўйиш – фаол рухий жараён бўлиб, субъектнинг келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларига муросали муносабатида, шундай оқибатларнинг реал имкониятига кўзи етишида намоён бўлади.

Э.к.нинг иродавий белгиси ўз мазмунига кўра тўғри қасднинг иродавий белгисига анча яқиндир. Мазкур яқинлик олдиндан назарда тутилган оқибатлар бошланишининг реал имконига нисбатан ижобий муносабатда намоён бўлади. Айни пайтда, башарти тўғри қасдда шахснинг иродаси муайян мақсадга эришувга қаратилган бўлиб, мазкур мақсадни амалга ошириш исталган жиний натижанинг вужудга келишини таъминласа, лекин Э.к.да субъект жиний оқибатларнинг вужудга келишини жиний хулқ-атворнинг фикрий пировард натижасини амалга оширишнинг зарур шарти каби маъқулласа ҳам қўйилган мақсадлар тахмин этилган жиний оқибатларга мос келмайди.

ЭДИФАКТ (инг. edifact) – бошқарув, савдо-сотик, транспорт соҳасида электрон техникадан фойдаланилган ҳолда ахборот алмашиниш бўйича БМТнинг универсал қоидалари. Э.нинг ҳужжатларни телекоммуникация тармоқлари орқали тарқатишга тайёрлаш жараёнида стандартлаштирилиши лозим бўлган тўртта алоҳида таркибий қисми ажратиб кўрсатилган. Бу маълумотлар элементлари (data elements), маълумотлар элементларининг стандарт гуруҳлари (standard data segments), стандарт ахборотлар (standard messages) ва ҳужжатлар ҳажмини яратиш қоидалари (syntax rules).

ЭДУСКУНТ – Финляндия бир палатали парламентининг номи.

ЭКЗЕГЕТЛАР (юн. exegetes – шарҳловчилар) – қад. Афинадаги қонунлар, одатлар ва илоҳий ҳуқуқни шарҳловчилар. Бир эзегет халқ йиғилиши томонидан эски Атика уруғи зиёлиларидан сайланган, бошқаси дельфий оракулнинг кўрсатмаси бўйича тайинланган.

ЭКЗЕКВАТУРА (лот. exequae – аниқлайман, бажараман) – халқаро ҳуқуқда: а) бошқа мамлакатда чиқарилган суд қарорларини ижро этиш; б) қабул қилувчи давлат ҳукумати томонидан консулнинг тан олишини тасдиқловчи расмий ҳужжат. Яна к.: *Консуллик экзекватураси*.

ЭКЗЕКУЦИЯ (лот. executio – ижро қилиш; инг. execution) – 1) суд ҳукми ёки маъмурий қарорни (ўлимга ҳукм қилиш, мулкни сотиш ва ҳ.к.) ижро қилиш; 2) жисмоний жазо (тан жазоси).

ЭКОЛОГИК АУДИТ – “Экологик экспертиза тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, экологик аудиторлар (фирмалар) томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган, атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва б. объектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир. Э.а. хўжалик ва б. хил фаолият объекти мулкдорининг қарорига биноан ўтказилади.

Э.а.ни молиялаш буюртмачининг маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Э.а.нинг ҳуқуқий мақоми “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни б-н эмас, балки “Экологик экспертиза тўғрисида”ги ЎзР Қонуни нормалари б-н тартибга солинади. Сабаби шуки, Э.а. экологик экспертизанинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу фаолият экологик аудиторлар томонидан амалга оширилади, яъни унинг фаолияти қаратилган объект табиат ва уни муҳофаза қилиш талаблари ташкилотлар томонидан бажарилаётганлигини текшириш ва асосли хулоса беришдир.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК – инсон фаолияти ва табиат “инжиқлик”лари (зилзила, тошқин, цунами ва ҳ.к.)нинг атроф-муҳитга салбий таъсир этмайдиган даражаси, яъни маълум бир ҳудуд, кенглик ва минтақада экологик хавфсиз муҳит ҳолатининг бир нормада ушлаб турилиши. Экологик барқарор бўлган жойларда экологик тизимдаги модда ва энергия алмашинувининг табиий ҳолатда кечуви сақланиб турилади, экотизимларда тирик организмларнинг “иммун” (қарши туриш) қобилияти йўқолмайди ҳамда уларнинг кўпайиш ва тикланиш жараёни табиий ҳолда кечади.

ЭКОЛОГИК ЖАВОБГАРЛИК – экологик хавфсиз муҳитни таъминлашдаги давлат, жамият ва шахсларнинг ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги бурчлари, мажбуриятлари ҳамда уларни бажармаслиги туфайли юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий ва юридик характердаги оқибатлар. Мазмун ва моҳиятига кўра Э.ж.ни уч қисмга ажратиш мумкин.

Ижтимоий-Э.ж. – кишиларнинг Э.ж.и қонун ҳужжатларида акс этмаган, лекин азалий миллий ва ҳудудий анъаналардан келиб чиққан ахлоқ-одоб нормалари. Мас., Шарқ халқларида Наврўз айёмида ёки бола туғилганда кишиларнинг уларга бағишлаб кўчат экишлари ёхуд ерларни эъзозлаб, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб боришлари. Албатта, бу одоб-ахлоқ нормалари ҳуқуқий жиҳатдан мажбурий тусга эга эмас, чунки қонунлаштирилмаган. Лекин, инсонларнинг жамият олдидаги, давлат бошлиғи, ҳокимияти органларининг ўз фуқаролари олдидаги бурчи ва мажбурияти уларнинг ижтимоий жавобгарлигидир. Акс ҳолда киши, оила, жамоа ёки мансабдор шахс, инсонлар ёки ўз фуқаролари назаридан қоладилар ва уларга нисбатан жазо санкцияси чораси тариқасида уларни тўй ёки маъракаларга чақирмаслик, қиз ёки ўғлини унинг фарзандларига унаштиришга лойиқ деб топмаслик, ҳурмат қилмаслик. Умуман олганда, экологик ҳаракатда бўлмаганларнинг киши, жамият ва халқ назаридан қолишларидир. Бундай ижтимоий турдаги Э.ж. давлат ва шахсларнинг ўз халқи, атрофдаги кишилар ва келажак авлодлар олдидаги ижтимоий жавобгарлигидир.

Иқтисодий-Э.ж. – кишиларнинг экологик жавобгарлиги қонун нормаларида белгиланган, лекин уларнинг яшаши учун зарур бўлган (инсонларнинг табиий-гуманитар ҳуқуқидан келиб чиқадиган) ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари орқали келиб чиқадиган моддий жавобгарликдир. Мас., аҳолининг чучук сув истеъмол қилиши зарур ҳолат, лекин унинг танқислиги, экологик тизимлардаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган тарзда ҳар бир кишига маъ-

лум бир норма белгилангандир. Бу нормалаш кишиларнинг табиат олдидоги бурчини ифода этиб, унга етказилган зиённи молиявий қоплаш мақсадида экология солиғи, сув, ер, ер ости бойликларидан фойдаланганликлари ва атроф-мухитни ифлослантирганликлари учун солиқ тўлаш орқали жавобгарликка тортиладилар. Ушбу иктисодий характердаги жавобгарликдан тушган молия маблағларининг аксарият қисми бузилган табиий тизимларни қайта тиклаш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва уни соғломлаштиришга йўналтирилади.

Хукукий-Э.ж. – қонун нормаларида белгиланган экологик ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қоида ва нормаларини бузганлиги учун ҳуқуқ субъектларига (қонунбузарларга) нисбатан давлатнинг мажбурлов санкциялари қўлланиладиган юридик жавобгарлик. У давлатнинг мажбурлов санкцияларини қўллаш орқали ҳуқуқбузарларга ноқулай шароитларни келтириб чиқарди. Улар жавобгарликнинг табиати, мазмуни, ижтимоий хавфлиликка караб жиноий, фуқаровий, маъмурий ва интизомий турларга ажратилади.

ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМАЛАР – табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул б-н таъминлаш учун ташкил этиладиган жамғармалар.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 35-м.сига мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини пул б-н таъминлаш учун ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва унинг жойлардаги идоралари ҳузурида табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси ҳамда маҳаллий жамғармалари ташкил этилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларини таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш тартиби ЎзР ВМнинг 1993 й. 24 майдаги 446-сон қарори б-н тасдиқланган Табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари тўғрисида низом б-н белгиланади. Табиатни муҳофаза қилишнинг маҳаллий жамғармалари зарарли моддаларнинг атмосфера хавосига чиқариб ташланишини, ифлосланган оқова сувларнинг сув объектларига оқизилишини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини сақлаб қолишга қаратилган атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш бўйича ҳудудий ва тармоқлараро чора-тадбирларни маблағ б-н таъминлаш учун тузилади. Табиатни муҳофаза қилиш республика жамғармаси умум-республика ва давлатлараро аҳамиятга эга бўлган табиат муҳофазаси чора-тадбирлари (дастурлари)ни, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиат муҳофазасини маҳаллий жамғармалар ҳамда қорхона ва ташкилотлар (табиатдан фойдаланувчилар)нинг ўз маблағлари ҳисобидан табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ўтказиш б-н баргараф қилинмаган хўжалик фаолиятининг табиий мухитга кўрсатадиган салбий таъсирини йўқотиш ишларини маблағ б-н таъминлаш мақсадида шакллантирилади.

Табиатни муҳофаза қилиш жамоат фонлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади ва ўз фаолиятини амалга оширади.

ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТЛАР – атроф табиий мухитга ижтимоий хавфли зарар етказадиган ижтимоий хавфли қилмишлар йиғиндиси бўлиб, ЎзР ЖКнинг тўртинчи бўлимида назарда тутилган: экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш (193-м.), атроф табиий мухитнинг ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотларни қасдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш (194-м.), атроф та-

биий мухитнинг ифлосланиши оқибатларини баргараф қилиш чораларини кўрмаслик (195-м.), атроф табиий мухитни ифлосланттириш (196-м.), ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (197-м.), экинзор, ўрмон ёки бошқа доврахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш (198-м.), ўсимликлар касалликлари ёки зарарқундалари б-н кураш талабларини бузиш (199-м.), ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш (200-м.), зарарли кимёвий моддалар б-н муомалада бўлиш қоидаларини бузиш (201-м.), ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш (202-м.), сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш (203-м.), алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш (204-м.).

ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАШ – давлат органларининг атроф табиий мухит сифатини, табиий ресурслардан фойдаланиш ҳажмини ва б. кўрсаткичларини белгилаш бўйича фаолиятдир. Ушбу фаолият ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиб, сертификатлаштириш, стандартлаштириш ва б. меъёрларни белгилашда намоён бўлади. Э.м. иккита йўналишда амалга оширилиб, биринчидан, ҳуқуқий норма аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичлар(стандартлар)дан ва иккинчидан, ҳуқуқни қўлловчи ҳужжатларда белгиланиб, маълум бир объект учун қўлланилади. Биринчи ҳолатда белгиланган Э.м. барча субъектларга тааллуқли ҳисобланади. Мас., автомобиль двигателларидан чиқадиган тутуннинг сифатини белгилаш бўйича стандартлар ҳам ишлаб чиқарилаётган, ҳам фойдаланишда бўлган транспорт воситаларига тааллуқли ҳисобланади. Иккинчи гуруҳдаги Э.м. алоҳида бир табиий ресурслардан фойдаланувчи ёки атроф табиий мухитга зарарли таъсир кўрсатувчи шахсларга тааллуқли ҳисобланади. Атроф табиий мухит, унинг сифат ва сон кўрсаткичлари, табиий ресурсларнинг сифат ва сон кўрсаткичлари Э.м.нинг объекти ҳисобланади. Экологик меъёрлар орқали атроф табиий мухит сифати ва унинг объектларидан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиниши таъминланади. Давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар Э.м.нинг субъектлари ҳисобланади. Э.м. б-н фақат ваколатли давлат органлари шугулланишлари мумкин. Юридик ва жисмоний шахслар экологик меъёрларни белгилашда манфаатдор шахс сифатида қатнашишлари мумкин. Мас., “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг атмосфера хавосига стационар манбалардан чиқариладиган йўл кўйиладиган доирадаги нормативлари ҳар бир ифлосланттирувчи моддалар ёки биологик организмлар бўйича қорхона, муассаса ва ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилиб, табиатни муҳофаза қилиш давлат органлари томонидан тасдиқланади.

Амал қилиш муддати бўйича Э.м. муддатсиз ёки маълум бир муддатга мўлжалланган меъёрларга бўлинади. Экологик стандартлар, атмосфера хавосида ёки сувларда ифлосланттирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва табиий мухит объектлари учун йўл кўйиладиган тўпланиш даражалари муддатсиз белгиланади. Сувдан фойдаланиш лимитлари, ҳайвонот дунёси бўйича квоталар фақат муддатли ҳисобланади, чунки улар одатда бир йилга мўлжаллаб тасдиқланади. Умуман олганда, экологик меъёрлар фан ва техника ривожлангани сари ўзгариб туриши лозим. Самарали тозалаш

усуллари, қурилмалар, асбоб-ускуналар яратилиши ва жорий қилиниши натижасида ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар ва чиқиндиларни чиқариш, ташлаш, қайта ишлаш кўрсаткичлари ўзгариб, уларни атроф-муҳитга чиқариш миқдорлари кескин ўзгаради. Бунинг натижасида экологик метёёрларни қайта кўриб чиқиш имконияти яратилиб, ишлаб чиқариш ва ўзга фаолиятга нисбатан янада каттиқроқ экологик талаб белгиланиши мумкин. Бундан ташқари, ифлослантирувчи доимий манбаани жойлаштириш натижасида атмосфера хавосида ёки сувлардаги ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари бузилишига олиб келадиган бўлса, уларнинг атмосфера хавосига ёки сув хавзаларига чиқариш (ташлаш)да йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари қайта кўриб чиқилиши лозим.

Э.м. объектлари бўйича табиий объектларнинг сифат ва сон кўрсаткичларини белгиловчи метёёрларга бўлинади. Ҳар бир табиий объектнинг сифат ва сон кўрсаткичлари ўзига хос кўрсаткичлари бўйича аниқланади. Ушбу кўрсаткичларни белгилаш ва аниқлаш усуллари ҳам ўзига хос хусусиятларига эга. Мас., ҳайвонот дунёси бўйича улар камайиб кетишини олдини оладиган метёёр, яъни квота белгиланади. Квота бир йўла ҳайвонот объектлари турларини фойдаланиш миқдорларини ўз ичига олади. Атмосфера хавоси бўйича метёёрлар белгиланганда фақат унинг сифат кўрсаткичлари эътиборга олинади. Сувлар бўйича метёёрлар эса уларнинг ҳам сифат кўрсаткичлари, ҳам сон кўрсаткичларини белгилайди. Сув хавзаларидаги ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйиладиган доирадаги метёёрлари сувларнинг сифатига тааллуқли бўлса-да, сувдан фойдаланиш лимитлари сувлардан фойдаланишнинг ҳажмларини белгилайди.

Э.м. субъектлари бўйича қуйидагиларга бўлинади: 1) ҳамма субъектларга тааллуқли метёёрлар, мас., экологик стандартлар атмосфера хавосида ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари, сувларда ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларнинг инсон ва табиий муҳит объектлари учун йўл қўйиладиган тўпланиш даражалари ва б. Ҳамма субъектларга тааллуқли метёёрлар умумий бўлиб, булар республика ёки айрим ҳудудлар ёхуд маълум бир халқ хўжалиги соҳаси бўйича белгиланади, мас., атмосфера хавосига транспорт воситаларидан чиқариладиган зарарли газлар бўйича экологик стандартлар транспорт воситаларини ишлаб чиқарувчи, уларни республика ҳудудига олиб келувчи ёки таъмирловчи ҳамда улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахсларга тааллуқлидир; 2) маълум бир субъектга тааллуқли метёёрлар, мас., атмосфера хавосини доимий манбалардан ифлослантирувчи моддалар, биологик организмларнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари. Ушбу турдаги экологик метёёрлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши б-н бошқа экологик метёёрлардан фарқланади. Одатда, ушбу экологик метёёрлар манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан ишлаб чиқилиб, табиатни муҳофаза қилиш, санитар назорати ва б. тегишли органлар томонидан тасдиқланади. Бундан ташқари, маълум бир экологик метёёрлар бир йўла ҳамма субъектларга ва маълум бир субъектларга тегишли бўлиши мумкин. Мас., сувдан фойдаланиш лимитлари сув хавзалари, тум.лар ва

вил.лар, халқ хўжалиги тармоқлари ва ҳар бир сувдан фойдаланувчи бўйича белгиланади.

Экологик метёёрлар қайси шаклларда белгилаши назарда тутилиши лозим. Мас., стандарт, йўл қўйиладиган даражадаги ифлослантирувчи моддаларни ташлаш миқдорлари, чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш лимитлари ва б.. Экологик метёёрларнинг шакллари қонунда белгиланган шартларга биноан маълум бир турдаги ҳужжатларда акс эттирилишига боғлиқдир. Экологик метёёр шакли унинг қайси объектга ва қайси субъектга тааллуқлигидан келиб чиқиб аниқланади. Улар белгиланган ҳужжат орқали намён бўлади. Э.м.нинг шакллари деганда шундай метёёрнинг маълум бир ҳужжатда белгиланишини тушуниш лозим, яъни ҳуқуқий тусга эга бўлган техник кўрсаткичлар қандайдир ҳужжатда акс эттирилади. Бундай ҳужжатлар хилма-хил бўлиб, ҳар бир табиий ресурс бўйича метёёр ўзгача шаклда ўз аксини топади. Экологик метёёрлар стандартлар, лимитлар, йўл қўйиладиган доирадаги тўпланиш ёки ташлаш (чиқариш) метёёрлари, йўл қўйиладиган доирадаги зарарли таъсир кўрсатиш даражалари, квоталар ва фойдаланиш метёёрлари шаклларида белгиланади.

ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГ – к.: *Атроф табиий муҳит мониторинги*.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, бошқа ташкилотлар, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўргатиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш б-н боғлиқ сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади. Э.п. давлат экологик сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида табиат-жамият тизимидаги экологик муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Э.п.нинг асосий мақсади – атроф табиий муҳит барқарорлигини сақлашдан иборат бўлиб, давлат органлари ва подавлат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирган ҳолда олиб борилишини тақозо этади. Ҳозирги ва келажак авлодга барқарор атроф табиий муҳитни таъминлаш мақсадида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 29-м.сига асосан, экологик назоратнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

атроф табиий муҳит ҳолатини ҳамда хўжалик юретиши ва б. фаолият таъсири остида унда бўладиган ўзгаришларни кузатиб бориш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, атроф табиий муҳитни соғломлаштириш, табиатни муҳофаза қилишга доир қонунлар талаблари ва атроф табиий муҳит сифатининг нормативларига риоя этиш борасидаги дастурлар ҳамда айрим тадбирлар бажарилишини текшириш вазифаси қўйилган.

Э.п. тизими давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назоратидан иборат.

Э.п. б-н боғлиқ мураккаб фаолиятни олиб боришда Э.п. субъектлари томонидан қуйидаги асосий ташкилий-ҳуқуқий усуллар қўлланилади:

1) кузатиш – атроф табиий мухитда бўладиган ўзгаришларни ўрганиш ва маълумотларни тўплаш;

2) умумлаштириш – атроф табиий мухит ҳолатига зарарли ва хавфли таъсирларни аниқлаш, таҳлил қилиш асосида маълумотларни таъминлаш;

3) баҳолаш – антропоген фаолият ишларининг зарарли, хавфли ва ноқонунийлигини аниқлаш;

4) руҳсатнома бериш – юридик ва жисмоний шахсларга ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ва атмосфера хавосидан фойдаланиш учун лицензия бериш;

5) огоҳлантириш, чеклаш, тўхтатиш – экологик хавфли ва зарарли хўжалик ва б. фаолиятни чеклаш, вақтинча тўхтатиб қўйиш, бекор қилиш;

6) жавобгарликка тортиш – экологик қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш.

Атроф табиий мухит ҳолатини кузатиб бориш давлат хизматининг асосий йўналишларини ЎзР ВМ хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази амалга оширади.

Давлат Э.н.и – атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш қоида-талабларининг барча вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, юридик шахслар, мансабдор шахслар ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши юзасидан махсус ваколатли органларнинг текшириш ва чораларни кўриш б-н боғлиқ фаолиятини ўз ичига олади.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 31-м.сига мувофиқ, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари томонидан амалга оширилади.

ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноатда, қўнчиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси, ИИБ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳисобланади.

Махсус ваколатли давлат табиатни муҳофаза қилиш идоралари табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширишда қатнашишга идоравий экологик хизмат бўлинмаларини белгиланган тартибда жалб этишлари мумкин.

Экология назоратининг навбатдаги тури экология соҳасида идоравий назорат ҳисобланади. Экология соҳасида идоравий назоратнинг республикамиздаги фаолияти табиий ресурслардан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш б-н боғлиқ барча вазирлик, давлат қўмиталари, идоралари тизими доирасида олиб борилади.

Экология соҳасида ишлаб чиқариш назорати ҳам идоравий назорат б-н ҳамбарчас боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини олиб бораётган корхона, муассаса, ташкилотларда олиб борилади.

Экология соҳасидаги жамоат назорати жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, турли уюшма ва жамиятлар, фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Экология назорати мураккаб тизимдан иборат бўлиб, экологик қонуночилик ҳужжатларининг бажарилиши экологик хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

ЭКОЛОГИК ОФАТ МИНТАҚАСИ – муайян ҳудуднинг табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши б-н боғлиқ ҳолда табиий мухитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган қисми. ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат экологик экспертизаси бош бошқармаси табиат мувозанати, табиий экология тизимлари бузилиши б-н боғлиқ ҳолда табиий мухитда барқарор ёки тузатиб бўлмас ўзгаришлар рўй берган ёки рўй бераётган муайян ҳудудларни комплекс текшириш материалларининг давлат экологик экспертизасини амалга оширади. Ушбу экспертиза натижаларига (хулосаларига) кўра кейинчалик уларга экологик офат минтақалари мақоми берилади. Ҳукумат қарорига асосан бундай ҳудудлар экологик офат минтақалари деб эълон қилинади.

Экология офати минтақаларида шу вазиятти келтириб чиқарган ишлар тўхтатиб қўйилади, атроф табиий мухитга зарарли таъсир этувчи фаолият (аҳолига хизмат кўрсатиш б-н боғлиқ фаолият бундан мустасно) тақиқланади, табиий мухитни тиклаш ва соғломлаштириш чора-тадбирлари кўрилади.

ЭКОЛОГИК СЕРТИФИКАТ – “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 46-м.сига мувофиқ, экологик ёки гигиеник сертификатларга эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хомашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотлар (шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари) чиқариш тақиқланади. Э.с. қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам ўтказилади.

ЎзР ВМнинг 2000 й. 19 апрелдаги 151-сон қарори б-н Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экологик сертификациядан ўтказиш ва экологик хавфли маҳсулотлар ҳамда чиқиндиларни унинг ҳудудига олиб кириш ҳамда унинг ҳудудидан олиб чиқиш тартиби тасдиқланган.

ЭКОЛОГИК СТАНДАРТ – Э.с. ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологик хавфсизлик даражасини белгилайди. Ушбу хавфсизлик даражаси маҳсулотларнинг айрим техник кўрсаткичлари бўйича аниқланади. ЎзРда Э.с.лар ўтган асрнинг 70-й.ларидан бошлаб жорий қилиб келинган. Мас., “Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш соҳасида стандартлар тизими” 17.00.01-76 ДАВСТ стандарти жорий қилинган. Ушбу стандарт экология соҳасида стандартлаштиришнинг бош стандарти ҳисобланиб, бошқа стандартлар эса ундан келиб чиқиб белгиланиши лозим. Дастлабки Э.с.ларга қайд этилган стандартдан ташқари қуйидаги стандартларни кўрсатиш мумкин: “Табиатни муҳофаза қилиш. Атмосфера. Ифлосланишнинг манбалари ва метеорологик омиллари.” 17.2.1.04-77 ДАВСТ; “Табиатни муҳофаза қилиш. Гидросфера. Сувлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш. Асосий терминлар ва тушунчалар.” 17.1.01-77 ДАВСТ.

Э.с.лаштиришнинг тизими учта асосий йўналишдан иборат. Биринчи йўналишдаги стандартлар атроф табиий мухитга зарарли таъсир кўрсатишнинг йўл қўйиладиган экологик нормаларини белгилаш тартиби ва шартларини ўз ичига олади. Иккинчи йўналишдаги Э.с.лар атроф табиий мухитни муҳофаза қилинишини ташкиллаштиришга таал-

лукли талабларни белгилайди. Мас., аҳоли пунктларида хавонинг сифатини назорат қилиш қоидалари 17.2.3.01-77 ДАВСТ б-н белгиланган. Учинчи йўналишдаги стандартлар атроф табиий мухит муҳофазасига тааллуқли тушунчаларнинг ягона талабларини белгилайди. Мас., 17.1.1.04-80 ДАВСТ б-н ер ости сувларининг фойдаланиш турларига қараб классификацияси белгиланган. Э.с.лар устувор равишда техник қоидаларни белгилайди, улар ҳуқуқий ҳужжат хусусиятларига эгадир. Лекин, шу б-н бирга, улар қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан қуйидагилар б-н фаркланади. Биринчидан, давлат Э.с.лари қонун ҳужжатларига нисбатан ёрдамчи вазифани бажаради. Иккинчидан, Э.с.лар ижтимоий муносабатларни тартибга солмайди, улар атроф табиий мухитнинг, унинг объектларини ёки маҳсулотларнинг маълум бир сифат кўрсаткичларига мос келиши лозимлигини белгилайди. Учинчидан, стандартлаштириш бир хил хусусиятларга эга бўлиши лозим бўлган типик объектлар бўйича белгиланиши лозим. Тўртинчидан, бутунлай атроф табиий мухит ёки унинг объекти Э.с.лаштирилмайди, балки уларнинг маълум бир хусусиятлари, функциялари стандартлаштирилади.

ЭКОЛОГИК ТИЗИМ – табиат қонуниятларига мунанд равишда ўзаро узвий функционал боғланган тирик организмлар ва уларнинг яшаш мухити элементлари йиғиндиси. Ушбу абиотик ва биотик омиллар (жумладан инсон ҳам) модда ва энергия алмашинуви жараёнида “ягона занжир” бўлиб ҳисобланади. Мас., ўт-ўланларни ўтхўр ҳайвонлар ейди, улар ўз навбатида йирткичлар учун, ўлган йирткичлар эса, қушлар ёки тупроқ таркибидаги кўзга кўринмас микроорганизмлар учун озуқа вазифасини ўтайди. Микроорганизмлар тупроқда органик моддаларни парчалаб, минерал моддалар (анорганик туз, сув ва карбон-оксидлари)га айлантирадилар. Ўт-ўланлар эса, айнан микроорганизмлар парчалаб берган минерал моддалардан озиқланадилар ва ривожланадилар. Уларни ўтхўр ҳайвонлар истеъмол қиладилар ва х.к. Шу тарика модда ва энергия алмашинуви жараёнида узлуксиз тизимли ҳаракат (“озуқа занжири”) давом этади. “Озуқа занжири”да энергия, сув, минерал модда ва газлар иштирок этмаса, ҳеч қандай ҳаракат юзага келмайди. Шунинг учун ҳам ўзаро узвий боғланган табиат “занжири” “экологик тизим” деб аталади. Занжирнинг бирор-бир жойда “узилиб қолиши” экологик инқирозга олиб келади.

ЭКОЛОГИК УРУШ – рақибга унинг ҳудудига таъсир қилиш орқали зарар етказиш (хаво, сув, тупроқни ифлослантириш ёки флора ва фаунасини йўқ қилиш). Халқаро ҳуқуқ томонидан ман қилинган. БМТда 1977 й.да қабул қилинган Табиий мухитга ҳар қандай усулда ҳарбий ёки душманлик мақсадида аралашини тақиқлаш тўғрисидаги конвенцияда белгилаб қўйилган.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК – атроф табиий мухит ҳамда инсон ва фуқароларнинг хўжалик ва б. фаолиятнинг зарарли таъсиридан, шунингдек, табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда ҳолатлар юзага келишидан ва улар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати. Э.х. миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ҳисобланиб, қуйидаги стратегик мақсад ва вазифаларни кўзлайди: 1) атроф табиий мухит ҳолати устидан ягона мониторинг тизимини жорий этиш; 2) атроф табиий мухит ҳолати сифатини баҳолаш, экологик ҳудудийлаштириш ва ЎзР ҳудудларини махсус кар-

тография қилиш; 3) атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни бошқаришни тартибга солувчи табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги тизимини такомиллаштириш; 4) экологик назорат ва меъёрлаш тизимини такомиллаштириш; 5) табиатдан фойдаланишни режалаштириш, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишни барқарорлаштиришга доир экологик дастурлар ишлаб чиқиш; 6) экологик таълим-тарбия тизимини ривожлантириш; 7) атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг иқтисодий механизминини такомиллаштириш; 8) атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш муаммолари бўйича халқаро ҳамкорликка оид дастурлар ишлаб чиқиш.

Э.х. глобал (иқлим ўзгариши, озон қатлами, Орол денгизи муаммоси), минтақавий (Оролбўйи муаммолари, сув ресурсларидан фойдаланишнинг минтақавий муаммолари, атроф мухитнинг трансчегаравий ифлосланиши, чўлланиш, юқумли ва б. ўта хавфли касалликларнинг тарқалиши, табиий ва техноген тусдаги катаклизмлар), миллий (сув ресурслари етишмаслиги ва ифлосланганлиги, аҳолининг ичимлик сув б-н таъминланиши, кўчкилар ва сел-сув тошқинлари, атмосфера хавосининг ифлосланганлиги, биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, аҳолининг саломатлигининг ёмонлашуви, ҳалокатлар ва авариялар, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш, саноат ва маиший чиқиндилар) ва маҳаллий (муайян ҳудудларнинг радиациявий ифлосланиши, ер ости сувларининг ифлосланиши) таҳдидларни башорат қилиш, олдини олиш ва бартараф этишга йўналтирилган.

Э.х.ни таъминлашнинг умумий ва махсус меъёрлари, талаблари “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунлари ва б. қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Хусусан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунида табиатни муҳофаза қилишнинг мақсадларидан бири сифатида Э.х.ни таъминлаш назарда тутилган.

Э.х.нинг асосий жиҳатлари шундан иборатки, биринчидан, жамиятнинг келгуси ривожда табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжи ортиши натижасида табиат-жамият мувозанатига дарз кетади ҳамда инсон учун салбий бўлган жараёнлар вужудга келишига туртки бўлади; иккинчидан, жамиятнинг табиатга бўлган эҳтиёжи ортиши б-н унинг табиий мухит ҳолатига бўлган қарамлиги ҳам кучаяди; учинчидан, экологик вазиятнинг ёмонлашуви жамиятда қарама-қаршиликлар келиб чиқишига сабаб бўладики, бу унинг хавфсизлигига таъсир кўрсатмай қолмайди.

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА – Э.э. ўтказилаётган объектнинг белгиланган хўжалик ва б. фаолияти экологик талабларга жавоб беришини аниқлаш. Э.э. ЎзР Конс.сининг тегишли қоидалари ва “Атмосфера хавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги Қонунларига ва б. қонун ҳужжатларига асосланади.

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – атроф-муҳитга ва табиий ресурсларга экологик зарар келтириш, амалдаги қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни бузиш. Э.х. (маълум шартларга кўра) 2 йўналишда кўриб чиқилади: 1) иқтисодий – табиат объектларини йўқ қилиш, уларга зарар келтириш, ифлослантириш ва камайириш натижасида мулкӣ манфаатларнинг поймол қилиниши; 2) экологик – табиат объектларининг табиий ҳолати ёмонлашиши, уларнинг экологик алоқа ва функциялари заифлашиши, ўз-ўзини тозалаш ва ўз-ўзини тиклаш қобилиятларининг камайиши, табиатнинг (шу жумладан, инсоннинг) химоявий хусусиятлари заифлашиши.

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАР – инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари махсус тури, у ҳам дунё, ҳам миллий қўламдаги экологик тангликнинг кескинлашуви туфайли юзага келган. Э.х.нинг конституциявий мустаҳкамланиши фақат XX а.нинг 80-й.лари охири, 90-й.лари бошларида бошланди. Э.х.га энг аввало, соғлом (макбул) атроф-муҳит ҳуқуқи, шунингдек, экологик қонун бузилиши туфайли инсон соғлиғи ва мулкига етказилган зарарни қоплатиш ҳуқуқи ва атроф табиий муҳитнинг ҳолати тўғрисида тўғри ахборот олиш ҳуқуқи киради. Э.х. давлат органлари, шунингдек барча жисмоний ва юридик шахсларнинг атроф-муҳитни сақлаш, табиий бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш тўғрисидаги конституциявий мажбуриятларига мувофиқ келади.

ЭКОЛОГИЯ СУҒУРТАСИ – ЎзРда атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ва табиий ресурслар сифатининг ёмонлашуви оқибатида зарар етиши хоҳларини назарда тутиб корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда даромадлари, фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулки ихтиёрий ҳамда мажбурий суғурта қилинади. Э.с.нинг тартиби ва шартлари ЎзРнинг қонуниларида белгилаб қўйилган (“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 36-м.си).

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ – табиат билан жамият ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишни ўрганувчи фан. Э.х. ЎзРнинг мустақил ҳуқуқ тизимида ўз ўрни ва салоҳиятига, алоҳида йўналиш ва хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.

Э.х. табиат-жамият тизимидаги глобал аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда биринчи навбатда экологик умум мажбурий аҳамиятга эга бўлган принцип, усул ва қонда-талаблардан фойдаланади, иккинчидан, мураккаб экологик муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг ҳуқуқий тартиботини таъминлашда ўзаро боғлиқ бўлган ҳуқуқнинг бошқа соҳалари куч ва имкониятларидан фойдаланади. Чунки, Э.х.ни ҳал қилишга қаратилган экологик муаммо ва вазифаларнинг қўлами кенглиги, мураккаб ва аҳамиятлилиги сабабли фақатгина жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий жабҳаларида мавжуд бўлган барча восита ҳамда чора-тадбирларни сафарбар қилиш орқали тартибга солиш мумкин.

Шунинг учун ҳам экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда экологик принцип, қоида ва талаблар б-н бир қаторда бошқа ҳуқуқ соҳалари, яъни маъмурий, жиноий, фуқаролик, меҳнат ва ҳўжалик-ҳуқуқий восита ва қонда-талабларидан фойдаланилади. Демак, Э.х. – табиат ва жамият

тизимда пайдо бўладиган экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг қамровли ва кўп тармоқли ҳуқуқ соҳаларидан бири ҳисобланади.

Экология мураккаб тизимга эга бўлган, тирик организмларнинг яшаш шароити ва шу организмларнинг ўзлари яшаб турган муҳит б-н ўзаро мураккаб муносабатларини ўрганувчи фандир. 1866 й.да немис биологӣ ўз илмий асарида биринчи бўлиб “Экология” атамасини фанга киритиб, унинг маъносини тирик организмларнинг ўзаро ва уларнинг яшаш муҳити б-н боғлиқлигини ўрганувчи таълимот сифатида ифодалади.

Экология атамаси юнонча “oikos” – турар жой, яшаш муҳити, уй ва “logos” – таълимот, деган маънони билдиради. Бир сўз билан айтганда, экология биз яшаб турган муҳит, уй ҳақидаги фандир.

Маълумки, ҳар бир фан, шу жумладан ҳуқуқ соҳаси ўзига тегишли ижтимоий муносабатлар тизимини ўрганиш ва тартибга солишнинг назарий-амалий қоида-талаблар тизимига эга, у ушбу фаннинг предметини ташкил этади. Э.х. ҳуқуқ тизимининг алоҳида соҳаси сифатида ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар йўналишларини ўрганиш ва тартибга солишни қамраб олувчи ўз предметига эгадир. Э.х.нинг предмети – атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш жараёнида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишдан иборатдир.

ЭКОСАН – экология ва саломатлик халқаро ташкилоти бўлиб, Марказий Осиё минтақасида фаолият юритади. Э. юнонча “экос” ва “санос” сўзларидан ташкил топган бўлиб, экология ва саломатлик маъносини билдиради. Э. – экология ва саломатлик халқаро ташкилоти (2004 й. августигача – экология ва саломатлик халқаро жамғармаси) 1992 й. Таъсис конференциясида ташкил этилган бўлиб, нодавлат ноижорат ташкилот ҳисобланади.

Э. фаолиятининг концептуал асослари:

экология ва саломатликнинг ўзаро боғлиқлиги сиёсат, фан, маданият, тиббиёт ва ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий мезони сифатида;

Марказий Осиёда минтақа биосферасини сақлаш, унинг бўлинмаслиги тамойилига асосланган экологик-иқтисодий тизимни шакллантириш;

экология ва саломатлик муаммоси – халқаро ҳамкорликнинг бош устуворлиги.

Асосий мақсадлари:

ҳуқумат ва ноҳуқумат муассасаларнинг, халқаро ташкилотларнинг, олимлар, мутахассисларнинг долзарб экологик муаммоларни ҳар томонлама ўрганишлари, илмий концепцияларни ишлаб чиқишлари ва уларни тадқиқ этишининг устувор йўналишларини аниқлашда ҳамкорлик қилиш;

Марказий Осиёда илмий асосланган экологик сиёсатни шаклланишида иштирок этиш;

экологик йўналтирилган жамоатчилик фикрини шакллантириш;

экологик фикрлаш ва маданиятни тарбиялаш.

Фаолияти йўналишлари:

атроф-муҳитни муҳофазалаш масалалари;

касалликларнинг олдини олиш, экологик ва санитар-гигиеник билимларни, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

экологик таълим ва тарбия, аҳолини атроф-муҳит ҳолати ҳақида хабардор қилиш;

экологик инқироз ҳудудларида яшовчи аҳолига гуманитар ва даволаш-профилактика, тиббий-маслахат ёрдамларини кўрсатиш;

аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш ва экологиянинг долзарб муаммолари бўйича симпозиумлар, семинарлар, учрашувлар, конференциялар ўтказиш;

бизнесни экологиялаштириш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини бошқаришда иктисодий усулларни қўллашни тавсиялаш;

экотуризмни ривожлантириш ва б..

Э. таркиби: Устав асосида фаолият юритувчи ҚР, виллар ва Тошкент ш. филиалларидан, республиканинг барча ш. ва тум.ларида фаолият юритаётган вакилликдан иборат. Бир қатор чет давлатларда Э.нинг вакиллиги ташкил этилган. Э. қошида "Рим клуби"нинг филиали "Тошкент клуби" ташкил этилган. Шунингдек, Э. қошида "Экосаннинформ" пресс-центри, журналистлар, аёллар, ветеранлар, ёшлар ассоциацияси ташкил этилган.

ЭКОЦИД (юн. oikos – уй + лот. caedo – ўлдираман сўзларидан) – геноциднинг бир тури. Э. – ўсимлик ёки ҳайвонот дунёси объектларини оммавий қирғин қилиш, атмосфера ҳавоси ёки сувни захарлаш, шунингдек экологик фалокатга сабаб бўлувчи бошқа (жиноий) ҳаракатлар. Ушбу жиноят инсон яшаш мақоли сифатидаги атроф табиий муҳитга, муайян ўсимлик ёхуд ҳайвонот дунёси ёки бошқа табиат объектларининг мавжуд бўлишига таҳдид солади. Э. жиноятнинг бир тури деган масала биринчи маротаба Вьетнам урушида пайдо бўлди. АҚШ ҳарбий кучлари томонидан Вьетнам ва Комбоджа ҳудудига 100 минг тоннадан ортиқ таркибида дарахтларга таъсир этувчи арборицид 2,4,5-Т диоксин аралашмаси б-н дефолант сепилган. Дефолантни қўллаш натижасида Вьетнамда 2 млн. гектардаги ўрмон ва 43% қишлоқ хўжалиги ерлари ишдан чиққан. Фауна олами камбағаллашган. Бу ҳарбий Э. эди.

Мазкур жиноятни тақиқлаш юзасидан айрим давлатлар жиноят қонунчилигида махсус модданинг киритилиши техника тараққиётининг шиддат б-н ўсиб бораётган ҳозирги даврида, яқка шахс ҳам табиатга тиклаб бўлмайдиган даражада зарар етказишга қодир бўлган бир шароитда жуда долзарб ҳисобланади. Зеро, Э. ҳам табиат учун, ҳам инсоният учун вайрон қилувчи ва оммавий (тиклаб бўлмайдиган) оқибатлар келтириб чиқариши б-н ҳам хавфлидир. Бунга қарши оғир жавобгарлик назарда тутилган модданинг мавжудлиги эса, маълум маънода мазкур жиноятни содир этишдан тийиб турувчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Кейинги йилларда халқаро ҳуқуқда Э. халқаро жиноят жумласига киритилмоқда.

ЭКСГИБИЦИОНИЗМ – ўз танаси аъзоларини қарма-қарши жинсдаги ёки ўз жинсидаги одамларга яланғоч қилиб кўрсатиш орқали жинсий қониқиш олиш ёки лаззатланиш. Жунбушга келиш, эякуляция ва мастурбация б-н бирга кечиши (кечмаслиги) ҳам мумкин.

ЭКСГУМАЦИЯ – к.: *Мурдани эксгумация қилиш.*

ЭКСПЕДИТОР (инг. forwarding agent, dispatcher, forwarder) – 1) транспорт экспедицияси шартномаси томонларидан бири. Э. сифатида фақат транспорт экспедицияси хизматларини кўрсатиш учун лицензия олган ти-

жоратчи юридик шахслар ва фуқаролар бўлиши мумкин. Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича Э. ҳақ эвазига ва миқоз (юк жўнатувчи ёки юк олувчи) ҳисобидан экспедиция шартномасида белгиланган юк ташиш б-н боғлиқ хизматларни бажариш ёки бажаришни ташкил этиш мажбуриятини олади. Шартномада Э.нинг у ёки миқоз танлаган транспортда ва йўналишда юк ташишни ташкил этиш мажбурияти, миқоз ёки ўзининг номидан юк ташиш шартномаси (шартномалари)ни тузиш, юкнинг жўнатилишини ва олинишини таъминлаш мажбурияти, шунингдек ташиш б-н боғлиқ бошқа мажбуриятлари назарда тутилиши мумкин. Транспорт экспедицияси шартномаси бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун Э. қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланадиган асосларда ва миқдорда жавобгар бўлади. Агар Э. мажбуриятнинг бузилиши ташиш шартномалари тегишли равишда бажарилмаганлиги туфайли келиб чиққанини исботласа, Э.нинг миқоз олдидаги жавобгарлиги тегишли ташувчи Э. олдида жавобгар бўладиган қоидаларга мувофиқ белгиланади. Миқоз Э.га ҳужжатлар ҳамда юкнинг хоссалари, уни ташиш шартлари тўғрисидаги бошқа ахборотни, шунингдек экспедитор транспорт экспедицияси шартномасида назарда тутилган вазифаларни бажариши учун зарур бўлган бошқа ахборотни бериши шарт. Э. олинган ахборотдаги аниқланган камчиликлар ҳақида миқозга хабар қилиши, ахборот тўлиқ бўлмаганида эса, миқоздан зарур қўшимча маълумотларни талаб қилиб олиши шарт; 2) корхонанинг юкларини қабул қилиб олиш, уларни ташишда кузатиб бориш, топшириш, товарларни тақсимлаш ишларини амалга оширувчи ходим. Мас., пахта чигити пахта тозалаш корхоналаридан ёғ-мой корхоналарига етказилиш жараёнида ҳайдовчи Э. иштирок этади. Ҳайдовчи Э. томонидан чигит қабул қилинади, у ташилаётган юкнинг сақланиши учун жавоб беради. Э. бундан ташқари ўраш, жойлаш, маркалаш, сақлаш божхона операцияларини ҳам амалга оширади.

ЭКСПЕРИМЕНТ – бирор ходисани идрок қилиш, муайян ҳаракатларни бажариш, бирор ходисанинг содир бўлиш имкониятини текшириш, шунингдек ходисанинг юз бериш ва изларининг қолиш йўсинларини аниқлаш учун ўтказиладиган тергов ҳаракати. Суриштирувчи, терговчи ва суд гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар, айбланувчилар, судланувчиларнинг кўрсатувларини, бошқа далилларни, шунингдек иш юзасидан қилинган туслом, текширилаётган ходисага оид муайян ҳаракатлар, шароит ва ҳолатларни тиклаш ҳамда зарурий тажрибалар ўтказиш орқали текширишга ҳақлидир (ЎзР ЖПКнинг 153-м.си).

Э. ўтказиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи қарор, суд эса ажрим чиқаради. Э. натижасида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мулкий зарар етказилиши, ишлаб чиқариш тартиб-таъминининг, транспорт воситалари ҳаракати жадвалининг бузилиши ва б. нохуш оқибатларнинг келиб чиқиши эҳтимол бўлса, суриштирувчининг, терговчининг бундай эксперимент ўтказиш тўғрисидаги қарорига прокурор санкция бериши лозим. Э. жамоат тартиби ёки ахлоқ нормаларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, уни ўтказишга йўл қўйилмайди. Эксперт томонидан ўтказиладиган Э. суд экспертизасининг таркибий қисми ҳисобланади (ЎзР ЖПКнинг 154-м.си).

Суриштирувчи ёки терговчи Э.ни ҳолислар, суд эса тарафлар иштирокида ўтказиши мумкин. Мураккаб экспериментлар камидан икки нафар ҳолис ва бир неча мутахассис иштирокида ўтказилиши мумкин. Э. ўтказишга, шунингдек кўрсатувлари текширилиши лозим бўлган шахслар ҳам жалб қилиниши лозим. Бунда гувоҳлар ва жабрланувчилар кўрсатув беришдан бўйин товлаганлик ва била туриб ёлгон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилиши лозим. Э. иштирокчиларига унинг мақсади ва ўтказилиш тартиби тушунтирилади. Тажриба ҳаракатларини ўтказишдан олдин ўрганилаётган ҳодиса шароитлари текширилаётган кўрсатув ёки тусмолларга тўла мувофик ҳолда тикланган бўлиши лозим. Бунинг учун гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ўзи катнашган ёки шохид бўлган ҳодисанинг шароит ва ҳолатларини тиклаш таклиф қилиниши мумкин. Шундан кейин суриштирувчи, терговчи ёки суд тегишли тажриба ҳаракатларини ўтказиши, шу мақсадда ўлчаш, фотосуратга тушириш, киносуратга олиш, овоз ёзиш, видеоёзув, режа, схема ва чизмалар тузиш, экспериментал қолиплар ва изларнинг нусхаларини тайёрлаш мумкин. Э. ўтказиш шароити тикланаётган ҳаракат ёки ҳодисалар юз берган шароитга иложи борича ўхшаш бўлиши лозим. Тажрибалар имкон борича бир неча марта ўтказилади. Тажрибаларнинг шароитлари ўзгартирилиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, мутахассис ва экспертга Э. юзасидан савол берилиши мумкин. Суднинг ижозати б-н Э.да иштирок этаётган шахсларга тарафлар ҳам савол бериши мумкин. Тарафлар ва экспериментда иштирок этаётган бошқа шахслар суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг эътиборини, уларнинг фикрича иш ҳолатини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолатларга қаратишга, Э. шароитига аниқлик киритишни ва тажриба ҳаракатларини такрорлашни талаб қилишга ҳақлидир. Кўрсатувни текширилаётган шахс Э. муносабати б-н ўзининг қўшимча сўроқ қилинишини талаб қилиши мумкин (ЎЗР ЖПКнинг 155-м.си).

Э. ўтказилганлиги ҳақида ЎЗР ЖПКнинг 90–92-м.ларида назарда тутилган қондаларга мувофик суриштирувчи, терговчи баённома тузади, суд эса Э.нинг бориши ва натижаларини суд мажлиси баённомасида акс эттиради. Бундан ташқари, баённомада: Э. қандай мақсадда, қачон, қаерда ва қандай шароитда ўтказилганлиги; ҳодисанинг шароитини ва ҳолатини тиклаш айнан нималарда ўз аксини топганлиги; қандай тажриба ҳаракатлари қай тартибда, ким томонидан ва неча марта ўтказилганлиги; қандай натижалар олинганлиги кўрсатилган бўлиши лозим (ЎЗР ЖПКнинг 156-м.си).

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АВИАЦИЯ – авиация ва б. техника соҳасида тажриба-конструкторлик, экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари ҳамда синовлар учун мўлжалланган авиация (ЎЗР ХКнинг 23-м.си).

Э.а. фаолияти соҳасидаги бошқарув ва назоратни ЎЗРнинг Авиация маъмурияти амалга оширади.

Э.а. ҳаво кемаси экипажининг таркиби тажриба-конструкторлик, экспериментал ёки илмий-тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифаларига боғлиқ ҳолда ЎЗРнинг Авиация маъ-

мурияти б-н келишувга кўра ҳаво кемасининг ишлаб чиқарувчиси ва лойihalовчиси томонидан белгиланади.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ИШЛАНМАЛАР – илмий билимлар ёки амалий тажрибаларга асосланган фаолият. У илмий ҳаёти ва соғлиғини сақлашга, янги материалларни, маҳсулотларни, процессларни, қурилмаларни, хизматларни, тизимларни ёки уларни янада такомиллаштиришнинг усулларини яратишга хизмат қилади.

ЭКСПЕРТ (лот. expertus – тажрибали; инг. expert) – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд Э.и сифатида тайинланган, ҳулоса бериш учун фан, техника, санъат ёки касб соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган жисмоний шахс. Процессуал қонунларда экспертизанинг асослари ва шартлари, Э.нинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Э.: экспертиза қилиш учун тегишли иш материаллари б-н танишиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши ҳақида илтимоснома бериш; башарти ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар унинг мутахассислигига оид бўлмаса ёки ҳулоса бериш учун унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, ҳулоса беришнинг иложи йўқлиги ҳақида ҳужжат тузиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсати б-н тергов ҳаракатлари юритилишида иштирок этиш ва тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахсларга экспертизага оид тегишли саволлар бериш; экспертизага оид далилларни текширишда суд муҳокамасида иштирок этиш ва суднинг рухсати б-н сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар бериш; ашъвий далилларни ва ҳужжатларни кўздан кечириш; ўз ҳулосаларида фақат унинг олдига қўйилган масалалар ҳақида эмас, балки экспертизага оид бошқа масалалар бўйича ҳам фикр билдириш; башарти, иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида ҳулоса ва кўрсатув бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари, қарорлари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Э.: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиши; олдига қўйилган саволлар бўйича ёзма ҳулосалар бериши; ўзи томонидан ўтказилган экспертиза бўйича кўрсатувлар бериши ва бу ҳулосаларни тушунтириш учун қўйилган қўшимча саволларга жавоб бериши; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсатисиз суриштирув ва дастлабки тергов материалларини ошкор этмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Э. узрсиз сабабга кўра келмаган тақдирда, қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилиши мумкин.

Э. узрсиз сабабга кўра ўз вазифаларини бажаришни рад этган ёки ундан бўйин товлаган тақдирда, шунингдек била туриб ёлгон ҳулоса берганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлади (ЎЗР ЖПКнинг 68-м.си).

ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ – қ.: *Криминологик башорат қилиш усуллари.*

ЭКСПЕРТИЗА (лот. responsa, responsio – жавоб сўзидан; инг. expert examination, expertise; фр. expertise) – мутахассис ёки мутахассислар гуруҳи томонидан у ёки бу соҳада малакали ечим талаб қилинадиган масалаларни ўрганиш (тиббий Э., суд Э.си, санъат Э.си, бухгалтерия Э.си, экологик Э. ва б.) Э.нинг амалий ёки ҳужжат тарзи-

даги натижаси экспертнинг ёки экспертлар гуруҳининг худосаси ҳисобланади. Яна қ.: *Суд экспертизаси*.

ЭКСПОЗЕ (инг., фр. expose) – 1) бирор ҳужжатни, асарни ёки уларда келтирилган цитаталарни қисқача шарҳлаш; 2) қисқа хабар, ҳисобот; Европа парламент амалётида – бош вазир ёки ташқи ишлар вазирини томонидан айни пайтдаги сиёсатнинг, асосан ташқи ишларга доир сиёсатнинг долзарб масалаларини шарҳлаш.

ЭКСПОРТ (лот. exportare – олиб чиқиш; инг. export) – божхона режим бўлиб, бунда товарлар божхона худудидан ташқарига уларни ушбу худудга қайтариб олиб кириш мажбуриятсиз олиб чиқилади. Э. режимга жойлаштирилган товарлар ЎЗР божхона худудидан ЎЗР БКда назарда тутилган ҳолларда бу худуддан ташқарига амалда олиб чиқиб кетилмаган ҳолда туриши мумкин. Товарларни Э. режимида олиб чиқиш экспорт бож ва б. божхона тўловлари тўланган, иктисодий сиёсат чораларига риоя этилган ва қонуни ҳужжатларида назарда тутилган бошқа талаблар бажарилган тақдирда амалга оширилади. Э. режимида олиб чиқиладиганда товарлар солиқлардан озод этилади ёхуд тўланган солиқлар суммаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ қайтарилиши лозим. Товарлар Э. режимида чиқариладиганда товарлар божхона худудидан ташқарига, товарлар ҳолатининг табиий эскириш ёки нормал ташвиш ва саклаш шароитларида қамалиши оқибатидан ўзгаришларни истисно этганда, божхона декларацияси қабул қилинган қунда қандай бўлса, шундай ҳолатда олиб чиқиши лозим (ЎЗР БКнинг 19-м.си).

ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТНИ КВОТАЛАШ – давлат томонидан маълум бир вақтга натура ёки қиймат кўринишида аниқ бир номенклатурадаги товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) экспорти ва импортини сон ёки қиймат жиҳатидан чекланишини белгилаш. Давлат томонидан ундан экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг нотариф воситаси сифатида фойдаланилади.

ЭКСПОРТ КВОТАСИ (инг. export quota) – экспортнинг иктисодий, унинг баъзи тармоқлари учун аҳамиятини кўрсатувчи миқдор кўрсаткичи.

ЭКСПОРТ ЛИЗИНГИ – товарни лизинг бўйича экспорт қилиш, уни вақтинча олиб кетиш ҳисобланади. Лизинг компанияси миллий фирмадан ускуналарни сотиб олиб, уни бошқа давлатдаги ижарачига берадиган битим. Товарни вақтинча олиб кетиш муддати лизинг контрактига кўра лизинг муддатига мувофиқ белгиланади. Вақтинча олиб кетилган лизинг товарни қайтариб олиб келинганда у импорт товар ҳисобланмайди ва ундан божхона божлари ҳамда йиғимлар олинмайди.

ЭКСПОРТ НАЗОРАТИ (инг. export control) – ЎЗР худудидан Э.н. объектларини олиб чиқишнинг Э.н. тўғрисидаги қонуни ҳужжатларида белгиланган тартиби юридик ва жисмоний шахслар томонидан таъминланишига қаратилган барча чора-тадбирлардан иборат бўлади (“Экспорт назорати тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

Ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролли (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва захарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракета ва ялпи қирғин қуролли етказиб беришга қодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-ярғоқ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳим ҳисса

қўшиши мумкин бўлган, Э.н. объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижалари Э.н. объектларидир. Э.н. объектларининг рўйхатлари белгиланган тартибда эълон қилиниши керак (“Экспорт назорати тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.си).

Э.н.ни амалга оширишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат: ЎЗР хавфсизлигини маънафатларининг устуворлиги; ЎЗР халқаро мажбуриятларининг виждонан бажарилиши; Э.н. масалаларига доир ахборотнинг ошқоралиги ва барча учун очиклиги (“Экспорт назорати тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 5-м.си).

Э.н.ни амалга оширишнинг усуллари қуйидагилардан иборат: Э.н. объектларини олиб чиқиш тартибини белгилаш; Э.н. объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат ўтказиш; ички назорат ўтказиш; Э.н. соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш (“Экспорт назорати тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 6-м.си).

ЎЗР Ташқи иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Э.н. соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади. Ваколатли орган: экспорт назорати объектларини олиб чиқиш учун белгиланган тартибда рухсатнома беради; Э.н. соҳасида давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради; Э.н. объектларини олиб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиш ишларини ташқи этади; Э.н.ни амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни ва б. ахборотни талаб қилиб олади; чет давлатнинг Э.н. объектларидан ЎЗР худудидан баён этилган мақсадларда фойдаланилишига тааллуқли ёзма мажбурият беради; Э.н. тўғрисидаги қонуни ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; қонуни ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади (“Экспорт назорати тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 8-м.си).

ЭКСПОРТ СУБСИДИЯСИ (инг. export subsidy) – бюджет ҳисобидан олиб бориладиган давлат экспорт усули ҳисобланади. Бундай илмий-тадқиқотни, тажрибавий-конструкторлаштиришни ва экспорт ишлаб чиқаришни молиялаштириш тўғрисида тўғри субсидиялаш шаклида ва ўша мақсадларга қаратилган имтиёзли кредитлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Экспортни тўғридан-тўғри субсидиялаш ташқи бозорни эгаллашда кенг фойдаланиладиган оддий ва тарихий усул ҳисобланади. Умуман олиб қараганда, субсидиянинг экспортни қўллаб-қувватлашдаги роли қундан-қунга пасайиб бораётти. Ҳозирги қунга қадар кенг Э.с.дан фойдаланиладиган соҳа қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги соҳаси ўз табиғига кўра энгилувчан бўлмагани сабабдан мазкур соҳани қўллаб-қувватлашда махсус тартибга солувчи, бошқарилувчи чоралардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Экспортда содир бўладиган ушланишларни қоплаш мақсадида тўғри дотациялардан ҳисобланган эгри субсидиянинг воситаларида: солиқ имтиёзлари, импорт учун мўлжалланган хомашёлар учун қўллаб-қувватладиган бож тўловларидан озод қилиш, давлат компанияларининг (энергетик, транспорт ва б.) экспорт б-н шуғулланишида хизмат кўрсатувчи фирмалар тўлов тарифларини қамайтиришдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ЭКСПОРТНИ ИХТИЁРИЙ ЧЕКЛАШ (ЎЗИНИ ҲАЖМИНИ ЧЕКЛАШ) – ташқи савдо бўйича шерикларидан бирининг муайян товар (товарлар гуруҳи) ҳажмини чеклаш (кенгайтирмаслик) мажбурияти; контингентлаш, квоталаш ва лицензиялаш сизгари, ташқи иқтисодий алоқаларни давлат йўли б-н тартибга солишнинг (импортни кенгайтиришнинг) нисбатан янги усулларидан бири; экспорттер каттик протекцион жазо қўллаш таҳдиди б-н амалда мажбурланади.

ЭКСПРОПРИАЦИЯ (лот. ex – дан + proprius – хусусий сўзларидан; инг., фр. expropriation) – давлатнинг мулкни мажбуран ёки номажбурий олиб қўйиши. Мажбурий ёки номажбурийлигига караб, уни икки турга бўлиш мумкин: конфискация ва реквизиция.

ЭКСТЕРРИТОРИАЛЛИК (лот. ex – ташқарида + territorialis – ҳудудда сўзларидан) – тўлиқ иммунитетга эгаллик, яъни шахсни (ёки муассасани) ушбу шахс (ёки муассаса) ўзи фуқароси бўлган давлат ҳудудидида жойлашган (ёки миллат, агар гап жисмоний шахслар тўғрисида бормаётган бўлса) деб ҳисоблаш асосида бирон-бир давлат юрисдикциясидан озод бўлиши. Илгари Э. дипломатик иммунитетлар ёки имтиёзлар учун асос бўлган, лекин кейинчалик Э. бундай вазиятларда юридик фикцияларга (ёлгонларга) асосланганлиги, иммунитетлар ва имтиёзларнинг чексиз кенгайтириб юборилиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги сабабли ундан воз кечилди. Э. халқаро ҳуқуқнинг баъзи бир бошқа тармоқларида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Мас., халқаро денгиз ҳуқуқидида ундан харбий кеманинг хорижий баидагроҳдаги макомини ифодалашда фойдаланилади, чунки бундай кема ана шу ҳолда ҳам байроқ билдирадиган давлатнинг сузиб юривчи ҳудуди деб қаралади. Э. ҳудудий суверен розилиги б-н хорижий ҳудудда турган харбий ҳаво кемасида ҳам қўлланилади. Чунки, у ўз белгиси ифодалаётган давлат ҳудудининг қисми ҳисобланади.

ЭКСТРАДИЦИЯ (инг., фр. extradition) – бир давлатдан бошқа бир (хорижий) давлатга ўз фуқаросини (ёки хорижлик фуқарони) бериш. Ҳозирги Конс.лар, қонда тариқасида, ўз фуқаросини хорижий давлатларга беришни сўзсиз ман қилади. Хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни беришга, халқаро шартномаларда кўрсатилганидек, фақат тегишли давлатларни боғловчи халқаро шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципларига асосан, фуқароларга нисбатан ўлим жазоси ёки қийноққа солиш хавфи бўлган давлатларга экстрадиция қилишга йўл қўйилмайди. ЎзРда сиёсий қарашлари, шунингдек ЎзРда жиноят деб тан олинмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун таъқиб қилинаётган шахсларни топширишга йўл қўйилмайди. ЎзР ЖКнинг 12-м.сига мувофиқ, чет эл фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон ҳудудидида диний яшамайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этган жиноятлари учун фақат халқаро шартномалар ёки битимларда назарда тутилган ҳоллардагина ЎзР ЖК бўйича жавобгарликка тортилади.

ЭКСТРАМУКОФОТ – тугиладиган хавф-хатар ошиб қолганда, қўшимча сугурта қилиш учун оддий мукофот устига сугурта қилувчи томонидан тўланадиган қўшимча мукофот. Шундай қилиб, қўшимча мукофотлар сузиш хавфли

ҳудудларга тааллуқли бўлган сув хавзаларига кемаларнинг кириши учун, олий даражада бўлмаган регистрлар учун эски кемаларни сугурта қилиш кабилар б-н тўланади.

ЭКСТРАПОЛЯЦИЯ – к.: *Криминологик башиорат қилиш усллари.*

ЭКСТРАФРАХТ – қўшимча йўл юрилгани учун портларнинг қўшимча юк туширганлиги ва (ёки) юкланганлиги ва бу учун фрахта (йўлқира, юк ташиш ҳақи) базис ставкасига устама ҳақ.

ЭКСЦЕДЕНТ – хавфни сугурта қилган сугурта компанияси ушлаб қолган суммадан ортиқ суммани қайта сугурта қилиш зарур бўлган хавф суммаси. Қайта сугурта қилинган сумма одатда Э. деб номланадиган муайян лимит б-н чекланади. Э. одатда ўтказувчи компаниянинг ўзи ушлаб қоладиган суммани муайян марта қўнайтириб ҳосил қилинган суммадан ташқил топади. Агар бундай Э. суммаси ўтказувчи компаниянинг ўзи ушлаб қоладиган суммадан ортиқ хавфни тўла қайта сугурта қилиш учун етарли бўлмаса, биринчи Э.дан кейин иккинчи, учинчи Э. қилиши мумкин. Бу қайта сугурта қилинадиган хавф тўлиқ сугурта қилинмагунча давом этиши мумкин.

ЭКСЦЕДЕНТ ҚАЙТА СУГУРТАЛАШ ШАРТНОМАСИ – олдиндан қилишилган пул доирасида юз берган ҳар қандай имкониятдаги зарарни тўла қоплаш мажбуриятини сугурта қилувчи, ундан ортиғи учун масъулиятни эса қайта сугурта қилувчи олишига асос бўладиган шартнома.

ЭКССЕСС БАЖАРУВЧИ – бошқа иштирокчиларнинг жиноятдан ташқари яна бир жиноятни содир қилган бажарувчи. Бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноят квалификация қилинаётганида иштирокчиликдаги бажарувчилардан бири гуруҳ томонидан қилишилмаган бошқа жиноятни содир қилса, унга баҳо беришда айрим қийинчиликлар вужудга келади. У жиноят ҳуқуқидида экссесс бажарувчи дейилади. Экссесс деганда бажарувчи томонидан бошқа иштирокчиларнинг жиноятдан ташқари яна бир жиноятнинг содир қилилиши тушунилади.

“Бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти билан камраб олинмаган қилмиш учун уни содир этган шахс жавобгар бўлади” (ЎзР ЖК 30-м.сининг тўртинчи қисми).

Жиноят ҳуқуқи назариясида экссесс миқдор ва сифат белгиларига бўлиб ўрганилади.

Миқдор кўрсаткичли экссессда бажарувчи бошқа иштирокчиларнинг жиноий нияти б-н камраб олинган жиноятни содир қилади, лекин унинг оқибати бошқа иштирокчилар ўйлагандан кўра оғирроқ бўлади. Мас., далолатчи ўз ўртоғини уларни сотганлигини айтиб, дўппослашни буюради, лекин бажарувчи унга оғир тан жароҳати еткази.

Сифат кўрсаткичли экссессда бажарувчининг ҳаракатлари бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан фарқ қилади. Мас., учта шахс ўзга шахс мулкни ўғирлашга қилишди ва бажарувчи ўзаро қилишув асосида хонадонга қиради. Қутилмаганда хонадонга уй эгаси қайтиб келади, шунда бажарувчи ўқотар қуролдан ўқ отиб, уй эгасига оғир тан жароҳати еткази ҳамда ўғирланган моллар билан яширинади. Бунда бажарувчининг ҳаракати бошқа иштирокчиларнинг жиноий ниятидан умуман фарқ қилади. Бу вазиятда жиноят бажарувчиси босқинчилик, қолган иштирокчилар эса, ўғирлик учун (ташкилотчилик, ёрдамчилик ва далолатчилик) жиноий жавобгарликка тортилади.

Агар бажарувчи жиноятни охиригача етказишдан бош торгса ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажара олмаса ва харакатни содир этса, иштирокчиларнинг харакатини квалификация қилиш қийинлашади. Бундай ҳолда ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи ташкилотчилик, далолатчилик, ёрдамчиликка суикасд қилганлик учун жавобгар бўладилар. Чунки, барча иштирокчилар биргаликда келишишган жиноят амалга ошмаган. Бажарувчи иштирокчиларнинг жиний ниятидан ташқари содир этган жиноят учун жавобгар бўлади ва бажарувчининг қилмиши эксцесс жиноятдир.

ЭЛЕКТОРАЛ АДЛИЯ – қатор давлатларда сайлов кампаниялари ва давлат органларига сайловлар билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш мақсадида ташкил этилган махсус суд ёки квази суд органлари.

ЭЛЕКТОРАТ (лот. elector – сайловчи; инг. electorate – сайловчилар контингенти, сайлов корпуси) – давлат, маъмурий-худудий бирлик, сайлов округи барча сайловчиларининг умумлаштирилган номи. Бундан ташқари, мазкур тушунча муайян депутатни, сайлаб қўйиладиган мансабдор шахсни қўллаб-қувватловчи сайловчиларни англатиши ҳам мумкин.

ЭЛЕКТР СТУЛ – америкалик Жорж Вестингауз томонидан ихтиро этилган бўлиб, электр токи орқали ўлим жазосига ҳукм этилган маҳкумлар қатл этилади.

Э.с.да қатл этиш маҳкумининг танасига махсус уланадиган электродлар ёрдамида жуда кучли ток юбориш орқали амалга оширилади. Токнинг юборилиши натижасида маҳкум ҳушидан кетади, лекин унинг жони маълум вақтдан кейин, баъзан орадан 10-15 минут ўтгач, юрак уришдан тўхташи ва нафас олиш йўллари фалажланиши натижасида узилади. Айни вақтда, маҳкум дарҳол ҳушидан кетмаган ва унинг жони узилгунича токни 5 мартагача юборишга тўғри келган ҳоллар ҳам бўлган. Адабиётларда шундай бир ҳолат тавсифланган: ҳукми ижро этиш вақтида маҳкум ўлмаган ва уни такроран қатл этиш Конс.га зид эмаслиги ҳақида АҚШ ОСи махсус қарор чиқариши талаб қилинган. Маҳкум орадан бир йил ўтгач, қайта қатл қилинган.

Ўлим жазосини ижро этишнинг ушбу усулига баҳо беришда шуни назарда тутиш керакки, унга тайёргарлик кўриш (электродларни улаш, маҳкумини электр стулига боғлаш, токни улаш ҳақида команда бериш ва х.к.) онгли ҳолатдаги маҳкум кўз ўнгида содир бўлади. АҚШнинг ўзида бу усулнинг “шафқатсизлиги ва инсонпарварлик принципларига зидлиги” ҳақида кўп баҳслар бўлган.

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ҲУЖЖАТИ – тўлов тизимининг қодалари б-н белгиланган таркиб ва форматдаги реквизитларига эга бўлган ҳамда электрон тўловни амалга ошириш учун зарур ахборотни ўз ичига олган электрон ҳужжат. Э.т.х. пул-ҳисоб-китобга доир қоғоз ҳужжат (бундан буён матнда пул-ҳисоб-китоб ҳужжати деб юритилди) асосида ёки электрон тўлов воситасидан фойдаланган ҳолда тузилади ва электрон рақамли имзо б-н тасдиқланади. Э.т.х. б-н ишлашда уни электрон тўловни амалга ошириш учун зарур реквизитларни сақлаган ҳолда қоғозда такрорлаш имконияти таъминланиши керак (“Электрон тўловлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 13-м.си).

Э.т.х.га ишлов бериш Э.т.х.ни қабул қилиш, киритиш, ёзиш, қайта тузиш, ўқиш, қайд этиш, алмаштириш, сақлаш ва йўқ қилиш б-н боғлиқ операцияларни бажариш йўли

б-н амалга оширилади. Э.т.х.га, башарти у электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш таомилдан ўтган ҳамда тўлов тизимининг қодалари б-н белгиланган таркиб ва форматдаги реквизитларга эга бўлса, ишлов берилади. Тўлов тизимидан фойдаланувчиларнинг тегишли ҳисобварақларидан пул маблағлари Э.т.х.ларига ишлов бериш натижалари бўйича ҳисобдан чиқарилади ёки ҳисобга киритилади (“Электрон тўловлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 14-м.си).

Э.т.х. пул-ҳисоб-китоб ҳужжати га тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик қучга эга бўлади (“Электрон тўловлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 16-м.си).

ЭЛЧИ – давлатнинг бошқа давлатдаги ёки халқаро ташкилотдаги дипломатик вакили, Элчихонага – бошқа давлатдаги тегишли дипломатия муассасасига ёки халқаро ташкилотдаги ваколатхонага бошчилик қилади. “Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида”ги ЎзР Қонунига асосан, чет давлат бошлиғи ҳузурда аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва Мухтор Э. ЎзРда ЎзР дипломатия ваколатхоналари бошиқларининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Фавқулодда ва мухтор Э. мартабаси ЎзР Президентининг Фармони асосида берилади. ЎзР Президенти республика Конс.сига биноан (93-м.сининг 6-банди) ЎзРнинг чет давлатлардаги дипломатик ва б. вакилларини тайинлаш учун номзодларини ЎзР Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади. Сенат розилик бергандан сўнг, Э.ни республика Президенти тайинлайди. Э. тайинланган мамлакатга жўнаб кетгунга қадар борадиган давлат раҳбарига топшириш учун Президент томонидан имзоланган ишонч ёрлиғи тайёрланади. Шу б-н бирга, ЎзР Президентининг Фармони га асосан қуйидаги ҳолларда элчи чақириб олинади: а) дипломатия ваколатхонасининг бошлиғи алмаштирилиши муносабати б-н; б) дипломатия ваколатхонасининг бошлиғи номатлуб шахс (персона нон грата) деб эълон қилинганда; в) давлатлар ўртасидаги муносабатлар узилганди; г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда; д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганда.

ЭЛЧИЛИК ҲУҚУҚИ – к.: Дипломатик ҳуқуқ.

ЭЛЧИХОНА ЁЗИШМАЛАРИ – давлатлар, элчихоналар, ваколатхоналарнинг бошқа давлатларнинг тегишли органлари билан ўзаро ёзишмалари.

ЭЛЧИХОНА ХОДИМЛАРИ – элчихонада иш бажарувчи ходимлар таркиби. Э.х. – элчилар, маъмурий-техник иш юритувчи ходимлар (иш юритувчи, машинкада ёки компьютерда ишловчилар, таржимонлар ва х.к.), хизмат кўрсатувчи ходимлар (хайдовчилар, фаррошлар, ошпазлар кабилар). Элчилар асосан элчихона очган давлат фуқароларидан бўлса, қолган икки таркибдаги ходимлар қисман элчихона жойлашган давлат фуқароларидан бўлиши мумкин. Агар бу ходимлар маълум бир ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланишлари лозим бўлса, уларни ишга олиш ёки бўшатиш элчихона жойлашган давлат ташки ишлар вазирлигини хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

ЭЛЧИХОНАНИНГ КОНСУЛЛИК БЎЛИМИ – қабул қилувчи давлат пойтахтида ёки бу давлатнинг бирор ш.да фаолият юритиши учун элчихона ҳузурда тузилиб, белгиланган консуллик ваколатларини амалга оши-

ради. Э.к.б.да ишлаш учун элчихонанинг дипломатлари жалб этилади. Бу шахслар ўз макоми, элчихонага дахлдорлиги боис эга бўлган унвонларини сақлаб қоладилар. Э.к.б. бошлигини тайинлашда қабул қилувчи давлат Ташқи ишлар вазирлигига бу шахснинг шахсий ва лавозимига оид маълумотлар хабар қилинади. Бу ҳолатда консуллик патентини тақдим этиш ёки экзекватура олиш шарт эмас. Э.к.б.ни ташкил этиш учун махсус рухсат талаб этилмайди. Зеро, дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши консуллик муносабатлари келиб чиқишига асос яратади.

ЭМАНСИПАЦИЯ (лот. *emancipatio*; инг., фр. *emancipation*) – ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин.

Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш (эмансипация) ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг ёки ҳомийнинг розилиги б-н васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори б-н амалга оширилади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар ва ҳомий Э. қилинган вояга етмаганнинг мажбуриятлари бўйича, хусусан, у етказган зарар оқибатида келиб чиққан мажбуриятлар бўйича жавобгар бўлмайдилар (ЎЗР ФКнинг 28-м.си).

ЭМБАРГО (исп. *embargo* – хатлаш, тақиқлаш) – 1) тинчлик ёки уруш даврида муайян давлат б-н алоқаларни (одатда ташқи иқтисодий алоқаларни) ёки ушбу давлатга муайян товарлар экспорт қилишни ёхуд ушбу давлатдан айрим товарларни импорт қилишни тўлиқ ёки қисман тақиқлаш. Халқаро амалиётда бирон-бир давлатга қурол етказиб беришга Э. белгиланган ҳоллари маълум. БМТ Уставининг 39 ва 41-м.ларига биноан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши тинчликка нисбатан ҳар қандай хавф мавжуд бўлганда ёки тинчлик бузилганда ёки ҳужум бўлганда қуролли кучларни қўллаш б-н боғлиқ бўлмаган чораларни, жумладан Э.ни (иқтисодий муносабатларни тўла ёки қисман узишни) қўллашга ҳақлидир. Бундай чоралар бошқа халқаро жиноятларни содир этган давлатларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Турли вақтларда ЖАР, Родезия, Ливия, Ироқ, Югославияга нисбатан Э. қўлланилган; 2) давлатнинг ушбу давлат бандагарохлари ва ҳудудий сув ҳавзаларидан хорижий кемаларнинг чиқишини тақиқлаши. Уруш эълон қилинганда, шунингдек репрессалий сифатида ва баъзи бир ҳолларда қўлланилади; 3) бўлгуси рақиб савдо кемаларини ҳибсага олиш шаклида XIX а. ўрталаригача қўлланилган превентив чора. Э. уруш бошланганидан сўнг бундай кемаларни эгаллаб олишни оsonлаштириш мақсадида қўлланилган.

ЭМИГРАНТ (лот. – кўчирилувчи) – ўзи фуқаро бўлган ёки доимий яшаб турган мамлакатни тарк этиб, доимий яшаш учун бошқа давлатга кўчиб кетаётган шахслар. 1966 й.даги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт 12-м.сининг 2-бандида ҳар бир фуқаронинг хоҳлаган давлатни, жумладан, ўз мамлакатини ҳам тарк этиш ҳуқуқи (яъни эмиграция ҳуқуқи) назарда тутилган. Аммо бу ҳуқуқ, Пактга мувофиқ, қонунларда белгиланган баъзи бир жамоат тартиби, давлат хавфсизлигини, аҳоли ахлоқи ёки соғлиғи ва б. шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш зарурлиги сабабли чекланиши мумкин.

ЭМИССИОН БАНК – давлатнинг пақд пул (пул белгилари) чиқариш (эмиссия) ҳуқуқи берилган марказий банк ёки бошқа банклари. Тижорат банклари, Марказий банк чиқарган муомаладаги пул белгиларини муомалага чиқаришда иштирок этишларига қарамай, бундай ҳуқуққа эга эмаслар.

ЭМИССИОН ДАРОМАД – қимматли қоғозлар ва уларни харид қилувчилар ўртасидаги воситачилик эмитенти натижасида йирик тижорат банклари ва б. молиявий компаниялар томонидан давлатнинг қимматли қоғозларини (акциялар, облигациялар) жойлаштириш натижасида олинган даромад. Э.д. юқори ва паст курс (баҳо) ўртасидаги тафовутга ўхшайди, унга кўра банк (компания) анча паст курс (баҳо)да ўз мижозларига фонд бозорларида қимматли қоғозларини сотади ва шу кўрилишда харидор уларни эмитентдан сотиб олади, мана шу сотиб оlish усули давлат қимматли қоғозларининг бозор ва эмиссион курслари ўртасидаги фарқ дейилади.

ЭМИССИОН ҲУҚУҚ – давлат ва нодавлат тижорат ташкилотлари муомалага (эмиссия) расмий равишда чиқарилган тўлов воситаларини, шунингдек қимматли қоғозларни (облигация, акция, депозитли сертификатларни) бошқаришнинг норма ва принциплари тизими.

ЭМИССИЯ ИНТИЗОМИ – эмитентларнинг эмиссия операцияларини амалга оширишнинг белгиланган тартибига риоя этиши.

ЭМИССИЯВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – битта чиқарилиши доирасида бир хил белгилар ва реқвизитларга эга бўлган, маъмур чиқарилиш учун ягона шартлар асосида жойлаштириладиган ҳамда муомалада бўладиган қимматли қоғозлар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си).

ЭМИССИЯВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШЛАРИНИНГ ЯГОНА ДАВЛАТ РЕЕСТРИ – рўйхатдан ўтказилган эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг рўйхати (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си). Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрида қимматли қоғозларнинг номи, сони ва эмитенти тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ахборот бўлиши лозим.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига асосан Э.к.к.ч.я.д.р.ни юритиш тартиби ЎЗР ВМ томонидан белгиланади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 9-м.си).

ЭМИССИЯВИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ЧИҚАРИЛИШИНИ ДАВЛАТ РҲҲАТИДАН ҲТКАЗИШ – қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан эмитентнинг аризаси асосида амалга оширилади. Эмитентнинг аризасига эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарор, қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи, бланка намунаси (ҳужжатли шаклдаги эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилган тақдирда), рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар илова қилинади. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар олинган санадан эътиборан ўттиз кун ичида давлат рўйхатидан ўтказиши ёки Э.к.к.ч.д.р.ў.ни рад этиш тўғрисида

асослантирилган қарор қабул қилиши шарт. Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилаётганида эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорнинг ҳар бир нусхасида эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида белги қўйилади ва эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилишига берилган рўйхатдан ўтказилганлик рақами кўрсатилади. Э.к.к.ч.д.р.ў. учун тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик эмитент зиммасида бўлади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.си).

ЭМИТЕНТ (лот. *emittere* – чиқармоқ, жойлаштирмак; инг. *issuer*; нем. *emittent, ausgeber*) – эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи ва улар юзасидан қимматли қоғозларнинг эгалари олдида мажбуриятлари бўлган юридик шахс (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Э. чиқарилаётган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришни эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил ичида тугаллаши шарт (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 14-м.си).

Э., давлат қимматли қоғозлари Э.и бундан мустасно, ахборотни қимматли қоғозлар эмиссия рисоласида, Э.нинг йилнинг ҳар чорагидаги ва йиллик ҳисоботида ва Э.нинг фаолиятидаги муҳим фактлар тўғрисидаги хабарларда ошқор қилади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 39-м.си).

ЭМИТЕНТНИНГ ОПЦИОНИ – к. : *Опцион*.

ЭМФИТЕВЗИС (лот., инг. *emphyteusis*) – рим ҳуқуқида мерос қолдириладиган ўзганинг еридан кишлок ҳўжалиги ишлаб чиқариши учун фойдаланиш ҳуқуқи.

ЭНГ ЯХШИ ҚУЛАЙЛИК ТУҒДИРИШ ТўҒРИСИДАГИ ТАРТИБ – давлатлар ўртасидаги халқаро савдо шартномаларида қўлланиладиган принцип бўлиб, унга кўра шартнома иштирокчиси бўлган бир давлат бошқа давлатга, унинг юридик ва жисмоний шахсларига, учинчи бир давлатга, унинг юридик ва жисмоний шахсларига тақдим этган ёки келажакда тақдим этиши мумкин бўлган имтиёзлар, преференциялар, енгилликларни тақдим этиш мажбуриятини олади. Мазкур принципнинг қўлланилиши товарлар номенклатураси бўйича экспорт-импорт чекловларини камайтиришга, божхона режимини юмшатишга хизмат қилади. Энг яхши қулайлик туғдириш тўғрисидаги тартиб Тарифлар ва Савдо бўйича Бош Келишувга қўшилган барча давлатлар учун мажбурий ҳисобланади.

ЭНЕРГЕТИКА НАЗОРАТИ – электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмирдан фойдаланиш соҳасида нормалар ва қоидаларга риоя этилишини назорат этиш бўйича ҳаракатлар йиғиндиси. ЎзРда электр энергетикасида назорат бўйича давлат инспекцияси “Ўздавэнергоназорат” электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмирдан фойдаланиш соҳасида нормалар ва қоидаларга риоя этилишини назорат қилувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади. “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси тизимига ҚРдаги, ви.лар ва Тошкент ш. бўлими қиради. Худудий бўлимлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита “Ўздавэнерго-

назорат” инспекциясига ҳисобот беради. “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси ўз фаолиятини “Ўзбекэнерго” давлат-акциядорлик компанияси ва давлат бошқарувининг бошқа органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва б. ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади. Қуйидагилар “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг асосий вазифалари ҳисобланади: электр энергияси, иссиқлик энергияси оқилона ва самарали ишлаб чиқарилиши, узатилиши, истеъмол қилиниши ва кўмирдан фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга ошириш; электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилишда ва кўмирдан фойдаланишда хавфсизлик таъминлинишига йўналтирилган олдини олиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қилиш; электр энергияси, иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш, истеъмол қилиш ва кўмирдан фойдаланиш соҳасида зарур норматив ҳужжатлар ва қоидалар ишлаб чиқилишини таъминлаш; энергетика текширувлари ва экспертизалари ўтказиш бўйича фаолиятни лицензиялаш.

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ – Э.т.ш.га мувофиқ, энергия билан таъминловчи ташкилот туташтирилган тармоқ орқали абонентга (истеъмолчига) энергия бериб туриш мажбуриятини олади, абонент эса, қабул қилинган энергия ҳақини тўлаш, шунингдек шартномада назарда тутилган энергия истеъмол қилиш тартибига риоя этиш, тасарруфидаги энергетика шохобчаларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда ўзи фойдаланадиган энергия истеъмол қилувчи асбоб ва ускуналарнинг созлигини таъминлаш мажбуриятини олади (ЎзР ФҚнинг 468-м.си).

ЭПАРХ (юн. – ҳоким, бошлик) – Византияда Константинополь ш.нинг (атрофи б-н бирга) ҳокими. Бевосита императорга бўйсунган. Кўплаб хизматчилар, ҳарбий отряд, камоқхонага эга бўлган. Унинг вазифаларига судлов ва полиция фаолиятдан ташқари, ш. таъминотини ташкил этиш, хунармандчилик ва савдони (жумладан нарханавони) бошқариш, томошаларни назорат қилиш ҳам кирган. 1204 й.дан кейин Э. лавозими амалда бекор қилинган. XIV а.да Э. атамаси учраб турса-да, фақат унвон сифатида қўлланилган.

ЭПИКУР (мил.авв. 341, Самос – мил. авв. 270) – қад. юнон мутафаккири, Демокрит илгари сурган атомистик таълимотни янада такомиллаштириб, уни юқори поғонага кўтариб, янги ҳулосалар б-н бойитган файласуф Э. 300 дан ортик асарлар муаллифи. Унинг бош асари 37 томдан иборат бўлган “Табиат ҳақида” китобидир. Бизгача “Атомлар ва бўшлиқ ҳақида”, “Максад ҳақида”, “Қонун”, “Худолар ҳақида”ги асарларидан парчалар етиб келган. Э.нинг таълимотича, олам моддий материя, абадий ва чексиз. Атомлар бўлинмас, унинг бўлинмаслиги зичлигидандир. Олам жисм ва бўшлиқдан иборат. Барча жисмларни 2 гуруҳга бўлиш мумкин. Атомлар ҳаракатда бўлиб, юқорига, пастга оғиш йўналишида бўлади. Атомлар ўз оғирлигига эга бўлганлиги учун спонтан (ички сабабли) ҳаракатда бўлади ва х.к. Э. жонни тана б-н биргаликда кўради. У жонни сезиш, ҳис қилиш қобилиятининг манбаи деб ҳисоблайди. Тана ўлиши б-н жон ҳам танани тарк этади, дейди у. Э.нинг ахлоқий таълимоти ўз замонасига нисбатан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Роҳат-фароғат,

хурсандчилик инсон бахтининг аввали ва охиридир. Энинг ижтимоий қарашлари асосан унинг ижтимоий билим на-зариясига ва гедонистик таълимотига асосланган.

ЭР ВА ХОТИННИНГ УМУМИЙ МУЛКИ – ЎзР ОКнинг 23-м.сига биноан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисоби-га олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартнома-сида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг бирга-ликдаги умумий мулки ҳисобланади. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хо-тиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятдан, тадбиркорлик фаолиятдан ва интел-лектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар олган пенсиялар, нафақалар, шунингдек махсус мак-садга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик му-носабати б-н етказилган зарари қоплаш тарзида тўплан-ган суммалар ва б.) қиради. Эр ва хотиннинг умумий даро-мади ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттир-ган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағла-ри қимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томо-нидан киритилган бўлишдан қатъи назар, эр ва хотин-нинг умумий мулки ҳисобланади.

ЭРКИН БОЖХОНА ЗОНАСИ – ЎзР БКнинг 27-м.си-га мувофиқ, Э.б.з. шундай божхона режимки, бунда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқ-лар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жой-лаштирилади ва ишлатилади, Ўзбекистон товарлари эса экспорт режимига мувофиқ олиб чиқишда қўлланилади-ган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади.

Э.б.з. режими қонун ҳужжатларига мувофиқ белгила-нади. Товарлар Э.б.з. режимида чекланмаган муддатларга-ча туриши мумкин. Э.б.з.да, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб بازارда тўтилмаган бўлса, товарлар б-н ишлаб чиқариш ва тижорат операцияларини бажаришга йўл қўйилади, уларнинг чакана савдоси бундан мустасно.

Қонун ҳужжатларининг қоидаларига риоя этмаётган айрим шахсларга божхона органлари товарлар б-н опе-рацияларни амалга оширишни тақиқлаб қўйиши ҳамда Э.б.з.га монеликсиз кириб чиқишни рад этиши мумкин.

Э.б.з. режими амал қилаётган ҳудудда бинолар, имо-ратлар ва иншоотлар барпо этишга божхона органи б-н келишган ҳолда йўл қўйилади.

ЭРКИН ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ЗОНАЛАР – ало-ҳида ажратилган ҳудудлардан иборат бўлиб, у ерда илмий-ишлаб чиқариш ва ўқув марказлари жамланади ҳамда улар учун илмий ва ишлаб чиқариш имкониятини ривожланти-ришга қаратилган махсус ҳуқуқий тартибот ўрнатилади. Э.и.-т.з. юксак технологиялар амал қиладиган зоналар, тех-нопарклар, минтақавий инновация марказлари – технопо-лислар шаклида ташкил этилади. Э.и.-т.з. эркин иқтисо-дий зона турларидан бири ҳисобланади (“Эркин иқтисо-дий зоналар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 8-м.си).

ЭРКИН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗОНАЛАРИ – тад-биркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устун тар-моқларига чет эл инвестицияларини жалб этиш, истиқ-болли технологияларни жорий этиш мақсадида хўжалик-молиявий фаолиятнинг алоҳида тартиботи жорий этила-диган ҳудудлар. Э.и.ч.з. экспортга мўлжалланган ишлаб чи-қариш зоналарини, агрополисларни, тадбиркорлик зонала-рини ва б. эркин зоналарни ўз ичига олади. Э.и.ч.з. эркин иқтисодий зона турларидан бири ҳисобланади (“Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 7-м.си).

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНА – “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, минтақада жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуд.

Э.и.з. ҳудудида юридик шахслар ва фуқаролар (жисмо-ний шахслар) хўжалик, молиявий ва б. фаолиятнинг ис-талган турлари б-н шуғулланишига йўл қўйилади, ЎзР қонун ҳужжатларида ман этилган фаолият турлари бу-ндан мустасно.

Ушбу Қонуннинг 5-м.сига асосан, Э.и.з.: эркин савдо зоналари; эркин ишлаб чиқариш зоналари; эркин илмий-техникавий ва б. зоналар тарзида тузилиши мумкин.

Қонуннинг 11-м.сига биноан, Э.и.з.ларда алоҳида бож-хона, валюта, солиқ тартиботи, шунингдек фуқаролар ки-риши, чиқиши ва бу ерда бўлишининг, меҳнат муносабат-лари, молия-кредит фаолиятининг алоҳида тартиботи ҳамда инвестицияларни жалб этишга, тадбиркорликни ривожлан-тиришни рағбатлантиришга ва зонани ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантиришга қаратилган бошқача тартибот ўр-натилиши мумкин.

ЭРКИН МАНДАТ – вакиллик ҳокимияти органининг депутати сайловчилар нақзи б-н боғлиқ бўлмаган ва улар олдида ҳеч қандай жавобгарликка эга бўлмайдиган ҳолат қондаси. Бунда депутатни сайловчилар ҳам қақриб олол-майдилар. Э.м. принципи кўпинча демократик мамлакат-ларда қўлланилади. Э.м.нинг тескараси императив ман-дат дейилади.

ЭРКИН МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ (ИМПОРТ) – к.: *Импорт*.

ЭРКИН ОМБОР – шундай божхона режимки, бу-нда чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилади ва ишлатилади, Ўзбекистон товарлари эса экспорт режимига мувофиқ олиб чиқишда қўлланила-диган шартларга кўра жойлаштирилади ва ишлатилади (ЎзР БКнинг 27-м.си).

Э.о. махсус жиҳозланган ва белгиланган жой бўлиб, биноларнинг ҳудудини ва (ёки) очик майдончаларни ўз ичига олади ҳамда товарларни Э.о. режимида божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган. ЎзРдан олиб чи-қиш ва ЎзРга олиб кириш тақиқланган товарларни Э.о.да сақлашга руҳсат берилмайди. Товарлар Э.о.га божхона органининг ваколатли мансабдор шахслари иштирокида ёки улар хабардор қилинган ҳолда жойлаштирилади. То-варлар Э.о. режимида чекланмаган муддатларгача тури-ши мумкин. Товарларни Э.о. режимига жойлаштириш бож-

хона органига тўлдирилган божхона юк декларациясини тақдим этиш йўли б-н амалга оширилади. Э.о.да сақланаётган товарларга нисбатан уларнинг сақланишини таъминлашга оид қуйидаги операциялар амалга оширилиши мумкин: тозалаш, шамоллатиш, қуритиш (шу жумладан, иссиқлик окимини ҳосил қилиш орқали); сақлашнинг мақбул ҳарорати режимини ҳосил қилиш (совутиш, музлатиш, иситиш); химоялаш ўривига жойлаштириш, химоялаш мойи ва консервантларни сурттиш; заңглашдан химоя қилиш учун бўяш, сақлаш қопламларини қиритиш; ташишдан олдин чиришга қарши бўёқ б-н қоплаш. Э.о.ларда, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, товарлар б-н ишлаб чиқариш ва тижорат операцияларини бажаришга йўл қўйилади, уларнинг чакана савдоси бундан мустасно. Божхона органлари Э.о.ларда турган товарлар устидан божхона назоратини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар.

Э.о. эгаси, Э.о.га тушувчи ва Э.о.дан олиб чиқилувчи товарлар ҳисобини юритиш (шу жумладан, автоматлаштирилган ҳисобини юритиш) ва ЎзР Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиланган тартибда божхона органларига ушбу товарлар тўғрисида ҳисобот тақдим этиладилар ва товарлар ҳисобини олиб борувчи журнал юритадилар. Товарларни Э.о. режимига расмийлаштириш чоғида божхона йиғимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирилади. Агар Э.о.га жойлаштирилган товарлардан бож тўловлари ундирилса, тўловлар тўлашни учун уларни оморга жойлаштирган шахс жавобгар бўлади.

Омбор эгаси омор, оморда сақланаётган товарлар туридан, унинг чиқарилиш имкониятидан ва унинг фаолият кўрсатиши б-н бевосита алоқадор бошқа омиллардан келиб чиққан ҳолда Э.о. божхона режимдан фойдаланиш қондаларини божхона органи б-н келишиб тасдиқлайди. Қондаларда божхона органининг Э.о., шу жумладан божхона органи ходимлари учун ҳоналарининг ҳам ташкил этилиши ва жиҳозланишига оид талаблари; омордаги иш тартиби; товарларни ҳисобга олиш шакллари; омор эгаси томонидан эркин оморда сақланаётган товарлар тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш шакллари ва муддатлари; оморнинг фаолият юритиши б-н боғлиқ бошқа талаб ва шартлар белгиланади.

ЭРКИН САВДО ЗОНАЛАРИ – “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига мувофиқ, Э.с.з. консигнация оморларини, эркин божхона зоналарини, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраш-жойлаш, саралаш, сақлаш зоналарини ўз ичига олади. Э.с.з. чегарага туташ пунктларда, аэропортларда, темир йўл узелларида ёки ЎзР божхона ҳудудининг бошқа жойларида тузилади. Э.с.з. эркин иқтисодий зона турларидан бири ҳисобланади.

ЭРКИН ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАСИ – қ.: *Эркин иқтисодий зона*.

ЭРКИН ҲАРАКАТ ҚИЛИШ – инсоннинг асосий конституциявий шахсий ҳуқуқларидан бири. Ҳар бир кишининг маълум бир қонунларга риоя қилган ҳолда давлатнинг истаган ерида яшаши, бўлиши ва давлатнинг у четидан бу четига Э.х.к. ҳуқуқига эгаллиги. Бундай ҳуқуққа фуқаролар ўзи яшаётган давлат ҳудудидagina эга бўлади. Бошқа ҳудудда уларнинг ҳуқуқи муайян даражада бўлади.

ЎзР Конс.сининг 28-м.сига мувофиқ, ЎзР фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, ЎзРга келиш ва ундай чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

ЭРКИН ҲУҚУҚ – қ.: *Диспозитивлик*.

ЭРКИНЛИК – 1) фалсафий ва ҳуқуқий категория бўлиб, индивид ёки ташкилот томонидан ўз хаёт тарзи, фаолият юритиш тартибини ҳеч бир қоида ёки нормага боғламасдан ўзлари таълайдилар (белгилайдилар). Э.ка инсон туғилганидан эътиборан эга бўлади.

2) Конс. ёки бошқа бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилган нормага мувофиқ инсонларнинг ёки ташкилотларнинг хатти-ҳаракати имконияти. Ҳар кимга ўз ихтиёрига кўра, ўзининг хатти-ҳаракатларини содир этиш имконияти берилган. Бироқ, шуни назарда тутиш лозимки, Э. жамиятда умумэътироф этилган ахлоқ нормалари доирасида ва қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилиши керак, яъни шахс қонунилар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос хатти-ҳаракатни амалга ошириши лозим. Э. ЎзР Конс.сида белгилаб қўйилган инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларининг амалга ошишига шарт-шароит яратиб беради.

Асосий конституциявий ҳуқуқ ва асосий конституциявий эркинлик тушунчаларининг ўзаро нисбати ҳақида сўз юритилганда, ҳуқуқ ва Э. шахсининг маълум ҳуқ-атворидир, дейиш мақсадга мувофиқдир. Яъни, ҳуқуқ ва эркинлик ўртасидаги чегара шартли равишда қўлланилади. Ҳуқуқ юридик жиҳатдан аниқ ифодаланган категориядир. Э. тушунчаси кең маънога эга тушунча бўлиб, уни ифода этиш вариантлари турличадир. Мас., Э.ни юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйиш (ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътикод эркинлиги), ёки мустаҳкамлашнинг иложи бўлмаслиги (дўстона учрашувларда, оилада) мумкин.

Баъзи бир ҳолатларда ҳуқуқ ва Э. тушунчалари биргаликда ишлатилади. Мас., ЎзР Конс.сининг 31-м.сига кўра “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътикод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътикод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”. Конс.нинг 25-м.сида “Ҳар ким Э. ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга”лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

ЭРЛИ (инг. – одам, жангчи) – қадимги англо-саксон манбаларида (VII а.) керла оддий жамоаларига қарама-қарши турган зодагонлар. Англо-саксон даврининг охирида Э. илгариги элдормен (ealdorman) титулини сиқиб чиқариб, айрим графликлар тепасида турган ва китъа графларига мувофиқ келадиган мансабдор шахсларга берилган ҳамда бу унвон соҳиблари худди улар каби мерос бўлиб ўтадиган феодал сеньорларига айланган.

ЭСКРОУ – англо-саксон ҳуқуқида пул суммасини бошқа шахс номига учинчи шахсда депозитлаштириш тури бўлиб, унга кўра, мазкур сумма бошқа шахсга у маълум шартни бажарганидан кейингина берилиши белгилаб қўйилади.

ЭСТОППЕЛЬ (инг. estoppel – рад этиш, estop – эътироз билдириш ҳуқуқидан маҳрум этиш сўзида) – шахсни ўз даъволарини асослаш учун бирон-бир фактларга таяниш ҳуқуқидан маҳрум этувчи ҳуқуқий принцип. Халқаро ҳуқуқда Э. давлатнинг ўз халқаро даъволарини асослаш учун ҳар

қандай фактлар ёки ҳолатларга асосланиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлигини билдиради. Э.ни қўллаш оқибатида давлат, мас., халқаро шартноманинг ҳақиқий эмаслиги, тўхатилганлиги ёки тугатилганлиги ёхуд ундан чиққанлиги асосларига ҳавола қилиш ҳуқуқини йўқотиш мумкин. Э. одатда давлатнинг у ёки бу масалага бўлган аввалги ва ҳозирги муносабати ўртасида жиддий фарқ бўлган ҳолларда қўлланилади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда Э.ни қўллашда муайян қийинчиликлар мавжудлигига қарамай, ушбу принцип халқаро суд ва арбитраж амалиётида қўлланилмоқда. Халқаро муносабатларда Э. халқаро ҳуқуқнинг давлатларнинг суверен тенглиги ва мустақиллиги, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ва давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатиш б-н кўрkitиш ёки куч ишлатишнинг тақиқланиши каби асосий принципларига риоя этилган тақдирда қўлланиши мумкин.

ЭТИКЕТ (инг., фр. etiquette) – муайян жойда ўрнатилган юриш-туриш, ўзини тутиш қоидалари (мас., дипломатик Э.)

ЭТИКЕТКА (инг. label; фр. etiquette) – товар, экспонат ва б. нарсаларда ўрнатиладиган ҳамда маҳсулот тайёрловчининг номи ва манзили, товарнинг номи, истеъмол хоссалари, сифати баҳоси ва б. ёки мазкур маълумотларнинг бири кўрсатиладиган ёрлик. Э.да кўрсатилган маълумотлар тўғри ва тушунарли бўлиши шарт. Аксарият товарлар Э.сида одатда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: товарнинг асосий истеъмол хусусиятлари, шу жумладан, ўзига хос хусусиятлари рўйхати; баҳоси (тарифи) ва сотиб олиш шартлари; айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси; товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари; товарнинг хизмат (яроқлилиқ) муддати; ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли; товарларни саклаш, хавфсиз утилизация қилиш усуллари ҳамда қоидалари.

Э.да кўрсатилган маълумотлар товар туридан келиб чиқиб белгиланиши мумкин. Мас., Э.да товарлар ўз номи, артикули, нархи, ўлчами (кийим-кечак, ички кийимлар ва б. тикув буюмлари, пойабзал, бош кийимлар учун) ва бўйи (кийим-кечак ва ички кийимлар учун) кўрсатилган бўлиши керак. Техник жиҳатдан мураккаб маиший товарларни сотишда сотувга қўйилган товарлар намуналари савдо залига жойлаштирилгани, уларда товарнинг номи, маркази, модели, артикули, нархи кўрсатилган Э.лари, шунингдек унинг асосий техник тавсифлари ёзилган қисқача аннотация бўлиши керак. Сотувга қўйилган қимматбаҳо металллардан ва қимматбаҳо тошлардан ясалган буюмларда маҳсулотнинг номи, тайёрловчи, артикул, проба, 1 грамм маҳсулотнинг массаси ва нархи, сотувга қўйилган буюмларнинг тури, уларнинг хусусияти, буюмнинг массаси ва чакана нархи кўрсатилган ҳолда пломбланган Э. бўлиши керак.

ЭТНИК БИРЛИК – айрим ижтимоий фанларда қўлланиладиган тушунча. Аста-секин конституциявий атамалар орасига кириб келмоқда. Миллат, халқ, қабила – умумий тил, маънавият, маданият, ижтимоий-психологик хусусиятлар (менталитет)га, аксарият ҳолларда турмуш тарзи ва ҳудудий бирликка асосланган кишилар бирлашмасини Э.б. деб аташ мумкин.

ЭТНИК ВАКИЛЛИК – вакиллик ҳокимиятини ташкил этиш принципи бўлиб, унга кўра, вакиллик муассаса-

ларининг депутатлари мамлакат аҳолисининг, ҳаммасининг (ёки унинг алоҳида ҳудудининг) эмас, балки ўзларини бевосита сайлаган этник гуруҳларнинг манфаатини ҳимоя қиладилар. Ҳозирги замонда Э.в. тенг вакиллик принципига ва бинобарин, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигидек асосий принципга зид келганлиги сабабли, жуда кам қўлланилмоқда. Бу борада Фиджи давлати ноёб ҳол бўлиб, унинг 1991 й.ги Кописига мувофиқ, Э.в. принципи бутун давлат ҳокимияти тизимининг ташкилий асосидир. Бир қатор демократик давлатларда Э.в. ёрдамчи хусусият касб этади ва кам сонли туб аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишнинг конституциявий асоси бўлиб хизмат қилади. Мас., Ҳиндистон, Словения, Қрим Республикаси ҳамда баъзи бир бошқа давлатлар парламентида озрок депутатлар кичик этник гуруҳлардан миллий округ бўйича ёки бошқа йўл б-н сайланади.

ЭФОРЛАР (юн. ephoros – *сўзма-сўз* қузатувчилар) – Спарта ш.да (Қад. Юнонистон) давлатни амалда бошқарган (расман Спартага ҳарбий ҳокимият ҳамда олий диний ҳокимият раҳбари вазифасини бажарган икки подшо раҳбарлик қилган) олий мансабдор шахслар ҳайъати. Бундай мартабага Э. подшо ҳокимиятининг кучайиб кетишидан хавфсизраган зодагонлар туфайли эришганлар. Э. беш кишидан иборат бўлиб, ҳар йили халқ йиғинларида барча фуқаролар орасидан сайланганлар. Э. ягона ҳайъатни ташкил этганлар (мил. авв. VIII а. ўрталарида таъсис этилган) ва ўз қарорларини кўпчилик овоз б-н қабул қилганлар. Э. герусия ҳамда халқ йиғинлари (апеллалар)ни чақирганлар ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилганлар. Мамлакатнинг деярли барча ташки алоқалари ҳамда ички бошқаруви уларнинг қўлида бўлган. Улар ахлоқ қоидалари ва интизомга риоя этишни, фуқароларнинг ҳуқ-атворларини, тобе аҳолининг, яъни перижлар ва илотларнинг ҳаётини қаттиқ назорат қилганлар, барча мансабдор шахсларнинг фаолиятини кузатиб турганлар ва ҳар йили уларнинг ҳисоботларини текширганлар. Фуқаролик юрисдикцияси Э. қўлида бўлган. Э.нинг вазифаларидан бири подшоларнинг ҳокимияти кучайиб кетишига ва монархия ўрнатилишига йўл қўймаслик мақсадида уларнинг фаолиятини назорат қилишдан иборат бўлган. Э. подшоларни герусия судига тортиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Э. ўз фаолиятида фақат ўзларининг ворисларигагина ҳисобот берганлар.

Э. ҳайъати спарталиклар ҳаётининг барча томонларида раҳбарлик қилувчи Спарта олигархиясининг органи бўлган. Э.нинг назоратдан холи эканлиги, уларни суд орқали жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги уларнинг ўз ҳокимиятини сунистеъмол қилишларига олиб келган.

ЭШАФОТ (фр. échafaud; инг. scaffold) – жаллод кундаси, бош чопадиган тўнка, махсус тахтасупа. Илгари ўлим жазоси оломон кўз ўнгида, қайдонга ўрнатилган баланд Э.да ижро этилган.

ЭЪТИКОД – қ.: *Виждон эркинлиги*.

ЭЪТИКОД ЭРКИНЛИГИ – қ.: *Виждон эркинлиги*.

ЭЪМ УЧУН ЯРАТИЛГАН ДАСТУР – объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида ЭЪМ, ЭЪМ шохобчалари ва б. компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи.

“Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси

тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, вазифаси ва афзалликларидан катъи назар, объектив шаклда ифодаланган, босиб чиқарилган ҳамда босиб чиқарилмаган, муаллиф (хаммуаллифлар) ижодий фаолиятининг натижаси бўлган, ЭХМ учун яратилган ҳар қандай дастурларга нисбатан муаллифлик ҳуқуқи татбиқ этилади. ЭХМ у.я.д. ёки маълумотлар базасига муаллифлик ҳуқуқи токи акси исботланмагунга қадар сақланиб қолаверади.

ЭХМ у.я.д.лар ёки маълумотлар базаларига нисбатан барча шахсий ва мулкӣ ёки шартномага кўра фақат мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлган ЎзРнинг, бошқа давлатларнинг жисмонӣ ёки юридик шахслари дастурлар ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳуқуқ эгаси ЭХМ у.я.д. ёки маълумотлар базасини бевосита ёки ўз вакили орқали Дастурий махсуллар давлат реестри ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида (матнда бундан буён Реестр деб юритилади) ЎзР Давлат патент идорасига (бундан буён матида Патент идораси деб юритилади) талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказилади.

ЭХМ у.я.д. ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонунан эга бўлган шахс ҳуқуқ эгасидан қўшимча равишда руҳсат олмаган ҳолда ЭХМ у.я.д. ёки маълумотлар базаси ўз вазифасига монанд ишлаши б-н боғлиқ ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан ЭХМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, шунингдек аниқ кўришиб турган хатоларни тузатишга ҳақлидир. ЭХМга ёзиб қўйиш ва унинг хотирасида сақлашга, башарти, ҳуқуқ эгаси б-н тузилган шартномада ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, битта ЭХМ ёки шохобчадаги битта фойдаланувчига нисбатан йўл қўйилади.

ЭХМ у.я.д. нусхасига ҳақли равишда эгаллик қилаётган шахс мазкур дастурнинг кодланиши ва тузилишини ўрганиш мақсадларида уни муаллифнинг ёки ўзга ҳуқуқ эгасининг ёзма розилиги бўлган тақдирда ёки қуйидаги ҳолларда бундай розилик бўлмаса ҳам декомпиляция қилиши мумкин, агар: декомпиляция қилиш натижасида олинган ҳамда мазкур шахс томонидан ишлаб чиқилган дастурнинг ЭХМ учун яратилган бошқа дастурлар б-н ўзаро ҳамкор ишлаши учун зарур ахборотни бошқа манбалардан олиш мумкин бўлмаса; ЭХМ у.я.д.нинг фақат бундай ҳамкор ишлашини йўлга қўйиш учун зарур бўлган қисмларининг ўзи декомпиляция қилинаётган бўлса; декомпиляция натижасида олинган ахборотдан ифодасига кўра ЭХМ учун яратилган, декомпиляция қилинаётган дастурга жуда ўхшаш бўлган ЭХМ дастури ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ёки тарқатиш учун фойдаланилмаса ёхуд бундай ахборот муаллифлик ҳуқуқини бузадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатни амалга ошириш учун ишлатилмаса.

ЭХТИЁТ ЧОРАЛАРИ – ЎзРнинг ЖПК б-н тартибга солинадиган чоралар мажмуи.

ЎзР ЖПКнинг 236-м.сига мувофиқ, Э.ч. айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суд-

дан бўйин товлашининг олдини олиш; унинг бундан бўёнги жинойт фаолиятининг олдини олиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади.

Айбланувчи, судланувчи содир этган, ЎзР ЖК 15-м.сининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган жиноятнинг хавфлилиги туфайли у суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан яшириниши мумкин деган ўринли тахмин ҳам қамокда сақлаш тарзидаги Э.ч.ни танлаш учун асос бўлиши мумкин.

Экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага жойлаштирилишини кутаётган, шунингдек ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир қилганидан сўнг рухий касалликка чалинган шахсларга нисбатан Э.ч. улар яширинишининг ва б. ижтимоӣ хавфли қилмишлар содир қилишининг олдини олиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ҳақидаги суд ажрими ижросини таъминлаш мақсадида қўлланилиши мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 237-м.сига асосан, Э.ч.га қуйидагилар қиради: муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат; шахсий кафилик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафилиги; гаров; қамокқа олиш; вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш; ҳарбий хизматчининг ҳулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви. Бир шахсга нисбатан бир вақтнинг ўзида ана шу чоралардан фақат биттаси қўлланилишига йўл қўйилади.

ЭХТИЁТСИЗЛИК – жиноят содир этишда шахсининг ўз ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

Ҳуқуқ назариясида Э.нинг икки ҳолати кўрсатилган: 1) бепарволик; 2) ўз-ўзига ишониб, енгилтақлик.

Ушбу тушунча, ЎзРнинг маъмурий, фуқаролик ва меҳнат ҳуқуқларида ҳам учрайди.

Э. орқасида содир этилган жиноят ЎзР ЖКнинг 22-м.да қуйидагича таърифланади.

Ўз-ўзига ишониб ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоӣ хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз ҳулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоӣ хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда рноя этмаган, ҳолда, бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган деб топилади.

Агар жиноят содир этган шахс ўз ҳулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоӣ хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмаса-да, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

ЭХТИЁТСИЗЛИК ОРҚАСИДА ОДАМ ЎЛДИРИШ

– жиноят қонунчилиги бўйича шахсининг ҳаётига қарши жиноят. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 102-м.сида жавобгарлик белгиланган.



ЮВЕНАЛ АДЛИЯ (инг. juvenile justice) – халқаро атама бўлиб, вояга етмаганлар учун одил судлов ёки вояга етмаганлар суди маъносини англатади. Маълумки, хорижда “одил судлов” атамасидан кўра, “юстиция” атамаси кўпроқ ишлатилади, шу муносабат б-н мазкур атамани айнан вояга етмаганлар адлияси ёки вояга етмаганлар учун адлия сифатида тушуниш мумкин.

Ю.а. тизими дейилганда, вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва уларни амалга оширишга йўналтирилган фаолият олиб боровчи давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат нотижорат ташкилотлар жами тушунилади. Ю.а. тизими доирасида болаларни ҳуқуққа зид ҳулқдан профилактика қилиш ва уларнинг ҳуқуқларини химоя қилишга қаратилган ижтимоий, педагогик, юридик, психологик ва тиббий йўсиндаги дастурлар, лойиҳалар ва тadbирлар амалга оширилади.

Айрим назариячилар ва тадқиқотчиларнинг фикрига кўра Ю.а. тизимининг асосий бўғини ихтисослаштирилган судлар умумий юрисдикция судлари доирасидаги ювенал судлар бўлиши керак. Оддийроқ қилиб, уни вояга етмаганлар суди дейиш мумкин, бироқ бу ҳолда Ю.а. фақат оддий судларнинг бир кўринишидан иборатга ўхшаб қолади. Аслида Ю.а. оддий суддан анча фарқ қиладиган, аниқроғи жамиятнинг, жамоатчиликнинг вояга етмаганлар тақдирида ва уларнинг ҳуқуқларини химоя қилишда, уларга дахлдор муаммоларини ҳал этишда кенг қатнашинини тақозо этувчи, давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича бир боғловчи тизим сифатида ўзини намоён этади.

1899 й. 2 июлда АҚШнинг Иллинойс штатида жaxonда биринчи марта ювенал суд – вояга етмаганлар суди ташкил этилган. Дунёда биринчи ювенал суд ҳақидаги қонун ҳам шу ерда ва шу вақтда қабул қилинган. Шуниси эътиборлики, дунёда биринчи ювенал суд ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши ташаббускорлари аёллар: Чикаго аёллар клубининг аъзоси Люси Флауер ва “Халл Хауз” деб номланган жамоат бирлашмаси аъзоси Жулия Латроплар бўлишган. Мазкур қонун “Ташландик, қаровсиз ва жинояткор болалар ва уларга қараб турниш ҳақида” деб номланган. Ҳозирги кунда Франция қасамёд қилганлар суди (присяжныйлар) ва трибуналлар Грецияда, Германияда (шоффенлар суди), Италияда (трибуналлар), Японияда оила судлари каби ювенал суднинг кўринишлари мавжуд.

ЮЗЛАШТИРИШ – тергов ва суд ҳаракатларини юриштишда далиллар тўплашнинг йўлларида бири.

ЎзР ЖПКнинг 122-м.сига кўра Ю. илгари сўрок қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар бўлганда бу қарама-қаршилиқларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказилади.

Ю.ни ўтказишдан мақсад муқаддам олинган далилларни текшириш, кўрсатувлардаги фарқларни бартараф қилишга уринишдан иборат.

Ю.да гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўрок қилиниши мумкин.

Ю. ўтказиш чоғида сўрок қилишнинг умумий қондаларига, шунингдек қўйидаги қондаларга риоя қилинади.

Юзлаштириб сўрок қилиш олдидан суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи ҳар бир сўрок қилинувчидан навбат б-н уларнинг ўзаро танишлиги ёки таниш эмаслигини, ўзаро муносабатлари қандай эканлигини сўрайди ва жавобларини тинглайди. Шундан сўнг ҳар бир сўрок қилинувчига навбат б-н қарама-қаршилиқ келиб чиққан ҳолатлар тўғрисидаги саволларга жавоб бериш таклиф қилинади. Башарти, қарама-қаршилиқ бир нечта масалага ёки бир нечта ҳолатга тааллуқли бўлса, юзлаштиришда ҳар икки сўрок қилинувчи бир масала ёки бир ҳолат бўйича кўрсатув бергач, уларга кейинги масала ёки кейинги ҳолат тўғрисидаги саволлар берилиши мумкин.

Ю. чоғида сўрок қилинаётган шахс суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчининг руҳсати б-н бошқа сўрок қилинувчига савол бериши мумкин. Суд мажлисида сўрок қилинувчиларнинг ҳар иккаласига халқ маслаҳатчилари, шунингдек тарафлар савол беришлари мумкин. Суриштирувчи, терговчи ва суд мажлисида раислик қилувчи иш учун жиддий аҳамиятга эга бўлмаган ёки Ю.да аниқлаштирилаётган қарама-қаршилиққа тааллуқли бўлмаган саволларни четлатишга ҳақлидир.

Ю. олиб борилаётганда баённома тузилади. Унда сўрок қилинаётган шахсларнинг кўрсатувлари қандай тартибда берилган бўлса, ўша тартиб б-н ёзиб борилади. Ҳар бир сўрок қилинган шахс ўз кўрсатувларини, баённоманинг ҳар бир варағини имзолайди.

ЎзР ЖПКнинг 124-м.сига асосан, Ю. чоғида сўрок баённомаси ёки сўрок қилинаётган шахслар аввалги сўрокларда берган кўрсатувларнинг фонограммалари шу шахслар юзлаштирилиб, уларнинг кўрсатувлари баённомага киритилганидан кейингина ўқиб берилиши ёки эшиттирилишига йўл қўйилади.

ЮЗНИНГ ТУЗАТИБ БЎЛМАЙДИГАН ДАРАЖАДА ХУНУҚЛАШУВИ – етказилган жароҳатни ёки унинг изини оддий хирургик йўл б-н бартараф қилиб бўлмаслик ва бу жароҳат шахснинг ҳуснини бузишида ифодаланган тиббий ва эстетик мезонлар йиғиндиси.

ЮК ТАШИШ ШАРТНОМАСИ – фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг бир тури. ЎзР ФК 711-м.сига мувофиқ, Ю.т.ш. бўйича юк ташувчи юк жўнатувчи томонидан ўзига ишониб топширилган юкни белгиланган манзилга етказиб бериш ва уни олишга ваколат берилган шахсга (олувчига) топшириш, юк жўнатувчи эса юкни ташиб берганлик учун белгиланган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Ю.т.ш. тузилганлиги тегишли транспорт устави ёки кодексига назарда тутилган ҳужжат (транспорт юкхати, коносамент ёки юкка доир бошқа ҳужжат)ни тузиш ва уни юк жўнатувчига топшириш йўли б-н тасдиқланади.

Ю.т.ш.нинг умумий шартлари ЎзР ФК, транспорт уставлари ва кодекслари, бошқа қонунлар ва уларга мувофиқ чиқарилган қондалар ҳамда тарафларнинг келишуви б-н белгиланади.

Ташувчи юк ташиш учун транспорт воситаларини қабул қилинган талабнома (бююртма)га ёки бошқа ташини шартномасига мувофиқ бермаганлиги учун, жўнатувчи эса юкни тақдим этмаганлиги ёки берилган транспорт воситаларидан бошқа сабабларга кўра фойдаланмаганлиги учун транспорт усталари ва кодекслари, шунингдек тарафларнинг келишувлари б-н белгиланган тарзда жавобгар бўладилар. Агар транспорт воситаларини бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик, ёхуд транспорт воситаларидан фойдаланмаслик енгиб бўлмас куч ёки бошқа стихияли ходисалар, шунингдек харбий ҳаракатлар туфайли, муайян йўналишларда юк ташини тегишли транспорт устави ёки кодексда назарда тутилган тартибда тўхтатиб ёки чеклаб қўйилганлиги туфайли юз берган бўлса, юк ташувчи ва юк жўнатувчи жавобгарликдан озод қилинади.

Юк ташиш учун қабул қилинган пайтдан то у қабул қилувчига ёки белгиланган қоидаларга мувофиқ бошқа ташкилотга етказиб берилгунча ўтган даврда унга етказилган зарар, камомад ёки унинг йўқолганлиги учун ташувчи – агар у зарарнинг олдини олиш учун барча чораларни кўрганлигини ёки бу чораларни кўришининг илҳом бермаганлигини исботлаб бера олмаса, жавобгар бўлади.

Юк ташишни ташкил этиш шартномаси – ЎЗР ФКга кўра, юкларни мунтазам равишда ташишига зарурат туғилганда юк ташувчи ва юк эгаси тузишлари мумкин бўлган узоқ муддатли шартнома. Бундай шартномага мувофиқ, ташувчи шартлашилган ҳажмдаги юкларни белгиланган муддатларда қабул қилиб олиш, юк эгаси эса топшириш мажбуриятини оладилар. Юк ташишни ташкил этиш шартномасида ташиш учун бериладиган транспорт воситаларининг ва топшириладиган юкларнинг ҳажми, уларни топшириш муддатлари ва б. шартлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби, шунингдек ташишни ташкил этишнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

ЮНИСТРАЛ – к.: *Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси (Юнистра)*.

ЮРИДИК АМАЛИЁТ (инг. juridical practice) – бу ваколатли ҳуқуқ субъектларининг ижтимоий-ҳуқуқий таърибага таянган ҳолда, ҳуқуқни қабул қилиш, уни шарҳлаш ва қўллашга қаратилган фаолияти.

Ю.а. жамият ҳуқуқий тизимининг вужудга келиши, ривожланиши ва фаолият кўрсатишига хизмат қилади, жамият ҳаётининг барча соҳаларига муайян даражада таъсир кўрсатади. Шунингдек, жамиятда рўй бераётган жараёнларнинг ривожланишига имконият яратади ёхуд бунга монелик қилади ҳамда жамиятни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва б. тарзда ислоҳ этишнинг ҳар қандай режалари, дастурларини тузиш ва амалга оширишда катта аҳамиятга эга.

Ю.а.нинг ўзига хос хусусияти унинг муайян юридик оқибатларни вужудга келтириши ҳисобланади.

Ю.а.нинг ажралмас хусусиятларидан бири унинг субъектлари томонидан юксак маҳоратнинг (профессионализм) талаб этилишидир.

Ю.а.нинг асосий белгиларига қуйидагилар киради: 1) ижтимоий-тарихий амалиётнинг турли хил кўринишларини ўзида ифода этади; 2) ҳуқуқ ва ҳуқуқий онг б-н биргаликда жамият ҳуқуқий тизимининг муҳим таркиби бўлиб ҳисобланади; 3) жамият умумий маданиятининг аҳамиятга мо-

лик қисминини ташкил этади; 4) табиатан бошқа ижтимоий амалиёт турлари б-н ҳам боғлиқ; 5) ижтимоий ҳаётнинг ўзгаришига мақсадли таъсир этади; 6) Ю.а.нинг ўзи ҳуқуқ ва ижтимоий нормалар б-н тартибга солинади ва х.к..

Ю.а.нинг функциялари объектив ва субъектив борлиққа бир хил таъсир қилишнинг нисбатан мустақил йўналишлари бўлиб, унда Ю.а.нинг табиати, ижодий ўзгарувчанлик роли, ижтимоий-ҳуқуқий аҳамияти, жамият ҳуқуқий тизимидаги ўрни ва роли аниқлаштирилади. Ю.а. функцияларининг турлари: ҳуқуқни йўналтирувчи; ҳуқуқни аниқлаштирувчи; ахборот бериш; ҳуқуқни муҳофаза қилиш; ҳуқуқни шакллантириш; ҳуқуқни қўллаш фаолиятини тақомиллаштириш; тарбиявий функциялари. Ю.а. субъектларига кўра қонунчилик амалиёти, суд амалиёти, тергов амалиёти, нотариал амалиёт ва х.к. фарқланади.

ЮРИДИК АТАМАЛАР – юридик соҳага хос муайян бир тушунчанинг аниқ ва барқарор ифодаси бўлган сўз ёки сўз бирикмаси; юридик техниканинг элементи бўлиб, мазмун давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ёрдамида акс эттириладиган ва мустаҳкамланадиган давлат-ҳуқуқий тушунчаларнинг ёзма ифодаланиши.

Ю.а.нинг қуйидаги учта турини кўрсатиб ўтиш мумкин: а) умумэтироф этилган атамалар; б) махсус Ю.а. (мас., зарурий муҳофаза, даъво муддати ва б.); в) махсус техник атамалар (техника, иқтисодий, тиббий ва б. соҳаларда қўлланиладиган тушунча ва атамалар).

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатда умумэтироф этилган атамани унинг тор ва махсус маъносини қўллашда, унинг кенг тушунилиши, натижада эса нотўғри шарҳлашга олиб келинишининг олдини олиш учун ҳуқуқ ижодкори бу атамани норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнида биринчи марта қўлланилаётган ўрнида унинг қайси маънода ишлатилаётгани борасида тушунтириш бериб кетиши лозим бўлади.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 19-м.сига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатда фойдаланиладиган тушунчалар ва атамалар уларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида қабул қилинган мазмунига мувофиқ, турлича шарҳлаш имкониятини истисно этадиган тарзда бир хилда қўлланилади. Эскирган ҳамда кўп маънони англатадиган сўзлар ва иборалар, мажозий таққослашлар, сифатлашлар, киноялар қўлланилишига йўл қўйилмайди.

Ю.а.дан фойдаланиш қуйидаги талабларга жавоб бериши керак. Биринчидан, у ёки бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги айни бир атама бир хилда қўлланиши керак. Иккинчидан, атамаларни барча тан олган бўлиши, яъни ҳуқуқий кўрсатмаларни ишлаб чиққан кишилар ўйлаб топган бўлмай, балки турмушда ишлатилиши керак. Учинчидан, атамалар барқарор хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин эмас, яъни ҳар бир янги ҳуқуқий ҳужжатда ўзининг махсус мазмунини сақлаб қолиши керак.

ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛГАН ФАКТЛАРНИ АНИҚЛАШ – фуқаролик суд ишларини юриштишда алоҳида тартибда кўриладиган ишлардан бири.

Фуқаролар ёки ташкилотларнинг шахсий, мулкий ҳуқуқлари вужудга келиши, ўзгариши ёки тугашига сабаб бўладиган фактларни суд аниқлайди.

Суд қуйидаги фактларни аниқлаш тўғрисидаги ишларни кўради: 1) шахсларнинг қариндошлик алоқаларини; 2) шахс бировнинг қарамонига эканлиги фактини; 3) ота-

ликни тан олиш (белгилаш) фактини, боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги фактини, шунингдек туғилган вақтини; 4) болаликка олиш, никоҳ, ажралиш ва ўлимнинг қайд этилганлиги фактини; 5) эр-хотиндан бирининг ўлими натижасида фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органларида никоҳни рўйхатдан ўтказиш мумкин бўлмайдими қолса, қонунда белгиланган ҳолларда уларнинг ҳақиқатда эр-хотинлик муносабатларида бўлганлиги фактини; 6) шахснинг ҳуқуқни вужудга келтирувчи ҳужжатларда (жамоат бирлашмаларига аъзолик билетлари, ҳарбий ҳужжатлар, паспортлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этиш органлари берадиган гувоҳномалардан ташқари) кўрсатилган исми, отасининг исми ва фамилияси унинг паспортдаги ёки туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномасидаги исми, отасининг исми ва фамилияси б-н мос келмаган тақдирда, мазкур ҳужжатларнинг унга тегишлилиги ёки тегишли эмаслиги фактини; 7) бахтсиз ходиса фактини; 8) иморатга хусусий мулк ҳуқуқи асосида эгалик қилиш фактини; 9) меросни қабул қилиш ва мероснинг очилиш жойи фактини; 10) юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа фактларни, агар қонун ҳужжатларида уларни белгилашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса.

Аризачи юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тасдиқлайдиган тегишли ҳужжатларни бошқача тартибда олиши мумкин бўлмаган ёки йўқотилган ҳужжатларни тиклашнинг имкони бўлмаган тақдирдагина суд бу фактларни аниқлайди (ЎзР ФПКнинг 283-м.си).

ЮРИДИК БУРЧ – муайян ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг, яъни ушбу бурч эгасининг қонун б-н белгиланган рисоладаги ҳулқ-атвор қоидаси.

Ҳозирги кунда давлат ва фуқаро ўртасида ўзаро масъуллиқ принципи демократик тараққиёт йўлидан кетаётган барча давлатлар Конс.ларида мустаҳкамланган. Конс. ва қонунлар давлат ва фуқаронинг ўзаро эркинлиги, масъулияти доирасини белгилаб беради ҳамда қафолатларини таъминлайди.

Ю.б. тушунчаси кенг маънода тушунилиб, фуқароларнинг Конс. ва қонунларда белгиланган бурчларини ҳам қамраб олади. ЎзР Конс.сининг 19-м.сига асосан ЎзР фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари б-н ўзаро боғлиқдирлар. ЎзР Конс.сининг XI бобида фуқароларнинг бурчлари белгилаб қўйилган. Унда жой олган 48-м.да фуқаролар Конс. ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар, деб белгиланган.

Умуман, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунидан Ю.б. ва юридик мажбурият тушунчалари синоним тушунчалар сифатида қаралиши мумкин. Яна қ.: *Фуқароларнинг бурчлари*.

ЮРИДИК ЁРДАМ – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга, ташкилотларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлашга ёрдам бериш.

ЎзР Конс.сининг 116-м.сига мувофиқ тергов ва суд ишини юриштишнинг ҳар қандай босқичида малакали Ю.ё. олиш ҳуқуқи қафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга Ю.ё. бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун б-н белгиланади.

“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига кўра жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш мақсадида адвокат:

ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан оғзаки ва ёзма маълумотномалар беради;

ҳуқуқий хусусиятдаги аризалар, шикоятлар ва б. ҳужжатларни тузади;

фуқаролик ишлари ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича судда, бошқа давлат органларида, жисмоний ва юридик шахслар олдида вакилликни амалга оширади;

жиноий ишлар бўйича дастлабки терговда ва судда химоячи, жабрланувчининг вакили, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этади;

тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатади.

Адвокат қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа турдаги Ю.ё. ҳам кўрсатиши мумкин.

ЎзР ЖПКнинг 49-м.сига кўра химоячи гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда химоя қилишни амалга оширишга ҳамда уларга керакли Ю.ё. кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир.

ЎзР Конс.сининг 22-м.сига асосан ЎзР ўз худудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий химоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни қафолатлайди. Хорижий давлатларда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини химоя қилиш ЎзР Ташки ишлар вазириликнинг асосий вазибаларидан бири ҳисобланади. ЎзР бир қатор давлатлар б-н фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида икки тарафлама шартномалар имзолаган.

ЮРИДИК ЁРДАМ КўРСАТИШ Тўғрисидаги БИТИМ (ШАРТНОМА) – адвокатлик фаолияти адвокат ва ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) ўртасида тузиладиган Ю.ё.к.т.б.(ш.) асосида амалга оширилади.

Ю.ё.к.т.б.(ш.) ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) б-н адвокат ўртасида ишонч билдирувчи шахснинг (химоя остидаги шахснинг) ўзига ёки у тайинлаган шахсга юридик ёрдам кўрсатиш учун оддий ёзма шаклда тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномадан иборатдир.

Ю.ё.к.т.б.(ш.)ни бекор қилиш масалалари, агар “Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ЎзР ФК б-н тартибга солинади.

Адвокат, унга қайси адлия органи томонидан гувоҳнома берилганлигидан қатъи назар, ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) б-н Ю.ё.к.т.б.(ш.)ни, унинг яшаш жойи ёки жойлашган еридан қатъи назар, тузишга ҳақли.

Ю.ё.к.т.б.(ш.)нинг муҳим шартлари қуйидагилардан иборат:

топшириқни бажаришни ишончли вакил сифатида ўз зиммасига олган адвокат ҳақидаги, унинг гувоҳномаси реқвизитлари кўрсатилган ҳолдаги маълумотлар;

топшириқнинг предмети;

кўрсатилаётган юридик ёрдам учун ишонч билдирувчи шахс (химоя остидаги шахс) томонидан ҳақ тўлаш шартлари;

адвокатнинг топшириқни бажариш б-н боғлиқ харажатларини компенсация қилиш тартиби ва миқдори;

топширикни бажаришни ўз зиммасига олган адвокат жавобгарлигининг миқдори ва хусусияти.

Адвокатнинг ҳақ олиши ҳамда топширикни бажариши б-н боғлиқ харажатларини компенсация қилиш ҳуқуқи ишонч билдирувчи шахсининг (ҳимоя остидаги шахсининг) махсус руҳсатсиз учинчи шахсларга берилиши мумкин эмас.

Ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) томонидан адвокатга тўланадиган ҳақ ва адвокатнинг топширикни бажариши б-н боғлиқ харажатларини компенсация қилиш Ю.ё.к.т.б.(ш.)да назарда тутилган тартибда ҳамда муддатларда тегишли адвокатлик тузилмасининг кассасига кирим қилиниши ёки адвокатлик тузилмасининг банкдаги ҳисобварағига ўтказилиши шарт (“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 9¹-м.си).

ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИК – бу ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш.

Ўзбекистонлик ҳуқуқшуносларнинг ишларида ва чет эл юридик адабиётларида Ю.ж. тушунчасининг умумэтироф этилган таърифи мавжуд эмас. Баъзан у “ҳуқуқбузарнинг ҳулқ-атворини юридик нуктаи назардан ва жамоатчилик томонидан қоралашга асосланган, мазкур шахсга нисбатан шахсий ва мулкий йўсиндаги чеклашлар шаклида маълум оқибатларнинг белгиланишида ифодаланадиган давлат мажбурлов чораси” сифатида таърифланади. Бошқа бир фикрга кўра, Ю.ж. – “давлатнинг махсус органлари ва содир этган ҳуқуқбузарлиги учун тегишли ҳуқуқлардан маҳрум бўлиш мажбурияти юкланган ҳуқуқбузар ўртасидаги ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинган ижтимоий муносабат”. Ю.ж.-ка, шунингдек “ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонунда назарда тутилган мажбурлов чораларини бунинг учун белгиланган процессуал тартибда қўллаш” сифатида ҳам қаралади.

Ю.ж.нинг юзага келиши ва уни амалда рўёбга чиқариш учун қонунда назарда тутилган муайян асослар ва шартлар такозо этилади. ЎзРнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ, ҳуқуқбузарлик содир этиш Ю.ж. учун асос бўлади. Шахснинг ҳулқ-атворидан ҳуқуқбузарликнинг битта белгиси бўлмаса ҳам Ю.ж. келиб чиқмайди. Алоҳида шахс ёки шахслар гуруҳининг харажатларида ҳуқуқбузарликнинг барча аломатлари – унинг объекти, субъекти, объектив ва субъектив томонлари мавжудлиги Ю.ж.нинг хусусияти ва даражаси тўғрисидаги масалани ҳал қилишда анча муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг ҳар бирини инobatга олиш ҳуқуқбузарликни аниқлашда, шунингдек уни содир этганлик учун жазо чорасини белгилашда хатоларга йўл қўймаслик имконини беради.

Ю.ж. қуйидаги белгилари б-н характерланади: Ю.ж. давлат мажбурлов чоралари б-н боғлиқ; Ю.ж. ҳуқуқбузарлик б-н боғлиқ; Ю.ж. ҳуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради (озодликдан, ота-оналикдан маҳрум бўлиш ёки содир этилган қилмиши учун жарима тўлаш ва х.к.); ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади; давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқини қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб бориллади.

Ю.ж. ҳуқуқбузарликнинг турларига кўра қуйидагиларга бўлинади: жиноий-ҳуқуқий, фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий, интизомий-ҳуқуқий.

Ю.ж. муайян ҳуқуқ тизими доирасида белгиланган принципларга қатъий мувофиқ равишда рўёбга чиқарилади. Улар орасида қонунийлик, асосланганлик, адолат, жазонинг муқаррарлиги, мақсадга мувофиқлик, айни бир жиноятни содир этганлик учун такроран ёки қўш (мас., бир вақтнинг ўзиде ҳам жиноий, ҳам маъмурий) жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги умумэтироф этилган принциплар ҳисобланади.

Ю.ж. ҳуқуқ нормалари, қондаларига биноан ҳуқуқни қўллаш органининг қарорига асосланиб юзага келади ва унинг фактик асоси ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Ю.ж.ни исғино қилувчи ҳолатлар: зарурий мудофаа; охириги зарурат; буйруқни ёки бошқача тарздаги расмий вазифани бажариш; муомалага лаёқатсизлик ва х.к..

ЮРИДИК ЖУРНАЛЛАР – мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шарти аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаолигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг амалий иштирокини таъминлашга қаратилган аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, сиёсий маданиятини оширишга, фуқароларнинг хилма-хил ҳуқуқий ахборотлардан кенгроқ фойдаланиш имкониятини яратишга, шунингдек давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштиришнинг долзарб муаммоларини кенг ёритиш орқали қўмақлашишга хизмат қилувчи ҳуқуқий даврий нашр ҳисобланган Ю.ж. муҳим роль ўйнайди.

Хозирги кунда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг сиёсий-ҳуқуқий масалалари, қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини ёритадиган 5 та юридик журнал чоп этилади: умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий нашр – “Фуқаролик жамияти”, ижтимоий-ҳуқуқий нашр – “HUQUQ VA BURCH”, ижтимоий-ҳуқуқий нашр – “QALQON” (рус тилида “ШИТ”) ҳамда илмий-ахборот ҳуқуқий нашрлар – “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, “Адвокат”, “Ҳуқуқшунос”. Уларнинг фаолияти ЎзР Президентининг 2005 йил 18 октябрдаги ПҚ–203-сон “Ўзбекистон Республикасида Юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда унинг асосида ишлаб чиқилган ЎзРда Ю.ж. тизимини ривожлантириш Концепцияси б-н тартибга солинган.

Қарорда давлат-ҳуқуқий, суд-ҳуқуқ соҳаларида олиб борилаётган демократик ислохотлардан жамиятнинг кенг ҳабардор бўлиши, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва маърифий савияси юксалиши жамият ва давлатни демократик янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнларини янада чуқурлаштиришнинг ғоят муҳим шартини бўлиб қолаётганлиги алоҳида кайд этилган.

Ю.ж.нинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган: давлат ва жамият қурилишининг долзарб сиёсий-ҳуқуқий муаммолари, қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг, фуқаролик жамияти инсларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, инсоннинг ижтимоий, сиё-

сий, иктисодий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муаммолари кенг муҳокама қилинишини ташкил этиш; конунчиликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, профилактика ишлари ва жинойятчиликка қарши курашни ташкил қилиш, жамоат тартибини мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш борасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятини ёритиш; фуқароларнинг, биринчи навбатда ёшларнинг ҳуқуқий оғшин, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини оширишга, шунингдек одамлар оғшида демократик кадриятларни шакллантиришга хизмат қиладиган материалларни чоп этиш; нашрлар саҳифаларида юридик фан ривожига, миллий ҳуқуқ мактабини шакллантиришга, юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга оид долзарб муаммолар бўйича мунозаралар ташкил қилиш; конун ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини, халқаро ҳуқуқни ривожлантириш, унинг нормаларини миллий конунчиликка тағбиқ этишининг долзарб муаммоларини ёритиш.

ЮРИДИК КАФОЛАТЛАР – фуқаролар ва ташкилотларнинг субъектив ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг конунда мустаҳкамланган воситалари, уларни амалга ошириш усуллари ҳамда конунчиликни таъминлаш ва ҳуқуқий тартибни, шахсни, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш воситалари.

Юридик адабиётларда Ю.к.нинг қуйидаги шакллари маъжудлиги кўрсатилади: конституциявий ҳуқуқий кафолатлар; судлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш; ошбудсман фаолияти; ҳуқуқат фаолияти.

Фуқаролар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва имтиёзлари конунлар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н кафолатланиши мумкин.

ЎЗР фуқароларининг бир катор ҳуқуқлари ва эркинлари бевосита республикамизнинг Конс.сида мустаҳкамлаб қўйилган. Ҳусусан, ЎЗР Конс.сининг X боби "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари" деб номланади.

ЎЗР Конс.сининг 22-м.сига кўра, ЎЗР ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди. 31-м.сига асосан ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг Конс. даражасида юридик жиҳатдан кафолатланган ҳуқуқларига яна қуйидагиларни мисол келтириш мумкин: банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи конун б-н кафолатланади (36-м.); ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. (41-м.); ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриконуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-м.) ва ҳ.к.

ЮРИДИК КОЛЛИЗИЯ (лот. *collisio* – тўқнашув) – бир турдаги масалаларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган икки ёки ундан кўп амалдаги ҳуқуқ нормаларининг тўқнашуви (бир-бирига мос келмай қолиши). Ю.к.

муайян ҳолат учун қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни (нормани) таълаш орқали ҳал этилади. Айнан бир ҳуқуқ ижодкорлиги органи томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида номутаносиблик вужудга келган тақдирда, муддати бўйича кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қўлланилади. Бундай тафовут худди шу каби муносабатни тартибга солишчи янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан сўнг эскиси бекор қилинмаган ҳолатларда вужудга келиши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Миллий конун ҳужжатлари нормалари ўртасидаги юридик коллизияни ҳал қилишга қаратилган умумий коллизияно нормалар қабул қилиниши мумкин. "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ЎЗР Конунининг 14-м.сига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўлланилади. Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бир-бирга тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қондалари амал қиладди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларининг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатиغا нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

Ю.к.лар асосан халқаро ҳусусий ҳуқуқ доирасидаги муносабатларда вужудга келади ва халқаро ҳусусий ҳуқуққа тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, мамлакатларнинг фуқаролик конунчилигида уларни ҳал этишга қаратилган нормалар белгилаб қўйилади.

Шу б-н бирга, Ю.к.ларни ҳал этиш учун коллизияно нормалар қабул қилинади. Коллизияно нормалар ўзига хос "ҳакамлик" вазифасини бажариб, муайян ва айнан бир муносабатларни тартибга солишга "шай" турган икки ёки ундан ортик нормалар ўртасидаги "қелишмовчилик"ни ҳал этади, яъни улардан қайси бири қўлланилиши лозимлигини кўрсатади.

Конун ҳужжатларида қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш – чет эл ҳуқуқини қўллашни аниқлатади. Лекин, ЎЗРда чет эл ҳуқуқи коллизияно нормага ҳавола этилган ҳоллар эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этилганда қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқи қўлланилади. Агар ЎЗР конун ҳужжатлари чет эл ҳуқуқига ҳавола этса-ю, чет эл ҳуқуқинда тегишли муносабатларни тартибга солиш назарда тутилмаган бўлса, бундай ҳолда ЎЗР конун ҳужжатларини қўлламасликка асос йўқ. Чет эл элементи иштирокидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда чет эл ҳуқуқи ФКнинг 1168-м.сига, 1169-м.сининг биринчи, учинчи ва бешинчи қисмларига, 1171 ва 1174-м.ларига мувофиқ қўлланилган ҳолларда қарши томон сифатида албатта ЎЗР ҳуқуқига ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш лозим.

ЎЗР ФКнинг 71-боби "Коллизияно нормалар" деб номланади. Бу бобда чет эл элементи (жиносий шахслари) б-н боғлиқ бўлган мураккаблашган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига қўлланиладиган қондалар мажмуаси белгилаган.

ЮРИДИК КОНСТРУКЦИЯ – юридик техниканинг элементи. Хукукий материалнинг шундай таркибий тузилишдан иборатки, у тегишли шахсларнинг хукуклари, бурчлари ва жавобгарлик шакллариининг ички уйғунлиги б-н ажралиб туради.

ЮРИДИК КОНФЛИКТОЛОГИЯ – юридик конфликтларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, барҳам топиши ҳамда уларни самарали ҳал этиш, олдини олиш услублари ва қонуниятлари тўғрисидаги фан. Юридик конфликт категорияси ўзида муайян қарама-қаршилиқ асосида келиб чиқиши мумкин бўлган зиддиятлар б-н боғлиқ ижтимоий-хукукий муносабатлар тушунчасини, уларнинг ривожланиши, тузилиши ҳамда бундай зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги билимларни мужассамлаштиради ва унга Ю.к. фанининг мажмуавий тармоғи сифатида қаралади. Бинобарин, мазкур инс. умумий конфликтология, ижтимоий психология, ҳуқуқ назарияси ва хукукий социология каби фанлар б-н узвий боғлиқликда ўрганилади.

“Ю.к.” тушунчаси “хукукий конфликтология” тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга, чунки, хукукий конфликтология фақат хукукий норма ва инс.лар б-н чегараланган бўлса, Ю.к. эса, ўз навбатида: у ёки бу даражада хуқуқ б-н боғлиқ барча конфликтли ҳодиса ва жараёнларни; шахсий хукукий конфликтли фаолликни; давлат органлари ва нодавлат тузилмаларининг конфликтли ҳолатлардаги фаолиятларини; хуқуқ муайян муносабатнинг келиб чиқишига баҳона, сабаб ёки оқибат бўлган бошқа ҳолатларни қамраб олади.

Кишилиқ жамиятида конфликтлар: яққа ва гуруҳий, этник, давлатлараро даражаларда юз беради. Юридик конфликтнинг ўзига хослиги шундаки, у шу санаб ўтилган даражаларнинг ҳар бирида муайян хукукий нормаларни бажариш (таъбиқ этиш) ёки бузиш ва тегишлича жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги хукукий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тугатилиши б-н боғлиқ.

Ҳар қандай мамлакатнинг хуқуқ тизими ва шунингдек, халқаро хуқуқ нормалари давлат ёки халқаро ҳамжамият томонидан санкцияланганлиги ва қўриқланганлиги боис юридик конфликтда кўпинча конфликтлашувчи иккита тарафдан ташқари учинчи тараф сифатида хуқуқни муҳофаза қилувчи (хуқуқни қўлловчи) органлар тимсолида давлат иштирок этади, бу органлар эртами-кечми конфликтларни ҳал қилишга ёки олдини олишга жалб қилинади.

Айнан шу ҳолат б-н Ю.к.нинг муҳим томони боғлиқ, бу фан фақатгина юридик конфликтлар табиати, сабаблари ва ривожланиш динамикасини ўрганиб қолмай, шу б-н бирга, уларнинг олдини олиш ва ҳал қилиш хукуқий механизмларини ҳам тадқиқ этади. Жамият ва давлат конфликтлашувчи тарафларни мурсога келтиришга ёки уларнинг қарама-қаршилиқларини мажбурий тугатишга йўналтирилган суд, арбитраж, парламент тартиблари каби бир қатор механизмларни яратади ва улардан фойдаланади.

ЮРИДИК КУЧ (инг. juridical power) – давлат ва хуқуқ назариясида норматив-хукукий ҳужжатларнинг мазкур ҳужжатлар иерархиясида тутган ўрни, шунингдек уларнинг амал қилиши, мажбурийлиги ҳамда бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга нисбати б-н боғлиқ тушунча.

Ю.к. муайян ҳужжатни чиқарган органнинг хуқуқ ижодкорлиги органлари умумий тизимида эгаллаган ўрни-

га, унинг ваколатига ҳамда тегишинча мазкур ҳужжатларнинг хусусиятига қараб белгиланади.

“Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 14-м.сига мувофиқ, турли норматив-хукукий ҳужжатларнинг юридик кучи бўйича ўзаро нисбати ЎзРнинг Конс.сига, норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилган органнинг ваколатига ва мақомига, шунингдек ҳужжатларнинг турларига мувофиқ белгиланади.

Норматив-хукукий ҳужжат ўзига қараганда юқорироқ юридик кучга эга бўлган бошқа норматив-хукукий ҳужжатларга мувофиқ бўлиши шарт.

Норматив-хукукий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда юқорироқ юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжат қўлланилади.

Тенг юридик кучга эга бўлган норматив-хукукий ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаган ҳолларда кейинроқ қабул қилинган ҳужжат қоидалари амал қилади.

Норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилган вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солиш учун махсус ваколати бўлса, ушбу орган қабул қилган ҳужжат бир хил даражадаги бошқа вазирлик, давлат қўмитаси ёки идорасининг норматив-хукукий ҳужжатига нисбатан юқорироқ юридик кучга эга бўлади.

ЮРИДИК МАЖБУРИЯТ – маълум бир (муайян) хукукий муносабатлар иштирокчиси, мажбуриятни бажарувчининг қонунда, шартномада белгиланган доирадаги хатти-ҳаракати.

ЮРИДИК МАНЗИЛ – расман юридик шахсининг бошқарув орган(лар)и жойлашган манзил. Юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили) унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. ЎзР ФКнинг 46-м.сига кўра юридик шахснинг жойлашган ери, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан ўтказилган жой б-н белгиланади. Юридик шахс ўзи б-н бўладиган алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари ЎзР ВМнинг 20.08.2003 й. 357-сон қарори б-н тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 74-бандига кўра ўз почта манзили ёки юридик манзили ўзгарган тақдирда, ўн кун муддатда бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органларни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунларида ва б. юридик шахсларнинг алоҳида ташкилий-хукукий шакллари тўғрисидаги қонунларда одатда юридик шахснинг Ю.м.и ҳақида ёзилмаган, балки у б-н алоқа амалга ошириладиган почта манзили тўғрисида нормалар белгиланган.

Мисол учун, “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига мувофиқ жамиятнинг жойлашган манзили унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойига қараб белгиланади. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида унинг бошқарув

органлари доимий жойлашган ер ёки унинг асосий фаолияти юритиладиган жой жамиятининг жойлашган манзили деб белгиланиши мумкин.

Юридик шахс рўйхатдан ўтган жойига қараб, унинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берадиган жойин, вужудга келган низонинг қайси судга тааллуқли бўлиши ва б. масалаларни ҳал қилиш белгиланади.

ЮРИДИК МАСЛАХАТ – юридик ва жисмоний шахсларга адвокат ҳамда адвокатура тузилмалари (бюролар, фирмалар, коллегиялар) ва юридик маслаҳатхоналар, юридик клиникалар томонидан кўрсатиладиган юридик ёрдам тури. Яна қ.: *Юридик ёрдам*.

ЮРИДИК МАСЛАХАТХОНА – адвокатлик фаолиятини амалга ошириш учун ЎзР Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этиладиган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган адвокатлик тузилмаси.

Ю.м. тегишли ҳудудда юридик ёрдамга бўлган эҳтиёжларни қаноатлантириш учун адвокатлик тузилмаларининг сони етарли бўлмаган ҳолларда ЎзР Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилади.

Тегишли ҳудудлардаги юридик ёрдамга бўлган эҳтиёж ЎзР Адлия вазирлиги ва ЎзР Адвокатлар палатаси томонидан тасдиқланадиган нормативларга мувофиқ аниқланади.

Ю.м.нинг моддий-техника таъминоти тартиби ва шартлари, Ю.м.ларга ишлаш учун юборилган адвокатлар учун хизмат хоналари ва зарурат бўлганда, турар жойлар ажратиш б-н боғлиқ масалалар ЎзР Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан тум., ш. ҳокимлиги б-н биргаликда ҳал қилинади.

Ю.м. ЎзР Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан тасдиқланадиган низомга асосан иш олиб боради.

ЮРИДИК МЕХАНИЗМ – қ.: *Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг юридик механизмлари*.

ЮРИДИК ПОЗИТИВИЗМ (лот. positivus – ижобий) – юриспруденция йўналишларидан бири бўлиб, унинг тарафдорлари (Дж.Остин, И.Бентам, Г.Кельзен, К.Бергбом, А. Эсмен, Г.Ф. Шершеневич ва б.) ҳуқуқшуносликнинг асосий вазифаси позитив ҳуқуқни, яъни амалдаги қонунчиликни ўрганиш, деб кўрсатадилар. XIX а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб юридик фанда кенг ёйилган ушбу йўналишнинг вужудга келиши Ғарбий Европа мамлакатларида саноат капитализми жараёнларининг содир бўлиши б-н боғлиқ. Ўша даврда бутун мамлакатда ҳуқуқий тартиботни ўрнатish ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қонунчилик доирасининг кенгайишига зарурият юзага келган. Шу тарзда, Ю.п.нинг дастлабки концепциялари яратилган бўлиб, уларда қонун устуворлиги ғоялари ўз аксини топган. Ю.п. намоёндалари томонидан позитив ҳуқуқ б-н табиий ҳуқуқ қарама-қарши кўйилади. Позитив ҳуқуқ – давлат қабул қилган нормаларда, яъни қонунчиликда, шунингдек бошқа ҳуқуқий манбаларда ифодаланган ҳуқуқдир. Ю.п.да ҳуқуққа асос бўлиб хизмат қиладиган принциплар рад этилади ва ҳуқуқнинг аниқ шакллари ўрганиш ёқлаб чиқилади. Агар амалиётда муайян бир низо келиб чиқадиган бўлса, у Ю.п.да “de lege lata” (амалдаги қонунга кўра) принципи асосида ҳал қилинади.

Ю.п.га оид таълимотлар уч қисмга – этотистик, социологик ва антропологик ёндашишларга бўлинади. Этотистик ёндашишда ҳуқуқ давлат сиёсатини амалга ошириш формаси сифатида қаралади. Ҳуқуққа социологик ёндашиш эса феноменологияга тааллуқли. Ҳуқуққа антропологик ёндашиш биологик ва психологик кўринишларда мавжуд.

Ю.п. биринчидан, бир қатор Европа мамлакатларидаги, иккинчидан, Англия ва АҚШдаги ҳуқуқий тажрибалардан озикланди. Биринчисидан, қонун ва қонуноти ҳужжатларига белгиловчи фактор сифатида қаралди. Ва у “қонунлар позитивизми” ёки “қонунга оид позитивизм” дейила бошланди. Иккинчиси эса, “аналитик позитивизм” ёки “қарорлар позитивизми” дейилди ва улар давлат сиёсати, амалиёти негизда этотистик позитивизм номини олди.

ЮРИДИК ПСИХОЛОГИЯ – қонунийликни ва кишиларнинг қонун доирасида бошқариладиган психик фаолиятларини ўрганивчи соҳа.

Замонавий психология тизими – жинсий ҳаракатларнинг механизми ва жиноятчи шахсини ўрганивчи криминал психология; суд б-н боғлиқ бўлган кенг қамровли саволларни ўз ичига олган суд психологияси; қонунбузарларнинг ахлоқларини тузатиш муаммоларини ишлаб чиқувчи ахлоқ тузатиш психологияси; ўз ҳуқуқини англаши шакллантиришнинг принциплари ва унинг ўзгариш сабабларини текширувчи ўз ҳуқуқини англаш психологияси кабиларни ўзида акс эттиради.

Ю.п.нинг предмети – илмий-амалий фан бўлиб, “инсон-ҳуқуқ” тизимидаги психологик қонуниятларни ўрганади ва шу тизимнинг самарадорлигини ошириш учун тавсиялар ишлаб чиқади.

Ю.п. фанининг предмети таърифлаш учун олимлар томонидан ҳар хил ёндашувлар бўлган. А.Р. Ратинов – Ю.п. бу – ҳуқуқ нормалари б-н боғлиқ психик ҳодисалар, механизмлар, қонуниятлардир; А.В.Дулов – Ю.п. бу – бир томондан психик ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, иккинчи томондан қонуний ҳаракатлар асосида инсоннинг психикасини ўрганишдиқ каби фикрларини илгари суради.

Ю.п. фанида психология ва юридик билимлар бир бутунликни ташкил қилади ва уларни бир-бирдан ажратиб бўлмайди.

Ю.п.да (тажриба, кузатув, суҳбат, анкета, тест ва б.) психологиянинг барча асосий методлари қўлланилади ҳамда ўзига хос илмий методлар (мас., жинсий иш материалларининг психологик анализи ва б. ишлаб чиқилади.

Ю.п.нинг вазифалари:

фанининг методологик ва назарий асосларини ўрганиш, назарий тадқиқотнинг услубиётини ва усулларини ишлаб чиқиш, уларни бошқа фанларнинг услубиёти б-н таққослаш, мослаштириш ва трансформациялаш;

предметнинг тизимий элементларини ўрганиш; юрист шахси; унинг фаолияти; ҳуқуқий ва поҳуқуқий ҳулқи; қонунбузар ва қонунга риоя қилган шахслар; қонунбузарнинг ижтимоий ҳуқуқий психологияси; жинсий ишни олиб боришнинг психологик ҳусусиятлари, қонунбузарлар профилактикасини ўрганиш;

юрист-амалиётчилар учун ҳуқуқ ишларига оид ва амалиётни янада яхшилаш учун, юристлар жамоасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятларини рағбатлантириш

учун тавсиялар ишлаб чиқиш; касбий йўналиш ва касб таъминлашга оид услубийетлар ишлаб чиқиш;

“Ю.п.” фаинни назарий ва методологик жиҳатдан таъминлаш;

суд-хуқуқ амалиётини махсус психологик билимлар б-н таъминлаш, суд психик экспертизасига оид назария ва услубийетни ишлаб чиқиш, юриспруденция жараёнида мутахассис психологнинг иштирокини таъминлашдан иборат.

ЮРИДИК ТАЪЛИМОТ – юридик фанларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ҳамда юридик ходисалар, тушунчалар ҳақидаги қарашлар, назариялар, концепциялар, мактаблар, йўналишлар б-н боғлиқ тушунича.

ЮРИДИК ТЕХНИКА (инг. juridical techniques) – 1) норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш, уларни расмийлаштириш, нашр этиш ва тизимлаштириш қоидалари (тартиби, таомили) йиғиндиси; 2) ваколатли давлат органлари томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, расмийлаштириш, амалдагиларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, эскиларини бекор қилиш ҳамда индивидуал юридик ҳужжатлар, яъни хуқуқни қўллаш ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида фойдаланиладиган услублар, усуллар, йўللар ва воситалар, шунингдек амалий кўникмалар мажмуи.

Ю.т. – хуқуқни ташқи ифодалаш қоидалари, аксарият ҳолларда хуқуқий маданиятнинг энг оддий (элементар) талаблари йиғиндиси ҳисобланади. Хуқуқни расмий ифодалашнинг асосий талаблари куйидагилар: хуқуқ нормаларининг барчага тушунарли бўлиши; ибораларнинг аниқ, содда ва қатъий маъноли бўлиши; аҳоли савиясига мос юридик андозалар (конструкциялар)дан фойдаланиш; юқори турувчи органларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларидаги қоидаларни такрорламаслик; узундан-узун, гализ жумлалар тузмаслик ва ш.к.. Ю.т. давлатнинг хуқуқий кўрсатмалари мазмуни ва тузилишини ишлаб чиқиш чоғида ҳам, уларни ҳаётга жорий этиш чоғида ҳам қўлланиладиган муайян усулларнинг мажмуавий алоқасидир. Бундай усулларга куйидагилар қиради: 1) юридик атамашунослик, юридик конструкциялар; 2) норматив-хуқуқий ҳужжатларни тузиш усуллари. Ю.т.нинг муҳим шакли қонунчилик техникасидир. Қонунчилик техникаси норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг хуқуқ ижодкорлиги амалиётига таянувчи, назарий жиҳатдан чуқур мушоҳада этилган қоидалари ва усуллари тизими бўлиб, у норматив-хуқуқий ҳужжатлар шаклининг унинг мазмунига тўла ва айнан мувофиқ бўлишини, норматив материални тушунарли, оддий ҳамда осон илғаш, кузатиб боришга имкон беришини, тартибга солинадиган масалаларнинг бекаму-кўст камраб олинишини таъминлайди.

Ю.т. деганда, кенг маънода, фуқаролик жамиятининг бошқарув органлари кўзлайдиган мақсадларини тегишли воситалар ва усуллар мажмуи орқали хуқуқий нормалар оқимига мослаштириш ва ушбу нормаларнинг ижро қилинишига эришиш тушунилади.

Тор маънода эса юридик техника тушунчаси хуқуқ тилини ишлатиш, юридик фикрлаш шартларини белгилайдиган ва аниқлайдиган масалалар, ёки ҳар хил техник усуллар ва қоидаларни ишлатиш б-н чегараланади. Яна қ.: *Қонунчилик техникаси*.

ЮРИДИК ФАКТЛАР – қонунда назарда тутилган ва муайян хуқуқий муносабатлар юзага келиши (ўзгартирилиши, тўхтатилиши) учун асос бўлган ҳолатлар ёки хуқуқий муносабатларни вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ва бекор қилувчи фактлар (ҳолатлар). Улар икки гуруҳга бўлинади: ходисалар ва хатти-ҳаракатлар. Ходисалар – одамларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолда юзага келадиган юридик аҳамиятли фактлар (инсоннинг табиий ўлими, муддатнинг ўтиши, мулкнинг табиий фалокат қаттижасида нобуд бўлиши ва х.к.). Хатти-ҳаракат – одамларнинг хоҳиш-истак билдириши (яъни онгли фаолиятнинг натижаси) бўлган ҳаётий фактлар. Хатти-ҳаракатлар, ўз навбатида, қонуний (хуқуқ нормалари талабларига мос келувчи) ва ғайриқонуний (қонунга хилоф, хуқуқбузарлик бўлган) хатти-ҳаракатларга бўлинади. Қонуний ҳаракатлар ичда қонунларни қўллаш ҳаракатлари (мас., орден б-н мукофотлаш, ҳарбий хизматга чақиритиш, ишга ёллаш тўғрисидаги буйруқ), турли битимлар ва келишувлар (махсулот етказиб бериш шартномаси, олди-сотди шартномаси ва х.к.), шунингдек ариза ва шикоятлар (мас., пенсия таъминоти ҳақида ариза, кассация шикоят) каби юридик ҳаракатлар (актлар) муҳим ўрин тутадн. Юридик ҳаракатлардан фарқли равишда, юридик қилмиш бевосита хуқуқий муносабатларни юзага келтириш (ўзгартириш, тўхтатиш)га қаратилган эмас, шунга қарамай, қонун бўйича муайян хуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради. Мас., у ёки бу асарни яратиш атайлаб хуқуқий муносабатларни келтириб чиқаришга қаратилмаган, аммо хуқуқий аҳамиятга эга (мас., муаллифлик хуқуқига эга бўлади). Юридик қилмишларда ҳаракатни содир этаётган шахснинг хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш иниятлари эмас, балки бундай ҳаракатнинг объектив натижаси (сценарий яратиш ва х.к.) юридик аҳамиятга эга. Ғайриқонуний ҳаракатлар жиноятлар ҳамда маъмурий, интизомий, фуқаролик хуқуқбузарликлар ва б.га бўлинади. Ғайриқонуний ҳаракатларнинг барча турлари муҳофаза қилувчи хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, айбдор шахсларнинг юридик жавобгарликка тортилиши учун асос бўлади. У ёки бу Ю.ф. бирданга бир неча хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши (ўзгариши, тўхтатилиши) учун асос бўлиши мумкин. Мас., инсоннинг вафот этиши меҳнат ва онла муносабатларининг тўхтатилишига ва айни пайтда мерос қилиб олишига, турар жой муносабатларининг ўзгаришига олиб келади. Кўпинча хуқуқий муносабатларнинг юзага келиши (ўзгариши, тўхтатилиши) учун Ю.ф.нинг бутун бир мажмуаси талаб этилади: мас., никоҳга кириш учун муайян ёшга етиш, бўлгуси эр-хотиннинг никоҳни қайд этиш тўғрисидаги аризаси, ушбу аризадан ФХДЁ органларида қайд этиш акти зарур.

ЮРИДИК ФАН – хуқуқни ижтимоий нормалар ва хуқуқни қўллаш фаолиятининг турли жиҳатлари махсус тизими сифатида ўрганадиган ижтимоий фан. Ю.ф. ҳозирги кўринишида бир қатор тармоқларга бўлинган: фуқаролик хуқуқи, жиноят хуқуқи, давлат ва хуқуқ назарияси, хуқуқ ва хуқуқий таълимотлар фанлари ва х.к. Суд тиббиёти, суд психиатрияси, криминалистика, криминология, юридик психология каби фанлар амалий Ю.ф.лар ҳисобланади.

Республикамиз олий таълим муассасаларида куйидаги юридик фанлар бўйича дарслар ўқитилмоқда: давлат ва хуқуқ назарияси ва тарихи; снёсий ва хуқуқий таъли-

мотлар тарихи; давлат ҳукуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳукуқи; фуқаролик ҳукуқи; оила ҳукуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ; хўжалик ҳукуқи; хўжалик процесси; меҳнат ҳукуқи; ижтимоий таъминот ҳукуқи; киншлоқ хўжалиги ҳукуқи; ер, сув, ўрмон ва қон ҳукуқи; экология ҳукуқи; жиноят ҳукуқи ва криминалогия; жазони ижро этиш ҳукуқи; жиноят процесси, криминалистика ва тезкор кидирув; суд экспертизаси; халқаро ҳуқуқ; суд тизими; прокурор назорати; адвокатура ва б.

ЮРИДИК ХАТО – шахсни содир этган қилмишнинг жиноийлиги ёки жиноий эмаслиги, уни баҳолаш ва жазога сазоворлиги ҳусусида янглишиши.

Қилмишнинг жиноийлиги бўйича Ю.х. (ўткинчи жиноят) шахснинг муайян қилмиш содир этиб, унинг мазкур қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги тўғрисида янглишишидир. Бундай ҳолатда шахс мазкур қилмишнинг жиноий деб ҳисоблайди ва айни пайтда унинг ЎЗР ЖКда назарда тутилмаганлигини билмайди. Мазкур хато қилмиш учун жиноий жавобгарликни истисно этади, зеро, унда шахсни жазога тортиш учун асос мавжуд бўлмайди.

Қилмишнинг жиноий эмаслиги бўйича юридик хато шундаки, шахс ўз қилмишидаги объектив хусусиятларни англаш б-н бирга, у мазкур қилмишнинг жиноят қонуни ҳаракати остига тушмаслигини нотўғри талқин этади. Ҳуқуқий давлатдаги “қонун тақиқламаган ҳамма нарсага руҳсат берилади” деган принципга кўра, ҳар қандай қонуннинг қўлланиши учун зарур шарт, унинг эълон қилиниши қилмишнинг ҳуқуққа хилофлиги ва ижтимоий хавфлигини тўғрисида ўз вақтида хабардор этиб, мазкур қилмишнинг ЎЗР ЖКда жазони қўллаш таҳдиди б-н тақиқланиб кўйилганлигидир. Шу боисдан шахс ўз қилмишнинг ҳуқуққа хилофлигини билмаганлиги ва билиши ҳам мумкин бўлмаганлиги ҳолатларида у жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Содир этиладиган қилмиш баҳолаш бўйича юридик хато муайян жиноий-ҳуқуқий нормаларга оид қилмишни ҳуқуқий баҳолашда янглишишдан иборат. Бундай хато айб ва жавобгарликка таъсир қилмайди, зеро, шахсдан муайян юридик моҳиятга эга бўлган жузъий жиҳатлар ва тафсилотларни англаш ва билиш талаб этилмайди.

Жазонинг хусусияти бўйича юридик хато қонунда белгиланган жазо чорасидаги янглишишда намоён бўлади. Бундай хато жавобгарлик ва уни амалга ошириш шакллари таъсир этмайди.

ЮРИДИК ШАХС (лот. *universitas personarum*; инг. *juridical person, legal entity*) – фуқаролик ҳуқуқи субъекти, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси.

ЎЗР ФКнинг 39-м.сига мувофиқ, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк б-н жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот Ю.ш. ҳисобланади.

Ю.ш.лар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

ЎЗР ФКнинг 40-м.сига асосан, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи таш-

килот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) Ю.ш. бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган Ю.ш. хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган Ю.ш. жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши мумкин.

Ю.ш.лар уюшмалар (иттифоқлар)га ва б. бирлашмаларга Қонунга мувофиқ бирлашишлари мумкин.

Ю.ш. ЎЗР ФК, бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек устав ва б. таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

ЮРИДИК ШАХС МУАССИСИ (инг. *founder of juridical person*) – фуқаролик ҳуқуқида ташкилотни (Ю.ш.м. битта бўлган ҳолларда) таъсис этиш йўли б-н ташкил этиш тўғрисидаги қарорни яққа қабул қилган шахс (фуқаро ёки юридик шахс) ёки ушбу қарорни қабул қилишда тўлақонли иштирок этган (Ю.ш.м. икки ёки ундан ортиқ бўлган ҳолларда) ва тегишли юридик шахснинг таъсис ҳужжатларини (таъсис ҳужжатини) тасдиқлаган ёки унга қўл кўйган шахс.

ЮРИДИК ШАХСЛАР БИРЛАШМАЛАРИ – қ.: *Уюшма (Иттифоқ)*.

ЮРИДИК ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ФойДА СОЛИГИ – ЎЗР СКнинг 126-м.сига мувофиқ резидентлари, ЎЗРда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи ЎЗР ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган ЎЗР норезидентлари фойда солиғи тўловчи юридик шахслар ҳисобланади.

Қуйидагилар Ю.ш.о.ф.с. тўловчилар бўлмайди: нотижорат ташкилотлар. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётганда нотижорат ташкилотлар ўзи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган фойдадан солиқ тўловчи бўлади;

агар ЎЗР СКнинг XX бўлимида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса, ушбу Кодексга мувофиқ солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар.

Ю.ш.о.ф.с.нинг объекти қуйидагилардир:

ЎЗР резидентларининг, шунингдек ЎЗРда фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи ЎЗР норезидентларининг фойдаси;

ЎЗР резидентларининг ва ЎЗР норезидентларининг СКга мувофиқ чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари (ЎЗР СКнинг 127-м.си).

Солиқ солинадиган база жами даромад б-н СКда назарда тутилган чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, мазкур кодексга мувофиқ солиқ солинадиган фойданинг камайирилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади. (ЎЗР СКнинг 128-м.си).

ЎЗР СКнинг 158-м.сига асосан Ю.ш.о.ф.с.ни тўлашдан қуйидаги юридик шахслар озод қилинади:

1) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, “Нуроний” жамғармаси ва “Ўзбекистон чернобилчилари” ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 %ини ногиронлар, 1941–1945 й.лардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар, бундан савдо, воситачилик, таъминлаш-сотилш ва тайёрлов фаолияти б-н шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Мазкур имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда турган ходимлар киритилади;

2) даволаш муассасалари ҳузуридаги даволаш-ишлаб чиқариш устакхоналари;

3) жазони ижро этиш муассасалари;

4) ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари.

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МОЛ-МУЛКИГА СОЛИНАДИГАН СОЛИҚ – қ.: *Мол-мулк солиғи.*

ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ – юридик шахс ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолияти максадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлади. Ю.ш.х.л. у тузилган пайтдан бошлаб вужудга келади (ЎЗР ФК 44-м.сининг 4-қисми) ва уни тугатиш яқунланган пайтдан эътиборан тугатилади. (ЎЗР ФК 55-м.сининг ўнинчи қисми). Юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Юридик шахс қонунда рўйхати белгилаб қўйилган айрим фаолият турлари б-н фақат махсус руҳсатнома (лицензия) асосидагина шуғулланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин (ЎЗР ФКнинг 41-м.си).

ЮРИДИК ШАХСНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан юридик шахсни давлат реестрида қайд этиш.

ЎЗР ФКнинг 44-м.сига мувофиқ, юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барча танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган ваз б-н уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс қонунда белгиланган ҳоллардагина қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг қуйидаги тартиблари мавжуд:

а) тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш (ЎЗР Президентининг 2006 й. 24 майдаги ПҚ–357-сон Қарори б-н тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида низом ва ЎЗР ВМнинг 2003 й. 20 августдаги 357-сон қарори б-н тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида низом асосида);

б) банклар, кредит уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва чет эл ваколатхоналари қонун ҳужжатларида белгиланган махсус тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ – ЎЗР ФКнинг 49-м.сига мувофиқ, Ю.ш.к.т.э.(қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиш чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори б-н ёхуд суд қарори б-н амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари б-н қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорига белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу Ю.ш.к.т.э.ни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари б-н бирга қўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

ЮРИДИК ШАХСНИ ТУГАТИШ – ЎЗР ФКнинг 53-м.сига мувофиқ, юридик шахсни тугатиш унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибда бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади.

Юридик шахс қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис хужжатлари б-н тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу жумладан юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати б-н ёки юридик шахсни ташкил қилиш чоғида қонун хужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганида;

фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга оширилган ёки қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилган ёхуд олти ой мобайнида (савдо ва савдо-воситачилик қорхонаси эса, уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш б-н боғлиқ молия-хўжалик фаолияти амалга оширилмаган, деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис хужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда, қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Суднинг Ю.ш.т. тўғрисидаги қарорига унинг муассислари (иштирокчилари) ёхуд юридик шахснинг таъсис хужжатлари б-н уни тугатишга вакил қилинган орган зиммасига Ю.ш.т.ни амалга ошириш вазифаси юклатилиши мумкин.

ЎзР Президентининг 27.04.2007 й. ПҚ-630-сон “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни ихтиёрий тугатиш ва тадбиркорлик субъектлари жисмоний шахслар фаолиятини тўхтатиш тартибини белгилайди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ихтиёрий тўхтатиш уларнинг қарорига (аризасига) кўра амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказган органнинг тегишли давлат реестрига қорхона тугатилганлиги тўғрисида ёзувлар қайд этилгандан кейин қорхона тугатилган, тадбиркорлик субъектлари эса ўз фаолиятини тўхтатган ҳисобланади.

ЎзР ВМнинг 1999 й. 3 июлдаги 327-сон “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги қарорига асосан молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган қорхоналарни (банк ҳисобварақлари бўйича уч ой мобайнида операцияларни ўтказмаган савдо, савдо-воситачи қорхоналарни), шунингдек қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган қорхоналарни тугатиш тартибини белгилаб беради. “Молия-хўжалик фаолияти” атамаси остида қорхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова хужжатларини юритиш б-н боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади. Қорхонани тугатиш учун хўжалик суди қарори асос бўлиб ҳисобланади.

ЮРИДИК ШАХСНИНГ ОРГАНЛАРИ – ЎзР ФКнинг 45-м.сига асосан, юридик шахс қонунларга ва таъсис хужжатларига мувофиқ иш олиб борадиган ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва ўз зим-

масига фуқаролик бурчларини олади. Ю.ш.о.ни тайинлаш ёки сайлаш тартиби қонун хужжатлари ва таъсис хужжатлари б-н белгиланади.

Қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик шахс ўз иштирокчилари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиши ва фуқаролик бурчларини ўз зиммасига олиши мумкин.

Қонунга ёки юридик шахснинг таъсис хужжатларига мувофиқ юридик шахс номидан иш олиб борадиган шахс ўзи вакили бўлган юридик шахс манфаатлари йўлида ҳалол ва оқилона иш олиб бориши керак. У юридик шахс муассислари (иштирокчилари, аъзолари) талаби б-н, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, юридик шахсга етказган зарарини тўлаши шарт.

Мас., “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонунда акциядор жамиятининг органлари ва уларнинг ваколатлари ҳақида тегишли қондалар белгиланган. Мазкур Қонуннинг 63-м.сига мувофиқ, акциядорлик жамиятини акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи бошқаради.

ЎзР ФКнинг 70-м.сига биноан, давлат унитар қорхонанинг бошқарув органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда улар олдида ҳисобот беради. Хўжалик ширкатлари ва жамиятларида бунинг акси бўлиб, уларда бошқарув органлари сайланади.

“Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 18-м.сига кўра иштирокчиларнинг умумий йиғилиши хўжалик ширкатининг олний бошқарув органи ҳисобланади.

ЮРИДИК ШАХСНИНГ УСТАВИ (инг. statute of juridical person) – фуқаролик ҳуқуқида муассислар томонидан юридик шахсни ташкил этишда тасдиқланадиган таъсис шартномасининг шакли, ички бошқарув б-н боғлиқ муносабатларни, юридик шахс иштирокчилари б-н муносабатларни, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар б-н ўзаро муносабатларни тартибга соладиган ташкилотнинг ҳуқуқий макomini белгилайдиган қондалар тўплами. ЎзР ФКнинг 43-м.сига мувофиқ, Ю.ш.у. ва б. таъсис хужжатларида юридик шахснинг номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), юридик шахс фаолиятини бошқариш тартиби белгилаб қўйилиши, шунингдек уларда тегишли турдаги юридик шахслар тўғрисида қонунда назарда тутилган бошқа маълумотлар бўлиши керак. Тижоратчи бўлмаган ташкилотлар ва унитар қорхоналарнинг, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа тижоратчи ташкилотларнинг ҳам таъсис хужжатларида юридик шахс фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиши керак.

ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯ – “энциклопедия” сўзининг луғавий маъноси ўзбек тилида қомус, бирор фаннинг ҳамма соҳаларини тизимли равишда ёритган асар маъноларида тушунилади. Ю.э.да давлат ва ҳуқуқ соҳаларига тааллуқли сўзларнинг луғавий маънолари б-н бирга, уларнинг мазмун-моҳияти қисқача очиб берилади. Шунингдек, Ю.э. ҳуқуқшунослар, ҳуқуқ соҳасида таҳсил олаётган талабалар б-н бирга, кенг аҳоли қатламларининг юридик билимларга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантириш учун ҳам ёзилади.

Ю.э. ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш ва ривожлантиришдек муҳим вазифани адо этишга сафарбар эти-

лади. Ҳозирга қадар ўзбек тилида ҳам бир қатор энциклопедиялар, энциклопедик луғатлар, ҳатто ҳуқуқ соҳалари бўйича ҳам, мас., конституциявий ҳуқуққа оид энциклопедик луғат сингари китоблар чоп этилган. Бу китобларда ҳуқуқ фанларида ва давлат бошқарувида учрайдиган сўзларнинг мазмун-моҳияти, этимологик (луғавий) келиб чиқиши, қайси соҳаларда кенг тарқалганлиги ва қўлланилиши Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий тизимларида, шунингдек миллий қонунчилигимизда қай даражада ўз ифодасини топганлиги нуқтаи назаридан баён этилган. Республикамызда чоп этилган бундай китобларга мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг моҳияти ва ўзига хос жиҳатларини идрок этишда воситалардан бири сифатида қаралади. Уларнинг айримларида замонавий ҳуқуқий атама ва тушунчалар б-н бир қаторда, мусулмон ҳуқуқи тармоқларига оид инслар ҳамда атамалар қисман жамлаб баён этилган.

Ю.э.да материаллар алифбо тартибда ифода этилган алоҳида мақолалар мажмудан иборат. Баъзи бир неча маънони англатувчи ибораларнинг ҳар хил талқини тегишли мақоланинг ичида рақам б-н ажратиб алоҳида баён этилади. Агар, ибора хорижий келиб чиқишга эга бўлса (мас., лотинча, инглизча, французча ва х.к.), мақола номидан сўнг қавс ичида қисқача изоҳ берилади, айрим ҳолларда эса хорижий тилдаги ёзилиши келтирилади. Баёнда мантиқийлик ва ихчамликни таъминлаш учун тегишли ҳолларда муаллифлар баъзи моддаларнинг батафсил изоҳини бермай, уни маънодош ёки турдош мақолага ҳавола этиш усули қўлланилади.

ЮРИДИК ҲУЖЖАТ – к.: *Ҳуқуқий ҳужжат*.

ЮРИДИКЦИЯ (лот. *jurisdictio* – судлов, *ius* – ҳуқуқ, *dicto* – гапириш, сўзлаш сўзларидан) – тегишли давлат органларининг қонун ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида ўрнатилган ваколатлари мажмуи бўлиб, улар доирасида ҳуқуқий характердаги низолар ва муносабатларни, ҳуқуқбузарлик б-н боғлиқ ишларни ҳал этиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан юридик санкцияларни қўллаш тушунилади. Ю.ни қонун б-н ўрнатилган доирада судлар (фуқаролик, жиноят, маъмурий, хўжалик ишлари бўйича), ҳар хил инспекциялар (солиқ, ЙҲХХ, ёнғин хавфсизлиги ва х.к.) амалга оширади ва шунингдек ташкилот маъмурияти ҳуқуқбузарлик б-н боғлиқ низоларни ҳал этишда қўллади. Ю. турли белгиларга кўра: ҳал қилинаётган ишларнинг тури ва хусусиятига (жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар, мулкий низолар ва х.к.); уларнинг ҳудудий тааллуқлилигига (жиноят ишининг жиноят содир этилган жойдаги, фуқаролик иши жавобгар яшайдиган жойдаги судда кўрилиши); ишда қатнашаётган субъектларга (ҳарбий хизматчиларнинг ишлари ҳарбий судларда кўрилади) кўра белгиланади. Халқаро муносабатларда давлат Ю.си тўғрисида сўз юритилади. Давлат Ю.си деганда муайян давлат суд ва маъмурий органларнинг ишларини ўз ваколатига мувофиқ кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ҳуқуқлари тушунилади. Давлат Ю.си б-н бир қаторда, халқаро ҳуқуқ айрим ҳолларда халқаро Ю.ни белгилаши ҳам мумкин. Бундай юрисдикция давлат суверенитетини муайян даражада чеклайди. Шу сабабли давлатни бирон-бир халқаро органининг Ю.сига бўйсундириш учун шу давлатнинг аниқ-равшан ифодаланган розилиги талаб этилади. Яна к.: *Давлат юрисдикцияси*.

ЮРИСКОНСУЛЬТ – давлат органлари, тижорат ва потижорат ташкилотлар таркибда ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериш вазифаси юклатилган шахс, лавозим.

Давлат органлари, тижорат ва потижорат ташкилотлар таркибда бош Ю., етакчи Ю., катта Ю. ёки Ю. бўлиши мумкин.

ЎзР ВМнинг 2007 й. 24 августдаги 182-сон қарори б-н тасдиқланган Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг юридик хизмати тўғрисида низомга асосан давлат органининг Ю.и лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин. Давлат органининг юридик хизмати бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва камида икки йиллик юридик хизмат ходими иш стажига эга бўлган шахс тайинланади. Тум. ва ш. ҳокимликларининг юридик хизмати ходимлари ҚР Адлия вазирлиги, вил.лар ва Тошкент ш. адлия бошқармалари б-н келишилган ҳолда тайинланади ҳамда тегишли ҳокимга ва ҳудудий адлия органига ҳисоб беради.

Давлат органида Ю. ёрдамчиси лавозими жорий этилиши мумкин. Ю. ёрдамчиси лавозимида олий ёки ўрта махсус юридик маълумотли шахс, шунингдек “юриспруденция” мутахассислиги бўйича тахсил олаётган бакалаврият босқичининг битирувчи курси талабаси ёки магистратура тингловчиси ишлаши мумкин.

Қорхонанинг Ю.и лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган шахс ишлаши мумкин. Юридик хизмат бошлиғи лавозимига олий юридик маълумотга ва юридик хизмат ходимининг камида икки йиллик меҳнат стажига эга бўлган шахс тайинланади.

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ (лот. *jurisprudencia*; инг. *jurisprudence*) – юридик фанлар ва юридик амалиётларнинг, шунингдек юридик предметлар ва асосий тушунчаларнинг ягона тизими.

“Ю. – ҳуқуқ тўғрисидаги фанларнинг, ҳуқуқ нормаларининг амалий суратда қўлланилиши б-н алоқадор бўлган билимлар мажмуи”, деб таъриф берилади “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (Т.2. – М.: “Рус тили”, 1981. 471-б.). Олимлардан Л.С.Явич: “Ю. – ҳуқуқий одатлар, суд амалиёти ва қонунчилик билимлари соҳасидир”, деб ёзади ўзининг “Сущность права” асарида (Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1985. 150-бет).

Рус тилининг изоҳли луғатида эса “Ю.” – юридик фанларнинг мажмуаси, шунингдек юристларнинг фаолияти”, деб таъриф берилган (Ожегов С.И. Словарь русского языка. – М.: “Русский язык”, 1986, 793-с.).

“Умумий ҳуқуқ назариясининг предмети, дейди В.С.Нерсесянц, – бу мустақил, тизимли бир бутун фан сифатидаги барча Ю.нинг умумий назариясидир” (Проблемы общей теории права и государства – М.: Издательская группа НОРМА–ИНФРА, 1999. 2-б.).

“Баъзи адабиётларда “ҳуқуқий фанлар” (хоҳ у назарий ёки амалий бўлсин) тушунчаси “Ю.” тушунчаси б-н тенглаштирилган. Демак, буна “Ю.” атамаси тор маънода ишлатилган. Баъзи адабиётларда эса кенг маънода – юридик фанлар ва ҳуқуқий фаолиятни ўз ичига олган тушунча сифатида ишлатилган” (М.Х.Рустамбеков, С.О. Абдухолиқов, Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар I китоб, Тошкент – 2005, ТДЮИ).

Шундай қилиб, Ю. давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги фан, юридик билимларни ташкил этиш ва ишлаб чиқишнинг назарий шакли ва усули.

Тарихан Ю. мустақил фан сифатида мил. авв. IV а.нинг охири – III а.нинг бошларида қадимги Римда пайдо бўлди. Юрист Цельс (мил. авв. I а.) ҳуқуқ ва Ю.ни “ars boni et aequi” – “эзгулик ва эквивалентлик санъати” деб атаган.

Рим Ю.си кад. юнон сиёсий ва ҳуқуқий тафаккури эришган натижалар таъсирида шаклланиб, ўзи ҳам Ўрта аср ва янги давр Европа Ю.си вужудга келиши ҳамда ривожланишининг бошланғич асоси бўлиб хизмат қилди.

Умумназарий жиҳатдан Ю. фан сифатида дастлаб унинг предмети ва методини аниқлаб олишни тақозо қилади. Умуман олганда, ҳуқуқ ва давлатни юридик фаннинг объектлари, давлат ва ҳуқуқнинг асосий мохиятний хусусиятларини унинг предмети деб айтиш мумкин.

Ю.да икки турли хил объект – давлат ва ҳуқуқ юридик фан доирасида ва нуқтан назарида ягона предметининг икки зарурий компоненти сифатида ўрганилади, тадқиқ этилади.

Республикамиз олий таълим муассасаларида Ю.нинг қуйидаги йўналишлари бўйича дарслар ўқитилмоқда ва кадрлар тайёрланмоқда: давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи; фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик процесси; халқаро хусусий ҳуқуқ; хўжалик ҳуқуқи; хўжалик процесси; меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи; қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экология ҳуқуқи; жиноят ҳуқуқи ва криминология; жазони ижро этиш ҳуқуқи; жиноят процесси, криминалистика ва тезкор кидирув; суд экспертизаси; халқаро ҳуқуқ; суд тизими; прокурор назорати; адвокатура ва б..

ЮРИСТ (лот. jurista, jus /juris/ дан – ҳуқуқ; инг. lawyer; нем. jurist) – юридик фан ёки юридик амалиётнинг муайян соҳаси бўйича мутахассис, ҳуқуқшунос; юридик маълумотга эга бўлган ҳуқуқ соҳасида фаолият юритувчи шахс.

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ – қ.: Республика Юристар малакасини ошириш маркази.

ЮС КОГЕНС (лот. jus cogens) – халқаро ҳуқуқда императив нормалар, яъни давлатлар ҳатто ўзаро шартнома орқали ҳам чекниши мумкин бўлмаган нормалар. Бундай нормаларга мувофиқ келмайдиган шартномалар юридик жиҳатдан ҳақиқий эмас. Ю.к.дан ташқари халқаро ҳуқуқда диспозитив нормалар ҳам мавжуд бўлиб, уларга давлатлар

ўзаро шартномалар орқали амал қилмаслиги ҳам мумкин.

ЮСТИНИАН КОДЕКСИ (лот. Codex Justinianus) – император Юстиниан классик давр ҳуқуқ фанининг қўлга киритган ютуқларига таянган ҳолда ҳуқуқшуносликда маълум барқарорликка эришишга ҳаракат қилган. Бунинг ижобий натижаси сифатида юридик илмнинг қайта уйғонишига эришди ва “Юстиниан классицизми”га асос солди. Норматив барқарорликка эришишга ҳаракат қилган император ва унинг идоралари классик меросга таянган ва қонунлар кодификациясини ишлаб чиққан. Бу эса жуда кўп эдикт тўпламлари, императорлар фармонлари ва юридик фикр шох асарларининг сақланиб қолишига сабаб бўлган. Бу асарлар бутун Европа учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Ю.к. император Адриандан то Юстиниангача (529 й.гача) бўлган императорларнинг Конс.ларини ўз ичига олади. Улар кўпинча қисқартирилган ҳолда берилган ва эскириб қолган атамалардан тозаланиб, таҳрир қилиб чиқилган. Улардан кейин Юстиниан эълон қилган янги фармонлар келтирилган. Ю.к.да энг муҳим ўринни “Дигестлар” эгаллаган. Бу нашр классик юридик матнлар энг муҳимларининг бизгача етиб келишига сабаб бўлган. XI а.да италияликларнинг ўзлари ҳам шу китоб орқали қадимги классик давр Рим ҳуқуқини қайта кашф қилганлар ва бутун Европа мамлакатларида уни қайта-қайта нашр қилиб ўрганганлар. Дигестлар китоби 38 ҳуқуқшуноснинг 275 та китобидан олинган асарлардан ташкил топган бўлиб, тузувчилар фақат биринчи манбалардан фойдаланганлар ва уларни аниқ кўрсатиб ўтганлар.

ЮТУҚ – лотереялар, ўйинлар, тапловлар, мусобақалар (олимпиадалар), фестиваллар ва ш.к. бошқа тадбирларда олинган, натура ҳолида ёки пулда ифодаланган тўловлар, совринлар ва б. даромадлар (ЎзР СКнинг 22-м.си).

ЎзР СКнинг 179-м.сига мувофиқ давлат заёмининг облигациялари бўйича Ю., шунингдек ЎзР давлат қимматли қоғозлари бўйича фонзлар, лотерея бўйича Ю.лар, давлат хазина мажбуриятлари бўйича ютуқлар жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари сирасига қиради.

ЎзР ФК 984-м.сига кўра лотереялар ўтказиш шартларига мувофиқ ютган деб эътироф этиладиган шахсларга лотереяларни ўтказиш шартларида назарда тутилган миқдорда, шаклда (пул ёки буюм ҳолида) ва муддатларда, агар бу шартларда муддат кўрсатилмаган бўлса, лотереялар натижалари чиқарилган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай лотереялар ташкилотчиси томонидан Ю. тўланиши лозим.



ЯГОНА ФУКАРОЛИК – ЎзР фукарларининг асосий қонуний принципи бўлиб, ЎзР Конс.сининг 21-м.сига кўра, ЎзРнинг бутун ҳудудда ягона фукаролик ўрнатилди. Ушбу модданинг учинчи қисмида ҚРнинг фукароси, айни вақтда, ЎзР фукароси ҳисобланиши тўғрисидаги қонда мустаҳкамланган. Бу принцип ва қондалар “Ўзбекистон Республикаси фукаролиги тўғрисида”ги ЎзРнинг Қонунида ҳам ўз аксини топган.

ЯДРОВИЙ ТЕРРОРИЗМ – ўтган асрнинг 70-й.лари ўртасида пайдо бўлган. Бу даврда дунё ҳамжамияти айрим давлатлар, хаттоки, шахслар томонидан ҳам оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқишга уриниш хавфи пайдо бўлаётганлигини сеза бошлади. Терроризмнинг энг дахшатли қирғиниши сифатида пайдо бўлган мазкур жиноят жаҳон ҳамжамияти томонидан инсониятга қарши қаратилган оғир жиноят сифатида баҳоланади. Я.т.да кимёвий қирғин қуролларидан фойдаланилган ҳолда жиноятга тайёрланилади. Я.т. б-н қуролланган террорчилар кимёвий воситалар ёрдамида одамлар гавжум ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларда хужум содир этадилар. Мазкур жиноятга қўл урган террорчилар ўзларининг сиёсий мақсадларини ҳар қандай йўллар б-н химоя қилиб, одамларда қўрқув ва ваҳима уйғотадилар.

2005 й. 13 апрелда Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессиясида Я.т. актларига қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция қабул қилинди. 28 м.дан иборат мазкур конвенцияда Я.т. борасида давлатларнинг ўзаро маълумот ва ахборот алмашиш, кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигига таҳдид солмаслик вояларини илгари суради. ЎзР ушбу халқаро конвенцияга 2008 й. 9 апрелда қўшилган (2008 й. 9 апрелдаги УРҚ–146-сон Қонуни).

Ўзбекистон нафақат тинчликпарвар ташқи сиёсат олиб бораётгани, балки фукарларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг тинч ҳаёти ва меҳнатини ташқи таҳдидлардан химоя қилиш учун ҳам шароитлар яратишга интилаётган давлат сифатида эътироф этилади. Ўзбекистон мазкур конвенцияга қўшилиши орқали жаҳон ҳамжамияти томонидан Я.т.га ҳар томонлама қарши туришини ва иштирокчи давлатлар учун халқаро ҳамкорлик воситалари орқали, кураш ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга ёрдам беришини эътироф этди.

Мазкур жиноятларнинг объектив томонини тушунишда ЎзР Президентининг 1993 й.нинг 28 сентябрида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи муҳим аҳамиятга моликдир. Мазкур нутқда ҳар қандай шаклдаги қуролини тўқнашувлар кораланади ва афғон чегарасидаги уруш ўчоғини тугатиш тўғрисида Ўзбекистоннинг ўзига хос қарашлари баён этилади.

ЯДРОВИЙ ҚУРОЛЛАНИШ – бу ҳаракатга Иккинчи жаҳон уруши охирида киришилган. Биринчи ядро қуроли 1944 й. Американинг ўта махфий “Манхеттен лойиха-

си” ёрдамида Роберт Опенгеймер раҳбарлигида ишлаб чиқарилган. Биринчи ядро қуроли АКШда 1945 й. 16 июль кунини синовдан ўтказилган. Иккинчи ва учинчи ядровий қурооллар яна айнан америкаликлар томонидан ўша йилнинг август ойида Японияда синаб кўрилган. Бу биринчи бор кимёвий қуроолнинг тарихда илк бор инсоният ёрдамида синовдан ўтказилиши бўлди.

Совуқ урушлар даврида собик СССР ва АКШ томонидан ядровий қуроолланишга қатга аҳамият қаратилди. Шу давр мобайнида бошқа катор давлатлар ҳам ядровий қуроолларни ишлаб чиқаришга киришдилар. Шундай қилиб, АКШдан сўнг 1949 й.да СССР, 1952 й.да Буюк Британия, 1960 й.да Франция, 1964 й.да Хитой, 1974 й.да Ҳиндистон, 1998 й.да Покистон, 2006 й.да расмий ва норасмий манбаларга кўра КХДР ўзининг ядровий қуроолини яратди.

Унча катта бўлмаган, яъни олти ядро зарядлари Жанубий Африка Республикасида ҳам мавжуд бўлган. Мазкур мамлакат мустақил равишда ядро қуроолини ишлаб чиқарган ҳамда ундан ўз хошишига кўра воз кечган биринчи давлат сапалади. 1991 й.да ЖАР ядро қуроолни таркатмаслик шартномасига қўшилгандан сўнг бу борадаги қуроолланишни расман тўхтатди.

ЯДРОСИЗ ҲУДУД – урушни тарғиб қилишни тақиқлаш принципи 1970 й.даги БМТ Уставига мувофиқ, “Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида”ги декларациянинг давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка таллуқли қисмида ўз аксини топган. Декларацияда барча давлатларнинг босқинчилик урушларини тарғиб қилмасликлари зарурлиги таъкидланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 38-сессиясида қабул қилинган, ядро урушини қоралайдиган декларацияда ядро қуроолни биринчи бўлиб қўллаш, ядро урушини бошлашни тарғиб қилишнинг олдини олишга оид муҳим қонда мавжуд.

ЎзР Конс.си преамбуласида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари устуворлигини тан олиб, 17-м.да эса, Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида давлатларнинг суверен тенглиги, қуч ишлатмаслик ёки қуч б-н таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қондалари ва нормаларига асосланади, деб белгиланади. Мазкур қондалар Конс.нинг 57-м.сида янада ривожлантирилиб, урушни тарғиб қилувчи, шунингдек харбийлаштирилган бирлашмаларнинг сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланиши қайд этилган.

Мазкур қилмиш объекти тинчликни сақлаш, тинч-тотув яшаш, глобал халқаро ва регионал тўқнашувларнинг олдини олишга йўналтирилган ЎзР хавфсизлиги, унинг ички сиёсати ва ташқи сиёсий фаолиятидир. Ракета-ядро қурилмалари мамлакатимиз ҳудудиде ҳеч қачон бўлмаган. Мустақил давлатнинг хавфсизлиги, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, аҳолисининг тинч ҳаёти ва осойишталигини таъминлаш унинг Қуролини Қучлари, шунингдек, муносиб коллектив шартномаларни тузиш б-н амалга оширилади.

ЯҚДИЛИК ПРИНЦИПИ – БМТ Устави (27-м.сининг 3-банди)да мустаҳкамланган БМТ Хавфсизлик Кенгашида қарорларни қабул қилиш тартиби бўлиб, унга кўра барча масалалар бўйича қарор қилиш учун, Хавфсизлик

Кенгаши барча доимий аъзоларининг мос келадиган овозларини ҳам ҳисобга олганда, камда 9 овоз бўлиши керак. Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан бири ёки бир нечтасининг қарши овоз бериши қарорининг бекор қилиниши учун етарли бўлади (доимий аъзоннинг "вето"). Я.п. – нафақат Хавфсизлик Кенгашининг, балки бутун БМТнинг ҳам самарали фаолият кўрсатиши учун мумкин ва зарур бўлган ягона шарт. Я.п., энг аввало, халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашга дахлдор бўлган барча масалалар ҳамда Хавфсизлик Кенгаши ваколатига қирадиган бошқа муаммолар бўйича ҳамкорлик қилиши ва келишилган чоралар қўришга қаратилган.

ЯККА МЕХНАТ НИЗОЛАРИ – бу иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонулар ва б. норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар. Бундай ҳолларда низоининг ходим маишаатини ифода этувчи тарафи бўлиб ходимларнинг вакиллик органи иштирок этиши мумкин.

Я.м.н.:

меҳнат низолари комиссиялари томонидан, ЎзР МКнинг 269-м.сида кўрсатилган низолар бундан мустасно; тум. (ш.) судлари томонидан кўриб чиқилади.

Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Меҳнатнинг шартларини белгилаш масалаларига доир якка меҳнат низолари ЎзР МКнинг 280-м.сига мувофиқ кўриб чиқилади.

Я.м.н.ни кўриб чиқиш тартиби ЎзР МК б-н тартибга солинади, меҳнат низоларига доир ишларни тум. (ш.) судларида кўриб чиқиш тартиби эса, бундан ташқари ЎзР ФПК б-н ҳам белгиланади.

ЯККА ТАДБИРКОРНИНГ НОЧОРЛИГИ (БАНКРОТ БЎЛИШИ) – якка тадбиркор кредиторларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши б-н боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир бўлмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилуши мумкин. Якка тадбиркорни банкрот деб топилуш расм-русумларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш б-н боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари бўйича кредиторлари ҳам ўз талабларини қўйишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари якка тадбиркорни банкрот деб топилуш расм-русумлари тамом бўлганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади. Якка тадбиркор банкрот деб топилган тақдирда, унинг, кредиторларининг талаблари ЎзР ФКнинг 56-м.сида назарда тутилган тартибда қондирилади. Суд томонидан якка тадбиркорни банкрот деб топилушнинг ёки якка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилишнинг асослари ва тартиби қонун б-н белгиланади (ЎзР ФК 26-м.).

ЯККА ТАРТИБДАГИ ЛИЦЕНЗИЯ – қ.: *Лицензия*.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР (ЯККА ТАДБИРКОР) – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахс. Фуқаро 18 ёшга тўлган (ЎзР ФКнинг 28-м.сига белгиланган тартибда эса 16 ёшдан) Я.т.т.(я.т.) сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти б-н

шуғулланиш тақиқланган шахслар рўйхати қонуларда ва қонуности ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Я.т.т.(я.т.) ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизда, шунингдек мол-мулкка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ ёки ижара асосида олинган мол-мулк негизда мустақил равишда амалга оширилади. Я.т.т.(я.т.)ни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонуларда, шикх шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзаро келишувда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлмаса (эрининг) хотиннинг розилиги талаб қилинади. Я.т.т.(я.т.) ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулк б-н жавоб беради, қонунга мувофиқ ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Яна қ.: *Фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти*.

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ – ЎзР Президентининг 2006 й. 24 майдаги ПҚ-357-сон ва ВМнинг 2003 й. 20 августдаги 357-сон қарорларига мувофиқ, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлардан ташқари бошқа фаолият турлари б-н шуғулланадиган жисмоний шахслар – Я.т.т.д.р.ў. ўз яшаш жойидаги тум. (ш.) ҳокимияти ҳузурдаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари томонидан амалга оширилади. Инспекция томонидан якка тартибдаги тадбиркорга икки иш куни мобайнида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, шунингдек муҳр ва штамп эскизи б-н (уларнинг хоҳишига кўра) биргаликда муҳр ва штамп тайёрлашга рухсатнома берилди. Барча зарур ҳужжатлар тадбиркорлик субъектига бир вақтда берилди.

ЎзР ВМнинг 2004 й. 2 сентябрдаги 413-сон қарорига мувофиқ, тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган Я.т.т.д.р.ў., жисмоний шахснинг яшаш жойи бўйича унинг ўзи шахсан келгани ҳолда давлат солиқ инспекциясида амалга оширилади. Ушбу турдаги якка тартибдаги тадбиркорни ташқи иктисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш ЎзР Ташқи иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида амалга оширилади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолият турини ўзгартириб тегишли тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясидан қайта рўйхатдан ўтган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркор тегишли давлат солиқ инспекциясига Давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани ва Импорт операциялари субъектининг ҳисобга олиш картасини топшириши зарур.

ЯККАБОШЧИЛИК – бирон-бир орган, бошқа ташкилот раҳбарига унинг функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни бериши ҳамда иш натижалари учун унинг шахсий жавобгар бўлишнинг билдирадиган бошқарув принципи. ЎзР Конс.сининг 103-м.сига мувофиқ, вил., тум. ва ш. ҳокимлари ўз ваколатларини яккабошчилик асосларида амалга оширадиган ўзлари раҳбарлик қилаётган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шахсан жавобгардирлар.

ЯЛПИ МАЖЛИС – вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятининг муҳим шакли. Бунда парламент, унинг палаталари ёки бошқа вакиллик органи тўла таркибда йиғилди. Мазкур вакиллик органи ваколатига қирадиган му-

хим масалалар, мас., раҳбар мансабдор шахс ва органларни сайлаш, бюджетни тасдиқлаш, ваколатларни бериш ва ш.к. бўйича қарорлар факат Я.м.да қабул қилинади. Парламент ёки унинг палатаси ишнинг ташкил этишида Я.м.лар муҳим ўрин тутадн. Я.м. ўтказиш тартиби парламент, унинг палатаси регламенти б-н тартибга солинади. Я.м.ларда қарор қабул қилиш кворум, яъни мажлисга йиғилган парламент, унинг палаталари аъзоларининг энг минимал сони керак бўлади. Мас., Япония Конс.сига кўра, парламентнинг ҳар бир палатаси ўз ишнинг аъзолар умумий сонининг камида $\frac{1}{3}$, қисми ҳозир бўлгандагина бошлаши мумкинлигини кўрсатилган. Парламент палаталари Я.м.лари, одатда, очик бўлади, айрим ҳолларда ёппиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин. Мас., Германия Федератив Республикаси Асосий қонуни (Конс.си)нинг 42-м.сига кўра, мажлислар очик тарзда ўтказилади. Бундестаг (қуйи палата) аъзоларининг ўндан бир қисми ёки Федерал ҳукуматининг тақлифи б-н, бунда агар Бундестаг депутатларининг $\frac{1}{3}$, қисми розилик берсагина ёппиқ тарзда ўтказилиши мумкин. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, Сенат фаолиятининг ташкилий шакли унинг заруратга қараб, лекин йилга камида уч марта ўтказиладиган мажлисларидир. Сенат мажлислари, агар уларнинг ишида сенаторлар умумий сонининг камида ярми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади. ЎЗР Конс.сини, конституциявий қонуларни маъқуллаш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишда сенаторлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлиши шарт.

ЯНГИ ОЧИЛГАН ҲОЛАТЛАР – Я.о.х. муносабати б-н иш юритишни қайтадан бошлашга қуйидагилар асос бўлади:

1) жабрланувчи ёки гувоҳнинг била туриб ёлғон кўрсатув ёхуд экспертнинг била туриб ёлғон ҳулоса бергани, шунингдек ашёвий далиллар, тергов ҳамда суд ҳаракатлари баённомалари ва б. ҳужжатлар сохта эканлиги ёки била туриб ёлғон таржима қилингани қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқарилишига сабаб бўлганлиги суднинг қонуний қучга кирган ҳукми б-н аниқланганлиги;

2) иш бўйича тергов ўтказган сурштирувчи ёки терговчи ёхуд терговнинг бориши устидан назорат қилган прокурор томонидан қонунга хилоф ва асоссиз ҳукм ёки ажрим (қарор) чиқаришга олиб келган жиноий суинстеъмолларга йўл қўйилгани суднинг қонуний қучга кирган ҳукми б-н аниқланганлиги;

3) мазкур ишни кўриш чоғида судьяларнинг жиноий суинстеъмолларга йўл қўйгани суднинг қонуний қучга кирган ҳукми б-н аниқланганлиги;

4) ҳукм ёхуд ажрим (қарор) чиқариш чоғида судга маълум бўлмаган, ўз ҳолича ёки илгари аниқланган ҳолатлар б-н биргаликда маҳкумнинг айбсизлигидан ёхуд у ҳукм этилганга нисбатан оғирлик даражаси бўйича бошқа жиноят содир этганлигидан ёхуд оқланган ёки иши тугатилган шахснинг айбдорлигидан далилат берадиган бошқа ҳолатлар.

Я.о.х. туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳуқуқига прокурор эга.

Фуқароларнинг мурожаатлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мансабдор шахсларининг, жамоат бир-

лашмаларининг хабарлари, оммавий ахборот воситаларининг маълумотлари, шунингдек бошқа жиноят ишлари бўйича бевосита тергов юритиш ёки судда кўриб чиқиш жараёнида олинган маълумотлар Я.о.х. туфайли иш юритишни қўзғатишга сабаб бўлади.

ЎЗР ЖПК 522-м.сининг 1–3-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бирн бўйича етарли маълумотлар бўлса, прокурор жиноят ишнинг қўзғатади, кейин иш умумий тартибда тергов қилинади ва кўриб чиқилади.

ЎЗР ЖПК 522-м.сининг 4-бандида назарда тутилган ҳолатлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлса, прокурор ўз ваколати доирасида Я.о.х. туфайли иш юритишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради ва иш юзасидан тергов олиб боради ёхуд буни терговчига топширади.

Прокурор Я.о.х. туфайли иш юритишни қўзғатишга асос йўқ деб ҳисобласа, ўз қарори б-н иш қўзғатишни рад этади. Бу ҳақда иш қўзғатишни сўраб илтимоснома б-н мурожаат қилган шахсга хабар берилиб, унга қарор юзасидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

ЯНГЛИШИШ – фуқаролик ҳуқуқида ишлатиладиган атама бўлиб, шахснинг ўзи киришган битим тўғрисидаги ипотўғри тасаввурини англаиш учун қўлланилади.

ЎЗР ФҚнинг 122-м.сига мувофиқ, жиддий аҳамиятга эга бўлган Я. таъсирида тузилган битим Я. таъсирида ҳаракат қилган тарафнинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилши мумкин. Битимнинг табиати, унинг нарчасининг ўз вазифаси бўйича фойдаланиш имкониятининг анча пасайтирадиган ўхшашлиги ёки сифати ҳақида Я. жиддий аҳамиятга эгадир. Битимнинг сабаблари ҳусусида Я. жиддий аҳамиятга эга эмас. Агар битим Я. таъсирида тузилганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилса, ушбу Кодекс 114-м.сининг иккинчи қисмида назарда тутилган қондалар қўлланилади. Бундан ташқари, ўз даъвосига кўра, битим ҳақиқий эмас, деб топилган тараф Я. иккинчи тарафнинг айби б-н юз берганлигини исботлай олса, иккинчи тарафдан ўзига етказилган ҳақиқий зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Агар бу ҳол исботланмаса, ўз даъвосига кўра битим ҳақиқий эмас деб топилган тараф иккинчи тарафнинг талаби б-н, башарти хатто Я. янглишган тарафга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра юз берган бўлса ҳам, етказилган ҳақиқий зарарни унга тўлаши шарт.

Битим тузиш чоғида Я. патижасида янглишган шахснинг иродаси битим учун муҳим аҳамият касб этувчи ҳолатлар ҳақида хато тасаввурлар таъсирида шаклланади. Жиддий Я. таъсирида амалга оширилган битим ирода нуқсон б-н тузилган битим сифатида қаралади ва Я. таъсирида иш тутган тарафнинг даъвоси бўйича у ҳақиқий эмас, деб тан олиниши мумкин. Я. битим катнашчиларининг айби б-н боғланиши шарт эмас, у тасодифий ҳоллар оқибатида юзага келиши мумкин. Битимни ҳақиқий эмас деб топилш учун янглишиб ҳаракат қилган тараф, Я. бўлганлигини, шунингдек унинг жиддий аҳамиятга эгаллигини исботлаши шарт, яъни Я. бўлмаганда битим тузилмаган бўлишини исботлаши лозим. Жиддий Я. деб, суд ёки хўжалик суди, одатда, битим нарчаси тўғрисида (мас., расмининг асл нусхаси ўрнига кўчирма нусхасини сотиб олиш), унинг бошқа катнашчилари тўғрисида (мас., атоқли расомга расм буюртиради, буюртмани эса унинг фамилиядоши

кабул қилади), унинг юридик табиати тўғрисида (мас., буюмни олувчи ҳая шартномаси бўйича унинг мулкига ўтишини ўйлайди, буюмни берувчи эса уни сотишни назарда тутгани) нотўғри тасаввурга эга бўлишни тушунади. Битим мотивига тааллуқли Я. (мас., ушбу жойга кўчиб ўтишни мўлжаллаб, аммо у амалга ошмаган ҳолда мебель олди-сотди шартномасини тузиш), битимни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас. Битим ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда ҳар бир тараф битим бўйича барча олган нарсаларини қайтариш шарт, асл ҳолига қайтариш мумкин бўлмаган тақдирда, олинганларнинг қиймати қопланади.

ЯРАДОРЛАР ВА КАСАЛЛАР – халқаро ҳуқуқда тиббий ёрдамга ва тиббий муолажага эҳтиёжманд, ҳар қандай душман ҳаракатларидан ҳар томонлама бетараф ҳисобланувчи ҳарбий хизматчилар ва фуқаро шахслар. Бу тушунча кема ҳалокатидан жабрланганлар, ҳомилдор аёллар, чақалоқлар, эмизикли оналарга ҳам тегишлидир. Ҳаракатдаги ҳарбий армиялардаги ярадорлар ва касалларнинг аҳволини яхшилаш ҳақидаги 1949 й.ги Женева Конференцияси; Денгиздаги ҳалокатга учраган ярадорлар, ҳарбий кемадаги ярадор ва касалларнинг аҳволини яхшилаш ҳақидаги 1949 й.ги Конвенция; шунингдек, 1977 й.даги 1 ва 2-Кўшимча протоколлар давлатларнинг бу ҳужжатларга нафақат уруш пайтида, балки ўндан ортик давлатлар ўртасидаги ҳарбий можаролар вақтида амал қила олиш мажбуриятини олади. Бу Конвенцияга кўра, барча Я.ва к.га, динидан, иркидан, жинсидан қатъи назар бир хилда ёрдам кўрсатилади.

Я. ва к.га нисбатан, улар қайси тарафга қарашлилигидан қатъи назар, қуйидаги ҳаракатлар тақиқланади: улар устида тиббий ёки илмий экспериментлар ўтказиш; уларнинг тўқималарини олиш ва аъзоларини бошқаларга кўчириб ўтказиш; ҳар қандай усулда ўлдириш; жисмоний азоб бериш; қийноққа солиш; тутқуликда сақлаш; уларнинг инсоний фазилатларига таъвоуз қилиш; уларга дастлабки муҳокамасиз жазо қўллаш.

ЯРАШИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ – ЎзР ЖК 105-м.сининг биринчи қисмида (қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш), 106-м.сида (қучли руҳий ҳаяжонлаштириш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш), 107-м.сида (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш), 108-м.сида (ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш), 109-м.сида (қасддан баданга енгил шикаст етказиш), 110-м.сининг биринчи қисмида (қийнаш), 111-м.сида (эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш), 113-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларида (таъсир қасаллигини тарқатиш), 115-м.сида (аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш), 116-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларида (қасб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик), 117-м.сининг биринчи қисмида (ҳавф остида қолдириш), 121-м.сининг биринчи қисмида (аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш), 122-м.сида (вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 123-м.сида (ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш), 125-м.сининг биринчи қисмида (фарзандликка олиш сири-

ни ошкор қилиш), 136-м.сида (аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш), 139-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларида (тухмат), 140-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларида (ҳақорат қилиш), 149-м.сида (муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш), 167-м.сининг биринчи қисмида (ўзлаштириш ёки растрата йўли б-н талон-тарож қилиш), 168-м.сининг биринчи қисмида (фирибгарлик), 169-м.сининг биринчи қисмида (ўғирлик), 170-м.сининг биринчи қисмида ҳамда иккинчи қисмининг “б” ва “в” бандларида (алдаш ёки ишончли суистеъмол қилиш йўли б-н мулкни зарар етказиш), 172-м.сида (мулкни кўриқлашга виждонсиз муносабатда бўлиш), 173-м.сининг биринчи қисмида (мулкни қасдан побуд қилиш ёки унга зарар етказиш), 185-м.сида (электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш), 192-м.сида (рақобатчинини обрўсизлантириш), 260-м.сининг биринчи қисмида (темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспортининг ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 266-м.сининг биринчи қисмида (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш), 268-м.сининг биринчи қисмида (транспортнинг хавфсиз ишлашнинг таъминлашга доир қоидаларини бузиш), 298-м.сининг биринчи қисмида (машиналарнинг бошқаруш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш) назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи б-н ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашишганлиги муносабати б-н жиний жавобгарликдан озод қилинмайди (ЎзР ЖКнинг 66¹-м.си).

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИ – 2001 й.да 29 августда иккинчи чақирик ЎзР Олий Мажлиси олтинчи сессиясида қабул қилинган “Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун асосида миллий қонунийликка киритилган ўзгартириш. Ушбу қонунга жуда кўп янгиликлар киритилган. Я.и. ана шу муҳим янгиликларнинг биридир. Ушбу инс.да миллий қадриятларимизда мавжуд бўлган кечиримлик, ўзаро муроса, тинч-тотув яшаш каби удумлар ўз аксини топган.

Мазкур қонунга биноан ЎзР ЖКга 66¹-м. ҳамда ЖПКга “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш” тўғрисидаги янги боб киритилди. Натижада, бир неча жиноят таркиблари бўйича жабрланувчининг айбдор б-н ярашувига имконият берилди. Шунинг таъкидлаш керакки, кам аҳамиятли жиноят содир қилган шахснинг жабрланувчи б-н ярашганлиги туфайли жиний жавобгарликдан озод қилиниши нафақат унинг ўзи учун, балки фарзандлари ва яқинлари учун ҳам катта маънавий ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг нсталган босқичида, аммо суд маънавиятга қаршидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати б-н жиёят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар б-н ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома берилган ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

ЯРМАРКА (нем. Jahrmärkte – ҳар йилги бозор сўзидан; инг. fair; нем. messe, Jahrmärkte) – 1) мунотазам равишда савдо-сотик қилинадиган жой; 2) кўп мақсадларга хизмат қиладиган мунотазам бозор; товар намуналарининг халқаро иқтисодий кўргазмаси бўлиб, помидан катъи пазар, ушбу кўргазма ўтказилаётган мамлакат одатларига биноан, кенг истеъмол моллари ва (ёки) ускуналарнинг катта бозори, айни бир жойда чекланган вақт мобайлида белгиланган муддат ишлайди. Бу ерда экспонентларга ўз маҳсулотларини миллий ва халқаро миқёсда савдо битимлари тузиш учун намойиш қилишга рухсат этилади.

ЯШАШ ГУВОҲНОМАСИ – ЎзР Президентининг 1999 й. 26 февралдаги ПФ–2240-сон Фармони б-н тасдиқланган Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, хорижий шахсга ЎзРда яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга ЎзРда яшаш гувоҳномаси уларнинг ЎзРда доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади. “Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида”ги ЎзР Қонуни кучга киргандан кейин ЎзРга келган ва бирон-бир давлат фуқаролигига мансублигининг исботига эга бўлмаган шахслар учун эса, уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар ЎзР доирасида ҳақиқийдир.

Фуқаролиги бўлмаган шахснинг гувоҳномаси хорижда унинг эгаси шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

ЎзРда яшаш гувоҳномаси қуйидагиларга берилади:

ЎзР ҳудудида доимий яшовчи хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга – улар ўн олти ёшга тўлганларида;

ушбу Низомда белгиланган тартибда ЎзР ҳудудида доимий яшаш учун рухсатнома олган шахсларга, шу жумладан ЎзРга қайтиб келган ва қонунга мувофиқ ЎзР фуқаролиги тугатилган шахсларга;

ЎзР ҳудудида доимий яшайдиган, аммо ЎзР фуқаролигини қабул қилмаган ёки қонунга мувофиқ ЎзР фуқаролигини тугатилган шахсларга.

Хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ЎзР ички ишлар органлари томонидан хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг истиқомат жойида берилади.

Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси ЎзРда доимий истиқомат қилувчи, чет элга жўнаб кетувчи фуқаролиги бўлмаган шахсга берилади.

ЯШАШ ЖОЙИ – к: *Фуқаронинг яшаш жойи, Турар жой дахлсизлиги.*

ЯШАШ ҲУҚУҚИ – к: *Инсоннинг яшаш ҳуқуқи.*


ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ – кримнологияда қонунга хилоф, давлат томонидан ҳисобга олинмаган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига оладиган иқтисодий фаолият турлари, шунингдек унинг оқибатида фуқаролар, ижтимоий гурӯҳлар ва умуман, жамият ўртасида келиб чиқадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Я.и. иқтисодий ва ҳуқуқий психологияда кримнологик жиҳатдан муҳим бўлган камчиликлар юзага келишининг муҳим шартини ҳисобланади.

ЯШИРИН РЕКЛАМА – истеъмолчининг гидрокига унинг ўзи англамаган ҳолда таъсир ўтказадиган, шу жумладан махсус видео иловалардан (кўш овозли ёзувдан) фойдаланиш йўли б-н ҳамда бошқа усуллар б-н таъсир ўтказадиган реклама. Я.р.дан радио-, теле-, видео-, аудио- ва кино маҳсулотда, шунингдек бошқа маҳсулотда фойдаланишга ва уни ўзга усуллар б-н тарқатишга йўл қўйилмайди (“Реклама тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 14-м.си).

ЯШИРИН ШИРКАТ – оддий ширкат шартномасида унинг мавжудлигини учинчи шахсларга маълум қилмаслик (Я.ш.) назарда тутилиши мумкин. Бундай шартномага нисбатан, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ёки Я.ш. моҳиятидан келиб чиқмаса, ушбу боб қондалари қўлланилади. Я.ш. иштирокчиларидан ҳар бири учинчи шахслар б-н муносабатларда шерикларининг умумий манфаатларини кўзлаб ўз номидан тузган битимлар бўйича ўзининг бутун мол-мулки б-н жавоб беради. Шериклар ўртасидаги муносабатларда, уларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида юзага келган мажбуриятлар умумий ҳисобланади (ЎзР ФК 975-м.си).

ЯШИРИН ҲОЛАТ – яширилик; қонунсиз яшаш; қонунсиз ҳолат; жумладан, бошқа киши номи б-н қонунсиз фаолият кўрсатишга нисбатан қўлланилади.

ЯҚИН ҚАРИНДОШЛАР – қариндош ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари (ЎзР ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлими “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”).



ЎЗАРО УРУШ – инсониятга қарши жиноят, миллат, элат, уруф, қабилани тугатиш. Бирон-бир миллий, этник, иркий ёки диний гуруҳни қириб ташлаш, шу гуруҳ аъзоларини ўлдириш, уларга оғир тан жароҳати етказиш ёки руҳий таъсир кўрсатиш, улар учун шу гуруҳ доирасида бола тувилишига йўл қўймасликка қаратилган турмуш шaroитини атайлаб вужудга келтириш ва болаларни одамларнинг бир гуруҳидан бошқасига зўрлик ишлатиш йўли б-н тўла ёки қисман йўқ қилиш ниятида амалга оширилган ҳаракатларни содир этишдан иборат. Сапаб ўтилган қилмишларни бажариш тўғрисида буйруқ бериш ге-ноид жумласига қиради.

ЎЗАРОЛИК – чет эл давлати жисмоний ва юридик шахсларига муайян ҳуқуқларни, мазкур ҳуқуқларни тақдим этувчи давлатнинг жисмоний ва юридик шахсларига мазкур чет эл давлатида худди шундай ҳуқуқлардан фойдаланиш шarti б-н тақдим этилиши. Мазкур категория халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл жисмоний ва юридик шахсларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда, чет эл инвестицияларини, интеллектуал мулк б-н боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, Ў. категорияси чет эл ҳуқуқини тан олиш ва қўллаш б-н боғлиқ масалаларда кенг қўлланилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқда Ў. тор ва кенг маънода талқин этилади. Кенг маънодаги Ў. да давлат томонидан уларнинг қонуналарини ва шу қонуналар асосида вужудга келадиган ҳуқуқларни чет давлатда амалда бўлишини ўзаро тан олиш тушунилади. Тор маънодаги Ў. миллий ёки энг яхши қулайлик тугдириш тўғрисидаги режимни тақдим этиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуқда Ў. икки турга ажратилади: моддий ва формал.

Моддий ўзароликда чет эл давлатида миллий жисмоний ва юридик шахсларга қандай ҳажмдаги ҳуқуқ ва эркинликлар тақдим этилган бўлса, мазкур давлат фуқаролари ва юридик шахсларига ҳам худди шундай ҳажмдаги ҳуқуқ ва эркинликларни тақдим этилиши тушунилади. Формал Ў. ўз мазмунига кўра миллий тартибга ўхшайди ва у бўйича чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ҳам миллий жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этилган ҳуқуқлар берилади.

ЎзР ФКнинг 1163-м.сига мувофиқ, суд ёки бошқа давлат органи ўзи кўриб чиқаётганига ўхшаш муносабатларга инсбатан тегишли чет давлатда ЎзР ҳуқуқи қўлланиши ёки қўлланмаслигидан қатъи назар, ана шу чет давлатнинг ҳуқуқини қўллаётганида, ЎзР қонунда чет эл ҳуқуқини Ў. асосида қўллаш назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Агар чет эл ҳуқуқини қўллаш Ў.ка боғлиқ бўлса, бошқача ҳолат исботланмаганлиги сабабли у мавжуд деб тахмин қилинади.

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ТАЖ-РИБАСИ – ўзбек халқининг таракқиёт йўли, иқтисодни ислох қилишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш, миллатнинг маънавий қадриятларини қайта тиклаш стратегияси ва тактикасини белгилаб берган сиёсий-ҳуқуқий гоялар ва ечимлар тизими.

Ўзбек давлатчилигининг шаклланишида беш асосий босқични кўрсатиш мумкин: 1) исломгача бўлган ўзбек миллий давлатчилиги; 2) Ўрта аср ўзбек давлатчилиги; 3) Туркистон ўлкаси – мустамлака минтақасининг ташкил этилиши; 4) Ўзбекистон ССРнинг социалистик суперэтнос ичида ажралиши; 5) суверен давлат – ЎзРнинг ташкил топиши.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ – ЎзР Президентининг 2008 й. 1 майдаги ПФ-3993-сон “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида мувофиқ, юридик шахс мақомига эга бўлган, ўзининг ҚР, вил.лар ва Тошкент ш.да тузиладиган худудий тузилмалари б-н биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этадиган нотижорат ташкилоти.

Барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган ЎзР А.п. Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизда ташкил этилган.

ЎзР А.п. фаолиятини молиялаштириш ЎзР А.п. конференцияси томонидан миқдори белгиланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

“Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 12²-м.сига мувофиқ, ЎзР А.п.нинг асосий вазифалари қуйидагилардир: адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориш; адвокатурани янада ривожлантиришга, унинг обрў-эътиборини оширишга, адвокатуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга қўмаклашиш; аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларни амалга ошириш; қонун ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигини ҳамда қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар киритиш; адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, улар юзасидан таклифлар тайёрлаш; адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари б-н муносабатларда, шунингдек судда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш; адвокатларни уларнинг касбий фаолияти б-н боғлиқ таъқиблардан, чеклашлар ва таъвоузлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш; адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва малака оширишини ташкил қилиш; аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини тум.лар ва ш.ларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали таъминлаш; адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига. Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сирин ва адвокат қасамёдига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш. ЎзР А.п. қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа вазибаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

ЎзР А.п.нинг фаолияти суд-ҳуқуқ тизимининг узвий бўлаги ҳисобланган адвокатура инс.ини янада ислоҳ қилиш, уни фуқаролик жамиятининг инс.ларидан бири сифатида эътироф этиш, энг аввало, адвокатуранинг жамиятдаги маъқеини кўтариш, кучли мустақил адвокатура тизимини барпо этиш орқали инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмни яратишга йўналтирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ (инг. Ministry of justice of the Republic of Uzbekistan) – ЎзР А.в. дастлаб ЎзР Адлия халқ комиссарлиги шаклида 1924 й. 26 ноябрда Революцион комитетнинг қарорини б-н Туркистон автоном республикаси Адлия халқ комиссарлиги негизда ташкил этилган. Унинг асосий вазибаларидан бири Ўзбекистон таркибига кирган Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликларининг ҳудудида адлия органларининг фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришдан иборат эди.

1925 й. 6 май куни Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси Раёсати Адлия халқ комиссарлиги ҳақидаги Низомни тасдиқлаган.

Мазкур Низомнинг 1-бандига мувофиқ Адлия халқ комиссарлигига барча суд масалалари, прокуратура ва тергов органлари, нотариат ва суд ижроичилари фаолиятини ташкил этиш ва йўналтириш; суд ходимларини лавозимга тасдиқлаш; ер комиссиялари ва суд ваколатига эга бўлган бошқа ташкилотларнинг фаолиятини кузатиш; ҳимоячилар ҳайъатларининг фаолиятини кузатиш ва алоҳида юридик хизматини ташкил этиш; қонуinchилик юзасидан Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлиги Кенгашига киритиладиган барча таклифларни бирламчи кўриб чиқиш, қонуinchиликка амал қилишни назорат қилиш; амалдаги қонуnларни шарҳлаш, республика қонуnлари ва ҳукумат қарорларининг тўнламларини нашр этиш ва б. юклатилган.

Адлия халқ комиссарлиги учта асосий: суд тузилиши ва назорати, прокуратура ҳамда қонуinchиликка таклифлар киритиш бўлимларидан иборат бўлиб, Адлия халқ комиссари бир вақтнинг ўзида республика давлат прокурори бўлиб ҳам ҳисобланган. 1937 й. 11 октябрда Адлия халқ комиссарлиги тўғрисида янги Низом қабул қилинган.

XX а. 30-й.ларининг бошларида Адлия халқ комиссарлиги прокуратура, ОС, ташкилий-инструкторлик бўлими, меҳнат-тузатиш муассасалари бошқармаси ва умумий бўлимлардан иборат бўлган. Республика прокурори, ОС раиси меҳнат-тузатиш муассасаларини бошқармаси бошлиги Адлия халқ комиссарининг ўринбосари бўлиб ҳисобланган.

1936 й.нинг 8 декабрь куни Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ Комиссарлиги Кенгаши томонидан Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низом тасдиқланган ва барча прокурор-тергов органлари Адлия халқ комиссарлиги таркибидан чиқарилган. Адлия халқ комиссарлиги зиммасига судларнинг фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш юклатилган.

1959 й. 23 мартда ЎзР Олий Кенгаши Раёсати “вилоят ва халқ судлари фаолияти устидан назоратни кучайтириш” мақсадида Адлия вазирлигини тугатди.

Собиқ СССР Олий Кенгашининг Раёсати 1970 й. 31 августдаги Фармонида биноан Адлия вазирлиги қайта ташкил этилди. Фармонга асосланиб, 1970 й. 1 октябрда ЎзР Олий Кенгаши Раёсати ҳам ЎзР А.в.ни қайта ташкил қилди. Республика Вазирлар Кенгашининг 1972 й. 27 сентябрдаги қарорини б-н Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида адлия органларининг мамлакат ҳаётидаги роли ва масъулиятини ошириш мақсадида ЎзР Президентининг 1992 й. 8 январдаги ПФ-314-сон “ЎзР Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб унга мувофиқ, Ўзбекистон ССРнинг иттифок-республика Адлия вазирлиги ЎзР А.в.га айлантирилди. Фармон асосида ЎзР ВМнинг 1992 й. 12 ноябрдаги 523-сон “ЎзР Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалалари тўғрисида”ги қарорини қабул қилинди ва ушбу қарор б-н, жумладан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳақидаги низом, Адлия муассасалари ва судларни ривожлантириш республика жамғармаси тўғрисидаги низом, Ўзбекистон Республикаси адлия идоралари ва давлат нотариати ходимларининг мартаба даражалари тўғрисида низом тасдиқланди.

ЎзР А.в.нинг қонуinchилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида ВМнинг 2003 й. 27 августдаги 370-сон “ЎзР Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, ЎзР А.в.нинг энг муҳим вазибалари ва фаолияти йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди: қонуinchилик ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, улар амалга оширилишини таъминлаш; Конс. ва қонуnлар б-н мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти инс.ларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш; жамиятда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни оширишга ва қонуinchиликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот бўйича давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш; судларни моддий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича ишларнинг самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд ҳужжатлари ва б. давлат органлари ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг самарали механизмни яратиш; нотариат, адвокатура, ФХДЁ органлари ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатувчи бошқа тузилмалар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш; тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуinchилик манфаатларини ҳимоя қилишга, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштиришга, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс ташки-

лий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; юридик шахслар, шу жумладан подаватлот иттифоқ ташкилотларни рўйхатдан ўтказишда қонунчиликка риоя қилинишини таъминлаш; тегишли давлат органлари б-н биргаликда халқаро-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида ЎзР манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш; замонвий талаблар ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Мазкур қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида пизом, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимининг ташкилий тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмаси, ҚР Адлия вазирлигининг тузилмаси, вил.лар ва Тошкент ш. адлия бошқармаларининг намунавий тузилмаси тасдиқланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ХАДИЧА СУЛАЙМОНОВА НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА СУД ЭКСПЕРТИЗА МАРКАЗИ – қ: *Республика суд экспертиза маркази.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИР – ЎзР Конс.си ва “Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, ЎзР Б.в. ВМ фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради.

ЎзР Б.в.:

ЎзР Президенти б-н келишилган ҳолда Бош вазирнинг ўринбосарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

ВМнинг мажлисларида раислик қилади;

ВМнинг қарорларини имзолайди;

ЎзР Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда ВМ номида иш кўради ҳамда ҳуқуқматлар ва шартномалар ва битимларни имзолайди;

давлат ва хўжалик бошқарувининг ВМ мажлисида кўриб чиқиш талаб этилмайдиган масалалари бўйича қарорлар қабул қилади;

ЎзР қонунларида, ЎзР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР Б.в. ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

ЎзР Б.в. ВМнинг иши тўғрисида ЎзР Президентига мунозаам равишда ахборот бериб боради.

ЎзР Б.в. йўқлигида унинг вазифасини Бош вазир ўринбосарларидан бири бажаради.

ЎзР Б.в. номзоди ЎзР Олий Мажлис палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичида ЎзР Президенти томонидан ЎзР Олий Мажлиснинг ҚПдаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири б-н ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар б-н маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг ЎзР Олий Мажлиснинг ҚП ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

ЎзР Олий Мажлиснинг ҚП депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган Бош вазир номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ – прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими.

ЎзР Президентининг 1992 й. 8 январдаги ПФ–313-сон “Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида”ги Фармони асосида иттифоқ қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси ЎзР прокуратурасига айлан-тирилиши тартибида ташкил этилган.

Ўзбекистон прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юртиш тартиби, шунингдек ваколатлари ЎзРнинг Конс.сида (118–120-м.лар), “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (1992 й. 9 декабрь)да белгилаб берилган. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири (2001 й. 29 август) асосида ЎзР прокуратураси ЎзР БПга айлан-тирилган.

ЎзР БПга ЎзР Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган ЎзР Бош прокурори раҳбарлик қилади. ЎзР Бош прокурори ЎзР Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган биринчи ўринбосарига, ўринбосарларига эга бўлади.

ЎзР Президентининг ЎзР Бош прокурори ҳамда унинг ўринбосарларини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлари ЎзР Олий Мажлиснинг Сенати томонидан тасдиқланади.

ЎзР БПда бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлар ташкил этилади.

ЎзР Бош прокурорининг катта ёрдамчилари ва ёрдамчилари, бош бошқармалар, бошқармалар, бўлимларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари, катта прокурорлар, прокурорлар, алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчилар ва алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилар ЎзР Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

ЎзР Бош прокурори прокуратура органларига раҳбарлик қилади ва улар фаолияти устидан назоратни амалга оширади.

ЎзР Бош прокурори:

ЎзР Олий Мажлиснинг ҚПга қонунчилик ташаббуси б-н мурожаат этиши мумкин;

ЎзР КСнинг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин;

ЎзР ОС Пленуми мажлисларида иштирок этади, кўрилаётган ишлар бўйича ва муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш б-н боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

ЎзР ОХС Пленуми мажлисларида иштирок этади, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонун ҳужжатларини қўллаш б-н боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

ЎзР БП хайъатининг таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги таклифларни ЎзР Президентига киритади;

прокуратура органлари ходимларига даражали унвонлар беради ва олий даражали унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимнома б-н ЎзР Президентига мурожаат этади;

прокуратура органлари ходимларини ЎзР давлат мукофотларига тақдим этади;

прокуратура органлари ходимларини “Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими” кўкрак нишони б-н тақдирлайди;

буйруқлар чиқаради ҳамда прокуратура органларининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

чет эл давлатларининг тегишли органлари б-н ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар тузади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР Бош прокурорининг буйруқлари ва б. ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) ЎзРнинг Конс.си ва қонунларига зид бўлса, ЎзР КСнинг қарори асосида бекор қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAḲKAMACI – ЎзР Ҳукумати – ЎзРда иқтисодийнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, ЎзР қонунлари, ЎзР Олий Мажлисининг қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органи. ЎзР ВМ давлат бошқаруви органлари тизими ва ўзи ташкил этидиган хўжалик бошқаруви органлари тизимига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжихатлик б-н фаолият кўрсатишини таъминлайди.

ЎзР ВМ ўз фаолиятида ЎзР Президенти ва ЎзР Олий Мажлиси олдида жавобгардир. ЎзР ВМ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

ЎзР ВМ таркибига ЎзР Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари қиради. ҚР Ҳукуматининг бошлиғи ўз лавозими бўйича ЎзР ВМ таркибига қиради. ЎзР ВМнинг таркиби ЎзР Президенти томонидан шакллантирилади.

Давлат бошқарувининг, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишининг энг муҳим масалалари ЎзР ВМнинг мажлисларида ҳал этилади. ЎзР ВМнинг мажлислари йилнинг ҳар чорағида камида бир марта ўтказилади. ЎзР ВМнинг мажлисларини Бош вазир ўтказиши мумкин. ЎзР Президенти ЎзР ВМнинг мажлисларида раислик қилишга ҳақли.

ЎзР ВМ ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриши, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва б. материалларни тайёрлаш, ЎзР ВМ қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориши учун ЎзР ВМнинг девони фаолият кўрсатади.

ЎзР ВМнинг фаолият кўрсатиши тартиби ЎзР Конс., “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги Қонуни ва б. қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAḲKAMACI ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ – Ўзбекистонда илмий ва илмий-педагог ходимларга фан, техника, халқ таълими ва маданиятнинг барча йўналиши бўйича илмий даража ва унвон берувчи давлат органи. ЎзР Президентининг 1992 й. 31 мартдаги ПФ–371-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ташкил қилиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда ЎзР ВМнинг 1992 й. 9 сентябрдаги 421-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари” ҳақидаги қарори б-н ташкил этилган.

ЎзР ВМ ҳ.О.а.к.нинг асосий вазифаси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан

ўтказишга раҳбарлик қилиш ҳамда илмий даража ва унвонларга қўйиладиган талабларнинг ягоналиги ва бажарилишини таъминлаш, ихтисослашган кенгашлар иши ва диссертация ишлари сифатини, уларнинг илмий ҳамда амалий қийматини назорат қилиб боришдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAḲKAMACI DEVONI – ЎзР ВМ ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриши, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва б. материалларни тайёрлаш, ЎзР ВМ қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориши учун ЎзР ВМ д. фаолият кўрсатади. ЎзР ВМ д. ва унинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар ВМ томонидан тасдиқланади. ЎзР ВМ д. асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари ЎзР Президенти б-н келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAḲKAMACI ZAḲHIRA JAMFARMACI – ЎзР ВМ З.ж. ЎзР Давлат захираларининг таркибий қисми бўлиб, бюджетни тузишда ҳисобга олиниши мумкин бўлмаган иқтисодий, ижтимоий-маданий ва б. соҳалардаги кўзда тутилмаган кўшимча харажатларни йил давомида ўз вақтида ва узлуксиз маблағ б-н таъминлайди. ЎзР ВМ З.ж. микдори ЎзР Давлат бюджети харажатлари таркибида назарда тутилади. Захира жамғармаси маблағлари республика бюджетига тушувчи даромадларнинг бир қисми ҳисобига шакллантирилади. Захира жамғармаси микдори тегишли йилга Давлат бюджети харажатлари микдоридан фойдаланишда тасдиқланади. Давлат бюджети параметрлари йил мобайнида ўзгарган тақдирда Захира жамғармасининг тасдиқланган микдори республика бюджетининг кўшимча даромадлари мавжудлиги ҳисобга олинган ҳолда ЎзР ВМ томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкин. ЎзР ВМ З.ж. маблағларининг тасарруфчиси ҳисобланади. Захира жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги Молия вазирлиги б-н олдиндан келишилган таклифлар тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан ЎзР ВМнинг Иш тартибига мувофиқ ЎзР ВМга киритилади. Агар Захира жамғармасида кўшимча маблағлар ажратиш таклифи этилаётган айнан шу мақсадларга бюджетда маблағлар назарда тутилган бўлса, у ҳолда Захира жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги таклифлар фақат илгари бюджетда назарда тутилган сумма сарфлаб бўлингандан кейин киритилади. Захира жамғармасидан пул суммаларини ўтказиш белгиланган тартибда ЎзР Молия вазирлиги томонидан ЎзР Президентининг фармонлари, фармойишлари, ЎзР ВМнинг қарорлари, фармойишлари асосида аниқ мақсадлар учун ва уларда кўрсатилган микдорларда амалга оширилади. Жамғарма маблағларини олувчилар томонидан Захира жамғармаси маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмайди. Захира жамғармаси маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланишда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAḲKAMACI FARMOIISHLARI – ЎзР ВМнинг тезкор ва б. жорий масалалар бўйича ҳужжатлари.

ЎзР ВМ қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎзРнинг бутун ҳудудда барча органлар, корхоналар, муассасалар, таш-

килотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган фармойишлар қабул қилади. ЎзР ВМ ф. Бош вазир томонидан имзоланади.

ЎзРнинг Президенти ЎзР Конс.сининг 89-м.си ва 93-м.сига асосланган ҳолда ЎзР ВМ ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, ЎзР ВМ ф.ни бекор қилишга ҳақли.

ЎзР ВМ ф., агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

ЎзР ВМ ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИ – ЎзР ВМнинг норматив тусдаги ёки ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлари.

ЎзР ВМ қонун ҳужжатларига мувофиқ ЎзРнинг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади. ЎзР ВМ қ. Бош вазир томонидан имзоланади.

ЎзРнинг Президенти ЎзР Конс.сининг 89-м.си ва 93-м.сига асосланган ҳолда ЎзР ВМ ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, ЎзР ВМ қ.ни бекор қилишга ҳақли.

ЎзР ВМ қ., агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

ЎзР ВМ ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан бевосита ёки вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари орқали назоратни амалга оширади.

ЎзР ВМнинг норматив тусдаги қарорлари ЎзР Хукумати қарорлари тўпламида эълон қилинади, кенг оммага дарҳол етказиш зарур бўлган тақдирда эса, оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ – ўз ваколатлари доирасида ягона бож сиёсати ўтказилишини, божхона ишлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини, давлат божхона хизмати органлари тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

ЎзР Д.б.к. органларининг тизимига ЎзР Д.б.к. марказий аппарати, ЎзР Д.б.к.нинг ҚР, вил.лар, Тошкент ш. бошқармалари, ихтисослаштирилган божхона комплекслари, божхона комплекслари ва божхона постлари киради.

ЎзР Д.б.к. органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

республиканинг иқтисодий манфаатларини химоя қилиш ва белгиланган ваколатлар доирасида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш;

республика бож сиёсати ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида қатнашиш;

бож қонунларига риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш;

бож ишларини амалга оширишда фуқароларнинг, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш;

республиканинг ташқи иқтисодий алоқалари ривожланишига кўмаклашиш;

хорижий давлатларнинг божхона органлари, божхона иши масалалари б-н шуғулланувчи халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилиш, халқаро божхона ва савдо ташкилотларида қатнашиш;

ЎзРнинг халқаро шартномалардан келиб чиқувчи божхона ишига оид мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

бож пошлиналари, солиқлар ва б. бож тўловларини ундириш;

республиканинг бошқа давлатлар б-н савдо-иқтисодий, валюта-молиявий муносабатларини бож-тариф тартибга солиш воситаларини ишлаб чиқиш ва самарали қўллаш;

ЎзРнинг божхона чегараси орқали ўтадиган товарлар ва транспорт воситалари устидан божхона текширувни таъминлаш;

республиканинг божхона чегараси орқали товар обороти ўтишини жадаллаштиришга кўмаклашувчи шарт-шаронлар яратиш;

қонрабандда, божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш, республиканинг божхона чегараси орқали гўёқвандлик моддалари, психотроп ва портловчи моддалар, қурол-яроғ, валюта бойликлари, миллий бойлик ҳисобланган бадий, маданий-тарихий ва археологик мерос буюмлари, интеллектуал мулк объектлари ғайриқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш;

божхона статистикаси ва махсус божхона тизимини юритиш, ЎзР Хукуматини, манфаатдор вазирликлар ва идораларни божхона ишига тегишли масалалар бўйича ахборот б-н таъминлаш;

божхона иши соҳасидаги фаолият тўғрисидаги ахборотни тўплаш ва уни ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш;

кадрлар тўғри танланиши ва жой-жойига қўйилишини, Д.б.к. органлари шахсий тарқибни хизмат тайёргарлиги ва интизоми юқори даражада бўлишини таъминлаш, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун божхона расмийлаштирилиши бўйича мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

божхона брокерлари, божхона ташувчилари фаолияти, божхона ва эркин омборлар, божсиз савдо дўконлари иши, товарларга божхона ҳудудидан ташқарида, божхона ҳудудида ва божхона назорати остида қайта ишлов берилиши устидан назоратни таъминлаш;

божхона иши соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ва маслаҳатлар беришни ташкил этиш;

божхона органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, божхона атрофи инфраструктураси ривожланишига кўмаклашиш;

ЎзР қонунчилиги ва тузилган халқаро шартномалар, битимлар б-н белгиланадиган бошқа вазифалар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги қонун ЎзР ВМнинг 1997 й. 30 июлдаги 374-сон қарори б-н тасдиқланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ – қ. *Давлат бюджети.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ – солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иқти-

содий манфаатлари ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширувчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

ЎЗР Д.с.к.нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар, йиғимлар ва б. мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқирилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

солиқ солиш субъектлари ва объектлари тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олинishi таъминлаш, солиқ тўловчиларни тўлиқ камраб олиш ва ҳисобга олиш механизмни такомиллаштириш;

солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадбирлар ўтказиш йўли б-н солиқлар йиғилишини кўпайтириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари томонидан белгиланадиган солиқ сиёсатини амалга оширишда беvosита қатнашиш;

солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришда солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларнинг ҳисобини маълумотларнинг ягона компьютер тизимида юритиш. Солиқ тўловчиларнинг ягона реестрини юритиш;

солиқ органларида кадрларни тайлаш, уларни ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш.

ЎЗР Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низом ЎЗР ВМнинг 2000 й. 5 майдаги 180-сон қарори б-н тасдиқланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ – ЎЗР ИИВ ва унинг ҳудудий органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида қиради.

Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш ва тартибга солиш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Уларга, 1919 й. 26 июнда Туркистон АССР Ички ишлар халқ комиссариатининг Россия Совет Федерациясининг Туркистон Республикасидаги Совет ишчи-деҳқон милицияси тўғрисидаги низом, ўша йилнинг июль ойида қабул қилинган Туркистон АССРда жинорий қидирувни ташкил этиш тўғрисидаги низом, 1948 й.да қабул қилинган Милиция постлари ва патрул хизматининг низоми, 1953 й. 20 июлдаги Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг “Ўзбекистон ССРда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва жамоат тартибини сақлаш чоралари тўғрисида”ги қарори, собиқ СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1962 й. 26 сентябрдаги ҳар йили 10 ноябрни “Милиция куни” деб белгилаб, уни байрам қилиш тўғрисидаги Фармони, ички ишлар органларида дастлабки тергов юритиш ҳуқуқини берган собиқ иттифок Олий Кенгаши Раёсатининг 1963 й. 6 апрелдаги “Жамоат тартибини сақлаш органларига дастлабки терговни олиб бориш ҳуқуқини бериш тўғрисида”ги Фармонлари қиради. ЎЗР ўз мустақиллигига эришгандан сўнг, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари қатори ички ишлар

органлари фаолиятида ҳам кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Бугунги кунда, ЎЗР ИИВ ВМнинг 1993 й. 8 январдаги 16-сон қарори б-н тасдиқланган ЎЗР ички ишлар органларида хизмат ўташ тўғрисидаги Вақтинчалик низом асосида фаолият кўрсатмоқда. Мана шу Вақтинчалик низомга асосан ички ишлар органлари оддий ва раҳбар ходимлар таркибининг ички ишлар органларида хизмат қилиш тартиби белгилаб қўйилган.

Ички ишлар органларининг асосий вазифаларига конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳамда қорхона, муассаса, ташкилотларнинг мулкни, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар хил жинорий тажовузлардан ва б. ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни қисқа фурсатда тўлиқ очилишини таъминлаш, жиноятни содир этиш сабабларини аниқлаб, уларнинг бартараф этиш, содир этилган жиноятларни тергов қилиш, паспорт тизими фаолиятини таъминлаш (фуқароларга паспорт берилишини, уларнинг рўйхатдан ўтиш ва чиқишини, визаларни расмийлаштириш), йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаш, маъмурий жавобгарлик ва жинорий жазоларнинг бажарилишини таъминлаш, ёнғин ҳавфсизлигини сақлаш, вояга етмаганлар б-н ишлаш, фуқаролар томонидан ўқотар қуролларни сотиб олиш, сақлаш ва олиб юриш тартибини назорат қилиш ва расмийлаштириш каби кўплаб вазифалар қиради.

2001 й. 27 мартда ЎЗР Президентининг “Ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармон ВМнинг шу масалага боғлиқ бир неча қарорининг қабул қилинишига туртки бўлди. Мазкур Фармон ва қарорлар асосида ЎЗР ИИВ етакчи хизматларининг деярли ҳаммасида ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ўтказилган ислохотлар натижасида вазирлик Тергов, Жамоат тартибини сақлаш, Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда Ёнғин ҳавфсизлиги бошқармаларига Бош бошқарма мақоми берилди, уларнинг ваколатлари ва вазифалари кенгайтирилиб, жойлардаги бўлимлари бошқармаларга айлантирилди. Ички ишлар органларидаги ислохотлар бугунги кунда ҳам изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Ҳозирги пайтда ЎЗР ИИВ тизимида Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси, Тергов бош бошқармаси, Пост-патруль хизмати ва Жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги бош бошқармаси, Ёнғин ҳавфсизлиги бош бошқармаси, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бошқармаси, Республика “Қўриқлаш” бирлашмаси ва кўплаб бошқармалар, хизматлар қиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ – ЎЗР ИИВ А. Марказий Осиёда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари учун кадрлар тайёрлаш бўйича энг йирик олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Академиянинг фаолияти устав асосида амалга оширилади.

ЎЗР ИИВ А. ички ишлар органлари учун юқори касб маҳоратига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланадиган, жиноятларнинг олдини олиш, уларни очиб ва тергов қилиш,

жамият хавфсизлиги ва мамлакатда ҳуқуқий тартибни таъминлаш вазифаларини самарали бажаришга қодир бўлган олий ихтисослашган таълим муассасаси; ўқув-оператив бўлими ва ЎзР Ички ишлар вазирлигининг оператив вазият кескинлашганда Тошкент мудоффа мақолини химоя қилиш режаси доирасида жамоат тартибни ва хавфсизлигининг сақланишини кучайтириш, бошқа оператив хизмат ва инфо-ларини бажариш учун мўлжалланган захираси ҳисобланади.

Академияга ташкилий жиҳатдан ички ишлар органлари офицерларини тайёрлаш бўйича ўқув курслари, ички ишлар органлари офицерларининг малакасини ошириш факультети, олий академик курслар, ички ишлар органлари сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслар, 21 та кафедра, 14 та бўлим, ҳар хил ёрдамчи хизматлар қиради.

ЎзР ИИБ А.да кадрлар тайёрлаш қуйидагиларни кундузги тартибда ўқитиш орқали амалга оширилади:

ички ишлар органлари офицерларини қуйидаги мутахассисликлар бўйича: “жиноятларни олдини олиш фаолияти”, “оператив қидирув фаолияти”, “тергов фаолияти”, “эксперт-криминалистик фаолият” – тўрт йил ўқитилади ва “юрис” квалификациясини берилади;

“ички ишлар органларининг бошқарувини ташкил қилиш” – (олий юридик маълумот асосида) бир йил ўқитилади ва “жамоат хавфсизлиги ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида бошқарувни ташкил қилиш” квалификациясини берилади;

ички ишлар органлари сержантлар таркиби қуйидаги мутахассисликлар бўйича: “патруль-пост фаолияти”, “йўл-патруль фаолияти”, “қўриқлаш фаолияти”, “ёнғинга қарши кураш фаолияти”, “муҳандислик-техник фаолият”, “паспорт-руҳсатнома таъминоти фаолияти”, “жиноят-ижроия (жазони ижро этиш) фаолияти” ва б. мутахассисликлар (сержантлик лавозимини эгаллаш учун) – олти ой ўқитилади ва “ички ишлар органлари мутахассиси” квалификациясини берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжаглари Қонс.га қанчалик мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти органи (“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.си).

ЎзР КСи:

ЎзР қонунларининг ва ЎзР Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, ЎзР Президенти фармонларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, ЎзР давлатлараро шартномавий ва б. мажбуриятларининг ЎзРнинг Қонс.сига мослигини аниқлайди;

ҚРнинг Қонс.си ЎзРнинг Қонс.сига, ҚРнинг қонунлари ЎзРнинг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

ЎзР Қонс. ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради; ЎзРнинг Қонс.си ва қонунлари б-н ўзининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади.

ЎзР КСи фақат ЎзР Қонс.сига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

ЎзР Қонс.сининг 80-м.си 2-бандига ва “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, ЎзР КС ЎзР Президентининг тақдимида биноан Олий Мажлисининг Сенати томонидан

суд Раиси, Раис ўринбосари ва ҚРдан сайланадиган судьяни қўшган ҳолда ЎзР КСнинг беш аъзосидан иборат таркибда сайланади.

ЎзР КСнинг ҳар бир судьяси яқка тартибда сайланади. Олий Мажлис Сенати аъзолари депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

ЎзР КСи таркибидан камидан тўрт киши сайланган тақдирда, суд ўз фаолиятини бошлашга ҳақлидир.

Судья ЎзР КСи таркибидан чиқиб кетган тақдирда, Олий Мажлисининг Сенати ушбу моддада белгиланган тартибда бошқа шахсни сайлайди.

ЎзР Қонс.сининг 107-м.сига мувофиқ, ЎзР КСи беш йил муддатга сайланади.

ЎзР КСи доимий ишлайдиган органдир.

ЎзР КСнинг мажлислари заруратга қараб ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ДЕВОНИ – “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 29-м.сига мувофиқ, КСнинг фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ЎзР КС д. тузилади. Девон тузилиши ва штатлари ажратилган маблағ доирасида КСнинг Раиси томонидан тасдиқланади.

ЎзР КСи д.нинг иши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг девони тўғрисидаги низом асосида ташкил этилади. ЎзР КСи д.нинг ишига умумий раҳбарлик, ЎзР КСи д. ходимларини ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, ЎзР КСи д. ходимларини рағбатлантириш чораларини кўриш КС Раиси томонидан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ МАЖЛИСИ – ЎзР КСи томонидан унинг муҳокамасига киритилган масалаларни кўриб чиқиб ҳал этиш ЎзР КСи м. шаклида амалга оширилади. ЎзР КС м.лари Раис томонидан, у йўқлигида КС раисининг ўринбосари томонидан, КСнинг Раиси ва унинг ўринбосари йўқлигида ёки улар ўз вазифаларини бажариш имкониятига эга бўлмаганида КСнинг энг катта ёшли судьяси томонидан қабирилади. ЎзР КСи м.да битта ёки бир неча масала кўрилиши мумкин. Ҳар бир масала юзасидан алоҳида қарор қабул қилинади.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 21-м.сига мувофиқ, ЎзР КС м.да ЎзР Президенти, Олий Мажлис ҚПнинг Спикери, унинг ўринбосарлари, Олий Мажлис Сенатининг Раиси, унинг ўринбосарлари, Бош вазир, ҚР Жўқорғи Кенгеси Раиси, ЎзР ОСининг Раиси, ЎзР ОХСнинг Раиси, ЎзР Бош прокурори ва Адлия вазири қатнашишлари мумкин. Улар кўриб чиқилаётган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидирлар.

ЎзР КСи м.да КС Раисининг тақлифияга биноан КС ҳузурдаги Илмий-машлахатлашув кенгашининг аъзолари, олимлар, сиёсат ва жамоат арбоблари, депутатлар, судьялар, халқаро ташкилотларнинг, давлат органларининг, жамоат бирлашмаларининг, илмий муассасалар ва олий ўқув юр்தларининг вакиллари иштирок этишлари мумкин. Таклиф қилинганлар раислик қилувчининг руҳсати б-н кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан сўзга чиқишлари мумкин. ЎзР КС м. ҳар бир масала бўйича, қанда тарихида, узлуксиз ўтади, мажлис иштирокчиларига дам олиш учун ёки яқунловчи пунктларга тайёрланиш учун ажратилган вақт бундан мустасно.

ЎзР КС м.да баённома юритилади. Суд мажлиси баённомаси раислик қилувчи ва суд мажлисининг котиби (котиблари) томонидан имзоланади ва ишга қўшиб қўйилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ СУДЬЯСИ – ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Олий Мажлиси Сенати томонидан ЎзР КС с. этиб сайланган шахс.

Сиёсат ва ҳуқуқ соҳаси мутахассислари бўлган, юксак маънавий фазилатли ва зарур малакали ЎзР фуқароси ЎзР КС с. этиб сайланиши мумкин.

ЎзР КС с.ларига ЎзР Президенти томонидан Олий малака ёки Биринчи малака даражалари берилади.

ЎзР КС с.ларини ЎзР Президенти қасамёд қилдиради.

ЎзР КС с. вазифаларини бажарган вақтда депутатлик мандатига эга бўлиш, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга аъзолик, ҳақ тўланадиган бошқа лавозимни эгаллаш мумкин эмас.

ЎзР КС с. ўз ваколатлари даврида алмаштирилмайди. Судьянинг ваколатлари Қонунда белгиланган тартиб ҳамда асослардан ўзга тарзда тугатилиши ёки тўхтатилиши мумкин эмас.

ЎзР КС с. ЎзР КСнинг розилигисиз жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек ҳибсага олиниши мумкин эмас.

ЎзР КС с.га нисбатан жиноий иш фақат ЎзР Бош прокурори томонидан кўзгатилиши мумкин.

ЎзР КС с.ни мажбурий келтириш, ушлаб туриш, худди шунингдек шахсий ашёлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат биносини кўздан кечириш мумкин эмас (“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 12-15-м.лари).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ТЎХТАМИ – ЎзР КСнинг киритилган масала юзасидан бирор-бир фикрга келиши.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 25-м.сига мувофиқ, ЎзР КС конституциявийлиги шубҳа тугдирган кўриб чиқилаётган аниқ масалалар юзасидангина тўхтама келади.

ЎзР КС с. норматив ҳужжатнинг конституциявийлигини текшириб, бир вақтнинг ўзиде текширилган норматив ҳужжатга асосланган ёхуд унинг қоидаларини тақорлайдиган норматив ҳужжатлар хусусида ҳам, гарчи КС қараб чиқиши учун киритилган масалада улар хусусида сўз юритилмаган бўлса-да, тўхтама келиши мумкин.

ЎзР КС т. очиқ овоз бериш йўли б-н қабул қилинади.

Судья овоз беришда бетараф қолишга ёки қатнашмасликка ҳақли эмас.

Мажлисада қатнашаётган судьяларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган бўлса, ЎзР КС т. қабул қилинган деб ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиниб қолган тақдирда, раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

ЎзР КС с. т.га қўшилмаган КСнинг судьяси ўз фикрини ёзма тарзда баён қилиш ва уни КС мажлиси баёнига қўшиб қўйишга ҳақлидир.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 26-м.сига асосан, давлатлараро шартноманинг ва норматив ҳужжатнинг конституциявийлиги юзасидан кўриб чиқилган ишнинг мохияти бўйича КСнинг тўхтама қарор деб аталади. Қарорлар КС томонидан ЎзР номидан чиқарилади.

Бошқа ҳолларда ЎзР КС т. хулоса деб аталади ёки бошқача шаклда ҳам бўлиши мумкин.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига асосан, КС фақат ЎзР Конс.сига амал қилган ҳолда ишларни ҳал этади ва хулосалар беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ХУЛОСАСИ – қ.: *Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўхтама*.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ҚАРОРИ – қ.: *Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўхтама*.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ

БАНКИ – ЎзРнинг банк тизимини бошқарувчи давлат органи. ЎзР М.б. юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкдир. ЎзР М.б. ўз сарф-харажатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. ЎзР М.б.нинг мол-мулки унинг пул ва б. моддий бойликларидан иборат бўлиб, уларнинг қиймати ЎзР М.б. балансида акс эттирилади. ЎзР М.б. ўз балансида акс эттирилган мол-мулкка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилишга ҳақли.

ЎзР М.б.нинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат. ЎзР М.б. асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

ЎзРда ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари, микрокредит ташкилотлари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қозғалар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

ЎзРнинг расмий олтин-валюта резервларини, қилишувга биноан ҳукумат резервларини қўшган ҳолда, сақлаш ва тасарруф этиш;

давлат бюджетининг касса ижросини ЎзР Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир.

ЎзР М.б.нинг олий органи унинг Бошқарувидир. Бошқарув ЎзР М.б. сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради, банкни бошқаради. Бошқарув (ўн бир) кишидан иборат бўлади. Бошқарув таркибига Марказий банк Раиси, унинг ўринбосарлари, шунингдек банкнинг асосий бўлиналари раҳбарлари қиради. ЎзР М.б. Раиси Бошқарувнинг Раиси ҳисобланади. ЎзР М.б. Бошқарувининг Раиси ЎзР Президентининг тақдимига биноан ЎзР Олий Мажлисининг Сенати томонидан лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

ЎзР М.б.нинг фаолияти ЎзР Конс.си, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуни ва б. қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ

САЙЛОВ КОМИССИЯСИ – ЎзР Президенти сайловини, ЎзР Олий Мажлисига сайловни, шунингдек ЎзР референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тузилади ҳамда у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

ЎзР М.с.к. ЎзР Олий Мажлиси томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

ЎзР М.с.к. аъзолари ҚР Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилллар ва Тошкент ш. Кенгашларининг тавсияси бўйича ЎзР Олий Мажлисининг ҚП ва Сенати томонидан сайланади.

ЎзР М.с.к.нинг Раиси комиссия аъзолари орасидан ЎзР Президентининг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

ЎзР М.с.к. Рансининг ўринбосари ва комиссия котиби комиссия аъзолари орасидан комиссия мажлисида сайланадилар.

ЎзР М.с.к.нинг ваколатлари ЎзР Олий Мажлиси томонидан тугатилиши мумкин.

ЎзР М.с.к.нинг фаолияти ЎзР Конс.си, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуни ва б. қонулар б-н тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ – ЎзР Президентининг 1994 й. 16 июндаги ПФ–870-сон “Ўзбекистон Республикаси миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида”ги Фармонида биноан 1994 й.нинг 1 июлидан бошлаб ЎзРнинг ҳудудда 1000 сўм-купонга бир “Сўм” нисбати б-н ЎзРнинг миллий валютаси – “Сўм” муомалага киритилди.

Сўм ЎзРда ягона, чеklangмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади. Ҳозирги вақтда республикада пул белгилари тизими банкнот ва металл тангалардан иборат. ЎзР Марказий банкининг қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўм, 1996 й.дан бошлаб 200 сўм, 1999 й.дан бошлаб 500 сўм ва 2001 й.дан бошлаб 1000 сўм бўлган банк қоғоз пуллари, 1, 3, 5, 10, 20, 50 тийин ва 1, 5, 10, 25, 50 сўм бўлган металл тангалар нақд пул муомаласига чиқарилди.

“Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг 33-м.сига мувофиқ, муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади. Шунинг учун, табиийки, ҳар бир пул бирлигида уни таъминлаш усули тўғрисида махсус кўрсатиш зарурати йўқ. Ҳозирги пул белгилари бевосита давлат ёки унинг топшириғи бўйича у ваколат берган банк томонидан муомалага чиқарилмоқда, аммо ҳар қандай ҳолда ҳам улар суверен давлат белгиларидан бири, давлат мустақиллигининг рамзидир. Бу ҳар қандай давлатнинг умумий бойлиги ва мулкидир. Бизнинг давлатимизда ваколатли банк ЎзР Марказий банки бўлиб, унга давлатимиз ҳудудда қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуқ берилган. Марказий банк банкнотлар босиб чиқарилиши ва тангалар зарб қилиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сақланишини, шунингдек, босма қолиплар ва бўёқлар сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пуллари сақлаш, ташини ва инкассо қилиш, шунингдек уларни йўқ қилиш қодаларини белгилайди. Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек уларнинг дизайнини ЎзР Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши б-н келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунинг-

дек уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар ЎзРнинг бутун ҳудудда тўловларнинг барча турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек ҳисобвараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида юбориш учун қабул қилиниши мажбурийдир. Марказий банк пул белгиларининг фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш ҳамда путур етган банкнотлар ва тангаларни алмаштириш тартибини белгилайди. Пул белгилари яроқлилигини аниқлаш ва уларни алмаштириб бериш тартиби эълон қилиниши лозим. Банклар путур етган банкнотлар ва тангаларни белгиланган қодаларга мувофиқ равишда чекловсиз айирбошлаб беради. Марказий банк ЎзР ҳудудда ҳар қандай банкнот ва тангаларни муомаладан қайтариб олишга ҳақли. Бунга Марказий банкнинг айирбошлаш тартиби ва муддати кўрсатилган норматив ҳужжат асос бўлиб хизмат қилиши керак, айирбошлаш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Марказий банк айирбошлаш учун белгиланган муддат тугаганида айирбошланиши керак бўлган банкнот ва тангалар қонуний тўлов воситаси сифатидаги ўз кучини йўқотади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ – Ўзбекистон парламенти, олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг амалга оширади.

ЎзР О.М. икки палатадан – ҚП (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

ЎзР О.М. ҚП ва Сенати ваколат муддати – беш йил.

ЎзР О.М.нинг ҚП қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

ЎзР О.М.нинг Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

ЎзР О.М.нинг Сенати аъзолари ҚР Жўқорғи Кенгеси, вилллар, тумлар ва ш.лар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли б-н ҚР, вилллар ва Тошкент ш.дан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. ЎзР О.М. Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎзР Президенти томонидан тайинланади.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил ЎзР ҳудудда муқим яшаётган ЎзР фуқароси ЎзР О.М.нинг ҚП депутати, шунингдек ЎзР О.М.нинг Сенати аъзоси бўлиши мумкин. Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар қонун б-н белгиланади.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида ЎзР О.М.нинг ҚП депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

ЎзР О.М.нинг фаолияти ЎзР Конс.си, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни ва б. қонулар б-н тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИ – ЎзР Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси ўз аъзоларидан иборат таркибда қўмиита ва комиссиялар ташкил қилади.

ЎзР Конс.сининг 87-м.сига асосан, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини олиб бориш, ҚП муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, ЎзР қонунилари ҳамда ҚП томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига ҚП депутатлари орасидан қўмиталарни сайлайди.

ЎзР Олий Мажлисининг Сенати Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, ЎзР қонунилари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг ижросини назорат қилиш учун ўз ваколатлари муддатига сенаторлар орасидан қўмиталарни сайлайди.

ЎзР Олий Мажлисининг ҚП ва Сенати, зарурат бўлган тақдирда, муайян вазифаларни бажариш учун депутатлар, сенаторлар орасидан комиссиялар тузади.

ҚПда, коида тарикасида: регламент; бюджет, банклар ва молия масалалари; иқтисодий масалалар ва тадбиркорлик; қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари; меҳнат ва ижтимоий масалалар; муҳофаа ва хавфсизлик масалалари; халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмиталари тузилади. ҚПда бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин. Қўмиталарнинг умумий сони, коида тарикасида, ўнтадан ошмаслиги керак.

Сенатда регламент, бюджет ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалалари, ташкилий-маъмурий масалалар, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, муҳофаа ва хавфсизлик масалалари, ташки сийёсат масалалари қўмиталари тузилиши шарт. Сенатда бошқа қўмиталар ҳам тузилиши мумкин. Сенат қўмиталарининг умумий сони, коида тарикасида, саккизтадан ошмаслиги керак.

Палаталар қўмиталарини сайлаш тартиби, ваколатлари, қўмиталар ишини ташкил этиш тартиби, мажлисларини ўтказиш тартиби, қўмита қарорлари, комиссиялар тузиш тартиби тегишлича “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар б-н белгиланади. Бундан ташқари, қўмита ва комиссиялар фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Регаменти тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Регламенти тўғрисида”ги Қонунлар б-н тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING АХБОРОТНОМАСИ – ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг матбуот органи, ЎзРнинг қонунлари, ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари эълон қилинадиган расмий манба.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) – к: *Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)*.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ – Ўзбекистон парламентининг юқори ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, юзта Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат. ЎзР О.М.С.нинг ваколат муддати беш йил.

ЎзР О.М.С. аъзолари (сенаторлар) ҚР Жўқорғи Кенгеси, вил.лар, тум.лар ва ш.лар давлат ҳокимияти вакиллик

органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли б-н ҚР, вил.лар ва Тошкент ш.дан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. ЎзР О.М.С.нинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан ЎзР Президенти томонидан тайинланади.

ЎзР О.М.С. иши ялпи мажлисларга ва унинг қўмиталари мажлисларига тўпланадиган сенаторлар фаолиятига асосланади. ЎзР О.М.С.да ҳудудий мансубликка кўра ҳамда сиёсий ёки бошқа асосда гуруҳлар тузишга йўл қўйилмайди.

ЎзР О.М.С. ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек палатанинги ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади. ЎзР О.М.С. умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва б. масалалар юзасидан баёнотлар ва мурожаатлар б-н чиқиши мумкин, улар палатанинги қарори б-н расмийлаштирилади.

ЎзР О.М.С. фаолиятининг ташкилий шакли унинг мажлисидир. ЎзР О.М.С. мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида уч марта ўтказилади. ЎзР О.М.С.га ЎзР О.М.С. Раиси раислик қилади.

ЎзР О.М.С., унинг органлари ва сенаторлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини ЎзР О.М.С. девони амалга оширади.

ЎзР О.М.С.нинг фаолияти ЎзР Конс.си, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни ва б. қонунлар б-н тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ – ЎзР парламентининг қуйи палатаси.

ЎзР О.М. ҚП (қуйи палата) бир юз эллик депутатдан иборат. ЎзР О.М. ҚПнинг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н сайланади.

ЎзР О.М. ҚПнинг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади.

ЎзР О.М. ҚПнинг иши барча палата депутатларининг профессионал, доимий фаолият кўрсатишига асосланади. ЎзР О.М. ҚПнинг ваколат муддати – беш йил.

ЎзР О.М. ҚП ўзининг ваколатларига киритилган масалалар юзасидан, шунингдек палатанинги ички фаолиятини ташкил этиш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади. ЎзР О.М. ҚП умумсиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва б. масалалар юзасидан баёнотлар ва мурожаатлар б-н чиқиши мумкин, улар палатанинги қарори б-н расмийлаштирилади.

ЎзР О.М. ҚП фаолиятининг ташкилий шакли унинг палата сессиялари даврида ўтказиладиган мажлисларидир. ЎзР О.М. ҚПга Спикер раислик қилади.

ЎзР О.М. ҚП, унинг органлари ва депутатлар фаолиятининг ташкилий, ахборот, моддий-техника таъминотини ЎзР ҚП девони амалга оширади.

ЎзР О.М. ҚПнинг фаолияти ЎзР Конс.си, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни ва б. қонунлар б-н тартибга солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ – фуқаролик, жиноий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи.

ЎзР ОСи ҚР олий судлари, вил., ш., туманлараро, тум. судлари ва ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

ЎзР ОСи ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва назорат тартибида кўради. У ўзи биринчи инстанция сифатида кўрган ишларни апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра апелляция ёки кассация тартибида кўриши мумкин. Апелляция тартибида кўрилган иш кассация тартибида кўрилмаслиги керак.

ЎзР ОСи ЎзР ОСи Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади, судларнинг кадрлари малакаси оширилишини ташкил қилади.

ЎзР ОСи раис, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари, судлов хайъатлари раислари, ЎзР ОСи судьяларидан иборат бўлиб, ЎзР ОСи Пленуми, ЎзР ОСи Раёсати, Фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати, Жиноят ишлари бўйича судлов хайъати, Ҳарбий хайъат таркибида иш олиб боради.

ЎзР Президентининг 2008 й. 23 июндаги ПК-896–сон “Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори б-н ЎзР ОСи ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилган.

ЎзР ОСининг ташкил этилиши ва унинг фаолиятини амалга ошириш масалалари ЎзР Конс.си, “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, ФПК ва ЖПК ҳамда бошқа қонунларда белгилаб берилган.

ЎзР ОСи “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси” (1989 й.дан ўзбек ва рус тилларида), “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами”ни нашр этади. “Куч адолатда” газетасининг муассисси ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ – энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, ЎзР ОСи судьялари ва ҚР ОСларининг раисларидан иборат таркибда иш олиб боради.

ЎзР ОСи П.нинг мажлисларида ЎзР Бош прокурори қатнашади. ЎзР ОСи П.нинг мажлисларида ЎзР ҚСи раиси, ОХС раиси, адлия вазири, судьялар, ЎзР ОСи ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

ЎзР ОСи П. тўрт ойда камида бир марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари ЎзР ОСи П.нинг аъзоларига, ЎзР Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

ЎзР ОСи П. Пленум аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

ЎзР ОСи П.:

ишларни назорат тартибида кўради;

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб

чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

ЎзР ОСи раисининг тақдимномасига биноан ЎзР ОСи ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

ЎзР ОСи раисининг тақдимномаларига биноан ЎзР ОСи Раёсатининг таркибини, судлов хайъатларининг таркиби ва раисларини, шунингдек ЎзР ОСи П.нинг қотибини тасдиқлайди;

ЎзР ОСи Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек судлов хайъатларининг фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

ҚР ОСлари, вил.лар ва Тошкент ш. судлари, ЎзР Ҳарбий суди раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек ЎзР ОСи П.нинг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди;

ЎзР ОСи матбуот органининг таҳрир хайъати таркибини тасдиқлайди;

ЎзР ОСи П. ва Раёсати регламентини тасдиқлайди; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИ – ЎзР ОСи Р. ЎзР ОСи судьяларидан ЎзР ОСи Пленуми томонидан белгиланадиган миқдорда тузилади.

ЎзР ОСи раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ЎзР ОСи Р. таркибига лавозим бўйича қирадилар.

ЎзР ОСи Р.нинг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва ЎзР ОСи Р. аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда, ваколатли ҳисобланади.

ЎзР ОСи Р.: ишларни назорат тартибида кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади; ҚР ОСлари, вил.лар ва Тошкент ш. судлари, ЎзР Ҳарбий суди раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини тинглайди; ЎзР ОСи судлов хайъатлари ва аппаратининг ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ – хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи.

ЎзР ОХС ҚР хўжалик судининг, вил.лар ва Тошкент ш. хўжалик судларининг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

ЎзР ОХС ишларни биринчи инстанция суди сифатида, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради.

ЎзР ОХС ЎзР ОХС Пленумининг тушунтиришлари хўжалик судлари томонидан бажарилишини назорат қилади, қуйи хўжалик судлари фаолиятини текширади, хўжалик судларининг ишини ташкил этиш ижобий тажрибасини ўрганади, умумлаштиради ва оммалаштиради.

ЎзР ОХС раис, унинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, судлов хайъатларининг раислари, ЎзР ОХС судьяларидан иборат бўлиб, қуйидаги таркибда иш олиб боради: ЎзР ОХС Пленуми; ЎзР ОХС Раёсати; Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов хайъати; Маъмурий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича судлов хайъати (“Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни-нинг 43 ва 44-м.лари).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ – хўжалик суд иш юритуви соҳасида энг юқори судлов инстанцияси бўлиб, ЎзР ОХС П. ЎзР ОХС судьялари ва ҚР хўжалик суди раисидан иборат таркибда иш олиб боради.

ЎзР ОХС П.нинг мажлисларида ЎзР Бош прокурори қатнашади. ЎзР ОХС П.нинг мажлисларида ЎзР КС раиси, ОС раиси, адлия вазири, судьялар, ЎзР ОХС ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

ЎзР ОХС П. бир йилда камида икки марта чақирилади. Муҳокама қилинадиган умумий масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳалари ЎзР ОХС П.нинг аъзоларига, ЎзР Бош прокурорига мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

ЎзР ОХС П. аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда, Пленум ваколатли ҳисобланади.

ЎзР ОХС П.:

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

ЎзР ОХС раисининг тақдимномаларига биноан ЎзР ОХС Раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркибини ва раисларини, шунингдек ЎзР ОХС П.нинг котибининг тасдиқлайди;

ЎзР ОХС Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ЎзР ОХС судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маърузаларни тинглайди;

ҚР хўжалик суди, вил.лар ва Тошкент ш. хўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек ЎзР ОХС П.нинг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришларини бажариш тўғрисидаги маърузаларни тинглайди;

ЎзР ОХС раисининг тақдимномасига биноан ЎзР ОХС ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлайди;

ЎзР ОХС матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлайди;

ЎзР ОХС П. ва Раёсати регламентини тасдиқлайди; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ РАЁСАТИ – ЎзР ОХС Р. ЎзР ОХС судьяларидан ЎзР ОХС Пленуми белгилайдиган миқдорда тузилади.

ЎзР ОХС раиси, унинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари ЎзР ОХС Р.нинг таркибига лавозим бўйича қирадилар.

ЎзР ОХС Р.нинг мажлислари ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Раёсат аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

ЎзР ОХС Р.: ишларни назорат тартибда кўради; суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади; ҚР хўжалик суди, вил.лар ва Тошкент ш. хўжалик судлари раисларининг қонун ҳужжатларини қўллаш тўғрисидаги маърузаларини тинглайди; хўжалик судлари, ЎзР ОХСнинг судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади; қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР ОХС Р.нинг мажлисида баённома юритилади. ЎзР ОХС Р.нинг қарори ва баённома раислик қилувчи томо-

нидан имзоланади (“Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни-нинг 50 ва 51-м.лари).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ – давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаоллият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президент ибораси лотинча “олдинда ўтирувчи” деган маънони англатади.

ЎзР П. лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 й. Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган ЎзР фуқароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ЎзР П. бўлиши мумкин эмас.

ЎзР Конс.нинг 10-м.сида Ўзбекистон халқи номидан иш олиб бориш ҳуқуқи ЎзР Олий Мажлиси б-н бир қаторда ЎзР П.га ҳам тегишли эканлиги эътироф этилган. ЎзР Конс.сига кўра, ЎзР П. бевосита халқ томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли б-н етти йил муддатга сайланади. ЎзР П. худди шу йўл б-н халқдан ваколат олади ва унинг номидан иш кўради. ЎзР П. Конс.га ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий қучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ўзбекистонда Президентлик ҳокимиятининг ташкил этилиши, вазифалари ва ваколатлари ҳақида Конс.нинг XIX боби, 89-97-м.ларида атрофлича баён қилинган.

ЎзР П. ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши мумкин эмас. ЎзР П.нинг шахси дахлсиздир ва қонун б-н муҳофаза этилади.

ЎзР П. ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши мумкин эмас. ЎзР П.нинг шахси дахлсиздир ва қонун б-н муҳофаза этилади. Ваколати тугаши муносабати б-н истеъфога чиққан ЎзР П. умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ СУДЪЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЛАВОЗИМЛАРГА ТАВСИЯ ЭТИШ БЎЙИЧА ОЛИЙ МАЛАКА КОМИССИЯСИ – суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш сиёсатини, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойилларини янада демократлаштиришни амалга оширадиган ЎзР Президенти ҳузуридаги доимий ишловчи орган (ЎзР Президентининг 2006 й. 17 мартдаги ПФ-3725-сон Фармони б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида низом).

Комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, ЎзР ОСи, ЎзР ОХС, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҚР ОСлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вил. ва Тошкент ш., туманлараро, тум. (ш.) судлари, ҳарбий судлар, ҚР хўжалик суди, вил.лар ва Тошкент ш. хўжалик судлари судьяларини танлаш ва лавозимларга тавсия этиш вазифалари юкланади.

Комиссия ЎзР Олий Мажлиси Сенати ва ҚП, ОСи, ОХС, Адлия вазири, ИИБ, БП вакиллари ва ҳуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар, шунингдек жамоатчилик

вакилларида шакллантирилади. Комиссия таркиби ЎЗР Президентининг Фармони б-н ўн етти кишидан иборат таркибда тузилади ҳамда Комиссия раиси, раис ўринбосари ва аъзолардан ташкил топади. Комиссия раиси ва унинг ўн бир нафар аъзоси беш йил муддатга тасдиқланади ва ўз фаолиятларини жамоатчилик асосида амалга оширадilar. Комиссия раисининг ўринбосари ва тўрт нафар аъзоси ўз фаолиятларини доимий асосда амалга оширадilar.

Комиссия раис Комиссиянинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва Комиссия зиммасига юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ – ЎЗР Президентининг ҳаётига тажовуз қилиш, баданига қасддан шикаст етказиш, уни омма олдида ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш, шунингдек матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш. Ушбу жиноят учун ЎЗР ЖКнинг 158-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ – “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат турларидан бири.

ЎЗР, РФ, Белоруссия, Украина ва қатор бошқа давлатларда давлат бошлиғи (Президент) чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат фармон деб номланади. Юқори мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаш ва ундан озод қилиш, фавқулодда ва ҳарбий ҳолатни жорий қилиш, орден ва медаллар б-н муқофотлаш, олий ҳарбий ва фахрий унвон бериш фармон б-н амалга оширилади. Умумий қондага кўра фармон шу давлат Конс.си ва қонунларига зид бўлмаслиги керак (РФда – РФ Конс.си, федерал конституциявий қонунлар ва федерал қонунларга). Айрим давлатларда фармонга монанд ҳужжатлар кўпинча декрет (АҚШда – ижроия директивалари) деб юритилади.

ЎЗР Конс.сининг 93-м.сига мувофиқ, ЎЗРнинг Президенти Конс.га ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудда мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 10-м.сига асосан, ЎЗРнинг Президенти ЎЗРнинг Конс.си ва қонунлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун фармонлар шаклида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ СУД ТИЗИМИ – беш йил муддатга сайланадиган ЎЗР КСи, ЎЗР ОСи, ЎЗР ОХС, ҚР фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ОСлари, ҚР хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вил.лар ва Тошкент ш. судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, тум., ш. судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

2000 й. 14 декабрда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг янги таҳририга кўра умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилди, яъни ҚРда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ОСлар, фуқаролик ва жиноят ишлар бўйича вил.лар ва Тошкент ш. судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, тум. (ш.) судлари, жиноят ишлари бўйича тум. (ш.) судлари жорий қилинди.

Судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиради, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўла-роқ таъминлайди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ И.М.МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ – қ: *Фалсафа ва ҳуқуқ институти.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ – қ: *Фуқаро; Фуқаролик.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ БАЗАСИ – ЎЗР ВМнинг 2000 й. 5 августдаги 304-сон қарорига асосан ЎЗР Қ.х.м.м.б.нинг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини тақомиллаштириш мақсадида яратилган.

2007 й. 1 июлидан бошлаб LexUz фойдаланувчиларга ЎЗР Қ.х.м.м.б.дан Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлади ва бунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реқвизитлари, шунингдек юридик таҳлил қарточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

ЎЗР қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;

қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича; тушунча ва атамалар маълумотномаси бўйича; алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенг қамровли кидириш имконини беради.

Излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс этирилади ва улар б-н ишларнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

танланган ҳужжатларнинг реқвизитлари бўйича саралаш;

танланган ҳужжатларнинг реқвизитлари бўйича гуруҳлаш;

ҳужжатлар б-н ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;

излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;

ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;

ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;

ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;

“Ҳаволалар харитаси” – танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент/респондент ҳужжатлар рўйхати;

ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;

ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда танланган ҳуж-

жатлар рўйхатини сақлаб қолиш ва излаш шартларини сақлаб қолиш;

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;

базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЗНА МАЖБУРИЯТЛАРИ – эмиссиявий қимматли қоғозлар эгалари ЎзРнинг Давлат бюджетига пул маблағлари киритганликларини тасдиқловчи ва бу қимматли қоғозларга эгаллик қилишнинг бутун муддати мобайнида қатъий белгиланган даромад олиш ҳуқуқини берувчи эмиссиявий қимматли қоғозлар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЧЕТ ЭЛ ФУКАРОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ – ЎзРда чет эл фуқароларининг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги.

Чет эл фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати ЎзР Коис.си ва б. қонун ҳужжатлари ҳамда ЎзРнинг халқаро шартномалари б-н белгиланади. Жумладан, ЎзР Коис.сининг 23-м.сига асосан, ЎзР ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар ЎзРнинг Коис.си, қонуни ва халқаро шартномалари б-н белгиланган бурчларни адо этадилар. ЎзР ФК 1169-м.сининг иккинчи қисмига мувофиқ, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ЎзРда фуқаролик ҳуқуқ лаёқатидан ЎзР фуқаролари б-н тенг равишда фойдаланадилар. ЎзРнинг қонуни ва ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар буидан мустасно.

Жисмоний шахс қайси мамлакатнинг фуқароси бўлса, шу мамлакат ҳуқуқи унинг шахсий қонун ҳисобланади. Шахс икки ёки ундан ортиқ фуқароликка эга бўлган тақдирда, у қайси мамлакат б-н энг кўп узвий боғланган бўлса, унинг учун ўша мамлакат ҳуқуқи шахсий қонун ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БОЖХОНА КОДЕКСИ – ЎзРда божхона ишларини тартибга солувчи ягона тизимга келтирилган қонулар мажмуаси, божхона ҳуқуқининг махсус манбаи. ЎзР БК 1997 й. 6 декабрда қабул қилинган ва 1998 й. 1 мартдан қўлдан киритилган. Кодекс 11 та бўлим, 19 та боб ва 198 мдан иборат. ЎзР БК божхона ишининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилайди ҳамда ЎзРнинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий ҳавфсизлигини ҳимоя қилишга, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги б-н алоқаларини фаоллаштиришга, фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат органлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга, уларнинг божхона иши соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришларини назорат қилишга қаратилган. ЎзР БК ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан қўлланиладиган божхона режимларининг рўйхатини белгилайди ва бу режимларнинг ҳар бирининг мазмунини тўла ёритиб беради; турли божхона ҳаракатларини амалга оширишнинг тартибини бошқариб туради; божхона ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг таркибини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди; божхона қондаларини бузиш турларининг рўйхатини ва ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавоб-

гарликни ҳамда божхона қондаларини бузишга доир ишлар бўйича иш юритиш тартибини белгилайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, республика давлат суверенитетининг рамзи.

ЎзР Д.б. халқаро майдонда: ЎзР расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўрғазмаларида, спорт мусобақаларида ЎзРнинг тимсоли бўлади.

ЎзР Д.б. байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эъдан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Байроқнинг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Байроқнинг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил хошиялар ўтказилган.

Байроқнинг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Янги ой ва юлдузларнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 70x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Янги ой вертикал ҳолатда жойлашган, дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Юлдузлар диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

ЎзР Д.б.:

1) доимий суратда:

ЎзР Президентли девонининг биносиди;

ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг биносиди;

ЎзР Ҳукуматининг биносиди;

ҚР Жўқорғи Кенгеси ва ҳукуматининг биносиди;

ЎзР маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг биносиди;

судларнинг биносиди;

2) халқ депутатлари Кенгашиларининг сессиялари ўтказилаётган бинолар ва уйларида – бутун сессия давомида;

3) ЎзР қонуни б-н белгиланган байрам кунларида ЎзР ва ҚР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари, бошқа давлат ва жамоат идоралари биноларида, қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда, шунингдек турар жой биноларида;

4) ЎзР Президенти сайлови, ЎзР Олий Мажлиси ҚП депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашиларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида – овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда;

5) ЎзРнинг чет элдаги дипломатия, савдо ваколатхоналари ва консулик муассасалари биноларида ва ҳаракатланиш воситаларида – дипломатия протоколининг халқаро қонун-қондаларига мувофиқ;

6) чет элдаги республикага қарашли бўлган, расмий шахслар сифатида ЎзР Президенти, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП Спикери, ЎзР Олий Мажлисининг Сенати Раиси, ЎзР Ташқи ишлар вазири, ЎзР мудофаа вазири, ЎзР дипломатия ва консуллик ваколатхоналарининг бошлиқлари тушган денгиз кемаларида, дарё кемаларида ва б. харакатланиш воситаларида;

7) ЎзР ҳукуматининг фармойишига мувофиқ;

8) республиканинг давлат ва жамоат идоралари, корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган маросимларда, тантанали тадбирларда;

9) спорт майдонларида – ЎзР чемпионатлари ва биринчиликларини, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш чоғида ҳамда ЎзР спорт терма командаларидан вакил бўлган халқаро мусобақа ғолибларини мукофотлаш муносабати б-н маросимлар ўтказиш вақтида кўтариллади.

ЎзР фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар ЎзР Д.б.ни ҳурмат қилишлари шарт. ЎзР Д.б.ни беҳурмат қилганлик ЎзР қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ГЕРБИ – “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, республика давлат мустақиллигининг рамзи.

ЎзР Д.г. куйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноклари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика хурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи – қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Д.б.ни ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “Ўзбекистон” деб ёзиб қўйилган.

ЎзР Д.г.нинг рангли кўринишида: Хумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноклари ва “Ўзбекистон” ёзуви – олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангида; чаноклардаги пахта – оқ рангида; лента – ЎзР Д.б.нинг ранглари акс эттирувчи уч хил рангида; саккизбурчак – олтин зарҳал б-н хошияланган холда ҳаво рангида; ярим ой ва юлдузлар – оқ рангида тасвирланган.

ЎзР Д.г.нинг тасвири:

1) куйидаги биноларда:

а) ЎзР Президенти девонининг биносиди;

б) ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг биноларида;

в) ЎзР Ҳукумати биносиди;

г) ЎзР давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг биноларида;

д) ЎзР вазирлиқлари, давлат кўмиталари, ЎзР ВМга қарашли бошқа органларнинг биноларида;

е) судларнинг биноларида;

ж) ЎзР Прокуратура идораларининг биноларида;

з) ЎзР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг биноларида;

2) ЎзР Олий Мажлиси ҚП ва Сенатининг қўшма мажлислари, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП ва унинг Кенгаши маж-

лислари, ЎзР Олий Мажлисининг Сенати ва унинг Кенгаши мажлислари, ЎзР ВМнинг мажлислари, халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган залларда, судларнинг суд мажлислари залларида, шунингдек тугилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинмаган хоналарда;

3) ЎзР Президенти ва унинг девони, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП, унинг Кенгаши, кўмиталари ва ЎзР Олий Мажлиси ҚПнинг девони, ЎзР Олий Мажлисининг Сенати, унинг Кенгаши, кўмиталари ва ЎзР Олий Мажлиси Сенатининг девони, ЎзР ВМ, ЎзР дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, ЎзР вазирлиқлари ва давлат кўмиталарининг, ЎзР ВМга қарашли бошқа органларнинг, судларнинг, ЎзР Марказий сайлов комиссияси, ЎзР прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, давлат нотариал идораларининг, ЎзР банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек ЎзР қонун ҳужжатлари б-н муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида;

4) ЎзР Президентининг, ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг, ЎзР ВМнинг расмий нашрларида;

5) ЎзР пул бириклариди, қимматли қоғозларида, облигацияларида, почта маркаларида, пул-буюм лотереяси билетларида;

6) ЎзР фуқаросининг паспортида, шунингдек ЎзР фуқароларига берилмаган дипломатия ва ўзга чет эл паспортларида;

7) ЎзР давлат чегараларида ўрнатилмаган сарҳад столбаларида ўрнатиб қўйиллади.

8) ЎзР почта алоқаси миллий операторларининг почта вагонлари ва почта қутиларида.

ЎзР Д.г.нинг бўртма тасвиридан ЎзР давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари мажлис залларида, судларнинг суд мажлислари залларида, фуқаролик ҳолатини қайд этиш идоралари – тугилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинмаган хоналарда фойдаланишлари мумкин.

ЎзР қонунларида ЎзР Д.г.нинг тасвирини акс эттириш мажбурий бўлган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

ЎзР фуқаролари, шунингдек республикада турган ўзга шахслар ЎзР Д.г.ни ҳурмат қилишлари шарт. ЎзР Д.г.ни беҳурмат қилганлик ЎзР қонунларида белгиланган тартибда жазоланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзР Давлат суверенитетининг рамзи. ЎзР Д.м.га зўр эҳтиром б-н қараш ЎзР ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. ЎзР Д.м.нинг муаллифлари шоир Абдулла Орипов ва композитор Мутал Бурхоновдир.

ЎзР Д.м.:

1) ЎзРда нишонланадиган умумхалқ байрамларига бағишланган тантанали йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши ҳамда ёпилиши вақтида;

2) Янги йил кечаси Тошкент вақти б-н соат 24 да республика телевидениеси ва республика радиоси орқали; ЎзРда нишонланадиган умумхалқ байрамлари қунларида республика телевидениеси орқали – дастурларнинг бош-

ланишида; ҳар куни Ўзбекистон радиоси республика ички радиоэшиттиришлар орқали дастурларнинг бошланиши ва тугалланиши олдидан;

3) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат ва ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган хайкаллар, шуниингдек монументлар, ёдгорликлар ва б. иншоотларнинг очилиши вақтида;

4) давлат идоралари, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари томонидан ўтказиладиган маросимлар ва б. тантанали тадбирларда ЎзРнинг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

5) расмий сафар б-н ЎзРга ташриф буюрган хорижий мамлакатларнинг давлат бошлиқлари ва ҳукумат бошлиқлари кутиб олиш ва кузатиш вақтида – тегишли хорижий давлатнинг Давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин ижро этилади.

ЎзР Д.м. Қонуни талабларига риоя этган ҳолда давлат идораларининг, корхоналар, муассасалар ва жамоат бирлашмалари раҳбарларининг қарорига бинноан бошқа ҳолларда ҳам ижро этилиши мумкин.

ЎзРнинг Д.м. оркестр, хор, ҳам оркестр, ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари б-н ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин. ЎзРнинг Д.м. вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари б-н ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса, мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади. ЎзРнинг Д.м. мадҳиянинг тасдиқланган матни ва муסיқавий тахририга айнап мувофиқ ҳолда ижро этилмоғи лозим. ЎзРнинг Д.м. кўпчилик ҳузурда ижро этилган тақдирда, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб, эркаклар бош кийинини олган ҳолда ёки қўлини чеккасига қўйиб тинглайдилар.

ЎзРнинг Д.м.ни:

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемадарда ижро этиш, шуниингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий салом бериши – ҳарбий уставлар билан;

ички ишлар идораларида ижро этиш, шуниингдек мадҳия ижро этилаётган пайтда ички ишлар идораларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибидан бўлган шахсларнинг салом бериши – ЎзР ИИВ белгилаб қўядиган қондалар б-н;

ўқув юртларида ижро этиш – ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда ЎзР Халқ таълими вазирлиги манфаатдор ташкилотлар б-н келишиб туриб белгилаб қўядиган қондалар б-н тартибга солинади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ЎзРнинг Д.м.ни ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади. Хорижий давлатлар ҳудудида ЎзРнинг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида ЎзРнинг Д.м. ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда ЎзР Ташқи ишлар вазирлиги белгилаб қўядиган қондаларга мувофиқ ижро этилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ Тўғрисидаги Декларация – 1990 й. 20 июнда ЎзР Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган тарихий ҳужжат бўлиб, мазкур декларация асосида ЎзР ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилди.

ЎзРнинг Д.м.т.д. – ЎзРни мустақил, демократик давлат эканлигини, ЎзРнинг халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлигини белгилайди.

Унда ҳар бир киши фаровон ҳаёт кечириши таъминланишини энг олий мақсад деб белгиланганлиги, Ўзбекистон ўз тараққиёти йўлини мустақил белгилаши, ўзининг мустақил давлат рамзларини таъсис этиши, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган асосий принципларининг устунлигини тан олиши ва ҳурмат қилиши белгиланган.

Шуниингдек, мазкур декларацияда ЎзР ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилашини, ЎзРнинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлимаслиги кафолатланган.

Декларацияда халқаро муносабатлар ҳам ўз аксини топган бўлиб, унга кўра, ЎзР бошқа давлатлар б-н ўзининг сиёсий, иқтисодий маданий ва б. муносабатларни шартнома асосида белгилаши ва амалга ошириши белгиланган.

Декларация ҚР ҳам ЎзР б-н биргалликда мустақил эканлигини, ҚРнинг суверенитети ЎзР томонидан муҳофаза этилишини, ЎзР Конс.си ва қонуллари ҚР манфаатларини ҳам ҳимоя қилишини белгилайди.

Шуни эътироф этиш мумкинки, ЎзРнинг Д.м.т.д. ўзида Ўзбекистон халқининг тарихий миллий давлатчилик тажрибаси, бой миллий анъаналарини акс эттирувчи муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ СИРЛАРИ – давлат томонидан қўриқланадиган ва махсус рўйхатлар б-н чегаралаб қўйиладиган алоҳида аҳамиятли, мутлақо махфий ва махфий ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва ўзга хил маълумотлар. Давлат сирлари ЎзРнинг мулкидир.

ЎзР Д.с. – давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини камраб олади.

Ошқор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий имкониятларининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар давлат сирини ташкил этади.

Ошқор этилиши ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий хусусиятга эга маълумотлар ҳарбий сирни ташкил этади.

Ошқор этилиши ЎзР манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат сирини ташкил этади.

Давлат сирларини сақлаш – бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, ташкилотлар, шуниингдек ЎзРнинг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчидир. Давлат сирларидан фойдаланиш б-н боғлиқ бирон-бир ишлар бундай сирларни сақлаш юзасидан чоралар қўрилганидан кейингина амалга оширилади.

ЎзР ЖКнинг 162 ва 163-м.ларида давлат сирларини ошқор қилганлик ҳамда давлат сирини ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш учун жавобгарлик белгиланган. Бу хилдаги жиноятлар жосуслик ва давлатга хиёнат қилиш жиноятидан фарқли равишда кўпинча эҳтиётсизлик, ҳужжатларни сақлаш қондаларига риоя этмаслик

оқибатида содир қилинади. Давлат сирларини ошкор қилиш, Давлат сирни ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, жазо кучайтирилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ – “Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзР ҳудуди доирасини (куруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизик ва бу чизик бўйлаб ўтувчи вертикал сатҳ.

ЎзР Д.ч.ни белгилаш ва ўзгартириш ЎзРнинг халқаро шартномаларига асосан ЎзР Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. ЎзР Д.ч. делимитация ва демаркация (редемаркация) қилинади.

ЎзР Д.ч. қуйидагича белгиланади:

куруқликда – ўзига хос нуқталар, рельефнинг чизиклари ёки аниқ кўриниб турадиган жойлар бўйича;

кема катнайдиган дарёларда – дарёнинг асосий фарватери ёки тальвеги ўртаси бўйлаб; кема катнамайдиган дарёларда, жилғаларда – уларнинг ўртаси ёки дарёнинг асосий ўзани ўртаси бўйлаб; кўллар ёки бошқа сув хавзаларида – ЎзР Д.ч. кўл ёки бошқа сув хавзаси қирғоқларига чиққан жойларни туташтирувчи тўғри ёки бошқача чизик бўйича. Дарё, жилға, кўл ёки бошқа сув хавзаси орқали ўтадиган ЎзР Д.ч. улар қирғоқларининг кўриниши ёки сув сатҳи ўзгарганда ҳам, дарё, жилға оқими у ёки бу томонга бурилганда ҳам ўзгармай қолаверади;

сув омборларида ва б. сунъий сув хавзаларида – улар сув б-н тўлдирилгунга қадар ЎзР Д.ч.нинг мазкур жойдан ўтган чизигига мувофиқ равишда;

дарёлар, жилғалар, кўллар ва б. сув хавзалари орқали ўтувчи кўприкларда, тўфонлар ва б. иншоотларда – ЎзР Д.ч. сувдан ўтиш-ўтмаслигидан қатъи назар, шу иншоотларнинг ўртаси ёки уларнинг технологик ўқи бўйлаб.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДИПЛОМАТИК ВАКОЛАТХОНАСИ БОШЛИҒИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ – “Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг дипломатия ваколатхонаси бошлиғи қуйидаги ҳолларда ЎзР Президентининг фармони б-н чақириб олинади: а) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи алмаштирилганда; б) дипломатия ваколатхонаси бошлиғи номатлуб шахс (персона нон гра-та) деб эълон қилинганда; в) давлатлар ўртасидаги дипломатия муносабатлари узилганда; г) давлатлар ўртасида уруш ҳолати эълон қилинганда; д) давлат халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида йўқолганда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЕР КОДЕКСИ – ЎзРда ер муносабатларини тартибга солишчи ягона тизимга келтирилган қонунлар мажмуаси, ер ҳуқуқининг махсус манбаи.

ЎзР ЕК “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1998 й. 30 апрелдаги ЎзР Қонуни б-н тасдиқланган ва ЎзР Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 1998 й. 30 апрелдаги 599–I-сон қарорига мувофиқ 1998 й. 1 июлдан амалга киритилган.

ЎзР ЕКнинг асосий вазифалари – ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ердан илмий асос-

ланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш-ни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, ҳўжалик юртишининг барча шакллари-ни теги ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат (I-м.). ЎзР ЕК 14 та боб, 91 та м.дан иборат бўлиб, қуйидаги масалаларни тартибга солади: ер фонди; ер тузиш; ерга бўлган мулкчилик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари; ер эгаси, ердан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; кишлок ҳўжалигига мўлжалланган ерлар; аҳоли пунктларининг ерлари; саноат, транспорт, алоқа, муҳофаза ва б. мақсадларга мўлжалланган ерлар; муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари; ўрмон фонди, сув фонди ерлари ва захира ерлар; ерларни муҳофаза қилиш; ердан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан назорат; ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ер участкалари ижарачиларига ва мулкдорларига етказилган зарар ҳамда кишлок ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш; ер хусусидаги низоларни ҳал этиш ҳамда ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИ – 1994 й. 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 й. 1 апрелдан амалга киритилган ЎзР ЖК Умумий ва Махсус қисмлардан иборат бўлиб, Умумий қисми 7 та бўлим, 17 та бобдан иборат (1–96-м.лар), Махсус қисми 8 та бўлим 24 та боб (97–302-м.лар)дан иборат.

Биринчи бўлимда жиноят қонунининг умумий қоидалари баён қилинган бўлиб, унда жиноят қонуни, ЖКнинг вазифалари ва принциплари, кодекснинг амал қилиш доираси инс.лари ўз ифодасини топган.

Иккинчи бўлимда жавобгарликнинг асосларини белгиловчи инс.лар жойлаштирилган. Унда жиноят ва уларни таснифлаш, жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар, айб, тамом бўлмаган жиноятлар, жиноятда иштирокчилик, бир қанча жиноят содир этиш тушунчалари берилган.

Учинчи бўлимда қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар тушунчаси ва турлари ўз ифодасини топган.

Тўртинчи бўлимда жазо ва уни тайинлаш инс.лари жойлаштирилган.

Бешинчи бўлимда жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш ҳамда судланганлик тўғрисидаги нормалар ўз аксини топган.

Олтинчи бўлимда вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари ва ниҳоят еттинчи бўлимда тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари, уларни тайинлаш шартлари баён қилинган.

ЎзР ЖК Махсус қисмининг бўлим ва боблари тажовуз қилинадиган ижтимоий муносабатларнинг махсус объектига, яъни ўхшаш бўлган объектлар ва бу объектларнинг аҳамиятига қараб, муайян тизимда жойлаштирилган.

ЎзР ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлими шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи етти боб-

дан иборат бўлиб, унда ҳаётга қарши (I боб), соғлиққа қарши (II боб), ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган (III боб), жинсий эркинликка қарши (IV боб), оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши (V боб), шахснинг овоздиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши (VI боб), фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши (VII боб) жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормалар жойлаштирилган.

Иккинчи бўлим тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлардан иборат бўлиб, унда тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши ҳамда ЎзРга қарши жиноятлар учун жавобгарликни белгилловчи нормалар жойлаштирилган.

Учинчи бўлим иқтисодий соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи инслардан иборат бўлиб, унда ўзгалар мулкини талон-торож қилиш б-н боғлиқ бўлган (X боб), ўзгалар мулкини талон-торож қилиш б-н боғлиқ бўлмаган (XI боб) иқтисодий асосларига қарши (XII боб), хўжалик фаолияти соҳасидаги нормалар ўз ифодасини топган.

Тўртинчи бўлим экология соҳасидаги жиноятлардан иборат бўлиб, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутувчи нормалар жойлаштирилган.

Бешинчи бўлимда ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар назарда тутилган. Шунингдек, оид судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик ҳам (XV боб) ушбу бўлимда берилган.

Олтинчи бўлим жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик деб номланиб, бу бўлимда жамоат хавфсизлигига қарши (XVII боб), транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши (XVIII боб), гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар б-н қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат (XIX боб) жамоат тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган.

Еттинчи бўлим ҳарбий хизмати ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни назарда тутди.

ЎзР ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида кодексда ишлатилган энг муҳим атамаларнинг ҳуқуқий маъноси берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ – 1997 й. 25 апрелда қабул қилиниб, 1997 й. 1 октябрдан амалга киритилган ЎзР ЖК Умумий ва Махсус қисмлардан иборат бўлиб, Умумий қисми 1-бўлим, 1–4 боб(1–18-м.)лардан, Махсус қисми 2–9 бўлим, 5–34 боб (19–197-м.)лардан иборат.

Мазкур Кодекс жиноят учун тайинланган жазо ва таъсир чораларини ижро этишга оид асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. У ЖКга тўла мос ва баъзи масалалар бўйича анчайин муайянлаштирувчи нормаларни назарда тутди. Айниқса, вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий таъсир кўрсатиш, ақли норасоларга тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари кўриш, шартли ҳукм этилганлар ҳамда жазони ижро этиш муҳлати кечиктирилганларнинг ахлоқи устидан назорат юритиш масалалари етарли даражада аниқлаштирилган.

Жазо ва тарбиявий чораларни ижро этиш борасида ушбу Кодекс, бир томондан, маҳкумларга, иккинчи томондан, жазони ижро этувчи муассаса ва органларга нисба-

тан қатъий талаблар қўяди. Маҳкумларни жазолашда ва мажбурлашда уларга нисбатан муносабат фақат қонунда назарда тутилган меъёр доирасида бўлиши мумкин. Ўзбекистон қонунчилигида давлат ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар жазони ижро этиш вазифаларини амалга оширишда фаол иштирок этишини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Жазони ижро этишда демократизм, ошқоралик, инсонпарварлик каби принципларга суяниш самарали натижалар бериши назарда тутилган. Ушбу кодекс маҳкумларни ўз вақтида жинсий жазодан озод этиш, уларга ёрдам бериш, ижтимоий ҳимоя идораларига зарур маълумотларни йўллаб, айниқса озодликка чиққанларга дастлабки қун ва ҳафталарда турмуш чорраҳаларида адашмасликларни учун ғамхўрлик кўрсатишга чорлайди.

Мазкур кодекс моддалари умумбашарий мезонларга ва андозаларга тўла мос келади. Ундаги барча қоидалар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ва ЎзР номидан имзоланган ёхуд ратификация қилинган шартнома ва битимларга ҳамоханг. Агар мазкур кодекс ва жазони ижро этиш тўғрисида бошқа қонун ҳужжатларидаги қоидалар халқаро шартномаларнинг бирор нормасига зид эканлиги аниқланса, ЎзР ҳудудида халқаро қоидалар амалда бўлади. Бажариш мажбуриятларини Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро нормалар миллий қонунларимиздан устун ҳисобланади. Жазони ижро қилувчи муассасалар ва органлар ана шу устуворликни инобатга олиб, ўз фаолиятларида тузиладиган расмий ҳужжатларида миллий қонунларимиздан устувор ҳисобланади. Жазони ижро этиш муассасалар ва органлар ушбу устуворликни инобатга олиб, ўз фаолиятларида тузиладиган расмий ҳужжатлари б-н бир қаторда тегишли халқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам ҳавола қилишлари мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ – ЎзР ЖКК 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 й. 1 апрелдан қучга кирган. ЎзР ЖКК ЎзР ҳудудида жиноят ишларини юритиш тартибини белгилловчи қонун нормаларидан иборат бўлиб, жиноят ишларини юритишнинг унда белгиланган тартиби барча судлар, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек фуқаролар учун ягона ҳамда мажбурий ҳисобланади.

ЎзР ЖКК икки (умумий ва махсус) қисмдан иборат бўлиб, умумий қисмида – жиноят процесси принциплари, жиноят процесси иштирокчилари, далиллар ва исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар, процессуал мажбурлов, жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш, жиноятнинг олдини олиш чоралари, реабилитация асослари ва оқибатлари, процессуал муддатлар ва чиқимларга доир; махсус қисмида – ишни судгача юритиш; биринчи инстанция судида иш юритиш, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш; ҳукм, ажрим, қарорларни ижро этиш, шунингдек алоҳида тоифадаги жиноят ишларини юритишга доир ҳуқуқий нормалар белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМИГА ТАЖОВУЗ ҚИЛИШ – ЎзРнинг амалдаги давлат тузумини Конс.га ҳилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятнинг босиб олишга ёхуд қонуний ра-

вишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд ЎзР ҳудудий яхлитлигини Конс.га ҳилоф тарзда бузишга очикдан-очик давлат қилиш, шунингдек бундай мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатиш ҳамда ҳокимият конституциявий органларининг қонуний фюлятига тўсқинлик қилиш ёки уларни Конс.да назарда тутилмаган параллел ҳокимият тузилмалари б-н алмаштиришга қаратилган зўравонлик ҳаракатлари, шунингдек давлат ҳокимияти ваколатли органларининг Ўзбекистон Конс.сида назарда тутилмаган тартибда тузилган ҳокимият тузилмаларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорларини белгиланган муддатда бажармаслик, шунингдек ҳокимиятни босиб олиш ёки ЎзР конституциявий тузумини ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштириш. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 159-м.сида жавобгарлик белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИ – ЎзРнинг асосий қонуни, олий юридик кучга эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. 1992 й. 8 декабрда 12-чакриқ ЎзР Олий Кенгашининг 11-сессиясида қабул қилинган. “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида”ги Конституциявий қонун (1991 й. 31 авг.) ушбу Конс. учун асос бўлиб хизмат қилган. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конс.сини яратиш гоёси илк бор 1990 й. 20 июнда бўлиб ўтган мамлакат Олий Кенгашининг 2-сессиясида илгари сурилган. Ушбу сессия Президент И.А.Каримов раислигида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссияни тузиш тўғрисида қарор қабул қилган. Унинг таркибига депутатлар, ҚР ва вилларнинг вакиллари, давлат ҳамда жамоат бирлашмалари, қорхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар кирган. Олий Кенгашнинг 10-сессиясида комиссия таркиби қисман янгиланган. Комиссия ишлаб чиққан лойиҳа матбуотда эълон қилиниб, кенг муҳокама этилган. Конституциявий комиссия умумхалқ муҳокамаси яқунларини кўриб, лойиҳани тузатиб ва маъқуллаб Олий Кенгаш сессиясида кўриб чиқишга тавсия қилган. Лойиҳа Олий Кенгаш сессиясида ҳам модлама-модда муҳокама этилгандан сўнг қабул қилинган. 2002 й. 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижаларига кўра ҳамда унинг асосида қабул қилинган 2003 й. 24 апрелдаги ЎзРнинг Қонунига мувофиқ, Конс.нинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар ҳамда 2007 й. 11 апрелдаги ЎзРнинг Қонунига мувофиқ, Конс.нинг 89-м.си, 93-м.си 15-бандига, 102-м.сининг иккинчи қисмига тузатиш ва қўшимчалар киритилган.

ЎзР Конс.си муқаддима, 6 та бўлим, 26 та боб, 128 та м.дан иборат. Муқаддимада Конс.ни қабул қилиш сабаблари ва мамлакатимиз олдида қўйилган вазифалар белгиланган.

Биринчи бўлимда мустақил Ўзбекистон давлатининг асосий конституциявий принциплари кўрсатилган. Бундай принциплар қаторига давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилиги, Конс. ва қонуннинг устунлиги ҳамда ташқи сиёсатимиз принциплари қиради.

Иккинчи бўлимда ЎзРда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тизими мустаҳкамланган.

Учинчи бўлим фуқаролик жамиятининг аъзаларини тиклашга қаратилган, ижтимоий уюшмалар ва муно-

сабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб, уларнинг ривожланишини таъминлайди.

Тўртинчи бўлим маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилишига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон вил.лар, тум.лар, ш.лар, шаҳарчалардан ҳамда ҚРдан иборат эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Бешинчи бўлим давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари конституциявий мақоми муайян тартибда мустаҳкамланган. Давлатимизнинг марказий органлари ЎзР Олий Мажлиси, Президенти, ВМ, КСи, Олий ҳамда ОХСлари, прокуратура, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти тартиби белгилаб берилган. Сайлов тизимининг принциплари, молия ва кредит, хавфсизлик ва мудофаа масалалари ҳам ушбу бўлимда тартибга солинган.

Олтинчи бўлим Конс.га ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга бағишланган. Хусусан, ЎзР Конс. VI-бўлим, 127–128-м.ларида мустаҳкамлаб қўйилган Олий Мажлис томонидан Конс.га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш инс. б-н бир қаторда, умумхалқ овози – референдум ўтказиш процедурасига ҳам мурожаат қилинди ва бу жуда катта конституциявий-ҳуқуқий ўзгаришларга олиб келибгина қолмай, халқимизнинг фуқаровий жамият, ҳуқуқий давлат қуришга қаратилган ислохотларга бўлган умид, ишончини мустаҳкамлади.

ЎзР Конс. қабул қилинганлигини нишонлаш мақсадида Конс. қабул қилинган кун – 8 декабрь умумхалқ байрами – ЎзР Конс. куни деб эълон қилинди (ЎзР Қонуни, 1992 й. 8 декабрь).

2001 й. 4 январда ЎзР Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Фармойиш асосида барча таълим муассасаларида ЎзР Конс.ни ўрганиш йўлга қўйилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТўҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ – ЎзР МЖК 1994 й. 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 й.нинг 1 апрелидан амалга киритилган. Ушбу кодекс 5 та бўлим, 31 та боб ва 347 та м.дан иборат бўлиб, у қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланганини, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қанақа маъмурий жазо қўлланиши ва ижро этилишини белгилайди. ЎзР МЖК инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқишини, шунингдек бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни ЎзР Конс.си ва қонунларига рўя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдида вазифа қилиб қўяди. ЎзР МЖК қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида қуйидагилар ЎзР ихтиёрига берилади: маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг принципларини аниқлаш ва умумий қондаларини белгилаб бериш; маъмурий жавобгарликка сабаб бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсиз-

ликни, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органлар тизимини (мансабдор шахсларни), мазкур ишларни юритиш ва чиқарилган қарорларнинг ижроси тартибини белгилаш; маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари соҳасида ҚРнинг ваколатларини белгилаш; вил.лар ва Тошкент ш. ҳокимият вакиллик органлари ҳамда ҳокимлари маъмурий жавобгарлик назарда тутиладиган қарор қабул қилишлари мумкин бўлган масалалар доирасини белгилаш. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс бу ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойда амал қилиб турувчи қонун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки бекор қилувчи ҳужжатлар орқага қайтиш кучига эгадир, яъни ушбу ҳужжатлар чиққунга қадар содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳолларига ҳам тааллуқлидир. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни белгиловчи ёки жавобгарликни кучайтирувчи ҳужжатлар эса орқага қайтиш кучига эга бўлмайди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўрилатган вақт ва жойда амал қилиб турган қонун ҳужжатлари асосида юритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ-ХУДУДИЙ ТУЗИЛИШИ – давлат ҳудудий бўлинишининг кўп вазифали тизими бўлиб, ҳудудларнинг иқтисодий, илмий-техник ва маданий-тарихий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий бошқарув органлари фаолиятининг мазмунини аниқлаб беради.

“Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги ЎзР Қонуни вил.лар, тум.лар, ш.лар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овулларни тузиш, тугатиш, уларнинг чегараларини ўзгартириш, маъмурий марказларни кўчирish ҳамда аҳоли пунктларини ш., шаҳарчалари туркумига ўтказиш, маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларига, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, физик-географик, геологик ва б. объектларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди.

ЎзР ҳудуди 447,8 минг² км.ни ташкил этади. Мазкур ҳудудда 12 вил., 174 тум., жумладан, 19 ш. тум.лари, 124 ш., 97 шаҳарча, 1214 қишлоқ, 101 овул мавжуд (1986 й.) Вилоятларга бўйсунувчи ш.лар сони 50 та, 65 ш. тум.ларга бўйсунди. ҚРга бўйсунувчи ш.лар сони 8 та. ЎзР Конс.сининг 70, 73-м.ларига мувофиқ, ҚР ўз ҳудудий масалаларини мустақил ҳал этади.

ЎзР вил.лари 12 та:

1. Андижон, 1941 й. 6 мартда тузилган, вил. маркази Андижон ш..
2. Бухоро, 1938 й. 15 январда тузилган, вил. маркази Бухоро ш..
3. Жиззах, 1973 й. 29 декабрда тузилган, вил. маркази Жиззах ш..
4. Навоий, 1982 й. 20 апрелда тузилган, вил. маркази Навоий ш..
5. Наманган, 1941 й. 6 мартда тузилган, вил. маркази Наманган ш..
6. Самарқанд, 1938 й. 15 январда тузилган, вил. маркази Самарқанд ш..

7. Сирдарё, 1963 й. 16 февралда тузилган, вил. маркази Гулистон ш..

8. Сурхондарё, 1941 й. 6 мартда тузилган, вил. маркази Термиз ш..

9. Тошкент, 1938 й. 15 январда тузилган, вил. маркази Тошкент ш..

10. Фарғона, 1938 й. 15 январда тузилган, вил. маркази Фарғона ш..

11. Хоразм, 1938 й. 15 январда тузилган, вил. маркази Урганч ш..

12. Қашқадарё, 1943 й. 20 январда тузилган, вил. маркази Қарши ш..

Тошкент ш. республика пойтахти сифатида алоҳида мақомга эга. Тошкент милоддан тахминан 4 минг й. олдин ташкил топган. Ш. тўғрисидаги илк тарихий маълумотлар VII адан пайдо бўла бошлаган. 1983 й.да шаҳарнинг 2000 й.лиги расмий равишда нишонланди. 1943 й. 12 октябрдан бошлаб Тошкент вил. маркази, республика пойтахти ҳисобланади. 2009 й.лда шаҳарнинг 2200 й.ллиги нишонланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МЕХНАТ КОДЕКСИ – меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий қонун-қоидаларни мазмун-моҳиятига кўра муайян тартиб ҳамда манфиқий изчиллик асосида ўзида мужассам этган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. ЎзР МК меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орасида асосий ўринни эгаллаб, улардан ўзининг кенг қамровлиги, меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишга қаратилган асосий ҳуқуқий нормаларни акс эттирганлиги б-н фарқланади. Чунки, мамлакатимизда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари доираси кенг бўлиб, уларга шунингдек ЎзР қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, ЎзР Президентининг фармоилари, ҚР қонунлари ва Жўқорғи Кенгес қарорлари, ЎзР Ҳуқуматининг ҳамда ҚР Ҳуқуматининг қарорлари, давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари қиради. Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхона, муассаса, ташкилотларда, шунингдек айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари ЎзР МК б-н тартибга солинади. ЎзР МК ходимлар, иш берувчилар, давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда, меҳнат бозорининг самарали амал қилишини, ҳаққоний ва ҳавфсиз меҳнат шарт-шароитларини, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва соғлиғи ҳимоя қилинишини таъминлайди, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш сифати яхшиланишига, шу асосда барча аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражаси юксалишига кўмаклашади. Бугунги кунда амалда бўлган МК 1995 й. 21 декабрда қабул қилинган бўлиб, 1996 й. 1 апрелдан кучга кирган. Кодекс ЎзРнинг бутун ҳудудида амал қиладди. ЎзР МК иш берувчи б-н тузилган меҳнат шартномаси бўйича ЎзР ҳудудида ишлаётган чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам татбиқ этилади. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ва ЎзР ҳудудида жойлашган корхоналарда ЎзР МК қўлланилади. ЎзР МК халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунигини расман тан олган. Шу жумладан, агар ЎзРнинг халқаро шартномасида ёки Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциясида ходимлар учун МКда

назарда тутилганига нисбатан имтиёзлироқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома ёки конвенциянинг қоидалари қўлланилади. ЎзР МК тузилишига кўра умумий ва махсус қисмга бўлинган бўлиб, 16 та боб ва 194 та м.дан иборат. ЎзР МКда меҳнатга оид муносабатларнинг субъектлари, ходимлар ва иш берувчиларнинг вакиллиги, жамоа шартномалари ва келишувлари каби умумий қоидалар б-н бир қаторда. ишга жойлаштириш, меҳнат шартномаси, иш вақти, дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш, кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари, меҳнат интизоми, меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш, айрим тоифадаги одамларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар, меҳнат низолари, давлат ижтимоий сугуртасига оид масалалар ҳуқуқий тартибга солинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING НОРЕЗИДЕНТИ – к: *Норезидент.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ОИЛА КОДЕКСИ – ЎзРда оила муносабатларини тартибга солувчи ягона тизимга келтирилган қонунлар мажмуаси.

ЎзР ОК “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1998 й. 30 апрелдаги ЎзР Қонуни б-н тасдиқланган ва ЎзР Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 1998 й. 30 апрелдаги 608–I-сон қарорига мувофиқ 1998 й. 1 сентябрдан амалга киритилган.

ЎзР ОК икки қисмдан: умумий ва махсус қисмлардан иборат. У 8 та бўлим, 30 та боб ва 238 та м.дан иборат.

ЎзР ОК куйидаги вазифаларни ўз олдига қўяди:

халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланиб, тегишли миллий қонунлар ёрдамида оилани мустақкамлаш, болалар манфаатини ҳимоя қилиш;

умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этиш; мамлакат иқтисодий тараққиётининг ҳозирги даврида оиллага бўлган эътиборни кучайтириш;

хонадоннинг серфайзлиги, оила ҳаётининг раванки, маънавиятининг юксалиши, турмушининг фаровонлиги асосан аёлларга боғлиқлигини инобатга олиб, аёлларнинг оиладаги мавқенга, ҳуқуқий ҳолатига алоҳида эътибор бериш ва бунда ҳар бир оиланинг ўзига хос хусусиятини, миллатимизнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш;

соғлом авлодни вужудга келтиришда миллий кадриятларимизга, халқимизнинг азалий анъаналарига, исломий ахлоқий-маънавий ақидаларга амал қилган ҳолда иш юритиш;

бўлажак оилаларни тарбиялашда миллий мафкура, урф-одат ва анъаналарни кенгрок қўллаш;

соғлом авлод ҳақида бола туғилмасдан олдин гамхўрлик қилиш;

оила қонуналарида белгиланган ниҳоят тузиш тартибн ва шартларини, оилада эр-хотин, ота-опалар б-н болалар, оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларини, фарзандликка олиш, васийлик ва хомийлик, болани тарбияга олинш туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга эътиборни қаратиш.

ЎзР ОКни тайёрлашда, унга айрим ҳуқуқий нормаларни киритишда куйидаги назарий қоидаларга асосланилган:

оила ҳуқуқига хос демократик асосларга тобора қатъий амал қилиш;

аёллар ва эркакларнинг оилада тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш;

оилавий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектларнинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари суд томонидан ҳимоя қилинишини янада кенгайтириш;

ота, она ва болалар ҳуқуқларининг, оила ҳуқуқининг тартибга солинишини такомиллаштириш;

оила аъзоларининг шахсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада тўла ва аниқ белгилаш;

оила ҳуқуқий нормалари фақат катта ёшдаги шахсларгагина эмас, балки кичик ёшдаги оила аъзоларига ҳам тарбиявий таъсир кўрсатишини таъминлаш;

оила қонуналарида миллий ва маънавий кадриятларга, маҳаллий шароитдан келиб чиқадиган энг яхши удум ва анъаналарга алоҳида эътибор бериш ва б.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕЗИДЕНТИ – к: *Резидент.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING РЕФЕРЕНДУМИ – ЎзР қонуналарини ва б. қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз бериши. Референдум сайловлар б-н бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли б-н бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум ЎзРнинг бутун ҳудудида ўтказилади.

Куйидаги масалалар референдум предмети бўлиши мумкин эмас: ЎзРнинг ҳудудий яхлитлигини ўзгартириш; ЎзР Давлат бюджети ва солиқлар; амнистия ва авф этиш; жамоат тартибини, аҳоли соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилинч чора-тадбирлар ўтказиш; ЎзРнинг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш; мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш.

ЎзРнинг бутун ҳудудида жорий этилган ҳарбий вақт ёки фавқулодда ҳолат шароитларида, шунингдек ҳарбий вақт тугаган ёки фавқулодда ҳолат бекор қилингандан кейин уч ой давомида референдум ўтказилмайди.

Референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил давомида мазмун ёки маъносига кўра ҳудуд шундай савол кўйилган референдум ўтказилмайди.

Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунида ўн саккиз ёшга тўлган ЎзРнинг ҳар бир фуқароси референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

ЎзР ҳудудидан ташқарида истикомат қилаётган ёки турган ЎзРнинг фуқароси референдумда иштирок этишга тўла ҳақлидир.

Суд томонидан муомаллага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми б-н озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб фуқароларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ман этилади (“Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1–3, 6-м.лари). Яна к.: *Референдум.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИК КОДЕКСИ – солиқлар ва б. мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда ЎзРнинг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш б-н боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунлар мажмуи. ЎзР СК 2007 й. 25 декабрда қабул қилинган ва 2008 й. 1 январдан эътиборан кучга кирган бўлиб, у икки қисм, яъни умумий ва махсус қисмдан, шунингдек XXI та бўлим, 64 та боб, 392 та м.дан иборат. Ушбу кодекс амалга киритилгунга қадар ЎзРда 1997 й. 2 апрелда тасдиқланиб, 1998 й. 1 январдан амалга киритилган ЎзР СК амалда бўлган. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошқоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади. ЎзР СКнинг 2-м.сига биноан солиқлар ва б. мажбурий тўловлар ушбу кодекс б-н белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Солиқ солиш масалаларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу кодекс қондаларига мувофиқ бўлиши керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу кодекснинг қондаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, ушбу кодекс қондалари қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ – ЎзР УЖК “Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1998 й. 24 декабрдаги ЎзРнинг Қонуни б-н тасдиқланган ва ЎзР Олий Мажлисининг 1998 й. 24 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 1999 й. 1 апрелдан амалга киритилган. УЖК ўн бир бўлим, 141-м.дан иборат. УЖК фуқаролар, юридик шахслар, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қуйидаги масалалар бўйича муносабатларини тартибга солади:

- турар жойларга мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқининг юзага келиши, амалга оширилиши, ўзгариши ҳамда бекор бўлиши;
- уй-жой фондини ҳисобга олиш;
- уй-жой фондини сақлаш, қараш ва таъмирлашни таъминлаш;
- фуқароларнинг уй-жой ҳуқуқларига риоя этилиши ва уй-жой фондидан мақсадли фойдаланиш устидан назорат қилиш.

ЎзР УЖК ҳуқуқ соҳалари ичида ўзига хос мураккабликка эга бўлган ва тартибга солиш предметига кўра комплекслик касб этадиган ва бир қатор ҳуқуқ соҳалари б-н чамбарчас боғлиқ бўлган уй-жой ҳуқуқи ва уй-жой муносабатларининг асосий қондалари ва принципларини, уй-жойга нисбатан мулкчилик масалаларини, уй-жой муносабатлари соҳасидаги давлат органларининг ваколатларини, эркин фуқаролик муомаласи шароитида уй-жойларнинг объект сифатида ҳаракатланишини, маъмурий тартибда уй-жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини қўлга киритиш шартлари ва тартибини, уй-жой фондаларининг ҳуқуқий мақомини, бозор муносабатлари шароитида уй-жой муносабатлари соҳасида энг кўп қўлланилаётган уй-жой ижараси шартномасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга

солишни ва ш.к. уй-жой соҳаси учун ўта муҳим бўлган кўплаб жиҳатларни тартибга солувчи нормаларни ўзида мужассамлаштиради. Жумладан, кодексда хусусий уй-жой фонди уйларига нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари, хусусий уй-жой фонди уйларини ижарага бериш тартиби, давлат уй-жой фонди ва ундан фойдаланиш асослари, муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди турар жойларидан фойдаланиш тартиби белгиланган.

ЎзР УЖКда турар-жойлардан фойдаланишга доир ижара шартномаларини тузиш, уй-жойда ижарага олувчи б-н бирга яшовчиларнинг ҳуқуқлари, кўп квартиралли уй-жойлардаги турар жой эгаларининг умумий мулк ҳуқуқи каби масалалар ҳам тартибга солинган.

ЎзРнинг 2001 й. 12 майдаги Қонуни б-н ЎзР УЖКнинг 4-м.си чиқарилган бўлса-да, кодекс тузилиши сақлаб қоллинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ – ЎзР ФК икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми ЎзРнинг “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1995 й. 21 декабрдаги Қонуни б-н, иккинчи қисми эса, “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1996 й. 29 августдаги Қонуни б-н тасдиқланган ва ЎзР Олий Мажлисининг 1996 й. 29 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Кодекснинг биринчи қисми ва иккинчи қисми 1997 й.нинг 1 мартидан амалга киритилган.

ЎзР ФК 2 та қисм, 6 та бўлим, 71 та боб, 1199 та м.дан иборат бўлган кодификациялашган қонун ҳужжатидир. ЎзР ФКнинг биринчи қисми умумий қондалар, мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқлар, мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қондаларни қамраб олади ва асосан фуқаролик ҳуқуқининг умумназарий қондаларини белгилайди. ЎзР ФКнинг иккинчи қисми мажбуриятларнинг айрим турлари (шартномаларнинг алоҳида турлари ва шартномадан ташқари мажбуриятлар), интеллектуал мулк, ворислик ҳуқуқи ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга нисбатан татбиқ қилиш масалаларига бағишланган.

ЎзР ФК ўзи томонидан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик б-н аралашшига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик ҳуқуқлари тўққинликсиз амалга оширилишини, бузилган ҳуқуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали химоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади ва фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳолатини, мулк ҳуқуқи ва б. ашёвий ҳуқуқларининг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у б-н боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

ЎзРнинг 2007 й. 16 январдаги Қонуни б-н ЎзР ФКнинг 1052, 1053, 1054, 1055, 1057, 1064, 1071, 1072, 1080, 1081-

м.лари чиқарилган бўлса-да, кодекс тузилиши сақлаб қолинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ – ЎзР ФПК 1997 й. 30 августда қабул қилинган ва 1998 й. 1 январдан амалга киритилган. ЎзР ФПК ЎзР ҳудудида фуқаролик суд ишларини юритиш тартибни белгиловчи қонун нормаларидан иборат бўлиб, буйруқ тартибдаги ишларни, даъво тартибдаги ишларни, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-харакатлари (қарорлари) устидан берилган шикоятлар бўйича ишларни ҳамда алоҳида тартибда юритиладиган ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибни белгилайди.

ЎзР ФПК 2 та бўлим, 40 та боб, 391 м.дан иборат бўлиб, 1-бўлимда умумий қоидалар, 2-бўлимда биринчи инстанция судида иш юритиш, 3-бўлимда суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш, 4-бўлимда суд қарорларининг ижроси ва 5-бўлимда фуқаролик процессида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг иштироки тўғрисидаги қоидалар баён этилган.

ЎзР ФПКнинг 3-м.сига асосан, башарти ЎзРнинг халқаро шартномасида ЎзРнинг фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХАЛҚАРО ШАРТНОМАСИ – республиканинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари б-н халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишуви. (“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ – ЎзР ХПК 1997 й. 30 августда қабул қилиниб, 1998 й. 1 январдан амалга киритилган. ЎзР ХПК 24 та боб, 5 та бўлим, 226 та м.дан иборат. Кодекснинг асосий мақсади мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иктисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этишнинг процессуал тартибни белгилашдан иборат. ЎзР ХПКнинг асосий вазифаси иктисодиёт соҳасида корхона, муассаса, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолаштиётган ҳуқуқларини ёхуд қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, иктисодиёт соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қўмақлашишдан иборат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ – ЎзР ШК “Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2002 й. 4 апрелдаги ЎзРнинг Қонун б-н тасдиқланган ва ЎзР Олий Мажлисининг 2002 й. 4 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофиқ кодекс матбуотда эълон қилинган қундан эътиборан амалга киритилган.

ЎзР ШК 7 та боб, 59 та м.дан иборат. ЎзР ШКнинг 1-боби умумий қоидалар, 2-боби шаҳарсозлик фаолияти объектлари ва субъектлари, 3-боби давлат органларининг шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари, 4-боби шаҳарсозлик ҳужжатлари ва давлат шаҳарсозлик кадастри,

5-боби ЎзР ҳудудини ривожлантиришнинг шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштирилиши, 6-боб аҳоли пунктлари ва ш. атрофи зоналари, ҳудудларидан фойдаланиш ва 7-боби якунловчи қоидалардан иборат.

ЎзР ШКда жамият, давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари ёритилган бўлиб, бундай манфаатлар жумласига, шаҳарсозлик воситалари орқали ш. ва қишлоқ аҳоли пунктлари аҳолисининг қулай яшаш шароитларини таъминлаш, хўжалик ва б. фаолиятнинг атроф-муҳитга етказадиган зарарли таъсирга йўл қўймаслик, экологик ҳолатни яхшилаш, аҳоли пунктларининг ва уларга туташ ҳудудларнинг муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш, маданий мерос объектларини сақлаш, жамиятнинг шаҳарсозлик соҳасидаги манфаатлари киритилиши белгиланган.

ЎзР ШКга кўра, ЎзРнинг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳоли пунктларининг бутун ҳудуди ва қисмлари, аҳолини жойлаштириш умумдавлат ва минтақавий тизимлари, ер участкалари, бинолар ва иншоотлар, ҳудудий-ишлаб чиқариш, шаҳарсозлик ва ландшафт мажмуалари, рекреацион ва ишлаб чиқариш зоналари, маданий мерос объектлари ва уларнинг муҳофаза зоналари, аҳоли пунктлари чегараларидаги ва аҳоли пунктларини ҳудудлардаги акваториялар, муҳандислик ва транспорт коммуникациялари шаҳарсозлик фаолиятининг объектларидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲАВО КОДЕКСИ – ЎзР ҲК ЎзР Олий Кенгашининг 1993 й. 7 майдаги “Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида”ги 864–XII-сон қарори б-н амалга киритилган бўлиб, 4 та бўлим, 15 та боб, 135 та м.дан иборат. ЎзР ҲКнинг биринчи бўлими умумий қоидалар, иккинчи бўлими самовий ҳудуддан фойдаланиш, учинчи бўлими ЎзР авиацияси ва тўртинчи бўлими ҳаво транспортида ташиш ва авиация ишлари деб юритилади. ЎзР ҲКнинг 3-м.сига мувофиқ, ЎзРнинг ҲК давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаво кемалари парвози хавфсизлигини таъминлаш, ЎзР халқ хўжалиги ва фуқаролари эҳтиёжларини қондириш мақсадларида авиация фаолиятини ҳамда самовий ҳудуддан фойдаланиш б-н боғлиқ бошқа фаолиятни амалга ошириш тартибни белгилайди.

ЎзР ҲКнинг 2-бўлимида самовий ҳудуддан фойдаланиш асослари, тартиби ва шартлари белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, самовий ҳудуддан фойдаланиш б-н боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун самовий ҳудудда ҳаво транспорти қатновига хизмат кўрсатадиган районлар, аэродромлар ва аэроузелларнинг районлари, ҳаво йўллари, ҳаво кемалари парвозининг йўналишлари ва махсус минтақалари, назорат қилинмайдиган парвозларнинг районлари, тақиқланган ва чекланган минтақалар, синов районлари, портлатиш ишлари районлари ҳамда бошқа махсус элементлар белгиланиб, уларнинг мажмуаси ЎзР самовий ҳудудининг таркибини ташкил этади.

ЎзР ҲКнинг 3-бўлимида ЎзРнинг авиацияси ва унинг таркиби б-н боғлиқ масалалар белгиланган бўлиб, унга кўра ЎзР авиацияси экспериментал, давлат ва фуқаро авиациясига бўлинади.

Авиация ва б. техника соҳасида тажриба-конструкторлик, экспериментал ва илмий-тадқиқот ишлари ҳамда си-

повлари учун мўлжалланган авиация экспериментал авиация хисобланади.

Мудофаа вазири, ИИВ, Миллий хавфсизлик хизмати тасарруфидаги, шунингдек ЎзР ВМ қарорига мувофиқ давлат бошқаруви бошқа органларининг тасарруфидаги авиация давлат авиацияси хисобланади. Экспериментал ва давлат авиацияси таркибига кирмаган авиация фуқаро авиацияси хисобланади.

ЎзР ХҚнинг 4-бўлими хаво транспортида ташиниш ва авиация ишлари деб номланади ва унда хаво транспортида ташиниш шартномалари, авиация хизматлари учун белгиланган тарифлар, ташувчи, йўловчи ва юк жўнатувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва шартнома шартларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари белгиланган.

ЎЗБЕКИСТОН СУДЬЯЛАР АССОЦИАЦИЯСИ – ЎзРда 1997 й. 12 сентябрда илк маротаба Ўзбекистон судьялар съезди чақирилди. Съездда Ў.с.а.ни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, Ассоциация Низоми тасдиқланди. Ассоциациянинг асосий вазифаси республикада судьялар мустақиллигини тўла таъминлаш хисобланади. Судьялар вазифаларига, шунингдек қонунчиқариш фаолиятида иштирок этиш, ЎзР Олий Мажлисига қонун лойиҳаларини тайёрлашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, касбий-ҳуқуқий экспертиза ўтказиш ва ҳ.к. қиради. Ассоциация суд кадрларини тапплаш ва уларни жойлаштиришда, судьялар малакасининг оширилишига фаол таъсир қилишга мажбур хисобланади. Ў.с.а. ўз вазифасини бажариш б-н бирга, судлар, адвокатлар, прокурорлар ва б. ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар хизматчилари иштирокида семинар, ҳудудий ва халқаро анжуманлар ўтказадилар.

Ў.с.а. 2000 йдан бошлаб суд ҳуқуқи ислохотлари ва жорий қонунчиликка киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар маълумотларини ақс эттирадиган бюллетень чиқара бошлади. Ў.с.а. съезди таъсисчилари томонидан суд этикаси қоидалари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ – асоси ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳиятида, маънавий бойлигида ва миллий дунёқарашининг очиклигида бўлган полиэтник жамоа. Ўз яшаш тарзини йўқотмаган ҳолда, Ўзбекистон ҳудудида яшовчи турли миллат вакиллари умумий дунёқарашга, умумий фалсафий қарашларга эга бўладилар, уларда умуминсоний қадриятлар тараққиётининг миллий идеаллари б-н табиий тарзда бириктириб кетади.

ЎЗБОШИМЧАЛИК – ҳақиқий ёки фараз қилинган ҳуқуқларни Ў. б-н амалга ошириш. Ушбу қилмиш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ЎзР ЖКнинг 229-м.сида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ИМОРАТ ҚУРИШ – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик б-н қурилган иморат хисобланади.

Ўзбошимчалик б-н иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайдди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга – сотишга, ҳая этишга, ижарага беришга, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Ў.б.и.к. натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси б-н бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатини қурган шахс томонидан ёки унинг хисобидан бузиб ташланиши лозим, ЎзР ФК 212-м.сининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик б-н иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда берилмаган бўлса, эътироф этилиши мумкин.

Иморат қурилган ер участкасининг мулкдори бўлган, унга уқрбод мерос сифатида эгаллик қилаётган, доимий эгаллик қилаётган ва фойдаланаётган шахснинг ҳам ўзбошимчалик б-н қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан эътироф этилиши мумкин. Бу ҳолда иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилган шахс иморат қурган шахснинг ҳаражатларини суд белгиланган миқдорда қоплайди.

Башарти, ўзбошимчалик б-н қурилган иморатнинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун б-н қўриқладиган манфаатлари бузилишига сабаб бўлса ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирса, юқорида кўрсатилган шахсларнинг ўзбошимчалик б-н қурилган иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи эътироф этилиши мумкин эмас (ЎзР ФКнинг 212-м.си).

ЎЗИНИ ЎЗИ ЧЕКЛАШ – к.: *Экспортни ихтиёрий чеклаш (Ўзини ўзи чеклаш).*

ЎЗИНИ ЎЗИ ЎЛДИРИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗИШ – моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлмаган шахсга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш ёки ўзини ўзи ўлдиришига сунқасд қилиш даражасига етказиш. Ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 103-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ – ЎзР ЖКнинг 167-м.сида айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли б-н талон-торож қилиш учун жиноий жавобгарлик ўрнатилган. Ушбу жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси шундан иборатки, растрата ёки ўзлаштириш йўли б-н ўғирланадиган мулк айбдорнинг тасарруфида бўлади. У эса ушбу ҳолатдан фойдаланган ҳолда мулкни ўз фойдасига ёки ўзгалар фойдасига қаразли ниятда ўтказиши. Жиноят объекти айбдор томонидан эгалланган ёки унинг тасарруфида бўлган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи хисобланади.

Айбдорга ишониб топшириб қўйилган ёки унинг ихтиёрида турган мулк – мақсад вазифалари ёки шартномавий муносабатларга кўра ёхуд маҳсул топшириқ муносабати б-н ўзганинг мулкни тасарруф қилиш, бошқариш, етказиб бериш ёки сақлаш бўйича қонуний ваколатларни амалга оширувчи шахснинг (мас., оғбор мудри, экспедитор, таъминотчи, сотувчи, кассир ва б. шахслар) эгаллигида бўлган мулк.

Объектив томондан жиноят айбдорга ишониб топширилган товар моддий бойликларни олиб қўйиш ёки унинг ус-

тидан ноқонуний эгалликни ўрнатиб, ихтиёрида бўлган ўзгаришнинг мулкни ўз фойдасига олиш ёхуд ўзгалар тасарруфига ўтказиш шаклидаги фаол ҳаракатларда ифодаланади. Ўзлаштиришнинг моҳияти шундан иборатки, мулкдорни эгаллик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш каби субъектив ҳуқуқлари ўзлаштириш субъектининг фактик имкониятларига ноқонуний равишда ўтади ва мулкдорга мулк ҳуқуқи асосида ёки ҳужжат бўйича тегишли бўлган мулкка унинг хоҳишидан ташқари муносабатда бўлади.

Агар мулкни қайтармаслик ўзга шахсларнинг йўқотиши, йўқ қилиши, ишдан чиқариши ёки ўғирлаб кетиши натижасида юз берган бўлса, ўзлаштириш ҳисобланмайди.

Ўзгаришнинг мол-мулкни ўзлаштиришни “вақтинча эгаллик қилиб туришдан” фарқлаш лозим. Агар шахс қайтариш ёки қийматини коплаш мақсадида ўзига ишониб топширилган мулкдан ноқонуний равишда фойдаланган бўлса, унда ўзлаштириш таркиби бўлмайди, айбдор ҳаракатлари эса ЎзР ЖКнинг 205-м.сидаги (ҳуқумат ёки мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш) ёки 229-м.сидаги (ўзбошимчалик) жиноят белгилари мавжуд бўлса, ушбу моддалар бўйича квалификация қилинади.

Айбдорнинг ўзлаштириб бўлинган ва ноқонуний эгаллигини ўрнатган мулкдан кейинги у ёки бу шаклдаги ноқонуний фойдаланиши ушбу жиноят таркибига кирмайди ва ўзлаштиришни талон-торож қилишнинг бошқа шакли – растратага айлантормайди.

Растрата – талон-торож қилишнинг бир шакли бўлиб, айбдорга муайян ваколатларни амалга ошириш учун ишониб топширилган ўзгаришнинг мулкни сотиш, сарфлаш, истеъмол қилиш, ҳада қилиш ва ҳ.к. йўллар б-н бегоналаштириш тушунилади.

Растрата ўзлаштиришга жуда яқиндир, бу ерда мулкни ушлаб қолиш ва унга нисбатан ноқонуний эгалликни ўрнатиш олдин содир бўлади. Бирок шунга карамай, растрата ўзлаштириш б-н ҳеч қанақасига боғлиқ эмас ва у кейинги жиноий ҳаракатнинг давоми ҳисобланмайди. Қонун нуқтаи назаридан ва жиноят-ҳуқуқий баҳолашга кўра, айнан бир предметни бир вақтда ҳам ўзлаштириб, ҳам растрата қилиб бўлмайди. Айбдор муайян вақт оралиғида, ўзига ишониб топширилган мулкнинг бир қисmini ўзлаштириши ва б. қисmini растрата қилиши мумкин, бу ҳаракатлар талон-торож қилишнинг ягона давоми деб қабул қилиниши керак.

Растратанинг ўзига хос жиҳати шундаки, мулкни ноқонуний шаклда талон-торож қилишда, ўзлаштиришдан фарқли равишда, қонуний эгаллик қилиш б-н уни ноқонуний тасарруф қилиш оралиғида ҳеч қандай вақт бўлмайди.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд б-н содир этилиши мумкин, яъни айбдор ўзининг ҳаракатлари ноқонунийлигини англайди ва улар амалга оширилишини хоҳлайди. Айбдорнинг ушбу жиноятни содир этишдаги ғаразли мақсади субъектив томоннинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноят субъекти – 16 ёшга тўлган ақли расо шахс.

ЎЗ-ЎЗИГА ИШОНИШ – эҳтиётсизликнинг тури бўлиб, агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоий хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган

ҳолда бундай оқибатлар келиб чиқмаслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят Ў.-ў.и. оқибатида содир этилган деб топилади (ЎзР ЖКнинг 22-м.си).

Ў.-ў.и. қасд сингари айбдор онгда акс этувчи объектив фаолият фактлари (қилмишнинг фактик белгилари, унинг келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлари, субъект хисобга олган ҳолатлар)ни ташкил этувчи ўзининг предметли моҳиятига эга. Ў.-ў.и. натижасида жиноят содир этган шахс ўз қилмишининг фактик белгиларини, ижтимоий хавфли оқибатларни кўра билиш имкониятига эга бўлади. Бирок, Ў.-ў.и. шаклида ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билиш қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англаш б-н бир хил эмас, чунки у оқибатнинг келиб чиқмаслигига ишончнинг мавжудлиги уни нейтраллаштиради. Келажакда хавфли оқибатларнинг олдини олишга ишонса-да (асоссиз бўлса-да), субъект қилмиши жамиятга зарар етказмаслигига ишонади, яъни унинг ижтимоий хавфли хусусиятга эга эканлигини англамайди. Шахс ҳатто, ўз ҳаракатларини ижтимоий фойдали ҳам деб ўйлаши мумкин. Мас., ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан кўра билиш ҳуқуқий фаолиятларда ҳам бўлиши мумкин (жарроҳлик операциялари ва б. таваккалчиликка асосланган соҳалар). Ушбу ҳолларда мазкур тарзда оқибатни олдиндан кўра билиш, салбий оқибатлар келиб чиқишини олдини олишнинг зарур шarti ҳисобланади. Шунинг учун, Ў.-ў.и.да айб ҳолати ижтимоий хавфли оқибатларни кўра билишда эмас, балки уларнинг олдини олишга қаратилган асоссиз умидга нисбатан олинади. Ўз навбатида Ў.-ў.и.да жиноят қонунчилиги б-н қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга тўлақонли зарар етказиши мумкин бўлган содир этилаётган қилмишнинг (ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг) ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди. Бундай ҳолатни шахснинг англаши Ў.-ў.и.нинг қонун томонидан белгиланган зарурий белгиси ва бу ҳар бир ишда судлар томонидан аниқлаштирилиши керак. Ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаш бундай турдаги жиноятлар учун интеллектуал ҳолатнинг дастлабки белгиларидан биридир. Интеллектуал ҳолат жиноий Ў.-ў.и.да шахс ижтимоий хавфли оқибатни олдиндан англаши ҳам мумкин. Шунинг учун, белгиларига кўра Ў.-ў.и. эгри қасддагидек ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан англаш б-н бир-бирига ўхшаб кетади. Бирок, эгри қасдда айбдор аниқ ҳолат бўйича юзага келиши мумкин бўлган оқибатни аниқ англаса, Ў.-ў.и.да бундай оқибатни олдиндан англаш мавҳум характерга эга бўлади. Бунда шахс юзага келиши мумкин бўлган аниқ шаклда бўлмаган қилмиш натижасидаги ижтимоий хавфли оқибатни англайди. Шу б-н бирга, мавҳум олдиндан англаш имкониятини унификация қилиш мумкин эмас. Бундай имконият фақат аниқ ҳолат ва вақтларда кўриб чиқиши мумкин. Ҳар доим ҳам автомобилнинг тормоз шланги ёрилиб, аварияга учраш, ўрмонда дарахт кесаётганда ёки хайвонга қаратиб овчи ўқ узганда одамни ўлдириши, беморнинг организмда номаълум аномалияларнинг мавжудлигидан врачнинг аралашуви натижасида унинг соғлиғига зарар етказилишидаги ҳолатларда мавҳумлик мавжуд. Маълум бир ижтимоий хавфли оқибатнинг келиб чиқишини олдиндан англаш Ў.-ў.и. шаклида эгри қасддан фарқ қилади. Ў.-ў.и.нинг интеллектуал ҳолати қуйидагиларни ўз ичига олади: ўз-ўзидан жиноий ҳисобланмаган хулқ-атворининг хавфли хусуси-

ятларини англаш; бу хулқ-атвор натижаси сифатида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий хавфли оқибатларни олдиндан англаш; шахс ўзининг етарли даражада эҳтиёткорлик чораларига амал қилмаётганлигини англаши.

ЎЗ-ЎЗИДАН ҲАҚИҚИЙ БЎЛМАГАН БИТИМ – қонунда ёки тарафларнинг келишувида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолларда битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади (ЎЗР ФКнинг 109-м.).

Битимнинг нотариал шаклига риоя қилмаслик ёки уни давлат рўйхатидан ўтказмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди (ЎЗР ФКнинг 112-м.).

Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаган, 14 ёшга тўлмаган шахс томонидан тузилган битим, 14 дан 18 ёшга бўлганларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчи ёки хомийсининг розилигисиз тузилган, муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомалага лаёқати чекланган шахс томонидан ёки ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган фуқаро томонидан тузилган битим, янглишиш, алдаш, зўрлик, кўркитиш орқали, қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган; юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатидан четга чиқиб тузилган битим ҳақиқий эмасдир. У тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича қайтариш мумкин бўлмаганида эса унинг қийматини пул б-н тўлаши шарт.

ЎЛДИРИШ ЁКИ ЗЎРЛИК ИШЛАТИШ БИЛАН КЎРКИТИШ – Ў.ё.з.и.б.қ., агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса, шунингдек ўша ҳаракатлар ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати б-н шахсга ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан содир этиш учун ЎЗР ЖКнинг 112-м.сида жиноий жавобгарлик ўрнатилган.

ЎЛИМ – суд-тиббиётининг асосий тушунчаларидан бири; ҳаётдан биологик ўлимгача бўлган узлуксиз босқичли жараёндан иборат. Ў.нинг биринчи босқичи деганда ҳаётдан талвасага тушишга ўтиш тушунилади. Бу босқичда ҳаётий жараёнлар деярли тўхтайдди, сиртдан текшириб кўрганда Ў. ҳолати сезилмайди. Унинг сабаби бахтсиз ходиса, эпилепсия, алкоголь, беҳушлик ҳолати, мияга қон қуйилиши, жароҳатланиш, электр токи уриши, захарланиш, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш ва б. бўлиши мумкин. Талвасага тушиш ҳолати босқичи индивидуал Ў.га ўтади. Илгари Ў. деганда, юрак ва қон айланишининг бутунлай тўхтаб қолиши тушунилади. Бугунги кунда индивидуал Ў. деганда мия ҳужайраларининг ўлиши тушунилади. Индивидуал Ў. б-н биологик Ў. ўртасидаги босқич оралик ҳаёт деб аталади. Бунда ҳаяжонланиш реакциялари (суправитал реакциялар) кузатилади; мушакларнинг электрик ва механик титраши бунга мисол бўлади. Ҳужайраларда Ў.дан кейин ишончсиз аломатлар ишончли аломатларга ўтади. Ў.нинг ишончсиз аломатларига совуб қолиш, рефлекслар, томир уришининг бўлмаслиги, нафас олишининг бўлмаслиги, нафас олишининг тўхташи, “ўликдай” оқариб кетиши ва қуриш (мас., шиллик таначалар) киради. Тирилтириш мумкин бўлиши учун Ў. аломатларини ходиса содир бўлган жойининг ўзида қайд этиш керак бўлади.

ЎЛИМ ЖАЗОСИ – олий жиноий жазо чораси ҳисобланиб, жазонинг фавқулодда турн сифатида фақат алоҳида оғир, инсон ҳаётига қасд қилинган жиноятлар учун белгиланиб келинган. Ўзбекистонда Ў.ж. ЎЗР Президентининг 2005 й. 1 августдаги ПФ-3641-сон “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”-ги Фармонига кўра, 2008 й.нинг 1 январидан бошлаб жазо тизимидан буткул чиқариб ташланди ва унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси жорий қилинди.

Ў.ж. ҳозирда 58 мамлакатда бекор қилинган. Бу жазо 77 мамлакатда, шу жумладан, Хитой, Эрон, Саудия Арабистони, Япония ва АҚШнинг 38 штатида қўлланилмоқда.

ЎЛИМ ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМА – ФХДЁ органи томонидан тузилган ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувига асосан бериладиган, ўлим фактини тасдиқлайдиган гербли гувоҳнома.

Ўлимни қайд этиш марҳумнинг яшаш жойи ёки ўлим содир бўлган жойдаги ФХДЁ органи томонидан амалга оширилади.

Ўлимни қайд этиш тўғрисидаги ариза ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома берилган вақтдан бошлаб 3 кундан кечикмай берилиши керак.

Ўлимни қайд эттириш тўғрисида марҳумнинг қариндошлари ёки яқин кишилари, шунингдек тиббий муассаса маъмурияти мурожаат этишлари мумкин, улар ўлим тўғрисида тиббий гувоҳнома ва марҳумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этадилар.

Ўлимни қайд этишда тақдим этилган тиббий гувоҳнома далолатнома ёзуви иккинчи нусхаси чап томонининг юқори қисмига кистириб қўйилади.

Чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ўлимни қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Чет элда вафот этган ЎЗР фуқароларининг ўлимни қайд этиш марҳум яшаб турган ёки ўлим содир бўлган жойдаги консуллик муассасаси томонидан амалга оширилади.

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзуви қайд этилгандан сўнг ўлим ҳақида гербли гувоҳнома ёзилади ва аризаچига тақдим этилади. Айни бир вақтда суғурта кассасига ва қабристонга тақдим этиш учун тегишли шаклдаги маълумотномалар берилади.

Бундай ҳолларда ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувидаги барча маълумотлар ўлим тўғрисидаги тиббий гувоҳнома асосида кўрсатилади ва фақат қабристонга тақдим этиш учун маълумотнома берилади.

Ўлим ҳақидаги гербли гувоҳнома фақат далолатнома ёзувидаги етишмайдиган маълумотлар тўлдирилгандан кейингина берилади (ЎЗР ВМнинг 1999 й. 12 апрелдаги 171-сон қарори б-н тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари).

ЎН ИККИ ЖАДВАЛ ҚОНУНИ – Рим ҳуқуқи манбаларидан бири бўлиб, Европада эрампдан аввалги 451–450-й.ларда нашр қилинган ва амалга киритилган, ягона диний ақидадан холи бўлган дунёвий қонун эди. Ў.и.ж.к. вужудга келиши патрицийлар ва плебейлар ўртасидаги кураш б-н боғлиқ. Плебейлар ҳокимиятни олганларидан кейин Ў.и.ж.к.дан аввал мавжуд бўлган одат ҳуқуқини давлат, айниқса, суд органлари фаолиятини амалга оши-

ришда уни патрицийлар зарарига талқин қилганликлари учун мазкур ёзма жадвал дунёга келган. Ў.и.ж.қ. Галлер хужуми вақтида бўлган ёпғинлар туфайли унинг бир қисми нобуд бўлган, бизгача тўлиқ нусхаси етиб келмаган. Ушбу қонуннинг матни Рим тарихчилари ва юристлари асарлари асосида тикланган. Рим тарихчиси Гаций Ў.и.ж.қ.ни Рим оммавий ва хусусий ҳуқуқининг манбаи, деб ҳисоблайди. Тит Аквий эса, уни бутун Рим ҳуқуқининг тараққиёти бошланиши, деб ҳисоблайди. Бу тарихий ёдгорлиқнинг муҳим хусусияти қарздорларга нисбатан қаттиқ чоралар белгиланганидир. Мазкур қонун халқ мажлиси томонидан киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар б-н ўзининг мазмуни ва ҳажмига кўра, жамиятни бошқаришда етарли эмас эди. Кейинчалик, Рим ҳуқуқининг янги муҳим манбалари бўлиб магистрлик эдикт қонуни вужудга келди.

ЎН ОЛТИ ЁШГА ТЎЛМАГАН ШАХС БИЛАН ЖИНСИЙ АЛОҚА ҚИЛИШ – шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда у б-н жинсий алоқа қилиш ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондиришдан иборат бўлиб, у онлага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноят ҳисобланади ва ЎЗР ЖКнинг 128-м.сига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

ЎН ОЛТИ ЁШГА ТЎЛМАГАН ШАХСГА НИСБАТАН УЯТСИЗ-БУЗУҚ ҲАРАКАТЛАР ҚИЛИШ – шахснинг ўн олти ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда, унга нисбатан зўрлик ишлатмай ёхуд зўрлик ишлатиб ёки кўрkitиб уятсиз-бузук ҳаракатлар содир этишдан иборат бўлиб, онлага ёшларга ва ахлоққа қарши жиноят ҳисобланади ва ЎЗР ЖКнинг 129-м.сига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

ЎРИНДОШЛИК – ходимнинг асосий ишидан бўш вақтда ва бу ишидан ташқари доимий иш ҳақи тўланадиган бошқа ишни меҳнат шартномаси асосида бажариши. Ў. бўйича ишлаётган шахслар асосий иш жойида ҳам, Ў. бўйича ишлаётган жойида ҳам меҳнат шартномаси асосида меҳнат қилади. Ў. бўйича ишлаш ҳуқуқи фақат меҳнат шарт-шароити ва режими оғир бўлган алоҳида касблар ва лавозимдаги ходимларга, шунингдек, қонунда кўрсатилган шахсларга (судьялар, прокурорлар ва б.) нисбатан чекланиши мумкин. Ў. бўйича ишлаш буйруқ б-н расмийлаштирилади. Бундай чеклашлар фуқароларнинг илмий педагогик фаолият б-н шуғулланишларига қўлланилмайди.

ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИ – қ: *Ер фонди тоифалари*.

ЎРМОНДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚИ – ўрмондаги дарахтлар ва бутазорларни кесиш, ўрмондан қўшимча фойдаланиш, пичан ўриш, мол боқиш, асалари уясини қўйиш орқали асал йиғиш, дарахт пўстлоғи, тўнка тўплаш, ўтлардан доривор гиёҳлар тўплаш, озик-овқат мақсадларида мевалар тўплаш, овчилик қилиш, ўрмон ресурсларидан илмий-тадқиқот мақсадларида фойдаланиш ҳуқуқи.

Ўзбекистонда 9.147.275 гектар ўрмон бўлиб, ундан 3002541 гектари дарахтлар б-н қопланган.

“Ўрмон тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 19-м.сига кўра, давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин. Ўрмондан фойдаланиш учун ҳақ тўланади, Қонунининг 30-м.сига назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ўрмондан фойдаланиш доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин. Ўрмон фонди ерлари доимий эгаллик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўрмондан доимий фойдаланувчилардир. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддатли – уч йилгача ва узоқ муддатли – ўн йилгача бўлиши мумкин.

Ў.ф.х. юридик ва жисмоний шахсларга, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан ёки улар ваколат берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан берилади. Ўрмондан фойдаланишга махсус рухсатнома – дарахт кесиш ёки ўрмон чиптаси асосида йўл қўйилади, Қонунининг 30-м.сига назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ўрмондан фойдаланувчилар давлат ўрмон фонди участкаларидан, ўрмондан фойдаланишнинг махсус рухсатномаларда назарда тутилган турларидангина фойдаланишга ҳақлидир.

ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ – меҳнат қонунчилигига кўра ходимга қафолатланган ўртача ойлик иш ҳақи тўланиши белгиланган.

Одатда ўртача ойлик иш ҳақи ходимга меҳнат таътили берилганда, касаллик варақаси бўйича ҳақ тўланганда, нафақа белгилашда ҳисобга олинади. Қоидага кўра, ўртача ойлик иш ҳақи кейинги икки календарь ойдаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади. Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқиш тартиби ЎЗР МКнинг 169-м.сига белгиланган. Унга кўра, ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби барча ҳолларда (қафолатли тўловларни бериш, таътил вақти учун ҳақ тўлаш, вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, зарарни қоплашда, мажбурий прогул қилинганда ва б. ҳолларда иш ҳақи тўлаш), пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни истисно этганда, ЎЗР Ҳуқумати томонидан белгиланади.

ЎРТОҚЛИК СУДИ – 1977 й. 8 февралдаги ВКС Олий Совети Президиумининг “Ўртоқлик судлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида”ги қарор б-н меҳнат жамоаларида ахлоқ нормаларини бузган шахсга ижтимоий таъсир чораларини қўллаш орқали коммунистик жамият кишини тарбиялашни мақсад қилган. 1977 й. 11 мартда Ўртоқлик судларининг низоми тасдиқланган. Ушбу Низомнинг 1-м.сига ўртоқлик судлари фуқароларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, социалистик мулкни сақлаш, социалистик жамиятда яшаш қоидаларига риоя қилиш, коллективизм руҳида тарбиялаш, жамиятга ёт унсурларни тарбиялаш руҳини кучайтиришга хизмат қилиши белгиланган. Низомга кўра ўртоқлик судлари икки турда: ишлаб чиқариш корхоналари ва ҳудудий ўртоқлик судлари шаклида шакллантирилган. Корхонада 50 ва ундан ортиқ ходим ишласа, ташкил этилган. Бошқа жойларда қасаба уюшмалари ва Халқ депутатлари Совети розилиги б-н 50 кишидан кам бўлмаган ҳудудларда тузилган. Ў.с. очик овоз бериш йўли б-н 2 йилга қамади 5 аъзо очик овоз бериш йўли б-н сайланган. Сайланганлар ичидан овоз бериш йўли б-н раис ва унинг ўринбосари аниқланган. Ў.с.лари ўзларига келиб тушган материалларни ошқора кўради, қарор қабул қилади ва унинг бажарилишини назорат қилади. Ў.с.лари

ўзларини сайлаган жамоа олдида хар йили камида бир марта хисобот беради. Ў.с.лари ваколатини муддатидан аввал тугатиш шу судья иштирокида сайлаган жамоа томонидан муҳокама қилиб ҳал этилади. 2 й. ўтгач, суд ўз ваколатини тугатади.

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ – республиканинг ўсимлик бойликларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган хавфли зараркунандалар, бегона ўтлар, турли хил ўсимликлар касалликлари ва б. карантин остидаги материаллар олиб келиниши ва тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган давлат тадбирлари тизими (Ўзбекистон Республикаси ҳудудини карантиндаги зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қондалари тўғрисида низом (рўйхат рақами 1764, 31.01.2008 й.).

“Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 1-м.сига мувофиқ, ўсимликлар карантинининг асосий вазибалари ўсимликларнинг ташқи ва ички карантини бўйича давлат тадбирлари тизимини амалга оширишдан иборат бўлиб, бу тадбирлар қуйидагиларга қаратилади:

республика ҳудудини чет мамлакатлардан кириб келиб, халқ хўжалигига катта иктисодий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва б. хавфли зараркунандалардан, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиш;

карантиндаги ва б. хавфли зараркунандаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни вақтида аниқлаш, уларнинг ёйилишига йўл қўймаслик ва уларни йўқ қилиш, шунингдек республиканинг бу зараркунандалар, касаллик ва бегона ўтлардан холи минтақаларига улар кириб боришининг олдини олиш;

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва б. ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланишда Ў.к.га оид қондалар ва тадбирларга риоя этилиши ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан давлат назоратини олиб бориш.

ЎТА ОФИР ЖИНОЯТЛАР – ЎзР ЖКнинг 15-м.сига мувофиқ, ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ўта оғир хисобланган жиноятларга қасдан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар.

ЎТА ХАВФЛИ РЕЦИДИВ ЖИНОЯТ – ЎзР ЖКнинг 34-м.сига мувофиқ, беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасдан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти ҳукм қилиниб, уларнинг хар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг хар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Суднинг ҳукми б-н шахс ўта хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.


Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатларининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инobatга олинмайди.

ЎХШАШЛИК – қ: *Аналогия*.

ЎЧ – қ: *Қасос*.

ЎФИРЛИК – ўзгалар мулкини ғайриқонуний, яширин равишда зўрлик ишлатмасдан ўз шахсий манфаати учун ишлатиш мақсадида олиш.

Ў., яъни ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилган шахс ЎзР ЖКнинг 169-м.сига назарда тутилган жавобгарликка тортилади.



ҚАБРНИ ТАҲҚИРЛАШ – қабрни ёки мурдани таҳқирлаш, шунингдек мурдадаги, қабр устидаги ёки ичидаги нарсаларни олиш ахлоққа қарши жиноят ҳисобланади ва ЎЗР ЖКнинг 134-м.сига асосан жавобгарликка сабаб бўлади.

ҚАЙТА СУҒУРТА БРОКЕРИ – ўз номидан ва қайта суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи тариқасида иштирок этувчи суғурталовчининг топшириғига биноан қайта суғурта қилиш шартномаси тузилишини ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юртувчи юридик шахс. Қ.с.б. суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас. Қ.с.б. ўзи б-н суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади (“Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 8-м.си). Яна қ.: *Суғурта брокери*.

ҚАЛБАКИ БИТИМ – тарафларнинг келишуви бўйича юридик оқибатлар тугдириш нияти бўлмаган ҳолда, номигагина тузилган битим. ЎЗР ФКнинг 124-м.си талабларига асосан Қ.б. ўз-ўзидан ҳақиқий саналмайди. Бунда битим тузувчи тарафлар битимнинг ҳақиқийлик шартларига риоя этмасдан, мазкур битимни тузишга ҳаракат қиладилар ва ушбу битим мақсадсиз тузилади. Тарафлар муайян битим тузишдан кўзланган мақсадга эришишни ўз олдларига асосий вазифа сифатида қўймасдан, номигагина тузадилар. Қ.б.лар ҳақиқий эмаслигининг оқибатларини қўллаш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси б-н қўллашга ҳақли.

ҚАЛБАКИ (СОХТА) ИМЗО – ваколатига кўра имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг имзосини ваколати доирасига кирмайдиган бошқа шахс томонидан сохталаштириш. Қалбаки имзоли ҳужжат маълум бир юридик аҳамиятга эга бўлган ҳодиса ёки фактларни гувоҳлантиради. Имзони қалбакилаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлардаги имзоларни қалбакилаштириш ёхуд имзоси қалбакилаштирилган расмий ҳужжатларни сотганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Имзонинг қалбакилиги экспертиза томонидан аниқланади. Яна қ.: *Ҳужжатларни қалбакилаштириш*.

ҚАЛБАКИ ҲУЖЖАТ – қ.: *Ҳужжатларни қалбакилаштириш*.

ҚАМОҚ – жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган асосий жазо тури. ЎЗР ЖКнинг 48-м.сига мувофиқ, шахсни батамом ажратган шароит остида сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача, ушбу Кодекснинг 84-м.сига кўра эса, вояга етмаганларга нисбатан бир ойдан уч ойгача муддатга суд ҳукми б-н тайинланади.

ҚАМОҚДА САҚЛАБ ТУРИШ МУДДАТИ – ЎЗР ЖПКнинг 245-м.сига асосан, жиноятлар тергов қилинаётганда Қ.с.т.м. кўпи б-н уч ойни ташкил этади. Бу муддат терговни тамомлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда қамокда сақлаб туришнинг уч ойлик муддатини:

5 ойгача – ҚР прокурори ёки вил., Тошкент ш. прокурори уларга тенглаштирилган прокурорларнинг;

7 ойгача – ЎЗР Бош прокурори ўринбосарининг;

9 ойгача – ЎЗР Бош прокурорининг;

бир йилгача – алоҳида мураккаб ишлар тергов қилинаётган ҳолларда оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан ЎЗР Бош прокурорининг илтимосномасига биноан узайтириш имкони суд томонидан кўриб чиқилади. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди. Кўрсатилган барча илтимосномаларни кўриб чиқишда суд тақдим этилган материалларнинг асослигини, шунингдек процессуал нормалар ва талабларга риоя этилганлигини инобатга олади.

Айбланувчи ва унинг химоячиси ишнинг материаллари б-н танишиб чиқиши учун кетган вақт эҳтиёт чораси тариқасида Қ.с.т.м.ни ҳисоблаб чиқишда эътиборга олинмайди.

ҚАМОҚДА САҚЛАШ ЖОЙЛАРИ – ЎЗР ЖПКнинг 244-м.сига мувофиқ, эҳтиёт чораси тариқасида қамокка олинган айбланувчилар тергов ҳибсхонасининг умумий камераларида сақланадилар. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд бир жиноят иши бўйича ёхуд бир неча ўзаро боғлиқ ишлар бўйича айбланувчиларни алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида тергов ҳибсхонасининг маъмуриятига кўрсатма беришга ҳақли.

Қамокда олинганлар ЎЗР ЖК 15-м.сининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлсалар, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими б-н турма ёки тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамокда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олти йилдан ошганларга, шифокор томонидан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинганларга нисбатан қўлланилмайди. Турмада сақлаш шароитлари тергов ҳибсхонасида сақлаш шароитларидан фарқ қилмаслиги керак.

Қамокда сақланаётган шахслар ушлаб турилганлар сақланадиган жойда кўпи б-н ўн суткагача олиб турилиши мумкин. Қамокка олинганларни тергов ҳибсхонасига ўз вақтида олиб боришга имконият бўлмаса, улар ушлаб турилганлар сақланадиган жойларда ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

Ҳарбий хизматчилар авахтада кўпи б-н йигирма суткагача, олис жойларда эса, эҳтиёт чорасининг буткул муддати давомида ушлаб турилиши мумкин. Ҳарбий хизматчини авахтада ушлаб туриш муддати ҳарбий судлар томонидан ишни судда кўриб чиқиш даврига, лекин ўн беш суткадан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Интизомий қисмга йўллашга ҳукм қилинган ҳарбий хизматчилар ҳукм қонуний кучга киргунга қадар авахтада сақланишлари мумкин.

Башарти, маҳкум бошқа иш бўйича гувоҳ, жабрланувчи бўлса, у тарбия колониясидан ёки жазони ижро этиш колониясидан тергов ҳибсхонасига ўтказилиши ёки ҳукм

конуний кучга кирганидан сўнг ҳам тергов хибсхонасида қолдирилиши мумкин. Бу ҳолда маҳкум: вилоят прокурори ва унга тенглаштирилган прокурорнинг рухсати б-н уч ойгача муддатга, ЎзР Бош прокурори ёки унинг ўринбосари рухсати б-н олти ойгача муддатга тергов хибсхонасида сақланиши мумкин.

Бошқа тум.да (ш.да) сақланаётган маҳкум прокурорнинг қарорига биноан, терговчининг прокурор розилигини олиб чиқарган қарорига биноан ёхуд суд ажримига биноан бошқа ерга кўчирилади. Бошқа ерга кўчириш ЎзР ИИВ-нинг махсус бўлимилари зиммасига юклатилади.

ҚАМОҚДАН ҚОЧИШ – қамоқда сақланаётган ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган шахснинг қамоқдан ёки кўриқлов остидаги сақлаш жойидан қочиши бошқарув тартибига қарши жиноят ҳисобланади ва ЎзР ЖКнинг 222-м.сида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

ҚАМОҚҚА ОЛИШ – ЎзР ЖПКнинг 242-м.сига мувофиқ, эҳтиёт чораси сифатида Қ.о. ЎзР ЖКда уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун ЖКда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади. Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда Қ.о. тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида, ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида, илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида, ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи ЎзРда доимий яшаш жойига эга бўлмаганида, жиноят қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида, қўлланилиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 243-м.сига мувофиқ, Қ.о. тарзидаги эҳтиёт чораси фақат ушлаб турилган гумон қилинувчига ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан қўлланилиши мумкин.

ҚАРАМ ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТИ – ЎзР ФКнинг 68-м.сига мувофиқ, хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фондидан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади.

Қ.х.ж. юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга

киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дархол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади.

Таъкидлаш керакки, монополияга қарши кураш ҳақидаги, банклар ва банк фаолияти ҳақидаги, сугурта фаолияти компаниялари ҳақидаги қонуничилик б-н бундай жамиятларда ҳукмрон мавқедаги жамият иштирокининг аниқ бир чегараси белгилаб қўйилиши мумкин.

ҚАРАМОҒИДА БЎЛИШ – ЎзР ҳуқуқида доимий моддий ёрдам ёки тўлиқ моддий таъминотни бошқа шахслардан олиш. Қ.б. у ёки бу шахснинг қарамоғида бўлган шахснинг яшashi учун асосий моддий маъна ҳисобланади. Қарамоғида бўлганлар пенсия таъминоти олиш соҳасида, боқувчисининг ўлими туфайли етказилган зарарни қоплаш масалаларини ҳал этишда муайян ҳуқуқларга эгадирлар, қарамоғида бўлган шахснинг мавжудлиги баъзи турдаги нафақалар ва компенсациялар тўлашда ҳисобга олинади. Қарамоғида бўлганлик факти суд томонидан белгиланади. ЎзР ФКнинг 1141-м.сига мувофиқ мерос қолдирувчининг вафотига қадар қамоқда бир йил унинг қарамоғида бўлганлар ва у б-н бирга яшаган меҳнатга қобилиятсиз шахслар қонун бўйича меросхўрлар жумласига қиради.

ҚАРЗ БЕРУВЧИ – қарз шартномаси бўйича бир тараф бўлиб, у иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари б-н белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб берган шахс (ЎзР ФКнинг 732-м.си).

Қарз шартномаси бўйича Қ.б.да фақат ҳуқуқ мавжуд бўлади ва шартнома бўйича у ўз зиммасига ҳеч қандай мажбуриятни олмайди. Шартнома бўйича Қ.б. қарз нарса (предмети) беришга мажбур эмас. Қарз шартномаси реал шартнома ҳисобланганлиги учун ҳам Қ.б. пул ёки турга хос аломатлари б-н белгиланадиган ашё иккинчи тараф (қарз олувчи)га топшириш истагини билдириб, уни амалга оширгач (яъни, қарз нарса қарз олувчи томонидан қабул қилиб олингач), ҳуқуқий муносабат (қарз шартномаси) вуҷудга келади. Шу муносабат б-н айтиш мумкинки, қарз шартномаси бўйича дастлабки юридик фактни Қ.б. амалга ошириб, ўз хохиши ва истагида келиб чиқиб пул ёки турга хос аломатлари б-н белгиланадиган ашёни шартноманинг иккинчи тарафи ҳисобланган қарз олувчига беради. Бунда “бериш” ҳаракати мажбурият эмас, Қ.б.нинг истагини ифодалаш усули сифатида эътироф этилади.

Қарз шартномаси бўйича Қ.б. ўзи томонидан қарз олувчига мулк қилиб берилган пул ёки турга хос аломатлари б-н белгиланадиган ашёларни, ўзига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшагача суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Қ.б.нинг мазкур ҳуқуқи шартнома бўйича унинг асосий ҳуқуқи ҳисобланиб, унга қўшимча равишда Қ.б. берилган қарз суммаси эвазига ўзига фоиз тўлашини ёхуд қарз фоизи эвазига у ёки бу ҳаракат (мас., бирор иш ёки хизматни бажариш)ни амалга оширилишини талаб қилиш ҳуқуқига (юридик шахс ёки фуқаро) эга.

Қ.б. бўлиб муайян ашё (ёки пул)нинг мулкдори ҳисобланган ёки мулкдор томонидан мол-мулкни қарз берили-

ши учун вакил қилинган ёхуд мулкдорнинг ваколати бўйича мол-мулкка нисбатан ҳар қандай юридик ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилган шахслар ҳаракат қилишлари мумкин. Қ.б. сифатида фуқаролар, юридик шахслар ва давлат (ҳалқаро хусусий ҳуқуқда) иштирок этиши мумкин. Яна қ: *Қарз шартномаси, Давлат заёми шартномаси.*

ҚАРЗ КОНВЕРСИЯСИ – қ: *Қарз шартларини ўзгартириши (Қарз конверсияси).*

ҚАРЗ МАЖБУРИЯТИ – пулли мажбуриятларнинг бир тури. Қ.м. қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасида тузилади. Одатда Қ.м. қарз шартномаси тузиш асосида вужудга келади. Шу б-н бирга олди-сотди, мулкни ижарага олиш ёки бошқа асослар туфайли пайдо бўлган ҳар қандай қарз Қ.м. б-н алмаштирилиши мумкин.

Қарз берувчи ва қарз олувчи ушбу мажбурият субъектлари ҳисобланади. Қ.м. предметни қарз олувчининг шартнома бўйича амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлари ташкил этади. Яъни, қарз мажбуриятнинг предмети бўлиб, қарз олувчининг қарзга олинган пулга тенг суммани ёки турга хос аломатлари б-н белгиланган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни ҳамда шартномада белгиланган фоизларни қайтариш ҳаракати ҳисобланади. Қ.м.га нисбатан мажбуриятни натура ҳолида бажариб бўлмаслиги қондаси қўлланилмайди. Аксинча, пулли мажбуриятларнинг бир тури бўлганлиги учун Қ.м.га нисбатан *genus non perit* – “тур нобуд бўлмайди” қондаси қўлланилади ва мажбурият нарсасини ташкил этадиган пул ёки турга хос аломатлари б-н белгиланадиган ашёларнинг айнан ўзи эмас, миқдор, сифат ва хил бўйича уларга тенг келадиган “бошқа пул ёки ашё (қарз берувчи берган пул банкнотлари ёки ашёнинг айнан ўзи эмас)” қарз берувчига қайтарилади. Қ.м.нинг бошқа мажбуриятлардан фарқ қилувчи энг муҳим хусусияти мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгарликни белгилувчи диспозитив норманинг белгиланганлиги ҳисобланади. Унга кўра (ЎЗР ФКнинг 327-м.си) бошқа шахсларнинг пул маблағларини файриқонуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқача тарзда кечиктириш ёхуд бошқа шахс ҳисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўлашни керак.

Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганда эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мавжуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси б-н белгиланади. Қарз суд тартибидан ундириб олинганда суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкасига қараб қондириши мумкин. Ушбу қондалар қонунда ёки шартномада бошқа фоиз миқдори белгиланган бўлмаса, қўлланилади.

Кредиторнинг пул маблағларидан қонунсиз фойдаланиш туфайли унга етказилган зарар ЎЗР ФК 327-м.сининг биринчи ва иккинчи қисмларига асосан унга тегиши керак бўлган фоизлар суммасидан ошиб кетса, кредитор қарздордан зарарнинг бу суммадан ортиқча бўлган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

ҚАРЗ ОЛУВЧИ – 1) қарз шартномаси бўйича иккинчи тараф бўлиб, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, пул ёки турга хос аломатлари б-н белгиланган бошқа мулк қилиб берилган ашёларнинг ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига барабар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олган шахс. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат Қ.о. ҳисобланади. Давлат Қ.о. сифатида давлат заёми шартномаларида иштирок этади.

Қ.о. қарз берувчидан қарзга олган пул ёки турга хос бўлган аломатлари б-н белгиланадиган ашёларнинг мулкдори ҳисобланади ва уларни эгаллаш, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқларини ўз хоҳиши ва манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширади. Аниқ мақсадли қарзда эса қарз берувчига қарз суммасидан аниқ мақсадда фойдаланилишини назорат қилиш имкониятини таъминлаб бериши шарт.

Қарз шартномаси бир томонлама ҳисобланганлиги учун ҳам шартнома бўйича Қ.о.да фақат мажбурият бўлади. Шартнома бўйича Қ.о.нинг мажбурияти олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариш ҳисобланади. Шу б-н бирга қарз шартномаси бўйича Қ.о.га турга хос аломатлари б-н белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўланиши керак.

ЎЗР ФКнинг 735-м.сига мувофиқ, Қ.о. олинган қарз суммасини қарз шартномасида назарда тутилган муддатда ва тартибда қарз берувчига қайтариши шарт. Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, Қ.о. уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак. Фоизсиз қарз суммаси Қ.о. томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин. Фоиз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги б-н, муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

ЎЗР ФК 737-м.сига асосан, Қ.о. пул ёки бошқа ашёларни қарз берувчидан амалда олмаганлигини ёки шартномада кўрсатилганидан кам миқдорда олганлигини исбот қилиб, қарз шартномаси юзасидан даъволашишга ҳақли. Ёзма шаклда тузилиши лозим бўлган қарз шартномаси юзасидан гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида даъволашиш мумкин эмас, шартнома алдаш, зўрлик ишлатиш, таҳдид қилиш, Қ.о.нинг вакили қарз берувчи б-н ёмон ниятда келишиши ёки қийин вазиятлар таъсирида тузилган ҳоллар бундан мустасно. Агар Қ.о. қарз шартномаси юзасидан даъволашуви жараёнида пул ёки бошқа ашёлар ҳақиқатан ҳам қарз берувчидан олинмаганлиги аниқланса, қарз шартномаси тузилмаган ҳисобланади. Қ.о. қарз берувчидан пул ёки бошқа ашёларни шартномада кўрсатилганидан амалда кам миқдорда олган ҳолларда шартнома ана шу миқдордаги пул ёки ашёларга тузилган ҳисобланади;

2) кредит муносабатлари субъектларидан бири, кредит олувчи бўлиб, олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олган шахс. Қарзни қайтаришдан ташқари, одатда, Қ.о. кредитдан фойдалангани учун кредиторга фоиз тўлайди. Давлат кредити бўйича муносабатларда ҳамма вақт давлат юқори ту-

ради. Ушбу муносабатларда давлат Қ.о. (қарздор) бўлиб, бир томонлама тартибда кредит шартлари (мас., қарзнинг муддати, у бўйича даромадларни тўлаш тартиби ва шартлари)ни белгилайди. Яна қ: *Қарз шартномаси, Давлат заёми шартномаси.*

ҚАРЗ ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ (ҚАРЗ КОНВЕРСИЯСИ) – аввал чиқарилган давлат қарзларини (заёмларини) янгиси б-н алмаштириш. Қ.ш.ў.(к.к.) одатда қарз шартларини қарздор фойдасига ўзгартиришни, аксарият ҳолларда қарз бўйича фоизларни камайтиришни, қарзни тўлашнинг янги воситасини ўрнатишни ва х.к.ни назарда тутати.

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ – Қ.ш. бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари б-н белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади. Қ.ш. пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади (ЎЗР ФКнинг 732-м.си).

ЎЗР ФКнинг 733-м.сига мувофиқ, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт, шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганида эса суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт.

Қ.ш.нинг ёзма шаклига риоя қилмаслик ЎЗР ФКнинг 109-м.сида назарда тутилган оқибатларга олиб келади.

Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, Қ.ш. ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз б-н тасдиқланган бўлса, Қ.ш.нинг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

ЎЗР ФКнинг 734-м.сига кўра, агар қонунда ёки Қ.ш.да бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда фоизлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар Қ.ш. бўйича қарз олувчига турга хос аломатлари б-н белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўланиши керак.

Фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари Қ.ш. б-н белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартибда ва муддатларда тўланади.

ҚАРЗДОР – 1) фуқаролик ҳуқуқида бошқа тараф – кредитор фойдасига муайян ҳаракатни амалга ошириш (мулкни бериш, бирон-бир ишни бажариш ва ш.к.) ёки муайян ҳаракатни қилишдан ўзини тийишга мажбур бўлган тараф. Фақат фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчлари эгаси бўлишга қодир бўлган, яъни ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахслар ва давлат Қ. бўлиши мумкин. Бир

томонлама шартномада фақат бир тараф (мас., қарз шартномасида – қарз олувчи, икки томонлама шартномада эса иккала тараф Қ. бўлади. Зарар етказиш оқибатида юзага келадиган мажбуриятда зарарни қоплашга мажбур бўлган шахс, асосланмаган ҳолда мулк харид қилиш ёки жамғаришдан келиб чиқувчи мажбуриятда эса асоссиз равишда олинган ёки жамғарилган мулкни қайтаришга мажбур бўлган шахс Қ. ҳисобланади. Мажбуриятда бир неча Қ.лар бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, одатда, ҳар бир Қ.лар бошқалари б-н тенг улушда мажбуриятларни бажариши шарт. Агар мажбурият предмети бўлипмас бўлса (мас., телевизор), Қ.лар худди кредиторлар сингари биргаликда жавобгар ҳисобланадилар. Бу кредиторнинг мажбуриятини бажариши барча Қ.лар биргаликда ҳам, уларнинг ҳар биридан алоҳида равишда ҳам, бунда бутун қарз бўйича ҳам, бир қисми бўйича ҳам талаб қилиниши мумкинлигини билдиради. Агар қонунда ёки шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса, биргаликдаги мажбуриятни бажарган Қ. қолган Қ.лардан қарз мажбуриятдан ўз ҳиссасини чегғриб олиб тенг ҳиссада регресс талаб қилиш ҳуқуқига эга; 2) пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор;

ҚАРЗДОРНИНГ АЙБЛИЛИГИ ПРЕЗУМПЦИЯСИ – ҳуқуқ назариясига кўра қарздор шартномада кўрсатилган муддатда қарзини узмаган бўлса, у айбдор ҳисобланади ва унга нисбатан ўз айбсизлигини исботлаш мажбурияти юклатилади.

ҚАРИНДОШЛИК – бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар. Икки шахс ўртасидаги тўғри шажара бўйича Қ.нинг яқинлиги Қ. даражаси, яъни туғилиш сони б-н белгиланади. Болалар ота-онасига нисбатан тўғри шажарадаги биринчи, неварга бобосига, бувисига нисбатан – иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан – учинчи даражадаги қариндош ҳисобланади ва х.к.. Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувиларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шажара бўйича қариндошлар ҳисобланади ва х.к.. Тўғри шажара бўйича қариндошлар ён шажара бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир. Икки шахс ўртасида Қ.нинг узоқ-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан бирининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади. Ҳисоб аждодлар томон тўғри шажара бўйича улар учун умумий бўлган шахсдан (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон – улардан бошқасига қараб олиб борилади. Туғишган ака-ука ва опа-сингил Қ.нинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амма ва хола ўз жиянлари б-н Қ.нинг – учинчи, тоғавачча, амакивачча, аммавачча ва холаваччалар эса – тўртинчи даражасида турадилар (ЎЗР ОК 57-м.си).

Ака-ука ва опа-сингиллар ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир, она бошқа ёки аксинча, она бир, ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган Қ.да ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган Қ.да

эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўгай ҳисобланади. Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди. (ЎЗР ОК 58-м.си).

Эр (хотин) ва унинг яқин қариндошлари б-н хотин (эр) қариндошларининг бир-бирига нисбатан муносабатлари (қайин-бўйинчилик ва куда-андачилик) ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқармайди. (ЎЗР ОК 59-м.си).

ҚАРОВСИЗ МОЛ-МУЛК – қ.: *Эгасиз мол-мулк.*

ҚАРОҚЧИЛИК – зўрлик б-н босиб олиш, босқинчилик қилиш. ЎЗР ЖКнинг 164-м.сида босқинчилик учун жавобгарлик белгиланган.

ҚАРШИ ДАЪВО – суд иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар жавобгар томонидан дастлабки даъво б-н бирга кўриб, ҳал қилиш учун даъвогарга нисбатан судга тақдим этилган даъво. Суд иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар жавобгар дастлабки даъво б-н бирга кўриб чиқилиши учун даъвогарга нисбатан қарши даъво тақдим этишга ҳақли. Қ.д. тақдим этиш даъво тақдим этиш тўғрисидаги умумий қоидаларга биноан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда судья Қ.д.ни қабул қилиши шарт: Қ.д. дастлабки даъвони қоплашга қаратилган бўлса; Қ.д.нинг қаноатлантирилиши дастлабки даъво қаноатлантирилишини бутунлай ёки қисман истисно этса; қарши ва дастлабки даъво ўртасида ўзаро боғланиш мавжуд бўлиб, уларни бирга кўриш низо тезроқ ва тўғри ҳал қилинишига ёрдам берса. Агар шу шартларга риоя қилинмай Қ.д. берилган бўлса, судлар уни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида ажрим чиқарадилар.

Қ.д.га оид қоидалар ЎЗР ФПКнинг 246–247-м.ларида, ХПКнинг 120-м.сида, “Ҳақамлик судлари тўғрисида”ги Қонуннинг 31-м.сида белгиланган.

ҚАСАМЁД ҚИЛГАНЛАР СУДИ (ПРИСЯЖНИЙЛАР СУДИ) – суд тизимининг энг демократик инс-ларидан бири бўлиб, у адолатли судни амалга оширишда халқнинг бевосита иштирокини ўзида мужассам этган. XII-XV а.ларда Англияда пайдо бўлган ва Буюк Француз инқилобидан кейин Европада, дунёнинг айрим бошқа қисмларида кенг қулоч ёйган. Ўзининг классик вариантда у олти ёки ўн икки нафар маслаҳатчи кенгашичлар курсиси ёки бошқа миқдордаги тасолифий усул б-н фақат муайян кўриб чиқиш ва фактик масалаларни ҳал этиш учун танлаб олинган хайъатдан ва ҳуқуқий масалаларни ҳал этувчи бир ёки бир неча профессионал судьядан иборат бўлади. Қоида бўйича Қ.к.с. биринчи инстанцияда муркаб жиноий ишларни кўриб чиқади ва унинг қарори апелляция шикоятига дахлдор бўлмайди. Қ.к.с. 1787 й. қабул қилинган АҚШ Конс.сига ҳам киритилиб, ҳозирги кунга қадар амалиётга татбиқ қилиниб келинмоқда. Ҳозирги вақтда Қ.к.с. АҚШ, Буюк Британия, Канада, Ирландия, Швейцария ва б. бир қатор мамлакатларда мавжуд.

Қ.к.с. биринчи марта Россия суд тизимида 1864 й. киритилган. Унинг ишлари жиноят ишлари бўйича РФ ЖПКда белгилаб кўйилган. У жиноят ишлари бўйича край, вил., ш. судлари юрисдикциясига тааллуқли бўлиб, айбланувчи тарафнинг илтимосномасига мувофиқ кўриб чиқилади.

Қ.к.с.да иштирок этиши мумкин бўлган шахсларнинг рўйхатини кўриб чиқиш тартиби “Россия Федерациясида

суд тизими тўғрисида”ги Қонун ва РФ ЖПКда белгилаб кўйилган.

Қуйидагилар Қ.к.с. аъзоси бўла олмайди: 1) суд процессига чақирилган кунгача 25 ёшга тўлмаган фуқаролар; 2) маҳаллий ва юқори ҳокимият органлари учун сайловлар ва референдум рўйхатига киритилмаган фуқаролар; 3) судланган ва судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар; 4) суд томонидан ҳуқуқий муомаллага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар.

Холислик, объективлик ва адолатни таъминлаш учун Қ.к.с. аъзолари рўйхатига киритилган шахслар суд томонидан танлаб олинади ва рад этиш ёзма асослантирилади.

Суд маслаҳатчилари хайъатига танлаб олинган шахслар қасамёд қилдирилади. Улар мустақил суд хайъатини ташкил қиладилар ва далилларнинг судьяси ҳисобланадилар, яъни улар суд тергов суруштируви жараёнида иштирок этадилар. Қ.к.с. аъзолари судда гувоҳлик берадиган тарафларга савол беришлари, далилий ашёларни текшириб кўришлари, ҳужжатлар б-н танишишлари мумкин. Қ.к.с. аъзолари ўзларига тақдим қилинган варақадаги 4 саволга, албатта, жавоб беришлари лозим бўлади. Улар:

тегишли қилмиш содир этилгани исботланганми;

мазкур қилмишни айнан шу судланувчи содир қилганлиги исботланганми;

мазкур қилмишни содир этишда айнан мазкур судланувчи айбдорми;

мазкур аниқ ишни кўриш б-н боғлиқ бошқа саволлар.

Қ.к.с. томонидан қабул қилинган ҳукм вердикт деб айтилади. Вердикт бир хил овоз б-н қабул қилинади. Вердикт “айбли” ёки “айбсиз” шаклида қабул қилинади. Қабул қилинган вердикт бўйича жазо тайинлаш судья томонидан яқка тартибда ҳал қилинади.

ҚАСДДАН БАДАНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ – содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлган қасддан баданга оғир шикаст етказиш натижасида кўриш, сўзлаш, эшитиш қобилиятини йўқотиш ёхуд бирор аъзонинг ишдан чиқиши ёки унинг фаолияти тамоман йўқолишига, руҳий касалга чалинишига ёки умуман соғлиги бузилиб, умумий меҳнат қобилиятининг 33 %идан кам бўлмаган қисмининг доимий йўқолишига ёки хомилининг тушиши ёхуд баданнинг тузалмайдиган даражада хунуклашишига сабаб бўлса, ЎЗР ЖКнинг 104-м.сида мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Содир этилаётган пайтда ҳаёт учун хавфли бўлмаган ва ЎЗР ЖКнинг 104-м.сида назарда тутилган оқибатларга олиб келмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни қаида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига ёки умумий меҳнат қобилиятининг 10 %идан 33 %игача йўқолишига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказганлик учун ушбу Кодекснинг 105-м.сида жавобгарлик белгиланган.

ЎЗР ЖКнинг 109-м.сида мувофиқ, соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданга енгил шикаст етказиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, қасддан баданга енгил шикаст етказиш ҳисобланади ва ушбу модда асосида жавобгарликка сабаб бўлади.

КАСДАН ОДАМ ҰЛДИРИШ – қонунга хилоф равишда бошқа кишини қасддан ҳаётдан маҳрум қилиш. Қ.о.ў.да айбдор ўз ҳаракати оқибатида жабрланувчининг ҳаётидан маҳрум бўлишига кўзи етади ва унинг ўлишини истайди ёки жабрланувчининг ўлишига онгли равишда йўл қўяди.

Қ.о.ў. ўта оғир жиноятлардан бири ҳисобланиб, ушбу жиноят учун ЎзР ЖКнинг 97-м.сида жавобгарлик белгиланган.

КАСДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТ – ЎзР ЖКнинг 21-м.сига мувофиқ, ушбу Кодекс моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади.

ЎзР ЖК моддасида жиноят тамом бўлган пайт ижтимоий хавфли оқибат юз берган вақт деб топилган қилмишлар тўғри ёки эгри қасддан содир этилган бўлиши мумкин. Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавфли оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган деб топилади.

ҚАСОС – ўч олиш, яъни қилган ёмонлиғи, етказган зиёни, таҳқирлаганига яраша жавоб қайтарниш, жазолаш.

Қ. – шахс томонидан содир этилган муайян ҳаракатлари учун унга қарши ҳаракат содир этишни уйғотадиган ҳиссиёт.

Қ. шахсда қасддан жиноят содир қилиш учун шижоат тугдирувчи ички ният бўлиб, содир қилинган жиноятнинг мотиви, мақсади ҳисобланади ва ғаразли ёки бошқача паст ниятларда жиноят содир этиш жазо тайинлашда жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат деб топилади.

ҚАТТИҚ ТАРТИБЛИ КОЛОНИЯЛАР – озодлиқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ижро этиш муассасалари бўлиб, ЎзР ЖКнинг 48-м.сига мувофиқ, Қ.т.к. куйидагиларга бўлинади:

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодлиқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаган ва қасддан жиноят содир этганлик учун яна судланган эркаклар сақланадиган колониялар;

илгари қасддан содир этилган жиноят учун озодлиқдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазони ўтаган ва ўта оғир жиноят содир этганлик учун яна судланган аёллар, шунингдек ўта хавфли рецидивист деб топилган аёллар сақланадиган колониялар.

ҚАТЪИЙ БЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚ – фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар ва б. Қ.б.с.ни тўловчилар ҳисобланади.

Қ.б.с. солинадиган фаолият турларининг рўйхати, шунингдек фаолиятнинг мазкур турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлар қонун ҳужжатлари б-н белгиланади.

Фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи солиқ тўловчилар фаолиятнинг Қ.б.с. тўлаш татбиқ этиладиган қис-

мига доир солиқ солишининг бошқа тартибни танлаш ҳуқуқига эга эмас.

Қ.б.с. тўлаш татбиқ этиладиган фаолият б-н бир қаторда фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи юридик шахслар фаолиятнинг мазкур турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юртишлари ва умумбелгиланган ёки ушбу бўлимда белгиланган солиқларни тўлашлари шарт.

Юридик шахслар – Қ.б.с.ни тўловчилар учун ЎзР СКнинг 132-м.сида назарда тутилган бошқа даромадларга солиқ солинмайди, дивидендлар ва фоизлар, биргаликдаги фаолиятдан олинган даромадлар, шунингдек ижарадан олинган даромадлар бундан мустасно.

Мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга СҚда назарда тутилган тартибда умумбелгиланган солиқлар ёки ягона солиқ тўлови жорий этилади.

ЎзР СК 370-м.сининг иккинчи хатбошида кўрсатилган, фаолиятнинг бошқа турларини амалга оширувчи яққа тартибдаги тадбиркорлар ушбу Кодекснинг 372 ва 373-м.ларида назарда тутилган тартибда қатъий белгиланган солиқни тўлайди.

ҚИДИРУВ – ЎзР ЖКнинг 365-м.сига мувофиқ, айбланувчининг турган жойи номаълум бўлганда терговчи томонидан фақат айбланувчи тарикасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан эълоп қилинадиган процессуал ҳаракат. Қ. дастлабки тергов ўтказилаётганида ҳам, шунингдек дастлабки тергов тўхтатилганидан кейин ҳам эълоп қилиниши мумкин.

Қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда суднинг ажрими б-н қидириладиган айбланувчи топилган тақдирда, унга нисбатан қамоққа олиш тарикасида эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин.

ҚИЁСИЙ КРИМИНОЛОГИЯ – криминологиянинг маълум бир мамлакатлардаги жиноятчиликнинг ҳолатини, содир этилиш шароити ва сабабларини, қонуниятларини қиёслаб ўрганувчи алоҳида йўналиши. Жиноятчиликни қиёсий ўрганишда етакчи илмий услуб сифатида қиёсий услубни онгли, назарий ва методологик асосда қўллашга асосланган. Жиноятчиликни қиёсий тадқиқ қилишнинг ахамияти шундан иборатки, маълум бир даврлардаги жиноятчиликнинг ахволи, унинг ривожланиш қонуниятлари, жиноятчиликнинг олдини олиш, бартараф этиш воситалари ўрганилади ва ўзаро таққосланади. Шунда уларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари, афзал ва самарали томонлари аниқланади. Бу маълумотлар ҳар томонлама ўрганилиб, умумий ҳулоса чиқарилиб, самарали қисмлари ўзлаштирилади. Жиноятчиликни қиёсий ўрганишнинг объекти: жиноятчилик ахволи, жиноятчилик шароити ва сабаблари, жиноят содир этиш воситалари, шунингдек жиноятчиликнинг олдини олиш воситалари ҳисобланади.

ҚИЁСИЙ РЕКЛАМА – рақобатчиға ёки у томонидан тақдим этиладиган муайян бир турдаги маҳсулотга бевосита ёки билвосита айнанлаштириладиган реклама. Агар рекламада маҳсулотнинг моддий, муҳим, ишончли хоссалари ҳолисона ва инсофли таққосланса, агар буида реклама ундан фойдаланувчини қалғитиб қўймаса ва қалғитиб қўйиши ҳам мумкин бўлмаса, реклама берувчи б-н рақобатчининг шахси ёки реклама берувчининг ва рақобатчининг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари), фирма номи, маҳсулоти аралашиб кетмаса ҳамда ра-

кобатчининг ишчанлик обрўсини ёки унинг товар белгисини (хизмат кўрсатиш белгисини), фирма номини, маҳсулоти ёки фаолиятини бадном этмас, Қ.р.га йўл қўйлади ("Реклама тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 15-м.си).

КЇЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИК – юридик таълимнинг бир соҳаси бўлиб, турли давлатларнинг давлат ва ҳуқуқ тизимини, ҳуқуқ инс.лари ҳамда унинг принципларини ўзаро таққослаш асосида ўрганади (синонимми – компаративистика).

Қ.х. баъзан "кѐсий ҳуқуқ" деб номланиб, ушбу соҳа б-н шуғулланувчилар компаративистлар деб юритилади. Қ.х. бошқа ҳуқуқий фанлар: давлат ва ҳуқуқ тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ фалсафаси, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи ва ҳуқуқнинг бошқа соҳалари б-н яқин алоқададир.

Қ.х.нинг асосий мақсади ҳар қандай ҳуқуқ инс.ларининг асосий ривожланиш тенденцияларини ўзаро таққослаш орқали аниқлаш имконини беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар қандай илмий-ҳуқуқий тадқиқотни амалга оширишда кѐсий ҳуқуқий метод ҳаётий зарурият бўлиб ҳисобланади. Бошқача айтганда, хорижий мамлакатлар ҳуқуқини билиш миллий ҳуқуқини яхши англаш имконини бериши б-н бирга унда мавжуд бўлган камчиликларини ва устун жиҳатларни ҳам тезда илғаб олиш имконини яратади. Шу ўринда Қ.х.нинг асосларини билиш бўлғуси ҳуқуқшуносларнинг ҳуқуқий дунёкарашини кенгайтиришда ҳамда бойитишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Қ.х.нинг аниқ моҳиятини англаш қуйидаги амалий мақсадларни бажариш орқали амалга оширилади: айнан ҳуқуқнинг қайси соҳасида (фуқаролик, савдо, хусусий ҳуқуқ) бунга зарурият туғилган бўлса, ўша соҳада мавжуд бўлган қонунчиликни бир хиллаштириш ва яқинлаштириш; хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш орқали миллий ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш.

ЎзРда Қ.х.ни ҳуқуқшуносликнинг алоҳида фани сифатида жорий этиш 1990 й.нинг бошларидан бошланган. Шу даврга қадар мавжуд бўлган социалистик воя собиқ иттифок республикаларида Қ.х.нинг ривожланишига ва унинг турли ҳуқуқ тизимлари б-н ўзаро таққослаш асосидаги амалий кѐсий ҳуқуқий тадқиқотларни амалга оширишга тўсқинлик қилиб келган.

ҚИЗИЛ КИТОБ – бу йўқолган ёки йўқолиш арафасида турган, йўқолиб бораётган, камѐб камайиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг генофондини сақлаб қолиш мақсадида ташкил этилган маълумотлар рўйхати (реестри). Ушбу китобда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси турларининг қисқача тавсифи, тарқалиши, ўсиш ва яшаш шаронти, кўпайиши, ареали (тарқалиш майдони) ва унинг ўзгариши, уларни маданийлаштириш ва ҳонакилаштириш, муҳофаза этиш чоралари кўрсатилган бўлади. ЎзР ВМнинг 1992 й. 9 март 109-сон "Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисида"ги қарорида белгиландики, ноѐб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ҳайвонлар ва ўсимликларнинг Қ.к.и – Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобини юритиш ЎзР Фанлар академияси, Ўзбекистон балиқчилик хўжалиги илмий тадқиқот инс.и, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон

хўжалиги бош бошқармаси иштирокида ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига юклатилган.

Қ.к. Ўзбекистоннинг ёввойи ҳайвонлари ва ўсимликларини сақлаб қолиш, улардан оқилона фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун зарур бўлган бундай ҳайвонлар, ўсимликларнинг ноѐб, йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлари (кенжа турлари, популяциялари)нинг ахволи ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуидан иборат бўлиши керак.

Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисида тизим ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ЎзР Фанлар академияси ва б. манфаатдор ташкилотлар б-н биргаликда тасдиқланади.

Ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари ҳолатини таҳлил қилиш ва уларни Қ.к.га киритиш ёки ундан чиқариш ҳақидаги тавсияларни ишлаб чиқиш учун ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида ЎзРнинг Қизил китобини юритиш бўйича идоралараро комиссия тузилиши ЎзР ВМнинг қарорида белгиланган.

Давлатлараро ва халқаро Қ.к.ларга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг турлари, агар ҳайвонлар ва ўсимликларнинг бу турлари республика ҳудудида вақтинча ёки доимий яшаса ёки ўсса, ЎзРнинг Қ.к.ига киритилиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида Қ.к.га киритилган ҳайвонларни овлаш ва ўсимликларни йиғиштириб олиш ман этилган.

Кўрсатиб ўтилган ҳайвонлар ва ўсимликларни, уларнинг иплари, тухумлари, мевалари, уруғларини; шу ҳайвонлар ва ўсимликларнинг бўлақлари ҳамда ҳаёт фаолияти маҳсулотларини овлаш (йиғиштириб олиш), ташқарига олиб кетиш ҳамда Қ.к.га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларга зарар етказадиган ҳайвонлар ва ўсимликларни олиб келиш фавқулодда ҳолларда, фақат ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг руҳсати б-н амалга оширилиши мумкин.

ЎзР Давлат матбуот қўмитаси ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг буюртмасига кўра Қ.к.нинг 10 йилда камида бир марта қайта нашр этилишини таъминлаши лозим.

Давлат, кооператив, бошқа ташкилотлар ҳамда фуқаролар Қ.к.га киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларнинг нобуд бўлиши ҳақидаги аниқланган барча ҳоллар тўғрисида давлат табиатни муҳофаза қилиш органларига хабар қилишлари шарт, бундан ташқари, ҳайвонларнинг оммавий нобуд бўлиши ёки оммавий касалланиши ҳоллари ҳақида эса зудлик б-н ветеринария ва санитария назорати органларига хабар беришлари керак.

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликларни ғайриқонуний овлаш ёки йўқ қилиш натижасида етказилган зарар миқдорини ундириб олиш учун қатъий баҳолар ЎзР Молия вазирлиги б-н келишилган ҳолда ЎзР Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи маълумотида кўра, ҳозирда Колумбия маймунлари, Галапагос шиллиққуртлари, Жанубий Африка дарёлари соҳилида яшовчи қуёнлар, чучук сув балиқларининг йирик турлари

бутунлай йўқолиб кетиш арафасида. Бош қароргоҳи Швейцарияда жойлашган мазкур ташкилот, яқин келажакда альбатрос кушларининг 21 тури, акуланинг ўнлаб тури, ўзидан нур таркатувчи балик ва Ўрта ер денгизи дельфинлари ҳам йўқ бўлиб кетиш арафасида.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи чиқарган Қ.к.да дунё бўйича йўқолиб кетиш таҳдидига учраган жами 12 минг 259 хайвон ва ўсимлик тури қайд этилган.

Ушбу ташкилот дунё мамлакатларидаги атроф-муҳит муҳофазаси б-н шуғулланувчи гуруҳлар, зоолог олимлар ва экологлар б-н яқиндан ҳамкорликда халқаро "Қ.к."ни тузган. Ташкилот маълумотига кўра, 12 мингдан ортиқ хайвон ва ўсимлик турларининг йўқолиб кетиш таҳдидига учрашига, асосан, инсон фаолияти сабаб бўлмоқда.

Илмий тадқиқотлар натижаларига асосланиб Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг билдиришича, Индонезия, Бразилия, Хитой ва Перуда куш ва сут эмизувчи хайвонлар тури камайиб кетаётган бир пайтда, Эквадор, Малайзия, Шри Ланка, Индонезия ва Бразилияда ўсимлик турлари кескин камаймоқда. Сўнгги бир неча ўн йил давомида мазкур давлатларда саноатлашиш жараёни тезлашган, ўрмон худудлари қисқарган ва мамлакатга келаяётган сайёҳлар сони ортган. Бу ва б. омиллар хайвон ва ўсимлик турлари камайишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда Қ.к. дастлаб 1983 й. рус тилида икки жилдда: 1-жилди "Умуртқали хайвонлар" ва 1984 й. 2-жилди "Ўсимликлар" чоп этилди. 1998 й. ЎзР Қ.к.нинг 1-жилди "Ўсимликлар" ўзбек тилида чоп этилди. Унга кейинги 14 й. ичида йўқолиш арафасида турган 138 ўсимлик тури қўшилган бўлиб, уларнинг сони 163 тадан 301 тага етган.

ҚИЗИЛ ХОЧ – мустақил ва бетараф инсонпарварлик ташкилоти бўлиб, дунёнинг барча мамлакатларида ўз фаолиятини бегаразлик ва бетарафлик принципларидан келиб чиқиб амалга оширади. У харбий зиддиятлардан ва ички тартибсизликлардан жабр кўрганларни химоя қилади ва уларга ёрдам кўрсатади. Жаҳон ҳамжамияти томонидан Халқаро Қ.х. ташкилотга тақдим этилган мандатга мувофиқ ҳамда бегаразлик принципларига асосланиб, ташкилот харбий зиддиятлар натижасида жабр кўрган, қамоқда сақланаётган ҳамда бемор шахсларга ёрдам кўрсатади.

Мазкур ташкилотга 1863 й.да Швейцариялик Анри Дюнаном томонидан асос солинган. Штаб-квартираси Женевада жойлашган. Ташкилотнинг ваколатхоналари дунёнинг деярли 80 та мамлакатда фаолият кўрсатаётган бўлиб, унинг таркибиде 12 минг нафардан кўпроқ киши хизмат қилади. Харбий тўқнашувлар шароитида Халқаро Қ.х. ва Қизил Яримой миллий жамиятларининг фаолиятини Халқаро Федерацияга бирлаштирган ҳолда Халқаро Қ.х. ташкилоти мувофиқлаштириб туради.

Халқаро Қ.х. ташкилотининг асосий мақсади фуқароларнинг жабрланишига қарши кураш ва уни енгилаштиришидир. У уч қисмдан ташкил топган: Халқаро Қ.х. Қўмитаси (ХҚХҚ), Қ.х. ва Қизил Яримой миллий жамияти, Халқаро Қ.х. ва Қизил Яримой жамиятлари Федерацияси (илгари Қ.х. жамиятлари Лигаси). Улар ҳаммаси мустақил ташкилотлар бўлиб, ўз Низомига эга ва бир-бирларига бўйсунмайди. Улар икки йилда бир марта Делегатлар Кенгаши мажлисида йиғиладилар. Ташкилотнинг фаолият

ти 7 та асосий принципга асосланган: инсонпарварлик, ҳолсизлик, бетарафлик, мустақиллик, ихтиёрийлик, ягона мақсадлилиқ ва кенг қамровлилиқ.

Қ.х.нинг химоя белгиси тўқнашувда иштирок этувчи томонларга химоя мақсадларида Женева Конвенцияларига биноан инсонпарвар, тиббий транспорт воситаларига, биполяр, карбонлар ва миссияларга берилиши мумкин. Кўпгина ислом давлатларида Қизил Яримой жамияти ушбу ролни бажаради. Эронда эса, Қизил Шер ва Куёш, Исроиел давлатида халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи томонидан тан олинмаган бўлса-да, Давиднинг Қизил Юлдузлари кенг тарқалган. Ҳозирги кунда Қ.х. турли диний белгилардан холи ҳолда хар томонламалик белгиси асосида фаолият кўрсатмоқда.

ҚИЙНАШ – муттасил равишда, тақдирдан ёки доимо кишини уриб, баданга шикаст етказиш ва жисмоний ҳаракатлар б-н жабрланувчига жисмоний ва рухий азоб бериш. Қ шахснинг соғлиғига қарши жиноят бўлиб, уни содир этганлик учун ЎзРнинг ЖК 110-м.сида жавобгарлик белгиланган.

Кўп маротаба ёки узок вақт давомида оғрик етказиш б-н боғлиқ ҳаракатлар, чимчилаш, савалаш, тўмтоқ ёки ўткир учли парсалаш б-н кўнлаб, аммо унча катта бўлмаган шикастлар етказиш, одам танасига электр ёхуд қиздирувчи омиллар б-н таъсир кўрсатиш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар Қ. ҳисобланади.

ҚИЙНОҚЛАРГА СОЛИШГА ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШ ВА ЖАЗОЛАШНИНГ БОШҚА ШАҒҚАТ-СИЗ, ҒАЙРИНСОНИЙ ЁКИ ҚАДР-ҚИММАТНИ ТАҲҚИРЛОВЧИ ТУРЛАРИГА ҚАРШИ КОНВЕНЦИЯ – Қ.с.ва.м.б.ва.ж.б.ш.,ғ.ёки.қ.-қ.т.т.к.к. имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш учун БМТ Бош Ассамблеясининг 1984 й. 10 декабрдаги 39/46-сон резолюцияси б-н қабул қилинган ва унинг 27-м.сига мувофиқ 1987 й.нинг 26 июнидан кучга кирган. Мазкур халқаро ҳужжат 3 та бўлим, 33 та м.дан иборат. ЎзР ушбу ҳужжатга ЎзР Олий Мажлисининг 1995 й. 31 августдаги 130-1-сон "1984 йил 10 декабрдаги Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шағқатсиз, ғайринисоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияга қўшилиш ҳақида"ги Қарорига мувофиқ қўшилган, у 1995 й. 28 октябрдан кучга кирган.

ҚИЛМИШ – ижтимоий хавфли, қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

ҚИЛМИШНИНГ ЖИНОЙИЛИГИНИ ИСТИСНО ҚИЛАДИГАН ҲОЛАТЛАР – ЎзР ЖКнинг 35-м.сига мувофиқ, қилмишда ушбу Кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, ғайриқонуний ёки айбли бўлмаса, Қ.ж.и.к.х. деб топилади.

Қуйидаги ҳолатлар, яъни кам аҳамиятли қилмишлар; зарурий мудофаа; охириги зарурат; ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш чоғида зарар етказиш; буйруқни ёки бошқача тарздаги вазифани бажариш; касб ёки хўжалиқ фаолияти б-н боғлиқ бўлган асосли таваққалчилик жиноятни истисно қилувчи ҳолатлар деб топилади.

ҚИММАТЛИ ПОЧТА ЖЎНАТМАЛАРИ – фойдаланувчи томонидан жўнатиш вақтида жойланма қиймати эълон қилинган почта жўнатмалари ("Почта алоқаси тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – ҳужжатлар бўлиб, улар бу ҳужжатларни чиқарган юридик шахс б-н уларнинг эгаси ўртасидаги мулкӣ ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фонзлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкоиятини назарда тутлади. Қ.к.нинг қиймати ЎзР миллий валютасида ифодаланади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”-ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Мулкӣ ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реқвизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади. Қ.к. бошқа шахсга берилиши б-н улар томонидан тасдиқланган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади. Қ.к. жумласига қуйидагилар қиради: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари б-н қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар қиради (ЎзР ФК 96-м.).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ – юридик ва жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи б-н боғлиқ муносабатлари тизими (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”-ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Қ.к.б.ни давлат томонидан тартибга солиш: Қ.к.б.даги профессионал фаолиятни ҳамда биржа фаолиятини лицензиялаш ва (ёки) бундай фаолиятга нисбатан мажбурий талаблар белгилаш; қимматли қоғозлар чиқарилишларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда чиқариш тўғрисидаги қарорларда назарда тутилган шартлар ва мажбуриятларга эмитентларнинг риоя этишлари устидан назорат қилиш; қимматли қоғозлар тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилинишини таъминлаш; Қ.к.б. профессионал иштирокчиларининг мутахасссларини аттестациядан ўтказиш; Қ.к.б. иштирокчиларининг фаолияти устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилиш орқали амалга оширилади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 48-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ИШТИРОКЧИЛАРИ – қимматли қоғозлар эмитентлари, қимматли қоғозларнинг эгалари, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда биржалар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДА ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТ – қимматли қоғозларни чиқариш, жойлаштириш ва уларнинг муомаласи б-н боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича лицензияланадиган фаолият тури (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИСИ – қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсдир. Қ.к.б.п.и.нинг мижози эса депонент ёки қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг хизматларидан фойдаланувчи бошқа шахсдир (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият қуйидагилар сифатида амалга оширилади: инвестиция воситачиси (брокери, дилери); инвестиция маслаҳатчиси; инвестиция фонди; инвестиция активларини ишончли бошқарувчи; депозитарий; ҳисоб-китоб – клиринг палатаси; трансфер-агент; қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 19-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ – депозитарийларда депо ҳисобварақлари бўйича эмиссиявий қимматли қоғозларни сақлаш, бундай қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳаракати ягона тизимини таъминловчи давлат депозитарийси (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭГАЛАРИ РЕЕСТРИ – рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар эгаларининг белгиланган санадаги ҳолатга кўра шакллантирилган, уларга қарашли эгасининг номи ёзилган қимматли қоғозларнинг номи, миқдори, номинал қиймати ва тоифаси, шунингдек реестрда рўйхатдан ўтказилган шахсларга ахборотни юбориш имкоиятини берадиган маълумотлар кўрсатилган рўйхати (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭГАСИ – қимматли қоғозлар ўзига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлган юридик ёки жисмоний шахс (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Қ.к.э. битим тузиш натижасида эмитент қимматли қоғозлари ҳар қандай турининг 35 ёки ундан ортиқ фойзига эгалик қила бошласа, ушбу ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур битим тузилган санадан эътиборан беш кун ичида ошкор этиши шарт (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 42-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ – эмитент ва у чиқарадиган қимматли қоғозлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек инвесторнинг қимматли қоғозлар олиш тўғрисидаги қарорига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ахборотни акс эттирувчи ҳужжат (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ – эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си). Яна қ.: *Қимматли қоғозларни чиқариш; Қимматли қоғозларни жойлаштириш.*

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА ДОИР БИТИМЛАР – қимматли қоғозлар олди-сотдиси, уларни ҳада қилиш, мерос қилиб олиш, уларни устав фондига киритиш ва қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа актлар, шунингдек қимматли қоғозлар гарови (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА ДОИР ФЬЮЧЕРС – қ.: *Фьючерс битимлари.*

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ – қимматли қоғозларни битимлар тузиш орқали уларнинг дастлабки эгаларига бериш (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Эмитентлар қимматли қоғозларни мустақил равишда, шунингдек банклар ва инвестиция воситачилари орқали жойлаштириш ҳуқуқига эга. Қ.қ.ж. қуйидаги турларда амалга оширилиши мумкин: қимматли қоғозларни хусусий йўсида жойлаштириш (олдиндан маълум бўлган, сони чекланган инвесторлар орасида ёпиқ обуна қилиш, *оммавий эълон бермаган ва реклама компанияси ўтказмаган* ҳолда); қимматли қоғозларни *оммавий* жойлаштириш (сони чекланмаган инвесторлар орасида *рекламадан фойдаланган ҳолда очик обуна* қилиш). “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонуни 14-м.сининг иккинчи қисмида санаб ўтилган ҳолларнинг ҳар бири учун қимматли қоғозлар чиқарилишининг энг кам ёки энг кўп ҳажми қонун ҳужжатларида белгиланади. ЎзР Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси тасдиқлаган эмиссия рисоласи асосида чиқариладиган акцияларни жойлаштириш ЎзР ВМ белгиллаган тартибда мазкур қўмита томонидан амалга оширилади.

Банклар ва инвестиция воситачилари эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишининг жойлаштирилмаган қисмини сотиб олиш мажбуриятини олмаган ҳолда эмиссиявий қимматли қоғозларни эмитент номидан сотиш тўғрисида эмитентлар б-н шартномалар тузиши мумкин. Жойлаштириладиган қимматли қоғозларнинг сони эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган қимматли қоғозлар сонидан ортқ бўлмаслиги керак. Эмитент эмиссиявий қимматли қоғозларнинг ҳақиқатда жойлаштирилган сонини уларнинг чиқарилиши якунлари тўғрисидаги ёзма билдиришномада кўрсатади. Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши якунлари тўғрисидаги билдиришномани тақдим этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади. Эмитент чиқариладиган эмиссиявий Қ.қ.ж.ни эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган қонун эътиборан бир йил ичида тугаллаши шарт. Эмиссиявий қимматли қоғозларни *оммавий* жойлаштириш эмиссиявий қимматли қоғозларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинганидан кейин камида икки hafta ўтгач амалга оширилади. Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарувчи эмитент, шунингдек у шартномага кўра эмиссиявий Қ.қ.ж.ни амалга оширувчи банклар ва инвестиция воситачилари мазкур қимматли қоғозлар олингунига қадар инвесторга қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи ва эмиссиявий Қ.қ.ж. шартлари б-н танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ НОМИНАЛ САҚЛОВЧИ – қимматли қоғозлар эгаларининг реестрида рўйхатдан ўтказилган, қимматли қоғозларнинг эгаси бўлмаган ҳолда бошқа шахснинг (қимматли қоғозлар эгасининг ёки у вакил қилган шахснинг) топшириғига бинан қимматли қоғозларни сақлаш, ҳисобга олиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни амалга оширувчи депозитарий (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЧИҚАРИШ – юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида қимматли қоғозлар пайдо бўлишига қаратилган ҳаракатлари (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Қ.қ.ч. шаклига кўра бланкалар тарзида ҳужжатли ва депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида ҳужжатсиз бўлиши мумкин. Қ.қ.ч. шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланади. Акциялар ҳужжатсиз шаклда чиқарилади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ МУОМАЛАСИ – қимматли қоғозларни сотиб олиш ва сотиш, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

Қ.қ.м. қимматли қоғозлар бозорида юридик ва жисмоний шахслар томонидан битимлар тузиш орқали амалга оширилади. Эгасининг номн ёзилган, шунингдек юридик шахс иштирокида тузиладиган тақдим этувчиға тегишли қимматли қоғозларга доир битимлар ёзма шаклда амалга оширилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Ташкил этилган бозорларда олди-сотди битимларини тузиш пайтида улар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш муддатлари қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидалари б-н, бошқа ҳолларда эса олди-сотди шартномалари б-н белгиланади. Белгиланган муддатлар бузилган тақдирда, битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 15-м.си).

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИНГ ҲОСИЛАЛАРИ – ўз эгаларининг бошқа қимматли қоғозларга нисбатан ҳуқуқларини ёки мажбуриятларини тасдиқловчи ва юридик шахслар томонидан эмитентнинг опционлари, қимматли қоғозларга доир фьючерслар ва б. молиявий воситалар тарзида чиқариладиган қимматли қоғозлар (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.си).

ҚИМОР ҲИМЛАРИ – пул ёки буюм тикиб ўйналадиган ҳар қандай ўйин.

ЎзР МЖКнинг 191-м.сида қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда қонунга ҳилоф равишда иштирок этганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай ўйинларни қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш ёки ўтказиш, шу жумладан, ана шундай ўйинлар учун қиморхоналар ташкил этиш ёки уларни сақлаш ЎзР ЖКнинг 278-м.сида белгиланган жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

ҚИМОРХОНА – қимор ўйналадиган жой. Жиноят қонунчилигида қонунга ҳилоф равишда Қ.лар ташкил этиш ёки уларни сақлаш жамоат тартибига қарши жиноят ҳисобланади, унинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Яна к: *Қимор ўйинлари*.

ҚИРОЛ – қироллик мақомига эга бўлган монархик давлат бошлиғи. Қ. ҳокимияти (славян халқида – княз) ибтидоий жамоа тузуми емириладиган даврда вужудга келган (қабила бошлиғи ҳокимиятидан ўсиб чиққан); синфий, сиёсий жамият шаклланиб боргани сари Қ. ҳокимияти ҳарбий демократик органдан давлат ҳокимият органига айланади. Герман қабилаларининг Фарбий Рим империяси ҳудудларида ёйилиши жараёнида Европада V – VI а.ларда бир неча босқинчи қиролликлар (энг эътиборлиси – Франклар қироллиги) вужудга келган. У барбод

бўлган. Қ. ушвонини Франция ва Германия монархлари олган. Ўрта асрлар бошларида Англия (дастлаб Англо-саксон киролини), кейин Испания ҳудудидаги катор давлатлар, ундан сўнг – Дания, Швеция, Норвегия кироликлари вужудга келди. Ҳозирги замон давлатларидан Буюк Британия, Саудия Арабистони, Швеция, Бельгия, Испания, Иордания ва б. киролик ҳисобланади.

ҚИРОЛЛИК СУДИ – Буюк Британиядаги энг қад. суд муассасаси, 1778 й. киролик кенгашидан алоҳида ажратилган ва аввалига киролик мамлакат бўйлаб сафар қилганларида уларни кузатиб юрган. Кейинчалик, муҳим жинойят ишларини кўриб чиқиш унинг ваколатига киритилган. У яна қуйи судлар устидан ҳам назорат олиб борган. Умумий ҳуқуқнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. XIX адан Қ.с.нинг юқори бўлими. 1971 й.даги ислохотга кўра унинг ваколати фуқаровий ҳуқуқий инзоларни кўриб чиқиш б-н чекланган.

ҚИСКА ДЕКЛАРАЦИЯ – товарлар ва транспорт воситалари муайян божхона режимига жойлаштирилганга қадар қиска декларация қўлланилиши мумкин.

Божхона органининг руҳсати б-н Қ.д. сифатида транспорт, тижорат ҳужжатлари ва б. ҳужжатлардан, шу жумладан халқаро ташишларни амалга ошириш чоғида қўлланиладиган, чет тилларда тузилган ҳужжатлардан фойдаланилиши мумкин.

Қ.д. ташувчи томонидан товарлар ва транспорт воситаларини кўрсатиш б-н бир вақтда ёки божхона органининг руҳсати б-н товарлар ва транспорт воситалари кўрсатилганидан кейин йиғирма тўрт соат ичида топширилади.

Агар товарлар кўрсатилган муддат ичида муайян божхона режимига жойлаштирилса, Қ.д. топширилмайди.

Ташувчи томонидан Қ.д. топшириш ваколати берилган шахс бўлмаса, капитан, хайдовчи ёки транспорт воситасини бошқарувчи бошқа шахс божхона органлари учун шундай шахс деб ҳисобланади.

Ташувчининг вакили Қ.д.ни расмийлаштиришда божхона органларига ёрдам кўрсатиши шарт.

Қ.д.нинг шакли ва унда кўрсатилиши лозим бўлган маълумотларнинг рўйхати ва уни бериш тартиби божхона органлари томонидан белгиланади (ЎЗР БҚнинг 87-м.си).

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР – қ: *Ер фонди тошфалари.*

КОЗИ – ҳал этувчи, ҳукм чиқарувчи. Мусулмон жамоасидаги судья. VII а.да вужудга келган. Кейин давлат миқёсида Қ. ал-қузот (Қ.лар Қ.си), маҳаллий Қ.лик даражалари тизими ишлаб чиқилган. Қ.лар дин, оила, мерос, фуқаролик ва жинойят ишлари масалаларига оид ҳукмлар чиқарганлар; Куръон кўрсатмалари, сунна ва шарият нормалари мусулмонлар томонидан қандай бажарилаётганлигини кузатиб борганлар. Қ.ларнинг ҳукмлари қатъий бўлиб, улар дунёвий ҳокимият томонидан ижро этилган. XIX а.дан бошлаб айрим мусулмон мамлакатларида дунёвий қонулар ҳам жорий қилиниб, Қ.лар суди (шарият суди) иккинчи даражали роль ўйнай бошлаган. Баъзи мусулмон мамлакатларида шарият судларининг тугатилиши муносабати б-н XX а.нинг 30–50-й.ларида Қ.лик тартиби ҳам йўқотилган эди. Бироқ 70-й.лардан айрим мусулмон мамлакатларида шариятнинг роли қайта тикланиши муносабати б-н унга эътибор ортиб борди.

ҚОН ҲУҚУҚИ – хорижий давлат Конс.ларида фуқароликнинг асосий қондалари ўз ифодасини топган. Мазкур масалаларни аниқ тартибга солиш, яъни фуқароликни олиш, ўзгартириш ва тўхтатиш масалалари белгилаб қўйилган қонулар асосида тартибга солинади. Бунга хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, қочоқлар, сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги ҳуқуқий қондалар нормалари ҳам кирази. Фуқароликни олишнинг бир неча усуллари мавжуд. Булар жумласига туғилганлик бўйича олиш, фуқароликка қабул қилиш; фуқароликни тиклаш; фуқароликни ташлаш каби ҳолатлар кирази. Хорижий мамлакатларда никоҳга ўтиш ёки бошқа асосларда фуқароликни олиш қандам кам учрайди.

Қ.х. фуқароликни қўлга киритишнинг биринчи асосий йўли бўлиб, туғилганлик бўйича, яъни "filialia" (филиция) йўли б-н фуқароликни олишнинг асосий усули ҳисобланади. Бунга икки хил муносабатни кўриш мумкин, биринчиси "Қ.х." деб номланади. Унга кўра, бола қаерда туғилганидан қатъи назар, ота-онасининг фуқаролигини олади, иккинчиси "замин ҳуқуқи" дейилади. Бунга кўра, бола қайси давлат ҳудудида туғилган бўлса, ота-онасининг фуқаролигидан қатъи назар, ўша давлат фуқаролигини олади. Ҳозирги замон давлатларининг кўпчилигида, мас., Франция, ГФР, Италия ва б.да Қ.х. асосида фуқароликка кириш кенг тарқалган.

ҚОНУН – давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан ёки бевосита халқнинг хоҳиш-иродасига кўра (мас., референдум ўтказиш йўли б-н) қабул қилинган ва қонда тарикасида, энг муҳим ва барқарор муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ҳуқуқий нормалардан иборат бўлган ҳуқуқий ҳужжат, юридик ҳужжат. Қ. ҳуқуқ тизимининг негизини ташкил этади, давлатнинг бошқа органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига нисбатан олий юридик кучга эга бўлади. ЎЗРнинг Конс.си олий юридик кучга эга ва ЎЗРнинг бутун ҳудудида қўлланилади. Қ. ўз қабул қилиниш тартибига, махсус Қ. ижодкорлиги таомилига эга. Ушбу таомил бир неча босқичдан, қунончи: қонуночилик эҳтиёжи, қонуночилик ташаббуси, Қ. лойиҳасининг муҳокамаси, Қ.ни қабул қилиш ва маъқуллаш, уни имзолаш ва эълон қилиш босқичларидан иборат. Қонуночилик жараёнида давлатнинг ҳуқуқий тизимидаги ўрни ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ролига кўра ягона бўлган Қ.лар маълум турларга бўлинади. Хусусан, Қ.да ифодаланган нормалар аҳамиятига кўра, яъни конституциявий, органик ва оддий қонулар фарқланади. Оддий Қ.лар кодекслаштирилган ва жорий қонуларга бўлинади. Федератив давлатларда федерал қонулар ва федерация субъектларининг қонуллари ҳам фарқланади. Фавқулодда Қ.лар алоҳида тоифани ташкил этади.

Бугунги кунда ЎЗРнинг қонулларида янгиланаётган ижтимоий тузумнинг, ҳуқуқий давлат барпо этишнинг энг муҳим принциплари, ривожланиш йўналишлари ва дастурий вазифалари ўз ифодасини топмоқда. Яна қ: *Конституциявий қонун, Органик қонун.*

ҚОНУН АНАЛОГИЯСИ (ҚОНУН ЎХШАШЛИГИ) – қ: *Аналогия (Ўхшашлик).*

ҚОНУН БЎЙИЧА ВОРИСЛИК – ЎЗР ФК талабларида асосан васият бўлмаганда, васиятнома ҳақиқий эмас деб топилганда, васият бўйича вори меросдан воз кечганда ёки

меросни олишга ҳақли бўлмаганда яқин қариндошлар қонун бўйича ворис бўладилар. Ушбу Кодекснинг 1134-м.сига мувофиқ меросхўрлар ворисликка кодекснинг 1135–1141-м.ларида назарда тутилган навбат тартибида қақриладилар. Мол-мулк қисман васият қилинганда унинг васият қилинмаган қисми қонун бўйича ворисларга тақсимланади.

Қ.б.в.да фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари, бир тарафдан, фарзандликка олувчи шахс ва унинг қариндошлари, иккинчи тарафдан, туғинган қариндошларга тенглаштириладилар. Фарзандликка олинганлар ва уларнинг авлодлари фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бобо-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар. Фарзандликка олинган шахснинг ота-онаси ҳамда бобо-бувилари, ака-укалари, опа-сингиллари фарзандликка олинган шахс ва унинг авлодлари вафот этганидан кейин қонун бўйича мерос олмайдилар. Қонун бўйича ворисларнинг ҳар бир навбати аввалги навбатдаги меросхўрлар бўлмаган, меросдан четлаштирилган, меросни қабул қилмаган ёхуд ундан воз кечган тақдирда ворислик ҳуқуқига эга бўлади.

ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИ – Конс., қонунлар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда қонун лойиҳаларини парламент эъгиборига ҳавола қилиш, қонун лойиҳасини муҳокама қилиш, уни қабул қилиш, қонунни имзолаш, нашр этиш ва кучга киритиш жараёни. Қ.и.ж.нинг асосий қатнашчилари Конс.да белгиланган қонунчилик ташаббуси субъектлари ва биринчи навбатда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи тармоғидир. Бундан ташқари, турли босқичларда қонунчилик жараёни қатнашчилари сифатида ҳокимият қонун чиқарувчи тармоғининг турли бўлинмалари (палаталарнинг қўмиталари, келишув комиссиялари, ҳуқуқий ва тилшунослик экспертизаларини амалга оширувчи бўлинмалар, шахслар), қонун лойиҳаларини тайёрловчи ёки уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказувчи турли илмий, давлат ва нодавлат ташкилотлари бўлиши мумкин.

Қонун ижодкорлиги ҳам ҳуқуқ нормаларини яратиш, такомиллаштириш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган давлат фаолияти шакли сингари ўзига хос жараён сифатида асосий қондалар – принципларига эга. Юридик адабиётларда Қ.и.ж.нинг қуйидаги умумий-ҳуқуқий принциплари, устувор қоидалари қайд этиб ўтилади: демократизм; қонунийлик; илмий асосланганлик; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устуворлиги; аҳоли барча қатламлари ва ижтимоий гуруҳларининг манфаатларини ақс эттириш; умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг уйғунлиги.

Қ.и.ж. бир неча босқичлардан иборат. Улар дунёнинг кўпчилик давлатларида деярли бир хил. Парламентлар ўз фаолиятларини асосан “ҳокимиятларнинг тақсимланиши” принципи асосида қурадилар. Шу б-н бирга, бу фаолият бир қатор ўзига хос томонларга ҳам эга. Мас., ЎзРда қонун ижодкорлиги жараёнининг асосий босқичлари қуйидагилардир: 1) қонун лойиҳасини ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга киритиш; 2) қонун лойиҳасини ЎзР Олий Мажлисининг ҚП ва унинг қўмиталари мажлисларида бир неча бор муҳокама қилиш; 3) қонунни қабул қилиш (шу жумладан, ЎзР Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланиши); 4) қонуннинг имзоланиши, эълон қилиниши (нашр этилиши) ва кучга киритилиши.

Қонун ижодкорлиги – бу шунчаки бир жараён эмас, балки оқилона вазминликни, синчковликни, қонунчилик ечимларининг турли йўлларини чуқур таҳлил этишни талаб қиладиган мураккаб ижодий меҳнатдир. Шу боис, ҳуқуқшуносликнинг, қонун лойиҳаларини тайёрлаш технологиясини такомиллаштиришнинг янги шакллари ва усулларини мунтазам равишда тадқиқ этиш зарур бўлади.

Қонун ижодкорлиги ва қонунчилик техникаси бир-бирига узвий боғлиқ бўлган, лекин шу б-н бирга, ҳар бири алоҳида жараёндир. Яъни, қонун ижодкорлиги янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уни маромига етказиш, амалдаги қонун ҳужжатларига қисёслаб ўрганиш қабиларни ўз ичига олса, қонунчилик техникаси тегишли лойиҳанинг қонун даражасига етишида қўйиладиган талабларга жавоб бериши учун хизмат қиладир. Яъни, қонуннинг номлашидан тортиб, боблар ва моддаларнинг жойлашиш тартиби, жумлаларда сўзларнинг такрор ишлатилмаслик қоида-си, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг матни лўнда, оддий ва раво тилда баён этилиши қабилар қонунчилик техникасининг мақсади бўлиб ҳисобланади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ – қонун қабул қилувчи органга қабул қилишга таклиф қилинаётган ёки референдумда кўришга киритиш учун тайёрланган қонуннинг матни.

Қ.л. мазмуни бўйича қуйидаги турларга бўлинади: оммавий, у юриш-туришнинг умумий нормаларини ўрнатади: молиявий, у ёки бу молиявий масалаларга тегишли (ажратмалар, солиқлар, қарзлар ва б.); хусусий, у юридик ва жисмоний шахсларга тааллуқли ва маъмурий характерга эга (ҳуқуқатга мулкий талабнома, корпорациянинг ҳуқуқий мақоми ва б.).

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида” ЎзР Қонунининг 12-м.сига асосан, Қ.л.ни тайёрлаш унинг концепциясини ишлаб чиқишдан бошланади.

Ушбу Қонуннинг 9-м.сига мувофиқ, Қ.л.ни тайёрлаш: Қ.л.ни тайёрлаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш ва уни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилишни; Қ.л.ни тайёрлашни ташкилий-техникавий ва молиявий жиҳатдан таъминлашни; зарур материаллар ва ахборот тўплашни; Қ.л.нинг концепциясини ишлаб чиқишни; Қ.л.ни тузишни; ҳуқуқий ва б. зарур экспертиза ўтказишни ўз ичига олади.

Мазкур Қонуннинг 11-м.сига асосан, Қ.л.ни тайёрлаш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан ишчи гуруҳи (комиссияси) тузилиши мумкин.

Ишчи гуруҳи (комиссияси) таркибига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти юридик хизматининг ва б. бўлинмаларининг вакиллари, ЎзР Адлия вазирлиги, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг тегишли тармоқлар ёки бошқарув соҳаларининг ҳолати ва ривожланиши учун масъул бўлган вакиллари, бошқа манфаатдор давлат органлари, илмий муассасалар, нодавлат ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролар киритилиши мумкин.

Ишчи гуруҳи (комиссияси) аъзолари Қ.л.ни тайёрлаш учун зарур бўлган тегишли билим ва тажрибага эга бўлишлари керак.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти Қ.л.ни тайёрлаш чоғида ишчи гуруҳининг (комиссиясининг) фаолиятини таъминлаш учун вазирликлар, давлат қўмитала-

ри ва идоралардан Қ.л.ни тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар, статистика маълумотлари ҳамда бошқа маълумотларни олишга, шунингдек тайёрланаётган Қ.л. бўйича маслаҳатлар, тавсиялар ва экспертлар хулосаларини олишга ҳақлидир.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, зарур бўлган ҳолларда, Қ.л.ни тайёрлашни давлат органлари, илмий муассасалар ва б. ташкилотларга, айрим фуқароларга белгиланган тартибда ўз ваколати доирасида топшириши ёки уларга шартнома асосида буюртма бериши мумкин.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти, зарур бўлган ҳолларда, қонуларнинг муқобил лойиҳаларини тайёрлашни бир печта давлат органлари, илмий муассасалар ва б. ташкилотларга, айрим фуқароларга ўз ваколати доирасида топширишга ёки улар б-н шартномалар тузишга, шунингдек энг яхши қонун лойиҳаси учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Қонуннинг 13-м.сига кўра, қонулар лойиҳаларини тайёрлашда ЎзРнинг Конс.си, ЎзР қонуларининг ҳамда ЎзР халқаро шартномаларининг принциплари ва нормалари ҳисобга олинади. Қонулар лойиҳалари қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши керак.

Қонуннинг 18-м.сига биноан, тартибга солинмаган муносабатларнинг ўзинга хос хусусиятлари б-н боғлиқ ҳолда қонулар лойиҳалари қуйидаги шаклда ишлаб чиқилади: 1) ЎзР конституциявий қонулари ва қонулари лойиҳалари; 2) ЎзР Конс.сига, ЎзР конституциявий қонуларига ҳамда қонуларига ўзгартиш, қўшимча ва тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонулар лойиҳалари; 3) ЎзР қонуларини ёки уларнинг айрим нормаларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонулар лойиҳалари.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ЎҚИШ (ПАРЛАМЕНТ ЎҚИШЛАРИ) – парламентда ёки унинг қуйи ва юқори палатасида қонун лойиҳаларини моддама-модда кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилишга тайёрлашнинг алоҳида босқичлари. Турли давлатларнинг парламентларида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, муҳокама қилишда ўқишлар сони биттадан-тўрттагача бўлади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 14-м.сига мувофиқ, қонун лойиҳасини дастлабки тарзда муҳокама қилиш ва уни ҚПда биринчи ўқишда кўриб чиқишга тайёрлаш масъул кўмита томонидан амалга оширилади.

Қонун лойиҳасини ҚПнинг кўмиталарида муҳокама қилиш очик, қонун лойиҳасини киритган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектининг вакили таклиф этилган ҳолда ўтказилади.

Агар ҚП Кенгаши томонидан бошқа муддат белгиланган бўлмаса, масъул кўмита қонун лойиҳаси олинган кундан эътиборан икки ой ичида уни:

ҚП Кенгашининг қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун ҚПга киритиш тўғрисидаги қарорининг лойиҳасини;

масъул кўмитанинг мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш ёки рад этиш зарурлиги асосланган ҳолдаги хулосасини илова қилиб, ҚПнинг Кенгаши кўриб чиқиши учун тақдим этади.

ҚП Кенгаши масъул кўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун ҚП мажлиси-

нинг кун тартибни лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни-нинг 15-м.сига асосан, ҚП қонун лойиҳасини, қоида тариқасида, уч ўқишда кўриб чиқади.

Қонун лойиҳасини ҚП мажлисларида биринчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиш зарурати, қонун лойиҳасининг концепцияси, унинг ЎзРнинг Конс.си ва қонуларига мувофиқлиги, шунингдек қонунни амалга ошириш б-н боғлиқ харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

ҚП муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгиланган ҳолда уни биринчи ўқишда қабул қилиш ёки қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

ҚП муҳокамасига қонун лойиҳасининг муқобил вариантлари киритилган тақдирда улар бир вақтда кўриб чиқиши керак. ҚП депутатларининг қарор қабул қилиш учун талаб қилинадиган энг кўп миқдордаги овозини тўплаган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган ҳисобланади. Қонун лойиҳасининг қолган вариантлари ҚП томонидан рад этилган ҳисобланади.

Масъул кўмита қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида тушган таклифларни умумлаштиради. Масъул кўмита томонидан асосли деб топилган таклифлар қонун лойиҳасининг матнига киритилади.

Қонун лойиҳасини ҚП томонидан иккинчи ўқишда кўриб чиқиш чоғида масъул кўмита маъқуллаган таклифлар ҳам, маъқулламаган таклифлар ҳам муҳокама қилинади. Қонун лойиҳаси бўйича овоз бериш моддама-модда ўтказилади.

ҚП муҳокама натижалари бўйича қонун лойиҳасини маромига етказиш ва кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун палатага киритиш муддатини белгиланган ҳолда уни иккинчи ўқишда қабул қилиш ёхуд қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Учинчи ўқишда қонун лойиҳаси муҳокама қилинмадан тўлалигича овозга қўйилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ёки иккинчи ўқишда қабул қилинган тақдирда, масъул кўмитанинг таклифига биноан қонунни кейинги ўқиш тартиб-таомилларини истисно этган ҳолда қабул қилиш тўғрисидаги масала овозга қўйилиши мумкин.

Қонун ҚП томонидан палата депутатлари умумий сонининг кўпчилиги овози б-н қабул қилинади, Қонун 18-м.с.-нинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ҚП томонидан қабул қилинган қонун ўн кун ичида Сенатга кўриб чиқиш учун юборилади. Сенатга қонун б-н биргалликда қонун лойиҳасини ҚПга киритиш чоғида тақдим этилган материаллар юборилади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗАСИ – қ.: *Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси.*

ҚОНУН ОСТИ ҲУЖЖАТИ – давлат ҳокимияти органларининг қонунга нисбатан пастроқ юридик кучга эга бўлган ва қонуларни ижро этиш бўйича чиқарган

хужжати. Қ.о.х. қонунга асосан ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан чиқарилади. “Норматив-ҳуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6-м.сига мувофиқ, ЎзР Президентининг фармонлари, Ўзр ВМнинг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий хужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари Қ.о.х.лари ҳисобланади.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ (инг. legislative power) – ҳокимиятнинг бўлиниш назариясига мувофиқ, давлатда ҳокимиятнинг бир-бирини мувозанатда ушлаб турувчи уч тармоғидан бири. Қ.ч.х. Конс.дан кейин турувчи қонулар чиқариш мутлақ ҳуқуқини амалга оширади. Қ.ч.х.га давлат бюджетини қабул қилиш ва баъзан ижро этувчи ҳокимият – Ҳукумат фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқи мавжуд. Парламентар мамлакатларда ижро этувчи ҳокимият Қ.ч.х. олдида жавобгардир. Баъзан Қ.ч.х. деганда фақатгина олий давлат ҳокимияти органларининг қонун қабул қилиш ваколати тушунилади.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНИНИНГ НАЗОРАТИ – қ: *Парламент назорати*.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ – қонунчилик ҳокимияти ваколатига эга бўлган органлар. Бу органларга парламент, давлат бошлиғи ва айрим ҳолларда ижро органлари ҳам кириши мумкин. Аксарият мамлакатларда бу орган вазифасини парламент амалга оширади. Шунингдек, Финляндия Конс.сига кўра қонунчилик ҳокимияти парламент ва президентга тегишли. Индонезия, Хитой давлатларида парламент ягона қонун чиқарувчи орган саналмайди, яъни улар қаторига ижро органлари ҳам кириштилади. ЎзРнинг қонун чиқарувчи ҳокимият органи ЎзР Олий Мажлиси ҳисобланади.

Қонунчилик ҳокимияти ваколатига эга бўлган органлар – парламентлар (инг. palament, фр. parler – гапирмок, сўзламок) ёки унинг муайян палатаси демократик давлатларда суд функцияларини ҳам бажариши мумкин. Парламентлар умумхалқ сайловида муайян муддатга сайланади. Одатда, парламентнинг ваколат муддати тўрт йил (Молдова, Грузия, Литва, Украина, Арманистон, Эстония, Россияда Давлат Думаси, АҚШда Вакиллар палатаси) ёки беш йил (Озарбойжон, Ўзбекистон, Туркменистон)ни ташкил этади. Баъзан парламент бундан камроқ муддатга сайланиши ҳам мумкин (Латвияда – уч йил). Ҳукумат парламент олдида жавобгар бўлган мамлакатларда парламент (одатда, унинг қуйи палатаси) давлат бошлиғи ёки ҳукумат томонидан муддатидан илгари тарқатиб юборилиши мумкин. Айрим давлатлар (Тожикистон, Туркменистон)да парламент депутатларнинг кўпчилик овози б-н ўзини ўзи тарқатиб юбориши ҳам назарда тутилган. Парламентларнинг юқори палаталари (тўлиқ ёки қисман) бошқача йўл б-н шаклланиши ҳам мумкин. Баъзи мамлакатларда давлатнинг собиқ президентлари лавозимига кўра юқори палаталарнинг аъзолари ҳисобланади. Парламент ёки унинг муайян палатаси фаолиятининг ички тартибини (принципини) белгиловчи муҳим хужжат регламент ҳисобланади. Яна қ: *Импичмент*.

ҚОНУН ЮЗАСИДАН МАСЛАҲАТЛАШУВ ОРГАНЛАРИ – давлат органларининг алоҳида топфаси бўлиб, уларнинг асосий функциясини қонун лойиҳаларини қабул қилиш ҳуқуқисиз кўриб чиқишни ташкил этади.

Улар, асосан мутлақ монархияларда ташкил этилади (мас., БААда Миллий федерал мажлис), баъзида конституциявий монархияларда (мас., Қувайтдаги Миллий мажлис), уларни шакллантириш тартиби ва фаолияти расмий жиҳатдан парламент муассасасини эслатади.

ҚОНУН ҲАШАШЛИГИ – қ: *Аналогия (Ҳашиш-лик)*.

ҚОНУН ҲУЖЖАТИ МОНИТОРИНГИ – қ: *Мониторинг*.

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МАЪЛУМОТЛАРИ МИЛЛИЙ БАЗАСИ – қ: *Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси*.

ҚОНУНИЙ ВАКИЛ – Қ.в. деб муомалага лаёқатсиз ёки белгиланган тартибда муомаласи чекланган деб топилган шахсларнинг ишлари бўйича барча органларда, шу жумладан, судда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган шахсга айтилади.

ЎзР ФПКнинг 51-м.сига асосан, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг Қ.в.лари (ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар, васийлар ёки ҳомийлар) ҳимоя қиладилар. Белгиланган тартибда бедарак йўқолган деб топилган фуқаро иштирок этиши лозим бўлган иш бўйича унинг вакили сифатида мазкур фуқаронинг мол-мулкни кўриқлаш ва бошқариш ҳамда шахсий ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун тайинланган шахс қатнашади. Вафот этган ёки белгиланган тартибда ўлган деб эълон қилинган шахснинг меросхўри қатнашиши лозим бўлган иш бўйича, агар меросни хали ҳеч ким қабул қилиб олмаган бўлса, меросхўрнинг вакили сифатида васий ёхуд мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун тайинланган сакловчи шахс қатнашади. Қ.в. судда иш олиб боришни вакил сифатида ўзи таъинлаган бошқа шахсга топшириш ҳуқуқига эга.

ЎзР ФПКнинг 38-м.сига мувофиқ, ёш болаларнинг, яъни ўн тўрт ёшга тўлмаган фуқароларнинг, шунингдек руҳий касаллик ёки акли занфлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини судда уларнинг Қ.в.лари – ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар ҳимоя қиладилар.

ЎзР ФПКнинг 55-м.сига кўра, қуйидагилар судда вакиллик қилиши мумкин эмас: 1) вояга етмаган шахслар; 2) васийлик ёки ҳомийлик белгиланган шахслар; 3) судьялар, прокурорлар, терговчилар, суриштирувчилар, улар Қ.в. (ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) сифатида, шунингдек тегишли суд, прокуратура, суриштирув ва тергов органининг вакили сифатида қатнашган ҳоллар бундан мустасно.

ЎзР ХПКнинг 50-м.сига асосан, хўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро хўжалик судида вакил бўлиши мумкин. Тўла муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун б-н кўриқланадиган манфаатларини хўжалик судлов ишларини юритишда уларнинг Қ.в.лари – ота-онаси, фарзандликка олганлар, васий ёки ҳомийлари ҳимоя қиладилар. Қ.в.лар хўжалик судида иш юритишни ўзлари таъинлаган бошқа вакилга топширишлари мумкин. ЎзР ХПКнинг 53-м.сига кўра тўла

муомала лаёқатига эга бўлмаган ёхуд васийлик ёки хомийлик белгиланган шахслар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар. Судьялар, терговчилар, прокурорлар хўжалик судида вакил бўла олмайдилар. Кўрсатиб ўтилган шахслар процессда тегишли судлар, прокуратуранинг вакили сифатида ёки Қ.в. сифатида қатнашаётган бўлсалар, бу қоида татбиқ этилмайди.

ЎзР ЖПКнинг 60-м.сига биноан, Қ.в. ишда иштирок этишга вояга етмаган ёхуд белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш учун жалб қилинади. Ишда Қ.в. сифатида ота-оналар, фарзандликка олганлар, васийлар, хомийлар, вояга етмаганга ёки белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб эътироф этилган иштирокчига хомийлик қилувчи муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари қатнашишлари мумкин. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ва судланувчининг Қ.в.и ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи б-н бирга, жабрланувчининг Қ.в.и эса жабрланувчи б-н бирга, шунингдек унинг ўрнида ҳам иштирок этади. Қ.в.нинг ишда иштирок этишига йўл қўйилганлиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор қарор, суд эса ажрим чиқаради. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчининг манфаатлари б-н Қ.в.нинг манфаатлари ўзаро мос келмаса, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки жабрланувчи тарафида ишда иштирок этиш учун қарор ёхуд ажрим б-н адвокат тайинланади.

ЎзР ЖПКнинг 61-м.сига кўра Қ.в.: ўзи вакиллик қилаётган шахснинг суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга қақирланганидан хабардор бўлиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг рухсати б-н шу шахснинг сўроқ қилинишида иштирок этиш; ўзи вакиллик қилаётган камокдаги шахс б-н холи учрашиш; ўзи вакиллик қилаётган шахс ЎзР ЖПКга мувофиқ эга бўлган процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Қ.в.: суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чакирувига биноан ҳозир бўлиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиршишга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар б-н тўскинлик қилмаслиги; ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Қ.в. гувоҳ сифатида сўроқ қилиниши, шунингдек химоячи, фуқаровий даъвогар ёки фуқаровий жавобгар тартибда ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда Қ.в. юқоридан айтиб ўтилган процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлади.

ҚОНУНИЙ ВАКИЛЛИК – қ: *Қонуний вакил.*

ҚОНУНИЙ НЕУСТОЙКА – қ: *Неустойка.*

ҚОНУНИЙЛИК (инг. *legality, legitimacy*; нем. *legalität*; фр. *legalité, légitimité*) – давлатнинг барча органлари, мансабдор шахслари ва фуқаролар томонидан Конс., қонулар ва б. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва доимий ижро этилиш принципи.

Қ. барча ҳуқуқ соҳаларини тартибга солиб турувчи умумий ва асосий принциплардан бири ҳисобланади. Қ. қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, субъектларнинг қонуларга қатъий риоя қилиши ҳамда уларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажаришларини таъминлашда ифодаланади.

ЎзР Конс.сининг 15-м.сига мувофиқ, ЎзРда ЎзРнинг Конс.си ва қонуларининг устуворлиги сўзсиз таъминланади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конс. ва қонуларга мувофиқ иш кўрадилар.

Қ. ЎзР ЖК, ЖПК, ФПК, МЖК ва б. кодексларида асосий принциплардан бири сифатида мустаҳкамланган.

Қ. – демократия ва ҳуқуқий давлат таркибий қисмларидан бири. Қ. мазмунини (хатто, юридик техника нуқтаназаридан мукаммал бўлган тақдирда ҳам) мавжуд қонуннинг ўзи эмас, балки ўзида ҳуқуқий принциплар, умуминсоний ғоялар ва қадриятлар, инсоннинг муҳим эҳтиёжлари ва манфаатларини, ижтимоий тараққиётнинг объектив йўналишларини мужассамлаштирган қонулар ташкил этади. Бинобарин, қонуларга риоя этилган жойда бу қонуларга нисбатан мамлакат Президентидан тортиб то оддий фуқарогача – ҳамма ҳурмат б-н муносабатда бўлади, ана ўша жойда риёсоладаги, муносиб даражадаги Қ. ҳақида ишонч б-н гапирнш мумкин бўлади.

ҚОНУНЛАР ТЎПЛАМИ – қонулар ва б. муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўплаб, қатъий тартиб асосида мавзули (предметли) тизимлаш бўлиб, инкорпорациянинг энг юқори кўринишидир.

Конс. асосида мамлакат қонуларни тўпланини тайёрлаш ва чоп этиш қонулар мазмунини аҳолига етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кўриклаштириш, давлат ва жамият ҳаёти ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга, омманинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилади.

ҚОНУНИ ИМЗОЛАШ – парламент қабул қилган Қонуннинг давлат бошлиғи томонидан имзоланиши. Қонун яратиш жараёнида фаол қатнашиш имкониятини берувчи муҳим ҳуқуқлардан бири. Имзоламаслик орқали эса, парламент томонидан қабул қилинган, лекин қучга қирмаган қонун давлат бошлиғи томонидан рад этилади. Қ.и.ни рад этишнинг икки хил шакли бор – қатъий ва нисбий. Нисбий бекор қилиш президентлик республикаларига ҳосдир.

Маълумки, Президент томонидан қонун имзоланмагунча у юридик қучга эга бўлмайди, бу эса унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги ЎзР Конституциявий қонунининг 27-м.сига мувофиқ, Сенат маъқуллаган қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун ЎзР Президентига ўн кун ичида юборилади.

ЎзР Президенти томонидан қонун ўттиз кун ичида имзоланади ва эълон қилинади.

ЎзР Президенти қонунни ўз эътирозлари б-н ЎзР Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли.

ҚОНУНИ ШАРҲЛАШ (инг. *interpretation of law*) – ҳуқуқ субъектларининг қонун ижодкорлиги, қонунни татбиқ этиш ёки қонуларни туркумлаштириш жараёнида уларнинг нормалари мазмунини аниқлаш бўйича фаолияти. ЎзР Конс.си ва “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 31-м.сига мувофиқ, қонуларнинг нормаларига ЎзР КСн шарҳ беради. Яна қ.: *Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш.*

ҚОНУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ – қонун тўлиқ ва аниқ матнининг расмий белгиланган босма нашр ёки омма-

вий қўлланиладиган нашрда чоп қилиниши, қонунчилик жараёнининг охирига босқичи. Қ.э.қ. расмий юридик факт бўлиб, унинг кучга қираётганлигидан далолат беради. Қ.э.қ. – қонунни кенг оммалаштириш усулларидан биридир.

ЎзРнинг қонуллари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси.”, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тўплами”, “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталарида расман эълон қилинади.

Давлат органлари ўзларининг қарорларида фақат расмий нашр этилган қонуннинг матнidan фойдаланишлари лозим, чунки шу б-н қонуннинг бир хил қўлланилиши таъминланади.

ҚОНУННИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ – қонунни белгиланган вақт давомида, муайян ҳудудда (маконда) ва шахслар, ташкилотлар ҳамда ҳуқуқнинг бошқа субъектлари муайян доирасига нисбатан ижро этишнинг мажбурийлиги. Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши у кучга кирган санадан бошланади. Бу сана қонунда махсус кўрсатилиши мумкин. Агар бундай кўрсатма бўлмаса, қонуннинг амал қилиш муддати амалдаги қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. Қонун қуйидаги ҳолларда амал қилишни тугатади: қонун расмий равишда бекор қилинганда; қонун мўлжалланган муддат тугаганда; қонун амалда бошқа қонун б-н алмаштирилганда. Қонуннинг маконда амал қилиши унинг муайян ҳудудда қўлланилишини аниқлатади. Қонуннинг шахслар доираси бўйича амал қилиши у ҳуқуқ субъектларининг муайян тоифасига нисбатан татбиқ этилишини билдиради.

Қонуннинг орқага қайтиш кучи – қонун таъсирининг қонун кучга киришидан аввалги ҳолатларга тарқалишидир. Қонуннинг орқага қайтиш кучи умумий тартибдан алоҳида ҳолат бўлиб, у қонуннинг ўзида ёки унинг амалга киритилиши ҳақидаги ҳужжатда махсус кўрсатилиши керак. Чунончи, ЎзР ЖКнинг 13-м.сига мувофиқ, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар хали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас.

ҚОНУННИНГ ОРҚАГА ҚАЙТИШ КУЧИ – қ. *Қонуннинг амал қилиши.*

ҚОНУНЧИЛИК – 1) давлат томонидан ўз функцияларини амалга оширишнинг асосий усулларидан бири бўлиб, давлат ҳокимияти органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) ижтимоий муносабатларни тўла тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир соҳаси (фуқаролик Қ., жиноят Қ., маъмурий Қ. ва б.). “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 2-м.сига мувофиқ, Қонунда белгиланган шаклда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат норматив-ҳуқуқий ҳужжат деб ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 6-м.сига асосан, норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонун ҳужжатлари ҳисобланади ва улар ЎзРнинг қонун ҳужжатлари мажмуини ташкил қилади. ЎзРнинг Конс.си, ЎзРнинг қонуллари, ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади. ЎзР Президентининг фармонлари, ЎзР ВМнинг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатлари ҳисобланади.

ҚОНУНЧИЛИК КВОТАСИ – сайлов жараёнида помзодларга сайловда голиб чиқиш учун берилган овозларнинг миқдори. Қ.к. округ миқёсида ҳам мамлакат миқёсида ҳам сайловда голиб чиққанларни аниқлашда қўлланилаверади.

ҚОНУНЧИЛИК МАЖЛИСИ (инг. legislature, legislative assembly) – хорижий давлатларда учрайдиган вакилик органи, парламентнинг номи. Мас., Сальвадор давлатининг бир палатали парламенти номи. Шунингдек, РФ субъектларининг, жумладан, Адигея Республикаси, Калуга вилояти, Краснодар ўлкасининг қонун чиқарувчи органи.

ҚОНУНЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИНИНГ УМУМҲУҚУҚИЙ КЛАССИФИКАТОРИ – “Классификатор” сўзи латинча classus – қатор, facere – қилмоқ сўзларидан олинган бўлиб, классификация қилувчи маъносини беради. Классификация – туркумлаш, қонун ҳужжатларини тармоқларга ажратиш, классификация қилиш. Қ. қонунчиликни тармоқлар бўйича тизимловчи соҳадир.

Ҳуқуқий ахборотнинг эталон маълумотлар банкини ташкил этиш мақсадида ЎзР ВМнинг 1998 й. 27 октябрдаги 454-сон қарори б-н Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори тасдиқланган. Қ. асосида қонун ҳужжатлари ҳисобга олиниб, тегишли картотека юритиш орқали тартибга солинади.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ (инг. legal initiative) – махсус ваколатли органлар, ташкилотлар ва шахсларнинг қонунчилик фаолияти субъекти олдига парламент томонидан кўриб чиқилиши шарт бўлган қонун ёки бошқа ҳужжатни қабул қилиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги масалани кўйиш ҳуқуқи.

Қ.т. шундай бир ҳаракатлар йиғиндиси дирки, бунинг патижасида қонун чиқарувчи ҳокимият органига қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун уни қабул қилади. Бошқача айтганда, Қ.т. қонун лойиҳаси ёки қонунчилик характеридаги таклифни киритиш б-н боғлиқ фаолиятдир.

ЎзР Конс.сининг 83-м.сига мувофиқ, Қ.т. ҳуқуқига ЎзР Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакилик органи орқали ҚР, ЎзР Олий Мажлисининг ҚП депутатлари, ЎзР ВМ, ЎзР ҚСи, ОСи, ОХС, Бош прокурори эгадирлар ва бу ҳуқуқ Қ.т. ҳуқуқи субъектлари томонидан қонун лойиҳасини ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга киритиш орқали амалга оширилади.

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.сига асосан, Қ.т. ҳуқуқи ҚПга Қ.т. ҳуқуқи субъектлари томонидан қонунлар лойиҳаларини киритиш орқали амалга оширилади.

Ушбу Қонуннинг 5-м.сига кўра, ҚР Жўқорғи Кенгеси, ЎЗР ВМ, ЎЗР КСи, ЎЗР ОСи ёки ЎЗР ОХС ҚПда ўзи киритган қонун лойиҳаси кўриб чиқиладиганда иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлайди. Қ.т. ҳуқуқининг бошқа субъектлари ҳам (ҚП депутатларидан ташқари) қонун лойиҳаси ҚПда кўриб чиқиладиганда иштирок этиш учун ўз вакилини тайинлаши мумкин.

Мазкур Қонуннинг 8-м.сига биноан, Қ.т. ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, қонунга ўзгартишлар, қўшимчалар киритилиши, шунингдек амалдаги қонунни ёки унинг бир қисmini ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни Қ.т. ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин.

Қ.т. ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилган қонунлар лойиҳаларини ёки таклифларни Қ.т. ҳуқуқи субъекти ўзи ишлаб чиқаётган қонунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиши мумкин.

Қонуннинг 27-м.сига мувофиқ, қонун лойиҳаси ҚПга киритилаётганда Қ.т. ҳуқуқи субъекти томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши керак: 1) қонун лойиҳасининг концепцияси баён қилинган тушунтириш хати; 2) ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, шунингдек қонун лойиҳаси киритилиши б-н боғлиқ қонунларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси; 3) ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши, ўз кучини йўқотган деб топилиши ёки қабул қилиниши керак бўлган қонуности ҳужжатларининг рўйхати; 4) моддий харажатлар талаб қилинадиган қонунлар лойиҳалари учун молиявий-иқтисодий асослар; 5) давлат даромадларини камайтириш ёки давлат харажатларини кўпайтиришни, шунингдек ЎЗР Давлат бюджети модалари бўйича ўзгартиришлари назарда тутилган қонунларнинг лойиҳалари юзасидан ЎЗР ВМнинг ҳулосаси.

Қонун лойиҳаси ҚР Жўқорғи Кенгеси, ЎЗР ВМ, ЎЗР КСи, ЎЗР ОСи ёки ЎЗР ОХС томонидан ҚПга киритилаётганда мазкур органларнинг қонун лойиҳасини ҚПга киритиш тўғрисидаги тегишли қарори тақдим этилиши керак.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ ҲУҚУҚИ – қ:

Қонунчилик ташаббуси.

ҚОНУНЧИЛИК ТЕХНИКАСИ – қонунчилик соҳаси б-н боғлиқ билимлар ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиётида “Қ.т.” номини олган. Қ.т. ҳуқуқий давлат қуришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Қ.т.нинг юқори даражада бўлиши қонунда ифодаланувчи ҳуқуқий норманинг ҳужжатларда аниқ ва равшан ифодасини топиши имконини беради, ҳуқуқий нормаларнинг нотўғри тушунилиши ёки турлича мазмунда тавсиф этилишига ёки шарҳланишига йўл қўймайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат ифода шаклининг муносиб кўринишларини ижод этишни таъминлайди. Бу эса шу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амалиётда қўллаш учун қулай бўлиш имконини беради. Шунингдек, Қ.т. норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг жуда ҳам юқори сифатда бўлишини таъминлайди. Қ.т.га қатъий риоя қилиниб тайёрланган лойиҳа юқори сифатга эга бўлади. Бу эса мазкур мамлакат қонунчилигидаги “бўшлик” ёки

“ортиқчалик”ни аниқлашга ёрдам беради, қонунларни баъзи самара бермаётган ҳуқуқий нормалардан “тозалайди”, кодекслаштириш ишларини муваффақиятли олиб боришда асосий ўрни тутайди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётда қўлланиши учун қулайлигини оширади.

Қ.т. масалаларига мамлакатимиз мустақилликка эришганига қадар деярли эътибор берилмаган. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қ.т.нинг ҳамма миллатлар учун умумий ва хусусий жиҳатлари мавжуд. Бу йилларда Қ.т.нинг умумий (норматив-ҳуқуқий ҳужжат, унинг шакллари, таркибий қисмлари, қўшимча ва ўзгартишлар киритиш қабилар) жиҳатлари бир қадар ривожлантирилган, лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ўзбек тилида тайёрлаш, ўзбек миллий қонунчилик услубияти, ўзбек миллий ҳуқуқий атамашунослиги ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалаш, ўзбек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг тили қабил хусусий жиҳатлари ўрганилган эмас.

Миллий истиқлол шарофати б-н бу соҳада тамоман янги бир давр бошланди. Бугунги кунда ўзбек миллий Қ.т.нинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бевосита Қ.т. фаолиятини тартибга соливчи “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги, “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги, “Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги ЎЗР Қонунлари қабул қилинди. Миллий истиқлол ғояларига тўла жавоб берувчи Қ.т.нинг норматив-ҳуқуқий базаси яратилди.

Юридик адабиётда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини тузиш бўйича қоида ва усуллар йиғиндиси, ҳужжатнинг ички тузилиши, унинг тили ва услуби, ҳуқуқий атамашунослик (юридик терминология), қонун лойиҳаларини бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш санъати сифатида тавсифланади. Унга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тез ва пухта тайёрлашнинг ташкилий-техник қондалари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритишни тўғри ташкил этишнинг усули ҳамда қонун лойиҳасини тузишда қонуншунос фикрини яна ҳам аниқроқ ифодалаш воситаси сифатида қаралади.

Қ.т.нинг муҳим талабларидан бири – ижтимоий муносабатлар маълум гуруҳининг бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар томонидан тартибга солинишининг олдини олиш хисобланади. Акс ҳолда, муайян ижтимоий муносабат бир неча ҳужжатлар ёки нормалар б-н тартибга солиниши ҳолати вужудга келиши, яъни юридик коллизия пайдо бўлиши мумкин. Шу боисдан, янги қонун ҳужжати қабул қилиниши муносабати б-н барча республика давлат бошқаруви органлари ўз ҳужжатларини янги қонун ҳужжати нормаларига мослаштириш ва зид келадиганларини бекор қилишлари зарур. Шу тариқа қонунчилик тизимида бўлиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олди олинади.

Қ.т. ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашнинг қоида ва услублари йиғиндисидан иборат. Қ.т. ўз ичига бир қатор масалаларни олади, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тез ва сифатли тайёрлашнинг ташкилий ва техник қондаларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчаларни тўғри ва бир хилда кири-

тиш, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб топилган услубларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжат моддаларида қонун лойиҳасини тайёрловчининг фикрини аниқ, лўнда ва кўпчилиқ учун тушунарли қилиб ёзиш услубларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мақсадга мувофиқ бўлган тузилишини таъминлашни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тили ва б.ни ўз ичига олади.

“Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва ЎзР Олий Мажлисининг ҚПга киритиш тартиби тўғрисида” ЎзР Қонунининг 13-м.сига мувофиқ, қонунлар лойиҳалари Қ.т. қодаларига мувофиқ бўлиши керак. Яна к.: *Юридик техника; Қонун ижодкорлиги жараёни.*

КОРА ДОРИ (юн. orion – кўкнор шарбати) – опий, афъюнли кўкнорининг ҳавода қотган чанокларидан оқиб чиққан сутли шираси. 20 га яқин алколоидлар (морфин, кодеин, папаверин ва б.)дан иборат кучли гиёҳванд модда. Тиббиётда оғриқ қолдирувчи восита сифатида ишлатилади. Нотиббий мақсадларда қўлланганда, унга ўрганиб қолиш ва тобеликни келтириб чиқаради.

КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИ – ҚР Конс.си республиканинг ҳозирги ижро ҳокимияти органлари тизимини мустаҳкамлади. Республика миқёсида ижро ҳокимиятини амалга оширувчи олий органи ҚР В.К.дир.

ҚР В.К. ҳуқуқий ҳолатининг асослари ҚР Конс.сининг ХХ-боб 86–91-м.ларида ҳамда Вазирлар Кенгаши тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамланган. ҚР В.К. республиканинг Жўқорғи Кенгеси олдида масъулдар ва унга ҳисобот бериб туради.

ҚР В.К. фаолиятини ЎзР ВМ йўналтириб туради. ҚР В.К. Раиси – ҳукумат бошлиғи ЎзР ВМ таркибига ўз лавозими бўйича қиради. ҚР В.К. Раиси Республика Жўқорғи Кенгеси Раисининг ЎзР Президенти розилиғи б-н қилинган таклифига биноан Жўқорғи Кенгес томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўшатилади.

ҚР В.К. ваколатлари, унинг иш тартиби, ҚРнинг бошқа давлат органлари б-н ҚР В.К.нинг муносабатлари ҚР қонунлари б-н тартибга солинади.

ҚР В.К. таркибига: Вазирлар Кенгаши Раиси, унинг ўринбосарлари, ҚР вазирлари, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалиқ бошқаруви ҳамда бошқа органларнинг раҳбарлари қиради.

ҚР В.К. Раисининг ўринбосари, Вазирлар Кенгаши аъзолари Вазирлар Кенгаши Раисининг таклифига биноан Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан кейинчалиқ, Жўқорғи Кенгеснинг тасдиқлаши б-н лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади. ҚР Конс.нинг 87-м.сига асосан Вазирлар Кенгашини тузиш тайинлаш ва тасдиқлаш йўли б-н амалга оширилади, яъни Жўқорғи Кенгес Раиси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарини, вазирларни, қўмита раисларини ва б.ни президиум қарори б-н лавозимга тайинлайди. Сўнг улар Жўқорғи Кенгесда тасдиқланади. Вазирлар Кенгаши – ҚРнинг ҳукумати – иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, ЎзР қонунлари ва ЎзР Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ЎзР ВМ қарорлари ва фармойишлари, ҚР қонунлари ва ҚР Жўқорғи Кенгесининг бошқа қарорлари

ҳамда ҚР Жўқорғи Кенгеси Президиумининг қарорлари асосида уларнинг ижро этилишига раҳбарликни таъминловчи ҚРнинг ижро этувчи ҳокимият органидир.

ҚР В.К.: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шаклларини уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий қурилишини рўбга чиқариш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади, хўжалиқ юртишининг янги шаклларини барпо этишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашади; республикада пул ва кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради, республика бюджетини, шунингдек республика иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истикболларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни, уларнинг ижросини ташкил этади, бошқарув идоралари тизимини такомиллаштиради, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралари ва хўжалиқ тузилмаларини ташкил қилиш, тугатиш тўғрисида республика Жўқорғи Кенгесига таклифлар беради; фан ва техникани ривожлантириш чора-тадбирларини, шунингдек табиий бойликларини муҳофаза қилиш, улардан самарали фойдаланиш бўйича дастурларни амалга оширади; фуқароларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштириш; соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантиришнинг ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга ёрдамлашади; Республика давлат хавфсизлигини таъминлаш, ЎзРнинг давлат чегараларини қўриқлаш, давлат манфаатини қўриқлаш, жамоат тартибни сақлаш тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш, республика ва халқаро аҳамиятига эга бўлган йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштиради, табиий офатларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўради, ЎзР ва ҚР қонунларига мувофиқ ҳукуматлараро шартномалар ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради.

ҚР В.К. вазирларнинг ўринбосарларини, давлат қўмиталари раисларининг ўринбосарларини, бош бошқармалар ҳамда давлат бошқаруви бошқа идоралари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарларини лавозимга тайинлайди, лавозимдан озод этади. Хўжалиқ бошқаруви тузилмалари раҳбарларини ва вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар хайъатлари аъзоларини тасдиқлайди. Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда давлат ва хўжалиқ бошқарувининг бошқа тузилмалари ҳақидаги низомларни тасдиқлайди. Юқорида номи тилга олинган давлат ва хўжалиқ бошқаруви тузилмаларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади, агарда улар қабул қилган актлар амалдаги қонунларга зид бўлган ҳолларда, уларни бекор қилиш ҳуқуқига эга. ҚР В.К. ўз фаолиятида ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий-маданий ривожлантиришини таъминлаш б-н боғлиқ масалалар б-н ҳам шуғулланади. Шу мақсадда у маҳаллий ижро этувчи ҳокимият тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ҳудудларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичларини тасдиқлайди, жойлардаги ижро этувчи ҳокимият мажмуининг сонини ва намунавий тузилмасини белгилайди.

Тум. ва ш. хокимларининг амалдаги қонунларга зид бўлган қарорлари ва фармойишларини тўхтатиб қўйиш ва уларни бекор қилиш тўғрисида Жўқорғи Кенгесга таклифлар бериш ҳуқуқига эга. Вазирлар Кенгаши тегишли бўлимлардан иборат. Ҳар бир бўлим таркиби, унинг ваколатлари Вазирлар Кенгаши томонидан тасдиқланган Низомда белгиланади.

ҚР В.К. ўз ишини мажлисда ташкил қилади. Мажлислари тайёрлаш ва ўтказиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши иш тартиби б-н белгиланган.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИ – ҚРда республика миқёсидаги органлар фаолиятида хокимиятнинг тақсимланиш принципида бир канча натижаларга эришилди. ҚР Конс.сининг 68-м.сига мувофиқ ҚР Ж.К. – Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи хокимиятни амалга оширади.

ҚР Ж.К. ҚР қонунларини қабул қилувчи, унга ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга бўлган ягона давлат органидир.

ҚР Конс.сида Жўқорғи Кенгес орқали халқ хокимиятчилиги мустаҳкамлаб қўйилган. Республика парламенти – ҚР Ж.К. деб аталади. ҚР Ж.К. республикадаги бутун давлат аппаратиининг ягона ва донмий асоси бўлиб, у давлатнинг бошқа органларини сайлайди ёки тузишда иштирок этади, улар фаолияти устидан назорат олиб боради.

ҚР Ж.К. давлат хокимиятиининг олий органи сифатида Қорақалпоғистон ихтиёрига берилган барча масалаларни ҳал этиш ҳуқуқига эга. Жўқорғи Кенгес ваколат доирасига республика Конс.сини қабул қилиш, унга ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш; қонунлар қабул қилиш, унга қўшимчалар, ўзгартишлар киритиш; маъмурий-худудий тузилиш масалаларини қонун йўли б-н тартибга солиш; иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг давлат стратегик дастурларини қабул қилиш; давлат хокимияти органларига сайловларни ташкил этиш; давлат мукофотларини белгилаш ва Асосий қонунда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш кирради.

ҚР Ж.К.нинг фаолияти масалаларини жамоа бўлиб, эркин, амалий муҳокама қилиш ва ҳал этиш, ошқоралик, у томонидан тузилган давлат органларининг ҳисоб бериб туриши, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқароларнинг кенг қўламда фаол қатнашиши, жамоатчилик фикрини ҳамиша ҳисобга олиб бориш асосида амалга оширади. Жўқорғи Кенгеснинг ҳуқуқий мақоми республика Конс.си, Жўқорғи Кенгеснинг иш тартиби тўғрисидаги қонуни, ҚР Ж.К. тўғрисидаги қонунларда белгиланган.

ҚР Ж.К. худудий сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 86 нафар депутатдан иборат. ҚР Ж.К.га сайланиш ҳуқуқига сайлов қунигача 25 ёшга тўлган ҚРнинг фуқаролари эгадирлар. ҚР Ж.К. депутатлигига сайланиш ҳуқуқидан фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касал фуқаролар, суд қарори б-н мажбурий даволаш жойларида даволанаётган шахслар ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган шахслар маҳрум этилган, лекин сайлов қуни эҳтиёт чораси сифатида, тегишли органларнинг руҳсати б-н махсус муассасаларда ушлаб турилганлар сайловларда қатнашиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

ҚР Ж.К. ишининг ташкилий шакли унинг сессияси ҳисобланади. ҚР Ж.К. иш фаолиятига онд масалалар янги тахрир-

да қабул қилинган “Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган. Шунингдек, ҚР Конс.сининг 72-м.сида Жўқорғи Кенгес йиғилиши, жами депутатларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланиши ҳақидаги қоида мавжуд. Конс.да Жўқорғи Кенгес йиғилишларида қимлар иштирок эта олиши (73-м.), биринчи йиғилишнинг қачон, ким томонидан чақирилиши (74-м.), йиғилишга ким раислик қилиши (81-м.) масалалари белгилаб қўйилган.

ҚР Ж.К.нинг шу фаолияти фақатгина депутатларнинг умумий йиғилиши, ялпи мажлисидан иборат бўлмай, у ўз ичига бошқа бир неча тадбирларни олади, Жўқорғи Кенгес кўмиталари ва комиссияларининг, бошқа органларининг сессия мажлислари оралиғидаги даврда ўтказиладиган мажлисларидан иборат бўлади. Жўқорғи Кенгес сессиялари бир йилда камида икки марта чақирилиб, унинг сайловдан кейинги биринчи сессиясини Марказий сайлов комиссияси чақиради, қолган сессиялар Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан чақирилади. Сессияда жами депутатларнинг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади (7-м.).

Конс.ни қабул қилиш, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, қонун ва қарорлар қабул қилиш фақат ҚР Ж.К. мажлисларида амалга оширилади. Жўқорғи Кенгеснинг навбатдан ташқари сессияси Жўқорғи Кенгес Раиси ташаббуси б-н ёки Жўқорғи Кенгес депутатларининг камида учдан бир қисми таклифи б-н чақирилади (8-м.). Жўқорғи Кенгеснинг ишини ташкил қилиш ва унинг фаолиятига ёрдам бериш учун турли лавозимлар ва органлар тузиш назарда тутилган. Бу органларни раҳбар ва ёрдамчи органларга бўлиш мумкин.

Раҳбар органларга ҚР Ж.К. Раиси, унинг ўринбосари кирса, Жўқорғи Кенгес кўмиталари ва комиссиялари, Жўқорғи Кенгес котибияти ёрдамчи органлар ҳисобланади.

ҚР Конс.сига асосан ҚР Ж.К. ишига раҳбарлик қилиш учун ҚР Ж.К. депутатларининг орасидан 5 й. муддатга, яширин овоз бериш йўли б-н Жўқорғи Кенгес Раиси ва унинг ўринбосари сайланади. ҚР Ж.К. Раиси ҚРнинг энг юқори лавозимли мансабдор шахсидир.

ҚР Ж.К. Раиси ва унинг ўринбосари фақат Жўқорғи Кенгес олдида ҳисобот беради. ҚР Ж.К.нинг кўмиталари ва комиссиялари қонун лойиҳаларини тайёрлаш, Жўқорғи Кенгесда кўриладиган масалаларни дастлаб муҳокама қилиш учун, шунингдек ҚР қонунлари ва Жўқорғи Кенгеснинг бошқа ҳужжатларини амалга оширишга ёрдам бериш учун, уларнинг ижросини назорат қилиб туриш учун, депутатлар таркибидан тузилади. Бу масала ҚР Конс.сининг 77-м.сида акс эттирилган.

Кўмиталар ва комиссиялар ҚР Ж.К.нинг ваколат муддатида тузилади. Жўқорғи Кенгес депутати қоида бўйича фақат битта кўмита ёки комиссияга аъзо бўлади. Кўмита ва комиссияларнинг рўйхати ва аъзоларининг сони ҚР Ж.К. томонидан тасдиқланади. Зарур ҳолларда Жўқорғи Кенгес кўмиталар ва комиссиялар тузиши, илгари тузилганларини тугатиши ёки қайта ташкил қилиши мумкин.

ҚР Ж.К. йиғилишида кўмита ва комиссия раислари Жўқорғи Кенгес Раиси тақдимида асосан сайлангач, уларнинг тавсияси б-н аъзолари сайланади. Ҳар бир кўмита ва комиссия раиси ўринбосарлари ва котиблари Жўқорғи

Кенгес Раиси томонидан тайинланади. Қўмита ва комиссияларнинг фаолияти Жўқорғи Кенгес Раиси томонидан мувофиқлаштирилиб турилади.

Қўмита ва комиссиялар ўз фаолиятини мажлислар орқали олиб боради ва кўрилган масалалар юзасидан тавсиялар қабул қилади.

ҚР Ж.К.нинг депутати фақат бир қўмитанинг ёки комиссиянинг аъзоси бўлиб сайланиши мумкин. Уларнинг таркибига Жўқорғи Кенгеснинг Раиси ва унинг ўрибосари сайланиши мумкин эмас.

Қўмитанинг ва комиссиянинг барча аъзолари тенг ваколатлардан фойдаланадилар.

ҚР Конс.сининг 77-м.сига асосан, ҚР Ж.К. зарур бўлган тақдирда, доимий ҳамда муваққат ишловчи депутатлик, тафтиш ва б. комиссияларни тузади. Бу комиссиялар тегишли вазифасини бажариб бўлгач ўз фаолиятини тўхтади. Жўқорғи Кенгес ўз иш фаолиятини мустақил белгилайди. Ички таркибий қисмини, яъни фаолиятига ёрдам берувчи органларни мустақил ташкил этади. Жўқорғи Кенгес мустақил ваколатлари асосида қуйидагиларни ҳал қилади: иш тартиби (регламенти)ни қабул қилиш; сессияларга тўпланиш; Жўқорғи Кенгесга сайловнинг тўғри ўтказилганлигини текшириш ва ўз органларини тузиш.

ҚР Ж.К. регламенти низом характериға эга ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда Жўқорғи Кенгеснинг иш тартиби белгилаб қўйилади.

ҚР Ж.К. ишини ташкил қилишда унинг таркибидан тузиладиган котибият алоҳида аҳамиятга эга.

ҚР Ж.К. фаолиятида депутатлар гуруҳларининг аҳамияти ҳам катта. Турли масалалар юзасидан фикрлар бериш мақсадида ҳудудий гуруҳлар ҳам ташкил қилинади. Ҳудудий гуруҳлардан ташқари, Жўқорғи Кенгес депутатлари касб-кори, тармоқлар бўйича ва б. қизиқишларига кўра ҳам гуруҳлар тузилиши мумкин. Депутатлар гуруҳи рўйхатга олингандан сўнг ўз фаолиятини амалга оширади. Депутатлар гуруҳи Жўқорғи Кенгеснинг Раиси, шунингдек Жўқорғи Кенгес қўмита ва комиссиялари б-н яқин алоқада ишлайди. Депутатлар гуруҳларининг тузилиш тартиби ва фаолияти Жўқорғи Кенгес регламентининг 38, 39-м.ларида ўз аксини топган. ҚР Ж.К.нинг ваколатлари, унинг олий давлат вакиллик органи эканлиги б-н белгиланади. Жўқорғи Кенгес энг олий вакиллик органи бўлгани учун зиммасига қонунчиликдан бошқа вазифалар ҳам юкланади. Жўқорғи Кенгес бошқа давлат органларини ўзига бўйсундиришни кўзламаган ва уларнинг ваколатини эгаллашга уринмаган ҳолда, давлат органларини ташкил қилишда, уларнинг фаолиятини назорат қилишда ва б. масалаларда иштирок этади. ҚР Ж.К.нинг ваколатлари Конс.нинг 70-м.сида мустаҳкамланган.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ – Маълумки, ЎзРнинг Олий Кенгаши 1992 й. 8 декабрда мустақил давлатимизнинг янги Конс.сини қабул қилган эди. Ўзбекистондаги ана шундай катта ижтимоий, сиёсий ва буюк тарихий воқеадан сўнг Қорақалпоғистонда ҳам Конс. лойиҳаси устидан ишлашга киришилди.

1993 й.нинг февраль ойида бўлиб ўтган конституциявий комиссиянинг навбатдаги мажлисида Асосий Қонуннинг лойиҳаси кўриб чиқилди ва унинг қарори б-н лойиҳа ҚР Олий Кенгашининг Президиуми муҳокамасига ҳавола

этилди. ҚР Олий Кенгашининг Президиуми Асосий Қонун лойиҳасини кенг равишда шарҳлаб ва конституциявий комиссиянинг берган хулосаси асосида “Қорақалпоғистон Республикаси Конс.сининг лойиҳаси тўғрисида”ги қарорини қабул қилди. Бу Янги Конс. лойиҳаси 1993 й. 7 мартда республика газеталарида чоп этилди. Ундан олдин, 1993 й. 1 мартда ҚР Олий Кенгаши Президиумининг мажлисида “Қорақалпоғистон Республикаси XII чақириқ 12-сессиясини чақириш тўғрисида”ги Фармон қабул қилган эди. Унинг кун тартибидан кўриладиган масалалардан бири ҚР Конс.сининг лойиҳаси тўғрисидаги масала эди. Конс. лойиҳаси муҳокамасида Қорақалпоғистоннинг кўпчилик фуқаролари ҳамда турли жамоат бирлашмалари ва давлат ташкилотлари фаол қатнашдилар. 1993 й. 7 апрелда Конс. лойиҳаси ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида газеталарда яна эълон этилиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди.

1993 й. 9 апрелда ҚР Олий Кенгашининг XII чақириқ 12 сессияси ўз ишини бошлади. Сессияда ҚРнинг янги Конс.сининг лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мажлис депутатлари лойиҳанинг ҳар бир моддасини бирма-бир чуқур муҳокама қилиб, уни қабул қилдилар.

ҚР Олий Кенгаши “Суверен ҚР Конс.си қабул қилинган кун 9 апрель умумхалқ байрами – Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси кунини деб эълон қилинсин”, деб Қонун қабул қилди.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистоннинг янги Конс.си республикада яшовчи барча халқларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуришдек эзгу ниятидан ва озодликка эришиш йўлидаги орзу-армонидан яралган ҳужжатдир.

Суверен ҚР Конс.си ўз халқининг миллий манфаатларидан ва таракқиёт сари интилишларидан келиб чиқиб, жаҳон мамлакатлари конституциявий тажрибаларига ва авваламбор, қорақалпоқ халқининг кўп йиллик давлатчилиги ривожини тарихига, ўтмишига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. Дарҳақиқат, Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг конституциявий комиссияси жаҳоннинг бир қатор давлатларининг конституциявий ривожланиши тажрибаларини ўрганиб, Асосий Қонуннинг аҳамиятини янада юқори кўтарилишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Шунинг учун ҳам, Асосий Қонунда конституциявий ҳуқуқнинг амалий омиллари ҳар тарафлама инobatга олинди ва у қуйидагиларни ўз ичига олади:

биринчидан, конституциявий тартиблаштириш принциплари, ҳокимият тақсимланиши – қонунчилик, ижрочи ва одил судлов, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқнинг умумий қондаларини тан олиш;

иккинчидан, Конс.нинг муқаддимаси, унинг бўлимлари ва моддаларининг маънавий мос равишда (мувофиқ) Асосий Қонунда жойлашиши;

учинчидан, Конс. мазмунининг ўта ихчамлиги ва унда давлат ва ижтимоий ҳаётнинг қонун йўли б-н ривожланишига кенг йўл очиб берилганлиги;

тўртинчидан, Асосий Қонунда илк бор мафқуравий яқхоқимликдан воз кечилганлиги ва ҳар кимнинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлигига эгаллиги;

бешинчидан, конституциявий кафолат таъминланганлиги ва қонуларнинг устуңлиги тан олинганлиги;

олтинчидан, парламентар республика, бу халқни бошқаришнинг асосий шакли эканлиги. Конс.да Қорақалпо-

гистон Олий Кенгаши ва унинг ҳукукий мақоми аниқ белгилаб берилганлиги.

Юқоридагилардан хулоса, ҚР Конс.си аввалги Иттифок давридаги қабул қилинган ва ҳаракатда бўлган барча Асосий Қонунлардан катъий фарқ қилади, ўзига хос муҳим хусусиятлари б-н ажралиб туради.

Суверен ҚРнинг янги Конс.си 6 та бўлим, 25 та боб ва 116 та м.ни ўз ичига қамраб олган. Лекин, кейинчалик Конс.га киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ ҚР Конс.си 6 та бўлим, 26 та боб ва 120 та м.дан иборат бўлди. ҚР Олий Кенгашининг 1994 й. 25 февралдаги ўн иккинчи чақирик, ўн бешинчи сессиясида, ҚР Жўқорғи Кенгесининг 1995 й. 31 октябрдаги биринчи чақирик, тўртинчи сессиясида ва 1997 й. 15 декабрдаги ўн учинчи сессиясида киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” деб номланган бешинчи бўлимига учта модда (ХІХ бобда 84-85 м.лар; ХХ бобда 88 м.), 2003 й. 12 ноябрдаги иккинчи чақирик ўн иккинчи сессиясида киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга мувофиқ эса яна битта модда (ХХІІ боб 102-м.) қўшимча қилиб киритилди. Асосий Қонун муқаддимасининг моҳияти инсон ҳуқуқларини ва давлат суверенитетини ҳимоялаш, республика фуқароларига лойиқ ҳаётни, тинчлик ва миллий келишувни таъминлаш бўлиб ҳисобланади.

ҚР Конс.си халқнинг эрк-иродаси б-н яратилган. Чунки, Асосий Қонуннинг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасидан ўтди ва уни халқ ўзининг сайлаган вакиллари – депутатлари иштирокида қабул қилди.

ҚР Конс.сининг биринчи бўлими асосий принциплар: давлат суверенитети, халқ ҳокимияти, Конс.нинг ва қонуннинг устуворлиги, шунингдек ҚРнинг халқаро ва ташқи иқтисодий алоқаларига оид қондалардан иборат, иккинчи бўлим инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бўлиб, у ўз ичига қуйидаги умумий қоидалар, фуқаролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари, фуқароларнинг бурчлари, бобларини қамраб олган. Учинчиси жамият ва шахс бўлими, жамиятнинг иқтисодий негизлари, жамоат бирлашмалари, оила, оммавий ахборот воситалари; тўртинчиси маъмурий-ҳудудий тузилиши ҳақида, бешинчиси давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бўлими бўлиб, у ҚР Жўқорғи Кенгеси, Жўқорғи Кенгес Раиси, ҚР Жўқорғи Кенгесининг Президиуми, ҚР Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти асослари, суд ҳокимияти, сайлов тизими, конституциявий назорат, прокуратура, молия ва бюджетга боғлиқ конституциявий нормалардан иборат. Конс.нинг сўнгги олтинчи бўлими Конс.га ўзгартириш киритиш тартибига бағишланган.

ҚОРИ (араб.) – Қуръоннинг барча сураларини ёд олган ва кироат б-н ўқийдиган киши. Қуръонни ёддан ўқувчи Қ.лар тайёрлайдиган мактаблар – “дорул-хуффоъ”лар (корихоналар) мусулмон мамлакатларида кенг тарқалган.

Масжиднинг Қуръон тиловат қилиш учун ажратилган бўлмаси корихона деб аталган.

ҚОТИЛ – одам ўлдирувчи ёки ўлдирган киши. Жиноят қонунчилигида ҳаётга қарши жиноятларнинг субъекти ҳисобланади. ЎЗР ЖКнинг 97-м.сида қасддан одам ўлдирганлик учун, 98-м.сида қучли рухий ҳаёжонланиш

ҳолатида қасддан одам ўлдирганлик учун, 99-м.сида онанинг ўз қақалоғини қасддан ўлдирганлиги учун, 100-м.сида зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирганлик учун, 101-м.сида ижтимоий ҳавфли қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдирганлик учун, 102-м.сида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирганлик учун, 103-м.сида ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

ҚУЛЛИК – жамият ижтимоий ҳодисаси сифатида бир неча шахсларнинг бошқа шахслар эгаллигида бўлиш.

Қулчиликнинг пайдо бўлиши асосан инсоннинг эҳтиёжларини таъминлаш учун у меҳнат қилиши лозимлигидан келиб чиққан. Инсон эҳтиёжларининг тўлиқ таъминланишида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бунга эса бевосита меҳнат тақсимотининг зарурияти орқалигина эришиш мумкин. Меҳнат тақсимоти эса ўз навбатида жуда оғир ва зерикарли бўлганлиги боис кўпчиликда қизиқиш уйғотмайди. Жамият тараққиётининг шундай босқичида муайян даражадаги шахсларнинг эркинлигини чеклаш ва уларни айнан шундай оғир меҳнат шароитларига жалб қилиш зарурияти туғилди. Айнан шунинг ўзи қулчиликнинг дастлабки кўриниши эди.

Озодлиги чекланган ва хўжайинининг оғир меҳнати-га жалб этилган шахс қулдир. Қулдорлик энг тараққий этган мамлакатлар сирасига асосан Қад. Рим ва Юнонистонни, кейинчалик эса АҚШни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Қуллардан асосан қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ишлаб чиқариш соҳасида ишчи қучи сифатида ёхуд хўжайиннинг у ёки бу эҳтиёжини таъминловчи восита сифатида фойдаланилган. Қулга бир восита сифатида қаралиши у томонидан сарфланган меҳнат натижасида олинган барча мулкларнинг хўжайинга тегишлилигини белгилаб беради. Шу б-н бирга, у тўғрисида қайғуриш ҳам хўжайин зиммасида бўлган. Қул мулкка эга бўлмасдан қақатгина хўжайин томонидан берилган нарсанигина тасарруф қилган, қолос. Бундан ташқари, қул ўзи мустақил ишга қира олмаган ҳамда бундай тазйик унинг болаларига ҳам татбиқ қилинган. Унинг барча ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш қулдорнинг измида амалга ошган. Қул ҳуқуқ субъекти бўла олмаган ва ўз қулдори б-н муносабатларда ҳуқуқларга эга бўлмаган. Қулни ўлдириш қулдорнинг мутлак ҳуқуқи бўлиш б-н бирга, унинг бошқа шахс томонидан ўлдирилишига эса мулкка тажовуз қилинганидек қаралган.

Халқаро миқёсда Қ.ни бартараф этишга қаратилган биринчи ҳужжат – “Қуллик тўғрисида”ги Лима-Перу шартномаси (13 октябрь 1794 й.).

Ҳозирги кунда қулчиликнинг ҳар қандай кўринишлари барча давлатларда қонун б-н қатъий тақиқланган. Охириги марта қуллардан фойдаланишни тақиқлаш 1981 й.да Мавританияда жорий қилинди.

ҚУРИЛИШ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ – Қ.п.ш. бўйича пудратчи шартномада белгиланган муддатда буюртмачининг топшириғи б-н муайян объектни қуриш ёки бошқа қурилиш ишини бажариш мажбуриятини олади, буюртмачи эса пудратчига ишни бажариш учун зарур шароит яратиб бериш, ишни қабул қилиш ва келишилган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади. Қ.п.ш. корхона-

ни, бинони (жумладан уй-жой биносини), иншоотни ёки бошқа объектни куриш ёки қайта куриш ҳақида, шунингдек монтаж, созлаш-нишга тушириш ва қурилаётган объект б-н бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳақида тузилади. Қ.п.ш. тўғрисидаги қондалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига инсбадан ҳам татбиқ этилади. Қ.п.ш.да назарда тутилган ҳолларда объектни буюртмачи қабул қилиб олганидан кейин уни шартномада кўрсатилган муддатда ишлатишни таъминлаш мажбуриятини пудратчи ўз зиммасига олади. Тугалланмаган қурилишнинг мулкдори у буюртмачига топширилгунча ва унинг ҳақи тўлангунча пудратчи ҳисобланади (ЎЗР ФК 666-м.си).

ҚУРОЛ – физикавий, кимёвий ва биологик таъсирни таъминловчи, хужум қилиш ва фаол химоя қилиш воситаси, яъни, душманининг тирик кучлари ва жанговар техникасини йўқотиш ёки сафдан чиқариш воситаси. Стандарт Қ.лар б-н биргалликда, нафақат ўточар Қ.ларга, балки, портловчи қурилмаларга ҳам тааллуқли бўлган турлича қўлбола усулда тайёрланган мослама ва қурилмалар ҳам тадқиқот қилинади. Демак, ушбу турдаги экспертзаларни ўтказувчи экспертлар ўточар Қ.ларнинг тўлиқ характеристикалари аниқ этган ва етарлича тўлиқ таърифларга эга бўлишлари лозим. Барча Қ.ларни таъсир қилиш ёки энергия манбаларига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин: ядровий, кимёвий, бактериологик, минали портловчи, совуқ, отувчи. Бундан ташқари, Қ.лар артиллерия ва ўқотар Қ.ларга ажралади. Суд баллистика экспертизаси артиллерия Қ.ларини тадқиқ этиш б-н шуғулланмайди.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР – ЎЗР ҳудудий яхлитлигини ва унинг конституциявий тузумини химоялаш, тинчлик ва фуқаролик келишувини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бўйича тезкор-тактик вазифаларни ҳал этишнинг қулай тизими бўлган ҳарбий давлат ташкилоти. Қ.К.нинг учта хусусияти бор. Биринчидан, Қ.К. қонунчиликда мустаҳкамланган ўз тузилиши, ички ташкилий муносабатлари ва вазифаларига эга давлат ташкилотидир. Иккинчидан, Қ.К. ҳарбий ташкилот бўлиб, ҳарбий кишиларни бирлаштиради, қурол кучига эга. Учунчидан, Қ.К. тактик, тезкорлик ва стратегик микёсларда уруш ва ҳарбий ҳаракатлар олиб боришга мўлжалланган махсус ҳарбий ташкилотдир.

“Мудофаа тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, Қ.К. урушлар ва қуролли можароларни қайтариш ҳамда олдини олиш, ЎЗРнинг миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини химоя қилиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва саклаб турилган ҳарбий бирлашмалар, қўшилмалар ва қисмларни, шунингдек бошқа ҳарбий тузилмаларни ўз ичига олади. Қ.К. ўз фаолиятини қонун устуворлиги, марказлашган раҳбарлик ва яқкабошчилик, жанговар ва сафарбарлик борасида доимий шайлик ҳамда ҳарбий интизомга риоя этиш асосида қуради ва амалга оширади. Ҳарбий объектлар, бинолар ва иншоотлар, қурол-яроғ, ҳарбий техниканинг барча турлари, бошқа ҳарбий мол-мулклар давлат мулки ҳисобланади ва Қ.К. тасарруфида бўлади. Қ.К.нинг комплектлиниши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Мудофаага ва Қ.К.га раҳбарликни ЎЗР Президенти – Қ.К. Олий бош қўмондонини амалга оширади. Уруш даврида ЎЗР мудофаа вазири бир пайтнинг ўзиде Қ.К. Олий бош қўмондонини ўринбосари ҳисобланади. Қ.К.нинг қундалик фаолиятига раҳбарликни ўз бўйсунувида Қ.К.нинг таркибига қирадиган ҳарбий тузилмаларни бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг раҳбарлари амалга оширадилар. Қ.К. олдинга қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан уларга тезкор раҳбарликни Қ.К. Бирлашган штабининг бошлиғи амалга оширади.

ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР РЕЗЕРВИ – “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар резервидаги хизмат тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ЎЗРга қарши ҳарбий тажовуз таҳдиди юзага келган, фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда тинчлик ва уруш даврида ҳаракатдаги қўшни гуруҳларини қучайтириш ҳамда янги қўшни гуруҳларини тузиш учун, шунингдек мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини таъминлашга доир бошқа вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган ҳарбий таълим олган одам ресурслари ҳамда моддий-техника воситалари захиралари.

Ушбу Қонуннинг 4-м.сига асосан, саломадлигига кўра ҳарбий хизматга яроқли қуйидаги фуқаролар Қ.К.даги ҳарбий хизматга киритилади: муддатли ҳарбий хизматни, сафарбарлик қақирув резервидаги ҳарбий хизматни, контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган ва хизматни ўташ даврида ҳарбий ҳисобдаги ихтисосликни эгаллаган фуқаролар; муддатли ҳарбий хизматни ҳамда олий таълим муассасаларининг ҳарбий тайёргарлик бўйича ўқув бўлиналарида (ҳарбий кафедралар, цикллари ёки факультетларда) офицерлар тайёрлаш дастури асосида таълимнинг тўлиқ курсини ўтаган фуқаролар.

Резервчиларни ҳарбий рўйхатга олиш мудофаа ишлари органлари томонидан амалга оширилади.

ҚУРОЛЛИ ҲУЖУМ (инг. armed attack) – қуролдан фойдаланган ҳолда шахс ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилиш. Умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят ҳисобланади. БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 й. 14 декабрда қабул қилинган Агрессия тушунчаси тўғрисидаги Резолюциясининг 3-м.сида қуйидагилар: 1) бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки хужум қилиши; 2) вақтидан қатъи назар, ҳарбий босқин оқибати сифатида ҳарбий куч ишлатиб бошқа давлат ҳудудини босиб олиш; 3) бошқа давлат ҳудуди ёки унинг бир қисмини зўрлик б-н қўшиб олиш; 4) бошқа давлат ҳудудига бомбалар ташлаш ёки унинг ҳудудига турли қурол-яроғларни ишлатиш; 5) бошқа давлат портлари ёки унинг қирғоқлари ёхуд қирғоқларининг бир қисмини қамал қилиш; 6) бир неча давлатлар қуролли кучларининг бошқа давлатнинг қуруқликдаги, денгиз ёки ҳаво кучларига ёхуд денгиз ёки ҳаво флотига хужум қилиши; 7) бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудига у б-н тузилган битимга биноан турган қуролли кучларидан битимда назарда тутилган шартларни бузган ҳолда фойдаланиши; 8) ушбу ҳудудда битимнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам қуролли кучларнинг туравериши; 9) ўз ҳудудини бошқа давлат ихтиёрига топшириб қўйилган ва ушбу ҳудуддан учинчи давлатга қарши агрессия содир этилишига имкон берган давлатнинг ҳаракатлари; 10) бошқа давлатга қарши қуролли кучларнинг қўлланишини амалга

оширувчи қуролли тўдалар, гуруҳлар ва мунтазам кучлар ёки ёлланганларнинг давлат томонидан юборилиши агрессия ҳисобланади. БМТ Уставага кўра, “агрессия” атамаси бир ёки бир неча давлатнинг бошқа давлатга нисбатан поқопуний равишда қуролли куч ишлатишнинг билдиради. Бироқ объектив жиҳатдан урушнинг режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш ёхуд агрессия тушунчаси тўғрисидаги Резолюциянинг 3-м.сида санаб ўтилган бирор харақатни содир этиш учун фитнада қатнашишнинг ўзи тамомланган жиноят таркибини вужудга келтиради (бомба ташлашнинг режалаштириш, қўшинлар харақати учун уруш жойларининг харитасини тузиш, босқинчилик максалларида жойларни ўрганиш, биргаликда агрессия харақатини амалга ошириш учун музокара олиб боргани кабилар).

ЎЗР ЖКнинг 151-м.сига мувофиқ, босқинчилик урушини режалаштириш ёки унга тайёргарлик кўриш, шунингдек шу харақатларни амалга оширишга қаратилган фитнада қатнашиш агрессия ҳисобланади. Қ.х. ўзганинг мол-мулкнинг талон-торож қилиш максалида қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиш орқали ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш б-н қўрқитиб босқинчилик содир этиш ўзгалар мулкнинг талон-торож қилишга қаратилган ўта оғир жиноят ҳисобланади ва ЎЗР ЖКнинг 164-м.сида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

КУРОЛСИЗЛАНИШ (ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ) – инсониятнинг азалий орзуси. Қуролсизланиш хавфсизликнинг энг ишончли кафолати демакдир. Қ.(д.)нинг халқаро-ҳуқуқий асоси БМТ Уставада ўз аксини топган. Қ.(д.) деганда, уруш олиб бориш воситаларини кўпайтиришга барҳам беришга, уларни чеклаш, камайитириш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар тушунилади. БМТ Уставада Бош Ассамблеяга “халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш бўйича ҳамкорликнинг умумий принципларини, шу жумладан, қуролсизланиш ва қурол-яроғларни тартибга солишни белгилаб берувчи принципларни кўриб чиқиш” ваколати берилган. Бу ҳога бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган бўлса-да, барибир, қуролсизланиш ҳога халигача позитив ҳуқуқ нормасига айланмаган. Муайян ҳудуд ёки макондан тинчлик даврида ҳарбий максаллар учун фойдаланишни тақиқлайдиган, аҳдлашув асосида ўрнатиладиган халқаро-ҳуқуқий режим (тартиб)дир. Ушбу чора мазкур ҳудудда ҳарбий истеҳком ва иншоотларнинг бартараф этилиши ҳамда бу жойда қуролли кучлар сақлаб турилишининг тақиқланишини назарда тутди.

КУРЪОН (араб. – қироат, ўқув) – ислом динининг муқаддас китоби.

Ишончли ислом манбаларида ривоят қилинишича, Мухаммад с.а.в. 40 ёшга етганида, Макка ш. яқинидаги Хиро номли ғорда ёлғиз қолиб, ибодат б-н машғул пайтида, Жаброил фаришта унга биринчи бор Қ. оятларини келтирган. Шундан сўнг, фаришта вақти-вақти б-н келиб Пайгамбар алайҳиссаломга оятларни ўқиб берар, у киши ёдлаб олиб, ўз шерикларига етказар, улар ҳам ўз навбатида шундай қилар эдилар.

Ўша даврларда мутлақ кўпчилик, шу жумладан Мухаммад с.а.в. ҳам ўқиш-ёзишни билмаганлиги учун асосий

этиборни ёдлашга қаратишган. Саводли мусулмонлар Пайгамбар алайҳиссалом кўрсатмаларига биноан ёзиш имкони бўлган нарсаларга Қ. оятларини ниҳоятда аниқлик б-н ёзиб борганлар. Бу иш шу тариха 23 й. давом этган. Оятлар одамларнинг саволларига жавоб вазифасини ҳам ўтаган, юз берган ҳодисаларга шарҳ ҳам битишган. Бирор ҳукмнинг тўғри ёки нотўғри экани баён қилина борган. Пайгамбар алайҳиссалом вафот этганида саҳобалар, у кишининг кўп сафдошлари Қ.и Қаримни ёд билганлар.

Халифа Абу Бакр Сиддик (р.а.) даврида муртад (диндан қайтган)ларга қарши газовотларда кўплаб қори саҳобаларнинг шахид бўлаётганини кўриб, ҳазрати Умар ибн Хаттоб (р.а.) халифага Қ.и Қаримни ёзма равишда жамлаб қўйишни таклиф этди. Ушбу таклиф асосида Халифа Абу Бакр Сиддик (р.а.) буйруғи б-н энг зехли, ёш ҳамда Пайгамбар алайҳиссалом охири марта Қ.ни аввалидан охиригача тиловат қилганида ҳозир бўлган саҳобий Зайд ибн Собит ва ҳазрати Умар (р.а.), ўзлари ниҳоятда пухта ёд билишларига қарамай, Пайгамбар ҳузурини ким оятларни ёзиб олган бўлса, ўша ёзувларни ишончли гувоҳлар б-н келтиришни сўрадилар. Ниҳоятда аниқлик ва зийраклик б-н иш олиб борилди, барча оятлар кийик терисидан қилинган саҳифаларга ёзиб, жамланди.

Учинчи Халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) даврларида араб бўлмаган кўплаб ўлкаларда ислом кенг тарқалди. Турли халқлар мусулмонликни қабул қилдилар. Табиийки, улар ислом таълимотларини, энг аввало, Қ.и Қаримни ўрганишга киришдилар. Шу жараёнда кишилар ўртасида Қ. ўқиш борасида ихтилофлар туғилди. Саҳобалардан Хузайф Ибн Ямон биринчи бўлиб бу хавфни англаб етди ва Халифа Усмон (р.а.)га бунинг олдини олиш ҳақида маслаҳат берди.

Яна Зайд ибн Собит раҳбарлигида гуруҳ тузилди ва унга Абу Бакр Сиддик (р.а.) замонида жамланган саҳифалардан бир нусха кўчириш топширилди. Гуруҳ аъзолари бу масъулиятли ишни муваффақиятли адо этиб, олти нусхада кийик терисига ёзиб, китоб шаклига келтирдилар. Халифа ҳазрати Усмон ўзига бир нусха олиб, қолган бешта нусхаларни битта-битта машхур қорилар б-н турли виёларга юборди ва барчага фақат мазкур нусхалардан кўчириш ҳамда қорилардан таълим олиш ҳақида фармон берди.

Кейинги даврларда (мил. VII а.нинг 90-й.ларигача) Қ.ни ўқишдаги тафовутларга барҳам бериш учун кўлўзма-ларга араб ёзувиға хос белгилар қўйиб чиқилган. Улардан бири Тошкентда Мовароуннаҳр мусулмонлар диний бошқармасида сақланади.

Қ. XII адан бошлаб, Европа халқлари тилларига, жумладан, лотин тилиға таржима қилина бошлаган. XVIII а. бошларида Европа халқлари тилларидан, XIX а. ўрталарида арабча асл нусхадан рус тилиға таржима қилинган. Г.С. Саблуковнинг арабчадан дастлабки русча таржимаси Қозонда 3 марта (1878, 1894, 1907 й.ларда) нашр қилинган. Қ.нинг рус тилидаги асл нусхаға мос келадиган адабий таржимаси, илмий изоҳлари б-н, машхур арабшунос, академик И. Ю. Крачковский томонидан амалга оширилган ва унинг вафотидан кейин (1963 й.да) нашр қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейингина Қ. ҳақида матбуотда ҳолисона илмий мақолалар чоп этила бошлагани. Унинг Алоуддин Мансур томонидан бажарилган маъно таржимаси 1990 й.да “Шарқ юлдузи” журнали-

нинг бир неча сонларида босилиб чиқди. Кейинчалик у китоб ҳолида бир неча бор нашр этилди. Шунингдек, Қ.нинг илмий таржимаси, яъни мазмуни, шакли, тили, тарихи, тушунчаларини батафсил изоҳлайдиган таржимаси ҳам ўзбек тилида мавжуд.

Бугунги кунда чоп этилаётган кўп сонли Қ. нусхалари халифа Усмон (р.а.) буйруғи б-н ёзилган ўша нусхага мос бўлиши шарт, шу сабабдан ҳар бир нусхага “Ушбу Куръон халифа Усмон нусхасига мосдир”, деган жумла ёзиб қўйилади.

Шу тарика бу муқаддас китоб бирор харфи ўзгармай авлоддан-авлодга омон-эсон етиб келди.

Қ. 114 та сурадан иборат: ҳар бир сура оятларга бўлинган. Сураларнинг ҳар бири махсус номланган (мас., 1-сура “Фотиҳа”, 2-сура “Бақара” ва х.к.). Суралар Қ. мазмунига ёки олдинма-кейин ёзилганлиги тартибида эмас, балки асосан ҳажмига, яъни ҳар бир сурадаги оятларнинг миқдори бўйича (катта суралар китоб бошида, кичиклари охирида) жойлашган. Сураларни жойлаштириш тартиби тўғрисида Муҳаммад с.а.в.нинг ўзи кўрсатма берганлиги манбаларда қайд этилган.

Қ.нинг марказий ғояси тавҳид, яъни яққа худо – Аллох тўғрисидаги татлимотидир.

Қ.да қайта-қайта таъкидланишича, Ислому динида Аллох назаридаги энг оғир гуноҳ – ширк, яъни ягона Парвардигорга бировни шерик қилишдир. Барча илохий китобларда олға сурилган тавҳид (яратувчининг ягоналиги ва барча мавжудот манбаи эканлиги) ғояси исломда ўзининг олий даражасига кўтарилган.

Хуллас, Қ.и Карим улкан муқаддас мерос ва халқлар тарихида ниҳоятда муҳим ўрин тутган мўътабар китобдир. Зеро, Қ.и Карим ахлоқ-одоб, инсонпарварлик тарбиясини ўзида мужассамлаштирган китобдир.

Қўпурувчилик – ЎЗР давлат органлари фаолияти ёки ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлигига ёки иктисодиётига путур етказиш мақсадида одамларни кириб юбориш, уларнинг соғлиғига зиён, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилишга қаратилган ҳаракатлар. Қ. ўта оғир жиноят ҳисобланиб, уни содир этганлар учун ЎЗР ЖКнинг 161-м.сида жавобгарлик белгиланган.

Қўшалок суғурта – ЎЗР ФКнинг 938-м.сида назарда тутилган қоидалар суғурта пули айни битта мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини икки ёки бир неча суғурталовчида суғурта қилиш (Қ.с.) натижасида суғурта қийматидан ошиб кетган тақдирда ҳам тегишинча суратда қўлланилади. Мол-мулк ёки тадбиркорлик хавфи Қ.с. қилинганда ҳар бир суғурталовчи суғурта товонини ўзи тузган шартнома доирасида тўлашга мажбур бўлади, бироқ барча суғурталовчилардан олинган суғурта товонларининг умумий суммаси ҳақиқий зарардан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Бунда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурта товонини исталган суғурталовчидан у б-н тузилган шартномада назарда тутилган суғурта пули доирасида олишга ҳақли. Олинган суғурта товони ҳақиқий зарарни қопламаган тақдирда, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) етишмаётган суммани бошқа суғурталовчидан олишга ҳақли. Етказилган зарар бошқа суғурталовчидан томонидан қоплангани сабабли суғурта товонини тўлашдан тўлиқ ёки қисман озод қилинган суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта тўлов-

ларининг тегишли қисмини қилинган харажатларни че-гирган ҳолда қайтариши шарт. Ушбу модда қоидалари ҳар бир суғурталовчи суғурта қилдирувчи, суғурталанган шахс ва наф олувчи олдидаги ўз суғурта мажбуриятларини, бошқа суғурталовчилар мажбуриятларини бажарганлигидан қатъи назар, мустақил бажарадиган қўшалок шахсий суғуртада қўлланилмайди (ЎЗР ФК 939-м.).

Қўшилиш шартномаси – шартларини тарафлардан бири формулярлар ёки бошқа стандарт шаклларда таърифлаган ҳамда иккинчи тараф фақат тақлиф қилинган шартномага бутулла қўшилиш йўли б-н қабул қилиши мумкин бўлган шартнома. Агар Қ.ш. қонун ҳужжатларига зид бўлмаса-да, бироқ қўшилувчи тарафни одатда ана шундай турдаги шартномалар асосида бериладиган ҳуқуқлардан маҳрум этса, иккинчи тарафнинг мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлигини истисно этса ёки чекласа ёхуд унда қўшилган тараф учун очикдан-очик оғир бўлган, бу тарафда шартнома шартларини белгилашда қатнашиш имконияти бўлганида у ўзининг манфаатларини қўзлаб қабул қилмайдиган шартлар ёзиб қўйилган бўлса, шартномага қўшилган тараф шартномани бекор қилишни ёки ўзгартиришни талаб қилишга ҳақли. ЎЗР ФК 360-м.сининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганида ўз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати б-н шартномага қўшилган тараф қандай шартлар асосида шартнома тузаётганлигини билган ёки билиши лозим бўлган бўлса, шартномага қўшилган тарафнинг шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида қўйган талаби қондирилмайди.

Қўшилмаслик ҳаракати – ўзида дунёнинг 119 мамлакатини бирлаштирган халқаро ташкилот бўлиб, у ҳарбий блоклар фаолиятида иштирок этмаслик принци-пига асосланади. (НАТО, Варшава Шартномаси, Белград Пакти, СЕАТО ҳамда АНЗЮС каби ташкилотларнинг ташкил этилишида ҳам ушбу ғоя илгари сурилган).

Қ.х. 1961 й. сентябрда расмий равишда Белград конференциясида тузилган. Мазкур ҳаракатнинг тузилиши олдида 1955 й.да Бандунг конференциясида ҳамда Иосиф Броз Тито, Жамол Абдул Носир ва Жавохарлал Нерулар иштирокидаги уч томонлама консултацияларда қизғин муҳокамадан ўтган.

2008 й.га келиб унинг таркибини 118 давлат, яъни 1 Европа (Белорусия) давлати, 38 Осиё (шу жумладан, Фаластин, Туркманистон, Ўзбекистон) давлати, 53 Африка давлати, 26 Лотин Америкаси ва Кариб давлатлари ташкил этган.

15 давлат қузатувчи мамлакат мақомига эга бўлиб улар Озарбойжон, Арманистон, Босния ва Герцеговина, Бразилия, Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Коста-Рика, Мексика, Парагвай, Сальвадор, Сербия, Черногория, Украина, Уругвай, Хорватиялардир.

Худди шундай мақомга яна 5 халқаро ҳамда 2 та миллий озодлик ташкилотлари эгадирлар. Улар БМТ, Африка Иттифоқи, Араб Давлатлари Лигаси, Ислому конференцияси ташкилоти, ОСНАА, Канада социалистик миллий озодлик fronti (Янги Каледония), Пуэрто-Риконинг янги мустақиллик ҳаракати.

Қ.х.нинг Гаванада ўтказилган 2006 й. сентябрдаги 14-конференциясида унинг таркибига икки давлат Гаити ва

Сент-Китс Невис каби давлатлар қўшилиб, унинг иштирокчилари сони 118 тага етди.

Қ.х.нинг Олий даражадаги конференциялари Белград (1–6.09.1961 й.), Қохира (5–10.10.1964 й.), Лусака (8–10.09.1970 й.), Жазира (5–9.09.1973 й.), Коломбо (16–19.08.1976 й.), Гавана (3–9.09.1979 й. ва 11–16.09.2006 й.), Янги Деҳли (7–12.03.1983 й.), Куала-Лумпур (20–25.02.2003 й.) бўлиб ўтган, ўн бешинчи конференция – 2009 й.да Мисрда ўтказилиши режалаштирилган.

Конференция ўтказилиши режалаштирилган мамлакатнинг раҳбари ёки ҳукумати раҳбари келгуси 3 й.ликда Ҳаракатнинг раиси сифатида фаолият кўрсатади.

ҚЎШИМЧА ЖАЗО – ЎзР ЖКда жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жиноят қонунчилигида асосий жазолардан ташқари, қуйидаги Қ.ж. турлари белгиланган: харбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш (43-м.); муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш (45-м.), шунингдек фақат харбий хизматчиларга нисбатан: хизмат бўйича чеклаш (47-м.) ва интизомий қисмга жўнатиш муддати харбий хизматчиларни суд томонидан белгиланган муддат мобайнида ички тартиби анча қаттиқ бўлган махсус харбий қисмга жойлаштириш орқали муайян ҳуқуқ ва имтиёзлардан маҳрум этиш (49-м.).

ҚЎШИМЧА ЛИЗИНГ – лизинг олувчи лизинг берувчи олдида лизинг шартномаси юзасидан жавобгар бўлиб қолгани ҳолда, лизинг шартномаси бўйича олган лизинг объектини лизинг берувчининг ёзма розилиги б-н вақтинчалик эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун учинчи шахсга Қ.л.га топширишга ҳақли. Бунда “Лизинг тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг қондалари қўшимча лизинг шартномасида Қ.л. берувчига, Қ.л. олувчига ва сотувчига нисбатан мувофиқ равишда лизинг берувчига, лизинг олувчига ва сотувчига бўлганидек қўлланилади. Қ.л. шартномасининг амал қилиш муддати лизинг шартномасининг амал қилиш муддатидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Яна қ.: *Лизинг, Лизинг шартномаси.*

ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТ – фуқаролик қонунчилигида биноан, тижорат ташкилотларининг бир тури. ЎзР ФКнинг 63-м.сига мувофиқ, бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият Қ.м.ж. ҳисобланади. Бундай жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари б-н қўшган ҳиссалари қийматида нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган каррала миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарлики тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Қ.м.ж.нинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “қўшимча масъулиятли” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Ушбу Кодекснинг масъулияти чекланган жамият ҳақидаги қондалари, агар ушбу моддада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўшимча масъулиятли жамиятга нисбатан қўлланилади.

ҚЎШИМЧА ТАЪТИЛЛАР – айрим тоифадаги ходимлар учун берилиши кафолатланган таътиллار. ЎзР МКнинг 136-м.сига мувофиқ, қўшимча таътиллар (йиллик қўшимча таътиллар):

меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос бўлган ишларда банд бўлган ходимларга;

оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида иш бажарётган ходимларга;

меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва б. норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилади.

ЎзР МКнинг 137-м.сига асосан, меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил берилади.

Қорхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътиллارнинг муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси б-н (агар улар тузилмайдиган бўлса, касба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилик органи б-н келишиб иш берувчи томонидан) ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида белгиланади.

Меҳнат шароити ўзига хос бўлган ишлар учун, шунингдек ўта зарарли ва ўта оғир меҳнат шароити учун қўшимча таътилни энг кам муддати, бундай таътилни бериш шартлари ва тартиби ЎзР Ҳукумати томонидан белгиланади.

ЎзР МКнинг 138-м.сига кўра, табиий-иқлим шароити оғир ва ноқулай жойлар рўйхати ҳамда йиллик қўшимча таътилни энг кам муддати ЎзР Ҳукумати томонидан белгилаб қўйилади.

Тармоқ келишувлари, жамоа шартномаларида табиий иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бошқа жойларда ҳам ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш назарда тутилиши мумкин.

ҚЎШИМЧА ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ – ЎзР ФПКнинг 214-м.сига мувофиқ, иш бўйича хал қилув қарори чиқарган суд ишда иштирок этаётган шахсларнинг аризаларига кўра ёки ўз ташаббуси б-н ҳуқуқ тўғрисидаги масалани хал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, топширилиши лозим бўлган мулкни ёки жавобгар бажариши лозим бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса, арз қилинган талабларнинг бирортаси бўйича ишда иштирок этувчи шахслар далиллар келтирган ва тушунтиришлар берган бўлсалару, лекин бу ҳусусда хал қилув қарори чиқарилмаган, хал қилув қарорида суд ҳаражатларини тақсимлаш кўрсатилмаган бўлса, Қ.х.к.к. чиқариши мумкин.

Қ.х.к.к. чиқариш масаласи хал қилув қарори чиқарилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай қўзғатилиши мумкин. Қ.х.к.к. суд томонидан масала ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилганидан сўнг қабул қилинади ва унинг устидан апелляция тартибида шикоят берилиши ҳамда унга нисбатан протест келтирилиши мумкин. Қ.х.к.к. чиқариш тўғрисидаги талабни рад этиш ҳақидаги суднинг ажрими устидан ҳусусий шикоят берилиши ёки ҳусусий протест келтирилиши мумкин.

ҚЎШМА ҚОРХОНА – ЎзР Президентининг 1996 й. 30 ноябрдаги ПФ–1652-сон Фармониға мувофиқ қўйидаги шартларға жавоб берадиган янгидаг ташкил этиладиган қорхоналар ЎзР Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги қорхоналар, яъни Қ.к.лар жумласига киради: а) қорхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас; б) қорхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий юридик шахс бўлиши шарт; в) хорижий сармоялар улуши қорхона низом жамғармасининг камида 30 %ини ташкил этиши зарур. Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ЎзР ВМнинг 2003 й. 20 августдаги 357-сон қарори б-н тасдиқланган, Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом б-н ўрнатилган.

Қ.к.ларнинг ҳуқуқий мақоми “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 5–6-м.ларида белгилаб қўйилган. Қ.к. ЎзР қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклларда фаолият кўрсатишга ҳақли. Қ.к. уни хорижий сармоядор б-н биргаликда таъсис этиш йўли б-н ёки чет эл инвестицияларини белгиланган тартибда қорхона устав фондига улуш киритиш ёхуд улушни сотиб олиш йўли б-н вужудга келиши мумкин. Қ.к. қонун ҳужжатларида белгиланган турли имтиёз ва афзалликлардан фойдаланадилар (солиқлар соҳасида, ҳисоботлар тақдим этиш, мол-мулкдан фойдаланиш соҳасида, ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида ва х.к.).

ҚЎШМАЧИЛИК – фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш, шунингдек ғаразли ёки бошқа паст ниятларда Қ. қилиш ахлоққа қарши жиноят ҳисобланади ва ЎзР ЖКнинг 131-м.сида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.



ГАЗНА МАЖБУРИЯТЛАРИ – к: *Ўзбекистон Республикаси газна мажбуриятлари.*

ГАЗНАЧИЛИК – давлат бюджетининг газна ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли молия органи. ЎзР ВМнинг 2007 й. 20 мартдаги 53-сон қарори б-н тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги тўғрисида низомга мувофиқ, ЎзР Молия вазирлигининг *Г.и* тизимига бевосита унга бўйсунадиган ҚР, вил.лар ва Тошкент ш. *Г.* бошқармалари ҳамда тум.лар (ш.лар) *Г.* бўлимлари киради.

*Г.*нинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- давлат бюджетининг касса ижроси;
- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларини бошқариш, ягона газна ҳисобварағини ва ҳудудий газна ҳисобварақларини юритиш;
- бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) б-н тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш;
- давлат бюджетидида қайси юридик ёки жисмоний шахслар учун маблағлар назарда тутилган бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;
- давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисоботни тузиш;
- ЎзРнинг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, ЎзРнинг кафолатларини ижро этиш.
- Г.* ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ЎзР Марказий банки, тижорат банклари,


бошқа ташкилотлар б-н ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда *Г.ка* кўмаклашишлари шарт.

Г. б-н давлат солиқ, божхона хизмати органлари, ЎзР Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари давлат бюджетининг газна ижроси соҳасидаги маълумотларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, давлат бюджетидида маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари *Г.ка* тақдим этиладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва асослилиги учун жавобгар бўладилар (“Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 6–8-м.лари).

ГАЙРИҚОНУНИЙ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИДА ҚАТНАШИШГА УНДАШ – ЎзРда жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар ва б. шу каби ташкилотларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби конун б-н белгиланган. Ушбу тартибга риоя этилмай тузилган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар гайриқонуний ҳисобланади. Гайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, ЎзР ЖКнинг 216¹-м.сига асосан, жиний жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

ГАРАЗГҲЙЛИК НИЯТИ – содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий ҳаражатлардан қутилишга интилишда ифодаланган ниятдир (ЎзР ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлими “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”). Жиноят ҳуқуқида *Г.и.* шахсни жиноятга ундовчи мотивлардан ҳисобланади. ЎзР ЖКнинг 56-м.сида *Г.и.* жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб белгиланган ва жиноят учун жазо тайинлашда судлар томонидан эътиборга олинади.



ҲАВО КЕМАСИНИ ОЛИБ ҚОЧИШ ЁКИ ЭГАЛЛАБ ОЛИШ – Ҳ.к.о.к.ёки э.о. инсонлар ҳаёти учун катта ҳавф туғдиради. Темир йўлининг ҳаракатланадиган таркибини, ҳаво, деңгиз ёки дарё кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олганлик учун ЎзР ЖКнинг 264-м.сида жавобгарлик ўрнатилган.

ҲАВО КОДЕКСИ – к: *Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси.*

ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ – ЎзР ҲҚга мувофиқ, Ҳ.т.т. шартномасига биноан ташувчи йўловчи ва унинг қўл юкини чиптада кўрсатилган парвозни амалга ошираётган ҳаво кемасидан жой бериб белгиланган манзилга элтиб қўйиш мажбуриятини, йўловчи қўл юкини топширган бўлса, қўл юкини белгиланган манзилга етказиб, уни йўловчига ёки йўловчи тайинлаган шахсга топшириш мажбуриятини олади. Йўловчи белгиланган тариф бўйича парвоз учун, юк ташувчи белгиланган меъёрдан ортик қўл юки бўлган тақдирда эса, қўл юки учун ҳам ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Ҳ.т.т. шартномасига кўра, юк ташувчи ўзига юк жўнатувчи ишониб топширган юк ёки почтани белгиланган манзилга етказиб, уларни юкни ёки почтани қабул қилиб олишга ваколат берилган шахсга топшириш мажбуриятини олади, юк жўнатувчи эса юк ёки почта ташилгани учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Чартер (ҳаво кемасини кира қилиш) шартномаси бўйича бир томон (кирага берувчи) иккинчи томон (кирага олувчи)га ҳақ эвазига бир ёки бир неча ҳаво кемасини йўловчилар, қўл юки, юк ва почта ташиш ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланишга бир ёки бир неча парвоз учун тўлик бериб туриш мажбуриятини олади. Ташувчилар ташиш қоидаларида белгиланган тартибда ҳаво кемасида олдиндан жой банд қилиб қўядилар.

Чипта ва қўл юки паттаси, нормативдагидан ортиқча қўл юки ҳақини тўлаш паттаси, почта ёхуд юк хати йўловчини ва қўл юкини, почтани ва юкни ташиш шартномасини тасдиқловчи ташиш ҳужжатлари ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар шакли Авиация маъмурияти томонидан ЎзР катнашчи бўлган халқаро шартномаларнинг тегишли қоидалари ва тавсиялари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Почта юк хати шаклини Авиация маъмурияти Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги б-н биргаликда белгилайди. Йўловчиларга кўрсатиладиган хизматлар ва имтиёзлар, ташиш тарифлари, йўлларни, ставкалари ва катновни кирага сотиш қоидалари, юкнинг бутлиги, йўловчига ва юкка етказилган зарарни қоплаш (унга талаб қўйиш – претензия) тартиблари Ўзбекистон қонунчилиги б-н белгиланади. Хорижий ташувчиларнинг ЎзР ҳудудидаги фаолияти, халқаро ташишлардан келиб чиқадиган талаб қўйиш муддатлари ЎзР ҲҚ, юк ташиш қоидалари, бошқа қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон им-

золаган халқаро шартномалари б-н белгиланган тартибларга риоя қилиниб амалга оширилади.

ҲАВО ҲУҚУҚИ – ЎзР ҲҚнинг 2-м.сида мувофиқ, самовий ҳудуддан фойдаланишга ҳамда ундан фойдаланувчиларнинг фаолиятига, шу жумладан авиация фаолиятига тааллуқли муносабатлар республика ҳудудида ушбу Кодекс, республиканинг бошқа қонунлари б-н, ЎзР ВМ томонидан тасдиқланадиган ЎзР самовий ҳудуддан фойдаланиш тўғрисидаги низом б-н, шунингдек тегишича Авиация маъмурияти ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан тасдиқланадиган ЎзР Самовий ҳудудда фуқаро авиацияси ва экспериментал авиациянинг парвоз қилиш қоидалари ҳамда ЎзР Самовий ҳудудда Давлат авиациясининг парвоз қилиш қоидалари б-н тартибга солинади.

ҲАВОЛАКИ (БЛАНКЕТ) НОРМАЛАР – ҳуқуқ субъектлари ўртасида юзага келадиган муайян ҳуқуқий муносабатларда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи умумий қоидаларни белгилаб беради. Мас., “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг “Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш” деб номланган 8-м.си учинчи бандида “Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби ЎзР ВМ тасдиқлайдиган Низом б-н белгиланади”, деб кўрсатилган. Ушбу қонданинг мазмунидан ҳам кўриниб турибдики, қонун ижодқори ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш б-н боғлиқ масалаларни ҳал этишга оид аниқ қоидаларни аниқлаштириш учун ВМ томонидан қабул қилинадиган тегишли низомга ҳавола қилган.

ҲАДИС (араб. – сўз) – ислом динида Қуръондан кейинги муқаддас манба. Муҳаммад пайгамбарнинг сўзлари, унинг ҳаёти, фаолияти ва кўрсатмалари ҳақидаги ривоятлардан иборат. Ҳ.лар VII а. охири – VIII а.нинг бошларида тўплана бошлаган. Даврлар ўтиши б-н, Ҳ.лар танланиб тизимлаштирилган. IX–X а. бошларида мусулмонлар орасида катта эътиборга эга бўлган. Ҳ.ларнинг олтига тўплами вужудга келган. Булардан айниқса иккитаси – “Саҳиҳи Бухорий” ва “Саҳиҳи Муслим” кўпроқ эъзозланади. Ҳ.лар тўплами сунна деб ном олган. Ҳ.ларни йиғувчи, шарҳловчи, тарғиб қилувчи шахслар муҳаддис деб аталган.

Ҳ. тўплаларни ҳуқуқ нормалари б-н бирга маросимлар кўрсатмалари, ибодат қилиш қоидалари, овқатланиш ҳақидаги тушунчалар, ахлоқ ва кундалик юриш-туриш қоидаларини ҳам ўз ичига олган.

Ҳ.лар Муҳаммад пайгамбарнинг бевосита сафдошлари – саҳобалар томонидан ёки биричи манбалардан эшитган кишилар сўзига асосан тўпланган. Ҳ.ларни тўплаш якуллари уларни ёзиш ва ўрганиш заруратини келтириб чиқарган.

ҲАДЯ – Ҳ. шартномасига мувофиқ юз берадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга кўра бир тараф (Ҳ. қилувчи) бошқа тараф (Ҳ. олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талабидни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади (ЎзР ФҚнинг 502-м.си). Яна к.: *Ҳадя шартномаси.*

ҲАДЯ ОЛУВЧИ – ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя қилувчи қаби бир тараф. Ҳ.о. ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда

ҳада шартномаси бекор қилинган ҳисобланади. Агар ҳада шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳада яни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар ҳада шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳада яни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Агар ҳада шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳада қилувчи Ҳ.о.дан ҳада яни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФК 503-м.).

ҲАДА ШАРТНОМАСИ – фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг бир тури бўлиб, унга мувофиқ бир тараф (ҳада қилувчи) бошқа тараф (ҳада олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади. Ашё ёки ҳуқуқ муқобил берилганда ё бўлмаса, муқобил мажбурият мавжуд бўлганида шартнома ҳада деб тап олинмайди. Бундай шартномага нисбатан ЎЗР ФК 124-м.сининг иккинчи қисми қондалари қўллабди. Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳада этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўришиб турган бўлса, Ҳ.ш. деб тап олинади. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳада нарчасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкни ёки мол-мулкнинг бир қисминини ҳада этишни ваъда қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Ҳада яни ҳада олувчига ҳада қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадага нисбатан ЎЗР ФКнинг ворислик тўғрисидаги қондалари қўллабди (ЎЗР ФК 502-м.си).

Ҳада олувчи ўзига ҳада топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли. Бундай ҳолда Ҳ.ш. бекор қилинган ҳисобланади. Агар Ҳ.ш. ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳада яни рад этиш ҳам ёзма шаклда амалга оширилиши керак. Агар Ҳ.ш. рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳада яни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Агар Ҳ.ш. ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳада қилувчи ҳада олувчидан ҳада яни олишни рад этиши оқибатида етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли (ЎЗР ФК 503-м.си).

Ҳада қилиш, аини пайтда ҳада яни олувчига топшириш озаки амалга оширилиши мумкин, ЎЗР ФК 504-м.сининг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Ҳада яни топшириш уни тақдим қилиш, рамзий топшириш (қалит ва х.к.ларни тақдим қилиш) ёки ҳуқуқни белгилайдиган ҳужжатларни тақдим этиш йўли б-н амалга оширилади. Кўчар мулкни ҳада қилиш шартномаси: ҳада қилувчи юридик шахс бўлганда; фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн барабаридан ортиқ суммага шартнома тузилаётганда; шартнома келажакда ҳада этиш ваъда қилинган ҳолларда оддий ёзма шаклда тузилиши лозим. Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда озаки тузилган Ҳ.ш. ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Кўчмас мулкни ҳада қилиш шарт-

номаси иотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Қонун ҳужжатларида белгилабган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ҳада қилиш шартномаси иотариал тасдиқланган бўлиши керак.

ҲАДА ҚИЛУВЧИ – ҳада шартномасидаги тарафлардан бири бўлиб, бошқа томонга (ҳада олувчига) буюмни мулк қилиб ёхуд ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқни (талабни) текинга беради ёки бериш мажбуриятини олади, уни ўз олдидаги ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёки озод қилиш мажбуриятини олади. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам Ҳ.к. бўлишлари мумкин. Ҳада қилинган ашёдаги камчиликлар туфайли ҳада олувчининг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкига етказилган зарар, агар бу камчиликлар ашё ҳада олувчига топширилгунга қадар пайдо бўлгани аниқ кўришиб турган камчиликлар жумласига кирмаслиғи ва Ҳ.к. бу ҳақда билган бўлса-да, ҳада олувчини оғохлантормаганлиги исбот қилинган бўлса, Ҳ.к. томонидан қоплашни лозим (ЎЗР ФК 502 ва 509-м.лари).

ҲАКАМЛИК БИТИМИ – “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги ЎЗР Қонунига мувофиқ, тарафларнинг низоли ҳакамлик судига ҳал қилиш учун топшириш ҳақидаги келишуви Ҳ.б. ҳисобланади. Ҳ.б. битими ёзма шаклда тузилади. Ҳ.б. шартноманинг таркибий қисми бўлган шартнома шартни ёки алоҳида битим тарзида расмийлаштирилиши мумкин.

Ҳ.б. мавжуд бўлган тақдирда, низо ҳакамлик судининг ҳал қилувига топширилиши мумкин. Ваколатли суднинг ҳал қилувида бўлган низога оид Ҳ.б. ваколатли суд низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилгунга қадар тузилиши мумкин. Ҳ.б., агар у Ҳ.б. тарафлари томонидан имзоланган ҳужжатда ифодаланган бўлса ёки бундай битимни қайд этишни таъминловчи электрон ёхуд бошқа алоқа воситалардан фойдаланилган ҳолда хатлар ёки хабарлар алмашиш йўли б-н тузилган бўлса, ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Ҳ.б.да унинг тарафлари ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган барча ёхуд айрим низолар ҳакамлик судига кўриб чиқишли кераклиги ҳақидаги қонда, шунингдек агар низо доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳал қилувига топшириладиган бўлса, мазкур ҳакамлик судининг иш кўрсатилиши лозим. Ҳ.б.да ҳакамлик судьяларининг сони, ҳакамлик муҳокамаси ўтказиладиган жой ва тил, ҳакамлик муҳокамасининг қўлланиладиган қондалари, низоли кўриб чиқиш муддати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳ.б. битими низо ваколатли судларда кўрилатган пайтда бу судлар низо юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилинганга қадар ҳам ЎЗР ХПКнинг 25-м.си, ЎЗР ФПКнинг 100-м.си қондаларига кўра Ҳ.б. тузишлари мумкин.

Ҳ.б.нинг мазмунида тарафлар ўртасида келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни кўриш тартиби, низолининг мазмун-моҳияти даъвогарнинг даъволи қаноатлантириш талаби, ҳакамлик суди қарорининг тарафлар томонидан иштиёрий ижро этилиши суд харажатларини тўлаш тартиби ва шунга ўхшаш қондалар аниқ кўрсатилиши керак.

ҲАКАМЛИК СУДИ – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тад-

биркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини хал этувчи подавлат орган. Ҳ.с.нинг фаолияти қонунийлик, мустақиллик, ҳакамлик муҳокамаси маълумотларининг ошқор қилинмаслиги, ҳакамлик судьяларининг ҳолислиги, диспозитивлик, ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг тортишуви ва тенг ҳуқуқчилиги асосида амалга оширилади. ЎзРда доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат Ҳ.с. ташкил этилиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари Ҳ.с.ни ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас. Ҳ.с. юридик шахс бўлмайди.

Ҳ.с. фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи хўжалик низоларини хал этади. Ҳ.с. маъмурий, оила ва меҳнат ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа низоларни хал этмайди.

Ҳ.с.нинг таркибини шакллантириш ҳакамлик судьяларини (ҳакамлик судьясини) сайлаш (тайинлаш) орқали амалга оширилади. Доимий фаолият кўрсатувчи Ҳ.с.да ҳакамлик судьялари мазкур Ҳ.с.ни ташкил этган юридик шахс томонидан тасдиқланган ҳакамлик судьялари рўйхати киритилган судьялар орасидан сайланади (тайинланади). Агар ҳакамлик битими тарафи ҳакамлик битими бошқа тарафининг ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайлаш ҳақидаги илтимосини олган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайламаса ёки ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик судьясини танлаш тўғрисида келиша олмасалар (низо ҳакамлик судьяси томонидан яққа тартибда кўриб чиқиладиганда) ёхуд агар ҳакамлик судьялари раислик қилувчи ҳакамлик судьясини тайинлаш тўғрисида ўзлари сайланган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида келиша олмасалар, уларни тайинлаш доимий фаолият кўрсатувчи Ҳ.с.нинг раиси томонидан ҳакамлик битими тарафларидан бирининг илтимосига биноан ўн кун муддатда амалга оширилади.

Муваққат Ҳ.с.да ҳакамлик судьялари ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланади. Агар ҳакамлик битими тарафи ҳакамлик битими бошқа тарафининг ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайлаш ҳақидаги илтимосини олган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида ҳакамлик судьясини (ҳакамлик судьяларини) сайламаса ёки ҳакамлик битимининг тарафлари ҳакамлик судьясини танлаш тўғрисида келиша олмасалар (низо ҳакамлик судьяси томонидан яққа тартибда кўриб чиқиладиганда) ёхуд агар ҳакамлик судьялари раислик қилувчи ҳакамлик судьясини тайинлаш тўғрисида ўзлари сайланган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида келиша олмасалар, низо хал қилиш учун ваколатли судга топширилади. Бунда ҳакамлик битимининг амал қилиши тугатилади.

Ҳ.с. ўз хал қилувиغا топширилган низони, шу жумладан ҳакамлик битими йўқлиги ёки ҳақиқий эмаслиги сабабли ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан бири ҳакамлик муҳокамасига қарши эътироз билдирган ҳолларда низони кўриб чиқишга ваколати борлиги ёхуд йўқлиги ҳақидаги масалани мустақил равишда хал этади. Шу мақсадда шартнома шarti тарзида расмийлаштирилган ҳакамлик битими шартноманинг бошқа шартларига боғлиқ

бўлмаган битим сифатида кўриб чиқилиши керак. Ҳ.с.нинг шартин қамраб олган шартноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги ҳулосаси ушбу шартнинг қонунга биноан ҳақиқий эмас, деб топилишига олиб келмайди.

Доимий фаолият кўрсатувчи Ҳ.с.ни ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш, муваққат Ҳ.с.ни ташкил этиш тўғрисидаги, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи Ҳ.с. таркибига қирувчи ҳакамлик судьялари ҳақидаги ахборот ЎзР Адлия вазирлиги томонидан тизимлаштирилади ҳамда "ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами"да эълон қилинади. Ҳ.с. ҳисобини юритиш тартиби ЎзР ВМ тасдиқлайдиган Низом б-н белгиланади.

Ҳ.с.ларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатлар "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни б-н тартибга солинади.

ҲАКАМЛИК СУДЬЯСИ — ҳакамлик судида низони хал этиш учун ҳакамлик битими тарафлари томонидан сайланган ёки белгиланган тартибда тайинланган ЎзР фуқароси.

Йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, низонинг ҳолис хал қилинишини таъминлашга қодир бўлган, низонинг пировард натижасидан бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик битими тарафларидан мустақил бўлган ва Ҳ.с. мажбуриятларини бажаришга розилик берган ЎзР фуқароси Ҳ.с. этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин.

Низони яққа тартибда хал қилувчи Ҳ.с. олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Низо хайъатда хал қилинаётганда ҳакамлик суди таркибининг раиси олий юридик маълумотга эга бўлиши керак. Ҳ.с.нинг малакасига қўйилган талаблар ҳакамлик битими тарафлари ўртасида бевосита келишиб олинishi ёки доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг қондалари билан белгиланиши мумкин.

Қуйидагилар Ҳ.с. бўлиши мумкин эмас:

муомала лаёқати чекланган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги тўғрисида суднинг қонуний қучга кирган хал қилув қарори мавжуд бўлган шахс;

содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахс;

ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этганлиги учун судья, адвокат, нотариус, терговчи, прокурор ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати қонунда белгиланган тартибда тугатилган шахс;

қонунда белгиланган мансаб мақомига мувофиқ Ҳ.с. этиб сайланиши (тайинланиши) мумкин бўлмаган шахс ("Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги ЎзР Қонунининг 3 ва 14-м.лари).

ҲАММАГА МАЪЛУМ ФАКТЛАР — ҳуқуқнинг процессуал соҳаларида кенг оммага аён бўлган фактлар. ЎзР ХПКнинг 33-м.сига мувофиқ, ишнинг хўжалик суди ҳаммага маълум деб эътироф этган ҳолатлари исботлашга мухтож эмас.

ҲАММУАЛЛИФЛИК — "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги ЎзР Қонунига мувофиқ, икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, Ҳ.қа биргаликда тегишли бўлади.

Агар асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади. Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир. Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тарикасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргаликда амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади. Агар ҳаммуаллифларнинг асари бўлимас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиклаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақи эмас.

Интервьюга бўлган муаллифлик ҳуқуқи интервью берган шахсга ва интервью олган шахсга, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ҳаммуаллифлар сифатида тегишлидир.

Ҳ.да яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узок умр кўрган охириги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади.

ЎзР ФКнинг 1086-м.сига мувофиқ, ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси ҳаммуаллифларининг ўзаро муносабатлари улар ўртасидаги келишув б-н белгилаб қўйилади.

Ихтиро, фойдали модель, саноат намунасини яратишга ишонжодий ёрдам бериш (техникавий, ташкилий ёки математик ёрдам, ҳуқуқларни расмийлаштиришга кўмаклашиш ва х.к.) Ҳ.га сабаб бўлмайди.

ХАНАФИЯ – суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Абу Ҳанифа ан-Нўъмон асос солган. Ундан кейин ханафия мазҳаби таълимоти Абу Юсуф Ёқуб (795 й.да вафот этган), Муҳаммад аш-Шайбоний (804 й.да вафот этган), Зуфар ва б.нинг асарларида ишлаб чиқилган. Ироқда вужудга келиб, ислом тарқалган барча мамлакатларда, жумладан, Хуросон ва Мовароуннаҳрда ҳам кенг тарқалган. Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” тўплами бу мазҳабнинг асосий қўлланмаларидан бири сифатида танилган. Ҳ. қонуллари нисбатан юмшоқроқ ва қулайроқлиги, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олганлиги сабабли кенг ёйилган. Суннийлик йўналишига мансуб бўлган мусулмонларнинг учдан бир қисмидан кўпроги бу мазҳабга қиради. У бир неча араб давлатларида, Африканинг айрим мамлакатларида, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Афғонистон, Ўрта Осиё мамлакатлари, Татаристон, Хитой мусулмонлари орасида тарқалган. Уларда Ҳ. мазҳаби қонуллари ҳозирги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолган.

ХАНБАЛИЯ – суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. Аҳмад ибн Ҳанбал асос солган. Ҳ. ҳуқуқ тизими ўта торлиги, ҳар қандай кўринишдаги “янгилик”ка, диний масалаларда эркин фикр юритишга қаршилиги, шариат нормаларига риоя этишда қатъийлиги б-н ажралиб туради. Ҳ. тарафдорлари Куръон ва ҳадисларни эркин талқин этиш йўлидаги ҳар қандай уришишларни қоралаганлар. Шунинг учун ҳам бу мазҳаб кенг тарқалмаган. Фақат IX а.нинг иккинчи ярмида араб халифалигида муътазиллий-

ларнинг илоҳиёт соҳасидаги ҳурфикрлигининг таъкиб остига олиниши туфайли Ҳ. бирмунча кенгайган ва XII а.да мустақил мазҳабга айланган. Ҳ. а.да Эронда, XII а.дан XV а.гача Сурия ва Фаластинда Ҳ. издошлари кўп бўлган. Ундан кейинги асрларда Ҳ. тарафдорлари камайиб кетган. XVIII а.да пайдо бўлган ваҳхобийлар Ҳ. тарафдори бўлиб чиққанлар. Ваҳхобийлар Саудия Арабистонида ҳокимиятни қўлга олгач (XX а.нинг 20-й.лари), Ҳ. қонуллари амалга киритилганлар. У ерда бу мазҳабнинг илк исломга хос қонуллари ҳозир ҳам амалда. Ҳ. Саудия Арабистонидан бошқа мамлакатларда кам учрайди.

ҲАРАКАТ – шахснинг ижтимоий хавфли, онгли ва фаол хулқ-атвори.

ҲАРАКАТСИЗЛИК – шахснинг норматив ҳужжатларда бажариши шарт қилиб белгиланган муайян ҳаракатларни бажармасликда ифодаланган ижтимоий хавфли, онгли ва суст хулқ-атвори.

ҲАРБИЙ ЁКИ МАХСУС УНВОНДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ – ЎзР ЖК 43-м.сига мувофиқ, маҳкумларга асосий жазолардан ташқари Ҳ. ёки м.у.м.к. тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин.

Ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми б-н мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин. Олий ҳарбий ёки махсус унвонга ёхуд ЎзР давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукми асосида киритадиган тақдимномасига бироқ мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин.

ЎзР ЖК Махсус қисмининг ҳеч бир моддаси санкциясида ушбу жазо чораси кўзда тутилмаган. Бинобарин, мазкур жазони қўллаш масаласи ҳарбий ёки махсус унвонга эга бўлган ҳар бир судланувнига нисбатан индивидуал равишда суд томонидан ҳал этилади.

ҲАРБИЙ ЁКИ МУҚОБИЛ ХИЗМАТДАН БЎЙИН ТОВЛАШ – фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизмат ёки муқобил хизматга чакирувдан, сафарбарлик чакируви захира хизмати сафига олиниш ёхуд хизматни ЎзР Қуролли Кучлари захирасида ўташдан узрли сабабсиз бўйин товлаши ЎзР ЖКнинг 225-м.сига мувофиқ жавобгарликни келтириб чиқаради. ЎзР Конс.сининг 52-м.сига мувофиқ, ЎзРни ҳимоя қилиш ЎзР ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

ҲАРБИЙ ЖИНОЯТЛАР – ЎзР ЖКга мувофиқ, ҳарбий хизматчилар, шунингдек ҳарбий машқни ўташ даврида ҳарбий хизматга мажбур шахслар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилинган жиноятлар. Тинч аҳолини ёки ҳарбий асирларни қийнаш, жисмонан қириб юбориш, тинч аҳолини мажбурий ишларга ёки бошқа мақсадларда ҳайдаб кетиш, халқро ҳуқуқ б-н тақикланган уруш олиб бориш воситаларини қўллаш, ш.лар ва аҳоли яшаш жойларини беҳуда вайрон қилиш, мулкни талон-торож қилиш, шунингдек бундай ҳаракатларни қилишга буйруқ беришда ифодаланган уруш қонун ва удумларини бузиш Ҳ.ж. жумласига қиради. ЎзР ЖКнинг 152, 279-302-м.ларида ҳарбий жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

ҲАРБИЙ МОЖАРОЛАР – давлатлар ўртасидаги тўқнашувлар бўлиб, унда халқлар мустамлакачиликка, чет эл оккупациясига (босиб олишига), ирқчилик режимига

(халқаро қуроли можароларга) қарши ҳамда бирон-бир давлатнинг ўз худида ичида қуролланган қучлар, уюшган гуруҳлар ўртасидаги можаролар, зиддиятлар (халқаро бўлмаган қуроли можаролар) ҳисобланади.

Халқаро бўлмаган қуроли можароларнинг асосий хусусиятлари:

мазкур можароларнинг доираси давлатнинг ҳудудий чегараси б-н чекланган;

уларнинг иштирокчилари – давлатнинг қуроли қучлари ва ҳукуматга қарши қучлар ёки уюшган гуруҳлар;

ҳаракатларнинг жамоавий хусусиятга эгаллиги, маълум даражада ташкиллаштирилганлиги, уларнинг ҳаракати учун қўмондон ва масъул ташкилотларнинг мавжудлиги;

улар томонидан давлат ҳудудининг бир қисми назорат қилиниши, мунтазам ва қелишилган ҳаракатларнинг амалга оширилиши, протокол қўлланилиши мумкинлиги.

Х.м.нинг барча иштирокчилари қуйидаги маҳсул принципларга, яъни:

урушаётган томонлар уруш олиб бориш воситалари ва услубларини танлашда чеклов принципига;

тинч аҳоли (фуқаролар) ҳуқуқлари ҳамда фуқаровий объектлар ҳимоясига;

урушаётган ва бетараф давлатлар муносабатлари ва бетарафлик принципига;

ҳарбий зўравонликни ман қиладиган инсонпарварлик принципига амал қилишлари шарт.

Ҳозирги кунда Х.м. соҳасида ҳамкорлик қуйидаги йўналишлар сари ривожланиб бормоқда:

қуроли зиддиятларнинг олдини олиш;

тўқнашувда можаролашаётган ва можаролашмаётган иштирокчиларнинг ҳуқуқий ҳолатларига риоя қилиш;

уруш олиб бориш воситалари ва услубларини чеклаш;

қуроли можаролар давомида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

халқаро ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жавобгарликни таъминлаш.

ҲАРБИЙ МУЛКНИ НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ШИКАСТ ЕТКАЗИШ – қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасдан нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш. ЎзР ЖКнинг 296-м.сида ушбу ҳаракатлар туфайли қилиб чиққан зарарли оқибатларнинг оғирлик даражаси ва содир этилиш шароитлари ҳисобга олинган ҳолда жазо тайинлаш назарда тутилган.

ҲАРБИЙ ОККУПАЦИЯ – қ: *Оккупация*.

ҲАРБИЙ ПРОКУРАТУРА – ЎзР Президентининг 1999 й. 30 мартдаги ПФ-2277-сон Фармони асосида ЎзР Қуроли Қучларининг Х.п. негзида мавжуд лавозимлар сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида ЎзР Х.п. ташкил қилинган. ЎзР Х.п.сини ташкил этиш ва унинг иш тартиби “Прокуратура тўғрисида”ги ЎзР Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ЎзР Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган ЎзР Х.п.си тўғрисидаги низом б-н белгиланади.

Х.п. ходимларига даражали унвон ҳамда ҳарбий унвон бериш ва ундан маҳрум этиш тартиби ЎзР Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Прокуратура ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низом б-н ҳамда ЎзР Бош прокурори томонидан тасдиқланадиган Х.п. тўғрисидаги низом б-н белгиланади.

ЎзР Х.п.га лавозимга кўра ЎзР Бош прокурорининг ўринбосари бўлган ЎзР Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади. Х.п. ЎзР Қуроли Қучларида, ҳарбий идораларда ва вазирликлар ҳамда идораларнинг ҳарбийлаштирилган таркибий бўлиналарида қонунчиликка риоя этилиши устидан прокурор назорати ваколатларини амалга оширади.

ЎзР Х.п.си ЎзР Бош прокуратураси тизимида ваколатлари бўйича вил. прокуратураларига тегиштиради. ЎзР ҳарбий прокурори ЎзР Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимдан озод этилади. У ЎзР Бош прокурорига бўйсунди ва унинг олдидан ҳисобдордир.

ҲАРБИЙ СИР – қ: *Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари*.

ҲАРБИЙ СУДЛАР – ЎзР суд тизимига киради ҳамда ЎзР ОС Ҳарбий хайъати, ЎзР Ҳарбий суди, округ ва ҳудудий Х.с.дан иборат. Х.с. чиқарадиган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлар ЎзР номидан эълон қилинади.

Х.с. ЎзР Қуроли Қучларида, бошқа қўшинларда суд ҳокимиятини амалга оширишга ваколатли суд олдин ҳарбий трибунал деб атаган.

ЎзР Ҳарбий суди вил. суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Округ ва ҳудудий Х.с. тум. суди ҳуқуқлари доирасида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан, зарурат бўлганда эса, суд раисининг ўринбосаридан ҳам иборат бўлади.

Х.с.нинг судьялари “Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунда белгиланган тартибда сайланадилар ва тайинланадилар.

ЎзР Х.с.:

а) ЎзР Мудофаа вазирлигининг, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг, Миллий хавфсизлик хизматиинг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, ИИБ қўшинларининг ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

б) ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмалар, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ва ҳарбий бошқарув органлари ҳамда ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи қатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятларни;

в) алоҳида ҳолатларга кўра умумий юрисдикция судлари фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;

г) давлат сирларига тааллуқли ишларни;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишларни кўради.

ЎзР ОС Ҳарбий хайъати судловига олий офицерлар таркибидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

ЎзР Х.с. судловига:

содир этилганлиги учун ўлим жазоси белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

полковник, 1-даражадаги капитан унвонига эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёхуд бригада командири лавозимидаги шахслар ҳамда хизмат мавқеи бўйича уларга тенг шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Округ ва ҳудудий Ҳ.с. судловига:

подполковник, 2-даражадаги капитандан юқори бўлмаган унвондаги шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Бир гуруҳ шахсларни айблашга оид иш бўйича, гарчи айбланувчилардан лоақал бири хусусидаги иш Ҳ.с. судловига тааллуқли бўлса ва уни қонунга кўра алоҳида иш юритишга ажратиш мумкин бўлмаса, фуқаро, шахсларга оид ишларнинг ҳар бир суд томонидан кўрилишига йўл кўйилади.

Якка шахс ёки бир гуруҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айбланиб, гарчи жиноятлардан лоақал бири тўғрисидаги иш Ҳ.с. судловига тааллуқли бўлса, ҳамма жиноятлар тўғрисидаги ва барча шахсларга оид иш Ҳ.с. томонидан кўрилади. Ҳ.с. жиноят ишлари б-н бирга ҳарбий қисмлар, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг содир этилган жиноятлар патижасида уларга етказилган моддий зарарни ундириб бериш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини ҳам кўриб чиқадилар.

Ҳ.с. таркиби, штатлар сони, штатдаги лавозимлар ва шу лавозимларга мос бўлган ҳарбий унвонлар рўйхати ЎзР ОС раисининг ЎзР Мудофаа вазири б-н келишган ҳолда берган тақдирномасига биноан ЎзР Президенти томонидан тасдиқланади.

Ҳ.с. судьялари “Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни ва ҳарбий низомига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортиладилар. Ҳ.с.нинг ходимларини ишга қабул қилиш ва улар б-н тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ЎзР МКга мувофиқ тегишли Ҳ.с. раиси томонидан амалга оширилади.

ҲАРБИЙ ТРИБУНАЛЛАР – к: *Ҳарбий судлар.*

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – ЎзР фуқароларининг Қуроли Кучлар сафида умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш борасидаги давлат хизматиининг алоҳида тури. Ҳ.х.нинг муддатли Ҳ.х., сафарбарлик чакируви резервидаги Ҳ.х., контракт бўйича Ҳ.х. ва ЎзР Қуроли Кучлари сафида Ҳ.х.ни ўтаган резервчилар хизмати каби турлари жорий этилади. Тинчлик даврида оддий аскарлар ва сержантлар таркиби лавозимларида муддатли Ҳ.х.га, шунингдек сафарбарлик чакируви резервидаги хизматга ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган, саломатлигига кўра Қуроли Кучлар сафида Ҳ.х.ни ўташга яроқли эркак фуқаролар чакириладилар (“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 4-м.си).

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ ХУЛҚ-АТВОРИ УСТИДАН ҚЎМОНДОНЛИК КУЗАТУВИ – айбланаётган муддатли ҳарбий хизматчи ёки ўқув йигинига чакирилган ҳарбий хизматга мажбур шахс суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими бўйича ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий муассаса, ҳарбий ўқув юрти қўмондонлигининг кузатувига берилиши мумкин.

Қўмондонлик кузатуви қонун ҳужжатларида назарда тутилган ва айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлайдиган чораларни кўришдан иборат.

Ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш, бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими қўмондонлик учун мажбурийдир, унга ҳарбий хизматчи устидан кузатув ўриштириш заруратини келтириб чиқарган айбловнинг моҳияти тушултирилиши лозим. Айбланувчи олдини олиш мақсадида мазкур эҳтиёт чораси қўлланилган ҳаракатларни содир этган тақдирда, қўмондонлик суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судни бу ҳақда дарҳол хабардор қилиши шарт (ЎзР ЖПКнинг 254-м.си). Яна к: *Эҳтиёт чоралари.*

ҲАРБИЙ ҚИСМ ЁКИ ХИЗМАТ ЖОЙИНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ТАШЛАБ КЕТИШ – муддатли хизмат ҳарбий хизматчисининг Ҳ.қ. ёки х.ж.ў.б.т.к., шунингдек ҳарбий қисмдан қисқа муддатга рухсат берилганда, бошқа хизматга тайинланганда ёки бошқа хизмат жойига ўтказилганда, хизмат сафаридан, таътилдан ёки даволаш муассасасидан узрли сабабларсиз бир кеча-кундуздан ортик, лекин ўн кеча-кундуздан кўп бўлмаган муддат давомида хизмат жойида хозир бўлмаслиги. Ҳ.қ. ёки х.ж.ў.б.т.к. учун ЎзР ЖКнинг 287-м.сида жавобгарлик белгиланган.

ҲАРБИЙ ҲАВО КУЧЛАРИ – Қуроли Кучларининг оператив-стратегик топшириқларни ҳал этишда мустақил ёки Қуроли Кучларининг бошқа турлари б-н ҳамкорликда ҳаракат қилиш учун мўлжалланган тури. Ривожланган давлатлар Ҳ.х.к. стратегик, тактик, ҳарбий-транспорт авиациялари ва ҳаво ҳужумидан мудофаа авиациясидан ташкил топган. АКШда Ҳ.х.к.га қитъаларо баллистик ракета қўшилмалари ва ҳарбий-космик воситалар ҳам қиради.

ҲАРБИЙ ҲАЙЪАТ – “Судлар тўғрисида”ги ЎзР Қонунига мувофиқ, ЎзР ОС таркибига ва ҳарбий судлар тизимида қиради. ЎзР ОСнинг Ҳ.х. лавозим бўйича Ҳ.х. раиси ҳисобланадиган ЎзР ОС раисининг ўринбосаридан, Ҳ.х. раисининг ўринбосари ва судьялардан иборат бўлади.

ЎзР ОСнинг асосий таркибий бўлинмаларидан бири. Ҳ.х. бошқа судлов ҳайъатлари қатори ишларни биринчи инстанцияда, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради; суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради; қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; суд статистикасини таҳлил қилади; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

ЎзР ОС Ҳ.х. судловига олий офицерлар таркибига қирадиган мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, ушбу шахсларга дахлдор бошқа ишлар ва шикоятлар тааллуқли. ЎзР ОС Ҳ.х. ва Қуроли Кучлар ҳарбий суди қуйи судловига тааллуқли ҳар қандай ишни биринчи инстанция тартибида ўзининг иш юритишига қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳ.х., ҳарбий судларнинг шахсий таркиби Қуроли Кучлар рўйхатига қиради ва ҳарбийларнинг барча таъминот турлари б-н таъминланади, судьялар ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва имтиёзларидан фойдаланади. Ҳ.х., Қуроли Кучлар ҳарбий судлари, гарнизон ҳарбий судлари судьяларига эгаллаб турган лавозимларига мувофиқ ҳарбий унвонлар берилади.

ҲАРОМ (араб. – тақиқланган). – исломда мусулмонлар учун қатъий тақиқланган хатти-ҳаракатлар, ишлар, шунингдек ейиш ман қилинган озик-овқатлар.

ҲАҚ ЭВАЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ – Ҳ.э.х.к.ш. бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғи б-н ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қилиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. ЎзР ФК 38-бобининг қоидалари алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва б. хизматлар кўрсатиш шартномаларига татбиқ этилади. ЎзР ФКнинг 37, 39, 40, 43, 44, 45, 46, 48, 49 ва 51-бобларида назарда тутилган шартномалар бўйича кўрсатилган хизматлар бундан мустасно. Шартномада бошқа кўрсатмалар бўлмаса, ижрочи шартномада назарда тутилган хизмат (хизматлар)ни шахсан ўзи кўрсатиши шарт. Буюртмачи ўзига кўрсатилган хизматлар ҳақини ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномасида кўрсатилган муддатларда ва тартибда тўлаши шарт. Ижрочи ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни бажара олмаган тақдирда буюртмачи ижрочини унинг ҳаражатларини тўлаши шарт, бунда ижрочининг хизмат (хизматлар) кўрсатишдан овоз қилиниши муносабати б-н олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади. Буюртмачининг айби б-н хизматни бажариш мумкин бўлмай қолган тақдирда, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак (ЎзР ФК 703–705-м.лари).

ҲАҚИҚАТ – чиндан ҳам бўлган, бор нарса; ҳақиқий ахвол. Ҳақиқий ёки реал борлиқни киши онгида тўғри акс эттирувчи ишончи билим. Ростлиги фойдаси бўлган б-н исботланган, тажрибада синалган ҳолат, ҳукм, фикр.

ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШ – содир этилган жиноят юзасидан ҳақиқат аниқланиши лозим.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида қим айбдорлигини, шунингдек у б-н боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича Ҳ.а. учун фақат ЎзР ЖПКда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар б-н кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик б-н, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим (ЎзР ЖПКнинг 22-м.си).

ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – чакирув ёки контракт бўйича оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркиби лавозимларида Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизмат. Ҳарбий хизматчини Ҳ.х.х.дан бўшатиш қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

1) у ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматда бўлишининг белгиланган ёш чегарасига етганида;

2) муддатли ҳарбий хизмат муддати тугаганда;

3) контракт муддати тугаганда;

4) штатлар қисқарганда ёки бошқа ташкилий-штат тадбир-чоралари муносабати б-н ҳарбий хизматчидан хизматда фойдаланиш имконияти бўлмай қолганда;

5) саломатлигига кўра – уни ҳарбий-тиббий комиссия ҳарбий хизматга яроқсиз деб топганлиги муносабати б-н;

6) қонун ҳужжатларига мувофиқ тарафлардан бирининг ташаббусига кўра контракт муддатидан олдин бекор қилинганлиги муносабати б-н;

7) ҳарбий-таълим муассасасидан ўқишдан чиқарилганлиги муносабати б-н;

8) хизмат вазифасига нолайик бўлиб қолганда;

9) ЎзР фуқаролигидан маҳрум бўлиши муносабати б-н;

10) ҳарбий хизматчи ҳарбий ушвонидан маҳрум этилиши муносабати б-н;

11) суд ҳукми қонуний қучга кирганда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3 ва 29-м.лари).

ҲАҚОРАТ ҚИЛИШ – шахснинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик б-н қасддан таҳқирлаш. Ҳ.к. шахснинг бевоҳига ҳаракатлари ва сўзлари б-н, шунингдек нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёхуд оммавий ахборот воситалари орқали ҳам содир этилиши мумкин.

Ҳақорат қилганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳ.к., шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганда кейин содир этилганда, жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати б-н боғлиқ ҳолда, хавфли рецидивист томонидан ёки тухмат қилганлиги учун илгари судланган шахс томонидан қилинган ҳолларда ЎзР ЖКнинг 140-м.сида белгиланган жавобгарликка олиб келади.

ҲИДОЯ (араб. – қўлланма) – суннийликнинг ханафий мазҳабида кенг тарқалган шарият қўлланмаси (кодекси). Тўлиқ номи “Ҳидоя фи фуруъ-ил фикх” – фикх соҳалари бўйича қўлланма.

Мовароуннаҳр фикхшунослик мактабининг машҳур вакили Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдуҷалил ал-Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя фи фуруъ-ил фикх” ёки “Китоб ал-Ҳидоя” деган фундаментал асари икки жилд ва тўрт жузъ, 57 китобдан иборат.

Инглиз ва рус тилларига таржима қилинган таржима-лардан эса у тўрт жилдга бўлиб нашр этилган.

Асарнинг 1-жилди тозаланиш, ибодат қилиш, хайр-эхсон қилиш, рўза тутиш ва Ҳаж қилиш масалаларига бағишланган 5 та китобдан иборат: “Китоб ут-Таҳорат” (Поклик ҳақидаги китоб), “Китоб ус-Салот” (Намоз ҳақидаги китоб), “Китоб уз-Закот” (Закот ҳақидаги китоб), “Китоб ус-савм” (Рўза ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Ҳаж” (Ҳаж ибодати ҳақидаги китоб). Бундан яққол кўриниб турибдики, мусулмон ҳуқуқида диний урф-одатлар ва ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар б-н дунёвий фикхий масалалар боғланиб кетган.

2-жилд умуман тўққиз китобдан иборат: “Китоб ул-ниток” (Қулларни озод қилиш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Аймон” (Қасам ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Худуд” (Ҳазолар ҳақидаги китоб), “Китоб ус-Сарика” (Ўғирлик ҳақидаги китоб), “Китоб ус-сияр” (Ҳарбий юришлар ва урушлар ҳақида китоб), “Китоб ул-Лақит” (Тоғиб олинган бола ҳақидаги китоб), “Ки-

тоб ул-Луқата” (Топиб олинган нарсга ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Обок” (Қочқин қуллар ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Мафқуд” (Бедарак йўқолган киши ҳақида китоб).

“Ал-Ҳидоя”нинг 3-жилдан 22 та китобдан иборат: “Китоб уш-Шарика” (Шерикчилик ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Вақф” (Вақф китоби), “Китоб ул-Буйуъ” (Олди-сотди ҳақидаги китоб), “Китоб ус-Сарф” (Қийматли нарсалар б-н олди-сотди қилиш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Кафала” (Кафолат китоби), “Китоб ул-Ҳавала” (Қарзларни бировдан иккинчи бир кишига ўтказиш ҳақидаги китоб), “Китоб одоб ул-Қози” (Қозининг одоби ҳақидаги китоб), “Китобуш-Шаҳада” (Гувоҳлик ҳақидаги китоб), “Китоб Ур-ружуъ ан-Шаҳада” (Берилган гувоҳликдан қайтиш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Вақала” (Ваколатлар ҳақидаги китоб), “Китоб уд-Даъва” (Даъволар ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Иқрор” (Иқрор бўлиш ҳақидаги китоб), “Китоб ус-Сулх” (Сулх ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Мудораба” (Ишбилармонликда шерикчилик ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Вадиъа” (Омонатлар ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Ория” (Мол-мулкни фойдаланишга бериш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Ҳиба” (Совға бериш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Ижара” (Ижара ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Муқотаб” (Муайян маблағ ёки мулк ҳисобига озод бўлиш тўғрисида битим тузилган қуллар ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Вила” (Ҳимоясига олнш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Иқроҳ” (Зўрлаш ёки мажбурлаш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Ҳажр” (Муомалиа лаёқатини тақкиллаш ҳақидаги китоб).

“Ал-Ҳидоя” асарининг 4-жилдига ижтимоий-иқтисодий соҳаларга алоқадор қонун-қоидаларга бағишланган 17 та китоб киритилган: “Китоб ул-Маъзун” (Муайян эркинликлар берилган қул ҳақида китоб), “Китоб ул-Ғасб” (Зўровонлик ҳақидаги китоб), “Китоб уш-Шуфъа” (Сотиб олиш ҳуқуқида бошқалардан устунроқ бўлиш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Қисма” (Таксимлаш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Музораа” (Қишлоқ ҳўжалиги ишларида шерикчилик ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Мусоқа” (Суворишда шерикчилик қилиш ҳақидаги китоб), “Китоб уз-Забанх” (Жонзот сўйиш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Адҳия” (Қурбонликлар ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Қараҳия” (Таккиллаш ҳақидаги китоб), “Китоб ихйа ул-Мават” (Ҳосилсиз ерларни ўзлаштириш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Ашриба” (Ичимликлар ҳақидаги китоб), “Китоб ус-Сайд” (Ов қилиш ҳақидаги китоб), “Китоб ур-Раҳн” (Гаровга олиш ва бериш ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Жиноят” (Жиноятлар ҳақидаги китоб), “Китоб уд-Дийят” (Хун пули ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Васийя” (Васиятлар ҳақидаги китоб), “Китоб ул-Хунаса” (Гермофродитлар ҳақидаги китоб).

Хуллас, “Ал-Ҳидоя” асарининг инсон ҳаётининг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий, маънавий, маданий ва б. барча жабҳаларига алоқадор бўлган аксарият жиҳатларини камраб олган ва уларни муайян ҳуқуқий нормалар, қонун-қоидаларда изчиллик б-н ақс эттирилган мукамал асардир. Шунинг учун ҳам бу асар ислом дунёсида фикх борасида асосий қўлланма бўлиб, барча мадрасаларда ўқитилган. Унинг форс, инглиз, рус тилларига таржима этилиш сабаби ҳам ана шундадир. Асарнинг 1-жилди 2001 й.да “Адолат” нашриётида илк бор ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилди.

ҲИМОЯ БЕЛГИСИ – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий чора-

си. ЎЗР ФКнинг 1050-м.сига мувофиқ, алоҳида муаллифлик ҳуқуқининг эгаси ўз ҳуқуқларидан хабардор этиш учун асарининг ҳар бир нусхасида ақс эттириладиган ва қуйидаги уч унсурдан иборат муаллифлик ҳуқуқининг химоя белгисидан фойдаланиши мумкин: айлана ичига олинган лотинча “С” харфи; алоҳида муаллифлик ҳуқуқлари эгасининг исми (номи); асар биринчи марта эълон қилинган йил. Муаллифлик ҳуқуқининг Х.б.да кўрсатилган шахс, башарти бошқа ҳол исботланмаган бўлса, ҳуқуқ эгаси ҳисобланади.

Шу б-н бирга, Кодекснинг 1076-м.сида турдош ҳуқуқларнинг белгилари ҳам қайд этилган – ижронинг эзиб олган шахс ва ижрочи ўз ҳуқуқларидан хабардор қилиш учун турдош ҳуқуқларнинг Х.б.дан фойдаланишлари мумкин, аудио ёки видео ёзувнинг ҳар бир нусхасида ва (ёки) улар сақланадиган виллофда ақс эттириладиган бу белги қуйидагича бўлади: айлана ичига олинган лотинча “Р” харфи; алоҳида турдош ҳуқуқлар эгасининг исми (номи); ёзув биринчи марта эълон қилинган йил.

ҲИМОЯЧИ – гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда химоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахс. Ишда Х.лар сифатида адвокатлар иштирок этишлари мумкин. Адвокатнинг ишда иштирок этишига у адвокат гувоҳномасини кўрсатганидан ва муайян ишни юрртишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ордерини тақдим этганидан кейин йўл қўйилади. Гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бирининг адвокат б-н бир қаторда Х. сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноан йўл қўйилиши мумкин. Х.нинг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб руҳсат этилади (ЎЗР ЖПКнинг 49-м.си).

ҲИМОЯЧИ ИШТИРОК ЭТИШИ ШАРТ БЎЛГАН ХОЛЛАР – ЎЗР ЖПКда айрим турдаги жиноят ишлари бўйича химоячи иштироки шарт этиб белгиланган. Бундан мақсад – ҳар қандай ҳолда ҳам айбланувчиларга тўлақонли ҳуқуқий химоя б-н таъминланиш имкониятини яратишдир.

Қуйидаги ишлар бўйича:

- 1) вояга етмаганларнинг иши бўйича;
- 2) соқовлар, қарлар, кўрлар, жисмоний нуқсон ёки руҳий касаллиги сабабли ўзини ўзи химоя қилиш ҳуқуқини амалга оширишга қийналадиган бошқа шахсларнинг иши бўйича;
- 3) судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг иши бўйича;
- 4) жазо чораси сифатида умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларнинг иши бўйича;
- 5) шахсларнинг манфаатлари ўзаро қарама-қарши бўлиб, улардан ақалли бири химоячига эга бўлган ишлар бўйича;
- 6) давлат айбловчиси ёки жамоат айбловчиси иштирок этаётган ишлар бўйича;

7) жабрланувчининг вакили сифатида адвокат иштирок этаётган ишларда;

8) тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда химоячининг иштирок этиши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишнинг мураккаблиги ва б. ҳолатлари туфайли гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи б-н ва химоячининг ишда иштирок этишида қийналиши мумкин деган хулосага келса, бошқа ишлар бўйича ҳам химоячининг иштирок этишини шарт деб топишга ҳақлидир (ЎЗР ЖПКнинг 51-м.си).

ХИМОЯЧИДАН ВОЗ КЕЧИШ – гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритилаётган даврда ис-талган вақтда Х.в.к.га ҳақлидир. Бундай воз кечишга фа-кат гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланув-чининг ташаббуси б-н ва химоячининг ишда иштирок эти-шига суриштирувчи, терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш оркали таъминланган реал имкониятлар мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади, бу ҳақда адвокат химоя-дан воз кечилганлигини тасдиқлайди. Бу ҳақда гумон қили-нувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриш-тирувчи ёки терговчи имзолайдиган баённома тузилади ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилади.

Х.в.к. гумон қилинувчини, айбланувчини ёки судланув-чини кейинчалик ишда химоячи иштирок этишига рухсат бериш ҳақида илтимос қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилмай-ди. Бундай илтимос барча ҳолларда қаноатлантрилиши керак. Суд тергови давомида химоячининг иштирок этиши ҳақида берилган илтимоснома ишнинг ҳолатларини ҳисобга олиб ва судланувчига химоя ҳуқуқини таъминлаш манфа-атларини кўзлаб суд томонидан ҳал этилади. Химоячининг суд мажлиси давомида ишга киришиши суд терговини қайта бошлаш учун асос бўлмайди (ЎЗР ЖПКнинг 52-м.си).

ХИСОБВАРАК – қ: *Банк ҳисобварағи.*

ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ – қ: *Чек.*

ХИСОБ-КИТОБ-КЛИРИНГ ПАЛАТАСИ – ўзаро мажбуриятларни (қимматли қоғозларга доир битимлар бўйича ахборотни тўплаш, солиштириш, тузатиш ва уларга доир бухгалтерия ҳужжатларини тайёрлаш) аниқлаш ҳамда қимматли қоғозларни етказиб бериш ва улар юза-сидан ҳисоб-китоблар бўйича ўзаро мажбуриятларни ҳисобга олиш бўйича фаолиятини амалга оширувчи юри-дик шахс. Х.-к.-к.п.лари ўзаро мажбуриятларни аниқлаш чоғида тайёрланган қимматли қоғозлар, пул маблағлари ва бухгалтерия ҳужжатларини қимматли қоғозлар бозо-рининг қайси иштирокчиларни учун ҳисоб-китоблар амал-га оширилади бўлса, шу иштирокчилар б-н тузилган шартномалар асосида ижро этиш учун қабул қилади (“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎЗР Қонуни-нинг 26-м.си).

ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙ – криминалисти-када текширилиши лозим бўлган жой, яъни ҳуқуқбузар-лик содир этилган ва қолдирилган из мавжуд жой.

Х.с.б.ж.ни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жино-ят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади.

Кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда Х.с.б.ж. жиноят иши кўзгатилишидан олдин ҳам кўздан кечирилиши мум-кин. Бу ҳолда кўздан кечириш ўтказилгандан сўнг кечи-

б-н етмиш икки соатда, алоҳида ҳолларда эса, ўн кун ичи-да жиноят ишини кўзгатиш ҳақида ёки кўзгатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши лозим.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир печа суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оши-рилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар ҳолис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Х.с.б.ж.дан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўра-лади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим (ЎЗР ЖПКнинг 137-м.си).

ХОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕ-ЧИРИШ – қ: *Ҳодиса содир бўлган жой.*

ХОКИМ – ЎЗРдаги маҳаллий маъмурият бошлиги. ЎЗР Конс.сига мувофиқ, вил.лар, тум.лар ва ш.ларда (тум.га бўйсунадиган ш.лардан, шунингдек ш. таркибига кирувчи тум.лардан ташқари) Х.лар бошчилик қиладиган халқ депу-татлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар. Халқ депутатлари Кенгашлари ва Х.ларнинг ваколат муддати – беш йил. Вакиллик ва ижроия ҳокимиятнинг тегишлилиги-га қараб вил., тум. ва ш. Х.лари бошқаради.

Вил. ва Тошкент ш. Х.и ЎЗР Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ва лавозимидан озод этила-ди. Конс.ни, қонуларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига дов туширадиган хатти-харакат содир этган тум. ва ш. Х.ларини ЎЗР Президенти ўз қарори б-н лавозими-дан озод этишга ҳақли. Тум. ва ш.ларнинг Х.лари тегишли вил. Х.и томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши то-монидан тасдиқланади. Ш.лардаги тум.ларнинг Х.лари те-гишли ш. Х. томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари тум. Кенгаши томони-дан тасдиқланади. Тум.ларга бўйсунадиган ш.ларнинг Х.лари тум. Х.и томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда халқ депутатлари тум. Кенгаши то-монидан тасдиқланади.

Вил., тум. ва ш. Х.лари ўз ваколатларини яккабошчи-лик асосларида амалга оширадиган ва ўзлари раҳбарлик қиладиган органларнинг қарорлари ва фаолияти учун шах-сан жавобгардирлар. Х.ларнинг ва халқ депутатлари Кен-гашларининг фаолиятини ташкил қилиш, уларнинг вако-лат доирасини ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашла-рини сайлаш тартибни қонун б-н белгиланади.

Х. ўзига берилган ваколатлар доирасида тегишли худуд-даги барча қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бир-лашмалар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади.

ХОКИМИЯТ – кишилар ва улар ўртасидаги ижтимо-ий муносабатларни бошқаришга бўлган объектив зарури-ятли восита, шунинг учун у одамларни бўйсундириш ва улар устидан ҳукмронлик қилиш муносабатларидир. Х. объектив зарурият сифатида кўпинча ижобий хусусиятга эга бўлади. Чунки, Х. жамиятни барқарорлаштириш, унинг ташкилий уюшқоқлигини таъминлашга хизмат қилади. Айни пайтда, Х. салбий хусусиятларни ҳам ўзида мужас-

самлаштириши мумкин. Зеро, унинг табиатида ўзини ўзи ўстириб бориш, катъий марказлаша бориш ва ҳатто зўравонликка интилиш майллари бўлади. Жамиятнинг шўро тоналитар тузуми бошқарган йиллар бунинг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади.

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИ – конституциявий ҳуқуқ ва жиноят ҳуқуқида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат қилувчи органда масъул мансабдор шахс ҳамда белгиланган тартибда ўзига тўғридан-тўғри хизмат бўйсунувиغا эга бўлмаган шахсларга нисбатан фармойиш бериш ваколатига эга бўлган ўзга мансабдор шахс. Ҳ.в.га вакиллик органларининг мансабдор шахслари, депутатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тегишлидир. Ўз ваколатларини амалга ошириш вақтида Ҳ.в. ваколатларига эга бўлган жамоат бирлашмаларининг вакиллари ҳам Ҳ.в. ҳисобланадилар.

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИ ДОИРАСИДАН ЧЕТГА ЧИҚИШ – мансабдор шахснинг ўзига қонун б-н берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши. Бундай ҳаракатлар фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганда ва айбни оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларда ЎЗР ЖКнинг 206-м.сида асосан жавобгарликка сабаб бўлади.

ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ – мансабдор шахснинг ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, ушбу жиноят учун ЎЗР ЖКнинг 205-м.сида жавобгарлик белгиланган. Бундай жиноятларнинг субъекти, албатта, мансабдор шахслар бўлади.

ҲОКИМИЯТ ҲАРАКАТСИЗЛИГИ – мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги.

Ҳ.х фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига олиб келган, шунингдек бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилган ҳолатлар учун ЎЗР ЖКнинг 208-м.сида жавобгарлик белгиланган.

ҲОМИЙЛАР – “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.сида мувофиқ, ҳомийликни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар. Яна қ: *Ҳомийлик*.

ҲОМИЙЛИК – 1) ЎЗР ОКнинг 176-м.сида кўра, Ҳ. ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларга, шунингдек суд томонидан муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан белгиланади. Соғлиғининг ёмонлиги сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ва мажбуриятларини бажара олмайдиган вояга етган муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан ҳомийлик шу шахсларнинг илтимосига биноан белгиланиши мумкин. Яна қ.: *Васийлик ва ҳомийлик*;

2) юридик ва жисмоний шахсларнинг Ҳ. мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти б-н ёки

имтиёзли шартларда беришда, улар учун ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдами (фаолияти) (“Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 3-м.си). “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 4-м.сига мувофиқ, ҳомийлик қуйидаги мақсадларда амалга оширилади: фуқароларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва химоя қилиш, шу жумладан аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилинмаган ва кам таъминланган тоифаларининг моддий аҳволини яхшилаш, ўз жисмоний ёки интеллектуал хусусиятлари, бошқа ҳолатлар сабабли мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошира олмайдиган ҳамда қонуний манфаатларини химоя қила олмайдиган ишсизларни, ногиронларни ва б. шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш; халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўмаклашиш; оиланинг жамиятдаги нуфузи ва ролини мустаҳкамлашга қўмаклашиш; оналик, болалик ва оталикни химоя қилишга қўмаклашиш; таълим, фан, маданият, санъат, маърифат соҳасидаги фаолиятга, шунингдек шахснинг маънавий камол топишига қўмаклашиш; касалликлар профилактикаси ва фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятга, шунингдек соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қўмаклашиш, фуқароларга маънавий-руҳий ёрдам кўрсатиш; жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасидаги фаолиятга қўмаклашиш; аҳолини табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар оқибатларини бартараф этишга, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга тайёрлаш; террорчилик ҳаракатлари, табиий офатлар, экология, саноат ҳалокатлари ёки бошқа ҳалокатлар натижасида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш; маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ҳ. бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Тижорат ташкилотларига, сиёсий партияларга ва ҳаракатларга пул маблағлари ҳамда бошқа моддий маблағлар бериш, ўзга шаклда ёрдам кўрсатиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш Ҳ. ҳисобланмайди. Сайловолди ташвиқоти ва референдумга қўйилган масалалар бўйича ташвиқот мақсадида Ҳ. қилиш тақиқланади. Қонунга зид бўлган ҳар қандай фаолиятни Ҳ. воситасида қўллаб-қувватлаш тақиқланади.

“Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 5-м.сида асосан, юридик ва жисмоний шахслар Ҳ.ни ихтиёрий равишда ҳамда монеликсиз амалга оширишга ҳақли. Юридик ва жисмоний шахслар Ҳ.ни яқка тартибда ёки бирлашиб, Ҳ. ташкилотини ташкил этган ёхуд ташкил этмаган ҳолда амалга оширишга ҳақли. Ҳомийлар ўз Ҳ. хайрияларидан фойдаланиш мақсадлари ва тартибини белгилашга ҳақли.

“Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 17-м.сида кўра, ҳомийлар, кўнгиллилар ҳамда Ҳ. ташкилотлари ЎЗРнинг қонун ҳужжатларида ҳамда халқаро шартномаларида белгиланган тартибда халқаро Ҳ. фаолиятини амалга оширишга ҳақли. Халқаро Ҳ. фаолияти халқаро Ҳ. лойиҳаларида, халқаро Ҳ. ташкилотларининг ишида иштирок этиш, Ҳ. фаолияти соҳасида хорижий шериклар б-н ҳамкорлик қилиш орқали, шунингдек халқаро амалиётда қабул қилинган ҳамда халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига, ЎЗРнинг КоПС.сига ва ЎЗРнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шаклда амалга оши-

рилиши мумкин. Ҳ. ташкилоти чет эл фуқароларидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан ЎзРнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ҳ. хайриялари олиш ҳуқуқига эга.

ҲОМИЙЛИК ДАСТУРИ – “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 11-м.сига мувофиқ, ҳомийлик ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан тасдиқланган ва мазкур ташкилотнинг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган вазифаларни хал қилишга қаратилган тадбирлар мажмуи. Ҳ.д. мўлжалланаётган тушумлар ҳамда режалаштирилаётган харажатлар сметасини (шу жумладан, Ҳ.д.ни амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни) ўз ичига олади, дастурни амалга ошириш босқичлари ва муддатларини белгилайди. Ҳ.д.ларини (шу жумладан, ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларини ва Ҳ.д.ларини амалга ошириш б-н боғлиқ бошқа харажатларни) молиялаштириш учун молия йилида тушган даромадларнинг, қонун б-н рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадларнинг, шу жумладан ҳомийлик ташкилоти таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумларнинг камида 80 %идан фойдаланилиши керак. Ҳ.д.лари амалга оширилаётганда тушган маблағлардан шу дастурларда белгиланган муддатларда фойдаланилади. Яна қ: *Ҳомийлик ташкилоти*.

ҲОМИЙЛИК ОЛУВЧИЛАР – “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ҳомийлик олувчи юридик ва жисмоний шахслар. Яна қ: *Ҳомийлик*.

ҲОМИЙЛИК СУБЪЕКТЛАРИ – “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ҳомийлар, кўнгилдилар, ҳомийлик ташкилотлари, шунингдек ҳомийлик олувчилар.

“Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 13-м.сига асосан, Ҳ.с.нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан қафолатланади. Ҳ.с.нинг ўз ҳомийлик мақсадларини ва амалга ошириш шакллари танлаш эркинлигини чеклашга йўл қўйилмайди.

“Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 15-м.сига кўра, Ҳ.с.га қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилади. Яна қ: *Ҳомийлик*.

ҲОМИЙЛИК ТАШКИЛОТИ – “Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, жамиятнинг, айрим тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш учун тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти.

“Ҳомийлик тўғрисида”ги ЎзР Қонунига асосан, ҳомийлик ташкилотлари жамоат бирлашмаси, жамоат фонди шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Ҳ.т.нинг номи “ҳомийлик” деган сўзни ўз ичига олган бўлиши керак. Ҳ.т.нинг номи бошқа Ҳ.т.ларини айнан бир хил деб ҳисоблашга олиб келиши мумкин бўлган даражада аввал рўйхатдан ўтказилган номга ўхшаб кетадиган бўлса, у рўйхатга олиниши мумкин эмас. Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз номида “ҳомийлик” сўзидан фойдаланишга ҳақли эмас. Ҳ.т.лари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланувчи уюшмаларга (иттифоқларга)

ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин. Ҳ.т.ларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қараб юридик ва (ёки) жисмоний шахслар уларнинг муассислари бўлиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек давлат унитар корхоналари, давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари Ҳ.т.нинг муассислари бўлиши мумкин эмас.

Ҳ.т.ларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда адлия органлари томонидан амалга оширилади. Адлия органининг Ҳ.т.ни давлат рўйхатидан ўтказиши рад этиш ҳақидаги қарори, шунингдек мазкур органининг давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Бинолар, ер участкалари, транспорт, иншоотлар, асбоб-ускуналар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва б. мол-мулк, шунингдек ахборот ресурслари ва ўзга интеллектуал фаолият натижалари ҳомийлик ташкилотининг мулки бўлиши мумкин. Ҳ.т. ўзида бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларига, ташкилотнинг уставига ва ҳомийлик мақсадларига зид бўлмаган ҳар қандай битим тузишга ҳақли.

Ҳ.т. ўз таъминоти (шу жумладан фаолияти б-н боғлиқ барча харажатлари) учун молия йилида ўзи сарфлайдиган молиявий маблағларнинг кўпи билан 20 %идан фойдаланишга ҳақли. Ушбу чеклов ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан қўлланилмайди. Ҳ.т. кўнгилдиларининг ушбу ташкилотдаги фаолияти билан боғлиқ харажатларини (хизмат сафари, транспорт харажатларини ва б. харажатларини) тўлаши мумкин.

ЎзР Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармаларидан Ҳ.т.нинг ҳисобварағига тушган маблағлардан фақат бу маблағларни ажратиш чоғида назарда тутилган ҳомийлик мақсадлари учун фойдаланилади. Ҳ.т.ларига берилган ҳомийлик хайрияларидан фақат ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади ва бу хайриялардан Ҳ.т.ларини сақлаш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

Ҳ.т.нинг мол-мулки бу ташкилотнинг муассисларига ёки аъзоларига бошқа шахсларга сотилиши ёхуд берилишига қараганда қулайроқ шартларда сотилиши ёки берилиши мумкин эмас. Ҳ.т. ўз мажбуриятлари юзасидан қонунда белгиланган тартибда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки б-н жавоб беради.

Ҳ.т.нинг мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилар бўлиши мумкин: Ҳ.т. муассисларининг бадаллари, аъзоликка асосланган Ҳ.т.лари учун эса аъзолик бадаллари; юридик ва жисмоний шахсларнинг пул ва (ёки) б. мол-мулк шаклидаги ҳомийлик хайриялари; акциялар ва б. қимматли қоғозлардан олинган даромадлар; қонун б-н рухсат этилган тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар, шу жумладан Ҳ.т. таъсис этган тижорат тузилмаларидан тушган тушумлар; ҳомийлар ва кўнгилдиларни жалб этиш, шу жумладан ҳомийлик хайриялари йиғиш мақсадида ўтказиладиган кўнгилчолар, маданий, спорт тадбирлари ва б. оммавий тадбирларни ташкил этиш кампанияларини ўтказишда тушадиган маблағлар; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лотереялар ва кимошди савдолари ўтказишдан олинган даромадлар; ЎзР Давлат бюджетини ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Х.т.ни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Х.т. тугатилганда унинг кредиторлар талаблари қаноатлантирилганидан кейин қолган мол-мулкдан ташкилот уставиди назарда тутилган тартибда ёки, агар Х.т.нинг мол-мулкдан фойдаланиш тартиби унинг уставиди назарда тутилмаган ёхуд қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, тугатиш комиссиясининг қарорига биноан ҳомийлик мақсадларида фойдаланилади. Яна қ.: *Ҳомийлик*.

ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ – қ.: *Ҳомийлик*.

ҲОМИЙЛИК ХАЙРИЯЛАРИ – ЎЗР “Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 3-м.сига мувофиқ, ҳомийлик мақсадларига йўналтирилдиған мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари. Яна қ.: *Ҳомийлик*.

ҲОМИЛАДОР ВА БОЛАЛИ АЁЛЛАРНИНГ ЖАЗО ЎТАШ ТАРТИБИ – ЎЗР ЖИҚда ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор маҳкума аёллар учун бир қатор қўшимча имтиёз ва ҳуқуқлар белгиланган. Бундан мақсад – улар учун мумкин қадар юмшоқроқ тартибли шароит яратиб бериш, ҳомиладор ва ёш болали аёллар учун қонунда белгиланган имтиёزلардан фойдаланишлари учун шароит яратишдир.

Маҳкума ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар ЎЗР ЖИҚда маҳкумлар учун назарда тутилган ҳуқуқлардан ташқари муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш, болаларини жазони ижро этиш колониялари қошидаги болалар уйига жойлаштириш, болаларини жойлаштириб келиш ва улар б-н учрашиш учун муассаса доирасидан четга чиқиш ҳуқуқига ҳам эга. Маҳкума аёлларга вояга етмаган болалари б-н муддати беш суткагача бўлган, шу жумладан муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш имконияти б-н, узок муддатли учрашув берилиши мумкин.

Ижобий тавсифга эга маҳкума аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод этилган вақт мобайнида, шунингдек боласи уч ёшга тўлгунга қадар муассаса бошлигининг прокурор тасдиқлаган қарори б-н колония ҳудудидан ташқарида яшашга рухсат этилиши мумкин. Колония ҳудуди доирасидан ташқарида яшайдиган маҳкумалар:

хона типидagi турар жойларда жойлашадилар ва муассаса маъмуриятининг назорати остида бўладилар;

эрталаб ўриндан туришдан кечки ётишгача бўлган вақт мобайнида белгиланган йўналишлар доирасида эркин юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар;

фуқаролар киядиган кийимда юришлари, ёнларида пул ва қимматли буюмлар сақлашлари, пулдан чекланмаган ҳолда фойдаланишлари мумкин;

чекланмаган миқдорда бандерол, посылка ва йўқловлар олиш ҳамда жўнатиш, қисқа муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга. Қисқа муддатли учрашувлар, одатда, ишдан бўш вақтда берилади. Муассаса ҳудуди доирасидан ташқарида яшаш ҳуқуқи жазони ўташ тартиби мунтазам равишда ёки бир марта қўпол тарзда бузилганда, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича ишдан озод қилиш даври тугаганда, бола уч ёшга тўлганда бекор қилинади.

ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒИШ НАФАҚАСИ – ЎЗР МКнинг 286-м.сига мувофиқ, Х. ва т.н. ҳомиладорлик ва туғиш таътилининг бутун даврида тўлиқ иш ҳақи миқдорда тўланади (233-м.).

Х. ва т.н. давлат ижтимоий суғуртаси бўйича тўланадиган нафақаларнинг бир тури бўлиб, уни тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

Аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундаи ортиқ бола туғилган ҳолларда – етмиш календарь кун) муддати б-н ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Х. ва т.н. (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ходим ишдан бўшатилишининг нотўғрилиги ҳақида низо кетаётган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил бериладиганда, нафақа у ишга қайта тикланган тақдирда берилади. Бунда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа аёлини ишга қайта тиклаш тўғрисида қарор чиққандан сўнг, нафақа тўланмаган барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун тўланади.

Олий, ўрта махсус, касб-хуна таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантура ни тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлашга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Болани парваришлаш бўйича таътил даври учун нафақа тариф ставкаси (лавозим маошидан) ва таътил бошланишидан олдинги 12 ой мобайнида олинган мукофотларнинг ўртача ойлик суммасидан ҳисоблаб чиқарилади. Х. ва т.н. иш ҳақининг 100 %и миқдорда берилади (ЎЗР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг буйруғи б-н тасдиқланган Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низо (рўйхат рақами 1136, 14.05.2002 й.).

ҲУДУДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИК ДИНАМИКАСИ – маълум бир ҳудудда, маълум бир муддат давомида содир этилган жиноятларнинг сони, турлари, содир этилиш шарт-шароитлари ва жиноятчиларнинг шахсига оид маълумотлари, шу ҳудудга, худди шундай муддатга тааллуқли олдинги маълумотлар б-н таққослаш натижасида аниқланади. Х.ж.д. жиноятчиликка қарши кураш чора тадбирларини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқишда бошқа омиллар қаторида эътиборга олинади.

ҲУДУДИЙ МУДОФАА – Х.м. ЎЗР Давлат чегарасини ҳимоялаш ва мудофаа қилиш, аҳолини, объектлар ва коммуникацияларни душман хуружларидан, кўпорувчилик ва террорчилик ҳаракатларидан ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун ташкил этилади ва амалга оширилади. Х.м.ни таъминлашга жалб этиладиган кучларнинг вазифалари, ҳамкорликдаги ҳаракатларининг ташкил этилиши ва тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади (“Мудофаа тўғрисида”ги ЎЗР Қонунининг 21-м.си).

ҲУДУДИЙ ЯХЛИТЛИК – бирор давлат, мамлакат ҳудудларининг бир бутунлиги, яхлитлиги; халқаро ҳуқуқларнинг зўрлик б-н ҳудудни парчалаш ёки унинг ҳудудий қисмини босиб олишини тақиқловчи принципларидан (қоида-

ларидан) бири. Хар бир давлат ўз худудининг яхлитлигини муҳофаза қилншга қаратилган чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқига эга. ЎЗР Конс.сига мувофиқ, Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмасдир (3-м.), ЎЗР Куролли Кучлари ЎЗРнинг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини химоя қилиш учун тузилади (125-м.).

ҲУЖЖАТ (лот. documentum – исбот, гувоҳлик; инг. document, deed; нем. legitimation) – ҳуқуқни тасдиқловчи, қандайдир ҳолатга гувоҳлик берувчи иш қогози бўлиб, исботнинг манбаларидан бири ҳисобланади. Ҳ. аниқ мазмунли мавжуд бўлган ахборотни сақлаш ва етказиш учун вужудга келади, зарур реквизитлар: штамп, имзо, муҳр, сана, тартиб рақами ҳужжатнинг элементларидан ҳисобланади.

Аниқ фактларни гувоҳловчи (маълумотнома, гувоҳнома, далолатнома ва х.к.) ёки шахс мақомини белгиловчи (паспорт, лицензия, ташкилот уставн ва х.к.) ҳужжатлар бир-бирдан фарқ қилади.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ – сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши. Ҳ.к. маълум бир жиноятни содир қилиш усулидир. Мас., шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни, молия ҳужжатларн, лицензиялар, патентларни сохталаштириш орқали жиноятчилар ЎЗР ЖКда кўрсатилган айрим жиноятларни содир этадилар. Бу каби жиноятларни содир этишда жиноятчилар субъектив томондан қасдан маълум бир аҳамиятли Ҳ.к., ўзгартириш орқали ўз жиний мақсадларига етишни кўзлайдилар.

Қалбаки ҳужжатлардаги қалбакилаштирилган қисмларни (ўзгартирилган, ўчирилган, ювилган ёки кўшимча ёзув киритилган) физикавий, кимёвий усуллар б-н турли аппаратуралар ёрдамида текширилиб ҳужжатнинг асл матни тикланади. Текширув турли нурлар, шу жумладан, кўзга кўринмайдиган нурларда амалга оширилади.

Ҳ.к. учун ЎЗР ЖКнинг 228-м-сида жавобгарлик белгиланган. Бундан ташқари, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланганлик ҳам жиний жавобгарликка олиб келади. Шунн назарда тутиш лозимки, жавобгарлик хар қандай ҳужжатни қалбакилаштирганлик учун эмас, балки муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатларни қалбакилаштирганлик ёки улардан фойдаланганлик учунгина вужудга келади.

ҲУЖЖАТЛИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – қ: *Қимматли қоғозларни чиқариш.*

ҲУЖЖАТСИЗ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР – қ: *Қимматли қоғозларни чиқариш.*

ҲУКМ – жиноят ишини мазмунан кўриб чиққан биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судининг судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги, унга жазо тайинлаш ёки тайинламаслик ҳақидаги қарори.

Суд Ҳ.ни ЎЗР номидан чиқаради. Ҳ. қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шарт. Ҳ. қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳ. ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф эти-

лади. Ҳ. айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилади. Суд Ҳ.ни фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар б-н асослайди. Суднинг Ҳ.да ифодаланган барча ҳулосалари асослантирилган бўлиши лозим (ЎЗР ЖПКнинг 454-455-м.лари).

Судья Ҳ.ни алоҳида ҳонада, суд эса маслаҳатхонада чиқаради. Бундай пайтда мазкур ҳонада фақат судьянинг ўзи ёки ушбу иш бўйича суд таркибига кирган судьялар ҳозир бўлишлари мумкин. Бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишларига йўл қўйилмайди (ЎЗР ЖПКнинг 456-м.си).

Судьялар маслаҳатлашув вақтида айтилган мулоҳазаларни ошқор қилишга ҳақли эмас.

Суд Ҳ. чиқариш вақтида алоҳида ҳонада (маслаҳатхонада) қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

1) судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатан содир этилганми;

2) бу қилмиш жиноят деб ҳисоблангани ва у ЖКнинг қайси моддасида назарда тутилган;

3) бу қилмишни судланувчи содир этганми;

4) судланувчи жиноят содир этилишида айблими ва башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;

5) судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар борми;

6) судланувчи содир этган жиноятни учун жазоланиши керакми;

7) судланувчига қандай жазо тайинлаши лозим ва у шу жазони ўташи керакми;

8) судланувчини ЎЗР ЖК 34-м.сига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;

9) озодликдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;

10) фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво қимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулккий зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибда жавобгарликка тортилишлари лозимми;

11) фуқаровий даъвони таъминлаш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;

12) ашёвий далилларни нима қилиш керак;

13) процесс чиқимларини қимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

14) судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

15) судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш зарурми.

Суд муҳокамаси жараёнида ЎЗР ЖПК 533-м.сининг биринчи қисми 1–4-бандларида назарда тутилган ҳолатлардан бирортаси аниқланиб қолса, суд Ҳ.нинг ижросини қонунда белгиланган тартибда кечиктириш масаласини муҳокама қилиши шарт (ЎЗР ЖПКнинг 457-м.си).

Суд айблов ёки оқлов Ҳ. чиқариши мумкин.

Айблов Х. тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айб-ли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов Х.га жиноят содир эти-лишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган бар-ча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилликларга барҳам бериш натижасида йиғил-ган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим.

Суд куйидаги ҳолларда жазодан озод қилиб, айблов Х.ни чиқаради, башарти: 1) мазкур Х. б-н судланувчига тайинланган жазони қўллашдан озод қилувчи амнистия акти эълон қилинган бўлса; 2) шахснинг Х. чиққунга қадар камокда бўлган вақти ЎзР ЖК 62-м.сида назарда тутилган дастлабки камокни ҳисобга олиш қондаларини назарда тутиб суд томонидан тайинланган жазо чорасига тенг ёки бу чорадан ортиқ бўлса.

Суд куйидаги ҳолларда жазо тайинламасдан айблов Х.ни чиқаради, башарти: 1) маҳкум содир этган жиноят учун жазо тайинлашни истисно этадиган амнистия акти эълон қилинган бўлса; 2) мазкур жиноят учун айбланувчи тари-қасида ишда иштирок этишга жалб қилиш муддати ўтиб кетган бўлса; 3) Х. чиқариладиган вақтга келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилигини йўқотса ёки уни содир этган шахс ижтимоий хавфли бўлмай қолса; 4) маҳкумнинг тузалиши-га жамоат бирлашмалари ва жамоалар томонидан қўлла-ниладиган жамоат таъсир чоралари ёки маъмурий жазо чо-ралари кўриш йўли б-н эришиши мумкин бўлса; 5) Х. чиқариш вақтигача судланувчи вафот этган бўлса.

Оқлов Х. куйидаги ҳолларда чиқарилади: 1) жинсий ходиса юз бермаган бўлса; 2) судланувчи содир этган қил-мишда жиноят таркиби бўлмаса; 3) жиноят содир этили-шига судланувчи дахлдор бўлмаса (ЎзР ЖПКнинг 462–464-м.лари).

ҲУҚМ ВА АЖРИМ (ҚАРОР) ИЖРОСИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ – ЎзР ЖПКнинг 517-м.сига муво-фик, ЎзР ОСнинг Раиси ва унинг ўринбосарлари ЎзРдаги ҳар қандай суднинг протест билдирилган ҳукми ва ажри-ми (қарори) ижро этилишини келтирилган протест назо-рат тартибида ҳал қилинганга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Қонуннинг очикдан-очик бузилганлигини тасдиқ-ловчи далиллар мавжуд бўлган тақдирда мазкур шахслар жиноят ишини талаб қилиб олиш б-н бир вақтда ҳукм, ажрим ва қарорнинг ижросини то улар юзасидан протест билдирилганга қадар уч ойдан ошмайдиغان муддатга тўхта-тиб қўйишга ҳақлидир.

ҲУҚМ УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ ВА ПРО-ТЕСТ БИЛДИРИШ – ЎзР ЖПКнинг 479-м.сига муво-фик, ушбу Кодекснинг 497², 498 ва 516-м.ларида назарда тутилган процесс иштирокчилари биринчи инстанция су-дининг ҳукми ва ажрими устидан белгиланган тартибда апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш ёки про-тест билдиришга, шунингдек суд қарорларини назорат тар-тибида қайта кўриб чиқишни илтимос қилишга ҳақли. Бу ҳолда улар ўз важларини тасдиқловчи қўшимча матери-аллар тақдим этишлари мумкин.

Апелляция, кассация шикояти, апелляция, кассация ёки назорат протести тушганлиги тўғрисида суд тушган ши-коят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса,

ана шу процесс иштирокчиларига маълум қилади ва айни вақтда мазкур ҳужжатларнинг нуسخасини маҳкумга, жабр-ланувчига ва оқланган шахсга жўнатади. Кўрсатилган шахслар иш б-н, шу жумладан, қўшимча тақдим этилган материаллар б-н тапишишга ҳамда судга ўз эътирозлари-ни билдиришга ҳақлидир.

Апелляция ёки кассация шикояти берган шахс, шунинг-дек берилган шикоят ёки протест кимнинг манфаатларига тааллуқли бўлса, ана шу процесс иштирокчилари суд то-монидан ишнинг кўрилиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

Маҳкум, оқланган шахс, уларнинг химоячилари ва қонуний вакиллари, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ҳамда уларнинг вакиллари ишни апел-ляция инстанциясида кўриш чоғида иштирок этишга ҳақлидир. Мазкур шахслар ишни кассация ва назорат тар-тибида кўриш чоғида ҳам иштирок этишга ҳақлидир, жа-зони ижро этиш муассасасидаги маҳкум бундан мустас-но. Жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумнинг кас-сация ва назорат инстанцияси суди мажлисида иштирок этиши, шунингдек уни суд мажлисига олиб келиш зарур-лиги масаласини суд ҳал қилади. Иш кўриладиган жой ва вақт ҳақида ўз вақтида огоҳлантирилган мазкур шахслар-нинг узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари ишни кўришга монелик қилмайди. Лекин суд маҳкумини, оқлан-ган шахсини, шунингдек жабрланувчинини, фуқаровий даъ-вогарини, фуқаровий жавобгарини ва уларнинг вакиллари-ни тушунтириш бериш учун чақирини мумкин.

ҲУҚМ, АЖРИМ ВА ҚАРОРЛАРНИНГ ҚОНУ-НИЙЛИГИ, АСОСЛИЛИГИ ВА АДОЛАТЛИЛИГИ-НИ ТЕКШИРИШ – суд ҳукми, ажрими ва қарорлари-нинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги апелляция, кассация ва назорат тартибида текширилиши мум-кин. Ишни юқори суд томонидан кўриш:

1) апелляция тартибида – ЎзР ЖПКнинг 497²-м.сида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестларига биноан;

2) кассация тартибида – ЎзР ЖПКнинг 498-м.сида кўрсатилган шахсларнинг шикоятларига ва протестлари-га биноан;

3) назорат тартибида – қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган суд раиси, прокурор ёки улар ўринбосар-ларининг протестларига биноан, янги очилган ҳолатлар муносабати б-н эса, қонунда протест билдириш ҳуқуқи берилган прокурор ёки унинг ўринбосари протестига би-ноан амалга оширилади (ЎзР ЖПКнинг 478-м.си).

ҲУҚМНИ ИЖРО ЭТИШ – ЎзР ЖПКнинг 531-м.сига мувофик, ҳукм, ажрим ва қарорни ижро эттириш уларни қабул қилган суд зиммасига юклатилади. Ҳ.и.э. тўғрисида-ги фармойиш судья ёки суд раиси томонидан ҳукмини ижро этиш мажбурияти юклатилган органга ҳукмнинг нуسخаси б-н биргаликда юборилади. Иш апелляция, кассация ёки назо-рат тартибида кўрилганда ҳукм ўзгартирилган бўлса, ҳукм нуسخасига апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси судининг ажрими ёхуд қарори нуسخаси илова қилинади.

Ҳ.и.э. босқичида маҳкум: судга ҳукмнинг ижросини кечиктириш ҳақида, касаллиги ёки ногиронлиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш ҳақида, жазонинг ўталмай қолган қисмини енгилроқ жазо б-н алмаштириш ва муд-

датидан олдин шартли озод қилиш ҳақида, жазони ижро этиш жойларида сақлаш шаронгларини ўзгартириш ва ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича аризалар беришга; суд мажлисида иштирок этишга ва кўрсатувлар беришга, далиллар тақдим қилишга, илтимослар қилишга ва рад этишга; ишдаги барча материаллар б-н танишишга, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар беришга ҳақли.

ХУКМНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ – ЎзР ЖПКнинг 473-м.сига мувофиқ, суд ҳукми имзолаганидан кейин суд мажлиси залига қайтиб чиқади ва раислик қилувчи ёки халқ маслаҳатчиси ҳукми эълон қилади. Суд мажлиси залида ҳозир бўлганларнинг ҳаммаси, шу жумладан суд таркиби ҳам ҳукми тик туриб эшитадилар.

Ҳукм судланувчи билмайдиган ёки етарлича билмайдиган тилда баён қилинган бўлса, ҳукм эълон қилингандан кейин, таржимон томонидан ҳукм судланувчининг она тилида ёки у тушунадиган бошқа тилда ўқиб эшиттирилади.

Раислик қилувчи судланувчига ва б. тарафларга ҳукмининг мазмунини, ҳукм устидан улар истаги бўйича апелляция ёки кассация тартибда шикоят бериш муддати ва тартибини тушунтиради. Башарти судланувчи фавқулодда жазо чораси – умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган бўлса, унга афв этишни сўраб илтимос қилиш ҳуқуқи ҳам тушунтирилади.

ХУКУМАТ – давлатнинг олий коллегиял ижро этувчи органи. Ҳ. турли мамлакатларда турлича номланиши мумкин: Вазирлар кенгаши (Франция, Италия, Польша), ВМ (Буюк Британия, Ўзбекистон), Давлат кенгаши (ХХР) ва б.. Ҳ. партиясиз, бир партияли ва коалицион бўлиши мумкин. Ҳ.ни тузиш тартиби бошқарув шаклига боғлиқ бўлади. Парламентар мамлакатларда Ҳ.ни давлат бошлиғининг топшириғига биноан бир палатали парламентда ёки икки палатали парламентнинг қуйи палатасида кўпчилик ўринга эга бўлган партия етакчиси (коалицион Ҳ.да – партиялар етакчиларидан бири) тузади. Президентлик республикаларида Ҳ.ни Президент тузади, бунда у тайинлаган Ҳ. аъзоларидан ҳар бири қатор мамлакатларда (Беларусь, Қозғистон, Қирғизистон Республикаларида) парламент томонидан тасдиқланиши керак. Ҳ. аъзолари (вазирлар, лавозимсиз вазирлар, давлат вазирлари, давлат котиблари ва б.) давлат бошқарувининг аниқ марказий идораларига бошчилик қилишади, парламентар республикаларда улар одатда парламент аъзолари бўлишлари керак. Парламентар давлатларда Ҳ. парламент (икки палатали парламентда қуйи палата) олдида коллегиял ҳисобдор бўлади. У янги Ҳ.нинг тузилиши ва парламентнинг унга ишонч билдириши б-н тугалланади ёки парламент тарқатиб юборилиб, муддатидан олдин парламентга сайловлар тайинланади. Федератив давлатларда марказий (федерал) Ҳ. ва федерация таркибига кирувчи давлат тузилмалари (штатлар, музофотлар) Ҳ.лари бўлади. Ҳ. тўла таркибда ишлаши мумкин ёки Ҳ. бошлиғи торроқ хайъатни (махкама – Буюк Британия, Ҳиндистон ва б.да) тузади. Ҳ. ўз таркибидан ёрдамчи ҳукумат кўмиталарини тузиши мумкин. Ҳукумат қарорлари ёки сиёсий кўрсатмалар тусида бўлади ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки қонун лойиҳалари кўринишида (одатда алоҳида вазирликлар томонидан ишлаб чиқилади) расмийлаштирилади ва сўнгра улар парламентга

қиритилади. ЎзР Кодексининг 98-м.сига мувофиқ, ЎзР ВМ ижро этувчи ҳокимиятнинг амалга оширади.

ХУКУМАТ БОШЛИҒИ – давлатдаги ижро этувчи ҳокимиятнинг олий коллегиял органи раҳбари. Ҳ.б. турли мамлакатларда турлича аталishi мумкин: премьер-министр, бош вазир, вазирлар кенгашининг раиси, вазир-раис, давлат вазири, федерал кеншлер ва б.. Ҳ.б.ни лавозимга президентлик республикаларида давлат бошлиғи тайинлайди; парламентар давлатларда, шунингдек аралаш турдаги республикаларда қондага кўра парламент сайловларида галабага эришган партиянинг етакчиси ёки ҳукумат коалициясини ташкил этган партиялар етакчиларидан бири Ҳ.б. лавозимини эгаллайди. Яна қ.: *Премьер-министр*.

ХУҚУҚ – давлат иродасини ифодалайдиган ва уни куч б-н ҳимоя қиладиган умумий мажбурий нормалар мажмуи (тизими). Ҳ. тўғрисидаги бундай тасаввур мамлакатимиз юридик адабиётидагина эмас, хорижий юридик адабиётида ҳам жуда кенг тарқалган.

Ҳ.ни ижтимоий ҳодиса ва тушунча сифатида таҳлил этишда, унинг қуйидаги белгилари ва хусусиятлари алоҳида ажратиб кўрсатилади.

Ҳ. аввало феъл-атвор нормалари ёки қондалари мажмуаси, аниқроқ қилиб айтганда тузилмасидир. Булар нормаларнинг тасодифий йиғиндиси эмас, балки муайян феъл-атвор қондаларининг қатъий синовдан ўтказилиб, тартибга солинган мажмуасидир. Ҳар қандай тизим каби у ҳам бир тартибга солинган, ўзаро боғланган ва бир-бири б-н ҳаммоҳанг амал қиладиган элементлар (унсурлар)дан ҳосил бўлади. Ҳ. нормалари ёки феъл-атвор қондалари ҳам худди шундай бўлади. Тизим ички томондан яхлит ва зиддиятсиз бўлиши керак. Унинг айрим таркибий унсурлари – нормалари ўртасида вужудга келадиган алоқалар нормаларнинг ўзи каби тартибга солувчилик вазифаларини ва б. вазифаларни бошқаришга, ягона мақсадга эришишга қаратилиши керак.

Ҳ. – давлат белгилаб қўйган ёки ижозат берган нормалар тизими. Кўпдан-кўп турли ижтимоий нормалар мавжуд, аммо фақат ҳуқуқий нормаларни давлат белгилаб беради. Бошқа нормаларнинг ҳаммаси турли нодавлат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, партиялар, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан белгиланади ва ривожлантирилади.

Ҳуқуқий ҳужжатлар референдум йўли б-н ҳам қабул қилиниши мумкин.

Ҳ. доимо унинг асоси бўлмиш давлат иродасини ифодалайди, унинг иродаси эса ўз навбатида, мамлакатимиз ва чет эл юридик фапидаги концепцияларга биноан, ҳукмрон гуруҳ, жамият, халқ ёки миллат иродасини мужасамлаштиради.

Давлат ва Ҳ.нинг мавжудлиги ҳамда фаолият юртишидаги жаҳон тажрибасидан маълумки, Ҳ.да аввало ҳукмрон юкори табақанинг иродаси ифодаланади. Шу б-н бирга, ҳукмрон юкори табақа ижтимоий портлашлардан ва ўзининг имтиёзли мавқеини йўқотиб қўйишдан хавфсизлаб, кўпинча қўл остидагиларнинг иродаси ва манфаатлари б-н ҳисоблашишга мажбур бўлиши ҳам инкор этиб бўлмайдиган ҳолатдир.

Ҳ. умумий мажбурий характердаги нормалар ёки феъл-атвор қондалари тизимидан иборат. Умумий мажбурий де-

ган тушунча ҳуқуқ нормаларида баён этилган талабларнинг жамият барча аъзолари томонидан албатта бажарилишини билдиреди. Бу тушунча X. нормаси б-н бирга вужудга келади, у б-н бирга ривожланади ва ўзгариб боради.

X. давлат томонидан ҳимоя қилинади ва таъминланади, ҳуқуқ нормаларида баён этилган талаблар бузилган тақдирда, давлатнинг мажбурлаш чоралари б-н қўллаб-қувватланади. Давлат ўзи чиқарадиган ёки ижозат берадиган ҳужжатларнинг тақдирига бефарқ қарай олмайди, уларни амалга оширилиши учун барча шароитни яратади, уларни бузилишдан ҳимоя қилади ва уларни қафолатлайди. Давлатнинг мажбурлаш чоралари бу борада кенг фойдаланиладиган усуллардан биридир. Бу усул фақат қонун доирасида ва асосида, шунингдек қонунда назарда тутилган процессуал қоидаларга мувофиқ равишда ҳаракат қиладиган ва бунинг учун ваколат олган органлар томонидан қўлланилиши лозим.

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ УНИВЕРСАЛ ЎТИШ НАЗАРИЯСИ – халқаро ҳуқуқнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар эски суверендан янги сизга истисносиз ва ўзгаришсиз ўтишини таъкидловчи назария. Ушбу назария XVII–XIX а.ларда халқаро ҳуқуқ доктринасида ҳукмрон бўлган, Рим мерос ҳуқуқидан келиб чиққан ҳамда давлат ва хусусий шахснинг ўхшашлигига асосланган. Мазкур назарияга кўра, меросда вафот этган шахснинг мулкӣ-ҳуқуқӣ шахсияти ўз ифодасини топган ва шу бонс ҳам мерос қолдирувчи шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг меросхўрга тўлиқ ўтиши белгиланган. Бу назария тарafdорлари орасида Г.Гроций, Пуффендорф, Ваттел ва б. бор. X. ва м.у.ў.н.нинг бошқа талқини ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтиши чоғида уларнинг бир эгаси иккинчисига алмашади, аммо ҳуқуқларнинг ўзи ўзгармайди, улар бошқа субъектга тегишли бўлса-да, узлуксиз мавжуд бўлади (М. Хубер ва б.). Ҳозирги вақтда X. ва м.у.ў.н.ни кўпчилик назарнётчилар ва халқаро амалиёт рад этади.

ҲУҚУҚ ИЖОДҚОРЛИГИ (инг. legislation) – ҳуқуқӣ нормаларни ўрниатиш, ўзгартириш ёки бекор қилишдан иборат бўлган давлат функциясини амалга оширишнинг бир шакли. Ушбу нормалар юридик шаклда ёки ҳуқуқ манбаларида ўз акси ва ташқи кўринишини топади.

X.и. ўзининг ижтимоий моҳияти бўйича давлат иродасини қонун даражасига кўтариш, уни турли юридик ҳужжатларда расмийлаштириш ҳамда унинг мазмунидаги ҳуқуқатвор қоидаларига – давлат хоҳишини (истагини, амрини) – мажбурлов хусусиятини сингдириш сифатида намоён бўлади. У норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ўзгартириш ёки тўлдиришлар киритиш бўйича ваколатли давлат органларининг фаолиятларини қамраб олади.

Ҳар бир давлатда X.и. ўзига хос хусусиятларга эга. Бироқ, барча жойларда у жамиятдаги турли хил муносабатларни тартибга соладиган, ягона ва бир-бирга қарама-қарши келмайдиган нормалар тизимини яратиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган.

X.и. ҳуқуқни вужудга келтириш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқни шакллантириш ўз ичига фақат бевосита X.и.ни эмас, балки унга тайёргарлик жараёнини ҳам қамраб олади. Ушбу жараён чиқарилаётган ҳужжатларнинг сифатини ошириш тақозоси давлат органларининг бевосита X.и. фаолияти даражасининг

шакллапиши ҳамда у ёки бу норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатни яратишда тайёргарлик ишларини олиб боришни ўз ичига қамраб олади. Жамият ҳаётининг юридик талабларига мослиги (бир хиллиги, тенглиги) унинг самарадорлигини белгилайди. Шунинг б-н бирга у ёки бу норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатни тайёрлаш, қабул қилишда кўмаклашаётган ёки тўсиқ бўлувчи омиллар доирасини аниқлаш муҳимдир. Чунки, турли хил норматив-ҳуқуқӣ ҳужжатларда мавжуд бўлган ҳуқуқ нормаларининг талабларини амалга оширганда ижобий ва эҳтимоли бўлган салбий оқибатларни олдиндан айтиб бериш учун зарур.

X.и. жамият ва давлатнинг ҳуқуқӣ эҳтнёларини англаш ва баҳолаш, тегишли жараёнлар доирасида ваколатли субъектлар томонидан ҳуқуқӣ ҳужжатларни шакллантириш ва қабул қилиш жараёни сифатида кўриб чиқилади. Мазкур талқинда бир нечта элементлар мавжуд бўлади: ҳуқуқӣ тартибга солишни талаб этувчи ёки рухсат берувчи ходиса ва жараёнларни билиш, ўрганиш ва таҳлил этиш; ҳуқуқӣ ҳужжатларни қабул қилишга ваколатли бўлган орган ёки бошқа субъектларни аниқлаш; назарда тутилаётган ҳужжатнинг шаклини таплаш; тегишли тартиб доирасида ҳужжатни тайёрлаш, қабул қилиш ёки ўзгартириш.

Ҳуқуқӣ ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш қоидалари фақат формал жараён сифатида талқин этилмаслиги лозим. Қоидаларнинг мазмуни, ҳуқуқӣ ҳужжатларнинг юқори сифат ва самарадорлигига йўналтирилган ўргатувчанлик жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Унинг кўмагида ички, туб моҳиятли жамиятнинг алоқа ва муносабатлари акс эттирилади. Ҳуқуқӣ ҳужжатнинг норматив асоси ифодаланган 5 та юридик принципларни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) ҳужжатнинг фақат ваколатли орган томонидан қабул қилиниши; б) ҳужжатларнинг қонунда назарда тутилган асослар бўйича қабул қилиниши; в) ҳужжатнинг ўрнатилган шаклини танлаш; г) ҳужжатларнинг ҳуқуқӣ тизимда уларнинг юридик кучи бўйича ўзаро бўйсинувчанлиги; д) ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш тартибига риоя қилиш.

X.и. омилларини 3 гуруҳга ажратиш мумкин: ҳуқуқӣ тартибга солиш предметини аниқловчи; ҳуқуқ ижодқорлиги фаолияти иштирокчиларининг позициясини ифодаловчи; юридик факторнинг ўзи.

X.и. жараёнининг кўйидаги босқичлари мавжуд: а) ҳуқуқӣ тартибга солишни талаб этувчи ижтимоий ходиса ва жараёнларни ўрганиш ва таҳлил этиш; б) ҳуқуқӣ қарор қабул қилишга ваколатли орган ҳамда ҳуқуқӣ ҳужжат турини аниқлаш; в) ҳуқуқӣ ҳужжат тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиш; г) яратилиши лозим бўлган ҳужжатнинг концепциясини, асосий ғоясини ишлаб чиқиш ва таҳлил этиш; д) ишлаб чиқувчи ишчи гуруҳ, орган томонидан ҳуқуқӣ ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш; е) ҳужжат лойиҳасини олдиндан кўриб чиқиш; ж) лойиҳани жамоатчилик эътиборига хавола этиш; з) зарур процедура-ларга амал қилган ҳолда тегишли орган томонидан ҳуқуқӣ ҳужжатни расмий муҳомамадан ўтказиш; и) ҳуқуқӣ ҳужжат лойиҳасини қабул қилиш, уни расмийлаштириш, имзолаш ва қонуний кучга киритиш.

X.и.нинг ушбу жараёнга риоя этилиши ҳуқуқӣ ҳужжат ҳаракатининг ташқи доирадаги ҳаракатланишига амал

килиш имконини беради, яъни ҳужжат қабул қилиш ҳақидаги фикр тугилишидан то унинг қабул қилинишигича. Бу эса, нормалар ва ҳуқуқий ҳужжатларни тегиншли маън б-н тўлдирish ва уларга куч ато этувчи таркибий функционал-позитив жараён ҳисобланади. Ушбу мақсадга етишишга Ҳ.н.нинг заминини яратувчи ҳамда узок ва қисқа муддат давомида тўғри амал қилишга кўмаклашувчи принциплари хизмат қилади. Уларга қуйидагилар қиради: а) илмий принцип – илмий анализ, фан ютуқлари усулларидан фойдаланишни ифодалайди; б) қонунийлик принципи – ҳуқуқ субъектларининг ваколатлари ва қонда жараёнларига риоя қилиниши, ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва нормаларининг иерархик катъий ҳисобини юритишни ифодалайди; в) демократизм принципи – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамиятда қўллаб-қувватлашнинг ҳисобини юритиш, ижтимоий манфаатларни ўрганиш ва Ҳ.н.ни қўллаш соҳасида уларнинг намоён бўладиган имкониятларини ифодалайди.

Ўзбекистонда ва б. давлатларда Ҳ.н.нинг амалиётни жиддий қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлар келиб чиқишидан гувоҳлик бермоқда. Ҳ.н.да кўпгина хатолар юзага келмоқда, улар жумласига: билиш б-н боғлиқ, яъни келиб чиқадиган муносабатни ҳуқуқий бошқаришда нотўғри баҳо бериш; таркибий маъно б-н боғлиқ, яъни ҳуқуқнинг таъсирчанлигига восита ва усулларнинг етарли эмаслиги; маълумот б-н боғлиқ, яъни лойиҳани етарли даражада асосламаслик. ҳужжат шаклини нотўғри танлаш; жараён б-н боғлиқ, яъни ҳужжатни тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнининг бузилиши; ижтимоий ҳаёт б-н боғлиқ, яъни жамоат фикрини ҳисобга олмаслик ва фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат органлари; подаълат нотижорат ташкилотлар ва хўжалик субъектлари томонидан ҳужжатлар идрок қилинишининг имконияти.

Ҳуқуқий ҳужжатларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги умумий жараёнда Ҳ.н.ни қуйидагича ажратиш мумкин: қонун ижодкорлиги, қонуности Ҳ.н., маҳаллий давлат ҳокимиятининг норма ижодкорлиги, тўғридан-тўғри, бевосита Ҳ.н., шартномавий норма ижодкорлиги, локал норма ижодкорлиги.

ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ – турдош ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва ҳуқуқнинг муайян тармоғи таркибига кирувчи ҳуқуқий нормаларнинг алоҳида гуруҳи. Бирок айрим ҳолларда айни бир хил ижтимоий муносабатлар турли тармоқларнинг нормаларни б-н тартибга солинади. Бундай ҳолларда ҳуқуқнинг икки ёки ундан ортиқ тармоғи нормалари Ҳ.н.ни ташкил этиши мумкин (улар тармоқлараро инс.лар деб юритилади).

Содда ва мураккаб Ҳ.н.ларни фарқлашди. Содда Ҳ.н.ларни ихчамлиги б-н ажралиб туради ва бўлимларга эга бўлмайди. Мураккаб ёки комплекс Ҳ.н. эса анча йирик бўлади ва субинститутлар деб номланадиган инсбатан кичик муस्ताқил тузилмаларни ўз ичига олади.

ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ – қ: *Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати.*

ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ – ҳуқуқий нормаларнинг мустаҳкамланиш (ташки ифода) шакли. Ҳ.н.нинг асосий турларин ҳозирги замон ҳуқуқий тизимида қуйидагилар: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳуқуқий одатлар, суд прецедентлари, шунингдек халқаро шартномалар ва ички давлат шартномалари (норматив мазмунидаги шартномалар). Нор-

матив-ҳуқуқий ҳужжатлар одатда қонушларга, ижроия ҳокимияти (органлари) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (органлари) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига бўлинади. Ўз навбатида, қонушлар муҳимлиги жиҳатидан, конституциявий, органик ва жорий қонушларга бўлинади. ЎзРда ҳуқуқ манбалари: ЎзРнинг Конс.си, қонушлари, ЎзР Президентининг фармонлари ва қарорлари, ЎзР ҳуқуқ-матн қарорлари, ЎзР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, ЎзРнинг халқаро шартномалари ва битимлари ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасида ҳуқуқ манбаи сифатида норматив ҳужжатлардан ташқари ҳуқуқий одатлар, суд прецеденти (аниқ ҳолат бўйича кучга кирган суд қарори), халқаро шартномалар ҳам эътироф этилади.

ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ – ҳуқуқ нормаларининг мазмуни, мақсади ва моҳиятини аниқлаш ва тушуниришга йўналтирилган фаолият. Шарҳлаш ҳуқуқни билишнинг иккиёқлама жараёни бўлиб, улар – аниқлаб (аниқлаб) олиш ва тушуниришни ўз ичига олади. “Шарҳлаш” атамаси – маъноси бўйича лотинча “интерпретация” тушунчаси б-н бир хил. Ҳуқуқни шарҳлаш б-н шуғулланувчи шахс эса интерпретатор, яъни шарҳловчи деб аталади. Ҳуқуқни шарҳлаш – унинг маъносини, мақсади, ижтимоий аҳамияти ва амалий қимматини билиш ва тушуниришдан иборат.

Шарҳлашнинг бош мезони аниқлашдир. “Шарҳлаш-аниқлаш” шарҳловчи онгидан ташқарига чиқмайдиган билишнинг ички тафаккур жараёнидир. У шарҳлашнинг гносеологик, яъни билишга хос табиатини белгилайди. Ҳуқуқ маъносини муайян даражада аниқлаб олиш шарҳлашнинг махсус усул ва услубларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Ҳуқуқий нормаларни аниқлаш шарҳловчининг ижодий, ақлий-иродавий фаоллигини тақозо этади. Шарҳлашни амалга оширувчи субъектлар юридик маданияти қанчалик юқори бўлса, бу фаоллик шунчалик муваффақиятлан бўлади. Ҳуқуқни амалга оширишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уни тўғри, тўла ва юридик жиҳатдан аниқ билиб олишга боғлиқ.

“Шарҳлаш-тушунириш” ҳуқуқнинг билиб олинган маъносини баён этиш ҳамда бошқа шахслар эътиборига етказиш фаолиятидан иборат. Албатта, бу фаолият шарҳловчи “ўзи учун” ҳуқуқ маъносини аниқлаб олганидан кейингина олиб борилиши мумкин. У олдин келувчи мулоҳаза, тушунириш, хулоса шаклидаги билиш фаолиятини очиб беради, “аниқлаштиради”. Тушунириш, биричидан, шарҳлашнинг ақлий-иродавий жараёни сифатида, иккинчидан, шу жараён натижаси сифатида шарҳланаётган ҳужжатлар (қарор, тушунириш, йўриқнома ва х.к.) қўрилишида намоён бўлади. Тушуниришнинг мақсади – ҳуқуқий талабларни аниқлаштириш йўли б-н шарҳланаётган нормалар маъносини сўзлар ёрдамида асослаш, улар мазмунини кўшимча аниқлик даражасигача кенгайтириш демакдир.

Шундай қилиб, Ҳ.н.ш.ли ҳуқуқ нормаларини энг тўғри ишлатиш мақсадида улар маъносини аниқлаш ва тушунириш бўйича ақлий-иродавий фаолият сифатида тасаввур этиш мумкин.

Шарҳлаш қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширилади: грамматик (филологик); тизимли; маънавий; тари-

хий-сиёсий; функционал; махсус-юримдик. Грамматик усул – бу норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва матнини грамматик-филология ва тил қондаларига асосан таҳлил қилиб беришдир. Тизимли усул – бунда ҳуқуқ нормасининг мазмуни бошқа ҳуқуқ нормалари б-н солиштирилиб, унинг тегишли ҳуқуқ соҳаси нормалар тизимидаги ўрни ва аҳамияти аниқланади. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизими уни қабул қилувчи орган томонидан ушбу ҳужжатни яратиш учун асос бўлган қондага қатъий риоя этган ҳолда белгиланади, бинобарин, ҳуқуқ нормаси тизимда жойлашишига қараб муайян вазиятларда унинг ҳақиқий мазмунини тушуниш мумкин. Мантқиқий усул – бу норматив ҳуқуқий ҳужжатларни мантқиқ фаннинг қондалари асосида шарҳлашдир. Ҳ.н.ш.нинг мантқиқий усули ҳуқуқий воқеа-ҳодисаларни билишда расмий ва диалектик мантқиқдан фойдаланишдан иборат бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжат қисмлари ўртасидаги ички алоқалар, ҳуқуқий кўрсатмаларнинг мантқиқий таркиби тадқиқотлар объектига айланади. Бунда грамматик таҳлил воситалари б-н бир қаторда мантқиқий қонулар, принципалар ва категориялардан мустақил фойдаланилади. Ушбу усулда, энг аввало, ҳуқуқ нормасининг ички тузилиши, унинг уч элементи – гипотеза, диспозиция, санкциянинг ўзаро алоқадорлиги аниқланади ва келиб чиқиши мумкин бўлган мантқиқий зиддиятлар бартараф этилади. Тарихий-сиёсий усул – ҳуқуқ нормасини қабул қилиш жараёнидаги муайян тарихий ва сиёсий шарт-шароитларни таҳлил қилиш ёрдамида шарҳлаш тушунилади. Бунда шарҳланаётган норма мазмунини илгари амалда бўлган норма б-н қиёслаш ёки уни ишлаб чиқиш б-н боғлиқ тайёрлов материалларини ўрганиш зарурати туфайли пайдо бўлган шароитда қўлланилади. Мас., у ёки бу конституциявий норманинг маъноси ва мазмуни давлат Конс.сини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнини ақс эттирувчи ҳужжатларни ўрганиш орқали аниқланади. Функционал усул – ҳуқуқ нормаси татбиқ этиладиган шарт-шароит ва омиларга асосланиб қилинадиган шарҳлаш. Махсус-юримдик усул – махсус юримдик билмлар асосида қопунчиликда қўлланилган юримдик атамаларининг мазмунини тушунириб бериш тушунилади.

Шарҳлаш тушунириш субъектларига кўра иккига бўлинади: Расмий шарҳлаш ва норасмий шарҳлаш. Расмий шарҳлаш – ваколатли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган ва барча субъектлар учун мажбурий бўлган шарҳлаш туридир. Расмий шарҳлаш норматив ва казуал (чигал) кўринишларда бўлади. Норматив шарҳлаш – бу субъектларнинг муайян доираси томонидан амалга ошириладиган расмий шарҳлашнинг бир тури бўлиб, у умумий кўрсатмалар характерида эга. Норматив шарҳлаш орқали янги норма яратилмайди, фақат амалдаги нормалар мазмунини тушуниради. Норматив шарҳлаш ҳуқуқ нормаларини тушуниш ва қўллашда бир хилликка эришиш мақсадида қўлланилади. Норматив шарҳ ҳуқуқнинг расмий манбаи сифатида эътироф этилмасида, у мажбурий аҳамият касб этади. Бунга ЎзР ОС Пленумининг қарорлари ҳамда қонун нормаларини шарҳлаш ҳақида ЎзР КСнинг қарорларини мисол қилиш мумкин. Норматив шарҳлаш икки кўринишда тасниф этилади: аутентик шарҳлаш (ҳужжатни чиқарган орган томонидан амалга оширилади) ва легал шарҳлаш (ваколатли субъект томонидан берилади). Казуал шарҳ-

лаш – бу алоҳида белгиланган ижтимоий муносабатларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқнинг аниқ нормалари расмий тушуниришда ифодаланади. Казуал шарҳлаш расмий шарҳлашнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади. Казуал – тасодиф, ҳаётний ходиса, демак, казуал шарҳлаш турмушдаги муайян воқеа-ҳодисага нисбат бериладиган тушуниришдир. Кўпинча бу суд ва б. ваколатли органлар томонидан шароит ва шахсларга нисбатан кўриб чиқиладиган ва ҳал этиладиган юримдик ишлар юзасидан бериладиган ҳуқуқни шарҳлашдир. Норасмий шарҳлаш – умум-мажбурий юримдик аҳамиятга эга бўлган ва махсус ваколат берилмаган шахслар (органлар) томонидан амалга ошириладиган шарҳлаш тури. Норасмий шарҳлашнинг илмий (доктринал), малакали (профессионал), ва оддий кўринишлари мавжуд. Илмий (доктринал) шарҳлаш – бу ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар томонидан амалга ошириладиган ва илмий аҳамиятга эга бўлган норасмий шарҳлаш тури. Булар – ҳуқуқшунос олимларнинг мақолалари, монографиялари ва аҳоли олдидagi оғзаки чиқишларидир. Бундай тушуниришларнинг ўзига хос хусусияти уларнинг ишончлилиги, илмий ёндашувларга асосланганлиги ва шарҳ эгаси бўлган шахс обрўсидадир. Амалиётчи-юримдиклар учун мажбурий бўлмасида, бундай тушуниришлар, ҳуқуқ нормаларини тушуниш ва қўллаш жараёнида бир хилликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Малакали (профессионал) шарҳлаш – бу амалиётчи юримдиклар томонидан (адвокат, ҳуқуқшунос-маслаҳатчи ва х.к.) амалга ошириладиган шарҳлаш тури. Оддий шарҳлаш – махсус ҳуқуқий билгимга эга бўлмаган шахс томонидан ҳуқуқни англаш ва тушуниришдир.

Ҳуқуқ нормаларини ҳажм жиҳатидан шарҳлашнинг куйидаги кўринишлари мавжуд: айнан (адекват) шарҳлаш, чекланган шарҳлаш, кенгайтирилган шарҳлаш. Ҳуқуқни айнан шарҳлаш шарҳланаётган ҳуқуқ нормаси маъносини тушуниш ҳуқуқ манбаи матнига тўлиқ мос келишида ўз ифодасини топади. Бундай шарҳлашнинг натижаси ҳуқуқий буйруқнинг сўзлардаги ифодасига тўлиқ мос келади. Яъни, “қонун шакли б-н мазмуни” бир-бирига тўғри келганлиги яққол намоён бўлади. Чекланган шарҳлашда норма мазмуни унинг матндаги ифодасидан торроқ бўлиши мумкин. Кенгайтирилган шарҳлашда қўлланиладиган ҳуқуқий норманинг мазмуни, унинг ёзилган матнига нисбатан кенгрок шарҳланади. Бундай шарҳлаш турида ҳуқуқ нормасининг матни шарҳ мазмуни б-н мос келиши лозим. Кенгайтирилган шарҳлаш асослантирилган ва ўз исботига эга бўлиши лозим. Ақс ҳолда бундай шарҳлашга йўл қўйилмайди.

ҲУҚУҚ НОРМАСИ – “Норма” сўзи, латинчадан таржима қилинганда, “қоида”, “намуна” маъносини англатади. Ҳ.н. – давлат томонидан белгиланадиган, қафолатланадиган ва амалга ошириладиган барча учун мажбурий ҳулқ-атвор қондаларидир.

Ҳ.н. умумий ҳулқ-атвор қондаси сифатида: 1) ҳаётний муносабатлардаги типик, такрорланиб турадиган нарсаларни умумлаштириш зарурати натижасида шаклланади; 2) кўп марта қўллашга мўлжалланган бўлади; 3) ҳамиша қандайдир умумий белгиларга эга бўлган шахслар (ҳарбий хизматчилар, врачлар ва х.к.)га қаратилган бўлади. Ҳ.н. давлат б-н узвий алоқадордир. Ҳ.н.: а) давлатнинг, халқнинг иродасини ақс эттиради; б) давлат томонидан норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатларда шакллантирилади; в) давлатнинг иродаси сифатида намоён бўлади; г) давлат томонидан муҳофаза қилинади; д) давлат нуктаи назаридан энг муҳим бўлган ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди.

Ҳ.н.нинг асосий вазифаси – ижтимоий муносабатларни тартибга солиш. Ҳ.н. умуммажбурий хусусиятга эга. У ҳуқуқ тизимидаги бирламчи ҳужайрадир. Ҳуқуқ алоҳида нормалар, ҳуқ-атвор қондаларидан ташкил топган. Улар биргалликда у ёки бу давлатнинг ҳуқуқий тизимини ташкил этади.

ҲУҚУҚ САМАРАЛИЛИГИ – ҳуқуқий таъсир натижаси. У, авваламбор, ҳуқуқий нормаларнинг ҳақиқий (фактик) таъсири натижалари ва бу нормаларнинг эълон қилинишига эришишдек ижтимоий мақсад ўртасидаги муносабатлар б-н тавсифланади.

Ҳуқуқнинг ижтимоий самарадорлигини баҳолаш ҳуқуқнинг “сифат” б-н боғлиқ хусусиятидан келиб чиқади. Авваламбор, Ҳ.с. шунда акс этадики, бунда ҳуқуқнинг тартибга солувчи сифатидаги стратегик мақсадига эришилади – жамият ҳаётида уюшқоқлик ва тартиб таъминланади. Ана шунда ҳуқуқ ижтимоий самаралилигининг умумий кўрсаткичи сифатида унинг ижтимоий натижага эгаллиги, ижтимоий ҳаётни ташкил этишдаги қимматли самараси ва шу аснода қонунийлик ҳолати, ҳуқуқ-тартибот даражаси намоён бўлади. Айни чоғда ҳуқуқнинг ижтимоий самаралилигини миқдорий жиҳатдан ҳам баҳолаш мумкин. Айтилиши, ҳуқуқ ижтимоий самаралилигининг бир қатор мезонларини аниқлашда муайян нормалар зарур самарага амалда эришган ёки эришмагани ҳақида гувоҳлик берувчи кўрсаткичлардан фойдаланилади. Айниқса, бунда ҳуқуқий нормаларнинг бевосита, узвий мақсади самаралилигини баҳолаш мезони, андозаси ҳисобланади.

Ҳуқуқий нормаларнинг бевосита мақсадларини уларнинг ҳақиқий амал қилиш натижалари б-н таққослаган ҳолда, самаралилигини миқдор жиҳатдан, математик жиҳатдан ўлчаш мумкин бўлади. Олинган математик натижа ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Салбий натижа ҳуқуқнинг ижтимоий самаралилиги мавжуд эмаслигидан далолат беради. Ҳақиқий самаралилигини аниқламай туриб ижтимоий самаралилигини ҳам аниқлаб бўлмайди. Шу б-н бирга, ижтимоий самаралилик ҳақиқий самаралилигини ўлчаш б-н чегараланмайди. Ҳ.с.ни сифат жиҳатидан баҳолашда эса, ҳақиқий самаралилик б-н бирга, асосланганлик ва мақбуллик, фойдалилик ва тежамкорлик каби мезонлардан фойдаланилади.

Ҳуқуқ ижтимоий самаралилигининг асосий ялпи кўрсаткичларидан бири давлат органлар ишининг натижаллиги, юридик масалаларни ҳал этишдаги камчилик ва қийинчиликлар намоён бўлган юридик амалиётнинг ҳолати, органларнинг ҳақиқий имкониятларидир.

Умуман, Ҳ.с. муаммоси юридик жиҳатдан юридик шаклнинг натижаллиги сифатида кўриб чиқилади. Ҳуқуқий тартибга солиш натижаси ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари самаралилигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмига киритилган ушбу ҳужжатлар унинг аниқ ишлашини таъминлашга қаратилган бўлади. Ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари ҳуқуқ нормаси олдида турган аниқ ва истиқболдаги мақсадларга эришиш учун муҳим восита ҳисобланади.

ҲУҚУҚ СОЦИОЛОГИЯСИ – ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ феноменининг намоён бўлишини, жамиятдаги муносабатларга ҳуқуқнинг таъсири, омманинг дунёқараши ва ҳаёт тарзида юридик билимларнинг ўрни аҳолининг ҳуқуқий маданияти динамикасини ўрганувчи илм соҳаси. Жамиятнинг ҳуқуққа, қонунларга, парламент фаолиятига муносабатларини ўрганиб, билиб бориш Ҳ.с.нинг асосий вазифасидир.

ҲУҚУҚ СУБЪЕКТИ – қонунчиликка кўра юридик мажбуриятларга эга бўлиш ва уларни бевосита ёки вакил орқали бажариш ҳуқуқига эга бўлган (жисмоний ва юридик) шахс, давлат органи ёки ўзини ўзи бошқариш тузилмалари. Ҳозирги юридик адабиётларда “Ҳ.с.” тушунчаси кўпинча “субъект” ёки “ҳуқуқий муносабатлар субъекти” тушунчасининг синоними сифатида қўлланилади. Амалда ким ва қайси шароитларда Ҳ.с., бинобарин, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси бўлиши мумкинлиги, у қандай хусусиятларга эга бўлиши лозимлигини фақат давлат белгилайди. Шахсга ёки ташкилотга Ҳ.с. бўлиш имкониятини берадиган алоҳида юридик хусусият ёки хосса фақат қонун б-н белгиланиши ва эътироф этилиши мумкин. Мазкур хусусият ёки хосса ҳуқуқ субъектчилиги деб аталади. Уни ўзбошимчалик б-н белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкин эмас, у хусусий шахслар ва ташкилотларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмайди. Ўз таркибий бўғинлари – ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати сингарини, у фақат объектив ҳуқуқ ёрдамида юзага келади, ўзгартирилади ёки тугатилади.

ҲУҚУҚ ТАРМОҒИ – ҳуқуқ тизимидаги турдош ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, тартибга солиш методи ягона бўлган ҳуқуқий нормаларнинг йирик гуруҳи. Ҳ.т., ўз навбатида, бир неча кичик тармоқлардан ташкил топади. Ҳуқуқнинг барча тармоқларини, мазмунига кўра, икки турга ажратиш мумкин: 1) моддий ҳуқуқ тармоқлари (маъмурий ҳуқуқ, меҳнат ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, экология ҳуқуқи ва бошқалар); 2) давлат органлари, мансабдор шахслар томонидан моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш қондаларини ўз ичига олувчи процессуал ҳуқуқ тармоқлари (фуқаролик-процессуал ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи, ҳўжалик-процессуал ҳуқуқи ва б.).

ҲУҚУҚ ТИЗИМИ – ички бирлик ва тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятига кўра фарқ қилиши б-н характерланадиган бир-бири б-н ўзаро боғлиқ юридик нормалар, инс.лар ва соҳалар мажмуи. Ҳ.т. деганда, реал мавжуд, ривожланаётган ижтимоий муносабатларнинг акси сифатида объектив равишда тартибга келтирилган, ҳуқуқ тизимининг аниқ ички тузилиши (қурилиши, ташкилий тузилиши, қисмларининг жойлашиши) тушунилади. У қонун чиқарувчининг ихтиёрий қароши натижаси, ўзига хос амалдаги воқеликнинг “изи”, жамият, давлатнинг ижтимоий тузилиши, охир оқибатда у ёки бу ҳуқуқ тизимини, унинг соҳаларини, инс.ларини, бошқа бўлинмаларини аниқлаштиради. Ҳуқуқ тизими ҳуқуқнинг қайси қисмлар, элементлардан ташкил топганини ва улар ўзаро қандай муносабатдалигини кўрсатади.

Қуйидагилар Ҳ.т.нинг ички тузилиши элементлари ҳисобланади: а) ҳуқуқ шартномаси; б) ҳуқуқ соҳаси; в) ҳуқуқнинг кичик соҳаси; г) ҳуқуқий инс.; д) кичик инс..

Тизимлилик – ҳуқуқ барча типларнинг умумий хусусиятидир, айни вақтда ҳуқуқ нормаларини тизимлаштириш

эса бундай ҳисобланмайди. Ҳар бир тарихий ҳуқуқ турларининг ўзаро фарқловчи ва ўзига хос ижтимоий тузилиши акс этган тизими мавжуд. Ҳуқуқнинг тузилиши – бу ушбу жамият тузилишининг юридик ифодаланишидир. Ҳ.т.нинг объектив ижтимоий шартлашувни, унинг иктисодий, маданий, миллий ва б. факторлар б-н детерминаллашувни шунида кўрилади. Мас., кулчилик, феодал ва замонавий атрибутлар, шу жумладан, даврнинг муҳри кўйилган тизимли характердаги атрибутлар б-н фарқланади. “Ҳ.т.” ва “Ҳуқуқий тизим” тушунчаларини фарқлаш лозим. Биринчи ҳолатда алоҳида ҳодиса сифатида олинган ҳуқуқнинг ички тузилиши ҳақида гап кетмоқда, иккинчи ҳолатда эса бутун жамиятнинг ҳуқуқий тизими, давлатда мавжуд ва амалга ошаётган барча юридик воситалар, инс.лар, муассасалар ҳақида гап боради. Ҳ.т. ҳуқуқий тизимнинг бир ички тартибга келтирилган ички тизими сифатида намоён бўлади.

ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИ – ҳуқуқшунослик ва давлатшуносликнинг энг умумий назарий-дунёқараш муаммолари ҳақидаги фан. Ўзоқ вақт давомида фалсафий тизимларнинг таркибий қисми бўлиб келган. Қад. давр (Сукрот, Афлотун, Арасту) фалсафасида ҳуқуқ ва адолат, ҳуқуқ ва қону, ҳуқуқ ва қуч, ижтимоий кадриятлар иерархиясида ҳуқуқнинг ўрни ҳақидаги муаммолар муҳокама қилинган. Ҳ.ф. маърифатпарварлик фалсафасида (мас., табий ҳуқуқ доктринаси) ва немис классик фалсафасида (мас., Гегелнинг “Ҳуқуқ фалсафаси”) анча катта ўрин эгаллаган. Ҳозирги жамиятда Ҳ.ф. кенг тараксий этган юридик фаннинг таркибий қисми; кўпинча “Ҳ.ф.” атамаси ҳуқуқ тўғрисидаги умумий назария (умумий таълимот)нинг синоними сифатида ишлатилади. Лекин, XIX а. охиридан бошлаб Ҳ.ф. кўпинча торроқ маънода, амалдаги ҳуқуқни эмас, балки ҳуқуқ асосидаги идеал, маънавий асосларни ўрғанадиган ҳуқуқнинг умумий назарияси ва социологиясидан фарқ қилувчи мустақил фан деб тушунилади. Бундай тушуниладиган Ҳ.ф.нинг асосий тушунишасини неокантчилар (Р. Штаммлер, Г. Радбрух, Б. А. Кистяковский ва б.) ёки неогегелчилар (Ю. Биндер, К. Лоренц ва б.) талқинидаги “ҳуқуқ ғояси” ташкил этади. XX а. ўрталарида гарбадги либерал Ҳ.ф.да Гуссерль таълимотига, неореализмга, экзистенциализмга ҳамда неотомизмга асосланган оқинлар етакчиликлари килди.

ҲУҚУҚ ФУНКЦИЯСИ – ҳуқуқнинг жамият ва давлат ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатувчи функция. “Ҳуқуқ функциялари” тушунчаси бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг вазифасини ҳам, шуингдек бундан келиб чиқадиган унинг ижтимоий муносабатларга таъсири йўналишини ҳам ўз ичига олади. Шу боис ҳуқуқнинг бирон-бир функцияси мазмунини очиб беришда ҳамиша ҳуқуқ вазифаси унинг йўналиши б-н боғлиқлигини ҳамда ушбу йўналиш ҳуқуқнинг вазифасига боғлиқлигини ёдда тутиш керак бўлади. Аслида ҳуқуқ функцияси – унинг ижтимоий вазифаси амалга оширилишидир. Ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси ижтимоий тараккиёт эҳтиёжларидан таркиб топди. Ҳуқуқнинг бу вазифасини ана шу эҳтиёжларнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти кўришида ифодаланган давоми дейиш мумкин. Муайян муносабатларни мустаҳкамлаш, уларни тартибга солиш ёки муҳофаза этишга йўналтирилган қонулар айнан шу эҳтиёжлар, ижтимоий заруратлар асосида яратилади.

Ҳуқуқ функциялари тизими – мураккаб, кўп тармоқли, кўп босқичли, қуйдан юқорига ва маълум даражада жўшқин ривожланивчи тузилма. Уни тузишда ҳуқуқнинг умумижтимоий функциясини асос қилиб олиш мақсадга мувофиқ. У бир ҳуқуқ тизимини жамиятнинг янада кенг-роқ бошқа тизимга қўйиш тартибини белгилайди, уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Ҳуқуқий тизим таркиб топган қисмларга мувофиқ равишда ҳуқуқ функциялари тизимини беш гуруҳга бўлиш мумкин. Булар – ҳуқуқнинг барча соҳаларига хос бўлган умумҳуқуқий функциялар кичик тизими; ҳуқуқнинг барча соҳаларига эмас, балки унинг икки ёки ундан ортиқ соҳаларига хос тармоқлараро; ҳуқуқнинг фақат бир аниқ соҳасига хос тармоқ; ҳуқуқнинг аниқ бир тузилмасига хос ҳуқуқий инс.лар функциялари; нормаларнинг аниқ бир турига хос ҳуқуқ нормалари функцияларидир.

Ҳуқуқ функциялари тизимида тартибга солувчи функция етакчи, белгиловчи аҳамият касб этади. Тартибга солиш функцияси ҳақида гап кетганда, ҳуқуқнинг субъектлар хатти-харакатлари кўришилари бўйича кўрсатмалар бериш, амр қилиш, аниқ ижтимоий функцияларни амалда қўллашда бўлганидек, муайян ижтимоий соҳага нисбат бермаган ҳолда, иродага таъсир ўтказиш қобилияти кўзда тутилади.

Тартибга солиш функцияси доирасида икки кичик функция – статик тартибга солиш ва динамик тартибга солиш функциялари ажралиб туради. Статик тартибга солиш функцияси ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга шу муносабатларни бирон-бир ҳуқуқий инс.да мустаҳкамлаш йўли б-н таъсир ўтказишида ифодаланиди. Бу ҳуқуқий тартибга солиш вазифаларидан бири саналади. Ҳуқуқ, энг аввало, жамият барқарорлигининг асоси ҳамда унинг манфаатлари ва алоҳида шахс манфаатларидан иборат бўлган ижтимоий муносабатларни юридик жиҳатдан тасдиқлайди, уларни “дахлсизлик” даражасига олиб чиқади. Статик функцияни амалга оширишда мулкчилик ҳуқуқи тузилмалари ҳам катта аҳамият касб этади. Уларнинг юридик моҳияти ижтимоий тузумнинг иктисодий асосларини мустаҳкамлашдан иборат. Статик функция бошқа инс.ларда ҳам, шу жумладан фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва мажбуриятлари инс.ида, сайлаш, муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқида яққол ўз ифодасини топади.

Динамик тартибга солиш функцияси ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатларга – уларнинг харақатини, яъни динамикасини расмийлаштириш йўли б-н таъсир ўтказишида ифодаланади. Мас., бу функция иктисодиётда ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳўжалик жараёнларни тартибга солувчи фуқаролик, маъмурий, меҳнат ҳуқуқи инс.ларида мужассамлашган.

Ҳуқуқнинг бошқарув функциясини амалга оширишнинг энг характерли қисмлари: ҳуқуқ нормалари воситасида фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатини аниқлаш; фуқаролар ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш ва ўзгартириш; давлат органлари, шу жумладан мансабдор шахсларнинг ваколатларини белгилаш; юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомларини аниқлаш; ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга йўналтирилган юридик фактларни аниқлаш ва қўзда тутиш; ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги аниқ ҳуқуқий боғлиқлик – тартибга солувчи ҳуқуқий муносабатларини белгилаб қўйиш; аниқ ижтимоий муноса-

батларда қўллаш мақсадида ҳуқуқий тартибга солишнинг энг мақбул турини аниқлаш кабилар ҳисобланади.

Ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш зарурати ҳамиша мавжуд бўлган ва жамият қанча вақт яшаса, ушбу зарурат ҳам шунча вақт мавжуд бўлади. Юридик ҳодиса сифатида ҳуқуқ ҳар доим ҳам мавжуд бўлавермаган. Бирок, у пайдо бўлди дегунча ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишнинг муҳим воситаларидан бирига айланган. Дарҳақиқат, ҳуқуқий таъсир ўтказишнинг мазкур йўналиши ҳуқуқнинг муҳофаза функциясини ташкил этади.

Ҳуқуқнинг муҳофаза функцияси – умум аҳамиятга молик энг муҳим иқтисодий, сиёсий, миллий ва б. ижтимоий муносабатларни, уларнинг дахлсизлигини муҳофаза қилиш, шунингдек мазкур жамиятга ёт бўлган муносабатларни сиқиб чиқаришни мақсад қилиб олган ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси б-н боғлиқ ҳуқуқий таъсир йўналишидир.

Муҳофаза функциясининг асосий мақсади – жамиятга ёт муносабатларни сиқиб чиқаришдангина иборат, деган қараш масалага бирёқлама ёндашувнинг ифодасидир. Ваҳоланки, жамият ҳаётидан ноҳуш ҳодисаларни сиқиб чиқариш – ҳуқуқнинг иккиламчи натижаси. Зотан, ҳуқуқнинг бирламчи вазифаси – муҳофаза воситаси сифатида муҳофазага муҳтож муносабатларни ҳимоялашдан иборатдир.

Ҳуқуқ функциялари ўз амалга ошириш механизмига эга. Ҳ.ф. уч шаклдаги, яъни ахборот, назарда тутилган ва ҳуқуқий тартибга солиш шаклларидаги ҳуқуқий таъсир омилларидир. Ҳуқуқ функцияларини амалга оширишнинг яна бир аҳамиятли шакли йўналишли таъсир кўрсатишдир. Аслида йўналишли ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг вазифаси позитив ҳуқуқий интилишларни шакллантиришдан иборат бўлади. Шу боис ҳуқуқ функцияларини амалга ошириш қуйидаги катъий қоидаларни: тартибга солиш самарадорлиги шарт-шароитларини, ҳуқуқий тартибга солиш жараёнларини, тартибга солишнинг ижтимоий натижаларини аниқлашни назарда тутати.

ҲУҚУҚ ШАКЛИ (инг. form of law) – ҳуқуқ назариясида турли хил юридик манбалар тизими бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи умумий ҳуқуқ-атвор қоидаларини ташкил қилиш усули. Ҳ.ш., ташқи ифодаланишдан катъи назар, бутун бир давлатни ва жамиятни, бошқарув тизими, жамият ва давлат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган турли хил ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ҳуқуқни тегишли ташқи шаклларда объективлаштиришсиз ижтимоий нормалар ҳуқуқий сифатга эга бўлмайди, уларнинг реал фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Давлат мавжуд бўлган ҳуқуқ шакллари ўрната ёки тан ола бориб уларга расмийлик, мажбурийлик сифатларини беради, давлат ҳимояси чораларини назарда тутати. Бу тизимнинг ичида иерархик, ўзаро тўлдирувчи ва мувофиқлаштирувчи мураккаб алоқалар мавжуд.

Формал-аниқ қоидаларини мажбурий деб ифодалаш (мустаҳкамлаш) ва уларга расмий мақом беришнинг аниқ усулларини инobatга олиб ҳуқуқнинг 4 та асосий шакли ажратилади: а) норматив-ҳуқуқий ҳужжат; б) норматив шартнома; в) ҳуқуқий одат; г) юридик прецедент. Уларнинг барчаси давлат б-н чамбарчас боғлиқ. Чунки, улар ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти маҳсули сифатида ва камдан-кам ҳоллардагина “санкциялаш” орқали (бунда умум-

мажбурий қоида давлатнинг тўғридан-тўғри тартибга солишсиз юзага келади) вужудга келган.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК – жамиятда ўрнатилган ва қонун ҳужжатлари асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш. Ҳ., ўз хусусиятларига қўра жиноят, ноқўя ҳаракат, интизомни бузиш шаклида бўлади. Кўп ҳолларда Ҳ. қонунбузарлик сўзи б-н ҳамоҳанг баён этилади. Барча Ҳ.лар жиноят эмас. Шу б-н бирга, қонунбузарликларнинг барчаси жиноят бўлмадлиги мумкин. Жиноят деб айтиш учун унинг ўзига хос белгилари бўлши зарур.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ОБЪЕКТИ – ҳуқуқ б-н тартибга солинадиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар. Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус ва бевосита объектларни фарқланади. Ҳуқуқбузарликнинг умумий объекти – ҳуқуқ, унинг бирон-бир тармони томонидан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлардан иборат. Барча кишилар жамиятда ўз ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондира борар эканлар, улар ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бериб, бир-бирлари б-н ўзаро муомалага киришадилар ва бундай алоқаларсиз уларни тасаввур этиб бўлмайди. Ушбу алоқалар айнан ижтимоий муносабатларнинг ўзгинасидир. Одатда, ижтимоий муносабат таркибида уч таркибий қисм – иштирокчилар, яъни муносабатлар субъектлари, уларнинг ўзаро алоқалари (ўзаро хатти-ҳаракатлари); муносабат объекти (субъектлар эҳтиёжларини қондиришга қодир, уларнинг биргаликдаги ҳавф-хатарсиз яшашларини таъминловчи нарса) фарқланади. Бу таркибий қисмларнинг барчасига ҳуқуқбузар томонидан таъжовуз қилилиши мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг махсус объекти – ҳуқуқбузар қасд қиладиган бир турдаги ижтимоий муносабатлар гуруҳидир. Мас., бу: меҳнат ҳуқуқида – меҳнат интизоми, ёшлар меҳнати, иш ҳақи ва б.; оила ҳуқуқида – никоҳдан ўтиш тартиби ва шартлари, ота-оналарнинг болалар б-н муносабатлари кабилар; жинсий ҳуқуқда – мулкчилик муносабатлари, бошқариш тартиби, одил судлов ва б.дан иборат. Ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти – ҳуқуқбузар қасд қилиши мумкин бўлган аниқ неъматлар, манфаат, шахс, унинг соғлиги, шаъни, кадр-қиммати, мулки ва х.к. Ҳуқуқбузарликнинг бевосита объекти махсус объект тафсилотларини аниқлайди, тўғрироғи, унинг таркибий қисмларидан қай бири қасд этиш предмети бўлганлигини кўрсатиб беради.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК СУБЪЕКТИ – ҳуқуққа зид айбли қилмишни содир этган шахс, яъни ҳуқуқбузар. Ҳар қандай шахс ҳам Ҳ.с. ҳисобланмайди, фақат ўз қилмишига жавоб бера оладиган, ақли расо шахсгина шундай субъект сифатида тан олинади. Ҳайриқонуний хатти-ҳаракат содир этиш лаёқати асосида юридик салоҳият (ўз хатти-ҳаракатлари б-н қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш қобилияти) ётади. Вояга етмаган ва суд томонидан юридик салоҳиятсиз деб топилган шахслар (фуқаролик ҳуқуқида) ва ақли порасо деб тан олинганлар (жиний ҳуқуқда) ҳуқуқбузарлик субъектлари бўлолмайдилар ва ўз навбатида юридик жавобгарликка ҳам тортилмайдилар.

ҲУҚУҚДОРЛИК – қонунда ёки бошқа ҳуқуқ манбаларида назарда тутилган ҳуқуқий муносабат иштирокчисининг муайян ҳаракатларни бажариш ёки шу ҳуқуқий муносабат-

нинг бошқа иштирокчисидан муайян ҳаракатларни бажаришни талаб қилиш имконияти. Ҳ. субъектив ҳуқуқ синоними ёки унинг унсурлари (таркибий қисмлари)дан бири бўлиши мумкин. Мас., мулк ҳуқуқи уч Ҳ.ни – мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишни ўз ичига олади. Ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларда Ҳ. бештадан еттигача мумкин. Мас., сўз эркинлиги ҳуқуқи фуқаронинг турли намойиш ва митингларда лутқ сўзлаш, матбуотда чиқиш, камчиликларни танқид қилиш, таклифлар киритиш, адабий ва бадий ижод б-н шуғулланиш имкониятини ўз ичига олади. Ҳ.ни рўёбга чиқариш давлат томонидан таъминланади; шахс ўз бурчларини бажармаган тақдирда, ҳуқуқдор томон ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун тегишли давлат органига ёки судга муурожаат этиши мумкин.

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ – қ: *Юридик амалиёт.*

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ – ЎзР ВМнинг 2000 й. 5 августдаги 304-сон “Қонун ҳужжатларини туркумлашни такомиллаштириш ва ҳуқуқий ахборотларни тарқатишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ЎзР Адлия вазирлиги ҳузурда ташкил этилган. Ҳ.а.б.т.м. ЎзР қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси(LexUz)ни ташкил этиш, шакллантириш, донмий равишда янгиланган бориш, маълумотлар базасини сақлаш, маълумотлар электрон базасидан белгиланган тартибда фойдаланишни таъминлаш ишларини амалга оширади.

Ҳ.а.б.т.м.нинг асосий вазифаси – ЎзР Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси(LexUz)ни шакллантириш ва ишлашини таъминлаш йўли б-н жамиятнинг ҳуқуқий ахборот б-н таъминлаш ҳисобланади.

Ҳ.а.б.т.м. ўзига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

ЎзР қонун ҳужжатлари маълумотларининг туркумланган ягона электрон базасини яратиш ва уни давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа фойдаланувчиларга маълумотларни узатиш идоралараро тармоғи, Интернет глобал тармоғи, шунингдек бошқа каналлар орқали шартномавий асосда тарқатиш;

ЎзРда ҳуқуқий ахборотлаштириш давлат дастурларини амалга оширишда иштирок этиш;

хорижий давлатлар қонунчилиги ва халқаро қонунчиликнинг маълумотлар базасини яратиш, уларни фойдаланувчиларга шартнома асосида тақдим этиш;

ЎзР Адлия вазирлиги топшириғига биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишни ташкил қилиш, қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун грант маблағлари ва б. маблағларни жалб қилиш, лойиҳаларни ишлаб чиқишда буюртмачи ёки бажарувчи сифатида қатнашиш, бунинг учун мутахассислар, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш;

ЎзР қонунчилигини бошқа давлатларга тарқатиш ишларини амалга ошириш;

ҳуқуқий ахборот б-н таъминлаш соҳасида хорижий ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилиш, хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва уларнинг тажрибаларини ўрганиш;

ҳуқуқий ахборот б-н таъминлаш муаммолари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб бориш, республика илмий потенциалини Марказ вазифаларини бажаришга жалб қилиш;

адлия органлари, муассасалари ва судларнинг компьютер тармоғини ишга тушириш ва фойдаланиш бўйича хизматлар кўрсатиш;

қонун ҳужжатларининг расмий нашрларини, бошқа ҳуқуқий адабиётларни нашр этишни ташкил этиш ва уларни обуна ҳамда бошқа йўллар б-н тарқатиш;

юридик ва жисмоний шахслар, жумладан хорижий давлатларнинг қорхона, ташкилотлари ва фуқароларининг буюртмасига асосан ЎзР қонунчилиги, хорижий давлатлар қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ соҳалари бўйича маълумотлар тақдим этиш, қонун ҳужжатларининг қўлланилиши бўйича консалтинг хизматлари кўрсатиш;

турли ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари ва намуналарини тайёрлаб бериш ва уларни тегишли тартибда расмийлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш;

юридик ва жисмоний шахсларга норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини кўчириб бериш хизматларини кўрсатиш;

ҳуқуқшунос-мутахассисларни ва б. соҳа мутахассисларини қонун ҳужжатлари электрон базасидан, ҳисоблаш тармоқлари ва тизимидан фойдаланиш учун ўқитишни ташкил этиш.

ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК – ЎзР ФКнинг 50-м.сига мувофиқ, юридик шахслар қайта ташкил этилганида Ҳ.в. амал қилади. Юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжати мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжати мувофиқ ўтади. Юридик шахс бўлинган тақдирда, унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади. Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ улардан ҳар бирига ўтади. Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташқилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжати мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ – ҳуқуқнинг ҳукмронлиги ва устуворлиги, ҳокимият ваколатларининг бўлиниши, суднинг мустақиллиги таъминланганидан, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари иши самарали бўлган, ҳақиқий халқ ҳокимияти, юқори даражадаги сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эришган демократик давлат.

Ҳ.д. Қонс. ва қонуннинг устувлигига асосланади. Барча фуқаролар мансабдор шахслар, давлат органлари ва ташкилотларнинг қонунларни офшмай ижро этишлари ва унга риоя қилишларини тақозо этади, фуқаро ва давлатнинг амалдаги қонунлар доирасида ўзаро жавобгарлигини назарда тутди, давлатнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустақамланган ва қафолатланган сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий плюрализмга таянади, фуқаролик жамиятининг фаолияти учун зарур бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайди. Ҳ.д.нинг аҳамияти қуйидагиларда ифодаланади:

жамиятда фаолият кўрсатувчи демократик инс.ларнинг ривожланиши ва барқарорлигини рағбатлантира оладиган ҳуқуқий ҳужжат чиқариш ва жорий этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий ҳимояланганлигига доир амалий чоралар қабул қилиш;

фуқароларнинг ажралмас ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовуз қилувчи мансабдор шахсларни тегишли шаклда жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Ҳ.д. куйидагиларни таъминлайди:

давлат механизмининг барча бўғинлари аниқ ва бир маромда ишлашини;

Ҳ.д. органлари фаолиятида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллашнинг самардорлигини;

ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципини турмушга жорий этишини;

давлат-ҳуқуқий ва сиёсий инс.ларининг барқарорлигини; эркин бозор иқтисодиётини.

Ҳ.д.нинг белгилари куйидагилардан иборат:

Конс. ва қонуннинг устуңлиги;

давлат ҳокимияти тизимининг ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши принципи бўйича шаклланиши;

суд-ҳуқуқ ислохотларининг ўтказилиши;

олий кадрият сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини жорий этиш учун реал шароитнинг яратилиши.

Ҳ.д. барқарорлигининг асослари куйидагилардан иборат: ҳуқуқий асослари – жамиятда этнофуқаровий барқарорлик ва фуқароларнинг иродасига, улар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланганлигига асосланган қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг мустаҳкамлиги.

сиёсий асослари – сиёсий плюрализмга асосланган демократик сиёсий тизимнинг яшовчанлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши.

ижтимоий асослари – жамиятнинг давлат томонидан тенг ҳимояланган турли мулк шакллари мавжудлигини акс эттирадиган шаклланган ижтимоий тузилиши.

иқтисодий асослари – эркин тадбиркорликка ва турли мулк шакллари ривожлантиришга таянган бозор иқтисодиётининг мавжудлиги.

Ҳ.д.нинг асосий аломатлари куйидагилардан иборат: давлат-ҳуқуқий бошқарув барча имтиёзларининг давлат тузилмалари тизимида тўпланиши;

ҳокимият бўлиниши, яъни бир давлат ҳокимияти шохобчаси функцияларининг (мас.: қонун чиқарувчи органнинг) бошқа шохобча ўрнини босишига йўл қўйиб бўлмаслиги;

фуқаролик жамиятининг мавжудлиги;

ҳуқуқий ваколатларнинг бирон-бир бўғин ёки тузилмада тўпланиб қолишига тўққинлик қилувчи яқка ҳокимликка қарши механизмларни яратиш;

Конс. ва қонуннинг устуңлиги ҳамда тўғридан-тўғри амал қилиши;

давлат ҳокимияти суверенлигини қонунда белгилаш ва ҳаётга жорий этиш;

жамият томонидан сайлов ҳуқуқи меъёрлари асосида қонун чиқарувчи органларнинг шакллантирилиши ҳамда қонуларда қонунчилик иродасининг шаклланиши ва ифодаланиши устидан пазоратни йўлга қўйиш;

ички қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ умумэтироф этган меъёрлари ва принципларига мос келиши;

ижтимоий муомаладаги барча субъектларнинг кимнингдир ўзбошимча қароридан ҳуқуқий ҳимояланганлиги;

ҳуқуқий давлатчиликни таъминлаш намунаси, модели ва воситаси сифатида суднинг ҳаммадан юқори туриши;

қонуларнинг ҳуқуққа мослиги ҳамда давлат ҳокимияти тизимининг ҳуқуқий ташкил этилиши;

фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бирлиги;

давлат ва шахснинг ўзаро масъулиятлари.

ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ – қ: *Юридик ёрдам.*

ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИК – қ: *Юридик жавобгарлик.*

ҲУҚУҚИЙ ИДЕАЛИЗМ – ҳуқуқни ҳаддан ташқари юқсак баҳолаш, идеаллаштириш. Бу ҳуқуқий саводсизлик, ҳуқуқий онг яхши ривожланмаганлиги, сиёсий ҳуқуқий маданият пастлигининг натижасидир.

Дарҳақиқат, Ҳ.и. кўпчилик одамларда юзага келган муаммоларни ҳал қилишнинг қонуний, кенгрок маънода парламент – конституциявий йўллари, янги илғор инс.ларга ишонч уйғотади. Шу билан Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти Конс.га мувофиқ давр ва ислохотлар талабларига жавоб берувчи қонулар мажмуини қабул қилиши лозим. Бунда халқ вакиллари қонуларнинг амалдаги имкониятлари ва уларнинг чегаралари, бу қонуларни амалга татбиқ этиш йўллари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари муҳим. Акс ҳолда жамиятда Ҳ.и.нинг (ҳуқуққа қурол, восита, дастак сифатида қараш) авж олишга имконият яратади.

Шундай қилиб, бир-бирини озиклантирувчи ҳуқуқий нигилизмга ҳам, Ҳ.и.га ҳам ҳуқуқий маданиятсизликнинг умумий ноҳуш кўриниши сифатида қараш лозим. Ҳар иккала ҳолатларда ҳам: 1) қонулар назар-писанд қилинмайди, очик-ойдин бўзилади, ижро этилмайди, қадрланмайди, иззат-ҳурмат қилинмайди; 2) аксинча, қонуларга барча муаммоларни бир зумда ҳал қилишга қодир мўъжизакор ҳужжат сифатида қаралади. Демак, уларни бартараф этмасдан туриб ҳуқуқий давлат ва қонун устуворлиги ғоясини рўёбга чиқариш мумкин эмас.

ҲУҚУҚИЙ ИМТИЁЗ – субъектга ўз манфаатларини тўлароқ қондириш имконини берувчи ва қўшимча, алоҳида ҳуқуқлар (афзалликлар) беришда ёки мажбуриятлардан озод қилишда ифодаланувчи субъект ҳолатини қонуний равишда енгиллаштириш. Имтиёзлар, энг аввало, ижтимоий чора ҳисобланади. Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятда салбий ҳолатларга барҳам бериш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган аҳолининг кўп сонли қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзлар тизими тубдан ўзгартириб борилмоқда.

Юқорида қайд этилганларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, Ҳ.и.лар учун қуйидаги белгилар муҳим ҳисобланади: а) Ҳ.и.лар субъектларининг манфаатлари янада тўлароқ қондирилиши, улар ҳаёт шароитларининг енгиллаштирилиши б-н таснифланади. Бу, албатта, жамият манфаатлари б-н боғлиқ ҳолда амалга оширилиши лозим; б) Ҳ.и.лар умумий қонундан истисно тариқасида қўлланади, юридик табақалаштириш усули сифатида амал қилади. Чунки имтиёзлар, авваломбор, шахс махсус ҳуқуқий мақомининг муҳим қисми, субъектнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини юридик йўсин-

даги алоҳида имкониятлар б-н тўлдириш механизмидир; в) Ҳ.и.лар ваколатли органлар томонидан ҳуқуқий ҳужжатларда ҳуқуқ ижодкорлигининг демократик принципларига мувофиқ белгилаб қўйилган истисно тарикасидаги қондалар сифатида амал қилади. Одатда, имтиёзлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар б-н белгилаб қўйилади.

Ҳ.и.нинг асосий мақсади – шахс, ижтимоий гуруҳлар ва давлат манфаатларини мувофиқлаштиришдир. Ана шу асосий мақсадга эришишга қаратилган Ҳ.и.лар компенсация қилувчи ва рағбатлантирувчи функцияларни бажаради.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – умумий маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1) давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтан назарни ифодаловчи ҳуқуқий сиёсатнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши. Бу сиёсат даврнинг руҳини сиёсатда ифодалаши лозим. Мас., мустақиллик ва бозор муносабатлари б-н боғлиқ масалалар ва вазифалар ҳуқуқий сиёсатдаги бош йўналишлардандир;

2) юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги Ҳ.и.нинг муҳим қисмидир;

3) кенг ва фаол ҳуқуқий онг Ҳ.и.нинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, хис-туйғулар, фикрлар, кайфиятлар тизимидир. Ҳуқуқий онгда ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутаяди;

4) Ҳ.и. – бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасидир;

5) илгари эришилган ва тўпланган барча ҳуқуқий тажриба, ҳуқуқий ёдгорликлар ва уларнинг оммага тарқатилиши Ҳ.и.га кираяди;

6) амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир; Конс., қонулар, кодекслар, фармонлар, қарорлар ва б. ҳуқуқий манбалар ҳуқуқий маданиятнинг асосини ташкил этади;

7) ҳуқуқ ижодкорлиги маданияти, ҳуқуқ нормаларини яратиш масаласи, юридик техника даражаси, мас., депутатлар ва аппарат хизматчиларининг ҳуқуқий билимлари, дунёқараш, ҳуқуққа ёндашуви қанчалик юқори ва ҳолисона бўлса, Ҳ.и. ҳам шунчалик юксак бўлади;

8) ҳуқуқни амалга ошириш ишларининг ташкил этилиши қанчалик юқори бўлса, у Ҳ.и.га ҳам ўз ижодий таъсирини кўрсатади ва аксинча;

9) Ҳ.и.нинг яна бир қисми ҳуқуқни амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ нормалари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз ҳуқуқи, бурчларини бажариш, уларни англаб олишдир.

Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонуничилик даражаси, ҳаммининг қонуни ва суд олдида тенглиги Ҳ.и.нинг ажралмас қисмидир.

Ҳ.и.ни бойитиб бериш учун изчил ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бориш лозим. Бу йўналишда қуйидагилар ўта муҳим аҳамият касб этади: юксак малакали суд-адлия кадрларини тайёрлаб бориш; барча таълим муассасаларида ҳуқуқ ҳақидаги билимларни ўргатиш – ўрганиш, мазкур фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, радио, телевидение, вақтли матбуотда ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш; аҳолининг ҳуқуқий билимларини ўрганиш мақсадида қонуни ҳужжатларини мунтазам чоп этиб бориш; суд, прокуратура, ички ишлар органларининг иш тажрибасини ом-

малаштириб бериш; адлия ва ҳуқуқшуносликка оид фанларни ривожлантириш, ошқоралиқни таъминлаш; бошқа давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш; бадиий адабиётда, санъатда ҳуқуқий билимларни тарқатиш; ҳуқуқий ҳулқни рағбатлантириш. Хуллас, Ҳ.и. инсон маданиятининг муҳим қисми, у б-н ўзаро боғлиқдир.

ҲУҚУҚИЙ МАФКУРА – қ: *Ҳуқуқий онг.*

ҲУҚУҚИЙ МАКОМ – шахсларнинг жамият ва давлат б-н ўзаро муносабатларини белгиловчи ва ифодаловчи ҳуқуқий ҳолати. Шахснинг Ҳ.и.и ҳуқуқ ва эркинликларининг эмас, балки бурчларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Бошқача тарзда ифодалаганда, шахснинг Ҳ.и.и деганда, унинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи ҳуқуқ ва эркинликларни, мажбурияти ва жавобгарликларини йиғиндисини тушунилади.

Шахс Ҳ.и.ининг қуйидаги турларини ҳам кўрсатиш мумкин:

махсус Ҳ.и. (маълум гуруҳдаги фуқароларнинг Ҳ.и.и);

индивидуал Ҳ.и.;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ҳ.и.и;

умумий (конституциявий) Ҳ.и.;

чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ҳ.и.и;

хорижда бўлган ЎЗР фуқаросининг Ҳ.и.и;

соҳавий Ҳ.и.;

қасбий ва мансаб Ҳ.и.и ва б..

Шахс Ҳ.и.ининг инсонийлик, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг дахлсизлиги, инсонга тааллуқли бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни мустақил амалга оширилиши, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қафолатланганлиги, тенглик, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларининг ўзаро боғлиқлиги принциплари мавжуд.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР – бу ҳуқуққа асосланган барча ижтимоий ўзаро муносабатлар мажмуи. Бошқача айтганда, Ҳ.и. давлат томонидан муҳофаза этиладиган, одатда, кишилар ҳулқ-атворида ҳуқуқ нормалари таъсири остида пайдо бўладиган ҳамда унинг иштирокчиларида субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар мавжудлиги б-н тавсифланадиган ижтимоий муносабатлардир.

Аслида ижтимоий муносабатлар жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини қамраб олади. Шунга кўра, айтиш жоизки, экологик ҳуқуқ томонидан инсоннинг табиатга бўлган моддий муносабатларини тартибга солинади; иқтисодий муносабатлар юридик мулк ҳуқуқида мустаҳкамланади; сиёсий муносабатлар эса Конс. томонидан аниқланади. Айни пайтда миллий ва диний, оилавий ва давлатлараро муносабатлар ҳам ҳуқуқ томонидан тартибга солинади. Умуман, ҳуқуқ ҳам бутун ижтимоий ҳаёт снгари инсонларнинг бир-бирини, атроф-муҳитга бўлган муносабатларни орқали шаклланади. Умуман олганда, Ҳ.и. – бу доимий фаолиятдир, аниқрови, кишилар, ижтимоий гуруҳлар фаолияти орқали амалга ошириладиган ва фақат уларнинг фаолиятида юзага келадиган муносабатлардир. Демак, айнан фаолиятда Ҳ.и.нинг субъектив томони намоён бўлади.

Давлат ва ҳуқуқнинг умумназарий муаммолари орасида ҳуқуқий муносабатлар энг муҳим масалалардандир. Бу бежиз эмас. Модомики, Ҳ.и. ҳуқуқ б-н боғлиқ, ҳуқуқ асосидаги муносабатлар экан, демак, улар табиий

хуқуқлар ва мажбуриятлар б-н бирга пайдо бўлади, давлатнинг пайдо бўлиши б-н эса уларнинг энг муҳимлари қонуний шаклга эга бўлади. Шу маънода Х.м.нинг ўзига хос хусусиятларини янада аниқроқ ва яхшироқ англаб олиш гоёат муҳим.

Авваламбор, Х.м. – ижтимоий муносабатлардир. Бундай муносабатлар одамлар ўртасидаги ҳамда улар фаолияти, хатти-ҳаракатлари б-н узвий боғлиқ муносабатлар бўлиб, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар каби ҳуқуқий муносабатлар ҳам инсоннинг онгли фаолияти самарасидир. Айни чоғда кишилар ўртасидаги ҳуқуқий алоқалар онгли алоқалар бўлиб, инсон оқилона фаолияти натижаси саналади.

Х.м. яна шундай муносабатларки, улар позитив ҳуқуқ нормаларининг кишилар хатти-ҳаракатларига, ҳулқ-атворларига таъсири натижасида юзага келади. Ҳуқуқ нормаси б-н ҳуқуқий муносабат ўртасида катъий боғлиқлик мавжуд – ҳаётда фақат юридик норма кўрсатиб берган Х.м.гина вужудга келади, бошқача айтганда, ҳуқуқий муносабатлар қонуни муносабатларидир.

Бундан ташқари, ҳуқуқий муносабат – субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятлар воситасида кишилар ўртасидаги алоқалардир. Бу – алоқанинг алоҳида шакли бўлиб, объектив ҳуқуқ нормаларида мустақкамланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали бўладиган алоқалардир. Субъектив ҳуқуқ соҳиби (яъни ҳуқуқдор шахс) – қонуний ваколатли шахс; юридик мажбурият соҳиби – бурчдор шахс. Ҳуқуқий муносабатда қонуний ваколатли шахсга хамиша бурчдор шахс қарши туради. Бу – бир инсон, ташкилот, давлат органи ёки умуман давлат бўлиши мумкин. Шу маънода ҳуқуқий муносабат индивидуаллаштирилган алоқа ҳисобланади.

Шунингдек, Х.м. – иродавий муносабатлардир. Бу, ўз ўзидан муайян иродани ифодаловчи ҳуқуқ нормасидан ташқари, Х.м. юзага келиши учун уларнинг иштирокчилари иродаси ҳам талаб қилинишини билдиради. Бунда шундай Х.м. мавжуд бўладими, уларнинг юзага келиши учун барча иштирокчиларнинг иродаси керак бўлади. Хусусан, никоҳга қираётганда ҳар икки томон ўз иродасини билдириши ёки олди-сотди муносабатида сотувчи-харидор хоҳиш-иродасини ифода этиши зарур бўлади. Баъзи Х.м.нинг пайдо бўлиши учун бир субъектнинг иродаси ҳам кифоя қилади (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган иродаси б-н қўзғатиладиган жиноий иш бунга мисол бўла олади).

Ва ниҳоят, Х.м. – давлат томонидан муҳофаза этиладиган муносабатлардир. Давлат юридик нормалар талабларининг бажарилишини таъминлар экан, шу нормалар асосида вужудга келадиган муносабатларни ҳам қамраб олади. Юридик нормалар ихтиёрий равишда бажарилмаган тақдирда, давлатнинг мажбурлов тизими ишга солинади. Давлат ҳуқуқни муҳофаза этиш орқали ҳуқуқ б-н тартибга солинадиган муносабатларни ҳам ҳимоя қилади. Х.м. давлат томонидан махсус муҳофаза этилган бонс, ижтимоий муносабатларнинг бошқа турларидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам давлат томонидан қўриқланадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳар қандай жамиятдаги ҳуқуқ-тартибнинг асосини ташкил қилади.

Умуман олганда, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинадиган қисми Х.м.ни ташкил этади, аниқроқ айтганда, унинг ёрдамида ҳуқуқ ҳаётга татбиқ қилинади.

ҲУҚУҚИЙ НИГИЛИЗМ – ижтимоий оннинг элементи бўлиб, эътиборсизлик ва ҳуқуқ субъект(лар)ининг амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимаслиги, уларга нисбатан ҳурматсизлик муносабатида бўлиши ёки инкор қилиши.

Ҳ.п. – бу ижтимоий оннинг элементи бўлиб, фуқаролар томонидан ҳуқуққа, қонунга, қонунийликка, давлат ва унинг тизимига бўлган эътиборсизлик, ишончсизлик ёки эҳтисотсизлик каби кўринишларда намоён бўладиган муносабатлардир.

Ҳ.п. қуйидаги кўринишларда намоён бўлади: назарий шакли (олимлар, мутафаккирлар, сиёсатшунослар томонидан муайян манбаларда ҳуқуқни инкор қилиниши); амалий шакли (фаол ва суёт кўринишда).

Фаол Ҳ.п. – ижтимоий муносабатларда ҳуқуқни очикдан очик инкор қилишдир;

Суёт Ҳ.п. – жамиятдаги кишилар томонидан амалдаги ҳуқуқ нормаларини менсимасликдир.

ҲУҚУҚИЙ ОДАТ – узок давр мобайнида амалда бўлиш натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қонда сифатида таъминланган юриш-туриш қондаси.

Ҳар қандай одат ҳам ҳуқуқий одатга айлана олмайди, балки маълум бир гуруҳ, синф ёки бутун жамиятнинг манфаатларига жавоб бера оладиган ва давлат томонидан санкцияланган одатгина ҳуқуқий одат бўлиши мумкин. Ҳуқуқнинг манбалари тизимида ҳуқуқий одатнинг роли ва ўрни турли давлатларда турлича бўлган. Ҳозирги даврда ҳуқуқий одатнинг роли ва аҳамияти унча катта эмас ва у қамдан-қам ҳолатлардагина қўлланилади. Ҳ.о. тарихий жihatдан такрорланиш натижасида одат тусига кирган ўзаро муносабатлар, нормалар ҳуқуқ манбаи сифатида давлат томонидан, эътироф этилади ва Ҳ.о. ҳисобланади. Ҳ.о. – жамиятда кўп марта ва узок муддат қўлланилиши натижасида вужудга келган ва давлат томонидан маъқулланган феъл-атвор қондаси. Ҳ.о.нинг ўзига хос белгилари ва хусусиятлари асосан ҳуқуқий бўлмаган одатларда кўп учрайдиган белгиларга ўхшашдир. Унинг фақат бир фарқи бор, яъни Ҳ.о. юридик кучга эга бўлиб, улар бузилган тақдирда давлатнинг мажбурлов чоралари б-н таъминланади.

Тарихан Ҳ.о. жамиятнинг ибтидоий жамоа ташкилотидан давлат ташкилотига ўтиш босқичида мавжуд урф-одатларга давлатнинг ижозат бериши натижасида ҳуқуқнинг биринчи манбаи сифатида вужудга келган. Қад. давлатларда Ҳ.о. етакчи мавқеини эгаллаган. Мас., қадимий Римда Ҳ.о.дан ҳуқуқнинг энг муҳим тармоқлари ва инслари ҳосил бўлган. Одатлар орасида аждодларнинг одатлари, қонинлар, магистратлар ва б. амалиётда вужудга келган одатлар бир-биридан фарқ қилган.

Жамият ва давлат ривожлана борган сайин Ҳ.о., улар б-н бирга оддий ҳуқуқ ҳам қонулар, ҳуқуқнинг бошқа шакллари ва инслари б-н бирга аста-секин суриб чиқарилиди, ҳуқуқнинг иккинчи даражали манбалари бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда савдо денгизчилиги одатлари, порт одатлари, халқаро одатлар ва ш.к. энг кўп тарқалган одатлардир. Уларга Хаммурапи қонуни, Ману қонуни, XII жадвал қонуни ва б. мисол бўлиши мумкин.

ҲУҚУҚИЙ ОИЛА – манбалар, ҳуқуқ тизими ва унинг тарихий шаклланиш йўлининг умумийлиги асоси-

да ажралиб чиққан миллий ҳуқуқий тизимнинг мажмуи. Ушбу мезонга мувофиқ куйидаги ҳуқуқий онлалар ажратилади: умумий ҳуқуқ, роман-герман, оддий-анъанавий, муслмон, хинду, славян. Ҳ.о.нинг ҳеч қандай квалификацияси дунёнинг ҳуқуқий тизими учун қатъий белгиланмаган. Шунинг учун, юридик адабиётларда миллий ҳуқуқ онлаларининг турли хил бўлишлари учиради. Юқорида келтирилган квалификацияда Ҳ.о.нинг ўзига хослиги унинг маъналарининг хусусияти б-н белгиланади. Юридик, маънавий (диний, этика ва ҳ.к.) ва маданий-тарихий. Ушбу белгиларнинг биттаси Ҳ.о.ни ажратишда устуликка эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ҳуқуқнинг юридик маъналари шакли рўйхати ва иерархияси (ҳуқуқ шакллари) анъанавий тарзда умумий ҳуқуқ ва роман-герман ҳуқуқ онлалари ўртасидаги фарқнинг асоси бўлиб хизмат қилган. Мисол учун, роман-герман ҳуқуқ онласи учун ҳуқуқ қонунчилигида ифодаланган нормалар (қонун ёки кодекс) шаклида намоён бўлади. Ҳуқуқни қўлловчи эса фақат аниқ ҳолатни умумий норма б-н таққослайди ва унда ишни ҳал қилиш йўлини топади. Англо-саксон (умумий) ҳуқуқнинг асосий маънаси – суд прецеденти, яъни тегишли босқичдаги судларнинг аниқ ҳолат бўйича суд қарорини асослантириш усули бошқа қуйи турувчи судлар учун ўхшаш ишларни ҳал қилишда намуна ҳисобланади.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ (инг. legal awareness) – амалдаги ҳуқуқни намоён қилувчи ҳуқуқ назариясида ижтимоий онгнинг шакли, қарашлар ва ҳис-туйғуларнинг мажмуи, мавжуд ҳуқуқий муносабатларни ҳуқуқий тушуниш ва категорияларда баҳолаш, шунингдек исталаётган ҳуқуқ ҳақидаги қарашлар.

Ҳуқуқ тизимида анъанавий 2 та асосий элемент ажратилади: ҳуқуқий психология ҳамда ҳуқуқий мафкура. Улар юридик адабиётларда куйидагича таърифланади. Ҳуқуқий психология ижтимоий онгнинг алоҳида қисми, шунингдек ижтимоий гуруҳларнинг ҳар қиллиқ амалиёти натижасида ташкил топадиган империк, қишлоқ тажрибалари, даражаларига мос келади. Унинг таркибий қисми сифатида одамларда мавжуд юридик нормалар б-н алоқада ва уларни амалга ошириш амалиётида вужудга келадиган ҳис-туйғулари, руҳий кечинмалари, кайфият, одат, стереотиплар, кайғуришлари ҳисобланади. Ҳуқуқий мафкура – бу концептуал ва тизимлаштирилган шаклда ҳуқуқий реалликни намоён этадиган ва баҳолайдиган юридик фикрлар, назариялар, қарашлар мажмуидир.

Дастлабки “субстанцияси” кишиларнинг руҳий кайғулари ҳисобланадиган ҳуқуқий психологиядан фарқли равишда мафкура мақсадига йўналтирилган, қонда тарққасида, илмий ёки фалсафий ўйланган ҳуқуқнинг яхлит ижтимоий инс. тарихида унинг алоҳида кўринишларида эмас, балки жамиятнинг мураккаб элементини сифатида характерланади. Мафкура соҳасида ва мафкура орқали энг аввало, бутун ижтимоий гуруҳлар, халқлар, синфлар, давлатлар, дунё ҳамжамиятининг эҳтиёж ва маъналарининг аксини топишади.

Ҳуқуқ назариясида Ҳ.о.нинг куйидаги шакллари ажратилади. Бирламчи Ҳ.о. – ҳуқуқ ва қонунчиликка “онд” кишиларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, кайфиятлари. Ушбу ҳиссиётлар кишиларнинг бевосита ҳаёт тарзлари, уларнинг амалий тажрибалари таъсири остида

пайдо бўлади. Профессионал Ҳ.о. – профессионал-юристарлар доирасида шаклландиган тушуниш, қараш, ғоя, ишонч, анъана, стереотиплар. Ҳ.о.нинг ушбу шакли юридик нормаларнинг таъбиқ этилишида асосий роль ўйнайди ва унга ҳуқуқий амалиётнинг услуби ва “руҳи” боғлиқ. Юристарларнинг тушуниш, ғоя ва ишончлари, энг аввало, бутун юридик амалиёт ва ўз навбатида юристарларнинг профессионал онгини ижтимоий анализ предметига ажратадиган, кўпинча, юридик фахнинг (мафкуранинг) таъсири остида шаклланади. Илмий Ҳ.о. – ҳуқуқнинг тизимлаштирилган назарий ўзлаштирилишини асос эттирувчи фикрлар, концепциялар, қарашлар. Замонавий кишилик жамиятларида ҳуқуқнинг, қонунчилигининг, сиёсий-қонституциявий муносабатларнинг ривожланиш йўллари кўрсатишда профессионал Ҳ.о.га устуни мавқе берилган. Юридик ҳодисани асос эттиришнинг ушбу кўриниши қонда тарихида илмий тадқиқот инс.ларида ишлайдиган ҳуқуқшунос-олимлар томонидан илгари сурланади ва улар томонидан ривожлантириб борилади.

ҲУҚУҚИЙ ПРЕЦЕДЕНТ – лотинча praecedent – “аввалгисин, олдингисин” маъноларини англатади, суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки қарори, келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна, эталон, норма сифатида қабул қилинса, у прецедент бўлади.

Шундай қилиб, маълум бир иш бўйича қабул қилинган қарор, ҳуқуқий норма сифатида тап олинади. Ҳ.п. умумий (англо-саксон) ҳуқуқ онласига кирувчи давлатлар Англия, АҚШ, Австралия, Канада каби давлатларда кенг қўлланилади, лекин шу давлатларда Ҳ.п. турлича қўлланиши мумкин. Мас., Англияда Ҳ.п. куйидаги қондаларга боғлиқ бўлади:

Лордлар палатаси қабул қилган қарор ҳамма судлар учун мажбурийдир;

Апелляция судининг қарори барча қуйи турувчи судлар учун ҳам ва шу суднинг ўзи учун ҳам (жиноят ҳуқуқидан ташқари) мажбурий аҳамиятга эга.

ҲУҚУҚИЙ ПСИХОЛОГИЯ – к: Ҳуқуқий онг

ҲУҚУҚИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ – жиноят қонунчилигида Ҳ.р. қоралари жиноятчиликка қарши қураш, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни олдини олиш, жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланишини таъминлаш каби мақсадларда қўлланилади. ЎЗР ЖКда қонун талаб қилган ҳаракатларни бажарганлиги учун жиноят содир қилган шахснинг жинсий жавобгарликдан озод этиш, уни муддатидан олдин жазони ўташдан озод этиш, енгилроқ жазо қоралари қўллаш ва жазони енгилроғи б-н алмаштириш каби рағбатлантириш қоралари белгиланган. Жумладан, ижтимоий ҳаёти катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар жиноят содир қилинганда кейин жиноят туфайли келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф қилиб, айбини бўйинига олиш тўғрисида арыз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг оқибати фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бундан ташқари, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тарихидаги жазо қўлланилмайди.

ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ – жамият ва давлатнинг ижтимоий-ҳуқуқий соҳада стратегик мақсадига мувофиқ

ишлаб чиққан концепцияси. Бугун давлатлар олдига инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифа бўлиб қолмоқда. Энди мустақилликка эришган давлат миллий ҳуқуқий тизимни яратишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйиши мумкин. Бунда ҳуқуқий сиёсат миллий ҳуқуқ тизимини яратишга қаратилади.

Ўзбекистон миллий ва халқаро ҳуқуқ тизимларини уйғунлаштириш йўлидан бормоқда. Миллий Х.с. халқаро ҳуқуқнинг устуворлигини таъминлади.

ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ – жамият ва давлатнинг ҳуқуқий сиёсатининг, стратегик мақсадни кишиларга, оммага етказишга қаратилган маърифий ва тарбиявий усуллар. Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши Х.т. таъсирчанлиги ва халққа тушунарли эканига боғлиқ. Шунинг учун, ҳуқуқий тарғибот ҳуқуқий жамият назарияси, ҳуқуқ лойиҳаси, ҳуқуқ социологияси каби илм соҳаларининг патижаларга таянади.

ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ – ижтимоий муносабатларга давлатнинг ҳуқуқий нормалар ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёни. Ҳуқуқий нормаларнинг тегишли гуруҳи б-н мустаҳкамлаб қўйиладиган ижтимоий муносабатларнинг муайян шакли Х.т.с.нинг предметини ташкил этади. Мас., давлатни бошқариш б-н боғлиқ муносабатлар маъмурий ҳуқуқ предмети ҳисобланади. Х.т.с.нинг усули дегайда, ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усули тушунилади.

ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛИ – ҳуқуқий нормаларнинг ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатиш усули. Ҳуқуқий тартибга солиш усуллари қуйидаги жиҳатлар б-н тавсифланади: а) фақат давлат органлари томонидан қўлланилади; б) ҳуқуқий нормаларгагина тегишли бўлади; в) уларнинг таъсирчанлигини давлат мажбурлаш йўли б-н таъминлайди. Императив ва диспозитив ҳуқуқий тартибга солиш усуллари фарқланади. Императив усул – ҳуқуқий нормалар б-н тартибга солинган ижтимоий муносабатлар иштирокчисига ҳокимият органи томонидан таъсир кўрсатиш усули. Бунга маъмурий ҳуқуқ ёки жиноят ҳуқуқи мисол бўлиши мумкин. Диспозитив усул – тегили ҳуқуқли тарафлар ҳисобланган иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш усули. У тарафларга ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинган ўз муносабатлари шакли тўғрисидаги масалани ҳал қилиш имкониятини беради. Ушбу усул тартибга солишнинг қуйидаги уч усулини: а) ҳуқуқий кўринишдаги муайян ҳаракатларни бажаришга ижозат беришни; б) ҳуқуқий нормалар б-н тартибга солинган ижтимоий муносабатларнинг иштирокчиларига муайян ҳуқуқлар беришни; в) муайян муносабатларда иштирок этаётган шахсларга ўз ҳуқуқ-аъвоҳ тарзини танлаш имкониятини беришни ўз ичига олади.

ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМ (инг. legal system) – кенг маънода жамиятнинг ҳуқуқий тузилиши, улар ёрдамида давлат ҳокимияти ижтимоий муносабатларни, кишиларнинг юриш-туришини бошқариш, ташкилий ва тартибга солиш таъсирини ўтказувчи, давлатда мавжуд, амал қилаётган, бир-бири б-н келишган ва ўзаро боғлиқ юридик воситалар, инс.лар ва муассасалар мажмуи. Ушбу таъсирнинг усуллари мустаҳкамлаш, тартибга солиш, руҳсат этиш, бурч қилиб белгилаш, тақиқлаш, ишонтириш, мажбурлаш, рабатлантириш, қисқартириш, превенция, санкция ва б.

ҳисобланади. Ушбу маънода Х.т.га 3 элементнинг мажмуи сифатида қараш мумкин: ҳуқуқ нормаси, ҳуқуқий принцип ва инс.лар (норматив элемент); ҳуқуқий муассасалар (ташкилий элемент); ҳуқуқий ғоялар, қарашлар, ҳуқуқий маданият аънавалари (мафкуравий элемент). Бунда ҳуқуқ тизими Х.т.нинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Ушбу маънода Х.т. тушунчаси мантқан ҳуқуқ тизими тушунчасидан кенгрок, объектив маънода улар бир бутун ва қисм каби боғлиқ ҳисобланади.

Шу муносабат б-н, Х.т. тушунчаси асослантириш ва янада аннрок йўл топди: уни “давлат”, “сиёсий тизим” (органлар, муассасалар, тузилма) тушунчалари б-н қамраб олинадиган элементлардан ажратиш лозим. Ушбу ҳолатда Х.т. тушунчаси ўзида элементларнинг 4 гуруҳини қамраб олади: а) ҳуқуқий тушуниш (ҳуқуқий қарашлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий назариялар, концепциялар, ҳуқуқий ингилизм); б) ҳуқуқ ижодкорлиги (қонулар ва б. ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилишнинг онли ва процессуал расмийлаштириш усули сифатида); в) ҳуқуқий массив (расмий ўрнатилган ва бир-бири б-н ўзаро боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг тизимли расмийлаштирилган мажмуи); г) ҳуқуқни қўллаш (ҳуқуқий ҳужжатларни татбиқ қилиш ва қонунийликни таъминлаш усуллари). Ушбу элементлар бир-бири б-н ўзаро боғлиқдир. Улардан бирининг тушиб қолиши ёки сустлаиши Х.т. ички тузилмавий муносабатларининг бузилиши ва бутун Х.т. обрўси ҳамда самарасининг тушишига олиб келади. Шу маънода Х.т.га ҳуқуқий мафкуранинг ташкил топиши ва ифодаланиши, ҳуқуқнинг амал қилиши ташкил топтириш ва таъминлаш механизми сифатида қаралиши мумкин.

Торроқ маънода Х.т.га ҳуқуқий бир-бири б-н иерархик ва мувофиқлаштирувчи муносабатлар б-н боғлиқ ва ўзининг маркази – ҳуқуқий принципларга эга, концентрациялашган шаклда ҳуқуқнинг моҳияти, мақсади, асосий вазифалари ва функцияларини ифодаловчи, тартибга солиш предмети ва усулига мувофиқ ички келишиш асосида қисмларга ажратилган (ҳуқуқий инс.лар, ҳуқуқ соҳалари) миллий ҳуқуқнинг ҳуқуқий ҳужжатлари ва нормаларининг яхлит бирлиги сифатида қаралади.

Х.т. ўзида ЎзР Конс.си, ЎзРнинг қонуллари; ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, ЎзР Президентининг фармонлари, ЎзР ВМнинг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини қамраб олади. Ягона Х.т. доирасида ушбу ҳужжатлар ўзаро боғлиқ ва бир-бири б-н иерархик муносабатдадир.

Баъзан “Х.т.” атамаси б-н ягона принциплар асосида ташкил этилган ва амалга ошадиган, ташкилий ҳамда функционал тартибга солинган ўзаро боғлиқ ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажмуи (массиви) ҳам таърифланади. Ҳуқуқий мажмуаларнинг (массивларнинг) қуйидаги турларини ажратиш кўрсатиш қабул қилинган бўлиб, уларга қуйидагилар қиради: миллий ҳуқуқий тизимлар, ҳуқуқий оилалар, ҳуқуқий тизимларнинг гуруҳи.

ҲУҚУҚИЙ ФЕНОМЕНОЛОГИЯ МАКТАБИ – XX а. феноменологияси (субъектив идеализм оқимининг бири)га асосланувчи ҳуқуқий тафаккур йўналиши. Асосий намоёндалари: А. Рейнах, Ф. Кауфман, Г. Кониг, К. Кос-

сио ва б. Ҳ.ф.м. XX а. бошида ғарб ҳуқуқ фанида ҳукмронлик қилаётган неокантчилик идеализмини баргараф қилишни талаб қилган. Ушбу мактаб нуқтаи назаридан, ҳуқуқ ўзининг онтологик асосига – қонун чиқарувчига боғлиқ бўлмаган борлиққа эга.

ҲУҚУҚИЙ ХУЛҚ-АТВОР – кишининг ижтимоий-ҳуқуқий нормаларга мувофиқ ўз хатти-ҳаракатларини, фаолиятини ва ҳаёт тарзини ташкил этиши. Ҳ.х.-а. ҳуқуқий маданиятнинг пировард кўриниши ва ифодасидир. Ҳуқуқий онг, билим қанчалик муҳим бўлмасин, улар охир натижада Ҳ.х.-а да акс этади.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРТИЗА – қ: *Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси.*

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ (инг. judicial act, law) – мажбурий кучга эга. ваколатли ҳуқуқ субъекти (давлат органи, тўғри демократия инс.лари) томонидан қабул қилинган, ҳокимият иродасини ифода этувчи, муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи, юридик ҳолат вужудга келтирувчи ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган расмий ёзма ҳужжат. “Ҳуқуқий ҳужжат” тушунчаси “юридик ҳужжат” тушунчасига мос келади.

Ҳуқуқий адабиётларда Ҳ.х.нинг кўплаб таърифлари берилган. Кўпинча Ҳ.х.ни уни “норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар” б-н тенглаштиришади, ваҳоланки индивидуал, ахборот ва б. характердаги ҳужжатлар норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди. Асосан, уларда давлат иродаси ифодаланади ва ҳуқуқ ижодкорлиги органини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тўғрисидаги нормалари ва кўрсатмалари мустаҳкамланади. (А.В.Мицкевич. Нормативные акты Советского государства. – М., 1958; Социалистическое право. – М., 1973; Р.Ф.Васильев. Акты управления. – М., 1978).

Ҳ.х.нинг табиати, белгилари ва турлари Ю.А.Тихомирова ва И.В.Котелевскийларнинг “Правовые акты. Учебно-практическое и справочное пособие” (М., 1999) китобида муфассал таҳлил қилинган. Муаллифлар фикрига кўра Ҳ.х.га энг аввало ҳужжат тури сифатида ахборотни ҳужжатли қайд этиш, қатъий белгиланган шаклда ифодалаш ва расмий тан олинадиган қилиб мустаҳкамлаш сингари умумий хусусиятлар характерлидир. Шу б-н бирга, Ҳ.х. бошқа ҳужжатлардан уни ажратиб турувчи махсус белгиларга эга. Бундай белгиларга аввало Ҳ.х.ни тайёрлаш ва қабул қилишга ваколатли субъектлар (ҳокимият ваколатлари ва функцияларини ифодаловчилар) доираси киради. Ҳ.х. норма ўрнатиш ва уни амалга оширишга, яъни ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга мўлжалланган.

Ҳ.х.нинг амалий кучга эга эканлиги унга юридик куч берилганлигини кафолатлайди. Яъни, Ҳ.х. бошқа ҳужжатларга нисбатан умуммажбурий мазмундалиги ва барча фуқаролар ва юридик шахслар томонидан сўзсиз бажарилиши б-н ажралиб туради.

Ҳ.х.га муайян барқарор белгилар ҳосидир:

а) бу шундай ёзма ҳужжат турики, унда ахборотлар алоҳида шаклда ифодаланади. Бу шакл: ҳужжат матни ва унинг тузилишини юридик техника қоидаларига кўра шакллантиришни (боблар, моддалар, нормалар ва б.); узок ва бир марталик хулқ қоидаларини ифодалаш; норматив тил; махсус юридик тушунчалар ва атамалар қўллани-

ши; ҳар бир ҳужжатга хос бўлган мажбурий реквизи́тларга риоя этилиши;

б) Ҳ.х. расмий характерга эга, у орган, ташкилот ёки давлат номидан чиқарилишида намоён бўлади. Айтиб ўтилган субъектларнинг ҳуқуққа ваколатлилиги Конс., қонун, низом, устав, яъни статут ҳужжат б-н белгиланади. Бундан муҳим бир қоида, яъни ҳар бир субъект фақат ўзига бириктирилган Ҳ.х.лар турларинигина қабул қила олиши келиб чиқади;

в) Ҳ.х. уни қабул қилишга ваколатли органининг ваколати доирасидагина чиқарилади. Вазирлик, давлат кўмиталари ва б. идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари Ҳ.х. ёрдамида ўзларига юклатилган компетенциясини амалга оширади, ваколатлари доирасида ҳаракат қилади;

г) Ҳ.х. бирор мақсадга йўналтирилган бўлади. Унда мужассам ҳолда ижтимоий манфаатлар ифодаланади. Ҳужжат давлат иродасини (агар давлат номидан чиқарилган бўлса), ижтимоий бирлик (у ёки бу ҳудуд аҳолиси), ҳокимият амри (агар ҳужжат давлат органи томонидан чиқарилган бўлса), розилик ва тенг ҳамкорлик муносабатларини ифодалаш мумкин;

д) Ҳ.х. ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун мўлжаллангандир. Бунга турли хил усуллар ёрдамида эришилади: ҳуқуқ нормаларини ўрнатиш, ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш, ҳуқуқий нормаларни амалга оширилишини таъминлаш орқали юридик ҳолатни тан олиш, ташкил этиш ва ўзгартириш, қонуний манфаатларни ҳуқуқий ҳимоялаш;

е) Ҳ.х. умуммажбурий кучга эга. Бу ҳужжат расман давлат ва унинг инс.лари томонидан тан олинганини билдиради. Унинг амал қилиши йўналтирилган жисмоний ва юридик шахслар бажариши мажбур, улар ўзларининг ахлоқий нормаларини ва юридик ҳаракатларини Ҳ.х.га мувофиқ амалга оширишлари лозим. Ҳ.х.ни писанд қилмаслик, ҳужжатларни амалга оширилишига тўсқинлик қилиш қонунийликнинг бузилиши ҳисобланади ва унга йўл қўйилмайди. Улар бир томондан – ҳужжатлар мувозанати вужудга келишининг турли хил усуллари, уларнинг юридик кучи ва обрўси вужудга келишига, иккинчи томондан айбдорларга интизомий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва жиноий жавобгарлик қўлланишига олиб келади;

ж) Ҳ.х. реал ҳуқуқий занжирнинг – ҳуқуқий онг, кўрсатмалар, ҳуқуқий эҳтиёжлар, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни реализация қилиш, юридик ҳаракатлар ва ҳолатларнинг бир бўғинидир. Бу даврий равишда янгилашиб турадиган ҳуқуқий занжирдир ва бунда Ҳ.х. унинг мақсади ва воситаси ролини бажариб, импульси сифатида хизмат қилади. Унинг мақсад муддаоси ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни якуни бўйича, қачонки унинг якуний махсулоти сифатида ҳужжат кучга киришида яққол намоён бўлади. Амалий ҳаётда кўрсатмалар, топшириқлар, буйруқлар ва нормаларнинг амалда рўёбга чиқишида Ҳ.х.нинг амал қилиши, қўлланиши ва ижро этилишига хизмат қилади.

У ёки бу мезонларга кўра Ҳ.х.ни турлича таснифлаш мумкин. Амалиётда бу таснифлашлар агар тўла бўлмаса деярли ёки қисман аралашиб кетади. Ахир ҳужжат барча хусусиятлари б-н амал қилиш лаёқатига эга бўлиши керак. Бирок Ҳ.х. қурилишининг барча вариантлари учун таянч қурилма вазифасини ўтайдиган базавий тасниф-

лаш мавжуд. Унинг асосида Х.х.нинг барча ассосий белгиларини ифодаловчи юридик шакли туради. Хужжатлар шакли расмий сифатга эга бўлади ҳамда Конс. ва қонуларда мустаҳкамланади. Бундай таснифлашдан чекиниш мумкин эмас, чунки у барқарор ҳуқук-тартибот ва қонунийликни таъминлашга хизмат қилади. Ўз навбатида хужжатларнинг белгиланган шакллари намунавий ва янада аниқ турларга бўлиниши мумкин.

Юридик шакли бўйича Х.х.ни қуйидаги турларга бўлиш мумкин: а) ЎЗР Конс.си; б) ЎЗРнинг қонуллари; в) ЎЗР Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари; г) ЎЗР Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари; д) ЎЗР ВМнинг қарорлари, фармойишлари; е) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг хужжатлари; ж) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари; з) локал (корпоратив) хужжатлар; и) судлар ва назорат қилувчи органлар қарорлари; й) оммавий-ҳуқуқий шартномалар ва келишувлар; к) дастурлар ва декларациялар; л) низомилар ва уставлар м) халқаро-ҳуқуқий хужжатлар.

Х.х.ни унинг норматив табиатини асос – мезон қилиб олиб ҳам таснифлаш мумкин. Бу мазмунида Х.х. норматив-ҳуқуқий хужжатларга, яъни муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқук нормаларидан таркиб топган Х.х.ларга ва у қимларга йўналтирилган бўлса уларнинг ҳуқук ва мажбуриятларини келтириб чиқарадиган индивидуал ҳуқуқий хужжатларга бўлинади.

Х.х.ни таснифлашнинг яна бир мезони хужжатни расмийлаштириш ва унга юридик куч бериш усулидир. Бу нуқтаи назардан Х.х.: а) бирламчи хужжатлар – қонулар, фармонлар, қарорлар ва б. бевосита юридик кучга эга ва амалга киритиладиган хужжатларга; б) иккиламчи (тасдиқланадиган) хужжатларга бўлинади. Уларга мисол учун вазир томонидан тасдиқланган йўриқнома, маъмурият бошлиғи томонидан тасдиқланган қарор ва б. қиради.

Х.х. уни қабул қилиш тартиби бўйича ҳам турларга бўлинади. Сўз давлат органи томонидан коллегиял (хайъат) тартибда қабул қилинадиган хужжатлар ҳақида кетаяпти. Буларга қонулар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, судлар (айрим инстанциялар) қарорлари ва б. қиради. Бошқа гуруҳдаги Х.х. яккабошчилик асосида қабул қилинади – Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, ВМнинг қарорлари ва фармойишлари ва б.. Шунингдек, коллегиял тартибда қабул қилинадиган, бироқ яккабошчилик асосида расмийлаштириладиган хужжатлар ҳам мавжуд. Мисол учун, вазирликлар хайъатлари қарорлари кўпинча вазир буйруқлари асосида ҳаётга татбиқ этилади. Бошқа ҳолларда хужжатлар лойиҳаларини дастлабки коллегиял муҳокама қилиш уларни апробация қилиш, мутахассислар, олимлар, ташкилотчи-шериклар, шунингдек жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш учун хизмат қилади. Илмий, консультатив, эксперт-таҳлилий, мувофиқлаштирувчи комиссиялар, кенгашлар ва марказлар шу мақсадларга мўлжалланган.

ҲУҚУҚНИ ТАТБИҚ ЭТИШ – давлат томонидан юридик жиҳатдан мустаҳкамланган ва қафолатланган имкониятларнинг амалга оширилиши бўлиб, ҳуқук нормаларини кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида ҳаётга татбиқ этилиши. Х.т.э. шакллари қуйидаги мезонлар бўйича таснифлаш мумкин: Х.т.э.нинг норматив-

ҳуқуқий хужжатларда кўрсатишган қондаларни қўллаиш даражасига кўра: ҳуқуқий фаолият амалга ошириладиган умумий вазифалар ва принциплар ўз ифодасини топган қонулар ҳамда моддаларнинг мукаддималарида кўзда тутилган умумий кўрсатмаларни татбиқ этиш; ҳуқук субъектларининг ҳуқуқий мақомини ҳамда ваколатлар доирасини ўрнатувчи умумий нормаларни татбиқ этиш; муайян ҳуқуқий муносабатларда тегишли ҳуқуқий нормаларни татбиқ этиш; Х.т.э. субъектларига кўра: индивидуал; жамоа томонидан; ҳуқуқни татбиқ этувчи субъектлар фаолияти характерига кўра: ҳуқук нормаларига риоя қилиш; ҳуқук нормаларини бажариш; ҳуқук нормаларидан фойдаланиш; ҳуқук нормаларини қўллаш.

ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ – ҳуқуқий нормалар талабини амалга оширишнинг асосий шаклларида бири. Х.к. ваколатли орган томонидан индивидуал-аниқ кўрсатма (қарор, буйруқ, фармойиш) чиқариш орқали ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга йўналтирилган фаолиятдир. Х.к. фаолияти ҳуқуқий нормани (қондани) тўла-тўқис татбиқ этиш учун ваколатли идоранинг аралашуви талаб этилган ҳолларда заруриятга айланади. Х.к. фаолияти давлат ҳокимияти характерига эга. Унда қарор (яъни, ҳуқуқни қўллаш хужжати) тегишли органнинг азм-ихтиёри, иродаси маҳсули сифатида майдонга чиқади. Зеро, бу идора ўз қарорини давлат ҳокимияти номидан чиқаради ва ҳаётга жорий этади. Х.к. жараёни ўз ичига қуйидаги босқичларни қамраб олади: 1) ҳуқуқий норма б-н тартибга солиниши лозим бўлган юридик ишнинг фактик томонини ўрганиш ва ўрнатиш. 2) кўриладиган юридик ишга мос келадиган ҳуқук нормасини танлаб олиш; 3) кўриладиган юридик ишга мос келадиган ҳуқук нормасининг мазмунини аниқлаш ва уни шарҳлаш; 4) кўриладиган масалага оид танлаб олинган ҳуқук нормаларининг қўллаиш актини чиқариш; 5) ҳуқуқни қўллаш акти чиқарилгандан сўнг, унинг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш; 6) ҳуқуқни қўллаш актининг амалда бажарилишини текшириш ва унинг устидан назорат ўрнатиш.

ҲУҚУҚНИНГ ПСИХОЛОГИК МАКТАБИ – ХХ а.нинг бошида вужудга келган, ҳуқуқни рухий ҳаётнинг ходисаси сифатида кўриб чиқувчи юридик фаннинг йўналиши. Ушбу мактабнинг вакиллари – Л.Кнапп, А.Бирлинг, Э.Лепинг, Л.И.Петражицкий ва б..

Л.Петражицкийнинг қарашларига кўра, инсон руҳияти, ҳис-туйғулари инсоннинг жамиятга мослашувига хизмат қилибгина қолмай, ҳуқуқнинг келиб чиқишида ҳам катта роль ўйнаган. Инсоннинг қатор рухий кечинмалари, жумладан, унинг жамоа таркибида яшашга, қундалик турмушда йўл-йўриғига риоя этса бўладиган салоҳиятли инсонни топиш ва унга бўйсунушга интилиш каби туйғулар инсонларда нафақат лозим ҳулқ-атворининг шаклланишига, балки шу тарика ҳуқуқнинг келиб чиқишига олиб келган.

ҲУҚУҚНИНГ СОЦИОЛОГИК МАКТАБИ – ХХ а.даги ҳуқук мактаби йўналишларидан бири. Х.с.м. тарафдорлари амалдаги ҳуқуқий хужжатлар ҳар доим ҳам иктисодий ва социал шароитларга мувофиқ эмас деб ҳисоблашган. Шу сабабли улар судда кўриб чиқишнинг эркинлигига, яъни суднинг шахс манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий нормалар б-н камрок даражада боғ-

лик бўлишига катта эътибор беришган. Х.с.м.нинг энг йирик вакили – америкалик олим Р.Паунд.

ХУҚУҚНИНГ ТАРИХИЙ МАКТАБИ – XIX а.да юридик фандаги йўналиш (сезиларли даражада ривожланиши Германияда бўлган). Х.т.м. вакиллари (генерал Гуго, Ф.Савиньи ва б.) табиий ҳуқуқ гоёларига қарши чиқишган. Ҳуқуқнинг муҳим манбаи деб урф-одат, анъаналар эълоп қилинган. Кодификация суриб чиқарилган, ҳуқуқ эса “халқ руҳи”нинг доимий ривожланиши натижаси сифатида намоён бўлган, ҳуқуқнинг ривожланиши тилнинг ривожланиши б-н тенглашган. Х.т.м. феодал реакция манфаатларини ақс эттирган.

ХУҚУҚ-ТАРТИБОТ – жамоат тартибини сақлаш учун давлат органлари, жамоатчилик томонидан ижтимоий нормаларни жамоат ҳаётига татбиқ қилиш фаолияти. Шу б-н бирга Х.-т.ни амалга оширишда ижтимоий ҳаётда мавжуд бўлган ахлоқ, одоб, анъаналар мувофиқлиги таъминланади. Х.-т. давлат томонидан ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Х.-т. қонуи ҳужжатларига асосланган ҳамда томонлар ҳуқуқларини эътироф этган ҳолда ўз ҳуқуқий вазифалари доирасида фаолият кўрсатишнинг шарт қилиб кўяди.

ХУҚУҚШУНОС – қ: *Юрист*.

АДАБИЁТЛАР (МАНБАЛАР) РЎЙХАТИ

I. РАХБАРИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – т. 1. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – т. 3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. – т. 4. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 349 б.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. – т. 5. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида: – т. 6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз. – т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – т. 8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. – т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак. – т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз таълаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – т.11. – Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлик ўз қуч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. – т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – т.14. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – т.15. – Т.: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – т.16. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 365 б.
17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонулари

18. ЎзР Конс.си. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-м.
19. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1989 й., 26–28-сон, 453-м.
20. “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 й., 31–33-сон, 371-м.
21. “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 8-сон, 182-м.
22. “Кооперация тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 8-сон, 193-м.
23. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 8-сон, 186-м.
24. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги ЎзР Конституциявий қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-м.
25. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 27-м.
26. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 34-м.
27. “Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 37-м.
28. “Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 43-м.
29. “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 78-м.
30. “Ижара тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 1-сон, 45-м.
31. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 4-сон, 175-м.
32. “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 323-м.

33. "Ўзбекистон Республикасининг фукаролиги тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 338-м.
34. "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 344-м.
35. "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 355-м.
36. "Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 9-сон, 349-м.
37. Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 10-сон, 394-м.
38. "Мудофаа тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 10-сон, 398-м.
39. "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 15-м.
40. "Ғаров тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 17-м.
41. "Прокуратура тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 29-м.
42. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-м.
43. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 52-м.
44. "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 202-м.
45. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 221-м.
46. "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 225-м.
47. "Давлат сирларини сақлаш тўғрисида" ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 232-м.
48. ЎзР ЖК. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 6-сон, 247-м.
49. "Махаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-м.
50. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 322-м.
51. "Ветеринария тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 335-м.
52. "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 338-м.
53. "Судлар тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 10-сон, 367-м.
54. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 60-м.
55. "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 2-сон, 50-м.
56. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 125-м.
57. "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 127-м.
58. "Банкротлик тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 130-м.
59. "Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 136-м.
60. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 138-м.
61. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 5-сон, 140-м.
62. ЎзР ЖК. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 1-сон.
63. ЎзР ЖПК. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.
64. ЎзР МЖК. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 3-сон.
65. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 178-м.
66. "Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 183-м.
67. "Концессиялар тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 185-м.
68. "Ўсимликлар қараитиши тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 9-сон, 188-м.
69. "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-м.
70. "Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 262-м.

71. “Давлат мукофотлари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 266-м.
72. ЎзР МК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-сонга илова.
73. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-м.
74. “Эркин иктисодий зоналар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 58-м.
75. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 59-м.
76. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-м.
77. “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-м.
78. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартриш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 139-м.
79. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-м.
80. ЎзР ФК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова.
81. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-м.
82. “Нотариат тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 42-м.
83. “Адвокатура тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 48 м.
84. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 52-м.
85. “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 54-м.
86. “Олий Мажлисининг ипсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 102-м.
87. “Табий монополиялар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 106-м.
88. “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 108-м.
89. ЎзР ЖИК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 6-сон, 175-м.
90. ЎзР ФПК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон.
91. “Таълим тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 225-м.
92. “Бож тарифи тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 228-м.
93. “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-м.
94. ЎзР ХПК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 234-м.
95. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 1-сон, 10-м.
96. ЎзР БК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-м.
97. ЎзР ЕК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-м.
98. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 86-м.
99. “Дехкон хўжалиги тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-м.
100. “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-м.
101. “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 95-м.
102. ЎзР ОК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сонга илова.
103. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 170-м.
104. ЎзР УЖК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 4-м.
105. “Реклама тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 14-м.
106. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 8-м.
107. “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 10-м.
108. “Лизинг тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 108-м.
109. “Нодавлат потижорат ташкилотлари тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 115-м.
110. “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 118-м.
111. “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 210-м.
112. “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 215-м.
113. “Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси тўғрисида”ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 217-м.

114. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 140-м.
115. "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 142-м.
116. "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5–6-сон, 151-м.
117. "Почта алоқаси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7–8-сон, 210-м.
118. "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 7–8-сон, 215-м.
119. "Бюджет тизими тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 6-м.
120. "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 8-м.
121. "Қонун лойиҳаларининг умумҳалқ муҳокамаси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 14-м.
122. "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 15-м.
123. "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 1–2-сон, 19-м.
124. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 169-м.
125. "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9–10-сон, 178-м.
126. Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 8-м.
127. "Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-м.
128. "Кимматбаҳо металлдан ясалган буюмларнинг аслик даражаси ва тамгаланиши тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 17-м.
129. ЎзР ШК. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4–5-сон, 63-м.
130. "Кредит уюшмалари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4–5-сон, 65-м.
131. "Сугурта фаолияти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4–5-сон, 68-м.
132. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги ЎзР Конституциявий қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 213-м.
133. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ЎзР Конституциявий қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 215-м.
134. "Умумий харбий мажбурият ва харбий хизмат тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 12-сон, 217-м.
135. "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-м.
136. "Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 3–4-сон, 34-м.
137. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 5-сон, 65-м.
138. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 136-м.
139. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 137-м.
140. "Жамоат фондлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 141-м.
141. "Банк сирини тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 9–10-сон, 144-м.
142. "Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1–2-сон, 4-м.
143. "Хусусий корхона тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1–2-сон, 8-м.
144. "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1–2-сон, 10-м.
145. "Экспорт назорати тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 406-м.
146. "Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 453-м.
147. "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 1-сон, 1-м.
148. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3–4-сон, 18-м.
149. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3–4-сон, 20-м.
150. "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 8–9-сон, 64-м.

151. "Электрон тўловлар тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон, 373-м.
152. "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 4-сон, 158-м.
153. "Истеъмом кредити тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 19-сон, 160-м.
154. "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 28-29-сон, 260-м.
155. "Микромолиялаш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 369-м.
156. "Фирма номлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 370-м.
157. "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-м.
158. "Ипотека тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 40-сон, 393-м.
159. "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 406-м.
160. "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 416-м.
161. "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 6-сон, 249-м.
162. "Ҳомийлик тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 17-18-сон, 174-м.
163. ЎзР СК. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон.
164. "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-м.
165. "Қимматли қозғалар бозори тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-м.
166. "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги ЎзР Қонуни. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-м.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

167. ЎзР Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1992 й. 8 январдаги ПФ-314-сон Фармони. ЎзР Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 й., 2-сон, 98-м.
168. ЎзР Президентининг "Ўзбекистон Республикасида авф этишни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 1992 й. 17 июлдаги ПФ-440-сон Фармони.
169. ЎзР Президентининг "Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1996 й. 9 августдаги ПФ-1504-сон Фармони. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 8-сон, 103-м.
170. ЎзР Президентининг "Республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1997 й. 19 мартдаги ПФ-1738-сон Фармони. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 3-сон, 86-м.
171. ЎзР Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида"ги 1998 й. 19 ноябрдаги ПФ-2114-сон Фармони. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 209-м.
172. ЎзР Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 1999 й. 26 февралдаги ПФ-2240-сон Фармони. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 3-сон, 65-м.
173. ЎзР Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий прокуратурасини ташкил қилиш тўғрисида"ги 1999 й. 30 мартдаги ПФ-2277-сон Фармони. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 3-сон, 81-м.
174. ЎзР Президентининг "Республикада давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2003 й. 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони. ЎзР Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 11-12-сон, 178-м.
175. ЎзР Президентининг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги 2005 й. 8 августдаги ПФ-3644-сон Фармони. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 32-33-сон, 242-м.
176. ЎзР Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги судьяларни таълаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2006 й. 17 мартдаги ПФ-3725-сон Фармони. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 101-м.
177. ЎзР Президентининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устида мониторинг қилиш марказини ташкил қилиш тўғрисида"ги 2005 й. 15 декабрдаги ПК-237-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 49-50-сон, 368-м.
178. ЎзР Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги 2006 й. 24 майдаги ПК-357-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 20-21-сон, 174-м.
179. ЎзР Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурдаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 й. 31 августдаги ПК-458-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 36-сон, 360-м.
180. ЎзР Президентининг "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиш органла-

- ри фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 й. 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 156-м.
181. ЎзР Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2007 й. 27 апрелдаги ПҚ-630-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 17-18-сон, 179-м.
182. ЎзР Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 й. 1 ноябрдаги ПҚ-722-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 45-сон, 541-м.
183. ЎзР Президентининг “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 й. 1 майдаги ПФ-3993-сон Фармони. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 144-м.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

184. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш масалаларни тўғрисида”ги 1992 й. 12 ноябрдаги 523-сон қарори. ЎзР Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992 й., 11-сон, 32-м.
185. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикасида ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари” 1992 й. 17 июлдаги 328-сон қарори.
186. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида”ги 1993 й. 12 мартдаги 132-сон қарори. ЎзР Ҳукумати қарорлари тўплами, 1993 й. 3-сон, 9-м.
187. ЎзР ВМнинг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги 1994 й. 11 майдаги 249-сон қарори.
188. ЎзР ВМнинг “Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиб ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 1994 й. 12 майдаги 250-сон қарори.
189. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида”ги 1995 й. 2 июндаги 204-сон қарори. ЎзР Ҳукумати қарорлари тўплами, 1995 й., 6-сон, 19-м.
190. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 1997 й. 30 июлдаги 374-сон қарори. ЎзР Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 7-сон, 26-м.
191. ЎзР ВМнинг “Норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1998 й. 6 майдаги 194-сон қарори.
192. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 1999 й. 12 апрелдаги 171-сон қарори. ЎзР Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 4-сон, 18-м.
193. ЎзР ВМнинг “Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунийликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги 1999 й. 3 июлдаги 327-сон қарори. ЎзР Ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 35-м.
194. ЎзР ВМнинг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 2000 й. 5 майдаги 180-сон қарори. ЎзР Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 5-сон, 23-м.
195. ЎзР ВМнинг “Гибҳавандлик воситалари, пенхотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тўғрисида”ги 2000 й. 31 июлдаги 293-сон қарори. ЎзР Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 44-м.
196. ЎзР ВМнинг “Хорижий тижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ваколатхоналарини аккредитация қилиш тартиби ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2000 й. 23 октябрдаги 410-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 8-сон, 127-м.
197. ЎзР ВМнинг “Йўл ҳаракати қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 11 декабрдаги 472-сон қарори. ЎзР Ҳукумати қарорлари тўплами, 2000 й., 12-сон, 75-м.
198. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2001 й. 27 июлдаги 321-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 14-сон, 98-м.
199. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2002 й. 3 апрелдаги 111-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 7-сон, 49-м.
200. ЎзР ВМнинг “Сугурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 й. 27 ноябрдаги 413-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 180-м.
201. ЎзР ВМнинг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2002 й. 28 ноябрдаги 414-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 22-сон, 181-м.
202. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикасида чакана савдо қондаларини ҳамда Ўзбекистон Республикасида умумий оқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2003 й. 13 февралдаги 75-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 3-сон, 27-м.
203. ЎзР ВМнинг “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2003 й. 18 мартдаги 147-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 5-6-сон, 54-м.
204. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар

- жойлаштирилганлиги учун тўловлар тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 й. 1 майдаги 199-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 9–10-сон, 71-м.
205. ЎзР ВМнинг “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2003 й. 20 августдаги 357-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 15–16-сон, 130-м.
206. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 й. 27 августдаги 370-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами 2003 й., 15–16-сон, 138-м.
207. ЎзР ВМнинг “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2003 й. 4 сентябрдаги 383-сон қарори. ЎзР Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 17–18-сон, 143-м.
208. ЎзР ВМнинг “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”-ги 2004 й. 1 мартдаги 100-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 9-сон, 107-м.
209. ЎзР ВМнинг “Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида”ги 2004 й. 28 октябрдаги 508-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 44-сон, 459-м.
210. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2005 й. 2 августдаги 180-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30–31-сон, 232-м.
211. ЎзР ВМнинг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 й. 5 январдаги ПФ–3706-сон фармонини амалга ошириш ҳақида”ги 2006 й. 11 январдаги 4-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 2-сон, 9-м.
212. ЎзР ВМнинг “Пахта чигитини етказиб бериш ва ундан фойдаланиш механизмни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2006 й. 18 сентябрдаги 199-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37–38-сон, 381-м.
213. ЎзР ВМнинг “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 й. 16 октябрдаги 215-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 417-м.
214. ЎзР ВМнинг “Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бераётган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2007 й. 15 августдаги 174-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 33–34-сон, 343-м.
215. ЎзР ВМнинг “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 й. 16 августдаги 176-сон қарори. ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 33–34-сон, 344-м.

4. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

216. ЎзР Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Қимматли қозғалар ҳосилларини чиқариш ва муомалада бўлиши тартиби” (рўйхат рақами 320, 1997 й. 2 апрель).
217. ЎзР Меҳнат вазирлиги, ЎзР Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома” (рўйхат рақами 402, 1998 й. 29 январь).
218. ЎзР Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган “Банкларни рўйхатга олиш ва лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом” (рўйхат рақами 630, 1999 й. 11 февраль).
219. ЎзР Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки инспекция бўлиқчалари томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиалларида инспекция (текшириш) ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом” (рўйхат рақами 889, 2000 й. 4 февраль). ЎзР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 3-сон.
220. ЎзР Марказий банки бошқаруви томонидан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудиторлик текшируви тўғрисидаги низом” (рўйхат рақами 982, 2000 й. 4 ноябрь). ЎзР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 21-сон.
221. ЎзР Марказий банки бошқарувининг “Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1010, 2001 й. 19 февраль). ЎзР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 3–4-сон.
222. ЎзР Ички ишлар вазирининг “Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1077, 2001 й. 27 октябрь). ЎзР вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 20-сон.

223. ЎзР Марказий банки бошқарувиининг “Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 1080, 2001 й. 10 ноябрь). ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 21-сон.
224. ЎзР Давлат мулки кўмитаси ҳузурдаги Қимматли қозғалар бозори фаоллигини мувофиқлаштириш ва пазорат қилиш маркази бош директорининг “Инвестиция воситачилари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1108, 2002 й. 13 март). ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 5-сон.
225. ЎзР Молия вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1111, 2002 й. 14 март). ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 5-сон.
226. ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг “Ишлайдиган оналарга бола икки ёшга етунгача қадар уни парвартиш қилгайлиги учун ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1113, 2002 й. 14 март). ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 5-сон.
227. ЎзР Марказий банк бошқарувиининг “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1122, 2002 й. 15 апрель). ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 7-сон.
228. ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг “Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1136, 2002 й. 8 май). ЎзР вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 9-сон.
229. ЎзР Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Марказий банки бошқарувиининг “Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1333, 2004 й. 6 апрель). ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 14-сон, 172-м.
230. ЎзР Марказий банк бошқарувиининг “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1545, 2006 й. 14 февраль). ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 6–7-сон, 48-м.
231. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг “16 ёшгача бўлган болаларга иогропликни тайинлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1695, 2007 й. 27 июнь). ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 25–26-сон, 277-м.
232. ЎзР Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудини қарантиндаги зарарқондалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза қилиш қондалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи (рўйхат рақами 1764, 2008 й. 31 январь). ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 5-сон, 23-м.
233. ЎзР Марказий банк бошқарувиининг “Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, илқассаия ва қимматликларни ташинга доир йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 1831, 2008 й. 27 июнь). ЎзР қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26–27-сон, 258-м.

III. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИ

234. ЎзР ОСи Пленумининг “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга онд жиноят ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 1995 й. 27 октябрдаги 21-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1996 й., 1-2-сон.
235. ЎзР ОСи Пленумининг “Қонтрабанда ва божхона қонуларини бузиш тўғрисида ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 1996 й. 27 февралдаги 2-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1996 й., 3–4-сон.
236. ЎзР ОСи Пленумининг “Транспорт воситаларини олиб қочиш ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 1996 й. 20 декабрдаги 37-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1997 й., 1–2-сон.
237. ЎзР ОСи Пленумининг “Ижтимоий ҳавфли тажовузлардан зарурий мудофаа ҳуқуқини таъминловчи қонунларни судлар томонидан қўлланиши ҳақида”ги 1996 й. 20 декабрдаги 39-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1997 й., 1–2-сон.
238. ЎзР ОСи Пленумининг “Суд ҳукми тўғрисида”ги 1997 й. 2 майдаги 2-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1997 й., 3-сон.
239. ЎзР ОСи Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини биринчи босқич судида муҳокама этиш жараёнида процессуал қонуқчиликка риоя қилиниши тўғрисида”ги 1997 й. 22 августдаги 12-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-сон.
240. ЎзР ОСи Пленумининг “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 1998 й. 17 апрелдаги 11-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1998 й., 1–2-сон.
241. ЎзР ОСи Пленумининг “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 1998 й. 11 сентябрдаги 21-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1998 й., 3-сон.
242. ЎзР ОСи Пленумининг “Ўзгалар мулкни ўғрилик, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 й. 30 апрелдаги 6-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1999 й., 2-сон.

243. ЎзР ОСи Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 1999 й. 24 сентябрдаги 19-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 1999 й., 3-4-сон.
244. ЎзР ОСи ва ОХС қўшма Пленумининг “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 й. 28 апрелдаги 2/84-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2000 й., 2-3-сон.
245. ЎзР ОСи Пленумининг “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2000 й. 28 апрелдаги 7-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2000 й., 2-3-сон.
246. ЎзР ОСи Пленумининг “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақида ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 й. 15 сентябрдаги 21-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2000 й., 4-сон.
247. ЎзР ОСи Пленумининг “Жиноят ишларини кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида”ги 2001 й. 1 июндаги 5-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2001 й., 3-4-сон.
248. ЎзР ОСи Пленумининг “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 2002 й. 14 июндаги 9-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-2-сон.
249. ЎзР ОСи Пленумининг “Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйини товлаганлик учун жавобгарлик тўғрисида қонунларнинг судлар томонидан қўллаши ҳақида”ги 2003 й. 6 июндаги 6-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон.
250. ЎзР ОСи Пленумининг “Гумон қилинувчи ва айбланувчини химоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2003 й. 19 декабрдаги 17-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2003 й., 4-сон.
251. ЎзР ОСи Пленумининг “Далиллар мақбулликка оид жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2004 й. 24 сентябрдаги 12-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2004 й., 3-сон.
252. ЎзР ОСи Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2006 й., 1-сон.
253. ЎзР ОСи Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги 2006 й. 3 февралдаги 2-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2006 й., 1-сон.
254. ЎзР ОСи Пленумининг “Бадабга қасддан шикаст етказишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2007 й. 27 июндаги 6-сон қарори. ЎзР ОСининг Ахборотномаси, 2007 й., 3-сон.

IV. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

255. Алебастрова И.А. Конституционное право зарубежных стран: Учебное пособие. – М.: Юриспруденция, 2000. – 304 с.
256. Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. – М.: Зерцало, 1996. 680 с.
257. Алимova P., Отаҳўжаев С. Суд экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш масалалари. (Ўқув қўлланма) – Т., Янги аср авлоди, 2002. – 132 б.
258. Банковское право Российской Федерации. Особенная часть. В 2-т. Учебник. / Отв. ред. Г.А.Тосунян. – М.: Юристъ, 2002. Т.2. – 783 с.
259. Бартошек М. Римское право. Понятие, термины, определения. – М., 1999. – 98 с.
260. Бахрах Д.Н., Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право. – М.: Норма, 2004. – 340 с.
261. Богуславский М.М. Международное частное право. Учебник. 6-е изд. – М.: Юристъ, 2004. – 462 с.
262. Большой юридический словарь, третье издание. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 240 с.
263. Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 319 б.
264. Додонов В.Н. и др. Право международной торговли: Слов.-справ. – М., 1997. – 560 с.
265. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 384 б.
266. Ислom. Справочник. Ўзбекистон Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. – Т., 1989. – 336 б.
267. Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – 916 б.
268. Кашанина Т.В. Корпоративное право. Учебник для вузов. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. – 815 с.
269. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. – М.: БЕК, 1995. – 778 с.
270. Конституционное право зарубежных стран. Учебник для вузов. – М.: Издательская группа НОРМА – ИНФРА М, 1999. – 832 с.
271. Конституционное право зарубежных стран: Учебник для вузов. – М.: Издательство НОРМА, 1999. – 654 с.
272. Конституционный ҳуқуқ. Энциклопедик лугат. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 584 б.
273. Криминалистика: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. 1-қисм. – Т.: Адолат, 2003. – 362 б.
274. Криминалистика: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. 2-қисм. – Т.: Адолат, 2003. – 266 б.
275. Ли А. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик. – Т., 2006. – 508 б.
276. Ли А. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи: юридик олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2004. – 398 б.
277. Лукашук И.И., Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари. Дарслик. – Т.: Адолат, 2006. – 424 б.
278. Международное право. Словарь-справочник. – М.: ИНФРА-М, 1997. – 368 с.
279. Международное частное право. Учебник. – М.: Проспект. 2000. – 610 с.

280. Миркасымов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Учебное пособие. – Тошкент: Академия, 2004. – 221 с.
281. Мирхамидов М. Современные модели президенства. – Т., 2005. – 29 с.
282. Мирхамидов М. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т.: Университет, 175 б.
283. Мирхамидов М., Норпўлатов Н., Хасанов С. Юристинг нутқ маданияти. – Т.: Fan va texnologiya, 2005. – 141 б.
284. Мустақиллик. Изоҳли илмий-оммабоп лугат. – Т.: Шарқ, 1998. – 320 б.
286. Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Улкан маънавий мерос. // “Шарқ Юлдузи”, 1990. – 3-сон. – 165 б.
287. Нерсеянец В.С. История политических и правовых учений. Учебник для ВУЗов. – М.: НОРМА-ИНФРА-М, 1999. – 736 с.
288. Ниетуллаев С.Д. Каракалпоқстан Республикасынын конституциялык ҳуқуқи. – Нукус: Билим, 1996. – 224 б.
289. Поклик имондандир. – Т.т: Ўзбекистон, 1991. 416 б.
290. Практическое руководство по Мировой торговой системе. – М.: АСКОН, 2005. 150 с.
291. Пухан И. Римское право. Учебник. – М.: Зерцало, 1999. – 56 с.
292. Рахимова А., Хожиев Э. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2002. – 407 б.
293. Раҳмонқулов Ҳ. Юридик атамалар қомусий лугати. – Т.: Шарқ, 2003. – 432 б.
294. Римское частное право. Учебник. – М.: Юриспруденция, 2008. – 464 с.
295. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т.: ILM ZIYO, 2006. – 608 б.
296. Рустамбоев М. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ILM ZIYO, 2006. – 912 б.
297. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. – Т.: ZAR QALAM, 2005. – 600 б.
298. Сағдуллаев А.С. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Тошкент, 1997. 236 б.
299. Саидов А. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси “Адабиёт жамғармаси”. Адолат, 2001. – 320 б.
300. Салаев Н.С., Сафаров Ж.И. Қаннибализм (Одамхўрлик). Илмий-оммабоп рисола. – Т.: Адолат, 2006. – 156 б.
301. Словарь. А.Ф.Никитина. – М.: ОЛМА-ПРЕСС Образование, 2004. – 497 с.
302. Смирнов М.М. Римское частное право. – М.: ПРИОР, 2004. – 96 с.
303. Таджикханов У., Одилқориев Ҳ., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2001. – 752 б.
304. Тихомиров Ю.А., Котелевская И.В. Правовые акты. – М., 1999. 280 с.
305. Тихомирова Л.В., Тихомиров М.Ю. Юридическая энциклопедия. Издание 5-е, дополненное и переработанное/ Под ред. М.Ю. Тихомирова. – М., 2002. – 971 с.
306. Тосунян Г.А., Викулин А.Ю. Банковское право России. Учебно-практическое пособие. – М.: Юристь, 2000.
307. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002. – 448 б.
308. Хван Л.Б. Налоговое право. Учебник. – Т.: Консаудитинформ, 2001. – 404 с.
309. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2001. – 432 б.
310. Хорижий мамлакатлар давлати (конституциявий) ҳуқуқи: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2006. – 550 б.
311. Цезаре С. Курс римского частного права. Учебник. Перевод с итальянского. – М.: Бек, 2000. – 172 с.
312. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристь, 2003. – 622 с.
313. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. – М.: Юристь, 1997. – 568 с.
314. Чудаков М.Ф. Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебное пособие. – Минск: Новое знание, 2001. – 567 с.
315. Шомухамедова З.Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Консаудитинформ, 2002. – 128 б.
316. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Адолат, 2001. – 508 б.
317. Эргашев В.Ё. Фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқи вужудга келиши ва бекор бўлишининг илмий-назарий жиҳатлари. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 210 б.
318. Юридик энциклопедия. – Т.: Шарқ, 2001. – 487 б.
319. Юридическая энциклопедия. – М.: Юристь, 2001. – 681 с.
320. Юридическая энциклопедия/Отв. ред. Б.Н. Топорнин. – М.: Юристь, 2001. – 1272 с.
321. Юридический энциклопедический словарь. – Третье издание, переработанное и дополненное. – М.: Инфра-М, 2004. – 450 с.
322. Яшаш ҳуқуқи ва шахс дахлсизлиги қафолаги (Илмий-амалий қўлланма). – Т., АКХМИ, 2008. – 296 б.
323. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2-жилд. – М.: “Рус тили” нашриёти, 1981. – 718 б.
324. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд. А – Бешбалик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000. – 736 б.
325. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. Белик – Гидрофизика. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2001. – 704 б.
326. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-жилд. Гидрофлия – Зебралар. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б.

327. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. Зебунисо – Конибил. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б.
328. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-жилд. Конибех – Мирзоқуш. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.
329. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-жилд. Миррий – Пархини. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. – 704 б.
330. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-жилд. Парчин – Солик. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 704 б.
331. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солинома – Тўйтепа. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 704 б.
332. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тўйчи Хофиз – Шаршара. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 704 б.
333. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10-жилд. Шарк – Қизилқум. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 656 б.
334. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 11-жилд. Қизилқумит – Хўрмуз. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2005. – 608 б.
335. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 712 б.
336. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 574 б.
337. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. – Т.: Адолат, ИИВ Академияси, 1997. – 384 б.
338. Ўзбекистон Республикаси конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Молия, 2002. – 632 б.
339. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 488 б.
340. Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига шарҳлар. – Т.: ТДЮИ, 2000. – 448 б.
341. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. 3-жилд. – Т., 1998. – 384 б.
342. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2008 йил 1 июлгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 396 б.
343. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси: (2008 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 192 б.
344. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: (2008 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 272 б.
345. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси: (2008 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 192 б.
346. Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси: Расмий нашр. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 692 б.
347. Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси: (2008 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 164 б.
348. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси: (2008 йил 1 февралгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 356 б.
349. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси: (2008 йил 1 майгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 520 б.
350. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси: (2008 йил 1 сентябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 232 б.
351. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси: (2008 йил 1 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 692 б.
352. Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси: (2008 йил 1 августгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2008 й. – 144 б.
353. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб муаммолари. – Т. Дўстжонов, М. Мирхамидов, С. Ҳасанов. – Т.: IQTISOD – MOLIYA, 2006. – 60 б.
354. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – 680 б.
355. Ҳожиев Э.Т., Ҳожиев Т.Т. Маъмурий ҳуқуқ. Дарслик. – Т., 2006. – 800 б.

КЎРСАТКИЧЛАР

А

Аболиция	7	Айирбошлаш	17
Абонемент	7	Айирбошлаш шартномаси	17
Абонент	7	Айланма касса маблағи меъёри	17
Абсентеизм	7	Айнап (адекват) шарҳлаш	17
Авалчи	7	Аквинат (Фома Аквинский)	17
Аваль	7	Аккламация	18
Аванс (Бўнак)	7	Аккорд ҳақ тўлаш	18
Авария ишлари	7	Аккредитация	18
Августин Аврелий	8	Аккредитив	18
Авесто	8	Аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар	18
Авестошунослик	8	Аксилреклама	18
Автаркия	9	Актуарий	19
Автоном бошқарув	9	Акцепт	19
Автоном тузилма	9	Акцепт кредити	19
Автономия	9	Акцессор-ҳуқуқий муносабатлар	20
Авторитар режим	9	Акциз солиғи	20
Агентлик	9	Акция	20
Агреман	10	Акциядорлар реестри	20
Агрессия	10	Акциядорлик жамияти	21
Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш		Алдаш ёки ишончли суинстеъмол қилиш йўли	
тўғрисидаги Берн конвенцияси	10	билан мулккий зарар етказиш	21
Адабий ўғирлик (Плагиат)	10	Алиби	21
Адвалор ставкалар	11	Алимент	21
Адвокат	11	Алимент мажбурияти	21
Адвокатлар ҳайъати	11	Алимент тўлаш тўғрисида келишув	22
Адвокатлик бюроси	11	Алишер Навоий	22
Адвокатлик фаолиятининг турлари	11	Алкоголизм	22
Адвокатлик фирмаси	11	Аллокатура	23
Адвокатнинг ёрдамчиси	12	Аллонж	23
Адвокатнинг стажёри	12	Алоқа ходимлари	23
Адвокатура	12	Алоҳида дам олиш куни	23
Адекват шарҳлаш	12	Алоҳида тартибда иш юритиш	23
Аджастер	12	Алоҳида фикр	23
Адлия	13	Альянс	23
“Адолат” нашриёти	13	Амин	23
Аёллар ва болалар савдоси	13	Амир	23
Аёллар жиноятчилиги	13	Амир Темур	23
Аёллар меҳнати	13	Амирлик	24
Ажрим	14	Амнистия	24
Айб	14	Амнистия акти асосида жавобгарликдан	
Айб учун жавобгарлик	15	озод қилиш	24
Айб эълон қилиш	15	Амортизация	24
Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз	15	Аналогия (Ўхшашлик)	25
Айбланувчи	15	Анархия	25
Айблов хулосаси	16	Аниқ мақсадли қарз	25
Айбнинг шакллари	16	Анкета (Сўровнома)	25
Айбсиз ҳолда зарар етказиш	17	Анклав	25
Айбсизлик презумпцияси	17	Аннексия	25
		Аноним	25
		Антидемпнинг божи	26

Апартеид	26	Ахборотни ошкор қилиш	36
Апатрид	26	Ахлоқ тузатиш ишлари	36
Апелляция	27	Ахлоқ тузатиш ишлари тарикасидаги	
Апелляция инстанцияси	27	жазо муддатини ҳисоблаш	36
Апелляция инстанцияси қарори	27	Ашё	37
Апелляция шикояти ва		Ашё ва ҳужжатларни олиб қўйиш	37
апелляция протести	27	Ашёвий далиллар	37
Аралаш сайлов тизими	27	Ашёвий ҳуқуқ	38
Аралаш ставкалар	27	Ашёларни кўздан кечириш	38
Аралашмаслик	27	Ашёларнинг ломбардда гаровга қўйилиши	38
Арасту	28	Аэродром	39
Арбитраж	28	Аэродром эксплуатанти	39
Арбитраж суди	28	Аэропорт	39
Ариза	28	Ақли норасолик	39
Аризани кўрмасдан қолдириш асослари	28	Ақли расолик	39
Аризани қабул қилишни рад этиш	28	Аҳоли пунктларининг ерлари	39
Армия	28	Аҳолини иш билан таъминлаш	39
Асиллик даражаси назорати			
(Пробир назорати)	29	Б	
Асоратли битим	29	Баданга шикаст етказиш	40
Асосий жазолар	29	Бадарға	40
Асосий қонун	29	Баённома	40
Асосий ҳуқуқ ва эркинликлар	29	Бажарувчи	41
Асосиз бойлик орттириш	29	Байрам қунлари	42
Ассистанс	29	Байроқ	42
Атмосфера ҳавоси	30	Байроқ қонуни	42
Атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги		Баланс	42
учун тўловлар	30	Баллистика	42
Атроф табиий муҳит мониторинги	30	Баллотировка	42
Атроф табиий муҳит сифат нормативлари	31	Бангилик	42
Атроф табиий муҳитни ҳуқуқий		Бандитизм	42
муҳофаза қилиш	31	Бандликка кўмаклашиш марказлари	42
Атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши	31	Банк	42
Аттестация	31	Банк аудити	43
Аттестация комиссияси	31	Банк билетлари	43
Атторней	32	Банк омонати	43
Аудиовизуал асар	32	Банк омонати шартномаси	43
Аудит	32	Банк сертификати	44
Аудитор	32	Банк сири	44
Аудиторлик ташкилоти	32	Банк тизими	45
Аудиторлик фаолияти (Аудит)	32	Банк филиали	45
Аудиторлик хулосаси	33	Банк чеки	45
Аудиторлик ҳисоботи	33	Банк қонунчилиги	45
Аукцион	33	Банк ҳисобварағи	45
Аутентик	34	Банк ҳисобварағи шартномаси	45
Аутентик шарҳлаш	34	Банклараро операциялар	46
Афв этиш	34	Банкнотлар	46
Афлотун	34	Банкротлик (Иқтисодий ночорлик)	46
Аффект	35	Банкротликни яшириш	47
Аффилланган шахслар	35	Бармоқ излари	47
Ахборот ресурслари	35	Бартер битими	47
Ахборот ҳуқуқи	35	Бахтсиз ходиса ҳақида далолатнома	47
Ахборот эркинлиги	36	Баҳо	47
Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш	36		

Баҳолаш фаолияти	47	БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши	57
Бевосита демократия	47	Бож	57
Безорилик	48	Бож имтиёзлари	57
Бекор туриб қолиш	48	Бож олинмайдиган савдо дўкони	58
Белли казуси	48	Бож тарифи	58
Беморга ёрдам кўрсатмаслик	48	Бож тўловлари	58
Бенефициар	48	Божхона анклави	58
Бепарволик	49	Божхона бахоси	58
Бесоколбозлик	49	Божхона брокери	58
Бетарафлик	49	Божхона гаров хати	58
Беш кунлик иш ҳафтаси	49	Божхона декларацияси	58
Беш юзлик кенгаш	49	Божхона иши	59
Бехбудий	49	Божхона йиғимлари	59
Бийлар суди	50	Божхона кодекси	59
Бикамерализм	50	Божхона кредити	59
Билатуриб ёлғон гувоҳлик бериш	50	Божхона кўригидан ўтказиш	59
Билатуриб ёлғон хабар бериш	50	Божхона мухри	59
Билвосита ишбай ҳақ	50	Божхона назорати	59
Билвосита сайлов	50	Божхона назорати зоналари	59
Билим олиш ҳуқуқи	50	Божхона омбори	59
Бино ёки иншоотни ижарага бериш шартномаси	50	Божхона пости	60
Биологик хилма-хиллик	51	Божхона процедуралари	60
Биоцид	51	Божхона расмийлаштируви	60
Бипатрид	51	Божхона режими	60
Бир кишилик камералар	52	Божхона сиёсати	60
Бир мандатли сайлов округи	52	Божхона ташувчиси	60
Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш	52	Божхона таъминлови	60
Бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш	52	Божхона тизими	61
Бир палатали парламент тизими (Монокамерализм)	52	Божхона транзити	61
Бир тарафлама битим	52	Божхона тушумлари	61
Бир томонлама акт	52	Божхона тўловлари	61
Бир томонлама воз кечиш	53	Божхона хизмати	61
Бир қанча жиноят содир этиш	53	Божхона чегараси	61
Биргаликда суғурта қилиш	53	Божхона қиймати	62
Биржа	53	Божхона ҳудуди	62
Биржа битими	54	Божхона ҳудудида қайта ишлаш	62
Биржа курси	54	Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш	62
Биржа мижози	54	Божхона ҳуқуқбузарлиги	63
Биржа товари	54	Божхона ҳуқуқи	63
Битимлар	54	Бой берилган фойда	63
Битимларнинг ҳақиқий эмаслиги	55	Бола (болалар)	63
Бланкет диспозиция	55	Бола икки ёшга тўлгунча бериладиган нафақа	63
Бланкет нормалар	55	Бола туғилганда бериладиган нафақа	63
БМТ	55	Бола ҳуқуқлари	64
БМТ Бош Ассамблеяси	56	Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция	64
БМТ Бош Ассамблеяси қўмиталари	56	Бола ҳуқуқларининг кафолатлари	64
БМТ Бош Қотиби	56	Болани алмаштириб қўйиш	65
БМТ Қотибнати	56	Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи	65
БМТ Устави	56	Боланинг насл-насабини белгилаш	65
БМТнинг Васийлик Кенгаши	57	Боланинг қонуний вакиллари	66
БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши	57	Босқинчилик	66
		Бош консул	66
		Бош кортеслар	66
		Бош пудратчи	66

Бошлиққа қаршилик кўрсатиш ёки уни хизмат вазифаларини бузишга мажбур қилиш	66	Вазирлик	76
Бошпана	66	Вакил	76
Бошқа ишга ўтказиш	66	Вакил ота	76
Бошқариш	67	Вакиллар Палатаси	76
Бошқарув тартибига қарши жиноятлар	67	Вакиллик	77
Бошқарув шакли	67	Вакиллик демократияси	77
Бошқарувнинг алоҳида шакли	67	Вакиллик хокимияти	77
Боқувчисини йўқотганлик пенсияси	68	Ваколатларини соқит қилиш	77
Браконьерлик	68	Ваколатларини бериш	77
Брахманизм	68	Валюта	77
Бригада бўйича моддий жавобгарлик	68	Валюта бойликлари	77
Брокер	68	Валюта демпинги	77
Брокерлик фаолияти	68	Валюта жиноятлари	77
Брутто	68	Валюта назорати	78
Буйрук	69	Валюта операциялари	78
Буйрук ёки бошқа вазифани ижро этиш	69	Валюта паритети	78
Буйрук тартибда иш юритиш	69	Валюта қимматликлари	78
Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти	69	Валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш ёки ўтказиш	79
Бухгалтерия ҳисоби	69	Валюта ҳисоби	79
Бухорий	70	Валютани тартибга солиш	79
Буюртма қўриқхона	71	Вандализм	79
Бюджет	71	Васийлик	79
Бюджет дотацияси	72	Васийлик ва ҳомийлик	80
Бюджет жараёни	72	Васийлик ва ҳомийлик органлари	80
Бюджет интизоми	72	Васият бўйича ворислик	81
Бюджет интизомини бузиш	72	Васият мажбурияти	81
Бюджет муассасаси	72	Васиятнома	82
Бюджет профицити	72	Васиятноманинг сир сақланиши	82
Бюджет ссудаси	72	Васиятномани бекор қилиш ва ўзгартириш	82
Бюджет статистикаси	72	Васика	82
Бюджет субвенцияси	72	Ватанга хоинлик қилиш	82
Бюджет сўрови	73	Вақт нормаси	82
Бюджет таснифи	73	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик	82
Бюджет ташкилоти	73	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси	83
Бюджет ташкилотининг сметаси	73	Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш)	83
Бюджет тақчиллиги	73	Вақтинча сақлаш	83
Бюджет тизими	74	Вақтинчалик бошқа вазифани бажариш	83
Бюджет трансферти	74	Вақф	83
Бюджет тузилиши	74	Вексель	83
Бюджет ҳукуқи	74	Вексель эгаси	83
Бюджет ҳукуқий муносабатлари	74	Вербал нота	83
Бюджетдан ажратиладиган маблағларни тақсимловчилар	74	Вердикт	83
Бюджетдан молиялаш	75	Версия	83
Бюджетни режалаштириш	75	Вето	83
Бюджетни тартибга солиш	75	Виждон эркинлиги	84
Бюрократия	75	Виза	85
Бўнак	75	Византия ҳукуқи	85
		Виктимлик	85
		Виктимологик профилактика	85
		Виктимология	85
		Вилоят суди	85
		Виндикацион даъво	86
		Вице-консул	86
В			
Вазир	76		
Вазири аъзам	76		

Ворислар	86
Ворислик	86
Ворислик ҳукуки	86
Воситачи	86
Воситачилик	87
Воситачилик шартномаси	87
Вотум	87
Вояга етганлик ёши	87
Вояга етмаган	87
Вояга етмаган гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилиш	87
Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш	88
Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш	88
Вояга етмаганлар жиноятчилигининг кримнологик тавсифи	88
Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар	88
Вояга етмаганларга жазо тайинлаш	89
Вояга етмаганларнинг жавобгарлиги	89
Врачлик маслаҳат комиссияси	89

Г

Газли қуроллар	90
Гай	90
Гангстер	90
Гандимиён шартномаси	90
Гаров	90
Гаров мажбурияти	90
Гаров ҳукуки	90
Гаровга олиш	91
Гаровга олувчи	91
Гаровга қўювчи	91
Гастролёр жиноятчилар	91
Гауптвахта	91
Гегель	91
Генерал	91
Генерал-губернатор	91
Генерал-губернаторлик	91
Генералиссимус	92
Геноцид	92
Герб	92
Гигиена нормативлари	92
Гиёҳвандлик	92
Гиёҳвандлик воситалари	93
Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши	93
Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятчиликнинг кримнологик тавсифи	93
Гильза	94

Гильотина	94
Грамматик (филологик) шарҳлаш	95
Грант	95
Графлик	95
Гриф	95
Губернаторлик	95
Гувоҳ	95
Гувоҳлантириш	95
Гувоҳнинг адвокати	96
Гувоҳнома	96
Гудвилл	96
Гуманитар ёрдам	96
Гуманитар ҳуқуқ	96
Гумон қилинувчи	97

Д

Давлат	98
Давлат авиацияси	99
Давлат айбловчиси	99
Давлат аппарати	99
Давлат байроғи	99
Давлат банкротлиги	100
Давлат белгилари	100
Давлат божи	100
Давлат божини қайтариш	101
Давлат бошқарув органи	101
Давлат бошқаруви	101
Давлат бошқаруви усуллари	102
Давлат бошқаруви ҳужжатлари	102
Давлат бошлиғи	102
Давлат бюджети	103
Давлат бюджети даромадлари	103
Давлат бюджети харажатлари	103
Давлат бюджетини ижро этиш	103
Давлат бюджетининг ғазна ижроси	103
Давлат ва муниципал мулкларни хусусийлаштириш	103
Давлат ва ҳуқуқ келиб чиқишига оид психологик назария	103
Давлат ва ҳуқуқ назарияси	104
Давлат ветеринария назорати	104
Давлат герби	104
Давлат даромадлари	104
Давлат дини	104
Давлат ёнғин назорати	104
Давлат заёми	105
Давлат заёми шартномаси	105
Давлат захираси	105
Давлат ижтимоий суғуртаси	105
Давлат иммунитети	105
Давлат интизоми	106
Давлат ички қарзлари	106
Давлат кадастри	106

Давлат кенгаши	106	Давлат шакли	115
Давлат корхонаси	106	Давлат экологик назорати	115
Давлат кредити	107	Давлат экологик экспертизаси	115
Давлат мадҳияси	107	Давлат энергетика назорати	115
Давлат мақсадли жамғармалари	107	Давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш	115
Давлат механизми	107	Давлат юрисдикцияси	116
Давлат муассасаси	107	Давлат қарзи	116
Давлат мукофотлари	108	Давлат қимматли қоғозлари	117
Давлат мулк ҳуқуқи	108	Давлат қурилиши	117
Давлат мулки	108	Давлат қўмиталари	117
Давлат назорати	109	Давлат қўриқхонаси	117
Давлат номи	109	Давлат ҳокимияти	117
Давлат органи	109	Давлат ҳокимияти органи	118
Давлат пайдо бўлишининг шартнома назарияси	109	Давлат ҳокимиятининг бўлиниши	118
Давлат пенсиялари	109	Давлат ҳокимиятининг олий органлари	119
Давлат пенсия суғуртаси	109	Давлат ҳудуди	119
Давлат почта тўлови белгилари	109	Давлат ҳуқуқи	120
Давлат президенти	110	Давлатга хоинлик қилиш	120
Давлат проба тамғаларини тайёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш	110	Давлатга қарши жиноятлар	120
Давлат рамзлари (Миллий рамзлар)	110	Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик	120
Давлат режими	110	Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги	120
Давлат санитария назорати	110	Давлатнинг яхлитлиги	120
Давлат сирни ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш	111	Давлатсимон тузилмалар (Квазидавлатлар)	121
Давлат сирлари	111	Давомли жиноят	121
Давлат сирларини ошкор қилиш	111	Дактилоскопия	122
Давлат солиқлари	111	Далиллар	122
Давлат суверенитети	111	Далилларга баҳо бериш	122
Давлат табиат ёдгорликлари	111	Далилларни қайд этиш	122
Давлат тасарруфидан чиқариш	111	Далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги	122
Давлат ташқи қарзи	111	Далолатчи	123
Давлат тили	111	Дам олиш вақти	124
Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш	112	Дам олиш ҳуқуқи	124
Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш	112	Даромад солиғи	124
Давлат тузилиши шакли	112	Даромадларни декларациялаш	124
Давлат тузилмаси	112	Дастлабқи синов	125
Давлат тузуми	113	Дастлабқи тергов	125
Давлат тўнтариши	113	Дастлабқи терговни тўхтатиш	126
Давлат уй-жой фонди	113	Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа	127
Давлат фойдасига воз кечиш	113	Даъво	127
Давлат функциялари	113	Даъво асоси	127
Давлат ҳавфсизлиги	113	Даъво муддати	127
Давлат ҳазина мажбуриятлари	113	Даъво предмети	128
Давлат харажатлари	114	Даъвогар	128
Давлат хизмати	114	Даъвони таъминлаш	128
Давлат хизматчиси	114	Дебет	128
Давлат чегараларининг дахлсизлиги	114	Дебитор	128
Давлат чегараси	114	Дебитор қарздорлик	128
Давлат чегараси режими	115	Девальвация	129
Давлат чегарасини қўриқлаш органлари	115	Девон	129
		Дезертирлик	129
		Декларация	129

Декрет	130	Дипломатик почта	139
Деликвент	130	Дипломатик ҳуқуқ	139
Деликт	130	Дипломатия	140
Делистинг	130	Директор	140
Делькредере	130	Дискриминация	140
Демилитаризация	130	Диспозитивлик	140
Демократия	130	Диспозиция	140
Демпинг	131	Дистанцион назорат	141
Демпинг маржаси	131	Диффамация	141
Демпингга қарши бож	131	Доимий рента	141
Денатурализация	131	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди	141
Денационализация	131	Доктринал шарҳлаш	141
Дендрология боғи	131	Доминион	141
Денонсация	131	Дотация	141
Депо ҳисобварағи	132	Дуайен	142
Депо ҳисобварағидан кўчирма	132	Дуалистик монархия	142
Депозит	132	Дуалистик республика	142
Депозит сертификати	132	Дунёвий давлат	142
Депозитар операциялар	132	Дўппослаш	142
Депозитар шартнома	132		
Депозитарий	132	Е	
Депозитарий фаолияти	132	Европа Иттифоқи (ЕИ)	143
Депозитарийнинг ҳисобга олиш регистрлари	133	Европа Иттифоқи Суди	144
Депонент	133	Европа Иқтисодий Ҳамжамияти	144
Депутат	133	Европа Кенгаши	144
Депутат мақоми	134	Европа Комиссияси	145
Депутат сўрови	134	Европа Парламенти	145
Депутат этикаси	134	Европа Ҳамжамияти	145
Депутатлар гуруҳи	134	Енгиб бўлмас куч	146
Депутатлар палатаси	134	Енгил тан жароҳати етказиш	146
Депутатларнинг интизомий жавобгарлиги	134	Енгилроқ ишга ўтказиш	146
Депутатлик мандати	134	Енгилроқ маъмурий жазо чорасини қўллаш	146
Депутатликка номзод	134	Ер кадастри	146
Депутатни чақириб олиш	135	Ер кодекси	146
Деспотия	135	Ер мониторинги	146
Де-факто	135	Ер назорати	147
Де-юре	135	Ер сервитути	147
Дехқон хўжалиги	135	Ер солиғи	147
Диаспора	136	Ер тузиш	148
Дигестлар	136	Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши	148
Диктатура	136	Ер участкаларига нисбатан ашёвий ҳуқуқ	149
Дилер	136	Ер участкаларини олди-сотди қилиш	149
Дилерлик фаолияти	136	Ер участкаларини хусусийлаштириш	149
Династия	136	Ер участкаси	149
Диний ташкилот	136	Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олиш	149
Диплом	137	Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи	149
Дипломат	137	Ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқи	150
Дипломатик бошпана	137	Ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи	150
Дипломатик ваколатхона	137	Ер участкасини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш	150
Дипломатик иммунитет ва имтиёзлар	138		
Дипломатик мартабалар	138		
Дипломатик миссия	139		
Дипломатик нота	139		

Ер фонди тоифалари.....	150
Ер ҳуқуқбузарлиги	154
Ер ҳуқуқи	154
Ерларни муҳофаза қилиш	155
Етим бола	155

Ё

Ёзма битимлар	156
Ёзма далиллар	156
Ёлланиш	156
Ёлланувчи	157
Ёлгон гувоҳлик бериш	157
Ёлгон детектори (Полиграф)	157
Ёлгон хабар бериш	158
Ёндош юрисдикция (Параллел юрисдикция)	158
Ёнгин хавфсизлиги қоидаларини бузиш	158
Ёпик акциядорлик жамияти	158
Ёрдамчи	158
Ёрлик	158
Ёрликлар	158
Ёш цензи	159

Ж

Жабрланувчи	160
Жавобгар	160
Жазо	160
Жазо ижросини тугатиш	161
Жазо муддатларини ҳисоблаш	161
Жазо тайинлаш	161
Жазо тизими	161
Жазони алмаштириш	161
Жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар	161
Жазони енгилроғи билан алмаштириш	162
Жазони ижро этиш	162
Жазони ижро этиш колониялари	163
Жазони ижро этиш муассасалари	163
Жазони ижро этиш муассасаларининг комиссиялари	163
Жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг қонуний талабларига бўйсунмаслик	163
Жазони ижро этиш муддати	163
Жазони ижро этишда дифференциация	164
Жазони индивидуаллаштириш	164
Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар	164
Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш	164
Жазонинг енгиллаштирилиши	165
Жамият	165
Жамоа шартномаси	165
Жамоат айбловчиси	166
Жамоат бирлашмаси	166

Жамоат иззаси	166
Жамоат ишлари	166
Жамоат тартибини сақлаш	167
Жамоат фонди	167
Жамоат хавфсизлиги	167
Жамоат ҳаракати	167
Жамоатчилик назорати	167
Жандармерия	167
Жарима	168
Жаҳон қасаба иттифоқлари уюшмаси	168
Жентльменлик битими	168
Жинорий жавобгарлик	168
Жинорий жавобгарликдан озод қилиш	169
Жинорий жавобгарликка тортиш муддатлари	169
Жинорий жазодан озод қилиш	169
Жинорий жазонинг мақсади	170
Жинорий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш	170
Жинорий оқибат	170
Жинорий равишда хомила тушириш (Аборт)	171
Жинорий уюшма	171
Жинорий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш)	171
Жинорий ўз-ўзига ишониш	171
Жиноят	171
Жиноят иши	172
Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш	172
Жиноят ишини кўзғатиш	173
Жиноят ишлари юритиладиган тил	174
Жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратиш	175
Жиноят квалификацияси	175
Жиноят кодекси	175
Жиноят кодексининг амал қилиш доираси	175
Жиноят мотиви	175
Жиноят объекти	175
Жиноят предмети	176
Жиноят процесси иштирокчилари	176
Жиноят процессида фуқаровий даъво	176
Жиноят содир қилиш боқичлари	177
Жиноят содир этиш гипотезаси	178
Жиноят содир этиш жойи	178
Жиноят содир этиш мақсади	178
Жиноят содир этишга сунқасд қилиш	178
Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш	178
Жиноят социологияси	178
Жиноят субъекти	178
Жиноят таркиби	178
Жиноят ташкилотчиси	179
Жиноят феноменологияси	179
Жиноят қидирув полициясининг халқаро ташкилоти (Интерпол)	179
Жиноят қонуни	180
Жиноят қонунининг вақт бўйича амал қилиши	180
Жиноят қонунининг орқага қайтиш кучи	180

Жиноят қуроли	180	Жиноятчиликнинг детерминантлари	189
Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш	180	Жиноятчиликнинг коэффициентлари	189
Жиноят ҳуқуқи	181	Жиноятчиликнинг махсус олдини олиш	190
Жиноят ҳуқуқи нормалари	181	Жиноятчиликнинг олдини олиш объектлари	190
Жиноят ҳуқуқи нормаларининг диспозицияси	181	Жиноятчиликнинг олдини олиш принциплари	190
Жиноят ҳуқуқи нормаларининг санкцияси	181	Жиноятчиликнинг олдини олиш субъектлари	191
Жиноят ҳуқуқида хато	181	Жиноятчиликнинг олдини олишни режалаштириш	191
Жиноят ҳуқуқининг классик мактаби	182	Жиноятчиликнинг олдини олишнинг ташкилий асослари	191
Жиноят ҳуқуқининг принциплари	182	Жиноятчиликнинг рецидив хавфлилиги	191
Жиноят ҳуқуқининг социологик мактаби	182	Жиноятчиликнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини таҳлил қилиш	192
Жиноятга дахлдорлик	183	Жиноятчиликнинг статистик таҳлили	192
Жиноятга тайёргарлик кўриш	183	Жиноятчиликнинг субъектив сабаблари	192
Жиноятда иштирокчилик	183	Жиноятчиликнинг тузилмавий таҳлили	192
Жиноятда махсус субъект	183	Жиноятчиликнинг умумий олдини олиш	192
Жиноят-ижроия кодекси	183	Жиноятчиликнинг ҳудудий ҳусусиятлари	193
Жиноят-процессуал кодекси	184	Жинс цензи	193
Жиноятлар идеал мажмуи	184	Жинсий дахлсизлик	193
Жиноятлар мажмуи	184	Жинсий эркинлик	193
Жиноятларни таснифлаш	184	Жинсий эркинликка қарши жиноятлар	193
Жиноятларнинг олдини олиш	184	Жинсий эҳтиёжни ғайритабiiий усулда кондирш	193
Жиноятларнинг реал мажмуи	185	Жисмоний ва (ёки) рухий ривожланишида нуқсонлари бўлган бола	193
Жиноятни содир этиш усули	185	Жисмоний ёки рухий мажбурлаш	193
Жиноятни содир этиш шароитлари	185	Жисмоний шахс	194
Жиноятни яшириш	185	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	194
Жиноятнинг кримнологик тавсифи	185	Жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолияти	194
Жиноятнинг объектив томони	185	Жисмоний шахсларнинг жами даромади	194
Жиноятнинг субъектив томони	185	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	195
Жиноятчи кўникмалари	185	Жосуслик	195
Жиноятчи шахси	185	Жузья (Жизя)	195
Жиноятчи шахсининг ижтимоий демографик тавсифи	186	Жюри	195
Жиноятчиларнинг классификацияси	186		
Жиноятчилик	187		
Жиноятчилик даражаси	187		
Жиноятчилик динамикаси	187		
Жиноятчилик омили	187		
Жиноятчилик сабаблари	187		
Жиноятчилик сабаблари тўғрисидаги генетик назария	188		
Жиноятчилик ҳақида абсолютизм (мутлак) маълумотлар	188		
Жиноятчилик ҳақида нисбий маълумотлар	188		
Жиноятчиликка қарши кураш	188		
Жиноятчиликка қарши кураш сиёсати	188		
Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик	188		
Жиноятчиликни башорат қилиш	189		
Жиноятчиликни қиёсий таҳлил қилиш	189		
Жиноятчиликнинг абсолютизм (мутлак) ўсиши (камайиши)	189		
Жиноятчиликнинг барқарорлиги	189		
Жиноятчиликнинг баҳоси	189		

3

Закалат	196
Закот	196
Замахшарий	196
Зарар	196
Зарар етказилган мамлакат қонуни	196
Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар	197
Зарарни қоплаш	197
Зарарнинг жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари	197
Зардушт (Зарадуст, Заратуштра, Зороастр)	197
Зардуштийлик (Оташпарастлик, Зороастризм)	197

Зарурий мудофаа	199
Зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиш	199
Захира ерлар	199
Захар	199
Зўрлик	199
Зўрлик билан содир этиладиган жиноятлар	200
Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчиларнинг криминологик тавсифи	200

И

Ижара	201
Ижара шартномаси	201
Ижара ҳақи	201
Ижарага берувчи	202
Ижарага олувчи	202
Ижмоъ	202
Ижод эркинлиги	202
Ижро варақаси	202
Ижро иш юритуви	202
Ижро йиғими	202
Ижро этувчи ҳокимият бошлиғи	203
Ижро этувчи ҳокимиятнинг дуализми	203
Ижро ҳокимияти органи	203
Ижро ҳужжатлари	203
Ижтимоий адолат	203
Ижтимоий давлат	203
Ижтимоий ёрдам	204
Ижтимоий муносабатлар	204
Ижтимоий нафақа	204
Ижтимоий рекламали ахборот	204
Ижтимоий суғурта	204
Ижтимоий суғурта бадаллари	204
Ижтимоий таъминот	205
Ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи	205
Ижтимоий тузум	205
Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар	205
Ижтимоий хавfli қилмиш	205
Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш	205
Ижтимоий хавfli ҳаракат ва ҳаракатсизлик	206
Ижтимоий хавfliлик	206
Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар	206
Ижтимоий шерикчилик	206
Ижтимоий қонунчилик	207
Ижтимоий ҳолат	207
Икки палатали парламент тизими (Бикамерализм)	207
Икки партиявий тизим	207
Икки томонлама солиққа тортиш	207
Икки томонлама суғурта	207
Икки томонлама халқаро шартнома	208
Икки фуқаролик	208

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари	208
Илмий (доктринал) шарҳлаш	208
Илмий-текшириш, тажриба-конструкторлик ва технология ишлари пудрати шартномаси	208
Илтимоснома	208
Иммигрант	208
Императив мандат	208
Империя	209
Импичмент	209
Имплементация	209
Импорт	209
Импорт ва экспорт божи	209
Имтиёзли акция	209
Имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқи	210
Инаугурация	210
Инвентаризация	210
Инвеститура	210
Инвестиция активлари	210
Инвестиция воситачиси	210
Инвестиция фаолияти	210
Инвестиция шартномаси	210
Инвестициялар	211
Инвестор	211
Индексация	211
Индемнитет	212
Индент	212
Индент-агент	212
Индивидуал-аниқ ашё	212
Индоссамент	212
Индоссант	212
Индоссат	212
Индоссацияланган коноссамент	212
Инкассатор	212
Инкассо	212
Инкассо бўйича ҳисоб-китоблар	212
Инкассо топшириқномаси	213
Инквизиция	213
Инкорпорация	213
Инкотермс	214
Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси	214
Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари	214
Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг юридик механизмлари	215
“Инсон ва қонун” газетаси	215
Инсон ҳуқуқлари	215
Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман)	216
Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш	216
Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари	216

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатлари	217	Иш ҳақи тарифи	227
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси	217	Иш ҳақидаи ушлаб қолиш	227
Инсониятга қарши жиноятлар	218	Иш ҳақининг энг кам миқдори	227
Инсоннинг яшаш ҳуқуқи	218	Ишга жойлашиш ҳуқуқи	227
Инсонпарварлик ёрдами	218	Ишга қабул қилишда дастлабки синов	227
Инсофли эгалловчи	218	Ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этиш	227
Инсофсиз рақобат	219	Ишдан бўшатиш	227
Инспекция	219	Ишдан бўшатиш нафақаси	228
Инстанция	219	Ишдан четлаштириш	228
Институционализм	219	Ишлаб чиқариш кооперативи	228
Институциялар	219	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса	228
Интеллектуал мулк	219	Ишни сирдан кўриш	228
Интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома	220	Ишни судда кўришга тайёрлаш	229
Интервенция	220	Ишонч билдирувчи	229
Интердиктлар	221	Ишонч ёрлиғи	229
Интерпелляция	221	Ишончли бошқарувчи	230
Интерпол	221	Ишончли мулк	230
Интерцессия	221	Ишончнома	230
Интизом тўғрисидаги устав ва низомлар	221	Ишсизлик нафақаси	230
Интизомий жавобгарлик	221	Ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи	231
Интизомий жазо	221	Иштирокчилик	231
Интизомий қисм	222	Иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлаш	231
Интизомий қисмга жўнатиш	222	Ишчанлик обрўси	232
Ипотека	222	Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар	232
Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Халқаро конвенция	222	Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар	232
Исбот қилиш	223	Иқтисодий жиноятлар	232
Исботлаш	223	Иқтисодий жосуслик	232
Исботлаш воситалари	223	Иқтисодий низолар	232
Исм	223	Иқтисодий ночорлик	232
Исмни ҳимоя қилиш	223	Иқтисодий хавфсизлик	232
Истеъмол кредити	223	Иқтисодий ҳудуд	233
Истеъмолчилар жамияти	224	Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт	233
Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари	224		
Истеъфо	224		
Иттифок	224		
Ихтирочилик ҳуқуқи	224		
Ички хўжалик ер тузиш	224		
Иш берувчи	224		
Иш билан таъминланиш	225		
Иш вақти	225		
Иш вақтининг қисқартирилган муддати	225		
Иш жойини ўзгартириш	226		
Иш муомаласи одатлари	226		
Иш стажи	226		
Иш стажи тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсияни тайинлаш	226		
Иш ташлаш ҳуқуқи	226		
Иш ҳақи	227		
Иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар	227		
		Й	
		Йиллик меҳнат таътили	234
		Йиғилишлар эркинлиги	234
		Йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш	234
		Йиғим	234
		Йиғма ижро иши юритиш	234
		Йўл	234
		Йўл ҳаракати хавфсизлиги	234
		Йўл ҳаракати қатнашчиси	235
		Йўл ҳаракатини ташкил этиш	235
		Йўл-транспорт ходисаси	235
		Йўловчи ташиш шартномаси	235
		Йўриқнома	235
		Йўқ қилиш	235

К

Кабал битим	236	Келишув комиссияси	245
Кадастр	236	Кенгайтирилган шарҳлаш	245
Казино	236	Кесик таркибли жиноят	245
Казуал битим	236	Киллер	245
Казуал шарҳлаш	236	Клептомания	245
Казус	236	Клерикал давлат	246
Калом илми	236	Клиринг	246
Калония	236	Клиринг палатаси	246
Кам аҳамиятли қилмиш	236	Клиринг фаолияти	246
Кам сонлилар ҳукумати	237	Кнессет	246
Камерал назорат	237	Князлик	246
Каннибализм (Одамхўрлик)	237	Князь	246
Каноник ҳуқуқ	237	Коалицион ҳукумат	246
Кант Иммануил	237	Кодекс	246
Кантон	237	Кодификация	246
Канцелярия	237	Коллегиаллик	247
Канцлер	237	Коллектив ҳавфсизлик	247
Капитан	237	Коллизион норма	247
Капитолий	237	Коллизион ҳуқуқ	247
Капитуляция	238	Колонат	247
Карантин текшируви	238	Командир	247
Картотека	238	Комбатант	247
Карцер	238	Комиссар	248
Касаба уюшмалари	238	Комиссионер	248
Касалга ёрдам кўрсатмаслик	239	Комиссия шартномаси	248
Касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш	239	Комитент	248
Касаначилик	239	Коммандит ширкат	249
Касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик	240	Коммендантлик соати	249
Касб касаллиги	241	Коммуна	249
Кассация	241	Коммунал мулк	249
Кассация инстанцияси	241	Коммюнике	249
Кассация инстанцияси судининг ажрими	241	Компаративистика	249
Кассация шикоят ва кассация протести	242	Компенсация тўловлари	249
Каторга	242	Компетенция	250
Каф	242	Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси	250
Кафиллик	242	Компьютер жиноятлари	250
Кафолат	243	Компьютер ҳуқуқи	250
Кафолат жамғармаси	243	Конвенция	250
Кафолат хати	243	Конгресс	250
Кафолатли саклаш муддати	243	Кондоминимум	251
Кафолатли тўловлар	244	Коносамент	251
Кафолатли фойдаланиш муддати	244	Консенсус	251
Кашфиёт	244	Консигнация	251
Квазидавлатлар	244	Консорциум	252
Квазиконтрактлар	244	Конституционализм	252
Квалификация	244	Конституция	252
Квалификацияланган жиноят	244	Конституциявий жавобгарлик	253
Квиритлар	244	Конституциявий жараён	253
Квитанция	245	Конституциявий келишув	253
Кворум	245	Конституциявий кенгаш	253
Келишув битими	245	Конституциявий монархия (Чекланган монархия)	253
		Конституциявий назорат	254

Конституциявий принциплар	254	Кредит	265
Конституциявий суд	254	Кредит интизоми	266
Конституциявий трибунал	255	Кредит карточкаси	266
Конституциявий тузум	255	Кредит ташкилоти	266
Конституциявий тузум асослари	255	Кредит тизими	266
Конституциявий конун	255	Кредит уюшмаси	266
Конституциявий ҳуқуқ	255	Кредит уюшмасининг аъзолари	266
Конституциявий ҳуқуқ субъектлари	256	Кредит шартномаси	266
Конституциявий ҳуқуқ тизими	256	Кредитни суғурталаш	266
Конституциявий ҳуқуқбузарлик	256	Кредитор	267
Конституциявий ҳуқуқий одат	257	Кредиторлар йиғилиши	267
Конституциявийлик	257	Крепостной ҳуқуқ	267
Конституциявий-процессуал ҳуқуқ	257	Крепостнойлик	267
Консул	257	Криминал милиция	267
Консуллик агенти	258	Криминалистик версия	267
Консуллик имтиёзлари ва иммунитетлари	258	Криминалистик идентификация	268
Консуллик йиғимлари	258	Криминалистик техника	268
Консуллик конвенциялари	259	Криминалистика	268
Консуллик мартабалари	259	Криминоген вазият	269
Консуллик муассасаси	259	Криминоген детерминат	269
Консуллик муносабатлари	260	Криминогенез	269
Консуллик патенти	260	Криминогенлик	269
Консуллик устави	260	Криминологик башорат қилиш	269
Консуллик экзекватураси	260	Криминологик башорат қилиш усуллари	270
Консуллик ҳуқуқи	260	Криминологик дастурлаштириш	270
Континентал ҳуқуқ	261	Криминологик детерминация	270
Континуитет	261	Криминологик рецидив	270
Контрабанда	261	Криминологик тавсиф	271
Контрагент	261	Криминологик тадқиқот босқичлари	271
Контракт бўйича харбий хизмат	261	Криминологик хизмат	271
Контракция шартномаси	261	Криминологик экспертиза	271
Контрасигнатура	262	Криминологик ювенология	271
Контрасигнация	262	Криминология	271
Контрафакция	262	Криминология генезиси	271
Контрибуция	262	Криминология предмети	272
Конфедерация	262	Криминопенология	272
Конфессионализм (Конфессиявийлик)	263	Криминофамилистика	272
Концерн	263	Криптография	272
Концессия	263	Кузатув	272
Концессия шартномаси	263	Кумулятив акциялар	272
Кооперация	263	Кумулятив овоз бериш	273
Корнер	264	Куч ишлатиш	273
Корпоратив давлат	264	Куч ишлатиш билан қўрқитиш	273
Корпоратив облигациялар	264	Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик	273
Корпоратив ҳуқуқ	264	Кучли рухий хаяжонланиш	274
Корпорация	264	Кўзбўямачилик учун тузилган битим	274
Корреспондентлик шартномаси	264	Кўздан кечириш	274
Коррупция	264	Кўнгиллилар	274
Кортеслар	264	Кўп партиявийлик	274
Корхона	265	Кўп томонлама халқаро шартнома	274
Корхона меҳнат жамоаси	265	Кўп хотинли бўлиш	275
Корхонани ижарага бериш шартномаси	265	Кўппоғонали сайлов	275
Корхонани сотиш шартномаси	265	Кўрсатув беришдан бўйин товлаш	275
Космик ҳудуд	265		
Космик ҳуқуқ	265		

Кўрсатувлар	275
Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш	275
Кўчмас мулкни сотиш шартномаси	276

Л

Лавозимдан четлаштириш	277
Латент жиноятчилик	277
Латентлик	277
Легал шарҳлаш	277
Легаллаштириш	277
Легитимлик	277
Лесбиянлик	277
Либерализм	278
Лизинг	278
Лизинг тўловлари	278
Лизинг фаолияти	278
Лизинг шартномаси	278
Ликвид воситалар	278
Ликвидацион дивиденд	278
Ликвидлик	279
Лимит	279
Листинг	279
Лицензиат	279
Лицензия	279
Лицензия даъвогари	280
Лицензия талаблари ва шартлари	280
Лицензия шартномаси	280
Лицензиялар реестри	280
Лицензиялаш	280
Лицензияловчи органлар	280
Лобби	280
Лоббизм	280
Лойиха ва қидирув ишлари пудрати шартномаси	281
Ломбард	281
Ломбард кредити	281
Ломброзо Чезаре	281
Лорд	282
Лорд-канцлер	282
Лордлар Палатаси	282
Люстрация	282

М

Мавсумий божлар	283
Магистрат	283
Магистратура	283
Маданий мерос	283
Маданий кадрият	283
Маданий ҳуқуқлар	283
Мадина	284
Мадраса	284

Мадҳия	284
Мажбурий ижро чоралари	284
Мажбурий келтириш	284
Мажбурий меҳнат	284
Мажбурий суғурта	284
Мажбурий улуш	285
Мажбурият	285
Мажбурият ҳуқуқи	285
Мажбуриятда шахсларнинг кўпчилиги бўлиши	285
Мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш	286
Мажбуриятларни муқобил суратда бажариш	286
Мажоритар сайлов тизими	287
Маиший пудрат шартномаси	287
Майда безорилик	287
Майор	287
Макиавелли Никколо ди Бернардо	287
Макка	288
Маклер	288
Малакали (профессионал) шарҳлаш	288
Ман этилган уруш услублари	288
Мандат	288
Мандат комиссияси	288
Мансаб йўриқномаси	288
Мансаб сохтакорлиги	288
Мансабга совуққонлик билан қараш	289
Мансабдор шахс	289
Мансабдорлик жиноятлари	289
Манткий шарҳлаш	289
Ману қонунлари	289
Маржа	289
Марказий депозитарий	289
Маркетинг	289
Мародёрлик	290
Маршал	290
Марғиноний Бурҳониддин	290
Маслаҳат овози	290
Маслаҳатхона	290
Мастлик ҳолатида содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик	291
Масъул мансабдор шахс	291
Масъулияти чекланган жамият	292
Матбуот эркинлиги	292
Матлубот кооперативи	292
Мафия	292
Маҳсус иш стажи	293
Маҳсус ҳуқуқдан маҳрум этиш	293
Маҳсус-юридик шарҳлаш	293
Махфий кенгаш	293
Махфийлик грифи	293
Маълумот цензи	293
Маълумотлар базаси	293

Маъмурий адлия	293	Мехнат таътиллари	304
Маъмурий бўйруқбозлик тизими	293	Мехнат шароитларини таъминлаш	304
Маъмурий деликтология	294	Мехнат шартномаси	304
Маъмурий жавобгарлик	294	Мехнат қилиш ҳуқуқи	304
Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс	294	Мехнат қобилияти	305
Маъмурий жазо	294	Мехнат ҳақи	305
Маъмурий жараён	294	Мехнат ҳақидан ушлаб қолиш	305
Маъмурий иш юритиш	294	Мехнат ҳақининг энг кам миқдори	305
Маъмурий йўл билан ушлаб туриш	294	Мехнат ҳуқуқи	306
Маъмурий назорат	294	Мехнатга қобилиятлилик	306
Маъмурий судлар	294	Мехнатда майиб бўлиш	306
Маъмурий шартнома	295	Мехнатни муҳофаза қилиш	306
Маъмурий юрисдикция	295	Мехнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш	306
Маъмурий камокқа олиш	295	Миграция	307
Маъмурий ҳуқуқ	295	Микрокредит	307
Маъмурий ҳуқуқбузарлик	295	Микрокредит ташкилоти	307
Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома	295	Микролизинг	307
Маъмурий-худудий бирлик	295	Микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкilotлар	308
Маъмурий-худудий тузилиш	296	Микромолиялаш	308
Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов	296	Микрофирма	308
Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар	296	Микроқарз	308
Маъмурият	296	Миллат	308
Маънавий зарар	296	Миллий ассамблея	308
Маҳаллий бошқарув	297	Миллий вакиллик	308
Маҳаллий бюджет	297	Миллий валюта	308
Маҳаллий давлат органлари	297	Миллий давлат	308
Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар	297	Миллий давлат тузилиши	308
Маҳаллий ҳокимият	297	Миллий мустақиллик	309
Маҳкум	297	Миллий рамзлар	309
Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати	298	Миллий сайлов округлари	309
Маҳсулот етказиб бериш шартномаси	298	Миллий суверенитет	309
МДҲ	298	Миллий тартиб	309
МДҲ иқтисодий суди	299	Миллий тенгҳуқуқлилик	309
Медиация	300	Миллий-давлат автономияси	309
Меморандум	300	Миллий-худудий автономия	309
Менежмент	300	Минтақавий вакиллик	310
Мерос	300	Мисдиминор	310
Мерос қолдирувчининг қарзлари бўйича жавобгарлик	300	Митинг	310
Меросдан воз кечиш	301	Микдор кўрсаткичли эксцесс	310
Мероснинг очилиши	301	Мовароуннаҳр	310
Меросхўрлар	301	Моддий жавобгарлик	310
Меросхўрлар навбати	301	Моддий таркибли жиноятлар	311
Мехнат дафтарчаси	301	Моддий ҳуқуқ	311
Мехнат ёши	302	Модел қонуни	311
Мехнат жамоаси	302	Моделлаштириш	311
Мехнат интизоми	302	Моқи қонуни	311
Мехнат кодекси	303	Моликия	311
Мехнат нафақаси	303	Молия	311
Мехнат низолари	303	Молия брокери	311
Мехнат низолари комиссиялари	303	Молия дилери	311
Мехнат стажи	303	Молия ижараси шартномаси	311
		Молия интизоми	311
		Молия йили	311

Молия тизими	311	Мудофаа	320
Молия ҳукуки	312	Мудофаа буюртмасини бажарувчи	320
Молиявий истеъмолат кредити	312	Мудофаа буюртмасининг бош ижрокиси	320
Молиявий компания	312	Мудҳиш суд китоби	320
Молиявий назорат	312	Мужтахид	320
Молиявий режалаштириш ҳужжатлари	312	Мулк ижараси шартномаси	321
Молиявий санкция	312	Мулк титули	321
Молиявий фаолият	312	Мулк шакллари	321
Молиявий ҳисобот	312	Мулк ҳукуки	321
Молиявий-саноат гуруҳи	312	Мулк ҳуқуқидан воз кечиш	321
Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар	313	Мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари (Мулк титули)	321
Молиявий-ҳуқуқий нормалар	313	Мулкий зарар	322
Молиялаш шартномаси	313	Мулкий зийёни коплаш	322
Молиялаштириш	313	Мулкий суғурта шартномаси	322
Мол-мулк жойлашган мамлакат қонуни	313	Муниципал кенгаш	322
Мол-мулк солиғи	313	Муниципал мулк	322
Мол-мулк цензи	313	Муниципал тузилма	322
Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси	313	Муниципал ҳуқуқ	322
Мол-мулкни суғурта қилиш	314	Муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат	323
Мол-мулкни хатлаш	314	Муомала лаёқати	323
Монарх	314	Муомаладаги товарлар гарови	323
Монархия	314	Мураккаб айбли жиноятлар	323
Мониторинг	315	Мураккаб иштирокчилик	323
Мониторинг маркази	315	Мурдани кўздан кечириш	324
Моногамия	316	Мурдани эксгумация қилиш	324
Монокамерализм	316	Мурожаат қилиш ҳуқуқи	324
Монопол арзон нарх	316	Муртад	324
Монополистик фаолият	316	Мусодара	324
Монополия	316	Мустамлака давлат	325
Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш	316	Мутавалли	325
Монтескье Шарль Луи	316	Мутақаллим	325
Мораторий	316	Мутлак ваколат	325
Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш	317	Мутлак ҳуқуқ	325
Муаллиф	317	Мутъа	326
Муаллифлик ва турдош ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	317	Муфатих	326
Муаллифлик ёки иxtирочилик ҳуқуқларини бузиш	318	Муфтий	326
Муаллифлик презумпцияси	318	Мухолифат	326
Муаллифлик шартномаси	318	Мушрик	326
Муаллифлик ҳуқуқи	319	Муқобил текшириш	326
Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларга ворислик	319	Муқобил хизмат	326
Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги бутунжаҳон Женева конвенцияси	319	Муҳаддис	327
Муассаса	319	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар	327
Муассис	319	Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ерлари	327
Муваққат ҳакамлик суди	319	Муҳр	327
Мувофиқлик белгиси	319	Муҳтасиб	327
Мувофиқлик сертификати	319		
Мударрис	319	Н	
Муддатлар	320	Назорат	328
Муддатли ҳарбий хизмат	320	Назорат инстанцияси	328
		Назорат тартибида текшириш	328

Н

Назорат	328
Назорат инстанцияси	328
Назорат тартибида текшириш	328

Назорат қилувчи органлар	328	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг	
Назорат қилувчи ҳокимият	329	амалга оширилиши устидан мониторинг	
Намойиш	329	қилиш маркази	338
Намунавий (оддий) лицензия	329	Норозилик нотаси	338
Наркобизнес	329	Нотрификациялаш	338
Наркомания	329	Нота	339
Наркомафия	329	Ноталар алмашуви	339
Наркотик воситалар	329	Нотариал округ	339
Нарса ва ҳужжатларни кўздан кечирish	329	Нотариал тасдиқланган битимлар	339
Нархларнинг давлат томонидан		Нотариат	339
тартибга солиниши	329	Нотариус	340
НАТО	329	Нотариуснинг фаолият кўрсатиш	
Натураллашиш	330	худуди (Нотариал округ)	340
Национализация	330	Нотификация	340
Нашриёт шартномаси	330	Нотўғри реклама	340
Нақд пуллар билан ҳисоб-китоблар	330	Нотўғри таржима қилиш	340
Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар	330	Ноу-хау	340
Негатор даъво	331	Нуллификация	340
Нейтрал худуд	331		
Нейтралитет (Бетарафлик)	331	О	
Нетто	331	Облигация	341
Неустойка	331	Облиго	341
Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш	332	Оброгация	341
Низоли ашёларни сақлаш (Секвестр)	332	Обструкция	341
Низоли битим	332	Объектив томон	341
Низом	332	Овоз бериш	341
Низом-ул-мулк	332	Огохлантириш	341
Никоҳ	332	Одам савдоси	341
Никоҳ ёши	333	Одам тери қатламининг элементлари	342
Никоҳ шартномаси	333	Одам ўлдириш	342
Никоҳдан ажратиш	333	Одам ўғирлаш	342
Никоҳнинг тугатилиши	334	Одамлардан фойдаланиш учун	
Никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги	334	уларни ёллаш	342
Никоҳсиз туғилган бола	336	Одамхўрлик	342
Нисбий ҳуқуқлар	336	Одат	342
Новация	336	Одат ҳуқуқи	342
Новелла	336	Оддий (одатдаги) акциялар	342
Ногирон	336	Оддий диспозиция	342
Ногирон бола	336	Оддий иштирокчилик	342
Ногиронлик	336	Оддий рецидив	342
Нодавлат нотижорат ташкилоти	337	Оддий шарҳлаш	342
Номенклатура	337	Оддий ширкат	342
Номоддий неъматлар	337	Оддий ширкат шартномаси	343
Номусга тегиш	337	Одил судлов	343
Норасмий инкорпорация	337	Одил судловга қарши жиноятлар	344
Норматив шарҳлаш	337	Одиллик	344
Норезидент	337	Одология	344
Нормал иш вақти	337	Ожиз аҳволдалик	344
Норматив шартнома	337	Оз миқдорда талон-тарож қилиш	344
Норасмий шарҳлаш	337	Озодликдан маҳрум қилиш	344
Норматив-ҳуқуқий ҳужжат		Оила	345
Норматив-ҳуқуқий ҳужжат		Оила аъзолари	346
лойихасининг экспертизаси	338	Оила кодекси	346
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга			
оширилиши устидан мониторинг қилиш	338		

Оила ҳукуқи	346	Официоз инкорпорация	354
Оилада ҳукмронлик	346	Офф-шор	354
Оиладаги зўравонлик	346	Охирги зарурат	354
Оккупация	346	Охлоқратия	355
Округ	346	Очиқ акциядорлик жамияти	355
Олди-сотди	347	Очиқ овоз бериш	355
Олди-сотди шартномаси	347	Ошиқча хавф манбаи	355
Олиб қўйиш	347	Ошқоралик	356
Олиб қўйиш ва тинтув	347	Оят	356
Олигархия	348	Оятуллоҳ	356
Олий Бош Қўмондон	348	Оқлов ҳукми	356
Олий Суд	348	Оқсоқоллар кенгаши	356
Омборда омонат сақлаш шартномаси	348	Оғзаки битимлар	357
Омбудсман	348	Оғзаки портрет	357
Оммавий ахборот воситалари	348	Оғзаки судлов	357
Оммавий ахборот воситалари эркинлиги	348	Оғир жиноятлар	357
Оммавий ахборот воситаси тахририятининг устави	349		
Оммавий тадбир	349		
Оммавий тартибсизликлар	349		
Оммавий тарғибот ва ташвиқот	349		
Оммавий шартнома	349		
Оммавий ҳаракат	349		
Оммавий ҳокимият	349		
Оммавий ҳуқуқ	350		
Омонат (Депозит)	350		
Омонат (Депозит) сертификати	350		
Омонат дафтarchаси	350		
Омонат сақлаш	350		
Омонат сақлаш шартномаси	350		
Она тилидан фойдаланиш ҳуқуқи	350		
Онанинг ўз чакалоғини қасддан ўлдириши	351		
Онколь	351		
Оператив бошқариш ҳуқуқи	351		
Оппозиция	351		
Оптант	351		
Оптация	351		
Опцион	351		
Орган	352		
Органик қонун	352		
Ордалия	352		
Ордер	352		
Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС)	352		
Осойишталик побони	352		
Оталиқни белгилаш	352		
Оталиқнинг суд тартибида белгиланиши	352		
Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола	353		
Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш	353		
Ота-оналик ҳуқуқининг чекланиши	353		
Ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш	353		
Ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар	354		
Оферта	354		
		П	
		Пай	358
		Пакт	358
		Палата	358
		Палаталарнинг қўшма мажлислари	358
		Панаширлаш	358
		Пандект ҳуқуқи	358
		Папа бошқаруви	358
		Папилляр нақшлар	358
		Параллел юрисдикция	358
		Парвозлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият	358
		Паритет принципи	359
		Паритет судлари	359
		Парламент	359
		Парламент баҳслари	359
		Парламент гуруҳи	359
		Парламент дахлсизлиги ҳуқуқи	359
		Парламент иммунитетти	359
		Парламент индемнитети	360
		Парламент каникуллари	360
		Парламент коалицияси	360
		Парламент комиссиялари	360
		Парламент кўпчилиги	360
		Парламент муҳолифати	360
		Парламент назорати	360
		Парламент палатаси	361
		Парламент республикаси	361
		Парламент сессияси	361
		Парламент сўрови	361
		Парламент тергови	361
		Парламент фракцияси	361
		Парламент чақириғи	361
		Парламент этикаси	362
		Парламент эшитишлари	362
		Парламент ўқишлари	362

Парламент қарорлари	362	Порнографик нарсаларни тайёрлаш	
Парламент ҳуқуқи	362	ёки тарқатиш	368
Парламентар монархия	362	Порнография	368
Парламентар республика	362	Портретли экспертиза	368
Парламентаризм	362	Портфельсиз вазир	368
Парламентарий	363	Пост-патруль хизмати	368
Парламентгача референдум	363	Почта алоқаси	368
Парламентда овоз бериш	363	Прайвеси	368
Парламентдаги кўпчилик	363	Праймериз	368
Парламентни тарқатиб юбориш	363	Преамбула	368
Парламентсиз референдум	364	Превентив чоралар	368
Партия тизими	364	Президент	368
Партия цензи	364	Президент ветоси	369
Партиясиз ҳуқумат	364	Президентлик комиссиялари	369
Паспорт	364	Президентлик республикаси	369
Паспорт тизими	364	Президентнинг дахлсизлик ҳуқуқи	369
Пассив сайлов ҳуқуқи	364	Президентура	369
Патент	364	Президенционализм	369
Патент ҳуқуқи	365	Презумпция	369
Патриций	365	Прекурсорлар	370
Патронат	365	Премьер-министр	370
Пенитенциар	365	Прерогатива	370
Пенитенциар рецидив	365	Преторлик ҳуқуқи	370
Пенология	365	Префект	370
Пенсия жамғармаси	365	Префектура	370
Пенсия турини танлаш ҳуқуқи	365	Преференциал овоз бериш	370
Пеня	365	Преференция	370
Перлюстрация	366	Прецедент	370
Персона нон грата	366	Прецедент ҳуқуқи	371
Петиция	366	Преюдиция	371
Петиция ҳуқуқи	366	Присяжныйлар суди	371
Петициявий референдум	366	Притон	371
Пикетлаш	366	Пробир назорати	371
Пиромания	366	Прокат шартномаси	371
Плагиат	366	Прокламация	371
Пластик карточкалар	366	Прокуратура органлари	371
Плебисцит	366	Прокурация	372
Плебисцит демократияси	367	Прокурор	372
Пленум	367	Прокурор назорати	372
Плюрал вотум	367	Прокурор тақдимномаси	372
Плюрализм	367	Прокурор қарори	372
Подполковник	367	Пролонгация	372
Позитив ҳуқуқ	367	Промесса	372
Пойтахт	367	Промульгация	372
Полиграф	367	Пропорционал сайлов тизими	373
Полис	367	Протекторат	373
Полиция	367	Протекционизм	373
Полиция ҳуқуқи	367	Протест	373
Полковник	367	Профессионал касбга айланган	
Пора бериш	368	жиноятлар	373
Пора олиш	368	Профессионал шарҳлаш	373
Пора олиш-беришда		Профилактик тадбирлар	373
воситачилик қилиш	368	Профилактик усуллар	373
Порахўрлик	368	Профилактик фаолият	374

Профилактик шакллар	374	Рейхстаг	382
Профилактика	374	Реквизиция	382
Профилактика инспектори	374	Рекет	382
Профилактика объекти	374	Реклама	382
Профилактика субъекти	374	Ремитент	382
Профилактика турлари	374	Рента шартномаси	382
Профилактика хизматлари	374	Рентинг	383
Процессуал кафолатлар	374	Репарация	383
Процессуал муддат	374	Репатриация	383
Процессуал муддатларни ҳисоблаш	374	Репрессалия	383
Процессуал чикимлар	375	Репрессия	383
Процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқи	376	Республика	383
Процессуал ҳуқуқ	376	Республика суд экспертиза маркази	383
Процессуал ҳуқуқий ворислик	376	Республика юристлар малакасини ошириш маркази	384
Психотроп моддалар	376	Реституция	384
Пудрат шартномаси	377	Рестрикция	384
Пул	377	Реторсия	385
Пул белгиси	377	Референдум	385
Пул бирлиги	377	Рецепсия	385
Пул мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик	377	Рецидив жиноят	385
Пул муомаласи	377	Рецидив жиноятларнинг олдини олиш	385
Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси (Факторинг)	377	Рецидив жиноятчиликнинг криминологик тавсифи	386
Пул тизими	378	Резэкспорт	386

Р

Рад этувчи референдум	379
Раёсат	379
Рамбурс кредити	379
Рамка қонуни	379
Расмий инкорпорация	379
Расмий оғохлантириш	379
Расмий шарҳлаш	379
Растрата	379
Ратификация	379
Рақобат	380
Рақобатчини обрўсизлантириш	380
Реабилитация	380
Регламент	380
Регресс	381
Регресс даъво	381
Регресс талаб	381
Регрессант	381
Регрессат	381
Регрессив солиққа тортиш	381
Резервация	381
Резидент	381
Резиденция	381
Реимпорт	381
Реинвестициялар	382

С

Сабабий боғланиш	388
Саботаж	388
Садизм	388
Сазойн	388
Сайлаб қўйиладиган орган	388
Сайлаб қўйиш	388
Сайланадиган ҳокимият	388
Сайланиш учун ўз номзодини қўйиш (Баллотировка)	388
Сайлашга вакил қилинган киши	388
Сайлов	388
Сайлов бирлашмалари	389
Сайлов блоки	389
Сайлов бюллетени	389
Сайлов гарови	389
Сайлов жараёни	389
Сайлов кампанияси	389
Сайлов квотаси	389
Сайлов кодекси	390
Сайлов комиссиялари	390
Сайлов корпуси	390
Сайлов округи	390

Сайлов органлари	390	Синов муддати	400
Сайлов тизими	390	Сиртмоксимон нақшлар	400
Сайлов участкалари	390	Сифат сертификати	400
Сайлов пензи	391	Сконто	400
Сайлов ҳаракати	391	Собий	400
Сайлов ҳукуки	391	Совук қурол	400
Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш	392	Солидар жавобгарлик	400
Сайловда овоз бериш	392	Солиситор	401
Сайловлар кассацияси	393	Солиқ агентлари	401
Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш	393	Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш	401
Сайловчи овози	393	Солиқ даври	401
Сайловчилар клуби	393	Солиқ декларацияси	401
Сайловчиларнинг рўйхати	393	Солиқ дуализми	401
Сайловчиларнинг йиғма (аралаш) рўйхати	394	Солиқ жавобгарлиги	401
Сайловчиларнинг топшириқлари	394	Солиқ кодекси	402
Самарадорлик принципи	394	Солиқ кредитлари	402
Самарали фуқаролик принципи	394	Солиқ мажбурияти	402
Самовий ҳудуд суверенитети	394	Солиқ маслаҳати	402
Самовий ҳудуднинг таркиби	394	Солиқ маслаҳатчиси	402
Санация	394	Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар	402
Санитария нормалари ва қоидалари	395	Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти	402
Санкция	395	Солиқ менежменти	402
Саноат, транспорт, алоқа, муҳофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	395	Солиқ назорати	403
Сатисфакция	396	Солиқ сиёсати	403
Сақлаш режимини ашаддий бузувчи	396	Солиқ сири	403
Саҳнхи Бухорий	396	Солиқ солинадиган база	404
Саҳобалар	396	Солиқ солиш объекти	404
Сегрегация	396	Солиқ ставкаси	404
Секвестр	396	Солиқ текшируви	404
Сенат	396	Солиқ тизими	404
Сепаратизм	396	Солиқ тўлаш	405
Сервитут	396	Солиқ тўловчилар	405
Сержант	397	Солиқ тўловчининг вакиллари	405
Сертификат	397	Солиқ тўловчининг идентификация рақами	405
Сессия	397	Солиқ тўловчининг молия-ҳўжалик фаолияти текшируви (тафтиши)	406
Сессияга чақирик	397	Солиқ конунчилиги	406
Сецессия	397	Солиқ қарзи	406
Сиёсий бошпана	397	Солиқ ҳисоботи	406
Сиёсий жараён	397	Солиқ ҳукуки	407
Сиёсий лаёқатсизлик	397	Солиқдан бошқа мажбурий тўловлар	407
Сиёсий маданият	397	Солиқлар	407
Сиёсий муносабатлар	398	Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар	408
Сиёсий одат	398	Солиққа тортиш тизими	408
Сиёсий партия	398	Сотувчи жойлашган мамлакат қонуни	408
Сиёсий партияларнинг институцияналлашуви	398	Сохта банкротлик	408
Сиёсий плюрализм	399	Сохта тадбиркорлик	408
Сиёсий режим	399	Сохталаштириш	409
Сиёсий тизим	399	Социал давлат	409
Сиёсий тузум	399	Социалистик ҳуқуқ	409
Сиёсий фаолият	399	Спикер	409
Сиёсий элита	399	Спиртли ичимликлар	409
Сиёсий ҳуқуқлар	399	Ссуда шартномаси	410

Стандарт	410	Суд қарорларини ижро этиш,	
Статус	410	судлар фаолиятини моддий-техника	
Статус-кво	410	жиҳатидан ва молиявий таъминлаш	
Статут	410	департаменти	424
Статут ҳукуқи	410	Суд қонунӣ	425
Стигмалар	410	Суд химояси	425
Субвенция	410	Суд ҳокимияти	425
Субсидиар жавобгарлик	410	Судга тааллуқлилиқ	425
Субсидия	410	Судгача низоларни ҳал этиш	426
Субституция	410	Судда жиноят ишларининг	
Субъектив томон	411	ошқора кўрилиши	426
Субъектив ҳуқуқ	411	Судланганлик	426
Сув мониторинги	411	Судланувчи	427
Сув объекти	411	Судлар ва адлия органларини	
Сув фонди ерлари	411	ривожлантириш жамғармаси	428
Сув ҳуқуқи	411	Судлар мақоми	428
Сувдан фойдаланиш лимитлари	412	Судлов ишларини юритишнинг ошқоралиғи	429
Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи	412	Судлов хайъати	429
Сувдан фойдаланувчилар	412	Судловга тааллуқлилиқ (тегишлилик)	429
Суверен ҳуқуқлар	412	Судловлилиқ	430
Суверенитет	412	Суднинг ҳал қилув қарори	430
Суверенлик	414	Судья	431
Сувни муҳофаза қилиш зоналари	414	Судьялар маслаҳатлашувининг	
Суд	414	сир тутилиши	431
Суд ажрими	414	Судьяларнинг алмашмаслиғи	431
Суд баллистика экспертизаси	415	Судьяларнинг мустақиллиғи ва уларнинг	
Суд баллистикаси	415	фақат қонунга бўйсунishi	431
Суд бошқарувчиси	415	Судьянинг алоҳида фикри	432
Суд департаменти	415	Судьянинг дахлсизлик ҳуқуқи	432
Суд ижрочиси	415	Суицид	432
Суд инстанцияси	417	Суиқасд	432
Суд ишлари юритиладиган тил	417	Сунна	432
Суд мажлиси	417	Суннийлик	433
Суд мажлиси баённомаси	418	Сура	433
Суд мажлисида раислик қилувчи	419	Сургун	433
Суд музокараси	419	Суриштирув	433
Суд муҳокамаси	420	Суриштирув органлари	434
Суд мажлисининг тайёрлов қисми	420	Суғориладиган ерлар	434
Суд назорати	421	Суғурта	434
Суд прецеденти	421	Суғурта агенти	434
Суд приставлари	421	Суғурта бозорининг профессионал	
Суд психиатрияси	421	иштирокчилари	434
Суд психиатрия экспертизаси	421	Суғурта брокери	434
Суд психология экспертизаси	421	Суғурта муқофоти	434
Суд психологияси	422	Суғурта полиси	435
Суд раиси	422	Суғурта пули	435
Суд санацияси	422	Суғурта сирӣ	435
Суд таркиби	422	Суғурта сюрвейери	435
Суд тергови	422	Суғурта таваккалчилиғи	436
Суд тизими	423	Суғурта тарифлари	436
Суд топшириғи	423	Суғурта тўлови	436
Суд хабарномаси ва чақируви	424	Суғурта фаолияти субъектлари	436
Суд эксперти	424	Суғурта ходисаси	436
Суд экспертизаси	424	Суғурта шартномаси	436

Суғурталанувчилар	436
Суғурталовчи	436
Сўровнома	437
Сўрок қилиш	437

Т

Табарий	438
Табиат боғлари	438
Табий монополия	438
Табий монополия субъекти	438
Табий ҳуқук	438
Тадбиркор	439
Тадбиркорлик	439
Тадбиркорлик субъектлари	439
Тадбиркорлик таваккалчилиги	439
Тадбиркорлик фаолияти (Тадбиркорлик) (Тадбиркорлик субъектлари)	439
Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги	439
Тадбиркорлик хавфи (Тадбиркорлик таваккалчилиги)	439
Таклиф	439
Такроран жиноят содир этиш	440
Такрорий овоз бериш	440
Такрорий сайлов	441
Такрорий экспертиза	441
Такса	441
Талабдан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (Цессия)	441
Талабнома	441
Талон	442
Талон-торож	442
Талончилик	442
Талок	442
Тамом бўлган жиноят	442
Тамом бўлмаган жиноят	442
Тамға	442
Тан жарохати	442
Тағиб олиш учун кўрсатиш	442
Танлов	443
Танловни ташкил этиш ва уни ўтказиш тартиби	443
Таносил ёки ОИТС касаллигини таркатиш	443
Тарбия колонияси	443
Таржимон	443
Тариф сеткаси	444
Тариф тизими	444
Тарифлар ва савдо бўйича бош битим	444
Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	444
Тарихий-сиёсий шарҳлаш	444
Тасарруф	444
Татуировка	444

Тафтиш	444
Тахт вориси	444
Ташкилий муносабатлар	444
Ташкилот	444
Ташкилотчи	445
Ташки бошқарув	445
Ташқи иқтисодий битим	446
Ташқи иқтисодий фаолият	446
Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси	446
Ташқи реклама	446
Ташқи сиёсат	446
Таълим муассасаси	447
Таълим муассасасининг устави	447
Тамағирлик	447
Таъсис ҳужжати	447
Таъсисчи	447
Таътилар	447
Тегишлилик	448
Тезкор-қидирув фаолияти	448
Текин фойдаланиш шартномаси	448
Текшириш	448
Текширишлар даврийлиги	449
Текширувлар муддатлари	449
Темир йўл устави	449
Темур тузуклари	449
Темурийлар давлати	450
Тенг сайлов ҳуқуқи	451
Тенг ҳуқуқлилиқ	451
Тенглик	451
Тендер	451
Теократия	451
Тергов харакати	452
Терговга тегишлилик	452
Терговчи	453
Тери нақшлари	453
Термизий	453
Террор	454
Терроризм	454
Террорчи	454
Террорчилик гуруҳи	454
Террорчилик фаолияти	454
Террорчилик харакати	454
Техник-криминалистик воситалар	454
Тиббий йўсиндаги мажбурулов чоралари	454
Тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи	455
Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси	455
Тижорат банклари	456
Тижорат ижараси	456
Тижорат кредити	456
Тижорат сири	456
Тижорат ташкилоти	456
Тизимли шарҳлаш	456
Тил суверенитети	456
Тил цензи	457

Тилхат	457	Тухмат	464
Тинтув	457	Тўғри солиқлар	464
Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар	457	Тўғридан-тўғри президентлик бошқаруви	465
Тинчлик шартномаси	457	Тўғридан-тўғри сайлов	465
Тинчликка таҳдид	457	Тўлик ширкат	465
Тинчликка қарши жиноятлар	457	Тўликсиз иш вақти	465
Тобара доктринаси	457	Тўлов топшириқномаси	465
Товар белгиси	457		
Товар бозори	457	У	
Товар истеъмол кредити	457	Узанс	466
Товар кредити	458	Узоққа чўзилган жиноятлар	466
Товарнинг баҳоси	458	Узурпатор	466
Товламачилик	458	Узурпация	466
Товон тўловлари	458	Узуфрукт	466
Толлинг	458	Узуфруктарий	466
Топилма	458	Уйғониш даври	466
Топшириладиган овоз	458	Уй-жой кодекси	466
Топширик шартномаси	459	Уй-жой сертификати	466
Тортишувчанлик	459	Уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатлари	467
Тотализатор	459	Уй-жой фонди	467
Тоталитар режим	459	Уй-жой ҳуқуқи	467
Тошкент давлат юридик институти	459	Уй-жойни ижарага бериш шартномаси	467
Тошкент давлат юридик институти қошидаги академик лицей	460	Уламо	467
Тошкент юридик коллежи	460	Улушли мулк	467
Тоғ ҳуқуқи	460	Ультиматум	468
Трайбализм	460	Умрбод озодликдан маҳрум қилиш	468
Транзит	460	Умрбод рента	468
Транзит ҳуқуқи	460	Умрбод таъминлаш шартли билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга бериш шартномаси	468
Трансплантация	461	Умумэътироф этилган халқаро принциплар	469
Транспорт воситасини ижарага бериш шартномаси	461	Умумий иш стажи	469
Транспорт воситасини олиб қочиш	461	Умумий мулк	469
Транспорт воситасини экипажи билан ижарага бериш шартномаси	462	Умумий смета	469
Транспорт воситасини экипажсиз ижарага бериш шартномаси	462	Умумий сугурта	469
Транспорт экспедицияси шартномаси	462	Умумий тартибли колониялар	469
Трансферт	462	Умумий юрисдикция судлари	470
Трансферт битимлар	462	Умумий ҳарбий мажбурият	470
Трасология	462	Умумий ҳуқуқ	470
Трассат	462	Унвон	470
Траст-компания	462	Унидруа	470
Тратта	463	Унитар давлат	471
Трибунал	463	Унитар қорхона	471
Тузилма	463	Унитаризм	471
Тузук	463	Уния	471
Туман	463	Унча оғир бўлмаган жиноятлар	471
Туманлараро, туман (шаҳар) суди	463	Упанишадлар	471
Турар жой дахлсизлиги	463	Уруш қурбонлари	471
Турдош ҳуқуқлар	463	Уруш ҳолати	472
Турма	464	Урушни тарғиб қилиш	472
Турилганлик ҳақида гувоҳнома	464	Урушнинг қонун ва удувлари	472
		Урушнинг қонун ва удувларини бузиш	473

Устав	473
Устав капитали	473
Устав фонди (Устав капитали)	473
Устун мавке	473
Усулий	473
Учинчи давлатлар	473
Учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома	473
Учинчи шахслар	474
Ушлаб турилганларни сақлаш жойлари	474
Ушлаб туриш	474
Ушлаб қолиш	475
Ушр	475
Уюшган гуруҳ	475
Уюшган жиноятчилик	476
Уюшма (Иттифок)	476

Ф

Фавкулудда суд	477
Фавкулудда экологик холатлар зонаси	477
Фавкулудда қонун	477
Фавкулудда холат	477
Факторинг	477
Факультатив протокол	477
Фалсафа ва ҳуқук институти	478
Фамилия	478
Фаол сайлов ҳуқуқи	478
Фаолиятнинг лицензияланаётган тури	478
Фарз	479
Фарзандликка олиш	479
Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш	479
Фармон	480
ФАС	480
Фатво	480
Фауна ҳуқуқи	480
Фахрий унвонлар	480
Фахрий фуқаролар	480
Фашизм	480
Факих	480
Федерал интервенция	480
Федерал канцлер	481
Федерализм	481
Федератив давлат	481
Федерация	481
Федерис қазуси	481
Фелония	481
Фемида	481
Феодализм	481
Феодосий кодекси	482
Фермер хўжалиги	482
Фидеикоммисс	482

Фидуцияр ҳисоб	482
Филиал	482
Филиация	482
Филологик шарҳлаш	483
Фирибгарлик	483
Фирма	483
Фирма номи	483
Фискал сисёат	483
Фитна	483
Фитосанитар назорати	483
Фитосанитар сертификати	483
Фикх	483
Флора ҳуқуқи	484
ФОБ (франко-борт)	484
Фойда солиғи	485
Фойдали модель	485
Фонд биржаси	485
Фонограмма ижодкорлари	485
Фонограмма ишлаб чиқарувчилар манфаатларини уларнинг фонограммаларини ноқонуний кўпайтиришдан муҳофаза қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси	485
Фоноскопия	485
Форвард битимлар	485
Формал таркибли жиноят	485
Формуляр	485
Форобий	485
Форс-мажор	486
Форум	487
Форфейтинг	487
Фоҳишахона сақлаш ёқи кўшмачилик қилиш	487
Франко	487
Франшиза	487
Франшизинг	488
Фрахт	488
Фрахтлаш шартномаси	488
Фригольдерлар	488
Фундирлаштирилган заёмлар	488
Функционал шарҳлаш	488
Фуқаро	488
Фуқаро авиацияси	488
Фуқаро муҳофазаси	488
Фуқаровий даъвогар	489
Фуқаровий жавобгар	489
Фуқаролар йиғини	489
Фуқароларнинг бирлашиш ҳуқуқи	490
Фуқароларнинг бурчлари	490
Фуқароларнинг мурожаатлари	490
Фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги	490
Фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини бузиш	490
Фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш	490

Фуқароларнинг ўзини ўзи		Халк	500
бошқариш органлари	490	Халк маслаҳатчиси	500
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши	491	Халк суверенитети	500
Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги	491	Халк ҳокимиятчилиги	500
Фуқаролиги бўлмаган шахс	491	Халқаро Арбитраж Суди	500
Фуқаролик	491	Халқаро деликт	501
Фуқаролик жавобгарлиги	492	Халқаро денгиз ҳуқуқи	501
Фуқаролик жавобгарлиги хавфи	492	Халқаро жиноятчилик	501
Фуқаролик жамияти	492	Халқаро иқтисодий ҳуқуқ	502
Фуқаролик иши	493	Халқаро конгресс	502
Фуқаролик кодекси	493	Халқаро конференциялар	502
Фуқаролик муомаласи	493	Халқаро космик ҳуқуқ	503
Фуқаролик никоҳи	493	Халқаро музокаралар	503
Фуқаролик процесси	493	Халқаро низо	503
Фуқаролик процессининг иштирокчилари	493	Халқаро одил судловни амалга оширишнинг Доимий палатаси	503
Фуқаролик процессуал кодекси	493	Халқаро оммавий ҳуқуқ	503
Фуқаролик процессуал ҳуқуқи	493	Халқаро парвозларда тижорат ҳуқуқлари	503
Фуқаролик суд ишларини юритиш	493	Халқаро Савдо Палатаси	504
Фуқаролик цензи	494	Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси (ЮНИСТРАЛ)	504
Фуқаролик ҳолати далолатномалари	494	Халқаро санкция	504
Фуқаролик ҳолатлари		Халқаро Суд	504
далолатномаларини ёзиш	494	Халқаро ташкилотлар	504
Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини қайд этувчи органлар	494	Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи	505
Фуқаролик ҳуқуқи	494	Халқаро терроризм	505
Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик	495	Халқаро трибуналлар	505
Фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг муомалада бўлиши	495	Халқаро хусусий ҳуқуқ	505
Фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш	495	Халқаро шартнома	506
Фуқаролик ҳуқуқи объектлари	495	Халқаро шартнома ҳуқуқи	506
Фуқаролик ҳуқуқи субъектлари	495	Халқаро шартномалар депозитарийси	507
Фуқароликни олиш ҳуқуқи	495	Халқаро юрисдикция	507
Фуқарони бедарак йўқолган деб ҳисоблаш	496	Халқаро ҳаво ҳуқуқи	507
Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш	496	Халқаро ҳакамлар судининг Доимий палатаси	507
Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш	496	Халқаро ҳаракатдаги транспорт воситаси	507
Фуқаронинг исми	496	Халқаро ҳудуд	507
Фуқаронинг муомала лаёқати	497	Халқаро ҳуқуқ	507
Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш	497	Халқаро ҳуқуқбузарлик	507
Фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти	497	Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик	507
Фуқаронинг яшаш жойи	497	Халқаро ҳуқуқий муносабатлар	508
Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати	498	Халқаро ҳуқуқий тан олиш	508
Фьючерс битимлари	498	Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари	508
		Халқлар ҳуқуқи	508
		Халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши	508
		Хаммурапи қонунлари	508
		Хартия	508
		Хатшунослик	508
		Хизмат	508
		Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи	508
Хабеас Дата	499		
Хабеас Корпус	499		
Хавф остида қолдириш	499		
Хавфли рецидив жиноят	499		
Хазина	499		
Хайр-эхсон	499		
Хакер	499		

X

Хабеас Дата	499	Халқларнинг ўз тақдирини ўзлари белгилаши	508
Хабеас Корпус	499	Хаммурапи қонунлари	508
Хавф остида қолдириш	499	Хартия	508
Хавфли рецидив жиноят	499	Хатшунослик	508
Хазина	499	Хизмат	508
Хайр-эхсон	499	Хизмат асарига бўлган муаллифлик ҳуқуқи	508
Хакер	499		

Хизмат бўйича чеклаш	509	Чақириб иш юритиш	516
Хизмат ва тижорат сири	509	Чақириб олинадиган аккредитив	516
Хизмат сафари	509	Чақириб олинмиши тасдиқланган аккредитив	516
Хизмат турар жойлари	509	Чақириб олинмайдиган аккредитив	516
Хирож	509	Чақириб олинмайдиган кредит	516
Ходим	509	Чақирилувчилар	516
Холдинг компания	510	Чегара олди зонаси	516
Холис	510	Чегара олди минтақаси	517
Хос ставкалар	510	Чегара олди режими	517
Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлилиги	510	Чегара хизматини ўташ қондаларини бузиш	517
Хотин-қизлар меҳнати	511	Чегараларнинг дахлсизлиги	517
Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция	511	Чегарани делимитлаш	517
Хунта	511	Чегарани демаркациялаш	517
Хурал	511	Чек	517
Хусусий ажрим	511	Чекланган монархия	518
Хусусий банк	511	Чекланган шархлаш	518
Хусусий детектив	511	Черков никоҳи	518
Хусусий корхона	512	Черков ҳуқуқи	518
Хусусий мулк	512	Чет давлат ҳуқуқини қўллаш	519
Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкати	512	Чет давлатларға даъволар	519
Хусусий уй-жой фонди	512	Чет эл банки	519
Хусусий ҳуқуқ	512	Чет эл банки ваколатхонаси	519
Хусусийлаштириш	512	Чет эл банки ваколатхонасини аккредитациялаш	519
Хўжалик низолари	513	Чет эл валютаси	519
Хўжалик процессуал кодекси	513	Чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар	519
Хўжалик суди	513	Чет эл валютасини яшириш	519
Хўжалик ташаббускорлиги эркинлиги	513	Чет эл инвестициялари	519
Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш	513	Чет эл капитали иштирокидаги банк	519
Хўжалик шартномаси	513	Чет эл фуқаролари	519
Хўжалик шартномасига бериладиган ёзма хулоса	513	Чет эл ҳужжатларини легализация қилиш талабини бекор қилувчи Гаага конвенцияси	519
Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари	513	Чет эллик инвесторлар	520
Хўжалик юритиш ҳуқуқи	514	Чин кўнгилдан пушаймон бўлиш	520
Хўжалик юритувчи субъектлар	514	Чикиндилар	520

Ц

Цензор	515
Цензура	515
Централизм	515
Цессия	515
Циркуляр	515
Циркуляр нота	515
Цицерон Марк Туллий	515

Ч

Чакана олди-сотди шартномаси	516
Чартер (фрахташ) шартномаси	516

Ш

Шайх	522
Шайхул-ислом	522
Шамсия	522
Шантаж	522
Шанхай Ҳамкорлиги Ташкилоти	522
Шариат	522
Шариат суди	523
Шартлар	523
Шартли битимлар	524
Шартли депозит	524
Шартли омонатлар	524
Шартли ҳукм қилинганлар устидан назорат	524

Шартли ҳукм қилиш	524	Шофиъия	534
Шартли ҳукми бекор қилиш	524	Шох	534
Шартнома	524	Штамп	534
Шартнома бажарилган жой қонуни	524	Штандарт	534
Шартнома интизоми	525	Штат	534
Шартнома тузилган жой қонуни	525	Штат бирлиги	534
Шартнома шартлари	525	Штат жадвали	534
Шартномадан ташқари юзага келадиган мажбуриятлар	525	Штрейкбрехер	535
Шартномани шарҳлаш	525	Шулер	535
Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш асослари	525	Шўро	535
Шарқ ренессанси	526	Шўрои уламо	535
Шаҳс	526	Шўба корхона	535
Шаҳс эркинлиги	526	Шўба хўжалик жамияти	535
Шаҳс ҳаётига тажовуз қилиш	526		
Шаҳсга қарши жиноятлар	526	Э	
Шаҳсий виктимлик	526	Эвентуал қасд	536
Шаҳсий дахлсизлик	527	Эвикция	536
Шаҳсий кафиллик	527	Эвтаназия	536
Шаҳсий номулкий ҳуқуқлар	527	Эгалик ҳуқуқи	536
Шаҳсий нота	527	Эгасиз ашё	537
Шаҳсий сугурта	527	Эгасиз металл ҳисоблар	537
Шаҳсий сугурта шартномаси	527	Эгасиз мол-мулк	537
Шаҳсий тинтув ва олиб қўйиш	528	Эгаснинг номи ёзилган қимматли қоғозлар	537
Шаҳсий қонун	528	Эгри сайловлар	537
Шаҳсий ҳаёт дахлсизлиги	528	Эгри солиқлар	537
Шаҳсий ҳисобварак	528	Эгри қасд	537
Шаҳсий ҳуқуқ ва эркинликлар	528	Эдифакт	538
Шаҳсни гаров сифатида тутқунликка олиш	529	Эдускуит	538
Шаҳсни кўздан кечириш	529	Экзегетлар	538
Шаҳсни кўчириш	529	Экзекватура	538
Шаҳснинг ҳуқуқий мақоми	529	Экзекуция	538
Шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўси	530	Экологик аудит	538
Шаън, кадр-қиммат ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш	530	Экологик барқарорлик	538
Шаҳар	530	Экологик жавобгарлик	538
Шаҳарсозлик	531	Экологик жамғармалар	539
Шаҳарсозлик кодекси	531	Экологик жиноятлар	539
Шаҳарсозлик регламенти	531	Экологик меъёрлаш	539
Шаҳарсозлик фаолияти	531	Экологик мониторинг	540
Шаҳарча	531	Экологик назорат	540
Шериклик шартномаси	532	Экологик офат минтақаси	541
Шериф	532	Экологик сертификат	541
Шеффенлар суди	532	Экологик стандарт	541
Шиалик	532	Экологик тизим	542
Шизофрения	532	Экологик уруш	542
Шикастланиш	532	Экологик хавфсизлик	542
Шикоят	532	Экологик экспертиза	542
Шимолӣ Атлантика Шартномаси	533	Экологик ҳуқуқбузарлик	543
Ташкилоти (НАТО)	533	Экологик ҳуқуқлар	543
Ширкат	533	Экология сугуртаси	543
Шовинизм	534	Экология ҳуқуқи	543
		Экосан	543
		Экоцид	544

Эксгибиционизм	544	Энг яхши кулайлик тувдириш	
Эксгумация	544	тўғрисидаги тартиб	550
Экспедитор	544	Энергетика назорати	550
Эксперимент	544	Энергия таъминоти шартномаси	550
Экспериментал авиация	545	Эпарх	550
Экспериментал ишланмалар	545	Эпнкур	550
Эксперт	545	Эр ва хотиннинг умумий мулки	551
Эксперт баҳолаш	545	Эркин божхона зонаси	551
Экспертиза	545	Эркин илмий-техникавий зоналар	551
Экспозе	546	Эркин ишлаб чиқариш зоналари	551
Экспорт	546	Эркин иқтисодий зона	551
Экспорт ва импортни квоталаш	546	Эркин мандат	551
Экспорт квотаси	546	Эркин муомалага чиқариш (Импорт)	551
Экспорт лизинги	546	Эркин омбор	551
Экспорт назорати	546	Эркин савдо зоналари	552
Экспорт субсидияси	546	Эркин тадбиркорлик зонаси	552
Экспортни ихтиёрий чеклаш		Эркин ҳаракат қилиш	552
(Ўзини ўзи чеклаш)	547	Эркин ҳуқуқ	552
Экспроприация	547	Эркинлик	552
Экстерриториаллик	547	Эрли	552
Экстрадиция	547	Эскроу	552
Экстрамукофот	547	Эстоппель	552
Экстраполяция	547		
Экстрафракт	547	Этикет	553
Экседент	547	Этикетка	553
Экседент қайта сугурталаш		Этник бирлик	553
шартномаси	547	Этник вакиллик	553
Экссесс бажарувчи	547	Эфорлар	553
Электорал адлия	548	Эшафот	553
Электорат	548	Эътиқод	553
Электр стул	548	Эътиқод эркинлиги	553
Электрон тўлов ҳужжати	548	ЭХМ учун яратилган дастур	553
Элчи	548	Эҳтиёт чоралари	554
Элчилик ҳуқуқи	548	Эҳтиётсизлик	554
Элчихона ёзишмалари	548	Эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш	554
Элчихона ходимлари	548		
Элчихонанинг консуллик бўлими	548		
Эмансипация	549		
Эмбарго	549		
Эмигрант	549		
Эмиссион банк	549		
Эмиссион даромад	549		
Эмиссион ҳуқуқ	549		
Эмиссия интизоми	549		
Эмиссиявий қимматли қоғозлар			
Эмиссиявий қимматли қоғозлар			
чиқарилишларининг			
ягона давлат реестри	549		
Эмиссиявий қимматли қоғозларнинг			
чиқарилишини давлат			
рўйхатидан ўтказиш	549		
Эмитент	550		
Эмитентнинг опционни	550		
Эмфитевзис	550		
		Ю	
		Ювенал адлия	555
		Юзлаштириш	555
		Юзнинг тузатиб бўлмайдиган	
		даражада хунуклашуви	555
		Юк ташиш шартномаси	555
		Юнистрал	556
		Юридик амалиёт	556
		Юридик атамалар	556
		Юридик аҳамиятга эга бўлган	
		фактларни аниқлаш	556
		Юридик бурч	557
		Юридик ёрдам	557
		Юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги	
		битим (шартнома)	557
		Юридик жавобгарлик	558
		Юридик журналлар	558

Юридик кафолатлар	559	Якка тартибдаги тадбиркор	
Юридик коллизия	559	(Якка тадбиркор)	569
Юридик конструкция	560	Якка тартибдаги тадбиркорни	
Юридик конфликтология	560	давлат рўйхатидан ўтказиш	569
Юридик куч	560	Яккабошчилик	569
Юридик мажбурият	560	Ялпи мажлис	569
Юридик манзил	560	Янги очилган ҳолатлар	570
Юридик маслаҳат	561	Янглишиш	570
Юридик маслаҳатхона	561	Ярадорлар ва касаллар	571
Юридик механизм	561	Ярашилганлиги муносабати	
Юридик позитивизм	561	билан жиний жавобгарликдан	
Юридик психология	561	озод қилиш	571
Юридик таълимот	562	Ярашув институти	571
Юридик техника	562	Ярмарка	572
Юридик фактлар	562	Яшаш гувоҳномаси	572
Юридик фан	562	Яшаш жойи	572
Юридик хато	563	Яшаш ҳуқуқи	572
Юридик шахс	563	Яширин иқтисодиёт	572
Юридик шахс муассиси	563	Яширин реклама	572
Юридик шахслар бирлашмалари	563	Яширин ширкат	572
Юридик шахслардан олинадиган		Яширин ҳолат	572
фойда солиғи	563	Яқин қариндошлар	572
Юридик шахсларнинг мол-мулкига			
солинадиган солиқ	564		
Юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати	564		
Юридик шахсни давлат			
рўйхатидан ўтказиш	564		
Юридик шахсни қайта ташкил этиш	564		
Юридик шахсни тугатиш	564		
Юридик шахснинг органлари	565		
Юридик шахснинг устави	565		
Юридик энциклопедия	565		
Юридик ҳужжат	566		
Юрисдикция	566		
Юрисконсулт	566		
Юриспруденция	566		
Юрист	567		
Юристлар малакасини ошириш			
маркази	567		
Юс когенс	567		
Юстиниан кодекси	567		
Ютук	567		

Я

Ягона фуқаролик	568
Ядровий терроризм	568
Ядровий қуролланиш	568
Ядросиз ҳудуд	568
Якдиллик принципи	568
Якка меҳнат низолари	569
Якка тадбиркорнинг ночорлиги	
(банкрот бўлиши)	569
Якка тартибдаги лицензия	569

		Ў	
Ўзаро уруш	573	Ўзаролик	573
Ўзаролик	573	Ўзбек давлатчилигининг тарихий	
Ўзбек давлатчилигининг тарихий		тажрибаси	573
Ўзбекистон Республикаси		Адвокатлар палатаси	573
Адвокатлар палатаси	573	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Адлия вазирлиги	574
Адлия вазирлиги	574	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги		ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги	
ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номидаги		Республика Суд экспертиза маркази	575
Республика Суд экспертиза маркази	575	Ўзбекистон Республикаси Бош вазири	575
Ўзбекистон Республикаси Бош вазири	575	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Бош прокуратураси	575
Бош прокуратураси	575	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Вазирлар Маҳкамаси	576
Вазирлар Маҳкамаси	576	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги	
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги		Олий аттестация комиссияси	576
Олий аттестация комиссияси	576	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Вазирлар Маҳкамаси Девони	576
Вазирлар Маҳкамаси Девони	576	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси		Заҳира жамғармаси	576
Заҳира жамғармаси	576	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари	576
Вазирлар Маҳкамаси фармойишлари	576	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	577
Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	577	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Давлат божхона қўмитаси	577
Давлат божхона қўмитаси	577		

Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикаси Президенти	
Давлат бюджети	577	хузуридаги Судьяларни танлаш	
Ўзбекистон Республикаси		ва лавозимларга тавсия этиш бўйича	
Давлат солиқ қўмитаси	577	Олий малака комиссияси	584
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикаси Президентига	
Ички Ишлар Вазирлиги	578	тажовуз қилиш	585
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикаси	
Ички Ишлар Вазирлиги Академияси	578	Президентининг Фармони	585
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикаси суд тизими	585
Конституциявий Суди	579	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Фанлар академияси И.М.Мўминов номидаги	
Конституциявий Суди Девони	579	Фалсафа ва ҳуқук институти	585
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги	585
Конституциявий Суди Мажлиси	579	Ўзбекистон Республикаси	
Ўзбекистон Республикаси		Қонун ҳужжатлари маълумотлари	
Конституциявий Суди Судьяси	580	миллий базаси	585
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикаси	
Конституциявий Суди тўхтаи	580	ғазна мажбуриятлари	586
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасида чет эл	
Конституциявий Суди хулосаси	580	фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати	586
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасининг	
Конституциявий Суди Қарори	580	Божхона кодекси	586
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасининг	
Марказий Банки	580	Давлат байроғи	586
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасининг	
Марказий сайлов комиссияси	580	Давлат герби	587
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасининг	
Миллий валютаси	581	Давлат мадҳияси	587
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасининг	
Олий Мажлиси	581	Давлат мустақиллиги	
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси		тўғрисидаги декларация	588
палаталарининг қўмита ва комиссиялари	581	Ўзбекистон Республикасининг	
Ўзбекистон Республикаси		Давлат сирлари	588
Олий Мажлисининг Ахборотномаси	582	Ўзбекистон Республикасининг	
Ўзбекистон Республикаси		Давлат чегараси	589
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари		Ўзбекистон Республикасининг	
бўйича вакили (Омбудсман)	582	Дипломатик ваколатхонаси бошлиғини	
Ўзбекистон Республикаси		чақириб олиш	589
Олий Мажлисининг Сенати	582	Ўзбекистон Республикасининг	
Ўзбекистон Республикаси		Ер кодекси	589
Олий Мажлисининг		Ўзбекистон Республикасининг	
Қонунчилик палатаси	582	Жиноят кодекси	589
Ўзбекистон Республикаси Олий Суди	583	Ўзбекистон Республикасининг	
Ўзбекистон Республикаси		Жиноят-ижроия кодекси	590
Олий Суди Пленуми	583	Ўзбекистон Республикасининг	
Ўзбекистон Республикаси		Жиноят-процессуал кодекси	590
Олий Суди Раёсати	583	Ўзбекистон Республикасининг	
Ўзбекистон Республикаси		Конституциявий тузумига	
Олий Хўжалик Суди	583	тажовуз қилиш	590
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасининг	
Олий Хўжалик Суди Пленуми	584	Конституцияси	591
Ўзбекистон Республикаси		Ўзбекистон Республикасининг	
Олий Хўжалик Суди Раёсати	584	Маъмурий жавобгарлик	
Ўзбекистон Республикаси Президенти	584	тўғрисидаги кодекси	591

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-худудий тузилиши	592	Ўта хавфли рецидив жиноят	600
Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси	592	Ўхшашлик	600
Ўзбекистон Республикасининг норезиденти	593	Ўч	600
Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси	593	Ўғрилик	600
Ўзбекистон Республикасининг резиденти	593		
Ўзбекистон Республикасининг референдуми	593		
Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси	594		
Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси	594		
Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси	594		
Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик процессуал кодекси	595		
Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси	595		
Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси	595		
Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси	595		
Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси	595		
Ўзбекистон судьялар ассоциацияси	596		
Ўзбекистон халқи	596		
Ўзбошимчалик	596		
Ўзбошимчалик билан иморат қуриш	596		
Ўзини ўзи чеклаш	596		
Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш	596		
Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш	596		
Ўз-ўзига ишониш	597		
Ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим	598		
Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш	598		
Ўлим	598		
Ўлим жазоси	598		
Ўлим ҳақидаги гувоҳнома	598		
Ўн икки жадвал қонуни	598		
Ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш	599		
Ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузук ҳаракатлар қилиш	599		
Ўриндошлик	599		
Ўрмон фонди ерлари	599		
Ўрмондан фойдаланиш ҳуқуқи	599		
Ўртача иш ҳақи	599		
Ўртоқлик суди	599		
Ўсимликлар карантини	600		
Ўта оғир жиноятлар	600		
		Қ	
		Қабри таҳқирлаш	601
		Қайта сугурта брокери	601
		Қалбаки битим	601
		Қалбаки (сохта) имзо	601
		Қалбаки ҳужжат	601
		Қамок	601
		Қамокда сақлаб туриш муддати	601
		Қамокда сақлаш жойлари	601
		Қамокдан қочиш	602
		Қамокка олиш	602
		Қарам хўжалик жамияти	602
		Қарамогиди бўлиш	602
		Қарз берувчи	602
		Қарз конверсияси	603
		Қарз мажбурияти	603
		Қарз олувчи	603
		Қарз шартларини ўзгартириш (Қарз конверсияси)	604
		Қарз шартномаси	604
		Қарздор	604
		Қарздорнинг айблилиги презумпцияси	604
		Қариндошлик	604
		Қаровсиз мол-мулк	605
		Қарокчилик	605
		Қарши даъво	605
		Қасамёд қилганлар суди (Присяжныйлар суди)	605
		Қасддан баданга шикаст етказиш	605
		Қасддан одам ўлдириш	606
		Қасддан содир этилган жиноят	606
		Қасос	606
		Қаттик тартибли колониялар	606
		Қатъий белгиланган солиқ	606
		Қидирув	606
		Қиёсий криминология	606
		Қиёсий реклама	606
		Қиёсий ҳуқуқшунослик	607
		Қизил китоб	607
		Қизил хоч	608
		Қийнаш	608
		Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазоланишнинг бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши Конвенция	608
		Қилмиш	609
		Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар	608

Қимматли почта жўнатмалари	608	Қонунни шархлаш	615
Қимматли қоғозлар	609	Қонунни эълон қилиш	615
Қимматли қоғозлар бозори	609	Қонуннинг амал қилиши	616
Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари	609	Қонуннинг орқага қайтиш кучи	616
Қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият	609	Қонунчилик	616
Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси	609	Қонунчилик квотаси	616
Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси	609	Қонунчилик мажлиси	616
Қимматли қоғозлар эгалари реестри	609	Қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори	616
Қимматли қоғозлар эгаси	609	Қонунчилик ташаббуси	616
Қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи	609	Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи	617
Қимматли қоғозлар эмиссияси	609	Қонунчилик техникаси	617
Қимматли қоғозларга доир битимлар	609	Қорадори	618
Қимматли қоғозларга доир фьючерс	609	Қорақалповистон Республикаси Вазирлар Кенгаши	618
Қимматли қоғозларни жойлаштириш	609	Қорақалповистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси	619
Қимматли қоғозларни номинал сақловчи	610	Қорақалповистон Республикаси Конституцияси	620
Қимматли қоғозларни чиқариш	610	Қори	621
Қимматли қоғозларнинг муомаласи	610	Қотил	621
Қимматли қоғозларнинг ҳосилалари	610	Куллик	621
Қимор ўйинлари	610	Курилиш пудрати шартномаси	621
Қиморхона	610	Қурол	622
Қирол	610	Қуролли кучлар	622
Қироллик суди	611	Қуролли кучлар резерви	622
Қисқа декларация	611	Қуролли ҳужум	622
Қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар	611	Қуролсизланиш (Демилитаризация)	623
Қози	611	Қуръон	623
Қон ҳуқуқи	611	Қўпоровчилик	624
Қонун	611	Қўшалок суғурта	624
Қонун аналогияси (Қонун ўхшашлиги)	611	Қўшилиш шартномаси	624
Қонун бўйича ворислик	611	Қўшилмаслик ҳаракати	624
Қонун ижодкорлиги жараёни	612	Қўшимча жазо	625
Қонун лойиҳаси	612	Қўшимча лизинг	625
Қонун лойиҳасини ўқиш (Парламент ўқишлари)	613	Қўшимча масъулиятли жамият	625
Қонун лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси	613	Қўшимча таътиллар	625
Қонун ости ҳужжати	613	Қўшимча ҳал қилув қарори	625
Қонун чиқарувчи ҳокимият	614	Қўшма қорхона	626
Қонун чиқарувчи ҳокимият органининг назорати	614	Қўшмачилик	626
Қонун чиқарувчи ҳокимият органлари	614	F	
Қонун юзасидан маслаҳатлашув органлари	614	Ғазна мажбуриятлари	627
Қонун ўхшашлиги	614	Ғазначилик	627
Қонун ҳужжати мониторинги	614	Ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш	627
Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси	614	Ғаразғўйлик нияти	627
Қонуний вакил	614	X	
Қонуний вакиллик	615	Ғаво кемасини олиб қочиш ёки эгаллаб олиш	628
Қонуний неустойка	615		
Қонунийлик	615		
Қонунлар тўплами	615		
Қонунни имзолаш	615		

Ҳаво кодекси	628	Ҳодиса содир бўлган жой	636
Ҳаво транспортида ташиш	628	Ҳодиса содир бўлган жойни	
Ҳаво ҳуқуқи	628	кўздан кечиш	636
Ҳаволаки (бланкет) нормалар	628	Ҳоким	636
Ҳадис	628	Ҳокимият	636
Ҳадя	628	Ҳокимият вакили	637
Ҳадя олувчи	628	Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан	
Ҳадя шартномаси	629	четга чиқиш	637
Ҳадя қилувчи	629	Ҳокимият ёки мансаб ваколатини	
Ҳакамлик битими	629	сунистеъмоқ қилиш	637
Ҳакамлик суди	629	Ҳокимият ҳаракатсизлиги	637
Ҳакамлик судьяси	630	Ҳомийлар	637
Ҳаммага маълум фактлар	630	Ҳомийлик	637
Ҳаммуаллифлик	630	Ҳомийлик дастури	638
Ҳанафия	631	Ҳомийлик олувчилар	638
Ҳанбалия	631	Ҳомийлик субъектлари	638
Ҳаракат	631	Ҳомийлик ташкилоти	638
Ҳаракатсизлик	631	Ҳомийлик фзолияти	639
Ҳарбий ёки махсус унвондан		Ҳомийлик хайриялари	639
маҳрум қилиш	631	Ҳомиладор ва болали аёлларнинг жазо	
Ҳарбий ёки муқобил хизматдан		ўташ тартиби	639
бўйин товлаш	631	Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси	639
Ҳарбий жиноятлар	631	Худуддаги жиноятчилик динамикаси	639
Ҳарбий можаролар	631	Худудий мудофаа	639
Ҳарбий мулкни нобуд қилиш ёки унга		Худудий яхлитлик	639
шикаст етказиш	632	Ҳужжат	640
Ҳарбий оккупация	632	Ҳужжатлари қалбакилаштириш	640
Ҳарбий прокуратура	632	Ҳужжатли қимматли қоғозлар	640
Ҳарбий сир	632	Ҳужжатсиз қимматли қоғозлар	640
Ҳарбий судлар	632	Ҳукм	640
Ҳарбий трибуналлар	633	Ҳукм ва ажрим (қарор) ижросини	
Ҳарбий хизмат	633	тўхтатиб туриш	641
Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан		Ҳукм устидан шикоят бериш ва	
қўмондонлик кузатуви	633	протест билдириш	641
Ҳарбий қисм ёки хизмат жойини		Ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги,	
ўзбошимчалик билан ташлаб кетиш	633	асослилиги ва адолатлилигини текшириш	641
Ҳарбий ҳаво кучлари	633	Ҳукмни ижро этиш	641
Ҳарбий ҳайъат	633	Ҳукмни эълон қилиш	642
Ҳаром	634	Ҳукумат	642
Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш		Ҳукумат бошлиғи	642
шартномаси	634	Ҳуқуқ	642
Ҳақиқат	634	Ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг универсал	
Ҳақиқатни аниқлаш	634	ўтиш назарияси	643
Ҳақиқий ҳарбий хизмат	634	Ҳуқуқ ижодкорлиги	643
Ҳақорат қилиш	634	Ҳуқуқ институти	644
Ҳидоя	634	Ҳуқуқ лаёқати	644
Ҳимоя белгиси	635	Ҳуқуқ манбалари	644
Ҳимоячи	635	Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш	644
Ҳимоячи иштирок этиши		Ҳуқуқ нормаси	645
шарт бўлган ҳоллар	635	Ҳуқуқ самаралилиги	646
Ҳимоячидан воз кечиш	636	Ҳуқуқ социологияси	646
Ҳисобварақ	636	Ҳуқуқ субъекти	646
Ҳисоб-китоб чеки	636	Ҳуқуқ тармоғи	646
Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси	636		

Ҳуқуқ тизими	646	Ҳуқуқий одат	652
Ҳуқуқ фалсафаси	647	Ҳуқуқий оила	652
Ҳуқуқ функцияси	647	Ҳуқуқий онг	653
Ҳуқуқ шакли	648	Ҳуқуқий прецедент	653
Ҳуқуқбузарлик	648	Ҳуқуқий психология	653
Ҳуқуқбузарлик объекти	648	Ҳуқуқий рағбатлантириш	653
Ҳуқуқбузарлик субъекти	648	Ҳуқуқий сиёсат	653
Ҳуқуқдорлик	648	Ҳуқуқий тарғибот	654
Ҳуқуқий амалиёт	649	Ҳуқуқий тартибга солиш	654
Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази	649	Ҳуқуқий тартибга солиш усули	654
Ҳуқуқий ворислик	649	Ҳуқуқий тизим	654
Ҳуқуқий давлат	649	Ҳуқуқий феноменология мактаби	654
Ҳуқуқий ёрдам	650	Ҳуқуқий ҳуқ-атвор	655
Ҳуқуқий жавобгарлик	650	Ҳуқуқий экспертиза	655
Ҳуқуқий идеализм	650	Ҳуқуқий ҳужжат	655
Ҳуқуқий имтиёз	650	Ҳуқуқий татбиқ этиш	656
Ҳуқуқий маданият	651	Ҳуқуқий қўллаш	656
Ҳуқуқий мафкура	651	Ҳуқуқнинг психологик мактаби	656
Ҳуқуқий мақом	651	Ҳуқуқнинг социологик мактаби	656
Ҳуқуқий муносабатлар	651	Ҳуқуқнинг тарихий мактаби	657
Ҳуқуқий нигилизм	652	Ҳуқуқ-тартибот	657
		Ҳуқуқшунос	657

ЎЗБЕКИСТОН ЮРИДИК ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

Масъул муҳаррир:	<i>Н. Тойчиев</i>
Махсус муҳаррир:	<i>М. Сатторов</i>
Муҳаррирлар:	<i>О. Эргашев</i> <i>М. Тўхташева</i>
Мусахҳих:	<i>Г. Ортиқхўжаева</i>
Техник муҳаррир:	<i>Д. Исамўхамедова</i>
Компьютерда саҳифаловчи:	<i>Н. Маманов</i>

Босишга 30.03.2009 йилда руҳсат этилди. Қоғоз бичими 84 x 108 ¹/₁₆.
Босма табағи 44,0. Нашриёт ҳисоб табағи 113,19. Адади 15 000 нусха.
15-сонли буюртма. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
ҳузуридаги «Адолат» нашриёти.
100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,
Носиров 2-тор кўчаси, 2А-уй.

«Адолат» нашриёти босмаҳонаси.
100059, Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 75А-уй.

ISBN 978-9943-332-68-3

